

# ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

БИРИНЧИ ЖИЛД

А — Д

# “ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”

## ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

**Директор** – Н.Тўхлиев.

**Директорнинг биринчи ўринбосари** – Д.А.Шораҳмедов.

**Директор ўринбосарлари** – М.Н.Аминов, А. Ниёзов.

**Тил ва адабиёт илмий таҳририяти** – А. Мадвалиев (мудир), Ҳ. Абдиев (етакчи илмий муҳаррир).

**Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими** – И.Р.Ҳодиев (бошлиқ), А. Бурхонов (бош ассистент), М. Олимов (етакчи техник муҳаррир), А. Ёқубжонов (етакчи илмий программист), Д. Ҳасанова (саҳифаловчи-оператор).

**Ўзбек тилининг изоҳли лугати:** – Т.:

Ў 16 “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
Давлат илмий нашриёти, 2006.-680 б.

Лугат ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаларини, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминларни, бир неча шевада қўлланадиган сўзларни, баъзи тарихий ва эскирган атамаларни ўз ичига олади. Лугатда берилган сўзларнинг амалда қўлланиши XX аср ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган мисоллар билан далилланган. Лугат ўзбек тилшунослиги ва туркийшунослик бўйича мутахассислар, таржимонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

**ББК 81.2Ў36-4**

Ў 70105-071  
358-2006

ISBN 5-89890-132-9

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
Давлат илмий нашриёти, 2006.



## СЎЗБОШИ

Тилнинг ривожланиш жараёнида унинг луғат таркиби (лексикаси) бошқа соҳаларига қараганда тез, сезиларли, жиддий ўзгаришларга учрайди. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Бу ўзгаришлар лексиканинг фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ривожланишини акс эттиради. Лексикадаги тараққиёт, ўзгаришлар янги луғавий бирликларнинг пайдо бўлиши ва маълум луғавий birlikларнинг йўқ бўлиши (истеъмолдан чиқиши), сўзларнинг янги маънолар касб этиши ва айрим маъноларининг йўқолиши каби ҳодисалардан иборат бўлади. Бу жараёнда луғавий birlikларнинг адабий меъёр (норма)га бўлган муносабатида, қўлланиши ва бошқа хусусиятларида турлича ўзгаришлар юз беради. Ана шундай ўзгаришлар маълум даражага келганида, уларни назарий ва амалий жиҳатдан акс эттирувчи тадқиқотларга эҳтиёж туғилади. Амалий ишларнинг асосийларидан бири эса изоҳли, тарихий ва этимологик луғатлар тузиш ҳисобланади. Икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” юзага келгандан буён ўтган йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўзбек тили лексикасида юз берган ўзгаришлар эътиборга олинса, аллақачон ана шундай луғатнинг янгисини яратиш вақти келганлиги ва бу иш ҳозирги куннинг талаби эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида тил сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши, қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Тил тараққиёти жараёнида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши қонуни тўла, эркин амал қила бошлади. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг тобора кучайиб бораётганлиги қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ана шундай омиллар таъсирида ўзбек тили луғат таркибида юз берган жиддий ўзгаришлар муносабати билан ўзбек тилининг давр талабига жавоб берадиган кўп жилдли изоҳли луғатини тузиш ва чоп этиш республика ҳукуматининг махсус қарори билан Давлат дастурига киритилиб<sup>1</sup>, уни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига юклатилди.

Янги кўп жилдли изоҳли луғатни тузишда 1981 йилда нашр этилган икки жилдли изоҳли луғат материалларидан фойдаланилди. Лекин у икки жилдли луғатнинг тўлдирилган ёки қандайдир ўзгаришлар билан қайта ишланган наشري эмас, балки лексикографиянинг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда яратилган мутлақо янги луғатдир. Бир умумий луғавий маънога эга бўлган сўз шаклларида асосийсини бериш, қолганларининг эса, маънода муайян силжиш, ўзгариш бўлмаган ҳолларда берилмаслиги; аввалги луғатда “эскирган”, “диний” каби белгилар остида берилган (ёки умуман берилмаган) тарихий, этнографик, диний терминларга янгича ёндашув; ўзбекча ёки умумтуркий бўлмаган сўз ва терминларга (арабча, форсча, байналмилал, русча ва бошқа тилларга мансуб сўзларга) мумкин қадар тўлиқ этимологик маълумот бериш кабилар ҳам ушбу луғатнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. У ҳозирги ўзбек тили лексикасининг ҳолатини ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги 311-сонли қарори ва унга илова қилинган Давлат дастури.

ривожланиш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда яратилди. Бунга ўзбек тилшунослигининг кейинги йиллардаги эркин тараққиёти, Тил ва адабиёт институтида тўпланган катта миқдордаги лексикографик материаллар имконият туғдирди.

Ўзбек лексикографиясининг тарихи Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда яратилган машҳур “Девону луғотит турк” асари билан бошланган. Ушбу луғат фақат сўзлар ва уларнинг маъноларини тавсифлаб қолмасдан, туркий халқлар тарихи, урф-одатлари, географик жойлашуви каби кенг маълумотларни ҳам қамраб олган. Шу билан бирга, у дастлабки икки тилли (туркийча-арабча), изоҳли луғатлардандир. Яна бир юртдошимиз Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Асос ул-балоға” асари ва “Муқалдимат ул-адаб” (XII аср) деб номланган тўрт тилли (араб, форс, ўзбек, мўғул) луғати билан ҳам амалий, ҳам назарий лексикография ривожига катта ҳисса қўшди. XIII асрда эса “Ат-туҳфатул-закияти фил-луғатит-туркия” деб номланган ноёб луғатлардан бири яратилди. Алишер Навоий ижодига бўлган катта қизиқиш XV асрдан кейинги даврда буюк шоир асарлари тили, умуман эски ўзбек тили билан боғлиқ бир қанча луғатларнинг яратилишига сабаб бўлди: Толе Имони Ҳиравийнинг “Бадое ул-луғат” (XV аср) номли чигатойча-форсча луғати, “Абушқа” номи билан машҳур бўлган чигатойча-туркча изоҳли луғат (XVI аср, Туркия), Муҳаммад Ёқуб Чингийнинг “Келурнома” деб номланган ўзбекча-форсча луғати (XVII аср), Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтахаб ул-луғот” номли изоҳли луғати (XVIII аср), Мирзо Маҳдийхоннинг “Санглоҳ” номли чигатойча-форсча луғати (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмоний” (XIX аср) каби ва бошқа луғатлар шу жумладандир. Шарқшунослик ва туркийшунослик фанларининг ривожланиши туфайли анъанавий луғатчилик билан бир қаторда XIX аср 2-ярмидан янгича йўналишдаги ўнлаб русча-ўзбекча, ўзбекча-русча ва умуман туркий тиллар лексикасини изоҳловчи луғатлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бу жиҳатдан Л.З.Будаговнинг 2 жилдли “Сравнительный словарь турецко-татарских наречий” (“Туркий лаҳжаларнинг қиёсий луғати”, СПб., 1869-71), В.В.Радловнинг 4 жилдли “Опыт словаря тюркских наречий” (“Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси”, СПб., 1893-1911), В.П.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг 1884-1912 йилларда бир неча марта нашр этилган “Русско-сартовский и сартовско-русский словарь” (“Русча-сартча ва сартча-русча луғат”) каби луғатлар диққатга сазовордир.

Ўзбек луғатчилиги тарихида XX аср алоҳида ўрин тутади. Бу даврда турли мақсадларни кўзда тутган кўплаб терминологик луғатлар, ўқув ва имло луғатлари, икки ва уч тилли сўзлашгичлар яратилди. Бунда, айниқса, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча, шунингдек, ўзбек тилини бошқа европа ва хорижий шарқ тиллари билан қиёслаб ўрганишга мўлжалланган луғатлар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг энг муҳимлари сифатида Е.Д.Поливановнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғат”и (Тошкент-Москва, 1926), Ашурали Зоҳирийнинг 2 жилдли “Русча-ўзбекча муқаммал луғат”и (34 минг сўз; Тошкент, 1927-28), К.К.Юдахиннинг “Қисқача ўзбекча-русча луғат”и (араб графикасида; Тошкент, 1927), У.Аҳмаджонов ва Б.Илёзовнинг “Ўзбекча-русча луғат”и (лотин графикасида; Тошкент, 1931), С.Раҳматий ва Абдулла Қодирийларнинг “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” (2-жилд, 34 минг сўз; Тошкент-Қозон, 1934; луғатнинг 1-жилди нашр этилмай қолган), В.В.Решетовнинг “Қисқача ўзбекча-русча луғат”и (Тошкент, 1935) кабиларни кўрсатиш мумкин. 40-йилларнинг бошларида 17 минг сўзли “Ўзбекча-русча луғат” (Тошкент, 1941) ва 30 минг сўзли “Русча-ўзбекча луғат” (Тошкент, 1942) яратилди ва нашр этилди. Проф. Т.Н.Қори-Ниёзий ва проф. А.К.Боровковлар таҳрири остида тайёрланган ушбу луғатлар сўзлигининг таркиби жиҳатидан ҳам, луғат мақолаларининг тўлалиги жиҳатидан ҳам аввал нашр этилган луғатлардан анча муқаммал эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти лексикографларининг республикадаги тажрибали таржимонлар билан ҳамкорликда яратган 5 жилдли “Русча-ўзбекча луғат”нинг босилиб чиқиши (78 минг сўз; Тошкент, 1950-55), 50 минг сўзли 1 жилдли “Русча-ўзбекча луғат” (М., 1954) ва 40 минг сўзли 1 жилдли “Ўзбекча-русча луғат” (М., 1959) каби луғатларнинг нашр этилиши ўзбек лексикографияси тарихида муҳим воқеа бўлди.

Мазкур луғатлар, айниқса, 1959 йилда нашр этилган “Ўзбекча-русча луғат” ўзбек тилининг дастлабки, биринчи изоҳли луғатини тузиш учун асос бўлди ва унинг илмий базасини юзага келтирди. Ушбу луғатларда ўзбек лексикографиясининг тажрибалари умумлаштирилган, ҳозирги замон ўзбек тилининг лексик-семантик тизими ва XX асрда шаклланган меъёрлари биринчи марта кенг тавсиф этилган эди.

Шундай қилиб, икки тилли луғатлар, хусусан, “Ўзбекча-русча луғат” устида олиб борилган барча ишлар, маълум маънода, изоҳли луғатни яратиш учун тайёргарлик бўлди, унга замин ҳозирлади. Бу ишлар давомида ўзбек тилининг изоҳли луғати ва ўзбекча-русча луғатларнинг тузилиши учун умумий бўлган кўпгина масалалар, жумладан, луғатда бош сўзларнинг шакли, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъновий, услубий ва грамматик тавсифлари, лексикографик белгилар тизими ва бошқа масалалар амалий равишда ҳал этилди. 60 минг сўз ва сўз бирикмасини қамраб олган 2 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (М., 1981), 2 жилдли “Русча-ўзбекча луғат” (Тошкент, 1983–84) ҳамда 1 жилдли “Ўзбекча-русча луғат” (Тошкент, 1988)ларнинг нашр этилиши ўзбек луғатчилиги тарихида янги босқични бошлаб берди.

Амалий лексикография соҳасида эришилган муайян муваффақиятлар билан бир қаторда луғатчиликнинг назарий муаммоларига – луғатшуносликка ҳам эътибор қаратилди ва изоҳли ҳамда икки тилли луғатларнинг маълум лексикографик масалаларини ҳал этишда орттирилган бой тажрибани, шунингдек, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни ёритишга бағишланган бир қатор илмий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай изланишларнинг натижа ва хулосалари тузилажак луғатларнинг сифатини яхшилашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ўзбек тилининг турли тарихий даврларига, турли функционал услубларига оид битмас-туганмас сўз бойлигини тўла-тўқис қамраб олиш учун маълум хронологик чегараларга эга бўлган, аниқ мақсадга мўлжалланган луғатлар тузиш тақозо этилади. Масалан, Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирларнинг асарларини ўқиш учун махсус луғат зарур, чунки эски ўзбек тили ҳозирги ўзбек адабий тилидан луғат таркиби жиҳатидан ҳам, грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам сезиларли фарқ қилади. Бундай луғатлар тузилган ва нашр этилган ҳам. Масалан, П. Шамсиев ва С. Иброҳимовларнинг “Навоий асарлари луғати” (Тошкент, 1972). Бу луғат биринчи марта 1953 йилда “Ўзбек классик адабиёти асарларини ўқиш учун қисқача луғат” номи билан нашр этилган эди. 1983–85 йилларда эса проф. Э.И.Фозилов раҳбарлигида шоир асарлари тилининг 4 жилдли анча мукамал луғати нашр этилди.

Ўзбек тили лексикаси, ҳатто XX асрнинг ўзини олиб қараганда ҳам, таркиб жиҳатидан бир хил эмас. Унда айрим муаллифлар томонидан ишлатилган, лекин ҳали ўзбек адабий тилига кириб улгурмаган, шунингдек, шеваларга оид сўзлар ҳам анчагина. Бундан ташқари, Ўзбекистонда қадимдан ривожланган касб-хунарларга оид, фақат хунармандлар ўртасида ишлатиладиган лексика ёки XX асрда ўзбек тилида пайдо бўлган сон-саноксиз илмий-техникавий терминлар борки, буларнинг ҳаммасини битта луғатга сиғдириб бўлмайди. Айни шу сабабли касб-хунар, шева луғатлари, терминологик луғатлар тузиш тажрибаси ҳам мавжуд. Бу жиҳатдан С. Иброҳимовнинг 3 қисмли “Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси” луғати (Тошкент, 1956–59), О. Усмон ва Р. Дониёровларнинг “Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати” (Тошкент, 1965; 2-нашри – 1972), академик Ш.Ш.Шоабдурахмонов таҳрири остида нашр этилган “Ўзбек халқ шевалари луғати” (Тошкент, 1972), Олим Усмон раҳбарлигида тузилиб нашр этилган “Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати” (Тошкент, 1976) ва бошқа ўнлаб луғатлар эътиборга лойиқ. Ўзбек тилининг янги изоҳли луғати ана шундай бой лексикографик тажриба асосида юзага келди.

Ўзбек тилининг ушбу изоҳли луғати кенг хронологик доирада ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини эмас, балки ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлашни ўзига мақсад қилиб қўяди. Чунки ўзбек тили XX асрнинг 2-ярмида, хусусан, кейинги ўн йилда янги-янги сўзлар, сўз шакллари ва ифода воситалари билан бойиди, шу билан бирга, сифат жиҳатидан ҳам анча ўзгарди. Унда янги меъёр (норма)лар,

янги хусусиятлар шаклланди ва ривожланиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар тилнинг фонетик таркиби ва алифбосида ҳам, имло ва талаффузида ҳам, морфологик ва лексик-семантик тузилмасида ҳам, стилистикаси ва грамматик қурилишида ҳам озми-кўпми ўз аксини топди. Айниқса, ўзбек тили лексикасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятнинг беқиёс тараққиёти, мамлакатимизда янги иқтисодий ислоҳотлар ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўзбек тили луғат таркибида жуда кўп янги сўзлар ва терминлар юзага келди. Кўпгина сўзларнинг маъноси ўзгарди, кенгайди, айрим сўзларнинг маъноси янада аниқлашди, ўзаро фарқланди. Буларнинг барчаси луғатда ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, луғатнинг асосий вазифаси ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга унинг меъёрларини белгилаш ва барқарорлаштиришдан иборатдир. Айни замонда у нутқ маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Луғатнинг меъёрийлиги шундан иборатки, унда адабий тилнинг имло, талаффуз, сўз яшаш ва уни ишлатиш меъёрлари тавсия этилади. Бунинг учун сўзлар луғатга, ўзларининг умумий адабий тилга муносабати, унда тутган ўрни ва қўлланиш доирасига кўра танлаб киритилган. Луғатда ҳар бир сўзнинг мақбул ёзилиш шакли, (ўзлашма сўзларнинг) келиб чиқиши – этимологияси, зарур ҳолларда, талаффузи кўрсатилган, маъноси (ёки маънолари) аниқланган ва изоҳланган, сўзларнинг аниқланган маънолари ва шу маъноларда тўғри қўлланиши ўзбек бадиий ва илмий адабиётидан, матбуотдан олинган мисоллар – иқтибослар билан далилланган.

Лекин меъёрни пайқаш, меъёрий ҳолатларни ажратиб олиш осон иш эмас. Шу сабабли адабий тил меъёрларини белгилашда луғатда айрим камчиликлар, мунозарали, баҳсли ҳоллар бўлиши табиийдир. Луғатнинг юзага келиши, адабий тил меъёрларини қатъий, барқарор ҳолга келтириш билан бирга, унда узил-кесил ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш ва бартараф қила бориш учун ҳам ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, меъёрий луғат адабий тил меъёрларини белгилашга интилар экан, меъёрларни абадийлаштирмайди. Чунки тил меъёрлари ҳам, тилнинг ўзи каби, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ўзгариб, ривожланиб туради.

Ўзбек тилининг ушбу изоҳли луғатини тузишга киришишдан олдин катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бадиий адабиёт намуналарига таяниб, луғатнинг лексик асоси – луғат картотекаси фондини тўлдириш ва бойитишга алоҳида эътибор берилди. Чунки тилнинг бойлиги ва меъёрлари, аввало, сўз усталарининг асарларида акс этади, сайқал топади. Натижада картотека фондида Фитрат, Абдулла Қодирий, Қўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан бошлаб то шу қунгача бўлган ўзбек ёзувчилари асарларидан ҳамда ўзбек тилида нашр этилган ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, диний-фалсафий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлардан, вақтли матбуот ва қисман бошқа тиллардан ўзбекчага қилинган таржималардан олинган уч миллионга яқин мисол-карточка тўпланди.

Луғат картотекаси фондини бойитиш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор А. Ҳожиев томонидан “Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома” ишлаб чиқилди ва нашр этилди (Тошкент, 2000). “Йўриқнома” нашр этилишидан олдин унинг қўлёзмаси мутахассислар орасида кенг муҳокама қилинди.

Луғатнинг айрим ҳарфларини Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор Ш. Шоабдурахмонов, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидов, филология фанлари докторлари, профессорлар А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва А. Маматов, физика-математика фанлари доктори, профессор Ш. Эгамбердиев, география фанлари доктори С. Қораев, филология фанлари номзоди С. Олимовлар кўриб чиқдилар. Луғат сифатини яхшилашга хизмат қилган қимматли фикр-мулоҳазалари, маслаҳатлари учун муаллифлар жамоаси ва Институт раҳбарияти уларга самимий миннатдорчилик билдиради.

Луғат қўлёзмасининг дастлабки ва сўнгги, якуний таҳрири, этимологик маълумотларни тегишли манбалар асосида аниқлаштириш, муҳокама ва тақриزلарда билдирил-

ган барча фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда филология фанлари номзоди А. Мадвалиев томонидан амалга оширилди.

“Луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш” қисми А. Ҳожиёв томонидан ёзилди. А, В, Е, И, Й, К, Л, М, Т, У, Ш, Э, Ю, Я, Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҳарфлари А. Ҳожиёв, Б, Д, Ф ҳарфлари филология фанлари доктори, профессор Э. Бегматов (Б, Д ҳарфлари А. Мадвалиев билан ҳамкорликда), Г, Е, Ж, З ҳарфлари филология фанлари доктори Э. Умаров (ҳар тўртала ҳарф А. Мадвалиев билан ҳамкорликда), Н, О ҳарфлари филология фанлари номзоди Н. Маҳкамов, П, Р ҳарфлари филология фанлари номзоди З. Мираҳмедова, С, Х, Ц, Ч ҳарфлари филология фанлари номзоди Д. Худойберганова (С ҳарфи А. Мадвалиев билан ҳамкорликда) томонидан тузилди (С ҳарфининг дастлабки вариантыни тузишда филология фанлари доктори М. Содиқова иштирок этган).

Луғатнинг дастлабки таҳрирдан кейинги компьютер нусхаси кичик илмий ходимлар Р. Қиличев, И. Панасенко ва Д. Ҳакимовлар томонидан, сўнги таҳрир асосидаги компьютер нусхаси катта илмий ходим Э. Панасенко томонидан тайёрланди. Техник ишларни бажаришда кичик илмий ходимлар Ж. Маматов, Н. Чинниқулов, Д. Акбарова, С. Сатторова ва О. Жумаевлар иштирок этишди.

Муаллифлар жамоаси ушбу луғатнинг нашр этилиши кенг ўқувчилар оммасининг эҳтиёжини маълум даражада қондирад, ўзбек адабий тили меъёрларининг барқарорлашувиغا, нутқ маданиятининг янада юксалишига ёрдам берар, деб умид қилади.

Азиз ўқувчилардан луғат ҳақидаги мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини куйидаги манзилларга юборишларини сўраймиз: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига – 700170, Тошкент-170, академик И. Мўминов кўчаси, 9-уй ва “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётига – 700129, Тошкент-129, Навоий кўчаси, 30-уй.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти*

## ЛУГАТНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Луғат унга киритилган луғавий бирликлар ва уларга тузилган луғат мақолаларидан ташкил топган.

Луғавий бирлик деганда, одатда, луғатга киритилган ва луғат мақоласи тузиладиган сўз (бош сўз) тушунилади. Лекин бу терминни кенгроқ маънода, яъни изоҳли луғатда маъноси (маънолари) белгиланиб, унга (уларга) изоҳ бериладиган – луғат мақоласи тузиладиган бирлик маъносида тушуниш тўғри ва мақбулдир. Шундай тушунилганда, фақат луғатга киритилган сўзларнигина эмас, ёрдамчи сўзлар билан ҳосил қилинган (ажратиб ёзиладиган) *масдиқ қилмоқ* каби ясама сўзларни, шунингдек, бош сўз иштирокида юзага келган турғун бирикмаларни (мас. *бош* сўзи иштирок этган *боши осмонга етди*, *боши қотди* каби ибораларни) ҳам луғавий бирлик (изоҳланувчи бирлик) деб қараш ўринли бўлади.

Луғатга киритилган сўзлар алифбо тартибида берилади ва улар, одатда, луғатнинг сўзлиги деб қаралади. Бу нотўғри эмас. Лекин масалага (ҳодисага) юқоридаги каби кенгроқ маънода қаралган тақдирда, фақат луғатга киритилган сўзларгина эмас, балки луғатга киритилган ва маънолари белгиланиб, изоҳ билан таъминланувчи ажратиб ёзиладиган ясама сўз ва турғун бирикмалар ҳам луғатнинг сўзлигини ташкил этади. Лекин улар, маълум принцип асосида, бош сўзга тузилган луғат мақоласи ичида берилади.

**1. Бош сўз.** Луғат сўзлигидан ўрин олган ҳар бир сўз *бош сўз* дейилади. Қуйидаги сўз ва сўз шакллари луғатга киритилди, яъни бош сўз сифатида берилди:

**Умумистеъмолдаги сўзлардан:** 1. Ҳозирги ўзбек тилида умумистеъмолда бўлган, адабий тилга оид мустақил (туб ва ясама) сўзлар, ёрдамчи сўзлар, ундов ва тақлид сўзлар, шунингдек, модал сўзлар.

2. Сўзнинг ўз вазифа ва маъносидан ташқари луғавий маъно ҳам касб этган шакли. Мас., *қушдек*, *қип-қизил*, *ўқувчи* сўз шакллари “*енгил*”, “*ғирт*”, “*ўтакетган*”, “*талаба*” маъносига ҳам эгаллиги туфайли бош сўз сифатида берилади.

Феълнинг нисбат шаклларини киритиш-киритмасликда ҳам шу йўл тутилади, яъни нисбат шакли нисбат маъносидан ташқари луғавий маънога ҳам эга бўлса, луғатга киритилди.

3. Бир ёки ҳар иккала қисми мустақил қўлланмайдиган жуфт ва такрорий сўзлар: *бозор-ўчар*, *ола-кула*, *ади-бади*, *лаш-луш*, *ўлда-жўлда*, *чақма-чақар*, *бирдан-бир*, *лов-лов*, *мўлт-мўлт* ва ш.к. Лекин иккинчи қисми фонетик ўзгариш билан қўлланувчи (жамлик ифодаловчи) *ош-пош*, *ирим-сирим* каби жуфт сўзлар луғатга киритилмади.

4. Сўзнинг адабий тилда параллел қўлланувчи *адаб-одоб*, *каптар-кабутар*, *набира-невара*, *маъно-маъни* каби, *шоир-шоира*, *муаллим-муаллима* каби жинс билдирувчи вариантлари, шунингдек, бир сўзнинг тарихий, бадиий ва б. асарларда қўлланувчи вариантлари: *бирлан-бирла*, *била* каби.

**Чегараланган лексикадан:** 1. Кўпчилик қўллайдиган ва тушунадиган, дарслик, илмий-оммабоп асар ва даврий матбуотда кўп қўлланадиган терминлар: *инқилоб*, *иқтисод*, *кўпайтирув*, *акция*, *тола*, *рақс*, *эмлаш*, *шудгорлаш* ва б.

2. Касб-ҳунар лексикасидан ҳам кўпчилик тушунадиган ва қўллайдиган *чарх*, *арра*, *танда*, *ранда*, *эгов*, *искана* каби сўзлар, шунингдек, *косиб*, *дурадгор*, *қурувчи*, *куллол*, *пардозчи* каби касб эгасини билдирувчи сўзлар ва улардан ясалган *дурадгорлик*, *хунармандчилик*, *куллолчилик* каби соҳа номини билдирувчи сўзлар.

3. Оддий сўзлашув нутқиға оид сўзлардан кўпчилик қўллайдиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиган *бирам, ўлғудай, кетворган, шунақанги, муллажиринг* кабилар, шунингдек, нутқнинг маълум бир турига хос бўлган *нанна, ҳачу* (болалар нутқиға хос); *ўргилай, қоқиндиқ* (аёллар нутқиға хос) каби сўзлар.

4. Шевага оид сўзлардан: 1) адабий тилда параллел қўлланадиган *каравот-сўри-чорноя* каби сўзлар; 2) адабий тилга мансуб бўлмаса ҳам, кўпчилик шеваларда қўлланадиган ва ёзма манбаларда ҳам учрайдиган *гурунг, манглай, қўноқ* каби сўзлар; 3) адабий тилда варианты бўлмаган, маълум бир ёки бирдан ортиқ шевада қўлланадиган *елвизак, елгагай, арчимоқ, арна* каби сўзлар.

5. Тарихий сўзлардан ўтмишни ёритиш ва тасвирлашга оид ишларда қўлланадиган *хон, амир, қарол, чоракор, батрак, қози, миришоб, омоч, чақирим* каби сўзлар.

6. Эскирган сўзлардан ўз вақтида кенг истеъмолда бўлиб, ҳозирда бошқа сўз билан алмашган ёки илмий, бадиий асарлар ва бошқа манбаларда қўлланувчи *дорилфунун, кашшоф, чағир, илик, айламоқ* каби сўзлар.

7. Ҳозирги тилда мустақил ҳолда деярли қўлланмайдиган, ҳатто бутунлай истеъмолдан чиққан, лекин истеъмолда бўлган мақол, матал ва тургун иборалар таркибида, шунингдек, маълум бир сўз билангина қўлланувчи *нил* (бўёқчининг нилими), *бебилиска* (бебилиска пул), *чумак* (чумак урмоқ), *барҳам* (барҳам бермоқ), *миқ* (миқ этмаслик), *ато* (ато қилмоқ) каби сўзлар.

8. Диний тушунчаларни билдирувчи, оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўлланадиган *ақиқа, азон, руза, ийд, намоз, никоҳ, фотиҳа, черков, буддизм, насроний* каби сўзлар.

9. Халқлар номларидан: 1) кўпчиликка маълум халқларни билдирувчи *ўзбеклар, турклар, англизлар, немислар, французлар, араблар, хитойлар* каби сўзлар; 2) тарихда маълум роль ўйнаган, шу туфайли номи ҳозирги ёзма манбаларда учрайдиган халқ, қабила ва сулолаларни билдирувчи *сугдлар, салжукийлар, қорахонийлар, хазарлар* ва ш. к.; 3) ўзбек халқи таркибига кирувчи қабила ва уруғ номлари: *қарлуқлар, қипчоқлар, манғитлар, қирқлар, найманлар* каби сўзлар худди шундай (кўплик) шаклида луғатга киритилди.

10. Шўро даврида кенг истеъмолда бўлган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин бошқа сўз билан алмаштирилган *революция* (инқилоб), *экономика* (иқтисодиёт), *план* (режа), *район* (туман), *область* (вилоят), *массив* (даҳа), *минут* (дақиқа) каби сўзлар киритилди.

Юқоридаги бандларда қайд этилган талабларга мос келмайдиган (жавоб бермайдиган) сўзлар ва сўз шакллари, шунингдек, қисқартмалар (ХДП, ИИБ каби), атоқли отлар изоҳланувчи бирлик (бош сўз) сифатида луғатга киритилмади.

Луғатга сўз танлаш ҳақидаги қисқа тарзда айтилганлардан маълум бўлдики, буларга амал қилиш билан шу масалада (луғавий бирлик, унинг вариантлари ва ш. к. жиҳатдан) адабий меъёр (норма) белгиланди ва бу ишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада шу вақтга қадар давом этиб келаётган баъзи нуқсон ва хатоликлар тузатилди. Мас., 1976 йилда “Фан” нашриёти томонидан чоп этилган “Ўзбек тилининг имло луғати”да *кавламақ, ковак* сўзлари худди шундай берилган. Икки жилдди изоҳли луғатда эса *кавак, ковламақ* шаклида берилган. Ваҳолонки, бу икки сўздаги “К” ҳарфидан кейинги ҳарф бир хил бўлиши, аниқроғи “О” ёзилиши керак. Чунки уларнинг иккаласи ҳам аслида *ков* сўзидан ясалган: *ков+ак, ков+ламақ* (Луғатда улар худди шундай шаклда берилди).

Луғатга киритилган бош сўздан ёрдамчи сўз орқали ҳосил қилинган (ажратиб ёзиладиган) ясама сўзлар, тургун бирикмалар бўлса, улар бош сўзга тузилган луғат мақоласи ичида, бош сўзнинг ўзига тузилган луғат мақоласи ниҳоясига етгач, янги абзацдан қора ҳарфлар билан аввал ясама сўзлар, уларга тузилган луғат мақолаларидан сўнг эса тургун бирикмалар изоҳланувчи бирлик сифатида берилди. Демакки, уларнинг ўзига луғат мақоласи тузилди.

Тургун бирикмалар ҳам луғатга киритиладиган сўзларга қўйиладиган (юқорида қайд этилган) талаблар асосида луғатга киритилди. Яъни умумистеъмолда бўлган, шунингдек,

қўлланиш доираси чегараланган турғун бирикмалардан кўп ишлатиладиган, ёзма нутқда ҳам кўп учрайдиганлари киритилди. Булар қуйидагилар:

1. Оғзаки ва ёзма нутқда кўп қўлланидиган, турли соҳага оид бирикма терминлар: *миллий даромад, даромад солиғи, атроф муҳит, маъмурий жазо, меҳнат дафтарчаси, қон босими, жарима тўғи* ва ш. к.

2. Маъноси таркибидаги сўзлар маъносига тенг бўлмайдиган (одатда “қўшма сўз” деб қаралувчи) *назар солмоқ, жавоб бермоқ, лойиқ кўрмоқ, озор бермоқ* ва ш. к.

3. Таркибидаги бирор сўз кўчма маъноли бўлган бирикмалар: *оқ кўнғил, кўнғли оқ, қора кўнғил, кўнғли қора, қўли гул* ва ш. к.

4. Кўчма маъноли иборалар (фразеологизмлар): *амманнинг бузоғи, уччига чиққан, оёғини қўлга олмоқ, тошингни тер* ва ш. к.

5. Изоҳ талаб этувчи мақол ва маталлар: *Темирни қизигида босмоқ. Синамаган отнинг сиртидан ўтма. Сўқир кўзга сурма. Кўза кунда эмас, кунда синади* ва ш. к.

Бирор сўзга тузилган луғат мақоласига киритиладиган юқорида келтирилган типдаги турғун бирикмалар бўлса, улар худди шу беш банддаги тартибда берилди ва ҳар бирининг маъноси (маънолари) қайд этилиб, уларга изоҳ берилди, шунингдек, бу маъно ва изоҳларни тасдиқловчи мисоллар ҳам келтирилди.

Маълум бўлдики, луғат мақоласи бош сўзнинг ўзига тузилган бўлиши ёки шу бош сўздан ҳосил қилинган ясама сўз ҳамда таркибида шу сўз иштирок этган турғун бирикмалар бўлса, уларга тузилган луғат “мақолача”ларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. (Мас., АМАЛ сўзига тузилган луғат мақоласига қаранг).

Бош сўзлар (мустақил сўзлар) ноль шаклда (бош шаклда) берилди (Унинг “шакл” дейилиши ҳам шартли бўлиб, ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмайди). Фақат халқ, қабила, элат номлари, шунингдек, айрим терминлар кўплик шаклида берилди. Шу билан бирга, бирлик шакли ҳам бош сўз сифатида берилди. Мисол:

**ЎЗБЕК** [изоҳ]...

**ЎЗБЕКЛАР** [изоҳ]...

Омонимлар алоҳида-алоҳида сўз сифатида рим рақамлари билан (нуқтасиз) бош сўз қилиб берилди. Мисол:

**BOF I 1** Мевали дарахт, гул, ток ва ш. к. банд этган ер майдони...

**BOF II 1** Боғлайдиган нарса ва унинг тугилган (боғланган) жойи...

Омографлар ҳам бошқа-бошқа сўз сифатида бош сўз қилиб берилди. Уларнинг урғудаги фарқи қайд этилди. Мисол:

**МЕХАНИК** (от)...

**МЕХАНИК** (сфт.)

**ҲОЗИР** [изоҳ]. *Ҳозир аҳвол бошқача.*

**ҲОЗИР** (шу онда). *Ҳозир кетди.*

Феъллар -моқ шаклида (*ишламоқ, келмоқ*) берилди. Лекин бу шакл шартли бўлиб, ҳеч қандай грамматик маънога эга бўлмайди.

Сўзнинг бирор шакли шу шаклга хос маъно ва вазифадан бошқа маъно ва вазифа касб этган бўлса, шу шакл бош сўз сифатида берилди ва ҳар бир маъно, вазифаси қайд этилди. Мисол:

**ТОРТИБ I** **Тортмоқ** фл. рвдш. *Тортиб йиқитмоқ...*

**2** кўм. [изоҳ] *Катталардан тортиб ёшларгача.*

Бош сўз мустақил қўлланмай, бирор сўз билан ёки турғун ибора таркибида қўлланидиган бўлса, унинг кетидан остин-устун икки нуқта (:) қўйилиб, сўнгра шу сўз билан берилди. Мисол:

**ЛОМ-МИМ:** лом-мим демаслик...

**НИЛ:** бўёқчининг нили...

Ажратиб ёзиладиган ясама сўз ва турғун бирикмалар ҳам, асосан, юқоридаги принципга, яъни от бўлса, бош келишида, феълга тенг бўлса, -моқ шаклида берилди. Лекин баъзи турғун бирикмалар (фразеологик бирикмалар) нутқда маълум бир шаклдагина қўлланади



ва улар луғатда ҳам худди шу шаклида берилди. Мас., *илоннинг ёғини ялаган, ёғ тушса ялағудай, илон нўст ташлайди* иборалари фақат шу шаклида қўлланади ва луғатда ҳам шу шаклда берилди. Мисол:

Бош сўз кўп маъноли бўлса, фразеологик иборалардан бошқа иборалар бош сўзнинг қайси маъносига алоқадор бўлса, шу маъносиди (шу маъносининг изоҳи ва унга берилган мисоллардан сўнг) берилди. Фразеологик ибора (иборалар) луғат мақоласи охирида берилди. Мисол:

**БОШ 1.** Тананинг бўйиндан юқори қисми. *Одамнинг боши... Бошини олмоқ... Бошим кал, кўнглим нозик...*

2 Ақл, эс... *Бошига келмоқ...*

6 Энг олдинги, биринчи. (ўриндаги)...

**Бош гап (тлш.)... Бош сўз 1) айн. сўз боши...;** 2) изоҳли луғатда алифбо тартибда берилган, унга луғат мақоласи тузиладиган муайян сўз...

**Бош олиб кетмоқ... Бир ёқадан бош чиқариб...**

**Эслатма 1.** Турғун иборалар шу ибора таркибида албатта қатнашадиган (мажбурий компоненти бўлган), шу иборанинг шаклланишида асосий сўз ҳисобланувчи сўзга тузилган луғат мақоласида берилди. Мас., *ҳамма бир ёқадан бош чиқарса* жумласидан *бир ёқадан бош чиқармоқ* ибора сифатида берилди ва у *бош* ёки *ёқа* сўзига тузилган луғат мақоласига киритилди (*ҳамма* сўзи ибора таркибига киритилмади).

2. Бир сўз ёки унинг маъноларига киритиладиган бир типдаги иборалар, мақол ва маталлар бирдан ортиқ бўлса, алифбо тартибда берилди. Фразеологик иборалар ҳам алифбо тартибда берилди.

3. Турғун ибораларнинг вариантлари (таркибий қисмида бўладиган ўзгариш) қавс ичида ёки сўзи билан кўрсатилди. Мас., *азоб тортмоқ (ёки чекмоқ), кўнгли (ёки феъли) тор, кўнгли жойига (ёки ўрнига) тушмоқ, кўнгли оқ (ёки оқ кўнгил).*

2. Луғат мақоласининг бош сўздан кейинги компоненти бош сўзнинг **этимологияси ҳақидаги маълумотдир.**

Этимологик маълумот қардош бўлмаган чет тил сўзларига берилди. Бунда муайян сўз асли мансуб бўлган тил (шартли қисқартма билан), сўзнинг шу тилдаги ёзилиши ва маъноси қайд этилди.

**ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ** [лат. differentia – фарқланиш] ...

**СУКУТ** [а. سكوت – индамаслик]...

Ўзлашма сўз таркибий қисмлардан, жумладан, сўзлардан ташкил топган бўлса, бу ҳолат ҳам қайд этилди. Мисол:

**АНТРОПОЛОГИЯ** [юн. anthropos – одам + logos – таълимот]...

Бир сўз ясалиш асосидан ҳосил қилинган ясама сўзларга, зарурат бўлмаган ҳолларда этимологик маълумот берилмади. Фақат сўз ясалишига асос бўлган сўзгагина этимологик маълумот берилди. Мас., *анархия, анархизм, анархист (анархиячи)* сўзларидан фақат *анархия* сўзига этимологик маълумот берилди:

**АНАРХИЯ** [юн. anarchia – ҳокимиятсизлик]...

Ўзлашма қўшма сўзларнинг қисмлари луғатда алоҳида-алоҳида бош сўз қилиб берилган бўлса, уларга этимологик маълумот берилиб, қўшма сўзнинг ўзига бундай маълумот бериш шарт бўлмади. Мас., *айбнома* сўзининг (луғатга киритилган) *айб* ва *нома* қисмларига (шу сўзларга) этимологик маълумот берилди. Лекин *айбнома* қўшма сўзининг ўзига эса – шарт эмас. *Агротехника, гидробиология* сингари терминлар ҳақида ҳам айна фикрни айтиш мумкин.

**Эслатма.** Ўзлашма сўзнинг аслида қайси тилга мансублиги аниқ бўлмаса, шунингдек, уни ҳозирги ёзув ёки ёзувлардан бири билан ифодалаш қийин ёки умуман мумкин бўлмаса, этимологик маълумот берилмади.

Луғат мақоласининг этимологик маълумотдан кейинги қисми бош сўзга, унинг маъноси олдида бериладиган **грамматик, услубий ва ҳавола этувчи қайдлардир.** Улар қисқартма шаклида берилди.

**Грамматик белгининг қисқартмалари:** *бирг. н.* (биргалик нисбати), *бирл.* (бирлик сон), *боғл.* (боғловчи), *вазф.* (вазифасида), *куч.* (кучайтирма шакл), *кичр.* (кичрайтиш шакли), *кўм.* (кўмакчи), *кўпл.* (кўплик сон), *мажх. н.* (мажхул нисбат), *мод. с.* (модал сўз), *олм.* (олмош), *орт. н.* (орттирма нисбат), *рвдш.* (равишдош), *рвш.* (равиш), *сфдш.* (сифатдош), *сфт.* (сифат), *тақл. с.* (тақлидий сўз), *унд. с.* (ундов сўз), *фл.* (фёъл), *эркл.* (эркалаш шакли), *юкл.* (юклама), *ўзл. н.* (ўзлик нисбат), *ҳар. н.* (ҳаракат номи).

“Услубий белги” деганда, “услубий” сўзи кенгроқ маънода, яъни грамматик белгидан бошқа характеристикаларни қайд этувчи белгилар маъносида қўлланди.

Улар: *бол.* (болалар нутқиға оид), *махс.* (касб-ҳунарға оид), *поэт.* (поэтикаға, поэзияға оид), *кт.* (китобий сўз), *с.т.* (сўзлашув тилиға оид), *фольк.* (фольклорға оид), *х.-қ.* (хотин-қизлар нутқиға оид), *шв.* (шеваға оид), *эск.* (эскирган сўз), *ҳақр.* (ҳақорат сўзи).

Ҳавола этувчи *қ.* (қаранг), *айн.* (айнан) ҳам шундай белгилар қаториға киради. Илм-фан соҳаларига оид сўзларда шу соҳани билдирувчи қисқартмаси қўйилди: *мат.* (математика), *тли.* (тилшунослик), *икт.* (иктисодиёт) ва б.

Грамматик характеристикани қайд этувчи белги зарур ҳоллардагина берилди. Мас., *китоб*, *гўзал*, *келмоқ* сўзларининг *от*, *сифат*, *фёъл* экани ҳеч қандай белгисиз ҳам маълум. Шунинг учун бу сўзлардан сўнг *от*, *сфт.*, *фл.* белгилари қўйилмади.

Қуйидаги ҳолларда махсус қисқартма (қисқартмалар) билан грамматик характеристика берилди:

1) бош сўз ўзи мансуб бўлган (асосий) сўз туркумидан бошқа туркумға оид маъноға ҳам эга бўлса, қайси маъноси (ёки маънолари) билан қайси сўз туркумиға оидлиги қайд этилди. Мисол:

**ИССИҚ 1** *от* Жисм таркибидаги молекулалар ҳаракати (ёниш, кимёвий реакция ва ш. к.) натижасида юзаға келадиған кинетик энергия; иссиқлик, ҳарорат. *Оловнинг иссиғи. Кўйининг иссиғи...*

**3 сфт.** Бирор манба ҳарорати билан исиган, қизиган, ҳароратли. *Иссиқ ҳаво. Иссиқ кум;*

2) сўзнинг муайян шакли шу шаклға хос маъно ва вазифасидан ташқари луғавий маъно ҳам касб этган бўлса, ҳар икки ҳолат грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

**ҚИП-ҚИЗИЛ 1 Қизил** с. куч. *Қип-қизил олма...*

**2 рвш. с.т.** Турган-битгани; бутунлай, фирт. *Қип-қизил тухмат. Қип-қизил маст.*

**ЯХШИЛАБ 1 Яхшиламоқ** фл. рвдш. *Шароитни яхшилаб, кейин иш бошлайлик.*

**2 рвш.** Яхши даражада, бекам-кўст, талаб даражасида. *Яхшилаб қурмоқ. Яхшилаб текширмоқ.*

**ИККИНЧИ 1 Икки** с. тртб. сон шакли. *Иккинчи қават.*

**2 рвш.** Бундан бошқа, тақрор. *Иккинчи айтсанг, хафа бўламан.*

3) фёълнинг нисбат шакллари бош сўз сифатида берилганда, биринчи навбатда, ана шу маъно ва вазифаси грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

**КЎРСАТМОҚ 1 Кўрмоқ** фл. орт. н. *Уйини кўрсатмоқ.*

**КЎРИЛМОҚ 1 Кўрмоқ** фл. мажх. н.;

4) мустақил сўзнинг ёрдамчи (кўмакчи) сўз вазифасида қўлланиши грамматик белги билан қайд этилди. Мисол:

**КЕЛМОҚ 1 [Изоҳ]** *Қишлоқдан келмоқ. Ишға кеч келмоқ...*

**14** Равишдошнинг *-(и)б* ёки *-а/-й* шаклидаги етакчи фёълға бирикиб, ҳаракатнинг бошланиш даражаси юз бериши, йўлақай бажарилиши каби маъноларни билдиради. *Эртапишар гилослар қизариб келяпти. Ишдан қайтишда ўглингни ола кел (Келмоқ фёлиға тузилган луғат мақоласиға қаранг).*

Мустақил бўлмаган сўз туркумларига оид сўзларнинг ҳаммасиға грамматик характеристика берилди. Мас., ундов сўзлар учун *унд. с.*, тақлид сўзлар учун *тақл. с.*, модал сўзлар учун *мод. с.* белгиси қўйилди. Ёрдамчи сўзлардан: боғловчи учун *боғл.*, кўмакчи учун *кўм.*, юклама учун *юкл.* белгиси қўйилди.

**Эслатма.** Турғун бирикмаларга грамматик характеристика берилмади.

Услужий характеристика ва уни қайд этувчи белгилар, асосан, чегараланган қатламга оид сўзлар учун берилди ва улар изоҳли луғатда жуда муҳим вазифа бажаради. Мас., бундай белги қўйиш билан сўзнинг қўлланиш соҳаси, ўрни ва ш.к. қайд этилади. Натижада, сўз маъносининг изоҳи билан бирга унга хос бошқа белги-хусусиятлар ҳам қайд этилади. Мисол:

**ИККИҚАТ** *с.т.* Ҳомиладор.

Демак, *с.т.* белгиси билан, биринчидан, *иккиқат* сўзининг сўзлашув тилига мансублиги қайд этилса, иккинчидан, бу сўз адабий тилдаги *ҳомиладор* сўзига ҳавола қилиняпти ва изоҳдан “озод қилиняпти” (изоҳ *ҳомиладор* сўзида берилади). *Бўғоз* сўзининг (одамга нисбатан) ишлатилишида ҳам худди шундай йўл тutilди:

**БЎҒОЗ 1** [изоҳ]...

**2 с.т.** (одам ҳақида) Ҳомиладор.

Бош сўз бирор маъноси ёки бирдан ортиқ маъноларида қ. ёки *айн.* белгилари билан бошқа сўзга ҳавола этилган ҳолларда ҳам худди юқоридаги каби ҳодисалар юз беради.

Ана шу бир фактнинг ўзи билан, яъни бошқа сўзга ҳавола қилиш йўли билан қанчадан-қанча ортиқча изоҳлардан ва б.лардан қутулиш, луғатнинг ихчамлигини таъминлашга қай даражада эришиш ҳақида, бунда услубий характеристикадан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бош сўз маъноси ёки маъноларидан бирининг изоҳи олдидан грамматик ва услубий белги қўйиладиган бўлса, аввал грамматик, сўнгра услубий белги берилди. Мисол:

**АЙБДОР** *сфм.* 1 [изоҳ]...

**3 от** ҳуқ. Жинойи жавобгар шахс...

Агар бирдан ортиқ маънога эга бўлган сўз маълум бир маъноси ёки маънолари билан чегараланган қатламга мансуб бўлса, услубий белги шу маъноси ёки маъноларининг изоҳидан олдин қўйилди. Мисол:

**АМАЛ 1** [изоҳ]...

**7 мат.** Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. *Арифметик амаллар...*

**8 этн.** Иситиш, совитиш ва ш. к. мақсадларда дам солиб.. тайёрланган нарса...

**4. Изоҳланувчи бирикликлар** (бош сўз ва турғун иборалар) **маъносини** (маъноларини) **белгилаш** ва **қайд этиш** луғат тузиш ишининг энг асосий, луғат мақоласининг доимий қисмларидан бири ҳисобланади. Луғатнинг қиймати, муваффақияти ана шу ишнинг қай даражада бажарилганлиги билан ҳам белгиланади.

Луғатда бош сўзнинг ҳар қандай маъноси эмас, балки унинг ҳозирги умумистеъмолда бўлган, кўпчиликка тушунарли бўлган маъноси (маънолари) қайд этилди.

Бош сўз бир маъноли бўлса, луғат мақоласи шу маъносига тузилди. Кўп маъноли бўлса, ҳар бир маъноси, маълум тартибда, тўқ қора рангли араб рақами билан алоҳида-алоҳида қайд этилди (Рақамдан кейин нуқта қўйилмайди). Бунда:

1) бош сўз барча маънолари билан бир туркумга оид бўлса, бу маънолари, уларнинг ўзаро боғланишини ҳисобга олган ҳолда тартибланади. Мас., *шиша* сўзи “қаттиқ ва шаффоф материал” – “ойна” ва “шу материалдан ясалган бўғзи тор идиш” – “бутилка” маъноларига эга бўлиб, изоҳли луғатда худди шу тартибда берилди (Аксинча бўлиши мумкин эмас):

**ШИША 1** [изоҳ]; ойна. *Шишадан ясалган...*

**2** [изоҳ]; бутилка.

2) сўзнинг маънолари умумистеъмолга ва чегараланган қатламга оид бўлса, умумистеъмолга оид маъноси (маънолари) олдин, бошқа маънолари кейин берилди. Мисол:

**ЎЗАК 1** [изоҳ]...

**3 тлш.** [изоҳ]...

3) бош сўз тўғри ва кўчма маъноларга эга бўлса, тўғри маъноси аввал, кўчма маъноси ундан кейин берилди. Мисол:

**ҚИММАТЛИ 1** [изоҳ] *Қимматли буюмлар...*

3 *кўчма* [изоҳ] *Қимматли маслаҳат...*

4) бош сўз бирдан ортиқ сўз туркумига оид маънога эга бўлса, сўз мансуб бўлган туркумга оид маъноси олдин, бошқаси кейин берилди. Мисол:

**ОҚ 1 сфт.** [изоҳ] *Оқ от...*

5 *от с.т.* Ароқ...

5) алмаштирилган сўзларда қуйидагича йўл тутилди:

1. Агар сўз бутунлай (яъни бир маъноли бўлса, шу маъносиди, кўп маъноли бўлса, барча маъносиди) бошқа сўзга алмаштирилган бўлса, унинг маъноси (маънолари) қайд этилмади. Уни қ. (қаранг) ёки *айн.* (айнан) белгиси орқали, алмаштирилган сўзга ҳавола этиш билан чекланилди. Мисол:

**СЕКРЕТАРЬ** қ. *коғиб.*

2. Алмаштирилган сўз ўрнида ҳозир икки ёки ундан ортиқ сўз қўлланаётган бўлса, ана шу сўзларга ҳавола этилди. Мисол:

**СОЮЗ** қ. *уюшма, иттифоқ.*

3. Алмаштирилган сўз бирор маъноси ёки маънолари билан истеъмолда қолган бўлса, ўша маъноси (маънолари) қайд этилди. Қайси маъноси (маънолари)да бошқа сўзга алмашган бўлса, арабча **1** рақами билан ўша сўзга ҳавола этилади. Мисол:

**АЛИФБЕ 1** *эск. айн. алифбо...*

2 [изоҳ] *Алифбе китоби*

**АНАЛИЗ 1** *айн. таҳлил...*

3 [изоҳ] *Қон анализи. Анализга қон топширмақ.*

6) сўзнинг бирор шакли луғавий маъно касб этган бўлса, дастлаб (**1** рақами билан) қандай вазифа ва маъноли шакл экани қайд этилди. Сўнгра (тегишли) тартибни қайд этувчи рақам(лар) билан луғавий маъноси (маънолари) берилди. Мисол:

**ҒУДАЙГАН 1** *Ғудаймоқ* фл. сфдш...

2 *сфт.* [изоҳ]. *Жуда ғудайган одам...*

**УНАШМОҚ 1** *Унамоқ* фл. бирг. н... *Айтганларига унашибди.*

2 [изоҳ] *...қизини қариндошнинг ўғлига унашибди.*

**ТИНЧИТМОҚ 1** *Тинчимоқ* фл. орт.н...

2 [изоҳ]...

3 [изоҳ]...

7) бош сўз ёрдамчи (кўмакчи) сўз вазифасига эга бўлса, бу ҳолат унинг асосий маъноларидан кейин, тегишли рақам билан қайд этилди. Мисол:

**ИЧ 1** [изоҳ]. *Уйнинг ичи...*

6 (Эгалик ва макон келишиклари шаклида – *ичига, ичида, ичидан*) *кўм. өзф.* Макон, вақт муносабатларини билдиради. *Уй ичидан товуш эшитилди. Бир йил ичида жуда кўп нарсаларни ўрганиб олди.*

**КЎРМОҚ 1** [изоҳ]...

16 *кўм. фл. өзф.* -(и)б, -а/-й аффиксли равишдош шаклига қўшилиб, турли грамматик маънолар ифодалайди. *Ёзиб кўр. Бора кўрма;*

8) от туркумига оид сўзларнинг киши исми бўлиб қўлланиши унинг барча маъноларидан сўнг, тегишли рақам билан бош ҳарфда қайд этилади. Мисол:

**АЗИЗ 1** [изоҳ]...

6 Азиз (эркаклар исми).

Ёрдамчи сўзлар (боғловчи, кўмакчи, юктамалар) ҳам кўп маъноли бўлиши мумкин. Лекин, луғатнинг вазифаси ва мақсади талабига кўра, уларнинг барча маъноларини қайд этиш шарт бўлмади.

Ёрдамчи сўзлар асл вазифасидан, маъносидан бошқа маъно ва вазифага эга бўлса, бу ҳодиса алоҳида (тегишли рақамлар билан) қайд этилди. Мас., *лекин* боғловчиси от вазифасида ҳам қўлланади: *Пулни ундириш учун акам унча шошилмас эди, бир нарча боғ биз учун керак эмас. Унинг лекин бор...* Ойбек, Танланган асарлар. *Лекин* сўзига хос бу хусусиятлар алоҳида қайд этилди:

**ЛЕКИН 1** боғл ...

2 от өзф ...

**Билан** сўзи, кўмакчи вазифасидан ташқари, боғловчи вазифасига ҳам эга. Бу ҳолат ҳам изоҳли луғатда қайд этилди:

Ажратиб ёзилувчи ясама сўзлар ва тургун бирикмаларнинг маъноси ҳам қайд этилди. Агар улар бирдан ортиқ маънога эга бўлса, тегишли тартибда, ёпиқ қавсли араб рақами [1), 2)...] билан қайд этилди. Мисол:

**Қойил қилмоқ** 1) ўринлатиб, бошлаб адо этмоқ, бажармоқ...; 2) [изоҳ]. **Бошига кўтармоқ** 1) ўта ҳурмат қилмоқ...; 2) бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон қилмоқ...

5. Луғат мақоласининг энг асосий қисми (компоненти) **изоҳланувчи бирликлар маъноси (маънолари)га бериладиган изоҳдир**. Луғатнинг “Изоҳли луғат” деб аталиши ҳам, асосан, худди шу вазифасига кўради. Бинобарин, изоҳли луғатнинг муваффақияти, қиймати ана шу вазифанинг қай даражада бажарилганлиги, шу мақсадга қай даражада эришилганлиги билан белгиланади.

Сўз маъносини изоҳлаш таъриф, тавсиф, тушунтириш каби йўллар билан бўлади.

Мустақил сўзнинг, аниқроғи, номловчи сўзнинг маъноси унинг таркибий қисмлари (семалари) асосида изоҳланади. Мисол:

**ОДАМ 1** Фикрлаш, сўзлаш ва меҳнат қилиш қобилиятига эга жонли зот.

**ХУНУК 1** Ёқимсиз ҳусни...

Олмошларга бериладиган изоҳ, уларнинг қайси сўз туркумига оид сўз ўрнида қўлланишига қараб, ҳар хил бўлади. Мисол:

**КИМ 1** Шахс ҳақида сўроқни билдиради...

**БИЗ 1** Сўзловчи ва у мансуб бўлган шахслар гуруҳи...

Сон туркумига оид сўзнинг маъносига берилган изоҳ айни шу рақам ва у билдирадиган сонга тенг бўлади. Мисол:

**ЙИГИРМА 1** 20 рақами ва у билан ифодаланган сон, миқдор.

Ёрдамчи сўзларнинг маъноси (маънолари) алоҳида (махсус рақамлар билан) қайд этилмадлиги ва бунинг сабаби юқорида айтилди. Ёрдамчи сўз бир маъно ва вазифага эга бўлса, у таърифланди ва тасдиқловчи мисол келтирилди. Мисол:

**АГАР** юкл. Шарт маъносини кучайтиради, таъкидлайди. *Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал... қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**СИНГАРИ** кўм. Ўхшатиш, қиёсни билдиради. *Мен ҳам сен сингари йигирма икки ёшимда қайнаб, тошиб юрган кезларим эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

Ёрдамчи сўз бирдан ортиқ маъно ва вазифага эга бўлса, уларнинг асосийлари айтилиб, тасдиқловчи мисоллар келтириш билан чегараланилди. Мисол:

**УЧУН** кўм. Сабаб, мақсад, аталганлик каби маъноларни билдиради, шундай маъноли муносабатларни кўрсатади. *Ёрдамчи сўзларнинг маъноси (маънолари) алоҳида (махсус рақамлар билан) қайд этилмадлиги ва бунинг сабаби юқорида айтилди. Ёрдамчи сўз бир маъно ва вазифага эга бўлса, у таърифланди ва тасдиқловчи мисол келтирилди. Мисол:*

**УЧУН** кўм. Сабаб, мақсад, аталганлик каби маъноларни билдиради, шундай маъноли муносабатларни кўрсатади. *Ёрдамчи сўзларнинг маъноси (маънолари) алоҳида (махсус рақамлар билан) қайд этилмадлиги ва бунинг сабаби юқорида айтилди. Ёрдамчи сўз бир маъно ва вазифага эга бўлса, у таърифланди ва тасдиқловчи мисол келтирилди. Мисол:*

1. Агар муайян сўз ҳар бир вазифасида ҳам ёрдамчи сўз бўлса (масалан, билан сўзи каби), уларнинг изоҳи юқорида қайд этилганидек амалга оширилди.

2. Агар ёрдамчи сўз бошқа сўз туркумига оид маънога ҳам эга бўлса, **1** рақами билан унинг ёрдамчи сўз (боғловчи, кўмакчи ёки юклама) эканлиги қайд этилди ва ёрдамчи сўз сифатида (юқорида айтилган йўл билан) изоҳланди. Бошқа туркумга оидлиги тегишли рақам билан қайд этилди ва қайси сўз туркумига оид бўлса, ўша туркум сўзлари изоҳланадиган йўл билан изоҳланди. Мисол:

**БАЛКИ 1** боғл. [изоҳ]...

2 мод.с. [изоҳ]...

Ундов, тақлид сўз ва модал сўзларда, асосан, унинг нимани билдириши, ифодалашни кўрсатилади, яъни изоҳ таркибида “билдиради”, “ифодалайди” каби сўз бўлади. Мисол:

**ВОЙ 1** Қаттиқ оғриқ, азоб ҳиссини ифодалайди...

**3** Ҳаяжон, ҳайрат ҳиссини билдиради...

**ГУМБУР 1** Портлаш, ағдарилиш ва ш. к. натижасида юзага келадиган товушни, шундай товушга тақлидни билдиради.

**АЛБАТТА 1** Фикр, иш-ҳаракат ва ш. к. нинг қатъийлигини билдиради...

Сўзнинг луғатда қайд этилган биронта ҳам маъноси изоҳсиз қолмаслиги кераклиги юқорида айтилди. Лекин бу дегани сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси шу ўринда изоҳланиши шарт деган сўз эмас. Изоҳли луғатда бундай йўл тутиш мумкин ҳам эмас. Чунки, бундай йўл тутиладиган бўлса, луғат такрор ҳолдаги изоҳлар билан тўлиб кетади. Мас., тилда маънодош (синоним) сўзларнинг кўплиги маълум. Уларнинг ҳар бирида айна бир маънога изоҳ берилаверса, луғатда такрорий изоҳларнинг қай даражада кўпайишига эътибор беришнинг ўзи кифоя. Ана шу ҳолатга йўл қўймасликка, шу билан бирга, сўзнинг луғатда қайд этилган ҳар бир маъноси изоҳга эга бўлишини таъминлашга икки хил йўл билан эришилади: 1) сўз маъносини таъриф, тушунтириш йўли билан изоҳлаш, яъни маънога изоҳ бериш; 2) сўз маъносини бошқа сўзнинг маъносига ҳавола этиш. Булардан биринчиси сўз маъносини изоҳ билан таъминлашнинг асосий йўли бўлиб, сўзнинг умумистеъмолга оид, адабий тилдаги маъноси (маънолари), албатта, ана шундай изоҳ билан таъминланди.

Иккинчи йўл эса ўзаро маънодош сўзларни изоҳлашда қўлланади. Мас., маънодош сўзлардан бири умумистеъмолга оид бўлса, бошқаси чегараланган қатламга мансуб бўлади; бири услубий жиҳатдан бетараф бўлса, бошқаси услубнинг бирон турига мансуб бўлади ва ҳоказо.

Бош сўзнинг умумистеъмолга оид, адабий тилда кенг қўлланишда бўлган, услубий ва б. жиҳатдан бетараф бўлган маъноси (маънолари) албатта изоҳланди. Бу сўзнинг синонимлари эса тегишли маъноси (маънолари) билан унга ҳавола этилди.

Сўзлар умуман эмас, балки маъноси, маълум маънолари билан синоним бўлади. Шунга кўра, изоҳли луғатда умуман сўз сўзга эмас, балки сўз маълум маъноси ёки маънолари билан бошқа сўзнинг маъносига ёки маъноларига ҳавола этилади. Луғат мақоласида ана шу нарса ўзининг аниқ ифодасини топиши керак. Бунда:

Агар бир маъноли сўз бошқа бир шундай маъноли сўзга ҳавола этиладиган бўлса, изоҳланган сўзда ҳеч қандай рақам қўйилмайди. Мисол:

**ИЗН қ. рухсат...**

*Ижозат* сўзи ҳам *рухсат* сўзи билан маънодош ва улар орасидаги фарқ жуда сезиларсиз. Лекин *ижозат* сўзи маълум даражада китобийлик хусусиятига эга. Шунинг ўзиёқ унинг қўлланиш доирасини чегаралайди. *Рухсат* сўзида эса бирон жиҳатдан чегараланиш йўқ. Шу туфайли у ўз синонимик қаторида асосий сўз ҳисобланади ва унинг маъноси албатта изоҳланиб, қолган сўзлар (синонимлари) унга ҳавола этилиши мумкин.

Кўп маъноли сўз бирор маъноси ёки бир неча маъноси орқали бошқа сўзга синоним бўлса, шу маъноси билан синонимик қатордаги асосий сўзга ҳавола этилади.

Синонимлар бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Фақат ҳавола этишнинг ўзи билан ана шу фарқларни тўла қайд этиш мумкин бўлавермайди. Демак, сўз маъноси изоҳининг тўғри ва тўлиқлигига путур етказилмайдиган ҳоллардагина изоҳнинг бу усулини (ҳавола этиш йўлини) қўллаш мумкин. Фактларнинг кўрсатишича, икки ҳолатда шундай йўл тутиш мумкин:

Биринчидан, ўзаро синоним сўзнинг бир-биридан фарқи йўқ, деярли йўқ бўлган ҳолларда. Бундай сўзларнинг бири қўлланиши жиҳатидан асосий эканлиги сезилиб туради, лекин бирон-бир услубий белги (кенг маънода) қўйилиши талаб этилмайди ҳам. Ана шу сўзга изоҳ берилиб, синоними унга ҳавола этилади. Мас., *илғор*, *пешқадам* сўзларидан *илғор* сўзига изоҳ берилиб, *пешқадам* сўзи *айн.* белгиси билан унга ҳавола этилади. Бу билан *пешқадам* сўзи ҳам *илғор* сўзи маъносига берилган даражадаги изоҳ билан таъминланади:

**ИЛҒОР** [изоҳ]...

**ПЕШҚАДАМ** *айн.* илғор...

Иккинчидан, синоним сўзларнинг асосийси изоҳланиб, бошқаси (бошқалари), ўзига хос хусусиятни билдирувчи характеристика билан (характеристикани билдирувчи белгини қўйиб), унга ҳавола этилади. Мисол:

**ШОТИ** *шв.* Нарвон...

**ОРАЗ** *поэт.* Юз...

**АЛАХУСУС** *эск. кт.* Айниқса, хусусан...

Демак, бунда, биринчидан, асосий сўзнинг маъносига берилган изоҳ ҳавола этилган сўзнинг маъносига тегишли экани, иккинчидан (услубий белги билан), ҳавола этилаётган сўзнинг ўзига хос хусусияти қайд этилади. Бу билан изоҳнинг мукамаллиги таъминланади.

Ана шундай имкониятлар бўлмаган тақдирда, маънодош сўзларнинг ҳар бирига (унинг маъносига) изоҳ бериш талаб этилади. Мас., *яхши, дуруст, соз* сўzlари ўзаро синонимлардир. Улар белгининг даражаси нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Бу фарқни бирон белги билан эмас, ўзига хос изоҳ билан бериш мумкин. Мисол:

**ЯХШИ 1** Ижобий белги-хусусиятли...

**ДУРУСТ** Бир оз яхши, ёмон эмас...

**СОЗ 1** Жуда яхши...

Ҳавола йўли билан изоҳлашни, асосан, маънодош сўзларда фойдаланилишини кўрдик. Бундан ташқари, яъни сўз маъноси таъриф, тушунтириш орқали изоҳланган ҳолларда, изоҳнинг қўшимча таркибий қисми сифатида, маънодош сўздан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда сўз маъносига берилган изоҳдан сўнг нуқтали вергул (;) қўйиб, маънодош сўз келтирилади. Мисол:

**АЙБ 1** Тартиб-қоида, одоб-ахлоқ меъёрларига хилоф иш; гуноҳ...

**4** Расоликни бузувчи белги; нуқсон...

Бундай ҳолларда изоҳдан сўнг шу сўзнинг ҳар қандай маънодоши эмас, балки ҳар тарафлама унга яқин бўлган, сўзга берилган изоҳни англашга ёрдам берадиган синоними берилиши керак (келтирилган мисолдаги каби). Бирон белгиси ёки белгилари билан изоҳланган маънодан кескин фарқланувчи сўзни келтиришга ҳожат бўлмайди, ҳатто бундан сақланиш керак. Мас., *юз* сўзининг бир маъносига берилган изоҳдан кейин *бет* сўзини келтириш мумкин, лекин *ораз* сўзини келтириш мумкин эмас.

Алмаштирилган сўз ҳам изоҳдан сўнг (синоним сифатида) келтирилмайди. Мас., *инқилоб* сўзининг маъноси (маънолари)га берилган изоҳдан сўнг *революция* сўзи келтирилмайди.

Феълнинг нисбат шакларини ишлаш ва изоҳлашда ҳам юқоридагича йўл тутилди, яъни луғатга киритилган нисбат шаклининг қайси нисбат шакли экани кўрсатилди ва қайд этилган луғавий маъноси тегишли рақамдан сўнг изоҳланди. Мисол:

**КЎРСАТМОҚ 1** Кўрмоқ *фл. орг.н...*

**2** Намойиш қилмоқ, билдирмоқ. *Ҳақ эканини кўрсатди...*

**3** [изоҳ]...

Сўзнинг вариантларидан (*каптар — кабутар, набира — неvara, билан — бирлан — бирла* каби) фақат биттаси (асосий ҳисоблангани) изоҳланиб, бошқаси унга ҳавола этилди.

Ажратиб ёзиладиган ясама сўзлар ва тургун бирикмаларнинг қайд этилган маъноси (маънолари) ҳам изоҳ билан таъминланди. Бунда ҳам юқорида қайд этилган йўлларга амал қилинди.

**6.** Луғат мақоласининг сўнгги компоненти **изоҳланувчи бирлик маъноси изоҳдан кейин бериладиган иллюстратив мисол** (мисоллар)дир. Иллюстратив мисол, гарчи ҳар бир маънонинг изоҳдан сўнг берилса-да, лекин у олдинги беш моддада қайд этилганларнинг, яъни изоҳланувчи бирликнинг (жумладан, бош сўзнинг) айtilган талаблар асосида киритилганлигини, унга қўйилган грамматик ва услубий белгиларнинг тўғрилигини, изоҳланувчи бирлик маъноси (маънолари)нинг тўғри, аниқ белгиланганлигини, ниҳоят, ҳар бир маънога берилган изоҳнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун келтирилади. Кўринадики,

иллюстратив мисоллар луғат мақоласида муҳим вазифа бажаради ва унинг қиймати ана шу вазифаларни бажаришга қай даражада муносиблиги билан белгиланади.

Иллюстратив мисол, мисол-цитата юқоридаги талаблар нуқтаи назаридан, эҳтиёж бўлган ҳолларда берилди. Аксинча ҳолларда мисол бериш шарт бўлмайди. Мас., бошқа сўз билан бутунлай алмаштирилган сўзлар учун (маъноси, маънолари қайд этилмаслиги туфайли) уларнинг тилда қўлланганлигини тасдиқлаш учунгина мисол берилди.

Иллюстратив мисолнинг қандай шаклда, яъни сўз бирикмаси ёки гап шаклида бўлиши, шунингдек, унинг маълум манбадан олиниши кераклиги сўзнинг, сўз маъносининг хусусиятига қараб белгиланади. Мас., маънога берилган изоҳ ва бошқа қайдларни шу сўз иштирокида тузилган сўз бирикмаси тасдиқлай олса, шундай мисолни бериш ва шу билан чекланиш мумкин. Мас., *чекмоқ* сўзининг (бир маъноси) изоҳидан сўнг *сигарета чекмоқ*, *нос чекмоқ* мисолларини, ҳатто улардан бирини келтиришнинг ўзи kifоя. Лекин айрим сўзларнинг маъноси изоҳидан сўнг тегишли манбадан гап шаклидаги мисол келтирилиши талаб этилади. Мас., *турқ*, *чеҳра* сўзлари учун, *қўтармоқ* феълининг “дош бермоқ, чидамоқ” маъноси учун шундай мисол бериш шарт.

Баъзи сўзлар кенг (кенгроқ) тушунчани билдиради. Биргина мисол бундай сўзлар маъносининг хусусиятини тасдиқлай олмайди. Бинобарин, уларнинг маъноси изоҳидан кейин ана шу изоҳни етарли тасдиқлайдиган мисоллар келтириш керак бўлади (Мас., **анжуман** сўзига тузилган луғат мақоласига қаранг).

Турғун иборалар учун луғат мақоласига мисол беришда ҳам юқорида қайд этилган талаблар асосида иш кўрилади.

**Эслатма:** 1. Мисол-цитаталар 1956 йилгача амалда бўлган эски имло қоидалари асосида чоп этилган манбадан олинган бўлса, улар ҳозирги (амалдаги) имлога мослаб берилди.

2. Манбалардан келтирилган мисоллар тузувчи томонидан берилган мисоллар ҳамда мақол ва маталлардан тўртбурчак шакли (■) билан ажратилди.

3. Келтирилган мисол-гаплар ҳаддан ташқари чўзиқлиги ва б. сабабларга кўра қисқартирилган бўлса, бу қисқартириш кетма-кет қўйилган икки нуқта (..) билан белгиланди.

4. Мисол-далил сифатида айрим, кичик шеърлардан келтирилган парчаларда, аксар ҳолларда, шу парча олинган шеърнинг номини эмас, фақат шеър муаллифи (шоир)нинг номини келтириш билангина чекланилди. 10 дан ортиқ марказий газеталардан олинган мисолларнинг манбаи умумий тарзда “Газетадан” сўзи билан берилди.

Луғат ва луғат мақоласининг тузилиши, унинг компонентлари, ҳар бир компонентнинг вазифаси ва б. хусусиятлари ҳақида жуда қисқа тарзда тўхтадик. Буларнинг ҳар бири юзасидан тўлиқ тасаввурга эга бўлиш, аниқ маълумотлар олиш, қолаверса, луғатнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо бериш учун луғатнинг ўзига, ундаги тегишли луғат мақолаларига мурожаат қилиш мумкин.



## ЛУҒАТДА ҚЎЛЛАНҒАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР РҶЙХАТИ

- а.* — араб тилига мансуб сўз  
*авиа.* — авиацияга оид термин  
*ад.* — адабиётга, адабиётшуносликка оид термин  
*айн.* — айнан  
*айр.боғл.* — айирувчи боғловчи  
*айр.юкл.* — айирув юкласи  
*анат.* — анатомияга оид термин  
*археол.* — археологияга оид термин  
*архит.* — архитектурага оид термин  
*астр.* — астрономияга оид термин  
*африкаанс* — африкаанс (бур) тилига мансуб сўз  
*белг.олм.* — белгилаш олмоши  
*бетклф.* — менсимасликни ифодаловчи ёки бетакаллуф муомалала қўлланувчи сўз, ибора  
*биол.* — биологияга оид термин  
*бирг.н.* — биргалик нисбати  
*бирл.* — бирлик сон  
*б.к.* — бош келишиқ  
*бнк.* — бинокорликка оид термин  
*бол.* — болалар нутқиға хос, болалар ишлатадиган сўз  
*бот.* — ботаникага оид термин  
*боғ.* — боғдорчиликка оид термин  
*боғл.* — боғловчи  
*бркт. боғл.* — бириктирувчи боғловчи  
*буйр.м.* — буйруқ майли  
*бухг.* — бухгалтерияга, ҳисоб-китобга оид термин  
*ва б.* — ва бошқа(лар)  
*ва ш.к.* — ва шу каби(лар)  
*венг.* — венгер тилига мансуб сўз  
*вет.* — ветеринарияга оид термин  
*взф.* — (бирор сўз, гап бўлаг) вазифасида  
*г.* — грамм  
*геогр.* — географияга оид термин  
*геод.* — геодезияга оид термин  
*геол.* — геологияга оид термин  
*геом.* — геометрияга оид термин  
*геофиз.* — геофизикага оид термин  
*гидр.* — гидрологияга, гидротехникага оид термин  
*голм.* — голланд тилига мансуб сўз  
*груз.* — грузин тилига мансуб сўз  
*гум.олм.* — гумон олмоши  
*дағл.* — дағал, қўпол сўз, ибора  
*денг.* — денгизчиликка оид термин  
*дин.* — диний сўз, ибора  
*дип.* — дипломатияга оид термин  
*ёрд.фл.* — ёрдамчи феъл  
*жамл.сон* — жамловчи сон  
*жарг.* — жаргон сўз, ибора  
*ж.к.* — жўналиш келишиги  
*зид.* — (бирор сўз, иборанинг) зидди, антоними  
*зидл.боғл.* — зидловчи боғловчи  
*зоол.* — зоологияга оид термин  
*ингл.* — инглиз тилига мансуб сўз  
*индейс.* — индейс тилларига мансуб сўз  
*исл.* — исланд тилига мансуб сўз  
*исп.* — испан тилига мансуб сўз  
*итал.* — итальян тилига мансуб сўз  
*иқт.* — иқтисодиётга оид термин  
*й.* — йил  
*кам қўлл.* — кам қўлланадиган сўз, ибора  
*камс.* — камситишни ифодаловчи сўз, ибора  
*карт.* — карта ўйинига оид сўз, ибора  
*кг* — килограмм  
*кел.зам.* — феълнинг келаси замон шакли  
*кест.* — кесатиқ, киноя англатадиган сўз, ибора  
*ким.* — кимёга оид термин  
*кино* — кинематографияга оид термин  
*кичр.* — кичрайтиш шакли  
*км* — километр  
*кон.* — кончиликка оид термин  
*криш.с.* — кириш сўз  
*кт.* — китобий сўз, ибора  
*ки.олм.* — кишилиқ олмоши  
*кул.* — кулинарияга, ошпазликка оид термин  
*куч.* — кучайтириш шакли  
*куч.юкл.* — кучайтирув юкласи

- кўм.* — кўмакчи  
*кўм.фл.* — кўмакчи феъл  
*кўпл.* — кўплик сон  
*кўрс.олм.* — кўрсатиш олмоши  
*кўчма* — кўчма маънода, кўчма маъноси  
*л.* — литр  
*л.м.* — луғавий маъноси  
*лот.* — лотин тилига мансуб сўз  
*м.* — метр  
*мавҳ.от* — мавҳум от  
*мажҳ.н.* — мажҳул нисбат  
*малайяча* — малайя тилига мансуб сўз  
*мас.* — масалан  
*мат.* — математикага оид термин  
*махс.* — махсус сўз, термин  
*мг* — миллиграмм  
*метеор.* — метеорологияга оид термин  
*мех.* — механикага оид термин  
*мин.* — минералогияга оид термин  
*миф.* — мифологияга оид термин  
*мл.* — молияга оид термин  
*млн.* — миллион  
*мм* — миллиметр  
*мнт.* — мантиққа оид термин  
*мод.с.* — модал сўз  
*мтр.* — метрологияга оид термин  
*мус.* — муסיқага, муסיқашуносликка оид термин  
*мўғ.* — мўғул тилига мансуб сўз  
*н.* — нисбат (феъл нисбати)  
*назм.* — назмда ишлатиладиган сўз, ибора  
*нафр.* — нафрат, жирканиш англатадиган сўз, ибора  
*нем.* — немис тилига мансуб сўз  
*неол.* — неологизм, янги сўз  
*ов.* — овчиликка оид термин  
*олм.* — олмош  
*опт.* — оптикага оид термин  
*орт.н.* — орттирма нисбат  
*палнт.* — палеонтологияга оид термин  
*пед.* — педагогикага оид термин  
*плгрф.* — полиграфияга оид термин  
*пол.* — поляк тилига мансуб сўз  
*порт.* — португал тилига мансуб сўз  
*поэт.* — поэтик сўз, поэзияда, назмда ишлатиладиган сўз, ибора  
*психл.* — психологияга оид термин  
*р.* — рус тилига мансуб  
*радио* — радиотехникага оид термин  
*расм.* — расмий услубда қўлланадиган сўз, ибора  
*рвдш.* — равишдош  
*рвш.* — равиш  
*рум.* — румин тилига мансуб сўз  
*с.* — сўз  
*салб.* — салбий маънони ифодаловчи сўз, ибора  
*санск.* — санскрит тилига мансуб сўз  
*сиёс.* — сиёсатга, сиёсатшуносликка оид термин  
*сканд.* — скандинав тилларига мансуб сўз  
*снт.* — санъатга оид термин  
*снқ.сон* — саноқ сон  
*спрт.* — спорт ва физкультурага оид термин  
*с.т.* — сўзлашув тилида (оғзаки нутқда) қўлланадиган сўз, ибора  
*сўғд.* — сўғд тилига мансуб сўз  
*сфдш.* — сифатдош  
*сфт.* — сифат  
*сўк.* — сўкиш ёки койишни ифодалайдиган сўз, ибора  
*сўр.олм.* — сўроқ олмоши  
*сўр.юкл.* — сўроқ юкламаси  
*т.* — туркий, умумтуркий сўз  
*такр.с.* — такрорий сўз  
*тар.* — тарихга оид, тарихий термин  
*тасв.с.* — тасвирий сўз  
*тат.* — татар тилига мансуб сўз  
*тақл.с.* — тақлид сўз  
*тақс.сон* — тақсим сон  
*театр* — театрға оид термин  
*тех.* — техникага оид термин  
*тиб.* — тиббиётга оид термин  
*тиж.* — тижоратга, коммерцияга оид термин  
*т.й.* — темир йўлга оид термин  
*т.к.* — тушум келишига  
*тлиш.* — тилшуносликка оид термин  
*топ.* — топографияга оид термин  
*трнс.* — транспортга оид термин  
*тртб.сон* — тартиб сон  
*турк.* — турк тилига мансуб  
*тўқм.* — тўқимачиликка оид термин  
*укр.* — украин тилига мансуб сўз  
*унд.с.* — ундов сўз  
*ф.* — форс ва тожик тилларига мансуб сўз  
*фарм.* — фармацевтикага, фармакологияга оид термин  
*физ.* — физикага оид термин  
*физиол.* — физиологияга оид термин  
*фин.* — фин тилига мансуб сўз  
*фл.* — феъл  
*флс.* — фалсафага оид термин

*фольк.* — фольклорга оид сўз  
*фото* — фотографияга оид термин  
*фр.* — француз тилига мансуб сўз  
*хит.* — хитой тилига мансуб сўз  
*х.-қ.* — хотин-қизлар нутқида хос,  
 хотин-қизлар нутқида ишлатиладиган  
 сўз, ибора  
*ч.к.* — чиқиш келишиги  
*ш.* — шахс  
*шахм.* — шахматга оид термин  
*шв.* — шевага оид сўз, ибора  
*ш.к.* — шу каби(лар)  
*эг.олм.* — эгалик олмоши  
*эл.* — электрга, электротехникага оид термин  
*эрг.боғл.* — эргаштирувчи боғловчи  
*эркл.* — эркалашни ифодалайдиган сўз, ибора  
*эск.* — эскирган сўз, ибора  
*этно.* — этнографияга оид термин  
*юкл.* — юклама  
*юн.* — юнон (грек) тилига мансуб сўз

*юқ.усл.* — юқори услуб  
*яп.* — япон тилига мансуб сўз  
*ўзл.н.* — ўзлик нисбати  
*ўзл.олм.* — ўзлик олмоши  
*ў.-п.к.* — ўрин-пайт келишиги  
*ўтг.зам.* — феълнинг ўтган замон шакли  
*қ.* — қаранг  
*қад.р.* — қадимги рус тилига мансуб сўз  
*қад.яҳ.* — қадимги яҳудий тилига мансуб сўз  
*қарғ.* — қарғиш сўзи, ибораси  
*қ.к.* — қаратқич келишиги  
*қ.х.* — қишлоқ ҳўжалигига оид термин  
*ғалат.* — нотўғри ишлатилган (ёзилган) сўз  
*ҳазил* — ҳазил қилиб айтилган сўз, ибора  
*ҳарб.* — ҳарбий ишга оид сўз, термин  
*ҳар.н.* — ҳаракат номи  
*ҳақр.* — ҳақорат ифодалайдиган сўз, ибора  
*ҳинд.* — ҳинд тилига мансуб сўз  
*ҳоз.зам.* — феълнинг ҳозирги замон шакли  
*ҳук.* — ҳукукқа, ҳукуқшуносликка оид термин

**Иллюстратив мисоллар олинган айрим илмий ва бадий манбаларнинг лугатда қабул қилинган қисқартмалари:**

- “ЎЗМЭ” — “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 12 жилдли, 1-11-жилдлар. Тошкент, 2000-2005.
- “ЎТА” — “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали (1960-96 йиллардаги сонлари).
- С. Анорбоев, Оқсой. — С. Анорбоевнинг “Оқсой шалолалари” қиссаси ва “Оқсой” романи.
- М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси. — М. Жўрабоевнинг “Мулла Бурҳоннинг мартабаси” қиссаси.
- М.Исмоилий, Фарғона т.о. — М. Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи (1-2-китоблар).
- “Латифалар” — “Афанди латифалари” тўплами.
- Ҳ.Назир, Сув гадоси — оқпадар.. — Ҳ.Назирнинг “Сув гадоси — оқпадар денгизни бошлаб келди” қиссаси.
- Ойбек, О.в.шабадалар — Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” романи.
- “Эртақлар” — “Ўзбек халқ эртақлари” тўплами.
- “Қўшиқлар” — “Ўзбек халқ қўшиқлари” тўплами.



**А юкл.** (турли даражадаги талаффуз билан) Таажжубли, эътирозли ва ш.к. мазмундаги сўроқни билдиради: Нима? Нима дединг? Нима дедингиз? *Ун тўрт сўм берасиз. -А, ун тўрт сўм? Ойбек, Танланган асарлар. Рафиқ, найни ким чалди? - Йўлчи акам. - А! Ростданми? Алдама! Ойбек, Танланган асарлар. Қанақа ўйин? - Қимор, - секин жавоб берди Қамбар. - А, меҳмонлари қиморбозга сира ўхшамайди-ку. Ойбек, Танланган асарлар.*

**АБАД** [а. *ابد* — доимийлик] *эск. кт.* 1 Сўнги йўқ келгуси замон; *зид. азал.*

**2 рвш.** Абадий суратда, доимо. *Икки нараса бир-бирига абад йўлдошдир, Бири тигдор аёз бўлса, бири қуёшдир. Ё. Мирзо.*

**То абад** Абадий суратда, ҳамиша, умрбод. *Кўкрагимда яшнар то абад Ҳаёт тақиб қўйган гўлдаста. Уйғун.*

**АБАДИЙ** Вақт эътибори билан охири йўқ; мангу, доимий. *Абадий ҳаёт. Абадий хотира. ■ Шаҳарларнинг номи абадий, Бу номларни қўйган эл-улус. М. Шайхзода.*

**АБАДИЙЛАШМОҚ** Абадий мавжудликка эга бўлмоқ; мангулик касб этмоқ. *Хотираси абадийлашди.*

**АБАДИЙЛАШТИРМОҚ** Абадий унутилмайдиган, йўқолмайдиган қилмоқ; авлодларга мангу қолдирмоқ. *Олимнинг номи абадийлаштирмоқ.*

**АБАДИЙЛИК** Мангулик, доимийлик. *Материянинг абадийлик қонуни.*

**АБАДИЯ:** саодати абадия *эск. кт.* Абадий бахтлилик, мангу бахт-саодат. *Бу байроқ машғал бўлиб, саодати абадия йўлини ёртиди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**АБАДИЯН** *рвш. кт.* кам қўлл. Абадий суратда. *Султонмурод у қизнинг абадиян қўлдан кетганлигига ишонади. Ойбек, Навоий.*

**АБАДИЯТ** [а. *ابدیت* — мангулик, сўнгсизлик] *кт. кам қўлл.* Абадийлик, мангулик. *Нур сочилган, гул очилган баҳор тунуда Абадият қўшиғига солардим қулоқ. Уйғун.*

**АБАДУЛАБАД** [а. *ابدالاباد* — абалларнинг абади] Абадий суратда, бутун ҳаёт давомида, доимо. *Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг [Имом ал-Бухорийнинг] муборак номи абадулабад инсоният хотирасидан ўчмағай. Газетадан.*

**АБАЖУР** [*фр.* *abat-jour* — ёруғликни қайтарувчи] Керакли ёруғликни бир жойга тўплаб тушириш ёки кўзни ёруғлик нуридан пана қилиш учун лампа устига ўрнатилдиган, шиша, мато, металл ва ш.к. дан ясалган қалпоқ. *Чинни абажур. Шойи абажур. Шифтда абажур осиглиқ. ■ Абажурдан таралган кўкиш нур унинг юзида товланарди. С. Зуннунова, Янги директор.*

**АБАЖУРЛИ** Абажур ўрнатилган. *Абажурли электр чироғи хонага ёғду сочиб, чарқлаб турарди. М. Хайруллаев, Кўнгил.*

**АБАС** [а. *ابث* — беҳуда, фойдасиз] *эск. кт.* Фойдасиз, беҳуда, натижасиз, бекор. *Бевафодир бу жаҳон, суду зиён барча абас. Нодира. Бас, энди у шеър ёзишни йиғиштиради. Барчаси абас экан. С. Сиёев, Аваз.*

**АББАТ** [*лот.* *abbas, abbatis*] 1 Эркаклар католик монастирининг бошлиғи.

2 Францияда: католиклар руҳонийси.

**АББОСИЙЛАР тар.** Бағдодда 132–656 хижрий ёки 750–1258 милодий йилларда ҳукмронлик қилган араб халифалари сулоласи ва унинг вакиллари.

**АББРЕВИАТУРА** [итал. abbreviatura < лат. abbrevio — қисқартирмаан] тлш. айн. **қисқартма сўзлар**. *Драмтўғарак* (драма тўғараги). *ДАН* (*Давлат автомобиль назорати*), *ХДП* (*Халқ-демократик партияси*) каби.

**АБГОР** [ф. افگار — яраланган, мажруҳ; толиққан] Ночор ҳолатли, аҳволи хароб. *Умарқул абгор бир аҳволда ўрнидан туриб, хуржунини очди*. Ҳ. Фулом, Машғал. *Жуда тирикчилигинг ўтмай, абгор бўлиб қолдингми?* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**АБГОРЛИК** Абгор ҳолат, ночор аҳвол. *Боилар ва руҳонийлар қувватлаб келган бу хурофий урф-одатлар кўп косиб ва деҳқонларнинг.. абгорлик билан ҳаёт кечирishiларига сабаб бўлар эди*. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АБДОЛ** [а. ابدال — авлиё(лар)] эск. кт. Валийликнинг белгили бир даражасига эришган гуруҳ; авлиёлар, худога яқинлар.

**АБДОЛВАШ** эск. кт. Авлиё табиатли, қаландарсифат. *Муслимий.. абдолваши йигит эрди*. А. Навоий, Мажолисун-нафоис.

**АБЕРРАЦИОН** Аберрацияга оид. *Аберрация ҳодиса*.

**АБЕРРАЦИЯ** [лот. aberratio — ўзгариш, узоклашиш, четланиш] **1 биол.** Маълум бир навга мансуб ҳайвонлар организмда (унинг тузилиши ёки функциясида) пайдо бўладиган ўзгалик, ўзгариш, нормадан четлашиш.

**2 физ.** Ёруғлик нурларининг линза орқали ўтишида линза фокусидан огиши, четга чиқиш ҳодисаси.

**Сферик аберрация** Нурларнинг фокусдан огиши натижасида тасвир четларининг хиралашиб, чаплашиб тушиши. **Хроматик аберрация** Куёш ва ш.к. лар нурининг линзадан ўтиб, таркибий рангларга ажралиши, товланиши.

**3 астр.** Ернинг ўз ўқи ва Куёш атрофида айланиши натижасида Ер билан бирга ҳаракат қилаётган кузатувчиға юлдузларнинг асл ўрнидан бир оз силжиганга ўхшаб кўриниши.

**АБЁТ** [а. ابيات — байтлар] эск. **1** Байт, байтлар. *Абётига назми оташолуд*. А. Навоий.

**2** Умуман, шеър, шеърлар. *Ким билсин, эҳтимол, Мавлоно унинг таъби назмини, машқ йўсин абётини муборакбод этармиди*. Х. Султон, Бобурийнома.

**АБЖАД** [а. اجد] **1** Қадимги араб алифбоси таркибидаги ҳарфлардан тузилган ва ҳар қайси ҳарфнинг бирдан минггача сон қий-

матини ҳамда қадимий араб алифбоси тартибини эсда сақлаш учун ўйлаб топилган саккизта сўздан (*абжад, ҳавваз, хутти, каламан, саъфас, қарашат, сахаз, зазағ*) биринчисининг ва шу саккиз сўз мажмуининг номи.

**Абжад ҳисоби ёки ҳисоби абжад** Араб ҳарфларининг абжад тизимидаги сон қийматиға мувофиқ бирор сўз ёки иборадан маълум бир сон, саноқ, тарих чиқариш.

**2** Эски усулдаги мактабларда ўқитилган бошланғич таълим алифбоси. *Ҳамма нарса болалар учун янги, қизиқ эди, чунки улар абжаддан, ҳафтиядан бўлак китоб кўрмаган эдилар*. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**АБЖАДҲОН** Эски усулдаги мактабда эндиғина таълим ола бошлаган, абжад ўқувчи бола. қ. **абжад 2**.

**АБЖАДҲОНЛИК** Абжад ўқиш, абжад ўрганиш. *Буни менга отам абжадхонлик вақтида ўргатган эди*. С. Айний, Эсдалиқлар.

**АБЖАҚ**: **абжақ бўлмоқ ёки абжағи чиқмоқ** кам. қўлл. **1)** пачоқланиб, эзилиб, пуртурдан кетмоқ. *Абжағи чиққан машина. Аварияға учраган машиналар абжағи чиқиб ётибди*. Сўзлашувдан. **2)** калтак ёки бошқа нарса зарбидан эзилиб ҳолдан кетмоқ, абжақ ҳолға келмоқ. **Абжағини чиқармоқ ёки абжақ қилмоқ 1)** қатғиқ жароҳатламоқ. *Фашистни ур, абжағини чиқар..* Ойбек, Куёш қораймас; **2)** урилиб, эзилиб, яроқсиз ҳолға келмоқ (келтирилмоқ).

**АБЖАҚЛАМОҚ** кам қўлл. Абжақ қилмоқ, абжағини чиқармоқ, дабдала қилмоқ.

**АБЖИР** Оёқ-қўли тез, тез ҳаракат қила оладиган; эпчил, чаққон. *Абжир бола*. ■ *Йўлчибой.. барвасталиғига қарамасдан абжиргина йигит*. Ойбек, Танланган асарлар. *Отамдан ёши катта бўлса ҳам, лекин ўзи абжир, гўлабир киши эди*. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**АБЖИРЛИК** Эпчил ҳаракат; чаққонлик. *От мункиб кетганда, эгарнинг устидан думбалоқ ошиб тушган паранжисиз қиз ўйноқи каптардай абжирлик билан ўзини ўнғариб олди-да, жувонга ёрдам бергани шошилди*. А. Қаҳҳор, Мастон.

**АБЖЎШ** шв. **1** айн. **обжўш**.

**2** айн. **абжўши**. *Оёғин тош урмасин деб, Абжўшдан нағал қоқилган*. Э. Жуманбулбул, Хушкелди.

**АБЖЎШИ** шв. *сфт*. Сув бериб ишланган (темир, пўлат кабилар ҳақида). ..ўйна-

тиб шу тулпор отти, абжўши пўлат нағаллар тоғнинг тошин ёнғоқ этди. Ислом шоир, Зулфизар билан Авазхон.

**АБЗАЛ** [ф. *abzar* ёки *افزار* — асбоб, иш қуроли] От-уловни миниш ёки аравага қўшиш учун зарур бўладиган асбоблар мажмуи. — *Мана буларни ямаб қўй, — деб жаҳл билан олдимга узилган-юлинган бир тўда қайиш, жазлик, юган — от абзалларини бир бигиз ва бир нечта тикиш билан улоқтирди.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Ёзи отнинг абзалларини елкасига кўтариб, йилқилар орасидан бўз отни ахтариб кетди.* “Ёзи билан Зебо”.

**АБЗАЛЛАМОҚ** Отга эгар-жабдуқ, юган ва ш.к. урмоқ. *Ёрнинг ишқи мани бунда бўзлатти, Абзалаб минарман бу қора отти.* “Муродхон”.

**АБЗАЦ** [нем. *Absatz* < *absetzen* — янги сатрдан бошлаш] **1** Матн (текст)нинг дастлабки қаторини бир оз ўрин (уч ҳарф ўрни) қолдириб бошлаш; хатбоши, сатрбоши. *Янги абзацдан ёзмоқ.*

**2** Матннинг бир хатбошидан кейинги хатбошигача бўлган қисми. *Уч абзаци ўқимоқ.* *Бир абзац ташлаб ёзмоқ.*

**АБИРА** кт. айн. *эвара.*

**АБИТУРИЕНТ** [лот. *abituariens, abiturientis* — кетмоқчи бўлган киши] **1** Ўрта мактабни битираётган ўқувчи.

**2** Олий ёки ўрта махсус ўқув юртига кириш учун даъвогар. *Имтиҳонларни бошлашдан аввал қуръа ташланади. Билетларни олиш учун абитуриентлардан тўрт киши чақирилади.* Газетадан.

**АБЛАҚ** [а. *ابلق* — ола-була, оқ-қора] Чипор, чавкар (от туси ҳақида).

**АБЛАҲ** [а. *ابله* — тентак, беақл, нодон] **1** Хулқ-атвори тубан, ярамас ахлоқли. *Аблаҳ одам. — Мендақа бефаҳм-бефаросат аблаҳларни аяш — гуноҳ! Фельетон қилинг, фельетон!* О. Ёкубов, *Бир фельетон қиссаси.*

**2** Шу белги-хусусиятга асосланган ҳақоратни билдиради. *Ие, аблаҳ, бошқа гап қуриб қолдими.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

**АБЛАҲЛИК** Ярамас хатти-ҳаракат, аблаҳга хос қилиқ. *Бош вазир жаноблари, бу кўрнамак билан қадрдон дўст эдик, бундай аблаҳлик қилишига сира кўзим етмас эди.* Ж. Шарипов, *Хоразм.*

**АБЛАҲОНА** Аблаҳга хос, аблаҳники каби. *Лекин Гуландом билан сўзлашган сари у баъзи қўпол ҳаракатлардан, аблаҳона қилиқлар-*

*дан ўзини тийишига тириша бошлади.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

**АБО** [а. *عبا* — чопонга ўхшаш жун кийим] *тар.* Авраси жун ёки бошқа матодан тикилган узун, кенг, лекин энги калта эркаклар уст кийими. *Шайбонийхон бошига қизил бўрк устидан салла ўраган, кўк мовутдан або кийган.* П. Қодиров, *Юлдузли тунлар.*

**АБОЛИЦИЯ** [лот. *abolitio* — бекор қилиш] Қонун ёки қарорнинг бекор қилиниши.

**АБОНЕМЕНТ** [фр. *abonnement*] Бирор нарсадан (мас. телефон, театрдаги ўрин, автотранспорт ва ш.к. дан) маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқи ва шу ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат. *Кутубхоналараро абонемент.* *Абонемент ҳақи.* *Абонемент олмақ.*

**АБОНЕНТ** [фр. *abonner* — ёзилмоқ, обуна бўлмоқ] Абонементга эга бўлган шахс ёки ташкилот.

**АБОРИГЕН** Аборигенларга мансуб.

**АБОРИГЕНЛАР** [лот. *aborigine* — аввалдан, бошидан] **1** Мамлакат ёки бирор жойда қадимдан яшаб келаётган тубжой аҳоли; тубжойликлар. *Австралия аборигенлари.*

**2** Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг қадимдан бир жойга мансуб (маҳаллий, жайдари) турлари, зотлари. *Абориген гўза.*

**АБОРТ** [лот. *abortus* — бола ташлаш, муддатидан олдин туғилиш] Ҳомиланинг ҳаётга лаёқатсиз даврида, яъни дастлабки 28 ҳафта мобайнида тушиши ёки туширилиши (олдирилиши).

**Сунъий аборт** Аёлнинг истагига кўра ёки касаллиги сабабли ҳомилани олдириш. **Ғайрихитёрӣ (табий) аборт** Ҳомиланинг турли сабабларга кўра (мас., касаллик туфайли) тушиши.

**АБОРТИВ** **1** тиб. Оғриқни, касалликни бирдан тўхтатадиган, қолдирадиган. *Абортив даволаш.* *Абортив дори-дармонлар.*

**2** биол. Ўсмай, ривожланмай қолган; мажмағил, чала. *Ўсимликларнинг абортив органлари.*

**АБР** [ф. *ابر* — булут] **1** эск. кт. айн. булут **1.** *Абр ичига беркиниб, мотамсаро бўлсин қуёш.* Э. Воҳидов.

**Абри найсон** Баҳорги серёмғир булут. **Абри навбаҳор** Эрта баҳорнинг ёмғирли булут. **Чун абри навбаҳор** Худди эрта баҳор булутидек. *Зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб.* Ф. Фулом. **Абри бало** Бало, офат булут.

Аёллар хонадонлари узра ёпирилиб келаётган абри балони эрларидан аввалроқ сезадилар. Т. Малик, Шайтанат.

**2** Тўқимачилик, меъморлик, кулолликда учрайдиган, тархи булутсимон амалий безак тури.

**АБРАЗИВ** [лот. abrasio — силлиқлаш, тарашлаш, қириш] Абразивларга оид. *Абразив асбоблар*.

**АБРАЗИВЛАР** Металл, сопол, ойна, ёғоч ва ш.к. нинг юзини силлиқлаш, жилолаш, пардозлаш, шунингдек, асбобларни чархлаш учун ишлатиладиган майда дондор ўта қаттиқ моддалар.

**АБРАШ** эск. Чавкар, холдор от. *Абраш-ни елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар*. Бобур.

**АБРБАНД** [ф. ابر + بند — боғ, боғлам, тугун] **1** Атлас, шойи тандасига махсус усулда гул (нақш) солиш. *Эски абрбандчи усталар абрбанд техникасини жуда қадим замонларданоқ билганлар*. “Фан ва турмуш”.

**2** айн. **абрбандчи**.

**АБРБАНДИ** Атлас, шойи танда иплари-га гул (нақш) солиш усули.

**АБРБАНДЧИ** Абрбанд ишловчи. *Абрбандчи рассом ингичка чўпни қоракуя ара-лаштирилган сувда намлаб, у безакнинг яр-мини туширади*. “Фан ва турмуш”.

**АБРИШИМ** [ф. ابريشم — ипак] **1** эск. айн. **ипак**.

**2** Ипак газлама, шойи; шу газламадан тикилган кийим. *Унинг эғнида.. ранг-баранг порлаган қизил абришим тўн*. Ойбек, Навоий.

**АБРЎ** [ф. ابرو] эск. поэт. Қош.

**АБРЎКАМОН** [ф. ابروڪمان — қоши камон] эск. поэт. Қайрилма қош, қошлари камон сингари қайрилган. *Абрўкамон қиз*. ■ *Қулбаҷча ва чўрилар орасида абрўкамон, мўр-чамиеъ, нистадаҳан.. сарвиравонлари жуда кўп*. С. Айний. Куллар.

**АБСЕНТЕИЗМ** [лот. absens, absentis — йўқ бўлган, ҳозир бўлмаган] Сайловчи-ларнинг давлат органларига бўладиган сай-ловга қатнашишдан оммавий равишда бош тортиши.

**АБСОЛЮТ** [лот. absolutus — чегаралан-маган, шак-шубҳасиз] айн. **мутлақ**.

**АБСОЛЮТИЗМ** Мутлақ, чегараланма-ган яккахоқимлик.

**АБСОРБЦИЯ** [лот. absorbtio — ютиш, ютилиш, шимилиш, сингиш]. физ., ким.

Эритма ёки газлар аралашмасидаги модда-ларнинг қаттиқ жисм ёки суюқликка юти-лиши; ёруғликнинг модда орқали ўтаётган-да ютилиши. *Газ абсорбцияси. Ёруғлик абсорб-цияси. Товуш абсорбцияси. Газ абсорбцияси*.

**АБСТРАКТ** айн. **мавҳум**.

**АБСТРАКЦИОНИЗМ** [лот. abstractio — мавҳумлик, узоқлашиш] 20-аср тасвирий санъатида, ҳайкалтарошлик ва графикаси-да ўта формалистик оқим бўлиб, унинг та-рафдорлари объектив воқеликни мавҳум геометрик шакллар, пала-партиш чизиқлар, нуқталар бирикмаси (боғланмаси) сифатида тасвирлайдилар.

**АБСТРАКЦИОНИСТ** Абстракционизм намояндаси.

**АБСТРАКЦИЯ** [лот. abstractio — мавҳум-лик, номаълумлик] **1** Билишда нарса, ҳо-диси-саларнинг муҳим ва муайян белги ва қону-ниятларини ажратиш, бўрттириб кўрсатиш мақсадида уларнинг жузъий, иккинчи да-ражадаги томонлари ёки боғланишларидан хаёлан узоқлашиб фикр юритиш.

**2** Абстракциялаш йўли билан ҳосил қилинган мавҳум тушунча, назарий умум-лаштирма, назарий хулоса.

**АБСЦЕСС** [лот. abscessus — йирингли яра, чипқон] тиб. Тўқима ёки аъзоларнинг шикастланган жойида йиринг тўпланиши; йиринг йиққан, газак олган жой.

**АБУ** [а. ابو — “ота” сўзининг изофа ҳола-тидаги шакли] Арабларда ва бошқа баъзи мусулмон халқларда қуналарнинг таркибий қисми бўлиб, “отаси” деган маънони бил-диради. *Абу Абдуллоҳ, Абу Райҳон*.

**АБХАЗ** **1** Абхазия мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи.

**2** Шу халққа мансуб, тегишли. *Абхаз йи-гити. Абхаз тили*.

**АБХАЗЛАР** Абхазиянинг асосий (туб) аҳолиси, абхаз халқи.

**АВАЙЛАМОҚ** Озор, зарар ва завол таъ-сиридан эҳтиёт қилмоқ. *Нега ўз жонимизни авайлаймиз-у, милицияни дуч келган ишга балогардон қиламиз*. Газетадан. *Сен кўчат эк-динг, авайлаб мевасин бунёд қил*. Воқиф.

**АВАНГАРД** [фр. avant-garde — олдиндаги қўриқчи] **1** Ҳарбий юришларда асосий куч-ларни қўриқлаш учун олдинда борувчи аса-рий қисм.

**2** Бирор халқ, синф ёки ижтимоий гу-руҳнинг илғор қисми.

**АВАНГАРДИЗМ** [*фр.* avant-gardisme — илғорлик] 20-аср санъат ва адабиётида реалистик бўлмаган (ҳатто реалистик оқимга зид) оқимларнинг умумий номи. Унинг тарафдорлари адабиёт ва санъатнинг аввалдан мавжуд анъаналарини тан олмай, уни тубдан янгилашни, унинг тасвирий ва шаклий имкониятларини кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган, шунга кўра, ҳатто реализмни ҳам рад этганлар.

**АВАНПОСТ** [*фр.* avant-poste] Қўшиндан илгарироққа, душманга яқин қўйилган соқчилар ва улар эгаллаб турган жой.

**АВАНС** [*фр.* avance] Бир жисмоний ёки юридик шахс томонидан бошқасига келгусида тўланадиган ҳақ ҳисобидан олдиндан бериладиган пул миқдори. *Аванс бермоқ.*

**АВАНТЮРА** [*фр.* aventure — қатгис ҳаракат; саргузашт] Тасодифий муваффақиятга эришиш учун реал куч, шароит ва имкониятларни ҳисобга олмай, таваккалга қилинган хатти-ҳаракат.

**АВАНТЮРИЗМ** Осонгина муваффақиятга эришиш, фойда олишни кўзлаб, таваккалчилик билан қилинган иш, хатти-ҳаракат; авантюрага мойиллик. *Сийсий авантюризм.*

**АВАНТЮРИСТ** Авантюризмга, авантюрага мойил одам.

**АВАНТЮРИСТИК** Авантюрага, авантюризмга асосланган, авантюристарга хос бўлган.

**АВАР 1** Доғистоннинг ғарбий, Озарбайжоннинг шимоли-ғарбий худудларида яшовчи халқнинг номи.

**2** Авар халқига тегишли. *Авар тили. Авар аёли.*

**АВАРА** *шв.* Эвара.

**АВАРИЯ** [*итал.* avaria] **1** Машина, самолёт ва ш.к. нинг ишлаб турган вақтида тўсатдан бузилиши, ишдан чиқиши. *Авария сиенали.*

**2** Бахтсиз ҳодиса, фалокат. *Автомобиль аварияси. Аварияга учрамоқ.*

**Авария бригадаси** Авариянинг олдини олиш ёки оқибатларини тугатиш учун тузилган бригада.

**АВАРИЯЧИ** (асосан кўпл. шаклида — **авариячилар**) Авариянинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тугатиш, тугатиш ишларини бажарувчи шахс. *Авариячиларнинг боқулки бригадаси.. мисли кўрилмаган мардлик кўрсатди.* Ч. Айтматов, Дўстлик трассаси.

**АВАРЛАР** Доғистонда ва Озарбайжоннинг шимоли-ғарбий қисмида яшовчи ерлик халқ; авар халқи.

**АВАХТА** [*нем.* Hauptwache] *эск. с. т.* Қамоқ уйи, қамаш жойи: қамоқхона, турма. *Оқ пошшонинг авахтаси ҳам кўп, Сибири ҳам кенг.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Авахта бўлмоқ** Қамоққа олинмоқ. *Акам яна авахта бўлгандан кейин ҳалиги эликбоши мени ҳам “ўлди”га чиқариб, хотинга совчи устига совчи қўяверинти..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Авахта қилмоқ** Қамоққа олмоқ, қамamoқ.

**АВАҒА 1 айн. чевара.**

**2 с.т.** Узоқ қариндош, чатишган қариндош.

**Авағамнинг авағаси, умуртқамнинг шўрваси** Жуда узоқ, чатишган қариндош ҳақида.

**АВБОШ** [*ф.* اوياش — безори, бадкирдор, саёқ] *эск.* Безори, бевош. *Шаҳарнинг машҳур авбошларидан бир тўпи, бир-бирлари билан баслашгандай, косаларни пайдарпай сипқаришади.* Ойбек, Навоий.

**АВВАЛ** [*а.* اۆل — бошланиш; биринчи] **1** *от кам қўлл.* (асосан 1-ш. эгалик ва ў.-п. к. шаклида) Бош(и), бошланиш(и). *зид. охир.* *Ишнинг аввали ва охири.* ■ *Хуллас, бугун ёшлигимни эслашим ва гапнинг аввалини шундан бошлашимнинг сабаби бошқа.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Мулоҳазаларимиз аввалида видеофильм ҳақидаги айрим фикрлар, баҳоларни муштарийга етказмоқчи бўлдик.* Газетадан.

**Аввал-охир** Бир умр; бутунлай, батамом. *Ҳеч ким баробар келмас энди, улларим (ўғилларим), Мен биламан, аввал-охир сизларга. “Эрали ва Шерали”. Бунча жозиб, бунча соҳир, Якто бўлдинг, Кўҳинор? Соҳибингга аввал-охир Бало бўлдинг, Кўҳинор.* Э. Воҳидов.

**2 рвш.** Ўтган вақтлар(да), ҳозирга қадар; илгари. *зид. ҳозир.* *Тирикчилигимиз аввал қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу кенг хонага Ғулмжон авваллари ҳам кўп келган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**3.** Биринчи навбатда, биринчи бўлиб; дастлаб. *Аввал қариялар дастурхонга таклиф этилди. Аввал таом, баъдаз калом.* Мақол. ■ *Аввал тўнғич ботир пойловчилик қилибди. “Чалпак ёққан кун”.*

**4** Бошланишда; бошда. *Аввал ҳеч нарса сезилмади, бир оз ўтга, оғриқ тура бошлади.*



5 кўм. *взф.* Бирор воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бо- раётган вақтдан олдин бўлганлигини билдиради. *Учрашувимиздан аввал. Бундан тўрт йил аввал.* ■ *Мана сўнги хотира: икки ярим йил аввал меҳрибон она уни шаҳарга узатади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АВВАЛАМБОР** *крш. с. взф.* Аввали шуки, аввало. -*Авваламбор, — деди зардаси қайнай бошлаб Холмирза, — менинг бригадамда сизбон иш йўқ.* Х. Назир, Ўтлар туташганда.

**АВВАЛАН** [а. *أول*] *рвш. айн. аввало.*

**АВВАЛБОШИ** Биринчи навбатда; аввало. *Аввалбоши ўзимизнинг колхозчиларга тушунтиришимиз керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АВВАЛГИ** Вақт эътибори билан бошқасидан олдин, илгари бўлган; илгариги, олдинги. *Аввалги хат. Аввалги вағда. Урушдан аввалги йиллар.* ■ *Йўлчи тилсиз каби ғайришуурий равишда бошини чайқади ва аввалги вазиятда қотди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Аввалги кун (ёки аввал кун)** Кечадан олдинги кун, ўтган кун. *Аввалги кун улардан бирига калла солганман, беш йилга қаматиб юбормоқчи бўлишувди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

**АВВАЛГИДАЙ**, -*дек рвш.* Аввал ёки аввалги қандай бўлса, шундай; илгаригидай, боягидай. *Бу ерда ҳеч ўзгартиш йўқ, ҳамма нарса аввалгидай.* ■ *Лектор четга қараб, аввалгидай паст товуш билан: — Эшикни ёпинг, — деди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**АВВАЛГИЧА** *айн. аввалгидай.* Ота-бодан қолган чордевор.. *сомонсувоқ қилинган эски томда ҳаёт яна аввалгича.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

**АВВАЛИ 1** *айн. аввал 1.*

2 *рвш.* Бошда, аввал бошда. *У аввали севинди, кейин ўйлаиб қолди.*

3 *крш. с. взф.* Биринчидан. *Аввали, бу бойўғли эмас, ҳаққуш, қўрқма.* А. Қаҳҳор, Мастон.

**Аввали шуки** Биринчидан, авваламбор. *Аввали шуки, ухлаганим йўқ, ундан кейин..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АВВАЛИГА** *айн. аввал 4.* Бошда. *Аввалига ширин эрмак бўлган бу гаплар, бола 5-6 ёшга борганда, катталарни ўнғайсиз ҳолга солиб қўядиган бўлиб қолди.* Газетадан. *Аввалига таксичи бунга эътибор бергани йўқ.* Газетадан.

**АВВАЛО 1** *рвш.* Энг аввал, даставвал, дастлаб, биринчи галда. -*Тақсир, — деди Олахўжа маҳсум отдай пишиқриб, — агар бу киши болаларни ўқитмоққа келган бўлса, аввало унинг ўзини ўқитмоқ лозим.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *крш. с. взф.* Аввали шуки, биринчидан. -*Аввало, менинг уйим йўқ. Ундан кейин мени муборакбод қилиб турган танишларим ҳам йўқ, — деди Анвар қўл силтаб.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АВГУСТ** [лот. *augustus* — олий, муқаддас, улуг; Рим императорининг номи] Янгича йил ҳисобида саккизинчи ой.

**АВЖ** [а. *وج*] — юксалиш нуқтаси, юқори нуқта, чўққи] 1 Ривож олиш, ўсиш (ўсимлик, дарахт кабиларга нисбатан). *Биринчи қадамда, биринчи бўлиб, Экилган чигитнинг авжини кўрсам, Битта туп гўзанинг мавжини кўрсам.* Ё. Мирзо.

**Авж олмоқ** 1) ўсмоқ, ўсиб ривожланмоқ. *Кўчат яхши авж олмаяпти. Ҳаво исииши билан экинлар авж ола бошлади.* ■ *Қўшимча ўғитланган гўзалар сувдан чиққач, жуда авж олиб кетди.* Р. Азизхўжаев, Яшил чайла; 2) ривож топмоқ; юксалмоқ, кучаймоқ. *Фонд бозори шаклланиб, қимматли қоғозлар савдоси авж оляпти.* Газетадан. *Давлати халқига, халқи давлатига қайишган мамлакатлардагина тараққийёт авж олади.* Газетадан. *Инсоният қонунларсиз яшолмайди. Акс ҳолда, унинг ҳуқуқи поймол бўлади, адолатсизлик авж олади.* Газетадан.

2 Энг юқори(си). *Муборак Ўзбекистон, осмон авжиди парвозинг. Муборак сенга иштиқлол, баландроқ янгрисин созинг.* Воқиф. *Бу роман ижодининг авж нуқтасини ташкил қилувчи асар бўлмоғи керак эди.* Газетадан.

**Авжига чиқмоқ (ёки авжига минмоқ)** Юқори даражасига кўтарилмоқ, кучаймоқ. *Ўйин-кулги, хурсандчилик авжига чиқяпти.* ■ *Мамлакатда порахўрлик кучайди, хонбеклар зулми авжига минди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 *мус.* Куй ёки қўшиқдаги энг юқори нота. *Қизлар айтса қўшиқни авжни талашиб, Маставага қатиқдай гапга тиқилар.* Ф. Ғуллом. *Бу қўшиқ гоҳо авж пардаларда, гоҳо пастроқ оҳангларда жаранглаб туради.* Газетадан.

**АВЖИ 1** *Авж с. 1-ш., бирл. эгалик шакли. Куйнинг авжи.*

**2 рвш.** Худди, нақ. *Авжи пишиқчилик вақти.* ■ *Авжи кетиш пайти, бир оздан кейин тонг отади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АВЖИДА** *рвш.* (*кесим өзф.*) Авжига чиққан, авж олган; қизгин. *Қурилишда иш авжиди.* ■ *Тайёргарлик ишлари авжиди.* Газетадан. *..бир-бирини соғинган ўқувчиларнинг қий-чуви авжиди.* Газетадан.

**АВЖЛАНМОҚ 1** Авж олмоқ, ривожланмоқ. *Экинлар авжланмаяпти.*

**2** Авжига чиқмоқ, кучаймоқ. *Шунда булбул нағмаси, қизларимиз яласи, йигитларнинг гурури айниқса авжланади.* Ф. Фулом.

**АВЗО** [*а.* اوضاع — ҳол, ҳолат, равиш, юриш-туриш] **3-и.бирл.** **авзойи** (асосан инсон ва ҳавога нисбатан) **1** Юз кўринишининг муайян ифодаси. *Аёл йигитнинг авзойидан ёмон ниятли киши эмаслигини пайқайди.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув. *Баратов Саодатхоннинг авзойига қаради-ю, гапини ютди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**2** Рухий (ички) ҳолат; кўриниш. *Шарофат.. кечқурун Канизак келганда яна заҳарга тўлиб ўтирган эди, бироқ уни чўчитмаслик, ғафлатга солиб туриб, бирдан қўлга тушириш учун авзойини сира билдирмасликка ҳаракат қилди.* А. Қаҳҳор, Кўшчиноч чироқлари.

**Авзойи бузуқ** Кайфияти, кўриниши ёмон, ёмон томонга ўзгарган. *Аёл ҳайрон бўлиб, унга қаради. Толиб аканинг авзойи бузуқ эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳавонинг авзойи бузуқ. Осмон тўла қоп-қора булут..* Т. Ашуров, Марварид тут.

**АВИА-** [*лот.* avis — қуш] Ўзлашма қўшма сўзлар таркибида “авиация” сўзи ўрнида, шу сўзга алоқадор маъноларда қўлланади: *авиабаза* (авиация базаси), *авиаразведка* (авиация разведкаси), *авиапочта* (авиация почтаси) ва б.

**АВИАКОМПАНИЯ** Авиалинияларга ёки самолёт ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлган бирлашма. *“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси.*

**АВИАКОМПАС** [авиа.. + компас] Учиш аппаратларида ишлатиладиган навигация асбоби.

**АВИАЛИНИЯ** [авиа.. + линия] қ. **ҳаво, ҳаво йўллари.**

**АВИАМОДЕЛЧИ** Авиамоделчилик билан шуғулланувчи шахс.

**АВИАМОДЕЛЧИЛИК** Техника ва спорт мақсадларида учиш аппаратлари моделларини лойиҳалаш ва ясаб учираш.

**АВИАМОДЕЛЬ** [авиа.. + модель] Учиш аппаратининг қўлла учираш учун ясалган модели, нусхаси.

**АВИАНОСЕЦ** [авиа.. + *р.* носец < носитель — олиб, кўтариб борувчи] Сув усти жанговар кемаси — сузувчи авиация базаси.

**АВИАПОЧТА** [авиа.. + почта] Почта юклари самолётда ташиладиган алоқа тармоғи.

**АВИАСАЛОН** [авиа.. + салон] Ҳавода учиш аппаратлари (самолёт, вертолёт ва ш.к.)нинг янги моделлари намоиш этиладиган ва сотиладиган махсус кўрғазма. *Халқаро авиасалон.*

**АВИАТОР** [*фр.* aviateur] Авиация ва умуман учиш ишлари билан шуғулланувчи шахс; учувчи.

**АВИАТРАССА** [авиа.. + трасса] Фуқаро ҳаво флотининг самолёт ва вертолётлари мунтазам равишда қатнайдиغان ҳаво йўли.

**АВИАЦИЯ** [*фр.* aviation < *лот.* avis — қуш] **1** Ҳаводан оғир аппаратларда фазода учиш назарияси ва амалиёти. *Авиация техникаси.*

**2** Учиш аппаратларининг мажмуи; ҳаво флоти. *Фуқаро авиацияси. Ҳарбий авиация.*

**АВИЗО** [*итал.* avviso < *лот.* avis — қуш] Банк, тижорат амалиётида ҳисоб-китоб муомалаларининг бажарилганлиги тўғрисида бир аҳдлашувчи томоннинг иккинчисига юборадиган расмий хабарномаси.

**АВИТАМИНОЗЛАР** [*юн.* а — инкор қўшимчаси + витамин] *тиб.* Организмда витаминлар етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликлар. *Организмда витаминлар етарли бўлмаса, турли авитаминоз касалликлар юзага чиқади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**АВЛИЁ** [*а.* اوليا — валилар] **1** *дин.* Валилар, эътиқодли, диндор кишилар; азиз, муқаддас, оллоҳга яқин кишилар; руҳонийлар. *Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг Бухорода авлиё сифатида шуҳрат топишида бир воқеа сабаб бўлган экан.* Газетадан.

**2 с.т.** Каромат, башорат қила оладиган, мўъжизалар кўрсата оладиган одам. *Мен шундай авлиёманки, агар тош ёки дарахтни чақирсам, олдимга дарров келади.* “Латифалар”. *Тантибойвачча олазарак бўлиб, елкасини қисди ва ерга қараб деди: -Биз авлиёмизми? Қаерда эканини айтиш жуда мушкул.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3 с.т. кест.** Улуғ, зўр фаҳмланувчи одам ёки нарса. *Нима, звено бўлиб, авлиё бўпти-*

ми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Хотин киши эса ожиза, авлиёси ҳам ҳасаддан холи эмас.* Ф. Мусаџонов, Ҳиммат.

**4 с. т.** Ҳеч нарса билан иши йўқ, дарвешсифат, дарвешнамо одам. *Юрагинда Ўринбой отанинг ўғити бор-да. Даданг пок одам. Қишлоқнинг авлиёси у. Ишонаман. Ойбек, Куёш қораймас. Фор оғзида, баланд ясси тош устида, Яланғоч авлиё – ориқ бир кекса одам гулхан ёқиб ўтирарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**АВЛИЁНАМО** [a.+ф. اوليانما] Авлиёга ўхшаш. қ. **авлиё** 4.

**АВЛИЁУЛЛОҲ** [a. اولياالله] Худога яқин кишилар.

**АВЛЮ** [a. اولى – энг яхши, энг муносиб] эск. кт. Нисбатан афзал, яхши. *Улар учун минг мулланинг сўзидан ёвжонлик Шокиргуломининг бир оғиз.. сўзи минг марта авлороқ.* С. Айний, Қуллар.

**АВЛЮД** [a. اولاد – ўғиллар, болалар, насл] **1** Ота-бободан қолган насл (аждодга нисбатан). *Биз эски қулларнинг авлодимиз.. ота-боболаримиз озод бўлган чоғларда ўзлари учун қурган чайладек уйларда тирикчилик қиламиз.* С. Айний, Қуллар. *Аждодлар бўлмагай авлодсиз, Авлодлар зийнати аждодлар.* Б. Бойқобилов.

**2** Ота-бобо ва унинг насли; сулола; зот. *Темур авлоди* (темурийлар). *Бобур авлоди* (бобурийлар). ■ *Девонбегилар авлодига мансуб бўлган Шерназарбой Исломуҳжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Фисқ-фужур уяси бўлган бу оила ҳаммани қораласа ҳам, ўз авлоди бўлган ана шу катта бойга асло тил тегизмас эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** Замоннинг маълум қисмига мансуб одамлар; бўғин. *Кекса авлод. Ўрта авлод. Ёш авлод. Келгуси авлод.* ■ *Ўйлайманки, мана шундай обод ва озод юртни кўрганда, нафақат катта ёшдаги кишилар, балки ёш авлод ҳам янги куч-қувват олади, ғурурланади.* Газетадан.

**4** кўчма Замонавий электрон-ҳисоблаш машиналарининг ва б. техник жиҳозларнинг янгиланган, такомиллашган туркуми. *Бу аппарат компьютерларнинг тўртинчи авлодига мансуб.*

**АВЛЮҚ** қ. **овлоқ**.

**АВОМ** [a. عوام – умум, омма] **1** Оддий халқ, “қора халқ” (ўтмишда). *Авом шоири-*

*мизни ҳурмат қилади, шоиримиз ҳам авом тилини яхши биладилар.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**2** Ўқимаган, тушунмаган, хат-саводсиз киши(лар). *Улки устозликда танҳо, мен эдим хатсиз, авом.* С. Зуннунова.

**АВОҚ** с.т. айн. **авахта**. Э, кечагина авоқдан чиқиб келган одамни яна нима қилмоқ-чисизлар? П. Турсун, Ўқитувчи.

**АВРА** [ф. ايره < اوره] Кийим, кўрпа, кўрпача каби нарсаларнинг ташқи, сиртқи қавати. *Тўннинг авраси.* ■ *Тўшак аврага олти метр қизил духоба олиб бермасангиз, уят бўлади.* “Муштум”.

**Авра тўн** Астарсиз тўн. **Авра камзул** Астарсиз камзул. *Унсун хола.. авра камзулини бошига ёпинди-да.. далага йўл олди.* А. Ҳайитметов, Унсун хола.

**2** Ёстиқнинг сиртқи жилди.

**АВРА-АСТАР** [ф. اوره - استر] Авра ва астар. *Авра-астари бутун кўрпа.*

**Авра-астар чопон** Авра билан астардангина иборат (яъни пахтасиз) чопон, тўн. *..эгнида авра-астар чопон, бошида беўхшовроқ ўралган чалма.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. **Авра-астарини ағдармоқ** (ёки **қоқмоқ, сўкмоқ**) Бутун кирдикорларини очиб ташламоқ. *Шошмай тур, авра-астарингни ағдариб ташламасам.. отимни бошқа кўяман.* “Таниш башаралар”.

**АВРАБАНД** с.т. **1** айн. **абрбанд**. *Намозшомагул атласга тўққиз хил ранг ишлатиладиган бўлса, ипак ўримлари аврабанд цехидан бўёқ цехига тўққиз марта бориб келади.* С. Анорбоев, Майда тароқ.

**2** айн. **абрбандчи**.

**АВРАМОҚ** **1** Айтганига (мақсадига) юргизиш, кўндириш учун ёлғон-яшиқ гаплар қилмоқ, усталик билан алдаб-сулдамоқ. *Баққол бу сўзларни эшитмагандай аврайверди: -Мен сизнинг фойдангизни уйлайман.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** с. т. Гипноз қилмоқ (илон ҳақида). *Илон заҳарли тилини чиқариб туриб, сеҳрли кўзи билан учар қушларни аврайди.* “Қаҳрамонлар”.

**АВРАТ** [a. عورت – жинсий аъзолар, тананинг уятли жойлари] **1** биол., тиб. Жинсий аъзолар (эркак ва аёлларда). *Ўрнимдан турсам, уятли жойларим очилади, сўнгра сенинг раисинг “авратингни очиб, хилофи шаръ ишладинг” деб, мени бир кам қирқ дарра уради.* С. Айний, Қуллар.

**2 дин.** Тананинг, шариатга мувофиқ, бекитиб юрилиши талаб қилинадиган, уятли жойлари.

**АВРАТЎШ** [a.+ф. عورتپوش – авратни беркитувчи] Авратни бекитиб турадиган нарса, кийим, лунги.

**АВРАҒИЧ** айн. **авроқчи.** *Энди реакциянинг аврағич* воизлари мусулмонлар бирлиги тўғрисида кўкракларига уриб, дарё-дарё сўз қуядилар.. Ойбек, Нур қидириб.

**АВРОД** [a. اوراد – дуолар] Бомдод, тонг намозидан сўнг ўқиладиган дуо, оят; кўп такрорланадиган, ўқиб юриладиган оятлар, дуолар. *Истарамким, эй пари, ҳар эрта аврод ўрнига Исми абзамдек отинг пайваста такрор айласам.* Фурқат.

**АВРОДЧИ** Аврод ўқувчи. *Бу ерда тонг азонда авродчи сўфиларнинг қичқириб гўлдирайдиган ҳар хил дуолари кишини уйқудан безовта қилмас эди.* Ғ. Ғулум, Шум бола.

**АВРОН** айн. **тошқин.** *Илгари бу жой саккиз ариқнинг бош лабгардони эди. Аврон келган вақтларда сувни ариқларга тақсимлаш катта можаролар билан ўтарди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**АВРОҚ** Авраш гаплари, хатти-ҳаракати. *– Мен хомкалла, домланинг авроғига учиб, розилик билдирибман, – деди чол.* А. Муҳиддин. Ёдгорликнинг тўйи.

**АВРОҚЧИ** Алдоқчи, йўлдан оздирувчи. *Унинг қора йўлини давом эттирган бошқа эшонлар, сўфилар, ҳар хил авроқчилар, товламачиларни фош этаман.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АВСАТ** [a. اوسط – ўрта, ўртача] *эск. кт.* Ўрта, ўртача, ўрта даражадаги. *Мадраса талабалари “авло”, “авсат” ва “адно” номи билан уч гуруҳга бўлинган эди.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

**АВТАРКИЯ** [юн. autarkeia – ўз-ўзини қондириш] Ўз-ўзини таъминлаш қондасига асосланган, бошқалар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган биқик хўжалик тизими ва шунга асосланган иқтисодий сиёсат.

**АВТО** с.т. кам қўлл. айн. **автомобиль.** *Паркка кетди трамвайлар, автолар..* М. Шайхзода.

**АВТО-** [юн. autos – ўзи, ўзим] Ўзлашма сўзлар таркибида қуйидаги маъноларни билдиради: 1) ўз қўли билан. *Автобиография;* 2) ўзи ҳаракатланадиган, автоматик. *Автопилот. Автоюклагич;* 3) автомобилга оид. *Автовокзал. Автокорхона.*

**АВТОБАЗА** [авто.. + база] Автомобилларда юк ва пассажирлар ташиш учун ташкил этилган транспорт корхонаси, шунингдек, автомобиллар турадиган ва ремонт қилинадиган жой.

**АВТОБИОГРАФИК** Муаллиф таржимаи ҳоли билан боғланган; автобиографияга асосланган. *Автобиографик асар.*

**АВТОБИОГРАФИЯ** [авто.. + биография] Бирор шахснинг ўзи ёзган таржимаи ҳоли.

**АВТОБЛОКИРОВКА** Машина ва аппаратлар ҳаракатини ҳамда технологик жараёнларни бошқаришда хатоликларнинг олдини оладиган ёки бартараф этадиган автоматик асбоблар мажмуи. Мас., поездлар қатнови тартибга солиб турадиган автоматик сигнализация тизими.

**АВТОБУС** [авто(мобиль) – лот. omnibus – ҳамма учун] Йўловчилар ташийдиган кўп ўринли катта автомобиль. *Уттиз ўринли автобус. Автобус қатнови. Автобус парки.* ■ *У охирига автобусга қандоқ илинганини, қишлоққа қандоқ етиб келганини ўзи ҳам билмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

**АВТОВОКЗАЛ** [авто.. + вокзал] Шаҳарлараро автобуслар қатнови йўлларининг охириги ва оралик нуқталарида йўловчиларга хизмат кўрсатадиган иншоотлар мажмуи. *Янги автовокзалда йўловчилар учун барча қулайликлар мавжуд.*

**АВТОГЕН** [юн. autogenos – ўз-ўзидан, мустақил ривожланувчи] Газ алангасида эришиб пайвандлашга оид. *Автоген усулида пайвандлаш.*

**АВТОГРАФ** [авто.. + юн. grapho – ёзма] 1 Асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган нусхаси, асл қўлёзма. *Мазкур девонни унинг Наманган нусхасига таққослаб текшириш натижасида девоннинг.. автографлигига ишонч ҳосил қилдик.* “ЎТА”.

**2** Ўз қўли билан ёзилган ёзув ва имзо; дастхат (кўпинча хотира учун).

**АВТОДРОМ** [авто.. + юн. dromos – югуриш йўли] Автомобилларни синовдан ўтказиш ва уларнинг тезкор мусобақаларини ташкил этишга мўлжалланган майдон.

**АВТОДЎКОН** Қишлоқ жойларда, бозорларда асосан озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилиш учун жиҳозланган (мосланган) автомобиль.

**АВТОЗАВОД** [авто.. + завод]: **автомобиль заводи** Автомобиль ва унинг қисмларини ишлаб чиқарадиган завод.

**АВТОИНСПЕКЦИЯ** *айн. автоназорат.*

**АВТОКАР** [авто.. + *ингл. car* — аравача] Ички ёнув двигателли (резина филдиракли) ўзиюар аравача (вокзалларда, корхоналар ҳовлисида, цехларида юк ташиш учун ишлатилади).

**АВТОКАЧКА** [авто.. + *р. качка* — силкиниш, чайқалиш] Тўгинларига резина қопланган тўрт филдиракли арава. *Бобоқул ота Қайнардан қайтишда Туламат мўйловнинг пичан ортилган автокачкасига минишга мажбур бўлди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АВТОКЛАВ** [*фр. autoclave* < авто.. + *лот. clavis* — калит] Нарсаларни юқори босимда қиздириш учун ишлатиладиган, жипс ёпиладиган идиш (турли физик-кимёвий жараёнларни амалга ошириш, тиббий асбоблар ва ҳоказоларни стериллаш ва ш.к. учун ишлатилади).

**АВТОКОЛОННА** [авто.. + колонна] **1** Автомобиллар колоннаси, кетма-кет тизилиб келаётган автомобиллар қатори.

**2** Автомобиль базаларининг филиали, бир неча автомобили бўлган бўлими.

**АВТОКОРХОНА** Аҳолига автомобиллар билан хизмат қилувчи корхона.

**АВТОКРАН** [авто.. + кран] Автомобилга ўрнатилган кўтарма кран.

**АВТОЛ** | < авто (мобиль) + *лот. ol(eum)* — ёғ] Автомобиль, трактор ва бошқа машиналарни мойлаш учун ишлатиладиган, нефтдан олинадиган маҳсулот.

**АВТОЛАВКА** қ. **автодўкон.** *Бозорга кираверишда автолавка турган экан.. Яраш полвон яқинлаб, бўйини чўзиб қаради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**АВТОМАГИСТРАЛЬ** [авто.. + *лот. magistralis* — бош, асосий] Тез ҳаракатланадиган кўп сонли автотранспортга мўлжалланган, қарама-қарши ҳаракат қаторлари ўртасига чегара қўйилган, бошқа йўллар билан бевосита кесишмайдиган узун ва кенг йўл.

**АВТОМАТ** [*юн. automatos* — ўзи ҳаракатланувчи] **1** Муайян жараёнлар бўйича белгиланган ишни ички механизми ёрдамида инсоннинг бевосита иштирокисиз ўзи бажарадиган аппарат, машина, асбоб. *Токарлик автомати. Сув сотадиган автомат.*

**2** Тезотар автоматик қурол. *Булар [пиёда аскарлар] ҳаммаси ҳам милтиқ ва автомат-*

*ларни тайёр тутган ҳолда рўйирост бостириб келмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**3 сфт. айн. автоматик 1.** *Автомат суғорғич. Автомат қурол.*

**АВТОМАТИЗМ** Ғайриихтиёрий равишда, автоматик суратда ҳаракат қилиш (кўникма ва одатлар асосида).

**АВТОМАТИК 1** Автомат тарзида ишлайдиган; ўз-ўзиладан ишлайдиган. *Автоматик тормоз. Автоматик телефон станцияси.*

**2** Ғайриихтиёрий, ихтиёрсиз, беихтиёр. *Автоматик ҳаракат.*

**АВТОМАТИКА 1** Фан ва техниканинг ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш методлари ва воситаларини яратиш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари билан шуғулланувчи тармоғи. *Автоматика, телемеханика, радиотехника, электроника саноат ишлаб чиқаришида тобора кенг қўлланмоқда.* Газетадан.

**2** Автоматик равишда ишлайдиган механизмлар, асбоблар мажмуи. *Космик аппаратларнинг бир-бирини қидириб топиши, ўзаро яқинлашиши, бир-бири билан туташуши борт автоматикаси ёрдамида бажарилди.* Газетадан.

**АВТОМАТЛАШМОҚ** Автомат асбоблар, машиналар билан қуролланмоқ, автоматика усулларига кўчмоқ. *Автоматлашган ишлаб чиқариш.*

**АВТОМАТЛАШТИРМОҚ** Иш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматик асбоблар, машиналар асосига ўтказмоқ. *Таржима ва сўзлик яратиш жараёнларини автоматлаштириш жуда қулай ва бу катта иқтисодий самара беради.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

**АВТОМАТ-СПРАВОЧНИК** Автомат усулида ишлайдиган ва бирор соҳа бўйича қисқача маълумот берадиган қурилма. *Тошкент вокзалининг кутиш залларида махсус автомат-справочник қурилмалар ўрнатилган. “Фан ва турмуш”.*

**АВТОМАТ-ТЕЛЕФОН** Автомат усулида ишлайдиган телефон қурилмаси. *Автомат-телефон будкаларидан тағин атир иси келади бўлиб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**АВТОМАТЧИ 1** Автомат билан қуролланган, автомат билан жанг қилувчи жангчи. *Бектемир танклар панасида югургилаб*

келаётган душман автоматчиларини кўрди. Ойбек, Қуёш қораймас.

2 Автомат машина, аппарат ёки дастгоҳда ишловчи шахс.

**АВТОМАШИНА** айн. **автомобиль**. Гулчеҳра кўчага чиқиб, кутиб турган енгил автомашинага тушиди. Р. Файзий, Уч қиз.

**АВТОМОБИЛСОЗ** (асосан кўпл. шаклида — **автомобилсозлар**) Автомобилсозлик мутахассиси. Республика автомобилсозлари.

**АВТОМОБИЛСОЗЛИК** Автомобиль ишлаб чиқариш ва саноатнинг шу соҳага оид тармоғи. Автомобилсозлик заводи. Автомобилсозликни ривожлантириш. ■ *Ўзбекистоннинг истиқболи самолётсозлик ва республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати, радиоэлектроника, электроника соҳаларининг ривожланишига боғлиқдир.* Газетадан.

**АВТОМОБИЛЬ** [авто.. + лат. mobilis — кўзгалувчи, ҳаракатланувчи] Ички ёниш двигатели ёрдамида ҳаракатланадиган, йўловчилар ёки юкларни ташишга мўлжалланган, филдиракли, рельсиз транспорт воситаси. *Енгил автомобиль. Юк автомобили. Автомобиль транспорти. Автомобиль заводи.* ■ *Қиём пайтида.. кўнғиз нусха бир автомобиль келиб тўхтади.* А. Қаҳҳор, Картина.

**АВТОНАЗОРАТ** Автомобиль назорати; автомобилларнинг, умуман, автотранспортнинг ҳаракати, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши, машиналарнинг ҳолати устидан назорат. *Давлат автомобиль назорати (ДАН).*

**АВТОНОМ** Автономиядан фойдаланадиган, автономия ҳуқуқига эга бўлган; автономияли. *Автоном вилоят. Автоном республика.*

**АВТОНОМИЯ** [авто.. + юн. potos — қонун] қ. мухторият.

**АВТОНОМИЯЛИ** айн. **автоном**.

**АВТОНОМИЯЧИ** Автономия тарафдори.

**АВТОПАРК** [авто.. + парк] Автомобиллар турадиган ва таъмирланадиган жой.

**АВТОПИЛОТ** [авто.. + фр. pilote — учувчи] Учиш аппаратларини автоматик равишда бошқарадиган қурилма.

**АВТОПОИЛКА** айн. **автосуғорғич**. *Сигирлар сув ичадиган автопилкалар Муроднинг ақлини ўғирлаб қўйди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**АВТОПОЙГА** Автомобиль пойгаси, автомобильда ўтказиладиган пойга.

**АВТОПОРТРЕТ** [авто.. + фр. portret — тасвир] Рассом ёки ҳайкалтарошнинг ўз кўли билан ишлаган ўз тасвири, портрети.

**АВТОПРИЦЕП** Автомобилга тиркаладиган бир ёки бир неча ўқли арава, авто-тиркама.

**АВТОР** айн. **муаллиф**. *Мана шу тадбирларнинг авторларидан бири.. келаётир.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**АВТОРАЛЛИ** [авто.. + инг. rally — йиғин] Автомобиль спорти бўйича кўп кунли мусобақалар.

**АВТОРЕМОНТ** Автомобиллар таъмирига оид, автомобиллар таъмири билан шуғулланадиган. *Авторемонт ишхонаси. Тошкент авторемонт заводи.*

**АВТОРЕФЕРАТ** [авто.. + реферат] Илмий асарнинг ўз муаллифи томонидан ёзилган қисқача баёни. *Диссертация автореферати.*

**АВТОРИТАР** [фр. avtoritaire — ҳукмини ўтказадиган < лат. auctoritas — ҳокимият, таъсир] 1 Ҳокимиятга, обрў-эътибор (нуфуз)ли шахсга сўзсиз бўйсунишга асосланган. *Авторитар тузум.*

2 Ўз ҳукмини, ҳукмронлигини ўтказишга интилувчи.

**АВТОРИТАРИЗМ** Антидемократик, яккаҳокимлик хусусиятларига эга бўлган давлат тузуми. Шахсий диктатура ҳам унинг кўринишларидан ҳисобланади.

**АВТОРЛИК** айн. **муаллифлик**.

**АВТОРУЧКА** [авто.. + р. ручка — қўл; қўлда] Перосига сиёҳ ўз-ўзидан келиб турадиган ручка.

**АВТОСАЛОН** [авто.. + салон] Автомобилларнинг янги моделлари намойиш этиладиган ва сотиладиган кўргазма ёки унинг бир бўлими.

**АВТОСАРОЙ** айн. **автопарк**. *..Қишлоғимиздаги автосаройда шофёр бўлиб ишлай бошладим.* Газетадан.

**АВТОСТАНЦИЯ** [авто.. + станция] Автомобиль станцияси; автомобиллар тўхтаб ўтадиган, йўловчиларга хизмат кўрсатиладиган жой.

**АВТОСТОП** [авто.. + инг. stop — тўхташ] т. й. Йўл берклигини билдирувчи сигналга яқинлашиб келган поездни автоматик сурада тўхтатадиган мослама.

**АВТОСТРАДА** [*итал.* autostrada < авто.. + *итал.* strada — кўча] Автомобиллар қатнови учун махсус қурилган ва ускуналанган катта йўл, автомагистраль. *Тошкент-Мирзачўл йўлининг Тошкент-Чиноз участкасида.. биринчи автострада қурилиши бошлаб юборилди.* Газетадан.

**АВТОСУФОРГИЧ** Чорва моллари ва паррандаларни суғориш учун мўлжалланган автоматик қурилма.

**АВТОТРАНСПОРТ** [авто.. + транспорт] Автомобиль транспорти. *Вагон тегса, йўл бўш эмас, йўл бўшаса, станция банд, қолаверса, автотранспорт етишмасди.* И. Раҳим. Тинимсиз шаҳар.

**АВТОУЙ** Қурилиш ва ш.к. ишлар давомида яшаш учун ўрнатиладиган вагон, автобус кўринишли кўча уй. *Хиёл сўнги сўзларни дилида такрорлаб улгурмасиданоқ автоуйлардаги чироқлар чарақлаб ёнди.* И. Раҳим. Тақдир.

**АГАР** [*ф.* اگر] юкл. Шарт эргаш гапларнинг бошида келиб, *-са, -са ҳам, -ганда* ва ш. к. шарт аффикслари ёрдамида ифодаланган маънони кучайтиради, таъкидлайди. *Агар у келган бўлса, ўзини билдирган бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар шу колхозлар ҳам бош қўшадиган бўлса, дамба йигирмайигирма беш кунлик иш.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Агар унинг [қутидорнинг] ёнида уста Олим бўлмаганда эди, эҳтимол, у қай вақтларгача серрайиб қолар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АГАРДА** *айн.* *агар.*

**АГГЛЮТИНАТИВ** *тлш.* Агглютинацияга асосланган. *Агглютинатив тиллар.* *Ўзбек тили — агглютинатив тил.*

**АГГЛЮТИНАЦИЯ** [*лот.* agglutinatio — ёпиштириш] **1** *биол.* Суюқлик ичида муаллақ сузиб юралиган заррачаларнинг, мас., қизил ва оқ қон таначалари, микроблар ва ш.к. нинг бир-бирига ёпишиб, кумоқ-кумоқ бўлиб чўкиши.

**2** *тлш.* Сўз ясалиш ёки шакл (форма) ясалиш асосини ўзгартмаган ҳолда унга стандарт аффиксларни қўшиш орқали сўз ёки шакл ясалиши. Агглютинацияда ҳар бир аффикс фақат бир грамматик маънога эга бўлади. Мас., *термчиларимизга* сўзидаги ҳар бир қўшимча (*-им, -чи, -лар, -(и)миз, -га*) ўзига хос маъно ва вазифага эгадир.

**АГЕНТ** [*лот.* agens, agentis — ҳаракатдаги; иш юритувчи] **1** Ташкилот, муассаса

ва ш.к. нинг маълум вазифаларни бажариш учун тайинланган вакили. *Таъминот агенти. Молия агенти.*

**2** Бировлар томонидан қўйилган, бировларнинг манфаатлари учун махфий хизмат қиладиган шахс. *Халқаро терроризм агентлари.*

**3** Бирор давлат разведкасининг махфий ходими; жосус, айғоқчи. *Лекин ғоят эҳтиётлик билан ишлар, чунки агентлар ва.. сўз оловчилар қишлоқларда оз эмас.* Ойбек, Нур қидириб.

**АГЕНТЛИК 1** Агент фаолияти, иши; жосуслик; айғоқчилик.

**АГЕНТЛИК 2** Бирор идора, муассаса ёки корхонанинг жойлардаги (маҳаллий) бўлими, шунингдек, ахборот йиғиш ва тарқатиш, воситачилик қилиш вазифасидаги баъзи муассасалар номи. *Телеграф агентлиги. Молия агентлиги. Ахборот агентлиги. Телевидение ходимлари, ахборот агентликлари бир-бирлари билан яхши алоқа боғланлар.* Газетадан. *..тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, суғурта агентликлари, турли жамғармалар билан ҳамкорликда ишлаши уларнинг вакиллари иштирокида семинар ўтказиш зарурлигини тақозо этмоқда.* Газетадан.

**АГЕНТУРА** Махфий маълумотлар тўплаш ва кўпуровчилик ишлари олиб бориш мақсадида ташкил этилган разведка хизмати. *Агентура маълумотлари.*

**АГИТАТОР** *айн.* *ташвиқотчи.*

**АГИТАЦИОН** *айн.* *ташвиқий.*

**АГИТАЦИЯ** [*лот.* agitatio — ҳаракатга келтириш, кўзгатиш] қ. *ташвиқот.*

**АГЛОМЕРАЦИЯ** [*лот.* agglomerare — тўпламоқ, қўшмоқ, бирлаштирмоқ] Бирор нарса, мас., ташкилот, корхона ва ш.к. ни бирлаштириш, қўшиш; кўплаб шаҳар ва аҳоли масканларининг ягона шаҳар сифатида қўшилиб кетиши.

**АГНОЗИЯ** [*юн.* а — инкор қўшимчаси + gnosis — билим, билиш] *тиб.* Бош мия пўстининг зарарланиши натижасида фаҳмлаш, тушуниш жараёнининг бузилиши; сезги аъзолари билан нарсаларни идрок қила билмаслик.

**АГНОСТИК 1** Агностицизм тарафдори.

**АГНОСТИК 2** Агностицизмга асосланган.

**АГНОСТИЦИЗМ** [*юн.* agnostos — билиб бўлмас] Борлиқни, нарса-ҳодисалар ва улар-

нинг моҳиятини билиш мумкинлигини қисман ёки бутунлай инкор этувчи назария.

**АГОНИЯ** [юн. agonia — қураш; олишиш] *тиб.* Ўлим олдидан бир қатор физиологик жараёнлар билан кечадиган ҳолат; ўлим талвасаси.

**АГРАР** [лот. agrarius — ерга, далага оид] **1** Ер-сув, ерга эгалик ва ер-сувдан фойдаланишга оид. *Аграр масала. Аграр ислоҳот.* ■ *Шунинг учун ҳам ҳозирда қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат қилувчиларни саноатга, хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш аграр сиёсатимизнинг ғоят муҳим йўналишидир.* Газетадан.

**2** Саноатига нисбатан қишлоқ хўжалиги кўпроқ ривожланган. *Аграр мамлакат.* ■ *Вилоятимизнинг илгари аграр воҳа сифатида машҳур бўлгани сир эмас.* Газетадан.

**АГРЕГАТ** [лот. aggregatus — бирлаштирилган, қўшилган] **1** Умумий бир ишни бажариш учун бир неча ҳар турли машинадан тузилган мураккаб машина. *Ер текислайдиган агрегатлар.* ■ *Даладаги агрегатлар сурони тинган, одамлар уй-уйларига қайтар..* Ж. Абдуллахонов, Орият.

**2** Бир машинанинг маълум ишни бажарувчи яхлит, мустақил механизми. *Трактор юрмай қолгач, бирор агрегати ишдан чиққанлигини сезиб, Абдусаттор трактор остига шўнғиди. “Ўзбекистон кўриқлари”.*

**3** Муайян тоғ жинсини ташкил этувчи минераллар йиғиндиси. *Литосферада кўп жойни эгаллаган бир ёки бир неча минераллар агрегатидан иборат бўлган табиий жинсларга тоғ жинслари дейилади.* М. Баҳодиров. Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**АГРЕМАН** [фр. agreee — маъқулламоқ] Бир мамлакат томонидан ўзининг дипломатик вакили сифатида таклиф этилган шахсни қабул қилиш ҳақида иккинчи бир мамлакатнинг олдидан розилик билдириши.

**АГРЕССИВ 1** Агрессия сиёсатини қўловчи, тажовузкор, босқинчи. *Агрессив давлатлар.*

**2** Агрессиядан, босқинчиликдан иборат бўлган, тажовузкорликка асосланган. *Агрессив сиёсат. Агрессив ҳаракатлар.* ■ *У ҳам узоқ вақт давомида ҳукмрон шовинистик ва агрессив-миллатчилик ғояларининг бутун жафоларини тортиб келди.* Газетадан.

**АГРЕССИВЛИК** Агрессив хатти-ҳаракат.

**АГРЕССИЯ** [лот. aggressio — ҳужум] Бир давлат (давлатлар гуруҳи) томонидан бошқа

давлатнинг ёки халқнинг (миллатнинг) суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши БМТ Уставига кўра ғайриқонуний ҳисобланган ҳар қандай куч ишлатиш; тажовуз.

**АГРЕССИЯЧИ** *айн. агрессор.*

**АГРЕССИЯЧИЛИК** *айн. агрессорлик.*

**АГРЕССОР** Агрессия сиёсатини юргизувчи; тажовузкор, босқинчи. *Агрессорларни жиловламоқ.* ■ *Давлатимизнинг мудофаа кўдрати ҳар қандай агрессорнинг хуружини ўша ондаёқ парчалаб ташлаш имкониятини беради.* Ф. Норхўжаев, Тинчлик посбонлари.

**АГРЕССОРЛИК** Агрессив ҳаракат, тажовузкорлик, босқинчилик. *Агрессорлик сиёсати.*

**АГРО-** [юн. agros — дала; қишлоқ] Ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, “агрономия”, “деҳқончилик” маъноларини ифодалайди. *Агротехника. Агробиология.*

**АГРОБИОЛОГИК** Агробиологияга оид. *Агробиологик тадқиқотлар.*

**АГРОБИОЛОГИЯ** [агро.. + биология] Ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётининг биологик қонуниятларини ўрганадиган фан.

**АГРОКИМЁ, агрономик кимё** Ўсимликларни озиклантириш, юқори, барқарор ҳосил олиш мақсадида уларни ўғитлаш, кимёвий воситалар ёрдамида зараркунандлардан сақлаш ва ш. к. кимёвий жараёнлар тўғрисидаги фан.

**АГРОМЕЛИОРАЦИЯ** [агро.. + мелиорация] Ҳосилдорликни ошириш мақсадида ернинг табиий шароитларини тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи. *Бунинг учун.. алмашлаб экиш, ерга сифатли ишлов бериш, ўғитлаш, шўрни ювиш, эрозияга қарши кураш каби агротехника ва агро-мелиорация тадбирларини.. ўз вақтида амалга ошириш керак. “Фан ва турмуш”.*

**АГРОМЕТЕОРОЛОГИЯ** [агро.. + метеорология] Иқлим ва об-ҳаво каби метеорологик шароитларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши объектлари ва жараёнларига таъсирини ўрганадиган фан.

**АГРОНОМ** Агрономия мутахассиси. *Бош агроном.* ■ *..қишлоқ хўжалиги бошқарма-сида Баракаев деган агроном бор. Оёқ-қўли чаққон. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

**АГРОНОМИК** Агрономияга оид, агрономияга боғлиқ бўлган. *Агрономик тадбирлар.*



**АГРОНОМИЯ** [агро.. + юн. *nomos* — қонун; одат] Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, унинг қонун-қоидалари ҳақидаги фан; қишлоқ хўжалик ва деҳқончиликка доир назарий ва амалий билимлар мажмуи. 1982 йилда Андижон пахтачилик институтининг агрономия факультетини тасмадан. Газетадан.

**АГРОНОМЛИК** Агроном касби. *Агрономлик қилмоқ. Агрономликка ўқимоқ.*

**АГРОСАНОАТ** Қишлоқ хўжалик саноати. Қишлоқ хўжалигининг хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоғи ва унга мансуб корхоналар. *Агросаноат мажмуини мустақкамлаш ва самарадорлигини ошириш.*

**АГРОТЕХНИК** Агротехника мутахассиси.

**АГРОТЕХНИК** Агротехникага оид. *Агротехник тадбирлар.*

**АГРОТЕХНИКА** [агро.. + техника] Қишлоқ хўжалик экинларини экишдан тортиб, то ҳосилни йиғиб-териш олгунга қадар бажариладиган ишлар мажмуи ва уларни амалга ошириш техникаси, деҳқончилик технологияси. *Пахтакорлар гўзани илгор агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, механизацияга янада кенг йўл очди-лар.* Газетадан.

**АГРОФИЗИКА, агрономик физика** Ўсимликларнинг ташқи ҳаёт шароитларини тадқиқ этишнинг физикавий усуллари, улар ҳаёт фаолиятининг физикавий жараёнлари ҳақидаги фан.

**АДА** *шв. айн. ота 1. Ада, қоғоз, қалам бергин деб, Гоҳ ёнимга келиб ўлтирар. С. Жўра.*

**Адаси** 1) *Ада* с. I-ш. бирл. шакли. *Акбарнинг адаси;* 2) хотинлар ўз эрига мурожаат қилганда, унинг исми ўрнида ишлатадиган сўз.

**АДАБ** [а. *ادب* — адабиёт; яхши тарбия, маъқул ҳаракат] Ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомалалик. *Адаб бозорда сотилмас. Мақол. Адаб доирасидан чиқмаслик. ■ Киши қадрин оширмоқ боиси аввал адаб дерлар. Воқиф.*

**Адабини бермоқ** Ножўя хатти-ҳаракатлар учун гап-сўз, калтак ва ш.к. билан жазо бермоқ; таъзириңи бермоқ. *Жўраҳон отган ўқдан ўндан ортиқ фашист қулаб, бошқалари орқага чекинди. — Адабини бердик. Назармат. Адабини емоқ* Азобини тортмоқ (қилмишига жавобан). *..енгилроқ жерси пальтода чиққан экан, подвездега кириб олгунча*

*роса адабини еди. Д. Нурий, Осмон устун.* **Адаб сақламоқ** Ўзини ахлоқ, одоб доирасида тутмоқ. *Ёшлар “янги фикр”, “эски фикр” деган гапларни йиғиштириб.. уламолар олдида адаб сақлашлари керак. Ойбек, Танланган асарлар.*

**АДАБИЁТ** [а. *ادبيات*] 1 Бир халқнинг, даврнинг бадиий, илмий, фалсафий ва бошқа асарлари мажмуи. *XX аср ўзбек бадиий адабиёти. Жаҳон адабиёти.*

2 Санъатнинг сўз, тил воситасида бадиий образлар яратувчи тури; бадиий адабиёт. *Адабиёт назарияси. ■ Адабиёт ҳамшиша ҳақиқат ва адолат байроғини баланд тутиб яшамоғи лозим.* Газетадан.

3 Муайян бир фан ёки соҳага, масалага оид асарлар, китоблар. *Сиёсий адабиёт. Техника адабиёти. Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиёт рўйхати.*

**АДАБИЁТЧИ** 1 Бадиий адабиёт, адабиёт фани мутахассиси, ўқитувчиси. *Кундан-кун очилиб бораётган ҳарбий таълим уфқи-га Элмурод адабиётчи-педагог, Дубенко иқтисодчи нуқтаи назаридан қарагандек, Йўлдош энергетик-инженер сифатида яқинлашарди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.*

2 *айн. адабиётшунос. Тилчи ва адабиётчи олимлар биринчи тадқиқотларини шу ерда бошлаганлар. “Фан ва турмуш”.*

**АДАБИЁТШУНОС** [адабиёт + *ф. شناس* — ўрганувчи] Адабиёт илми (фани) билан шуғullanувчи мутахассис.

**АДАБИЁТШУНОСЛИК** Адабиёт илми, илм-фаннинг адабиётга оид соҳаси; бадиий адабиётни, унинг моҳияти, ижтимоий вазифаси ва адабий жараён қонуниятларини ўрганувчи фан.

**АДАБИЙ** 1 Бадиий адабиётга оид. *Адабий асар. Адабий мерос. Адабий оқим.*

2 Ёзувчиларга, ёзувчилик фаолиятига оид. *Адабий ҳаёт. Адабий муҳит. Адабий тахаллус.*

**Адабий тил тлш.** Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум норма (меъёр)ларга солинган шакли. *Адабий тилда сўзлашмоқ.*

**АДАБЛИ** Хулқ-одоби яхши; одобли, тарбияли. *Адабли бола.*

**АДАБСИЗ** 1 Хулқ-одоби ёмон, тарбиясиз.

2 Одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган, одоб-ахлоқ доирасидан ташқари. *Халқ*

шунингдек гаплар билан юз ёқдан унга ҳужум қилиб, ҳатто адабсиз сўзлар билан ҳам сўкар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АДАБСИЗЛИК** Одоб-ахлоқ меъёрлари-га тўғри келмайдиган иш, одоб-ахлоқ доира-сига сифмайдиган хатти-ҳаракат. Саидий Мир-за Муҳиддинга нисбатан Муҳаммадражаб-нинг адабсизлигидан хижолат бўлар, ичида “юзсиз, беандиша” дерди. А. Қахқор, Сароб.

**АДАД** [а. عدد — миқдор, сон] эск. **1** Сон, миқдор. Қўшиқчиларнинг адади борган сари ортди. Ойбек, Навоий. [Тўпламни] Тўплаб нашрга тайёрловчи ва муҳаррир Аҳмаджон Мелибоев. Адади 5000 нусха. Газетадан.

**2** нумератив с. Дона. Алаҳусус, яна шунга баён қиладурмиким, кофирлар юртига кетувчиларнинг сони икки юз ададга боради. Ж. Шарипов, Хоразм.

**АДАДСИЗ 1** Сон-саноксиз, ҳисобсиз. Ададсиздир бойларининг йилқиси. “Ёдгор”.

**2** Чек-поёни йўқ. Бу ададсиз чўл эди, сира мегёри йўқ эди. “Баҳром ва Гуландом”.

**АДАМ** [а. آدم — йўқ, йўқлик] эск. кт. Йўқлик, мавжуд эмаслик; зид. **борлик**.

**Адам айламоқ** Йўқотмоқ, йўқ қилмоқ. Адам йўлини тутай зарра менда ғам бўлса. Бобур.

**АДАПТАЦИЯ** [лот. adaptatio — мослашув] **1** биол. Организмнинг, мас., сезги аъзоларининг атроф муҳит шароитларига мослашиши, кўникиши. Кўз адаптацияси.

**2** ҳуқ. Бошқа, янги жойда яшаш шароитига мослашиш.

**3** Чет тилларни ўрганувчилар учун асар матнини содалаштириб бериш ва шу тарика содалаштирилган матн. Адаптация қилинган матн.

**АДАШ 1 1** Исми бошқа бирор кимса билан бир хил бўлган одам, исмдош. Биз иккимиз адашмиз.

**2** Шундай кишиларнинг бир-бирига му-рожаатида қўлланади. -Яша, адаш! — хур-санд бўлиб кетди Қудрат. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АДАШ 2 1** Адашган, бир пойи алиш (ал-маш). Калишим адаш бўлиб қолди.

**2** рвш. Янглиш, ноўрин. Бу ерга адаш келиб қолибман. ■ Хат бу ерга адаш тушиб қолибди. Газетадан.

**АДАШМОҚ 1** Йўлини йўқотиб қўймоқ. У ёрқин кундузда йўлга чиқиб, қоронғи кеча-да адашган кишидай, нима қиларини билмай

қолди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Адашган кимсадек, Фурқат, қаён борғум билолмасман. Фурқат.

**2** Нотўғри (хато) иш тутмоқ, нотўғри йўлга кирмоқ. Ҳа, ўз манфаатини халқ ман-фаатидан юқори қўйганлар доим адашади. Уйғун. Адашсанг, тўғри йўл сўргил, уялма. Воқиф.

**3** Ажраб йўқотмоқ. Ватанидан адашмоқ. Ўз тўпидан адашмоқ. ■ Отардан адашган бир талай қўй-кўзи ўтлай-ўтлай, бир то-мони зов, супрадай майдонга тушиб қолибди. С. Анорбоев, Оксой. ..Адашган ошиқлар бир-бирин излар. “Муродхон”.

**4 с.т.** Алмаш бўлмоқ. Қалпоғим адашибди. **АДАШТИРМОҚ 1** Адашмоқ фл.орт.н. Йўлдан адаштирмоқ.

**2** Хато тарзда бир-бирига алмаштирмоқ, бири ўрнига бошқасини белгиламоқ. Касса билан киссани адаштирманг. Газетадан.

**АДВОКАТ** [лот. advocatus < advocare — ёрдамга чақирриш] **1** Судда жавобгарга ҳуқуқий ёрдам (маслаҳат) берувчи, жавобгар (айб-дор)ни ҳимоя қилувчи юрист; оқловчи, ҳимо-ячи. Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юришининг барча босқичларида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Газетадан.

**2 с. т. салб.** Маслаҳатчи; ҳимоячи.

**АДВОКАТУРА 1** Адвокатлар ташкило-ти, адвокатлар коллегияси.

**2** Адвокат фаолияти, адвокатлик.

**АДДОЙИ** [а. الداعي — даъват этувчи] эск. Дуо қилувчи, яхшилик тиловчи (мактуб охирида имзодан олдин ишлатиладиган сўз). Мунда барча ёру дўст саломат, мендан Ҳасана-лига салом айт! Аддоий отанг Юсуфбек ҳожи. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АДЕКВАТ** [лот. adaequatus — тенглаш-тирилган] **1** от Билиш назариясида нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари ва алоқалари-ни уларнинг объектив мазмунига тўғри келадиган, аниқ ва мос қилиб билиб олиш.

**АДЕКВАТ 2 сфм.** Ҳар жиҳатдан мос, тенг келадиган; ўхшаш, мувофиқ. Адекват ту-шунчалар. Адекват таржима.

**АДЕНОИДЛАР** [юн. aden — без + eidos — ўхшаш] Бурун-ҳалқум муртагининг ортиқ-ча ўсиб катталашини.

**АДЕНОМА** [юн. aden — без + oma — ўсма-ни билдирувчи қўшимча] Бир қатор без тўқималаридаги хавфсиз ўсма касаллиги.

**АДЁЛ** [р. одеяло – ёпингич, ўрангич] Кўрпа ўрнида ишлатиладиган, енгил, унча қалин бўлмаган ёпинчиқ. *Жун адёл. Адёл ёпиниб ётмоқ.* ■ *Муқаддас катак-катак адёл тўшалган каравотнинг бир чеккасига ўтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**АДИБ** [а. ادیب – тарбияли, маърифатли; ёзувчи] Адабий асарлар ёзиш билан шуғулланувчи шахс, ёзувчи. *Бизга адиблар, шоирлар, ҳақиқий жасур курашчилар лозим.* Ойбек, Нур қидириб. *Ҳозирги кўзга кўринган йирик адиб ва шоирлар шу даргоҳ лабораториясидан етишиб чиққан кишилардир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

**АДИБА 1** Адиб аёл, ёзувчи аёл.

**2** Адиба (хотин-қизлар исми).

**АДИ-БАДИ** Бир-бирига тегадиган гап-сўз, вақтни беҳудага ўтказиб айтишиш, беҳуда тортишув. *Насимнинг бригадир билан ади-бадидан боши чиқмади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Энди ади-бадига ўрин йўқ. Очиқ гаплашамиз.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**Ади-бади айтишмоқ** Бир-бирига тегадиган гап-сўз қилишмоқ, беҳудага тортишмоқ. *Ҳотам ортиқча ади-бади айтиб ўтиришни эп кўрмади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Холжон хола бир ўзи тўққизта кундошга бас келиб, роса ади-бади айтишиб олди.* Файратий, Довдираш. **Ади-бадига бормоқ** Жанжаллашишгача бормоқ; сан-манга бормоқ. *..аммо бу ташкилотлар бирор вазифа топширса, ҳеч ади-бадига бормас, кўнглига ёқмаса ҳам, бажарар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АДИБЛИК** Адиб касби, ёзувчилик.

**АДИГЕЙ 1** Адигея Республикаси туб халқининг номи.

**2** Адигей халқига мансуб. *Адигей аёл.*

**АДИГЕЙЛАР** Адигея Республикасининг асосий аҳолиси ҳисобланган халқ; адигей халқи.

**АДИЗ** Бугдойи ёки арпаси ўриб олинган майдон. *Уни теримчилар ёнида.. кузги шудгор қлинаётган адизда учратиш мумкин.* М. Назаров, Дақиқа ва мисқол.

**АДИЛ** [а. عدیل – тенг, баробар] **1** Тўғри, эгилмаган, букилмаган, тикка. *Икки ёнида адил тераклар шовуллаган кенг асфальт йўл.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. *Қиз.. бўйчан ва самбитгул новдасидай адил эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Бурилмаган, тўппа-тўғри. *Шаҳар тўғри тўртбурчакли кўринишда бўлиб, планинг бош*

*ўқи шаҳарнинг шимолидан жанубига қараб адил ўтказилган.* Т. Жўраев, Улуғ Хитойда.

**АДИНАМИЯ** [юн. а – инкор қўшимчаси + dinamía – куч, қувват] Кексалик, касаллик, очлик сабабли тинка-мадор қуриши, ҳолсизлик.

**АДИП** Тўн, чопон ва ш.к.нинг ёқасидан этагигача ички четига тутилган энсиз газлама. *Туннинг адипи.*

**АДИПЛАМОҚ** Четига адип тутмоқ, тикмоқ. *Кўрпани адипламоқ.*

**АДИР** Тоғларга яқин, тоғ этакларидаги алоҳида тепалик ерлар. *Туманга қарашли ерларнинг кўпгина қисмини адирлар ташкил қилишига қарамасдан, деҳқонлар пахтадан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.* Газетадан. *..шаҳар боғлари орқада қолиб.. паст, баланд адирлар бошланди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**АДЛ** [а. عدل – адолат, тўғрилиқ] Адолат, одиллик. *Халқ билан бўлгуси муомалада қиличга эмас, адл кучига суянмоқ.. лозим.* Ойбек, Навоий.

**АДЛИЯ** Судлов муассасалари тизими, суд идоралари фаолияти. *Адлия ходими. Адлия маслаҳатчиси.*

**АДМИНИСТРАТОР** қ. маъмур. *..администратор дағдаға билан хонага кириб, жойни бўшадинг, деб туриб олди.* Газетадан.

**АДМИНИСТРАЦИЯ** [лот. administratio – бошқарув, раҳбарият] қ. маъмурият **1.**

**2** Муассаса, корхона, ташкилот раҳбарлари мажмуи.

**АДМИРАЛ** [голл. admiraal < а. اميرالبحر – денгиз ҳокими, қўмондони] Ҳарбий-денгиз флотининг олий қўмондонлик таркибига бериладиган ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**АДНО** [а. ادنا – тубан, энг паст] *эск. кт.* Паст, қуйи, учинчи даражали. *Мадраса талабалари “аъло”, “авсат” ва “адно” номи билан уч гуруҳга бўлинган эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АДО I** [а. ادا – ўташ, бажариш] Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг охири, тамоми, ижроси. *Не қаро даврон экан бу, тингламас ҳеч ким уним! Хору зорлик топдим-у, ҳурлик адосин топмадим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Адо бўлмоқ** **1)** тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ, охирига етмоқ. *Бу ривоятлар эшитганингиз билан адо бўлмайди.* Ҳ. Фулом, Маъшбал; **2)** кўчма ташвиш, дард орқасида

ҳолдан тоймоқ, тамом бўлмоқ. *Йиғлай-йиғлай адо бўлдим, Элатимдан жудо бўлдим. “Равшан”. Адо бўлгур! қарғ. Ўлгур! [Хонзода Мастонга:] Қаримай адо бўлгур, Мастон! Арслонни кесак отиб енгмоқчимисан? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Адо этмоқ айн. адо қилмоқ* **1. Адо қилмоқ** 1) ўтамоқ, бажармоқ, ижро қилмоқ. *Бурчни адо қилмоқ. Вазифани адо қилмоқ. ■ Анвар “ҳузури муборак” нинг эшигида тўхтаб, таъзим адо қилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён; 2) ҳолдан тойдирмоқ, тинкасини қуритмоқ. Уни дард адо қилди. ■ Тез замон бўлди қиморга мубтало, Барчани ўйнаб қимор, қилди адо. Ҳамза.*

**АДО II** Ишва, жилва, ноз-карашма. *Ҳаёт жажжжи қизларга хос адо билан: -Воей, сизам бир қизиқсизки, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Йигитни маст этар жонон адоси.. “Гўрўғелининг туғилиши”.*

**АДОВАТ** [a. عداوت — душманлик, нафрат] **1** Душманлик муносабати, шундай муносабатга хос ҳис-туйғу. *Гина — адоватнинг қўшниси. Мақол. ■ Агар сиз нафсиламрга қарасангиз, икки халқни бир-бирига совуқ кўрсатиб, адоват тухумини сочиб келувчи бир нечагина одам бор. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2** Кек, хусумат. *Ўзбек ойим бўлса, эски гина ва адоватларни қайтиб келмас дунёсига жўнатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Юракда бир мўмин бандасига кин сақлаш мусулмончиликка ёт нарса, бой. Адоват ноҳақликни юзага келтиради. К. Яшин, Ҳамза.*

**АДОЙИ:** адоин тамом бўлмоқ айн. адо бўлмоқ қ. адо **1.** *Ўйинчоқ адоин тамом бўлди. ■ Бечора кампир бу шум хабардан адоин тамом бўлди-ку! С. Аҳмад, Ойдин кечалар.*

**АДОЛАТ** [a. عدالت — одиллик] **1** Одилна иш тутиш, одиллик. *Яқинда суднинг ҳал қилув қарори ҳам ижро этилди. Мулкимизни қайтариб олдик. Адолат тантанасидан мамнунмиз. Газетадан. Маҳалла йўли — эзгулик, ҳиммат ва адолат йўлидир. Газетадан.*

**2** Адолат (хотин-қизлар исми).

**АДОЛАТЛИ** **1** Адолат билан иш тутувчи; одил. *Адолатли жамият. Адолатли киши. ■ Бир адолатли подшоҳ келиб, ғариб-ғураболар бошини силайди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бундай муносабат республикамизда муборак ҳажж зиёратига борувчиларни танлаб олиш*

*борасида адолатли ва одилна иш тутишни таъминлайди. Газетадан.*

**2** Адолатга, ҳаққонийликка асосланган. *Адолатли ҳукм. ■ ..жамият тарихида ўйнаган ва ўйнайдиган ролига виждонан, холисона, адолатли баҳо берадиган кунлар келди. Э. Юсупов, Истиклол йўлида.*

**АДОЛАТПАРВАР** Адолат тарафдори, адолат, ҳаққоният учун курашувчи. *Адолатпарвар бўлиш осон, аммо эътиқодинг учун курашиш қийин. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

**АДОЛАТСИЗ I** Адолатга зид иш тутувчи. *Жиззах халқи исёнининг тиғи чоризмнинг адолатсиз тузумига қаратилган эди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**2** Адолатдан ташқари, унга хилоф бўлган. *Адолатсиз ҳукм.*

**АДОЛАТСИЗЛИК** Адолатсиз хатти-ҳаракат, адолатга зид ҳолат. *Элмурод ўйланиб, ташқарига чиқди. Ҳақсизлик, адолатсизлик унинг ичини ўртай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Инсоният қонунларсиз яшолмайди. Акс ҳолда, унинг ҳуқуқи поймол бўлади. Адолатсизлик авж олади. Газетадан.*

**АДОҚ I** эск. айн. **оёқ I.** *Қуёш юзунг кўруб ерга йиқилди, Адоғинг туфроғини сурма қилди. Хўжандий, Латофатнома.*

**2 3-ш.бирл. адоғи.** *Тугаш жойи, ниҳояси. Одатда ҳар қандай ҳикоянинг ҳам боши, ўртаси, адоғи бўлади. Н. Сафаров, Оловли излар. Аҳмад сунбулани — ёзининг адоғи, кузнинг бошланишини яхши кўрарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

**АДОҚЛАМОҚ** кам қўлл. *Охир томон (қуйи томон) йўналмоқ. Йўл арғамчидайин — бир юқорилайди, бир адоқлайди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

**АДОҚСИЗ** кам қўлл. *Поёни йўқ, чексиз. Қашқадарёнинг қуйи оқимида ер учсиз-адоқсиз-у, сув йўқ. Газетадан. Атрофда тун билан тонгнинг ораси, Нимтатир пардалар тинч ва адоқсиз. Ш. Курбонов, Шейрлар.*

**АДРАМКАШ I** шв. *Учи илмоқли катта жуводиз.*

**АДРАМКАШ II** шв. *Ҳар қандай нарсага бефарқ қарайдиган, лоқайд, кўкноринамо одам.*

**АДРАС** [ф. ادريس — оқ мато, йўл-йўл гулли мато] *Ўриши ипак, арқоғи эса ипдан бўлган, атласга ўхшаш, аммо қалинроқ маҳаллий газлама. [Маҳдум:] -Бўлмаса, — деди иккиланаб, — жўнроқ адрасдан ол-чи. А. Қодирий,*

Меҳробдан чаён. ..кенг меҳмонхонада қатқат атлас, адрас кўрпачалар устида нар болишларга кўмилиб, ёнбош қилиб ётган.. К. Яшин, Ҳамза.

**АДРАСБОФ** [ф. *ادرس باف*] Адрас тўқувчи уста, косиб. *Мулла Шокир асли ўртаҳол бир адрасбофнинг ўғли бўлиб..* М. Осим, Элчилар.

**АДРАСМАН** айн. **исирик**.

**АДРЕС** [фр. *adresse* — юбормоқ] 1 Бирор киши ёки ташкилот ўрнашган жой, манзилнинг номи ва б. белгилари (уй ёки квартира рақами ва ҳ.к.) мажмуи, унинг қайди. *Институт адреси. Уй адреси. ■ Менга адресингизни беринг, колхозга ўзим хат ёзаман, уйингиздан хабар олишади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Почта орқали юбориладиган нарсалар устидаги уларнинг борадиган жойи ва олувчининг номи кўрсатилган ёзув. *Унинг [Заминнинг] номига ғалати бир конверт чиқди: на адреси бор, на маркаси ва на почта муҳри.* П. Қодиров, Уч илдиз.

3 (эгалик ва ж.к.да) Номига, шаънига тегишлиликни билдиради. *Менинг адресимга айтилган барча гапларни халқ шаънига айтилган гаплар деб ҳисоблайман.* Ойбек, Халққа хизмат — бахт. *Қодировга берилган бу айбнома қолоқ, ҳаётдан узокда бўлган раҳбарлар адресига айтилган айбнома ҳам эди.* Газетадан.

4 Бирор тантана муносабати билан муассаса, ташкилот ёки айрим шахс номига юборилган, одатда, папка ва ш.к. нарса ичига солинган табрикнома; ёднома.

**Адрес столи** (ёки **бюроси**) Бирор ерда яшовчиларни рўйхатга олиб борувчи ва уларнинг тураржойлари тўғрисида маълумотномалар берувчи муассаса, идора. **Адреслар дафтари** Кишилар ва идораларнинг адреслари ёзилган дафтар, журнал.

**АДРЕСАНТ** [нем. *Adressant* — юборувчи] Почта орқали телеграмма, хат ва ш.к. юборувчи шахс ёки ташкилот.

**АДРЕСАТ** [нем. *Adressat* — олувчи] Адресига хат, телеграмма ва ш.к. юборилувчи киши ёки ташкилот.

**АДРЕСЛАНМОҚ** Адрес қўйилмоқ, адрес қўйиб юборилмоқ ёки айтилмоқ. *Марказий газета бошқармасига адресланган бу хат шу кун кечқурун Муродхўжа домланинг қўлида очилди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АДСОРБЦИЯ** (лот. *adsorbere* — шимиш, сўриш) физ., ким. Газ ёки эритилган модда

зарраларининг қаттиқ модда сиртига сингиши, шимилиши.

**АДУ** эск. кт. айн. **адув**. Қиличнингдан адулар қон ичинда. Хоразмий, Муҳаббатнома.

**АДУВ** [а. *عدو* — душман, ёв] эск. кт. Ёв, душман. *Адув ҳайлига ғолиб ўлмоқ учун ҳам халқ бирлашдилар ушбу кун.* С. Хондайлиқий. *Фарғона аҳли адув йўлига тушиб, ислом динидан чиқиб кетди, деганлари ёлғон..* Мирмуҳсин, Меъмор.

**АДУЛИҚ**, **адувлиқ** эск. кт. Душманлик. *Адулиқ шиор айлаб ағёр эли, Аён этгуси бўйла баҳсу жадал.* Аваз.

**АДЬЮНКТ** [лот. *adjunctus* — қўшилган] Ҳарбий илмий-тадқиқот институтларида ёки олий ўқув юртларида номзодлик диссертацияси устида илмий тадқиқот олиб бораётган олий маълумотли ёки магистр даражасидаги мутахассис.

**АДЬЮНКТУРА** Юқори малакали ҳарбий илмий ва илмий-педагог кадрлар — фан номзодлари тайёрлашнинг асосий шакли бўлиб, у Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

**АДЬЮТАНТ** [лот. *adjutans, adjutantis* — ёрдам берувчи] Хизмат топшириқлари ёки штаб ишларини бажариш учун ҳарбий бошлиқ ихтиёрида бўлган ёрдамчи офицер.

**АЁ** эск. Мурожаат ёки хитобни билдиради; эй. *Аё, шоҳим, гулдай сўлган тарзим бор, Хизматкорман, сизга айтар арзим бор.* “Муродхон”.

**АЁВ** Аяш, раҳм-шафқат ҳис-туйғуси, шундай ҳис-туйғули муносабат. *Қиттак ҳам аёв кутмас эрта кун ҳакамидан.* Миртемир.

**Аёв бермаслик** Аямаслик.

**АЁВСИЗ** Аёв бермай, аямай қилинган, раҳм-шафқатсиз. *Аёвсиз кураш. Аёвсиз зарба. Аёвсиз танқид. ■ Аёвсиз туширилган икки-уч муштан кейин Қудратнинг бурнидан қон кетди..* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**АЁЗ** Кеч куз, қиш ва эрта баҳордаги аччиқ совуқ, қора совуқ. *Гарчанд ҳозир кеч куз, аёз бўлса ҳам, Оллоқулибой ҳамон терлар, семиз гавдасини кўтаролмасди.* Ж. Шарипов. Хоразм. *Тун аёз, изғириқ ел тўрт тарафга югуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**АЁЗЛАМОҚ** Аёзда совқотмоқ. *Аёзлабман, савил.. Кеча келинни келтиргунча, совуқда қалтираб чиқдим.* Н. Аминов, Ёлғончи фаршталар.

**АЁЗЛИ** Аёз бўлиб турган. *Қирчиллама қишининг аёзли кунларини.. куҳ-куҳлаб, дагдаг титраб ўтказдилар.* Газетадан.

**АЁЛ 1** [а. عيال — оила; хотин] Умуман эр-какка қарама-қарши жинсдаги шахс; хотин; Бу маънода асосан кўплик шаклида қўлланиб, умумлаштириш маъносига эга бўлади, “хотин-қизлар” маъносини билдиради. *Ориятли бўлганидан, одамлар юзига тик қарагани уяладими, ким билсин, бу аёлнинг вужудида ўн эркакнинг ор-номуси бор эди.* Т. Ашуров, *Оқ от. Шарқ аёллари, шу жумладан, ўзбек аёлларининг таърифи.. олам аҳлини ҳайратга солиб келаётгани сир эмас.* Газетадан.

**2** Шундай жинсдаги етук ёшдаги шахс (қизга нисбатан). *Бугунги кунимизда тенгсиз хислатларни ўзида мужассамлаштирган қизларимиз, аёлларимиз кўп.* Газетадан.

**3** Хотин, рафиқа (эрга нисбатан). [Ёрмат:] *Аёлим қишин-ёзин ичқари ҳовлининг юмушини қилади: кир ювади, уй-жойни супуради, нон ёпади, кўрпа қавийди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмад бригадирнинг юрагига гулгула тушди, сергак тортиб, аёлига қаради.* С. Нуров, Нарвон.

**АЁЛМАНД** Оилали, бола-чақали; бола-чақаси кўп. *Аёлманд одам ишламай туролмас экан.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Бир томони хўжалик камбағалроқ, бир томони аёлманд бўлганидан анча қийналибди.* Т. Малик, Шайтанат.

**АЁН** [а. عيان — зоҳир, кўриниб турган] кам қўлла. **1** (ж.к. сўз билан) Маълум. [Ёрмат:] *Бу оилада нима сир утса, барчаси менга аён.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** рвш. Аниқ-равшан. *Аён кўрмоқдамиз нур болқишини, Мардлар шарафига халқ олқишини.* Х. Расул.

**АЁНЛАШМОҚ** кам қўлл. Маълум бўлмоқ. *Ҳадислардан ул зотнинг.. юксак фазилатлар эгаси бўлганликлари аёнлашади.* Газетадан.

**АЁҚ 1** айн. оёқ 1.

**АЁҚ II** эск. Коса, пие́ла, қадаҳ. *Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас..* А. Навоий.

**АЁҚЧИ** Шароб қуювчи, косагул. *Меҳмонлар белларини маҳкам танғиб олган кўк саллали аёқчилар қўлидан қадаҳни олиб, шароб ичиб..* М. Осим, Карвон йўлларида.

**АЖАБ** [а. عجب — қизиқ, таажжуб] **1** Ажабланарли, ҳайрон қоларли. *Ажаб савдолар. ■ Ажаб Ҳирот экан! Ҳалвофуруши ҳам шоир.* Ойбек, Навоий.

**2** (Якка ҳолда) Ажабланишни билдиради; таажжуб, қизиқ. *Бир неча қадам босиб, орқасида қолган дарвозага қаради-да, бу ерда гўзал қиз Ойтошша яшаганини эслади. -Ажаб, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ажабким, муқаддас нарсалар ёнмаён бўларкан.* Газетадан.

**Ажаб бўлди (ёки бўпти)** Жуда яхши бўлди, кўнгиладигандай бўлди (бирор кимса қилмишига яраша жазо олганда айтиладиган ибора). *..газетада чиққан фельетонни кўрган Ҳафиза.. ажаб бўлибди, дермикин? Ёки ачинармикин? Мирмуҳсин, Умид. Ажаб қилди Жуда яхши қилди, жуда тўғри қилди, болади. -Чийиллама, — деди ҳайқириб Йўлчи. Йўлчининг жавобига одамлар секингина кулишиб, “ажаб қилдинг” дегандай, бир-бирларига маъноли қараб олишиди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ажаб эмас 1)** шояд, шоядки. *Энди шифони ёлғиз оллодан сўра.. Ажаб эмас, шифо берса.* Ойбек, Танланган асарлар; **2) мод.с.взф.** мумкин, эҳтимол. *..бу мақол шу чўлларда тўқилган бўлса, ажаб эмас.* Ж.Шарипов, Хоразм. *Совуқни қаранг, қор ёғиб қолса ҳам ажабмас.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Во ажаб(о) айн. ажабо** (қ.) [Бой ўз-ўзига деди:] *Во ажабо, бу ким бўлди? Чўрими ёки бир офатижон фариштами?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**3** шв. Хўп, бўпти. *Полвон, Мадрайим қорани қақир.. — Ажаб, оға.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**АЖАБЛАНМОҚ** Ҳайрон бўлмоқ, таажжубда қолмоқ. *Сени қочиб кетган дейишганди, чирогим. — Қаёққа? — ажабланди Шербек.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АЖАБО** унд. с. Таажжуб, қизиқ. *Ажабо, бу қандай гап!*

**АЖАБСИНМОҚ** Бир оз ажабланмоқ. *Ишлаб ўтирган хонамда ўзимча ажабсиндим. Дадажонга нима бўлди.* Р. Раҳмон, Олат.

**АЖАБТОВУР** [ажаб + а. طور — ҳол, ҳолат; муомала тарзи] **1** Ажаблантирадиган. *Ҳаётнинг ажабтовур ҳангомалари, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалари бисёр.* Газетадан.

**2** с.т. Биноийдай, дурустгина. *Ажабтовур йигит бўлибди. ■ Бугун ажабтовур тинч ва салқин кун бўлди-да.* Л. Бать, Ҳаёт бустони.

**АЖАЛ** [а. اجل — вақт оралиги; белгили муддат] Ўлим пайти, қазо вақти; ўлим. *Дард бошқа, ажал бошқа.* Мақол. *Кўрққанни ажал қувлар.* Мақол.

**Ўз ажали билан ўлмоқ** Қазо вақти етиб (бошқа сабабларсиз) ўлмоқ. *Гулнорнинг ўлимини улар ғоят совуққонлик билан қарши-лашга уриндилар. Улар: -Гулнор ўз ажали билан ўлди. Ажалга даво йўқ, — дейишди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ажал(и) етмоқ** Ўлим соати, қазоси етмоқ. *Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади.* Мақол. ■ *Ажал етса, жон айрилар бу тандан. “Муродхон”. Жаллодлар зулмида оғир кун кўрдим. Етмайин ажалим, қутулиб қолдим. “Рустам”, Ажал олсин (ёки тортсин, чақирсин)! қарғ. Ўлсин! Куриб кетсин! Ажалидан беш кун бурун* Куни битмасдан, қазоси етмасдан, бевақт. *Ўғрилар тешиб, олдимга чиққанларида, нима қилар эдим? ..Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ажал ҳайдаб келган экан (ёки келди)* Бирор жойдан бошқа жойга бориб, ўша ерда қазо топган киши ҳақида айтилади. *Ажал ҳайдаб келди гулгун қошима, Кетмассан қўлимдан бу замон омон. “Ширин билан Шакар”. Ажал тўнни бичмоқ* Ўлдиршга шайланмоқ, ўлими ҳозирлигини кўрмоқ. *Ажал тўнин бичиб, минганман отга. “Гўрўғли”. Ёвга кирмай ботир, душман санчмайди, Ёв бўлмайин ажал тўнин бичмайди. “Юсуф ва Аҳмад”.*

**АЖАМ** [а. عجم] 1 *эск. кт.* Араб халқи ва мамлакатларидан бошқаси (хусусан, форслар, эронликлар).

2 *мус.* Шашмақом куйларидан бирининг номи. *Савти ажам. Ажам тароналари.*

**АЖАМИЙ** *эск. кт.* Араблардан бошқаларга, хусусан, форсларга, эронликларга мансуб бўлган.

**АЖДАР** [ф. ازدر] 1 Афсонавий катта илон. *Ўртанча ботир қараса, ғордан боши хумдай, узунлиги харидай аждар чиқиб келаятган эмиш. “Чалпак ёққан кун”.*

2 Калтакесакнинг дарахларда яшовчи, учишга мослашган, Жанубий Осиёда тарқалган тури.

**АЖДАРГУЛ** *айн. итоғиз.*

**АЖДАРНАФС** Ебтўймас, мечкай, очофат. *-Наинки Хўжа Абдулло Хотибдек бир аждарнафснинг бошига тушган тошни салтанатга нисбат берурсиз, — деди Навоий.* Ойбек, Навоий.

**АЖДА(Р)ҲО** 1 *айн. аждар 1.*

2 *кўчма нафр.* Қонхўр, ёвуз одам ҳақида. *Уни отган аскар аждаҳо Гитлернинг тишларидан бирини қоқиб ташлаган — инсоният*

*олдидаги муқаддас бурчини бажарган бўлади.* А. Қаҳҳор, Иккиннинг бири.

**АЖДОД** [а. اجداد — “жадд” (бобо) сўзининг кўплиги] 1 Илгари ўтган насл-насаб, ота-боболар (авлодга нисбатан). *Муस्ताқилгимиз йилларида Имом ал-Бухорий каби буюк аждодларимиздан аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандларнинг таваллуд саналари нишонланганлиги.. жамиятимизнинг маданий-маърифий юксалишига ижобий таъсир этмоқда.* Газетадан. *Аждодлар ибрати авлодлар учун намунадир.* Газетадан.

2 *биол.* Ўсимлик ва ҳайвонларнинг қадимги бўғини.

**АЖЗ** [а. عجز — заифлик] *эск. кт.* Қурби етмаслик; ожизлик, заифлик. *Биродар, ҳақиқий инсон ўз ажзини иқрор қилмоқдан завқ олур.* Ойбек, Навоий. *Илтижо қилсам, ёронлар, ажз ила мен найлайин, Ноз ила дерким, манга кўп илтижо даркор эмас.* С. Хондайлиқий.

**АЖИ** *бол.* Юзини қўллари билан тўсиб, аҳён-аҳёнда кўрсатиб (кўриниш бериб) айтиладиган сўз (болалар ўйинида).

**АЖИ-АЖИ 1** Болаларнинг шундай сўз айтиб ўйнайдиган ўйини. *Юзини икки қўли билан тўсиб, ажи-ажи қилгандай илжайди, улар [болалар] кулишди.* Ибохон, Улуғ кун.

2 *кўчма* Шундай маъноли қараш, хатти-ҳаракат. *Ҳақиқатни минг қават уйга қамасангиз ҳам, кавакдан “ажи-ажи” деб мўралаб тураверади.* “Муштум”.

**АЖИБ** [а. عجيب — ажойиб, қизиқ] Ҳайрон қоларли, ҳайратга солиб, қизиқиш уйғотадиган, ғалати. *Ажиб манзара. ■ ...фавворачалардан офтоб нурида кумушдай товланиб таралаётган сув заррачалари атрофга ажиб бир тароват бахш этади.* Газетадан.

**АЖИ-БУЖИ** Эгри-бугри, қинғир-қийшиқ (хат, расм ва ш. к. ҳақида). *Жуманиёз муқовасига ажи-бужи суратлар солинган.. ғалати китобни анграйиб томоша қила бошлади.* С. Сиёев, Аваз.

**АЖИВА** [а. عجويه — ажойиб] *с.т.* Масҳара бўладиган; кўримсиз, хунук, бедаво.

**Ажива қилмоқ** Масҳаралаб кулги қилмоқ. *Кишини ажива қилишни дўндиради у.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Деворий газетага [расмини] ажива қилиб солган эканлар.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**АЖИВАҚА** *шв.* Ўсмай, ривожланмай қолган; мажмағил. *Ғанани алмаштириш вақтида мана бундақа аживақаларни — ўсмай қолган қуртларни олиб кўрсатди Олияхон.. Н. Сафаров, Олияхон Султонова.*

**АЖИЗ** *айн. ажз.* Ноилж ажизни иқроқ қилишга, “қаламим ожиздир” дейишга мажбур бўлинади. *А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**АЖИЛЛАМОҚ** *айн. алжимоқ.* ..обрўйи зўр бўлган кишилар учиб қолганда ёки ажиллаб ўтирганда, у хушёр бўлса — ёмонми? *А. Қаҳҳор, Сароб.*

**АЖИН** Теридаги йўл-йўл, ботиқ чизиқлар (асосан юз ва пешонада бўладиган). *Нормат онасининг ажин бошган юзига, ёшли кўзларига термилди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**АЖИНА** [*а.* جن — жинн] **1 айн. жин 1.** Кампирларнинг миш-мишларига кўра, киши кўзига кўпинча кечалари эчки бўлиб кўринадиган “ажина” ва “алвасти”лар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди. *П. Турсун, Ўқитувчи.*

**Ажина чалмоқ** Жин тегиб, ақлдан оздирмоқ. *Фалончи одам ёнғоқ тагида ухлаб ётган экан, ажина чалиб кетибди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** кўчма Кичкина, жиккак, кўримсиз одам ҳақида. — *Юзбошини нима қилдинг, ажина? — деди Нишонбек Муҳаррамга. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.*

**АЖИНДОР** Кўп ажин тушган. *Лаблари ҳамон қалтирар, ажиндор юзларининг ҳар қатида ғайришуурий ҳаракат акс этарди. “Шарқ юлдузи”.*

**АЖИОТАЖ** [*фр.* agiotage — ҳовлиқиш, тартибсизлик] Биржа бозорларида чайқовчилик мақсадларида атайлаб юзага келтириладиган жонсараклик; қимматбаҳо қоғозларнинг курси ва товарларнинг нархини сунъий равишда кўтариш ёки тушириш.

**АЖИРВОҚИ** *шв. айн. аживақа.* Ажирвоқи ўтларни кўрмасдан қолган экан, шунга наст-баланд гапми? *Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.*

**АЖНАБИЙ** [*а.* اجنبى — бегона, чет киши] **1 сфт.** Чет элга ёки чет элликларга оид, хорижий. *Ажнабий давлатлар. Ажнабий тиллар.*

**2 от** Чет эл фуқароси, чет мамлакат одами. *Республикамизга кўп ажнабийлар келади.*

**АЖОЙИБ** [*а.* عجائب — ажиб нарсалар] **1** Жуда ҳам яхши, таърифга сиғмайдиган.

*Ажойиб манзара. Ажойиб санъаткор. ■ Узоқ қишлоқда жуда содда турмуш кечиршига ўраган бу бечоралар мана энди ажойиб шаҳарга келиб қолдилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Ҳиндистоннинг ажойиб, ранг-баранг гўзал гуллари секин барқ уриб ўсар эди. Ойбек. Нур қидириб.*

**2** Таажжубга соладиган, ғаройиб. *Унинг [Бектемир] учун паровозлар қудратли, ажойиб жонли махлуқлар эди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**3** Кишини қизиқтирадиган; қизиқарли, қизиқ. *Ажойиб ҳикоя.*

**АЖОЙИБОТ** Кишининг ақлини шоширадиган, ғайриоддий кўринадиган нарсалар ёки воқеа-ҳодисалар. *Элмурод тўрт томонга аланглаб, шаҳар ажойиботларини томоша қилиш билан ўз-ўзини овутиганини эслади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**АЖОЙИБХОНА** *эск. 1* Ҳайвонот боғи. *Биласиз-ку, бизнинг томонларда моторли велосипед чиққандан буён эшак зоти камайиб, ажойибхонадаги ҳайвондек, одамларни қизиқтирадиган бўлиб қолган. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.*

**2 айн. музей.**

**АЖР** [*а.* اجر — мукофот, эваз] Эваз, эвазига бўладиган нарса, тўлов. *Она буларнинг ҳаммасига бардош берди. Энди шу бардошнинг ажрини кўряпти. “Шарқ юлдузи”. ..савобини қабристон аҳлига бағишласа, Аллоҳ таборака ва таоло майитлар сонига тенг миқдорда ажру савоб ёзар экан. Газетадан. У билмайдики, Худо нолаю фиғонларга қараб эмас, бандасининг юрган йўлига қараб ажр беради. Т. Малик, Шайтанат.*

**АЖРАЛИШ 1** **Ажралмоқ** *фл. ҳар. н. Тўдасидан ажралиш. Ажралиши қийин.*

**2** Никоҳнинг бекор қилиниши (бекор бўлиши), қўйди-чиқди. *Кейин мен ҳам ажралиш ҳақида ариза ёзишга мажбур бўлдим. Газетадан. Бу қишлоқда ажралишлар, бевафоликлар, ахлоқий номатлубликлар йўқ даражада экан. Газетадан.*

**АЖРАЛИШМОҚ 1** **Ажралмоқ** *фл. бирг. н. Гуруҳларга ажралишди. ■ ..улар бошқа-бошқа кўчаларга бурилиб ажралишдилар. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**2** Никоҳни бекор қилмоқ, қўйди-чиқди бўлмоқ. *Мен мана бу турмушнинг сирларини билмай қолдим. Фақат битта йўл қолди: ажралишамиз. Ойдин, Кўнгли тўлди-*



ми, яхши йигит. *Айтишларича, бир ёшга тўлганимда, отам билан онам ажралишган экан.* Газетадан.

**АЖРАЛМАС 1** Ажратиб бўлмайдиган, ўзаро чамбарчас боғланган. *Адабиёт ва санъат маданиятининг ажралмас қисмидир.*

**2** Бири биридан сира айрилмайдиган; иноқ, қадрдон. *Ажралмас дўстлар. Халқларнинг ажралмас дўстлиги.*

**АЖРАЛМОҚ 1** Бириккан, ёпишган еридан кўчмоқ, узилмоқ. *Пўстлоғи танасидан ажралмоқ.*

**2** Бирлик, биргалик ҳолатидан чиқмоқ, алоҳида бўлмоқ. *..ота-онамнинг розиликларини билан улардан ажралиб, холамникида турдим.* С. Айний, Қуллар.

**3** Бирлик ҳолатини йўқотмоқ, алоқани узмоқ (алоқаси узилмоқ). *Бугунги тараққиёт эса табиийликдан ажралиб қолмоқда.* ТВ дастуридан. *Элга қўшилсанг — эр бўласан, элдан ажралсанг — ер бўласан.* Мақол. ■ *Бир минут ҳам ажралмайман элимдан..* Ҳ. Олимжон.

**4** Махрум бўлмоқ, жудо бўлмоқ; айрилмоқ. *Мансабдан ажралмоқ. Бойликдан ажралмоқ. Ёридан ажралган етти йил йиғлар, элдан ажралган ўлғунча йиғлар.* Мақол. ■ *Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Кунглингиз ошуфта бўлган нарсадан ажралиш — азоб.* Газетадан.

**5** Никоҳдан чиқмоқ. *Мени тергайдиган бўлсанг, ЗАГСга бораман, ажраламан, дебди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**6** Алоҳидалик касб этмоқ, фарққа эга бўлмоқ; фарқланмоқ. *Бу ерда ҳаммадан ажралиб турган шахс — самарқандлик Тўғонбек эди.* Ойбек, Навоий. *Йигит кўпгина фазилатлари билан тенгдошларидан ажралиб туради.* Газетадан.

**7** Алоҳида таркиб ҳосил қилмоқ. *Иссиқлик энергиясининг ажралиши.* ■ *Етмага ажралиб қолган нишолдадек..* Шукрулло.

**8** кам қўлл. айн. **бўлинмоқ.** *Одатда булоқлар ўзларининг қайси тоғ жинсларидан чиқишига қараб, бир неча турларга ажралади.* Газетадан.

**9** (ж.к. билан) Алоҳида-алоҳида бўлмоқ; бўлинмоқ. *Иккига ажралмоқ. Гуруҳларга ажралмоқ.*

**АЖРАЛУВЧАН** Яхши ажралиш хусусиятига эга.

**АЖРАМАЧИЛИК** Ажралиш, алоҳида бўлиш йўлида қилинган хатти-ҳаракат. *Ажрамачилик тантана қилган тақдирда муқаррар юз берадиган иқтисодий, ижтимоий ва маданий оқибатларни билмасликдан келиб чиқадиган тасодифларни истисно этиш учун ҳамма ишни қилиш керак.* Газетадан.

**АЖРАМОҚ** қ. ажралмоқ.

**АЖРАТМА** Бирор мақсад учун ажратилган, чиқарилган маблағ, пул ва ш. к. *..пул даромадлари ва бўлинмас фонд учун белгиланган ажратмалар кўпаймоқда. Давлат бюджетига ажратмалар ёки..* Газетадан.

**АЖРАТМОҚ 1** **Ажрамоқ** фл. орт. н. *Гуштини суюқдан ажратмоқ. Иш жойини ажратмоқ. Гумон дўстни дўстдан ажратар.* Мақол. ■ *-Сенинг муддаонг, — деди ҳожи, — марғилонлик келинни ўғлиндан ажратиб юбориш ва бу келиннинг билан қолдириш — шундоғми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2** Орага тушиб, икки ёққа айирмоқ (мас., ёқалашувчиларни). *Одамлар ажратмаганда, бу хотин мулла Норқўзини ғажиб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

**3** Айириб олмоқ, халос қилмоқ; қутқазмоқ. *..ўртага Бойсунқор мирзо тушиб, ўғлини зўрға жаллод қўлидан ажратиб олган.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**4** Бирор мақсад учун атаб, белгилаб айирмоқ. *Маблағ ажратмоқ.* ■ *Бунга қанча ер ажратамиз? — Ўрмонжон унинг саволига жавоб бермади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**5** Навларига, турига, хилига қараб айирмоқ; хилламоқ. *Сарагини саракка, пучагини пучакка ажратмоқ.* ■ *Анвар ҳудайчи учун ажратган аризаларни қўлига олиб, ўрнидан турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**6** Фарқига бормоқ, фарқламоқ. *Буларнинг қишлоқ болаларими ё шаҳар болаларими эканлигини ажратиб бўлмайди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Севги бор, фақат уни саробдан ажрата билиш керак.* Газетадан.

**7** Айирмачилик қилмоқ, бошқалардан алоҳида (ёмон) муносабатда бўлмоқ, ўтай кўз билан қарамоқ. *Нуқул менинг боламни ажратасиз. Сўзлашувдан.* ■ *Йўқ, сен ўзбекларни ажратма.* Ойбек, Куёш қораймас.

**8** Алоҳида (таъсирсиз) ҳолатга олмоқ. *Агар хонадонингизда грип билан хасталанган бемор бўлса, уни бошқа оила аъзоларидан ажратиб талаб этилади.* Газетадан.

**АЖРАШМОҚ 1** Ажрамоқ фл. бирг. н.

**2** айн. ажралишмоқ **2.** [Заргаров:] Оқила билан ажрашиб кетганимга мана шу ҳафта роса беш йил тўлди. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**АЖРИМ 1** Икки ўртадаги иш юзасидан хулосавий натижа; келишув, келиштирув.

**Ажрим қилмоқ 1)** келишмовчиликни, низоли ҳолатни бир ёқлик қилмоқ. *Сидиқжон ўрнидан туриб, кўча эшиги томон йўналган эди.. хотини тўхтатди: -Тўхтанг, ажрим қилиб кетинг!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Ёшларнинг кўпчилиги Маннон Тўраевга нисбатан қай муносабатда бўлишларини ажрим қилиб олдилар.* Ж. Абдуллаҳонов, Тўфон; **2)** ҳуқ. томонлар иши юзасидан ҳукм чиқармоқ. *Яхшиси судга беринг — бизни ажрим қилсин. “Муштум”.*

**2** ҳуқ. Суд қарори. *Бекобод шаҳар суди.. Аҳмедовнинг жиноий иши юзасидан чиқарилган хусусий ажримни юборган.* Газетадан. *-Тўрани чақиртирамиз, сиз энди кетаверинг, ажримини маълум қиламиз, — деди қозикалон.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**АЖРИҚ** Бошоқдошларга мансуб кўп йиллик серилдиз ёввойи (бегона) ўт.

**Ажриққа ағанагандай** Нотинч, безовта ҳолда азоб чекиб (ётмоқ). [Ҳомид] *Уша кунни туни билан ажриққа ағанагандек ухлолмапти.* Ш. Фуломов, Бахт бўстонига.

**АЖРИҚЗОР** Ажриқ босган ер, ажриқ ўсган майдон. *Ажриқзор сойлик.*

**АЖУВА** с. т. айн. **ажива.** Баққолнинг маймунидек, ким кўринганга ажува бўлиб юрма.. Ф. Фулом, Шум бола.

**АЖУЗ** [а. عجون — қари, кампир, чол] эск. кт. Қари хотин, кампир. *Ёнимда қаламдоним, Нечук қайтарай, жоним! Эзиб ички, тумор, деб Келса чол, ажужлари.* Ҳамза.

**АЖУЗА** айн. **ажуз.**

**АЖУЗ-МАЖУЗ** с. т. айн. **айёми ажуз.** қ. **айём.**

**АЗА** [а. عزا — сабр-тоқат тилаш; таъзия билдириш] **1** этн. Аёлларнинг маййит чиққан уйда йиғи билан ўтказадиган мотам маросими. *Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлар.* Мақол. ■ *Камбағал уруғ-аймоқ, кўни-кўшинлар, тўйда, азада семирадиган юримсак аёллар қоронғида туртиниб, пиеда жўнашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Маййит чиққан уйдаги мотам жараёни. *Азада қатнашмоқ. Азага кириб, фотиҳа ўқиб чиқмоқ.*

**Аза очмоқ 1)** айтиб йиғлаш билан мотам маросимини бошламоқ. *Қонқоғи қалайланган темир тобут уй ўртасига қўйилгач, хотинхалаж бирдан уввос солиб, аза очди.* Э. Усмонов, Ёлқин; **2)** бошқа хонадон маййитига (одатда, қариндош-уруғ кишисига) йиғи билан мотам маросими ўтказмоқ (аёл киши ўтказди); **3)** уруш, савдо ва ш.к. га кетган ёки дом-дараксиз йўқолган кишиларнинг вафоти маълум бўлиши билан, шунингдек, тириклигидан умид узилган киши учун мотам маросими (аза) ўтказмоқ. *Уста Ҳасанбек бўлса ўғли Шодмонбекнинг жангда шаҳид бўлгани туфайли аза очди.* Мирмуҳсин. Меъмор. **Аза тутмоқ 1)** азали ҳолатда бўлмоқ. *Жаббор ака ўлган вақтларда қора кийиб, аза тутиб юрган чоғларида ҳам у ўзини ҳозиргидек якка-ёлғиз сезмаган эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; **2)** диққатчилик билан йиғи-сиғи қилмоқ (одатда, арзимаган нарсага).

**3** кўчма Умуман, мотам каби ҳолат; **зид. тўй, хурсандчилик.** *Бу ҳолат кимга тўй, кимга аза. Тўғри, камбағалнинг боши ғамдан чиқмайди. Ҳайити ҳам аза, жумаси ҳам аза..* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** кўчма. с. т. Умуман, йиғи-сиғили ҳолат, беҳуда йиғи-сиғи (аёлларга нисбатан). *Шунга ҳам азими, йиғиштар йиғи-сиғинени.*

**АЗАВОЗЛИК** с. т. Ортиқча хафагарчилик, йиғи-сиғи. [Бой Жамилага:] *Битта гадо учун шунча азавозликми? Энди Ғофирни оғзинга олма! Сенга у номахрам.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**Азавозлик қилмоқ** Ортиқча (бекорга) йиғи-сиғи қилмоқ, кўз ёши тўкмоқ.

**АЗАДОР** Аза тутувчи. *Инсон вафотидан сўнг, табиийки, маййит ахли азадор бўлади, мотам тутади.* Газетадан. *Марҳумларнинг хотирасига ўтказиладиган маъракаларга азадордан кўнгила сўраш учун борилади, аслида.* Газетадан.

**АЗАЙИМХОН** [а. +ф. عزایمخوان — афсун ўқувчи, сеҳрловчи, афсунгар] этн. Касалларга дам солиб, сеҳр-афсунлар ўқиб “даволаш”ни ўзига касб қилиб олган одам; дуохон. *Жаҳолатпараст сохта табиблар, азайимхонлар.. беморларни дуо ёзиш, тумор тақши каби бемаъни тадбирлар билан алдашган.* Газетадан.

**АЗАЙИМХОНЛИК** Азайимхон иши.

**АЗАЛ** [а. ازال — ибтидоси йўқлик, ибтидосиз замон] Бошланиш даври йўқлик, бошла-

ниши номаълум замон. *зид. абад. Ариқ қазииш, сув чиқариш тўғрисига келсак, бу эски гап, азалинг иши.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Азал наққоши** (ёки **наққоши азал**) Тангрининг яратувчилилик сифати. *Сарвқадлар суратин чекканда наққоши азал, Бир алиф шаклида ёзмиш қадди зебо суратинг.* Фурқат.

**АЗАЛГИ** Қадимдан қолган, узоқ замонлардан давом этиб келаётган, узоқ тарихга эга бўлган; қадимги. *Азалги одат. Азалги орзу.*

■ *Бу ўлжанинг ариқларини азалиг тажриба ва уқув билан ва бениҳоя зўр, доимий меҳнат билан яратибди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АЗАЛДА** I Аввал бошда; туғилишдан. *Лекин азалда тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Жуда қадим замонларда.

**АЗАЛДАН** *рви.* Қадим замонлардан бери, эскидан, қадимдан. *Азалдан маълум гап.* ■ *Дўст, қардошдир азалдан ўзбегим тожик билан.* А. Орипов.

**АЗАЛИ** I *айн. азалдор.* *Азали аёл.*

**АЗАЛИ** II *айн. азалдан.* *Азали шундай.*

**АЗАЛИЙ** *эск. кт.* Бошланиш даври йўқ, азалга оид. *Мен коинот, яъни моддий дунё нури илоҳийдан пайдо бўлган, ул азалий ва абадийдур, деб айтганман.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

**АЗАЛИК** Азалорга, аза кунларига мўлжалланган (кийим, кийимлик ҳақида). *Шунинг учун бухгалтерини титқилади, сандигини очди, азалик матоларини бир-бир кўрди-ю, бўшашиди..* “Ёшлик”.

**АЗАМАТ** [*а. عظمت* – буюклик, катталик; фахр, гурур] I Кўриниш-тузилиши эътибори билан жуда катта; ҳайбатли, улкан. *Азамат чинорлар. Азамат тоғлар.* ■ *Ўйлаб қараса, [ота] шу ёшга келиб, бунақанги азамат қурилишини сира кўрмаган экан.* Р. Файзий. Чўлга баҳор келди.

2 Катта куч-қувватга эга; қудратли. *Одамлар ўттизлаб, элликлаб азамат машиналарни бошқарадилар.* М. Жўра. Қуёшдан нур эмганлар.

3 Ғайрат-шижоатли; баҳодир, ботир. *Тўрт томондан ёпирилиб, ўқ ёғдириб келатган душман солдатларининг яна олти ҳамласини даф этди азамат пулемётчилар.* Т. Рустамов. Мангу жасорат.

4 Жисмонан етуқ; забардаст. *Ёнида арслондек, тоғни урса тоққон қиладиан азамат*

*эри турганда, ташвиш қилишга ҳожат йўқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳар бир одам олтинга тенг бўлиб турган бир маҳалда уч азамат йигитни беғуноҳ-бесўроқ қамаб қўйишса..* О. Ёқубов. *Эр бошига иш тушса. Ўн тўрт ёшга кирдинг, бўлдинг азамат.* “Муродхон”.

5 Шундай белги-хусусиятга эгаликни қайд этувчи муносабатни билдиради. *Шокир Ғайратнинг елкасига қўлини ташлади: Оббо азамат-эй, зап ажойиб йигит экансан-ку!* М. Ҳазраткулов, Журьят. *Чарчабсан, азамат, юр энди, блиндажга кириб ухлаб ол.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

6 Азамат (эркаklar исми).

**АЗАХОНА** Азали жой, хонадон. *Кечаги боғча бугун азахоналар каби кишининг кўнглини ғаш-қайғу билан тўлдирарди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**АЗБАРОЙИ** [*ф. ازبرای* – учун, сабабли] *юк. кўм.* Таъкид, кучайтиришни билдиради. *Бу гаплар айниқса сиз билан менга келишмаса ҳам, азбаройи мени ёлғиз ташлаб қўбганингиздан айтдим.* А. Қодирий. *Ўтган кунлар. Қудрат азбаройи ҳаяжонга тушганидан гапни нимадан бошлашни билмай қолган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**Азбаройи худо** 1) худо учун, худо йўлига; 2) худо ҳақи, ўлай агар. *Бунни эшитиб, азбаройи худо, тутақиб, иситмам чиқиб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Азбаройи шифо** 1) шифо бўлсин учун, даво бўлсин деб. *Шу дорини азбаройи шифо ичинг;* 2) *айн. азбаройи худо* Азбаройи шифо, бу нима деган гап-а?

**АЗЗА-БАЗЗА** *рви. с. т. I* Кўнгил амри билан, атайлаб, махсус. *Омоновдек одам сизни табриклаш учун азза-базза трест ўринбосари кабинетидан чиқиб келармиди?* Б. Раҳмонов. *Хўжайин кўчди. Ҳа, шундай ёмғирда азза-базза узоқдан келган кишининг бир нияти бўлиши керак.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Ростакамига, астойдил. *-Ўттиз йиллик хотинингизга раҳмингиз келмайдими? – Бону энди азза-базза йиғига тушди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**АЗИЗ** [*а. عزیز* – улуғ, қадрли] I Кам топиладиган, ноёб ва қадрли; тақчил. *Эрур озки, фируза бўлмиш азиз.* А. Навоий. *Сув бошқа жойларга ҳам худди шу ердан тақсимланади. Саккиз кун Марғилон билан Симга, саккиз кун Чимён.. Олтиариққа оқади. Шунинг учун ҳам сув бизда одам қонидай азиз.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ҳаёт учун энг зарурий ва қадрли, тенги йўқ. *Азиз таом.* ■ *Бугдэй шундай азиз овқат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фалла халқимизнинг пешона тери билан, билак кучи билан бунёдга келганлиги учун ҳам азиз ва муқаддасдир.* Газетадан.

3 Эъзоз-эътиборга, иззат-ҳурматга лойиқ, ардоқли, қадрли. *Азиз Ватан. Азиз меҳмон. Бола азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. *Эр — сийланган ерда азиз.* Мақол. ■ *..наҳот сен, менинг пушти камаримдан бўлган, жондан азиз фарзандим, шу ҳақиқатни тушунмасанг.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Олий қадрга эга, табаррук. *У ерда [Шоҳмардонда] аллақандай бир азизнинг қабри бор дейишади..* К. Яшин, Ҳамза. *Ўзбекистон — азизлар Ватани.* Газетадан.

5 Қайд этилган белги-хусусиятларга эгаликни таъкидловчи муносабатни билдиради. *Азиз дўстим. Азиз устозлар.* ■ *Азизим, қизингизнинг бахтини бировларнинг остонасидан қидирманг.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

6 Азиз (эркаклар исми).

**АЗИЗ-АВЛИЁ** (*асосан, кўпл. шаклида — азиз-авлиёлар*). Эътиқодга кўра (одатда, ўтган), мўъжизалар кўрсатувчи, каромат, башорат қилувчилар. *Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳожи хола анча азиз-авлиёларни айтди-ю, аммо Оқтўпни эшонни бир марта ҳам оғзига олмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**АЗИЗЛАМОҚ** *кам. кўлл. Иззат-ҳурмат қилмоқ, азиз тутмоқ. Бу сўзни эшитиб, Барчин.. азизлаб юрадиган бола — Ёдгор.. қандай бўлиб юрибди, — деди. “Ёдгор”.*

**АЗИМ** [*а. عظيم — улуғ, буюк, катта*] **1** Кўриниш, тузилиш эътибори билан ғоят катта, улкан. *Азим терак. Азим тоғлар. Азим дарё. Шаҳри азим.* ■ *..Ёски Жувода азим бир жамоа йиғиб, Азизбек билан бўлган можаросини сўзлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Гуноҳи азим (азим гуноҳ)** Катта гуноҳ. *Беҳуда қон тўкмоқ, юртни парчаламоқдан азим гуноҳ йўқ!* Ойбек, Навоий. *..олимларни ҳақорат қилиши ва азоблаш кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим сифатида таърифланган.* Э. Юсупов, Истиқлол йўлида. **Балойи азим** **1)** катта бало, кулфат. *Бўтам, ношаръий байту ғазал битиб, мени балойи азимга қўйманг.* С. Сиёев, Ёруғлик; **2)** кўлидан ҳар бало келадиган. *Қилмайдиган, билмайдиган иши йўқ — балойи азим экан.* Сўзлашувдан.

**2** Азим (эркаклар исми).

**АЗИМАТ** [*а. عظيמת — интилиш, ирода, қатъият, қатъий қарор*] *эск. кт.* Интилиш, жазм, қасд.

**Азимат қилмоқ (ёки этмоқ)** Жазм қилмоқ. *Қочиб чиқмога қилдилар азимат.* Лутфий. *Кобул сори гар азимат этсанг, қурбон қилай ўзни санга, эй шоҳ.* Бобур.

**АЗИМКОР** Ғоят катта ишларга қодир. *Каттакон йўлларда кўзингиз чароғ, Азимкор бир халқнинг зурётларисиз.* Ғ. Ғулом.

**АЗИМУТ** [*фр. azimut < а. السموت — йўллар, йўналишлар*] **1** *астр., геод.* Кузатишмоқда бўлган осмон жисми ва кузатиш нуқтаси орқали ўтказилган вертикал текислик билан меридиан текислиги орасидаги бурчак.

**2** *ҳарб.* Бирор нуқтага ҳамда шимол томонга қарата чизилган икки чизиқ оралигидаги бурчак; харитадан ва компасдан фойдаланиб аниқланадиган энг қисқа йўналиш.

**АЗИЯТ** [*а. اذيت — ранж, азоб, оғриқ; зарар*] **1** Рухий ёки жисмоний эзилиш, озор, азоб. [*Қори:*] *Ундоқ бўлса, бу ерга келишдан сизга азиятдан ўзга нима хушлик бор?* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**Азият чекмоқ (ёки тортмоқ)** Азобланмоқ. [*Элмурод*] *Онасидан ажралгандан бери кун бўйи қанча азият чекди, қанча кўз ёши тўкди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Зарарли таъсир, зарар-заҳмат. *Агар шу қўрбоши ўлдирилмаганда, Мухторхонга бир азият етар экан.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**Азият етказмоқ** **1)** шикаст етказмоқ; **2)** хафа қилмоқ, ранжитмоқ. *Муборак кўнгилларига азият етказганидан қўрққанлигини сўзлаб, узр тилади.* Ойбек, Навоий.

**АЗИЯТЛИ** Рухан ёки жисмонан азоб-азият берувчи. *Гўё ариқда унинг бахтиёр ҳам азиятли хотиралари оқиб кетаётгандай эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**АЗИЯТСИЗ** Меҳнат-машаққатсиз, азият чекмай. *Азиятсиз бол тотмоқ — турмуш кечирмоқнинг муқаддас қонунларига хилофдир.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**АЗЛ** [*а. عزل — бўшатиш, четлатиш*]: **азл қилмоқ (ёки этмоқ)** *эск. кт.* Бекор қилмоқ, четлатмоқ, бўшатмоқ (ишдан, мансабдан). *Азизбек мақсадга кўчди: Мени Тошкент ҳокимлигидан азл этмоқчи ва қўлларидан келса, ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЗМ** [а. *عزم* — қасд, қатъий қарор, киришиш] *кт.* Қасд, киришиш жазми, қатъий мақсад-интилиш. *Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.* Газетадан.

**Азм қилмоқ** 1) қарор қилмоқ, отланмоқ. *У энди пойтхатга келмоққа азм қилган.* Ойбек, Навоий; 2) жазм қилмоқ, ботинмоқ. *Мен ўн йилдан бери азм қилолмай юрган бу ишга бугун жазм этдим.* А. Мухтор. Тонг билан учрашув.

**АЗМКОР** *кт.* кам қўлл. Азму шижоатли, азм-жазм билан ҳаракат қилувчи. *Фақат чўлнинг қиёфасигина эмас, айни вақтда уни бўйсундираётган азмкорларнинг ўзи ҳам ўзгармоқда.* Газетадан.

**АЗМОЙИШ** [ф. *آزمایش* — синов, текшириш; тажриба] *кам* қўлл. Синаш, билиш мақсадидаги хатти-ҳаракат. *Қизлархон тушунмади: бу киши азмойишга гапиряптими ёки гапи жиддийми?* И. Раҳим, Зангри кема капитани.

**Азмойиш(ини) олмоқ** 1) синаш-билиш ҳаракатида бўлмоқ. *..Кечгача дала айланиб, азмойиш олиб юрди.* С. Аҳмад, Қадрдон дала-лар. *Мундоқ азмойиш олсам, колхозчилар орасида “миш-миш” гап кўпайиб кетибди.* Ҳ. Нуъмон, Фаслар; 2) сир-синоатини билиб олмоқ. *..ё иш енгиллашган, ё ишнинг азмойишини олиб, кўп куч сарф қилмай, вазифасини адо этишга ўрганган.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**АЗОБ** [а. *عزاب* — қийналиш, укубат] 1) Жисмоний ёки руҳий қийноқ. *Виждон азоби. Руҳий азоб. Илгари “йўл азоби — гўр азоби” дердилар. ■ [Фуломжон] Юрагидаги бор дардларини, тортган азобларини бир-бир айтиб берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2) Иш-меҳнат қийинчилиги, машаққати. [Ҳадича] *Ўғли не-не азоб билан ясаган столлар, ўриндиқларнинг ташқарига чиқариб уйлаётган синиқларини кўриб, дод солиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Азоб бермоқ** Қийнамоқ, қийноққа солмоқ. *Йўтал ёмон азоб беряпти. ■ Зиндон-боннинг даромади қамалганларга азоб бериш воситаси билан улардан олинадиган 4-5 танга нулдир.* С. Айний, Дохунда. **Азоб чекмоқ** (ёки **тортмоқ**) Руҳан ёки жисмонан қийналмоқ. *Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонготарга яқин кўзи ёриди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Очликдан нечоғлиқ азоб тортганини Навоий ҳам эшитган бўлса керак.* П. Қодиров, Юлдузли

тунлар. **Гўр азоби** Ўта азоб, қаттиқ азоб. *Гўр азобида этиштирган пахтасини заводга келтириб, сувтекин сотади..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Ит азобида** Ниҳоятда азоб чекиб, ўта азоб билан. *Ит азобида тунни ўтказди.* С. Сиёев. Ёруғлик. **Нима азоб** Нима жазо, нега мунча қийналиш (қийналиб бирор иш қилаётган кишига ачиниб айтиладиган ибора). *—Нима азоб, дадаси, ўпкангиз қирилиб кетди-ю,— Ойшабону эрига ачиниб гапирди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**АЗОБЛАМОҚ** Жисмоний ёки руҳий азоб бермоқ. *Кимнинг дилида нима гап борлиги номаълум. Аммо Адолатни “уруш кимларни тул қилмаяпти” деган гап азобламоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АЗОБЛИ** Азоб берувчи. *Нусратулла кейинги вақтларда бу азобли ўйлардан вақтинча бўлса ҳам қутулишининг бирдан-бир йўлини топиб олган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**АЗОБ-УҚУБАТ** Турли азоб ва укубатлар, машаққат ва қийинчиликлар. *Улар фронтлардаги азоб-уқубат, шон ва мардлик билан тўла кунларни.. хотирлар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АЗОЗИЛ** [а. *عزازيل* — шайтон] Шайтон, иблиснинг номи. *Уламога тил тегизган аозил бу, уринглар.* Ойбек. Улуғ йўл.

**АЗОН** [а. *اذان* — намозга чақиритиш] 1) дин. Намоз ўқишга чақиритиш. *Масжиддан шом азони эшитилди.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Шукур сўфи мезанага чиқиб, азон айтди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

2) Тонг ёришиш, гира-шира пайти; эрта тонг. *—Шу бўйи туни билан йиғлаб чиқибди, сўнг, “сендай эрга теккунча, қора ерга тегиб кўя қолай” деб, азонга яқин бир илож қилиб қочибди, — деди Давлатёр.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Қулоғига азон айтмоқ** *эти.* Янги туғилган чақалоқнинг қулоғига тегишли дуоларни ўқимоқ. *Катта бобоси унинг қулоғига азон айтиб, танглайини кўтарди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Сўфи азон айтмасдан** Жуда барвақт, тонг саҳарда. **Сўфи азон айтмасдан** нима қилиб юрибсан? ■ *Кунлардан бир кун, сўфи азон айтмасдан, ўрнимдан туриб..* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

**АЗОНДА** *рвш.* Эрта тонг билан, тонготар пайтда. *Эрта билан азонда ўрнимдан бошини кўтаради-ю, онасининг иш саватчасига ёпишади.* Ойдин, Бечора.

**АЗОНЛАБ** айн. *азонда*. *Бог ичидаги узун курсида азонлаб келган Умид кутиб ўтирарди*. Мирмуҳсин, Умид.

**АЗОНЧИ** с. т. Муаззин, сўфи. *Минорада азончилар айтар азон..* Ойбек, Зафар ва Заҳро.

**АЗОТ** I [фр. azot <юн. а — йўқ (инкор) + zoos — тирик)] Менделеев даврий система-сининг V гуруҳига мансуб, рангсиз ва ҳидсиз кимёвий элемент, ўсимликлар озикла-нишида муҳим аҳамиятга эга.

**АЗОТ II: азот кўтармоқ** с. т. Даст кўтар-моқ, тик кўтармоқ. *-Ёрдамини уз учун катта раҳмат! — деди Турсуной ва юкни ердан азот кўтарди-да, кифтига қўйиб жўнаб қолди*. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**АЗОТЛАМОҚ** Азот ёки азотли моддалар билан тўйинтирмоқ, бойитмоқ. *Тупроқни азотламоқ. Пўлатни азотламоқ.*

**АЗОТЛИ** Таркибида азот бўлган. *Азотли ўғитлар.*

**АЗРОИЛ** [а. عزرائيل — ўлим фариштаси] Ислом динида тўрт бош фаришталдан бири, жон олувчи фаришта; ажал фариштаси. *-Гарданимдаги қарзларимни узгунимча, Азроил жонимни олиб қўймаса эди, — деди қарзга ботган киши афандига. “Латифалар”.*

**АЗТАҲИДИЛ** [ф. از ته دل — бутун қалб-нинг, юракнинг тубидан] *эск. кт. айн. ас-тойдил. ..Азтаҳидил Анварнинг қасдига тушганки, бунда шубҳа йўқ*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АЙ** айн. эй. *Ай сиз, менинг кичик дўстларим*. З. Диёр.

**АЙБ** [а. عيب — нуқсон] 1 Расм-қоидага ёки одоб-ахлоқ меъёрларига хилоф иш, хатти-ҳаракат; гуноҳ. *Ўз айбига иқрор бўлмоқ. Айбини бўйнига қўймоқ. Айбини яширган ўнгмас*. Мақол. ■ *У Ойқизнинг ёнига келди-да, айбига иқрор бўлган гуноҳкордек, маъюслик билан запирди*. Ш. Рашидов. Ғолиблар.

**Айб қилмоқ** Айб содир этмоқ, айбли иш қилмоқ.

2 ҳуқ. Қонунга хилоф хатти-ҳаракат; жиноятга тортишнинг зарур шарт. *Тўрт нафар ҳарбий Ватанга хиёнат қилишидаги айби учун судга тортилди*. Газетадан.

3 Киши уяладиган, хижолат тортадиган хатти-ҳаракат; уятли иш, уят. *Сўраганинг айби йўқ*. Мақол. *Орзуга айб йўқ*. Мақол. ■ [Ҳолисхон Тожибойга:] *Қўйинг, хафа бўлман*. Бу ўзимнинг укам, айб бўлади. Ҳамза, Ҳолисхон.

**Айбга буюрмайсиз**. Айб ҳисобламайсиз (бирор иш, хатти-ҳаракат учун кечирим, узр маъносида қўлланади). *Айбга буюрмайсиз, ўғлим меъморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим*. Мирмуҳсин, Меъмор. *Энди, меҳмонлар, айбга буюрмайсизлар, менинг қиладиган ишим, борадиган ерим кўп*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Энди, айбга буюрмайсиз, негадир кўнглим сизга тортди, ука*. Газетадан. **Айбга қўшмайсиз айн. айбга буюрмайсиз. Айб қилмоқ** 1) айбли, уятли иш қилмоқ. *Айб қилдингми, узр сура*; 2) айб (айбли) деб қарамоқ, уят қилмоқ *Ундай қилма, одамлар айб қилади*; 3) айб қилмайсиз. айн. **айбга буюрмайсиз**. *Канизак дастурхон ёзиб, овқат келтирди. У бир коса ошни Самандаровнинг олдига қўяр экан: -Айб қилмайсиз-да, Мақсудали ака, холам сўк оши қилибдилар, — деди*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Меъёрни, олатий ҳолатни бузувчи белги-ҳолат, нарса; камчилик, нуқсон. *Ҳар тўқисда бир айб. Бировнинг айбига кулмагил зинҳор, сенинг айбинга ҳам кулгучилар бор*.

**АЙБАКИ** [а.+ф. عيبكي — айби, нуқсон и бор] Сифати паст, жўн чарм. *Айбаки маҳси*. ■ *..оёғида эскироқ айбаки теридан тикилган этик*. Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**АЙБДОР** 1 от Айб иш қилган киши; гуноҳкор. [Ота] *Болалари олдига айбдордек, ҳўл ўтин вишиллаб сасиётган ўчоққа тикилади*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 от, ҳуқ. Жиноий иш қилган, қонунга хилоф иш қилган, жиноий жавобгар киши. *Навбатчи милиционер айбдорни олиб чиқиб кетди*. Ҳ. Фулом, Машғал. *Айбдор ва лоқайд раҳбарларга нисбатан муросасизлик қилиб келинган*. Газетадан.

3 сфт. Жисмоний жиҳатдан камчилиги, нуқсон и, иллати бор; айбли. *Айбдор қиз*. ■ *-Бир кўздан айбдорми? — Шунақа*. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЙБЛАМОҚ** 1 Айбли деб топмоқ, айб қўймоқ. *Биров у деди, биров бу деди, ким келини айблади, ким — куёвни*. Газетадан. [Тантибойвачча] *Қизни олиб қочганда, эҳтиётсизликда, бўшангликда қора Аҳмадни айблади*. Ойбек, Танланган асарлар.

2 ҳуқ. Жиноий айб қўймоқ. *Ўша вақтларда маҳаллий раҳбарларни айблашга баҳона топилмай қолганда, уларнинг фарзанд-*

лари ва қариндош-уруғларини тухмат билан қамашарди. Газетадан.

**АЙБЛАНУВЧИ 1** Айбланмоқ фл. сфдш.

2 ҳуқ. ЎЗР Жиноий-процессуал кодексида белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида айблов қарори чиқарилган шахс.

**АЙБЛИ** айн. айбдор 1, 3. Чолнинг юрак яраларини очишда ўзини айбли санаган Йўлчининг кўкраги оғир туйғулар билан тўлди. Ойбек, Танланган асарлар. Нафсамбирини айтганда, биз ўзимиз айбли. А. Қодирий, Обид кетмон.

**АЙБЛОВ 1** Айбламоқ фл. ҳар.н.

2 ҳуқ. Муайян жиноий ишни қилганликда айбланган шахснинг айбдорлигини исботлаш учун қилинган ҳаракат.

**Айблов хулосаси** Жиноят юзасидан тергов натижасида аниқланган ҳолатлар ва айб мазмуни баён этилган ҳужжат.

3 ҳуқ. Айблаш қайди, айб (айблар) қайд этилган (нарсa). *Айблов қогози.* ■ Судланувчилар устидан чиқарилган айблов ҳукми қанчаллик оғир ва аёвсиз бўлмасин.. “Муштум”.

**АЙБЛОВЧИ 1** Айбламоқ фл. сфдш.

2 ҳуқ. Судда жиноий иш юзасидан айблов фикрини қувватловчи шахс. *Давлат айбловчиси. Жамоат айбловчиси.*

**АЙБНОМА 1** Умуман айбни кўрсатувчи, қайд этувчи ёзма баён, шундай вазифани бажарувчи ҳужжат. “Оқ қон” рангли фильми атом қуролини ишлатишга зўр бериб уринаётганларни фош қилувчи сиёсий айбномадир. Газетадан.

2 ҳуқ. Жиноий айбнинг ёзма баёни. *Айбноманинг хулосасида айбдорларнинг ҳаммаси тергов давомида ўз жиноятларига иқрор бўлганлиги айтилади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**АЙБОНА** эск. Жамоат тартибини бузганлик, ахлоқсизлик, етказилган зарар қабилар учун ундириладиган (тўланадиган) жарима; товон. *Айбона тўлаш.* ■ *Эгамберди, шу бугдойнинг вазнига бараварлаб сармағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш!* А. Қодирий, Обид кетмон.

**АЙБСИТМОҚ** Айб топмоқ, айб тақмоқ. У нимадан айбситуни билмай юрибди. ■ *Айб ҳаммамизда бор.. Лекин ҳозир айбсйтиб ўтирадиган пайт эмас.* М. Мансуров. Ёмби.

**АЙВОН** [а. ايوان — қаср; олди очиқ бино] Кўпинча уч томони берк, олди очиқ

хона. *Ўзганинг тоқу равоқидан ўзининг айвонинг яхши.* Мақол. ■ *Уйнинг орқаси ҳам бир замонлар шунинг сингари уй бўлса керак, лекин бузилгандан кейин, олди деворни олиб ташлаб, айвон қилинибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Жаҳон айвонида** поэт. Оламда, дунёда, жаҳонда. ..*Йўқ жаҳон айвонида онинг киби шўху зариф.* Аваз.

**АЙЁМ** [а. ايام — кунлар] 1 кт. Кун; кунлар. *Бугун ҳар биримиз учун қутлуғ айём.* “Муштум”.

2 Байрам куни; байрам кунлари. *Улуғ айём. Айёмлари (айёмингиз) муборак!*

3 Баъзи сўзлар билан кўлланиб, шу сўзлар билдирган вақт, фасл ва ш.к. га оид он, кун, кунларни билдиради. *Баҳор айёмида гул гаит этарга бир чаман бўлса.. Фурқат. Йигитликнинг айёмини ёд қил.* А. Навоий. *Шукр қил, ҳижрон туну ўтгач, келур айёми васл.* Воқиф.

**Айёми ажуз** Қишнинг охириг қаштаси. *Айёми ажуз олти кун, қаҳр айласа — қаттиқ кун.* Мақол.

**АЙЁР** [а. عيار — муғамбир; ялангоёқ, бекорчи] 1 сфт. Макр-ҳийлага уста; муғамбир, фирибгар. *Айёр бой. Айёр тулки.* ■ *Тулкани алдаб соғурлар, Турфа айёрдир тўрам.* “Муштум”. *Мирзакаримбой илоннинг ёғини ялаган одам: ҳамма бойлар каби айёр..* Ойбек, Танланган асарлар.

2 сфт. Макр-ҳийла ифодаси бўлган; макрона. *Айёр боқиш. Айёр табассум.* ■ *Бек айёр кўзларини Раззоққа қаратди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

3 от Ўзбек халқ дostonларида: ҳийлагар; айғоқчи. *Шу орада Алпомиш Қалмоқшоҳнинг айёрларини ўтда куйдириб юборди.* “Алпомиш”.

**АЙЁРЛИК** Айёрона иш, хатти-ҳаракат; қувлик. *Назаримда, Турдиев нимжон, ҳеч қандай айёрлик қўлидан келмайдиган, содда кўринди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**АЙЁРОНА** рви. Айёрлик билан, қувлик билан, айёрларча. *У айёрона кулиб қўйди.* ■ *Комил унинг айёрона боқиб турган кўзларига тикилди.* “Ёшлик”.

**АЙИЛ** Эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш. *Айилни тортиб қўймоқ.* ■ *Ҳеч ким ҳориган отларининг айилини бўшатмади, қуролиниям қўлдан қўймади.* “Ёшлик”.

**Айил ботмоқ** Қаттиқ тегмоқ, оғир ботмоқ, ранжитмоқ. *Айтган гапларим.. айил ботган бўлса, узр, Кумри келинойи. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Айил ботадиган жойи шундаки, ўз айбларини яшириш, одамлар фукрини чалғитиш ниятида софдил кишилар устидан туҳматлар уюштирди. “Муштум”.* **Айил маҳқам** с.т. Қорин тўқ. *Ҳа, огайни, айил маҳқамми, ҳеч нарса емаётирсиз?*

**АЙИРБОШ:** **айирбош қилмоқ** айн. **айирбошламоқ.** *Муҳаббат виждонни латта-путтага айирбош қилди. Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

**АЙИРБОШЛАМОҚ 1** Бошма-бошига ёки бошқа бирор шарт билан бирор нарса-ни алишмоқ, алмашмоқ, алмаштирмоқ. *Сотишга ва айирбошлашга ярайдиган нарсалар ҳам сон бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2** Янгиламоқ, ўзгартирмоқ. *Ишдан кейин кийимларни айирбошламоқ.*

**АЙИРБОШЛАШ** иқт. Кишиларнинг меҳнат фаолияти ёки маҳсулотларини ўзаро алмаштиришлари.

**АЙИРГИЧ** Айириш, бўлиш, тақсимлаш учун хизмат қилувчи асбоб, мослама, қурилма. *Ўнлаб сув айиргич иншоотлар.. қурилиб ишга туширилди. Газетадан.*

**АЙИРИШ 1 Айирмоқ** фл. ҳар. н.

**2 мат.** Тўрт арифметик амалнинг бири: бир сондан бошқа сонни олиб ташлаш.

**Айириш белгиси 1) мат.** бир сонни иккинчи сондан олиниши кераклигини кўрсатадиган ишора; минус (–) белгиси; **2) тли.** айириш белгиси (ъ) номи.

**АЙИРМА 1** Бирида бори, бошқасида йўқ белги-хусусият, ажаратувчи белги-хусусият; фарқ, ўзгачалик. *Бир хил шароитда ишланиб.. тупроғининг табиати бир хил бўлган икки ер турлича бўлмайди. Буларнинг орасида қандайдир бир айирма бор. С. Айний, Қуллар.*

**2 мат.** Айириш натижасида юзага келган сон. *Беш билан учнинг айирмаси – икки.*

**АЙИРМАЧИ 1** Бир хил, тенг муносабатда бўлмайдиган, кимгадир бошқача кўз билан қарайдиган (киши).

**2 сиёс.** Айирмачилик тарафдори, айирмачилик йўлини тутувчи шахс. *..Қайта қуриш йўлидаги курашчилар билан айирмачилар айнан бир хил тарзда талқин этилмоқда. Газетадан.*

**АЙИРМАЧИЛИК 1** Бир хил, тенг муносабатда бўлмаслик, кимларгадир бошқача

кўз (“ўғай кўз”) билан қараш. *Бу ерда айирмачилик йўқ, тақсир. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2 сиёс.** Кўпчиликдан ажралишга интилиш, шундай хатти-ҳаракат.

**АЙИРМОҚ 1** Бутунни бўлмоқ, таркибий қисмларга бўлмоқ, бўлакламоқ. *Тухум саригини оқидан айирмоқ.*

**2** Турига, навига қараб бўлмоқ, ажратмоқ. *Тўй бекаси, Мирзакаримбойнинг хотини, аёлларни уч гуруҳга айирган эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**3** Хиллаб алоҳидаламоқ. *Бобо Қамбар дурторга лойиғини айириб олиб, йўниб чархляпти.. “Юсуф ва Аҳмад”.*

**4** Узоқлаштирмоқ, ажратмоқ. *Болани кўкракдан айирмоқ. ■ -Майли, ойи, сиз мани беш-ўн кун бағрингиздан айирманг. Орзум шу.. – деди Гулнор. Ойбек, Танланган асарлар. Фигонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдан. Фурқат.*

**5** Махрум қилмоқ, жудо қилмоқ. *Уни ёр олдиға кириш минутининг яқинлиги, ёр нафасининг яқинлиги эс-ҳушидан айираёзган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир гал тарк эт, фалак, удуминг – ошиқдан айирма мавшукни. А. Шер, Қадимги куй.*

**6** Ажрата билмоқ, фарқига бормоқ. *-Ман, ман! Дардингда куйган даданман! – Гулнор ўз дадасининг товушини базўр айира билди. Ойбек, Танланган асарлар. Ясама кароматчининг иситма билан ошқозон касалини айира олмаслигини қаёқдан билсин. “Муштум”.*

**7** Орага тушиб ажратмоқ. *Сўз таъсир қилмагач, ўзи [домла] оломон орасига кириб, одамларни айира бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**8** Айирмачилик қилмоқ, турли кўз билан қарамоқ. *Биз миллат айирмаймиз. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**9 мат.** Айириш амалини бажармоқ, бир сондан иккинчи сонни олмоқ, ажратмоқ. *Ўттиздан ўн бешни айирмоқ.*

**АЙИРУВ Айирмоқ** фл. ҳар. н.

**Айирув боғловчилари** тли. Уюшиқ бўлаклар, шунингдек, қўшма гап қисмлари билдирган нарса-ҳодисалардан бири бўлишини (борлигини) ёки улар галма-гал бўлишини билдирувчи боғловчилар: *ё.., ёки..; баъзан.., баъзан..* ва б.

**АЙИҚ** Пахмоқ юнгли, бесўнақай, катта, сугэмизувчи йиртқич ҳайвон. *Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Мақол.*



**Айиқ** полвон 1) айиқнинг лақаби; 2) бе-сўнақай, кўпол одамга нисбатан қўлланади.

**Катга Айиқ**, *айн.* **Етти оғайни** (*ёки қароқчи*) *қ.* **етти.** **Кичик Айиқ** *айн.* **Кичик Етти оғайни** (*ёки қароқчи*) *қ.* **етти.**

**АЙИҚМУРУТ** Раънодошлар оиласига мансуб паст бўйли дарахт (нокнинг бир тури).

**АЙИҚТОВОНДОШЛАР** Иккипаллалилар синфининг айритождилар кенжа синфига мансуб, асосан кўп йиллик ўсимликлар оиласи.

**АЙИҚТОВОНЛАР** Айиқтовондошлар оиласига мансуб, асосан кўп йиллик ўсимликлар туркуми.

**АЙЛАМОҚ** *эск. кт.* 1 **Қилмоқ.** *Кимга кўп яхшилик айлай, ўзинг айт..* А. Орипов.

2 *ёрд. фл.* Қўшма феъл ясаиди. *Шод айламоқ.* *Сайр айламоқ.* *Сабр айламоқ.*

**АЙЛАНА** 1 *от* Теварак, атроф. [*Жамила ўз-ўзига:*] *Мени бу темир қафасга солдилар, ихтиёримни ўзимдан олдилар. Айланамда қанча пойлоқчи, қанча қоровулар бор. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

2 *от геом.* Ҳамма нуқталари марказдан барабар узоқликда бўлган ёпиқ эгри чизиқ. *Айлананинг узунлиги. Айлана чизмоқ.*

3 *сфт.* Доиравий, тўгарак, гилдирак шаклидаги. *Айлана йўл.* ■ *Айлана клуб деворлари турли шиорлар ёзилган қизил сатинлар билан зийнатланган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**АЙЛАНАЙ** 1 **Айланмоқ** фл. 1-ш. буйр. м.

2 *унд. с.* Садағанг кетай, қурбон бўлай; ўргилай (эркалаш, суйиш ва ш.к. муносабатни билдиради). *Вой, Тўлажонимдан айланай! Вой, шундай шеърлар ёзган ўғилжонимдан ўргилай.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

3 Эркалатиш ёки хурмат ифодаловчи му-рожаат шакли. [*Сифатбуви Жамилага:*] *Айланай, қизим, наҳотки бошингга давлат қуши кунса-ю, уни калтаклаб, ўзинг қувласанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**АЙЛАНАСИДА** *қўм. вzf.* Теварагида, атрофида. *Шаҳар айланасида.*

**АЙЛАНИБ-ЎРГИЛМОҚ** Айланай, ўргилай, дея парвона бўлмоқ. *Ўзбек ойим ҳам уни [Кумушни] маҳкам сиқиб кучоқлаб олган, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилар ва тикилиб-тикилиб, нима учундир йиғлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЙЛАНИШ** 1 **Айланмоқ** фл. ҳар. н. *Ернинг айланиши. Чўғнинг кугга айланиши.*

2 Тўғри йўлдан четдаги, айланиб ўтади-ган, айланма. *Айланиш йўл.* ■ *У апил-тапил кийинди-да, айланиш бўлса ҳам, Қашқатовнинг бағри билан юқоридан кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**Пул айланиши** Пулнинг муомалада юриши. *...жойларда пулли хизмат кўрсатиш ишлари ниҳоятда султкашлик билан амалга оширилаёттир. Бу эса пул айланишини секинлаштирмоқда.* “Меҳнат”.

**АЙЛАНИШМОҚ** 1 **Айланмоқ** фл. бирг. н. *Даврани тўрт айланишди ҳамки, жувон ёнбош бермади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

2 Бирор ерда ёки бирор иш билан овора бўлиб, тутилиб қолмоқ, бирор ерда айланиб, ўралишиб юрмоқ. [*Ҳакимбойвачча:*] *—Эрталаб келган эдим. Банкда айланишиб қолдим, — деди-да, сўзлаб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Асосий, одатдаги бўлмаган бирор иш-нарсга билан шуғулланмоқ. *Қиморга айланмоқ. Бозорга (савдога) айланишмоқ.*

4 Бирор нарса илинжида ораламоқ, пайдо бўлмоқ; ораламоқ. *Бегона кишилар айланишиб қолди.*

5 *манф.* Бирор кимсанинг илинжида бўлмоқ; илакишмоқ. *Унинг [Шарофатнинг] назарида, бу тахминлардан ҳақиқатга яқинроғи Сидиқжоннинг “шу жувон ўлгур” Канизакка айланишиб қолганлиги эди.* А. Каҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АЙЛАНМА** 1 *сфт.* Айлана шаклида бўлган, доира шаклидаги, доиравий, ҳалқаси-мон. *Айланма темир йўл.*

**Айланма ҳаракат** *физ.* Доиравий ҳаракат, айлана бўйлаб йўналган ҳаракат.

2 *сфт.* Тўғри йўлга нисбатан узоқроқ ва чалкаш, айланиш.

**Айланма йўл** 1) тўғри йўлдан узоқроқ, чалкаш йўл. *Эҳтиёт юзасидан тўғри йўлни қўйиб, айланма йўллар билан намозгар вақтида Шоқосимникига бошлаб келди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) доиравий, ҳалқа шаклидаги йўл.

3 *от* Трамвай ва ш.к.нинг айланиб, орқага қайтадиган жойи. *Трамвай айланмаси. Троллейбус айланмаси.*

4 *от* Дарё, денгиз ва ш.к. нинг кўпинча қарама-қарши оқимлар тўқнашадиган жойларида сувнинг уст қисмида содир бўладиган уорма ҳаракат, шундай ҳаракатли жой.

5 Муомалада юрадиган (пул, маблағ ва ш.к. ҳақида). *Корхоналар қачонгача.. касодга*

учраган молларини қалаштириб ташлаб, яна айланма маблағлар беришни сўраб, ялиниб юрадидлар. Газетадан.

**АЙЛАНМАЧОҚ 1 сфт.** Айланиш ва бурилиш жойлари кўп, айланма, чалкаш. Айланмачоқ йўларда кўринмай кетган қизларлип этиб яна кўзимизга чалинди. Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

**2 от** Қиз болаларнинг коптокни ерга уриб ва айланиб, уни ерга туширмай ўйнайдиган ўйини. Айланмачоқ ўйнамоқ.

**АЙЛАНМОҚ 1** Ўз ўқи ёки бирор нарса теварагида ҳаракат қилмоқ, айлана бўйлаб давра олиб юрмоқ. *Ер ўз ўқи атрофида айланади.* ■ *Жувон даврани уч айлангандан кейин ўзи сингари кийинган бир йигитни тортди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**2** Сайр-томоша ёки бошқа мақсадда кезмоқ. *Фуломжон.. шаҳар айлангани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Тирикчилик ўтказиш учун Юсуфжон қизиқ Туркистонни, Қозоғистонни айланиб чиқди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Эрталаб қурилишга келганда, энг аввал ҳамма участкаларни айланиб чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**3** Бирор ерда ёки доирада ўралашиб юрмоқ; айланишмоқ. [*Абдишукур*] *Татар савдогарлари орасида айланаркан, уни-бунни таниди.* Ойбек. Танланган асарлар.

**4 иқт.** Муомалада бўлмоқ, юрмоқ. *Капиталнинг айланиши.*

**5** Бошқа нарсага, бошқа ҳолатга ўтмоқ. *Сув музга овланди.* Ёмғир аста-секин қорга айланди. *Овацияга айланган давомли қарсақлар.* ■ *Мирзаев шу кунни жуда зерикди.* Бу зерикчи кечқурунга бориб диққатликка айланди. А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

**6** (айрим сўзлар билан) Тусини касб этмоқ, шундай бўлмоқ. *Ҳар йили бувимни эслаш, худди шу кунни амма-амакилар йиғилиши одатга айланган.* Газетадан. *Келажакда эса бу макон ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зийратгоҳлардан бирига айланишига ишонч билдирди.* Газетадан.

**Боши айланмоқ 1)** мувозанатини йўқотиб, ҳаммаёқ айланаётгандай, чайқалаётгандай туюлмоқ. *Ботирали айвон устунига суяниб ўтирди-ю, кўзи тиниб, боши айланиб кетди.* Ҳ. Фулом, Машғал; **2)** кўчма нима қиларини билмай, эсанкираб, гангиб қолмоқ. *Дастгоҳларни кўриб, аввал бошимиз айланиб қолди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ай-**

**ланиб ўтмоқ 1)** бирор нарсанинг атрофи билан ўтмоқ. *Бинони айланиб ўтмоқ;* **2)** ҳисобга олмаслик, четлаб ўтмоқ. *Улар қонунни маълум даражада билишади, аммо ўзларига боғлиқ масалаларда уни айланиб ўтишга ҳаракат қилишади.* Газетадан. **Гап айланиб** Гап гапга уланиб, гапдан гап чиқиб. *Гап айланиб, бригадалар ишига кўчди.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва. **Гап айланмоқ** Гап кўзгалмоқ, гап юрмоқ. *Яна шу ҳақда гап айланиб қолди.* **Тили айланмай қолди** Тили лол бўлиб қолди, тили гапга келмай қолди. **Ҳаво айланиб турибди** Ҳаво ёғадигандай булутланиб турибди.

**АЙЛАНСИН 1** Садақа кетсин, ўргилсин. *-Ашула сиздан айлансин, эшон, айтиб беради, бир оз нафасини ўнглаб олсин, — деди Вали ака.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Эркалатиш ёки ҳурматни ифодалайди; ўргилсин, тасаддуқ. *Онанг (ёки онаси) айлансин. Акасинанг айлансин.*

**АЙЛАНТИРМОҚ 1** Айланмоқ фл. орт. н. Ҳазилни чинга айлантирмоқ. *Парракни айлантирмоқ. Шаҳар айлантирмоқ. Капитални айлантирмоқ.* ■ *Унсин онасидан ёдгор қолган ва ягона зийнати бўлган юпқагина эски кумуш билагузукни айлантириб гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Бир томондан иккинчи томонга ағдармоқ, бошқа томонини ўтирмоқ, тўнкармоқ. *Шкафни айлантириб қўймоқ.* ■ [*Ҳасанали*] *Бу икки турли масаланинг ўнг-терсини айлантириб муҳокама қилди ва ўлчади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3 с. т.** Гап билан чалғитмоқ, лақиллатмоқ.

**Айлантириб келганда** Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи. *Айлантириб келганда бир соатлик иш экан.* **Айлантириб ташламоқ** Бошдан айлантириб, ўтириб садақа қилмоқ. **Айлантириб туширмоқ** Қулочкашлаб урмоқ. **Бошни айлантирмоқ 1)** гангитмоқ, мияни ғовлатмоқ, каловлатмоқ. *У ерда отлар, аравалар, туяларнинг шовқини.. нонвойларнинг қичқирिशлари бир-бирига қўшилиб, аллақандай маъносиз, бошни айлантирадиган доимий бир ғовур-ғувур ясайди.* Ойбек, Танланган асарлар; **2)** эс-ҳушни олиб қўймоқ, мафтун қилмоқ; **3)** йўлдан оздирмоқ, аврамоқ, алдамоқ. [*Мақсуд Ялантўйшга:*] *Оғайни, мен қора одамман. Занғар Ёдгорбек бошимни айлантирган экан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**Гапни айлангирмоқ** Гапни чўзмоқ; гапни бошқа томонга бурмоқ, чалғитмоқ. *Саодат-хон орзиқиб жавоб кутар, Тожибой ака бўлса, аниқ жавоб бермай, гапни айлангирар эди.* С. Зуннунова, Олов. *Гапни кўп айлангирмасдан, очиғини айтиб қўя қол.* О. Ёқубов.

**АЙМАШМОҚ** Ҳўралиб олмоқ, чирмашмоқ, чирмалмоқ. *Теракка аймашган ток. Печаксул дарахтга аймашибди.*

**АЙМОҚ I** Мўғул ва туркий халқлар қадимий уруғларининг парчаланишидан келиб чиққан турли тармоқдаги ўзаро қон-қардош оилалар бирлашмаси, иттифоқи.

**АЙМОҚ II** Эск. кт. Айтмоқ, демоқ. *Айди, эй, бечора, қилдинг на учун тарки ватан?* Фурқат.

**АЙМОҚИ** Дарахтларга чирмашиб ўсадиган (ток ҳақида). *Фақат бақатерак учларидаги аймоқи узумларгина қолди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**АЙНАМА** кам қўлл. айн. **айнамачи I**. *Бўшаширманг теримни ҳаргиз, Куз — айнама, серкилик осмон.* Ойбек, Қизлар.

**АЙНАМАЧИ** айн. **айнимачи**. *Айнамачи кузнинг қилиқларига биз халқнинг уюшқоқлигини, фидокорлигини қарши қўямиз.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АЙНАМОҚ** айн. **айнимоқ**. *Ранги бир қадар айнаган гиламча.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Қиз айнаб қолмаганмикин-а, — деди Ўктам бошқаларга сал кўзини қисиб.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Адолат билан ҳам бир оз яхши гапиришиб ўтирди. Кейин бирдан айнаб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Баракалла, Марғилонга келиб, бу гапдан айнадингизми-а? — Айнадим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Ҳаво айнамоқчи, — деди у секин.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЙНАН** [а. عينا — худди ўзи] рвш. кт. **I** Қандай бўлса, шундай, ҳеч қандай ўзгаришсиз. *Айнан таржима.* ■ *Элмурод жавоб бериш учун кўп ўйлаб турмади. Илгари бўлган воқеани бузунга айнан кўчириб айтиб қўя қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** юкл. Худди. *Отасининг айнан ўзи.* ■ *Айнан ҳуқуқий маълумотнинг этишмаслиги кўплаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келмоқда.* Газетадан. *Марям характерининг яна алақандай жиҳатлари очилмай қолгандек. Айнан қайси жиҳати — ҳозир аниқ айтолмайман.* Газетадан.

**АЙНИ** [а. عيني — жиддий, муҳим; худди] **I** олм. Нарса, ҳодисага ишора қилади;

худди шу (ўша). *Ашула ниҳоятига етди. Лекин бир зумдан кейин яна айни товуш парвоз қилди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чол айни саволни Матюнусга ҳам берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айни кунларда республикамизнинг барча вилоят ва туманларида пахта терими қизгин давом этмоқда.* Газетадан.

**2** юкл. Таъкид-кучайтиришни ифодалайди; худди, роса. *Имтиҳон айни қизиган кунлар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Айни пайти. Темирни қизигда босинг, Қамчивой!* Х. Фулом, Машғал.

**Айни замонда I** шу вақтнинг, шу палланинг ўзида; **2)** *крш. с. вэф.* шу билан бирга, шунинг билан бирга.

**АЙНИМАЧИ I** Бир маромда турмайдиган, ўзгарувчи, беқарор. *Айнимачи ҳаво.*

**2** Бир фикрда қатъий турмайдиган, бетайин, субутсиз. *..ишчилар ҳаракатининг тепасига ҳар турли айнимачиларни ва авантюристларни қўйишга уриниб, дўқ-пўписани амалга оширмоқдалар.* Газетадан.

**АЙНИМОҚ I** Ранг-туси, сифатини йўқотмоқ, эскирмоқ; ўнгмоқ. *Айниган эски гимнастёркаси ҳам сувга чайқалгандай жиққа ҳўл.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**2** Асл белги-хусусиятини, софлигини йўқотмоқ (нав, насл ва ш.к. ҳақида). *Илгариги қизилуруғ, босволди қовунлар йўқ. Ҳаммаси айниган. Насл айнимасин десанг, ҳар уч йилда кўчқорни алмаштир.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**3** Соф (одатий) ҳолати ёмон томонга ўзгармоқ. *Ҳаво айниди.* ■ *Замона айниди.* К. Яшин, Ҳамза.

**4** Истеъмолга яроқсиз бўлмоқ; бузилмоқ (егулик-ичгуликлар ҳақида). *-Йўқ, — деди онаси, — чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан..* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Турсунбой ота, эчкининг гўшти айниб қолмасдан, хотинига мушкулкушод ўқитгани эшон аяни уйига чақирганди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**5** Тўғри фикрлаш, сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, шу жиҳатдан аҳволи оғирлашмоқ. *Беморнинг аҳволи дуруст эди, лекин кечга бориб айниди.* ■ *Бу айниган чолни олиб бориб, зиндонга солинлар.* “Юсуф ва Аҳмад”.

**6** Хулқ-атвори, одоб-ахлоқи жиҳатидан ёмонлашмоқ, ёмон томонга ўзгармоқ; бузилмоқ. [Музаффар Дадавоёга:] *Вақтида жуда хурсанд бўлганмиз! Сиз билан фахрланганмиз. Аммо кейинги йилларда айниб қолдингиз, димоғингиз кўтарилиб кетди, кўзингизни ёғ босди.* Уйғун, Навбахор.

7 Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқиб кетмоқ, одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари гапларни гапира бошламоқ. *Буни қаранг, ёмғирда қолган мушукнинг ҳиди келади! — Айнима, айнима! — деди йўғон бир товуш. — Ёмғирда қолган мушукни ҳидлаб кўрганмисан? А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

8 Фикрини, ниятини ўзгартирмоқ, ниятидан, сўзидан қайтмоқ. *— Уртоқ командир танкист бўлар эмишлар, — деди Тожихон қулиб. — Учувчи бўлишдан айнибдилар. А. Қаҳҳор, Йиллар. Арслонқул. баъзи оғайнилари кидирмоқчи бўлди, лекин яна айниди. Ойбек, Навоий. Ҳожи хола пулни кўрди-ю, яна айниб қолмасин деб, қўлидан юлиб олди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

9 Алоқани узмоқ, кечмоқ. *Биздан айниб, бошқа ишга ўтиб кетди. Мижозлар айниб, келмай қўйишди.*

**Кўнгли айнимоқ** 1) кўнгли беҳузур бўлмоқ, кўнгли озмоқ, қайт қилгиси келмоқ; 2) феъли озмоқ, аччиғи чиқмоқ. **Мияси айниб қолган** Эси-хуши жойида эмас, эси кирали-чиқарли бўлиб қолган. **Феъли айнимоқ** 1) асаби кўзгамоқ; 2) жаҳли чиқиб, кайфияти бузилмоқ.

**АЙНИЯТ** [a. عینیت — айнан ўзи эканлик, ўхшашлик] **1** *кт.* Айнан ўхшашлик, бир хиллик.

**2** *мат.* Таркибидаги барча ҳарфий белгиларнинг ҳамма қийматларида ҳам бузилмайдиган тенглик. *Тригонометрик айниятлар.*

**АЙНИҚСА** *мод.с.* Ўзи боғланиб келган сўз билдирган шахс ёки нарсани алоҳида қайд этади; хусусан. [*Йўлчи*] *Ёрматни, айниқса, Гулсумбибини ўйлаб, уларга ачинди. Ойбек, Танланган асарлар. ..Қизнинг чеҳрасида Гулнорнинг руҳини кўрди: юз бичими, айниқса, кўзларининг ички маъноси ва жилваси Гулнорни ёдлатди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** *Жуда ҳам, гоят даражада, бениҳоят. Атом энергиясидан фойдаланишнинг истиқболли айниқса кенгдир. “Фан ва турмуш”.*

**АЙРАМ** *шв.* Оқар сувнинг энг чуқур жойи.

**АЙРИ 1** *сфт.* Бирор жойидан иккига тармоқланган. *Айри йўл. Айри ёғоч. ■ ..рўпарадаги баланд теракнинг айри шохида қағиллаб турган ола ҳақкага анграйиб қолган эди. Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар.*

**2** *сфт.* *кам қўлл.* Бири-бирига зид, қарама-қарши. *Уларнинг гапи айри чиқди. Гапи билан иши айри чиқиб қоляпти.*

**3** *кам қўлл.* Бирга эмас, алоҳида, бўлак. *Дастурхонга. гуручи айри, гўшти айри, моҳирлик ила тайёрланган палов келтирилди. Ойбек, Нур қилириб.*

**Айри тушмоқ** Алоҳида, ажралган ҳолга тушмоқ, биргаликдан узилмоқ. *Ҳазрат билан айри тушиб қолган эдик. У киши Афғонистонга кетган эдилар. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

**4** *от* Икки шохчали таёқ, ёғоч; тиргак. *Шафтоли шохларига айриллар қўйилди. ■ Баъзи гўзалар айри билан тираб қўйилган. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

**5** *от* Беда, пичан, похол кабиларни кўтариш, ёйиш, тўплаш учун паншаха ўрнида ишлатиладиган икки шохли, узун сопли асбоб. *Ёғоч айри. Темир айри. ■ Майданников айрида бир қучоқ жавдар похол олиб келаётган эди. М. Шолохов, Очилган кўриқ.*

**Айри туёқдилар** *зоол.* Туёқлари баб-баравар иккига айрилган сутэмизувчи ҳайвонлар туркуми, қўш туёқдилар. **Айри туя** Икки ўрқачли туя.

**АЙРИБОШ: айрибош қилмоқ қ. айирбош (айирбош қилмоқ).** *..бошқасига айрибош қилиб беринг... С. Аҳмад, Ҳукм.*

**АЙРИЛИК 1** Бирга бўлмаган, алоҳида ҳолат.

**2** Ўзгалик, бошқачалик.

**3** Айрига мос, айри қилса бўладиган (*қ. айри 5*).

**АЙРИЛИШ 1** Айрилмоқ *фл.* ҳар.н. *Дўстандан айрилиш.*

**2** Йўлнинг тармоқланган жойи. *Айрилиш келиб қолди. — Қаёққа юрамиз? — деди Сидиқжон унинг кўзига қараб. — Ўнг қўлга, — деди хотин. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**3** Бир-биридан ажралиш; айрилиқ, жудолик. [*Ёдор Маматга:*] *Тирик айрилиш ўлиб айрилишдан минг-минг марта ёмонроқ. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**АЙРИЛИҚ** *Жудо бўлиш, жудолик ҳолати. Айрилиқ ўлимдан қаттиқ. Мақол. ■ Гулнор бутун юрази билан Йўлчига мафтун, унинг кўксини севги ҳасрати ва айрилиқ лимлим тўлдирган. Ойбек, Танланган асарлар.*

**АЙРИЛМАС** *айн. ажралмас.* *Ҳисобли дўст айрилмас. Мақол.*

**АЙРИЛМОҚ** *Айирмоқ* *фл.* ўзл. н. *Улар бир-биридан сира айрилмайдилар. Бола онасининг ёнидан айрилгиси келмасди. Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Мақол. Элдан айрил-*

гунча жондан айрил. Мақол. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар. Мақол. ■ Бола “қулоқдан айрилдим”, деб ўйлаган бўлса керак, кўрқиб, дарров ушлаб кўрди — ўқ, қулоқ жойида. А. Қаҳҳор, Йиллар.

**АЙРИЛУВЧИ 1 Айрилмоқ** фл. сфдш.

2 мат. Бирор сондан айриладиган бошқа сон.

**АЙРИМ 1** Ўзига мустақил, алоҳида, якка. Айрим хона. Айрим хўжалик. Айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузмок. ■ Бу масалани айрим ҳал қиламиз. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Баъзи, баъзи бир. Район газетаси шунинг бориши ва айрим колхоз, бригада, ҳатто айрим одамларнинг қандай ишлаётгани тўғрисида тез-тез ёзиб турар эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**АЙРИЧА** кам қўлл. Бошқалардан фарқли равишда, бошқача, ўзгача. Таассуфки, буни айричароқ тушунадиган савдо ходимлари ҳам учраб туради. Газетадан.

**АЙРО** кам қўлл. Ажратилган ҳолда, алоҳида. Ўзбек билан тожик бир боғнинг гул ва булбули, улар айро ҳолда бахтли бўла олмайдилар. Газетадан.

**Айро тушмоқ** айн. айри тушмоқ қ. айри 3.

**АЙРОЛИҚ** айн. айрилиқ. Айролиқ ўтига бағримни доғлаб.. “Маликаи айёр”.

**АЙРОН** Қатиқнинг кувда мойи ажратиб олингандан кейин қолган суюқ қисми, шунингдек, қатиқ ёки сузмага сув қўшиб тайёрланган ичимлик. Айрон ош бўлмас, нодон бош бўлмас. Мақол. ■ Ҳар бир қозоқнинг ўтовида қимизи, қимрони ёки айрони доим осифлиқ туради. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АЙРУ** кам қўлл. Бўлак, бошқа. Менинг йўқтур муродим сандин айру. Бобур.

**АЙСБЕРГ** [ингл. iceberg — муз тоғ] Қутб денгизларида қирғоқдан ёки муз тепаликларидан ўпирилиб туриб, сувда сузиб юрадиган қатта муз.

**АЙТАЙЛИК 1** Айтмоқ фл. 1-ш. кўпл. буйр. м. шакли. Бу гапларни дўстларимизга айттайлик.

2 кри. с.взф. Фараз қилайлик; дейлик, масалан. Айттайлик, вазни 70 килограммик одам танасида 45,5 килограмм кислород бўлади. “Фан ва турмуш”.

**АЙТАРЛИ** (фақат бўлишсиз фл. билан) Айтса бўладиган, гапирса арзийдиган; унчалик. Айтарли чиройли эмас. ■ Нима иш қилади? — Айтарли катта иш эмас. Газетадан.

**АЙТГАНДАЙ**, -дек 1 Айтгани каби, айтгани сингари. Сен айтгандай, граната ташламабди-ю, самолётни ўққа тутибди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 кри. с. вэф. Сўзловчининг ёдига келиб қолган воқеа-ҳодиса ҳақидаги гап бошида келади ва шундай маънони (эсига тушиб қолган гап эканлигини) билдиради. Ҳа, айтгандай, қудангизниқига юборган кишингиз келдими? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Айтгандай, Шариф билан кўришиб турасизми? А. Қаҳҳор, Сароб.

**АЙТГАНЧА** айн. айтгандай. Айтганча, сизни кимдир сўраган эди. ■ Хўжайин айтганча, “узилмаган гул” бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин, бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади. Ойбек, Танланган асарлар.

**АЙТИЛИШ 1** Айтилмоқ фл. ҳар. н.

2 Талаффуз. Айтилиши қийин сўзлар.

**АЙТИМ 1** кам қўлл. Айтилувчи нарса (гап, қўшиқ ва ш.к.). “Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдиар, тўртволон тугал бўлса, унмагани ундиар” деган доно айтим бор. Газетадан.

2 Хонанда иштирокида ижро этиладиган турли шакл ва ҳажмдаги ўзбек мусиқа фольклори жанрлари (қўшиқ, лапар ва б.).

**Айтим йўли** Хоразм мақомлари ашула бўлимига нисбатан қўлланадиган умумий ном. Отажон Худойшукуров.. қадим айтим йўллари, мумтоз қўшиқларни маромига етказиб ижро этди. Газетадан.

**АЙТИШМОҚ 1** Айтмоқ фл. бирг. н.

2 Гап талашмоқ, тортишмоқ, сан-манга бормоқ. Сиз билан айтишган энгилади. Ҳ. Фулом, Машғал. Ўртароқда икки бола айтишиб, тўсатдан бир-бири билан муштлаша кетди. Х. Фулом, Машғал.

**АЙТИШУВ 1** Айтмоқ фл. ҳар.н., айтишиш.

2 Бирор мавзуда (назмда) тортишиш, беллашиш тарзидаги навбатма-навбат (бир-бирига жавоб қилиб) айтишиш. Ой тепага келганда, бахшилар айтишуви авжига минди. “Саодаг”. Собит билан айтишувга ярайман. Ф. Фулом. ..термалар айтишини ўрганган, тўйларда, йиғинларда айтишувларда қатнашган. Газетадан.

3 Фольклор жанри. Туркий халқлар оғзаки ижодида бахши, жиров ва ш.к. нинг мушоира йўлидаги, уларнинг истеъдодини белгиловчи, ўзига хос синов мусобақаси.

**АЙТМОҚ 1** Оғзаки (гап билан) маълум қилмоқ, билдирмоқ. *Ростини айтмоқ. Ўз мулоҳазаларини айтмоқ. Узр айтмоқ. Бетга айтганнинг захри йўқ. Мақол.*

**Айтинг-айтинг** Нарса-ҳодисанинг юз бериши-бермаслиги маъқуллигини ифодалайди. *Айтинг-айтинг, биз боргунча, кетиб қолишмасин. ■ Айтинг-айтинг, ҳеч ким эл назаридан қолмасин.* Газетадан. **Айтмайсизми** ёки **айтинг** Тилга олинган нарсани алоҳида таъкидлайди. *Ширинлигини айтмайсизми (айтинг).* Одоблилигини айтмайсизми (айтинг). **Шуни айтинг, нимасини айтасиз, секинроқ айтасизми** Сўзловчининг айтилган гапга тўла қўшилишини билдиради. *-Шуни айтинг, — деди Амин бува ҳам кулиб. — Сув ўзини жуда азиз қилиб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эй, нимасини айтасиз, дугонажон, алоҳида уй олмасан бўлмайди.* Газетадан. *Одамохун, деб секинроқ айтасизми..* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоё. **Айтгани айтган, дегани деган** Айтган нарсаси албатта бўлади, амалга ошади. *Онаси умрида эрига тик гапирмаган хотин.. эрининг айтгани айтган, дегани деган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Маслаҳатга кўнмайди.** *Айтганим айтган, деганим деган, деб туриб олади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Айтган жойидан кесади** Айтганини албатта амалга оширтиради, айтганини бажартиради.

**2** Ёддан оғзаки баён қилмоқ, сўзламоқ (эртак, ҳикоя ва ш.к. ҳақида). *Эртак айтмоқ. Топишмоқ айтмоқ. Шеър айтмоқ. ■ Зерикмайман кеча афсона айтсам.* Ҳабибий.

**3** Талаффуз қилмоқ. *Мўйлови майса бўлиб қолган кап-катта йигитнинг “р”ни айта олмаслиги Элмуродга ғалати туюлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**4** Таклиф этмоқ, чақирмоқ. *Тўйга айтмоқ. Ҳашара айтмоқ. Айтмаган ерга борма, айтган ердан қолма.* Мақол. *Айтмаган кўноқ — йўнмаган таёқ.* Мақол. ■ *Маҳалладан ҳам уч-тўрт киши айтдим, ошини кўпроқ қилиш керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**5** ёрд. фл. вэф. Боғлама вазифасини бажаради. *-Қиморбоз деб кимни айтасиз? — оғзидаги оши билан гўлдиради Қамбар.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЙТМОҚЧИ 1** **Айтмоқ** фл. 3-ш. мақс. шакли. *Сенга бир гап айтмоқчи.*

**2** айн. **айтгандай 1.** *Кечқурунлари кўпинча одамлар билан гурунглашиб ўтирадиган Иб-*

*роҳимов, Курбон ота айтмоқчи, гуларни ўз илмидан баҳраманд қилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**3** айн. **айтгандай 2.** *-Айтмоқчи, — деди Тешабой бирдан жонланиб, — Фуломқорини тушира қолсангиз, қалай бўлади?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Айтмоқчи, комиссия келиб кетди..* С. Зуннунова, Олов.

**АЙТТИРМОҚ 1** **Айтмоқ** фл. орт. н. *Ашула айттирмоқ. ■ [Отабек онасига:] Табиб айттирайми? — Айттир. Менинг ҳам кўнглимга шу келиб турган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Унаштирмоқ; унашмоқ. *Айттириб қўйилган. ■ [Ҳасанали:] Бек учун бир неча жойларга қиз айттирмоқ истал(ин)ган бўлса ҳам.. бекнинг уйланишга бўлган қаршиликларидан бу кунгача тўй қилмай келамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЙТУВЛИ 1** Хурматли, қимматли, азиз. *Айтувли меҳмон.*

**2** Донг чиқарган, номдор. *Йиғинда.. Карим понсодлардан тортиб, Тошкентнинг айтувли.. аёнидан ўн бешлаб одам бор эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЙШ** [а. عيش — ҳаёт, турмуш; озиқ-овқат] **1** Ҳузур-ҳаловат, роҳат-фароғат; нашғу намо, нашға. *Қарилик айшини сурмоқ. ■ Мана, ўзингиз қўрган жойи, бемалол айшларингизни қилингалар. Хўшми, синглим?* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

**2** Кайф-сафо, ишрат. *Уй ичида икки мастона кўз бир-бирига тикилиб ўтирар, дунёнинг айшу лаззатини аллақачон тотиб бўлган ўрта яшар аёл хўриллашиб чой хўпларди.* Д. Нурий, Осмон устуни.

**АЙШГОҲ** Айш-ишрат, кайф-сафо жойи, ишратхона. *Бу ёш бойвачча учун ресторанда гўё ҳеч ким йўқ, бу жой ёлғиз унинг айшгоҳи.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЙШ-ИШРАТ, айшу ишрат** Давомли ёки сурункали кайф-сафо, майхўрлик, ишрат. *Айш-ишрат қилмоқ. ■ Бутун бойлигини айш-ишрат, фаҳш, бузуқлик оламида совуриб.. ниҳоят тақдир уни завқ-сафо тахтидан унинг ифлос остонасига отган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЙЮХАННОС** [اِيُوْخَانَس — эй одамлар] **1** унд. с. Оломонга, тўлага қарата қилинадиган хитоб, нидо. *Ўрда жарчиси бозор ва уруниш жойларда тўхтаб: “Айюҳаннос! Билмаган билсин, эшитмаган эшитсин..” ман-*

зумаси билан жар солиб юрар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2 Шовқин-сурон, ҳайқирик; дод-фарёд.** *Исбот қилинмаган даъво! Мунча айюҳаннос!* Ойбек, Танланган асарлар.

**Айюҳаннос солмоқ** Бақирик-чақирик, дод-фарёд билан бошига кўтармоқ. *Э, одамлар, эримнинг дастидан дод! Бу олим эмас, золим-ку! — дея у баттар айюҳаннос солди.* Газетадан.

**АЙҚАШМОҚ** Устма-уст қалашиб, уйилиб ётмоқ. *Тунги сменадан қайтиб келганлар эса, баъзилари жемакорларини ҳам емай, палаткаларида бир-бирига айқашиб, ухlab ётишарди.* Ш. Фуломов, Бўз ер уйғонди. *Пошшоман деган тортишди. Ўлик ўликка айқашди.* “Равшан”.

**АЙҚАШ-УЙҚАШ 1** Устма-уст қалашган, уйилган, бетартиб. *Ҳар ерда синиқ-миниқ идишлар, тақир-туқурлар, ҳар хил жиҳозлар айқаш-уйқаш бўлиб ётарди.* Ойбек, Қўёш қораймас.

**2** Аралаш-қуралаш, қоришиб кетган, нотайин. *Юлдузхон айқаш-уйқаш хаёллар билан.. тонг оттирди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**АЙҚИН** *шв.* Айқириб оқадиган. *Ишчининг томиридай бўртиб кетар, кўрсангиз, Айқин дарёларимиз олма гули маҳалда.* Ф. Фулом.

**АЙҚИРМОҚ** (*асосан -иб рвдиш. шаклида — айқириб*) Шиддат ва ҳайқирик билан (оқмоқ). *“Шўхсой” қишлоқнинг қоқ белидан айқириб оқади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АЙҒИЗ** Толнинг бир нави.

**АЙҒИР 1** Умуман эркак от. *зид. бия.*

**2** Бичилмаган эркак от. *зид. ахта* (от). [Тўламат] *Вақти-вақти билан колхознинг зотли айғирларига эгар уриб, соевтгани олиб чиқарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АЙҒОҚ 1** от, айн. **айғоқчи.**

**2 сфт. эск.** Хушёр, сергак. *Оғиз — айғоқ, тил — тойғоқ.* Мақол.

**АЙҒОҚЛАМОҚ** кам қўлл. Зимдан, махфий равишда текширмоқ, азмойиш олмақ. *Иккинчи кўланка кўча томонни яхши айғоқлаб бўлгач, қоронғироқ томонга ўтиб, деворга тирмаша бошлади.* Ғайратий, Тун кўйнида.

**АЙҒОҚЧИ** Махфий агент, жосус. *Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайдиб юришибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Зоргенинг сафдошлари бу оқшом ўзларига душман айғоқчиларнинг қуршовида қайтишди.* Газетадан.

**АЙҒОҚЧИЛИК** Айғоқчи иши, фаолияти. **АЙҲАЙ** *унд. с. кам қўлл.* Узоқдаги одамга қаратилган мурожаат овози.

**Айҳай солмоқ 1)** узоқдаги одамни баланд овоз билан чақирмоқ; **2)** шовқин-сурон кўтармоқ, айюҳаннос солмоқ.

**АЙҲАЙЛАМОҚ 1** (*асосан -иб рвдиш. шаклида — айҳайлаб*) Узоқдаги одамни баланд овоз билан чақирмоқ.

**2** Шовқин-сурон кўтармоқ, айюҳаннос солмоқ. *У айҳайлаб, ҳаммаёқни бошига кўтарди.*

**АКА 1** Бир ота-онандан тугилган катта ўғил (ўзидан кичикларига, укаларига нисбатан). *Катта ака. Ўртанча ака. Кичик ака.*

**2** Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки унга ҳурмат юзасидан ишлатилади (бунда якка ҳолда ёки нутқ қаратилган шахсни билдирувчи сўз билан қўлланади). *Ака, эски шаҳарга қайси автобус қатнайди? ■ -Дехқон ака, эҳтиёт бўлинг, аравангиз нобон, — бошини чайқаб гапирди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биринчи масала юзасидан Бўтабой акага сўз берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Акаси** Эр кишининг ўзидан кичикларга эркалатиш ёки ҳурмат билан мурожаат этиш шакли. *Йўқ, акаси, мен бугун ишга чиқа олмайдиганга ўхшайман. Куч, мажолим йўқ.* Ойдин, Бечора.

**АКАДЕМИЗМ** [*фр. academisme*] **1** Илмий-тадқиқот муассасаларида ва ўқув юртларида: қуруқ назарияга берилиб кетиш, ҳаётдан, амалиётдан узилиб қолиш, қуруқ назариябозлик.

**2** Тасвирий санъатда: антик дунё ва Уйғониш даврининг мумтоз намуналарига кўр-кўрона эргашувчи ва илғор реалистик оқимларга қарши курашувчи оқим.

**АКАДЕМИК** от Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси; бирор академиянинг аъзолигига сайланган олим, адиб, рассом, ҳайкалтарош ва ш.к.нинг унвони.

**АКАДЕМИК сфт.** Академиянинг илмий муассасаси ёки олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртига оид тушунчаларга алоқадорликни (тааллуқлиликини) билдиради.

**Академик йил қ. йил. Академик лицей қ. лицей. Академик нашр** Фан, адабиёт, санъат асарларининг илмий асосда тайёрланган, асосан, мутахассислар ва илм аҳлига мўлжалланган нашри. **Академик соат қ. соат. Академик театр қ. театр.**

**АКАДЕМИЯ** [юн. Academia – афсонавий қаҳрамон Академ номи ҳамда Платон ўз таълимотидан дарс берган, Афина яқинидаги кичик ўрмон номидан] **1** Илм-фан ёки санъатни ривожлантириш учун тузилган, юқори малакали олимларига эга бўлган олий илмий муассаса. *ЎзР Фанлар академияси.*

**2** Баъзи бир олий ўқув юртларининг номи. *Ички ишлар вазирлиги академияси. Ҳарбий тиббиёт академияси.*

**АК-АК:** **ак-ак қилмоқ** Акилламоқ, во-вилламоқ.

**АКАПЕЛЛА** [юн. а – инкор қўшимчаси + лот. capella – кичик ибодатхона] Хор жамоаси томонидан чолғу асбобларисиз ижро этиладиган ашула.

**АКАС** с. т. Акация. *Ҳошимжон рўпарадаги акас дарахти тағига газета ёзди-да, қўлидагиларни қўйди. Ў. Усмонов, Қиёмат.*

**АКАЦИЯ** [лот. acacia < юн. akantha – тиканакли ўсимлик] Бурчоқдошлар оиласига мансуб хушбўй гулли дарахт ёки бута. *Оқ акация. Сарик акация. ■ Акация, беда, липа дарахти гулидан йиғилган асал ниҳоятда тиник бўлади. Л. Икромов. Минг дардга даво.*

**АКАШАК** с. т. **1** Мушакларнинг қаттиқ тортишуви натижасида қўл-оёқларнинг йиғилиб, тортишиб қолиши. *Қўлинг акашак бўлсин! (қарғ.).*

**2** Бирор аъзонинг (асосан, оёқ-қўлнинг) ҳаракатланмай қолиши билан кечадиган касаллик; шол. *Шундай нарсани бузсангиз, уволи тўтиб, қўлгинангиз акашак бўлмай-дими! “Ёшлик”.*

**3** Оёқ, қўлнинг қоғиб, тараша бўлиб қолган ҳолати. *Оёқ-қўллари акашак, жағи тарракдай очилиб ётган мурдани кўриб, Ҳусния додлаб юборди. Х. Султонов, Онаминг юрти.*

**Акашак қилмоқ** Оёқ-қўлни шундай майиб ҳолатга солмоқ. *Ҳисомхон хотинини уриб, қўлларини акашак қилиб ташлади. К. Алиев, Миллат пешвоаси.*

**4** Тоб ташлаган, қайишган. *Ефим тога.. дик этиб ўрндан турди ва болгани қўлига олиб, ўқи букри одамдай акашак бўлиб кетган арава олдиға борди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**АКАШАКЛАНМОҚ** **1** Акашак бўлмоқ, тортишиб қолмоқ. [*Гулнор*] *Оёқларининг акашаклана борганини, бутун гавдасининг тириша бошлаганини сизди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** Тоб ташламоқ, қайишиб қолмоқ.

**АКБАР** [а. اكبر – энг катта] **1** эск. кт. Энгулғ. улкан, катта.

**Жиходи акбар** **1)** дин учун қилинган муқаддас уруш; газоват; **2)** *кўчма* катта жанг, катта уруш. **Вазири акбар** Бош вазир, катта вазир. *Исфандиёр тахтга ўтирган кечаси Одилбикага қанча-қанча ваъдалар қилди: отасини вазири акбар қилиш, бошқа уйланмаслик ва ҳоказо. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**2** Акбар (эркаклар исми).

**АКВАЛАНГ** [ингл. aqualang < лот. aqua – сув + ингл. lung – ўпка] Одамнинг сув остида бемалол нафас олиб сузишига ҳамда ишлашига имкон берадиган аппарат. *Швейцариялик Келлер деган киши аквалангда 305 метр чуқурликка тушган. “Фан ва турмуш”.*

**АКВАНАВТ** [лот. aqua – сув + юн. nautes – денгизда сузувчи] Сув остида текшириш, изланишлар олиб борувчи денгиз тадқиқотчиси. *Асаби темирдан ва руҳияти ниҳоятда мустаҳкам кишилардан акванавтлар тайёрланади. “Фан ва турмуш”.*

**АКВАРЕЛЬ** [итал. acquerello < лот. aqua – сув] **1** Сувда эритиб ишлатиладиган бўёқ, сув бўёқ. *Ўрол аканинг.. акварелда чизган асарларининг икки фазилати кўзга ташланади. Т. Одилбеков. Табиат куйчилари.*

**2** Шундай бўёқ билан солинган сурат, расм.

**АКВАРИУМ** [лот. aquarium – сув; сувдон] **1** Сув ҳайвонлари ва ўсимликларини асраш ва урчитиш учун фойдаланиладиган шиша идиш. *Лекин аквариумда боқиладиган кўпгина балиқлар.. кўк ва қизил рангларни ажратиб қобилиятига эга бўлади. “Фан ва турмуш”.*

**2** Сув жониворлари ва ўсимликларини ўрганиш ва намоиш қилиш билан шугулланадиган махсус муассаса.

**АКВАТОРИЯ** [лот. aqua – сув + territorium – жой; вилоят] Сув ҳавзаси юзасининг бир қисми. *Порт акваторияси. Ҳарбий ҳаракатлар акваторияси.*

**АКВЕДУК** [лот. aquaeductus – сув йўли, сув ўтказгич қувур] Жар, дара, дарё, йўл устидан ўтказиладиган нов ёки қувурдан иборат кўприксимон, кўтарма сув ўтказувчи иншоот.

**АКИЛДОҚ** **1** Бўлар-бўлмасга, унар-унмасга акиллайверадиған, ҳадеб вовиллай-верадиған (ит хақида). *Акилдоқ кучук.*

**2** *кўчма дағл.* Бўлар-бўлмасга валдирай-верадиған; вайсақи.



3 *кўчма дағл.* Ҳадеб йиғлайверадиган, йиғлоқи, жағи очиқ (гўдак ҳақида).

**АКИЛЛАМОҚ** 1 Ҳадеб вовилламоқ, вакилламоқ. *Ит акилламайди, қушлар сайрамайди. Улар ўзларини сояга олиб мудрашади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма дағл.* Бўлар-бўлмас гаплар гапирмоқ; вайсамоқ, валдирамоқ. -Э, э, *акиллай берасан-да, Сафар!* — деди буқоқ, — биз нима деябиз-ку, сен нима деясан! А. Қодирий, Мехробдан чаён.

3 *кўчма дағл.* Ҳадеб йиғлайвермоқ, ариллайвермоқ (гўдак ҳақида).

**АКИНЕЗИЯ** [юн. akinesia — ҳаракатсизлик] *тиб.* Бир қатор касалликлар, патологик ҳолатлар оқибатида фаол ҳаракатларнинг сусайиши ёки бўлмаслиги; ихтиёрий ҳаракатнинг қийинлашуви.

**АККЛИМАТИЗАЦИЯ** [лот. ad — ёнида, -га + юн. klima — иқлим] Организмларнинг янги яшаш шароитларига мосланиши; иқлимга мосланиш. қ. **иқлим**.

**АККОМОДАЦИЯ** [лот. accomodatio — мослашув] Кўзнинг турли масофадаги нарсаларни аниқ кўришга мослашуви.

**АККОРД** I [итал. accordo — уйғунлик, ҳамоҳанглик] I Мусиқада турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларнинг кўшилиб, яхлит ҳолда янграши. *Бир йўла бир неча аккорд олиш.*

2 Чолғу асбоблари торларининг ўзаро ҳамоҳанглиги.

**АККОРД** II [итал. accordo — келишув, битим] *сфт.* Шартнома асосида бажариладиган; ишбай.

**Аккорд иш ҳақи** Шартнома асосида ишбай усулида бажарилган иш учун бирйўла тўланадиган иш ҳақи (асосан қурилиш соҳасида).

**АККОРДЕОН** [фр. accordeon] Ўнг қўл билан ушланадиган томонида фортепиано типигади клавиатураси бўлган гармонь.

**АККОРДЕОНЧИ** Аккордеон чалувчи.

**АККРЕДИТАЦИЯ, аккредитлаш** [лот. accredo — ишонмоқ, ишонч билдирмоқ] *ҳуқ.* 1 Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотидаги доимий вакили лавозимига тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари.

2 Журналистга муайян ҳудудда бўлиш ва у ерда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ёритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**АККРЕДИТИВ** [лот. accreditivus — ишончли, ваколатли] *мл.* 1 Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар олиб бориладиган банк ҳисоб varaғи.

2 Томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра амалга ошириладиган ўзаро ҳисоб-китоб тури.

3 Номига ёзиб берилган шахсга кўрсатилган суммани кредит муассасасидан олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз.

4 *ҳуқ.* **Аккредитив (ёрлиқ)** Дипломатик вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат.

**АККУМУЛЯТОР** [лот. accumulator — тўпловчи] Электр ёки иссиқлик энергиясини кейинчалик фойдаланиш учун тўплайдиган қурилма, асбоб. *Электр аккумулятор. Аккумуляторлар батареяси. ■ Шифёр аккумулятор ўтириб қолмасин, деб токни узиб қўйган эди.* С. Аҳмад. Уфқ.

**АКОБИР** [а. اکابر — энг катталар] I *эск. кт.* Юқори мартабали киши, катта одам. *Кимхоб, зарбоф, шойи тўн кийган мутакаббир ақобирлар, аъёнлар.. бирин-кетин сарой боғига кириб кела бошладилар.* М. Осим, Карвон йўлларига.

2 Ақобир (эркаklar исми).

**АКРОБАТ** [юн. acrobatis — юқори кўтарилиувчи] Акробатика билан шуғулланувчи гимнастикачи; циркда мураккаб гимнастика машқларини гоаят эпчиллик ва моҳирлик билан ижро этувчи артист; муаллақчи.

**АКРОБАТИК** Акробатикага оид. *Акробатик машқ.*

**АКРОБАТИКА** Спорт гимнастикаси ва цирк санъатининг мураккаб тури.

**АКРОБАТЧИ** *айн.* акробат.

**АКС** I [а. عكس — нарсанинг силлиқ, тиниқ сатҳдаги тасвири; тескари, тўнқарилган] I *от* Бирор нарсанинг силлиқ, ярқироқ сатҳда кўринган тасвири, шакли. *Ҳовузнинг лиммо-лим суви ишишдай тоза, одамнинг акси кўринади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**Акс этмоқ** 1) силлиқ, ярқироқ сатҳда (тасвири) кўринмоқ. *Кўзгуда акс этмоқ;* 2) қайтмоқ (мас., акс садо ҳақида); 3) кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ (ички ҳис-туйғу, кайфият ва ш.к. ҳақида). *Шу биргина сўз унинг [Мадумарнинг] бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 4) ўз ифодасини топмоқ. *Асарда объектив воқелик акс этган. Аксини топмоқ айн. акс этмоқ* 4). *Маълумки, Бош қомусимизда халқимиз руҳига мос кела-*

диган иймон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, иффат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатлар ўз аксини топган. Газетадан.

**2 сфт.** Қарама-қарши, тескари, зид. *Акс натижа. Акс таъсир.*

**Аксига олмоқ (ёки юрмоқ)** 1) хоҳиш-истакка ёки буйруққа қарши иш тутмоқ, кесма-кесарлик қилмоқ; 2) хоҳиш-истакка қарши юз бермоқ. *Аксига олиб, ёмғир ёғди.*

**3 сфт.** Тутган ерини кесадиған, гапга кўнмайдиган, ўжар, қайсар. *Акс бола.*

**4 от** Таъсир. *Одамнинг одамга акси уради.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**Акс садо** 1) товушнинг узоқдаги бирор нарсага, тўсиққа урилиб, ундан қайтиб эшитилиши. *Унинг [Алим буванинг] овози ниҳоят даражада йўғон эди, у тоғ-тошлар орасида гуриллаб, акс садолар билан ёйилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) кўчма жавоб садоси, жавоб ҳаракати, ишораси ёки аломати. *Курувчилар мажлисида кўтарилган бу масала шаҳардаги ҳамма корхоналарда акс садо топди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Акс ҳолда** Шундай бўлмаган (қилинмаган) тақдирда; бўлмаса. *Ҳар бир маданиятли ота-она фарзандлари қалбида кечаётган ўйлар билан албатта ҳисоблашишлари керак. Акс ҳолда, орада бўшлиқ пайдо бўла бошлайди.* Газетадан.

**АКС II** Диний-хурофий тасаввурда: жин, ажина.

**Акс тегди** Жин тегди.

**АКСА** Димоғ қичиши натижасида гайри-ихтиёрий равишда бурундан (димогдан) ҳавонинг куч билан (отилиб) чиқиши; аксириш. *Кимнингдир қаттиқ аксаси Элмуродни чўчитди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**Акса урмоқ** Аксирмоқ, чучкирмоқ.

**АКСАР** [а. اكثر — кўпроқ, энг кўп] **I** Кўпчилик қисм, кўп қисм; кўп, *Аксар вақт.* ■ *Аксар уйлар хароб ва кимсасиз эди.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Меҳмонларнинг аксари ўрта ёшли — ўттиз, қирқ орасидаги одамлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммо аксар хўжалик раҳбарлари шартномавий муносабатларга бармоқ орасидан қараб.* Газетадан.

**2 рви.** Кўпинча, кўп ҳолларда. [Юсуфбек ҳожи] *Отабек билан бирор тўғрида сўзлашмоқчи бўлса, уни аксар меҳмонхонага чақириб ёки чақиртириб оладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АКСАРИ I** **Аксар** с. 3- ш. эгалик шакли. *Ўқувчиларнинг аксари.*

**2 рви.** Кўпинча, кўп ҳолларда. *Соҳилда кучли шамол турган вақти ҳам кўп, бироқ бундай шамоллар аксари кечалари бўлади.* А. Раҳмат, Варракчи чол.

**АКСАРИЯТ** Кўпчилик; кўп. *Марям тимсоли ўзига хос талқини ва ижроси билан аксарият томошабинларида зўр қизиқиш уйғотди.* Газетадан. *Энг кувончлиси, дўкондаги аксарият маҳсулотлар шу ернинг ўзиде тайёрланмоқда.* Газетадан.

**АКСИГА** *рви.* Истакка, хоҳишга зид равишда; одатдагига зид ҳолда. *Аксига қор ёққанини қаранг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кеча аксига уйга барвақт жўнаган эдим.* Ойбек, Нур қидириб.

**Аксига олиб айн. аксига.** *Аксига олиб, пахта терими пайти эди.* Газетадан.

**АКСИЛИНҚИЛОБ** [а. عكس الانقلاب — инқилобга қарши] Инқилобни, унинг самараларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракат.

**АКСИЛИНҚИЛОБИЙ** Аксилинқилобга оид. *Аксилинқилобий унсурлар.*

**АКСИЛИНҚИЛОБЧИ** Аксилинқилоб тарафдори. *..аксилинқилобчилар томонидан бўлаётган ташвиқот халқни ишдан қочириб, руҳини сўндирмоқда эди.* С. Айний, Қўллар.

**АКСИЛҲАРАКАТ** [а. عكس الحركة — қарши ҳаракат] *эск. I айн. реакция I.*

**2** Реакцион ҳаракат, аксилинқилобий фаолият.

**АКСИЛҲАРАКАТЧИ** *эск. айн. реакционер.*

**АКСИНЧА** *рви. I* Кутилганнинг аксича, унга зид ҳолда. *Ҳамма иш аксинча бўлиб чиқди.*

**2** Тескари, нотўғри равишда. *У ҳамма нарсани аксинча талқин қилган.*

**3 кри. с. вzf.** Айтилганга ёки кутилганга зид ўлароқ. *Аксинча, ҳамма нарса гўзал ва ёқимли бир шакл олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4 юкл. вzf.** Зидлашни ифодалайди. [Турғун Муҳаббатза:] *Йўқ. Аксинча, оқарибсиз. Жиндек озиб, яна ҳам чиройли бўлибсиз.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АКСИОМА** [юн. axioma — асосий қоида] Ўз-ўзидан аниқ-равшанлиги сабабли исбот талаб қилмайдиган, исботсиз қабул қилинадиган ҳолат, фикр. «Коллектив — катта куч» деган аксиома бу ерда ҳам ўзини кўрсатди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**АКСИРИШ** *тиб.* Организмнинг ҳимоя реакцияларидан бири. Бунда (аксирганда) бурун бўшлиғидаги ёт жисмлар: чанг, йи-

ғилиб қолган шилимшиқ ва б. чиқиб кетади ҳамда уларнинг нафас йўлига тушишининг олди олинади.

**АКСИРМОҚ** Акс урмоқ, чучкирмоқ. *Мавлоно Шаҳобиддин аксириб, рутубатдан шикоятланди. Ойбек, Навоий.*

**АКСИЧА** *рвш.* 1 Акс ўлароқ, тескари-сича. *Зайнаб, эгачисининг аксича, ўз яқинларидан «писмиқ» деб исм олган, онаси бўлса ачиги чиққанда, «мингаймас ўлгур» деб уни қарғар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *с. т. айн. аксинча 1, 2.*

**АКСЛАНМОҚ I** 1 Акс этмоқ, акс қайтмоқ. *Йўлак четидаги кўлмакда чироқ шуғла-си хира аксланди. «Ёшлиқ».*

2 Акс этмоқ, намоён бўлмоқ; кўринмоқ (ички ҳис-туйғу, кайфият ва ш.к. ҳақида). *..бошқаларнинг кўнгилларидан нима ўтганлиги ўз башараларидан аксланиб турмоқда эди. С. Айний, Куллар.*

**АКСЛАНМОҚ II** *дин.* Акс тегиб оғримоқ.

**АКСЛИК** Акс, қайсар одамга хос хатти-ҳаракат. *Ақслик қилмоқ.*

**АКТ** [*лот.* actus; actum — амал, ҳаракат; ҳужжат, қарор] 1 Бирон-бир содир этилган иш, хатти-ҳаракат ёки бўлиб ўтган воқеа, ҳодиса. *Террористик акт.*

2 Муассаа ёки айрим шахс (шахслар)га оид хатти-ҳаракат (воқеа, ҳодиса) ёки ҳолатни тасдиқлаш, гувоҳлик асосида қайд этувчи, бирдан ортиқ киши томонидан тузилган ҳужжат; далолатнома.

3 *ҳуқ.* Юридик аҳамиятга эга қарор ёки ҳужжат. *Ердан фойдаланиш ҳақидаги акт.*

4 Драматик асар ёки театр томошасининг тугалланган қисми; парда.

**АКТЁР** [*фр.* acteur < *лот.* actor — ижро этувчи] Спектакль ва кинофильмларда роль ижро этувчи артист. *Томошабинлар актёрларнинг ҳар бир сўз, ҳар бир ҳаракатида ўз муносабатларини билдириб турдилар.* Газетадан.

**АКТЁРЛИК** Актёр касби. *Актёрлик факультети. Актёрлик маҳорати.*

**АКТИВ I** [*лот.* activus — фаол, ҳаракатчан] 1 Корхона ёки ташкилотнинг мулки ва ресурслари (бино, машина, қимматбаҳо қоғозлар ва б.). *..бир қанча савдо-сотик майдончалари мавжуд: давлат активларини сотиш майдончаси, рақобатли-устувор савдолар майдончаси..* Газетадан. *Пулга тез айланиши (сотилиши) мумкин бўлган.. активлар*

(*векселлар, олтин, нақд пул ва б.*) *ликвид активлар дейилади. «ЎЗМЭ».*

2 *бух.* Балансининг кирим, даромад қисми; бухгалтерия балансининг бир қисми; *зид. пассив. Молия менежменти, активлар ва пассивларни бошқариш..* Газетадан.

**АКТИВ II** *қ. фаол.*

**АКТИВЛАШМОҚ** *айн. фаоллашмоқ.*

**АКТИНИЙ** [*юн.* aktis, aktinos — нур] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент.

**АКТРИСА** Актёр аёл.

**АКТУАЛ** [*лот.* actualis — ҳақиқий; амалий] Энг муҳим, энг зарур, долзарб. *Актуал масала.*

**АКТУАРИЙ** [*лот.* actuarius — тезкор, тез ёзувчи мирза] Суғурта компаниясининг суғурта хатларини баҳолаш ҳамда суғурта тўловлари ҳисоб-китоби билан шуғулланувчи мутахассис, иш юригувчи.

**АКУЛА** [*исл.* hakall — балиқнинг бир тури] Денгизда яшайдиган йирик йиртқич балиқ; наҳанг.

**АКУСТИК** Акустика мутахассиси.

**АКУСТИК** Акустикага оид, акустикага мансуб. *Акустик аппаратлар. Залнинг акустик шароити.*

**АКУСТИКА** [*юн.* akustikos — эшитиш, кулоқ солишга доир] 1 Физиканиннг товуш ҳодисаларини ўрганадиган бўлими.

2 Бирор бинода товушларнинг эшитилиш шароити ва хусусиятлари, товушларнинг яхши эшитилиши ёки эшитилмаслик ҳолати. *Концерт залининг акустикаси яхши экан.*

**АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГ** Хотин-қизлар касалликларининг олдини олиш ва уларни даволаш билан шуғулланадиган мутахассис врач.

**АКУШЕРКА** [*фр.* accouchee — туғруққа ёрдам бермоқ] Ҳомиладорларни мунтазам кузатиш, диспансер кузатув рўйхатига олиш, уларнинг касаллигини аниқлаш, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги (чилла) вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш ва б. билан шуғулланувчи, махсус ўрта маълумотли тиббиёт ходими.

**АКУШЕРЛИК I** Клиник тиббиётнинг ҳомиладорлик, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейин (чилла даврида) аёл организмда содир бўладиган физиологик ва патологик жараёнларни ўрганувчи соҳаси.

2 Акушер касби. *Акушерлик қилмоқ.*

**АКЦЕНТ** [лот. accentus — оҳанг; урғу] тлш. Она тилидан бошқа тилда сўзлаганда, товушларни ўша тилдагидан бошқача ҳолда, ўз тили товушлари каби ёки унга яқин талаффуз этиш. *Ўзбекча акцент билан гапирмоқ.*

**АКЦИЗ** [фр. accise < лот. accidere — кесмоқ] Асосан кенг истеъмол товарлари ва хизматларга қўйиладиган эгри солиқ, билвосита солиқ тури. *Маркаланадиган товарларни импорт қилувчилар акциз солиғини тўлиқ миқдорда тўлаганларидан кейин акциз маркаларини сотиб оладилар.* Газетадан.

**АКЦИОНЕР** қ. **акциядор.**

**АКЦИОНЕРЛИК** қ. **акциядорлик.**

**АКЦИЯ I** [фр. action — қимматбаҳо қоғоз] Акциядорлик жамияти чиқарган қимматбаҳо қоғоз. *Иш самарадорлиги ошгани сари жамоа аъзоларига тегишли акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдори ҳам кўпайиб боради.* Газетадан.

**АКЦИЯ II** [лот. actio — ҳаракат] Бирор мақсадга эришиш учун қилинадиган иш, ҳаракат. *Дипломатик акция.*

**АКЦИЯДОР** Акциялар эгаси; ундан фойда кўрувчи жисмоний ёки юридик шахс; акциядорлик жамияти аъзоси. *...акциядорлик жамиятида.. акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтади.* Газетадан.

**АКЦИЯДОРЛИК** Акция ишлари билан боғлиқ фаолият.

**Акциядорлик жамияти** Турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини уюшган шерикчилик асосида бирлаштирадиган жамият. *Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишларини ўтказишдан олдин акциядорлик жамиятининг йиллик молиявий-хўжалик фаолияти мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт.* Газетадан.

**АЛАЙ-БАЛАЙ** с. т. У-бу гап, бўлар-бўлмас гап (одатда, номақбул, ёқмайдиган гап ҳақида). *Алай-балайга қулоқ солма.*

**Алай-балай демоқ** Бўлар-бўлмас, ёқмай-диган гап қилмоқ. *Алай-балай десам, тутиб олиб уриш ҳам таъбида бор.* Х. Шамс, Харақтеристика.

**АЛАЙКУМ** [а. *عليكم* — сизнинг устингизда]: **ассалому алайкум** [السلام عليكم] (л. м. сиз тинч-омон бўлинг!) 1) салом бериш, саломлашиш шакли. [Саид Жалоҳон:] -Асса-

лому алайкум, — деди раисга рўпара бўлиб. А. Қаҳҳор, Башорат; 2) *кўчма* кўпинча қасос қайтганда таъзир бериш, уялтириш ифодаси. *Ассалому алайкум, хўш, энди қалайсиз? Ва алайкум ассалом* (л. м. сиз ҳам тинч-омон бўлинг) Саломга жавоб шакли. [Солиҳ маҳдум:] -Ассалому алайкум, келган эканлар, тақсирим! [Эшон:] -Ва алайкум ассалом! Хўш, саломатмисиз, Солиҳ маҳдум? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АЛАЙНО** [а. *علينا* — бизга]: **алайно ошкор** Очiqдан-очiq; рўй-рост. *Кўрсанг, кўзинг тўйгудек, барваста, кўёш кўрасида тобланган йигитлардан, юрагининг ургани алайно ошкор билиниб турибди.* Ф. Фулом, Оқариб кўринар бир матрап.

**АЛАЙХ** [а. *عليه* — унга, шунга]: **биноан алайх** [بناء عليه] эск. кт. Шунга биноан, шу асосда, бинобарин. *Биноан алайх, шу ердаги сирга воқиф бўлганларнинг вазифаси — бу ҳодисани кишига сўзламаслик.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АЛАЙХИЛЛАЪНА** [а. *عليه اللّٰعنه* — л. м. унга лаънатлар бўлсин] дин. Шайтоннинг сифати. [Фазлиддин:] *Одамнинг ичини билиш жуда мушкул нарса. Кўринишда фариштадай одамнинг ичида шайтон алайхиллаъна ўтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛАЙХИССАЛОМ** [а. *عليه السلام* — унга тинчлик ва омонлик] дин. Пайғамбарлар номига қўшиб айтилади: *Муҳаммад алайҳиссалом. ■ Тарихда, яъни Одам алайҳиссалом замонидан то шу кунгача уч одил подшо бўлган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу куни Жаброил алайҳиссалом бошчилигидаги фаришталар заминга тушадилар.* Газетадан.

**АЛАК** Пахта ипдан кўл дўконда тўқилган мато; силлиқ бўз. *Алак тўн. ■ Чит бирла бир ерда алак Бозори тану тор экан.* Муқимий.

**АЛАЛАБАД** [а. *على الابد* — абадий, мангу] айн. **абадулабад** Лочин парваришин топан шунқордек, ўзбек алалабад сендан миннатдор. Ф. Фулом.

**АЛАЛОҚИБАТ** [а. *على العاقبت* — охири, оқибатда] Оқибатда, охир-оқибат. *Уларнинг қолига сиғмайдиган бу қилмишлари алаалоқибат ўзларини қора курсига етаклаб келди.* Газетадан.

**АЛАЛХУСУС** [а. *على الخصوص* — хусусан, айниқса] эск. кт. Айниқса, хусусан. [Мирзакаримбой Йўлчиға:] *Биласан, хотин аҳли*

молга ўч бўлади, алалхусус, сандиқдаги молни ер-кўкка ишонмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛАМ I** [a. الم — оғриқ, дард] **1** Жисмоний қийноқ; азоб, оғриқ. *Комил калтак аламидан хўнг-хўнг йиғлаётган боладан яна сўради. Ҳ. Фулом, Машғал.*

**2** Руҳий азоб, изтироб. *Ҳижрон алами. Жудолки алами. Алам чекмоқ (тортмоқ). ■ Биз у вақтлар севиғи нима, севиш, севилиш нима — буларнинг дард ва алами, завқ ва шавқи нималигини ҳам билмас эдик. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**Алам қилди** с. т. Кўнгилга қаттиқ тегди, дилни оғритди; ранжитди. *Эрининг “бош қоронғи бўл, эвида бўл-да” дегани унга жуда алам қилди, хўрлиги келди, ўпкаси тўлди. А. Қаҳҳор, Анор.*

**3** Қасд, ўч, қасос. *Мунча серпичинг бўлиб кетибсиз. Менда аламингиз борми! Шухрат, Шинелли йиллар.*

**Алам(ини) олмоқ** **1**) қасд, ўч олмоқ, — *Мени ташлаб кетганингиз аламини Зайнабдан олмасам, кимдан олай, — деди кулиб Кумуш. А. Қодирий, Ўтган кунлар;* **2**) кўчма бирор иш қилиб ёки бирор иш билан шуғулланиб, юракни бўшатмоқ, хафагарчиликни ёзмақ, хумордан чиқмоқ. *Балки аламини ишдан олгандир? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Исанинг аламини Мусадан олмоқ* Бировдан етган ранж, озор қасдини бошқа, айбсиз одамдан олмоқ.

**4** Ғазаб, нафрат; захр.

**Аламдан тарқамоқ (ёки чиқмоқ)** **1**) айн. **алам(ини) олмоқ** **2**. қ. **алам** **3**. [*Собирахон:*] *Йиғладим. ўтириб хат ёздим. Бу билан ҳам аламдан чиқмай, хатни кўтариб, Комила холамининг олдиларига арза бордим. А. Қаҳҳор, Хотинлар;* **2**) қасдини, ўчини олмоқ. *Мингбоши тек ётмаган эди, қизининг аламини чиқариб олиш учун баҳона изларди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.;* **3**) ғазабдан тарқамоқ. *Сиз қўй демаганингизда, оғзи-бурнини дабдала қилиб, бир аламдан чиқай деган эдим. П. Турсун, Ўқитувчи. Аламини ичига ютмоқ* Ғазабини сиртга чиқармаслик, билдирмаслик. *..аламини ичига ютиб, ҳаловат иштайди. Газетадан.*

**АЛАМ II** [a. علم — байроқ, туғ] **1** эск. кт. Байроқ, туғ.

**2** дин. Азиз-авлиёлар дафн этилган мазорга сиғинувчилар томонидан шу мазор

дарахтларига боғланган латта. *Эр Ҳуббига бориб, астойдил сиғиниб, шайхларга тўн кийгизди, кекса чинорларга алам боғлади, бўлмади. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**АЛАМАНГИЗ** [a.+ф. المانگيز — аламли] Руҳий азоб берадиган, қийнайдиган, хафа қиладиган. *Аламангиз ҳодиса. ■ Дўстлардан айрилмоқ гарчи бениҳоя қийин ва аламангиздур. Ойбек, Навоий.*

**АЛАМ-АЧЧИҚ** Руҳий азоб-укубатлар, дард-ҳасратлар.

**АЛАМДИЙДА** [a.+ф. المديده — алам кўрган] Юраги дард-аламли, жабр-жафо чеккан, азоб-укубат тортган. [*Йўлчи*] *Ўзи учун эмас, халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар, аламдийдалар учун қон тўкди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**АЛАМДОР** [a.+ф. علمدار — байроққа эга бўлган, байроқдор] эск. Байроқ, туғ кўтарувчи; байроқдор.

**АЛАМЗАДА** **1** айн. **аламдийда**.

**2** Аламидан тўйиб, қасос, ўч олиш қасдига тушган, кимсада алами бўлган. *Зоғора нонни ушатиб кўяётган Полвон: -Оқсоқолдан аламзада бўлганлар кўп-ку, — деди мийиғида кулиб. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**АЛАМ-ИЗТИРОБ** айн. **алам-аччиқ**. *Кишининг ички ҳиссиётини юзидаги ўзгаришлардан тезда пайқаб олувчи Исломхўжа қизидagi алам-изтиробнинг изларини дарҳол сездди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**АЛАМЛАНМОҚ** кам қўлл. **1** Алам-аччиғи кўзғамоқ, жаҳли чиқмоқ. *..домланинг қўлидаги тескари ушланган болтанинг муҳраси елкамга келиб тушиди, аламланиб кетдим. Ф. Фулом, Шум бола.*

**2** Азоб-оғриқ ҳис этмоқ, оғримоқ. *Лабим жуда аламланиб турса ҳам.. кўрган тушимни ярим-ёрти айтиб бериб, таъбир сўрадим. Ф. Фулом, Тирилган мурда.*

**АЛАМЛИ** **1** Алами бор, оғриқ-азобли. *Аламли ва ярали кўнгиллардан рўй-рост отилиб, ҳавони янграган ҳақиқат овози унинг бутун вужудини титратди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** Алам-оғриқдан, азобдан юзага келган. *Йўқ, бу одамнинг руҳини енгиллатадиган йиғи эмас, юракдан оққан қондек аламли, аччиқ укки томчи эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**3** Дард-алам ифодаловчи. *Аламли кўзлар. ■ -Кечир демоқчисиз, — деди Инобат ма-*

ийин, аламли оҳанг билан. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг.

**4** Дард-алам чеккан, аламдийда. *Тоҳирим келмайди деб қаҳр этма, э, жон Зухраҳон, Бир гуруҳ дардли, аламликларга мен ёр ўлмишам.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**АЛАМНОК** айн. аламли. [Жомий:] Кўнгул бўлса агар ҳар қанчалик пок, Бўлур у шунчалар кўпроқ аламнок. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Асрорқул газабини аранг босиб, аламнок хўрсинди.* Н. Қиличев, Ёронгул.

**АЛАМОН** с. т. Оломон. *Бу сиёсат учун керак кўмондон, Бўлмаса ҳеч тинчимайди аламон.* Ҳ. Олимжон.

**АЛАМ-СИТАМ** айн. алам-изтироб. *Бугун жуда сиқилиб кетдим. Дардлашадиган, юрагимни эзган алам-ситамларни эшитадиган дўст йўқ.* С. Аҳмад, Севгинга содиқман.

**АЛАНГА 1** Ёниб турган ўтдан, оловдан кўтарилаётган ёлқин. *Газ алангаси.* ■ *Шам алангаси ҳар томондан эсиб турган шабадада тебранар эди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши.

**2** Ёруғлик; ёруғ шуъла. *Ашулачиларнинг қуёшда қорайган юзлари машъалларнинг алангасида йилтилар эди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**3** кўчма Ўт олдирувчи, жўшқин жараён; жўшқинлик, ҳовур; юракка ўт солувчи, ёндирувчи ҳис-туйғу. *Фироқ алангаси. Ишқ алангаси. Уруш алангаси. Ғазаб алангаси.* ■ *Дўсти ғариб, кел, қўлингни тут, Юрагинга ёқай аланга.* А. Орипов. *Муздай чой ичини қовураётган аланга тафтини сал пасайтиргандай бўлди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**Аланга олмоқ** 1) алангаланиб ёна бошламоқ. *Жанг майдонида душманнинг етти танки аланга олиб ёнди.* А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир; 2) кўчма шиддатли тус олмоқ; кучаймоқ, зўраймоқ. *Ўзбек ойимнинг ғазоби тагин ҳам аланга олди: Сўзимни эшитасанми, кар?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЛАНГАЛАНМОҚ 1** Аланга олмоқ, аланга олиб, ёлқинланиб ёнмоқ, ўт олмоқ. *Радиокарнайи осилиб қолган танк тўхтадида, бир оздан кейин алангаланди.* И. Раҳим, Чин мухаббат.

**2** кўчма Жўшқин тус олмоқ, тутақмоқ. *Бу сўзни эшитиш билан Нурунинг сўнган умиди алангаланди, кўкраги ёниқ орзулар билан тўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. -Жўна кўзимдан, оқпадар, кет, нақ илигингни син-

дираман қайтиб келсанг, — борган сари алангаланди чол. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

**АЛАНГАЛИ 1** Аланга бериб ёнаётган; ёлқинли. *Алангали гулхан.*

**2** кўчма Қизгин, оташин. *Алангали салом.*

**АЛАНГ-ЖАЛАНГ** рвш. Ҳайрон, бесаранжом кўз юритиш, олазарак. *Кўзлари аланг-жаланг бўлди.* ■ *Анвар Шавкатий атрофга аланг-жаланг қараб, ҳовлиққанича келарди.* 3. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. *Мулла Обид орадан ўтган гапни эшитмаганликдан аланг-жаланг бўлади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Бутабойнинг кўзи аланг-жаланг бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Хукм.

**АЛАНГЛАМОҚ** Аланг-жаланг қарамоқ, олазарак бўлмоқ. *Кампир набираси Назирали билан қаёққа борарини билмай, тўрт томонга аланглаб қолди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

**АЛАПИ** шв. Етилмаган хом жўхори.

**АЛАС-АЛАС** этн. 1 Оғир ётган беморни “даволаш” мақсадида таёқча учига ўраб ёндирилган латтани ёки беморнинг кийимини унинг бошидан ўгириш. *Чиллаёсин ўқиб, алас-алас қилишиб, олло таолодан унинг дардига шифо тилашади.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Кишига илашган жин, ажина ва ш.к. дан халос бўлиш учун Сафар ойида гулхан ёқиб, устидан сакраш. *Холангизнинг алас-алас ва кўчирдисидан кейин Эшмат аканинг хушлари кетади.* “Муштум”.

**АЛАСЛАМОҚ** этн. Алас-алас қилиб “даволамоқ”. *Домла касал бетига сув сочди. Катта бир латтани ёндириб, бошидан айлантимириб ташлади — аласлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АЛАФ** [а. علف — ўт, хашак] Умуман, ўт, кўкат.

**Сассиқ алаф** 1) бурган, супурги ўт. *Айвон олдида сассиқ алафдан қилинган узун сопли супурги ётарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар; 2) кўчма умуман, ёқимсиз, ярамас шахс ёки нарсга нисбат. *Сассиқ алаф билан тўлган миянгни тозалаб қўйиш керак.* “Муштум”. *Золимни юз карра ўлдирар эдим. У сассиқ алафни ҳаёт боғидан Юлиб ташлар эдим, сўлдирар эдим.* Уйғун.

**АЛАХСИМОҚ** Бирор иш билан овора бўлиб, илакишиб қолмоқ; асл иш, муддао қолиб, бошқасига чалғимоқ. *Гапга алахсиб, ишдан қолмоқ.* ■ *Уктамхон опа меҳмон билан алахсиб, ҳозиргина койиб ўтирани магазинчи йигитни унутган эди.* Ш. Фуломов,

Ёрқин уфқлар. *Дарс тугаши билан ҳеч нарсага алахсимамай, уйига жўнайди.* Ў. Умарбеков, Чарос.

**АЛАЧА** Қўлда тўқилган йўл-йўл ип ёки жун мато. *Бир чопонлик алача.* ■ *Ўзбекистон халқи бўз, алача.. сахтиён, айбаки терилар билан Ўзбекистонни таъмин қилиб келди.* Газетадан.

**АЛАЧАБОФ** Алача тўқувчи уста.

**АЛАҚ-ЧАЛАҚ** Бир-бири билан чалкаш (туш ҳақида). *Ҳайдар.. кўзи уйқуга кетганини сезмай қолди. Кўп ўтмай, алақ-чалақ тушлар кўриб, инграй бошлади.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**АЛАҒ** фольк. айн. **алағда.** *Отинг мана, алағ бўлма, бўл хушёр.* “Авазхон”.

**АЛАҒДА** Нотинч, безовта (кўнгил, хаёл ва ш. к. га нисбатан). *Йўлдош ҳамроҳлари қуршовида анча ерга бориб қолган бўлса ҳам, орқасига ўеирилиб қарарди.. кўнгли алағда эди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Чол, хаёли алағда, нима қиларини билмай, дастурхон четини қайириб ёнбошлади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**Алағда бўлмоқ** Алағда ҳолатни кечирмоқ. *Ҳар учрашганимизда ўғрига ўхшаб кўнглимиз алағда бўлиб юрганимизча, бир йўла тўйни қилиб, давр-даврон сурганимиз яхши эмасми, эмиш.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. **Алағда қилмоқ** Алағда ҳолатга солмоқ. *Акасининг без бўлиб олиши Ҳусниддинни алағда қилиб ташлади.* М. Исмоилий, Фарғона, т.о.

**АЛАҲЛАМОҚ** 1 Босинқираб ёки иситманинг зўридан қовушмаган, ноаниқ сўзлар сўзламоқ. *Тун ярмига борганда, Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди. Дам-бадам ҳушини йўқотиб, алаҳлай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 *кўчма* Тутуриқсиз, бемаъни гап қилмоқ, валдирамоқ. *Ҳамёнингда бир миринг йўқ, намунча миллат, миллат деб бижиб алаҳлайсан.* К. Яшин, Ҳамза.

**АЛАҲЛАШ** Онг ўзгариб, воқеаларни англаш қобилиятининг бузилиши

**АЛАҲСИРАМОҚ** айн. **алаҳламоқ.** .. *тушларида алаҳсирар, баъзан эса уйқусиз оқшомни тонга уларди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**АЛБАН** 1 Албанияда яшовчи асосий (туб) миллат (халқ)нинг номи.

2 Шу миллатга мансуб. *Албан тили.*

**АЛБАНЛАР** Албаниянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

**АЛБАТ** назм. айн. **албатта.** ..*Юрагинга албат қўл солгум.* Миртемир.

**АЛБАТГА** [a. البتة – шубҳасиз] мод. с. 1 Фикрнинг ёки иш-ҳаракатнинг қатъийлигини, муқаррарлигини, шубҳасиз эканлигини билдиради. *Қори ўриқдан иккитасини Сидиқжонга узатди: -Зап ўрик экан-да, канал битиб, сув сероб бўлиб, боғ-роғ қилганимизда, албатта, шунинг данагидан экамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *кри. с. вэф.* Шундай мазмунли муносабатни билдиради; шубҳасиз, турган гап, табиий, бўлмаса-чи. *Мен, албатта, кўзингизнинг оқу қораси бўлган ёлғиз қизингизни ярамас, бўлмағур кишига тутиб берарсиз, деб билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЛВАСТИ** 1 Шарқ мифологияси ва хурфий тасаввурда: гўё ҳар хил қиёфада кўринадиган афсонавий махлуқ. *Кампирларнинг мишмишларига кўра, киши кўзига кўпинча кечалари эчки бўлиб кўринадиган “ажина” ва “алвасти”лар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайилгоҳ бўлиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 *кўчма* Шу махлуққа нисбатлаш, у билан аталувчи шахс (асосан хотин-қизларга нисбатан). *Шу чоққача бировга сўзини бермаган, бировдан гап эшитмаган Бегим, н таниш хотиндан дакки едингми, у алвастининг ола-кула кўзларидан кўрқиб, калтагидан қочдингми?* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АЛВИДО** [a. الوداع – хайр, кўришгунча, душ қолинг] унд. с. Абадий хайрлашув, гамдолашувни билдиради. *Алвидо, эй муниси вилмоҳхўр, меҳмоним, онам.. Воқиф. .. тўплар гумбури остида ўтказилган беш минутлик сукунатдан сўнг кеч қоронғисига чулғанаётган минбардан нотаниш бировнинг фарёди эшитилди: Алвидо, эй жонажон дўстимиз, алвидо!* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЛВИР-ШАЛВИР** Усти-боши осилган-солинган, шалвираган; бесўнақай. *Ўзи ҳам дарров салла-чопонни ечиб ташлаб, содда, алвир-шалвир деҳқон сифатига кириб олади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**АЛВОН** [a. الوان – ранглар] 1 Қизил тусли, қип-қизил, қирмизи. *Бунда гулнинг энг асллари, Бахмал гилам, алвон пойандоз.* Ҳ. Олимжон. *Кўёш теракзор орқасига ботаётган, ғарб уфқида алвонранг шафақ ёйилган ажиб оқшом эди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Чаманда бир гўзал жонон кўринди, Юзи гул-гул ёниб, алвон кўринди.* Ҳабибий.

**Қизил алвон** Сидирга қизил ип газлама. *Ёвариқ бўйидаги ёзлик ошхона устунлариға узун қизил алвон тортилган.* И. Раҳим, Ихлос. *Қизил алвон ёпилган тоғла ҳаммадан бурун келиб ўтириб олган Тожлибой мажлисни очди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Қизил рангли мато.

**3** Хилма-хил, турли-туман. *Бир уядан неча алвон қуш учади.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши. *Остимда ўйнайди юз алвон отим.* М. Алавия.

**АЛВОН-АЛВОН** Ранг-баранг, хилма-хил, турли-туман. *Атрофида алвон-алвон йигитлар, Шундай қилиб элда давронин сура.* “Рустам”. *Йўл ёқалаб.. оқиш, қизғиш рангли сарин гуллар алвон-алвон бўлиб ёзилган.* Уйғун.

**АЛГЕБРА** [лот. algebra < а. الجبر] Математиканинг ҳарфий миқдорлар устида (уларнинг сон қийматларидан қатъи назар) бажариладиган амалларнинг умумий қонуниятларини ўрганадиган бўлими.

**АЛГЕБРАИК** Алгебрага оид, алгебрага мансуб. *Алгебраик сон. Алгебраик тенгламалар.*

**АЛГОРИТМ, алгоритм** [лот. Algorithmi – X асрда яшаган буюк ўзбек математиги Ал-Хоразмийнинг номидан] Маълум бир турга оид масалаларни ечишда ишлатиладиган амалларнинг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ қоида (дастур). *Алгоритм эса муайян кетма-кет бажариладиган жараёнлар мажмуаси бўлиб, назарий ва амалий масалаларни ечишда ишлатилди.* Газетадан.

**АЛДАБ-СУЛДАБ** *рвш.* Ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан алдаб, турли йўллар билан авраб. [Майсара Мулла Рўзига:] *Киргандан кейин уни алдаб-сулдаб ухлатиб, ундан кейин чиқариб юбораман.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**АЛДАМОҚ** **1** Ёлғон-яшиқ гаплар, ваъдалар билан лақиллатмоқ, аврамоқ. *Халқ халқ бўлиб бировни алдаган эмас, аммо.. халқни алдаганлар бўлган, ҳа, сиз бизни алдама-сангиз бўлди, бой, биз сизни алдамаймиз.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Яхши гап, ваъда ва ш.к. билан йўлга солмоқ, кўндирмоқ. *Кувёнинг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Келин уйга қамалиб олган — на ёлворганга кўнади, на алдаганга.* А. Қаҳҳор, Тўй.

**3** Йўлдан урмоқ, йўлдан оздирмоқ. [Хонзода Жамилага:] *Эй тентак.. Юзингни биров кўрган билан ейилиб қоладими?.. Шундай қилиб акамни алдайсан-да!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**4** Ёлғон гапирмоқ, ёлғончилик қилмоқ. *-Рафиқ, найни ким чалди? -Йўлчи акам. -А! Ростданми! Алдама! Ойбек, Танланган асарлар.*

**5** Нотўғри тасаввур туғдирмоқ, чалғитмоқ. [Муса:] *-Сен бировни ҳам алдама, ўзингни ҳам алдама: мана бу ерда дардинг бор, — деди-да.. унинг кўкрагиға аста урди.— Мана бу ерда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЛДАМЧИ** **1** Кишини алдашга, аврашга, лақиллатишга уста; алдоқчи. *Бир алдамчи, ўзинг кашмир бўлмасанг, Мадинадан дарров қандай келасан?!* “Ёлғор”.

**2** Фирибгар, қаллоб. *Буларнинг кайфлари шунчалик чоғ эдики, кўрган киши.. яхши, бор баракадан боши осмонга етган алдамчи савдогарми деб ўйлар, муқаррар шундай деб ўйлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**3** Ваъдасиз турмайдиган; суботи йўқ; ваъдасиз. *-Алдамчи! -Бу алдашлар — алдаш эмас, сиз ҳали қараб туринг, қочқоқ! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**4** Ёлғон-яшиқ гапларни кўп гапирувчи; ёлғончи.

**5** Чалғитувчи, чалғитадиган, алдайдиган. *Кўнглида бир лаҳза учган беҳуда, алдамчи хаёллардан қутулди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛДАМЧИЛИК** **1** Алдамчига хос иш, хатти-ҳаракат.

**2** Қаллоблик; қалб, эгри иш,

**АЛДАМ-ҚАЛДАМ** Алдаш, лақиллатиш мақсадидаги, ёлғон-яшиқ. *..ҳечам ёлғон гапирмас, алдам-қалдам гапни хаёлиға ҳам келтирмасди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

**АЛДОҚЧИ** *айн. алдамчи.* [Йўлчи:] *..Бойларнинг сўзига сира учин керак эмас. Уларнинг бари алдоқчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛДОҚЧИЛИК** *айн. алдамчилик.*

**АЛЕБАСТР** [юн. alabastros] Куйдирилган ва туйилган оқ гипс; ганч (ҳайкалтарошлиқда, тиббиётда ва қурилишда ишлатилади).

**АЛЕУТ** **1** Алеут ва Командор ороллари-нинг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат)нинг номи.

**2** Шу миллатга мансуб (шахс, жой ва ш.к.). *Алеут тили.*



**АЛЕУТЛАР** Алеут ва Командор ороллари-нинг туб аҳолисини ташкил этган халқ.

**АЛЁ** қ. алло. Алё! Кадрлар бўлимими? “Муштум”.

**АЛЁР** тар. Ўтмишда зиёфат ва ш.к.да қадаҳ тутиб айтиладиган сўз ёки қўшиқ. [Аҳмад сардор] Ўзи косагул бўлиб, алёр ай-тиб, коса бераётини. “Хушкелди”. Қўлла-римда лиммо-лим қадаҳ, Менга келди алёр навбати. Э. Воҳидов.

**АЛЁРЧИ** Алёр айтувчи, алёр айтишга уста одам.

**АЛЖИМОҚ 1** Бўлмағур, бемаъни гап қилмоқ, маза-бемаза, тутуриқсиз гаплар гапирмоқ; валдирамоқ, айнимоқ. *Менинг очиқ кўнгиллик қилиб алжиётганим учун кечир.* Шухрат, Шинелли йиллар. -Бас, ал-жима, пардали гапир! — деди хон. Мирмуҳ-син, Чўри.

**2** Гап-сўздан янглишмоқ, боши гангиб, мияси айниб, оғзига келганини гапирмоқ. -Ах, нима? ..Билишибдими? — деди у [Олахў-жа] ва ўз пешонасига ўзи қаттиқ бир мушт-лади-да, яна суради: -Нима бало, мастлик қилиб алжиб қўйдингми? А! П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЛЖИРАМОҚ** айн. алжимоқ. Беш-олти қадам нарида кайф билан алжираётган йи-гитларнинг бири келиб, унга тегажаклик қилди. С. Зуннунова. Кўк чироклар.

**АЛИ 1:** али деса, бали демоқ Гап қайта-равермоқ, бир гапдан ҳам қолмай тортиш-моқ. Мен али десам, у бали деб, оғзимни ҳам очирмайди. Али хўжа — Хўжа али Бари бир; иккиси ҳам бир, фарқи йўқ. *Элмурод унинг [Мамасаиднинг] мақсадини тушуниб, шундай жавоб қилди: -Бари бир. Али хўжа — Хўжа али!* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Али (эркаклар исми).

**АЛИБИ** [лот. alibi — бошқа жойда] ҳўқ. Айбдор деб гумон қилинаётган шахснинг жиноят содир бўлган пайтда шу жойдан бош-қа жойда бўлиши (бу ҳол унинг жиноятга алоқаси йўқлигини тасдиқловчи далилдир). *Шожабил Кабировичнинг қотиллик юз бер-ган кунга тўла алибиси бор. Демак, аввало қотилни топши лозим.* С. Мирзо, Ярим тун-даги қотиллик.

**АЛИЗАРИН** [фр. alizarine < исп. alizarí — рўянинг қуруқ илдизи] Рўян ўсимлиги ил-дизидан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган бўёқ.

**АЛИК** [а. عليك “алайка”, اليكم “алай-кум” сўзларининг бузилган, қисқарган ша-кли] с. т. Саломга қайтариладиган жавоб; жа-воб салом. *Алик олмоқ (қайтармоқ).* Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз. Мақол. ■ *Синф бир оғиздан “Ассалому алайкум!” деб қичқирди. Аммо салом аликсиз қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. - *Гулистонликлар андак нарида, — дейишди кампирнинг саломига алик олган кишилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АЛИМЕНТ** [лот. alimentum — қарамоғи-даги, боқимидаги] Қонунда белгиланган ҳолларда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа аъзоси ёки аъзоларини моддий таъ-минлаш учун мажбуран тўланадиган маб-лағ, нафақа. ..эри билан уришиб-жанжалла-шиб ажрашмагани учун.. алимент ҳам та-лаб қилмади. П. Қодиров. Уч илдиз.

**АЛИФ 1** [а. الف] Араб алифбосининг биринчи ҳарфи ва унинг номи.

**Алифни калтак (ёки таёқ) деёлмайди ёки ичини (ёки қорнини) ёрсанг, алиф чиқмай-ди** Бутунлай хат-саводи, маълумоти йўқ, ҳеч нарса билмайди. *Акам фақирнинг қорнини ёр-санг, алиф чиқмайди-ю, тагин фалону пис-мадон деганига куяйми!* П. Турсун, Ўқитув-чи. Йўғ-э, қанақа қилиб ўқирдим. Алифни кал-так деёлмайман-ку. Ойдин, Садағанг кетай командир. **Алиф қомат** Қадди-қомати келиш-ган, хушқомат, сарвқомат. [Ҳайитжон Тула-хонга:] *Кўзимиз билан кўрдик, худога шукур: қоши, кўзи қундуздек, бурунлари бодомдек, қизил юз, алиф қомат, суқсурдек йигит экан.* Ҳамза, Холисхон.

**АЛИФ II** [юн. aleipha — ёғ] Ўсимлик, асосан зигир ёғидан қиздириб тайёрланган ва бўёқчиликда ишлатиладиган мой.

**АЛИФБЕ 1 айн. алифбо.**

**2** Бошланғич савод чиқариш китоби. *Би-ринчи синф ўқувчилари учун алифбе.* ■ *Фа-қир халқнинг фарзандлари алифбега зор.* Ой-бек, Нур қидириб.

**3** *Кўчма* Бирор маслақ, таълимот, илм ва ш.к. нинг бошланғич асослари, энг оддий қоидалари. *Муҳаммад Жамол алифбесидан бош-лаб, дўстининг онгидан хурофотлар булутини тарқатишга тиришди.* Ойбек, Нур қидириб.

**АЛИФБО** [Араб алифбоси бошидаги 1-ва 2-ҳарф (алиф ва бо) номидан] Бирор тил ёзув шакллариининг (ҳарф ва белгилари-нинг) маълум тартибда жойлашган мажмуи. *Ўзбек алифбоси.*

**АЛИФЛАМОҚ** Алиф бермоқ, алиф сурт-моқ.

**АЛИФМОЙ** қ. алиф II.

**АЛИШ** шв. 1 Сувайирғич, икки ёки бир неча дарёни бир-биридан ажратиб турувчи баландлиқ.

2 айн. **тўғон 1, 2.** Низом полвон сой ва дарёга сепоялар тикиб, алишлар кўтаргани учун. уни мироббоши деб аташган. Й. Шамшаров. Тошқин. ..икки улкан қувурни бир-бирига қўшган алиш устига чиқди. Ж. Абдуллахонов, Тўғон.

3 айн. адаш II.

**АЛИШИНМОҚ** 1 Алишмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

2 кам қўл. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтмоқ, айланмоқ. *Отабекдаги бояги тушунмаслик бир шубҳага алишинди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**АЛИШМОҚ** Айирбош қилмоқ, айирбошламоқ. *Кел, соатимизни алишамиз. Қаламни ручкага алишмоқ. Бу китобни бошқа ўнта китобга ҳам алишмайдман.*

**АЛКАЛОИД** қ. алкалоидлар.

**АЛКАЛОИДЛАР** [а. القلو/القلى — ишқор + юн. eidos — ўхшаш, қўриниш] ким. Асосан ўсимликларда бўладиган азотли органик моддалар (уларнинг баъзилари, мас. атропин, морфин, хинин, кодеин кабилар дори сифатида қўлланади).

**АЛКАШ** [р. “алкоголик” сўзидан] с.т. Ичкиликка берилган, ружу қилган. -Э, ҳозир ичмайман, — деди Неъмат, — нима бир ўзим ичиб.. Алкашманми. “Ёшлик”. Улар учун академик ҳам бир, кўчада ётган алкаш ҳам бир. Т. Малик. Шайтанат.

**АЛКИМЁ** [а. الكيمياء — кимё, химия] 1 Кимё фанининг арабча номи.

2 Ҳозирги кимёнинг ибтидоси бўлиб, ўрта асрларда унинг асосий мақсади оддий металларни олтин ва қумушга айлантириш бўлган.

**АЛКОГОЛИЗМ** тиб. Ашаддий ичкиликбозлик, саломатликка ва меҳнат қобилиятига зарар етказадиган даражада, мунтазам равишда меъеридан ортиқ спиртли ичимликлар ичиш, алкогольга берилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик.

**АЛКОГОЛИК** Алкоголизмга мубтало бўлган шахс; арақхўр, пиёниста, ичкиликбоз.

**АЛКОГОЛЬ** [а. الكحول — майин кукун, الكحول — спирт] 1 ким. Молекулалари тар-

кибида кислород ва водород атомлари гуруҳи бўладиган бирикмалар; спиртлар.

2 Арақ, вино спирти ва умуман спиртли ичимликлар.

**АЛЛА I 1** Гўдакни ухлатишда яккахон усулида айтиладиган кўшиқ. *Алла айтмоқ.*

■ *Кўнглимга битмас фароғат берди онам алласи, Бўронли йиллар жасорат берди онам алласи. Ё. Мирзо. Кейин [Тўхтаҳон] бирдан алла айта бошлади: -Бўйларингга буй тумор бўлай, болам, алла, Кўзларингга кўз тумор бўлай, болам, алла. С. Зуннунова, Гулхан.*

2 Бешиқ тўйида бешиқ олиб келган аёллар томонидан айтиладиган кўшиқ.

**АЛЛА II: алла бўлмоқ** с. т. Чархпалак бўлмоқ, чирпирак бўлиб, умбалоқ ошиб йиқилмоқ, қуламоқ. *Қоқилиб кетиб, алла бўлди.*

**Алла қилмоқ** 1) чархпалак қилмоқ, даст кўтариб йиқитмоқ, кўтариб урмоқ. У [Элмурод] кийимларини қоқар экан, йигитлар атрофини ўрашиб, шовқин, кулги билан ҳазил қилишиди: -Бай-бай, зўр экансиз-а! Полвонни алла қилиб қўйдингиз-а! П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма бошлаб алдамоқ, фириб бермоқ. -Ўзимизам алла қилиб қўлга туширувдик, — деди Соли совуқ. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 3) ухлатмоқ.

**АЛЛАВАҚТ** Анча кеч пайт, ярим кеча. *Аллавақтгача уйқум келмади. Уйга аллавақтда келди.*

**АЛЛАКИМ** гум. о.м. Қандайдир номаълум шахс, кимдир. *Мишмишларни унга ҳамма вақт аллаким айтган бўлади. Ким айтганини сира эслай олмайдди.* А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи.

**АЛЛАЛАМОҚ** 1 Алла айтиб ухлатмоқ. *Насиба боласини беланчакка солиб аллаламоқда.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

2 кўчма Ардоқламоқ, паҳпаҳламоқ. [Жамила Ғофурга:] *Кетамиз! Мағорада яшасак ҳам, ишқимни куйлаб, сизни аллалай.* Ҳамза. Бой ила хизматчи.

**АЛЛАМАҲАЛ** айн. аллавақт. *Болалар ухлаб қолди-ю, катталар алламаҳалгача ухлашмади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Алламаҳалда Давлатёр Элмуродни хужрасида узатиб қўяр, улар йўл-йўлакай ҳар тўғрида бир талай гаплашардилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЛЛАНАРСА** айн. алланима.

**АЛЛАНЕЧА** гум. о.м. Қанчалиги номаълум, аллақанча, бир неча. *Алланеча киши.* ■ *Йигитлар, қизлардан алланечаси ўйинга тушмоқда, сузилмоқда май.* С. Назар.

**АЛЛАНЕЧУК** Қандайдир ноаниқ бир тарздаги, алақандай. *Унинг кўнглини алланечук шубҳалар қоплаб олди.* ■ *Ўқтам алланечук ўнгайсизланиб, қизариб, Жўрага қаради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Нури юрак сирини яширишига қанча уринмасин, она нимадир пайқаб, тинчсизланди: -Нега бундай алланечуксан? — шивирлаб сўради у.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛЛАНИМА** гум. оlm. Ноаниқ, номаълум бир нарса; нимадир. *Девор остига алланималар уйиб қўйилган.* ■ [Самандаров] *Қўлидаги қоғозни Болтабойга бериб, унга алланимани тушунтира кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**АЛЛА-ПАЛЛА** Анча кеч вақт, алавақт; ярим кеча. *Келди-кетди кечаси алла-паллагача давом этди.* ■ *Навоий фикрларнинг базмига, қаламнинг оҳангига берилиб, вақтнинг алла-палла бўлганини сезмай қолди.* Ойбек, Навоий.

**АЛЛАҚАЙСИ** гум. оlm. Қайсилуги аниқланмаган, номаълум ёки ёддан кўтарилган. *Аллақайси кунни мен уни кўрган эдим.* ■ *Эшелон Оренбургдан ўтди, аллақайси станцияда бир неча соат тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**АЛЛАҚАНДАЙ** гум. оlm. 1 Қандайдир ноаниқ, номаълум, нотаниш. *Отаси бечора.. эл-халқдан номус қилганидан аллақандай шаҳарларга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Холисахон.

2 айн. **алланечук.** *Элмурод собиқ хўжайин билан кўчада дуч келиб қолса, дастлабки кезларда аллақандай бўлиб кетар, ношложе бош ирғаб саломлашарди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЛЛАҚАНЧА** гум. оlm. Қанчалиги номаълум, бир қанча, бир талай, кўпгина. *Аллақанча одам. Аллақанча вақт. Аллақанча пул.* ■ *Йигитнинг наслини айбситаиб бўлмайди, тўғрисига кўчганда, бу йигит наслан биздан аллақанча юқорида туради!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЛЛАҚАЧОН** рвш Анча вақт олдин, анча илгари, анча бурун. *Аллақачондан бери.* ■ *Отабек онасининг аразига аллақачон тушунган.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тонг аллақачон ёришган. Осмон, ҳар вақтдагибек, булутлардан холи, беғубор, тиниқ, кўм-кўк.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**АЛЛЕГОРИК** Аллегорияга оид, аллегориядан, мажоздан иборат бўлган; мажозий.

**АЛЛЕГОРИЯ** [юн. allegoria — ўзгача ифодалаш] Мавҳум тушунча ёки гоёларни аниқ бир образ воситаси билан ифодалаш; мажоз. Масалан, *бўри сўзининг ёмонлик (ёвузлик), тулки сўзининг айёрлик ифодаси* учун қўлланиши.

**АЛЛЕРГЕН** [аллергия + юн. genos — тугилиш, пайдо бўлиш] Аллергияни юзага келтирувчи модда. *Кимёвий аллергенлар.*

**АЛЛЕРГИК** Аллергияга оид, аллергия туфайли юзага келган. *Аллергик касалликлар.*

**АЛЛЕРГИЯ** [юн. allos — бошқа + ergon — таъсир] Организмнинг атроф муҳитда учрайдиган, аллергенлар деб аталувчи баъзи омиллар (кимёвий моддалар, микроблар ва уларнинг ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган маҳсулотлар, озиқ-овқатлар) таъсирига нисбатан ўта сезгир бўлиши.

**АЛЛЕРГОЛОГИК** Аллергологияга оид. *Хасталикни келтириб чиқарган “сабабчи аллерген”ни махсус аллергологик текшириш услуби билан аниқлаб оламиз.* Газетадан.

**АЛЛЕРГОЛОГИЯ** [аллергия + юн. logos — таълимот] Тиббиётнинг аллергик касалликларнинг юзага келиш сабаблари, ривожланиш механизми ва уларни даволаш усуллари билан шуғулланувчи бўлими.

**АЛЛИГАТОР** [исп. el lagarto — калтакесак] Тимсоҳлар туркумига кирувчи судралиб юрувчилар оиласи.

**АЛЛИТЕРАЦИЯ** [лот. ad — олд, -га, -да + litera — ҳарф] Мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг қатор қўлланиши, сажъ. *Қаро қошинг, қийиқ қошинг, қуюқ қайрилма қошинг қиз.* Э. Воҳидов.

**АЛЛО** [ингл. hallo] унд. с. Телефон орқали сўзлашганда, “эшитаяпман” ёки “эшитаяпсизми” деган маъноларда қўлланади. *Алло, ким гапиряпти?*

**АЛЛОМА** [а. علاّمه — энг билимдон, зўр олим] кт. Илм-фаннинг бир ёки бир неча соҳасини мукамал эгаллаган шахс; комуший олим. *Ҳаҳон илми хазинасига буюк ҳисса қўшган алломаларимизнинг таваллуд саналари.. кенг нишонланаётганлиги.. мустақиллигимиз самарасидир.* Газетадан.

**АЛЛОФ** [а. علاّف — хашак, пичан сотувчи] эск. Ун, буғдой савдоси билан шуғулланувчи савдогар. *Ун ялаган аллоф, қон ялаган қассоб.* ■ *Баҳори арпаннинг уруғини мен бир аллофдан олган эдим.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**АЛЛОХ** [a. الله — илоҳий куч, худо] Исом динида бутун мавжудотни яратган олий илоҳий куч; худонинг номи (Кейинги йилларда, маҳаллий талаффузга мос ҳолда “оллоҳ” тарзида ҳам қўллана бошлаган ва қўлланыпти).

**АЛМАНАХ** [лот. almanachus < a. المنع — совға; инъом, мукофот; вақт, календарь] Турли муаллифларнинг жанр, мавзу ва бошқа белгилар асосида бирлаштирилган бадиий асарлари тўплами. *Ёш таламтларнинг асарлари ҳозирча алманах ҳолида чиқарилади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**АЛМАШИНМОҚ** Алмашмоқ фл. ўзл.н.

**АЛМАШИНУВ** Алмашинмоқ фл. ҳар.н.

**Модда алмашинуви** қ. модда. *Организмда бирон хил витаминнинг етишмаслиги модда алмашинувини жиддий издан чиқаради.* “Саодат”.

**АЛМАШЛАМОҚ** Айирбошламоқ, алиш-тирмоқ; янгиланоқ.

**Алмашлаб экиш** Қишлоқ хўжалик экинларини далалар ва йиллар бўйича илмий асослаган ҳолда навбатлаб экиш.

**АЛМАШМОҚ 1** айн. алишмоқ. *Кел, омизмизи алмашамиз.*

**2** Бир-бирининг ўрнини олмоқ, эгалламоқ; алмашинмоқ, янгиланмоқ. *Катта станцияларда паровоз алмашади.* ■ *Жабборнинг кўзларидаги табассум яна таажжуб билан алмашди.* О. Ёқубов, Учрашув. *Германияда канислер алмашди.* Газетадан.

**3** Адаш бўлиб қолмоқ. *Шляпам алмашиб қолибди.*

**Фикр алмашмоқ** Бир-бирининг фикри билан ўртоқлашмоқ.

**АЛМАШТИРМОҚ 1** Алмашмоқ фл. орт. н. *Смена алмаштирмоқ. Кийимни алмаштирмоқ. Калишимни кимдир алмаштириб кетибди.* ■ [Моҳира ойим] *Олдирган кийимлик Хушрўйга ёқмас, дарров ярамаганини айтиб, алмаштириб беришга дадасини мажбур этар ва кўнглидагини ҳосил қилиб тинчир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Айирбош қилмоқ, алишмоқ.

**АЛМИСОҚ** [a. الميثاق — аҳд; қасам; шартнома, битим]: **алмисоқдан бери** (ёки **буён**) Жуда қадим замонлардан бери. *Алмисоқдан бери ерда, захда ўтириб, қоронги хонада ўқиб келган авлод бирданига оппоқ, ёруғ, тоза хонада, ўриндиқларда ўтириб ўқишса-я, бу ҳурматни ким кўрган, ким*

*эшитган?* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Алмисоқдан қолган** Қадимги замондан, лақёнусдан қолган, жуда эски. *Арава бўлса алмисоқдан қолган, яна синибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛМИСОҚИ 1** Қадимги, бурунги, жуда эски. *Алмисоқи лип-лип чироқ. Алмисоқи омонбўйинтуруқ.*

**2** кўчма Сийқаси чиққан, чайналган, кўнгилга урган (гап, сўз ҳақида).

**АЛМОЙИ-АЛЖОЙИ** с. т. Бўлар-бўлмас, келишмаган, қовушмаган. *Алмоийи-алжойи хат.* ■ *Анвар бу йигитчанинг тўй-маъракаларда бир-икки алмоийи-алжойи гапларини эшитиб, эңсаси қотгани учун унга рўйхуш бермас эди.* Т. Малик, Шайтанат.

**АЛО** [a. على — устига]: **нур(ан) ало нур** (л. м. нур устига нур) қ. **нур.** *Ихтиёр ўзингизда, кутмайман десангиз, айтиб кўринг, хўп деса, нур ало нур.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АЛОЙ** айн. **алоэ.** *Алойдан.. уй табобатида жуда қадимдан фойдаланиб келишган.* “Саодат”.

**АЛОМАТ** [a. علامت — белги] **1** от Шартли равишда қабул қилинган ёки қўйилган белги, ишора. *Савол аломати. Тенглик аломати.* ■ *Чайко ўз сумкасидан харитани олиб, топографик аломатлар билан белгилаб қўйилган дарё қирғоғидаги уйни кўрсатди.* Н. Сафаров, Сўнгги нафасгача.

**2** от Бирор воқеа, ҳодиса, вазият, ҳолат ва ш.к. дан дарак берувчи белги, нишона. *Шодлик аломати. Қўрқув аломати. Сукут — аломати ризо.* Мақол. ■ *Соқолининг оқлигига қарамасдан, унинг қаддида кексалик аломатлари сезилмас ва тусида ҳам унча ўзгариш йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Касалликнинг бу аломатларидан ташқари, беморнинг боши оғрийди, тинқаси қурийди, ланж бўлади..* Газетадан. *Аваз, “бу қандай аломат бўлди?” деб, ҳар тарафга қаради.* “Маликаи айёр”.

**3** от Рамз, символ, нишон, эмблема. *Унинг [жувоннинг] эғнида темир йўл ишчиларининг формасида тикилган костюм, ёқасида қизил юлдуз аломати ҳам бор.* Ойдин, Эр юрак.

**4** сфт. Ижобий хислатларга эга бўлган, жуда ажойиб, олижаноб. *Тавба, [Матқовул] аломат одам-да. Бу дунёда шунақа одамхунлар.. бор экан-да!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳозиргина “бунинг тағига етсак, аломат*

иш бўлар эди” демадингизми? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 сфт. Кишини ҳайратда қолдирадиган, ажаблантирадиган; ажиб. *Не аломат савдолар.*

**АЛОЭ** [юн. aloē] 1 Пиёздошлар ёки лоладошлар оиласига мансуб, серсув ва этдор баргли тропик ва субтропик ўсимлик; сабур.

2 Шу ўсимлик баргининг ширасидан тайёрланган дори.

**АЛОҚА** [а. علاقه — боғланиш, муносабат] 1 Турли воситалар ёрдамида ахборотларни узатиш ва қабул қилиш; халқ ўжалигининг почта, телефон, телеграф, радио, телевидение ва б. орқали ахборотларни узатиш ва қабул қилишни, почта орқали буюмлар юборишни таъминлайдиган тармоғи. *Почта алоқаси. Телефон алоқаси.*

2 Кишилар ёки нарсалар, воқеалар, ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабат, ички боғланиш. *Саноатнинг деҳқончилик билан алоқаси. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси. Ҳокимиятнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқаси.*

3 Кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги муомала, муносабат, боғланиш; борди-келди. *Қардошлик алоқаси. Дўстлик алоқаси. Савдо алоқалари. Алоқамиз яхши. Алоқалари ёмон. Алоқа боғламоқ. Алоқада бўлмоқ. Алоқа қилмоқ. ■ Хуллас, алоқамиз бузилиб қолди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. [Анвар] Яхши оиллага кўёв бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа боғлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Ҳакимбойвачча] Абдишукур билан яхши алоқада бўлишга тиришар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Дахлдорлик, тегишлилик, дахл. *Очил “бу гапларнинг менга алоқаси йўқ” дегандай қилиб, қадамини тезлаштирди ва коридор тўла студентларга аралашиб, кўринмай кетди. П. Қодиров, Уч илди. Уларни, биринчи навбатда, жиноятга алоқаси бор, шубҳали ҳаёт кечирувчилар ёқтирмайди. Газетадан.*

5 Севги муносабатлари. *Анвар хусусий ҳаёти, айниқса, Раънога алоқасидан ҳеч кимга оғиз очмас эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**АЛОҚАДОР** Муносабати, алоқаси бўлган; дахлдор. *Мавзуга алоқадор китоб ва қўшимча материаллар. ■ Кундалик дафтарда бу сафаримга алоқадор ва алоқасиз кўп нарсалар ёзилган. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**АЛОҚАДРИҲОЛ** [а. على قدر حال — ҳолига қараб] эск. рвш. Кучи, қурби етганича, кўлдан келганча, ҳолига яраша. *..деҳқонлардан баъзилари алоқадриҳол бир лаганда анжир, тўртта қатлама.. кўтариб кириб кела бердилар. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

**АЛОҚАЛИ** айн. алоқадор.

**АЛОҚАЧИ** 1 Алоқа ходими, алоқа ишлари хизматчиси.

2 Ҳарб. Алоқа хизматининг аскарари, зобити. *Эмуроднинг ўйини кириб келган полк алоқачиси чалғитди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**АЛОҚ-ЧАЛОҚ:** алоқ-чалоқ туш Қовушмаган, боши-кеги йўқ, кўрқинчли туш. *Эъзозхон эрининг ўйлини тўсиб, қаттиқ туриб олди: ..Алоқ-чалоқ туш кўриб чиқдим. кўйинг, бормай кўя қолинг. Ҳ. Фулом, Машъал.*

**АЛОҲА(Л)** [а. على حال — ҳозир, шу дамда] рвш. кам қўлл. 1 Ахири, ниҳоят. *..сувсизликдан, мадорсизликдан ўлар ҳолатга келган карвон алоҳа ям-яшил дарахтзор, гўзал бир мавзеге келиб қўнди. С. Зуннунова, Олов.*

2 Зўрга, базўр, аранг. *Ундан алоҳал қутулдим..*

**АЛОҲИДА** [а. على حده — ажратилган, бўлак ҳолда] 1 Бошқалардан ҳоли, айрим. *Алоҳида хужра. Алоҳида уй. ■ Нури алоҳида хонада ўз ўртоқлари — обрўли оилаларнинг қизлари билан ўлтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Ўзига мустақил; бўлак. *Шу мақсадда унга [беморга] қайноқ сувда қайнатилган алоҳида идиш-товоқ, сочик, дастрўмолча берилади. Газетадан.*

3 Ўзига хос, бошқалардан фарқ қиладиган, ажралиб турадиган; бошқача. *Алоҳида парвариш. Алоҳида меҳрибонлик. Алоҳида эътибор. Алоҳида эътибор бермоқ. ■ Ўтмишдаги санъаткорлар ичида қизиқчилар алоҳида ўрин эгаллаб келганлар. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ, .. алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида. Газетадан. Катталар билан машгулот Элмуродга алоҳида завқ берар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**АЛОҲИДА-АЛОҲИДА** Ҳар бири ўзига холи, мустақил, бўлак-бўлак, айрим-айрим. *Алоҳида-алоҳида хона. Алоҳида-алоҳида кўздан кечирмоқ.*

**АЛОҲОЛ** қ. алоҳа (л). *Хотинлар чекка-чеккадан тобора қаттиқ ёпишишарди. Алоҳол Шакар минғиллаб тилга кирди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

**АЛП 1** Қадимги туркий халқларда икки қўшин ўртасидаги жанг бошланишидан олдин яккама-якка олишувда иштирок этувчи жангчи.

**2 фольк.** Ўзбек халқ дostonларида ғайритабиий куч-қуввати, мардлиги, жасорати ва ш.к. билан ажралиб турадиган қаҳрамон сифати. *Ўзи экан номи кетган паҳлавон, Алп Авазни кўрдингизми, онажон.* “Зулфизар билан Авазхон”.

**АЛПАНГ-ТАЛПАНГ** *рвш.* Лапанглаб, у ёқдан-бу ёққа чайқалиб, энтак-тентак. *Гўдак алпанг-талпанг юра бошлади.* ■ [Солиҳ махдум] *Алпанг-талпанг ичкарига кириб, ўқувчи қизлар ичидаги Нигор оймири ўз ёнига чақирди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**АЛПИ-САЛПИ** *айн. алпанг-талпанг.* [Гулнор] *Қўлларини алпи-салпи қимирлатиб, гўё онасини қучоқламақчи бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АЛПОЗДА** *с. т.* (маълум сўзлар билан) Аҳволда, тарзда. *Кеча кечқурун бинойидек юрган Муаззам опа, тун ярмидан оққанда, оёқлари зирқираб оғриб, уйғониб кетди.* *Шу алпозда анча-чаача ухломмай ётди.* Р. Файзий, Балли, она қизим. *Ҳоким халққа минг алпозда ўқириб, ҳаммани ҳақорат қилиб кетгандан кейингина у уйига қайтди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Бир алпозда** 1) бир тарзда. *Беишжон билан оқсоқол беўхшов бир алпозда қотиб қолишди.* “Ёшлик”; 2) ночор аҳволда. *Бир алпозда кийинган йигитни кўриб, саломига зўрға алик олипти.* “Олтин бешик”.

**АЛПОН-ТАЛПОН** *айн. алпанг-талпанг.* [Холжон хола] *Алпон-талпон қадам қўйиб чиқар экан.. оёғи тойиб, йиқилиб тушди.* Ғайратий, Довдираш.

**АЛФАВИТ** [юн. alfabetos — юнон алифбосининг дастлабки икки ҳарфи (алфа + бета) номидан] қ. алифбо.

**АЛФОЗ** [а. الفاذ — сўзлар] *эск. кт.* Сўз, сўзлар, иборалар. *У менга яқин келгач, уни оғзимга келган алфоз билан сўка бошладим.* С. Айний, Жаллодлар.

**АЛФОЗДА** қ. алпозда. *Муфтий эса шу алфозда токи пешингача Қуръон оятларидан тиловат қилишда давом этди.* Газетадан.

**АЛЬАМОН** [а. الامان — раҳм-шафқат, ёрдам] *унд. с. эск.* Жангда таслим бўлган томоннинг омонлик сўраб қиладиган хитоби, мурожаати. *Девлар дейди: альамон, Одамхўрку бу Замон.* “Нигор ва Замон”.

**АЛЬБАТРОС** [фр. albatros] Найбурунли қушлардан бири, тумшуги узун, қанотлари ингичка ва кенг, учқур йирик денгиз қуши.

**АЛЬБОМ** [фр. album < лот. albus — оқ, ёрқин] Расм чизиладиган, шеър, қўшиқ, хотира ва ш.к. ёзиладиган, дафтар ҳолида муқоваланган қалин варақлар мажмуи; фотосуратлар сақланадиган ёки турли-туман марка ва ш.к. ёпиштириладиган қалин муқовали дафтар; бирор мавзуга доир расмлар, суратлар, чизмалар ва ш.к. нинг изоҳлар билан таъминланган босма тўплами. *Суратлар альбоми.* *Чизмалар альбоми.* ■ ..альбом кўриб ўтирар экан, суҳбатни қандай бошлаш ҳақида ўйлар эди. С. Зуннунова, Янги директор.

**АЛЬПИНИЗМ** [Альп тоғлари номидан] Спортнинг тоғ чўққиларига, тик қояларга, муз тоғларига чиқиш билан боғлиқ тури.

**АЛЬПИНИСТ** Альпинизм билан шуғулланувчи киши. *Альпинист деганча бор экан.* *Юришнинг кўп ҳаддини олган экан.* М. Мансуров, Ёмби.

**АЛЬТ** [итал. alto < лот. altus — юқори, баланд] *мус. 1* Умумий хорда — хонанда хотин-қизлар ёки болаларнинг ингичка овози (тенордан баландроқ эшитилади).

**2** Шу овоз билан ашула айтувчи хонанда.

**3** Паст регистрда камонча билан чалинадиган, скрипкадан каттароқ, торли мусиқий асбоб.

**АЛЬТЕРНАТИВ** Мумкин бўлган икки ёки бир неча имкониятдан бирини танлашга асосланган; муқобил. *Альтернатив хизмат.*

**АЛЬТЕРНАТИВА** [фр. alternative < лот. alter — иккитадан биттаси] **1** Бир-бирини инкор этувчи имкониятлардан бирини танлаш; муқобиллик.

**2** Шу имкониятлардан ҳар бири.

**АЛЬТИМЕТР** [лот. altum — баландлик + юн. metron — ўлчам, ўлчов] Учиш аппаратларининг ердан баландлигини ўлчовчи асбоб; баландлик ўлчагич.

**АЛЬТЧИ** Альт чалувчи созанда (қ. альт 3).

**АЛЬФА** [юн. alfa] Юнон алифбосининг биринчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

**АЛЬФА-ЗАРРАЛАР** Баъзи радиоактив модаларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган, мусбат зарядланган зарралар оқими.

**АЛЬФА-ТЕРАПИЯ** Альфа зарралар таъсирида даволаш; нур билан даволашнинг бир тури.

**АЛЪЯНС** [фр. alliance – бирлашма] Иттифоқ, бирлашма (одатда, давлатлар, ташкилотлар иттифоқи).

**АЛЮМИН** с.т. айн. алюминий.

**АЛЮМИНИЙ** [лот. alumen, aluminis – аччиқтош] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб, енгил, кумушранг-оқ кимёвий элемент.

**АЛҚАМОҚ** с.т. айн. олқамоқ. .. “тупроқ олсанг – олтин бўлсин, мартабали бўлинглар”, дея алқаганлари-алқаган. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**АЛҚАНДОЗ** с. т. Қийшанғи, серқилиқ одам; масхарабоз, майнабоз.

**АЛҚИССА** [а. القصة – тарих; ҳикоя] эск. кт. Шундай қилиб, хуллас калом; қисқаси, хуллас. Алқисса, тўй тўғрисида волида бирлан маслаҳатлашиб. А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавоий.

**АЛҚОР** қ. архар. Тогда асов алқоримдан, ҳар нима йўғу боримдан, қаторда юрган норимдан – барисидан жудо бўлдим. “Равшан”.

**АЛҒОВ** тар. Икки деҳқон ўртасидаги қўш ҳўкиз.

**Алғов қилиб ер ҳайдаш** Ўртадаги қўш ҳўкиз билан бир-бирининг ерини галма-галдан ҳайдаш.

**АЛҒОВ-ДАЛҒОВ** с. т. 1 Ағдар-тўнтар, ур-йиқит, тартибсизлик. Ҳозир ишбилармон одамлар озми! Лекин алғов-далғовдан фойдаланиб, раислик лавозимига яна Равшан полвон чиқиб олса-чи? О. Ёқубов, Ларза. Ҳамма ёқ алғов-далғов, машинанинг эҳтиёт қисмлари, автомагнитофон ва бошқа бир қанча қисмлари ўғирлаб кетилган эди. Газетадан.

**Алғов-далғов ишламоқ** Ўзаро ёрдамлашиб, ерларини ишламоқ. Улар ёз пайтларида, дала иши айна авжига чиққанда, бир-бирларининг ерида алғов-далғов ишлашиб, оғирларини енгил қилиб яшашар эди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Тинчсизлик, бесаранжомлик, гулгула, галаён, тўс-тўполон. Милтиқ товушлари билан бошланган алғов-далғовлардан юраги пўкиллаб қолган муллавачча яна бир тасодифдан қутулганига шукур қилиб, ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бу вақтда юрт алғов-далғов эди. Й. Шамшаров, Ғурумсойликлар.

**АЛҲАЗАР** [а. الحذر – ҳазар қил, эҳтиёт, ҳушёр бўл, сақлан] 1 дин. Худо сақласин. Алҳазар, ярамас кўздан алҳазар. Ғ. Фулом.

Парихон отин бир нималар деб, Баҳоуддин пиримни тилга олди-да, “ҳов ёмондин алҳазар..” деди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 унд. с. вэф. Тавба. [Ҳусайн:] Иблис, муттаҳам, нега айтмадинг? [Маждиддин:] Нимани, шоҳим? [Ҳусайн:] Алишер билан Гули ўртасидаги муҳаббатни, аблаҳ! [Маждиддин:] Ё алҳазар! Бу гапларни биринчи мартаба эшитиб турибман. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**АЛҲАМДУЛИЛЛО(Х)** [а. الحمد – худога шукур] Оллога шукур, худога шукур. [Ёрмат] Ҳалқумини бўғган йиғидан қийналиб базўр гапирди: -Алҳамдуллило, кўрдим, тиррик экансан, ноқобил болам. Ойбек, Танланган асарлар. Алҳамдуллилоҳ, 1993 йил ҳукуматимиз фармони билан ҳазрат Баҳоуддиннинг 675 йилликларини нишонлаган эдик. Газетадан.

**АЛҲОЛ** [а. الحال – ҳозир, шу пайтда] эск. кт. Ҳозирда, шу пайтда, айни вақтда. Алҳол сенга-да шу ҳукм жорий этилади. Т. Мурод, Отамдан қолган далалар.

**АЛҲОСИЛ** [а. الحاصل – қисқаси, алқисса] эск. кт. Хуллас калом, қисқаси.

**АМАКИ** [ф.<а. عم – амаки] 1 Отанинг акиси ёки укаси (жиянга нисбатан). Катта амаки. Кичик амаки. ■ [Абдишукур] Бир қанча вақт бекор юргач, “ишбилармон” амалисининг ёрдами билан, ниҳоят бир бойга мирза бўлди ва хизмат учун Тўқмоқ шахрига жўнади. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ўзидан катта эр кишига мурожаатда ёки ҳурмат юзасидан ишлатилади. [Мирзакарим қутидор:] Мени эслай оласизми, бек? – Отабек диққат ва эътибор билан қутидорни кузатиб, жавоб берди: -Йўқ, амаки! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳали куёв бўлиш вақтини аниқлай олмаган ва Хайичанинг розилигини ололмаган бўлсам ҳам, ёшлар мени “Нормурод ака” ёки “Нормурод амаки” демасдан, “Нормурод куёв” дея бошладилар. С. Айний, Қуллар.

3 Умуман эр киши (ўзидан кичикларга нисбатан). Зиё шоҳичи уларни Отабекка танитди: -Амакиларингизни сиз танимагандирсиз, албатта, – деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Бу иш (ёки нарса) амакингиз эмас** Бу иш (нарса) ҳазил эмас, бу иш (нарса) осон эмас; жиддий, қийин.

**АМАКИВАЧЧА** Ака-укаларнинг ўғил-қизлари (бир-бирларига нисбатан). -Асли-

да Фотима менга туғишган жигар, биз амалкиваччамиз, — дейди Зухраҳон. Н. Ёқубов, Бўсағада.

**АМАЛ** [а. عمل — иш, ҳаракат] **1** Илм, назария, фикр ва ш.к.нинг ҳаётий реаллашуви. *Илм амал билан шарофатлидир.* Ғ. Ғулом.

**Амалга ошироқ** Юзага чиқроқ, вужудга келроқ; барпо бўлроқ; бажарилроқ. *Орзулар амалга ошди. Режа амалга ошди.* ■ Бу ишга ҳам бирорта азамат бош кўшга, ажаб эмас, амалга ошса. Ойдин, Ҳазил эмиш. **Амалга ошироқ** Юзага чиқарроқ, вужудга келтироқ; бажарроқ; жорий қилроқ. *Мақсадни амалга ошироқ. Режани амалга ошироқ.* **Амал қилроқ** **1)** ҳисобга олиб иш тутроқ, риоя қилроқ. *Қонунга амал қилроқ. Илмига амал қилмаган мулладан устига хуржун ортилган эшак яхши.* Мақол; **2)** таъсир қилроқ (дори-дармон ҳақида). *Шифосиз касалга ҳар бир дори-дармон заҳардек амал қилар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Эътиқодга оид иш, ақида иши. *Зотан, инсон хотиржам яшамас экан, унинг кўнглига ибодат ҳам, хайру эҳсон ҳам, бошқа яхши амаллар ҳам сиғмайди.* Газетадан. *Ал-маъруф деганда.. бажарилиши лозим бўлган барча ислоний амалларни тушунамиз.* Газетадан.

**3** Умуман, бажарилиши лозим бўлган иш, амалий иш. *Вирусли гепатит касаллиги билан оғримаслик учун куйидаги амалларга риоя қилиш лозим.* Газетадан. *Биз ҳам ўз ҳаракатларимиз, амалимиз билан ёшлар орасига кўпроқ кириб боришимиз керак.* Газетадан.

**4** Масъул вазифа, мансаб. *Амалга мағрур бўлсанг — тўздирар.* Мақол. ■ *Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанга, халқига қилган хизмати билан ўлчанади.* Шўҳрат, Шинелли йиллар.

**Амал тегмоқ кест.** Катта иш, мансаб тегмоқ. *Бо-о худо! Амманга ҳам амал тешиб қолган. Кечаю кундуз чурвақалар билан ўралашгани-ўралашган.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза.

**5** Илож-имкон, чора. *Гарчи режа бузилди, лекин бир амалини қиламиз.* Ойбек, Танланган асарлар.

**6** Кўчма Уйғониш, ҳаёт бошланиши (ўсимлик, дарахт қабилар ҳақида). *Амал вақти етганда, ток, анор, анжир кўмилган жойида туриб ҳам кўкарaveraди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**Амал олмоқ** Кўкармоқ, тутмоқ. *Ниҳол жилдираб сув оқиб турган жўякка экилмаса, амал олмайди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**7 мат.** Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. *Тўрт амал. Арифметика амаллари.*

**8 этн.** Иситиш, совитиш, бировнинг ишини орқага кеткизиш, турган уйдан бездириш ва ш.к. мақсадларда дам солинган нарса; сеҳр-жоду. *Фолбин бир нимани енг учидан чиқариб берди. Бу “амал” эди. Бу кичкина тугунчак ичида мазор тупроғи, темиртак, тобутнинг чўпи, совун, ўлик тирноғи ва ҳоказолар бор эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг гапига кўра, шомонлар ўз амаллари билан турли бало-қазоларни даф этиб..* Газетадан.

**АМАЛДА 1** Амал с. ў.-п. к. Амалда бунга ўзи ҳам риоя қилмайди.

**2** Иш-амал билан. *Укатта танаффусда укасининг зўрлигини амалда кўрсатмоқчи бўлди.* Газетадан.

**3** Ҳақиқий ҳолда, факт сифатида; ҳақиқатда. *Амалда юбилей аллақачон мамлакат бўйлаб кенг нишонлана бошлади.* Газетадан.

**АМАЛДОР** [а.+ф. عملدار — амал эгаси] Мансаб-амал эгаси, лавозимли шахс. *—Аканг жуда тентак йигит, — деди ниҳоят пўнғирлаб бой, — ахир амалдорларимиз, ҳокимларимиз билан ҳазиллашиб бўладими?!* Ойбек, Танланган асарлар.

**АМАЛИЁТ** [а. عملیات — амалий масалалар] Амалий иш, амалий жараён, кундалик тажриба. *Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳам амалиётга киритилган.* Газетадан. *Амалиёт республикамиз маданий ҳаётида халқ чолғу оркестри ғоят зарур эканини кўрсатиб турибди.* Газетадан.

**АМАЛИЁТЧИ** Амалиёт билан шуғулланувчи. *Унда олимлар, суд-ҳуқуқ амалиётчилари иштирок этди.* Газетадан.

**АМАЛИЙ 1** Кишининг кундалик фаолиятига оид, кундалик иш, ҳаёт билан боғлиқ бўлган. *Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари вакиллари билан иборат икки мамлакат делегацияларининг амалий учрашувлари бўлиб ўтди.* Газетадан.

**2** Бевосита амалга ошириладиган, амалда кўриладиган, қилинадиган. *Амалий ёрдам. Амалий натижа. Амалий чора.* ■ *Бир неча кундан кейин.. колхозчиларнинг вакиллари кенгашиб, амалий тадбирлар белгилашди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари

**3** Амалда таътиқ этиладиган, тажрибада қўлланадиган, таътиқли. *Амалий фанлар. Амалий механика. Амалий санъат.*



**АМАЛИЯ** *эск. кт. айн. амалиёт. Назария-ни амалия билан боғлаш.*

**АМАЛЛАБ I** **Амалламоқ** фл. рвдш. *..мен амаллаб олдинроқ кираман-да, Рихсининг уйдаи-уйдамаслигини билиб чиқаман. С. Зунунова, Олов.*

**2** *рвш.* Қандай қилиб бўлмасин, бир илож қилиб, амал-тақал қилиб; эплаб-сеплаб. [Иброҳим ота:] *Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвонбойнинг бошини ҳам қўшиб қўярмиз. Ж. Шарипов, Хоразм. ..қайиқни бир амаллаб соҳилга тортиб чиқарди-да, қумлоққа ўзини ташлади. "Ёшлик".*

**АМАЛЛАМОҚ** Илож қилмоқ, иложини топмоқ. *Болам, ғана алмаштириш бўлса, Абдусаттор билан ўзим амалларман. Н. Сафаров, Олияхон Султонова. У ҳамон янги келган кишиларнинг тунда, очиқ ҳавода қолишидан қўрқар эди. «Кўз қўрқоқ — қўл ботир» деган кексалар, бир амаллармиз, — деди у, ўзига тасалли бериб. Ойдин, Мардлик — мангулик.*

**АМАЛПАРАСТ** [а. + ф. عملپرست — амални севувчи] Амални яхши кўрувчи, амалга интилувчи; мансабпараст.

**АМАЛПАРАСТЛИК I** Амалга берилиш.

**2** Амалпарастрларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Шерофининг баъзи ишлари амалпарастрлик доирасидан чиқиб кетади. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**АМАЛ-ТАҚАЛ:** амал-тақал қилиб *с. т.* Бирор чора, илож топиб, бир амаллаб, эплаб-сеплаб. *Муваққат ҳукумат халққа нафи тегадиган иш қилмайди.. Меҳнаткаш омма аввалгидек бир амал-тақал қилиб кун кўради. Ю. Тошпўлатов, Бинокорлар.*

**АМАЛЬГАМА** [лот. amalgama < а. ملفحه — қотишма] Симобнинг бирор металл билан қотишмаси ёки металлларнинг симобдаги эритмаси.

**АМБРАЗУРА** [фр. embrasure — шинак] Турли мудофаа истехкомларида тўп, пулемёт ва ш.к. нинг оғзини чиқариб ўт очиш, ўқ отиш учун қўйилган туйнук, шинак. *Қудрат чуқурликка талпинаркан, икки кўзи ўт очиб турган амбразурада. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.*

**АМБУЛАТОРИЯ** [лот. ambulatorius — юриб бажариладиган; кўчма] Қатнаб даволанувчиларга ва уйда ётган беморларга тиббий ёрдам кўрсатадиган кичик даволаш-профилактика муассасаси.

**АМВОЛ** [а. اموال — моллар, ашёлар] *эск. кт.* Хусусий шахсга қарашли мол-мулк, мол-дунё, бойлик.

**АМЕТРОПИЯ** [юн. ametro — ўлчовсиз; номутаносиб + opsis — кўриш] Кўзнинг ёруғлик нурини нотўғри синдириши натижасида хиралашуви (Бунда кўз узоқдан ёки яқиндан яхши кўра олмайди).

**АМЁБАЛАР** [юн. amoibe — ўзгариш] Сохта оёқлилар синфига мансуб, барқарор тана шаклига эга бўлмаган бир ҳужайрали умуртқасиз ҳайвонлар туркуми.

**АМИН I** [а. امين — ҳалол, ишончли; вакил қилинган; назоратчи] *фақат кесим взф. I* Қатъий ишонган, астойдил инонган, имони комил. *Биз бу йил, шунча шодлик келтирган янги йилда, энг яхши орзуларимизнинг рўёбга чиқишига амин эдик! О. Ёқубов, Янги йил кечаси. У битта нарсага аминки, бутун трасса бўйлаб ўртага ташланган шиорда Учқўрғон участкаси тилга олинади. С. Аҳмад, Уфқ.*

**2** Ҳимоя қилинган, кафолатланган, сақланган. *Чегараларимиз ҳар қандай хавф-хатардан амин. Хушёр бўлсак, ватанимиз ҳар қандай тасодифлардан амин бўлади.*

**АМИН II** *тар. I* Ўрта Осиё хонликларида даҳа бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли. *—Аминларини маҳкам ушла, элликбошилар одамларга кўз-қулоқ бўлсин,— деди у [ҳоким]. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**2** Бозорларда солиқ ундирувчи амалдор; бозор оқсоқоли. *Пулнинг ҳам олти тангасини бозор аминлари олишди. «Гўрўглининг туғилиши».*

**3** Чоризм даврида: Фарғона водийсида сайлаб қўйиладиган қишлоқ оқсоқоли.

**4** Амин (эрқаclar исми).

**АМИНОНА** *тар.* Чоризм даврида: бир қатор вилоятларда бозорларда сотилган мол ва буюмлар учун аминлар томонидан олинган солиқ тури.

**АМИР** [а. امير — ҳоким, ҳукмдор; бошлиқ] **1** *тар.* Бухорода ва баъзи мусулмон мамлакатларида: хонлик, подшолик унвони ҳамда шу унвон эгаси. *Амирнинг ошидан фақирнинг мушти яхши. Мақол. ■ Зарбоф чоплар, зардўзи этикларни фақатгина амиру амирзодалар кийишган. «Фан ва турмуш».*

**Амири лашкар** Темурийлар даврида ва кейинчалик Туркистон хонликларида: энг юқори ҳарбий унвон; умуман: лашкарбоши, қўшин бошлиғи. *Унинг [Азизбекнинг]*

орқасидан кўзлари ичига ботикроқ бир киши келар эди. Бу киши Азизбекнинг амири лашкари.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2 Амир** (эркаклар исми).

**АМИРАЛМУМИНИН** [a. امير المؤمنين] — мўминлар ҳукмдори] Илк ислом давридаги халифаларнинг унвони; илк дафъа иккинчи халифа Умарга берилган, кейинги барча халифалар ҳам шу унвон билан аталган.

**АМИРЗОДА тар.** Амирнинг ўғил ва набиралари; амир авлоди.

**АМИРИ 1** Пўчоғи ва эти кўкиш, хипча, узунчоқ, эртапишар қовун нави. *Яна бир фикрга кўра, халқ Навоийнинг таъби нозиклигига ишора қилиб, пўсти юпқа қовунга «амири» деб ном берган.* «Фан ва турмуш».

**2** Узумнинг бир нави.

**АМИРКОН** [Америка қитъаси номидан] **1** Қора лок билан ишланган ялтироқ чарм. *Бир этиклик амиркон. Амиркон этик.* ■ *Сал ўтмай атлас кўйлак, амиркон шиппак билан чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**2** Пахтанинг бир вақтлар Америкадан келтирилган нави. *—Хоразм водийсига амиркон пахта экишни камини камтаринингиз жорий қилган, — деди Авазбой қози.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**АМИРЛИК тар. 1** Амир лавозими.

**2** Амир қўл остидаги мулк, мамлакат. *Бухоро амирлиги.*

**АМЛОК** [a. املاك — мулклар] **1** Катта ер-мулк, ер-сув, ҳовли-жой, боғ-роғ.

**2** Умуман мулк, мол-дунё.

**Амлок рўзгор** Рўзгор мулклари. *Шаҳарда бир неча кун қолишдан, қишлоқдаги «амлок рўзгор»ни эгасиз ташлашдан.. ташвишланмайди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**3 тар.** Бухоро хонлигида: ер-мулкдан ўлпон олиш учун ажратилган ҳар бир кичик маъмурий-ҳудудий бўлинма.

**АМЛОКДОР** [a. + ф. املاكدار — амлок эгаси] *тар. 1* Катта ер эгаси; заминдор, мулкдор. *..ўшал ер ислоҳот деб, амлокдорлардан базўр тасарруф қилинган заминларни..* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**2** Амлокни (қ. амлок **3**) бошқарувчи ва амлок аҳолисидан солиқ, ўлпон йиғувчи мансабдор. *Меҳмонхонанинг тўрида.. қози, амлокдор, раис ва миршаб, яъни туманнинг чорҳоқими ўтирар эдилар.* С. Айнӣ, Қуллар.

**АММА** [a. عتمة] Отанинг опаси ёки синглиси (жиянларга нисбатан). *Катта амма.*

*Кичик амма.* ■ *Фотима Элмуродга синфдош бир аёлниг жияни бўлиб, аммасининг олдига бот-бот келиб турарди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**АММАННИНГ БУЗОҒИ** Ҳеч бир ишни эплотмайдиған; лаванг, шудсиз. *Индамай кўя қолай дедим-у, Марзия олдига амманнинг бузоғи бўлиб ўтиргим келмади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Пешонам шўр бўлмай ўлсин, пешонам шўр бўлмаса, шу амманнинг бузоғига тегаманми? «Ёшлик».*

**АММАВАЧЧА** Отанинг опаси ёки синглисининг фарзандлари (ўғил-қизлари).

**АММИАК** [юн. ammoniakon — Ливия саҳросидаги қадимги Аммоний воҳасида олинадиған новшадил шундай аталган] Азотнинг водород билан ҳосил қилган энг оддий бирикмаси; ўткир ҳидли рангсиз заҳарли газ. *Суяқ аммиак. Аммиак заводи.*

**АММИАКЛИ** Таркибида аммиак бўлган. *Аммиакли бирикмалар. Аммиакли селитра.*

**АММО** [a. اتمو] **1** боғл. Қўшма гап қисмларини зидлаш муносабати билан боғлайди; лекин, бироқ. *Розиман, аммо ҳаммасига эмас. Бу жуда қийин иш, аммо бажарамиз.* ■ *Майли, сиз яширдингиз. Аммо ман яширмаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2 юкл.** Фикрга таъкид, кучайтириш маъносини беради; аммо-лекин. *Аммо роса вақтида келибмиз-да.*

**АММО-ЛЕКИН** юкл. Фикрни алоҳида таъкидлайди. *Аммо-лекин Эш қаттиқ ишлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**АММОНИЙ** [юн. ammoniakon] ким. Азот ва водороддан иборат атомлар гуруҳи (техника ва қишлоқ хўжалигида кенг ишлатиладиган бир қатор тузлар таркибига киради).

**АММОФОС** [амм(иак) + фос(фор)] Таркибида азот билан фосфор бўлган, концентранган қўшалок минерал ўғит.

**АМНИСТИЯ** [юн. amnestia — унутиш; кечиритиш] Олий ҳокимият қарори билан муайян тоифадаги судланган шахсларнинг жазосини юмшатиш ёки уларни жазодан озод этиш. *Саёқлиги, фирибгарлиги учун илгари ҳам жазоланган. Бироқ амнистияга илиниб, озод этилган.* Газетадан.

**АМНИЯТ** [a. امنيت — омонлик; кечирим] эск. кт. Хавф-хатардан омонлик; хавфсизлик, бежавотирлик. [Солиҳ маҳдум:] *Амниятингиз учун бу тадбирни кўп пухта идрок қилдим.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АМОМА** [a. عمامة — салла] эск. айн. салла **1**. Тасбеҳи рие бирла амомандин, аё шайх, Чин бодахўринг хум била паймонаси яши. Ҳамза.

**АМОРТИЗАТОР** [фр. amortir — кучсизлантириш, юмшатиш] Урилиш зарбини, силкинишни юмшатадиган, камайтирадиган асбоб, мослама (автомашина, самолёт, иншоот ва ш.к. да). *Пружинали амортизатор.*

**АМОРТИЗАЦИЯ** [лот. amortisatio — қоплаш] **1** *икт.* Меҳнат воситаларининг (машина, жиҳоз, бино ва ш.к.) эскиришига қараб, улар қийматини муайян давр мобайнида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот устига қўя бориш, шу йўл билан эскирган воситалар баҳосини қоплаш.

**2** *мл.* Алоҳида шахс ёки ташкилотнинг узоқ муддатли қарзни аста-секин (ҳиссаларга бўлиб тўлаб) ёки қарзни сотиб олиб узиши.

**3** Йўқотиш, ўғирлатиш ва ҳ.к. оқибатида қарз мажбуриятини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш.

**4** Автомашина, самолёт, иншоот ва ш.к.нинг урилиш зарбини, силкинишни камайтириш.

**АМОРФ** [юн. amorphos — шаклсиз] **1** Тузилиши кристалл шаклида бўлмаган, кристалланмаган. *Аморф моддалар. Аморф углерод.*

**2** *кт.* Шаклсиз, формасиз; уюшмаган. *Аморф ҳолат.*

**Аморф тиллар** Шакл (форма) ясовчи қўшимча (морфема)ларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида бўладиган тиллар.

**АМПЕР** [француз физик олими А. Ампер номидан] Электр токи кучининг ўлчов бирлиги.

**АМПЕРЛИ** Муайян ампер кучга эга бўлган. *Беш амперли сўтчик.*

**АМПЕРМЕТР** Электр токи кучини ўлчайдиган асбоб.

**АМПЕР-СОАТ** Электр миқдорининг ўлчов бирлиги.

**АМПЛИТУДА** [лот. amplitudo — катталиқ; катта ҳажм, ўлчам] *физ.* Тебранувчи жисмнинг тебраниш кенглиги, унинг мувозанат ҳолатидан энг узоқ ҳолатигача бўлган масофа. *Соат маятникнинг тебраниш амплитудаси.*

**АМПЛУА** [фр. emploi — фойдаланиш; лавозим] Актёр имкониятларига мос тушадиган роллар туркуми.

**АМПУЛА** [лот. ampulla — бўғзи тор, қорни катта, қўшқулоқли шиша ёки сопол идиш] Ичига дори солинган ва оғзи пайвандлаб бекитилган найчасимон шиша идиш. *Ампулани синдириб, шприцга сиворотка (зардоб) тўлдирди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АМПУТАЦИЯ** [лот. amputatio — кесиш, кесиб ташлаш] Қўл-оёқнинг носоғ қисмини жарроҳлик йўли билан кесиб ташлаш. *Лозим бўлган жарроҳлик амали қилинган.. қорасонга мойил бўлган оёқ-қўллар холи қилиниб (ампутация), ярадор денгизчиларнинг ҳаёти сақланган.* Газетадан.

**АМР I** [a. امر — буйруқ, йўл-йўриқ] **1** Буйруқ, фармойиш, фармон. *Бизлар мерган, хон амрини қиламиз.* «Маликаи айёр»

**Амр қилмоқ (ёки этмоқ).** Буйруқ бермоқ, буюрмоқ. *Жаноблари амр қилган эканлар, хизматлариға бош эғиб келдим.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Гўрўғли амр этди: бизлар келамиз.* «Маликаи айёр». **Амри маъруф қ. амримаъруф. Амри маҳол қ. амримаҳол.**

**2** Ихтиёр, изм. *Бунинг ҳам боиси эрмишким аждрат. Унинг амрида эрмиш салтанат, зар. Туйғун.*

**АМР II** [a. امر — иш, ҳолат] эск. *кт.* айн. **иш 1.** *Икки диллик, икки тиллик Мен эмасман сен айтган, Ҳақ амридан юз ўгириб, Азиз имонин сотган.* Ҳамза.

**АМРИМАЪРУФ** [a. امرمعروف — яхшиликка буюриш] **1** Савоб ишларга, бажарилиши лозим бўлган барча исломий амалларга даъват этиш.

**2** Шундай ишга бағишланган маросим, маърака.

**АМРИМАҲОЛ I** Бажарилиши жуда қийин иш. *Тарки одат — амримаҳол.*

**2** *асосан, кесим взф.* Қийин, мушкул. *..Ислот отага ўхшасанлардан ақалли беш сўм чиқиши ҳам амримаҳол.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Куюқ туман тушганидан ўн қадам наридаги нарсани кўриш амримаҳол.* «Ёшлик».

**«АМФИБИЯ»** [юн. amphibios — икки хил ҳаёт кечирувчи] **1** Сувда ва қуруқликда юра оладиган автомобиль.

**2** Ердан ва сувдан кўтарила оладиган ҳамда ерга ва сувга қўна оладиган самолёт.

**3** Қорда, сувда, музда ҳаракатлана оладиган аэроचना.

**4** Сувда ва қуруқликда ҳаракатланадиган жанговар машина (танк, бронетранспортёр ва б.).

**АМФИБИЯЛАР** [юн. amphibia — сувда ва қуруқда яшовчи] **1 зоол.** Умуртқалиларнинг бир синфи, сувда ва қуруқликда яшагга мосланган жониворлар. Бу заҳар балиқлар.. шунингдек, амфибияларга зиён етказмайди. «Фан ва турмуш».

**2 бот.** Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшай оладиган ўсимликлар.

**АМФИТЕАТР** [юн. amphitheatron — икки томонлама томоша] **1** Қадимги Юнон ва Римда оммавий томошалар, театр спектакллари кўрсатилган маҳобатли бино.

**2** Томоша зали (театр, цирк) даги ёки аудиториядаги ярим доира шаклида қия кўтарилиб борувчи ўриндиқлар.

**АМФОРА** [лот. amphora — қўшқулоқли катта идиш] Кўзасимон қўшқулоқли сопол идиш. Ҳатто қўшқулоқли амфорада юнон коньяклари ҳам бор эди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

**АНА 1** кўрс. олм. Кўз ўнгида турган, ўзидан нарироқда бўлган нарсани ёки юз бераётган воқеа-ҳодисани кўрсатишда ишлатилади. -Аҳмад қани? — Ана, келяпти.

**Ана у айн. анави.** Мен ана у сўқмоқдан юрсам ҳам бўлади. А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Ана шу 1)** шу, шунинг ўзи, худди шу. *Сизни сўраган ана шу киши эди; 2)* юқорида айтилган, зикр қилинган, мазкур. *Домла бу гапни менга айтганида, дарров унинг ёқасидан ушлагундай бўлибман. Ана шу чакки бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**2 юкл.** Кўрсатиш, таъкид маъноларини ифодалайди. *Ана кўрдингми, нима бўлди? Ана бўлмаса, мен кетдим! Ана энди, сендан келади-ган иш шу-да. Ана тантана-ю, мана тантана!* ■ **Ана, энди борсанг бўлади.** С. Аҳмад, Уфқ.

**Ана холос!** Таажжуб, ҳайратланишни билдиради. *Ана холос, қози поччанг юртга ош бераётган бўлсалар, тўянинг думи ерга тегибди-да!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**АНАБИОЗ** [юн. anabiosis — жонланиш, тирилиш] **биол.** Баъзи бир тирик организмларда ҳаётий жараёнларнинг ноқулай шароитларда секинлашув ёки тўхтаб қолиш ҳолати (мас., баъзи ҳашарот ва жониворларнинг қишда ухлаши).

**АНАВИ 1** кўрс. олм. Ўзидан наридаги, тилга олиб ўтилган, ўтган нарса, ҳодисаларни кўрсатади, унга ишора қилади. [Давлатёр] *Элмуродни туртиб: -Мен сизга айтган қизни кўрсатайми? Хў, анави, ўртадаги.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек.. гарансиган*

*қиёфада. Анавилар [Зиё шоҳичи ва унинг ўғли Раҳмат] ўзларини бирмунча тетик тутмоқда эдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2** Гапираётган вақтда кўз олдида йўқ, назарда тутилаётган шахс, нарса ва ш.к.га ишора қилади. *Буни Отабек пайқамаган бўлса ҳам.. анави гапнинг аниқ шу мажлисда очилишига кўзи етиб, чиқиб кетишнинг иложини қилолмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Анави куни мenden хафа бўлдингиз-а.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**АНАКОНДАЛАР** [исп. anaconda] Бўғма илонлар оиласига мансуб энг йирик илонлар тури.

**АНАЛИЗ** [юн. analysis — ажратиш, ажралиш] **1** Текшириш объектини фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилиш усули. **зид. синтез.** *Анализ шундай бир мантиқий усулдирки, унинг ёрдами билан биз буюмларни, ҳодисаларни фикран қисмларга бўлиб, уларнинг айрим қисмларини, белгиларини, хусусиятларини ажратамиз.* «Логика».

**2 айн. таҳлил.**

**3** Модданинг таркибини аниқлаш. *Кимёвий анализ. Қон анализи. Сифат анализи.*

**Математик анализ** Олий математиканинг бир бўлими.

**АНАЛИЗАТОР** **опт.** Ёруғликнинг қутбланиш хусусиятини аниқловчи асбоб.

**АНАЛИЗАТОРЛАР** **физиол.** Юксак даражадаги ҳайвонлар ва одам нерв тузилмаларининг мураккаб тизими (ташқи муҳит ва организмдаги таъсиротларни идрок этиб, анализ қилади).

**АНАЛИТИК** Анализ, таҳлил усулига асосланган; таҳлилий. *Аналитик метод.*

**Аналитик геометрия** Математиканинг алгебра ва анализ ёрдамида геометрик шаклларни текшириш билан шуғулланадиган бўлими. **Аналитик кимё** Кимё фанининг моддалар кимёвий таркибини аниқлаш билан шуғулланадиган бўлими. **Аналитик тиллар** Гапда сўзлар махсус шакллар ёрдамида эмас, балки тартиб (сўз тартиби), ёрдамчи сўзлар, интонация ва ш.к. орқали боғланадиган тиллар.

**АНАЛОГИК** Бир-бирига ёки бошқасига ўхшаш, ўхшаган.

**АНАЛОГИЯ** [юн. analogia — мувофиқлик, айнанлик, ўхшашлик] **1 флс.** Нарса ва ҳодисаларда бирор хусусиятнинг ўхшашлиги.

**2 мнт.** Хулоса чиқариш шакли бўлиб, бунда икки нарса, ҳодиса ўртасидаги бирор

жиҳатдан ўхшашлик асосида уларнинг ўхшашлиги ва бошқа жиҳатлари ҳақида хулоса чиқарилади.

**3 ҳуқ.** Бирор аниқ ҳаракат қонунда ўз аксини топмаган ҳолда шунга ўхшаш ҳаракат (ҳодиса)ни кўзда тутадиган ҳуқуқий меъёрни мазкур ҳаракатга татбиқ этиш.

**4 тлш.** Тил бирликларининг ўзаро қандайдир муносабат таъсирида вазифа ёки бошқа жиҳатдан ўхшашлик, бир хиллик касб этиши. Мас., *боқ, қара* объектсиз феълларининг мустақил ва кўмакчи феъл ҳолида кўр объектли феълга вазифалош, маънодош бўлиши: *ўқиб кўр — ўқиб қара — ўқиб боқ.*

**АНА-МАНА** Ҳар хил важ-баҳона, вада, гап. *Ана-мана билан бу ой ҳам тамоm бўлди.*

**Ана-мана деб юрмоқ** Ҳар хил важ-баҳоналар кўрсатмоқ, важ-баҳона йўлини тутмоқ. *Сўрасам, ана-мана деб бермади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АНАНАС I** [*исп.* ananas] **1** Ананасдошлар оиласига мансуб ўтлар туркуми.

**2** Шу ўсимликлардан баъзисининг йирик, чўзинчоқ, хушбўй ва ширала меваси.

**АНАНАС II** Эртапишар, тўрлама, эти ва уруғи қизғиш куврак ва хушбўй қовун нави.

**АНАРХИЗМ** [*юн.* anarchia — ҳокимиятсизлик, бебошлик] Раҳбар сифатида фақат алоҳида шахснинг хоҳиш-иродасинигина тан олиб, ҳар қандай ҳокимият ва давлат тузумини рад этувчи ижтимоий-сиёсий оқим.

**АНАРХИСТ** Анархизм тарафдори.

**АНАРХИСТИК** Анархистга ва анархизмга оид. *Анархистик қарашлар.*

**АНАРХИСТЛИК** Анархистларга хос хатти-ҳаракат, ўзбошимчалик, бошбошдоқлик.

**АНАРХИЯ** [*юн.* anarchia — ҳокимиятсизлик] **1** *сиёс.* Жамиятнинг ташкилотчи ҳокимиятнинг, ҳамма учун мажбурий қонун-қоидаларнинг, одоб-ахлоқ меъёрларининг йўқлиги билан характерланувчи ҳолати; ҳокимиятсизлик.

**2** *кўчма* Раҳбарсизлик, бошбошдоқлик, бебошлик. *Сиз айтгандай қилинса, бебошликка катта йўл очилади, ҳамма ёқ анархия бўлиб кетади.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**АНАРХИЯЧИ** *айн.* анархист.

**АНАТОМ** Анатомия олими, мутахассиси. *Анатом жасад тўқималарига ўзи кашф этган суяқ пластмассани шимдиради.* Газетадан.

**АНАТОМИК** Анатомияга оид. *Анатомик текширишлар. Анатомик атлас.*

**АНАТОМИЯ** [*юн.* anato-me — кесаман, ёраман] Тирик организмнинг шакли ва тузилиши ҳақидаги фан.

**Одам анатомияси** Одам организмдаги айрим аъзо ва системалар шакли, тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги фан — назарий ва амалий тиббиётнинг асосий фанларидан бири.

**АНАФОРА** [*юн.* anaphora — юқорига чикариш] Параллел тузилган нутқ парчалари (мас., мисралар) бошида айнан бир унсур (элемент)нинг такрорланишидан иборат услубий фигура. Мас., *Бутун қарашларни, барча сезгини, Бутун ифодани, бутун севгини..* Ҳ. Олимжон.

**АНБАР I** [*а.* عنبر — хушбўй модда] **1** Кашалотлар танасидан — ошқозон ёки ичакларидан чиқадиган мумсимон хушбўй модда (парфюмерияда атир ҳилига турғунлик бериш учун ишлатилади). [*Қулмуҳаммад:*] *Гўзал! Ғоят нафис!* [*Хондамир:*] *Ҳиди анбардин ўткур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**2** Анбар (хотин-қизлар исми).

**АНБАР II** *этно.* Эркалар тобутининг тўрт бурчига тик қоқилган таёқларга ўралган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишком тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз.

**АНБАРАФШОН** [*а. + ф.* عنبرافشان — анбар таратувчи] Анбар ҳиди сочувчи; хушбўй, муаттар. *Ҳусни ортар, юзда зулфин анбарафшон айлагач.* А. Навоий.

**АНБИЁ** [*а.* انبىيا — набий «пайгамбар» сўзининг кўп. шакли] Набийлар, пайгамбарлар. *Луқмони Ҳаким.. хулақ-одоби, юксак диди, хушмуомаласи билан анбиё мақомига етишган эди.* Газетадан.

**АНБУҲ** [*ф.* انبوه — кўп, сон-саноксиз] Сон-саноксиз; кўп. *Гуноҳларим эрур анбуҳ, кечиргаймун ани субуҳ.* «Маликаи айёр».

**АНВАР** [*а.* انور — энг нурли] **1** Нур сочувчи; ёруғ, порлоқ. *Сўзи яхши анвар Охун-бобоев.* «Фольклор».

**2** Анвар (эркалар исми).

**АНВО(И)** [*а.* انواع — навлар, хиллар] **1** *эск. кт.* Тур; турлар, жинслар.

**2** Ҳар хил, турли-туман. *Минг анво гуллар ичидан ёр кўзини эслатувчи нарғисни узиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Шундай анвои — турли фитна-фасодларни кўра-кўра, бозорга етдим.* А. Қодирий, Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан.

**АНГ-АНГ** тақл. с. Итнинг калтак ёки бошқа нарса азобидан чиқарадиган шундай товушини билдиради.

**АНГАР** [фр. hangar] Самолётлар ва вертолётлар турадиган, уларга техник хизмат кўрсатиладиган ва улар таъмирланадиган иншоот.

**АНГИДРИД** [юн. а — инкор қўшимчаси + hydor — сув] ким. Бирор элементнинг кислород билан бирикмаси; тегишли кислотадан сувни ажратиш йўли билан олиш мумкин. *Карбонат ангидрид.*

**АНГИЛЛАМОҚ** Анг-анг қилмоқ *Ит умбалоқ ошиб, ангиллаганча деворга бориб урилди.* С. Нуоров, Нарван.

**АНГИНА** [лот. angina — бўғилиш] Танглай муртақ безларининг яллиғланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик.

**АНГИОМА** [юн. angion — томир + oma < otos — нам, зах; хом] Қон ёки лимфа томирларида пайдо бўладиган хавфсиз ўсма.

**АНГИШВОНА** [ф. انگوشتوانه — бармоқни сақловчи] Иш тикишда бармоқ учига кийдирилдиган металл буюм. *Кўзеусини хушламай, ерга отиб ташлабди, Ангишвона, игнасин занглар боса бошлабди.* М. Қўшмоқов.

**АНГЛАМОҚ 1** Гап, фикр-мулоҳаза ва ш.к.нинг мазмунини билиб олмоқ; тушунмоқ. *Гапингизни-ку англадим.. «Шарқ юлдузи».* Бу сўзлариш англамайин мерганлар, Иккови ҳам бўлиб кетди гуноҳкор. «Маликаи айёр».

**2** Идрок этмоқ, фаҳмламоқ. *Эшқобил тоғасининг раис олдида гирдикапалак бўлиш сабабларини бир қадар англагандай бўлди.* М. Ҳазраткулов, Журъат. *Бобош бирдан ангадиди, мана шу махлуқдан қутулиш учун, танимай ўтиб кетармикан, деб Бобошга ёпишган.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *..ҳаётга қарашим чуқурлаиди, адабиётни янгича англай бошладим.* Газетадан.

**Ўзликни англамоқ (ўзни англамоқ, ўз-ўзини англамоқ)** Ўзининг асли ва ҳозир ким эканлигини идрок этмоқ (қ. ўз, ўзлик). *Биз мустақиллик туйғайли ўзлигимизни англаганимиз сари Имом ал-Бухорийнинг муборак сиймосини янада яққолроқ тасаввур этамиз.* Газетадан. *Бошқача айтганда, тарихга мурожаат этиш ўз-ўзини англаш демакдир.* Газетадан. *Ўзни англаш эса, юртбошимиз йўл кўрсатганларидек, она-Ватандаги табарруқ жойларни, улуғларнинг қадамжоларини зиёрат этишдан бошланади.* Газетадан.

**АНГЛАТМОҚ 1 Англамоқ** фл. орт. н.

**2** Ифодаламоқ, билдирмоқ *Бу нимани англади? ■ [Азизбек халқ:] Сендек итдан бизга қипчоқ яхши! — Халқнинг бу жавоби ишининг на даражага етганини англади эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. «Косметика» аслида грекча сўз бўлиб, у «ғўзлаштириш» деган маънони англади. «Саодат».

**АНГЛАШИЛАРЛИ** Англаб, тушуниб бўладиган; тушунарли. *Масала англашилари.* *Жавоб англашилари бўлмади.*

**АНГЛАШИЛМАС 1 Англашилмоқ** фл. сфш.

**2** сфт. Англаб бўлмайдиган; тушунарсиз, ноаниқ. [Йўлчи] *Нихоят, ички бир туртки, англашилмас бир кучнинг сеҳрли таъсири остида, ғайришуурий равишда орқасига — қиз томонга қайрилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК 1** Хато тушуниш ёки тушуниб етмаслик орқасида содир бўлган ҳолат; хатолик. *Англашилмовчилик орқасида хафалашиб қолмоқ. ■ Мен Насиба билан гаплашиб кўрдим. Бу муҳаббат эмас, англашилмовчилик.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Бой ота, бу ерда андак англашилмовчилик борга ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Ўзаро келишмовчилик; тушунмовчилик. *Қудалар ўртасида рўй берадиган англашилмовчиликлар, жанжаллар аксар вақт музокара ва муроса йўли билан ҳал қилинади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АНГЛАШИЛМОҚ** Тушунилмоқ, фаҳмланмоқ. *Зайнаб ялт этиб қайнанасига қаради, чунки Ўзбек ойимнинг бояги гапи энди унга англашилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АНГОР** кам қўлл. қ. **афт-ангор.** Унинг [Хайрининг] ангори кўрққулик, сиёқи одамга ўхшамайди. «Ёшлик».

**АНГРАЙМОҚ 1** Ёс-ҳушини йўқотгандай, паришонхотирлик билан лоқайд қараб турмоқ. *Нега анграйиб турибсан? ■ Пул йўқ. Аммо пул йўқ деб анграйиб турилса, ҳовли қўлдан кетади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2** Ҳайратда қолмоқ, ҳайратдан оғзи очилмоқ. *Балиқнинг катталигини кўриб, полвон анграйиб қолди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Вафо аттор ханг-манг бўлиб, йигитга анграйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**АНГРОВ** Ёс-ҳушини йиғиб ололмайдиган; меров, анқов. *Анров бола.*

**АНДА** Қадимги турк-мўғул халқларида тутинган ака-ука.

**АНДАВА** [ф. انداوه — сомонли лой суваш асбоби] Сомонли лой, ганч ва ш.к. ни силлиқлаб суваш учун ишлатиладиган, дастали, таги силлиқ асбооб. *Андава юргизмоқ.*

**АНДАВАЛАМОҚ 1** Андава билан сувамоқ, текисламоқ, силлиқламоқ.

**2** *кўчма* Бекитиб, ёпиб кетмоқ, хаспўшламоқ, текислаб юбормоқ. *У ўғлининг айбини андаваламоқчи бўлди.* ■ [Фуломжон] *Сал асабийроқ, сўзини андавалаб ўтиришни билмайди, шартта юзга солаверади.* М. Худойқулов, Жонли ва жонсиз тўсиқларни енгиб. *Ниҳоят, у сир бермасликка уриниб, гапини андавалади.* М. Мансуров, Ёмби.

**АНДАЗА** [ф. اندازه — ўлчов, қолип] **1** Кийим-бош, пойабзал ва ш.к. ни бичиш, тайёрлаш учун қалин қоғоз, картон ва ш.к.дан ясалган нусха-қолип. *Этик андазаси. Челақ учун андаза ясамоқ. Андаза билан иш бичмоқ.*

**Андазаси келишган** **1)** бичими яхши, усталик билан бичиб тикилган, хушбичим (кийим-бош, пойабзал ҳақида); **2)** *кўчма* қадди-қомати келишган, бўйи-басти ўзига ярашган: хушқомат, хушбичим. **Андаза олмоқ** **1)** бирор нарсанинг шаклини кўчирмоқ; **2)** *кўчма* ўрناق олмоқ, ибрат олмоқ. *Қулоч ёзинг, қизлар, меҳнат мавжиди, Мусобақадошлар олсин андаза.* Т. Тўла.

**2** Тайёр қолип, намуна. *Шарқнинг ҳаво дарваси биз, Янгилкнинг андазаси биз.* Шайхзода, Тошкентнома. *Ёдгорлик мажмуини яратишда.. ўлкамиздаги буюк бобокалонларимиз зиёратгоҳлари андазасига таяниш зарурлигига эътибор қаратилди.* Газетадан.

**3** Ўлчов, меъёр. *Мамлакат раҳбарининг фармони.. миллий ҳаётимизни энг юқори замонавий андазаларда қуришга чақиряпти.* Газетадан.

**АНДАЗАСИЗ 1** Андазаси, қолипи йўқ, беандаза тикилган, ясалган.

**2** *кўчма* Андазаси хунук, беўхшов.

**3** *кўчма* Ўлчови, меъёри йўқ, беўлчов; беқиёс. *Нозу неъматга фаровон ҳимматинг андазасиз, Бағри кенг меҳмоннавозу меҳрибоним, ассалом.* Ҳабибий.

**АНДАК** [ф. اندک — кам, озгина] *рвш. 1* Озгина вақт, бирпас. *Андак сабр қилинг.* ■ — *Сиз шу ерда андак ўтириб туринг, опа!* —

*деди ҳалиги қиррабурун одам.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хўрақдан кейин андак мизғимоқчи бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

**2** Бирмунча, бир қадар. *Касал андак бери қаради. Иссиқ андак насайди. Ош андак тиррик бўлибди.* ■ *Саидий хатни икки-уч қайта ўқигандан сўнг, ўзини андак босиб олиб, атрофга қаради.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**3** Унча катта ёки кўп эмас; бир оз, қиттак. *Сендан андак хатолик ўтди. Сизда андак ишим бор. Менга андак туз беринг.* ■ *Аммо оғиз теваракларида андак қон аломатлари ҳам намоён эрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АНДАЛИБ** [а. عندليب — булбул] *эск. кт. айн. булбул.* *Андалиб бир савт ила бўлди гирифтори қафас, Зоғ минг савт этса, қайси дил паришондир анга.* Ҳамза.

**АНДАРМОН** [ф. اندرمان] Банд, машғул. **Андармон бўлмоқ** Бирор машғулот, иш ва ш.к.га берилмоқ, қизиқиб кетмоқ. *Обид Йўлдошевич, бошқа ишларга андармон бўлиб, газета чиқаришга бевосита қатнаша олмадик.* П. Қодиров, Уч илди. *Робия билан андармон бўлиб, Комил табибниқига ҳам боролмадим.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**АНДИ с.т. 1** Бошқа жойдан келиб ўрнашиб қолган; келгинди. *Чолу кампирнинг ҳар бир ўтиришларида сўз.. марғилонлик «анди» келин устида бўлар.. эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Таги, зоти паст (зодагонлар, бойлар назарида).

**АНДИЗ** Истеъмол қилинадиган кўкати-нинг бир тури. *..уйдан келтирилган таомлар қаторига Отамурод териб келган равоч, андиз, кийик ўти, алқар ўтлари ҳам қўшилиб кетади.* «Ёшлик». *Қора андиз.. нам ерларда, ўтлоқларда, тоғ ёнбағирларида ўсади.* Газетадан.

**АНДИША** [ф. اندیشه — фикр, ўйлаш] **1** Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза. *Андишанинг оти кўрқоқ.* Мақол. ■ — *Ғузларингизни жуда ўт босиб кетибди-ю, — чўчишиб юбормайлик деган андиша билан оҳиста сўрадик.* Газетадан.

**2** Умуман фикр, мулоҳаза. *Қандайдир андиша тутди тилини.* А. Мухтор.

**3** Шарм-ҳаё, ор-номусга амал ҳисси. *Биз Зулфия опанинг ёнларида бўлиб, у кишидан нафақат журнал ишини, одоб-андишани, ҳалолликни ҳам ўргандик.* «Саодат». Ҳалол ва

пок, виждонли ҳамда инсофли бўлайлик, андиша ва ҳаёни унутмайлик. Газетадан.

**АНДИШАЛИ** Андиша, мулоҳаза билан иш тутадиган. *Андишали йигит.* ■ *Лекин андишали, мулоҳазакор Аҳмадали опасига бунақа гапларни айтишига.. журват қилолмаслиги ойдег равшан.* «Ёшлик».

**АНДИШАСИЗ** Андиша билан иш тутмайдиган, андишаси йўқ.

**АНДОЗА** айн. андаза.

**АНДОМ** [ф. اندام — бадан, гавда] кам қўлл. Қад-қомат, қиёфа, бичим. *Икки ою икки йил Юрсанг маҳкам боғлаб бел, Маконига борарсан, Андомига қарарсан.* Ҳ. Олимжон, Семург. *Дилдор баланд бўйли, жуессалигина, бутун андоми ўзига келишган, тиниқ оқ юзли, ингичка нафис қошли.. қиз эди.* Ойбек, Навоий.

**АНДУҲ** [ф. اندوه — ғам, қайғу] эск. кт. Рухий азоб, ғам, гусса, хафагарчилик, қайғу. [Кумуш онасига:] *Мен сиёҳбахт дунёга келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик андуҳлар йўқ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АНЕМИЯ** [юн. an — инкор қўшимчаси + haima — қон] Қонда эритроцитлар ва гемоглобин миқдорининг камайиши билан характерланувчи касаллик; камқонлик.

**АНЕМОМЕТР** [юн. anemos — шамол + metro — ўлчайман] Шамолнинг, ҳаво ҳаракатининг тезлигини ўлчайдиган асбоб.

**АНЕРОИД** [юн. a — инкор қўшимчаси + peros — намлик, сув + eidos — кўриниш] Атмосфера босимини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб.

**АНЕСТЕЗИЯ** [юн. an — инкор қўшимчаси + aesthesia — сезги, ҳис этиш] Кўпинча жарроҳлик ва бошқа ҳолларда турли воситалар ёрдамида амалга ошириладиган оғриқсизлантириш, сезгини йўқотиш.

**АНЖИР** [ф. انجیر — анжир] 1 Тутдошлар оиласига мансуб, сутсимон ширадор, шاپалоқ баргли ўсимлик. *Бир ёмон анжир кесар, икки ёмон занжир кесар.* Мақол. ■ *Анжир Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўсади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

2 Шу дарахтнинг серуруғ, ейишли меваси. *Қора анжир. Хоки анжир. Анжир қоқи. Анжир қиём.* ■ *Агар кирсанг бир кишининг боғига, Қўл узатма анжир, узум, нокига.* «Кўшиқлар».

**Анжир шафтоли** Меваси анжирга ўхшаш шафтоли тури. **Анжир бўлмоқ** (ёки **анжир**

**чикмоқ**) Жисмонан қаттиқ эзилмоқ. *Автобус тиқилинчида анжир бўлган одамни қандай ўзига келтирса бўлади.* «Аския»дан.

**АНЖИРЗОР** Нукул анжир билан банд ер, боғ.

**АНЖОМ** [ф. انجم — тугаш, охир] 1 Уй-рўзгор нарса-буюмлари, асбобларига тегишли нарса. *Торроқ бўлсаям уй-жой, анжомларимиз бор.* С. Нуров, Нарвон. *Анжомини туяга ортди, Бола-чақа, кучуклари ҳеч қолмайин чиқиб кетди.* «Юсуф ва Аҳмад».

2 Ҳар қайси соҳанинг ўзига хос нарсалари, керак-яроғлари; асбоб-қуроллар. *Йўл анжомлари. Уруш анжомлари. Ҳарбий анжомлар. Ўқув анжомлари.* ■ *Мана шу зираклар, пардоз анжомлари солинган чамадонимни кўтариб, ўттиз йил қишлоқма-қишлоқ.. кездим.* С. Зуннунова, Олов. *..манам дунёи боумид Аҳмадхўжам билан Ҳамзахўжамга бисот йиғиб, тўй анжомларини бутлаб қўйганман.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Европада безорилик анжомлари музейи илк бор Венерия пойтахтида очилди.* Газетадан.

**АНЖУМАН** [ф. انجمن — йиғин, мажлис] Умуман, бирор ҳодиса, тантана муносабати билан бўладиган йиғин, мажлис. *Одатда у [Аваз] бир ғазал айтар, келаси анжуманда шоири замонлар мазкур ғазалга назира боғлар эдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Мазкур анжуманда олий ўқув юртлари тайёрлаган 118 иш намойиш этилди.* «Фан ва турмуш». *..Имом ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда биринчи марта халқаро анжуман ўтказилди.* Газетадан.

**АНЗУР:** **пиёзи анзур** Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг тоғли худудларида ўсадиган кўп йиллик ёввойи пиёз.

**АНИЛИН** [a. النیل — нил бўёғи; кўк бўёқ] Ҳар хил бўёқ, дори-дармон, портловчи моддалар тайёрлаш учун ишлатиладиган бадбўй, захарли, туссиз суюқлик; нил бўёғи.

**АНИҚ** [a. عنیق — нафис, нозик; равшан, тушунарли] 1 Эшитиш, кўриш, тушуниш жиҳатдан яхши, тўла ифодали. *Аниқ жавоб. Аниқ кўрсатмалар. Аниқ эшитмоқ.* ■ *Саодатхон орзиқиб жавоб кутар, Тожибой ака бўлса, аниқ жавоб бермай, гапни айлантларар эди.* С. Зуннунова, Олов. *Кўпчилик томонидан маъқулланган амалий, аниқ таклифлар киртилди.* Газетадан.

2 Ҳақиқатга мос, ҳақиқий. *Буни қарангки, шундай соддагина, лекин аниқ фактлар-*



га асосланган фикр-мулоҳазалар республика партия ташкилотининг ўша вақтдаги раҳбариди қахр-ғазаб уйғотибди. Газетадан.

**3** Бекам-кўст ва тўғри. Аниқ ҳисоб-китоб ва режа билан бошланган иш унумли бўлади. «Саодат».

**4** Белгили, маълум. *Келиш вақти аниқ.* ■ Гулрўйнинг фарёди сабабми ё оқсоқолларнинг ўзлари аниқ бир тўхтамга келишдими, ишқилиб, шу туннинг ўзидаёқ қабристонга йўл олишди. «Ёшлик».

**5** мод. с. өзф. Фикрнинг чинлигини билдиради; албатта, шубҳасиз. *Холмирза ака ичидан «шу ғайратинг бўлса, икки йилда Хирмонтепадан аниқ айраламиз», деб ўйлайди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой. *Энди кимга оғиз солсанг, ғиринг демай тегishi аниқ.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АНИҚЛАМОҚ 1** Сўраб-суриштириб, аниқ маълумот олмоқ, билиб олмоқ. *Меҳмонларнинг кимлар эканини аниқламоқ. Масалани аниқламоқ. Вазифани аниқламоқ.* ■ *Йигитлардан бири меним ким эканлигимни аниқлаб олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2** Тайинини, воқе ҳолатни белгиламоқ. *Оғирлигини аниқламоқ. Масофани аниқламоқ.* ■ *Беруний мучал ҳисобнинг асли сабабини аниқлай олмаган бўлса ҳам, тахмини ҳақиқатга анча яқин туради.* «Фан ва турмуш».

**3** Воқе ҳолатни қилмоқ; топмоқ. *Ер ости конларини аниқламоқ.*

**АНИҚЛАНМИШ** тлш. Аниқловчи аниқлаб келган гап бўлаги; атрибутив алоқали сўз бирикмасининг ҳоким қисми.

**АНИҚЛАШМОҚ 1** Аниқламоқ фл. бирг. н. **2** Аниқ-равшан бўлмоқ, аниқ тус олмоқ. *Масала аниқлашди. Вазифа аниқлашди.*

**АНИҚЛИК** Аниқ ифодалилик. *Улчов асбобларининг аниқлиги. Фикрнинг аниқлиги.* ■ *Энди бизга аниқлик кўпроқ ёқади.* «Саодат».

**АНИҚЛОВЧИ 1** Аниқламоқ фл. сфдш. *Оғирликни аниқловчи асбоб.*

**2** тлш. Предмет билдирувчи бўлакка тобеланиб, унинг белгисини англадиган (иккинчи даражали) бўлак; атрибутив алоқали сўз бирикмасининг аниқланмишга тобе қисми. Мас., *қизил олма бирикмасида қизил сўзи аниқловчидир.* Аниқловчининг уч тури бор: 1) сифатловчи (қ.), 2) қаратувчи (қ.), 3) изоҳловчи (қ.)

**АНИҚ-ТАНИҚ** Жуда ҳам аниқ, тайинли, белгили. *Аниқ-таниқ одам.* ■ *Алижон*

*автомашиналарга тикиларди. Уларнинг бирини Норқўзи ҳайдаб кетаётганини ҳам аниқ-таниқ кўрди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**АНКЕР** [нем. Anker — якорь, лангар] **1** Соат механизмнинг мўътадил, бир маромда юриб туришини таъминлайдиган қисми.

**2** Станок, машина, иншоот ва ш. к.нинг қисмларини бириктириш ёки ўрнатишда ишлатиладиган унсур (деталь). *Анкер болт.*

**АНКЕТА** [фр. enquete — суриштириш, хабар, маълумот олиш] **1** Тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси, сўровнома. *Кадрларни ҳисобга олиш анкетаси. Анкета маълумотлари. Анкета тўлдирмоқ. Анкета сўрови. Анкета асосида сўров ўтказиш.* ■ *Кейинги вақтларда жамиятимизда анкета сўрови ёки тест ўтказиш ўзига хос модага айланиб бораётгани кўзга ташланади.* «Тафаккур».

**2** Сўроқ (савол) орқали тўпланган маълумотлар, шундай йўл билан маълумотлар тўплаш. *Анкета ўтказмоқ.*

**АННЕКСИЯ** [лот. annexio — қўшиб олиш] Бирор давлат ёки халққа тегишли худудни зўрлик билан қўшиб олиш, босиб олиш сиёсати.

**АННОТАЦИЯ** [лот. annotatio — мулоҳаза, қайд; эслатма] Китоб, мақола ва ш.к.нинг мазмуни, аҳамияти ҳақидаги қисқача маълумот, қисқача таъриф. *Китоб аннотацияси. Аннотация ёзмоқ.*

**АННУЛЯЦИЯ** [лот. annulare — йўқ қилмоқ] Ҳужжат, шартнома, ҳуқуқлар ёки ваколатларнинг бекор қилиниши, ҳақиқий эмас деб топилиши.

**АНОВ** с. т. Анави, ана у. *Анов, ким, ҳа, йўлчиға чиқиб айт, айвонда ётсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен ўзинг билмайсан, анов булутлар юрагинг оҳлари, хўрсиниқларини.* «Ёшлик».

**АНОВИ** олм. **1** Ўзидан наридаги шахс, нарса ва ш.к. га ишора қилади, уни кўрсатади. *Сен отингни чиқарган бўлсанг, анови тутга боғла.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**2** Гапирилаётган вақтда кўз олдида йўқ, ammo маълум шахс, нарса ва ш.к.га ишора қилади. *Ўтган йили анови омборчи Абдусамднинг ўғли ҳам имтиҳондан ўтолмай қайтиб келди.* С. Зуннунова, Олов.

**АНОВ-МАНОВ** с. т. Унча-мунча, жўн. *Ҳусанбек тўрам анов-манов одамни меҳмонга чорламайди.* С. Сиёев, Аваз. *Бу анов-ма-*

нов гап эмас, афандилар. Кўнчилик ичида айтишганингиз чакки бўлибди. К. Яшин, Ҳамза.

**Анов-манов билан** У-бу қилиб, жиддий бўлмаган юмушлар билан. *Кундузларини-ку анов-манов билан ўтказиб овуяпман-а..* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АНОД** [юн. anodos – юқорига ҳаракатланиш; кўтарилиш, юқорилаш] *физ.* Мусбат зарядланган электрод; *зид. катод. Мис анод. Анод токи.*

**АНОЙИ** Ўз ишига пухта эмас, бировнинг сўзига лаққа учадиган; содда, гўл. *Бойлар, бойваччалар анойи эмас, унга ўз меҳмонхоналаридан жой бериб, зиёфат қилишлари бежиз эмас экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..ғзидагини олдирадиган анойи борми..* Т. Ашуров, Оқ от.

**АНОМАЛИЯ** [юн. anomalía – нотекислик; меъёрдан четлашиш] Меъёрдан, умумий қонуниятдан четга чиқиш; нормага, умумий қонуниятга хилофлик. *Ўсишдаги аномалия. Жисмоний ривожланишдаги аномалия.*

**АНОНИМ** [юн. anonymos – номсиз] **1** Хат ёки асарнинг ўз номини яширган муаллифи.

**2** Муаллиф номи қайд этилмаган хат ёки асар. *Аноним хат.*

**АНОНИМКА** *с. т.* Муаллифи кўрсатилмаган, имзосиз хат; аноним хат, юмалоқ хат.

**АНОНИМЧИ** Аноним ёзувчи, аноним ёзишни касб қилиб олган шахс. *Буюк ва беқиёс ҳамда ветеран анонимчи устидан тупроқ тортилди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АНОНС** [фр. annonce – оммавий ахборот, эълон] Гастроль, спектакль, концерт ва ш.к. ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. *Анонс тарқатмоқ.*

**АНОР** [ф. انار] **1** Анордошларга мансуб, кичикроқ дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимлик. *..ҳар жой-ҳар жойда кўмилган анор туплари дўмбайиб ётибди.* С. Зуннунова, Олов.

**2** Шу дарахтнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси. *Аччиқ анор. Чучук анор. Анор суви.* ■ *Учинчи кунни Ҳафиза олма, асал.. анорлар билан тўла сеткани.. бир қиздан Умидга киритиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

**3** Анор (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**АНОРГАНИК** [юн. an – инкор қўшимчаси + organismus – тирик мавжудот] Ўсим-

лик ёки ҳайвонот оламига мансуб бўлмаган, ноорганик. *Аноганик моддалар.*

**Аноганик кимё** Кимёвий элементлар ва улардан ҳосил бўлган бирикмалар ҳақидаги фан.

**АНОРДОШЛАР** Ёпиқ уруғлилар бўлимига мансуб ўсимликлар оиласи.

**АНОРЗОР** Нуқул анор билан банд ер, боғ.

**АНОРМАЛ** [юн. a – инкор қўшимчаси + лот. norma – қоида, меъёр, раҳбарий кўрсатма] Нормадан четга чиққан, нормага, умумий қонуниятга хилоф, нонормал. *Анормал ҳолат. Анормал ҳодиса. Анормал ўсиш.*

**АНСАМБЛЬ** [фр. ensemble – бирга, биргаликда; бирлик, уйғунлик, оҳангдошлик] **1** Ўзаро мос ва уйғун қисмларнинг бирикувидан иборат бино ва иншоотлар мажмуи. *Шаҳар марказида улугвор архитектура ансамбллари барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

**2** Бир бутун бадиий жамоа бўлиб томоша кўрсатадиган артистлар гуруҳи, жамоаси. *Ашула ва рақс ансамбли.* ■ «Баҳор» *Давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари.. Кундуз Миркаримова бундай деди.* Газетадан.

**3** Театр санъатида: драматург, режиссёр, рассом, композитор ва актёрлар ижодининг уйғунлиги.

**4** Амалий санъатда: туси бир хил, бичими бир-бирига монанд бўлган кийим-кечаклар мажмуи.

**АНТАГОНИЗМ** [юн. antagonisma – баҳс, кураш] Келиштириб бўлмайдиган қарамақаршилиқ, зиддият. *Синфий антагонизм.*

**АНТАГОНИСТ** Муросаси душман, келиштириб бўлмайдиган душман.

**АНТАГОНИСТИК** Бир-бирига тамоман зид, душман бўлган; келиштириб бўлмайдиган, бартараф қилиб бўлмайдиган. *Антагонистик синфлар. Антагонистик қарамақаршилиқлар.*

**АНТАРКТИДА** Антарктика (Жанубий қутб) ҳудудининг марказий қисмини эгаллаган материк.

**АНТАРКТИКА** [юн. anti – қарши, тескари + Арктика] (*A – катта*) Ер шарининг жанубий қутбий ҳудуди; унга Антарктида материғи, унинг атрофидаги ороллар қиради.

**АНТЕННА** [лот. antenna – кема мачтасидаги кўндаланг ёғоч; ҳашарот мўйлови] Электромагнит тўлқинларни фазога узатувчи ёки қабул қилувчи қурилма. *Радио антен-*

га асосланган фикр-мулоҳазалар республика партия ташкилотининг ўша вақтдаги раҳбариди қаҳр-ғазаб уйғотибди. Газетадан.

3 Бекам-кўст ва тўғри. Аниқ ҳисоб-китоб ва режа билан бошланган иш унумли бўлади. «Саодат».

4 Белгили, маълум. *Келиш вақти аниқ.* ■ Гулрўйнинг фарёди сабабми ё оқсоқолларнинг ўзлари аниқ бир тўхтама келишдими, ишқилиб, шу туннинг ўзидаёқ қабристонга йўл олишди. «Ёшлик».

5 мод. с. вэф. Фикрнинг чинлигини билдиради; албатта, шубҳасиз. *Холмирза ака ичидан «шу ғайратинг бўлса, икки йилда Хирмонтепадан аниқ айриламиз», деб ўйлайди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоё. *Энди кимга оғиз солсанг, гиринг демай тегиши аниқ.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АНИҚЛАМОҚ 1** Сўраб-суриштириб, аниқ маълумот олмақ, билиб олмақ. *Меҳмонларнинг кимлар эканини аниқламоқ. Масалани аниқламоқ. Вазифани аниқламоқ.* ■ *Йигитлардан бири меним ким эканлигимни аниқлаб олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 Тайинини, воқе ҳолатни белгиламоқ. *Оғирлигини аниқламоқ. Масофани аниқламоқ.* ■ *Беруний мучал ҳисобининг асли сабабини аниқлай олмаган бўлса ҳам, тахмини ҳақиқатга анча яқин туради.* «Фан ва турмуш».

3 Воқе ҳолатли қилмоқ; топмоқ. *Ер ости конларини аниқламоқ.*

**АНИҚЛАНМИШ** тлш. Аниқловчи аниқлаб келган гап бўлаги; атрибутив алоқали сўз бирикмасининг ҳоким қисми.

**АНИҚЛАШМОҚ 1** Аниқламоқ фл. бирг. н. 2 Аниқ-равшан бўлмақ, аниқ тус олмақ. *Масала аниқлашди. Вазифа аниқлашди.*

**АНИҚЛИК** Аниқ ифодалилик. *Ўлчов асбобларининг аниқлиги. Фикрнинг аниқлиги.* ■ *Энди бизга аниқлик кўпроқ ёқади.* «Саодат».

**АНИҚЛОВЧИ 1** Аниқламоқ фл. сфдш. *Оғирликни аниқловчи асбоб.*

2 тлш. Предмет билдирувчи бўлакка тобелани, унинг белгисини англатадиган (иккинчи даражали) бўлак; атрибутив алоқали сўз бирикмасининг аниқланмишга тобе қисми. Мас., *қизил олма бирикмасида қизил сўзи аниқловчидир. Аниқловчининг уч тури бор: 1) сифатловчи (қ.), 2) қаратувчи (қ.), 3) изоҳловчи (қ.)*

**АНИҚ-ТАНИҚ** Жуда ҳам аниқ, тайинли, белгили. *Аниқ-таниқ одам.* ■ *Алижон*

*автомашиналарга тикиларди. Уларнинг бирини Норқўзи ҳайдаб кетаётганини ҳам аниқ-таниқ кўрди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**АНКЕР** [нем. Anker – якорь, лангар] 1 Соат механизмининг мўътадил, бир маромда юриб туришини таъминлайдиган қисми.

2 Станок, машина, иншоот ва ш. к.нинг қисмларини бириктириш ёки ўрнатишда ишлатиладиган унсур (деталь). *Анкер болт.*

**АНКЕТА** [фр. enquete – суриштириш, хабар, маълумот олиш] 1 Тегишли маълумот олиш, тўплаш учун белгиланган сўроқ варақаси, сўровнома. *Кадрларни ҳисобга олиш анкетаси. Анкета маълумотлари. Анкета тўлдирмоқ. Анкета сўрови. Анкета асосида сўров ўтказиш.* ■ *Кейинги вақтларда жамиятимизда анкета сўрови ёки тест ўтказиш ўзига хос модага айланиб бораётгани кўзга ташланади.* «Тафаккур».

2 Сўроқ (савол) орқали тўпланган маълумотлар, шундай йўл билан маълумотлар тўплаш. *Анкета ўтказмоқ.*

**АННЕКСИЯ** [лот. annexio – қўшиб олиш] Бирор давлат ёки халққа тегишли худудни зўрлик билан қўшиб олиш, босиб олиш сиёсати.

**АННОТАЦИЯ** [лот. annotatio – мулоҳаза, қайд; эслатма] Китоб, мақола ва ш. к.нинг мазмуни, аҳамияти ҳақидаги қисқача маълумот, қисқача таъриф. *Китоб аннотацияси. Аннотация ёзмоқ.*

**АННУЛЯЦИЯ** [лот. annullare – йўқ қилмоқ] Ҳужжат, шартнома, ҳуқуқлар ёки ваколатларнинг бекор қилиниши, ҳақиқий эмас деб топиллиши.

**АНОВ** с. т. Анали, ана у. *Анов, ким, ҳа, йўлчига чиқиб айт, айвонда ётсин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен ўзинг билмайсан, анов булутлар юрагинг оқлари, хўрсиниқлари.* «Ёшлик».

**АНОВИ** олм. 1 Ўзидан наридаги шахс, нарса ва ш. к. га ишора қилади, уни кўрсатади. *Сен отингни чиқарган бўлсанг, анови тутга боғла.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоё.

2 Гапирилаётган вақтда кўз олдида йўқ, ammo маълум шахс, нарса ва ш. к.га ишора қилади. *Ўтган йили анови оморчи Абдусамдиннинг ўғли ҳам имтиҳондан ўтолмай қайтиб келди.* С. Зуннунова, Олов.

**АНОВ-МАНОВ** с. т. Унча-мунча, жўн. *Хусанбек тўрам анов-манов одами меҳмонга чорламайди.* С. Сиёев, Аваз. *Бу анов-ма-*

нов гап эмас, афандилар. Кўнчилик ичида айтишганингиз чакки бўлибди. К. Яшин, Ҳамза.

**Анов-манов билан У-бу** қилиб, жиддий бўлмаган юмушлар билан. *Кундузларини-ку анов-манов билан ўтказиб овуняпман-а..* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АНОД** [юн. anodos – юқорига ҳаракатланиш; кўтарилиш, юқорилаш] физ. Мусбат зарядланган электрод; зид. **катод**. *Мис анод. Анод токи.*

**АНОЙИ** Ўз ишига пухта эмас, бировнинг сўзига лаққа учадиган; содда, гўл. *Бойлар, бойваччалар анойи эмас, унга ўз меҳмонхоналаридан жой бериб, зиёфат қилишлари бежиз эмас экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..огзидагини олдирадиган анойи борми..* Т. Ашуров, Оқ от.

**АНОМАЛИЯ** [юн. anomalía – нотекистик; меъёрдан четлашиш] Меъёрдан, умумий қонуниятдан четга чиқиш; нормага, умумий қонуниятга хилофлик. *Ўсидаги аномалия. Жисмоний ривожланишидаги аномалия.*

**АНОНИМ** [юн. anonymos – номсиз] **1** Хат ёки асарнинг ўз номини яширган муаллифи.

**2** Муаллиф номи қайд этилмаган хат ёки асар. *Аноним хат.*

**АНОНИМКА** с. т. Муаллифи кўрсатилмаган, имзосиз хат; аноним хат, юмалоқ хат.

**АНОНИМЧИ** Аноним ёзувчи, аноним ёзишни касб қилиб олган шахс. *Буюк ва беқиёс ҳамда ветеран анонимчи устидан тупроқ тортилди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АНОНС** [фр. annonce – оммавий ахборот, эълон] Гастроль, спектакль, концерт ва ш.к. ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. *Анонс тарқатмоқ.*

**АНОР** [ф. انار] **1** Анордошларга мансуб, кичикроқ дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимлик. *..ҳар жой-ҳар жойда кўмилган анор туплари дўмбайиб ётибди.* С. Зуннунова, Олов.

**2** Шу дарахтнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси. *Аччиқ анор. Чучук анор. Анор суви.* ■ *Учинчи кунни Ҳафиза олма, асал.. анорлар билан тўла сеткани.. бир қиздан Умидга киритиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

**3** Анор (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**АНОРГАНИК** [юн. an – инкор қўшимчаси + organismus – тирик мавжудот] Ўсим-

лик ёки ҳайвонот оламига мансуб бўлмаган, ноорганик. *Аноганик моддалар.*

**Аноганик кимё** Кимёвий элементлар ва улардан ҳосил бўлган бирикмалар ҳақидаги фан.

**АНОРДОШЛАР** Ёпиқ уруғлилар бўлимига мансуб ўсимликлар оиласи.

**АНОРЗОР** Нуқул анор билан банд ер, боғ.

**АНОРМАЛ** [юн. a – инкор қўшимчаси + лот. norma – қоида, меъёр, раҳбарий кўрсатма] Нормадан четга чиққан, нормага, умумий қонуниятга хилоф, нонормал. *Аномал ҳолат. Аномал ҳодиса. Аномал ўсиш.*

**АНСАМБЛЬ** [фр. ensemble – бирга, биргаликда; бирлик, уйғунлик, оҳангдошлик] **1** Ўзаро мос ва уйғун қисмларнинг бирикувидан иборат бино ва иншоотлар мажмуи. *Шаҳар марказида улугвор архитектура ансамллари барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

**2** Бир бутун бадий жамоа бўлиб томоша кўрсатадиган артистлар гуруҳи, жамоаси. *Ашула ва рақс ансамбли.* ■ *«Баҳор» Давлат рақс ансамблининг бадий раҳбари..* Кундуз Мирқаримова бундай деди. Газетадан.

**3** Театр санъатида: драматург, режиссёр, рассом, композитор ва актёрлар ижодининг уйғунлиги.

**4** Амалий санъатда: туси бир хил, бичими бир-бирига монанд бўлган кийим-кечаклар мажмуи.

**АНТАГОНИЗМ** [юн. antagonisma – баҳс, кураш] Келиштириб бўлмайдиган қарамақаршилик, зиддият. *Синфий антагонизм.*

**АНТАГОНИСТ** Муросасиз душман, келиштириб бўлмайдиган душман.

**АНТАГОНИСТИК** Бир-бирига тамоман зид, душман бўлган; келиштириб бўлмайдиган, бартараф қилиб бўлмайдиган. *Антагонистик синфлар. Антагонистик қарамақаршиликлар.*

**АНТАРКТИДА** Антарктика (Жанубий кутб) ҳудудининг марказий қисмини эгаллаган материк.

**АНТАРКТИКА** [юн. anti – қарши, тескари + Арктика] (*A – катта*) Ер шарининг жанубий кутбий ҳудуди: унга Антарктида материги, унинг атрофидаги ороллар киради.

**АНТЕННА** [лот. antenna – кема мачтасидаги кўндаланг ёғоч; ҳашарот мўйлови] Электромагнит тўлқинларни фазога узатувчи ёки қабул қилувчи қурилма. *Радио антен-*

нов гап эмас, афандилар. Кўпчилик ичида айтишганингиз чакки бўлибди. К. Яшин, Ҳамза.

**Анов-манов билан** У-бу қилиб, жиддий бўлмаган юмушлар билан. *Кундузларини-ку анов-манов билан ўтказиб овуяпман-а..* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**АНОД** [юн. anodos – юқорига ҳаракатланиш; кўтарилиш, юқорилаш] физ. Мусбат зарядланган электрод; зид. **катод**. *Мис анод. Анод токи.*

**АНОЙИ** Ўз ишига пухта эмас, бировнинг сўзига лаққа учадиган; содда, гўл. *Бойлар, бойваччалар анойи эмас, унга ўз меҳмонхоналаридан жой бериб, зиёфат қилишлари бежиз эмас экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *..оғзидагини олдирадиган анойи борми..* Т. Ашуоров, Оқ от.

**АНОМАЛИЯ** [юн. anomalía – нотекислик; меъёрдан четлашиш] Меъёрдан, умумий қонуниятдан четга чиқиш; нормага, умумий қонуниятга хилофлик. *Ўсишдаги аномалия. Жисмоний ривожланишдаги аномалия.*

**АНОНИМ** [юн. anonymos – номсиз] 1 Хат ёки асарнинг ўз номини яширган муаллифи.

2 Муаллиф номи қайд этилмаган хат ёки асар. *Аноним хат.*

**АНОНИМКА** с. т. Муаллифи кўрсатилмаган, имзосиз хат; аноним хат, юмалоқ хат.

**АНОНИМЧИ** Аноним ёзувчи, аноним ёзишни касб қилиб олган шахс. *Буюк ва беқийс ҳамда ветеран анонимчи устидан тупроқ тортилди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АНОНС** [фр. annonce – оммавий ахборот, эълон] Гастроль, спектакль, концерт ва ш.к. ҳақидаги олдиндан тарқатилган эълон. *Анонс тарқатмоқ.*

**АНОР** [ф. انار] 1 Анордошларга мансуб, кичикроқ дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимлик. *..ҳар жой-ҳар жойда кўмилган анор туплари дўмбайиб ётибди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шу дарахтнинг ичи қизил доналар билан лиқ тўла юмалоқ меваси. *Аччиқ анор. Чучук анор. Анор суви.* ■ *Учинчи куни Ҳафиза олма, асал.. анорлар билан тўла сеткани.. бир қиздан Умидга киритиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

3 Анор (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**АНОРГАНИК** [юн. an – инкор қўшимчаси + organismus – тирик мавжудот] Ўсим-

лик ёки ҳайвонот оламига мансуб бўлмаган, ноорганик. *Анорганик моддалар.*

**АНОРГАНИК КИМЁ** Кимёвий элементлар ва улардан ҳосил бўлган бирикмалар ҳақидаги фан.

**АНОРДОШЛАР** Ёпиқ уруғлилар бўлимига мансуб ўсимликлар оиласи.

**АНОРЗОР** Нуқул анор билан банд ер, боғ.

**АНОРМАЛ** [юн. a – инкор қўшимчаси + лот. norma – қоида, меъёр, раҳбарий кўрсатма] Нормадан четга чиққан, нормага, умумий қонуниятга хилоф, нонормал. *Анормал ҳолат. Анормал ҳодиса. Анормал ўсиш.*

**АНСАМБЛЬ** [фр. ensemble – бирга, биргаликда; бирлик, уйғунлик, оҳангдошлик] 1 Ўзаро мос ва уйғун қисмларнинг бирикувидан иборат бино ва иншоотлар мажмуи. *Шаҳар марказида улғувор архитектура ансамллари барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

2 Бир бутун бадиий жамоа бўлиб томоша кўрсатадиган артистлар гуруҳи, жамоаси. *Ашула ва рақс ансамбли.* ■ *«Баҳор» Давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари.. Кундуз Мирқаримова бундай деди.* Газетадан.

3 Театр санъатида: драматург, режиссёр, рассом, композитор ва актёрлар ижодининг уйғунлиги.

4 Амалий санъатда: туси бир хил, бичими бир-бирига монанд бўлган кийим-кечаклар мажмуи.

**АНТАГОНИЗМ** [юн. antagonisma – баҳс, кураш] Келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршилик, зиддият. *Синфий антагонизм.*

**АНТАГОНИСТ** Муросасиз душман, келиштириб бўлмайдиган душман.

**АНТАГОНИСТИК** Бир-бирига тамоман зид, душман бўлган; келиштириб бўлмайдиган, бартараф қилиб бўлмайдиган. *Антагонистик синфлар. Антагонистик қарама-қаршиликлар.*

**АНТАРКТИДА** Антарктика (Жанубий кутб) ҳудудининг марказий қисмини эгаллаган материк.

**АНТАРКТИКА** [юн. anti – қарши, тескари + Арктика] (*A – катта*) Ер шарининг жанубий кутбий ҳудуди: унга Антарктида материғи, унинг атрофидаги ороллар киради.

**АНТЕННА** [лот. antenna – кема мачтасидаги кўндаланг ёғоч; ҳашарот мўйлови] Электромагнит тўлқинларни фазога узатувчи ёки қабул қилувчи қурилма. *Радио антен-*

наси. Телевизор антеннаси. Узатувчи антенна. Қабул қилувчи антенна.

**АНТИ-** [юн. anti — қарши, зид] Маълум сўзларга олд томондан қўшилиб, шу сўз ифодалаган нарса (белги, ҳаракат)нинг қаршисини, зиддини билдирувчи қўшимча. *Мас., антифашист.*

**АНТИБИОТИК** қ. антибиотиклар.

**АНТИБИОТИКЛАР** [анти.. + юн. bios — ҳаёт] Баъзи микроорганизмлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаёти жараёнида ишланиб чиқадиган ва турли хил микробларнинг ўсиши ва ривожланишини тўхтатиб қўядиган моддалар.

**АНТИГЕНЛАР** [анти.. + юн. genos — насл; келиб чиқиш] Организмга юборилганда, қон ва бошқа тўқималарда антитаналар ишланиб чиқиши ва иммунитет ҳосил бўлишига сабаб бўла оладиган моддалар.

**АНТИК** [лот. antiquus — қадимги] Қадимги Юнон (Греция) ёки Рим ижтимоий тузумига, маданиятига, санъатига оид ёки хос бўлган. *Антик фалсафа. ■ Жумладан, антик давр олимлари Геродот, Аристотель.. ва бошқаларнинг асарларини келтирди.* Газетадан.

**АНТИНОМИЯ** [юн. antinomia — қонуннинг ички зиддияти] Мантиқан ҳар бири исботланадиган икки қонун, мулоҳаза ёки хулоса ўртасидаги зиддият.

**АНТИПАТИЯ** [юн. anti patheia — кимнидир ёки ниманидир яхши кўрмаслик] Хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик муносабати, совуқ муносабат. *зид. симпатия.*

**АНТИСЕМИТИЗМ** [анти.. + Сом — Нуҳ пайгамбарнинг ўғилларидан бирининг номи] Миллий ва диний муросасизлик шаклларида бири бўлиб, у яхудийларга душманлик кўзи билан қарашда ифодаланади.

**АНТИТАНАЛАР** Организмга оқсил табиатли модда (антиген) киритилганда, унга қарши ҳосил бўладиган моддалар.

**АНТИТЕЗА** [юн. antithesis — қарама-қарши қўйиш] 1 *ад.* Қиёсланувчи фикр, тушунча, образларни қарама-қарши қўйишдан иборат услубий йўл. *Мас.: Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар.* Мақол.

2 *айн. антитезис.*

**АНТИТЕЗИС** *фл., мнт.* Тезисга қарши қўйилган ҳукм, муҳокама, фикр; қарама-қарши тезис.

**АНТИТЕЛОЛАР** қ. антитаналар.

**АНТИФРИЗЛАР** [анти.. + *ингл.* freeze — музлатиш] Паст температурада ишловчи ичдан ёнув двигатели ва б. турли қурилмаларни совитиш учун ишлатиладиган, анча паст температурада (-75° гача) музламайдиган суоқликлар.

**АНТИФАШИСТ** [анти.. + фашизм] Фашизм душмани, фашизмга қарши курашувчи; фашизмга қарши кураш қатнашчиси. *Антифашист ҳаракат.*

**АНТИЦИКЛОН** [анти.. + циклон] *метеор.* Ҳаво оқимлари ҳаракатидан ҳосил бўладиган жуда катта атмосфера гирдоби.

**АНТИҚА** [лот. antiquus — қадимги] 1 *эск.* Қадимдан қолган, қадимга оид. У [Искандар] энди девор гиштларини бузиб, антиқа белгиларини йигитларга узатар экан.. хумча очилиб боргани сари юрагидаги гулгула ҳам ортар эди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Жуда қойил, ҳайратга соладиган. *Отамурод оддий бодринг, помидорларни турли усулларда қирқиб, антиқа салатлар тайёрлар.. Зулхумор бўлса, унинг бу санъатига махлӣ бўлиб ўтирар эди.* М. Мансуров, Ёмби. «Дўстлик» меҳмонхонасигача бўлган масофани эринмай босиб ўтсангиз, антиқа бозорга дуч келасиз. Газетадан.

3 Юқори навли қоракўл терининг бир тури.

**АНТИҚИЙ** *айн. антиқа.*

**АНТОЛОГИЯ** [юн. anthologia < anthos — гул + lego — териш; гуллар дастаси] *ад.* Турли муаллифларнинг танланган асарлари (кўпинча шеърлари) тўплами.

**АНТОНИМЛАР** [анти.. + юн. onoma — ном] *тлш.* Қарама-қарши, зид маъноли тил (нутқ) бирликлари. *Мас., оқ — қора, қаттиқ — юмшоқ, аччиқ — ширин* антоним сўзлар.

**АНТОНИМИЯ** Антонимлик ҳодисаси

**АНТРАКТ** [*фр.* entracte < entre — орасида, ўртада + acte — иш, ҳаракат] 1 Спектакль пардалари ёки концерт бўлимлари орасидаги танаффус.

2 Опера ёки драматик спектакль пардалари, кўринишларига муқаддима ҳисобланадиган мусиқа асари.

**АНТРАЦИТ** [юн. anthrakos — кўмир] Тим қора, ялтироқ, зич, кучли иссиқ берадиган тошкўмир.

**АНТРОПО-** [юн. anthropos — одам] Одамга алоқадорликни билдирувчи ясама сўзларнинг таркибий қисми.

**АНТРОПОЛОГ** Антропология олими, мутахассиси. *Антропологлар қадимги одамлар тўғрисида нодир маълумотлар олишда.. имкониятлардан кенг фойдаланишмоқда.* «Фан ва турмуш».

**АНТРОПОЛОГИК** Антропологияга оид. *Антропологик текширишлар. Антропологик музей.*

**АНТРОПОЛОГИЯ** [антропо... + юн. logos – таълимот, тушунча] Одамнинг келиб чиқиши, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги табиий фарқтафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан.

**АНТРОПОМЕТРИК** Антропометрияга оид. *Антропометрик маълумотлар.*

**АНТРОПОМЕТРИЯ** [антропо.. + юн. metreo – ўлчайман] Антропологик тадқиқотларда одам танаси ва унинг аъзоларини ўлчаш усулларида бири.

**АНТРОПОНИМИКА** [антропо.. + юн. опута – ном] Ономастиканинг киши исмлари, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ш.к. масалаларни ўрганувчи бўлими.

**АНУВ** с.т. **ана**ви.

**АНУРИЯ** [юн. an – инкор кўшимчаси + uron – сийдик] Сийдик тугилиши (буйракда ҳосил бўлган сийдик қовуққа тушмайди).

**АНЧА** рви. Нарса, ҳодиса, иш-ҳаракатнинг миқдор, даража, вақт нуқтаи назаридан «кўпроқ» белгисини билдиради. *Комилжон ана шу боғни тиклашга киришган, анчагина жойга кузи кўчатлар ўтқаздирган эди.* С. Зуннунова, Олов. *Асроранинг хати Нюзомжонни анча руҳлантириб қўйганди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кел, қизим, меҳмонларинг сени анча кутиб қолишди-ку.* С. Зуннунова, Олов.

**АНЧАЙИН 1** Сезиларли даражада, анчагина. *Албатта, [Амир Тему*р тимсолини] яратиб жараёнининг анчайин қийин кечганини айтиб ўтиш жоиз. Газетадан.

**2** Йўли учун, шунчаки. *Ўктам бу таклифлар чинми ё анчайин одамгарчиликми, илжайишининг маъноси не экан, деб ичида ўйлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АНЧАКИ** айн. **анчайин**.

**АНЧА-МУНЧА** Талайгина, анчагина. *Анча-мунча нарса. Анча-мунча одам йиғилди. Анча-мунча иш қилинди.* ■ *Чорбоғдаги дарахтлар ҳам анча-мунча.* «Ёшлик».

**АНЧАР** [малайяча] Танасининг ниҳоятда заҳарли сут шираси тиббиётда фойдаланиладиган тропик дарахт; заққум.

**АНШЛАГ** [нем. Anschlag – афиша, оммавий эълон] Театр, кино ва б.нинг кассасида билетлар сотилиб бўлганлиги ҳақидаги махсус эълон.

**АНЪАНА** [а. عنعنه – наслдан наслга ўтувчи қоида] Ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-одат ва бошқа амаллар. *..Ўрни табиат гўзаллигидан баҳра олиш – бу оиланинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъанаси!* «Тафаккур». *Қолаверса, хайрия тadbирларини марказимиз ёшлари учун доимий анъанага айлантириш мўлжалланмоқда.* Газетадан. *..лавозимини суистеъмом қилаётган раҳбарлар.. миллий расм-русмларимизга путур етказмоқдалар, муқаддас анъаналаримизнинг обрўсизланишига сабаб бўлмоқдалар.* Газетадан.

**АНЪАНАВИЙ** Анъанага айланган. *Бу йилги анъанавий навоийхонлик республика пойтахтида бошланди.* Газетадан.

**АНҚАЙМОҚ 1** Ҳайронлик билан қарамоқ, ҳайрон бўлиб оғзи очилиб қолмоқ. *Кўвемизнинг ўзи лақабини эшитганда, ростдан ҳам анқайиб қолди, қизарди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Миришблар Йўлчига зуғум билан ўқрайиб ўтишди. Йўлчи бир минут анқайиб қолди-да, юкни нари-бери орқалаб, уларнинг [миришбларининг] изига тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Бепарво, лоқайд қарамоқ; анграймоқ. *– Анқайманглар, тезда гўжа тайёр бўлади, – деди ишлаётганлар олдида бориб навқар, мўйловини бураркан.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Шодиёр.. жиянига ўшқирди: – Сувдан қуй, нега анқаясан.* «Ёшлик».

**АНҚИМОҚ** Тарқалмоқ, гуркураб турмоқ (ҳид ҳақида). *Саодатхон акация ҳиди анқиб ётган маданият ва истироҳат боғига ёндош кўчага бурилди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**АНҚО** [а. عنقا – афсонавий қуш; самандар] Оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш (Гўё Қоф тоғида қушларнинг подшоҳи бўлиб яшар эмиш).

**Анқонинг уруғи (ёки тухуми) ёки анқога шафе** Сира топилмайдиган ёки ғоят кам учрайдиган нарса ҳақида. [Кенжа] *Ҳар ёққа аланглаб, бошпана кўзлашга тушди. Даштда бундай бошпана анқонинг уруғи.* Ҳ. Назир, Маёқ сари.

**АНҚОВ** Эс-ҳушини ҳадеганда йиғиб ололмайдиган, гапга ҳадеганда тушуниб етолмайдиган; овар, эсар. *Элмурод ичида:*

**АНТРОПОЛОГ** Антропология олими, мутахассиси. *Антропологлар қадимги одамлар тўғрисида нодир маълумотлар олишда.. имкониятлардан кенг фойдаланишмоқда. «Фан ва турмуш».*

**АНТРОПОЛОГИК** Антропологияга оид. *Антропологик текширишлар. Антропологик музей.*

**АНТРОПОЛОГИЯ** [антропо... + юн. logos – таълимот, тушунча] Одамнинг келиб чиқиши, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги табиий фарқтафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан.

**АНТРОПОМЕТРИК** Антропометрияга оид. *Антропометрик маълумотлар.*

**АНТРОПОМЕТРИЯ** [антропо.. + юн. metreo – ўлчайман] Антропологик тадқиқотларда одам танаси ва унинг аъзоларини ўлчаш усулларидан бири.

**АНТРОПОНИМИКА** [антропо.. + юн. опуа – ном] Ономастиканинг киши исмлари, уларнинг келиб чиқиши, тарқалиши ва ш.к. масалаларни ўрганувчи бўлими.

**АНУВ** с.т. *анави.*

**АНУРИЯ** [юн. ап – инкор қўшимчаси + ирон – сийдик] Сийдик тутилиши (буйракда ҳосил бўлган сийдик қовуққа тушмайди).

**АНЧА** *рвш.* Нарса, ҳодиса, иш-ҳаракатнинг миқдор, даража, вақт нуқтаи назаридан «кўпроқ» белгисини билдиради. *Комилжон ана шу боғни тиклашга киришган, анчагина жойга кузги кўчатлар ўтқаздирган эди. С. Зуннунова, Олов. Асроранинг хати Низомжонни анча руҳлантириб қўйганди. С. Аҳмад, Уфқ. Кел, қизим, меҳмонларинг сени анча қутиб қолишди-ку. С. Зуннунова, Олов.*

**АНЧАЙИН 1** Сезиларли даражада, анчагина. *Албатта, [Амир Темура тимсолини] яратиш жараёнининг анчайин қийин кечганини айтиб ўтиш жоиз.* Газетадан.

**2** Йўли учун, шунчаки. *Ўқтам бу таклифлар чинми ё анчайин одамгарчиликми, илжайишининг маъноси не экан, деб ичида ўйлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АНЧАКИ** *айн. анчайин.*

**АНЧА-МУНЧА** Талайгина, анчагина. *Анча-мунча нарса. Анча-мунча одам йиғилди. Анча-мунча иш қилинди. ■ Чорбоғдаги дарахтлар ҳам анча-мунча. «Ёшлик».*

**АНЧАР** [малайяча] Танасининг ниҳоятда захарли сут шираси тиббиётда фойдаланиладиган тропик дарахт; заққум.

**АНШЛАГ** [нем. Anschlag – афиша, оммавий эълон] Театр, кино ва б.нинг кассасида билетлар сотилиб бўлганлиги ҳақидаги махсус эълон.

**АНЪАНА** [а. عنة – наслдан наслга ўтувчи қоида] Ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-одат ва бошқа амаллар. *..Яъни табиат гўзаллигидан баҳра олиш – бу оиланинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъанаси!* «Тафаккур». *Қолаверса, хайрия табдилларини марказимиз ёшлари учун доимий анъанага айлантириш мўлжалланмоқда.* Газетадан. *..лавозимини суистеъмол қилаётган раҳбарлар.. миллий расм-русмларимизга путур етказмоқдалар, муқаддас анъаналаримизнинг образсизланишига сабаб бўлмоқдалар.* Газетадан.

**АНЪАНАВИЙ** Анъанага айланган. *Бу йилги анъанавий навоийхонлик республика пойтахтида бошланди.* Газетадан.

**АНҚАЙМОҚ 1** Ҳайронлик билан қарамоқ, ҳайрон бўлиб оғзи очилиб қолмоқ. *Кувимизнинг ўзи лақабини эшитганда, ростдан ҳам анқайиб қолди, қизарди. М.М.Дўст, Лолазор. Миршаблар Йўлчига зуғум билан ўқрайиб ўтишди. Йўлчи бир минут анқайиб қолди-да, юкни нари-бери орқалаб, уларнинг [миршабларнинг] изига тушди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Бефарво, лоқайд қарамоқ; анграймоқ. *-Анқайманглар, тезда гўжа тайёр бўлади, – деди ишлаётганлар олдига бориб навкар, мўйловини бураркан. Ж. Шарипов, Хоразм. Шодиёр.. жиянига ўшқирди: -Сувдан қуй, нега анқаясан. «Ёшлик».*

**АНҚИМОҚ** Тарқалмоқ, гуркураб турмоқ (ҳид ҳақида). *Саодатхон акация ҳиди анқиб ётган маданият ва истироҳат боғига ёндош кўчага бурилди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.*

**АНҚО** [а. عناق – афсонавий қуш; самандар] Оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш (Гўё Қоф тоғида қушларнинг подшоҳи бўлиб яшар эмиш).

**Анқонинг уруғи (ёки тухуми)** ёки **анқога шафе** Сира топилмайдиган ёки гоят кам учрайдиган нарса ҳақида. [Кенжа] *Ҳар ёққа аланглаб, бошпана кўзлашга тушди. Даштда бундай бошпана анқонинг уруғи. Ҳ. Назир, Маёқ сари.*

**АНҚОВ** Эс-ҳушини ҳадеганда йиғиб ололмайдиган, гапга ҳадеганда тушуниб етолмайдиган; оvsар, эсар. *Элмурод ичида:*



«Анқовни топдинг, билганингни маъқуллай бер, чол!» — деб қўйди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Кекса эшон эса ўз тажрибасидан чиқарган лўнда хулосани анқов отинойига чайнаб бермоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АНҚОВЛАНМОҚ** айн. **анқовсирамоқ**. -Йўқ, — деди Баширжон анқовланиб, — тушунмадим. Н.Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**АНҚОВЛИК** Анқовга хос ҳолат, хатти-ҳаракат. *Бошда ўзим анқовлик қилдим. Бўлмаса, ўз қўлим билан кўзичоқдай боқиб ўстирган қизни эшикдан кириб келган бегона одамлар қўлига топишиб ўтирармидим?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Ўзини анқовликка солимоқ** Ўзини анқов, меров қилиб кўрсатмоқ. *Викторнинг нимага шама қилаётганини сезса ҳам, ўзини анқовликка солиб: -Қанақа ишлардан? — деди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**АНҚОВСИРАМОҚ** Анқовлардек довдирамоқ ёки ўзини анқовликка, овсарликка солмоқ. *Ортиқ унинг тепасида нима қиларини, нима деярини билмай, анқовсираб турарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Элмурод секин кулиб қўйди. Муса эса анқовсираб сўрай берди: -Тавба! Бунинг ишқи нимага экан-а, ота?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АНҒИЗ 1** Экини ўриб-йиғиб олинган ер, майдон. *Сувонжон.. қир бағридаги анғизга қўйларни ёйиб юборди-да, ўзи ажриқ устига ёнбошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** Муайян экин ўриб олингандан кейин унинг далада тиккайиб қолган пояси. *Аҳён-да бир беда анғизда ўтлаб юрган хўкиз ва отлар кўринади.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавой.

**АНҒИРТ** Ғозсимонлар туркумининг ўрдаклар оиласига мансуб парранда; тўра-мижоз.

**АНҒИШЛАМОҚ** фольк. Ирғишлаб ўйнамоқ, гижингламоқ. *Кетди бедов от анғишлаб, Авазинг вақтини хушлаб.* «Ингизор». Анғишлайди Заргарнинг минган оти. «Маликаи айёр».

**АНҲОР** [a. انهار — дарёлар] Катта ариқ, катта суғориш канали. *Тогдан эриб тушган қор ва ирмоқлардан каттагина анҳор ҳосил бўлган.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Илгари канал тўғрисида гап бўлганда, Сидиқжон уни бирон тегирмон сув элтадиган ариқ деб ўйлаган эди, тупроқни кўриб: -Э-ҳа, — деди, — каттакон анҳор-ку.* А. Қаҳҳор, Кўшгинор чироқлари.

**АОРТА** [юн. aorte < aeiro — кўтараман] *анат.* Юракнинг чап қоринчасидан бошланадиган энг катта томир, шотомир, шоҳ-томир. Ундан тарқаладиган артериялар бутун аъзо ва тўқималарни кислородга бой қон билан таъминлайди.

**АПАРТЕИД** [африкаанс. apartheid — алоҳида-алоҳида яшаш] Ирқий камситишнинг энг ашаддий кўриниши.

**АПАТИТ** [лот. apatetikos — алдовчи, адаштирувчи] Вулкандан отилиб чиққан кўпгина жинсларнинг доимий таркийбий қисми бўлган минерал (асосан фосфатли ўғитлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади).

**АПАТИЯ** [юн. apatheia — лоқайдлик, қизиқишнинг йўқолиши; ҳиссизлик] **1** Одамнинг теварак-атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга лоқайд бўлиб қолиш ҳолати.

**2 тиб.** Ташқи муҳитга қизиқмай, бутунлай бепарво бўлиб қолиш билан ифодаланадиган касаллик ҳолати.

**АПЕЛЛЯЦИЯ** [лот. appellatio — мурожаат, шикоят] **1** Бирон-бир қарор, фикр, олинган натижа юзасидан юқори ташкилот ёки идорага шикоят аризаси билан мурожаат этиш.

**2** Суд ҳукми юзасидан норозилик билдириб, уни моҳиятига кўра қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори судга шикоят қилиш шаклларида бири. *Тараққий этган чет мамлакатлардагидай бизда ҳам апелляция судларини ташкил этиш пайти келди.* Газетадан.

**3** Маслаҳат бериш, қўллаш учун мурожаат.

**АПЕЛЬСИН** [голл. appelsien — айнан “хитой олмаси”] **1** Жануб томонларда ўсадиган доим яшил цитрус дарахт ёки бута.

**2** Шу дарахтнинг пўсти тўқ сариқ, гўшти юпқа пардалар билан каржларга бўлинган юмалоқ ёки чўзинчоқ серсув меваси. *Апельсин, лимон ва мандариннинг бебаҳолиги қобилида ифори мойи бўлишигидир.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**АПИЛ-ТАПИЛ** рвш. Тезлик билан, наридан-бери, шоша-пиша. *Апил-тапил кийинмоқ.* ■ *Ҳожия.. чўчиб кўзини очди-да, апил-тапил сочларини тузатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**АПИР-ШАПИР** рвш. Шапир-шупур, тез-тез, наридан-бери. *Апир-шапир ювинмоқ.* ■ *Башират овқатни ўғил болалардай тез,*

*апир-шапир ичиб, ҳаммадан олдин тугатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**АПОГЕЙ** [юн. *apogeios* — Ердан узоқда (жойлашган)] *астр.* Ер йўлдоши орбитасининг Ер марказидан энг узоқ нуқтаси.

**АПОПЛЕКСИЯ** [юн. *apoplexio* — зарб билан шикаст етказаман] *тиб.* Бош миёга қон қуйилиши ёки миёга томирига қон қуйқаси текилиб қолиши натижасида ҳушдан кетиш ёки бирор-бир фалаж билан ўтадиган касаллик ҳолати.

**АПОРТ(ЛАР)** [лот. *apporto* — келтираман, олиб келаман] Сотилган акцияларга тўлов сифатида акциядорлик жамиятига келиб тушадиган мулк.

**АПОСТЕРИОРИ** [лот. *a posteriori* — кейингидан, кейин турганидан] *филс., мнт.* Тажрибага асосланган, тажрибадан келиб чиқадиган; *зид. априори.* *Апостериори мулоҳаза.*

**АПОСТРОФ** [юн. *apostrophos* — четга, орқа томонга қараган, қаратилган] Ёзувда (баъзи тилларда) ҳарфий белги билан кўрсатилмайдиган унли ўрнида сатр устига қўйиладиган, вергул кўринишидаги белги (\*).

**АПОҚ-ЧАПОҚ** Ўзаро аҳил; иноқ, тотув. *Хўш, энди даромаду буромадингни қўй, иккинчи хотининг билан апоқ-чапоқмисан? [сўради шериги шофёрдан]. «Муштум».* [Қозикалон:] *Тортишманглар, апоқ-чапоқ яшанглар.* И. Раҳим, Ихлос.

**АПОҚ-ЧАПОҚЛАШМОҚ** Иноқлашмоқ, апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқ. *Фотима билан апоқ-чапоқлашиб юрганларингизни ўз кўзи билан кўрганлар бор-ку!* М. Жабборов. Севинч ёшлари.

**АППАРАТ** [лот. *apparatus* — тайёргарлик; жиҳоз, ускуналар] **1** Муайян бир ишни бажариш учун хизмат қиладиган асбоб, мослама, механизм ва ш.к. нинг умумий номи. *Телефон аппарати. Фотография аппарати.* ■ *Ҳозир армиямиз.. радиотехника ва электрон-ҳисоблаш аппаратларига.. эга.* «Фан ва турмуш».

**2 физиол.** Маълум вазифани бажарувчи аъзолар мажмуи. *Кўриш аппарати. Нафас олиш аппарати.*

**3** Бошқарма ёки ҳўжаликнинг бирор соҳасига хизмат қиладиган муассасалар мажмуи, мазкур муассасаларнинг ходимлари. *Давлат аппарати. Партия аппарати. Бошқарув аппаратини қисқартирмоқ.* ■ *Раис (оқсоқол), котиб ва аппарат ходимларига*

*туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.* Газетадан.

**АППАРАТУРА** Муайян бир ишни бажарувчи аппаратлар мажмуи; лаборатория, цех, катта қурилма ва ш.к. нинг асбоб-ускуналари. *Кимёвий аппаратура. Электр билан бошқариш аппаратураси.*

**АППАРАТЧИ** Аппаратлар ишини бошқариб ёки назорат қилиб, тўғрилаб турувчи ишчи.

**АППЕНДИКС** [лот. *appendix* — ортиқ, ўсимта] *анат.* Кўричакнинг чувалчангсимон ўсимтаси.

**АППЕНДИЦИТ** *тиб.* Аппендикснинг яллиғланиши.

**АППЛИКАЦИЯ** [лот. *applicatio* — мойиллик; бирлашиш, қўшилиш] **1** Бирор газлама, қоғозга ранг-баранг газлама ёки қоғоз парчаларини ёпиштириб ёки текиб нақш солиш усули.

**2** Шу усул билан солинган сурат, нақш; шундай нақшли буюм.

**АПРЕЛЬ** [лот. *aprilis* < *apricus* — қўёш иситадиган] Янгича йил ҳисобида тўртинчи ой. *Биринчи апрель. Апрель кунлари.*

**АПРИОРИ** [лот. *a priori* — аввал бошдан, аввал тургандан] *филс. мнт.* Тажрибага асосланмаган, тажрибадан олинмаган, тажрибадан олдинги; *зид. апостериори.* *Априори даво.*

**АПРОБАЦИЯ** [лот. *probatio* — маъқуллаш, тасдиқлаш] **1** Текшириш, синаш ва муҳокама асосида расмий суратда маъқуллаш. *Ўқув дастурларини апробация қилиш.*

**2 қ. х.** Энг яхшиларини уруғликка ажратиш мақсадида экинларнинг ҳосили сифатини аниқлаш.

**АПТЕКА** [юн. *apotheka* — омбор, склад] **1** Врачларнинг ёзиб берган рецептларига қараб дори тайёрлайдиган, шунингдек, дори-дармон ва бошқа тиббиёт молларини сақлайдиган ва сотадиган муассаса, дорихона.

**2 айн. аптечка.**

**АПТЕКАЧИ** **1** Аптекада дорилар тайёрлайдиган ходим; фармацевт.

**2 эск.** Аптека эгаси, ҳўжайини.

**АПТЕЧКА** Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда, асосан, ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам беришда ишлатиладиган дори-дармонлар ҳамда улар сақланадиган қутича.

**АПШУ тақл. с.** Аксирит товушининг ёзувдаги шартли ифодаси.

**АПШУРМОҚ** кам қўл. айн. **аксирмоқ**.

**АР** [фр. are < лат. aera — майдон, сатҳ, юза] Метр ўлчови тизимида юз квадрат метрга тенг ер ўлчов бирлиги, бир гектарнинг юздан бир қисми.

**АРАБ** [а. عرب] **1** Осиёнинг Форс қўлтиғи билан Ўрта денгиз орасидаги қисмида ва Шимолий Африкада яшовчи, сомиий тиллардан бирида сўзлашувчи халқ (миллат) номи.

**2** Шу халқ (миллат)га мансуб (шахс, мамлакат ва ш.к.) *Араб зиёлилари. Араб тили.*

**АРАБИ** Арабларга ва Арабистонга оид. *Араби ғилам. Араби от.* ■ *Дуторбўйин араби отлар, Чу деса бир қирдан хатлар.* «Равшан».

**АРАБИЗМ** тилш. Араб тилидан ўзлаштирилган сўз ёки ибора.

**АРАБИЙ** эск. Арабларга, араб тили ва адабиётига оид; арабча. *Арабий адабиёт.* ■ *Яна ўша арабий ва форсий иборалар тўла, биз тушунмайдиган машаққатли ўқишга шўнгиб кетдик.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АРАБЛАР** Осиёнинг Форс қўлтиғи билан Ўрта денгиз орасидаги қисмида ва Шимолий Африкада яшовчи, сомиий тиллардан бирида сўзлашувчи халқлар.

**АРАБЧА 1** Арабларга, араб алифбоси, тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Арабча ёзув. Арабча кийим.* ■ *Тожибой саводсиз эди. Фақат кимдандир ўрганилган учта арабча ҳарф билан «Тожи» деб жуда ғалати қилиб қўл қўяр эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Араб тили. *Сиз арабчани биласизми? Арабча гапирмоқ.*

**АРАБШУНОС** Араб тили, ёзуви, маданияти ва тарихи бўйича мутахассис олим.

**АРАБШУНОСЛИК** Араб халқининг тили, маданияти, иқтисодиёти ва тарихини ўрганувчи фанлар мажмуи.

**АРАВА, ароба** [а. عربيه — арава, вагон, автомашина] Асосан икки ёки тўрт гилдиракли, от, эшак ёки ҳўкиз қўшиладиган транспорт воситаси. *Кун боtgандан кейин келин ва унинг дугоналари тушган узун соябон аравалар етиб келди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Устига икки-уч боғ беда ташланган арава келиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Оташ арава** с. т. эск. Поезд. **Шайтон арава** с. т. эск. Велосипед. **Аравангни торт** Жўнаб қол, юришингни қил, ишингни қил. *Ҳа, ҳа, мен сенларнинг хизматкоринг бўламанми, аравангни торт, шуни билиб қўй, оч қолсам*

*қоламанки, бу ишларни қилмайман.* Р. Файзий, Биринчи баҳор. **Аравани (куруқ) олиб қочмоқ** Куруқ, баландпарвоз гап қилмоқ, беҳуда мақтанмоқ. *-Саидғози ака! — деди [Назаров] кинояли жилмайиб, — ҳадеб аравани куруқ олиб қочаверманг. Сиз билган сиёсатни биз ҳам биламиз.* С. Анорбоев, Оқсой **Ўз аравасини тортмоқ** Ўз ишини, тирикчилигини ўзи қилмоқ. *Бу кунгача ҳар икки бригадир ўз улушига тушган вазифани бажариб, содда қилиб айтганда, ўз аравасини торттиб келишарди.* Ҳ. Нуъмон, Меҳр.

**АРАВАК** шв. Булоқи (бурунга тақиладиган сирга).

**АРАВАКАШ 1** от От-арава билан юк ташувчи, арава минувчи, ҳайдовчи одам. [Йўлчи] *Отнинг жиловидан тортди, аравакаш гилдиракдан тортди. От силжимоди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** сфт. Аравага қўшиладиган, юк тортадиган. *Аравакаш от.*

**АРАВАСОЗ** Арава ясовчи уста. *Энди сизга битта арава керак. Мен уста Мадамин аравасоз билан гаплашиб келдим.* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавоӣ.

**АРАВАСОЗЛИК** Арава яшаш касби.

**АРАЗ** [а. عرض — рад, инкор қилиш; тескари қараш] Айбситиб, гина-қудурат сақлаб гаплашмаслик, мулоқотда бўлмаслик ҳолати. *Шунга ҳам аразми? У мендан араз. Ака-ука бир-бирдан араз.* ■ *Жўраҳон йиғламлираб жавоб қилди. Унинг бу ҳолати хафа қилинган жажжи қизнинг аразига ўхшар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Қирқ йил қадрдон дўст бўлиб ажралиб кетган одамдай, ҳам соғинч, ҳам араз аралаш мавҳум бир туйғу ичра тўлганиб эслади.* С. Сиёев, Аваз.

**АРАЗЛАМОҚ** Араз қилмоқ. *Моҳлар ойим махдумдан аразлаб, Марғилон кетишга мажбур бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юриши жоиз эмасдир.* Газетадан.

**АРАЗЛАШМОҚ** Аразламоқ фл. бирг. н. Бир-бири билан аразлашганлар кўришмайди. ■ *Сиз билан биз аразлашганимиз йўқ, шеклилли?* П. Турсун, Ўқитувчи. [Кумуш:] *Мендан бошқа хотин бўлса, Зайнабингиз билан биринчи кунданок аразлашар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АРАЗЧИ** Ҳар нарсага аразлайверадиган, бўлар-бўлмасга тумшайверадиган. *Аразчи*

қиз. *Аразчи одам.* ■ *Аразчи десангиз ҳам шу [Кумуш], ичи қоралик десангиз ҳам шунда.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АРАЙИШ** [ф. آرایش — безак; тартиб] Бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча жойи, кўсти.

**Арайшини олмоқ** 1) бичилаётган, тикилаётган нарсанинг чокидаги ортиқча ерини қийиб тўғриламоқ, бичимини келтирмоқ; 2) кўчма бирор нарсадан бир қисмини ўғирламоқ, ўмармоқ.

**АРАЛАШ** 1 *сфт. рвш.* Кўшилган, қоришган, бирга ҳолатда (турли хил кишилар, нарсалар). *Аралаш ўрмон. Аралаш сонлар.* ■ *..теразадан мўраласам, бир уй хотин, эркак аралаш!* А. Қодирий, Жинлар базми. *Ёшу қари, эркак-аёл аралаш, олти даврага бўлинди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 *кўм. вzf.* Билан. *Бобо бирдан қорни аралаш кўкрагини ушлаб қолди.* С. Анорбоев. *Ҳамсуҳбатлар. Ортиқ жаҳл аралаш четга тупурди.* М. Мансуров, Ёмби. — *Кўп ўрнида кўрасизлар-да энди, — деди хижолат аралаш.* М. Мансуров, Ёмби.

**АРАЛАШИБ-ҚУРАЛАШИБ** *рвш.* Аралаш-қуралаш бўлиб, қўшилиб-қоришиб. *Тўйда аралашиб-қуралашиб юраверади, киши.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АРАЛАШИГА** *рвш.* Катта-кичик, яхши-ёмони биргаликда. *Аралашига икки сўмдан. Аралашига танқид қилмоқ.*

**АРАЛАШМА** Турдош, жинсдош бўлмаган моддаларнинг, элементларнинг механик қўшилмаси; турли моддаларнинг қўшилувидан ҳосил бўлган маҳсулот. *Алебастр билан қум аралашмаси.* ■ *Бемор ётган хона поллари.. хлорли аралашмадан фойдаланган ҳолда 2-3 марта артилади.* Газетадан.

**АРАЛАШМОҚ** 1 Бир-бирига қўшилмоқ. *Икки томон қўйлари аралашиб кетди.* ■ *Кучаларда найзабозлик жанги бошланиб.. ярим кечага борганда, икки томон аралашиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

2 Бирор гуруҳ, тўда ва ш.к. га қўшилмоқ, кирмоқ. *Ўқимайдиям, ишламайдиям бу такалсалтанлар. Сен нимага буларга аралашиб қолдинг? «Ёшлик».* Одамларга ҳам аралашмай, бир чеккага бориб, бошини эгиб ўтираверди. С. Аҳмад, Уфқ. *Ҳаром аралашган турмушда бахт бўлмайди.* С. Зуннунова, Олов.

3 Бош қўшмоқ; қотишмоқ, қатнашмоқ (гап, сўз, иш ва ш.к. га). *Ноилож менинг ҳам*

*аралашшимга тўғри келди.* Газетадан. [Ўрмат:] *Бу оилада нима сир ўтса, барчаси менга аён. Тўй, аза — барисига аралашаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Алоқа, муносабатда бўлмоқ; одамларга қўшилмоқ. *Анвар ўз тенги болалар билан оз алоқа қилар, уларга кам аралашар ва ортиқча ўйнаб қулмас эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Оқибатда маҳаллага чиқиб аралашиб юришдан ҳам тортилдим.* Газетадан.

**АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ** Аралаш (аралашган) ҳолатли; қоришган. *Унинг бошидаги фикрлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди.* ■ *Келинлар, жувонлар, кампирлар аралаш-қуралаш бўлиб, Мирзакаримбойнинг данғиллама дарвозасига кирадилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АРАНГ** *рвш.* Катта қийинчилик билан, қаттиқ уриниш, машаққат билан; зўр-базўр, зўрға. *Йўлчи «дўппи бозор»дан аравани аранг олиб ўтди: бу ерда зўр тиқилинч, кўпчилиги хотин-қизлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фишт зинадан Зулфизар аранг чиқиб келар, у бемажол, рангида ранг қолмаган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

**АР-АР I: ар-ар қилмоқ** Унар-унмасга арилламоқ, ариллаб йиғламоқ.

**АР-АР II:** [а. عرعر — арча] **ар-ар терак** Пирамидасимон терак; шотерак. *Тахта кўприкнинг нариги томони.. янги бинолар бўлиб, олдиларига қатор ар-ар тераклар экканлар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**АРАСОТ** [а. عرصات — майдонлар; ҳовлилар] 1 *дин.* Ислом динида айтилишича, қиёмат қойим бўлганда, жамики одамзод тирилиб тўпланадиган қўрқинчли дашт, қиёмат майдони.

2 *кўчма* Шовқин-сурон, ола-тўполон, қирғин-барот. *Арасот солмоқ (кўтармоқ).*

**Арасотда қолмоқ** На у ёқли ва на бу ёқли бўлмай, аро йўлда қолмоқ; қилар ишидан янглишиб, гангиб қолмоқ.

**АРАФА** [а. عرفه — Макка ш. яқинидаги тоғ номи; билиш, таниш] 1 *дин.* Рамазон ёки Қурбон ҳайитидан олдинги кун. *Арафадан уч кун олдин.* ■ *Қурбон ҳайити арафасида қишлоқи мурид Тиллабой яна бир қўй келтириб ташлади. Эшон қўй сўйиб, қурбонлик қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Ёлғон арафа** Ҳайитдан олдинги иккинчи кун, индинга ҳайит деган кун. **Чин арафа** Ҳайитдан олдинги кун, эртага ҳайит деган кун.

2 Байрам ёки бирор тантанали кундан олдинги кун (кунлар). *Янги йил арафаси. Тўй арафаси.* ■ - *Бугун байрам арафаси, — деди Тургенев, жангчиларга ўйчан тикилиб.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АРАФАСИДА** 1 **Арафа** с. ў.-п. к.

2 кўм. ваз. Вақт муносабатини ифода-лайди, ўзи бириккан сўз билдирган нарса, ҳаракат-ҳодиса олдидаги кун (кунлар)ни билдиради. *Наврўз арафасида кексалар оқ кийим тайёрлашади, ёшлар ранг-баранг гулли кўй-лаклар тиктиришади.* «Саодат». *Сессия арафасида сайлов округларида Олий Мажлис депутатлари билан учрашувлар ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.* Газетадан.

**АРАҚ** [а. عرق — тер; буғланиш] Сув билан вино (этил)спирти аралашмасидан иборат ичимлик.

**АРАҚИ** *архит.* Шипнинг гир айланасига, бўғот остига, эшик, дераза тепасига ишланган ёғоч нақш; карниз.

**АРАҚХЎР** Ичкиликка берилган, арақни кўп ичадиган киши; пиёниста.

**АРАҚХЎРЛИК** Арақни кўп ичиш; май-хўрлик, ичкиликбозлик.

**АРБИТР** [лот. arbiter — гувоҳ, томошабин; ҳакам, судья] Томонларнинг розилиги билан тайинланган судья; ҳакам.

2 Спорт ўйинлари, мусобақаларининг қоидаларига риоя қилинишини кузатиб баҳоловчи судья.

**АРБИТРАЖ** [фр. arbitrage — ҳакамлик суди] ҳуқ. 1 Низоли масалаларни ҳал қилиш учун махсус ташкил этилган ва доимо фаолият кўрсатувчи суд органи, ҳакамлик. *Транспорт ва алоқа соҳаси, божхона, банк, арбитраж ва сўғурта тизимларида келажакда икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги эътироф этилди.* Газетадан.

2 Фойда олиш мақсадида бир валюта бозоридан сотиб олинган хорижий валютани курсдаги фарқига қараб иккинчи валюта бозорида сотиш.

**АРБОБ** [а. ارباب — жаноблар; хўжайинлар; амалдорлар] 1 Фан, маданият, санъат соҳасида ёки давлат ишида ўз фаолияти билан танилган, шу соҳада ўзини кўрсатган шахс. *Жамоат арбоби. Маданият арбоби. Санъат арбоби. Сиёсий арбоб.*

2 Давлат, ҳукумат аппаратида ишловчи юқори мартабали шахс, раҳбар. *Ўрта Осий*

*аёлларидан давлат арбоблари, меҳнат қаҳрамонлари, олимлар етишган.* Ойбек, Нур қидириб.

3 тар. Бухоро хонлигида: маҳалла бошлиғи, элликбоши ёки қишлоқ оқсоқоли. *Ҳайдар учинчи ғалвирни тўлдираётганда, қишлоқ томонидан ҳар бири бир хуржун кўтариб имом, сартарош ва арбоб шошиб-нишиб етиб келдилар.* С. Айний, Қуллар.

**АРВОҲ** [а. ارواح — «руҳ» сўзининг кўплиги, руҳлар] 1 Диний тасаввурларга кўра: фақат одам тириклигида, ҳаётида у билан бўладиган, вафотидан кейин тандан чиқиб, абдий мавжуд бўладиган ғайримоддий асос; руҳ. *Тирик мўминлар қарғишидан қўрқмасанг, марҳумлар арвоҳидан қўрқ.* Газетадан. *Шу ерни обод қилинглар. Ҳар ҳолда ота юртинг. Отаннинг арвоҳи ҳам шод бўлади.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

**Арвоҳ оши** Ўтган ота-боболарнинг руҳига бағишлаб ўтказиладиган кичикроқ маърака, йўқлов. *Султонбек сўз олди: «Арвоҳ оши» бермайман, ўғлимни тўй қилмоқчиман, тўй дедим.* Ойбек, Танланган асарлар. **Арвоҳи пир ёки арвоҳ пири** Устоз кўлида касб-ҳунар ўрганиб, мустақил иш бошлаш учун фотиҳа олаётган шогирднинг шу муносабат билан ҳамкасаба усталарга ва ўтган пирлар арвоҳини шод этиш мақсадида берадиган зиёфати. *Бўлмаса, уста Олим ўз уйига дўкон қурибдир денг-чи! — Дўкон қурибдир. Арвоҳ пири бермасдан-а? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Марҳумнинг киши ҳаёлида кўринган шарпаси. *Севгувчи йигитни солмишдир йўлга, Тунда эртак айтган бир мудҳиш арвоҳ.* Ҳ. Олимжон. *Шайх арвоҳдек бесас, бепарво турарди.* С. Сиёев, Аваз.

**Арвоҳ капалак** Одатда, кечаси чироқ ёруғига келадиган йирик кўнғир капалак (ўлган кишининг руҳи ўз уйига гўё шу капалак суратида келармиш). **Арвоҳ урди** Ишнинг расво бўлиши, ёмон ҳодиса юз беришини руҳнинг ёмон таъсиридан кўришни билдиради. [Қози] *Тавба қилдим, худо!* [Мулладўст:] *Арвоҳ урди, қози!* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Оч арвоҳ ёки арвоҳга ўхшаган** Жуда ориқ, қилтирик; гўё жонсиздек кўринишли.

**АРГО** [фр. argot — жаргон] тлш. Ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифанинг (мас., талабалар, спортчилар, ўғрилар ва б.) ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат тили.

**АРГОН** [юн. argos — ҳаракатсиз] Кимёвий элемент, ҳаво таркибида бўладиган туссиз ва ҳидсиз газ (электр лампалари ва ёритувчи реклама асбоблари ичини тўлдириш учун ишлатилади).

**АРГОТИЗМЛАР** [фр. argotisme < argot — жаргон] тлш. Бирон аргодан адабий тилга ўзлашиб қолган сўз ва иборалар. Мас., *қуён* (чиптасиз йўловчилар — шофёрлар тилида).

**АРГУМЕНТ** [лот. argumentum — яққол исбот, аниқ далил] 1 Фикр, даъво ва ш.к. ни исботлаш учун асос, далил.

2 мат. Эркин ўзгарувчи миқдор.

**АРГУМЕНТАЦИЯ** [лот. argumentatio — далиллаш, далил келтириш] Керакли фикр ёки қонидани исботлаш учун далилларни ташкил этиш, муҳокама қилиш.

**АРДОБ** 1 [ф. آرد — ун + آب — сув] Молларга ичириш учун сувга ун чалиб тайёрланган озуқа.

2 кўчма Ундан, дондан пишириладиган ёғсиз суюқ овқат.

**АРДОҚ** Иззат-ҳурмат, эъзоз-эътибор ҳисси, шундай ҳис-ғуйғули муносабат. *Айни дамда фарзандлар ардоғида, иззат-ҳурматда умр кечирмоқда.* Газетадан.

**АРДОҚЛАМОҚ** 1 Иззат-ҳурмат, ардоқ билан муносабатда бўлмоқ. *..эл ардоқлаган санъаткорлардан бири.* Газетадан. *Қишлоқларимизнинг энг иззатли, энг ҳурматли, халқимиз ардоқлаб, қўлида кўтарайтган кишилари.. механизаторлардир.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганда.

2 Эҳтиёт қилмоқ, авайламоқ. *Мен сени ардоқлаб ғубордан, чангдан, Йўлингга ҳар куни сув сепардим!? Шухрат. Умр бўйи ардоқлаган азиз нарсасини йўқотгандек эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

**АРДОҚЛИ** Эъзоз-эҳтиромга лойиқ. *Ардоқли меҳмон.* ■ *Элимга таниқли, ардоқли чоллар, Ҳамиша беллари белбоғли чоллар.* Миртемир.

**АРЕАЛ** [лот. aerea — майдон, макон] 1 Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг бирор тури, туркуми ёки оиласи тарқалган ҳудуд.

2 Тил ҳодисалари — фонетик, лексик ва б. ҳодисалар тарқалган ҳудуд, лингвистик ареал.

**Ареал лингвистика** 1) тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғуланувчи соҳаси; 2) тилшуносликда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳида эътибор берувчи йўналиш.

**АРЕОМЕТР** [юн. araios — зич бўлмаган, бўш; суюқ + metro — ўлчайман] Суюқлик ва сочилувчан қаттиқ жисмларнинг зичлигини ўлчайдиган асбоб.

**АРЕСТ** [нем. Arrest — қамоққа олиш; таққолаш < лот. arrestum — ҳукм, қарор]: **арест солмоқ** ҳук. мл. Мулк ёки пулдан фойдаланиш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этмоқ, мол-мулкни хатлаб, муҳрлаб қўймоқ.

**АРЖУМАНД** [ф. ارجمند — қадрли, иззатли] эск. кт. Азиз, қадрли; қимматли. *Фарзанди аржумандига гўдакликдан гўзал тарбия, ҳусн-ахлоқ берган.* Ойбек, Навоий.

**АРЗ** I [а. عرض — баён, изҳор; тақдим этиш] Дард-ҳасрат, шикоят тарзидаги (асосан оғзаки) гап, мурожаат. *Чол бу бегона йигитнинг вазиятида тараддудланиш сезиб, қайтадан сўради: -Хўш, ўғлим, нима арзинг бор?* Ойбек, Танланган асарлар. *Подшоийм, бизлар сизга арзга келдик.* «Равшан».

**Арзи ҳол ёки арзи бандачилик** Ўз аҳволи ҳақидаги оғзаки баён; дард-ҳасрат; ўтинчли илтимос. *Мен минарман энди аста қушимга, Арзи ҳолим айтдим денгу дўшимга.* «Маликаи айёр». «*Қуш тилини қуш билади*» деганларидек, Нодиранинг самимий арзи бандачилиги Моҳлар ойим билан Нигор келиннинг юракларини эзди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Арз қилмоқ** 1) билганини, ўйлаганини ёки дард-ҳасратини оғзаки айтмоқ, баён қилмоқ; ўтинчли илтимос билан мурожаат қилмоқ. *-Мен хонни Тошкентдан жўнатиш олдида унинг холи вақтини топиб, бу фикримни бир даража арз қилиб ўтган эдим, — деди [қушбеги].* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шикоят қилмоқ. [Ғофир бой ва қозиларга:] *Ҳой, бўрилар! Сўзларингдан қайт! Бўлмаса, ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман, халққа арз қилман, халққа!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Арз сўрамоқ** эск. Илтимос ёки шикоят билан келганларга, уларни эшитиб, тегишли жавоб-муомала қилмоқ. *Арк — қадим Хоразм шоҳларининг арз сўрайдиган жойи.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**АРЗ** II [а. ارض — ер, замин] эск. кт. Ер шари ёки унинг бир қисми.

**Курраи арз** Ер шари. *Глобусни боболар Курраи арз, дебдилар. Яшаган сайёрангни билмоқлик фарз, дебдилар.* А. Орипов. **Арзи Рум тар.** Рим империяси. **Арзу само** Ер билан осмон, бутун коинот.

**АРЗА** с. т. 1 айн. арз 1. *Ҳар тарафга арза қилиб, Номи бекларни йиғарман. «Гўрўғлининг туғилиши».*

2 айн. **ариза**. [Қодирқул:] *Обор, менга арза керак эмас, ерни берсанг, қутуласан.. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**АРЗАНДА** [ф. ارزنده – арзийдиган, лойиқ] 1 Орзу қилиб етишган ёлғиз ўғил ёки қиз. *Беш яшар қизчасини чақириб, у болага кўрсатиб: -Ана кўрмайсанми, бу қандай оппоқ, дундиқча! Мана шу менинг бирдан-бир арзандам, – деди. С. Айний, Эсдалиқлар.*

2 Энг севиқли, эрка ўғил ёки қиз. *Лутфинисо эрининг давлатидан мумкин қадар кўпроқ кўпориб, шу кенжа, арзандасига сарф қилиш учун уринар, бу қизни катта шавкат ва дабдаба билан узатишни орзу қилар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Бирор кишининг ҳаммадан ортиқ кўрган суюкли кишиси, эркаси. *Гулнорга худо берди, у эрка-арзанда хотин бўлиб, эрига суюлиб, кўнглига нима келса, шуни қилади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**АРЗАНДАИ-КИРОМАНДА** [ф. арзанда + كرامند – очиқ кўнгил, олижаноб] Жуда ҳам арзанда. [Шарофат] *Биттаю битта арзандаи-кироманда қизи билан умри ўтиб кетганини сезмади ҳам. Ҳ. Зиёхонова, Биринчи мактуб.*

**АРЗАЧИ** с. т. 1 Одамларга ариза ёзиб беришни касб қилиб олган киши; аризанавис. *Шу яқинда, ўзи ўрдада турадиган бир арзачи бор эмиш. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

2 Мансабдор шахсга ёки бирор идора, муассасага ариза берган, арз қилган шахс. *Золимлиги, порахўрлиги, арзачиларни қақшатганлиги туфайли халқда: «Бизнинг ҳоким – Фишмандир.. Пули йўққа душмандир!» деб таърифланган эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**АРЗГҲЙ** [ф. عرضگوى – арз айтувчи] эск. Арз билан келган ёки мурожаат қилган киши. *Қабулхонада кутиб ўтиравериш тоқати тоқ бўлган арзгўйлар раис олдиға киришга интиладилар. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.*

**АРЗ-ДОД, арзу дод** Тўлиб тошган дард-ҳасрат ва ундан шикоят. *Камбағал ҳар ерда мушт ерди, четга қоқиларди, арзу додини ҳеч ким тингламасди. Ойбек, Танланган асарлар. ..арз-дод учун борғонларни отиб ташлаб, гуноҳсиз қонларни сув каби ичишни қўмсайсан. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ.*

**АРЗИГУДЕК** айн. арзийдиган 2. **АРЗИГУЛИК** айн. арзийдиган 2. *Арзигулик совға.*

**АРЗИГУНДАЙ** айн. арзийдиган 2. **АРЗИЙДИГАН 1 Арзимоқ** фл.сфдш. 2 сфт. *Мақтовга, диққат-эйтиборга молик; лойиқ. Мақтаса арзийдиган йигит. Ўрнак олса арзийдиган хўжалик. ■ Кошки иззатга арзийдиган азиз меҳмон бўлса! Ойбек, О. в. шабадалар.*

**АРЗИМАГАН** Унча қиймати, аҳамияти бўлмаган; арзимас. *Арзимаган баҳона. Арзимаган гап. Арзимаган жанжал. ■ Арзимаган нарсга овора бўлиб, ишдан қолибсиз-да, оқсоқол? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Нега ўзингизни ерга урасиз? -Нега арзимаган бир одамга ўз ихтиёрингизни бериб қўясиз? – деди Саида Қаландаровга. А. Қаҳҳор, Синчалак. [Бой Ғофирга:] Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак, деган эдим. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**АРЗИМАС** айн. арзимаган. *Арзимас баҳона. Арзимас сабаб. Арзимас гап. ■ Шу арзимас хайр-саховатидан ўз қалбида мамнунлик, таскин сезиб роҳатланади. Газетадан.*

**АРЗИМОҚ 1** Белгиланган ёки сўралган (олинган, сотилган) нархга лойиқ, мос бўлмоқ. *Бу нарса неча пулга арзийди?*

2 кўчма Қиймати ёки аҳамияти жиҳатидан тенг келмоқ, баравар бўлмоқ. *Ёлғиз ўғлингиз ўнта йигитга арзийдилар. Ҳ. Гулом, Машғал. [Йўлчи] Эшикка чиқаркан, орқасидан чол сўзлаб қолди: -Ҳай, ўт йигит, ҳалиги сўзларинг олтинга арзийди, аммо ҳар кимга сўзлайверма! Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Лойиқ, муносиб бўлмоқ. *Уни мукофотласа арзийди. ■ [Қози Қодирқулга:] Юзида оз-моз чиройи бўлгани билан ўзи тағи наст. Сизнинг остонангизга сира арзимаиди. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

4 Оқламоқ, зое кетмаслик. *Тер тўкканга арзимаидиган иш. Мен сизга ҳар қанча яхшилик қилсам арзийди. ■ Ақлли кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аскар болаларни кафтимизда кўтарсак арзийди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**Арзимаиди** «Раҳмат»га камтарлик билан қайтариладиган жавоб сўз. *Ёрдамларингиз учун катта раҳмат. – Арзимаиди.*

**АРЗИРЛИ** айн. арзийдиган 2. *Арзирли совға. Мақтовга арзирли иш. ■ Ўқиганингиз*

уйбу воқеаларда ўйлаб кўrsa арзирли муам-  
молар бисёр. Газетадан.

**АРЗНОМА** *эск.* Илтимоснома; ариза. *Шу қизгин дамларда.. арзнома ёзиш, идорама-идора сарсон бўлиб юришга Ойдинойларни нимадир мажбур қилган.* Газетадан. *Бу — арзнома эмас, талаб бу, нўписа, айбнома.* С. Сиёев, Аваз.

**АРЗОН** [ф. ارزان — баҳоси паст, қадри кам] **1** Баҳоси, нархи юқори бўлмаган. *Арзон мол ■ Қаранг, ҳаммаси арзон нарсалар.* С. Зуннунова, Олов.

**2** Меъёрдагидан паст нарх, паст нархда. *Бизнинг Қаландарбой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**АРЗОН-ГАРОВ** *рвш. с. т.* Асл қийматидан анча камига, арзимаган пулга, паст баҳо билан, текиндай. *Арзон-гаров сотиб олмоқ.*

**АРЗОН-ГАРОН** [арзон + ф. گران — қиммат, баҳоси баланд] *айн.* **арзон-гаров.**

**АРЗОНЛАМОҚ** *с. т.* Арзонлашмоқ.

**АРЗОНЛАШМОҚ** Арзон бўлмоқ, баҳоси, нархи пасаймоқ *Моллар анча арзонлашди. Механизация туфайли ҳар бир центнер пахта икки сўм арзонлашди.*

**АРЗОНСИНАМОҚ** Асл баҳосидан, нархидан арзон сўрашяпти, деб билмоқ; олувчи айтган баҳони, нархни кам деб ҳисобламоқ.

**АРЗОНЧИЛИК** Нарх-навонинг арзон ҳолати, пайти; *зид.* **қимматчилик.**

**АРЗОНҚЎЛ** *с. т.* Озгина ҳақ бадалига ишлайдиган, меҳнати эвазига кам ҳақ оладиган. *Ҳозир олмалар пишган вақт бўлгани учун менга ўхшаш оштомоғига юрадиган арзонқўл кишиларни эшигидан қувламас экан.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**АРЗ-ҲОЛ, ари ҳол қ. арз 1.**

**АРИ** Парда қанотли ҳашаротларнинг йиртқич ва чақадиган бир тури. *Сариқ ари. Тукли ари. Қизил ари. Қовоқ ари. Ёмон арида бол бўлмас, сувсиз ерда тол бўлмас.* Мақол. ■ *Ари.. бешиктерватарни чақиб фалаж қилади.* «Фан ва турмуш».

**АРИЗА** [а. عرضه — арзнома; илтимоснома] Муайян муассаса ёки мансабдор шахс номига ёзилган илтимос, таклиф, шикоят мазмунидаги расмий ҳужжат. *Ариза бермоқ. Ариза ёзмоқ. Ариза ташламоқ.*

**АРИЗАБОЗ** Ариза ёзишга берилган шахс.

**АРИЗАБОЗЛИК** Ариза ёзишга берилиш, аризалар ёзиш билан машғуллик.

**АРИЗАНАВИС** *тар.* Одамларга қалам ҳақи бадалига ариза ёзиб берувчи шахс. *Маҳаммадражаб кейинги бир ҳафтани турли.. аризанавислардан йўл-йўриқ сўраш билан ўтказди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АРИЗАЧИ 1** Ариза берувчи, ариза берган шахс. *Мингбоши шошиб бориб, меҳмонхона айвонига чиқди-да, ҳар вақт аризачиларни сўраб, айбдорларни тергов қиладиган ерига келиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2 айн.** **аризанавис.**

**3 тар.** Фуқародан тушган ариза, илтимоснома, шикоятларни ўзидан юқори амалдорга маълум қилиб турувчи мансабдор шахс.

**АРИЛЛАМОҚ 1 с. т.** Бақириб йиғламоқ, ҳадеса йиғлайвермоқ, ар-ар қилмоқ (бола ҳақида).

**2 фольк.** Пишқирмоқ (от ҳақида). *Оғзини каррақдай очган, ариллаган арғимоқ отларнинг ҳар қайсиси томдай келади.* «Авазхон».

**АРИМОҚ** Борлиги кетмоқ, йўқолмоқ (бор ҳолда давом этаётган нарсалар ҳақида). *Касали аримоқ. ■ Машариф ака анча тузалиб, танидаги дард ариган бўлгани билан дилидаги дард аримаган эди.* Мирмуҳсин, Қизил дурралар. *Ота, юмшоққина қилиб, қадр ариган хонадонни қирғоққа чиқиб қолган балиққа қийсади.* «Ёшлик». *Кексалар бор хонадонлардан хайру баракот аримайди.* Газетадан.

**АРИСТОКРАТ** Аристократияга, оқсуякларга мансуб шахс; оқсуяк, аслзода.

**АРИСТОКРАТИЗМ** Аристократларга, оқсуякларга хос сифатлар, аристократик феъл-атвор, юриш-туриш.

**АРИСТОКРАТИК 1** Аристократияга, киборларга, оқсуякларга оид. *Аристократик жамият.*

**2** Аристократларга, оқсуякларга хос бўлган; назокатли. *Аристократик хулқ-атвор.*

**3** Аристократиянинг ҳукмронлигига асосланган. *Аристократик республика. Аристократик идора усули.*

**АРИСТОКРАТИЯ** [юн. aristokratia — яхшилар ҳокимияти] **1** Иқтисодий ҳукмрон синф, зодагонларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳукмронлиги.

**2** Кулдорлик ва феодал давлатларда энг имтиёзли табақа (буржуа давлатида ҳам маълум имтиёзларни сақлаб қолган).

**АРИСТОН** [нем. Arrestant — қамоққа олинган киши] *с. т.* Қамоққа олинган, қамоқдаги киши; маҳбус, банди. —*Қўрқманг,*



уста, мен сиздан аристонларни қандай қочиртирганлигингизни суриштирмоқчи эмасман, — деди Тешабой шарақлаб кулиб. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**АРИТМИЯ** [юн. arhythmia — маромнинг, ритмнинг бузилиши] *тиб.* Юрак уришидаги одатий ритмнинг, маромнинг бузилиши. *Мен, ўн йилдирки, каравотда шифтга тикилиб ётаман. Юрак касал — аритмия.* Газетадан.

**АРИФМЕТИК** Арифметикага оид. *Арифметик масала. Арифметик амаллар.*

**АРИФМЕТИКА** [юн. arithmetike — ҳисоб ҳақидаги фан < arithmos — сон] Математиканинг сонларнинг оддий хоссаларини ҳамда улар устида бажариладиган амалларни (қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш) ўрганадиган бўлими; ҳисоб. *Арифметиканинг тўрт амали. ■ Ал-Форобий математикани арифметика, геометрия, оптика ва механикадан иборат деб қаради. «Фан ва турмуш».*

**АРИФМОМЕТР** [юн. arithmos — сон + metreo — ўлчайман] Арифметик амалларни механик равишда бажарадиган ихчам ҳисоблаш машинаси.

**АРИХОНА I** *с. т.* Ариси кўп бўлган, арилар гужгон ўйнаган жой.

**2** Асалариларни боқиш ва асал тўплаш учун махсус ясалган яшик, қути.

**АРИЧИ** қ. асаларичи.

**АРИЧИЛИК** қ. асаларичилик.

**АРИШ I** **Аримоқ** фл. ҳар. н. *Абдулвоҳид.. Аҳмаднинг фалокати ариши эҳтимоли борлиги ҳақида қисқагина сўзлади. Ойбек, Нур қидириб.*

**АРИШ II** Фалла ўсимликларидан бири, қора бугдой ва унинг дони, галласи. *Ариш уни. Ариш ғони. Ариш бошоқ чиқарди. Бир тонна ариш.*

**АРИЯ** [итал. aria — қўшиқ] Оркестр ёки бошқа мусиқа асбоблари жўрлигида бир киши ижро этадиган (айтадиган) вокал асар, ашула (кўпинча опера, оратория ва ш.к. нинг таркибий қисмини ташкил этади).

**АРИҚ I** Сунъий равишда ҳосил қилинган сув йўли, ўзани ва ундаги сув. *Бир одам ариқ қазийди, кўп одам сув ичади. Мақол. Отанг мироб бўлса ҳам, ариқни тозалаб сув ич. Мақол.*

**Ариқ оқсоқол тар.** Туркистонда 19-асрда қишлоқ мироби. *Бу киши [Мадамин] қишлоқ-*

*нинг мироби бўлиб, кўпчилик бу одамни «Ариқ оқсоқол» дер эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**2** Экин экиш ва сугориш учун экин майдонида тортилган махсус сув йўли, жўяк.

**Ўқ ариқ** Экин майдонида жўякларга сув тарқатиш учун олинган марказий ариқ.

**АРИҚЧА I** Кичкина ариқ, жилға(ча). *Саҳнга дид билан ранг-баранг гуллар экилибди, ариқчада ўрта бармоқдай сув эринчоқлик билан.. оқиб турибди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

**2** *тех.* Турли деталларнинг ариқсимон ўйилган ери. *Пориень ҳалқасининг ариқчаси.*

**АРК I** [ф. ارك — ички қалъа] *тар.* Пойтахтдаги қаср; хон ёки амирнинг атрофи баланд девор билан ўралган қўрғон-саройи. *Фитначилар амир жўнаб кетган куннинг эртаси тунда аркка хужум қилди. Б. Аҳмедов, Улуғбек. Арк ичи кимхоб ва зар чакмон кийган, кумуш камар боғлаган ва катта салла ўраганлар билан тўлди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**АРК II** *с. т.* Арка.

**АРКА** [лот. arcus — ёй, ёйсимон эгик] **I** *архит.* Тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза, эшик, дераза ва ш.к.

**2** Шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот. *Қўрғонга кираверишда баланд ёғоч арка бор. Аркага: «Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз» деб ёзилган. З. Сотиев, Юрак сўзлари.*

**АРКОН** [а. اركان — «рукн»нинг кўплиги, яъни устунлар, асослар] *эск. кт.* Улуғ мартаба эгалари, катта амалдор, мансабдор, арбоблар. *Сунага ўн чоғлиқ аркон чиққандан сўнг, хон худайчига яна бир нарса деб қўйди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**Аркони давлат** Давлат арбоблари, юқори мартаба эгалари. **Аркони дин** Дин асослари **Аркони ҳарб** Қўшинларнинг бош штаби, ҳарбий кўмондонлик.

**АРКОНИ(Й)** Қовуннинг ширин бир нави. *..бозорга тушган қовунхўрлар бу лаззатли неъматларнинг умрвоқи, аркони каби номларини ҳамма вақт ҳам билалвермайдилар. «Фан ва турмуш».*

**АРКТИКА** [юн. arktikos — шимолий] (*Акатта*) Ер шарининг шимолий қутб қисми.

**АРМАН(И) I** Арманистон Республикасининг туб (асосий) аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат)нинг номи.

**2** Шу халққа (миллатга) мансуб (шахс, тил ва ш.к.). *Арман(и) аёл. Арман тили.*

**АРМАН(И)ЛАР** Арманистон Республикасининг асосий аҳолисини ташкил этган халқ.

**АРМАТУРА** [лот. *armatura* — қурол-аслаҳа, қурол тури] *тех.* 1 Аппарат, машина, иншоот ва ш.к. нинг асосий қисмига кирмайдиган ёрдамчи қисмлари мажмуи. Буг қозонининг *арматураси*.

2 Темирбетон иншоотларнинг пўлат чивиклардан иборат қаркаси, синчи, шунингдек, иншоотларни мустаҳкамлаш учун уларнинг ораларига қўйилладиган металл қисмлар мажмуи. *Шлюз деворлари арматураси*. ■ *Кечаги катта котлован ўрнини.. арматура симлари қоплаган.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**АРМАТУРАЧИ** Арматура тайёрловчи ёки ўрнатувчи ишчи.

**АРМИЯ** [лот. *armata* — қуроллантирмак] 1 Давлатнинг барча қуролли кучлари мажмуи. *Республикамик армияси*. ■ *Урушнинг иккинчи йили отаси армияга кетди-ю, қўлида хунари йўқ она икки бола билан қолди.* П. Қодиров, Уч илди.

**Ҳаракатдаги армия** Армиянинг уруш вақтида фронтда бўлган қисмлари.

2 *айн. ҳаракатдаги армия* Шу узилиб тушган *иккита бармоқ туфайли у армиядан қолиб кетди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Биз ўстирган ўғиллар Армияга борурлар, Тикилиб келса душман, Жазосини берурлар.* «Кўшиқлар».

3 Куруқликдаги қуролли кучлар.

4 Бир ёки бир неча қўшин турларининг бир неча корпус ёки дивизиядан ташкил топган, уруш ҳаракатларини олиб бориш учун белгиланган қўшилмаси. *Танк армияси*.

5 *кўчма* Умумий иш, умумий мақсад билан бирлашган кишилар. *Механизаторлар армияси*.

**АРМОН** [ф. *арман* — кучли истак, орзу] 1 Кўнгилга тугилган, лекин(ҳали)юзага чиқмаган, амалга ошмаган орзу-ният. *Шунингдек, минглаб ватандошларимиз умра амалларини бажариб келишяптики, бу илгари қанчадан-қанча юртдошларимизнинг армонлари эди.* Газетадан. *Шоир юрагида элнинг дарди, раиятнинг эртаққа солиб қўмсаган тилақлари.. армонлари акс садо бермагайми, Аваз?* С. Сиёев, Аваз.

2 Кўнгилга тугилган орзу-ниятнинг рўёбга чиқмаслигидан афсус-надомат. -Э, беар-

*мон одам бўларканми, Назар ака, — дея таскин берган бўлдим. — Айтишларича, худоям Одам Атони тўқисроқ яратолмаганидан армонда экан.* М. М. Дўст, Лолазор.

**Армон қилмоқ** Амалга ошмаган орзу-ниятдан афсусланмоқ. *Эрта эккан хирмон қилур, кеч эккан армон қилур.* Мақол.

**АРМУҒОН** [ф. *армуған* — совға, тухфа] *кт. назм.* Совға, тортиқ, тухфа. *Бугуним яхши, аминманки, эртага ҳаёт менга ўз армуғонларидан яна қанчасини тайёрлаб турибди.* А. Мухтор. Давр менинг тақдиримда. *Уч ўғлондир Андижон, Намангану Фарғона, Юртга айлар армуғон Миллион тонна дурдона.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

**АРНА 1** Баъзи шеваларда (мас., Хоразм шевасида) — бош канал.

2 Баъзи шеваларда (мас. Жиззах шевасида) — кичик жар. *Арна келса иргитди, Ўр келса ўрмалатди, Шундай Ҳаким йўл тортди.* «Алпомиш».

3 Шимолий ўзбек шеваларида (Қозғистонда) — дарё ўзани, қуруқ ўзан.

**АРО** юқ. усл. 1 *айн. ора.* *Эрди бу сўзда Тўтию Булбул, Ки етишди ароға Қирғовул.* Нишотий, Қушлар мунозараси. *Манга қилди бори фикри хиёнат, Ародин кўтариб дину диёнат.* С. Қосимий, Садоқатнома. *Хирож тўлар эди Шош фуқароси, Чўзилди, узилмай жанглар ароси.* Шайхзода, Тошкентнома.

2 *кўм.* Ораси, орасида. *Оҳ уриб майдон аро Рустам каби солсам уриш.* «Нурали». *Лашкар аросида ўғлонни кўрдим.* «Нурали».

3 *кт.* Кўплик шаклидаги отларга қўшилиб, шу сўз билдирган нарсалар «ўртасида», «ўртасидаги» маъносини билдиради. *Республикалараро, давлатлараро, хўжаликлараро.*

**АРОБА** эск. усл. Арава. *..Отлар хуркуб, узуб, аробалар олуб қочуб, неча одамларни босиб ўлдурмадими?* Ҳамза.

**АРОСАТ** с. т. Арасот. *Маҳмудхонга бўлиб турур қиёмат, Алғов-далғов Оқтош шаҳри аросат.* «Нурали». *Товушқон тўғқли, марал беллидир, Аросат кунда ажаб ҳоллидир.* «Маликаи айёр».

**АРОҚ** [а. *عرق* — тер] 1 *эск. тер.* Тўкмаса дехқон ароқ, *пойи бел, Емишининг фойдасин топмас эл.* Ҳ. Хоразмий, Гулшанул-асрор.

2 *айн. арақ.* Ароқдан сақланинглар, *чунки у барча ёмонликларнинг калитидир.* “Фан ва турмуш”. *Кассир акамни қаранг, Ароқ ичиб маст келади.* «Кўшиқлар».

**АРОҚХЎР** айн. арақхўр. Ароқхўр — ўзига қонхўр. Мақол.

**АРПА** Ғалладошлар оиласига мансуб, дони овқатга ва ем сифатида ишлатиладиган бир ва кўп йиллик ғалла ўсимлиги ва унинг дони, ғалласи. Арпа экан арпа олар, бугдой экан бугдой олар. Мақол. Арпа қаерда пишса, чумчуқ ўша ерда. Мақол. ■ Сополлитепаликлар, кўпинча, бугдой, арпа ва тариқдан тайёрланган атала истеъмол қилишгани аниқланди. «Фан ва турмуш».

**Арпангни хом ўрдими?** Нима ёмонлик қилди? (ёмонлик қилмаганликни қайд этувчи ибора). Алишер Навоийга қарши тилларингни мунча қайрай бердиларинг! У жаноб селларнинг арпаларингни хом ўрдими? Ойбек, Навоий.

**АРПАБОДИЁН** Уруғи, мевасида асосан эфир мойи, шунингдек, оқсил ва бошқа моддалар бўлган, зирадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Сўнгра арпабодийёни туйиб ёки кафт орасида уқалаб, димламага ва лағмон вазжусига солинади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**АРПАПОЯ 1** Арпа экилган ер, майдон.  
**2** Арпа ўсимлигининг пояси.

**АРПАҒОН** Бугдойдошлар оиласига мансуб, чўлда ва адирларда ўсадиган паст бўйли бир йиллик ўсимликлар туркуми. [Бобо] Кўйларнинг арпағон.. каби ўтларни талашиб-тортишиб ейишларини завқ қилиб кузатди. С. Қўчқорбеков, Чўпон Рўзи бахши.

**АРРА** [ф. آرآه — арра] Ёғоч, металл, тош ва ш. к. нарсаларни қирқиш, кесиш учун ишлатиладиган қирра тиши асбоб. Камон арра. Лентасимон арра. Қил арра. Қўл арра. Арра тиши. Арра тортмоқ. ■ Бошқа бир ҳовлида икки бола эринчоқлик билан арра тортади. «Ёшлик».

**Арра қилмоқ** Тенг бўлишиб олмоқ. Ортиқча.. сутдан келган даромад жиноятчилар ўртасида арра қилиб келинган. Газетадан. Аррани баравар тортмоқ Бирор иш, меҳнатда тенг иштирок этмоқ. Рўзгор аррасини баробар тортишиб келади. Шухрат, Умр поғоналари.

**АРРАКАШ** [ф. آرآه كاش — арра тортувчи] Арралаш, арра тортиш билан шуғулланувчи шахс.

**АРРАКАШЛИК** Арракаш иши. Қиши билан арракашлик қилиб, тўнзак кавлайдиган бўлиб турибмиз. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АРРАЛАМОҚ 1** Арра билан кесмоқ, бўлмоқ. Ёғоч арраламоқ.

**2** кўчма Тинч қўймай, гап-сўз билан жонга тегмоқ. Бу ёқда қариб қуйилмаган хотин арралаб турса.. М.М. Дўст, Лолазор.

**АРРАЧИ** с. т. Арракаш.

**АРСЕНАЛ** [фр. arsenal < а. دارالصناعة — ишхона, устахона] **1** Қуроқ-аслаҳа ясайдиган, тузатадиган, сақлайдиган жой; қуроқ-яроғ омбори.

**2** Кўп сонли бирон нарса, катта заҳира.

**АРСЛОН 1** Мушуксимонлар оиласига мансуб баҳайбат йиртқич сутэмизувчи ҳайвон; шер. Йигит сўздан, арслон изидан (қайтмас). Мақол. Арслоннинг ўлиги, сичқоннинг тириги. Мақол.

**2** кўчма Баҳодир, забардаст, довьорак одам ҳақида (шу жониворга нисбат берилди). Машғум Калон минорасидан ўлимга татрилган эл арслонларининг наъраси қалъа осмонини ҳамон ларзага келтирмоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**3** Арслон (эркаклар исми).

**АРТЕЗИАН** [фр. artesian — Франциядаги Артуа (лат. Artesium) вилояти номидан]; **артезиан сувлари** Босим таъсирида бўлган ер ости сувлари. Улар сув ўтказмайдиган қатламлар оралиғида ҳосил бўлади. Бурғулаб очилганда (бурғу қудуқлардан) отилиб чиқади. **Артезиан қудуқ** Бурғулаб қавланган теран қудуқ; бурғу қудуқ. Ойқиз бу ерларда артезиан қудуқлари қазилаётганини яхши билади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**АРТЕЛЬ** [фр. artel < ital. artiere — ҳунарманд] Фуқароларнинг, касб-ҳунар эгаларининг биргалашиб, жамоа бўлиб ишлаш учун тузилган уюшмаси шаклларида бири.

**АРТЕРИОСКЛЕРОЗ** [артерия + юн. sclerosis — қотиб қолиш] тиб. Артериялар деворларининг қалинлашуви ва зичлашуви натижасида юз берадиган сурункали касаллик.

**АРТЕРИЯ** [юн. arteria — нафас йўли; aetereo — сақламоқ] анат. Кислородга тўйинган қонни юракдан аъзолар ва тўқималарга элтувчи томирлар. Ўлка артерияси. Кўз артерияси. Артерия босими.

**Ўйку артерияси** Бўйин бўйлаб кетган катта қўш артерия.

**АРТИЗАН** с. т. айн. артезиан. Улар қудуқдан сугоради, энди бизга атаганям бордир. Қани у, артизан деган матоҳинг, ўртоқ Маҳсумов. М.М. Дўст, Лолазор.

**АРТИКЛЬ** [лат. articulus — нутқ қисми, бўлаги] *тлш.* Баъзи тилларда отнинг олди-дан қўшилиб, унга аниқлик ёки ноаниқлик ва б. маъноларни бағишлайдиган кўрсаткич. *Аниқлик артикли.*

**АРТИКУЛ** [лат. articulus — бўлим, қисм] **1** Баъзи қонун ва расмий ҳужжатларда маҳсус модда.

**2** Маҳсулот, товар тури, шунингдек, унинг рақамли ёки ҳарфий ифодаси.

**АРТИКУЛЯЦИЯ** [лат. articulatio < articulare — аниқ талаффуз қилмоқ] **1** *тлш.* Нутқ аъзоларининг (лаб, тил ва ш.к. нинг) товуш ҳосил қилишдаги ҳаракат-фаолияти ва ҳолати.

**2** Мусиқада: асарни созда ёки овоз билан ижро этиш усули.

**АРТИЛЛЕРИЯ** [фр. artillere — тайёрламоқ, шайламоқ] **1** Тўп, миномёт ва ш.к. отиш қуроллари мажмуи. *Зенит артиллерияси. Узйорар артиллерия.*

**2** Шундай қуроллар билан қуролланган қўшин тури. *Шу чоғ артиллерия қисмлари оғир тўплари билан ўта бошлади.* Ойбек, Куёш қораймас.

**3** Тўп-замбараклар, уларнинг тузилиши ва урушда қўлланиши ҳақидаги фан.

**АРТИЛЛЕРИЯЧИ** Артиллерияда хизмат қилувчи аскар, офицер.

**АРТИНМОҚ** **Артмоқ** **1** фл. ўзл. н. Бадандаги ёки унинг бирор қисмидаги нам, ҳўлни сочиқ, латта билан ишқаб кетказмоқ. *Шошилмай, ваннахонага кириб, юз-қўлини чайиб, артиниб, шундан кейингина ичкарига ўтди.* М.М.Дўст, Лолазор.

**2 айн. артмоқ** **3.**

**АРТИСТ** [лат. ars, artis — касб, ҳунар; санъат] **1** Санъат асарларини томошабинлар учун намойиш қилувчи ижрочи. *Опера артисти. Эстрада артисти.* ■ *Концерт тугачак, Элмурод артистларни ўз ертўласига тақлиф этди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** *кўчма с. т.* Бирор иш-ҳаракат, ўйин ва ш.к. ни артист каби ижро этувчи, унинг ҳадисини олган, артистга хос хатти-ҳаракат, қилқларга эга шахс.

**АРТИСТКА** Артист аёл.

**АРТИСТЛИК** **1** Артист касби. *Мурзин.. ўзининг артистлик ҳам қилганини Элмурод билан биринчи марта қўл бериб кўришайётганда айтган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Артистга хос хатти-ҳаракат, қилиқ (*қ. артист* **2**).

**АРТМОҚ** **1** Нарса юзасига ўрнашган (илашган, юққан) кир, чанг, сув ва б.ни ишқаб кетказмоқ. *Хонани сунуриб, ҳўл латтада артиб тозалади.* «Ёшлик». *..сансарик олмалардан йирикроғини танлаб, белбоғ учига артган бўлди-да, очкўзлик билан карсиллатиб тишлади.* «Ёшлик». *..беихтиёр думалаб тушган ёшни артиш учун бошини эгди.* С. Зуннунова, Олов. *Ошхонада кўрдим бир бадмаст сатанг Қўл, оғзин артаганин нон билан қаранг.* Воқиф. *..чақалоқнинг териси жуда нозик бўлади.* *Шунинг учун чўмилтиргандан сўнг артманг, сочиқни баданига аста-аста босиб олинг.* «Саодат».

**2** *шв.* Пўстини, пўчоғини олмоқ; арч(и)-моқ. *Сабзи артмоқ. Картошка артмоқ.*

**3** Ҳўл сочиқ, латта билан баданни ишқаламоқ (баданни чиниқтириш учун).

**АРТРИТ** [юн. arthron — бўғим + it(is) — яллиғланишни ифода этувчи қўшимча] Бўғимларнинг яллиғланиши.

**АРТРОЛОГИЯ** [юн. arthro(n) — бўғим + logos — таълимот; фан] Бўғим ва унинг касалликларини ўрганадиган фан.

**АРУЗ** [а. عروض — шеър ўлчовлари, вазнларига солиштириб ўлчаш] *ад.* Шеър тузилишида узун ва қисқа бўғинларнинг маълум тартибда алмашиб келишига асосланган ва Шарқ назмида, хусусан, ўзбек мумтоз назмида кенг қўлланган шеърый ўлчов, шеър тизими. *Аруз вазни. Аруз вазнида ёзилган шеър.*

**2** Шеър вазнлари, ўлчовлари ҳақидаги илм, фан. *Илми арузда сендек устоз оз қолди, Воқифга чин мураббий, пири гарон, Чархий.* Воқиф.

**АРФА** [нем. Harfe < итал. агра] Учбурчак шаклидаги қадимий кўп торли тирнама мусиқа асбоби.

**АРФАЧИ** Арфа чалувчи созанда.

**АРХАИЗМ** [юн. archaios — илк, қадимги] *тлш.* Маълум давр учун эскирган, истеъмолдан чиқа бошлаган тил бирлиги — сўз, ибора, грамматик шакл. Мас., *суур* (севинч), *ҳаён* (фойда) — луғавий архаизмлар.

**АРХАИК** Эскирган, истеъмолдан қолган. *Архаик сўз. Архаик ибора.*

**АРХАК** Жуфт туёқлилар туркумига мансуб ёввойи қўйларнинг умумий номи; ал-

қор, тоғ қўйи. *Меҳмон ўз насибаси билан келди, хўжайин. Бугун эрталаб битта архар отиб эдим!* С. Анорбоев, Оқсой. *Баланд тоғ яйловларида яшайдиган архарларнинг ғалати бир одати бор.* «Фан ва турмуш».

**АРХЕОЛОГ** Археология олими, мутахассиси. *Ҳазорасп шахри харобаларини тадқиқ этишини.. устод археолог Яҳё Фуломов бошлаб берди.* «Фан ва турмуш».

**АРХЕОЛОГИК** Археологияга оид. *Археологик экспедиция. Археологик қазилмалар.*

**АРХЕОЛОГИЯ** [юн. *archaios* — қадимги + *logos* — таълимот] Қадимий моддий маданият ёдгорликлари асосида халқларнинг тарихий ўтмишини, турмуши ва маданиятини ўрганувчи фан. *Археология музейи.*

**АРХИВ** [лот. *archivum* ва юн. *archeion* — муассаса] 1 Эски ҳужжатлар, ёзма ва график ёдгорликларни сақлаш, системалаштириш ва тавсифлаш билан шуғулланадиган махсус муассаса. *Давлат архиви.*

2 Муассасанинг эски ҳужжатлар, тугалланган ишлар ва ш.к. сақланадиган бўлими. *Институт архиви.*

3 Бирор муассаса ёки шахснинг иш фаолиятига алоқадор бўлган хатлар, қўлёзмалар, фотосуратлар ва ш.к. йиғиндиси, мажмуи. *Ёзувчининг шахсий архиви.*

**АРХИВАРИУС** айн. архивчи.

**АРХИВЧИ** Архив ходими, архивда ишловчи киши.

**АРХИВШУНОС** Архив ишлари бўйича мутахассис олим.

**АРХИВШУНОСЛИК** Қўлёзмаларни, ҳужжатларни тўплаш, тартибга солиш ва сақлаш, шунингдек, архив иши тарихини ўрганиш, ташкил қилиш каби масалалар билан шуғулланувчи илмий соҳа.

**АРХИЕПИСКОП** [юн. *archi* — ясама сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, «юқори», «юқори даража», «катта» маъноларини билдиради: *archiepiskopos* — катта епископ] Епископдан юқори унвон ва шу унвонга эга бўлган руҳоний.

**АРХИЕРЕЙ** [юн. *archiereus* — биринчи, катта руҳоний] Христиан черковларида: юқори даражали руҳонийлар (епископ, архиепископ ва митрополит)нинг умумий унвони.

**АРХИМАНДРИТ** [юн. *archimandrites*] Эркаклар монастири бошлигининг ва монахларнинг олий унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**АРХИПЕЛАГ** [юн. *arche* — ибтидо; бош + *pelagos* — денгиз] Бир-бирига яқин турган денгиз ороллари гуруҳи, ороллар тўдаси.

**АРХИТЕКТОНИК** Архитектоникага оид. *Архитектоник формалар.*

**АРХИТЕКТОНИКА** [юн. *architektonike* (*techne*) — қурилиш (санъати)] снт., архит. Санъатда, хусусан архитектурада бир бутуннинг айрим қисмлари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, мослик; бадий элементларнинг ўзаро монандлиги, мослашуви.

**АРХИТЕКТОР** [юн. *architekton* — архитектура мутахассиси] Архитектура мутахассиси, бино ва иншоотларни лойиҳаловчи ёки қурувчи мутахассис; меъмор.

**АРХИТЕКТОРЛИК** Архитектор касби.

**АРХИТЕКТУРА** [лот. *architectura* < юн. *architektonike*] Бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва безатиш санъати; меъморлик. *Самарқанд архитектураси. Замонавий архитектура. ■ Шаҳар марказида улугвор архитектура ансамбллари барпо этилди.* «Фан ва турмуш».

**АРЧА** 1 Сарвдошлар оиласига мансуб, доим яшил бута ёки дарахтлар туркуми. *Чинор чиримас, арча қуримас.* Мақол.

2 айн. қорақарағай.

3 Шу дарахтнинг янги йил кунларида кесиб олиб безатилган шохи ёки тупи. *Арча ясатмоқ.*

**Арча байрами** Безатилган арча атрофида ўтказиладиган болалар байрами. *Қишлоқ мактабида ва уйларда арча байрами ўтказишни одат қилган киши ҳам шу эди.* Х. Назир, Ёнар дарё.

**АРЧАЗОР** Нуқул арча билан банд ер, майдон. *Кўксой ўзанидан кўтарилаётган қуюқ туман.. арчазор устига салобат билан бостириб бормоқда.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АРЧ(И)МОҚ** 1 Пўстини олмоқ. *Жувон Сиддиқжондан пичоқ сўраб олиб, иккита бодринг арчиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Севаргул қўтидаги нақш олмалардан бирини олиб, пўстини арчмай, карсиллатиб тишлади.* «Ёшлик».

2 Пўстлоғини олмоқ, шилмоқ. *Терак пўстлоғини арчимоқ.*

**АРШ** I [а. *عرش* — тахт; шийпон] 1 Осмоннинг энг юқори қавати, юқориси.

2 маж. Энг юқори жой. *Саҳарлар сийнадин оҳу фиғоним арша чиққанда.. Зебинисо.*

**Арши аъло** 1) энг юқори арш. *Кўз юмиб очунча ер ютиб кетдим, ё арши аълога ўтиб кетдим?* М. Қўшмоқов, Али Қамбар; 2) маж. юксак жой, осмон, фалак. *Ёғилмас ҳеч чалпак сабабсиз арши аълодан.* Воқиф. **Арши аълога кўтармоқ** Кўкка кўтармоқ, юқори тутмоқ. *Бир вақтлар унинг олдида ўзини арши аълога кўтарган Жамол Каримий Улфат энди ўзининг шеърларини бериб, унинг фикрини сўрар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АРШ II: арш қилмоқ** с. т. Кайф-сафо қилмоқ, айш-ишрат қилмоқ. *Аввалгидан кўра каттароқ арш қилиб юрибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АРШИН I** Метрик система жорий қилинганга қадар қўлланган узунлик ўлчов бирлиги (0,71 метрга тенг).

**2** Шу узунликдаги ўлчов асбоби; газ, газчўп.

**Ўз аршини билан ўлчамоқ** Ўз нуқтаи назари, ўз ўлчови билан баҳоламоқ. *Ҳар ҳолда, кимки ким ҳақида ёзмасин, ўша одамнинг ўзига ўхшашини хоҳлайди, бошқача айтганда, ўз аршини билан ўлчайди.* М.М.Дўст, Лолазор.

**АРБЕРГАРД** [фр. arriere — орқадаги + garde — соқчи, қўриқчи] Ҳарбий юриш, ҳужум ёки чекиниш вақтида асосий кучларнинг кетидан борувчи ва уларни душманнинг орқадан келиб ҳужум қилишидан сақловчи аскарый қўшилма, қисм. *Учинчи октябрь кун кечаси душман марказ группасининг арвергард қисмлари Чайка дарёси бўйига чиқди..* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АРҚИРАМОҚ** фольк. Қудратли товуш чиқармоқ, наъра тортмоқ, пишқирмоқ. *Арқираган эрдай бўлиб, борди девларнинг устига.* «Маликаи айёр». *Арқираган шердай бўлиб.. от қўй арабнинг устига.* «Юнус пари».

**АРҚОН** Зиғир, каноп, наша пояси толаларидан, иплан ёки жундан эшиб тайёрланган, боғлаш учун ишлатиладиган буюм; арғамчи. *Қил арқон. Жун арқон. Каноп арқон. Илон чаққан ола арқондан кўрқади.* Мақол. ■ *Матпано шуни ўйлаб, арқонни омон дастасига чирмади.* С. Сиёев, Аваз.

**Арқон солмоқ** этн. Янги келатган келинчақ йўлини арқон билан тўсмоқ (келин олиб кетаётганлардан пул, рўмол ва ш.к. лар олиш мақсадида). *«Арава пойга»нинг гумбури, аравакашларнинг қийқириғи, аёлларнинг «ёр-ёри» билан тўй карвони бо-*

*раркан, қандайдир болалар, ўспиринлар югуриб чиқиб, йўлга арқон солдилар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бўйнига арқон солгандай айн. бўйнидан бойлагандай. қ. бўйин.** **Арқонни узун ташламоқ** Бировнинг ноўрин, ножўя хатти-ҳаракати учун танбеҳ беришда, қўлга олишда шошмай, «ўзига қўйиб бериб» иш тутмоқ. **Арқонни устига ташлаб юбормоқ** Сафдан чиқармоқ, ҳайлаб юбормоқ. *Ячейка унинг арқонини устига ташлаб юборган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АРҚОНЛАМОҚ** Ўтлаш учун узун арқон билан қозиқ ёки бошқа нарсага боғлаб қўймоқ (уй ҳайвонларини). *Отни бедапоёга арқонламоқ.* ■ *Бир деҳқон сигирини ёп-зовур четига арқонлаб қўйган экан, илон чақиб ўлибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**АРҚОҚ** тўқм. Газламанинг ўриши билан кўндалангига кесишувчи иплари. *Ўрши-арқоғи мустаҳкам мато аъло тўқилгуси.* Воқиф.

**АРҒАМЧИ** шв. Арқон. *Арғамчига қил қувват.* Мақол. ■ *Кал ўроғи билан арғамчисини бир кўкатнинг тагига беркитибдида, товушини чиқармай ётаверибди.* «Зумрад ва Қиммат».

**АРҒИМЧОҚ I** Дарахтнинг шохига ёки иморат ёғочига икки учини боғлаб осилган арқон; ҳайинчак. *Арғимчоқ солмоқ. Арғимчоқ учмоқ.*

**2** Умуман, шундай учиб ўйнаш учун ишланган мослама, қурилма. *..арғимчоқларни тўла таъмирдан чиқариб, болаларга ҳада этишди.* Газеталан.

**АРҒУВОН** [ф. ارغوان] **1** Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган, баҳорда очиладиган қирмизи гулли бир дарахт (бурқоқдошлар оиласига мансуб дарахтлар туркуми). *Ибодилла.. отни бино олдидаги қатор арғувон дарахтларининг бирига боғлаб қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**2** Шу дарахтнинг гулига ўхшаш, қирмизи ранг. *Арғувон юз. Арғувон шафақ.* ■ *Юзларинг олмадек ёнар, гунчаи арғувонмусан.* Машраб.

**АРҒУВОНИЙ** Арғувон гули рангли. *Қуйди уфқнинг пиёласига Арғувоний бодасини шом.* «Ёшлик».

**АРҒУМОҚ, аргумоқ** от Зотли чопқир отларга берилган умумий ном. *..бахмал ёпқичли аргумоқлар кўкка санчийди.* С. Сиёев, Аваз. *Остимда ўйнайди аргумоқ отим.* «Маликаи айёр».

**АСАБ** [a. عصب — нерв; пай, томир] **1** анат. физиол. Бош ва орқа миядан барча аъзоларга тарқалган ва уларнинг фаолиятини бошқариб турадиган жуда ингичка нерв томирлари тизими ва шу томирларнинг ҳар бири. *Ўзи ёш, асаблари бутун.* С. Зуннунова, Олов.

**2** Организм фаолияти ва инсон хатти-ҳаракатларини ўз ичига олган шундай тизимлар мажмуи.

**3** Шу тизимлар мажмуининг ҳолати. *Бо-бошнинг таранг асаблари бўшашиб, енгил тортди-да..* А. Мухтор. Бўронларда бордек ҳаловат. *Гўзал манзара руҳингизни бардам, асабларингизни осойишта қилади.* «Саодат».

**4** Асабий ҳолат. *Адолат асабдан титраб, бошини ушлаб, ўтириб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**Асабига тегмоқ** Асабини кўзғатмоқ, ғижинтирмоқ, жиғига тегмоқ. *У Карим билан Меҳрини мақтаб, Қодировнинг асабига текканини сезиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Асаби бузилмоқ** Кайфияти ёмон томонга ўзгармоқ. *Бўлар-бўлмасга асабинг бузилмасин.*

**АСАББОЗЛИК** Асаб билан ўйнашиш. *Э, каттақонинг билан қўшмозор бўл, деб ўйлади Яхшибоев, бунақа асаббозликда соғайиб бўладими.* М.М.Дўст, Лолазор.

**АСАБИЙ 1** Салга асабийланаверадиган, бўлар-бўлмасга қизишиб, тутақиб кетадиган; зардаси тез, жиззаки. *Асабий киши. Асабий бола. ■ Отам асабий одам эди. Шундай бўлса ҳам, мени қаттиқ урмаган ва ёмон.. сўкмаган эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**2** Асабларнинг кўзғалиши билан боғлиқ. *Асабий ҳолат. Асабий товуш. ■ -Бегонадан ҳам баттарсиз! — қизишиб кетган Холисаннинг лаблари асабий титради.* С. Нуров, Нарвон. *Юзини асабий тимдлаётган онасининг аҳволига ачинибми, аёл жаҳлдан тушди.* «Ёшлик».

**АСАБИЙЛАНМОҚ** айн. **асабийлашмоқ**. *-Нима қилай, қўлимдан келган бутун яхшиликни қилиб кўрдим, — чой хўлади Маҳмудов ва асабийланиб, титраб, ғазаб билан сўзида давом этди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

**АСАБИЙЛАШМОҚ** Асаби кўзғамоқ, асабий ҳолатли бўлмоқ. *Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайғуси билан асабийлашган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **У**

*нимадандир асабийлашиб, тез-тез қошини чимирар, йиғинга тезроқ яқун ясашга ошиқар эди.* Н. Аминов. Қаҳқаҳа.

**АСАБИЙЛИК** Асабий ҳолат. *Элбек ўз кабинетига қайтгандан кейин асабийлик билан нари-бери юриб, узоқ ўйлади.* А. Мухтор, Туғилиш.

**АСАБИЯТ 1** айн. **асаб**. *Унинг асабиятга тегувчи.. сўзлари ҳар куни Саудийнинг еганини заҳар-заққумга айлантирар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2** Асабий ҳолат; асабийлик. [Ҳакимбойваччининг] *Ранги ўчган.. ҳаракатларида қўрқув ва асабият.. сезилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АСАД** [a. اسد — арслон, шер] **1** (А — катта) *астр.* Ўн икки буржнинг бири, Саратон ва Сунбула буржлари ўртасида жойлашган (қ. **бурж**).

**2** Шамсия йил ҳисобида бешинчи ойнинг арабча номи (22 июль — 21 август ораллиғига тўғри келади). *Кекса пахтакорларимиз «асад — гўзани ясат» дейдилар. Саратонда сув қуй, Асадда тинч қуй.* Мақол.

**3** Асад (эркаклар исми).

**АСАКА** (А — катта ҳарф билан) Жой номи. **Асакаси кетмайди** Кам бўлиб қолмайди. *Шу ердан жой ажратилса, кимнинг асакаси кетибди..* Газетадан.

**АСАЛ** [a. عسل] **1** Ўсимликлар гулидаги шира (нектар)нинг ишчи асаларилар организида қайта ишланишидан ҳосил бўладиган ширин, суяқ озиқ маҳсулот. *Меҳнат қилиб топганинг — қанду асал тотганинг.* Мақол. ■ *..қунига уч маҳал бир стаканига бир ош қошиқдан асал аралаштириб ичган маъқул.* «Саодат».

**2** кўчма Жуда ширин нарса ҳақида. *Куз ойлари бошланишида бу ерда ҳовли атрофидаги етинқариған мевалар, сўридаги хусайни узумлардан асал томиб туради.* Туйғун, Дўстлик севинчлари. *Ҳа, ўзимизниқидан: Қорабулоқнинг.. сувини ичади-ю, асал бўлиб кетмайдими? М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**3** Асал (хотин-қизлар исми).

**АСАЛАРИ** Ўсимликлар нектарини йиғиб, асалга айлантирувчи ари. *Асалари ўзининг ҳалокати билан атроф муҳит зарарланганлиги ҳақида ташвишли хабар беради.* «Фан ва турмуш».

**АСАЛАРИЧИ** Асал олиш учун асалари урчитиш, уни парвариш қилиш билан шуғулланувчи шахс; асаларичилик мутахассиси.

**АСАЛАРИЧИЛИК** Қишлоқ хўжалигининг асал олиш учун асалари урчитиш ва уни парвариш қилиш билан шуғулланувчи тармоғи. *Янтоқ қишлоқ хўжалигида ем-хашак сифатида ишлатилиши билан бирга асалари-чиликда ҳам асқатади.* «Фан ва турмуш».

**АСАР** [a. اثر — аломат, белги, нишон] 1 Бирор нарсадан қолган ёки ундан дарак берувчи белги. *..танада хасталик, шикастланиш ёки зарарланиш белгиларидан асар ҳам йўқ эди.* Газетадан. *Илгарилари анҳорларни тўлдириб оққан зилол сувлардан бугун асар ҳам йўқ.* Газетадан.

2 Киши ёки нарса ҳолати, фаолиятини ўзгартирувчи ташқи омил; таъсир. *Асари тегмоқ. Асари урмоқ.*

**Асар қилмоқ** 1) таъсирини ўтказмоқ, таъсир қилмоқ. *Дори асар қилмади.* ■ [Кумуш:] *..айниқса мусофирчилигим ёмон асар қилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отнинг ориқлиги асар қилиб, ғадир-будур ерга бориб, суруниб йиқилди.* “Тўрўғелининг туғилиши”; 2) кўчма қаттиқ тегмоқ; нашъа қилмоқ. *Абдулазиз баққолга қайнисининг ундан ҳазар қилгандай, “баққол” деб сансираб гапириши қаттиқ асар қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Ижодий меҳнат маҳсули. *Адабий асар. Босма асар. Илмий асар. Саҳна асари. Му- сиқа асари. Танланган асарлар тўплами. Асар ёзмоқ. Асар яратмоқ.* ■ *Отажон Ҳошимов- нинг кўп асарлари, суд ишига ҳеч қандай ало- қаси бўлмаса ҳам, йўқотилди.* «Фан ва тур- муш». *Рассом 50 йиллик ижоди давомида кўп- лаб графика асарлари яратди.* Газетадан.

**АСБЕСТ** [лот. asbestos — ўчмайдиган, емирилмайдиган] Ўтга чидамли, кислота ва ишқор таъсир қилмайдиган, иссиқлик ва электрни ўтказмайдиган толали минерал; тошпахта.

**АСБОБ** [a. اسباب — сабаблар] Умуман, фаолиятда ишга солинадиган, фаолият учун хизмат қиладиган нарсалар: қуро- лроғ, уй-рўзғор буюмлари ва б. *Уруш ас- боблари. Қишлоқ хўжалиги асбоблари. Ду- радзорлик асбоблари. Чолғу асбоблари. Жар- роғчилик асбоблари, Косибчилик асбоблари. Истиши асбоблари.*

**АСБОБ-АНЖОМ** [асбоб + ф. انجام — охир, оқибат; ижро] Асбоб ва анжомлар мажмуи. *Унинг ўз таърифича, бу сўзлар ил- га- ри бизнинг ҳаётимизда мутлақо бўлмай, эн- дигина оммалашаётган фанлар ва техника*

*қуроллари, буюм ва асбоб-анжомларнинг «ўзбекча атамаси» эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АСБОБСОЗЛИК** Турли асбоблар ишлаб чиқариш, саноатнинг шу иш билан шу- гулланувчи тармоғи. *Асбобсозлик заводи. Ас- бобсозликни ривожлантирмоқ.*

**АСБОБ-УСКУНА** Асбоб ва ускуналар мажмуи. *Завод асбоб-ускуналари.*

**АСЕПТИКА** [юн. а — инкор қўшимчаси + septikos — йирингли] Йирингли жароҳат- ларга инфекция туширмасликка қаратилган чора-тадбирлар тизими.

**АСИЛ** [a. اصيل — насли, зотли] 1 Аъло сифатли, энг яхши; тоза, соф (қалбаки, паст эмас). *Асил мол. Асил шойи. Асил буюм. Асил айнимас, айниса ҳам чиримас.* Мақол. ■ *Оёққа чулғов қилсанг ҳам, асил ипак бўз бўлмас, деб шуни айтади.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Кеп қолинг, лалми қовун, мрамар тар- вуз.. сабзининг асили.* Газетадан.

**Асил тош** Қимматбаҳо тош (мас., лаъл, зумрад, бриллиант).

2 кўчма Яхши хислатларга, фазилатлар- га эга бўлган; олижаноб, бебаҳо; соф, пок. *Асил одам. Асил фарзанд.* ■ [Комилов Қо- дирга:] *Яна бўрк ол десам, бош олиб юрма! Дадавой ака каби одамлар бизга керакли одамлар. Хатолари, нуқсонлари кўп бўлса ҳам, юраги асил кўринади.* Уйғун, Навбаҳор.

3 Асил (эркаклар исми).

**АСИЛЗОДА** Феодал ва буржуа-дворян жамиятида: юқори табақали зотларга ман- суб шахс; оқсуяк.

**АСИММЕТРИК** Симметрик бўлмаган, симметриясиз; *зид. симметрик.*

**АСИММЕТРИЯ** [юн. asymmetria — ўлчо- ви бир хил эмаслик] Симметриянинг йўқ- лиги ёки бузилганлиги; симметриясизлик; *зид. симметрия.*

**АСИР** [a. اسير — тутқун, банди; мафтун, шайдо] 1 Уруш вақтида душман қўлига ту- шиб, озодликдан маҳрум бўлган шахс; банди. *Асир олмоқ. Асир тушмоқ. Асирларни алмаш- моқ.* ■ *Турдиев асирни тўғри батальон шта- бига олиб жўнади.* Шухрат, Шинелли йиллар. *—Қўрбоши қани? — деб сўради Ботирали ҳамон кўл кўтариб турган асирлардан.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тўпхона қурилишида, биз билан бир- га, асир тушган австралиялик солдатлар ҳам ишларди.* А. Толибов, Ҳақиқат енгди.

2 кўчма Тутқун, банди ҳолатида яшов- чи шахс. *Тўрт девор асири бўлиб ўтирган аёл-*



лар бундай пайтларда каттакон боғда қафасдан чиққан қуш сингари яйрар. Х. Аҳрова, Орифнинг давлати.

3 *кўчма* Бирор кимса ёки нарсага ўзини бутунлай топширган, унинг «қули» ҳолатидаги шахс. *Мана шу кундан бошлаб Йўлчи шу қизнинг асири, мафтуну бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Асир қилмоқ** (*ёки этмоқ*) 1) душманни қўлга туширмоқ, асир олмақ; 2) *кўчма* ўзига тортмоқ, жалб этмоқ, мафтун, шайдо қилмоқ. *У [Ҳаловат] хаёл суриб қолди, эҳ, хаёллар.. сиз кишини асир этишга нақадар устасиз.* Н. Орифжонов, Ҳаловат.

**АСИРА** Асир аёл. *Ҳасан ота ўлгач, Сожида чин етимлик гирдобиди асира бўлди.* П. Турсун, Муаллимнинг тонги.

**АСИРЛИК** Асир ҳолат. *Асирлик даҳшатли ўлимдан ҳам кучлироқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АСКАР** [*а. عسكر — лашкар, қўшин*] 1) Ҳарбий хизматдаги шахс. *..бир гуруҳ ота-оналар Қашқадарё вилоятидаги аскарларнинг ҳаёти билан танишиши мақсадида келдилар.* Газетадан.

2) Давлатнинг қуролли кучлари мажмуи ёки уларнинг бир қисми; қўшин, армия.

**Отлиқ аскар тар.** Иккинчи жаҳон урушидан олдин от билан хизмат қилувчи аскар, қўшин. *Қоронғида отлиқ аскарларнинг қанчалигини билмаган эканман..* Ғайратий, Унутилмас кунлар. **Қизил аскар тар.** Совет армиясининг ва унга мансуб жангчининг урушдан олдинги номи.

**АСКАРБОШИ** Катта аскарый қисм бошлиғи, саркарда. *Остонақул додхоҳ ва аскарбошилар қиличларини пешоналарига тўғри-лаб таъзим қилдилар.* М. Жўрабоев, М.Б. мартабаси.

**АСКАРИЙ** Аскарга, қўшинга оид, ҳарбий. *Аскарый қисм. Аскарый қўшилмалар. ■ Шундай қилиб, ёз ҳам ўтди. Ниҳоят, Аҳмаджон аскарый хизматга чақирилди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**АСКАРЛИК** Ҳарбий хизмат, аскар хизмати. *Аскарликка олмақ. Аскарликка чақирмоқ. ■ Аниқ билган одамларнинг айтишига қараганда, Мадрайим аскарликка ўзи ариза берган ва ҳатто бунинг кетидан хийла овра бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар аскарликка от тайёрлаши керак экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**АСКАРЧА** *рвш.* Ҳарбийларча, ҳарбий-часига. *Аскарча юриш.*

**АСКЕТ** [*юн. asketes — машқ қилувчи; зоҳид*] Аскетизм тарафдори, тарки дунё қилган киши; зоҳид.

**АСКЕТИЗМ 1** Ҳамма дунёвий нарсалардан воз кечишни, тарки дунё қилишни, зоҳидликни тарғиб қилувчи диний-ахлоқий назария.

2) Эҳтиёжларни қондиришдан, ҳаёт лаззатларидан, ҳамма дунёвий ишлардан, бахтсаодатдан воз кечиш, тарки дунё қилиш; зоҳидлик, гушанишинлик.

**АСКИЯ** [*а. ازكيا (бирл. زكى) — зийраклар, закийлар*] 1) Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир жанри бўлиб, унда сўз ўйинига, қочириқларга асосланган ҳолда икки ёки ундан ортиқ киши ёки тарафлар мусобақалашади. Аския, одатда, тўй-томоша, сайл, зиёфат каби йиғинларда ўтказилади. *Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Латифа, лоф, аския, топишмоқ ва мақол жанрлари янги воқеликни ўзига хос ихчам шаклда акс эттиради.* «ЎТА».

**Аския айтишмоқ** Шундай мусобақада (аскияда) тарафкаш сифатида қатнашмоқ. **Аския қилмоқ** 1) *айн.* аския айтишмоқ; 2) сўз ўйини, қочириқлар билан масхара, майна қилмоқ.

2 с. т. Аскиябоз, аскиячи лақаби.

**АСКИЯБОЗ** Аскияга уста, аския айтишни яхши кўрадиган ва айтадиган одам. *Аскиябоз ва масхарабозлар тўй маъракасига жон киргизиб турди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**АСКИЯБОЗЛИК** Аския айтишиш. *Мулла Наби.. чапани йиғитлар билан чойхонадан чойхонага юриб, аскиябозлик, улфатчилик билан умр кечира бошлади.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *..ҳазил-ҳузул, кулги, ана аскиябозлигу мана аскиябозлик.* «Ёшлик».

**АСКИЯЧИ** *айн.* аскиябоз. *Буларга.. колхозчи ҳаваскор ашулачилар, ўйинчилар, қизиқчилар, ниҳоят, тарафма-тараф аскиячилар кўшилиб, концерт қоронғи тушгунча давом этди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АСЛ** [*а. اصل — келиб чиқиш*] *от* 1) Келиб чиқиши, келиб чиқиш эътибори билан қарашлилиги; насли, таги. *Мен аслимни, чўпон,*

сенга айтайин, Кўҳи Қофда Ойша пари боласи. «Ойсулув». Мадамнинг асли кимлигини, Тожибой уни қачондан танишини суриштирди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Келиб чиққан (асос) жойи. *Асли тошкентлик.* ■ Мен ҳам деҳқон боласиман. Аслимиз Қудашдан. А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари.

**3** Яратилишдаги, бош, дастлабки. *Асл нухса.* ■ Бундан икки йил аввал хон саройининг ички бинолари таъмирланиб, асл ҳолига қайтарилган эди. Газетадан.

**4** сфт. Чин, чинакам, ҳақиқий. *Асл муддао.* *Асл ном.* ■ *Отабек, уялмай, тортинмай жавоб берингиз, бу гал Тошкентдан чиқшингиздаги асл мақсадингиз нима эди?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Билим олишга асл йўл энди очилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АСЛАН** [а. اصلاً — аслига кўра] кам қўлл. Келиб чиқиш жиҳатидан, насл-насаб томонидан.

**АСЛАҲА** [а. اسلحه — қуроллар] Уруш-жанг қуроллари, қурол-яроғ. *Уруш аслаҳалари. Ҳарбий аслаҳа.* ■ *Лашкарлар.. ёв-яроғини ғамлаб, ҳар ким ўз аслаҳасини олиб, жўнашга ҳозирлик кўрди.* «Маликаи айёр».

**АСЛАҲА-АНЖОМ** Уруш-жанг учун керакли қурол-яроғ ва анжомлар. -*Тўғри, солдатлар ҳорган, сийраклашган, лекин янги кучлар, қурол, аслаҳа-анжомлар келиб турибди, — деди генерал.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**АСЛАҲАХОНА 1** эск. айн. **арсенал 1.**

**2** кўчма Уруш эҳтиёжлари учун яроғ-аслаҳа ва керак-яроғлар етказиб берадиган база. *Бунинг устига, Афғонистон ҳудуди ва чегаралари назорат қилиб бўлмайдиган қурол-яроғ аслаҳахонасига айланган.* Газетадан.

**АСЛИ 1** Асл с. 3-ш. шакли. *Одамларнинг яхшиси — ғазаби секин келиб, аслига тез қайтадиганидир.* «Фан ва турмуш».

**2** айн. **асл 1, 2.** *Ҳилолий Равшанбекнинг асли зотини сўраб.. бир сўз деди.* «Гўрўғлининг туғилиши». *Асли ўсган ерим менинг Кўйистон.* «Маликаи айёр».

**3** Ҳақиқат эътибори билан; аслида. *Қарови биздан бўлгани билан.. мол асли Жовлибойники.. Н. Норқобилов, Тўқнашув. Ганнинг қисқаси, таомилимизда асли бор бўлиб, сўнги даврларда истеъмолдан чиқиб кетган.* Газетадан.

**4** Одатга кўра, табиатан; аслида. *Дадам асли хатни онда-сонда ёзади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**5** мод. с. *взф.* Фикрнинг тўғрилигини (сўзловчининг шундай муносабатини) билдиради; аслида. *Асли, либос эмас, улғудир одам.. Воқиф. Асли, одам насли девдан улғудир..* «Маликаи айёр».

**АСЛИДА** айн. **асли 3-5.** *Аслида бу хурсандчилик Рамазон ойи кириб келиши билан бошланади, десам муболага бўлмайди.* Газетадан. *Марҳумларнинг хотирасига утказиладиган маъракаларга азадордан кўнгил сўраш учун борилади, аслида.* Газетадан.

**АСЛИЙ:** **аслий сифат тлш.** Предметнинг белги-хусусиятларини бевосита англатувчи сифат, туб сифат (*мас., оқ, яшил, енгил, иссиқ, совуқ*).

**АСЛО** [а. اصلا — бутунлай.. эмас] юкл. Таъкид, кучайтирув ифодалайди. *Асло мумкин эмас.* ■ *Ҳаёсизда ор бўлмас, асло вафодор бўлмас.* «Кўшиқлар». *Зебихоннинг отаси қизининг нозига қарайдиган кишими? Йўқ, асло йўқ!* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Юртим, сенга шеър битдим бу кун, қиёсингни топмадим асло.* А. Орипов.

**АСНО** [а. اثنا — замон, вақт; замон ораси] кт. кўм. (*асно, аснода, асносида* шаклларида) Вақт муносабатини ифодалайди, ўзи бириккан сўз билдирган вақтга оидликни билдиради. *..ғайришуурий тарзда титраётганини шу асно пайқаб қолди.* «Ёшлик». *Сухбат асносида ён чўнтагидан махорка олиб, оддий қоғозга авайлаб ўрай бошлади.* Газетадан. *Шу аснода бир қора мушук лип этиб, ўзини ташқарига олди.* «Ёшлик».

**АСО** [а. عسا — таёқ, ҳасса] эск. айн. **ҳасса.** *Соялар тагида — дилкаш суҳбатда Асога суянган кексалар қатор.* Миртемир.

**АСОВ 1** Ром бўлмаган, одамга ўрганмаган, ювош тортмаган. *Асов туя.* ■ *Кулги учун бўлса керак, ноиб.. уни асов бир отга миндирган эди.* С. Айний, Судхўрнинг ўлими. *Чўлга ўрганган асов қўй оғилни бузиб юборгудай тирчилайди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**2** кўчма Инсон иродасига бўйсундирлмаган, жиловланмаган (табиат кучлари ҳақида). *Норин. Шўх дарё, асов дарё. Тутқич бермас телба дарё.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**АСОРАТ 1** [а. اسارت — асирлик, тутқунлик] Озодлик (эрк) дан маҳрумлик, тутқунлик. [Фурқат] *Жуда кўп асарларида зулм ва асорат исканжаларида инграган меҳнаткаш халқнинг орзу-умидини куйлади.* Газета-

дан. *Адолат бошинга озодлик байроғини илди, Асоратдан қутулган меҳри дарё, меҳрибон ўлкам.* Воқиф.

**АСОРАТ II** [а. اثار — излар; қолдиқ] 1 Одатда, салбий таъсир. *Узоқ, оғир йўл ва жадал юришининг асорати бўлса керак, отларнинг сағриси совундай кўпириб турибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2 тиб.** Бирор нарсадан қолган ёмон оқибат; асар. *Грипп ва у қолдирадиган асоратнинг олдини олиш учун қуйидагиларга эътибор бериш лозим.* Газетадан. *Аёллар болани олдиришга.. шошилишади-ю, бунинг қандай асоратлар қолдириши ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди.* «Саодат».

**АСОС** [а. اساس — негиз; манба] 1 Нарсанинг барча қисмларини тутиб ёки кўтариб турувчи қисми, таянчиғи. *Шамдон асоци. Станок асоци.*

**2** Ижтимоий ҳаёт ёки табиат ҳодисаларининг негизини ташкил этган нарса; таянч, негиз, пойдевор. *Илмий асос. Назарий асос.* ■ *Ижодий меҳнат кадр-қимматининг ҳуқуқий асосларини яратиб керак.* Газетадан.

**АСОС СОЛМОҚ** Асосини яратмоқ, юзага келтирмоқ. *Шаҳарга асос солмоқ.* ■ *Демак, бундан беш минг йил муқаддам асос солинган деҳқончиликда шולי ҳам бўлиши керак.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик. *Камол Иқоний асос солган иқония тармоғи тарикат шажарасининг Зангиота тармоғидан бошланади.* «Фан ва турмуш».

**3** (фақат кўпл. шаклида) Бош қоидалар, элементлар, асосий принциплар. *Фан асослари. Кимё асослари.*

**4** Содир бўлган ёки қилинган иш-ҳаракат, айтилган фикр ва ш.к. ни далилловчи нарса. *Мен бу йигитнинг ишини текшириб кўрдим. Маҳкамни айблашга асос тополмадим.* Н. Сафаров, Уйғониш. *-Ишонинга асос бор, — деди Рамазонов дадиллик билан.* «Шарқ юлдузи».

**5 ким.** Кислоталар билан ўзаро таъсир қилиб, туз ҳосил этадиган бирикма.

**АСОСАН рвш. I** Асос эътибори билан, умуман олганда. *Тўғон участкасида ер иши асосан битди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Республикамизда кўп болали оналарнинг катта қисми асосан қишлоқларда яшайди.* «Саодат».

**2** (ж.к. с. билан) кўм. вэф. Сабаб, асос муносабатини билдиради; кўра, биноан. *Қонунга асосан. Буйруққа асосан бажармоқ.*

**АСОС(И)ДА I** Асос с. ў-п к. шакли. *Бу гапнинг асосида жуда кўп маъно бор.* Сўзлашувдан.

**2** кўм. вэф. 1) сабаб, асос муносабатини (маъносини) билдиради; кўра, биноан. *Қонун асосида. Лойиҳа асосида қўрмоқ.* ■ *Жамиятимизнинг рисоладагидек қонунлари асосида яшашни ўрганяпмиз.* Газетадан.; 2) ҳаракат-ҳодисанинг йўли, тарзини билдиради; йўли билан. *Шу асосда. Шерикчилик асосида.* ■ *..институтларнинг ташкилот ва муассасалар билан хўжалик шартномалари тузиши асосида олиб бораётган тадқиқотлари кўлами тобора кенгаймоқда.* «Фан ва турмуш».

**АСОСИЙ I** Аҳамият эътибори билан муҳим, бирламчи. *Асосий вазифа. Асосий масала.* ■ *Конкурсда ёш тадқиқотчиларнинг диққати фан ва техниканинг энг асосий йўналишларига қаратилгани намоён бўлди.* «Фан ва турмуш».

**2** Асос ҳисобланувчи, асосида ётувчи, белгилловчи. *Асосий фонд. Асосий хулосалар.* ■ *Мумдан ясалувчи валиклардан нухса олиб бўлмайдди, фонографнинг асосий камчилиги ана шунда эди.* «Фан ва турмуш». *Чекиш энг оғир касаллик — қон томирларининг тиқилиб қолишига асосий сабабчи ҳисобланади.* Газетадан.

**3** Шахсни иш-фаолият жиҳатдан белгилловчи, унинг ҳаёти асосан боғлиқ бўлган. *Асосий касб. Асосий иш жойи.*

**4** ким. Асос ва кислоталарнинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган тузлар. *Асосий тузлар.*

**АСОСЛАМОҚ I** Далил-исботлар билан мустаҳкамламоқ. *Ўз фикрини асосламоқ. Лойиҳани асосламоқ.* ■ *Арасту [Аристотель] Ернинг шарсимон тузилиши ҳақидаги таълимотни кенгайтирди ва асослади.* «Астрономия».

**2** кам кўлл. Асос солмоқ, пойдевор қурмоқ, бошлаб бермоқ.

**АСОСЛАНМОҚ I** Асосламоқ фл. мажҳ. н. *Давво тўла асосланди. Асосланмаган мулоҳаза.*

**2** Асосида иш кўрмоқ; таянмоқ, суянмоқ. *Мана шу ўлка сунъий суғоришга асосланган энг ҳосилдор деҳқончиликнинг ватани бўлган.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик. *Аёлнинг берган таъриф ва тафсилотларига асосланиб, ҳожатбарор «юлдуз»ни тутиб келтиришди.* Газетадан.

**АСОСЛИ I** Етарли асосга эга бўлган, далиллар билан мустаҳкамланган, исбот қилинган. *Асосли хулоса. Асосли давво.*

2 Асоси, таянч қисми бўлган. *Чўян асос-ли лампа.*

**АСОССИЗ 1** Етарли асоси бўлмаган, далиллар билан мустаҳкамланмаган. *Асоссиз ҳулоса. Асоссиз таъна. Асоссиз далил. Асоссиз гумонсираш.*

2 Ноҳақ. *Асоссиз хафа бўлмоқ.*

**АСОСЧИ** Бирор нарсага асос солган, пойдевор қурган шахс; бирор нарсани барпо қилган, таъсис этган ёки бошлаб берган киши; яратувчи. *Бутун дунё олимлари Аҳмад ал-Фарғоний ва унинг сафдошларининг фанга улкан ҳисса қўшганликларини тан олиб, уларни жаҳон илм-фани асосчилари сифатида ҳурмат қиладилар.* Газетадан.

**АСОТИР** [а. اساطير — ривоятлар, уйдирмалар] Ривоятлар. *...Жамшид афсона ва асотирларини ўқиганда жуда ҳам жонли чиқаради.* А. Қодирий. *Гирвонлик Маллавой. Илонлар жаҳон халқларининг қадимий тасавурлари ва асотирларида сезиларли ўрин тутади.* Газетадан.

**АСОТИРИЙ** Асотирга оид, ривоятларга асосланган, турли афсона, нақллар асосидаги. *Биз қуйида аجدодларимизнинг асотирий дунёқарашидаги илон тотеми билан бевосита боғлиқ айрим саҳифалар билан танишамиз.* Газетадан.

**АСП** [ф. اسپ — от] 1 шв. От. *Майдонда ўйнаёткин аспу тозингни.* «Равшан».

2 шахм. От шаклидаги сипоҳ; от. *Аспни юрмоқ.*

3 айн. от II 2. *Унинг йили асп.*

**Асп йили айн. от йили. қ. от, йил.**

**АСПАЛАСОФИН** с. т. қ. **асфаласофилин.**

**АСПЕКТ** [лот. aspectus — нуқтаи назар; кўриниш] Нарса-ҳодиса, тушунча ва ш.к.нинг ўрганилишига асос бўладиган нуқтаи назар. *Масалани турли аспектда текширмоқ.*

**АСПИЖАЛЛОБ** [ф.+а. اسپ جلاب — от сотиб олиб келувчи] эск. От олиб сотувчи савдогар.

**АСПИРАНТ** [лот. aspirans, aspirantis — интилувчи] Аспирантурада шуғулланувчи, яъни номзодлик диссертацияси устида иш олиб боровчи шахс. *...Институт биносига кирди-да, тўппа-тўғри аспирантлар ўтирадиган умумий хона эшигини очди.* Мирмуҳсин. Умид.

**АСПИРАНТКА** Аспирант аёл.

**АСПИРАНТУРА** Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми, олий малакали илмий ва илмий-педагогик ходим-

ларни (фан номзодларини) тайёрлаш тизими. *Аспирантурага қабул қилинмоқ. Аспирантурини тамомламоқ.*

**АСР I** [а. عصر — давр, замон] Юз йиллик давр, юз йил. *Йигирманчи аср. ■ Ўтган асрнинг сўнги кузи Қорабулоққа очиқ чехра билан келди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бу дарахтлар бир неча аср умр кўрган.* Ойбек, Нур қидириб.

**АСР II** [а. عصر — тушдан кейинги, қуёш ботишига яқин вақт] Қуёш ботиш чоғидан бир соатча олдинги пайт ва шу пайтда ўқиладиган намоз. *Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳужумат аскарни билан халқ орасида уруш бошланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баззоз дўконини катта ўғлига қолдириб, ҳар кун аср намозини уйига келиб ўқир эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**АСРАМОҚ I** Ёмон таъсирдан, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ. *Мақсадимиз элни асраш. ■ Шундан буён Унсин йўғлайди. Шокир ота: «Золимнинг зулмидан асра!» деб Йўлчи учун қайгуради.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Йўқ бўлиш ва ш.к. га қўймай, эҳтиёт ҳолда тутмоқ. *Ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши отасидан қолган ва ўзи тўплаган икки мингдан зиёд.. китобларни ҳеч кимга бермай, келажак учун асрайди.* К. Яшин, Ҳамза. *Оролни асраш комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон мелиорация ва сув хўжалиги вазири К. Сапаев билан учрашув бўлиб ўтди.* Газетадан.

3 Бирор мақсадда парваришлаб қарамоқ; боқмоқ. *Мол асрамоқ. Қуш асрамоқ.*

**АСРАНДИ** Бошқа ота-она қарамоғига, фарзандлигига олиб тарбия қилинган. *Асранди бола. Асранди ўғил. Асранди қиз. ■ Лиза ўн учга кирган бўлса ҳам, ўзининг асранди эканлигини мутлақо билмайди.* Н. Назаров, Замон.

**АСРДОШ** Бирор шахс билан бир замонда, бир даврда яшаган ёки яшаётган шахс; замондош. *Навоийнинг асрдошлари. ■ Эй, жаҳонга арзиган инсон, Асримизга асрдош бўлган, Кўнглимизга чин сирдош бўлган.* Э. Аббос.

**АСРИЙ** кт. Асрлар бўйи яшаб, давом этиб келаётган. *Асрий обидалар. Меҳнаткашларнинг асрий орзулари. ■ Чўққиси булутлардан ошган асрий тоғлар, ер юзига мангу нур сочиб турган тўлин ой ва чарақлаб*

турган сон-саноқсиз юлдузларга ҳасад билан қарайди. З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**АСРОР** [а. اسرار — сирлар] **1** эск. кт. Сир; сирлар. *Зайнаб энди ўз асрорини, Армониини, истак, зорини Опасига этиб ошкора, Қилмоқчидир дардига чора.* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон. *Сергей Қобилининг юрагида кўмилиб ётган сир асрорини билиш учун олисдан гап бошлашга қарор берди.* Ҳ. Гулом, Машъал.

**2** Асрор (эркаклар исми).

**АСРЧИЛИК: ўрта асрчилик** Тарихда 5—15-асрларни ўз ичига олган давр ва шу даврга хос ҳамма нарса. *Мавзу устида узоқ.. сўзлаб, шеърдаги эскилик, ўрта асрчилик, сунъийликка кескин қарши чиқди.* Ойбек, Нур қидириб.

**АССАЛОМ** [а. السلام — тинчлик; соғлиқ] **1** Тўғри шакли: ассалому алайкум қ. алайкум.

**2** Салом йўллов, қутлов шакли. *Ассалом, тошкентлик уста пахтакор, Мирзачўл бағрига келтирдинг баҳор.* А. Пўлат.

**АССАМБЛЕЯ** [фр. assemblee — мажлис, йиғилиш] **1** Халқро ташкилотларда баъзи раҳбарлик органлари номи (мас. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси*).

**2** Йиғилиш.

**АССИМИЛЯЦИЯ** [лот. assimilatio — ўхшатиш, қиёс, тенглаштириш] **1** биол. Ўсимлик ёки жонивор организми фаолияти жараёнида ташқаридан қабул қилинган моддаларнинг ўзлашиши, сингиши, ҳазм бўлиши; ўзлаштирилиши, сингдирилиши, ҳазм қилиниши.

**2** Бир халқ (ёки унинг бир қисми)нинг бошқа бир халқ урф-одатларини, маданияти ва тилини ўзлаштириб, ўз тили, маданияти ва миллий онгини йўқотиши натижасида ўша халққа қўшилиб кетиши.

**3** тлш. Бир товушнинг бошқа бир товуш таъсирида ўхшашлик (бир хиллик) томон ўзгариши. Масалан: *ошиши < ошни, туссиз < тусиз*.

**АССИСТЕНТ** [лот. assistens, assistentis — қатнашаётган, ёрдамлашаётган] **1** Мутахассиснинг ёрдамчиси. *Профессор ассистенти.* ■ -*Курсини берироқ суринг, — деди ассистентга кўзини аппаратдан узмаган ҳолда.* Ҳ. Аҳмар. Омонат.

**2** Олий ўқув юртларида кичик ўқитувчилик лавозими ва шу лавозим эгаси.

**АССИСТЕНТЛИК** Ассистент иши, лавозими. *Ассистентлик қилмоқ.*

**АССОРТИМЕНТ** [фр. assortiment — терма, йиғма, тўплам, сараланган] Товарларнинг турли хиллари, номлари ва навларига кўра тўплами. *Корхонани реконструкция қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш бўйича дадил қадам ташланди.* Газетадан.

**АССОЦИАЦИЯ** [лот. associatio — қўшилма, бирлашма] **1** Умумий мақсадга эришиш учун тузилган уюшма, иттифоқ. *Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси сизни ўқишга таклиф қилади.* Газетадан. *Ассоциациянинг асосий вазифаси йўлбошчимиз судлар фаолияти моҳитини тубдан ўзгартириш борасида қўйган вазифаларни изчиллик билан бажаришдан иборатдир.* Газетадан.

**2** псих. Нерв-мия фаолияти билан боғлиқ бўлган алоҳида психик актлар, яъни тасавурлар, фикрлар, ҳис-туйғулар орасидаги боғланиш ва шу боғланишга асосланган идрок. *Ўхшашлик натижасидаги ассоциация.*

**АСТА рвш. 1** Паст тезлик билан; секин. *Шоқосим ўрнидан турди, этазининг чангини қоқиб.. ўз чайласи томон аста жўнади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўқай устига тун қоронғилиги аста бостириб келаётган пайтда, у қамишлар орасидан чиқди.* С. Аҳмад. Уфқ.

**2** Паст даражадаги товуш билан; секин. *Мирзакаримбой яна ўйшайиб тикилди, аммо маслаҳатгўйлик билан аста гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Сезилар-сезилмас даражада, шундай хатти-ҳаракат билан, секин. *Аста кўзини очмоқ. Эшикни аста ёймоқ.* ■ *Аҳмад дик этиб туриб, елкамга аста уриб қўйди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**АСТА-АСТА рвш.** Секинлик билан, секин-аста. қ. **секин** ва **аста**. *Кечга яқин Гулнорнинг руҳи анча енгиллашди, иссиғи озайди, нафас олиши ҳам аста-аста дурустлашди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қизлар бўлса, нималарнидир аста-аста сўзлашиб, пиқирпиқир қулишарди.* Ойдин, Келин ўғил туғди.

**АСТАР** [а. استر — ёпинчиқ, парда; ф. Астер — ичдан тикилган мато] Кийим ёки кўрпа, кўрпача сингари нарсаларнинг ички қавати, ички томонига тикилган материал. *Бўз астар. Кўрпанинг астари.* ■ *У чап қўлини силтаб тортди, кейинги силташда тўнининг астари «тирр» этиб йиртилди.* «Ёшлик».

**АСТАР-АВРА** Астар ва авра.

**Астар-аврасини ағдармоқ айн. авра-астарини ағдармоқ қ. авра-астар.**

**АСТАРЛИК** Астар қилишга ярайдиган; астарбоп. *Астарлик чит. Астарлик газлама.*

**АСТАР-ПАХТА:** астар-пахтасини чиқармоқ (ёки ағлармоқ) 1) тит-пит қилмоқ, тилка-пора қилмоқ, дабдаласини чиқармоқ; 2) қаттиқ койимок, танқил қилмоқ; 3) бутун кирдикорларини очиб ташламоқ, фош қилмоқ.

**АСТА-СЕКИН** *рвш. 1 айн. аста. Отлар ўз-ўздан аста-секин юриб кетди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. [Мастура Норга:] Ахир, сиз, қизиқ-сиз! Беш кун сабр қилинг, куёв-пуёвга чиқсин, бир ой, ярим ой ўтсин, ундан кейин аста-секин қашлаб, ишга солайлик-да. Ҳамза, Паранжи сирлари. Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**2 айн. аста-аста.** *Узоқдаги тоғ оралқларидан бошланган қоронғулик аста-секин ҳамма ёққа тарала бошлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. [Раҳматилла] Аста-секин ўзини ўнгарди, уй-жой қилди, хотин олди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**3** Асталик билан ва давомий тарзда. *зид. жадал. Фолбинлик ва ғойибдан билиш сирларини очишга олимлар аста-секин яқинлашиб келишяпти. «Фан ва турмуш».*

**АСТАҒФИРУЛЛО** [a. استغفر الله — худо, ўзинг сақлагин; худо, ўзинг кечир] *унд. с. 1* Ажабланишни, ҳайратни билдиради. *Йўлчининг сўзларига ҳайратланиб, чол ёқасини ушлади: «Астағфирулло!»* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Ҳазаб, аччиқланиш аралаш ҳайратни, норозиликни билдиради. *Олишда — бисмилло, беришда — астағфирулло.* Мақол. ■ *Маҳдум айвонга чиқиб ўтирар чоғида яна бир «астағфирулло» деб кўйди. Чунки кайфи жуда ҳам бузилган эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**АСТЕРОИДЛАР** [юн. aster — юлдуз + eidos — кўриниш; ўхшаш] *астр.* Куёш тизимининг Марс ва Юпитер ўрталиғида айланган кичик планеталари, кичик осмон жисмлари; кичик сайёралар.

**АСТИ** *с. т.* Асло. *Бир нарсага асти чида-ёлмайман. С. Аҳмад, Ҳукм. Мен бешик кучоқлаб, асти киприк қоқмай чиқдим. Ҳамза. Бой или хизматчи.*

**АСТМА** [юн. asthma — ҳаллослаш, бўғилиб қолиш] Бронхлар тешигининг тўсатдан торайиб қолиши ёки юрак касалликлари натижасида тутагидан бўғилиш хуружи. *Шолғом шарбати.. бронхиал астма касалликларига тавсия этилади. «Саодат».*

**АСТОЙДИЛ** [ф. از ته دل — юракнинг чуқур жойидан] *рвш. 1* Чин кўнгилдан, сидқидил билан. *У [Зебо] Элмуродни астойдил севиб қолган эди. Шухрат, Шинелли йиллар. Бекор қилаётирсиз, оға.. мен сизга астойдил хизмат қилмоқчи эдим. С. Сиеёв. Аваз.*

**2** Жиддий равишда; рostaкамига. *Сафар аканинг астойдил аччиқланганини сезган имом орага тушди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Астойдил куйиб гапираётган меҳмон, Ҳакимжоннинг кўзи уйқуга кетганидан кейингина сўздан тўхтади. «Шарқ юлдузи».*

**3** Ҳалоллик билан, виждонан. *Ҳамма кеча демай, кундуз демай, астойдил ишляпти. Ж. Шарипов, Саодат.*

**АСТРО-** [юн. astron — юлдуз] Кўшма сўзлар таркибидаги биринчи сўз бўлиб, юлдуз ва сайёраларга алоқадорликни билдиради.

**АСТРОБИОЛОГИЯ** [астро.. + биология] Коинотда кечадиган ҳаётнинг барча кўринишдаги турларини ўрганган фан.

**АСТРОБОТАНИКА** [астро.. + ботаника] Астрономиянинг сайёралардаги (биринчи галда Марсдаги) ўсимликларни ўрганган бўлими.

**АСТРОЛОГ** Астрология билан шуғулланувчи шахс, мунажжим.

**АСТРОЛОГИЯ** [астро.. + юн. logos — билим, тушунча] Қадимда осмон ёриткичларининг ҳолатига қараб фол очишдан иборат бўлган сохта фан, илми нужум. *Даврларнинг ўтиши ва тажрибаларнинг тўпланиши натижасида сохта фан бўлган илми нужум — астрология юзага келган. «Фан ва турмуш».*

**АСТРОЛЯБИЯ** [юн. astrolabion < астро.. + labe — ушлаб, тутиб олиш] Астрономияда узунлик ва кенгликларни аниқлаш учун 18-асргача қўлланиб келган бурчак ўлчаш асбоби. *Ал-Хоразмий куёш соатлари, аstroлябиянинг тузилиши ва қўлланишига оид рисоалар ёзиб, амалий астрономиянинг ривожига катта ҳисса қўшди. Газетадан.*

**АСТРОНАВТ** *айн. космонавт. Жон Гленн 1962 йилнинг февраль ойида фазога учиб, Ер шарини айланиб чиққан эди. У Американинг биринчи астронавтидир. Газетадан.*

**АСТРОНАВТИКА** [астро.. + юн. nautike — кемани бошқариш] *айн. космонавтика.*

**АСТРОНОМ** Астрономия олими, мутахассиси.

**АСТРОНОМИК** Астрономияга оид. *Астрономик асбоб. Астрономик обсерватория. Астрономик кашфиётлар.*

**Астрономик сонлар (ёки рақамлар)** Жуда катта сон билан ифодаланадиган миқдорлар, катталиклар.

**АСТРОНОМИЯ** [юн. astronomia < astron + nomos — қонун] Осмон жисмлари, умуман коинот тузилиши ва тараққиёти тўғрисидаги фан.

**АСТРОФИЗИКА** [астро.. + физика] Астрономиянинг осмон жисмларининг физик ҳолатини ва кимёвий таркибини ўрганадиган бўлими.

**АСФАЛАСОФИЛИН** [а. اسفل السافلين] — тубанларнинг тубани, энг ярамас, энг тубан] *дин.* Дўзахнинг энг таги, жаҳаннам.

**Асфаласофилин бўлмоқ ёки асфаласофилинга кетмоқ** 1) чуқурликка, жарликка тушиб кетмоқ; 2) *кўчма* ҳалок бўлмоқ, ҳалокатга учрамоқ. *Қани, суюнчини чиқараверинг, Мўминжон ака! Падарлабнат золим Николай подшо йиқилибди, асфаласофилинга кетибди.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**АСФАЛЬТ** [юн. asphaltos — тоғ смоласи, қатрон] **1** Йўллар, тротуарлар қуришда ва саноатнинг баъзи тармоқларида ишлатиладиган табиий ёки сунъий, қорамтир, смоласимон модда. *Тротуарга асфальт ётқизмоқ. ■ Фрот дарёси қирғоқларида нефть ва асфальт конлари мавжуд бўлган.* «Фан ва турмуш».

**2** Йўлга, ер юзасига ётқизилган шундай модда қатлами. *Паннога кираверинг йўлагидаги асфальт қатламлар ўрнига қадимий усулда шишиқ гиштлар ётқизилди.* Газетадан.

**АСФАЛЬТЛАМОҚ** Асфальт ётқизмоқ, асфальт билан қопламоқ. *Йўлни асфальтламоқ.*

**АСФАЛЬТЛИ** Асфальт ётқизилган, асфальтланган. *Асфальтли кўчалар. Асфальтли майдон. ■ Ҳамма борар асфальтли йўлдан..* Ҳ. Салоҳ.

**АСФИКСИЯ** [юн. а — инкор қўшимчаси + sphyxia — пульс] Бўғилиб қолиш — организмда кислород етишмай, карбонат ангидрид кўпайиб кетиши натижасида пайдо бўладиган патологик ҳолат.

**АСЪАСА-ДАБДАБА** [а. عصمه دبدبه — излаш, қидириш; тақиллаш, дукиллаш] Зўр маҳобат; катта тантана, дабдаба. *Амири лашкар, сармунишлари атрофида, асъаса-дабдаба билан қиради.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирларё.

**АСҚАТМОҚ** Керак бўлмоқ, кунига ярамоқ, иш бермоқ. *Бўздан тикилган халталари йўлда асқатадиган нарсалар билан лиқ тўла.. «Ёшлик». Одам одамга шунақа найт-да асқатмаса, қачон асқатади?* М. Мансуров. Ёмби. *..уруш қатнашчиси бўлгани асқатиб, отам зўрга қутулиб қолган экан.* Газетадан.

**АСҲОБ** [а. اصحاب — дўстлар, ўртоқлар; соҳиблар, эгалар] Дўстлар, ўртоқлар, ҳамсухбатлар. *Риҳлатга ният қилган ҳадис асҳоблари учун бир қатъий шарт бўлганки, у сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирортасини ҳам қолдирмасдан ҳадислар ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа мамлакатларга сафарга отланиши мумкин эди.* Газетадан.

**2 дин.** Саҳобалар, Муҳаммад пайғамбарни кўрган, унинг пайғамбарлигини тан олган, бинобарин, дастлаб мусулмонликни қабул қилган кишилар; Муҳаммад пайғамбар сафдошлари, суҳбатдошлари.

**АТАВИЗМ** [лот. atavi — аждод, ота-боболар] *биол.* Қадимги аждодларда бўлган белгиларнинг бир неча бўгинда йўқолиб кетиб, кейинчалик бошқа авлодларда яна пайдо бўлиши.

**АТАВИСТИК** Атавизмга оид. *Атавистик ҳодисалар.*

**АТАЙ** *с. т. атайин.* *Илгари усталар пичокка сон излаб, атай сайғоқ овига чиқишаркан.* М. Мансуров, Ёмби.

**АТАЙДАН** *айн. атайин.*

**АТАЙИН** *рви.* **1** Махсус равишда, алоҳида бир мақсад билан. *Оромбахш, салқин боғда сайр этиб юрган икки ёш юрак бу сафар ҳам тунда уйларига атайин пиёда жўнашди.* Мирмуҳсин. Умид. [Бозоров:] *Қани, Адолатхон, извошга чиқинг, атайин сизни олиб кетгани келдим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** Махсус ҳолда, жўрттага. *Йигитлар атайин хиралик қилиб, уни ўтказгани қўйишмайди.* «Шарқ юлдузи».

**АТАЙЛАБ** *айн. атайин.* *Энди бўлса, Фафур Гулом уни атайлаб йўқлаб кепти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Хотин ёш келинчақлардай хоҳишини сездирмай, атайлаб эринчоқлик билан тахмондан тўшакларни ола бошлади.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**АТАКА** [фр. attaque — ҳужум] **1** Шиддатли ҳужум; ҳужумнинг ҳал қилувчи пайти. *Рўпарадан қилинган атака. Ҳаво атакаси. Атака бошламоқ. Атака қилмоқ. Атакага*

ўтмоқ. ■ *Батальон шу куни кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**2** кўчма Бирор нарсага, кимсага қарши жаҳду жадал билан олиб борилган кураш. *Чўлга қарши бир атака ясайлик.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**АТАК-ЧЕЧАК: атак-чечак қилмоқ** 1) секин-аста қадам ташлаб юра бошламоқ (асосан, эндигина юра бошлаган бола тўғрисида). *Бир неча кун бурун ўғилча думалаб-думалаб, атак-чечак қила бошлади.* Ойбек, Навоий; 2) кўчма с. т. эндигина йўлга тушган, ҳали ўзини тутиб олмаган иш, фаолият ҳақида.

**АТАЛА 1** Қиздирилган ёққа ун чалиб, сув кўшиб пишириладиган суюқ овқат. *Қийма(ли) атала.* Ёвғон атала. ■ *Намозгарнамозиом ўртаси уйга қайтиб, аталами, угра ошми, апир-шапир ичиб, яна кўчага чонар эдик.* Ф. Фулом, Шум бола.

**2** кўчма Шундай овқат сингари суюқ нарса. *Йигитча уни лойи атала бўлиб ётган бир кўчага бошлаб кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Атала махсум** Бўшашган, лалайган, ланж одам ҳақида. **Атала ичдингми?** Ҳадеб йиқилаверадиган ёки бўшашган одамга ҳазил тариқасида айтиладиган ибора. **Аталага бисмилло ив.** Жуда осон, енгил битадиган иш ҳақида.

**АТАЛАМОҚ** Қориштириб, аралаштириб, бирдек суюлтирмоқ. *Қатиқ(ни) аталамоқ.* ■ *..бир қошиқ эчки сутини куйган сабзи чойига аталаб ичиб, яна лойга тушишлари керак.* А. Мухтор, Кумуш тола.

**АТАЛАНМОҚ** **Аталамоқ** фл. мажҳ. н. *Аталанган қатиқ.*

**АТАЛА-УМОЧ** Ундан тайёрланадиган ҳар хил суюқ овқатлар. *Кечқурун декчани қайнатиб, қора шўрва, атала-умоч, мошхўрда каби камбағалча овқатларни пишириб, Шокир ота бошлиқ ҳаммалари ўртада баҳам кўришади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АТАЛМОҚ 1** **Атамоқ** фл. мажҳ. н.

**2** : **деб аталади айн. дейилади қ. демоқ.**

**АТАМА 1** **айн. термин.**

**2** Умуман, ном. *Лекин шаманни ҳар бир ҳалқ ўз тилидаги ном, атама билан юрийтиб келган.* «Фан ва турмуш». *Республикамизнинг ўзидагина 400 дан ортиқ турли-туман қовун атамалари мавжуд экан.* «Фан ва турмуш».

**АТАМАШУНОС** Атамалар билан шуғулланувчи мутахассис.

**АТАМАШУНОСЛИК** Атамаларга оид илм; атамаларга оид масалалар билан шуғулланувчи соҳа. *Шу муносабат билан мамлакатда Атамашунослик қўмитаси тузилди.* Газетадан.

**АТАМАН 1** Ихтиёрий казак дружиналарининг сайлаб кўйилган бошлиғи. Чор Россиясида: казак қўшинлари ёки қишлоқларида ҳарбий, полиция ва маъмурий ишларни бажариш учун тайинланган ёки сайлаб кўйилган бошлиқ. *Станица атамани. Қўшин атамани.*

**2** Бирор тўда ёки гуруҳнинг бошлиғи; қўрбоши. *Босқинчилар атамани.*

**АТАМОҚ 1** Ном бермоқ, от қўймоқ, номламоқ. *Шундан бери одамлар кўприкни «Хотинкўприк» деб аташади.* Т. Ашуров, Оқ от. *Юсуфбек ҳожи [Кумушни]. «фаришта» деб атамоққа ҳам ҳозир эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Деб тилга олмоқ, юритмоқ; айтмоқ. *Болалар уни [Толибжонни] орқаваротдан Отқулоқ десалар, олдида Эргаш тоға деб аташарди.* С. Аҳмад. *Жимжитлик. Ахир, нима қилаётганини билмаган одамларни ким деб аташ керак бўлмаса?* М. Мансуров. Ёмби.

**3** Тилга олмоқ, айтмоқ (киши исмини). *Хайриятки, исмини атамади, деб ўйлади Яхшибоев, демак, ҳали умид бордай.* М.М. Дўст, Лолазор.

**4** Бирор киши, тарихий воқеа ва ш.к. учун бағишламоқ, шунга мўлжалламоқ. *Улуғ бобокалонимиз хотирасига атаб амалга оширилган меъморий ишлар бу билан тугаб қолмайди, албатта.* Газетадан. *Ўзбек ойимнинг қутидор, Офтоб ойим ва Ойша кампирга атаб тиктирган сарулолари ҳам битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**5** дин. айн. **бағишламоқ.** *Толеим қурсин, деб ёндим, куйдим.* *Фолбинларга бордим, азиз-авлиёларга назр атадим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳудойи атаганимизга бир йилдан ошиб қолди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**6** ёрд. фл. **взф.** **Ҳисобламоқ, демоқ.** *Мард атаймиз, кимки турса аҳду паймон устида..* Ҳабибия.

**АТАН** Қишга асраладиган узумни осиб кўйиш учун шип остига қурилган махсус дор, ёғоч. *Ишқомлар ёқуту ақиқ хазина, қирқ беш ном узум(лар) осилган атан.* Ф. Фулом.



**АТАНМОҚ 1** Атамоқ 1 фл. мажҳ.н.

**2** Ном чиқармоқ. [Шавкат Ҳакимович] Ўзининг воҳасида атанган одам эди.. М.М. Дўст, Лолазор.

**АТВОР** [а. اطوار — юриш-туришлар, қилиқлар, феъл] кам қўлл. Хатти-ҳаракат, феъл. Айниқса, жойлардаги баъзи арбобларнинг атворидан ранжсийман. Газетадан.

**Феъл-атвор қ. феъл.** Одамнинг феъл-атвори — унинг қисматидир. Газетадан.

**АТЕИЗМ** [юн. а — инкор + theos — худо] Динни, диний таълимотни, худони, умуман илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш; даҳрийлик.

**АТЕИСТ** Атеизм тарафдори; даҳрий, худосиз.

**АТЕИСТИК** Атеизмга оид, атеизм руҳидаги, динга қарши қаратилган. *Атеистик адабиёт. Атеистик ташиқот.*

**АТЕЛЬЕ** [фр. atelier — рассом устaxonаси] 1 Рассом, ҳайкалтарош, фотограф ишхонаси.

**2** Кийим-кечак, пойабзал ва ш.к. ни тикиш, радио, телевизор ва ш.к. ни тузатиш билан аҳолига хизмат кўрсатувчи устaxonа. *Ателье олинган суратнинг олти ойгача эгасига ўхшашини гарантия билан таъминлайди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АТЕРОСКЛЕРОЗ** [юн. athera — бўтқа + scleros — қаттиқ] Артерия қон томирларининг торайиши ва функцияларининг аста-секин бузилиши; умумий ва маҳаллий қон айланишидаги нуқсонлар билан кечадиган сурункали касаллик. *Юрак-томир касаллигининг яна бир кўриниши атеросклероздир.* «Фан ва турмуш».

**АТИГИ** рвш. Ҳаммаси бўлиб, бор-йўғи, ниҳояти, фақатгина. *Қози поччам туш кўрсалар, атиги уктагина қолган сўйлоқ тишларидан биттаси тушиб кетибди.* М. Исмоилӣ, Фарғона т. о. *Истиқлолга эришгунимизга қадар республикамиздан бир йилда атиги икки-уч киши ҳаж зиёратига борар эди.* Газетадан.

**АТИР** [а. عطر — хушбўй модда] Хушбўй моддаларнинг спиртдаги эритмасидан иборат косметик суюқлик. *Бир шиша атир. Атир иси.* ■ *Бозоров «Ландиш» атиридан юзига, сочига, кителининг ёқасига суртди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АТИРГУЇ** Раънодошлар туркумининг хушманзара ўсимлик сифатида экиладиган

бир қанча турининг умумий номи. *Бу йўлнинг икки четига атиргул эмас, бир текисда мирзатерак ўтқазилган.* С. Зуннунова. Олов.

**АТИРСОВУН** Юз-қўл ювадиган хушбўй совун. *Обдаста билан дастийўй олиб кириб, Ҳафиза қўлини атирсовун билан ювдирди.* Мирмуҳсин. Умид.

**АТИҚА: осори атиқа қ. осор.**

**АТЛАС I** [юн. Atlas — мифологияда Ливия подшосининг номидан; гўё у биринчи бўлиб осмон глобусини яратган эмиш] **1** Муайян мақсадларда ва муайян тизим асосида танлаб олинган карталардан иборат бўлган ва тушунтириш матнлари билан альбом шаклида нашр этилган тўплам. *Географик атлас.*

**2** Инсон аъзолари, ҳайвонлар, ўсимликлар, турли механизмларнинг қисмлари тасвири туширилган ва альбом шаклида нашр этилган тўплам. *Анатомик атлас. Ботаника атласи. Зоология атласи.*

**АТЛАС II** [а. اطلس — текис, силлиқ; ипақдан тўқилган майин мато] Бир томони ялтироқ, гулдор, кудунгланган маҳаллий ипақ газлама. *Қора атлас. Сарик атлас. Хон атлас. Саккиз тенки атлас.* ■ *Мен келтирган атласни Ерим солди сандиққа.* «Кўшиқлар». *Замира кўпчиликнинг талаби билан ўрнидан турар экан, қизил атлас кўйлагининг ранги юзига ургандай қип-қизариб кетди.* П. Қодиров, Уч илди.

**АТЛЕТ** [юн. athletes — курашчи, баҳодир] айн. атлетикачи.

**АТЛЕТИК I** Атлетикага оид. *Атлетик машқлар.*

**2** Келишган, бақувват. *Атлетик қомат.*

**АТЛЕТИКА** [юн. athletikos — курашчиларга хос, ўхшаш] Куч ва чаққонлик талаб қиладиган ва уларни камолга етказадиган спорт машқлари мажмуи.

**Енгил атлетика** Югуриш, сакраш, найза, диск улоқтириш, ядро иргитиш ва ш. к.ни ўз ичига олган спорт турлари. **Оғир атлетика** Оғир юк (штанга) кўтариш машқларини ўз ичига олган спорт тури.

**АТЛЕТИКАЧИ** Атлетика билан шуғулланувчи спортчи. *Илгари енгил атлетикачиларимизнинг муваффақиятли иштироклари тўғрисида хабар бергандик.* Газетадан.

**АТМОСФЕРА** [юн. atmos — нафас; буғ; ҳаво + sphaira — шар] **1** Ерни ва бошқа баъзи планеталарни ўраб турган газсимон қобик. *Ер атмосфераси. Кўёш атмосфераси.*

*Атмосфера босими.* ■ *Бинобарин, атмосфера ниюкиса тутмоқ учун барча давлатлар ҳамжиҳат иш олиб боришлари лозим.* «Фан ва турмуш».

**2 физ., тех.** Босим ўлчов бирлиги.

**АТМОСФЕРАВИЙ** Атмосферага оид; атмосферада содир бўладиган. *Атмосферавий электр разряди.*

**АТО** [а. عطا — бағишлаш, ҳады бериш]: **ато қилмоқ** Инъом қилмоқ, бахш этмоқ, бермоқ. *— Шу инимга ҳам худо яхши қиз ато қилсин, — яна валдиради хотин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уйлаш, англаш бахтини табиат фақат одама ато қилган.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

**АТОМ** [юн. atomos — бўлинмас] Кимёвий элементнинг барча хусусиятларини ўзида сақлаган энг кичик массали ва ўлчамли зарраси.

**АТОМБОЗ** Атом қуролидан фойдаланиш тарафдори, атом қурулини дастак қилувчи.

**АТОМИСТИК** Атомистикага оид. *Атомистик назария.*

**АТОМИСТИКА** Материянинг атомлардан тузилганлиги тўғрисидаги таълимот.

**АТОМЧИ 1** Атом энергиясини ажратиш ва ундан фойдаланиш бўйича мутахассис, олим.

**2 айн.** атомбоз.

**АТОРИД, Уторид** [а. عطار — Меркурий сайёраси] (А — катта) эск. айн. **Меркурий.** (Мифда бу юлдуз ёзувчиларнинг ҳомийси ҳисобланади).

**АТОҚ** кам қўлл. Ном, донг. *Эрнинг атоғи элга сиғса ҳам, чатоғи сиғмас.* Мақол.

**АТОҚЛАМОҚ** кам қўлл. Атамоқ. *Севганимга атоқлаб Шойи белбоғ тўқидим.* “Кўшиқлар”.

**АТОҚЛИ** Бирор соҳада ном чиқарган, донг таратган, шуҳрат қозонган, донгдор, машҳур. *Атоқли олим. Атоқли давлат арбоби.* ■ *Темур, тарихчилар тасвирича, ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан эди.* «Фан ва турмуш».

**Атоқли от тли.** Бир шахс ёки предметга хос ном: *Карим. Гулистон.*

**АТРИБУТ** [лот. attributum — қўшиб берилган, таъминланган, қўшимча қилинган] **1 флс.** Предмет ёки ҳодисанинг ўзига хос, ундан ажратиб бўлмайдиган энг муҳим характерли хусусияти, белгиси. *Ҳаракат материянинг атрибутидир.*

**2 тли.** Гапда бирор бўлакнинг сифатини, белги-хусусиятини характерлаб келувчи иккинчи даражали бўлак; аниқловчи.

**АТРИБУТИВ** тли. Атрибутга, аниқловчига оид; аниқловчи. *Сўзларнинг атрибутив боғланиши. Атрибутив алоқа.*

**АТРОФ** [а. اطراف — томонлар, чекка жойлар] **1** Теварақлаги фазо, жой, ер; ҳамма тараф. *Кун ботган, бутун атроф қоронглашган эди.* С. Айний, Қуллар. *Йўлчи атрофга кўз ташлар, шамолда шилдираган ҳар баргдан чўчир эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Куй кечанинг жимлигида атрофга равон оқади.* С. Зуннунова, Олов.

**2** Теварақдаги яқин жой, яқин орадаги ерлар. [Ёрмат] *Атрофдан биронта тарвуз топиб келтириш учун Ўрозга ялинди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорабулоқ қишлоғи ва атрофига қозилик қилувчи маълум зот эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**3** Бирор нарсанинг гир айланаси, тевараги ёки чети, зиҳи. *Атрофи қора, ўртаси гулли патнис.* *Дастурхон атрофи.* *Ҳовуз атрофи.* ■ *Асрорқўлнинг кўз атрофи қизариб, юзида сохта табассум акс этди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**4 кўчма** Теварақдаги муҳит, кишилар. *Марямхон ўзи тўқиганми ё атрофдан эшитганми, ҳар вақт шундай жавоб берар эди:* *Кундош — бошингда тош, кўзингда ёш.* Ойбек, Танланган асарлар.

**5 3-ш. ж. к. ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вафизасида қўлланади (қ. атрофига, атрофида).**

**АТРОФИГА 1 Атроф** с. ж.к. шакли. *Фосиҳ афанди, мингбоши ва аъёнлар садақайрағоч тағидаги супада тузалган ҳашаматли дастурхон атрофига келиб ўтиришди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**2 кўм. вzf.** Теварагига, қошига, ҳузурига. *Баҳовиддин султон-дарвеш ўз атрофига.. оқими руҳидаги ҳамфикрларни йиғади.* «Фан ва турмуш».

**АТРОФИДА 1 Атроф** с. ў.-п. к. шакли. Теварагида, гир айланасида. *Майдонча атрофида одамлар зич.* Т. Обидов, Юсуфжон қизик.

**2 кўм. вzf.** 1) тахмин билдиради; чамаси (да). *Элик килограмм атрофида. Юз центнер атрофида.* ■ *Ёши йигирмалар атрофидаги.. бир йигитча.* Газетадан.; 2) теварагида, хусусида. *Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АТРОФИЯ** [юн. atrophia — кам озикланиш; сўлиш, озиш] Тўқималар озикланишининг бузилиши натижасида аъзоларнинг кичраиб, ҳужайралар сифатининг ўзгариши.

**АТРОФЛАБ** *рви.* Атрофидан айланиб ёки айлантириб; атрофиди давра олиб. *Атрофлаб ўрамоқ.* ■ *Самоварнинг куддонини ингичка сим билан атрофлаб кавлаб, бир-икки қисм кул туширди-да, ўтхонасига икки-уч думалоқ тошқўмир ташлади.* Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**АТРОФЛИ:** атрофли равишда *айн.* атрофлича.

**АТРОФЛИЧА** *рви.* Асосли равишда, ҳар томонлама, ҳамма томондан синчиклаб. *Масалани атрофлича муҳокама қилиш.* ■ *Ҳаётга чуқур, кенг, атрофлича қараш, ундан кейин фикрлаш ва ўйлаш керак.* Ойбек, Нур қидириб.

**АТТАНГ(А)** *унд.* с. Афсусланиш ёки пуншаймонни ифодалайди. *Аттанг, от бўлганда, орқасидан тушар эдик.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Аттанг қилмоқ** ёки **аттанг демоқ** Афсусланмоқ. *Қилса нодонликда иш нодон ахир аттанг қилур.* Ҳабибий. *Табиийки, бундай пахтакор кузга бориб аттанг деб юрди.* Газетадан.

**АТТАШЕ** [фр. attache — қўшиб қўйилган, биркитилган] **1** Кичик дипломатик мартаба, унвон.

**2** Бирор соҳа, масалан, ҳарбий соҳа вакили бўлган дипломатик ходим. *Ҳарбий атташе.* *Савдо атташеси.*

**АТТЕСТАТ** [лот. attestari — тасдиқламоқ, гувоҳлик бермоқ] **1** Ўрта мактабни тугатганлик тўғридаги ҳужжат; шаҳодатнома.

**2** Илмий ёки махсус унвон берилганлиги ҳақидаги ҳужжат. *Профессорлик аттестати.* *Катта илмий ходимлик аттестати.*

**3** **1)** ҳарбийларга, улар бошқа хизматга ўтказилганда, узоқ муддатли хизмат сафарига юборилганда ва б. ҳолларда бериладиган ҳужжат; **2)** офицернинг оила аъзосига офицер машининг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**АТТЕСТАЦИОН** Аттестацияга оид. *Аттестацион варақа.* *Аттестацион комиссия.*

**АТТЕСТАЦИЯ** [лот. attestatio — гувоҳлик бериш; гувоҳнома; тасдиқнома] Ходим малакасини, билим даражаси ва хулқ-атворини аниқлаш ва шу асосда ишга тайинлаш

ёки унвон бериш. *Аттестациядан ўтказмоқ.* *Аттестация комиссияси.* *Аттестация шаҳодатномаси.* ■ *Аттестация ўтказиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди.* Газетадан.

**АТТОР** [а. عطار — атир-упа сотувчи] **1** Упа-элик, турли дориворлар, хушбуй нарсалар ва ш. к.лар билан савдо қилувчи шахс, дўқондор. *Хуржун ортилган эшакни қишлоқма-қишлоқ олдига солиб: «Фаранги ип, ироқи совун, оқ сақич, қора сақич!» деб қичқирадиган аттор ҳам бедарак йўқолди.* П. Турсун. Ўқитувчи.

**Атторнинг қутисида йўқ** Топилмайдиган, йўқ нарса ҳақида. *Ўзбошимчалик билан атторнинг қутисида йўқ бир номаъқулчилик қилиб қўйди.* С. Нуров. Нарвон.

**2** «Мантикут-тайр» асарининг муаллифи — Фаридуддин Атторнинг тахаллуси.

**АТТОРЛИК** Аттор нарсалари, атторлар моллари сотиладиган жой. *Ундан атторлик дўқонига ўтди.* «Ёшлик». *Эна, мана бу атторлик, базозликда бир йигит бор эмиш.. «Луқмони Ҳаким».*

**АТТРАКЦИОН** [фр. attraction — тортлиш] **1** Циркда томошабинларни ортиқ даражада қизиқтирадиган ўйинлар мажмуи.

**2** Оммавий сайр қилинадиган жойлардаги кўнгилочар мосламалар (карусель, тир ва ш. к.).

**АУДИТ** [лот. auditis — эшитиш, тинглаш] Аудиторлик ваколати бўлган шахслар (аудиторлик фирмалари) томонидан хўжалик субъектлари молиявий ҳисоботининг экспертизаси ва таҳлили; тафтиш.

**АУДИТОР** [лот. auditor — тингловчи] Белгиланган тартибда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олган (ваколатлар берилган) ва аудиторлар касбий рўйхатига киритилган шахс (мутахассис).

**Аудитор фирма (ёки аудиторлик фирма-си)** Корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи мустақил фирма.

**АУДИТОРИЯ** [лот. auditorium — тинглаш жойи] **1** Машгулот, маъруза (доклад) ва ш. к. ўтказиладиган хона, бўлма. *Аудиторияда олинган билим билан чекланмаслик керак, албатта.* Газетадан.

**2** Машгулот, маъруза ва ш. к.ни тингловчилар, шунингдек, радиотингловчилар ва телетомошабинлар.

**АУКЦИОН** [лот. *auctio, auctionis* — ўсиш, кўпайиш; оммавий савдо] Оммавий кимошиди савдоси.

**АУТ** [ингл. *out* — ташқарида, нарида] 1 Спорт ўйинларида: тўп (шайба)нинг майдонни чегараловчи чизиқ (девор)дан ташқарига чиқиши.

2 Ҳакамнинг боксчи нокаутда эканини эълон қилиши.

**АУТСАЙДЕР** [ингл. *outsider* — чет, бегона; ташқарида қолган] Мусобақада охириги ўринлардан бирини эгаллаб турган спортчи ёки жамоа.

**АФАНДИ** 1 эск. Жаноб, жаноблар (муржоатда). *У аёёнларга қараб: -Кетдик, афандилар! Ҳоким тўра кечки салқинда келади-лар, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 эск. Киши номига кўшилиб, ҳурмат билдиради ёки киши номининг таркибий қисмини ташкил этади. *Фосих афанди сўрига эмас, извошига чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Командир афанди телеграмма беришини билмас эканлар.* А. Умар, Мухтор.

3 эск. Ўқитувчи, муаллим. *Эмуруд.. унинг [Сотволдининг] «Муаллим ўзимизники.. Афандимнинг тупроғи шу ердан олинган» деганини эслади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Афанди (Хўжа Насриддиннинг эпитети).

5 с. т. ҳазил Ишидан янглишиб, кулгили ишлар қилиб юрадиган одам ҳақида. *Афанди одам. Афанди экансиз-ку!*

6 с. т. Латифа, анекдот. У [Сидиқжон] энди.. аския ва афанди айтишар, ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айтар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**АФВ** [а. *عفو* — гуноҳидан ўтиш, кечириш] кт. Кечирим, узр. *Сиздан бу улуг гуноҳим учун афв сўраб, ҳайдалган ўглинғиз — Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**Афв этмоқ** (ёки қилмоқ) Кечирмоқ, узрни қабул қилмоқ, гуноҳидан ўтмоқ. *Бу лапашанглигимиз учун раҳнаомаларимиз бизни афв этурларми?* Ҳ. Фулом, Машғал. **Афв этасиз** Кечирасиз (одатда сўзловчи гап бошида олдиндан узр сўраб ишлатади). [Саидбек:] *Афв этасиз, сиз буни қаёқдан биласиз, генерал жаноблари?* К Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё. **Афви умумий айн. амнистия.**

**АФГОР** [ф. *афгар* — яраланган, мажруҳ] кт. 1 Жароҳат олган, мажруҳ.

2 Эзилган. *Қуллик занжирида афгор бўлганлар..* Ғ. Фулом. *Чори ота.. узун, серқадоқ бармоқлари билан чаккаларини ушлаб, афгор бир ҳолда чўкиб ўтирди.* С. Нуоров. Нарвон.

**Афгор этмоқ** (ёки айламоқ) Афгор ҳолга солмоқ. *Енголмаса ақлинг гар, Ҳаётинг афгор этар.* Қ. Муҳаммадий. *Таънаю маломат тошлари мажруҳу афгор айлади.* Ҳабибий.

**АФЗАЛ** [а. *افضل* — энг фозил, энг фазилатли] 1 (асосан ч. к. билан, икки нарсани бир-бирига чоғиштирувда) Яхши, аъло, ортиқ. *Номуслиз юрмоқдан номусли ўлмоқ афзал.* Мақол. ■ *Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз.. учун тилладан афзалдир.* Ойбек, Навоӣ. *Чироғим, бу ерни ўз уйингдек бил. Қоратойим қандай бўлса, сан ҳам манга шундайсан. Балки ундан афзалсан.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Афзал кўрмоқ** Аъло ҳисобламоқ, ортиқ деб билмоқ. *Аммо Умид ҳозирча.. кўпроқ илмий иш билан шуғулланишини афзал кўрди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Афзал (эркаклар исми).

**АФЗУН** [ф. *افزون* — ортиқ, зиёда, кўп] эск. кт. Ортиқ, зиёда. *Ул юзи қуёшки, бордур ойдин афзун.* Бобур.

**Ҳаддан афзун** Ҳаддан ташқари, ниҳоятда, жуда. *Абдулқаримбек ҳаддан афзун хурсанд бўлиб, меҳмондорлик қилди. “Фан ва турмуш”.*

**АФИФ** [а. *عفيف* — иффатли] эск. кт. Покиза, тоза, иффатли.

**АФИФА** 1 эск. кт. Покиза, тоза, иффатли (аёл ҳақида). *Шу дақиқадан бошлаб бекда у афифага.. чин бир ишқ тугиладир.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

2 Афифа (хотин-қизлар исми).

**АФИША** [фр. *affiche* — эълон] Спектакль, концерт, маъруза ва ш. к. ҳақида кўринарли жойларга ёпиштириладиган эълон. *Фигурали учиш мусобақаси ҳақидаги суратли афишани синчиклаб кўздан кечирди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

**АФКОР** I қ. **афгор.** *Агар сен унда кўрсанг ногоҳ озор, Мен эшитиб бўлурмен бунда афкор.* Юсуф Амирий, Даҳнома.

**АФКОР** II [а. *افكار* — фикрлар]: **афкори омма** Бутун омма. *Жаҳон афкори оммасини даҳшатга солган зилзила 1988 йил 7 декабрида Арманистонда юз берди. «Фан ва турмуш».*

**АФЛОТУН** [қадимги юнон олими Платон номининг арабча айтилиши]: **Афлотун мия** Ақли ўткир, донишманд одам ҳақида.

**АФФРИЗМЛАР** [юн. aphorismos — ҳикматли сўз] Ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар. Масалан: *Оз демак ҳикматга боис, оз емак сиҳатга боис.* А. Навоий.

**АФОРИСТИК** Афоризм шаклидаги, афоризмга хос белгили. *Афористик иборалар.*

**АФСОНА** [ф. афсона — ҳикоя, нақл; уйдирма] 1 Фольклор жанри: авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келган уйдирма, тўқимадан иборат, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят ва ш. к. *Тоғ қишлоқларининг теша тегмаган, ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўладиган ғалати эртаклари, афсоналари бўлади.* Ҳ. Гулом, Машғал. *Оқсойликлар ўртасида бу жойнинг номи ҳақида афсона ҳам бор.* С. Анорбоев, Оқсой.

**Афсона бўлмоқ** Эл-халққа гап-сўз бўлмоқ, элга дoston бўлмоқ. *Излаб сени ҳар кўчада, Эл ичра кўп шарманда ҳам афсона бўлдим соғиниб.* Ҳамза.

2 кўчма Асоссиз гап, ёлгон-яшиқ, уйдирма.

**Афсона тўқимоқ** Уйдирма гап қилмоқ, бўлмағур гап-сўз тўқимоқ. *«Минг бир кеча»нинг Шаҳризодаси афсона тўқиб, ўлимдан қутулиб қолгандай, Мухторхон ҳам юқоридagi сингари ривоятлар паноҳида омон юрибди.* Ҳ. Гулом, Машғал.

3 кўчма Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сизмайдиган нарса, иш. [Одамлар] *«Мирзачўл» аталмиш қадимий, бағри кенг саҳрода бирга қўл тутишиб.. афсоналарни ҳақиқатга айлантиришмоқда.* В. Абдуллаев, Қанотли орзулар.

**АФСОНАВИЙ 1** Афсона жанрига мансуб бўлган, фантастик, *Афсонавий ҳикоя.*

2 Фақат афсоналарда мавжуд бўлган, оламда йўқ, хаёлий. *Зеби хола деярли ҳар куни туш кўради. Тушида Пўлатжон ҳали қандайдир афсонавий қуш тутиб олган, ҳали саман йўрға миниб, сув кечаётган бўлади.* С. Аҳмад, Қадрон далалар.

3 кўчма Уйдирма, тўқима. *Афсонавий гап.*

4 кўчма Ақл бовар қилмайдиган, ақлга сизмайдиган. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улугворлик бахш этиб, бир текис чувиллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**АФСОНАВОР** айн. афсонавий 4. *Афсонавор дамлар билан келиб юзма-юз.. Отаёр, Оқ фасл.*

**АФСУН** [ф. افسون — сеҳр, авраш, макр] Сеҳр, макр. *Бу қандай афсундир, бу қандайин куч, сени мендан айиролмаслар.* У. Абдуазимова, Ишқли умрим.

**Афсун ўқимоқ** Сеҳрловчи хатти-ҳаракат қилмоқ. *Тун ўрмалар ойнамда секин, Афсун ўқир ва аврар руҳим.* М. Кўшмоқов, Али Қамбар.

**АФСУНГАР** Афсун билан сеҳрловчи. *Телепат қадимги ҳинд афсунгарини эслади. «Ёшлик». У соҳир ҳислардан кечди беомон, Афсунгар туйғулар бўлганлар ғойиб.* А. Орипов. Йиллар армони.

**АФСУНГАРЛИК** Афсун иши. *Бу афсунгарликнинг сири ҳақида анча тортишдик. «Гулистон».*

**АФСУНКОР** айн. фусункор.

**АФСУНЛАМОҚ** Сеҳр-жоду қилмоқ.

**АФСУНЧИ** айн. афсунгар.

**АФСУС** [ф. افسوس — надомат, пушаймон] 1 Ўқиниш, ачиниш туйғуси; пушаймон. *Кўрқувдан катта-катта очилган кўзларида афсус ва меҳрга ўхшаш бир ифода жонланди.* С. Зуннунова, Олов. *Надомат нимага ва афсус нечун? Оламда неки бор, учар бешафқат.* А. Орипов, Йиллар армони.

**Афсус қилмоқ** Пушаймон бўлмоқ, афсусланмоқ. *Пахта бригадасидан кетганингизга афсус қилмадингизми? Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.*

2 мод.с. Нарса-ҳодисанинг хоҳиш-истакка зидлигини, сўзловчининг шундай муносабатини билдиради. *Бекор кетди, афсус, шунча уриниш.* А. Шер, Қадимги куй. *Биродарим билан топшидим-ку, деб ўйлаган эди, афсус, қувончига қор ёғди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбат.

**АФСУСКИ 1** айн. афсус 2. *Бу образнинг прототипи ҳам бор эди, афсуски, бу ҳикоя тугалланмай қолди.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

2 боғл. вzf. Зидлаш, тўсиқсизлик маъносини билдиради. *Минг афсуски, у [ишйпон] иккинчи уй бўла олади.* Газетадан. *Афсуски, сансалорлик одамларда ишончсизлик уйғотади.* Газетадан.

**АФСУСЛАНМОҚ 1** Пушаймон қилмоқ, пушаймон емоқ. *Йўлчи ўз қишлоғидан келган одам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашмаганига афсусланди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Дили оғримок; ўқинмоқ. *Афанди камбағаллигидан афсусланиб, ҳар кун кечалари нола қилар эди. «Латифалар». ..нега бу воқеани бизга айтишмаган экан, деб афсусланар эди.* М. Мансуров, Ёмби.

**АФТ 1** Одам бошининг олд қисми; юз, бет. *Сафар бўзчи бошини қашиб, яна маҳдумнинг афтига қараб қўйди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Сорахон.. «шу тобда кириб нима қилар эди» дегандай қилиб, афтини буриштирди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

2 Юз кўриниши, қиёфа; турқ. *Ҳавонинг тафтига боқ, одамнинг афтига боқ.* Мақол. ■ *Қодир бу одамнинг афтидан касб-корини белгилай олмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**Афти курсин** Нафрат, қарғишни ифодалайди. *..қуйдирган калладай иржаяди, уялмайди ҳам! Афти курсин.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

**АФТ-АНГОР** Юз кўриниши, қиёфа. *..дўтор тарихини ҳикоя қилиб бериш чиндан ҳам азоб эканлиги унинг афт-ангоридан сезилиб турарди.* Газетадан.

**АФТ-БАШАРА 1** Кишининг афти, башараси, афт-боши. *Афт-башараси хунук одам.* ■ [Каромат хола:] *..ораларингизда оталиқдан келган вақил борми? Қани у, афти-башарасини бир кўриб, дийдорига бир тўяй!* — деди. М. Маҳмудов, Ҳайбаракаллачилар.

2 кўчма Кишининг ички дунёси, маънавий қиёфаси. *Афт-башарасини очиб ташламоқ.*

**АФТ-БОШ** айн. **афт-башара.** *Афт-боши тузуккина йигит.*

**АФТИДАН** мод. с. Тахмин билдиради; чамаси. *Афтидан, улар эндигина заводдан чиққан бўлса керак, бўёқ иси гушллаб димоққа уриб турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**АФТОДА** [ф. افتادە — йиқилган, дармонсиз] эск. 1 Нотавон, ночор, абгор. *Эл бахтсиз эди афтода, Золимларни беомон кўрдим.* Миртемир.

2 Тушқунликка тушган, тушқун ҳолатли. *Ўтапнинг қистови билан ошга қолган Жўравой ота ҳамон ўй суриб ўтирган афтода қизига деди: -Ҳадеб ўй сура берма, Эъзоз.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Хонавайронлар билур афтодаларни(нг) ҳолини.* Машраб.

**АФТОДАҲОЛ** айн. **афтода.** *Уэнди тамоман таслим бўлиб, афтодахол бир аллозда бошини эгиб ўтирарди.* С. Аҳмад, Жимжит-

лик. *Институтдан «ҳайдалган»идан бир ҳафтача кейин қутилмаганда уйимга афтодахол ҳофиз кириб келди.* Газетадан.

**АФФЕКТ** [лот. affectus — руҳий ҳаяжон, эҳтирос] Ташқи ёки ички таъсирлар туфайли тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарият ҳолларда “портлаш” тарзида бўладиган кучли ҳиссий ҳолат.

**АФФИКС** [лот. affixus — бирлаштирилган, бириктирилган] тлш. Сўзга қўшилиб, янги сўз ёки сўз шаклини ҳосил қилувчи тил бирлиги. Мас., -чи (хизматчи), -лар (болалар).

**АФЮН** [а. افیون — қора дори] 1 Кўкнорнинг думбул бошогидан олиб қуритилган шира (қора дори, таряк кўринишида, кайф қилиш учун, тиббиётда эса наркотик модда сифатида ишлатилади). *Афюннинг кайфи курсин, домла, сизни одамгарчиликдан чиқариб қўйибди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

2 кўчма Киши онгини заҳарлайдиган нарсага нисбат берилади.

**АФҒОН 1 1** Афғонистоннинг туб аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халқ (миллат)га мансуб (шахс ва б.). *Афғон аёли. Афғон тили.*

**Афғон рубоби** Торли чолғу асбобларидан бирининг номи. *Замира афғон рубобини қўлига олди-да, «Қари наво»ни чалди.* Газетадан. **Афғон шамоли** Шимолий Афғонистонда ва Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида қузда эсадиган қуюнли шамол. *Икки кун афғон шамоли эсиб, кўз очиргани қўймади.* Газетадан.

**АФҒОН II** [ф. افغان — нола, йиғи] кт. Фарёд, нола. *Афғон чекмоқ.* ■ *Субҳ чоғида магар чиққанда ёрим тўлганиб. Гул ёқасин чок этар, булбулда афғон қўзғалур.* Ҳабибий.

**АФҒОНИЙ 1** Афғонларга, афғон халқига оид, афғонча. *Афғоний ханжарингизни бераман деган эдингиз-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Афғонистоннинг асосий пул бирлиги.

**АФҒОНЛАР** Афғонистоннинг туб аҳолиси; афғон халқи.

**АХБОР** [а. اخبار — «хабар»нинг кўплиги] кам қўлл. Хабар; хабарлар; маълумот. *Ер ичида кўмилиб ётган ҳама [ҳамма] олтин, кумуш Юзага чиқди бари, боис анга ахбор, ўқув.* Ҳамза.

**АХБОРОТ 1** Иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот. *Маж-*

лисда сўзга чиққан парламент қўмиталарининг раислари.. ахборот бердилар. Газетадан.

**2** Радио эшиттириши, телевидение кўрсатувида махсус информация дастурнинг номи. *Концерт, кино, «Ахборот» майли-я, спорту об-ҳаво маълумотиғача.. кўради.* С. Нуров, Нарвон.

**3** Вақти-вақти билан чиқиб турадиган баъзи тўпламларнинг номи. *Фанлар академиясининг ахбороти.*

**АХБОРОТНОМА 1** Ёзма ахборот. *Биз ким имзо чекиб, ахборотнома битувчилар.. Х. Тўхтабоев, Шириң қовунлар мамлақати.*

**2** Махсус нашрнинг номи. *Шўба томонидан нашр этилаётган ахборотнома бизни Миср ҳаёти ва янгиликларидан хабардор қилиб турибди.* Газетадан.

**АХИ(Й)РИ** [а. اخير — поён; хотима] с. т. Ахир, охири, пировардида. *Ахийри октябрь ойи ҳам тугади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. [Фотима Қосимжонга:] *Хўп, майли, бўлмаган нарсага ўзингизни ўзингиз қийнаб юрсангиз, ахийри уялиб қоларсиз.* Ҳамза, Тўхматчилар жазоси. *Бригадирлар эса тортишиб, баҳслашиб, ахири кўнишди.* С. Нуров, Нарвон.

**АХИР 1** [а. اخير — сўнг, пировард] рвш. Охири, пировардида, ниҳоят. *Ахир бўлмади. Ахир кўнди.* ■ *Қазисан, қартасан, ахир зотинга тортасан! — деди кампир омборни қулфлаётиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чирқолари.

**АХИР 2** юкл. Маънони кучайтиради, таъкидлайди. -*Низомиддинов, — деди раис ўрнидан туриб, — сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз ахир.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ. *Ахир театрни бир вақтлар бекорга «ибратхона» деб аташмаган.* Газетадан.

**АХИРИ** қ. ахи(й)ри.

**АХЛАТ** [а. اخلاط — ахлатлар] **1** Супуринди ва ташландилар, супуриш-сидириш натижасида тўпланган ифлос нарсалар. *Ҳовли юзи турли-турли ахлатлар билан булғанч, гўё йиллардан бери тозаланмаган, супуриг кўрмагандек эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Нажас, нажосат.

**АХЛАТХОНА 1** Ахлат босиб ётган жой. *Мақбара ва масжид атрофидаги ахлатхонани тозалаш учун..* Газетадан.

**АХЛОҚ** [а. اخلاق — кишининг табиати] Муомала, хатти-ҳаракат одоби. *Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги.* Газета-

дан. *Раҳбар ахлоқидаги асосий нарса сўз ва иш бирлигини ўз фаолиятининг мазмуни деб билишдир.* «Фан ва турмуш».

**АХЛОҚИЙ** Ахлоқ-одобга оид. *Ахлоқий принциплар.* ■ *Бир вақтлар бу уйга онаси билан меҳмон бўлиб келган бир татар қизи русча бир ахлоқий романи унутиб қолдирган.* Ойбек, Танланган асарлар.

**АХЛОҚЛИ** Яхши тарбия кўрган; одобли, хушахлоқ. *Ахлоқли бола. Ахлоқли қиз.* ■ *Қишлоқ аҳли ишчан, ахлоқли.* Шайхзода. *Врачлик касбини бажаришда ҳам ахлоқий омил ҳал қилувчи роль ўйнайди.* «Фан ва турмуш».

**АХЛОҚСИЗ 1** Яхши тарбия кўрмаган, ахлоқ қоидаларига бўйсунмайдиган, интизомсиз. *Ахлоқсиз бола.*

**2** Ахлоқи бузуқ, суюғоёқ, фосиқ.

**3** Одоб-ахлоқдан ташқари, одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқадиган, одоб нормаларига хилоф, беадаб. *Ахлоқсиз хатти-ҳаракат. Ахлоқсиз гап.*

**АХЛОҚСИЗЛИК 1** Ахлоқ қонун-қоидаларига хилоф иш, хатти-ҳаракат. *Салимхон сингиси билан номаълум, нотайин бир студент орасидаги алоқа муҳаббатдан, ўз тили билан айтганда, «ахлоқсизликдан» холи эканига қанча ишонса ҳам, миш-мишлар қўймади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**АХТА** [мўғ.] Жинсий безлари, мойги олиб ташланган, бичилган. *Ахта от.* ■ *Бу ахта қул.. аянчи бир махлук эди.* Ойбек, Навоий. *Терга пишган сариқ ахта эринибгина қор кеча бошлади.* Х. Фулом, Машъал.

**Ахта қилмоқ** Бичмоқ. *Агар ўша жийронни ахта қиламан деб шу кўйга гирифторм бўлмаганимда..* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**АХТАЛАМОҚ** Ахта қилмоқ, бичмоқ.

**АХТАРМОҚ** Топиш ҳаракатида бўлмоқ; қидирмоқ, изламоқ. *Қоронғида гугурт ахтармоқ. Ахтарган топар.* Мақол. ■ *Кишилар куч-қувватларини сотишга иш ахтариб, ер ахтариб, овқат, кийим-кечак ахтариб, ўз тугилган ерларидан чиқиб кетар эдилар.* П. Турсун. Ўқитувчи.

**АХТАХОНА** эск. кам қўлл. айн. **отхона.** *Ҳасанали.. қайта-қайта ахтахонага кириб, тўриқ йўрғанинг у ер-бу ерини супурад эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЦЕТИЛЕН** [лот. acetum — сирка] Углерод ва водороддан таркиб топган заҳарли, бадбўй ёнувчи газ.

**АЦЕТОН** [лот. acetum – сирка] Лак, портловчи модда, сунъий ипак ва ш. к. тайёрлашда эритувчи сифатида ишлатиладиган органик бирикма, рангсиз суюқлик.

**АЧА** шв. 1 Буви. *Охири она қизига насиҳат этди: -Исфарага бориб, ачамни кўриб келаман, деб отангдан руҳсат ол. «Ёшлик».*

2 Катта буви (бувининг онаси).

3 Она, ойи. *Оқ сут берган ачам қолди. «Тўлан ботир».*

**АЧАМБИТИ** қ. жағжағ.

**АЧИМОҚ 1** Микроорганизмлар таъсиридаги биокимёвий жараён натижасида ачимсиқ ҳид ёки маза ҳосил қилиб етилмоқ (лой, вино кабилар ҳақида). *Ачиган лой. Вино ачий бошлади.*

2 Шундай жараён натижасида айнимоқ, бузилмоқ. *Ачиган сут. Ачиган овқат.*

3 Жизиллаб оғримоқ; ачишмоқ. *Тутундан кўзим ачиди. ■ Фумай тигида унинг кўли яна қийилди. Қон оқиб, бармоғи ачий бошлагандан кейин, рўмолчасига кафтини ўраб олди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

4 кўчма Аччиқ-тизжиқ гап қилмоқ.

**Ачиб** (ёки ачиб-бизиб) ётибди с. т. Жуда ҳам кўп, қалашиб, тикилиб ётибди, гиж-гиж. *Бозорда картошка ачиб ётибди. Жони (ёки ичи, юраги) ачимоқ* Ниҳоятда куюнмоқ. *Ҳа, бўлмаса жонингиз ачиганими бу? Ерни белингиз қайишиб топганингизда, жонингиз ачир эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. [Офтоб ойим] Кумушни кўрган сайин, алланечук юраги ачир, жудодик кунларини асло тасаввур қилолмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аппон чолнинг Тиллага ичи ачиди. «Ёшлик».*

**Мияси ачимоқ 1)** тўғри фикрлаш, эслаш қобилияти ёмонлашмоқ. *Қайдам, мен бир мияси ачиб қолган чолман, болам. С. Аҳмад, Ҳукм; 2) мияси ғовлаб, гангиган ҳолда бўлмоқ. Тожибой таажжубда қолиб, бошини лққиллатди: Бир ўзингиз-а? Ёпирай! Миянгиз ачиб, юрагингиз тошиб кетмайдими? П. Турсун, Ўқитувчи. Хамири ачимаган қ. хамир. Қариб қуюлмаган, ачиб суюлмаган. қ. суюлмоқ.*

**АЧИМСИҚ** Ачиган нарсани эслатадиган, бир оз аччиқ (ҳид, таъм ҳақида). *Тезак, хом тери иси аралаш ачимсиқ, бадбўй ҳид димоғига урилди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.*

**АЧИМТИР** шв. айн. ачимсиқ. Ипакдек майин, шилдироқ саҳифалардан ачимтир моғор ҳиди келарди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

**АЧИНАРЛИ 1** Ачиниш ҳиссини уйғотадиган. *Ачинарли қиёфа. Ачинарли ҳолат. Ачинарли аҳволга тушиб қолмоқ. ■ Бурчакда ётган бола уйқусирабми ё совуқдан уйғонибми, ачинарли товуш билан «дада!» деди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Афсус аралаш ранжиш ҳиссини уйғотадиган. *Энг ачинарлиси, байрамолди кунлари айрим пулпарастлар давлат транспорти ҳисобига бойиб қолишни касб қилиб олмоқдалар. Газетадан.*

**АЧИНИШ 1** Ачимоқ фл. ҳар.н. У Мурзиннинг ҳолига ачинишни ҳам, қиз муҳаббатига сазовор бўлгани учун қувонишни ҳам билмасди. Шуҳрат, Шинелли йиллари.

2 Раҳм, куюниш туйғуси. *Адолат ўзига нисбатан нафрат эмас, меҳр ва ачиниш сеза бошлади. С. Зуннунова, Гулхан. Шу бир оғиз сўзда меҳр, ҳурмат, ачиниш.. яна қандайдир туйғуларни ифодаловчи оҳанг борлигини мана энди англаб турибди Абдураҳмон. «Ёшлик».*

**АЧИНМОҚ 1** Раҳм, куюниш ҳиссини туймоқ; куюнмоқ. *Иброҳим отанинг бу қадар тез ўзгариб, чўкиб қолганига Жумагул қаттиқ ачинди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

2 Афсус аралаш ранжимоқ, хафа бўлмоқ, ўкинмоқ. *-Бу гапни бекор бошлаб кўйибман, — деб ачинди Қудрат. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Шу пайт қадрдон дўстлари, мактабдошлари орасида бўлмаганига ачинди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**АЧИТМА** Қатиқ, ачитқи каби нарсалар билан ачитилган, ачитиб тайёрланган. *Ачитма гўжа. Ачитма патир.*

**АЧИТМОҚ 1** Ачимоқ фл. орт. н. Тутун кўзни ачитди. *Гўжа ачитмоқ. ■ Ёз кунлари [Ўзбек ойим] айвоннинг тўрига ясланиб, Ҳасаналининг хотини бўлган Ойбодоққа, чўри қиз Ҳанифага хамирни ачитмасликни, паловни қирмоч олдирмасликни танбеҳабгана ўтирар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кучли изғирин, юзнинг терисини шилгандай, ачитади, қулоқларни кесади. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 кўчма Аччиқ гап қилмоқ. *Дуст ачитиб гапирди, душман — кулдириб. Мақол. ■ -Тўғри айтасиз, мавлоно, — деди Ҳамза ачитиб. К. Яшин, Ҳамза.*

**Жон(ни) ачитмоқ 1)** айн. жон(ни) коийтмоқ 2; 2) жонини оғритмоқ. *Тун аёз, изгириқ ел тўрт тарафга юзуриб, жон ачитмоқчи бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мияни ачитмоқ* Бошни ғовлатмоқ, гангит-



моқ, миясини қоқиб кўлига бермоқ. [Абдурашул:] «Янги одамни авраб, миясини ачитмасинлар, ўзим бориб, бошлаб чиқа қолай», дедим. П. Турсунов, Ўқитувчи. **Юракни ачитмоқ** Раҳмини келтирмоқ.

**АЧИТҚИ** Ачитма ҳосил қиладиган нарса; ивитқичи, туруш, хуруш. *Ачитқичи кўлга киртилди-ю, бироқ тайёрлаш усули ҳамон номтаълум.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

**АЧИШМОҚ 1** Ачиб, жизиллаб оғримоқ. *Ярам ачишяпти.* ■ -Бас, Ўроз, кўзимни кўр қилди тутун,— Йўлчи юм-юм ёш тўкиб, ачишган кўзларини ишқалаб, туртина-туртина, эшикни тепиб очди. Ойбек, Танланган асарлар. *У гоҳ кўлини кўлига ишқаларди, гоҳ тўхтамай чопарди, гоҳ ачишган.. юзларини сийпаларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**Ичи ачишмоқ 1** қорин очлигидан ичи жизиллаб оғримоқ. [Йўлчи] *Қорни очганлигидан, ичи ачишиб, қандайдир беҳузурлик сезди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ачиниш, раҳм ҳиссини туймоқ. *Она ўғлининг аҳволига қараб, ичи ачишди.* С. Аҳмад, Ўлж шамоллари. **Юраги ачишмоқ айн. жони (ёки ичи, юраги) ачимоқ қ. ачимоқ.** .. мана шу жафокаш хотиннинг ёши қайтганида ёлғиз қолаётганига юраги ачишарди. С. Зуннунова, Олов.

**АЧОМ:** ачом қилмоқ айн. ачомламоқ.

**АЧОМЛАМОҚ** бол. айн. кучоқламоқ. Раъно бувисининг «болагинамнинг болагинаси» деб эркалашларини, ачомлаб пешонасидан ўпишлари — яна аллақанақ одатларини кўмсарди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**АЧЧИҚ 1** Таъми оғиз-тилни ачитадиган, ловиллатадиган. *Аччиқ гармдори.* ■ Фарғона водийсидан бошқа жойларга экиладиган турп негадир аччиқ таъм, тахир мазага эга бўлади. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазанадлик.

**Аччиқ чой** Куюқ дамланган чой. ..чол майингина кулиб кўйди ва хизмат қилаётганларга битта аччиқ чой олиб келишни буюрди. Газетадан.

2 Нордон, тишни қамаштирадиган. *Аччиқ (донали) анор. Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашади.* Мақол.

3 Сезги аъзоларига қаттиқ таъсир қиладиган, ўювчи. *Аччиқ газ. Аччиқ тамаки. Аччиқ хид.* ■ *Жиққа хўл ўтин ёлғиз «пирс-пирс» қилиб, аччиқ захар тутун буриқтиради.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Жазиллатадиган, жонни ачитадиган. *Далаларда кеч кузнинг аччиқ шамоли эса бош-*

*лади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Ташқарида шамол увуллаш, аччиқ совуқ нақ баданни кесиб кетгудай эди.* Газетадан. [Шербек] *Тўриғини эгарлади. Ўзини эгар устига олар-олмас, отга аччиқ қамчи босди.* С. Анорбоев, Оқсой.

5 кўчма Кишига қаттиқ тегадиган, кўн-гилга озор берадиган; қаттиқ, нохуш. *Аччиқ истеҳзо. Аччиқ танқид. Ҳақ сўз — аччиқ сўз.* Мақол. ■ *У ҳатто бу аччиқ таъналарни эшитмагандай.. сур бўлиб турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

**Тили аччиқ** Кишига қаттиқ тегадиган қилиб гапирадиган, гап билан узиб оладиган. *Элмуродга рота командири ёқмади: қалампир, тили аччиқ, ҳар гапни писанда қилгандай бураб гапирди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

6 кўчма Фам-изтиробли; аламли. *Унинг аччиқ кўз ёшлари ҳар қандай одамга таъсир қилмасдан қолмасди.* «Ёшлик». *Чеки кўринмас бу сўқмоқ йўловчининг мадорини, наинки мадорини, жонини оладиган қисматдай аччиқ.* «Саодат».

7 от Қаҳр, жаҳл; зарда. *Ҳозир менинг аччиғим ҳам қаҳрим бор.* «Эрали ва Шерали». *Бобонгнинг аччиғи қурсин, ёмондир.* «Нурали».

**Аччиғи бурнининг устида (ёки учида)** Бекорга, сал нарсага жаҳли қистайверадиган одам ҳақида. -Ҳа, қизи тушмагур. *Нафасини ҳам чиқармайди-я. Аччиғи ҳам бурнининг учида, — деди Муротали.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. **Аччиғи келмоқ (ёки чиқмоқ, қистамоқ)** Жаҳли кўзгамоқ. *Гуруғлининг аччиғи келганини билиб.. Соқи ўрнидан турди.* «Маликаи айёр». *Хуриш аччиғи чиқди, деб ўйлади.. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Айтсам, яна аччиғингиз қистайдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Аччиқ устида** Жаҳл кўзгаган пайтда. *Бас энди, аччиқ устида ҳар ким ҳар гапни айтади.* Ҳамза. **Аччиқ қилмоқ** Жаҳл қилмоқ, зарда қилмоқ. *Бир талатўпни сотиб олдинг, қаттиқ гапирдинг, деб аччиқ қилди.* «Маликаи айёр». **Жон аччиғида** Жаҳд-алам билан, жон-жаҳди билан. *От жон аччиғида олд оёқларини девор баравар кўтариб сапчиди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У [Ортиқ] сапчиб ўрнидан туриб.. жон аччиғида машина орқасига айланиб ўтиб, брезентни очиб ташлаб, ўриндиқлар тагини титқилай кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

8 от Қийинчилик, машаққат; ғам-ғусса, ғам-ҳасрат; азоб-уқубат, *Аччиқ билан чучукни тотган билур, узоқ билан яқинни юр-*

ган билур. Мақол. Бир аччиқнинг бир чучуги бор. Мақол. ■ Турмушининг аччиқларини тоби кўрган.. қадимги батрак Абдурасул бу кунларда ўз муддаосининг амалга ошаётганини ҳис этар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АЧЧИҚЛАНМОҚ** Жаҳли чиқмоқ, газабланмоқ. Бегим, гарчи аччиқлансанг ҳам, айтишга мажбурман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тез аччиқланадиган, жиззаки ва қўпол одамларни милицияда хизмат қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Газетадан.

**АЧЧИҚЛАШМОҚ** Ўзаро қаттиқ-қурум гап қилишмоқ, хафалашмоқ. Гулнор ўзи ким? Унинг туфайлидан дадам билан аччиқлашдим. Ойбек, Танланган асарлар.

**АЧЧИҚМИЯ** Бурчоқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик.

**АЧЧИҚ-ТИЗЗИҚ** Аччиқ-алам ифодали, жаҳл-зардали (гап-сўз, хатти-ҳаракат ҳақида). Никоҳ куни ниманинг жўниданир қуданг билан аччиқ-тиззиқ айтишибсан. Ойбек, О. в. шабадалар. Шавкатнинг аяси билан дадаси бирпасда нари-бери бўлишиб, аччиқ-тиззиқ билан туриб кетишади. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. Эломонов хотинининг аччиқ-тиззиқ гапларига хийла кўникиб қолган эди. М.М.Дўст, Истеъфо.

**АЧЧИҚ-ТИРСИҚ** айн. аччиқ-тиззиқ.

**АЧЧИҚТОШ** Алюминий, хром, темир сингари металлларнинг сульфат кислота билан ўзаро таъсиридан ҳосил бўлган тузлар (кўн саноатида ва тиббиётда қўлланади). Бир куни дошқозонда аччиқтош сувига қаҳрабони солиб қайнатаётган эди, саройдан фаррош келиб: -Зоти олийлари сизни чорлаёттирлар, - деди. М. Осим, Карвон йўлларига.

**АЧЧИҚ-ЧУЧУК I** Дунёнинг, ҳаётнинг лаззати ва ғам-ташвишлари. Бу икки тенгқур бир кўрпада катта бўлишган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини баравар тотиб кўришган. «Ёшлик».

**АЧЧИҚ-ЧУЧУК II** Тўғралган помидор ва пийёздан тайёрланадиган совуқ таом. Чорпоёда оёқ узатиб, ўн чоғли киши чой ичар, бирови аччиқ-чучук тайёрлаб, бирови турп майдаларди. С. Нуров, Нарвон.

**АШАДДИ(Й)** [а. اشاد — энг қаттиқ, энг кучли] Ўта даражада. Ашадий фирибгар. Ашадий юлғич. Ашадий безори. ■ Энг ашадий душмани Зебихон эди; энг яқин ўртоғи Зебихон бўлиб қолди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Японияликларнинг ашадий коллекционер эканлиги кўпчиликка яхши маълум. Газетадан.

**АШЁ** [а. اشيا — буюмлар, нарсалар] кт. Нарса, буюм (асосан бирор нарсага қарашли, оид нарса-буюмларни билдиради). Уй-ўзғор ашёлари. ■ Котиб.. ёзув ашёлари турган.. курси олдида тиз чўкди. Ойбек, Навоий. Текширув чоғида машина пешона ойнаси.. олчаранг бўёқнинг кўчма бўлаклари далилий ашё сифатида олинди. Газетадан.

**Хом ашё, хомашё** Ишлаб чиқаришда маҳсулотлар тайёрлаш учун қўлланадиган (фойдаланиладиган) нарса. Масалан, пахта тўқимачилик саноати учун хомашё ҳисобланади. Хом ашё сотиб олиш ҳажмлари анча ўсди. Газетадан.

**АШЁВИЙ: ашёвий далил** Далил бўладиган нарса, буюм. У марҳум калтакланган жойни кўрсатиб беради. Балки ашёвий далиллар топилиб қолар. «Ёшлик».

**АШИР I: ашир оий** с. т. айн. муҳаррам оий қ. муҳаррам.

2 Ашир (эркаклар исми).

**АШК** [ф. اشك — кўз ёши] эск. кт. I Кўз ёши, ёш. Оқим била эшикда ут, ашким била девор нам. А. Навоий. Булут бағрин ой ҳажри гўё сўкар, Недин йўқса ашкени юммай тўкар. А. Навоий.

**АШРАФ** [а. اشرف — энг шарафли, энг олижаноб, энг улуг] эск. кт. Иззат-обрўли, улуг. Ўзи давлатманд бир киши, Тошкент ашрафларининг кўплари билан алоқадор бўлганликдан, балки отангиз билан таниш чиқар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АШТАК** шв. Аштак-паштак.

**АШТАК-ПАШТАК** Данагини ажратиб олиб, ўрнига мағиз солиб қуритилган ўрик, мағизли туршак.

**АШТАРХОНИЙЛАР** Шайбонийлар сулоласидан сўнг 1601-1757 йилларда Моваруннахрни идора қилган сулола.

**АШУЛА** Якка хонанда, гуруҳ ёки хор ижро этадиган, куй басталанган (куйга солинган) асар ва унинг ижроси; қўшиқ. Ўзбек халқ ашулалари. Ашула овози эшитилди. ■ Гуландом.. дуторни чертиб, энгил, иўх ашулани бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Домла чапак чалибди, ашулага қўшилибди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Ичкаридан болаларнинг ашуласи билан музыка эшитиларди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**Эски ашула** Эски гап, кўп айтилган гап. Бу гал [Ҳожини] Ўзбек ойимнинг ўша эски ашуласини.. тўзимсизлик билан кутар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АШУЛАЧИ** Ашула айтувчи, хонанда. Қўнғиз мўйловли, гавдаси бузуқ ашулачи ўрнидан туриб, торини черта бошлади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**АШША** бол. Ош, иссиқ овқат.

**АШЪОР** [а. اشعار — шеърлар] эск. кт. Шеър; шеърлар, байтлар. [Навойий] Форсий ашъорда «Фоний», туркий ашъорда «Навойий» тахаллусини қўлаган. Ойбек, Навойий.

**АШҚОЛ-ДАШҚОЛ** с. т. Рўзгорда ёки бирор касб-корликда керак бўладиган нарсалар, буюмлар; қақир-қуқур, лаш-луш. Тўртинчи аравада чодирлар, кўрпа-тўшаклар, жунаб кетаётганларнинг ашқол-дашқоллари. С. Анорбоев, Оқсой.

**АЪЁН** [а. اعيان — улуғлар, таниқли кишилар] эск. кт. Энг юқори қатламга мансуб, ҳукмдорга яқин турган, баланд мартабали кишилар; амалдорлар. Қандайдир бир хаёл ичида ўтирувчи бу йигит Тошкентнинг машхур аъёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли — Отабек. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АЪЗАМ** [а. اعظم — энг катта, энг буюк] 1 эск. кт. Улуғ, буюк.

**Вазир(и) аъзам тар.** Бош вазир. Вазир аъзам подшога қуллуқ қилиб.. жарчи жўнатди. «Эртақлар».

2 Аъзам (эркаклар исми).

**АЪЗО** [а. اعضا — узлар, қисмлар] 1 Одам ёки ҳайвон организмнинг муайян бир вазифани бажарувчи қисми. Сизги аъзолари. Ички аъзолар. ■ Ҳар бир аъзоси қақшаб оғрирди. «Шарқ юлдузи».

2 Кишининг бутун вужуди; бадан, тана. -Сиз нима жавоб бердингиз? — деди бутун аъзосини титроқ босган Гулсумбиби қичқириб. Ойбек, Танланган асарлар.

**Аъзойи бадан** Бутун аъзо, бутун вужуд. Ота уйига етиб борганида ҳам аъзойи баданидаги қалтироқ босилмади. С. Нуоров, Нарвон.

3 Бирор гуруҳ, худуд ва ш.к.да яшовчи, унга мансуб шахс. Оила аъзоси. Маҳалла аъзолари.

4 Бирор гуруҳ, кенгаш, жамоа, жамият ва ш. к.га расмий қабул қилинган, сайланган, унда фаолият кўрсатувчи шахс, жамият, мамлакат ва ш. к. лар. *Партия аъзоси. Кенгаш аъзоси.* ■ Гуруҳ аъзолари қидирув ишларини мой томчиси изидан бошлашга қарор қилишди. Газетадан. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли бир аъзосига айланган Ўзбекистон ҳеч қачон уруш тарафдори эмас ва у

тинчлик учун курашда мудом иштирок этаверади. Газетадан.

**АЪЗОЛИК** Аъзо ҳолати; мансублик. *Партия аъзолари. Аъзолик вэноси. Аъзолик ҳақи.*

**АЪЛАМ** [а. اعلم — энг билагон, энг доно] эск. дин. 1 Шариат қонунлари билимдони.

2 Шариат қонун-қоидалари юзасидан берилган фатвони тасдиқ ёки рад этувчи диний арбоб; бош муфти. *Маросимга етиб келган қози, мингбоши, аълам, муфти, домла-имомларга ўз мартабаларига қараб «аъло», «авсат» чопонлар кийдирилмоқда. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Ҳасан ака нулли беравера, аълам чиқиб ўлчаб, васиқасини қилиб бераверади. Ҳамза, Майсаранинг иши.*

**Валлоҳи аълам қ. валло(ҳи).**

3 Аълам (эркаклар исми).

**АЪЛЮ** [а. على — энг юқори; буюк] 1 Сифати, фазилати ва ш.к. жиҳатидан энг юқори; асил. *Корхонадан ҳар куни 28 тонна аъло сифатли маҳсулот олинмоқда. Газетадан. Мақтабда Сатторни ҳамма яхши кўрарди: зеҳли, ўқишда ҳам, хулқда ҳам аъло бола эди. Ў. Усмонов, Қисмат.*

2 Ўқув юртларида: беш балли тизимда энг юқори баҳо. *Хўп, ҳозир кўрамиз.. «Яхши».. «Ўрта».. «Ўрта».. Қани «аъло»? Русчадан нима учун «яхши»? А. Қаҳқор. Айб кимда?*

3 Аъло (эркаклар ва аёллар исми).

**Арш(и) аъло қ. арш 1 1.**

**АЪЛОҲИ 1** Аъло баҳога ўқувчи. -*Икковимиз ҳам бир институтда ўқидик. У [Муҳаррам] ҳам аълочи эди, — деди Элмурод. Шухрат, Шинелли йиллар.*

2 Ўз ишини, вазифасини аъло даражада бажарувчи ёки фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи. *Аълочи бригада. Аълочи сотувчи. Корхона аълочиси.*

**АЪМО** [а. اعضا — кўр] эск. кт. Кўзи ожиз, кўр. *Тўғриликдан юрса аъмоларга йўл бошлар таёғ. Ҳабибий. Оқил бўлур аъмолар, нул ўлсин, нул ўлсин. Воқиф.*

**АЪМОЛ** [а. اعمال — амаллар, ишлар] эск. кт. Қилинган ёки қилинадиган иш(лар); амал. *Бу ҳолни, айниқса, муборак Рамазон ойи муносабати билан ўтказиладиган маърифий аъмоллардан ҳам билиш мумкин. Газетадан.*

**Номаи аъмол қ. нома.**

**АЪРОФ** [а. اعراف — аросат, ўрталик — Қуръонда таърифланган жаннат билан дўзах орасидаги жой]: **аърофда қолган** Аро йўлда

қолган; на у ёқли, на бу ёқли бўлган; икки жаҳон овораси бўлиб қолган.

**АЭРО** I с.т. айн. **самолёт**. *Автолардан қолиб юрган. Аэролардан қолиб юрган, Хаёлимда олиб юрган, Сени кўргим келаверади.* У. Абдуазимова, Ишқли умрим.

**АЭРО-** II [юн. аер – ҳаво] Ўзлашма қўшма сўзлар таркибида сўз ясовчи сифатида қатнашади ва «авиация», «ҳаво» сўзларига алоқадорликни билдиради: *аэропорт, аэросъёмка, аэродинамика* ва б.

**АЭРОБИКА** қ. **ритмик гимнастика**.

**АЭРОВОКЗАЛ** [аэро.. + вокзал] Аэропортларда ҳаво транспорти йўловчиларига хизмат кўрсатиладиган бино ёки бинолар мажмуи.

**АЭРОДИНАМИК** Аэродинамикага оид. *Аэродинамик лаборатория.*

**АЭРОДИНАМИКА** [аэро.. + динамика] Ҳаво ва газларнинг ҳаракатини ҳамда уларнинг қаттиқ jismlар ҳаракатига кўрсатадиган таъсирини ўрганадиган фан.

**АЭРОДРОМ** [аэро.. + юн. dromos – югуриш, югуриш жойи] Учиш аппаратларининг туриши, учиб кетиши, қўниши учун керакли барча иншоотлари бўлган кенг майдон.

**АЭРОКЛУБ** [аэро.. + ингл. club] Авиация ҳаваскорларининг клуби, авиация билан шуғулланувчиларнинг оммавий ташкилоти.

**АЭРОМЕХАНИКА** [аэро.. + механика] Механиканинг газлар мувозанати ва ҳаракатини ўрганадиган бўлими.

**АЭРОНАВИГАЦИЯ** [аэро.. + лот. navigatio – кемада сузиш] Учиш аппаратларини тегишли асбоб ва воситалар ёрдамида белгиланган йўлдан олиб бориш ҳақидаги фан; ҳаво навигацияси.

**АЭРОПЛАН** эск. айн. **самолёт**.

**АЭРОПОРТ** [аэро.. + фр. port] Ҳаво линияси трассасида жойлашган ва транспорт авиациясининг мунтазам қатновини таъминлаб туриш учун керакли иншоотлар билан жиҳозланган аэродром.

**АЭРОСТАТ** [аэро.. + юн. states – кўзгалмас] Ҳаводан енгил учиб аппарати; ҳаво шари.

**АЭРОСТАТИКА** Ҳаво ва газларнинг мувозанат қонунлари ҳақидаги фан.

**АЭРОСЪЁМКА** айн. **аэрофотосъёмка**.

**АЭРОТЕРАПИЯ** [аэро.. + юн. therapeia – даволаш] Организмни чиниқтириш ва даволаш мақсадида очиқ ҳаводан фойдаланиш усули.

**АЭРОФЛОТ** Ҳаво флоти, учиб аппаратлари мажмуи, авиация.

**АЭРОФОТОСЪЁМКА, аэрофотосуратга олиш** Учиш аппаратларидан туриб, Ер ва ундаги нарсалар суратини олиш; шу усулда олинган сурат.

**АЭРОЧАНА** Моторли паррак воситаси билан юрадиган чана.

**АЙОҲАННОС** қ. **айюҳаннос**.

**АЯ** шв. I Она, ойи. [*Мирзакаримбой:*] Қалай, онанг бақувватми? [*Йўлчи:*] Аям, шукур, соғ-саломат. Ойбек, Танланган асарлар.

2 Тарбиячи аёл, мураббия. *Аяга битта ачиқ чой қилиб беринг, қизим.* С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Ҳурмат юзасидан аёллар номига қўшиб айтилади ёки аёллар номининг таркибий қисмини ташкил этади. *Эртага азонлаб далага чиқиш кераклигини эслаб, Дилдор айвонга Малика ая учун ҳам жой қилиб, чироқни ўчирмай ётди.* С. Аҳмад, Уфқ.

4 Ўзидан катта аёлларга ҳурмат билан муносабат қилишда ишлатилади. [*Хонзода Гофирга:*] Белинда белбоғинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан? [*Гофир:*] Ая! Ҳақорат қилманг! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**АЯМАЖИЗ** с. т. айн. **айём(и) ажуз** қ. **айём**. Бирдан аямажизнинг «хўкюз ўлдирар» изғирини бошланди. С. Нуров, Нарвон.

**АЯМОҚ** I Раҳм-шафқат қилмоқ, раҳмдиллик қилмоқ. *Аямасдан урмоқ. Аямасдан танқид қилмоқ. Ёвни аяган яра ер.* Мақол. ■ *Девларни аяманг, ўлдилинг, Заргар.. «Маликаи айёр».* Зулфия она.. *мугамбир ва алдоқчини ва айникса айёр одамни ёмон кўради, аямайди.* «Саодат».

2 Эҳтиёт ҳолда тутмоқ, эҳтиётлик билан муносабатда бўлмоқ. *Аяган кўзга чўп тушар.* Мақол. ■ *Бағзи ота-оналар болаларини аяган бўладилар-да, уларни ҳаёт учун яроқсиз, жисмоний заиф қилиб қўяётганларини билмай қоладилар.* С. Зуннунова, Олов.

3 Дариг тутмоқ, ҳайф кўрмоқ; қизганмоқ. *У мендан ҳеч нарсани аямайди.* ■ *Мавнавиятни мустаҳкамлашга меҳнат ва маблағни аямоқ ўзини келажакдан маҳрум қилиш демакдир.* Газетадан. [*Инсоф-диёнатли одам*] ..қўли калталардан мурувватини аямайди. Газетадан. *Меҳнатингни аямасанг, сув бўлса, ўзинг ҳам, молинг ҳам тўқ.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**АЯНЧ** кам қўлл. айн. **аянчли**. *Фуломжон Матқовулнинг аянч аҳволига.. қараб, юраги*

эзилди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. *Фалати, ювош, мулойим, беозор ва аянч назар билан Зебига қаради. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**АЯНЧЛИ** Алам-изтироб акс этувчи ҳолатли, ачиниш ҳисси уйғотадиган. *Дунёда ҳамма нарсадан мосуво бўлган бу аёлнинг ҳозирги аҳволи жуда аянчли эди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

**АҚАЛЛИ** [а. اقل — энг оз, жуда кам] юкл. **1** Жуда бўлмаганда, ҳеч бўлмаса. *Ақалли бу ерда, меҳмонга келган жойида дам олса, нима қилар эди. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.*

**2** Таъкид билдиради; ҳатто. *Нигоранинг бепарвогина қайтарган жавоби, юзида ақалли қўтдай ҳам ўзгариш сезилмагани Хўжабековнинг газабини қайнатди. С. Анорбоев, Оқсой.*

**АҚИДА** [а. عقيدة — эътиқод, ишонч; тушунча] кт. **1** Эътиқод қилинадиган нарса, хатти-ҳаракат, у ҳақдаги гап; тушунча. *Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарақ эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Газетадан. Ҳақиқат қиёсда очилади, деган машҳур ақида бор. Газетадан.*

**2** Ҳақиқатга зид, кўр-кўрона қабул қилинган фикр, қоида. *Фақат шуни таъкидлайманки, халқчиллик ва ҳаққонийлик, адолат ва виждонийликка хизмат қилиш, инсонга садоқат адабиётнинг кеча тўғиб чиқарилган ақидалари эмас. Газетадан. Биз яқин кунларгача, тез орада жаннатмакон — коммунизмда яшаймиз, деган ақидага ишониб яшар эдик. «Саодат».*

**2** Ақида (хотин-қизлар исми).

**АҚИДАВИЙ** Ақидага (ақидаларга) оид. *Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит нафақат мусулмончиликдаги энг йирик мазҳаб — ҳанафийлик таълимоти, балки умуман исломнинг ақидавий асосларини шакллантиришга қўшган беназир ҳиссаси учун Имом Авзам (энг буюк имом) деган фахрли унвонга сазовор бўлган тарихий шахсдир. Газетадан.*

**АҚИДАПАРАСТ** Ақидаларга кўр-кўрона ишонувчи, ақидаларга ёпишиб олган шахс. *..вахҳобийлик кўринишидаги ақидапарастлар халқни кўрқувга солиб, ҳукуматга нисбатан ишонсизлик уйғотиш учун турли жиноятлар содир этдилар. Газетадан.*

**АҚИДАПАРАСТЛИК** Ақидапарастга хос хусусият, хатти-ҳаракат. *Улар диний ақида-*

*парастлик билан ниқобланган кимсалардир, асл ниятлари эса юртга эга бўлиб, халқимизни асрий қуллик ва жоҳилия замонларига қайтаришидир. Газетадан.*

**АҚИРМОҚ** *шв.* Бўкирмақ (йиртқич ҳайвонлар ҳақида). *Айиқдай бўлиб ақирди. ■ Тогда ақирган шердай бўлиб. «Маликаи айёр».*

**АҚИҚ** [а. عقيق — қизил рангли қимматбаҳо тош] **1** *от* Турли рангли қимматбаҳо тош; ҳақиқ (зеб-зийнат буюмларига ишлатилади). *Қозикалон сандиқларни очиб кўрсатди: баъзисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид.. баъзиларида зеб-зийнатлар тўла эди. С. Айний, Дохунда.*

**2** *кўча сфт.* Шу тош рангига ўхшаш рангли. *Холинга маҳлиё кўр, кўргач ақиқ лабинги. Ш. Шомуҳамедов, Одам борки.*

**АҚИҚА** [а. عقيقه — ярим қимматбаҳо тош; чақалоқ сочини олиш; қурбонлик қилиш] Оилада «янги меҳмон», яъни чақалоқ дунёга келганлиги муносабати билан унинг туғилганига 7 ёки 14 ёхуд 21 кун бўлганда ўтказиладиган зиёфат, маросим. [Имом] *Қитобларида фарзанднинг отага бир неча ҳақиқ бор деганлар: ..агар бола ўғил бўлса, икки қўй сўйиб, агар қиз бўлса, бир қўй сўйиб, туғилган кунининг еттисида ақиқа қилиши фарз. С. Айний, Дохунда.*

**АҚЛ** [а. عقل — эс, ҳуш] **1** Инсон миясининг дунёни акс эттириш ва шахснинг воқеликка муносабатини бошқариб турадиган фаолияти; фикрлаш қобилияти. *Жонзотлар ичида бирина одамзотга ақл ато этиб, юрагига диёнати жойлабди. Н. Норқобиллов, Тўқнашув.*

**Ақлдан озмоқ** Фикрлаш қобилиятини йўқотмоқ, эс-ҳушидан айрилмоқ. *Биринчи қадаҳ чанқоқни босиш учун, иккинчиси — хурсандчилик, учинчиси — кайф қилиб ҳузурланиш, тўртинчиси эса ақлдан озиш учун ичилади. Газетадан.*

**2** Фикрлаш қобилиятининг амали; фаҳмидрок, зеҳн. *Ақлинг билан кўр, кўз алдайди. Мақол. ■ Қайси вазирим ақли зийрак, донишмандлигини билдирса, хазинамдан ўн тилло ва бош-оёқ сарпо бераман. «Луқмони Ҳаким».*

**Ақл бовар қилмаслик, ақлга сиғмаслик** Тасаввурга сиғмаслик, тасаввур эта олмаслик. *Нурлан ақл бовар қилмайдиган ҳикоясини базўр тамомлади. Газетадан. Ақлдан адашмоқ ёки ақлини йўқотмоқ, ақлини емоқ, ақли кетмоқ. Тўғри фикр-мулоҳаза юритиш, тўғри*

идрок этиш ҳолатини йўқотмоқ, эс-хушини йўқотмоқ. *..Қизнинг чиройлиликига баззоз бола беҳуш бўлиб, ақлдан адашиб ётиб қолибди.. «Луқмони Ҳаким».* «Яхши кўрганда, қизлар ақлини йўқотиб кўяди», дейишади. П. Қодиров, Уч илдиш. Қани, жўна ҳамманг ҳам, ақлинг ебсан, ёр-ёр. У. Исмоилов. Бобо, хафа қилдинг мендай ўғлингни, Ақлинг кетиб, бобо, сенга не бўлди. «Нурали». **Ақлдан эмас** Ақл юритиб қилинган тўғри иш эмас. *Гийёҳандлик билан кураш йўлида табиатни хонавайрон қилиш ақлдан эмас.* «Саодат». **Ақли етмоқ** Тўғри идрок этмоқ, моҳиятини тушунмоқ. **Ақл кирмоқ** (ёки **битмоқ**) Ақл билан иш тутадиган бўлмоқ, эс-хушини йиғиб олмақ. *Қачон сенга ақл киради?! Сўзлашувдан.* **Ақлни олмоқ** Эс-хушини оғдирмоқ, маҳлиё қилмоқ. *Кийгани гулгун қирмизи, Ақлингни олар жоду кўзи.* «Маликаи айёр». **Ақлини танимоқ** Ақл билан иш тутадиган бўлмоқ, шундай ёшга етмоқ. *Инсон туғилиб, ақлини таниган кунданоқ теваарак-атрофни ўраб турган борлиқ.. ҳақида ўйлай бошлайди.* Газетадан. **Ақл тиш қ. тиш. Ақл ўргатмоқ** Панд-насиҳат, ўғит, йўл-йўриқ тарзидаги фикр-мулоҳаза айтмоқ. *Биров қоқилганда, ақл ўргатувчилар, тафтишчилар кўпаяди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**3** Мулоҳаза, маслаҳат тарзидаги фикр. *Кўндан кўп ақл чиқар.* Мақол. ■ **Энди меним ақлим шуким, ўшал кандидатингиз томонига ўтганларни кўлга олиш учун Нурмат акамнинг ҳовлисига қақриб, бир оз зиёфатча билан кўнгилларини топиб.. шояд кўлга олиб қолармиз.** Ҳамза, Бурунги сайловлар.

**АҚЛАН** кам кўлл. **1** Ақлий жиҳатдан. *Асадбек, фақат жисман эмас, ақлан ҳам оқсоқ бўлганлар валдираганида жим ўтиролмасди.* Т. Малик, Шайтанат.

**2** Ақл билан. *Маданиятли инсон ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўзини йўқотмайди, ақлан йўл топиб, мушкулини осон қилишга интилади.* Газетадан.

**АҚЛИЙ** Ақл-идрок фаолиятига оид, фикр юритиш билан боғлиқ. *Ақлий меҳнат.* ■ **Ўлимигача бемор ақлий қобилиятини тўлиқ сақлаб қолганди.** Газетадан.

**АҚЛЛАШМОҚ** Фикрлашмоқ; муҳокама қилмоқ; маслаҳатлашмоқ. *Ётиғи билан айтинг, афандим, ўзи нима гап? Ўртага ташланг! Ақллашайлик.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Сизлар ақллашиб, қаерда Фанибон келин борлигини билиб, рўйхат қилинганлар.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**АҚЛЛИ 1** Ақли расо; мияли. *Ақлли бола. Ақлли йиғит.* Ақлли ўзини айблар, ақлсиз — дўстини. Мақол. ■ **Муаллим ўрта яшар, ақлли, ёшларга меҳрибон киши эди.** Ойбек, Нур қидириб. *Ақлли кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Ақл билан вужудга келган; фаҳм-фаросатдан, билимдонликдан далолат берадиган. *Ақлли тадбир. Ақлли иш.* ■ **Унинг [Давлатёрнинг] баъзан лўнда ва ақлли гапларини эшитганда, Элмурод ҳузур қиларди.** П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** Зийрак, фаҳмли, хушёр (хайвон ва қушлар ҳақида). *Ақлли ит.* ■ **Даврага эълончи чиқиб: -Ҳов, яхшилар, ҳозир биз сизларга номерларни: ақлли отлар ўйинини.. кўрсатамиз, — деди.** Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**АҚЛЛИЛИК** Ақл билан иш тутиш, ақлли хатти-ҳаракат. *Сукут сақлаш ҳамма вақт ҳам ақллиликдан дарак беравермайди.* Мирмуҳсин, Умид.

**АҚЛСИЗ 1** Ақли йўқ, беақл. *Мусулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни [Худоёрни] хон кўтариб, эл елкасига минди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Ақл ишлатмасдан қилинган, аҳмоқона. *-Бундоқ ақлсиз ишларни кўяйлик, хотин! — деб муллоимона сўзлаб кетди [Ҳожми].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АҚЛ-ҲУШ, ақлу ҳуш** Эс-хуш, фаҳм-идрок, фаросат. *Элмурод хаёл ичида аста-секин одимлар экан, гапирди: -Ўзининг ақлу-ҳуши жойидами? Кўринишидан ёмонга ўхшамайди-а, ўзи!?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**АҚОИД** [a. عقايق — ақидалар, қоидалар] кам кўлл. Эътиқод қилинадиган нарсалар. *«Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган ҳикматнинг яшовчанлигида ҳам айнан диний ақоид ва одобнинг хизмати бор.* Газетадан.

**АҚРАБ** [a. عقراب — чаён] **1** (А — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири; Мезон ва Қавс буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

**2** Шамсия йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи (22 октябрь — 21 ноябрь кунларига тўғри келади). *Ёзга пайров куз эди, қишга ҳам баҳор, Ҳамал гулга ёр эди, ақрабга ҳам қор.* Шайхзода.

**АҚРАБО** [a. اقربا — яқинлар] эск. кт. Яқинлар, ёр-биродарлар, ёр-дўстлар. *Оҳжим, ҳолимни сўрмас ошнолардин бири, Ошнолар, балки ҳеиу ақраболардин бири.* Муқимий.

**АҚЧА** эск.айн. пул. [Хусайн:] *Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда бераман. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

**АҒАНАМОҚ 1** Ётган ҳолда у ёни, бу ёнига ағдарилмоқ, юмаламоқ. *От ағанаган жойда юнги қолади.* Мақол. ■ *Ҳар кун шомдан тортиб азонгача ётган жойида у ёқ-бу ёққа ағанаб, уй ўйлайди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Кўчқор устма-уст икки дўппи сув ичиб, ўзини ажриққа отди, худди ёш боладай ағанаб ўйнаркан, хушнуд қичқирди..* О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.

**2** Куламоқ, ағдарилмоқ. *Арава ағанади. Машина ағанади. Нодира турган жойидан диванга ағанаб тушди.*

**АҒДАРМА 1** Ичи сиртига, ости устига ағдарилган. *Ағдарма чакмон.*

**Ағдарма этик** Хом теридан ичи сиртига қилиб тикилган этик. *Йигитнинг уст-боши, ёмғирда шиб кетган ағдарма этиги кўнжигача лой эди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**2** Юкини ўзи ағдарадиган. *Ағдарма арава.*

**АҒДАРМОҚ 1** Тикка ҳолатдан ётқизмоқ; йиқитмоқ. *Бирлашган тоғни ағдаради.* Мақол. ■ *Оқсой қирғоқлардан ошиб-тошадди. Кўкка буй чўзган, мағрур дарахтларни ағдариб, арзимаган бир хасдай оқизади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** Тепадан паства қулатмоқ. *Отдан ағдармоқ.* ■ *Қақвон шаҳрининг шоҳини шоҳи Аббос дер эди.. Аббосни филдан ағдарди.* “Нурали”.

**3** Идишни тўнкариб, ундаги нарсани бўшатмоқ; куймоқ, тўкмоқ. *Косадаги сутни тоғорага ағдармоқ. Кўмирни ерга ағдармоқ. Қондаги картошкани ўрага ағдармоқ.*

**4** Остини устига қилмоқ, ичини сиртига, бир томини иккинчи томонига айлантirmoқ. *Ерони ағдармоқ. Лойни ағдармоқ. Хирмонда пахтани ағдармоқ.* ■ *Муюлишда ётган оқ қоғоз Муроджоннинг диққатини тортди ва олиб ағдариб кўрди.* Газетадан.

**5** кўчма Ҳокимият тепасидан ёки юқори мансабдан туширмоқ; олиб ташламоқ. У [Йўлчи] деди: *..жамики меҳнаткашлар яктан бўлиб чиқса, бойларни ва қонхўр Николайни ағдариб ташлаши аниқ гап.* Ойбек, Танланган асарлар.

**6** кўчма Йўқ қилмоқ, барҳам бермоқ. [Қорабулоқликлар] *Елкаларида эзиб келган қора қашшоқликни ағдариб ташлаш умиди-*

*да шод ва хуррам бўлиб борадилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**7** кўчма Айб, жиноят ва ш. к.ни тақамоқ. *Салим ҳам бутун айбни Йўлчига ағдариб, ўзини қуруққа тортди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Домла унга бўхтон ағдариб чиққанини фахмлаб, ҳақиқатни айтмаса бўлмаслигига жазм этди.* Мирмуҳсин, Умид.

**Астар-аврасини ағдармоқ айн. авра-астарини ағдармоқ. қ. авра-астар.** **Йил ағдармоқ** Мучал йил ҳисобидан фойдаланиб, тугилган йилини аниқламоқ. **Кўнгилини ағдармоқ** Кўнгилини оздирмоқ. **Ўзига ағдармоқ 1)** ўз томонига ўтказмоқ, ўзига тортмоқ, жалб қилмоқ; **2)** ўзлаштирмоқ. *Гапиринг, Абдишукур, жуҳуднинг пулини қандай қилиб ўзимизга ағдарамиз?* Ойбек, Танланган асарлар.

**АҒДАР-ТЎНТАР** Алғов-далғов, бетинч ва бетартиб. *Пул деб оқар дарёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин, Ағдар-тўнтар дунёлар, пул ўлсин-а, пул ўлсин.* Воқиф.

**Ағдар-тўнтар қилмоқ 1)** остин-устин қилмоқ, бутунлай бетартиб қилиб ташламоқ; **2)** обдан қовлаштирмоқ, синчиклаб текширмоқ, ахтармоқ, тинтимоқ. -*Орлов мелисалари [милициялари] билан ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилаётибди, — деди Фани ота.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**АҒЁР** [а. اغيار — беғоналар; рақиблар] эск. кт. **1** Узғалар, беғоналар. *Ағёрларга лутф ила эҳсон қачонгача?* Муқимий.

**2** Рақиб; рақиблар. *Билмам, на гуноҳим бор, олмайди хабар бир йўл? Ё рашк ила ағёрим беғона қилиб кетди.* Ҳамза. *Жўралари ташлаб кетган, Ағёр тиғи кўксига ботган.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

**АҒНАМОҚ айн. ағанамоқ.** *Бектемир пулемёт ёнида ағнаб ётган душманга тикилиб, кейин милтиғини ҳавода силкиб, ўртоқларига ишора қилди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**АҒРАЙМОҚ айн. анграймоқ.** *Баширжон тили сўзга келмай, «қийёматли» укасига анча вақт ағрайиб турди, ниҳоят, зўрма-зўраки жилмайгандек бўлди.* Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар. *Фотима опа эшикдан кириб келаётган Умидни кўриб, аввал ағрайиб қолди.* Кейин қовоғини солиб, ерга қаради. Мирмуҳсин, Умид.

**АҲ** унд. с. Кўрқув, ҳаяжон ёки севинч, ғазаб туйғуларни ифодалайди. -*Тезроқ келинг, Ҳомид ака. Отабекни ўлдирдик!* — деди

шошиб Отабек. -Аҳ! — деб югуриб келди Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АҲА** унд. с. Бировнинг қийин аҳволидан кулиш, масхаралаш, истехзо ва ш. к.ни ифодалайди. -Аҳа, қалай, ёмон ботиб кетдимиз? — деди Ҳамза чўрт кесиб. К. Яшин, Ҳамза.

**АҲАМИЯТ** [а. اهميت — жуда муҳим] Ҳаётда ва фаолиятда тутган ўрин, қиймат; муҳимлик. Саноат жадал ривожланаётган бир пайтда ҳавони заҳарли газлардан тозалашнинг аҳамияти тобора ортаётир. «Фан ва турмуш». Нотиклар алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган улкан илмий мероснинг аҳамияти ҳақида сўзладилар. Газетадан.

**Аҳамият бермоқ** Дикқат-эътибор қаратмоқ, муҳим деб муносабатда бўлмоқ. Мевали дарахтларни кўнайтиришга алоҳида аҳамият бериш керак. «Фан ва турмуш».

**АҲАМИЯТЛИ** Аҳамиятга эга бўлган; муҳим. Йўғида аҳамияти бир масала кўрилиб қолса, қишлоқлилар тез-тез мулла Обидга маъноли қилиб қарашади. А. Қодирий, Обид кетмон.

**АҲАМИЯТСИЗ 1** Аҳамияти йўқ, муҳим эмас. Анвар .. нома ва аризаларнинг муҳимини аҳамиятсизидан ажратиш, ҳудайчига топшириш учун тайёрлар.. эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**2** Ҳечқиси йўқ, арзимаيدиган. Бўксам устига бир оз ханжар учи тегиб ўтган бўлса ҳам, аҳамиятсиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АҲБОБ** [а. احباب — дўстлар] эск. кт. Дўст, дўстлар. Яхшилар доим насиҳат айлар ўз аҳбобига: Ичмасил, ҳушёр бўл, тушма бало гирдобига. Воқиф.

**АҲВОЛ** [а. احوال — ҳолатлар] **1** Муайян вақт ва шароитдаги ҳолат; вазият. Водийдаги аҳвол хавотирли эди. Т. Малик, Қалдирғоч. Йўлчи Қоратилдан замон аҳволини сўради. Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Турмуш ва иш-фаолиятдаги ҳолат; ҳола-аҳвол. -Аҳволингиз қалай? — Йўлчи Шоқир отанинг аҳволини, тирикчилигини сўради. Ойбек, Танланган асарлар. Хатда аҳволини очиқ-ошкор айтди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**3** Жисмоний, руҳий ҳолат. Беморнинг аҳволи. ■ Шундай бўлди девлар аҳволи, Туррай деса йўқдир ҳеч ҳоли. «Маликаи айёр».

**Аҳволи руҳия** эск. кт. Руҳий ҳолат, кайфият. Эъзозхоннинг аҳволи руҳиясини жуда яхши тушуниб олган Тозагул дугонасининг қалбида, руҳида, кайфиятида юз берган ўзга-

ришни.. сўрашга ботина олмади. Ҳ. Гулом, Машғал. **Аҳвол сўрамоқ айн. кўнгил сўрамоқ, қ. кўнгил.** Улар ачиниш, Муроддан аҳвол сўрашди, ҳамдардлик билдиришди, кўнглини кўтаришди. Т. Ашуров, Оқ от.

**3** Ташқи кўриниш ҳолати; қиёфа (одатда, ёмон, ёқимсиз ҳолатга нисбатан). Аҳволингизни қара, тағин сен ҳаммомга тушган боласан, чиннидек кўйлакни нима қилдинг? Ойдин, Ўзи монанд.

**Бир аҳволда** Ночор, бўлмағур аҳволда. Азизхон бундай қараса, Лутфинисонинг устидаги кўйлак бир аҳволда. С. Аҳмад, Уфқ. **Не аҳволда** Қийин аҳволда, қийинчилик билан. Бемадор, бутун вужуди қалтираб титраётган қадди дол Эна одим жойда нафас ростлай-ростлай, не аҳволда уйига етиб олди. «Ёшлик».

**АҲВОЛОТ** кт. кам қўлл. қ. аҳвол. [Раҳмат Отабекка:] Отам сиз билан ўтиришиб, Тошкент аҳволоти тўғрисида сўзлашмаққа муштоқдирлар! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**АҲД** [а. عهد — ваъда, сўз бериш] **1** Ўзига ёки ўзгага берилган қатъий сўз, ишонтириш сўзи; қарор. Аҳдида турмоқ. Аҳддан қайтмоқ. ■ Аввалда олиб кўнглим чин аҳду вафо билан, Охирда жафоларга ҳамхона қилиб кетди. Ҳамза.

**Аҳд қилмоқ** Жазм қилмоқ. Сизни жуда кўп эсладим, жуда кўп ўйладим, кейин шу хатни ёзишга аҳд қилдим. О. Ёқубов, Тилла узук.

**2** Шартнома, келишув, битим. Биринчи сентябрь, бутун халқимиз Тинчликнинг аҳдига қўяди қўлин. Ф. Гулом.

**Аҳд қилишмоқ айн. аҳдлашмоқ.** [Тантибойвачча] Кечқурун Гулнорга боришга вагончи билан аҳд қилишганлиги ёдига тушди. Ойбек, Танланган асарлар.

**АҲДЛАШМОҚ 1** Ўзаро қатъий ваъда бермоқ; ваъдалашмоқ. Жон, Полвон оға, мени кумгами, даштгами олиб кетинг. [Полвон:] Севганим бор, бика, аҳдлашганмиз. Ж. Шарипов, Хоразм.

**2** расм. Ўзаро шартнома тузмоқ, битимга келишмоқ. Ўзаро фойдали ҳамкорлик тўғрисида дастлабки аҳдлашувга эришилди. Газетадан.

**АҲДНОМА** Расмий шартнома, битим; пакт. Ўзаро ёрдам тўғрисида аҳднома. Аҳдномани тасдиқламоқ.

**АҲД-ПАЙМОН, аҳду паймон** Ўзаро қатъий келишув, битим, ваъда. Охири она-



лар ичкарида нон ушатдилар-у, ташқарига «Замира билан Муҳаммаджон ўқишдан кейинга аҳд-паймон қилди», деб маълум этдилар. П. Қодиров, Уч илди.

**АҲЁН** [a. احيان — вақтлар, муддатлар]: **аҳёнда ёки аҳён-аҳёнда** 1) ҳар замон-ҳар замонда, гоҳо-гоҳо, баъзи-баъзида. Бу икки улфат аҳёнда мана шундай дилкашлик қилганларида, суҳбат бошдан-оёқ икки мавзудан четга чиқмас эди. А. Қаҳҳор, Ўжар. Аҳён-аҳёнда Қурбон ота ўтмишини ҳикоя қилиб қолса, Бегижон учун у мудҳиш ва афсонадек бўлиб туюлар эди. Н. Сафаров, Шарқ тонги; 2) у ер-бу ерда, сийрак, Аҳён-аҳёнда жангчиларнинг каскалари кўриниб қолади. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**АҲИЛ** [a. اهيل — яқин, иноқ] Ўзаро жуда тотув муносабатли, иноқ-иттифоқ. Аҳил жамоа. Аҳил яшамок. ■ Аёл бор жойда меҳнат мазмуни, фарзандлар бахтиёр, оила фаровон ва аҳил. «Саодат». Босқинчилар нима бўлса ҳам бу аҳил одамларни бир-бирдан жудо қилиш, ораларига низо солиб, кейин босқин қилишга аҳд қилишибди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

**АҲИЛЛАШМОҚ** Аҳил-иноқ муносабатли бўлмоқ. Биз Холмат ака билан аҳиллашиб қолдик. Газетадан.

**АҲИЛЛИК** Аҳил муносабат, шундай муносабатли ҳолат. Оғайнилар ўзларининг аҳиллиги, бир-бирига меҳри, шафқати билан ҳамманинг диққатини жалб этар, ҳавасини келтирар эди. Ойбек, Куёш қораймас.

**АҲИЛЧИЛИК** айн. аҳиллик.

**АҲКОМ** [a. احكام — ҳукмлар, буйруқлар, қонунлар] эск. кт. Қонун-қоидалар, йўл-йўриқлар, ҳукмлар. Унинг тўпламига киририлган ҳадислар фақатгина шарият аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириб қолмай, балки инсонларга хос барча ҳислат ва фазилатлар.. тарғиботига бағишланган. Газетадан.

**АҲЛ** [a. اهل — халқ, аҳоли; лойиқ] кт. 1 Маълум бир қараш (нуқтаи назар), дин ва ш. к.га мансуб кишилар, одамлар. Ислоҳ аҳли.

2 Истиқомат қилувчи, яшовчи кишилар; аҳоли. Шаҳар аҳли. Қишлоқ аҳли. Жаҳон аҳли.

Маҳалла аҳли. ■ Олур бизлардан ибрат аҳли олам. Ҳабибий.

3 Иш-фаолият, касб-хунарнинг маълум турига мансуб, шу соҳада фаолият кўрсатувчи кишилар, одамлар. Меҳнат аҳли. Савдогар аҳли. Илм аҳли. ■ Коммуна опа бағри кенг, саҳий бир ижодкор сифатида ҳам санъат аҳли ичида машҳурдир. «Саодат».

4 Қатнашчи, иштирокчи. Конференция аҳли. Суҳбат аҳли. ■ Мажлис аҳлининг аксарияти хурсанд бўлиб, Мустафо Содиқни олқишлади. Ойбек, Нур қидириб.

**АҲМОҚ** [a. احمق — эси паст, тентак] 1 Ақл билан иш қилмайдиган, ақлга зид, бемаъни ишлар қиладиган, шундай ишларга йўл кўядиган. Эсинг кирмади сен аҳмоқнинг. Бошимизни балога кўйиб, ўзинг бу ёқларда тупроққа қоришиб юрибсан. С. Аҳмад, Уфқ.

**Аҳмоқ қилмоқ** Лақиллатмоқ, алдамоқ. Иннайкин, ишим битди, эшагим лойдан ўтди, деб ўзини лақиллатиб кетаверардим. Ҳамза, Бой ила хизматчи.

2 Ҳақорат ифодалайди. -Аблаҳ одам экансан! — деди [имом]. -Сиз ҳам аҳмоқ мулла экансиз! — деди Сафар бўзчи. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**АҲМОҚГАРЧИЛИК** с. т. айн. аҳмоқлик.

**АҲМОҚЛИК** Аҳмоқона хатти-ҳаракат, ноҳўя иш; шундай хусусиятга эгалик. -Агар Фотима шунга тегса, аҳмоқлик қилади. У устидан ялтирагани билан, асли наст одам! — деди Муса. П. Турсун, Ўқитувчи.

**АҲМОҚОНА** Аҳмоқларга хос йўсинда, аҳмоқларча. Аҳмоқона ҳаракат қилмоқ. Аҳмоқона савол. ■ Марямхон дастлаб ўз кундоши билан чиқишолган эмас. Ҳатто мусулмонларнинг бундай «аҳмоқона зақуни»ни фикри-хаёлига асло сифдира олмаган. Ойбек, Танланган асарлар.

**АҲМОҚЧИЛИК** айн. аҳмоқлик.

**АҲОЛИ** [a. اهالى — «аҳл» сўзининг кўплиги] Маълум бир худуд, вилоят, мамлакат ва ш. к.да истиқомат қилувчи одамлар. Маҳаллий аҳоли. Шаҳар аҳолиси. Аҳолини рўйхатга олиш. ■ Зарафшон воҳасида 4 миллионга яқин аҳоли яшайди. «Фан ва турмуш».

# Б

**БА** [а – қисқа] *унд.с.* Баъзи уй ҳайвонларини чақиритиш учун ишлатилади. *Ба қуррай!* (қўйни чақиритиш учун).

**БА** [а – чўзиқ] *тақл. с.* Қўйлар маърағандаги товушни ифодалайди. *Тўрабой аканинг қўлидаги ҳали териси қуримаган қўзичоқлар аҳён-аҳён майингина «ба» деб қўяди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб.

**БА-** [ф. به – олд кўшимча] Асосан, арабча, форсча-тожикча сўзлар олдидан кўшилиб, бирор сифат-белгига эгаликни билдирувчи, **-ди** аффиксига тенг сифат ясовчи кўшимча, мас., *бадавлат, басавлат, бақувват.*

**БААДАБ** *айн. боадаб.*

**БААЙНИ** [ба.. + айни] *рвш.* Ажратиб бўлмайдиган даражада ўхшаш, айнан, худди ўзи. *Хулласи калом, бу биринчи уйланишим анвойи ташвиш ва тўполон бирлан баайни тушдагидек бўлиб ўтди..* А. Қодирий, Гирвонлик Маллавой.

**БАБАҚ** *шв.* Хўрознинг бир хил йирик тури. *Бабақ хўроз.* ■ *Баланд тутдан қичқирганда бабақ хўроз, жавобига теваракдан минглаб овоз.* Ф. Ғулом, Қўкан батрак.

**БАБ-БАРАВАР** қ. **баравар.** Бўйи *баб-баравар.* Оғирлиги *баб-баравар.* ■ *Ҳамма мусулмонлар баб-баравар деб ўйлайсизми? Мусулмонлар ўртасида бўрилар йўқми? Ойбек, Танланган асарлар.*

**БАББИТ** [америкалик ихтирочи Баббит (Babbitt) номидан] *тех.* Қалай ёки қўрғошинга сурма, мис каби металларни кўшиб тайёрланадиган, ишқаланиб ейилишни камайтирувчи қотишма. *Қалай баббитлари. Қўрғошин баббитлари. Баббит подшипниклар.*

**БАВОСИР** [а. بواسير – касаллик номи] *тиб.* Тўғри ичакнинг ва орқа чиқарув йўли веналарининг кенгайиши ҳамда тугунчалар ҳосил бўлиши натижасида пайдо бўладиган касаллик. *Сурункали бавосирга янтоқ аралашмасидан тайёрланган малҳам қўлланади.* «Фан ва турмуш». *Бавосирни мутахассис врач даволайди.* «Саломатлик».

**БАВОСИТА** *айн. билвосита.*

**БАГАЖ** [фр. bagage < bagues – йўлга олинган буюмлар; боғланган тугун] **1** Йўловчининг жўнатиш, ташиш учун тайёрлаб қўйган юки, умуман юк. *Қўл багажи. Багажни топширмоқ. Багажни олмоқ.*

**2** Йўл транспортининг йўловчилар юки жойлаштириладиган жойи, бўлмаси. *Найчи машинасининг багажини очиб, иккита ўртамиёна қовун олиб, хотинига тутқазди.* Газетадан.

**3 с. т. кўчма** Билим даражаси, савия. *Улар [инспекторлар] бошқаришининг янги органларига эски багаж билан келган, қишлоқ хўжалигининг конкрет тармоқларида чуқур билимга эга бўлмаган кишилардир.* Газетадан.

**БАГАЖНИК** [р. – «багаж жойи» маъносини ифодалайди] Йўл транспорти (велосипед, мотоцикл ёки автомобил)нинг юк ортиладиган махсус жойи (бўлмаси), юкхона. *Багажникни очмоқ. Багажникни беркитмоқ.* ■ *Домла куни бўйи елиб-югуриб ҳолдан тойганига қарамай, иккита оғир чамадонни машинага ўзи олиб чиқди ва багажникага ўз қўли билан жойлаштирди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Мен багажникда кўчқор олиб келганман.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БАД** [ф. *بد* — ёмон, ярамас] Зарарли, ёмон. *Қизим ақлли, хушли қиз, дадасининг бундай бад ниятини билади. Шундан хафаланади, кюяди. Ойбек, Танланган асарлар. [Зиё шоҳичи:] Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли бадимиздан! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ганжа ёлғиз қолгач, турли бад хаёлларга борди. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.*

**Бад олмоқ** Шубҳаланмоқ, шубҳа қилмоқ, ҳадиксирамоқ. *Чамаси Султонали аблаҳлик қилиб, Анварни бад олдириб қўйган ва тонг вақти, улар уйқуда экан чоғида ғойиб бўлиб, яна шубҳани орттирган бўлса керак. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Бад емоқ* Шубҳа билан қарамоқ, ишончни йўқотмоқ. *У энди ҳеч нарсадан бад емас, Жўмард кўриб қолса рашиқ қилади, деб уйламасди. Мирмуҳсин. Илдизлар ва япроқлар.*

**БАД-** [ф. *بد* — ёмон] Асосан форсча-тожикча ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, «ёмон», «ярамас», «зарарли» маъноларини ифодалайди, мас., *бадбўй, баднафс, бадфеъл.*

**БАДАВИЙ** [а. *بدوى* — саҳро кишиси, саҳрода яшовчи] Арабистон яриморали ва Шимолий Африкада яшовчи кўчманчи ва яримкўчманчи араб қабилалари; саҳройи, кўчманчи. - *Саҳрода арабларнинг бадавий деган ёввойи тоифаси бор экан. Ўшалар ҳажга келган-кетганларни талар экан, — деди Ҳожий хола. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бадавий газабдан титраб ногаҳон, Тик боққан кўзларга санчийди шамшир. Х. Даврон, Қақнус.*

**БАДАВЛАТ** [ба.. + давлат] Катта бойликка, бисотга эга бўлган; бой. *Бадавлат одам. ■ У ўз ажойиб ғоясини амалга ошириш учун маблағ билан таъминлаб туришга бир бадавлат одамни унатди. «Фан ва турмуш». Бу давлатнинг бадавлат кишилари менинг оға-унимдек, етим-есирлари болаларимдек бўлиб қолди. «Фан ва турмуш».*

**БАДАВЛАТЛИК** Катта бойликка эгаллик; давлатмандлик. *Бадавлатлик бўлган сўнг, Бегоналар дўст бўлар. Мақол.*

**БАДАЛ** [а. *بدل* — алмаштириладиган буюм; эваз] **1** Бирор нарсанинг ўрнига, эвазига бериладиган ҳақ ёки нарса, нарсанинг қийматига тенг келадиган бошқа бирор нарса; эваз. *Аммо бунинг бадалига, юқоридаги моллардан ташқари бир таноб ердан олтмиш*

*пуд пахта олиб, нақд пул бараварига ҳукуматга топиради. А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавоӣ.*

**2** Бирор ташкилот (жамият, уюшма) аъзосининг шу ташкилотга тўлаган ёки даврий тўлаб турадиган пули; взнос. *Аъзолик бадали. Партияга аъзолик бадали.*

**3** Бадал (эрқақлар исми) .

**БАДАЛИДА** кўм. *взф.* Давомида, мобайнида, ўтган вақт ичида. *Икки йил бадалида отамнинг топиб-тутиб тўлагани қарзининг фойдасинигина қоплай олди. Ғ. Расул, Адолат. Ун йил бадалида юрагидаги захри заққумга айланди. «Ёшлик».*

**БАДАН** [а. *بدن* — тан, тана] **1** Тананинг, гавданинг сирти, сиртқи қисми. *Орқада келган Пўлағур манглай рўмоли билан яланғоч баданини артиб, терини қуритди. А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавоӣ. Ёмғирданми, терданми бутун бадани шалаббо ҳўл. А. Мухтор, Чинор.*

**2** Тана, гавда, вужуд. *Қўнжи тўла сув, кийимбош жиққа ҳўл, совуқдан бадан қалт-қалт титрайди. Ойбек, Қуёш қораймас. Кечаси Жаҳонғирнинг баданида оғриқ турди. «Шарқ юлдузи». Йигитнинг лаблари қўлига текканда, Маҳвашнинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Т. Ашуров, Оқ от.*

**БАДАНТАРБИЯ** эск. айн. **жисмоний тарбия.** қ. **тарбия.** *Ғозиддин тонг қоронғисидан туриб, бадантарбия қилиб, обдан ювиниб олгач, китоб ўқиб ўтирар, баъзан эса қайтиб бир оз мизғирди. О. Мухторов, Эгилган бош. У ҳар кунни бадантарбия қилгиси келарди-ю, иш кўплигидан бу истағига эриша олмасди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бадантарбия — дам олиш, ўпка ва юракни меъёрга солиш учун мўлжалланган бўлса майли эди-я! Афсус, уники муштлашувни, қасосни мўлжаллаган бадантарбия эди. «Ёшлик».*

**БАДАР** [ба.. + ф. *در* — эшик]: **бадар кетмоқ** Ном-нишонсиз кетмоқ, дом-дараксиз кетмоқ, ғойиб бўлмоқ. *Уша келган бўйи бадар кетган. «Ёшлик». -Боққа бир бордингиз-у, бадар кетдингиз, — деб гинахонлик қилиб кўришди амма. С. Анорбоев, Мехр.*

**БАДАРҒА** [ф. *بدرغه* — кузатиш; кузатиб борувчи] **1** Ўз ватани (юрти)дан бошқа жойга сурилиш, ҳайдалиш, қувгун. *Айрилиқ устига энди бадарғаси ҳам чиқди. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.*

**Бадарға бўлмоқ** Бирор сабаб, мажбурият билан ўзга юртларда сурилиб юрмоқ; ўз

жойидан бошқа жойга ҳайдалмоқ. *Отаси бечора бўлса, қанча вақт эл-халқдан номус қилганидан аллақандай шаҳарларга бадарға бўлиб, яқинда келди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бадарға бўн чиқдик юрту қалангдан, Туташиб ўт чиқар сенинг танангдан..* «Эрали ва Шерали». **Бадарға қилмоқ** Ўз жойидан бошқа жойга ҳайдаб юбормоқ, қувғун қилмоқ. *Кўп халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди.* «Шарқ юлдузи».

**2 ҳуқ.** Суд ҳукми билан бошқа ерга юбориш; кўчириш, сургун.

**БАДАСТИР** [ф. *به‌دستورى* — маълум тарзда; тартиб-қоида асосида] кам қўлл. Ҳар жиҳатдан тўла-тўкис таъминланган, барча керакли нарсаси мавжуд, бекаму кўст. *Ўзи ҳам ўлимлигини бадастир қилиб қўйган экан.* «Шарқ юлдузи». -*Ҳамма нарсаси бут, тўкис, бадастир одамсан, — деди Эргаш Мирвалига.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БАДАХЛОҚ** [бад.. + ахлоқ] Юриштириши, ҳаракатлари жамиятнинг ахлоқий меъёрларига зид бўлган; ахлоқсиз. *Бадахлоқ одам.*

**БАДБАХТ** [бад.. + бахт] **1** Бахти кулмаган, турмушдан ёлчимаган; бахтсиз, бахти қаро, бебахт. *Мени қарғаманг, қарғаманг бадбахт қизингизни, онажон!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Манави гўдак — жигарингиз Низомни ҳам бадбахт қилган одамсиз.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кўз очиб кўргани алдадими — бас, шўрлик умр бўйи ўзини бадбахт ва айбдор ҳисоблайди.* «Ёшлик».

**2** кўчма, с.т. «Ярамас, аблаҳ, шафқатсиз» маъносигадаги ҳақорат, қарғишни ифодалайди. *Эй, бадбахт, бултур биров пайғамбарлик даъвосини қилиб осилиб ўлган эди, сен шундан ибрат олмадингми, дебди.* «Аския». *Бадбахт одамдагина раҳму шафқат бўлмайди.* «Фан ва турмуш». *Тортмоққа Ёдгорда дармон қолмади, Ўз ҳолига бадбахт душман қўймади.* «Алпомош».

**БАДБАХТЛИК** **1** айн. **бахтсизлик.** Бошимизга тушган неки кулфат, фалокат, бадбахтлик, зулм, хорлик — бари шундан, нафсимиздан. С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Пасткашлик, аблаҳлик. -*Сен бадбахтлик қилма!.. — деб Рўзи .. сўзига қўшимча қилди.* С. Айний, Жаллодлар.

**БАДБАШАРА** [бад.. + башара] Кўриниши ёқимсиз; хунук, кўримсиз юзли. *Мелиқул ота кун ботиши олдида Эралининг*

*ҳовлисига қирқ-эллик ёшлардаги бадбашара бир одам билан кириб келди.* «Ёшлик». *Соқчи мўйловдор, девдек улкан гавдали, бадбашара бўй йигит экан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БАДБИН** [бад.. + ф. *بين* — кўрувчи, қаровчи] **1** Бировга ёмонлик истовчи, бузуқ ниятли, бадхоҳ. *Тушунаман, умр қисқа, Ҳақ дасти ҳам қисқароқ, Аммо нечун шу умрда Бунча бадбин яшамоқ?* А. Орипов, Йиллар армони.

**2** Жамият ахлоқий нормаларига тўғри келмайдиган; ярамас. [У] *Эски Шарқдаги бадбин урф-одатларга қарши, хотин-қизларни ҳуқуқсиз қулга айлантиришларига.. қарши исён қиларди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Тақсири олам, бу ғаламис гапларга асло қулоқ сола кўрманг.* Булар сизни чалғитиш учун атайин айтилган бадбин гаплардир. Ж. Шарипов, Хоразм.

**3** Умидсиз, тушкун ҳолатли; пессимист. *Қайгура бил, лекин бадбин бўлмагил, Қайғу табиий ҳол, бадбинлик ёмон.* Уйғун. Кимсалар, *бадбин дея боқманг бу кун Абдуллага, Тингласа гоҳи юриб мозий элидин зорлар.* А. Орипов.

**БАДБИНЛИК** **1** Ярамас, ёмон ниятли хатти-ҳаракатларга одатланиш.

**2** Умидсизликка берилиш, умидсизлик. *Унинг тақдири ҳақида энг некбин бўлган Ҳайдар ҳожи энди бадбинликка тушиб, хатлар ёзади.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Зикриё афанди, бадбинлик ҳам жаҳолат каби ёмон иллат.* Т. Малик, Қалдирғоч.

**БАДБУРУШ** **1** Юзи, башараси бурушган. қ. **бадбашара.** *Гулсанам қамчи зарбидан чинқириб, ўрнидан турган эди, бадбуруш бир киши уни қисқичдай қўллари орасига олди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

**2** Ҳайбатли, қўрқинчли. Ҳар бири эшакдай келадиған учта ити занжирда. *Бадбуруш зўр итлар.* Ойбек, Болалик. *Нусратилланинг қора, чўтир юзи ситилган бақадай бадбуруш бўлиб кетди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ростини айтсам, эшитган эдим-у, аммо эчкемарнинг бундақанги каттасини, бадбурушини кўрмаган эдим.* Й. Шамшаров, Тошқин.

**БАДБЎЙ** [бад.. + ф. *بوی* — ҳид, ис] **1** Ёқимсиз ҳид тарқатувчи; ёқимсиз ҳидга эга; қўланса, сассиқ. *Аваз бадбўй ҳиддан бўғилиб уйғонди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ошхо-*

нанинг мендан ҳам каттароқ раҳбарлар овқатланадиган хилват бурчагидан одам болаши чидай олмайдиган бадбўй ҳид анқий бошлади. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

**2** кўча Ёмон, ярамас; хавфли. Одобни одобсиздан ўргандим дегандек, балки ота ҳаётининг баъзи бадҳазм, бадбўй томонлари қизни узоқларга назар ташлашга мажбур қилгандир. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. Ватанимизнинг зангори осмонини бадбўй булутлар қоплаган оғир синов дақиқаларида ҳам унинг [Ғафур Фуломнинг] баланд навраси узоқ-узоқларга эшитилиб турди. Газетадан.

**БАДБЎЙЛИК** Ёқимсиз ҳидга эгалик. Соғлиқни сақлаш бўлимнинг.. ифлослиги.. ариқларда.. ахлат оқиб туришидан.. бад-бўйликдан биллиниб турар эди. «Муштум».

**БАДГИР** [бад.. + ф. *گیر* – олувчи] Тўғри ишни, гапни тескарига бурувчи; ҳадеб гина қилаверувчи, гина сақловчи; кекчи. *Бадгир одам.* ■ *Борди-ю, шебрият даҳоси Ҳофиз бугунги кунда бадгир фикрли деб саналган экан, мендай муҳисини ҳам мардуми даврон қилинлар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БАДГУМОН** [бад.. + гумон] Ҳар кимдан, ҳар бир нарсадан шубҳа, гумон қилувчи, ҳадикчи; рашкчи. *Бадгумон одам. Бадгумон бўлмоқ.* ■ *Бўстон хўжаси Маждиддинни биринчи кўрган ондаёқ ундан бадгумон бўлган эди.* Ойбек, Навоий. *Не сабаб бўлади-ю, оқсоқолнинг кенжа қизи бир пой олтин ҳалқасини йўқотади. Мендан бадгумон бўлишди.* С. Кароматов, Сўнги бархан.

**БАДГУМОНЛИК** Шубҳаланиш, ҳадиксираш ҳолати. -*Менда баъзи кишилардай ҳар нарсага шубҳа билан қараш, бадгумонлик хусусиятлари йўқлигини биласан, дўстим, – деди раис Камолга.* Ҳ. Назир, Кўктерақ шабадаси. *Рашкдан холи эмас ошиқлар дили, Лек бадгумонликнинг бўлма мойили.* Ф. Зоҳид.

**БАДГУЙ** [бад.. + ф. *گوی* – гапирувчи] **1** Ёмон сўзлар айтиб юрувчи, гийбатчи, ифвогар. *Шу бадгуй, борларни кўролмайдиган, йўқларга беролмайдиган оч арвоҳ-а!* Зиёли эмас, миллатга зиёнли чаён. К. Яшин, Ҳамза.

**2** шв. Тили заҳар. *Бадгуй хотин.*

**БАДЖАҲЛ** [бад.. + жаҳл] **1** Аччиғи тез, жаҳли ёмон. *Баджаҳл одам.* ■ *Баджаҳл ва қаттиққўл Валихоннинг бу хушнудлигидан бек навкарлари энгил тортиб, зўрма-зўраки илжаярдилар.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

*Сажсия баджаҳл, тили заҳар хотин, сал нарсага чақиб олади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**2** кўча Қудратли, кучли; ҳайбатли, даҳшатли. *Омочининг тишини созлашни, сандонда темир парчинлашни, турли асбоб ясашни ўрганар, қур-қур темирни кемираётган, сеҳргар, баджаҳл оловга узоқ тикилиб ўй сурарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Куюқ, баҳайбат, баджаҳл булутлардан йирик ёмғир томчилари савалаб турарди.* Ойбек, Кўёш қораймас.

**БАДЖАҲЛЛИК** Жаҳли, аччиғи тезлик; ўзини тута олмаслик хусусияти. *Қайнатанинг бутун вужуди ҳукмронлик ва баджаҳллик билан тўлиб-тошган эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Шунақа одамлар бўлади. Ўзининг одамгарчилигидан иймангандек, уни юзаки баджаҳллик, қўполлик ёки сергаплик билан ниқоблашга уринади.* А. Мухтор, Чинор.

**БАДЗАБОН** [бад.. + забон] Ёқимсиз гаплар айтувчи; кўпол тилли. -*Сенга айтадиган гапим шуки, – деди бойвачча чертиб-чертиб, – Сен бадқадам, бадзабон одамсан.* К. Яшин, Ҳамза. *Найзанинг захми битиб кетади, аммо бадзабон захми сира битмайди.* К. Яшин, Ҳамза.

**БАДЗОТ** [бад.. + а. *ذات* – киши, шахс] **1** Ёмон насли, зоти паст, тағи паст. *Бадзот одам.* ■ *Ё олло, наҳотки бадзот бир табибининг ўғли газетага ёзиб, эл-юртга мени ёмонотлик қилса-я?* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Ҳақорат, сўкиши маъносини ифодалайди. *Менинг шунчалар қаттиқ гапларимга қандай чидадинг? Нега сен ҳам жавоб бермайсан, бадзот?* К. Яшин, Ҳамза.

**БАДИА** [а. *بديعه* – ажойиб, гаройиб, ноёб нарса; санъат асари] **1** Нафис, нодир. *Шоир, ёзмайсанми, қани йил бўйи Авайлаб асраган бадиа сатринг?* Ғ. Фулом.

**2** Кишининг диққатини тортадиган бадий асир. *Шоирдан бизга лирик бадиалар, фалсафий мушоҳадаларга бой манзумалар мерос бўлиб қолди.* «Фан ва турмуш». *Алишер болалик йилларида икки тилда бадиалар ижод қилиб шуҳрат топган.* Ойбек, Навоий.

**БАДИИЁТ** [а. *بديعیات* – бадиалар; бадийлик] эск. кт. Бадийлик ва эстетик талабларга жавоб бера оладиган ижод ва унинг маҳсули. У. «*адабиёт пирлари*» ҳақида ёзган мақолаларида чин бадийётни сохта

бадиётдан ажрата билиш таълимини берди.. Газетадан.

**БАДИЙ** [а. بديعى — бадииятга, нафис санъатга оид; гўзал, ажойиб] **1** Воқеликни нафис санъат воситалари, усуллари, образлари орқали ифода этувчи; тасвирловчи. *Бадиий адабиёт. Бадиий асар. Бадиий санъат. Бадиий фильм.* ■ *Бадиий адабиётнинг замири ҳаётдир.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. *Элмурод бадиий асарлар одамларнинг ташна дилларига нақадар роҳат бағишлаганини сезар, лекин бундай асарларнинг ўз тилимизда камлигидан куйинар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Бадиийликка тегишли, мансуб. *Бадиий маҳорат. Бадиий тасвир. Бадиий тафаккур. Бадиий дид. Бадиий салоҳият.* ■ *Ижодда фақат ниятнинг ўзи кифоя қилмайди, шунга яраша бадиий салоҳият ва теран фикр ҳам зарур.* Газетадан. *Бадиий фикр ўзининг шакли билан тугилади.* У. Норматов, Талант тарбияси.

**3** Бадиий ижод билан боғлиқ бўлган фаолиятга оид. *Бадиий раҳбар. Бадиий ҳаваскорлар тўғараги. Бадиий жамоа. Бадиий муҳит.* ■ *Бадиий ҳаваскорлик тўғараги репетиция қилаётир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўзбекистонлик бадиий коллективлар ва ижрочиларнинг концертларида олтинчи мингдан ортиқ киши ҳозир бўлди.* Газетадан. *Янги инсонни вояга етказиш ва тарбиялашда ижтимоий ва бадиий муҳитнинг роли катта.* Газетадан.

**БАДИЙЛИК** Бадиий-эстетик хусусиятга, бадиий мазмунга эгалик; санъатга алоқадорлик. *Бадиийлик — асарнинг эстетик таъсир кучи.* Газетадан. *Ойбек романнинг мушқавийлиги, бадиийлиги, образли бўлиши учун курашган.* «ЎТА».

**БАДИЙЯТ** кам қўлл. қ. **бадиийлик.** *Бадииятдан маҳрум, хом шеърлар газетада босилаверади, деган гап қаердан чиққан?* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

**БАДИК** **I** шв. Дудуқланиб гапирувчи; чучук тил.

**БАДИК** **II** фольк. этн. Беморни сўз ёки ашула айтиш йўли билан даволаш усули; дуохонлик, авраш. *Бунга сўзнинг магик қудратига асосланувчи кинна, бадик, авраш, бурей-бурей ҳамда мавсум-маросим қўшиқларидан «Суст хотин», «Чой момо» кабилар мансуб.* «ЎТА».

**БАДИКХОН** Беморни бадик усулида даволовчи.

**БАДИКҲИ** айн. **бадикхон.**

**БАДИҲА** [а. بديهة — ички ҳис-сезги; топқирлик, ҳозиржавоблик] *ад.* Бирор воқеа, ҳодиса муносабати билан тўсатдан, бирданига ижод қилинган, айтилган шеър ёки шеърини парча, мусиқа асари ёхуд қўшиқ; экспромт. *Бадиҳа айтувчи ё енгиши, ё мажлис аҳли олдидан мулзам бўлиши керак.* Газетадан. *Бундай ҳолат ҳам ёр-ёрчи гўяндларнинг ижро жараёнида эркин бадиҳа қилишлариға қулайликлар тугдиради.* «ЎТА».

**БАДИҲАҒҲҲЙ** [бадиҳа + ф. گوۋى — айтувчи] Тўсатдан шеър тўқий олувчи; ҳозиржавоб. *Айтувчининг бадиҳағўйлиги билан боғлиқ ҳолда «Олқиш»нинг ҳажми турлича бўлади.* «ЎТА». - Ёлғон, — деди Ғайбаров, — Мен бадиҳағўй эмасман. М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

**БАДИҲАҒҲҲЙЛИК** Бирданига, тўсатдан ижод қила олишлик. *Бадиҳағўйлик — ижрочилик санъатини узил-кесил эътироф этувчи босқичдир.* Газетадан.

**БАДКАРДА** [ф. بدكاره — ёмон ишлар қилувчи] кам қўлл. **I** айн. **бадқирдор.** *Бир бадкарда сўз сўзласа, ҳеч қулоқ солгувчи бўлма.* «Эрали ва Шерали». *Бадкардага кўнма зинҳор, Хушёрдирсан, ақлинг бисёр.* «Эрали ва Шерали».

**2** Ёмон отлиқ, ёмон ном чиқарган. *Бадкарда одам.*

**БАДКИР** [ф. بدكار — ёмон амалли] кам қўлл. Ёмон, қабиҳ, разил; шундай ишлар қилувчи. *Жаноби қоровулбеги, бу бадқирлар амир одамлари эмас.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Бадқир полвонни ўлдириб келдим, армоним қолмади.* «Хушкелди».

**БАДКИРДОР** [ф. بدكاردار — разил, ёмон ишлар қилувчи] *кт.* Ёмон, қабиҳ ҳаракатлар қилувчи; ярамас одам. - *Тилида қуръон сўзи, аммо қилмиш-қидирмиши гуноҳдан иборат бўлган ҳаромхўрлар, бадқирдорлар, золимлар озми? — деди Аҳмад Хусайн.* Ойбек, Нур қидириб. *Бадқирдор одамлар бир кун беомон ярадор қилдилар қўшиқни.* А. Орипов.

**БАДКИРДОРЛИК** Ёвузлик, разиллик хусусиятига эга бўлган ҳаракат, иш. *Зағмакўз Бақоҳўжанинг бадқирдорлигидан юрагини олдириб қўйган кампир Зин қишлоғида ҳаммадан ҳадиксирарди.* Мирмуҳсин.

**БАДКОР** [ф. بدكار — ярамас ишлар қилувчи] кам қўлл. **I** Қабиҳ ишлар қилувчи, ёмон ниятли. *Офатингдан сақла, ё пар-*

*вардигор! Норасида қизга қўл солди бадкор.* Миртемир. *Йўлда йўлдошликка бадкор тушмасин, Ҳеч киши юртидан канор тушмасин.* Миртемир.

2 кўчма Бераҳм, шафқатсиз. *Рашк этиб бадкор тароққа, Гоҳи кўнглим гаш бўлур, Жонга пайванд сочларингни Нега тирноғлар тароқ?* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**БАДКОРЛИК** кам қўлл. Нияти бузуқлик, ёмон, қабиҳ ишлар билан шуғулланишлик. *Ҳотам бува, раисликни ол, деб қўймайди. Бадкорлик қилиб, чин кўнгилдан айтма-ётгандир, деб ўйлайман, лекин қараб турсам — чин кўнгилдан айтаяпти.* М.М.Дўст, Лолазор. *Амир навкарлари Когонга бостириб кириб, мислсиз бадкорликлар қилишган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**БАДЛАНМОҚ** шв. Хўмрайиб, ёқтирмасдан қарамоқ, хушкўрмаслик. *Қўл тутушиб кирдик узун даҳлизга, Не бало, бадланиб қарайсиз бизга.* «Кўшиқлар».

**БАДМАСТ** [бад.. + маст] Ҳаддан зиёд кўп ичимлик ичадиган, ёмон маст бўладиган ва маст бўлиб ножўя қилиқлар қиладиган. *Шуҳратли қароқчи ўлгунча бадмаст, оғзидан гупиллар ароқнинг ҳиди.* Уйгун, Тонг кўшиғи. *Бадмастга дамодам ичмоғидин не баҳр, Ки одамийлик қатлуға ичар қадаҳ-қадаҳ захр.* Газетадан.

**БАДМАСТЛИК** Ўта мастлик ҳолати; ғирт мастлик. *У бадмастлик билан текканга тегиб, тегмаганга кесак отди.* «Муштум». *Бадмастлик ва баднафслик шифокор тегирмонига сув қуяди.* Газетадан.

**БАДМИНТОН** [ингл. Англиядаги Badminton — Бадминтон шаҳри номидан] Патли коптокча (волан)ни ракетка билан уриб, тўрлан оширишга асосланган, яккама-якка ёки жуфт-жуфт бўлиб, залда ёки очиқ майдончада ўйналадиган спорт ўйини. *Қўлиғига бадминтон ракеткаларини қистатиб олиб, икки қўлида иккита тўр халта кўтариб турибди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Бадминтон машғулотлари пайтида шикастланиш, болдир бўғимлари чўзилиши мумкин.* «Саломатлик».

**БАДНАМО** [бад.. + ф. нама — кўринувчи; кўриш] 1 Хунук башарали, турқи совуқ; жирканч. *Рангини кўринг бу баднамнинг, Жангги эшаги эрур худонинг.* Аваз Ўтар. *Зевархонни уят ўлдирди.. Ажаб баднамодир бошдан оёғинг.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Кўримсиз, хунук, равшанмас. *Сайфиддин бир варақ қатини ёйиб, Аваз томон сурди: -Хатимиз сал баднамороқ, ога, айб этмайсиз..* С. Сиёев, Аваз.

**БАДНАФАС** [бад.. + нафас] Бирор иш ёки ҳаракатнинг натижасидан фақат ёмонлик кутувчи; нафаси совуқ. *Баднафас одам.* ■ *Ҳай, бундай баднафас бўлма-я.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**БАДНАФС** [бад.. + нафс] 1 Кўп еб-ичадиган; нафсини тия олмайдиган, очкўз. *Хиёл утмай Сардорнинг ўзи кириб келди. Хийла баднафс эмасми, қиши билан бир жойда ётиб ея берганидан хўп семириб этилибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

2 Мол-дунёга тўймайдиган, бойликка ҳирс кўйган. *Мулла Фазлиддин.. буларнинг баднафс талончилар эканини кўриб, нафрати келди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БАДНАФСЛИК** Ўз нафсини тия олмаслик, очкўзлик. *Касаллик — баднафсликдан, фалокат — ҳасаддан.* Газетадан. *Бадмастлик ва баднафслик шифокор тегирмонига сув қуяди.* Газетадан. *Икки оёқли бузоқнинг баднафслигига чидай олмаган сигир шатирлатиб унинг пешонасига тепди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БАДНИЯТ** [бад.. + ният] Фақат ёмонлик истовчи, бузуқ фикрли. *Менинг ҳақимда Алишер Навоийдек одам шундай бадният.. бўлсин?* Ойбек, Навоий. *Бадният қилганнинг боғи кўкармасин.* «Шарқ юлдузи».

**БАДНОМ** [ф. بدنام — ёмон ном] Ёмон иш билан ном чиқарган, ёмонотлик бўлган, номига доғ тушган. *Бадном одам. Бадном бўлмоқ. Бадном қилмоқ.* ■ *-Ёмон одамларнинг сўзига қулоқ солиб, бундай ноҳақ гапларни гапирмагин! Қиз бола-я! Бадном бўлиб қолса, нима бўлади?! — деди Қудратжонга бувиси.* Мирмуҳсин, Умид. *Маориф мудирига арз қилсам, аллақачон мени бадном қилиб қўйган экан, гапимни инобатга олишмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўтани тезроқ бадном қилайлик десангиз, ҳозир чолга босиб-босиб ичирасиз.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**БАДНОМЛИК** Ёмонотлик бўлмоқлик; шармандалик. *Гитлер, гитлерчилардан нима қолди?.. Бадномлик қолди.* Н. Сафаров, Тирилган одам.

**БАДНУСХА** [бад.. + нусха] Хунук башарали, турқи совуқ. *Ернинг юзиде юриб-туришингни кўролмайдиган, одам сиёқидаги*

баднусха, баднафс махлуқнинг бетингга тушган тарсакисини, агар одам бўлсанг, то абад унутма! К. Яшин, Ҳамза.

**БАДРАНГ** [ф. بدرنگ — ёмон, кўримсиз ранг] кам қўлл. Хунук, кўримсиз рангли. Қай кўз билан кўрсинки, поллар ўйнаб ётарди. Бўёқлари бадранг. «Муштум».

**БАДРАФ** [бад.. + ф. رفتن — «бормоқ» феълидан] шв. Ҳожат учун бориладиган жой; ҳожатхона. Кондукторлар нима қилишларини билмай, мени бадрафга қамаб, устимдан қулфлаб қўйишди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**БАДРАФХОНА** айн. **бадраф**. Бирон бадрафхонанинг ўртасига улоқтириб кетса бўлмасмикан, бу ғурбат юкини? «Ёшлик».

**БАДРАШК** [бад.. + рашк] Ортиқ даражада рашк қилувчи, қизғанчиқ. *Бадрашк эр.* ■ Баъзилар жуда бадрашк бўлиб, ҳаёт йўдошини эзади. Газетадан.

**БАДРҲҲЙ** [ф. بدروى — хунук чехрали] Хунук юзли, совуқ башарали; турқи совуқ. Ўрмонро ўтган йўлчадан Чиқиб келди уч-тўрт кўланка. Бири бадрўй, қон томар юздан. З. Диёр.

**БАДСУРАТ** [бад.. + сурат] Хунук кўринишли, турқи совуқ. *Бир бало, бир офат, бадсурат хунук, Оғзидан очилган қора бир туйнук. Кўзлари оловли, тишлари ханжар. Миртемир, Асарлар.*

**БАДТАР** [ф. بدتر — ёмонроқ] айн. **баттар**. Гулнор бир зум тараддудда ўтириб қолди. Унинг бир нуқтага тикилган чиройли кўзларига бадтар ғам чўкди. С. Зуннунова, Гулхан. Бувисининг кўзлари бадтар чақчайиб, бошини сарак-сарак қилди. «Ёшлик».

**БАДТАРИН** [ф. بدترين — энг ёмон, ярамас] айн. **баттарин**. Ахир бу ерга салтанат душманлари, бадтарин кимсалар, ғоятда хавfli шахслар ташланар эди-ку! Мирмуҳсин, Меъмор.

**БАДТАРЛАШМОҚ** айн. **баттарлашмоқ**. Бу воқеадан кейин хоннинг бош вазирга муносабати яна бадтарлашди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БАДФЕЪЛ** [бад.. + феъл] Хулқ-атвори ёмон; тарбиясиз. *Бадфеъл одам. Бадфеълнинг бети қора. Мақол.* ■ Олимжон эса Комилжоннинг тескариси.. Ўлғудай тўнг, бадфеъл. «Муштум». Масалан, баъзи одамлар бадфеъл ёки итфеъл, баъзилари эса хушфеъл бўлиши мумкин. «Ёшлик».

**БАДФЕЪЛЛИК 1** Ёмон хулқлилик, феъли ёмонлик. *Бобур ҳажвиёти айрим кишилар характеридаги бахиллик, бадфеъллик, гийбатчилик каби салбий хислатларга ҳам қаратилган. «ЎТА».*

**2** Ёмон ниятлилик, ёмон хаёлда бўлишлик. *Отаман, деб бадфеълликни ўйладинг, мен Мажнунман, мени жуда қўйнадинг. «Баҳром ва Гуландом».*

**БАДХАЁЛ** [бад.. + хаёл] Ёмон хаёл, гумон. *-Баъзида кўнглим аллақандай бадхаёлларга бориб қўяди-ю.. шайтонга «хай» бериб, зўрға ўзимни тўхтатиб қоламан, — деди Шум бола. Ғ. Фулом, Шум бола.*

**БАДХАТ** [бад.. + хат] Аниқ, равшан қилиб ёзмайдиган, хати хунук. *Бадхатроқ экансиз, турар жойингизни топгунча нича вақт ўтди. «Шарқ юлдузи». Кўп ёзиш-чизиш натижасида хатим бир даража тузалиб, ўқиладиган бўлса ҳам, асосан бадхатлар қаторига кириб қолдим. С. Айний, Қуллар.*

**БАДХОҲ** [бад.. + ф. خواه — хоҳловчи, истовчи] Бировга ёмонлик истовчи, бузуқ ниятли. *Буларнинг гапи бадхоҳ хайрхоҳларнинг тарбияси, насиҳати, танқидига ўхшар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**БАДХОҲЛИК** Нияти бузуқлик, пинҳона душманлик. *Унинг феълига тушуниб қолган бу ердаги мутахассислар бу хайрхоҳлик остида ашаддий бадхоҳлик ётишини билар эдилар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**БАДХУЛҚ** [бад.. + хулқ] Ёмон хулқли, қилиғи совуқ. *Бадхулқ одам.*

**БАДХҲЙ** [ф. بدخوى — ёмон феъли, адабсиз] айн. **бадфеъл**. *Бадхўйнинг бети қора. Мақол.*

**БАДХҲР** [бад.. + ф. خور — еювчи, ичувчи] Истеъмол қилиб бўлмайдиган, таъмсиз, лаззатсиз. *Бадхўр овқат.* ■ Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, бадхўр бўлиб кетмасин деб қўрқаман. У. Исмоилов, Рустам.

**БАДЧЕҲРА** [бад.. + чеҳра] Хунук юзли, башарали; кўримсиз, бадбашара. *Қовоғи солиқ, хўмрайган, бадчеҳра Маъмур сигарета чекиб ўтирибди. Ойбек, Нур қидириб.*

**БАДЯ** [ф. باديه — мис ёки сополдан ясалган катта идиш] **1** Ёғоч, сопол ёки металлдан ясалган махсус катта челак.

**2** тех. Бетон қоринмасини солиш учун ишлатиладиган идиш. *Кран ғирчиллайди, кўтарилаётган бадядан тақир-туқур тош, шалоп-шалоп қоринма тушади. А. Мухтор, Туғилиш.*



-Буниси — пневматик юкчи, буниси — бадя, буниси — осма насос, — деб Йўлдош ҳафсаласи келмайроқ менга бир нималарни кўрсатди-ю, уққан бўлсам ўлай агар. «Ҳарорат».

**БАДҚОВОҚ I** Қовоғи солиқ, хўмрайган. *Бадқовоқ одам. ■ Кенжа нариги столда ўтирган бадқовоқ йиғитга қаради. А. Қаҳҳор, Сароб. Гитлер экан бадқовоқ, Одати хунук, карқулоқ. «Бойчечак».*

**2** кўчма Куюқ, ҳайбатли (булут ҳақида). *Ташқарига чиқиб, кўнгли янаям ёришиб кетди: бадқовоқ кулранг булутлар узоқ-узоқларга чекинган. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.*

**БАДҲАВО I** [бад.. + ҳаво] Ҳавоси бузуқ, ёқимсиз. *Бадҳаво жой.*

**БАДҲАВО II** [бад.. + ҳаво] Ўзини ўзгалардан юқори олувчи, димоғдор; такаббур. *Бадҳаво одам. ■ Фақ(и)р аҳлига ниҳоятда тавозеъли Муқим, Не керак баъзи такаббур, бадҳаволарга салом! Муқимий.*

**БАДҲАЗМ** [бад.. + ҳазм] Тезда ва осон ҳазм бўлмайдиган, сингиши қийин бўлган. *Бадҳазм таом.*

**2** кўчма Кўнгилга тўғри келмайдиган, феъл-атвори совуқ. *Шафриндан илгари ёшгина бир йиғит кирди. Бу — Эҳсоннинг яқин дўстларидан, Саидий «бадҳазм» деган кишилардан бири. А. Қаҳҳор, Сароб. Ўша бегона, бадҳазм хотин, нима бўлса ҳам, болам, деб юрибди. А. Мухтор.*

**3** кўчма Жирканч, ярамас. *Одобни одобсиздан ўргандим дегандек, балки ота ҳаётининг баъзи бадҳазм, бадбўй томонлари қизни узоқларга назар ташлашга мажбур қилгандир. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.*

**БАДҲАЙБАТ** [бад.. + ҳайбат] *айн. баҳайбат 2.*

**БАЁВ** Ҳар нарсага ишонаверадиған; соддадил; бўшанг. *Мени буш, баёв, бемалол сизир қилиб соғса бўлаверадиған лақма деб ўйлаяпти, шекилли. Ҳали қараб тур, ўзингни шилиб, ширяланғоч қилиб қўйганимни билмай қоларсан. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

**БАЁЗ** [а. بياض — оқ, оқлиқ; оққа кўчирилган шеър, матн] **1** Оқ ранг; оқлик.

**2** ад. Бир ёки бир неча шоирнинг шеърларидан танлаб олиб тузилган шеърый тўплам. *Баёз тузиш узбек, озарбайжон, турк, шунингдек, эрон ва араб халқларининг адабиёти тараққиётида салмоқли ўрин тутган.*

«ЎЗМЭ». *Баёзини олиб кирди айвона. Ўқиб бериб, мени қилди девона. «Кўшиқлар».*

**БАЁН** [а. بيان — аниқлик, равшанлик, тавсифлаш, ифодалаш] **1** Табиат ва жамият ҳақидаги тушунча ҳамда тасаввур юзасидан инсон фикри ва мулоҳазаларнинг оғзаки ёки ёзма ифодаси. *Оғзаки баён. Баён қилмоқ. Фикр баён қилмоқ. ■ Бу ёғини қайси тил билан баён этсам экан.. Х. Тўхтабоев, Сеҳрли қалпоқча. Гўрўғлибек бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир баён этди. «Гўрўғли». Ҳа, кўрасан, лекин шунини унутма асло, Аҳволингни баён қилгин фарзандларга хос. А. Орипов. Агар чиндан ҳам сени пул қизиқтирмай, муҳим деб ўйлаган гапингни қисқа баён этиш қўлингдан келса, қучоқ-қучоқ асар ёзишининг фойдаси йўқ. Шукрулло.*

**2** ад. Адабий асарнинг содир бўлган ёки бўлаётган воқеалар ҳамда воқеаларнинг бориши ҳақида ҳикоя қилинадиган қисми. *Романда тавсиф, муаллиф мулоҳазалари ва баёнлар кўп.*

**3** ад. Тавсиф; изоҳ бериш. *Асарнинг қимматли бобларидан бири шеърят ва аруз баёнидир. «Фан ва турмуш».*

**4** Ўқиб ёки айтиб берилган бирор матн асосида ёзиб чиқилган иш; ёзма иш (ўқувчилар билимини баҳолашнинг ёзма шакллари билан бири). *Ўқувчилар баён ёзишди. Баённи текшириб чиқмоқ. Баёнлар тўплами.*

**Баён аломати** тлш. кам қўлл. Остинустин турган икки нуқтадан иборат тиниш белгиси (:).

**БАЁННОМА** [баён + нома] **1** *айн. баёнот 1.* Бирлашган Миллатлар Ташилотининг баённомаси.

**2** Мажлис, йиғилиш, кенгаш ва бошқа тур анжуманларнинг боришини ва улар қабул қилган қарорларни аниқ, сиқик ҳолда қайд қилувчи ҳужжат. *Мажлис баённомаси. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши мажлисининг баённомаси. ■ Баённомани ёзишни ташкил қилиш котибнинг асосий вазифаларидан биридир. «Иш юритиш».*

**3** эск. *айн. манифест.*

**БАЁНОТ** [а. بيانات — «баён» сўзининг кўплиги — билдириш, эълон қилиш; декларация] **1** Давлатлараро дипломатик муносабатлар, музокаралар, халқаро аҳвол ва шу каби масалалар ҳақида манфаатдор томонларнинг расмий фикрлари, қараш-

лари ҳамда мақсадларини ифодалайдиган ҳужжат. *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги баёноти.*

2 Бирор нарса ёки воқеа ҳақида ёзилган маълумот, хабар. *Биз бу икки маймун тўғрисида қисқагина баёнот шаклида изоҳат кўринишида бир нарса ёзиб кетсак..* А. Қодирий, *Фирвонлик Маллавай.*

**БАЁНЧИЛИК** эск. ад. Баён жанри (қ. баён 2).

**БАЁТ** I [а. بیات — тунаш, тунаб қолиш] мус. I Шашмақомнинг учинчи — Наво мақомларига қирадиган куйлар гуруҳларидан бирининг номи (қ. **шашмақом**). *Баёти Ажам. Баёти турк, Уйин баёти.* ■ «Гулёр»га сол созингни, «Баёт»га сол бозингни. Тинчлик қўшиғин бошла, Эшитай овозингни. «Халқ кўшиқлари».

2 кўчма Овоз; қичқирӣқ. *Хўрозлар баётин авжи тонготар, Суйимли нигоҳи эркаларидан..* М. Юсуф, *Уйқудаги қиз.*

**БАЁТ** II этн. Қадимги ўғуз қабилаларидан бирининг номи.

**БАЖАРМОҚ** I Бирор иш, режа, мажбурият ёки топшириқни амалга оширмақ, бажо келтирмақ, адо этмоқ. *Белгиланган ишни ўз вақтида бажариш керак.* С. Кароматов, *Бир томчи қон. Хоҳиш-иродамизни сўзсиз бажарасан.* «Шарқ юлдузи». *Агар менинг топширган топшириғимни бажарсанглар, вазирлик ўринларингда қолдираман.* «Луқмони Ҳаким».

2 Бирор ҳаракатни ижро этмоқ (роль, музика, рақс ва ш. к. ни.). *Бағзан уролни жуда қийинчилик билан бажарар, кейин ёлғиз қолганда, ўзи қотиб-қотиб куларди.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

**БАЖО** [ба.. + ф. جا (ج) — ўрин, жой] I рвш. Маъқул тушадиган, мақсадга мувофиқ бўлган; чакки эмас; дуруст, жойида. *Ўб бажо иш қилдингиз-да.* ■ *-Пастқам жой экан, — Аҳмад Хусайн шивирлади, — Манзил бажо!* Ойбек, *Нур қидириб. -Ишлар бажо! Отланглар!* — деди уста Замон. Ш. Тошматов, *Эрк қуши.* ..ана шу чўпонга чўлик бўлсам, айтганларини югуриб-елиб бажо қилардим. «Ёшлик». *-Қиличим ўтқир, тиғим бурро. Ҳукминизни бажо келтираман, — деди хон.* «Луқмони Ҳаким».

**Бажо келтирмақ** (ёки **этмоқ, қилмоқ**) Бирор ишни, топшириқни ўрнига қўймоқ, адо этмоқ. *Ҳар ҳолда.. хурматларини бажо*

*келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келдилар.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.* **Бандаликни бажо келтирмақ** қ. **бандалик** I.

2 **кесим** вэф. Хўп, хўп бўлади, бажонидил. *Эртага Ғузorning оғзи катталарини қалбага тўплангиз! -Бажо! — қуллуқ қилди бек.* Ш. Тошматов, *Эрк қуши.*

**БАЖОНИДИЛ** [ф. باجان و دل — жон ва дил билан] рвш. Жон-дилдан, сидқидилдан; жон деб, жон-жон деб. *-Хон чақирган бўлса, бажонидил борайик, — деб шогирди билан хоннинг олдига кетган экан.* «Луқмони Ҳаким».

**БАЗА** [юн. basis — асос, негиз] I **архит.** Устуннинг, колоннанинг асоси, пастки йўғон таянч қисми.

2 Халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва маданий-маънавий соҳаларнинг асоси, негизи, таянчи: *Моддий-техника базаси. Экспериментал база. Иқтисодий база.* ■ *Моддий-техника базамиз маълум даражада янгиланади ва сифати яхшиланади.* Газетадан. *Мактаблар ва ўқув юртларининг моддий базаси анча мустақкамланди.* Газетадан. *..адабий тилимиз илгариги китобийликдан қутулиб, жонли халқ тили базасига ўтди.* «ЎТА».

3 Муайян моддий нарсалар тўплами, мажмуи; заҳираси. *Озуқа базаси. Ем-хашак базаси. Хомашё базаси.* ■ *Мустақкам озуқа базасини вужудга келтирмай туриб, чорвачиликни ривожлантириш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайд.* Газетадан.

4 Муайян хизматлар кўрсатиш ва керакли жиҳозлар билан таъмин этиб туриш мақсадида барпо қилинган махсус жой, макон. *Туристлар базаси. Авиация базаси. Ҳарбий-денгиз базаси. Спорт базаси.* ■ *Ўқувчилар.. туристик базаларда дам олишни бошлаб юбордилар.* Газетадан. *Пойтахтимиз ва Республиканинг бир қатор шаҳарларидаги йирик спорт базалари Спартакиада иштиёрида бўлади.* Газетадан. *Болалар майдончалари, спорт комплекси, спорт-байдарка базаси қурилди.* Газетадан.

5 Моддий заҳиралар сақланадиган бино, иншоот; омбор. *Таъминот базаси. Савдо базаси.* ■ *Жуман ака чойнак-пиёла олгани станцияга тушса, базага бир вагон мол келиб, омбор мудури юк тушириш билан банд экан.* С. Аҳмад, *Қадрдон далалар. Нормамат узоқ*

йиллар район нефть базасида ишлади. Газетадан.

**БАЗАВИЙ** кам қўлл. Бирор нарса ёки соҳанинг таянчини, асосини ташкил этувчи. *Резервдагиларнинг кўпчилиги.. базавий корхоналарда икки ҳафталик стажировкада бўлди. Газетадан. Бунинг учун эса ҳар бир район базавий хўжаликларга эга бўлиши керак. Газетадан.*

**БАЗАЛЬТ** [лот. basaltus — синов тоши] Пайдо бўлишига кўра магматик, қорамтир-бўзранг, шишасимон тоғ жинси. *Атрофи чўл эмас, дашт эмас, аммо бўм-бўш, қақраб ётибди, йўл атрофида баъзан базальт қоялар тиккайиб кўринади. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. Ўша вақтларда лой кумуши деб аталган бу металл тез-тез учраб турадиган тоғ жинсларидан гранит ва базальт таркибида учрайди. «Фан ва турмуш».*

**БАЗЗОЗ** [а. بزاز — газлама сотувчи] эск. Газлама билан савдо қилувчи дўкондор; газламафуруш. *Улгуржи, чакана савдогарлар, авторлар, баззозлар, мўйнадўзлар карвон келиб тушган саройлар атрофида уймалашиб қолдилар. М. Осим, Ўтрор. Қиз бу гапга чимматини сал кўтарган экан, баззоз бола қизнинг чиройлилигига беҳуш бўлиб, ақлидан адашиб, ётиб қолибди.. «Луқмони Ҳаким».*

**БАЗЗОЗЛИК 1** Газлама сотиш, баззоз иши билан шуғулланишлик. *-Ўн йил баззозлик қилган бўлса, жуда бойиб кетгандир, — деди Дилшод. М. Исмоилий, Фаргона т.о.*

**2** Газламафуруш (баззоз) дўконлари жойлашган, улар савдо қиладиган раста, қатор. *Пахтачилик зироатчиликда энг кўп даромад келтирадиган бўлгач, баззозликдаги дўконини акаси Аҳмадхўжага топшириб, ўзи Сойариқ қишлоғига кўчиб кетди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Эна, мана бу авторлик, баззозликда бир йигит бор эмиш, ҳусну жамоли офтобни хира қилар эмиш. «Луқмони Ҳаким».*

**БАЗИС** [юн. basis — асос] **1** иқт. Асос, негиз. қ. **база 1.2.**

**2** флс. иқт. Жамият тараққиётининг маълум тарихий босқичида юзага келадиган ишлаб чиқариш муносабатлари йиғиндиси. *Базис жамият тараққиётининг муайян босқичидаги иқтисодий тузумдир. Газетадан.*

**3** геод. астр. Ер юзининг маълум жойидан жуда аниқ қилиб бевосита ўлчаб олинадиган асосий чизик. *Жисм кузатишган икки*

*нўқтани бирлаштирувчи тўғри чизик кесмаси базис дейилади. «Астрономия».*

**БАЗЛ** [а. بزل — совға, ҳадя] эск. кт. Ҳурмат-эҳтиром юзасидан сахийлик қилиб бериладиган ёки бағишланадиган нарса; инъом; туҳфа.

**БАЗМ** [ф. بزم — дабдабали зиёфат] **1** Мусиқа ва ўйинлар билан ўтказиладиган зиёфат, тўй, ўтириш; ўйин-кулги кечаси. *Қий-чув билан ўтган наҳорликдан сўнг ҳовлида яна базм бошланди. Ойбек, Танланган асарлар. Дутор ёнига чилдирманинг чертмаги келиб қўшилгандан кейин, базм тагин ҳам жонланди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Табиб, сиз карнай-сурнай чалдиринг, ноғоралар жарангласин, базм қурамиз. «Ёшлик».*

**Базми жамшид** Катта базм, дабдабали, шоҳона базм. [Ҳусайн:] *Ўхў, базми жамшид қизиган экан-да, кулгиларингиз осмони фалакка кўтарилмоқда. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Катта ҳовлининг тўридаги шийпонда базми жамшид авжида эди. О. Ёқубов, Диёнат. Базм қурмоқ* Ўйин-кулгили, кўнгилочар йиғилиш, ўтириш уюштирмоқ. **Қизлар базми этн.** Никоҳ тўйида қиз фақат ўз дугоналари иштирокида ўтказадиган ўйин-кулги кечаси. *Унинг [Кумушнинг] вужуди қизлар базми ичида бўлса ҳам, хаёли аллақайёқларда учиб юргандек, кўзлари ўйнаувчи қизларда бўлса ҳам, ҳақиқатда бошқа бир нарсани кўргандек.. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2** кўчма Табиатдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг кишига завқ берувчи хатти-ҳаракатларини ифодалайди. *Чумчуқлар дарахт шохларида ёздаги каби базм қуришган. А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. Кечаси ўрдаклар базми бошланади. С. Аҳмад, Уфқ. Гулдурос, даҳшатли гулдурослар; чақмоқлар, чақинлар. Осмонларда чақмоқлар базми.. У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё. Оқилдаги зовурда ёлғиз бақа ахён-ахёнда вақллаб, шерикларини базмга чорлайди. «Гулдас-та». Хилма-хил ёввойи гуллар теварагида капалаклар базм қуради, асаларилар ғувиллайди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

**БАЗМАРО** поэт. Базм пайти; базмда. *Базмаро қилганда хиргойи майин овоз этиб.. Ҳабибий. Бу кеча базмаро раққосаи янги замон уйнар, Чунон уйнарки, ҳар ким кўрса гар мастона жон уйнар. Ҳабибий.*

**БАЗМГОҲ** [базм + *ф.*  $\text{ساز}$  – жой, макон] Базм ўтказиладиган ёки ўтказилаётган жой, хона. *Аста-секин унинг уйи чоллар базмгоҳига, кичик «чойхона»га айланиб бораётганди.* «Шарқ юлдузи».

**БАЗМОРО** [базм + *ф.*  $\text{مور}$  – безатувчи, зийнатловчи] *поэт.* Базмни қизитувчи, базмга жон киритувчи, ўтиришни қизитувчи.

**БАЗМХОНА** Базм ўтказилаётган ёки ўтказиладиган жой, уй, хонадон. *Ҳирот саройидаги ҳашаматли базмхона сарой амалдорлари билан гавжум.* **Ф.** Жўраев, Обид Жалилов. *У истаган пайтида базмхонага кириб ишрат қиларди.* **Ж.** Шарипов, Хоразм.

**БАЗМЧИ 1** Базм иштирокчиси, қатнашчиси. *Давра куриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тасвирлашга тил кифоя қилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..базмчиларга қараб, гоҳ Аваз, гоҳ Холдор бир сўз айтиб, шаҳарга кираётибди.* «Гулихиромон».

**2** Базмда иштирок этаётган санъат аҳли. *Базмчилар, ноғорачилар нағмасини қўйди, ўйинчилар ўйинини қўйди, либосларини кийди.* «Равшан».

**3** Базм ўтиришини уюштирувчи шахс. *Тор кўчангиз тор экан, Йўлда базм бор экан. Базмчининг қизлари Шол кўйлакка зор экан.* «Оқ олма, қизил олма».

**БАЗЎР** [ба.. + *ф.*  $\text{زور}$  – қувват, қудрат; куч] *рвш.* Қийинлик билан, зўр келган ҳолда; зўрға, аранг. *Кўлини базўр чўзиб, қўнғироқ ипини тортди.* С. Сиеев, Аваз. *Аслида эса бу дардли сўроқ титраб, лабларидан базўр учди.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Уша кунни зерикканидан кунни базўр кеч қилди.* «Ёшлик».

**БАЙ** [*а.*  $\text{بيع}$  – савдолашиш, сотиш, келишиш] Савдо муомалаларида, ишга ёллаш ва ёлланишда ҳар икки томоннинг ўзаро келишуви.

**Бай очмоқ** Биринчи харидорга мол сотиб, савдони бошламоқ. **Бай пули** Савдода ёки ишга ёллаш-ёлланишда ўзаро келишувни мустаҳкамлаш мақсадида, тўланадиган пулнинг олдидан бериладиган қисми. *Савдогар кулимсираган ҳолда бай пулини бериб жўнагандан сўнг, савдо устида ҳозир бўлган Исҳоқ сўфи ўзича бармоқлари билан ҳисоб юргизиб қарайди-да, домлага томон бошини чайқаб кулади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мардонбойга савдо қилиб олиш, бай пули бериш учун ваколат бериб.. юборилди.* А.

Қодирий, Обид кетмон. **Байида шундай эди** Шундай келишилган эди. **Бай қилмоқ** Савдо қилмоқ; келишмоқ. *Ахир бошда бай қилган эдик-ку, ҳар замонда бир ёлгон гапираман деб.* **Ғ.** Фулом, Шум бола.

**БАЙ-БАЙ** *унд.* с. 1 Ҳайратланиш, ажабланиш ҳолати ёки таҳсин маъносини ифодалайди. *Бай-бай, шаҳаншоҳлар турадиган уйлар-а!* С. Нуров, Нарвон. *Бай-бай, унинг ялқовлиги, аммо тил деган бир қулоч.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эндигина ётоқхона зина-поясига етган ҳам эдики, балқондан настига қараб турган қизга кўзи тушди: Бай-бай, чакки эмас-у!* «Ёшлик». *..баковул ичига қийма тиқилган какликларни олиб ўтапти.* «Бай-бай, мунча ҳиди яхши-я?» – *деб ўйлади у, оғзининг суви келиб.* М. Осим, Ўтрор. [Бурҳон:] *Бай-бай, бу вино эмас, асал-ку, дўстим.* Уйғун, Ҳуррият.

**2** Хушёқмаслик, норозилик, таассуфни ифодалайди. *Бай-бай! Келин деган ҳам ишондоқ, латта қўғирчоқ бўладими?* С. Аҳмад, Сайланма. *Бай-бай, бу болаларнинг дастидан ўлиб бўлдим; ахир бу тош қурт, жиғил-донларингни тешиб юборади-ку.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бай-бай, гоят хунук иш бўлибди, – деди домла ғамгинлик билан.* «Муштум».

**БАЙБАЙЛАМОҚ 1** Бай-бай дея, афсус, ажабланиш, таҳсин, норозилик кабиларни ифодаламоқ, билдирмоқ. *Мамарайим афанди байбайлаб келиб, кавушни дарров олди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бир гал апил-тапил калласини сувга пишаётганда, қоровул чол кўзи тушиб қолиб, байбайлади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Икки киши Азизийнинг бай-байлашига қарамай, чалпақ қилиб, Қодир-жоновнинг уйига судрашди.* «Муштум».

**2** кўчма Амалга ошмай қолмоқ. *Кунлик график байбайлаганича қоғозда қолиб кетди.* «Муштум».

**БАЙДАРКА** [*р.* байдара – қайиқ] Ўрта-сида бир ёки бир неча эшкакчи сифадиган тешик (люк)лар қолдирилган, қолган жойлари берк қилиб ишланган, икки томони кураксимон эшкакли, тор ва енгил спорт қайиғи. *Байдарка шумтол ёғочидан ясалиб, фанер, мато ёки алюминий билан қопланади.* «Саломатлик».

**БАЙДОҚ** *фольк.* **1** Туғ, байроқ. *Ол байдогои тирпираб, Қолинди майдон ичида.* «Эрали ва Шерали». *Оқу қизил – кўп байдоқлар*

Қурилди майдон ичинда. «Эрали ва Шерали». Қистаб етди туғ-байдоқнинг остига, Юсуфман Аҳмаднинг отин Аширбек.. «Юсуф ва Аҳмад».

**2 тар.** Ҳарбий бўлинма, бир байроқ остида хизмат қилувчи аскарлар гуруҳи. *Неча байдоқ лашкар келди, Келганининг бари ўлди. «Маликаи айёр». Лашкарлар байдоқ-байдоқ бўп, ёвмитларнинг устига қараб жўнаб кета берди. «Гүрўглининг тугилиши».*

**БАЙЗО I** [a. *بيضا* – оқ] **I** Ўта оқ, оппоқ. Гарданинг байзолиидин тийрадур субҳи сафо. Ҳабибий. ..Субҳи байзодек гул узра Шоми савдо тусли барг. Э. Воҳидов.

**2** Қадимги пўлатнинг оқ, ялтироқ бир тури. *Байзо сифат жиҳатидан исфаҳон пўлатидан сўнг иккинчи ўринда туради. «ЎзМЭ».*

**БАЙЗО II** эск. поэт. Қуёш, офтоб.

**БАЙИР I I** Қўлга ўргатилган ҳайвон (асосан от); жайдари. *Байир от. ■ ..раис билан Ўктам оёқ устида бир пиёладан қайноқ чой ичишди-да, қора байир ва қизил жийронга минишди. Ойбек, О. в. шабадалар. Мен унинг йигитларига бир кам тўқсон байир берганман. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**2** кўчма с.т. Шароитга кўникиб, қадрдон бўлиб қолган. *Тақсирим байир хотинларининг устига.. ўн тўрт яшар қиз олиб.. ишрат камарини боғладилар. «Муштум».*

**БАЙИР II** Қумли чўлларда шамол оқибатида пайдо бўлган ботиқ жойлар. *Байирда кичик-кичик чуқурликлар билан бирга қатор қум тепаликлари ҳам бўлади. «ЎзМЭ».*

**БАЙИРЛАШМОҚ I** Маҳаллий шароитга ўрганиб, мослашиб қолмоқ (асосан от ҳақида).

**2** с.т. Синалиб, қадрдон бўлиб қолмоқ.

**БАЙЛАШМОҚ** Савдо ёки ишда нарх ёки иш ҳақи ҳақида келишмоқ, савдолашмоқ; аҳдлашмоқ. *Қоплонбопликлар синч иморат қуришда тенги йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар тўрт-беш киши бўлиб, яхлит иморатни байлашмоқ олишади. С. Аҳмад, Жимжитлик. -Ишни кўнглинзиздагидек қилиб бероламанми-йўқми, бунни ҳозир ўзим ҳам айтолмайман, сиз ҳам билмайсиз. Шунинг учун байлашмаймиз, – деди уста. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.*

**БАЙНАЛМИЛАЛ** [a. *بين الملل* – миллатлар ўртасидаги, миллатлараро] **I** Халқаро, умуминсоний, умумхалқий. *Байнал-*

*милал терминлар. Байналмилал қадриятлар. Байналмилал аҳвол. ■ Таржима – бу байналмилал жараённинг муҳим, қудратли омилларидан бири. Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.*

**2 тар. эск.** Кўшиқ ва мусиқа номи. *Кейин залда байналмилал куйи янгради. Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. Байналмилал айтиб, байроқ кўтариб, Кўчага чиққанда ўктам сафдошлар.. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

**БАЙНАЛМИЛАЛЛИК** кам қўлл. айн. **байналмилал.** Булар ўзларининг байналмилаллик бурчларини адо этиш йўлида.. қурбон бўлишди! Буну энутмайлик! Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**БАЙНАЛМИЛАЛЧИ** Байналмилал ғоялар, мақсадларда олиб борилган халқаро сиёсий ҳаракатлар, ишлар, урушлар иштирокчиси. *Байналмилалчи жангчилар. ■ Шохда опа бу ердаги олти йиллик меҳнат фаолиятида жуда кўп байналмилалчи малакали машинисткалар билан танишди. Газетадан.*

**БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК** эск. тар. Ишчилар синфи, уларнинг сиёсий партиялари мафқураси, сиёсатининг асосий тамойилларидан бири.

**БАЙНАЛМИЛЛИЙ** Миллатлараро муштарак бўлган; умумбашарий, умумхалқий. *Байналмиллий қадр ҳам – шахсий ҳамда миллий қадрдан кам эмас. Газетадан.*

**БАЙНАЛХАЛҚ** [a. *بين الخلق* – халқаро] эск. айн. **халқаро.** *Байналхалқ авантюрист, жосуз Фредерик Бейли 1967 йил апрелида ўлди. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

**БАЙРАМ I** Тарихий, маданий-маънавий анъаналарга кўра расмий ёки норасмий равишда уюштирилладиган умумхалқ шодиёнаси куни, тантана куни. *Мустақиллик байрами. Наврўз байрами. Ғалаба байрами. Янги йил байрами. ■ Янги йил байрами.. дилмиризага яқин, ҳаммага бирдай қувончу фараҳ бахш этадиган, ёрқин туйғуларни уйғотадиган қутлуғ айём! «Саодат». Бугунги Наврўз байрами барча-барчага янги бахт, улкан зафарлар келтиради. Газетадан. Мен байрамларни жуда-жуда севар, жуда-жуда орзиқиб кутардим. «Ёшлик».*

**2** Бирор-бир муносабат билан ўйин-кулги иштирокида тантанали равишда ўтказиладиган тадбир. *Оилавий байрам. Арча байрами. Спорт байрами. Шеърят байрами.*

*Санъат байрами. Пахта байрами. Болалар арча байрамидан уйларига хурсанд бўлиб қайтадилар. ■ Пахта байрамини ёр-жўралар билан Гулистон районидан утказдик. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Вакилларимиз санъат байрамига жиддий тайёргарлик билан келдилар. Газетадан.*

3 кўчма Вақтичоғлик, хурсандлик; бахт, омад. *Жони соғга кунда байрам, кунда тўй. Мақол. Эшакнинг ўлими — итнинг байрами. Мақол. ■ Унинг [аёлнинг] борлигининг ўзи — жамиятнинг байрами. Газетадан.*

**БАЙРАМБОЗЛИК** с.т. Фойдали иш ўрнига ҳадеб ўйин-кулги билан овора бўлиш. *Жамиятда дангасалик ва байрамбозлик эмас, балки ҳалол меҳнат тантана қилмоғи керак. Газетадан.*

**БАЙРАМЛАШМОҚ** с.т. Байрам кунлари кўпчилик бўлиб сайр-томоша қилмоқ; байрамни биргаликда нишонламоқ. *Байрамлашиб, шаҳар айландик. Байрамлашиб келди.*

**БАЙРАМЛИК** Байрам муносабати билан яқин кишиларга бериладиган тухфа; байрам совғаси; ҳайитлик. *Келинингизга мана буни [крепдешинни] олдим, сизга уч-тўрт байрамликни бир қилиб олиб келаман. Ў. Умарбеков, Она.*

**БАЙРАМОЛДИ** Байрамга яқин қолган, байрам арафасидаги. *Байрамолди режалари. Байрамолди тадбирлари. Байрамолди тайёргарликлари. Байрамолди концерти. ■ Энг ачинарлиси, байрамолди кунлари айрим пул-парастлар давлат транспорти ҳисобига бойиб қолишни ўзларига касб қилиб олмоқдалар. Газетадан. Полк омборига ўтиб, байрамолди совғаларини олиш ҳақида интендант билан гаплашиши керак эди. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**БАЙРАМОНА** Байрам тантаналарига мос; байрам маросимларига муносиб. *Байрамона безатилган минбарга ҳамма учун таниш кишилар кўтарилдилар. ■ Ўзбекистон қўриқлари». Шанбаликнинг барча қатнашчилари байрамона кўклам кайфиятида. Газетадан.*

**БАЙРОҚ 1** Ёғоч ёки металл дастага, сим ёки чилвирга маҳкамланган, бир ёки бир неча рангли, давлат, ташкилот, уюшма, ҳарбий қисм ва ш. к. ларга қарашлиликни ифодаловчи герб, эмблема ва бошқа рамзий белгилар, безаклар тасвири туширилган муайян ўлчамдаги мато; алам, ялов; туг.

*Давлат байроғи. Дивизия байроғи. Кўчма байроқ. Байроқ ўрнатмоқ. ■ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь ва 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган сессияларида Республика Давлат байроғи, Республика Давлат герби тасдиқланди. «Ўзбекистон Республикаси». Бирдан унинг кўзи байроқ кўтариб турган бир тўда паранжели хотинларнинг суратига тушди. С. Зуннунова, Олов.*

2 кўчма Мақсад, ғоя, йўл. *Тинчлик байроғи. Озодлик байроғи, Мустақиллик байроғи. Адолат байроғи. ■ Буюк орзу қовуштирғай халқлар бошини, Буюк орзу адолатни айлағай байроқ! «Ёшлик». Ёш ойбеклар байроғини Кўтарайлик баландга. Дўстим, жонни бахш этайлик Фақат она-Ватанга. А. Орипов.*

3 махс. Ўзбек кулолчилигида кенг қўлланадиган, байроққа ўхшаш безак. *Сопол идишларнинг четларидаги ҳошиянинг баъзи тури ҳам байроқ дейилади. «ЎЗМЭ».*

**БАЙРОҚДОР 1** Қўшин сафида ёки намоишчилар олдида байроқ кўтариб борадиган шахс. *Элмурод саф олдида югуриб кетди ва байроқдор билан ўрин алмашди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

2 Байроқча билан ишора қилиб, бирор йўлга ёки томонга йўналтириб турувчи киши. *Байроқдорлар учувчига нишон белгилаб туришарди, буни энди билди Қудрат. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

3 кўчма Кўзланган мақсадни, илғор ғояни амалга оширишда етакчилик қилувчи, олдинда намуна бўлиб борувчи. *Халқимиз тинчлик учун кураш байроқдоридир. ■ Эзгу ниятларнинг байроқдори деб, Сени шарафлайди замину замон. А. Орипов.*

**БАЙРОҚЛИ 1** Байроқча эга бўлган, байроғи мавжуд.

2 Байроқ билан тақдирланган, байроқ олишга сазовор бўлган. *Кўчма байроқли полк.*

**БАЙРОҚЧА 1** Таниқлик белгиси, бирор нарсанинг ишораси, рамзи бўлган, байроқ шаклидаги мато парчаси; вимпел. *Лейтенант қизларнинг қўлига байроқчалар бериб, у ёқ-бу ёққа йўл кўрсатишни ўргатяпти. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

2 ҳарб. Харитада, ҳарбий машғулот столи ёки доскасида кичкина байроқ шаклида чизилган ёки қадалган белги. *Муҳим шахарлар харитада байроқчалар билан кўрсатилган.*

**БАЙТ I** [a. بيت – уй, хона; бўлма] **I ад.** Шарқ шеърлятида аруз вазнида ёзилган ғазал, қасида, маснавий каби асарларнинг бир бутун икки мисраси, банди. *Ғоявий-бадий томондан бир бутунлиқни ташкил қилган икки мисра шеър байт саналади.* «ЎЗМЭ». *Адабиётимизда рубоий каби тўрт йўл, байт каби икки йўлдан иборат шеър шакллари пайдо бўлиши ҳам бежиз эмасдир.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. *Агар мазкур шеър бамисли бир қуш бўлса, бу байт унинг тожи-ку, мавлоно! С. Сиёев, Ёруғлик.*

**2** Умуман, ҳар қандай шеър, шеърлий парча. *Нечог бахтиёрман таъзимда шу тоб Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.* А. Орипов. *Мунча ширин байтингиз, омон бориб қайтингиз, Фолиб, барно йигитга биздан салом айттингиз.* Т. Тўла.

**3** кўчма Ёқимли овоз, оҳанг. *Ёмғиржон, бир қўшиқ айтки, томларни тарақлат. Япроқларни ювиб қайт, йўлкаларда байт тарат.* Отаёр, Оқ фасл.

**4** махс. Ўзбек халқ амалий санъати (бадий мискарлик, кулолчилик, рихтагарлик)да қўлланадиган нақш ва безак турларидан бири. *Байт буюмга ўзига хос нафосат, бадийлик бахш этади.* «ЎЗМЭ».

**БАЙТ II** эск. кт. Истиқомат қилиш, яшаш учун қурилган уй, хона; манзил. *Байти вайрона – хароба, вайрона бўлган уй. Байти маъмур – ободон уй.* ■ ..уйни араб байт дер. А. Навоий, Мезонул-авзон.

**БАЙТАЛ** Урғочи от; бия. *Байтал чопиб пойга олмас.* Мақол. ■ *Тоғ этакларидан қор кетиб, настликлар яшилганиб қолган апрель ўрталарида байталим қулунлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БАЙТАЛМОН** [байтулмол сўзининг маъно ва талаффуз жиҳатидан бузилган шакли] с.т. қарғ. Эгасиз, қаровсиз қолгур; сабил, ордона. *–Ғир ёстигингизни ерга қўйинг, – деди Холнисо [Бўтакўзга], – байталмонни мунча қучоқлайсиз.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Байталмон кетмон ярим пуд бўлса, жамул-жам бир ярим минг пуд дегин.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БАЙТАР** [a. بيطار – мол табиби, доктор] эск. айн. **ветеринар.** *Хаста молга байтар даркор бўлганидек, жони огриган улусга ҳам бир табиб лозимдир.* С. Сиёев, Аваз.

**БАЙТАРИЯ** [a.] эск. айн. **ветеринария.**

**БАЙТУЛАҲЗОН, байтулҳазан** [a. بيت الاحزان, بيت الحزن – ғам-ҳасрат(лар) уйи, ғамхона] эск. кт. **I** Ғам-ҳасрат уйи; ғамхона. *Лабингнинг ёди-да қонлар ютубон, Ётибмен бир ғариб байтулҳазанда.* Фурқат.

**2** кўчма Фақирона, зерикарли уй; кулба. [Мунтазир] *Тожибойнинг қўлидан хуржунини олди: –Байтулаҳзонга марҳамат қилинсин.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий. *Суруру шодлиқни даҳр боғида нечук кўргай, Камина Фурқатийнинг маскани байтулҳазан бўлса.* Фурқат.

**БАЙТУЛЛО(Х)** [a. بيت الله – Оллоҳнинг, тангрининг уйи] Маккадаги зиёратгоҳ – Каъбанинг иккинчи номи. [Мастура Мирзарайимбойга:] *Сизни деб қора бўлган бу юзларимни байтуллога суркамай ўлсам, рўзи қиёматда қандай бош кўтараман? Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**БАЙТУЛМОЛ** [a. بيت المال – хазина, мол турадиган жой] эск. **I** Давлат хазинаси; давлатга қарашли бўлган бойлик.

**2** Эгасиз қолиб, давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк.

**3** Давлатга тегишли бўлган бойликлар сақланадиган махсус жой, бино.

**БАЙТҚҮРҒОНИ(Й)** бот. Ўртапишар қовун нави. *Лекин куз фаслида бозорга тушган қовунхўрлар бу лаззатли байтқўрғони, кўкча каби номларни ҳаммавақт ҳам билвермайди.* «Фан ва турмуш».

**БАЙТ-ҒАЗАЛ, байту ғазал I** Байтлар ва ғазаллар. *Бу сўзларни бунда қаландар айтди. Бир неча байт-ғазалин айтди.* «Ширин билан Шакар».

**2** кўчма с.т. Насихатомуз ёки шикоятомуз гап; дард-ҳасрат қилиш. *Шолипояни сотаман, индин пул оламан, фалон-туғун, деб анча байт-ғазал ўқиди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БАК** [голл. bak – тоғора; эски қайиқ] **I** Суюқликлар сақланадиган металл идиш. *Бензин баки.* ■ *Ўзлари кабинага чиқиб олиб, керосин бак кўринмайди дейдилар.* «Аския».

**2** Сув иситиш, чой қайнатишга мўлжалланган, самоварга ўхшаш катта металл идиш. *Ғанижон, катта бакларнинг чойи ширин бўлмайди, ичи қотиб қоларкан.* «Аския».

**БАКА-БАНГ** тақл. с. Ногора, чилдирма, барабанлар товушини ифодаловчи сўз. *Ўша заҳоти қулоқни ёргудек бўлиб чилдир-*

ма бака-банги янгради. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**БАКАЛАВР** [лот. *baccalaureus*] Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: олий таълим дастурининг биринчи босқичини тугаллаган талабаларнинг илмий даражаси.

**БАКАЛАВРИАТ** Баъзи мамлакатларда ва Ўзбекистонда: мутахассисликлар бўйича фундаментал ва амалий таълим берадиган, ўқиш камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим.

**БАКОВУЛ**, **буковул** **1** *эск. тар.* Подшоҳ, хон ва лашкарларга овқат тайёрлаш устидан назорат олиб борувчи, ҳукмдорга таом тортишдан олдин уни аввал ўзи тотиб кўрувчи мансабдор; бош ошпаз (15-аср ва ундан кейинги давр). *Нақл қилишларича, ушбу таом [ажабсанда] Бобур саройининг баковуллари ижодига мансуб эмиш.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. - *Гуноҳ шулким, — деди Бобур қатъий оҳангда, — баковулларимиз сиздан қаттиқ ранжибдирлар: тортган таомларидан лоқал бир лўқма танавул этмас эмишсиз.* «Ёшлик». *Баковул бўшашганча бир чеккада турарди.* «Шарқ юлдузи».

**2 тар.** Олтин Ўрда хонлигида кўшинга маош улашиш, ўлжаларни тақсимлаш сингари вазифаларни бажарувчи юқори мансабдор.

**3 шв.** Тўйларда таом тайёрловчи ошпаз, пазанда. *Юзлари тандирдан энди узилган нондайин қип-қизил, мўйловли бир одам баковул бўлди.* «Ёшлик».

**4** Тўй ва байрам (ҳайит) муносабати билан ўтказиладиган кураш, пойга, улоқ (кўпқари) каби мусобақаларни бошқарувчи. *Булар тўйга баковул ҳам бўлади. Ҳар ким қўлдан келганини қилади.* «Интизор». *Аҳмаджон ота, Мелиқўзи ва баковуллар музыка садолари остида ўртага тушидилар.* «Ёшлик».

**Тайёр ошга баковул** Тайёрига айёр, қулай вазиятдан фойдаланиб қолувчи одам. *Қиз бўйига етгандан кейин, Мамасаид «тайёр ошга баковул» бўлди: «Мен энг яқин тоғаман, шунинг учун ота ўрнига отаман», деб даъво қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тайёр ошга баковул, деб шуни айтарканлар-да!* С. Зуннунова, Олов.

**БАКОВУЛБОШИ** *эск. тар.* Ошпазлар бошлиғи, ошпазлар устидан назорат қилувчи амалдор, бош ошпаз. *Баковулбоши,*

*юзбоши, саркардалар иш устида эдилар.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё.

**БАКОР** [ф. *بكار* — ишга, иш билан]: **бакор келмоқ** **1** Кунига ярамоқ, яроқли, керак бўлмоқ, бирор кор-ҳолига асқатмоқ. *Туркистондан чиққанымда, ҳавонинг иссиғига кўйлакчан чидай олмас эдим. Энди пахтали камзулим ҳам бакор келмай қолди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**2** Тенг келмоқ, бас келмоқ. *Унга ҳеч ким бакор кела олмайди.*

**БАКОРАТ** [а. *بکارت* — поклик, қизлик] *эск.* Қизлик, бокиралик, ифбатлилик.

**БАКРА**, **бакрабалиқ** Осётрсимонлар туркуми ва осётрлар оиласига мансуб, танаси дуксимон, тумшуғи узун балиқ. *Бакрабалиқ моллюскалар, умуртқасиз жониворлар ва сув ўсимликлари билан овқатланади.* «ЎЗМЭ».

**БАКТЕРИАЛ** **1** Бактерияга оид, бактерияга хос. *Бактериал касалликлар. Бактериал филтлар.*

**2** Бактериялар ёрдамида ҳосил қилинадиган, тайёрланадиган. *Бактериал ўғитлар.* ■ *Бактериал ўғитлар тупроқ шароитига қараб ишлатилади.* «ЎЗМЭ».

**БАКТЕРИОЛОГ** Бактерияшунослик мутахассиси, бактериология олими.

**БАКТЕРИОЛОГИК** **1** Бактериологияга оид. *Бактериологик лаборатория. Бактериологик усул. Бактериологик тадқиқот.*

**2** Бактериялар иштирокида тайёрланган, бактериялар ёрдамида олиб бориладиган. *Бактериологик қурол. Бактериологик уруш. Бактериологик ҳужум.*

**БАКТЕРИОЛОГИЯ** [бактерия + юн. *logos* — билим, тушунча] Бактериялар ҳақидаги илмий таълимот, микробиологиянинг бактерияларни ўрганадиган бўлими. *Умумий бактериология. Тиббиёт ва ветеринария бактериологияси. Қишлоқ хўжалик бактериологияси.*

**БАКТЕРИЦИД** [бактерия + лот. *caedo* — ўлдираман] Бактерияларни ва бошқа микроорганизмларни ўлдирувчи, зарарсизлантирувчи. *Бактерицид моддалар. Бактерицид қоғоз.*

**БАКТЕРИЯ** [юн. *bakterion* — таёқча] Бир хужайрали, асосан таёқча шаклида бўладиган микроорганизмларнинг катта гуруҳи. *Зарарли бактериялар. Фойдали бактериялар.* ■ *Бактериялар тупроқда, сувда, сув ҳав-*



залари заминида ва бошқа жойларда тарқалган. «ЎЗМЭ».

**БАЛ** [фр. bal < baller < лот. ballare – ўйнамоқ, рақсга тушмоқ] Бирор воқеа муносабати билан оммавий кўнгил очиш учун уюштирилган рақс кечаси, ўйин-кўлги кечаси. *Бал-маскарад. Янги йил бали.* ■ *Дўстлик тароналари энди халқлар дўстлиги бали ўтаётган бинода янада кучлироқ янгради.* Газетадан.

**БАЛАБОН, буламон** эск. мус. Сурнай шаклли, аммо ундан кичикроқ бўлган, пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. *Балабон ёнғоқ ёки ўрик ёғочидан ичи ўйилиб ясалади.* «ЎЗМЭ». ..қизлар.. ғижжак, балабон чалиб.. неча ўйинчи барнолар қош қоқиб, ўртага тушиб ўйнаб турибди. «Равшан».

**БАЛАДИЯ** [ا. بلدية – шаҳар бошқармаси] эск. Коммунал хўжалик. *Баладия шўбаси – коммунал хўжалик бўлими.*

**БАЛАЛАЙКА** [қад. р. балы – гап сотиш; ҳазил. + байка – ҳикоя; эртақ; гапириш] Қорни учбурчак шакли, уч торли, ҳамма торлари баравар чертиб чалинадиган рус халқ мусиқа асбоби. *Балалайкадан якка-хонликда ва ансамблда, кўшиқ, лапар, рақсларга жўровозликда фойдаланилади.* «ЎЗМЭ». *Коля балалайкасини чертар, Аҳмаджон.. лунжини шишириб, най чалар, Қобил фарғонача рақсда Раънони энгишга тиришарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чаққомчи.

**БАЛАНД** [ф. بلند – юқори] 1 Пастдан юқорига томон ўлчами узун; қадди, бўйи узун; новча. *Баланд минора. Баланд девор. Баланд том. Бўйи баланд. Баланд тоғ.* ■ *Икки ёғи баланд тоғ – пиеда юрса, оёғи куяди.* «Нурали». *Машина бир баланд тепанинг орқасига ўтиб тўхтади.* С. Анорбоев, Ҳамсӯхбатлар.

2 Ер юзасидан ёки бошқа бирор сатҳдан, нуқтадан юқорида жойлашган. *Баланд остана. Баланд токча. Тошкент денгиз сатҳидан 480 метр баланд.* ■ *Ҳовуздан йигирма қадамча нарида ердан одам бўйи баланд кўтариб солинган каттагина шийпон.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Куч даражаси белгиланган меъёрдан ортиқ, кучли; юқори. *Баланд босим. Баланд ҳарорат. Баланд овоз.* ■ *Иситмаси баланд, босинқираяпти.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Янғаси овозини баланд кўтариб шанғиллади.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Хотин овозини*

*баланд чиқазишга кўни-қўшидан андиша қиларди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кулги баландроқ кўтаришди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

4 *кўчма* Баъзи белги, хусусиятларнинг ортиқ, юқори даражадалигини ифодалайди. *Қишлоқ қизининг ғурури баланд бўлади.* «Ёшлик». *Меҳнатдир тупроқдан бизни кўтариб, Азиз бошимизни қилолган баланд.* Ғ. Фулом. *Баланд мартабали меҳмон ёнбошлаб сигра чекар, бошқалар камтарлик билан чўкка тушиб ўтирарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Ер сатҳига нисбатан юқорида жойлашган нуқта; тепалик. *Арслон ака кранлар гуриллаган баланддан тушиб, атрофга қаради.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бу сўзни эшитиб ойим Марғумон, Зина билан тушиб келди баланддан.* «Нурали». *Парисан, учарсан, албатта кўкка, Қирқ газдан юқори баландга учма.* «Гулшанбоғ». *Баландда, юлдузли кўкда, қаёққадир самолётлар учиб ўтди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

6 *кўчма* Қадр-қимматли, эъозли, юқори. *Ота ўғли бўлсанг, ота номин баланд тут.* Мақол. ■ *Мижғов ва паст, ғийбат гаплардан Жажжи шеърим кўюрман баланд.* А. Орипов.

7 *кўчма* Унумли, самарали; мўл, кўп. *Агар сув олиб келинса, минг йиллардан бери чорва қийлари қатлам-қатлам бўлиб кетган бу жойда пахтадан энг баланд ҳосил олса бўлади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**Баланд келмоқ** 1) устун келмоқ, голиб чиқмоқ. -*Озгингизга қараб гапиринг, ғийбат қилиб нима қилдик? – Обидов баланд келмоқчи бўлиб бўйинини чўзди.* С. Зуннунова, Олов. *Эр баланд келди, чойнакни чил-чил синдирди.* Газетадан; 2) бир-биридан ошиб тушмоқ, бир-биридан ўзмоқ, паст келмаслик. *Ҳай-ҳай.. болаларим, биттанг баланд келгандо, биттанг паст бўлсанг-ку, олам гулистон.* И. Аҳмедов, О. Толипов, Ким айбдор? **Баланд охурдан сув ичган қ. охур.** **Баланддан келмоқ** 1) ўзини катта олиб гапирмоқ, катта кетмоқ; 2) катта, юқори нарх қўймоқ, меъеридан ошириб юбормоқ. *Бунча баланддан келманг, паст тушинг.* *Сотасизми ахир, олайлик* (Савдолашишда). **Димоғи** (ёки **тумшуғи**) **баланд қ. димоғ.** **Кибр-ҳавоси баланд** Жуда ҳам ўзига ишонган, такаббур. **Қўли баланд** 1) омадли, иши йирик, омади келган. *Бу йил мўл ҳосил олсак, қўлимиз баланд бўлишини унутманг,*

азизим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) ғолиб келган, устун чиққан. Аммо сўғдийларнинг қўли баланд келиб турган бир пайтда ғаним томон Мароқанддан бир туман миқдорда қўшимча мадад олдим. «ЎЗМЭ».

**БАЛАНДЛАМОҚ 1** Пастдан юқорига қараб ҳаракатланмоқ, йўналмоқ; юқорилармоқ. *Самолёт жуда баландлаб кетди.* ■ *Кўтарма кўзга кўриниб, сув баландлаб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Меъёрдан ошмоқ; кучаймоқ, зўраймоқ. *Умар акам тажанглаша бошлади, овози яна баландлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

3 *кўчма кам қўла.* Қимматлашмоқ (асосан, баҳо, нарх-наво ҳақида).

**БАЛАНДЛАТМОҚ** Баландламоқ фл. орт. н. *Овозни баландлатмоқ.* ■ *Қачон кўргансан, — деди.. чироқни баландлатаётиб.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАЛАНДЛИК 1** Ер сатҳидан юқоригача бўлган оралиқ масофа; юксак жойлашган фазо. *Ниҳоят, асфальт кўчадан ўнг томонга бурилдик ва баландликка ўрлаган ўнқир-чўнқир йўлга тушдик.* «Саодат». *Узоқдан, ой баландлигидан она-Ер янада гўзалроқ кўринади.* «Гулдаста». *Баландлиги тўрт-беш терак бўйи келади.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

2 Текис ер ёки пастликдан юқори турадиган жой; макон; тепалик. *Кўктепа баландлиги, агар «тили бўлса айтарди..»* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Олдинда йўл бошловчи, кейинда Назирали билан кампир баландликка кўтариллиши.* Ойдин, Мардлик-мангулик.

3 *кўчма* Ингичка ёки йўғонлик (товуш, оҳанг ҳақида). *Ҳаракат тезлиги ошганда, товуш баландлигининг ўзгаришини изоҳлаш осон.* «Фан ва турмуш».

4 *геом.* Геометрик шаклнинг (кўпбурчак, кўпёқ, конус, цилиндр ва б.) юқори нуқталаридан асосига туширилган энг катта перпендикуляр. *Конуснинг баландлиги. Кўпбурчакнинг баландлиги. Кўпёқнинг баландлиги.*

**БАЛАНДПАРВОЗ** [ф. *بلندپرواز* — юқори учувчи] 1 Юқори, юксак учадиган. *Бургутдай баландпарвоз бўлиш учун қулоч-қулоч қанот керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

2 *кўчма* Ўзини катта олувчи; гердайган. *Баландпарвоз одам.*

3 *кўчма* Ҳавойи (бежама) гаплар билан меъёридан оширилган; қуруқ, сохта. *Баландпарвоз вағдалар. Баландпарвоз услуб. Баланд-*

*парвоз гаплар.* ■ *Восифийнинг сарлавҳалари жимжимадор, баландпарвоз услубда тузилган.* «ЎЗМЭ». *Яширишининг ҳожати йўқ, баландпарвоз гапларнинг мавриди эмас.* «ЎЗМЭ». *Биз театр билан драматурге ҳамкорлиги тўғрисида кўп вақт баландпарвоз гаплар айтамыз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БАЛАНДПАРВОЗЛИК** Дабдабалилик, жимжимадорлик; сохталик. *У [Ойбек] халқ тилининг беқиёс имкониятларидан тўлат-тўкис фойдаланган, аммо айни пайтда, мутлақо сунъийликка, баландпарвозликка, ялтироқликка йўл қўймаган улкан суз заргаридир.* «ЎТА».

**БАЛАНД-ПАСТ 1** *айн. паст-баланд.* *Кўшин жўнар баланд-пастда, Саф-саф бўлиб, даста-даста.* «Гулшанбоғ».

2 *кўчма* Турли-туман; тайинсиз. *Баландпаст гаплар.*

**БАЛАНД-ПАСТЛИК** Ер сатҳининг нотекис ерлари, жойлари. *Бешинчи кун деганда ариқча баланд-пастликлардан ўтиб, эски изга тушди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАЛАНС** [фр. *balance* — тарози < лот. *bilanx* — тарозининг иккита палласи] 1 Мувозанат, тенглик. *Ош тузи организмнинг сув баланси билан боғлиқ бўлган туз алмашинуви таъминлайди.* «Фан ва турмуш».

2 *бухг.* Доимо ўзгаришда бўлувчи қиримчиқим, даромад ва буромаднинг ўзаро нисбати ёки мувозанатини ифода этувчи кўрсаткичлар тизими. *Савдо баланси. Бухгалтерия баланси. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари баланси. Жамоа хўжалиги баланси.* ■ *Улар жамоа хўжалиги балансида турибди.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

**Иссиқлик баланси физ. тех.** Иссиқликнинг ажралиши ва сарф бўлишини ўзаро қиёслаб чиқарилган яқун. **Двигателнинг иссиқлик баланси.** **Фоол (актив) баланс** Кирим (даромад) чиқимдан, буромаддан ортиқ бўлган баланс. **Нофоол (пассив) баланс** Кирим (даромад) чиқимдан, буромаддан кам бўлган баланс.

**БАЛАНСИР** [фр. *balancier* — шайин; тарози] *тех.* 1 Машиналарда, механизмларда уларнинг турли қисмларига илгариланмақайталанма ҳаракатни узатувчи икки елкали ричаг, икки елкали пишанг. *Жуман машинани кўриб, ҳайрон бўлди: ричагга тош тақалиб, балансир портлаган эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

2 *айн. лангар II.*

3 Соат механизмининг асосий йўналтирувчиси (регулятор).

**БАЛАНСИРОВКА** *тех.* Машиналарнинг айланувчи қисмларини баланслаш, мувозанатлаштириш, мувозанатга келтириш. *Машина баллонларини балансировка қилдим.*

**БАЛАНСЛАМОҚ 1** *иқт.* Хўжалик ва савдода ўзаро боғланган соҳаларни бир-бири билан мувофиқлаштирмақ, тўғри нисбатга келтирмақ.

2 *бух.* Балансларни якунламақ, баланс чиқармақ.

3 *тех.* Машина ва механизмларнинг айланувчи қисмларини мувозанатга келтирмақ.

**БАЛАНСОМЕР** [баланс + *р.* мерить — ўлчамоқ] *тех.* Ер сиртининг ёки атмосферадаги исталган нуқтанинг радиация (нур) балансини ўлчайдиган асбоб. *Ўзбекистонлик олимлар.. биринчи бўли Тошкентда ўзлари ихтиро қилган балансомер ёрдамида ер сиртининг радиация балансини узлуксиз ёзиб бориш усулини ишлаб чиқдилар.* «ЎЗМЭ».

**БАЛБАЛА** [*а.* بلبلة — жўмрак] *тар. эск.* Май (ичимлик) куйиладиган идиш, қадаҳ. *Ялантуш сукута толди. Анчадан кейин бошини кўтариб, бурчакдаги зар юритилган хонтахтада турган балбалага ишора қилди.* «Ёшлик».

**БАЛДОҚ** *шв. айн. хассса, кўлтиктаёк.* У балдоққа суяниб юради.

**БАЛЕ** [*а.* بلى — тасдиқ юклагаси] Ҳа, дуруст, яхши. *Фурқатий қошу кўзингдин фитналар кўрди, бале! Шўриш ўлмоқ расмдур, ой туғса ахтар устида.* Фурқат.

**БАЛЕРИНА** [*итал.* ballerina < *лот.* ballare — ўйнамоқ, рақсга тушмоқ] Балет раққосаси. *Балерина атамаси.. 20-аср бошидан барча балет раққосаларига нисбатан ишлатилади.* «ЎЗМЭ».

**БАЛЕТ** [*итал.* balletto < *лот.* ballare — ўйнамоқ, рақсга тушмоқ] Асар мазмунини мусиқали хореографик образлар воситасида ифодалайдиган саҳна асари ва шундай асар учун ёзилган мусиқа. *Балет мактаби.* «Севги тумори» балети. ■ *Балетда классик, характерли халқ рақсларидан, баъзи акробатик ва пластик рақслардан фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

**БАЛЕТМЕЙСТЕР** [*нем.* Balletmeister — балет устаси] Балет, опера, оперетта ва

бошқа саҳна асарларидаги рақслар, хореографик кўринишларни саҳналаштирувчи шахс. *Балетмейстер балетда бош ижодкор бўлса, бошқа жанрларда ёрдамчидир.* «ЎЗМЭ».

**БАЛЕТЧИ 1** Балет раққосаси, раққоси.

2 *айн. балетмейстер.*

**БАЛИ 1** [*а.* بلى — тасдиқ юклагаси] *с.т.* Балли. *Келиб тошларни иргитгай тўғонга, Бобо Рустам бали, дер паҳлавонга.* Ҳабибий.

**БАЛИ 2:** али деса, бали демоқ қ. али.

**БАЛИҚ 1 1** Сузгичлари бўлган, ойкулоқлари орқали нафас оладиган, умуртқалилар кенжа типига мансуб сув жонивори. *Лаққа балиқ. Қора балиқ. Олтин балиқ. Зогора балиқ. Сачратқи балиқ. Қизил балиқ. Балиқнинг тириклиги сув билан. Мақол. Кўлнинг отини балиғи чиқарар. Мақол. ■ Балиқлар гавда ҳарорати беқарор, совуққон жониворлардир.* «ЎЗМЭ».

2 Ушбу сув жониворининг гўшти. *Қовурилган балиқ. Тузланган балиқ. Балиқ комбинати. Эшак минган от сўрамас, Балиқ еган эт сўрамас. Мақол. ■ Балиқни ҳар куни истеъмол қила бошлаган одамлар орасида инфаркт 50 фоизга камаяр экан.* «Фан ва турмуш».

3 Мучал йил ҳисобидаги бешинчи йил номи.

**Балиқ йили** қ. мучал.

**БАЛИҚ, балиғ 2** [*қад. турк.*] *эск.* Шаҳар, кўрғон. *Бешбалиқ. Бойбалиқ. Оқбалиқ, Қорабалиқ (жой номлари).* ■ *Туркий тилларда балиқ, балиғ, балуқ.. Энг сўнги маъноси — шаҳар. “ЎТА”.*

**БАЛИҚКЎЗ 1** *бот.* Шўрадошлар оиласига мансуб, шўрхоқ ерларда ўсадиган бир йиллик ўт. *Илгари ана шу адирларда бутун бир қишлоғга етиб, ортиб қоладиган емхашакбоп сунбул, сўзан, рўян, олабўта, балиқкўз, жингул сингари юз хил тўйимли гиёҳлар тиззага уриб ётарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БАЛИҚКЎЗ 2** Кўзи чақчайган, чақчайма кўз. *-Йўқ, бир нарсага пушаймон қилаяпман, — деди арслонқомат, балиқкўз йигит.* Ойбек, О. в. шабалалар.

**БАЛИҚПАЗ** Балиқ пиширувчи, балиқдан таом тайёрловчи ошпаз. *Балиқпаз икки бўлак чала пишган балиқ думини келтириб, чипта устига қўйиб кетди.* С. Сиеёв, Аваз. *Балиқпаз кирди. Капитан унинг ҳам кимлигини ёзиб олди.* «Ёшлик».

**БАЛИҚТОЗАЛАГИЧ** *тех.* Балиқни тозалашга мўлжалланган махсус асбоб, курилма. Чўзиқ алюминий чўмич шаклидаги пластмасса қопқоқли балиқтозолагичдан фойдаланиш қулай. «Уй-рўзгор энциклопедияси».

**БАЛИҚТУТ** *с.т.* Балхи тут. Ҳовлининг ўрта ерида наканагина балиқтут ўсиб, остига кул ва бошқа ахлатлар тўпланган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАЛИҚФУРУШ** Хом ёки қовурилган балиқни сотиш билан шуғулланувчи шахс. Балиқфуруш, нўхатиўракчи ва каллапазлар ўз нарсаларининг таъриф-тавсифини қилиб, овозлари борича бақирардилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Энди менга бир қармоқ қилиб берсанг, енгил иш-да, мен балиқфурушлик қилсам. «Нурали».

**БАЛИҚЧИ 1** Балиқ тутиш (овлаш) билан шуғулланадиган шахс. Бобом балиқчи дондор, Мўйноқда чиқарган от. А. Орипов. [У] Математик, музикачи, балиқчи бўлиш билан бирга пазандаликка ҳам катта ҳисса қўшган одам бўлган. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

**2 зоол.** Сувдаги балиқлар билан тирикчилик қилувчи, чўлдуқсимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. Кўк балиқчи. Кумуш балиқчи. Қорабош балиқчи. ■ Балиқчининг ташқи тузилиши сув-ҳаво муҳитида яшашга мослашган бўлиб, оёқлари тўрт бармоқли, олдинги уч бармоғи орасида сузгич пардалари бор. «ЎЗМЭ».

**БАЛИҚЧИЛИК 1** Балиқ овлаш билан шуғулланиш; балиқчи касби.

**2** Сув ҳавзаларида балиқ заҳирасини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан шуғулланувчи соҳа; балиқ етиштириш билан шуғулланиш. Балиқчилик хўжалиги. Балиқчилик саноати. ■ Балиқчилик табиий сув ҳавзалари балиқчилигига ва сунъий ҳовуз балиқчилигига бўлинади. «ЎЗМЭ».

**БАЛИҚЧИ-УККИ** *зоол.* Балиқлар билан озиқланувчи, япалоққушлар оиласига мансуб қуш. [Балиқчи-уккининг] Бармоқлари ва узун кафти патсиз, яланғоч, тирноқлари чангал бўлиб, сувда балиқ тутушга мосланган.. «ЎЗМЭ».

**БАЛИҚҚИЙҒИР** *зоол.* Йиртқич қушлар туркумининг қийғирсимонлар оиласига мансуб бўлган, усти тўқ қўнғир, қорин томони оқ, оёғи кулранг, тумшуги қора қуш.

Балиққийғир атрофи дарахтзор сув ҳавзаларининг қирғоқларида яшайди. «ЎЗМЭ».

**БАЛКА** [лот. balkus — хода] **1** Кўнданлангига таъсир этувчи куч (оғирлик)ларни қабул қилувчи, ёғоч, металл ёки темир-бетондан ясалган тўсин. Темир балка. Ёғоч балка.

**2** Машина ва механизмлар детали. Балка бино ва иншоотларнинг муҳим қисми, машина ва механизмларнинг детали ҳисобланади. «ЎЗМЭ».

**БАЛКАР** *этно. қ.* болқор.

**БАЛКАРЛАР** *этно. қ.* болқорлар.

**БАЛКИ** [ф. بلكى — эҳтимол; аммо] **1** боғл. Зид маъноли гапларни, гап бўлаklarини бир-бирига боғлаш, қиёслаш учун хизмат қилувчи сўз. Усодиқ қул, балки ундан баттар одам эди. Ойбек, Танланган асарлар. Ёлғиз ўзи эмас, балки бутун касиб аҳлининг аҳволи пачава эканини очиб ташлади. Ойбек, Танланган асарлар. Кучлилик — курашда йиқитишда эмас, балки ғзаби келганда, ўзини босиб олишдадир. «Фан ва турмуш».

**2** *крш. с.* Гумон, тахмин маъноларини билдиради. Балки, маҳалласидан ҳам хотинлар келгандир. С. Зуннунова, Олов. Балки, кутар мени бир қиз, кўзёшлари оқизоқ. «Шарқ юлдузи». Балки, бу қиз Она бўлур туғилажак ўғлимга. Миртемир.

**БАЛКИМ** *эск. айн.* балки. Қалби пок ишқ аҳлининг виждони, балким жонидир. Ҳабибий.

**БАЛКОН** [фр. balcon < лот. balkus — хода] **1** Кўп қаватли бинонинг кўпинча иккинчи ва ундан юқори қаватларида ички хоналарга бириктириб, унинг олд, орқа ёки ён томонлари ташқарисига, ҳовли ёки кўчага қаратиб қурилган айвонча, майдонча. Палатасига қайтаётиб, қўшниларининг эшиги ланг очиб турганини кўрди.. Балконга чиқадиган эшик ҳам очиб. М.М.Дўст, Лолазор. Ташқарида кимдир уришиб-жанжаллашаётганини эшитиб, Нусратбек балконга чиқди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**2** Театрнинг иккинчи ва ундан юқори қаватларида осма ҳолда қурилган томоша ўринлари.

**БАЛЛ** [фр. balle — соққа, шар] **1** Табиий ҳодисалар (зилзила, шторм, довул, шамол)нинг кучини ўлчаш учун қабул қилинган ўлчов бирлиги. Зилзиланинг кучи саккиз балдан ошди.

2 Ұқувчилар, талабалар, спортчилар ва ш. к. ларга бериладиган, рақам билан ифодаланадиган баҳо. - *Менга бир балл қўшадиган бўлдингиз, домла, — билетни олгач, уни доцентга кўрсатди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. - *Энг юқори баллни сизнинг қизингиз олди, — дейишиб кетма-кет Чинорий билан хотинини қутлай бошладилар.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

**БАЛЛАДА** [фр. ballade < лат. ballo — рақс тушаман] Драматик, тарихий-афсонавий, фожиавий ёхуд қаҳрамонлик мавзуларида ёзилган, муайян шаклдаги лирик, лиро-эпик шеър; шеърый жанр. *Баллада сюжетига кўпинча инсонлар ҳаётида тасодифан рўй бериб, уларнинг тақдирини ҳал этадиган ёки ҳаётида бурилиш ясай оладиган кескин воқеалар асос қилиб олинади.* «ЎЗМЭ». *Энг катта бурун ҳақида кичик баллада.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

**БАЛЛАСТ** [гол. bal — қум, last — юк] 1 Кемалар, аэроstat, локомотив ва ҳ.к.нинг ҳаракатланиш сифатини ёки учирш баландлигини ростлаш учун уларга ортिलाдиган юк.

2 *трнс.* Темир йўл шпаллари тагига қум, шағал, тош, домна тошқоли (шағали) каби материаллардан ётқизиладиган қатлам. *Балласт поезддан шпалларга тушадиган зўриқишни из кўтармасига бир меъёрда ўтказлади, шпалларнинг силжиб кетишига йўл қўймайди, поезд ғилдиракларининг рельсга юмишқоқ урилишини таъминлайди.* «ЎЗМЭ».

3 кўчма Кераксиз (ортиқча) юк; дахмаза, дардисар.

**БАЛЛАСТЕР** *тех.* Темир йўл изларини балласт устига кўтариб кўювчи, текисловчи ҳамда ифлос балластни сидириб ташлайдиган машина. *Электр балластер. Пневматик балластер.* ■ *Балластер йўл қурилиш ишларини анча енгиллаштиради, ишининг унумини оширади.* «ЎЗМЭ».

**БАЛЛИ** I [a. بَلِي — ҳа, албатта; тўғри] *унд. с.* 1 Маъқуллаш, тасдиқлаш, мақтов, таҳсин маъноларини ифодалайди. [*Жойини*] *Уша очлик йиллари солганмиз. — Балли.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. - *Балли, она қизим, — деди Меливой ака завқланиб.* С. Аҳмад, Уфқ. *Иzzатулла ака боланинг бошини чипор шапқачаси устидан силаркан: «Балли» деб кўйди.* Газетадан. *Унинг фикрини маъқуловчи овозлар эшитилди: — Балли! Отангизга раҳмат.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Чўзиб талаффуз қилинганида, норо-зилик, кесатик маъноларини ифодалайди. - *Кўчада сен билан етаклашиб юридиган хотинга балли-ей! — деди Зумрад.* С. Сиёев, Отлик аёл.

**БАЛЛИ** II [фр. balle — шар] *сфт.* 1 Муайян балл кучига эга бўлган. *Беш балли зилзила. Тўққиз балли довул.* ■ *Кундузи олти балли зилзила, иморатларнинг қисир-қисир ваҳимани кучайтирди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Рақамлар системаси билан ифодаланган. *Беш балли система.*

**БАЛЛИСТИК** *физ.* Баллистикага оид, унинг қонуниятларига асосланган. *Қитъалараро баллистик ракета.* ■ *Баллистик ракета қанотли ракетадан аэродинамик кўтариш кучи ҳосил қилувчи сиртининг йўқлиги билан фарқланади.* «ЎЗМЭ».

**БАЛЛИСТИКА** [юн. ballo — иргитаман, отаман] Ўқ, снаряд, мина, бомба, ракета ва ҳ. к. ларнинг отилган маҳалдаги ҳаракати қонуларини ўрганадиган фан. *Ички баллистика. Ташқи баллистика.* ■ *Ички ва ташқи баллистика физика-математика фанларига суянади.* «ЎЗМЭ».

**БАЛЛОН** [фр. ballon — бўш шар < итал. pallone — тўп, копток] 1 Ҳаракатланувчи транспортнинг (мотоцикл, машина, трактор ва б.) ҳаво дамланадиган резина ғилдираги. *..сеялкадан тортиб экскаваторгача, бульдозердан тортиб машина баллонгача.. унинг қўлида.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ундан нарида, томига сандал курси, машина баллони, хашак-хушак уйиб ташланган бос-тирма.* «Ёшлик».

2 Аэроstatнинг газ ўтказмайдиган қобиги.

3 Сууюқлик ёки газ сақлашга мўлжалланган шиша, металл ёки резинадан ясалган оғзи тор идиш. *Шиша баллон. Резина баллон. Газ баллони.* ■ *Касалхоналарда оксиген [кислород] ёстиғини тўлдириш учун алоҳида оксиген баллони бор.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**БАЛЛОНЛИ** Баллони бор, баллон билан таъминланган; баллонга жойлаштирилган. *Икки баллонли газ қурилмаси. Газ баллонли автомобиль.* ■ *Кейин газ киргизиб берди. Тўғри, табиий эмас, баллонли.* «Ҳарорат».

**БАЛО** I [a. بَلَو — синов; офат, мусибат, бахтсизлик] 1 Бирор воқеа-ҳодиса, ҳаракат туфайли юзага келган офат, фалокат; ташвиш. *Тақдирнинг балоси кўп, сақланса панаси*

кўп. Мақол. *Ёмон тил бошга бало келтирар, Яхши тил давлат, дунё келтирар.* Мақол. *Садақа балони ер, тавба — гуноҳни.* Мақол. **■ От бошига бало бўлди.** Файратий. *-Илоё омин, — кампир ҳам фотоҳа ўқиди, — қадам етди, бало етмасин!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

**Бало борми?** Ўринсиз иш, ҳаракат, ёқимсиз нарса ёки кимсага дуч келганда, ёқтирмаслик, норозилик (нима бор? нима қилиб юрибди?) маъносини ифодалайди. *Салтанатни қаерда кўрмай, сатанг бун ясаниб олган бўлади. Икки чаккасидаги гажакка бало борми дейман!* «Ёшлик». *Пахта терими кетаётган долзарб пайт карантинга бало борми?* «Ёшлик». *Шу аёзда чарм кастумга бало борми?* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. **Балога қолмоқ** Ёмонликка дучор бўлмоқ, даъвосига қолмоқ. *Билмасдан гапирма! Балога қоласан, қизим!* Ҳамза.

**Балойи азим** Улкан офат, мислсиз кулфат. *Монокультура деб аталмиш бу яккахоқимлик бора-бора шундай бир балойи азимга айландики..* «ЎЗМЭ». **Балойи нафс ёки нафс балоси** Очкўзлик, нафси бузуқлик орқасида бошга тушган кулфат. **Бало урмаслик** Ҳеч қандай шикаст емаслик, эсон-омон қутулиб кетиш. **Бало ўқи** Ўлим маъносини ифодалайди. *Бало ўқига нишон бўлмасдан бурун бу ишларни охирига етказишга ҳаракат қилар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. **Бир бало** Номаълум, сирли, билиб бўлмас салбий нарса ёки ҳодиса. *Олдин, бу кампирга бир бало бўлган, деб ҳайрон бўлиб юрганлар.. бу аёл бир нарсани билар экан, деб тан беришди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Бир бало борга ўхшайди ораларида.* С. Зуннунова, Олов. **Бошга бало бўлмоқ** Ортиқча ташвиш, дардисар бўлмоқ. **Нима (ёки не, қандай) бало** Таажжуб, ҳайратланиш, ҳайрон қолишни, баъзан кинояомуз сўроқни билдиради. *Нима бало, тўйни насия қилиб, келинни олиб кеволдизми? дегувчилар ҳам бўлди.* С. Зуннунова, Олов. *Нима бало, болачақаниз кўпайиб кетдими?* «Гулдаста». **Сув балоси** Тошқин, сел ва ш. к. лардан келган офат. **Тўхмат балоси** Тўхмат орқасида бошга тушган кулфат. *Содиқ қулингиз.. тўхмат балосига гирифторм бўлиб, зиндонда саргайиб ётибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ўт балоси** Ёнғин маъносини ифодалайди. *Сув балоси, ўт балосини кўрганлар бор..* «Ёшлик». **Ҳар бало**

1) турли-туман нохушлиқлар; турли салбий ҳолатлар. *Асли Юнус олган ақлу хушимни, Ҳар балога солган менинг бошимни.* «Маликаи айёр»; 2) ҳар қандай нарса. *У ҳар балони билади. Ҳеч бало Ҳеч нарса, ҳеч нима. Бобо кўзларидан қочмас ҳеч бало, Бир зумда далани чиқар айланиб.* Миртемир. **Ҳеч балода йўқ ёки ҳеч балони билмайди** Ҳеч нарсани билмайдиган, қўлидан ҳеч иш келмайдиган (одам). *Бизда ҳам серган, қуруқ маслаҳат берадиганлар жуда кўп-у, лекин [улар] амалда ҳеч балода йўқ.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**2 кўчма с.т.** Уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, ўз ишига пишиқ. *Бало қиз экан бу.* С. Аҳмад, Уфқ. *-Эшниёз ака бало! — деб давом этди Равшан Рўзи.* Ш. Холмирзаев, Ёшлик. *Сайфиддин Умаров эсингдами, математикадан бало эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**БАЛО-БАТТАР, балойи баттар с.т.** Ҳар хил майда-чуйда нарсалар, у-бу, қақир-қукур. *Кўчада ётган эски тақа, зангалаган миҳ, тугмача, шунга ўхшаш бало-баттарларга кўзи тушса, дарров олар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БАЛОГАРДОН** [бало + ф. گردان — даф қилувчи, қайтарувчи] Бало-офатлардан муҳофаза қилувчи; уларни даф қилувчи; қутқарувчи, халоскор. *Бир фалокат босиб иш пачава бўлса ҳам, шуларнинг ўзи балогардон.* Т. Малик, Қалдирғоч. *Олис қолди Чамбил кўрғон, Ҳиммат берсин балогардон.* «Нурали».

**Балогардон бўлмоқ** Бировни хатмоя қилиш учун ўзини ҳар қандай хавфу хатарга рўбарў қилмоқ. *Иғволарга балогардон бўлардинг, билсанг, Наҳот ўша савобинг ҳам бўлибди абас.* А. Орипов.

**БАЛОДАЙ**, -дек рвш. с. т. Туппа-тузук, бинойидек. *Ҳа, балодай хизматга яраб қолди.* *Ўқишни балодай билади.* **■ Муҳаббатингиз балодай кийим танлайди.** Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**БАЛОКАШ** [бало + ф. کش — тортувчи, чекувчи] Балога мубтало бўлган; дард-алам чекувчи, бахтсиз. *Худоеъ худовандо.. якка яғоналигинг, раҳим ва раҳмонлигинг ҳаққи, мендек бир балокаш гуноҳкор, ожиза бандангдан марҳаматингни дариғ тутмагайсан.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳужум этгай рақиблар бир балокаш хаста жонимга.* Ҳабибий.

**БАЛО-ОФАТ, балою офат** Турли кулфатлар, бахтсизликлар. *Бало-офатларни ен-*

гиб ўрганган халқ бу сафар ҳам жасорат кўрсатди. ■ Асрармиш у одамзодни Ҳар хил бало-офатдан. О. Ҳақимов.

**БАЛОН** қ. болон, болонья Балон плаш. ■ Хотин башанг кийинган: эғнида шому саҳар атлас кўйлак, унинг устида шафақдай балон плаш, бошида плаш рангидан қуюқроқ дурра.. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**БАЛОХЎР** [бало + ф. خور — еювчи] Бировнинг ҳақини еювчи, текинтомоқ. Сизга бир қадоқ тилла бериб, халқдан ўн қадоқ қилиб олади. Бу шунақа балохўр! «Муштум». Нафси ҳақкалак отан балохўр кассир дастидан кўпчилик дод деб келган экан, раис уларни қайтариб юборибди.. «Муштум».

**БАЛО-ҚАЗО, балойи қазо** Инсон бошига тушадиган турли офатлар, мусибатлар. Робия, инон, мен тирик бўлсам, сенга бало-қазони йўлатмасман! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бахтингиз энди кулади, сингил! Бало-қазодан қутулдингиз! Ҳ. Фулом, Машғал.

**Бало-қазодек** Кутилмаганда, тасодифан. Шу замон бир тўда йигитлари билан бало-қазодек Мардонбек пайдо бўлади. С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи. Улуғ саркарда экансиз, бизни гафлатда қолдириб, устимизга бало-қазодай бостириб келиб қолдингиз. М. Осим, Карвон йўлларига.

**БАЛОҚ** шв. айн. поча. ..у бола йигирмага киргунча шим кўрмаган, етти ёшгача мутлақо иштонсиз юрган, кейин балоқлари кенг бўз иштон кийган. М. М. Дўст, Лолазор. ..эғнидаги кийимининг бутуни йўқ, енгларини иштонининг балоқларигача рўдаподай осилиб ётибди. «Ёшлик».

**БАЛОҒАТ** [a. بلاغت — вояга етиш, бўйига етиш; етуклик] 1 Жисмоний жиҳатдан етилганлик, болиғлик. Балоғат ёши. Балоғатга етмоқ. ■ Қизиқ, балоғатга етган қиз муҳаббатни эмас, муҳаббатнинг ўзи уни излаб топади, деганлари рост экан. Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди. Назиранинг ҳарир кўйлаги баданларига ёпишиб, унинг балоғат таровати ёғилиб турган бор қоматини кўз-кўз этарди. Д. Нурий, Осмон устунни.

2 кўчма Ақлий ва маънавий жиҳатдан етуклик, камолот. Ҳозирги замон фани ва унга муносабат олимнинг дунёқараши, идеали ва маънавий балоғати билан чамбарчас боғлиқ. «Фан ва турмуш». Сапар — балоғат палласига кириб бораётган ижодкор. Газетадан.

3 кўчма Нотиклик, сўзамоллик маҳорати, санъати. Ҳамза мадрасада ўқиб юрган кезларида толиби илмларга тафсир, ҳадис, фикҳ, араб тили ва адабиёти, мантиқ, балоғат ва шунинг каби диний ҳамда дунёвий фанлардан сабоқ берадиган хатиб ва мударрис Сафохон тўрага ихлос кўйди. К. Яшин, Ҳамза.

**БАЛХ(И)** 1: балх(и) жўхори Оқ жўхорининг эртапишар бир нави. Балх(и) тут [Афғонистондаги Балх шаҳри номидан] Меваси йирик, оқ рангли ширин тут, оқ тут. Фарғоналиклар марвартак, тошкентликлар балх тути деб аташади уни. «Муштум». Шербек ҳовли ўртасидаги япасқи балхи тут тагидаги каравотга ечинмасдан чалқанча ётди. С. Анорбоев, Оқсой. Балхи гумбаз архит. Тўғри тўртбурчак хоналар устига қуриладиган пастак, ясси гумбаз. «Қирқ қиз»нинг ўзига хос.. хусусияти яна шундан иборатки, хоналарнинг устини бекитишда турли-туман конструкциялар, яъни тоқи гумбаз.. балхи кабилар қўлланган. Газетадан.

**БАЛХ(И)** 2 фольк. Оқ рангли рўмоннинг бир хили. Балхи рўмоли бошидан, кўзи тўлмасин ёшидан. «Нурали».

**БАЛЧИҚ** 1 Ёгингарчиликдан ёки сув босгандан кейин ҳосил бўладиган суюқ, ёпишқоқ лой. Гавҳар балчиққа тушгани билан қиммати ўзгармас. Мақол. Олтин балчиқда ҳам олтин. Мақол. ■ Устма-уст ёққан баҳор ёмғирлари йўлдузли балчиқ қилиб юборди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Сув ҳавзалари (ариқ, дарё, ҳовуз, кўллар) тагига чўккан лой қатлами. Билсангиз, бу ҳовузда балчиқ йўқ, Назар ота. М.М.Дўст, Лолазор. Қумрини чиқариб олиши билан Қамчининг ўзи ҳам балчиққа ботиб қолди. Ҳ. Фулом, Машғал.

3 кўчма Оғир шароит; қийинчилик. Вақти келганда, жиян, дўстлар қўлтиғингга кириб, балчиқдан тортмайдилар. Ойбек, Танланган асарлар. Мен балчиқда ётган бир аёлни ҳалоллаб олиб, савоб учун қўл чўзсам, ҳеч бўлмаганда худодан қайтар, деб ўйлагандим. К. Яшин, Ҳамза.

4 кўчма Нотўғри, номақбул турмуш тарзи; жаҳолат. Болаликнинг мусавффо дунёсидан чиқиб, балчиққа ботганлар кимлар? Кимларнинг фарзандлари? «ЎТА». Муҳиддин мингбошидан тортиб қишлоқ қозиларигача ҳафталаб шу ерда айш-ишрат балчиғига ботиб ётишмасмидилар? Ҳ. Шамс, Душман.

**Балчиққа қормоқ (ёки ботирмоқ)** Бировни ҳаддан ташқари ёмонламоқ, бировга ноҳақ тухмат қилмоқ. *Раият олдиди уламо-ларни балчиққа қориб булғаш яхшими? С. Сиёев, Аваз. Худо кўрсатмасин, бир ёмонлашга тушсак, уриб қулоғигача балчиққа ботириб юборамиз. С. Нуров, Нарвон.*

**БАЛЧИҚЛИ** Балчиқ билан қопланган. *Балчиқли кўл. Балчиқли кўча.*

**БАЛЧИҚЛИК** Бутунлай балчиқ билан қопланган, фақат балчиқдан иборат бўлган жой. *Ўрмонга балчиқликдан ўтиб борилади.*

**БАЛЧИҚЧИ(ЛАР)** зоол. Қушлар синфининг бир туркуми. *Йилқичи, қизқуш, катта қизилоёқ, лойхўрак, жиктоқ, торғоқ — балчиқчининг типик вакиллари дир. «ЎЗМЭ».*

**БАЛЬЗАМ** [юн. balsamon — хушбўй смола] Баъзи ўсимликлардан олинадиган ёки сунъий йўл билан тайёрланадиган, таркибда смола, эфир майлари бўлган куюқ хушбўй модда. *Одатда бальзам хушбўй ширага ўхшаш таъми ўткир, куюқ суюқликлардан иборат бўлиб, сувда деярли эримайди, аммо спирт, эфир, хлороформ, бензин ва бошқа органик эритувчиларда эрийди. «ЎЗМЭ».* *Ичкилик ҳам минг хил: шотланд вискисидан тортиб Риганинг бальзамигача бор. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

**БАЛЬЗАМЛАШ** Мурда ёки унинг айрим аъзоларини махсус моддалар воситасида чирмайдиган қилиш, мумийлаш. *Қадимги вақтларда бу шарбат «аждар қони» аталиб, ундан мурдаларни бальзамлашда (чиришдан сақлашда) фойдаланилар эди. Газетадан. Чиршига қарши ишлатиладиган махсус химиявий моддаларни мисрликлар мурдаларни бальзамлаш учун ишлатганлар. Газетадан.*

**БАЛЬНЕОЛОГ** Бальнеология мутахассиси ёки олими.

**БАЛЬНЕОЛОГИК** Бальнеологияга оид; бальнеология билан шуғулланадиган. *Бальнеологик реакция. Бальнеологик лаборатория. Бальнеологик курорт. ■ Чортоқ минерал ваннасини қабул қилгандан кейин қаттиқ оғриқ пайдо бўлди.. бальнеологик реакция юз берди. «Фан ва турмуш».*

**БАЛЬНЕОЛОГИЯ** [лот. balneum — ванна, ҳаммом; чўмилиш + юн. logos — билим, тушуунча] Тиббиётнинг минерал сувлар ҳамда шифобахш балчиқларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари, уларнинг организмга таъсири, шифобахшлигини ўрганадиган

бўлими. *Бальнеология институти. Бальнеология курси. ■ Боқи ака билимини ошириш ниятида Москвага бориб, врачларнинг малакасини ошириш марказий институтида махсус физиотерапия ва бальнеология курсини битирди. Газетадан.*

**БАЛЬНЕОТЕРАПИЯ** [лот. balneum + юн. therapeia — парвариш, даволаш] Беморларни минерал сув билан даволаш усули.

**БАЛЬНЕОТЕХНИКА** Санитария техникасининг бальнеология соҳасида қўлланадиган турлари. *Шифобахш балчиқни манбаидан шифохоналарга келтириш ва табиий хоссаларига путур етказмасдан иситиб бериш ва ишлатиш ҳам бальнеотехниканинг вазифасидир. «ЎЗМЭ».*

**БАЛҚ** айн. барқ. *Ярқиллайди юлдуздай икки кўзи, Ойдайн балқ урар гулдайн юзи. «Ойсулув».*

**БАЛҚИМОҚ I** Ёрқин нур сочиб жилва қилмоқ; нурга тўлмоқ, ярқирамоқ. *Дала сутдек ойдин, Нур қўйнида балқиб ётарди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Қулоч ёйди атрофлар, Уфқ балқиди. А. Мухтор, Асарлар. Кучоғида нур кўтариб балқимоқда тонг. А. Мухтор, Асарлар.*

**2** кўчма Гуллаб яшнамоқ, гул-гул яшнамоқ, равнақ топмоқ. *Саодат ойдаи балқиб, йўлакда пайдо бўлади. «Ёшлик». Гўрўғлибек Ҳасанхонга қараса, ойдаи балқиб турибди. «Гулнопарни». Шодлик билан тўлсин тўртала уфқ, Кулги билан балқсин бу қадим жаҳон. А. Орипов.*

**3** Барқ уриб кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Комилжоннинг сингиси Шоҳида чўзинчоқ юзли, кўзларидан самимият балқиб турадиган ўн саккиз ёшлардаги сўзамол қиз эди. Д. Нурий, Осмон устунни. Султон қувонч порлаган, муҳр балқиган кўзлари билан Гулчеҳрани кузатар, илиқ боқарди. М. Хайруллаев, Ҳикоялар.*

**4** кўчма Рўёбга чиқмоқ, амалга ошмоқ, намоён бўлмоқ. *-Йўқ, отажон! — деди Шермат, — тинчликни, ҳурриятни, ҳақиқат офтобининг балқиб чиққанини сиз ҳам кўрасиз! Ойбек, Улуғ йўл. Эй замин, бўшашима, دادил бўл, балқи. Газетадан. Осмон деган нимаю қуёш деган нимадир? Барчасидан устунсан, ўзинг яша, ўзинг балқ!* Ф. Фулом.

**5** кўчма Ўзига мафтун, ром қилмоқ; бўшаштириб юбормоқ. *Ойдайн барқ урар анинг жамоли, Одамни балқитар тегса*



шамоли, Бойсарининг шундай қизи бор экан. «Алпомиш».

**БАЛҚИМОҚ II** Юмшоқ, майин ҳолагга келмоқ; бўшашмоқ, кўпчимоқ. Ҳовли хамирдай балқиган, ундан енгил буғ кўтарилади. Ойбек, Танланган асарлар. Баданлари мумдайин балқиб кетди. «Ойсулув». ..ерлар кўрғошиндай балқиб кетган. «Юсуф ва Аҳмад».

**БАЛҚИТМОҚ I** Балқимоқ I 5 фл. орт. н. Ўн тўрт ёшда ҳозир унинг камоли, Одамни балқитар унинг жамоли. «Муродхон».

**2** кўча Тўлдирмоқ, янгротмоқ. Улоқ маърар кўп дарани балқитиб. Миртемир, Асарлар.

**3** Балқимоқ II фл. орт.н. Тонг уйқуси Ҳасанжонни(нг) Бадангинасин балқитди. «Гулнорпари».

**БАЛҒАМ** [a. بلغم — шилимшиқ, шиллик, балғам] Нафас аъзоларининг шиллик пардасидан ажралиб чиқадиган шилликли ёки йирингли чиқинди. Йўталгандан кейин нафас йўлларида ташқарига чиқазиб ташланадиган нарсага балғам дейилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. ..инсон аъзоларида тўрт хил суюқлик бўлиб, булар қон, сафро, балғам ва савдодан иборат. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Баҳор келиб, унинг касали хуруж қилган, дам-бадам балғам тупуриб, юк орқалаган ҳаммолдай энтикарди. С. Сиёев, Аваз.

**БАЛҒАМИ** Оч-яшил ва кўкиш оралигидаги ранг. Уйга меҳмон келганда, мезбон чойга уннайди. Балғами пиёлани қўлга оларкансиз, кўзингиз беихтиёр унинг нафис гулларига тушади. «Гулистон». Миркомилбойга хушомад қилиб, балғами пиёлада кўк чой тутуди. К. Яшин, Ҳамза.

**БАМАЗА** [ба.. + маза] фольк. Маъноли, мазмунли; ёқимли. Келганлар тоза одамлар, ҳар бир гапи бамазалар, кийганлари тозалар. «Юсуф ва Аҳмад».

**БАМАЙЛИХОТИР** [ба.. + a. ميل خاطر — қалб, хоҳиш майли билан] рвш. Шошилмасдан, хотиржам ҳолда; бемалол. ■ Марат бамайлихотир Бекжоннинг қўлини нари итарди. «Ёшлик». Бир соатча вақт ўтгач, эшикдан бамайлихотир кириб келган Қудратжон кампир бувининг фиғон бўлиб ўтирганини кўрди. Мирмуҳсин, Умид. Акбаров кўнгилсиз аҳволи сезмагандай, бамайлихотир гапирарди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**БАМАЙЛИХОТИРЛИК** Ўзига ишонганлик, хотиржамлик. У биров билан суҳбатлашаётганида, юзида бамайлихотирлик аломати шундоққина сезилиб турарди. Н. Ҳайиткулов, Ер тафти.

**БАМАСЛАҲАТ** [ба.. + маслаҳат] рвш. Ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб. У ҳамма ишни халқ билан бамаслаҳат қилади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Кундошларининг ҳам хабари бор. Ҳаммаси бамаслаҳат дори берган-да. Ҳамза, Танланган асарлар.

**БАМАЪНИ** [ба.. + маъни] I Ақл-идрок билан, пухта ўйлаб айтилган, маъноли; ахлоқ-одобли. Юрагида кири йўқ, гаплари бамаъни, ўзини кўрган кишининг кўзи қувнайди, шўхлиги, қўйинг-чи, барча қилиқлари ўзига ярашади. К. Яшин, Ҳамза. Кўнчилик хонадонлар каби Йигиталинигида ҳам осойишталик ҳукм сурар, бу икки ёш ўзларининг бамаъни ўтиришлари билан қўйилиб қолган нафақадор чол-кампирларни эслатишарди. Д. Нурий, Осмон устунли.

**2** Пухта, ўйлаб иш қиладиган, ўзини тутиб олган. Кўримсизгина бўлса ҳам, анча эсли, бамаъни, ҳунарига жуда берилган қиз экан. А. Мухтор, Чинор. Менга бу ҳокимларинг маъқул келди. Очқ, бамаъни одам экан. К. Яшин, Ҳамза.

**БАМАЪНИЛИК** Маънодорлик, мантиқчилик, ўзини тутиб олганлик, ақл-идроклилик. Жавобнинг бамаънилиги. ■ Айни вақтда унинг бамаънилиги, ўзига ярашган салобати, фозила аёлларга хос гапларининг маънодорлиги Хайри опани лол қолдирди. Д. Нурий, Осмон устунли.

**БАМБУК** [малайяча bambu — дарахтсимон ўсимлик] Тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган, танаси қамишга ўхшаш, ичи қавак, бўйи баланд ўсимлик. Бамбук ҳасса. Бамбук чайла. ■ Бамбук халқ хўжалигида уй, кўприк қуришида, дурадгорликда ишлатилади, толасидан қоғоз тайёрланади. «ЎЗМЭ».

**БАМБУКАЙИҚ** зоол. Думи жуда қисқа, мўйнаси асосан оқ, кўз атрофи, оёқлари ва елкаси қора айиқ; панда. Бамбукайиқнинг.. тишлари йирик ва тўмтоқ бўлиб, ўсимликлар, бамбук билан овқатланишга мослашган. «ЎЗМЭ».

**БАМБУКЗОР** Бамбук дарахтлари ўсиб ётган майдон. Колхоз даласини айланиб юрганимизда, худди бамбукзорни эслатадиган

экин майдонларига кўзимиз тушиб қолди. Газетадан. *Баъзи жойлар кетганча бамбукзор ва бананзор. «Ўқувчилар китоби».*

**БАМИСЛИ** [ба.. + мисли] эск. айн. **бамисоли**. *Агар мазкур шеър бамисли бир қуш бўлса, бу байт унинг тожи-ку, мавлоно! С. Сиёев, Аваз. Қиз эмас, бамисли олов! О. Ёқубов, Излайман.*

**БАМИСОЛИ** [ба.. + мисоли] Худди, гўё (гўёки), каби, янглиғ; ўхшатиш, қиёс маъносини ифодалайди. *Билим яхши нарса, қизим. Бамисоли чироқ: йўлингни ёритади. Ҳ. Фулом, Феруза. Ақл ва маданият, ҳақ ва адолат бамисоли офтоб: уни тўсиш ва йўқотиш мумкин эмас. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

**БАНАН** [исп. banana, banana < а. بنان — бармоқ] бот. Меваси узунчоқ йирик, ейишли, банансимонлар оиласига мансуб бўлган кўп йиллик тропик ўсимлик ва унинг меваси. *Дўстлар бир оз сўлган бананларнинг олтинсимон пўстларини арчиб, нон билан ея бошладилар. Ойбек, Нур қидириб. Салқин нам шамол тепалардаги кактус дарахтларининг сертикан шохларини секин чайқайди, пальмалар бўйнига осилган шода-шода бананларни билинар-билинмас тебратади. И. Раҳим, Тақдир.*

**БАНАНЗОР** Банан ўсиб ётган майдон. *Баъзи жойлар кетганча бамбукзор ва бананзор. «Ўқувчилар китоби».*

**БАНАНХҲҶР(ЛАР)** зоол. Катталиги қаргадек, патлари ранг-баранг кўринишли, каккусимонлар оиласига мансуб қуш. *Бананхўрлар кўп вақтини дарахт шохларида ўтказади, кўпинча дарахт шохларига уя кўяди. «ЎЗМЭ».*

**БАНГ** [ҳинд. बङ्ग — ҳинд нашаси, канопи] 1 айн. *наша* 2. *Ўтириб шу замон бангни ийлади, Катта сархонага буни жоилади. «Интизор». Шароб билан банг қор қилиб, бошини айлантирди. «Бир соатлик халифа».*

2 *Мастлик; кайф. Шайхлар борки, банг хаёлотини элга каромат деб сотадилар, жоҳиллар борки, китоб қўлатиқлаб, олимлик даъво қиладилар. Ойбек, Навоий.*

3 айн. **банги**. *Охири Абдурахмон.. бобойи банглар орасидан ўзига замин топди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**БАНГИ** [ф. بنگي — банг, наша чекувчи; наркоман] 1 *Наша чекишга одатланган шахс; нашаванд. Мулла паловга ўч, банги — оловга. Мақол. ■ Оқсоч ҳам, отбоқар ҳам*

*аллақачон донг қотиб ухлаб ётишибди. Бири кар, бири банги. К. Яшин, Ҳамза. Ана, банги тўра юмшоқ курсида, афюннинг кайфини суриб, кўзлари сузилиб ўтирибди. С. Сиёев, Аваз.*

2 *кўчма фольк. Наша. Шерободда мен кўрдим Банги чеккан бангини. «Нурали».*

3 *Умуман наша, кўкнори, қорадори ва ш. к. га ўрганган, гиёҳванд шахс, шунингдек, унинг лақаби. Мирвали бангининг кўмагида аравадан замбилгалтакни тушириб оладилар. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.*

**БАНГИДЕВОНА** I [банги + девона] бот. Итузумдошлар синфига мансуб бир йиллик заҳарли ўсимлик. *Бангидевона, ёввойи наша, кампирчопон, ҳатто кучала билан исриқнинг ортиқчаси ҳам ёш вужудни заҳарлаб қўйиши ҳеч гапмас. Газетадан.*

**БАНГИДЕВОНА** II *кам қўлл. Бангилик касалига дучор бўлган шахс, наркоман, нашаванд. Исфандиёр Мадрайимхон эмас, бу бангидевонадан ҳар нарса кутса бўлади. С. Сиёев, Аваз.*

**БАНГИБАШАРА** [банги + башара] Кўриниши бангиларга ўхшаш, бангисифат. *Алқисса, бақ-бақалоқ Мулла Мамасолиҳ бин Мулла Мадкарим Махдум билан новча бўйли, бангибашара худҳуд сўфи хонақоҳда ўтиришиб, бир соат чамаси мудрашдилар. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.*

**БАНГИЛИК** Гиёҳвандликнинг бир тури; нашавандликка бутунлай берилиб кетишлик. *Турангизнинг бангилиги махфий эмасдир, уни барча беш қўлдай билур. С. Сиёев, Ёруғлик. Бангилик тўғрисида аниқ статистика маълумоти йўқ. Газетадан.*

**БАНГИНАМО** [банги + ф. نما — кўринувчи] Хатти-ҳаракати, ҳолати бангига ўхшаган; бангитабиат. [Қоровул] *Узун мўйловли, кўзлари ола-була бангинамо киши эди. Ойбек, Болалик. Сочим ўсиб бангинамо, Ҳув деб борарман борҳо.. «Тоҳир ва Зуҳра».*

**БАНГИНУСХА** [банги + нусха] Ташқи кўриниши бангиларга ўхшаш; бангинамо. *—Эй тақсир, хато қилибсиз, тушунинг, бу — мажлис! — деди чил томирдай қотма, новча, катта кўзли, бангинусха, лекин кийингантовланган бир шахс. Ойбек, Нур қидириб.*

**БАНГИХОНА** [банги + хона] эск. *Наша чекувчилар тўпланишиб, нашавандлик қиладиган жой, хонадон; бангилар уйи. —Бангихонани билмайсанми, рўдапо? — деб сўради*

у. Бола калласини тебратди — билар экан. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БАНД I** [ф. بندن < بستن — «боғламоқ», «тўсмоқ», «беркитмоқ» фл. ҳоз. з. ўзаги] **1** Нарса, қурол-асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; соп, тутқич; даста. Чойнакнинг банди. Челақнинг банди. ■ Ойим қиймалағич бандини айлантирар экан, менга қарамай сўради.. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Рашид икки қулча нон орасига олинган кабобнинг сихи бандини Муҳаррамга тўғрилади. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**2** Бир нарсанинг бошқа бирор нарсага суқиб, қистириб қўйиладиган, уланадиган қисми. Бўйнида тугма банди Бир ёққа силкилайди. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Бойқаронинг қалпоғига қадалган жиғанинг олтин банди эрталабки кўёшда.. ёнарди. Ойбек, Навоий.

**3** Бўғим (бўғин). Занжирнинг бандлари. Банди-бандидан ажралмоқ. ■ Ҳар сўнакнинг бандида юз минг гиреҳ.. Ҳ. Хоразмий, Гулшанул-асрор.

**4** Дарахтлар (олма, нок, гилос, узум ва ш. к.), полиз экинлари (қовун, тарвуз, бодринг, помидор ва бошқа ўсимликлар) мевасининг дарахт новдасига ёки палакка бирикадиган ингичка қисми. Гилос банди. Узум банди. ■ Ушанда отнинг калласидай келадиган чим тўрлама шакарпалакни бандидан ушлаб, тортиб юборсам, қарс ёрилиб кетса бўладими! С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. -Иккинчи олманинг узун банди бор эди, — деди комбат. — Шу бандидан ушлаб кўрмоқчи эдим, узилди-ю, олманинг қавати-га қистирилган қоғознинг учи кўринди. О. Ёқубов, Излайман. Изгин шамол эсиб турган, сап-сариқ барғлар бандидан «чиртичирт» узилиб, йўлқаларни қоплаб ётган кеч куз кунларидан бирида у урушга жўнади. Газетадан.

**БАНД II** [ф. بندن — боб, қисм, модда] **1** Расмий ҳужжатлар (қарор, баённома, қонун, шартнома ва ш. к.)нинг рақам ёки ҳарф билан бўлиб кўрсатиладиган кичик бир қисми; модда, параграф. Қарорнинг бешинчи банди. ■ Муассасаларнинг вакиллари қарорнинг биринчи моддаси «а», «б», «д» бандларида кўрсатилган масалалар юзасидан.. норозилик билдиришлари мумкин. Газетадан.

**2** Қофия, ритм ва мазмун жиҳатдан ўзоро боғланган шеърий парча; манзума. Умумий

қофия тартиби билан боғланган шеърий мисраларнинг йиғиндисига банд дейилади. «Ватан адабиёти». Муродига етиб шеърий банд, таскин топди кўнғил каптари. Т. Тўла.

**3** Ашула ёки мусиқа асарининг маълум бир қисми. Собир ашуланинг бир бандини айтиши билан Солижон унга жўр бўлди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Қори Ёқубов кўшиқ бандларини алоҳида урғу билан куйларди. К. Яшин, Ҳамза.

**БАНД III** [ф. بندن — боғлам; тўсиқ; қамоқ] **1** Ип, арқон ва шу кабиларнинг боғланган, тугунланган жойи. Ипнинг банди. Бандни бўшатмоқ. Бандни ечмоқ. ■ Нозик дилин огритма, қахр айлама, панд айла, Гар боғлар эсанг илгин, сочим била банд айла. Ҳабибий.

**2** Тўсиқ, тўғон, ғов. Сув келмай, банд ташлама. Мақол. ■ Кейинчалик бошига банд солинди-ю, сув чекинди. «Ёшлик». Гоҳо сой сувини банд қилиб, болалари билан балиқ ҳам тутади. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**3** кўчма Тутқунлик, асирлик ҳолати; қамоқ. Улар бу банддан халос бўлганини Аваз билиб, димоғи чоғ бўлди. «Маликаи айёр». Тубсиз зулумотда банд бўлган шуур, Бир-бирин қалбидан ахтарди зиё. А. Орипов. Озод бўлсин кишидан, банддан Олтин сочли, қоши қийиқлар. Ҳ. Олимжон.

**БАНД IV** [ф. بندن — тўсилган, беркитилган] **1** Эгалланган, ишғол қилинган, бўш эмас. Уй одамлар билан банд. Телефон ҳозир банд. ■ У ўтирган ўқув залида ҳамма ўринлар банд. П. Қодиров, Уч илдиш. Купега кирганимда, пастки қаватнинг иккаласи ҳам банд эди. С. Аҳмад, Сайланма.

**2** Бирор иш, фаолият билан ўта машғул, қўли бўш эмас; вақти йўқ. Мен ҳозир иш билан бандман. ■ Гулбаҳор эркакларга дастурхон тузаш билан банд, елиб-югурарди. Й. Шамшаров, Тошқин. Балкон ўртасидаги стол атрофида икки хотин ўтириб, чучвара тугиш билан банд. «Ёшлик». Султонов банд экан, кутиб қолди. «Ёшлик».

**Банд бўлмоқ** **1**) бирор нарса билан ишғол (тўла, эгалланган) бўлмоқ. Яхши жойлар банд бўлиб қолибди. ■ Ҳеч нарсани олдин олиб қўйиш керак эмас, чунки пул бекор банд бўлиб қолади. А. Қаҳҳор, Сароб; **2**) бирор иш, ҳаракат билан машғул, овора бўлмоқ. Фуломжон кузгача мактаб тайёргарлиги билан банд бўлди. М. Исмоилий. Фарғона т.о.; **3**) кўчма мафтун бўлмоқ, асир бўлмоқ,

берилмоқ. *Бир зум гўзалликнинг хузурида жим Самовий ҳисларга бўлиб қолдим банд.* А. Орипов. **Банд қилмоқ** (ёки **этмоқ**) 1) жойни расмий ёки норасмий (сўроқсиз) олдиндан эгалламоқ. *Аллақачон кириб улгурган йигитлар, қизлар гувлашиб, саҳнага яқинроқ стулларни банд қилишмоқда эди.* Н. Қиличев, Чигирик; 2) мафтун қилмоқ, қамраб, эгаллаб олмақ; ўзига тортмоқ. *Банд этган дилимни гўзал туйғулар.. «Ёш куч».* Унинг бутун ўйларини Лола банд қилган эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. **Қўлим банд** 1) қўлимда нарса бор; 2) қўлимда иш бор, иш билан машғулман.

**БАНДА** I [ф. بندە — қул, итоаткор; камина] 1 дин. Оллоҳ яратган, тақдири унинг қўлида бўлган киши; Оллоҳнинг қули. *Худонинг бандаси.* ■ *Тангри ўз бандалари орасида ғайратлисини ёқтиради.* «Ҳадис». *Тангрининг биродар бандалари бўлинглар, ўрталарингда ҳасад, адоват, аразлаш бўлмасин.* «Ҳадис». *Бандаси Оллоҳнинг иродасидан чиқа олмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 с.т. Умуман одам, киши. *Яхшиликка ўрганган бир банда осонлик билан ўз яхшилигини қўймайдир.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ҳеч вақт ҳукмдорлар хузурига бош эгиб борган банда эмасмен.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Агар банда сидқидил билан худодан сўраса, томчи ўрнига дарё бағишлайди.* Ойбек, Нур қидириб.

3 Кимгадир, бирор кишига қарам киши; фуқаро.

**Бандангиз** ёки **бандалари** эск. Мактубларда ёки бирор кишига мурожаатда ўзини камтар олиш, мурожаат қилинаётган шахсга ҳурмат билдириш шакли; камина. -*Амирим, — деди мўйсафид соқолини тутамлаб, — бу хокисор бандангизнинг бир қошиқ қонидан кечинг.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Доно тадбирни ўртага солдингиз, пирым.* *Бандангизнинг фикрича, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзони қонуний подшоҳ атаб, муборак номларини хутбага қўшиб ўқитмоқ керак!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 кўчма Бирор нарсага бутун вужуди билан берилган кимса. *Нафс бандаси.* Пул бандалари. *Жиғилдон бандаси.* «Ғилоф бандаси». ■ -*Нафс бандаси.. Биров ишдан келса, сиз ошдан теласиз, — деди Мели фовон жаҳли чиқиб..* П. Терусун, Ўқитувчи. *Фабрикага ин қурган бир ҳовуч «пул бандалари» ана шу шиор*

*остида ишлаганлар.* Газетадан. *Лекин бир кун эмас, бир кун жиғилдон бандаси Абдуллаев билан чўталчи Мўминовларнинг чув тушиши турган гап.* «Муштум». -*Сизнинг назарингизда, ҳамма хотинлар латта-путта бандалари, шундайми, — деди Кумуш Камолиддинга.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *Озодлик маъноси бу эмас, ёлғон! Доллар бандасининг сохта сўзидир.* Р. Бобожон, Шеърлар.

5 кўчма Ошиқ, мафтун, шайдо бўлган киши ҳақида. *Қизнинг чўлпон кўзи юракларга ўт ёқаркан, қора кўнғир сочи тақимига уриб.. турганини кўрган ҳар бир йигит унга банда бўлар экан.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлида. *Уч йил бўлди, мунтазирман ўзингга, Жоним банда ярқиллаган кўзингга.* Пўлкан, Ҳасан батрак.

**Хом сут эмган банда** қ. эммоқ.

**БАНДА** II [итал. banda — тўплам, тўда] Опера ва симфоник оркестрға кўшимча чолғу ансамбли сифатида киритилувчи пуфлама мис созлар оркестри. *Банда ижро вақтида саҳна орқасига жойлашади.* «ЎзМЭ».

**БАНДА** III [итал. banda — тўда] Босқинчилик, ўғрилиқ, зўравонлик, қотиллик билан шуғулланувчи қуроолланган тўда. *Гитлер бандалари.. бостириб кирганларида, Нарзи мактабда ўқир эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БАНДАЖ** [фр. bandage — белбоғ, боғич] 1 Ҳомиладорлик ва ундан кейинги даврда, операциядан олдин ёки кейин тананинг тегишли (касал) жойини нормал ҳолатда тутиб туриш учун танғиб боғланадиган (кийиладиган) махсус камар, белбоғ. *Бандаж врач назорати остида танланади.* «ЎзМЭ».

2 тех. Машина деталлари ёки конструкцияларнинг пухталиги ва чидамлилигини ошириш мақсадида уларга кийгизиладиган металл ҳалқа.

**БАНДАК** I [ф. بندک — кичкина банд] этн. Паранжининг елкадан ён томонга осилтириб тикилган иккита енгсимон қисми, сохта енг. *Кўёйдан ва чангдан оқариб кетган, бандагига катта ямоқ тушган паранжиси бу иссиқ ҳавода уни ниҳоятда қийнаб қўйгани билиниб турарди.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Бир кун танноз.. паранжи ёпиниб, олдимдан ўтиб қолди.. бандаги лой ҳам бўлибди.* «Муштум».

**БАНДАК** II Лойдан ясалган хом идишларни дулоллар чархида текислаш ва сил-

ликлаш учун ишлатиладиган чарм, латга ёки кигиз.

**БАНДАЛИК I** *дин.* Банданинг оллох олдидаги қарзи; қисмати; ўлим, қазо қилиш. *қ. банда I.*

**Бандалик қилмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ ёки топширмоқ.** Вафот этмоқ, қазо қилмоқ, ўлмоқ. *..Баҳромбекни зўрга ташқарига олиб чиқди, фотиҳа қилиб, бандаликни бажо келтирган мусофирнинг юзига оқ дока ёнди. «Ёшлик». Доно момо бандалик қилди. Жанозага бордим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Содиқ чўпон бандаликни топширди.. «Ёшлик». Бандалик ёки бандалик-да* Вафот этган кишининг яқинларига таъзия изҳор қилишда айтиладиган сўз; «афсус, вафот қилибди» маъносида. *-Бандалик, ўғлим, отангдан ажралдик, — деб бағрига босди. «Ёшлик». -Бандалик экан, ая! — нотаниш йигит маъюслина гапирди. С. Кароматов, Олтин кум. Машинага яқинлашаётганда, шофер йигит туриб келиб, тирсақларидан ушлади: -Бандалик, Раҳимжон ака! Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.*

**2** Шахснинг бирор муносабат билан қарамлилик, тобелик ҳолати. *Асарнинг охирида қотилни полиция қамоққа олади ва бир муаллим чиқиб, чор ҳукуматига қуллуқ ва бандалик мадҳиясини ўқийди. Ҳамза.*

**БАНДАР I** [ф. بندر — тижорат жойи] *кам қўл.* Кема, савдо кемаси. *Қайдадир, кўк замин билан туташган жойда, Соҳилларга лангар ташлар яна бир бандар. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари.*

**БАНДАР II** *айн. бандаргоҳ 2.*

**БАНДАР III** Иссиқ мамлакатларда ўсадиган хушбўй, мевали дарахт (манго).

**БАНДАРГОҲ** [ф. بندرگاه — кема тўхтайдиган жой] *эск. I* Чўл, дашт ёки тоғли ерларда йўллар кесишган, савдогарлар, умуман кишилар қўниб ўтадиган, савдо қиладиган гавжум жой; карвонсарой. *Олти ойлик йўлда бир бандаргоҳ бор эди. Келган савдогарлар.. қўнмай ўтмас эди. «Ойсулув».*

**2** Дарё ва денгиз қирғоқларида кемалар тўпланадиган, тўхтаб ўтадиган порт ва унга кириш-чиқиш йўллари. *Од қиз билан хайрлашиб, бандаргоҳда турган кема палубасига кўтарилди. «Ёшлик». Минг қатла шукрки.. она юртимизга қайтдим, қайтдим-у бандаргоҳга тушиб, тупроғини ўндим. М.М.Дўст, Лолазор.*

**БАНДАХОНА** [ф. بندگانخانه] *кам қўл.* Фақир, хоксорларнинг уйи, хонадони. *Наввой дарҳол ўзини тутиб олиб, шаҳаншоҳ эски дўстларини эслаб, бандахонага ташриф буюрганларидан боши осмонга етганини изҳор этди. М. Осим, Карвон йўлларида.*

**БАНДАЧИЛИК** *айн. бандалик I.* -Бандачилик, кўп ташвишлар тушибди бошингизга. -Нима қиламиз, ҳар банданинг бошида бор бу савдо. С. Нуров, Нарвон.

**БАНДЕРОЛЬ** [фр. bande — тасма + role — ўрам] **1** Қоғозга ўраб, почта орқали жўнатиладиган корреспонденция тури (босма нашрлар: китоб, журнал, газета, қўлёзма, кичикроқ буюм ва б.). *Бандероль жўнатмоқ. Бандероли очмоқ.*

**2** Мол (товар) учун акциз ва бож тўланганидан далолат берадиган, мол устига ёпиштириб қўйиладиган тасмасимон қоғоз.

**БАНДИ** [ф. بندی — маҳбус, асир] *эск. I* Асир тушган одам, тутқун, асир. *Банди бўлмоқ. ■ Сарбозлар ўн чоғли кишини банди қилиб, Хивага ҳайдаб кетдилар. С. Сиёев, Аваз. Холхўжа бандиларнинг қўлини ечишни буюриб, кўрпачадан жой кўрсатди. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**2** Зиндонга ташланган, қамоққа олинган одам. *Тўрт бандини зиндондан олиб келдилар. С. Айний, Ёсдаликлар. Жўра шу Бекнинг сассиқ қамоқхонасида бир ярим ой банди бўлиб ётганида, ўша Назар жаллод ҳар куни икки маҳал Жўрани қамчилатар.. эди. Ҳ. Шамс, Душман.*

**3** кўчма Бирор нарсага, ҳолатга берилиб кетган, бирор кимса ёки нарсага боғланиб қолган; мафтун. *У хаёлларида банди бўлиб, дам газабланиб, дам ўзига-ўзи тасалли бериб борарди. «Ёшлик». Кўзи ўтган-кетганларда, хаёли эса турли ўйлар тўфонига банди бўлган. «Ёшлик». Одам борки, киндик қони томанган ерга банди у. «Ёшлик». У ҳануз бу қадар бекорчиликка банди бўлмаган эди. Т. Малик, Қалдирғоч.*

**4** кўчма Кишанланган, занжирбанд. *Болам Аваз, эшит менинг ҳасратим, қул-оёғим банди, кимга айтайин дардим. «Маликаи айёр».*

**БАНДИБАСТ** [ф. بندوباست — тил бириктириш, яширин битим; кишан солиш] Кимсаннинг бахту иқболини, омадини тўсиш, унинг йўлини боғлаш мақсадида турли хил ип, ипак ёки матолан сеҳру жоду

ёрдамида тайёрланган банд, тугун. *Парича уларга дам солади, ранго-ранг ипдан бандибаст қилиб беради.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**БАНДИБОН** [ф. *бандиован* – зиндончи] эск. Зиндон кўриқчиси, турма назоратчиси. *Икки бандибон тагдаги зиндондан икки бандини.. чиқариб, хоннинг ясовуларига топширди.* «Эрали ва Шерали». *Бир неча соат ўтгандан кейин, обхона эшиги очилиб, бандион йигитчани озодлик билан табрик қилди.* С. Айний, Дохунда.

**БАНДИЗИНДОН** [ф. *бандизиндон* – зиндонга солинган, зиндон тутқуни] Зиндонда тутқунликда ётган; зиндонга ташланган шахс. *Подшоҳи Хунхор Абдуллога қараб айтди: -Бу давлатлар бунга [Авазга] писанд бўлмади, буни тутиб, бандизиндон қилинглар.* «Бўтакўз». *Аваз ўлса, сени хундор тутарман, Кўзинг ўйиб, бандизиндон этарман.* «Нурали».

**БАНДИЛИК** Тутқунлик, асирлик ҳолати; тутқун бўлишлик. *Борсанг, салом дегин султон бобомга, Бандилигим билдир гамхўр отамга.* «Нурали». *Келиб сени бандиликдан бўшатди..* «Ойсулув».

**БАНДИСИФАТ** [банди + сифат] *рви.* Тутқунга, асирга ўхшаш; бандилик ҳолатига тушган. *Олти ой олдин Аваз бу ҳашаматли боғни ўз ихтиёри ила тарк этган эди. Мана энди зуғум билан, бандисифат, кўллари орқасига қайрилиб, қайтиб келди.* С. Сиёев, Аваз.

**БАНДИТ** [итал. *bandito* – қувгун; қароқчи] Босқинчилик, ўғрилик, каллақесарлик билан шуғулланувчи қуролланган шахс. *Бандитлар шайқаси.* ■ *Улар (милиция) қуролланган бандитлар, пихини ёрган жиноятчиларга қарши курашиши керак.* «Фан ва турмуш». *Зайнаббиди бандитлар билан мислисиз олишувда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлади.* «Гулистон».

**БАНДИТИЗМ** Қуролланиб, якка ёки гуруҳ бўлиб босқинчилик ва зўравонлик билан шуғулланиш, бандитлик. *Озодликдан маҳрум қилиш муҳлатини.. камайтириш.. алоҳида хавфли жиноятлар, бандитизм ва босқинчилик учун татбиқ қилинмайди.* Газетадан.

**БАНДИТЛИК** *айн.* бандитизм.

**БАНДИХОНА** [банди + хона] Асирлар, тутқунлар сақланадиган, қамаб қўйиладиган жой; зиндон, қамоқхона. *Раис навкарларга: -Ушланглар, бандихонага олиб кетинглар! -дебди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**БАНДЛИ I** Ушлашга мўлжалланган дастаси, банди, тутқичи бор. *Хотин ўртага бандли, гулдор хумчада вино билан икки стакан олиб келиб қўйди, балиқни кесиб тозалади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Эшон ая ичкарига ўрин солиб, обрез олдиға обдас-тада таҳорат суви қўйиб, кумуш бандли ўнинчи чироқни кўтарганича, меҳмонхонага чиқди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ўрта асрларда бандли кум соатлар урф эди.* «Фан ва турмуш».

**2** Бирдан ортиқ банд, бўлим, параграфдан иборат бўлган. *Беш бандли қарор. Саккиз бандли шеър.*

**БАНДЛИК I** Бирор нарса учун тутқич, даста қилишга мўлжалланган материал, хомашё.

**БАНДЛИК II** *айн.* бандли **1.** Ёзган дастурхонини кўрсанг, зар ўралган попуқларни [конфетни] бандлик катта ликобларда қўйибди. «Муштурм».

**БАНДЛИК III** Бирор нарса билан банд эканлик, бўш эмаслик.

**Бандлик хизмати** Мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга оширувчи ва фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаб берувчи давлат хизмати.

**БАНИБАШАР** [а. *бани* – ўғил, фарзанд + *башар* – киши, инсон] эск. *кт.* Одам боласи, одамзод; одамлар.

**БАНИНСОН** [а. бани + инсон] эск. *кт. айн.* банибашар.

**БАНИОДАМ** [а. бани + одам] эск. *кт. айн.* банибашар. *Баниодам учун нажот ахтариб, жон берган шахидлар руҳига қасам.* А. Орипов.

**БАНК I** [фр. *banque* < итал. *banco* – сарроф пештахтаси, курсиси] Вақтинча бўш пул маблағларини тўплаш, корхоналарга кредит (қарз) бериш, нақд пулсиз ҳисобкитоб қилиш, кредит маблағларини муомалага чиқариш ва ш. к. билан шуғулланувчи кредит-молия муассасаси. *Давлат банки. Миллий банк. Халқ банки. Банк муомалалари.* ■ *Омонат банки таъсис этилиши билан барча мураккаблик ва ноқулайликлар барҳам топади.* Газетадан.

**БАНК II** Қиморда, карта ўйинида: ўртага қўйилган, тикилган пул; ган.

**БАНКА I** *с.т.* эск. *айн.* банк **I.** Бахтима бўлганда отам, ҳам онам, Банканинг пуллари киссамда менинг. «Кўшиқлар».

**БАНКА** II [р. баня – идиш] I Шиша, тунука ёки пластмассадан ясалган, одатда цилиндрик шаклга эга бўлган идиш. *Шиша банка. Темир банка. Консерва банкаси.* ■ *Шу лаҳзада қўлида бир шиша банка қатиқ, югурганича кампир буви кириб келди. Мирмуҳсин, Умид. Чўнтагидан апил-тапил бояги пулни чиқарди, эшикка бир қараб олгач, банкага жойлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 тиб. Киши танасининг касал жойига қўйиладиган оғзи тор, чети қалин ва силлик, ноқсимон стаканча. *Тиббиёт банкалари. Банка қўймоқ.*

**БАНКАБРОШ** [фр. *banca broches* – тўқув, йигирув дастгоҳи] тўқм. эск. Хом ип тайёрлайдиган машина. *Бу залга ўқиш-ўрганиш учун.. банкаброш ва тўқув станогини ўрнатилиши керак.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БАНКЕТ** [фр. *banquet* – катта зиёфат; ўтириш] Бирор киши шарафига ёки бирор воқеа муносабати билан бериладиган тантанали, расмий зиёфат; ўтириш. *Банкет бермоқ. Банкет зали.* ■ *Табриклардан кейин илмий совет секретари – узун бўйли, хушчирой бир аёл барча олимларни банкетга таклиф этди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БАНКИР** [фр. *banquier* – ўриндик; банк эгаси] Банк эгаси ёки банкнинг йирик акциядори; банк ходими. *Укўз қисди. Банкир шимининг орқа чўнтагидан кармонини олиб, қатидан бир неча фунт санаб, меҳмонга узатди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**БАНКНОТ** [ингл. *bank-note* – банк белгиси] Марказий эмиссия банклари чиқарадиган, муайян моддий қийматга эга бўлган қоғоз пул.

**БАНКОМАТ** [банк + (авто)мат] Муайян банкка қарашли автоматик қурилма; банкнинг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда (кўча, метро, магазинларда) ўрнатилади ва банк мижозининг унинг ўзигагина берилган қатъий белгиланган код бўйича нақд пул олишига хизмат қилади. *Шуни қўшимча қилиш керакки, пластик карточкаларни Ўзбекистонда муваффақиятли жорий этиш етарли даражада ривожланган банкомат ва терминаллар тармоғини талаб этади.* Газетадан. *Банкимиз яқин келажакда хизмат кўрсатиш тармоғини анча кенгайтириб, терминаллар сонини 850 тага, банкоматларни эса 100 тага етказишни режалаштирган.* Газетадан.

**БАНКРОТ** [нем. *Bankrott* < *ital.* *banko rotto* – синган курси] Қарзини тўлашга қурби етмай қолган, синган касб-хунар эгаси ёки корхона. *Банкрот бўлмоқ.* ■ *Банкротлар тез-тез рўй бериб туради, у иқтисодий инқирозлар вақтида айниқса кучаяди.* «ЎЗМЭ».

**БАНКРОТЛАШМОҚ** I Инқирозга учрамоқ, синмоқ.

2 кўчма эск. Эътиборини, нуфузини тамоман йўқотмоқ. *Бу тарихий синов II Интернационалнинг тамоман банкротлашганини очиб ташлади.* Газетадан.

**БАНКРОТЛИК** Фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағи етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги ҳолати.

**БАНОГОҲ** [ф. *بانگه* – тўсатдан, қутилмаганда] рвш. Қутилмаган, хаёлга келмайдиган вақтда; қутилмаганда, бирдан. *Бола горда айланиб юрганда, баногоҳ сувнинг шилдираганини эшитиб қолибди.* «Бир соатлик халифа». *Баногоҳ қиз ўзини четга олди.* «Ёшлик». *Қодир эгам, сўнги бора сабот бер ўзинг, Дариф тутма бардошингни мендан баногоҳ.* А. Орипов.

**БАНОРАС** [Ҳиндистондаги Банорас шаҳри номидан] Материали, тўқилиши ва пишиқлиги жиҳатдан беқасамга ўхшаш, аммо гуллари билан фарқланувчи, қўлда тўқилган газлама. *Банорас тўн. Банорас паранжи. Банорас чопон.* ■ *Эғнида қизғиш банорас тўн. С. Сиёев, Аваз. Эғнимга оқ доқа кўйлак, оқ банорас нимча кийгизиб, бошимдаги дўппи ўрнига оқ доқа рўмол ўратдилар.* Ойдин, Ҳикоялар. -*Сизни ҳар замонда извошда духоба, банорас паранжиларда кўриб қолардик, – деди Уғилой опа.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

2 кўчма Банорас рангидек кумушранг оқ тусли, шунингдек, оч пушти, сариқ, яшил рангли. *Атроф зим-зиё, фақат тиниқ, банорас осмоннинг у ер-бу ерида юлдузлар митиллайди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Осмон гардишининг туби аста-секин ёришиб, банорас уфққа қизғиш ранг ёйлаётибди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. *Осмон жуда тиниқ, банорас экан.* А. Мухтор, Чинор.

**БАНОТ** шв. фолк. айн. *духоба*. Ҳавода учиб юрган қанот бўлсам, Бозорда ярқираган банот бўлсам. «Оқ олма, қизил олма». *Тўрванг банот, еминг кишимиз, ҳай-ҳай, тактак, ўзбекнинг оти.* «Гулихиромон».

**БАНТ** [нем. Band – тасма, лента; тугун] Капалакнусха қилиб боғлаш ёки шу тарзда боғланган лента, жияк ва б. *Бу санъат асарлари атиргуллар, аждарҳолар, қуш қанотлари, бантларни акс эттирувчи гулли нақшлар билан безатиларди.* «Фан ва турмуш».

**БАНТИК** [нем. Band – тасма, тугун] Кичкина бант, бантикча. *Уларнинг бири – сочига бантик таққан қизча чумчуққа ўхшаб бир оёқлаб ҳаккалар, бошқаси – атлас кўйлакча кийиб олгани эса санаб турарди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БАНТУЛАР** этн. Марказий ва Жанубий Африкада яшовчи халқлар гуруҳи. *Банту тили. Бантулар маданияти.*

**БАОБРҮ** [ба.. + обрӯ] айн. **обрӯли.** *Тўйни бошқариб бориш нозик масала. Раисликни олиб бориш баобрӯ, маданиятли, сўзга чечан одамга топирилса, шодиёна маромида ўтади.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

**БАПТИЗМ** [юн. baptizo – сув билан чўқинтираман] Христиан дини мазҳаб (секта)ларидан бири.

**БАПТИСТ** Баптизм мазҳабига мансуб шахс, руҳоний.

**БАПУРЖА** с.т. қ. **бафуржа.** *Кўй, хотин, кўни-кўшилиларнинг олдидан шарманда қилма. Ҳайда бапуржа гаплашамиз.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

**БАР I** [ф. бар – чекка, қирра] Уст кийимнинг икки ён этаги. *Бола терга пишиб кетган эди, этак бари билан юзидаги терини артиб олиб, бизга салом берди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Табибий яктагининг барини боса-моса иргиб турди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Бар урмоқ** 1) икки барини белбоғига қастирмоқ. *Ота-бола чопонларининг этакларини бар уриб, қазувга жўнаб кетдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм; 2) кўчма ишга астойдил киришмоқ. *Алдар кўса этагини бар уриб, бойникига жўнабди.* «Алдар кўса». **Баридан тутқазмаслик** Қочиб юрадиган, тутқич бермайдиган кимса ёки нарса ҳақида; бўйсунмаслик. *Чўл шамоли эсади, Тутқич бермай баридан.* Н. Нарзуллаев. *Бир томондан, ёшликнинг залворли қадами, беқийёс кўрки, у баҳи этган туйғулар, бошқа ёқдан эса, шу сўлим фаслнинг субҳидам шамолидек бар тутқазмай ўтиб кетиши ҳақидаги ўйлар қўшилиб, шоир кўнглида ҳислар уммонини яратди.* «Ёшлик».

**БАР- II** [ф. бар – олд кўшимча] Арабча ва форсча-тожикча сўзларга қўшилиб,

бирор сифат-белгига эгаликни, давомийликни, йўналишни ифодаловчи сўз (сифат)лар ясовчи, **ба-** кўшимчаси билан деярли бир хил бўлган кўшимча, мас., *бардавом, барқарор.*

**БАР III** [ингл. bar – тамаддихона; кичик ресторан] 1 Кичик ресторан, майхона. *Йигит-қизлар кўнж тунлар барларда, Уртўполон, тинтув чорраҳаларда.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

2 Турли хил ичимликлар сақланадиган кичик буфет (ёки сервант, жавоннинг бир бўлмаси, токчаси).

**БАР IV** [ингл. bar – тўсиқ] Денгизнинг қирғоққа яқин қисмида ёки дарёларнинг денгизга қуйилиш жойларида ҳосил бўладиган камбар кум тўсиқ, кумлоқ; саёзлик.

**БАР V** [юн. baros – оғирлик, юк] физ., мтр. Босимнинг МКС бирликлар тизимидан ташқари бирлиги. Метеорологияда: атмосфера босимининг ўлчов бирлиги.

**БАРАБАН I** [т. بالابان – баланд овозли < ф. بالابانگ – баланд овоз] Гардишининг бир ёки ҳар иккала томонига тери қопланган, урма (зарбли) мусиқа асбоби. *Фанфараларнинг овозлари, ноғора ва барабанларнинг товуши байрам бошланганлигидан дарак берарди.* Газетадан. *Барабанлардан симфоник ва пуфлама созлар оркестрида.. фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

**БАРАБАН II** тех. Турли машина ва аппаратларнинг цилиндр шаклидаги ичи ковак қисми. *Тош майдаловчи машинанинг барабани хунук ғирчиллай бошлади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳозир барабанлар кўсак чувиш агрегатларининг энг муҳим қисми ҳисобланади.* Газетадан.

**БАРАБАНЧИ** Барабанда мусиқа ижро этувчи, барабан чалувчи. *Оркестр барабанчиси.*

**БАРАВАР** [ф. برابر – тенг, бир хил; тенг қийматли] 1 сфт. Ўлчами, ҳажми, катта-кичиклиги, сон-қиймати, ҳарақати жиҳатидан бир хил, тенг. *Бўйи баравар девор. Баравар ҳажмли шишалар. Ёши баравар болалар. Баравар вақт оралиқлари.* ■ *Болага оила ҳам, мактаб ҳам баравар тарбия бериши, одоб-ахлоқ ўргатиши керак.* Газетадан. *Анвар ҳар ким учун сеvimли ва хушмуомаласи барчага баравар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Иккала от бир қиймда, баравар қадам ташлаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.



**Баравар келмоқ** 1) турли кўрсаткич ва белгиларига кўра бир хил чиқмоқ; тенг келмоқ. *Қопларнинг оғирлиги баравар келди. Кирим билан чиқим баравар келди;* 2) мувозанатга келмоқ, тенглашмоқ. *Тарозининг паллалари баравар келди;* 3) кўчма бирор ҳаракатда (жанжалда, мунозарада, курашда) тенг келмоқ, бас келмоқ. *У билан баравар келиб бўладими?* 4) «тенг, бир хил» маъноларидаги кесим вазифасида. *Унга ёшу қари баравар. Беш қўл баравар эмас. Мақол. ■ Ўзинг биласан, қачон қарасанг, катта-кичikka баравар, ҳамиша камбағаллар фойдасини кўзлайди. Ҳ. Шамс, Душман.* **Баравар кўрмоқ** Тенг муносабатда бўлмоқ, тенг кўрмоқ. *Ота-она ўз фарзандларини баравар кўради.*

**2 рви.** Бир вақтда, бир пайтда; бир-биридан қолишмай. *Баравар ишламоқ. Баравар жўнамоқ. Ўрнидан баравар турмоқ. ■ У эшикдан кирганда, даҳлизда ўтирган уч киши баравар ўрнидан туриб салом берди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Карвон кетидан келаётган икки сарбоз орқадан эшитилган ногаҳоний чинқириқдан баравар тўхташди. С. Кароматов, Сўнгги бархан.*

**3** Саноқ сонлар, шунингдек, «неча», «бир неча» сўзларидан кейин келиб, шу миқдор даражасида қайтарилганликни, каралиликни ифодалайди. *Бригада ҳосилдорликни.. икки баравар кўтаришига муваффақ бўлди. «Ўзбекистон кўриқлари». Князь сув пулини уч баравар ошириб юборибди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. ..[Отабек] унинг [Кумушининг] хусндагина эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баравар юқорида эканини англади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кутганидан бир неча баравар ортиқ калтак еган душман ақл-хушидан озаётган эди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**4** «Бирга», «шунингдек» маъноларини ифодалайди. *Лекин шу билан баравар, Мирзакаримбой Йўлчининг бутун сиймосида катта жасорат ва ғурур сездди. Ойбек, Танланган асарлар. Нури бу йигит тўғрисида кўпроқ нарса билишни исташ билан баравар, бу қизнинг унга муносабатини очиш каби яширин бир ният билан гапни чувалатди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**5** 3-ш. эгалик, ж. к., ў-п. к. шаклларида келиб, кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **бараварига II, бараварида**).

**БАРАВАРИГА I рви.** Бир вақтда, пайтда, баравар, бир-биридан қолишмай, бирдай. *Одамлар бараварига қарсақ чалишар, Алимардоннинг рақибини олқишлашарди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. -Ким? - икковлари бараварига сўрашди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.*

**БАРАВАРИГА II кўм. вэф.** Ўрнига, эвазига. *Она-бола бир неча йиллик меҳнат бараварига келган исқирт ўрикни ўртага қўйиб, хўрлик ва ҳақорат аламидан аччиқ-аччиқ йиғлашди. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ. Бир таноб ердан олтмиш пуд пахта олиб, нақд пул бараварига ҳукуматга топширади. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ.*

**БАРАВАРИДА кўм. вэф. 1** ..билан бирга, ..билан баробар. *Шу мақола бараварида маълум қиламанки, суд Иброҳимов мендан пора сўрасанг ёлгон. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**2** Баландлигида, тенглигида, даражасида. *Агар сувни қайтаришига тўғри келса, унгури сув бараварида юқоридан чопиб тушириш керак бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Жамият олға қараб ҳаракат қилар экан, ёшлар ҳам ўша бараварида ўсишлари керак. Газетадан.*

**3** Бир хил, тенг қийматда. *Бизнинг ерларда сув олтин бараварида юради.*

**БАРАВАРЛАМОҚ** Икки ёки ундан ортиқ нарсани ҳажми, ўлчами, катталиги, миқдори жиҳатдан тенг қилмоқ; мувозанатга келтирмоқ. *Қатимларнинг учини бараварламоқ. Тарози паллаларини бараварламоқ.*

**БАРАВАРЛАШМОҚ I Бараварламоқ** фл. ўзл. ва бирг. н. *Юклар бараварлашди. Тарози паллалари бараварлашди.*

**2** Бирор ҳолати (аҳамияти, нуфузи, маъкеи)га кўра тенглашмоқ. *Илғорларга бараварлашмоқ. ■ 21 март куни бутун Ер юзида кеча ва кундуз давомиёлиги бараварлашади. «Фан ва турмуш».*

**3** Тенг қаторга келмоқ, ёнма-ён келмоқ. *Пойгачилар бараварлашди. ■ Машина жувон билан бараварлашиб, яна бир марта сигнал берди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

**4** кўчма Тенг келмоқ, бас келмоқ (мунозара, айтишув, жанжал ва ш. к. да.). *Манзура айтишувада қолишмади, унга бараварлашди.*

**БАРАВАРЛИК I** Тенг, баравар эканлик; тенглик. *Ёшимиз бараварлигини энди билдим.*

**2** Ижтимоий тенглик, тенгҳуқуқлилик; адолат. *У [етимча] азонда турар, кеч ётар*

эди. Уни худо номидан уришар ва урар эдилар. Мана энди ўзингиз айтинг-чи, жиловнинг ҳамма учун бараварлиги қаерда? П. Турсун, Ўқитувчи. У [Шокир] бу сўзлари билан ўзига қарши чиққан ва «хуррият»дан сўзлайдиган «бой билан камбағалларнинг бараварлиги»ни пучакка чиқарган эди. С. Айний, Қуллар.

**БАРАВЖ** [бар. + авж] кам қўл. 1 Авжли, авж олган, ривожланган, кучайган, юксак даражада. *Ғўзалар бир текис баравж ривожланиб, қийғос гулламоқда.* Газетадан. *Уфқларга туташиб кетган яйловлардаги баравж майсалар шамолда аста чайқалади.* Газетадан. *Қалбларда қувонч баравж.* Газетадан. *Сафарқул ҳар бир хатнинг бошига юрт тинч, ўзи саломат, иши баравж эканлигини ёздирди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

2 кўча Камолга етган; дуркун. *30 йилдан бери золим сайёдларнинг ноҳақ ўқларица кўкракларини сипар қилиб келган баравж ёшларгина бу кунги қадрлик кунларнинг қадрини билур.* Ҳамза, Танланган асарлар.

**БАРАК** I [итал. багасса – лой чайла < багго – лой] Ёғочдан қурилган вақтинчалик уй, яшаш жойи. *Барак системасида бинолар бир қават бўлиб, кўпинча ёғочдан солинади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Йўлдош, баракнинг ўртасидаги тахта скамейкада ўтириб.. лекторнинг салобатли овозига қулоқ солди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**БАРАК** II [ф. برك] шв. айн. **чучвара.** *Хоразм ва Қорақалпоғистон муҳитида гўма, юмurtқа барак тансиқ таом ҳисобланади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Дук-дук этади бувим. Барак букади бувим.* «Бойчечак».

**БАРАКА** [а. بركة – дуо; розилик, ижозат; оллоҳнинг марҳамати] 1 Бирор нарса-нинг (асосан, нозу неъматлар, экин ҳосили) кутилган даражадан мўллиги, сероблиги. *Барака кўтарилди. Барака йўқолди. Жанжалли уйда барака бўлмас.* Мақол. ■ *Ғўза чилла сувига қонсагина, хирмонга барака киради.* Газетадан.

**Баракаси кетди ёки барака кўтарилди** Сероблиги йўқолди, мўллиги барҳам топди. *Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади.* Мақол. **Хирмонга барака!** Хирмон кўтараётганларга «ҳосил мўл бўлсин!» маъносида айтиладиган тилак. **Қўлида барака йўқ ёки қўлининг баракаси**

**йўқ** Тежаб-тергаб, ўринли сарф қила олмайдиган киши ҳақида.

2 Оллоҳ берувчи насиба, неъмат; эҳсон. *-Худо барака берсин, тераверинглар! – деб фотиҳа берди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Худо умрингга, молингга барака берсин.* Ҳамза.

3 Бирор нарса ёки ҳаракатдан келувчи фойда, наф; самара, унум. *Қайтган молда барака бор.* Мақол. ■ *Йиғлама, йиғдан ҳеч ким барака топган эмас!* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Мени олиб нима барака топдинг? Нуқул гаवгога қоласан.* «Ёшлик».

**Барака топ (кур)** «Кам бўлма», «омадингни берсин» маъносида айтиладиган олқиш, ундов. **Бор барака, бор барака топ, барака де(нг), барака қил(инг)** Олди-сотди савдосида «сўралаётган нархга хўп денг» маъносида ишлатиладиган ибора. *Қани, ҳа, ука, «барака де, барака де»лардан кейин ярим соатча.. савдолашиб, молни бир сўм ўн ти-йинга сотдик.* Ф. Фулом, Шум бола. *Қўлни беринг, боринг, барака топинг, олти юз.* С. Нуров, Нарвон. **Борига барака** Борига шукур, бори ҳам етиб қолар. *Борига барака, у ёғини оғзаки боплайман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 кўча с.т. Қўшалоқ кўсак ва шундай кўсакда очилган пахта; қўшалок мева. *Этакка ёпишган тўнғизтароқларни юлиб ташлаб, «барака» қидиришлари ҳам, ғўзалар орқасига яшириниб олганча, қизларга хом кўрак отиб шўхлик қилишлари ҳам – ҳамма-ҳаммасида алланечук қувноқ, зинҳор-зинҳор қайтиб келмас орзулар бор эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БАРАКАЛИ** 1 Тўкин-сочин, мўл-қўл, яхши натижали. *Кўклам дўл, жала бўлишига қарамай, баракали ҳосил олишга эришди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Хирмонимиз баракали бўлса, давлатимиз, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.* Газетадан.

2 Мавжуд ҳолатидан қатъи назар кўпчиликка егадиган; фойдали; татимли. [Тошхон:] *Ҳа, жуда баракали қозон, ўзига ҳам юз челақ сув кетади.* Уйғун, Ҳаёт қўшиғи.

**Қўли баракали** Қўлига тушган, қўлида бўлган нарсанинг, ишнинг баракасини оширадиган одам ҳақида. *Чўлоқ бўлса ҳам, қўли баракали.* Экинни ҳар йили ҳам чакки бўлмайди.. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Серунум, сермахсул, самарали. *Баракали иш. Баракали меҳнат.* ■ *Эрталабки терим унумли, баракали бўлади.* «Ёшлик».

Бу рақамлар кекса санъаткорнинг баракали умрини ва унинг халқ олдида қилган катта хизматларини кишининг хотирида жонлантиради. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ.

**БАРАКАЛЛА** [а. بارك الله — сени худо муборак қилсин; офарин] унд. с. 1 Кимсанинг бирор ҳаракатидан мамнунликни, маъқуллаш, мақтовни англатади. *Баракалла, йигит! Мана бунисига қойил!* К. Яшин, Ҳамза. *-Баракалла, чеварим. Балли, ҳимматли қизим, — деб Нор ота сўзини завқланиб тугатди.* Қ. Муҳаммадий. *Баракалла, баракалла, ажаб қилибсизлар! Ҳўн қилибсизлар!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Маъқуллаш, тасдиқ маъносини англатади. *Баракалла, мана энди ўзингизга келдингиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Норозилик, қоникмаслик маъносини англатади. *-Баракалла-е! — дедилар масхара қилгандай кулиб.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. [Қумуш:] *-Дўппи тикиб ўтирибсиз-ку, менинг олдимга чиқармидингиз, баракалла сизга! — деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАРАКАЛЛАЧИ** айн. **ҳайбаракаллаци.**

**БАРАКАСИЗ** айн. **беварака.**

**БАРАКАТ** [а. بركت — дуо, оқ фотиҳа; оллоҳнинг марҳамати] кам. қўлл. айн. **барака.** *Барвақт қилинган ҳаракат — ҳосилга берар баракат.* «Қанотли сўзлар». Сендан ҳаракат — мендан баракат. Мақол.

**БАРАКАТЛИ** кам қўлл. айн. **баракали.** *Улуғлар назар солса, қўли баракатлидир.* «Бойчечак». *Олло Таоло ёшларга тинч ва баракатли умр берсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАРАКАТСИЗ** кам қўлл. Баракаси йўқ, баракасииз, беварака.

**БАРАЛ(Л)А** [ф. برملا — аник, очиқ; рўйирост] рвш. 1 Аник, равшан; яққол (бирор нарса, ҳаракат ёки ҳолат ҳақида). *Деразадан тушиб турган ёруғликда унинг кекса кўзларидан тирқираб чиққан кўз ёшлари барала йилтираб кетди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Асалхоннинг тинч, осуда кўзларидан миннатдорчилик туйғуси барала порлаб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тун сукунатида отларнинг дуқури қулоққа барала чалинарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Дангал, рўйирост, очиқдан-очиқ; дадиллик билан, тортинмасдан, бемалол. *Баралла айтмоқ.* ■ *Қиз бўлиб турсанг-у, йигит сўзини Баралла айтолсанг ўз душ-*

*манингга.* Ю. Ҳамдам, Тинчлик баҳори. *..ҳали ўзбек аёли ўзининг инсонлик ҳуқуқи ҳақида минбардан туриб, баралла гапирган эмас.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ойимхон сирни барала очиб гапира бошлаган эди, Гулсум уялганидан мулоийм овоз билан кулди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Матқовул яктагининг ени билан кўзларини артди, бошини барала кўтарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хотин чачвонини барала кўтариб, орқасига ташлади.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Муфти келганлар билан барала рус тилида гаплашарди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

3 Бор овоз билан; овозининг борича. *Давлатёр шу бугун эртадан от суғоргани кетаётиб, кўчадан ашулани барала қўйиб ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хотин тураётиб, барала йиғлаб юборди.* А. Қаҳҳор. *Попук барала чинқариб юборганидан сўнг, эшикка чиқишга мажбур бўлди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**БАРАНҒОР** [туркий — ўнг, ўнг тараф] эск. ҳарб. Ўрта асрда: аввал чингизийлар салтанатида, кейинча Амир Темур ва темиррийлар даврида кўшинлар жанговар тартиби (сафи)нинг ўнг томонида турадиган ҳарбий қисм (корпус).

**БАРАҲМАН** [ф. برهمن қ. браҳман.

**БАРАҲНА** [ф. برهنة — яланғоч; юзи очиқ] эск. кам қўлл. Очиқ-сочиқ, бемалол. *Шо-олимҳожин.. хотинларида чачвон йўқ.. кўчаларда бараҳна кезадилар.* «Муштум».

**БАРБОД** [ф. برباد — беҳуда, бекорга, зое] Хароб, вайрон, бузилган, совурилган. *Узаро талашлар, фитнаю фасод Меҳнатни, савдони, қушиқни эзди, Экин пайҳон ўлди, кўприклар барбод.* Шайхзода. *Бузуқни тузатиш, барбодни обод Бизнинг халқимизга бўлур муяссар.* Ф. Фулом.

**Барбод бўлмоқ** 1) йўққа чиқмоқ, чиппакака чиқмоқ, пучга айланмоқ, йўқ бўлмоқ. *Душманнинг тўрт бор ҳужуми ҳам барбод бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ёшиги, номус-иффати, умид-армонлари барбод бўлди.* К. Яшин, Ҳамза. *Уф.. энди-чи, энди.. ҳаммаси барбод бўлди.. ҳа, барбод бўлди.* Ж. Жабборов, Севинч ёшлари; 2) бузилмоқ, пачава, расво бўлмоқ. *Тўрабек бу топшириқни бажара олмаса, эртага ишимиз барбод бўлади.* А. Раҳмат. *Қочса, ҳамма иш барбод бўлишини, ўзи устидаги гумон чинга айланишини биларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 3) совурилмоқ, беҳуда сарф бўлмоқ. *Ноқбил ўғил туфайли*

унинг бор тоьган-туьгани тез фурсатда барбод бўлди. Газетадан. **Барбод қилмоқ** (ёки **этноқ**) Хароб, вайрон қилмоқ; йўққа, чип-пакка чиқармоқ, йўқ қилмоқ. *Кимдир тузар уни, кимдир бузади, Кимдир борини ҳам қилади барбод.* А. Орипов. *Душманнинг мудофаа истеҳкомлари барбод этилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Чўлни обод қилган ҳам сув, Боғни барбод қилган ҳам сув.* Газетадан. *Чорва планини барбод қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БАРВАСТА** [ф. *барвесте* — боғланган, маҳкамланган; ёпилган, ривожланмай қолган] 1 Гавдали, кенг яғринли. *Барваста йигит.* ■ *Арслонқул барваста қомат, ўмровли, содда, ўн саккиз яшар йигитча эди.* Ойбек, Навоий. *Акахоннинг оёғида орқаси босилган кигиз шиппак, барваста гавдаси оғир чайқалади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

2 Тик қоматли, келишган, кўркам. *Барваста қиз.* ■ *Мен ўзим ошиқ бўлибман Бўйлари барвастага.* С. Зуннунова. *Қўлида китоби, барваста, лобар, Манглайи кенглиги бахтидек равшан.* Ф. Фулом.

**Барваста қилмоқ** Катта қилмоқ, вояга етказмоқ. *Барчани барваста қилган, Билсанг, ота-энади.* «Нурали».

**БАРВАСТАЛИК** Катта, келишган гавдага, кенг яғринга эга бўлишлик. *Йўлчибой очик, хушчақчақ, муғамбарликни билмайдиган, барвасталигига қарамасдан абжиргина йигит..* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАРВАҚТ** [бар.. + вақт] *рвш.* Мўлжалланган вақтдан, одатдаги вақтдан илгари; эрта билан, вақтли. *Барвақт қилинган ҳаракат ҳосилга берар баракат.* Мақол. ■ *Меъмор барвақт туриб, уч шогирди билан бирга ташқари ҳовлида нонушта қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Асрорқул эрта билан барвақт туриб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БАРГ** [ф. *برگ* — япроқ; арақ; арақ] *айн. япроқ.* Олма барги. Ток барги. Тамаки барги. *Барг чиқармоқ.* ■ *Мана, баҳор келиб, гуллар барг ёзди.* «Муштум». *Дарахт баргидаги шода-шода шудринглар ботаётган қуёш нурида бирдан оловланиб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

**Ёлгон барг** с. т. Ўсимлик (кўкат, ғўза ва б.) ердан энди униб чиққан пайтда пайдо бўлиб, кейинроқ тўкилиб кетадиган барг. *Ғўза ёлгон барг чиқариши билан дарҳол ягана қилиниши шарт.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

2 Тут дарахтининг ипак қуртига озуқа сифатида бериладиган япроғи. *Ўқшидан чиқиб, қуртга барг кесеани борамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари. *Тоза барглар соламыз, Қуртимизга ёқсин деб.* «Кўшиқлар».

**Барги нозик** Қовуннинг навларидан бири. **Сен дарахтнинг шохида юрсанг, у баргида юради** Унинг ишбилармонлиги, қувлиги, шумлиги сеникидан ошиб тушади.

**БАРГАК I** [ф. *برگه* — данаксиз қуруқ мева] Данаги олинган ҳолда қуритилган ўрик; ўрикқоқи. *Ориф ота чой дамлаб, патнисга бир ҳовуч бараек солиб келтирди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *-Айтгандай, Қурбон акани биринчи марта томга баргак ёяётганимда кўрганман, — деди Меҳри опа.* А. Эшоноҳ, Дутор.

**БАРГАК II** [ф. *برگه* — баргча] Аёллар пешонасига, кўксига тақадиган, олтин ёки кумуш тангалардан тузилган баргнусха зийнат буюми, тақинчок. *Бобур унинг [Ойша бегимнинг] юзига ботиниб қарай олмай, кўкрагидаги олтин баргакларга кўз ташлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сенга тўхфа бўладурган олтин зирак, баргак, чўлти, атир, упаларни улоқтир..* К. Яшин, Ҳой қиз.

**БАРГАК III** [ф. *برگه*] 1 Толнинг эрта кўкламда барг ёзиб, попуқ чиқарадиган сурх новдаси. *Баргак тақди яшил фусункор Мажнунтолнинг чилвер сочлари.* «Шарқ юлдузи». *Ариқ лабларидаги эндигина баргак ёзаётган толларга табассум билан қарайсан, чарчоқларинг унутилади.* Ў. Умарбеков, Баҳор нафаси. *Эндигина баргак ёзган толзордан майин шамол эсди.* «Шарқ юлдузи».

2 Шундай тол новдаларидан сидириб (шилиб) олинган пўстлоқдан ясалган соч-попуқ. *Чучумома излаган қизлар сочига Баргак улаганда, эсладим сени.* Э. Воҳидов. *Эрта баҳор, болалар томда варварак учирадиган, қизлар сочларига баргак тақадиган вақт.* Ойдин, Садағанг бўлай, командир.

**Оқ уй, ола баргак** Серҳашам, данғиллама уй ҳақида. *-Нима, бегона бўлмай, сен мана шу даштликмисан, ё ўзинга оқ уй, ола баргак солгани келдингми? — деб ғўнғиллади Холдор кўрна тағидан.* А. Мухтор, Туғилиш.

**БАРГИЗУБ** [ф. *بارگ زوب*] *бот.* Йирик баргли калта пояли, гуллари майда кўп йиллик ўт ва унинг халқ табобатида доривор сифатида ишлатиладиган барги. *Баргизубнинг барглари наштартсимон, текис қиррали, гул-*

лари майда, кўримсиз бўлиб, баргсиз поянинг учида бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. «ЎЗМЭ». Қорабойни уйга опкелиб, айвонга ётқиздик. Ярасига баргизуб қўйиб, отқулоқ босдик. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

**БАРГИЗЎТ** айн. **баргизуб**. Яра-чақа бўлганларга кампирнинг отқулоқ, зиғирак, баргизўтлардан «дори» тайёрлаб бериши-чи.. Бу ишни кампир «хोलсанлилло бажараман» дерди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БАРГИКАРАМ** [барг + карам] 1 Оч яшил ранг, карам рангли. -Баргикарам, қовоқ, сариқ, гилос, нимпушти, — дейди чол ипақларни бир-бирдан айириб. Ойбек, Болалик. Гўё баргикарам барқут устига Чўян ётқизгандай.. Учамиз ҳамон. Уйғун.

2 Хонатласнинг баргикарам рангли гуллар солинган бир тури. Ўйлаб қолар тонгда гунчалар, Кийиб баргикарам нимчалар. Э. Охунова.

**БАРГЛАМОҚ** Барг ёзмок, барг чиқармок, Кўчатлар барғлади.

**БАРГЛИ** Япроқли, япроқ чиқарган ёки чиқарадиган. *Игна баргли дарахтлар*. ■ Тайгадан жануброқда қишда ўз баргини тўкадиган аралаш ва баргли ўрмонлар бошланади. «География».

**БАРГРЕЗОН** [ф. برگريزان — барг тўкилиши] Ҳазонрезги давр; куз. Ёшлик зангор фасл. Кечди. Сарғайди. Тўкилди у. Шафқат билмас баргрезон. «Гулдаста». Кўз билан кезаман. Йўллар ҳўл, хазон, Телбадай алаҳлар гоҳ-гоҳ баргрезон. Т. Қаҳҳор, Оқ ўрик.

**БАРДА** [р. барда — тўпон; чиқинди] Қанд ва спирт заводларининг қишлоқ хўжалик ҳайвонларига озуқа сифатида ишлатиладиган чиқиндиси, тўпон, турп. *Озиқ-овқат саноатининг чиқитлари: барда, жом, мелесса.. озуқаларнинг ўрнини тўлдиришининг катта манбаидир*. Газетадан.

**БАРДАВОМ** [бар.. + давом] Доимий, пайдарпай, бир-бирига улашиб кетган. *Адабиётда ўзича бўлтак авлодлар бўлмайди, авлодлар бир-бирига бардавомдир*. Газетадан.

**БАРДАМ** [ф. بردم < бар.. + دم — нафас, вақт: соғлом; қувватли] 1 Куч-қувватга эга; куч-қувватини йўқотмаган, тетик. *Бардам чол. Бардам бўлмоқ*. ■ *Уйқуси бутунлай тарқаб кетгач, [Аҳмад] ўзини жуда тетик ва бардам сезди*. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Дадан.. Шерали қалай, бардамми? Ойдин, Ҳикоялар. *Вақт хуфтондан ўтгандан кейин*

*Умурзоқ ота ўзини анча бардам ҳис эта бошлади*. Д. Нурий, Осмон устунни.

**БАРДАММИСИЗ?** Сўрашиш, ҳол-аҳвол сўраш шакли. -*Бардаммисиз, отахон?* — деди Муса. П. Турсун, Ўқитувчи. *Хўш, бардаммисиз, Шарипова*. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Куч-қувват, ғайрат, тетикликдан дарак берувчи; ғайрат, тетиклик билан. *Бардам юриш. Бардам қадам*. ■ *Ота залворли таёғини қорга ниқтаб босиб, бардам қадам ташларди*. С. Анорбоев, Оқсой. *Мастура.. бардам қадам ташлаб, операция залининг эшигини ўзи очиб кириб кетди*. А. Қаҳҳор.

3 Ишончга тўла, шижоатли; сергак, хушёр. *Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Баъзан васвасалар босар дилимни*. Ф. Фулом. *Унинг ютуқ ва зафарларга чорловчи бардам овози.. жаранглаб эшитиларди*. Газетадан. *Темир йўлнинг баҳодир посбонлари — стрелкачилар ўз постларида бардам турадилар*. Газетадан.

**БАРДАМЛАШМОҚ** Кучга, куч-қувватга кирмок; ўзини тетик сеза бошламок. *Сал бардамлашгунча беморни уйда даволаб турган Ҳабибахон кейинчалик Тўлғоноини туғуруқхонага келтирди*. Газетадан. *Кўк чойни ичиб, Эркиннинг ҳорғинлиги чекиниб, вужуди бардамлашди*. «Ўзбекистон қўриқлари».

**БАРДАМЛИК** 1 Куч-қувватга кирганлик ҳолати; тетиклик. *Чўл ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олсанг, танангда бардамлик, янги куч пайдо бўлади*. «Ўзбекистон қўриқлари». Улуғ ишларни бажармок учун куч-қувват, соғломлик, бардамлик ва хушёрлик зарур бўлади. Газетадан.

2 кўчма Шижоатлилик, ўзига ишонишлик. *Қарашларида ҳаётда ўз мавқеини тўла аниқлаб олган хотинлардек ишонч, бардамлик мавжуд*. Шухрат, Шинелли йиллар. *Босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам уни [Рўзбойни] бардамликка ўргатди*. Газетадан.

**БАРДАСТ** [бар.. + ф. دست — қўл]: **бардаст кўтармок** Бир зўр билан ердан узиб, тик кўтармок. *Қумрихон жўнайди шошилиб шу пайт, Йиғилган баргини бардаст кўтариб*. О. Қўчқорбеков, Куйларим ва ўйларим.

**БАРДИ** [а. بردى — папирус] Ботқоқ ва зах ерларда ўсадиган барги узун ва уч қиррали, кўп йиллик ўсимлик; қиёқ. *Токлар кесилгандан сўнг, ота-бола уларни ётқизиб.. устига барди — қуртилган қиёқ ўт.. ташлади*. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Қишда [сигирларни]*

курук беда, шелуха, барди, кунжара, кепак каби озуқалар билан боқаман. Газетадан.

**БАРДОР I** [ф. بردارشتن < بردار — «кўтармоқ; олиб кетмоқ; ййғиб олмоқ» фл. ҳоз. з. ўзаги] Кўлда кўтарувчи; юқори тутиб турувчи; бўйсунувчи; бажарувчи. *Соат тўққизларга бориб, ўттиз чоғли одам фармонга бардор бўлиб, ўт ўчириш командасининг сафига ўхшаб, чойхона олдида савлат тўкиб туришиди.* Мирмуҳсин, Супургига сажда. *Бир неча қадам илгари борғонимда.. милтиқ бардор.. милискани кўриб.. рўбару бўлдим.* «Муштум».

**БАРДОР II** [ф. بردار] *эск. тар.* Кўтарилган хирмондан ғалвир билан ўлчаб, амирлик учун бериладиган ғалла. -*Бу арпадан биз оладиган даҳяк ҳам «бардор»га қолдида, — деб ижарадор ҳам жўнади.* С. Айний, Қуллар.

**БАРДОР-БАРДОР:** бардор-бардор қилмоқ **1** Кўтар-кўтар қилмоқ, қўлма-қўл кўтармоқ; кўтариб олқишламоқ. *Санобар дарвозадан кириб бориши билан, давлат қуши келиб бошига қўнди. Истамбулнинг катталари бардор-бардор кўтариб, тахтга миндириб, подшо қилиб, бошига тож кийдириб қўйди.* «Тоҳир ва Зухра». Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, бахмал уйга киргизиб кетди. «Алпомиш».

**2** кўчма Иззат-ҳурматини меъеридан ошириб юбормоқ. *Бунча бардор-бардор қилиб қолдинг.*

**БАРДОШ** [ф. برداشت — сабр; чидам] **1** Чидам, сабр, тоқат, дош бериш қуввати. *Бардош билан кутмоқ.* ■ *Бардош, ақл, саботга суянсанг, тоғ бўлурсан.* «Саодат». *Дехқоннинг мардлигига, бардошига тасанно айтмоқдан ўзга чора йўқ эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ташналикда то лабларим қақрагунча, Сени излаб талпиндим, тоғ экан бардош.* Г. Жўраева, Иқбол.

**Бардош бермоқ** (ёки қилмоқ) Қийин ҳолатларга чидамоқ, сабр-тоқат қилмоқ; кўтара олмоқ. *Олти болани тупроққа қўйиш.. Бу мусибатларга қандай бардош беради экан-а?* К. Яшин, Ҳамза. *Ширин сўзга, эркалашга қайси аёл бардош бера олади-ю, меҳр қайси аёлнинг юрагини эритиб, сел қилиб юбормайди.* Ф. Мусажонов, Қисса ва ҳикоялар. *Бу дунёда ҳеч ким кўнгли тўлмайди, Бардош қилмай, бошга давлат қўнмайди.* «Гулихиромон».

**2** Ирода, қатъият. *Уруш бардошимизни синовдан ўтказяпти. Чидашимиз керак.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Пошиша хола куёвиники тутиб турганидан, одатдагидек хафа бўлмади, терс ўгирилиб ҳам олмади.* Балки бардошини қўлга олиб, жилмайди. Д. Нурий, Осмон устунни.

**БАРДОШЛИ** Чидам, тўзимга эга, чидамли, сабр-тоқатли. *Борида — вазмин бўл, Йўғида — бардошли.* Газетадан. *Умидсизланмаган, иродаси мустаҳкам, бардошли кишилар муродига етадилар.* Газетадан. *Ҳаёт инсондан бардошли бўлишини тақозо этади.* Газетадан.

**БАРДОШЛИЛИК** Мустаҳкамлик, маҳкамлик. *Янги конструкция туфайли қирқувчи ускунанинг бардошлилиги икки марта ошди.* Газетадан.

**БАРДОШСИЗ** Сабр-тоқати йўқ; чидамсиз, иродасиз. *Бардошлига ёғлиқ ош, Бардошсизга оғир тош.* Мақол. ■ *Севги учун бениҳоя бардош керак. Бардошсизлар севгиси умрбод аро йўлда сарсон-саргардон.* М. Жўра, Изтироб.

**БАРЕЛЬЕФ** [фр. bas-relief — паст рельеф] Текис юзага бўрттириб ишланган тасвир; нақш. *Гипс барельеф. Улуғбек барельефи.* ■ *Археология иншоотлари ва амалий санъат буюмларидаги нақшларни барельеф йўсинида ишлаш кенг тарқалган.* «ЎЗМЭ».

**БАРЖА** [фр. barge < лот. бага — енгил кема] Шатакка олиб юриладиган ёки ўзи-юяр, таги ясси юк кемаси. *Баржаларни кемаларга улаб қўйсанг, ўзи тортиб кетаверади, деб ўйлашади.* Ж. Абдуллахонов, Ҳазина ғойибдан келмас.

**БАРЗАНГИ** [*ф. زنگی ва а. زنجی — қора танли, негр*] **1** айн. занжи. *Эрк шайдоси — Африқо барзангилари учун, Қани, ҳа, сипқарайлик.* Мирмуҳсин, Қиссалар ва ҳикоялар.

**2** с.т. Ҳайбатли, давангирдай, йўғон гавдали. *Тоштемирга негадир, эҳтимол, мўридан чиққандай қоп-қора ва бақувват барзангидай бир йигит бўлгани учундир — Тошқора лақабини тақшисан.* О. Ёкубов, Тилла узук. *..Тўғон, қоп-қора бир барзанги, битта урса, ўлдириб қўйди.* «Муштум».

**БАРЗАНГИСИФАТ** [барзанги + сифат] Барзангига ўхшаш, ҳайбатли. *Бир дўкон айвонидаги темир бочкалар ёнида соч ва соқоли ўсган барзангисифат бир эркак ётибди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАРИ** жамл. олам. Бир турдаги нарсa, ҳодиса ёки кимсаларнинг ҳаммаси, барчаси. *Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.* Мақол. ■ *Мен уни севаман. Бу рост. Қолган гапларнинг бари ёлғон, бари тухмат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отлар, одамлар – бари аралаш-қуралаш бўлиб кетди.* К. Яшин, Ҳамза. *Дилда неки журъатим бор, Дилда неки ҳаяжон – Бари-бари сенга бўлсин, Сенга бўлсин, онажон.* А. Орипов.

**Бари бир** 1) ҳаммаси бирдек, ҳеч қандай фарқи йўқ, фарқсиз. *Тухуми бирнинг бари бир.* Мақол. ■ *Фарзанд ўғилми, қизми – бари бир, ота-онанинг юраги бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *– Менда ихтиёр йўқ, ойижон! – деди Кумуш. Сизлар нимани маъқул кўрсаларингиз, менга бари бир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) *қриш. с. ҳеч нимага (нарсa-га) қарамай, нима бўлса ҳам, ҳар қандай бўлганда ҳам. .мен банди, сотилган чўри қатори одам бўлсам ҳам, хоҳлаган-хоҳламаганини, бари бир, ёнимга келтирмасликка кучим етади.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Иш қанча оғир бўлмасин, бари бир кетмон, белкурак асосий иш қуроли бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БАРИБОҒ** Бир йилга ижарага олинган боғ. *Барибоғ олмақ.*

**БАРИВОЖ** [ба.. + ривож] Ривожланган, авж олган; ўнгидан келган. *Баривож гўзалар. Иши баривож топмоқ.* ■ *Ғайбулло деган бир имом.. ундай деб-бундай деб, таловчилик ишини баривож қилиб бормоқда.* Газетадан.

**БАРИЙ** [лот. Barium < юн. barus – оғир] Менделеев даврий системасининг II гуруҳидаги оқ рангли, кумушсимон кимёвий элемент, металл. *Барий гидроксид. Барий карбонат. Барий сульфат.* ■ *Металл барийни инглиз кимёгари Г. Деви электролиз йўли билан олган.* «ЎЗМЭ».

**БАРИКАРАМ** с.т. айн. баргикарам. *Ибодулла бошидаги барикарам духоба дўпписини тузатар экан, гап қўшди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**БАРИМТА** эск. тар. Кўчманчи қабила-ларда бир уруғга бошқа бир уруғ томонидан етказилган зарарни тўлашга ёки ҳақоратланган томоннинг иззат-нафсини қондиришга мажбур қилиш мақсадида, гаров тариқасида унинг молларини зўрлик билан ҳайдаб кетиш ёки мол-мулкани босиб олиш одати. *Чигирткадан қўрққан экин экмас, Баримтадан қўрққан – мол йиғмас.* Мақол.

■ *Баримта дастлаб айбдор уруғ ёки қабила ўзи етказган моддий зарарни тўлашдан бош тортган тақдирда, бий (қабила, уруғ бошлиғи)лар тарафидан уюштирилган.* «ЎЗМЭ». *Деҳқон ҳаётининг сўнги манбаи бўлган бир нарча ери билан суви ҳам қарзига баримта қилинар эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БАРИН** [р. боярин, бояр < бой – «уруш», «кураш» сўзидан ёки туркий – бой эр, бой эркак] Ўтмишда Россияда ҳукмрон синф вакиллари, катта ер эгаларининг унвони, ўша унвон эгаси; оқсуяк, зодагон.

**БАРИНА** [р. барин + а] с.т. Дворян аёл, оқсуяк аёл. *Валихон сўфи ҳамон касал, дўконимизга тўра келгани, уйимизга барина киргани обрўйимизни ошириб, тинчгина ишлар эдик.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар. *Бутунлай кўринмай кетгандан кейин эса Тўра қизга қараб: – Вой, яхши барина экан. – деди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**БАРИСФЕРА** [юн. barusphaira – оғир шар] Ернинг ички қисми. *Барисферанинг руда қобиғи темир, хром, никель, магний ва кремнезёмга бой.* «ЎЗМЭ».

**БАРИТ** [юн. barus – оғир] Табиатда ҳар хил (тиник, сариқ, кўнғир, кулранг, қора) рангда учрайдиган, сульфатлар синфига мансуб минерал. *Барит.. тиббиёт, резина ва қоғоз ишлаб чиқариш, пиротехника, кўнчиликда, озиқ-овқат саноати, кулолчилик, оқ бўёқ тайёрлашда ишлатилади.* «ЎЗМЭ».

**БАРИТОН** [юн. barus – вазмин, оғир + tonos – таранглик; товуш] мус. I Эркак хонандалар овозининг баландлиги жиҳатидан бас билан тенор оралиғидаги тури. *Баритон.. лирик ва грамматик турларга бўлинади.* «ЎЗМЭ».

2 Шундай овозда ашула айтувчи киши.

3 Трубадан бир октава паст овоз берувчи мушштукли пуфлама чолғу асбоби.

**БАРКАМОЛ** [бар.. + камол] I Жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга эришган, вояга етган. *Бўлган эди бир соҳибчирой, Ой сингари тўлин, баркамол.* «Саодат». *Бир Тўлғоной деган қизи бор эди, бу ҳам бўйи етиб, баркамол бўлиб қолган эди.* «Ойсулув». *Малика Оққизнинг шундай баркамол йигитга тегаётганидан ҳасад қилмасди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

2 кўчма Етуқликка эришган, камол топган, бекаму кўст, мукаммал. *У юракнинг ўзидек ҳассос, Табиатдек эди баркамол.* Э.

Воҳидов. *Ота ўз орзусига эришди — фарзанд баркамол зот бўлиб етишди.* «Ёшлик». Табиат уни баркамол этиб яратмиш: ҳусну малоҳатию ақлу заковати бир-биридан зиёда. С. Сиёев, Аваз. *Маҳоратимни ошириш устида олиб борилган ижодий изланишлар бадиий баркамол асарларнинг вужудга келишига омил бўлди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БАРКАМОЛЛИК** Етуклик, мукаммаллик ҳолати; камолот чўққиси. *..унинг ижодидаги маълум йўналишлар у баркамоллик пиллаоясида турибди, дейишимизга асос беради.* Газетадан. *Кишини кулдириш учун биринчи навбатда қобилият, хушчақчақ кайфият ва маънавий баркамоллик керак.* Газетадан. *Инсон доимо мукаммаллик, баркамолликка интилади.* Газетадан.

**БАРКАШ** [ф. *بركشيدن* < *بركشيدن* — «кўтармоқ, тортиб чиқармоқ» феълидан] **1** Жез ёки мисдан тайёрланадиган ва патнис ўрнида ишлатиладиган, доира ёки тўртбурчак шаклидаги рўзғор асбоби. *Манзураҳон оппоқ сочиқ тўшалган баркашда қаҳва кўтариб кирди.* А. Аъзамов, Жавоб. *Қизил белбоғли ёш ийгит кириб, дастурхон ёзди, баркашда нон, турли ноз-неъматлар ва уч коса шарбат келтириб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**2** кўчма Тўгарак, гардиш, юмалоқ, доирасимон. *Кўёшнинг олтин баркаши. Ой баркаши.* ■ *Қип-қизил кўёш баркаши қоялар учларини ҳам қизилга бўяб ботаётир.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *Денгиз ўйнар ой баркашин тўп қилиб, Унинг юзи кўринади сепкилли.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. *Ўсиқ киприклари орасидаги чарос кўзлари олов баркаш — кўёшдек жозибали.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**Баркаш-баркаш** **1)** мўл, жуда кўп. *Шунда ўша мўйсафид чиқиб, [бойваччанинг] олдига баркаш-баркаш ноз-неъматлар қўйибди.* Шукрулло, Жавохирлар сандиғи. **2)** кўчма кагта, бўлиқ. *Говмишлар пода-пода, Баркаш-баркаш елинки.* Миртемир, Асарлар. **Бошини баркаш, елкасини обкаш қилмоқ** Бутун борлигини баҳшида қилмоқ. *Ахир не-не кўриликлар билан, бошимни баркаш, елкамини обкаш қилиб вояга етказдим.* С. Сиёев, Райҳон.

**БАРЛОС** тар. этн. **1** Темурийлар ва бобурийлар даврида асосан Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида, қисман Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаган, аксарият чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб

келган ўзбек қабилаларидан бири. *Ҳа.. биз асли шахрисабзлик, барлос уруғлариданмиз. Отамиз сарбоз бўлганлар.* Мирмуҳсин, Меъмор. *У шундайки, яхши тўғни дилрабо машуқасидан афзал кўради, ўзи барлос бекзодалардан.* Ойбек, Навоий.

**2** этн. Барлос қабиласига мансуб шахс. *Бекларбеги Музаффар барлос подшоҳга яқин, энг юқори ўринни ишғол этди.* Ойбек, Навоий. *Эрта тонгда боргоҳлар йиғиб олинди, саркарда Амир Довуд барлос олданда, қўшин яна йўлга тушди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БАРМЕН** [ингл. *barman* — бар эгаси; барда ишловчи] Бар эгаси; бар хизматчиси, буфетчи.

**БАРМОҚ 1** Кўл ва оёқ панжасининг бешта ҳаракатчан қисмидан ҳар бири. *Бош бармоқ. Кўрсаткич бармоқ. Ўрта бармоқ. Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.* Мақол ■ *Кучли изғирин.. қулоқларни кесади, совуқдан оёқларнинг бармоқлари увушади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Момиқ пахталар унинг [Гавҳарнинг] нозик бармоқларига ўзи илашиб чиқар, чаноқлар ҳайратдан оғиз очиб, силкиниб қоларди.* Ҳ. Хошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Унинг [Гуландомнинг] бармоқлари дутор қилларида моҳир ўйнади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Бармоқ билан санарли** Оз, жуда кам (қолган). *Сизга ўхшаш моҳир қурувчилар бармоқ билан санарли, бетончилар эса, битта ҳам йўқ.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Агар бундай кишилар илгари бармоқ билан санарли бўлган бўлса, бундан кейин юзлаб, минглаб чиқади.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бармоқ босмоқ** Ҳужжатга имзо ўрнита бармоқ изларини туширмоқ. *Деҳқон ийгит қувонч ва умидга тўлиб, Аҳмад Ҳусайндаги варақага бармоғини босади.* Ойбек, Нур қидириб. *Отабувамизнинг расмича шу бармоқни босаверамиз-да.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Бармоқ вазни ад.** Ҳар бир сатрда бўғинлар сонининг бир хил бўлишига, мутаносиблигига асосланган шеъринг вазн. «Алпомиш» ўзбек халқининг миллий шеър вазни бўлган бармоқ вазнида тўқилган. Ҳ. Олимжон, Алпомиш. *Сизнинг газалларингизни бармоқдаги шеърларингиз билан қиёс қилганда, ғалати бир ҳодисага дуч келганман.* У. Норматов, Талант тарбияси. **Бармоқ орасидан қарамоқ** Бепарво, лоқайд бўлмоқ, етарли даражада аҳамият, эътибор бермаслик. *Бўтабой ака баъзан муро*



йўлини тутганда, сиз бунга бармоқ орасидан қараётисиз. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Бармоғини бигиз (ёки найза) қилмоқ** Кўрсаткич бармоғи билан ишора қилмоқ, танбеҳ бермоқ. -Қаҳорат қилма, - Қобил бармоғини бигиз қилиб, Ўтапга ўшқирди. Ҳ. Фулом, Машъал. Бармоғини қизнинг кўзига бигиз қилган экан, қиз дод деб юборибди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Бармоғини тишламоқ** 1) афсус қилмоқ, аттанг демоқ. *Билган билганин ишлар, Билмаган бармоғин тишлар.* Мақол. *Эринчоқ икки ишлар, охири бармоғин тишлар.* Мақол. *Вақтингни ўтказиб, бармоғингни тишлаб қолма.* «Қанотли сўзлар»; 2) лол қолмоқ, ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолмоқ, хаёл сурмоқ. *Ҳовузни қишлоқ ичидан сув ташиб тўлдиришга келганда, ҳамма бармоқ тишлаб қолди.* «Муштум». Қосимов унга [Комилжонга] дарҳол жавоб қилмади, аксинча, бармоғини тишлаб, узоқ вақт жим юрди. И. Раҳим, Ихлос. **Беш бармоғини оғизга тикмоқ (ёки урмоқ) айн. беш кўлни оғизга тикмоқ (ёки урмоқ).** қ. беш. *Беш бармоғинг оғзинга тикма, инсоф сари барака деганлар.* **Беш бармоқдай билмоқ** Жуда яхши билмоқ; аниқ тасавур қилмоқ. *Нарсаларнинг қадрини беш бармоқдай билади.* Қ. Муҳаммадий. *Тошкентдан келган Миршарипов Хоразм ўлкасини беш бармоғидай яхши биларди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ноила ҳаммани беш бармоғидай билади.* С. Зуннунова, Олов. **Икки бармоқни бурунга тикиб қолмоқ айн. икки кўлни бурунга суқиб (ёки тикиб) қолмоқ қ. бурун** I. *Бизнинг шартимиз шуки.. ерсиз ва кам ерли камбағаллар икки бармоғини бурнига тикиб қолмасин!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. -*Ҳали икки бармоғимизни бурнимизга тикиб юраверамиз денг?* - *Замон ҳаяжонланиб яна сўради.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Тахминан ўрта қўл (бармоқ) энига баравар узунлик ўлчови. *Кимга бармоқдай, кимга тирноқдай.* Мақол. *Бешта бало недан келар, Икки бармоқ тилдан келар.* Мақол. ■ *Бўйи ердан тўрт бармоқ кўтарилган гўза ораларига ёйилган хотин-қизлар пахта оралигидаги ёт ўтларни термоқда эдилар.* С. Айний, Қуллар.

**Ўн икки бармоқли ичак анат.** Ингичка ичакнинг ошқозондан бошланадиган ва узунлиги ўн икки бармоқ энига тенг келадиган қисми.

**3** тех. Машина ва механизмларнинг гўлача шаклидаги қисми.

**БАРНО** [ф. *барна* - ёш йигит, ўсмир] 1 Ёш, навқирон. *Ёки бирор барно йигитни кутармикан интизор бўлиб.* Уйғун. *Юмшоқ муомалали бу барно йигитларни кўриб, Холжон хола ҳам талтайиб кетди.* Файратий, Довдираш.

**2** Ҳусни одатдагидан ортик; чиройли, гўзал, соҳибжамол; қадди-қомати келишган. *Балки сиз ҳам кўргандирсиз ўшал барнони, Кулгич юзли, қалам қошли, кўзи шаҳлони.. «Муштум».* *Ҳаммаёқда тўп-тўп гулчехралар, барнолар, санамлар, малоҳату ойхуморлар, гулпошиша гулойимлар!* С. Сиёев, Аваз.

**3** Барно (аёллар ва эркаклар исми).

**БАРО-** [юн. *baros* - оғирлик] Байналмилал ўзлашма кўшма сўзларнинг «босим» маъносига қўлланувчи биринчи таркибий қисми.

**БАРОБАР** [ф. *барбар* - юзма-юз; тенг] 1 айн. **баравар.** *Шошган шамол билан баробар.* Мақол. ■ *Лекин ул қирқ минг элат ичида бу қизга қуввати баробар келадиган эр йигит йўқ эди.* «Бўтакўз». *Менинг олдимда шоҳу гадо баробардир.* С. Сиёев, Аваз.

**2** мат. Маълум миқдорнинг тенг, баравар келиши. *Уч карра уч - баробар тўққиз.*

**БАРОГРАММА** [баро.. + юн. *gramma* - ёзув; ёзаман] Барограф ёзиб олган, атмосфера босимининг ўзгаришларини кўрсатадиган эгри чизик.

**БАРОГРАФ** [баро.. + юн. *grapho* - ёзаман] Атмосфера босимини автоматик ва узлуксиз равишда ёзиб оладиган асбоб, ўзиёзар барометр. *Барограф метеорология станциялари, самолёт ва аэростатларда ишлатилади.* «ЎЗМЭ».

**БАРОКАМЕРА** [баро.. + лот. *camera* - гумбаз, хона] Барометрик босимни сунъий равишда ўзгартиришга имкон берувчи зич ёпиладиган (герметик) камера. *Паст босимли барокамера.* Юқори босимли барокамера.

**БАРОККО** [итал. *barocco* - ажиб, ғалати, жимжимадор] 16-аср охири - 18-аср ўрталарида Европа санъатида мавжуд бўлган, манзаравий серҳашамлиги, жимжимадорлиги, тасвирий ранг-баранглиги билан ажралиб турадиган услублардан бири. *Барокко услубида қурилган меъморий мажмуалар фазовий ечими, майда меъморий безакларга мўллиги ва ягона гоёга бўйсунуши билан ажралиб туради.* «ЎЗМЭ».

**БАРОЛ** с.т. айн. **барор**. *Ов баролидан келмаса ҳамки, афсус қилишмади*. Ш. Рашидов. Қудратли тўлқин. *Мен ҳам батрак бўлдим, лекин бу вақтда батракка барол боққан эди*. Газетадан.

**БАРОМЕТР** [баро.. + юн. metreo – ўлчаيمان] **1** Атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб. *Симобли барометр баъзан металл косасиз, фақат шиша найдан ясалади*. «ЎЗМЭ».

**2** кўча Улчов, мезон. *Савдо иқтисодиётнинг энг тўғри барометридир*. Газетадан. *Қисқаси, даврнинг зарурий эҳтиёжлари фан учун барометрдай гап*. С. Кароматов, Олтин қум. *Адабиётни ҳақли равишда ижтимоий ҳаётнинг энг сезгир барометрига қиёс этишди*. «ЎТА».

**БАРОМЕТРИК** геофиз. Атмосфера босимига оид. *Барометрик ўлчамлар. Барометрик формула*. ■ *..барометрик босимнинг камайиши организм ҳаёт фаолиятининг анчагина издан чиқишига сабаб бўлади*. «Фан ва турмуш».

**БАРОН** [фр. baron < лот. baronis – анқов, лапашанг; ёлланма аскар] Фарбий Европа зодагонлари, дворянларининг графдан бир поғона паст унвони ва шундай унвон олган киши. *Барон ўрнидан тураётиб, хушомад тарзида не машаққатлар билан илжайди.. А. Қаҳҳор, Асарлар. Мендан узоқ қочсин эмиш ой, юлдуз, қуёш, Немис барон, князлари хўжа бўлсинмиш*. Ҳ. Пўлат.

**БАРОР** [ф. بارار – мевали; маҳсулдор; фойдали] Ишнинг ўнгидан келиши, ривож; ривож. *Барор топмоқ. Бароридан келмоқ*. ■ *Чўла биринчи марта пахта эдик. Деҳқончилигимиз бароридан келди*. Газетадан. *Булар шу ерда кечгача ётишди, бироқ ов бароридан келмади: биронта фашист кўринмади.. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз*.

**БАРОТ** I [а. برات – оқлаш; бегуноҳлик; соддадиллик] **тар.** **1** Подшо томонидан берилган озодлик хати; подшоҳ, хон томонидан бирор солиқ ёки жаримадан озод этиш ёки муайян ваколатлар, ҳуқуқлар бериш ҳақидаги махсус гувоҳнома, ёрлиқ. *Баротда уни олувчининг исми ва мансаби, мазкур барот қандай муносабат билан берилгани, унга қандай вазифа юклатилганлиги кўрсатилган*. «ЎЗМЭ».

**2** Бирор нарса, чунончи, унвон олганлик ҳақидаги ёрлиқ, гувоҳнома. *Дил сиёҳига*

*берур ул шоҳ нутқидин барот, То юзун кўрмай демам: берган бароти рост экан*. Увайсий.

**БАРОТ** II [а. برات – шаъбон ойининг 15-куни] **1** дин. Қамарий йил ҳисобидаги саккизинчи ой – шаъбоннинг 15-куни: бу кунда Мухаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик хабари нозил қилинган.

**2** с. т. Қамарий саккизинчи ой – шаъбоннинг халқ орасидаги иккинчи номи.. *Барот ойи*. ■ *-Мен айтаманки, йўқ, барот ойида туғилган эканман, олтмишларда бўлсам керак, – деди кампир*. Мирмуҳсин, Умид.

**3** Барот (эркаклар исми).

**БАРОТЕРАПИЯ** [баро.. + терапия] **тиб.** Атмосфера босимини ўзгартириш йўли билан даволаш усули. *Баротерапияда шакли ва ҳажми ҳар хил идишлар, камералардан фойдаланилади*.

**БАРОТРАВМА** [баро.. + травма] **тиб.** Атмосфера босимининг бирдан ўзгариши натижасида эшитув аъзосининг, ўпканинг шикастланиши. *Баротравмада дастлаб қулоқ оғрийди, кейин одам яхши эшитмайди, қулоғи шанғиллайди, баъзан боши айланади*. «ЎЗМЭ».

**БАРОҚ** Қалин, узун ва бир оз жингалак (юнг, жун). *Бароқ қош. Бароқ соч. Бароқ мўйлов. Бароқ ёл. Бароқ мушук*. ■ *Қудратнинг бароқ қошлари бир-бирига тортилди*. М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Жондор ота қирра бурнининг тагида яйраб ўсган оптоқ бароқ мўйловини ўйнаб, мийиғида кулди*. Газетадан. *Ертандир устига чиқиб, офтобда юз юваётган бароқ мушук миёвлади*. Ҳ. Назир, Сув галоси – оқпадар.. *Йўл устида ястаниб ётган харсантошларнинг елкасидаги.. қўнғир бу-журлари арслоннинг бароқ ёлини эслатар эди*. «Шарқ юлдузи».

**БАРОҚҚОШ** Ўсиқ, жингалак қошли (одатда шахс ҳақида). *У бароққош, кўзи чақчайган, афти шишайган*. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Яхшибоев ёшўлдининг қиёфасини эслатади: рапидануз, бароққош бир кимса.. М.М.Дўст, Лолазор*.

**БАРПО** [ф. برپا – барқарор, турғун; қурилган, ўрнатилган]: **барпо бўлмоқ** Бунёдга, вужудга келмоқ, қурилмоқ. *Ёлғон, эгриликка ўрганма асло, Жаҳон тўғрилиқдан бўлмишдир барпо*. «Ақл ақлдан қувват олади». *..бирон нарса, бирон ваъда эвазига яна уйда номатлум муддатга тинч-тотувлик барпо бўларди*. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Барпо қилмоқ** (ёки **этмоқ**) Бунёдга, юзага кел-

тирмоқ, ташкил этмоқ, қурмоқ. *Наврўз, Маржонбулоқ шаҳарлари тезкорлик билан барпо этилмоқда. «Ўзбекистон кўриқлари». Янги қишлоқ барпо қилиниб, атрофига чинорлар экилиб, қишлоққа Мингчинор номи берилган. «Ўзбекистон кўриқлари». Барпо этиб бўстонлар, Топди қувонч, бахтини. З. Диёр.*

**БАРРА** [ф. *بارره* — кўзичоқ; оху боласи] **1** Янги туғилган кўзичоқ. *Барра гўшти. ■ Бир барра кўзи бор эди, ота ҳозир шуни саранжом қилиб кирди. Н. Фозилов, Қиссалар.*

**2** Янги туғилган кўзининг гўшти. *Барра кабоб. ■ -Қани, баррадан олинг, ўғлим, — деди у илик узатиб. А. Мираҳмедов, Қўйлар кўзилади.*

**3** Кўзичоқнинг жингалак жунли териси; қорақўл. *Барра пўстин. Барра ёқа. ■ Усубалининг сербар телпак остидаги калласи барра пўстин ичига кириб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Мунавварнинг ўрнига ёқасига кўк барра тутилган қишлоқ пальтодаги жувон жавоб берди. С. Анорбоев, Меҳр.*

**4** кўчма Янги униб, ўсиб қиққан, ёш, майин; диркиллама. *Барра ўтлар. Барра пиёз. Барра беда. Барра барг. Барра бодринг. ■ Гуллай бер, шафтолим, қантак ўригим, кўкариб ўса бер, барра ўт, майсам. С. Акбарий, Меҳригийё. Сув бўйида ям-яшил барра кўкатлар. С. Сиёев, Ёруғлик. Сўнгера ҳовлида кўкариб турган барра пиёздан ҳам бир боғ юлиб чиқди-ю, уйга кириб кетди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Акбарали барра мўйловини икки ёнга устма-уст силади. Р. Раҳмонов, Довруғ.*

**БАРРЕЛЬ** [ингл. *barrel* — бочка, бочкача] АҚШ, Буюк Британия ва б. бир қатор мамлакатларда: суюқликлар ва сочилувчан моддаларнинг 115 дан 164 литргача бўлган сизим ва ҳажм ўлчов бирлиги.

**БАРРИКАДА** [фр. *barricade* — тўсиқ, ғов] Кўча жанглирида, шунингдек, кўприк ва тоғ йўлларида дуч келган нарсалардан (хода, тош, дарахт, қум тўлдирилган қоп ва б.) фойдаланиб, ҳимоя, мудрофаа мақсадида қурилган тўсиқ, ғов. *Баррикада жанглиридан кейин чор охранкаси уни турмага ташлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**БАРС** зоол. **1** айн. **илвирс 1, йўлбарс 1.**

**2** Мучал ҳисобида учинчи йил номи. *Барс йили.*

**БАРТАРАФ** [бар.. + тараф]: **бартараф бўлмоқ 1)** у ёки бу томонга ҳал бўлмоқ; бир

ёқли бўлмоқ. *Тортишуев бартараф бўлди; 2)* битмоқ, тугамоқ, йўқ бўлмоқ; сафдан чиқмоқ. *Уларнинг жанжаллари ҳеч ҳам бартараф бўлмади. Бартараф қилмоқ 1)* у ёки бу томонга ҳал қилмоқ, бир ёқли қилмоқ. *Сиз бир ҳафтанинг ичида ишни бартараф қилиб, судга чиқарасиз. А. Қаҳҳор, Сароб; 2)* битирмоқ, тугатмоқ; йўқ қилмоқ. *Капитан Аҳмаджонга, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, немис пулемётларини бартараф қилишни буюрди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**БАРТЕР** [ингл. *barter* — товар айирбошлаш] *икт. Пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш ва шу ҳақдаги шартнома. Бартер битими. Бартер усули.*

**БАРХАН(ЛАР)** Сахро ва чўлларда шамол таъсири (кучи) билан пайдо бўладиган кўчма қумтепалар. *Сахролардаги дюналарнинг бир ёнбағри ётиқроқ.. иккинчиси тикроқ бўлади. Бундай тепаликлар барханлар деб аталади. «География». Рупардан кўринаётган қизил-сарғиш барханлар қотиб қолган океан тўлқинларини эслатади. «Ўзбекистон кўриқлари».*

**БАРХИТ** [итал. *barbakan* < а. *براق* — ялтироқ, ярқироқ; нур сочувчи; бир хил қора кийим] **1** от Духоба, бахмал. *Мошранг бархит.*

**2** сфт. Бархитдан, бахмалдан тайёрланган. *Мунисхон қора бархит пальтосининг ёқасини бошигача кўтарган.. бировни кутган вазиятда турар эди. А. Қаҳҳор, Сароб. Пошшахола.. янги қора бархит камзулининг ички чўнтагига алланималарни шошиб-пишиб тикди. Д. Нурий, Осмон устунни.*

**БАРЧА** жамл. олм. Мавжуд бўлган нарса, кимса ёки ҳодисаларнинг ҳаммаси; бекаму кўст; ҳамма. *Тўй — тегишлиники, ҳайит — барчаники. Мақол. Сахий топса — барча ер, бахил топса — босиб ер. Мақол. ■ Дунёдаги кўриб ўта турган барча орзуимиз, ҳавасимиз фақат сенгагина қараб қолган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Анвар ҳар ким учун сеvimли.. барчага баравар эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**БАРШ** [а. *برش* — бангидевона; банг] Афюн, асал ва хушбўй дориворлардан тайёрланган наркотик модда. *Кўжалдош мадрасасида.. барш дейсанми, чакида дейсанми, қисқаси, кайф берадиган ҳар бир нарса десанг, бор. С. Айний, Жаллодлар.*

**БАРШЧИНА** [р. барщина — баринга текин ишлаб бериш] *эск. тар.* Ўрта асрларда Россияда крепостной деҳқонларнинг ўз меҳнат қуроллари билан помещчик фойдасига ҳақ олмай мажбурий суратда бажарадиган иши; феодализм давридаги ер рентасининг бир шакли. *Шарқ мамлакатларида барщина кенг тарқалмаган.* «ЎЗМЭ».

**БАРЬЕР** [фр. barriere — тўсиқ, ғов] *спрт.* 1 Югуриш ва от спортида ёки цирк номерларида: сакраб ўтиладиган тўсиқ.

2 Девор, тахта девор. *Ҳовлини барьер билан тўсмоқ.*

**БАРҚ** [а. برق — чақмоқ; ялтиллаш] *поэт.* Яшин, чақмоқ; ёлқин, аланга. *Воқеалар барқ суръати билан давом этди.* Ойбек, Навоий. *Севи барқу оташида ўртанишни ғам демам, Ошиқона бу дилим бебарқу оташ бўлмасин.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**Барқ урмоқ** 1) ярқирамоқ, чақнамоқ, жилоланмоқ. *Кўнглида бир зум, бир зумгина барқ уриб ўтган бу нидо отиға қамчи бостирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қуёшдек барқ уриб чиқса нигорим, Боқолмасман кетиб ақл, ихтиёрим.* Ҳабибий. *Ой туққандай, жамоллари барқ урар, Не гўзаллар унга бўлган харидор.* «Муродхон»; 2) аниқ намоён бўлмоқ, баралла сезилмоқ, кўринмоқ. *Суннатнинг хати ўзидай шўх, ҳар жумладан ҳазил-мутойиба барқ уриб турар эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**БАРҚАРОР** [бар.. + қарор] 1 Қарор топган, қатъий, узил-кесил ўрнашган; устувор. *Истиқлолимиз барқарор бўлсин.* ■ *Бахтинг барқарор бўлсин.* Т. Тўла. *Муродхон элга, меҳнаткаш халққа бўлган бу ғамхўрликда изчил ва барқарор туради.* «Муродхон».

2 Ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмайдиган, доим бирдек турадиган; ўзгармас. *Барқарор валюта.* Ҳосилнинг барқарор бўлиши учун курашайлик. ■ *Халқим, сенсан элларга Тўкин дастурхон тузган, Неъматинг ўзингга ҳам Барқарор бўлсин, дейман.* А. Орипов.

3 Бир ерда ўрнашиб қолган; муқим. *Муҳаррир икки йилдан бери шу вазифада барқарор эканига хурсанд.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Баҳор юзларингда барқарор.* «Гулдаста».

**Кўнги́л барқарор бўлди** Кўнги́л тинчиди, кўнги́л таскин топди. *Муборак бошларига ҳумоюн қуши кўнди, кўнги́ллари барқарор бўлди.* Ойбек, Навоий.

**БАРҚАРОРЛИК** Тургунлик, мустаҳкамлик, ўзгармаслик ҳолати. *Барқарорликка эришмоқ.* *Давлат сиёсатининг барқарорлиги.*

**БАРҚУТ 1** с.т. айн. **бархит.** *Шундан сўнг дарвешни гилам, барқут болишлар ташланган меҳмонхонага олиб кирдилар.* У. Исмоилов, Сайланма. *Мўттихон кўз югуртирди. Ҳақиқатдан ҳам кўчада жуда кўп учрайдиган, этакдай чиммат тутиб, барқут паранжи ёпинган аёллар бунда йўқ эди.* С. Зуннунова, Гулхан.

2 кўчма Барқутсимон; юмшоқ, майин. *Барқут осмон.* *Барқут уфқ.* *Барқут чехра.* *Барқут япроқ.* ■ *Ёдимда, эрталаб турли товланган Шудрингли гулларнинг барқут чехраси.* Уйғун. *Ҳавасларга тўлиб, мен қарайман Барқут водийларга сузилиб.* Уйғун. *Фақат узоқлардан, ёқут уфқдан, Не ёқут, қип-қизил барқут уфқдан Мўралаб оҳиста қочарди қуёш.* Ғайратий.

**БАРҲАВО** [бар.. + ҳаво] айн. **баҳаво.**

**БАРҲАЁТ** [бар.. + ҳаёт] 1 Яшаб турган ҳолатда; ҳаракатда, тирик. *Ҳозир барҳаёт бўлган темурий шаҳзодалардан энг тадбиркори, энг қобили.. шубҳасиз, Ҳусайн Бойқародур.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Баъзан олисда сузиб бораётган баҳайбат кемаларнинг беҳисоб чироқлари само юлдузларидек чарақлаб, зимистон денгиз барҳаёт эканидан далолат бериб туради.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 кўчма Мангу, абадий, доимо яшовчи. *Ҳаёт абадий, аммо у ёш авлод билан барҳаёт.* Р. Усмонов, Одобнома. *Барҳаёт Ойбек бу — қутлайди мамнун, Қутлар Фафур Фулом — донгдор замондош.* А. Орипов.

**БАРҲАМ** [ф. برهم — чигал, аралаш; пароканда]: **барҳам бермоқ** Йўқ қилмоқ, тугатмоқ; хароб қилмоқ; тўхтатмоқ. *Амир Темур сарбадорлар ҳаракатига барҳам бергандан кейин, бу ҳаракатга алоқадор одамлар ҳар томонга тарқаб кетган.* Мирмуҳсин, Меъмор. *..ёвузликка барҳам бериш учун озмунча қурбонлар бермадикми биз!* Н. Сафаров, Оловли излар. *Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам, Иста, яши кунда номим қилгил ёд.* А. Орипов. **Барҳам емоқ** (ёки **топмоқ**) Йўқ бўлмоқ; тугамоқ, тўхтамоқ. *Кўзларидеги аввалги ҳурковучлиги, тортинчоқлиги барҳам еган.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Истар эди жафокаш инсон: ..Барҳам топса қулик, кишан, ғам.* Уйғун.

**БАРҲАҚ** [бар.. + ҳақ(қ)] *эск. кт.* Ҳақиқатан ҳам мавжуд; ҳақиқий; адолатли. *Дини исломият барҳақ, масжидларимиз гавжум, бозорлар обод.* Х. Тўхтабоев, Қасоскорнинг олтин боши. *Зиёрат айлади насиб қилган халқ, Каримсан, самадсан, расулинг барҳақ.* «Маликаи айёр».

**БАС I** [ф. *بس* — етарли; кифоя] **I** *унд.* Бошқа керак эмас, шу билан етар; тўхтат. *-Бас!* — кичқирди *Мирзакаримбой*, — манманлик — худо урганлик. Ойбек, Танланган асарлар. *Бас энди, ётаберма. Сал меҳнатга ҳам қайиши.* Ғ. Фулом, Тирилган мурда.

**Бас килмоқ** Тўхтатмоқ, хотима бермоқ, *Нега қўшиқни бас қилдинг, яхши йигит?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Мастура опа.. уйда ўтиришни бас қилиб, савод мактабини битиради, болалар боғчасига мураббия тайёрловчи курсга киради, паранжини ташлайди.* П. Қодиров, Уч илди.

**2** *кри с.* Демак, шундай экан. *Бас, биринчи бўйруқни сиз олган экансиз, нега яна қушбегидан фотиҳа кутиб ўлтирибсиз?!* А. Қодирий, Утган кунлар. *Йўлчи бир нафас тўхтаб.. давом этди:* — *Урус бойларнинг ҳамёнини тўлдирадими?* *Бас, улар борсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БАС II** [а. *باحت* — муҳокама, мунозара, тортишув]: **бас боғлашмоқ** (ёки **ўйнамоқ**) Гаров боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. *Бас боғлашиб, эрта азонда далага чиксанииз, ҳаммадан олдин Жипаройни кўрасиз.* «Қаҳрамоннома». *У чаққонликда мен билан бас боғлашгандай, баланддаги ингичка шохга тармашибди.* П. Қодиров, Қадрим. **Бас келмоқ** Баравар, тенг келмоқ, тенглашмоқ. *-Сизга бас келиб бўладими!* — деди *Элмурод* ва бошқа гапирмай, одимлай берди. П. Турсун, Ўқитувчи. *Ким экан у, сенга бас келган йигит?* Ойбек, Танланган асарлар.

**БАС III** [итал. *basso* — паст] **I** *мус.* Эркакларнинг энг паст, йўғон овози ва шундай овозга эга ашулаци. *Баланд ёки куйчан бас ҳамда паст бас.. фарқ қилинади.* «ЎЗМЭ».

**2** Кўп овозли мусиқа асарларидаги энг пастки овоз, партия. *Хорда бас биринчи ва иккинчи овозларга бўлинади.* «ЎЗМЭ».

**БАСАВЛАТ** [ба.. + савлат] Қиёфаси, кўриниши ҳавас уйғотадиган, улуғвор, савлатли. *Басавлат одам.* ■ *Онам жуда басавлат аёл эди.* Қ. Кенжа, Ноганиш гул. *Вой буйгинангдан-ей.. тушимми-ўнгимми, болагинам..*

*Бирам басавлат бўлиб, гунгурдай бўлиб кетибсанки..* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БАСАЛОБАТ** [ба.. + салобат] *кт. айн.* **салобатли.** *Басалобат одам. Басалобат нуруний чол.*

**БАСИР** [а. *بصير* — ўткир кўзли; ўта зийрак] *эск. I* Кўрувчи, кўзи ўткир, ўта сезгир. *Қилурни айла риоят демакта асра адаб, Ки дўст феблингу қавлунгадур басиру самев.* Навоий, Хазойинул-маоний.

**2** Кўриш қобилияти йўқ; кўр, сўқир. *Ҳатто умри бўйи қорни тўймаган қашшоқ ҳам, кўзи басир тиланчи ҳам, бир кун бўлса-да, кўпроқ яшасам, дейди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Пинҳон эди унга бор умр, чунки ҳаёт этлишиди басир.* У. Носир, Юрак. *Ахир шунчалик басир эмас-ку, йўл бўйида турган одамни кўрмайдиган.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

**3** *кўчма* Нарса, воқеанинг моҳиятини тушуна олмайдиган; онгсиз; билимсиз; жоҳил. *Тўғри-ку, лекин бу басир оломонни маърифатли қилиш учун жуда узоқ муддат керак бўлади.* К. Яшин, Ҳамза. *-Азбаройи ўшал кўзи очик, қалби басирларга қаҳрим тўфайлидир. Аларнинг китоб кемирувчи сичқонлардан не фарқи бор?* — деди *Бобур.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**БАСИРАТ** [а. *بصيرت* — ақл, онг; зийраклик] *кт.* Кўра олишлик; зийраклик. *Вале кимки бўлгай басират фани, Не мумкин адо айлай олмақ ани.* Навоий, Салди Искандарий.

**БАСИТ** [а. *بسيط* — содда, одлий] *эск. кт.* Содда, мураккабмас; соддалий. [*Ҳусайн:*] *Соҳиби тадбир, доно Навоийнинг буғун басит ва саёз мулоҳазалар юритишининг боиси не бўлса экан?* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**БАСКЕТБОЛ** [ингл. *basket* — сават, тўр + *balle* — тўп] *спорт.* Икки команда аъзоларининг тўпни бир-бирига қўлма-қўл ошириб, муайян баландликдаги тахтага ўрнатилган тўрли ҳалқага тушириш ўйини. *Баскетбол майдони. Баскетбол ўйнамоқ. Баскетбол мусобақаси.*

**БАСКЕТБОЛЧИ** Баскетбол билан шуғулланувчи, баскетбол ўйновчи. *Янгиариқлик баскетболчи қизлар Ҳазораснга борди.* «Муштум».

**БАСКИ** [ф. *باسكه*] *эск. кт. айн.* **бас I 2.**

**БАСЛАШМОҚ** *с.т.* Бас боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. *Тўқсон беш центнердан пахта беришга баслашибди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАСМА-БАС I** Бирор ишда, соҳада ким ўзди, ким ўзар мусобақаси. *Басма-басда ютган эр Йўлига гул сочайлик!* К. Яшин, М. Раҳмон, Сирдарё.

**2 рвш.** Бас боғлашгандай, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилгандай, қолишмай. *Мели полвон ва Юсвали отага ўхшаш баъзи бир активлар ўзларини тутолмай, улар [Олахўжа ва Турдивой халфа] билан басма-бас сўкишдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уртоғим билан бирга Кетмон чопдик басма-бас.* «Кўшиқлар».

**3 Тўхтовсиз, қайта-қайта.** *Боғлари кўзғар ҳавас, Булбул куйлар басма-бас.* С. Очил, Умидвор қушча. *Уртоғини ҳайқириб басма-бас қақирди.* Ф. Фулом, Шум бола.

**4 кўчма с.т.** Муносиб, ярашиқ, мос. *Атлас кўйлак басма-бас, шойи кўйлак ранги наст.* «Оқ олма, қизил олма».

**БАСМА-БАС(И)ГА** *рвш.* Худди бас боғлашгандай, бир-биридан қолишмай, ким ўзарга. *Гуё.. табиат бастакорлари ким ўзар ўйнашарди. Басма-басга бири чўзиб хониш қилса, бошқаси шодлигини ичига сиғдирилмай, шўх-шўх куйларди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қудам икковимиз, басма-басига орзу-ҳавас, деб болаларни қийнаб қўйдик.* «Муштум».

**БАСМАБАСЛАШМОҚ** Бас боғлашмоқ, баслашмоқ; ким ўзарга бирор иш, ҳаракат қилмоқ. *Басмабаслашиб сузишмоқ.*

**БАСМАБАСЛИККА** *айн.* басма-бас(и)га. **БАССЕЙН** [фр. bassin — тоғора; ҳовуз] Катта сунъий сув ҳавзаси. *Спорт бассейни.* ■ *Кўплаб ёшлар хоналари, бассейнлар, майдончалар барпо этилди.* Газетадан.

**БАСТА** [ф. بست — паноҳгоҳ; бирикма, тузилма; боғланиш] Гавданинг бутун борлигича, яхлит кўриниши, қад, қомат. *Ўзига зап ярашган қомати, бўйи, баста.* С. Акбарий. *Ҳайитхон бастини ростлаб, атрофига қаради.* Р. Раҳмонов, Бахт билан учрашув.

**2 кўчма** Нарсанинг табиий кўриниши. *Қоялар бастига ҳайратда боқдим, Хаёл мавжларида чўққига оқдим.* Ж. Жабборов.

**БАСТА** [ф. بستن < بسته — «боғламоқ, маҳкамламоқ, уламоқ» фл. ўтг. зам. сфдш. шакли] *эск. кт.* Боғланган, боғлиқ.

**БАСТАКОР** [баста + ф. کار — иш, машғулоти] Анъанавий мумтоз мусиқа асарлари ижодчиси; композитор. *Йиғилди бастакору саз ила созанда, хушхонлар.* Ҳабибий. *Бахт тенгдир шоиру бастакорга ҳам, Абдурайим деган пахтакорга ҳам.* А. Орипов.

**БАСТАКОРЛИК** Мумтоз, анъанавий мусиқа асарлари (куй ва ашулалар) яратиш машғулоти, касби; мусиқа ижодчилиги. *Бастакорлик санъати, айниқса, 15–16-асрларда оммавийлашган: қатор шоир, олим ва б. лар айни пайтда бастакор ҳам бўлган.* «ЎзМЭ».

**БАСТАЛАМОҚ** Мусиқий асарлар яратмоқ. *Эркин меҳнат қўшиқларин басталаб, яхшилаб чал, ҳордиқларим тўкайин.* Файратий.

**БАСТАЛИК** Тўсиқ, гов; тўсқинлик.

**Басталик келтирмоқ** Ишнинг ривожига гов бўлиб тушмоқ; ишни кейинга тортмоқ. *Унинг йиғлаганини билиб қолган домла: -Кўз ёшининг хосияти йўқ, касб-корга басталик келтиради.. — дейди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БАСТИОН** [фр. bastion — мустаҳкам қўрғон] *кам қўл.* Атрофи мустаҳкам девор билан ўралган, одатда беш бурчак шаклида қуриладиган, ҳар бир бурчагида ўқ отар нуқтаси бўладиган ҳарбий истеҳком. *Бастсион биринчи марта Италияда 15-асрда пайдо бўлган.. ўз вақтида зўр ва ишончли истеҳком вазифасини ўтаган.* «ЎзМЭ».

**БАТАЛЬОН** [фр. bataillon — жангчилар бўлинмиси] Бир неча ротадан ва махсус бўлинмалардан иборат бўлган ҳарбий қисм. *Пулемётчилар батальони. Ўқчи батальон. Инженерлик батальони. Батальон комиссари.* ■ *Батальон шу кун кечгача душманнинг ўн уч мартаба қилган шиддатли атакасини қайтарди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шаҳарда қирувчи ва тикловчи батальонлар тузилди, халқ қасоскорлари отрядлари барпо этилди.* Газетадан.

**БАТАМИЗ** [ба.. + тамиз] Фаросатли, зеҳнли. *Кўшиқда ўтирган қизлар. Баринг бирдай батамизлар.* «Равшан».

**БАТАМОМ** [ба.. + тамом] *рвш.* 1 Сира ҳам қолдирмасдан, тўла-тўқис, тўлиқ, тугал, қолдиқсиз. *Ҳақимни батамом олдим.* ■ *Ҳикоянинг деярли ярмини ташкил қиладиган охири фасли батамом ўчирилган.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2 Буткул, бутунлай, тамомила.** *Муттачил портлашлар зарбидан Аҳмаджоннинг қулоғи батамом битган.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Янги туғилган боланинг ички аъзолари батамом ривожланиб етмаган бўлади.* «Саодат». *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан қуюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб битган.* А. Қаҳҳор,

Асарлар. Қани энди, орамиздаги баъзи бир сизга ўхшаган жигилдон касалига мубтало бўлганлардан батамом қутулсак. Уйғун, Навбахор. Батамом бузилган бу шаҳарчада бирон киши учрамади. Газетадан.

**БАТАНГ** [ба.. + ф. *تنگ* – тор, тигиз; энсиз]: **қулоқ(лар)ни батанг қилмоқ** (ёки **батангга келтирмоқ**) Қулоқни битирмоқ, қулоқни гаранг қилмоқ. *Денгизнинг бетининг шовқини билан басма-бас ўйнаган қушларнинг қийқириқлари қулоқни батанг қилади.* «Ишчилар». *Овқатфурушларнинг бақирқиқ-чақирқиқлари қулоқни батангга келтиради.* «Муштум».

**БАТАРЕЯ** [фр. *batterie* < *battre* – урмоқ] **1** Бир неча түп, замбарак ёки миномёт билан қуролланган артиллерия бўлинмаси. *Миномётлар батареяси. Зенит батареяси. Батарея командири.* ■ *Тепаликдаги батарея ўт очиши билан бир танк тутаб, кейин ёниб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** Бир неча түп, замбарак ёки миномёт жойлашган истехком. *Тепаликнинг чўққисидан танкка қарши отадиган батарея палпартиши ўқ узар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Танкларимиз душманнинг олдинги окопларидан ўтиб, танкка қарши отадиган батареяни түпга тута бошлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**3** физ. Ўзаро бириктирилган бир неча гальваник элемент, аккумулятор, конденсаторлардан иборат қурилма. *Аккумуляторлар батареяси. Чўнтак фонарининг батареяси.* ■ *Батарея йўқ, батарея бўлса, радиолани ҳам ишга солардик.* И. Раҳим, Ихлос. *Чўлқуварлар батарея излаб, узоқ шаҳар ва район марказларига қатнамоқ-далар.* Газетадан.

**4** тех. Бир турдаги бир неча элемент бирикмасидан иборат бўлган қурилма. *Иситиш системасининг батареяси.* ■ *Етти йил мобайнида.. энг катта домналар, кокс батареялари, прокат станлари.. қурилди.* Газетадан.

**БАТАР** [ф. *بتر* < *بتر* сўзининг қисқарган шакли] айн. **баттар** (бадтар).

**БАТАРИН** [ф. *بترين* – баттарроқ] Шилқим, безбет, ўжар. *Айниқса, олақўз набираси жуда батарин. Йигитнинг елкасига эски тўнни ташлаб, миниб олади-да, энди тўрт оёқлаб чопасиз, дея талаб қилади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БАТАРТИБ** [ба.. + тартиб] **1** Муайян тартибга келтирилган, ўз ўрнида тартиб билан

жойлашган; саранжом-саришта, тартибли. *Батартиб уй. Батартиб хўжалик. Батартиб кўчалар.*

**2** рви. Маълум тартибга амал қилган ҳолда, тартибли равишда. *Ўқувчилар синфларга батартиб кира бошлади.*

**БАТАФСИЛ** [ба.. + тафсил] рви. Бутун тафсилоти билан, ҳеч қолдирмасдан, икир-чикиригача қолдирмасдан; борича. *Батафсил ўрганмоқ. Батафсил текширмоқ. Батафсил сўзламоқ. Батафсил баён қилмоқ. Батафсил тўхтамоқ. Батафсил тушунтирмоқ. Батафсил танишмоқ.* ■ *У «Қўшчинор»га юбормоқчи бўлган одамнинг ким эканини айтиб, унинг тўғрисида батафсил сўзлаб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Аҳмад Хусайн бутун воқеани батафсил ҳикоя қилгандан кейин, ота оқариб, қаттираб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

**БАТИСКАФ** [юн. *bathos* – чуқур + *skaphos* – кема] Денгиз ва океанлар остида океанографик ва б. тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган ўзиюрат аппарат.

**БАТИСТ** [фр. *Batiste* < француз *Batiste de Chambrai* номидан ] Пишитилган ингичка ипдан тўқилган юпқа, енгил газлама. *Батист рўмол. Батист кўйлак.* ■ *Ҳурматой ипагидай Асл, нафис батистга Санъаткор қиз қўли-ла Ҳаёт ўзи босар гул. Зулфия. Совғада 200 граммча тамаки, битта ғалати батист рўмолча, кўк конвертга солинган икки элликкина хат.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БАТИСФЕРА** [юн. *bathos* – чуқур + *sphaira* – шар] Сув остидаги кузатиш аппаратлари билан жиҳозланган шарсимон чуқур сув ости камераси.

**БАТОМЕТР** [юн. *bathos* – чуқурлик + *metreo* – ўлчаيمان] *гдрл.* Сувнинг кимёвий таркибини ва ҳароратини аниқлаш мақсадида денгиз, кўл, дарёларнинг турли чуқурликларидан намуна оладиган асбоб.

**БАТОН** [фр. *baton* – чўп, таёқ] Чўзинчоқ оқ булка нон.

**БАТРАК** [р. < туркий] тар. Помешчик ёки қулоқ хўжалигида ёлланиб ишлайдиган деҳқон. *Мен Кўқоннинг Қумқишлоғида бир батрак оиласида туғилганман.* Ойдин, Ҳикоялар.

**БАТРАКЛАШМОҚ** Ер-мулқидан айрилиб, батракнинг аҳволига тушиб қолмоқ.

**БАТТАР** [ф. *بدر* – ёмонроқ; зиёда] рви. **1** Аввалгидан, қиёс қилинаётганидан ортиқ, зиёда (хатти-ҳаракат). *Баттар бўлмоқ.*

Баттар қилмоқ. ■ [Йўлчининг] Бошида шу фикр учқунланди: «Мен чақирсам, баттар уялади, ерга киради, ҳам унинг кўзига қандай қарайман!» Ойбек, Танланган асарлар. Домла бозор қилишни, магазинга боришни жинидан баттар ёмон кўрар эди. А. Қаҳҳор, Тўйда аза.

**БАТТАРИН** [ф. *بدر* < *بدر* *сўзининг* куч. шакли: жуда ҳам ёмон] Ўтакетган даражада ёмон, жуда ёмон. *Маждиддин Мухаммад ким? Ундан баттаринроқ ҳам бор.* Ойбек, Навоий. *Билмаган киши: «Бу баттарин раис экан», деб ҳайиқади ҳам.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка. *..саркор кўриб қолса, яна хўжайинга чақиб юбормасин, кўп баттарин одам, — деди Замон Дилшодга.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БАТТАРЛАШМОҚ** Аввалгидан ҳам ёмонлашмоқ, оғирлашмоқ, зўраймоқ. *Унинг касали аввалгидан ҳам баттарлашди.*

**БАТТОЛ** [а. *بطل* — бекорчи, ишсиз; ёмон] 1 Ўтакетган ёвуз, бераҳм, ваҳший. *-Беному баттоллар! — деган газабнок товушлар эшитилди. Отлиқлар қиличларини яланғочлаб, қий-чув кўтарган аёлларни чопа бошладилар.* М. Осим, Ўтрор. *Бўридан ҳам ёмон.. Одамнинг бўриси, баттол.* Газеталдан.

2 Ўтакетган разил, ярамас. *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомид экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Ўзиникини тўғри деб туриб оладиган; тўғри йўл-йўриққа юрмайдиган, ўтакетган ўжар, қайсар. *Бугун дарвозада жуда баттол сарбоз турибди.* С. Кароматов, *Бир томчи қон.* *..ўжар бўлганда ҳам бориб тургансан.* Бекорга «баттол» деб лақаб қўйишдан эмас. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

4 кўча Хосиятсиз; шиддатли. *Намозгардан бошлаб ёмғир чунонам қуйишга турдики, Жаҳон ота: -Бунақа баттол ёғинни умримда камдан-кам кўрганман, — деди.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

**БАТТОЛЛИК** Ёвузлик, ваҳшийлик. *Неча беадаб, неча баттоллик этди, Қилични бўйнига солиб шул бадбахт.* «Юсуф ва Аҳмад».

**БАФАРМОН** [ф. *بفرمان* — фармон бўйича, фармон билан]: **бафармони** худо Худонинг хоҳиши, иродаси билан. *Бора-бора, бафармони худо, тортишув шундай қизиб кетибдики..* Ойбек, Навоий.

**БАФУРЖА** [ба.. + ф. *فرجام* — охир, интиҳо, тугаллаш] 1 *рвш.* Хотиржамлик билан, хотиржам ҳолда; шошмасдан, бамайлихотир, бемалол. [Қосимжон:] *Ҳозир идорага бориб келаман, кейин бафуржа гаплашамиз.* Ў. Умарбеков, Юлдузлар. *Бугун дам олиш кuni бўлгани учун Элмурод бафуржа турди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *-Чойни ўзингиз бафуржа ичаверинг, — деди у..* Ҳ. Фулом, Машъал.

2 Кейинчалик, қулай пайтда; кечроқ. *-Юринг, [фермани] кўрсатаман, — деб қис-тади Татьяна. Кампир бафуржа келишга ваъда берди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *-Кўзгалманглар, — деди бизга самоварчи, — ҳали аравакаш бу ерда дам олиб, бафуржа жўнайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БАХАБАР** [ба.. + хабар] *айн.* бохабар.

**БАХАЁЛ** [ба.. + хаёл] *айн.* бахаёл(га).

**БАХАЁЛ(ГА)** *рвш* Савдога мўлжалга тўғри келмаса ёки ёқмаса қайтиб бериш ёхуд қайтиб олиш. *Бахаёлга олмоқ. Бахаёлга сотмоқ.* ■ *Аранг отанг яхши, онанг яхши билан бир сўлкавойга бахаёл иторибман.* А. Қодирий, Гирвонлик Маллавовай.

**БАХАЙР** [ба.. + хайр] 1 Хайрли, эзули; яхшиликка олиб борадиган, охири яхшилик билан тугайдиган. *Худо охири бахайр қилсин энди!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Киши бир касбга ёшликдан меҳр қўйса, охири бахайр бўлади.* «Ишчилар». *Ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Кўнглим бир нарсадан ғаш, дадаси!* О. Ёқубов, Пьесалар.

2 Касал ёки бирор бахтсизликка учраган кишини кўрганда, ундан кўнгили сўраш учун қўлланадиган сўз. *Бахайр? Не бўлди, тақсир!* Ойбек, Навоий.

**БАХИЛ** [а. *بخيل* — хасис, зиқна, қурумсоқ] 1 Бировга ҳеч нарсани раво кўрмайдиган; сарф-харажатни ёқтирмайдиган; хасис, қизганчиқ. *Сахий топса — барча ер, бахил топса — босиб ер.* Мақол. *Бахил эҳсондан қочар, хасис — меҳмондан.* Мақол. ■ *Ҳиммати-ку эрта кунда йўқ, яна ўзи ҳам ўлгундек бахил, нияти қалб йигит.* «Муштум».

2 Ўзгани кўра олмайдиган, ичи қора, ҳасадчи, рашкчи. *Бахилнинг боғи кўкармас.* Мақол.

**БАХИЛЛИК** 1 Бирон шахснинг ўсишини, даражаси, обрў-эътибори ошишини, ютуғи, истеъдоди ва б. ни ич-ичидан кўролмасликдан иборат ахлоқ тушунчаси.



2 Умуман, бировни кўра олмаслик; ҳасад. *Носир мулланинг донғини чиқарган Абди мулла ошнасининг мол-дунёга ботаётганини кўриб, зимдан бахиллиги келди. «Муштум». Тўраҳон Зебининг қаршилиги аста-секин синиб бораётганини ичи қоралик ва бахиллик билан кузатиб турарди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.*

**БАХМАЛ** [ф. *مخمل* — тукли; духоба, бархит] *от, сфт. 1 айн. духоба. Қизил бахмал. Чий бахмал. Бахмал дўппи. Бахмал тўн. ■ Бахмал нўстин киясан, алла-ё, алла, Зўр пахлавон бўласан, алла-ё, алла. «Кўшиқлар». Улар бахмал кўрпа ёпилган иссиқ сандалнинг икки четида ўтириб, кечки таомни бирга емоқда эдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

2 *кўчма Дала ва тоғларни қоплаган майин майсалар ёки қалин ўт-ўланлар. Бахмал далалар. Бахмал қирлар. Бахмал қирғоқлар. ■ Қандай гўзал бахмал қир, Ям-яшил денгиз гўё. А. Пўлат, Тасаддуқ. Жилвага бурканди кумуш қирғоқлар, Бағрига тортарди бахмал ўтлоқлар. Файратий. Сокин тунда тўлган кумуш ой, Бошин қўйиб бахмал қирғоққа. Файратий. Бахмал соҳилинга кўз тикиб қолдим, Асрлар сирдоши, эй улуғ дарё. Файратий.*

3 *кўчма Қуюқ қоронғулик. Кумуш тонгни, бахмал кечани далада қаршилаб. Газетадан. Тонг олди тинч. Ёқимсиз туннинг қора бахмали. А. Мухтор, Асарлар.*

4 *кўчма Майин, ёқимли. Буниси кўп саз, Убахмал овоз Сақланган экан Улуғ ҳофиздан. М. Шайхзода.*

**БАХМАЛПҶШ** [бахмал + ф. *پوش* < *پوشيدن* — «киймоқ; ёпмоқ, қопламоқ» фл. ҳоз. зам. ўзаги] *кўчма поэт. кам қўлл. Майсалар, ўт-ўлан билан қопланган. Кўзларингни яшнатади бахмалпўш дара.. Х. Салоҳ, Қорабоғ.*

**БАХТ** [ф. *بخت* — тақдир; насиба, улуш] **1 ижт.** Кишининг ўз фаолияти натижаларидан, ҳаётда қўлга киритган ютуқларидан тўла қониқиши, яшаш тарзидан мамнунлиги, муайян мақсадга етгани, орзумидининг ушалиши сифатида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий тушунча.

2 *Ҳаёт (турмуш)дан тўла мамнунлик ва беармонлик ҳолати; саодат, қут. Мехнат — бахт келтирар. Мақол. ■ Она-ер нафасига, мехрига, инъомларига тўйиб яшашдан ортиқ бахт борми? «Саодат».*

**Бахти кулмоқ (ёки очилмоқ)** Бахтиёр ҳаётга, хушнуд онларга эришмоқ; бахтли, бахтиёр бўлмоқ. *Ажаб эмас, бахти очилиб, Гулнор ҳам яхши, обрўли жойларга келин бўлса. Ойбек, Танланган асарлар. Қисқаси, боладан бахтим очилмади, дўстим. Т. Ашуоров, Оқ от. Бахтинг очилсин ёки бахтингни берсин* Ёшларга муҳаббат ва ширин оилавий турмуш тилаш шакли. *Илоё, бахтингни берсин, яхши қайлиққа учраб, бу кунларинг унут бўлсин, болам! Ойдин, Чақалоққа чакмонча. Бахти қора (ёки қаро)* Турмушдан ёлчимаган; бахтсиз. [Холисхон:] *Азиз дўстлар, нетай, бахти қаро бўлганга йиғлайман, Азизимдан тирик, ўлмай жудо бўлганга йиғлайман. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

3 *Омад, толе; иқбол. Уф, нима иш қилсам, кетга қараб кетади, холос, менинг бахтим қурсин. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. — Ана шу қизлар сафида менга ҳам жой бордир, — деб ўйлади Адолат. — Бахтимни бир синаб кўрай-чи? И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ҳамма гап пешонада, тақсир.. Пешона шўр бўлгандан кейин, унда бахт гули унадими! Х. Фулом, Машғал.*

**Бахт қуши (бахти ҳумоюн) бошига кўнди** Бахти, омади келди, иши юришди. *Нега бошинга кўнган бахт қушини калтак олиб қувлайсан? С. Аҳмад, Уфқ. ..бошимизга кўнган бу бахти ҳумоюнни учуриб юбормаслик учун ҳали анча ҳаракат қилишимиз керак. К. Яшин, Ҳамза. Бахтга (бахтимга, бахтимизга, бахтига ва ҳ.) кри.с. Содир бўлган ёки бўладиган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг кўнгилдагидек эканлигини ифодалаш учун ишлатилади. Бахтимизга, замон ўзгариб, бундай яхши кунларга етдик. Э. Раҳим, Янги қадам. Энди мусофир қизингизнинг бахтига сиз ўланг. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. Бахтга қарши кри с. Юз берган, содир бўлган иш, ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг кўнгилдагидек эмаслигини ифодалаш учун ишлатилади. Мариянинг бахтига қарши, амаки сил касаллигига учраб, ишдан қолди. Ойбек, Танланган асарлар. Бахтдан кўрдим (бахтимдан кўраман) Таваккал, нима бўлса бўлар. Бахти боғланмоқ ёки бахтига куя тушмоқ Оилавий омадсизлик; фарзандсизлик. Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган.. К. Яшин, Ҳамза. Сен унинг борлигин унутма сира, Унутсанг бахтингга куя тушади. Шухрат, Ёшлигимнинг давоми. Бахти кулмоқ (ёки чопмоқ).*

Омади юришмоқ, бахтга эришмоқ. *Эл боқса, бахтинг кулар, Эл боқмаса, тахтинг кулар.* Мақол. ■ *Бир сўз айтай, сенга малол келмасин, Бахтинг чопсин, зафаринг ҳеч қайтмасин.* «Маликаи айёр». **Бахти очилмоқ** Бахтли, бахтиёр бўлмоқ; турмушга чиқмоқ, оилали бўлмоқ. *Қизининг бахти очилмаётганидан куйган она бошини тиззаларига қўйиб, ҳасрат билан юм-юм йиғлади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БАХТАШ** [ф. *بختاش* — унинг бахти]: **бахташ таваккал** Омадини, толеини синаб кўриш, таваккал қилишда қўлланадиган ибора. *Бундай улоқни ердан олишининг бир йўли бор.. Бахташ таваккал.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. -*Ҳа, бўлди. Хўш, бахташ таваккал қилиб кўрайлик бўлмаса, — деди Элмурод.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАХТИЁР** [ф. *بختيار* — бахт ёр бўлган, бахтли] **1** Ўз ҳаёти, толеидан мамнун, бахти кулган; бахтли, саодатманд. *Бахтиёр ўзбек халқи. Бахтиёр оила.* ■ *Бахмал қирғоқларни тўлдириб оқди Бахтиёр элимнинг қувончли саси.* Файратий. *Ойқиз иссиқ юзини севимли эрининг кўксига қўйиб, қалби қувонч билан тўлиб-тошарди ва ўзини чиндан ҳам бахтиёр ҳис қиларди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Хурсанд эди беҳад икки ёр, Хурсанд эди икки бахтиёр.* Ҳ. Олимжон.

**2** Ширин, беармон. *Бахтиёр ҳаёт.* ■ *У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди.* С. Аҳмад, Хукм. *Зокир унинг Наримон билан ўтказган бахтиёр дамларини унотлмаётганини сезганда, жуда рашки келар ва жеркиб гапирарди.* П. Қодиров, Уч илдиш.

**3** Мамнун, шодон. *Қайғуси йўқ бирор кунни кўрмадим, Бирор соат мен бахтиёр бўлмадим.* Ҳ. Олимжон. *Матқовул бахтиёр эди. Бугун қозон осиларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Авзамжон бахтиёр, ўз хотинининг ҳуснидан маст эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БАХТИЁРИ(Й)** *бот.* Хўраки ва винобоп жайдари узум нави. *Бахтиёрий.. қурғоқчиликка анча чидамли, шунинг учун лалмикор ерларда яхши ўсади.* «ЎзМЭ».

**БАХТИЁРИЙЛАР** *этно.* Эроннинг жануби ва жануби-ғарбида яшайдиган кўчманчи ёки ярим кўчманчи қабиалар.

**БАХТИЁРЛИК** Ўз ҳаётдан мамнунлик, хушбахтлик, саодатмандлик; саодатли, ширин ҳаёт. *Оилавий бахтиёрлик.* ■ *Икковининг гул-гул яшнаган юзларидан бах-*

*тиёрлик нури ёғилиб турар, кўзларида эҳтирос чақмоқ чақар, улардан гўё баҳор гулларининг нафис ҳиди анқирди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Чехрасида ошкор бахтиёрлик бор эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БАХТ-ИҚБОЛ, бахту иқбол** [бахт + иқбол] Саодатли ҳаёт ва бахтли келажак. *Мавлон ака Ўтап хонадонига бахт-иқбол, юртга тинчлик тилаб, дуо қилди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Мана энди тонг отиб, бахт-иқбол кулиб боқди.* «Кўшиқлар».

**БАХТИҚАРО** Бахтсиз, иқболсиз; турмушдан ёлчимаган. *Қайноғам рост айтган экан. Бахтиқаро қилади, деганди-я!* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Эси-ку, жойида, унда балонинг эси бор. Лекин у [қиз] бахтиқаро бўлиб туғилган.* «Ёшлик».

**БАХТЛИ 1** Ўз ҳаётидан мамнун, бахти кулган; бахтиёр. *Бахтли қиз.* ■ *Бундай бахтли ёшлик бир марта келади. Завқини суриб қолинг, айланай.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Илоҳим, бахтли бўл! Онанга, отанга раҳмат, сенга иш ўргатишибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2 айн. бахтиёр 2.** -*Ҳа, майли, — деди хўрсиниб [Қирмизхон], — Сиз билан ўтказган онларимни шу нотавон умримнинг энг бахтли дамлари деб биламан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *У бу уйда энг ширин, бахтли кунларини ўтказди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**3** Толеи банд, омади бор, омадли. *Бахтли овчига чўлоқ кийик йўлиқар.* Мақол. ■ *Айланай, куёв бола, бахтли йигит экансиз, шундай одамларга ўғил бўлибсиз.* «Муштум».

**БАХТНОМА** [бахт + нома] кам қўлл. Бахтиёр ҳаётни, улуг истиқболни мадҳ этувчи асар, ёдгорлик ва ш. к. *Абдулла Орипов шеърятини ўзбек халқининг бахт-номасидир.*

**БАХТ-САОДАТ, бахту саодат** [бахт + саодат] Бахт ва иқбол. *Зебонинг шўҳ қараши, туриши, қувноқ кулгиси, табассуми Элмуродни ҳали маълум бўлмаган севинч тўла, бахт-саодат тўла бир оламга имлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *..миллатни бахт-саодат соҳилига олиб чиқиш учун бирдан-бир йўл маърифат йўлидир.* К. Яшин, Ҳамза.

**БАХТСИЗ 1** Бахтга эришмаган, бахти кулмаган, бахти қора. *Она боласининг бахтини кўролмай, бахтсиз бўлгани учун.. йиғлар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Лоқақал*

бу бахтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бироқ Анвар ўқшида қанча бахтли бўлса, пешонада ўшанча бахтсиз эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2** Ҳаёти кулфат, дард-алам билан тўлиб-тошган, турмуш лаззатидан бебахра, рўшнолик кўрмаган. *Болам, шу муштинлар, шу бахтсиз онангининг ярасига туз сепмасанг, юрак-бағрини қон қилмасанг, даданг келтирган хабарни айтаман.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Бирор-бир кўнгилсиз ҳодисага учраган; бечора. *..Муҳаммаджон сингари болалар, Абдуазиз ота сингари чоллар, кампирлар, ўлим тўшагида ётган беморлар, бахтсиз майиблар.. оз бўлганмикан? А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Нима, буни машина майиб қилиб-димики, бахтсиз ҳодиса деса.. К. Яшин, Ҳамза. Илҳомжон ўз одатига кўра, яна бахтсиз ҳодисалар, ўлим-йитим ҳақида гапира бошлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БАХТСИЗЛИК 1** Бахти кулмаганлик, бахтга эришмаганлик; омадсизлик. *Бахт билан бахтсизлик етаклашиб юраркан-да доим.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. *Анварнинг бу ҳолати балки оила бахтсизлигидан, ота-она бағрида яйрамаганлигидан туғилгандир десак, унинг икки оғаси бундай эмас эдилар.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сеувичлар васл оқишонида бахт шаробини ичишса, булар бахтсизлик оғусини ичмоқда эдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У бўй-басти чўзилиб, турмуш қурди-ю, бошига бахтсизлик ёғилди.* Ҳ. Шамс, Душман.

**2** Кўнгилсиз, нохуш ҳолат ва унинг сабабчиси бўлган воқеа, ҳодиса. *-Хон зўр бахтсизликка учраган, - деди чўпон.* «Чалпак ёққан кун». *Адолат ҳам кейинги воқеалар қандайдир катта бахтсизликдан хабар бераётганини тушуниб, бўшашиб кетди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАХШ** [ф. بخشیدن < بخش — «бермоқ, бағишламоқ; афв этмоқ» фл. ҳоз. зам. ўзаги]: **бахш этмоқ** (ёки айламоқ). **1** Йўқ нарсага муяссар қилмоқ, йўқ нарса билан таъминламоқ; ато қилмоқ; бағишламоқ. *Нигора кечаси тоғ кўринишига афсонавий улугворлик бахш этиб, бир текис гувуллаётган бу шаршарага бориб, уни ўз кўзи билан кўришга аҳд қилган эди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дустим, жонни бахш этайлик Фақат она-Ватанга.* А. Орипов.

**2** Бермоқ, пайдо қилмоқ. *Қачонки Тангри бирор подшоҳга яхшиликни хоҳласа, унга содиқ вазир бахш этади.* «Фан ва турмуш».

**БАХШАНДА** [ф. بخشنده — берувчи, бағишловчи; афв этувчи] *поэт.* Бахш этувчи, бағишловчи; очиқ қўл. *Кетур соқий, ул майки рахшандадур, Анинг наиъаси файз бахшандадур.* А. Навоий, Сафди Искандарий.

**БАХШИ** [санск. бхикшу — будда руҳонийси, донишманди; дуохон; дарвеш] **1** Халқ кўшиқлари ва достонларини ёддан куйловчи шоир, оқин. *Ўзбек халқ бахшилари. Бахшилар репертуари. Тўйда сўз бер бахшига, Харидор бўл яхшига! Мақол. Дуторсиз бахши бўлмас, Ёмонсиз — яхши.* Мақол. ■ *Достон ва терма бахшиларнинг репертуарида ёнма-ён яшаб келади.* «ЎТА».

**2** этн. Ирим-сиримлар қилиб, дуолар ўқиб, дам солиб даволовчи табиб. *Жинга ишонган бахшини тинглагунча, Чинга ишонган яхшини тингла.* Мақол. ■ *Сотиболдиннинг хотини оғриб қолди. Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб, толнинг хипчини билан савалади.* А. Қаҳҳор, Бемор. *Бахши, кушноч, азайимхонларни йиғиб, ўқитиб-чўқитди, у ҳам бўлмади, дарди зўрайиб кетди.* «Баҳром ва Гуландом».

**3** эск. тар. Бухоро хонлигида қурилиш учун белгиланган маблағларнинг ҳисоб-китобини назорат қилувчи лавозимли киши. *Бухоро хонлигида маъмурий бинолар қуришда маблағ ҳисобини олиб борувчи кишиларни, туркманларда уруғ оқсоқолларини бахши деб аташган.* «ЎЗМЭ».

**БАХШИДА** [ф. بخشیده — бағишланган, ато этилган]: **бахшида қилмоқ** (ёки айламоқ). Бағишламоқ, ато қилмоқ, ҳада қилмоқ. *Умр, вақт.. одамларга бахшида этилган жамики яхшилик, бахт-саодат йўлида тўкилган тер, тортилган азият билан ҳам ўлчанади.* «Гулистон». *Тирик мавжудотга қуёш ҳаёт бахшида этганидек, аёл — инсониятга жон ато этган, зеро аёл инсоннинг онаси.* Газетадан. *Меҳмонлар ҳам фотиҳани ёши ўзларидан улугроқларга бахшида этишди.* «Ёшлик».

**БАХШИШ** [ф. بخشيش — тухфа, ҳада, инъом] Садақа, эҳсон, мурувват. *-Сарроф тўнини ҳеч қачон сўрамас, қайтага, ҳайдалганимни билиб, яширинча икки сўлкавой бахшиш берган эди, - деди Шум бола.* Ғ. Ғуллом, Шум бола. [Кушибеги] *Кумушибегига юзини ўғирди: -Қизим, сизнинг бунчалик*

заковат ва жасоратингизга отангиз билан эрингиз ҳар қанча ташаккур айтсалар ва ўзларининг мунтазам сунги умрларини сизнинг бахшишингиз деб билсалар арзир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар ўтганда қараб, қўл чўзади чол, «Бахшиш» ташлаб ўтдим суяк кафтига. Уйғун.

**БАХЯ** [ф. بخیه — чок] Кийим-кечакнинг тўғри чок билан бостирилган қирғоғи (чети, зиҳи) ва шундай чокнинг ўзи. Олтинларни абонинг ёқа бахяси орасига тикиб яшир-ганман. «Муштум».

**Бир бахя** Озгина, бир оз, кичкина. *Бир бахя ҳам сувли ерлар бўш қолмасин.* Ф. Фулом, Кўкан батрак. *Шундай ёшларимизнинг ишини эшитганда, кишининг кўнгли яна бир бахя кўтарилиб, кўнглинг қувончга тўлади.* И. Ўктамов, Ҳикоялар. **Бир бахя ўтади** Ошиб тушади, ўзади. *Маҳмадоналикда сен ундан бир бахя ўтасан.* **Бир бахя қолди** Сал қолди, оз қолди. Улишимга бир бахя қолди. Ҳамза, Танланган асарлар. [Маҳкам:] *Оёғим узилиб, жағим осилиб тушишига бир бахя қолди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**БАХЯДЎЗ** [ф. بخیه‌دوز] Бахя тикувчи.

**БАХЯЛАМОҚ** Тўғри чок билан бичиқ четини бостирмоқ.

**БАЦИЛЛАЛАР** [лот. bacillum — таёқча] Таёқча шаклидаги бактериялар. Сил бацилласи. Бацилла ташувчилар.

**БАЧА** || **БАЧЧА** [ф. بچه — одам боласи; ҳайвон насли] *шв.* Бола. *Бачага иш буюр, Изидан ўзинг югур.* Мақол. ■ *Менинг бачам, ёшгинам, алла-ё, алла, Ёнимда йўлдошинам, алла-ё, алла.* «Кўшиқлар». Э, савдогар бача, мени сенлама! Мен пайғамбар ёшидаги одамман. Мирмуҳсин, Меъмор.

**БАЧАДОН** [ф. بچه‌دان — боланинг жойи] *анат.* 1 Аёллар таносил аъзосининг ҳомила ўсиб етиладиган ички қисми. *Бачадон.. қовуқ билан тўғри ичак орасида жойлашган, шакли тўнтарилган нокка ўхшайди.* «ЎЗМЭ».

2 Ургочи ҳайвонларнинг айни шундай ички жинсий аъзоси.

**БАЧАЖИШ** *с. т.* 1 Янги туғилган бола; чақалоқ.

2 Қушнинг янги тухумдан чиққан, ҳали пати чиқмаган боласи.

3 *кўчма салб.* Ёш бола, гўдак; сўтак.

**БАЧАЛИК** *шв. фолк.* Ёшлик, болалик; тажрибасизлик. *Ҳали ўзи ёш, Андак бачалик*

*қилди.* «Ҳасанхон». *Бачаликдан қайтармадим райингни..* «Нурали».

**БАЧКАНА** [ф. بچكانه — болаларча, болаларга хос] 1 *эск.* Болалар учун мўлжалланган (уст-бош, оёқ кийим ҳақида). *Бачкана махси.* ■ *Ҳайитга нарса олишга улгуролмаганлар чин арафа кечаси типирчилаб қолар.. каттаю кичигининг фарқига бормай.. «мардона», «заифона», «бачкана» кийимларни сотиб олар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 *кўчма* Ёш болаларга хос бўлган, катталарга, катта ёшдаги кишиларга ярашмаган, келишмайдиган. *Бачкана қилиқлар. Бачкана одам.* ■ *Ҳабиба укасининг бачкана қилиқларига гаши келсаям, индамай қўйиб берди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *У ўзига ярашмайдиган бачкана ҳаракатлар қилар эди.* «Муштум». -*Хи-хи-хи,* — *бачкана кулди чол.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 *кўчма* Болаларча мулоҳаза юритилган; қисқа ўйланган; юзаки, хом. *Бачкана асар.* ■ *Жиноятчиларнинг кўпи.. бачкана масалалар устида шикоят қиладилар.* Газетадан. *Уҳозирги бир неча шоирларнинг эски шаклда, бачкана мазмунли шеърларидан мисоллар кўрсатиб, мажлисни кулдирди.* Ойбек, Нур қидириб.

4 Ярашмайдиган, мос келмайдиган; сохта. -*Тавба. Бувниса, [паранжи] бачкана кўринар экан-а? — деди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *..ўзлари ўралашиб қолган бачкана ҳиссиёт ва кечирмаларини юксак граждандлик нафосига қарама-қарши қўйдилар.* Газетадан.

**БАЧКАНАБОЗ** [бачкана + ф. باز — ясама сўзларнинг «ўйновчи, ишқибоз» маъноларидаги иккинчи қисми] Бачкана қилиқ, хатти-ҳаракатни яхши кўрадиган, майдакаш. *Бачканабоз одам.*

**БАЧКАНАБОЗЛИК** Ёши улуғларга номуносиб, ярашмаган, бачкана хатти-ҳаракатлар қилишлик; майдакашлик. *Агротехника табдирларини ўтказишда.. бачканабозликни йўқотишимиз керак.* Газетадан.

**БАЧКАНАГАРЧИЛИК** *айн. бачканалик* 2. *Бачканагарчилик ҳам эви билан-да!* «Муштум».

**БАЧКАНАДЎЗ** [бачкана + ф. دوز — ясама сўзларнинг «тикувчи; тикилган» маъноларидаги иккинчи қисми] Болалар кийим-кечагини тикувчи. *Бачканадўз уста.* ■

[Унсин] Бачкана маҳсиларни (Шокир ота бачканадўз эди) силлиқ ёғоч билан кучи борича ишқалаб, сўнг қора гул суркаб, уларга пардоз беради. Ойбек, Танланган асарлар.

**БАЧКАНАЛАРЧА** рвш. Худди ёш болалардек, ёши катталарга номуносиб бўлган, енгилтаклик билан. Бачканаларча мулоҳаза юртиши. Бачканаларча хатти-ҳаракат.

**БАЧКАНАЛАШМОҚ 1** Катталарга, ёши улуғ кишиларга номуносиб бўлган хатти-ҳаракатлар қилмоқ. [Раис:] Нима қиласиз бачканалашиб? Эркак одамга ярашмайди бундай оғизлик. Ф. Мусажонов, Чиқинди. Бачканалашиб кетманглар. Майда-чуйда гаплар билан ўралашиб қолманглар. Уйғун, Асарлар. [Ўктам:] Жуда бачканалашиб кетибсиз, хотин! С. Зуннунова, Кўзлар.

**2** кўчма Сийқалашмоқ, саёзлашмоқ, суюқлашмоқ. Аския бачканалашиди. ■ Айрим ёзувчилар ижодиди мавзунинг майдалашиб, бачканалашиб кетиши.. каби ҳодисалар ҳам кўринмоқда. «ЎТА».

**БАЧКАНАЛАШТИРМОҚ** Бачканалашмоқ 2 фл. орт. н. Сиз.. фанимизни бачканалаштириб юборманг. «Муштум». Фозилга қолса ҳамма нарса ни бачканалаштиради. А. Мухтор, Асарлар.

**БАЧКАНАЛИК** Бачкана хатти-ҳаракатларга одатланганлик, енгилтаклик. Юлдузхон бачканалик, ҳуда-беҳудага тишининг оқини кўрсатишни ёқтирмайди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. ...жанобларини яхши биламан, у киши сипо одам. У кишида бачканалик бўлмайди. Мирмуҳсин, Меъмор.

**БАЧКИ** [ф. بچكى — болалик; бачканалик] 1 Ўсимлик танасининг, поясининг остидан, ён-веридан ўсиб чиққан майда шохчалар, ниҳоллар. Дарахт танасининг остида қўшимча бачкилар ўсиб чиқиб, улар дарахтни толиқтириб қўяди. «Шарқ юлдузи». Кимнингдир заиф қўллари билан тол чивикқа чала кўтарилган зангларда онда-сонда чарослар қорайиб кўринарди-ю, тоқларни бачки новда босиб, ғовлаб ётарди. А. Мухтор, Чинор.

**Бачки барг** Ўсимлик танасининг тагидан чиққан барг. Деҳқонлар шоналайдиган баргни — чин барг, шоналамайдиганини эса бачки барг деб атайди.

**2** Кўклигида ўриб олишга мўлжаллаб экилган маккажўхори. Бачки экмөк. Бачки ўрмоқ. ■ Бачки маккаюялар пишиб етил-

ганига қарамай ўрилмаёттир. Газетадан. Шу кунларда ўрилган майдонларда маккажўхори тапояси тез кўкариб, сал кунда бачкиси силосбоп бўлади. Газетадан.

**3 с. т. эск.** Болалар пойабзали. Ўғлим, беш бачкинни пуллаб, ип, мум, сирач, лок оламиз, хўпми?! Ойбек, Танланган асарлар.

**4** кўчма Майда, арзимайдиган, иккинчи даражали, кераксиз. Адабиёт боғимизда чилтиб ташлайдиган бачки новдалар кўпайиб қолди. Газетадан. Биз.. бачки мавзуларга қарши.. кураш олиб боришимиз лозим. Газетадан. ...мен ўн йилдан бери, аллақандай бачки сабаблар билан бир-биридан аразлашиб гаплашмай келган икки қўшинни танир эдим. Газетадан.

**БАЧКИЛАМОҚ 1** Бачки чиқармоқ (қ. бачки 1). Уйидаги тоқлар бачкилаб қолган эди. «Шарқ юлдузи».

**2** Кўкпоя чиқармоқ (жўхори ҳақида). Оқжўхори пояси ўриб олингач, тагидан яна бачкилаб чиқади ва иккинчи марта кўкпоя олиш мумкин бўлади. Газетадан.

**БАЧЧА** [ф. بچه — одам боласи; ҳайвон насли] 1 шв. Бола. Дуойи салом ўша баччаларнинг онасига, умид билан бир ёстиққа бош қўйиб, кеча-кундуз дуойи жонимда бўлганга! Ойдин, Ширин келди.

**2** этн. Бировнинг (акаваччасининг) қарамоғида ва ихтиёрида бўлган хушрўй, келишган ўйинчи ўғил бола; бесоқол. Уша бачча ҳам одам фарзанди. Ота-онаси камбағалликдан уни баччаликка сотгандир. Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Умуман ўйинчи бола, раққос. Ноғорачининг баччаси. ■ Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнайди. Ойбек, Танланган асарлар. Ноғора чўпининг тез урилиши, баччанинг бир айланиши ва кучли, ялпи қийқириқ билан базмнинг биринчи қисми тугади. Ойбек, Танланган асарлар.

**БАЧЧАБОЗ** [ф. بچه باز — бачча ўйновчи, бачча ишқибози] этн. Бачча сақловчи шахс; болабоз, бесоқолбоз. Боз-боз, дорбоз, найрангбоз, баччабоз, қиморбоз, беданабоз, каптарбоз каби бозларни ман қилсангиз, менга иш топиб бер дейдиган кўпаяди-қолади. «Луқмони Ҳаким».

**БАЧЧАБОЗЛИК** Бачча асраш билан шуғулланишлик; болабозлик. Уғирлик, қиморбозлик, кўкнорихўрлик, баччабозлик, безорилик каби разилликлар машъум ўт-

мишининг жирканч томонлари эди. М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

**БАЧЧАЛИК** 1 шв. Гўдаклик, болалик даври. *Баччаликдаги қилиқлари эсига тушди, уйқуси қочди, дарёдай тошди.* «Қўшиқлар». *Отининг ёлин таради, Баччалик даврин суради.* «Гулшанбоғ». *..бир безори ва чапани ҳолда баччалик даври билан хайрлашди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

2 этн. Бачча мақомида, ҳолатида бўлиш (қ. **бачча** 2) *Баччанинг ота-онаси.. [боласини] баччабозга баччалик учун берса.. олти ойдан кам бўлмагон муҳлатга.. озодликдан маҳрум қилинур.* Газеталан.

**БАЧЧАТАЛОҚ** [бачча + талоқ] айн. Талоқ қилинган хотиндан туғилган бола, талоқ қилинганнинг боласи; энгил койишни ифодаловчи сўкиш шакли. *Ҳе, гап билгунча иш бил, баччаталоқ.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Нима демоқчисан, шу баччаталоқ чолнинг боласига қизимни берайми?* «Эртақлар».

**БАЧЧАХЎРАК** Эндигина пишиб келатган, ҳали гўра мева ҳақида. *Баҳорнинг олд меваси тут баччахўрак бўлиши билан мени қидирган одам дарвозамиз рўпарасидаги қаландархона хиёбонидан топарди.* Н. Сафаров, Наврўз.

**БАЧЧАҒАР** [бачча + ғар] сўк. 1 Нафрат, ғазаб билан қаттиқ койишни ифодалайди. [Бой:] *..хотинлик бўлиб қолганинга шукур қилсанг-чи, баччағар!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *-Олиб бор, баччағарни! Қамаб қўй! — деб бақирди мингбоши.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

2 Энгил койиш, норозиликни ифодалайди. *Жилла қурса, оқ соқолини хурмат қилмади-я, баччағар.* «Ёшлик». *-Ма, баччағар, ҳазиллаб эдим, ҳазини билмайсанми, — деб рўмолини қўлига берди.* «Ойсулув».

**БАШАНГ** 1 Ясанган-тусанган, ниҳоятда чиройли, кўркам; олифта. *Кийимлари башанг.. қозоқ бийлари, бўлислари ва қўйчи бойлари виқор билан от устида юрадилар.* Ойбек, Болалик. У [Соҳиба] *худди улуғ байрамлардагидек башанг кийинган.* Газетадан. *Меҳмонхонага башанг кийинган ёшгина йигит кириб келди.* «Ёшлик». *Одамлар ҳозирги кунда янги, башанг кийиниш учун сарф-харажатдан қочмайдиган бўлиб қолишган.* Газетадан.

2 Ўзига зеб беришни, модага мувофиқ кийинишни яхши кўрадиган, модабоз, олифта. *Башанг аёл.* ■ *Жой бермади трамвайда*

*Аллақандай бир башанг, Касофатнинг касри уриб, Яна тагин сиз тажанг.* А. Орипов.

3 кўчма Чиройли, дид билан безатилган. *Дастурхон бир нафаснинг ўзида худди байрамдагидек башанг тус олди-қўйди.* Л. Тоғиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Уни башанггина жиҳозланган хонага таклиф қилди.* Ш. Тошматов, Тонглаги кўланка.

**БАШАР** [а. بشر — одам; одамзод] кт. Инсон, одам; киши; одамзод. *Тарихни орқага буриб бўлмайди, Орқага қайтмайди йўлидан башар.* Уйғун. *Уч қизим бор, бир ўғлим бор қошимда.. Бири олим, бири аҳли ҳунардир, Мамлакатга садоқатли башардир.* Ҳабибий. *Шу нокаслар бўлмаганида, Қандай озод яшарди башар.* «Шарқ юлдузи».

**БАШАРА** [а. بشره — тери; пўст] 1 Киши бошининг олд қисми; бет, юз. *Эшик ғич этиб очилди-да, тирқишидан бошини яшил чорси билан танғиб, юзига қатиқ суриб олган аёлнинг башараси кўринди.* У. Назаров, Одамлар. *Вой, башаранг қурсин, нима бало бўлди? Ҳаммомнинг гўлаҳига ўхшаб кетибсан.* Ойдин, Ҳазил эмиш. *Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама.* «Қанотли сўзлар».

2 Кишининг руҳий ҳолатини, характери гавдалантирувчи ҳолат, кўриниш; афт, авзо. *-Исфандиёрнинг заҳар башарасини кўришдан қутулибсан, — деди Кўкан.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ака-уканинг башарасига разм солиб, киноя билан деди: -Кўзларингиз бежо, нима бўлди, тинчликми? Ойбек, Танланган асарлар.*

3 кўчма Кишининг маънавий қиёфаси. *Одамларнинг «ҳар икки дунёси» учун ҳам гўё жонкуярлик қилган бу худо вакили [Зағчақўз] хуржунини тўлдириб, шаҳарга борганда, асл башарасини кўрсатар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ғофир тобора авжига чиқар, бойнинг ҳақиқий башарасини очишда давом этар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

4 Аниқланмиш вазифасидаги сўз билан бирга келиб, «ўхшаши», «ўхшаган», «симон» маъноларини билдиради. *Одамлар гурқираб кулиб турган пайтда уларнинг ёнига мулла башара бир киши келиб қўшилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шу пайт думи, қулоқлари қирқилган айиқ башара ит отни қувиб қолди.* М. Мансуров, Ёмби. *Қоп-қора, хабаш башара Муса соатга қараб турар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАШАРИЙ** [а. بشرى — инсонга тегишли] Инсонга, одамзодга тегишли; инсон томонидан яратилган (илоҳий эмас), инсонга хос, инсоний. *Башарий орзулар. Башарий ўйлар.* ■ *Ишондим башарий жаннатга бугун. У — Одам ва Ҳаво танбеҳ еб, сургун қилиб чиқарилган жаннатдан ўзга. Ҳозирдан жамоли кўринар кўзга. Шайхзода. Унинг ўйларида сон минг муаммо, Башарий мушуқулар, фронтлар. А. Мухтор, Асарлар.*

**БАШАРИЯТ** [а. بشریت — одамзод; инсоният] *кт.* Инсоният, кишилиқ; инсонлар. *Башарият дунёси. Башарият орзуси.* ■ *Башарият тарихи зулм, ҳақсизлик, талончилик даврини поймол этиб, эрк ва адолатнинг нурли асрига ғолибона юраётир. Ойбек, Нур қидириб. Тўқилган қон муқаддасдир. Бу қон болаларимиз учун, башарият саодати учун тўқилган қондир. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**БАШАРТИ** [ба + а. شرط — талаб, шариоит] *шарт боғл.* Шарт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади ва шарт маъносини кучайтиради; вазифасига кўра «агар», «агарда», «мабодо», «борди-ю», «магар» сўзларига тўғри келади. *Башарти йўлдан адашсам, қўлга тушиб қолишдан қўрқдим. Файратий. — Йўқ, — деди бек, — мен бу ишга, башарти кўнганимда ҳам, қизингиздан яширмайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Башарти канизингиз уялмасалар, бизнинг ҳам бир амримиз бор: амр қилсак, уялмасмикинлар? А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**БАШНЯ** [итал. bastia — қалъа] **1** Ҳарбий кема, бронланган машиналарнинг гумбаз шаклидаги қурилмаси ва танкнинг айланадиган ана шундай қисми. *Башнялардан ўт очмок.*

**2** Минора шаклидаги қурилма. *Юсуф фермадан чиқиб, силос башняси томон юрди. Э. Раҳим, Ҳаёт амри билан. Янги материалдан тикланган башня тез битди ҳам мустаҳкам бўлди. Газетадан. Текширувда сув башнясининг ишламаслиги натижасида бу ердаги механизмлар бекор турганлиги аниқланди. Газетадан. Залнинг ўртасида реакторнинг башняси қад кўтариб турибди. Газетадан.*

**БАШОРАТ** [а. بشارت — яхши, хуш хабар, мужда] *кт.* **1** эск. Хушxabар; мужда. *Ҳудайчи қўрғон беги қошига етиб, бек ҳазратларининг ҳозир етиб келишларига башо-*

*рат берди, яна отининг бошини буриб, ийгитлари билан орқага қайтди.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Самовий мавжудотлар шоҳаншоҳнинг бахт ва саодатидин башорат бердилар. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.*

**2** Олдиндан кўриш, олдиндан айтиб бера олиш; олдиндан айтилган фикр; тахмин, мўлжал. *Бу орада онасининг башорати тўғри чиқиб, ёмғир томчилай бошлади. Қ. Кенжа, Нотаниш гул.*

**Башорат қилмоқ** Бирор воқеа-ҳодисанинг натижасини олдиндан кўрмоқ, олдиндан айтиб бермоқ. *Улар.. отанинг ҳадемай туриб кетишини башорат қилишарди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Табиатнинг йил давомида кўрсатгувчи инжиқликларидан ҳеч ким башорат қилолмайдди. «Саодат». Ҳатто палакдаги калий миқдорига қараб бўлажак ҳосил сифатини башорат қилиш мумкин. «Фан ва турмуш».*

**3** Башорат (хотин-қизлар исми).

**БАШОРАТЛИ** Келгусида юз бериши мумкин бўлган воқеа, ҳодисани билдирувчи, айтиб берувчи; олдиндан айтиб қўйилган. *Башоратли фикрлар.*

**БАШОРАТЧИ** Бўлажак воқеа, ҳодисаларни олдиндан айтиб бера олувчи, келажакни кўра олувчи шахс.

**БАЪД** [а. بعد — узоқлик, масофа; кейин, сўнгра] *эск. кт.* Кейин, сўнг, баъдаз. *Мулалар тўдасида адашиб юриб, зое кетган йилларимга.. баъд афсусланаман. И. Маматқулов.*

**БАЪДА** [а. بعد — кейин, охири] *эск. кт. айн. баъдаз. Баъда махфий қолмагайким, куёв ўғлингиз хизматларига юборилган эрди. Иншоолло, саломат етган бўлса керак. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БАЪДАЗ** [баъд + ф. از — «дан» қўшимчасига тенг сўз; олд кўмакчи] *кт.* Кейин, сўнг, сўнгра; «аввал»нинг акси. *Аввал таом, баъдаз калом. Мақол. ■ Баъдаз унинг устидаги шубҳам бир оз зойил бўлиб, кўнил кўтардим. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Биздан баъдаз салом, дил меҳри билан, Юртдошлиқ қувончин зўр фахри билан. Ф. Фулом.*

**БАЪЗАН** [а. بعضاً — ҳар замон-ҳар замонда] *рви.* **1** Ҳамма вақт ҳам эмас, ҳар замон-ҳар замонда, ахён-ахёнда, гоҳ-гоҳида. [Йўлчи:] *Хўжайинларникига бориб тура-сизми? [Абдишукур:] Баъзан бориб тураман. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳа, баъзан шун-*

дай шўхлик ҳам қилиб туриш керак. П. Турсун, Ўқитувчи. У [меъмор] баъзан кампирга ҳам дағдаға қилиб қоларди. Мирмуҳсин, Меъмор.

**2** Айрим ҳолларда, баъзи вақтларда. *Баъзан Гулнорнинг юраги тошиб, бутун дардини, яраларини Унсинга очишни истайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меъмор баъзан шундай узоқ хаёлларга борарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**3** боғл. Гапнинг уюшиқ бўлаklarини боғлаш учун қўлланади. [Йўлчи] *Баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада турата юрди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Йўлчи баъзан ёлғиз, баъзан ўз ёнига бировни ҳамроҳ қилиб, қанча жар, қанча қўрғон ва қулоқларни кезиб, сув келтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БАЪЗИ** [а. بعضى — бирор қисм; кимдир, аллаким] **1** белг. олт. Ёлғиз ҳолда ёки «бир» сўзи билан ишлатилиб, бир турдаги ёки ҳар хил нарса, кимса, воқеа-ҳодисалардан айримларини, бутундан бўлакни ажратиб кўрсатиш учун қўлланади. *Баъзи (бир) нарсалар. Баъзи (бир) одамлар. Баъзи (бир) кунлар.* ■ *Гулнор.. [Унсиннинг] бурнини, пешонасини ва баъзи ҳаракатларини Йўлчига ўхшатди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Оғайнида ҳам оғайни бор. Баъзи оғайни бўлади, жонингга жонини мих қилиб қоқиб ташлайди.* А. Қаҳҳор, Оғайниллар.

**Баъзи вақт(ларда)** Баъзида, баъзан, гоҳо, гоҳида. *Ҳеч нимадан хабарсиз Унсин, баъзи вақт: — Нега акамни кўрмайман, тоғам қаёққа юборган, — деб Гулнордан сўрайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** от вzf. Айрим киши, нарса ва ш. к. ни ифодалайди. *Атрофда одам тўпланди. Баъзилар ачинарди, баъзилар — томошабин.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хотинларнинг баъзилари қизиққанларидан чачвонларини қия очиб, Йўлчига яширинча мўралашади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Буни эшитиб, баъзилар қотиб-қотиб кулар, баъзилар бўғилар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БАЪЗИДА** айн. баъзан **1, 2.**

**БАЯКБОР** [ф. بيكبار — бирданига, бир-йўла; тўсатдан] кам қўлл. Тўсатдан, кутилмаганда, ногоҳ. *Ғам кетса нетонг, бошимда дилдор етушгач, Ким соя қочар, нур баякбор етушгач.* Мирмуҳсин, Чўри. *Дарёйи муҳаббатга тушубман, Қабрида кўриб гуҳар баякбор.* Увайсий.

**БАЯН** [р. қадим рус бахши шоири Боян номидан] Катта гармонга ўхшаш, клавишли, дамли чолгу асбоби. *Уч киши саҳнада ўтириб олиб, баян чалмоқда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАЯНЧИ** Баян чалувчи. *Шу баянчиларнинг бири — Никита Григорьевичнинг яхши шогирди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАҚА I** шв. Сувда ва қуруқликда яшовчи думсиз жонворлар оиласи вакили; қурбақа. *Бақа ботқоғини қўмсар, балиқ — кўлини.* Мақол. ■ *Бақани боссангиз ҳам «вақ» этади-ю, ахир мен инсонман-ку!* Газетадан.

**Бақа бурун, бақабурун** 1) ялпоқ ва чаноклари кенг бурун. *Дилора билан эрини мингбошининг бақа бурун мишабидай олдимга солиб ҳайдаб келдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) шундай бурунли киши. **Бақа кўз, бақакўз** 1) чақчайган кўз; 2) шундай кўзли киши. **Бақа бош, бақабош** 1) ялпоқ бошли; 2) боши шунга ўхшаш одам.

**БАҚА II** Тегирмон парраги ўқининг учига бириктирилган ва парракдан ҳаракат олиб, тегирмон тошини айлантирувчи металл қисм. *Бақа воситасида тегирмон айланади ва донни эзиб ун қилади.* «ЎЗМЭ».

**БАҚАВЛИ** [ба.. + а. قول — сўз, гап; айтилган фикр] модал с., эск. Бамисоли, худди. [Маждиддин:] *Шоҳим, мendan бекорга ранжийсиз, мен бақавли бир итингизмен, топган-тутганимни тишлаб келиб, хазинангизга ташлаймен.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Умрбод зор бўлиб, бир томчи сувга.. Бақавли ўликдек чўзилиб ётар.* Уйғун.

**БАҚАДРИҲОЛ** [ба.. + а. قدر — миқдор, даража + حال — вазият, аҳвол, ҳолат] рвш. Илкониётига яраша, ҳоли, қурби етганча, қўлдан келганча, баҳоли кудрат. *Бақадриҳол ёрдам қилмоқ.* ■ *Аҳли раста, аҳли савдо ўз дўконин бақадри ҳол бегаган.* Ғ. Фулом.

**БАҚАЙ** шв. Поча; тўпик; болдир суяги. *Нурали бориб, отнинг бақайидан ушлаб, қулоғини тутса, булут кўчгандек бўлиб.. ердан душман зарби келаётибди.* «Нурали». *Шу бир бақай Ҳасанинга қўшиб, терингга сомон тикдираман!* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Калта бақай** Калта бўйли, бақалоқ.

**БАҚАЖЎХОРИ** бот. Пояси қаттиқ, туксиз, бут гулдилар оиласига мансуб бўлган кўпйиллик ўт. *Бақажўхори июнь ва сентябрда уруғидан ва илдиз бачкисидан кўпаяди.*

**БАҚАЛОҚ I** шв. 1 Ҳайвонларнинг туёқ билан илик ўртасидаги бўғини. *Сайисларнинг*



отга солган давири Тушади тарлоннинг бақалогига. «Ойсулув».

**2** Шу бўгин ва унга ёпишган гўштдан иборат овқат. *Сўнгра.. тугунини очди. Роса иштаҳа билан қўйнича бақалогини нонга қўшиб ея кетди.* Газетадан.

**БАҚАЛОҚ II I** Эни бўйига номутаносиб; семиз, дўмбоқ. *Бақалоқ йигит. Бақалоқ қўллар. ■ Рўпарамда оптоқ нейлон кўйлакни тўлдириб, бақалоқ бир киши турарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Маликахон семиз, бақалоқ сонига шапатилаб, оғзини кукка қаратиб, завқ билан кулди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Қипқизил, семиз, бақалоқ танасини зўр бериб елтирди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

**2** кўчма Йўгон, семиз. *Зум ўтмай, бақалоқ ишишли француз коньяги билан бир тарелка ҳусайни узум кўтариб чиқди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Қайрағочнинг қалин, бақалоқ шохлари ташлаб турган соя ҳам.. нафаслари бўғилиб турган аёёнлар жонига ором беролмай қолди. М. Исмоилий, Фаргона т.о.*

**БАҚАМ** айн. **бақамти.** *Бақам келиб суҳбатлашар икки ошна. Т. Йўлдош, Аттанг. Мана, бугун икковимиз бақам келиб турибмиз. С. Аҳмад, Сайланма.*

**БАҚАМТИ** [ба.. + туркий қамти – яқин ҳолда] *реш.* Бир-бирига юзланган ҳолатда, бир-бирига қараган ҳолда; бир-бирига яқин, юзма-юз, рўбарў. *Камол Жалолов монтажчи билан бақамти, дўстона суҳбатлашди. Газетадан. -Мана энди бақамти гаплашайлик, — деди Жаҳонгиров. И. Раҳим, Зангори кема капитани. Энди мен Ҳусан ака билан бақамти ўтириб гаплашишни истардим. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

**Бақамти келмоқ** Юзма-юз келмоқ, юзлашмоқ, учрашмоқ. *Офтоб ўчаётган маҳал икки одам бир-бирига бақамти келиб, чурқ этмай турарди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Бақамти қилмоқ* Юзма-юз қилмоқ, юзлаштирмоқ, учраштирмоқ. *Ораларидан гап қочиб, ўрталаридан қора мушук ўтган пайтларда Раҳимов кўпинча икковини бақамти қилиб, аҳил бўлинглар, деб насиҳат қиларди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

**БАҚАНГ** *шв.* Сув ёки бошқа хил юкларни елкага қўйиб ташиш учун мўлжалланган икки учи илмоқлик ёғоч (қ. **обкаш**). *Бир куни у бойнинг хотинлари билан бақанг кўтариб, икки челакни икки учига илиб.. дарёга сува борибди. «Зумрад ва Қиммат».*

**БАҚАР** [а. بقر — буқа, хўкиз] айн. **сигир йили қ. сигир 2.** *Ундан ёшини сўраганларида, у — муш, бақар, паланг, харғуши, наҳанг дея, эскича йил ағдариб.. жавоб беради. Ф. Расул, Адолат. -Афанди, бузоқни арабча нима дейди? -Сигир бўлгунча сабр қилади, ундан кейин бақар дейди. «Латифалар».*

**БАҚАРА** [а. بقره — қорамол, сигир] Қуръони каримдаги иккинчи, 286 оятдан иборат энг катта суранинг номи. *Қуръоннинг.. “Бақара” сурасидаги оятдагина рўзанинг фарз ва ҳукмларини баён қиладилар. Газетадан.*

**БАҚАСАЛЛА** *бот.* Қалпоқчали замбуруғларнинг еб бўлмайдиган заҳарли тури. *Бақасалла, ўт хуружиди Кенг қўл саёз — на кўрк, на чирой.. А. Шер, Куз ҳилоли.*

**БАҚАТЕРАК** *бот.* Теракларнинг тарвақайлаб ўсадиган, толдошларга мансуб тури, қоратерак. *Норматпарангнинг ҳовлиси гузарда, бутун маҳаллага кўриниб турадиган баланд, қари бақатеракнинг соясига жойлашган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Даладан қайтсак, [у] мактаб ҳовлисидаги бақатеракнинг настки шохига илинган қўйнинг терисини шиялпти. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

**БАҚАТЎН** *бот.* Сув бетини тўда-тўда бўлиб қоплайдиган бир турли сувўти. *Улар ҳўл, бақатўн қоплаган, сирпанчиқ тошлардан сакраб-сакраб, шовванинг нариги томонига ўтишиди. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

**БАҚАЧАНОҚ** *зоол.* Чучук сув ҳавзаларининг секин оқадиган жойларида яшовчи пластинка жабрали моллюскалар тури. *Бақачаноқ сув оқими орқали нафас олади ва озиқланади. «ЎЗМЭ».*

**БАҚАЯПРОҚ** *бот. айн. баргизуб.*  
**БАҚАҚУРУЛЛОҚ** Думсиз амфибиялар туркумининг бир тури. *Бақақуруллоқ, асосан, дарахтларда яшайди. Шунинг учун у дарахт бақаси деб ҳам аталади. «ЎЗМЭ».*

**БАҚБАҚА** [а. بقبقه — гурра, қавариқ, пуфак ҳосил бўлиши] *с.т. айн. бағбақа.* *Шакархон енгилгина кулиб қўйди. Томоғи тағидаги муштаккина бақбақаси силканиб кетди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Узун бўйнидаги бақбақаси лиқиллаб кетди. «Шарқ юлдузи». Ойнинг сутдек нурида унинг [Гулсумнинг] Бақбақаси Некқадамнинг кўзига жуда жозибали кўринди. С. Айний, Қўллар.*

**БАҚБАҚАЛИ** *с.т. қ. бағбақали.*

**БАҚ-БАҚАЛОҚ** с.т. қ. бақалоқ II. Бақ-бақалоқ бола. ■ Қабулхонада тиқмачоқдек тўла, бақ-бақалоқ бир қиз ўтирарди. «Ёшлик».

**БАҚИЛЛАМОҚ** кам қўлл. айн. бақир-ламоқ. Нарироқда бақиллайди қирққулоқли зўр қозон. Т. Тўла.

**БАҚИР** I эск. Қизил мис. Номағлум ерда олтин бор, борсанг — бақир топилмас. Мақол.

**БАҚИР** II эск. тар. Мисдан зарб қилинган чақа пул.

**БАҚИР** III шв. айн. пақир, челақ. Бир бақир сув.

**БАҚИР-БУҚУР** : бақир-буқур қайнамоқ Бақирлаб қайнамоқ, қаттиқ қайнамоқ. Гўшт тўла қозон бақир-буқур қайнамоқда.

**БАҚИРИШМОҚ** Бақирмоқ фл. бирг. н. Ҳар ёқдан эркаклар бақиршиди, хотинлар қаргашиди. Ойбек, Танланган асарлар. Бир-бирига қарамайди, Сира ҳолин сўрамайди, Қочаётир бақиршииб, Бир-бирини чақиршииб. «Ширин билан Шакар». Сел қутургандан қутуради, болалар бақиршиади. С. Аҳмад, Уфқ.

**БАҚИРИҚ** I Кўрқинч, даҳшат ёки оғриқдан қилинадиган дод-фарёд, қичқирӣқ, Ваҳимали бақирӣқ кўпга чўзилмади, яна жимлик чўкди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Тўқайда олов ловиллаб ёнаётган қамишзор томонидан бақирӣқ кўтарилиб қолди. «Ўзбекистон кўриқлари».

2 Хурсандчилик, хушчақликни ифодаловчи баланд овоз, қийқирӣқ, ҳайқирӣқ. Тўйхонадан йигитларнинг бақирӣғи эшитилиб турар эди. Уларнинг [ёшларнинг] бақирӣқ, чақирӣқ, қаҳқаҳалари узоқ-узоқларда акс-садо берди. «Шарқ юлдузи».

3 Бор овоз билан қилинган дағдаға, пўписа, дўқ. Кишандагилар занжирларини шилдиратишар, зиндонбонларнинг бақирӣғи.. уларни ўйлатиб кўйди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар. У [Тоиров] сиқик остига олиш, дўқ-пўписа, бақирӣқ билан ишни ташкил этиш мумкин, деб ўйлайди. Газетадан. ..илгарироқ бу ақлу фаросат қайда эди, аччиғу тиззиқ, бақирӣқлар, ўқилмаган никоҳга талоқ айтишлар. М.М.Дўст, Лолазор.

**БАҚИРИҚ-ЧАҚИРИҚ** Кўпчиликнинг кўрқинч, даҳшатдан ёки бирор таъсирли воқеа муносабати билан чиқарадиган қаттиқ бетартиб овози; шовқин-сурон. Шу вақт отишмалар яна кучайди. Ҳамма ёқни шовқин-

сурон, бақирӣқ-чақирӣқ босиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ичкаридан отишма, шовқин-сурон, бақирӣқ-чақирӣқлар эшитилиб турарди. «Ёшлик». Ҳадемай кеч кириб, қишлоқни подадан қайтган молларнинг маъраши, одамларнинг бақирӣқ-чақирӣғи тутиб кетди. «Ёшлик».

**БАҚИРЛАМОҚ** Бақир-буқур овоз чиқариб қаттиқ қайнамоқ. [Ҳамробибӣ] Дастурхон ёзди, бақирлаб қайнаётган самоварни келтириб, қопқоқлаб кўйди. Р. Файзий, Эл меҳри. Катта бақда бақирлаб сув қайнамоқда. Ҳайдарбой хилма-хил чойнақларга жуда чаққонлик билан чой дамлаб, ичкарига ташиб турибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАҚИРМОҚ** I Бор овоз билан қичқирмоқ, шовқин солмоқ. Катта дарё ҳайқирмас, ақли киши бақирмас. «Қанотли сўзлар». ■ Олахўжа товушининг борича бақиради: -А!? Тарғил хўкиз ўлиб қолди? Нима? Нега ўлар экан? П. Турсун, Ўқитувчи. Бектемир кўкрагига сўмаган ҳаяжон ва меҳрни ифодалагандек, ғайришуурӣй равишда бақириб юборди. Ойбек, Куёш қораймас.

2 Оғриқдан ёки кўрқувдан дод солмоқ, дод-фарёд кўтармоқ. [Салимбойвачча] Ҳар он, ҳар лаҳза фалокатни кутди. Гўё Гулнор ҳозир ошни ичади-да, дарров бақиради. Ойбек, Танланган асарлар. Лаъли бехосдан: «Дод, ўламан», деб бақириб юборди. Ҳ. Фулом, Машғал. «Войдод!» деб бақирмоқчи бўламан, овозим чиқмайди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

3 Овози борича бақириб дағдаға қилмоқ, дўқ урмоқ, пўписа қилмоқ. -Бақирманг, — деди хўмрайиб Йўлчи, — шу вақтга давр эшитдим, чидадим, энди-чи? Йўқ! Ойбек, Танланган асарлар. [Мултон Муталга:] Бақирингиз келса, хотинингизга бақиринг! О. Ёқубов, Ларза. Унинг бировга бақирганини, стол муштлаганини Зумрад кўрган эмас. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

4 кўча Чиранмоқ, гердаймоқ. Бор — бақирар, йўқ — чақирар. Мақол.

**БАҚИРОҚ** Бақириб, шанғиллаб гапиришга одатланган; шанғи. Бақироқ чол. Бақироқ туя — норинг, Бақироқ ота — мадоринг. Мақол. ■ Хўжайин — бақироқ одам. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзи кўрқоқ бўлса ҳам, ўлгудек бақироқ, ваҳима. А. Мухтор, Чинор.

2 Ҳадеб овоз чиқараверувчи, нотинч (ҳайвонларга нисбатан). Бақироқ сигир сун-

сиз бўлар. Мақол. Ёлғиз бола йиғлоқ бўлар, Ёлғиз туя бақироқ бўлар. Мақол. ■ Бақироқ эчкидай мунча шанғиллайсан. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**3 кўчма** Шовқин-суронли; гулдуросли. *Офтоб акси тушиб нақшларга бўғилади бақироқ бозор.* Х. Даврон, Болаликнинг овози. *Бақироқ булутлар қандай яхши! Шариллатиб ёмғир ёғиб юборди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БАҚИР-ЧАҚИР** Кўп кишиларнинг, кўпчиликнинг баланд ва бетартиб овози. *Маҳалла кўчалари ҳеч қачон бунчалар гавжум бўлмаган эди: бақир-чақир овозлар, арраларнинг чийиллаши, болғаларнинг тақиллаши эшитиларди.* «Саодат». ..ташқарида чироқлар ёнган, йўлакда тапир-тупур қадам товушлари, бақир-чақир, кулги.. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**БАҚИЯ** [a. بقیه — қолдик; ортиб қолган нарса] эск. Солиқ, тўлов, қарз кабиларнинг вақтида тўланмаган қисми; қолдиқ, боқимонда. *Солиқ бақиялари.*

**БАҚИЯДОР** [бақия + ф. دار — бирор нарсага эгаликни билдирувчи аффикс] эск. Солиқ, тўлов ёки қарзни ўз вақтида тўламаган; қарздор.

**БАҚЛАЖОН** [a. بقله — полиз ўсимлиги, сабзаёт] Томатдошлар оиласига мансуб бўлган бир йиллик ўсимлик ва унинг би-нафшаранг, серэт ҳосили. *Кампир иккита ликопчада булғор қалампири аралаштириб қовурилган бақлажон келтириб қўйди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Кўзимга аччиқ қалампир билан бақлажон тўла баққол дўконларидан бошқа нарса кўринмайди.* «Ёшлик».

**БАҚО** [a. بقا — абадийлик, мангулик; давомлилик] **1** эск. кт. Абадийлик, мангулик; чексиз ҳаёт, абадият. *То муҳаббат умридек Умри бақо бўлсин қуёш.* Э. Воҳидов. *Истибодод ҳеч маҳал билмагай бақо.* Ж. Жабборов.

**Бақо ва фано** флс. Ўрта асрлар Шарқ фалсафасида чексизлик маъносидаги тушунча.

**2 кўчма** Нариги дунё, абадий уйқу олами. *Жойингиз жаннатда бўлгай, Эй падар, нур боимон. Рихлат айлабсиз бақога, Унда нурсиз ломакон.* Н. Аминов, Суварак. *Ким ул шах ўтди бу дорул-фанодин, Хабар келтиргали мулки бақодин.* Саййид Қосимий, Садоқатнома.

**3** Бақо (эркаклар исми).

**БАҚОСИЗ** айн. бебақо. *Эй воҳ, бақосиз фалак! Ойбек, Навоий. Бақосиз билдинг эмди бу жаҳон раъноларин, эй дил, Бориб майхона кунжида фанолиғ қилганинг яхши.* Увайсий.

**БАҚРАЙГАНЧА** рвш. Ҳайратга, даҳшатга тушган ҳолда. *Севаргул ирғиб ёстиқдан бош кўтарди-ю, бақрайганча, қотди-қолди.* Н. Қиличев, Чигириқ. *Бундай қарасам, Ювош, каллага бақрайганча, суратдай қотиб қолибди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

**БАҚРАЙМОҚ 1** Ҳайрат ва таажжубдан, кўрқувдан ёки газабдан кўзларини катта очиб, чақчайиб қарамоқ, тикилмоқ. *Ҳа, маймун уйнатянманми, нега менга бақрайиб қарайсан? «Саодат».* *Утирган паранжили хотинлардан бири буларга ҳадеб бақрайиб қараган ёш қизчасини етаклаб, четга чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Берироқда ўтирганлар нима ҳақида баҳс кетаётганига унча тушунолмади, бир-бирига бақрайишарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. - *Бақрайманг, мулла Муҳсин, — деди кулимсираб Хатиб домла.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоёй. *Боқижон оғзини очиб, бақрайиб қолди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**2** Кўзлари катта очилган ҳолда қотиб турмоқ. *Кейин кўзлари ўлган бузоқнинг кўзларидай бақрайиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза. *Саид аввал бақрайиб турди-да, кейин Мадинанинг гапини тушунди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БАҚРАЙТИРМОҚ: кўзни бақрайтириб 1** Кўзларини катта очиб, чақчайтириб қараб туриб (газабдан ёки назар-писанд қилмагандай). *Ҳақимбойвачча Гулсумбибини куч билан силтаб тортди, кўзларини пиёладай бақрайтириб бобиллади: «Бас, уятсиз махлуқ!»* Ойбек, Танланган асарлар. *Акмал акам сал нарироқ турган бўлса ҳам майлига эди, кўзини бақрайтириб туриб сўрагани нимаси?* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

**2** Кўзларини бир нуқтага тиккан ҳолда уйқусиз. *Айвонда кўзимни бақрайтириб ётибман-у, шуларни ўйлайман.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

**Одамнинг кўзини (ёки кўзингни) бақрайтириб** Одамнинг кўз олдида, одамнинг кўзига қараб туриб. *Одамларинг ярамас бўлса, ўғриларга йўл очиқ. Куппа-кундузи кўзингни бақрайтириб талайдилар..* Ойбек, Қуёш қораймас.

**БАҚРАЙТМОҚ қ. бақрайтирмоқ.** Кўзларини бақрайтган Тожибой Элмуродга

бақирди: -Нима, нима? Нима қилиб қўйиб-ман кўпчиликка-а?! П. Турсун, Ўқитувчи.

**БАҚУВВАТ** [ба.. + қувват] 1 Куч-қуввати нормал даражадан ортиқ, зўр жисмоний кучга эга бўлган; кучга тўла, кучли. *Бақувват одам. Бақувват йигит. Бақувват аёл. Бақувват от.* ■ *Мирзабой жисмонан анча бақувват эди. «Ёшлик». Тогда гавдали, бақувватлар керак бўлади, деб ўйлади. Шухрат, Шинелли йиллар. Бу эркак ўзи суяниб турган қоядек дағал ва бақувват, қуёшдек иссиқ ва хузурбахш эди. «Ёшлик».*

**Бақувватмисиз?** Ҳол-аҳвол сўраш, саломлашиш, кўришишда айтилади. -*Бақувватмисиз, отажон?* -*Алҳамдулилло.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзинг саломатмисан? Ўзинг бақувватмисан, Шокир?* «Ёшлик». **Бақувват тортмоқ** Кучга кирмоқ, кучига-куч кўшилмоқ. *Меҳнат билан киши қаримайди, етилади, бақувват тортади.* Газетадан. **Бақувват қилмоқ** Куч-қувват бағишламоқ; суянчиқ, таянч бўлмоқ. *..кўкрагимни иситиб, белимни бақувват қилиб турган хатни-я!* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Организм бирор қисмининг соғлом, бўлиқ ва кучга тўлалигини ифодалайди. *Бақувват қўллар. Бақувват тишлар. Бақувват елка. Бақувват панжа. Бақувват соч.* ■ *Йигит супа олдиди тўхтаб, халтасини қўйди, узун, бақувват қўлларини чолга чўзди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Заргаров бақувват иягини аста кўтариб, киприқларини пириратганча Зийдага тикилиб қолди.* А. Мухтор, Асарлар. *..кўкрак чўнтагидан тароғини олиб, қундуздай бақувват сочини таради.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ем еган отлар бақувват оёқларини кериб ташлаб, қўш косилкани эркин судраб кетдилар.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 Пишиқ, мустаҳкам. *Бақувват ип. Бақувват курси. Бақувват панжара.* ■ *Тожиани амирзода ҳарамига олиб боришиб.. бақувват курсига ўтқазиб, қўл-оёғини унга маҳкам боғлашди.* Мирмуҳсин, Мъёмор. *Дороббек деразанинг бақувват темир панжараларидан ичкарига мўралади.* Д. Нурий, Осмон устун. *Ҳовлида бир уй, бир айвон, яна бир хужра бор. Эски, аммо ҳали бақувват.* Ойбек, Танланган асарлар.

4 Яхши ўсган, баравж, бўлиқ, йўғон. *Йўғичқа сизникими? Ёш экан ҳали, жуда бақувват ўсибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

*Ўзанинг ҳосилдор шохлари бақувват, етук эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Толнинг тўғри ўсган бақувват шохлари ҳодача ўрнида ишлатилади.* Газетадан. *Адил, бақувват қарагайлар кўзларни беихтиёр ўзига тортди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

5 Ҳаракатлантирувчи катта кучга эга, қувватли. *Бақувват мотор. Бақувват техника. Бақувват трактор.*

6 кўчма Бадиий жиҳатдан пишиқ, мазмунли. *Драматик поэмада персонажлар нутқи шеърӣ жиҳатдан бақувват, афоризмга бой, ҳаяжонли, таъсирли бўлиши керак.* «ЎТА». *Бақувват шеър керак дастгоҳ вазнида.* Азамат болганинг ҳар зарби бир шеър. А. Мухтор, Асарлар. *Театрнинг ҳам асосий, ҳам кичик саҳнасида бир неча бақувват спектаклар кўрсатилди.* «ЎТА».

7 Катта бойликка эга бўлган, бадавлат, давлатманд; таянчи, суянчиги бор. *Тангриқул ҳожи бақувват хўжалик эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. - *Таги бақувватмикин?* -*Бақувватки, у ёқ-бу ёғи йўқ.* «Ёшлик».

**Бели бақувват** Бой, давлатманд. *Эли бақувватнинг бели бақувват.* «Қанотли сўзлар». ■ *Шундай замонда унинг қизига ўн беш минг берадиган «бели бақувват» топи-лармикан?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Илиги бақувват** Соғлом, кучли, забардаст. *Илиги бақувват экан!* Ойбек, О. в. шабадалар. **Имони бақувват** Маънавий, ахлоқий жиҳатдан баркамол; покиза, ҳалол. *Имонингиз доимо бақувват бўлсин..* К. Яшин, Ҳамза. *..ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоӣй ва булар каби азиз уламою фузалолар.. му-сулмон, имони бақувват зотлар бўлганлар.* К. Яшин, Ҳамза. *Бақувват экандир танда имонинг.* «Юсуф ва Аҳмад».

**БАҚУВВАТЛИК** Куч-қудратга, қувватга, бойликка эгалик, мустаҳкамлик. *У ўзининг бақувватлигини кўрсатди.* *Хўжалигимиз мустаҳкам ва бақувватлигини исботлади.*

**БАҚҚА** с. т. шв. айн. **буёққа.** Э, полвон бола, баққа юр! С. Аҳмад, Уфқ. - *Қани, пакитни олинг, жиян, — деди Даврон тоға. — Олинг баққа!* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**БАҚҚОЛ** [a. بَقَالَ — озиқ-овқат моллари, сабзавот сотувчи] эск. Майда-чуйда рўзғор моллари ва озиқ-овқат (мева, ширинликлар ва ш. к.)лар сотувчи майда савдогар. *Сўз кўрки*

— мақол, Гузар кўрки — баққол. Мақол. ■  
 Ҳар йили ҳамалнинг ўнинчи кунини шаҳардаги  
 нуфузли баққоллардан бири етти хил кўкрат,  
 етти хил тармева солинган баркаш кўтариб  
 саройга борарди. С. Сиёев, Аваз.

**БАҚҚОЛЛИК 1** Баққол иши, касби. ху-  
 нари. Уранжиларнинг кўпчилиги баққоллик  
 қиларди, шунинг учун уларни «баққолон» —  
 баққоллар деб ҳам юритардилар. С. Айний,  
 Эсдаллар.

**2** Баққол дўкони ва ўшандай дўконлар  
 жойлашган раста. [Ҳасанали] Узун кун уйда  
 бекор зерикканлигидан, ҳожига айтиб, бир-  
 мунча дастмоя билан гузардан баққоллик  
 дўкони очган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БАҚҚОЛХОНА** [баққол + хона] Баққол  
 дўкони, баққоллик билан шуғулланиш  
 жойи. [Шерали] Етти йилдан сўнг саргар-  
 дон бўлиб, балиқфурушларга хизмат қилиб,  
 акасини ёд қилиб, бир чет бозорга келиб, бир  
 баққолхонада ўтира бошлади. «Эрали ва  
 Шерали».

**БАҚҚОЛЧИЛИК** айн. баққоллик. Мат-  
 пано баққолчиликка ўтиб, бир белбоғ меваче-  
 ва олди. С. Сиёев, Аваз. Бир қассоб дўкони;  
 бунинг ёнига суқилган кичкина баққолчилик.  
 Ойбек, Танланган асарлар.

**БАҒАЗ** [ф. بغاز — пона, ёғоч қозик] Сўри  
 ёки ишкомнинг поясига кўндаланг боғ-  
 ланадиган ёғочлар. Қатор кетган ишком.  
 Ҳосилдан сим бағазлар қаддини аранг кў-  
 тариб турибди. Газетадан. ..ўсиб чиққан янги  
 новдалар юқори бағаздан ошиб, пастга —  
 заминга қараб ўса бошлади. Газетадан.

**БАҒАЙРАТ** [ба.. + ғайрат] айн. ғайратли.  
 Йўлдош ака — ақли расо, бағайрат, баҳим-  
 мат йигит, ўз қардошлари орасида камол  
 топмоқда. Н. Сафаров, Оловли излар. Кекса-  
 лари йигитлардай бағайрат, аммо йигит-  
 лари кексалардай солдийда, доно. Ғ. Ғулом.

**БАҒБАҚА** [а. بقبقه — кулқуллаш; пуфак  
 ҳосил бўлиш ёки غيغيه — иккинчи ияк,  
 бақбақа] Ияк остидаги бир оз осилинқираб  
 турган юмшоқ эт. [Кумушинг] Бу кунги  
 совуққа қарши кийиб олган савсар пўсти-  
 нининг ёқалиги кишининг ҳасадини орттириб,  
 нафис бағбақаларини ўпиб ётар эдилар. А.  
 Қодирий, Ўтган кунлар. Анча озиб, бағ-  
 бақалари шалвираб қолган Салимхон Обидий  
 ҳам залда ўтирарди. Мирмуҳсин, Умид.

**БАҒБАҚАДОР** [бағбақа + ф. باز — бирор  
 нарсага эгаликни ифодаловчи аффикс]

Бағбақаси бор, катта бағбақали. Мадина чод-  
 ра ичида овозини чиқариб, бағбақадор адво-  
 катни дуо қилди. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

**БАҒ-БУҒ** тақл. с. Бир-бирига қулоқ  
 солмай, тартибсиз равишда шанғиллаб  
 гапириш, шунга ўхшаш шовқин. Хуллас,  
 «Болалик уй — бозор» деганларидек, бу уйда  
 бағ-буғ кўп бўлса ҳам, ғийбат йўқ. Ҳ. Ғулом,  
 Машғал. Болалари кўп, уйи бағ-буғ. Ойбек,  
 Болалик. — Ана холос, — деди Эъзозхон,  
 болаларининг бағ-буғидан қулоғи битиб, —  
 энди ишга ҳам юборишмайди бу гиргиттонлар.  
 Ҳ. Ғулом, Машғал.

**БАҒДАШ** шв. айн. чордана. Уйда бундай  
 қилиб, багдаш қуриб ўтирмайди (канизлар).  
 «Муродхон».

**БАҒДОДИ 1** Яхлит тахталардан ясалиб,  
 геометрик шаклли нақшлар билан безатила-  
 диган икки табақали энг қадимги эшпик тури.

**2** Ёғочсозлик ва кулолчилик маҳсулот-  
 ларига геометрик шаклли нақшлар солиш  
 усулларидан бири.

**БАҒДОДИЙ 1** Бағдод шаҳрида ишлан-  
 ган, Бағдод шаҳридан келтирилган. Бобурнинг  
 яловбардори олиб юрган тиглар орасида ол-  
 тин дастали катта бағдодий қилич бор эди.  
 П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.

**2** Бағдод шаҳрида таввалуд топган; бағ-  
 додлик.

**БАҒИЗ** кам қўлл. Нуқсон, айб, камчи-  
 лик; баҳона. [Бой] Ҳе йўқ-бе йўқ ўшқиради,  
 ҳар нарсадан бағиз топиб, болаларни койий-  
 ди. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

**БАҒИЛЛАМОҚ 1** Куйиб-пишиб норози  
 оҳангда тинимсиз гапирмоқ. Самандар ту-  
 таққанча подадан адашган эчкиларини ол-  
 дига солиб келаётган экан, бағиллаб берди.  
 «Ёшлик».

**2** Тинимсиз, қотиб йиғламоқ. Бола кечаси  
 билан бағиллаб чиқди.

**3** Шовқинли овоз чиқармоқ (техник ас-  
 собларда). Самовар бағиллаб қайнамоқда. ■  
 [Насос станциясида] Қанча-қанча ақлли  
 машиналар бағиллаб ишлаб турибди. Ж.  
 Абдуллахонов, Тўфон.

**БАҒИР** (3-ш. бирл. бағри) **1** айн. жигар **1**.  
 От — сағридан, қўй — бағридан. Мақол.  
 Бағринг оғриси, бол ҳам тотимас. Мақол.

**2** кўча Тананинг бўйиндан қорингача  
 бўлган олд қисми; кўкрак, кўкс, тўш. Бағ-  
 рига босмоқ. ■ Нилуфар қўғирчоқни бағрига  
 босганча, югуриб ойисининг ёнига борди. С.

Аҳмад, Юлдуз. *Аҳмад билан бағир бериб кўришдик*. «Ёшлик». *Анвар овқатдан бирикки луқма олиб, қўлини артди, сандал кўрпасини бағрига тортиб, кучли ва узун тин олди*. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 *кўчма Кучок; ҳимоя, паноҳ; ён. Отабек сунбул исли сочлардан руҳ олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Синглингиз бағримда бўлади*. Ойбек, Танланган асарлар. *Усмонжоннинг кампир онаси бағрида туриш унга ўнғайроқдек кўринарди*. С. Зуннунова, Гулҳан.

**Бағрига олмоқ** 1) қаттиқ кучоқламоқ; 2) *кўчма ўз паноҳи, ҳимояси остига олмоқ*. Катта ҳовлида *Пошшахон ўзи ёлғизлини қолгандан сўнг, Лавлини дурустроқ бағрига олди*. Д. Нурий, Осмон устуни.

4 *кўчма поэт*. Юрак, қалб, дил. *Бағри қонлар бирла ёрнинг зарра дарди йўқ, нетонг*. А. Орипов. *Поездинг сўнги гудоги бағримни наштар мисоли тилиб юборди*. С. Сиёев, Кўрмайин босдим тиканни. *Айрилиқ ўтида бағри пораман, Қани энди Шоқаландар меҳрибон*. «Маликаи айёр». *Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди, Бунда ёлғиз эрди бағри эзилди*. «Маликаи айёр».

5 *Жуғрофий ҳудуднинг ён, нишаб томони*. Улар [Суннат билан Элмурод] *сув ёқалаб юриб, пастликка тушидилар*. бир оз юргач, *тоғ бағрида бир неча уй кўринди*. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Тоғ бағирларида асалариларнинг мўл ва шифобахш асал тўплаши учун шароит етарли*. Газетадан.

6 *кўчма Улкан, чўзилган ҳудудли макон, фазо; кўйин, кучоқ. Чўл бағри. Ўрмон бағри. Ўлка бағри. Тун бағри*. ■ - *Мирзачўлнинг бағри кенг, — деди Сайрамов*. Ойбек, О. в. шабадалар. *Қамишкана кичкина ва хунукина қишлоқ бўлса ҳам, бағри кенг, хушгаво*. П. Турсун, Ўқитувчи. *Унинг овози сукунат бағрини чок-чокидан тилади*. «Шарқ юлдузи». *Кўк бағрини чок қилди вулқон. Парчалади шум ният тунни*. «Гулдаста». *Кечки пайтда баданни ачитувчи бундай изғирин чўл шамоли чўл бағрида кезиб қоларди*. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**Бағри бутун** *Ғамсиз, ташвишсиз, беармон. Дунёда бағри бутун киши йўқ экан-да, ҳар кимнинг юрагида бир андуҳ*. Мирмуҳсин, Меъмор. **Бағри доғли** (*ёки бағри кабоб, бағри қон, бағри хун*) *Ўта хафа, дилтанг, ғам, қайғу оғушида; куйиб адо бўлган; тамоман*

*умидсиз*. [Ғофир:] *Лекин шу нотавонларни, бағри қон бечораларни ёқлайман*. К. Яшин, Ҳамза. *Тахта полсиз, нимқоронғи, тор уйчага жойлашгунча бағри хун, тоқати тоқ бўлганидан, бунда ўзини бахтли ҳисоблар эди*. у. Ойбек, Нур қидириб. *Кўзларида лиммо-лим кадар, бағри доғли, юраги адоқ*. Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *Оқ юзимдан тавоф қилиб, Йиғлай-йиғлай, бағрини кабоб қилиб*. «Нур-рали». **Бағри кенг** 1) даргоҳи, қучоғи, майдони кенг. *..битта бола бўлса, юмалаб-сумалаб ўсади, ҳеч ташвиш тортманг, колхознинг бағри кенг*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) *жўмард, сахий, кенг феъл*. Раис *Ҳотамдан беш-олти ёш катта, одам-охун, мулоҳазали, бағри кенг бир киши*. М. Ҳазратқулов, Журъат. *Кўпинча куз деганимизда, кўз олдимизга шукуҳли, доно ва бағри кенг кексалар келади*. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. **Бағри куймоқ** *Алам, ҳасрат, фалокат, жудоликка гирифтор бўлиб қийналмоқ, Боланг ўлса бўлмасмиди. Бағринг куйса бўлмасмиди, Гитлер ўлгур, бошингдан Яшин урса бўлмасмиди*. «Кўшиқлар». **Бағри қора** *Бировнинг ютуғини кўра олмайдиган, ичи қора, ёвуз. Бағри қора одам*. ■ [Жамила хотинларга:] *Йўқол номус, юрак ўғрилари, кўзимдан йўқол! Қассоблар, бағри қора калтакесаклар, илонлар, чаёнлар*. Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Бағрингиз бутун бўлиб қолдими?** *Йироқдаги, кутган кишиси келган одамдан кўнгил сўраш учун ишлатиладиган ибора*. **Бағрини кўтариб олмоқ** 1) *қоматини ростлаб, олмоқ; гурур билан дадил юрмоқ. Сен ҳам бундай бағрингни кўтариб юрсанг-чи!*; 2) *моддий ёки маънавий қийинчиликлардан қутулиб, ўзини ростлаб олмоқ. Худога шукур, бу йил деҳқончиликдан анча бағримни кўтариб олдим*. **Ер бағрида** 1) *ер ичида, ер остида. Ўзбекистон ер бағирларида жуда кўп, хилма-хил фойдали қазилмалар бор*; 2) *ер тагида, гўрда. Навқирон Тоҳиржон ер бағрида ётганда, мен келинни ўйлайманми? Ойбек, Танланган асарлар*.

**БАҒИР-БУҒУР** *айн. бағ-буғ*. *Болаларнинг бағир-буғуридан қулоғим тинди. Бағир-буғур гаплашиб ўтиришибди*.

**БАҒИРЛАБ**: *ер бағирлаб* *Ерга яқинлашиб, ерга ёпишиб, ер бўйлаб. Ер бағирлаб учмоқ*. ■ *Икки ёндаги хазонрез гуллар ёмғир шиддатидан ер бағирлаб ётибди*. С. Сиёев, Ёруғлик. *Булар талай ергача эмаклаб, талай*

ергача ер бағирлаб боргандан сўнг, бутазорга киришиди. А. Қахҳор, Олтин юлдуз. Ана, бизнинг қанотли соямиз ер бағирлаб сузмоқда. А. Мухтор, Асарлар.

**Ер бағирлаб қолмоқ** Қариб мункайиб қолмоқ, қартаймоқ. Бечора кампир ер бағирлаб қолибди. Нормат унинг қонсиз, тиришган юзларига қаради. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БАҒИРЛАМОҚ** айн. бағилламоқ.

**БАҒИШЛАМОҚ I** Бирор нарсага эга қилмоқ, эриштирмоқ; бермоқ, бахш этмоқ. *Ғайрат бағишламоқ. Илҳом бағишламоқ. Орзу инсонга қанот бағишлар. Мақол.* ■ Агар банда сидқидил билан худодан сўраса, томчи ўрнига дарё бағишлайди. Ойбек, Нур қидириб. *Камтарлик, ақл-заковат кишиларга улуглик бағишлайди. Газетадан. Эсингизда борми, мени дор остидан қутқариб, менга янги ҳаёт бағишладингиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2** кўчма Бутун борлигини бировга бермоқ, унинг ихтиёрига топширмоқ; бахшида этмоқ. *У [Шукур Саъдулла] бутун умрини ёш авлод қалбига эзгулик синедиришига бағишлади. «Саодат». Тўлғоний билан Пардабой, шундай қилиб, бир-бирига танини бағишлаб, неча замонлар ўйнаб-кулиб кўша қаришиди. «Ойсулув». -Юзта жоним бўлса, ҳаммасини устодга бағишлайман, — деди Зулфиқор. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**3** Бирор нарсани (одатда бадий асар, мусиқа ва ш. к. ни) бирор кимсага, масала ёки маросимга атамоқ, қаратмоқ. *Улкан шоир ва таржимонимиз Миртемирнинг маъсум хотирасига бағишлайман. Ф. Салом. Шоир бўлсам, ёмонми? Ҳамма шеърларимни ёлғиз сизга бағишлардим. Шухрат, Шинелли йиллар. Гулжамол жангчи ёри Беғижонга бағишлаб кўшиқлар тўқиб, оқ олтин далаларини янграпти куйламоқда. Н. Сафаров, Севги.*

**4** дин. Дуо ўқиб, савобини худога, азиз-авлиёларга ва арвоҳларга атамоқ, бахшида қилмоқ. *Қурбон бағишламоқ.* ■ *Бир қария Холматжоннинг бувсига қурбон бағишлади. С. Аҳмад, Уфқ. «Қул-ҳуваллоҳу аҳад»ни уч марта такрорлаб, фотиҳа ўқиди ва: -Кеча, бугун ўлган ҳамма ўзбекларга бағишладим, — деб шивирлади Полвон. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**5** эск. Кечирмоқ, афв этмоқ. *Қутбижоним, мени бағишла, деб ёлворган ҳолда Ҳамдам*

унинг кўлини тутиб, сўзини давом қилдирди. С. Айний, Куллар.

**БАҒИШЛОВЧИ** Бирор нарса (хусусият, ҳолат, руҳий озиқ ва б.)га эга қилувчи; берувчи, бахш этувчи. *Бу кеча ҳам бу иккинчи ўлимдан қутқазувчи ва иккинчи марта менга ҳаёт бағишловчи сиз бўласиз! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Руҳга энгиллик бағишловчи, дилни маст қилувчи аллақандай нордон ҳид димоққа урилди. М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.*

**БАҒОЯТ** [ба.. + гоят] рви. Юқори, ортиқ даражада, жуда ҳам, ўта. *Кароматингиз бағоят тўғри. Ойбек, Навоий. Унинг кулгуви ўзига бағоят ярашар эди. Э. Усмонов, Ёлқин. Ишлари бағоят кўп бўлгани сабабли Қамбар Мирзодан ҳамма гани эшитиб турдим, — дедилар. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**БАҒРИКЕНГЛИК** Масалага кенг кўламда, очик кўнглилик билан ёндашишлик. *Гап бағрикенгликда, халисликда, адабиётимизнинг келажаги учун чинакамига қайғура билишдадир. Газетадан. Ана шу «композицион» бағрикенглик биринчи навбатда Шайхзоданинг ягона бир мотивни пояма-поя ривожлантириш санъатида кўзга ташланади. «ЎТА».*

**БАҒРИТОШ** Бераҳм, шафқатсиз. *Бағритош одам.* ■ *..бари бир бағритош бойдан, ҳали кўрасиз, қасос олмай қўймайман. К. Яшин, Ҳамза. Гўдакларни ота меҳрдан маҳрум этиб, уларни тирик етим қилган бағритош — сиз эмасмисиз? «Таниш башаралар».*

**БАҒРИҚОРА** зоол. Сийнасида қора белгиси бўлган қуш. *Қодиржон ака, ҳаққушлар осмонда парвоз қилиб юрсалар, ана бағриқора, деманг яна. «Аския».*

**БАҒРИҚУРТ** зоол. Кўйларнинг ўпкасига тушадиган бир хил қурт. *Айниқса, қорақўл кўзлари нозик бўлади: зах ера ётди дегунча, ўпкасига бағриқурт тушиб, ўлиб кетади. С. Анорбоев, Эртаги куннинг товуши билан.*

**БАҲАВО** [ба.. + ҳаво] Ҳавоси ёқимли, мусаффо; кенг ва очик. *Шоир бир нафас ором олмоқ учун тоза, баҳаво бир хонга кирди. Ойбек, Навоий. Йўлқалари топ-тоза, бағри кенг, баҳаво бир хиёбон. «Саодат». Асрорқул чойхонани жуда баҳаво жойга қилган эди. А. Қахҳор, Асарлар.*

**БАҲАЁ** [ба.. + ҳаё] айн. ҳаёли, номусли. *Баҳаё қиз.* ■ *..ишингиз бормиди? — маъноли,*

баҳаё оҳангда сўради кулимсираб, уялганидан ёноқлари қизариб кетди қизнинг. Ойбек, Улуғ йўл. Болаларникидай кулимсираган, жуда жонли ва қандайдир баҳаё қоп-қора кўзлар дафтарлар устида югуради. Ойбек, Нур қидириб.

**БАҲАЙ** [ба.. + ф. *هی* – хўш, қани; ҳой] Нима гап, қалай; тинчликми; яхши. -*Ҳа, уста Фарфи, баҳай?* – деди Ҳомид. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. -*Баҳай? Тинчликми?* – сўради бозор ишчиси. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Саломатмисиз, қимирламанг, қимирламанг. Ҳа, баҳай?* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**БАҲАЙБАТ** [ба.. + ҳайбат] **1** Ҳажм-ўлчови одатдагидан ортиқ; жуда катта, жуда улкан, ҳайбатли. *Баҳайбат минора. Баҳайбат тоғ.* ■ *Асрий қорлардан бошига салла ўраган баҳайбат қоялар шаҳар теерасида виқор билан турганча қотиб қолган.* К. Яшин, Ҳамза. *Баҳайбат ўрик остидаги каравотда эллик ёшлар чамасидаги бир аёл ўтирарди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Баҳайбат пармаловчи машиналар қишлоқ биқинида қудуқ қазийтир.* «Ёшлик».

**2** Кўриниши ваҳимага соладиган, кўрқинч ҳиссини туғдирадиган; ваҳимали, даҳшатли. *Лочин деганда, кўз олдимизда баҳайбат йиртқич қуш пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш». *Икки-уч юз қадам наридаги якка-ёлғиз дарахтлар ва пастқам уйларнинг қамиш ва ёғоч бўғотлари туман ичида, оқшом маҳалдаги кўланкадай, баҳайбат кўринарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўтовдай шўптайган улкан тошлар ортида қандайдир баҳайбат махлуқ пойлаб тургандай.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

**БАҲАМ** [ф. *بهم* – бирга, биргаликда]: **бахам кўрмоқ** ёки **бахам кўришмоқ** **1** Ўртада тенг бўлишиб емоқ ёки ичмоқ; бўлишиб олмоқ. *Аҳмаджон ака.. ўзлари сержон бўлсалар ҳам, битта нонни топсалар, биз билан баҳам кўришган.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Ҳаммамиз худди бир ота-онанинг боласидек аҳилмиз. Ҳамма нарсани баҳам кўрамиз.* Ҳ. Нурий, Лочин боласи лочин. *Ҳеч бўлмаса, бундай бирга ўтириб, шу чойнакдаги чойни баҳам кўрса, нима қиларкин?* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** кўчма Ўртоқлашмоқ, сирлашмоқ, ўзаро фикр алмашмоқ. *Дўст фақат ташвишда эмас, қувончни баҳам кўришда ҳам билинади.* «Ёшлик». *Мавлуда ўз тажриба-*

*ларини ҳеч вақт сир сақламайди, балки уни доимо ўз дугоналари билан баҳам кўради.* У. Муҳамедов, Опа-сингиллар. *Бекмирза иккимиз фильм ҳақидаги таассуротларимизни орада баҳам кўрдик.* Й. Шамшаров, Қаҳрамонлик йўли. *Аҳмадларни тезроқ учратиб, шодлигимни баҳам кўргим келади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**БАҲАМЖИҲАТ** [ба.. + ҳамжиҳат] *рвш. 1* Бир тан, бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик, аҳиллик билан. *Туркистон шаҳридаги кўп дўкондорлар тошкентликлар бўлиб, улар Анорбой деган катта бир бойнинг кўрасини ижарага олиб, шу ерда баҳамжиҳат туришар экан.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *..оила ҳамда кенг жамоатчилик баҳамжиҳат иш олиб борсагина, кўзланган мақсадга эришиши мумкин.* Газетадан. *Хоразм элчиси Маҳмуд Жанда Ўзган шаҳрига беҳисоб совға-саломлар билан бориб, баҳамжиҳат бўлмоққа даъват этибдур.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**2** кесим *взф.* Иноқ, тотув. *Келинларим жуда чиқшиқ, ҳар ишда баҳамжиҳат.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гап иттифоқда, баҳамжиҳат бўлишда, укам. Орага фитна солиш ёмон нарса.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БАҲАМЖИҲАТЛИК** Бир ёқадан бош чиқариш; иноқлик, биргалик. *Ҳамма баҳамжиҳатлик билан бир-бирини қўлласа, чўлларимиз бойроқ гулистонга, олтин водийга айланиб кетади, албатта айланади.* «Шарқ юлдузи». *Мамлакатимиз учун иттифоқлик, баҳамжиҳатлик, якдиллик сув ва ҳаводай зарур.* Ойбек, Нур қидириб.

**БАҲАРНАВ** [ба.. + *هر* – ҳар қандай + *а. نوع* – усул, йўл, восита] *рвш. 1* Ҳар қалай, дуруст, ҳар ҳолда, бир наъви. *Катта одамнинг, ҳадеб суриштира бермай, ўз ҳолича юргани ҳам баҳарнав экан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Чойхоначи Мирзо бувага кўмаклашиб, сув ташиб юрганиям баҳарнав экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўшалоқ ўғлининг ет-тиси куни бутунлай овози чиқмай қолди.* *Сочини юлиб йиғлаганиям баҳарнав экан.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**2** Қандай қилиб бўлмасин, қандай қилиб бўлса ҳам, амаллаб. *Баҳарнав, шу эҳтимолни хоннинг қулогига еткизсак бас-да, Калоншоҳ.* А. Қодирӣ, Меҳробдан чаён.

**БАҲАРҲОЛ** [ба.. + *هر* – ҳар қандай + *а. حال* – ҳолат, вазият; аҳвол] *рвш. кт.* Ҳар



ҳолда, ҳар қалай. Султонали Анвар билан қизни тутиб беролмаса ҳам, баҳарҳол, хонга яхши кўришиб, Анварнинг ўрнини олишга муваффақ бўлди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. ..утириб зерикканиданми, баҳарҳол, биронта ҳамсуҳбатга муҳтожлик кўринар эди. Ҳ. Абдуллаев. Кулимсиради-ю, йигитни баҳарҳол, тушовлаб олгандек тутди ўзини. Ш. Холмирзаев. Тўлқинлар.

**БАҲАҚ(К)** [ба.. + а. حَقّ - ҳуқуқ; адолат, ҳақиқат; оллоҳ] **1** Худо учун, худо йўлида (жон таслим қилиш). - *Бултур жон баҳақ таслим этганлар, - деди кампир хўрсиниб*. М. Осим, Карвон йўларида. «Омонатингдан қутулдим», деб баҳаққи жон таслим қилиб, бу бобо ҳам дунёдан ўтди. «Баҳром ва Гуландом».

**2** Худо ҳаққи, худо йўлида; тўғри. *Орамизда бу кўрқинч ҳолатга баҳаққи тушунадиган яхши одамлар йўқ. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БАҲ-БАҲ** *унд. с. Ҳайвонларни чақиритиш учун қўлланадиган ундов сўз.*

**БАҲБАҲЛАМОҚ** «Баҳ-баҳ» деб чақирмоқ. *Баҳбаҳлашиб чўпонлар, чопаетир изидан. «Ойсулув».*

**БАҲИММАТ** [ба.. + ҳиммат] *айн. ҳимматли. Йўлдош ака - ақли расо, бағайрат, баҳиммат йигит, ўз қардошлари орасида камол топмоқда. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**БАҲО** [ф. بهاء - нарх, қиймат] **1** Бирор нарсанинг пул билан ўлчанадиган қиймати; нарх. *Юқори баҳо. Паст баҳо. Чакана баҳо. Бозор баҳоси. Келишилган баҳо. Қатъий баҳо. Уйдаги нархни бозордаги баҳо бузар. Мақол. ■ Отимнинг ўмилдиригига уларнинг ҳаваси келиб, баҳосини сўрадилар. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

**2** *кўчма* Аҳамият, моҳият, қадр-қиммат. *Бизда сувнинг баҳоси олтинга тенг.*

**Баҳо бермоқ** **1)** баҳосини, нарҳини белгиламоқ; **2)** бирор кимса, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг аҳамияти, қадри ҳақида фикр билдиримоқ. *Биз эса бунга тўғри баҳо бермай, раҳмдиллик қиламиз. К. Яшин, Ҳамза. Одамнинг ҳуснига баҳо берма, ақлига баҳо бер. Мақол. ■ Негадир бу воқеага керагидан ортиқча баҳо бериб, унга, Оқилага синовчан назар ташлаб юрадиган бўлишди. М. Жалололидинова, Шонли авлод. Баҳоси йўқ* **1)** ҳеч баҳолаб бўлмайдиган, жуда улкан аҳамиятга молик бўлган, бебаҳо. *Ҳаётда газ*

— *баҳоси йўқ нарса экан. ■ ..Лекин [Ўрмонжон] яхши одам, худога қараб айтганда, баҳоси йўқ одам. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) топилмайдиган, тенгсиз, ноёб. Бечора Оқила, ўзи жуда ҳалол, меҳнаткаш, болаларга жуда меҳрибон, қисқаси, баҳоси йўқ хотин. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Айниқса, мусаффо ҳавосининг, танга ором баҳш этувчи сарин елларининг баҳоси йўқ. «Ёшлик».*

**3** Таълим тизимида ўқувчиларнинг билимни ўзлаштириши, ахлоқи ёки маълум ютуққа эришиши даражасига қараб қўйиладиган балл. *Беш баҳо. Қошиқарли баҳо. ■ Энди мактаб бораман, Беш баҳони оламан. Онамни қувонтириб, Шоколадни оламан. «Бойчечак». Нутқи равон болаларнинг баҳолари кўпинча юқори бўлади. «Саодат». Бу баҳолар билан институтни орзу қилмаса ҳам бўларди. С. Сиеёв, Ёруғлик.*

**БАҲОДИР** [мўғ. баатар - жасур, кўрқмас] **1** *фольк.* Жисмонан қудратли, паҳлавон; девқомат. *Рустам баланд бўйли, кенг елкали, баҳодир йигит бўлиб етишибди. «Эртақлар». Баҳодирлар бу майдонда Туриш бермоққа ҳавасда. «Гулшанбоғ».*

**2** Ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган, довюрак, ботир; ҳимматли. *Ватанпарвар, жанговар бўл, ҳушёр бўл, Баҳодир бўл, халқинг билан ҳамкор бўл. Ҳабибий. Ҳосил жонқуярлари ва ййлов баҳодирлари сафида кўнлаб марди-майдонлар бор. Газетадан.*

**3** *кўчма* Қудратли, улкан, азамат. *Бу ялтироқ кўзли, қоп-қора узун гавдали, нўлат баҳодир (поезд) ўз бағрида бутун бир ҳаёт олиб келмоқда. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**4** Баҳодир (эрқақлар исми).

**БАҲОДИР (ЛАР)** *тар. эск. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида хоннинг шахсий жанговар гвардияси. Баҳодирлар уруш вақтида илғор қисм билан ҳаракат қилган. «ЎЗМЭ». Бадианинг яна «баҳодир» бўлиб юриши Зулфиқор билан Зафарнинг юрагига гулгула солди. Мирмуҳсин. Меъмор.*

**БАҲОДИРЛИК** *Жасурлик, мардлик, мардонаворлик. Бу соҳибжамол қиз [Бадиа] олдидан от ўйнатиб, баҳодирлигини намойиш қиладиган худодод беклар қани? Мирмуҳсин, Меъмор. Баҳодирлик даъво қилиб юрардим, Душманларга шўр гавғолар солардим. «Маликаи айёр». Ёв ичига ёриб кирган жангчиларимиз мислсиз баҳодирлик кўрсатдилар. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.*

**БАҲОДИРЛАРЧА** *рвш.* Баҳодирларга хос, баҳодирлар каби, жасуруна. *Мен баҳодирларча бир иш кўрсатай, сиз ёш деманг..* Ҳабибий.

**БАҲОДИРОНА** *айн.* баҳодирларча. *Баҳодирона жанг. Баҳодирона меҳнат.* ■ *Чулқуварларнинг баҳодирона юриши улғу адиб кўз олдида юз бераётган эди. «Ўзбекистон кўриқлари».* *Баҳодирона садоқатли ҳур диёр аҳлин, ҳар ишда қалбига сайқал бериб, зиё қиламиз.* Ҳабибий.

**БАҲОИЙ, баҳония** *тар.* 19-асрнинг ўрталарида Эрондаги бобийлар (бобийлик) ҳаракатининг давоми сифатида Ироқда вужудга келган диний-сиёсий оқим ва ушбу оқим тарафдори.

**БАҲОИЙЛИК, баҳоизм** *тар.* Баҳоийлар таълимоти, баҳоийлик ҳаракати.

**БАҲОЛАМОҚ I** Нарх қўймоқ, пулга чақмоқ. *Дадаси қазо қилганда, Махсумнинг отасидан қарз кўтариб кумбди. Эҳкисини, ерини баҳолаб, қарзига ўтказибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**Баҳолаб олмоқ** Байлашиб, кўтарасига бай қилиб олмоқ. *У [Йўлчи] чойхонада уйи шу томонда бўлган ва илгари таниш бир одам билан учрашиб, унга ўн минг хом ғишт қуйиб беришни баҳолаб олди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2 кўча** Нарса, ҳодиса ёки ҳаракатга баҳо бермоқ, унинг аҳамияти, қадр-қиммати ҳақида фикр билдирмоқ. *Қилмаган хизматимни шундай юксак баҳоладингиз.* Шухрат, Шинелли йиллар. *..ўзини билган одам бу гуноҳни катта жиноят деб баҳолайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Илмий кенгаш кашфиётимни кўриб чиқиб, яхши баҳолади.* Х. Тўхтабоев, Ширинов қовунлар мамлакатаи.

**БАҲОЛАШМОҚ I** Баҳоламоқ *фл.* бирг. н. *Молни қанча баҳолашди?*

**2** Баҳоси, нархи ҳақида талашмоқ, тортишмоқ; байлашмоқ. *Сизнингча, совчи юбориб, қизингизнинг қалин пулини баҳолашиш керакмиди?* Р.Раҳмон, Меҳр.

**БАҲОЛИ I** Муайян баҳога, нархга эга бўлган; баҳо, нарх қўйилган; қимматбаҳо.

**БАҲОЛИ II** [ба.. + ҳол]: **баҳоли қудрат** Қудрати, қурби етганча, бўлдан келганча, имконият даражасида. *Баҳоли қудрат дастурхон ёзилган.* А. Суюнов, Олис тонглар. *Хоним, қирқ йилдирки, эшигингизда баҳоли қудрат хизмат қилаётирман.* С. Сиёев,

Ёруғлик. *У адолат ва ҳақиқат учун баҳоли қудрат курашади.* «Ёшлик».

**БАҲОЛОВЧИ** Баҳо берувчи; нарх қўювчи; қадрига етувчи. *Аслида буюртмачи ҳам, ишингни баҳоловчи ҳам, қабул қилувчи ҳам ушанинг ўзи эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БАҲОНА** [ф. بهانه – сабаб, асоссиз узор] **1** Бирор ҳаракат ёки ниятни амалга ошириш ёки оширмаслик учун ўйлаб топилган сохта, асоссиз сабаб; ваз, дастак, рўкач. *Баҳона қилмоқ.* ■ *Гулнор.. Йўлчига сўзлашга ботинмас, сўзлашув учун бирон баҳона, сабаб қидиришга тиришар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен унга рўйхуш бермай юрдим. Шундай бўлса ҳам, ҳали уни баҳона қилиб, ҳали буни баҳона қилиб кириб юрди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар.

**2** Бошланғич сабаб, боис. [*Бой Ғофирга:*] *Тўй баҳонасида мендан сенга ўтиб қолган арзимаган нарсалар бор, шуларни пулга чақиб, орани очиқ қилиб қўйсак, деган эдим.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. [*Фотиманинг*] *Амакиси «қизга кийим-кечак» баҳонаси билан унинг отасидан қолган бор бисотини сотди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кенгашбойнинг суҳбати баҳона бўлди-ю, Убай ўйлашиб қолди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**Бола баҳона** – **дийдор ғанимат** (иборанинг ўзгарган шакллари: **гул баҳона.., ғўза баҳона..**) Бирор баҳона билан бутунлай бошқа мақсадда (хусусан, севгилисини кўриш учун) келган кишига нисбатан айтиладиган ибора. *Бола баҳона, дийдор ғанимат, деб улар олдинга йигитлар билан ёнма-ён ўтиришга ўрганишади.* Ҳамза. *Ҳа ёқмай кетсин-а, ғўза баҳона-ю, аллакимларнинг дарди ғанимат экан-да, Юлдузхон?* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Гулни баҳона қилиб, ёр кўргани келганмиз.* «Кўшиқлар».

**БАҲОНАЧИ** Ҳадеб ҳар нарсга баҳона, ваз топаверадиган, ваз кўрсатаверадиган. *Баҳоначи одам. Жуда баҳоначи бўлиб кетяпсан-да! Ҳа, баҳоначи, яна қандай баҳона топиб келдинг?*

**БАҲОР** [ф. بهار – кўклам фасли] **1** Йилдаги тўрт фаслнинг бири, қишдан кейинги, ёздан олдинги фасл; кўклам (йилнинг март, апрель, май ойларига тўғри келади). *Эрта баҳор. Баҳор қуёши. Баҳор шамоли. Дарё сувини баҳор тоширади, Одам қадрини меҳнат оширади.* Мақол. ■ *У [Гулнор] букун шод, баҳор унинг нашъасига нашъа, гўзал-*

лигига гўзаллик кўшган. Ойбек, Танланган асарлар. *Баҳор жой танламас экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 кўчма Ҳар нарсанинг (умрнинг, ҳаётнинг) яшнаган, камолга етган пайти, шундай чоғлар рамзи. *Умр баҳори. Ҳаёт баҳори. Севги баҳори. Яхши хотин — ҳамиша баҳор.* Мақол. ■ *Шу ердадир мардлик, жасорат, Шу ердадир ҳаёт баҳори.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Ахир ёшимиз кетяпти, умр баҳоримиз ўтиб, кузимиз яқинлашиб келяпти, Ҳаётхон!* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Фуломжоннинг кўнглида яйраган қувонч баҳори кўзларида жавлон урди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

3 кўчма Умрнинг маълум қисми, муддати, ёши. *Бизнинг Нарзимиз ўзининг йигирманчи баҳорини худди шу Молдавия ерида қарши олди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бахтли қизим, мен ўйлаб боқсам, Икки баҳор кўрибди ёшинг.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

4 кўчма Қувонч, шодлик, бахт. *Ишқингда мен баҳорлар топдим, Баҳор ичра наҳорлар топдим.* Ҳ. Олимжон. *Сизда бўлган умид, ишончлар, Кунлар келар, яратар баҳор.* Fairатий.

5 кўчма Севги, муҳаббат; умид. *Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади. Кимдир кимгадир интизор бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 кўчма Севгили, маъшуқа, гўзал ёр. *Гуллаган баҳорим, сени севаман.* У. Исмоилов, Сайланма. *Сўлдимикан гул чечакли баҳорим, Ҳам қишимдан, ҳам ёзимдан айрилдим.* «Нурали». *Ҳазон этмоқчи бўлмиш, ажратиб фасли баҳоримдан.* «Гулдаста».

7 Баҳор (хотин-қизлар исми).

**БАҲОРГИ 1** Баҳорга, кўкламга оид, баҳорда бўладиган, баҳорга мўлжалланган. *Баҳорги экинлар. Баҳорги тошқин. Баҳорги беғамлик — кузги пушаймонлик.* Мақол. *Баҳорги ҳаракат — кузги баракат.* Мақол. ■ *Наврўзи олам ўлкамизга таширф буюргандан бери, барча боғларда баҳорги ишлар қизиб кетди.* Газетадан.

2 айн. **баҳори.** Баҳорги экинлар. *Баҳорги ғалла.*

**БАҲОРИ(Й)** [ф. بهارى, بهاره — баҳор фаслига мансуб] 1 Баҳорда экилиб, шу йилнинг ёзида етиладиган (асосан, дон экинлари ҳақида). *Баҳори ғалла. Баҳори экинлар.* ■ *..баҳори ғалла майсалари инсон меҳнатининг мўъжизакор қудратини кўз-кўз*

*қилиб.. турибди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Аллоф баҳори арпа ўрнига кузгисини берган экан.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Кўкламга мансуб, хос; яшил, ям-яшил. *Дўстимдир пишқирган баҳорий селлар, Оҳудек талпинган ўйноқи еллар.* Газетадан. *Қанотини камалак қилиб, чарх уради баҳорий қушлар.* «Шарқ юлдузи». *Баҳорий либос кийган бахмал чўл ўзига сайқал берган фидойиларни унутмади.* Газетадан. *Уйга кириб, баҳорий ранг костюминини кийди.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 кўчма Баҳордай ёш, навқирон; мусаффо. *Кўёш васли баҳорий ҳаёт Инсон меҳри билан ошнади.* Н. Нарзуллаев. *Бу кўзларда туйғунлик, олижаноблик, кўнглининг баҳорий тозалиги, илиқлиги.. жилваланар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БАҲОРИКОР** [ф. بهارىكار — баҳорга мўлжалланган, баҳорда қилинадиган] Баҳори экинларга мўлжалланган, баҳори экинлар экиладиган; суғорилмайдиган. *Баҳорикор ерлар. Баҳорикор деҳқончилик.* ■ *Баҳорикор ерларга экиладиган экинлар орасида зарур мўқдорда ем бўладиган дон экинлари бўлсин.* Газетадан. *Тошхўжа ўйлаб турди-да, оғилхонадан қари биясини эгарлаб чиқиб, баҳорикор қирлар томонга йўрттириб кетди.* А. Мухтор, Чинор.

**БАҲОРИКОРЛИК** Баҳорги экинлар экиш билан шугулланишлик, баҳорикор деҳқончилик. *Ҳалигача баҳорикорлик районларида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган энг юқори ҳосил олишга эришилди.* Н. Сафаров, Дон.

**БАҲОРИСТОН** [ф. بهارستان — гуллаб-яшнаган боғ] *поэт.* Баҳорларга макон бўлган, доимо яшнаб турган ўлка, мамлакат. *Баҳористон атадим, ўлкам, Тасвирингга бўёқ етишмас.* Т. Ражабий, Ўзбекистон. *Фарғонани бир баҳористонга, бир боғистонга.. айлантириш учун бошланган музаффар юриш давом этяпти.* М. Мансуров, Ойдин йўлда.

**БАҲОСИЗ 1** Баҳосини, қимматини ҳеч белгилаб бўлмайдиган, баҳоси йўқ; бебаҳо. *Э-э, нимасини айтасан, баҳосиз одам эдику!* С. Анорбоев, Оқсой. *Одам тухми кўрса, қолмайди қарор, Зулфиға боғлаган баҳосиз гавҳар.* «Баҳром ва Гуландом».

2 Баҳога эга бўлмаган, баҳо олмаган. *Баъзи баҳосиз ўқувчиларнинг чорак баҳосини чиқариш муаммо бўлиб турибди.*

**БАҲР I** [а. بحر — улкан дарё, денгиз] 1 Денгиз; океан. *Бепоён олам, баҳри муҳитлар, ўзи кўрмаган маҳобатли тоғлар, дунё мамлакатлари, номаълум қитъалар.* С. Сиёев, Аваз. *Бир ёнингда эса Севандай баҳр, Мисоли булутлар ичида қамар.* А. Орипов.

2 кўчма Олам, дунё; бойлик. *Терди санъат баҳрининг қимматбаҳо инжусидан.* Ҳабибий.

3 кўчма Тугён, тўфон. *Булоқларда қайнади ғазабнинг баҳри, Қотилларни совурди ўлканинг қаҳри.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

4 кўчма Меҳр; ишқ-муҳаббат доми. *Йишитлар талтаяр қизлар баҳрига.* «Гулнорпарӣ». *Булбул сайрар тоза гулнинг баҳрига.* «Ойсулув». *Мен тушувдим Нигоройнинг баҳрига, Шунинг-чун борувдим сиз хон шаҳрига.* «Нигор ва Замон».

**БАҲР II** [а. بحر] *ад.* Аруз шеърӣ тизи-мидаги ўн тўққизта шеърӣ вазн гуруҳларидан ҳар бири (қ. аруз). *Рубоӣ, анъанага кўра, арузнинг «хазаж» баҳрига мансуб «ахрам» ва «ахраб» вазнларида ёзилади.* «Ўзбек адабиёти».

**БАҲР III** [ф. بهر — баҳра, насиб; фойда] *айн.* **баҳра.** *Навоийнинг санъати зўр назмида, Эл баҳр олур ўз суҳбати, базмида.* Ҳабибий.

**Баҳри (ёки баҳридили)ни очмоқ** Кўнглини очмоқ, руҳини енгил, кайфини чоғ қилмоқ. *..Оромбахш ҳаво, хушбўй ҳид уларнинг [Саодат билан кампирнинг] баҳрини очмоқда.* И.Раҳим, Ихлос. *Кишининг баҳрини очадиган салқин бир оқишом эди.* О. Ёқубов, Тилла узук. *Эшик очилиб, бирдан ичкарига урган шамолдан бир оз баҳри очилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Майса барглари учида ялтираган шуоринг доналари одамнинг баҳридилини очар эди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. **Баҳридан ўтмоқ (ёки кечмоқ)** Фойдасидан, нафидан, ҳатто ўзидан ҳам воз кечмоқ. *Яхшиси бундай бевош хизматкорнинг баҳридан кечиш керак.* С. Айний, Дохунда. *Бўри полвон пирига ошна бўлмайди. Валихўжа ака, боши олтиндан бўлса ҳам, шу одамнинг баҳридан ўтинг!* Н. Сафаров, Наврўз.

**БАҲРА** [ф. بهره — ҳисса; қисмат; фойда]: **баҳра олмоқ I** Фойда, манфаат, наф олмоқ. *Дарёлар суви беҳуда оқди. Дехқон истаганича ундан баҳра ололмади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Баҳра ололдими бир зот юраги? Бирор қалб ғуборин юва олдингми?* Э. Воҳидов.

2 Лаззат, хузур, роҳат олмоқ. *Ўзи сувга қонгач, гўё ғўзалари ҳам ундан баҳра олгандек қувонди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмоқ учун инсон соғлом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи зарур.* Газетадан. *Унинг ҳаёти эса кули билан суғорилган, ундан баҳра олган, узоқ умр кўрган санъаткор ҳаётидир.* Т. Обидов, Юсуфжон кизиқ.

3 кўчма Илҳомланмоқ, руҳланмоқ; таълим олмоқ. *Ойбек рус шеърӣятига кўп мурожат қилган, ундан баҳра олган ижодкор эди.* Газетадан. *Олурман баҳра ҳикматли сўзингдан, Сухандонсан, сухандонсан, сухандон.* Ҳабибий. *Нарзи вақти билан ҳаёт мактабидан баҳра олиб, донишманд бўлиши мумкин эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

4 кўчма Озиқланмоқ, тўйинмоқ. *Тупроқ наmidан баҳра олиб, чигит бир текис униб чиқди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**БАҲРАЛАНМОҚ I** Баҳра олмоқ; фойда топмоқ, наф, манфаат кўрмоқ, баҳраманд бўлмоқ.

2 Лаззат олмоқ, маза, хузур қилмоқ.

**БАҲРАМАНД** [ф. بهرماند — омадли; шеърӣк; фойда олувчи; роҳатланувчи] Баҳра олган; бирор манфаат, фойда кўрувчи. *Оламда нимаики бўлса, қуёшдан баҳраманд, унга интилади.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар.

**Баҳраманд бўлмоқ** Баҳра олмоқ; бирор фойда, наф кўрмоқ. *..мен бир ҳафтада олти таклама этик тикиб, сиздан олти сўм баҳраманд бўламан.* С. Айний, Қуллар. *Шеърӣятни ҳар ким иқтидорига яраша тушунади ва унинг бойликларидан ўзича баҳраманд бўлади.* Газетадан.

**БАҲРАСИЗ** *айн.* **бебаҳра.** 1 *Баҳрасиз қолмоқ. ■ Баҳрасиз илму ҳунардан ҳам муқаррар дангаса.* Ҳабибий.

2 Фойдасиз; тушунмайдиган, дидсиз. *Ҳавода пайдо бўлган қора булутлар осмон гумбазида сайр этар, баҳрасиз сояларини экинлар устига ташлаб, кўк юзидан бир зумда ғойиб бўлар эди.* Н. Сафаров, Наврўз. *Баҳрасиз олдиди, Эркин, Очма кўнгил дафтари, Неки ёзсанг, дил сўзини Англаган инсонга ёз.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**БАҲРИБАЙТ** [а. بحربيت — баҳр ва байт] Шеър айтишиш ўйини бўлиб, унга кўра тарафлардан бири бир банд шеър айтади, иккинчи бири шу шеърнинг охириги тову-

шидан бошланадиган шеърый банд билан жавоб беради. *Баҳрибайт ўйнамоқ. Баҳрибайт айтишмоқ.* ■ *Мадрасада Мулла Шомухаммад охундан дарс олиб юрган маҳалимда.. баҳрибайт айтишардик.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Сизлар икковингиз баҳрибайт айтишиб ўтиринглар, мен озгина мизғиб оламан.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Бир-биридан гўзал, бир-биридан қолишмайдиган. *Донолар баҳрибайт деган эканлар, Кўриб бир-биридан гўзал қизларни.* Т. Тула.

**БАҲРИДИЛ** [ф. بهردل — кўнгил хузури, дил лаззати]: **баҳридилини очмоқ айн. баҳрини очмоқ қ. баҳр** III. *Кечаги чанғбосди ёмғир табиатга хусн бериб кетганидек, одамларнинг ҳам баҳридилини очиб юборди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Чинни пиёладай тоза уй баҳридилингизни очиб, ярақлаб туради.* Газетадан.

**БАҲРИН** I [мўғ. баарин] этн. Туркийлашган мўғул қабилаларидан бирининг номи. 1924 йил маълумотига биноан, Ўзбекистонда 9000 га яқин баҳрин яшаган. «ЎЗМЭ».

**БАҲРИН** II зоол. Йиртқич қушлар туркумининг лочинсимонлар оиласига мансуб қуш. *Маҳаллий овчилар уни оқ юзли лочин, шунингдек, баҳрин деб атайдилар.* «Фан ва турмуш».

**БАҲС** [а. بحث — муҳокама; тадқиқот, мубоҳаса] I Бирор нарса, ҳолат ёки масалани ёқлаш мақсадида ўтадиган мунозара, тортишув. *Фикр баҳсда қиёмага етади, дейди олимлар.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Баҳс кетаётганда, одатда бақирган томон ютқзади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Одатда фикрлар баҳси бўлган жойда тараққиёт ҳам тезроқ ютади.* Газетадан.

2 Илмий ёки диний адабиётда бирор масала, муаммога бағишланган қисм, бўлим. *Хатиб домла ҳам ушр баҳсини ортиқча узайтирмади, тезда китобни ёнди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

3 *спрт.* Мусобақа, беллашув. *Республика енгил атлетикачилари йирик баҳсларга қизғин тайёрланмоқдалар.* Газетадан. *Мерганлар баҳсида иштирок этаётган вакилларимиз ҳам бўш келишмаяпти.* Газетадан.

**Баҳс очмоқ** 1) мунозара очмоқ; 2) сўз очмоқ, гап бошламоқ. **Баҳс қилмоқ** 1) мунозара қилмоқ; талашмоқ, тортишмоқ;

2) с. т. бирор масала ҳақида гапирмоқ. [*Хасанали*] *Унар-унмасдан баҳс қилиб, ниҳоят, бу унар-унмаснинг охирига шу саволни ҳам улаб юборди: -Бу гал Марғилонга кечикдингизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БАҲСДОШ** Мунозара (баҳс)да биргаликда қатнашаётган шахс; мунозарачи, баҳсчи. [*У*] *Ўз даввосини исботлаб берган, баҳсдоши: «Сеники маъқул» дейишга мажбур бўлди.* Газетадан.

**БАҲСЛАШМОҚ** I Баҳс (мунозара)да қатнашиб, ҳар хил фикрлардан бирини, хусусан ўз фикрини ёқлаб сўзламоқ; тортишмоқ, талашмоқ. *Ботир ёв келганда билинар, чечан — баҳслашганда.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки — мақол. *Ёшлик, севги-садоқат ҳақида қизғин баҳслашдилар.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Баъзан тўғри келмай қолса дидимиз. Дўстим, баҳслашамиз, ёнамиз лов-лов.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

2 *спрт.* Мусобақалашмоқ, ғолиблик учун курашмоқ. *Турнирда дастлабки тўрт ўринни эгаллаган шашкачилар.. биринчи лигада баҳслашиш ҳуқуқига эга бўладилар.* Газетадан.

**БАҲСЛАШУВ** Бирор масала юзасидан ўзаро тортишув, мунозара қилиш. *Бу таклиф баҳслашувга сабаб бўлди.* ■ *Адабиёт назариясининг кўп масалалари юзасидан ҳали ҳам келишмовчиликлар, баҳслашувлар бор.* «Адабиёт назарияси». *Кўпича бундай баҳслашувлар даҳанаки жанг диврасидан чиқаёзган кезларда Шерали.. ҳар икки томонни тинчлантирар эди.* С. Кароматов, Олтин кум.

**БАҲСЛАШУВЧИ** Мунозара, баҳсга қатнашувчи, мунозара иштирокчиси; низолашувчи. *Поэмада баҳслашувчи томонлар овози етарли даражада кескин ажралиб турмайди.* Газетадан.

**БАҲС-МУНОЗАРА** [баҳс + мунозара] Тортишувлар, мунозаралар. *Энди, катта мавзулардаги баҳс-мунозаралардан кейин, бу мушкуллик зигирдаккина кўринди.* П. Қодиров, Уч илди.

**БАҲСТАЛАБ** [баҳс + талаб] Баҳс, мунозара орқали ҳал қилинадиган, баҳсга сабаб бўладиган, мунозарали. *Хайридиннинг асарида эса айрим баҳсталаб жиҳатлар бор.* Газетадан.

**БАҲСЧИ** Баҳс юритувчи шахс, баҳслашишни яхши кўрувчи одам; мунозарачи.

Баҳсчи тўғри айтса ҳамки, ҳақ гапига ён босмай, Дўсти турган паллага тез тушиб олар посанги. Т. Ражабий, Нусхалар.

**БАҲУЗУР** [ба.. + *a.* حضور — иштирок этиш; келиш, кўриниш] *рвш.* 1 Хотиржам ҳолда, ўнғайсизлик сезмасдан, ташвишдан холи ҳолда, шошилмасдан, бамайлихотир; бемалол. — Баҳузур ёйлиб ўтираверинглар. Далада ёз палласида ёйлиб ўтириш роҳат, — деди меҳмонларга мурожаат қилиб бой. Ойбек, Танланган асарлар. Бу одамлар.. дунёни сув босса, тўпигига чиқмайдиган, баҳузур ёнбошлаб ётиб.. бамайлихотир, хузур қилиб кулишар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ҳеч қандай қийинчиликсиз; бемалол. Бу ишни у баҳузур бажаради. ■ Мен ўзига тўқ одамнинг боласиман, отамнинг топгани, ўзимнинг деҳқончиликдан топганим битта қорнимга баҳузур етади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Ора узоқ бўлса ҳам, [Мастон кампирнинг] эркакча овози Фуломжонга баҳузур этиб келди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 кесим *взф.* Бемалол, рухсат; майли. — Чекишга қаршилиқ қилмайсизларими? — Баҳузур. Ойдин, Суҳбати жонон.

**Ўзига баҳузур** Ҳеч нарсадан муҳтожлиги йўқ, ўзига тўқ. У ўзига баҳузур одам.

**БЕ** (е — чўзиқ) *унд. с.* Эътироз ёки ажабланишни, норозилик маъносини ифодалайди. Бе-е, менда пўлат нима қилади, тақсир. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бе! Биз нимани тушунамиз. Тушунсак, сиздан сўраб ўтирармидик. П. Турсун, Ўқитувчи. — Бе, шанғиллаган билан иш битар эканми? — деди Тожибой қўл силтаб. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕ-** [ф. *بی* — отлардан инкор маъносига сифатлар ҳосил қилувчи олд кўшимча, мас.: беақл, безарар, беқарор].

**БЕАДАБ** [бе.. + адаб] 1 Тарбия кўрмаган; тарбиясиз, адабсиз. Беадаб бола. Адабни беадабдан ўрган. Мақол. Беадабдан хайр кутма. Мақол.

2 Одоб, ахлоқ доирасига сиғмайдиган, адабдан ташқари; кўпол. Обиджон жуда кўпол ва беадаб бир топшмоқни қичқариб айтган эди, кампир уни қаттиқ қаради. Ойбек, Танланган асарлар. Болалар қочишар экан, одатда никоҳ куни айтиладиган хунук, беадаб сўзларни баланд қичқаришди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Хато; адабсизлик. Беадаб биздан ўтибди, ёр кечирмасми бугун. «Оқ олма, қизил олма».

**БЕАДАБГАРЧИЛИК** *с. т. айн.* беадаблик.

**Беадабгарчилик бўлмаса айн. беадаблик бўлмаса қ. беадаблик.** [Рўзимат:] Агар беадабгарчилик бўлмаса, шу сабаблардан биттасини айтиб бермоқчиман. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БЕАДАБЛИК** Одоб-ахлоқ нормаларига сиғмайдиган ҳатти-ҳаракат, адаб доирасидан чиқиш; одобсизлик. Э. Турдиоҳун мулла, кечиргайсиз, беадаблик ўтибди-ку биздан.. «Ёшлик». Агар қорнинг очиб, ичакларинг узилаёзса ҳам, овқат сўрамагин. Беадаблик бўлади. П. Турсун, Ўқитувчи. Аҳмоқнинг каттакичиги бўлмайди деганларидек, беадаблик ҳам ёшга қарамайди. «Ёшлик».

**Беадаблик бўлмаса ёки беадаблик бўлса ҳам криш с.** Айтмоқчи бўлган гапи ёки қилмоқчи бўлган ҳаракати учун бошқаларга ҳурмат юзасидан олдиндан узр сўраш шакли, йўли. Агар беадаблик бўлмаса, мен ҳам бир-икки оғиз сўзламоқчиман.

**БЕАДАБОНА** *рвш.* Тарбия кўрмаган кишилардек, одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилмаган ҳолда; беадабларча. ..уни шоҳ қизига тама қилишда ва олий зотларга беадабона муносабатда бўлишда айблаб, эртага тошбўрон қилиб ўлдиarmoқчилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БЕАДАБЧИЛИК** *с. т. 1 айн.* беадаблик. Беадабчилик қилмоқ. ■ — Уртоқ Сафаров, мендан ўтди, сизнинг олдингизда беадабчилик қилдим, — деди [Бўтабой]. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 *айн. беадаб 2.* Эй қариндошларим, бундай беадабчилик сўзни сўзламангизлар, подшо ҳақиқий худонинг ўзи. «Юсуф ва Аҳмад». Юсуфбек йигитларга қараб: — Бундай беадабчилик сўзни сўзламанглар, — деди. «Юсуф ва Аҳмад».

**БЕАДАД** [бе.. + адад] Катта миқдорли, сон-саноқсиз, бениҳоят кўп, беҳисоб. Шоирларнинг дарди ҳам, қувончи ҳам беадад. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Ўлкамининг табияти ўзига хос. Ҳатто сувда ҳам беадад бойлигимиз бор. Газетадан. Ўрта Осиё ўрмонларини шимолдаги беадад ўрмонларга қиёслаб бўлмайди. «Фан ва турмуш».

**Жаҳли беадад** Жуда кўп, керагидан ортиқ жаҳл. Мана, тақсир, ҳали каминани гапир-

дилар, бизга жаҳли беадад қилдилар. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БЕАЁВ** *рвш.* Раҳм-шафқат қилмай, омон бермай; аямасдан, аёвсиз, шафқатсиз. *Қани шерлар, олға томон, ғалаба томон! Душманларни даҳшат билан қўвинг беаёв.* Ҳ. Олимжон. *Муротали ишёқмасларга беаёв эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Шабада эсиб турган бўлса ҳам, қўёш беаёв ўт пуркайди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

**БЕАЁВЛИК** Шафқат нима эканини билмаслик; шафқатсизлик, аёвсизлик. *Табиат ва инсон юзма-юз қолган эди. Кимсасиз чўл беаёвлигини кўрсатди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

**БЕАЖАЛ** [бе.. + ажал] Ажали, вақт-соати етмасдан; ажалсиз. *Сенга насиҳатим шулдир, қулоқ сол, Асло ҳеч ким ўлмас, болам, беажал.* «Маликаи айёр». *Шоҳнинг ғазаби келса, қаландар, Беажал ўласан, келган меҳмонлар.* «Маликаи айёр».

**БЕАЖИН** Ажин тушмаган; ажинсиз. *..ошпазнинг бўтқа сачраган этигининг учидан тортиб силлиқ, беажин, тор пешонасигача разм солиб чиқди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**БЕАЗИЯТ** [бе.. + азият] *рвш.* Ҳеч қандай азият чекмасдан, ҳеч бир қийинчиликсиз, осонлик билан; беозор, бемашаққат. *Беазият топилган пул суд қилмас.* Мақол.

**БЕАЗОБ** [бе.. + азоб] Азобсиз, қийинчиликсиз; машаққатсиз. *Бир кун келадик, бу золим фалак Бир қултум сувни ҳам бермас беазоб.* Умар Хайём, Рубойилар.

**БЕАЙБ** [бе.. + айб] **1** Гуноҳи, айби йўқ; айбсиз, беғуноҳ. *Бейб одам.* ■ *Бейб фуқаро кетди қутулиб.* «Нигор ва Замон».

**2** Камчилиги йўқ, нуқсонсиз; беиллат. *Ҳар иш қилсанг, Ҳабибий, пухта қил, бейбу бенуқсон.* Ҳабибий.

**Бейб парвардигор** Айби, нуқсони бўлмаган ҳеч банда йўқ, деган маънода ишлатилган ибора. -*Бейб парвардигор,— деди Тунқотар.* - *Банда ҳамиша маъзур ва хатолидир, тақсир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЕАМАЛ** [бе.. + амал] **1** Амали, лавозими йўқ, лавозимсиз. *Кишим йўқ, давлатим йўқ, камбағалман, Яроғ йўқ, мансабим йўқ, беамалман.* Ҳабибий.

**2** Ҳеч нарса билан шуғулланмайдиган, ишсиз; танбал. *Қизи ўн бешдан ошмай эрга берган ваҳший мардумни — ..беамал муллани ер ютсун.* «Ўзбек шоирлари».

**БЕАМР** [бе.. + амр] *рвш.* Амр-фармон бўлмасдан, ҳали буйруқ олмасдан; рухсатсиз. *Бехуда сўзлаб турмагин менга, Подшодан беамр очмайман сенга.* «Рустамхон». *Ҳақдан беамр иш бўлмас, Ажал етмай чивин ўлмас.* «Муродхон».

**БЕАНДАЗА** [бе.. + андаза] **1** *рвш.* Андазадан фойдаланмасдан; андазасиз. *Кийимни беандаза бичмоқ.* *Беандаза кийим.*

**2** *сфт.* *кўчма с. т.* Ўхшовсиз, беўхшов. *Ё гапим беандазами?* А. Қаҳҳор, Сароб.

**3** *сфт.* *кўчма с. т.* Чекини, меъерини билмайдиган, қуюшқондан ташқари бўлган; ҳаддан ошириб юборалиган. *Йўқ, таажжубланманг, чунки беандаза редактор бундан нарига ўтолмаса, нима қилсин.* «Муштум». *Ҳаттоки балғамим сендан тозадир, Сенинг ифлослигинг беандазадир!* «Шарқ юлдузи».

**БЕАНДИША** [бе.. + андиша] Андишани билмайдиган, уялиб-нетиб ўтирмайдиган; андишасиз. *Саидий Мирза Муҳиддинга нисбатан Муҳаммадражабнинг адабсизлигидан хижолат бўлар, ичида «юзсиз, беандиша» дерди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Исфандиёрнинг беандиша мулоҳазаси бош вазирга оғир ботди.* С. Сиёев, Аваз.

**БЕАНДИШАЛИК** Андишага риоя қилмаслик, андишасизлик. *Нусратбек хотиндан бу қадар беандишалик, йўқ, шафқатсизликни кутмаган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Назар Рўзининг беандишалик билан айтган сўздан Ёдгорбекнинг ғаши келди.* «Ёшлик». *Баъзи аёллар баланд ҳуқуқи, оналиги, аёллигини пеш қилиб, беандишалик, беҳаёлик кўчасига кириб оладилар.* М. Алавия, Болаларингизнинг отаси.

**БЕАНДУҲ** [бе.. + андуҳ] Ранжимасдан, шикоятсиз. *Оналар бизлардан бир зумда кетмас, йўқ, Улар узоқлашар оҳиста, беандуҳ.* М. Мирзаев, Оналар кетмоқда.

**БЕАРАЗ** [бе.. + араз] Араз қилмасдан, хафалашмасдан, ранжимасдан. *Баҳслаша берайлик холис, беараз, Токи баҳсимиздан гулласин жаҳон!* Шукрулло, Баҳслашув.

**БЕАРМОН** [бе.. + армон] **1** Барча орзумидлари рўёбга чиққан; армони қолмаган, армонсиз. *Беармон одам. Беармон яшамоқ.* ■ *Кошки эди сўнг қўлингда эркаланиб берсам жон. Сўнги нигоҳ сенда қолса, мен кўз юмсам беармон.* Зулфия.

**2** *рвш.* Роса тўйгунча, мириқиб, қониқиб. *Чиндан ҳам ҳар бир тўйда тўполон қилиб,*

беармон ўйнаб-кулишга ўрганган болалар бу «улуғ тўй»дан норози эдилар. Ойбек, Танланган асарлар. *Хайр, эй, беармон кезган қирларим. Хайр, эй, йироққа қочган сўқмоқлар.* А. Орипов.

**БЕАСО** [бе.. + *عصا* – таёқ, ҳасса] Кўлида ҳассаси бўлмаган; таянчсиз, суянчиқсиз. *Борсанг кўйига, қосидо, айтгил Муқимийдин дуо, Баским заифу беасо, мен мубтало қайга борай?* Муқимий. *Менга чечан десам, сўзга ҳам чиқдинг расо. Сўз тополмай лол қолдим, кампирдайин беасо.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

**БЕАСОРАТ** [бе.. + асорат] Ҳеч қандай таъсири, асорати қолмасдан, асоратсиз. *Комилжон Назирага тиббий ёрдам бериш йўллари излади, унинг беасорат соғайиб кетишини ўйлайди.* Д. Нурий, Осмон устунни.

**БЕАХЛОҚ** [бе.. + ахлоқ] Ахлоқ-одобга амал қилмайдиган; ахлоқи ёмон; ахлоқсиз.

**БЕАХЛОҚЛИК** Ахлоқ-одобдан маҳрумлик.

**БЕАҚЛ** [бе.. + ақл] 1 Онги, фаҳм-фаросати паст; ақли йўқ; ақлсиз, *Беақлнинг охи йўқ, Боғламоққа шохи йўқ.* Мақол. *Ақлни беақлдан ўрган.* Мақол. ■ *Беақл йўлдошдан яхшидир таёқ.* «Муродхон».

2 Ақл ишлатмасдан, ўйлаб ўтирмасдан қилинган; аҳмоқона, номаъқул. *Беақл гап. Беақл маслаҳат.*

**БЕБАДАЛ** [бе.. + бадал] Бадалсиз, ўрнини алмаштириб бўлмайдиган; кўлдан кетган, фойдасиз. *Қайлардасан, бебадал имкон, Қайлардасан, бетакрор қудрат.* У. Кўчқоров, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

**БЕБАРАКА** [бе.. + барака] Унуми кутилган даражада бўлмаган, баракаси йўқ; баракасиз. *Бебарака овқат.* ■ *Бўйдоқ юр-версанг, ишинг бебарака, рўзғоринг бефайз бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Оила бошлиғини ҳамма бебарака дерди. Балки онаси шунинг учун куйиб кетгандир.* «Ёшлик».

**БЕБАРКАШ** [бе.. + баркаш] Хоҳлаганча, ўлчамасдан; чексиз. *Эрали, Шерали.. бебаркаш ем бериб, уларга [отларга] муносиб абзаллар тузатиб, олти ой боқди.* «Эрали ва Шерали». *Жисмимда иситма тобидин Оташдур, Жонимга балоу ғусса бебаркашдур.* Бобур.

**БЕБАРОР** [бе.. + барор] Ҳеч қандай фойда келтирмайдиган; тарбиясиз, ёмон. *Бебарор ўсган ўғилдан қилиқли ўсган қиз яхши, дейдилар.* Т. Сулаймон, Интизор.

**БЕБАХТ** [бе.. + бахт] *айн. бахтсиз.* *Бебахт қиз.* ■ *Бебахт Зубайда! Шу кўшиқни яхши кўрар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Мутавалли Рухилло хонадондаги ўша бебахт кунлари дига тушса, юраги орқага тортиб кетарди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

**БЕБАҚО** [бе.. + бақо] Тез ўтиб кетадиган, доимий, абадий турмайдиган, сақланмайдиган; ўткинчи. *Бебақо дунё.* ■ [*Хусайн:*] *Тахт бебақо, дунё бевафо.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. -*Илло, бу бебақо дунёда фақат ҳақ сўз боқий қолур, – деди Бобур Мирзо.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**БЕБАҲО** [бе.. + баҳо] Ҳеч баҳолаб, баҳосига етиб бўлмайдиган, ўта қимматли; баҳосиз. [*Навоий:*] *Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурмен. Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин бўлиб сен, Яшарсен доимо дostonларимда.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бебаҳо дамларнинг тирик жони биз, Ҳар они ўтмишининг юз йилига тенг.* Ф. Ғулом. *Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган бир дурри бебаҳодир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕБАҲРА** [бе.. + баҳра] 1 Баҳра (фойда, лаззат) олиш ҳуқуқидан ёки имкониятидан маҳрум бўлган; баҳрасиз. *Хуллас, у болалигида отасиз қолиб, ота меҳридан бебаҳра ўсган эди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Бошқа йигитлар қатори, Набижон ҳам Нафисани севиш бахтидан бебаҳра қолмади.* Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

2 Фойда бермайдиган, фойдаси йўқ, фойдасиз. *Бевафо дўстан таёқ яхши, бебаҳра гулдан япроқ яхши.* Мақол. ■ *Бебаҳра гиёҳдан яхшидир япроқ, Муҳаббатсиз гулдан ортиқдир тупроқ.* «Муродхон».

**БЕБИЛИСКА** с. т. 1 Осонлик билан, меҳнат-машаққатсиз топилган; текин ва ҳисобсиз. *Бебилиска даромад.* ■ *Отасининг паноҳида бебилиска пул билан ҳаёт кечирган Шокир ичи қора бир одам эди.* Ҳ. Нўъмон, Фасллар. [*Насимжон*] *Бебилиска пул топишга одатланиб, хизматини тарк этади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бебилиска пул топишга ўрганиб қолган Исмоилов кўп вақт дами ичида юрди.* Газетадан.

2 Пала-партиш, бетартиб; режасиз. *Шундай фактлар ҳам борки.. суғориладиган ерлардан бебилиска фойдаланилмоқда.* Газетадан. *Баъзан металл нақадар бебилиска сарфлаб юборилаётганини айтмайсизми!* Ш.



Рашидов. Душман пулемёти бибилиска ниқобланганидан, артиллериямиз овозини ўчиришдан ожиз эди. Н. Сафаров, Оловли излар.

**БЕБИЛЧАК** шв. Оёқ юзининг дўнг жойи. Туфли бибилчагимни сиқяпти. ■ Аскар оёғини кўтариб, бибилчагини пешонасига текказди. Т. Мурод, Кўшиқ.

**БЕБОЗОР** [ф. *بي بازار* – бозорсиз, бозор бўлмаган]: **бобозор кун** Бозор кунидан бошқа кун; бегим куни. Бу ерда бозор кунлари билан бобозор кунларининг фарқи сезилмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕБОК** [ф. *بي ياك* – кўрқмас, жасур; кўпол, дағал] Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган, ҳеч қандай ножўя ишдан қайтмайдиган, ҳайиқмайдиган; тап тортмайдиган; шум, баттол. Ярим кечаси «Ўғлон азиз» қабристонини ёнида уч бобок, номаълум қароқчи йўл устида пайдо бўлибди. Мирмуҳсин, Чўри. Ёмон йўлда адабсиз юрса ким бебоку беҳуда, Топиб бир кун гирибонидан олмоққа бало истар. Ҳабибий.

**БЕБОШ 1** Боши (каллasi) йўқ; боши кесилган, бошсиз. Бир севгини айларканман фош, Истамасман, севгингиз асло Ҳайкал каби бўлишин бебош. Сайёр.

**2** кўчама Ақлсиз, нодон. Мен бебош қўлингизни мавзур тушинг. «Шарқ юлдузи». Дадажон, бебош ўглингизни кечиринг, начора, дунёга сизларни ғам-ғуссага ботиргани келган эканман. К. Яшин, Ҳамза.

**3** кўчама Тўғри маслаҳатга юрмайдиган; ҳеч кимга қулоқ солмайдиган; гапга кирмайдиган; қулоқсиз; тарбиясиз. Неча кундан бери акангни кириб кўр, дейман, бу бебош уяламан, деб ҳеч кирмайди. А. Қаҳҳор, Сароб. Азизхон бебош, ерга урса кўкка сапчийдиган, қилиш-қилмишидан элга нафи тегмайдиган бебошвоқ йигит. У. Норматов, Талант тарбияси. ..ёшлигим ҳам бебош ўтган. Ахир, бебош йигитга ким ҳам кўнгил қўярди, – деди Усмон. А. Эшоннов, Бир оғиз сўз.

**4** кўчама Тарбия-интизомга бўйсунмай қўйган; итоатсиз, ўзбошимча. Подшоҳларини бекор қилган Россия халқи.. жуда бебош бўлиб кетган, ҳозир ҳукумат бошида ўтирганларга ҳеч ким итоат қилмайди. С. Айний, Қуллар. Ғузур фуқароларига маълум бўлсинким, тоғу тошларда қочиб юрган бебошлар келиб, Бек жанобларининг оёқларига йиқилсалар, афв этурлар. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Ҳозирча исён туғини кўтариб келган бу бебошларнинг

гапига кўнишдан бошқа илож йўқ. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

**5** кўчама Ёмон йўлга кирган, ахлоқи бузилган. Отаси, қандайин нозанин жувон тўғри келса ҳам, кўз қирини ташламасди. Бу бебош бўлиб кетди, тиядиган кишиси бўлмади. Ойдин, Ҳикоялар. Шундай бебош бўлиб кетди қизгинанг, Ота-эна фарзандини тиймайми? «Гулнорпарӣ».

**6** кўчама Тийиб, тўхташиб, қайтариб бўлмайдиган; жиловсиз. Бебош шамол. Бебош дарё. Бебош тўлқинлар. ■ Амударё дали – телба дарё, бебош дарё дейишади. Раҳим Бекниёз. Бебош изғирин бу кенг даштда елиб-югуради. Ҳ. Шамс, Душман. – Сесканиб уйғониб кетдим. Урнимдан туриб ўтирдим, бебош хаёл мени олиб қочди, – деди Нафиса. Файрағий, Узоқдаги ёр.

**БЕБОШВОҒ** айн. **бебошвоқ**.

**БЕБОШВОҚ 1** Бўшатиб, ечиб юборилган, бошвоқсиз. Бебошвоқ мол. ■ Сигир жониворни йил-ўн икки ой бебошвоқ қўйдингми – тамом, ундан қўлинени ювиб, қўлтиғингга уравер. Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. Бизнинг даргоҳга яқин жойда икки яшар чамали бир ола танача бебошвоқ ўтлаб юрар эди. Ф. Ғуллом, Шум бола.

**2** кўчама айн. **бебош 3, 4, 5, 6**. Бетончиларимиз орасида бир-иккита бебошвоқ болалар бор, улар кўпинча одамларни ишдан қўйиб, сандироқлаб юради. Ш. Ғулломов, Ёрқин уфқлар. Азизхон.. элга нафи тегмайдиган бебошвоқ йигит. У. Норматов, Талант тарбияси. Чақмоқдай бебошвоқ, тошқиндай бераҳм, Лекин кўзларингга бир олам ҳаё. Миртемир.

**БЕБОШЛИК 1** Эркинлик, шўхлик; ақлсизлик; тарбиясизлик. Ёшлик – бебошлик. Мақол. ■ Нурли чеҳрангизда қолдиргандир из Болалигимизнинг шўх бебошлиги. А. Мухтор, Асарлар. Вой ўлай, шотини олиб қўйиш эсимга келмаганини қаранг.. Ҳой қиз, тушинг. Бундай бебошлик қилманг. П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Ўзбошимчалик, қонунсизлик. Амалда сиз айтгандай қилинса, бебошликка катта йўл очилади, ҳаммаёқ анархия бўлиб кетади. П. Қодиров, Уч илдиш.

**БЕБУРД** [бе.. + бурд] **1** Бир гапда турмайдиган, ваъдасининг устидан чиқмайдиган; тайинсиз, субутсиз. Бебурд одам. Бебурд бўлмоқ. Нодондан ақл кутма, бебурддан

– номус. Мақол. ■ *Олманинг оқидан кўки яхшироқ, Ёрнинг бевурдидан йўғи яхшироқ.* «Кўшиқлар».

**2** Тутуриқсиз, маъносиз, бемаъни. *Бевурд гап. Беҳуда ҳаракат бевурд қилар.* Мақол.

**БЕВУРДЛИК** Сўзида, ваъдасида турмаслик; тутуриқсизлик. *Жамоамиз бунинг бемаъни иш эканини дарров пайқайди, қурилиш бошқармасининг бевурдлиги.. деб англайди.* А. Мухтор, Тугилиш.

**БЕВА** [ф. *بيوه* – эри ўлган ёки талоқ қилинган хотин] Эри ёки хотини ўлган ва бошқа турмуш қилмаган; тул. *Бева чол. Бева хотин. Номарднинг хотини бўлгунча, марднинг беваси бўлган яхши.* Мақол. ■ *Домла бундан уч йил бурун бева қолиб, унга гоҳ синглиси, гоҳ узатган қизи қараб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Тўйда аза. *Балки қаршингизда келгандир мунис, Бева келинчакнинг сўник рухсори.* А. Орипов.

**БЕВА-БЕЧОРА** Қаровчиси йўқ, гамхўрликка муҳтож, ночор кишилар. *Мардикор, аҳли қосиб, бева-бечора ўз қорнини тўйдирса, бас-да!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ахир бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оху зорлари кўнглингизни юмшатмайдими?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**БЕВАЖ(Х)** [бе.. + важ(х)] *рвш.* Бирор сабаб, асос бўлмагани ҳолда; вожсиз, сабабсиз. [*Ҳайитжон Тулахонга:*] *Кўй, қизим, йиғлама. Расми, ота-она, ака деган беваж шунақа қилмайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БЕВАЛИК** Эрсизлик ёки хотинсизлик ҳолати; эрсиз ёки хотинсиз ўтаётган умр. *Энди, тақсирим, бевалигим ҳам жонимга тегди.* Ҳамза. *Беваликда не ҳасратда катта қилганман.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БЕВАСИҚА** [бе.. + васиқа] **1** Ҳужжати йўқ; васиқасиз. *Бевасиқа уй.*

**2** *кўчма с.т.* Бурдсиз, лафзи йўқ, бетайин. *Бевасиқа одам.*

**БЕВАТАН** [бе.. + ватан] **1** Уй-жойи, бошпанаси, ватани йўқ; дарбадар. *Сухбатнинг охирига бориб, Полвон ўзини жуда эркин ҳис қилди, «бу яхши одам экан, беватан, бечора экан», деб қўйди ичида.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Рустамов қайси ҳовлида туради? – У саёқ, беватан.* Мирмуҳсин, Умид.

**2** Ўз элидан, ватанидан ажралган, мухожир, ватангадо. *Не гуноҳим бор экан, Душманлар қилди беватан.* «Оқ олма, қизил олма».

**3 тар.** Хива хонлигида заминдорлардан ёки давлатдан ижара ер олиб, ўша ерда ишлаган деҳқон.

**БЕВАФО** [бе.. + вафо] **1** Аҳд-паймонни бузувчи; садоқатсиз, вафосиз. *Бевафо ёр. Бевафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан япроқ яхши.* Мақол. ■ *Асло бевафога берманглар кўнгул, Бағрингни қон этиб кетади бир кун.* «Кўшиқлар».

**2** *кўчма* Ҳеч кимга абадий берилмаган, вафо қилмайдиган, вафосиз; ўткинчи, бебақо. *Эй дунёйи бевафо! ..Шу йиғитдан бир қатра бахтни аядингми!* Ойбек, Танланган асарлар. *Ки дунё бевафодур, бевафодур, Кўнгул қўймоқ анга айни хатодур.* «Таашшуқнома».

**БЕВАФОЛИК** Ўз аҳдида, ваъдасида турмаслик, вафо қилмаслик; хиёнат, садоқатсизлик. *Ўз навбатида, у ҳам бир қизнинг бевафолигидан шикоят қилиб, пича ёш ҳам тўкди.* А. Қаҳҳор, Сароб. [*Жамила Ғофирга:*] *Хайр, Ғофиржон, бир умр хайр! Сенга бевафолик қилмайман!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**БЕВАҚТ** [бе.. + вақт] *рвш.* **1** Одатлаги, белгиланган вақтдан илгари, вақт-соати етмасдан. *Бевақт ўлим.* ■ *Қурбон ота яна неча йиллар эшоннинг хизматида бўлиб, бевақт кучдан қолди.* А. Қаҳҳор, Тўй. *Қодир оллоҳ, сен биласан ҳолимни, Доно эгам, бевақт берма ўлимни.* «Маликаи айёр».

**2** Ноқулай, номатлуб вақтда; бемаврид. *Бевақт келиб, сизларни йўлдан тўхтатдимми?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мансур бевақт кирганидан хижолат чекиб, ҳамон эшик орқасида турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**3** Кеч тунда; бемаҳал. *Бевақт йўл юрма.* ■ *Бевақт бўлиб қолганидан ўша ерда тунаб қоладиган бўлишди.* С. Аҳмад.

**БЕВОСИТА** [бе.. + восита] *рвш.* Бирор-бир воситасиз, ёрдамсиз, тўғридан-тўғри. *Муҳокамада бевосита қатнашмоқ.* *Ишга бевосита раҳбарлик қилмоқ.* ■ *Сўз бойлиги боланинг хотираси билан ҳам бевосита боғлиқ.* «Саодат». *Ахир, у бевосита энг юқорига бўйсунди.* «Шарқ юлдузи».

**БЕВОШ** *с.т. айн. бебош 3-6.*

**БЕВОШЛИК** *с.т. айн. бебошлик.*

**БЕГЕМОТ** [қад. яҳ. behemoth – сув оти] Тропик Африка кўл ва дарёларида, шунингдек, уларнинг атрофида яшайдиган,

териси қалин йирик сутэмизувчи ўтхўр хайвон; сув айгири.

**БЕГИМ:** **бегим куни** *шв.* Белгиланган бозор кунларидан бошқа кун. *Э ўғлим, булар бозор куни халқни алдайди, бегим куни бир-бирини алдайди.* «Муштум».

**БЕГИМСУЙДИ** Пўстида тарам-тарам белгиси бор қовун тури. *..докторларнинг елкасидаги халталар бегимсуйди қовуннинг пўстига ўхшаб йўл-йўл эди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

**БЕГОЙИМ** *айн. бек ойим* (қ. бек I) *Шомай турсанг, бегойим.. остида гижинглаган отим ҳам бўлади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БЕГОНА I** [ф. *بیگانہ* – қариндош ёки таниш бўлмаган; ёт] I Қариндошлик ёки бошқа жиҳатдан бир тоифадаги, гуруҳдаги кишилардан четда турувчи, уларга муносабати бўлмаган; ёт. *Менга бегона бўлсангиз, ўғлингизга бегона эмассиз-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Йўли учун бу қиз энди бегона эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Элмурод унинг ёнида ўтирар ва беҳтиёр унинг чиройли кўзларига дамба-дам қараб қўяр, назарида, Фотима тобора узоқлашиб, тобора ёт ва бегона бўлиб бораётганга ўхшар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Бегона қилмоқ** 1) ўзидан узоқлаш-тирмоқ, ёт кишилар қаторига ўтказмоқ; 2) кўчма четга кеткизмоқ, бировнинг қўлига, ихтиёрига ўтказиб юбормоқ. *Агар бундан кейин ҳам насияга гўшт олмоқчи бўлсалар, савдони бегона қилмай, менинг олдимга келаверсинлар.* «Латифалар». *Ақлни бегона қилманг! Агар чора кўриш лозим бўлиб қолса, мен бу ерда.* Н. Сафаров, Соҳиб чангал.

**2** Тегишли бўлмаган, четдан келган; чет. *Тунлари ҳар ҳовли эшигида ўша ерда яшовчилардан навбатчилар тайинланади – бегона кирмасин.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бир ерга янги келган бегона одам дарров ҳаммани таний олмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** Ўзгаларга тегишли, нотаниш; ўзга. *Бегона шаҳар.* ■ *Мана энди, бегона кўз, бегона қулоқнинг йўғида учови хоҳолашиб, оғиз-бурун ўпишиб келаётир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аёл.. бегона тилда гаплашувчиларга тикилиб, ранги ўчиб, ўрнидан турди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Уларнинг [меҳмонларнинг] гаплари, муомалалари, юриш-туришлари Йўлчига тасом бегона туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** кўчма Хабари бўлмаган, кўрмаган, билмаган; ёт. *Ҳаётнинг дағал муомаласидан бегона, фақат унинг чучук сўзларинигина тинглаб келган Отабекка бу хўрлик турмушдан биринчи зарба эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аммо Унсиннинг кўнгли ўйин-кулгини кўтармас, шодлик унга бегона эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Бегона ўт** Одамлар экмайдиган, аммо маданий экинлар орасида тасодифий уругдан кўкариб чиққан ёввойи ўт. *Ердан яхши унум олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, кузда чуқур чопилиши, гўнг солиниши каби масалаларга кўп аҳамият бериб қолади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЕГОНА II** Бекларга, беклар наслига хос бўлган, дабдабали, ҳашаматли; бекларча.

**БЕГОНАЛАШМОҚ** Қариндошлардан, яқин кишилардан узоқлашмоқ, ёт кишидек бўлиб қолмоқ. [Кумуш] *Кундан-кунга Зайнабнинг сусайиб, ўзига бегоналашиб борганини яхши англаб эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Саудий ҳануз Муниҳондан бегоналашиб кетгани йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БЕГОНАЛИК I** Бегона кишининг ҳолатига тушишлик. У [Элмурод] *кун сайин ака-ука, ёр-оғайнига айланиб бораётган кишилар орасида ўзининг бегоналигини унутта борди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Аввалига ётсирар, бегоналик уни қийнади. Кейин эса Мирзони одамларнинг ўша баланд тоғлардек улуғ қалби, покизалиги ўзига ром қилиб олди.* «Ёшлик».

**2** Ёт, чет кишиларга хос бўлган муносабат. [Гулсумбиби:] *Бегона ҳар вақт бегоналигини қилади. Қизим бахтли бўладими, ўтда ёнадими, Мирзакаримбойга бари бир.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕГОНАСИРАМОҚ** Ҳали ўрганиб улгурмаган, нотаниш, ёт кишилар ўртасида ўзини бир қадар ноқулай сезмоқ, ўзини ёт ҳис қилмоқ. *Бола Нормат полвонга бегонасираб қаради.* «Ёшлик». *Иккинчи она ва унинг болалари Очилга ёмон кўз билан қарашмаса ҳам, ҳар ҳолда, у бегонасираб, сал нарсани кўнглига олиб ўқир эди.* П. Қодиров, Уч иллиз.

**БЕГОР** [ф. *بیگار* – мажбурий ва бепул хизмат] *шв.* Мажбурий хизмат, ҳашар (ўтмишда хон-беклар томонидан камбағал фуқарони бепул ишлатиш усули). *Хоннинг фармонида кўра, ҳар ким бегорда ўн икки кун текинга ишлаб бериши керак эди.* Ж. Шапилов, Хоразм.

**БЕГУМОН** [бе.. + гумон] *рвш.* 1 Гумонсиз, шак-шубҳасиз; бирор фикр, нарса ҳодисага шубҳаланмай ишонишни англатади. *Бегумон билдим, Ҳабибий, бор экан меҳру вафо. Ҳабибий.*

2 Үйлаб, гумонсираб ўтирмасдан. *Ҳовлига келди азиз меҳмон, Чопа келинг бегумон. «Нурали».*

**БЕГУНОҲ** [бе.. + гуноҳ] Гуноҳи, айби, жинояти йўқ; гуноҳли иш қилмаган; айбсиз, гуноҳсиз. *Бегуноҳ гўдак. ■ Бегуноҳ мўминларни ўлдирaverиб, жаннатни ҳам тўлдириб қўйдингиз. «Латифалар».* *Бегуноҳ гўдакка ўхшарди у. Бундан беш йил илгариги каби ҳамон мунис эди. «Ёшлик».*

**БЕДА** Дуккакдошлар оиласига мансуб, бир ва кўп йиллик ўсимлик. *Ҳўл беда. Беда сепмоқ. Беда ўрмоқ. ■ Супа, чорпоя атрофларида янги ўрилган беда ҳиди гупириб анқиди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**БЕДАВ** [ф. بدو — югурик, учқур ёки а. بدوى — сахройи от] 1 Учқур, ўйноқи (от ҳақида). *Кун ҳисобин ой олар, бедав ўрнин той олар. Мақол. Бедав бойловда семирар, Қўйқўзи — яйловда. Мақол.*

2 кўчма Қаттиқ эсувчи, шиддатли. *Туркман чўлларининг бутун тақдири Бедав қуюнларнинг измида қолди. Ф. Фулом.*

**БЕДАВЛАТ** [бе.. + давлат] Бойлиги, давлати йўқ; камбағал, қашшоқ. *Бедавлат бозорга борса, шум хабар келтирар. Мақол.*

**БЕДАВЛАТЛИК** Камбағаллик, қашшоқлик, фақирлик. *Бедавлатлик бўлган сўнг, Қариндошлар ғаш бўлар, Бадавлатлик бўлган сўнг, Бегоналар дўст бўлар. Мақол.*

**БЕДАВО** [бе.. + даво] 1 Давоси йўқ, тузалмайдиган, тузатиб бўлмайдиган. *Тоҳиржон киноя билан жилмайди: «Меники бедаво дард, укам. Бирон кун енгиллашиш йўқ».* Ойбек, Танланган асарлар. *«Ҳамма дардга бор даво, ошиқнинг дарди бедаво», дебди шоир. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**Дарди бедаво** 1) давоси йўқ, тузалмас касаллик. *Вафосиз ёр, деб тушидим бу дарди бедаволарга, Улимнинг ваҳмидан ҳардам юрак тўлганга йиғлайман. Ҳамза, Паранжи сирлари;* 2) кўчма с. т. тузатиб, эпақага келтириб бўлмайдиган (иш, нарса ёки одам); дахмаза. *Бу жуда дарди бедаво иш бўлди-да!*

2 кўчма с. т. Кўриниши хунук, ёқимсиз; чиройлининг акси. *Эрим қиморвоз бўлса ҳам, чўтир, бедаво бўлса ҳам, ёмон эмасди. М.*

Исмоилий, Фарғона т.о. *Чиройлимисан? Ҳа, ҳа, хунуксан, бедавосан! Бўйнингга ол, хунукман де! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Туркийда келтирибдурларким: «Кўнса давлатнинг қуши бир бедавонинг бошига, Кўрғали келгай Сулаймон ул гадонинг қошига».* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЕДАЗОР** Беда экилган, беда ўсиб турган майдон; бедапоя. *Улар нича юриб, тўрт-беш таноб жойни ишғол этган бедазорга чиқишди. Ойбек, Танланган асарлар. Бедаларнинг парвозни унутиб, семириб кетганлари йўрғалаб, бедазорга ўрмалаб кириб кетишди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**БЕДАКОР** Беда экиш билан шуғулланувчи, беда этиштирувчи.

**БЕДАКОРЛИК** *айн. бедачилик.* Хўжаликларда бедакорликни қатъий суратда яхшиламоғимиз.. керак. Газетадан.

**БЕДАНА 1** Товуқсимонлар туркумининг қирғовулсимонлар оиласига мансуб парранда, кичик сайроқи қуш. *Урушқоқ бедана. Тезотар бедана. Салмоқи бедана. Бедаланинг «вит» дегани — қочгани. Мақол. Ўтлоқда бедана кўп, дангасада — баҳона. Мақол. Бедаланинг уйи йўқ, қайга борса — битбилдиқ. Матал.*

**Бедана юриш** Майда қадам ташлаб, тез-тез юриш. *Бегимхон гузардан тезлаб ўтиб, катта йўлдан бедана юриш қилиб кетди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Аппончи бедана юриш қилиб, гўрковнинг олдига ўтиб, йўл бошлади. «Ёшлик».*

2 Шу қушнинг гўшти (овқат сифатида). *Бедана билан каклик еб, бизга зог қолдирасиз. «Аския».*

**БЕДАНАБОЗ** Бедана асрашни ва уриштиришни яхши кўрадиган шахс, бедана ўйновчи. *Беданабоз одам. ■ Бир ой ўтар-ўтмас туппа-тузук беданабоз бўлди-қўйди. С. Нуров, Нарвон. Боз-боз, дорбоз, найранбоз, бачабоз, қиморбоз, беданабоз, каптарбоз каби бозларни манъ қилсангиз, менга иш топиб бер, дейдиган кўпаяди-қолади. «Луқмони Ҳаким».*

**БЕДАНАМАШАК, беданамошак** Баллиқчилар туркумининг лойхўрақлар оиласига мансуб қуш. *Беданамошак тунги қуш бўлиб, кечаси овга чиқади; чувалчанглар, ҳашарот, қисман ўсимликлар билан овқатланади. «ЎзМЭ».*

**БЕДАПОЯ** *айн. бедазор.* Намозшомда бедапояга ёлғиз бордим. М. Хидир, Қирғоқ-

лар. *Нусратбек ариқдан сакраб, бедарвожа ўтди. Энгашиб, бир тутам йўнғичқа юлди.* С. Нуров, Нарвон.

**БЕДАРАК** [бе.. + дарак] *рвш.* Ҳеч қандай хабар (дарак) йўқ, ном-нишонсиз, хат-хабарсиз; дараксиз. *Бедарак кетмоқ. Бедарак йўқолмоқ.* ■ *Индинига эрталаб она-бола йўлга чиқиб, бедарак кетган отани излаб кетдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уэрта билан шаҳардан келган суратчи йигит билан Кўк-оролга кетганича ҳамон бедарак эди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар.

**БЕДАРВОЗА** [бе.. + дарвоза] **1** Дарвозаси йўқ, дарвоза қўйилмаган. *Ҳовли бедарвоза эди.*

**2** Қоровулсиз, назоратсиз. *Ҳой, иним, шофёрга айтиб қўйинг, шаҳар бедарвоза бўлиб қолганми?* С. Нуров, Нарвон. *Аввал келишин, кейин бир гап бўлар, ҳар тугул шаҳар бедарвоза эмас.* «Ёшлик».

**БЕДАРД** [бе.. + дард] **1** Гам-ташвиши йўқ, бепарво, лоқайд. *Бедарднинг ёнида гапирсанг, боши оғрир.* Мақол. ■ *Муҳаббатсиз кўнгли ўлмоғи маъқул, Кимки бедард, хазон бўлмоғи маъқул.* «Ёшлик». *Сўнг шеър ўқиб ҳайқирдик чунон, Бедардларга бўлсак ҳам кулги.* «Ёшлик».

**БЕДАРМОН** [бе.. + дармон] **1** Дармони, малори йўқ; қувватсиз, ҳолсиз, заиф. *Бедармон чол. Оёқларим бедармон.* ■ *Қанча юрди шу тахлит, суянмоққа нимадир қидирди чоғи, қулочларини ёзди.. бедармон оёқлари чалишди, нимагадир қоқилди-ю, юз тубан ерга йиқилди.* «Ёшлик».

**Бедармон тортмоқ** Куч-қуввати кетиб, малори қуриб бормоқ. *Доим захда ўтириб ишлаганимданми ёки ўзимнинг табиатимда заифлик борми, ишқилиб.. кўп вақтдан бери бедармон тортиб юрибман.* А. Қодирий. Ўтган кунлар.

**2** Яхши ўсолмаган, нимжон (ўсимлик ҳақида). *Бедармон ниҳол.* ■ *Кўп зеволарнинг ғўзаси жуда бедармон. Чопиқ ва суғориш сифати ҳар жойда бир хил эмас, — деди Уктам.* Ойбек. О. в. шабадалар.

**БЕДАРМОНЛИК** Дармонсизлик ҳолати, дармонсизлик, мажолсизлик.

**БЕДАХМАЗА** [бе.. + дахмаза] *рвш.* Ортиқча дахмазаси йўқ, ташвиш орттирмайдиган; беташвиш.

**БЕДАХОНА** Беда ва умуман хашак боиладиган (сақланадиган) уй ёки болохона.

*Бу уй илгари бедархона бўлганидан, дарчаси ҳам йўқ, тоқчаси ҳам йўқ, тоқиси ҳам йўқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕДАЧИЛИК** Беда экиш, беда етиштириш ишлари; бедакорлик. *Бедачиликни юксалтириш. Бедачилик хўжалиги.*

**БЕДИЛ** [ф. *بيدل* — севиб қолган, севилган] **1** *кт.* Маънос, ҳасратли; гамгин. *Бунчалар қаттолсан, о сирли олам, Бунчалар бедилсан, бепойн хилқат.* А. Орипов.

**2** *кўча* Кўнглисиз бўлган, кўнгли совиған. *Дардсиз, бедил била ҳаргиз мусоҳиб бўлмагил.* Ҳамза.

**3** *кт.* Ўта даражада ошиқ, ишқ ўтида куйган. *Чирғоядаги шам бедиллар юрагидек титраб, меҳмонхонани аранг ёритар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**4** Бедил (эркаклар исми).

**БЕДИЛОНА** Шоир Бедил (Мирзо Абдуқодир — 1644-1721 йиллар) гагина хос бўлган, бедилсифат. *Бедилон мисралар. Бедилон шеърят. Бедилон руҳ.*

**БЕДИЛХОНЛИК** Бедил шеърларини ўқиш, уларнинг мазмунини ўрганиш билан машғул бўлиш ҳамда шу асосда ташкил этиладиган шеърят кечаси. *Бедилхонлик кечаларини уюштириш ва ўтказиш.*

**БЕДИН** [бе.. + дин] *айн.* **динсиз.** *Бир фабриканинг ёнига етиб эрдим, эшикдан бир хуносаи мушқил соч қўйган бедин чиқуб келди.* А. Қодирий. Кичик асарлар.

**БЕДИВ** *айн.* **бедав.**

**БЕДОД** [ф. *بيداد* — адолатсизлик, зулм] **Зулм, қаҳр, шафқатсизлик.** *Фалак бедодидин, дўстлар, омон йўқ.* «Ёшлик». *Инглиз қурошларин асрий жавру бедодин, Қиссаларда ҳиссасин шарқлик халқлардан сўранг.* Ф. Фулом.

**Бедод бўлмоқ** Ҳеч кимга арз-дод қилмай, ноилож қолмоқ. [*Ҳайитжон Тўлахонга:*] *Бир одамга берайликки, дўстлар шод, душманлар бедод бўлиб, ота-она, қавму қариндошларингням бундай орзу-армони ушалсин.* Ҳамза, Паранжи сирлари. **Таралла бедод** Ҳеч нарса парвойига келмай санғиб юрувчи, енгилтак; иш ёқмас. *Таралла бедодга жон ғанимат.* Мақол.

**БЕДОДЛИК** Арз-додга ҳеч ким кулоқ солмайдиган, адолатсизлик, қонунсизлик ҳукм сурган ҳолат. [*Ғофир қозига:*] *Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, севган хотинимни зулм бой тортиб олмоқчи бўлса-ю,*

менга ёрдам бериш ўрнига, бойнинг ёнини оласиз. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ахир қандай бедодлик бу, Миянгизга урар қон, Қолмаётир бу дунёда На инсофу на виждон. А. Орипов.

**БЕДОМ-ДАРАК**, бедому дарак *рвш*. Ҳеч қандай дараги бўлмай; бутунлай бедарак; хат-хабарсиз. Волидамиз бедом-дарак кетган икки ўғлининг дард-фироқида куйиб, ётиб қолиптилар. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Оббо сиз-эй, мунча бедому дарак бўлиб кетмасангиз? Тинчликми ўзи? С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.*

**БЕДОНА I** [ф. *بيدانه* — уруғсиз, данаксиз] Уруғсиз қора кишмиш узум ва ундан тайёрланган майиз. *Серсув ва хилма-хил узум кўп. Қоражанжал, бедона, соҳиби, диликафтар, буваки — хуллас буларнинг нави беҳисоб. Ойбек, Болалик.*

**Бедона тут** Тутсимонлар оиласига мансуб, меваси оқ, ширин, уруғсиз дарахт.

**БЕДОНА II** Бир-икки яшар молнинг терисидан ишланган чарм. *Енгил бедона маҳсиси билан қала кафши [Раённинг] кичкина оёғига жуда келишган. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**БЕДОР** [ф. *بيدار* — уйғоқ; хушёр] I Уйқуга кетмаган, ухламаган ҳолатда; уйқусиз, уйғоқ. *Бедор кўзлар. Тунни бедор ўтказмоқ. Бедор тунлар. ■ Мактабни тугатаётган фарзанднинг тунларни бекорга бедор ўтказмаётганлиги кўриниб турарди. Газетадан.*

2 *кўчма* Хушёр, сергак. *Бедор чегара соқчилари. ■ Мен осойиш тунда беғам, беозор, Бахт берган тупроқни сақлайман бедор. Зулфия. Фарзандлар бошида она чироқдай Оламда танҳо у бедор посбон. Г. Жўраева, Иқбол.*

**БЕДОРЛИК** Уйқусизлик; сергаклик. *Ҳаяжондан, бедорликдан мадори қуриган аёлни юпатадиган юшиоқ муомала, илиқ-иссиқ сўз керак эди. Н. Саломова, Ҳурматга лойиқ. Шу кеча, бутун тун бедорликда ўтди, ухламади. «Ёшлик».*

**БЕДОҒ** [бе.. + доғ] Ҳеч қандай доғ, гард юкмаган; губорсиз. *Хонқиз чўққилари нақадар бедоғ, Ҳар қари чўпонинг — бир улуг бахши. Миртемир.*

**БЕЖАМА I** *от* Безак, зеб, ҳашам. *Бежамаси кўп, бачкана иморат.*

2 *сфт.* Безатилган, безакли, сернақш, серҳашам. *Бежама эшик. Бежама уй.*

3 *сфт.* *кўчма салб.* Дабдабали, куруқ, сохта сўзлар, қочиримлардан иборат бўлган. *Бежама гаплар. Бежама услуб.*

**БЕЖАМАДОР** *айн.* **бежама 2, 3.** *Бежамадор қути. Бежамадор услуб.*

**БЕЖАМОҚ I** *айн.* **безамоқ.** *Кўғирчоқни бежамоқ. ■ Бу узатиш мажлисини жонли, руҳли ўтказмоқ учун энг асл, энг нафис кийимларини кийиб, фавқуллода хусн оламини яна бир қат, яна бир қайта бежабдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *Чиройли қилмоқ, келиштирмоқ. Ян-янги кўк шоҳи тўн кийган устод янги таъяга саллани бежаб ўрамоқда эди. Ойбек, Навоий.*

3 *кўчма салб.* Дабдабали қилмоқ, сохта ибора ва қочиримлар билан тўлдирмоқ. *Гапни хўп бежайсиз-да.*

**БЕЖАНЖАЛ** Жанжалсиз, тортишувсиз. *Иш бежанжал битди.*

**БЕЖИЗ** [ф. *بی چیز* — буюмсиз, камбағал; ҳеч нарса] Бекор, бекорга, бекордан-бекор, асоссиз (*фақат бўлишсиз феъллар билан*). *Ҳар ким ўрганини олади деб, бежиз айтилмаган. ■ Эртўғон деган отни Отам қўймаган бежиз. Онам тўғон бошида Туққан экан ўша кез. Қ. Муҳаммадий.*

**БЕЖИРИМ** Тузилиши, бичими ихчам, шинам ва чиройли; хушбичим. *Бежирим уй. Оёқларида бежирим туфли. ■ Муҳаррам ширин табассум билан кулди, бежирим лабининг икки бурчагини нозик тўр тутилган дастрўмолчаси билан артиб қўйди. Шухрат, Шинелли йиллар. Ойқиз.. қабулхонада бежиримгина, қадди қомати келишган.. нотаниш қизга назар ташлади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Турсуной газетага бежирим қилиб ўралган бир китобни очиб, кўздан кечира бошлади. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.*

**БЕЖО** [ф. *بیجا* — уй-жойсиз; беҳуда; ўринсиз] *рвш.* I Алланечук, безовта ҳолатда; бесаранжом, безовта. *Юрагим бежо бўляпти. ■ Қудрат уч бурчак қилиб тахланган қоғозни очаркан, ҳайратдан кўзлари чақнар, юраги бежо типирчиларди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Ҳамроҳи саманнинг бежо пишқирганини.. эшитиб, чўчиб, орқасига қаради. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Доимо ўйчан ва сокин боқадиган қўй кўзлари бежо, қандайдир эштиробли эди. «Ёшлик».*

2 *Ножўя, ғалати; шубҳали. Мулла Қосим-жон! Сизнинг хотинингиз сал бежо юрадиган*

бўлибдир. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Сўнг қарасам, отлиқнинг келиши бежо. «Шарқ юлдузи». *Игит қизнинг қўлларини силай бошлади. Қиз унинг бежо ҳаракат қилишидан хавотирланиб, санчиб ўрнидан турди. «Ёшлик». Қариганда бежо бир иш қилибсан, Бир шаҳарга ўзинг юриш қилибсан. «Зулфизар билан Авазхон».*

**Юриши** (ёки қадам олиши) бежо Юриши, қадам олиши бесаранжом, шубҳали. У қўлтиғига бир нарса қистириб олган, юриши ҳам бежо эди. Ҳ. Назир, Яхши исм.

3 Ўз жойида эмас, жойидан қўзғалган. *Китоблар бежо бўлиб қолибди.*

**БЕЖОЙ** [бе.. + жой] 1 Жойи йўқ, жойсиз, маконсиз.

2 шв. Нотўғри, ноўрин. *Подшонинг отига бежой минибсиз, жондан кечиб, ажаб ишни қилибсиз. «Рустамхон». Бежой қилдинг, она, ҳолим билмадинг, Илгаридан нега хабар бермадинг. «Рустамхон».*

3 Жуда, ўта; жуда ҳам. *Болдан ширин хангомада сўзлари, Бежой ўткир экан икки кўзлари. «Юсуф ва Аҳмад». Айтай десам, оти эсан чиқибди, Сўзлаганда бежой тотли сўзлари. «Гулнорпари».*

**БЕЖОЛАНМОҚ** Шубҳали, ғалати ҳолатга тушмоқ; безовталанмоқ. *Унинг ранги оқарди, кўзлари бежоланди, узун, ингичка бармоқлари қалтирай бошлади. Ҳ. Фулом, Замин юлдузи. Осойишта кўзлари бежоланиб, аввалгидек ғазабга тўлади. Ф. Хўжаев, Обид Жалилов.*

**БЕЖОН** [бе.. + жон] Жон таслим қилган; жонсиз, ўлик. *Жон жонга куяр, Бежон кимга куяр. Мақол. ■ Сокин, бежон ва тилсиз чўлнинг ҳам ўз жони, ўз тили, товуши ва ўз туғғени бўларкан. А. Ҳакимов, Илон изидан.*

**БЕЖОҒЛИҚ** 1 Безатилган, бежалган, ясатилган. *Тежоғлиқ рўзғор — бежоғлиқ қўғирчоқ. Мақол. ■ Бир тўп ёш-яланг одоб-тавозе билан тўйхонага кириб келдида, бежоғлиқ столга ўтирди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.*

2 Саранжом, саришта. *Тежоғлиқ иш — бежоғлиқ. Мақол. ■ Режали иш — бежоғлиқ деганларидек, Исмоил Солиев чойхона ҳисобига келтирилайётган ўтин-кўмирларнинг ҳам режасини олиб қўйган. Т. Ортиқов, Пона емаган танобчи.*

**Бекники бежоғлиқ** Бекнинг ҳақи, тегиши доим тайёр.

**БЕЗ** 1 1 *анат.* Тирик мавжудотнинг яшаши учун зарур бўлган моддалар ишлаб чиқарадиган кўп ҳужайрали аъзо. Қалқонсимон без. Бодомча безлар. Лимфа безлари. Ошқозон ости беzi. Ички секреция безлари.

■ Маълум ёшдаги болаларда томоқдаги бодомча безлар яллиғланиши, қулоқ оғриши мумкин. Газетадан. *Ёши катта одамнинг қалқонсимон безида 15 миллиграмм йод бўлади. «Фан ва турмуш».*

2 с.т. Шу аъзонинг яллиғланиш натижасида шишган, дўмбоқчага айланган ҳолати. *Қўлтиғимга без келибди. ■ -Соғолмайсизлар ҳам, боқолмайсизлар ҳам, болам, — деди отачиниб, — елинига без келибди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. Битта эмчагининг ич томонида без пайдо бўлиб, фасод бойлабди. «Ёшлик».*

3 кўчма с.т. Гап таъсир қилмайдиган; безбет, сурбет. *Без одам.*

**Без бўлмоқ** Безраймоқ, бақрайиб, назар-писанд қилмай туравермоқ. *Оёқсиз бўлганиндан кейин ярим одамсан-да. Бағритошлар бўлса, без бўлиб ўтирибдилар. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. Асад қори, сўнгги киноя ҳам ўзига тааллуқи йўқдай, без бўлиб ўтираверди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Қилғиликни қилиб, нега без бўлиб ўтирибсан. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.*

4 кўчма Эмчак, сут безлари. *Ҳожи хола келинчакнинг безларига кўз югуртирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Кўкрагида кўринар, Худойим берган безгина. «Нурали».*

**Без термоқ** Тубан ишга қўл урмоқ; ёмон ниятда бўлмоқ; бекор юрмоқ. *[Аъзам] Бир нияти бўлмаса, кунда Ҳожиникида без тердимми? Шухрат, Жаннат қидирганлар. -Қассоб бозорининг итлари-ку, мени без тергани келган, деб қизғаниши мумкин эди. Ҳўш, кулликнинг итлари нимани қизғанади? — деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.*

**БЕЗ** II [р. бязь < а. بَز — ип газлама; оқ газлама] Сурпга қараганда қалин ва пишиқ ип газлама. *Оқ без. Без тўшак.*

**БЕЗАБОН** [бе.. + забон] 1 Сўзлаш қобилиятидан маҳрум; тилсиз; гапсиз-сўзсиз. *У қоп-қора юзидаги оппоқ соқолини силкитиб: -Ҳайвон безабон! — деди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. У менга безабон жонивордек муомала қилар, гапирмас.. эди. А. Мухтор, Асарлар. Безабон куйлайди санъатдан Лувр, Зукко халқ умрига қўшиб қўш умр. Г. Жўраева.*

**2** кўчма От, хайвон. Баданинг қизлардан нозик, Безабон, келгин юганга. «Гулихиромон». Ўзининг юртига елдай еладир. Безабон, безабон! «Ёшлик».

**БЕЗАВОЛ** [бе.. + завол] **1** Ҳеч қандай завол, зарар кўрмайдиган; заволсиз; абадий, сўнмас, барқарор. Безавол ҳаёт. Безавол қуёш. ■ Илоё, шу йигитчаниям умри узоқ бўлсин. Бахти безавол бўлсин. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Назарида, нур тўшалган бу йўл болаларнинг шодмон кулгиси янграган безавол оламга элтадигандек туюлади. Э. Усмонов, Ёлқин.

**2** Ривожни тўхтамайдиган, орқага кетмайдиган, доимо омонда бўладиган. Сизни кўрсам, эсга тушар тоғ қизи, Безавол ўлканинг беғуноҳ қизи. Ҳ. Салоҳ, Токи мавжуд экан заминда аёл, ҳаёт абадийдир, дунё — безавол. Газетадан.

**БЕЗАК** **1** Безатиш, ясатиш воситаси; хусн, кўрк, чирой берувчи нарса; зийнат берувчи буюм ёки нақш. Архитектура безаклари. Арча безаклари. Безак буюмлари. Бадиий безак. ■ Эгар жабдуқларидаги олтин безаклари қуёш нурида ялт-ялт қилаётган бўз отни жиловдор етаклаб келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, заркокил, қўлтиқтумор, тиллақош, зеби-гардон каби.. буюмлардан қути-қути йиққан. Ойбек, Танланган асарлар.

**Дастурхон бегази** Дастурхонга кўйилган ёки кўйиладиган ноз-неъматлар. Ҳар гуҷуми асалдек татийдиган узум, ҳар бир тилими тилни ёрадиган қовун, шифобахш тарвуз, олма, нок, кўйинг-чи, қўли гул боғбонлар етиштирган мева-чева, дарҳақиқат.. дастурхон бегазидир. Газетадан.

**2** кўчма Ҳусн, кўрк. Сўз — кишининг ўзаги, Одоб — кишининг бегази. Мақол. Тил — ақл бегази. Мақол. ■ Яхши фазилатлар инсон камолотининг бегази, ҳусни, жон роҳати ва фароғатидир. Газетадан.

**БЕЗАҚДОР** айн. **безакли**. Оғзига, учига мис қопланган безакдор қинини айтмайсизми, тебранганда, кун тушиб, ялт-ялт этади. С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. Пичоқчанинг учини консерва банкачасига қадаб, безакдор сопи устидан кафти билан ура бошлади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БЕЗАКЛИ** Безатилган, безалган, нақшдор, зийнатли. Шу безакли, адил кошоно

Меҳнаткашга чин роҳатхона. Шайхзода. Шеримбек дадил бориб, Бобур минган бўз отнинг олтин безакли юганидан олди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БЕЗАКОТ** [бе.. + закот] Закот берилмаган; хайр-салақа қилинмайдиган. Безакот молларни ҳаром билибди. «Алпомиш». Безакот, хайрсиз бойдан, Ўтсиз, сувсиз қолган тилла саройдан Кир, демаган узрли том яхшидир. «Оқ олма, қизил олма».

**БЕЗАКСИЗ** **1** Бегази йўқ, зийнатланмаган, жўн. Шайбонийхон безаксиз, жўн кийинган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**2** кўчма Ўз ҳолича, борица, ҳеч бир кўшимчасиз; табиий. Утган якшанба куни тонгдан тунгача ўз кўзим билан кўрган, биланларимни бўёқсиз, безаксиз, холис айтиб ўтмоқчиман. Газетадан.

**БЕЗАКЧИ** **1** Нарсаларга безак, зийнат бериш билан шуғулланувчи шахс. Унинг каштачи ва безакчи, тўқувчи ва тикувчи, кулол ва мискарлари доврўғи узоқ-яқинларга маълум. Газетадан. Бир оздан кейин Дўстмат ҳам чиқиб, безакчи қиздан қарз сўрагани расомлар хонасига йўл олди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**2** кўчма Зийнат, кўрк берувчи; обрў келтирувчи. Хотин — уй безакчиси, Эр — уй кўмакчиси. Мақол.

**БЕЗАМОҚ** **1** Зийнат, безак бериб чиройли қилмоқ; хусн киргизмоқ; кўзни қувонтирадиган ҳолга келтирмоқ. Баҳор келди. Мактаб саҳнидаги ўриқларни оқ, пушти гуллар бегади. П. Турсун, Ўқитувчи. Кечаси билан ёққан қалин қор ҳар бир томни, деворни, ҳар дарахт ва гўмбазни майин оқ ҳошия билан бегаб чиққан. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ерлар кўк гиламлар билан безалганда.. биз ҳам тўй қилармиз.. Шундайми, Раъно? А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2** кўчма Ақлий ва маънавий жиҳатдан бойитмоқ; обрў келтирмоқ. Қариликни донолик безайди, Ёшликни — камтарлик. «Сўз кўрки — мақол». ■ Дарахтни — ширин мева, устозни — оқил шоғирд безайди. Р. Усмонов, Одобнома. Инсонни уч нарса зийнат фазилатлари билан безайди: ақл-заковати, меҳнат-машаққати ва одамларга бўлган меҳр-муҳаббати. Газетадан. Инсонни кучли қиладиган, уни безайдиган нарса мақсади, тўғрроғи мақсадлари бирлигидир. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.



**БЕЗАНГЛАМОҚ** Бирор нарсадан зада бўлиб ёки кўрқиб зириллаб турмоқ, безовта ёки бетоқат бўлмоқ; чўчиб, ирғиб тушмоқ. *Дори деса, безанглайди.* ■ *Анор Узоқов.. ҳадеганда ёмғирнинг тинмаётганини кўриб безанглаб қолди.* С. Маҳкамов, Катта рулда. *Бу сўздан Офтоб ойим безанглаб тушди ва эрига қарши ризосизлик вазиятини олди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Булар ўша.. Ёруликдан безанглашиб, Қоронғида топнишганлар.* Т. Йўлдош, Аттанг.

**БЕЗАНЖИР** [бе.. + занжир] Занжирга солинмаган; бандсиз, занжирсиз, эркин. *Миттихон тўрамнинг қаландарлари безанжир айиқлардай.. талқин ўқиб, растани бошларига кўтариб келар эдилар.* Ғ. Фулом, Шум бола. *Маллаев хирси безанжир эмасми, бир силтаниб, Маматқуловнинг қўлидан чиқиб кетди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**БЕЗАНМОҚ** Безаклар билан ороланмоқ; ўзига оро бермоқ. *Эшиги нафис ўймакорлик билан безанган кўшкда ҳозир Бобурни фақат хона ўзига тортар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ўшанда олам камалак нурлари билан безанган, майсалар шивирлаган, гуллар табассум қилган, қушлар ғазалхон-у энг яхши «қўшиқ»ларни Аҳмаджонга куйлайди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Кўклам қизи юз очди, мусаффо безанибдур, Эғнида яшил жомаси зебо безанибдур.* Ҳабибий.

**БЕЗАРАР** [бе.. + зарар] Зарар, зиён келтирмайдиган, зарарсиз, зиёнсиз; зарар етмаган ҳолда; хавфсиз. *Ўғлим, ишқилиб, безарар қайтсанг бўлгани.* Газетадан. *Илгариги тўйларнинг, ҳар қалай, шўх ўйинлари, куёв-келин бир умр эслаб юрадиган безарар ирим-сиримлари бўларди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**БЕЗАХА** [ф. بی‌زخم — ярасиз, шикаст емаган] Эзилмаган, урилмаган, лат емаган. *Безаха қовун.* ■ *Болалар олмаларни безаха қилиб тера бошладилар.* «Ўзбек тили дарслиги».

**БЕЗ-БЕЗ: без-без қилмоқ, без-без оғримоқ** Безиллаб, қақшаб оғримоқ. *Турай дейман, оёғим без-без қилиб, туrolмайман.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Бу бошнинг зирқираши ҳароратники эмас, тош тегиб заҳалангандек, алақандай без-без қилмоқда.* С. Абдулла, Соялар. **Юраги без-без қилмоқ айн. юраги безилламоқ. қ. безилламоқ.** *Улфатлари юз ўғирди, қолди ёлғиз, Ота-она юраклари қилар без-без.* «Муштум».

**БЕЗБЕТ** Ор-номусни билмайдиган, гап таъсир қилмайдиган; уятсиз-андишасиз, бети қаттиқ, сурбет. *Безбетга қошиқ берсанг, Бир ўрнига беш ошар.* Мақол. ■ *Ўлғудай безбет экансан-да, Набигул! — деб [шери-гининг] берган дашномига одатдагича мас-харабозлик билан жавоб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шу йўл билан сирингни ёпмоқчи бўлдингми? Ёполмайсан! Безбет!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**БЕЗБЕТЛИК 1** Уят-андишасизлик, сурбетлик. *Бойнинг безбетлигини Жўра полвон кўриб турар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Олимжон эса безбетлик билан одамларга тик қарайди, кекса мастерни тухматчиликда айблайди.* «Муштум».

**2** Сурбетларча, уятсизларча қилинган иш, хатти-ҳаракат. *Суннат валаат безбетлик билан дастлаб терговда ҳеч нарсани бўйнига олмади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида. *Фақат алдамчилик, безбетлик, номуссизлик жандасини кийган кимсагина ўз виждон ҳукмидан кўрқмайди.* Газетадан.

**БЕЗГАК 1** Вақти-вақти билан иситма чиқариб, қалтиратадиган юқумли касаллик. *Саратоннинг айни қизғин кунларида безгак авж олади.* Ҳ. Фулом, Феруза. *Ота безгакдан қалтираб, гоҳ музлаб, гоҳ ўт бўлиб ёниб, алаҳсираб ётарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

**2** Безгак касаллиги билан оғриган одам. *Нури бу воқеанинг учини эшитган ҳамон, безгакдай қалтираб кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕЗГАКДОРИ** Безгакни даволаш учун қўлланадиган, безгакка қарши дори; хинин.

**БЕЗГАКНАМО** Худди безгак касалига дучор бўлгандек, безгак касалидан турганга ўхшаш. *Ҳой, Ойниса бувингни чақир, — болаларга аралашмай, бир чеккада турган рангпар, безгакнамо қизга буюрди бой.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕЗГАКПАШША** биол. Одамга безгак плазмодийларини юқтирадиган ва безгак касаллигини кўзгатувчи ҳашарот. *Безгакпашишага ўхшаб финғиллай берманг! — деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *..бўри бўлгандан безгакпашиша бўлган яхшироқ, чунки уни қопқон билан тутиб бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**БЕЗГАЛДАК** зоол. Тувалоқлар туркумига мансуб чўл қуши.

**БЕЗДИРМОҚ** *Безмоқ* фл. орт. н. *Севдирган ҳам тил, бездирган ҳам тил.* Мақол. *Яхши сўз ийдирар, Ёмон сўз бездирар.* Мақол. ■ *Бундай ҳаёт бир қаричликдан йўқчиликка, меҳнатга кўникиб ўсаан қизни сира бездирмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕЗИЁН** [бе. + зиён] айн. **безарар.** *Энг беозор, безиён жонивор йилқи-ку!* С. Анорбоев, Йўлда йўллош бўлганлар. *Яширмайман, Ҳимматилла шўхроқ эди, лекин безиён..* Шухрат, Умр поғоналари.

**БЕЗИЛЛАМОҚ 1** айн. **безангламоқ.**

**Юраги безилламоқ** Юраги ботинмаслик, кўрқмоқ; ҳадик ва кўрқинчга тушмоқ. *Хотиним кир ювामан деса, менинг юрагим безиллайди.* М. Хайруллаев, Рашк. *Ундан ҳамма безилларди. Ким асаб, ким юрак, ким қон босимига чалинса ва ёки ишдан ҳайдалса, барчасига шу — Ҳамида сабабчи бўларди.* «Ёшлик». *Хотинининг ер тагидан хўмрайиб қарашлари юрагини ёмон безиллатиб қўйган эди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**2** *Зириллаб, қақшаб оғримоқ, без-без қилмоқ.* *Баданидан иситма чиқар, чакка томирлари урар, кўнгли озар ва бутун вужуди безиллар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Жангчилар, оёқларининг безиллаб қолганидан бўлса керак, ўрдадек лапанглаб юрардилар.* Шухрат, Шинелли йиллар. *..қабариб, қонталашиб кетган товонлар бари бир, чўғ теккандай безиллайди.* О. Ёкубов, Излайман.

**БЕЗМОҚ** *Зада, безор бўлмоқ; жонига тегмоқ. Доридан бездим. Бекорчиликдан бездим.* *Эрдан безсанг ҳам, элдан безма.* Мақол. *Элидан безган эр ўнгмас.* Мақол. ■ *-Золим подшодан бездик, ўла қолсин у! — деб қичқиришди хотинлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Янглиш туйғу менда бўлмас! Янглиш сезги сезганлар, Йўқлиқ сари бора беринг, эй, ҳаётдан безганлар.* Файратий.

**БЕЗОВТА 1** Одатдаги ороми, тинчи бузилган, ҳаяжон ва изтиробга тушган; ҳаловати йўқолган, бетинч, гаш. *Мадамин бу ердан чиқиб, яна безовта жонига малҳам қидирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қишлоқ кўчалари жимжит, фақат ҳовлиларда нимадандир безовта бўлиб итлар ҳуришади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қизни безовта қилмай, дезандай ўрнини осойишта йиғиб, ҳовлига тушди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**2** Тинчлиги бузилган; нотинч. [Жўра:] *Қўрбоши ака, неча йилдан бери замона*

*безовта.* И. Султон, Бургутнинг парвози. *Бу ернинг ўрар табиатиға, ғилдирак устидаги безовта турмушға у тез кўйикди.* Газетадан. *Яна Норин суви безовта чайқалди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Безовта шомол бирданига кучайиб, қора булут пардасини суриб келди.* М. Қориев, Қиз узатиб борганда.

**3** *Ҳаловати йўқ; бетоқат, беором. Бола тунни билан безовта бўлиб чиқди.* ■ *..қишлоқда табиблик қилиб юрган вақтларида бундай безовта бетобларни кўп кўрган.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БЕЗОВТАЛАНМОҚ** Одатдаги тинч ҳолатини йўқотмоқ, ташвишланмоқ; ташвиш тортмоқ, ташвишга тушмоқ. *Вақт ўтган сари меҳмонлар безовталана бошлашди.* Р. Файзий, Шоҳи дарпарда. *Кўнгли аллақандай нохушликни сезиб, безовталанди.* «Ёшлик». *Қушлар галаси безовталаниб, дарё томонга тез учиб кетди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

**БЕЗОВТАЛИК 1** Ташвишланиш, хавотирлик; кўнгли ғашлик, бетоқатлик. *Уйига келганда ҳам, руҳидаги безовталиқ уни тарк этмади.* С. Сиёев, Аваз. *Қор кўчкилари мавсумида отарларда безовталиқ сезилади.* Газетадан.

**2** *кўчма* Кўзғалиш, ўзгариш. *Ўлкамизда баҳор.. Она-табиат ажиб безовталиқ, ширин уйғониш даврида.* «Саодат».

**БЕЗОВЧИ** Безайдиган; гўзал, комил қилиб кўрсатадиган. *Умуман, гўзаллик киши учун катта бахт, аммо кишини безовчи барча сифатлар ичида меҳнатсеварлик бебаҳо зийнатдир.* Р. Усмонов, Умр сабоқлари.

**БЕЗОР** [ф. بيزار — майлсиз] Бирон нарса ёки кимсадан безган, юрак олдириб қўйган; тўйган. *Бекорчидан ҳамма безор.* Мақол. *Дилзордан худо безор.* Мақол. ■ *Эрназар дангасага айтинглари: менинг томонимга қарамасин, мен унақа одамдан безорман.* С. Айний, Қуллар.

**Безор бўлмоқ** Жонига тегмоқ, кўнглига урмоқ. *Пашшадан безор бўлдим.* ■ *..Унинг ёлғон-яшиқ гапларидан қўни-қўшинлар ҳам безор бўлиб кетган.* «Муштум». **Безор қилмоқ** Жондан тўйдирмоқ, обдан зериктирмоқ. **Жондан безор қилмоқ** Жондан тўйдирмоқ, жуда ҳам жонга тегмоқ, зериктириб юбормоқ. [Оқила:] *Ўзингиз қачон борасиз? Болалар дада деб, жонимдан безор қилишяпти.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**БЕЗОРИ** [ф. *بيزارى* — нафрат, ёмон кўриш, жонга тегиш] Ножўя хатти-ҳаракатлари билан ижтимоий тартибни, кўпчиликнинг тинчлигини бузувчи, ҳаммани безор қилувчи. *Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас.* Мақол. *Безоридан ҳамма безор.* Мақол. ■ *Ойим билан дадам мени жуда эркалатиб юборишган эмиш, шу кетишда кетаверсам, мендан қип-қизил безори чиқар эмиш.* Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

**Ота безори** Ножўя ҳаракатлари билан ҳаммани, ҳатто ўз отасини ҳам безор қилган. *-Ота безори бўлмоқчимисан? — Абдурахмонбой кутилмаганда кўзига ёш олди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**БЕЗОРИЖОН** [ф. *بيزارجان* — жондан тўйдириш; жондан тўйдирувчи]: **безорижон қилмоқ** Жондан тўйдирмоқ, жонига тегмоқ, зериктирмоқ. [*Аҳмаджон*] *..раўйига қарши чиққан суҳбатдошини безорижон қилиб, айтганига кўнишга мажбур этар эди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Шавкат поездда ҳам типирчилайвериб, ота-онасини безорижон қилиб юборди.* Қ. Кенжа. Тоғ йўлида бир оқшом.

**БЕЗОРИЛИК 1** Кўпчиликнинг тинчлигини бузишлик, одамларни бездирувчи хатти-ҳаракат. *Безорилик қилмоқ.* ■ *Ичкилик, безорилик, бузилиш, одобсизлик — ҳаммаси бекорчиликдан чиқади.* А. Мухтор, Чинор. *Отаси башарасига тупурандан кейин ҳам Раҳматуллонинг кўзи очилмади, баттар бўлди.* У безориликни авжига чиқараверди. «Муштум».

**2 ҳуқ.** Шахснинг жамоат тартибини кўпол равишда бузиш ва жамиятга ошқора ҳурматсизлик кўрсатишдан иборат хатти-ҳаракати. *Майда безорилик.* ■ *Ичкилик туфайли безорилик рўй беради, жиноят содир бўлади.* Газетадан.

**БЕЗОТ** [бе.. + зот] **1 айн. зотсиз.** *Безот сигирлар.*

**2 эск.** Аслзодалар, зодагонлар наслига мансуб бўлмаган; насли, зоти паст. *Сидиқжон безот, Сидиқжон гадобачча.. -Тўғри, лекин замон шуларники бўлса, нима дейсан?* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. [Эшон:] *Гапирма, безот. Тағин қайтаради-я!* Ҳамза. *-Бирор безот ўғирликка келса-чи? — деб ваҳима қилади кампир.* М.М.Дўст, Галатепакиссалари.

**БЕЗРАЙМОҚ 1** Кўзни лўқ қилиб туриб олмоқ, бақраймоқ, без бўлиб турмоқ. *Мингбоши.. «яна нима дейсан?» дегандай, безрайиб тураверди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Илгари унча-мунча даккини сиртига юқтирмай, безрайиб тураверадиған Авезов ҳозир хотини билан онаси олдида мўминтой боладай буйин эгиб турарди.* Ҳ. Назир, Ўтлар тугашганда.

**2** Ҳайратдан, кўрқув ва ш. к. дан донг қотмоқ, серраймоқ. *Ойшабону нима дейишини билмай, ўтирган ерида безрайиб қолди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Йўл буйидаги янтоқнинг тагидаги калтакесак менга қараб, безрайиб турар эди.* М. Хайруллаев, Меҳр кўзда.

**3** кўчма Бир ҳолатда қотиб турмоқ; ҳеч бир ўзгаришсиз ётмоқ. *Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг ҳудудида турардик.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Чўлга қарадим: сарғайиб, безрайиб сукут этади.* П. Қодиров, Уч илди. *Ҳали барг ёзмай, безрайиб турган сада тагидаги чойхона сўриларида одам кўп.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**БЕЗУРРИЁТ** [бе.. + зурриёт] Фарзанди йўқ; насл-насаби қолмаган. *Бобоёр кессин ёлғиз бошингни.. Дунёдан безурриёт ўтгин, Гўрўғли.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

**БЕИБО** [бе.. + ибо] **1** Ор-номусни билмайдиган, шарм-ҳаёси йўқ; уяти йўқ, уятсиз. *Қизини бир умр заҳарлаган беибо кишига яна нима керак?* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**2** кўчма Кўпол, дағал, уятли. *Зеби ёвозини барала қўйиб шанғиллар, беибо гаплар ёғдирар эди.* Ойбек, Улуғ йўл. *Бундай беибо, шарманда байтларни ким ижод қилган?* Газетадан.

**БЕИДРОК** [бе.. + идрок] Фаҳмтамайдиган, фаҳм-фаросатсиз, идроксиз. *Башарти бул замондаги саводсиз одамларнинг беҳирад ва беидрок бўлгонларини назарда тутиб..* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ.

**БЕИЖОЗАТ** [бе.. + изожат] **айн. рухсатсиз.** *-Қоронғи кечада нега бировнинг ўчоғига беижозат кирасан?! — деди йигит Шум болага.* Ф. Фулом, Шум бола. *Расулуллоҳ беижозат икки кишининг ўртасини ёриб, ораларига кириб ўтиришни ман этганлар.* «Фан ва турмуш».

**БЕИЗ 1 айн. рельссиз.** *Беиз транспорт.* **2 рвш.** Бирор асар, белги қолдирмай; ном-нишонсиз, бедарак; изсиз. *Қуюн ту-*

тундек буралиб кўтарилади-ю, қумга сепилган сувдай беиз йўқолади. М. Назаров, Сирли хат. Беиз кетмади, йўқ, шаҳидлар қони Кузғундан асради маъсум дунёни. А. Орипов. Севинмасинми, ахир ундан зурёд қолади, зурёд! У энди оламдан беиз, ном-нишонсиз кетмайди. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**БЕИЗН** [бе.. + изн] *айн. рухсатсиз. Биздан беизн иш қилманг, уқдингизми, қария?* Ойбек, Улуғ йўл. *Ва беизн қилган ишимдан Пушаймоним ва оҳим йўқдир.* Ҳ. Олимжон.

**БЕИЗТИРОБ** [бе.. + изтироб] Парво қилмаган ҳолда, изтироб чекмасдан, лоқайд. *Аслида-ку.. Беизтироб хўплаб қора қаҳвани, Дераздан оқ тан жаноб Кузатар можарони.* Э. Воҳидов.

**БЕИЛЛАТ** [бе.. + иллат] *айн. иллатсиз. Арзон беиллат бўлмас, қиммат беҳикмат эмас.* Мақол. ■ *Мендан ўтган бўлса, кечиринг, профессор.. ўзингиздан қолар гап йўқ, беиллат одам борми дунёда?* Ж. Абдуллаханов, Тўфон.

**БЕИМОН** [бе.. + имон] *айн. имонсиз. Беймон кетма дейман. Қани калима келтир!* К. Яшин, Ҳамза.

**БЕИНСОФ** [бе.. + инсоф] *айн. инсофсиз. Фашист беинсоф экан, жуда тирриқ экан.. Ойбек, Куёш қораймас. Шотўрамдан уялмайин, беинсоф, Калланг чайқаб, билагимдан ушладинг.* «Ойсулув».

**БЕИНТИҲО** [бе.. + интиҳо] *айн. интиҳосиз. Худди ана шу фарзандлар шарофати билан умр боқий, беинтиҳодир.* К. Яшин, Ҳамза.

**БЕИСТИСНО** [бе.. + истисно] *рвш. Бирортасини ҳам четда ёки қатордан қолдирмай, мустасно қилмай; ялписига. Биз беистисно ҳамма мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлаб олдик.* Газетадан.

**БЕИХТИЁР** [бе.. + ихтиёр] *рвш. Ўз ихтиёридан ташқари ҳолда, гайриихтиёрий равишда; ихтиёрсиз. Бекнинг вужуди титраб, беихтиёр «уҳ» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Зумрад билан бир қур учрашган, икки оғиз гаплашган киши беихтиёр унга маҳлиё бўлиб қоларди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Нафиса беихтиёр ўрнидан дик турди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БЕИШ** Бирор иш билан машғул (банд) бўлмаган, ишламайдиган; ишсиз. *Беватан, беиш, бошпанасиз қолган Авзам.. шаҳар четдаги кўримсизгина бир масжид қоровули-*

*нинг мол боғласа турмас ҳужрасига бориб тиқилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *-Беиш ўтириб ўраганмаганман, — деб очигини айтди хола.* «Гулдаста».

**БЕИШКАЛ** [бе.. + ишқал] Чалкаш (чаток) жойи йўқ; силлиқ. *Икки ўртадаги суҳбат беишқал ўтди.* Газетадан.

**БЕИШТАҲА** [бе.. + иштаҳа] *айн. иштаҳасиз. -Соппа-соғ, — деди Хумкалла беиштаҳа кавшаркан. — Овқат егиси келмасмиш.* М.М.Дўст, Лолазор.

**БЕИШТИЁҚ** [бе.. + иштиёқ] Хоҳиши, истаги йўқ; иштиёқсиз. *Аламазон билетга анча маҳал беиштиёқ тикилиб ўтирди.* «Шарқ юлдузи».

**БЕИШҚ** [бе.. + ишқ] *поэт. Ҳеч кимга кўнгил қўймаган; муҳаббати йўқ, ишқсиз. Беишқ ҳаёт — бегул баҳор.* «Қанотли сўзлар». ■ *Севгининг дарди фақат беишқ учун бегонадир.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим беишқ танҳо бу кун.* А. Орипов.

**БЕИҚБОЛ** [бе.. + иқбол] *поэт. Келажаги порлоқ бўлмаган; омадсиз; иқболсиз. Гарчи яшамадим беиқбол, ниғун, Гарчи давраларим нури, оташли.* А. Орипов.

**БЕК I I тар.** Туркий халқларнинг баъзиларида хонликлар даврида давлат арбобларига, шаҳар ёки вилоят ҳокимларига, уларнинг болаларига берилган фахрий унвон ҳамда шундай унвонга сазовор бўлган шахс. *Бошлаб ҳудайчи от устидан бир кимхоб тўнни олиб, қўрғон бегига кийдирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Атроф шаҳар ва қишлоқ беклари.. аксар Мусулмонқулнинг ўз одамларидан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аслида бу отни, Улуғбек Мирзо Самарқанд тахтига чиққандё, Бухоро беги туҳфа этган эди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**Беклар беги қ. бекларбеги. Бек ойим // бегойим** Бекнинг онаси ёки хотини ва уларга мурожаат шакли. *Ҳасанали танитди: -Мана бу киши қайин онангиз — бек ойим бўладилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Эркаклар исмининг таркибий қисми, мас., *Йўлдошбек, Отабек, Юсуфбек.*

**3** (1-ш. эгалик шаклида) Ўз беги ёки хўжайинига мурожаатда ёки улар ҳақида гапирганда ишлатилган сўз. *Қайгурма, бегим!* *Ҳасанали отанг бу тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эски вақтда ер-сув эгаларининг хизматкорлари*

хонлар замонидаги расм-русми қилиб, ўз хўжайинларини «бегим», «хоним», «ойим» деб ҳурматлар эдилар. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**Ўзи(га) хон, ўзи(га) бек қ. хон.** Ҳар ким ўзига хон, ўзига бек. Мақол.

**БЕК II** Берк, ёпиқ.

**БЕКА I тар.** Бекнинг ва умуман ҳукмдорларнинг, боёнларнинг хотини. *Чўри қиз Бўстон.. бекасининг ҳозиргина саройдан канизак келиб.. зиёфатга олиб кетганлигини билдирди. Ойбек, Навоий. Лаббай, Бадиа бекам! [деди Заврак]. Бадиа ўз исмига «бекам» сўзини қўшиб айтганни ёқтирар, чунки подшонинг гўзал кенжа қизи Гулгун Ақонинг номига ҳам «бека» қўшиларди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**2 кўча** Оилага, хонадонга ёки хўжаликка бошчилик қилувчи аёл. *Боғбонсиз боғ мисли чўл-ёбон, Бекасиз уй — сувсиз тегирмон. «Қанотли сўзлар».* ■ **Тўй бекаси** — *Мирзакаримбойнинг хотини аёлларни уч гуруҳга айирган эди. Ойбек, Танланган асарлар. -Ярим кечада қаяққа борамиз, ўзингиз ўйланг! — деди куёв меҳмонхона бекасига. С. Анорбоев, Оқсой.*

**3 кўча** *поэт.* Бошқарувчи, сардор, эга, соҳиб. *Нечун, ахир, мард гўзаллар бекаси, Гумбурламас Асқар тоғнинг теграси. А. Шер, Қадимги куй. Уч ой йўлингизда ётдим кўз тиқиб, Эй, баҳор бекаси — май чечаклари. А. Орипов.*

**БЕКАМ-КЎСТ, бекаму кўст** [бе.. + ф. کم — оз, كاست — озлик, камлик] Ҳеч қандай камчилиги, нуқсони йўқ, ҳар жиҳатдан тўлиқ, мукамал, бенуқсон. *Рўзғоримиз бекаму кўст. Топшириқни бекаму кўст бажармоқ.* ■ *Ойнадан табиатнинг бекаму кўст, мукамал бир фариштаси нозланиб қараб турарди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Тўхтасин Жалилов.. минглаб халқ куйларини хотирасида сақлаб қолар, уларни чолгу асбобида бекам-кўст чала биларди. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**БЕКАНОР** [ф. بىكنار — соҳилсиз, қирғоқсиз, чегарасиз] Чегараси йўқ, ҳадсиз, чексиз. *Сен қайга ҳовлиқасан, эрта-кеч билмай тиним, Сен қайга ҳовлиқасан, беканорукўр, басир. А. Орипов.*

**БЕКАРАМ** [бе.. + карам] Ҳеч кимга яхшилик қилмайдиган; мурувват кўрсатмайдиган, ҳимматсиз. *Қайда виждон, қани инсоф?*

*Сиз одам бўлмай кетинг, Мунча ҳам номехрибону Бекарам бўлмай кетинг. «Муштум».*

**БЕКАС** [ф. بىكاس — кимсасиз, танҳо] Ҳеч кими йўқ, кимсасиз; ёлғиз. *Ғози Юнус фақир.. ва бекас.. «Гулистон». Бир ғариб, бекас тағойи хоксорим бор эди. Муқимий.*

**БЕКАС-БЕНАВО** Кимсасиз ва ғариб, ҳеч кими йўқ. *У [Али] Мирзони бус-бутун, бекас-бенаво ғариб билиб, «теп-текин хизматкор бўладиган экан», деб ўйларди. А. Ҳақимов, Илон издан.*

**БЕКАСЛИК** Кимсасизлик, ёлғизлик, ғариблик. *Бу ёлғизлик шоир қалбида бекасликка монанд. «Шарқ юлдузи». Отанг ҳажжа кетгандан бери яна бекаслигим ортди. Ю. Султон, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий.*

**БЕКАТ I тар.** Қадимда йўлларда қарвонлар ва йўловчилар тўхтаб дам оладиган махсус жой, манзил. *Отабек бир неча бекатга меҳмонларни кузатиб бориб, сўнгга қайтмоқчи эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. У [Тўрғай] ўзига маълум бўлган икки бекатда отни ўзгартирди. Мирмуҳсин, Темир Малик.*

**2 тар.** Почта станцияси. *Хат ҳам тез келмайди, баъзан бекатларда йўқолиб кетади. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**3** Йўловчиларнинг бирор транспорт тури (мас., автобус, трамвай ёки метро)га чиқиш ва ундан тушишлари учун белгиланган жой. *Автобус бекати.* ■ *Ер ости бекатлари пардозда кулолчилик санъати намуналаридан кенг фойдаланилган. Газетадан. Эшаклар дикир-дикир йўрғалаб, Косондан чиқди ва темир йўл бекатига қараб бурилган йўл буйлаб кетди. Ш. Тошматов, Эрк куши.*

**4** кўча Ҳаётда босиб ўтиладиган йўлнинг маълум босқичи, марраси. *Ҳаётнинг умумий оқими билан бирга ҳаммиша олға интилиб, янгидан-янги бекатларни босиб ўтаётганини, улуғ манзил сари ҳормай-толмай сузаётганини эслаб, қалби севинч ва қувонч билан тўларди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Янги йил бўсағаси уларнинг яна бир бекати гўё. «Саодат».*

**БЕКАТЧА** Кичик бекат, оралик бекат; разъезд. *Поезд бир неча соат йўл юргандан кейин, ана шундай бекатчалардан бирига келиб тўхтади. А. Қаҳҳор, Асарлар. ..темир йўлларда «дуварак» бекатчалар шундай кўпайганки, булардан кўпининг отини йўловчилар эмас, баъзан кондукторлар ҳам билмайди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**БЕКАТЧИ** Темир йўл бекатининг хизматчиси; бекат назоратчиси. *Бекатчининг бири йигитларни койгансимон қўлини силтади.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

**БЕКАФАН** [бе.. + кафан] Кафанга ўралмасдан кўмилган, кафансиз кўмилган; кафансиз. *Худодан тилагим шуки, ўлиги кўчада қолсин, бекафан бўлсин, халойиқ.* Ш. Холмирзаев, Огир тош кўча. - *Сиздек бекафанларга ерда ҳам, кўкда ҳам жой топилмайди, — деди Ботиров.* Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. *Ватансотарлар агар ўлса, бекафан қолар.* Чархий.

**БЕКАЧ 1 тар.** Бекнинг ва умуман ҳукмдорларнинг, боёнларнинг хотини ёки қизи. *Кеча ўрда бек ойимдан менга арава келган экан.. бормаи, аравани бўш қайтардим..* Бо худо, ўрда бекачи бўлса ўзига, дедим. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2 эск.** Хотин-қизларга ҳурмат билан мурожаат қилишда ишлатилган сўз. ..*Оҳ, кўрсанг эди бир кувёни! Қандай чиройли, қандай ақлли эканини билар эдинг, бекачим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Йиғлама, бекачим, — деди Тўйбека.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3 кўчма** Эга, соҳиб; ҳукмрон. *Учовлон бекачдир бу гал даргоҳда, Номлари Мукаррам, Буойша, Ойгул.* А. Орипов.

**4** Бекач (хотин-қизлар исми).

**БЕКБАЧЧА** айн. **беквачча.**

**БЕКВАЧЧА тар.** Бекдан туғилган бола; бекнинг боласи; бекзода. *Анвар ҳозир бутун шаҳарга донг таратган, шаҳарнинг уламоси.. бек ва бекваччаси Анварни танийди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бу бекваччани ҳам қуруқ юбормайман.* «Маликаи айёр».

**БЕКЕНГАШ** Маслаҳатсиз қилинган; кенгашсиз. *Бекенгаш ишнинг пушаймони кўп.* Мақол. ■ *Кўявер, ошна, бекенгаш ишнинг пушаймони кўп, дейдилар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БЕКЗОД 1** Бекдан туғилган бола; беклар наслига мансуб, бек зоти. *Орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг, икки бекзоднинг айтгани ёдига тушди.* «Эрали ва Шерали». *Биз билмаймиз қай шаҳарнинг бекзоди От ўйнатиб, кўклам тоғда турибди.* «Маликаи айёр».

**2** Бекзод (эркаклар исми).

**БЕКЗОДА** айн. **бекзод.** *Шоҳзодалар, хонзодалар ва бекзодалар умуман тўрт-беш ёшидан бошлаб ўқиш ва ёзишни ўрганганлар.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

**БЕКЗОДИ** бот. Шакли дуксимон, сирти оқиш-яшил ва сал тилим-тилим, ўртапишар қовун нави.

**БЕКЗОТ** с.т. айн. **бекзод.**

**БЕКИК 1** Берк, беркитилган, ёпиқ; қулфланган. *Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнабанд нақшли, бўёқли эшиклари ва деразалари бекик, қалин пардалар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бобур.. бекик ва дим қўрғондан кўра, узоқдаги дарахтзорларни, кенг, очиқ жойларни афзал кўрарди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**2** Тўсилган, тўсиқ. *Бекик йўл. Дарё бекик эди.*

**БЕКИЛМОҚ 1** Ёпиқ ҳолатга келмоқ; маҳкамланмоқ, қопқоқланмоқ. *Сандиқ бекилди. Эшик яхши бекилмади. Хумнинг оғзи бекилди.* ■ *Люк бекилгач, «лайлакқор» тинди, лекин қуюқ тумандай чанг дастгоҳда муаллақ осилиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Тўсилиб ёки тақиқланиб, ўтиб бўлмайдиган ҳолатга келмоқ; ёпилмоқ. *Чегара бекилди. Йўл бекилди. Жўтрак бекилди.* ■ *Отахўжа ака унинг [Абдуллолнинг] ёнига ўтди. Энди чиқиб кетадиган йўл бекилган эди.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

**3** Паналаниб, тўсилиб, кўринмай қолмоқ. *Гуллар ўсиб, деворнинг айби бекилди.*

**4** кўчма Тақиқланиши, тугатилиши ёки белгиланган вазифа, ишни бажариб бўлганлиги сабабли фаолиятдан тўхтамоқ, ёпилмоқ. *Мажлис бекилди. Кўргазма бекилди. Институт бекилди.*

**5** Йиғилиб ёки букилиб ёпилмоқ. *Соябон бекилди.*

**БЕКИМСА** кам қўлл. қ. **кимсасиз.**

**БЕКИНМАЧОҚ 1** Яширинганларни қидириб топишдан иборат бўлган болалар ўйини. *Кўчадан бекинмачоқ ўйнаётган болаларнинг қий-чуви эшитилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ой сув юзида қалқиб бораётган қовун палласи каби «бекинмачоқ» ўйнаб, гоҳ кўринади, гоҳ яширинади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**2** кўчма Ишни битирмасдан сарсон қилиш, кўринмай қочиби юриш; алдаш. *Бекинмачоқ ўйинидан энсаси қотган Соболева Орипова учрашмай чиқиб кетди.* «Муштум».

**БЕКИНМОҚ** Ўзини панага олмоқ; яширинмоқ. *Офтобдан бекинмоқ. Уйга бекинмоқ.* ■ *Шербек ичкарига сирғаниб тушди-да, девор тагига бекина қолди.* С.

Анорбоев, Оқсой. *Тушга келиб, офтоб булутлар ортига бекинди*. Газетадан.

**БЕКТИҚЧА** *рви.* Киши (ўзгалар) билмайдиган қилиб, бошқалардан яшириб; яширин, пинҳона. *Қизнинг феъли-атворини, юриш-туришини очиб ва бекитиқча.. узоқ таъғиб этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу киши энди «художўй» бўлиб қолдилар. Беш вақт бекитиқча намоз ўқийдилар. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Ҳасан чойхоначи ҳинд чойини ҳалиям бекитиқча сотар эканда.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Ҳозир эса, бошқалар назарида, йиғит бекитиқча равишда буларни [аёлларни] пойлаб тургандек бўлди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

**БЕКИТМОҚ 1** Ёпиқ (берк) ҳолга келтирмоқ; очиқ ёки очилиб-ёпиладиган жойни маҳкамламоқ, ёпмоқ. *Сандиқни бекитмоқ. Эшикни бекитмоқ. Хумнинг оғзини бекитмоқ. Тешик-ёриқларни бекитмоқ.* ■ *Эшикни бекитиб, дон солинадиган эски хампа остига энгашиди.* Н. Аминов, Суварак. *У қутини бекитиб турган силлиқ мис парчасига қаради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Устини, атрофини ўраб (қоплаб, тўсиб) олмақ; кўринмайдиган қилиб ёпмоқ, паналамоқ. *Юкни брезент билан бекитмоқ. Юзни бекитмоқ. Булутлар ойни бекитиб қўйди.* ■ *Зебо яна қизариб кетди. Чакка сочларини тузатиш баҳонаси билан кўзини бекитди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Чўпон мени чакмони билан бекитиб: -Суюнчисиза нима берасиз? - деб сўрабди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. *Раҳима Камолнинг муштидан юзини бекитиб, мук тушиб олди.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

3 Кимса билмайдиган қилиб кўздан йўқотмоқ; яширмоқ. *Бола ўйинчоқни бекитди.* ■ *-Ханжарингизни ҳам бекитиб қўйинг! - деди Зулфиқор.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Бўри югуриб келиб, чолга: -Ота, бир мерган қувиб келаётибди, мени бекитиб қўйинг, - дебди.* «Чалпак ёққан куни».

4 Сир тутмоқ; сақламоқ, яширмоқ. *Мен сени яхши биламан, укажон.. тўғри сўз, виждонли боласан. Аммо Раимнинг сирини била туриб, бекитганинга ҳайронман.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Наҳотки қайнонасидан бекитиб кийинса, наҳотки кампирнинг гаплари рост бўлса?* «Муштум».

5 Тўсиб ёки тақиклаб ўтказмай қўймоқ, ёпмоқ; маҳкамлаб тўхтатмоқ. *Йўлни бекит-*

*моқ. Чегарани бекитмоқ. Сувни бекитмоқ. Газни бекитмоқ.*

6 Кўчма Иши, фаолиятини тўхтатмоқ ёки тамом қилмоқ. *Кўрғазмани бекитмоқ. Савдони бекитмоқ.* ■ *Эски шаҳар ижрокўми Мозорхон, Оқмачит маҳаллаларидаги эски мактабларни бекитди.* Газетадан.

7 Букиб ёки ёпиб, йигиқ ҳолатга келтирмоқ (очилиб-ёпиладиган, букланадиган нарсалар ҳақида). *Соябонни бекитмоқ. Қаламтарошни бекитмоқ. Китобни бекитмоқ.*

**БЕКЛАМОҚ** *с. т. айн. бекитмоқ 1, 5.* *Ўзбек ойим уйининг эшигини беклаб келди-да, Ҳасаналининг яқинроғига ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эшикни беклаб, кўча дарвозасининг тагида пойлаб тураман!* Ҳамза. *Музаффар орқа ўриндиққа ўрнашиб, эшикни қарсиллатиб беклагач: -Ҳайданг! - деди.* Н. Қиличев, Чигириқ.

**БЕКЛАРБЕГИ** *тар.* Хонликлар даврида юқори маъмурий унвон ва лавозим; вилоят ва катта шаҳарларнинг ҳокими. *Бекларбегининг асосий вазифаси солиқ ва бошқа мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, ҳукмдор фармонларини амалга ошириш, тегишли масалаларни.. ҳал этишдан иборат эди.* «ЎЗМЭ».

**БЕКЛИК** *тар. 1* Бек мавқеи, лавозими ёки вазифаси. *Мен Ойим қишлоғининг беклигининг урдасидан чиқолмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бек Алпомиш беклик қилиб, Қоражон билан бирликда даврон суриб, мамлакатни обод қилиб, Барчин билан ўйнаб-кулиб юраверди.* «Алпомиш».

2 Бек қарамоғидаги маъмурий ҳудуд. *Маддоҳлар - худонинг дахлсиз бандалари, уларни хонлиқнинг ҳар бир беклиги, ҳар бир ноиблигига жўнатсак, зарар қилмас.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бу йил Ҳазорасп беклигининг ўзида ўн минг таноб ғўзага қурт тушиб, ҳосил бўлмабди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Бекларга хос хатти-ҳаракат, юриштуриш. *Айниқса сиз ҳамон ўзинизнинг беклигингизга бориб, истиғноингизни эскича олиб борасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бой отам сенга беклик қилибдилар.* Н. Сафаров, Уйғониш. *Юнус пари беклик қилиб, ёронлар, Сарпой берди жами турган қизига.* «Юнус пари».

**Ҳам хонлиги бор, ҳам беклиги** Жуда яхши, арзийдиган нарса (мас., от, кийим) ҳақида.

**БЕКОЙИШ** [бе.. + ф. *كاهش* - камлик; хароблик; азоб] Шодон, мамнун. *Бутун*

юртни осойиши топди, Элу юртни бекойиши топди. Ҳ. Олимжон.

**БЕКОР** [ф. *بی کار* — ишсиз] **1** Ишдан холи, иши йўқ; бўш, ишсиз, беиш. *Бекор тургунча, бекор ишла. Мақол. Бекордан ҳамма безор.* Мақол. ■ [Ҳасанали] *Уззу кун уйда бекор зерикканликдан, Ҳожига айтиб, бир-мунча дастмоя билан гузардан баққоллик дўкони очган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Бекор бўлмоқ** 1) амал-вазифадан тушмоқ; ишдан бўшамоқ; 2) кучини йўқотмоқ. *Бу қонун янги йилдан бекор бўлади;* 3) ярамайдиган, арзимайдиган, фойдасиз бўлиб қолмоқ. *Бекор бўлди иқтидорим, бекор бўлди юрагим, Бекор бўлди шеърим у гўзалнинг қошида.* А. Орипов. **Бекор қилмоқ** 1) ишдан бўшатмоқ, озод қилмоқ. *-Гап яна Бўтабой тўғрисида, — деди Бектемиров, — уни вақтинча раисликдан бекор қилган эдик.* С. Аҳмад, Ҳукм; 2) амалдан, кучдан қолдирмоқ. *Қарорни бекор қилмоқ;* 3) беҳуда овора бўлмоқ.

**2** Беҳуда, бефойда; ўринсиз, чакки. *Бекор гап! Улимдан хабарим бор, бу гапдан хабарим йўқ.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Вали ака.. кейин босиғи билан гапурди: -Бекор хафа бўласиз, ўзингиз ўйлаб кўринг ахир.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *-Бу гапни бекор бошлаб қўйибман, — деб ачинди Қудрат.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**Бекор айтибсиз** Чакки айтибсиз, айтмасангиз ҳам бўларди. *Менинг келганимни унга бекор айтибсиз. Бекор кетди* Беҳуда кетди, зое бўлди; фойдаси бўлмади. *Ҳалол меҳнат бекор кетмайди.* ■ *Ҳасан сўфи билан Алим бува: Унга тушунтирсак, зора .. «Халқ меҳнати бекор кетмасин, халқ беҳуда жабр кўрмасин», деб халққа ачинар, шафқат қилар, деб келган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Узоқ машқлар бекор кетмаган экан.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**3** кесим *взф.* Ёлғон, нотўғри; фойдасиз. *Бир йилдан бери ярали қалбиди ардоқлагани, жамоа мени бир кўрсан деб зору интизор бўлгани бекор, бекор!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Йиғламагин, асло кўрқма, Аҳмаджон, Ҳамма сўз бекордир, Худойдан бўлди.* «Юсуф ва Аҳмад».

**БЕКОРГА** *рвш.* **1** Ҳеч қандай наф-фойдаси бўлмагани ҳолда; бефойда, беҳуда. *Муҳаррир.. бир ярим соат бекорга ўтган вақтга ачиниб, бизга қулоқ берди.* А. Қаҳҳор,

Бек. *Одамлар бекорга овора бўлмасин дейман-да.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Танланган асарлар, муқаддас қурбонлар бекорга кетмади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**2** Арзирли сабаб, асос бўлмагани ҳолда; бўлар-бўлмасга, важ-сабабсиз; ўринсиз. *Аниқроқ қилиб айтинг, Муса ака, Бўтабой бекорга ёмон отли бўлиб қолмасин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Бекорга йиғлайсан, Раёно! Йиғидан бир фойда чиққанини эшитганмисан ёки мени ҳам йиғлатмоқчимисан?* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *«Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», деб бекорга айтмаганлар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** Пул ёки ҳақ олмай, тўламай, текинга; бепул. *-Юкни бекорга ташиёмизми, қобирғамиз синай деди! — қичқаришди бошқалар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бекорга ҳам олмайди ҳеч ким бу эшагингизни.* «Латифалар».

**БЕКОРДАН-БЕКОР(ГА)** **1** Мақсадсиз, беҳуда. *Бекордан-бекорга ўзини ўтга-чўққа уришдан нима фойда.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**2** Асоссиз, сабабсиз. *Бекордан-бекорга ишдан олиб ташлаш қийин.* С. Зуннунова, Янги директор. *Мўминлар, нега қараб турибсиз, бу шайтонбачча битта авлиё одамни бекордан-бекорга ўлдириб кета берадими?* К. Яшин, Ҳамза. *Уни бекордан-бекорга қамаб қўйиши қизиқ-ку!* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БЕКОРЛИК** **1** Ҳеч нарса билан шуғулланмаслик, ишсизлик, беишлик; бўшлик.

**2** айн. **бекорчилик.**

**БЕКОРЧИ** **1** Ишсиз, бекор юрувчи, қўли бўш. *Бекорчидан безиб қоч, Чақимчидан — кўчиб.* Мақол. ■ *Қаёққа қарасанг, камбағал, бекорчи, нонга зор одамларни кўрсан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ошхонада мудир эди — бўшатилди, ҳозир уйда, бекорчи.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** кўчма Фойдаланилмай, ишлатилмай ётган; ортиқча; кераксиз. *Менда бекорчи пул йўқ. Бекорчи қоғоз.*

**3** Асос-ҳақиқати йўқ; шунчаки, шунчаки айтилган. *Бекорчи ҳазил чинга айланиб кетди, ахир.* «Аския».

**Бекорчи гап** Асос-исботи йўқ гап; таги пуч гап, бўлмағур, ёлғон гап. *Бекорчи гапларни қўйинг, касал бўлмасангиз, нега келдингиз?* А. Мухтор, Чинор.

**БЕКОРЧИЛИК** Ишдан холилиқ, ишдан қўли бўшлиқ; иш бўлмаган пайт. *Мамарасула бекорчиликдан пашиша тутиб ўтирибди.* А.



Қаҳҳор, Асарлар. .. соғ одамга бекорчиликдан ёмон дард йўқ экан. С. Сиёев, Аваз. Одамни балога дучор қилса қилсин, бекорчиликка маҳкум этмасин. А. Мухтор, Асарлар.

**БЕКОРЧИХЎЖА** Бекор юрувчи; бе-мақсад санғувчи. *Қуруқ қайтиб борсанг, анави бекорчихўжалардан қутулиб бўпсан. «Ёшлик». Бир-икки бекорчихўжа унга ҳамроҳ бўлди. П. Гадоев, Тушини сувга айтсин. Қишлоқ аҳолисига яхши бўлиши баробарида бир гуруҳ бекорчихўжа қаланғи-қасанғиларнинг ҳам куни туғди. «Ёшлик».*

**БЕКУЧ** кам қўлл. айн. **кучсиз**. -Тўғри, — деди афанди, — сиз қудратли подшоисиз.. Биз ожиз, бекучмиз. «Латифалар». Қари-қартанг бекучлар, Суяниб юр ҳассангди, Ҳасандайн мардларга, Қани жўра бўсангди. «Равшан».

**БЕЛ I I** Орқа суякнинг (умуртқа поғонасининг) пастки қисми. *Одамнинг бели. Отнинг бели. Бели букчайган. Бел мускуллари. Бел оғриғи. ■ Бели синиб ётган сарбоз ҳам ойга тикилар, ундан нажот йўқ. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**Бели оғримок** Меҳнат билан машғул бўлмок; меҳнат-машаққат қилмок, -Ёш, янги деҳқон-да, ҳали бели оғримаган! — дейди Холмирза ака. А. Қодирий, Гирвонлик Маллавоёй. **Бел оғритмок** (ёки қайиштирмок) Жон койитиб, астойдил меҳнат қилмок. *Ҳа, бўлмаса, жонингиз ачиганими бу? Ерни белингиз қайишиб чопганингизда, жонингиз ачир эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бели оғриманинг нон ейишига қара (ёки нон ейишини кўр) Ўзи ишлагмасдан, бировнинг меҳнати билан топилган нарсани қадрламай, тежамай сарф қилувчи одамга нисбатан айтилади.*

**2** Гавданинг кўкрак қафаси билан бўкса ўртасидаги энг хипча қисми; биқин. *Бели йўғон одам. Бели хипча қиз. ■ «Тортиш-мачоқ» бошланди: қиз томондан гунчакдек юм-юмалоқ хотин белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушиди. Ойбек, Танланган асарлар. Улар қизнинг бўйи, бели, елкаси ва қўлларини ўлчаб ёзиб олишди. И. Раҳим, Ихлос. Бувинисо икки қўли билан белини ушлаб, қаддини кўтарди. Ойдин, Ҳикоялар.*

**3** кўчма Ён, чўнтак ёки белбоғ маъносида. *Белимда пул, бошимда савағичдан тўқилган катта қафасда куккулаб турган бир жуфт қумри. Ф. Гулом, Шум бола. Беш-ўн қоғозни*

*белимга тугиб, уст-бошимни бут қилиб.. юртимга жўнаб кетай дегандим. Ойбек, Танланган асарлар. -Белимдаги зоғора нонни сувга ботириб еб, кунни кеч қилдим, — деди қаландар йигит Авазга. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**4** Бирор нарсанинг ўрта қисми, ўртаси. *Шўхсой қишлоқнинг қоқ белидан айқириб оқади. Ҳ. Назар, Сўнмас чақмоқлар. Пулат абзал, найзалар синиб борар белидан. «Нурали». У [Кўқон] Сўх дарёси ва ундан таралиб чиқадиған кўлаб ариқлардан суғориладиган воҳанинг ўрта белида жойлашган. К. Яшин, Ҳамза.*

**5** кўчма Жисмоний ёки моддий кучнинг рамзи. *Ёмонга эл бўлгунча, Яхшига бел бўл. Мақол.*

**Бел олишмок** (ёки ушлашмок) **1)** куч синашмок (курашда, жангда). *Элмурод саҳн ўртасида тўпланишган ёшлар томонга кетди. Бу ерда кураш бошланган бўлиб, Давлатёр билан Маъмуржон бел олишмокда эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) кўчма ким ўзарга ўйнамок, мусобақа, рақобат қилмок. Бел ушлашганда, отангни айма. Мақол. ■ Сидиқжон сизга шозирд тушмоқчи. Маллавоёй кулди: -Мен билан бел ушлашмокчи денг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**6** геогр. Тоғ ва тепаликларнинг эгарсимон энг баланд жойи. *Бўз йигитлар бир ғайрати тошиб, Неча тоғдан, неча беллардан ошиб. «Ёдгор». Сени минган беклар дарёдай тошди, Неча белу неча тоғлардан ошди. «Маликаи айёр».*

**Бел боғламок** Бирор ишга астойдил киришмок, жазм қилмок. *Дўстларим.. Сиз билан биз улуг ишга бел боғладик. Бу ғоят хатарли иш. Аммо биз қўрқмаймиз. Ҳ. Гулом, Машғал. Бобур жуда бир қалтис ишга бел боғлаганини сизди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Белига тепмок Бирор ишга, айни қизиб турган, долзарб пайтида истамаган, кутилмаганда халал бермок, путур етказмок. *Сенимсан? Аммо уйқуниг ҳам белига тепдинг-да, Тинчликми ўзи? О. Ёқубов, Пьесаалар. Сўхбат авжига чиққанда кириб келган икки йигит гапнинг белига тепди. С. Маҳкамов, Дала тонги. Белини кўтармок **1)** қаддини тик қилмок; қоматини ростламок; **2)** моддий жиҳатдан кучли, қудратли бўлмок, қилмок. *..экин майдонларини кўпайтириш.. колхознинг белини кўтаришга катта куч бўлар эди. С. Зуннунова, Олов. Белини синдирмок Катта***

моддий, жисмоний ёки маънавий зарар етказмоқ. *Беҳуда ҳаракат белни синдиради.* Мақол. ■ *Гапнинг белни синдирманлар, жим туринг, Ҳайдарча гапираверсин.* С. Айний, Жаллодлар. *...ҳосил нобуд бўлди, ишимзинг бели синди.* С. Айний, Қуллар. **Бели узилмоқ** Ҳалок бўлмоқ; енгилмоқ. *Биз худонинг суйган бандаларимиз, бизга осилганларнинг бели чўрт узилади!* К. Яшин, Ҳамза. **Белини букмоқ** Енгмоқ, майиб қилмоқ, ҳалок қилмоқ. *Тўғри, сенинг қароринг жуда тўғри, қуролимиз бўлмаса, Куропаткин белимизни букиб қўяди!* Н. Сафаров.

**БЕЛ** II Ер қазиш, сочилган нарсаларни олиб солиш, тўплаш учун ишлатиладиган ёғоч сопли темир курул; белкурак. *Бел билан ер кавламоқ. Белни пешлаган билар, ерни ишлаган билар.* Мақол. ■ *Кўп гапиргандан кўра, қўлингга белни ол-да, газзага чиқ.* «Ёшлик».

**БЕЛАЗЗАТ** [бе.. + лаззат] *айн. лаззатсиз I. *Нархи қиммат, ўзи белаззат овқат қайси ошхоналарда топилади.* «Муштум».*

**БЕЛАК** *шв.* Чақалоқ беланадиган мато; кўттик, кетлик.

**БЕЛАМОҚ** I Чақалоқни бешикка ётқизиб, қўлбоғ, оёқбоғ билан боғламоқ. *Салима ўз боласини бешикка беллади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. *Жубарой қизчасини бешикка беллади-да, ошга уннаб кетди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

**БЕЛАМОҚ** II I Юқадиган нарсаларга (ун, тупроқ, бўёқ сингари) богириб, қорштириб ёки булғаб, ҳамма ёғини шу нарса билан қошламоқ; буламоқ, чапимоқ. *Тупроққа беламоқ. Қонга беламоқ.* ■ *Бутун Олтинсойга мазах бўлганингни биласанми? Ор-номусимизни лойга беладинг, доғи ўлгунча кетмайдиган бўлди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Энди эшикдан бир қадам нари жилсанг, ничоқни тўрт жойингга урман-у, танингни қонингга белайман.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2 кўчма с.т.** Бошдан-оёқ ўрамоқ, кийинтирмоқ; қошламоқ. *Шойига беламоқ.* ■ *-Вой, овсар, — деди энтикиб. — Мен сени зарга белаб қўяман, билдингми?* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ман ношуд болаларни оч, сизни кир-чирга белаб қўйиб, ўзим олтин-зар тақиб юрибман!* С. Нуров, Нарвон. *Кўёш ерни нурга беламай, Эркак кетди жангоҳга томон.* Х. Даврон, Қақнус.

**БЕЛАНГ** *фольк. айн. беланги.* *Бели-бели беланг от, Бели нозик курранг от.* «То-пишмоқлар».

**БЕЛАНГИ** I Бели майиб бўлган ёки оғир ишдан белини кўтара олмай қолган. *Беланги от. Оғир тош кўтариб, беланги бўла ёздим.* ■ *Йўқ-йўқ, ҳовлиқма! Бердисини айтгунча, кишини беланги қилиб қўйма тағин.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Беланги бўлиб қолувдим. Пидина [ялпиз] толқонига новот гулини қўшиб, кап отгандим, шу ёрдам бердим, шифо топдим.* С. Нуров, Нарвон.

**2 кўчма** Иқтисодий жиҳатдан кучсиз, ўтириб қолган; хонавайрон бўлган. *Бир нобон раис қўлида беланги бўлиб қолган бу колхозга Раҳимахон Исмоилова раис қилиб сайланди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БЕЛАНМОҚ** I **Беламоқ** I фл. мажҳ. н. *Ноилож бола яна бешикка беланди.* Ф. Расул, Тўнғич ўғил. *Бола онасига кўзи тушиши билан, беланган оёқ-қўлини питилатганча бўшатишга уринди.* «Ёшлик».

**2 Беламоқ** II I фл. мажҳ. н. *Қонга беланмоқ. Лойга беланмоқ. Чанга беланмоқ. Мойга беланмоқ.* ■ *Чол қора қонга беланиб, ерга чаллак бўлиб тушди.* К. Яшин, Ҳамза. *Энди у чанга беланиб, тупроққа ботиб юрган гўдак эмасди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Балчиққа беланган қўлларида бир даста бойчечак силкиниб-силкиниб келар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**3 кўчма** Қопланмоқ, чулганмоқ, тўлмоқ. *Катта бинолар пештоқда сон-саноқсиз лампочалар маржони порлади, арчалар нурга беланди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Осмон самовий нурларга беланиб, музайян бўлди.* «Шарқ юлдузи».

**4** Кийинмоқ; ўранмоқ, кўмилмоқ. *.. муқарриблар кимхобларга, хитойи шоҳларга беланиб киришди.* Ойбек, Навоий. *Оққа мунча беланибди у одам?* Ҳ. Олимжон.

**БЕЛАНЧАК** I Чақалоқларни ётқизиб овутиладиган ёки ухлатиладиган, аргимчоқдек ёки бешикдек тебратиладиган мослама. *Ойим эса беланчакка уланган инни ҳар замон-ҳар замон силкиб-силкиб қўяди.* М. Хидир, Қирғоқлар. *Четан девор ортидаги кўрғонча айвонида ёшигина жувон беланчак тебратиб, қўшиқ айтарди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**2 кўчма** Дунёга келиш учун сабаб бўлувчи, вояга, камолга етказувчи; аллаловчи нарса ҳақида. *Бахт беланчаги. Замин белан-*

чаги. ■ **Кетмасин бошимиздан асло бахт беланчаги.** А. Орипов. *Сенга алла айтди кекса самовот, Эгилиб заминнинг беланчагига.* Э. Воҳидов. *Ҳалигина ширин уйқунинг беланчагида аллаланилаётган жангчилар дув кўтарилиди, гўё сокин ўрмонда ногаҳон ўқ узилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**БЕЛАНЧАКСИМОН** Беланчакка ўхшаб кетадиган. *Беланчаксимон замбил ёнига чўнқайди.* С. Сиёев, Ёруглик.

**БЕЛАНҒИЧ** Тебранадаиган, айланадаиган. *Биринчи хонада давра стол ва 4–5 та юмшоқ стул, бурчагида беланғич кресло.* А. Ҳакимов, Илон изи.

**БЕЛАТ** [р. билет] с. т. Билет.

**БЕЛАТЧИ** с. т. Билет сотувчи ёки билет текширувчи. қ. **билетчи.**

**БЕЛАШМОҚ I** **Беламоқ I** фл. бирг. н. *Чақалоқни бешикка белашиди.*

**БЕЛАШМОҚ II I** **Беламоқ II** фл. бирг. н. *Улар мени қорга белашиди.*

**2 айн. беланмоқ 2.** *Ярим кечада.. бир оғилнинг охуридан [куёвни] қонга белашиб ётгани ҳолда топанлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕЛБОҒ I** Белга боғланадиган, тўрт-бурчак рўмол шаклидаги гулли ёки гулсиз, четлари тикилган мато парчаси; қийиқ, қийиқча. *Шоҳи белбоғ.* ■ *Нозим Зухранинг бошини аста силаб, ўз кўз ёшини белбоғи учига артди.* «Гулдаста». *У дўпписининг жиягини қайтариб, шоҳи белбоғ билан боғлаб олган эди.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Умуман белга белбоғ каби боғланадиган нарса. [*Шарофат:*] *Эшигимизга увада тўну чилвир белбоғ билан келган эдинг.* -*Нима билан чиқиб кетдим? [деди Сидиқжон].* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**3** Ҳар нарсанинг ўрта белидан ўтган фаразий чизиқ ёки ҳалқа; экватор. *Энди биз Ернинг белбоғидан ўтдик, Жанубий яримшарга кирдик.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Бу ердан ўтибди ернинг белбоғи, Беқасам тўн демак бу рангин диёр.* А. Орипов.

**4** кўчма Қувват, мадор, кўмакдош. *Ошман – белбоғим.* «Қанотли сўзлар». -*Нега ташлаб кетаман буни, – деди кампир, келиннинг сўзини рад қилиб, – Белимнинг белбоғи энди бу.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Мен бораман элима, алла, болам, Белбоғлар бергин белимга, алла.* «Бойчечак».

**Белбоққа ёлчимаслик** Бойимаслик, бири икки бўлмаслик. *Бўзчи белбоққа ёлчимас,*

*кулол – мўндига: эшитганмисан? Ойбек, Танланган асарлар. Водопровод бор-у, бўзчи белбоққа ёлчимас дегандек.. Қоратена, Панжикент кўчаларидаги кранларда сув йўқ. «Муштум». **Белбоғ ечилмай** Қийинчиликсиз, тезда. *Сиз тикилган иш белбоғ ечилмай битади. Ҳаммага қоронғи бўлса ҳам, менга аён.* Ҳамза, Танланган асарлар. **Белингда белбоғнинг борми?** Йигитмисан? Йигитлик гуруринг борми? [*Хонзода Гофирга:*] *Белингда белбоғнинг борми? Қандай шарманда, худо урган эркаксан? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Одамларни ҳашарга айтиб қўйди.* *Белида белбоғи бори келаверади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

**БЕЛБОҒЛИИ** Белида белбоғи бўлган, белбоғ боғлаган. *Қизил шойи белбоғли йигит.*

**БЕЛБОҒЛИК** Белбоғ учун яроқли ёки етарли. *Бир белбоғлик газлама. Белбоғлик шоҳи.* ■ *Найкамалак деҳқон белида, Белбоғликка ярайди арқон.* Абдулла Шер, Қадимги куй.

**БЕЛБУРМА** Бел қисми (бели) бурмалаб тикилган; бели бурмали. *Заргаровнинг қабулида белбурма бахмал камзул кийган дилбаргина бир жувон ўтирарди.* А. Мухтор, Асарлар.

**БЕЛГИ I** Таниб олиш, кўрсатиш ёки фарқлашга хизмат қилувчи нарса; нишон, аломат; тамга. *Йўқолган боланинг белгилари. Фабрика белгиси. Белги қўймоқ. Белги солмоқ. Белги бўлса, йўлдан адашмас, Ақл бўлса, сўздан адашмас.* «Ақл ақлдан қувват олади». *Яхши хотин белгиси – хиром қилар терини, Ёмон хотин белгиси – ерга буқар эрини.* Мақол. ■ *Инсонлиқнинг энг дастлабки белгиси меҳнатсеварликдир.* Газетадан.

**2** Бирор маъно, мазмун ёки миқдор ифодалайдиган график аломат, ишора. *Сўроқ белгиси (тли.). Тенглик белгиси (мат.). Нота белгилари. Тиниш белгилари (тли.) Товушларнинг график белгиси. Кимёвий элементларнинг белгилари. Стенография белгилари.* ■ *Кирди-ю, эшик олдида сўроқ белгиси бўлиб тураверди.* «Ёшлик». *Олисида оқ қобирғали улкан кемалар кўринади. Ундан берироқда чекловчи белгилар – қизил байроқчалар липиллаб турибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**3** Нарса, воқеа-ҳодисаларнинг ўзига хос хусусияти, сифати. *Буюмларнинг сифат ва хусусиятлари логикада белгилар деб аталади.* «Логика». *Ҳада отнинг бирор белгисини бил-*

дириб, «қандай?», «қанақа?», «кимнинг?», «ниманинг?», «нечанчи?» каби сўроқларга жавоб бўлиб келган иккинчи даражали бўлак аниқловчи деб аталади. «Ўзбек тили дарслиги».

**4** Ички кечинма, ҳолатдан, касалликдан далолат берувчи ташқи аломат; рамз. *Сукут* – розилик белгиси. Мақол. *Бахт белгиси* – билим. Мақол. ■ *Содда муомала яқинлик ва меҳрибонлик белгисидир!* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. [Гулнорнинг] *Думалоқ қора кўзларида яширинган алам-ҳасрат белгисини Адолат дарров пайқаб олди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Равно табассум билан жавоб берди ва унда бир оз қизариниш белгиси бор эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Эрининг бу жасоратига қарши Офтоб оймининг юзига ризосизлик белгиси чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Касалликнинг [тепкининг] асосий белгиларидан бири қулоқ атрофи ва жағ суюқларининг оғришидир.* «Саодат».

**БЕЛГИЛАМОҚ 1** Белги қўймоқ; белги, аломат қўйиб, таниқли қилмоқ, ажратмоқ. *Ислоҳотда ўзимга теккан ерни белгилаб, қозиқ қоққанымда.. кўп нарсаларни мўлжаллаб қўйган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**2** Бирор шартли аломат, ишора билан ифодаламоқ. *Номаълум сонни «х» билан белгилаймиз.* Буйруқ мазмунини ундов белгиси билан белгиламоқ.

**3** Бирор хусусияти, кўриниши ва ш. к. га асосан аниқламоқ, фарқламоқ. *Қирқ ёшлардаги бир киши кирди. Қодир бу одамнинг афтидан касб-корини белгилай олмади.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**4** Олдиндан чизиб, режалаб, тайин қилиб қўймоқ. *Мажлис кунини белгиламоқ. Тўй кунини белгиламоқ.* ■ *Ҳукуматимиз Наврўз кунини дам олиш куни этиб белгилади.* Газетадан. *Соат олтига белгиланган тўй соат ўндан ошганда бошланибди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Йиғилиш жуда қисқа бўлганига қарамай, одамлар белгиланган вақтдан анча эрта тўпландилар.* С. Кароматов, Олтин кум.

**5** Бирор мақсад учун мўлжалламоқ, танламоқ, кўзлаб қўймоқ. [Ҳасанали] *Миниб кетиш учун Қутидорнинг саман йўрғасини белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Холида анча айланиб юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.* С. Аҳмад, Сайланма.

**6** Ишга, мансабга қўймоқ, тайинламоқ. *Директор қилиб белгилади.* ■ *Мусулмонқул.. қўй каби ювош Тошкент ҳоқими Саримсоқбекни ўлдириб, ўрнига Азизбекдек зolimни белгилади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Хусайн Бойқаро] *Жилонғорга Валибекни, Мирзойи Кичик ҳам Ислим барлосни сардор белгилади.* Ойбек, Навоий.

**БЕЛГИЛАНМОҚ** Белгиламоқ фл. мажҳ н. *Белгиланган вақтда. Белгиланган тартибда.* ■ *Халқимизнинг куч-қудрати чин дўстликни қадрлаш билан белгиланади.* Газетадан. *Кема эскадрасининг тезлиги ундаги энг секин сузадиган кеманинг тезлигига қараб белгиланади.* Газетадан.

**БЕЛГИЛАШ** Белгиламоқ фл. ҳар. н. Тўй вақтини белгилаш. *Раис белгилаш.* ■ *Мен хотин-қизлар учун ҳам бир нарса белгилашни сўрайман.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ. *Анварнинг тўйларини қилмоқ ниятимиз бор эди.. деб тўғридан-тўғри фақат тўй вақтини белгилашни сўраши Султонали мирзога яна бошқа сирларни англаган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**Белгилаш олмоши тлш.** Нарса ёки белги ўрнида қўлланиб, уларни ажратиб, таъкидлаб ва умумлаштириб кўрсатадиган олмош, мас., *ҳар, ҳар ким, ҳар нарса, ҳар қандай.* ■ *Предметларни белгилаш учун қўлландиган олмошлар белгилаш олмоши дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**БЕЛГИЛИ 1** Нима экани аниқ кўриниб турган; белги қўйилган, белгиси, нишони бор; таниқли. *Белгили жой. Белгили қалам.* ■ *Отабек китобни белгили қилиб ёпди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унга бир рўмол ўраб, белгили қилган ерим йўқ эди.* «Ёдгор».

**Белгили қаратқич тлш.** -нинг қўшимчасини олган қаратқич, мас., *мактабнинг қоровули.* ■ *Баҳорда очилган боғнинг гулсан..* «Нурали».

**2** Маълум, аниқ; белгиланган, муайян, тайинли. *Белгили тартибда. Белгили вақтда. Пайшанбанинг келиши чоршанбадан белгили.* Мақол. ■ [Сафар чўтир] *Тушининг узук-юлук гапларини бир-бирига улаб, белгили маъно чиқаришга тиришарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Оталар учун бундай гаплар унчалик ёмон таъсир бермаса-да, хотинларга қандай асар қилиши белгилidir.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Машхур, таниқли. *Белгили одамлар.*

**БЕЛГИЛОВЧИ 1** Бирор белги, хусусиятни аниқлаш билан шугулланувчи (шахс). *Мол (товар)нинг сифатини белгиловчи бўлиб ишламоқ.*

**2** Нималигини, қандайлигини аниқ белгилаб, кўрсатиб берувчи; ҳал қилувчи. *Белгиловчи омиллар. ■ Киши характерини белгиловчи омиллардан бири – унинг нутқи[дир].* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Достон ва терма жанри бахшилар репертуарини белгиловчи жанрлар бўлиб, улар ҳаммавақт ўзларининг етакчи хусусиятларини сақлаб келади.* «ЎТА».

**БЕЛГИСИЗ 1** Нималиги, қандайлиги аниқ ифодаланмаган; белги қўйилмаган, ишораси йўқ, таниқли эмас. *Бу моллар дўконга белгисиз келди. Сўзлашувдан.*

**2** Номаълум, тайини йўқ, тайинсиз. *Келин-куёв ўз тўйларидан бенасиб бўлиб, белгисиз ёққа кетиб боришар эди. С. Сиёев, Аваз. У бу уйга яна қайтиб келаманми ё шу кетганча белгисиз йўлда дарбадар кезаманми, деган фикрни бошдан ўтказарди. С. Аҳмад, Ҳукм. Ногоҳ энтиқди-ю, эгилди камон, Ўқ учди белгисиз ёқларга томон. А. Орипов.*

**Белгисиз қаратқич** тлш. -нинг қўшимчасини олмаган қаратқич, мас., *мактаб директори, қишлоқ оқсоқоли.*

**БЕЛДАМЧА** шв. **1** Белга ичдан боғлаб олинадиган иссиқ (одатда пахтали) белбоғ.

**2** Бирор нарсага кўндалангига, белига қўйиладиган, ўрнатиладиган нарса. *...ҳар ўтовнинг белдамчаси кимхобдан.. керагаси кумушдан, остонаси тиллодан, бўсағаси ёқутдан.. Усмон бахши Мамад ўғли, Бўтақўз.*

**БЕЛДОВ** шв. **1** Тикилган ўтовнинг белидан ўраб боғланган арқон. *Уйни сулув кўрсатади оқ белдов ҳам бўсағаси.* «Кўшиқлар». *Куйамон алп отдан тушиб, отни уйининг белдовига илдириб.. ичкарасига кирди. С. Раҳимов, Алп.*

**2** Бешиқнинг тепа қисмидаги ёғоч. *Чақалоқ бирдан тушган ёруғликдан кўзларини пирпиратиб, аввал бешик белдовидаги кўзмунчоққа, сўнг юзига бармоқ теккизган Муаззамхонга қаради. «Ёшлик».*

**БЕЛДОР 1** сфт. Бели йўғон, бели бақувват; кучли. *Жўра.. аскарнинг юкини олиб.. белдор эшакка илдам ортиб.. пиёда кетди. Ойбек, О. в. шабадалар. Йўғон Усмон мироб – барваста, белдор, Соқол кўксиди, кўзлар катта, хушёр. Ҳабибий.*

**2 от. тар.** Белкурак билан ишловчи; бел билан қуролланганлар. *Қўрғон ҳимоячилари дўлдек ёғаётган тошдан ва ўқлардан сақланиш учун ўзларини панага олган пайтларида.. белдорлар хандақнинг анчагина қисмини тўлдириб ташладилар. М. Осим, Ўтрор.*

**БЕЛИЛА** [*р. белый – оқ, оқ рангли*] Барча турдаги бўёқларга ва эмалларга қўшиладиган оқ бўёқ. *Қўрғошинли белила. Рухли белила. ■ Юқорида айтиб ўтилганлар ичида рухли ва титанли белилалар кўп ишлатилади.* «ЎЗМЭ».

**БЕЛКАШ** Пахсачининг бел билан лой отиб бериб турувчи ёрдамчиси. *Белкаш бақувват бўлса, иш унади.*

**БЕЛКУРАК** айн. бел **II.** Ҳар хонадоннинг томида қум тўлатилган яшиқ, ёнида белкурак, чангак ва қизилга бўялган челақ бор. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Иш қанча оғир бўлмасин, бари бир кетмон, белкурак асосий иш қуроли бўлиб қолади. С. Аҳмад, Уфқ.*

**БЕЛЛАДОННА** [итал. belladonna – гўзал хоним, соҳибжамол] **1** бот. Томатдошлар (итузумдошлар) оиласига мансуб кўп йиллик заҳарли ўт. *Белладоннанинг ҳамма қисми алкалоидларга бой.* «ЎЗМЭ».

**2** Ўша ўтдан тайёрланадиган дори. *Овқатдан олдин ва кейин кодеин, белладонна, валериан томчиси каби дорилар берилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

**БЕЛЛАШМОҚ 1** Бел олишмоқ, куч синашмоқ (курашда, жангда). *-Қани, бахташ таваккал. Ўртоқ Дўсमतов билан бир белашиб қўяй, – деди Мели полвон. П. Турсун, Ўқитувчи. Кураш майдонига тушган полвон – эр Беллашиб олмоққа ҳариф чақирар.. М. Шайхзода, Тошкентнома.*

**2** Мусобақалашмоқ, ким ютар (ўзар) ўйнамоқ. *Шу кунги футбол майдонларида ҳам қизиқарли беллашувлар ўтказилди. Газеталан. Каналда не-не полвонлар беллашмади, не-не одамлар ўзини кўрсатмади.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Куйди-пишди йигит Мўминов ўз устози билан беллашмоқда. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**БЕЛЛАШУВ** Мусобақа, кураш. *Беллашувга чақирмоқ. Беллашувни бошламоқ. Бизнинг синф беллашувда ютиб чиқди. ■ Беллашувга келган созандалар ҳаммаси бўлиб 57 киши. Газетадан.*

**БЕЛЛЕТРИСТ** Беллетристик асар ёзувчи адиб, насрий асарлар муаллифи.

**БЕЛЛЕТРИСТИК** Беллетристикага, насрга оид. *Беллетристтик асар.* ■ *Шу нарса аниқки, очеркнинг.. баъзи намуналари ҳикоя ва қисса каби соф беллетристик жанр намуналарига ўхшайди.* «Шарқ юлдузи».

**БЕЛЛЕТРИСТИКА** [фр. belles lettres — гўзал, нафис адабиёт] Наср билан ёзилган бадиий адабиёт (роман, қисса, ҳикоя ва бошқалар). *Мемуарларда ҳам, беллетристикада ҳам, афсуски, тарихий ҳақиқатдан айрим чекинишлар руй бермоқда.* Газетадан. *Ҳақиқатан ҳам очерк бадиий-публицистик жанр бўлиб, унда беллетристика элементлари публицистика элементлари билан узвий бириккан ҳолда учрайди.* «ЎТА».

**БЕЛЛИ I** Дангал, фойдали, мазмунли. *Элик гапдан белли гап яхши.* Мақол.

**БЕЛЛИ II:** марал белли, қиз белли Марал (кийик)нинг, қизнинг белига ўхшаш, нозик. *Йилқи ичинда ўзи келган синлидир, Тубичоқ туёқли, марал беллидир.* «Муродхон». *Ос-тимга минганим қиз белли тулпор.* «Маликаи айёр».

**БЕЛЛИК I шв.** Жазикнинг остига кўйиладиган от абзали. *Чиргининг устидан кўйди белликни, Белликнинг устидан жаҳалдирикни.* «Ширин билан Шакар». *Омборхонадан от абзалларини — терлик, беллик.. қуюшқон, юган, узангили эгарни қўлтиқлаб келдим.* «Ёшлик».

**2 шв.** Белбоғ. *Белига беллик, қўлига қўллик, тўшига чоройна, бошига дубулға кийди.* «Нурали».

**3 махс.** Арава гилдираги тўғинининг икки учи бирлашган жойни қисиб турадиган иккита параллел кегай.

**БЕЛМА-БЕЛ I** : белма-бел олишмоқ айн. бел олишмоқ қ. бел I **5.** *Белма-бел олишса, ажрим бўлади. Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.* «Алпомиш». *Белма-бел олишди бу икки шерлар, Шудгор бўлиб кетди олишган ерлар.* «Баҳром ва Гуландом».

**БЕЛОРУС I** Белоруссия мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи. *Концертда рус, украин, белорус, ўзбек, қозоқ, грузин, тожик, марийдан иборат саккиз миллат иштирок этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** Шу халққа мансуб, тегишли. *Белорус аёл.* *Белорус адабиёти.*

**БЕЛОРУСЛАР** Белоруссия Республикасининг (туб) аҳолиси, белорус халқи.

**БЕЛОРУСЧА I** Белорус санъати ва маданиятига, белорусларга оид. *Белорусча рақс.* *Белорусча кийим.*

**2** Белорус тили. *Белорусчага таржима қилмоқ.* *Белорусча гапирмоқ.*

**БЕЛУГА** [р. белый — оқ, оқ рангли] Осётрсимонлар оиласига мансуб, ярим ой шаклидаги катта оғизли оқ балиқ.

**БЕЛУЖ** этн. Асосан Эрон, Афғонистон ва Покистонда яшовчи, эроний тиллар гуруҳига мансуб тилда сўзлашувчи халқ ва шу халқ вакили. *Белуж халқи.* *Белуж тили.* *Белуж рақси.* *Белуж аёл.*

**БЕЛУХА** зоол. Дельфинсимонлар оиласига мансуб сутэмизувчи ҳайвонларнинг ягона вакили; йирик дельфин.

**БЕЛЧА I** Бел II с. кичр. шакли. Сабзавот экинларини ўташ, тагини юмшатиш учун ишлатиладиган ёғоч дастали кураксимон темир асбоб.

**2** Пойафзалга мих қоқилганда, ичидан тешиб чиқадиган михларни қайтариш («ўлдириш») учун ишлатиладиган асбоб.

**3** Тикилаётган оёқ кийимлар (этик, маҳси, кавуш) тағчарми, пошна дастагининг ортиқча жойини кесиб ташлаш учун ишлатиладиган асбоб. *Унинг отаси — Обидхўжа вофурушни дегрезлик уста Турдиали деган бир маҳсидўз белча билан чавақлаб ўлдирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**4** Тунукасослик ва темирчиликда: қўрага кўмир солиб туриладиган темир куракча. *Белча билан кўмир ташламоқ.*

**БЕЛЧАЛАМОҚ** Белча билан юмшатмоқ; чопмоқ. *Қулуннайни белчаламоқ.*

**БЕЛЧИ** айн. белкаш. *Оқтанги қишлоғи қабристонининг пахса деворига қўли теккан. Манман деган белчиам бас келолмайдиган пахсачи Аҳмад кўчакка лой олиб берган.* «Ёшлик». *..девқорға кўнғилдаидек лой узатиб турадиган белчи ягона.. У ҳам бўлса, Эргаш даканг.* «Ёшлик».

**БЕЛЬВЕДЕР** [итал. belvedere — кўркам манзара] Бино усти ёки баланд жойга призма ёки доира шаклида, баъзан гумбазли қилиб қурилган алоҳида хона.

**БЕЛЬГИЯЛИК** Бельгиянинг туб аҳолиси. *Бельгиялик аёл.* *Бельгиялик киши.*

**БЕЛЬТИНГ** [ингл. belting — ҳаракатлантириш тасмаси] Транспортёр, элеватор ленталари ва резиналанган қайишлар тайёрланадиган оғир ва пишиқ газлама.

**БЕЛЬЭТАЖ** [фр. bel – чиройли, etage – қават, ярус] Томоша залида партер ва амфитеатр устига қурилган, ўриндиқлар қўйилган айлана пешайвон, биринчи ярус.

**БЕЛЎРОҚ** Ўтти тик туриб ўришга мўлжалланган узун сопли катта ўроқ. [Уета] Ўроқ, пойтеша, белўроқ, узанги.. кўпроқ отларга нағал ясарди. А. Суюн, Олис тонглар.

**БЕМАВРИД** [бе.. + маврид] рвш. 1 Номақбул пайтда; бемаҳал, бевақт. *Бемаврид келган меҳмон. Эшик бемаврид тақиллади.* ■ *Бемаврид бўлса ҳам, келавердим. Мирмуҳсин, Умид. Бемаврид ярасига туз сепганидан афеусландим.* «Ёшлик».

2 Ўринсиз, ноўрин. *Кечирасиз, ўртоқжон, бемаврид ҳазил қилибман.. Қаердансиз? А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Козим бемаврид қизишганини, Назар билан хотиржам гаплашиши зарурлигини сезди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

**БЕМАДОР** [бе.. + мадор] айн. **мадорсиз.** *Уст-боши йиртилган сонсиз чоракор, Меҳнат, алам даштида кезар бемадор. Ғайратий. У [Абдулла Саид] чўпдек озиб, бемадор бўлиб қолган. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.*

**БЕМАДОРЛИК** Куч-қуввати камлик, дармонсизлик, кучсизлик. *Онажон, ҳозир етмиш икки томирингизда ёшлик қони югуради, сиз бемадорликдан, кам қувватликдан.. бари-баридан халос бўласиз.* «Ёшлик».

**БЕМАЖОЛ** [бе.. + мажол] Мажоли, кучи, дармони кам, ҳолдан тойган; кучсиз. *Бемажол кампир.* ■ *Салимхоннинг юраги кўрқинч бир нарсани сезиб, оёқларидан мадор кетди, креслога бемажол ўтирди. Ҳ. Фулом, Машғал. Ҳафиза шу кундан бошлаб кўрпача қилиб ётиб қолди, у негадир бемажол ва берух эди. Мирмуҳсин, Умид.*

**БЕМАЖОЛЛИК** Дармонсизлик, кучсизлик. *Мунисхон бирдан орқага тисарилди. Юраги қаттиқ ўйнаб, бемажоллик билан олдинга тикилди. С. Зуннунова, Излар.*

**БЕМАЗА** [бе.. + маза] 1 Оғизга хуш ёқмайдиған, таъми ёмон; таъмсиз, лаззатсиз. *Бемаза овқат. Бемаза тарвуз. Бемаза қовуннинг уруғи кўп. Мақол.* ■ *Касалга асал ҳам бемаза бўлиб кўринади. «Қанотли сўзлар». Йўлчининг тақачи ошнаси Қоратой оч қорини бемаза мошхўрдага тўлдириб.. совуқ уйда хомуш ўтирар эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Оғзи бемаза** 1) оғзи овқатнинг мазасини, таъмини сезмайдиган (баъзи касалликлар

сабабли). *Сидиқжон, гарчи ҳануз оғзи бемаза ва боши оғирроқ бўлса ҳам.. кампирнинг меҳрибончиликлариданми, кўнгли кўтарилиб, жуда энгил тортиди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) беадаб гапларни кўп гапирадиган; чакки оғиз. Оғзи бемаза одам.*

2 **кўчма** Бадийий заиф, эстетик завқ бера олмайдиган; бемаъни, сийқа. *Бемаза асар.* ■ *Бемаза китобни-ку жонга теккан жойда шартта ётиб қўйса бўлар, бироқ умр китобини-чи? Х. Султонов, Онамнинг юрти. Бунақа бемаза суратларнинг авторлари институтда кўп эмас. «Муштум».*

3 Ярамас, ёқимсиз, бемаъни, ёмон. *Бемаза одам.* ■ *-Акам бемаза чиқди-да, деди Ҳамид Мунаввара. С. Анорбоев, Меҳр. Бемаза қизнинг бўлмас ҳаёси.. «Гулихиромон». Э, бунақа бемаза телевизорни сотиб юборинг. «Аския».*

4 Одоб-ахлоққа хилоф, одобдан ташқари; беҳуда, бекорчи. *Бемаза қилиқлар. Бекорчидан бемаза гап чиқади. Мақол.* ■ [Гулшан:] *Бемаза гапларни қўйинглар, ухлайлик! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**Бемаза қилмоқ** 1) мазасини, туз-намани меъёрда қилмаслик; 2) таъбини хира қилмоқ, жонига тегмоқ, тинчини бузмоқ. *Аммо шаллақи бир кампирнинг уйида тураман; кўп бемаза қилаётир-да. А. Қаҳҳор, Сароб. Айниқса тўриқ тойча тутқич бермай, Мирвали аканинг бемазасини бешта қилади. А. Қодирий, Обид кетмон; 3) тобини қочирмоқ; баттар қилмоқ. Иситма жуда бемаза қилди.*

**БЕМАЗАГАРЛИК** айн. **бемазагарчилик.**

**БЕМАЗАГАРЧИЛИК** Бўлмағур иш, ножўя хатти-ҳаракат; номаъқулчилик. *Бу қанақа бемазагарчилик! Ошдан пашша чиқди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Ҳалол, пешона тери билан топилган пула бунақани бемазагарчилик қилинмайди, албатта. Газетадан.*

**БЕМАЗАЛАШМОҚ** 1 Одоб-ахлоқ чегарасидан ташқари чиқмоқ; ёмонлашмоқ. *Ишлар бемазалашиб кетди.* ■ *Ҳури.. аскияда ҳеч қачон бачканалашиб бемазалашмас, мегёридан ўтиб кетмасди. Ф. Мусажонов, Ҳури.*

2 Суюқлашиб, сийқалашиб кетмоқ. *Санъатнинг бемазалашуви.*

**БЕМАЗАЛИК** 1 Таъми, мазаси йўқлик; мазасизлик, таъмсизлик. *Бемазалигидан оғизга олиб бўлмайди.*

2 Бўлмагур иш, ножўя хатти-ҳаракат. *Бемазалик қилмоқ.* ■ Яқин бўлиб бемазалик чеккандан, олис бўлиб интизорлик яхшидир. «Кўшиқлар». *Тарғилойнинг гапи ҳақ. Сенинг ўзинг бемазалик қилиб юрибсан, аблаҳ!* «Муштум».

**БЕМАЗАЧИЛИК** с.т. айн. **бемазагар-чилик.** *Бекорчилик* — бемазачилик. Мақол.

**БЕМАКОН** [бе.. + макон] Бошида уйи, ватани йўқ; турар-жойсиз, бошпанасиз. *Бизлар ҳозир юрт устида қаландар, Бемакон, бенаво бўлган дарбадар. «Ширин билан Шакар». Бир бошимга раҳм қилди Қодир ўзи, бемакон.* «Нурали».

**БЕМАЛОЛ** [бе.. + малол] *рвш.* 1 Малоллик, ўнғайсизлик сезмай, тортинмай, ёзилиб; эркин, баҳузур. *Майли, хафа бўлманг. Аям билан бемалол тураверасиз. С. Зуннунова, Гулхан. Бемалол ёзилишиб ўтиринглар! Ёмон кўрганам — ёшларнинг суҳбатига қариларнинг суқилиши. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. Клара аёлларга хос чиройли ҳаракат билан сочини орқасига ташлаб юборди. Кейин ўз эри олдида тургандай бемалол ечина бошлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

**Бемалол бўлса** *крш. с.* Малол келмаса, малоллик қилмаса. [Фотима домлага:] *Келинг, домла почча! Бемалол бўлса, ана шу турган стулни менинг яқинроғимга қўйиб ўтиринг. Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Қўшни, бемалол бўлса, бизни холи қўйсангиз!* Уйғун, Асарлар.

2 Бамайлихотир, хотиржам; шошилмай. *-Хўп, майли, — деди Ўрмонжон, — бўлар иш бўлиб ўтибди. Энди бемалол, бежавотир ишлай беринг. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Девор тагида катта сигир бошвоғини ерга ёйиб, бемалол кави қайтариб ётарди. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Тўсқинликка учрамай, бежавотир, осон, хавфсиз. *Эрталаб кўприк бошқатдан қилинди, энди ҳар қандай оғир юк билан бемалол ўтса бўларди. А. Мухтор, Опасингиллар. Орасидан қўқонарава бемалол юрадиган кенг, узун ишкомлар икки танобдан мўлроқ ерни ишғол этган. Ойбек, Танланган асарлар.*

4 Аниқ, яққол. *Алим бува юқоридаги қийғоч тешиқлардан қаради. Ҳамма ёқ бемалол кўринарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Юпқа капрон кўйлақдан елкасидаги*

*хуснбузарлари бемалол кўриниб турибди. С. Аҳмад, Сайланма.*

5 Тўлиқ равишда, бекам-кўст; етарли. *Жой ҳаммага бемалол етади.* ■ [Ернинг] *Ярмига сабзи, ярмига картошка экасан. Шу билан қишлигимиз бемалол чиқади. Ойбек, Танланган асарлар.*

6 Ўтакетган бепарво, ғам-ташвишсиз киши ҳақида. *Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол.* Мақол.

**БЕМАСЛАК** [бе.. + маслак] Бирор аниқ мақсадга, нуқтаи назарга эга эмаслик, ғоясиз. *Ахир ким кечирар бизни, биродар, Бемаслак қолдирсак, жон деб дунёни?! У. Кўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё.*

**БЕМАСЛАҲАТ** [бе.. + маслаҳат] Бошқалар билан кенгашмай қилинган; маслаҳатсиз. *Маслаҳатли иш битар, Бемаслаҳат иш кетар. «Луқмони Ҳаким». -Иншоолло! — деди Загҷакўз ва яна уқтирди: -Асло биздан бемаслаҳат иш қилманг, Мадаминбой. -Албатта, албатта, тақсир! П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БЕМАШАҚҚАТ** [бе.. + машаққат] Қийинчиликсиз қилинган, осон, машаққатсиз. *Бемашаққат иш. Бемашаққат пул топмоқ.*

**БЕМАШВАРАТ** [бе.. + машварат] *кт.* кам қўлл. Кенгашмасдан, келишиб олмасдан, маслаҳат қилмасдан. *Улардан бемашварат иш қилинмагай.* Ойбек, Навоий.

**БЕМАЪНИ** [бе.. + маъни] 1 Одоб-қоида дойрасидан ташқари; маъноси, мазмуни йўқ; маъносиз. *Бемаъни жумла.* ■ *Кишининг бемаъни гаплардан ўзини тийиши унинг мўминлиги нақадар чиройли эканлигидан далолат беради. «Фан ва турмуш». Унинг бемаъни жавдираган кўзларида ҳали ҳам қандайдир ҳусн сақланиб қолган эди. С. Зуннунова, Гулхан. Талғат биринчи курсданоқ Ҳамида деган қизни суюб қолган, шу қиз бўлмаса, дунё кўзига қоронғи, бемаъни кўриниб кетарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

2 Қуруқ сафсатадан иборат бўлган; ҳақиқатга мулақо зид; асоссиз; кераксиз, беҳуда. *Ҳа, бугун ҳам анча бемаъни суханбозлик қилди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. -Қанчалик бемаъни, қанчалик бемаъни ўйлар! — юзини кафти билан бекитиб жилмайди Шербек. С. Анорбоев, Оқсой. Бу айб шунчалик уйдирма ва бемаъники, прокуратура ходими-га батафсил жавоб бериб ўтиришни лозим топмадим. О. Ёқубов, Излайман.*



3 Одоб-ахлоқдан ташқари, ярамас; бемаза, бўлмагур. *Бемаъни қилиқлар.* ■ *Асалнинг шунақа бемаъни ишлари кўплигидан биз ҳам.. куйиб ётибмиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хотинларнинг бемаъни қийчуви.. ҳамма ёқни тутди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмад ҳам жилмайди.* У бемаъни қаҳқаҳани, мунофиқона ҳиринглашларни ёмон кўрарди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.

4 Ножўя, бемаза ишлар қиладиган, ёмон, ярамас; бўлмагур. -*Ҳози эшон ҳузурингизда экан!* — деди махдум, — ўзи кўп бемаъни одам. *Зиёфат-миёфат деб, яқин бир соат вақтимни олди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЕМАЪНИГАРЧИЛИК** Кишига номуносиб, одобдан ташқари хатти-ҳаракат; бемазагарчилик, номаъқулчилик. *Бошиқларга ҳам ҳайронсан-да, айрим кишиларнинг шунақа бемаънигарчилигини кўрабила туриб, индашмайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**БЕМАЪНИЛИК 1** Одоб қоидаларига сифмаслик; номаъқуллик; ножўялик. *Шу қисқа умрни ҳам дағалик, бемаънилик, ярамас хулқ-атвор билан ўтказиш одамга жуда алам қилади.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Ядро урушининг бемаъничилигини яхши тушунувчи олимларнинг овози бузун бутун планетада баралла янграмоқда.* Газетадан.

2 *айн. бемаънигарчилик.*

**БЕМАЪНО** [бе.. + маъно] юқ. усл. айн. **бемаъни 1-3.** *Бектемир[га].. атрофдаги ҳамма нарса аллақандай бемаъно, ноўрин, робитасиз туюларди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Содиқ чўпонни келтиришганида, у гоҳ ўзига келар, гоҳ яна оғзидан кўпик чиқариб, бемаъно кўзларини шипга тикканча чақчайиб қоларди.* «Ёшлик».

**БЕМАЪРИФАТ** [бе.. + маърифат] Илму саводдан бебаҳра; таълим кўрмаган, чаласавод. *Эй, бемаърифат эшон! Эшон бўлмай қол, афв қилмоқ — худога, осий бўлмоқ бандага хос.* Ҳамза, Заҳарли ҳаёт. *..ўзимиз мадраса кўрмаган бўлсак ҳам, бемаърифат эмасмиз.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БЕМАҚСАД** [бе.. + мақсад] Бирор орзу ёки ниятга қаратилмаган ёки интилмаган; мақсадсиз. *Бемақсад юриш. Беҳуда, бемақсад ўтган умр.* ■ [Темиржон] *Сершовқин, серқатнов йўлка бўйлаб бемақсад, беихтиёр борар экан, ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка*

*уринарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Бемақсад одамдир — асли ўликдир.* «Нурали».

**БЕМАҲАЛ** [бе.. + маҳал] 1 *от* Кеч тун пайти. *Пирим бойваччаникидалар. Бемаҳал бўлиб қолганидан, ўша ерда тунаб қоладиган бўлдилар.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Ҳожи унинг қўлини олар экан, ўрнидан турди: —Энди мен кетай, бемаҳалга қолмай, — деди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 *рвш.* Номувофиқ, номақбул, ўринсиз пайт. *Бировнинг уйига боқма, бемаҳал эшикни қоқма!* Мақол. ■ *Дехқонлар билишадики, бемаҳал [ёққан] ёмғир гўзага шира тушириб юборади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Бемаҳал даштликка кўтардингиз қўл.* «Ёшлик».

3 *Жуда эрта, ёшлик пайтда; одатдаги вақтдан олдин.* *Бемаҳал бўлмасин ҳеч кимга ўлим, Отим Аваз, Булдур қассоб улиман.* «Гулихиромон». *..инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Вақти бемаҳал айн. вақт-бевақт қ. вақт.**

**БЕМЕРОС** [бе.. + мерос] 1 Мероссиз; меросга эга бўлмасдан. *Мероссиз қолмоқ.*

2 Бирор фойда кутмасдан, тамағирликсиз. *Одамлар бор — падарин мазориди йиғнаб бож, Бемерос йиғламас — тама бор аъмолида.* А. Орипов, Ўртим шамоли.

**БЕМЕЪЁР** [бе.. + меъёр] Одатдаги, белгиланган ўлчовдан ташқари; ортиқ; ўринсиз; бевақт, қутилмаганда. -*Кетишинг бемеъёр бўлди-да, яхши боргин, — деб ўрдага қараб ўтиб кетди.* «Маликаи айёр». *Бемеъёр оғир юкни Бўрибойли нор келтирар. Бошингдаги мушкул ишни Олтин, кумуш, зар келтирар.* «Оқ олма, қизил олма».

**БЕМЕҲР** [бе.. + меҳр] Меҳрибонликни билмайдиган; раҳмсиз, шафқатсиз. *Бемеҳр қариндошдан меҳр билган ёт яхши.* Мақол. ■ *Нафиса йиғлади-ялинди, ялинди-йиғлади.. Лекин Аъзамнинг бемеҳр кўнгли юшмади.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

**БЕМЕҲРЛИК** Раҳм-шафқатсизлик, меҳри йўқлик. *Бу оғирликни [ҳижронни] Бобур унчалик сезмаётгани Ойша бегимга худди бемеҳрлик нишонасидек туюлди..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БЕМИННАТ** [бе.. + миннат] 1 Қилган иш, яхшилиги учун миннатдорлик талаб этмайдиган; миннат, тама қилмай. *Элик-боши унинг ҳуснига маҳлиё бўлибди дейсизми,*

унга беминнат хизматкор керак. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Малоҳат буларнинг ҳаммасига яхши тушунади ва беминнат хизмат қилади.* «Ишчилар».

**2** Фақат фойдаси тегадиган, аммо бунинг эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган; қулай; арзон. *Электр энергияси ҳожатбарор, қудратли, беминнат кучдир.* Т. Аҳмедов, Ҳотамтойлик. *Илм-ҳунар шундай беминнат мулкки, одамга ҳеч қачон уларнинг оғирлиги тушмайди.* Р. Усмонов, Одобнома.

**Дастёри беминнат** Миннатдорлик талаб қилмайдиган дастёр, кўмакдош (одатда дастёрликка яраб қолган ўз фарзандлари ҳақида).

**БЕМИСЛ** [бе.. + мисл] *кт. айн. мислсиз.* *Атторнинг уйида кўрганман, рақси бемисл, эсингдами? Ойбек, Улуғ йўл. Буларнинг барчаси — ..қаламининг сеҳрли қудрати туфайли, бемисл жозибаси туфайли содир бўлади.* «Ёшлик».

**БЕМИСОЛ** [бе.. + мисол] Ўхшаши йўқ, тенгсиз; ҳалсиз, ҳалдан ташқари. *Гуноҳинг оғирдир, бемисол дардинг, Шоирнинг малаги, гўзал Наталья.* Газетадан. *Орзулари осмондай тиниқ, Бағри денгиз қадар бемисол.* «Саодат». *Қўрқиб кетди жиккак бемисол: «Э, муштуминг нарироққа ол!»* М. Али, Боқий дунё.

**БЕМИҚЭС** [бе.. + миқёс] Кўлами (чегараси) чексиз; тенгсиз, ўхшаши йўқ. *Шаҳарларнинг одамларникига ўхшаши ўз ҳаёт йўли, тақдир булса-да, уларнинг ҳаёт ва умр ўлчовлари бемиқёсдир.* Газетадан.

**БЕМОР** [ф. بیمار — касал] **1** Организмининг одатдаги бирор ҳолати бузилган; касал, хаста. *Бемор бола. Бемор тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келар.* Мақол. ■ *Бир кечаси бемор жуда азоб тортиди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бемор она бошини қизчаси силаб қўйса, оғриқлар барҳам топади.* «Саодат».

**2** кўчма Севги, муҳаббат дардини, ошиқлик ҳолатини ифодалайди. *Ҳар ким беёрдир — бемордир.* Мақол. ■ *Дарди фироқинг айлади бемор, Қайда борайин эмди давоға.* Машраб. *Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз, Ўғай бўлсак, не тонг, соғлар орасида.* А. Орипов.

**3** кўчма Касалланган, нимжон, ўсишдан қолган. *Сувсизликдан бемор гўзалар гулини тўка бошлади.*

**БЕМОРЛИК** **1** Организмининг одатдаги ҳолатда эмаслиги, касаллик, хасталик. *Бе-*

*морлик асорати.* ■ *Заргаров кириб келди.. озгин юзида беморликдан кейинги заҳиллик асорати билиниб турарди.* А. Мухтор, Асарлар. *Сен менинг жонимни олгин, Мен сенинг дардинг олай, Барча соғлик сенга бўлсин, Барча беморлик менга.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

**2** кўчма Ишқ, муҳаббат кўйидаги ҳолат; севги азоби, дарди. *Кунлар аро беморликни қолдириб кетдинг менга.* «Саодат».

**БЕМОРОНА** Касалларга ўхшаб, беморларга хос; худди касалдек. *— Мен касал эдим-ку! — деди Баширжон афтига беморона тус бериб.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**БЕМОРХОНА** *кам қўлл. айн. касалхона.* *Сув оқаётган тарафдагилар четланиб, йўлни очди. Беморхона машинаси кўринди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Қирқ йилнинг нақ ярми йўлларда ўтди, Ярми эса ўтди беморхонада.* А. Орипов.

**БЕМУДДАТ** [бе.. + муддат] Муддати аниқ белгиланмаган, вақти чекланмаган; абадий. *Жамоа хўжалиги ихтиёридаги ерлар уларга текин ва бемуддат, яъни абадий фойдаланиш учун мустаҳкамланиб берилади.* Газетадан.

**БЕМУЛОҲАЗАЛИК** Мулоҳаза қилиб, уялиб-тортиниб ўтирмаслик; пухта ўйла-масдан иш тутишлик. *Латифжон ҳақиқатан ҳам бемулоҳазаликка боранлигини сезиб, қип-қизариб кетди-ю, нафасини ичига ютди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**БЕМУРОД** [ф. بىمرواد — ноумид, муродига етмаган] Бирор-бир мақсадга, режага эга бўлмаган; орзу-умидсиз. *У деразадан ташқарига хомуш, бемурод тикилиб тураркан, ҳаёти мазмунсиз романдек зерикарли бўлиб қолганини.. пайқади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Сенсиз қолар эдим зулматда тугал, Сенсиз қолар эдим буткул бемурод.* А. Орипов.

**БЕМУРУВВАТ** [бе.. + мурувват] **1** Ҳеч кимга яхшилик, одамгарчилик қилмайдиган, саховатсиз. *Бемурувват қариндош.* ■ *..Қалби офтобдай иссиқ Онаи зорим! Кечир бемурувват дайди фарзандингни!* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** Бераҳм, шафқатсиз. *Уни [Салтонбуну] бойлар эшигида хўрланишга, бемурувват турмушининг қақшатқич азоблари ичида қийналишга мажбур қилган куч балки болаларига бўлган ўша меҳру муҳаббатидир.* М.

Исмоилий, Фарғона т.о. *Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.* Увайсий.

**БЕНАВБАТ** [бе.. + навбат] *рвш.* Навбатдан ташқари, навбатсиз. - *Кела қолинг, Собиржон ака, бугун сизларга бенавбат, — деди чойнакларга қайнаган сув бураётган Муҳаббат.* В. Ғофуров, Вафодор. *Ким манфаат кўрсатса, парво қилдим, ҳе аттанг! Арзасига бенавбат имзо қилдим, ҳе, аттанг!* «Муштум».

**БЕНАВО I** [ф. *بىنوا* — товушсиз] Овозсиз, унсиз; хомуш, сокин.

**БЕНАВО II** [ф. *بىنوا* — бечора, фақир, мискин] Турмушнинг хузур-ҳаловати, роҳат-фароғатидан бебаҳра қолган, рўшнолик кўрмаган; ғариб, нотавон, шўрлик. *Авазнинг юраги ачинди. Бенаво, бемажол халқига зигирдек кўмак беролмаслигини ўйлаб, қалби вайрон бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўзинг кўриб турганингдек, мен бир дили пора, ғариб, бенаво, ожиза онаман, ўғлим.* К. Яшин, Ҳамза.

**БЕНАЖОТ** [бе.. + нажот] Ҳеч бир имконияти, иложи қолмаган, нажотсиз; бечора. *Рангпар чехрасида унинг шоҳ Бобур Бенажот салтанат рамзин кўради.* Э. Воҳидов, Келажакка мактуб.

**БЕНАЗИР** [бе.. + *ا. نظير* — тенг, бир хил; ўхшаш] I Тенги, мисли йўқ; мислсиз. - *Алишербек беназир зот эрди, — деди Бобур китобдан бошини кўтариб.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Хонзода бегим ҳалолу покизалликда беназирлар!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Хуллас, бу бетакрор ва беназир санъат асарининг маъноси, оламча мазмуни бор.* «Фан ва турмуш».

2 Беназир (эркаклар ва аёллар исми).

**БЕНАМОЗ** [бе.. + намоз] Намоз ўқийдиган, кофир, динсиз. *..бенамоз Аваз Ўтар ўғли.. аркони дин ҳукми ила тошбўрон қилинсан!* С. Сиёев, Аваз.

**БЕНАРВОН** [бе.. + нарвон] Нарвон қўймасдан, нарвонсиз.

**Юлдузни бенарвон урадиган** Ўтакетган олғир. *У юлдузни бенарвон уриб, ҳатто ойга човут соладиган устаси фаранглардан.* «Муштум». *Мадбархон Раҳмонова ҳам мўмай даромад борасида юлдузни бенарвон урадиганлардан.* «Муштум».

**БЕНАСАБ** [бе.. + насаб] Наслу насабининг тайини йўқ, паст насл фарзанди; тарбия кўрмаган. *Пошшаойимлар, Хонзодалар қоқ саҳар туриб, хизматимга ҳозир бўлса-ю,*

*сен бенасаб, исқирт, атлас кўрпада мени писанд қилмай, хуррак отиб ётсанг!* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**БЕНАСИБ** [бе.. + насиб] Тегишли ҳиссадан, насибадан маҳрум бўлган, қуруқ қолган; насибасиз. *Бенасиб бўлмақ. Бенасиб қолмоқ.* — *Бу хушнуд нағмалардан бенасиб бўлманг, деб атайин уйғотдим, бир эшитиб қолинг!* О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмангас — дилим. *Болалик хаёллари, орзуларидан бенасиб бўлиб улғайганман.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг, Пиширдинг, ўзингга бенасиб таом.* А. Орипов.

**БЕНАФ** [бе.. + наф] Бирор наф-манфаати, фойдаси йўқ; фойдасиз, самарасиз. *Бенаф ўтган ҳаётинг учун Вақт олдида берурсан жавоб.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома. *Шабнамдек мақтаниб бўлма тутуриқсиз, Ҳавога уади, бенаф қуруқ сўз.* «Муштум».

**БЕНГАЛ I** Жанубий Осиёда, асосан Бангладеш мамлакатида ва Шарқий Ҳиндистонда яшовчи халқ (миллат)нинг номи.

2 Шу халққа мансуб, оид. *Бенгал аёл. Бенгал адабиёти.*

**БЕНГАЛЛАР** Бангладеш мамлакатининг ва Ҳиндистондаги Ғарбий Бенгалия штатининг асосий аҳолиси. *Бангладеш аҳолисининг 98% и бенгаллирди.* «ЎЗМЭ».

**БЕНГЗАМОҚ** *шв.* Ўхшатмоқ, қиёс қилмоқ; бировнинг тимсолида кимнидир кўрмоқ. *Онама бенгадим жамолинг сани.* «Кўшиқлар».

**БЕНЕФИС** [фр. *benefice* — фойда; имтиёз, афзаллик] Тушуми, фойдаси тўлиқ ёки қисман театр жамоаси ёки айрим актёрга тўланадиган спектакль ёки концерт.

**БЕНЗИН** [фр. *benzine* < лот. *benzol* < *а.* *لبان جاوی* — Ява хушбўй шираси] Нефтан ёки нефть газидан олинадиган рангсиз, учувчан суюқ ёнилғи. *Домладай босиқ одам ҳам, гўё унга ишонмагандай, ялт этиб бензин кўрсаткичга қаради.* М. Мансуров, Ёмби. *Чори бензин узаткични шақиллата-шақиллата қайтиб келди-да, яна рулга ўтирди.* М. Мансуров, Ёмби.

**БЕНЗОБАК** [<р. бензин баки] Техника ва транспорт воситаларининг бензин билан тўлдириладиган қисми; бензин қуйиладиган бак. *Шиша тўппа-тўғри танк бензобаки устига бориб тушди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Ўтми машина биқинига, бензобак*

устига боғлаб, шийпонга қаради. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**БЕНЗОВОЗ** [*р. воз(ить)* – бензин ташувчи] Бензин ташишга мосланган; бензин ташувчи машина. *У бир сакраида бензовознинг устига чиқди-да, тўппончасини қинидан чиқариб, осмонга устма-уст беш-олти ўқ узди. О. Ёқубов, Излайман. Кеча шомдан кейин бўпти. Бензовози билан ёниб кетибди.. А. Мухтор, Тонг билан учрашув.*

**БЕНЗОКОЛОНКА** [*бензин + лот. columna* – устун(ча)] Автотранспорт воситаларига бензин қуйишга мўлжалланган устунсимон қурилма; насосли станция.

**БЕНЗОЛ** [*бензин + лот. ol (eum)* – ёғ; мой] Тошқўмир смоласидан олиниб, бензинга қўшиладиган, шунингдек, лак, бўёк, портловчи моддалар, пластик массалар ва ш. к. тайёрлашда ишлатиладиган, рангсиз, тез ёнувчан, учувчан суюқлик. *Суюқ бензол терига кучли таъсир қилади. «ЎЗМЭ».*

**БЕНИШОН** [*бе.. + нишон*] 1 Ҳеч қандай дараги, хабари бўлмасдан, ҳеч ким билмас бўлиб, нишонсиз. *Балиқларга емиш бўлиб кетасан, Дунёдан бенишон бўлиб ўтасан. «Баҳром ва Гуландом». Бенишон кетганди қўлимдан қушим. «Ойсулув».*

2 кўчма Бола кўрмасдан, орқасида насл қолмасдан; фарзандсиз. *Бобонгиз амир-султон Дунёдан ўтган бенишон. «Нурати».*

**БЕНИҲОЯ(Т)** [*бе.. + ниҳоя(т)*] 1 *сфм.* Юқори даражада, ортиқ даражада; чеки йўқ, ниҳоясиз, чексиз. *Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек бир неча кунлардан буён бениҳоя бир дард билан оғрир эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 *рви.* Чегараси йўқ, ҳаддан ташқари; жуда ҳам. *Бениҳоя ориқ. Бениҳоя узок. Бениҳоя кўп. Бениҳоя қувонмоқ. ■ У нимадандир бениҳоя хурсанд, нимадандир хижолат.. бўлиб, уйга кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Кишининг молини сақлаш бениҳоят қийин, ука. Ойбек, Танланган асарлар. У [Элмурод] ўз олдига шундай бир одамнинг келиб қолганидан бениҳоят хурсанд эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БЕНОМ** [*бе.. + ном*] *айн. номсиз.* Мен сизга айтсам, шаҳарда беном кўча бўлмайди. Олимнинг номи аввалдан беном бўлган янги кўчага қўйилди.

**БЕНОМ-НИШОН**, **беному нишон** Ҳеч қандай дараги (хабари) йўқ; ному нишон-

сиз, бедарак, дараксиз. *Шаҳар уламо, ашрафлари бугунги ҳақиқат олдига ҳар замон ёқа ушлаб: «Бир беному нишонга бунча илтифот!» дер эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Бу тахти салтанатлар беному нишон йўқолур, фақат меъмору мусаввирлар яратган зўр санъат асарлари тирик қолур. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**БЕНОМУС** [*бе.. + номус*] Шарм-ҳаё билан иш тутмайдиган, шарм-ҳаёсиз, орномуссиз, уятсиз. *Беномус одам. Беномусга кунда тўй. Мақол. ■ Нуридай бетайига, беномус эмасман. Ойбек, Танланган асарлар. Шу аёл, шу беномус аёл менинг хасмим эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**БЕНОМУСЛИК 1** Уятсизлик, номуссизлик. *Унинг бунчалик беномуслигини билмас эдик. ■ Рустамбекнинг қайғу-ҳасратини чекиб, дунёдан зор йиғлаб ўтгунча, ҳар беномусликни ўзимга олиб, севганим билан кун кўрай. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

2 Уятсизларча, юзсизларча қилинган иш. *Бу қандай беномуслик. Бу қандай ҳаёсизлик. Ё шариятда шарм йўқ дединглари? П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БЕНТОНИТЛАР** [*юн. benthos* – чуқурлик] *геол.* Асосан, қадимий вулкан куллари ва туфларнинг денгиз остида нурашидан пайдо бўлган гиллар; тошсовун. *Геология фанида гилмоя «бентонит» термини билан юритилади. М. Зокиров, Бебаҳо хазина.*

**БЕНТОС** [*юн. benthos* – чуқурлик] Денгиз ва чучук сувлар тубидаги балчиқда ва унинг устида яшайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар. *Бентослар кўпчилик балиқ ва б. ҳайвонлар учун озиқ ҳисобланади. «ЎЗМЭ».*

**БЕНУР** [*бе.. + нур*] *айн. нурсиз.* Мен сизсиз – бир уйман, бенур, бечироқ. *Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар. Гар уни кўрмаса, яшолмас бир кун, Бу ёруғ олам ҳам кўринур бенур. Б. Бойқобилов, Садоқат.*

**БЕНУҚСОН** [*бе.. + нуқсон*] Камчилиги йўқ, нуқсондан холи, мукамал, тўла-тўқис. *Бенуқсон одам. Бенуқсон иш. Бенуқсон ишламоқ. Ўзгада нуқсон кўрсанг, ўзингни бенуқсон дема. Мақол. ■ Нигора ечинмоқда эди. Унинг.. бенуқсон, қуйиб қўйгандай қомати чироқ ўчиши билан қоронғиликка сингишиб кетгандек бўлди. С. Анорбоев, Оқсой. Ожиза ҳаёлида ўзини бенуқсон қизлар қаторида ҳис қилди, ич-ичидан севиниб кетди. И. Раҳим, Тақдир.*

**БЕНЎХТА 1** Нўхта солинмаган, нўхта-ланмаган. *Бенўхта, яйдоқ от.*

**2** кўчма Ўзини тия олмайдиган; бебош. *Нега жамоат тартибини бузади, қанақа бенўхта бойвачча у? «Муштум».*

**БЕОБРЎ(Й)** [бе.. + обрў(й)] Иззат-хурмати, обрўйи йўқ, обрўйсиз. *Беобрў одам. Обрўли обрўйдан қўрқар, Беобрў недан қўрқар.* Мақол. ■ *Кўп ўтмай, Абдурахмон мадраса аҳли орасида ҳам беобрў бўлиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**Беобрў қилмоқ** Обрўсини тўкмоқ. *Халойиқ олдида мени беобрў қилишинг оқибатини.. бир кўрсатиб қўяй ҳали.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БЕОДОБ** [бе.. + одоб] *айн. беадаб.* *Одобни беодобдан ўрган.* Мақол. ■ *Ота-онасиз қолганинга шундай ўзбошимча, беодоб бўлиб кетдингми ҳали?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕОДОБЛИК** Тарбия кўрмаганлик; одоб меъёри, қоидаларига тўғри келмайдиган ҳаракат, қилиқ; ҳолат. *Ҳар бир саводсиз одам минбарга чиқиб, шундоқ эътиборли одамлар олдида беодоблик қилса, қандоқ чидаб туриш мумкин.* Газетадан. *Қоракўз бегим.. уйқудаги Мирзони ўпиш беодоблик саналишидан таҳликага тушган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БЕОЗОР** [бе.. + озор] **1** *сфм.* Озор бермайдиган, дилни оғритмайдиган, ранжитмайдиган, мулойим. *Беозор танқид.* ■ [*Дадавовай Хадичага:*] *Мен илгари билмай у кишидан [Комиловдан] ранжиб юрган эканман. Гаплари мулойим, беозор, бамаъни.. одам экан. Уйғун, Навбахор. Бу мулойимхулқ тоғ йигитининг ўша кунни айтган сўзлари беозор қизнинг юраида тугён қўзғатган эди.* Т. Расулов, Шонли авлод.

**2** *рвш.* Озор бермай, қийнамай; астагина; усталик билан. *Эвзозхон пишиллаб ухлаб ётган Учқуннинг юзидан беозоргина ўпиб қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Шерзод елкасига кимдир беозор туртганидан уйғониб кетди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Нозик, эпчил бармоқлар орасида беозоргина ушланган ингичка игна дўппи юзида нафис излар қолдириб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**3** Осойишта, тинч, осуда, ғам-ташвишсиз. *У кунлар Назирқул учун энг бахтиёр кунлар эди. Ушандай беозор кунларининг тагига сув кетди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Туғилиб ўсган, беозор болалик йилларининг хотирасини ўз*

*қўйнида сақлаган ҳовлисига бир қарамасдан кетолмади.* С. Зуннунова, Олов.

**БЕОЗОРЛИК** Зарар, озор келтирмаслик; безарарлик, мулойимлик. *Ҳуббижа-молнинг овозидан ширин бир шўхликни, беозорликни уқдим.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. [*Саъди*] *Отасидаги беозорлик, одамовилик белгиларини ҳам кеч пайқади.* Газетадан.

**БЕОМОН** [бе.. + омон] *рвш.* Омон бермай, шафқат қилмай, аёвсиз, шафқатсиз. *Кечаси аллаким гўё унинг устига бостириб келди-да, қўлини кўкрак қафасига суқиб, юрагини беомон эзгилай бошлади.* «Ёшлик». *Шафтолини бир чумчуқ беомон чўқилаяпти.* С. Аҳмад, Таъзим. *Бадкирдор одамлар бир кун беомон Ярадор қилдилар қўшиқни.* А. Орипов, Йиллар армони.

**БЕОР** [бе.. + ор] **1** *айн. орсиз.* Ҳар ўлик, ҳар тўй бошида таппа-тайёрдир тўрам, Улғудай шилким, шиллимшиқ, роса беордир тўрам. «Муштум». *Йўлдан урди қайси бир маккор?.. Очиғини сўзлагил, беор!* Ҳ. Олимжон, Зайнаб ва Омон.

**2** кўчма Ҳар қандай жойда ҳам ўсаверадиган, ер танламайдиган (асосан ўсимлик ҳақида). *Гулхайри ҳар қандай жойни безашга қодир беор ўсимликлардан ҳисобланади.* Газетадан. *Тут беор эмасми, тез тутиб, ўса бошлади.* Т. Ашуров, Марварид тут.

**БЕОРЛИК 1** Уятсизлик, ҳаёсизлик, безбетлик; ориятсизлик. *Бўғоз сичқоннинг кўзларидаги ҳадик ўрнини совуқ беорлик эғаллади.* «Шарқ юлдузи».

**2** Беорларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Абдибиллолнинг беорлигидан Нодирнинг шу қадар ғазаби қўзиб кетдики, аввалига нима қилишни билмай қолди.* С. Юнусов, Қутилмаган хазина.

**БЕОРОМ** [бе.. + ором] **1** Ҳаловат, ором билмайдиган; бетинч, безовта. *Беором тун.* ■ *Туни билан йиғлоқ набирасини овутиб, беором бўлган она, яна ҳаммадан эрта турди.* Газетадан. *Гулноз айниқса бу оқишом беором.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Яна бир одам бор, азиздан-азиз, Юраги бедору беором тепган. Ҳовлининг бир парча кунгай ерида Келар деб, мен учун ўсмалар эккан.* «Ёшлик».

**2** *рвш.* Тинимсиз, бетўхтов. *Чайқалади денгиз беором.* Файратий. *Тун бўйи беором туқиганом ул — Тивит рўмол эмас, кечир, онажон.* Г. Жўраева, Иқбол.

**БЕОҚИБАТ I** [бе.. + оқибат] *айн. оқибатсиз*

I. У *унсиз йиғлар, пушаймонидан бошини деворларга урмоқчи бўлар, дунёнинг бу қадар бевафолигидан, одамларнинг, ўзининг бунчалик беоқибатлигидан куярди. «Ёшлик». Юраги ачишди, ҳали ҳам одамлар шунақа беоқибат, бевафо, бераҳм эканми.. Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.*

**БЕОҚИБАТ II** *айн. оқибатсиз II. Балки, аризинг беоқибат қолдиришини сўраб, ариза берарлар. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Аввал қозикалон Ҳакимхўжага, кейинчалик Тошкент беги Алимқулига берилган арзнома ҳам беоқибат қолди. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.*

**БЕОҚИБАТЛИК** Ўз аҳди, сўзида турмаслик, тутуриқсизлик; меҳр кўрсатмаслик. *Полвон.. божасининг беоқибатлигидан нафси қолиб, ўз қадрига ачинмоқда.. аламини ичига ютганча, эртаги учрашувни кутмоқда эди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

**БЕПАДАР** [бе.. + падар] Отаси йўқ, отаси номаълум, отасиз. *Фашистларнинг ўқ, ханжари-ла, Талай ёшлар қолди бепадар. Файрагий. Сўрсанг наслимни, асли бепадар, Бепадар ўғлиман, ўзим дарбадар. «Рустам».*

**2** Сўкиш, қарғиш вазифасида «отасининг тайини йўқ; ҳароми» маъноларини ифодалайди. *Ўз устозини билмаган бу бепадар, олампаҳоҳнинг ҳам бетларига оёқ қўйишдан тоймай.. бу кун кечаси уни қочириб, менинг ҳовлимга олиб келди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Наслсиз, бепадар, бадбахт золимнинг Не билан тугалур охир тағ-туғи. Ф. Фулом.*

**БЕПАЙРОВ** [бе.. + пайров] Пайровга амал қилинмаган; пала-партиш; одоб доирасидан ташқари; пайровсиз. *У [Талмонтоз] бир вақтлар Аллонбойнинг маддоҳлик маъракаларига.. бепайров аския қилиб ўтирадиган ширинзабон ғийбатчиларидан эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**БЕПАНД** [бе.. + панд] Унча пухта, мустаҳкам бўлмаган; омонат. *Бепанд стол. ■ Айвон шунақанги бепанд қурилганки, кўрсангиз, ёш болаларнинг ўйинчоқ уйи ундан мустаҳкамроқ дейсиз. Газетадан. Янги тўғоннинг.. бошқа жойлари ҳам шундай бепанд бўлса-чи? А. Мухтор, Туғилиш. -Мен жудаям бахтли эдим. Бахт бепанд нарса бўлар экан, - деди Ўктам. Ў. Умарбеков, Севгим, севгилим.*

**БЕПАРВО** [бе.. + парво] Эътиборсизлик, совуққонлик билан қарайдиган; эътибор

бермайдиган; совуққон, камҳафсала, лоқайд. *Бепарво дўстан ёғоч яхши. Мақол. ■ Бойларимиз.. қорни тўқлар, халқ аҳволидан беҳабар ва бепарво. Ойбек, Нур қидириб. Унинг кайф билан бепарво кулиши Зухра бегимнинг гашини келтирди. П. Қодиоров, Юлдузли тунлар.*

**БЕПАРВОЛИК** Эътиборсизлик, ҳафсаласизлик, беғамлик, лоқайдлик. *Нури бундай гапларни бепарволик билан эшитишга уришиб боқарди. Ойбек, Танланган асарлар. Нафратни сир тутуши осон, севгини яширса бўлади, бепарволикни эса сақлаш жуда ҳам мушкул. «Ақл-ақлдан қувват олади».*

**БЕПАРДА** [бе.. + парда] **1** Парда тутилмаган, пардасиз; ниқобсиз, очиқ. *Бепарда ойна. ■ Сендай қизлар ҳозир кўча-кўйларда Ёр танлайди юриб очиқ, бепарда. Ҳ. Олимжон.*

**2** *кўча салб. Очиқдан-очиқ, қўпол равишда айтилган, беҳаёларча, пардасиз. Бепарда гап. ■ Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо, Бўлмагай деб кўрқаман ногоҳ сангсор авлиё. Муқимий. Эломоновга ҳали ҳеч бир аёл бундай бепарда гапирмаган эди, галати бўлиб кетди, жаҳлланди. М.М.Дўст, Галатепа қиссалари.*

**3** *мус. Парда боғланмаган ёки пардасиз (чолғу асоби ҳақида).*

**БЕПАРДОЗ** [бе.. + пардоз] **1** Пардозандоз қилмаган, упа-элик, ўсма-сурма қўйиб, ўзига оро бермаган. *Бепардоз хотин. ■ Онангни отанга бепардоз кўрсатма деганлар-ку. Ойбек, О.в. шабадалар. Қарибчириб қолсак ҳам, ўзимизни бегона эркакка бепардоз кўрсатгимиз келмайди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Жумлалари пойма-пой, содда, бепардоз лаблари куюниб титрарди. «Ёшлик».*

**2** *Жило берилмаган, нақшланмаган, оддий, жўн. Бепардоз этик.*

**БЕПАРОВУЗ** Паровуз, адип тутилмаган, адипланмаган. *Бепаровуз кўрпа.*

**Оғзи бепаровуз** Оғзидан бўлмағур, беадаб гаплар чиқадиغان, тилини тия олмайдиган; оғзи бузуқ. *Оғзингни бепаровуз қилма, бу ерда улугимиз турибди. С. Аҳмад, Кадрдон даладар. Айб Манноннинг ўзида.. Оғзи бепаровуз. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

**БЕПАРҲЕЗ** [бе.. + парҳез] **1** Парҳез буюрилмаган ёки парҳезни бузган. *Бепарҳез бемор.*

**2 кўчма** эск. Ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган; нопок. *Башарти сиз.. ул бепарҳез золимни мингбошилиқ вазифасидан четлатишга.. бел боғлаган бўлсаларингиз, биз фақирларнинг ақли қосирмизга бир андиша келади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕПИСАНД** [бе.. + писанд] Диққат-эътибор қилмайдиган; менсимайдиган; лоқайдлик билан муносабатда бўладиган. *Энди ҳаммаси мен билан шундай беписанд гаплашади, деб хаёл қилди Эломонв.* М.М. Дўст, Галатепа қиссалари. *Қундуз йигитнинг беписанд муносабатига энсаси қотар эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Аёл эрига беписанд, таҳқиромуз қаради.* Н. Аминов, Суварак.

**2 кўчма** Ҳеч нарса таъсир эта олмайдиган, парво қилмайдиган, мустаҳкам. *Мен қояман энди беписанд, Кор қилмагай тож отинг ҳарчанд!* А. Шер, Қадимги куй.

**БЕПИСАНДЛИК** Менсимаслик, лоқайдлик, эътиборга олмаслик ҳолати. *..йигит тўртта йигирма беш сўмликни беписандлик билан пештахтага иргитди.* «Муштум». *Унинг бу «беписанд»лиги Қора Қоплоннинг баттар жиғига тегиб, қутуртириб юборди..* К. Яшин, Ҳамза.

**БЕПИЧОҚ** Пичоқ ишлатмасдан, пичоқсиз.

**Бепичоқ сўймоқ** Руҳан эзиш, азоблаш. *Сен-ку алвастисан, зарил бўлиб қолса, отангнинг судраб чиқасан. Бепичоқ сўясан, лекин.. қон чиқмайди.* «Ёшлик».

**БЕПОЁН** [бе.. + поён] **1** Охири, чегараси йўқ, ниҳоятда кенг; сарҳадсиз. *Бепоён сахро. Қўз қулочи сизмайдиган йироқлар..* К. Яшин, Ҳамза. *Мен камалак гўзаллигини бепоён самонинг табаррук замин бўйнига таққан марваридига қиёс қиламан.* «Ёшлик».

**2** Бениҳоя, беҳад, чексиз. *Ҳамма илмларга бепоён муҳаббат боғлаган.* Ойбек, Навоий. *Мангу ёнар лаҳзалик оташ, Қотиб қолган хаёл бепоён.* «Гулдаста».

**БЕПОЁНЛИК** Бениҳоялик, чексизлик, ҳадсизлик. *Ер юзида инсонга ҳеч қандай наф келтирмай, бўм-бўш ётган бепоёнликлар жуда кўп.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Хору зорлик бепоёнлиги, бемурувватлиги билан тантана қиларди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**БЕПОСАНГИ** [бе.. + посанги] **1** Тарози палласини тенглаштирувчи тошсиз; ўлчов тошисиз; посангисиз. *Бепосанги тарози.*

**2 кўчма** Ўлчовсиз, чексиз. *Ёйлигимнинг тарозуси бепосанги, Бир палласи баҳор тоши билан оғир.* У. Носир, Юрак.

**БЕПОШНА** [бе.. + пошна] **1** Пошналик қилиб тикилмаган, пошнасиз. *Пошнасиз этик. Пошнасиз туфли.*

**2 кўчма** Оғизга олиб бўлмайдиган, одобдан ташқари; беҳаё, қўпол. *Сизга бундай бепошна гаплар эп бўлмайди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Телевидениенинг-ку йўриги осон, ашулачининг оғзидан бепошна сўз чиқиши билан «шақ» этиб ўчириб қўйса бўлади.* «Муштум».

**Оғзи бепошна** Шалоқ оғиз. *..оғзи бепошна киши хоҳлабми-хоҳламайми катта ёшдаги кишини ҳақорат қилиб қўяди.* М. Исмоилий, Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл.

**БЕПУЛ** [бе.. + пул] **1** Пули йўқ, пулсиз. *Бепул бозорга боргунча, кафан олиб мозорга бор.* Мақол. ■ *Кета бер, йўловчи, йўлдан қолмаин!* *Бепул келиб, бизлардан гап сўрама!* «Равшан».

**2** Ҳақ олинмайдиган, пул тўланмайдиган; нархсиз, текин. *Бепул билет. Бепул йўланма.* ■ *Ўқши Бақақуруллоқда.. чойхонада бўлади. Дафтар, қалам бепул.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сиз бепул дорбозлик курси борлиги тўғрисида эшитмаган бўлсангиз.. керак.* «Муштум». *Давлатнинг шунча харажатлари бор. Беморларни бепул даволаб, боқиб ётибди.* С. Нуоров, Нарвон.

**БЕПУЛ-БЕБАДАЛ** [бепул + бе.. + бадал] Эвазига ҳеч қандай пул, нарса олмасдан, текинга, пулсиз. *Улар илму урфонни равнақ топтирмақчилар, шифохоналар барпо этиб, бепул-бебадал муолажа қилмоқдалар.* С. Сиёев, Аваз.

**БЕПУШТ** [бе.. + пушт] Бола кўрмаган, наслсиз, бефарзанд, боласиз. *Шоди Мударрисовичнинг отаси эскижувалик Гулпоиша деган.. танноз бир бепушт жувонга ўралашиб юрди.* Д. Нурий, Осмон устун.

**БЕПУШТЛИК** тиб. Вояга етган (эркак ёки аёл) организмнинг насл (авлод) қолдиришга ожизлиги; туғдира олмаслик, тутмаслик. *Бепуштликни иложи борича барвақт аниқлаб, сабаблари бартараф қилинса, яхши натижага эришиши мумкин.* «ЎЗМЭ».

**БЕРАРМОН** Бериши лозим бўлган киши. *Берармонга бешов кўп, олармонга олтов оз.* Мақол.

**БЕРАСИ** Берилиши, қайтарилиши керак бўлган нарса; қарз. *Менинг унга берасим йўқ. Унинг менга бир оз бераси бор.* ■ -Сатимхон, — деди ўзини тутиб, — эрингиз бирон одамга берасим бора, демаганмиди мабодо? Шуҳрат, Умр поғоналар.

**БЕРАҒОН** Беришга ўрганган, беришга одатланган; сахий. *Берағон қўлим — олағон. Олағон қўлим — берағон.* Мақол.

**БЕРАҲМ** [бе.. + раҳм] Раҳм-шафқатни билмайдиган, раҳми йўқ, қаҳри қаттик; раҳмсиз. [Жамила ўз-ўзига:] *Бераҳм бой, тоқайгача хунибийрон йиғлатасан, бу тўкилган ёшлар.. бу оху зорлар сени ёқандан тутмай қўймас.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Бир бераҳм сен бечоранинг қанотингни қайирибдику!* С. Анорбоев, Суҳбатдошлар. *Бераҳмлар, наҳотки болани шунчалик қўрқитсаларинг!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БЕРАҲМЛИК** Раҳми йўқлик, шафқатсизлик, меҳрсизлик. *Алихонни бундай ҳолатда ташлаб кетиш ўта бераҳмлиқ эди.* М. Хайруллаев, Кўнгиш. *Ота бераҳмлиқ қилиб, бизни оналаримиздан айирди, деган мазмунда ариза туди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БЕРБЕРЧИ** Ҳадеб бирор нарсани сўрайверадиган; олишга уста; шилқим. *Ололчининг дўсти кўп, Берберчининг дўсти йўқ.* Мақол.

**БЕРДАНКА** 19-аср ўрталарида америкалик полковник Х. Бердан ихтиро қилган биротар милтик. *Бердивой берданка билан отадиган овчилардан эмас.* И. Раҳим, Ихлос. *Қўй тери пўстин кийиб, елкасига берданка осиб олган чол эшик олдида Ботирали билан қўл олишиб кўришди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**БЕРЕТ(КА)** [итал. beretta — ясси шапка] Гардишсиз, жияксиз енгил ва юмшоқ, ялпоқ бош кийими. *Оқ, қизил, кўк береткалар остидан тошган олтин сочлар майин ҳилпирайди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Береткасини ушлаб қолишга улгуролмади, шамол уни юлқиб учуриб кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

**БЕРИ** рвш. 1 Сўзловчига, шунингдек, сўз бораётган пайт ёки ўринга яқин. *Ҳечқиси йўқ, бир кун нари, бир кун бери.* ■ [Қизлар] «*Нари ёт, бери ёт*» билан бир-бирларини итариб, суриб, кўрпани тўрт томонга тортишиб жанжаллаша бошладилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. -*Бери кел, қизим!* — қўли билан имлади кулиб. Ойбек, Танланган асарлар.

2 кўм. (ч.к. билан) Ҳаракатнинг бошланиш пайтидан бошлаб, буён; маълум вақт давомида, мобайнида. *Кечадан бери. Яқиндан бери. Анчадан (кўндан) бери. Алмисоқдан бери.* ■ *Асқар аканинг дами ичига тушиб кетди. Шу сабаб, мана кечадан бери қовоғи очилмайди.* Н. Фозилов, Қиссалар. *Элмурод эрталабдан бери нон-чойдан бўлак ҳеч нарса емаганликдан кўнгли озганини сезди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Институтга киргандан бери Козимжон орқасидан соядек эргашиб юрибди.* Т. Ашууров, Оқ от. *Тахминан уч йилдан бери шу ишни қиламан.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**Бери қарамоқ** Тузалиш, яхшиланиш томониغا ўтмоқ, яхшиланмоқ (беморнинг аҳволи ҳақида). *Беморнинг аҳволи сал бери қаради.* **Йиғламоқдан бери бўлмоқ** Йиғлагудек бўлмоқ. *Отам тайёрлаган узангиларини бозорда эртадан кечгача сарғайиб кўтариб юриб, сота олмасдан, ҳовлига қўллари қуруқ (ҳолда) йиғламоқдан бери бўлиб қайтар эдилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. **Нари олиб бориб, бери олиб келмоқ қ. нари.** *Бир томонда Зулфиқор, бир томонда Худодбек — бир-бирига мутлақо ўхшамаган икки йигит унинг хаёлини нари олиб бориб, бери олиб келарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БЕРИГА** с.т. айн. **бери 2.** Қамалган кунимдан берига ундан хабарим йўқ, тақсир! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕРИГИ** Сўзловчига ёки сўз бораётган ерга яқинроқ бўлган. *Бериги уй. Самарқанддан бериги станция.* ■ *Отабек бериги бурчакдан туриб, уни [Кумушни] қўли билан янар ва кулимсираб хўмраяр эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сирдарёнинг нариги боши, бериги боши, Сойда битган қамишмикан қизнинг қоши.* «Кўшиқлар».

**БЕРИДА** кўм. (ч.к. билан) Сўзловчига, шунингдек, сўз бораётган нарса, пайт ёки ўринга яқинроқда. *Рўпарада Чотқол тоғлари, ундан берида эса.. бирин-кетин баландлашиб кетган гумбаз-гумбаз қирлар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мастон юқоридоққа чиқиб, дашт томонга қаради.* Уфқдан берида ўргимчакдай ўрмалаб арава келар эди. А. Қаҳҳор, Мастон.

**БЕРИЁ** [бе.. + риё] Иккиюзламачилик, мунофиқлик қилмасдан; риёсиз. *Тарихни яққол, бериё кўрсатишда Завқийнинг сатира-раси ҳаммасидан устундир.* Ф. Фулом.



**БЕРИЛГАН 1 Берилмоқ** фл. сфдш. *Диплом ўрнига берилган маълумотнома. Берилган сон. Берилган вақт.*

**2** қўйма Бирор кимса ёки нарсага ихлос, меҳр қўйган; содиқ; фикри-зикри бир нарса билан банд бўлган, чулганган. *Фанга берилган одам. Мусиқага берилган ёшлар.*

**3** салб. Бирор нарсага майл қўйган, ружу қилган, ўрганган, ўч. *Пулга берилган одам.* ■ *Башорат унинг катталарга ўхшаб хаёлларга берилганини кўриб, қадамини секинлатди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**БЕРИЛГАНЛИК 1** Бирор нарсага ихлос, меҳр қўйганлик; фикри-зикри бандлик. *Китобга берилганлик. Мусиқага берилганлик. Хаёлга берилганлик.*

**2** Садоқат, содиқлик.

**БЕРИЛЛ** [юн. beryllos — қўк-яшил рангли қимматбаҳо тош] Ҳалқасимон силикатлар кенжа синфига мансуб, турли рангдаги шишасимон ялтироқ минерал; қимматбаҳо тош.

**БЕРИЛЛИЙ** [лот. Beryllium < юн. beryllos] *ким.* Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб, эриши қийин бўлган, қаттиқ, энгил, кумушранг металл.

**БЕРИЛМОҚ 1 Бермоқ 1, 2, 4-6** фл. мажҳ. н. *Хат эгасининг ўз қўлига берилади. Ёзма ишга бир соат вақт берилади. Китоб уйга берилмайди.* ■ *Бу қий-чув орқасидан меҳмонларга қуюқ-сууюқ берилди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Бирор кимса ёки нарсага ихлос, меҳр қўймоқ, садоқат боғламоқ; бирор нарсага ружу қилмоқ, ўрганиб кетмоқ. *Мусиқага берилмоқ.* ■ [Хўжаев:] *Қайси кўзим билан кўрай. Ҳалиги нотик ўзимзининг Шукрулло афанди экан. Наҳотки, у киши шу қадар берилиб кетган, деб ўйладим.* З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди. *Айта қолинг, Авлиёта — қозоқ юрти, норинхўрликка кўпроқ берилганга ўхшайсиз-а?* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Чўммоқ, ботмоқ, маҳлиё бўлмоқ. [Гулнор] *Ўзининг паришон хаёлига берилиб, кимсасиз ҳовлида кеза бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** Бўш келмоқ; таслим бўлмоқ. *Отабекнинг бу мактуби Кумушга бўлган муносабатининг ҳамон боқийлигини.. ўзининг осонлик билан рақибга берилмаслигини сўзлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕРИЛУВЧАН 1** Бирор нарсага тез бериладиган, майл қўядиган; ўзини тия олмайдиган. *Ёмон таъсирга берилувчан бола.*

**2** тиб. Юқумли касалликларга мойил; касалликка унча қаршилик кўрсата олмайдиган. *Касалликка берилувчан организм.*

**БЕРИЛУВЧАНЛИК** Бирор нарсага тез берилишлик; мойиллик. *Организмнинг берилувчанлиги.* ■ *Тана температурасининг пасайиши организмнинг тириклик фаолятини заифлаштиради, касалликларга берилувчанлигини оширади.* «Анатомия».

**БЕРИШМОҚ Бермоқ 1, 2, 4-6** фл. бирг. н. *Ўйлашга ҳам вақт беришмади. Сизга яхши маслаҳат беришибди.* ■ *Севишганларига, кўнгли беришганларига беш йил тўлиб, олтинчи йил тугай деб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БЕРК 1** Бекитиб, ёпилиб ёки тўсиб қўйилган; ёпиқ. *зид. очиқ. Дарвоза берк. Уй берк. Йўл берк. Чегара берк.*

**2** Ҳамма ёғи ёки бир қисми ўралган, ёпилган. *Усти берк йўлак. Усти берк арава. Берк машина.*

**Боши берк кўча** Йўлини, иложини топиш қийин бўлган, мушкул аҳвол. *Илмсиз тажриба — боши берк кўча.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЕРМОҚ 1** Қўлига тутқизмоқ; қўлига ёки ихтиёрига топширмоқ. *Бераннинг бетига қарама.* Мақол. *Олмоқнинг бермоғи бор.* Мақол. ■ *Ҳалиги хатни у танаффусга чиққанда Рустамга бермоқчи эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Виктор ҳам кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, қўлига телеграммани берди.* С. Кароматов, Олтин қум.

**2** Эҳтиёжини, талабини қондирмоқ; йўқ нарса билан таъминламоқ. *Экинга сув бермоқ. Молага хашак бермоқ. Қурилишга маблағ бермоқ. Бола йиғламаса, она сут бермас.* Мақол. ■ *Қурилиш трести унга ётоқхонадан жой берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Банданинг ризқини олло беради.* К. Яшин, Ҳамза. *Боининг қизига раҳми келиб, унга нон берибди.* «Булбулгўё». *Қўша қариндошлар, яхши фарзандлар берсин.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Шеригим унга бир стакан сув берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Курёз ака шуни кутиб турандай: -Мен қўйларга томоқ берай, — деб кўзгалди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**3** Бахш этмоқ, бағишламоқ; руҳий ҳолат, кайфият, кўриниш пайдо қилимоқ. *Муסיқа дилларга ором беради.* ■ *Саёҳат гашти, тоғлар ўркачи, ранго-ранг табиат кўзларни яшинатиб, дилларга ором беради.* Газетадан. *Мансур акаларча меҳрибонлик билан Гавҳарнинг елкасидан тутиб, далда берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. [Нури] *Гулнор тўғрисида сўзлаганда, товушига сирли оҳанг берди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Унинг [Кумушининг] нафис қора сочлари орқа-ўнгига тўзғиб, ажиб бир манзара бердилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**4** Бирор муассасага ўрнаштирмоқ, киритмоқ, *Болани боғчага бермоқ. Уғлини ўқишга бермоқ.* ■ *Бошқа бирор ҳунарга берсак бўлмайдими?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бир ўғлимни Хадрадаги ўрис мактабига бердим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен Марусга тайинлаб қўйдим, эртадан бошлаб боғчага бер.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.

**5** Маҳсулот етиштириб, тайёрлаб етказиб турмоқ; ўз маҳсули билан таъминламоқ. *Бу халқ хўжалигига нима беради? Қишлоқ хўжалиги аҳолига озиқ-овқат, саноатга хом ашё беради.* ■ *Этак-этак пахтани икки қўллаб терганман, Гектаридан юз-юзлаб пахта берай деганман.* «Қўшиқлар».

**6** Наשרга киритмоқ, босмоқ, эълон қилмоқ; эшиттирмоқ; кўрсатмоқ. *Мақолангизни келгуси сонда берамиз. Концерт бермоқ.*

**7** Айрим отлар билан қўшма феъл ясайди; мас.: *аҳамият бермоқ, бардош бермоқ, жавоб бермоқ, бой бермоқ, жой бермоқ, зарба бермоқ.* ■ *Ўн бир киши қарши овоз берди.* «Шарқ юлдузи». *У кўприкдан ўтиб, катта йўлга чиққанидан сўнг отга қамчи берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Мана, сени деб қандай балаларга бардош беряпман.* К. Яшин, Ҳамза. *Қуруқ одамлар кийимга зўр беради, деганлари бежиз эмас экан.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Ҳаё қайси нарсада бўлса, унга зийнат беради.* «Фан ва турмуш». *Қулоқларида уч калима сўз ўрин талашиб, акс садо берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**8** Кўмакчи феъл вазифасида -(и)б аффиксли равишдош шаклидаги етакчи феъл билан бирикади ва: 1) ҳаракатнинг биров, ўзга учун бажарилганини ифодалайди. *Янганга айт: иликдан ош қилиб берсин.* «Гулдаста». *Энди ишинга қара, болам, эртага кўйлак тикиб бераман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

*Мен бўлган воқеани айтиб бердим.* Т. Ашууров, Оқ от. *Тутнинг устига чиқиб қоқиб бердим.* С. Зуннунова, Олов. *Бу чолдан ҳар бало кутса бўлади. Уни ҳукуматга тутиб бериш керак.* П. Турсун, Ўқитувчи; 2) етакчи феълдан англашилган маънони кучайтириб ифодалайди. *У қўлини силтаб бақириб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Қамбаралидан эшитиб ишонмади ва иккаловини ҳам сўкиб берди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Зулайҳо отамлар уришиб берадилар.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**9** Кўмакчи феъл вазифасида -а, -й аффиксли равишдош шаклларидаги етакчи феъллар билан бирикиб келганда, кўпинча -вер шаклида талаффуз қилинади ва куйидаги маъноларни ифодалайди: 1) етакчи феълдаги ҳаракатнинг бажарилиши учун қаршилик, монелик йўқлигини, у бемалол бажарилиши мумкинлигини англатади. *Қатиқламасдан косаларга суза бер.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ. *Бахузур ўтира бер, чарчагандирсан?* У. Исмоилов, Сайланма; 2) етакчи феълдаги ҳаракатнинг давомлиги, такрорийлигини билдиради. *У сув ташиб, хумларга қуя берди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўлимдан бошқа ҳамма яхшиликнинг барвақт келгани маъқул, деб она-бола изғий берди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Сенинг муштингни ея бериб, жонимда жон қолган эмас.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. *Ҳа-деб катта шаҳарда яшай бериш ҳам одамни диққинафас қилиб юборади.* Т. Ашууров, Оқ от.

**10** Етакчи феъл сифатида қўшма феъллар таркибига киради, мас.: *бериб тур, бера қол, бериб юборди.*

**Бердисини айтгунча уриб ўлдирмоқ** Гапни охиригача эшитмасдан ҳукм (хулоса) қилмоқ. *Бердисини айтгунча уриб ўлдирадиган кўринасан, сабр қилгин, болам.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БЕРТОЛЛЕ** [< француз кимёғари Клод Луи Бертолле (Berthollet) номидан]: **бертолле тузи** ким. Тиббиётда дезинфекция учун, техникада портловчи моддалар тайёрлаш учун қўлланадиган, садаф каби товланувчи порошок; калий хлорат.

**БЕРТОЛЛИДЛАР** Француз кимёғари Клод Бертолле номи билан аталган кимёвий бирикмалар.

**БЕРУХСАТ** [бе.. + рухсат] *рвш. айн. рухсатсиз.* *Берухсат кириш мумкин эмас. Мен-*

дан берухсат кетманг. ■ Ундан берухсат қадам ташламайдиган бўлди. Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

**БЕРУХ** [бе.. + рух] Рухан эзилган, руҳи паст, руҳсиз. *Ҳафиза шу кундан бошлаб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди, у несадир бемажол ва берух эди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БЕРЧ** Дағал, эзилмайдиган; чайнаб бўлмайдиган. *Берч лой. Берч нон. Олманинг берч жойи.* ■ *Мирвали баъзан текисланган ердан бир сиқим тупроқ олиб, кафтида эзиб кўради. Сап-сариқ, олтинга ўхшайди: эзгиласанг, берч бўлиб, қўлингга ёпишмайди. Уқаланиб кетади.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БЕСАБАБ** [бе.. + сабаб] *айн. сабабсиз.* *Бесабаб оёққа тикан кирмас.* Мақол. ■ *Юзингдан олар беадаб, Ишдан қолар бесабаб. «Кўшиқлар».* *Кулфату роҳат кишига келса, келмас бесабаб.* Ҳабибий. *Эслайман, болалик чоғимда бир кун Бозори тош отди менга бесабаб.* А. Орипов.

**БЕСАБР** [бе.. + сабр] Сабри, тоқати йўқ, чидамсиз, тўзимсиз. *Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар.* Мақол. ■ *Басавлат, шаддод аёллар бесабр бўладилар.* «Шарқ юлдузи».

**БЕСАБРЛИК** Сабр, чидами етмаслик; чидамсизлик, тоқатсизлик. *Бесабрлик билан кутмоқ.*

**БЕСАВОД** [бе.. + савод] **1** Ёзув-чизувни билмайдиган, саводи йўқ. *Бесавод одам. Бесавод бола.*

**2** Илму маърифатдан беҳабар; билимсиз. *Бизам жа-а бесаводмас, ҳеч қандай инфекция йўқлигини биламиз. Баччагар, юқади дейди-я! Ҳи-ҳи!* «Ёшлик».

**БЕСАМАР** [бе.. + самар] Фойдасиз, натижасиз, беҳуда. *У миясини ҳоритган бесамар ўйлар, вужудини чулганган ҳардамхаёл кайфиятдан фориг бўлиш учун боши оққан томонга кетишга рози.* С. Нуров, Нарвон. *Оқсоқол уларнинг сафари бесамар кетишини қайдан билди – бу ҳол ҳали-ҳали сир эмиш.* М. Мансуров, Ёмбн.

**БЕСАМАРА** *айн. бесамар.* Афсуски, бесамара меҳнат қилибсиз. «Шарқ юлдузи».

**БЕСАНОҚ** *айн. саноқсиз.* *Дашт этагидаги адир ва қумтепаликлардан парвоз қилиб ёпирилган гирдоблар.. осмон кўксига бесаноқ найзалар отар.. домига нимаики илашса, чирпирак қилар эди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БЕСАР** [ф. *بی سر* – бошсиз, боши йўқ]: **бесар бўлмоқ** Бесаранжом бўлмоқ, тинчлигини, ҳаловатини йўқотмоқ. **Бесар қилмоқ** (*ёки этмоқ*) Бесаранжом қилмоқ, тинчлигини, ҳаловатини бузмоқ; издан чиқармоқ. *Қалб танҳо сени ўйлаб, кулиб гоҳ, гоҳи йиғлардим, Нетай, ҳижрон азоби айламиш беихтиёр, бесар.* Н. Муҳаммад, Баҳор тароналари. *Кўкда ой кезади бесару сомон, Йироқ замин узра ташлаб ҳорғин из.* А. Орипов.

**БЕСАРАНЖОМ** [бе.. + саранжом] **1** Саранжом-саришта қилинмаган; саранжом топмаган, айқаш-уйқаш. *Бесаранжом уй. Ошхона доим бесаранжом.* ■ *Болаларнинг ўйинчоқлари, китоб, газеталар билан бесаранжом бўлган хонада бир аёл ётарди.* С. Зуннунова, Қанот. *Барча ҳовлилар қатори уларники ҳам бесаранжом.* «Шарқ юлдузи».

**2** Саранжом-саришталикни билмайдиган, пала-партиш иш, рўзғор тутадиган. *Бесаранжом хотин.*

**3** Ҳаяжон, изтиробга тушган; ташвишли, изтиробли, безовта. *Мўйлов бесаранжом кўзларини жовдиратиб, дарров гапира олмади.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари. *Чол бесаранжом бўлиб, кўзи бежо, олма-кесак тера бошлади.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**БЕСАРАНЖОМЛИК** Тинчи бузилганлик, безовталиқ, тартибсизлик. *Юсуфбек ҳожи юрт бесаранжомлиги ва ўғил қайғуси билан асабийлашган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Татьяна Ҳайдарнинг авзойида қандайдир бесаранжомлик борлигини сезди.* И. Раҳим, Ихлос. *Энди қорачиқлари кенгайиб, бесаранжомлик ўрнини мунгли ифода эгаллади.* «Ёшлик».

**БЕСАРИШТА** [бе.. + саришта] *айн. бесаранжом.* *Бу хил одамлар ўта бесаришта, инжиқ ва ўта сершубҳа бўлади, сизнинг ҳар бир ҳаракатингиздан гумонсирайди.* «Ёшлик».

**БЕСАС** Ҳеч нарса демай, товуш чиқармай, унсиз. *Шайх арвоҳдек бесас, бепарво турарди.* С. Сиёев, Аваз. *Лекин асир бесадо, бесас, Боши ёриқ, яраланган, қон, Мурда каби ётарди бежон.* Х. Олимжон. *Қудуқ тубидаги оқ тошдек бесас Кўксимда ётибди хотирам маним.* «Саодат».

**БЕСОАТ** **1** [бе.. + соат] **1** Соати йўқ, соатсиз.

**2** Вақти, соатининг тайини йўқ; бемаҳал, бемаврид. *Кўздан тўкилган ёшдан Бесоат кун чиққан экан.* «Нурали». *Уст-*

устига гала душман, Бу урушлар бесоати: ё кечаси, ё кундузи. «Гулихиромон».

**БЕСОҚОЛ 1** Хали соқол-мўйлови чиқмаган, ёш ёки соқол қўймаган; соқолсиз. *Куш учса қаноти куядиган чўлларда.. бесоқол болам, йўл бўлсин?* «Кундуз билан Юлдуз».

**2** *от этн.* Бачча вазифасида сақландиган, ҳали соқоли чиқмаган чиройли бола. *Мулаларнинг талаши — вақф, масжид, тўй оши, Бесоқолдир ўйнаши, йиғла миллат, йиғлайлик.* Ҳамза. [Турсун] *Ёдгорнинг самоварчи ҳам ошпаз исмида юрган бесоқолидир.* Ҳамза.

**БЕСОҚОЛБОЗ** айн. *баччабоз.* Ана энди бу Ҳасан чопсон қурғури ҳам бесоқолбоз эди, ҳам хотинбоз эди. «Гулнорпари».

**БЕСОҲИБ** [бе.. + соҳиб] Эгаси йўқ, қаровсиз; ташландик, хароб. *Бефарзанднинг бесоҳибдир кўрғони.. «Эрали ва Шерали». Ким эшитар менинг қилган ноламни, Бесоҳиб айлади шахру қаламни (қалъамни).* «Эрали ва Шерали». *Бесоҳиб бўлмасин ҳеч кимнинг жойи.. «Юнус пари».*

**БЕССЕМЕР** Бессемерлаш усули билан пўлат олиш жараёни.

**Бессемер пўлати** Бессемерлаш йўли билан олинган пўлат.

**БЕССЕМЕРЛАШ** [инглиз ихтирочиси Генри Бессемер (Bessemer) номидан] *тех.* Эриган, суюқ чўян орқали ҳаво ёки кислород ўтказиб, ундаги ортиқча углерод ва б. қўшимчаларни куйдириш йўли билан пўлат ҳосил қилиш.

**БЕСУБУТ** [бе.. + субут] Бир гапта, ваъдасида турмайдиган; бурди, тутуриғи йўқ. *Танимасман, кўрмасман, ёт у мен учун, Баски бирор дўзахидир, шилқим, бесубут.* А. Орипов.

**БЕСЎНАҚАЙ 1** Кўриниши ҳаддан, меъёрдан ташқари, катта; қўпол, келишмаган. *Бесўнақай одам. Бесўнақай гавда.* ■ [Тилабой] *Суяги йўғон, семиз, кўзлари қисик, бесўнақай кимса эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Каримани кўриб, ёқа ушлайсиз. Девдай, оёқ-қўллари бесўнақай, қўполгина қиз эди.* «Ёшлик».

**2** Ҳаддан ташқари кўримсиз, хунук; бе-ўхшов. *Унинг [Полвоннинг] кўзи олида Умарбекнинг бесўнақай башараси гавдаланди.* С. Аҳмад, Қадрон далалар. *Унинг [Қобилоннинг] бошида эскироқ кўк кепка, шу рангда узун энгил пальто, оёғида эса катта, бесўнақай кирза этик.* Б. Даминов, Одамдан яхши ном

қолсин. [Поччамнинг] *Бошида бесўнақай ўралган қўпол салла.* Ойбек, Болалик.

**3** Жуда ҳам бемаъни, келишмаган; ўринсиз, қўпол. *Бесўнақай гап.*

**БЕСЎРОВ** айн. **бесўроқ.** *Сен бесўров боққа кирдинг, бемаъни, Тўкилади сендай аҳмоқнинг қони.* «Малика айёр».

**БЕСЎРОҚ** *рви.* **1** Рухсат олмай, рухсат бўлмагани ҳолда; сўрамай, берухсат. *Бу бефаҳм.. Шеров мenden бесўроқ иш қилмайди, деб вақти чоғ.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2** *с.т.* Тергов қилмай-нетмай, терговсиз. *Бесўроқ қамоқда ётмоқ.*

**БЕТ 1** Одам бошининг олд қисми, олд томони; юз, афт. *Унинг [қизнинг] бетидаги қуюқ қора қоши, қорачиғи, йириқдан келган ўйноқи кўзлари Элмуродга Муҳаррамни эслатди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Гуё бу сеҳрғар чол ҳамма сирни бетдан ўқиб олар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хон, Авазнинг гапини эшитмагандек, бетини буриб, қаватидаги наққошга нимадир тайинлаган бўлди.* С. Сиёев, Аваз.

**2** Юзнинг ёноқдан ияккача бўлган икки томонидан ҳар бири; чакка. *Икки бети қипқизил олмадай.* ■ *Дока рўмолин дол қўйган, ўнг бетига хол қўйган.* «Кўшиқлар». *Икки бети йилтиллаб, Новвой ширмой кулчадай.. «Нурали».*

**3** Бирор нарсанинг беткай, сирт томони, юзаси. *Ернинг бети сергиб, тобига келиши билан чигит экишга киришувимиз керак.* Газетадан. *Ҳовуз бетига кумушдай йилтироқ танга балиқлар чиқиб, нон ушоқларини илиб кета бошлади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Сол қалқиб турибди сувнинг бетида.* «Нурали».

**4** айн. **сахфа 1.** Газетанинг тўртинчи бети. ■ *Эртасига ҳалиги шеър газетанинг иккинчи бети бошида босилиб чиқиб, ҳамманинг оғзида қироат қилинди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ахир неча юз бет келадиган асарни кеча-кундуз ухламай, кўз нурини тўкиб, қўлда ёзиб чиқишининг ўзи ҳам меҳнатга кирмайдими?* Шукрулло, Сайланма.

**5** *кўчма* Томон, чет, соҳил. *Салорга яқинлашганда, сувнинг нариги бетидан хотинларнинг товуши келди.* Ойдин, Ўзидан кўрсин. *Сал юришгандан кейин аёл, етдик, деб кўчанинг чап бетидаги эшик олдида тўхтади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**6** *кўчма* Темирдан ясалган асбоб-қуролларнинг тиғи, дами. *Ер кетмоннинг бетини*

қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**Бет бўлмоқ** Юзма-юз бўлмоқ, рўпара келмоқ, учрашмоқ. *..бола-чақасининг кўз ўнгида шарманда бўлган одам қайта бошдан уларга бет бўлишга ҳадди бўлмайди.* «Ёшлик». *Бет бўламан деб тагин меласага тушиб қолма.* «Шарқ юлдузи». **Бет олмоқ** Қалинлашмоқ, қаймоқланмоқ. *Эрталаб сут бет олади ва бир оз қуюқ тортади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. **Бет чидамайди** Уяласан, номус қиласан киши. *Ҳадеб гап эшитаверишга бет чидамайди.* **Бетга айтмоқ** Аямадан (яширмасдан) ўзига айтмоқ. *Бетга айтганинг заҳри йўқ.* «Аския». **Бетга чопмоқ** Юз-хотир қилмай тик гапирмоқ. **Бетига оёқ қўймоқ қ. оёқ.** **Бетига қарамай** 1) ҳисоблашмай, сахийлик билан. *Пулнинг бетига қарамай сарф қилмоқ;* 2) аямай, аяб ўтирмадан. *Отнинг бетига қарамай, кечикмай номани етказ.* «Юсуф ва Аҳмад». *Қараманг отнинг бетига, Қамчилар уринг этига.* «Гулнорпари». **Бети йўқ** Ор-номуси йўқ, юзсиз. *Элга қўшилганинг кўнгли тўқ, элдан ажралганинг бети йўқ.* Мақол. *Бекорчининг бети йўқ, Қозон осар эти йўқ.* Мақол. **Бетинг борми?** Уятинг, ор-номусинг борми? **..бетини кўрмаган** Ҳеч кўрмаган, бошдан кечирмаган, ўзи нима эканлигини билмайдиган. *Эсини танигандан буён хаста бўлмаган, табиб бетини кўрмаган* Йўлчи.. Ойбек, Танланган асарлар. **Бетини кўрмай кетмоқ** Йўқолиб, узоклашиб кетмоқ; жудо бўлмоқ. *Ўн беш йил Шодмонбойнинг нулсиз хизматини қилиб, охирида ўн тўрт йил қишлоқ бетини кўрмай кетсин.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой. **Бетини сидирмоқ** Уятни йиғиштириб қўймоқ, лўлилик қилмоқ. *Қилиб шармандалик, бетни сидирди, Юлиб кўз, ҳийлаи найранг қидирди.* Ҳабибий. **Бетини юлмоқ** Дод-фарёд солиб, бетини тимдаламоқ. *Онам ёнимга келиб, бетини юла бошлади: -Нима ёнида қилдинг, жувонмарг? Энди эл-юрт олдиди қандоқ тирик юрамиз?* П. Турсун. Ўқитувчи. **Бетини қайтармоқ** Шаштини тўхтатмоқ, орқага буриб ташламоқ, чекинишга мажбур қилмоқ. *Лаънати фашистнинг бетини бир қайтариб олсак, марра бизники..* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бети қалин** (ёки **қаттиқ**) Гап таъсир қилмайдиган, ор-номуси йўқ, сурбет. *Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури.* Мақол. ■ *Умид қилма энди суту*

*қаттиқдан, ўргилдим-ку сендек бети қаттиқдан.* А. Пўлат. **Бети қолмаслик** Ботина олмайдиган, уяладиган бўлиб қолмоқ. *Ўзим чиқай десам, бетим қолмади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бети қора** Эл олдида уятга қолган, юзи шувут. *Бадфеъанинг бети қора.* Мақол. **Бети қотмоқ** Гап таъсир қилмайдиган, уялмайдиган бўлиб қолмоқ. *Болани сўксанг, бети қотар, Урсанг — эти қотар.* Мақол. **Бети қурсин қарғ.** Юзини кўришга тоқатим йўқ, кўзга кўринмасин, йўқолсин, ўлсин, қуриб кетсин. *-Бетларинг қурсин, одамхўрлар!— деб ғижинарди.* Файратий, Унутилмас кунлар. **Қайси (ёки не, қандай) бет билан** Қандай қилиб, уялмай-нетмай. *Акам — жигарим. Суюнаман! Лекин.. энди унга қайси бетим билан рўпара бўламан!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Не бет билан Кўнғирот элга бораман.* «Алпомиш». **Қўллни бетга тортмоқ** Фотиҳа қилмоқ, дуо қилмоқ, фотиҳа бермоқ. *Душман битган — бари жонни сотади, Мирза Маҳмуд қўллни бетга тортади.* «Юсуф ва Аҳмад».

**БЕТА** [юн. beta] 1 Юнон алифбосининг иккинчи ҳарфи (β) ва шу ҳарфнинг номи.

2 Модданинг муайян ҳолатини ҳамда маълум сўзнинг бета-зарралар ёки бетанурларга алоқадорлигини билдирувчи сўз бўлаги. *Бета-зарра.*

**Бета-емирилиш** Атом ядроларининг элементар зарралар — электрон ёки позитрон чиқариб, радиоактив емирилиши, парчаланиши. **Бета-зарралар** Бета-емирилишда радиоактив ядролардан ажралиб чиқадиган элементар зарралар — электронлар ва позитронлар. *Бета-зарралар оқими бета-нурлар дейлади.* «ЎЗМЭ». **Бета-терапия** Касаллик туфайли организмнинг ўзгарган тўқималарини бета-нурлар ёрдамида даволаш усули.

**БЕТАВФИҚ** [бе.. + тавфиқ] 1 Дин йўл-йўриқларига ишонмайдиган, диний эътиқодсиз; имони йўқ; муртад. *Калима келтир, бетавфиқ!* Ойбек, Танланган асарлар. *Кимда-ким худонинг осий бандаси.. бетавфиқ Аваз Утар ўғлининг дўконига оёқ босса.. сочсоқол олдирса, имони куйга-ай!* С. Сиёев, Аваз.

2 кўчма Уятни (номуси, ҳаёси) йўқ; уятсиз. *Мард илгитнинг номус-ори бўлади. Юлдузойни ёрим дема, бетавфиқ.* «Кундуз билан Юлдуз». *Бетавфиқ чол, ичиб, йиқилиб ётибди.* Газетадан.

**БЕТАЙИН** [бе.. + тайин] **1** Бор-йўқлиги, юз бериши ёки бермаслиги аниқ бўлмаган, номаълум, тайинсиз. *Фуломжон хушига келди. Уни энди бетайин бир қўрқув хушига келтирган эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Йигитманги, таваккални қиламан, Бетайин юртларга кетиб бораман.* «Муродхон». *Кўзи-бой чолнинг касби бетайин. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.*

**2** Бир зайлда, бир гапта турмайдиган; тутуриғи, бурди йўқ, беқарор. *Бетайин одам. ■ Кўрқоқ, бетайин, иродасиз, маслаксиз, ношуд одам бошига оғир бир мушкул тушганда сотқинлик қиларкан-да!* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Болалар одамгарчилиги йўқ, бетайин кимса экан, дейишмасмикан?* С. Сиёев, Ёруғлик.

**3** Таги пуч, асоссиз, беҳуда; мужмал; мақсадсиз. *Бетайин гап. Бетайин жавоб. ■ Кампир, йиғлаб, бунда савол қиласан, Бетайин гапирсанг, тайин ўласан.* «Гулшанбоғ». *Гаранг қилди бу бетайин юришлар, Соқибулбул, ўйлаб, бергин маслаҳат.* «Маликаи айёр».

**БЕТАКАЛЛУФ** [бе.. + такаллуф] Ортиқча мулозаматни ёқтирмайдиган ёки ана шундай мулозамат қилишни билмайдиган; камсукум; ортиқча такаллуфдан, мулозаматдан холи. *Бетакаллуф одам. ■ Булар орасидаги бетакаллуф муомала ва муносабатга одамлар ўрганиб қолди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари. Ҳабиб бу йигитлар билан бетакаллуф кўришиб чиқди. Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? Чол бетакаллуфгина чордана қуриб ўтирди-да, хотини қуйиб узатган аччиқ памил чойни пуфлаб ича бошлади. Ҳ. Фулом, Феруза.*

**БЕТАКРОР** [бе.. + такрор] **1** Такрорланмайдиган, қайтиб келмайдиган. *Умр бир берилгай, қайтмас, бетакрор.* «Саодат». *Биламан, Хизр ким ва бидъат нима, Биламан, ёшлик ҳам кетди бетакрор. А. Орипов. Болалик.. шодлигу қувончларга, орзу-ўйларга тўла беғубор ва бетакрор ўйинқароқ дамлар..* «Саодат».

**2** Тенги йўқ, ноёб, топилмас. *Ҳалима Носированинг беқиёс санъати, табиий ва бетакрор овози халқимиз қалбидан чуқур жой олган.* «Саодат». *Улкамиз тарих ва маданиятида.. кўҳна Тошкентнинг ўрни бетакрор. Газетадан. Тиббиёт олимларини Косонсойнинг бетакрор табиати қизиқтиради.* «Саодат».

**БЕТАМИЗ** [бе.. + тамиз] Ўз ақли, фаросати билан бир иш қилолмайдиган; нарса-

ҳодисанинг моҳиятига фаҳми етмайдиган; дид-фаросати йўқ, бефаҳм. *Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас.* Мақол. ■ *Аммо дуч келган одамга ўзи ва ўзгалар ҳақида оғзига келганини гапирадиган бунақа бетамизни учратмаган эди. Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.*

**БЕТАМИЗЛИК** Фаҳму фаросатсизлик, идроксизлик. *Меҳмоннинг қизарганини пайқаган кекса бой ўз хотинининг катта оғиз ва бетамизлигига аччиғланиб, юзини тескари бурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу ўринда, гар бир қадар муносабатсиз бўлса ҳам, мулла Муҳсиннинг бир бетамизлигини айтмасдан ўтолмаймиз. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ.*

**БЕТАРАФ** [бе.. + тараф] Ҳеч қайси томонга, гуруҳга ён босмайдиган, қўшилмайдиган; холис. *Бетараф мамлакатлар. ■ Уч киши бетараф қолди.* «Шарқ юлдузи».

**Бетараф зона** Ҳеч кимга қарашли бўлмаган ҳудуд.

**БЕТАРАФЛИК** Қўшилмаслик, холислик. *Бетарафлик сиёсати. Бетарафлик йўлини тутуши.*

**БЕТАРАФОНА** *рвш. кам қўлл.* Ҳеч қайси томонга ён босмай, қўшилмай; холис ҳолда. *Бетарафона иш тутмоқ.*

**БЕТАРТИБ** [бе.. + тартиб] **1** Тартибга солинмаган ёки тушмаган, айқаш-уйқаш; тартибсиз ҳолдаги. *Бетартиб хўжалик. ■ Қўра этагидаги девор устига бетартиб шох ёйган қора тол зулмат қўйнида хаёлий шарпаларни эслатади. Ҳ. Фулом, Машъал. Аёл кийим-кечаклар бетартиб сочилган хона ўртасида гангигандек сўппайиб турарди.* «Ёшлик».

**2** Тартиб-интизомга риоя қилмайдиган; тартибни бузувчи; қонун-қоидага бўйсунмаган ёки бўйсундирилмаган, тартиби йўқ; пойма-пой. *Бетартиб гап. Бетартиб бола. Жуда ҳам бетартиб бўлиб кетясан.*

**БЕТАСКИН** [бе.. + таскин] Тинчлик, тасали бермайдиган; бетинч, бесаранжом. *Беадад, бетаскин бир алам вужудини қамраб, бўғзини қаттиқ бўға бошлади. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.*

**БЕТАШВИШ** [бе.. + ташвиш] **1** Ғам-ташвишдан холи, ғам-ташвиши бўлмаган. *Беташвиш бой қайда, Меҳнатсиз ош қайда.* Мақол. *Гулга, нурга бурканган хиёбонларда бахтиёр, беташвиш одамлар орасида чарча-*

гунларича [Набижон билан Муборак] юришди.  
С. Зуннунова, Қанот.

**2** Ғам-ташвишсиз, осойишта, тинч. *Беташвиш иш. Тун беташвиш ўтди.* ■ *Аввалига секин бошланган, кишининг беғам, беташвиш шўх кунларини эслатадиган куй, бориб-бориб жуда авжига чиқиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**БЕТАЪЛИМ** [бе.. + таълим] Таълим, тарбия кўрмаган; тарбиясиз. *Бетаълим бола.*

**БЕТАЪРИФ** [бе.. + таъриф] Бирор-бир таърифга, тавсифга сигмайдиган, таърифи чексиз. *Наврўзи олам — табиатнинг беташриф яшаши, демак, умрларнинг бошланиши ҳам.* «Ёшлик».

**БЕТАЪСИР** [бе.. + таъсир] **1** *айн. таъсирсиз.* *Бетаъсир гап.*

**2** Гап таъсир қилмайдиган, териси қалин; сурбет. *Бетаъсир одам.*

**БЕТАҲЛИКА** [бе.. + таҳлика] Хавф-таҳлика солмайдиган; хавф-хатарсиз, тинч. *Бетаҳлика иш. Кун бетаҳлика ўтди.* ■ *Гулрўй унга тегибдики, бирор кунни бетаҳлика ўтганини эслолмайди.* «Ёшлик».

**БЕТАҲОРАТ** [бе.. + таҳорат] **1** Таҳорат қилмаган, олмаган ҳолда. *Ана энди кўнглини хотиржам қилгандан кейин, бет-қўлини ювиб, бекларнинг раъйига қараб, кунда бетаҳорат намоз ўқувчи эди.* «Юсуф ва Аҳмад».

**2** кўчма Динсиз, имонсиз. *Бетаҳорат одам.*

**БЕТГАЧОПАР** Андиша қилиб ўтирмай, тортинмасдан, одамнинг юзига тикка айтувчи. -*Агар боланинг руҳи синмаса, шунақа бетгачопар.. бўлади, — деди [Ақбархўжа].* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Бетгачопар!* — *деди гижиниб. — Шу туришингиз бўлса, косангиз оқармади, Алиев!* «Ёшлик».

**БЕТГАЧОПАРЛИК** Оғзига келганини қайтармасдан айтиб юборишлик, андиша қилиб ўтирмасдан, юзига тикка айтишлик. *Ҳеч бўлмаганда, «менда нима айб», деб бетгачопарлик қилмадингиз-а?! Э, балли-ей.* «Ёшлик». *Унақа бўшашаверманг, бийрон бўлганга нима етсин, деб турган одам беихтиёр тортинчоқликни мақтади, бетгачопарликни жини суймаслигини билдирди.* «Ёшлик».

**БЕТЕРГОВ** с. т. *айн. терговсиз.* *Бетергов қамоқда ётмоқ.*

**БЕТИЗГИН** *айн. тизгинсиз* **2.** *Бетизгин хаёл.* ■ *Унинг шоирона руҳи бетизгин.* «Ёшлик».

**БЕТИЙИҚ** Тутиб, тўхтатиб бўлмайдиган, тизгинсиз. *Каримнинг ранги бузаради, кўзларидеки бетийиқ ифода қаҳра айланади.* «Ёшлик». *Оила бошлиғи ҳар жиҳатдан етук бўлса.. фарзандлари ахлоқ-одобли, меҳнатсевар бўлиб етишади. Акс ҳолда, бола эмас — бало.* *Бетийиқ бўлади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БЕТИЛСИМ** [бе.. + тилсим] Очиқ кўри-ниб турган, яширинмаган. *Холи ва ёввойи Қоратоғ бағри, Бағрингда бетилсим талай кон кўрдим.* Миртемир, Асарлар.

**БЕТИМСОЛ** [бе.. + тимсол] Тимсоли йўқ; мислсиз, тенгсиз. *Бир ёнда хаёлий Эрам боғидек Буюк ва бетимсол менинг Ватаним.* А. Орипов. *Дунё бир гулзордир, кенг ва бетимсол, Юлдузлар гунчадир унинг ичиди.* А. Орипов, Йиллар армони.

**БЕТИНИМ** **1** *айн. тинимсиз* **1.** *Бетиним аёл.* ■ *Жуда бетиним одам экансиз. Нега мунча оворагарчилик! Ойбек, О. в. шабадалар. Бу бақалоқ, оғиргина йигит бирдан ўзгариб.. лабини ялаб, ҳовлиққанча бетиним гапирар эди.* «Шарқ юлдузи». *Соҳилда одам дегани бамисоли чумолидек, тўғрироғи, қишдан омон чиққан асаларидек, бетиним ғимирлайди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**2** Узлуксиз, давом этадиган, тинмайди-ган. *Бетиним ёмғир.* ■ *Бетиним қор ёғяпти..* «Ёшлик».

**БЕТИНЧ** Тинчлиги, ҳаловати бузилган, безовта, нотинч. *Бетинч вақт. Бетинч тун. Бетинч уйқу. Тун бетинч бўлди.* ■ *Эл бетинч, одамларнинг юзлари ғамгин, суҳбатлари серташивиш эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нега кўзинг безовта, бетинч, Боқишларинг бу қадар мунгли?* «Ёшлик».

**БЕТКАЙ** **1** Нарсанинг кузатувчига ёки бирор нарсага қараган олд қисми, сирт томони. *Кун[га] беткай жойда бўлгани, адир шабадасига кўндаланг тургани учун бу ер доимо қақраб ётади.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Утов тикилган кенглик қуёшга беткай бўлгани учунми, ўт-ўланлар яшиши униб, ер бетини қоплаган.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Шамол теккан гиёҳларнинг астари кумуш рангга кирар, шамол тегмаган беткайи тиниқ яшил тусда қимирламай турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**2** *шв. айн. бет* **3.** *Кўча беткайида бўладиган ҳар кунги очиқ олашовур бозорлар йўқ.* Ғ. Фулом. *Ҳовли беткайига қатор-қатор столлар, курсилар қўйилган.* «Шарқ юлдузи».

**БЕТЛАМОҚ I** Ботиниб бетма-бет келмоқ, рўпара бўлмоқ, юзма-юз келишга журъат қилмоқ. *Унга ҳеч ким бетлай олмайди.*

**Юраги бетламади** Журъат қила олмади, ботина олмади, рўпара кела олмади; кўрқди. *Сувонжон дарчаси боққа қараган уйга киришга юраги бетламай, бир дам туриб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қамариддиннинг онаси билан учрашишга юраги бетламайди.* «Ёшлик». Саид ариққа тушишга юраги бетламади. С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БЕТЛАМОҚ II** Ёзма нарсаларнинг бетларини, саҳифаларини рақамламоқ. *Қўлёз-мани бетлаб чиқдим.*

**БЕТЛАШТИРМОҚ** Бетлашмоқ фл. орт. н. Бирор нарса, масалани аниқлаш учун икки одамни юзма-юз қилмоқ. *Ҳалимани Олим билан бетлаштирдим.*

**БЕТМА-БЕТ I** айн. юзма-юз. *Шундай деб икки ботир, Бир-бирига бўлди бетма-бет.* «Нурали». *Сен билан турибман бу кун бетма-бет..* А. Орипов.

**2 рвш.** Бирор бетини қолдирмай. *Китобни бетма-бет қараб чиқдим.*

**БЕТОБ** [ф. بىتاب — бесаранжом; кучқуввати кам; касал] Бирор касаллик билан оғриган; тоби қочган; касал, бемор. *Гап десанг — қоп-қоп, Иш десанг — бетоб.* Мақол. **■** *Бетоб, дармонсиз Гулнор.. офтобда қуриган бир кучоқ ёзлик кийимларни аллақайёқдан йғиштириб келар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Адолат юзига иситма тошиб ёндида, бетоб бўлиб ётиб қолди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**2** кўчма Севги, муҳаббат дардига дучор бўлган. *Дарди тушган чоғидан бетоб ва лекин соғман.* У. Исмоилов, Сайланма.

**3** кўчма Зўрға, ожиз бир ҳолда. *Довул етмас жойларда ҳамон У бўроннинг кучсиз ва бетоб Увлашини тингларди шодон.* Ҳ. Олимжон.

**БЕТОБЛИК** Беморлик, касаллик, хасталик. *Кўзларимга мунча хомуш, мунча маъюс боқасан, Ёки мурғак дилгинанг бетоблигимни сезади.* С. Зуннунова, Олов.

**БЕТОЛЕ** [бе.. + толе] айн. **толесиз, бахтсиз.** *Бетоле ёр, нега бурунлар Бўлмагандинг кўзга намоян.* Ҳ. Олимжон.

**БЕТОН** [фр. beton < лот. bitumen — тоғ смоласи] Цемент, кум ва шағалга сув қўшиб тайёрланган қоришманинг зичлашиб қотишидан ҳосил бўладиган қурилиш материали.

*Бетон қормоқ. Бетон девор. Бетон тўсин. Бетон зовур. Бетон қорадиган машина. ■ Кеча ишчилар ГЭС пойдеворига бетон қуйиб, станция деворини тиклаб бўлдилар.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Қишда совуқ бетон уни муздек қисар, саратонда нозик танасини оловдек куйдирарди.* «Ёшлик».

**БЕТОНЛАМОҚ** Бетон қуйиб ишламоқ, бетон қуйиб мустақамламоқ. *Каналларни бетонламоқ. ■ Шунинг учун қиш киргунча тўғоннинг бир қисмини бетонлаб, қўлдан чиқариш керак экан.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**БЕТОНЧИ** Бетон қуювчи ёки қорувчи ишчи. *Бетончилар бригадаси. ■ У кезларда ёш бетончи эдим, фабрикани қуришга қуриб бўлди-у, энди уни қўриқлаш ўзи бир азоб эди.* А. Мухтор, Асарлар.

**БЕТОНҚОРГИЧ** Бетон қоришмасини тайёрлашда ишлатиладиган, электр двигателли, ағдарма қисми қўзғалмас қориштириш барабанидан иборат бўлган машина.

**БЕТОҚАТ** [бе.. + тоқат] Тоқати йўқ, сабр-тоқат қилиб, бардош бериб тура олмайдиган; тоқатсиз, чидамсиз. *Бетоқат одам. ■ Баъзи бир бетоқатлар кастрол-қошиқларни тақиллатади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У бетоқат, интизор кўзлари ёлғизоёқ сўқмоқда.* «Шарқ юлдузи». *Севаргул бору борлигида беқарор бир ҳадик кезаётганини ҳис этиб, бетоқат ортисга бурилди.* Н. Қиличев, Чигириқ.

**Бетоқат бўлмоқ 1)** сабр-тоқати тугаб, тоқати тоқ бўлиб ҳаяжонланмоқ. *Нигоранинг кўз қорачиқлари кенгайди. ҳаяжондан бетоқат бўла бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой; **2)** ортиқ даражада безовта бўлмоқ, ўзини у ёқ-бу ёққа уриб тўлганмоқ. *Оёғим оғриб, кечаси билан бетоқат бўлиб чиқдим. ■ Бобоқул ота ётган жойида узоқ йўталди, сўнг ўпкаси қисиб, хириллай бошлади. Бетоқат бўлиб, кўрпани очиб ташлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Баъзи кунлари иситмаси кўтарилиб, [Абу] бетоқат бўларди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

**БЕТОҚАТЛАНМОҚ** Тинчи, ҳаловати бузилмоқ, тоқат қила олмай қийналмоқ, безовта бўлмоқ. *Офтоб ҳам энди аллақандай бетоқатланиб, кўчага қараб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби. *Холиса бирдан бетоқатланди, аста ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Машина қанотига суяниб турган Султониде бетоқатланиб, чуқур тин олди.* М. Мансуров, Ёмби.



**БЕТОҚАТЛИК** Тинчи, ҳаловатини йўқотганлик, безовталиқ. У [Адолат] Усмонжонни бетоқатлик билан кутар, лекин унинг келишидан қўрқар эди. С. Зуннунова, Гулхан. Қоронғилик тушишини бетоқатлик билан кутарди. Мирмуҳсин, Темур Малик. *Ота яна намозгар чоғи булутдек бўлиб кириб келдию, супа ўртасида тўхтаб, бетоқатлик билан Диловарни сўради.* Н. Қиличев, Чигириқ.

**БЕТСИЗ** айн. юзсиз. Шу билан нафсларинг ором оладими, қандай бетсиз одамсанлар! Ойбек, Танланган асарлар. *-Бетсиз! — деди Пайғамов. Даллолов бу сўз кимга тегишли эканини англамай, донг қотиб қолди.* С. Нуров, Нарвон.

**БЕТУТУРИҚ** айн. тутуриқсиз. Бетутуриқ одам. Бетутуриқ гап. ■ Саккиз йилдан бери суд аппаратида ишлаб, бундай бетутуриқ айблов фикрини.. кўрганим йўқ. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БЕТЎХТОВ** рвш. 1 Тўхтаб қолмасдан, тўхтамай, тинмай, тўхтовсиз. Ер кетмоннинг бетини қайирадиган даражада тош-метин бўлиб музлади. Орасида бир ҳафта бетўхтов қор ёғди. С. Анорбоев, Оқсой. Қўл кўтарар бетўхтов Биринчи бўлиб Анвар. А. Орипов.

2 Сўз бораётган оннинг ўзида дарҳол, кечиктирмай. Гапимни тезда, бетўхтов холанга етказ, ҳўпми? ■ Аҳмаджон.. урушга бетўхтов юборилишини кутар эди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БЕУН** поэт. Умуман дамани, товушини чиқармасдан; ичида; дилида. Олимхўжа юзини ўғирди, у беун йиғлади. «Шарқ юлдузи». Уғиллар, келинлар оғир хўрсиниб, Нажотсиз термулиб бўзлашар беун. «Ёшлик». Кечалар боқаман юлдузли тунга, Гоҳ шеърлар ўқийман соғиниб, беун. «Ёш куч».

**БЕУНУМ** айн. унумсиз. Беунум иш. Беунум харажатларни калайтирмоқ.

**БЕУСТУХОН** [бе.. + устухон] Суяги йўқ; суяксиз. Беустухон гўшт.

**БЕФАЙЗ** [бе.. + файз] Дилни, кўзни қувонтирмайдиган; кўримсиз, файзсиз, совуқ. Бефайз иморат. ■ Сен ҳам менинг ўғлим тенгисан, ҳовлинг қаровсиз қолиб, жуда бефайз бўлиб қопти. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Чойхона бефайз, уч-тўрт хўранда тўрда юнка шолчага ёнбошлаб, чой ичарди. С. Сиёев, Аваз.

**БЕФАРЗАНД** [бе.. + фарзанд] Боласи, фарзанди йўқ; бола кўрмаган. Бефарзанд одам

■ [Ўғилни] Бир бефарзандга болаликка бердим. Қаерда бўлса, эсон бўлсин. Ойбек, Танланган асарлар. У олтмиш тўрт ёшга кирган бўлса ҳам, бефарзанд эди. «Эрали ва Шерали».

**БЕФАРЗАНДЛИК** Фарзандсизлик, бола-чақага эга эмаслик; бепуштлиқ. Бефарзанд сийнаси доғли, бефарзандликдан азоб тортган неча чоғли. «Нурали». Кўзим тўлди бугун қонли ёшим, Бефарзандлик ситам қилди бошим. «Нурали».

**БЕФАРМОН** [бе.. + фармон] Буйруқсиз, кўрсатмасиз, амрсиз. Иш бўлмас қудратли ҳақдан бефармон, Ажал тиғи бошингдадир, момажон. «Маликаи айёр».

**БЕФАРОСАТ** [бе.. + фаросат] Фаҳму фаросати йўқ, унча-мунчага фаросати етмайдиган, бетамиз. Бефаросат одам. ■ Ёмон йўлларга бошловчи рафиқу ошнодан кеч, Расоларга яқин бўл, бефаросат, норасодан кеч. Ҳабибий. *-Эртага ишга тушаверинг! — деди у. Буни эшитиб хурсанд бўлганимни кўринг. Бунча бефаросат бўлмасам-а.* «Ёшлик».

**БЕФАРОСАТЛИК 1** Фаҳму фаросат билан иш кўра олмаслик, бефаҳмлиқ, фаросатсизлик. Бефаросатлик қилибман, кечирасиз! ■ Кўпчилик бу одамни [Мадаминни] «Ариқ оқсоқол», севмаганлар эса, калласининг катталиги ва бефаросатлиги учун, «Мадамингов» дер эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕФАРҚ** [бе.. + фарқ] 1 Ҳар нарсага, ҳар ишга эътиборсиз қарайдиган; лоқайд, бепарво. Бефарқ, беандиша киши экан-да раис. Ойбек, О.в. шабадалар. Уларга бамайлихотир, бефарқ анграйиб туриш ҳам хато. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

2 Фарқи йўқ; тенг, ўхшаш.

**Бефарқ қарамоқ** 1) эътиборсизлик, бепарволик билан қарамоқ, лоқайд бўлмоқ. «Наҳот эрининг тақдирига шунчалик бефарқ қараса!» — кўнглидан ўтди Элмураднинг. Шухрат, Шинелли йиллар. Содиқ ака бу бедодилка бефарқ қарамади. «Шарқ юлдузи»; 2) баравар қарамоқ, тенг кўрмоқ. Мен иккалангизга ҳам бефарқ, тенг қарайман.

**БЕФАРҚЛИК** Эътиборсизлик, лоқайдлик; фарқи йўқлик. Шу гапларни айтаркан, кўзларидаги куюнчалликни бирдан бефарқлик эгаллаган эди. «Ёшлик».

**БЕФАҲМ** [бе.. + фаҳм] Нарса-ҳодисани тезда фаҳмлай олмайдиган, унча-мунчага фаросати етмайдиган, калтафаҳм, фаҳмсиз. Бефаҳм киши. Бефаҳмнинг дарди ўзига юк.

Мақол. ■ Йўқ, бунга ҳаёт эмас.. бефаҳм, енгилтак Зайнабнинг ўзи айбдор. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**БЕФАҲМЛИК** Ўйламай иш тутишлик, фаросатсизлик. Бундай жинойткорона бепарволик қилишга.. ўзимнинг гўллим, бефаҳмлигим сабаб бўлди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. [Абдумажид] Жуда катта бефаҳмлик қилдим-да, деди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**БЕФИРИБ** [бе.. + фириб] Ҳийла-найрангсиз; фириб бермасдан. Савоб керак барчага ҳам ҳалол, бефириб, Мана менинг савобларим учма-уч экан. А. Орипов.

**БЕФОЙДА** [бе.. + фойда] Манфаати, нафи йўқ; фойда, даромад келтирмайдиган; фойдасиз. Бефойда иш. Бефойда ўтган умр. Бефойда сўзни айтма, Фойдали сўздан қайтма. Мақол. ■ ..атрофга бир қараб тушунди: ҳаракат қилиш ҳам бефойда. Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. Пулатов ортиқча гап энди бефойда деб билди ва ҳеч нарса демади. «Ёшлик».

**БЕХАБАР** [бе.. + хабар] 1 Хабардор бўлмаган, воқиф бўлмаган, хабари йўқ; хабарсиз. Беҳабар қолмоқ. ■ Ҳаётхон бундан беҳабар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Учқун ойисининг бошига тушган мусибатдан беҳабар. Ҳ. Фулом, Машғал. Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор, Бу ишлардан мендай журанг беҳабар. «Маликаи айёр».

2 Маълумоти йўқ, билими йўқ. Адабиётдан беҳабар киши. ■ ..баъзан биз ўз ижодимиздан тўртта-бешта китоб ўқиган, дунё адабиётидан беҳабар, маҳалла савиясидаги оғайниларимизнинг диди билан қувонамиз. Шукрулло, Сайланма.

3 Дуч келинадиган нарса, воқеа-ҳодисадан хабари бўлмасдан туриб, хабари бўлмаган ҳолда, билмасдан, бирдан. Чиқиб қолди ўзи беҳабар, Ташлаганди қия шол рўмол. Миртемир, Асарлар. Банда бехато бўлмас, бойвачча, беҳабар хонадонингизга кириб қолибман! А. Қодирий, Кичик асарлар.

**Худо(дан) беҳабар** Худо бор деб ўйламайдиган; худодан қўрқмайдиган, инсофсиз. Қарисанг ҳам, сен шумлайки ўйлайсан, Худодан беҳабар, қўйгин, ётайлик. «Нурали».

**БЕХАВОТИР** [бе.. + хавотир] Ҳеч хавотирланмаса ҳам бўладиган; шубҳаланишга ўрин бўлмаган, хотиржам, тинч. Беҳавотир жой. Беҳавотир ухламоқ. Тўғри

бўлинг, беҳавотир бўласиз. Мақол. ■ У ер иссиқроқ, беҳавотирроқмикан дейман. Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕХАВОТИРЛИК** Осойишталик, хотиржамлик; ўзини тутиб олганлик. Чўлоқ турначанинг қалтираши босилган, унинг вужудига бир беҳавотирлик ва ишонч кирган эди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

**БЕХАВФ** [бе.. + хавф] айн. хавфсиз. Беҳавф яшамоқ. Беҳавф бўлмоқ.

**БЕХАЛАЛ** [бе.. + халал] Ҳеч бир қийинчиликсиз, осойишта, тинчгина. Энди унинг масжидига бежанжал Борган одам яшар эмийш бехалал. Ҳ. Олимжон.

**БЕХАРХАША** [бе.. + хархаша] Жанжалсиз, бежанжал, хархашасиз, тинч. Турсуной нима қилсин? Машинани ташлаб, бежанжал, бехархаша.. қўл теримига қайтиб келсинми? И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**БЕХАТАР** [бе.. + хатар] Хавф-хатардан холи, зиён-заҳмат етказмайдиган, хатарсиз. Бехатар йўл. Бехатар жой. Сафарингиз бехатар бўлсин. ■ Довондан ўтиб олишса, у ёғи осон. Катта тош йўлга чиқишади-ю, шаҳарга бехатар етиб олишади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бу бехатар масканда бухоро буғуси, қундуз, қирғовул каби ҳайвонларни кўпайтириш кўзда тутилган. «Фан ва турмуш».

**БЕХАТО** [бе.. + хато] 1 Хатолардан холи бўлган, янглиш ери йўқ, хатосиз. Бехато матн. Бехато гап. Бехато ёзмоқ. ■ Банда бехато бўлмас, бойвачча, беҳабар хонадонингизга кириб қолибман! А. Қодирий, Кичик асарлар. Бу ўқи ҳам бехато бориб, аждарнинг кўзига теғди. «Булбулигўё».

2 кўчма. Тўлиқ, бирдек, бир текисда. Анорхоннинг ғўзаси.. тамоман бехато униб чиқди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БЕХИРАД** [бе.. + хирад] эск. кт. Ақли йўқ; ақлсиз. Беҳирадлардан жаноби тождорларга ҳар рўз, балки ҳар соат хавф бордир. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу беҳирад бандаларининг жазоларини ўзинг бергайсан! А. Қодирий, Кичик асарлар.

**БЕХИСЛАТ** [бе.. + хислат] Ижобий фазилатларга эга бўлмаган, яши фазилати йўқ. Беҳислат одам. ■ [Мастура Мирзакаримга:] Ҳар бало бўлсаям, шу сафаргиси бошқа жойда бўлсин! Жудаям беҳислат тушлар кўряпман. Ҳамза, Паранжи сирлари. Беҳислат бўлмайдиган тоғларнинг тоши. «Эрали ва Шерали».

**БЕХОР** [бе.. + ф. *خار* – тикан, тиканак] *поэт.* Тикансиз. *Ки олам боғида тоғмоқ гули бехор мушкулдур.* Бобур. *Даҳр гулзорида кўп гулларни кўрди эл, вале Кўрмади сендек латифу, нозику бехор гул.* Фурқат.

**БЕХОС** [ф. *بیخواست* – ногоҳ, тўсатдан, кутилмаганда] *айн.* **бехосдан, кўққисдан.** *Бозорга ун учун бораётганимда, бехос том бошидан гувала ташлаб юборди.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Тўрабек нима хаёлда экан, бехос чўшиб тушиди.* «Ёшлик».

**БЕХОСДАН** *рви.* **1** Кутмаган, хаёлга келмаган вақтда; кутилмаганда, тўсатдан, кўққисдан. *Назокат бехосдан берилган бу сўроққа жавоб беришга ўнғайсизланиб, узоқда сарғайиб турган адирларга тикилди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Бехосдан унинг кўли тегиб кетганидан, тикан кирган ери ловуллаб ачишиди.* «Ёшлик».

**2** Файриихтиёрий равишда. *Ичкарида гап тугаб, маънос сукунат бошлангач, Элмурод бехосдан қичқариб юборишдан кўрққандай, кўли билан оғзини босиб, ён-верига аланглади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕХОСИЯТ** [бе.. + хосият] Яхши, ижобий хосиятларга эга бўлмаган, ёмон; хосиятсиз. *Бехосият одам. Бехосият туш.* ■ *Ҳозирдан бехосият йигитнинг нима кераги бор.* Н. Қиличев, Чигириқ. *Болаларим, асти шамани ютманглар, кўп бехосият нарса бўлар эмиш.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**БЕХУД** [ф. *بيخود* – сабабсиз, бекорга; беҳуш; иродаси бўш] Ўзидан кетган, парижон, беҳуш, хушсиз.

**Гоҳ худ, гоҳ бехуд қ. худ.** *Хотинларнинг кўнглига ҳеч тушуниб бўлмайди: гоҳ худ, гоҳ бехуд.* С. Нуров, Нарвон. **Бехуд бўлмоқ** Ўзини ёмон ҳис этмоқ, беҳузур бўлмоқ. *Уша ерда мен жуда ҳам бехуд бўлиб, ўзимдан кетдим.* Ф. Гулом, Шум бола. *Нусратбекнинг юраги бехуд бўлиб, тоза ҳаво олиш учун ота-болани дим хонада қолдириб, ташқарига чиқди.* С. Нуров, Нарвон. **Баъдазон фақир бангнинг асорати билан бехуд бўлиб қолибдирман.** А. Қодирий, Кичик асарлар.

**БЕХУДЛИК** Ўзини билмай қолишлик, беҳушлик; мастлик. *Масту бехудлик била умрунгни ўткардинг, дариг, Эй кўнгли, мундин бери бўл бир нима хушёрроқ.* Бобур.

**БЕЧИЗ** [ф. *بیچیز* – бирон-бир, алоҳида нарсасиз; камбағал ҳолат] *кам қўлл. айн.*

**бежиз.** *Ҳоким тўранинг келиши бечиз эмас!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БЕЧИҚИМ** *айн.* **чиқимсиз.**

**БЕЧИҚИТ** Хомашёдан юз фоиз, чиқитсиз фойдаланадиган. *Ишлаб чиқаришни бечиқит ишлаш усулига ўтказиш муҳим вазифадир.* Газетадан.

**БЕЧОРА** [ф. *بیچاره* – чорасиз; муҳтож; бахтсиз] **1** Яшаш учун зарур нарсаларга етарли даражада эга бўлмаган; қашшоқ. *Бойми, бечорами, ишқилиб, рўзғор машаққатини елкасидан узмайдиган бир одам бўлса, тўйни бошлармиз, сабр қил.* Ойбек, Танланган асарлар. *Афсус, фақира, бечораман.* Ҳамза. *Ярмини ўзи сарф қилса, қолганини кўчада юрган бева, бечораларга улашиб берур эди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**2** Мушкул, аянчли аҳволга тушиб қолган, чорасиз, иложсиз. *Бечора Гулбаҳор, карвондан ажралган бўтадай бўзлайди, шўрлик.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**3** Ачиниш, аянч ҳиссини ифодалайди ва маъно жиҳатидан «боёқиш», «шўрлик» сўзларига тўғри келади. *Бу фожиадан.. уста Олим, «вой бечора-бечора» дер эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ойим. Бечора ойим. Неча минг чақирим узоқларда бўлган урушнинг барча машъум изларини унинг юзида кўрдим мен.* А. Мухтор, Асарлар.

**БЕЧОРАЛИК** Ноиложлик, чорасизлик; камбағаллик. [*Майсара:*] *Энди, тақсирим, бечоралик-да.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Ёшлигида хор-зорликни кўп кўрган Пайғамов камбағаллик, бечораликни ҳақорат деб тушунар, яна мутеликдан жуда кўрқар эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БЕЧОРАПАРВАР** [бечора + ф. *پرور* – тарбияловчи, ғамхўрлик қилувчи] Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзувчи; камбағалпарвар. *Баччаталогингни бечоранарвар деб эштаман: кўйлак-иштонга беш-ун газ мато сўрасанг, берармикан..* А. Қодирий, Кичик асарлар.

**БЕЧОРАЧИЛИК** Моддий жиҳатдан муҳтожлик; камбағалчилик. *Ўзимга муносиб йигитга тегиб, бечорачилик билан бўлса ҳам, тинч кўнгли билан умр кечиришни истар эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕЧОРАҲОЛ** [бечора + ҳол] Моддий имкониятлари етарли бўлмаган; моддий аҳволи ночор; камбағал, йўқсил. *Бечораҳол одам.* ■ *Ёқубжон айтган киши алақачон*

оламдан ўтган экан. Ёшироқ кетибди. Бечораҳол экан. М.М.Дўст, Лолазор.

**БЕШ I 1** *снқ. сон* Беш рақами ва шу рақам билан ифодаланган, тўрт билан олти орасидаги сон, миқдор. *Беш киши. Беш килограмм олма. Беш карра беш* — йигирма беш. ■ *Толибжонбойнинг беш ўғли, уч қизи бор экан. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзингиз ўйлаб қаранг, ўқувчилар бундан беш йил аввалги ўқувчилар эмас. С. Зуннунова.*

**2** Беш балли баҳо тизимида энг юқори (аъло) баҳо. *Математикадан беш олдим. Унинг аттестатида нуқул бешлар.*

**Беш кетмоқ** *с.т.* 1) пирра (карта) ўйинида беш очко олмоқ; 2) гапни ёки ишни ўринлатиб бажарувчи одамга тан бермоқ, қойил қолмоқ. **Беш кунлик дунё қ. кунлик.** *Беш кунлик дунёда ўйнаб қолайлик.* «Эрали ва Шерали». **Беш қўл баравар эмас** Ҳамма бир хил, бирдек эмас, ҳамма бирдек яшай олмайди. *-Беш қўл баравар эмас, — деди Ҳакимбойвачча, — биров олим, фозил бўлади, биров мардикор, ҳаммол бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Беш қўлни (ёки бармоқни, панжани) оғзига урмоқ (ёки тиқмоқ)** Нафсни тия олмай, бирдан ҳаммасини ўзлаштириб олишга ҳаракат қилмоқ. **Иши беш** *с.т.* Иши жуда яхши, иши жойида, авжида. *Пухтанинг иши беш. Мақол.*

**БЕШ II** [ф. *بيش* — ортиқроқ, кўпроқ] Кўп, ортиқ, зиёда. **қ. бешбаттар.**

**БЕШАК I** [бе.. + шак] Шақсиз, шубҳасиз. *Мен яхши англайман, мозий не демак, Тарихда ҳар кимнинг бор ўз замони. Лекин танимизда кезар-ку бешак Олис боболарнинг минг йиллик қони.* А. Орипов.

**БЕШАК II** Эртапишар қовун турларидан бири. *Ёзга бориб, шунақани ширин-шакар бешак қовунлар, серғўшт тарвузлар етилиб бердики, баайни тилингни ёрадиган. Ж. Абдуллаҳонов, Хонадон.*

**БЕШАМАК** *қ. х.* Ўқариқдан сув олиб, беш-ўн эгатга бирдан таратиб сугориш усули ва ана шундай ариқча. *Сугоришни бошлашдан аввал участка пухта тайёрланади. Бунинг учун ўқариқлар.. тузатилади, қулоқлар мустаҳкамланади, бешамаклар очилади.* Р. Аҳмедов, Ғўзани сугориш тўғрисида.

**БЕШАРМ** [бе.. + шарм] **I** Шарм-ҳаёни билмайдиган, шарм-ҳаёси йўқ; уятсиз. *Бешарм одам. Бешармга арпа уни баҳона.* Мақол.

**2** Одоб доирасига сигмайдиган; беадаб. *Бешарм гап.*

**БЕШАРМЛИК** Шарм-ҳаёсизлик, уятсизлик. *Бу не бешармликки, ўлик чиққан уйдан нон тама қилсалар?! С. Сиёев, Аваз.*

**БЕШАФҚАТ** [бе.. + шафқат] *айн. шафқатсиз.* *Бешафқат одам. Бешафқат уруш.* ■ *Бешафқат касал қизнинг ҳуснинигина эмас, ёшлик гурурини ҳам олиб кетди. С. Шамсиева, Шифокор. Надомат нимага ва афсус нечун? Оламда неки бор, ўчар бешафқат.* А. Орипов.

**БЕШБАРГ** *бот.* Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. *Бешбаргнинг пояси ингичка, узун, ётиқ ўсади. Барги беш япроқ, барг банди узун.* «ЎЗМЭ».

**БЕШБАРМОҚ** Тўртбурчак шаклида кесилган, гўшт, думбаёғ солиб пиширилдиган хамир; шилпилдоқ. *Баковул дастурхон ёзиб, товоқларда бешбармоқ келтирди. М. Осим, Карвон йўлларида. Фақат бешбармоқда гўшт ҳам, хамир ҳам катта-катта бўлакларга бўлиб пиширилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

**БЕШБАТТАР** [ф. *بيش* — ортиқ, кўп + *بدر* — жуда ёмон] Ниҳоят даражада, ўтакетган даражада, ҳаддан ортиқ; жуда оғир, қийин (салбий маънода). *Қассобнинг эсига дафъатан тунов кунги дилхиралик тушиб, кўнгли бешбаттар ғаш тортди.* «Ёшлик». *Бошинга бундан бешбаттар кунлар тушса, кимларга сизинанас, Қумрийой? «Ёшлик». Эй бечоралар.. Бу шаҳарда биздан ҳам бешбаттар камбағаллар борга ўхшайди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕШБЕЛ** Бел қисмининг беш жойига чок солиб тикилган уст кийим. *Зебихон тугундан иккита нарпаша паранжи, бири миср ипидан, бири духобадан тикилган бешбел тўн, бир жуфт эскироқ амиркон маҳси олди. С. Зуннунова, Гулхан. Бешбел камзул ихчам бўлиб, гавдага ёпишиб туради.* «ЎЗМЭ».

**БЕШИК I** *этно.* Чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама; тебратма беланчак. *Бешикдаги Учқун уйдаги ҳаракатни сезиб, овозларни эшитиб, ҳадеганда ухлай бермади. Ҳ. Фулом, Машғал. Муборакнинг отаси қишда дурадгорлик қилар, эшик, бешик, сумак, сандал, заранг товоқ ясарди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**Бешик асбоб** Болани бешикка белаш ва бешикни тузаш, безатиш учун зарур нарсалар (тўшакча, кўрпача, ёстиқча, қўлбоғ, оёқбоғ, тувак, сумак ва ш. к.) мажмуи. **Бешик кетди айн. бешиккертти.** [Қози Қодирқулга:] *Бешик кетди бўлгандан буёқ ҳар ил расм-русмларини қилишиб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйибди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Бешик тўйи** Болани (асосан тўнғич фарзандни) бешикка солиш муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим. *Муллажон қози бешик тўйи қилган.* А. Қаҳҳор, Анор.

**2 кўчма** Бирор нарсанинг, воқеа-ҳодисанинг туғилган ери, макони, манбаи. *Бахт бешигин кўчоқлаб, бизни улғайтирдингиз..* Ғ. Фулом. *Бир қатор дор билан шарманда бўлди Фашизм бешиги бўлган Нюрнберг.* Ғ. Фулом. *Ям-яшил ўтлоқлар миллион-миллионлаб қўзи, тойчоқларнинг бешиги бўлур.* Ғ. Фулом.

**Бешигини тебратмоқ** Янги туғилаётган нарсани ардоқлаб, вояга етказмоқ. *Ўртоқ Орипов билимдон инженер, мамлакатимизда карбамид ишлаб чиқаришини ташиқ этиш бўйича янги корхона бешигини тебратаётганлиги бежиз эмас.* Газетадан. **Сен менинг бешигимни тебратганмисан?** Бетакалуф муомалада бўлган, ўзидан кичик кишига жавобан ишлатиладиган ибора.

**БЕШИКАСТ** [бе.. + шикаст] **1** Шикаст емаган, зарарланмаган, бутун. *Бешикаст гиштларни ажратмоқ.* Юкларни манзилга бешикаст етказмоқ. ■ *Султонмурод хумдонга идиш қалайда уста эди. У қалаган идишлар бешик, тиниқ бўларди.* Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.

**2** Лат емаган, соғ-саломат, эсон-омон. *Урушдан бешикаст қайтди.* ■ *Ёлғиз.. ўзи шунча нарсани гумдон қиляпти-ю.. ўзи ҳали ҳам бешикаст юрибди.* «Муштум».

**БЕШИК-БЕЛИК** Бешик ва унинг асбоблари, икир-чикирлари.

**БЕШИККЕРТТИ** этн. Болаларни бешикдалигидаёқ унаштириб қўйиш одати. *Тургун ака Ҳамидани чақалоқлигида бир дўстининг ўғлига «бешиккертти» қилиб қўйган.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Бешиккертти* — уруғ-қабилачилик даврининг қолдиғи. Қўшни, уруғ, қабилалар ўзаро дўстликни мустаҳкамлашда бешиккерттидан фойдаланганлар. «ЎЗМЭ».

**БЕШИКСЎПОҚ** Бешикда бир тарзда, бир вазиятда ётавериб, боши япасқи (сўпоқ)

бўлиб қолган. *Бешиксўпоқ бошида сочининг Қорасидан кўпроқдир оқи.* Мирмуҳсин.

**БЕШИКТЕРВАТАР** зоол. Бешик каби тебраниб турадиган, оёқлари узун, яшил рангли, тўғри қанотли кемирувчи ҳашарот. *Бешиктерватар иссиқ иқлимда мамлакатларда кенг тарқалган йиртқич ҳашарот ҳисобланади.* «Фан ва турмуш». *Бешиктерватар хавф-хатар сезиши билан олдинги оёқларини юқори кўтариб, тебраниб туради.* *Номи ҳам шундан келиб чиққан.* «ЎЗМЭ».

**БЕШИНЧИ 1 тртб. сон** Тартиб ўрни 5 рақами билан белгиланган, тартиб сонлар тизимида тўртинчи ва олтинчи сонлар оралиғида турган. *Бешинчи ўрин.* *Бешинчи кун.* *Бешинчи марта.* ■ *Бешинчи бўлақдан Алибой Обид ўғлига тўртинчи ҳовли!* А. Қодирий, Ғирвонлик Маллавоӣ. *Бешинчи куни эрта саҳарда далага эмас.. станцияга қараб жўнади.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**2** Катта-кичик нарсаларнинг ўлчам рақами. *Бешинчи калиш.* ■ *Дўллар тўғрисидаги бешинчи чироқ титраб-титраб, ун гарди ўтирган кичкина шишасидан хира, кучсиз нур сочиб туради.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЕШКАШТА** Палосларга қўлда тўқиладиган панжарагулчин безаклар. *Бешкашта* — режали бўртма гуллар солинган кашталарга ўхшайди. «ЎЗМЭ».

**БЕШКОКИЛ** этн. Сочни бешта-бешта кокил қилиб ўриш усули ва шу усулда ўрилган соч. *Бешикокил(ли) қиз.*

**БЕШКУРАШ** Спортнинг беш турини ўз ичига олган мусобақа. *Бешикурашда терма командамиз ғолиб чиқди.*

**БЕШКЎТАРАР** Карта ўйинининг карталарни бешта-бешта тарқатиб, бештадан кўтариб ўйналадиган тури.

**БЕШЛИК 1 ад.** Беш мисрадан иборат бўлган қитъа; мухаммас.

**2 тар.** Беш кишидан иборат бўлган гуруҳ. *Бешик комиссия.*

**3** Бешта холи бўлган карта. *Гиштиннинг бешилиги.*

**БЕШМАТ** [ф. پيشبند — пешбанд, фартук] шв. Бели хипча қавима уст кийими. *Қора бешмат.* ■ *Бирига кавказча бешмат кийдириб, бирининг елкасига ёғочдан ясалган бешотарни осиб қўйиб, суратга олади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Кўн-кўн тиллақошлар, бешмат, кашталар — бувисининг, хуллас, қолган мероси.* «Шарқ юлдузи».

**БЕШОВ** Беш киши ёки бир турдаги бешта нарса. *Бешовимиз биргаликда.* ■ *Кўкиш ҳаво билан чулганган жилга этагида бир қора пайдо бўлган эди.. Бир зумда икков, учов, тўртов, бешов бўлишди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕШОВЛОН** Беш киши, беш киши бўлиб, беш киши биргаликда. *Бешовлон ола бўлса, оғзидагин олдирад, бешовлон бирга бўлса, битмаганин битирад.* Мақол.

**БЕШОТАР** Ўқдонига бешта ўқ жойлаштириладиган, беш зарядли. *Бешотар милтиқ.* ■ *Ҳар икки қўрбошига бир хилда сарпо кийгизилди: зарбоф тун, симобий салла.* *Елкаларига бешотар милтиқ, ёнларига япон тўппончаси тақилди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БЕШТА** Беш дона, беш нафар. *Бешта қалам. Бешта нарса. Бешта одам.* ■ *Бу тўғрида ҳам талай тортишиши боргандан сўнге, охири бешта қўлмашина белгиланиб, таклифи ҳам товушга қўйиладиган бўлади.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**БЕШУРУҒ** I Бўйи калта, тухумсимон, сирти оч яшил, сертўр ва сал тилим-тилим кўринишли жайдари қовун.

**БЕШУРУҒ** II Уруғи кам бир нав тарвуз.

**БЕШУУР** [бе.. + шуур] *айн. шуурсиз.* *Севаргул, бешуур, ётоқ бўлмадаги тошойна ёнига бориб, қадди-қоматиغا синчков назар солиди.* «Ёшлик».

**БЕШҚАРСАК** Қарсак ва қийқириқ билан ижро этиладиган эркаклар давра ўйин-қўшиғи. *Далани тўлдирган минглаб йигитлар қурол-аслаҳаларини жаранглашиб, силкитиб, қарсак чалишар, бешқарсакнинг «хумма-хумма»си карнай-сурнай, ноғора садосига қўшилиб, оламни тутганди.* «Ёшлик».

**БЕШҚАРТА** *айн. бешкўтарар.*

**БЕЭГА** *айн. эгасиз.* - *Онаннинг қарамоғида бўлган сигирлар безга. Биласан, у илғор соғувчи эди. Истасанг, унинг ишини ол, — деди.* «Ёшлик». *Безга қилибди Булғор элини, Энди кесар икки ўғлон сарини.* «Эрали ва Шерали».

**БЕЭЪТИБОР** [бе.. + эътибор] Совуққонлик билан, эътиборсизлик билан қарайдиган, эътибор қилмайдиган, эътиборсиз. *У бойликка, олтин-зарга безътибор эди.*

**БЕЭЪТИҚОД** [бе.. + эътиқод] Ҳеч нарсага ишончи, ҳаваси бўлмаган; маслаксиз, эътиқодсиз. *Сен зехни наст, безътиқод одам экансан.* «Луқмони Ҳаким».

**БЕЮЗ** Юзсиз, уятсиз. *Э, ўлим берсин, сен беюз шапшақка!* Ҳамза, Асарлар.

**БЕЮЗЛИК** Уятсизлик, шармандалик, беобрўлик. *Боя хўп деганинда, шунчалик беюзликлар бўлмас эди.* Ҳамза, Асарлар.

**БЕЎЛЧОВ** Ўлчови йўқ, ўлчанмаган; ўлчовсиз. *Беўлчов мол.* ■ *Бойнинг ҳиммати тугиб кетиб, мошхўрдани беўлчов тоғорада олиб чиқиб, уртага қўйди.* Ф. Фулом, Шум бола.

**БЕЎРИН** *айн. ноўрин.* *Беўрин гап. Беўрин ҳазил.* ■ *Сарфланди беўрин, қоқланди ҳамён йиғласин.* Ҳабибий.

**БЕЎХШОВ** I Кўриниши ёқимсиз, гавдаси, ташқи бичими келишмаган, бесўнақай; рўдапо. *Беўхшов йигит. Беўхшов кийим.* ■ *Бу кун унинг [Ёрматнинг] бошида янги, лекин беўхшов дўппи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бурни бир оз беўхшовроқ эса-да.. унинг умуман юзи бичими келишган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тишлари беўхшов, қийшиқ. Кулса, қўрқардингиз.* «Ёшлик».

2 *Ғайриоддий, хунук. Беўхшов овоз.*

3 *кўчма* Келишмаган, ёпишмаган. *Беўхшов гап. Беўхшов қилиқ.* ■ *Носир сакраб турди. У ҳам беўхшов таъзим қилган бўлди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Узун пахтали камзул кийиб, бошларига катта рўмолни беўхшов боғлаб олган аёллар бизни кутиб олишди.* «Саодат». *У худди ҳазиллашгандай беўхшов бир илжайиб қўйди.* «Ёшлик».

**БЕҚАДР** [бе.. + қадр] *айн. қадрсиз.* [Тут:] *Жами дарахтлар ичида менинг мевам беқадр.* «Луқмони Ҳаким». *..қазиб олиними осон бўлгани учун, у [туз] оқиб турган сувдек беқадр.* К. Маҳмудов, Қизикарли пазандалик.

**БЕҚАРОР** [бе.. + қарор] 1 Бир зайлда, бир гапта турмайдиган, ҳадеб ўзгараверадиган, бурди, тутуриғи йўқ; қарорсиз. *Беқарор Аму.* ■ *У [Асрор] беқарор ўйлар, беқарор туйғулар банди.* «Ёшлик». *Зарафшон водийсининг об-ҳавоси жуда беқарор, бир кунда юз марта ўзгаради.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 Бир жойда қўним топмайдиган, ҳадеб кўчиб юрадиган. *Дарбадарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор, саёқлигимдан жуда ўқинар эдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

3 *кўчма* Тинчлиги йўқолган, ороми бузилган; бетоқат. ■ *Фарзанд йўқлигидан бўлдим беқарор.* «Эрали ва Шерали». *Қорахон дер: йиғлар эдим зор-зор, Ёдга тушган вақти эдим беқарор.* «Эрали ва Шерали». *Бўлажак*

завжамни ўша ерда кўриб, ошиқи беқарор бўлдим. «Шарқ юлдузи».

**БЕҚАРОРЛИК** Бир зайлда, бир ҳолатда турмаслик; ўзгарувчанлик. *Баъзи тахминларга қараганда, апрель ҳазиллари апрель ойида об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши, беқарорлиги туфайли келиб чиққан. Газетадан. Ҳамма гап сенинг такаббурлигингу беқарорлигингда. «Ёшлик».*

**БЕҚАСАМ 1** Ўриши ипак, арқоғи ипдан тўқиладиган, йўл-йўл гулли пишиқ газлама; шу газламадан тайёрланган кийим. *Бир жўра беқасам. Беқасам тўн. ■ Тоға ҳам эғнида беқасам тўн, узун-узун қўлларини кўксиди чирмаширганча, виқор тўкиб турибди. М. Мансуров, Ёмби. Гулдор тоқилик, баланд ойнали уйнинг тўри ва икки томонига беқасам кўрпачалар ёзилган бўлиб, ҳар бир меҳмон орқасига, суянса-суянмаса, катта парёстиқлар ташланган. «Ёшлик». Баковул уларнинг белига биттадан тўнлик беқасам боғлади. Т. Мурод, Қўшиқ.*

**2** кўчма Турли рангда жилоланувчи, беқасамдек тарам-тарам бўлиб товланувчи. *Офтоб тераklar орқасига ўтиб, ҳовлига беқасам соя ташлади. С. Аҳмад, Уфқ. Беқасам жилоли шу буюк фазо рангини, тўғриси, Тошкентдан олар. Ф. Фулом.*

**БЕҚИЁС** [бе.. + қиёс] **1** Қиёс қилиб, солиштириб бўлмайдиган даражада; беҳад, чексиз. *Беқиёс ҳурмат. ■ Алишер Навоий ижоди беқиёс уммон. «Ёшлик».*

**2** Ўхшаши, тенги йўқ; мислсиз. *Беқиёс гўзаллик. ■ Енгил оромбахш шамолда елпинаётган гиёҳлар беқиёс чиройли, сунги йўқ ёқимли эртак айтаётгандек бўлди. Шухрат, Умр поғоналари. Ҳалима Носированинг беқиёс санъати, табиий ва бетакрор овози халқимиз қалбидан чуқур жой олган. «Саодат».*

**БЕҚУВВАТ** [бе.. + қувват] Қуввати, дармони оз; ҳолсиз, нимжон, заиф. *Беқувват чол. Оёқларим беқувват. ■ Қизлар беқувват бўлиб, сап-сарик, завфарондай бўлиб, поғонадан йиқила берибди. «Луқмони Ҳаким».*

**БЕҚУВВАТЛИК** Қувватсизлик, мажолсизлик, нимжонлик. *Беқувватлик хасталик натижасида келиб чиқади.*

**БЕҒАЛВА** [бе.. + ғалва] Жанжал-сурондан, ғалвадан холи; тинч. *Беғалва иш. ■ Беғалва юра олмайсанми?! Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. Хайрият, кайфи беғалва тарқаб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БЕҒАМ** [бе.. + ғам] **1** Ғам-ташвиши йўқ, ғам-ташвишдан холи; беташвиш. *Беғам одам. ■ Бу кунлар, дунёнинг иши кўпроқ маишат, емоқ-ичмоқ, тўй-томошадан иборат, деб ўйлайдиган беғам Тожибойга катта ташвиш бўлди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**Боқи беғам** Жуда ҳам беғам, бепарво одам ҳақида. *Шўх Чокар билан боқи беғам Ҳасан ҳам қилт этмай нафасларини ютиб қолишди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**2** Бепарво, хотиржам. *Мўғуллар ҳужумни тўхтатиб қўйганларидан кейин, қўрғон ҳимоячилари беғам бўлиб қолишган эди. М. Осим, Карвон йўлларида.*

**БЕҒАМЛИК** Хотиржамлик, бепарволик. *Баҳорги беғамлик – кузги пушаймонлик. Мақол. ■ Самандаровнинг хотини.. буларнинг кулгисини эшитиб, эрининг беғамлигидан ғижғон чиқиб, вайсаб юриб чой қўйди, дастурхон ёзди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**БЕҒАРАЗ** [бе.. + ғараз] **1** Ўз манфаатини кўзламасдан, холис иш тутадиган, ёмонликни истамайдиган, ғаразсиз. *Беғараз одам. Беғараз дўст. ■ Халқ ғамида, эл ғамида келган беғараз.. кишиларни мингбоши масхара қилар.. қувар деб ўйламаган эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Балки биз беғараз, шунчаки дўстларча гаплашиб юргандирмиз. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса.*

**2** Ёмон ниятни кўзда тутмаган, сидқидиллик билан қилинган; холисона. *Беғараз танқид. Беғараз гап. Беғараз ёрдам. ■ Кўнчилик ўз тарихи ва маданиятининг беғараз тарғиботчиси сифатида қолди. Газетадан. Етук кишиларни яна минг йиллар Халқ фарзанд атайди, жондан – беғараз. Ф. Фулом.*

**БЕҒАРАЗЛИК** Ғараз қилмаслик, ўз манфаатини кўзламаслик, холисоналик. *Беғаразлик, мардлик каби хусусиятлар характернинг ижобий белгиларидир.*

**БЕҒАРАЗОНА** айн. **беғараз**. *Беғаразона қилинган танқид фақат фойда келтиради.*

**БЕҒУБОР** [бе.. + ғубор] **1** Чанг-ғубордан, ифлосликдан холи; мусаффо, тоза. *Зангори осмон ҳам шундай тиниқ, шундай беғуборки, кўзни олади. Ойбек, Танланган асарлар. Беғубор, майин шабада эсади-ю, одамларни боғу роғларга чорлайди. Газетадан. Осмон кўнглим каби кенг, Кўнглим каби беғубор. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

**2** кўчма Кўнглида ёмонлиги, кири йўқ; пок, софдил, сидқидил. *Беғубор йигит. ■*

Юзидан меҳр ёғилиб турган бу ажойиб, содда, беғубор қизга шартта уйланиб, ойимни бахтиёр қилишга нима ҳалақит беради? А. Мухтор, Асарлар. Толибжон бу содда ва лекин беғубор кишиларнинг ўзларидек беғубор суҳбатларига қулиб-қулиб, қулоқ солиб ўтирар эди. С. Аҳмад, Жимжитлик.

3 кўчма Доғ тушмаган, покиза. Элмурод.. қаршисида чуғурлашган, кўзлари тиниқ, қалблари беғубор болаларнинг ҳар бирини қучоқлаб, юзларидан ўнгиси келди. П. Турсун, Ўқитувчи. Дўппимни ерга олиб, энди ўйлаб қарасам, Ёшлик дегани асли поклик экан, беғубор. А. Орипов.

**БЕҒУБОРЛИК** Софлик, покизалик; гу-борсизлик. Кўзлар бахт-саодат ваъда қилар жим. Қалбни талпинтирар беғуборлиги. А. Мухтор, Асарлар.

**БЕҒ** [ф. به — яхши; дуруст] эск. кт. Яхши, дуруст; афзал. Уларнинг олидида менинг гум-роҳлигим беҳроқ! С. Сиёев, Ёруғлик.

**БЕҒАД** [бе.. + ҳад] Чегараси йўқ, ҳаддан ташқари; чексиз, ҳадсиз. Болтабой отанинг қувончидан Ширмонхон ҳам беҳад шод эди. С. Зуннунова, Олов. Соядаги тонг салқини беҳад ёқимли ва алланечук сирли эди. П. Қодиров, Уч илдиз. Абдулла Қаҳҳор ада-биётимизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндашар эди. К. Қаҳ-ҳорова, Чорак аср ҳамнафас. Алжабр муал-лимаси эликдан ошган, беҳад семиз аёл эди. «Ёшлик».

**БЕҒАДИК** [бе.. + ҳадик] Ҳеч бир ҳадик-сирмаган, тортинмаган ҳолда; бемалол, хавфсиз. Кореянинг ерини қонли ёшга фарқ қилиб, Беҳадик уча бермас ўлаксахўр лочинлар. Ф. Фулом.

**БЕҒАЁ** [бе.. + ҳаё] 1 Шарм-ҳаёси йўқ, ор-номусни билмайдиган, уятсиз, бешарм. Беҳаё одам. ■ Ўғлим, бунақа беҳаё қиз экан, вақтида билиб, ўзингизни четга олганингиз яхши бўлибди. Мирмуҳсин, Умид. Эшқобил-нинг хотини ўта шаддод, беҳаё эмас, уни ҳурмат қилади. «Ёшлик».

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, беадаб. Беҳаё хатти-ҳаракат. Беҳаё ибора. Беҳаё сўз. ■ Тангри беҳаё сўзларни гапи-рувчи кишини ёмон кўради. Газетадан.

**БЕҒАЁЛИК** Шарму ҳаёсизлик, уятсиз-лик, андишасизлик. Бузуқчилик, беҳаёлик, бўҳтон-туҳматлар унинг [Амирнинг] касби бўлиб қолган эди. Ж. Шарипов, Хоразм. - Бе-

ҳаёлик қилиб нима қилибман? — деди Сал-танат Мўмин акага. О. Ёкубов, Бир фелъе-тон қиссаси.

**БЕҒАЛОВАТ** [бе.. + ҳаловат] Ҳузур-ҳаловатдан холи, тинчлик бермайдиган; бесаранжом, тинчи йўқ, ҳаловатсиз. Беҳа-ловат турмуш. ■ -Докторларнинг иши ўзи шунақа беҳаловат бўлар экан, — деди Ҳали-ма. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. Беҳаловат кеча унинг назарида анча чўзилди. «Шарқ юлдузи». -Тсс! — қизи кўрсаткич бармоғини қонсиз лабига босганча, беҳаловат нигоҳини унга қадади. «Ёшлик».

**БЕҒАФСАЛА** [бе.. + ҳафсала] Ишга ас-тойдил ёпишмайдиган, кунт қилмайдиган, лоқайд; ҳафсаласиз. Беҳафсала одам. ■ ..ўғлининг дангаса ва хотинига нисбатан беҳафсала кимсага айланганини унинг баша-расидан, келиннинг кўзларидан, ўтириб-туришларидан сезиб оланди. «Ёшлик».

**БЕҒАФСАЛАЛИК** Кунтсизлик, лоқайд-лик.

**БЕҒАШАМ** Ҳеч қандай безаги бўлмаган; безаксиз. Чарақлаб кетди роса кўм-кўк беҳашам само, Остимда оппоқ булут, Тепам, ўнг, сўл ҳам само. Газетадан.

**БЕҒ-БЕҒ** унд. с. Ҳайвон ва парранда-ларни чақириш учун қўлланадиган сўз. -Беҳ-беҳ, — деб товуқларни донга чақирар ва унинг олидида бир тўда товуқ қутқутлашиб, дон талашар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЕҒБЕҒЛАМОҚ** «Беҳ-беҳ» деб чақирмоқ. [Ҳайдар:] Шу иккала хўрознинг баҳридан ўтсакмикан? — [Йўлдош:] Олдин дон сешиб, беҳбеҳлашиб кўрайлик, қани, чўқийдими, йўқми? Уйғун, Ҳуррият.

**БЕҒБУД** [ф. بهبود — яхши бўлиш; сало-матлик] эск. кт. Яхшилик томонга ўзгарган; соғлом; хушҳол. Юбориб ё бориб, беҳбуд топ-са Бу савдосида, яъни суд топса. Фурқат.

**БЕҒБУДЛИК** эск. кт. Яхшилик; рўшно-лик; хушҳоллик. Гамгин бўлмай, доим беҳ-будлик бўлсин. «Нигор ва Замон».

**БЕҒИ** [ф. بهى , بهى — олмасимон хушбўй мева] бот. Иссиқ мамлакатларда ўсадиган, атиргуллилар (раънодошлар) оиласига ман-суб, хушбўй мевали дарахт. Боғнинг турли жойларида ҳар хил мевали дарахтлар: нок, ўрик, беҳи, жийда ва ҳоказо анчагина. Ой-бек, Танланган асарлар. Моҳидил қайтиб ҳовлига тушаётганида, беҳи шохи шитирлаб кетди. С. Зуннунова, Гулхан.



2 Шу дарахтнинг олмага ўхшаш меваси. Сидиқжон уни [онасини] кузатиб қайтиб келганида, ток остидаги эски сўрида сочилиб ётган беҳиларга кўзи тушди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Хонани зира, долчин, беҳи, зиғир мойининг хуштаъм ҳиди қоплади. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**БЕҲИГУЛ** Раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб, барглари тўгарак ёки узунчоқ бута. Ўзбекистонда беҳиғулнинг эрта баҳорда гуллайдиган тури хушманзара ўсимлик сифатида истироҳат боғларига экилади. «ЎЗМЭ».

**БЕҲИЗОР** Фақат беҳи дарахтлари ўсиб ётган ер, жой; беҳи боғи. ..беҳизор манзараси ўзгача, ёш-ёш, бўйи пакана беҳи дарахтларининг серҳосил шохлари қиз кокилидек ҳар томонга наришон таралиб, ер ўпиб ётмоқда. Н. Сафаров, Оловли излар.

**БЕҲИКМАТ** [бе.. + ҳикмат] 1 Теран маънога эга бўлмаган; ҳикматсиз. Ўжарни урмайсўкмай йўлга сол.. деган гаплар дарҳақиқат беҳикмат эмас экан. В. Рўзиматов, Сув.

2 Ижобий ёки сирли хусусиятларга эга бўлмаган. Арзон беиллат эмас, қиммат беҳикмат эмас. Мақол. ■ *Ғамга чулғанмасин ҳеч кимнинг боши, Беҳикмат эмасдир тоғларнинг тоши.* «Эрали ва Шерали».

**БЕҲИС** [бе.. + ҳис] 1 Бирор нарсани сезиш, ҳис этиш қобилиятини йўқотган, жонсиз, ҳиссиз. Беҳис бармоқлар.

2 кўчма Ҳис-гуйғудан маҳрум, завқшавқсиз. Беҳис одам. ■ *Уста Сирожиддин Тўйчи ҳофизга жўр бўлиб юрган вақтларидан бошлаб то шу маҳалгача: «Қассобдан шоир чиқмаганидек, беҳис чалинган ғижжак арра тортишидан фарқ қилмайди», — деб юради.* Мирмуҳсин, Созанда.

**БЕҲИСОБ** [бе.. + ҳисоб] 1 Сон-саногига етиб бўлмайдиган, саногии йўқ; ҳисоби йўқ, ҳисобсиз. Узоқда, тоғ ёнбағирларида, беҳисоб қоракўл қўйлари ўтлайди. Мирмуҳсин, Ҳамзаободда. Ёрматнинг қизи унга беҳисоб текин пул манбаи очган эди. Ойбек, Танланган асарлар.

**БЕҲИШТ** [ф. بهشت — жаннат] Жаннат. Сахий хор бўлмас, Бахил беҳиштва кирмас. Мақол. ■ *Бай-бай-бай, хусну латофатини қаранг, беҳишт қизларидек, ҳуру гилмонларидек.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Сенинг оғушинг офтобнинг ётоғига ўхшайди, баданингдан беҳишт ялпизининг бўйи

келади, кўкрагингдан олма ҳиди анқиб туради. «Ёшлик».

**БЕҲИШТИ** бот. Узумнинг сарғиш-яшил бир нави. Ишқомларда ток барглари саргайиб, тоифи ва беҳишти узумлар қаҳрабо тусга кирди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БЕҲОЛ** [бе.. + ҳол] 1 Ҳолдан тойган, тинка-мадори куриган; бемажол, ҳолсиз. Тўпа хола саданинг ғадир-будур пўстлогини беҳол бармоқлари билан силаб, юзига суртди. И. Раҳим, Ихлос. Боши айланиб, кўзи тинди. Тўшакка беҳол чўзилди. С. Сиёев, Аваз. Азларов беҳол инграб ётган беморга нима деярини билмай, каловланиб қолди. «Ёшлик».

2 Касал бўлиб қолган, бемор. У [қизча] жуда беҳол, врачлар ва ота-онасининг сўроқларига аранг жавоб қайтарарди. Газетадан.

3 кўчма Кучсиз, заиф. Меникига нима мақсадда чилвир кўтариб бориб эдингиз? — Ўзим, — деди, беҳол, нимжон товуш билан [Жуман]. М. Исмоилий, Фарғона т. о. ..қияликларда беҳол чайқалаётган ёввойи писталар кўнгулларига мунг чўктирди. «Ёшлик». Беҳолига куйлайди бир қиз Бир-бир босиб, ишқом оралаб. «Ёшлик».

**БЕҲОЛЛИК** Кучсизлик, мадорсизлик, заифлик. Боши айланиб, кўзлари юмилди. Аъзойи баданида ёқимли титроқ, беҳоллик туйди, дард элитди. «Ёшлик». Тўтихон эриниб, катдан тушаркан, оёқларида аллақандай беҳоллик сезди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БЕҲТАР** I [ф. بهتر — яхшироқ] эск. кт. Афзал, яхши; яхшироқ. У.. бу кунни беҳтар билар.. эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БЕҲТАР** II Кулупнайнинг йирик бир нави.

**БЕҲУДА** [ф. بهوده — фойдасиз, маъносиз, бекор(га)] 1 Ҳеч қандай нафи, фойдаси йўқ; бефойда. Беҳуда жанжал. Беҳуда кучаниш белни синдираар. Мақол. ■ *Баъзилар эса умрини беҳуда ўтказлади.* Т. Ашуров, Оқ от. Камолиддин унинг олдига беҳуда келганини тушунди. «Шарқ юлдузи».

2 Амалга ошмайдиган, рўёбга чиқмайдиган; пуч, хомхәёл. Беҳуда умид. ■ *Қоратой Йўлчининг тадбирларини маъқул кўрмади.* ҳар бир фикрининг беҳуда эканини тушунтиришига тиришди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Ўринсиз, ноҳақ. Шокир ота беҳуда туҳматга қолади. Ойбек, Танланган асарлар. Беҳуда жабр кўрганлардан меҳримизни дариг тутмайлик. Газетадан. Нусратбек ўғлини

беҳуда ургани учун унга қарашга уялиб, ўзини беаёв койиди. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**БЕХУДАГА** *рвш.* Бўлар-бўлмасга, беркорга, ўринсиз. *Беҳудага хафа бўлманг.* ■ «Обид кетмон» лақабини беҳудага тақадиларми? — дейди кулиб Хатиб домла. А. Қодирий, Обид кетмон.

**БЕХУДАЛИК** Бирор-бир иш-ҳаракатнинг фойдасизлиги. *Нусратбекнинг Гулхайрига югургиси келди, лекин энди беҳудалигини ўйлаб, ҳазин хўрсинди, қалқиб кетди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Кечаги эхтиросли сўзларни эсларкан, энди уларнинг беҳудалигини ҳис қилди.* «Ёшлик».

**БЕХУДУД** [бе.. + худуд] Чексиз, чегарасиз, чеки кўринмайдиган, беҳисоб. *Онахон беҳудуд фалак сари учиб бормоқда.* Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. *У туфайли чеккан аламлари шунчалар беҳудудки, у дунёбу дунё унутолмаса керак.* Н. Қиличев, Чигириқ. *Севги — бир дунёдир, сирли, беҳудуд, унда бор айрилиқ, унда бор висол.* Н. Муҳаммад, Баҳор таронаси.

**БЕХУДУДЛИК** Чегараси кўринмаслик, чексизлик, беҳадлик. *Инсон ўз оқибати билан, меҳр-карами, шафқатининг беҳудудлиги билан, керак бўлганда, бир-бирининг ёнига кира олиши.. билан улуг.* Газетадан.

**БЕХУЗУР** [бе.. + хузур] Безовта, ҳаловатсиз. *Туни билан алоқ-чалоқ туш кўриб чиққани учунми, ўзини беҳузур сезди.* «Ёшлик».

**Беҳузур бўлмоқ** Ўзини алланечук ёмон ҳис этмоқ. [Элмурод] *Беҳузур бўлиб, саратон иссиғига чидамаган семиз одамдай тўлганди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Кўнгли беҳузур бўлмоқ** Кўнгли алланечук ёмон бўлмоқ. *Денисов.. кўнгли беҳузур бўлиб, қаттиқ уқчиди.* Ойбек, О. в. шабадалар. **Кўнглини беҳузур қилмоқ** Кўнглини айнитиб, алланечук ёмон аҳволга солмоқ. *Тўғрисини айтганда, гап тинглаш ҳам кўнглини беҳузур қилади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Нусратбекнинг томоғи ачишиди, аччиқ тамаки ҳиди ва тахир таъми кўнглини беҳузур қилди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Илиққина сув юрагини оздириб, кўнглини беҳузур қилди.* «Саодат».

**БЕХУНАР** [ф. *بيهتر* — истезьдодсиз, қобилиятсиз] *айн.* хунарсиз.

**БЕХУРМАТ** [бе.. + хурмат] Хурмат-эътибор қозона олмаган; хурматга сазовор бўлмаган, хурмати йўқ; хурматсиз. *Беҳурмат одам.*

**Беҳурмат қилмоқ** Ҳақорат қилиб ёки бетакаллуф (дағал, кўпол) муомала билан кимсанинг обрўсини тўкмоқ. — *Қариб, миянгизни еб қопсиз, кўздан ҳам қопсиз, — деди [Тешабой] чолни беҳурмат қилиб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Олим, фозилларни беҳурмат қиладиган, одобдан беҳабар, тўнг кимса билан худо ҳаттоки гўр қўшни қилмасин.* К. Яшин, Ҳамза.

**БЕХУРМАТЛИК** Хурмат, иззатга сазовор эмаслик; хурмати йўқлик.

**БЕХУШ** [ф. *بيہوش* — ҳушини йўқотган, хушсиз; ақлсиз] **1** Ўзини билмайдиган ҳолда; хушидан, ўздан кетган, хушсиз. *Беҳуш бўлмоқ.* ■ *Нормат.. беҳуш хотиннинг юзига сув сенди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир кечаю бир кундуз беҳуш бўлиб ётибман.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Беҳуш қилмоқ** **1**) хушидан кеткизмоқ, ухлатиб қўймоқ (мас., дори бериб). *Хлороформ билан беҳуш қилмоқ;* **2**) кўчма эс-хушини олиб қўймоқ; бошини айлантирмоқ (мас., бирор руҳий таъсир кўрсатиб).

**2** Эс-хушини йўқотган, хаёли парижон; руҳсиз. *Мағрифат бошини эгиб, беҳуш уйга кирди.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар.

**БИ-** [лот. *bi* — икки < *bis* — икки марта] Байналмилал ясама (қўшма) сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, нарса ёки белгининг иккиталигини билдиради, мас: *биметалл, бином.*

**БИАТЛОН** [би.. + юн. *athlon* — мусобақа, тортишув] *спрт.* Қишки спорт уйинларидан: 20 км ли чанғи пойгасида милтиқдан икки марта (тик турган ва ётган ҳолда) нишонга отишдан иборат мусобақа.

**БИББИНОЙИ** [ф. *بيبنوایی* — кўриш; узокни кўришлик] *с.т.* Туппа-тузук, балодек; кўнгилдагидек. *Ўғлим ўртоқлари билан биббинийдек юради.* Газетадан. *Ҳозир ҳаммом биббинийи тураржой хизматиани ўтаяпти.* Т. Аҳмедов, Таажжуб.

**БИБИ 1 шв.** Онанинг ёки отанинг онаси; буви (набирага нисбатан). *Танлайим кўтарган бибим бечора Ким эди, билмайман, ўлгандир, эсиз.* Ф. Фулом.

**2** Хурмат юзасидан, одатда кекса аёллар исмига қўшиб ишлатилади, мас. *Меҳри биби, Хайри биби.* ■ *Тонг отар-отмас Сидқий ҳовлисига икки ён қўшни — Зайнаб биби билан Ҳамида хоним — ранги оқариб кириб келишиди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Жаҳон*

биби Зубайданинг кўнглини олиб, онасининг аҳволини сўради. К. Яшин, Ҳамза.

**3** Хотин-қизлар исмининг олд ёки орқа қисмида келиб, қўшма исмларни ҳосил қилади: *Бибиғул, Бибинисо, Бибинор, Биби-санам; Давлатбиби, Кенжабиби, Кимсан-биби.* ■ [Йўлчи] *Сингелиси билан бирга, мумкин бўлса, унинг [Гулнорнинг] онаси Гулсумбибини ҳам аравага солиб, қишлоққа олиб боришни истаганини айтди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Биби Сешанба** этн. Ип йигирувчи хотинларнинг муқаддас саналган афсонавий ҳомийси (пири) бўлиб, тақводор хотинлар унинг шарафига сешанба кунлари махсус маросим ўтказилади. [Ҳолжон хола] *Ҳар икки ҳафтада Биби Сешанба онанинг дастурхонини ёзиб, «мушкулкушод», чилтонларга атаб шавла қилади.* Файратий, Довдираш. «*Биби Сешанба*», «*мушкулкушод*» каби маросим, урф-одатларни билишга Ҳамзанинг ўзи ҳам жуда қизиқар.. эди. К. Яшин, Ҳамза.

**БИБИШ 1** эск. Ҳукмронлар, зодагонлар наслига мансуб бўлган аёлларга мурожаат ёки ҳурмат билдириш шакли. - *Эй бибишим, мени десангиз, Чамбилга борманг.. - деди Оққиз Зулфизарга.* «Зулфизар билан Авазхон». *Кўрсангиз, кўнглингиз тўлар, Рост айтаман-да, бибишим.* «Нурали».

**2** Ҳурмат юзасидан хотин-қизлар исмига қўшиб ишлатилади. *Адолат бибиш, Холнисо бибиш.*

**БИБИШАК** [«биби» ва «шоҳ» сўзларидан] Майда мунчоқлардан териб ясалган, бўйинга ёки бошга тақиладиган заргарлик буюми, тақинчоқ. *Бибишак икки учи юқорига қайрилган ярим ой шаклида бўлиб, ўртасига ром ёки гунча шакли жойлаштирилади..* «ЎЗМЭ».

**БИБЛИОГРАФ** Турли соҳаларга оид адабиётлар рўйхатини, библиографиясини тузувчи мутахассис, библиография олими. *У кутубхонада библиограф бўлиб ишлайди.*

**БИБЛИОГРАФИК** Библиографияга, адабиётлар рўйхатига оид. *Библиографик кўрсаткич. Библиографик маълумотлар.* ■ *Ҳиндистон ҳақида библиографик асар ҳали тайёрланмоқда.* «ЎТА». *Кутубхона ўқувчилар учун ҳар ойда тўрт марта библиографик обзор ўтказиб туради.* Газетадан.

**БИБЛИОГРАФИЯ** [юн. *biblion* — китоб + *grapho* — ёзаман] **1** Босма асарларнинг

илмий тавсифи ва батартиб кўрсаткичларини тузиш, улар ҳақида ахборотлар тайёрлаш, уларни тарғиб қилиш билан шуғулланувчи соҳа. *Бир қанча кутубхоналарда библиография билимларини тарғиб қилиш сусти ташкил қилинган.* Газетадан. *Библиография бўлими ташкил топган йиллардан то ҳозиргача 90 хил адабиётлар кўрсаткичи тузди ва нашрдан чиқарди.* Газетадан.

**2** Бирор мавзу ёки соҳага оид илмий асарлар, манбалар, китоблар рўйхати. *Терминологияга оид библиография. Ўзбек тилшунослиги бўйича библиография.*

**БИБЛИОТЕКА** [юн. *biblion* — китоб + *theke* — омбор] **1** Китоблар тўплами. *Олимнинг шахсий библиотекаси.*

**2** айн. **кутубхона.**

**БИБЛИЯ** [юн. *biblia* — китоблар] Яхудийлик ва христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар мажмуаси. *Библия энг қадимги адабий ёдгорликлардан бири бўлиб, диний панд-насиҳатлар, ақидалар, башоратлар, дуолар, солномалар, масаллар, ишқий ва фалсафий достонлар, ҳикоят, ривоят ва мактублардан иборат.* «ЎЗМЭ».

**БИГИЗ 1** Пойабзалдўзларнинг кўнни, терини тешиш учун ишлатадиган ёғоч сопли, нина учли металл асбоби. *Ҳунари йўқ кишидан Бигизи бор ямоқчи яхши.* Мақол. *Уста пичоққа ёлчмас, этикдўз — бигизга.* Мақол. ■ *Чол бигиз билан тасмани тешаркан, муртида кулиб қўйди.* «Ёшлик».

**2** Найзадек, нинадек учли, ингичка нарса. *Юраги бигиз санчилгандай оғриди.* «Шарқ юлдузи». *Оқ қайинга суюниб, махорка чекиб турган.. бигиз мўйлов йиғит саҳнадан асло кўз узмади.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.

**3** Ништардай ўткир, аччиқ сўз, таъна; койиш. [Йўлчи:] *Андак инсоф керак, уят керак. Чолнинг меҳнатда чириган кўксига бигизни қадайверманг!* Ойбек, Танланган асарлар.

**Бармоқни (ёки қўлни) бигиз қилмоқ қ. бармоқ 1. Тили бигиз** Аччиқ сўзли; баджаҳл, қаҳрли. *Не-не тили бигиз келин-аймоқ, эр қилиб, эрга ёлчимаган қизлар борки, эшик қолиб туйнудан захрини сочиб кетади.* Шуҳрат, Умр поғоналари.

**БИГИЗЛАМОҚ 1** Ҳамма ёғига бигиз санчмоқ, бигиз уриб тешик-тешик қилмоқ.

**2** кўчма Ништардек ўткир, аччиқ сўзлар айтмоқ. -*Ҳа, энди икковлашиб, мени бигиз-*



ланглар! — деди жаҳли чиққандай қошларини чимириб Комила. Ойбек, О.в. шабадалар.

**БИГИЗПОШНА** Бигизсимон, бигизга ўхшаш пошнали оёқ кийими. *Қайиқсимон бигизпошналар, нейлон қўлқопчалар..* Газетадан.

**БИГИЗТУМШУҚ** зоол. Калта думли, тумшуги узун жуда кичкина сайроқи кушча.

**БИДИЛЛАМОҚ** айн. **бидирламоқ**. -*Опачи, опа, дадам хўп дедилар, — деди бидиллаб Ёдгор. Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. Бош агроном ранглар, чувак юз, бидиллаб гапирадиган йигит эди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

**БИДИР-БИДИР** тақл. с. Жуда ҳам тез, лаби лабига тегмай гапирадиган; шундай гапириш. *Бидир-бидир бола. ■ Ҳадеб бидир-бидир қилаверма! Бидир-бидир тинмайди. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

**БИДИРЛАМОҚ** Жуда ҳам тез, лаби лабига тегмай гапирмоқ, атрофдагиларга эътибор бермай гапиравермоқ. *У [Ҳафиза] лаби лабига тегмай бидирлайётган Раънонинг самимий гапларига қулоқ соларди-ю, хаёли бошиқа ёқда эди. Мирмуҳсин, Умид. -Ада, адажон, келдингизми! — Умида отаси бағрига энтикиб, бидирлаб кетди. Д. Нурий, Осмон устун.*

**БИДОН** [фр. bidon <юн. pithon — бочка, ёки сканд. bida — ваза] Суюқлик солиналган қопқоқли идиш. *Баширжон бидон ва халтани кўтарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Манави бидонда жувоз ёғи, бу сатилда памадўр, бодринг, мева-чева бор. Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар.*

**БИДЪАТ** [а. بدعت — янгилик, янгилик киритиш; динга қарши хатти-ҳаракат] **1** дин. Диний ақидаларга киритилган ўринсиз ислоҳ, динга хилоф янгилик, динда кейинчалик пайдо бўлган нарсa. *Мирараб мадрасасининг катталари бу «бидъатнинг гуноҳини ҳам» Мулла Туроб бўйнига юкладилар. С. Айний, Эсдаликлар. -Ислоҳ, албатта, лозим, — патнуснинг четини бармоқлари билан чертиб, бепарволик билан сўзлади Ҳакимбойвачча, — бизда ҳар хил бидъат ишлар кўп. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** Эскидан қолган урф-одат, расм-русм. *Катта эна, катта бувалардан қолган урф-одатларга унамай, бидъат деб қарашар экан, биз ота-оналарда нима гуноҳ? К. Яшин, Ҳамза. -Чилим чекиш бидъат, — деди мулла, — буни қилган одам гуноҳкор бўлса ҳам, кофир бўлмайди. С. Айний, Қуллар.*

**БИДЪАТКОР** дин. Диний ақидаларга, динга уларга нисбатан хилоф бўлган ислоҳлар киритиш тарафдори; бидъатчи. *Зоҳиран қилган хурмат ва таъзимларимиз садқаи кетсин унга.. кўнгил учун қиё боқмай ўтди-я, бидъаткор. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

**БИДЪАТЧИ 1** айн. **бидъаткор**.

**2** Эски урф-одатларга, расм-русмларга берилган киши.

**БИЁ-БИЁ** [ф. بيا — бу ёққа кел]: **кўз(лар)и биё-биё бўлмоқ** ёки **сузилмоқ 1)** кўзини уйқу босмоқ, кўзи қисилмоқ (мастлик ёки чарчоқдан). *Валихоннинг кайфи ошиб, кўзлари биё-биё бўлиб сузиларди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Толибжон мудраб, аранг уйига етиб келди. Иккинчи қаватга чиққанида ҳам, кўзи биё-биё бўлиб, тикка турганча ухлаб қолгудек ҳоли бор. С. Аҳмад, Сайланма; 2) ишва билан, хумор билан боқмоқ. ..аввал манави титраб-қақшаётган аёлни.. жой қолса, кўзларини биё-биё сузиб турган анави офатижон жувонни миндирасан. Н. Қиличев, Чигирик.*

**БИЁБОН** [ф. بيا بان — қақроқ чўл, саҳро] Сувсиз ва гиёҳсиз тақир, чўл, саҳро. *Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ. Мақол. ■ Пашша Саиджалолхонни эргаштириб, бир биёбонга олиб чиқди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**БИЁВ-БИЁВ** тақл. с. Қўбиз, чанг, қовуз ёки баъзи кушлар чиқарувчи овоз ҳақида. *[Юнус Ражабий] Карнаю сурнай, қизлар ҳайитларда лабига қўйиб, биёв-биёв қилиб чаладиган чангдан тортиб мусиқа санъатимизнинг меросхўр хазиначиси бўлди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. Зарғалдоқ, нима-нима дегандай, яна «биёв-биёв» қилади. М. Мансуров, Ёмби.*

**БИЖ-БИЖ** тасв. с. Бижирлаб, ғимирлаб ётган, гиж-гиж; сон-саноксиз (қурт-қумурсқа ва ш.к. ҳақида). *Ариқдаги сув биж-биж қурт.*

**БИЖАНАК** Милодий 1-минг йилликнинг иккинчи ярмида Орол денгизи бўйлари ва Каспий денгизининг шарқи ва шимолида яшаган бир қанча туркий қабилаларнинг умумий номи; печенеглар.

**БИЖИЛДОҚ** с.т. **1** Ҳеч кимга гап бермайдиган, гап билан ҳаммани энгадиган; гапдон. *Бижилдоқ хотин. ■ Айвониди бу хонадоннинг бижилдоқ бекаси. Ойбек, Навоий. Исмат ака 30 йиллик педагогик фаолияти давомида бир неча минг олов болалар*

ва бижилдоқ қизалоқларнинг миясига билим, мурғак қалбига.. одоб сингдирган моҳир тарбиячилардан. Газетадан.

**2** Тинимсиз сайрайдиган, шовқин қиладиган (қушлар ҳақида). *Фақат ўнгда, терак бўйи пастликда, сой шовуллаиди, рўпарадаги қалин боғлар қўйнида бижилдоқ қушларнинг чулдираб сайрагани эшитилади. «Ёшлик».*

**БИЖИЛДОҚЛИК** Ҳеч кимга гап бермаслик, эзмалик. *Ўз бижилдоқлиги билан колхозда «Қумри қақилдоқ» деб ном чиқарган аёл. А. Мираҳмедов, Ўтюрмаклар.*

**БИЖИЛЛАМОҚ I** *айн. бижирламоқ I.* Осон савол тушди, «беш» қўйса ҳам бўларди, деб хурсанд бижиллади. Мирмуҳсин, Умид. *Бора-боргунча бижиллаб, қулоқни батанг қилаверди. «Ёшлик».*

**БИЖИЛЛАМОҚ II** *айн. бижирламоқ II.* Кўкариб кетган бу сассиқ сувда бижиллаб ётган ҳар хил қуртлар, тушган ерида бир-икки қиланглаб, дарров ўларди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Баргларда бижиллаб ётган кўм-кўк, хира ширинча юз-кўзинг демай ёпишиб олади. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

**БИЖИМОҚ** *айн. бижғимоқ.* *Йўлчи отхонанинг бир томонида уйлиб, сасиб, бижиб ётган гўнгни катта ерга элтиш учун арава қўшишга киришган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу бижиб, сасиб кетган хонани шамоллатинг, тозаланг! А. Мухтор, Асарлар.*

**Бижиб ётибди с.т.** *Жуда кўп, тўлиб ётибди. Унда пул бижиб ётибди. ■ Ҳали ичи қора душман чиёндек бижиб ётипти. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БИЖИР-БИЖИР I** *1: бижир-бижир қилмоқ (ёки гапирмоқ, сўзламоқ, товуш чиқармоқ) айн. бижирламоқ I.* [Қизлар] Шокир отанинг томи лабига қатор тизилишиб, бу «маҳсидўз қиз» билан бижир-бижир сўзлашиб кетар эди. Ойбек, Танланган асарлар. *Гавҳарнинг бижир-бижир қилиб гапириб ташлагани шунчалик кулгили эдики, у ўзини тўхтатолмай, нафаси етмай, энтикиб қоларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**БИЖИР-БИЖИР II** *тақл. с. I айн. биж-биж.* *Гўштни бижир-бижир қурт босибди.*

**2** Кўзга гимирлаётгандек, жимир-жимир қилаётгандек туйиладиган ва бир-бири билан чатишиб, тутшиб, чаплашиб кетган майда нарсалар ҳақида. *Бижир-бижир хат. Бижир-бижир қилиб тикилган гул. ■ Поён-сиз қирларнинг ниҳоятсиз бижир-бижир кўк*

*гиламлири. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Атлас кўйлак киймайман, Бижир-бижир гули бор. «Кўшиқлар».*

**БИЖИРЛАМОҚ I** Ҳеч кимга гап бермай тез-тез, лаби лабига тегмай гапирмоқ; гапдонлик, маҳмадоналик қилмоқ. *«Сал ҳовлиқмароқ бўлса ҳам, жуда очиқ қиз экан, бижирлайвериб, келган докторларнинг ҳам бошини айлантириб юборди» — дилдан ўтказди Равшан. Ф. Мусажонов, Равшан. Карима хола қўлларини паҳса қилиб бижирлай кетди. «Муштум».*

**БИЖИРЛАМОҚ II** Бижғиб, гужғон уйнаб, қайнаб ётмоқ; бижғимоқ (қурт-қумурсқа, майда жониворлар ҳақида).

**БИЖҒИМОҚ I** Микроорганизмлар ёки улар ажратадиган ферментлар иштирокида парчаланиб ачиб, қайнай бошламоқ (органик моддалар ҳақида). *Ёзда қимизлари бижғиб ётади. Ойбек, Танланган асарлар. Қаердаки бижғиган ахлат мавжуд бўлса, унинг устида бадхўр ҳашаротлар гужғон уйнайди. «Муштум».*

**2** Ҳавоси бузилиб, сасиб кетмоқ; озодаликка риоя қилмай ивирсиб ўтирмоқ. *Худо ҳақи, уйингдан ялти вагоннинг иси келади. Бижғиб кетибди. А. Қаҳҳор, Сароб. -Пайпогунгиз қурсин, бижғиб кетибди.. ахлатга опчиқиб ташладим, — деди хотини Орифжонга. С. Аҳмад, Сайланма. -Мен биламан, — деди домла, — опангиз табиати жуда нозик кўринади. Бунинг олдида Тўнанинг бижғиб ётиши яхши эмас. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**3** *кўчма* Аччиқ гап, фисқо фасод қилмоқ. *Нималар деб бижғиятсиз?*

**4** *кўчма* Тўлиб-тошиб, гуж-гуж бўлиб ётмоқ; авж олмоқ, кўпаймоқ (игво, фитна ва ш. к. ҳақида). *Бижғиб борур фитнаю фасод, Имонларга, ҳайҳот, тушди дарз. М. Али, Боқий дунё. Унинг [Қоплонбекнинг] айёр кўзи ичиди қайнаб, бижғиб ётган алам ва нафратни, баъзан-баъзан юрагини фош қилиб қўяй дер эди. Шухрат. Жаннат қидирганлар.*

**БИЗ** *ки. олим. 1-ш. кўпл. I* Сўзловчи ва унинг атрофидагилар; сўзловчи ва у кўзда тутаётганлар. *Кеча станциядан чиққан автобус бугун бизни тонготарда мўлжалдаги жойга ташлаб кетди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Бизлар, бизлар, биз эдик, Бизлар бир талай қиз эдик. Бизларни уздилар. Бир ипга тиздилар (Гармдори). З. Ҳусайнова, Ўзбек халқ топишмоқлари.*

2 Биринчи шахс «мен» ўрнида ишлатилиб, камтарлик ёки, аксинча, мақтаниш, гурурланиш, пинҳона гурур маъноларини ифодалайди. - *Ким талабгор?* - *Мана, биз талабгор.* ■ - *Бизга ҳам хат борми?* - *дейди Мунисхон. «Гулдаста». Асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёда-ку!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Энди бизни қийнамай, ўзлари қуйсинлар!* Қўларидан ҳеч шароб ичмаганмиз. «Гулдаста».

3 Ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олиб, «юртимизда», «элимизда», «орамизда» каби маъноларни англатади. *Сурнайчининг зўрлари бизда бўлади. С. Сиёев, Ёруғлик. Нон-насибанг бизда бўлса, қоларсан. Ойбек, Танланган асарлар. Лекин, ўртоқлар, бизда ялқовлар йўқ. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ.*

**БИЗ-БИЗ** тақл с. Визиллаган нозик товуш ҳақида. *Бизбизак биз-биз айланади.*

**БИЗБИЗАК** Тўғарак шаклдаги чарм ёки тугмача тешикларидан ип ўтказиб ясалган ва ипини чийратиб, икки учидан тортганда, тез айланиб, «биз-биз» овоз чиқарадиган ўйинчоқ. *Бизбизакни ипга тақиб, биз-биз ўйнайман. Ойбек, Болалик. Мотор бизбизакдай гувуллаб, жон-жаҳди билан айлана бошлади. «Ёшлик».*

**БИЗБОП** Сўзловчи ва у кўзда тутаётганларга тўғри келадиган, уларнинг дидига мос. *Айланай, болам, бир бизбоп сотадиган нарсаларинг борми?* «Луқмони Ҳаким». *Афсуски, улар орасида бизбоп, яъни халқнинг тили учуда турган муҳим муаммолар кўтарилган асарлар кам учрайпти. Газетадан.*

**БИЗИЛДОҚ** зоол. Бизиллаган овоз чиқарадиган ҳашарот. *Суна ёнида шўрага кўнган бизилдоқ бир маромда мунгли бизиллайди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**БИЗИЛЛАМОҚ** Бизиллаган товуш чиқармоқ. *..атрофда сукунат ҳукмрон.. На бир қуш сайрайди, на бир бизилдоқ бизиллайди.. С. Нуров, Нарвон.*

**БИЗНЕС** [ингл. business — иш, машғулот] Даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, ҳўжалик фаолияти; тижорат; ишбилармонлик. *Бизнес, ҳўжалик юритиши кўламига қараб, йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади. «ЎЗМЭ».*

**БИЗНЕСМЕН** [ингл. businessman — бизнес билан шўғулланувчи шахс] *айн. ишбилармон.*

**БИЗНЕСЧИ** *айн. ишбилармон. Орамизда пешқадам зиёллар, номдор бизнесчилар.. бор. «Муштум».*

**БИЗНИКИ** эг. о.м. 1-ш. кўпл. 1 Сўзловчига ва у кўзда тутаётганларга тегишли, қарашли. *Бу йилги экинлар, мевалар бизники бўлади. Ойбек, Танланган асарлар. Гапир, ҳа, гапир! ..Сенинг гапинг гап-у, бизники гап эмасми! А. Қаҳҳор, Жонфигон.*

2 *от* *взф.* Бизнинг уй, бизнинг ҳовли. *Ўрмонжон Сидиқжоннинг қулоғига: -Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқаларингдан бораман, — деди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Оббо, жиян-е, бизникини топиб келдингми? Ҳа, сўраб-сўраб, Маккани топадилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 *от* *взф.* (асосан кўпл. шаклда) Бизга тегишлилар; биз томондагилар. *Бизникилар галаба қозонди. ■ -Бизникиларнинг аҳволи қалай? — сўради Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар.*

**БИЗЗОАТ** [а. بضاعۃ — мол, товар] *эск.* Ортирилган, тўпланган мол-дунё, бойлик; бисот. *Агарда бирон истаб келган нимарса ўз биззоатида бўлмаса, бир бошқа бор одамдан бўлса ҳам олуб бермоққа хизмат қилур. Ҳамза.*

**БИЗОН** [лот. bison — ёввойи буқа] зоол. Жуфт туёқлилар туркумининг қувушшоқлилар оиласига мансуб ёввойи қорамол. *Бизонлар зубрларга қараганда бирмунча кичикроқ бўлади. Н. Мавлонов, Қорамолчилик.*

**БИЗҒАЛДОҚ** зоол. Турнасимонлар туркумининг тувалоқлар оиласига мансуб чўл қуши.

**БИЙ** 1 *тар.* Қабиланинг ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи, тўраси; кўчманчи ёки ярим кўчманчи туркий халқларнинг уруғ оқсоқоли. *Хон билганни бий билар, Сўзлагудай ҳадди йўқ. Мақол. ■ Излаганим бийнинг қизи, Жоним синглим, хуш қол энди. «Алпомиш». Яна катта-кичикларни йигиб, номдор бийлардан ўн кишини Бойсарини олиб келгани юборди. «Алпомиш».*

2 Юқори мартабали кишиларни улуғлаш учун ишлатилган сўз ёки уларга берилган унвон. *Сиз улуг мартабали меҳмондўст Фиждувон беги Норбўтабий бинни Шодибекка этиб маълум бўлсинки.. М. Жўрабоев, М. Б. мартабаси.*

3 Қозоқларда ва қирғизларда: оқсоқол (қ. **оқсоқол** 2). *Мен умримда тўрт хон кўрдим, Талай бий кўрдим.* Миртемир.

**БИЙ II** Танасининг узунлиги 3,5 см гача бўлган, узун сариқ тук билан қопланган заҳарли катта ўргимчак. *Дарвоқе, заҳарли бий ҳам ўз авлодларини худди шу тарзда ташқи душмандан ҳимоя қилади.* «Фан ва турмуш». Пилладан эндигина чиққан бийчалар дарҳол она бий устига ғуж-ғуж бўлиб жойлашиб олади. «Фан ва турмуш».

**БИЙ III: бий дала** Очиқ, кенг яланг дала, бийдай дала. *Бий далада ўзимизни совуққа олдирмаслик учун белкурак билан окопни чуқурроқ қазирдик.* Б. Имомов, Ҳорманг, Қуролдошлар. *Куни кеча ўт қовжираб ётган бий далада бир неча соат мобайнида азим бино қад кўтармоқда.* Газетадан.

**БИЙБУВА** тар. эск. Эркаклар уюштирадиган зиёфатларда бошчилик қилувчи киши.

**БИЙДАЙ, -дек I** Очиқ, яланг; кенг. *Бийдай дала.* *Бийдай чўл.* *Бийдай дашт.* *Бийдай саҳро.* ■ *Атроф бийдай дала, илиқ чўл шамоли эсади.* С. Аҳмад, Қадрон далалар. *Бийдай дашт.* Сокинлик. *Отлар олға босади.* Ш. Холмирзаев. Қил кўприк.

2 Роса, боглаб. *Вой-й, соат тўққиз, Сайфиддин ака.* *Ойим мени бийдай қовурадиган бўлдилар-да.* Газетадан. *Маратни бийдай қовурди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БИЙИ** шв. айн. **биби.** *Она бийим соғмилар, жияним Жумагул бардамми?* Ж. Шарипов, Хоразм. *-Бийи, сиз ҳам кетинг, — деди Баҳригул.* Н. Қиличев, Чиғирик.

**БИЙЛАМОҚ I** Ботиниб рўпара келмоқ, яқинига йўламоқ, бетламоқ. *Унга ҳеч ким бийлай олмайди.*

2 шв. Эгалик, хўжайинлик қилмоқ, бошқармоқ. *Яхши ўғил бийлар ота молини, Ёмон ўғил сочар ота молини.* Мақол. ■ *Садқайи ота кетинг! Шу муштумдай қизни ҳам бийлай олмайсизми?!* Ойбек, Улуғ йўл.

**БИЙЛАТМОҚ Бийламоқ** фл. орт. н. *Уҳеч кимни ёнига бийлатмайди.* ■ *Ҳар бир иш унинг [кундошини] буёруғи билан бўлади, ҳеч нимага мени бийлатмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Салим чол] ариқ лабига ўрнатилган каравотини саҳарлардан ҳеч кимга бийлатмай ўтирарди.* «Гулистон».

**БИЙЛИК I** Уруғ ёки қабила бошлиғи вазифасини адо этишлик. *Бийлик қилмоқ.* *Бийлик ҳуқуқи.*

2 Эгалик, идора қилиш ҳуқуқи; ҳукмронлик, хўжайинлик; эрк, ихтиёр. *Ўз бийлигинг ўзингда, Ишрат, сафолар қурдинг.* Ғайратий. *Рўзғорга ким бийлик қилади?* *Жанжала мана шу нарса кўпроқ сабаб бўларди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қиз меники, бийлиги ҳам менда.* Уйғун, Асарлар.

3 Хоҳиш, ирода, буйруқ. *..даврниг шундай разведлари келадики, унда тўхтаб-тўхтамаслик амирлар, хонлар, хоқонлар амри билан эмас, балки оддий машинист бийлиги билан бўлажак.* Ф. Фулом. *Агар ҳар бир ташкилот.. ўз бийлигича қувур ётқизса, бу кўча уч қайта кавланади.* П. Қодиров, Эрк. *-Утир, дам ол! — бийлиги ўтадиган кишилар оҳангида деди она.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**БИЙРОН I** [ф. بَيْرَان — ўтқир, кескир] 1: **тили бийрон** Бурро-бурро гапирадиган, гапга чечан; сўзамол, гапдон. *Қизлик уйнинг тили бийрон, Совчиларнинг тили тийрон.* Мақол. ■ *Нуқра шаддодгина, тили бийрон қиз эди.* С. Кароматов, Сўнги бархан. *Бироқ Ҳабибанинг тили узунроқ, бийронроқ эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

2 кўчма Сайроқи. *Дехқон тол тагига чўзилди бирпас, Тинди шохчадаги қушча ҳам бийрон.* А. Орипов. *Ўртанган авжлари бир бор титраса, Бийрон булбуллардан кабоб муҳайё.* Ф. Фулом.

**БИЙРОН II** [ф. بريان — қовурилган; қовурилган гўшт] Тобига етказиб қовурилган, пиширилган. *Кўрган киши хуснига булур ҳайрон, Ҳар ким кўрса, бўлар юраги бийрон.* «Эрали ва Шерали».

**Жиги бийрон қ. жигибийрон.** *Кампирнинг жиги бийрони чиқди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БИЙРОН-БИЙРОН** рви. Бурро-бурро, аниқ-аниқ, пухта-пишиқ. *Унинг [Лаълининг] бийрон-бийрон сўзларини эшитган Мирҳосил буткул маҳлиё бўлиб, термилиб қолди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ўзингиз ёш бўлсангиз ҳам, сўзларингиз бийрон-бийрон экан.* С. Зуннунова, Гулхан.

**БИЙРОНЛАШМОҚ** Нутқи тиниқлашиб бормоқ; тобора гапдон, сўзамол бўлмоқ. *Гўё зехни боягидан ҳам ўтқирлашиб, тили бийронлашиб кетгандай, шўх, кулгили гаплар хаёлига ўздан-ўзи қуйилиб келарди.* О. Ёқубов, Мирзатерак. *Бу оҳанг Пўлатжоннинг юзларида табассум пайдо қилди, кўзлари сузилиб, тили бийронлашди.* Ойбек, Ҳикоялар.

**БИЙРОНЛИК** Сўзга чечанлик, гапдонлик; нотиклик. *Набиранинг бийронлиги, ҳозиржавоблиги бувини лол қолдирди. «Муштум».* -Сиз бошламайсизми, Рўзихон! — деди шогирдининг бийронлигини яхши кўрадиган Шоира. «Ёшлик».

**БИЙЧА Бий II** сўзининг кичр. шакли. *Пилладан эндигина чиққан бийчалар дарҳол она бий устига гуж-гуж бўлиб жойлашиб олади. «Фан ва турмуш».*

**БИКА I** шв. айн. **бека**. *Тиккан тўни қамчидай, Қайин бикасиа бир саям.* «Кўшиқлар».

**2** шв. Аёллар қўшма исмларининг биринчи ва иккинчи қисми. *Бикабуви, Бикажон; Ойбика, Холбика, Суюмбика.*

**БИКАМЕРАЛИЗМ** [фр. bicameralisme] ҳуқ. Парламентнинг икки палатали тизими.

**БИКАРБОНАТЛАР** [би.. + карбонат] ким. Карбонат кислотанинг нордон тузлари.

**БИКАЧ** шв. айн. **бекач**. *Бойбўрининг Бодом бикачдан бўлган Ултонтоз деган яна бир ўғли бор эди. «Алпомиш».* Ултонтознинг энаси Бодом бикачнинг тилини олаҳакка чўқиб, соқов бўлиб қолган эди. «Алпомиш».

**БИКВАДРАТ** [би.. + квадрат]: *мат. биквадрат тенглама* Тўртинчи даражали тенгламанинг хусусий ҳолати.

**БИКИР** Пишиқ, бақувват. *Бикир йигит.* ■ *Ҳамроқул ака — бақувват, бикир киши.* Газетадан. *Дўстмуҳаммад мешкобчи ўрта бўйли сариқ мўйлов, бикир йигит бўлиб.. бошқа мешкобчилардан кўпроқ меҳнат қилар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**БИКР** [а. بکر — соф, тоза; бокира] эск. кт. **1** Янги, очилмаган, қўл тегмаган; тоза.

**2** кўчма эск. кт. Ифбатли қиз, бокира.

**БИЛА** эск. поэт. айн. **билан**. *Лаби лаълинг била сарву равонинг Бағишлар оби ҳайвону тириклик.* Атойий. *Олимжон 16 соатлик мударатни газета, журнал каби кўнгул очкичлари бўлган саҳифалар била ўтказуб, Тошкент истансасига етди.* Ҳамза, Асарлар.

**БИЛАГУЗУК** Аёллар билакка тақадиган зийнат буюми, тақинчоқ. *Япалоқ билагузук. Бодомча билагузук. Илонбоши билагузук. Бақабош билагузук. Олтин билагузук.* ■ *Ҳаммасини этагимга тўкди: билагузук, тилла баргак, тиллақош, марварид-маржон, ҳар хил узуклар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Узун кўнғир сочлар утирганда ер ўнар, билагузук таққан билаклари оппоқ, беғубор эди.* С. Зуннунова, Олов.

**БИЛАК I** Қўлнинг тирсакдан қафт бўғи-мигача бўлган қисми. *Ота — билак, Она — юрак.* Мақол. ■ *Унинг билаклари оппоқ, эр кишининг иштаҳасини кўзгайдиган ажиб эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чарос титраб энтикар, аммо қаршилик қилмас, ингичка қўллари Ёдгорнинг билагига осилганча, ожиззина силкинardi.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**2 с.т. айн. қўл I.** *Файратсиз билак — ўринсиз тилак.* Мақол. *Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* Мақол. ■ *Ҳозир юрагида ўти, билагида кучи, қалбида виждони бўлган ҳар бир кишининг ўрни пахтазордадир.* Газетадан.

**Билак кучи** 1) қўл кучи, жисмоний куч. *Фалла халқимизнинг пешона тери, билак кучи билан бунёда келганлиги учун ҳам азиз ва муқаддасдир.* Газетадан; 2) меҳнат ва унинг маҳсули. *Хонлар, подшоҳлар хазинасидаги олтинлар манбаи ҳам фуқаронинг билак кучидир.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Билагида кучи бор** *Куч-қуввати бор, меҳнатга лаёқатли, бақувват. Менга билагида кучи бор эр йигит керак!* С. Сиёев, Ёруғлик. *Энди яна бир билагида кучи борга муҳтож экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Билак шимариб айн. енг шимариб қ. шимармоқ.** -*Бўрон тўхтагач, ундан ҳам яхшироқ ишлаяпмиз, — деди Бекбута билакларини шимариб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БИЛАКС** айн. **билъакс**. *Хатиб домла ўз фикрини, эмиш-мемишни янгилаб олишга мажбур бўлади, чунки, билакс, унга нон қолмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БИЛАКМА-БИЛАК** Бир-бирининг билакларини тутган ҳолда. *..анҳор ёқасида билакма-билак сайр этиб юришлар..* «Ёшлик».

**БИЛАКУЗУК** Калтакесакларнинг кўпинча танаси тўқ кулранг, икки ёнида қорамтир йўллари бўладиган тури.

**БИЛАН** қўм. **I** Бош келишидаги турли сўзлар билан ишлатилиб: 1) иш-ҳаракатнинг амалга ошишидаги биргалик, ҳамкорликни ифодалайди. *Отам билан келдим.* ■ *Кучаларни, қишлоқни, айниқса Маҳваш билан бирга дарс тайёрлаган жойларни.. жуда-жуда қўмсадим.* Т. Ашуров, Оқ от; 2) иш-ҳаракат ёки ҳодисага восита бўлган нарсани билдиради. *Ошининг таъми туз билан, одам таъми сўз билан.* Мақол. *Сут билан кирган — жон билан чиқар.* Мақол. ■ *Косада лағмон кўтариб кирган Марғуба бир қўли билан*



ишиани ушлади. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Инсон хатони кўпроқ ўз тили билан содир қилади.* Газетадан; 3) иш-ҳаракатнинг тарзи, ҳолати ва ш. к. ни билдиради. *Бутун кучи билан. Ботирлик билан. Осонлик билан. Диққат билан.* ■ *Хатда Санобар эрининг.. қайтишини сабрсизлик билан кутаётганини ёзар эди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Акбарали тупроққа ёнбоши билан тушиди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ойша хола бу овозни бутун қалби, борлиги билан тингларди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар; 4) иш-ҳаракатнинг қачон содир бўлгани ва қанча вақт давом этганлигини билдиради. *Маҳваш ҳам кундузи билан шу ерда бўлади.* Т. Ашуров, Оқ от; 5) иш-ҳаракатнинг бирор жой бўйлаб йўналишини билдиради. *Бу растада икки томонда беш-олтита катта дўкон бўлиб, тор, камгак йўл билан базозликка, шоҳифурушлик растасига туташир эди.* Ойбек, Танланган асарлар; 6) иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг рўй бериши, юзага чиқишига қайси нарса сабаб (асос) бўлганлигини билдиради. *Командирнинг буйруғи билан келдим.* ■ *Ҳар бир нарсага олдиндан ҳукм этиш тўғри эмас.. ҳар бир иш Оллоҳнинг буйруғи билан бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *бркт. боғл. вэф.* 1) гап бўлаklarини, асосан, уюшқ бўлаklarни боғлайди ва вазифасига кўра «ва» боғловчисига тенг келади. *У қалам билан қоғозни чўнтагига солиб, ўрндан турганда, Бўтабой келди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Булар кўздан ғойиб бўлгандан кейин, Канизак билан Сидиқжон бутанинг орқасидан чиқиди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) пайт ва тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапларда бош гап билан эргаш гапни боғлаш учун хизмат қилади. *Дераза очилиши билан, Йўлчи бошини кўтарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бармоқ сараклатиб, сўзга оғиз жуфтлаши билан, бирдан йўтали тутди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Ҳалво деган билан, оғиз чучимаиди.* Мақол. *Ер бўлгани билан, ҳосил бўлмаса қийин.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор.

**Шу билан** 1) қ. **шу(нинг) билан**; 2) шу ерда, шу ерга келганда. *Шу билан ишни тўхтатамиз. Шу билан мажлис тамом*; 3) шундай қилиб; ҳуллас. *Шу билан, Умри бе-ном-нишон йўқолди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Шу(нинг) билан** Шунинг баробарида, шу билан бир қаторда. *Шунинг билан маълум*

*қиламизки.. Шунинг билан этиб маълум бўлсинки..*

**БИЛАНГ-БИЛАНГ:** биланг-биланг қилмоқ айн. билангламоқ. *Балиқдай биланг-биланг қилиб, гоҳ униси ўзиб кетади, гоҳ буниси.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**БИЛАНГЛАМОҚ 1** Эгилиб-тўғриланиб ҳаракат қилмоқ, илондек тўлганмоқ, ҳар томонга чайқалмоқ. *Унғирнинг қоқ ўртасида йўғонлиги билакдай келадиган илон биланглаганча у томон ўрмаламоқда эди.* «Ёшлик». *Илон биланглаб қоча бошлаган эди, хода билан урдим.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

2 *кўчма* Қинғир-қийшиқ, эгри-бугри кўринишда бўлмоқ. *Тоғнинг кунгай ёнбаридан биланглаб тушган ёлғизоёқ сўқмоқ йўл унга ёд бўлиб кетган.* «Ёшлик».

**БИЛАР-БИЛМАС** рвш. Аниқ билмаган, хабардор бўлмаган ҳолда, аниқ билмасдан туриб. *Билар-билмас гапирма.* ■ *Зулукни, билар-билмас, касалликни аниқламай туриб, дуч келган жойга солиш ярамайди.* «Саодат». *Дунёда олтиндан китобдир қиммат, Билар-билмас, устоз, жавоб айладим.* «Нурали».

**БИЛАРМОН 1** Ҳар нарсадан хабардор, билагон, билимдон. *Билармон одам.* ■ *Ўз ишига ақли етадиган, анчагина билармон бўлгани учун.. уни ҳам ёнимга ишга олдим.* Шукрулло, Сайланма. *..Икки билармонни текширишга юбориб, олган маълумотим шуми?* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**Иш билармон қ. ишбилармон.** Сўз умуман Қосимжон бойвачча тўғрисида кетди, унинг иш билармонлиги, тараққийпарварлиги ай-тилди. А. Қаҳҳор, Асарлар. **Ўз билармон қ. ўзбилармон.** *Бошқаларнинг ишини камситишни яхши кўрган бу «ўз билармон» одам бу гал жиндай ён беришга мажбур бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..халқнинг айтган сўзини ерга урма, ўзи билармон бўлма.* «Муродхон».

2 *кест.* Ўзини билимдон деб фаҳмлайдиган; ўзбилармон. *Ҳар вақт ўз гапини маъқуллашга, билармон бўлиб кўринишга уринади.* Газетадан.

**БИЛАРМОНЛИК 1** Бой билимга эгалик; билимдонлик, билимлилик.

2 Билагонлик, билармонлик даъвоси.

**Билармонлик қилмоқ** Ўзини билимдон фаҳмлаб иш тутмоқ, билар-билмас иш қилмоқ, гапга аралашиб кетмоқ. *Баъзи бир енгилтак одамлар, билармонлик қилиб, ҳадеб*

бидиллайверса, хай, сал оғирроқ бўл, дегандек елкасидан босиб кўйилади. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

**БИЛАФОН 1** с.т. Кўп нарсдан хабардор бўлган, кўп биладиган, билармон. У баъзи нарсаларни катта танаффусда билафон ҳамкурсларидан сўраб олмоқчи эди. П. Қодиров, Уч илдиз. *Узиям чўрткесар, билафон одам эди. «Ёшлик».*

2 «Аслида ҳеч нарсани билмайдиган», аравани қуруқ олиб қочувчи. *Сен жуда билафон, ҳаддан ташқари билафон бўлиб кетибсан. С. Зуннунова, Кўзлар. Доимо ўзингизни билафон, бошқаларни нодон ҳисоблайсиз. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**БИЛАФОНЛАРЧА** *рвш.* Кўп нарсани билганларга ўхшаб, билафонлар каби. *Болалардан бири нимадир демоқчи бўлиб, энди оғиз очган эдиямки, иккинчиси билафонларча жавоб берди. Н. Улуғжонов, Кичик ҳикоялар.*

**БИЛАФОНЛИК** Кўп нарсани билишлик, кўп нарсдан хабардорлик; билимдонлик. *Билафонлигимни кўрсатиб кўйгим келди. «Шарқ юлдузи». Миробиднинг билафонлиги кўзиб, гап бошлаётувди, атроф олатасир бўлиб кетди. Газетадан.*

**БИЛВОСИТА** [ا بالواسطه — ёрдамида, воситасида] Бирор кимса ёки нарса воситасида, бавосита. *Бирор соҳа йўқки, унга ўқитувчининг бевосита ёки билвосита кўшган ҳиссаси бўлмасин. Р. Усмонов, Одобнома. Муаммо янги метод — билвосита ўлчаш билан ҳал этилади. Газетадан.*

**БИЛГАНИЧА** *рвш.* Қайси даражада билганига, хабардор бўлганига яраша, баҳоли қудрат, қўлидан келганича; режасиз, палапартиш. *Ҳамма ўз билганича қичқиради, зулмдан, жабрдан шикоят қилади, зорланади. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳар ким билганича насиҳат қила бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Ҳозир Амударё ва Сирдарё сувларидан ҳар ким ўз билганича ишлатиб, фойдаланмоқда. «Фан ва турмуш».*

**БИЛГИЛАРИЧА** *айн. билганича.* ...маъмурлар ўз билгиларича халққа янги солиқ соладилар. Ойбек, Навоий.

**БИЛГИР** *айн. билгич.* Билгирларни мунда айтиб келинлар, Нима бўлса, ҳисобида бўлинлар. «Юсуф ва Аҳмад». *Билгир экан келган Сахмон, ҳамма гапни айта солди. «Ҳасанхон».*

**БИЛГИЧ** Яхши биладиган, билармон, топқир (одам). *Бозорга хабар қилинлар, бу-*

*ларнинг тилини билгич одам чиқиб қолар. «Ёдгор». Халқдан чиққан билгичлар ахир тўғри йўлни топади-да. Ойбек, Болалик. Билгич одамлар, ҳар қандай ҳолда ҳам тажрибага мурожаат қилган маъқул, дейишади. «Фан ва турмуш».*

**БИЛГИЧА** *рвш. айн. билганича.* Амайтжон ердан ўз билгича фойдаланади. С. Сиёев, Аваз.

**БИЛДИРГИЧ** *айн. маълумотнома.*

**БИЛДИРИШ 1** Изҳор қилиш, маълум қилиш, хабар бериш. *Миннатдорчилик билдириш. Ишонч билдириш. Эътироз билдириш. ■ Абдулла ака.. кейинчалик ҳам [қора хатни] билдиришга журват этолмади. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Биров келганини билдириш учун секин йўталиб кўйди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Йўлчи қизнинг бундай туйғунлиги ва фидокорлигига ўзининг чуқур ташаккурини қандай билдиришни билмай қолди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 *расм.* Кўпчиликка етказиш, маълум қилиш учун тайёрланган ёзма ёки босма хабар, эълон; билдиришнома.

**БИЛДИРИШНОМА** Юқори органлар ёки мансабдор шахсга бирор маълумотни етказиш лозим бўлганда тақдим этиладиган муфассал ёзма ахборот. *Кимга йўлланганига қараб, билдиришнома ички ва ташқи турларга бўлинади. «Иш юритиш».*

**БИЛДИРМОҚ 1** *Билмоқ 1-5* фл. орт. н. Қоровул томоқ қуриб, ўзининг уйғоқ эканини билдирди. Мирмуҳсин, Умид. *Наврўз Янги кун, Янги йил деган маънони билдиради. «Фан ва турмуш». Бу ҳам сенинг ўз ишингга садоқатининг зўрлигини билдиради. С. Аҳмад, Юлдуз.*

2 Ошқор қилмоқ, сездирмоқ; очмоқ. *Жўмард йўқлигини билдирмас, тулпор — очлигини. Мақол. ■ Кўрганнинг тили билдирар, Куйганинг — дили. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бу сирни эриндан бошқа ҳеч кимга билдирма. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Меҳмон борса бахилларнинг уйига, Атай қопиб, ҳарна феълин билдирар. «Юсуф ва Аҳмад».*

3 Изҳор қилмоқ, айтмоқ. *Азизхон қўлини кўксига кўйиб, миннатдорчилик билдирди. С. Аҳмад, Уфқ. Улар ачиниб, Муроддан аҳвол сўрашди, ҳамдардлик билдиришди, кўнглини кўтаришди. Т. Ашуrow, Оқ от. Ҳар қандай инсон ўз фикрини билдириб, қалбини ёзишга ҳақли. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

4 Дололат бермоқ, кўрсатмоқ. *Отларнинг кишнаши, одамларнинг ҳой-ҳўйлаши манзилнинг яқинлигини билдиради эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қизил чироқ ёнди бирдан, Тўхташимни билдириб.* «Ёш куч».

**БИЛЕТ** [фр. billet < лот. bulla — хатча, расмий ёзувли кичик хат] 1 Бирор нарса (транспорт воситалари)дан фойдаланиш, бирор жойга (театр, спорт саройи ва б.) кириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат, чипта. *Трамвай билети. Циркка кириш учун билет.* ■ *Тўғри вокзалга келиб, Кўнгирот поездида билет олдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кондуктор бизнинг рўпарамизга келиб қолди. Мен дарҳол Ҳафизахонга илтифот қилдим: -Билет олдингизми, йўқми, Ҳафизахон? «Гулдаста».*

2 Бирор ташкилот, партия, ижтимоий-сиёсий гуруҳга ёки ҳарбий соҳага аъзоликни, алоқадорликни тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Партия билети. Аъзолик билети. Студентлик билети. Ҳарбий билет.* ■ *Халқ-демократик партиясининг янги аъзоларига партия билетлари топширилди.* Газетадан. *У ерда [туғунчада] Дадахон аканинг ҳарбий билети, алақандай ташаккурномалар.. бор эди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

3 Имтиҳон саволлари ёзиб қўйилган варақа. *-Билет олинг, — деди. Имтиҳон пайтида билет нима-ю, чўғ нима! Шафқат тилагандай секин қараб қўйдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Имтиҳон қоғозини ташлаб, дуч келган билетни олдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

4 Ўйинда пул ёки бошқа хил ютуқлар чиқишини ваъда қилиб сотиладиган ҳужжатлар. *Лотерея билети.* ■ *Жўравой билетларни қўлига олач, мажбурлаб берилган лотереяларга кўпинча ютуқ чиқади, деган миш-мишларни эслаб, кўнглида қандайдир умид учқунни йилт этди.* «Ёшлик».

**БИЛЕТЧИ** Театр, кинотеатр, истироҳат боғи, стадион ва ш. к. жойларда томошабинларнинг билетини текширувчи ходим, назоратчи.

**БИЛЖИНГ-БИЛЖИНГ:** билжинг-билжинг қилмоқ Кўп гапирмоқ, эзмалик қилмоқ, ўринсиз гапни кўпайтирмоқ. *Бир бедаво, эзма, чакагига суянган экан, Зухранинг уйидаги аҳволи, машғулотини суриштириб, билжинг-билжинг қилади.* А. Муҳиддин, Айбсиз айбдор.

**БИЛЖИРАМОҚ I** Алжирамоқ, жуда эзмалик қилмоқ, кераксиз гапни кўпайтирмоқ. *Вақил.. маориф тўғрисида ҳам «оқ ваҳма» қилган ва куракда турмайдиган мантиқлар ёзиб, билжираган эди.* Газетадан.

**БИЛЖИРАМОҚ II** айн. билчилламоқ. *Тўсатдан шамол эсди. Билжираб ётган далада ёйилиб юрган кўй-қўзиларнинг туёқлари, жунларига ёпишган лой музлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БИЛИК** эск. Билим, илм; ақл. *Кетурдилар ҳакими нуктадонни, Билик бирла жаҳон ичра жаҳонни.* А. Навоий, Фарҳод ва Ширин.

**БИЛИМ I** Объектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва б.) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи; илм. *Тил билими. Ер билими. Ҳуқуқ билими. Билим бахт келтирар.* Мақол. ■ *Билим — олтидан қиммат, қилчидан кескир, замбаракдан кучли.* Газетадан. *Чинакам хаёл гениал билим талаб қилади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Биздан талаб қилинадиган нарса бутун куч ва ҳарбий билимни ишга солиш..* Н. Сафаров. *Шу [газета ва журналлар ўқиш] билан дунёвий билимларга бўлган ташналикларини қондирар, оламдаги гаплардан хабар топар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Ўқимишлилик даражаси, маълумот, қобилият (эрудиция). *Унинг билими зўр. Билимим етишмайди. Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар.* Мақол. ■ *Бу мансабга у ҳалол меҳнати, билими, эл ишига садоқати тўғрайли эришди.* Газетадан. *Менга қолса, институтга эшик қолиб, тешикдан кирмагани маъқул..* Ўз билими билан кирсин. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Ёдгор унинг отини билолмай қолган бўлса ҳам, билимига тан берган, узоқ вақтгача қизнинг гапларини, чиройли чеҳрасини унутолмай юрган эди.* У. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Билим юрти** 1) ўқув юрти (мактаб, институт ва ш. к.) *Педагогика билим юрти;* 2) тар. 1930 йилгача: ўрта педагогик ўқув юрларининг номи. *Тошкент ўзбек билим юрти.*

**БИЛИМДОН I** Билимларни мукамал эгаллаган; катта илмга, маълумотга эга бўлган; билагон, ўқимишли; билимли. *Билимдон одам.* ■ *Нодон зарбоф тўнда ҳам нодон, Билимдон чирик чопонда ҳам билимдон.* «Қанотли сўзлар». У — билимдон ва меҳрибон

устоз, мураббий, сирдош дўст, куюнчак ва меҳнаткаш инсон. «Ёшлик». Ақлди, билимдон киши суви мўл дарёдек шовқин-суронсиз умр кечиради. П. Раҳмон, Меҳр кўзда.

2 Катта иш тажрибасига эга; ўз ишини, соҳасини яхши биладиган; омилкор, билармон. *Билимдон ишчи.* ■ Уни [Хадичани] қишлоқ аёлларининг энг ўктами, билимдони деб мақташар эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БИЛИМДОНЛИК** Билимларни пухта эгаллаганлик; билафонлик. *Мударрислар ўз билимдонликларини кўрсатиб обрў орттириш учун бирон масала устида итдек олишар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Билимдонлик қилмоқ айн. билармонлик қилмоқ қ. билармонлик.**

**БИЛИМДОР** кам қўлл. айн. **билимли.** -Хўп бўлмаса, — деб темирчини етти йил ўқитиб, илмдор, билимдор қилган экан. «Луқмони Ҳаким». -Сизни илмдор, билимдор қилишликка тоқатим камроқ, — дебди. «Луқмони Ҳаким».

**БИЛИМЛИ** айн. **билимдон 1.** Билимли ўзар, билимсиз тўзар. Мақол. *Устоз билимли, шогирд илмли.* Мақол. *Олтин ерда қолса ҳам, билимли йўлда қолмас* Мақол. ■ Азизанинг назарида, ҳар томонлама мукамал, одобли, билимли йигит шу эди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

2 Ўз касбининг устаси, моҳири, тажрибакор. *Зироат илмига олим, билимли деҳқонсан.* Ҳабибий. *Билимли, кўзли деҳқонларни кўрдик.* Ҳабибий.

**БИЛИМСИЗ 1** Билими, илми йўқ; маълумоти йўқ, ўқимаган; нодон. *Билимсизга иш йўқ, ишсизга ош йўқ.* Мақол. ■ *Навоий билимсиз табибларни жаллод шогирдига ўхшатади.* «Фан ва турмуш».

2 Турмуш тажрибасига эга бўлмаган, турмушнинг икир-чикирларини билмайдиган; тажрибасиз. *Чўл ўзлаштириш, чўлда ишлаш билимсизга қийин экан.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**БИЛИМСИЗЛИК** Билим бойликларидан беҳабарлик, жаҳолат. *Жаҳолат зулматида кўп замон беҳуда умр ўтди.* Оғир ғафлатда қолганмиз, билимсизлик бало келди. Ҳабибий. [Латофат] *Кўпинча театр санъатидан билимсизлигини ўйлаб, ҳозирги муваффақиятларининг вақтинчалигини тобора яққолроқ ҳис этиб, ич-этини ер эди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

**БИЛИНАР-БИЛИНМАС** Деярли сезилмайдиган, билинмайдиган даражада, салпал билинадиган. *Раъно бурни устидаги билинар-билинмас марварид резаларини рўмоли билан артди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аланга ёлқинида қизнинг киприклари, лаблари билинар-билинмас нафис ҳаракатлар қилаётганга ўхшаб кетди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БИЛИНАРЛИ** Билинадиган, сезилмайдиган, сезиларли. *Билинарли ўзгариш.* Ер билинарли даражада силкинди.

**БИЛИНГВИЗМ** [би.. + лот. lingua — тил] Икки тилда сўзлай олишлик; икки тилни билишлик; икки тилдан фойдаланишлик; икки тиллилиқ. *Ўзбек-тожик билингвизми. Ўзбек-рус билингвизми.* ■ *Бу диалект.. билингвизмни сақлашига қараб характерланади.* «ЎТА».

**БИЛИНИБ-БИЛИНМАЙ** рвш. Унчалик сезилмаган ҳолда, билинар-билинмас даражада. *Бек бир муддат унинг ниҳолдек бўйбастига, ҳалтилаган кўйлақ тагида билиниб-билинмай турган ингичка белчаси, озгин елкаларига илк дафъа мўъжизага дуч келган одамдек маҳлиё термилди.* «Ёшлик».

**БИЛИНМОҚ 1** Очиқ-ошкор ҳолатли бўлмоқ; ошкор бўлмоқ. *Мард майдонда билинар.* Мақол. *Дўст юзидан билинар, Душман — изидан.* Мақол. *Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам билинади.* Мақол.

2 Намоён бўлмоқ, сезилмоқ, акс этмоқ. *Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.* «Фан ва турмуш». *Унинг энсаси қотгани билиниб турарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**БИЛИНТИРМОҚ** **Билинмоқ** фл. орт. н. *Алимардон чолғунинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан, тагин билинтирмай уф тортиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Севги юракка билинтирмай кириб олади, деганлари шу бўлса керак.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БИЛИТТИФОҚ** [ا. بالاتفاق — ҳам-жиҳатлик билан, келишиб; тасодифан] рвш. эск. Иттифоқлик, аҳиллик билан, маслаҳатлашиб, келишиб. *Икки меҳрибон билиттифоқ фақир бошимни икки қилишга қарор берибдилар.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

**БИЛИШ 1** **Билмоқ** фл. ҳар. н. *Ҳид билиш.* *Ҳар ким ўз вазифасини билиши керак.* ■ -*Пул топиш қийин, — соқолини тараб деди бой, —*

аммо пул харажат қилишни билиш ундан ҳам қийин. Ойбек, Танланган асарлар. Агар ҳамма нарсани олдиндан билиш мумкин бўлганида, унинг ҳеч бир қизиғи қолмасди. Т. Ашуров, Оқ от. Олдин дарёнинг чуқур, саёз жойларини билиш керак. Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Борлиқ ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, англаш, ўзлаштириш, эгаллаш. *Билиш назарияси. Тилнинг ривожланиш қонуниятларини билиш.* ■ *Шариат ақидаларига доир масалалардан яна бири худони билиш хусусиятидир. «ЎТА».* Китобни ҳақли равишда дунёни билишнинг қудратли воситаси деб атайдилар. Газетадан.

**3** Бир-бирини яхши билиш. *Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш.* Мақол.

**4** Хабар олиш, кириб кўриш. *Зумрадни билиш эсингиздан чиқмасин, ая!* С. Зуннунова, Олов.

**БИЛИШИМЧА** *кри. с.* Менга маълум бўлишича, менинг билишимга қараганда, менинг тахминимча. *Бу ишга, билишимча, ҳозир жазм қилдинг.* Ойбек, Танланган асарлар. [Ҳожиди:] Бурунги замонда битта одам, менинг билишимча, жуда нари борса, уч ярим пуд пахта терар эди, ҳозир йигирма беш пудга етказиб терар эмиш. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БИЛКУТ** *этно.* Қадимий туркий қабиалардан тарининг номи. *Уша кезларда Улуғбекка оталиқ қилиб туркларнинг билкут қабиласидан чиққан йирик амир Шохмалик тайинланади.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

**БИЛЛА** *с.т.* Бирга, биргаликда. *Билла бормоқ. Билла бўлмоқ.* ■ *Соқибулбул Шодмон мерган, Ҳасанхонман билла кетди.* «Гулнорпар». *Исфаҳондан билла келган, Кўшимга сардор бўлган.. «Юсуф ва Аҳмад».*

**БИЛЛИАРД** *айн. бильярд.* *Биллиард столи.* ■ *Бировлар овқатланмоқда, яна бировлар биллиард ўйнамоқда.* И. Раҳим, Ихлос.

**БИЛЛИАРДХОНА** *Биллиард ўйини учун мўлжалланган, биллиард ўйналадиган хона. Ўртада ошхона, катта биллиардхона.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома. *Ёзги мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Биллиардхона ҳам кенгайтирилди.* Газетадан.

**БИЛЛО** *с.т. айн. биллоҳ.* *Билло, азиз хислатда мандан яхшидур хасчи.* Ҳамза.

**БИЛЛОЙИ АЗИМ** *айн. биллоҳи азим қ.* *биллоҳ.* *Минг биллоий азим, агар шу ерларга араванинг гунчагини кўмсангиз, қайрағоч кўкариб чиқади.* “Ўзбекистон кўриқлари”.

**БИЛЛОҲИЛ-АЗИМ** *айн. биллоҳи азим қ.* *биллоҳ.* *Қичқирма, биллоҳил-азим, бошингни кесаман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БИЛЛОҲ** [а. بالله — Аллоҳга қасамки] *эск.* *Худо ҳақи. Биллоҳ, ҳар ракат намозга юкунганимда, Бобо Маширофни ёдга олиб, халлоқи олам раҳматини тилаймен.* «Ёшлик». *Жаҳондин ким десун биллоҳ керакмас манга жон онсиз.* Бобур.

**БИЛЛОҲИ АЗИМ** *Улуғ худо ҳақи.*

**БИЛЛУР** [ф. блур — хрусталь; кристалл] **1** Юқори навли тиниқ оқ шиша ва ундан ясалган қимматбаҳо идиш-оёқ; хрусталь. *Биллур қадаҳлар. Биллур қандил. Биллур кулдон.* ■ *Асл молга ўхшайди, биллур гулдон.* М.М.Дўст, Лолазор. *..уй эгасига яна катта мартабалар тилаб, биллур қадаҳларни жаранглатишди.* Мирмуҳсин, Қахрамоннома. *..шипда биллур қандил, деворда афғон гилам.* С. Сиёёв, Эркалар эртаги.

**2** *эск. айн. кристалл.* *Энди кўтарилди бошлаган офтобнинг нури довсиз-дарахтсиз чўлни қоплаб, қор биллурларини олмос майдаларидай ялтиратаётган бўлса ҳам, уларни эрита оладиган таъсирга эга эмас эди.* С. Айний, Куллар.

**3** *кўчма* *Оппоқ, беғубор, мусаффо. Валижон биллур тошлар орасидан қайнаб чиқаётган тиниқ сувга қадалиб, хиёл жим қолди.* О. Ёқубов, Лолазор. *Шағал тошлар устида шарқираб оқаётган тоғ суви — биллур.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БИЛЛУРИЙ** *айн. биллурсимон.* *Қани у дарёлар — биллурий сувлар, Қани у тўлқинлар, зангори ҳаво! И. Маҳмуд, Эътироф.* *Таъзим сенга, она ер! Биллурий сувларинг эса зилол боғлар, сўлим оромгоҳлар ҳада этади.* Газетадан. *Яхмалак отасан шодон қийқириб, Овозинг жаранглар биллурий боғда.* А. Орипов.

**БИЛЛУРИН** *кам қўлл. поэт.* **1** *Биллурдан қилинган; биллур каби тиниқ, шаффоф. Биллури қадаҳ.* ■ *Шифтда биллури қандил.* С. Аҳмад, Пойқадам. *Зумурад бутоққа олтин чаноқда Биллури май тутар кўркама пахтазор.* Ф. Фулом.

**2** *эск.* *Кристаллардан тузилган; кристалик.*

**БИЛЛУРСИМОН** *Биллурга ўхшаш, монанд; биллур каби. Ҳаво очик, аёз, еркўк оппоқ қор. Тўлин ой шувласида қор парчаси биллурсимон товланади.* Файратий, Узоқдаги ёр.

**БИЛМАК** *поэт. айн. билмоқ* 1. Ҳолингни билмакка келдим, Сўзлашиб турмакка келдим. «Нурали». Билмак бўлсанг унинг севгисин, Қалбинг тингла, шошма, ошиқма! Шукрулло, Сайланма.

**БИЛМАМ** *поэт.* Билмадим, билмайман. Билмам, авлоди башарму ё пари фарзандиму? Ҳабибий. Билмам, на таманнодир фикри билашод ўлмас, Ҳар кеча тонг отгунча рухсору чароғ истар. Ҳабибий.

**БИЛМАСЛИК** Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисадан беҳабарлик. Тил билмаслик биринчи ҳафталарда уларни қаттиқ қийнади. Ойбек, Танланган асарлар. Отабек ила қутидорларнинггина эмас, ҳатто поччам ила жиянимнинг ҳам маним бу ишда иштироким борлигини билмасликлари керакдир! А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Билмасликка олмоқ** Ўзини беҳабардек қилиб кўрсатмоқ, билмагандай бўлмоқ, ўзини беҳабардек тутмоқ. Тантубойвачанинг нафаси ичига тушиб кетди, лекин бу ўн-ғайсиз, чатоқ аҳволдан қутулиш учун яна ўзини билмасликка олди. Ойбек, Танланган асарлар. Паролга жавоб берса берди, бермаса ўзимни билмасликка олиб, алоқанинг бошқа йўлини излайман. К. Яшин, Ҳамза.

**БИЛМОЛ:** таъзири билмол [а. تعزيربالمال] *эск.* Мусодара; жарима. -Дарра билан таъзир бердиргандан кейин, - деди бошқа бири, - таъзири билмол ҳам қилдириш керак, токи ҳокимга бир нарса унсин. С. Айний, Қуллар. Таъзири билмол қилдириш учун уларнинг ортиқча моллари йўқ. С. Айний, Қуллар.

**БИЛМОҚ** 1 Бирор нарса, ҳодиса ёки фикрнинг моҳиятига етмоқ, бирор соҳада маълумотга эга бўлмоқ. У биладиган одам. Сиз математикани биласизми? ■ Кошки тил билса-ю, у билан сўхбатлаша қолса! Ойбек, Танланган асарлар. Тирик бўлганда, ўнта ўғилнинг ўрнини босадиган қизи борлигини биларди. С. Аҳмад, Уфқ. Сиз ярамаснинг қилиб юрган ишларингизни биламан. С. Аҳмад, Уфқ.

**Хат билмоқ** Хат-саводли бўлмоқ. Уста Мўмин, раҳматлик, хат билар эди, китоб кўриб, боланинг отини Ёдгор қўйди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

2 Бирор соҳа ёки ишда маълум ўқув ёки малакага эга бўлмоқ. Шахмат уйнашни биласизми? У дўппи тикишни яхши билади.

■ Янги от, янги фойтун. Ҳа, қўшишни, ҳайдашни биласизми? Ойбек, Танланган асарлар.

3 Турмуш тажрибаси туфайли хабардор, ошно, таниш бўлмоқ. Кўп яшаган билмас, кўпни кўрган билар. Мақол. Қари билганни пари билмас. Мақол. ■ Ақл ёшда эмас, бошда деган одам, билиб айтган. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

4 Хабардор, воқиф бўлмоқ. Сиз уйда экансиз, билсам, дафтаримни олиб келар эканман.. эсизгина. А. Қаҳҳор, Адабиёт муаллими. Кўп гапларни билиб қайтди. С. Аҳмад, Уфқ.

**Биламан, биласан, биласиз** ёки биласизки *крш с.* Таъкид, тасдиқлаш, уқтириш маъносини ифодалайди. Биламиз, Бобомурод полвон, сизнинг қўрангиз марказдан олисда. С. Анорбоев, Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари. Биламан, тилларнинг ёмони йўқдир, Ҳар тилнинг ўз кўрки, улуғлиги бор. Шухрат, Ёшлигимнинг давоми. **Биласаним, биласизми** *крш с.* Хабаринг(из) борми. -Биласанми, бу ерда фақат «95» дамлайди, - деди у Муродга пиёла тутиб. Т. Ашуров, Оқ от. Биласанми, мелисадан дадамнинг эшагини ҳайдаб кетаётганимни ҳамма кўрди. С. Аҳмад, Уфқ. **Биласизми, Мансур ака, мактабни битириб, институтга кирмоқчиман.** Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Билмадим** 1) хабарим йўқ, Билмадим, бугун нима важ қилди экан. А. Қаҳҳор, Асрор бобо; 2) эҳтимол, балки. Билмадим, қайси бир ишимиз худоба хуш келмаган экан. К. Яшин, Ҳамза. Бу дабдабаю бу ҳурмату эъзозни кўриб, билмадим, қай аҳволга тушар экан. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Билмадим, бу хаёл чол бўлиб букчайиб қолганимда ҳам ўзгармаса керак. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар. **Билмай ёки билмасдан** 1) хабари бўлмаган ҳолда, тушунмай-нетмай. -Эҳтимол, жуда ҳам катта гуноҳ эмасдир, чунки билмасдан, тушунмасдан қилинган иш, - деди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари; 2) тасодифан, ногаҳон. Кечирасиз, билмасдан келибман. **Билмасам айн. билмадим** 1. **Билсанг, билсангиз** *крш с.* Сенга (сизга) маълумки. *Имон, Аваз, билсанг, сувдай гап.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Ким билсин ёки ким билади** Ҳеч кимга маълум эмас, ҳеч ким айта олмайди. *Ҳай, мен нега уни бевақт уйғотяпман, ким билсин, бу хил уйқу кенжамга яна қачон насиб қилади, бир*

оз ором олсин. И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Киши билмас қ. киши. Худо билсин (ёки билади) айн. ким билсин.** Қоронғуда яхши ажрата олмадим, тусини ғира-шира анови қора Ҳомидга ўхшатдим. Тағин уми, бошқами, худо билсин. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўзинг биласан кри с.** Ўзинга, сенга маълумки. Ўзинг биласан, Раббим ака битта чивин чақса, Африкагача бориб тутиб, эзгилама-гунча қўймайди. С. Аҳмад, Уфқ.

5 Ҳис этмоқ, сезмоқ; идрок этмоқ, англамоқ, фаҳхламоқ, тушуниб етмоқ, уқмоқ, пайқамоқ. Ҳар ким ўз айбини билмас. Мақол. Аҳмоқ ҳориганин билмас. Мақол. ■ Сен билан бўлсам, вақт қандай ўтганини билмайман. Ойбек, Нур қидириб. Гапни айлантириб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, кўнглидаги бор гапни айтди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Биз энди ўз ҳақ-ҳуқуқимизни биламиз. А. Қодирий, Гирвонлик Маллавоӣ. Мен сенга муносиб эмаслигимни бугун билдим. С. Аҳмад, Уфқ.

6 Тан олмоқ, қадрига етмоқ, тақдирламоқ. Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас, эл билур. Мақол. ■ Шошмай тур, ҳали у иззатини билмаган итваччани тутиб, адабини бердирмасам, Мадумар отимни бошқа қўйиб юбораман. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

7 Танимоқ, таниш бўлмоқ. Бу ерда мени ҳеч ким билмайди. ■ Норматовни сизлар қанча билсаларинг, мен ҳам шунча биламанда. А. Қаҳҳор, Мунофиқ. Мен сиз билган Шокирбек эмас, тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўғли ва марғилонлик Мирзакарим аканинг куёви – Отабек. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

8 ..деб ҳисобламоқ, ..деб санамоқ, ..деб билмоқ. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил. Мақол. ■ Ҳалиги гапимни сир деб бил! Ойбек, Танланган асарлар. Бола ўз қайғусини бутун бир дунёнинг қайғусидек билар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Чунки у «оддий ҳақиқат бир минг бўёқдан соз», деб билади. С. Зуннуова, Олов.

9 Уддасидан чиқмоқ, эплай олмақ. Ҳали сиз ёлғон гапиришини ҳам биласизми? А. Қаҳҳор, Айб кимда? Сиз икки келин ушлашни билмабсиз, Зайнабга жабр қилган кўринасиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

10 Ихтиёр, измида бўлмоқ. Сиз тушунмаяпсиз, ойи.. ҳали тағин дадаси биладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Ўзингиз биласиз** 1) ўзингиз хабардорсиз, ўзингизга маълум. *Ўзингиз биласиз, мен гапирмасдан тутолмайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) ихтиёр ўзингизда. *Офтоб ойим.. тилар-тиламас «ўзингиз биласиз» жавобини берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..бир кор-қол бўлмасин дейман. Тағин ўзингиз биласиз.* К. Яшин, Ҳамза.

**Билганинг билган** Ҳаммасидан ўз ақлинга келгани, ўз билигинг билан қилганинг дуруст. *Кўпчилик бир нафас жим ўтиришди. Сўнгра ора-орадан: -Сизнинг билганингиз билган, мулла, – деган маъқулловчи товушлар эшитилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Билганингдан қолма** Ўз ақлингга таяниб иш тут, ўз ақлингга келганини қилавер. **Билганини қилсин** Хоҳлаганини, кўнглига келганини қилсин; ихтиёр ўзида. *-Шунчалиги ҳам бор, – деди Зокир ота кетгани қўзғалиб, – майли, билганини қилсин.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Тилини билмоқ** Бирор нарсанинг сирини, ундан фойдаланиш йўлини билмоқ. *Упахта териш машинасининг тилини яхши билади. Қуш тилини қуш билади* Ҳар тоифа кишилар билан муомала қилишни, сўзлашишни шу тоифа кишиларининг ўзи яхши билади.

**БИЛМОҚЛИК** Бирор нарса, воқеа ёки ҳодисанинг моҳияти, мазмунини билиш, ундан хабардорлик. *Парво қилманг, тил билмоқлик ўзи таланти.* А. Шер, Қадимги куй. *Бу сафар ҳам қабулига ким келганини билмоқлик учун эшикни зарб билан очди-ю, пешонасини ғурра қилди.* Ж. Абдуллахонов. Хонадон. *Яшаган сайёрангни Билмоқлик фарз, дебдилар.* А. Орипов.

**БИЛОНИҲОЯ** [a. بلانهايه – ниҳоясиз, чексиз] Чегараси йўқ, ҳаддан ортиқ; ниҳоятсиз, чексиз. *Қиёмат кунининг сўнги бор ахир, Бўлмагай бу зулмат билнониҳоя.* Ғ. Фулом. *Кўнлинг ғам бўлса ҳам билнониҳоя, Онажон, кўзингдан оқизма кўп ёш.* Уйғун, Тонг қўшиғи.

**БИЛТАНГЛАМОҚ** Ўзини у ёққа-бу ёққа ташлаб ҳаракат қилмоқ. *Марди тинимсиз билтанглаётган балиқни халтага солди.* «Ёшлик».

**БИЛФЕЪЛ** [a. بالفعل – ҳақиқатан, аслида] Ўзича, ўзбошимча; мустақил равишда, бевосита. *Маълумингиз, улардан Азизбек билан Юсуфбек Тошкентда билфегъл исён чиқариб ётадилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИЛЧ-БИЛЧ** тақл.с. Лойни босганда чиқадиған товуш. *Билч-билч лой. Билч-билч лой кечмоқ.* ■ *Йўллар, ажриқли сўқмоқлар, жўяқлар билч-билч лойлигидан отларнинг думини тугиб қўйдик.* «Ёшлик».

**БИЛЧИЛЛАМОҚ** «Билч-билч» овоз чиқармоқ (суюқ лой, лой аралаш сув ёки қотиб улгурмаган қон ҳақида). *Шўрхоқ сув билчиллаб ётган тўқай ичидан югуриб борарканман, чап оёғим ерга муздек тегаётганини пайқадам.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Қўрбошилар йўлда калтаклаган бўлса керак, юзлари ёрилган, кўйлақларига оққан қон қотиб улгурмасдан, билчиллаб турибди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БИЛЪАКС** [а. بالعكس — аксинча] рвш. кт. Аксинча, акс ҳолда. -Янглишасиз, ота. -Янглишмайман, билъакс, билиб.. сўзлайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аваз газал битиб, бутун нон емади. Билъакс калтакка тўйди.* С. Сиёев, Аваз.

**БИЛЪЯРД** [фр. billard < bill — шар, соққа] 1 Мовут қопланган махсус столда шар(соққа)ларни таёқ (кий) билан уриб, столнинг бурчаклари ва ёнидаги чуқурчалар (лузалар)га тушириш ўйини. *Шофёри билан билъярд ўйнаб, ҳовузда роҳат қилиб чўмилди.* «Ёшлик». *Сиртда рўй берадиган жараёнларни билъярд ўйинидаги шарларнинг ҳаракатига қиёслаш мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 Билъярд ўйналадиган стол ва кий-шарлари. *Билъярд столи. Билъярд шар (соққаси).* *Дам олиш уйида иккита катта билъярд бор.*

**БИЛҚ-БИЛҚ** тасв. с. Билқилдоқ нарсалар (мас., майин тупроқ, лой, бўтқа ва ш. к.) нинг ҳаракатидан чиқадиған товуш ёки уларнинг ҳолати. *Билқ-билқ лой. Шавла билқ-билқ қайнаяпти.* ■ *Йўл жуда оғир. Ҳаво иссиқ, дим ва чанг. Билқ-билқ иссиқ тупроққа ботиб бормоқдамиз.* Ойбек, Болалик.

**БИЛҚИЛДОҚ** Кўпчиб, билқиллаб турадиган; оёқ ботадиған юмшоқ, майин. *Билқилдоқ лой. Билқилдоқ тупроқ.* ■ *Шерзод билқилдоқ қум устидан кетаётиб, тик қирғоқдан шағал тошчаларнинг шитираб тўкилганини эшитиб қолди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли.

**БИЛҚИЛЛАМА** айн. билқилдоқ. *Баъзан шундай.. жойларда билқиллама шўрхоқ ҳосил бўлади.* П. Фуломов, Зарафшон этақларида.

**БИЛҚИЛЛАМОҚ 1** Кўпчиб ёки қайнаб «билқ-билқ» товуш чиқармоқ. -*Ривоятда гап кўп, — деди Жамшид билқиллаб қайнаётган булоққа ўйчан тикилиб.* “Ёшлик”. *Йўллардаги тизза бўйи тупроқ билқиллаб қайнайди, оёқ боссангиз, куйдиради.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Билқиллаб қайнаётган декчадан хушбўй ҳид димоғига гул этиб урди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 *кўчма* Бўлиқ, семиз, тўлишган ҳолатда бўлмоқ. *Етим-есир қилинг Ширвон элини, Бўлиб онглар билқиллаган молини.* «Юнус пари». *Ўзиям байталмисан байтал! Сағрилари билқиллайди.* «Ёшлик».

**БИМЕТАЛЛ 1** {би.. + металл} қ. биметаллар.

**БИМЕТАЛЛ 2** сфм. Икки хил металлдан иборат бўлган, ясалган (лента, сим, пўлат тахта, пластинка ва б. ). *Бир-бирига парчинлаб қуйилган икки хил металл, мавалан, темир ва жез пластинка биметалл пластинка деб аталади.* «Физика курси».

**БИМЕТАЛЛАР** Икки хил металлдан иборат бўлган сим, пластинка ва ш. к.

**БИМЕТАЛЛИЗМ** ҳуқ. Қиймат ўлчови вазифасини икки нодир металл — олтин ёки кумуш бажарадиган пул тизими ва шу икки металлдан ясалган тангаларнинг муомалада бўлиши.

**БИН** [а. ابن, بن — ўғил] айн. ибн. Унинг бошқа томонларини қадимги табиблардан *Юсуф бин Муҳаммад Юсуфий ҳам синаб кўрган.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

**БИНАР** [лот. binarius — икки; қўшалок]; **бинар сонлар** Иккита рақам (цифр) билан ёзиладиган, икки қисмли сонлар, мас., 10, 15 ва ҳоказо. **Бинар қотишмалар** Икки жинсдаги металл ёки қотишмаларнинг бирикишидан ҳосил бўлган қотишмалар.

**БИНАФША, гунафша** [ф. بنفشه — бир нав хушбўй гиёҳ] 1 бот. Бинафшалар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик ва унинг баҳорда очиладиған тўқ сафсарранг хушбўй гули. *Яхшибоев димоғида бинафша ҳидини туйди, юраги орзиқди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Заъфарон зулфинга тақиб кетайин Олис чўлларимнинг бинафшасини.* А. Орипов.

2 сфм. Шу гул рангидаги, сафсарранг. *Тўрт бурчагида кўк, бинафша, шафтолиранг итақлар билан гуллар тикилган.* Ойбек, Қуёш қораймас.



**БИНАФШАГУЛ**, гунафшагул махс. Кулолчилик, наққошлик ва каштадўзликда ишлатиладиган нақш тури. *Риштон ва Фиждудвон кулолчилигида бинафшагул ислимий гуллар орасига қалами услубида чизилиб, шу усулда бўялади.* «ЎЗМЭ».

**БИНАФШАЗОР** Нукул бинафшалар қалин ўсиб ётган майдон; бинафшалар экилган ер. *Навоий ўз бинафшазорида айланиб юрган вақтда Жомийнинг ўғли салом бериб кирди-да, қўлидаги китобни узатди.* М. Осим, Карвон йўллариди.

**БИНО** [а. بناء — қурилиш; иншоот; иморат] Кишиларнинг яшаш, ишлаши ва бошқа эҳтиёжлар учун қуриладиган иншоот, улкан уй, иморат. *Театр биноси. Турар жой бинолари. Шаҳримизда янги-янги кўркем бинолар қад кўтармоқда.* ■ *Бинонинг ўнг томонидаги икки хонали уйда ўғли билан келини туради.* «Саодат». *Дангасага меҳнат ёқмас, ош ёқар, Ёмон одам тик бинони қулатар.* «Кўшиқлар».

**Бино бўлмоқ** 1) қурилмоқ, барпо бўлмоқ. *Бу қишлоқлар урушдан кейинги йилларда бино бўлган эди;* 2) юзага келмоқ; етилмоқ, туғилмоқ. *Бир йигит қирқ йилда бино бўлади.* Мақол. ■ *Одам ўз табиатини ўзи бино қилади.* «Шарқ юлдузи». *Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан, Сендай ўғлон бино бўлмас энадан.* «Маликаи айёр». **Бино қилмоқ** Қурмоқ, барпо этмоқ. *Учинчи йил шифохона қаторида ёнида омборчаси билан махсус кооператив магазин бино қилади.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ. *Канизак бу айтилган нарсаларнинг ҳаммасини ҳозир қилиб, иккови шу чўлда шаҳар бино қилишган экан.* «Луқмони Ҳаким». **Бино қўймоқ** 1) ортиқ даражада берилмоқ, эътиқод қилмоқ. *Ҳеч ким мендай сенга бино қўйган йўқ.* «Равшан». *Паловни ким ёмон кўради, лекин профессор Обидийчалик унга бино қўйиб, чиройли ошайдиган одам кам бўлса керак.* Мирмуҳсин, Умид; 2) зеб бермоқ, оро бермоқ. *Бино қўйиб, олтин сочин таради, Кўклам қизил гул ҳидини сочганда.* М. Алавия; 3) ўзига ортиқ даражада ишонмоқ, мағрурланмоқ. [Хонзода Гулбаҳорга:] *Сен ниманга бино қўясан!* Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ҳа, чиройингга бино қўйдингми, ўзбошимча? К. Яшин, Ҳамза. **Умри бино бўлиб, дунё бино бўлиб ёки дунё бино бўлганидан бери** Дунёга келганидан, туғилганидан бери; узоқ муддат

давомида. *Умрим бино бўлиб мен сендан бирон нима тама қилмаганман.* «Шарқ юлдузи». *Бунақа чиройли қизни умрим бино бўлиб кўрмаганман.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Умри бино бўлиб бундай даҳшатли манзарани кўрмаган.* «Ёшлик. **Ўзига бино қўймоқ** 1) ўзига оро, зеб бермоқ. *Ортиқ бино қўйдим ёр деб ўзимга.* Ҳамза. *Энди мўйлабим чиқиб, ойна олдида турганимни кўрган уйдагилар: -Ҳадеб ўзига бино қўйиш яхши эмас, - дейишарди.* Шукрулло, Сайланма. *Қирқин қизлар созланиб-нозланиб, ўзига бино қўйиб, қўлига хино қўйиб, боққа жўнади.* «Нурали»; 2) ўзига ишониб кетмоқ, мағрурланмоқ. *Гердаийб ўтириши, бошини кўтариб, шошмасдан гапириши [Ҳожибнинг] мағрур ва ўзига бино қўйган одам эканини кўрсатарди.* М. Осим, Ўтрор. *Жонибек ўзига бино қўйган бола.* «Шарқ юлдузи».

**БИНОАН** [а. بناء — ..га асосан, ..га кўра] кўм. (ж. к. билан) Нимагадир амал қилган, асосланган ҳолда; мувофиқ, кўра. *Вадангизга биноан.* Юқоридаги сабабларга биноан. *Шунга биноан.* ■ *Қуллук, чақирганингизга биноан хизматингизга келдик, нима дейсиз.* «Луқмони Ҳаким». *Мазахўракларнинг буюртмасига биноан, официант устрицани ликонга солиб олиб келади.* «Саодат».

**БИНОБАРИН** [ф. بينابارين — шунга кўра, шунга қараб] эрг. боғл. Шунга кўра, шу сабабли, демак. [Забонинг] *Назариди бу муҳаббат ҳеч кимникига ўхшамас, бинобарин, ҳеч ким уни тўла.. тасаввур этолмас эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бинобарин, атмосферани покиза тутмоқ учун барча давлатлар ҳамжиҳат иш олиб боришлари керак.* «Фан ва турмуш».

**БИНОЙИ** [ф. بينايى — кўриш; кўзи ўткирлик, сезгирлик] Туппа-тузук, дуппа-дуруст, яхшигина, созгина; кўрса, кўргудай. *Бинойи йигит. Бинойи иш.* ■ *Қойилман, саркор, гапларингиз бинойи.* «Аския». *Юриштириши бинойи. Тинчгина юради.* «Ёшлик».

**БИНОЙИДАЙ**, -дек, -деккина айв. **биноий.** *Қишлоқ қизи шаҳарга келин бўлиб тушса, биноийдай рўзгор тутиб кетади.* «Ёшлик». *Хотиним минг пардоз-андоз қинаям, таппига ўхшайди. Лекин қиз пайтида уям биноийдек эди.* «Ёшлик». *Севаргул сая бурнини жийириб қўйди: ўзимиз биноийдеккина чақ-чақлашиб ўтирибмиз-ку, дуганажон.* «Ёшлик».

**БИНОКЛЬ** [лот. *bini* — икки + *ocularus* — кўз] Узоқни яқин қилиб кўрсатадиган кўш трубади дастаки оптик асбоб, дурбин. *Театр бинокли. Дала бинокли.* ■ *У йўлда парашют тушган жойни бинокль билан кузатиб борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БИНОКОР** [бино + ф. *كار* — қилувчи, қурувчи] **1** Бино, иморат қурувчи ишчи, уста. *Моҳир бинокор. Бинокорлар байрами. Бинокор уста.* ■ *Чор атрофи бетон деворлар билан ўралган бу қурилиш майдонида бинокорларнинг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ.* Газетадан.

**2** кўчма Бунёд этувчи; бунёдкор, ижодкор. *Мустақиллигимиз бинокорлари. Маданиятимиз бинокорлари.*

**БИНОКОРЛИК** **1** Бино қуриш билан шуғулланишлик; бинокор касби. *Бинокорлик — менинг ота касбим.* ■ *Али тажанг жуда тўғри ўсган, йўғон ва баланд қарағайни суйиб қучоқлади. Бинокорликдан пича хабардор эди у. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**2** Қурилиш иши; қурилиш соҳаси, қурилиш. *Мен бинокорликда ишлайман. Бинокорлик материаллари.* ■ *Тепанинг талай ҳиссаси кўчанинг бу бетидаги янги биноларнинг хом ғишти, сувоғи каби бинокорлик эҳтиёжларига ишлатилиб, бир нимтаси олинган туюдек кўринишга келиб қолган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БИНОМ** [би.. + юн. *ponem* — ном] *мат.* Икки алгебраик ифоданинг йиғиндиси ёки айирмаси; икки ҳад. *Ньютон биноми.*

**БИНТ** **1** [нем. *Binge* — боғич, боғ] Яраларни боғлашга мўлжалланган дока (бўз, фланель, лента ва б.). *..бинт тайёрлаш цехида Бувинисо Маннонова етакчилик қилаётган бригада аъзолари бошқаларга ўрнак бўлмақда.* Газетадан. *Тескари амаки бинт билан чандилган қўлларимга қараб қўйиб, тағин пичинг қилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**БИНТ** **II** [а. *بنت* — қиз] *эск.* Хотин-қизлар исмидан кейин «қизи» маъносини билдириб келадиган сўз. *Кумушбиби бинти Мирзакаримбойга.. Отабек Юсуфбек ҳожидан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИНТЛАМОҚ** Бинт билан ўраб боғламоқ, танғимоқ. *Ярани бинтламоқ.* ■ *Сони бинтлаб ташланган, қон бинтнинг сиртига сизиб чиққан.* «Ёшлик». Унинг оёғини бинтлаб (қўйилганди).. қушчанинг оёғи тез тузалди. И. Шамшаров, Тошқин.

**БИО-** [юн. *bios* — ҳаёт] Байналмилал ясама (қўшма) сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзнинг ҳаётга, ҳаётий жараёнларга ҳамда биологияга алоқадорлигини билдиради.

**БИОАКУСТИКА** [био.. + акустика] Биологиянинг ҳайвонлар товушини ва уларнинг товуш орқали бир-бири билан алоқа боғлашини ўрганадиган бўлими. *Биоакустика катта амалий аҳамиятга эга.* «ЎЗМЭ».

**БИОБИБЛИОГРАФИЯ** [био.. + библиография] Босма асарлар ҳақидаги маълумотлар уларнинг муаллифлари тўғрисидаги маълумотлар билан қўшиб талқин қилинадиган библиография, шахсий библиография. *«Ўзбекистон олимлари. Биобиблиография».* *«Ўзбек тилшунослари. Биобиблиография».*

**БИОГЕНЕЗ** [био.. + юн. *genesis* — туғилиш, пайдо бўлиш] Тирик мавжудотлар Ерда анорник материядан пайдо бўлганлигини инкор этувчи қараш, назария.

**БИОГЕОГРАФИЯ** [био.. + география] Биология фанининг тирик организмларнинг Ер юзиде тарқалишининг умумий қонуниятларини ўрганувчи соҳаси.

**БИОГРАФИК** Биографияга, таржимаи ҳолга оид. *Биографик роман. Биографик маълумот.*

**БИОГРАФИЯ** [био.. + юн. *grapho* — ёзаман] Бирор кишининг ҳаётий йўли ва унинг тавсифи, баёни. *айн. таржимаи ҳол қ. таржима. Ойбек биографияси.* ■ *Элмурод биографиясини Борисов кутганидан ҳам қисқа қилганда, ҳамма ҳайрон бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Бахтиёрлик ҳақида гапиришга барвақтроқ деб ўйлайман.. ҳали биографиям тугалланмаган.* А. Мухтор, Асарлар.

**БИОИНДИКАТОРЛАР, биологик индикаторлар, кўрсаткичлар** [био.. + лот. *indico* — кўрсатаман, аниқлайман] Миқдори ва ривожланиш хусусиятларининг ўзгариши орқали яшаш муҳитида содир бўлаётган табиий жараёнлар, шароит ёки антропоген ўзгаришлардан дарак берувчи тирик организмлар. *Табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини назорат қилиб бориш биоиндикаторлардан фойдаланишнинг энг муҳим томонларидан бири ҳисобланади.* «ЎЗМЭ».

**БИОИҚЛИМШУНОСЛИК** Иқлимнинг одам фаолияти ва соғлиғига, ҳайвон-

лар ва ўсимликлар ривожига таъсирини ўрганувчи фан.

**БИОКИМЁ**, **биологик кимё** [био.. + кимё] Тирик организмларнинг кимёвий таркиби ва уларда содир бўладиган кимёвий жараёнлар ҳақидаги фан. *Биокимё физиология билан чамбарчас боғлиқ.* ■ *Тиббиёт биокимёси ёки клиник биокимё касал организмдаги биокимёвий ўзгаришларни текширади.* «ЎЗМЭ».

**БИОКИМЁВИЙ** Биокимёга оид, биокимё билан алоқадор. *Биокимёвий жараёнлар.*

**БИОКЛИМАТОЛОГИЯ** *айн. биоиклим-шунслик.*

**БИОЛАБОРАТОРИЯ** [био.. + лаборатория] Қишлоқ хўжалик экинларини зарарқунанда ҳашаротлардан, касаллик, бегона ўтлардан биологик усулда ҳимоя қилишни амалга оширадиган ва назорат қилиб турадиган муассаса.

**БИОЛОГ** Биология фани, соҳаси мутахассиси. *Антарктидадаги пингвинлар этидан ҳам биологлар дуст моддасини топишди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БИОЛОГИК** Тирик организмларнинг ҳаёти ва ўсишига, яъни биологияга оид. *Биологик жараёнлар. Биологик тадқиқотлар.*

■ *Ичимликнинг биологик қиммати ундаги минерал модда, витамин, оқсил, фермент ва ҳоказолар миқдорига кўра белгиланади.* «Фан ва турмуш». *Онанинг фарзандига бўлган биологик, руҳий ва ижтимоий боғлиқлиги бу бетимсол кўшиқнинг таъсирчанлигини кучайтиради.* «Саодат».

**БИОЛОГИЯ** [био.. + юн. logos — сўз, таълимот] Тирик организмларнинг ҳаёти ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги таълимот, фан. *Ўсимликлар биологияси. Биология кабинети. Биология дarsi. Биология ўқитувчиси.*

**БИОЛОКАЦИЯ** [био.. + лот. locus — жой] Ҳайвонларнинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва б. сезги аъзолари ёрдамида бирор объект ўзига нисбатан қандай ҳолатда турганлигини, жойлашганини аниқ била олиш қобилияти.

**БИОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ** [био.. + лот. lumen, luminis — нур, ёруғлик + escent — кучсиз, суст]. Тирик организмларнинг ўз ҳаёт фаолияти жараёнида кучсиз, кўзга кўринарли нур чиқариш, йилтираш хусусияти.

**БИОМАЙДОН** Биологик таъсир ўтказиш доираси, майдони. *Ҳаммаси бекор ган. Биомайдон, экстрасенс деган гапларга ишонмайман.* «Ёшлик».

**БИОНИКА** [юн. bion — ҳаёт элементи; яшовчи] Тирик организмларнинг тузилиши ва ҳаётини фаолиятини таҳлил қилиш тажрибалари асосида техника муаммоларини ечадиган фан.

**БИООПТИКА** [био.. + оптика] Биологиянинг нур ҳосил бўлиши ва тарқалиши, унинг турли моддалар билан ўзаро таъсирини текширадиган бўлими.

**БИОПОЛИМЕР(ЛАР)** [био.. + полимер] Барча тирик организмларнинг ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган юқори молекулали табиий бирикмалар.

**БИОСИНТЕЗ** [био.. + синтез] Тирик организмларда ёки улардан ташқарида ферментлар таъсири билан бирмунча оддий бирикмалардан органик моддалар ҳосил бўлиши ва уларда модда алмашинуви жараёни.

**БИОСФЕРА** [био.. + юн. sphaera — шар] Ернинг ҳаётга макон бўлган, тирик организмлар тарқалган жойи, қисми. *Инсон фаолияти Ер юзини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган ҳозирги даврда биосферанинг ривожланиши янги поғонага кўтарилди.* «ЎЗМЭ».

**БИОТЕЛЕМЕТРИЯ** [био.. + юн. tele — узоқда + metreo — ўлчайман] Биологик ҳодисаларни ўрганиш ва биологик кўрсаткичларни (ҳарорат, қон босими, юрак уриши, нафас олиш ва ҳ. к. ни) узоқдан туриб ўлчаш, текшириш усуллари мажмуи.

**БИОТЕХНОЛОГИЯ** [био.. + технология] Қишлоқ хўжалиги, саноат ва тиббиётнинг турли соҳаларида тирик организм ва биологик жараёнлардан фойдаланадиган саноат усуллари мажмуи. *Ёш биотехнология соҳасининг илдизи қадимки замонларга бориб тақалади.* «Фан ва турмуш».

**БИОТИП** [био.. + юн. typos — қиёфа, нусха] Ташқи кўринишидан бир-бирига ўхшаса ҳам, айрим яшаш хусусиятлари билан фарқ қиладиган биологик турлар.

**БИОФИЗИК** *от* Биофизика олими, мутахассиси.

**БИОФИЗИК** *сфт.* Биофизикага оид. *Биофизик тадқиқотлар.*

**БИОФИЗИКА**, **биологик физика**. [био.. + юн. physike — табиат] Тирик организмларга

хос физикавий хоссаларни, биологик ҳодисалардаги физикавий қонуниятларни, тўқима ва аъзолар фаолиятидаги физикавий жараёнлар ва шунга ўхшаш хусусиятларни ўрганувчи фан.

**БИОХИМИК** *от* Биокимё олими, мутахассиси.

**БИОХИМИК** *қ.* **биокимёвий.** Биохимик тадқиқотлар. ■ Биохимик жиҳатдан инсон организми жуда мукамал ва мураккаб тузилган. Газетадан.

**БИОХИМИЯ** *қ.* **биокимё.** Медицина биохимияси ёки клиник биохимия касал организмдаги биохимиявий ўзгаришларни биохимиявий усуллар билан текширади. «ЎзМЭ».

**БИОҚУВВАТ** Таъсир этиш кучига эга бўлган биологик энергия. Ахир 10 йилликлар давомида табобатимиз биоқувват усулида даволашдан юз ўгириб келди. Газетадан.

**БИОФИЛЬТР** [био.. + филтър] Оқова сувларни биологик йўл билан тозалайдиган иншоот. Атроф муҳит экологиясини.. яхшилашда биофилтърнинг аҳамияти катта. «ЎзМЭ».

**БИПАТРИД** [би.. + юн. *patris* – ватан] ҳуқ. Айни бир пайтда икки ёки бир неча давлат фуқароси бўлган шахс.

**БИПЛАН** [би.. + план] *тех.* Иккита устма-уст жойлашган қанотга эга бўлган самолёт.

**БИР** *снқ.* *сон 1* 1 рақами ва шу рақам билан ифодаланган энг кичик сон, миқдор. *Бир кам қирқ. Ўндан бир. Биру бир – икки. Яхши отга – бир қамчи, ёмон отга – минг қамчи.* Мақол. ■ *Етти қиз бир онанинг боласидай аҳил туришарди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**Бир пул** *қ.* **пул.** Мана энди арзимаган кўнгилочар ов деб экспедициянинг бир ойлик тоат-ибодати бир пул бўлди. М. Мансуров, Ёмби.

2 Ҳисоб, миқдор, ўлчам, чама маъноларини англатувчи сўзлар билан келиб, предметларнинг миқдори, ўлчамини англатади. *Бир жуфт. Бир метр. Бир ҳафта. Бир таноб. Бир йил. Бир минут. Бир ўрам. Бир тўда. Бир соат. Бир аср. Бир бурда. Бир даста.* ■ *Бир ойдан бери титолмаймиз.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бир зум иккиланиб турди.* Т. Ашуоров, Оқ от. *Қорабой бир ҳафта ишга чиқмади.* Т. Ашуоров, Оқ от. *Унга бир даста гул узатиб,*

*ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бир ҳафта деганда кўзини очди.* Т. Ашуоров, Оқ от. *Тиниқ осмонда бир жуфт лайлак беозор сузди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Одам дунёга бир марта келади.* Т. Ашуоров, Оқ от.

3 Баъзи отлардан олдин келиб, ноаниқлик тушунчасини ифодалайди ва «қандайдир», «аллақандай», «аллақайси» каби маъноларни билдириб келади. *Сизни бир одам сўраб келган эди.* ■ *Унинг кўкрагини бир нима чуқур эзди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шу чоғ бир хотин бир бўлак нон олиб кирди.* Файратий, Унутилмас кунлар. *Ҳидоятхонни бир нарса чаққан экан, шошилиб келдилар-да, эшикни берклаб билдилар.* Ҳамза. *Маъваш ўшанда ўртоқлари билан бир тўйга борганди.* Т. Ашуоров, Оқ от. *Йўқ, ҳовлиқмангиз, бунда фойдали бир сир бор! А. Қодирий, Фирвонлик Маллавовай. . .ўқ теккан оёғини бир хотин оқ дока билан боғламоқда эди.* Файратий, Унутилмас кунлар.

**Бир кун** 1) қуёш чиққандан қуёш ботгунча (12 соат) ёки қуёш чиққандан эртаси қуёш чиққунча (24 соат) бўлган вақт. *Уйни озода қилишга роса бир кун кетди. Бир кун бир йилни боқади.* Мақол; 2) кунларнинг бирида, аллақайси куни. *Бир кун(и) биз боққа чиққан эдик.* ■ *Бир кун аҳволини билай, деб уйига телефон қилдим.* Шукрулло, Сайланма. *Бир куни Арслон хотини ишдан қайтгунча ўтин ёриб қўймоқчи бўлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. **Кунлардан бир кун** Ўтган кунларнинг бирида. *Кунлардан бир кун кўнни кўрган, жаҳон кезган оғайниларимдан бири уйимга келиб қолди.* Шукрулло, Сайланма.

4 Феъллар олдидан келиб, феълдан англашилувчи иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилиши ёки юз беришини ифодалайди. *Одам дунёга бир келади. Етти ўлаб, бир кес.* Мақол. *Бир сигналдан ёмонни қайта-қайта синама.* Мақол. ■ *Унга маҳлиё бўлиб тикилиб турган хотиннинг киприклари бир силкинди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. - *Биз энди сени турли-турли балоларга соламиз, буни бир бил! – деб мушт дўлайдилар.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавовай. *Тўмтоқ қошлари, чақнаган кўзлари бир кўрганни доводиратиб қўярди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

5 Белги-хусусият ифодаловчи сўзлар олдидан келиб, ўша сўз маъносининг уч-чайишига хизмат қилади. *Ўғли бир яхши иш-гит экан, бир келишган, чиройлики..* ■ *Боя*

Маҳваши бир ажойиб гап айтди. Т. Ашуров, Оқ от. Шаҳноза деган бир қақажон қиз газетани юлиб олиб ўқиди. С. Сиёев, Ёруғлик.

**б** Ажратиш, таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қилади. *Ҳамма рози бўлди, бир мен рози бўлмадим. Бу ишни бир ўзи бажарди. Уйда бир ўзим қолдим. Камтарлик ҳам бир хислат. Мақол. ■ Бу бир ибрат. А. Қаҳҳор. Олтин юлдуз. Вали ака ўлига бир отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдарди ҳам эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Шунини бир билиб қўйгинки, Хонзода тирик экан, сенларга кун йўқ. Ҳамза, Бой ила хизматчи.*

**7** Кесим вазифасида келганда, бирдамлик, умумийлик ёки бир хиллик, ўхшашлик маъноларини ифодалайди. *Уларнинг ҳаммаси бир. Бизнинг ёшимиз бир. Бизнинг сўзимиз билан ишимиз бир. Кемага тушганининг жони бир.* Мақол.

**Бари бир қ. бари.** *Бари бир ётиб ётолмади, ўтириб ўтиролмади. С. Аҳмад, Юлдуз. - Бари бир етишмайди, — дейди Мулла Обид. Бир бўлмоқ* 1) бирлашмоқ, бир жон, бир тан бўлмоқ. *Кўп оғиз бир бўлса, бир оғиз энгилар.* Мақол; 2) бир хил бўлмоқ; ўзаро мувофиқ, мос бўлмоқ. *Одамнинг дили билан тили бир бўлсин.* Мақол. **Бир қилмоқ** Бирлаштирмоқ. **Гапни бир қилмоқ** 1) бир марта гапирмоқ, бир гапириб, масалани узил-кесил ҳал қилмоқ; 2) гапни бир ерга қўймоқ, келишмоқ, битишмоқ.

**8** Баъзи отлар билан қўлланганда, «шундай», «шунақа» сўзларига тенг келиб, бўртириш маъносини англатади. *Бир иморат қурайки, барчанинг оғзи очилиб қолсин. Бир ўйнаб берайки, ҳамма қойил қолсин. ■ Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди. Ҳ. Олимжон, Ўлка.*

**9** Қўшма сўзлар таркибида келиб, турли хил маъноларни ифодалайди: мас., *бир вақт, бир маҳал, бир мунча, бир оз, бир қанча, баъзи бир, ҳар бир, ҳеч бир, бир асоси, бир жинсли.* ■ *Абдужаши бойниқандаги зиёфатни Мулла Обид бир мунча таажжуб ичида ўтказди. А. Қодиррий, Обид кетмон. Бир оздан кейин у кийиниб олиб, йўлга отланди. А. Обиджон, Аканг қарагай Гулмат.*

**10** Айирувчи боғловчи вазифасида келиб, гапнинг уюшган бўлақларини ёки қўшма гап қисмларини боғлашга хизмат қилади. *Бир ундай булади, бир мундай бўлади. Бир каттанинг гапига кир, бир — кичикнинг.* Мақол.

■ *Умри бир оқарди, бир қизарди-ю, мени кучоқлаб йиғлади. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Бу гапга чиндан ишонган Нилуфар таажжубланиб, бир акасига, бир мушукка қаради. С. Аҳмад, Юлдуз.*

**Бир бор экан, бир йўқ экан** Ўзбек халқ эртактарининг бошланиш ибораси. **Бир бўлса крш с.** Эҳтимол; ажаб эмас. *Ҳожия, бир бўлса, докторга кетди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бирини икки бўлмайди* Рўзғорига, топган-тутганига барака кирмайди, муҳтожликдан чиқмайди. *Қудратли қанотингиз остида бирим икки бўлишини умид қилиб келдим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Бирини олиб, бирига уралдиган салб.* Иккаласи бир хил, бир-биридан яхши эмас, бир-биридан қолишмайди. **Бирини иккига олмоқ** Икки барабар қимматга олмоқ. **Бир кун эмас бир кун айн.** бирда эмас, бирда қ. бирда. **Бир сўзни икки қилмоқ** Кимсанинг сўзини, гапини ерда қолдирмоқ, бир айтгандаёқ бажармай, такрор айтишга мажбур қилмоқ. *Уринбой бир сўзни икки қилмай, хаёли суриб чиқиб кетди, раис унинг ортидан илжайиб қолди.* Ойдин. Ўзи монанд.

**БИРАКАЙ 1 сфт.** Биттагина бўлса ҳам жуда яхши, зўр; кўпнинг ўрнини босадиган; арзирли. *Ҳа, отахон, қирқи кетиб, бири қолган, лекин биракайи қолган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**2 рвш.** Бир йўла; бирданига, бараварига. *Эрта-индин саф-саф темир туюқлар Далаларга биракай ҳаммаси чиқур.* Миртемир, Асарлар. *Ҳар ёққа таралсин танбурум товуши. Биракай тўхтайсин кўзларнинг ёши.* Миртемир, Асарлар.

**БИРАКАЙИГА рвш.** Ҳеч қолдирмасдан, бир сидра, бир йўла. *..асфальтни биракайига шипиллатиб супуриб ўтган муздек ел энди Умматалининг этини жулжитди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *..охирода икки оғиз гапирадилар-у, биракайига гапирадилар.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**БИРАМ** [асли бир + ҳам] с.т. Ортиқ даражада, юқори даражада, жуда ҳам. *Ери кучли экан, бирам экин бўлдики, ҳавасингиз келади.* Ойдин, Мардлик-мангулик. *Бирам кулги бўлди, Сатторқул бирам уялди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бирам хуш ёқдики, севинчидан кўзлари чақнаб қўяверди.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Жарликда ҳар хил сомсабон ўтлар бирам кўп эдики..* Р. Раҳмон, Мехр.

**БИРАТЎЛА(СИ)** *рвш.* 1 Узил-кесил ҳолда, бутун борича, ҳеч қолдирмай; бутунлай, тамомила, батамом. *Искандар қолган режаларини ҳам биратўла айтиб қўя қолди. «Ёшлик».* Ёмғир ҳамон челақлаб қуяр.. *гўё табиат бутун оламнинг губорларини биратўла ювиб ташламоқчидек, ҳеч жаҳлдан тушмас.* М. Мансуров, Ёмби. *Хўрозча биратўла кўзларини юмиб олгандан кейин, Ёдгор ердан жўхориларни йиғиб, дўпписига солди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Бирваракайига, бирдан, бир йўла. -*Авал қиладиган ишларимни қилиб олай, кейин биратўла ювиниб, овқат ейман, — деди Тўла онасига.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Салом кўнгулдагини биратўла тўкиб солди.* Ҳожи Аҳмар, Ким ҳақ? *Фуломжон кўча эшикни биратўла тамбалаб кирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БИР-БИР 1** Тартиби, навбати, гали билан, бирма-бир. *Кумуш бошқалар билан бир-бир кўришиб чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Рисолат «гапирайми, йўқми» дегандай, ҳаммага бир-бир назар ташлади.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Қани, айтингни бир-бир, ўсган жойингиз отин.* Билармисиз, болалар, *ўлкангизнинг ҳаётин?* А. Орипов.

2 *айн.* **битта-битта** 3. *Жононга бордим бу кеча, Бир-бир босиб астагина.* «Қўшиқлар». *Бир-бир босиб, илгари елди, Сой бўйига яқинлаб келди.* Ҳ. Олимжон.

**БИР-БИРИ:** **бир-бири билан** Бири бири билан, бири иккинчиси билан, ўзаро. *Бир-бири билан телефон орқали сўзлашмоқ. Бир-бири билан кўришмоқ.* ■ *Улар бир-бирлари билан ўчакишгандай, хурракни даражабадаража оширишга тиришади.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бир-бири билан шивирлашиб, институтдан ҳайдатилиш ҳақидаги гапларни тарқатгандай бўлишарди.* Мирмуҳсин, Умид. **Бир-бирига** 1) бири иккинчисига. *Ҳамма ҳайрон бўлиб, бир-бирига қаради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Яна кулги бир-бирига илашди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дарҳақиқат, бир-бирига ўхшамаган нонлар тарашадек қотиб қолган эди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён; 2) бири бирига нисбатан, бири бири билан, ўзаро. *Бир-бирига зид тушунчалар.* ■ *Ҳовузнинг нариги четига бир-бирига яқин ўтказилган.. уч туп олма дарахти.* Ойбек, Танланган асарлар. *Лутфиниса оппоқ, юрса сўқиллайдиган, икки*

*қошининг учи бир-бирига туташ, бўйи сал пастроқ тўлагина қиз.* С. Аҳмад, Уфқ; 3) *(т.к. билан)* бирини иккинчисига, бирини иккинчиси билан. *Кўлларни бир-бирига ишқаламоқ.* ■ *У [Йўлчи] жўрттага, лоқайдлик билан икки қолипни бир-бирига уриб сўради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Махдум мулла Абдураҳмон билан Анварни бир-бирларига таништирди.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. **Бир-биридан** *(ч.к. билан)* 1) бири иккинчисидан. *Бир-биридан ўрнак олмоқ.* ■ *Одамлар тўпланишиб, бир-бирларидан сўрашади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чодирларнинг ранги бир-биридан фарқ қилади.* «Фан ва турмуш»; 2) бири бирига нисбатан. *Бир-биридан чиройли. Бир-биридан ширин. Бир-биридан узоқ жойлар;* 3) бирини бирдан, бирини иккинчисидан. *Боғчаларни бир-биридан айирган деворлар.* ■ *Мен билан Отабекни қаматиб, дор остига юборувчи, Отабек тилидан сохта талоқ хати ёзиб, бир-биримиздан жудо этувчи.. баттол Ҳомиّد экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир-бирини** Бири бирини, бири иккинчисини, ўзаро. *Бир-бирини севмоқ.* ■ *Хотинлар бир-бирларини сийлаб, бир-бирларига йўл кўрсатиб.. меҳмон опа кетидан уйга бирин-кетин киришди.* **Бир-бири учун** Бири иккинчиси учун, иккинчиси биринчиси учун. *Агар одамлар.. бир-бири учун меҳнат қилса, ер юзининг ўзи жаннат бўлади.* А. Қаҳҳор, Мирзо.

**БИР-БИРОВИГА** *айн.* **бир-бирига** қ. **бир-бири.** *Ҳол-аҳволларини бир-бировларига айтишган.* «Маликаи айёр».

**БИР-БИРОВИДАН** *айн.* **бир-биридан** қ. **бир-бири.** *Эр ва хотин икки ўртоқ, тўла ҳўқўқли, Бир-бировдан на устиндир, на остин.* Ф. Фулом.

**БИР-БИРОВИНИ** *айн.* **бир-бирини** қ. **бир-бири.** *Негаки бир-бировларини ўлдиришиб, бизга зарар бермасдан, қуруққина кетмас эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИРВАРАКАЙ(ИГА)** *рвш.* 1 Бир галдаёқ, ҳаммасини бир қилиб, биратўласи. *Кумуш ўн беш кунлардан бери йиғилиб келган аччигини бирваракай тўкиб солди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *У[Ўлмас] ҳозир Мирҳожибойни қўлга туширса, ҳамма ёмонликлари учун бирваракайига қасос олишга тайёр эди.* Ё. Шукуров, Қасос.

2 Бирдан, бараварига. *Ҳаммаси бирваракайига «йўқ» деган маънода бош чайқашди.*

«Ёшлик». Қатор тўплар бирваракайига қаттиқ гумбуради. П. Қодиров, Уч иллиз. Бирваракай ёққан ёмғир ҳаммасини шошириб юборди. Ҳ. Нуъмон, Фасллар.

**БИРВАРАКАСИГА** с.т. Бирваракай(ига).

**БИРГА** рвш. 1 Бир бўлиб, қўшилиб, биргаликда, ҳамкорликда. *Бирга ишламоқ. Бирга ўқимоқ. Бирга ўсган ўртоқлар.* ■ Нишонбой бирга ишлайдиган йигитлар билан чорпояда ўтирарди. Т. Ашууров, Оқ от. *У билан бирга кечган ширин дамларни, дилрабо суҳбатларни эслайди.* Т. Ашууров, Оқ от. *Қани, ўзинглар ҳам ўтиринглар, бирга ичамиз.* С. Зуннуова, Олов. *Келажак бахт йўлимини сиз билан бирга босмоқни орзу қиламан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Меъмор барвақт туриб, уч шогирди билан бирга ташқари ҳовлида нонушта қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Бир вақтда, баравар. *Ўғлим эрталаб мен билан бирга туради.* ■ *Содиқжон Юлдузхон билан ёшликда бирга ўсган, бир мактабда ўқиган.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Билан кўмакчисдан кейин келиб, «қаторида, бир қаторда; шунингдек» маъноларини англатади. *Бизнинг вазифамиз илмни халқ тажрибаси билан бойитиш ва шу билан бирга халқ тажрибасини илмнинг элагидан ўтказишдир.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Янги мактаблар очиб.. диний дарслар билан бирга жуғрофия, тарих, ҳисоб каби илмларни ҳам таълим берайлик.* Ойбек. *Танланган асарлар. Менда бир тақлиф бор: бугун Канизакни янги уй билан бирга янги ном билан ҳам муқофотласак — отини Ҳанифа кўйсак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Кимса ёки нарса билан бирликда; унинг ёнида, бағрида. *Масалаларни бирга муҳокама қилмоқ. Хат билан совгани бирга юбормоқ.* ■ *Домла.. болалардан иккитасини бирга олиб юра бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эри, бахти, хусни, шўхлиги яна у билан бирга.* С. Аҳмад, Уфқ, *Эри? Эри борми? — Бор. Шу ерда. Беш ойдан бери бирга!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**Тўйда бирга бўлинг** Тўйга тақлиф этиш шакли. [Ёрмат] *Баъзи бир «таъби тортган» одамларга «тўйда бирга бўлинг» деб кўяди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БИРГАЛАШМОҚ** Бирга бўлмоқ, бирга қўшилмоқ, қўшилишмоқ; биргаликда, бир бўлиб уюшмоқ. *Биргалашиб овқатланмоқ.* ■ *Дарвоқе, хатни биргалашиб ёзамиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Мансурни кўриши биланоқ Гавҳар ҳеч*

*қаёққа бормай, унинг ёнида қолгиси, мана шу ёмғир ҳавосида биргалашиб кўча кезгиси келиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отабек билан Қутидорнинг йўллари бир бўлганликдан, биргалашиб кетдилар.* А. Қодиров, Ўтган кунлар. *Келин билан биргалашиб келди давлат, ёр-ёр, келди давлат.* «Кўшиқлар».

**БИРГАЛИК** Бирлик, ҳамжиҳатлик, иттифоқлик. *Биргаликни мустаҳкамламоқ.*

**Биргалик нисбат** тлш. Иш-ҳаракатнинг бир неча шахс ёки нарса томонидан бирга, ҳамжиҳат ёки ўзаро бажарилишини ифодалайдиган феъл шакли. *Феълнинг биргалик нисбати.* **Биргалик эргаш гаплар** тлш. Тўғридан-тўғри бош гапга боғланиб келган эргаш гаплар.

**БИРГАЛИКДА** рвш. 1 Жам бўлиб, бир бўлиб, қўшилиб. *Иккинчи қайиқ ҳам соҳилга етиб келиб, Саидулмон жангчилари билан биргаликда олдинга кетишди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

2 Бирга, биргалашиб, уюшиб; бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро келишиб. *Биргаликда курашмоқ.* ■ *Биргаликда ўтган шовқин-суронли болалик, қувноқ ёшлик тугади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БИРГИНА** юкл. вэф. Фақатгина, ёлғиз, танҳо. *Қишин-ёзин биргина иштонда юргани учун уни ҳамма Яланғоч Половон деб атади.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Биргина Азизхон унга лоқайд қаради.* С. Аҳмад, Уфқ. *У биргина илмнинг эмас, балки санъатнинг ҳам ҳомийси эди.* К. Яшин, Ҳамза.

**БИРДА** рвш. Қайсиям бир кунни, бир пайтда, тунов кунни. *У Зебихонга кўзи тушиши билан орқасига қараб қичқирди: -Буви, ҳу бирда келган аям келди!* С. Зуннуова, Олов. *Ҳўв бирдаги байтингиз жонимни ўртади.* С. Сиёев, Аваз.

**Бирда эмас, бирда ёки бирда бўлмаса, бирда** Бир кун эмас, бир кун; қачондир бир кун. *Тўрахоновга ўхшаш кишилар бирда бўлмаса бирда, бари бир, тумшукларидан иллинадилар.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**БИРДАЙ, -дек 1 сфт.** Ҳар жиҳатдан тенг, айнан бир хил. *Менга ҳамма бирдай. Ҳаммага бирдай қарамоқ. Ой билан кундай бўл, Ҳаммага бирдай бўл.* Мақол. ■ *Сатта бирдай ботирлар, Йўл юрди тун ҳам кундуз.* «Юсуф ва Аҳмад». *Баринг бирдай хизмат қилгин, канизлар.* «Маликаи айёр».

2 Бир текисда, бир ўлчовда, бир маромда, текис. *Ҳамма кўчатлар бирдай ўсоқда. От бирдай йўртиб бормоқда.* ■ *Йиллар бирин-кетин шундай ўтаверади, турмушимиз бирдай ширин..* М. Жўра, Изтироб. *Қийғир қушлар бирдай учар қиёда, лочин қушлар баҳра олар уёда.* «Нурали».

3 Вақт жиҳатдан узлуксиз; ҳамиша, ҳамма вақт, доимо. *Бирдай вақтим йўқ, дейди.* ■ *Гул ҳамиша чаман бўлиб турмаганидай, инсон ҳам ҳаётининг ҳамма дамларида бирдай бахтиёр бўлиши қийин.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

4 Бир хил ҳолатда, бир зайлда, ўзгаришсиз. *Беморнинг аҳволи бирдай. Отинойи бирдай такрорлайди: -Чаққон-чаққон, тез-тез бўла қол!* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БИРДАМ** Ҳамжиҳат, якдил, ҳамнафас; мақсади, маслағи бир. *Бирдам бўлмоқ.*

**БИРДАМЛИК** Ҳамжиҳатлик, якдиллик, ҳамнафаслик. *Бутун рўйи заминга ядро фалокати соя ташлаб турган айни пайтда халқро бирдамлик тантанаси улкан аҳамиятга эгадир.* Газетадан. *Мустақил Ўзбекистон халқлари бирдамлиги — улуг, қудратли куч.* Газетадан.

**БИРДАН** *рвш.* 1 Кутилмаган, хаёлга келмаган вақтда; тўсатдан, кўққисдан. *Бармоқ сараклатиб, сўзга оғиз жуфтлаши билан, бирдан йўтали тутди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Мамлакат Санжарга қараб туриб, бирдан меҳри товланиб кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Бу унинг қалбида бирдан уйғониб кетган оталик туйғуси эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Айни бир вақтда, барабар. *Иккиси [Офтоб ойим ва Кумуш] ҳам сачраб, Қутидорга қарадилар-да, бирдан сўрадилар: -Нима, қандай сир? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳали машинанинг қораси кўздан ўчмасдан, бирдан икки самолёт насланди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 Бир йўла, бирварақайига. *-Ҳа, ҳаммасини.. бирдан олма, — секин гапирди Эшвой, — бир бўлагини ол.* Ойбек, Танланган асарлар. *У [Бобур] чорбоғ четидаги ялангликдан бўз отни чоптириб чиқди-ю, бирдан жilовини қўйиб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Дарров, тезда. *Фозилжоннинг юзидаги илжайиш бирдан ғазабга айланди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Бирдан ош ва ошини*

*қатиқлаш баҳси ҳаммининг эсидан чиқди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоёй. *Кўзлари бирдан жиққа ёшга тўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**БИРДАН-БИР** Фақат битта; ягона, ёлғиз, биттагина. *Бирдан-бир чора. Бирдан-бир сабаб.* ■ *..унинг суянгани — эри, бирдан-бир орзуси — анор эди, бирданига ҳар иккиси ҳам йўққа чиқди.* А. Қаҳҳор. *Учламчи даврдан ўтиб келаётган бу дарахт табиатда ноёб бирдан-бир мажнун арча нусхасидир.* Газетадан.

**БИРДАНИГА** *рвш.* айн. **бирдан.** *Бирданига кўз олдида яшин чақнагандай бўлди.* «Шарқ юлдузи». *Темиржон бирданига маъюс тортиб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Безовта шамол бирданига кучайиб, қора булут пардасини суриб келди.* М. Қориев, Қиз узатиб борганда.

**БИРЁН** [ф. *بريان* — қовурилган, пиширилган] Тоза куйган, ғам-аламга ботган; ғам-ғуссали. *Унинг ҳамдарди ва ҳамсуҳбатлари ҳам ўзи каби бағри бирён кишилар эди.* «ЎТА». *Дилим бирён, кўзим гирён..* «Маликаи айёр». *Эртак эмас, бувинг айтган орзу эди, Бувинг бирён бўлиб ютган оғу эди.* Т. Тўла, Асарлар.

**БИРЁҚЛАМАЛИК** Нохолислик, нообъективлик, бир томонга тортишлик, субъектив ёндашишлик. *Маълумки, илгари колхоз раҳбарларини сайлаб қўйишида кўпинча бирёқламалик, расмиятчиликлар содир бўлиб турарди.* «Муштум».

**БИР ЁҚЛИ:** **бир ёқли қилмоқ** Ё нари, ё бери қилмоқ, тугатмоқ; ўлдирмоқ. *Улар етиб келмай туриб, буни бир ёқли қилмоқ керак.* «Ёшлик». *Ваҳолонки, Қодирбек билан гапни бир ёқли қилиб олиш ҳам керак.* «Шарқ юлдузи». *Ёшуллини бир ёқли қилсак, кейин навбат Тупарига.* М.М.Дўст, Лолазор.

**БИРЖА** [юн. *byrsa* — ҳамён, халта] Қимматбаҳо қоғозлар ва ҳар хил моллар билан савдо-сотиқ қиладиган йирик савдо муассасаси; бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли. *Бугун.. меҳмонлар Нью-Йорк биржасини бориб кўрадилар.* Газетадан.

**Меҳнат биржаси** Ишга ёллаш ва ёлланшида ишчи ва иш берувчи ўртасида воситачилик қилувчи муассаса. **Товар биржаси** Ҳар хил оммавий товарлар (дон, пахта) билан савдо-сотиқ қиладиган биржа. **Фонд биржаси** Қимматбаҳо қоғозлар билан олди-сотди муомаласини олиб борадиган биржа.



**БИРЖАЧИ** Биржа ҳаракат (операция)лари билан шуғулланувчи шахс, биржа корчалоғи.

**БИРИКИШ 1** Икки ёки ундан ортиқ нарсанинг ўзаро қўшилиб, бир бутун ҳолга келиши.

**2 ким.** Икки ёки бир неча модданинг атомларидан ёки молекулаларидан янги бир модданинг ҳосил бўлиши. *Бирикиш реакцияси.*

**БИРИКМА 1 ким.** Молекуласи бир неча элемент атомларидан таркиб топган модда. *Кимё фанининг ҳозирги даврдаги асосий вазифаси халқ учун муҳим хоссали бирикмалар олишдан иборат. «Фан ва турмуш». ..органик бирикма сифатида барча тирик организмларда бўлади. «Фан ва турмуш».*

**2 тлш.** Маълум грамматик қонуниятлар асосида ўзаро боғланган икки ёки бир неча сўз. Сўз бирикмаси. *Барқарор бирикмалар. Фразеологик бирикма. ■ Тугал бир фикр билдирадиган сўз ё сўз бирикмаси гап дейилади. «Ўзбек тили грамматикаси». Баъзан сифатлар икки ёки бир неча сўздан, яъни сўз бирикмасидан иборат бўлади. «Ўзбек тили дарслиги».*

**БИРИКМОҚ 1** Қўшилиб, бир бутунлик ҳосил қилмоқ, бирга қўшилмоқ. *Бел билан билак бирикса, иш битар. Мақол. ■ Жувозхона ичидан тезак, шиптир, мой ва кунжара ҳидларидан бириккан аллақандай қўланса ҳид йўлчининг димоғига дарров урди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** Бир-бирига уланмоқ, туташмоқ. *Деталларнинг бириккан жойлари. ■ Космик аппаратларнинг бир-бирини қидириб топини, яқинлашини, бирикиши ва туташини борт автоматикаси ёрдамида бажарилди. Газетадан.*

**3** Бир маслак, мақсад йўлида бирлашмоқ, уюшмоқ; бир жон, бир тан бўлмоқ. *Бириккан енгар. Мақол. Бириккан куч — куч, Бирикмаган куч — пуч. Мақол. Кўпчилик бирикса, тоғни қулатар. Мақол.*

**4 ким.** Бирикиш реакциясига киришмоқ. *Водород билан кислород бирикиб, сув ҳосил қилади. ■ Чақмоқ пайтида ҳаво таркибида азот билан кислород бирикиб, нитрат ҳосил қилади. «Фан ва турмуш».*

**БИРИКТИРМОҚ 1** Бирикмоқ фл. орт. н. Деталларни бириктирмоқ. *Моддаларни бириктирмоқ. ■ Биз нутқимизда айрим сўзларни ўзаро бириктириб, гап тузамиз ва*

*фикримизни баён қиламиз. «Ўзбек тили дарслиги». Тирик қолган жангчиларни дарҳол ҳар иккала тўп расчётига бириктириб, тўпларни жанговар ҳолатга келтирди. Газетадан.*

**2** Ихтиёрига бериб қўймоқ, топширмоқ. *Дехқон-фермерлар фойдаланиб турган ерлар уларга доимий бириктириб қўйилади. ■ Янгидан ташкил қилинган боғлар тажрибали боғбонларга бириктириб қўйилмоқда. Газетадан.*

**3** Йўл-йўриқ кўрсатиш, ёрдам бериш ёки қараб туриш учун боғлаб, қўшиб қўймоқ. *Бирмунча тажрибали ёзувчилар консультация ишига бириктириб қўйилди. Н. Сафаров, Оловли излар. Ҳар бир ўқув кабинети ва устахонага комбинат бўлимларининг раҳбарлари бириктириб қўйилган. Газетадан.*

**Бошини бириктирмоқ қ. бош. Тил бириктирмоқ қ. тил.** Барно билан тил бириктириб қўйганига қарамай, совчилар қайтунча, оёғи куйган товўқдай питирлаб қолди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**БИРИКТИРУВЧИ 1** Бириктириш ишини амалга оширувчи шахс.

**2** Икки нарсани ўзаро боғловчи.

**Бириктирувчи боғловчи тлш.** Тенг боғланган гапларни ёки уюшиқ бўлақларни бир-бирига боғловчи ёрдамчи сўзлар (мас. ва, ҳам, билан). **Бириктирувчи тўқима биол.** Организм қисмларини бириктирувчи, тутиб турувчи ва озиклантирувчи тўқима.

**БИРИН-БИРИН рвш. 1** Бирининг кетидан бири, бирин-кетин, кетма-кет. *Меҳмонлар бирин-бирин тарқалишди. ■ Беклар ҳам созланиб, бирин-бирин салом бериб кела берди. «Нурали». Ғўза ичида юрувчилар бирин-бирин уват орқали йўлга чиқа бошладилар. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

**2** Тартиби, гали билан, бирма-бир. *[Отабек] Ҳасаналига ўтган гапларни бирин-бирин айтиб бергиси.. келар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..Офтоб ойим бирин-бирин кузатувчи хотинлар билан кўришиб чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Сўнгга бирин-бирин сўзлаб берди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Азюн билан туриб ойга қарадим, Ўтганлардан бирин-бирин сўрадим. «Қўшиқлар».*

**БИРИНЖ 1** [ф. برنج — бронза; сариқ мис] эск. айн. **бронза.** [Ҳайкални] ..атайин қолти ясатиб, атай биринждан қуйганидан кейин.. изидан бирор илтимоси бўлмағи ҳам ташинда, ахир. М.М.Дўст, Лолазор.

**БИРИНЖ П** [ф. *برنج* — гуруч] *айн. гуруч.* Югуриб бозорга борса, Гўшт, биринж олиб келса. «Бойчечак».

**БИРИН-КЕТИН** *рвш.* Бирининг кетидан бири, кетма-кет, орқама-орқа; навбат билан. Камбағаллар бирин-кетин настга тушишди. К. Яшин, Ҳамза. *Мажлис тугаб, одамлар идорадан бирин-кетин чиқа бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Элмурод орқасига бурилиб, Латифий билан Араббойнинг бирин-кетин келаётганини кўрди-да, газабланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Артиллерия.. душман окопларини, ўт очиш нуқталарини бирин-кетин тор-мор қилмоқда эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Олма-ўрик ва шу каби тар мевалар ҳам бирин-кетин пишиб, одамларнинг оғзиларига тегди.* К. Яшин, Ҳамза.

**БИРИН-СИРИН** *айн. бирин-бирин.* Қизлар бирин-сирин ўринларидан кўзғалишди. «Ёш куч». *Эрталаб одамлар яна бирин-сирин Отахўжа аканинг ташқарисига йиғилишди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина. *Бутун бошидан кечирганлари бирин-сирин кўз олдидан ўтаверди.* Ойдин, Ҳикоялар.

**БИРИНЧ** [ф. *برنج* — гуруч] *айн. гуруч.* Азизим, деб босиб келди Девзира биринчи ошини. «Нурали». *Мани берган ёғ, биринчим билан ота-онанг ош кўрди-ку!* Ҳамза.

**БИРИНЧИ 1** *тртб. сон* Тартиб ўрни 1 рақами билан белгиланган, 1 номерли. *Биринчи жилд. Биринчи бет. Биринчи қатор. Навоий кўчасидаги биринчи уй.* ■ *У биринчи кўшиқни яхши айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Йўлчи биринчи кун бозорни айлана-айлана, кечга қадар уч-тўрт ерга юк орқалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Қаторда энг олдинги ўринда турган, энг олдингиси, энг аввалгиси. *Биринчи арава тўхтамай ўтиб кетди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Биринчи масала юзасидан Бўтабой акага сўз берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Ўша кун биринчи сўроқ шу билан тугади.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

**3** Бошқаларига нисбатан энг олдинги, бош; тўнғич. *Биринчи фарзанд.*

**Биринчи хотин** 1) энг олдинда (турган, ўтирган) хотин; 2) *этно. эск.* Кўп хотинли кишининг энг катта хотини, бош хотин. *Бу уйланишдан биринчи хотини ва бошқалар сира хабардор бўлмаслиги ҳам мумкин.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** Санаб ўтилган, зикр қилинган ёки кўзда тутилган нарсаларнинг олдингиси, аввалгиси. *Ғолиблар учун уч мукофот белгиланди: биринчиси — 10000 сўм, иккинчиси — 5000 сўм, учинчиси — 3000 сўм.* ■ *Мирзаев.. Латофатхонга иккита хат ёзди. Биринчи хати-ку бошдан-оёқ «раҳмат»дан иборат эди, кейингисиди «қулоғингизга айтадиган гапим бор» деган мазмунда шама қилди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

**5** Иш-ҳаракатда ҳаммадан олдин қатнашган ёки қатнашадиган, энг аввалги, илк. *Уни энг биринчи мен кўриб қолдим.* ■ *..жазога лойиқ муштурларни ном-баном айтмайлик. Қани, ёзинг, ўртоқ Самандаров! Биринчи ким? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**Биринчи бўлиб** Энг аввал, ҳаммадан олдин. *Биринчи бўлиб сўзга чиқмоқ.* ■ *Бу ишда Қурбон отага биринчи бўлиб қўл бермоқчи бўлган одамларнинг энг биринчиси Абдусамадқори эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Биринчи бўлиб финишга яқинлашиб келаётган спортчини қўллаб-қувватловчи товушлар эшитилди.* Газетадан. **Биринчи галда** (ёки **навбатда**) Энг аввал, аввало, ҳамма(си)дан олдин. *Иш жуда соз бошланди, энди охиригача силлиқ кетсин. Бунинг учун биринчи галда дадиллик керак!* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнорни қочирши тўғрисида таклиф қилганда, биринчи галда шу мақсад ўйланган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**6** Энг аввал, илк бор пайдо бўлган, юзага келган; ҳаммадан олдин содир бўлган, юз берган; дастлабки. *Биринчи хил муҳаббат — тилда, иккинчи хил муҳаббат дилда бўлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Турғуной биринчи товушни эшитганда, сесканди, сўнгилари эса уни ваҳимага солди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Атроф жимжит. Узқдан хўрознинг биринчи қичқириви эшитилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**7** Олдин кўрилмаган, энди илк бор юз берган. *Ота мажлисида биринчи сўзга чиқиши экан.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Танклар жангини Аҳмаджон биринчи кўриши.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кумушбиби ўзига томон келувчи бу даҳшатли хотинни умрида биринчи марта кўриши эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Нури чидай олмади, биринчи марта аччиғланиб гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**8 (-лар қўшимчаси билан)** Олдинги ўринни олган, олдинда борувчи; пешқадам, илғор. *Бу илғи мусобақаларда командамиз биринчи. ■ У биринчилар қаторида фронтга бориш ҳақида ариза ёзди.* Газетадан. *У Мирзачўлга биринчилар қаторида келган эди.* «Гулдаста».

**9** Малакаси, маҳорати жиҳатдан энг юқори, устун; энг моҳир. *Шаҳарда биринчи уста.*

**10** Ҳаммасидан зарур, энг муҳим, асосий, бош. *Ҳукуматга ёрдам бериш бизнинг биринчи вазифамиз бўлиши керак.* Ойбек, Танланган асарлар. *Фан-техника ғоят тараққий этган ҳозирги даврда ҳам нон элнинг энг биринчи ҳаётий негизи бўлиб қолмоқда.* Газетадан.

**Биринчи даражали** Энг олий, энг юқори; энг аҳамиятли маъноларини ифодалайди. *Биринчи даражали диплом ва пул мукофоти билан қайтди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Фикринг ана шу йўсинда ифодаланиши учун.. бадий деталлар ҳам биринчи даражали ўрин тутди.* «ЎТА».

**БИРИНЧИДАН** *крш. с.* Гапла санаб ўтиладиган нарса, воқеа-ҳодиса ва ш. к. нинг энг асосийсини, энг олдингисини кўрсатади ва «биринчи шуки», «аввали шуки», «аввало» каби маъноларни билдиради. *Биринчидан, халққа нуқул фойдали иш, чунки сиз халқни тўғри йўлга бошлайсиз; иккинчидан, юрт тинчийди, учинчидан, номингиз кўтарилади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ман санга икки оғиз гапирай: биринчидан, пуlining қадрини бил, лўлининг эшагини сугор, пулини о.!* Ойбек, Танланган асарлар.

**БИРИНЧИЛИК** Бирор масалада (сифат, хусусият, маҳорат, иш-ҳаракат ва ш. к. жиҳатидан) энг устунлик, юқорилик; биринчи ўринда туриш, илғорлик. *Ҳолбуки, «Четан» бунда ҳам биринчиликни олади.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоёй. *Европа бўйича узун мўйловлилар орасида биринчиликни олган туркиялик Аюб Тунчи ўз мўйловини беш миллион лирага сугурта қилди.* Газетадан.

**БИРИСИ I: бириси куни** Эртадан кейин, учинчи куни, индин(ига). *Бириси куни, намози асрда азон айтилган вақтда, сени Кўндарвоза ёнида кутаман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Мирзачўлга араваларимиз бириси кун азонда жўнайди.* Ҳ. Фулом, Феруза.

**БИРИСИ II** Иккисидан бири ёки кўп нарсадан бирортаси. *Бирисини бердим ҳайло (ҳув ана) гулима, Бирисини ўзим олдим қўлима.* «Эрали ва Шерали». *Бириси илму ҳаё гулзори, Бириси меҳру вафо гулзори.* М. Солиҳ, Шайбонийнома.

**БИРИЧ** *шв. айн. бронза.* *Узангиси тилла, миҳи биричдан.* «Интизор». *Алпомишининг Олтинбий бобосидан қолган, ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди.* «Алпомиш».

**БИРЙЎЛА, бир йўла** Бирданига, ҳаммасини бирдан, барчасини, бутунлай. *..уруш давридаги қизамиқ Асқар отанинг бирийўла уч қизини тутдай тўкиб кетди.* Д. Нурий, Осмон устун. *У [Зулфиқор] хужрага кирибоқ ҳамма гапни бир йўла айтди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БИРКА** [р. бирка – белгилар қўйилган тахтача] Молларнинг ва, умуман, нарсанинг рақами (номери), нархи ва ш. к. лар ёзиб қўйилган тахтача; ёрлик. *Қарасам, бечора сигирнинг бирка тақилган чап қулоғи ярмидан кесиб ташланибди.* «Муштум».

**БИРКИТИЛМОҚ Биркитмоқ** фл. мажҳ. н. *Дастлабки фаолиятини Расулжонга биркитилган соҳаларни текширишдан бошладилар.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Буви-ражабга биркитилган ўн беш сигирнинг таги доим тоза, охури ем-емишга тўла.* «Ёшлик».

**БИРКИТМОҚ** *айн. бириктирмоқ 3.* *У [раис] бизни тўртинчи бригадага биркитмоқчи. Мен кўнмадим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**Тил бириктирмоқ** Келишиб олмоқ, гапни бир жойга қўймоқ. *-Биламан, – деди хотин қошларини чимириб, – ҳамманглар бир одамсизлар. Тил бириктиб қўйгансизлар.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БИРЛА** *эск. I кт. айн. билан.* *Садоқат бирла ўзбек шухратини ёймоқда оламга.* «Гулдаста». *Қўшинларинг бўлди ер бирла яксон.* Ҳ. Олимжон. *Феруз бирла бир хонада ўтириб гурунг этмакка, бир қозонда пишган овқатни емакка ор қилганими бу?* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2 кам қўлл. айн. бирга.**

**БИРЛАМЧИ I с.т.** Биринчи. *Уни севгани билан қовуштирамиз. Бирламчи шартим шу!* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Бирон ҳодиса жараёнида биринчи ўрин тутган; асосий, биринчи. *Материя бирлам-*

чидир (флс.). ■ От туркумига оид сўзларда лексема бирламчи нутқий негиз ҳолатида бўлади. «ЎТА». Бирламчи космик нурлар ер атмосфераси орқали ўтаётганида, ўз энергиясини жуда тез сарфлайди. Газетадан.

**Бирламчи жинсий белгилар** Эркак билан аёл кишини, шунингдек, эркак ва урғочи ҳайвонни бир-биридан ажратиш турадиган асосий белгилар, хусусиятлар. **Бирламчи ўрама физ.** Электр машина ёки трансформаторларнинг бошланғич ток ўтадиган ва магнит майдони ҳосил қиладиган ўрамаси.

**БИРЛАН** эск. кт. айн. **билан.** Халқинг бирлан баҳодирсан, яна сен баҳодирсан. С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. Бу нобақор айтсун, нечун мурдашўйлар бирлан қўл олиб кўришур? С. Сиёев, Ёруғлик. Мушк бирлан райҳон файз бериб уйга, Аламнок кўнгилини солар минг кўйга. Б. Бойқобилов, Садоқат.

**БИРЛАШГАН 1 Бирлашмоқ** фл. сфдш. Ўзаро жипслашган, ўзаро келишишган, дўстлашган. *Бирлашган* — ўзар, бирлашмаган — тўзар. Мақол.

2 Бир турдаги нарсалар ёки тенг ҳуқуқли кишилардан, ташкилотлардан, давлатлардан ва ш. к. дан ташкил топган; муштарак. *Бирлашган хўжалик. Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.*

**БИРЛАШМА** Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кўзда тутиб уюшиш натижасида вужудга келган ташкилот, уюшма. *Сиёсий бирлашмалар.* ■ *Бирлашма ташаббуси билан яқинда бир яхши ҳаракат бошланди.* Газетадан. *Бирлашма уч қаватли янги бинода эди.* А. Мухтор, Асарлар.

**БИРЛАШМОҚ 1** Ўзаро туташмоқ, уланмоқ; қовушмоқ. *Ниҳоят, уларнинг лаблари беихтиёр бирлашди, қонларида, томirlарида баҳор қуёши эригандай бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ақл ва бахт бирлашса, инсоннинг ҳаётий йўли равон бўлади.* Газетадан. *Тоғ ўнгирларидан оқиб чиқаётган Еттикечув, Ўринлисой, Кўксувлар бирлашиб, Заминсой ҳосил бўлди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

2 Маълум асосда ёки маълум мақсадларни кўзлаб, бирга қўшилмоқ, уюшмоқ. *Бурини кўрса, овул ити бирлашар.* Мақол. ■ *-Ахир барча темурийлар бирлашиб, иттифоқ тузсалар бўлмасми? — деди Нигор хоним куюниб.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БИРЛАШТИРМОҚ** Бирлашмоқ фл. орт. н. *Камқувват корхоналарни бирлаштирмоқ.* ■ *Бизларни мактаб бирлаштирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Зулм хўрланганларни бирлаштиради.* «Қанотли сўзлар».

**БИРЛИК 1** Бир ёқадан бош чиқариб бирлашганлик; ҳамжиҳатлик, яқдиллик. *Куч — бирликда. Бирлик бор — тириклик бор.* Мақол. *Ҳикмат — бирликда.* Мақол.

2 Бир бутунлик; умумийлик, муштараклик. *Ойимхон билан уни [Элмуродни] самимият, очиқлик, ният-тилак бирлиги маҳкам боғлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Инсонни кучли қиладиган, уни безайдиган нарса — мақсади, тўғрроғи, мақсадлар бирлиги!* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Бола тарбиясида мактаб билан оила ўртасида мақсад бирлиги бўлиши лозим.* Газетадан.

3 Санаш, ўлчаш, ҳисоблаш, қиёс қилиш учун мезон сифатида қабул қилинган катталиқ. *Ўлчов бирликлари.* ■ *Электр сиғимининг бирликлари.* «Физика курси». *Биз ёруғлик кучини ёки товуш кучини ўлчаймиз, лекин ҳид кучини ўлчайдиган бирлик йўқ.* Газетадан. *Геокимё текширадиган асосий бирлик — кимёвий элемент ва унинг атомидир.* А. Е. Ферсман, Қизиқарли геохимия.

4 тш. Тил сатҳларининг лисоний категориялари. *Тил бирлиги. Луғавий бирлик. Фразеологик бирлик. Нутқий бирликлар.* ■ *Нутқ бирлиги бўлган сўз, негиз, сўзнинг маъноли қисмлари ўзгармайдиган турғун ҳодиса эмас.* «ЎТА». *Фразеологик бирлик шоир томонидан шеърнинг ритм, банд, вазн, қофия каби воситалари талабларига бўйсундрилган ҳолда ишлатилади.* «ЎТА».

**Бирлик категорияси** Шаҳс ёки предметнинг битталигини билдирувчи грамматик шакл.

**БИРЛИКДА** айн. **биргаликда** 2. *Бирликда иш олиб бормоқ.* ■ *Кўриб ҳар ким деди бирликдаги қувватга салламно. Ҳабибий. Шу билан бирликда, Ҳасанали ҳам Отабеклар билан.. қўшилиб қамалган бўлар эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**БИРМА-БИР** рвш. 1 Тартиби, гали билан, бирин-бирин, бирин-кетин, кетма-кет. *Ғишларни бирма-бир олишган эди, олтин тўла хумнинг оғзи кўринди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина. *Манзура опа ҳар бир синфга кириб, болаларнинг тозалиги борми, кундалиги борми — бирма-бир текшириб*

чиқдилар. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Сафаров уларни кузатиб қайтди ва аризаларни бирма-бир кўздан кечирди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** Бирор воқеа-ҳодисанинг бутун тафсилоти билан, битта-битта, битталаб. *Элмурод.. бўлиб ўтган суҳбатни бирма-бир гапириб бермоқчи бўлиб ўйланиб, қоғозга ёзди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3** Ҳар бирини алоҳида-алоҳида, якка-якка, битта-биттадан, битталаб. *Комиссия ёш ўқитувчиларни бирма-бир чақириб суҳбатлашишга ва уларнинг қаерда, қандай вазифада ишлашини белгилаб беришга киришди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ахир қирқ-эллик хонадоннинг молини бирма-бир уйга элиб бериш осонми? Ойдин, Ҳикоялар.*

**БИРМУНЧА** *рви.* **1** Бир қанча, анчагина. *Бирмунча вақт. ■ Элмурод шу кўйи яна бирмунча юргач тўхтади-да, йўл четидаги бир тошга ўтирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Абдужалил бой тегирмонга яна бирмунча вақт айланишади.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Ёз ойлари эди. Ҳаво бирмунча салқин.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

**2** Бир қадар; маълум даражада. *Беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланди.* «Шарқ юлдузи». *Элмурод қизга яқинлашар.. ва унинг олдида бирмунча хижолат чекиб, кўпинча гап тополмай, қизарар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Публицистикада конфликт бирмунча ўзига хос шаклда акс этади.* Газетадан.

**БИРНЕЧА** (*тўғриси бир неча*) *қ. неча.* Яна бирнеча дақиқалардан кейин Анвар садаф пардалари ярақлаб турган яп-янги тор кўтариб кирди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БИРНИМА** (*тўғриси бир нима*) *қ. нима.* У ҳақда, ўзим ҳақимда бирнима айтсангиз.. Мирмуҳсин, Меъмор.

**Бирнимали бўлиб қолмоқ** Бирор нарсага эга бўлмоқ. У шу ҳаракати билан «вақти келганда бирнимали бўлиб қолмаймизми» демоқчи эди. Газетадан.

**БИРОВ** *I снқ. сон* Бир, битта. *Икковга биров ботолмас, Отлиққа яёв етолмас.* Мақол. *Бировни кўриб фикр қил, Бировни кўриб шукр қил.* Мақол.

**БИРОВ** *II гум. олим.* **1** Кимлиги номаълум, қандайдир бир номаълум киши, кимдир, аллақим. *Бирни биров беради, Кўпни — меҳнат.* «Қанотли сўзлар». *Биров билганини мақтар, биров — кўрганани.* Мақол. ■ -Қа-

*лайсан, ука? — биров келиб туртди Йўлчини.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биров борким, бору — бор бўлса ҳам йўқ, Биров борким, йўғу — йўқ бўлса ҳам тўқ.* Ҳабибий.

**2** Бошқа бир киши; ўзга, бегона. *Болалар хонада иккаламиз турганимизни тагин биров кўриб қолмасин.* К. Яшин, Ҳамза. *Энди уни [Умидни] кўриши ҳам, у ҳақида ўйлаши ҳам мумкин эмас, У энди бировнинг бахти.* Мирмуҳсин, Умид. *Бировнинг кўнглига зўрлик билан эғалик қилиб бўлмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Баъзи бировлар** Баъзи бир кишилар, ўзгалар. *Баъзи бировлар ушлашиб қўлини, Тополмай овора бўларлар йўлини.* «Кўшиқлар». **Бировлар** Уришиб, аразлашиб қолган кимсанинг номини тилга олиш хоҳланмаганида, унинг номи ўрнида ишлатиладиган сўз. *Аммо [Отабекда] «бировлар» тўғрисида, нима бўлганда ҳам, бир гап эшитмак ҳаваси туғилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИРОДАР** [*ф. бирادر — ака, ука*] **1** Ака ёки ука; оға ёки ини. *Бойсунқур мирзо ўз қобилияти, ўтқир зеҳни, ишбилармонлиги билан биродарларидан ажралиб туради.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**2** Фаолияти, қарашлари, муносабатига кўра ўзаро яқин шахс; ҳамдам, дўст. *Тангри биродарларига қовоғини солиб қаровчи кишиларни ёқтирмайди.* «Ҳадис». Муриббек кишини биродар, оға тутиниб, Авазинг ёруғ кунлари зиёда бўлди. С. Сиёев, Аваз. *Минг ташаккур, минг раҳмат, ёнимизга кириб, деҳқончиликка ўргатган ўзбек биродарларимизга.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**3** Ўртоқ, оғайни (мурожаатда). *Сиз қутлуг кунларда етиб келдингиз, азиз биродарлар!* А. Мухтор, Дўстлигимиз барқ урсин. *Биродар, Азизхон деган полвон болани қайдан топсам бўлади?* С. Аҳмад, Уфқ. -*Қаёққа, биродар?* — деди шопмўйлов таксичи, машинанинг қия деразачасидан мўралаб. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Биродари азиз** Азиз дўстим, оғайним. *Биродари азиз, сиз менинг бу сўзларимдан хафа бўла кўрмангиз..* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**4** Биродар (эркаклар исми).

**БИРОДАРЗОДА** [*ф. бирادرزاده — жиян; ака ёки уканинг фарзанди*] Ука ёки аканинг ўғли, қизи; амакивачча.

**БИРОДАРКУШЛИК** [биродар + *ф. کش — ўлдирувчи*] Ака-укаларнинг, ўзаро яқин,

қариндош кишиларнинг бир-бирини қириши; улар ўртасидаги ўзаро қирғин-барот. Сизнингча, бу биродарқушликнинг илдизлари қаерда, уларни қандай қилиб йўқотиш мумкин? «Ёшлик». Мен яқин ўтмишда юз берган биродарқушлик васвасаси қачондир бизга сабоқ бўлишига.. умид боғлаб сукут сақлардим. Газетадан.

**БИРОДАРЛАРЧА** айн. биродарона. Биродарларча ёрдам бермоқ. Биродарларча муносабат. Биродарларча ғамхўрлик.

**БИРОДАРЛАШМОҚ** Ака-укалардек, оға-инилардек бўлиб кетмоқ; иноқлашмоқ, дўстлашмоқ. *Биродарлашган шаҳарлар.* ■ *Тошкент — биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясининг авзосидир.* Газетадан.

**БИРОДАРЛИК 1** Ака-укалик, оға-инилик.

**2** Ака-укалардек, оға-инилардек дўстона муносабат; иноқлик, дўстлик. *Биродарлик — баробарлик.* Мақол. ■ *Дўстлик, қардошлик, биродарлик биз етиб келган порлоқ манзиллар, юксак довлонларнинг тамал тоши бўлиб қолади.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

**БИРОДАРОНА** [ф. برادرانه — акаларча, укаларча] рвш. Ака-укалардек, оға-инилардек; яқин, қадрлон кишилардек; дўстона. *Биродарона ёрдам кўрсатмоқ. Биродарона салом. Биродарона муносабатлар.*

**БИРОЗ** (тўғриси бир оз) қ. оз **2.** Қўлидаги қаламни ўйнаб, бироз жим қолди. Т. Ашуров, Оқ от. *Чол қаддини бироз тиклаб, оғзи билан чуқур нафас олди.* «Ёшлик». *Зовур ёқалаб бироз юргач, дала шийпони рўпарасидан чиқдик.* «Ёшлик».

**БИРОН(ТА)** айн. бирорта. Қимирлаётган бирон жонзот кўринмайди. К. Яшин, Ҳамза. *Аҳмедов унинг сўзини бирон марта ҳам бўлмасдан, тек ўтириб тинглади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**БИРОН-БИР** айн. бирорта. Кексаларнинг айтишича, бундай пайтларда бирон-бир тепаликнинг устига чиқиб, жимгина қулоқ солиб ётсангиз, ернинг нафасини эшитармишсиз. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Нусратбек лойқаланган хотиралари гирдобиди ўралашиб, бирон-бир бахтли кунини эсломади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БИРОНГОР** тар. ҳарб. Кўшиннинг ўнг қаноти, ўнг фланг. *Ҳусайн Бойқаро.. бу ерда кўшин тартибини кузатиб турди. Биронгорга амир Бадриддинни сардор қилди.* Ойбек,

Навойй. *Узоқда душман қўшини кўзга чалинганда, биронгордан Ислим барлос, Валибек Мирзо Ёдгорнинг жиронғорига зўр сурон билан от солишди.* Ойбек, Навойй.

**БИРОР** гум. олам. Қандайдир бир; кимдир; бирон-бир; маълум, муайян. *Мана энди мирзам оталик қилиб, ўрдаядан бирор иш топиб берсалар, тақсиримга ҳам офтоб тегса ажаб эмас.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бирор чақиримдан сўнг торгина йўлак кўринди.* «Ёшлик». *Бирор одамнинг иши юришишига кўмаклаша ол.* Шукрулло, Сайланма.

**БИРОРТА 1** айн. бирор.

**2** Битта, битта-яримта; битта ҳам. *Ҳали ўйноқи кўзларини юммаган ёруғ юлдузларни ҳисобга олмаса, Қорабулоқ қишлоғида бирорта уйғоқ жон қолмаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Саройда бирорта тирик жоннинг қораси кўринмайди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ахир, бирорта чуқур-пуқур йўқми, дейман.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БИРОТАР** Милтиқнинг тури. *Афғон аскарлари.. кийимлари яхши, қўлларида биротар инглиз милтиғи.* «Шарқ юлдузи».

**БИРОҚ** зидл. боғл. Тенг маъно ва вази-фали гап бўлаклари ёки гапларни зидлов йўли билан боғлайди ҳамда мазмунан аввалгисига зид фикрнинг бошланишини англатади. *Ҳаво булут бўлди, бироқ ёмғир ёғмади.* ■ *Чавандозлардан бири маррага яқин қолганда йўқилиб тушди, бироқ унга ҳеч ким парво қилмади.* К. Яшин, Ҳамза.

**БИРПАС** Қисқа вақт, унча кўп бўлмаган фурсат; бир оз, сал, озгина, андак. *Нусратбек машина ортидан бирпас маънос тикилиб турди.* С. Нуров, Нарвон. *Мансур тағин бирпас ўйланиб турди-ю, индамай чиқиб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Бирпасдан кейин** Кўп вақт ўтмай, бир оздан кейин. *Бирпасдан кейин эшик қоқилди.* «Гулдаста». *Ўртоғининг гапларидан ҳанг-манг бўлиб қолган Нодир бирпасдан кейин ойисини огоҳлантиргани уйга югурди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

**БИРПАСДА** рвш. Қисқа вақт ичида, тезлик билан, бир нафасда, сал вақт ичида; дарров, тезда. *Одам бўлмоқ секин-аста, Ҳайвон бўлмоқ бирпасда.* Мақол. ■ *Йўлчи улар билан.. бирпасда апоқ-чапоқ ўртоқлашиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар. *—Ўзим сизни бирпасда тузатиб юбораман, — деди у жилмайиб.* «Гулдаста».

**БИРПАСЛИК** Кўп чўзилмаган, унча кўп бўлмаган. *Бирпаслик ҳузур деб, қадрингни кетказма. ■ Бирпаслик ёғингарчиликдан сўнг осмоннинг туси тозаланди. «Ёшлик».*

**БИРРАВ, бирров** Қисқа вақт ичида, бир зум; бир бор. *Одамлар эрталаб ишга кетиш олдидан марҳумнинг қариндошларидан биррав кўнгиш сўраб чиқайлик, деб йиғилишди. С. Аҳмад, Сайланма. Бир ҳафта олдин кенжатойи Ўлмас бирров келиб кетганди. «Муштум». ..биррав бориб, болаларни тинчитиб келмасам бўлмайди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

**БИРСЎЗЛИ** (тўғриси **бир сўзли**) Гапида, берган ваъдасида қатъий турувчи, қатъиятли. *У бирсўзли, зуғумли, жаҳлдор бўлиб кетди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.*

**БИРТАГИНА** шв. айн. **битга, биттагина.** *Энди биртагина ўғил бўлса, мана ўзини тўй қилганимга ўн-ўн беш йил бўлиб қолди. Ҳамза, Танланган асарлар.*

**БИРТАЛАЙ** (тўғриси **бир талай**) қ. **талай.** *Менинг ҳам бирталай умрим беваликда ўтди. Б. Раҳмонов, Олтин одамлар. Дарё сувидан тўпланган кўлмаклар бирталай жойни қоплаб ётибди. Газетадан.*

**БИРУ БОР** дин. Яккаю ягона, ёлғиз (Аллоҳнинг сифатларидан бири). *Қаерга борсанг ҳам, биру бор сени ўз паноҳида асрасин. М. Осим, Карвон йўллариди.*

**БИРХИЛ** (тўғриси **бир хил**) I Алланечук, аллақандай. *Тамаранинг кўнгли бирхил бўлиб кетди, беихтиёр аёл томонга қараб юрди. М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. Бирхил бўлиб кетяпман, ойи... А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БИРХИЛ II** айн **ўхшаш; баравар, тенг.** *Ўўжайинлардан ҳеч бирига сир бермай, уларга бирхил сўзла.. Ойбек, Танланган асарлар. Юрагингиз ҳам, томир уришларингиз ҳам, бор вужудингиз ўн саккиз яшар қизники билан бирхил. С. Аҳмад, Юлдуз.*

**БИРХИЛЛАШТИРИШ** Бирор нарсани (алифбо, имло, термин ва ш.к.) бир хил нормага, умумий бир шаклга келтириш, унификация. *Терминологияни бирхиллаштириш.*

**БИРҚАДАР** (тўғриси **бир қадар**) қ. **қадар.**

**БИРҚАНЧА** (тўғриси **бир қанча**) қ. **қанча.**

**БИРҚАТОР** (тўғриси **бир қатор**) қ. **қатор.**

**БИРҚОЗОН** зоол. Куракоёқли қушлар туркумига мансуб бир хил йирик қуш; сақоқуш. *Қайиқ «яланглик»ларга чиққанда, бир-*

*қозонларнинг оқ булутдай катта галаси эринчоқлик билан осмонга кўтарилади. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**БИРҚУЛОҚ** Экин чиқарган биринчи барг. *Бодринг эккан эдим, бирқулоқ бўлиб қолди.*

**БИРҚУР, бир қур** Бир бор, бир марта, бир карра. *..лойқанинг йўлини бир қур тозалаб чиқдим. П. Қодиров, Эрк. Теваракка бирқур синчков назар ташлаб чиқди-да, писта шохчаларини синдириб, хуржунга тиқа бошлади. Н. Норқобилов, Тўқнашув.*

**БИРҲАД** мат. Ҳар бири бирор мусбат даража билан олинган сонлар ёки ҳарфларнинг иккитаси ёки бир нечтасининг кўпайтмасидан иборат бутун алгебраик ифода.

**БИСЁР** [ф. *بسیار* — кўп сонли, кўп; жуда, ниҳоятда] рвш. эск. кт. I Катта миқдорда; жуда кўп, чексиз, чегараси йўқ. *Яхшиликни бисёр қил, зарра ёмонликни ҳам бировга раво кўрма. Газетадан. Кўп эрур бисёр душман Бўлса у бир дона ҳам. Э. Воҳидов, Муҳаббат. Ҳа, қушгинам, ҳали заминда макр бисёр, зулумот бисёр. Х. Даврон, Тўмариснинг кўзлари.*

2 Юқори даражада; гоят даражада, жуда; бениҳоя. *Тўй бисёр шукуҳлик эрди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Аммо маърузангиз бисёр фосиҳ ёзилган эркан, ўқуб ҳузурлар қилдим. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

**БИСКВИТ** [фр. *biscuit* — қотирилган нон] Ун, крахмал, тухум, қанд, ёғ, сут, қаймоқ ва ш.к. кўпиртирилган масалликдан тайёрланадиган печенье ёки нон. *Бисквит хамирдан пиширилган нонлар ҳамма нонлар орасида энг сўлими, юмшоғи ва энг енгилли ҳисобланади. Д. Сиддиқов, Лаззатли таомлар.*

**БИСМИЛЛО(Х)** [а. *بِسْمِ اللّٰهِ* — Аллоҳ исми билан] I Қуръон сураларининг ва умуман эски китоб, ҳужжат, хат ва ш. к. нинг «Аллоҳнинг номи билан» маъносигаги бошланиш ибораси («бисмиллоҳи раҳмонир раҳийм») таркибидаги сўз. [*Асад қори:*] *Бошидан ўқиётиман, тақсир. — Қози Асад қорига жаҳл билан ўқрайди: -Бисмиллоҳи қани? М. Исмоилов, Фарғона т.о. Уни шайтон, ҳа-ҳа, заводдаги мастеровойлар билан бисмиллоҳи йўқ китоблар айнитди! К. Яшин, Ҳамза. Бисмилло, деб Авазхон Шивирлади Фиротга. «Нурали».*

2 с.т. Бирор ишга киришишда, хусусан овқат ейишни бошлашда айтиладиган сўз.

*Мирзакаримбойнинг хотини, ҳарсиллаб-гурсиллаб, нарвончанинг ҳар поғонасига қадам қўйганда, «бисмилло»ни такрорлаб, аравага ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар. Оғзидаги носини тупуриб, «бисмилло» деганича, шимининг почасини шимариб, кетмон билан ўрага тушиди. С. Аҳмад, Сайланма.*

**3 кўчма с.т.** Бирор ишнинг аввали, бошланиши, муқаддимаси, дебчаси. [*Мирза-раим Мастурага:*] Пул ҳали сомон.. бўлиб қолади. Бу ҳали бисмиллоси-да. Ҳамза, Яллачилар иши. Бу гал зиёфатнинг бисмиллоси сарёғ паловдан бошланяпти. «Шарқ юлдузи». Уни [шеъримни] ранжитмаслик учун.. ушбу китобнинг бисмиллосини ҳам шеър билан бошладим. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

**Олишда – бисмилло(х), беришда – астағ-фурулло** Қарз олишни яхши кўрадиган, аммо қайтаришни ёмон кўрадиган одамга нисбатан ишлатилади.

**БИСОТ** [а. بساط – гилам] **1** Шахснинг, кўпинча хотинларнинг ўзига тегишли бўлган, тўплаб қўйган моли, мол-дунёси. *Мастонбиби сандиқдан бисотидаги мовут мурсагини олиб кийди. С. Аҳмад, Қадрдон даладар. Оналар Кумушини бу ҳайқирғини уялганга йўйдилар-да, уйга кириб, бисот кавлашга, тўй ҳозирлигини кўришга машғул бўлдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Тай-ёрланар Баҳри сафарга, Сандиғини очиб, бисотин Тита бошлар барин бирма-бир. Ҳ. Олимжон.*

**2** Кишига, оила хўжалигига қарашли мол-дунё, бойлик. *Ўтган замонда бир фақир эру хотин бор экан. Уларнинг бисотида фақатгина битта эчкиси бор экан. «Эртақлар». Ҳосила йиққан бисотини сарфлаб, анча тузук тўй қилди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Мастура ҳола бисотидаги зоғораларни олиб чиқиб, ўртага қўйди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**3 кўчма с.т.** Кимсада бор бўлган ҳар қандай нарса; маданий, маънавий бойлик. *Эзгин-эзгин куйласин энди Бисотдаги энг нозик торлар. «Шарқ юлдузи». Мулла Қутбиддин бисотида бор энг нодир китобларини бирма-бир олиб, чангларини артиб, Бобурга кўрсата бошлади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бугун шоирлар ҳам ўз бисотидан Энг яхши байтларни излаб турибди. Э. Воҳидов, Муҳаббат. Нурбек бисотидаги бор сўз билан уни [Ширинни] авради. «Ёшлик».*

**4** Бирор хона ёки жойдаги мавжуд нарсалар. *Бу шинам, кўркам хона ўзининг бисоти ва безаклари билан кирган одамни дарров қамраб оларди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. У ер [меҳмонхона] бой бисотлари, чиройли безаклари, юмшоқ тўшак ва пар ёстиқлари билан кўзларга ором берар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**5 кўчма** Табиатнинг борлиги, бойликлари, эҳсони. *Баҳор бутун топган-тутганини, бутун безак ва бисотини ёйиб юборган. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бисотида ҳур эл учун сақлаган не бор бўлса, қилди аён Мирзачўл. Ҳабибий. Ҳар недан гўзалроқдир балки чўл кечалари, Уфқлар кафтдек равон, кўк сочган бор бисотин. А. Орипов.*

**БИСОТ-БАҒАЛ** [бисот + ф. بگل – кўлтиқ; кучоқ, оғуш] Барча бор нарсалар, бор-йўқ бойлик. *Эртами-индин Дилдор албатта кетади. Бисот-бағални шипириб, уйни шипийдон қилиб кетади. С. Аҳмад, Уфқ.*

**БИСОТЛИ** Бирор-бир моддий нарсага, бойликка эга бўлган, бисоти бор. *Қариндошларинг Маишҳада нима иш қилади? Агар улар давлатманд, бисотли кишилар бўлмаса, бу юртларда қаттиқ қийналасан. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

**БИСЕКТРИСА** [би.. + лот. secare – кесиш, кесувчи] *мат.* Бирор бурчак учидан чиқувчи ва уни тенг иккига бўлувчи тўғри чизиқ. *..мана бизнинг мактабимиз, биз бу ерда биссектриса ва келишиқ кўшимчалари ҳақида маълумот оламиз. Газетадан. Учбурчакнинг ички бурчагидан шу бурчак қаршиисида ётган томон билан кесишиш нуқтасигача тушган кесма учбурчакнинг биссектрисаси дейилади. «Геометрия» дарслиги.*

**БИСТАР** [ф. بستر – кўрпа-тўшак, кўрпача] *эск.* Тўшак, кўрпача; бошпана. *Кўйлар бўшатган бу ер тутқунлар учун иссиққина бир макон, тиканлари бўлса ҳам, юмшоққина бир «бистар» эди. С. Айний, Қуллар. Онам бечорани ғам бистарига зор ташлатманг! Ҳамза.*

**БИТ** Одам ёки ҳайвон танасида улар қонини сўриб яшовчи паразит ҳашарот. *Билмаганга бит ўлдирши ҳам қийин. Мақол. Боланинг эркаси – битнинг сиркаси. Мақол.*

■ *Битнинг бир жуфт оддий кўзи бор, кўпчилигида кўз ривожланмаган. «ЎЗМЭ».*

**Бити тўкилди с.т.** Роса тўйиб, мириқиб, қилар ишни қилиб олди; маза қилди.



Йигитлар алламаҳалгача бир-бирларига қор олишиб, узук-юлуқ ялла айтиб, тоза битларини тўқшиди. «Ўзбекистон қўриқлари». **Иту бит; Ит ҳам, бит ҳам; Ит бўлса ҳам, бит бўлса ҳам** Ким бўлишидан қатъи назар, каттами-кичикми, бари бир. *Ит бўлса ҳам, бит бўлса ҳам, айтганим бўлсин.* ■ *Йўлбарсли тоғларда аниқдир сарҳад, Ит ҳам, бит ҳам мулкин талаб кетишмас.* А. Суюн, Олис тонглар.

**БИТБИЛДИҚ** тақл. с. 1 Бедананинг сайрашига тақлид. -*Битбилдиқ, битбилдиқ!* – бедана аллақандай эҳтирос билан сайрар эди. С. Анорбоев, Оқсой. *Онда-сонда якка беданаларнинг битбилдиғи эшитилиб қолади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Лақаб вазифасида келади. У [Мулла-мамат] бу кавушни Муса битбилдиқ аллақайёққа сафарга кетадиган кунни домлага тортиқ қилиб кетанлигини аниқ билар эди. Н. Мақсудий, Лайлагулқадр.

**Бедананинг уйи йўқ, қайга борса – битбилдиқ** Турар жойининг тағини йўқ, дарбадар, аммо беғам, хушчақчақ одам ҳақида. -*Бедананинг уйи йўқ, қайга борса битбилдиқ – деди Мавлон.* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси.

**БИТБОЗЛИК** фольк. кам қўлл. Битларини боқиш, битларини ўлдириш. [Мастон кампир] *Бир кунни томининг орқасига чиқиб, офтоб рўйига қараб, битбозлик қилиб ўтирса, Гўрўғлибек оҳиста-оҳиста ўтиб кетиб бораётир.* Э. Жуманбулбул, Хушкелди.

**БИТИК I** эск. кт. 1 айн. **ёзув.** Аҳмад Хусайн қинғир паст девор қаршисида тўхтади, унда беўхшовгина йирик ўйма битикларни ўқиди. Ойбек, Нур қидриб. *Кўр-газмага қўйилган тош битиклар кўринмас эди.* М.М.Дўст, Галатепега қайтиш. *Шоҳизинда тошларининг битигини Уқолмасдан қайғу чеккан болалигим.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

2 Хат, мактуб, асар. -«*Насойимул-муҳаббат!*» – Бобурнинг кўзлари чақнаб кетди. – *Мир Алишернинг битиклари-ку!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. -*Ҳой чирғим, – деди у [почталъон], – сенга битик бордай эди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

**БИТИК II** шв. Эт битиб, тузалиб кетган ёки бирикиб бекилиб қолган; битов.

**Кўзи битик I)** кўзи очилмаган ҳолда тузилган (баъзи ҳайвонларнинг янги тузилган

боласи ҳақида); 2) эт битиб, очилмайдиган бўлиб қолган. *Кўзи битик яра.*

**БИТИКЛИК** Ёзилган, ёзиб қўйилган, ёзиғлик. *Онам отам исмини балки миллионлаб марта такрорлагандир. Сўнги сўзларини, битиклик хатини саноқсиз кўзга сургандир.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

**БИТИКЧИ** тар. Ўрта асрларда хон ва маҳаллий ҳокимларнинг барча ёзув ишларини олиб боровчи; котиб. *Сарой битикчиси – белбоғига қаламдон қистирган, кўк салла ўраган йигит Чингизхоннинг форс тилида ёздирган ёрлиғини ўқиб эшиттирди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Битикчи Хожя Исмоил настрокда чордана қуриб, чап тиззасидаги жузвдон устига қўйилган қоғозга қооннинг фармойишини ёзар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**БИТИЛМОҚ I** **Битмоқ I** фл. мажҳ. н. *Қайноқ қалб сўзлари битилган мрамар лавҳа ғарибгина қабр тепасида қолди.* С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди.

2 *кўчма дин.* Аллоҳ томонидан ёзилган, буюрилган. *Рашиднинг қисматида ота юртига бориб яшаш битилган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *..азалдан тақдиримиз қора битилган эканми, тез кунда бошимизга оғир кунлар тушди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Биридан қочсанг, бошқасига тутиласан. Ундан кўра қочмаймиз! Таваккал. Пешонага битилгани бўлур!* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**БИТИМ I** Ўзаро келишув, тўхтам, қарор. *Тўй тантанасини кечқурун куёвникида ўтказишга битим қилинган бўлса-да, қизникида ҳам қариндош-уруғлар, кўни-қўшинлар лиммо-лим эди.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Мулла Муҳсин ўз маслакига, яъни фатвосига теккари бўлган бу битимга қарши чурқ этиб оғиз очмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

2 *ҳўқ.* Тарафлар томонидан расмий равишда тузилувчи, қабул қилинувчи аҳднома, шартнома, контракт. *Битим тузмоқ. Битимга келмоқ.* ■ *Жунайд Хива хони билан бўлган битимдан кейин тинч қўймади, кетимиздан одам юборди, қўлига тушсақ, ўлдирмоқчи бўлди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Тузилган битимга кўра, Абдулатиф Самарқандга юборилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 *ҳўқ.* Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган ҳаракати. *Меҳнат битими. Бир тарафлама битим.*

**БИТИРМОҚ** **Битмоқ** I фл. орт. н. Якунига, охирига етказмоқ, тугалламоқ. *Зайнаб сўзини битира олмади, четга қараб, кўз ёшини тўкди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ашулани битириб, дуторни четга суяб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўзимизнинг мирзатераклар мўрт чиқиб қолди.* Мўйловдор шаҳар қўнғизи уни еб битирди. Газетадан. *Биласизми, Мансур ака, мактабни битириб, институтга бормоқчиман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Тўққизинчини битирганимда, онам қишлоққа келиб, ўз отамнинг васиятини айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Қулоқни битирмоқ** 1) қулоқни қар, бантанг қилмоқ. *Янгроқ арра товуши, болга, босқонларнинг гул-гули қулоқни битиради.* А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) гапиравериб чарчатмоқ, жонга тегмоқ.

**БИТИРУВЧИ** Бирор иш-ҳаракат, фаолиятни, мас. ўқишни тугаллаш арафасида турган. *Битирувчи курс. Институт битирувчилари.* ■ *Мудир докладининг охирида битирувчиларни номма-ном чақириб, «гувоҳнома» тақдим қилди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ярим соатдан кейин.. битирувчилар билан ўқитувчилар учун зиёфат бошланди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Биринчи қор битирувчиларнинг йўлига пойандоз бўлди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**БИТИШМОҚ** I I Ўзаро бир фикрга, тўхтама, қарорга келмоқ; сўзни бир жойга қўймоқ; келишмоқ. *Куда бўлиш тўғрисида Содиқа хола Шаҳри хола билан аллақачон енг ичида битишиб қўйган эди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Шундан сўнг бир-бирлари билан битишдилар, икки ёр бир бутун бўлиб иш кўришга ваъдалашдилар.* У. Исмоилов, Сайланма.

2 Сулҳга, мурасага келмоқ, ярашмоқ. *Тағин қим билади, ўртага нозик одамлар тушса, у кўз ёш қилиб, тавбасига таянса, битишиб кетадими.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

3 тли. Мослашмай, бошқарилмай боғланмоқ (сўз бирикмалари ҳақида).

**БИТИШМОҚ II Битмоқ** III фл. бирг. н.

**БИТИШУВ I Битишмоқ** I фл. ҳар. н. *Ўзаро битишув.*

2 тли. Мослашмай, бошқарилмай боғланиш (сўз бирикмалари ҳақида). *Бир сўзнинг иккинчиси билан мослашмай, бошқарилмай боғланиши битишув деб аталади.* «Ўзбек тили грамматикаси».

**БИТКЎЗ, бит кўз** I Қисиқ, чўзиқ кўз. *Милиционернинг бит кўзи сариқ, лаби олдинга бўртиб чиққан эди.* «Ёшлик». [Одилнинг] *Бит кўзлари тағинам қисилди, нешонасидан ажин ўрмалаб ўтди.* «Муштум».

2 Шундай кўзли одам. [Аломат:] *Ҳў, биткўз, қани, чиқ бу ердан.* «Ёшлик». *Бир кун ичида талай маълумотлар тўплаган бу биткўз ўзининг аниқ жавоблари билан ҳокимни қониқтирди.* М. Осим, Ўтрор.

**БИТЛАМОҚ** Бит босиб, битлиқи бўлиб кетмоқ. *Боши битлаб кетибди.*

**БИТЛИҚИ** Ҳамма ёғини бит босиб кетган, бити кўп.

**БИТМА** эск. Қўлда ёзилган, қўлёзма. *Битма китоб.*

**БИТМАС I Битмоқ** I фл. сфдш. *Кетар бахтингнинг қораси, Битмас кўнглингнинг яраси.* «Кунтуғмиш».

2 Ҳеч тугамайдиган, чеки йўқ. *Ер-сув – битмас қон.* Мақол.

**БИТМАС-ТУГАНМАС I** Охир-поёни йўқ, узундан-узоқ. *Битмас-туганмас йўл.* ■ *Бир тутам қиш куни Гулнор учун битмас-туганмас узоқ кўринди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ҳеч тугамайдиган, тугатиб бўлмайдиган, беҳисоб кўп. *Битмас-туганмас бойлик.* ■ *Унинг бу қарашида битмас-туганмас ҳурмат ва эҳтиром, севги ва меҳрибонлик сезилиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *У битмас-туганмас муҳаббат, севинч, садоқат қони бўлиб кўринади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**БИТМОҚ I I** Сўнгига, охирига, ниҳоясига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ; тўхтамоқ. *Гап битди. Тилак билан битмаган билим билан битар.* Мақол. ■ *Катта Фарғона канали қирқ беш кунда – 15 сентябрда битди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**Иш битди** 1) иш тугади, иш тамом бўлди. *Эринчоқнинг иши битмас.* Мақол. *Ўйчининг уйи битгунча, таваккалчининг иши битади.* Мақол; 2) иш, режа, мақсад амалга ошди, мурод ҳосил бўлди. [Бой ўз-ўзига:] *Хайрият, бу иш ҳам хамирдан қил суғургандай жўнгина битди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Иши битди, эшаги лойдан ўтди кест.** Ўз ишини битириб олгандан кейин, хайр-маъзурни насия қилиб кетган ёки аввалги муомаласини ўзгартириб юборган одам ҳақида. *Иш битиб, эшак лойдан ўтгандан кейин зўравонлар*

чиқиб, ерларни талаб оладиган бўлса, бунинг оқибати ёмон бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Кунни** (ёки **умри**) **битмоқ** Умри тугамоқ; ўлмоқ. Мен нима қилсам, илм учун, илм йўлида қиламан. Куним битиб ўлсам, ўлигимни ҳам илм йўлига бераман.. А. Қаҳҳор, Асарлар. *Яхшибоевнинг кунни битган, аниқроғи, яна бир кунлик умри қолган.* М.М.Дўст, Лолазор. Улар одамларни хонавайрон қилаётган уруш эканини, агар уруш битса, ҳамма ёқ яхши бўлиб кетишини сўзлардилар. П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Тайёр бўлмоқ (қуриладиган, ясалаятган нарса ҳақида). *Қурилиш битди. Кўприк битди. ■ Мана, канал ҳам битай деб қолди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. [Тилла узук] *Буюрдим, эрта-индин битиб қолар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Барҳам топмоқ, йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ; баргараф бўлмоқ, тугамоқ. -Уҳ! — тоқатсизланиб куюнди Аҳмад Хусайн. — Қачон бу ёвузлар, хоинлар битади?! Ойбек, Нур қидириб. *Халқ товуши тинимсиз гувулдайди: «Битсин золим подшо!»* Ойбек, Танланган асарлар. *Барча ёмонлик ўшанинг [Мукулмонқулнинг] боши билан бирга кетгандек, қипчоқ оғайниллар ила тотувлашдик, қипчоқнинг эски адоватлари битди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**4** Кўмакчи феъл вазифасида келиб, -(и)б аффиксли равишдошлар билан биргаликда иш-ҳаракатнинг тўла бажарилиши, тугаланишини билдиради. *Кичикроқ водийнинг ҳар ер-ҳар еридан қуюқ тутун кўтарилмоқда — қишлоқ батамом ёниб битган.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қизим, даданг, энанг ҳасратингда куйиб битди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бечора қиз отага муҳтож. Отасиз эзилиб битмаса яхши эди.* И. Раҳим, Ихлос.

**БИТМОҚ II 1** Ўсиб-унмоқ; етишмоқ. *Мана шу юқорига кўтарилган дарёдан Мирзачўл сув ичади, экин битади.* Ойдин, Ширин келди. *Омад келса, дарахтда ҳам нон битар.* «Қанотли сўзлар».

**2** Эт униб, бирикиб тузалмоқ, тўлишмоқ ёки бекилмоқ. *Жароҳатларим битиб кетиши билан, ўз қисмимга қайтиб бордим.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Сал кунда Аъзамга эт битиб, рангига қон югурди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**Жир битди қ. жир.** *Энди жир битди-да! Битта кўйлак иккита бўлди!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Иzzати битмоқ**

Хурматини билмаслик, кўрсатилган иззат-хурмат қадрига етмаслик. -*Бас! Иззатинг битди, доя бувингга бориб айт! Агар озодлик келтирмасанг, янги сабоққа тушмайсан!* — деди [домла]. Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари. **Қулоғи битмоқ 1)** қулоғи гаранг бўлмоқ, батангга келмоқ. *Хайр, юмушингиз бўлмаса, мен кетдим, шамолдан қулоғим битди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Лаъли нима қилишини билмай, болалар шовқинидан қулоғи битиб туради.* Ҳ. Фулом, Машъал; **2)** эшитавериб чарчамоқ, жонидан тўймоқ. **Қулоғи том битмоқ** Эшитмайдиган, пайқамайдиган бўлиб қолмоқ. *Шу дақиқадан бошлаб, Суярақулнинг қулоқлари том битди.* *Танаффус бошланишини ҳам ҳаммадан кейин — синфда говур-ғувур бошланганда билди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Ҳақи битди** Ҳақи қолмади. *Илгариги сўзингиз билан ўзингизнинг ҳақ(қ)ингиз битганлигини била туриб ҳам, яна уялмай-нетмай, виждонсизлар амрини бериб қўясиз-да, уятсизлигингизни яна бир қат орттирасиз!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БИТМОҚ III эск. 1 айн. ёзмоқ. II. Юртим,** сенга шеър битдим бу кун, Қиёсингни топмадим асло. А. Орипов, Юртим шамоли. *Хўжа Абдулла Марворий.. хатни чиройли битарди.* Ойбек, Навоий. *Рўёб Маматова Мирзачўлни ўзлаштириб, ўз жасорати солномасига илк сатрларини битганда, ёшгина қизча эди. «Ўзбекистон кўриқлари».*

**2 (ж.к. билан)** Муяссар, эга бўлмоқ; пайдо бўлмоқ. *Мана, худо хоҳласа, бошингга дўппи, оёғингга этик, эгингга чопон, кўйлақ иштон битади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Ақл битмоқ** Ақл кирмоқ. *Бу нимаси тагин.. сенга сира ақл битмади.* Бўйингни қара, менга етай деб қолди. Ойдин, Ўзи монанд. **Бошга битган бало** Кутулиш қийин бўлган ташвиш, қуруқ ташвишдан иборат. *Ҳе, бу уруш бошга битган бало бўлди-да.* *Герман ҳам қурсин.. оқ пошио ҳам қурсин.* *Энасининг маҳрини талашармикан!* Ойбек, Танланган асарлар. **Мугуз** (ёки **шоҳ, қанот ва ш.к.) битди** Мугуз (шоҳ, қанот ва ш.к.) пайдо бўлди. *Эшакка мугуз битса, жами жониворларни сузиб ўлдирар экан, мушукка қанот битса, ҳеч бир паррандани қўймай экан.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қай бола мактабда ўқиса аъло, Ушанга ҳеч толмас зўр қанот битар.* Қ. Муҳаммадий. *Ҳожар онанинг гап оҳангидан ён берганини сезиб, Расул акага*

қанот битди. «Ўзбекистон қўриқлари». **Пешонага битган** (ёки битиб қўйилган) эск. Тақдирда бор, тақдирда белгилаб қўйилган. [Юсуф:] Мана, хотиндан ҳам айрилдик! — [Меҳри:] Нима қилай, бу ҳам бўлса, пешонага битган бир кўргилик, болам. О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. *Пешонага битган ёлғиз от эди. Уни ҳам ўртага қўяйми?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БИТОВ I айн. битик II.**

**БИТОВ II** Аёл жинсий йўларининг табиий (туғма) ҳолда берк бўлиши ёки битиб қолиши.

**БИТТА** *дона сон 1* Бир (санокда). *Битта, иккита, учта.. Эрнинг сўзи битта.* Мақол. ■ *Шаҳарда битта докторхона бор.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Мелибойга битта авторучка совға олиб келди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**2** Бир дона; ягона, ёлғиз. *Унақа огайни мингтадан битта!* А. Қаҳҳор, Оғайнилар. *Мана, сиз битта ўзингиз ўттиз иккита машинага қарар эмишсиз.* А. Қаҳҳор, Йиллар. [Хонзода:] *Шаҳарда битта десам ёлғончи бўлмайман. Уни чиройи бошига бало бўлди.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**Биттаю битга** Ягона, ёлғиз. *Сорахоннинг онаси ҳаммага: -Биттаю битта қизимга ичкүёв орзу қилиб юрар эдим, худо ниятимга еткизди, — деб юрди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Ўзиям гап эшитмаган биттаю битта одам —Гулсум она бўлди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**3** «Қандайдир бир», «аллақандай», «кимдир» каби маъноларда ишлатилади. *Касалхонага бориб, ўзи кўрган эшикка кириб кетаятганида, битта хотин қайтарди.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам. *Ахир, биттаси оппоқ сочи билан менга тегишди-да!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ердан чиқдим, осмондан тушдим, йўлда биттаси пайдо бўлиб қолсамми?!* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

**4** Бирлик, бирдамлик, якдиллик ҳамда бир хиллик, ўхшашлик маъноларини англатади. *Уларнинг иккови битта одам.* ■ *Уларнинг башараси, иши бошқа-бошқа бўлса ҳам, юраги битта бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Иккови битта одам-ку!* — деди Суяр, нима гап эканини билмай. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**5** Феъллардан олдин келиб, шу феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бир марта бажарилишини билдиради. *Ҳали кеккайиб, бозордан қайтади. Болға билан битта уриб*

*абжақ қилсанг, томоша қилсанг.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Ер** (ёки ҳовли, дала, уй..) билан **битта бўлмоқ** Ёйилиб, ҳамма ёқни тутиб ётмоқ. *Ҳовли билан битта бўлиб тўжилган довулчалар, барглар ва хас-чўпларни дастаси узун суғурги билан суғуришга тушди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Дўл уриб, синиб кетган гўзалар дала билан битта бўлиб ётарди.* Л. Тожиева, Тош устидаги гул. [Дадам] *Уй билан битта бўлиб сочилиб ётган нарсаларни яна бир кўздан кечириб чиқдилар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *У Дилдорнинг орқаси билан битта бўлиб ерга осилиб тушган, қирқ бир кокил қилиб ўрилган узун кўнғир соқларини ҳам узоқдан кўриб, узоқдан завқланиб турибди!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *кўчма Ер билан битта қилмоқ* Обрўсини тўкиб, қаттиқ изза қилмоқ. *Мени ер билан битта қилиб кетяпти.* Майли, қулоғида бўлсин. *Сўнги пушаймон ўзига душман бўлади.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. *Кечиккан, ишни чала қолдирганни кўрса, қатағонга олиб, ер билан битта қилиб ташлайди.* С. Нуров, Нарвон.

**БИТТА-БИТТА** *рви. 1* Ҳар бири(ни) алоҳида-алоҳида, якка-якка, бирин-кетин, битталаб, бирма-бир. *Битта-битта тарқалишмоқ. Олмани битта-битта термоқ.* ■ *У оппоқ кафтини чўзиб, йигитлар билан битта-битта хайрлашди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бўрон ўзини бу жойларнинг эгасидай тутиб, битта-битта тушунтирди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Кейин семиз бармоқларини битта-битта оғзига солиб, сўриб олди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мана буни қаранг: қовурғасини битта-битта санаса бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Эшонбоев, ўзига эргашган одамларни битта-битта орқада қолдириб, деканатга қараб борар эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**2** Дона-дона қилиб, салмоқлаб. *Битта-битта гапирмоқ. Битта-битта ўқимоқ.* ■ *Қурбон ота икки қўлини белига қўйиб, битта-битта қадам ташлаб борар, унинг кўз олдидан янги қишлоқ манзараси кетмас эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Шошилмай битта-битта айтиб берди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**БИТТА-БИТТАДАН** *тақс. сон* Бир донадан, ҳар кимга биттадан. *Қалам ва дафттарларни битта-биттадан бўлишиб олдик.*

**БИТТАГИНА** Ёлғизгина, биргина. Ахир кўзимнинг оқу қораси биттагина ўғлим бор, садағанг кетай. Ойбек, Танланган асарлар. Мамадали амакининг ҳар йили бешта-олтита туғадиган кучуги бу йил биттагина туғибди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

**БИТТАДАН** тақс. сон **1** Бир дондан. Биттадан бўлиб бермоқ. ■ Баъзи қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари.. биттадан юк машинасини эгаллаб олиб, эртадан кечгача уни банд қилишар экан. «Муштум». Ҳар бир бола биттадан қахрамон топшига келишиб олдик. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

**2** рвш. взф. Битта-битта бўлиб. Биттадан тарқалишмоқ.

**БИТТА-ИККИТА** жуфт сон Ноаниқ миқдорни ифодалайди; оз-моз, озгина, салгина. [Эшикни] Сочига битта-иккита оқ оралаган хотин чиқиб очди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Уерда битта-иккита ёмон одамлар бор эди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БИТТАЛАБ** рвш. Битта-битта, битта-биттадан, бирма-бир. Бир куни ўрикнинг учига чиқиб, гўраларни битталаб териб, липпамга қистирдим. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Элмурод Фотима билан тенглашиб олгач, бир энтикди-да, гўё қалбини жисзиллатиб турган оғриқни битталаб олиб ташлаётгандай гапирди.. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БИТТАНГА** (тўғриси **бир танга**) с.т. Йигирма тийинлик танга, бир танга. [Туробжон:] ..юзта мушак отилса.. биттангадан — юз танга. А. Қаҳҳор, Анор. Самоварчи.. камбағал-қашшоқлар билан биттанга, ярим танга устида фикллашиб ўтиришни истамас эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БИТТА-ЯРИМТА** гум. олм. Бирорта, бирор. Балки топилб қолар, битта-яримта шундай бамаъни. Ойбек, Танланган асарлар. Тағин қашқир оралаб, битта-яримта қўйни елкалаб кетса, эгасидан балога қолмай дедим. С. Сиёев, Ёруғлик. Чакалазорни айланар экан, дам-бадам бирорта қушни ҳуркитиб юборарди. Зора битта-яримтасини ушлаб олсам, деган хомхаёлда буталар орасини диққат билан кузатар.. эди. «Ёшлик».

**БИТУМЛАР** [лот. bitumen — тоғ смоласи, қатрон] Углерод ва водород бирикмаларидан иборат қаттиқ ёки смоласимон табиий ёки сунъий бириктирувчи моддалар (мас., озокерит, асфальт, нефть, гудрон). Ҳамма чуқур томонга ёпирилди, лекин қу-

вурларга ҳамон яқинлашиб бўлмас, битум, изоляция қолдиқлари тутаб ётар эди. А. Мухтор, Чинор. Битум ташийдиган гудронатор машинасига кимдир «губернатор» деб ном қўйиб юборибди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**БИФИДОБАКТЕРИЯЛАР** [лот. bifidus — иккига бўлинган, айри + юн. bacteria — таёқча] Эмизикли болалар ва ҳайвон болалари ичагида учрайдиган фойдали микроблар.

**БИФШТЕКС** [ингл. beefsteak: beef — мол гўшти, гўшт, steak — қийма, парча] Қовурилган мол гўшти ва қайладан иборат куюқ овқат. [Умид] Салимхон Обидий бифштекс-ларни хуш кўрмаслигини билиб, йўл-йўлакай бозорга кириб, уч-тўртта ёпилган иссиқ нон олиб борарди. Мирмуҳсин, Умид.

**БИХ** [ф. بېخ — ўсимлик илдизи] Илдизи кўпикланувчи моддага бой, тўқимачилик саноати, тиббиёт ва қандолатчиликда ишлатиладиган ўсимлик.

**БИЧИБ-ТЎҚИМОҚ** Билар-билмас гапларни тўқимоқ, ўйлаб топмоқ; ўзича ҳукм қилмоқ, фикр юргизмоқ. Ўзимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, аллақандай ваҳималарга шўнғийман. Ойдин, Садағанг бўлай, командир. Йигитлар ўзларича бу бирон қиздан деб бичиб-тўқишмоқда. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**БИЧИЛИШ** тиб. Баданнинг табиий бурмаларидаги терининг ишқаланиб қизариши. Кўп терлаш ва кўп ёғ чиқиб туриши.. бичилишга сабаб бўлади. Бичилиш йилнинг иссиқ пайтларида кўпроқ кузатилади. «ЎЗМЭ».

**БИЧИЛМОҚ I** Бичмоқ **3** фл. мажҳ.н. **1** Бичилган хўкиз. ■ Оғушида парилар гул-гул, Ҳарам ичра ғулум бичилган. У. Кўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

**2** Тикишга мўлжаллаб қирқилган, андозага солинган. Кенг бичилган тўн тўзмас. Мақол. ■ Кўп вақт ишхонасидан бўхча-бўхча янги бичилган кийим кўтариб келиб, ёқасини ўрнатар, этагини тикарди. С. Анорбоев, Оқсой.

**БИЧИЛМОҚ II** Ишқаланиб, яллиғланиб қизармоқ, йиртилмоқ (тери қатлари, лаб бурчаклари ҳақида). Чақалоқнинг қўлтиғи бичилибди. ■ Энди, ўртоқ Исмоилов, гап сотиш ҳам эви билан бўлса, лабларингиз бичилиб ҳам кетгандир. «Муштум». Иссиқ кунларда баданнинг айрим жойлари терлайди, бичилади. Газетадан.

**БИЧИМ 1** Кийим-кечакнинг тахлити, фасони, бичиғи. *Айтишларича, бутун Японияда бир неча миллион кимоно бўлса ҳам, ё рангида, ёки гуллариди, ёки бичимида албатта тафовут бўлади.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда. *Қизлар бу кийимнинг материални, бичимини зўр иштиёқ билан мақтаб кетишди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**2** Тана (гавда) тузилишининг яхлит кўриниши, қад-қомағ; қиёфа. *Бичими келишган йигит.* ■ Саидғози уларнинг [Пўлат ва Шерматнинг] бичимига қараб, дарров таниди. С. Анорбоев, Оқсой. *Бу ердаги отлар турли тусда ва турли бичимда бўлиб, зотли, нодир отлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қиз ҳали ёш бўлса-да, буйчан эди, бичими ингичка ва самбитгўл новдасидай адил эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Шакл, ўлчам. *Китоб бичими 84 x 108 бўлган қоғозга босилган.*

**БИЧИМЛИ** Бирор бичимга эга бўлган, ташқи тузилиши, қиёфаси ўхшовли, хушбичим. *Бичимли кийим.* ■ *Бораётса, шер бичимли, кўзи кўр, сулув бир киши саройнинг оғзида ҳассасини суяб турибди.* «Гўрўғли».

**БИЧИМСИЗ** Бичими келишмаган, беўхшов. *Бичимсиз кийим.* ■ *Миркомилбойвачча.. оёғини чалиштириб, кичкина, бичимсиз юзини мастларча буриштириб, папирос тутатади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БИЧИШ-ТИКИШ** Бичувчилик ва тикувчилик иши, бичиш ва тикиш. *Баъзи кунлари менга бичиш-тикишни ўргатишдан кўра кўпроқ панд-насихат бериш билан ўтади.* «Гулдаста». *Нозимахон кечқурунлари бичиш-тикиш курсига қатнай бошлади.* Х. Султонов, Онаминг юрти.

**БИЧИҚ 1** айн. **бичим 1.** *Тиккан костюмингиз шуми, бичиғи қавиғига тўғри келмайдими-ку?* «Муштум».

**2** кўчма Гавда (тана)нинг яхлит кўриниши, қиёфа. *Бир бичиқда яратилган, ўзига хос феъл-атвори бўлмаган одамлар Аҳмадда қизиқиш уйғотмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *..хуллас, турли тус ва бичиқдаги кишилар бечора, заҳматкаш санъатчилар машаққат билан қўлга киритган зафар завқини баҳам кўрадилар.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.

**3** кўчма Тузилиш, тарх; манзара. *Гулхона бичиғи.* ■ *Ҳовлининг бичиғи Назаровга ёқинқирамади.* Ҳ. Тошхўжаев, Қийиғи чиқди.

**БИЧИҚЛИК** Тикиш учун бичиб тайёр қилиб қўйилган. *Бичиқлик материал.*

**БИЧИҚЧИ** Кийим-кечак бичувчи уста, мутахассис. *Навбатимиз яқинлашгани учун шу кун бичиқчи ҳам қабул қилиб олди.* «Муштум». *«Янги мода» салониди ҳадемай миждозларни электрон бичиқчи қабул қила бошлайди.* «Фан ва турмуш».

**БИЧИҚЧИЛИК** Бичиқчи касби, кийим-кечакни бичиш иши. *Бичиқчилик — жуда мураккаб, аммо завқли ҳунар.*

**БИЧМОҚ 1** Кийим-кечак тикиш учун мўлжалланган материални маълум андоза ва ўлчамларда кесмоқ. *Бўйига қараб тўн бич.* Мақол. *Отанинг очган йўли бор, Онанинг бичган тўни бор.* Мақол. *Тиккан чевар эмас, бичган чевар.* Мақол. ■ *Чол дўконхонада ўтириб, иш бичиб беради, Унсин ичкари уйда тикади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Белгиламоқ, қўймоқ, кесмоқ (нарх, иш ҳақи ва ш.к. ҳақида). *Нарх бичмоқ.* ■ [Далло:] *-Хайр бўлмаса, мен бичай.. шу бола юз тиллалик «мол» бўлса ҳам, карвонбоши бобом рози бўлсинлар, сиз олтмиш тилла беринг, — деди.* С. Айний, Қуллар. *Ўзимга ўзим ҳақ бичиб олганим йўқ-ку! Ҳаммаси қонун-қонда билан бўлган.* «Шарқ юлдузи».

**3** Ахта қилмоқ. *Улоқни бичиш учун олиб бордим.*

**Бировга кафан бичмоқ** Бировга ўлим тиламоқ ёки ўлдиршига аҳд қилмоқ. *Душманларга кафан бичган Пиёдалар — марди майдонлар.* Ҳ. Олимжон. *Оббо, ҳали у ёқда бувим кафан бичиб ўтиргандирлар.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Ажал (кафан) тўнин бичмоқ** фольк. *Ўлдирмоқ, қирмоқ. Ажал тўнин бичайлик, Душман кўкрагидан санчайлик.* «Юсуф ва Аҳмад». *Саваш бўлса, ширин жондан кечади, Душманларга кафан тўнин бичади.* «Муродхон». **Гапга бичган** Гапга уста, сўзамол, гапдон. *-Ҳожимуқомнинг хотини. Жуда ҳам гапга бичган-да. Қофияли қилиб гапиради, — деди Нуғмонжон.* С. Аҳмад, Чўл бургути. *Абдишукурни худо гапга бичган, енгиб бўлмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ердан бичиб олган** Паст бўйли, жуда ҳам пакана. *У ердан бичиб олгандек пак-пакана.. хотин эди.* А. Қодирий. *Унинг [Кумушининг] тўғри, мавзун қомастига ердан бичиб олинган мудҳиш хотиннинг қўллари зўрга етди-да, «эсонмисиз, омонмисиз, пошша қиз», деб сўрашди.* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. **Тўн бичмоқ** с.т. Баҳо бермоқ. Сояга қараб тўн бичма. Мақол. ■ Кадрларнинг савлатига, сўзамоллигига қараб эмас, уларнинг ишига, истеъдодига қараб тўн бичинглар. «Муштум».

**БИЧУВЧИ** айн. бичиқчи.

**БИЮРҒУН 1** Шўрадошлар оиласига мансуб, шохлари жигарранг, майда баргли, паст бўйли, сершоҳ, ярим бута.

**2** Тиканак баргли, кўп йиллик чўл ўсимлиги.

**БИЯ** Вояга етган урғочи от. Қулунли биядан қудуқ суви ортмас. Мақол. Қудандалик жойинедан қулунли бияни аяма. Мақол. Алп — энадан, тулпор — биядан. Мақол. ■ Аҳмад еттига кирганда, шу бия бир қулун туғди. «Ойсулув».

**БИҚ-БИҚ I** тақл с. Қуюқ ёки суюқ нарсанинг қайнаши, қуюлиши ёки шунга ўхшаш бошқа товушлар ҳақида. Бўтқа биқ-биқ қайнаяпти. ■ Хипча бел кўзачалардан май «биқ-биқ» қуйилиб, қадаҳларни лимиллатди. Ойбек, Навоий. Биқ-биқ йиғлаб ўтирибди. «Муштум».

**БИҚ-БИҚ II: биқ-биқ (бўлиб) семирмоқ** Жуда ҳам семирмоқ, ёғ битиб, биққидай семирмоқ.

**БИҚИЛЛАМОҚ** Узуқ-узуқ ва бўғиқ товуш чиқармоқ, биқ-биқ овоз чиқармоқ (асосан қайнаб турган қуюқ нарсалар ҳақида). Шавла биқиллаб қайнаяпти. ■ [Валижон] Вагранка ёнига келди-да, кўк кўзойнақдан биқиллаб қайнаётган металлга тикилди. Мирмуҳсин, Чиникиш. Биқиллаб қайнаётган булоққа, унинг четларидаги.. майин ўтларга тикилиб, хаёлга толдим. О. Ёкубов, Аямажуз.

**БИҚИН 1** Гавданинг қўлтиқдан то тос суягигача бўлган икки ён қисми. Ўнг биқин. Чап биқин. Биқин гўшти. Текин томоқ биқин тешар. Мақол. ■ У от йўрғасини, чопишини билмоқчи бўлиб, биқинига ниқтади. С. Аҳмад, Уфқ. Яйловдаги кўзичоқларни қийратиб юрган бир оч бўрининг қоқ биқинидан уриб қулатган. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**Оч биқин** Биқиннинг кўкрак қафасидан пастки қисми. Бозорбойдек йигитнинг қўлига ўн беш червонни босиб, елкасига қоқиб қўйсанг, қўйнидан пичоғини суғуради-ю, оч биқинига битта уриб, бир кунда саранжомлаб беради. П. Турсун, Ўқитувчи. ..бошидан сув қуясанми ёки оч биқинига бир-икки туши-

расанми, ўзинг биласан. Хуллас, кўзини мошдек очиб қўймасанг бўлмайди. «Муштум».

**2** Ҳар нарсанинг ён қисми, ён томони, ёни. Қашқатовнинг кунботиш биқинидаги жилғада оппоқ қор ётибди С. Анорбоев, Оқсой. Жўрақул келганини билиб, «тигр»нинг биқинини нишонга олади. Назармат, Жўрлар биланд сайрайди. Ҳисор тоғи биқинидаги Тўпчоқ қишлоғининг чироқлари милтиллаб кўрина бошлаганда, йўл четига чиқиб, тор-мозни босди. Газетадан.

**БИҚИНИДА** (3-ш. эғалик ва ў.-п. к. қўшимчалари билан). кўм. взф. Яқинида, ёнида. Шундай биқинида ўтирган Шербек ҳам «бундан қандай гап чиқаркин?» дегандай, кўзини ундан узмай, қизиқсиниб қараб турибди. С. Анорбоев, Оқсой. Зумрад уч кун қилт этмай, ўғлининг биқинида ўтирди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**БИҚИНМОҚ** шв. Яширинмоқ, бекинмоқ. Содик темир йўл кўприги тагида биқиниб ётибди. Н. Сафаров, Уйғониш. Турсуной опасининг этагидан маҳкам ушлаб, унинг соясига биқинди. А. Мухтом, Опа-сингиллар. Ёмонлик қилиб қўйиб, ота-онасига кўринишдан қўрқар, уйига биқиниб кириб, биқиниб чиқар эди. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**БИҚИР-БИҚИР** айн. биқ-биқ I. Шавла биқир-биқир қайнаяпти. ■ Ўчоқда тезак милтиллаб ёнар, қора човғум биқир-биқир қайнарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ақл — нурдир, ақл — сувдир: ташна қолган йўловчи Жонга олур биқир-биқир қайнаб чиққан булоқни. Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

**БИҚИРЛАМОҚ 1** айн. биқилламоқ. Уч-тўрт қадам наридаги тол тагидан биқирлаб сув қайнаб чиқяпти. Э. Усмонов, Ёлқин. У озроқ ўтин териб, ҳамроҳлари ёнига келганда, декчада шўрва биқирлаб қайнаётган эди. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. Биқирлаб-биқирлаб чучвара қайнар, Завқ билан термулиб ҳавасим ўйнар. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

**2** кўчама Кучаймоқ, авжига чиқмоқ. Яна қаҳқаҳа самовардай биқирлаб кетди. «Шарқ юлдузи». Акмални кўриб, бувининг зардаси ўша супа устида турган мис самовардай яна биқирлаб қайнай бошлади. Газетадан.

**БИҚИҚ** шв. I Бошқалардан ажралиб, ўз-ўзи билан бўлиб қолган, якка-ёлғиз ҳолдаги. У ўзича биқиқ ҳаёт кечиршига одатланиб қолган.

2 Нафасни сиқувчи, оғир; бузилган. *Уй ҳавоси биқик, ёқимсиз ҳид билан тўлган эди.*

**БИҚИҚЛИК** Ўзи билан ўзи бўлишлик, тор доирада ўраланиб қолишлик. *Журналистика касби бир қолипда ишлашни, ижодий биқикликни ёқтирмайди.* Газетадан.

**БИҚМОҚ:** **биқиб турмоқ** ёки **ётмоқ** 1) биқиниб, бекиниб ётмоқ; 2) пистирма кўйиб, пойлаб ётмоқ. *Мард бўлсанг, ўзингни номард қилмагин, Урушли кун сира биқиб турмагин.* Фольклордан. *Бурчакда биқиб ётган чолнинг инграши эшитилиб туради.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**БИҚСИМОҚ** 1 Ёниб-ёнмасдан, ўчиб-ўчмасдан тутаб турмоқ. *Аёллар.. болаларини биқсиб ётган гулхан тепасига тўплайдилар.* А. Мухтор. *Қорақалпоқ қиссаси.* *Уртадаги ўчоқда ҳўл тўнка биқсимоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мана бу қора чироғинг ўлғур биқсиб, кўзимни кўр қиладиган бўлди.* Уйғун, Ҳаёт кўшиғи.

2 Ачиб-сасиб, яроқсиз ҳолга келмоқ, сасиб кетмоқ. *Қолан-қутгани бўлса, тузлаб кўйинг, биқсиб кетмасин, ўзингизга керак бўлади.* Уйғун, Дўстлар.

3 кўчма Бир жойда қимирламай узоқ ётиб, нохуш ҳолга келмоқ, ётавериб зерикиб, диққинафас бўлмоқ. -*Тур болам, ётасанми биқсиб-сасиб, — дейди энаси Шавкатга.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. *Димиққан уйда ҳаво кўрмай, тоза биқсиди болам боёқиш, айланиб, овуниб келсин.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ўчиб кул бўлгунча, биқсиб ётавераманми?* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

4 кўчма Аччиқ-тирсиқ гап қилмоқ, бўлмағур гаплар гапирмоқ. *Жамоатчилик улардан ҳисоб сўрайди.. чекка-чеккаларда биқсиб юрмай, гапинг бўлса, ҳамманинг олдида очиқ гапир, дейди.* Уйғун, Замон талаби.

**БИҚТИРМА** 1 сфт. Бекитиқча, яширин, махфий. *Бандаргоҳ ерларда қушбеги-дан қоровул қўйилган биқтирма одамлар бор эди.* «Ёдгор».

2 от айн. **пистирма.** *..Асқар товнинг оёғига ўттиз минг кўшинни биқтирма ташлаб келувди.* «Юсуф ва Аҳмад».

**БИҚҚА** айн. **биққи.** *Дарвоқе, адирларда ёйлиб юрган қўйлар ҳозирнинг ўзида биққа семиз.* Газетадан.

**БИҚҚАДАЙ:** **биққадай семирмоқ** Жуда ҳам семирмоқ, ёғ битиб семирмоқ.

**БИҚҚИ** Жуда ҳам семиз, ёғ битиб семирган. *Бир маҳал Тухта опа ҳарсиллаб кириб келди.* *Ундан қовурдоқ ҳиди келар, биққи бармоқлари мой эди.* Ш. Холмирзаев, Оқ отли. *Лаълихон ўтирган жойида биққи билакларини елкасигача очиб, эсноқ аралаш керишиди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Биққи семиз саман от.. бир-бир босиб келар эди.* С. Анорбоев, Гўзаллик излаб. *..совлиқ, кичик бўлишига қарамай, тахтакачдек, бозорда мунчалик биққи кўй йўқ, деса бўлади.* С. Абдулла, Соялар.

**БИҒ-БИҒ** тақл. с. Чақалоқларнинг қаттиқ йиғисига тақлид. *Биғ-биғ.. чинқираётган бола кўкариб кетди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси. *Бир кун тонгда ичкари уйдан боланинг биғ-биғ йиғлагани эшитилди* Газетадан.

**БИҒИЛЛАМОҚ** Қаттиқ йиғламоқ (асосан чақалоқнинг йиғиси ҳақида). *Тинчи бузилган чақалоқ биғиллаб йиғлай бошлади.* М. Мусаҷонов, Нозик масала. *Бола биғиллаб йиғлар, Мушира эса бунга эътибор бермасди.* Ф. Мусаҷонов, Ҳиммат.

**Биғиллаб кулмоқ** Роҳатланиб, завқланиб кулмоқ. *Сўйлоқ биғиллаб кулди.* «Шарқ юлдузи».

**БИҒИШТ** [ф. بهشت — жаннат] кт. айн. **беҳишт, жаннат** 1. *Биҳиштдаги ҳурга ухшаш жасадинг.* «Эрали ва Шерали». *Биҳиштда икки гул бор, Бириси бўлмағай — сан.* «Оқ олма, қизил олма».

**БИҒИШТИ** [ф. بهشتى — жаннатга мансуб, жаннатий] Узумнинг ўртапишар винобоп тури ва шу узумдан тайёрланган май. *Бир бош биҳишти.* ■ *Ўктам бир шиша «биҳишти» очиб, кичкина пиёлаларга қуйди.* Ойбек, О.в.шабадар.

**БЛАНК** [фр. blanc — оқ], **бланка** Графаларининг бўш, очиқ қолган ўринларини керакли вақтда тўлдириш учун мўлжаллаб босмаҳонада нашр этилган тайёр варақа, босма иш қоғози (сўровнома, хат-ҳужжат ва ш.к.). *Анкета бланкаси.* ■ *Машинистка тушлик чоғида, сувоғи кўчган лабларини ремонт қилиб бўлиб, бланкани тўлгазди.* «Муштум». *Зумрад.. бланкага ёзилган хатга тикилди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Телеграмма бланкасига хунук ҳарфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди..* «Шарқ юлдузи».

**БЛЕФАРИТ** [юн. blepharon — қовоқ] тиб. Қовоқ четлари (қирғоғи)нинг аллиғланиши.



**БЛИНДАЖ** [фр. blindage – қалқон, гов, түсик] *ҳарб.* Уруш майдонида ерни чуқур қилиб қазиб, йўғон ходлар, бетон ва тупроқ билан мустаҳкамланган ҳарбий истехком. *Тепа ёнбағирлари ҳам гўё жангчиларни бомба ёки снарядлардан сақлайдиган блиндажлар учунгина яратилгандек.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Блиндажлар, окопларда найзабозлик жанги бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Душман бомбаси шундай блиндаж устига тушди.* Ҳ. Умарбеков, Севгим, севгилим.

**БЛОК I** [ингл. block, фр. bloc – ёғоч, түсин] **1** Гардишида занжир, арқон, тасма ўрнатиладиган нови бўлган, филдирак шаклидаги энг содда юк кўтариш механизми, модамаси. *Кўзгалмас блок. Кўзгалувчи блок.*

■ *Механика фанида эса блок, винт, пресс, парма каби содда механизмлар атрофлича таҳлил қилинган. «Фан ва турмуш».*

**2** Бирор нарсанинг яхлит бир қисми. *Бетон блок. Мармар блок. Керамик блок.*

**3** Бинолар ва иншоотларда айрим бўлма, хона; бинонинг маълум қисми. *Тунларнинг бирида хотинлар блокнинг орқа томонидаги симларни қирқиб, бир юз етмиш икки кишини тоққа қочиршини мўлжаллашади.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ракета яратишида иштирок этган конструкторлар нима қилишга ақллари етмай, ўз блокларидан бошларини чиқариб, буйсунмаётган ракетадан кўзларини узмас эдилар.* Газетадан.

**4** *тех.* Механизм, иншоот ва ш. к. нинг бир неча бир хил қисмларини ўзига бириктирган йирик қисми. *Цилиндрлар блоки.*

**5** Бирор нарсанинг бир ўрами. *Бир блок сигарет.*

**БЛОК II** [фр. bloc – бирлашма] **1** Айрим давлатлар, партиялар, ташкилотлар ёки кишилар гуруҳининг бирор умумий мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун доимий ёки вақтинчалик тузилган иттифоқи; коалиция. *Ҳарбий блок. Сиёсий блок.*

■ *Бу ерда блокларга қўшилмаган давлатлар координация бюросининг наватдан ташқари мажлиси тугади.* Газетадан.

**БЛОКАДА** [ингл. blockade – қамал; куршамоқ] **1** *ҳарб.* Душман эгаллаб турган худуднинг айрим қисмини ёки ҳаммасини қуршаб олиш, қамал қилиш; муҳосара. *..уруш йилларидаги уч йиллик блокада Ленинград ҳимоячиларининг иродасини синдира олмади.* Газетадан.

**2** *сиёс. иқт.* Бирор давлатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан яққалаб қўйишга, унинг бошқа давлатлар билан алоқасини узишга, қўйилган талабларни қабул қилдиришга қаратилган сиёсий, иқтисодий ва молиявий тадбирлар тизими. *Иқтисодий блокада. Сиёсий блокада.*

**3** *тиб.* Касалликни даволашнинг бирор аъзо ёки система фаолиятини вақтинча тўхтатишдан иборат бир усули. *Юрак касалликларидан бўлган блокадада томирнинг уриш сони жуда камайиб кетади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**БЛОКНОТ** [фр. bloc-notes: bloc – бирлашма; гуруҳ + notes – хатча; қайдлов] Ён дафтарча, қўйин дафтарча. *Шербек ёнидан блокнот, қалам олди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Зиёда кўк муқовали блокнотини дам у чўнтагига, дам бу чўнтагига солар, дам варақлар.* эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БЛУЗА** [лот. pelusia – Мисрнинг Pelusium шаҳри номидан олинган] Қўйлак бичимидаги белбоғсиз кенг устки иш кийими.

**БЛУЗКА** [р.] Хотин-қизларнинг энгил материаллардан тикилган, юбка ёки шим билан кийиладиган қўйлакчаси.

**БЛУМИНГ, блюминг** [ингл. blooming – куйма пўлат хомашё] *тех.* Темир ёядиган юқори қувватли прокат стани.

**БО I** *шв.* **1** Яна, тагин. *Еганинг ёғ, ичганинг кўк чой. Бо нимага хафа бўласан?* Ш. Сулаймон, Ота, ўғил. *Бо шикаста шўрман, қайда бораман, Ўғилсизга ўғил, қизсизга қиз бўламан.* «Муродхон».

**2** *унд.с. вэф.* «Э», «бе» тарзида инкор, эътироз маъноларини ифодалайди. *«Бо худо, ўрда бекачи бўлса ўзига», дедим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бо.. Ўзи-ку саҳарда ишдан келди. Уйқуни бузиб, табриклашга чиққанини қара?* А. Обиджон, Аканг қарагай Гулмат. *Бо-о, энди шунинг ҳам ташвишини тортиб, ўйлайсизми?* С. Нуров, Нарвон. *-Бо-о худо! Амманга ҳам амал тегиб қолган.* Ҳ. Назар, Бир туп гўза.

**БО II** [ф. б – биргаликни, алоқадорликни ифодаловчи олд кўмакчи] *кўм. айн. билан.* *-Ота, бу синглим, – табассум билан деди Йўлчи, – қишлоқдан олиб келганимни эшитгандингиз. Бойникида яшашини маъқул кўрмадим. – [Шоқир ота:] Яхши қилибсан: «Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс».* Ойбек, Танланган асарлар.

**БО-** [ф. *b* – бирор-бир сифатга, белгига эгалликни, унинг борлигини билдирувчи префикс] айн. **ба**.

**БОА** [лот. *boa* – илон] зоол. Бўғма илонлар оиласига мансуб заҳарсиз улкан илон. *Боа териси жуда юқори баҳоланади, ундан кўнтери сановатида фойдаланилади.* «ЎЗМЭ».

**БОАДАБ** [бо.. + адаб] юқ. усл. Хулқ-одоби яхши; тарбия кўрган, одобли. *Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз этти иқлимда ҳам топилмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Болаларнинг туйғун, меҳнатқаш, боадаблигидан эр-хотин ниҳоятда хурсанд эдилар.* С. Зуннунова, Олов.

**БОБ** [а. *باب* – эшик, дарвоза] 1 Китоб, асар ва ш. к. нинг маълум тугалликка эга бўлган ҳар бир қисми, фасли. *Романинг боблари. Диссертациянинг боблари.* ■ *Бу жанг варақасини тилга кирита олган ёзувчиға ҳар бир сатр улкан жангнома учун бир боб бўлаверади.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Романинг бир неча боби ёзилгандан кейин, ўзим ҳам сизга ўхшаб, қаҳрамонимнинг қилаётган ишларига шубҳалана бошладим.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Али Мешкобчи хусусида аввалги бобларда сўз айтган эдик.* Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Давр, саҳифа. *Терим машинасида қизларимиз руль олиб, галаба китобида оча олди янги боб.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

3 Ҳар хил йўл, усул. *Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.* Мақол. ■ *Дод деганда, эшитмаймиз сўзини, Ҳар боб билан ўярмиз икки кўзини.* «Нурали».

4 (3-ш. эгалик ва ў.-п.к. к. қўшимчалари билан) кўм. *взф.* Соҳасида, борасида, масаласида. [Муҳаммад] *Илму ҳиммат бобида Арастудан сўнгра устоди соний бўлиб, Ал-Фаробий номи билан мушарраф эди.* А. Мухтор, Чинор. *Ул (бойнинг) қизи хусн бобида яккаю ягона эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. *Севги ҳақидаги фикрларим ҳам бутунлай ўзгарган, негаки қизлар бобида анча омадим юришганди.* «Ёшлик».

**БОБАРАКОТ** [бо.. + а. *برکات* – роҳат, хузур; дуо, самовий инъом] Худо сийлаган, муборак. *Сизнинг ҳузурингизга йўлланмиш ушбу зоти бобаракотнинг арзини эшитсангиз ва ул кимсанинг атолари қабри тошига тўрт қатор ашъор ёзиб берсангиз.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ул зоти бобаракот бошчилик қи-*

*лаётган ҳарбий ташкилот истаган кунда газавот тугини кўтариб чиқа олади, иншоолоҳ.* К. Яшин, Ҳамза.

**БОБИЙ** [ф. *بابی* – бобийлик асосчиси Сайид Али Муҳаммад Боб номидан] тар. Бобийлик мазҳабидаги киши. *Бўлмаса, бобийман денг-чи, китобларим жаҳид-мажид китоблари денг-чи..* А. Қодирий, Кичик асарлар. *..бобийлар ҳам худога ишонурлар.* «Муштум».

**БОБИЙЛИК** тар. 1848–1852 йилларда Эронда шиачилик ичида вужудга келган, ислом динини тафтиш қилишга интилган, оммавий антифеодал қўзғолонларга бошчилик қилган диний мазҳаб. *Ер эгалари, шох зулмига қарши қаратилган йирик халқ қўзғолонлари бобийлик байроғи остида кўтарилган.* «ЎЗМЭ».

**БОБИЛЛАМОҚ** Овози борича бақриб, лаби-лабига тегмай гапирмоқ. *Замира то мақсадини тушунтиргунча бўлмай, кампир бобиллай кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

**Бобиллаб бермоқ** Овози борича бақриб уришиб бермоқ, койимоқ. *-Одам ҳам шунақа бўладими, қаёқларда юрибсиз? – Назокат бобиллаб берди.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Кокила лаби-лабига тегмай бобиллаб берди.* С. Аҳмад, Чўл шамоллари.

**БОБИНА** [фр. *bobine* – ғалтак] тех. Тўқимачиликда ип, тола, лента ва шу кабилар ўраладиган ғалтак.

**БОБМА-БОБ** Бирор бобини қолдирмасдан, ҳар бир бобини бирма-бир. *Китобни бобма-боб ўқиб чиқмоқ.* Романи бобма-боб ҳикоя қилиб бермоқ.

**БОБО** [ф. *بابا* – ота; бува; оқсоқол] 1 Отанинг ёки онанинг отаси (набирага нисбатан). *Бобонинг тол эккани – ўзига ном эккани.* Мақол. ■ *Бобом бургут боқиш билан менга қарадилар.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бола бобосини икки-уч кун кўрмай ичикиб қолган.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 (фақат кўпл. шаклида) Ўтмишда яшаб ўтган қариндош кишилар, ажодлар. *Агар Бобур мирзо Самарқандни тезроқ эгалламасалар, боболардан қолган салтанат бегона сулола илқига ўтиб кетгусидур.* П. Қодиоров, Юлдузли тунлар. *Боболардан сўзладим, аммо Бир зот борким, баридан суюк.* А. Орипов, Юртим шамоли.

3 Ҳурмат юзасидан қариялар номига қўшиб ишлатилади. *Мурод дарров туриб,*

Ҳожи билан сўрашди ва назокат билан унга жой кўрсатди: -Келинг, Ҳожи бобо! Кўринмайсиз, келмайсиз? А. Қаҳҳор, Йиллар. Утар бобонинг отаси Гадоийниёз бобо ҳам хон табиби эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Қолаверса, ўзимизнинг шоир бобомиз Бобораҳим Машрабнинг ҳақ, ҳақиқат, адолат ҳақидаги.. газалларини ким билмайди? К. Яшин, Ҳамза. Раис бобо уларнинг ёнгинасига келиб, отдан тушиди, тўриқ йўрғани ўз ҳолига қўйиб, дастурхон ёнига ҳорғин чўкди. Н. Фозилов, Дийдор.

4 Азиз-авлиёлар номига қўшиб ишлатилади. Шайх Зайниддин бобо. Занги бобо. ■ Хизр бобо қўлингни баланд қилсин. У. Исмоилов, Сайланма.

5 тар. Ўтмишда Бухоронинг катта даҳаларини назорат қилувчи бош миршаб унвони.

6 фольк. Оқсоқол, отахон. Камбағаллар Тоғайни бобо кўтарган эди. У камбағалларга бош бўлиб турган эди. «Рустамхон».

7 Бобо (эркаклар исми).

**Қор бобо, қорбобо** 1) одамнинг қордан ясалган шакли ва болаларнинг шу билан боғлиқ ўйини. Болалар катта қилиб Қор бобо ясашди; 2) арча байрамида қиш рамзида ясанган (оқ пўстин ва оқ қалпоқ кийган) ва янги йил байрамларини қиздирувчи киши. Бирдан эшик очилди, Кириб келди Қорбобо. 3. Диёр. Асарлар.

**БОБОВ** бол. Кучук; ит. Болаларни шайтонлардан қўрқитмангиз, Бобов келди, деб кўрпага беркитмангиз. То улгайиб, дуч келганда «бобов»ларга, Ўшамасин итдан қўрққан соқовларга. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**БОБОДЕҲҚОН** 1 Деҳқончилик касбининг устаси, моҳир, тажрибали кекса деҳқон. Даладарда ҳаёт қайнайди, бободехқоннинг қўли қўлига тегмайди. Газетадан. Ўзбекистонда боғ-роғлар яратган менинг бободехқонларим эканлар-да. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ўрта Осиё халқлари орасидаги ривоятларга кўра, деҳқончилик ҳомийси, пири. ..экин экиш, ўриш-йиғиш вақтида «Бободехқон қўлласин» деб айтилади. «ЎЗМЭ».

**БОБОЙ** с.т. 1 Қари киши, чол. [Йўлчи:] Бобойнинг сўзларига тош ҳам эрийди. Сиз одамсиз-ку! Ойбек, Танланган асарлар. Мана ҳозир бобойнинг чақасини олдим, кетаман. Ойбек, Танланган асарлар. Бобой дуо қилди, дегин. А. Қодирий, Кичик асарлар.

2 Қарияларга бир оз кибр аралаш мурожаат шакли. Бардаммисиз, бобой? Ойбек, Танланган асарлар.

**БОБОЙИ** бот. Бир хил ўрик нави. [Ўрикнинг] Қандак, исфарақ, субхони, хурмойи, мирсанжали, муллагадойи, бобойи.. сортлари яхши туршак беради. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**БОБОКАЛОН** [ф. باباكلان – энг катта бобо] 1 Бобонинг отаси, катта бобо (эварага нисбатан). Манави мадрасада бобоклонимиз муадрис бўлганлар. М.М.Дўст, Лолазор. Қишлоқнинг энг бадавлат, энг муътабар кишиси бўлган Махсумнинг бобокалони Ғойиб отани Ҳазрати султоннинг муриди бўлган деган нақл бор. С. Анорбоев, Оқсой.

2 (фақат кўлл. шаклида) Ўтмиш отабоболар, ажлодлар. Бобокалонларимиз дўстликни тириклик суви деганлар. Газетадан. Бобокалонларимиз етти хазинанинг бирига сигирни ҳам қўшганлар. Газетадан.

3 кўча Улкан вакил, улкан сиймо, асосчи. Ёдгор бахши уста Қулай ўғли Қўрғон дostonчилик мактабининг бобоклонидир. «Гулистон». Садриддин Айний.. тожик ва ўзбек адабиётларининг бобокалон арбоби сифатида танилди. Газетадан.

**БОБОКЕНТ** [бобо + сугд. кент – қишлоқ] Қадимий қишлоқ, ота-боболардан қолган қишлоқ. Ўша бобокентимсан, девзот бобомсан; Оҳ нечоғлик суюксан, соз, дилорман. Миртемир, Асарлар.

**БОБОМЕРОС** [бобо + мерос] Ўтмиш ота-боболардан, ажлодлардан қолган моддий, маънавий бойлик. Ўзининг бобомерос мулки ҳисобланмиш Самарқандни икки марта забт этади ва икки мартасида ҳам қўлдан беради. Газетадан. Чол қишлоққа қайтишдан аввал.. қишлоқдошларим мана шу бобомерос ҳовлимда оёқ узатиб, бандаликни бажо келтиришимга рози бўлишса, деган қарорга келди. «Ёшлик».

**БОБОТИЛ, бобо тил** Бир қатор тилларнинг илк манбаи деб ҳисобланувчи ва қиёсий-тарихий текшириш йўли билан тикланиши мумкин бўлган қадимий тил. ..туркий тиллар, хусусан ўзбек тили, олтой бобо тилидан бошланади. «ЎЗМЭ».

**БОБОТОҒ** Қадимий ва улуғ тоғ. Гужум маддасидек қўлларинг қадоқ, Бироқ боботоғдек қадди тик, мардсан. Миртемир, Асарлар.

**БОБОЧЎПОН** Чўпонлик касбининг устаси, устоз чўпон. *Манман деган бобо-чўпонлар эрталабдан бошлаб топган-тутганини кўтариб, бу ерга кела бошлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БОБОЧИНОР** Қадимий ва кекса чинор. *Бобочинор уйғонар чўчиб, таниб қолар илонларни, оҳ.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

**БОБР** [р. бобр — кундуз] зоол. Кемирувчилар туркумининг бобрсимонлар оиласига мансуб, сувда яшашга мослашган ҳайвон, сув кундузи. *Бобрлар кечаси ва шомда фаол ҳаёт кечиради, қишда фаоллиги камаяди.* «ЎЗМЭ».

**БОБРИК** [р. бобр — кундуз] Жуда пишиқ қилиб тўқиладиган, қалин тукли мовут. *Бир пальтолик бобрлик. Бобрлик пальто.* ■ *Бири хушмўйлов, устида янги бобрлик пальто, бошида қулоқчин.* «Муштум». - *Кийим бозорга кириб, кундуз ёқалик бобрлик пальтоларга харидор бўлиб кўраман, — деди Шум бола.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**БОБУНА** [ф. بابونه — мойчечак, ромашка] айн. **мойчечак.**

**БОБСЛЕЙ** [ингл. bob-sleigh — тоғдан сирпаниб тушиладиган бошқарувли чана] сирт. **1** Тоғ (баландлик)дан махсус жиҳозланган трасса — қия бурилишлари бўлган музлама новдан шиддат билан тушишга мўлжалланган, яхлит металлдан ясалган чана.

**2** Шундай чаналарда тоғ (баландлик)дан шиддат билан тушиш.

**БОБУРИЙЛАР** [Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидан] 1526—1858 йилларда Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган сулола ва унинг вакиллари. *Бобурийлар сулоласи. Бобурийлар империяси.*

**БОБУРШУНОСЛИК** Фаннинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини илмий тадқиқ қилувчи соҳаси. *Ўзбек бобуршунослиги. Бобуршунослик соҳаси. Жаҳон бобуршунослиги.* ■ «Бобурнома»нинг янги, мукамал наشري маданий меросимизни ўраганиш ишига, бобуршуносликка қўшилган муҳим хиссадир. Газетадан.

**БОВ** с.т. айн. **боғ 1, 2.** *Мўрча кўйлак кийдим, бовин бойламай, Ёрга ваъда бердим, сўнгин уйламай.* «Кўшиқлар».

**БОВА** шв. айн. **бобо 1.** *Бизнинг бир бовамиз бўладилар. Хеч тинчимаган.* «Ёшлик». *Шайх*

*бова, мен бекорчиликни ёмон кўраман.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Холчучукнинг отаси Юсуф бова ном чиқарган чавандоз.* «Саодат».

**БОВАР** [ф. بوار — ишонч]: **бовар қилмоқ** (ёки **этмоқ, айламоқ**) Ишонмоқ, ишонч ҳосил қилмоқ. *Илгарироқ мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам ҳам, сўнгдан тўғри сўз айтганларини билдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бовар этдинг сўзларимга, она, онажон, Жаннат руҳин туймоқдаман сўхбатингизда.* А. Орипов. *Дуоғўйинг ўзим, Бовар айла менинг сўзимга.* «Нурали».

**Ақл бовар қилмайди** Ақл ишонмайди, ақлда сифмайди. *Пўлат دادасини сира-сира эсдан чиқармасди, унинг ёрқин сиймоси кўз олдидан гавдаланарди-ю, ўлганлигига сира ақли бовар қилмасди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Бир одам мунча ишга қодир бўлишига ақлим бовар қилмайди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**БОВЛИҚ** шв. Ўрилган ғалла, пичан ва шунга ўхшашларни боғлаш учун ўсимликлар поясидан эшиб тайёрланган ип. *Бовлиқ эшар эдим бир кун пичанда, Ҳамла қилиб қолди чинқироқ илон.* А. Орипов. *Уроқчининг қўлида бовлиқ турар, Қўй ичида ирғалиб совлиқ турар.* «Оқ олма, қизил олма».

**БОВУЖУД** [ф. باوجود — таниқли, машхур] эск. кт. Шунга қарамасдан, шундай бўлса ҳам. *Фақир неча муддатлар бўлдимки, назм айтурга табиати ланж эрдим. Бовужуд бир ёзув назм пашшаларни шаънига айтиб эрдим.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар. *Бовужуд, Ҳоким тўранинг ўзлари ғайридин бўлатуриб, шу зиндиқларнинг чулчитлигини билиб айтган эканлар.* Ҳамза.

**БОВУР** шв. фольк. **1** Бағир, жигар; дил, кўнгил. *Уйнашгин, кулишгин ёшлик даврингга, Ҳақ муяссар қилади қордай боврингга.* «Гулихиромон». *Сени кўриб, болам тушди ёдимга, Бола деб жигарим-боврим куюдир.* У. Пўлкан, Бир баҳор достони.

**2** кўчма Қариндош, фарзанд. *Шундоқ ажиб юртсан, жон Қозоғистон, Қардошим, қурдошим, бовурим азал!* А. Орипов. *Ҳаммамиз кўнғиротнинг бовурларимиз.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

**БОВУРДОШЛИК** Қариндошлик, туғишганлик. *Бовурдошлик мундоқ бўлибди, Кўнгли эгриларнинг кўзлари куйсин.* Миртемир, Асарлар.

**БОВУРЧИ, бавурчи** *тар.* Ўрта асрларда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда подшоҳ (хон)-нинг баковулдан кейин турувчи хусусий ошпази. *Овқат тайёрлаш вақтида бовурчилардан бошқа ҳеч ким подшоҳ оиҳонасига киритилмаган.* «ЎзМЭ». *Бовурчи қўлида паринг юлдирар.* «Юсуф ва Аҳмад».

**БОД I** [ф. باد — ҳаво оқими, шамол] *кт.* Шамол, ел. *Чархим қургай айланади бод билан, Мени ёрим ошна бўлди ёт билан.* «Кўшиқлар». *Эй бод, еткур ёра салюмим.* Машраб.

**Боди сабо** Тонгги шамол. *Арзими айтмай боди сабоға, Шояд гапиргай ул гул қабоға.* Муқимий. *Қиз бахтини кутар боди сабодан.* У — *заифа, ожиз эмиш, ло.1 эмиш.* «Муштум».

**БОД II** [ф. باد — шиш, яллиғланиш] Бўғин ва мушакларнинг яллиғланиши (ревматизм, радикулит ва ш. к. касалликлар). *..эски дарди қўзиб, белининг боди тутиб қолди.* Ў. Ҳошимов, *Икки эшик ораси. Сал совуқ тушди дегунча, жонини эговлайдиган бод касали туфайли айвонга ҳам чиқолмай қолди.* «Ёшлик».

**БОД III** *бот.* Дарахтнинг бир хил тури. *Богнинг ичида.. япроқлари ёнғоқникига ўхшаш, меваси гилосни эслатадиган бод дарахти ўсаяпти.* З. Акрамов, *Ҳиндистон лавҳалари.*

**БОД IV** Танда (ўриш) ипларининг биририни кесиб (мингашиб) турган жойи.

**БОДА** [ф. باده — шароб, вино] Май, ичкилик, шароб. *Бодани ақлингдан гоиб этмагил.* Мақол. ■ *Алишер Навоий яшаган даврда эса май, бода ва ҳар хил мева шарбатлари истеъмол қилинган.* «Фан ва турмуш». *Иккови ҳам бир қадаҳдан бода ичгандек, атрофдаги нарсаларни кўрмас эди.* М. Осим, *Карвон йўлларида.*

**Аргувон(ий) бода** 1) қизил рангли бода. *Қўлимда порлайди аргувон бода.* «Гулдаста»; 2) кун ботиш пайтидаги самовий қизиллик. *Қуйди уфқнинг ниёласига Аргувоний бодасини шом.* «Ёшлик». **Висол бодаси, ишқ бодаси** Муҳаббат, висол завқи, лаззати. *Этибор бўлса агар — илтижосиз бўлмагай, Севадир, ишқ бодасин бир кун турса сенга.* Э. Охунова, *Мен тонгни уйғотдим. Майпараст этди Ҳабибийни висолинг бодаси.* Ҳабибий, *Девон.*

**БОДАПАРАСТ** [ф. بادپاراست — бодани яхши кўрувчи, майхўр] Ичкилик (май) ичишни яхши кўрувчи; майпараст, майхўр. *Бугун биз, ошиқлар, ошuftаю маст, Санам-*

*лар кўйида хўн боданараст.* У. Хайём, *Рубоийлар.*

**БОДАФУРУШ** [ф. بادهفروش — бода, май сотувчи] *поэт.* Май (ичкилик) билан савдо қилувчи, ичкиликлар сотувчи. *Жонимга наво етди-ю, кўнглумга хуруш Бир журъа била, муғбачаи бодафуруш.* Навоий.

**БОДАХЎР** [ф. بادهخور — майхўр] Май, шароб ичувчи. *Табиҳи рие бирла амомангдин, аё шайх, Чин бодахўринг хум била паймонаси яхши.* Ҳамза. *Бодахўр эшон.. улфатлари билан май ичишиб ўлтирган экан.* Чустий, *Кезгувчи бодахўр эшон.*

**БОДБЕЗАК** [ф. بادبېزك — шамолпаррак, елпиғич] Кулолчиликда лаганлар ичига кўк, сариқ ва қорамтир-қизил бўёқлар билан солинадиган, парраксимон (елпиғичга ўхшаш) нақш.

**БОДИ** [ф. بادی — шамолга оид; димоғдор, кеккайган] **I** Ёмон, беадаб сўзлар айтувчи. *Боя анови боди қизни боладим-а?* «Ёшлик». *Қамар раиснинг учирма гаплари жонига тегар, асабини бузар эди. Гоҳи нозиксан дейди, гоҳи бодисан дейди.* М. Ҳазратқулов, *Журъат.*

**Оғзидан боди кириб, шоди чиқмоқ** Жуда ҳам беадаб гаплар гапирмоқ; одоб доирасига сиғмайдиган сўзлар билан сўкинмоқ. *Қачон кўрсанг, тараллабедод, хурсанд, хушчақчақ, сал айниса, оғзидан боди кириб, шоди чиқиши бор.* Шухрат, *Шинелли йиллар. Арзмаган насага оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Сўкишларига одамзод чидаб туролмайди.* «Муштум».

**2** *кўчма с.т.* Мақтанчоқ, манман. *Аҳмад-вой жуда боди-да.*

**3** Шахснинг лақаби сифатида қўлланади. *Холиёр бодидек безорини қонига белаган шу хотин Мамат қассобдан ҳайиқармиди?* «Ёшлик».

**БОДИБИЛДИНГ** [ингл. bod-building — тана тузилиши] Мускулларни ривожлантириш мақсадида тренажерларда бажариладиган атлетик машқлар тизими. *Бодибилдинг билан шуғулланмоқ.*

**БОДИЁН** [ф. باديان — арпабодиён, анис] *айн.* **арпабодиён.** Қишлоқ аҳолиси укропни кўпинча шивит, *бодиён деб аташади.* Газетадан. *Ижозат берсинлар, камина куйруқ мойи, қўзи эти ва пиёзни қўшиб, мурчу бодиён била димлаб пиширай, мазаси меҳмонларнинг оғзида қолсин.* М. Осим, *Сехрли сўз.*

**БОДИЛАНМОҚ** *шв.* Мағрурланиб, беалаб бўлиб кетмоқ. *Мўминбой укангиз таъбимни кўп хира қилди, ука.. Бача шаҳарга бориб, бодиланиб кетибди. Дўқ уриб, бир хат ёзибди денг.. «Ёшлик».*

**БОДИЛИК** Ўзини юқори олиб мағрурланишлик; беадаблик. *-Бу оригиналлик эмас, бориб турган бодилик, маҳмадоналик, Гайбаров, — деди Соқол. М.М.Дўст, Галатепага қайтиш. Ўткангни бос. Кўп бодилик қиласизма. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

**БОДИЯ** I [a. باديه — сахро, чўл] *эск. кт.* Сахро, чўл, биёбон.

**БОДИЯ** II [a. باديه — катта мис коса] Таги баланд, қирғоғи тик, катта сопол идиш (лаган). *Бодия.. Хоразм кулолчилигида қадимдан кенг тарқалган. «ЎзМЭ».*

**БОДОМ** [ф. بادام — бодом] I Атиргулдилар оиласига мансуб, сермой мағзи истеъмол қилинадиган дарахт. *Олмадан бодом бўлмас, таги паст одам бўлмас. Мақол. ■ Бодом минг йиллардан бери халқ таботатида шифобахш бўлган ўсимлик сифатида машхур. М. Набиев, Бодом.*

**2** Шу дарахтнинг меваси (данаги). *Аччиқ бодом. Бодом ёғи. Одам — одам билан, писта — бодом билан. Мақол. ■ Меҳмонларга.. писта, бодом, қуруқ мевалар жуда мўл-кўл тортилди. Ойбек, Навоий. Жажжи муштчаларига бодомми, ёнғоқми қисиб олган. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Абдишукур бодом-писта чақиб, аччиқ чой ичиб, яйраб ўтирди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Бодом гулли** Гули бодом шаклига ўхшаган. *..бодом гулли лас кўйлагини липпасига қистириб, рўмоли бўйнига тушиб ётибди. А. Мухтор, Кумуш тола. Бодом (гулли) дўппи* Бодом нусха гуллари бор дўппи. *Мен беқасам тўн кийиб, бошимда бодом дўппи, Садаға бўлиб кетай ғалаба қадамига. Ф. Фулом.*

**БОДОМЗОР** Бодом дарахтлари экилган ер; бодом боғи. *Бодомзорда отим яйраб, ўтлаган дам, Ўша ўғлон куйлар эди шўх шегрлар. Газетадан.*

**БОДОМИЙ** *бот.* Меваси бодомга ўхшайдиган серҳосил, жайдари ўрик нави.

**БОДОМСИМОН** Бодом шаклига ўхшаш (кўз ҳақида). *Табиат Маҳмудадан хотин-қизларга хос латофатларини аямаган: қийғоч қошлар, бодомсимон қийиқ кўзлар, хумор кўзлар.. Х. Зиёхонова, Биринчи мактуб.*

**Бодомсимон безлар** *анат.* Ташқи кўриниши бодомга ўхшаш безлар. *Дифтерия микроблари кўпинча томоқдаги бодомсимон безларда бўлади. «Анатомия».*

**БОДОМОЙ** Хоразмда кенг тарқалган, асосида учта бодом шакли ва ой тасвири бўлган мураккаб шаклли яхлит тақинчоқ. *Қулоқларида бодомой — арабак сирға, сийнасида зеби гардон, манглайдўзи эса пайваста қошларини парвоздан сақлашга қўйилган соқчидек шай турибди. С. Сиёев, Аваз. Давлатбегим тиллақошни олиб, яна у [Биби-гул]нинг пешонасига танғиб боғлади. Ундан сунг икки чаккасига бодомойни осди. Мирмуҳсин, Чўри.*

**БОДОМЧА** I *тиб.* Организмни ҳимоя қилиш жараёнларида қатнашувчи, ҳалқумда жойлашган, бодом шаклли лимфасимон тўқималар мажмуи. *Маълум ёшдаги болаларда томоқдаги бодомча безлар яллиғланиши, қулоқ оғриши мумкин. Газетадан.*

**БОДОМЧА** II *бот.* Раънодошлар (атиргулдилар оиласи)га мансуб сершоҳ ва сертикан бута.

**БОДОМҚОВОҚ** Кўз қовоғи бодом шаклида бир оз дўппайган; шундай қовоқли одам. *..ёш бир жувон.. беллари хипча, бодомқовоқ.. ўн саккиз ёки ўн тўққиз ёшлардаги гўзал бир малак. Мирмуҳсин, Меъмор. Унинг бодомқовоқлари остидаги кичик қора кўзлари қандайдир ноз ва эҳтирос билан ёнади. Ойбек, Танланган асарлар. Умидим бор, оларман, албатта, бодомқовоғимни. «Нигор ва Замон». Ёр қўлида мис товоқ.. Уйнасин бодомқовоқ. «Оқ олма, қизил олма». Узим айланаман бодомқовоқдан, Миннатдорман ёрим берган сабоқдан. «Кўшиқлар».*

**БОДПАРРАК** [ф. باد — шамол + پَرَک — пат; учувчи] *шв.* Варрак, варварак.

**БОДПО(Й)** [ф. بادپا(ي) — шамолдан тез, югурик, йўрға] *фольк.* Елиб тез юрадиган, учқур, чопқир (от, туя ҳақида). *Шу дарёдан иргир кунинг, Эй қиблағоҳимнинг бодпойи. «Нурали». Остида ўйнайди бодпой. «Нурали». Сўзгинангдан йўловчини кулдиргин, Бодпой туя миниб, ўзинг елдирган. «Юсуф ва Аҳмад».*

**БОДРАМОҚ** I Бўртиб, қаппайиб чиқмоқ; бўртиб, қаппайиб турмоқ. *-Анови ўтирган — эрим, — Марьяна Ефимовна томирлари бодраб чиққан, ғадир-будир, озгин кўлини рамка томонга чўзди. С. Анорбоев, Дўстлар.*

2 Дувиллаб, тошиб чикмоқ. *Бир лаҳзада пешонасига бодраб тер чиқди.* С. Анорбоев, Мехр.

**Бодраб очилмоқ** Лўппи-лўппи бўлиб, шиға очилмоқ, текис очилмоқ. *Кенг майдонлардаги кўм-кўк кўсақлар ўрнини бодраб очилган оппоқ пахталар эгалламоқда.* Газетадан. *Осмон тўла юлдуз пахтаси бодраб очилган пайкалга ўхшайди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**БОДРЕЗАК** [ф. *بادريزك* — бодрезак, калина] Шилвилдошлар (учқатгуллилар)га мансуб сарғиш гулли бута ва унинг еб бўладиган аччиқ қизил меваси. *Кўёшнинг илк нурлари.. бодрезак, бойчечакнинг зумрад барглари*ни олис-олисларга элтувчи даракчи ҳамдир. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Бу бодрезакнинг тортқилашидан озурда баргнинг шитирлашими ё зарғалдоқ қанотларидан чиққан сасми, билмадим.* «Ёшлик».

**БОДРИНГ** [ф. *بادرينگ* — бодринг] Қовоқгулдошлар оиласига мансуб, бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ейишли ҳосили. *Барра бодринг. Тузланган бодринг.* ■ -Ўрмонжон акамга яқин одам экансиз, — деди хотин бодрингни карсиллатиб тишлаб, — ёмон одам бўлмасангиз керак. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Олтиариқнинг бодринг, Қуванинг ҳандалаклари Найман томонларга ҳам келди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бодринни ёғлик, гўшти овқатлар билан ейиш катта аҳамиятга эга.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**БОДРОҚ** Қиздирилган қумда ёки электр асбобда қовурилган ва оппоқ пахтадек бўлиб бодраб очилган жўхори (овқат ўрнида). *Сара бодроқ.* ■ *Олағовур бозор. Бақариқ-чақариқлар: -Кеп қолинг, сара бодроқ.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

**Бодроқ-бодроқ гулламоқ** Дувиллаб, лўппи-лўппи бўлиб очилмоқ. *Супа пастидаги ўриклар бодроқ-бодроқ гуллаган.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Бодроқ-бодроқ бўлиб гуллаган дарахт олдидан турганида, одамнинг юзига ҳеч боққанмисиз?* А. Мухтор, Асарлар.

**БОДРОҚЧИ** Бодроқ қовуриш ва сотиш билан шуғулланувчи шахс.

**БОДРОҚҚАНД** Сирти шакар билан ундан бодроққа ўхшатиб ясалган, ичига мағиз ёки нўхат солинган ширинлик.

**БОД-ҲАВО** жуфт с. Табиат, шароит, об-ҳаво. *Шарофат Капсанчилар қишлоғининг*

*бод-ҳавоси, «бирам чиройлик» тўқайлари, дарёси тўғрисида гапириб туриб, Канизакнинг кўзига қаради.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**БОЁВ** с.т. Солда, солдадил; гўл. *Кундошиннинг кўриниши боёвга ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Янгангиз боёвлик қилиб, ҳамма гапни айтиб қўйибди.* «Муштум».

**БОЁВУТ** этн. Қадимий ўзбек қабила, уругларидан бири.

**БОЁК** [р. боек — ургич; муҳра] 1 ҳарб. Отиш қуроқларининг ўқ, снаряд пистонига урилиб, уни чақнатадиган қисми.

2 тех. Буғ болгаларининг ишлов берилаётган деталга зарб билан урилиб, уни тегишли шаклга киритадиган қисми.

**БОЁН** [ф. *بايان* — бойлар] Бой; бойлар. *Боёнларимизнинг бари ҳушёр. Ақли бўлгани учун бой бўлган-да.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳовуз теварагидаги аёён боёнлар нақшинкор устунни кучоқлаб турган султондан кўзларини узолмас, улар гўё илон сеҳрига илинган бақалардай жой-жойларида сerraийиб қолишган эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

**БОЁНА** эск. Бойларга хос; бойлардек, бойларча. *Боёна тўн.*

**БОЁҚИШ** Ачиниш уйғотувчи ҳолатли, бечора, шўрлик. -*Отанг боёқиш чарчаб, бўлганича бўлди, — деди она.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Боёқиш кўп яхши одам эди; инсофли, ҳамиятли эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боламга кўз тегдими, билмайман. Болам боёқиш нотинчроқ бўлиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БОЖ** [ф. *باج* — ўлпон, бож, солиқ] 1 тар. эск. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида савдогарлар, ҳунармандлар ва б. лардан олинадиган солиқ. *Шош аҳли, тамойил фуқаро божни ўз вақтида тўлаган.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Қорахитойлар қувилганидан сўнг, шаҳар маҳкамаси биз ҳунармандларни бож билан қисиб қўйди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Золимлар оларқан элатдан божин, Ёзиб кундан-кунга нафс қулочин.* «Тоҳир ва Зухра».

2 Четдан келтирилган мол учун олинadиган, расмий равишда белгиланган ҳақ. *Бож тўламоқ.* ■ *Сарой дарвозаси ёнида божхона бўлиб, чет эл молларидан бож олинardi.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ажнабий савдогарлардан озмунча бож.. тушади, деб ўйлайсизми?* М.

Осим, Карвон йўлларида. *Аваз карвонларнинг молидан бож олганида Авазни таниб олган.* «Нурали».

**Бож тарифи** Давлат чегараси орқали ўтадиган товарлардан ундириладиган божлар ставкалари мажмуи.

**3 кўчма** Бирор нарса, воқеа, ҳолат учун кетадиган ҳақ, бадал. *Тошга тегар, синар дил, Юрак қони тўлар бож.* Миртемир, Асарлар. *Орзуларим олтин тожи, Менинг жоним шунинг божи.* «Бойчечак». *Ҳаёт шундай мўъжизаки, Қанча жабрин тортсанг оз. Ўлим эса унинг учун Арзимас бождир, холос.* А. Мухтор, Асарлар.

**БОЖА** Опа-сингилларнинг эрлари (бир-бирига нисбатан). *Божа божгага бўз бермайди, сўз беради.* Мақол. ■ *Фуломжон унинг [Ашур Мирзонинг] божаси уста Баҳромдан парталарнинг қандай ясалишини сўраб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БОЖАЧИЛИК** Ўзаро божалик муносабатлари. *Салом берган эдим, у худди ўрта-мизда божачилик бордек, менга ўқрайиб туриб: -Мирзақандмисан? — деб сўради.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

**БОЖГИР** [ф. باجگیر — бож олувчи, солиқ тўловчи] *тар.* Бож олувчи, йиғувчи; бож ундириш лавозимига эга шахс; божхона ходими, божмон. *Ўн икки қопқадан, ўн икки йўлдан Божгирга пул тўлаб кирган карвонлар.* Шайхзода, Тошкентнома. *Биз Бухоро ичига қараб бир оз юрган эдикки.. қўлида катта фонуси бор, рўдапо тўн кийган бир киши фойтунимизни тўхтатди. У амир Бухоронинг «божгири» экан.* С. Айний, Эсдаликлар.

**БОЖДОР** [ф. باجدار — бож олувчи] *айн.* **божгир.** *Биров — бождор, Биров — тождор.* Мақол.

**БОЖМОН** [ф. باجمن — божхона ходими] *тар. айн божгир.* Биотехнологияга, ёввойи ўрдакларнинг ёш жўжаларини сотиб олиш, шунингдек, божмонларга иш ҳақи тўлашга тўрт минг сўмга яқин маблағ сарфланган. Газетадан. *..буйруққа мувофиқ балиқ овлаш тақиқланганини божмонларнинг ўзлари ҳам инкор этмайдилар.* Газетадан.

**БОЖРАЙМОҚ** *фольк.* Бақраймоқ, бақрайиб қараб турмоқ. *Божрайган кўзи курсин, Ёнаштира асло бунда.* «Ҳасанхон».

**БОЖ-ХИРОЖ, божу хирож** [бож + хирож] *тар.* Турли-туман солиқ ва тўловлар.

*Учирди бошидан Хисравнинг тожин Ва лекин сўрмади божу хирожин.* Ҳабибий, Девон. *Девонхонага шаҳар бож-хирожига мутасадди бўлган бир амалдорни топиб келтирдилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**БОЖХОНА** [бож + хона] Бож олинандиган жой, идора, пост. *Сарой дарвозаси ёнида божхона бўлиб, чет эл молларидан бож олинарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Хуллас, ВТЭКни ўзининг божхонасига айлантирди.* «Муштум».

**БОЗ I** [ф. باز — яна, тагин] *эск. кт.* Яна, тагин; бунинг устига. *Оз сўзлаган боз сўзлар, Боз сўзлаган саз сўзлар.* Мақол. ■ [Гули:] *Йўқ асло! Бўлмасин қурбон Алишер, Кўйинг, эл булбули боз сайрасин оз!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Касал ўғил, хотин, боз худо берган уч набира. Ҳаммаси шу чолга қарам.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Боз устига** Бунинг устига, устига устак. *Боз устига қурувчилар дарёни тўсишга киришдилар.* Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ. *Боз устига уфқ ҳам оч бинафша тусда эди.* «Саодат». *Отаси қариди, боз устига касалманд.* С. Сиёев, Аваз.

**БОЗ II** [ф. باز — қирғий, лочин] *шв.* Лочин, қарчиғай. *Урдак ўзини ғоз санар, Чумчуқ ўзини боз санар.* Мақол. ■ *Сен-ку бор экансан, шунқорим — бозим, Фалакдан иноят менга не лозим.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

**БОЗБАНД, бозубанд** [ф. بازبند — биллагузук; тумор; биллакка боғланган нарса] Билакдан юқорига, бўйин ёки қўлтиққа осиб юриладиган заргарлик буюми, аёллар безағи. *Мис бозбандга эришолмай йиғлаган кўкрак нишон тақди.* У. Носир, Юрак. *Ўзинг дуохон эшонга ўтакетган ихлосманд бўлиб, ҳаммадан илгари туморгина эмас, катта бозбанд ҳам олиб тақиб юрганинг ҳолда, шаккоқлар қаторида зиндонда чириб ётибсан-ку!* С. Айний, Дохунда.

**БОЗБАРАК** *шв. айн. бодпарақ.* Чеҳралари ширин болакай Учиради оппоқ бозбарак. *Хаёллари — беҳад самодай, Хаёллари — оппоқ бозбарак.* «Гулистон».

**БОЗГҲЙ** [ф. بازگوی — қайта, яна айтиш] Шашмақом ва бошқа йирик мусиқа асарларининг такрорланадиган ҳамда ўзгармайдиган нақарот қисми.

**БОЗИ I** [ф. بازی — ўйин; эрмак, ҳазил] Ўйин, эрмак. *Зўр бозилар қилишали, Ким зўр экан, билишали.* «Тоҳир ва Зуҳра». *Бача-бача*



бози, Ким қора қози, Ким ўйинга чиқмаса, Бўйнига тош-тарози. «Бойчечак».

**БОЗИ** II [ф. بازو — билак, қўл] I Эшик, деразаларнинг уст, ост ва ён томонларига қўйиладиган материал, кесаки.

2 Уй деразасининг атрофидаги деворга ганч ёки алебастрдан қавартириб ишланган ва деразага чирой бахш этувчи ҳошия.

3 Бешикнинг икки ёнига устма-уст ўрна-тиладиган иккитадан тўртта ёғоч қисми.

**БОЗИГАР** [ф. بازیگر — моҳир ўйинчи, артист] айн. **бозингар**. Ҳиндистон азалдан бози-гарлар, афсунгарлар макони. «Гулистон».

**БОЗИЛЛАМОҚ** I Боз-боз, виз-виз овоз чиқармоқ, визилламоқ.

2 кўчма Жуда ҳам қизимоқ, исимоқ. *Бозиллаган танча жонига ором берди. Мирмуҳсин. Умид. Печкага олов ёқди. Хона ичи бирпасда бозиллаб, исиб кетди. М. Муҳидинов. Инсон мадҳи. Саратон чиласининг ҳар бир кун тандирдан янги узилган нондек бозиллайди. «Саодат».*

3 кўчма Қизимоқ, ловулламоқ; газабланмоқ. *..кунлар ўтган сари юраги бозиллайди, наҳотки энди улар билан қайтиб кўришмасам, деган гумондан вужуди ларзага тушди. С. Сиёев. Аваз. Авазнинг сал бурун айтган густохона сўзлари шайхнинг юмшоқ дилини бозиллатиб турарди. С. Сиёев. Аваз.*

**БОЗИНГАР** [ф. بازیگر — моҳир ўйинчи, бозигар] I эск. Уйинчи, раққос, раққоса.

2 Кўзбойлоқчи, афсунгар. *Уни билсанг, жуда бозингар, айёр. Кўп айёрлар бўюлмайди баробар. «Гулшанбоғ». Бора-бора айланиб қолдим Бозингарнинг қўғирчоғига. Э. Воҳидов. Шарқий қирғоқ.*

3 Айёр, туллак одам ҳақида.

**БОЗИРГОН, бозургон** [ф. بازىرگان — савдогар, тижоратчи] эск. кт. айн **савдогар**. *Савдогарлар юрар мойли, норли. Бозиргон савдоси кумушли, зарли. «Хушкелди». Тушибон кўп бозиргоннинг қўлига, На ишлар айладинг тоғнинг чўлига. «Эрали ва Шерали».*

**БОЗОР** [ф. بازار — бозор; савдо растаси] I Аҳоли савдо-сотиқ қиладиган махсус жой, майдон. *Отанг — бозор, онанг — бозор. Мақол. Ақл бозорда сотилмас. Мақол. ■ Юрт бой бўлса, унинг бозори ҳам тўкин бўлади. У. Норматов. Талант тарбияси. Бир айланиб келай, деб Қува бозорига чиқдим. С. Аҳмад, Уфқ.*

**Бозор қилмоқ** 1) бозордан у-бу нарсалар олмоқ, харид қилмоқ, харж қилмоқ. *Сиддиқа бозор қилгани кетди. С. Зуннунова, Қўзлар. Нусратбек икки кун эрталаб ўзи билан тўрва олиб кетиб, ишдан кейин бозор қилиб келди. С. Нуров. Майсаларни аёз урмайди; 2) шовқин-сурон қилмоқ, тўполон кўтармоқ.*

2 Шундай жойда савдо-сотиқ қилинадиган кун. *Ойда-йилда бир бозор, унияям ёмғир бузар. Мақол. ■ Бугун бозор бўлгани учун Ёдгор кеч уйғонди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Қўяверинг, бугун бозор-ку, бирпас дам олсинлар. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**Бозор(и) касод** Талаб бўлмаган, ўтмай қолган нарса, мол ҳақида. *-Аммо, — давом этди Гуландом, — бозор касодлигиданми ё иши яхши унмаганлигиданми, дадам тўқувчиликдан ёлчимоди. Ойбек, Танланган асарлар. Бозор кун* айн. **бозор** 2. *Бозор кун*, одам қалин. Ойбек, Танланган асарлар. **Бозор кўтармайди** 1) бу нархга бозорда ҳеч ким олмайди; 2) кўчма с.т. бошқаларга ёқмайди, ҳеч ким тингламайди. *..ишхоналарда, айниқса кўпчилик билан муомала қилинадиган жойларда ..дагаллик ва майнавозчиликларни бозор кўтармайди. Т. Алимов. Илжайинг, асақангиз кетмайди. Бозор нон(и)* Сотиш учун тайёрланадиган махсус нон нави. *Ҳаял ўтмай, бир чойнакда кўк чой, сири кўчган патнисда тўртта бозор нони кўтариб келди Қудрат. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Бозор қайтди* Бозор вақти тамом бўлиб, бозорчилар қайтадиган вақт. **Бозорга солмоқ** 1) молни сотиш учун бозорга олиб кирмоқ, харидга қўймоқ. *Гаждумбек бозорга борса, Ҳамза бир қўлни бозорга солиб турибди. «Гўрўғли». Эрта барча халойиқлар келади, Қули, чўрисини бозор солади. «Нурали»; 2) кўчма диққатни жалб қилиш учун бирор нарсани кўз-кўз қилмоқ, айлантириб, кўрсатиб юрмоқ. Бозор қизигандан кейин, отни миниб, у ёқ-бу ёққа чопиб, қамчилаб, сакратиб ўйнатиб, бозорга сола берди. «Ҳасанхон». Ўз ишини битириш учун тўйгуларини бозорга солишдан тоймайди. С. Кароматов, Олтин қум. Бозори чаққон 1) харидори кўп бўлган, тез ўтадиган мол, нарса ҳақида. *-Марғилонда газмол билан пойабзалнинг бозори чаққон, — деди Ҳомид. А. Қодирий, Ўтган кунлар. «Туркистонда ўрик бозори чаққон экан, сотиб келай», деб баҳона қилдим. С.**

Сиёев, Ёруғлик; 2) *кўчма* эҳтиёж катта, талабгорлари кўп бўлган. *Имомликнинг бозори чаққон бўлиб кетганидан бизга ўхшаш ўртача аҳли илмларга шафқат кўзи билан боқувчи бўлмай.. қолган эди.* Файратий, Довдираш. Табибнинг бозори чаққон ҳовлисида камданкам бўлар экан. Мирмуҳсин, Меъмор. **Бозори ўтмади** 1) бозорда ўтмай, сотилмай қолди; 2) *кўчма* ўзига ёки гапига тарафдор чиқмади; номери, ҳийла-найранги ўтмади. **Бозор(ини) олмоқ ёки бозор қилмоқ** Бозорга бориб, савдо-сотик ишларини битириб келмоқ. *Бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг торт!* Мақол. ■ *Кеч билан бозорни олиб, сомон сотиб қайтган туячининг туясига иккита-иккита мингашиб, чопон бозорга қараб йўл солдик.* Ф. Гулом, Шум бола. **Борига бозор айн. борига барака қ. барака.** **Ўзини бозорга солмоқ салб.** Ўзини элга кўз-кўз қилмоқ. *Агар севгининг нималигини билсангиз, юзингиздаги пардани йиртиб ташлаб, ўзингизни бозорга солиб ўтирмас эдингиз, Жўра-хон!* М. Исмоилий, Фаргона т.о. *Лоф уриб, ўзини бозор соларми? Лоф билан қўлидан бир гап келарми?* «Алпомиш».

3 *кўчма* Ғала-говур, чуғур-чуғур, шовқин-сурон, шўхлик ҳолати. *Болали уй — бозор, боласиз уй — мазор.* Мақол. ■ *Бугун дала шийпониди бозор бўлди. Ҳамма сиздан дарғазаб, раисликдан туширмоқчилар.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мунира туғруқхонадан чиққан кунни уй бозор бўлиб кетди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тонг ёришиб, гужумларда қушлар бозори бошланган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 *икт.* Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги товар айирбошлаш муносабатлари. *Жаҳон бозори. Ташқи бозор. Ички бозор. Бозор ислоҳотлари. Бозор хўжалиги.* ■ *Бозор иштирокчилари товар ва хизматларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан муносабатларга киришадилар.* «ЎЗМЭ». *Дунё бозориди териларимизнинг нархи тушмаси дейман.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**Бозор иқтисодиёти** Товар-пул муносабатларига асосланган, турли мулкчиликка ҳамда иқтисодий эркинликка таянган ва рақобат асосида тартибга солиб туриладиган демократик иқтисодиёт. **Бозор мувозанати** Бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркиб жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши.

5 *кўчма* Тақдир, қисмат. *Изинда жўраси кўрмакка зордир. Машиқлик деганинг қизиқ бозордир.* «Қўшиқлар». *Қурилганда ишқ савдонинг бозори, Уйнаб-кулиб шу кун турса дилдори.* «Эрали ва Шерали».

6 *кўчма* Бирор ҳаракат ёки фаолиятнинг ҳаддан ошиши, авжига чиқиши, қизиши. *Ўлим бозори (уруш). Гап бозори.* ■ *Феруза билан Норқўзининг тўйи овоза бўлгандан бери «Меҳнат — роҳат» қизларининг гап бозори қизиди.* Х. Гулом, Сенга интиламан. *Хуросон мамлакатиди ўлимнинг бозори қизиб, хароб бўлган бинолар устида бойқушлар сайрашига киришди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Ажалнинг бозори шундай қизиди, Қизил қонга тулпор отлар тўзиди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли. *Базми жамшидларда, кўнглим тилмаган давраларда, сафсата бозорларида кўнларим тамаки тутуниди кўкка учди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

7 Бозор, Бозорхон (эркаклар ва аёллар исми).

**БОЗОРБОН** [ф. بازاربان — бозор кўриқ-чиси] 1 Бозор қорвули.

2 Бозорнинг бошлиғи, раҳбари. *Ҳар юртнинг матоин қув бозорбонлар Жойлаб қўяр экан, ўтказиб қўлдан.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

**БОЗОРБОП** Бозор суюдиган, харидор ёқтирадиган; бозоргир, тезкетар. *Бозорбоп мол.* ■ *Улар бебозор кўнлари шаҳардаги магазинларни кезиб, бозорбоп молларни тўплайдилар.* Газетадан. *Катта участканинг тевараги ва саҳни бозорбоп экинлар билан банд эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**БОЗОРБОШИ** 1 Бозорнинг асосий, бош қисми, майдон. *Бозорбоши тим бўлди, кесак отган ким бўлди.* «Оқ олма, қизил олма».

2 *айн. бозорком.* *Оёғида ғирч этик Юриши бозорбоши.* «Оқ олма, қизил олма».

**БОЗОРГИР** [ф. بازارگیر — бозорда олиндиган, харидори бор] *айн. бозорбоп.* *Бозоргир молими бўлмагандан кейин нима билан савдо қилмази?* Газетадан. *Пахта тер деса, кучи етмасмиш-у, савдогарчилик қилишга, арзонга сотиб олган бозоргир маҳсулотини кўтаришга бели оғримасмиш..* «Муштум».

**БОЗОРГОН** [ф. بازارگان — сотувчи, савдогар] *айн. бозиргон.* *Бизни сотандилар шум бозоргонлар, Оқ пошио, кўк пошио, бек, зодагонлар.* Миртемир, Асарлар.

**БОЗОРИ** [ф. بازارى – бозорга оид] **1** Бозорда сотиш учун мўлжаллаб тайёрланган; бозорбор ёки бозордан келтирилган. *Бозори атлас. ■ Кигиз устидаги тугуна кўзи тушди, очса, сирли тоғорада ош, икки шиша арақ, нон, бозори қулчалар. «Ёшлик». Водил – қадимдан бозори қишлоқ. К. Яшин, Ҳамза.*

**2** Бозорда ўтирувчилар, сотувчилар. *«Нохудшўрак» байтини ўқуғонсиз.. у кимларни қулдирмаган.. ўйқу босқон бозорилар ўқуса ҳам қулади. А. Қаҳҳор, Ким нимадан завқ олади?*

**БОЗОРКОМ, бозорқўм** Бозор қўмитаси ва унинг раҳбари, бошлиғи; бозор бошқарувчиси. *Шу иши эвазига бозоркомдан маош олади. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса. - Бўпти, эртага эсга солинг, бозоркомга телефон қиламан, – деди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. Бу йигитни магазин мудиридан тортиб.. бозоркомгача ҳамма танийди. Газетадан.*

**БОЗОРЛАМОҚ** Бозор қилмоқ, бозорга бориб келмоқ, бозорни айланмоқ. *Ҳамсоғимиз Қулмат полвон бозорлаб келди. Девордан бўйлаб, нарх-навони сўрадим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. Майизни орқалаб, бозорладим. Ярим букилиб, «пўшт, пўшт» деб бордик. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

**БОЗОРЛАШМОҚ** с.т. Бозорга бориб айланиб, томоша ёки савдо-сотик қилиб келмоқ. *-Йўл бўлсин? -Бир бозорлашиб келайлик!*

### **БОЗОРЛИК 1** айн. бозори **1.**

**2** Бозордан савдо-сотик қилиб, қайтишда олиб келинган совға. *Эликбоши хуржунини кўрсатиб: -Мана буларни Мирзо бериб юбордилар, жанобларидан бозорлик экан [деди Ойша холага]. Ш. Тошматов, Эрк куши. ..ўша ердаги [кўкнорихонадаги] ғариб-ғураболарга мендан бозорлик бўлсин учун уч нақрига ярим қадоқ пашмак ҳалво олиб, такяга қараб кета бошладим, – деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.*

**БОЗОРЧИ 1** Савдо-сотик эҳтиёжи билан бозорга келган киши, бозорда кўп юрувчи. *Шаҳарда очлар ва хайр сўровчилар кўпайган эди. Улар хайр сўраб чўзган қўллари билан дўкандорларни ҳам, бозорчиларни ҳам, самовардаги чойхўрларни ҳам безор қилардилар. П. Турсун, Ўқитувчи. Кундузи бозорчиларнинг ғала-говуридан чарчаган Бухоро сукунат*

*қўйнида ором олмоқда. М. Осим, Карвон йўлларида.*

**2** Бозорда савдо-сотик билан шуғулланувчи, бозор-ўчарни яхши билладиган одам. *Мен билан яшайдиган кампир бозорчи хотин эди. Ойбек. Танланган асарлар. Бозор куни бу шаҳарга кирайин, Мен ҳам бозорчининг бири бўлайин. «Интизор».*

**БОЗОРЧИЛИК 1** Бозорга хос муомалалар, қоидалар, расм-русм ва ш. к.

**2** Бозорчи касби. *-Бозорчилигимиздан номус қиламан, – Дадавой ака унга [Лобарга] эғлиб, аста гапирди. Ҳ. Фулом. Тошкентликлар.*

**БОЗОРШАБ** [ф. بازارشب – кечки бозор] Тунги бозор, тунда ишлайдиган бозор. *Ҳар йили рамазон ойида бозоршаб, яъни тунги бозор бўлар эди. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. Масҳарабоз ва қизиқчилар, асосан, турли мазмундаги оилавий тўйларда.. зиёфат, базмларда, бозоршаб ва гап-гашт-такларда ўйин кўрсатардилар. М. Қодиров. Халқ актёрлари.*

**БОЗОР-ЎЧАР** Бозор, савдо-сотик ва улар билан боғлиқ бўлган икир-чикирлар. *У [Бек ака] савдо-сотик, бозор-ўчарга аёлни аралаштирмас, ирим қиларди. С. Нуоров, Нарвон. У киши ишлай қолсин, деб бозор-ўчарга югуртирмадим. С. Нуоров, Нарвон. Ахир, сиз ҳам бундай туриб, кўчага чиқсангиз, одамлардай бозор-ўчар қилсангиз-чи! «Ёшлик».*

**БОЗУБАНД** айн. бозбанд. *-Ўнг елкамда тамғам бор, ўнг билагимда бозубандим бор. – дебди. «Зумрад ва Қиммат».*

**БОЗУРҒОНИЙ** [ф. بازارگانى – бозорчи, савдогар] Мумтоз ашулалардан бири (тахминларга кўра «Бозиргон» достони қаҳрамони номи асосида пайдо бўлган).

**БОИС** [а. باعث – сабаб] **1** Сабаб, асос. *Бунинг боиси нима? ■ Рисолат хола бўйинини қисиб, ўзининг ҳам бу сирнинг боисидан бе-хабарлигини билдирди. Ш. Тошматов, Эрк куши. Зубайда бунинг боисини суриштиришдан ўзини сақлаб, унга ҳайрон бўлиб қараб қолди. К. Яшин, Ҳамза.*

**2** Боис (эркаклар исми).

**БОЙ 1** Мол-дунёси, давлати, бойлиги кўп; бадавлат, давлатманд. *Бой одам. Фақир ниёда юрар, Бой – туяда. Мақол. Чоракор чораклаб олар, бой акам – ботмонлаб. Мақол. ■ Хўжайиннинг дадаси катта бой эди, мол-мулкни беҳад йиққан эди. Ойбек. Танланган*

асарлар. *Ёшлигимда бойлар эшигида қаролик қилганман.* Газетадан.

**2** Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам, ҳеч нарсадан камчилиги, муҳтожлиги йўқ; тўқис, бадавлат. *Юрт бой бўлса, унинг бозори ҳам тўқин бўлади.* У. Норматов, Талант тарбияси. *Биз бой эканмиз, деб қазилмаларнинг кулини кўкка совурдик.* «Фан ва турмуш».

**3** (кўпинча ж.к.даги сўз билан). Таркибида, бағрида керакли ва фойдали нарсалар кўп, мўл. *Темирча бой руда. Ери бойнинг эли бой.* Мақол. ■ *Ўзбекистон замини ҳам маъданларга бой.* «Фан ва турмуш». Булар ҳам доривор моддаларга бой, ҳам озуқабоп ўсимликлардир. «Фан ва турмуш». *Жийда гулининг атирга бой ҳиди уфуриб турибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

**4** Бирор нарсаси, жиҳати, хусусияти етарли даражада, тўла-тўқис, бекаму кўст. *Бой тил. Бой тажриба. Бой кутубхона.* ■ *Отаси ўзининг бой кутубхонаси билан бежиз фахрланмасди.* К. Яшин, Ҳамза. *Искандаро ҳавас ва таажжуб билан биноларга, бой жиҳозларга, айниқса нозик санъат буюмларига, эшик ва деразаларга назар ташлаб кўярди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ўтган ҳар бир кун серзавқ, сермазмун, турли воқеаларга бой бўлди.* Газетадан. *Унинг хотираси ҳайратда қоларли даражада бой ва тиниқ эди.* Газетадан.

**5** (одатда эгалик қўшимчалари билан) с.т. шв. Эр; турмуш ўртоғи. *Бойим уйда йўқ эдилар. Оч киши мой танламас, қари қиз бой танламас.* Мақол. ■ *Айланайин бойимдан, Кишлоқи шу тойимдан.* «Бойчечак». *Ман билдим: аммамнинг бойи ўлибди, Билсанг, аммам есир бўлиб қолибди.* «Интизор».

**6** Бойларга мурожаатда ёки улар ҳақида сўз борганда, уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилади. *Бой ота! Бугани бир айтдингиз, яна қайтиб гапирманг!* Ҳамза. Бой ила хизматчи. *Хушхабарлар мана энди жанобиниздан бўлади-да, бой ночча.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Ниҳоят, ичкари ҳовли эшиги тарақ этиб очилиб, Миродилбой кўрунди.* У. Исмоилов, Сайланма.

**7** Киши исмининг таркибий қисми бўлиб келади: *Болтабой, Тешабой, Жўрабой.*

**Бой касал** Ўзи оғир бўлмаса-да, парвариш талаб қиладиган ёки шундай парвариш учун баҳона бўлган касаллик; шундай касалликка учраган одам. *Дард деган*

*нарса анойи беморни топса, танасидан чиқмай ўтириб олади. Шунинг учун ҳам оғригининг тайини йўқ беморларни «бой касал» дейишади.* «Муштум».

**БОЙ II: бой бермоқ I** ютқизмоқ, маҳрум бўлмоқ (уйинда, ишда, курашда, турмушда). *Бой берилган ишга пушаймон бўлишдан фойда йўқ.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Менинг бой берадаган нарсам йўқ, акаси, бой бериб бўлганман.* А. Мухтор, Асарлар; **2)** бекор ўтказмоқ, зое кетказмоқ, қўлдан бериб қўймоқ. *Қулай фурсатни бой бермоқ.* ■ *Шу ганимат пайтни бой берсак, пахта ҳақида ўйлашнинг ҳожати ҳам қолмайди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қандай тўғри келса, шундай яшашлик — умрни бой беришликдир.* Газетадан. **Сир(ни) бой бермоқ** Махфий нарсани ёки заиф томонларини билдириб қўймоқ. *Сир бой бердинг — бош бой берма.* Мақол. ■ *Бўтабой энди кўрқиб кетди, лекин.. сир бой бермади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Усал оғринди, лекин сир бой бермади.* М.М.Дўст, Лолазор.

**БОЙБАЧЧА** айн. **бойвачча.** ..*Ҳотам Тойга ўхшайди бойбаччаси.* «Гулнорпари».

**БОЙБИЧЧА, бойбича** айн. **бойвучча.** *Бойбиччалар тўйда бўлар, Хизматинда чўри бўлса.* «Оқ олма, қизил олма». *Болали, чақали бўлгин, Мисқолжон, Чамбил элга бориб бўлгин бойбича.* «Гулнорпари».

**БОЙ-БОЁНЛАР** Давлатмандлар, бойлар, ҳоким кишилар. *Халққа ҳақиқатни ким тушунтиради? Ҳамма амалдорлар, бой-боёнлар бу ҳақиқатни халқдан яширадилар.* Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.

**БОЙБУВА** Бой, бадавлат кекса; бой бобо. *Олдин бир ўзи бўлса, тўйдан кейин бойбуванинг хизматини икки кишилашиб қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Тоғда қулон изи бор, Қумда қуён изи бор, Бойбуванинг уйида Нортуюдек қизи бор.* «Оқ олма, қизил олма».

**БОЙ-БҮЙ** унд. с. Ҳайронлик, ҳайратланиш ҳиссини ифодалайди. *Бой-бўй, одам деган ҳам шу қадар мукаммали бўладими? А. Муқимов, Донишманд.*

**БОЙВАЧЧА** [бой + ф. بچه — бола, фарзанд] **I** Бойнинг боласи, фарзанди. *Таниди: Мирзакомилбойнинг ўғли Миробид бойвачча.* Т. Ашуров, Оқ от. *Оғзи қийишқ бўлса ҳам, бой гапирсин-у, бойвачча гапирсин.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бой ўғли — бойвачча, Оёғида — нўғайча.* «Бойчечак».

**2** Бойларнинг болаларига мурожаатла ёки улар ҳақида гап борганда, уларнинг номи ўрнида ёки номига қўшиб ишлатилади. *Янги касб қўллуқ бўлсин, бойвачча!* А. Қаҳҳор. Қўш-чинор чироқлари. *Сизни танимади чоғи, бойваччам, акс ҳолда, саломлашар эди, у жуда дилкаш йигит.* К. Яшин, Ҳамза. *Содиқжон бойваччанинг чангалига тушган қизнинг кимлигини билгиси келди.* К. Яшин. Ҳамза. *Қосимжон бойваччанинг итлари, мени танийди.* Маҳ, Тўрткўз, маҳ! А. Қаҳҳор. Асарлар.

**3 кест.** Ўзини бой боласидек тутувчи. *Ёнида бир пул йўқ, Қиз сайлайди бойвачча.* Мақол.

**БОЙВАЧЧАЛИК** Бойвачча мавқеи; бойваччаларга хос ҳаракат, қилиқ. [Тўла-хон ўз-ўзига:] *Мен кичкина гўдакми, алданиб? ..Бойваччалигидан менга нима фойда?* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Давлат маблағи ҳисобида бойваччалик қилишга чек қўйиш лозим.* Газетадан.

**БОЙВУЧЧА 1** Бойнинг хотини ёки қизи; бой хотин. [Оқилжон:] *Пулнингизни ишлатаман, ер-сув қиламан, сиз бойвучча хотин бўлиб давру даврон сурабиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бойвуччанинг қизил лаби қаймоқлансин деб, Илк саҳардан оқиомгача пода боқасан.* Ғ. Ғулом.

**2 с.т. эск.** Уй бекаеи; хотин. *Бойвуччам бир ёққа кетган эдилар* (эр киши ўз хотини ҳақида).

**БОЙДОҚ** тар. айн. **байдоқ 2.** *Шаҳарда мўғул бойдоқлари галаёнчиларга зарба беришга журъат эта олмадилар.* «Ёшлик». *Бойдоқ-бойдоқ бундан лашкар борибди.* «Ал-помиш».

**БОЙЁНҒОҚ** Ёнғоқнинг бир хил нави. *Ариқнинг нари юзида бойёнғоқ тагида иккита бўйра, бир шолча ёзиқлик турибди.* И. Раҳим. Ҳаёт булоқлари.

**БОЙЗОДА** Бойнинг боласи, фарзанди; бойлар насли, авлодига мансуб. *Ота-бола мардикорлик қилишди, она эса бой уйида чўри; кир ювади, ҳовли супуради, бойзодаларни кўтаради.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Давлатингдан шол-шоллар киярсан, Ўзингдай бойзода бўлса тиярсан.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

**БОЙИМОҚ 1** Мол-дунёси, бойлиги кўпаймоқ; бойлик орттирмақ, давлатманд бўлмоқ. *Суқ тўймас, ўғри бойимас.* Мақол. *Ёлгончи ёлчмас, ўғри бойимас.* Мақол. ■ *Мирза бойиғандан бойиб кетди.* «Ёшлик».

**2** Таркибида бирор фойдали нарса миқдори кўпайиб, сифат жиҳатидан яхшиланмоқ. *Руда маълум ишловдан кейин анча бойийди.*

**3** Тўлмоқ, эга бўлмоқ, мукаммаллашмоқ. *Кутубхонамиз янги китоблар билан бойиди.* ■ *Кўнлар сеvimли ҳунар йўлидаги интилиш ва машғулотлар билан ўтиб, қиз ҳаёти янги воқеа, янги мазмун билан бойиб борди.* С. Абдуқаҳҳор, Галия Измайлова. *Ҳар гал бу тафсилот янгидан-янги сўзлар ва ташбиҳлар билан бойиб боради.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БОЙИТМОҚ Бойитмоқ** фл. орт н. *Рудани бойитмоқ.* *Кутубхонани бойитмоқ.* ■ *Анвар.. ҳар кимнинг уйида бўлган янги гуллардан кўчат ва уруғ олиб, илдан-илга гулзорни бойитди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Меҳнат ҳаёт чироғига ёғ қуюди, тафаккур уни бойитади.* Газетадан.

**БОЙИТИЛМОҚ Бойитмоқ** фл. мажҳ. н. *Бойитилган руда.* *Витаминлар билан бойитилган озуқа.* ■ *Республикамизда кўплаб боғча ва ясиллар барпо этилди, уларнинг жиҳозлари бойитилди.* «Фан ва турмуш».

**БОЙКЕН** бот. Совуққа чидамли, меваси оч-сариқ, эти оқ, серҳосил олма нави.

**БОЙКОТ** [ингл. boycott – англиялик катта ер эгаси Ч.К.Бойкот (Boycott) номидан] Алоҳида шахс, ташкилот ёки давлатни назар-эътибордан четда қолдириш, яқкалаб қўйиш мақсадида у билан муносабатларни тўлиқ ёки қисман тўхтатишдан иборат сиёсий ва иқтисодий кураш шакли. *Бойкот эълон қилмоқ.*

**БОЙЛАМ 1** айн. **боғлам.** *Қиз чиқар боғдан: қўлида бир бойлам ранго-ранг чечак.* Р. Бобожон, Танланма. *Чўгдай ёниб турган атлас бойламини кўриб, Пошша холанинг қувончи ичига сигмай кетди.* Д. Нурий, Осмон устун.

**БОЙЛАМ 2** тиб. Организмдаги аъзоларни бир-бирига улаб ёки уларни ушлаб турувчи пишик, букилувчан, чўзилувчан ҳамда тарангланувчан тўқимадан иборат тузилма.

**БОЙЛАМОҚ** с.т. Боғламоқ. *Ҳамма беклар салом бериб кўришиб, Отларимиз иззат минан бойлади.* «Юсуф ва Аҳмад». *Уйда бўлсанг, чиқиб отим бойлагил.* «Ойсулув».

**БОЙЛАНМОҚ** айн. **боғланмоқ.** *Кела қолса менинг ёрим айланиб, Душманларнинг тили қолар бойланиб.* «Қўшиқлар». *Икки*

томоннинг келишувидан сўнг фотиҳа қилиниб, қизнинг боши бойланди. «Муштум».

**БОЙЛАШМОҚ** **Бойламоқ** фл. бирг. н. айн. **боғлашмоқ.** *Бас бойлашиб, эрта азонда далага чиқсангиз, ҳаммадан аввал Жапаройни кўрасиз. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. Биз, фарғоналиклар.. хоразмликлар билан шарт бойлашган эдик, — деди отахон Гулчеҳрага. С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.*

**БОЙЛИК 1** Бой бўлишлик, бой мавқеи; мол-мулкнинг йигиндиси, мажмуи; мўллик. *Ота бойлиги ерга сингар, Меҳнат бойлиги — элга. Мақол. ■ Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам.. нима учундир, бойлиги билан бўлмай, «Ҳомид хотинбоз» деб шуҳратланган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳовли саҳнига, айвонларга «сеп» ёйилди. Сепнинг бойлиги, тури, ранг-баранглиги ҳаммани хангманг этди. Ойбек, Танланган асарлар. Йирикроқ тошлар ҳукмронлик ва бойлик ифодаси саналган. С. Кароматов, Олтин қум.*

**2** Дунё, давлат, мол-мулк. *Муҳаббат бойликка боқмас. Мақол. Рўзгор ўлчов билан, Бойлик тежов билан. Мақол. ■ Ўн олти минг кўй, икки ярим минг йилқи ҳазилакам бойлик эмас. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бойлик бор жойда самимийлик ўрнини сохталик эгаллайди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат.*

**3** Табиий, моддий ресурслар мажмуи. *Ер ости бойликлари. Моддий бойликлар. Табиий бойликлар. Қазилма бойлик. ■ Эндиликда Ўзбекистон улкан табиий бойликлар, кўндан-кўп ноёб санат маҳсулотлари ватанидир. «Саодат». Ўлкамиз табиий бойликларини ўрганиш.. ишига нуфузли олимларимиз салмоқли улуш қўймоқдалар. Газетадан. Эндиликда инсониятга зарур моддий бойликларнинг учдан икки улуши аёл кўли, аёл ақлзаковати билан яратилади. Газетадан.*

**4** Ақлий, руҳий, маънавий фаолият ҳосиласи, мажмуи. *Миллий бойлик. Маданий бойлик. Маънавий бойлик. Ақлдан ортиқ бойлик йўқ. Мақол. ■ Тарихий ва маданий ёдгорликлар — бизнинг миллий бойлигимиз, чексиз фахримиздир. Газетадан. Халқ ўз тилини энг улкан миллий бойлик сифатида асраши керак. Газетадан.*

**БОЙЛОВ** шв. фольк. Молни боғлаб боқиш, семиртириш усули. *От бойловда семирар, Кўй ҳайдовда семирар. Мақол. ■ «Оқ олтин»имиз бир миллион тонна бўлганда, Тарлонни бойловга ташладим. Т. Мурод, От*

кишнаган оқшом. *Хабарини топган бандага Бойловда моли суюнчи. «Оқ олма, қизил олма».*

**БОЙПАРАСТ** Бойларга хушомад, мулозамат қилувчи, бойларнинг содиқ мухлиси. *Бошқа бир хавф унинг [Гулнорнинг] кўз олдига яна даҳшатлироқ гавдаланар эди: онасининг таъбирича, бойпараст ота бир кун тўсатдан: —Бой отам фалон одамни маъкул кўрдилар, эрта тўй, фалон кун никоҳ, тайёрлигингни кўравер, хотин! — деса, у нима қила олади? Ойбек, Танланган асарлар.*

**БОЙТЕВАТ** с.т. **1** Катта, баҳайбат, кўп-пак ит. *Калласи худди гов саватдай, Тиши сўйлоқ, хўп қопгир бойтеватдай. «Гулнорпари».*

**2** кўчма Бойнинг содиқ хизматкори, бойга қуллуқ қилувчи. *Бой ошини бойтеват кўрибди, дегандай, бойтевати кўп. Бойнинг ўзидан бойтевати ёмон. «Қанотли сўзлар».*

**3** кўчма Сочлари паҳмоқ, уст-боши жулдур одам. *Ўзинга сал қарасанг-чи, бойтеват бўлиб кетибсан.*

**Бойникини бойтеват қизганиди** Бойнинг мол-дунёсидан ўзига ҳеч қандай наф бўлмаса-да, уни бошқалардан қизганидиган одам ҳақида айтиладиган ибора. *..Бойникини бойтеват қизгонур, деб эшитар эдик. «Муштум».*

**БОЙТУЗОҚ** Қуш тутиш учун қилдан ясалган махсус тузоқ. *-Қушчага бойтузоқ кўйдинг, энди болу парини юласан, муттаҳам! — деди-да, унинг кўзларига ғазаб билан узоқ тикилди. К. Яшин, Ҳамза.*

**БОЙХАЛҶА** бот. Зиркдошлар (зиркулдилар оиласи)га мансуб, япроғи панжасимон қирқилган, тугунак илдизли кўп йиллик ўт.

**БОЙЧА** Йирик бойлардан бойлик жиҳатдан паст турувчи бой; чакана бой, кичик бой. *Эшик олдида, кўчанинг икки юзига қатор қўйилган скамейкаларда Мирзакаримбой, маҳалланинг имоми, бойлари, бойчалари уларни кутиб оладилар. Ойбек, Танланган асарлар.*

**БОЙЧЕЧАК 1** Пиёзгулдошлар (пиёзгулдилар оиласи)га мансуб, илк баҳорда очиладиган кўп йиллик ўсимлик. *Баҳор келгач, ҳар йили далаларга чиқардик. Этак-этак чучмома, бойчечаклар йиғардик. Ҳ. Салоҳ. Бойчечак — баҳорнинг биринчи элчиси. Газетадан. Қаттиқ ердан таталаб чиққан бойчечак, Юмиоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак. «Кўшиқлар».*

**2 этн.** Эрта кўклам, бойчечак чиққан пайтда, эшикма-эшик юриб айтиладиган махсус халқона кўшиқ. *Бойчечак айтмоқ.*

**БОЙЎҒЛИ** *зоол.* **1** Япалоққушлар туркумига мансуб, тунда ов қиладиган бир турли йиртқич қуш. *Оқшом тушганда, Тозабогнинг олис бурчагида бойўғли сайрайди.* С. Сиёев, Аваз. *Муяссар қабристондаги бойўғлининг ваҳимали «хув-хув» лашидан уйғониб кетди-да, қайта ухлай олмади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Авалло, бу бойўғли эмас, ҳаққуш, кўрқма.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** кўчма Бехосият, машъум одам ҳақида. *Ўртоғинг бойўғли бўлса, турмушинг — вайрона.* Мақол. ■ *Бундан буён боғимга қадам қўйманг, сиз бойўғлидан ҳам баттар нарсасиз! Қўнган ерингизни қуритасиз.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Бутун борлиқ оғир уйқуга чўмгандай. Фақат Бегмат бойўғлигина ухлаёлмасди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

**БОЙҚИЗИ** *зоол.* Гавдаси қизғиш, қора юмалоқ доғлари бор ҳашарот. *Ариқ бўйидаги майсалар орасида очилган жимитдек зангори гуллар устида бойқизи сарғиш қанотини пирпиратиб учеди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**БОЙҚУШ 1** *айн. бойўғли.* *Бойқушнинг кетидан эраисанг, вайронага борасан.* «Қанотли сўзлар». *Одам шарпасини сезган бойқуш учиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**2** кўчма Салбий ёқимсиз воқеа-ҳодисалар даракчиси. сабабчиси. *Бир у [Темиртош] шу бахтага эришган пайтда, юрт устида фалокат бойқуши қанот қоқа бошлади.* М. Осим, Ўтрор. *...жаҳолат, хурофот, бидъат бойқушлари.* К. Яшин, Ҳамза.

**БОЙҚУШХОНА** *Бойқушлар яшайдиган жой, вайрона. Сунбуланнинг охирларигача кўп ҳовлилар, бутун-бутун маҳалалар хувиллаб, бойқушхонага айланади.* М. Муҳаммадзонов, Турмуш уринишлари.

**БОЙҒОЗА** *шв.* Янги буюм харид қилган кишидан олиндиган сўюнчи.

**БОК** {ф. *باك* — хавф, кўрқинч}: **ҳеч бокиси йўқ** Ҳеч зарари йўқ; кўрқинчли эмас, ҳеч нарса қилмайди. *-Мен ҳовлига кирганим учун узр сўрадим, — деди Камолiddин. Чо! олижаноблик билан: -Ҳеч бокиси йўқ, болам. Қани, ичкарига киринг, — деб таклиф қилди.* Т. Жалолов, Олтин қафас. *..она тилимизда одам «ўзида» эмас, аниқ бир жойда, масалан,*

*кабинетда бўлади. — Узр, Саидмурод ака. — Ҳеч бокиси йўқ. «Ёшлик».*

**БОКАЛ** [юн. *bankalis* — идиш] Суюқ ичимликлар ичишга мўлжалланган чўзинчоқ шиша ёки биллур идиш, қадаҳ. *Чарос бокал ушлаганча энтикиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мезбон шкафдан бир шиша вино олди. Бокални тўлдириб, олдимга қўйди ва шишани яна бекитди.* Ҳ. Аҳмар, Яккама-якка. *Бокалга қўйилган боржомдан битта хўлаб, қоғоз салфеткага оғзини артди-да, шоммасдан жавоб берди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БОКИР** [а. *باكر* — эрта, барвақт; соф, покиза] Покиза, мусаффо; кўркам. *Бокир, соф, яхши табиат юракларга куч бағишлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *..қиз нози ва ғамзасининг нашву намоларини татимаган бокир йиғит учун.. ҳаёсизликдан бошиқа нарса бўлиб туюлиши мумкин эмас эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қиз бола ўзининг малоҳати, бокир латофати, иффати, ширин муомаласи.. беғубор табассуми, мулоий кулгиси билан қиз.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**БОКИРА** [а. *باكره* — дастлабки мева; иффатли қиз бола] **1** Эр кўрмаган, турмушга чиқмаган; иффатли. *Бокира қиз.* ■ *Ҳеч қаёққа кетмайман, менга осилманг, бўлмаса, бир бокира жоннинг увелига қоласиз!* К. Яшин, Ҳамза. *Сенга шундай бокира жонларни топиб берайки, ҳусини кўриб, ақлинг оғмаса — ҳисобмас.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**2** кўчма Қўл тегмаган, киши оёғи етмаган. *Қудратли тракторлар чўлининг бокира бағрини илк дафъа ёриб, ағдариб, ҳавони гумбурлатар эдилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**3** *айн. бокир.* *..сирқираб ётибсиз тошлар оралаб, бокира сувларим, гўзал сувларим.* Ш. Раҳмон, Гуллаётган тош. *Сен менинг қоримсан, биринчи қорим, Гўё бутун олам сендай бокира.* А. Мухтор, Асарлар. *Баҳорнинг бокира таровати ҳам Арслоновнинг кўнглини очолмади.* «Шарқ юлдузи». *..шунда қизнинг бутун борлиги изтиробга тушиб, бокира қалбиданималар кечмайди.* Газетадан. *Мен сизни япроқлар рангига уйқаш, Бокира муҳаббат билан севаман.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

**БОКС 1** [ингл. *box* — мушт уриш, зарб] *спрт.* Икки рақибнинг махсус қўлқоп кийиб, маълум қоидалар асосида яккама-якка муштлашиш мусобақаси. *Ҳарбийда бокс спортига қизиқиб, разряд ҳам олибди.* Мир-

муҳсин, Асарлар. *Бокс спорти ҳақида баъзан узоқ гапириб, Ҳафизани зериктирган вақтлари ҳам бўлган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БОКС II** [ингл. box — кути, хона] тиб. Касалхоналарда юқумли касаллик билан оғриганликда гумон қилинган кишиларни бошқалардан алоҳида ётқизиш учун ажратилган махсус хона ёки бино.

**БОКС III** [ингл.] Эркакларнинг соч қўйиш усулларида бири. *Сочини боксга олдирмоқ.*

**БОКСЁР** айн. **боксчи**. Бу қисқа муддат боксёрларнинг шиддатли раундлари ўртасида нафас ростлашга бериладиган қисқа танаффусга ўхшарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**БОКСЁРЛИК** Бокс тушишлик, бокс билан шуғулланишлик. *Мен ёшлигимда боксёрликни яхши кўрадим.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БОКСИТ** [фр. bauxite — Франциядаги Бо (Beaux) деган жой номидан] Асосий таркибий қисмини алюминий оксид ташкил қилган тоғ жинси; алюминийга энг бой руда. *Боксит — цемент ва ўтга чидамли материаллар олиш учун ишлатиладиган тоғ жинси.* А. Ашрапов, Ш. Қосимов, Қурилиш терминлари луғати.

**БОКСЧА** Боксчасига, бокс усули билан. *Умид ёқасидан ушламоқчи бўлган Шо-қосимни тасирлатиб, боксча ура кетди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БОКСЧИ** Бокс билан шуғулланувчи шахс. *Катта бўлсам, албатта боксчи бўлман.* Мирмуҳсин, Умид. *Кубалик боксчилар билан «Тошкент йўлбарси» саккиз маротаба учрашди ва жангларда ғалаба қозонди.* Газетадан.

**БОЛ I** айн. **асал I, 2**. *Бол сотган бармоғини ялар.* Мақол. ■ *Бу ернинг узуми, анори, анжирини бол билан тенг дейдилар.* Газетадан. *Ол-ол бўлсин, ол бўлсин, ёринг лаби бол бўлсин.* «Кунтуғмиш».

**2** *кўчма* Тот, лаззат. *Тил бор — бол келтирар, Тил бор — бало келтирар.* Мақол. *Яхши хотин — умр боли.* Мақол. ■ *Улар ҳаёт болини эмас, ҳаёт захрини ютиб ўтирардилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**3** *кўчма* Яхши, мулоим муомала. *Тилингда бўлса болинг, Кулиб турар иқболинг.* Мақол. *Муздан сув томар, Сўзамолдан — бол.* Мақол.

**Оғзидан (ёки лабидан, сўзидан) бол томади** Жуда ҳам ширинсўз одам ҳақида.

*Аноргулнинг ҳар сўзидан Боллар томар, ёр-ёр. «Кўшиқлар».* *Ҳар сўзингдан бол томсин, Кўрган орзулаб қолсин.* Қ. Муҳаммадий. *Катта-кичikka оғзидан бол томиб муомала қиладиган хола негадир мен билан тил учуда сўрашиб қўя қолди.* «Муштум». *Лабларингиздан бол томади, ёниб турган оловсиз.* Қ. Яшин, Ҳамза.

**БОЛА I** Янги туғилган, ҳали кўкракдан, она бағридан ажратилмаган гўдак; чақалоқ. *Бола эмизмоқ. Болани аллалаб ухлатмоқ. Бола йиғламаса, она сут бермайди.* Мақол. ■ *Ўзбек оғим бурчакда бола кўтариб утирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Ҳали ёш, вояга етмаган одам. *Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра.* Мақол. *Яхши боладан — раҳмат, Ёмон боладан — лаънат.* Мақол. *Мен кўяман боламе, Болам кўяр боласига.* Мақол. *Алдагани бола яхши. «Қанотли сўзлар».* ■ *Ҳали бола экансиз, — деди Кумуш.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анвар келишган, дундиқ бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Аёл кишининг фазилати бола билан бўлган муносабатида очилади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**Аскар бола** с.т. Аскарликка янги олинган ёш солдат. *Уруш йиллари аскар болаларни йўқлаб турдик.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бўз бола** Ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини тотмаган, турмуш тажрибаси йўқ йигит. *Йўлчи қачон келар экан, келганда ҳам нима қиларди, бўз бола, камбағал.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дала (ёки сахро) боласи** эск. Далада, саҳрода ўсган одам. *Қашиқарнинг қизи, жувони олмадай бўлади. Сен сахро боласига сўзни уқтириш ҳам қийин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Келин бола** Ёш келин, эндигина тушган келин, келинчак. *Ҳожининг «Энди келин болани юбормаймиз-да», деб кулишига: «Менинг болам эмас, сизники, у ер ҳам, бу ер ҳам ўзининг уйи», — деди [қутидор].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *..келин болани Тошкентга олиб келишларини сўраган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Кўёв бола** Ёш куёв, янги куёв. *Совчилар қуда бўлмишларига куёв болани роса мақташибди.* «Муштум». *-Куёв бола ёлғиз қолар эканлар-да? — қизнинг ҳаракатлари негадир шофёрга ёқмади.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Кўча бола(си)** Кўча-қўйда санқиб юрадиган, тарбиясиз бола. *Нариги уйдан увадаси чиқиб кетган ёстиқни кўтариб Ҳам-*



дам чиқди: -*Ўтир бу ёққа! Хўш, сен нима учун кўча болаларига ўхшаб ахлоқсизлик қиласан?* А. Қаҳҳор, Айб кимда? **Ота(си)нинг боласи** Ўз отасига ўхшаган; ўз отасининг ишини тута билган фарзанд ҳақида. *Отабек хуфтон намози учун таҳорат олишга меҳмонхонадан чиққан эди, унинг кетича: -Отанинг боласида,* — деди *Зийё шохичи меҳмонларга қараб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўғил бола** 1) эркак жинсидаги бола. *Ўғил болани уриш гуноҳ деб биладиган Умматали бу гал ўзини тутолмади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) кўчма эркакларга хос хусусиятли шахс; мард одам. -*Мен кишининг хизматини унутадиган йиғит эмасман,* — деди *Ҳомид ва давом қилди,* — *ўғил бола учун — ўғил болагим, ёмон учун ёмонлигим бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 3) кўчма тўғриси, бўладигани. *Гапнинг ўғил боласини айтсам, биз тарафда беморларга наридан-бери қарашади.* «Муштум». **Қиз бола** 1) аёл жинсидаги бола. *Шу ёшга кириб қиз бола билан биринчи марта кинога тушиши эди.* Х. Тўхтабоев, Сарик девни миниб. ..*қиз боланинг бунчалик шўх бўлишини биринчи кўришим.* Мирмуҳсин, Меъмор; 2) бўш, заиф ёки қизларга хос қилиқлар қиладиган ўғил болаларни масхаралаб айтиладиган ибора.

**3 Фарзанд, ўғил-қиз, зурриёт. Одамнинг меваси — бола.** Мақол. *Бол ширин, болдан бола ширин.* Мақол. *Бола азиз, одоби ундан азиз.* Мақол. ■ *Бир онадан алвон хил бола туғилади, деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**Бола кўрмоқ** Фарзандли бўлмоқ. *Орада тўққиз йил ўтди. Булар тўрт бола кўришди..* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

**4 кўчма** Ёши улуг, аммо гўдакларча иш тутадиган, болаларча мулоҳаза юргизадиган одам ҳақида. -*Нега кўнглимга олмай, мен ёш боламанми!* — деди [Кумуш]. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Эй хотин, бола бўлиб қолгансан десам, аччиғинг келади. Ахир гапнинг охирига қадар тинглаб турмайсанми.* Ойдин, Ширин келди.

**5 (кўпинча 1-ш. эгалик аффикси билан)** Ёши катталарнинг ёшларга мурожаат шакли. -*Узр айт, болам. Золим билан тенглашма!* — деди чол. Ойбек, Танланган асарлар. -*Меники бедаво дард. Уҳ!* — энгил хўрсинди Тоҳиржон. -*Ундай дема, болам. Ноумид шайтон.* Ойбек, Танланган асарлар.

**6** Янги туғилган, тухумдан чиққан, ҳали вояга етмаган ёш ҳайвон ёки парранда. *Кўнғиз боласини оппоғим дер, кирпи боласини юмшоғим дер.* Мақол. *Илоннинг боласи — илон, Чаённинг боласи — чаён.* Мақол.

**7** Ҳомила, қориндаги гумона. -*Боланг неча ойлик бўлди, ер юткур?* — *бўғилиб сўради ва қизни бир тенди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Меҳри иккиқат. Бола икки ойлик, уч ойлик.. беш ойлик.. Қандай қилиб бўлса ҳам, болани тушириш керак.* А. Қаҳҳор, Бошсиз одам.

**БОЛАЖРАТГИЧ** Рамкадаги мумкатакни бузмасдан ундаги асални ажратиб оладиган, марказдан қочма куч таъсирида ишлайдиган цилиндрсимон машина.

**БОЛА-БАҚРА** Катта-кичик ёшли болалар; бола-чақа. *Майсазор тўла бола-бақра, қий-чув; қаердадир патефон хириллаб айланар эди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Кенгроқ кўчада бола-бақра чуввос солиб, у ёқдан бу ёққа югуришарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият. *Дудутлатинг, Қулмуҳаммадбой, бизнинг кўчада бола-бақра кўп!* «Ёшлик».

**БОЛАБОП** Болаларга мўлжалланган, болалар учун аталган ёки болалар бажариши мумкин бўлган. *Ўзим икки марта бордим. Болабоп иш йўқ дейишади.* «Ёшлик».

**БОЛАЖОН 1** **Бола 1, 2** с. кичр.-эркл. *Ма, е шуни, болажоним, атайин сенга илиниб олиб келдим.* Ш. Сулаймон, Ота ўғил. *Ўша қонхўрлар мени ўлдириб кетиша қолса бўлмас эканми? Болам, болажоним!* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири.

**2 сфт.** Болаларни ниҳоятда яхши кўрадиган, болага ўта меҳрибон, болапарвар. *Озод ақлини танигандан бери бу қадар меҳрибон, болажон аёлни учратган эмас.* «Ёшлик». *Балки менда пайдо бўлган меҳр тоғамнинг болажон бўлганидандир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БОЛАЖОНЛИК** Болаларни жондан ортиқ севишлик; болажон бўлиш. *Фотима холадаги болажонлик, фарзандларига бўлган муҳаббат, уларнинг тарбияси йўлидаги фидокорлик [фильмда] ўз ифодасини топган.* Газетадан. *Унинг сиймосида мушфиқ онадаги болажонлиқни, жафокашлиқни, олижаноблиқни кўрасиз.* Газетадан.

**БОЛАКАЙ** **Бола 1, 2** с. кичр.-эркл. *Қани, ўша бир пайтлар катталарнинг суҳбатига аралашмасдан, меҳр билан кузатадиган тортинчоқ болакайлар ва қизалоқлар.* Газетадан.

-Ҳа, болакайлар, нима гап? — деди Жўранинг дадаси, туядаги болалар етиб келгач. Н. Фозилов, Ирмоқ.

**БОЛАЛАМОҚ 1** Ўзидан насл қолдирмоқ; бола туғиб ёки очиб кўпаймоқ; урчимоқ. *Мушук болалади. Каптар болалади.* ■ *Ум-мат сурнайчининг ити болалаган эди, битта кучугини олдим. С. Сиёев, Ёруғлик. ..айни баҳор пайтида тоғдаги ноёб қуш ва ҳайвонлар тухум қўйган ва болалаган бўлади. Н. Раҳмонов, Бетайин овчилар.*

**2** кўчма Кўпаймоқ, урчимоқ. *Чипқон болалабди. Бир орзу ўн орзу болалайди. Мақол.* ■ *Билишмайдики, пул болалаб туради, индамасдан туғади, чақалоқлари ингилламайди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўзидаги тунд-лиги аримади, қайтага болалади, оғирлигини ташлаб, кўзини чўктирди. «Ёшлик».*

**БОЛАЛАРБОП** Болаларга мос, болалар учун тўғри келадиган, болаларга мўлжалланган. *Ёзувчиларнинг болаларбоп энг яхши асарлари танлаб олинади. Газетадан. ..эртакона усул давр нафасини, қайноқ руҳини қизиқарли, болаларбоп тарзда тасвирлашнинг бирдан-бир йўлидир. «ЎТА».*

**БОЛАЛАРЧА** *рви.* Болаларга хос тарзда, болаларга ўхшаб; гўдакларча. *Болаларча ўйламоқ. Болаларча муҳокама юргизмоқ.* ■ *..бу қизариш айни ҳолда бир нав болаларча рашкни ҳам ифода қиларди. С. Айний, Эсдаликлар. Ўктамхон болаларча самимият билан эътироз билдирди. К. Яшин, Ҳамза.*

**БОЛАЛАТМОҚ 1** **Болаламоқ** фл. орт.н. Қорамолларни болалатмоқ.

**2** кўчма Кўпайтирмоқ. *Таббир жоиз бўлса, ҳозир йўқни йўндирса, борни болалатса бўладиган пайт. Ж. Холқосимов, Қаёққа қараб эснаяпсиз. [Аъзам] Ҳожининг давлатини талон-тороғ қилавермайди. Аксинча, ёнига қўшади, болалатади, тишида тишлаб, шу хонадонга олиб келади. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**БОЛАЛИ** Боласи, фарзанди бор, болачақали. *Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар. Мақол. Болали уй — бозор, боласиз уй — мазор. Мақол. Болали уйда ғийбат бўлмас. Мақол.*

**БОЛАЛИК 1** Ёш болаларга хос хатти-ҳаракат, қилиқ. *Бола болалигига боради.* ■ *Бола-да, мурти сабза уриб қолган бўлса ҳамки, болалигини қўймайди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Сафарали қаерда туради десак,*

*бирова айтиб берадимми? Болалигинг қурсин.. Дунёда Сафаралидан кўпи йўқ. Ойдин, Мардлик — мангулик.*

**2** Одамнинг ҳали вояга етмаган даври; ёшлик. *У болаликданоқ отларни севар, яхши отларни боқиш, томоша қилишдан ҳар вақт завқланар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Дунёдаги энг мароқли сайр болалик йиллари ўтган кўчалар бўйлаб сайр этиши бўлса керак. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

**3** Фарзандлик, фарзанд қилиб олиш, фарзанд қилиб асраш. *[Ўғилни] Бир бефарзандга болаликка бердим. Қаерда бўлса, эсон бўлсин. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Ўғил болалик** Мардонавор хатти-ҳаракат, мардлик. *-Мен кишининг хизматини унутадиган йигит эмасман, — деди Ҳомид ва давом қилди, — ўғил бола учун — ўғил болалигим, ёмон учун ёмонлигим бор. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БОЛАЛИ-ЧАҚАЛИ** *айн. бола-чақали.*

**БОЛАПАРВАР** Болаларни ортиқ даражада яхши кўрадиган, болаларга меҳрибон; болажон.

**БОЛАПАРВАРЛИК** Болаларни ниҳоят даражада яхши кўришлик; болажонлик.

**БОЛАПАҚИР** Бечора, иложсиз. *Гавдалироқ бир эркак бир мушт туширган эди, боланинг телпаги бошидан учиб, қорга тушди. Болапақирни бирпасда оломон қилиб юборишди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Болапақир бу гапларни ичига солавериб сиқилиб кетган экан, шекилли, сал юрагини бўшатиб олсин. «Ёшлик».*

**БОЛАРИ** *айн. асалари.* *Яхши чечакка болари кўнади. Мақол.* ■ *Боларилар шошиб зувиллар, Ҳатто кўнғиз ясатар инин. А. Шер, Бешиктерватар ҳақида баллада.*

**БОЛАСИЗ** Боласи йўқ, бола кўрмаган, бефарзанд. *Боласиз хотин. Хотинсиз ўтиш — хато, боласиз ўтиш — жафо. Мақол. Болали уй — бозор, боласиз уй — мазор. Мақол.* ■ *Боласизга тангриси ҳам, бандаси ҳам бермас экан. Йигирма йил турмуш қилиб, бола кўрмадим. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**БОЛАСИЗЛИК** Фарзандга эга эмаслик; бефарзандлик. *Боласизлик учун хафа бўлиш керак эмас, ҳали ёшсиз, бек ака! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БОЛАТОЙ** **Бола 1, 2** с. кичр-эркл.

**БОЛАЧА 1** **Бола 1, 2** с. кичр.

**2** Кичкина қовун; сапча, хомак.

3 Бир турдаги нарсаларнинг энг кичиги, жажжиси.

**БОЛА-ЧАҚА** *жуфт. с. 1* Катта-кичик болалар; бола-бақра. *Йигит ят этиб, қўшни далага қаради. У ерда хотин-халажлар, бола-чақалар чувиллашиб, пахта теришаётган эди. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Ходимларнинг учовида ҳам бола-чақалари бор экан. М.М.Дўст, Галатепа қиссалари. Бола-чақаларининг орзу-ҳавасини кўришсин. К. Яшин, Ҳамза.*

2 Оила аъзолари (хотин ва болалар). *Мусофирлик қийин, бола-чақани соғинади киши. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Бола-чақа қилмоқ (ёки кўрмоқ)** Уйланиб бола-чақали бўлмоқ. [*Мамат Холисхонга:*] *Бола-чақа кўргандан кейин бир умр бориб туришга ҳам ваъда бераман. Ҳамза, Паранжи сирлари.*

**БОЛА-ЧАҚАЛИ** Уйланиб бола-чақа кўрган; оилали, аёлманд. *Биринчидан, бола-чақали одам хотин устига хотин олса, уйда ҳар кун жанжал-сурон бўлиши шубҳасиз. Ойбек, Танланган асарлар. У йигитлигида уйланиш, бола-чақали бўлиш ҳақида ўйлаганида, хотинининг ҳам чиройли, ҳам ақлли бўлишини орзу қиларди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.*

**БОЛБОЛЛАР** Қадимда тепаликларга ва қабрлар устига ўрнатилган тош ҳайкаллар ёки тош тахталарга бўрттириб ишланган одам тасвири. *Болболлар Қозоғистон, Қирғизистон, Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон ва Шарқий Европада учрайди. «ЎЗМЭ».*

**БОЛГАР 1** Болгария мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи.

2 Шу халққа мансуб, тегишли. *Болгар халқи. Болгар тили. Болгар аёл.*

**БОЛГАРИ** *с.т.* Болгар қалампири.

**БОЛГАРЛАР** Болгариянинг асосий (туб) аҳолиси.

**БОЛГАРЧА 1** Болгар халқи (тили, адабиёти ва маданияти)га оид. *Болгарча кийим. Болгарча рақс.*

2 Болгар тили. *Болгарча(ни) биласизми?*

**БОЛДИЗ** *шв.* Хотиннинг синглиси, қайинсингил. *Болдиз болдан тотли. Мақол. ■ Езнам мени таниса, болдизиман, ёр-ёр, Болдоғига қистирган қундузиман, ёр-ёр. «Кўшиқлар».* Ёнимда на қайлиқ, на болдиз, На бир ютум қирмизи шароб. Миртемир, Асарлар.

**БОЛДИР 1** *анат.* Оёқнинг тизза билан тўпиқ орасидаги қисми. *..Турсунбой қизил этигининг кўнжсини болдирига бурма қилиб тушириб.. олган эди. С. Аҳмад, Уфқ. ..бўйчангина Муҳаббат, лозимини болдирларигача кўтариб қўйиб, шакароб қилиб сув сепилган ҳовлини супураётган экан. Н. Қиличев, Чигирик.*

2 Оёқнинг шу қисми орқасидаги сўм, мушак гўшти. *Унинг диркиллаган болдирлари, тирсиллаган кўкраклари, оппоқ бағбақалари, кўйингки, гулмиран-гул! С. Анорбоев, Оқсой. Унинг [Зумрадининг] тиқмачоқдай оппоқ болдирларига қараб қўйиб, Холқўзи хаяланди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.*

**БОЛДИРҚОРА** *бот.* Қирққулоқдошлар оиласига мансуб бир турли доривор ўсимлик; сочисунбул. *Болдирқора тоғлардаги горларда, қояларнинг соя ва сернам ёриқларида, булоқ ёқасида ўсади. «ЎЗМЭ».*

**БОЛДИРҒОН** *бот.* Раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик, маймунжон.

**БОЛДОҚ 1** Кўзсиз силлиқ узук.

2 *айн. зирак.* Назиранинг елкалари, бошидаги зар рўмоли, қулоқларидаги болдоқлари ятиради. *С. Аҳмад, Уфқ. Зубайдани чиндан ҳам кўғирчоқ қилиб ясатишган эди: қулоқларида олтин болдоқлар, бармоқларида гавҳар кўзли тилла узуклар. К. Яшин, Ҳамза.*

3 *кўчма* Ўсимлик ва дарахтларнинг болдоқ каби осилиб турган қисми (кўсак, япроқ ва б.). *У [Мамат]нинг ўтқир кўзлари олдида бепоён пахтазорлар кумуш болдоқлари билан жилмайиб кўринади. «Шарқ юлдузи».*

4 Баъзи нарсаларни маҳкамлаш учун уларга кийдириладиган ҳалқа. *Қилич болдоғи.*

5 *шв.* Ҳасса, қўлтиқтаёқ. *Болдоққа суяниб юрмоқ.*

**БОЛИД** [*юн. bolis, bolidos* – ирғитиладиган найза] *астр.* Осмонда гоҳо-гоҳо кўринадиган энг равшан, йирик метеорит. *Болид планеталараро фазодан Ер атмосферасига келиб кирган тошдир. «Астрономия».* Агар метеор жисм катта бўлса, учган вақтида осмонда олов учгандай бўлади. *Фанда буни «болид» дейилади. «Фан ва турмуш».*

**БОЛИШ 1 1** [*ф. بالش* – ёстиқ] *айн. ёстиқ.* Ҳар бир айвоннинг токчасида беҳисоб бахмал, ипак кўрначалар, болишлар. *Ж. Шарипов, Хоразм. Мамат қассоб болиш четини маҳкам чангаллаган кўйи ўғлига қаттиқ тикилиб*

қолди. «Ёшлик». *Ўтган куни Бобур ўзига келди, болишига суяниб, бир оз бошини кўтарди.* Ҳ. Ҳасанов, Экватордан ўтганда.

**Љла болиш** қ. *Љла*.

**2** Диваннинг суянишга мўлжалланган болиш шаклидаги суянчиғи. *Акбаров қаддини ростлаб, диваннинг болишига билагини қўйди.* П. Қодиров, Уч илди. *Диваннинг клеёнка қопланган суянчиқ болишида бир китобнинг бешолти нусхаси турибди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БОЛИШ II тар.** Мўғуллар, қисман турклар орасида 13–14-асрларда муомалада бўлган тилла ёки кумуш пул.

**БОЛИҒ** [а. بالغ — вояга, камолга етган] кт. Балоғатга, вояга етган; етук. *Оқил ва болиғ.. бўлганингиз ҳолда, бу хайрли мажлисда ҳозир бўлган сиз, йигит, шу мажлисда ҳозир бўлиб турган шу қизни.. хотинликка қабул қиласизми?* С. Айний, Эсдалиқлар.

**БОЛИҒА** Балоғатга етган аёл. *Хотундан.. хурсанд бўлдим.. Эр хурматини бажо келтирувчи оқида ва болиға эрди.* «Муштум».

**БОЛИҒЛИК** Балоғат ёшига, вояга етганлик.

**БОЛО** [ф. Ўла — тепа, баланд; баландлик] кам қўлл. Баланд, юқори, баландпарвоз. *Жаҳонда сўз тўла, аммо бари баробар эмас, Тафовут айлади қийматда пасту боло сўз.* Ҳабибий.

**БОЛОМЕТР** [юн. bole — нур + metron — ўлчаш] Нур энергиясини ўлчайдиган асбоб.

**БОЛОН** с.т. айн. **болонья**. *Болон плаш(ч).*

**БОЛОНИШИН** [ф. بالانشين — юқори ўрин эгалловчи] Юқорида, тўрда ўтирувчи; барчадан баланд турувчи, ўзини баланд олувчи. *Шарақлаб ҳар қаю суҳбатда ҳам беҳуда кулқулар, Раиси суҳбату болонишинман, нуктадонман дер.* Ҳабибий. *Халқда мундин бўлак болонишин йўқ охири, Қилмағай деб қўрқаман Ҳазратга даъво баччағар.* Муқимий.

**БОЛОНЬЯ** [Шимолий Италиядаги Болонья (Bologna) шаҳри номидан] Бир томони сув ўтказмайдиган қопламали сунъий материал ва шундан тикиладиган уст кийим (плаш, куртка ва ш. к.). *Одамлар ичида сочини бароқ қилиб орқасига туширган, болонья плаш кийган Жанна ҳам турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БОЛОПЎШ** [ф. بالا پوش — устки кўйлак; плаш; ёпинғич] кам қўлл. Устки кийим-бош,

устки кийимлар. *Шоистани кечаси болопўш дўкони ёнидан ёпиқ машинада кўзини бойлаб олиб кетишибди.* «Саодат».

**БОЛОР** [ф. بالار — тўсин; устун] шв. Иморат томига кўндалангига ташланадиган ёғоч; тўсин. *Пойтешада болор чопавериб, белларинг қотиб кетгандир.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бу айвоннинг болорлари орасига тахтачалар қоқиб, каптарлар учун уя тайёрланган.* С. Айний, Қуллар.

**БОЛОРЛИ** Томига болор ташлаб қурилган, болорли. *Назар аканинг уйи оила аъзоларига нисбатан кичик, тўққиз болорли экан.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Базмхона тўққиз болорли бўлиб, ичи одам билан тўла эди.* С. Айний, Дохунда.

**БОЛОХОНА** [боло + хона] Маҳаллий типдаги иморатнинг иккинчи қавати ва шу иккинчи қаватдаги хона. *Эъзозхон чойхона тепасида, болохона деразасидан кўчага қараб турибди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Умид болохонада, шинам ҳужрасидаги эски сим каравотда чалқанча ётарди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БОЛОХОНАДОР I айн. болохонали.** *Шу он мингбоши чўрт бурилади-да, самовар айвонидан ўтиб, ўзоқда кўринган болохонадор баланд, баҳайбат дарвоза томонга югурди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мансур болаликдан қадрдон бўлиб қолган уйнинг болохонадор томини кўзлари билан излаб топди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**2** *кўчма салб.* Даблабали, тамтароқли. *Болохонадор гаплар. ■ «Ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб оламиз» деган болохонадор ваъдалар қани?* Газетадан. *Раҳим Салимович хушхабарни жуда болохонадор ташаккурлар билан кутиб олди.* П. Қодиров, Уч илди.

**Болохонадор (қилиб) сўкиш** Одоб доирасидан жуда ҳам четга чиқиб, ўтакетган беадаб, чўзиқ иборалар, сўзлар билан сўкиш. *Шундаям понсад тўнғиздек олишар, йигитларни болохонадор қилиб сўкарди.* «Ёшлик». *Одил ловуллаб ёнаётган қулоғини тез-тез силар экан, болохонадор қилиб сўкинди.* «Ёшлик».

**БОЛОХОНАЛИ** Болохонаси бўлган, икки қаватли. *Болохонали иморатнинг пастки қаватидаги деразалардан ёруғ тушиб турибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Дарвоза тепаси болохонали бостирма бўлиб, тағидаги ёруғ гаражда зангори «Волга» ялтиллаб турарди.* Ҳ. Фулом, Феруза.

**БОЛОҚ** *айн. поча қ. балоқ. Келиннинг бологида каштасиз жияк. А. Мухтор, Кумуш тола. Шуни айтадилар ўзи, болоқдаги бит бошга чиқар деб. «Шарқ юлдузи».*

**БОЛТ** [*нем. Volt* — маҳкамловчи темир чивиқ] Бир учуда каллаги, иккинчи учуда резъбаси бўлган, машина ёки иншоотларнинг ажралувчи қисмларини бириктирувчи маҳкамлаш деталли. *Кўзойнакнинг ошиқмошиги кўпинча бўшашиб қолади, шунда унинг болтини маҳкам бураб қўйинг. Газетадан. Бу болтларни, гайка бўлмагач, ҳеч нарсага ишлатиб бўлмас экан. «Муштум».*

**БОЛТА I** Бирор нарсани (ёғочни, гўштни ва ш. к.) чопиш, кесиш, ёриш учун ишлатиладиган, тиғи дастасига параллел металл асбоб. *Болта тушгунча, кунда дам олар. Мақол. Минг дарахтнинг бошини бир болта чопар. Мақол. ■ Ақлли, тўнгахнинг нозик ерини — ёриладиган ерини топиб туриб, болта уради — ақли билан ёради, ўзини қийнамайди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Ҳовлида қор устида болта билан ўтин ёраётган йиртиқ-ямоқ тўнли бир йигит Элмуродни имлаб чақирди. П. Турсун, Ҳўқитувчи.*

**Оёғига (ёки тагига, илдизига, томирига) болта урмоқ (ёки қўймоқ)** Асосини, заминини бўшаштириб, қирқиб, ҳалокатга йўлламоқ, пугурдан кеткизмоқ. *Ўз оёғингизга ўзингиз болта қўймаг, дейман! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Савдо ходими бўлиб ишлаган вақтида Мажид Қурбоновнинг нафс илдизига болта урилган эди. «Муштум». ...менинг оёғимга болта урган шу бўлади. «Муштум». Узулм илдизига болта урди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** Болта (эркаклар исми).

**БОЛТАЛАМОҚ** Болта билан кесмоқ, чопмоқ.

**БОЛТАТУМШУҚ** *зоол.* Чумчуқсимонлар туркумининг таргилбошлилар оиласига мансуб данакхўр, сайроқи қуш.

**БОЛТАЧИ** Болта билан иш кўрувчи; болта билан ишловчи. *Уроқчининг минг ургани, Болтачининг бир ургани. Мақол.*

**БОЛТАЮТАР** *зоол.* Қарчигайсимонлар оиласига мансуб, ўлимтиқлар билан овқатланувчи йиртқич қуш. *Болтаютар одамга ва йирик сутэмизувчиларга хужум қилмайди. Баъзан каклик, қуён, суғурларга хужум қилади. «ЎЗМЭ».*

**БОЛТИРИҚ** *бот.* Крестгулдошларга мансуб кўп йиллик бегона ўт. *Болтириқ экинлар орасида, боғлар, уватлар ва йўл ёқасида ўсади. «ЎЗМЭ».*

**БОЛТЛИ** Болти бўлган, болти бор; болт билан маҳкамланган ёки маҳкамланадиган. *Болтли бирикма.*

**БОЛ-ПАР, болупар** [*ф. بالوپر* — қанот ва пат; ҳаракат эркинлиги]: **болупардан айрилмоқ** Энг яқин кишидан, таянчидан айрилмоқ; жудо бўлмоқ; қаноти қайрилмоқ. *Гулдай бахтим бор эди, чанг солиб, унга зомин бўлишди, қанотимни қайириб, болупаримдан айирдилар. К. Яшин, Ҳамза.*

**БОЛУТ** Қорақайингуллилар оиласига мансуб йирик дарахт; *айн. эман. ...икки жасур жангчи болут тагига дафн қилинди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

**БОЛУТЗОР** Болут дарахти билан қопланган ер, майдон. *айн. эманзор.*

**БОЛЬШЕВИЗМ** [*р. большой, больше* — катта; кўп] *эск. тар.* Большевиклар партияси амал қилиб келган назария ва сиёсий-партиявий оқим.

**БОЛЬШЕВИК** *эск тар.* Большевизм тарафдори, большевиклар партияси аъзоси.

**Большевиклар партияси** *эск. тар.* Россия социал-демократик ишчилар партиясининг 1903 йилдаги II съездида партия аъзоларининг кўпчилиги асосида ташкил топган партия.

**БОЛҚИМОҚ** *айн. балқимоқ.*

**БОЛҚИН** *бот.* Юлғундошлар оиласига мансуб, туксиз, барглари тухумсимон чала бута.

**БОЛҚОН** Бўлиқ, тўла. -*Тирик ҳам гап жанми, болқондек бола, — деб кулганича, яна ичкарига кириб кетмоқчи бўлди. Ойдин, Гулсанам.*

**БОЛҚОР I** Россия Федерациясидаги Кабарда-Болқория Республикасида яшовчи, туркий тилда сўзлашувчи туб халқнинг номи.

**2** Шу халққа мансуб, тегишли. *Болқор йигит. Болқор тили.*

**БОЛҚОРЛАР** Кабарда-Болқориянинг асосий (туб) аҳолиси.

**БОЛҚУРАЙ** *бот.* Соябонгуллилар оиласига мансуб, пояси ва илдизи сутли, кўп йиллик ўт.

**БОЛФА I** Мих қоқиш, нарсаларни уриш, текислаш, эгиш ёки букиш каби иш-

ларда қўлланадиган, ёғоч ёки темир дастали асбоб. *Остонада мункайиб ўтирган чол ёнбошига қўйиб олган пақирдан қийшиқ-қинғир михларни олиб, болга билан тўғриларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Унинг [Замоннинг] бир қўлида мушук каласидай калтасоп болга, бир қўлида темир пона.* М. Исмоилий, Фаргона т.о.

**2 тех.** Металларга, умуман нарсаларга зарб билан ишлов берадиган оғир механизм. *Бир қозиқнинг ерга кириши қийин бўлди, моторни бошқараётган йигит болгани анча юқоридан ташлади.* С. Юнусов, Қутилмаган хазиана.

**БОЛҒАБАЛИҚ** зоол. Бошининг икки ёнидаги ўсимтаси болгага ўхшаган, акула-симонлар туркумига мансуб балиқ.

**БОЛҒАБОШ** зоол. Сувга яқин ўрмонларда яшовчи, узуноёқ қушлар туркумига мансуб қуш, сояқуш. *Болғабош кундузи офтобдан қочиб, ўсимликлар остида юради, шунинг учун «сояқуш» ҳам деб аталади.* «ЎЗМЭ».

**БОЛҒАЛАМОҚ** Болга билан урмоқ, болга билан уриб ишлов бермоқ. *..сандон устига қўйилган мис тунукани терлаб, бир меъёрда болғалаётган қотма арабга кўз ташламай иложимиз йўқ.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Корпусда металл болғалаш машиналарининг одатдаги шовқинини эшитмаймиз.* «Фан ва турмуш».

**БОЛҒАЛИ** Ўзбек уруғларидан бири.

**БОЛҒАЧА 1** Кичкина болга. *Ниҳоят, докторим болғачасини тап эткизиб стола ташлади-ю, бурчакка бориб, қўл ювди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2 анат.** Одам ва сутэмизувчи ҳайвонларнинг ўрта қулоғидаги қулоқ пардасига ёпишган эшитув суякчаларидан бири.

**БОМАЗА** [бо.. + маза] айн. **мазали.** *Барин гапи бомаза, Кийган кийими тоза.* «Гулнор-пари».

**БОМАСЛАҲАТ** [бо.. + маслаҳат] айн. **бамаслаҳат.**

**БОМБА** [фр. bombe < лот. bombus — шовқин] Портлатувчи ёки ёндирувчи снаряд. *Атом бомбаси. Водород бомбаси. Бомба ташламоқ.* ■ *Мабодо атом бомбасини бир елкамга, водород бомбасини бир елкамга осиб қўйиб, шу Сотимхўжага тегмасанг, ҳозир портлатвораман деса, портлатвор-е, жоним роҳат олади, дердим.* С. Аҳмад, Сайланма.

**БОМБАПАНА** Бомба, ўқ ва ш. к. дан сақланиш учун махсус қурилган жой. *Бомбапана қурмоқ.* ■ *Йўл портлади, ўзин урди бомбапанага.* Газетадан.

**БОМБАРДИМОН** [фр. bombardement — бомба ташлаш; ўт очинш] Бомба ташлаш, бомба ташлаб қириш. *Бомбардимон қилмоқ.* ■ *Бомбардимон кучайгандан кучайиб борди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Кичкина станцияда батальон поезддан тушишга улгурмасданоқ, бомбардимонга учради.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**БОМБАРДИМОНЧИ 1** Бомбардимон қилишга мослашган (самолёт). *Бомбардимончиларнинг ҳужуми 15 минут давом этди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Фронтда бомбардимончи самолёт учса, ҳамма тупроққа кириб кетгудай бўлиб, ерга ёпишарди.* А. Мухтор, Асарлар.

**2 с.т.** Шундай самолёт учувчиси.

**БОМБАОТГИЧ** ҳарб. айн. **бомбомёт.**

**БОМБОМЁТ** ҳарб. Тузилиши миномётга ўхшаш отиш қуроли, бомбаотгич.

**БОМДОД** [ф. بامداد — сахар, тонготар]

**1 дин.** Эрта билан кун чиқмасдан ўқиладиган биринчи намоз. *Муздай куз сувига юз-қўлини ювди-да.. ўчоқ бошида ивирсиб юрган хотинидан сўради: -Онаси, болангиз бомдодга чиқиб кетдими?* М. Исмоилий, Фаргона т.о. *У, бомдодни адо этгач, харсангтошлар оралаб шарқираб оқаётган сой бўйига тушиб, табиатнинг мислсиз жамолини томоша қилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**Бомдод намози айн. бомдод 1.** *Мақсуд қори бомдод намозидан бугун эртароқ қайтди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Сешанба куни бомдод намозидан то тушга қадар Вафо аттор интиқ бўлиб Кимёхонни кутди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**2** Эрта тонг пайти; сахар. *Бомдодда турмоқ. Бомдод билан жўнамоқ.* ■ *Осмонда юлдузлар чарақлар, Етти қароқчи мағриб уфқида ёнбошлаб ётар, бомдодгача бир неча соатгина қолган эди.* С. Сиёев, Аваз. *Ўтиришма тонгга яқин тугади. Сайфий бомдод маҳали.. чиқиб кетди-ю, тўйхонага қайтиб келмади.* С. Сиёев, Аваз.

**БОНГ** [ф. بنگ — қаттиқ қичқирик, фарёд; шовқин] **1** Баланд овоз, қаттиқ товуш, ҳайқирик. *..замондан, ҳақсизликдан, зулмдан норозилик бонги тобора жаранглай берди.* А. Муҳиддин, Ҳаля.

**Бонг урмоқ** Баланд овоз билан даъват қилмоқ, ҳайқирмоқ. *Йигитлардан бири.. йўғон товуш билан атрофга бонг урди: -Юравер! Майдонга чиқиб, рўйхирот чиқиб, ҳақимизни дов қиламиз!* Ойбек, Танланган асарлар. *Нарзи Ражабов сиймоси кўз ўнгимда қад кўтарди, назаримда гўё у қурултой минбарига чиқиб бонг урарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**2** Кўнғироқ, занг; чақирӣқ. *Суюнчини бер, ҳаммамиз орзиқиб кутган галаба бонги чалиняпти!* С. Кароматов, Олтин қум. *Шу пайт бригада шийпонидан теримчиларни тушликка чорловчи бонг эшитилди.* М. Хайруллаев, Кўнгил.

**БОНУ** [ф. بانو — мўътабар аёл, хоним] **1** эск. Юқори табақалар, зодагонлар авлодига мансуб аёллар унвони.

**2** кўчма Мўътабар, эътиборли аёл. *Озар бунда, белорус бор, гуржи, латиш, Қоратегин, Олтойдан не бонулар ҳам.* Мирмуҳсин, Асарлар.

**3** Ҳурмат юзасидан аёллар исмига кўшиб ишлатиладиган сўз. *Шаҳрибону, Нигорбону.*

**БОНУС** [лот. bonus — яхши, марҳаматли] ҳуқ. Турли хил муносабат билан кўшимча ҳақ (мукофот, кўшимча дивиденд ва б.) тўлаш.

**БООБРЎ** [бо.. + обрў] айн. **обрўли.** -*Ахир Қутидор ҳам бообрў одам-да, — деди биринчи киши.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сирож махсум маҳаллаини бообрў кишиларидан эди.* «Шарқ юлдузи». Сиз понсад, бекнинг маслаҳатдон, бообрў қўрбошларидан бирисиз. К. Яшин, Пьесалар.

**БООДОБ** [бо.. + одоб] айн. **одобли.** *Наҳотки, шундай мулойим, боодоб қиз чакки оёқ бўлса.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Юришинг боодоб, ширин сўз бола.* «Равшан».

**БОП** [ф. باب — лойиқ, мос, мувофиқ] **1** Тўғри келадиган, талаб қилингандек; жуда мос келадиган, муносиб. *Уйлаб кўрсам, саркотиб одамга шундан боп совга йўқ экан.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Текин бойлик ахтаргунча Ўзингга боп ҳунар топ.* «Ақд ақддан қувват олади». *Қиз йигитдан гап кутар, йигит эса у боп гап қидирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Белги-хусусияти ижобий, талаб даражасида, яхши. *Ким минса, шу билар отнинг бопини, Сайис олар илдам отнинг тобини.* «Ҳасанхон».

**3** Кўшма сўзларнинг иккинчи қисмида «мос», «муносиб», «тўғри келадиган» маъноларини ифодалайди: *оммабоп, деҳқонбоп, уруғбоп, этикбоп каби.*

**БОПЛАБ 1** **Бопламоқ** фл. рвдш.

**2** рвш. с.т. Ижросини ўрнига қўйиб, ўринлатиб, ўхшатиб. *Ёрмат.. қочган болаларнинг орқасидан боплаб сўкишни мўлжаллади-ю, лекин қаерда, кимлар ўртасида турганини дарҳол эсига олиб, товушини ҳалқумида бўғди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ўшанда ичига ях кўмилган қор билан боплаб туширган эди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БОПЛАМОҚ 1** Ижросини ўрнига қўймоқ, кўнгиллагидек қилиб бажармоқ, ўринлатиб бажо келтирмоқ, қойил қилмоқ. *Аммо келин мантини яна боплабди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Хотиржам бўлинг, разрядли устамиз, боплаймиз.* С. Аҳмад, Сайланма. *Чойни ҳам хўп боплаб дамлабсиз-да, Рокия она.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**2** Фириб бермоқ, панд бермоқ. -*Боладимми, — деди Набиғул кетига қараб, — ийлига олти сўм эмиш, олти тийин бермасман!* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**3** Адабини, таъзирини бермоқ. *Боплаб пўстагимни қоқишибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. -*Нишолдани маза қилиб еб ўтирган ҳов ану саллаликни кесак билан боплайми? — деди Маҳмуд.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Э сўраманг, — деди Исмолов, — Зиём Вазиров мени боплади.* «Муштум».

**БОПТА** ив. Белги-хусусияти талаб даражасида; тўғри келадиган, муносиб, боп, мос. *Ғанивой жуда бопта иш қипти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади.* С. Аҳмад, Лочин. *..ойинг билан магазинга чиқинглр-да, етмаганга қўшиб, битта бопта костюм олинлар..* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *Ўрнига тайин қилинган кишинглар ҳам бопта тушмабди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**БОП 1 1** Қўлади, ихтиёрда ёки умуман воқеликда мавжуд бўлган; мавжуд. *Бор имкониятлардан фойдаланмоқ. Бор кишилар билан иш бошламоқ. Бор маблағларни аниқламоқ.* ■ [Отабек] *Бир оз кучини йиғиб олгач, ҳиқилдоқни бор кучи билан сиқа бошлади.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** кесим өзф. Бўлади; мавжуд. *Бугун мажлис бор. Отангиз борми? Кўнгилдан кўнгилга йўл бор. Мақол. Ўз дўстим деб сир айтма, Дўстингнинг ҳам дўсти бор.* Мақол. ■ *Хўш, Содик*

полвон, ишлар қанақа, Тошкентда нима гаплар бор? А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Инсон борки, ҳаммаси орзу-умид, мақсад ва ният билан яшайди.* Газетадан. *Азизанинг тиклиб турган кўзларида даҳшат аралаш газаб бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. *Қирқ ўғилнинг орасида бир ёлғиз қиз бор эди.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. *Ҳали тонг отишига анча бор.* С. Аҳмад, Сайланма.

**Бормисиз ёки бор экансиз-ку!** Узоқ вақт кўринмай, бедарак бўлиб кетган киши келганда ёки бирор киши кўнгилдагидек иш қилганда, унга хитобан, миннатдор оҳангда ишлатиладиган ибора. *Уста Олим келувчининг истиқболи учун ўрнидан турди: -Э уста Фарфи, келинг, келинг, бормисиз! - деди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бор бўлинг!** Яшаб юринг, ўлманг (кўпинча «ҳорманг!» сўзига жавобан ишлатилади). [Давлатёр:] *-Ҳорманг, ўртоқ муаллим! Элмурод тўхтади: -Ҳа, бор бўлинг, ишлар қалай? П. Турсун, Ўқитувчи. -Э, ҳа, бор бўлинг, ойим қиз, - деди Элмурод, - ишларингиз қалай, ҳеч кўринмайсиз? П. Турсун, Ўқитувчи.*

**3** Бойликка, давлатга эга бўлган; бой, бадавлат. *Бор бўлсанг, кўролмайди, йўқ бўлсанг, беролмайди.* Мақол. *Бор мақтанса, топилур, йўқ мақтанса, чопилур.* Мақол. ■ [Ёрмат:] *Ука, бор-борича, йўқ ҳолича, ишқилиб, бир кунимиз ўтиб турибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** Қанча бўлса — шунча, ҳаммаси борича. *Бор гапни айтиб бермоқ. Бор борини ейди, уятсиз орини ейди.* «Қанотли сўзлар». ■ *Ёввойи чўл буюк кенгликда менга борин очиб ташлади.* И. Раҳмон, Юрак қирралари.

**Айтганича (ёки деганича, мақтанганича)** бор Худди айтганидек, шундай деб айтишга (дейишга, мақташга) арзирли. *-Тўйбеканинг мақтаганича борми? -Бор, - деди қутидор, - ..худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қосимжон бойваччанинг уйларига кўп келаман-да, биламан. Арслон, арслон деганича бор.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. **Бор бўйича** 1) бошидан-оёқ; бутун борлигича. *Бор бўйича суратга олмоқ;* 2) кўчма тўлиқ равишда, бутунича. *Масалани бор бўйича қўймоқ. Бўлса бордир* Балки шундайдир; эҳтимол; шундай бўлса ажаб эмас. *Келган бўлса бордир. Айтган бўлса бордир. Жон бор* Асос бор, тўғри. *Бу гапингизда жон бор.* Н. Сафаров, Жасорат-

нинг давоми. **Шуниси (ёки шунчалиги) ҳам борки** Шуну ҳам айтиш керакки.. Шуну ҳам эйтиборга олиш керакки.. Аммо шуниси ҳам борки, кейинги вақтларда Азизбек Қўқоннинг ёрлиқ ва фармонларини илтифотсиз қолдира бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Эс (ёки ақл) борида** Вақтни қўлдан бермай, ўз вақтида. [Юсуфбек ҳожми:] *Ҳозир сизларга икки йўл бор: ўғил-қизингни сотиб бўлса ҳам, ўттиз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш ёки эс борида этакни ёпиб, Азизбекни орадан кўтариши.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Қўли бор** Иштироки бор, иштирок этган, қатнашган. [Мансур:] *Зухранинг йўқолишида бу афандининг қўли бор. Иши терговга берилсин.* 3. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**5** 3-ш. эгалик кўшимчасини олган отлар билан «бирор нарсага эга» маъносигаги таркибли сифат ҳосил қилади. *Пули бор одам. Қизи бор уй доим саришта.* Мақол. *Ўғли борнинг ўрни бор, Қизи борнинг қадри бор.* Мақол. ■ *Ҳар бир ақли бор одам қовунга пиёз қўшиб ейиш нотўғри эканини билса керак? А. Қаҳҳор, Мунофиқ.*

**6** Риторик сўроқ гапларда «аслида йўқ, мавжуд эмас, топилмайди» каби инкор маъноларини ифодалайди. *Дунёда тўғри яшаб, юртга хизмат қилиб ўтишдан ортиқ бахт борми инсон боласи учун? Т. Ашуров, Оқ от. Ахир, инсоф, виждон деган нарса борми сизда? С. Аҳмад, Юлдуз.*

**БОР II** [ф. بار — марта] кт. Марта, дафъа, карра. *Бир терининг ичида қўй неча бор семириб, неча бор озар.* Мақол. ■ *Равшан унинг чехрасио чуқур ботган кўзларида илк бор изтироб тантанасини кўрди.* «Ёшлик». *Бу борада Абдуваҳҳоб билан кўп бор маслаҳатлашганди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки соя бор. *Сирасини айтганда, минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал.* «Ўзбекистон қўриқлари».

**БОР III** [лот. borum, borax < а. بورق — танакор; селитра] Менделеев даврий системаси III гуруҳидаги кимёвий элемент. *Минерал сувларнинг шифобахшилиги сабаби уларнинг таркибида.. йод, бром, бор, литий, барий, стронций каби моддалар бўлишидир.* «Фан ва турмуш».

**БОРА I** [ф. باره — марта] кт. **1** Марта, карра. *Яраланган Абдулла хумор кўзларини ўз она диёрининг ҳусну жамолига сўнги бора ташлайди.* Б. Бойқобилор, Алангали юраклар. *Суна устидоғи сўри ҳар замон тўрт*



томонга чайқалиб.. теваракка хусайни гужумларини бир-икки бора узиб ташлади. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2** Ў.-п. к. қўшимчаси ёки 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. қўшимчаси билан келиб, кўмакчи ва-зифасида қўлланади. *Худди шу борада ўртоқ Нурмухамедов билан жанжаллашиб ўтирган эдик. «Муштум». -Кўп улуғ иш бўлади, бу борада қўлдан келган ёрдамни дариг тутмаймиз, — деди мулла Исмоил. «Муштум». У деҳқон кўнелига маъқул тушган янги нав борасида сўзларди. С. Маҳкамов, Деҳқон қувончи. Албатта, Турсунбой ташаббускорлик ва тасвирий санъат борасида Асадга бас келолмайди. «Муштум».*

**БОРА** II [юн. boreas — шимол шамоли] Денгиз бўйи ҳудудларида қишда тоғ бағридан пастга қараб эсадиган кучли совуқ шамоли. *Бора эсганда, ҳавонинг температураси кескин пасаяди.. «ЎЗМЭ».*

**БОРА-БОРА I Бормоқ** фл. такр. рвдш. *Бора-бора кўз илғамас кенгликларга чиқдик. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

**2 рви.** Вақт ўтган сари, борган сари, аста-секин, тобора; кейинчалик, пировардида. *Бора-бора суҳбат жилови унинг қўлига ўта бошлади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Бора-бора фикримга фикр, ақлимга ақл қўшиладигандек бўлаверди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Бора-бора Ғойибжон билан иноқлашиб кетдик. М. Жўра, Изтироб. Дунёдаги барча нарсалар унутилгани каби, ўша гўдаклик хотираси ҳам бора-бора тонгги тумандай тарқалди-кетди. Ж. Абдуллахонов, Орият.*

**БОРАКАЛЛО** с.т. айн. баракалла. ■ *Боракалло, гўшт тўғраида сенга етадигани йўқ. К. Яшин, Ҳамза. -Муборак, муборак! Боракалло, мирзо Анвар! — деди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**БОРАСИДА** кўм. вэф. қ. бора. I 2.

**БОР-БУД** Бисотдаги бор нарса, мол-мулк, буд-шуд. *Шўро давлати бор-будимни тортиб олди. Ҳ. Фулом, Машғал. Уйига бирон меҳмон, аиниқса азиз меҳмон келса, бор-будига кифояланмай, оёғи куйган товукдай югуради, ўзида бўлмаса, қўшинисиникига югуради. С. Нуоров, Нарвон.*

**БОРГОҲ** [ф. پارگاہ — подшоҳ саройи, қабулхонаси; подшоҳ чодир] эск. кт. Махсус ижозат билан кириладиган жой, подшоҳ ва хонларнинг қабулхонаси. *Рафқон ва Шўр-*

*сув даштида душман билан тўқнашувни хаёли қилиб, Рафқон текислигига боргоҳ қурди. Мирмуҳсин, Меъмор. Эрта тонгда боргоҳлар йиғиб олинди, саркарда Амир Довуд барлос олдинда, қўшин яна йўлга тушди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**БОРДИ-КЕЛДИ I** Бир-бириникига бориб-келиб туриш, бориш-келиш, ўзаро яқин алоқа. *Кейин-кейин оилавий борди-келдига ҳам ўтдилар, эски гиналар унут бўлди. Э. Аъзамов, Жавоб. Икки томон — ота-оналаримиз орасида борди-келди бошланиб кетди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўша вақтларда Зокир Фаридани унутиш учун Лола билан борди-келди қила бошлаган эди. Очил буни кўриб, тутаб кетди. П. Қодиров, Уч илдиш.*

**2** Бирор манзилга бориб, ундан қайтиб келишгача бўлган масофа. *Ҳозир борамиз, борди-келдиси машинада бир ярим соатлик йўл. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**3** кўчма Турмушда учраб турадиган майда-чуйда, икир-чикир ташвишлар, машаққатлар. *Эргаш ҳали гўдак эди, дунёнинг борди-келдисини билмас.. эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Юнусали ота шу кунгача уларнинг борди-келди гапларига аралашмай, чидаб келарди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**БОРДИ-Ю шарт. боғл., с.т.** Мабодо, агар, башарти. *Борди-ю, ҳеч нарсага эриша олмасак, режа бузилади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. ..кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди: «Борди-ю, шу бўлса-чи?» А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**БОРДОН** [ф. ياردان — катта хуржун] **1** Қобиғи олинмаган қамишдан бўйрага ўхшатиб тўқилган қалин, дағал тўшама. *Қамишдан уй-рўзгор учун бордон ва бўйра тўқишади: мева-ларни қуритишда фойдаланилади. М. Тўйчиев, Қамиш. Низомжон бордонни шитирлатмай, оҳиста кийиниб, чодирдан чиқди. С. Аҳмад, Уфқ. Катта кўчани кесиб ўтадиган ариқ бўйида сериоҳ тол тагига сув сешиб, бордон тўшаб қўйилган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**2** Шундай тўқимадан тайёрланган махсус қоп, идиш. *Бир бордон бугдой. ■ Уч олишнинг моҳирисан танқид этган кимсадан, Шахсият дони қўйилган ё чувуқ бордонмисан? Ж. Абдулла, Кимсан?*

**БОРДОНДАЙ, -дек** с.т. Бордон (қоп) сингари, семиз, гавдали одам ҳақида. *Бордон-*

дай хотин. ■ Рўзгорни қўлингга олиб, бордондай семириб ўтирасанми? Ойбек, Танланган асарлар. Сариққина, чилтондай ориққина қизингни бордондай семиртириб юборди. Ойбек, О. в. шабадалар.

**БОРДОНЧИ** Бордон тўшама ёки қопни тўқувчи уста. Ҳамма айб бордон тўқийдиган устада. Агар бордончи сийрак тўқимаганда, бундай аҳвол бўлмас эди. «Муштум».

**БОРЖОМ[И]** [ғруз. Грузиянинг Боржоми шаҳри номидан] Шифобахш минерал сув. Зардаси қайнаган кишиларга бир озгина сув ёки боржом берилса, ошқозон суюқлигининг кучини камайтириб, энгиллик келтириши мумкин. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**БОРИ** Ҳаммаси бўлиб; бор-йўғи; атиги, бўлгани. Айтадиган гапининг бори шуми? Сўзлашувдан.

**БОРИБ-БОРИБ 1** Бормоқ фл. тақр. рвдш.

2 рвш. Охири, пировардида, пировард-натижада. Саид бориб-бориб ўша уй бекаси Малоҳатга уйланган. А. Мухтор, Чин муҳаббат. Бориб-бориб ўз маҳалламизнинг болалари ҳам мени келгинди, деб ўйинга қўшмайдиган бўлишган эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БОРИ-ЙЎҒИ** қ. бор-йўғи. Бори-йўғи кафтдек келадиган эски ошхонанинг томини қайта ёпиш учун нари бориб, бери келдим. «Муштум».

**БОРИНГКИ** қрш с. Хуллас, қисқаси. Богда олма, бегум .. борингки, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. ■ Бегим.. сизда виждон, инсоф, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, борингки, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОРИЧА** рвш. Борига қараб; борига яраша; имконияти доирасида, қўлдан келганча, борини ишга солиб. Бор — борича, Йўқ — ҳолича. Мақол. Ҳар ким борича полвон. Мақол. ■ Кучим борича дарвоза томонга югурдим. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. У ўзини имкони борича бепарво тутушга ҳаракат қилди. Т. Ашуоров, Оқ от.

**БОРИШ-КЕЛИШ 1** Бир бориб, қайтиш. Қишлоғимизга бориш-келиш — олтмиш километр.

2 Ўзаро яқин муносабат, ўзаро алоқа; борди-келди. Қариндошлар билан бориш-келишингиз борми? ■ Мулла Туроб.. ҳеч бир киши билан бориш-келиш қилмас экан. С. Ай-

ний, Эсдалиқлар. ..ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар нечалаб доvon ошиб, бориш-келиш қилиб турганлар. Газетадан.

**БОРИШЛИ-КЕЛИШЛИ** фольк. айн. бориш-келиш. Боғбон бўлиб қизил гулин терайик, Боришли-келишли бўлиб юрайик. «Ёдгор».

**БОР-ЙЎҒИ 1** Бисотида, ихтиёрида бўлган ҳамма нарса; бойлик, буд-шуд. Қумда таланиб, бор-йўғидан ажралган кичик қарвон сочилган нарсаларни йиғиб, отларни эгарлаб, араваларга қўшишга ҳозирлик кўрди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бечоранинг бор-йўғи, пешонасидаги боласи шу — бизнинг келинимиз. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Дарағи, борлиги ёки йўқлиги. Бор-йўғини билмайман, Бол тилайди томоғим. Мақол. ■ Қанча элат Бойсидан кетди. Шунча вақтдан бери бор-йўғи маълум бўлмай ётган.. «Ёдгор».

3 Ҳаммаси бўлиб; атиги, фақат. Ҳа, дарвоқе, чўпон-чўлиқлар қишлоғи бор-йўғи ўн икки хонадонли қишлоқ. «Ўзбекистон кўриқлари». Томонларнинг келишувига мувофиқ, бор-йўғи олти партия ўйналиши керак эди. «Гулдаста». Биз бор-йўғи уч жонмиз, уч коса етади. С. Сиёев, Ёруғлик.

**БОРЛАМОҚ 1** Пўлат ёки бошқа металлдан тайёрланган буюмлар сиртини борга тўйинтирмақ. Борлаш натижасида буюм сирти қаттиқлашади, иссиққа ва ейилишга чидамлилиги ошади. «ЎЗМЭ».

**БОРЛАМОҚ 2** шв. Хабар олмоқ, ҳолаҳвол сўрамоқ.

**БОРЛИК 1** Бор бўлишлик, мавжудлик. Пул борликка бор-у, оз-да. ■ Бир парча ерларинг борлигини эшитар эдим, қўлларинг-дами? Ойбек, Танланган асарлар. Отабек Зайнабнинг шу қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аскарлар деворни уриб, орқасида ҳавол ер борлигини билди. Ж. Шарипов, Хоразм. Тавба, хўп аломат одам-да. Бу қўтир дунёда шунақа одамохунлар борлигига ҳеч ақлим етмайди. Бор экан-да! М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Бойлик; тўқлик. Борликдан мақтанма. Мақол.

**БОРЛИҚ 1** флс. Инсон онги ва сезгисидан ташқаридаги объектив дунё, олам, мавжудот. Аҳмад кўчага чиқди. Кун иссиқ, борлиқ лов-лов ёнарди. Ф. Мусажонов, Ҳим-

мат. ..чўл ҳам, бутун борлиқ ҳам ноз уйқуда ётгандек. «Ўзбекистон кўриқлари». Интилар борлиқни инсон Баркамол этмоқ учун, Не ажаб, инсонни борлиқ Баркамол этган эмас. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Кишининг вужуди, жисми, туриш-турмуши. Борлиғим муҳаббатингиз алангаси билан туташгани ҳолда завжингиз Отабек. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Оғриқ унинг бутун борлиғини чулғарди. «Ёшлик». Дарё ёқасида ўтириб, бутун борлиғи билан қўшиқ айтаётган қизга кўзим тўшиди. «Шарқ юлдузи». Борлиғидан совуқ тер қўйилиб кетди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

3 Барча, ҳамма, бутун. Ўзбек ойим ўғлининг «ўлганнинг устига чиқиб тепиш» қабилдан бўлган бу ҳаракатидан тутуни кўкка чиқиб, борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўкади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОРМОҚ 1** Сўзловчининг турган жойидан узоқлашмоқ, нари кетмоқ; бирор жой (манзил)дан иккинчи жой (манзил) томон ҳаракат қилмоқ, йўл олмоқ; наридаги бирор манзилга етмоқ. *Қозир институтга бораман.*

■ -Нима бўлди сизга, қаёққа борасиз? — Марғилонга. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Боринг, Насибани мактабдан айтиб келинг, иссиғида бора қолайлик. А. Қаҳҳор, Асарлар. Сидиқ-жоннинг назарида, агар [Шарофат] шу кайфиятида кетса, шу ердан борибоқ, жўрттага бир бўйни йўғонга тегадиган. А. Қаҳҳор, Асарлар. Шу ердан.. Шайхонтовургача қанчада борасиз? — Кўз очиб юмеунча. Ойбек, Танланган асарлар. Эртасига у мактабга бормади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Умуман, бирор йўналишда, йўлда нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ, узоқлашмоқ. *Поезд.. беноён саҳродан борар эди, эртасига эрталаб бирор соатга яқин тўхтаб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Қизни излаб, узоқ боргач, унинг кўчасида тўхтади. Ойбек, Нур қидириб. Биз олга бораверамиз.. А. Қаҳҳор, Асарлар.

3 Жўнатишган, тарқатилган жойидан, манбаидан наридаги, мўлжалдаги жойга етмоқ (овоза, гап, хат-хабар ҳақида). *Сиздан бир марта ҳам хат бормади.* ■ *Бу гаплар амирзода қулоғига бориб етганига асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор. Бўтабой ўйлаб туриб: -Бизнинг қишлоқдан ҳам маълумот борган экан-да, а? — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

4 Бирор транспорт воситаси билан нари томон юрмоқ, силжимоқ, узоқлашмоқ. *Автомобусда бормоқ. Самолётда бормоқ.* ■ [Қурбон ота:] -Намангангача машинада борсангиз, у ёғи яқин, — деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Бирор жой, объект ёки шахс томон йўналмоқ, ўша жойда ёки шахс ҳузурда бўлмоқ; ташриф буюрмоқ. *Тўйга борсанг, тўйиб бор.* Мақол. ■ *Тагин бир марта Талъатнинг олдига боришига тўғри келади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Юсуфжон Ғиёсов ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлкинлари. Амаллаб яқин борганида, бахт деган ўша нур яна бир олам нарига кетиб қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Фуломжон ҳокимни кутгани бормади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бирдан уйига, болаларининг олдига боргиси келди. С. Аҳмад, Уфқ.

6 Доимо бир йўналишда юрмоқ, қатнамоқ. *Ишга бормоқ.* ■ *Ғижим рўмол тўқийман, Мактаб бориб ўқийман.* «Кўшиқлар».

7 Ўз иши, фаолиятида ёки тараққиёт жараёнида бирор йўлдан кетмоқ, бирор йўналишда ҳаракат қилмоқ. *Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда.* ■ *Чин инсон, ёмонлар бўхтон қилганда ҳам, тўғри йўлдан адашмай бораверади.* Газетадан. Улар ўзларига, ўз ерларига, ўз уйларига ҳаёт, сув келтириш учун.. курашга борадилар. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

8 Кўйилмоқ, кўрсатилмоқ (спектакль, томоша ва ш.к. ҳақида). *Кинотеатрда янги фильм бораётир.*

9 Давом этмоқ, бўлмоқ, кетмоқ, ўтмоқ, кечмоқ (иш, суҳбат, вақт ва ш. к. ҳақида). *Қизгин баҳс бормоқда. Гап ёш мутахассислар ҳақида борди.* Кунлар кетидан кунлар борар эди.

10 с.т. Сифмоқ, бемалол кирмоқ. *Тахта қаттиқ экан, миҳ бормаяпти. Этик оёғимга бормаяпти.*

11 Сони, миқдори, катталиги жиҳатидан маълум юқори чегарага, даражага етмоқ, эришмоқ. *Қўйлар сони беш юзга борди. Хонанинг узунлиги тўрт метрга ҳам бормади.* ■ *Одамда мия нўстлогининг сатҳи, ўртача олганда, 1250 кв. см. бўлиб, отда 350 кв. см. га ҳам бормади.* «Анатомия».

12 Давом этиб, ривожланиб, бирор даражага етмоқ, бирор оқибатга келмоқ. *Аҳвол шунгача борди.* ■ *Отабек ёрилиш даража-*

сига бориб қайтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бир ўзингиз кучанганингиз билан узоққа бора олмайсиз. С. Сиёев, Ёруғлик.

**13** Ўтиб, кечиб, муайян паллага, вақтга етмоқ (вақт ҳақида). *Тонг отарга бориб, кўзи ёриди.* ■ *Кўчаларда найзабозлик жанги бошланиб кетди.. ярим кечага борганда, икки томон аралашиб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бемор яна кўзини юмди, шу юмганича очмади – саҳарга бориб узилди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**14** Маълум ёшга кирмоқ, етмоқ. *Солиҳ Махдум ўттизга борганда, мактабдорлиги ҳам яхшигина шуҳрат топади..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Дўнпифуруш – эликка бориб қолган одам.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Катта – ўғай қайнона, ёши олтмишларга борган, семиз, забардаст, димоғдор кампир эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**15** Етакчи феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг: а) даражама-даража ривожланишини, кучайиб ортишини билдиради. *Қор ва шамол кучая борди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳозир косиб билан деҳқоннинг сабр косаси тўлиб боряпти.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ғазал интиҳосига етган сари Авазнинг чеҳраси ёришиб борарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Серқуёш ўлкамиз халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати туфайли тобора гўзаллашиб бормоқда.* Газетадан. *Душман танг аҳволда қолган, қуришов ҳалқаси тобора торайиб борарди.* Газетадан; б) давомийлигини билдиради. *Нима бўлса ҳам, теварагидаги кўклам безакларини кўздан кечира борадир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мастон уни орқасидан суяб борди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Матқовул ака одамлар орасидан аста ўтиб борди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; в) тугалланганлигини билдиради. *Зайнаб жуда ишонган ҳолда ўз уйига етиб борди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ён-бошдаги хонани тақиллатмасдан кириб борди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта қулоқ сол. *Уч кун деганда шаҳарга кириб бордим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.

**16** Жўналиш келишиги шаклидаги айрим мавҳум отлар билан ишлатилади ва маъносига кўра бош келишик шаклидаги айни шундай отлар билан келган «қилмоқ» сўзига тўғри келади, мас.: *андишага бормоқ – андиша қилмоқ.* ■ *Тоҳиржон болалигига бориб, тихирлигини қўймади.* Н. Мақсудий, Умидли бола. *Жувон бу гапни ҳазил аралаш айтдим, чин айтдим – Сидиқжон фарқига борол-*

*мади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари. *Бўтабой ҳовлидаги супада чалқанча ётиб, минг хил хаёллارга боради.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Келганим унга ёқмади шекилли, деган андишага ҳам борди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**17** Қўшма феъл таркибига киради, мас.: *бориб етмоқ, бора келмоқ.* ■ *Ўзбек ойим ўрта эшикка бориб етмаган ҳам эди, нариги ёқдан қўшининг боласи югуриб кириб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Олиб бормоқ** 1) бошлаб, йўл кўрсатиб, бирга бормоқ. *Жўнар олдида Ўрмонжон Сидиқжоннинг қулоғига: -Меҳмонларни бизникига олиб бор, мен орқалиридан етиб бораман, – деди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари; 2) элтмоқ, элтиб бермоқ. *Бу нарсаларни уйга олиб бор.* ■ [Йўлчи] *Анча ергача кузатиб, уни [Ёрматни] турмага олиб боришларини англагач, ноилож орқага қайтди.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) узатмоқ, чўзмоқ. [Отабек] *Эшик занжирига қўлини олиб боргани ҳолда, ўйлини тўхтади ва эшикни очмай, орқасига қайтди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 4) бирор даражага, чегарага етказмоқ. *Биринчи квартал режасини 150 фоизга олиб бордик;* 5) бошқармоқ. *..Эргаш Ҳамроқулов раислик қилиб, мажлисни олиб бормоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи; 6) мунтазам равишда амалга оширмоқ, ўтказмоқ. *Иш олиб бормоқ. Тажриба олиб бормоқ.* ■ *Одамларнинг ўт кечиб, сув кечи олиб борган курашлари натижасида турмушлари қандай ўзгарганлигини кўрсатмоқчи, холос.* А. Қаҳҳор, Йиллар.

**Бориб турган** Бирор белги-хусусиятнинг ортиқлигини ифодалайдиган ибора. *Бориб турган ёлғончи.* ■ *Мен бўлсам, отам бориб турган камбағал бўлгани учун, у ўртоғимга узил-кесил жавоб қила олмадим.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. **Борса келмас фольк.** Борган одам қайтиб кела олмай диган, жуда хатарли афсонавий жой. *Энди унинг зўравонлик қиладиган замони борса келмасга кетди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Уч кун ичида уста Юнуснинг авзойи ўзгариб.. табибнинг берган дориси ҳам кор қилмади шекилли, борса келмас сафарга отлангани ростга ўхшаб қолди.* С. Абдулла, Соялар. *..аллақайси гўрга, «борса келмас»га узатилган экан.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Нари борса қ. нари. Ой бориб, омон кел қ. ой. Пичоқ бориб суякка тақалди қ. суяк. Тил бормайди қ. тил 2. Оғиз бормайди айн. тил бормайди.** Кумушнинг

«йўқ» дейишга оғзи бормай, «майлнингиз, оғир бўлмаса», деб жавоб берди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ғози ўзи гапиришга оғзи бормай, «сен гапир» дегандек, Умаралига қаради. И. Раҳим, Ихлос. Юрак бормайди* Юрак бетламайди, юрак безиллайди. **Қайга борай?** Нима қилай, қаердан ва нимадан нажот топай? *Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога?* Мақол. **Қўл бормайди қ. қўл.**

**БОРОНА** [умумславянча: бор — кесиш] Ҳайдалган ернинг юза қисмини текислаш, кесакларни майдалаб, қатқалоқни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик кууроли; сихмола. *Дискли борона. Тиркама борона. Борона қилмоқ.* ■ *Плуглар орқасига тиркалган бороналар.. ханжар тишлари билан кесакларни чайнаб.. борарди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Аввалги йиллар Кенжабой ака боронани серунум ва сифатли қиладиган мола ўйлаб чиқарган. Ҳ. Назир, Қўктерак шабадаси.*

**БОРОНАЛАМОҚ** Ҳайдалган ерни борона билан юмшатмоқ, текисламоқ, мола-ламоқ. *Эртага бороналаб, енгил мола орқасидан тракторда экаверииш керак. И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. Бороналаш билан бир вақтда тупроққа маҳаллий ўғит ҳам солиб кетилди.* Газетадан.

**БОРТ** [нем. Bord ёки Borte — чекка, ён] 1 Кема, космик кема, юк машинаси, самолёт ва ш.к. нинг ёни, ён девори. *Машина шитоб билан тепаликка тирмашиб, оғир юкдан бортлари бетиним ғичирлаб бормоқда. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Тўрабек бортга суяниб ўтирган еридан алам билан тўлғаниб қўйди. М. Мансуров, Ёмби. Бортига «гўшт» деб ёзилган машина ўқдай учиб келди-да, омборхона олдида тўхтади.* Газетадан.

2 Келишик аффикси билан келган шаклларида самолёт, кема ва ш. к. нинг ичи маъносини билдиради. ..«Восток» космик кемаси бортидаги одам билан космосга кўтарилди. «Келажакка парвоз». Кема бортига ўрнатилган ҳамма асбоблар ва системалар аниқ ва пухта ишламоқда. Газетадан.

**БОРТМЕХАНИК** [борт + механик] Учиш аппарати (самолёт, космик кема ва б.)га ўрнатилган асбоб ва ускуналарни ишга солиб, назорат қилиб борувчи шахс. *Борт-механик шунчалик қистаса ҳам, Жумабой ўзини шамолдан четга олишини истамасди. «Ишчилар».*

**БОРТПРОВОДНИК** [борт + проводник] Жамоа транспортида (самолёт ва б.) йўловчиларга хизмат қилувчи шахс. *Галина Азизова Тошкент реактив самолётлар бўлинмасида беш йилчадан бери бортпроводник бўлиб хизмат қилади.* Газетадан.

**БОРПЧ** [р. борщ — доривор ўт; лавлаги солинган ёвғон шўрва] Лавлаги, карам ва бошқа сабзавот ҳамда резаворлар, гўшт солиб пиширилган суюқ овқат; карам шўрва тури. *Жумладан, шу кунларда боршчининг мавсуми, бунинг учун харибор дўконга келганда, карам, лавлаги, қизил сабзи, томат, пиёз ва турли резаворларни олиши керак.* Газетадан.

**БОСА-БОСА** *такр. с. 1* Оёқ билан қайта-қайта эзиб, мажақлаб; оёғости қилиб. *Боса-боса талқон қил, майда-ё, майда, Босган еринг талқон қил, майда-ё, майда.* «Бойчечак». *Туркманлар.. устма-уст ҳамлалар билан олдинги қисмларни боса-боса силжиб келар эдилар. Ойбек, Навоий.*

2 Тинмай, тўхтовсиз. *Боса-боса юринглар, Бод бўлсин жонивор.* «Бойчечак». *Пишқириб машиналар, Боса-боса ҳарсиллар. Қ. Муҳаммадий.*

**БОСАБОТ** [бо.. + сабот] Ўз сўзида, қарорида мустаҳкам турувчи, собитқадам, саботли. *Бетимсол талатўнда Музаффару босабот, Ўзбек яна дўпписин Қиялаб кўндирибди. А. Орипов. Эй, менинг давроним, ўзинг босабот, Кўкда ҳам кўкрагинг кериб турибсан. А. Орипов.*

**БОСАР-ТУСАР:** **босар-тусарини билмай қолмоқ** 1 Ҳаддан ташқари мағрурланиб, кеккайиб кетмоқ, манманлик қилмоқ; ҳеч нарсани назар-писанд қилмай қўймоқ. *Ҳасанча, нави Сойиб танбурчиға ўхшаганлар «хўжайин-хўжайин» дейишавергач, босар-тусарини билмай қолди. С. Маҳкамов, Шогирд. Икки оғиз ширин зап эшитса ёки утатўртта янги кўйлаги бўлса, босар-тусарини билмай қоладиган қизлар ҳам бор. А. Эшонов, Бир оғиз сўз.*

2 Ҳовлиқмоқ, шодликдан ўзидан кетмоқ. *Ҳабиба кечадан бери босар-тусарини билмай, зиёфат тараддудини кўрмоқда. Ҳ. Назир, Очерк ва ҳикоялар. Умиднинг чеҳраси очилиб, хурсанд бўлиб кетганидан, босар-тусарини билмай қолди. Мирмуҳсин, Умид.*

**БОСАФО** айн. **сафоли.** Хурсандлик, шодлик кайфиятини туғдирувчи, ҳузур ба-

ғишлолчи. *Сайр этгали боғ босафо, Ёр келур, жононим келур.* «Кўшиқлар».

**БОСВОЛДИ** Шақли тухумсимон, сирти сал тилим-тилим, олапўчоқ, тўрсеиз, эти юмшоқ, ширин ўртапишар қовун нави. *Бу босволди, бу чала пишган бегимсуйди.. бу бир ёнига офтоб тегмаган қизилуруғ, деб беҳато айтавераман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Қуёш ботиб, салқин тушиди.* Полизнинг тароватли, ҳандалак, босволди бўйини уфурган фазли оқшоми бошланди. Н. Фозилов, Дийдор. *Салқин ҳавода чўғири, босволдиларнинг ёқимли ҳиди анқирди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**БОСДИ-БОСДИ** айн. **бости-бости.** *..бирорта ҳам жавобгарликка тортиладиган шахс топилмади, иш босди-босди бўлиб кетди.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз. *Хотиржам бўлинг. Ҳаммасини босди-босди қилиб юбордим, бу ёғининг ҳам эҳтиётини қилиб қўйдим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Кўнгилсиз воқеа шундай қилиб босди-босди бўлиб кетгандек эди-ю, бироқ орадаги муносабат борган сари кескинлашиб борди.* А. Мухтор, Чинор.

**БОСИВ-БОСИВ** тақр.с. I Кўп-кўп, тўлдириб-тўлдириб. *Биттасидан бир қоп олма олар эдим, Анорлардан босиб-босиб солар эдим.* А. Мухтор, Асарлар. *Ичмайман деганимга қарамай, босиб-босиб беравердиларинг, эшикка чиқсам, кўнглим айниди.* Файратий, Ёшлигимиз. *Бўтани тезроқ бадном қилайлик десангиз, ҳозир чолга босиб-босиб ичирасиз.* С. Аҳмад, Хукм. *Валихон кайфини тарқатиш учун босиб-босиб кўк чойдан ичди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**2** Тез-тез, пайдар-пай, қониб-қониб. *Рангсиз йигит эса нима деб жавоб қиларини билмай, қўлидаги аччиқ чойни босиб-босиб ҳўплай бошлади.* «Шарқ юлдузи». *Поезд жўнаш олдидан босиб-босиб қичқирди.* А. Эшонов, Бир оғиз сўз.

**БОСИЛДИРИҚ** фольк. Тинчлик сақловчи, осойишталик посбони. *Шўрим қурсин, тўрамдан айрилиб эдим, отамдан ҳам айрилдим, ёмон бўлса ҳам, элнинг босилдириғи эди.* «Ойсулув».

**БОСИЛМОҚ 1** **Босмоқ 1–7, 10–13, 16–17, 21, 24** фл. мажҳ. н. *Тепки босилди.* *Минг километр йўл босилди.* *Мақола босилиб чиқди.* *Оғир босилгунча, енгил кўтарилар.* *Мақол.* ■ *Қинғир-қийшиқ сертупроқ кўчанинг*

*ҳар ер-ҳар ерида пастак, томига пичан, беда босилган уйлар.* С. Аҳмад, Хукм. *Э, унғача уруш ҳам босилади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *-Ўлтиринг, ўлтиринг, меҳмон! — деди уста Фарфи, — ошга сабзи босилди-пишди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уч ойдан сўнг роман «Ёлқин» журналицда босила бошлади.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. *Исфандиёрнинг муҳри босилган қоғоз таъсир қилдими, оломоннинг шашти пасайди.* С. Сиёев, Аваз. *Султонмурод қайнаган оломон ичиде туртки еб, босилиб, эзилиб, узоқ юрди.* Ойбек, Навоий.

**2** **Босмоқ 5, 16–17, 23** фл. ўз. н. *Оғриқ босилди.* *Оёғимнинг қалтироғи энди босилди.* ■ *Бош оғригингиз босилмасе, бир-икки кун ишга чиқмасангиз ҳам майли.* С. Аҳмад, Сайланма. *Даҳлизда бир пиёла совуқ сув ичди.* *Юраги куйгани босилмади шекилли, яна қуймоқчи бўлди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Тўзон босилар-босилмас, бир эшикдан кетмон, чўкич, болта кўтарган кишилар чиқиб қолишди.* «Гулдаста». *-Билмадим-билмадим,— деб қўйди доктор ҳамон таажжуви босилмай.* К. Яшин, Ҳамза. *Ғовур босилди.* *Бир лаҳза жимликдан сўнг, кулги кўтарилди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *-Кўнглингиз босилдими? — Қумуш жавоб ўрнида ёстиқдан қўзғалди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Йўталим босилди, ойи, — деди Пулат Хайрини юпатиб.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**3** *кўчма* Тартибга тушмоқ, сиполашиб қолмоқ, вазминлашмоқ, қуйилмоқ, тийилмоқ. *-Анча босилиб қолган, ҳаётига қайтган йигитимиз шу бўлади, — деди Исмоил.* Газетадан.

**БОСИМ I** физ. Бирор жисм юза бирлигига тик йўналишда таъсир қиладиган бошқа кучни ифодаловчи физик катталиқ. *Қон босими. Атмосфера босими.* ■ *Бир миллион атмосфера босимида темир ҳажми, тақрибан, 30 фоизга камаяди.* «Фан ва турмуш». *Жаҳл чиққанда, бош мия мушакларининг таноби тортилади, қон томирлари сиқилади, ички қон босими ошиб кетади.* «Саодат».

**БОСИМ II** рвш. Тин олмай, тўхтамай, сурункасига. *Жамила қизи билан олти кун босим ўтириб тиккан тағдўзи дўппиларини сотгани кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Рихсивой ака ҳосилотлик вазифасидан олинган, уч кун босим қишлоқда кўринмади.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Уч кундан бери босим чап кўзим учар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**БОСИМ III шв. фольк.** Устун, баланд; афзал. *Босим келмоқ.* ■ *Бизлардан [парилардан] одамнинг сулуви босим келади.* «Балогардон».

**БОСИМ IV эск. айн. ургу.** Китобни эса, русча тез ва босимларини жойига қўйиб ўқий билгани учун, Саидий ўқиши керак эди. А. Қахҳор, Сароб. *Бундан ташқари, баъзан сўздаги босимнинг ўрни атайин алмаштирилиб.. «Адабийёт назарияси».*

**БОСИМЛИ физ. сфт.** Бирор босимга эга бўлган. *Бизнинг заводимизда баланд босимли, пухта буғ қозони қурилди.* Газетадан.

**БОСИНҚИ сфт. 1** Сунъий равишда, атайлаб пасайтирилган; паст, бўғиқ. *Идоранинг ҳовлисида ўн чоғли одам нима тўғридадир босинқи товуш билан сўзлашиб турар эди.* А. Қахҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қатор кетган аудиториялар ёпиқ, ичкаридан босинқи говур эшитиларди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Гавҳар қўшни хонада акасининг босинқи овозда гўнғир-гўнғир гапирганини, аячасининг кулганини эшитиб, девор томонга ўгирилиб ётди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**2** Оғир, ларзага солувчи. *Йўқ, йўқ, туш, даҳшатли, босинқи туш.* Э. Аъзамов, Жавоб.

**БОСИНҚИЛИК айн. босиқлик.** *Жобирнинг бояғи ҳолати йўқолди, номуслари келди, энди кули билан эмас, босинқилик билан енгмоқчи бўлди Қўшоқни.* Ҳ. Шамс, Душман.

**БОСИНҚИРАМОҚ** Ёмон туш кўриб безовта бўлмоқ, қўрқмоқ, уйқу аралаш гапирмоқ, алаҳсирамоқ. *Бойвучча ойи босинқираб, уйғониб кетди.* «Шарқ юлдузи». *Уша кеча Элчиев яна ухлаёлмай, алаҳлаб, босинқираб чиқди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Бир бинокор инженер уйқусида босинқираб, сапчиб ўрнидан турди.* «Муштум».

**БОСИРИҚ I I** Ёмон туш, даҳшатли туш. *Урушда кечирганлари қора босириқдай, баъзан хотирадан ўтажак.* Ойбек, О. в. шабадалар. *..бирдан паришон хаёллар қуюнидан, оғир босириқдан қутулгандай қичқирди Аҳмад Ҳусайн.* Ойбек, Нур қидириб.

**2** кўчма Даҳшат, хавф, қўрқинч. *..қаёққа кўз юртсанг, уччига чиққан қашшоқликнинг, зотуликнинг босириғи худди чуқур ўпқондай ютаман деб турилади.* «Шарқ юлдузи».

**3 шв. Ёпиқ,** от ёпиғи. *Мирохўр юганлаб Ғиротни, босириқ жулини шипириб тортди.* «Нигор ва Замон».

**БОСИРИҚ II шв. айн. босим II.**

**БОСИРИҚ III** Босилган, топталган, эзилган, янчилган. *Нари тур-бери тур қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар.* А. Қодирий, Улоқда. *Қушбеги билан мен гўё тоғ остида босириқ бўлган эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОСИРИҚМОҚ шв. айн. босинқирамоқ.** *..шундай қўрқаманки, эсласам босириққандай бўламан.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БОСИРҚАМОҚ шв. Босинқирамоқ.** *Иситмаси баланд, босирқаяпти.* ■ *Нуқул Миша билан гаплашади, гоҳида босирқаб кулади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БОСИШМОҚ Босмоқ 1-7, 9-14, 16, 18-19, 24** фл. бирг. н. *Ямоқ ишлари сиёраклашгач, ювилган кийимларга дазмол босишди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Кўйлакнинг тоза еридан йиртиб олишди-да, қон оқимини тўхтадагини дори шимдириб, ярага босишди.* «Ёшлик».

**БОСИҚ 1** Босиғлик, босилган; эзилган; пачоқ бўлган.

**2** Чеккага ёки пешонага туширилган (бош кийими, дўппи ҳақида). *Беқасам тўн, қўш шоҳи қийиқ, Тус дўпписи манглайда босиқ.* Ойбек.

**3** Ўзини тутта биладиган, оғир, вазмин; сипто. *Ушаларнинг гапи гап. Сенам, укам, ловиллаб кетмагин-да. Ҳа, босиқ бўл!* С. Анорбоев, Оқсой. *Миржалил ўттиз етти ёшларга кирган, анча босиқ, оғир йигит.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Тилак поччам босиқ йигит.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ойсанам — босиқ табиатли, камгап, иффатли жувон.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

**4** Босинқи, вазмин; салмоқли, салмоқдор. *Босиқ, лекин таъсирчан сўзламоқда эди.* «Шарқ юлдузи». *Аҳмад ўспиринлар томонга ўгирилди. Босиқ овоз билан гапирди.* Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. *Заргаровнинг паришонлигини пайқаган Зиёда шўхликни қўйиб, босиққина хайрлашди.* А. Мухтор, Асарлар.

**Босиғи билан** Вазминлик, босиқлик билан; тушунтириб, ётиғи билан. *Валижон ака.. кейин босиғи билан гапирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. - *Матқовул ака, мен нон топармиканман деб, қорин ғамида мактаб очганим йўқ, — деди у босиғи билан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**5** Япасқи, ялпоқ; пучуқ. *Бурнини жийирганида қалин лаби босиқ бурнига тегай деб кетади.* «Муштум».

**БОСИҚЛИК** Вазминлик, осойишталик, ўзини тутиб олганлик. *Маҳкамнинг босиқлиги.. уни Очилга нисбатан бир неча ёш катта кўрсатарди. П. Қодиров, Уч илдиш. Ашуралининг овозидан босиқлик йўқолди, қалбига ғазаб тўлди. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. Рашид ота наст, ширали овозда, кексаларга хос босиқлик билан қуйларди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

**БОСИҒЛИҚ** Устма-уст тахлаб, босиб кўйилган. *Тахмонда босиғлиқ кўрпалар турибди. Омборда дони босиғлиқ, камчилиги йўқ.*

**БОСМА 1** Босмахонада босилган, чоп қилинган, нашр этилган. *Қўлёзма ва босма асарлар. ■ Мустақиллик даврида босма маҳсулотлар янада кўпаяди. Газетадан.*

**Босма лист қ. босма табоқ.** Туроб аканинг ҳамма ёзган асарлари 150 босма листга яқин тўпلامни ташкил этади. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Босма машина** Китоб, газета, журнал, рисола, плакат ва б. матбаа маҳсулотлари чоп этиладиган машина; босмахона машинаси. **Босма табоқ** Нашрнинг ҳақиқий (амалдаги) ҳажми ўлчов бирлиги бўлиб, бичими 60 x 90 см бўлган қоғоз варағининг бир томонидаги нусхани ташкил этади. **Босма ҳарф 1)** босмахона ҳарфи; 2) босма асарларда қўлланадиган ҳарф.

**2 тар. эск. айн. нашр.** Эҳсон стол устида ётган бир китобчани Саидийнинг олдига сурди: -Буни кўрдингизми? Иккинчи босмаси. А. Қаҳҳор, Сўрбон. *Адабий ходимнинг асосий вазифаларидан бири – материални таҳрир қилиб, босмага тушириш. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. -«Истеъдод» нима дегани-а? Ҳеч тушунмадим-да шу гапга, – деди Хусниддин. Муса яқиндагина босмадан чиққан, ҳеч қўлдан туширмайдиган лугатни олди-да, тез варақлаб топди: -«Талант» – деди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**Босмага тайёрлаш** Қўлёзмани босиш, нашр этиш учун тайёрлаш.

**3 айн. босмахона.** У Хевада босма очиб (1874 йил), кўп китоблар бостирган. Ж. Шарипов, Хоразм.

**4** Нашриёт, ношир, нашрчи. *..Сен Отажон босма билан бир сўллаш. Тошбосмада Авазнинг шеърларини чоп этиб, нусхасини кўпайтирсин. С. Сиёев, Аваз.*

**5** Каштачиликда кенг тарқалган яхлит гул-чоклардан бири. *Айвонда босма гулли бўз кўрпа ёпилган настаккина танчада қиз-*

*лар ўтирарди. Ойбек, Улуғ йўл. Босма тиккан ботир қиз, Жамалай тиккан чевар қиз. «Бойчечак».*

**6** Жундан тайёрланган, тикилган (матоеки уст кийим ҳақида). *Босма чакмон. Босма кигиз. ■ Босма чакмонни ечиб, сандалга оёғини тикди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

**7** Кулолчиликда сопол идишларни безашда қўлланадиган гул нусхалари.

**8** Сиёҳни шимиб қуритадиган қоғоз ва шундай қоғоз ўрнатилган асбоб. *Жалғаш Нурибетов ғазаб билан кириб, Поишоҳон Мадраҳимованинг бошига сиёҳдон ёнидаги сўлоқмондек босма тош билан туширди. «Муштум».*

**9** Босқин, босқинчилик. *Ҳамма ўғри, каллакесар, ялангоёқларнинг бошида Акбарали ўзи туради! Кечалари йиғитлари билан босма қилади! Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**БОСМАХОНА** Босма асарлар чоп қиладиган корхона; матбаа, типография. *Босмахона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. Тошкентдаги Икромов номидаги босмахона адабий тўғараги ишининг боришини суриштирди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**БОСМАЧИ 1** Бировларнинг мол-мулкани таловчи шахс, босқинчи, босқинчилик қилувчи; бандит. *Иби, мен ўлай, сен ҳам босмачи бўлдингми? С. Айний, Қуллар. Бир неча марта йўлтўсарлар ва босмачилар қўлига тушишига сал қолди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**2** «Босмачилик» ҳаракатининг иштирокчиси, қатнашчиси. *Абдужалилбой мулла Обидга аниқ босмачи сифати билан баҳо берди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**БОСМАЧИЛИК 1** Зўравонлик ва босқинчиликка таянувчи ҳаракат; босқинчилик, ўғрилик, бандитлик. *..ўша йиллари босмачилик ҳаракати авж олиб, Фарғона водийси ўт-олов ичида қолди. К. Яшин, Ҳамза. ..Тилмоч босмачиликда ҳалок бўлган, деб эшитганман. С. Аҳмад, Уфқ.*

**2 тар.** Туркистонда 1918–1925 йилларда кенг халқ оммаси вакилларининг босқинчи қизил армияга қарши олиб борган қуролли ҳаракатига шўро ҳукумати даврида буюк давлат шовинистлари томонидан берилган расмий ном.

**БОСМОҚ 1** Устига оёқ кўймоқ. *Бемаҳал юрган гўнг босар. Мақол. Қурбақани боссанг, вақирлайди. Мақол. От босган ерни той*



*босади. Мақол. ■ Кўрмайин босдим тиканни, Тортадирман жабрини. «Оқ олма, қизил олма». Муҳиддин асфальт юзидаги оқ муз доналарини босиб, телефон станцияси томон юриб кетди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Зулайхо яланг оёқлари билан пояни чип-чип босиб, унинг тепасига келди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**2** Устидан юриб, ўтиб эзмоқ, шикаст-ламоқ ёки ўлдирмоқ. *Бу қандай майнабозлик! Босиб-янчиб ўтабермайсанми? Ойбек, Танланган асарлар. Машина олганига икки ой бўлган бўлса, шу икки ой ичида нақ бешта товуқ, еттига мушук босди. С. Аҳмад, Тоғларда. Мансур куз чечакларини босиб бораркан, тагин Гавҳарни ўйлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**3** Қўл билан ушлаб турмоқ, эзгиламоқ, бўғмоқ. *Чап қўлим билан қаттиқ босиб турдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Полвон уни бир тегиб, ерга ағанатди-ю, бўғзидан босиб тураверди. С. Сиёев, Аваз. Энгашиброқ икки қўллаб Шералининг тўпикларни атрофини босиб турди. С. Кароматов, Олтин қум. Табиб дарров кўзини юмиб, бармоғи билан босди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**Елкасидан босмоқ** 1) тўхтатмоқ, тинчлантирмоқ. *Ҳамма ўрндан турди. Асқар ота ҳам турмоқчи бўлган эди, оқсоқол етиб келиб, елкасидан босди. А. Қаҳҳор, Асарлар;* 2) оғирлик қилмоқ, зўр келмоқ. *Бу оғир юк унинг елкасидан босди. У уй остонасини ҳатлаб ичкари кира олмади. Н. Сафаров, Оловли излар. Мола босмоқ айн. молаламоқ. Унинг ўрнига Мамажон далага борар, мола босар, хирмонда майдачилик қиларди. С. Нуров, Нарвон. Оёғини босмоқ кўчма Халақит бермоқ, қарши чиқмоқ. -Шарт шу: мактабда менинг оёғимни босадиган ҳеч ким бўлмаслиги керак. Авж олганини чеканка қилиб, кемтиб турман, — деди ўзича Мирсалим. Шухрат, Олтин зангласмас.*

**4** Куч билан итармоқ, сиқмоқ. *Тугмани (тугмачани) босмоқ. Кўнғироқни босмоқ. ■ Сулаймонов трубкани қўйиб, тантанали равишда кнопокани босди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Кабир Отақулович икки тавақали кўк эшик чеккасидаги тугмачани босди. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Аҳмад одати бўйича кўнғироқни уч марта кетма-кет босди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Жаҳл билан дуч келган тарафга қараб тенкини босди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**5** Куч билан сиқиб, из туширмоқ, қолдирмоқ. *Мухр босмоқ. Тамға босмоқ. Читга гул босмоқ. ■ Аввалига почта мухр босишини унутгандир, дедик. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**Бармоқ босмоқ қ. бармоқ 1.**

**6** Тирамоқ, сиқиб итармоқ. *Зиёдулла томоғи қирилиб, қуруқ йўталди, кўкрагини столга босиб, ўйга толди. Ҳ. Фулом, Машғал. Узоқ қиш кунлари давомида оппоқ сийнасини ерга босиб ётган қор баҳор қуёшининг илиқ тафтига дош бера олмай сингиб кетди. Газетадан.*

**7** Зарб билан уриб ясамоқ, зарб қилмоқ. *Тана, чақа босмоқ.*

**8** физ. Ўз оғирлиги ёки эластик кучи билан таъсир қилмоқ, сиқмоқ. *Суюқликлар ҳар томонга баравар куч билан босади.*

**9** Маълум бир нарсани бошқа бор нарса устига қўймоқ, тегишмоқ; тўсмоқ. *Назирқул унинг елкасини ишқади, латта ҳўллаб, пешонасига босди. С. Аҳмад, Ҳукм. Қизнинг қўлларига аста қўлимни босдим. С. Сиёев, Ёруғлик. Рустамжон Меҳрихоннинг юмишқ қўлларини, бинафшаларни юзига босди. «Саодат». Кампир дока рўмолининг учини лабига босиб, ерга қаради. А. Қаҳҳор, Асарлар. Халча хола бўлса, бир чеккада гунг бўлиб, рўмолининг учини оғзига босиб турибди, бир акамнинг афтига, бир оёқларига қарайди. М. Мансуров, Ёмби.*

**Лаб босмоқ** Ўпмоқ, бўса олмоқ. *Шаҳзодани шарт бағрига тортиб, чанқаган лабларини «мана, мени ўп» деб турган гунча лабларига қаттиқ босди. К. Яшин, Ҳамза. Бу кун суратингга сўзсиз босдим лаб, Шу сенми, ёлғизим, шу сенми, она.. А. Орипов. Тишини тишига босмоқ қ. тиш 1.*

**10** Чоп қилмоқ, нашр этмоқ. *Китоб босмоқ. Матнни машинкада босиб кўнай-тирмоқ. Суратини босиб чиқармоқ. ■ -Бу ерда ўтган можжарони Қумрихонга айтиб бериш, ҳикоя қилиб ёзсин, албатта, босиб чиқарамиз, — деди. А. Қаҳҳор, Бек. Шундан кейингина газеталарда подшо тахтидан тушганлиги хабарини босиб чиқаришга «рухсат тегди». К. Яшин, Ҳамза.*

**11** Кўп миқдорда устма-уст қўймоқ, тахламоқ, зичлаб йиғиб қўймоқ, зичлаб жойламоқ ёки ортмоқ. *Қанорга ун босмоқ. Аравага беда босмоқ. ■ Бизнинг Қаландарбой кузда камбағалларнинг пахтасини арзон-арзон сотиб олиб, саройига босиб қўяди. М.*

Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳайдар ота қараса, шу ялангликка янтоқ босиб қўйишибди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Уй эгаси ошга сабзи босиб, Отабек ёнига келди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**12** Тўшамоқ, ётқизмоқ; тўсмоқ, беркитмоқ. *Йўлга шох босмоқ.* ■ *Сувни уч-тўрт чақирим юқоридан икки ёғига чим босиб, қўтариб келиш лозим бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Шартта фуфайкамни ечим-у, ўпирилган жойга босдим.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

**13** Қўймоқ, суртмоқ, тортмоқ. *Бу ким бўлди? ..Юзлари худди олмадай таранг. Бир жуфт қуралай кўзи сурма босгандай қора. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Бир вақт қарасам, сурма босган кўзлари ғамгин бўлиб қолди.* С. Аҳмад, Хукм.

**14** Илгари сурилмоқ, -илгарилаб бормоқ, юрмоқ. *Йўлчи олдинги қатордаги эркак ва аёллар билан бирга ҳайқириб, яна маҳкама сари босиб борди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Босиб ўтмоқ** 1) маълум масофа йўл юрмоқ. *Мастон неча километр йўл босиб ўтганини ва яна неча километр босиш кераклигини билар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 2) кесиб ўтмоқ, устидан ёки ёнидан ўтиб кетмоқ. *Биз Тошкентни босиб ўтдик.* ■ *Султонали мирзо Солиҳ махдум кўчасини босиб, тўғрига ўтди, ўн қадамча юриб тўхтади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..касалхонани босиб ўтолмайди: кириб, таниш ҳамширадан сўрасам, Мастура бир соатдан кейин операцияга ётаркан.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 3) кўчма енгиб ўтмоқ, енгмоқ, орқада қолдирмоқ. *Нафис соддаликка эришиш учун ёзувчилар машаққатли ва узок йўл босиб ўтадилар.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *У йўлида учраган ҳар қанақа ғовни босиб-янчиб ўтишига, доимо ғолиб чиқишига ўрганган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 4) бошдан кечирмоқ, Домланинг босиб ўтган қайноқ умр йўли, самарали иш фаолияти университет ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Йўл босмоқ қ. йўл. Олға** (ёки олдин, илгари) босмоқ 1) йўл юриб, илгари сурилмоқ, илгариламоқ. *Халқ тўлқини.. олға босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аваз беихтиёр бир қадам олға босди.* С. Сиёев, Аваз. *Баширжон ундан ҳам сўраб кўриш учун бир-икки қадам илгари босди.* Н. Аминов, Суварак; 2) кўчма равнақ топмоқ, ривож-

ланмоқ; олға силжимоқ. *Соат сайин ишларинг олдин боссин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**15** Қопламоқ, ўраб олмоқ, қамрамоқ; эгалламоқ; элитмоқ. *Тер босмоқ. Туман босмоқ. Қоронғилик босмоқ. Зулмат босмоқ. Ажин босмоқ. Уйқу босмоқ.* ■ *Маҳмуджонни муздек тер босди.* «Муштум». *Ранглари оқарди, кўз олдини қуюқ туман босди.* Ж. Абуллахонов, Орият. *Атрофни ғира-шира қоронғилик босган, қамишлар ваҳимали шитирлар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Зулмат босган атрофлар гўё қирон етган ўлкадай бесас.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *У Насимларнинг эшигига етганда, бир зумда юрагини ҳаяжон босди.* Ф. Мусажонов, Хукм. *Унинг [Онахоннинг] вуҷудини кўрқув босди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўллари титради, кўзларини ҳасрат босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гулнорнинг юраги кучли тўлқинланди, бутун гавдасини тотли бир титроқ босди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шамол турди, қум кўча бошлади, ер-кўкни қум босди.* К. Яшин, Ҳамза. *Қоп-қора ис босган шипидан қамишлар осилиб турарди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отлиқлар қор босган қирғоқ бўйлаб ярим соатча кезишди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тўхтабуванинг ажин босган юзиди гурур ва бахт порлади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Ҳаммаёқни оғир сукунат босди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Ёнбош қўйган ҳамон, кўзи юмилиб, уйқу босарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *..қўлимга қоғоз-қалам олдим дегунча, эсноқ босади.* «Муштум».

**16** Тинчлантирмоқ, тинчитмоқ, тиймоқ; ҳовуридан туширмоқ, эпга келтирмоқ. *Жанжални босмоқ. Туполонни босмоқ.* ■ *Самандаров.. қаламининг орқаси билан столни қоқиб, ғовурни босди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Орифжон хотинини босиб қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Халқни босиш келмайдими қўлингдан? Ҳ. Олимжон.*

**Ўзини босмоқ** Ўзини тутмоқ, тиймоқ. *Бир амаллаб ўзимни босдим.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳамдам ака бир қизишди-ю, ўзини босиб олди.* Р. Файзиев, Чўлга баҳор келди. **Ўпкасини босмоқ** 1) айн. **ўзини босмоқ.** -*Ўпкангни бос!* — деди Сапов унга ўшқириб. «Муштум»; 2) ўзини йиғидан тутмоқ. -*Йиғлама, қизим, йиғлама, — деди Онахон, ўпкасини зўрға босиб.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Во болам, деб ўпкасини босолмай, Сочин ёйиб, бетин суйиб йиғлайди.* «Ойсулув».

**17** Камайтирмоқ, пасайтирмоқ ёки тўхтатмоқ; қондирмоқ. *-Оғриқни босадиган япроқ топиб келаман, — деди Маждид. — Шу билан овунаман, Ҳовримни босаман, ака. Н. Сафаров, Оловли излар. Бу уқубатли кунларнинг аламини девор ошиб келган йигитнинг эркалашларигина боса оларди. С. Аҳмад, Ҳукм. Шафтолининг сершарбат этлари ёзнинг иссиқ кунларида.. «чанқоқ босди» бўлади. К. Маҳмудов, Мевалар. Ҳайдарбойнинг кўримсиз чойнакларидаги куюқ ва суюқ чойлари.. ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**18** Куч (зўрлик) билан бостириб келмоқ, эгалламоқ, ишғол қилмоқ. *Йигитнинг сараси ёв босганда билинар. Мақол. ■ Кунлардан бир кун мана шу бойнинг уйини куппа-кундуз куни намозгар пайтида ўғри босди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Дод! Вой дод! Қароқчилар босди!!! М. Исмоилий, Фарғона т.о. Душман босган она юрт учун Ясалгандек қилчун найза. Х. Даврон, Болакнингкинг овози. Бирдан босди жоҳил оломон. «Гулдаста». Душманлар кечувдан ўтиб, шаҳарни босиб олишибди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**19** Тўсатдан келмоқ, кўпчилик бўлиб келиб қолмоқ. *Уйни меҳмон босди. ■ Ие, Холмат акани меҳмон босган, шекилли. «Ўзбекистон кўриқлари».*

**20** Қуламоқ, ағанамоқ. *Бу оғил босиб қолмаса, деб кўрқаман. Ойбек, Танланган асарлар. Икки бўлмали кичкина пастқам уй, том босай деб турибди. С. Сиёев, Ёруғлик. Йўлкаларни босиб қолган харобалар устида болалар ирғишиб юрар эди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**21** Ушлаб, чегириб қолмоқ. *Ишлаган ҳақини қарзига босиб қолибди.*

**22** Устун келмоқ, устун келиб ошиб тушмоқ. *Аста-секин бошланган чапак тобора авж олиб, соз овозини босиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ҳалиги гажакдор жувон икки қўлини ҳам, овозини ҳам баланд кўтариб, ғала-ғовур, шовқинни босиб тушди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**23** қ. **бостирмоқ.** *Дастурхоннинг четини босмоқ. ■ ..ким ёнига борса, Зебини мақтаб гапирар, унинг дутор чалиши, чок тикиши, тўппи босишларини ҳикоя қилар эди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**24** айн. **тахтакачламоқ 1.**

**25** Махсус усулда (тўқимасдан) тайёрламоқ (кигиз, жун мато ҳақида). *Кигиз босмоқ.*

**26** Равишдошнинг *-иб* шаклида келиб, бирон-бир иш-ҳаракатнинг сурункасига, тўхтамай, кетма-кет, пайдар-пай бўлишини, амалга ошишини билдиради. *Кечгача босиб ишладик, жуда толиқдим. Ф. Фулом, Тирилган мурда. Мен бари бир ниятимдан қайтмадим. Босиб совчи кўявердим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом. ..аччиқ чойни босиб ичиб қониққач, извошини кўиди. Ойбек, Танланган асарлар. Бир ҳафта босиб ёққан ёмғир қора тупроқни кўпчишиб юборган. «Ўзбекистон кўриқлари».*

**Бағрига (ёки кўксига) босмоқ айн. бағрига олмоқ 1. қ. бағир.** *Дадамат ака Асадни маҳкам қучоқлаб, бағрига босди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Муқаддам унинг қўлидан ўғилчасини олди, меҳр билан бағрига босди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Бу, Эргашга уни худди кўксига босгандай бўлиб кўринди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Башорат китобчани икки қўли билан олди. Унга узоқ тикилди-да, кўксига босди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ём босди* Отга ем берилгандан кейин уни совитиш, бирмунча вақт салт миниб юриш. *-Отимнинг бир одати бор эди: икки хуфтондан кейин ем ерди.. сўнгра майдонда ем босди одати бор эди, — деди Муродхон Гўрўғлига. «Зулфизар билан Авазхон». Авазхон, сен йигитларга хабар бергин, отларига қарасин, ем босди қилиб, қантариб қўйсин. Эргаш Жуманбулбул ўтли. Ён босмоқ қ. ён. Оёққа босмоқ қ. оёқ. Салобати босди қ. салобат. Тош (ёки палла) босмоқ 1) ҳажми кичкина бўлгани ҳолда оғир, салмоқдор бўлмоқ. Пукак тош босмайди. ■ -Ҳа, сиз айтганингиздек, — деди Олияхон, — палласи ҳам тош босмайди. Н. Сафаров, Олияхон Султонова; 2) оғир келмоқ, салмоғи жиҳатидан устун келмоқ. Куй билан қорамол бошқа гап, тош босади. «Муштум». Тарозининг маҳсулот қўйилган палласи босиб кетди, план ортиғи билан бажарилди. Газетадан. Тухум босмоқ қ. тухум. Фалокат босди қ. фалокат. Ўрнини босмоқ қ. ўрин. Қадам (ёки оёқ) босмоқ 1) қадам қўймоқ, қадам ташламоқ, қадам ташлаб юрмоқ. Йўл адирнинг энг ётиқ еридан тушган бўлса ҳам, Турғуной тиззасини ушлаб, зўрға қадам босарди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Йўлчи атрофига кўз югуртириб,*

қизга томон икки-уч қадам босди. Ойбек, Танланган асарлар; 2) бормоқ, келмоқ; ташир буюрмоқ. У бизниқига қадам босмади. ■ Бугун саккиз кун бўлди, қадам босмайси-а. С. Сиёев, Ёруғлик. Йўқ, амаки, уйга энди бир умр қадам босмайман. С. Аҳмад, Уфқ; 3) кўча бирор йўлда, йўсинда ҳатти-ҳаракат қилмоқ, иш тутмоқ. Тиканнинг зах-рини тортган оёғини билиб босади. Мақол. ■ Убаъзан.. Ўрмонжондан бирон қадам олдинда юришга интилар, шунинг орқасида баъзан ноҳўя қадам ҳам босиб қўяр эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Уғри энди уйлаб қадам босади. С. Сиёев, Ёруғлик. **Қамчи босмоқ**. қ. қамчи.

**БОСТИ-БОСТИ: бости-бости бўлмоқ** Барчага ошкор бўлмасдан тинчимоқ ёки хаспўшланмоқ (бирор жанжалли иш, можаро ва ш. к. ҳақида). Аммо ишлар бояги-бояги, сирлар бости-бости бўлиб кетди. «Муштум». Актга қўл қўйилиб, бости-бости бўлгач, жанжалкаш илжайди. «Муштум». **Бости-бости қилмоқ** Улғайтирмасдан, барчага ошкор қилмасдан тинчитмоқ ёки хаспўшламоқ, силлиққина тинчитиб юбормоқ. Тўполонни бости-бости қилган бежирим новча йигитнинг кимлигини сўраб қолди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. - Бўта ишдан бекор бўлиб юрган пайтларда шу ишни бости-бости қилиб юборган эдим, - деди Низомидинов. С. Аҳмад, Сайланма.

**БОСТИРИЛМОҚ** Бостирмоқ фл. мажҳ. н. Бир йилга етарли силос бостирилди. ■ Сув устига икки ёғоч ташлаб, шох солингач, тупроқ бостирилган лопиллама ингичка кўприкдан ўтиб, улар Хадра томон бурилдилар. Ойбек, Улуг йўл. Исён бостирилди. Сарбозлар ўн чоғли кишини банди қилиб, Хивага ҳайдаб кетдилар. С. Сиёев, Аваз. Канал атрофига бетон бостирилди. «Гулдаста».

**БОСТИРИҚ I** Овқат, дори ва ш. к. устидан истеъмол қилинадиган бошқа овқат ёки ичимлик. - Бостириққа мана буни ичиб юбор, бўтам, - деди бош йилқичи, Соколовга қимиз тутиб. К. Яшин, Ҳамза. Кейин бир хўплам чойни бостириқ қилиб ичди-ю, «Болта» деб кимнидир чақирди. К. Яшин, Ҳамза.

**БОСТИРИҚ II 1** Яйдоқ от устига ёпиб қўйиладиган қалин мато. Бойнинг ўттиз беш болорли кенг сайғи тонаси эгарлари олинди, бостириқ билан ёпи, хўракка қўйилган отлар билан тўла эди. С. Янний, Қуллар. Бедов от-

нинг бостириғи гуллидир, От устида ўтириши баллидир. «Кўшиқлар».

**2** Кийим-кечак чоки устидан яна бир бор бостириб тикиш, бостирма чок. Бостириқ қилиб тикмоқ.

**БОСТИРМА I** Тўрт томони ёки икки ёни ва олд томони очиқ, усти енгилгина ёпилган қурилма, (усту ёпиқ узун) йўлак. Бостирма солмоқ. Ёмондан ҳайвон яхши, Бостирмадан - айвон. Мақол. ■ Йўлакнинг ўнг томонидаги бостирмада қовурғаси саналиб қолган тарғил сизир билан шалпанг қулоқ бузоқ. «Ёшлик». Ҳар замонда ҳовлининг нариги бурчагидаги бостирмадан қўй-молларнинг маъраган овозлари қулоққа чалинади. «Ёшлик». Дадам эгардан инқиллаб тушиб, отни бостирма устунига боғлади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Шойиста бостирмадан ўтиб, кенг-мўл сунага чиқди. Н. Қиличев, Ёронгул.

**БОСТИРМА II** Таомни устидан маҳкам бекитиб, бирор оғир нарса бостириб қўйиб пишириш усули ва шундай усулда пиширилган таом. Бостирма кабоб. ■ Бостирма кабоб учун қўй ёки бузоқ гўштининг сон ёки биқин қисмларидан оласиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Фарғона, Марғилон тарафларда гўжа оши, бостирма кабоб ва шу каби таомлар машҳурдир. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**БОСТИРМАНАМО** Бостирмага ўхшатиб қурилган, бостирмага ўхшаш. Бошқарувчи ариқ ёқасидаги бостирманамо қўлбола шийпонда ҳисоб-китоб қилиб ўтирган экан.. «Ёшлик».

**БОСТИРМОҚ 1** Босмоқ 1-5, 7, 9-12, 16-17, 23-25 фл. орт. н. Ҳужжатга муҳр бостирмоқ. Қўлёзмани машинкада бостирмоқ. Ариқларнинг четига чим бостирмоқ. ■ Кўк-лам келиб, Олтиной ерни бир оз юмшатиб, пол олдирибди, донни сепиб, сув бостирибди. «Ўзбекистон кўриқлари». Ошнинг сабзи-пиёзини бостириб қўйди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. Маҳсумов қўй сўйиб, гўштини товоқларга бостириб, шўрвасини каттакор термосга солиб келди. М.М.Дўст, Лолазор. Чопонига ўраниб, қалпоғимни бостириб олдим. Ш. Холмирзаев, Йўллар. **Бостириб келмоқ 1)** куч, зўрлик билан босиб келмоқ. Зарифбой отини ниқтаб, Авазнинг устига бостириб келди. С. Сиёев, Аваз. У бойваччанинг устига бостириб келди-да, болтани кўтарди. К. Яшин, Ҳамза; 2) бехосдан келиб қолмоқ.

Нега уйга бостириб келасиз?! Кетинг.. «Ёшлик»; **Бостириб кирмоқ** 1) куч, зўрлик билан босиб кирмоқ, кириб келмоқ. Эй, қандақа хотин бу, бировнинг уйига бостириб киради? А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Оломон ёнига қипчоқ сипоҳилари келиб қўшилгандан кейин, Ўрдага бостириб кирдиларда, Азизбекни ушлаб ҳам олдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. ..ичкарига мўр-малахдек бир неча саллали йиғит бостириб кирди. «Ёшлик». 2) кўчма чулғамоқ, эгалламоқ. Айқаш-уйқаш кўрқинчли ўйлар миясига бостириб кираверди. А. Кўчимов, Ҳалқа. **Бостириб бормоқ** Зўрлик билан, рухсатсиз кириб бормоқ. Биз ҳеч кимнинг ерига бостириб бормадик. «Ёшлик». - Мен ҳали галаба қозониб, душман устига бостириб боришни истаيمان, — деди Низомиддин. Мирмуҳсин, Меъмор.

2 Зўрлик билан бўйсундирмоқ, тор-мор қилмоқ; тинчлик ўрнатмоқ. Хон қуролсиз халқнинг қонини тўжиб, зўрлик билан исённи бостирди. Ж. Шарипов, Хоразм.

3 Устидан оғир нарса билан босиб қўймоқ. Дўппи елимлангандан кейин, тахти яхши чиқсин деб, уни тахтакачга бостириб қўяди, тўғрими? Шукрулло, Сайланма. Сочларини наридан-бери ўраб, қалпоқ билан бостирди. Мирмуҳсин, Меъмор.

4 Қайириб тикмоқ. Дастурхоннинг четини бостирмоқ.

**БОСТОН** [фр. boston — Бостон шаҳри номидан] Майин қўй жунидан саржали ўрилиш усулида тўқилган, костюмбоп ва пальтобоп газлама. *Бостон костюм.* ■ *Одми кўйлак, тринка нимча қаёқда-ю, янги тўқ бинафшаранг бостон костюм қаёқда.* С. Анорбоев, Меҳр.

**БОСҚИ 1** с.т. Болаларда бўладиган бўғма касаллиги. Қолганларидан икки-учтаси *босқи деган бир бедаво касалликни ўзларига юқтириб олишибди.* «Муштум».

2 шв. Босқин.

3 мус. Мусиқа унқатори, гаммаси, пардасининг ҳар бир товуши.

**БОСҚИН** Қўққисдан қилинадиган ҳужум, босқинчилик; агрессия, тажовуз. *Қишлоқда ҳар кеча босқин, отишув, ёнғин.* С. Аҳмад, Ҳукм. *У Ватанни сақлар босқинлардан, Шижоати ёв учун даҳшат.* Миртемир. *Қўшни қишлоқларга босқинлар уюштирди, ўзга юртларни вайрон қилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

**БОСҚИНЧИ 1** Зўрлик билан бостириб келиб таловчи қуролли ўғри, бандит. *Бу ўша — Юсуфбек, хотинини ўғирлаб кетган босқинчи.* Х. Аҳророва, Орифнинг давлати. *Қадимда Ургуут қишлоқларига босқинчилар тез-тез ҳужум қилар экан.* «Саодат». «Босқинчи» сўзининг маъноси шулки, *Нонга тўйганда ҳам, тўймас маконга.* А. Орипов.

2 Ўзга юртни, элни босиб олувчи; тажовузкор, агрессор. *Босқинчилар юртимиздан чиқиб кетмагунча, биз ундан ўч оламиз.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Босқинчилар шаҳарга кира олмабди, лекин қамални узоқ давом эттирибди.* «Фан ва турмуш». *Эркинлик жазмида халқнинг бариси Босқинчи лашкара қиларди ҳамла.* М. Шайхзода. *Юртни босқинчилардан ҳимоя қилиш — ҳамманинг иши.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БОСҚИНЧИЛИК 1** ҳуқ. Бировнинг мол-мулкани талаш мақсадида ошқора амалга оширилган ўта оғир ижтимоий жиноят. *Босқинчиликми, подачиликми, кетмончиликми — қандай иш бўлса ҳам, майли.* И. Раҳим, Ижлос.

2 Ўзга юртни босиб олиш, истилочилик, тажовузкорлик, агрессорлик. *Минг-минглаб бебаҳо обидаларимиз турли сабаблар билан, айниқса, босқинчилик урушлари натижасида йўқ қилинган ёки ўзга юртларга олиб кетилган.* «Фан ва турмуш».

3 Бировнинг номусига тегиш, тажовуз қилиш. [Тантибойвачча] *Гулнорга босқинчилик қилишга Жондорбойни шерик қилмоқчи бўлди-да, ниёладаги аччиқ чойни ҳўлаб, гапирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БОСҚИЧ 1** Зинанинг ёки нарвоннинг ҳар бир поғонаси. *Мадраса ичига бормай, ўша ерда.. бир тош босқичга отам қадам босди.* С. Айний, Эсдаликлар.

2 кўчма Ўзаро боғланган қуйи ва юқори идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир поғонаси, ҳалқаси.

**Биринчи босқич суд** Қуйи даражадаги суд. **Биринчи босқич мактаб** Бошланғич мактаб.

3 кўчма Даража, разряд.

4 кўчма Тарихий, маданий-маънавий, иқтисодий тараққиёт, ривожланишнинг белгили бир поғонаси; давр, палла. *Бирон-бир босқич ўртасида турган халқ орасида аввалги босқич кишилари кўриниб қолса, бунга табиий бир ҳол деб қараш керак, деган фикрни айтдим.* «Гулдаста»; *Одамлар фан-*

техникани инсон кўзи кўрмаган, қулоғи эшитмаган босқичларга олиб чиқдилар. Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳақиқатан ҳам Навоий форсий девони билан Жомийдан сўнг форс-тожик адабиётини янги бир босқичга кўтарди.* «ЎТА». *Маънавий камолот босқичлари ичида хушмуомалалик, ширинсуханлик асосий ўринни эгаллайди.* «Саодат».

**5** Бирор яхлит иш-ҳаракатни амалга оширишнинг айрим-айрим даврлари ҳақида. *Бош планга кўра, Қарши даштини ўзлаштириш уч босқичда амалга оширилади.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Республикамиз меҳнаткашлари пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи босқичга кирдилар.* Газетадан. *Реконструкциянинг биринчи босқичи ниҳоясига етганлиги натижасида самолётларнинг учиш хавфсизлиги анча ошди.* Газетадан.

**6** биол. тиб. Биологик ривожланиш поғонаси, даври. *Абдураимовдан турли босқичларда шолжа қандай ишлов беришни ўрганишди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Улар [олимлар] медиклар билан бирга одамдаги турли касалликларни эрта босқичларда топилнинг диагностик модели ва программасини ишлаб чиқдилар.* Газетадан.

**БОСҚИЧЛИ 1** Маълум босқичи, поғонаси бўлган; поғонали. *Кўп босқичли зина.*

**2** кўчма Ўзаро боғланган бир неча босқичдан, поғонадан иборат бўлган. *Саноат ва қурилиш вазирликларининг мавжуд структураси кўп босқичли ва мураккаблашган тузилмадир.* Газетадан.

**3** кўчма Даражама-даража, босқичма-босқич ривожланадиган, даражали. *Кўп босқичли тараққиёт йўли.*

**БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ** Маълум босқичлар, даврлар асосида, бирин-кетин, поғонали. *Яқтисодиётнинг босқичма-босқич ривожини.* Янги таълим тизими ва дастури босқичма-босқич амалга оширилади. ■ *Участкада ишни босқичма-босқич ташкил этамиз.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**БОСҚОН I** Темирчиларнинг катта, оғир болғаси. *Бир йил ўтгач, олов ёнида туриб, босқон билан қизиган темирни ура бошлади.* М. Осим, Ўтрор. -*Юрагим темирчининг босқонидек гурсиллаб урарди,— деди Мехри она.* А. Эшонов, Дутор. *Ҳеч қандай тиг, ҳеч қандай босқон, ҳеч қандай қуроли инсон саховатининг қудратига тенг кела олмайди.* Газетадан.

**БОСҚОН II** Чилангарлар кўрасидаги кўрага ҳаво ҳайдовчи ва кўмирнинг ёнишини кучайтиришга хизмат қилувчи қурилма. *Босқон босмоқ. Босқон тортмоқ.* ■ *Мискарнинг ёнида ўтириб, терлаганига ҳам қарамай босқон тортаётган жамалак сочили олти яшар қиз — Ал-Маҳдийнинг етим набираси.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Устахонада ўзи билан катта ўғли Болтабой ишлар, босқон босарди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Саиднинг кўз ўнгидан ёшлиғида қишлоғига келган мискарлар, уларнинг босқони ва шу босқоннинг дами билан ялтилаган бир ҳовуч олов ўтди.* Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.

**БОСҚОНЧИ** Темирчининг босқон билан ишловчи ёрдамчиси. *Боғачининг минг ургани — босқончининг бир ургани.* Мақол. ■ *Буларга [халфа-шоғирдларга] «босқончи», «халфа», «дамгар».. деб ном берилар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**БОСҚОҚ I тар.** Мўғул хонлари томонидан ўзларига қарам ўлкаларга махсус ёрлик билан юбориладиган ва назорат ишларини олиб борувчи мансабдор шахс, ноиб. *Кўп ўтмай, қўзғолончилар билан сонсанокисиз мўғул босқоқлари ўртасида қонли жанг рўй берди.* «Ёшлик». *Мўғул босқоқлари, амирлар халқ тўлқинини тинчлантириш чоралари хусусида кенгаша бошладилар.* «Ёшлик».

**2 шв.** Уйдан эшикка чиқмайдиган одам; одамови.

**Босқоқ тери шв.** Қоракўл терисидан бошқа ҳамма тери. *Мамнун Жиззах бойларин шерини, Ҳар йил сотар юз минглаб тери, Босқоғи йўқ, бари — қоракўл..* М. Али, Боқий дунё.

**БОТ I рвш.** Орадан кўп вақт ўтмай ёки ўтказмай; тез. *Экинлар бот авж олди.* Бировнинг бахтиса суянган бот қоқилар. «Қанотли сўзлар». ■ -*Бир ишга тез киришиб, бот қайтарсан.* Ўзингни босиб ол, — деди Нафиса Ҳафизага. Мирмуҳсин, Умид. *Ҳаёт ташвиши-ла бўлиб овора, Аждодлар руҳини унутмангиз бот.* Б. Бойқобилов.

**2 Яна, қайта.** Эломонов Собиржонга батафсил хат ёзиб, аҳволини тушунтирди, тезроқ кел, деб бот ўтинди. М.М.Дўст, Галатепи қиссалари. *Сен чиндан ҳам гўзалсан, Ҳузурингга келдим бот.* А. Орипов. *Аввал бек ғашини келтирган пайтларини бот ва бот эслайди..* М.М.Дўст, Лолазор.

**БОТАНИК** Ботаника фани олими, мутахассиси. *..америкалик ботаник А. Декондаль, рус табиатушуноси Н.И. Вавилов.. ва бошқалар ёзган асарларида ёввойи шолнинг учта ватани ҳақида фикр юритадилар.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

**БОТАНИК** Ботаникага оид. *Ботаник география.*

**БОТАНИКА** [юн. botanikos — ўсимликка тааллуқли < botane — ўт, гиёҳ, ўсимлик] ўсимликлар ҳақидаги фан, наботот. *Ботаника фани. Ботаника дарслиги. Ботаника олими.* ■ *Музейда геология, география ва ботаника бўлимлари мавжуд.* Газетадан.

**БОТАРТИБ** айн. **тартибли.** *Вазифа шундан иборатки, пойтахтимизнинг ҳар мушоши, ҳар кўчаси доим озода, доим ботартиб.. бўлиши зарур.* Газетадан.

**БОТ-БОТ 1** рвш. Дамба-дам, тез-тез; бирин-кетин. *Бот-бот келиб турмоқ.* ■ *Том бўғотига уя қурган чумчуқлар бот-бот полониларини учирма қилишарди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар. *Мен мактабда ўқиб юрган чоғларимда бот-бот колхоз даласига чиқиб, ота-онамга қарашар эдим.* М. Жўра, Қуёшдан нур эмганлар. *Асли қишлоқ боласи эмасми, у бот-бот далани соғинарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Қайта-қайта, такрор-такрор. *Турсунқул газетадаги исми шарифга бот-бот текилди.* «Ёшлик». *Тепакал, шилпик кўз домласи бўлар эди. Ўша: -Ҳар қандай муносабат замирида шахсий манфаат яширин бўлади, — деб бот-бот такрорлар эди.* «Ёшлик».

**БОТИЛ 1** [а. باطل — ёлғон, сохта; бефойда] эск. кт. Сохта, ёлғон, асоссиз; фойдасиз. *-Айтиб кел у фикри ботилни?! — деди у шиддат билан Асад қорига.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ботил.. сўзларга қулоқ солма.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Қил яхшилигу демакни дохил қилма, Миннат била яхшиликни ботил қилма.* А. Навоий, Ҳикматли сўзлар.

**БОТИЛ 2** шв. Яроқсиз ҳолга келиб, ишлатилмай қолган (ариқ, зовур ҳақида). *Бу дамба қачонлардир ботил бўлиб қолган Бўзёп ариқ дамбаси эди.* «Шарқ юлдузи».

**БОТИН** [а. باطن — ич, ички; яширин, махфий] эск. кт. Ич; чуқур; қалб, кўнги. *Аҳмад Қосим унинг [Бобурнинг] титраётган елкаларини кўрди-ю, ботиндан бўзлаб йиғлаётганини англади.* Х. Султонов, Бир оқшом

эртаги. *Сизни олиб чиқар бу сўзлар Юракларнинг ботин қаъридан.* Х. Даврон, Қақнус.

**БОТИНАН** Ич-ичидан, қалбан. *Бонунинг боёгина айтган сўзларига зоҳиран эътибор бермаган бўлса-да, ботинан қалбини тирнаган эди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *Элчиев жавоб бермади, ботинан хўрсинди.* Э. Аъзамов, Жавоб. *Содиқжон бойвачча Шавкат афандининг гапидан ботинан гижинса ҳам, буни сиртига чиқармади.* К. Яшин, Ҳамза. *Фарҳод турар: рангида ранг йўқ, Ботинан бир изтироб ичра.* М. Али, Бокий дунё.

**БОТИНИЙ 1** Яширин, ички, сирли. *Унинг кўнглида ботиний бир дард бор.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бу фавқуллода ҳады туфайли Бобурнинг дилида кўзғалган ўша ботиний ҳаяжон ҳануз сўнмаган эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Хиёл фурсатдан сўнг Севаргул ботиний мамнунлик билан дорихонадан чиқди.* «Ёшлик».

**2** кўчма Юмуқ; кўр. *Сен аслида шаккок, ботиний кўзларинг очилмаган, яхшиликни билмайдиган, бадбахт одам экансан.* К. Яшин, Ҳамза.

**БОТИНКА** [р. ботинка < фр. botte — этик] Ип тақиб ёки тугмалаб кийиладиган қисқа кўнжли пойафзал. *Оёғида ипсиз, орқаси майишган ботинка.* С. Сиёев. *Баҳодир отаси олиб келган шим, гимнастёрка, ботинкани кийиб, йигитчага ўхшаб кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**БОТИНМОҚ** Бирор ишга юрак ютиб киришмоқ, журъат қилмоқ, юраги дов бермоқ. *Ўктам тўй-ҳашам тўғрисида сўз очиб, қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди-ю, яна ботинмади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Дераза тагида одамлар тўпланган, улар мўралашар, лекин ичкарига киришга ҳеч ким ботинмасди.* С. Зуннунова, Олов. *Подшонинг аскарлари ботиниб келмас, Тирик қоламиз, деб кўнглига олмас.* «Маликаи айёр».

**БОТИНҚИ** с. т. Ичига ботган, ботиқ. *Ботинқи кўзгу. Ботинқи линза.*

**БОТИР** [мўғ. баатар — кўрқмас, жасур, баҳодир] **1** Хавф-хатардан, қийинчиликдан кўрқмайдиган, кўрқмас, доворак, жасур. *Кўз — кўрқоқ, қўл — ботир.* Мақол. *Мерган овда билинар, ботир ёвда билинар.* Мақол. ■ *Муса умрида бойга бунчалик тик, ботир боқмаган.* Н. Фозилов, Дийдор. *Кўрқоқ бўлмай ботир бўлинг, бекларим, Ботир одам ҳар офатдан қолади.* «Нурали».

**Оғзи (ёки тили) ботир** Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани андиша қилмай ва қўрқмай гапир-раверадиган. *Оғзи ботир одам.* ■ *Оғзи ботир одамлар йўқ дейсизми? Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.* «Ўзбекистон қўриқлари». Унинг [Тожининг] жуда оғзи ботир: гап келганда, ҳеч кимни аямасди. Мирмуҳсин, Меъмор.

**2** Ботир (эркаклар исми).

**БОТИРИЛМОҚ Ботирмоқ** фл. мажх. н. Муллажон амаки қайноқ сувга ботирилган сочиқни юзига бир зум босиб турди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Содиқ кесма ёнига келиб энгашиди. Энгашиши ҳамон қўл ҳиқилдоққа тўғри келган эди ва ханжар қорнига ботирилган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОТИРЛАНМОҚ Ботирлик** қилмоқ, ботирлик кўрсатмоқ, журъат қилмоқ. *Ҳар бир мўйи ёвга қадалган тикан, Арслон каби ботирланар бус-бутун.* Ф. Ғуллом.

**БОТИРЛАРЧА** рвш. Ботир, жасур кишиларга ўхшаб, ўшаларга хос йўсинда. *Ботирларча иш тутмоқ.* ■ *Рустамбекнинг ҳавасида ботирларча қадам олганимни ғира-шира сездим.* Ҳамза, Танланган асарлар.

**БОТИРЛАШМОҚ** Тобора жасур, довжуррак бўлиб бормоқ, ботирлиги ошмоқ.

**БОТИРЛИК 1** Жасурлик, довжурракликка хос ҳолат, хусусият. *Сўз ботирлиги – тилда, Эл ботирлиги – белда.* Мақол. ■ *Тўрақулнинг ботирлиги Раҳматуллага ҳам куч бағишлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Муҳаббат ҳозир Гавҳарга ботирлик талаб қиладиган бир томони билан кўринар, у бошқа вақтларда қилолмайдиган ишларни қилишга интиларди.* П. Қодиоров, Уч илдиз.

**2** Ботирларга, довжуррак кишиларга хос иш, мардонавор хатти-ҳаракат; жасорат. *Ботирлик қилмоқ. Ботирлик кўрсатмоқ.* ■ *Аъзам Юсупович тунги жангларда жуда моҳирлик, ботирлик кўрсатарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

**БОТИРМОҚ Ботмоқ 1-3, 5** фл. орт. н. *Гулнор челақни лойқароқ сувга ботирди ва ариқ бўйига олиб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ювош бир бурда нонни олдин чойга, кейин шакарга ботирди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Рўзимат кетмонни зўғатасигача ботириб урди-ю, Сидиқжонга қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Пайғомов пиёладаги коньякни қолдирмай симирди, кўкпиёзни қатиққа ботириб, чайнади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Чўли бобо катта қозик*

*учларини ерга ботириб, қўлини фотиҳага очди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Чиройига (ёки хуснига) нон ботириб ермидим* Чиройидан нима фойда; фақат чиройига учаманми? *Чиройга нон ботириб еб бўлмас.* Мақол. ■ *Хуснига нон ботириб ермидим, демоқчисанда? О. Ёқубов, Учрашув.* **Қонга ботирмоқ** Қонга беламоқ; қирғин қилмоқ. *Гитлерчи каллакесарлар панжаларини оқ соқол оталарнинг, оқ сочли оналарнинг, бахтли болаларнинг.. қонларига ботириб, илгариламоқда.* Ойбек, Куёш қораймас. **Қўлни қонга ботирмоқ** Қотилик қилмоқ, ўлдирмоқ. [Ёрмат:] *..Нима иш қилдим? Гуноҳми? Савобми? Соқолим оқарганда, қўлимни қонга ботирдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БОТИҚ 1** сфт. Ичига ботган, ботинқи. *Ботиқ оптик ишиша. Ботиқ кўзу.* ■ *Мавлоно Биноийнинг ботиқ кўзларида киноя, наъша ёниб кетди.* Ойбек, Навоий. *Йигитнинг ияги олдинга туртиб чиққан, кўзи чуқур, пешонаси ботиқ эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Унинг кўркам, нури юзда, катта-катта ботиқ кўзларида куйинганликка монанд ифода қалқиди. «Ёшлик». *Темирчи совутнинг кўкрак қисмини ичдан ботиқ, сиртдан қабариқ қилиб ясайди.* М. М. Дўст, Галатепага қайтиш.

**2** от. геог. Куруқликда ер юзасининг, шунингдек, океан ва денгизлар тубининг атрофга нисбатан анча пастга ботган жойлари. *Кучли шамолда ер сатҳи ўзгаради, ботиқлар ва турли хил рельеф шакллари пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш».

**БОТМА-БОТ** айн. **бот-бот.** *Хаёли қочади ботма-бот жувонмарг Тўхтамишининг ҳолига.* Т. Тўла, Асарлар. *Қудратнинг ярасини тезроқ тузатмоқчи бўлиб, медпунктга ботма-бот кириб-чиқиб тургани, Назокат билан самимий суҳбатга берилиши.. Холдорнинг назаридан четда қолмаган.* Ж. Абдуллахонов, Йўл.

**БОТМОН** [ф. باتمان *а. мен* – 898,5 г га тенг оғирлик ўлчови] тар. **1** Ўрта Осиёнинг, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли ерларида турли мезонга, салмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчов бирлиги. *Чумчуқ семиргани билан ботмон бўлмас.* Мақол. *Бедананинг ҳам ўзига яраша ботмони бор.* Мақол. ■ *Етмиш ботмон тошни кўтариб отди.* «Интизор». *Худо сенга бир ботмон куч берган-у, бир мисқол ақлни аяган!* Ойбек, Куёш қораймас.



**2** Тахминан бир гектарга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. *Мавлон аканинг мерос маҳрига тушган икки ботмон ери бор. Ҳ. Фулом, Машъал. Шу ўттиз чақиримли ариқ қазилиб битганда, Наманган ва Андижон туманларидан икки минг ботмонгача ер суғорилар эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Раисни касал деб ўйлаб, ҳамманг қутуриб кетдинг. Қўш ҳўкиз овора-ю, бир ботмон ер ҳайдамайсан. М.М.Дўст, Лолазор.*

**БОТМОН-БОТМОН** Қанча-қанча ботмон, неча-неча ботмон. *Асқархўжага қарашли ботмон-ботмон ерлардан кўп қисмини қароллар аллақачон бўлишиб олишган эди. Файратий, Ёшлитгимсиз. Ботмон-ботмон сувли ерлар кўз илғамас, Бизнинг кучдан яшинадилар, бас, энди бас! Ғ. Фулом.*

**БОТМОН-ДАҲСАР** [ботмон + ф. ده سير — тахм. 750 г келадиган оғирлик ўлчови] *Жуда катта; жуда оғир, жуда кўп. Боғни боқсанг, боғ бўлар, ботмон-дахсар ёғ бўлар. Мақол. ■ У [Яҳё] оғир-оғир қадам босар, гўё оёғига ботмон-дахсар тош осилган эди. «Ёшлик».*

**БОТМОНЛАМОҚ** Ботмон билан ўлчамоқ, ботмонлаб сараламоқ. *Ботмонлаб совурмоқ. ■ Урда дарвозасининг саҳни ботмонлаб ҳисобланган мевазор бўлиб, бунда олма, ўрик, нок ва тут ёғочлари хийлагина бор эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аканг-ку мисқоллаб топган обрўйимни ботмонлаб совуриб юборибди. Шухрат, Жаннат қидирганлар. Хавотир олма, болам, худо халқ. У бандасига дардни ботмонлаб бериб, мисқоллаб олар экан. К. Яшин, Ҳамза.*

**БОТМОНЛИК** Ботмон ўлчовидаги оғирликка ёки майдонга тенг бўлган. *Ошхонанинг бир чеккасида ерга қазилган кенг бир ўчоққа ярим ботмонлик бир қозон қурилиб, сув иситилмоқда эди. С. Айний, Қуллар. Қани энди, унда Рустам қуввати бўлса-ю, тўқсон ботмонлик гурзи билан золмининг бошига тушириб, мих қилиб қоқиб юборса. Мирмуҳсин, Тунги чақмоқлар.*

**БОТМОҚ 1** Суюқлик, сочилувчан жисм ва ш. к. ичига ёриб кирмоқ, чўммоқ. *Сувга томган ёғ ботмас. Мақол. ■ [Шокир ота] Олдида ётган керакли асбобларни тез топа олмас, қувани қидирган қўли ширач косага ботар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Кечаги чоршанба бозор бир сигир олдим денг, егани қуруқ хашаг-у, сутига қошиқ ботмайди — шундоққина қаймоқ. «Аския».*

**2** Беланмоқ, кўмилмоқ; қопланмоқ. *Терга ботмоқ. Қонга ботмоқ. ■ Юсуфбек шундай қараса, Амирбек ўзидан кетиб қоляпти, ҳамма ери билчиллаб, қонга ботиб келяпти. «Юсуф ва Аҳмад». Замбаракнинг ўқи тегди сонима, Оқ кўйлагим ботди қизил қонима. «Кўшиқлар». Отлар оптоқ кўпикка ботган, ҳар жунидан тер кетган.. «Юсуф ва Аҳмад». Мадаминнинг йўғон, семиз қора бармоқлари ёққа ботган гуручлар орасида ўрмалай бошлади. П. Турсун, Ўқитувчи. У [Рукиддин] терга ботиб, сув бўлиб кетган эди. Мирмуҳсин, Темури Малик.*

**3** Ғарқ бўлмоқ, чўкмоқ. *Душман кемаси сувга ботди. Таваккалчининг кемаси ботмас. Мақол.*

**4** Босиб, эзиб ёки ёриб ичига кирмоқ; кўмилмоқ; суқилмоқ, санчилмоқ. *Баданига аччиқ қамчи ботибди. «Юсуф ва Аҳмад». Этак ярим бўлар-бўлмас, боғичи бўйини кесиб юборғудай ботади. С. Нуров, Нарвон. Билаг-узук билазимга ботади, Уста иицит рўмолимдан тортади. «Кўшиқлар». Уларнинг ўлими бу хоин чолнинг Кўксига ханжардек абадий ботди. Х. Даврон, Қақнус. Қилич, найза синдида, Икковига ботмайди. «Нурали».*

**5** Тикилиб ёки кўмилиб, юролмай қолмоқ, зўрға юрмоқ. *Этиги тўпниғига лойга ботиб кетди. «Ёшлик». Баъзан Бектемир тиззагача лойга ботади. Калавланади, йиқилади. Ойбек, Кўёш қораймас. Олдинда бархан тепа пайдо бўлиб, машина ундан ўта олмай, ғариллай-ғариллай қумга ботиб қолди. М. Мансуров, Ёмби. Тиззасига тупроққа ботиб, бир ёнбошига қийшайиб қолди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**Қарзга ботмоқ** Катта миқдорда қарз бўлмоқ. *Отамуродни уйлантирганларида қарзга ботди. «Шарқ юлдузи».*

**6** кўчма Бирор руҳий ҳолатга тушмоқ, кўмилмоқ; бирор салбий муҳит, ғоя ва ш. к. таъсирига берилиб ёки гирдобига тушиб қолмоқ. *Шербек хаёлга ботиб, узоқ жим қолди, сўнг чуқур уҳ тортди. С. Анорбоев, Оқсой. Гулнор бошини эгиб, чуқур сукутга ботди, бир лаҳзада юзини изтироб кўланкаси қоплади. Ойбек, Танланган асарлар. Уларга тикилиб гоҳ жилмайди, гоҳ қайғуга ботди. «Ёшлик». Гуноҳга ботасизлар! Бор, юз-қўлиниги ювиб чиқ, хазон бўлгур. Ҳамза. -Дадаси! Гуноҳга ботманг, дадаси! — деди чириллаб. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

7 кўча Каттиқ тегмоқ, оғир туюлмоқ. *Бу гап менга анча оғир ботди, лекин чидадим. «Ёшлик». Исфандиёрнинг беандиша мулоҳазаси бош вазирга оғир ботди. С. Сиёев, Аваз. Лодон дединг, сенинг сўзинг менга ботибди, Шундай лодон неча девни ютибди. «Маликаи айёр».*

**Айил ботмоқ айн. қаттиқ ботмоқ қ. қаттиқ.** *Бу гаплар Назокатга айил ботди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Айил ботадиган жойи шундаки, ўз айларини яшириш, одамлар фикрини чағитиш ниятида софдил кишилар устидан тўхматлар уюштиради. «Муштум».*

8 Ичкари томон эзилиб, ботиқ ҳосил бўлмоқ, ичкари кирмоқ. *Али тажанг бир томони ичига ботган каскасини.. кўзигача бостириб кийди. Ойбек, Кўёш қораймас. Унинг қизаринқираган кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди. С. Зуннунова, Олов.*

9 Уфқ орқасига яширинмоқ, яшириниб, кўздан ғойиб бўлмоқ (асосан Кўёш, Ой ҳақла). *Кун қизариб ботса, қизингни узат, Тонг қизариб отса, томингни тўзат. Мақол. Ой ботса ҳам, бой ётмас. Мақол. ■ Мана уззукун бутун борлиқни қиздириб, ўз кучини кўрсатган кўёш уфқни оловлантириб ботмоқда. Газетадан.*

10 Сингмоқ, ҳазм бўлмоқ; насиб қилмоқ. *Бировни норози қилиб олинган нон менга ботмайди. «Шарқ юлдузи». Айронни қандай ичайин, Оч юрагимга ботмайди. «Нурали».*

**БОТУЛИЗМ** [лот. botulus — колбаса] Одамларда, шунингдек, айрим сутэмизувчи ҳайвонларда учрайдиган ўткир юқумли касаллик. *Ботулизм микроби фақат анаэроб (ҳавосиз) шароитда ривожланади. «ЎЗМЭ».*

**БОТҚАЛДОҚЛАР** зоол. Ўрдакларнинг ғозсимонлар туркуми кенжа оиласига мансуб, орқа бармоқларидаги кенг тери пардалари билан бошқа ўрдаклардан фарқланувчи хили. *Ботқалдоқлар яхши уцади, сузади ва шўнғийди, сув тагидан ўлжа тутиб ейди. «ЎЗМЭ».*

**БОТҚОҚ 1** Оёқ босиб бўлмайдиган бўш лой ва шундай лой билан қопланган ер, майдон; ботқоқлик, ботқоқзор. *Бақа ботқоғини қумсар, Балиқ — кўлини. Мақол. Эшак югурар қатқоқда, ҳоли маълум ботқоқда. «Қанотли сўзлар». ■ Ариқни ботқоқдан тозалаб турмасанг, келадиган сув ҳам кейинчалик камайиб, охири бутунлай келмай қолиши мумкин. Шукрулло, Сайланма.*

2 сфт. Бўш лойли, шундай лой билан қопланган. *Ботқоқ ва балчиқ ерларда олиб бориладиган деҳқончиликни биз бир қатор халқларда ҳануз учратамиз. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.*

3 кўча Салбий муҳит, гирдоб. *Улар мени жиноят ботқоғига итармоқчи бўлдилар. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Баландпарвоз мақтанчоқлик билан осмонга қараб, неча йиллик турғунлик ботқоғидан қандай ўтиб келганимизга ҳайронман. Газетадан. Хизмат бурчи нуқтаи назаридан олиб қаралганда майор ҳақ: жиноятчилик ботқоғидан тортиб чиқариб, одам қаторига қўйиши керак. «Ёшлик».*

**БОТҚОҚЗОР** Ботқоқликдан иборат жой. *Ботқоқзорни қуритмоқ. Ботқоқзордан ўтмоқ.*

**БОТҚОҚЛАНМОҚ** Ботқоқликка айланмоқ. *Тупроқларни текширишдан асосий мақсад маълум ҳудуддаги тупроқнинг тури ва хилларини аниқлаш.. шўрланиш ва ботқоқланиш жараёнларини ўрганишидир. М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.*

**БОТҚОҚЛИ** Ботқоқ ерлари кўп бўлган; ботқоқ билан қопланган. *Ботқоқли ерлар.*

**БОТҚОҚЛИК** Доимо ва узоқ вақт нам ва захдан балчиқ ва лой ҳолатда ётишлик. *Йўллар ботқоқлигидан юриб бўлмайди.*

2 Ботқоқ ерлардан иборат бўлган жой; ботқоқзор. *Ер юзасининг 21,3 миллион квадрат километрини музликлар, кўллар, ботқоқликлар эгаллаган. «Фан ва турмуш». Белгача совуқ сув ичида, ботқоқликда пуд-пудлаб лойни жуда юқориликка отиш керак. Ж. Шарипов, Хоразм. Эҳтимол, улар шолкорликда ботқоқлик ва ачима ерлардан фойдаланганлар. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.*

**БОУМИД** [бо.. + умид] Умид қилувчи, умидли, умидвор. *Боумид бўлмоқ.*

**Дунёйи боумид айн. умидли дунё қ. умидли 1.** -*Дунёйи боумид, жигарпорамни бир кўрсам, деб келган эдим, — деди Сурхонбой кўзига ёш олиб. И. Раҳим, Тақдир. Дунёйи боумид, таъзияни ташлаб келган эдик. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Мамадалижон, манам, дунёйи боумид, Аҳмадхўжам билан Ҳамза-хўжамга бисот ийиб, тўй анжомини бутлаб қўйганман. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**БОФАНДА** [ф. یافتده — тикувчи, тўқувчи] Тикувчи, тўқувчи. *Маълумки, бофандалар*

олдига кўпинча хотин-қизлар келиб, янги нусха қидириб юришадилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бофанда(лик) хунарингиз бўлса, бизнинг ипларимиз бор.* «Луқмони Ҳаким».

**БОХАБАР** [бо.. + хабар] Хабар бўлган, хабари бор, хабардор. *Ҳар нарасдан бохабар одам.* ■ *Дудуқ худонинг берган куни подани барвақт Тешиктепа атрофидаги пастқамликларга ёяр, шу билан бирга, чолнинг аҳволидан бохабар бўлиб турар эди.* «Ёшлик». Эшикдан бохабар бўлиб туринг. Ҳамза, Майсаранинг иши. *-Нима гап, тинчликми ўзи? - дейди у ҳамма гапдан бохабардек.* «Ёшлик».

**БОЦМАН** [голл. bootsman < boot — қайиқ, кема + man — одам] Денгиз флотидан (кемаларда) ҳамма хўжалик ишлари, тартиб ва тозаллик учун масъул шахс ва шундай шахснинг ҳарбий унвони.

**БОЧКА** [р. бочка — қавариқ шакли идиш ] Ёғоч ёки металлдан ишланган цилиндрик идиш. *Ёғоч бочка. Темир бочка.* ■ *Сидиқжон бочкани ўчоқ бошига туширгач, қайтиб ишга борди.* «Шарқ юлдузи». Ёнилги тўла бочкалар, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари кўча кум тагидан чиқарилади. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БОЧКАСИМОН** Бочкага ўхшаш, бочка шаклидаги. *Сўриб олинган пахта машинадаги бочкасимон бункерга келиб тушяпти.* Газетадан.

**БОШ 1** Тананинг бўйиндан юқориги, олдинги (одамда, ҳайвонларда) қисми; калла. *Бош касаси (анат.). Бош мия. Бош кийимлар магазини. Дўст бошга боқар, Душман — оёққа.* Мақол. ■ *Ўзбек ойим боши билан келинига ризолик билдириб, «баракалла!» деб қўйди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Баданим ўт бўлиб ёнди, бошим оғриб, кўзларим тинди, — деди Ҳожжи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *У шошиб, от бошини чап тарафга бурди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Бошга тушган (ёки келган)** Ҳаётда учраган, дуч келган; пешонасига ёзилган. *Бошга тушгани кўз кўрар.* Мақол. ■ *Ўзбек ойим ҳам бошига тушган бу кулфатни кўришга мажбур эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Уф.. Муҳаббат нима эканини бошингга тушганда биласан!* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Бошимизга тушган неки кулфат бўлса, фалокат, бадбахтлик, зулм, хорлик бўлса, бари шундан — нафсимиздан.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бошда бор** Тақдирда, қисматда бор; пешонага ёзилган.

*Гулсумбибининг ёнига Хонимбиби қўшилишиди: -Кўп ўйлашманг, ўртоқлар! Бари бир, бу гап ҳаммамизнинг бошимизда бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Тақдири азал, ўғлам, хафа бўлма, ҳаммамизнинг бошида бор гап, — деб юлатди.* С. Кароматов, Олтин кум. **Бошдан кечир(ил)ган (ёки ўтган)** Ҳаётда, тақдирда кўрилган, юз берган, кечир(ил)ган. *Табиб табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.* Матал. ■ *Сайид Жалолхон бутун бошдан кечирганларини инқиллай-инқиллай ҳикоя қилиб берди.* А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. *Бекмуродов бошидан ўтган воқеаларни ўзи айтиб берган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Киши ҳаёт йўлида бошдан кечирган воқеалар орасида бахтли деб ўйлаган замонларини ёдлашдан ҳар чоқ завқланади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошига ёғилган айн. бошга тушган.** *Ногаҳоний бошига ёғилган фалокатни ўзинг даф қилгин.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. **Бошига солмоқ** Оғир қийинчиликка, азобга дучор қилмоқ. *Жоним, ман мунча бахтли қора яратилган эканманки, худо шўрлик бошимга шунча кулфатларни солди.* Ойбек, Танланган асарлар. *..бундан кейин кўрган азобимни худо ҳеч банданинг бошига солмасин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошим кал, кўнглим нозик қ. кўнги 1.**

**2** кўча Ақл-хуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ. Тоғнинг кўрки тош билан, одамнинг кўрки бош билан.* Мақол. ■ *Агрономга ўз боши билан иш қилишга ружаст бериш керак.* С. Нуров, Нарвон. *Қоратой Йўлчининг елкасини дўстона қоқиб деди: -Роса бошинг бор, иним Йўлчи, олтин бошинг бор.* Гапларинг — бари ҳақ. Ойбек, Танланган асарлар.

**Бош оғритмоқ (ёки қотирмоқ)** 1) қаттиқ ўйламоқ, фикр юритмоқ; ташвиш қилмоқ. *Ҳаётни мукамал қиламан, деб сиздан олдин ҳам не-не одамлар бош қотирган.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ҳосил Ёқубов нозикроқ бир нарса устида бош қотириб ўтирган экан..* «Муштум». *Ҳар нарасага ақлингиз етади.. Лоақал бу бахтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) мияни ачитмоқ, гаранг қилмоқ. *Агар бошни оғритмоқчи бўлсангиз — катта куча; тўрт томонингиз қибла.* Ҳ. Ғулом, Маъшбал. *Нима учун бошимни оғритганингизга тушуна олмадим, ўртоқ раис.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Сўз билан деҳқоннинг бошини қотириб,*

ниҳоят, тўрт ярим сўмга кўнишга мажбур қилди. Ойбек, Танланган асарлар. **Бошига келмоқ** Миясига, эсига келмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**3 Бошлиқ, раҳбар.** *Яхши йигит — давранинг боши. Мақол. Яхши хотин эрни элга бош қилур, Ёмон хотин эрини гадо қилур.* Мақол. *Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл!* Мақол. **■ Қирқ йигитга бош бўладиган хотин эди.** А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Синглиненинг тўйига сен бош бўласан, сенинг тўйингга Робия бош бўлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**4 сф.** Лавозим, мансаб жиҳатдан катта, юқори турувчи. *Бош врач. Бош агроном. ■ Рустам Сурхондарё вилоятидаги колхозда бош агроном бўлиб ишлаётибди.* «Муштум». *Директорнинг бу гапи бош инженерга қаймоқдай ёқиб кетди.* «Муштум». *Унинг отаси бош чўпон, ўзи эса чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади.* Газетадан. *Бундан сўнг ҳам бош мирзолигингизни эмас, мирза Анварлигингизни эҳтиром қиламиз.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**5 Улкан, катта, асосий.** *Озгина юргач, «Боғизоғон»нинг бош арки олдидан чиқдилар.* Ойбек, Навоий. *Мана Хоразмнинг жанубий бош дарвозаси.* И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири. *Бош соврин тавсис этилди.* Газетадан.

**Бош ҳарф тли.** Катта ҳарф. *Ёзувда ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади.* «Ўзбек тили дарслиги». *Кимнинг номига хат ёки бошқа нарса келса, почтабон адресат номининг бош ҳарфида ёзилган яшикка қўйиб, юбориладиган хат бўлса, олиб кетар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**6 сф.** Энг муҳим, асосий, етакчи. *Бош масала. Бош сабаб. Пахта — бош вазифа. ■ Кейинчалик мактаб саҳнасида ўйналадиган спектаклларда ҳамшиша бош ролларни ижро этадиган бўлди.* С. Кароматов, Ҳижрон. *«Хузурингизга келишимнинг бош сабаби шундадир!» — деди Ҳасанали.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Бош гап тли.** Мустақил, асосий гап. *Ўзича мустақил, бошқа гапга эргашмаган гап бош гап деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиги». **Бош мақола** Газета ва журналларда таҳририят томонидан бериладиган, долзарб масалага

бағишланган мақола. *Бош мақолада.. илғор колхозчиларнинг иш тажрибалари умумлаштирилган эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Бош тўғон** Гидротехник иншоотнинг энг юқори томонидаги асосий тўғон. *1940 йилнинг май ойида бош тўғон битди.* «Ўзбекистон кўриклари».

**7 сф.** Энг олдинги, биринчи. *Бош бола. Бош келин. ■ Қутидор бўлса, кўз очиб кўрган қудамиз, хотининг бўлса, бош келинимиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ёши улғайганда уйланганидан, бош боласи мен эдим.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Бош бармоқ айн. бошмалдоқ.** *Сал нарида қаердандир Шукруллони бош бармоғи билан имлаб чақирарди.* «Ёшлик». *Эшагини тепганда, чап оёғининг бош бармоғи чиқиб кетган экан.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Бош хотин** 1) энг олдинги хотин; 2) этн. энг катта хотин. *Нажмиддинбойнинг бош хотинидан Абдуллабой, кичик хотинидан Фазлиддин туғилган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қилич халифанинг бош хотини Қумрибиби жуда ташвишга тушган эди.* С. Айний, Қуллар. *Ул кишига куёвга чиқсанг, сен бош хотин, барча хотинлари сенинг чўринг бўладилар.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**8 кўчма с.т.** Одам, киши. *Бир бошга бир ўлим.* Мақол. **■ Бир бошга юзта хўжайин бор.** С. Нуров, Нарвон. *Бу бош дунёга келиб нималарни кўрмади-а!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Жон бошига** Ҳар бир одамга, ҳар қайси кишига. *Бизнинг ферма мудиримиз жон бошига сут истеъмол қилишда Америкадан аллақачон ўтиб кетган.* «Муштум». **Сўққа бош (тўғриси сўққабош)** Якка ўзи, бир ўзи. *Ҳидоят қори, сўққабош бўлгани сабабли онасини ишга чиқарарди.* Мирмуҳсин, Михлар ва пўпанақлар.

**9 (саноқ сонлар билан)** Чорва ҳисобида ҳар бир алад жонивор. *Ўн бош от. Икки бош қўй. Ҳар бош сизгидан икки ярим минг литрдан сут соғиб олинди. ■ Колхоз чорвасига бир юз ўн тўққиз бош мол кўшилди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**10** Тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чўққиси. *Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши кимирламайди.* Мақол. *Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини.* Мақол. **■ Қуёш тик кўтарилиб.. иссиқдан майсаларнинг боши эгилди.** Шуҳрат,

Шинелли йиллар. Гул очилгай қояларнинг бошида, Лолалар бор булоқларнинг тошида. Ҳ. Олимжон.

**11** Бирор маросим, тадбир, воқеа-ҳодисанинг рўй бериш, амалга ошиш жараёнидаги дастлабки босқич. *Юсуфбек ҳожининг ўзи иш бошида туриб, Ойбодоққа ташқари ҳовлини тозалатарди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Юринг, холажон, қизни ўзим топанман, тўйининг бошида ўзим бўламан, ёр-ёрни ҳам ўзим айтаман..* О. Ёқубов, Пьесалар. *Билдимки, бу игволарнинг бошида ўзи бошқош.* К. Яшин, Ҳамза.

**12** Ён, олд, томон. *Саидмурод ака хашакчилар бошига борганда, улар тушликка чиқишган экан.* Н. Қобул, Беморлар. *Тез-тез бошимга бориб тур.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**13** Ўрин, каравот ва ш. к. нинг бош қўйилдиган юқори томони; шундай ўринда ётган кишининг беддан юқори томонидаги жой. *..сўри устига ёзилган ўриннинг бош томонидаги учи тепага чўнқайтириб қўйилган ёстиқлар.. озода ҳаётдан хабар берарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *..ўрнидан дик этиб туриб, каравот бошига ташлаб қўйилган шимнинг камарини суғуриб олди.* М.М.Дўст, Лозазор. *Асқар ота бориб, сағананинг бош томонида чўкка тушиди ва баланд овоз билан қуръон ўқиди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ҳोजи Кумушининг бошига келиб ўтирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бир вақт ҳушимга келсам, отам бошимда йиғлаб ўтирибди, - деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**14** Баъзи отлар билан бирикиб, шу от орқали ифодаланган нарсанинг ўзини ёки у ўрнашган жойни, ён-атрофини билдиради. *Нигор ойим ўчоқ бошида овқат пишириш билан машғул эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Мулланавруз хирмон бошида қолди.* С. Айний, Қуллар. *Отам машғалани тутиб, охур бошига бордилар.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча. *Ҳайдар ота шу баҳона билан у ёқ-бу ёқни ҳам кўрай деб, айланишроқ бўлса ҳам, бозор бошидан юрди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**15** Чўзиқ, давомли, бўйли нарсалар, жой, майдонларнинг бошланиш жойи ёки охири, этаги; шундай нарсаларнинг икки ўчидан, чеккасидан, томонидан бири. *Дарё бошланган жой дарё боши дедилади.* «География». *Ёрмат Йўлчини судраб, кўчанинг бошига, аравалар тўхтаган жойга югурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хиёбоннинг бу*

*бошида нақидор, ҳаворанг баланд айвоннинг бир чеккаси кўриниб турарди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Аваз дала бошида, омонат бир чайла соясида соч олиб турарди.* С. Сиёев, Аваз. *Хонанинг у бошидан бу бошига юрди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**Боши берк кўча** 1) бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетиб бўлмайдиган кўча. *Извош боши берк кўчада тўхтади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу боши берк кўчада у узоқ қамалиб қолмайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) кўчма мушкул, қийин аҳвол, чорасизлик, иложсизлик. *Отабек боши берк кўчада қолгандек бўлди, жавобига қийналди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир ҳали биз боши берк кўчага кириб қолганимиз йўқку. Улар билан олишиб кўрамиз.* С. Аҳмад, Уфқ. **Боши-кети йўқ** (ёки **кўринмаслик**) Бошланиши ва охири номаълум, чексиз, тугамас. *Трашея қирғоғи бўйлаб ялтироқ йўғон қувур чўзилиб кетган, боши-кети кўринмайди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *..боши-кети йўқ меҳнат давом этмоқда.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**16** Воқеа, ҳодисанинг, бирор муддат ёки фаслнинг, асар, матн ва ш. к. нинг бошланиш жойи, пайти, аввали, муқаддимаси. *Ҳикоянинг боши.* *Йилнинг боши.* *Ишимнинг боши йўқ.* *Ошимнинг моши йўқ.* Мақол. *Тўйнинг боши — бошлангунча.* Мақол. ■ *Қиз сўзининг бошини эшитиб илжайди, охирини эшитиб, қўрқувдан бўзарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Мамлакат урушининг бошидаёқ отадан айрилиб, она қўлида қолди.* Ў. Умарбеков, Сирли соҳил. *Тўти бу хатнинг бошини эшитибоқ, ўзини ерга кўтариб урган эди.* С. Зуннунова, Олов. *-Мен, бўлмаса, гапни бошидан бошлай, - деди Абдурасул.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Сентябрь бошларида полк фарбага томон йўл олди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳомиднинг совчиси бошқа совчиларнинг муқаддимаси, ёз бошида келадиган қалдирғочларнинг йўлбошчиси эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Аввал боши** Аввало, даставвал. *Бу гапни аввал бошда ўзи ковлаб қўйганлиги учун жим туришга мажбур эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу саволга аввал боши Бўтабой акам жавоб беришлари керак:* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Аввал боши ўзимизнинг колхозчиларга тушунтириш керак.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Бир бошдан** 1) бошидан, бошланиш жойидан, тартиби билан, бафуржа.

Мен ҳадеб савол бераверганимдан кейин ин-женер ҳамма воқеани бир бошдан гапириб берди. Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. У ўз бошидан кечирган қулфатлар қанчалик оғир бўлса ҳам, бу жонажон дўстларига бир бошдан сўзлаб беришга тайёр эди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бир чеккадан, тартиби билан. Проводник кўзойнагини бурун четига тушириб олиб, бир бошдан билетларни текширишга киришди. 3. Фатхуллин. Ойимхон унга [Гулсумга]: -Майли, қийналиб ўтирма, сенга бир бошдан ҳамма ҳарфларни ўргатиб қўя қолай, — дебди. П. Турсун, Ўқитувчи. **Хат (ёки сатр) боши айн. абзац.** Хат бошидан такрор ўқимоқ. **Қайта бошдан** Қайтадан, янгидан.

**17** Воқеа, ҳодиса ва ш. к. нинг бошланиши учун баҳона бўлган нарса, дастлабки сабаб. Қўшимнинг оши — жанжалнинг боши. Мақол. ■ **Қумринисо Собирахонга кўз қисиб:** -Ўйин-қулғимизнинг боши Баҳрихоннинг тўйи бўлади, — деди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Бахтни бировларнинг остонасидан қидиришининг ўзи бахтсизликнинг боши! А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**18** Баъзи ўсимликларнинг калла ёки чочоқ шаклидаги ҳосили, меваси. Бир бош узум. Бир бош карам. Топган гул келтирар, топмаган — бир бош пиёз. Мақол. ■ **Пештахта олдига бориб, саватдаги узумдан бир бош танлади-да, тарози палласига қўйди.** К. Яшин, Ҳамза. Қайқдан ҳам бир бош кўкнор топиб ичирдик, оғзига жийданинг сувини томизиб кўрдик. С. Сиёев, Ёруғлик.

**19 (санок сонлар билан)** Карра, ҳисоб. Беш бош қилиб олмоқ. Ўн бош қилиб тўламоқ.

**20** 3-ш. эгалик ва ж. к., ў.-п.к., ч.к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **бошига, бошида, бошидан**).

**Аёл (ёки хотин) боши билан** Хотин киши бўлгани ҳолда, аёл, ожиза бўла туриб. Энди хотин боши билан Марғилонга мурожаат қилсинми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Аёл боши билан мистовоқдек кетмонда ишлаганда, биз юрамизми қафдек кетмон тутиб. Т. Ашуров, Оқ от. **Бева (ёлғиз) боши билан** Эрсиз (хотинсиз) ҳолатда қийналиб, ёлғизлик билан, ёлғиз ўзи. Наинки битта шу қизи деб умрини ўтказса, кўзимнинг оқу қораси деб авайласа, бева боши билан шунчалик ўстирса-ю, у юзига тик қараса? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Сени севмасам, ярим кечада, қоронғи кўчада ёлғиз

бошим билан орқангдан югуриб юрармидим?! С. Айний, Қуллар. **Бир ёстиққа бош қўймоқ қ. ёстиқ.** Зайнаб ҳам умид билан бир ёстиққа бош қўйган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир ёқадан бош чиқармоқ** Бир жон, бир тан бўлиб, ҳамжиҳатлик, якдиллик билан. **Кўпчилик бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, унинг кучи океан тўлқинидан ҳам зўр бўлади.** С. Маҳкамов, Шогирд. Эндиги гап ўзларингда қолди. Бир ёқадан бош чиқаринглар. С. Аҳмад, Уфқ. **Бирор ишнинг бошини ушламоқ (ёки тутмоқ)** Бирор ишни, ҳунарни пухта эгаллаб, шу ишда муқим бўлмоқ ёки умуман ишламоқ; бекор юрмастик. **Бундоқ далаларга чиқиб, бирор фойдалироқ ишнинг бошини тутсангиз бўлмайдими?** С. Нуоров, Карвон. Вақти-соати келса, ўқиб оларман.. ундан кўра бир ишнинг бошини тутай. М. Ҳазратқулов, Журъат. **Бош бурмоқ** Ваъдасидан чиқмаслик, бўйсунмаслик. Мен шу қилган яхшилигинга сендан руҳсатсиз бош бурсам, ўттиз пора каломулло урсин! Ҳамза, Танланган асарлар. **Бошга битган бало қ. битмоқ III.** Ўртоғингиз бошимга битган бир бало бўлди. А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бошга қўймоқ айн. бошига қўтармоқ I. Бошга кўндирмоқ** Киймоқ. Курткани елкамга ташладим, дўнғалак «грезунча» шапкани бошга кўндирдим. С. Сиёев, Ёруғлик. **Боши билан** 1) бутун вужуди билан, астойдил. Олимжон кўпдан кутилган ишга боши билан кўмилиб кетган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) жони, ҳаёти билан. ..агар бундан бир хиёнат чиқмаса, ҳаммадан бурун мен бунга бошим билан жавоб бераман. С. Айний, Қуллар; 3) боши ёрдамида, бош ҳаракати билан. Қоратой боши билан «йўқ» деди. Ойбек, Танланган асарлар. **Ўзбек ойим боши билан келинга ризолик билдириб, «баракалла» деб қўйди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Боши боғлиқ** Унаштириб қўйилган. Аччиқланма, бек йигит, ўзи уятчан қиз, яна боши боғлиқ. Ойбек, Навоий. **Боши бузуқ ёки бузуқ бош** Ивгогар, тескарйчи, бузуқ фикрли. Мана сенга, уйинга боши бузуқларни йиғганинг учун! С. Сиёев. Ёруғлик. **Амир қозига буйруқ юбориб, боши бузуқ оёқяланларни ва эски қулларнинг авлодини тутиб қама, деган.** С. Айний, Қуллар. **Бошига етмоқ** 1) ўлдирмоқ, ҳалок қилмоқ, нобуд қилмоқ. Отаннинг бошига етган ўшалар. А. Кўчимов, Ҳалқа. Ўпкасида қолган осколка ўн

йилгача азоб бериб, охири бошига етди. Х. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси; 2) охиригача бориб, етиб тугатмоқ; тугатмоқ. *Ҳозиргача олтмиш тугуннинг бошига етдингиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бошига кўтармоқ** 1) жуда иззат-хурмат қилмоқ, ҳурмати бажо келтирмоқ. *Шарафларга бурқаб ота номини, Бошига кўтарди онажонини.* Б. Бойқобилов, Садоқат. *Қани энди бошқа оталардек бўлса, бошимга кўтармасдим.* С. Аҳмад, Уфқ. 2) ҳаммаёқни бузгудек шовқин солмоқ, жанжал қилмоқ. *...товоқнинг жиндай жойи учган экан. Қайнанам шуни кўриб қолди-ю, бутун ҳовлини бошига кўтарди.* «Муштум». *Шунча эркакнинг орасида уялмайсанми ҳовлини бошингга кўтариб бақиргани, шарманда!!!* К. Яшин, Ҳамза; 3) шодликдан, хурсандчиликдан бақирмоқ, шовқин солмоқ. *Тўйиб-тўйиб шўхлик, бебошлик, «жиннилик» қилсанг, водийни бошингга кўтариб қаҳқаҳа урсанг.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Қизлар уйни бошларига кўтариб, «ёр-ёр» айтишаётган пайтда, Санобарга яқин келиб, унинг кифтига қўлини қўйди.* К. Яшин, Ҳамза. **Бошига сув қуймоқ** 1) ноўрин сарфламоқ, тугатмоқ, тамомламоқ. *Ҳаш-наш дегунча бригадага берилган 14 минг сўмнинг бошига сув қуйди.* «Муштум». *Сендан нима кўряпман? Қайтанга топган-тутганимнинг ҳам бошига сув қуяяпсан.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ; 2) пачавасини, расвосини чиқармоқ. *-Манави-ку, — бувим мени кўрсатдилар, — ўқишнинг ҳам бошига сув қуйди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Бошига урадимми?** Унга нима кераги бор? Кераги йўқ. *Опоқижон, ундай деманг, бошингизга урасизми ўша бетайин қизларнинг молу дунёсини?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. *Ҳе, иззатини билмаган насткашлар, лаки мингни бошимга ураманими?* «Муштум». **Бошига чиқиб (ёки миниб) олмақ** Бировга ҳукмрон ёки хўжайин бўлмоқ, бўйсунмай қўймоқ. *Бундай йигитнинг эса у бошига миниб олиши турган гап эди.* Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. *Сенларда ўзи инсоф деган нарса борми? Пенсиярман деб бошимизга чиқиб оласанлар, шекилли.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Чўри қиз бошимизга чиқиб, бизларни оёқ учи билан кўрсатади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошига ўтқазиб қўймоқ** Ҳаммадан устун қўймоқ, роса эъзозламоқ. *Ёш, чиройли хотинга ёқши, унинг кўнглини кўтариш учун уни ҳаммамизнинг бошимизга ўтқазиб қўйди.*

Ойбек, Танланган асарлар. **Бошида ёнғоқ (ёки тош) чақмоқ** Доимий равишда хўрламоқ, азобламоқ, жабрламоқ. *Кейин Гулнорга худо беради, у эрка-арзанда хотин бўлиб.. кўнглига нима келса, шуни қилади.. бошимизда ёнғоқ чақади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Уч кун ўтмай [кундошим] бошимда тош чақишга бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бошида калтак (ёки таёқ) синмоқ қ. калтак.** *..мудирнинг таёғи кўпроқ унинг бошида сина бошлади.* «Гулдаста». **Бошидан зар қуймоқ қ. зар.** **Бошида қолмоқ** Керакмас, зарурмас; қуриб кетсин маъноларида ишлатилади. *Қараб турунг, тўйига ҳам бормайман, тўйи бошида қолсин.* Т. Алимов, Совға. *Топиб келган матоҳинг бошингда қолсин.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Боши ёстиққа тегмоқ** 1) ётмоқ, ухламоқ; 2) касалланмоқ, бетобланмоқ. **Боши кетмоқ** Ўлдирилмоқ, қурбон бўлмоқ. *..тўғри гапир, бўлмаса бошинг кетади.* У. Исмоилов, Сайланма. *Бошимиз кетсам, қайтмаймиз бу ўйлан.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Боши кўкка (ёки осмонга) етмоқ** Ҳаят хурсанд бўлмоқ, жуда ҳам кўнгли кўтарилмоқ. *Масалани шундай ҳал қилиш керак эди. Каримқул акадан эшитиб, бошим кўкка етди.* Ойбек, О. в шабадалар. *Тўсатдан кириб борсам, онам бечоранинг боши кўкка етар..* «Гулдаста». **Бошинг тошдан бўлсин** Умринг узоқ бўлсин, завол кўрма, ўлма. *Ҳа, ишқилиб, боши тошдан бўлсин.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Хайр, ўғлим, қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл, бошинг тошдан бўлсин.* «Гулдаста». **Бошини айлантирмоқ қ. айлантирмоқ.** *Оилали бўла туриб, ёш қизнинг бошини айлантиришга уялмадингизми?* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. **Бошини боғламоқ** Унаштириб ёки уйлантириб қўймоқ. *Биз Отабекни Тошкентдан уйлантириб, бошини боғламасак, кун сайин унинг Марғилон югуришидан қутула олмасми.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *-Иккала томоннинг келишувидан сўнг фотиҳа қилиниб, қизнинг боши боғланди.* «Муштум». **Бошини букмоқ** 1) уялтириб, ерга қаратиб қўймоқ. *Секин гапир, секин.. шарманда қилдинг, бошимни ерга букдинг, сен жувонмарг!* Ойбек, Танланган асарлар. *-Турунг, қизим, — элликбошининг товуши бирдан мулоиймлашади, — ота-онанинг бошини букманг.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бўйсундирмоқ, тиз чўктирмоқ, тобе қилмоқ; тушкунликка туширмоқ. *Уйла, Қора-*

той. Ишқилиб, Йўлчи боламга таянч бўл, ёлғизлатма, йигитнинг кўнгли бузилмасин, боши букилмасин. Ойбек, Танланган асарлар. Қарз кишининг бошини букади. Ойбек, Танланган асарлар. **Бошини емоқ айн. бошига етмоқ.** Хуснинг бошингни ейди.. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. Ота-онасининг бошини еган шум етим. П. Турсун, Ўқитувчи. **Бошини иккита қилмоқ (ёки қўшмоқ)** Уйлантириб қўймоқ. -Биз ҳам орзу-ҳавас кўрмай ўтмасак: кўзимизнинг очқилигида бошингни иккита қилиб қўйсак деймиз-да, ўғлим, — деди чол. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бир амаллаб қишдан чиқсак, Полвонбойнинг бошини ҳам қўшиб қўярмиз. Ж. Шарипов, Хоразм. **Бошини силамоқ** 1) эркаламоқ, юпатмоқ. Йўлчи Гулнорнинг бошини силаб, воқеани қисқача айтиб берди. Ойбек, Танланган асарлар. Нозим Зухранинг бошини аста силаб, ўз кўз ёшини белбоғи учига артди. «Гулдаста»; 2) ўз паноҳига олиб ардоқламоқ, боқмоқ, тарбия қилмоқ. Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни. Мақол. ■ Нодира онаси ўрнида Анварнинг бошини силаб, истиқболи учун қайғурди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бошини тикмоқ** Ўзини қурбон қилишга тайёр бўлмоқ. Нега энди.. меҳнаткаш мусулмон учун бошини тиккан.. йигитни жаллод болтасига топширар экан? К. Яшин, Ҳамза. ..Ҳа, Ҳомид ака, сиз жонни аямасангиз, мен ҳам йўлингизга бошимни тикдим.. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бошини ҳам қилмоқ** Уятга, номусга қолдириб кетмоқ, бошини (юзини) ерга қаратмоқ. Эл-юрт олдида бошимни ҳам қилиб кетдинг, орқангдан қувмадим. С. Аҳмад, Уфқ. Арзимаган иш деб бошини ҳам қилманг. С. Аҳмад, Уфқ. **Бошини қовуштирмоқ (ёки бириктирмоқ) қ. қовуштирмоқ. Бошини қотирмоқ (ёки огритмоқ)** 1) бўлар-бўлмас иш, ҳаракат, гап ва ш. к. билан жонига тегмоқ, безор қилмоқ. Бемани саволларинг билан бошимни қотирма; 2) узоқ ва жиддий ўйламоқ; ташвиш чекмоқ. Бу азалий жумбоқ устида не-не алломалар бош қотирмади дейсиз. «Фан ва турмуш». Букун ҳам худди шу мақсадда йиғилишиб, декча қайнатиш ғамида бош огритишарди. Ойбек, Навоий. **Боши очиқ (ёки бўш)** 1) паранжи ташлаган, паранжи ёпинмайдиган; очик; 2) унаштирилмаган, уйланмаган ёки ажралишган. Энди у [Мунаввар] боши очиқ қиз бола эмас. Оилали. С. Анорбоев, Меҳр. -Бугун-

дан бошинг очик. Уч талоқ қўйдим. «Ёшлик». Ўзбекларнинг яхши қизи бор бўлса, Боши бўшми дейин, аввал сўрайин. «Алпомиш». **Боши чиқмаслик (ч.к. билан)** Сира қутулмаслик, бўшамаслик; доимо ташвиш, ғалва билан яшамоқ. Унинг боши касалдан чиқмай қолди. ■ Ана шундан бошлаб ташвишдан боши чиқмай қолди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. ..ҳеч яхшилик қилмай дейман-у, кўнгли бўшлик қилиб қўяман, кейин бошим ғаладан чиқмайди. Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири. **Боши қоронғи** Баъзи ҳомилдор аёлларда ҳомилдорликнинг дастлабки ойларида бўладиган ҳолат, аҳвол (мас. бирор нарсани тусаш ёки унга тоқат қилолмаслик). Унинг анорга боши қоронғи. Боши қоронғига олам қоронғи. Мақол. ■ Вика ҳомилдор, унинг иттифоқо «кока-кола»га боши қоронғи бўлиб қолди. Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар. **Боши қотмоқ (ёки шишмоқ)** Нима қиларини билмай қолмоқ, гангиб қолмоқ; доимо ўйлаб, бирор хулосага келолмай юрмоқ. Бу битмайдиган савдодан Элчиевнинг ҳам боши қотиб юрарди. Э. Аъзамов, Жавоб. Ёш журналист топшириқни олишга олиб қўйиб, боши қотиб қолди. «Муштум». Эшитдим, лекин нима чора? Шу кунда ҳамманинг боши шишган. Ойбек, Танланган асарлар. **Бош кўтариб юрмоқ** Юзи ёруғ, пок, ҳалол бўлганлиги учун кишилар ўртасида бемалол, жиҳолат бўлмай, ерга қарамай юрмоқ. Сиз эсингизни еб қўйибсиз, ўғлингизни маргилонликка топшириб қўйиб, яна эл ичида бошингизни кўтариб юрмоқчи бўласизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Қизингизни деб шаҳарда бош кўтариб юролмайдиган бўлдим. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бош кўтармоқ** 1) оёққа турмоқ, тузалмоқ. Бемор касалдан бош кўтарди; 2) машғул бўлган бирор ишдан тўхтамоқ, узилмоқ. Профессор Шерзоднинг касалик варақасидан бош кўтарди-да, негадир жилмайди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. -Яхши, — деди Турсунбой ишидан бош кўтармай. С. Аҳмад, Уфқ; 3) униб чиқмоқ, кўкармоқ. Кўклам келиши билан бегона ўт бош кўтармасин деб.. ер молаланди, чизелланди. Ҳ. Нурий, Яшил хирмон. Қишлоқ ёмғирдан ювилиб, яшнаб кетган эди. Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан беҳабар яшнаб турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кўлоқ сол; 4) уфқдан кўтарилмоқ,



чиқмоқ (асосан Куёш, Ой ҳақида). *Куёш уфқдан аста бош кўтариб, ўзининг заррин нурларини соча бошлади.* «Ёшлик». Қишлоқ қизларидай лўппи юзли ой Бошини кўтарди, қулди саҳро, сой. Файратий; 5) қарши ҳаракат қилмоқ, исён қилмоқ, қўзғалмоқ. *Тошкент ҳокими бўлган Азизбек Қўқонга қарши бош кўтарган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Камбағал бош кўтарса, бой тош кўтаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бир вақт келиб, дадамнинг кунни етса, Гулнорнинг чурвақалари бош кўтаради.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош олиб кетмоқ** Ҳамма нарсадан воз кечиб, бошқа жойларга бутунлай кетиб қолмоқ. *Ўз акамга мен сизинди бўлгунча, Бу ўлқадан бошим олиб кетайин.* «Алпомиш». *Бугун у саройдан мутлақо бош олиб кетди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Меҳри касалхонадан чиққандан кейин, Нисо буви иккала қизи билан номаълум томонга бош олиб кетди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бош оққан томонга кетмоқ** Дуч келган томонга, тўғри келган ёққа қараб кетмоқ, *Укучага чиқди, қаёққа бораётганини билмай, боши оққан томонга юриб кетди.* К. Яшин. Ҳамза. *Бечора иш қидириб, боши оққан томонга борар экан.* Ойбек, Нур қидириб. **Бош оғриғи** Дардисар нарса, ортиқча ташвиш, даҳмаза. *Ростини айтсам, шу замонда гап-сўз қайнаб кетган, лекин бировининг ҳам маъноси йўқ, борида ҳам маза-матра йўқ.* Ҳаммаси бош оғриғи гаплар. Ойбек, Танланган асарлар. *Бўлса бўлар, бўлмаса йўқ-да.* *Бекорга бош оғриғи қилиб, ичингдан ўртаниб юрасанми?* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бош суқмоқ** (ёки **тиқмоқ**) 1) оёқ қўймоқ, кирмоқ, етишмоқ. *Кампир энам қиз қидира-қидира тинкаси қуриди, қайси эшикка бош тиқса, сўрашармиш: савдогарми, боғи борми, уй-жойи борми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Сен ўлгур бу уйга бир марта ҳам бошингни тиқмадинг.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хонага Эргаиш бош суқади: -Мумкинми? «Гулдаста».* *Шербек кечки пайт оғилхонадан қайтиб келаётиб, идорага бош суқди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) ўрнашмоқ, жойлашмоқ. *У айтган толар қулабди, бош тиқмоқчи бўлган мактаб-маориф соҳасига тамоман янги одамлар, олов нафасли ёшлар келибди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 3) аралашмоқ, қотишмоқ. *Собиржон бировларнинг гапига кириб, шунақанги ишларга бош суқмаса эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сиз ҳам мени болам десангиз,*

*шу бугун менинг ишимга бош суқманг.* О. Ёкубов, Пьесалар; 4) бошни тиқиб, кири-тиб қарамоқ, текширмоқ. *Улар эшик тирқишларидан мўралайдилар ва қия очиб, бошларини суқадирлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тоҳир пастки қаватдаги очиқ эшикларга бош тиқиб қаради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар; 5) қўймоқ, тирамоқ. *Гулнор бошини Йўлчининг кўкрагига суқиб йиғлади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бош тортмоқ** 1) бошоқламоқ, гунчаламоқ. *Сизни оғзи қон бўри дедим, чунки.. сиз янги очилган гулларни, энди бош тортган лолаларни вақтсиз сўдирасиз, очилиб битмай ўлдирасиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) бирор иш, вазифа, бурч ва ш. к. ни бажаришдан юз ўгирмоқ, қочмоқ. *Армани уста қора мрамар лавҳадаги сўзларни ўчириб, қайта ёзишдан кескин бош тортди.* Н. Аминов, Суварак. *Қўйдек ювош мусулмонлар бугун мардикорга боришдан бош тортмоқдалар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Бош тўлғамоқ айн. бош тортмоқ** 2. *Бу тақдирда итоатдан бош тўлғамоқ Тошкент устига, албатта, Мусулмонқул зolim қўшин тортар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бош урмоқ** 1) бормоқ, мурожаат қилмоқ. *Йўлчи қаёққа бош уришини, кимнинг ёқасидан тутишини билмай, анча вақтгача кўчаларда тентираб юрди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) ёрдам сўрамоқ, бош эгиб келмоқ. *Сенинг учун азизларга бош урдим, Боргин, болам, сени ҳаққа топширдим.* «Маликаи айёр». *Ахир фарзанд учун она нималамай-нетмай, эшигига бош уриб келган бир йиғитни қувлаб солади?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бош устига** Бажонидил, жону дил билан. *Учрашганингиз тўғрисида менга маълумот ёзсангиз, тагин миннатдор қилардингиз. -Бош устига.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Табибийнинг гапи но-жўя бўлиб, бир чаламулла боланинг сўзлари эътиборга лойиқ десангиз, миннатдормиз, бош устига, хоним.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Бош эгмоқ** 1) бошини туширмоқ, ерга томон пасайтирмоқ. *Қўшиқ тамом бўлди-ю, у бояғидай табассум билан оҳиста бош эгиб қўйди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Аҳмад Хусайн бошини сал эгди, унинг туси ҳам алланечук ўзгарди.* Ойбек, Нур қидириб; 2) буйсунмоқ, итоат қилмоқ, тиз чўкмоқ; сажда қилмоқ. *Қачонгача энди биз ётларга бош эгамиз, пора бериб кун кўрамиз.* Н. Сафаров.

Танланган асарлар. *Амирга бошини эзмаган кекса шоирни отга боглаб, қуриб ётган ўт устида ёқиб юборишган.* Газетадан. *Кимдир тош отса ҳам гоҳо ортимдан, Қошимда бош эгди, келиб сўнги дам.* А. Орипов, Йиллар армони; 3) ёлвормоқ, ялинмоқ. *Эркак бошимни эгиб қайтиб бораманми, унақада хотиним бўйнимга чиқиб олади, дерди.* С. Аҳмад, Уфқ; 4) мотам тутмоқ, мотамсара бўлмоқ. *Мунгли дўппайган қабрлар устида бағри қон қизғалдоқлар бош эгди.* Ҳ. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Баки у кун бошим узра Дўстлар бош ҳам эгадир.* А. Орипов, Йиллар армони. **Бош қашимоқ** Ноиложликдан нима қилишини билмай ўйлаб қолмоқ, хаёл сурмоқ, бош қотирмоқ. *Ҳовли ўртасида бош қашиб қолди ва кўзини қисиб, хотинига қаради.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Бош кўшмоқ** Аралашмоқ, қотишмоқ; қўшилмоқ. *Бой, мен ўйлаган бу ишга сиз ҳам бош қўшсангиз, савоб бўлармиди?* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Укаларимнинг кир-чирини ювиб, бағрига олиб ўтирсин деб, бу ишга мен ўзим бош қўшдим.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менингча, муҳими ишни бошлаб олиш, у ёғига халқнинг ўзи бош қўшади.* К. Яшин, Ҳамза. **Бош ҳарф** т.ш. Катта ҳарф. **Иши бошидан ошиб ётибди қ. ошмоқ 1.** Набирали бўладиган Ҳўбек оймнинг иши бошидан ошган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Катта бошини кичик қилиб қ. катта.** *Аммо-лекин хатосини тан оляпти, кечирим сўраяпти катта бошини кичик қип.* А. Кўчимов, Ҳалқа. **Менинг сенга бошим қоронғи эдими? кест.** Сенга кўзим учиб турганмиди? (номатлуб киши келиб қолганда айтилади). **Оёғига бош қўймоқ 1)** айн. **бош урмоқ.** *Душман қурсин, эсларимни шоширди, Мирза Маҳмуд оёғига бош урдим.* «Юсуф ва Аҳмад»; 2) бош эгиб, ҳурмат, эҳтиром билдирмоқ. *Агар кўчада бўлмаса эди, Йўлчи шу онда бу гўзал, тоза юракли, жасур, вафодор қизнинг оёқларига бош қўйишга тайёр эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Эркак боши билан** Эркак киши бўла туриб. *Эркак боши билан кўчада оғзига сўргич тиқиб, бола кўтариб юрсинми?! Т. Алимов, Ишқилиб ўқимаган бўлсин-да. Эркак бошлари билан оғизлари гийбатдан бўшамайди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. **Ўз бошига** Ҳар ким ўз ҳолича, ўзича, мустақил. *-Бу ўтирганларнинг кўпи.. ер олиб, ўз бошига деҳқон бўлиб олди, — деди Абдурауф. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БОШАРИҚ** Асосий, катта ариқ. *Файбулланинг ўзи бошариқ олдида шланг тортиб, гўза сугормоқда эди.* «Шарқ юлдузи».

**БОШАФҚАТ** [бо.. + шафқат] Ўта шафқатли, меҳрибон, раҳмдил. *..ул соябони марҳамат ва меҳрибони бошафқатнинг хизматларига камари хизматни берк боғлаган бўлур эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШБОШДОҚ** Ҳеч кимга ва ҳеч қандай қонун-қоидага, тартиб-интизомга бўйсунмайдиган; ўзбошимча, тартибсиз, бебош.

**БОШБОШДОҚЛИК** Ҳеч қандай тартиб-интизом бўлмаган, ҳар ким ўз бошига иш тутадиган бир ҳол; ўзбошимчалик, бебошлик; анархия. *Баъзан қаттиққўллик ҳам керак. Усиз тартиб-интизом издан чиқади.. бошбошдоқлик бошланади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Қорабулоқда том маъноси билан бошбошдоқлик ҳужм сурар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Булар натижасида адабий талаффузда ва илмда турилик пайдо бўлди, бошбошдоқлик келиб чиқди.* «ЎТА».

**БОШВОҚ** (асли бош + воқ) Чорва молларининг бошига боғланадиган арқон; нўхта. *Сигир ўғирлаган қутулди, Бошвоқ ушлаган тутулди.* Мақол. ■ *Ойниса энди сигирнинг бошвоғига қўл чўзганини билади, нақ боши устида алланарса қаттиқ гумбурлаб кетди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**Бошвоқ солмоқ** Бўйсундирмоқ, жиловламоқ. *Ҳа, огоҳ бўлинглар, одамлар, огоҳ, Урушга йўл қўйманг, солингиз бошвоқ!* Газетадан. **Бошвоғини йўқотиб қўймоқ** Ўзини тута олмай, босар-тусарини билмай қолмоқ, ҳовлиқиб кетмоқ. *Баъзи нодон қизлар бошвоқларини йўқотиб қўядилар.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. **Бошвоғи маҳкам бўлмоқ** Мустаҳкам, собит, пухта бўлмоқ. *Босадиган қадамингиз, оғиздан чиқадаган сўзингиз бошвоғи маҳкам бўлсин.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бошвоғи йўқ итдай** Ўз эркига ташлаб қўйилган, қаровсиз, назоратсиз. *Ҳамма айб ота-онангда, бошвоғи йўқ итдай қўйиб юборишади.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

**БОШВОҚСИЗ 1** Бўйнида боғичи, арқони, югани йўқ. *Гўзал боғларда, экинзорларда энди бошвоқсиз қорамолларнинг диринглаб чопганини.. кўрди.* Ойбек, Нур қидириб.

**2** кўчма. Ўз эркига қўйиб юборилган, назоратсиз. *Эрсиз хотин — бошвоқсиз от.* Мақол. ■ *Бошвоқсиз қолган нортая нима-ю,*

эл назаридан қолган одам нима? С. Кароматов, Бир томчи қон. Ўғлимнинг феъли ўзимга аён-да: бошвоқсиз қолса, боши оққан томонга оғиб кетаверади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

3 кўчма Эркин, озод. Бошвоқсиз давронни сурмоқдаман хўп, Маза қилиб қандимни урмоқдаман хўп. Р. Бекниёз, Тўтиё.

**БОШВОҚСИЗЛИК** Уйламай-нетмай иш тутаверишлик, назоратсизлик. Шошма-шошарлик, беқарорлик, енгилтаклик.. ғайирлик ва бошвоқсизлик энг зарарли одатлардир. Газетадан.

**БОШБАРМОҚ** айн. бошмалдоқ.

**БОШДА** рвш. Аввалда, дастлабки вақтда, дастлаб, аввал. Мен сизга бошда нима деган эдим? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Офтоб ойимни юпатиш учун ўтган-кетгандан ва бошда йиглаб эрга теккан қизларнинг чимилдиқда йигит билан апоқ-чапоқ бўлишиб кетганларидан ҳикоя қилди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бошда дарёнинг чап соҳили устидан жарликка қия тушган торгина сўқмоқ йўлдан юришга тўғри келди. Й. Шамшаров, Тошқин.

**БОШДАН** рвш. Аввалдан, дастлабки вақтдан. Кийимни — бошдан, болани ёшдан асра. Мақол. ■ Куплар ақл-идроқ билан ҳаёт йўлларини бошданоқ тўғри белгилаб.. кун сайин юксакликка интилаверадилар. Газетадан.

**БОШДАН-ОЁҚ** рвш. 1 Бошидан то оёғигача. Йўлда кета туриб, Ботирали Эъзозхонга бошдан-оёқ разм солди. Ҳ. Фулом, Машғал. Дилдорга бошдан-оёқ назар ташлаб олди-да, индамай юриб ўтиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. Аёл зотининг бошдан-оёғи зарга ўралгани билан, ўзи ёмон бўлса, кимга кераги бор. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

**Бошдан-оёқ кийим (ёки сарпо)** қ. бош-оёқ. Марияга дарров бошдан-оёқ кийим кийдирадилар. Ойбек, Танланган асарлар. Хуллас, янга зўр келиб, камарни еча билса, куёв тараф енгилган бўлади. Янгага бошдан-оёқ сарпо кийгизади. С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Бошидан то охиригача; тугал, батамом; батафсил. Башорат воқеани бошдан-оёқ айтиб берди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Шошманг, бошдан-оёқ гапирмасам, ишонмайсиз. Ойбек, Танланган асарлар. Сарой маст уйқуда, бошдан-оёқ майин ипак гиламлар тўшалган узун йўлак кимсасиз эди. О.

Ёқубов, Кўҳна дунё. Ернинг бошдан-оёғига экиб пиёз, Тепасига чайла қуриб, кутибдир ёз. Ф. Фулом.

**БОШИГА** кўм. вzf. Ёнига, олдига, қошига. Битар ишнинг бошига, яхши келар қошига. Мақол.

**Гектар бошига** 1) ҳар бир гектарга. Гектар бошига бир машинадан гўнг солинди; 2) ҳар бир гектардан, ҳар бир гектар ердан. Ҳосилни гектар бошига 40 центнерга етказмоқ.

**БОШИДА** 1 кўм. вzf. Ёнида, олдидан, қошида. Аёллар кўприк бошида чапак чалиб, тиззаларини уриб чинқиришди. Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. бошда. [Малика:] Ажаб қипти! Бошида айтдим, Зулфиядек қизни йиғлатманглар, кўз ёшининг уволига қоласизар, дедим, кўнмадиларинг. О. Ёқубов, Биринчи муҳаббат. Томдан тараша тушгандек қилиб сўзланган гапларга бошида уларнинг иккови ҳам тушунмади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШИДАН** кўм. вzf. Ёнидан, олдидан, қошидан. Ўчоқ бошидан овқатни олиб келмоқ. Қозон бошидан туриб гапирмоқ.

**БОШИЖОАТ** [бо.. + шижоат] айн. шижоатли. Мана, унинг қаршисида бошижоат отаси гавдаланди. Ойбек, Куёш қораймас.

**БОШКЕСАРЛАР** Қаллакесарлар, безорилар, газандалар. Айтмадимми! Ҳамма ўғри, бошкесар, ялангоёқларнинг бошида Акбарали ўзи туради! Чўлпон, Кеча ва кундуз. ..Бу бошкесарлар жонимизга тегдилар. Ҳ. Олимжон.

**БОШЛАБ** 1 Бошламоқ фл. рвш. Бир лаҳзадан кейин Муяссарни бошлаб орқага қайтишди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Аввало, шунга айтиб қўяйки, сенга бошқа муаллим топиб қўйдим, Эртага бошлаб келгайман. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

2 рвш. Энг аввал, ҳаммадан олдин, дастлаб. Оғриқнинг биринчи куни Кумуш ҳеч кимга сездирмай юрди. Аммо иккинчи кун буни бошлаб Отабек, ундан кейин Ўзбек ойим сезди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. [Азизбек] Бошлаб фуқарога салом берди, сўнгра синиқ ва ожиз қолган бир товуш билан халққа узор айтди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бошлаб ҳудайчи от устидан бир кимхоб тўнни олиб, қўрғонбегига кийдирди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 кўм. (ч. к. от билан) Бери, буён. Шу кундан бошлаб у ҳам раиснинг олдидан тўнгилаб

гапирадиган бўлиб қолди. «Муштум». ..Тош-пўлат туғилган кундан қошлабоқ кулфат, ғам-қайғуга йўрақланди. К. Яшин, Ҳамза.

**БОШЛАМА** Бирор ишга қўйилган биринчи қадам; ишнинг боши, бошланиши, ибтидоси. Тўй кейинроқ бўлади, бу фақат бошламаси. ■ Бошламасига Саида билан Роҳила бир-бирларининг чилвир сочларини шарт-шарт кесиб ташлашди. А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз. Ёр-ёр сўнгида анъанавий бошлама бир оз ўзгартирилган шаклда қўшиқнинг тугалланмаси сифатида такрорланиб келади. «ЎТА».

**БОШЛАМОҚ I** Бирор ишга киришмоқ. У қўлларини орқасига қовуштириб, ўнг елкасини пича олдинга чиқариб туриб гап бошлади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Гуландом чойдан бир хўнлаб, яна ўз ҳикоясини бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Гулсин ўзининг қўнғироқдек товуши билан «Йиғларман» куйидан бошлади. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Йўл кўрсатиб, етаклаб, бош бўлиб бормоқ; тортмоқ, олиб кетмоқ. Яхши билан ошина бўлсанг, яхши йўлга бошлайди. Мақол. Бошлиқ бўлиш осон, Бошламоқ қийин. Мақол. ■ Норқўзи мухбирларни шийпон ёнидаги толзорга бошлади. Ҳ. Фулом, Феруза. Ақл ва виждон қайси йўлга бошласа, ўша йўлга кираман. Ойбек, Нур қидириб. Хаёл уни яна уруш фронтларига бошлади. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**3 -и(б)** аффиксли равишдош шаклида қўшма феъллар таркибига киради, мас. бошлаб бормоқ, бошлаб келмоқ. ■ Йигитча уни лойи атала бўлиб ётган бир кўчага бошлаб кирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ғаввос Меъморни ўша шинам хона сари бошлаб борди. Мирмуҳсин, Меъмор.

**4 -а, -й** аффиксли равишдошлар билан ифодаланган иш-ҳаракатнинг бошланганлигини ёки унга киришилганлигини билдиради, мас. тўқила бошламоқ, қарий бошламоқ. Шабада эса бошлади. ■ Тавҳидий дафтарчани очди ва қадамни секинлатиб, ўқий бошлади. А. Қаҳҳор, Асарлар. Ойбодоқ кета бошлаган эди, Отабек уни тўхтатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШЛАМОҚ II** махс. Бошлиқ солмоқ, янги бошлиқ солиб тикламоқ (этик, маҳси ва ш. к. ни). Мен эски этигимни бошлатиб олдим.

**БОШЛАНМА** айн. бошлама. Бу икки сатр ҳар вақт анъанавий бошланма вазифасини ўтайди. «ЎТА».

**БОШЛАНҒИЧ I** Дастлабки, бошланишдаги; ўлчаш, қиёслаш учун асос қилиб олинган; бош. Снаряднинг бошланғич тезлиги. Бошланғич далиллар. ■ Меридианларнинг бири, яъни Лондон орқали ўтадиган меридиан, «бошланғич меридиан» деб ҳисобланади. «География».

**2** Қуйи, биринчи босқич. Бошланғич синф. ■ Бошланғич таълим билимлар пойдевори ҳисобланади. «Фан ва турмуш». Бошланғич маълумотни олган, у ўқитувчилар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Газетадан. Башоратни бошланғич мактабга беришнинг фойдаси йўқ. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**3** Энг оддий, элементар. Бошланғич физика.

**4** Дастлабки ҳолдаги, ибтидоий. Бошланғич жамият. ■ Бошланғич вақтда одамлар ёввойиликда, тушкунликда ҳаёт кечиришган. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

**5** от, айн. бошлама. Эришилган муваффақиятлар катта ишларнинг бошланғичи, холос.

**БОШЛАШМОҚ** Бошламоқ I 1, 2 фл. бирг. н. Бийдай даштда иш бошлашди. «Ўзбекистон кўриқлари». Анвар Раъно билан бошлашиб, хужрадан чиқди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Тўртинчи кун кечқурун Назиржон Тўхтақул ака билан бошлашиб кириб келди. Ойдин, Ўзидан кўрсин. ..сизга ишонман. Лекин кечаси иккаламиз бошлашиб юришимиз уят бўлади. С. Кароматов.

**БОШЛИ I** Боши, калласи бор. Етти бошли илон (эртакларда). ■ У [Қоратой] ўттиз саккиз-қирқ яшар, юмалоқ, катта бошли, билаклари йўғон киши эди. Ойбек, Танланган асарлар. Бунинг орасида илон бошли билагузукдан тортиб ҳар хил тақинчоқларгача чиқди. М. Мансуров, Ёмби.

**2** кўлма с. т. Ақли, ақлли-хушли. Бошли йигит. Олтин бошли отанг билан қолгунча, пахмоқ бошли онанг билан қол. Мақол. Бошлиқ бўлсанг, бошли бўл. Мақол.

**Бутун бошли** Бутун, бир бутун; бутунлигича. Ҳаммаси менга ёпишади: -Бутун бошли отнинг қаёққа йўқолганини билмасанг, нима қилиб юрибсан қоровулликнинг кафилини олиб, — дейишади. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Лашкарбошининг қўрумсоқлигини қаранг.. бутун бошли хумча кўмиб, ичида чақа

ҳам қолдирмабди-я. М. Мансуров, Ёмби. Мен сендайлигимда бутун бошли оилани тебратганман. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Янги ерлар очилиб, бутун бошли янги хўжаликлар ташкил топди. «Ўзбекистон қўриқлари».

**БОШЛИҚ I 1** Идора, муассаса, ташкилот ва ш. к. га раҳбарлик қилувчи шахс; раҳбар. *Бошлиқ бўлиш осон, бошламоқ қийин. Мақол.* ■ *Бошлиқ ўзини бу қадар яқин олишидан Мансур Обидович сал талтайиб кетди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Бошлиқ бува, минган отинг қоп-қора. Бошлиқ бўлсанг, ҳаммаларга тенг қара. «Кўшиқлар».*

**2** Умуман, бошчилик, раҳбарлик қилувчи; раҳнамо. *Оила бошлиғи. Рўзғор бошлиғи. Қабила бошлиғи.* ■ *Табибий бошлиқ шоири замонлар баъзи кунлари тўрт маротабагача Тозабоққа қатнарди. С. Сиёев, Аваз.*

**БОШЛИҚ II 1** Баъзи Шарқ халқларининг совуқ, қор-ёмғир ва офтобдан сақлаши учун бошга киядиган жун ёпинчиги.

**2** Оёқ кийимининг юзи ва ёнини қоплаб турадиган қисми ва шу қисм учун бичилган тери. *Этикнинг бошлиғи йиртилибди. Этикка янги бошлиқ солмоқ.*

**БОШЛИҚ III 1** Юганнинг юқори (отнинг бошида турадиган) қисми.

**2** Мокининг ичида унинг икки қовурғасини бирлаштириб турган иккита темир қисм.

**БОШЛОВЧИ I** Бирор нарса, ҳаракатни бошлаб берувчи ёки унга ундовчи. *Эркак умрининг қисқаришига оиладаги жанжал-суронлар, шу жанжалларни бошловчи аёллар ҳам сабабчи бўлади. Газетадан. ..ичкилик касофат эканини, унга бошловчи улфатлар кулфат келтиришини Носиржон тушуниб етса, тўғри йўлга тушиб олади. Газетадан.*

**2** Бошлаб борувчи, етакчи. *Ақл бошловчи, тана ишловчи. Мақол.* ■ *Кумушбиби бошловчи қизлар билан уйга кирди, ундан таралган атир ислари билан уй тўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бўпти, яхши.. Сен олдинда борасан, бошловчи бўлиб.. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**3** Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни олиб борувчи шахс.

**БОШМА-БОШ рвш. 1** Бошни бошга қилиб, бошни бошга қаратиб. *Бошма-бош ётмоқ.*

**2** Бирни бирга (устига пул ёки бошқа нарса бермасдан, олмасдан). *Бошма-бош*

*қилмоқ. Бошма-бош алмаштирмоқ.* ■ *Бу отингга бошма-бошга кўнайин, Бошма-бош алишсанг, шолни берайин. «Гулшанбоғ». Отанг олиб келган бойнинг қизини, Бой қизига сени қилдик бошма-бош. «Бўтакўз».*

**БОШМАЛДОҚ (асли бош бармоқ)** Қўл ёки оёқ панжасидаги биринчи йўгон бармоқ. *Бу узукни олиб бошмалдоққа тақибди. «Луқмони Ҳаким». Бир вақтлар Тожибувининг бошмалдоғига хасмол чиққан эди, тузалиб кетдими? Мирмуҳсин, Умид. Болалар бармоқларини букиб айтувчи эдилар: бошмалдоқ, қорамалдоқ, том тешаман, бўҳча ўғирлайман, худодан кўрқаман. М. Мансуров, Ёмби.*

**БОШМОҚ** Кигиз этик, пийма; умуман оёқ кийими. *Бир бошмоғи сувга тез чўкди, иккинчиси ивиди – букди. И. Муслим. ..у ҳали бола, кичкина бола, оёқларида эчки терисидан тикилган кичкина бошмоқчалар. М.М.Дўст, Лолазор.*

**БОШ-ОЁҚ: бош-оёқ кийим (ёки сарпо)** Бир кишилик бир сидра кийим-бош ва пойабзал. *Сунбулхон ая Фотимага жуда катта ҳурмат кўрсатиб.. бош-оёқ сарпо кўйди. Мирмуҳсин, Умид. -Сизга бош-оёқ кийим! -Сўзингдан қайтма, Офтоб! А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Сен менга бош-оёқ сарпо, юз тилла пул берсанг, қўлини тегизмасдан олиб бераман, – деган экан. «Луқмони Ҳаким». Бош-оёқ разм солмоқ* Бошидан то оёғигача қарамоқ, кузатмоқ. *Самандар ҳаяжон ичида қизга бош-оёқ разм солди. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

**БОШОҚ I 1** Бугдой, арпа сингари ўсимликларнинг пояси учидан дон ҳосил бўладиган чўзинчоқ тўпгули ҳамда дон бўлиб етилган шундай тўпгул, бош. *Бошоқ чиқармоқ (тортмоқ).* ■ *Бир гал яримта бошоқни судраб кетаётган чумолини кўрганман. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Меҳнатинг сингани учун ҳар бошоқ Оёғости бўлса, кўрнарар увол. Ф. Фулом. Норматга бу ерда ҳар бошоқ тагида бир одам ётгандай туюлди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**2** айн. машоқ. *Бошоқ термоқ.* ■ *Колхознинг бугдойи йиғиб бўлингач, бошоқ теришга руҳсат беришади. Ш. Жўраев, Бола дунёни тебратар. Кўрсаки, болалар шамолдай елиб Бошоқлар теради уйқуларида. «Шарқ юлдузи».*

**БОШОҚ II** эск. Камон ўқининг боши, уч қисми.

**БОШОҚЛАМОҚ** 1 Тўпгул, бошоқ чиқармоқ, бош олмоқ (ғалла ўсимликлари ҳақида). *Ҳозир шולי ёппасига бошоқлади.* Газетадан.

2 Бошоғини юлиб, териб олмоқ. *Сутқаймоқ бўлганидан бошлаб аёллар бошоқлаб, донини болаларга қовуриб егизади.* Й. Шамшаров, Тошқин.

**БОШОҚЛИ** Бошоқ чиқарадиган. *Бошоқли дон экинлари.* ■ *Бошоқли ва дуқаккли экинларнинг баъзи бир турларида оқсилдан ташқари анчагина мой ҳам бўлади.* Газетадан.

**БОШОҚЧИ** айн. машоқчи.

**БОШОҒРИҚ** 1 Бошда оғриқ сезиш касаллиги. *Бошоғригингиз босилмаса, бир-икки кун ишга чиқмасангиз ҳам майли.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон.

**Бошоғриқ гаплар** Кераксиз, маъносиз, ноўрин, жигга тегадиган гаплар. **Бошоғриқ қилмоқ** Спиртли ичимликларни кўп ичгандан кейин эртасига эрталаб яна бир оз ичиб олмоқ. *...мяси ғовлаб, бир «бошоғриқ» қилгиси ҳам келиб кетди-ю, тийилди.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Лекин ўзимда бошоғриқ қилишга ҳам пул қолмади.* Шукрулло, Сайланма.

2 кўчма. Ортиқча юк, бошга бало, ташвиш, дардисар. *Бу Толибни нима қилсам экан? Роса бошоғриқ бўлди-ку.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БОШПАНА** 1 Турар жой; уй. *Ўша пайтларда, уйсииз-жойсиз, бирор раҳнамосиз юрган кезларимда орзу қилардимки, токи менинг ҳам бир бошпанам бўлса.* М.М.Дўст, Лолазор. *...одамзод умр бўйи бошимда бир яхшироқ бошпанам бўлсин деб, тинмай елиб-югуради.* Н. Қиличев, Чиғирик. *Ҳар оила ўчоғин ўз қутлуг тарихи бор, Ҳар бошпана — кишилар меҳнатин обидаси.* Ф. Фулом.

2 Жон сақлаш, яшириниш ёки вақтинча истиқомат қилиш учун яроқли жой; паноҳ, маскан. *Онаси қамқодан қутулиб чиққан ўғлини кутиб олмади.. Унга бошпана керак эди. «Ёшлик».* Хуллас, бошпана бўлгулик ғор ҳам, бошқа бирор ўнгир ҳам топилмади. «Ёшлик». Қишлоққа етишдан умидимни уздим. *Бошпана излаб, у ёқ-бу ёққа алангладим.* Ў. Ҳошимов, Кўприк.

**Бошпана бермоқ** 1) ўз уйдан жой бермоқ, ўз паноҳига олмоқ. *Эъзозхон ўзига, болаларига бошпана берган бу меҳрибон кишиларга кўмаклашиши йўлларини ахтариб кўрди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Шу кеча унга бошпана бе-*

*риб.. меҳмон қилдилар.* С. Абдулла; 2) ҳуқ. ўзга эллардан келган муҳожирларга доимий ёки вақтинча яшаш ҳуқуқини бермоқ. **Бошпана ҳуқуқи** ҳуқ. Бирор мамлакатда ўзга эллардан қочиб келган сиёсий муҳожирларга доимий ёки вақтинча яшаш учун бериладиган ҳуқуқ.

**БОШПАНАСИЗ** Уй-жойи бўлмаган, уй-жойи йўқ. *Бошпанасиз қолмоқ.* ■ *Элчибек узоқ тоғ-тош ораларида бошпанасиз дийдираган болаларни кўз олдига келтирди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Оғир кулфатдан минглаб одамлар бошпанасиз қолди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БОШПУРТ** с.т. айн. паспорт. *Бошпуртингда қанақа ёзилган бўлса, ўшандоқ қилиб айт.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ишқилиб, бошпуртни Нормўмин деб ўзгартирганингиз йўқми?* М.М.Дўст, Лолазор.

**БОШСИЗ** 1 Боши, калласи йўқ. *Мансур бахшига никоҳлаб берилган Зухра бегим ёлғиз ўғлининг тобутда бошсиз ётган танасини кўрганда.. дод солди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Камолон дарвозаси билан Самарқанд дарвозасигача бўлган кўрғон остлари бошсиз ва иштондан бошқаси тўналган инсон гавдалари билан тўлибдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Ақли, мияси йўқ, ақлсиз, аҳмоқ. *Ўқитувчиларга.. маҳкам бир куч деб қараб бўлмайди, улар орасида ишга ярамаганлари, бошсизлари.. жуода кўбдир.* Газетадан.

**БОШЧИ** Раҳбарлик қилувчи; бошлиқ, раҳбар. *Минг қўшчига бир бошчи.* Мақол. *Ёмонларга бошчи бўлгунча, Яхшиларга қўшчи бўл.* Мақол. ■ *Илғари ҳам чоракорларга бошчи эдим.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БОШЧИЛИК** 1 Йўлбошчининг, раҳбарнинг, бошлиқнинг иши, мавқеи. *Бошчилик қилмоқ.* ■ *Бошчиликни энди ўзи қўлга олиши керак.* М. Мансуров, Ёмби. *-Айт, ничан ташишга ўзи бошчилик қилсин! — деди..* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Раҳбарлик, бошқарувчилик, йўлбошчилик, раҳнамолик. *Шу кишининг бошчилигида дадамлар отларга тақа қоқиб, сонлариға белги қўя бошлади.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аҳмад бошчилигидаги бир гуруҳ болалар бригада даласида ишлаб, кечаси дала шийпониди ухлашар эди.* «Ёшлик».

**БОШЯЛАНГ** Бош кийим киймаган, ялангбош. *Йигитлар ҳаво анча аёз бўлишига қарамай, бошяланг, кўйлакчан бўлиб олишган.*

Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. [Чол] Оёқ-яланг, бошяланг, эшикка қараб югурди. Н. Қиличев, Аббос чол.

**БОШҚА 1** Зикр қилингандан, айтилгандан, кўрилгандан ёки кўзда тутилгандан бўлак; ўзга. Жони бошқанинг тани бошқа. Мақол. *Бошқанинг тилла-гавҳаридан онангнинг сариқ чақаси яхши.* «Қанотли сўзлар». ■ *Бизга бош бўлиб турган одам шунақа деб ўтирса, бошқалардан нима ўпкалаймиз.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. -*Қиз кўнмайдими, демак, унинг кўнгли бошқа бировда, — деди Қадамбой ога.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..унинг қалби гоҳ-гоҳ бошқа бир қиз ёди билан тўлиб-тошар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Менга бошқа сўзингиз бўлмаса, сизга жавоб.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**2** Мустақил, алоҳида; бирор хусусияти билан фарқ қиладиган; бошқача, ўзгача. *Унта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиги.* Мақол. *Билак — бир, бармоқ — бошқа.* Мақол. ■ [Абдураҳмонбой:] *Тақсир, аслида кўтармаликларнинг эли бошқа, суви бошқа бўлган.* Н. Сафаров, Ҳуснижамол. *Бу ҳақда бошқа фикр бўлмагани учун, маорифдан бошқа муаллим сўрашга қарор қилинди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Сен мени ким билан тенглаштирмоқчисан? — Гулнор бошқа, мен бошқа демоқчи..* Ойбек, Танланган асарлар. -*Э, у вақтлар, — деди хўрсиниб Рихси хола, — бошқа эди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**Бошқа бўлмоқ** 1) ажралиб, бўлак бўлиб чиқмоқ. *Кичик ўғли уйланиб, бошқа бўлди;* 2) ўзгармоқ, бошқача бўлиб қолмоқ. *..бу мен билган, синаган Фотима эмас. Энди ўзгариб, тамом бошқа бўлиб қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бошқа гап** 1) шундай демайсизми; шундай десангиз дуруст. -*Мана бу бошқа гап, — деди мишаббоши тиржайиб..* Газетадан. -*Ҳа, бундай дегин, — Мирзакаримбой.. гапни давом эттирдим, — бу энди бошқа гап.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) бошқача, ўзгача. -*Кучер аҳли ҳам.. тирикликда уйқуга қонадими, ука? Улганда — бошқа гап, — деб жавоб берди Жўра.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу кампирнинг устидан қаёққа дод деб бораман, бирон жойда ишласа бошқа гап эди.* «Муштум».

**3** Бегона, ўзга, ёт; биров. *Бошқалар олдида уялтириб қўймоқ.* ■ -*Пичоқни ўзинга ур, оғримаса — бошқага, деган бир гап бор, — деди жиддий вазиятда қутидор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**4** рви. Тағин, яна, қайта, такроран. *Кейин ётоқхонага боргунча бу гапга бошқа қайтишмади.* Ў. Усмонов, Қисмат. *Қодир бошқа ичмаслик шарти билан иккинчи пиёланинг ярмини ичишга рози бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**5** (ч. к. сўз билан) кўм. *взф.* Бўлак, ташқари. *Бундан бошқа.* ■ -*Менга қолса, ўртада шундан бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим! — деди [ҳожя].* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШҚА-БОШҚА 1** Бир-биридан бўлак, алоҳида-алоҳида; мустақил. *Шаҳарга кирганда, улар бошқа-бошқа кўчаларга бурилиб, ажралишдилар.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Жой ажратди чарх бизга Бошқа-бошқа хонадан.* А. Обиджон, Кетмагил.

**2** Бир-биридан фарқ қиладиган; ҳар хил. *Лекин.. тил билан кўнгли бошқа-бошқадир, ўғлим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тилимиз, динимиз, мазҳабларимиз бошқа-бошқа!* К. Яшин, Ҳамза. *Уларнинг башараси, иши бошқа-бошқа бўлса ҳам, юраги битта бўлар экан.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БОШҚАЛАМОҚ 1** Ўзгартирмоқ, янгиламоқ. *Уйни бошқалаб олишибди.*

**2** Бўлак қилиб қўймоқ, ажратиб чиқармоқ (мас., оиладан); ажратмоқ. *Беморнинг идиш-оёғи бошқалаб қўйилди.*

**БОШҚАЛИК** Бир-бирига ўхшамаслик; бошқа бўлишлик. *Шароитнинг бошқалиги.* ■ *Тилим билан кўнглимнинг бошқалигини исбот қилингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОШҚАРИЛМОҚ** **Бошқармоқ** фл. мажҳ. н. *Бошқариладиган ракета. Бошқариладиган бомба.* ■ *Ҳужайралар ва умуман организмнинг ғоятда хилма-хил вазифалари ҳужайра мембраналари ёрдамида бошқарилади.* «Фан ва турмуш».

**БОШҚАРИШ 1** **Бошқармоқ** фл. ҳар. н. *Хўжаликни бошқариш. Оилани бошқариш.*

**2** иқт. Хўжалик объектининг иқтисодий тизими ҳолатини тартибга солиш ва йўналтириш жараёни. *Бошқаришнинг иқтисодий усули. Бошқаришнинг маъмурий усули.*

**БОШҚАРМА** Давлат бошқаруви тизимида бирор йирик тармоқ ёки хўжалик соҳасида юқори (олий) ёки ўрта бўғиндаги идора, ташкилот. *Сув хўжалиги бошқармаси. Ободонлаштириш бошқармаси. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси.* ■ *Искандаров бошқармадан эшитадиганини эшитди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Университетда ҳам, геология бошқармасида ҳам*

домлани қўллаб-қувватлайдиган одамлар борлигини орқаворатдан эшитган эди. С. Кароматов, Олтин кум.

**БОШҚАРМОҚ 1** Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. ишини идора қилмоқ, йўлга солиб турмоқ. *Заводни бошқармоқ.* ■ *Йирик-йирик қурилишларни бошқардим.* Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

**Оркестрни бошқармоқ** Оркестрга раҳбарлик ёки дирижёрлик қилмоқ.

**2** Юргизмоқ, тебратмоқ, олиб бормоқ (ҳўжалик, рўзгор; давра ва ш. к. ни). *..уйимни бошқарадиган бирдан-бир фарзандим — шу қизим.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Оила бошлиғи — Зуннуҳўжа, рўзгорни кампир бошқаради..* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу гал ҳам ўтиришни Сайхоний бошқарарди.* «Ёшлик».

**3** Тегишли мослама ва усуллардан фойдаланиб ҳаракатга келтирмоқ, ишга солимоқ, юргизмоқ, ҳайдамоқ. *Кемани бошқармоқ. Машинани бошқармоқ.* ■ *Пайғамов машинани уйчан бошқариб борар.. вижирлаб турган тўрғайлар нағмасини эшитмасди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**4 тлш.** Синтактик алоқа қонуниятларига мувофиқ маълум келишик шаклини талаб қилмоқ. *Утимли феъллар тушум келишигини бошқаради.*

**5 фольк.** Кўрсатмоқ, бошлаб бормоқ, етакчилик қилмоқ. *Йўл бошқариб, яйлов кўриб боради, Эргаштириб кўчган Кўнғирот элатини.* «Ёдгор». *Ҳаялламай йўл бошқаротин шу замон, Жўнаб кетсин бундан боланг Рустамжон.* «Муродхон».

**6** Тўғриламоқ, йўналтирмоқ. *Ғўза эгатига сувни бошқариб қўярди-ю, ўзи пайкалнинг этагига тушиб кетарди.* «Ёшлик». *Мустафо тагин юмшади: — Бор, сувингни бошқариб кел.* М. М. Дўст, Галатепа қиссалари.

**БОШҚАРУВ 1 айн. Бошқариш 1. Иш(ни) бошқарув.** *Бошқарув аппарати.* *Ўз-ўзини бошқарув органлари.* ■ *Бошқарув аппарати.. қисқартирилган бўлса ҳам.. ҳамон катта бўлиб турибди.* Газетадан. *Операторлар бошқарув пульти ёнидан жой эгаллашди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**2** Давлатни идора қилиш усули. *Президентлик бошқаруви.*

**3 тлш.** Синтактик алоқа талабига кўра тобе сўзнинг ҳоким сўзга маълум келишик шакли ёки кўмакчи ёрдамида боғланиши. *Тобе сўзнинг ҳоким сўз талабига кўра маълум*

*келишик ёки кўмакчилар орқали боғланиши бошқарув деб аталади.* «Ўзбек тили дарслиғи».

**БОШҚАРУВЧИ 1** Бошқариб, йўналтириб турувчи. *Бошқарувчи аъзоларга бош мия, юрак, икки мойк ва жигар киради.* Абу Бакр Розий.

**2** Бошқарма ва умуман корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. бошлиғи, раҳбари. *Охунбобоев стол устидаси қора телефонлардан бирининг трубкасини кўтарди: — Мени давлат банкининг бошқарувчиси билан уланг.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Бошқарувчининг имоси билан Ниёз тоға ташқарига отилди.* Н. Аминов, Тилло табассумлар.

**Иш бошқарувчи** Иш юритувчи; идорада ёзишма, ёзув-чизув ишларини олиб боровчи ходим, котиб. [*Тўқсонов*] *Ғишт заводига иш бошқарувчи бўлиб ўтди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Полтавский бойнинг иш бошқарувчиси, суянган тоғи, ишончли одами, маслаҳатгўйи эди.* «Ёшлик».

**БОШҚАТДАН** *рвш.* Қайта бошдан, қайтадан, янгидан. *Бошқатдан кўриб чиқмоқ.* *Бузиб, бошқатдан қурмоқ.* ■ *Бўта қовоғини солиб, унга тикилиб турди-да, дўпписини олиб, бошқатдан кийди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Энди хатни бошқатдан чиройли қилиб кўчириш керак.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Умиднинг чеҳраси очилиб, кампир буви билан бошқатдан қизикиб гаплаша кетди.* Мирмуҳсин, Асарлар.

**БОШҚАЧА** Бошқалардан бирор жиҳатдан ёки бутунлай фарқ қиладиган; ўзгача, бошқа, бўлакча. *Олинг, бу бошқача узум.* ■ *Агар гап шундай экан, сиз билан бошқача гапиришамиз.* С. Зуннунова, Янги директор. *Бир онадан алвон хил бола туғилади деганларидек, Анварнинг яратилиши оғаларига нисбатан бошқача эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Сафарбойнинг кўриниши отасига ўхшаса ҳам, қилиқлари тамом бошқача эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Сен билмайсан-да, Асрора, Дилдор чўлга келиб, бошқача бўлиб қолган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бунинг бошқачароқ бир эпини топиб бўлмасмикан?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Бошқача (қилиб) айтганда** Бошқа сўз билан, иккинчи турли қилиб айтганда; яъни. [*Отабек*] *Ҳатто баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга гўшанишинликка яқинлашиб борар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.



**БОШҚАЧАЛИК 1** Ўзгачалик, фарқ қилувчанлик ҳолати.

**2** Айирма, фарқ, тафовут. *Улар орасида бошқачалик сезилмайди.*

**БОШҚИРД 1** Бошқирдистон Республикасида яшовчи туб халқ (миллат)нинг номи. *Бошқирд халқи.*

**2** Бошқирд миллатига мансуб. *Бошқирд аёл. Бошқирд тили. Бошқирд адабиёти.*

**БОШҚИРДЛАР** Бошқирдистон Республикасининг туб аҳолиси.

**БОШҚИРДЧА 1** Бошқирд тили, адабиёти ва маданиятига оид. *Бошқирдча кийим. Бошқирдча қўшиқ.*

**2** Бошқирд тили. *Бошқирдчадан таржима. Бошқирдча сўзлашмоқ.*

**БОШҚОРОНҒИ** Бошқоронғилик ҳолатида бўлган, шу ҳолатни кечираётган; ҳомиладор. *Бу сўз унга [хотинига] қандай тавсир қилганини фақат бошқоронғи хотингина билади. А. Қаҳҳор, Асарлар. ..кечаси тушига кирибди: хотин олган эмиш, хотини шафтолига бошқоронғи бўлган эмиш. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**БОШҚОРОНҒИЛИК** Асосан ҳомиладорликнинг дастлабки даврида аёл организмида, руҳиятида рўй берадиган турли хил ўзгаришлар (бирор нарсани кўмсаш ёки ёқтирмаслик) ифодаси. *Кудрат хотинининг гишаваларига «бошқоронғиликники» деб қўл силтади. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.*

**БОШ-ҚОШ** Бошлиқ, раҳбар, бошқарувчи, ишнинг тепасида турувчи. *Розилик бердимас, ўзи бош-қош бўляпти. «Шарқ юлдузи». Кимёхон бу ишга бош-қош бўлди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Одил ака тўй ва маъракаларга доим бош-қош бўларди. Газетадан.*

**БОШҚУРТ** ив. Чорва молларида учрайдиган бир хил касаллик. *Бир ҳафтадан бери ҳали қилқурт, ҳали бошқурт.. касалларининг олдини олиш учун қўтонма-қўтон, ўтарма-ўтар кезиб, таппа ташлади. Т. Сулаймон, Қорасоч.*

**БОЯ** рви. Сўз бораётган пайтдан бирмунча вақт олдин; ҳали; яқинда. *Боя шивалаб ёға бошлаган ёмғир тинганди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан. Мунира ҳам, Аҳмад ҳам боя ўрталарида бўлиб ўтган тўқнашувни нутуммаган эдилар. Ф. Мусажонов, Қиммат.*

**Боя(т)дан бери** Анчадан бери (сўз бораётган пайтга нисбатан). *Чокар боядан бери бир нима демоқчи бўлар, аммо Авазнинг феъ-*

*лини билганидан тилини тишлаб тургандек эди. С. Сиёев, Аваз. Жоним билан, боятдан бери айтсангиз бўлмасмиди.. Ойбек, Танланган асарлар.*

**БОЯГИ** Боя, ҳали содир бўлган, боя юз берган, кўрилган, эшитилган; ҳалиги. *Зокир ота холанинг бояги шикоятини эслаб, кўнглидаги гапни айтолмади. «Гулдаста». Анвар кулди. Аммо бу кулиш унинг бояги кулгиларидан тамоман бошқа, яъни бахтиёрлик кулисиси эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Ёмғир боягидан анча тезлашган бўлса-да, осмон ёриша бошлаган эди. С. Кароматов, Олтин кум.*

**Бояги-бояги** – бойхўжанинг таёғи Ҳеч ўзгаришсиз, ўзгармаган, қандай бўлса, шундай қолаверган. *[Олимнинг] Бошини иккита қилиб қўйишса, очилар деган эдим, бояги-бояги – бойхўжанинг таёғи. Ҳ. Назир, Қанотлар. Бояги-бояги(дай)* Эскича, аввалгидек, олдингидек, олдин қандай бўлса шундай. *Бутун оила аззолари уч кунгача бир-бирларига тўрсайишиб юришди. Рўзгорчилик эмасми, яна бояги-бояги бўлиб кетишди. С. Аҳмад, Сайланма. Барваста йигит бояги-бояги сиполик билан илжайди. «Ёшлик».*

**БОЯГИДАЙ, -дек 1** Аввал, илгари қандай бўлса шундай, ҳеч ўзгаришсиз. *Тўтиқиз авзойини ўзгартмай, боягдай жиддий қилиб: -Бувимнинг қизиман, – деди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Раиса онасининг ҳамон боягдай соддалигидан қотиб-қотиб кулди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Яна боягидек бўғиқ кулги овози эшитилди. С. Кароматов, Олтин кум.*

**2** Белги, хусусияти жиҳатидан олдингига ўхшаш. *Бунинг катталиги боягдай бор. ■ Кўшиқ тамом бўлди-ю, у боягдай табассум билан охишта бош эгиб қўйди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Асқар ота, Баҳри ҳеч бўлмаса ўзича дўнғиллаб қўяр, деб ўйлаган эди, ундоқ қилмади. У, боягдай очилиб, ишини қилаверди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**БОЯГИЧА** айн. боягдай. *Анвар боягича кулди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. ..дам олиш кунини бўлса ҳам, боягича ишладим, – деди Ҳамбер Фарҳодга. А. Ҳақимов, Илон изидан.*

**БОЯКБОР** [ф. *بايك بار* – бирланига, бир мартада; тўсатдан] фольк. Яна, яна бир бор. *Отаси билан бирга Аваздай номдор, Шоду хуррам йўл тортади боякбор. «Маликаи айёр».*

Ўғил-қизин эсга олиб мерганлар, Бу сўзларни ийглаб айтди боякбор. «Маликаи айёр».

**БОЯЛИЧ** Чўлларда ўсалиган, шўрадошларга мансуб сершоҳ бута. *Шўрхокларда.. саксовул, боялич ва бошқа буталар учрайди.* «Ўзбекистоннинг иқтисодий географияси». Кумда ўсимлик учун шароит яхши бўлганлигидан.. жузғун, саксовул, боялич.. кўп. П. Фуломов, Зарафшон этаклариди.

**БОЯР(ЛАР)** [р. боярин — жангчи] тар. 10—17-асрлар Рус давлатида феодал жамиятнинг олий табақаси унвони ва шу унвонга эга бўлган киши. *Боярнинг бошидаги узун телпаги, узун соқоли юзини янада салобатлироқ қилиб кўрсатар эди.* М. Осим, Карвон йўллариди.

**БОЯҚИШ** (тўғриси: боёқиш) Майли, қувонсин бояқиш, у ҳам одам-ку. А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Отам бояқиш эртаю кеч маҳси тикади, жўжабирдай жонмиз, топгани етмайди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**БОҚИ** қ. боқи(й).

**БОҚИБЕҒАМ** [боқи(й) + беғам] с. т. кест. Ортиқ даражада беғам, бепарво, парвойифалак. У [Йўлдош ака] *Кенжага дунёни сел олса, тўпнигага чиқмайдиган боқибеғам бўлиб кўринди.* Ҳ. Назир, Васият. -*Заб боқибеғамлар бор-да дунёда, — ўйлади ичида Сқид.* Й. Мўминов, Олов ва ниҳоллар.

**БОҚИБЕҒАМЛИК** Бепарволик, парвойифалаклик. *Элик ёшлардаги девқомат шофёр боқибеғамлигиданми, машинани жузда секин ҳайдар эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом. ..бу ерда гап.. айрим раҳбарларнинг боқибеғамлик сирлари ҳақида боради. «Муштум».

**БОҚИЗМОҚ** с. т. **Боқмоқ** 9 фл. орт. н. Докторга боқизмасам, йиқилиб қоладиганга ўхшайман. С. Аҳмад, Ҳукм.

**БОҚИ(Й)** [а. باقى — давлми, абадий] 1 Доимий, абадий, мангу, ўлмас. *Илдизи мустаҳкам дарахтнинг умри боқий бўлади.* «Шарқ юлдузи». *Эй яша, порлоқ кун, бахтли келажак, Омон бўл, Ватаним, минг йиллар боқий.* Ф. Фулом. *Ҳаёт талвасаси тинмагай, аммо Мангу боқий қолур Инсон ва Хаёл.* А. Орипов, Йиллар армони.

2 айн. **бок.** *Яхшибоев жилмайди, ҳеч боқиси йўқ, демоқчи бўлди.* М. М. Дўст, Лолазор. *Ҳеч боқиси йўқ, бемалол, бу киши ўзимизники.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

3 Боқи (эркаклар исми).

**Боқи(й) сўзим тамом эск.** Шу билан сўзим тамом (мақтуб охирида ишлатиладиган ибора). **Боқи(й) ўн беш сўм** Қолдиқ ўн беш сўм; қолган пул ўн беш сўм. **Боқи(й) қарз** Қолган қарз. **Хизмати боқи** Хизмати учун тегадиган ҳақ. [Қози Майсарага:] *Мана, опа, буни олинг.. Хизмати боқи!* Ҳамза, Майсаранинг иши. **Боқий дунё** У дунё, нариги дунё. *Во ажабо, онамни ҳам худди шу тахлит Сўзлар билан қузатгандим боқий дунёга.* А. Орипов, Йиллар армони.

**БОҚИЙЛИК** 1 Абадийлик, мангулик, доимийлик. *Ариқларнинг шилдираб оқиши, тўлқинларнинг мавжи боқийлик тимсолидир.* Газетадан. ..асрлар давомида инсоният бунёд этган маданий ёдгорликлар умрининг боқийлиги демакдир. Газетадан.

2 Узоқ умр кўришлик. *Барака — иноқликда, Боқийлик — қувноқликда.* Мақол.

3 Мустаҳкамлик, собитлик. *Отабекнинг бу мактуби ортиги билан ўзининг Кумушга бўлган муносабатининг ҳамон эски ҳолида боқийлигини эълон қилар ва ўзининг осонлик билан рақибга берилмаслигини сўзлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БОҚИМ** 1 Боқув, қаров, парвариш. *Боқимга қўювдим, сўйиб сотишга кўзим қиймади.* «Ёшлик». *Пешқадам сут соғувчилар ўз боқимларидаги сизирлардан мўл-кўл сут солиб олишга эришдилар.* Газетадан.

2 шв. Бировнинг қарамоғида бўлган, қарам. *Жияним менга боқим.* Эримникига ҳокимман, Ўғлимникига боқимман. Мақол. ■ -Бировга боқим бўлиб яшагандан ўлиб кетганим яхши-да, — дейди. И. Раҳим, Меҳр кўзда. *Юрагининг касаллигини баҳона қилиб, ишдан ҳам бўшаб олди.* Боқим бўлиб ўтирибди текинхўр! Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**БОҚИМОНДА** [боқи(й) + ф. مانده — қолган, аввалдан қолган] 1 Қолдиқ қарз, ундирилмаган, тўланмай қолган солиқ ва ш.к. *Валихон бориб, Фузор беклигидаги солиқларни, ҳатто боқимондаларигача ундирди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳар гал эски йилнинг боқимондаси янги йилга ўтавериб, жонга тегди.* «Муштум». *Икки киши ўтган йили боқимонда қарзи учун банди қилиниб, зиндонга олиб кетилди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

2 Эски, аввалдан йиғилиб қолган. *Идора ҳовлисидан ўн икки тонна боқимонда ахлатлар чиқариб ташланди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БОҚИМОНДАЛИК** Аввалгидек иш тутишлик, лоқайдлик, бепарволик. *Боқимондалик кайфияти.* ■ *Программа саводсизларча, юзаки тузилган бўлиб, унга боқимондалик билан ёндашиш асос қилиб олинган.* Газетадан.

**БОҚИМСИЗ 1** Қаровсиз, ота-онасиз қолган; етим. *Нега менинг қизим ишлар экан? Сизга ўхшаб боқимсиз қолибдими? Ҳ. Рашид, Қудалар. .боқимсиз қолган болаларни йиғиб, мактаб-интернатларга топширишда фаол қатнашардик.* Газетадан.

**2** Парваришсиз, қаровсиз. *Боқимсиз боғ тоғ бўлар, Юрак-бағринг доғ бўлар.* Мақол. ■ *Қабристон кимсасиз ва боқимсиз бир богчани эслатарди.* Ҳ. Олимжон.

**БОҚИНДИ:** **боқинди бўлмоқ** Бировнинг боқимида юрмоқ, бировга ортиқча ташвиш, дардисар бўлмоқ. *Мен бу ерда ортиқча бир юк бўлиб, қорига боқинди бўлиб қолдим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. -*Бобо яхши гап айтди, — дедим унга, — чиндан ҳам баъзи биз тенглар ота-онасининг боқиндиси бўлиб юришади.* А. Эшоннов, Сарбон.

**БОҚИШ** **Боқмоқ** фл. ҳар. н. *Шербек бир боқишида унинг нимадандир руҳан қаттиқ азоб чекаётганини пайқади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Унинг бу боқишида чуқур миннатдорлик, ғарибнинг ғарибга бўлган меҳри ёнар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БОҚИШМОҚ** Ёрдамлашмоқ, қарашмоқ. *Ёшлари етмаганлари.. акаларининг ишларига қизиқиб, уларга боқишадилар.* Ҳ. Шамс, Душман. *Бувимга мен илгари унча-мунча боқишиб турардим.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Қизлардан ўргилай, уй ишларига боқишади.* С. Шамсиева, Кенг кўнги.

**БОҚИЯ** айн. **боқимонда.** *Уезд молия бўлими.. Бекобод бўлиmidан 23-йил учун 1800 сўм боқия талаб қилган.* Газетадан.

**БОҚЛА** [ا. باقلا — сабзавот; ошқўк] бот. Дуккакдошлар (дуккакгуллилар оиласи)га мансуб, пояси тўрт киррала, барглари патсимон, гуллари оқ бир йиллик ўсимлик.

**БОҚМОҚ 1** Назар ташламоқ, назар солмоқ, қарамоқ. *Кўзуга боқмоқ. Лайлакнинг кетишига боқма, келишига боқ.* Мақол. ■ *Денгиз сувидек тиниқ кўзлари мулоийм ва меҳр билан боқарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қора кўзлари жуда шўх боқиб, жазз этиб, бағринга ботади.* И. Раҳим, Ихлос. *Қизнинг атрофга жовдираб турган кўзлари хомуш ерга боқди.* С. Аҳмад, Меҳрибон.

**2** *кўчма* Мўраламоқ; кўринмоқ, намоён бўлмоқ. *Йўлчи Шоқир отанинг дўконхонаси эшигини астагина очиб боқди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қорли тоғлар чуққисидан боқади кўёш.* Ғайратий. *Зангори денгизнинг тиниқ кўйнидан Кумуш ой нозланиб, кулиб боқади.* Уйғун.

**3** Фикран назар ташламоқ, кўз олдига келтирмоқ, кўздан кечирмоқ. *Ўзига боқма, сўзига боқ.* Мақол. ■ *Тарихга боқинг, минг йил илгари Хоразмда Беруний ўтган, у жуда кўп китоблар ёзиб қолдирган.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сиз билан замоннинг зайлига боқ-масак, қиёмат қойим бўлажак.* С. Сиёев, Аваз. *Ўйлаб боқсам: қалбим муштдек! Ватан жуда кенг! Ўйлаб боқсам: Ватан ва дил бир-бирига тенг.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Боқсам, йўлинг ойдин экан, Кел, пойингни ўпай, ўғлон.* Б. Бойқобилов, Шарора.

**4** Илтифот қилмоқ, қўллаб-қувватламоқ, ҳурмат қилмоқ. *Яхши яхшига боқар, Ёмон дарёга оқар.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки — мақол. *Эл боқса, бахтинг кулар, Эл боқ-маса, тахтинг кулар.* Мақол. ■ *Бой бойга боқар, сув сойга оқар.* Бўлмайдди. *Сиз билан иттифоқ бўлолмаймиз.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**5** Тарбиялаб вояга етказмоқ, парвариш қилмоқ; қараб турмоқ. *Бола боқмоқ.* ■ *Биттаю битта ўғил Марғилон деган жойда, аллакимларнинг қўлида, асли номаълум кишиларнинг қизига уйдансин-да.. ўғил боқиб катта қилган она — Ўзбек ойим икки қўлини бурнига тиқиб қараб қола берсин.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Худойқул менинг ўз жигарим, аммадан қолган сағир. Етти ёшидан боқиб, одам қилдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. -*Укаларимни боқса, тегаман, — дедим кампирга.* Ойбек, Танланган асарлар.

**6** Ўз қарамоғида бўлганларни моддий жиҳатдан таъминламоқ; тирикчилик эҳтиёжларини ва ш. к. ни қондириб, таъмин этмоқ. *Оила боқмоқ.* ■ *Етим набираларни оғир меҳнат билан ҳам боқа олмаган бу жафокаш чол.. ҳовлисининг қолган қисмини сотишга мажбур бўлган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Баҳорнинг бир куни қишини боқар.* Газетадан. *Отадан қолган шу қўл дастгоҳ чол-кампирни умр бўйи боқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Сизнинг кетмонларингиз ўзингизни ҳам боқади, деҳқонни ҳам.* С. Сиёев, Ёруғлик.

7 Парваришлаб етиштирмоқ, асрамоқ (уй ҳайвонлари ва парранда ҳақида). *Товуқ боқмоқ. Қурт боқмоқ.* ■ *Бир хўроз боқиб ўтирибман, тепса, хонни ўлдиради.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Шароит ёмон, жўжа боқадиған жойимиз йўқ, катаклар жуда тор.* Газетадан.

**Мол (ёки сигир, қўй ва ш. к.) боқмоқ** 1) мол асрамоқ. *Мол боқсанг, оғзи-бурнинг мой, Бўри боқсанг, оғзи-бурнинг лой.* Мақол. ■ *Бегимжон бу йил кузда эримнинг келишига сўяман, деб қўй боқиб юрган эди, уруш бошилиб қолди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат; 2) молни етаклаб ёки ҳайдаб юриб ўтлатмоқ. *Мен ёшлиқдан отамга қарашдим, пода боқдим, машоқ тердим.* Ойбек, Танланган асарлар.

8 Қидириб топиб ўлдирмоқ (битни, бургани).

**Бош (ёки соч) боқмоқ** Бошдаги битларни, сиркаларни топиб ўлдирмоқ. *Ойгул кампирнинг бошини боқишга ўтирибди.* «Олтин олма». Қўшнилар савоб учун малакнинг сочини боқиб, ювиб-тараб қўярди. Мирмуҳсин, Йўқолган жавоҳир.

9 с. т. Даволамоқ, шифоламоқ. *Унинг касалини боқмаган врач қолмади. Касални боқиб тузатмоқ.* ■ *Ўзсар экан бу солдат, деб ташлаб қўймадилар. Кўп қатори ярамни боқдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

10 Кўмакчи феъл вазифасида келиб, етакчи феълдан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга уриниш, синаш маъносини билдиради. *Мингбоши Зеби киргунча, дутор олиб чертиб боқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. «Камбағал бўлсанг, кўчиб боқ, бойвачча бўлсанг, ўлиб боқ», деган гапда ҳикмат кўп экан. С. Аҳмад, Сайланма.

**Фол боқмоқ қ. фол.**

**БОҚОН I : боқон солмоқ этн.** Тухфа олиш учун янги келаётган келин йўлига гов солмоқ, келиннинг йўлини тўсмоқ.

**БОҚОН II** Бошлиқ, раҳбар, вазир. «Туркистон» жамиятининг боқони Аҳад Андижонийнинг сиёсий билимига тан бердим. «Ёшлик».

**БОҚУВ I айн. боқиш.**

2 Қаров, парвариш. *Боқуви яхши.* ■ *Боқувда ётган ҳар қўйларимиз борки, ўрнидан туролмайдиган бўлиб кетган.* «Муштум». *Ғўзаларнинг бўлиқлиги, ҳосилнинг тўлиқлиги экинга боқув бениҳоят зўр бўлганлигини кўрсатиб турибди.*

**БОҚУВЛИ** Парваришда, боқувда турган. *Менинг ўн бир минг тиллага олган дўнон отим бор. Етти ойдан бери таблада боқувли турибди.* «Гулихиромон».

**БОҚУВЧИ I** Назар солувчи, қараб турувчи. *Тушига отаси кирибди. Қора қош, сал қисик кўзлари негадир маънос боқувчи, яғриндор одам эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

2 Оила бошлиғи, оилани моддий жиҳатдан таъминловчи. *Боқувчиси бўлмаган оилалар.*

3 Чорва, парранда ва ш. к. ни асровчи, парвариш қилувчи. *Мол боқувчи. Қурт боқувчи.* ■ *Болалар.. ипак қурти боқувчи хонадонларга югуриб кетишиди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *От боқувчи сайислар Ғиротга яқин етибди.* «Нурали».

**БОҚЧА I айн. боғча I.** Суд бўладиган бинонинг боқчасида тикка туриб, айбдор билан гаплашиди. Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Боқчаларни бир-биридан айирган деворлар кўринмас; ишқомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 айн. **боғча 2.** *Бир бева қўшимиз бор, боласини қачондан бери боқчага жойлолмайди.* Шукрулло, Сайланма.

**БОҒ I** [ф. باغ — мевазор, чаманзор, бўстон] 1 Мевали дарахт, ток ва гул билан банд ер майдони; мевазор. *Олма боғи. Бахилнинг боғи кўкармас.* Мақол. ■ *Қиз ҳамон кўнғирокдек қулар, сокин боғ унинг шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Бизнинг юртда шу паллада токда узум, полизда қовун, боғда анор.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Зарқишлоқ кўчаларида, адир ва сойларида, сердарахт боғларида кўклам намойиши кезади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Боғи эрам** 1) дин. жаннат боғи; 2) кўчма жуда ҳам кўркам, ажойиб боғ. *Севганим қошимда бўлса, менга чўл — боғи эрам.* Ҳамза. **Боғ кўча** Шаҳардан ташқаридаги қўрғонлар, боғлар орасидан ўтган кўча. *Шербек.. боғ кўчага етганда, тўп-тўп, якка-якка бўлиб, клубга кетаётган таниш ҳамқишлоқларида дуч келди.* С. Анорбоев, Оқсой. **Боғ қилмоқ** 1) мевали дарахтлар экиб, боғ юзага келтирмоқ. *Сафар бобо «Янгиобод» хўжалигига жойлашиб олган, турли кўчатлар экиб, боғ қилди.* «Ўзбекистон қўриқлари»; 2) кўчма обод қилмоқ, ғўзаллаштирмоқ. *Тўғри, кенг кўчалар солдирамиз, ҳамма ёқни боғ қиламиз.* «Муштум». **Истироҳат боғи ёки томоша боғ**

Дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун қурилган махсус боғ, парк. *..қишлоқнинг ўртасида.. маданият ва истироҳат боғи бўлиб, бугун очилган канал унинг ўртасидан кесиб ўтар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Салим билан Фазлиддин «*томоша боғ*»да кезган сингари, секин-секин юриб, боғнинг ҳар жиҳатини кўздан кечира бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. **Ором боғи фольк. айн. истироҳат боғи.** *Шаҳри Тилсимнинг қирқ дарвозаси бор. Қирқ ором боғи бор.* «Маликаи айёр». **Ҳайвонот боғи** Халққа томоша қилдириш ва илмий-текшириш ишлари олиб бориш учун сунъий шароитда турли жониворлар боқиладиган махсус муассаса. *Ҳайвонот боғидаги ҳайвонларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп.* «Муштум». *Яқинда Термиз ҳайвонот боғида туғилган шер боласининг ҳаёти ўнгидан келмади.* Газетадан.

**2 кўчма** Гуллаб-яшнаб турган обод жой; гулшан. *Юрган ерларингиз боғ билан бўстон, Жонимни жонингга айлайин қурбон.* «Ойсулув». *Мактаб боғ бўлса, бола ниҳол бўлса, бу боғнинг боғбони, илм чароғбони ўқитувчидир.* Газетадан.

**3 кўчма** Суянчиқ, таянч, умид. *Фотиманинг суянган тоғи, ишонган боғи шу – Турғунбой.* Т. Ашуров, Оқ от. *Кейин у, ягона ўғли, «ишонган боғи, суянган тоғи» Раззоқнинг айрилиқ дардини тортди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**4 кўчма** Ҳаёт, турмуш; оила. *Тинч элнинг боғи гуллар.* Мақол. ■ *Бу қиз [Бадиа] амирзодалардан бирининг боғини обод қилгуси.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Севдим сени, боғим гули Тоза очилган чоғида.* У. Исмоилов, Сайланма.

**5 кўчма** Оғуш, олам; ўчоқ, маскан. *Шунда унинг ҳаёл боғида яна Адолатнинг чехраси кўринди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Эрка кўнглим эрк боғида яйрасин.* Файратий. *..Ҳусн боғининг бу янги эркаси [Кумуш].* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаммамизга маълумки, мактаб билим-фаннинг, одоб-ахлоқнинг асосий масканидир, боғидир.* Газетадан.

**6 кўчма** Нариги дунё; жаннат. *Энди қолар тоғни эмас, борар боғни ҳам ўйлаш керак.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Бири боғдан (келса), бири тоғдан (келади)** Гаплари пойма-пой, бири-бирига ёпишмайди, қовушмайди. *Салкам бир соатдан бери дала шийтонида дув-дув гап бориб, бири боғдан келса, иккинчиси тоғдан*

*келиб.. Хосият хола ҳақида баҳслашар эдилар.* М. Муҳамедов, Ҳикоя ва шеърлар. **Боғдан гапирса, тоғдан келмоқ айн. бири боғдан (келса), бири тоғдан (келади).** *..ман боғдан гапирсам, сен тоғдан келасан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Боғдан гапирсанг, тоғдан келадурлар!* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Узумини е, боғини суриштирма** Берганни ол, олдингга қўйганни е, ич, лекин «қаердан олдинг» деб сўрама; берганнинг бетига қарама. *Йўлчи шунақа, узумини енг-у, боғини суриштирманг.* «Муштум».

**БОҒ II 1** Боғлаш учун хизмат қиладиган нарса ва унинг боғланган жойи, тугуни; боғич. *Чимлиқнинг боғидан Сичқон қочди, ёр-ёр.* «Кўшиқлар». ■ *Амин нўхта боғининг қозиқда боғлиқ бўлганини кўрди-да, қиличини суғуриб, у билан ипни кесди.* С. Айний, Қуллар. *Атлас кийдим, боғин бойлайман, Сизга ваъда бердим, сўнгин ўйлайман.* «Кўшиқлар». *Бу кўринган тоғлар Асқар тоғидир, Оёғимда тилла кишан боғидир.* «Оқ олма, қизил олма».

**Оёқнинг боғи бўлмоқ** Бошига ташвиш, дардисар бўлмоқ; халақит бермоқ. *-Акам Қурбон бир оз элироқ бўлгани учун, кўпинча ўз ўртоқлари билан кўчадан бери келмас, мен бўлсам онам оёғининг боғи, юрагининг доғи бўлиб, хархашадан бошим чиқмас эди, – деди Пўлат.* Файратий, Ёшлгимиз. **Оғзининг боғи қочмоқ айн. оғзининг боғичи қочмоқ қ. боғич.** *Оғзининг боғини қочирган Мараҳим.. яна кўп ёлғон-яшиқларни айтиб чарчади.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**2** Тўплаб, дасталаб, белидан боғланган пичан, беда, похол, кўкат ва ш. к. *Бир боғ буғдой. Бир боғ сабзи.* ■ *Қиз кимсан – Султоновга катта бир боғ ўтинни орқалатиб, олдида солиб келарди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ғўза ўтоғига чиққан Ойшахон кечки пайт бошига бир боғ ўт қўйиб, ўйларига қайтди.* П. Қодиров, Эрк. *Турғун ой гапга аралашолмай, бедалар ичида бир боғ бедадай силкиниб борар эди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БОҒБОН** [ф. баغبان – боғни асровчи, қўриқловчи] **1** Боғдорчилик мутахассиси.

**2** Боғ ва ундаги мевали дарахтларга, ток ва гулларга қаровчи, уларни парваришловчи киши. *Боғбон бўлмай, билмас гулнинг қадрини, Ари боқмай, билмас болнинг қадрини.* Мақол. ■ *Чўлбобонинг пайвандларини ҳавас қилмайдиган боғбон кам топилади.* Ҳ. Фулом, Феруза.

**3 айн. боғдор 1.**

**4 кўчма** Қўриқловчи, ғамхўр, посбон. *Ўқитувчи бамисоли боғбон, у ёшлик гулшанининг раҳнамоси.* «Фан ва турмуш». Бу кўчма жаҳон боғида боғбон отахонлар.. Ҳабибий, Девон. *Боғинг аро боғбон бўлиб, Терсам қизил гулларингдан.* «Кўшиқлар».

**БОҒБОНЛИК** Боғни парвариш қилиш билан шуғулланиш, боғбон касби. *Фаррошлик, қоровуллик, боғбонликни хотини ва болалари номига расмийлаштириб, маошини олиб юрган Бақалоқ катта хум чойнак кўтариб кирди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БОҒБОНЧИЛИК** айн. **боғбонлик.** *Ижроқўм бува! Аммо боғбончилигингизга мен ҳам ишқибоз бўлдим.* «Аския».

**БОҒ-БЎСТОН, боғу бўстон** [боғ + бўстон] **1** Яшнаган боғлар ва гулзорлар. *Шарафли мақдами ҳар жойга етса, Бўлиб сермева боғу бўстоним.* Ҳабибий, Девон. *Анингдек жаннатосо боғ-бўстонлар қаён қолди?* Газетадан.

**2** кўчма Гуллаб-яшнаган, сербоғ жой; боғистон. *Дўстлар, менинг юртимни Ўзбекистон дейдилар. Донғи тутган дунёни Боғу бўстон, дейдилар.* З. Диёр. *Муқаддас, ҳур диёрим, Ўзбекистон, пахтага консан, Улуғ номинга лойиқ хушхаво, кенг боғу бўстонсан.* Ҳабибий, Девон.

**БОҒДОР** [ф. باغدار – боғ эгаси, боғбон] **1** от Боғ эгаси; боғбон. *Домладан кейин сўз олган бир киши Николайнинг вақтида боғдорларга, дўкандорларга қанча солиқ чиққанлиги.. тўғрисида узоқ сўзлади.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**2 сфт.** Боққа, боғларга эга бўлган; боғлардан иборат бўлган. *Боғдор колхоз. Боғдор туманлар.*

**БОҒДОРЛИК 1 айн. боғбонлик.**

**2 айн. боғдорчилик.** *Сув бўлмагач, боғдорлик ҳам бўлмади.* С. Айний, Қуллар.

**БОҒДОРЧИЛИК 1** Қишлоқ хўжалигининг мева, узум ва резавор мевалар етиштириш билан шуғулланувчи соҳаси. *Боғдорчиликни ривожлантириш. Боғдорчилик бригадаси.* ■ *Қишлоқ аҳли асосан тамакичилик, қисман боғдорчилик билан шуғулланади.* «Ёшлик». *Бу йигит ўтган йил институтни битирган агроном бўлиб, боғдорчилик бригадасига бошчилик қиларди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

**2** Мевали дарахтларнинг тузилиши, ўсиши, ривожланиши, кўпайиши ҳамда ҳосил бериш қонуниятларини ўрганувчи, уларнинг яхши ўсиши ва ҳосил беришини таъминловчи илғор агротехник усулларни ишлаб чиқувчи фан соҳаси.

**БОҒИСТОН** [ф. باغستان – боғларга бой жой; боғлар] Сербоғ жой; боғлар ўлкаси, боғ-роғлар билан қопланган майдон. *Чирчиқнинг ёқасини, Тошкентнинг воҳасини Мен боғистон дегандим, Боғу бўстон дегандим.* Шайхзода. *Ҳар қишлоқда ўз боғистонимиз бўлсин.* «Ёшлик».

**БОҒИЧ** Турли нарсаларнинг учма-уч қилиб, сиқиб ёки бекитиб боғлаш учун хизмат қиладиган қисми, боғи. *Яқтакнинг боғичи. Ёстиқ жилдининг боғичлари.* ■ *Бўронбой ғилофнинг боғичини ечиб, дуторни созлади.* О. Ҳусанов, Қўшиқчининг тақдири. *У эгилиб, туфлисининг боғичини ечди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ОҒЗИНИНГ БОҒИЧИ ҚОЧМОҚ 1)** оғзи катта очилмоқ (хурсандликдан, ҳайратдан). *Иқбол деганда, ўша қишлоқ йигитларининг қулоқлари динг бўлиб, оғиз боғичлари бир қарич қочади.* С. Абдулла, Иқбол; **2)** гапга тушиб кетмоқ, ўзини гапдан тўхтата олмаслик.

**БОҒИЧЛИ** Боғичи, боғланадиган ипи, боғи бор. *Унинг қўлига боғичли ёғоч яшикчани тутқазиб, Чорсуга ташлаб ўтишини тайинлади.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Қашта тикилган боғичли кўйлақда эканлар.* «Эртақлар».

**БОҒИЧСИЗ** Боғи, ипи, боғичи йўқ. *Оёғидаги қора ялтироқ боғичсиз туфлисининг ингичка тумшугига бир оз гард юккан эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БОҒЛАМ 1** Тўплаб, дасталаб боғланган нарсаларнинг ҳар бир боғи, дастаси. *Бир боғлам пиёз. Бир боғлам шох.* ■ *Елкасидаги икки боғлам саксовул ўтинини остонага гурс эткизиб ташлади.* А. Мухтор, Асарлар. *Бу фикр унга, бошида бир боғлам тут баргини кўтариб, марзадан чиқиб келаётганида яна қайтиб келди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

**2 тиб. айн. боғлов.** Гипс боғлам.

**БОҒЛАМА** тлш. Ўз лугавий маъносини қисман ёки батамом йўқотган, феъл бўлмаган сўзни феълга хос маъно ва вазифага мословчи ёрдамчи феъл.

**БОҒЛАМОҚ 1** Боғ, тугун солиб уламоқ, пайваста қилмоқ; бириктириб турмоқ. *Ип-*

ларнинг учини.. боғлаб узайтирмоқ. Ботинканинг итини боғламоқ. Қоннинг оғзини боғламоқ. Юз қопни боғлаб бўлар, Юз оғизни боғлаб бўлмас. Мақол. ■ Қўлидаги ўтти ерга ташлаб, туфлиси боғичини қисиброқ боғлади. «Ёшлик».

**2** Арқон, занжир, ип ва ш.к. воситасида бириктириб, чандиб, танғиб, ўз жойидан жилмайдиган, қимирламайдиган, нари кетмайдиган қилиб қўймоқ. Қўйни боғлаб боқмоқ. *Каптарнинг қанотларини боғламоқ.* ■ *Анварни кўрсангиз.. ҳеч нарсага қарамай, қўлини боғлангиз.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Молхона олдидаги гулини тўккан гилосга боғлаб қўйилган каттакон ола сигирга кўзим тушди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Фазлиддин отни илдам чиқариб, дарахтга боғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** кўча Бирор ердан ёки кишидан айрилмайдиган қилиб қўймоқ. *Тақдир уларни бир-бирига маҳкам боғлади.* ■ *Шарофат.. Сидиқжонни бу ерга боғлаган нарсани яхшилаб билмоқчи ва шунга қараб тош қўймоқчи бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Ипсиз боғламоқ** 1) бирор мажбурият билан эркини олиб қўймоқ. [*Қудрат Мирзақулга:*] *Дехқонларни ипсиз боғламоқчилар денг! Уларни ерга боғлаб, қул қилмоқчилар денг!* Н. Сафаров, Уйғониш. - *Бизни ҳоким Тешабойга ипсиз боғлаб кетди, — деди Қудрат.* М. Исмоилий, Фарғона т.о; 2) дудмол гап, ваъда ва ш.к. билан мунтазир қилиб қўймоқ. *Шу ерда туринг, ҳозир келаман, деб бизни ипсиз боғлаб кетди.*

**4** Боғич ёки бирор бошқа нарса воситаси билан бириктирмоқ ёки тиркамоқ, осмоқ. *Аҳмаджоннинг орқасига боғлаб олган сумкасига.. мина парчаси теккан эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Илжи бўлса, мени от думига боғлаб, пойга қилсалар.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Олмос пўлат боғлаб мен ҳам белимдан, Дев излаб чиққанман ўсган элимдан.* «Маликаи айёр».

**5** Тўплаб, дасталаб, белидан боғ солмоқ, боғ солиб тугмоқ, дасталамоқ. *Пичан боғламоқ. Пиёз боғламоқ.*

**Супурги боғламоқ** Супурги ясамоқ. [*Йўлчи*] *Саватни анҳор бўйида супурги боғлаб ўтирган бир кишига омонат ташлаб, бозорга физилади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**6** Ўраб танғимоқ, ўрамоқ, тақмоқ. *Рўмол боғламоқ. Камар боғламоқ. Галстук боғламоқ.*

■ *Бошига оқ дока рўмол боғлаган, ранги заҳил бир аёл кўрунди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Жувон эшикдан кириши билан буларни кўриб, бир тўхтади-ю, дуррасини қайта боғлаб, тўғри супа томонга келди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**7** Оғриқ ерни эҳтиётлаш, даволаш мақсадида дори-дармон қўйиб ёки шундайлигича ўраб, чандиб, танғиб қўймоқ. *Ярани бинт билан боғламоқ.* ■ *У бирор ҳафта касалхонада ётиб чиққандан кейин, бир неча кун лунжини боғлаб юрди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бошимга сассиқ бир суяқ доридан чаплаб, рўмол билан танғиб боғлаб қўйди.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. *Тик турганча бармоғимга йод суркаб, бинт билан танғиб боғлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**8** кўча Йўл-йўриқ кўрсатиш, ёрдам бериш учун биркитмоқ, бириктириб қўймоқ. *Бошқарма бизга кекса ишилардан боғлаб қўйсин.* А. Мухтор, Тугилиш. *Раиснинг кўнлига келмасин, деб машинасига ҳам тегмади, шофёрни Мирзааҳмад аканинг эшигига боғлаб қўйди.* *Ўзи шалоқ аравада тоғу тош кезиб юрибди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**9** Бўғиб, тўсиб, керакли томонга йўналтирмоқ (сувни). *Экинларга сув боғламоқ.* *Сувни боғлагунча, ариқ оч.* Мақол. ■ *Сувни ким боғлади, тўғонни ким кўтарди?* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Султон Санжар Мозий ўйлаб, шу дарёни боғлашга қарор қилибди.* «Эртақлар».

**10** Ўзида бирор нарса пайдо қилмоқ; йиғмоқ, тўпламоқ. *Яра фасод боғлади.* ■ *Баркашда шарбат боғлаб кетган анжир, олтин сингари ҳусайни узум ва шафтоли бор эди.* Н. Сафаров, Водиллик қахрамон. *Боғ ва полизларда таърифи йўқ минг хил нозу неъматлар шакар боғлайди.* С. Азимов, Оппоқ тонг қўшиғи.

**Шира боғламоқ қ. шира I 5.** *Ҳозир Шерозийнинг овози айни шира боғлаган пайт. Донғи Хоразмга тарқалган.* Ж. Шарипов, Хоразм. **Ёғ боғламоқ** Семирмоқ. **Тўр боғламоқ** Тўрламоқ (қовун, ҳандалак ҳақида).

**11** кўча Узвий равишда бирлаштирмоқ, бирга қўшмоқ, уламоқ. *Тағлим-тарбия ишларини ҳаёт билан боғламоқ.* ■ *Меҳнат билан муҳаббатни боғлагин, Сўнгра ҳарна тилак бўлса чоғлагин.* Ҳабибий, Девон.

**12** Узвий боғланиш, муносабат асосида бир-бирига қўшмоқ, дахлдор қилмоқ, ула-

моқ, бириктирмоқ. *Икки фикрни ўзаро боғламоқ. Сўзларни боғлаб гап тузмоқ. ■ Чол асл мақсадини унутиб, анча гапларни айтиб юборганини ўзи ҳам сезиб қолди-да, сўзининг охири яна эчкига боғлади. С. Аҳмад, Ҳукм. Наврўзни динга боғладик. Ҳолбуки, бу байрамнинг ислом динига мутлақо алоқаси йўқ эди. Газетадан.*

**Алоқа боғламоқ** Муносабатда, алоқада бўлмоқ, муносабат ўрнатмоқ. *Пахтакор билан алоқа боғламаган селекциячининг ҳолига вой! У пўнанак босиб ётаверади. Мирмуҳсин, Умид. Шоир ҳарамдаги канизакларнинг бири билан алоқа боғлаган экан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Бахтини боғламоқ* Бахтсиз қилмоқ, бахтига тўсиқ бўлмоқ. *Тақсир, қизнинг бахтини боғлаб қўйманг, кувёга беринг. «Олтин бешик». Бел боғламоқ қ. бел. Бошини боғламоқ қ. бош. Боғлаб олмоқ* Ўзига ром қилмоқ, ўзига қаратмоқ, домига илтинтирмоқ. *Нозли нигоҳларинг керакмас сенинг, Боғлаб оларман деб энди ўйлама. Миртемир. Азиза азбаройи бола деб кўзи учиб тургандан эмас, бир амаллаб Ёдгорни боғлаб олиш учун болали бўлишни хоҳларди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Бас, сен ҳам нега ўғлиннинг кўнглини Зайнабга хиппа қилиб боғлай олмадинг? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Йўлини боғламоқ* Йўлини тўсмоқ, олдига рўпара бўлмоқ, тўсиқ бўлмоқ. *-Вой, уқисин, отин булсин, айланай, унинг йўлини боғлаб қўйганимиз йўқ, — деди Ўғил хола Аҳмедовага чимирилиб. Т. Алимов, Совчи. Билмайман, йўлингни яна ким боғлар, Гулингни бегона айлама, булбул. «Қўшиқлар». Кўсак (ёки довучча) боғламоқ* Ҳосилга кирмоқ; мева тугмоқ. *Ғўзалар энди шоналаб, кўсак боғлаб келаётган бир маҳалда.. шаҳар пахта заводларига пахта ташилиши Фуломжонни ажаблантирмади. М. Исmoilий, Фарғона т.о. Ўтган йили апрель ойининг охирлари, ўриклар аллақачон довучча боғлаб бўлган пайт эди. Газетадан. Муҳаббат боғламоқ* Муҳаббат қўймоқ, севиб қолмоқ. *Муҳаббат боғладинг [Навоий], Меҳнаткаш элга меҳрибон бўлдинг. Ҳабибий, Девон. Тилини (ёки тил-жағини) боғламоқ* Тилини лол қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ. *Латофат шу пайтгача тилини боғлаб турган аллақандай кучни енгиб, тез гапирга бошлади. О. Ёқубов, Мирзатерак. Хотинининг бу гапи Бўтабойнинг жон-жонидан ўтиб кетди, лекин*

*бундаги кучли мантӣқ тилини боғлади-ю, ҳеч нарса дея олмади. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. Бироқ қизи тушкурнинг ҳусними, ширин сўзларими, ҳар қалай, Ғиёсиддиннинг тил-жағини боғлаб, қулоғини кар, кўзини кўр қилиб қўйган эди. С. Аҳмад, Ҳукм. Умид боғламоқ қ. умид 1. У менга катта умид боғлаган эди, бари пучга чиқди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Янги сайланган депутатлар фаолиятига, уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатига ҳамма умид боғляпти. Газетадан. Қанот боғламоқ* Ўзида гўё қанот пайдо қилмоқ, бирор жойга учиб боргудай бўлмоқ. *Ҳовлидаги.. дастурхон теварагида текин овқат топилган жойга қанот боғлаб учиб борадиган Зағчақўз домла, Тожибой, оқсоқол ўтирар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Саломат бу қишлоққа ёшлигини қўмсаган кезларда гўё қанот боғлаб учиб келишни истамасмиди? С. Аҳмад, Ҳукм. Қўл боғламоқ* Қўл қовуштирмоқ (таъзим, салом белгиси). *Кўрғон устида ясов торган қаҳрамонлар қўл боғлаб.. таъзим билан Азизбекни илгарига ўтказа бошладилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хон тахтда эди. Унг тараф курсида Абдурахмон офтобачи ва сўлда шоир мулла Ниёз домла қўл боғлаб ўтирар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қўл-оёғи (ёки оёқ-қўли)ни боғламоқ* Мажбур қилмоқ, зўрламоқ. *Агар қўл-оёғини боғлаб беришганда ҳам, бари бир, тўйни азага айлантирман. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Насибанинг оёқ-қўлини боғлагани Ҳузуржоновага сиз арқон эшиб бердингиз! А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**БОҒЛАНИШ 1** *айн. боғлиқлик. ..ўша нотаниш йигит билан Ваҳобжон ўртасида қандайдир боғланиш, ҳатто бир қондошлик бордай туюлиб кетди. А. Мухтор, Асарлар.*

**2** *Воқеа, ҳодиса ва ш. к. ўртасидаги ўзаро муносабат, алоқа. Узвий боғланиш. Мантӣқий боғланиш. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши. ■ У [Мирзакаримбой] Йўлчининг қишлоқдан қайтиб, бирдан ғойиб бўлиши билан ўзининг Гулнорга уйланиши ўртасида бир боғланиш борлигига қаноат ҳосил этган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Лексик элементларнинг синтагматик боғланиши сўзларнинг валентлилик хусусияти билан ҳам боғлиқ. «ЎТА».*

**БОҒЛАНМОҚ 1** *Боғламоқ 1-9, 11, 12 фл. мажҳ. н. Белига қўш белбоғ боғланган. ■ Умид — парвозга отланган лочин, умидсизлик*



– оёққа боғланган тош. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги. Қиз ва йигит бундан қарийб икки йил бурун бир-бирларига самимий муҳаббат билан боғланган эдилар. Ойбек, Навоий.

**Боғланган қўшма гап тлш.** Тенг ҳуқуқли содда гаплардан тузилган қўшма гап. *Узаро тенг боғловчилар ёрдами билан боғланган содда гаплардан тузилган қўшма гап боғланган қўшма гап дейилади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**2 Боғламоқ 1, 2, 11, 12** фл. ўзл. н. *Ипнинг учи боғланиб қолибди. Улар бир-бирига боғланиб қолган. Юқори идоралар билан боғламоқ.* ■ *Лайло вафотидан кейин мен уларнинг оиласига қаттиқ боғланиб қолдим.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

**3** Бириктириб қўйилмоқ. *Гулноз.. бугунги қабулини тугатиб, ўзига боғланган маҳаллани айланишга боришга отланди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**Ипсиз боғланмоқ** Иложсиз, ҳаракатсиз бўлиб, бирор жойдан қимирлай олмаслик. *Анвар ипсиз боғланиб, икки оёғи полга михлаб қўйилгандай, на у ёқ, на бу ёққа юролмай, ҳушини йўқотиб қўйган эди.* З. Фатхуллин, Сўнмас юлдуз. **Тили боғланмоқ қ. тил 1.** *Тиллари боғланиб, ақлдан шошди, Алами Тўлабнинг ҳаддидан ошди.* «Гулихиромон». **Қўли боғланиб қолмоқ** 1) қўли банд бўлиб қолмоқ; 2) қўли бекор қолмоқ, иш қилолмай қолмоқ. *Косиб чоршанба кунни бозор қилмаса, бир ҳафтагача қўли боғланиб қолади.* Ойбек, Танланган асарлар; 3) имкони, кучи етмаслик. *Орага қалин масаласи тушди-ю, қўли боғланди.* «Шарқ юлдузи».

**БОҒЛАШМОҚ Боғламоқ 1-9, 11, 12** фл. бирг. н. *Шундан сўнг уларни [отларини] серкўкат ерга боғлашиб, то таом пишгунича, отларнинг ёнида ўтиришди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Улар Исломуҳжанинг қўлларини қайириб боғлашди.* С. Сиёев, Аваз.

**Бас боғлашмоқ қ. бас II.**

**БОҒЛАҒИЧ:** **кўз боғлағи**ч с. т. эск. Кўз боғловчи, фокусчи.

**БОҒЛИ I** Боғи, боғчаси бўлган, боғ-роғли. *..беш ҳўкиздан бир қўшини, боғли ерларининг ярмини ўғлига ажратса, унинг юки анча камаяди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Қирқ кеча, қирқ кундуз йўл юриб, бир боғли ерга етди.* «Баҳром ва Гуландом».

**БОҒЛИ II 1** Боғланадиган, боғичи бўлган. *Боғли тўн.*

**2 айн. БОҒЛИҚ.** [Элмурод] *Ўзининг кичкина бир қишлоқда олиб бораётган иши.. амалга оширилаётган буюқ план билан боғлиқ эканини фаҳмлагач, бениҳоя фахрланди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Қўли (ёки қўлу оёғи) боғли** Эркисз, қарам, асир. *Токайлар биз юрамиз Қўлу оёғ боғли?* Ҳамза. **Кўзи боғли** Хат танимайдиган, саводсиз. *Буни қарангки, бутун бобокалони билан бу дунёга икки кўзи боғли келиб, боғли кетган чорвачи қашиққонинг боласи – духтир!* С. Анорбоев, Оқсой.

**БОҒЛИҚ I 1** Боғлаб қўйилган, боғланган, боғлоғлик. *Боғлиқ от.* *Хунарсизнинг қўли боғлиқ.* Мақол. ■ *Раззоқ буқачининг ити ёввойи жийдага оёғидан боғлиқ турарди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**Боши боғлиқ** Унаштириб қўйилган. *..баъзи йигитлар Норбувига одам қўйишди. Бироқ Норбуви уларнинг ҳаммасига ҳам бир хил – икки оғиз сўз билан жавоб қайтарарди: Бошим боғлиқ.* Ҳ. Шамс, Душман. *Гулноз Йўлдошга унашилди, энди боши боғлиқ.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**2** Бирор жиҳатдан, мас., тобелик ёки алоқадорлик муносабати билан узвий равишда боғланган; алоқадор. *Тегирмоннинг айланиши юкига боғлиқ.* Мақол. ■ *Ҳар бир нарсадан катта хулосалар чиқариш шоирнинг ақл уфқи кенлигига боғлиқ.* Шукрулло, Сайланма. *Умрнинг дарозлиги ҳам наслу насабга боғлиқдир.* «Шарқ юлдузи».

**БОҒЛИҚ II** махс. Арава гилдирагининг тўғин учларини бириктириб тутиб турадиган қўшалок кегайи.

**БОҒЛИҚ III шв.** Шох-шабба, беда, буғдой, шоли каби чочиқ нарсаларни йиғиб боғлаш учун ўша нарсаларнинг ўзидан ёки новда, похол кабилардан эшилган боғ; белбоғ.

**БОҒЛИҚЛИК** Нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқада бўлишлиги; алоқадорлик. *Ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги.* ■ *Кўриб турибсизки, ҳар иккала хат ўртасида манتيқий боғлиқлик бор.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**БОҒЛОВ тиб.** Синган, чиққан, жароҳатланган, лат еган аъзоларни ифлосланиш ва б. таъсирлардан сақлаш, шунингдек, гавданинг бирор қисмини қимирламайдиган қилиб қўйиш учун қўлланадиган восита. *Гипс боғлов. Боғлов материаллари.* ■ *Боғ-*

ловлар қаттиқ ва юмишқ ҳамда оддий ва мураккаб бўлади. «ЎЗМЭ».

**БОҒЛОВЧИ 1** **Боғламоқ 1-9, 11, 12** фл. сфдш. Беда боғловчи. Боғловчи звенo. Боғловчи модда. ■ Бетон таркибидаги цемент боғловчи модда дейилиб, қум, эланган шағал ва чақиртош эса тўлдиргичлар деб аталади. А. Асқаров, Бетончилар учун эсдалик.

**2** тлш. Гап бўлақларини ёки гапларни ўзарo боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз. Уюшиқ бўлақлар орасига вергул ёки ва, ҳам, ҳамда сингари боғловчилардан бири қўйилади. «Ўзбек тили дарслиги».

**БОҒЛОВЧИСИЗ** тлш. Боғловчи сўзлар ёрдaмисиз, таркибида боғловчи сўз бўлмаган. Ўзарo боғловчисиз ёки боғловчи вазифасидаги сўзларсиз боғланган содда гаплардан тузилган қўшма гап боғловчисиз қўшма гап деб аталади. «Ўзбек тили дарслиги».

**БОҒЛОҒЛИК** Боғлаб қўйилган, боғланган, боғлиқ. **Боғлоғлик** от. ■ Чайлага боғлоғлик турган қора от бизни кўриб киши-нади. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Отамурод операция столида қўл-оёғи маҳкам боғлоғлик ётибди.* М. Мансурoв, Ёмби. ..унинг [Жаннатнинг] отаси билан боғлоғлик жойим бор, у киши менинг илмий раҳбарим, — деди Умид. Мирмуҳсин, Умид.

**БОҒМА-БОҒ** Боғларни кезиб, боғдан боққа. *Кампир из қидириб, боғма-боғ бoриб, баланд девор олдидa тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БОҒОТ** [ф. باغات — «боғ» сўзининг кўплиги; боғлар] Боғлар, боғлар билан қопланган ерлар. *Оппоқ тонгдек ҳаётбахш.. бу садо, бу фарёд девор, том, чаман, боғотлар оша таралиб, тун бағрини тилим-тилим қилар эди.* К. Яшин, Ҳамза.

**БОҒ-РОҒ, боғу роғ** Мевазор, тоқзор, гулзор боғлардан иборат майдон, парк ва ш. к. [Холжон ҳола:] *Отангдан қолган боғ-роғларни ташлаб, қаёққа борасан, болам?* О. Ёқубов, Пьесалар. *Ойжон! Дадам билан албатта келинг. Бизнинг ўзимиз яратган шаҳарни, боғ-роғларимизни кўринг.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**БОҒЧА 1** Кичкина боғ. *Кучли шамол кўтарилиб, боғчадаги ҳар нарсани тўрт тарафга бука бошлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Хувиллаб қолди мана гавжум боғлар, боғчалар, Яшил элларга томон учиб кетди қушчалар.* А. Орипов, Юртим шамоли.

**2** Мактабгача ёшдаги болалар учун белгиланган таълим-тарбия ўчоғи. *Навбатдаги сўз завод боғчасининг мудираси Расуловага тегди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Хадича холам ҳам шу боғчада ишлар экан.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**Болалар боғчаси айн. боғча 2.** *Клуб у ёқда турсин, битта болалар боғчаси қуролмайди.* Шукрулло, Сайланма. *Жувон болалар боғчасининг мудираси экан.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БОҒЧАЧИЛИК айн. боғдорчилик.** *Озми-кўпми боғчачилик иши бўлган бошқа одамларни ҳам биламан, боғчачилик уларнинг ишларига халақит бермайди-ку.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БОҒЧИЛИК айн. боғдорчилик.**

**БРАДИКАРДИЯ** [юн. bradys — секин + kardia — юрак] Юрак қисқаришларининг секинлашуви, юракнинг секин, кам уриши. *Томир уриши сонининг ортишига — тахикардия, камайишига — брадикардия дейилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиши.

**БРАК** [нем. Brack — нуқсон, камчилик; яроқсиз мол] Ишлаб чиқаришда яроқсиз деб топилган, давлат андозаларига тўғри келмайдиган, сифатсиз маҳсулот; умуман яроқсиз иш, чиқит нарса. *Брак ишиша. Брак мол. Брак қилмоқ. Бракка чиқармоқ.* ■ *Мастура ўз ишида ҳали бирор марта бракка йўл қўйгани йўқ.* Газетадан. *Таълимдаги брак эса энг хавфли брак эканини унутмаслигимиз керак, ўртоқлар.* Газетадан.

**БРАКОВКА** [р. — бракка чиқариш] Ишлаб чиқариш корхоналарида: сифатли ва брак маҳсулотларни бир-биридан ажратиш, саралаш.

**БРАКОНЬЕРЛИК** [фр. braconnier — ит билан ов қилувчи] Ноқонуний ов — ёввойи ҳайвонларни ман қилинган жойда ва даврларда ёки ман қилинган қуроллар билан, муайян руҳсатсиз овлаш ёки йўқ қилиш.

**БРАКЧИ** Ишни сифатсиз бажарган, яроқсиз (брак) маҳсулот ишлаб чиқарган ишчи. *Корхона бракчилари юборган 80 дoна қимматбаҳо камзул ўтган йилнинг декабрь ойидан буён ўтмас матo бўлиб ётибди.* Газетадан.

**БРАНДСПОЙТ** [голл. brandspuit — ўт ўчириш насоси] Ўт ўчиришда, боғдорчиликда, кема ва паровозларда ишлатиладиган суюқлик пурковчи мослама, асбоб. *Қатор*

*брандспойтлар оёғим остида сув сочиб, ерни совилади, бошимда соябон бўлиб кузатиб боради..* П. Қодиров, Қадрим. *Ўт ўчирувчилар дарҳол насослари билан брандспойтларини ишга солиб, оловга ҳужум қилиб кўрдилар.* П. Қодиров, Эрк.

**БРАСЛЕТ** [фр. bracelet < bras — қўл] *айн.* **билигузук.** Унинг бир қўлига кичкина қўл соат кумуш браслет билан осиб қўйилган. П. Қодиров, Уч илдиш.

**БРАСС** [фр. brasse < bras — қўл] *спрт.* Иккала қўл (сувдан чиқармай) ва оёқни бир маромда симметрик ҳаракатлантириб, кўрак билан сузиш усули.

**БРАУНИНГ** [америкалик конструктор Ж. Браунинг (Browning) номидан] Автоматик тўппонча ёки пулемётнинг бир тури. *Уддасидан чиқолмасам аҳдимнинг, унда — Браунингни қўлимга бер қоп-қора тунда.* У. Носир, Юрак.

**БРАҲМАН, бараҳман** Қадимги ва ҳозирги Ҳиндистонда олий табақа — кастага мансуб киши; қадимда коҳинлик вазифасини бажариб, қурбонлик маросимларига раҳбарлик қилган шахс. *Бараҳманлар довул қоқиб, Фатво берди имомлар.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

**БРАҲМАНИЗМ, бараҳманлик** [санск. ҳиндуизмдаги уч олий маъбуд (худо)дан бири — Браҳма номидан] Табиий мавжудотларни илоҳийлаштирувчи қадимги ҳинд дини. *Браҳманизмда илгариги тотемистик тасаввурларнинг қолдиғи сифатида ҳайвонлар (сигирлар, маймулар)ни, айрим ўсимликларни ва бошқаларни илоҳийлаштириш мавжуд.* «ЎЗМЭ».

**БРАҲМАНЗОДА, бараҳманзода** Браҳман фарзанди, браҳманлар авлодига мансуб шахс. *Ул бараҳманзода ҳар дам барқдек уйнаб кулар, Йиғлатиб, кўз ёшимни абри баҳорон айлагач.* Фурқат.

**БРЕЗЕНТ** [голл. presentening < лот. praesingere — ўрамоқ] **1 от.** Зиғир толасидан ёки зиғир толаси билан пахта ипидан тўқиладиган, сув ўтказмайдиган қалин, қўпол мато. *Ўрмон четига брезентдан чодир-палаткалар тикланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2 сфт.** Брезентдан тайёрланган. *Брезент этик. Брезент туфли. Брезент носилка.* ■ *Қутбиддин брезент этигини тапиллатиб ерга уриб, чангини туширди.* С. Кароматов, Олтин кум. *..бошига эски қулоқчин, энига*

*брезент ёмғирнўш кийган жиккаккина чол югуриб чиқди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БРИГАДА** [фр. brigade < итал. brigata — отряд, одамлар гуруҳи, қўшин] **1** Бир неча полк, батальон ёки дивизиондан ва махсус қўшинлар бўлинмаларидан, денгиз флотига эса бир неча турдаги ҳарбий кемалардан иборат ҳарбий-тактик қўшилма. *Танкчилар бригадаси. Бригада кўмондони.* ■ *Бригаданинг жангчилари кўтаринки руҳ билан ҳужумга ўтди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

**2** Меҳнатнинг муайян бир турини бир-галикда бажариш учун тузилган ва иш натижаси учун умумий жавобгар бўлган жамоа, меҳнатчилар гуруҳи. *Пахтачилик бригадаси. Оилавий бригада. Бинокорлик бригадаси.* ■ *Тўқайда ишлагани хилланган одамлардан махсус бригадалар тузилди ва бу бригадаларнинг ҳар бирига биттадан гусеницали трактор берилди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Раиснинг машинаси.. сабзавотчилик бригадаси томон бурилиб кетди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**3 с. т.** Бригада бошлиғи; бригадир. *Кимсаной бўлганда, ҳозир бригада бўлар эди. Файратли, ориятли жувон эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БРИГАДАДОШ** Бир бригадада ишловчи. *..ерни созлашнинг бирдан-бир йўли — яхоб. Бу фикрни Мамасоли дастлаб бригадодошларига айтди, фикрлашди.* Газетадан.

**БРИГАДИР** [фр. brigadier — бригада бошлиғи] Ишлаб чиқариш, далачилик бригадасининг бошлиғи. *Ўрта мактабни тугатгач, Холчучук бир йил звено бошлиғи бўлди, иккинчи йилга ўтиб эса бригадир бўлиб олди.* «Саодат».

**БРИГАДИРЛИК** Бригадир лавозимида ишлашлик, бригадир бўлишлик. *Бригадирлик қилмоқ. Бригадирликка сайламоқ.* ■ *Сенларга ўзим бригадирлик қиламан.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўтабой.. Болтабойни бригадирликдан бекор қилмоқчи эканини айтди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БРИЗ** [фр. brise — шабада] Денгизлар, катта қўллар, баъзан йирик дарёлар соҳилида эсадиган, кеча-кундузда даврий ўзгариб турадиган шамол, шабада. *Денгизлар қирғоғида эсадиган шамол бриз деб аталади.* «География».

**БРИКЕТ** [фр. briquette — гиштча] Гишт шаклида прессланган нарсa. *Кунжара бри-*

кети. Кўмир брикети. ■ *Оддий табиий маҳсулот махсус идишларда прессланиб, брикетлар ҳолига келтирилади.* Газетадан.

**БРИКЕТЛАМОҚ** Брикет ҳолига, шаклига келтирмоқ. *Торфни брикетламоқ. Брикетлаш фабрикаси.* ■ *Шарғун кўмирини брикетлаш технологияси ишлаб чиқилди.* Газетадан.

**БРИЛЛИАНТ, брильянт** [фр. brillant – ялтироқ] Тарашланган ва сайқал берилган олмос. *Бриллиант кўзли узук.* ■ *Рисолатнинг қулоғида бриллиант данакдек келадиган зирак ялтиради.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Тўй кўни эри совға қилган бриллиант кўзли узугини бармоғидан чиқазди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БРИНЗА** [рум. brinza – пишлоқ] Асосан кўй сутидан, шунингдек, сигир, эчки сутидан ёки уларнинг аралашмасидан тайёрланган шўртанг пишлоқ. *Аҳолининг ёғ, қатиқ, бринза, сузма каби озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжини қондиришида анчагина ютуқларга эришаётирмиз.* Газетадан.

**БРИОЛОГ** бот. Йўсинларни ўрганувчи мутахассис, йўсиншунос.

**БРИОЛОГИЯ** бот. [юн. bryon – йўсин, моx + logos – таълимот] Ботаниканинг йўсинлар, моxларни ўрганувчи бўлими. *Бриология торф ҳосил бўлиши, йўсинлар ўсган ерларда аста-секин тупроқ ҳосил бўлиши каби.. жараёнларни ўрганади.* «ЎЗМЭ».

**БРИТГ(ЛАР)** Милоддан аввалги 8-аср бошидан милосий 5-асргача Британиянинг асосий аҳолиси ҳисобланган қадимги кельт қабилиси.

**БРИФИНГ** [ингл. briefing – йўл-йўриқ < brief – қисқа; қисқача хулоса] Расмий шахсларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан расмий нуқтаи назар билдириш ёки расмий хулосаларни қисқача баён этиш мақсадидаги учрашуви.

**БРИЧКА** [укр. бричка < пол. bryczka, bryka < нем. Birutsche – усти очиқ енгил арава] Тўрт гилдиракли узун арава. *Ўрмонда тўртта бричка турибди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..устига бочка юкланган бричкалар узун йўлдан кетма-кет ўтиб туради.* С. Аҳмад, Чўл бургутуи.

**БРОЙЛЕР** [ингл. broiler – гўштга боқиладиган жўжа < broil – ўтда қовуриш] Тез этиладиган ва вазни 1,4-1,6 кг бўлганда сўйиладиган гўштлир жўжа. *Бройлер фабрикаси.* ■ *Товуқ дим-дим тайёрлаш учун семизроқ*

*бройлердан танлаб оласиз.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Бройлер гўштидан парҳез таомлар тайёрланади.* «ЎЗМЭ».

**БРОКЕР** [ингл. broker – ўртада туриб воситачилик қилувчи, даллол, маклер] Товар, валюта, савдо биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма.

**БРОМ** [юн. bromos – қўланса, сассиқ ҳид] 1 Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб, ёқимсиз, қўланса ҳидли, қизғиш-қўнғир, суюқ кимёвий элемент. *Минерал сувларнинг шифобахилиги.. уларнинг таркибида киши организми учун зарур бўлган йод, бром, бор, литий, барий, стронций каби моддалар бўлишидир.* «Фан ва турмуш».

2 Таркиби шу элемент бирикмаларидан иборат бўлган дори. *Бром ичмоқ.*

**БРОНЕАВТОМОБИЛЬ** [р. – зирҳли автомобил] Бронланган, зирҳ билан қопланган ҳарбий автомобиль. *Қуроллар бронев-автомобилининг айланадиған зирҳли минорасига ўрнатилади.* «ЎЗМЭ».

**БРОНЕВИК** айн. **бронев-автомобиль.**

**БРОНЕМАШИНА** [р. – зирҳли машина] Зирҳли ҳарбий машина қ. **бронев-автомобиль, бронетранспортёр.** *Орадан кўп ўтмай, бронемашина ҳимоясида фашистлар шиддат билан бостириб кела бошлади.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида.

**БРОНЕНОСЕЦ** [р. – зирҳли кема] 19-аср охири ва 20-аср бошларида пайдо бўлган, зирҳ билан қопланган улкан ҳарбий кема.

**БРОНЕПОЕЗД** [р. – зирҳли поезд] Паровоз ва платформалари зирҳ билан қопланган ҳарбий поезд. *Фашистлар.. бутун Европа шаҳарларини бронепоездларда, танкларда, машиналарда саёҳатдагидек кезиб ўтди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БРОНЕТРАНСПОРТЁР** Моторлаштирилган ўқчи қисмларни ташиш ва оғир қурол-яроғларни судрашда, разведка ишларида қўлланадиган зирҳли ҳарбий машина. *Кундузи соат тўртларда немисларнинг учта бронетранспортёри пайдо бўлди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БРОНЗА, биринж** [фр. bronze < ф. биринж] 1 Миснинг қалай, алюминий, кремний, бериллий, қўрғошин элементлари билан қотишмаси. *Қалайли бронза. Бронза ишлаб чиқариш.* ■ *Бронзадан ясалган ҳайкал*

эрталабки қуёш нурларида ярақлаб кўзга ташланади. Газетадан.

**2** Шу қотишмадан ясалган (меъморчилик асари). *Ботаетган қуёш нурида узоқдан бир нима олтиндай чарақлади. Бу ҳайкал эди. Бронза бюст.* А. Мухтор, Чинор.

**Бронза даври (ёки асри)** Милоддан аввалги 3-1-мингйилликда ҳали темир маълум бўлмаган, қурол ва уй-рўзғор буюмлари бронзадан ясалган давр. *Сопол буюмлар тайёрлаш, хусусан, бронза даврида анча ривожланганди.* «Фан ва турмуш».

**БРОНЗАЛАМОҚ** Металл буюмлар сиртини бронза билан қопламоқ, бронза югуртириб безамоқ.

**БРОНЛАМОҚ I** Бронь, зирх билан қопламоқ, зирхламоқ.

**БРОНЛАМОҚ II** Бирор кимса ёки нарса учун атаб, банд қилиб қўймоқ. *Вагонда иккита ўринни бронламоқ.*

**БРОНЛИ** Бронь, зирх билан қопланган, бронланган; зирхли. *Бронли автомобиль.*

**БРОНТЕШАР** Брон (зирх)ни тешиб ўтадиган қурол тури. *Бронтешар тўп.* ■ *Бронтешарлар нишонга олиб, энди ўқ узмоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Қулай бир позиция топиб тўхтаган танк аланга тубига бронтешардан ўқ уза бошлади.* П. Қодиров, Эрк.

**БРОНХ, бронхлар** [юн. bronchos — томоқ; кекирдак, трахея] Кекирдакнинг ҳаво ўтадиган найсимон тармоқлари, нафас йўллари. *Кекирдак (трахея) 4–5-кўкрак умуртқаси қаршисида ўнг ва чап бронхларга бўлинади.* «ЎЗМЭ».

**БРОНХИТ** тиб. Бронхлар (асосан, шиллиқ пардаларининг ялиғланишидан иборат нафас йўллари касаллиги. *Биз тез-тез шамоллаб турамыз. Бу касаллик, айниқса, кузда хуруж қилиб, тумов, бронхит, ангина шаклида юз беради.* Газетадан.

**БРОНХОГРАФИЯ** [бронх + юн. grapho — ёзаман] тиб. Трахея ва бронхларни рентгенографик текшириш усули.

**БРОНХОСКОПИЯ** [бронх + юн. skopeo — кўраман, текшираман] тиб. Трахея ва бронхларни махсус асбоб [бронхоскоп] ёрдамида кўриб текшириш усули.

**БРОНЬ I** [р. < нем. Bronje — совут, қоплама] Ҳарбий машиналарнинг ўқ ўтмайдиган қалин пўлат ниқоби, қопламаси; зирх.

*У отган ўқ танк брониға тегиб, нўхатдек уқаланиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БРОНЬ II** [нем.] Махсус ажратилган ёки имтиёз берилган нарсалардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат. *Билетни бронь қилмоқ.* ■ *Ие, айтгандай, суюнчи беринг, хола, бронь топдим, урушга бормайдиган бўлдим!* Уйғун, Асарлар. *Пошишахоннинг эри заводга керакли одам бўлгани учун икки йилча бронь билан юрди.* Д. Нурий, Осмон устуну.

**БРОШЮРА** [фр. brochure < brocher — тикмоқ] айн. **рисола.** *Мамлакатда ҳар куни 190 номда 3 миллион нухса китоб ва брошюра чиқаришмоқда.* Газетадан. *Бу брошюрада.. васиятнома, ваколатномаларни қай тартибда ёзиш лозимлиги кўрсатилган.* Газетадан.

**БРУС** [р. < қадимги «бреснути» фл. — қириш, ўткирлаш; қириб артиш] **1** тех. Чорқирра ёки бошқа бирор шаклдаги узун металл, ёғоч ва ш.к. таёқча, ходача.

**2** спорт. Тўрт устунга параллел горизонтал ҳолда маҳкамланган иккита ходача кўринишидаги гимнастика асбоби. *Тошкент тўқимачилик институти гимнастика секциясининг аъзоси брусда машқ қилаётир.* Газетадан.

**БРУТТО** [итал. brutto — кўпол; соф эмас] **1** Товарнинг идиши, ўрови билан биргаликдаги оғирлиги. *зид. нетто.*

**2** Сарф-харажатлар чегирилмаган умумий, ялпи даромад.

**БРУЦЕЛЛЁЗ** [бруцелла микробини кашф этган инглиз врач Д. Брюс (Bruce) номидан] тиб. Уй ҳайвонларида бўладиган ва уларнинг сути, гўшти, қони орқали одамга ҳам ўтадиган оғир юқумли касаллик, қора оқсоқ. *Бу йил тоғдан битта йилқичи, учта чўпон бруцеллёз билан оғриб тушди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БУ I** (ж. к. бунга, ў.-п. к. бунда, ч. к. бундан) кўрс. олл. **1** Сўзловчига яқин, унинг кўз ўнгидаги, олдидagi, ёнидаги ёки қўлидаги нарсани, кимсани билдириб келади ёки ўшанга ишора қилади. *Бу киши — бизнинг ўқитувчимиз.* ■ *Мен учун энди бу жаҳонда ёлғиз сиз борсиз, холос!* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Бу ният унинг хотини Собирахонга жуда маъқул бўлди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *-Сен ўғлимсан, — Йўлчиға меҳр билан тикилди чол, — бу оғизга — қизим.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Қарама-қарши икки нарсадан бирини ёки бирор томонни кўрсатиш учун хизмат қилади. *Кўчанинг бу бетидаги уй. Дарёнинг у бетидан бу бетига сузиб ўтмоқ.* ■ *Душман.. ўқ еган тўнғиздай, ўзини у ёқдан бу ёққа урар эди. А. Қаҳҳор, Асарлар. У ёқни қарадик, бу ёқни қарадик — йўқ. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Чоғиштириладиган икки нарса, кимса, воқеа, ҳодиса ва ш. к. дан бирини кўрсатиш учун хизмат қилади. *У бошқа, бу бошқа. Ундан бу яхши.* ■ *Бировга у деди, бировга бу деди.. Хуллас, йўнма шеърини бостиришга муяссар бўлди. «Муштум».*

4 Сўз бораётган пайтга ёки унга яқин фурсатга ишора қилади. *Бу кунларда Бўтабой.. бутун рўзғор ўзига қолган ёш йигитчадай бўлиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бу кеча Шоқосим жуда хурсанд эди. Ойбек, Танланган асарлар. Бу йил ёгин-сочин кўп бўлиб, ер-кўк чамандай яшнаб кетди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**Бу ўртада** 1) яқин атрофда. *Бу ўртада магазин йўқми?*; 2) бирор иш ёки вақт давомида. *Энди сотишса ҳеч нарсам қолмаган эди. Бу ўртада дадам қазо қилди. Ойбек, Танланган асарлар. Буннинг устига* Устига устак, бори етмагандек. *-Раҳматли эрим мардикор эди, — деди кампир, — ёзда топганини қишга етмас эди. Бунинг устига дардага чалиниб, эртарақ ишдан чиқиб қолди. Уни боқдим. Ойбек, Танланган асарлар. Сиздан угина, биздан бугина* Муомалага яраша муомала қилиш ёки бирор нарса эвазига бошқа нарса бериш керак бўлганда қўлланадиган ибора. *У ёқдан кириб, бу ёқдан чиқмоқ* Ишни наридан-бери, чалакам-чатти бажармоқ, чала-чулпа қилиб кетмоқ. **Ундан-бундан** 1) ҳар кимдан; 2) ҳар нарсадан. *Ундан-бундан сўраб билмоқ;* ҳар тўғрида. *Ундан-бундан гаплашиб ўтирмоқ. Уни қўй, буни қўй* Бошқасини қўятур. *Уни қўй, буни қўй, қачон йўлга чиқамиз? У эмас, бу эмас кри с. Авваламбор; иш, гап, масала бугунлай бошқа ёқда. У эмас, бу эмас, айб ўзингда.*

**БУ II юкл.** Гапдаги маънони кучайтириш, таъкидлаш учун хизмат қилади. *Бу дейман, ишлар йирик экан-да!*

**БУБЛИК** [укр. буба — шиш, бўртиқ; сув кўпиги] Тешик кулча. *Кеннойилар бир кўришда қаймоққина, ўзлари ҳам бублик нондек оппоққина. Мирмуҳсин, Сатанг.*

**БУВА 1 с. т.** Бобо. *Буваси иш қилса, Нигора кўмаклашар, «Оҳ, оҳ, эрмаккинам, дастёргинам!» — деб хурсанд бўларди буваси. С. Анорбоев, Оқсой. Бувамнинг сўзлари оҳиста қайнаб турган зилол булоқни эслатарди. «Саодат».*

2 Гап кетаётган, тилга олинаятган шахснинг ёши катта, кекса эканлигини, унга ҳурмат, яқинлиқни ифодалайди. *Раис бува билан турадиган уйларингизни кўриб келди. С. Аҳмад, Уфқ. Боғбон бува билан Зарифа опа Муродни бағирларига босиб ўпишди. Т. Ашуров, Оқ от. Очил бува бугун чинор билан хайрлашмоқда. А. Мухтор, Асарлар.*

**БУВАДЕҲҚОН** айн. бободехқон. *Районга маълумотни юборибоқ ўчоққа олов ёқтирибсиз-да, Фармонқул ака, бувадеҳқонники бехато чиқаверади, деб ўйлагандирсиз-да. С. Маҳкамов, Шогирд.*

**БУВАК** шв. Янги туғилган бола, чақалоқ. *Бувак, қорни тўқ бўлса-да, аллани соғинади. С. Сиёев, Аваз. -Нима бўлди, айтсангиз-чи? — деди Салтонбу, кўкрагига зулукдек ёпишиб олиб эмиб ётган ориқ, заҳил, оёқлари ингичка, қорни катта бувагини тиззасига ўтқазиб. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**БУВАКИ** Узумнинг маҳаллий, винобоп нави. *Ишқомларда узумлар мушт-мушт бўлиб ётибди.. қирмиска ёки бувакими, тоифи ё бўлмасча чарсми. Газетадан.*

**БУВИ 1** Отанинг ёки онанинг онаси. *Мунгли кўзлари меҳрга тўла бу нозик кампир Шукуровга марҳум бувисини эслатди. О. Ёқубов, Диёнат. Бола бувисига талпинди. «Саодат».*

2 шв. Она, ойи. *-Йиғламанг, буви, худонинг иродаси, — деди Фуломжон, бундай гаплар онасининг қалбига малҳам бўлмаслигини билса ҳам. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Тилга олинаятган киши исмидан кейин келиб, шахснинг кексалигини, унга яқинлик, ҳурматни ифодалайди. *Гулсум опа идорадан чиқиб, тўғри Моҳира бувиникига кетди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Нисо буви, эри ўлиб, иккита ёш қизи билан қолди. А. Қаҳҳор, Асарлар.*

**БУВИШ** с. т. Бибиш. *Албатта оламан Нигор бувишини. «Нигор ва Замон». Биз бўла-миз Маликанинг канизи, Келсин, деб чорлайди бувишим сизни. «Маликаи айёр».*

**БУВРА** шв. айн. буғро. *Икки қирғоқ икки қоя сингари тик, Сой гувиллар маст бувра-*

дай сочиб кўпик. Миртемир, Асарлар. Туянинг бувраси яхши, Сўзнинг тўғриси яхши. «Ақл ақлдан қувват олади».

**БУВУЛДУРУҚ** *шв. айн. булдуруқ* I. *Дарахт шохларида қуюқ бувулдуруқ.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**БУГУН** [асли **бу** + **кун**] I *рвш.* Сўз бораётган пайтда кечириладиган ёки кечирилган кун, кеча-кундуз. *Мен сенга муносиб эмаслигини бугун билдим.* С. Аҳмад, Уфқ. *Азизхоннинг бугунига, эртасига Лутфинисо жуда-жуда зарур эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ўтган кунни ҳам, кеча ҳам, бугун ҳам шундай қилмоқчи бўлди-ю, бари бир кўнгли чопмади.* А. Обиджон, Аканг қарагай Гулмат.

2 *от өзф.* Ҳозирги пайт, ҳозирги кун. *Бугунимиз жуда яхши, эртამиз бундам ҳам яхши бўлади.* Бугунни уйлама, эртани уйла. Мақол.

**Бугун эмас, эрта ёки бугун бўлмаса, эрта(га)** Яқин фурсатда, тез орада, ҳадемай. *Мана шуларни [душман тайёргарлигини] назарга олганда, бугун бўлмаса, эртага жуда даҳшатли жанг бошланиши муқаррар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**БУГУНГИ** I Сўз бораётган кунни содир бўлган, юз берган, юзага келган ёки шу кунни бўладиغان. *Бугунги газета.* *Бугунги машғулот.* *Бугунги ишни эртага қўйма.* Мақол. ■ *Бугунги газетада унинг Азизхон тўғрисида каттакон мақоласи босилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Шу бугунги мажлисда тилини қисиб ўтира қолса бўларди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

2 Ҳозирги пайтдаги, ҳозирги кундаги, ҳозирги. *Бугунги вазифалар.* ■ *Ўтмишимиздан, тарихдан бугунги авлодни хабардор қила оладиган спектакллар кам.* «Саодат».

**БУГУНЧА** *рвш.* Бугун, шу бугун, бир кунга, бир кунчалик. *Заргаров бугунча кулбасида тунашга рози бўлди.* А. Мухтор, Асарлар. *Уста, бугунча ишни қўйинг, уйга боринг.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. -*Оғриқ туяга бугунча дам бериб, кейин келадиган карвонларга қўшилиб кетиш учун булоқ бўйида қолдик, — деди Ҳожи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БУГУН-ЭРТА** *рвш.* Бугун ёки эртага, бугун ёки эрта ичида; яқин фурсатда, тез орада. *Бугун-эрта эшикдан кириб келса-чи??!* С. Кароматов, Олтин қум. *Ҳужжатларни бугун-эрта расмийлаштириб, душанбаданоқ ишга киришинг.* А. Обиджон, Аканг қарагай

Гулмат. *Отабек ёш, ёшлар муҳаббати — учар қуш, балки бугун-эрта унутиб ҳам юборар!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БУД** [ф. بود — мавжудлик; бутун мол-мулк] Бор нарсаси, бутун мол-мулки. *Бор будини тортиб олиб, кўчага ҳайдаб чиқарди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар. *Шу даврада омадсизлардан, яъни ютқизганлардан бири — Намоз банги деган бор будидан ажраган.* «Муштум».

**БУДДА** [санск. Буддха — хотиржам, нурланган]: **будда дини** Милоддан аввалги 6-аср охирларида Ҳиндистонда юзага келган ва Ҳиндистон, Хитой, Япония ва баъзи бошқа шарқ мамлакатларида кенг тарқалган динлардан бири, буддизм. *Бу йўллар кўп қадим йўллардир, Конфуций, шомоний, ислом ва будда..* Ғ. Фулом. *Бизнинг эрамиздан икки аср бурун будда роҳиблари қояларни ўйиб, ибодатхона ва монастырлар қурганлар.* Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.

**БУДДАПАРАСТЛИК** Будда динига эътиқод қилиш, буддага сиғиниш. *Бизнинг фикримизча, Навоий бу ўрунда буддапарастликни назарда тутди, чунки Будданинг тасвирлари жуда кўп бўлган.* «ЎТА».

**БУДДИЗМ, буддавийлик** [Будда динининг афсонавий асосчиси Буддха номидан] Жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири; будда дини. *Жамиятнинг касталарга бўлиниши тўғрисидаги браҳманизм таълимотига қарши буддизм барча кишилар тенг ҳуқуқли, баробар деб эътироф қилади.* «ЎЗМЭ».

**БУДИЛЬНИК** [р. «будить» фл.дан. — «уйғотгич»] Белгилаб қўйилган пайтда жиринглаб, вақт билдирадиган махсус соат. *Лаълихон будильникни соат еттига тўғрилаб буради ва чироқни ўчириб, кўрпа ичига бурканди.* Газетадан. *Будильник Халил акани уйғотиб юборди.* Газетадан.

**БУДКА** [қад. р. < буда — қамиш уйча, кулба] I Қоровуллар учун мўлжалланган кичик уйча; кичик қоровулхона. *Шлагбаум биринчи куниеқ йўл устига қуриб битказилди, ёнига будка ўрнатилди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Савдо-сотик ва б. мақсадларга мўлжалланган уйча; дўконча. *Кимдир газ будкадан сув олиб келиб ичирди, кимдир аптекадан дори олиб чиқди.* Газетадан. *Раҳим унинг жавобини кутмасданоқ мороженое будкаси томон чопиб кетди.* С. Зуннунова, Кўк

чироқлар. Саудий будкадан бу журнални олиб, жуда севинди. А. Қаҳҳор, Сароб. Аҳмад телефон будкасига яқинлашиди ва Иродага телефон қилди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**Суфлёр будкаси** Саҳнада махсус жиҳозланган ва суфлёр ўтирадиган чуқур жой.

**БУДКАЧИ** с.т. Будкада ишловчи савдо ходими. Будкачи Саудийга шу бугун олинган бир журнални тақдим қилди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**БУД-ШУД** [ф. *بود-شود* — бори, бўлгани] Кишининг ихтиёридаги, бисотидаги барча нарсалар, бор-йўқ бойлик. Менглибой ўн битта кўчқорни боқаман деб, бор буд-шуддан айрилди. Газетадан. Сафарнинг нечанчидир куни тўфонда қолиб, бор буд-шудларидан айрилибдилар. М. Мансуров, Ёмби.

**БУЁН** кўм. (ч. к. билан) Бери; бошлаб. Янги йилдан буён. Кечадан буён. Бундан буён. Кўндан буён. ■ Ўзбек халқи қадим-қадимлардан буён ҳашар усулида жуда кўп иншоотлар барпо қилган. С. Аҳмад, Уфқ. Неча йиллардан буён хаёлини банд этган фикр уни амалий ишга бошлади. С. Кароматов, Олтин кум. Лутфинисони дафн қилганларидан буён у, бир дақиқа бўлсин, уни хаёлидан нари кетказмади. С. Аҳмад, Уфқ.

**БУЁҚ I** кўм. (ч. к. билан) Буён, бери; бошлаб. Учинчиси шулдирким, бешиккетди бўлгандан буёқ ҳар йили расм-русмлар қилиниб, яқин вақтларда тўйлигини ҳам бериб қўйишти. Ҳамза, Танланган асарлар. Мени шунча ҳақорат қилиб келганлари етар. Энди бундан буёқ ҳақимни ҳеч кимга бермайман. П. Турсун, Ўқитувчи. Заифа деган нарса эрининг хасми бўлади. Сиз бундан буёқ менинг измимда бўласиз. К. Яшин, Ҳамза.

**БУЁҚ II** (тўғриси бу ёқ.) қ. ёқ. Қани, устоз, тупроқни буёққа ташланг. С. Аҳмад, Уфқ. Буёғини бизга қўйиб беринг, аралашманг.. Н. Норқобилов, Тўқнашув.

**БУЖ** [фр. *bougie* — шам; зонд] Одам организмидаги найсимон аъзолар (сийдик чиқариш канали, қизилўнғач ва б.)ни кенгайтириш ва текшириш учун ишлатиладиган, каучук, металл, пластмасса ва бдан ясаладиган жарроҳлик асбоби.

**БУЖМАЙМОҚ I** Совуқдан, безгакдан ёки бирор ёқимсиз нарсадан тиришмоқ, жунжикиб букчаймоқ, қунишмоқ. Совуққа чидамли Йўлчи ҳам, зени юпун бўлганидан, оёқларининг жонсизланганини, гавдасининг

бужмайганини сезди. Ойбек, Танланган асарлар. Мирвали, қўли қалтираб, шишани очди. Қуяётганда, димоғига қўланса коньяк ҳиди урилиб, башараси бужмайиб кетди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Тўрда ялпайиб ўтирган совчи хотинларнинг юзи, мени кўриб, бехос лимон тишлагандай бужмайди. «Ёшлик».

**2** Ажин босиб бурушмоқ, тиришмоқ; бурушиб-тиришиб қолмоқ. [Ёрматнинг] Кўз ёшлари ҳасратдан бужмайган юзларидан ва соқолларидан мўл-мўл оқаверди. Ойбек, Танланган асарлар. Кампир.. бужмайган қўллари билан унинг сочларини силай бошлади. Газетадан. Куёв яшарини учун токнинг зангидек бужмайган бўйинларини хўл сочиқ билан ишқалайдиган бўлди. С. Аҳмад, Сайланма.

**3** Қовжираб, сувсизланиб бурушмоқ, қуруқшамоқ. Барлар бужмайиб қолибди. ■ Дўрдоқ лаблари узум нўстлоғидек бужмайган. М. Назаров, Сирли хат. Шамол қаттиқ эсиб, бужмайган ток баргларини унинг устига олиб келиб сочди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. Қирғоқдаги бужмайган, қовжироқ ўтлар дарёдан экин сўрагандай.. мўлтирашарди. Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.

**БУЖМАЙТИРМОҚ** Бужмаймоқ фл. орт. н. Эргаши башарасини бужмайтириб, мазах қилди. А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. Алимат, худди тиш оғриғи хуруж қилгандек, башарасини бужмайтирди. Э. Усмонов, Ёлқин.

**БУЖУН** айн. бужғун **1**. Каттакон бужун остидаги қизил дарвозадан.. чиққан бир мўйсафид қоматини ростлаб, буларга бир қаради-да, югурганича.. кириб кетди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Кампир гаши билан бужун таёғини ерга ура бошлади.. Ш. Тошматов, Мазанглар.

**БУЖУР I** Ажин босган, бужмайган, бурушиқ. Темиртош ҳар вақт кўзини юмганда.. юзлари бужур отасининг чўкич ураётгани кўринарди. М. Осим, Ўтрор.

**2** Бужмайган, бурушиқ юзли одам. Бужур, кафтини «фонус» қилиб, ичкарига тушди. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. -Соли бужур ҳам бир ярим ойлар йўқолиб кетиб, Самад акамдан қаноатланарли бир хабар келтира олмади, — деди Пўлат. Ғайратий, Ёшлигимсиз.

**3** Сирти, кўриниши ғадир-будур, ўйдимчуқур. Мирвали ухламаётган экан, бужур



тутга тирмалашиб, томга чиқди. С. Аҳмад, Жимжитлик. *Вафо аттор ўрнидан энгил туриб, бужур, тирналган маҳси билан шипиллаб, даҳлизга чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БУЖҒУН 1** Қайрағочнинг бир тури, қаттиқ танали дарахт. *Зокир ота белига тешиасини қистириб, бужғун ва қуриган ёнғоқ шохларидан ўтин тайёрлашга киришди.* Файратий, Ёшлигимиз. *Тош бўлсанг ҳам, ёрман, Чинор бўл ёки бужғун.* Қ. Муҳаммадий.

**2** Писга дарахтининг мағиз қилмай бужмайиб қолган меваси (халқ тиббиётида ва бўёқчиликда ишлатилади). *Табиб қўй жигарини ҳам кабоб қилиб, бужғун сепиб энг, деган экан, бир-икки қилибди, лекин дарди шифо топмабди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**3** Ўсимликлар танасининг турли қисмларида кўпинча вирус, бактерия, замбуруғ, ҳашаротлар таъсирида ҳосил бўладиган гурлар. *Бужғун, асосан, писта, қайрағоч каби дарахт барларида ҳосил бўлади.* «ЎЗМЭ». *Баъзан серкўз, бужғун қайрағочларни эгиш жуда қийин бўларди.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

**Бужғун сўйил** Бужғун ёғочидан ясалган, уч томони оғир ва юмалоқ шаклли уруш қуроли; йўғон таёқ. *..эртасига ер остида елқасига уч ботмонлик чўян гурзи, қўлида бужғун сўйил ушлаган барзанг мункарнакир пайдо бўлди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. **Бужғун таёқ** Бужғун ёғочидан ясалган таёқ, ҳасса. *Қўлга олиб бужғун ҳассасини.* А. Мухтор, Асарлар. *Энг олдинда бир нуроний қаландар.. анвои ранг-баранг латталар белига боғланган, қўлида боши қайнаб битган бужғун таёқ..* Ғ. Фулом, Шум бола.

**БУЗАРЧИ** фольк. айн. **бузғунчи.** Йўлни кезган гузарчилар, Тинмай элни кезарчилар, Жўн савдонни бузарчилар, Қалтоқ бозори қайсиди? «Равшан».

**БУЗИ** [ф. بزی — эчки; эчкига мансуб] Эчки терисидан тайёрланган чарм; шевро. *Бир маҳсилик бузи. Бузи маҳси.* ■ *Буни сотиб, бузи, чарм, ип, сирач, мум сингари косибчилик учун керакли ашёлар олади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУЗИЛИШ 1** Бирор нарсанинг табиий, соф ҳолатини йўқотиши; емирилиш, парчаланиш. *Ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши ҳам терида нес пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.* Газетадан. *У, уйимнинг бузилишини кўрмай, деган хаёлда*

*орқасини ўзирганча, ивирсиб ўт ёқа бошлади.* У. Усмонов, Сирли соҳил.

**2** кўчма. Нотинчлик, парокандалик, издан чиқиш. *Маънавий бузилиш. Ахлоқий бузилиш.* ■ *Оилада осойишталикнинг бузилишига, гурбат бошланишига мана шу сабаб бўлди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**3** Издан чиқиш, барбодлик. *Бу масалага икковимизнинг ҳам жинояткорона совуқ қаршимиз орқасида қатор чиришлар, бузилишлар, кўпорилишлар юз бердими?* А. Қаҳҳор, Нутқ. *Ичкилик, безорилик, бузилиш, одобсизлик — ҳаммаси бекорчиликдан келиб чиқади.* А. Мухтор, Чинор.

**4** Меъёрий, қоидавий ҳолатлардан четга чиқиш, уларга амал қилмаслик. *Йўл қоидаларининг бузилиши. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши.* ■ *Адвокат қонуннинг бузилишига қарши курашини йўлни кўрсатди.* Шукрулло, Сайланма.

**БУЗИЛМАС** Сира ҳам бузилмайдиган, мустаҳкам. *Ўзбекистон халқларининг бирдамлиги, бузилмас дўстлиги қудратли кучдир.*

**БУЗИЛМОҚ 1** **Бузмоқ 1-3, 6, 8-10, 12** фл. мажҳ. н. *Кўприк бузилди. Уйинчоқ бузилди. Бедапоя бузилди.* ■ *Тушдан кейин Мавлуданинг станогни бузилиб қолди.* «Саодат». *Аҳмадади анҳорга яқинлашаётганида, осмонда ини бузилган арилардек тўзиб учаётган қаргаларга кўзи тушиди.* «Ёшлик». *Қандолат билан Бердиқулнинг асал ойи тугамаёқ оилада тинчлик бузилди.* «Саодат». *Кечаси билан минг тўлғаниб, тушлари бузилиб, тонг отдирди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**Кўнгли бузилди.** қ. **кўнгил.** Тоға Азизхонга қараб туриб, кўнгли бузилиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. **Ораси бузилди.** қ. **ора.** *Бир муддат Мирвали билан оралари бузилиб кетди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Тахи бузилмаган** Кийилмаган, тутилмаган, яп-янги (кийим, ўрин-бош ва ш.к. ҳақида). *Тахи бузилмаган шим.* ■ *Она тахи бузилмаган кўрпачаларни ташлаб, айвонга жой қилди.* О. Ёқубов, Ҳавас.

**БУЗИЛУВЧАН** Тез бузиладиган, айнийдиган. *Бузилувчан озиқ-овқатлар.*

**БУЗМАКОР** кам қўлл. айн. **бузғунчи.** *Аҳмад сардор.. кўп бузмакор, дилозор, кўп ёмон одам эди.* «Хушкелди».

**БУЗМАКОРЛИК** кам қўлл. айн. **бузғунчилик.** *Бузмакорлик — бошга бало.* Мақол. ■ *Мен сўйласам, нега қарши келасан, Бузмакорлик қилиб, бунда ўласан.* «Ойсулув».

**БУЗМОҚ 1** Парчалаб ёки кўпориб, ағда-риб йўқ қилмоқ; ишдан чиқармоқ, яроқсиз ҳолга келтирмоқ; вайрон қилмоқ, емирмоқ. *Деворни бузмоқ. Уйни бузмоқ. Уйинчоқни бузмоқ. Уй бузганнинг уйи бузилар.* Мақол. *Отнинг ёмони охур бузар.* Мақол. ■ ..илоннинг ўрдасини бузганингиз чакки бўпти-да, ўғлим. М. Мансуров, Ёмби. [*Дадавой Хадичага:*] *Соат меники. Бузадиган ҳам ўзим, тузатадиган ҳам ўзим.* Уйғун, Навбаҳор. *Жайноқ, қулфни бузма, яхшилик кўрмайсан.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

2 Ўзгартириб, бошқа мақсадда фойдаланиш учун мосламоқ. *Бедани бузиб, пахта экмоқ. Пальтони бузиб, костюм қилмоқ.* ■ *Мана, канал битди, мана бу тўқайларни бузиб, янги ер оцаётибмиз.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Уйда бир эски гиламча бор эди, уни бузиб, яна бир хуржун қилиб олар эдим.* Миртемир.

3 Инсоннинг бирон-бир рухий ҳолатига, осоийшталигига зиён келтирмоқ, зарба бермоқ. *Икромжон хотинининг қувончини бузгиси келмади.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эски турмуш қузғунлари, бир янги турмуш қурган оиланинг турмушини бузмоқ учун қандай ҳийлалар қилгансиз.* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

4 Жамоавий қоидаларга, турмуш тарзига хилоф иш қилмоқ, унга риоя (амал) қилмаслик. *Қонунни бузмоқ. Интизомни бузмоқ.* ■ *Сен, раис, умумий йиғилиш қарорини бузма, ўзбошимчалик қилма, ҳа, ёмон оқибатларга олиб келади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ўз аҳдингни бузиб, инкор айлама.* Ҳабибий, Девон.

5 Зарарли таъсир кўрсатиб, ишини, фаолиятини ёмонлаштирмоқ. *Ёғли овқат меъдани бузади.*

6 Мавжуд вазиятни, ҳолатни ўзгартирмоқ, унга халал бермоқ. *Тинчликни бузмоқ. Сухбатни бузмоқ.* ■ *Бу жимликни охири Жаннат бузди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Беғам, беташвиш дўстлар ширин уйқуда эдилар.* Элмурод уларнинг уйқусини бузмаслик учун аста каравоти ёнига борди. П. Турсун, Ўқитувчи.

7 Ҳақиқатдагидан, аслидагидан бошқача қилиб юбормоқ. *Ҳақиқатни бузиб кўрсатмоқ. Сўзини бузиб ёзмоқ. Фикрни бузиб талқин қилмоқ.* ■ *Мезбон қани, Тешабай? — деди у, рус тилини немисларга хос бир талаффуз билан бузиб.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

8 Уддасидан чиқа олмай, ёмон ёки яроқсиз қилиб қўймоқ. *Ошни бузиб қўйибсиз. Суратни бузиб қўйибсиз.*

9 Инсон ахлоқи, феъл-атворини ёмон томонга ўзгартирмоқ. *Кишининг зари кишини бузар, зарни кўрган — занжирни узар.* Мақол. ■ *Ҳали эримниям бузаяпман денг?* Ҳамза, Тухматчилар жазоси.

10 Ўзаро муносабатларни ёмонлаштирмоқ, чатоқлаштирмоқ. *Яхши ўғил юрт тузар, ёмон ўғил юрт бузар.* Мақол. ■ *Жаҳл устида уришиб қолган бўлсангиз, эҳтимол, ярашиб қоларсиз. Оилангизни бузманг!* Мирмуҳсин, Умид. *Кимки одамлар ўртасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам мўмин эмасдир.* «Фан ва турмуш».

11 Бокираликдан жудо қилмоқ, номусига тегмоқ. *Аҳмоқ йигит нодонлик қилиб, қизни бузиб қўйибди.*

12 Бирор ҳаракатни, маросимни тўхтатмоқ. *Сен буздинг Нодиршоҳнинг тўйини..* «Юсуф ва Аҳмад».

13 Фойдалана бошламоқ (яхлит ёки янги нарсалардан). *Пулни бузмоқ. Бочкадаги ёғни бузмоқ.*

**Гўштни бузмоқ** Бутун молнинг гўштини бўлақларга бўлмоқ, бурдаламоқ. **Кўнглини бузмоқ 1)** кўнглини вайрон қилмоқ, дилини оғритмоқ. *Дилдор ана шундай кўнглини бузадиган ўйлар билан банд эди.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) бошқа хаёлга келмоқ, умидсизланмоқ. *Умидинени узма, кўнглинени бузма.* Мақол. **Оламни (ёки дунёни) бузмоқ** Атрофни бошга кўтармоқ, ларзага солмоқ. *Ичкарида хотинлар мажлиси: ..биров ёр-ёр ўқиб, тағин биттасининг қувончи ичига сиғмай хохолаб, дунёни бузади..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзилар борки, қилар ишининг тайини йўқ, даввоси оламни бузади.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. **Таҳини бузмоқ** Кийилмаган кийим, тутилмаган ўрин-бош ва ш. к. дан фойдалана бошламоқ. **Хаёлни бузмоқ** Хаёлни бўлмоқ, сочмоқ. *Фақат ошхонадан чиқиб келаётган келиннинг саломигина унинг хаёлини бузди.* Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан. **Ҳусн бузмоқ** Ҳуснига мос тушмай, кўзга ёмон қилиб кўрсатмоқ. *Энди унинг хаёлини банд қилган нарса кишлоқнинг ҳуснини бузиб турган эски гўристонни кўчириш муаммоси эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Маҳаллада, шоир Шукрулло тахта иморат қуриб, кўчамизнинг ҳуснини бузди, унда дид*

йўқ экан-ку, деган гап тарқалибди. Шукрулло, Сайланма.

**БУЗОҚ** Сигирнинг боласи. Яхши бузоқ икки онани эмади. Мақол. *Сигирнинг сutiда бузоқнинг ҳақи бор.* Мақол. ■ *Подадан адашган бузоққа ўшаб, дуч келган эшикка бошингни тикаверасанми? Ойбек, Танланган асарлар. Тонг отганда, апил-тапил сигирни соғишга борса, сигири ҳам, бузоқ ҳам йўқ.* «Муштум».

**Аммамнинг бузоғи қ. амма. Бузоқнинг юргани сомонхонагача** Қўли қисқа, имконияти чекланган одам юргани, ҳовлиққани билан ҳеч нарса қилолмайди, деган маънода ишлатиладиган мақол. *Қўлингиздан келганини қиласиз, бек, аммо унутмангки, бузоқнинг юргани сомонхонагача.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Бузоқнинг юргани сомонхонагача, зирилламаликлар унга кириб кетди. Энди у ковакдан ҳали-вери чиқолмайди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Номаъкул бузоқнинг гўштини ебсиз** Номаъкул айтибсиз, номаъкул (бекор) қилибсиз каби маъноларда ишлатиладиган ибора. *-Номаъкул бузоқнинг гўштини бир едик-да, — дейди Берди татар.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**БУЗОҚБОШ(И)** 1 Тўғри қанотлилар туркумининг қора чигирткасимонлар оиласига мансуб, устки қаноти калта терисимон, остки қаноти узун пардали зараркунанда ҳашарот. *Боғни қуритадиган бузоқбоши ҳам қурт, ҳавони тилла қилиб берадиган пилла қурти ҳам қурт.* А. Мухтор, Кумуш тола. *Ут-ўланлар орасида яшириниб олган бир бузоқбошигина тунни билан чур-чурлаб, тонг оттирди.* С. Кароматов, Ҳижрон.

**БУЗОҚБОҚАР** Бузоқларга қаровчи, уларни парвариш қилувчи. *Зухранинг ойиси Муаззам Қўзиева сут-товар фермасида бузоқбоқар бўлиб ишлайди.* Газетадан.

**БУЗОҚЛАМОҚ** Бузоқ туғмоқ, болаламоқ (сигир ҳақида). *Қўйни боқсанг, қўзилар, Молни боқсанг, бузоқлар.* Мақол. ■ *Болалар қўзилаган қўйларни, бузоқлаган елини катта сигирларни яйловга ҳайдаб, тўда-тўда бўлиб.. лаппак, зувиллоқ ўйнашади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БУЗОҚЛИК** Сигирнинг 6 ойликкача бўлган даври. *..[молларнинг] кўпини бузоқлигидан катта қилиб олганмиз.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Ўзимизнинг жайдари моллар бу касалга бузоқлигидаёқ йўлиқиб, тузалиб кетди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**БУЗОҚҲОНА** Бузоқлар турадиган, боқиладиган оғилхона. *Ҳикмат бузоқларни бузоқхонага томон ҳайдаб борарди.* Газетадан.

**БУЗОҚЧИРГ** бот. Бугдойдошлар оиласига мансуб илдишпояли кўп йиллик ўт.

**БУЗРУК** [ф. بزرك — бузург, катта, улуғ] 1 эск. кт. Катта, улуғ. *Вазири бузрук Ислом-хўжа катта ишлар бошлаб юборди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 дин. Азиз, авлиё. *-Бузрукдан сўрайдиган тилакларингиз бор экан-да, — деди уста Олим ва кулди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳазрати Хизир, қирқ чилтон, жами бузруклар чодирнинг ичида утирбди.* «Гулнорпаро».

3 ҳазил Туянинг лақаби.

4 (Б — катта) Шашмақом таркибидаги биринчи мақом номи (қ. **шашмақом**).

**БУЗРУКВОР** [ф. بزركوار — улуғ, олижаноб, ҳурматли] эск. кт. 1 Улуғ, буюк. *-Умидимиз фақатгина бир бузруквор инсонда, — деди Абдулвоҳид ёстиқдан бош узиб, ингичка белига қўлларини тираб.* Ойбек, Нур қилириб. *Рухсат этинг, бузруквор, ўша муборақ омонатни муаззам манзила етказишга биз ҳам уриниб кўрсак.* М. Мансуров, Ёмби.

2 Улкан ҳурматга лойиқ, муҳтарам.

**Падари бузруквор** Улуғ ҳурматга лойиқ, муҳтарам ота. *-Шунча йил таълим берган устозингга қуруқ борасанми? — дедилар падари бузрукворимиз.* С. Анорбоев, Ҳаётга йўлланма. *Эй ота, падари бузруквор, сўздан қайтиш — номарднинг иши.* «Маликай айёр». *Куни кеча падари бузрукворимиз мени ўз ҳузурларига чақириб, фотиҳа бердилар.* «Муштум».

3 дин. Азиз авлиё; мулла. *Эй бувиш, кўнглингизда шундай бўлса, шу ерда бир бузруквор бор.* «Нурали».

**БУЗУҚ** 1 Бузилиб, яроқсиз қолга келган, ишдан чиққан; синган, вайрон бўлган. *Бузуқ арава. Бузуқ машина. Бузуқ кўприк. Уйи бузуқ ўнгалур, ўйи бузуқ ўнгалмас.* Мақол. ■ *Турдиев бузуқ девордан утаётганда, яра қўлини уриб олди.* Шухрат, Шинели йиллар.

2 Айниган, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган, сифатсиз; бемаза. *Бузуқ сирка.* ■ *Сизга бузуқ ҳавони тозалаб берсак. Табиатдек покиза бўлсинлар десак.* 3. Диёр. *Сув сўраган экансиз, аянг айлансин. Бизнинг сувларимиз жудаям бузуқ бир турли.* Ҳамза, Танланган асарлар.

3 Қоидага тўғри келмайдиган, нотўғри. [Абдишукур] *Шоирлик истеъдодидан тамом*

маҳрум бўлишига қарамай.. вазни бузуқ, фикри сەъз, рангсиз назмлар ёзди. Ойбек, Танланган асарлар.

**4** Ахлоқи ёмон, суюқ; нияти ёмон. *Асли қора оқармас, Асли бузуқ тузалмас. Мақол. Ёлгон, ёлгон, Нури ўзи бузуқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шерназарбой бузуқ одам чиқди, у кўрнамак. Мени сиздан ажратмоқчи у аблаҳ.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**5** кўчма Ёмон, ўринсиз. *Йиғлама, ёринг топилаур. Кўп айлама бузуқ гумон.* «Тоҳир ва Зухра».

**6** кўчма Айниган, булутли, ёгин-сочинли. *Ҳаво бир кун тузук бўлса, уч кун бузуқ бўлиб турди.* Н. Сафаров, Наврўз. *Осмонда на ой ва на юлдуз кўринарди — ҳаво бузуқ эди.* М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**Авзойи бузуқ қ. авзо 2. Боши бузуқ айн. бузуқбош.** Амир қозига буйруқ юбориб, боши бузуқ оёқланглари ва эски қулларнинг авлодини тугиб қама, деган эмиш. С. Айний, Қуллар. *Аваз Ўтар ўғлининг дўкони боши бузуқлар жойи деб эълон қилинур!* С. Сиёев, Аваз. **Кайфи бузуқ айн. авзойи бузуқ.** *Бир оздан сунг Қосимбек кирди. Унинг кайфи бузуқ эди.* С. Сиёев, Аваз. **Нафси бузуқ қ. нафс 1. Нияти бузуқ ёки бузуқ ният** Бировга яхшилик тиламайдиган, мақсади ёмонлик қилиш бўлган одам ҳақида айтилади. *Бузуқ ният рақибларни ҳама бахти қаро дерлар. Ҳабибий, Девон. Ораси бузуқ* Ўзаро муносабати ёмон, муносабатлари бузилган. *Кабиров билан Ҳомидхўжанинг ораси бузуқ эди.* С. Аҳмад, Порахўрнинг ўлими. *Домла Бурҳон маҳдумнинг бўлса, шоғовул домла билан оралари бузуқ..* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Оғзи бузуқ** Одобсиз сўзлар айтадиган; сўки-наварадиган, беадаб. *Ҳой оғзи бузуқ, мени чуқурдан олиб чиққанинг рост! Лекин буни ҳаммага кўрсата берма.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. **Суяги бузуқ** Суяклари йўғон; беўхшов гавдали. *Ярим ҳарбийча кийинган, суяги бузуқ бу йигитнинг ўзи армияда артиллерия наводкачиси бўлган экан.* Х. Назир, Ўтлар туташганда. *Суяги бузуқ бу одам шу топда тошдан йўнилган беўхшов ҳайкалга ўтшарди* Э Усмонов Ёлгон

**БУЗУҚБОШ** Бузғунчи, орага рахна солувчи; итоатсиз, бебош; исёнчи. *Амирнинг силлиқ мийиқлари асабий пирпирлади: -Бузуқбошларнинг давоси ёлғиз қилич!* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Жайноқ деган ким*

ўзи? *Бир бузуқбош, тақсир.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**БУЗУҚ-ЁРИҚ** Бузилиб-ёрилиб кетган, у ер-бу ери бузилган, ёрилган. *Бузуқ-ёриқ уй.* ■ *Кўчанинг икки томони бузуқ-ёриқ паҳса девор, фақат кўчанинг бошида кичкина бир эшик.* Ойбек, Танланган асарлар. *Акбар тўхтаб, Қамарга қишлоқ чеккасидаги катта чинорни, унинг ёнидаги бузуқ-ёриқ девори қолган уйни, эгасиз ётган боғни кўрсатди.* Х. Аҳмад, Ким ҳақ?

**БУЗУҚИ 1** Тўғри йўлдан оздирувчи, орани бузувчи, орага рахна солувчи, ифвогар, бузғунчи, галамис. *Юсуфбек ҳожининг ўғли ва ўзимизнинг Марғилондан ҳам яна бир неча бузуқилар..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўражон, арзимиз шуки, бебош бузуқи биргина шариятга эмас, балки подшоҳ ҳазратларининг шаънига ҳам ёмон гаплар айтган.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**2** Ахлоқсиз, фоҳиша. *Бузуқи қариса ҳам, Ғамзаси қаримас.* Мақол.

**БУЗУҚИЛИК** Бузуқ ишлар билан шуғулланиш; бузуқларга хос хатти-ҳаракат. *Бузуқилигинг бошингга етди.* ■ *Жиноятлар одат тусига кириб қолган жойларда ўғрилик, ҳаромхўрлик, бузуқилик ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**БУЗУҚЛИК 1** Ишламай қолишлик, ишдан чиққанлик, бузилганлик. *Машинанинг бузуқлиги ишга халақит берди.*

**2** Ахлоқсиз кишиларга хос юриш-туриш, ахлоқсизлик, фақш. *Ҳаммасига чидай мумкин эди, аммо қизларнинг бузуқлигига ҳеч чидай олмадим.* Мирмуҳсин, Умид. *Ярим кечагача у ёққа ағанаб, бу ёққа ағанаб ухломмай, Ҳанифанинг бузуқлигини ўйлади.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

**Авзойи бузуқлик** Кайфиятсизлик, таъби тирриқлик. *Бечора энди мени таниган, авзойимнинг бузуқлигини ҳам пайқаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Даштдаги қизлар Адолатнинг авзойи бузуқлигини кўриб, кечаси билан фолбинлик қилиб чиқдилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

### **БУЗУҚЧИ** *бузуқ*

*Алексейга: [Бузуқчиларга бош узим дегин.* Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**БУЗУҚЧИЛИК 1** Бузуқилик, галамислик, орага рахна солишлик; ярамас хатти-ҳаракат. *Бутун фисқу фасодларингни, қилган*

бузуқчилик, порахўрлик, ноҳақ қон тўкканликларингни... айтиб дод соламан. Ҳамза, Танланган асарлар.

**2 айн. бузуқлик 2.** [Неъматилла] Ўғирлик пулларни бир неча йил маишатга, бузуқчиликка сарфлаган. М. Муҳаммадҷонон, Турмуш уринишлари. ..бузуқчилик, беҳаёлик, бўҳтон-туҳмат унинг касби бўлиб қолган эди. Ж. Шарипов, Хоразм.

**БУЗҒУН** Оғир аҳволга тушган, нотинч, вайрон. Мен туғилиб кўз очган дунё хароб эди, бузғун, бенаво. Ҳ. Олимжон. Ҳукмронлик қилган чоғда истибодод, Хўжаликлар бузғун, қишлоқлар барбод. Ф. Ғулום.

**БУЗҒУНЛИК** Нотинчлик, парокандалик; вайроналик. Мамлакатда рўзғор бузғунлиги, босмачилик, очлик ва бошқа харобатлар. А. Қодирий, Кичик асарлар. Бу бузғунлик манғит сулоласи ҳукмронлигининг бошларида ҳам давом этди. С. Айний, Эсдаликлар.

**БУЗҒУНЧИ** айн. бузуқи. Унча катта бўлмаган қишлоқнинг ўз кайвонисию бузғунчиси, ўғрисию ҳаками, бахтлисию бахтсизлари бор. «Ёшлик». Бу ғурбатларнинг бари сенинг оёғининг тагидан чиққандир, мамлакатни буздинг-ку, бузғунчи, беоқибат. «Эрали ва Шерали».

**БУЗҒУНЧИЛИК** айн. бузуқчилик. Кейин аниқланишича, ўша бузғунчиликларнинг тепасида ҳам Шавкат афанди турганлиги маълум бўлди. К. Яшин, Ҳамза. -Бузғунчилик қилманг, Темуров! — жаҳли чиқиб ўшқирди раис. Н. Қобул, Беморлар. ..хатарли жиноятчилар ўз қилмишларини одатда арзимайдиган бузғунчиликлардан бошлашади. Газетадан.

**БУЙДАЛАМОҚ** Сиқимлаб юлмоқ, юмдаламоқ. Муҳаббат.. туҳматчининг сочидан буйдалаб, бир таъзирини бериб қўймоқчи бўлиб, Оқсойга атайин тушиб, Ёқут оймини тополмай қайтибди. С. Анорбоев, Оқсой. Салиманинг оёғига нимадир, юмошқ нарса теккандек бўлди. Қараса, жунлари буйдаланган Мош оёғига суркаларди. С. Аҳмад, Жимжитлик. Йўловчи отининг қорни ботқоққа тегаётганини, ёлларини ёввойи жийда буйдалаётганини ҳам сезмайди. С. Аҳмад, Одамнинг изи.

**БУЙРА** Қўнғироқ, жингалак. Шербек энди қайтиб кетмоқчи бўлган эди, буйра соч йигит уйига таклиф қилди. С. Анорбоев, Оқсой. ..ёшгина, чувак юзини буйра-буйра

малла сочлари босган йигит ён дафтарини чиқариб, варақлади. С. Анорбоев, Оқсой.

**БУЙРАК 1** анат. Одам ва умуртқали ҳайвонларда сийдик ҳосил қилувчи ва уни ажратувчи, ловия шаклидаги жуфт аъзо. Ўнг буйрак. Чап буйрак. Буйрак тоши. ■ Буйрак ловия шаклида бўлиб, ботиқ томони гавданинг ўрта чизигига қараган. «Анатомия». Баъзан тенки касаллигида сут бези, ошқозон ости бези, қалқонсимон без, буйрак ости безлари ҳам жароҳатланади. «Саодат».

**2** Баъзи ҳайвонларнинг шундай аъзосини пишириб тайёрланган таом номи. Қовурилган буйрак. ■ Тошхол буғланиб турган ўпка, жигар, буйрак, қоринларни пичоқ билан нон устига олиб қўйгач, бармоқларига пуф-пуфлаб, тўғрай бошлади. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БУЙРАЛАНМОҚ** Жингалак бўлиб осилиб тушмоқ. Шу аснода хонадан яшнаб Зумрад чиқиб келди. Сочлари чаккаларига буйраланган, бошида лоладай ёнган товар дурра.. Ойбек, Улуғ йўл.

**БУЙРУҚ 1** Ташкилот, муассаса, корхона, ҳарбий қисм ва ш.к. бошлиғи, раҳбарининг ўз тасарруфидаги ташкилот, муассаса, корхона бўйича чиқарилган расмий фармойиши, амри ва шундай фармойиш матни ёзилган қоғоз; расмий ҳужжат. Директор буйруғи. Олий Бош Қўмондон буйруғи. Гарнизон бошлиғининг буйруғи. Ишга тайинлаш ҳақидаги буйруқ. Буйруқ билан расмийлаштирмоқ. Буйруқни кўринарли жойга осиб қўймоқ. Буйруққа қўл қўймоқ. ■ Қўмондоннинг буйруғи билан учала ўғилдан бир экипаж ташкил этилибди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Нима десам экан, қани.. юринг-чи, буйруқда нима дейилган экан. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Нусратбек Пайғомов билан гангур-гунгур суҳбатлашиб турган маҳалда, котиба буйруқни олиб кирди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**2** Оғзаки ёки ёзма топшириқ, амр, фармон. То эсини танигандан бошлаб буйруқларига сўзсиз бўйсуниб келган Гулнор, ҳеч нима ўйламасдан, ўрnidан турди. Ойбек, Танланган асарлар. Мўминнинг овозидаги қатъият, буйруқ Лайлини бўшаширди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Шу аснода котиба шофёрга раиснинг буйруғини айтди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**Буйруқ майли тли.** Ҳаракатни бажариш-бажармаслик ҳақида буюриш, ундаш, истак

каби маъноларни ифодаловчи феъл шакли. *Буйруқ майлидаги феъллар тингловчи.. томонидан бажарилиши зарур бўлган иш-ҳаракатни англатади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**БУЙРУҚБОЗ** Буйруқбозликни, буйруқ беришни яхши кўрадиган одам. *Хўш, ишчан бир ходимнинг манман ва буйруқбозга айланиб кетишига нима сабаб бўлди?* Газетадан.

**БУЙРУҚБОЗЛИК** Бўлар-бўлмаста, ўринли-ўринсиз буйруқ беравериш, ҳамма ишни фақат буйруқ бериш йўли билан олиб бориш. *Шундай ходимлар борки, улар раҳбарликни.. буйруқбозлик билан амалга оширишга уринмоқдалар.* Газетадан. -*Ёз бўйи амалий ёрдам бермай, қуруқ буйруқбозлик билан шуғулланиб, энди бенуқсон бўлинг, деганига доғман, — деди инженер пичирлаб.* «Муштум». *Ваъдабозлик, буйруқбозлик баццлласи бу кишининг аъзойи баданида кучайиб кетяпти.* Газетадан.

**БУЙРУҚНАМО** Буйруқ оҳангида, буйруқ қилганга ўхшаш.

**БУЙРУҚНОМА** Буйруқ матни ёзилган қоғоз, ҳужжат. -*Фармонов ўз қўли билан, тўйга келинг, деб хат юборибди. Бу таклифномадан кўра ҳам буйруқномага ўхшарди, — деди уста.* Мирмуҳсин, Созанда.

**БУЙРУҚОМУЗ** Буйруқ тарзида; буйруқ оҳангидаги, буйруқнамо. *Тойлоқовнинг гапи буйруқомуз бўлиб, у гўё Онахоннинг келишига юз фоиз ишонгандай гапирарди.* Мирмуҳсин, Илдиэлар ва янпри қаплар. *Аввалига боланинг буйруқомуз гаплари эриш кўринса-да, бориб-бориб ҳамма кўникиб кетди.* С. Зуннуова, Кўк чироқлар. *Мен мезбонлар билан хайрлашиб, хурсанд бўлиб, кўчага чиққанимда, Уйғурнинг буйруқомуз овозини эшитдим: -Овозинизни эҳтиёт қилинг! Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**БУКЕТ** [фр. bouquet — дарахтлар тўпи, кичик ўрмон] **1** Хиллаб дасталанган гул, гулдаста. *Улар оқ атиргуллардан ҳамда оқ ва қизил қалампиргуллардан қилинган букетларни кўтариб олганлар.* Газетадан.

**2** кўчма Хилланган, сараланган нарсалар дастаси, туркуми. *Дўстим, мардлингизга қадаҳ кўтариб, Шейрдан букет ясаб, сенга тутаман.* Ю. Ҳамдам, Тинчлик баҳори.

**Ғўза букети** қ. х. Букетлаш натижасида ҳосил бўлган бир тўп ғўза. [Бешинчи босқичга] ..яганалаш, ғўза букетларини ростлаб қўйиш, чопиқ қилиш.. шу кабилар киради. Газетадан.

**БУКЕТЛАМОҚ** қ. х. Қаторлаб экилган ғўза тупларини машинада яганалаб, кўндалангига культивациялаб, тўп-тўп қилиб ажратмоқ. *Ғўза тупларини ғужлаб қўйиш — букетлаш сингари меҳнатни энг кўп талаб қиладиган ишни батамом йўқотишга имкон беради.* Газетадан.

**БУКИК 1** Букланган; буклоғлик; букилган, эгилган. *Прокурор Насриддинов чўнтагидан тўрт букик бир қоғозни чиқариб, қўлини столдаги кўнғироққа чўзди.* К. Алиев, Мараз. *Ранг-баранг кийимдаги болалар қадди букик, сочлари оппоқ, кен юзли.. кампирнинг атрофини чуғурлашиб ўраб олишди.* С. Нуров, Меҳригиё. *Унинг [Икромнинг] букик елкалари ростланган, кўзлари катта-катта очилиб, олайиб кетган эди.* А. Асилов, Икром индамас. *Кимлар хушбахт, кимлар хоксор, Кимлар қадди букик, мисли ёй!* Миртемир.

**2** Қуйи солинган, эгилган. *Ҳамманинг боши букик, кўнгли синиқ эди.* Ойбек, Навоий.

**БУКИЛМА 1** Бирор нарсанинг букилган ери, букилган жой. *Трубканинг букилмаси.*

**2** геол., геог. Ер пўстининг чўккан ёки эгилган жойлари.

**БУКИЛМАС** Сира ҳам букилмайдиган, мустаҳкам. *Букилмас ирода. ■ Сиз мардлар авлоди, сиздаги ғурур Пулат найза каби ўткир, букилмас.* Ф. Фулом.

**БУКИЛМОҚ Букмоқ** фл. мажҳ. ва ўзл. н. Икки букилган қоғоз. *Букиладиган каравот. ■ Ўглининг қилиқларидан деярли хабардор бўлиб турган читфуруш номусдан қадди букилиб, кўчага чиқолмай қолди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Юк орқалаган, оғир қоплар остида икки букилган аравакашлар.. кўришиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУКИЛУВЧАН** Осон букиладиган, эгилладиган, эластик. *Букилувчан новда. Букилувчан металл.*

**БУКЛАМ 1** Букланган, буклоғлик, букик. *Икки буклам қоғоз. ■ Устинга кийганинг буклам кўйлакди, Ўрганибсан нағма билан юрмакни.* «Кўшиқлар».

**2** Қат-қат букланган нарсаларнинг ҳар бир қати. *Букламини ёзмоқ.*

**БУКЛАМА** Буклаб йигиб қўйиладиган, ёпиладиган. *Буклама пичоқ. Буклама каравот. ■ Мен шамшод хивичдан тўқилган буклама курсичани тахладим.* С. Азимова, О, Лайло. *Восит буклама каравотни ошхонага олиб чиқиб ётадиган бўлди.* Ш. Холмир-

заев, Бодом қишда гуллади. *Обид ака буклама пичоғини тарвузнинг думига шундай тезизиши билан ёрилиб кетди.* Ў. Умарбеков, Одам бўлиш қийин.

**БУКЛАМОҚ 1** Бир учини иккинчи учига етказиб қайирмоқ, букмоқ, шу тарзда букиб тахламоқ. *Қоғозни букламоқ.* ■ *Зайнаб букланган бир қоғозни эрига узатди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл. *Қалами тўнини ечиб, бир четга буклаб қўйди.* С. Сиёев, Аваз. *Газетани буклаб, чўнтагига солиб қўйди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**2** Йиғмоқ, ёпмоқ (буклама нарсаларни). *Қаламтарошни букламоқ. Зонтикни букламоқ.* ■ *-Бу бир, — деди у катта бармоғини буклаб.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**3** кўчма Бўйсундирмоқ, тобе қилмоқ, енгмоқ. *Одама эгиладиганга ўхшамайди бу бола, сиз бир гап билан икки буклаб қўйдингиз.* И. Раҳим, Ихлос.

**БУКЛЕТ** [ингл. booklet — китобча] Яхлит бир қоғозга босилиб, икки ва ундан ортиқ саҳифаларга букиладиган, йўлкўрсаткич, маълумотнома хусусиятига эга бўлган нашр тури. *Кўрғазмадан ноёб фотосуратлар, музей ишига бағишланган брошюралар, буклетлар, марка, эсдалик нишонлари кенг ўрин олган.* Газетадан. *..ранг-баранг рисоалар, буклетлар, плакатлар кўпроқ чиқарилмоқда.* Газетадан.

**БУКЛОҒЛИК 1** Букланган, букик, қайрилган, букланган ҳолатдаги. *Ички киссасидан бояги буклоғлик қоғозни олди, стол устига ёзиб текислади, яна бир карра ўқиб чиқди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Одамлар энди мингбошининг оғзига эмас, қўлида буклоғлик қамчига тикилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Дарвоза олдида тўхтаб, буклоғлик қалпоғи билан пешанасини артиб, нафасини ростлади.* А. Мухтор, Чинор.

**2** Ёпиларин, йиғиштирилган. *Буклоғлик қаламтарош.*

**БУКМОҚ 1** айн. **букламоқ 1.** *Салимбойвачча хатни ўқиб, аста букди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бўтабой хатни букар экан, уф тортди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** Қайирмоқ, эгмоқ. *Кучли шамол кўтарилиб, боғчадаги ҳар нарсени тўрт тарафга бука бошлади.* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Ҳаёт келинчакларча, бир оёғини йиғиштириб, иккинчи оёғини тиззадан букиб ўтирди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мунир бармоқларини букиб, хотинига кўрсатиб, санай*

*бошлади.* «Ёшлик». *Фуломжон чиройли қаддини букиб, онаси устига энгашиди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**3** кўчма Синдирмоқ, енгмоқ, тобе қилмоқ. *Бироқ фактлар, хужжатлар, жуда кўп одамларнинг гувоҳликлари унинг қайсарлигини аста-секин қайириб, ниҳоят, букиб қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *На баланд кўрғонлар, на қалин дарвозалар ва на жаллодлар халқнинг иродасини бука олмади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Об-ҳаво эса қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.* Аммо *у пахтакорларимизнинг ғалаба йўлидаги иродасини бука олмайди.* Газетадан.

**Бошини букмоқ 1)** бошини қуйи солмоқ. *Болалар ҳам, зўё отадан абадий айрилгандек, бошларини етимона буккан эдилар.* Ойбек, Нур қидириб; **2)** кўчма эл олдида уялтириб, ерга қаратиб қўймоқ. *Қарз кишининг бошини букади.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Туринг, қизим, — элликбошининг товуши бирдан мулоимлашди, — ота-онанинг бошини букманг.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ерга букмоқ** Ерга кириб кетгудай уялтирмоқ ёки таҳқирламоқ. *Бир куни одамлар олдида Носиримни ерга букиб: «Сиз занлаган кетмонсиз, оловга тоблаб, ўтқир эговда чархлаш керак», деса-я, юзсиз! Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.* **Номусини букмоқ** Номусга қолдирмоқ. *Нодон билан юрма, номусингни букма.* Мақол.

**БУКРАЙМОҚ** ив. Букчаймоқ. *Бели букрайиб, қулоғи тикрайиб, шу ерга бир кампир келиб қолди.* «Муродхон».

**БУКРИ 1** айн. **букур.** *Букри одам. Таёқ ўғрини тўғрилар, Гўр букрини тўғрилар.* Мақол. ■ *Кўчадаги шовқинга дарвозадан пакана, букри одам бир қўлида фонус, бошқа қўлида курси кўтариб, чопиб чиқди.* Ҳ. Фулом, Феруза. *Ҳамма ялт этиб букри йиғитга қаради.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Эгилган, майишган. *Букри кўприк.* *Букри тол.* ■ *Қачон кўрма, бир пой ҳўкиз, букри омон, Бағри шамол кўрмай, қишда қолади оч.* Ф. Фулом, Қўкан. *Эшагини йўл четидаги букри тутга боғлади.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар.

**БУКРИЛИК** Умуртқа поғонасининг лат ейиш ёки турли касалликлар оқибатида дўппайиб чиқиб қолиши. *Марям бахши етмишлардан ўтган кампир.. қаддининг туғма букрилиги бўлмаса, уни ҳеч ким етмишни кўрган демас эди.* Ҳ. Шамс, Душман.

**БУКСИР** [р. < нем. Bugsierer — тортувчи кема, арқон] **1** Бошқа кема, баржа ва ш.к. ни шатакка олиб борувчи махсус кема. *Пароходнинг буксирини эслатувчи бу агрегатлар бир йўла уч ишни адо этарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**2** Шатакка олиш учун қўлланадиган махсус пўлат арқон, трос.

**БУКУН** айн. *бугун.* *Шеър ёзилган саҳарларга гул ўраб келдим букун.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Нури, букун Гулнор уйини холи топиб, калиди бурнида унутилган бир қутини топди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУКУНГИ** айн. *бугунги.* *Мирсоат, сен букунги ишингни хотирлайсанми? А. Қодирий, Обид кетмон. Букунги шонли буюк ҳурматингга минг раҳмат.* Ҳабибий, Девон.

**БУКУР** **1** Умуртқа ёки кўкрак қафасининг қийшайиб ўсиши натижасида ҳосил бўладиган дўмбоқ, букри жой. ■ *Ўн беш ёшидан бошлаб.. то шу дамгача эрта-кеч букчайиб ишлашга тўғри келгани учун унинг елкаси букур каби, ортиқча туртиб чиққан эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Шундай илллати, нуқсонли бўлган одам. *Букур одам.*

**3** Этилган, майишган, қийшиқ, букри. *Темир йўл ёқалаб кетган дала йўли букур жийда таида тугарди.* С. Маҳкамов, Шоғирд.

**БУКЧАЙМОҚ** **1** Елкаларини чиқариб, кўкрагини ичига олиб энгашмоқ. *Найман она букчайиб ўтириб қолди.* «Ёшлик». *Салимбойвачча букчайганича қимир этмай қотди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нормат полвон аранг ўрнидан турди-да, букчайганча ўликнинг тепасига борди.* «Ёшлик».

**2** Белини, кўкрагини кўтара олмай энкайиб қолмоқ, қадди эгилмоқ. *Букчайган чол. Бели букчайган кампир.* ■ *Угамдан букчайиб қолган ҳаким Абдусамадга ачинар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Уйда ўтириб, чуқиб, букчайиб қолди.* «Шарқ юлдузи».

**БУЛ** эск. кт. айн. *бу.* *Фақир андақ фурсат бошини қуйи солиб туриб дедики, эй хўжа, бул ишда сир бордир, мандин тиламагилки, ул сирнинг пардасини кўтарсам.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар. *Рост, бул ўлингиз серғайрат ва зеҳнли эканлиги унинг юриш-туриши, ва-жоҳатидан билиниб турибди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Аммо бул иш иккитамизнинг ҳам охиратимиз учун яхши иш эрмас.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**БУЛАМИҚ** **1** Унни сутга булаб (қориб) тайёрланадиган аталасимон овқат. *Иш юриш-маса, буламиқ дандон синдирар.* Мақол. ■ *Бир-икки кун сутли овқатлар, буламиқ еб турсинлар.* Мирмуҳсин, Умид. - *Буламиқ, оз-оздан ширгуруч еяпти, — куёви ўрнига Ёрқиний жавоб қилади.* Р. Раҳмон, Мехр. *Икки чақмоқ қанд бўлганида, буламиқ қилиб берардим.* Газетадан.

**2** кўча с. т. Аралаш-қуралаш, чалкаш нарса. *Ишни буламиқ қилиб юборибсиз.*

**БУЛАМОҚ** **1** Юқадиган нарсага ботириб ёки белаб, ҳамма ёғини қопламоқ, айлан-тириб ботирмоқ. *Унга буламоқ. Қаймоққа буламоқ.* ■ *Қани, нонни синдириб, қаймоққа булаб-булаб уриб олинглар-чи.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Ҳалим эшон юмишқ нонни олча қиёмига булаб еркан.* И. Раҳим, Тақдир. *Сочимдан тортиб, тупроққа буламоқчи мени у хотин.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** кўча Бўлар-бўлмас айблар билан қораламоқ, асоссиз айбламоқ; фош қилмоқ. *Салима йиғилишида Қодирни роса булади.*

**БУЛБУЛ** **1** [ф. بُلْبُل — булбул] **1** Чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар оиласига мансуб сайроқи куш. *Булбул чаманни севар, Одам — Ватанни.* Мақол. *Куш йўқ жойда қурбақа — булбул.* Мақол. ■ *Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *Ҳаммаёқ жимжит. Фақат онда-сонда булбуллар ноласи эшитилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** кўча Хушовоз хонанда; моҳир нотиқ. *Зўрға-зўрға қайрилиб, ёнига қаради: севимли булбули, сочларини тўзғитиб, ширин уйқуда роҳат қилмоқда эди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз. *Эргаш ота ҳақиқатан ҳам халқ кўнглини хонши қилувчи шоир, халқ дардини, тилак-орзусини куйловчи булбул эди.* «ЎТА».

**3** кўча Ошиқ, хуштор. *Гул шохига булбул кўнса, бир кўнсин, Икки булбул кўнса, сира кўнмасин.* «Кўшиқлар». *Қайтайин, сўлганди чаманда гулим, Қўлимдан учди-ку менинг булбулим.* «Нурали». *Қиз қизил гул бўлганда, йигит — булбул, Гулни излаб булбул богда тунамасми?! «Кўшиқлар».*

**БУЛБУЛ** **II** Ўзбек халқ амалий санъатининг кўп соҳаларида қўлланадиган, ўйма ва қуйма усулларда бажариладиган нақш.

**БУЛБУЛАК** [ф. بُلْبُلَاك — булбулча] **1** Торли мусиқа асбоблари дастасининг юқори қисмидаги, ёғоч ёки суякдан ясалган харак.



2 Лойдан куш шаклида ясалган ва оловда киздириб пиширилган, болалар пуфлаб ча- ладиган хуштак (ўйинчоқ).

**БУЛБУЛИГҮЁ** [булбул + ф. *گویا* – сўз- ловчи; нотик] 1 Булбул каби сўзловчи, куй- ловчи. – *Илгари оринг келмас эди, булбулигүё эдинг, – деди аста Табибий*. С. Сиёев, Ёруғ- лик. *Сайрасанг, сен сайра, булбулигүё, Сен сайрасанг, ошиқ ўзин ўлдирур*. «Оқ олма, қизил олма».

2 с.т. кўчма Ҳаддан ташқари кўп гапи- рувчи; вайсақи; маддоҳ. *Аъзамнинг булбули- гүёлиги суҳбатдошимга кутганидан ортиқ озукка берди, шекилли, у формадаги ҳамроҳига: – Бу лаққага ўхшайди-ку! – деб, сўл кўзини қисиб кўйди*. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**БУЛБУЛНАВО** [булбул + наво] Булбул каби куйловчи, булбулдек хушовоз. [Қизлар:] *Боғда булбуллар баҳор мадҳини куйлар тин- майин, Жўр бўлинг, вақт ўтмасин, булбул- наволар, қайдасиз?* Уйғун, Лақма.

**БУЛДИРАМОҚ** шв. фольк. Элас-элас, айқаш-уйқаш бўлиб кўринмоқ. *Йиғлай- йиғлай ёш ёғилди юзимга, Ёруғ дунё бул- дирайди кўзимга*. «Юнуспари». *Чанг асар қи- либди менинг ўзума, Сувсизликдан ер бул- дирар кўзима*. «Гулнорпари».

**БУЛДУРҒУН** Оддий малина. қ. **хўжағат**.

**БУЛДУРУҚ 1** 1 Аёзли, совуқ кунлари ёки туман пайтларида нам ҳаво зарралари- нинг музлаши натижасида ҳосил бўладиган майда қаттиқ қор; қиров. *Тушдан кейин ос- мон юзини сарғиш туман қоплаб, майда бул- дуруқ ёға бошлади*. Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Кўприк устидаги қайрағоч новдаларини бул- дуруқ ўраб, танасигача оппоқ қилиб кўйган*. С. Аҳмад, Уфқ. *Эрталабчи туман тарқалиб, дарахт шохларига ёпишган булдуруқ зар- ралари гавҳардай ялтирай бошлади*. А. Мухтор, Чинор.

**Булдуруқ боғламоқ** Булдуруқ зарралари билан қопланмоқ. *Йўлакда булдуруқ боғлаган оппоқ акация тағида келишгангина бир қиз билан Акбарали турарди*. А. Мухтор, Чинор. *..қамишлар булдуруқ боғлаб, оппоқ бўлиб қолган экан*. Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

2 кўчма Сочнинг оқи; оқарган соч. *Бир вақт юрагимни севгига маскан этган қора сочга кўнмиш булдуруқ*. С. Зуннунова.

**БУЛДУРУҚ 2** Каптарсимонлар оила- сининг булдуруқлар туркумига мансуб бўлган чўл қуши; қорабовур. *Азимхон.. ёвшан*

*тоғларидан учган булдуруқларни кўзи билан узоқларга қадар кузатиб қолар эди*. А. Мух- тор, Чинор. *Юртга куз келганин аста бил- дириб, Дарахтлар шохидан учар булдуруқ*. Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

**БУЛДУРУҚ 3** Балиқ тухуми, уруғи; увулдирик, икра. *Дастурхон кўнгиш тусаган нарсаларга тўла. ..қора, қизил булдуруқлар, қовурилган беданаю ранг-баранг узум, олма.. каржланган қовун-тарвузлар кўзни ўйната- ди*. «Ёшлик». *..бу қалдирғочлар ўзининг наси- басини денгиз қирғоққа улоқтирган балиқ- ларнинг лаҳм гўшти ва булдуруғидан кўради*. К. Маҳмулов, Қизиқарли пазандалик.

**БУЛДУРУҚЎТ** Алисмадошлар оиласига ёки булдуруқдошларга мансуб, ботқоқлик ҳамда сувда ўсувчи кўп йиллик ўт.

**БҮЛЖОР** қ. **бўлжор**.

**БҮЛКА** айн. **бўлка**. *Она Жўрабой ота билан Эъзозхонни Ботирали олиб келган қора булка ва.. ёнғоқ, нонжийда билан меҳмон қилди*. Ҳ. Фулом, Машғал.

**БҮЛЛИТ** [ингл. bullet – ўқ] *спрт*. Хок- кейда: гол бўлиши эҳтимоли бор вазиятда шайбани эгаллаган хоккейчини кўпол ра- вишда тўхтатиб қолиш учун белгиланади- ган жарима шайба.

**БҮЛОН** Ёввойи от. *Қари ҳам бўлса қу- лондай, бўйинини чўзиб булондай сувга кела- ётибди*. «Равшан». *Булон юрмас ерлардан Бўғиб ўтиб боради*. «Равшан».

**БУЛОҚ 1** Ер остидан отилиб, қайнаб чи- қувчи сув ва шундай сув чиқиб турган жой, чашма. *Иссиқ булоқ. Булоқ суви. Сўзнинг онаси – қулоқ, сувнинг онаси – булоқ*. Мақол. ■ *Булоқ бўйида жойи қилишибди. Дастурхон усти ноз-неғматга тўла*. «Саодат». *Махсум.. чўққининг шундай биқинидан қайнаб чиқаёт- ган булоқда ювинди*. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма *поэт*. Бой манба. *Ижод булоғи. Онанинг қалби – меҳр булоғи*. Мақол. ■ *Ижод, наиъа кундан-кун зиёд, Йўқдир орзу булоғига банд!* Газетадан. *Фольклор халқ даҳосининг туганмас булоғи бўлиб, ёзма адабиёт ҳар доим ундан баҳра топиб келади*. «ЎТА». *Даромаднинг яна бошқа булоғи чиқиб қолди*. «Муштум». *Онанинг кўкраги битмас булоқдир! Дили оқ бўлганидан сути ҳам оқ- дир!* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

**Бурнидан булоқ бўлди** Бурнидан чикди, татимади, зое кетди. *Тўйчи дўжончининг ҳам еган-ичгани бурнидан булоқ бўлиб чиқади*. А.

Кўчимов, Ҳалқа. **Кўз булоғи қайнамоқ** Қаттиқ йиғламоқ, кўз ёши тўкмоқ. *Энди она анча тузалиб қолди. Фақат Ботиралини эсласа, бағри эзилади, дили эриб, кўзларининг қўш булоғи қайнайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУЛОҚИ** Бурунни тешиб тақиладиган зирак, зийнат буюми. *Уйинчи йигит четга чиқиши билан киприкларига сурма қўйган, бурнига булоқи таққан, бодомқовоқ йўғон бир жувон ўртага чиқиб йўрғалай бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кичкина бурнига каттагина булоқи таққан кенжа қизча нималарнидир ғужиллаб, қўғирчоқ ўйнади.* Ойбек, Нур қидириб.

**БУЛОҚЧИЛАР** зоол. Булоқ, қўл, ариқ ва дарёларда учрайдиган, қисқа муддат яшовчи, капалакка ўхшаш бир хил ҳашарот.

**БУЛОҒОЧУН** 92 бовли ўзбек уруғлари насабномаларида қайд қилинган қадимги туркий (ўзбек) уруғлардан бири.

**БУЛТУР** с. т. Ўтган йили. *Мен сизни бултур кўрувдим.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдиэидан яна бош кўтариб чиқди.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**БУЛТУРГИ** с. т. Ўтган йилги; ўтган йили бўлган. *Бултурги қиш.* ■ *Бултурги майизнинг суви, Учқораники.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Усариқ чўнаклари диккайиб турган бултурги бурган қолдиқлари орасидан ялпиз тера бошлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БУЛУТ** I I Осмонни бутунлай қоплаб олган ёки унинг у ер-бу ерида ғуж бўлиб тўпланган, қуюқлашган сув буглари. *Оқ булут. Баҳор булутлари. Сукутда ҳикмат кўп, Булутда — ҳиммат.* Мақол. *Ўтган булутдан ёмғир кутма.* Мақол. ■ *Булутлар шамолга эргашиб, тоғ томон йўл олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўкни булут қоплаган, милт этган юлдуз йўқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**Ҳаво (ёки осмон) булут** Осмонни булут қоплаган, ҳавонинг авзойи бузуқ. *Осмон булут. Биронта юлдуз кўринмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳаво булут. Одамларнинг шошиб югуришига қараганда, қорми, ёмғирми ёгса керак.* Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.

**2 кўчма** Осмонни булут каби қоплаб олган ҳар бир нарса. *Эргаш чанг булутини ёриб, извошга етиб олишга шошилади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Аввал ҳалиги тикроқ қора бола, кейин бошқалари ғойиб бўлди, улар*

*ўйнаган жой устида анчагача чанг булутини туриб қолди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**3 кўчма** Таҳдид солувчи ёки дилни қоронғи қилувчи ҳар бир нарса, ҳолат. *Боя, қиз овозини эшитганда, қалбида чақнаган қуёш юзини мана энди қора булут босди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ҳар ҳолда, Тошкент устига яна қонли булутлар чиқди, ишнинг охири нима билан тинчланар, бу бир худоганина маълумдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**4 с. т.** Бир турли денгиз жониворининг ғовак, юмшоқ танаси (чўмилишда баданни совун билан ишқаш учун ишлатилади).

**БУЛУТ II** Қулолчиликда ишлатиладиган булутсимон бўртма ёки илон изига ўхшаш нақш.

**БУЛУТДАЙ, -дек 1** Булутга ўхшаш, булут сингари. *Унинг бутун юрагини қора булутдай қоплаган ғам бир онда йўқолгандай бўлди.* Ойбек, Нур қидириб. *Ота яна намозгар чоғи булутдек бўлиб кириб келди-ю, супа ўртасида тўхтаб, бетоқатлик билан Диловарни сўради.* Н. Қиличев, Чигирик, *Икки мартадан иргитилган тунпроқ тўзиб, шамолсиз дим ҳавода булутдек муаллақ туриб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**2 кўчма** Булутларга етгудек, юксак, баланд. *Ёш йигитнинг.. пахтазорга кириб.. шавқ билан тез-тез териси, булутдай хирмон қилгиси келди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**3 кўчма** Катта ва учқур (от ҳақида). *Остингда булутдай от, эгининг бут.* Ойбек, Навоий.

**БУЛУТЛАНМОҚ** Булут билан қопланмоқ, булут босмоқ. *Бир неча кун булутланиб турган ҳаво яна очилиб кетди.* А. Ҳайитметов, Пўлат бармоқлар.

**БУЛУТЛИ** Булут билан қопланган, булут босган. *Булутли қиш кунининг юракка зиклик берувчи хира тонги эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳаво булутли, касалхона ҳовлиси бўм-бўш эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

**БУЛЬВАР** [фр. boulevard — шаҳар девори] Икки томонлама ҳаракатли кўча ўртасидаги кенг хиёбон. *Бизнинг гулбоғларимиз, хиёбону бульварларимиз ёз кезларида айниқса кишини ўзига мафтун этади.* Газетадан. *Шундай кезлари — табиат уйғонаётган паллада тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб шимиришининг, бульварда ўтириб, хаёл суришининг гаитига нима етсин.* Газетадан.

**БУЛЬДЕНЕЖ** [фр. *boule de neige* – юма-лоқланган қор] Май ойида гуллайдиган декоратив бута ва унинг оқ шар шаклидаги гули. Таманно *иккита атиргул, Эркиной битта қирқоғайни, Турғун битта сирень билан бульденеж, бошқалар шойигул, қашқаргул, кўқонгул, картошқагул, ҳусниюсуф кўчатлари олиб келишди*. М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**БУЛЬДОГ** [ингл. *bulldog* – буқасимон ит] Катта япаски тумшукли, кўкраги кенг, оёқлари калта ит. *Итлар ҳам ҳар хил бўлади: бульдог, кўппак, исковуч, този, лайча, бўрибосар.. хуллас, санайверсам жуда кўп*. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БУЛЬДОЗЕР** [ингл. *bulldozer* – катта кесакларни майдаловчи] Ер суриш ва текислаш учун махсус кескич-сурғич билан ускуналанган трактор. *Бульдозерлар бири олиб, бири қўйиб вағиллайди. Орқага тисарилади, олдинга интилади. Ў. Усмонов, Сирли соҳил. Орадан ўн кун ўтиб, ўнлаб бульдозерлар, тракторлар, скреперлар адир томон ўрмалади*. С. Аҳмад, Жимжитлик.

**БУЛЬДОЗЕРЧИ** Бульдозер ҳайдовчи. *Бульдозерчи.. тик трассадаги тошларни суриб, йўл очиб берди*. И. Раҳим, Тақдир. *Зойиржон тўрхалтасини силкитиб елкасига оларкан, нотаниш бульдозерчини сўкди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БУЛЬОН** [фр. *bouillon* – қайнатма] Гўшт, шунингдек, балиқ, сабзавот кабилар қайнатилган сув; қайнатма шўрва суви. *Бу таомнинг ташқи кўриниши бир оз сарғишроқ, ёғсиз бульон*. К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

**БУЛҒАЛАМОҚ 1** *айн. булғамоқ. Шокир кучлироқ бўлгани учун бир чалишда уни [Сатторни] ағдариб йиқитди ва то узоқдан ўқитувчилари кўрингунча тупроққа булғалаб турди*. Ў. Умарбеков, Қисмат.

**2** Қўлини кўтариб, ҳавода муаллақ айлантирмоқ. *Бир қўлини кўтариб булғалаб, ҳадеб чақираверди*. «Равшан». *Муни кўриб, масти беҳштиёр бўлиб, икки қўлини кўтариб, булғалаб.. қизларни чақириб, бир сўз айтди*. «Равшан».

**БУЛҒАМОҚ 1** Бирор нарсани ифлос, кир насага беламоқ, ботирмоқ, ҳамма ёғини ифлос қилмоқ. *Ушакни сийласанг, охуруни булғар*. Мақол. *Оёғи ифлос тўр булғар, Ўзи ифлос эл булғар*. Мақол. ■ *Ифлосланган оқар*

*сувлар сизиб ўтиб, ер ости сувларини булғамоқда*. «Фан ва турмуш».

**2** *кўчма* Бадном қилмоқ; ҳақоратламоқ. *Мараҳим ҳақида сўз очдилар, унинг арвоҳини булғадилар*. Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди. *Нега у пашшаҳўрда бўлиб қолди десам.. ўз нафсини кўзлаб, виждонимни ўз шалтоғига булғаб, ширин турмушимни бузмоқчи экан*. С. Юнусов, Осон ишнинг оҳи бор. *Номини булғаманг! Шербек акам тилла йигит*. С. Анорбоев, Оқсой. *Поданинг ичида битта тиррақиси бўлса, ҳаммасини булғайди*. С. Зуннунова, Олов.

**Наслини булғамоқ 1)** наслини бузмоқ; **2)** *кўчма* насли-насабини иснодга қолдирмоқ. *Сен базнинг наслимизни кўтариш ўрнига ерга уриб булғадинг*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Лойқатмоқ, лойқа қилмоқ. *Сувни булғамоқ*.

**4** *шв.* Қўл билан имламоқ. *Ўтирибди айвончада азонда, Алин булғаб, қичқиради хирмонда*. «Кўшиқлар».

**5** Беламоқ, буламоқ, ботирмоқ. *Раъно айвон лабида қўлини керосинга булғаб, лампа ёқиш ҳаракатида эди*. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Ҳомид нонни шиннига булғар экан, сўради: -Ёшингиз нечада, бек? А. Қодирий, Ўтган кунлар*.

**6** Бузмоқ, иснод келтирмоқ. *Энди улар [болалар] баттар бўлса бўладики, яхши томонга ўзгармайди. Жамиятни булғаб яшайверади*. «Ёшлик». *Лекин сиз билан том маънодаги тиланчилар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг кўркам жамолини булғаб турган ўша сўғаллар, ҳуснбузарлар ҳақида гаплашмоқчиман*. Газетадан.

**7** *кўчма* Зўрламоқ, номусига тегмоқ. *Ўша бувайдалик Саудаҳор эшон ўн бир яшар қизни булғаган, шарманда бўлишдан қўрқиб, уни бўғиб ўлдирган экан*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БУЛҒАНМОҚ 1** Булғамоқ **1, 2, 5** фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Лойга булғанмоқ. Ўз шалтоғига булғанмоқ*. ■ *Булғанниш бўлса, шаъним бир марта булғанган. Менга муруват қилмай кўя қолинг*. С. Анорбоев, Меҳр. *Йигитлар қўйларнинг сийди ва тезакларига булғанниб ётган тутқунларнинг қўл-оёқларини ечиб, қўрадан ҳайдаб чиқармоқчи бўдилар*. С. Айний, Қуллар.

**2** физиол. Ихтилом бўлмоқ.

**БУЛҒАНЧ** Булғанган, ифлос; лойқа. *Ховли юзи турли ахлатлар билан булғанч, гүё йиллардан бери тозаланмаган, суурги кўрмагандек эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БУЛҒАНЧИҚ** айн. булғанч.

**БУЛҒАТМОҚ 1** Булғамоқ 1, 3, 6 фл. орт. н. *Олти йилдан бери қанча пок ёстиқларни булғатмади Фуод афандининг бу учирмаси. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**2 айн. булғамоқ 1, 2, 3.** *Ўзбеклар айтади: «Ифлос буюқ подани булғатар». Ойбек, Куёш қораймас. Туз ичиб, тузлигимни булғатиб кетмоқчимисан?! М. Бобоев, Гўзаллик истаб. ..бир куни икки ясовул чашма бошида: «Сен, ярамас келгинди, сувни булғатдинг», деб қамчи билан [мешқобчини] чунонам савалашди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**БУЛҒОВИЧ** шв. 1 *Ип йигирадиган чархни айлантирувчи чўп, пилтакач. Кампир, қулоқ солгин айтган тилимга, Булғовичинг хўп ярашар қўлингга. «Гулшанбоғ».*

**2** *Хамир ва ш. к.ни қорадиган курак.*

**БУЛҒОР** айн. болгар. *Янги ерларга кўчиб келган гагаузлар ўзларини булғор деб атаганлар. «ЎТА». Бу Аҳмад яхши кўрадиган, лекин харид қилишга доим ҳам қурби етавермайдиан камёб булғор сигарети эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Булғор гармдорининг унча пишиб кетмаган, нўсти яшил ва нозик хилларидан танлаб оласиз. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

**БУЛҒОРИ:** булғори тери Қорамол терисидан ишланган юмшоқ кўн. *У қувонганича юзуриб, ўтовга кирди-да, кўнжи узун булғори этигини кийиб чиқди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.*

**БУЛҒОРЛАР 1** тар. 10-15-асрларда Волга ва Кама дарёлари атрофида яшаган туркий қабилалар номи.

**2 айн. болгарлар.**

**БУМАЗЕЙ** [итал. bambagina — пахта] Тесқари томони пахмоқ тукли, қалин ипгазлама. *Бир кўйлақлик бумазей. Бумазей халат. ■ Унинг илгаридан дуркун гавдаси яна ҳам тўлишиб, олачинор бумазей халатини тўлдириб турарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БУНАҚА** с. т. айн. бундай. *-Бунақа гаплар кимдан чиқади? — деди Аҳмедов мийиғида кулиб. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Умрингизда бунақа ош емагансиз. Ўзим дамладим. О. Ёқубов, Излайман. Бунақа хотин-*

*ни хотин дейилмайди, бебаҳо хазина дейилди. С. Аҳмад, Юлдуз.*

**БУНАҚАНГИ** с. т. айн. бундай. *Бунақанги гапларга ишонаверманг. ■ Бунақанги ишларга суяги йўқ. Ҳамза, Бой ила хизматчи. Ўзи жуда галати одам-да устозим, бунақанги ақлли одамни икки дунёда ҳам тополмайсиз. Х. Тўхтабоев, Ширинов қовунлар мамлақати.*

**БУНДАЙ 1** кўрс. олм. Худди айтилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагиға ўхшаш, тенг; бунақа, бу каби. *Бундай пайтларда Луғумбек тарафларда ҳаво ниҳоятда дим бўлади. С. Аҳмад, Уфқ. Бўтабой бундай саволни кутмаган бўлса керак, гангиб қолди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бундай туйғун, бундай зийрак, бундай боадаб қиз етти иқлимда ҳам топилмайди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** рвш. вэф. Шу қадар, шунчалик, бунчалик. *Бир жойга бориб, сира бундай кеч қолган эмас эди. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Агар сан бир хум олтин топсанг, бундай севинмас эдим. Ойбек, Танланган асарлар.*

**3** Қўйидагича. *Бир хатида бундай дебди: «Катта походдан кейин ҳозир дам олиб ўтирибмиз. Жуда чарчаганман». А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**4** рвш. Айтилганга, кутилганга, кўзда тутилганга ёки кўз ўнгидагиға ўхшаш бир зайлда, тарзда; шундай. *Йўқ, бундай бўлмаслиги керак, бундай бўлмаслиги керак, бу инсофдан эмас.. Х. Султонов, Онаминг юрти. Қоратой, сан бундай қил, ҳозир бориб ёт, чарчагансан. Ойбек, Танланган асарлар. Йўқ бундай эмас! Менинг зотимда жинойтчилар йўқ. Мирмуҳсин, Меъмор. -Бундай қиламиз, — капитан ўрнидан турди. Ў. Ўмарбеков, Ёз ёмғири.*

**5 -лар** қўшимчаси олиб отлашганда, бирор гуруҳ вакили бўлган шахсни англатади. *Ким билади, унақалар кўп ахир, укам, Ким ҳам ахир бундайларни йўлга солибди. А. Орипов, Йиллар армони. Бундайлардан мингтасининг қоши бир тола сочинга арзимайди. Биламан, қизим.. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Биров ундай, биров бундай** Ҳамма бирдек аҳволда эмас, ҳамма бир хил, баравар эмас. *Шунга ўхшаш биров ундай, биров бундай. Ўзингизни билинг, ўзга билан нима ишингиз бор? Ойбек, Танланган асарлар.*

**БУНДАЙИН** шв. Бундай, бу каби. *Бир мардни бундайин хафа қилибсан. «Муродхон». У билан менда қандай чора бор эдики, бун-*

дайн ишларни бўлдирмасак? Ҳамза, Паранжи сирлари.

**БУНДАҚА** с. т. Бундай.

**БУНДАҚАНГИ** шв. Бундай.

**БУНДОҚ**, **бундоғ** с. т. Бундай. *Бундоқ бўйнимни чўзиб қарасам, Муяссар билан.. Гулчехра шафтоли теряпти. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Воқеа бундоқ бўлган эди. С. Аҳмад, Уфқ. Хилват қилиб, бундоғ гапирсангиз бўлмайдими? М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бундоғ ёзай яхши-яхши дostonларинг. Ҳабибий, Девон.*

**БУНЁД** [ф. بنياد — асос, негиз, пойдевор; ибтидо] **1:** **бунёд бўлмоқ** ёки **бунёдга келмоқ:** 1) юзага келмоқ, барпо бўлмоқ; пайдо бўлмоқ. *Сарбаланд хирмонлар ўз-ўзидан бунёдга келмайди. Газетадан. Ғалла халқимизнинг пешона тери, билак кучи билан бунёдга келганлиги учун ҳам азиз ва муқаддасдир. Газетадан. Газли посёлкаси асосан 1954 йилда бунёдга келди. «Муштум»;* 2) туғилмоқ. *Фарзанд бунёд бўлди, ўлим йўқ демак.. «Ёшлик».* **Бунёд қилмоқ** (ёки **этмоқ**, **айламоқ**) Юзага келтирмоқ; барпо этмоқ, яратмоқ, курмоқ. *Не керагинг бор эса, бунёд қил, Яхшиси, инсон дилин обод қил. «Ақл ақлдан қувват олади». Йўқолган кўлларни қайта бунёд қилиш амри маҳол. «Муштум».*

**2** Бор, барқарор. *Жаҳонда токи бунёдсен Ки номи одамизодсен.. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

**3** Бунёд (эркаклар исми).

**БУНЁДҚОР** [ф. بنيادكار — асос солувчи, яратувчи] Асос солувчи, барпо қилувчи, яратувчи. *Бунёдкор халқимиз Қариши ва Жиззах даштларини яшнаб турган пахтазорларга айлантirmoқдалар. «Ўзбекистон қўриқлари». Ахир аёл сени, барча одамзодни дунёга келтириб, оқ сут бериб катта қилган бунёдкор-ку! Газетадан. Ҳа, қишлоқларимизнинг тупроғи олтин, кишилари бунёдкор, келажаги яна ҳам порлоқ. Газетадан.*

**БУНЁДҚОРЛИК** Бунёд этиш, яратувчилик, ижодкорлик. *Бунёдкорлик меҳнати туфайли серқуёш диёримиз йил сайин гўзаллашиб бормoқда. Газетадан. Улуғвор бунёдкорлик режаларини амалга ошириш учун халқимизга тинчлик керак. Газетадан. Икки томонлама кураш кетяпти. Бунёдкорлик кураши. «Ўзбекистон қўриқлари».*

**БУНЁДҚОРОНА** Яратишга, бунёд қилишга боис бўладиган, асос соладиган. *Дилнавоз эса суҳбатдошини мафтун этганига маҳлиё бўлиб, Чотқол этакларидан бунёд-*

*корона меҳнат таронасини ашула қилиб куйлаётгандай, завқ билан сўзларди. С. Кароматов, Бир томчи қон.*

**БУНКЕР** [инг. bunker — кўмир солинадиган кути] **1** Комбайн, пахта териш машинаси ва ш. к. нинг йиғилган нарса келиб тушадиган, тўпланадиган қисми. *Сўриб олинган пахта машинадаги бочкасимон бункерга келиб тушяпти. Газетадан. Бу йил Эргашев ўз бункеридан 100 тонна «оқ лотин» териб тўкди. Газетадан.*

**2** Қум, шағал, цемент, дон, кўмир ва ш. к. нарсаларни қисқа муддат сақлаш ёки ташишга мўлжалланган идиш.

**3** Мудофаа учун мўлжалланган ер ости иншооти. *Улар бункерни қамал қилиб, тобора яқинлашиб борарди. «ЎТА».*

**БУНТ** [нем. Bund — боғлам; алоқа] Пахта ғарами. *..пахта тайёрлаш пунктларида эндигина дастлабки бунтлар қад ростлади. Газетадан. Усти ўраб ташланган пахта бунтлари баланд деворлар оша ёнма-ён қад кўтариб туради. Й. Шамшаров, Довруғ.*

**БУНЧА 1** рвш. Бу қадар, бунчалик, шунчалик. *Бунча кеч қолдингиз. ■ О, бунча дардакашсан, она сайёра. А. Орипов, Йиллар армони. Оққа бунча беланибди у одам. Ҳ. Олимжон.*

**2** белг. олим. Шу миқдорда; шу миқдордаги. *Бунча гапни қаердан топиб ёздингиз? А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. Бунча хотин, бунча бола-чақа.. қаерга сиғади? Ойбек, Танланган асарлар. Келиш-кетишиндан не эди матлаб, Не учун бошимга солдинг бунча ғам. А. Орипов, Йиллар армони.*

**БУНЧАЛИК** рвш. Бу қадар, бунча, шунчалик. *Дунёда ҳали бирор товуш Фазлиддинга бунчалик ёқимли туюлмаган эди. П. Қодиров, Юлдузли туллар. Мансур авваллари, Гавҳарга хат ёзиб юрганида, бу шўх шабада қизга бунчалик боғланиб қолганини билмасди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Жавоб бериб кўр-чи, номард табият, Бунчалик гўзални нечун яратдинг?! Ҳ. Олимжон.*

**Бунчалигини билсам** Иш, аҳвол шундайлигини билсам. *Бунчалигини билсам, келмас эдим.*

**БУР** [ф. بر — мева, ҳосил] Барг, озуқабоп қисм. *Парпининг кўзи ногаҳон чуқурчага тушиди. Чуқурчада ўтган йили кўкарган бурган бурлари тўкилиб, ёғиндан ивиган танази букилиб ётарди. Й. Шамшаров, Бахт*

излаб. *Пичан тез ўриб олинмаса, бури тўкилиб, шираси кетади.* И. Раҳим, Ихлос.

**БУРАЛМА** айн. **бурама 1.** *Иккинчиси, ёшироғи, буралма мўйловли, қотмагина.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУРАЛМОҚ 1** **Бурамоқ** фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Винт буралмаяпти. Мўридан буралиб чиқаётган тутун.* ■ *Норин дарёси тоғ ораларидан буралиб, кўпириб оқиб чиқяпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Чайла олдидаги гувала ўчоқдан буралиб-буралиб тутун кўтарилди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Ичида алланима буралиб, ўқтин-ўқтин санчик турарди.* «Ёшлик».

2 *Гавдани бир турли тўлғантирмоқ, шу ҳолатда юрмоқ, қилпанглатмоқ. Паризодлар ўйнаб турар, Нозик беллари буралиб.* «Маликаи айёр». *Ичи ёниб, каравотда буралиб, тириша бошлади.* Мирмуҳсин, Умид.

**БУРАМА 1** *Спирал шаклда буралган, ўралган; буралма. . . кичкина бурама мўйловли йигит ҳеч қаерда кўринмасди.* С. Сиёев, Аваз. *Айниқса каттакон бурама карнай овози ажралиб турарди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Улар бурама сўқмоқдан занжирдек олдима-кетин боришар(ди).*.. С. Кароматов, Олтин кум. *Шаҳзода Мўмин қатлхонага олиб чиқадиган бурама зинапоядан деворни икки қўли билан сийпаб, секин орқага тисланмоқда.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

2 *Бураб очилиб-ёпиладиган; винтсимон; винтли. Дарвозабон отнинг калласидек келадиган бурама қулфга узун калитни солиб, анчагача буради-да, дарвозани очди.* М. Осим, Ўтрор. *Ҳасанали ҳужранинг узун бурама қулфини очиб, ичкарига шам ёқди ва бекнинг тўшагини ёзиб, унинг кириб ётишини кутиб турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Бурама мих с.т.** *Винт, шуруп. Шербек ичкарига сирганиб тушиди-да, девор тагига бекина қолди. Энди шарманда бўлдим, деган фикр маҳкам ёпишиб, миясини бурама михдай пармалай бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

3 *Гирдоб, уярма. Этакда Сир тўлиб, ўқтин-ўқтин бурамалар ҳосил қилиб, тўлганиб оқмоқда.* Й. Шамширов, Енгиш.

4 айн. **бурма 1, 2.** *Бурама кўйлак кийибсиз, Севикли укам, ёр-ёр.* «Кўшиқлар».

5 *кўчма* *Тескари маъноли, кинояли; аччиқ. Бурама гап қилмоқ.*

**БУРАМ-БУРАМ** *такр. с.* *Буралиб-буралиб кетган, жингалак, қўнғироқ. Бурам-бурам гажагинга қўнсинми чанг..* «Муштум».

**БУРАМОҚ 1** *Доиравий ҳаракатга келтирмоқ, айлантирмоқ. У телефонни қанча бураса ҳам, жавоб бўлмади.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Дуторчи дуторининг қулоғини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. *Азонда Муроднинг уйқуси қочди. Бош томонидаги столда турган муштдайгина радионинг қулоғини буради.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

2 *Ўраб, айлантириб, бурама шаклга киритмоқ, эшмоқ. Арқонни бурамоқ.* ■ *Сидиқжон мўйловини бураб, кулимсиради ва ер остидан Зуннунхўжага қаради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Қозик лиқиллай бошлаганида, ердан чиқдим, осмондан тушдим, ишқилиб, биров қулоғини бураб тортди.* «Шарқ юлдузи». *Бекнинг асабийлиги ниҳоясига етди ва у Лаблининг сочидан бураб, теракзорга судраб кетди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

3 *Айлантириб жойига туширмоқ, маҳкамламоқ ёки жойидан чиқармоқ, бўшатмоқ. Гайкани бурамоқ.* ■ *Дарвозадан ичкарига кириши билан, ғаладонни очиб, шурупларини бурашигани бурашган.* С. Нуров, Нарвон.

4 *Пружинали механизмларни ҳаракатга келтирмоқ. Соатни бурамоқ. Уйинчоқни бурамоқ.* ■ *Шу машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча чир-чир айланиб, ашула, дутор, танбур ванғирлайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эрининг қўлидаги соатни олиб буради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Кампир минди ёғоч отни, Буради пўлат мурватни.* «Муродхон».

**Бураб гапирмоқ с.т.** 1) *ҳар сўзни алоҳида таъкид, акцент билан ажратиб гапирмоқ. Элмуродга рота командири ёқмади: тили қалампирдек аччиқ, ҳар гапни писанда қилгандай бураб гапирди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Улар [қўноқлар].. бизнинг тилимизда сал бураб гапиришарди.* «Ёшлик»; 2) *мақсалга мос равишда сўзламоқ. Кейин чапанича бураб гапирди.* М. Қориев, Ойдин кечалар. **Бураб емоқ** *Зўрлик билан тортиб олиб емоқ. Биров сўраб ейди, Биров бураб ейди.* Мақол. **Қулоғини (ёки думини) бураб қўймоқ** *Тартибга чақириб, танбеҳ бериб қўймоқ. Думини мундай бураб қўй, ортиқ ақилламасин.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУРАНГ I** *Буралган, эгри-бугри. Буранг ёғоч.*

**БУРАНГ II** *Қўй ва эчкиларда учрайдиган бир хил касаллик. Мирзачўл, Оҳангарон, Қарши ва Ёзёвон чўлларида боқиладиган қўзи*

ва улоқлар кўпинча буранг деб аталувчи касаллик билан оғрийди. Газетадан.

**БУРАНДА** [ф. برنده — кесувчи, қирқувчи] Косибчиликда териларни кесиш учун қўлланадиган пўлат тигли, ёғоч дастали асбоб.

**БУРБОНЛАР тар.** Ўрта асрларда баъзи Европа давлатларида ҳукмронлик қилган қироллар сулоласи.

**БУРГА** Сакраб юрадиган, қон сўрувчи, қанотсиз майда ҳашарот. *Бурга тутишга ҳам бармоқ хўллаш керак.* Мақол. ■ *Шу пайт ўчакишигандек елкасида, кураклари остида чумолими, бураими ўрмалай бошлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

**Бурга тепди** Енгил, ўткинчи касалга дучор бўлди. *Бурга тепди, шекилли, врачларни пича безовта қилиб қўйдик.* «Муштум». *Қалай, тузукмисиз, анча-мунчага сўз бермас эдингиз, нима бўлди ўзи, ё бу сафар бурганинг каттаси тепдими, дейман-а?* Т. Ашуров, Оқ от. **Бурганинг кўзини кўрган салб.** Кўпни кўрган, пихини ёрган. *Бурганинг кўзини кўрган одам.* ■ *Требенко ўз атрофига Пругло сингари бурганинг кўзини кўрган қаллобларни тўплай бошлади.* «Муштум». **Бургага аччиқ қилмоқ** Бирор нарсдан (кимсадан) аччиқланиб, ноўрин ҳаракат қилмоқ. *Кейин ҳам бургага аччиқ қилиб, олти яшар қизчасини қайнонасига қолдириб, турмуш қуриб кетган.* «Муштум». *Ахир бургага аччиқ қилиб, кўрна куйдириш ярамайди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БУРГАН** Мураккабгуллиларга мансуб бир йиллик бегона ўт. *Бурган босган ер. Бурган супурги.* ■ *Ошқовоқ палаклари чирмашган қопқа ортида.. бурган говлаб ётибди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Ғайрат пахта аралаш ғўзанинг ҳидини тўйди. Унга уватлардаги ёвшан, бурган иси қўшилиб кетди.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

**БУРГАНЗОР** Бурган босган ер, майдон. *Хиёл этақларини қоқди-да, қўл силтаб, бурганзорга йўл олди.* И. Раҳим, Тақдир. *Бешинчи кун деганда ариқча янтоқзор, бурганзор, баланд-пастликлардан ўтиб, эски изига тушиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУРГУТ I I** Қарчиғайсимонлар (лочинсимонлар) оиласига мансуб катта йиртқич овчи қуш. *Бургут — анча йирик, чаққон ва кучли қуш.* «Фан ва турмуш». *Халқимизда бургутнинг кучи — қанотида, одамнинг кучи — дўстлигида, деган гап бор.* Газетадан.

**Бургут боқиш қилмоқ** Таъсирчан, ўткир қараш қилмоқ, тикилиб қарамоқ. *Бобом бургут боқиш қилиб менга қарадилар.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**2 кўчма** Йиртқич, ёвуз (одам ҳақида). *Ўзи мулоим кўрингани билан, чангалидан чаён ҳам омон чиқолмайдиган бургут бу қори!* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Хотинларнинг эркига чанг солган бир бургутдан хайрли бир иш кутиш мумкинми?* Газетадан. *Мен кабутар бўлсам, ул бир бургутдир, Мен муштипар бўлсам, ул бир йиғитдир.* «Маликаи айёр».

**3 кўчма** Жасур, қайтмас, эпчил. *Мирзо, сиз саркарда Ёқуббекнинг бургутлари билан сўл қанотда борсангиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Иш кўрсатмай ўлиш номард ишидир, Бургутларим, келиб бергин маслаҳат.* «Нурали».

**БУРГУТ II астр.** Осмон экватори атрофида Дельфин, Қавс, Далв юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган юлдузлар туркуми.

**БУРГУТОНА** Бургутларга хос, бургутники сингари. *Эҳтимол, ҳамма вақт олиб, олдирмай келган бу соҳибчангалнинг биринчи бор юмшаб очилишидир. Қандайдир бир куч бу бургутона чангални очди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БУРГУТСИМОН** Бургут каби; бургутга ўхшаш. *Анқақалъа харобаларининг бирида эрамизнинг 3-асрига оид бўлган, бошига бургутсимон темир қалпоқ кийган шоҳнинг расми солинган Хоразм мис тангаларидан иккитаси топилган.* И. Жаббаров, Кўҳна харобалар сири. *Кенг дала йўлларида учади бургутсимон.* Қ. Муҳаммадий.

**БУРГУТСИФАТ** Бургутга ўхшаш, мисоли бургутдек. *Қари чинор тепасида бургутсифат бўлиб турган Аҳмон девни кўриб, кўзидан ёши тирқираб кетди.* «Маликаи айёр».

**БУРД** [ф. برد — ютуқ, муваффақият; фойда] Ишончга сазоворлик, тайинлилик, ростлик; эътибор, обрў. *Ғийбатчининг бурди бўлмас, Тухматчининг юзи бўлмас.* Мақол. ■ *Нигора тухмат гапларга ишонади: Шербек унинг учун бевафо, бурди йўқ.* С. Анорбоев, Оқсой.

**Бурди йўқ** Эътибори йўқ, ваъласида, лафзида турмайдиган, гапига ҳеч ким ишонмайдиган, бетайин, бурдсиз. *Бурди йўқ одам. Халқ олдида бурчи йўқнинг бурди йўқ.* Р. Жуманиёзов, Сўз кўрки — мақол. **Бурди кетмоқ** (ёки қолмаслик) 1) эл олдида ишонччи,

эйтиборни йўқотмоқ, гапининг тайини қолмаганлик. -*Менга қара, — деди Ражаб бобо [Ҳожиматга], — бир бурдинг кетгандан кейин, ҳеч ким сени одам қаторида кўрмай қўяди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Сўз бердингми, уни, албатта, бажариш керак. Йўқса, бурдинг қолмайди. С. Кароматов, Бир томчи қон; 2) мазаси, баракаси кетмоқ, яроқсиз бўлиб қолмоқ. *Ҳосил мўл, тобида силос қилмасак, шираси камайиб, бурди кетади.* Ф. Нуруллаев, Бўз йигит. *Қишлоқдаги кўпчилик иморатлар эскириб, бурди кетиб қолган, бундай ёмғирларга бардош беролмас эди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Фотима она унинг бурди кетиб қолган йиртиқ ботинкасини эски чўтка билан мойламоқда.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**БУРДА** [ф. *برده* — кесилган, бўлинган] Кичик парча, бўлак (нон, гўшт ва ш.к. ҳақида). *Бир бурда патир. Кўпчилик бир муштдан урса, ўлдиради, бир бурдадан берса, тўйдиради.* Мақол. ■ *Эрталаб туриб, бир бурда нон билан бир пиёла қатиқ ичдим, кейин кайнатамникига жўнадим.* Ў. Усмонов, Сирли сохил. *Мана, гўжа ҳам тайёр: унда на ёғ бор ва на бир бурда гўшт.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мана, кўринг, кўйлақларини бир бурдадан қилиб ташлабди-я!* «Шарқ юлдузи».

**Бир бурда бўлиб қолмоқ** Озиб-тўзиб, жуссаси кичрайиб, ожиз бўлиб қолмоқ. -*Рус-там ака, Азизани шу кунда кўрсангиз, бир бурда бўлиб қолди, — деди ачиниб Муҳаббат.* В. Гофуров, Вафодор. *Саид отасининг елкалари чўкиб, юзлари бир бурда бўлиб қолганини пайқади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. **Бир бурда ер (тоғ ва б.)** Кичик ер парчаси. *..бир бурда тоғ қуласа, бутун бошли қишлоқ аҳолиси табиатнинг бу бебошлигидан танг қоларди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. **Бир бурда одам (юз ва б.)** Жуссаси кичик, ожиз, озғин одам. *Энди у бутун умидини ҳали кўзларини очмаган бир бурдагина қизалоққа қўйган.* Ё. Хаймов ва М. Раҳмон, Хаёт-мамоғ. *..бобо айвон пешииа омонатгина чўнқайиб, хотинининг бир бурдагина сўлғин юзига тикилди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. **Ҳам хўрдани, ҳам бурдани урмоқ** Унисидан ҳам, бунисидан ҳам баравар манфаатдор бўлмоқ, фойдаланмоқ ёки ҳам емоқ, ҳам олиб кетмоқ (олғир одам ҳақида). *Айниқса, фартуқли кишиларнинг серсоқоли ҳам хўрдани, ҳам бурдани урадиган кўринади.* «Муштум».

**БУРДА-БУРДА** *такр. с.* Парча-парча, бурдаланган, парчаланган. *Бурда-бурда нон. ■ ..чопонларим бурда-бурда бўлиб, ҳушимдан кетиб қолдим.* Газетадан. *Фалокат боссин-да, йўлинг тўсылсин, Бурда-бурда сенинг гўштинг узилсин.* «Ҳасанхон».

**Бурда-бурда қилмоқ** 1) парча-парча, тилка-пора қилмоқ. *Яна не маломатларинг бор, эй яратган эгам, бор бўлса, ташла бошимга. Танамни бурда-бурда қил!* «Ёшлик». *Жанна.. Ҳафизанинг кулиб турган суратини бурда-бурда қилиб, корзинкага ташлади.* Мирмуҳсин, Умид. *Отаси ўлгандан кейин, кўрна-ёстик ва энгилларини бурда-бурда қилиб, титкилаб қарасалар, қирқта қизил тилла йўқ эмиш.* «Луқмони Ҳаким»; 2) кўчма вайрон қилмоқ, пора-пора қилмоқ. [Низомжон] *Танини зирқиратган, юрагини бурда-бурда қилган кечмишини эслади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БУРДАЛАМОҚ** Бўлак-бўлак қилмоқ, парчаламоқ, тилка-пора қилмоқ. *Нонни бурдаламоқ. Қоғозни бурдаламоқ. ■ У ҳай-ҳайлашимга қарамай, қатламадан икки-тасини бурдалаб, олдимга суриб қўйди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Акамни, Худойқулни еган бўри энди бизларни ҳам шу ерда бурдаламоқчимиз?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ёнаётган бағрини қандай қилиб совитса экан?! Ҳеч совитиб бўлмайди! Девордан Ҳафизанинг суратини олиб бурдаласинми?* Мирмуҳсин, Умид.

**БУРДА-СУРДА** Парча-пурча, бўлтак-сўлтак. *У чой билан қотган бурда-сурда нон ва баъзан салқит ошлар билан менинг нарваришимга бошлади.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Хотин сандал устидаги шира томган дастурхондан бурда-сурда нон, мураббо юқи пиёлаларни йиғиштириб олади.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**БУРДЛИ** Ваъдасида, сўзида турадиган, бурдини, эйтиборини йўқотмаган, ишонса бўладиган, тайинли. *Бурдли одам. ■ Мана шу ёмон бўлди, чунки Пулатовнинг унга бундай муносабатда бўлиши Баратнинг бурдсиз гапларини бурдли қилар эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Унинг суратини дарров олардим. Лекин ишчан, бурдли бошлиқ деб эмас, мақтанчок, ваъдабоз сифатида.* «Муштум».

**БУРДСИЗ** Ваъдасида, сўзида турмайдиган, ишониб бўлмайдиган; бетайин, бевурд. -*Эл орасида [Маҳмуд] бурдсиз экан, ваъдасида турмабди, деган сўз бўлади, — деди*



Камол. А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими. *..сурбет, юлғич, текинхўр, бурдсиз.. маишатларастларнинг пўстагини қоқишда сатира, юмор жанрларидан фойдаланиш керак.* «Муштум».

**БУРЖ** [а. برج — минора; қалъа; юлдузлар туркуми] 1 аср. Куёшнинг йиллик кўринма ҳаракати доирасидаги ўн иккита юлдузлар туркуми; уларнинг ҳар бири (**Хут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадй, Далв**). *Туркий халқларда ойлarning номи ҳам бурж номидан олинган..* «ЎЗМЭ». Тақсиримнинг юлдузлари *Қавс буржига кирди.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

2 Қалъа деворига туташтириб, унга тиргак сифатида ташқи томонидан минора шаклида қурилган қўшимча бино. *Девор бўйлаб ҳар 60 метрда бурж бино қилинган.* «Фан ва турмуш». 19-асрда бунёд қилинган қалъа деворлари кўлаб буржлар билан мустаҳкамланган. «Фан ва турмуш». *Шу пайт қалъа буржидида пайт пойлаб ўтирган бир курд мерган уни аниқ нишонга олди.* Б. Аҳмедов, Улуғбек.

3 Бурчак, бурч. *Насиба боғнинг.. анор кўчатлари ўсаётган ўнг буржини кўрсатди.* «Ёшлик». *Бугун ҳар буржиндан, ҳар бир тошиндан Фақат дўстлик деган садо келади.* А. Орипов, Йиллар армони.

**БУРЖУА** I [фр. bourgeois — шаҳарлик] Буржуазия синфига мансуб киши, буржуазия синфининг вакили.

**БУРЖУА II** с. т. от Буржуазия. *Майда буржуа. Буржуа маданияти. Буржуа матбуоти.* ■ *Савдо-сотиқни ривожлантиришни кўзлаган Ислохўжа ёш миллий буржуа вакиллариининг йўлбошчиси эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**БУРЖУАЗИЯ** [фр. bourgeoisie — шаҳарликлар] Савдо-сотиқ, саноат, кредит-молия каби тadbиркорлик фаолияти орқали фойда олувчи капитал эгаларининг ижтимоий синфи — асосий ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи ҳоким синф, капиталистлар. *Экранда миллий буржуазиянинг турли бўғинларига мансуб бўлган образларни кўрамыз.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари. *Мен илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётиман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БУРЖУАЧА** Буржуаларга ва буржуазияга оид, буржуаларга ва буржуазияга хос бўлган.

*Буржуача ҳаёт. Буржуача тартиб-қоидалар. Буржуача ишлабчиқариш усули.*

**БУРЖУЙ** с. т. айн. **буржуа**. -*Буржуёлар дедингизми? У нима тагин? — деди Шокир ота.* -*Урислар бойларни буржуёй дер экан, — деди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ботирали шу ердан биринчи марта буржуёй, капиталист деган гапларни эшитди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**БУРИЛИШ I** Бурилмоқ фл. ҳар н. [Сидиқжон] *..чапга бурилиши билан пастқамликдаги Бақақуруллоқ яққол кўринди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 Йўл, дарё ва ш. к. нинг бурилган жойи, муйилиши. *Анвар, бурилишга етганда, ўзидан ўн қадам орқадаги ҳамроҳини кутиб турди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бурилишда автобус кўринди.* «Ёшлик». *Кетмонтепадан бу ёғига Норин дарёси минг бурилишлардан ўтиб, минг бир пастликларга бош уриб, кўтарилиб, қутуриб келади.* С. Аҳмад, Уфқ.

3 Ўзгариш, янгилашиш, янги босқичга ўтиш. *Бола етти ёшга тўлиб, мактабга борган йили унинг хулқ-атворида бурилиш пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш». *Эндликда Ер ҳақидаги фанларда ҳам кескин бурилиш рўй бермоқда.* «Фан ва турмуш».

**БУРИЛМОҚ I** Бурмоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н. *Ўннга бурилмоқ.* ■ *Жаҳон ўрнидан турди-да, эшикка қараб бурилди.* «Ёшлик». *Извош кўчадан ўтгач, ўннга бурилиб, тўхтади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Ўгирилмоқ, ўгирилиб қарамоқ. *Қизча ётсираб, қовоғини солиб, тескари бурилди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Ҳокимнинг кўзи хотин томонга бурилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Сигир ўқтин-ўқтин ёнига бурилиб, бузоқни ялар, пишиллари.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 с. т. Араз қилмоқ, араз қилиб тумшайиб олмоқ. *Уят эмасми, келин? Кеча келдинг сурилиб, бугун кетгин бурилиб.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Кўнинча сув ташийдиган одам топилмай, сувсиз ўтирамиз, — Нури яна бурилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Лаби бурилмоқ** Йиғламсирамоқ. *Бола онасига кўзи тушиши ҳамон, беланган оёқ-қўлини нитилатганча, бўшатишга уринди.* *Бирок уддасидан чиқолмагач.. лаблари бурилиб, йиглаб юборди.* «Ёшлик».

**БУРИМ** Бурилиш жой, бурилма. *Тоғ тепасига яқинлашганимиз сайин йўл тобора*

қийинлашади, ҳатто буримлар ҳам анча нишаб ва тик эди. М.М.Дўст, Лолазор. Катта буримда сув кўпиради, тўлқинлар илондек тўлғаниб, қирғоққа ёпишади. «Ёшлик».

**БУРИШИҚ** қ. **бурушиқ**. [Шокир ота] Эти суякка ёпишган, чувак юз ва пешонаси чуқур чизиқлар — буришиқлар билан қуюқ қопланган камсоқол кекса эди. Ойбек, Танланган асарлар. Онаси буришиқ бармоқлари билан жигарранг кўйлагининг этагини текислаб ўтираркан, индамади. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**БУРИШМОҚ** I айн. **бурушмоқ** (юз, кўл ҳақида).

**БУРИШМОҚ II Бурмоқ** фл. бирг. н. Улар аравани ўннга буришди. Йигитлар гапни бошқа ёққа буришди. ■ -Вой, қочмаган анойий! — қизлар лаб буришди. М. Мансуров, Ёмби.

**БУРИҚМОҚ** I Димиқиб ёки буркалиб терга ботмоқ. Бола бешикда буриқиб кетибди.

2 айн. **буруқсамоқ**.

**БУРКАМОҚ** I Бирор нарса билан бекитмоқ, ўрамоқ ёки ўраб кўймоқ. Кумушбиби онаси билан бувисининг уйдан чиқишлари ила бошини сандалнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ҳар доим юзини рўмоли билан буркаб юрадиган Адолат ҳозир ҳеч кимдан тортинмай, дадил борар эди. С. Зуннунова, Олов.

2 Бирор очиқ жойини қолдирмай, батамом ўраб, қоплаб олмоқ. Ҳавони булут буркади. Ҳамма ёқни чанг буркаб олди. ■ Кеча ёға бошлаган қор ҳадемай атрофни оппоқ чойшабга буркаган эди. С. Зуннунова, Олов.

3 кўчма Тўлдирмоқ, қопламоқ. Ўлкамизни боғларга, бўстонларга, гулзорларга буркайлик. ■ Тоғ этакларидаги жилғаларда баҳор суви тошиб, водийни яшил либосга буркади. С. Кароматов, Бир томчи қон. Бағишладинг меҳру муҳаббат Ва умримни буркадинг нурга. Р. Бобожон, Танланма. Турмушни қувноқ, хушчақчақ қилишимиз керак, гулрайҳонларга буркашимиз керак. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**Шон-шуҳратга буркамоқ** Донг таратмоқ, машҳур бўлмоқ; шарафламоқ. Зиёев улуг ғалабага муносиб ҳисса қўшиб, ўзини шон-шуҳратга буркади. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

**БУРКАНМОҚ** Бирор нарса билан бекинмоқ, ёпинмоқ ёки қопланмоқ. Кўрпага

бурканмоқ. Шаҳар байрам либосига бурканди. Осмон булутларга бурканди. ■ Кумушбиби бир неча фурсатгача шу куйи бурканиб ётди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ғузур адирлари бу йил ҳам ям-яшил либосга бурканди. «Ёшлик».

**БУРЛОҚ** [р. бурлак — шовқин солувчи, қичқирувчи] Денгиз ва дарё қирғоқларида туриб, кемаларни арқон ёрдамида судраб юргизувчи ёлланма деҳқонлар. Бурлоқларнинг чеҳраси сарғиш, Арқон судрар, қалби тўла роз. Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. Балки жонланарди қанчалар тилак, Балки бурлоқларнинг охи солар из. Мирмуҳсин.

**БУРМА** I сфт. Буриб-буриб ишланган, бурмалаб тикилган; бурмали. Бурма юбка. Кўкрак бурма кўйлак. ■ Эрта билан суянаман дарахтга, Бурма кўйлак ярашади билакка. «Кўшиқлар». Сочларинг сумбулдир, популинг бурма. «Гулшанбоғ». Отингнинг қамчиси бурмадан бурма. «Кўшиқлар».

2 от Шу хилдаги кийимнинг, нарсанинг бурилган, бурмаланган жойи. Кўйлакнинг бурмаси. ■ Айққдай кўпол, тепакал директор лоқайд диплом варақлайди-ю, кўйлагининг бурмасидан кўз узмасди. «Ёшлик». Кўйлак бурмаларини туртиб турган кўкраклари қисқа-қисқа нафас олганидан тинмай қалқирди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 Бураб ишлатиладиган, бураб очадиган. Осмонга қарасам парча булутлар, Парчанинг ичинда бурма калидлар. «Кўшиқлар».

4 от. геол. Ер қобиғининг қатланган жойи.

**БУРМАБЕЛ** сфт. Бел қисми бурмалаб тикилган. Қирмизхон аввалгидан ҳам очилиб кетган: эғнидаги келинлар киядиган оппоқ бурмабел парча кўйлакнинг этаклари ерда судралиб келар, қўша-қўша узукли қўллари дурқун кўксига қовуштирилган. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**БУРМАБЎЙИН** зоол. Қизилиштонлар туркумига мансуб, бўйни пармадек бураладиган қуш. Бурмабўйин чумолилар, ўсимлик ширалари ва б. ҳашаротлар билан озқланади. «ЎЗМЭ».

**БУРМАЛАМОҚ** Бурмалар ҳосил қилмоқ, бурмалар ҳосил қилиб тахламоқ, тикмоқ.

**БУРМАЛАНИШ** геол. Ер пўстининг узун, чуқур чўкмаларида ёки уларнинг айрим қисмларида қатламларнинг эгилиши ва дарзлик, узилмаларнинг пайдо бўлиши. Бурмаланиш фазаси. •

**БУРМАЛАНМОҚ** *Бурмаламоқ* фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Бу тоғ жинслари геологик тарихда ер ости кучлари таъсирида бир неча бор турли йўналишида бурмаланган.* Газетадан. *Чўл бурмаланган наमतдек нотекис.* С. Кароматов, Сўнги бархан.

**БУРМАЛАШ** 1 *Машинасозлик, қуришиш ва б. соҳаларда тахта (лист) материалларнинг мустақамлигини ошириш мақсадида уларни тўлқинсимон ва шокиладор қилиб ясаш.*

2 *Тикувчиликда асосан аёллар кийимларида бурмалар ҳосил қилиб тикиш. Кўйлакни бурмалаш.*

**БУРМАЛИ** 1 *Бурмаси бўлган, бурма қилиб тикилган. Жўраҳоннинг барваста гавдаси, кўкраги бурмали ҳаворанг чит кўйлагини тўлатиб, тошиб кетеудай кўприб турарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Кўйлаклари бурмали, Қоши, кўзи сурмали Қайнонасига бир салом. «Кўшиқлар». Бинафшахон бурмали кечки кўйлакда, сочлари наришон, эшик ёндорига суяниб турарди.* М.М.Дўст, Галатепа қиссалари.

2 *Бурма ҳосил қилган, бурмаланган. Мушукда мия яримшарининг сирти бурмали бўлади, бу билан мия пўстлогининг сирти кенгайди. «Зоология».*

**БУРМА-СУРМА** *Сербурма, бурмаси кўп. Кийимни жуда қунт билан бурма-сурма, сертузма қилиб тикадилар.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУРМАҚОРА** *бот.* Кўкноригулликлар оиласига мансуб бир ёки бир неча пояли, туганак илдизли кўп йиллик ўсимлик.

**БУРМОҚ** 1 *Ҳаракат йўналишини ўзгартирмоқ, бир томонга қайирмоқ. Чавандоз отини орқага буриб, сув оқимига қараб кетди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Асрор кўп ўйлаб ўтирмай, йўлни Қамариддинникига бурди. «Ёшлик». Агар сув шу қяликдан оқадиган бўлса, уни тўсиб ҳам, буриб ҳам бўлмайди.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *Бирор томонга ўгирмоқ, қаратмоқ. Салимбойвачча ачиқланиб, юзини тескари бурди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жаҳонгир бу қарашга дош беролмай, юзини бурди. «Шарқ юлдузи». Домла бўйнини шартта буриб, Элмуродга тикилди.* П. Турсун, Уқитувчи. *Беш-олти қари сигир тумшугини буриб, ётган ерида думини ликиллашиб кўя қолди. «Муштум».*

3 *кўчма Йўналтирмоқ, қаратмоқ; оғдирмоқ, мойил қилмоқ. Ёш кўнгилининг майлини Иша бурман.* Файратий. *Нима қилай, узоқ гапирдим, Тушунчангни ҳар томон бурдим.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

**Гапни (ёки сўзни) бурмоқ** 1) *фикрни чалғитиб, гапни бирор бошқа мавзуга кўчирмоқ. Мулозамат шу ерга етганда, Раззоқ гапни бошқа ёққа буриб юборди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *..қизлар бирпас жим бўлиб қолишди. Кейин Урозул опа гапни буриб кетди. «Ёшлик».* *Отахўжа ака отанинг сир бериб қўйишидан чўчиб, гапни бурди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина; 2) *фикрни бутунлай бошқача талқин қилмоқ, бошқача аңламоқ. Сўзимни бурманг, Раҳимжон ака! Бу номардлик бўлади!* О. Ёқубов, Чин муҳаббат.

4 *Бурмаланадиган нарсани ёйиқ ҳолидан бурма ҳолига келтирмоқ, йиғмоқ. Халтанинг оғзини бурмоқ. ■ Зиёдахон.. қопнинг оғзини яна буриб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 *Айлантирмоқ, бошқармоқ. Машина рулини буриб, Тонна тўкар Қизларой. «Кўшиқлар».*

6 *Сикмоқ; чимчиламоқ. Қўлини бураб-бураб олди. ■ Олтин узук бармоғимни буради, Бир йигит бор йўлларимда туради. «Кўшиқлар».*

**Бўйин бурмаслик** *Итоаткорлик, бўйин товламаслик, тобелик. Сиз, устод, бир нима десангиз, биз бўйин бураган эмасмиз. Мирмуҳсин, Меъмор. ..буларнинг барчаси бойвачанинг етовига ҳеч бўйин бурмай юришади.. унинг зулм болтасини қайраб беришдан чарчашмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Лабини бурмоқ** 1) *бирор иш-ҳаракат, гап-сўз, имо-ишора ва б. ни маъқулламаганлик, ёқтирмаганликка ишора қилмоқ. Хотини қалин бўялган лабларини асабий бурди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Ойим ишонмай, лабини бурди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Абдишукур «шу ҳам гапми» дезандай, лабини бурди.* Ойбек, Танланган асарлар; 2) *йиғламирамоқ.*

**БУРНАКИ** *қ. бурунаки.*

**БУРНОҒИ** 1 *Ўтган йил (ой, кун, ҳафта)дан олдинги. Бурноғи кун. Бурноғи ой. ■ Бурноғи йили теракка ўн хил атиргул пайванд қилган.* С. Аҳмад, Суд. *Бурноғи йили отаси безгак билан оғриб қазо қилганидан бери рўзгор Абду Сирожнинг ёш бошига тушиб қолди.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Бурноғи қиш-*

нинг охирлари эди. Мен қандайдир юмуш билан, эшикни тақиллатмасдан, беканинг уйчасига кирдим. «Ёшлик».

**2** кам қўл. Бурун яшаб ўтганлар, бурун-гилар. Бурун-гилар масалидурки, бўлар ишининг бошига, яхши келур қошига. Гулханий, Зарбулмасал.

**БУРОВ 1** Бураш, айлантириш.

**Бурови кам** Етарлича буралмаган (соат, патефон сингари пружинали нарсалар ҳақида).

**2** Уй ҳайвонларининг тумшугига солинадиган сиртмоқ. У ҳар инграганда, Сотиболди, чаккасига буров солинган кишидай, талвасага тушар эди. А. Қаҳҳор, Бемор. Исломбой жони жаҳони ўртаб бораркан, икки чаккасига буров солингандек, бошида оғриқ кўзгалганини сезди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**3** кўчма Авж, сиқув. Менинг деҳқон бобом, андак ором ол, Қуёш буровига олган палла бу. А. Орипов, Йиллар армони.

**4** кўчма Кучоқ, қуршов. Шу азоблар буровида утирганида, эшик очилиб, аввал даволовчи врач, сўнг.. Нозима кириб келди. «Ёшлик».

**Оғзига (ёки тилига) буров солмоқ** Гапириш имкониятидан, ҳуқуқидан маҳрум қилмоқ, гапиртирмай қўймоқ. -Хунармандларнинг оғзига буров солиб қўймоқ керак экан, — деди у [хон] кўзини чақчайтириб. М. Осим, Элчилар. Муаллим, тилига буров солингандек, қаққайганича туриб қолди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

**БУРОМАД** [ф. برآمد — чиқиш; харажат, чиқим] Чиқим; сарф-харажат. зид. даромад. Даромадга қараб буромад. Мақол. Буромад бўлмаса, даромад бўлмас. Мақол. ■ Саврихон узун даромаднинг буромадини эшитиб, гангиб қолди. «Ёшлик».

**Гапнинг буромади** Гапнинг хулосаси, якуни. Гапнинг буромади шуки, сенинг гапларинг менга ёқмади.

**БУРОҚ** [а. براق — ярқироқ] **1** дин. Меърож кечаси Муҳаммад пайғамбарнинг Қуддусга бориши ва у ердан осмонга кўтарилиши учун худо томонидан юборилган қанотли от.

**2** кўчма Учқур от. Қувонибон миндим деб яхши буроқ, Кетай десам, отамнинг юрти йироқ. «Бўтакўз».

**БУРРО** [ф. بَرّاء — кесувчи, кескир; ўткир] **1** Кескир, ўткир. Дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод.. қиличи бурро.. кимнинг

ажали етса.. бошини кесиб келтирамиз-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Қиличим ўткир, тиғим бурро, ҳукмингизни бажо келтираман.. «Луқмони Ҳаким».

**2** кўчма Аниқ-равшан, бийрон, ўткир. Бурро гап. Тили бурро одам. Ўринсиз ҳақорат соқовни бурро қилар. Мақол. ■ Ҳар қандай шер юрак, ҳар қандай бурро тил ҳам муҳаббат сўзларини изҳор этишига ожизлик қилади. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Токи ул фармон қўлга кирмас экан, Исломхўжанинг тили бурро, мартабаси зиёда. С. Сиёев, Ёруғлик.

**БУРРО-БУРРО** рви. Фоят аниқ-равшан; бийрон-бийрон. Севарагул ҳовлига чиқаркан, чиндан ҳам ҳализамон бурро-бурро гапириб юборадигандек.. аста-секин гўлдираб қўйди. «Ёшлик». Гаплари бурро-бурро. Ундай-бундай даврада оғзиданини олдирмайди. «Ёшлик».

**БУРРОН** [ф. بَرّان — кесувчи, кескир; ўткир] айн. бурро **1**. Қасос найзасини қайранг, полвонлар, Нафратингиз бўлсин тиғи бурронлар. Миртемир, Асарлар.

**БУРСИТ** [лот. bursa — халтача] Айрим юкумли касалликлар ёки шикастланишлар туфайли бўғим шиллиқ халтачасининг ўткир ёки сурункали яллиғланиши.

**БУРТ** кам қўл. айн. мурт. Ҳеч ким уят қилмайди, буртингни болта кесмайди, бошингда ёнғоқ ҳам чақилмайди. С. Нуров, Нарвон.

**БУРУЛ** Холдор, кўкиш (от туси ҳақида); шу тусдаги отнинг ўзи. Бурул от. ■ [Абдужалил бой:] Бўлмаса, бурулни тўқимлаб келтир. А. Қодирий, Обид кетмон. Фозил бахши от жиловини бир бора бурмаса-да, бурул таниш хонадонни бемалол топиб боради. «Ёшлик».

**БУРУН 1** (3-ш. бирл. бурни) **1** Ҳидлаш, ҳид билиш аъзоси; шу аъзонинг ташқи қисми. Қирра бурун. Қийғир бурун. Бурун катаги. Ўртада бурун бўлмаса, кўз кўзини ўяр. Мақол. ■ Шарофатнинг юпқа лаблари кўқариб пирпиради, бурни оқариб, катаклари керилди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Искандар, ёмон ҳид келгандай, бурнини жийириб, ошхона тарафга қаради. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Унинг бурун ва юзлари совуқдан қипқизариб кетган. С. Зуннунова, Олов.

**2** с. т. Жўмрак. Чойнакнинг бурни.

**3** Қўлфнинг калит солинадиган тешиги. Нури бугун Гулнорнинг уйини холи топиб, калити бурнида унутилган бир қўтунни очди. Ойбек, Танланган асарлар. Хайрият, эшик-

нинг калити бурнида қолган экан.. С. Аҳмад, Сайланма.

**4** Кеманинг олд қисми, тумшуғи. *Темур Малик энг олдинда бораётган кемада эди, у икки қават совут ва дубулға кийиб, кема бурнига чиқди.* М. Осим, Темур Малик.

**Аччиғи бурнининг учиди қ. аччиқ 7. Бурни билан гапирмоқ (ёки куйламоқ)** Димоғи билан гапирмоқ (куйламоқ). У [Собираҳон] нима тўғридадир ўйлар, ихтиёрсиз бўлса керак, алақандай ҳазин куйни бурни билан куйлаб борар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. **Бурнига сув кирмоқ** Ақли кирмоқ, мақсадидан воз кечмоқ. Бу қандай гапки, ахир, ҳали ҳам Ҳамзаҳоннинг бурнига сув кирмабди. Мактабни шарият номи билан неча бор боғладик, у ўзбошимчалик билан қайта очаверди. К. Яшин, Ҳамза. У топан-тутганини.. киморга ютқазиб, ўйиндан чиқди, унинг бурнига эрта сув кирди. «Ёшлик». **Бурнидан ип ўтказиб олмоқ** Ўз домига тушириб, тамоман қўлга олмоқ, ўз измига солиб олмоқ. Болагинамга эга чиқиб, бурнидан ип ўтказиб олди бу доғули. «Муштум». **Бурнидан оша (ёки ортик) гапирмоқ** Бировга керагидан ошиқ, ёқмай-диган гап айтмоқ. Дунёнинг жабру жафосини бошидан ўтказган. Ҳеч бир одамга бурнидан оша гапирмайди. «Ёлгор». **Бурнидан тортса (ёки бурнига чертса), йиқилгудай** Ҳолдан тойган, рамақижон бўлиб қўлган. Гавдасининг шундай катталлигига қарамай, қандайдир узоқ касалдан турган одамдек, бурнидан тортса, йиқилай деб қолди. Ойдин, Бечора. Мана бугун ҳам илгидан дармони қўриб қайтди. Бурнига чертсанг, йиқилади! Шуҳрат, Умр поғоналари. **Бурнидан чиқди** Тати-мади; зое бўлди. Уриш эшитиб, ўйнагани ҳам бурнидан чиқди. **Бурни кўтаришмоқ** Мағрурланиб, кеккайиб кетмоқ. Хўжайиннинг лайчаси-ку, бурнини бир қарич кўтарганига ҳайронмиз. Ойбек, Танланган асарлар. **Бурнини тишлаб қолмоқ** Армонда қолмоқ. [Гулнор:] Бу хўжрага бошлаб келдингиз, менга жуда ёқди, энди уйга қайтиш йўқ, Мирзақаримбой бурнини тишлаб қолсин. Ойбек, Танланган асарлар. **Бурни ҳам қонамади қ. қонамоқ. Буруннинг тагида (ёки остида) с.т.** Олдингинасида, ёнгинасида. **Бурун суқмоқ (ёки тикмоқ)** Ўзига алоқаси бўлмаган ишларга аралашмоқ, қотишмоқ. Олимхоннинг «фазилатлари» саноқсиз: у, элликбоши бўлгани учун, ҳамма тўй, маъракаларга бурнини тикади.

Ойбек, Танланган асарлар. **Икки қўлни бурнига суқиб (ёки тикиб)** 1) қуруқ; ҳеч нарса-сиз. *Эртаси кун ёки шу кун кечасиёқ икки қўлларини бурунларига тикиб.. хўжайинларининг ҳузурига борадилар.* А. Қодирий, Обид кетмон; 2) қуруқ; бенасиба. [Йулчи:] *Ман кучимни, теримни тўкай, фойдасини сояпарвар бойлар кўрсин, ман икки қўлимни бурнимга тикиб қолаверай! Қани инсоф!* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУРУН II** [3-ш бирл. бурни] геогр. Қуруқликнинг сув ҳавзасига кўпроқ туртиб кирган чўзинчоқ қисми. **Челюскин бурни.** ■ *Жарнинг нариги томони бир тепадан иборат бўлиб, жануб биқини маълум Чақар суви билан, гарби Бўзсув ва Кўкча ариғи билан ўралган бурун.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БУРУН III 1 рвш.** Илгари, илгариги, ўтган вақтларда. Аҳвол бурун қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эмас. ■ *Мана бу жойлар бурун Абдуваққос деган бир кишига тегишли экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Бурунлари** Илгарилари, илгариги замонларда. *Эл-юрт бошидаги оғир кулфатни.. бурунлари, фақат камбағалликдан деб билиб, бундан нарисини кўрмай келган бўлса, энди — о, йўқ.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2 рвш.** Олдин, илгари, муқаддам. *Яхши хотин кулмасдан бурун кулдирар, Ёмон хотин ўлмасдан бурун ўлдирар.* Мақол. *Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан.* Мақол. ■ *Элмурод Ғани Мардоновнинг сўнги хатини бир ҳафтача бурун олган бўлса ҳам, жавоб ёза олмасан эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**3 кўм. (ч. к. билан)** Муайян воқеа, ҳодиса ёки ҳаракатнинг бошқасидан ёки шу ҳақда сўз бораётган пайтдан олдин бўлганлигини билдиради. *Бундан беш йил бурун. Бундан сал бурун. Иш мўлжалдан ун беш кун бурун бошланди.* ■ *Эрта билан, офтоб чиқмасдан бурун бойнинг ҳовлисида икки арава тайёр бўлди.* С. Айний, Қуллар.

**Ҳаммадан бурун 1)** энг аввал, дастлаб, биринчи бўлиб. *Золотарёвқа қишлоғига Аҳмаджон ва унинг бўлинмаси ҳаммадан бурун кириб борди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) биринчи галда, биринчи навбатда, аввало. *Ҳаммадан бурун шу масалани ҳал қилиш керак.* ■ *Ҳаммадан бурун шартига тўғрилаб, байроқни осмонга кўтариб қўйганингни қара.* М. Муҳамедов, Қиммат билан Ҳиммат. **Элдан бурун қ. эл.**

**БУРУН** IV Дегрезликда ишлатиладиган, дўкон тарновларидан кирган шамолни кўмирга йўналтириш учун ясалган қуйма чўян мослама.

**БУРУНАКИ I** Доривор, наркотик ва ш. к. моддаларни кайф қилиш ёки даво мақсадида ишканш.

**2** Ўша мақсадда бурунга отиладиган, ишқаладиган моддаларнинг умумий номи. *Шу вақтда кимдир бурунаки отгандек, қайта-қайта апишурди.* Ойбек, Навоий. *Чол.. бармоғи орасидаги бурунакисини босиб-босиб ҳидлади.* «Ёшлик».

**БУРУНГИ I** Аввалги, илгариги, ўтмишдаги. -*Тагин нима дейсиз? -Ҳеч нарса демайман.. Лекин сиз икки йил бурунги Қумуш эмассиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тўхтаев чамаси бир сония бурунги гашлигини унутиб, савол берди.* «Шарқ юлдузи».

**Бурунгилар** Қадимги, ўтмишдаги одамлар, ота-боболар. *Бурунгилар.. югурганники эмас, буюрганники, дейишган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**2** Қадимий, кўҳна, эски. *Бурунги гап.* ■ *Бурунги замонларда Ибн Сино, Луқмони Ҳаким ўтган. Улар ҳар бир касалга даво топган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бурунги вақтда эрларга чўри бўлган хотинлар ҳозир эрлар билан тенг.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар. *Исмоил аканинг айтишига қараганда, бурунги замонда бойваччаларнинг жиловдор мулозимлари бўлар экан.* А. Мухтор, Танланган асарлар.

**БУРУНГИДАЙ**, -дек Аввал қандай бўлса, шундай; ўзгаришсиз, бурунгича. *Аҳвол бурунгидай. У бурунгидай хушчақчақ.* ■ *Йўлда ўтган саргузашт унутилди. Икки ошина бурунгидай апоқ-чапоқ бўлиб, пивохомага кирди.* А. Қаҳҳор, Миллатчилар.

**БУРУНГИЧА** айн. **бурунгидай**. *Аҳвол бурунгича.* ■ [Зайнаб] *Ўн оғизга бир оғиз сўз қайтармас, тинчгина, мулоиймгина, яъни шундан бир йил бурунгича эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БУРУНДИҚ I** Асов, тишлонғич туянинг ёки қопагон итнинг тумшугига кийдириб қўйиладиган махсус тўр. *Асов нортуядай уриб бурундиқ, Ёввойи буқадай солгаймиз бошвоқ.* Миртемир, Асарлар. *Ййдоқ дала келганда, бурундиқни бўшатар.* А. Мухтор, Асарлар.

**БУРУНДИҚ II** зоол. Кемирувчилар оиласига мансуб бир хил ҳайвон.

**БУРУНДОР I** Бурни катта, катта бурунли. [Ортиқ Холиқов] *Пакана, гўштдор.. серқош, бурундор, бурнининг остида жиндак мўйлови ҳам бор эди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.

**2** кўма Бурнини кўтариб гердайиб юривчи, димоғдор.

**БУРУТ** (3-ш. бирл. **бурти**) шв. Мўйлов. *Қора бурти кўкка ўсган, бет қип-қизил.* Ғ. Ғулом. *Худо хоҳласа, Қайсари Румда амакигининг бурутини бундан кейин ҳам ҳеч бир болта чополмайди..* Н. Қиличев, Чиғириқ.

**БУРУШГАН I Бурушмоқ** фл. сфдш.

**2** Ажин босган, серажин, бурушқоқ. *Лавлихон кампирнинг сўлижан олмадек бурушган юзидан ўнди-да, югурганча ювиниш учун уйга кириб кетди.* «Саодат». *Гугурт қутидай устма-уст жойлашган айвонларда хотинларнинг, кампирларнинг бурушган башаралари кўринди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БУРУШИҚ I** сфм. Ажин босган, бурушган. *Йигит унинг букилган қаддида, бурушиқ юзларида оддий қариллик ожизлигини эмас, балки қуллик изтиробини ва синган гурурнинг забунлигини кўрди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**2** Суви қочиб қолган, бужмайган. *Бурушиқ олма.*

**3** от Терининг, матонинг ва ш.к. нинг бурушган, тиришган жойи; бурма, қат. *Кийимнинг бурушиғи.* ■ *Шокир отанинг юз бурушиқларида ғам мавжланган каби туюлди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУРУШИҚ-ТИРИШИҚ** Жуда ҳам ажин босган, бурушиб, тиришиб кетган. *Скелет каби нуқул суякдан иборат бўлган кичкина хотин, бурушиқ-тиришиқ юзи — олқинди совун.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БУРУШМОҚ I** Ажин билан қопланмоқ. *Янганинг бурушган, кесакранг чехраси ёришиб, супага, дастурхон тепасига келди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. У [Анзират хола] *олтмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда бурушган бўлса ҳам, қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Болалардан кейин юзлари шафтолиқоқидай бурушган аллақандай митти кампирлар, мункиллаб қолган кўса чоллар кўринди.* О. Ёқубов, Излайман.

**2** Бирор руҳий таъсир натижасида тиришмоқ, чимирилмоқ. *Унинг тишлари ғирчиллаб кетди, афт-башараси бурушди.* Ў.

Усмонов, Сирли соҳил. *Юзлари ташвиш ва қандайдир мажҳулият ҳисси билан бурушиди.* Ойбек, Куёш қораймас.

3 Куришиб ёки тортишиб қат-қат бўлмоқ, бужмаймоқ. *Бурушиб қолган олма.* ■ *Ҳаммадан Аҳмаднинг туриши аломат: бошидаги оқ қалпоғи эзилиб бурушиб кетгани учунми, афтини ошпазларга ўхшатиб юборибди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БУРУШТИРМОҚ** Бурушмоқ фл. орт. н. *Ойшмхон бу гапларни лабларини буруштириб, шундай бир оҳангда айтидики, ҳамма бара-вар кулиб юборди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БУРУШҚОҚ** 1 Бурушган, бурушиқ. *Бурушқоқ олма.* ■ *Кампир аллақандай бўлиб кетди.. тишсиз оғзи очилиб қолди, бурушқоқ лаблари титрай бошлади.* У. Назаров, Одамлар.

2 Бекорга, салга бурушиб, тиришиб қолаверадиган. *Бурушқоқ газлама.*

**БУРУҲ;** юрак (ёки ич) буруғи (тўғриси: ичбуруғ, юракбуруғ) 1) айн. *дизентерия.* *Келса хотиннинг уруғи, Топилади йўриғи, Келса эрнинг уруғи, Бўлар юрак буруғи.* Мақол; 2) *кўчма дағл.* мужмал одам.

**БУРУҲСАМОҚ** 1 Паға-паға бўлиб чиқмоқ, кўтарилмоқ (тутун, чанг ва ш. к. ҳақида). *Мўридан буруқсаб тутун чиқаётир.* ■ *Бази уйларнинг мўриларидан буруқсаб чиққан кўрланг тутун эринчоқлик билан осмонга ўрмалар.* С. Зуннунова, Олов.

2 Тутаб ёнмоқ, тутамоқ; қуюқ тутун чиқармоқ. *Самовар буруқсаб кетди. Ҳазон буруқсаб ёнмоқда.* ■ *Олов, қора тутун буруқсаб турибди.* Шухрат, Умр поғоналари.

3 Анқимоқ, гуркираб тарқалмоқ (ҳид ҳақида). *Сочингдан буруқсар эди сунбулининг иси.* Ҳ. Фулом.

4 *кўчма* Ичдан чиримоқ, сасимоқ, инкирозга юз тутмоқ. *Мақсумжоннинг сўзидан қандайдир тутуриқсизликнинг хиди буруқсаб турибди.* Ғайратий, Довдираш.

5 *кўчма с. т.* Ножўя, бўлмағур гаплар гапирмоқ, алжимоқ.

**БУРЧ** 1 Адо этилиши, бажарилиши мажбурий бўлган вазифа; мажбурият. *Ватанпарварлик бурчи. Виждон бурчи. Хизмат бурчи. Ҳарбий бурч.* ■ *Оналик — хотин-қизларнинг энг муқаддас бурчи деб қаралади.* «Саодат». *Ерли халқ тилини билиш ўша яшаш жойини инъом этган маҳаллий халққа нисбатан инсоний бурч ва ҳурмат ҳамдир.* «Саодат».

**БУРЧ** II 1 айн. **бурчак** 2. 3. *Казарма қоронғи, унинг бир бурчида кичкина чирок милтиллар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Шийпоннинг нариги бурчида эса Қобул Комилович соқолини қиртишлаш билан овора.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

2 Чекка, чет. *Ошиқ-маъшуқларга дунёнинг нариги бурчи ҳам бир, оғайни.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Олдинги тишлари тушганидан, лабининг икки бурчи кириб, юзининг бурушиқлари билан туташиб кетган.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бу Шарқ кичик эмас, бурчдан бурчига Аранг ярим кунда етади қуёш.* Ҳ. Фулом. *Биз тўқиган рўмоннинг Гуллари бор бурчида.* «Кўшиқлар».

**БУРЧАК** 1 мат. Бир нуқтада кесишган икки чизиқ (ёки нур) ҳосил қиладиган оралик, текислик; шундай текислик турли ҳодисалар ўлчови сифатида. *Бурчак даражалар билан ўлчанади. Тўғри бурчак. Утмас бурчак. Ўткир бурчак. Бурчак боши. Мўлжалга олиш бурчаги. Кеманинг курсдан оғиш бурчаги. Нурнинг тушиш бурчаги қайтиш бурчагига тенг.*

2 Нарсаларнинг томонлари, қирралари кесишган жой; бурч. *Дафтарнинг бурчаги. Стоlining бурчаги.* ■ *Тўрт бурчагига кўк, бинафша, шафтолиранг тпаклар билан гуллар тикилган.* Ойбек, Куёш қораймас.

3 Хона, бино, ҳовли ва ш. к. нинг ички деворлари туташган жойи ва унинг атрофи. *Ҳовлининг бурчаги. Айвоннинг бурчаги. Қўрғоннинг бурчаги.* ■ *Укўзларини бурчакка тикканича, қимирламай ўтирарди.* С. Зуннунова, Олов. *Мен ҳужранинг бурчагидан турган қанордаги сомон устига чиқиб, донг қотиб ухлаб қолибман.* Ғайратий, Унтилмас кунлар. *Кампирнинг амру фармони билан уйнинг етти бурчагига етти шам ёқилди.* Ҳ. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

4 Кўчалар, йўлларнинг кесишган жойи; муюлиш, муюш. *Бизники мана шу бурчакдаги эшик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 *кўчма* Чекка, чекка ер, тараф, томон; овлоқ, панажой. *Дунёнинг у бурчагига боришга розиман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тоғнинг ҳар бурчаги ва ёнбағридан акс садо келиб, дарани ларзага келтирди.* С. Айний, Дохунда. *Ҳар зумда дунёнинг бурчакларига Хабарлар жўнайди қатор ва қатор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ҳасанни Сафарқул бир бурчакка олиб бориб, нима хусусидадир у билан гаплаша бошла-*

ганида, Қутбия учун тинч нафас олишга, озод гапиришга фурсат топилди. С. Айний, Куллар. *Шу чоққача қайси бурчақда моғор босиб ётган эдингиз?* А. Қаҳҳор, Қўшчинон чироқлари.

**6** Саноқ сонларга қўшилиб, қўшма сўзлар ясайди, мас., *учбурчак, тўртбурчак, бешбурчак.*

**БУРЧАКЛИ** Бурчаги мавжуд. *Тўғри бурчакли учбурчак (мат.).* ■ Кампир Эргашнинг қўлидан уч бурчакли кўк конверт билан телеграммани олиб, бағрига босди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Чол вафотидан уч кун ўтгач, у ётган жойдан, тупроқ ичидан уч бурчакли тумор топилди.* Мирмуҳсин. Қаҳрамоннома.

**БУРЧАКТИШЛАР** зоол. Танглай тишлари бурчак шаклида қайрилган думли амфибияларнинг бир тури.

**БУРЧЛИ** Бирор бурчи, мажбурияти бўлган; қарздор. *Мен сизнинг олдингизда бурчлиман.* ■ *Муҳаррир ҳар куни газетага бир мақола ёзишга бурчли.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**БУРЧОҚ** Дони қора-қўнғир рангли, озуқабоп бир йиллик дуккакли ўсимлик ва унинг дони.

**БУРЯТ(ЛАР)** Бурятиянинг туб аҳолиси бўлган халқ, бурят халқи. *Бурят аёл. Бурят тили. Бурят санъати.*

**БУРҚИМОҚ** айн. **бурқирамоқ.** *Маиҳадий кимдан ранжиса, уша соатда бир ҳажв ила ўз «душмани»ни сўз балчиғига шундай булгайдик, ўқиркансан, энг чиркин ҳид бурқиб туради.* Ойбек, Навоий. *Узоқда, кўзга хира чалинган тепаликнинг орқасида қора, қуюқ тутун бурқиб, ҳавода оғир кезарди.* Ойбек. *Қуёш қораймас. Ертўланинг мўрисида бурқиб, Тупроқ уюмларин оралар тутун.* А. Мухтор, Асарлар.

**БУРҚИРАМОҚ 1** Паға-паға кўтарилмоқ, буруқсамоқ, бурқимоқ. *Мўридан бурқираб тутун чиқаётир. Бурқираб чанг кўтарилди.* ■ *Телпаги тагидан қозон қайнаётгандай буғ бурқирайди.* С. Анорбоев. *Оқсой. Қуёш уфқ қопқасида бурқираб ётган ғубор ичига кирди.* «Ёшлик».

**2** Анқимоқ, гурқираб таралмоқ (ҳид ҳақида). *Оишона томондан бурқираб сомса ҳиди келди.* Ойбек, Улуғ йўл.

**БУРҚСИМОҚ** айн. **бурқимоқ.** *Хиёл нарида оппоқ тўзон бурқсиб кутарилди.* «Ёшлик».

**БУРҚУТ(ЛАР)** этн. Мўғулларнинг туркийлашган уруғларидан бири.

**БУРҒИ** тех. Кончиликда, геологик қидириш ва ш. к. ишларда ерни тешиш, пармалаш учун ишлатиладиган асбоб, парма. *Ер ости сувларидан турли мақсадларда фойдаланиш учун жумҳурият ҳудудида 40825 та бурғи қудуғи қазилган.* «Фан ва турмуш».

**БУРҒИЛАМОҚ** Бурғи билан қовламоқ, пармаламоқ. *Бурғилаш техникаси.* ■ *Қазиш усулларига кўра бурғилаш зарбли, айланма, колонкали бўлади.* «ЎЗМЭ».

**БУРҒУ** Карнай ёки сурнай шаклидаги қадимий чолғу асбоби. *Сугдлар ногора ва бурғулар овози остида боғ-бўстонларига бостириб кирган ёвни аямай қиравердилар.* М. Осим. *Искандар ва Спитамен. Чамбилбелнинг энг бахтиёр кунида Бурғу чалиб, зар камарни сираман.* А. Шер. *Қадимий куй.*

**БУС-БУТУН 1** Тўлиқ, бекаму кўст, бутун. *Бахтини бус-бутун топгунича то, Нене балоларни кўрган ўзбекман.* А. Орипов, Йиллар армони. *Фақат савоб борки, жаҳон бус-бутун, Фақат савоб борки, азиздир Инсон!* А. Орипов, Йиллар армони.

**2** рвш. Бутунлай, тамомила. *Ҳозирги Мирзачўлнинг руҳсори бус-бутун бўлакча.* М. Жўра. *Қуёшда нур эмганлар. Шундан сўнг Обиджон билан алоқам бус-бутун узилиб қолди.* М. Жўра. *Ноширнома.*

**БУТ 1 1** Тўлиқ, ҳеч қандай камчилиги йўқ; бекаму кўст; етарли; таъмин этилган. *Уст-бошим бут, қорним тўқ, қайғум йўқ.* Ғ. Ғулом. *Шум бола. Бердибойнинг ўз хунарларига тегишли бўлган ҳамма асбоблари бут.* А. Қодирий. *Фирвонлик Маллавоӣ. Қорнинг тўқ, устинг бут, ношукурчилигинг бошингни ейди.* «Ёшлик». *Қуш қанотсиз учолмаганидек, машина ҳам ёқилғисиз ёки бирор қисми бут бўлмаса, бир қадам ҳам силжий олмайди.* «Мўштум».

**Имони бут 1)** Оллоҳга, динга ишончи мустаҳкам; **2)** виждонли, эътиқодли. *Тиланим: ёшлар асло завоқ топмасинлар, имонлари доимо бут бўлсин.* М.М.Дўст, Лолазор. **Кўнгли (ёки бағри) бут** Камчилиги йўқ, бахтли. *Назар акам етим ўсмадан, бағри бут одам, лекин шундай бўлса-да, негадир унга раҳмим келади.* М.М.Дўст, Лолазор. *Токи унинг [Мухсиннинг] кўнгли бут бўлсин, умр дафтарига доғ тушмасин..* М.М.Дўст, Лолазор. **Нони бут** Тирикчилиги тўлиқ таъ-



минланган, рўзгордан камчилиги йўқ. *Нони бут кишининг сўзи ҳам бурро.* Ф. Фулом.

**2** Синмаган, бутун, шикастланмаган, соғ. *Сўнг қўл-оёқларини ҳаракатлантириб кўрди. Шукур, аъзойи бадани зирқираб оғриб турса ҳам, суяклари бутага ўхшайди.* «Ёшлик». **Бут қилмоқ** Ўз ҳолига келтирмоқ, бутун қилмоқ. *Коса синди. Энди уни бут қилиб бўлмайди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. [Саидхон] *Икки нарчани бир-бирига улаб, бут қилиб кўрди.* Ш. Тошматов, Тонгдаги қўланка. **Тўрт (ёки чор) ишкали бут қ. чор.**

**БУТ II 1 с. т.** Икки оёқ ораси; чот. *Олақаргага етаман деб, чумчуқнинг бути йирилибди.* Мақол. ■ -Тезроқ юраверинг, Исомов, бутингиз йирилмайди, — деди Зумрад. *Аёллар гуруллаб кулди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Ойим челакини бутига қўстирганча, зирллаб турган елинга яна қўл чўзди.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**2 шв.** Оёқ, пут. *Наби Фарҳоднинг қўлоёғига боғлаган оддий кишанни ечди ва бўғовли кишанлардан бирини олиб, унинг бути ва бўйнига урди.* С. Айний, Қуллар. *Зўр деган девлар йиқилиб қолди, Икки бути товдай бўлиб.* «Маликаи айёр».

**БУТ III [ф. بٚت — санам; гўзал] дин. 1 айн. санам.** *Бу йўллар кўп қадим йўллардир, Конфуций, шомоний, ислом ва будда, Бут ва тасбеҳ юкланган карвон.* Ф. Фулом. *Балки у Буддани бутга алишмас, Космос мўъжизасин англамас балки..* А. Мухтор, Асарлар.

**2 с. т.** Хоч (крест) шаклидаги нараса; хоч, салиб. *Отряднинг ўликларини тўплаб, қайинзордаги қабристонни ёғоч бутлар билан тўлдириб кетишдан бошқа иложи йўқ эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**БУТА** [ф. بٚت — бута, бутазор; нақш, расм] **1** Тагидан шохлаб ўсадиган майда пастак дарахт. *Пича юришгач, уларнинг кўзларига қалин ўт ва сийрак буталар ўсган катта сайхонлик очилди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Канизак Сидиқжонни пастга, буталар орқасига тортди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Тўнғак орқасидан қулоқлари диккайган қуён пайдо бўлди-да, коптокдек сакраб, буталар орасига яширинди.* Ойбек, Куёш қораймас.

**2 кўчма** Ўзбек халқ амалий санъатида кўпинча бир тутам ўсимлик гулини ифода этувчи нақш.

**БУТАДОР** Миллий зардўзликда кийимга гулдасталар ёки бугалар шаклида тикиладиган гул шакллар.

**БУТАЗОР** Фақат бута ўсган, бута ишғол этган ер. *Бақақуруллоқдан чиқилгандан кейин йўл бутазор, қумлоқ, кўриқ ер ва экин майдонларини оралаб кетар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улар [болалар] пахтазор, бутазор оралаб, дарё соҳилига чиқдилар.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

**БУТАМОҚ I** Дарахтнинг кераксиз шох-шаббаларини кесмоқ. *Бутамасанг — мева оз, Бутамасанг — ейсан қишу ёз.* Мақол. ■ *Сидиқжон.. шитоб билан дарахт бутар экан, Канизакни излаб, атрофега кўз ташлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нурхон нарвонга миниб, тут бутамоқда.* О. Ёқубов, Ларза.

**2 кўчма** Кесмоқ, ўлдирмоқ. *Бой катта бошини кичик қилиб чиққанда, ўйлаб ўтирмаздан, қўлидаги даскала билан шартта ўша бошни бутаб ташлабди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Тоғай унинг башарасига тикилиб тураркан, кўнглида шу истакни туйди: қани энди бу сурбетни бутаб ташласа..* «Ёшлик».

**3** Кийинтирмоқ, устини бут қилмоқ. *Икки-уч кун ичида усти-бошини айтганингиздек бутаб қўйман.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..сон-саноқда йўқ кишиларга йил ўн икки ой оვაқат едириб, уст-бошини бутаб, кийим-кечак берамиз..* М. Ўринхўжаев, Унутилмас кунлар.

**БУТАФОРИЯ** [итал. buttafuori — ташқарига чиқариб ташла, улоқтир] Театр сахнасида ҳақиқий буюмлар, жиҳозлар (масалан, ҳайкал, мебель, идиш, тақинчоқ каби) ўрнида қўлланадиган ясама нарсалар, воситалар.

**БУТ-БУТУН Бугун 1 с.** куч. *Бут-бутун этик. Бут-бутун қоп.* ■ *Республикамизда кишиларнинг меҳнат севинчи, оила тўйинчи, доврўғ-шони, бут-бутун нони — ҳаммаси пахтадан.* Газетадан.

**БУТЕРБРОД** [нем. Butter — ёғ + Brot — нон] Устига сариеғ суртилган ёки пишлоқ, колбаса япроғи қўйилган бир кесим нон. *Бутербродни наққос туширяпман-у, у киши бўлсалар, ҳеч нарсага қарамасдан, яна тайёрлаб келяптилар.* Газетадан. *..буфетга қора ва қизил икра суртилган бутерброд.. келди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**БУТИЛКА** [лот. butticula < buttis — бочкача] Бўғзи тор шиша идиш. *Ярим литрли бутилка. Бир бутилка лимонад.* ■ *Сухбат*

қизиб борарди. Чойнак-пиёлалар ўрнига бутилка, рюмкалар келтирилди. «Муштум». 1804 йили Париж кўчаларидан бирида турли озик-овқат бутилка ва қўтиларда сотиладиган дўкон очилди. «Фан ва турмуш».

**БУТИЛКАДОШ** Спиртли ичимликларни биргаликда ичувчи. Бу зўравоннинг турқи бутилкадошиникига сира ўхшамайди. Газетадан.

**БУТИРОМЕТР** [юн. buturon — ёғ, мой + metron — ўлчов] Сут таркибидаги ёғ миқдорини аниқлайдиган асбоб.

**БУТИФОС** ким. Ғўза баргини тўкишда (туширишда) ишлатиладиган қўланса ҳидли, оч сариқ рангли суюқлик, дефолиант. Илдизни кемирган бузоқбошисимон, йўқолсин бутифос! Ҳаёт давом этсин! Газетадан.

**БУТКУЛ** рвш. Бутунлай, тамомила, батамом, фақат. Дадам буткул бошқа бир дунё. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси. Аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. Хотинимдан ҳам, буткул рўзғоримдан, умуман дунёдан, яшаб ўтган умримдан розиман. М.М.Дўст, Лолазор. Атроф буткул тош, сувдан асло нишон йўқ. «Шарқ юлдузи».

**БУТЛАМОҚ** Чаласини, камини, етмаганини тўлдирмоқ, расоламоқ, бекаму кўст қилмоқ. Агар бошқа одам бўлганда, Маҳмудага тўғри йўл кўрсатар, рўзғорини бутлаб олишни ўргатарди. Газетадан. ..Мамадалижон, манам дунёйи боумид, Аҳмадхўжам билан Ҳамзахўжамга бисот йиғиб, тўй анжомини бутлаб қўйганман. Н. Сафаров, Оловли излар.

2 кўчма Кийинтирмоқ, ясантирмоқ. Хотинга ҳуррият — қорнини тўйғизиши ва эгини бутлашдир. «Муштум». Оламнинг эгини бутлаш — Ўзбекда шудир матлаб. А. Орипов, Йиллар армони.

3 Бутуналамоқ; бирлаштирмоқ. Кеч бўлса-да, икки синиқ кўнгул бутланди. «Саодат».

**БУТЛИК** Бутунлик, бекаму кўстлик; расолик, мукамаллик. Саранжом-сарийшта ясатилган уй. Бир қараишдаёқ рўзғор бутлиги сезилиб турибди. «Шарқ юлдузи». Нима, менинг мафқурам бутлигига ишонмайсанми, ука? М.М.Дўст, Лолазор.

**БУТОҚ 1** Дарахтнинг танасидан ёки йўғон шохларидан тармоқланиб чиққан ён шох. Қуш бутоққа сарғамор, Одам — Ватанга.

Мақол. ■ Дарахтларнинг бутоқларида қушлар чуғур-чуғур сайрай бошладилар. «Ёшлик». Юлғуннинг қовжироқ бутоқларини териб, гулхан ёқди. С. Сиёев, Аваз.

2 кўчма Тармоқ, шохобча; поғона; авлод. Сомонийлар шажарасининг сўнги бутоғи бўлган подшо Нух бин Мансур касалманд одам эди. М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**Бутоқ отмоқ 1)** айн. **бүтүкүләмөк**; 2) кўчма ажралиб чиқмоқ, тармоқланмоқ. Қишлоқ ўртасидан ўтган катта йўл бутоқ отиб, далаларга туташиган. Й. Шамшаров, Боғбон.

**БҮТҮКҮЛҌМӨК** Бутоқ чиқармоқ, шохламоқ.

**БУТПАРАСТ** [ф. بېرست — бутга сигинувчи; мажусий] Бутга, санамларга топинувчи. Маликшоҳ бутпараст эди. «Баҳром ва Гуландом». Малик Хоқон бутпарастнинг закотчилари келди. «Баҳром ва Гуландом».

**БУТПАРАСТЛИК** Бутга, санамга чўқиниш, топиниш, сигиниш.

**БУТСИ** [ингл. boots — ботинка] Футбол ўйинида кийиладиган қаттиқ тумшукли ботинка. У [Жамол] спорт майдонидан яқинда қайтганга ўхшайди: оёғидаги бутсиси, эғнидаги қизил тўр кўйлагини алмаштирмабди ҳам. С. Анорбоев, Меҳр.

**БУТУН 1** Синмаган; синдирилмаган; шикастланмаган; синиқ-мертик жойи йўқ. Бутун нон. Бутун коса. Бутун гишт. ■ Мураббига ҳалиги қўли синган қўғирчоқни олиб, ўрнига бутун қўғирчоқни ётқизиб қўяётган экан. Ойдин, Болалик уйда гийбат йўқ. Улар синиқ жомашовни ҳамон бутун жомашов демоқдалар. «Муштум». Кўприк бутунми ёки мажақлаб ташландими — бу унга қоронғи. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сиртим бутун бўлса ҳам, ичим тутун. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси.

2 Йиртилмаган, тешилмаган, йиртиқ жойи, тешиги йўқ. Бутун калиш. Бутун қоп. ■ Арслоннинг ўша тўни ҳали бутун, эскирмаган. С. Зуннунова, Кўк чироклар. Қудандани ўйлаган ойим сенга бутунгина маҳси ҳам кийгизиб юбормабди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бузилмаган, очилмаган; яхлит. Бутун консерва. ■ Бой айтади: -Бутун бергин пулимни, Кўп сўйлатиб қичитмагин тилимни.. Эргаш Жуманбулбул ўғли.

4 Расо, тўлик. Эси бутун одам. Хайр қилсанг, бутун қил. Мақол. ■ Орзиқул опамнинг

онаси: «Насибанг бутун бўлсин, болам» деб, дадамга нон тишлатди. С. Сиёев, Ёруғлик.

**5 мат.** Каср қисми бўлмаган. Бутун сонлар. Икки бутун ўндан беш. Беш бутун бир тақсим икки.

**6 Бор(и), борлиқ, барча, ҳамма.** Бутун имкониятлардан фойдаланмоқ. Воқеани бутун тафсилоти билан айтиб бермоқ. Бутун куч, бутун ғайрат улуг вазифаларни бажаришга қаратилган. ■ Унинг бутун вужудидан ёшлик, навқиронлик, балоғат тантанаси акс этиб турарди. С. Аҳмад, Уфқ. Бутун борлиғидан гушллаб хушбуй атирнинг ҳиди ҳам келиб турибди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

**7 Ўрин, жой, макон билдирувчи сўзлар** билан келганда, уларни таъкидлаб ёки бутунисича, яхлит кўрсатиш учун хизмат қилади. Бутун бир институтда ундан чиройли қиз йўқ эди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. Ошнинг ҳиди бутун уйни тўлдирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Тош фонуслар парпираб ёниб, бутун боғни чароғон қилиб турибди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Собир бутун дунёни унутганди, унинг атрофида қоғоз, қалам ва айтмоқчи бўлган сўзлардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. Бу кўзлар учун бутун оламни ҳадея этса арзирди. Ж. Абдуллахонов, Орият. Бутун Фарғона водийсида Чортеракдан олдин ўрик пишмайди. С. Аҳмад, Уфқ.

**8 Ўрин, жой, макон ёки кишилар жамоасидаги барча кишиларни билдиради.** Азон паллада бутун Қорабулоқ тоққа жўнади. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Бутун Яқкатут, балки бутун олам уйқуга чўмганди. Н. Фозилов, Дийдор. Бугун Чимён қишлоғини бутун мамлакатимиз билади. Газетадан. Ердан қор кетиши билан кўчиб келиб, бутун оила чумолидай ишлар эдик. Ойбек, Танланган асарлар.

**9 Вақт, муддат билдирувчи сўзлар билан** келиб, шу сўз орқали ифодаланган вақт, муддатнинг бошидан охиригача бўлган чегарасини, орилигини ифодалайди. Бутун йил. ■ Қутидор эса бутун кун меҳмонхонасига келиб-кешиб турган кўнгил сўровчи ошна, ёрдўстлари билан овора бўлди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эрталаб далага жўнайди. Бутун кун ер ҳайдайди. Ойбек, Танланган асарлар. Бутун умр елкаларидан обкаш тушмаган. С. Аҳмад, Уфқ.

**Бағри бутун** 1) армонсиз, бахтли, камчиликсиз, тўқис. Дунёда бир бағри бутун киши йўқ экан-да, Ҳар кимнинг юрагида бир андуҳ. Мирмуҳсин, Мезмор; 2) бола-чақаси, яқин кишилари ўз олдига бўлган. -*Болаларингизнинг дийдорига тўйдингизми?* — деб сўради. Эътибор опа. -*Раҳмат, айланай Эътиборхон, бағрим бутун бутун қолди, — деди Роҳатбиби.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Бечора дадаси, тўй қилсам, ичкўёв бўлса, бағрим бутун, уйим обод бўлиб қоларди, деб ният қиларди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Бир бутун** Яхлит ёки бўлинмайдиган. Бир бутун қилиб ясалган деталь. ■ *Тиктепа ерларини бириктириш, орадаги чегараларни бузиб, бир бутун қилиш қийин гап эмас.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоий. **Бутун бошли** Катта, бутунлай; катта бир. *Бўри увлаб, тикан чатнаб ётган ташландиқ жар-жилғалар ўрнида бутун бошли янги шаҳар барпо этилди.* Ж. Холқосимов, Янги уйлар муборак. Янги ерлар очилиб, бутун бошли янги хўжаликлар ташкил топди. «Ўзбекистон кўриқлари». Мен сендайлигимда бутун бошли оилани тебратганман. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Нони бутун** Ризқ-насибали, тўқ, фаровон яшовчи, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. -*Худонинг ўзи азалдан шайдларнинг нонини бутун қилган, — деди Фозил ака.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳамма вақт нони бутун.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. **Эси (ёки ақли) бутун** Эс-хуши жойида, ақлли. *Ҳар ҳолда, эсинг бутун-да, кўргур.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Ўқимаган бўлсанг ҳам, ақлинг бутун йигит экансан.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тегирмондан (ёки тегирмонга тушса) бутун чиқади** Жуда эпчил, уддабурон; ҳар қандай мушкул аҳволда ҳам ўзини йўқотмайдиган одам ҳақида. *Йигитмисан йигит! Кучли, тегирмондан бутун чиқади.* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳакимовни Сарисийёда «тегирмонга тушса, бутун чиқади», дейишди.* «Муштум».

**БУТУНИЧА** *рвш.* 1 Бутунлигича, бутун ҳолда, бор бўйича; тўлиқ, батамом. *У ўл-жасини бутунича ютади.* К. Яшин, Ҳамза. *Камерон шикастланган меъда ости безини бутунича кесиб олди.* «Фан ва турмуш». *Очиқиб турган эдим, паловни бутунича ютгим келди.* И. Раҳим, Ҳилола.

**БУТУНЛАЙ** *рвш.* 1 Тамомила, тамоман, батамом. *Бу бутунлай бошқа гап. Сизни бу-*

тунлай унутибман. ■ Уишга бутунлай шўн-  
ғиб кетди. Т. Ашуров, Оқ от. Дўстматов  
довдираб, бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. С.  
Аҳмад, Уфқ. Унинг овозидаги бу яқинлик  
Нодирани бутунлай эритиб юборди. С. Зун-  
нунова, Янги директор.

2 Қатъиян, узил-кесил. Чекиш бутунлай  
ман этилган. ■ Курбон ота МТСдан жавоб  
олиб, Капсанчиларга бутунлай кўчиб келди.  
А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 (бўлишсиз феъллар билан) Сира, асло,  
ҳеч. Бутунлай қўрқмайман. ■ Оқила билан  
Баҳодир бир-бирлари билан бутунлай гап-  
лашмай қўйдилар. М. Жалолитдинова, Ке-  
йинроқ.

**БУТУНЛАЙИН** *рвш.* 1 Бутунлигича, бутун  
ҳолда. *Ҳозир бутунлайин пиширма.*

2 Бутунлай, тамоман. *Бутунлайин кет-  
моқ.*

**БУТУНЛАМОҚ** 1 Бутун қилмоқ, бутун  
ҳолга келтирмоқ. *Шаҳарда Шоқир ота деган  
маҳсидўзнинг дўконхонасида ўз этигини бутун-  
лаб олибди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Камини тўлдириб бут қилмоқ, расо-  
ламоқ, бутламоқ.

**БУТУНЛИГИЧА** *рвш.* Бутун ҳолда.  
*Дорини бутунлигича ютмоқ. Балиқни бутун-  
лигича қовурмоқ. Бутунлигича сақланган  
ёдгорлик.*

**БУТУНЛИК** 1 Бирон-бир шикаст ема-  
ганлик, синмаганлик. *Бутунлигини ҳам,  
синқлигини ҳам билиб бўлмайди.*

2 Яхлитлик, тўлиқлик. *..бу ўринда шоир  
учун энг муҳими фикр бутунлиги ва аниқ-  
лигидир. «ЎТА». Шоҳрух мамлакат бутун-  
лигини сақлаш ва ўзига содиқ фарзандларни  
ўрни-ўрнига қўйиш мақсадида.. Мирмуҳсин,  
Меъмор.*

3 Мукамаллик, тўла-тўқислик. *Пахта  
деганда юртимизнинг бойлиги, тўқин-сочин-  
лигини, бахтимизнинг бутунлигини тушу-  
нализ.* Газетадан.

**Бир бутунлик** Яхлит ҳолда бўлишлик,  
бўлинмаслик, яхлитлик. *Бош ва орқа мия бир  
бутунликни ташкил этади.* «Анатомия».  
**Фразеологик бутунлик** *тлш.* Маъносини  
таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида  
изоҳлаш мумкин бўлган луғавий бирлик.  
*Айрим фразеологик бутунликлар ўзининг эр-  
кин уюшмасига жуда яқин туради.* «ЎТА».

**БУТХОНА** [ф. *پتخانه* — бутпарастлар  
ибодатхонаси] 1 с. т. Бутга сигинувчилар

ибодатхонаси, черков. *Бутхона қўнғироғи  
кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун жа-  
ранглади.* А. Қаҳҳор, Томошабоғ. *Бутхонадан  
топан экан бир санам, Олтин билан роп-  
роса қирқ минг дирҳам.* Ҳ. Олимжон.

**БУФЕР** [ингл. *buffer, buff* — зарбани  
юмшатиш] Транспорт воситалари (локо-  
мотив, вагон, автомобиль)да пайдо бўла-  
диган зарбаларни юмшатиш учун ўрнатила-  
диган, одатда пишиқ пўлат, резина ёки  
пластмассадан тайёрланадиган мослама.  
*Паровоз узоқ гудок бериб, жойидан қўзғал-  
ди.. Вагонларнинг буферлари гижирлаб,  
поезд яна ел қувиб учди.* М. Муҳамедов,  
Қаҳрамон изидан. *Бетон тўсин қийшайиб,  
буфер теккан жойнинг симлари чиқиб қолган  
эди.* Н. Алимов, Ёлғончи фаришталар. *Бу-  
ферларнинг бир-бирига урилишидан ҳосил  
бўлган овозлар бирданига тиниб қолди.* Н.  
Сафаров, Оловли излар.

**Буфер давлат** *сиёс.* Ўзаро зиддиятда ёки  
уруш ҳолатида бўлган йирик давлатлар  
ўртасидаги ҳарбий жиҳатдан заиф, худудий  
жиҳатдан кичик давлат.

**БУФЕТ** [фр. *buffet* — стол] 1 Идиш-  
товоқ, мева-чева, ичимлик ва ш. к. сақла-  
надиган махсус жавон (шкаф). *Латофат  
буфетдан гулдор тарелка олиб, ҳужрага  
кириб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.  
*Зевархон буфетдаги «Чайка» деган шоко-  
ладдан олиб, Ашурга тутқазди.* Н. Аминов,  
Қаҳқаҳа.

2 Катта ошхона ва ресторанлар, муайян  
корхоналар қошида ташкил этиладиган,  
енгил-елпи овқатланиш учун мўлжалланган  
дўкон; тамаддихона. *Станция буфетида  
кунини кеч қилиб, қоқ ярим тунда қайтарди.*  
С. Аҳмад, Уфқ. *Тўрахўжа синфдошларини  
буфетга таклиф этиб, музқаймоқ, сув, ши-  
ринликлар билан меҳмон қилди.* Д. Нурий,  
Осмон устунчи.

**БУФЕТЧИ** Буфетда ишловчи савдо  
ходими. *Буфетчи Розиквой руҳсат сўраб,  
кабинет этигини очди-ю, бедана юриш қилиб  
келиб, қўл чўзди.* А. Муҳиддин, Чап чўнтак.  
*Савлатидан от хуркадиган йигит кафега  
кириб келганида, буфетчи аёл кўз қирини  
ташлаб қўйди.* «Муштум».

**БУФЕТЧИЛИК** Буфетчи касби; буфет-  
да ишлаш. *Ўзи [Мусахон] шу яқин ўртадаги  
разъездлардан бирида буфетчилик қилади.* С.  
Аҳмад, Сайланма.

**БУФФОНАДА** [итал. buffonata — ҳазил саҳна томошаси; қизиқчилик] Комик актёрнинг қаҳрамоннинг ўзига хос ташқи белгиларини ўта бўрттириб кўрсатишга йўналтирилган ўйин услуби.

**БУХАНКА** [ўрта нем. Vochenze — оқ нон ёки лот. focarius — печда пишган нон] Бир бутун булка нон. *Полвон ҳар ёққа югуриб, бир буханка нон топа олди.* Ойбек, Кўёш қораймас. *Нусратбек магазиндан ярим буханка нон, шакар, сариеғ олиб, кулбасига қайтди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БУХГАЛТЕР** [нем. Buch — китоб + halten — олиб юрувчи, тутиб турувчи] *айн. ҳисобчи.* Идора, муассаса, корхона ва ш. к. нинг ҳисоб-китоб ишларини олиб боровчи мутахассис; ҳисобчи. *Умаржон Матқулов тутган йўл колхоз бухгалтери Ҳасанбой Раҳимовга ҳам маъқул тушди.* «Муштум». *Чўтини булбул этгай, Идорани гул этган Бухгалтерга бир салом.* «Қўшиқлар».

**Бош бухгалтер** Барча ҳисоб-китоб ишларини бошқарувчи; бухгалтерлар раҳбари.

**БУХГАЛТЕРИЯ 1** Ҳисоб-китоб назарияси ва амалиёти. *Бухгалтериядан дарс бермоқ.*

**2** Идора, муассаса, корхона ва ш. к. нинг барча молиявий, ҳисоб-китоб ишларини олиб боровчи бўлими ва у жойлашган хона; ҳисобхона. *Бухгалтерия ходимлари. Колхоз бухгалтерияси.* ■ *Гулсум она Барнони бир кўрай, деб бухгалтерияга кирди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**БУХГАЛТЕРЛИК** Бухгалтер, ҳисобчи касби. *Унинг бухгалтерлик ишини молия бўлимидаги ёрдамчи бухгалтер, кассирлик ишини бюджетчилар бажаришади.* «Муштум».

**БУХОР:** **Бухор сақич тар.** эск. Бухорода тайёрланадиган оқ сақич. **Бухор танга тар.** Бухоро хонлигида зарб қилинган 15 тийинлик танга.

**БУХОРИ(Й)** Бухорода тайёрланган, Бухорога хос; бухороча. *Токчалар ўртасидаги бухорий сўзана орқасида ноёб газламалар жойланган сандиқ.* Н. Қиличев, Чиғириқ.

**БУХОР(О)ЧА** с.т. Бухоро шаҳрига, бухороликларга хос. *..у этик кийиб, бошидаги бухорча дўпписини салла билан ўраб олди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Билмадим, нима учундир у кишига икки-уч кунга битта бухороча беқасам тўн, мисқоли дока салла, дўппи керак бўлибди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

**БУХОРХУДОТ** Бухорода 7-8-асрларда мавжуд бўлган Бухорхудоатлар ҳокимлигини бошқарган ҳукмдорлар унвони.

**БУХТА** [нем. Bucht — қўлтиқ; хавфсиз жой] *айн. қўлтиқ.*

**БУШЛАТ** [нем. Buschurunk — матрос нимчаси] Матрослар курткаси. *Бу қишини ҳам солдат бушлатида ўтказадиганга ўхшайман.* С. Анорбоев, Оқсой. *Уиндамай эшик олдида тўхтади-да, негадир, эғнидаги пахтали бушлатидан чиқиб турган узун қора юбкасига тикилди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**БҮЮК 1** Ҳажм-ўлчови одатдагидан ортиқ, катта; улкан. *Буюк тоғ. Буюк давлат. Буюк бино.* ■ *Заргаров атрофидаги буюк саҳрони, шу саҳродек чексиз сукунатни сезар, ўзининг беҳаловат руҳи шу бўлиқларни бусбутун тўлдириб тургандек туюларди.* А. Мухтор, Асарлар. *Фарғона канали ўз кўлами билан.. буюк аталмиш ўша каналлардан ўн баравар буюқдир.* С. Аҳмад, Уфқ. *Фалакка буй чўзган аллақандай буюк қаср рўпарадан намоён бўлиб, Меъморнинг хаёлини олиб қочди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Аҳмад ўзини буюк коинот қаршисида зарранинг миллиарддан бир заррачасидек ҳис этди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**2** Улуғвор, юсак, тенгсиз, мислсиз. *Буюк, етук одамлар ниҳоятда камтар, камсухан, дилбару меҳрибон бўлишини.. бу доно қиз яхши биларди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Буюк воқеалар олдида вақт ўз ҳукмини ўтказа олмайди.* «Саодат». *Инсоният ўз камолоти жараёнида қўлга киритган буюк кашфиёти — тилдир.* Ф. Саломов, Таржима назарияси. *Баҳор бўйи, ёз бўйи заррама-зарра йиққан бунёдини буюк саховат билан деҳқон этагига тўкаётган мана шу олтин кузда унинг юраги қафасдан чиққан қуш юрагидай яйрай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**3** Азиз, мўътабар, муқаллас. *Дунёда ҳеч сўз борми Она сўзидан буюк.* Ҳ. Олимжон. *Биз биринчи навбатда авлодларнинг буюк хотираси олдида қарздормиз.* Газетадан.

**4** Буюк (эркаклар исми).

**БҮЮКЛИК** Одатдагидан катталик; улуғворлик, табарруклик. *Инсоннинг буюклиги ақл-идроки билан.* ■ *Муқимийларнинг буюклиги ҳам мана шунда эмасми? Шукрулло, Сайланма.* *Унинг [она тупроқнинг] сокингина тин олишида Бордир оналарга хос бир буюклик.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**БУЮМ 1** Тирикчилик ва рўзгорда иш-латиладиган, керак бўладиган ҳар бир нарса. *Рўзгор буюмлари. Зараарлик буюмлари. Чинни буюмлар. Зеб-зийнат буюмлари. Шахсий буюмлар.* ■ *Нури кийинишни, безакни севар эди. Зирак, билагузук, заркокил, кўлтиқтумор, тиллақош, зебигардон каби буюмлардан қути-қути йиққан эди. Ойбек, Танланган асарлар. -Граммфон деган буюмни кўрганмисан ё эшитганмисан? — кулиб сўради Ёрмат. Ойбек, Танланган асарлар. Энди эса ўша тарафга боргиси келиб, бирпас бўлса ҳам тўғилиб ўсан уйини, онасининг кўли теккан буюмларни кўргиси келди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**2** Ишлаб чиқарилган нарса, маҳсулот. *Махсимнинг буюми оғир экан, савил. С. Аҳмад, Хукм.*

**БУЮР** *шв.* Оч биқин. *Шу куни.. жонивор Ғиркўк сузилиб, буюри-буюрига қапишиб.. Ширвонга кириб борди. «Равшан». Уйқулар қовоққа қотди, Отлар буюрин тортди. «Нигор ва Замон».*

**БУЮРМОҚ I 1** Истак-талабни бажаришга кўрсатма бермоқ; буйруқ бермоқ, амр, фармон қилмоқ. *Иш буюрмоқ. Болани ишга буюр, кетидан ўзинг югур. Мақол. Ишқмасга иш буюрсанг, Сенга ақл ўргатар. Мақол. ■ Унинг нозиклиги, кўҳликлиги ҳурмати аяб, енгил-елпи ишларни буюрарди. С. Аҳмад, Уфқ. Мен ҳазрати олийлари буюрган мадраса тарҳини чизиш билан бандмен. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Ҳоким ясовулни чақириб, йўлга ҳозирланишни буюрди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Улимга буюрдингиз, бизнинг нима гуноҳимиз бор экан? «Луқмони Ҳаким».*

**Буюринг ёки буюрсинлар** 1) буйруғингизни бераверинг, буйруғингизни бажаришга тайёрман (тайёрмиз). *Сизга оғир келмаса, бир хизмат топширмоқчиман, уста! -Буюрингиз! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу ишларни менга буюринг, бекам! Мирмуҳсин, Меъмор. ...Жуман писмиққа мурожаат қилди: -Буюрингиз, афандим! М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) марҳамат қилинг, марҳамат. [Волков:] Афандилар, столга буюрсинлар! Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

**2** Бирор нарсани тайёрлаб бериш учун мурожаат қилмоқ; буюртма бермоқ, буюрттирмоқ. *Пальто буюрмоқ. ■ Муҳиддин толега официант ҳам тез кела қолди. Чой ва овқат буюрди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

*Келин пошшага тилла узук буюрдингизми? А. Қодирий, Ўтган кунлар. Туфлини дарҳол гилама кўйиб, кийиб кўрди: -Ўзимга буюртирилгандай! Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.*

**3** Топширмоқ, бермоқ (қонун йўли билан). *Нафақа керак бўлса, даромадимнинг ярмини олинг, лекин болани тинч кўйинг. Бермайман, овора бўлманг! -Нега? Болани онага буюради-ку! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**4 тиб.** Тавсия қилмоқ, ёзиб бермоқ, (дори-дармон, парҳез ва ш. к. ҳақида). *Парҳез буюрмоқ. ■ Фақир бу сабила оғуштабиз, баважҳ дафъи савдои табиб буюрган. Ҳамза, Танланган асарлар. Менми? Менга нима ром келишини ўзим ҳам билмайман. Лекин докторлар коньяк буюрадилар, майли, коньяк бўлсин. Ойбек, Танланган асарлар.*

**5** Бирор иш, топшириқ билан бирор жойга юбормоқ, жўнатмоқ. *Хушрўй хизматчини ўчоқ боши юмушларига буюриб, чойни ўзи қўйди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўзбек ойим бурчақда бола кўтариб ўтирган Зайнабдан чақалоқни олиб, уни жомни тўкиб келишга буюрди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Хизмат деса жуда абжир бўламан, Нима буюрсангиз, ишлаб келаман. «Муродхон».*

**6** Тақдир қилмоқ; хоҳламоқ, истамоқ. *Тангрининг буюргани шу экан. Лекин, Меъмор, сиз яхши одамсиз, дилимга ёқасиз. Мирмуҳсин, Меъмор. -Ўғлим, кўнгул буюрган ишдан зарури бўлмайди, — деди раис Тошпўлатовга. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

**Айбга буюрмоқ қ. айб 2.** *Айбга буюрмайсиз, ўғлим меъморликни ўргансин, отасидек сангтарош бўлиб қолмасин, дедим. Мирмуҳсин, Меъмор. Ташриф буюрмоқ қ. ташриф. Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди. «Ёшлик».*

**БУЮРМОҚ II** Насиб бўлмоқ, насиб қилмоқ. *Уялган буюргандан қуруқ қолар. Мақол. Югурганники эмас, буюрганники. Мақол. ■ Қўша қаринглари. Ўғилларингга ҳам шунақа сарполар буюрсин. Т. Малик, Ажаб дунё. Ўша куни Матпанага ўз тўйи буюрмади. С. Сиёев, Аваз. Хўна ярашдики, қуллуғ бўлсин, буюрсин. «Гулдаста».*

**БУЮРТИРМА** *айн. буюртма. Буюртирма пальто.*

**БУЮРТМА 1** *от* Бир нарса ясаб, тайёрлаб, ишлаб бериш ҳақидаги топшириқ, талаб. *Буюртма бермоқ. Буюртмалар қабул*

қилмоқ. ■ Тошкентда катта концерт залининг фойесини безашдек катта буюртма ҳам унга топширилди. «Ёшлик». Кўзойнакка буюртма берар экансиз, мос келадиган гардиш танлаш керак. Газетадан. Официантка буюртма олгани келди. П. Қодиров, Уч илдиз.

2 сфт. Топшириқ асосида тайёрландиган; буюртирилган. Буюртма этик. ■ Кундузнинг онаси азондан туриб, нари-бери ҳовдиларини сунуриб, буюртма тўппиларни тикишга ўтиради. Ойдин, Бечора. Асадов ҳафтада уч кун тикувчилик артелида ишласа, тўрт кун уйида буюртма туфли тикади. Газетадан.

**БУЮРТМАНОМА** Бирор нарсани ясаб, тайёрлаб ёки ишлаб бериш ҳақидаги талаб (таклиф, илтимос) ёзилган расмий ҳужжат, хат.

**БУЮРТМАЧИ** Буюртма берган шахс ёки ташкилот. Буюртмачилар кўп бўлган куни [уста] жуда ҳам дилкашлашиб кетадилар. Н. Аминов, Устоз. Султон тандирчи қотирмани яхши кўради.. Буюртмачининг аёли эсли бўлса, эрта туриб, қотирма пишириб қўяди. «Ёшлик». Аслида буюртмачи ҳам, ишингни баҳоловчи ҳам, қабул қилувчи ҳам ўшанинг ўзи эди. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**БУЮҚ** Қаттиқ совуқ, аёз. Кечга яқин Чирчиқ томондан изғирин турди, бўғотларни ялаб, қорини учирди. Буюқ кучайди. Ҳ. Фулом, Машғал. Очиқ эшикдан кирган буюқданми ё юраклари чиққанданми, болалар дир-дир титрашар эди. М. Исмоилий, Фаргона т.о.

**Буюқ урдими ёки буюқда қолдингми** кест. Унча совуқ бўлмаса-да, иссиқ кийиниб олган одамга айтиладиган ибора. У, узоқ Фаргона қишлоғининг серқилиқ иқлимини болалигидан билгани учунми, буюқда қолгандай, эгнига брезент чакмон, бошига наमत қалпоқ кийган. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**БУҚА** Бичилмаган эркак қорамол. Буқа шохидан илинар, Одам — тилидан. Мақол. ■ Ҳар куни бир наъма кўрсатадиган буқамиздан хавотирланиб, пода олдига илгарироқ чиқиб турмоқчи бўлдим. «Ёшлик». Буқа, худди уятчан келинчакдек, ювош тортиб, хонасига кириб кетса бўладими. «Муштум».

**Буқа бўйин** Бўйни буқанинг бўйнидек йўғон. Буқа бўйин одам. ■ Меҳмоннинг бири афтини буриштириб олган, буқа бўйин одам эди. Э. Усмонов, Ёлқин. Буқа бўйин,

ҳўкиз қорин хумсалар! Чучварани хом санайсиз. «Муштум».

**БУҚАЛАМУН** [а. بوقلمون — товланувчан; хамелеон] 1 от зоол. Жанубий Осиёда тарқалган, дарахтда яшовчи, судралиб юрувчи, шароитга қараб рангини ўзгартиб турувчи калтакесаксимон жонивор; хамелеон. Назирбой тўғри айтади: „буқаламун шароитга қараб тусини ўзгартади. Ж. Шарипов, Хоразм. Вой, дийдорингни ел есин-э, буқаламуннинг ўзисан. Т. Тўла, Асарлар. Жаҳоннинг иши худди буқаламунга ўхшайди. Ойбек, Улуғ йўл. Савдогарчилик касби одами буқаламун қилиб қўяди чоғи. «Ёшлик».

2 сфт. кўчма Ўзгарувчан, бирдек турмайдиган; ранг-баранг. -Бу буқаламун фалакнинг гардишига боқ, чироғим! — деди Шокир ота. Ойбек, Танланган асарлар.

**БУҚАЛАМУНЛИК** Ўзгарувчанлик, мослашувчанлик; тайини йўқлик, бирдек турмаслик. Мирзонинг бахти учун ҳозирдан бошлаб тадбирлар кўрмоқ зарур. Нечунким, тақдирнинг буқаламунликлари бениҳоятдир. Ойбек, Навоий. Алоиддин Машҳадий.. дунёнинг буқаламунлиги ҳақида шикоятланди. Ойбек, Навоий.

**БУҚИНМОҚ** Пастга эгилиб яширинмоқ, ўзини панага олмоқ, кўринмасликка ҳаракат қилмоқ. Буқиниб, нафасларимизни ютиб туриб, ҳаяжон билан биттадан тош отамиз. Ойбек, Болалик. Кетидан автомат ўқи узлди. Турдиевнинг барини ялаб ўтди, у пастроқ буқинди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**БУҚОҚ 1 тиб.** Қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши натижасида ушбу безнинг катталашуви билан боғлиқ касаллик; шу касаллик натижасида катталашган қалқонсимон без. Мен жуда-а чарчаганман, биласиз. Олдин шу сабил буқоғимни довлатаиб олсайдим. С. Нуров, Нарвон. Малаҳатнинг кўк пиёладан кўра кичикроқ буқоғи бўлиб, шуни ўтган йил кузда кестирган экан. А. Қаҳҳор, Жонфигон. Нусратбек унинг томоғидаги буқоғига қараб қолди. С. Нуров, Нарвон.

2 Шу касалликка йўлиққан, қалқонсимон бези катталашган одам. Салим буқоқ. Ҳей, буқоқ, бу ёққа қара!

3 Дарахт танасининг зарарланиши натижасида унда ҳосил бўлган шиш, гурра. Ёнғоқ буқоғи.

**БУҚТИРМА** айн. **биқтирма**. ..булар [савдогарлар] молларни ўз фойдалари учун *буқтирма* қилаётгандирлар. Газетадан.

**БУҚБА** [а. بقبه — бир бўлак ер; жой] эск. кт. **1** Мадрасаларда фақир ёки қаландарлар учун белгиланган хужра.

**2** Фақирона уй, кулба. *Алқисса, арақ-арақ тер босиб, буқбага етдим.* «Муштум».

**БУФ** Суяқлик ёки қаттиқ жисмларнинг газсимон ҳолати. *Сув буғи. Симоб буғи. Қуруқ буғ (физ.). Буғ кучи (физ.). Буғ қозони (тех.). Буғ двигатели (тех.).* ■ *Самовардан чиққан буғ уйни тунди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Айвон меҳмонхонадан гулланган урилган тунтун ва қуюқ буғга тўлди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**Буғи чиқиб турган** Эндигина қозондан олинган, тандирдан узилган, иссиқ. *Буғи чиқиб турган сомса.* ■ *Ҳаммамиз бир пиёла-бир пиёла буғи чиқиб турган сутдан ичдик.* Ў. Умарбеков, Чўлда бир кун. *Халил ота катта лағанда буғи чиқиб турган паловни кўтариб, ҳовлига кирди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**БУҒДОЙ** Ғалладошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимлик ва унинг дони, ғалласи. *Жайдари буғдой. Оқ буғдой. Буғдой уни. Буғдой сепмоқ. Буғдой ўрмоқ. Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин.* Мақол. ■ *Одам Атонинг ўзлари биринчи марта ер ҳайдаб, буғдой сочганлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Бу ерда бизнинг қайроқи буғдойларимиз бор, — деди Анорхон.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**БУҒДОЙЗОР** Буғдой экилган ер, буғдойпоя. *Буғдойзорга чиққанымдан кейин отни чоптиргим келди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Узоқда олтинланган буғдойзорлар, пахта далаларини шартта кесиб, уфққа санчилган йўллар ялтирар.. эди.* А. Мухтор, Асарлар.

**БУҒДОЙИҚ** Ғаллагуллилар (буғдойдошлар) оиласига мансуб, ем-хашак учун экиладиган ёки ёввойи ҳолда ўсадиган кўп йиллик ғалласимон ўт. *Адир ва тоғларда буғдойиқ ва ҳар хил ўтлар ўсадиган яйловлар бор.* «Ўзбекистон географияси». *Ётганда буғдойиқнинг изи тушиб қолган ўнг бети ачишарди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

**БУҒДОЙКОР 1** Буғдой экувчи, буғдой етиштирувчи. *Халқ нонини бут қилган Буғдойкорга шараф-шон.* «Ғунча».

**2** Буғдой экишга, буғдой етиштиришга хосланган, мосланган. *Буғдойкор хўжалик.*

■ *-Баъзида хўжайинга пул зарур бўлиб қолса, хом-хатала олмаларни аравага ортиб.. буғдойкор қишлоқларга олиб бориб сотиб келаман, — деди Шум бола.* Ғ. Гулом, Шум бола. *..республика бўйлаб буғдойкор майдонлар кенгайтирилди.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**БУҒДОЙКОРЛИК 1** Буғдойкорлар касби.

**2** Буғдой экиш, буғдой етиштириш. *Буғдойкорлик билан шуғулланувчи туманлар. Буғдойкорлик хўжаликлари.*

**3** айн. **буғдойзор.** *Буғдойкорликлар энди пахтага айлантирилса керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БУҒДОЙМАҒИЗ** айн. **буғдойранг.**

**БУҒДОЙПОЯ 1** Буғдой ўсиб ётган майдон, ер. *Аҳмаджон ўттиз-қирқ метр наридаги буғдойпоя орасида бир немиснинг бошини.. кўриб қолди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *..ракетачиларнинг буғдойпоя билан ҳеч қандай иши бўлмайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** Буғдой пояси. *..офтобли кўчалар, шудгор қилинмаган ерлар, йўнғичқапоя ва буғдойпоялар бир даражада қуриган эдилар.* С. Айний, Қуллар.

**БУҒДОЙРАНГ** Юзи буғдой рангига ўхшаш, қорачадан келган, қорачага мойил. *Бу одамнинг туси буғдойранг бўлиб, юзи тўла ва силлиқ эди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Нусратбек эшикка яқинлашганда, машинадан қора атлас кўйлак кийган, буғдойранг юзиди аёл тунди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Раҳимнинг буғдойранг бети жиддийлашган, ақлли, тийрак кўзлари бир нуқтага қадалган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Новчадан келган, буғдойранг, сочлари тим қора, кўзлари чақнаб турган Зарина ўзининг саҳроий гўзаллиги билан бошқа аёллардан ажралиб турарди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**БУҒЛАГИЧ** Буғ сочувчи, пурковчи асбоб. *Ем-хашак иссиқ сув буғи билан буғлагичда буғланади.* «Зоология».

**БУҒЛАМА 1** Буғда пиширилган, димланган. *Буғлама кабоб ҳар иккала кастрюлкалар орасига қўйилган сувнинг буғдада пишарди.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**2** Шундай усулда пиширилган таом. *Манти, хунон, буғлама, чўп кабоб каби тансиқ таомлар борки, булар қасқонда пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.



**БУҒЛАМОҚ I** Буғ билан ишлов бермоқ. *Пиллани буғламоқ.* ■ *Шивитни биласан-ку, шуни зира қўшиб буғлайди. Қайнагандан кейин, зиранинг ҳиди ўтга уннаб қолади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**2** Ҷураб, буркаб терлатмоқ (даволаш мақсадида).

**БУҒЛАНМОҚ I** Буғламоқ фл. мажҳ. н. *Сигирларга овқат беришдан илгари ем-хашак майдаланади ва буғланади.* «Зоология».

**БУҒЛАНМОҚ II I** Буғ чиқармоқ. *Талабалар буғланиб турган нонни бирпасда еб битиришди.* Ойбек, Навоий. *Баҳор ҳидидан бесаранжом бўлган қарғалар буғланиб турган далалар устида у ёқдан-бу ёққа учарди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинон чироқлари. *Қатл этилганларнинг иссиқ қони майдоннинг тошларига сачраб, совуқда ҳовур чиқариб буғланар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**2** Буғга айланмоқ. *Орол денгизи сатҳидан ҳар йили 60 куб километрга яқин сув буғланади.* «Фан ва турмуш».

**3** Буғ билан қопланмоқ, буғга тўлмоқ, буғ босмоқ. *Ойна буғланиб қолди. Уй буғланиб кетди.* ■ *Буғланиб кетган дераза ортида қамиш томдан сизиб тушаётган томчилар кўриниб қоларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**БУҒЛАНУВЧАНЛИК** Мавжуд атмосфера шароитида мумкин бўлган энг юқори буғланишни ифодалайдиган шартли катталиқ. *Бошқа жойларга нисбатан Ўрта Осиё шароитида буғланувчанлик юқори.* «ЎЗМЭ».

**БУҒЛАТКИЧ** физ. Суюқликни буғга айлантириб берувчи асбоб (аппарат).

**БУҒЛИ** Буғи бурқираб турган; иссиқ. *Мунгли ишинг бўлмаса, Буғли ошинг ташлама.* Мақол.

**БУҒРИҚМОҚ** Иссиқдан ёки буғдан, тердан шишинқирамоқ, қизариб кўринмоқ. *Носиржон буғриқиб кетган, нақ ёнар эди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Унинг [Маликашоннинг] юзлари буғриққан, оппоқ тирсиллаган билаклари тирналиб, гўза барига тушган ширадан қорайган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Иссиқдан буғриқиб кетган старшина ювиниб чиққан жангчиларнинг эски кийимларини қабул қилиб, иссиқ уст-бошларни улашарди.* В. Ғофуров, Вафодор.

**БУҒРО** айн. **бўғра.** Фақат буғролар, яъни туяларгина баҳорнинг бошида хавфли бўлади. М. Осим, Карвон йўлларида.

**БУҒРОЛАР** тар. Қорахонийлар хоқонлиги (X-XI асрлар)нинг ғарбий қисмини хоқон номидан идора қилган сулола хонларининг унвони.

**БУҒСИМОН** Буғга ўхшаш, буғ тарзидаги, буғга айланган. *Тупроқ қатламлари орасидаги ҳаво билан биргаликда ҳаракат этаётган буғсимон сув сернам жойдан нами оз томонга.. кўзгалади.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**БУҒУ** Жуфт тўқли, думи калта, боши узунчоқ, оёқлари ингичка сутэмизувчи ҳайвон (кийикнинг бир тури). *Шимол буғуси. Буғу мўйнаси.* ■ *Бу бехатар масканда бухоро буғуси, қундуз, қирғовул каби ҳайвонларни кўпайтириш кўзда тутилган.* «Фан ва турмуш». *Менга тинчлик бермай қийнар Мана энди тушларимда Энасойнинг буғулари.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

**БУҒУЧИЛИК I** Буғу боқувчи касби.

**2** Буғуларни асраш, боқиш, кўпайтириш билан шуғулланиш. *Шимолда буғучилик жуда ҳам ривожланган.*

**БУҒХОНА** махс. Буғ ҳосил қилиш жойи; хомашёга ёки маҳсулотга буғ билан ишлов бериш, буғлаш бўлими. *Йўловчи уч сўм тўлаб, кийим-кечақларини буғхонада битдан тозалатиб чиққандан кейингина вагонга қўйиларди.* С. Нуров, Нарвон. *..буғхонани кенгайтириш мутлақо қониқарсиз суръатлар билан олиб борилмоқда.* Газетадан.

**БУҒХОН** [а. بحران — танглик, оғир ҳолат; алаҳлаш] эск. айн. **кризис**, **танглик**.

**БЮДЖЕТ** [ингл. budget — ҳамён, маблағ] **1** иқт. Мўайян вақт (йил, йилчорак) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ва қонуний тарзда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси. *Бюджет йили. Бюджет тизими. Давлат бюджетети. Ҳарбий бюджет.*

**2** Шахсий кирим-чиқим мажмуи. *Ўқиб даврида менинг ойлик бюджетим уч минг сўмдан ошмас эди.* ■ *Тўғри, оилада оилавий бюджетни бошқарадиган бир киши бўлиши керак.* Газетадан.

**БЮЛЛЕТЕНЬ** [фр. bulletin < итал. bulletino — кичик хат, варақа] **1** Бирор муассасанинг вақт-вақти билан чиқариб туриладиган босма нашри номи; ахборотнома. *Олий аттестация комиссиясининг бюллетени.* ■ *Академиянинг ахборот ва бюллетенларида ўзбек диалектологиясига оид 15*

дан ортиқ илмий мақола эълон қилинди. «ЎТА». Токча-токча эски-янги уставлар, луғатлар, бюллетенлар, газета ва ажнабий журналлар ҳам бор. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**2** Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бирор муҳим воқеанинг бориши ҳақида эълон қилиб туриладиган ахборот. *Валюталар курси ҳақидаги бюллетень.*

**3** Маълум шаклдаги сайлов (овоз бериш) варақаси. *Сайлов бюллетени. Бюллетенни сайлов қутисига ташламоқ.*

**4 с. т.** Касаллик туфайли ишчи ёки хизматчининг меҳнатга вақтинча яроқсизлиги ҳақида тиббиёт муассасалари томонидан бериладиган ҳужжат; касаллик варақаси. *Бюллетень олмоқ. Бюллетень бўйича пул тўламоқ. ■ Махсус комиссия Н. Шодиевнинг шикоятини текширганда, у ҳақ бўлиб чиқди ва декрет бюллетенига ҳақ тўланадиган бўлди. «Муштум». -Орадан икки ҳафта ўтказиб, хабар олгани борсам, Хўжа-хононинг қўлига игна кириб, бюллетенга чиқиб кетган экан, — деди Ўтбосар.* Файратий, Эпчил куёв.

**БЮРО** [фр. bureau — девонхона, идора; ёзув столи] **1** эск. Баъзи муассаса, ташкилот ва ш. к. да раҳбарлик ишини олиб бориш мақсадида сайланадиган ёки таъсис этиладиган коллегиал орган; шу орган ўтказадиган мажлис. *Бюро аъзолари. ■ Омонов хонадан чиқиб кетгач, Муродов бюро аъзоларига мурожаат қилди. «Муштум». Қодиржон, батафсил сўзлаб, бюрода жуда баҳодирлик кўрсатибсиз. Уйғун, Асарлар. Бюрода унга жуда кўп саволлар беришди* Г. Нуруллаева, Юрак ёнмоғи керак.

**2** Баъзи бир муассаса, ташкилот ёки улардаги бўлимлар номи. *Маълумотномалар бюроси. Машина бюроси. Конструкторлик бюроси. ■ Нормативлар бюросига машина-созликда техник нормалашга доир инженерлар ва техниклар керак.* Газетадан. *Раҳим ака машина бюросига кирди, кўп ўтмай, қўлида бир даста қоғоз билан қайтиб чиқди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. У бир неча йилдан бери Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросида меҳнат қилмоқда.* Газетадан.

**БЮРОКРАТ** [бюро + юн. kratos — қудрат, ҳокимият] Ўз вазифасига расмиятчилик билан қаровчи, расмиятпараст, тўра. ..инсоннинг қимматли вақтини ўғирловчи,

сансалорчи, бюрократларга, оловни ўзгалар қўли билан ушловчиларга нега чора кўрилмайди? «Муштум». ..бюрократ ваъдани беради-ю, ўша одамни тамоман унутиб юборади. Ю. Шомансур, Қора марварид.

**БЮРОКРАТИЗМ** Ишга, ўз вазифасига расмиятчилик ва совуққонлик билан қараш, қуруқ расмиятчилик билан иш тутиш; қоғозбозлик, тўрачилик. *Талаблар вақтида бажариб борилганда, бюрократизм ва сансалорлик аломатларига қатъий барҳам берилди.* Газетадан.

**БЮРОКРАТИК** Бюрократларга ва уларнинг иш услубига оид, расмиятчиларга хос бўлган.

**БЮРОКРАТИЯ 1** айн. бюрократизм.

**2** Расмиятчилар, тўралар.

**БЮРОКРАТЛАРЧА** рви. Бюрократларга хос услубда, расмиятчилик билан, тўраларча. *Ишга бюрократларча қараш.*

**БЮРОКРАТЛАШМОҚ** Расмиятчилик, тўрачилик руҳи билан суғорилмоқ, тўралашмоқ, тўрачилик услубида иш юритмоқ. *Бюрократлашган идора. Бюрократлашган раҳбар.*

**БЮРОКРАТЛИК 1** Эски ва қотиб қолган услубда иш тутиш; тўрачилик, расмиятчилик. *Бюрократлик биз учун ёт ва зарарлидир.*

**2** Бюрократларга хос хатти-ҳаракат, иш; тўрачилик. *Бюрократлик қилмоқ. Ишга бюрократлик билан қарамоқ.*

**БЮРОКРАТЧА** айн. бюрократларча. *Ишга бюрократча ёндашиш.*

**БЮСТ** [фр. buste — кўкрак, кўкс < итал. busto — кўкрак < лат. bustum — мархумнинг қабрига ўрнатилган, унинг белдан юқори қисми тасвирланган ҳайкали] Одам гавдасининг кўкрагидан ёки белидан юқори қисми тасвирланган ҳайкал. *Қаҳрамоннинг бронза бюсти. ■ Хона ўртасига шоирнинг бюсти қўйилган. Ф. Хусаинова, Кўқон адабиёт музейида. Қумри институт боғидаги профессор бюсти ёнига қўйилган скамейкада китоб ўқиб ўтиришни яхши кўради.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

**БЎ** унд. с. Моллар (сигир, бузоқ ва б.) чиқарувчи чўзиқ товушни ифодалайди. *Атрофи сим билан ўралган ёзги молхонадаги бузоқ, сигирнинг овозини эшитиб, «бў-бў» деди. М. Ҳазратқулов, Журъат.*

**БЎДАНА** шв. айн. бедана. *Эшикка чиқса, унинг ҳуснига маст бўлиб, сўфитўрғай, как-*

лик, бӯдана — жами қушлар беадад сайрашар эди. «Ойсулув».

**БҮЁВ 1** Бўяш, ранг бериш.

**2 шв.** Бўёқ. Бўлар иш бўлди, бўёви синди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БҮЁВЧИ** шв. айн. бўёқчи.

**БҮЁЁҚ 1** Бўяш, ранг бериш учун ишлатиладиган модда; нарсаларга суртилган шундай модда қатлами. *Акварель бўёқ. Мой бўёқ. Кўк бўёқ. Бўёғи кўчган идиш. Бўёқнинг яхшиси — бўзчининг бойлиги. Мақол.* ■ *Тўрт қадам юриб, сунранг бўёққа бўялган эшик олдида борди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. Ҳозиргача ишлатилиб келинган органик бўёқлар ўрнига табиий бўёқлардан фойдаланиш мумкин. «Фан ва турмуш». Очиқ платформаларда зангор бўёқлари ярқираб танклар турарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**2 кўчма** Нутқни безовчи бадий тасвир воситалари. *Гапга бўёқ бермоқ.* ■ *Бу шеърларда табиат ёрқин бўёқларда моҳирлик билан чизиб берилган. Газетадан. Навоий ил фаслларининг жонли манзараларини яратади, уларни чизиш давомида алоҳида бўёқлар қидирарди. Газетадан.*

**3** Лаб бўёғи, помада. *Қиз қошларига оро беришни тугатиб, энди лабларига бўёқ суртаётган экан. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.*

**Бўлар иш бўлди, бўёғи синди** Кимсанинг розилигисиз бўлиб ўтган иш-ҳаракат ҳақида, «энди на чора», «энди пушаймоннинг фойдаси йўқ» маъноларида ишлатилади. — *Ке, қўй, Қаршивой! Ўтган гапга саловат. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди, — деди Ҳаққул ота қўл силтаб. Ҳ. Назир, Сув гадоси — оқпадар.*

**БҮЁЁҚДОР 1** Бўёқ берилган, бўялган, бўёқлар билан безатилган; рангдор. *Бўёқли уй.* ■ *Ҳамма меҳмонхоналарнинг ойнавон нақшли, бўёқдор эшиклари, деразалари бекик. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2 кўчма** Бадий тасвир воситаларига бой; жозибадор. *Бўёқдор тасвир.* ■ *Асқад Мухторнинг «Пўлат қуювчи» поэмасининг тили ҳам етарли равон, бўёқдор эмас. «Ўзбек адабиёти тарихи».*

**БҮЁЁҚДОРЛИК** кўчма, поэт. Услубий бўёққа эгалик, ранг-баранглик. *Ана шунинг учун бу жанр сўзда, образда, шаклда ортиқча муумтозликни, бўёқдорликни талаб қилмаган. «ЎТА». Ифодаликка интилиш.. бўёқдорлик сўзлашув нутқи учун характерлидир. «ЎТА».*

**БҮЁЁҚЛИ** айн. бўёқдор. *Бўёқли эшик. Бўёқли тасвир.* ■ *Мисралар узунлиги оригиналликдан ошмайди, сўзлар эса қисқа, бўртма ва бўёқли. «ЎТА».*

**БҮЁЁҚ-СҮЁЁҚ** Бўёқ ва шунга ўхшаш пардоз ашёлари. *..бўёқ-сўёқ, майда-чуйда резавор сотиб.. шаҳарма-шаҳар кезиб.. «Тоҳир ва Зухра». Қизларга ачинаман. Ҳали она сутти оғизларидан кетмай туриб, бўёқ-сўёққа мунча ружу қўйишган-а? «Ёшлик».*

**БҮЁЁҚХОНА** Бўёқчи усталар ишлайдиган ёки бўяш учун лозим бўёқлар, бошқа хил нарсалар сақланадиган махсус хона; дўкон.

**БҮЁЁҚЧИ 1** Ип, ипак ва ш. к. ни бўёвчи, уларга ранг берувчи уста, рангворчи. *Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум. Мақол.* ■ *Синглиси Ойжамол пластмасса цехида меҳнат қилади. Умр йўлоши Садрия ҳам шу ерда бўёқчи. Газетадан.*

**2** Сиркор уста, уй сирловчи, бўёвчи мутахассис. *Саодатнинг назарида бу чўққиларни гўё бўёқчилар атайлаб пушти ранга бўяб қўйсанга ўхшайди. И. Раҳим, Ихлос. Бунда [институтда] қоровулу ҳовлида ишлаётган бўёқчилардан бўлак ҳеч кимса йўқ эди. Мирмуҳсин, Умид.*

**Бўёқчининг нилими** Қийин ишни осон фаҳмлаб, тез битириб беришни талаб қилган кишига «бу сиз ўйлагандай осон иш эмас», деган маънода айтиладиган ибора. **Бўёқчининг хуми айнади** Эл орасида таги-тути йўқ «миш-миш» тарқалганда айтиладиган ибора (илгари бўёқчи усталарнинг хуми, нили айниса, ирим учун халқ орасида бирор ёлғон гап, хабарни тарқатар эдилар. Гўё шундай қилинса, бўёқ айнамайди, деб тушунардилар).

**БҮЁЁҚЧИЛИК 1** Бўёқчи касби; бўёқ ишлари билан шуғулланишлик. *Бўёқчилик унга ота касб. Бўёқчилик ишлари. Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум. Мақол.* ■ *Биз бўёқчилик ва дурадгорлик ишларини бажармоқдамиз. Газетадан.*

**2 тар.** Бўёқчилар дўкони жойлашган раста ёки бўёқчилар ўрнашган маҳалла. *Бўёқчилик маҳалласи. Бўёқчилик растаси.*

**БҮЎЖАМА** Киши вояга етганда, баданига (кўпинча бет ва кўкрагига) тошадиган қизил бўртмачалар; хуснбузар. *Саттор.. буйсунмаган сочларини сув билан тараб ятиратиб, пешонасига тошган бўжамасини сийлайди. А. Мухтор, Кумуш. Лимон шарбати юзни тоза*

қилади, бўжамаларни даволайди. К. Маҳмуродов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**БЎЖИ** бол. Болаларни қўрқитиш ёки алдаш учун «жин», «ажина» каби маъноларда ишлатиладиган сўз. *Кўғирчоқни бўжи олиб кетди. Бўжи келди, бўжи келди, Чингиз билан Жўжи келди.* Матал. ■ *Ҳа дегани ҳожиси йўқ, кўрқитгани — бўжиси.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Чолдеворда ётган кўрар бўжиси.* «Баҳром ва Гуландом».

**БЎЗ I** [а. بَرّ — газлама, ип газлама, бўз] **1** Хом пиштилган пахта ипидан қўл даст-гоҳида тўкилган мато. *Малла бўз. Сўз эмаск бўлар, бўз — кўйлак.* Мақол. *Арқоғини кўриб, бўзини ол, Онасини кўриб, қизини ол.* Мақол. ■ *Бўзчилик бу ердагиларнинг қарийб ҳаммасига ота касб. Аёли чарх йигирса, эркаги бўз тўқирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**2 сфт.** Бўздан тайёрланган, тикилган. *Бўз яқтак қичитар, яхши хотин тинчитар.* Мақол. ■ *Ноз-неъматнинг кўплигидан бўз дастурхоннинг ямоғи кўринмай кетди.* С. Сиеёв, Аваз. *Нигор ойим бўз тўнин текшириб кўрди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЎЗ II** Кўкка мойил оқ ранг (асосан от туси ҳақида). *Бўз от. Бўз тўрғай. Бўз қарчигай. Бўз эшак. Бўз туя.* ■ *Ўктам ёш бўз отда илжайиб турар эди. Ойбек, О. в. шабадалар. У чорбоғ четидан бўз отни чоптириб чиқдию, бирдан жиловини қўйиб юборди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Сафидан адашган бўз турна бўзлар..* А. Суюн, Олис тонглар. *Катта, кучли бўз эшакни болаларга тутқизиб, дастаси йўғон қамчини катта, жуда кир салласига қистирди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Кўлдан бир киши чиқиб кела берди, қўлида бўз қарчигай.* «Интизор».

**Ранги бўз бўлиб кетмоқ ёки бўздай оқармоқ** Ранги оппоқ бўлиб кетмоқ, ранги қув ўчмоқ. *Назокатнинг юзи бўздек оқарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Унинг ранги бўздай оқариб кетган, азёйли бадани қалт-қалт титрар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ажабо, бу одам нега кулади, деб афтига қарасам.. ранги бўз бўлиб кетибди!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БЎЗ III: бўз ер** Экин экишга яроқли, лекин узоқ вақт ишланмай, экилмай ётган ер. *Бўз ерга қадалган чигит бағрига баҳор нафаси тегди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. *Бўз ерларга сув чиқади, қишлоқ атрофлари, қақир — бўз ерлар кўкаламзор, экинзор бўлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бўз тупроқ**

Субтропик ҳудудлар ва яримчўл ерларга хос тупроқ. *Пойлаб деҳқон йўлини, бўрсиллайди бўз тупроқ.* А. Суюн, Олис тонглар. *Гул боғим, боғим-боғим, Боғ бўлган бўз тупроғим.* Миртемир, Асарлар.

**БЎЗ IV: бўз бола (ёки йигит)** Эндигина кучга тўлиб келаётган, турмуш аччиқ-чучугини тотмаган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган, хом бола, ўсмир. *Кўнчилигимиз жанг кўрмаган бўз йигит эдик.* Б. Имомов, Ҳорманг, қуролдошлар. *Бўз йигит эмасманми, қон гуп этиб мияга урди.* «Муштум». *Сулув қизинг бор бўлса, Бўз болага ёқарсан.* «Шарқ юлдузи». *Шу кичкинагина бўз йигит дилида сўнгсиз умидлар бор экан.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**БЎЗ V** Ўтсимон чўл ўсимлиги; чалов.

**БЎЗ VI** Каттик, уввос йиғи. *Унутмоқ ҳам шунчами, Дунё тўлди бўзимга.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

**БЎЗА I** [ф. بوزە — тарикдан қилинган ичимлик] Оқшоқ, тарик, арпа ва ш. к. донлардан тайёрланадиган, кайф берадиган ичимлик. *Бўза солмоқ. Бўза ичмоқ.* ■ [Отам] *Бўза ва мусаллас сингари нарсаларни сира оғзиларига олмас эдилар.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *Бўза, айрон, қимиз-қумронлар идишларда дастурхонга тортилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**БЎЗА II** бнк. Гишт териш ёки пойдевор қўйиш учун тайёрланган қоришма.

**БЎЗАГАР** [ф. بوزگار — бўза тайёрловчи, бўзачи] Бўза тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи киши, бўзачи. *Бўзагар Отабекни.. бўзанинг гули билан меҳмон қилар эди.* А. Қодирий Ўтган кунлар. *Шоди бўзагарнинг работида бўза ҳамиша қайнаб ётади.* «Ёшлик».

**БЎЗАГАРЛИК I** Бўза тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланиш.

**2** Бўза ичувчилар даврасини бошқариш, даврабошилик. *Бўзагарликка бир оғиздан Болибек сўзамол сайланди.* А. Суюн, Олис тонглар.

**БЎЗАРМОҚ I** Ранги қув ўчиб, оқариб кетмоқ. *Остонада турган аёлнинг сўлгин юзи докадек бўзарди, кўзларида ёш томчилари милтиллади.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи. *Тешабойнинг лавлагидай қизариб кетган юзи бирдан бўзарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинонро чироқлари.

**2** Гира-шира ёришмоқ, хира тортиб оқармоқ. *Тонг бўзарди. Оламга ёруғлик ёйшла бошлади. Ҳ. Фулом, Сенга интиламан. Осмон бўзариб борарди. Тенада фақат бир юлдуз, у ҳам сўнай-сўнай деб милтиллаб турибди. М. Мансуров, Ёмби. Оптоқ қор босган далалар устида бўзариб тонг отди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

**Бўзариб турмоқ** Серрайиб, қаққайиб турмоқ; қимирламай турмоқ. *Пича бўзариб тургандан кейин Қоражон секин жилди. «Ёшлик». Ибодулла Ботиралининг ёнида индамай, бўзариб турган Бўронбекка хўмрайиб қаради. Ҳ. Фулом, Машғал. Бўзариб турмоқдан бошқани билмайди. Энди бу бир Мажнун-да, дейишди. «Баҳром ва Гуландом».*

**БўЗАФУРУШ** [бўза + ф. فروش – сотувчи] айн. **бўзагар**. -Йўғ-э! – деди Самадов. – Ахир, Қўшабой бўзафуруш қирқ олтинчи йилда ўлган-ку! «Ёшлик».

**БўЗАХОНА** [бўза + хона] эск. Бўза сотиладиган ёки ичиладиган жой; хона; майхона. *Мулла Наби чапани бир йигит бўлиб, кечаси билан бўзахоналарда, чойхоналарда санқиб юрарди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Бу ўтиришдан сўнг у [Отабек] бир ойлаб бўзахонага келмай кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БўЗАХЎР** [бўза + ф. خور – ичувчи] Бўза ичувчи; бўза ичишни яхши кўрадиган, бўзани кўп ичадиган. *Бўзагар Отабекни.. оддий бўзахўрлар ёнига ўтқизмай, ўзининг махсус хўжрасига олиб кирар.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Мен бўзахўр, эски бўзахўр, Кўзаларни синдирган ўғлон. С. Акбарий, Аму билан дардлашув.*

**БўЗАХЎРЛИК 1** Бўза ичишга одатланганлик.

**2** Бўза ичиш, бўза ичиб кайф-сафо қилиш. *Бўзахўрлик қилмоқ. ■ Уша давралар.. бўзахўрлик, қиморбозлик.. «Шарқ юлдузи».*

**3** Эркакларнинг бўза ичиб отамлашиш учун махсус уюштириладиган йиғини.

**БўЗАЧИ** айн. **бўзагар**. *Узиям қишогимизда Тиркаш бўзачи зап бўза қилади-да! А. Суюн, Олис тонглар.*

**БўЗБОЛА** қ. бўз IV. Унинг изидан беш-олти ёшлардаги бўзбола шодон йўргалаб бормоқда. С. Сиёев, Аваз. У [Омон] – мактабни эндигина тугатган бўзбола, олис тоғлар орасидаги кичкина қишлоғидан улкан шаҳарга тушиб келди. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги. *Бир кунни сизларга ўхшаган бўзболалар*

*йиғилиб, қандай қилиб бўлсаям, олмадан олишга қарор қилдик. А. Кўчимов, Ҳалқа.*

**БўЗДОҚ** Кўққаргалар туркумига мансуб кўчманчи қуш; курқунак.

**БўЗЛАМОҚ 1** Ўкириб, уввос тортиб, нола қилиб йиғламоқ, зор-зор йиғламоқ. *Супага чиқиб, чинакамига: – Ота, отажон! – деб бўзлади. «Ёшлик». Уларнинг орасида энг кўп бўзлагани кенжа ўғил эди. «Ёшлик». Ҳар водийни бир-бир изладим, Етим кўзи янглиғ бўзладим. Ҳ. Олимжон.*

**Бўтадай бўзламоқ** Зор-зор йиғламоқ. У озмунча кўз ёш тўқдими, гоҳ бўтадай бўзлади, гоҳ ун чиқармай, ичида нола тортди. Й. Шамшаров, Довруғ. *Ишқинда йиғладим, бўтадай бўзлаб.. «Баҳром ва Гуландом». Ҳолинг кўрса, отанг бўтадай бўзлар. «Баҳром ва Гуландом».*

**2** кўчма Мунгли, дардли товуш чиқармоқ; нола қилмоқ. *Бир шўх бўзтўрғай Фуломжон бошидан кетмай ҳадеб бўзлар, нималардир сўзлар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Тўрғай бошлари узра чарх уриб бўзлади. «Ёшлик». Бағримда бўзлайди алданган умид, Бетиним тўлғанар ўзини уриб. М. Эгамбердиева, Гулбарг. Хаёллар қошимда Сиз бўлиб бўзлар. Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим. Козимнинг назарида танбур ҳамон ўқиб-ўқиб бўзларди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

**БўЗЛАШМОҚ** Бўзламоқ фл. бирг. н. Онабола узоқ йиғлашдилар, кўз ёшлари битгунча бўзлашдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БўЗЛИК 1** Бўз ер. *Умумий мажлисда «Ҳақ йўл» деб ном берилган колхоз худди шу кунни Қамишқапанинг.. шарқидаги бўзликка ва лалмикор адирга кўш чиқарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БўЗЛИК II 1** Бўз болаларга хос хомлик, гўрлик. *Таваккал билан бўлган ишнинг таби яхши чиқмайди, болалар бўзлик қияптилар. Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.*

**2** Юзлагги оқ, бўз ранг. *Кечаси гул япроқчаларига кўнган оптоқ қиров кўеи чиққанда аста-секин кўтарилгани сингари, унинг чехрасидаги ваҳм бўзлиги ҳам тарқалиб борди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**БўЗНОЧ** Мураккабгулликлар (қоқидошлар) оиласига мансуб, пояси қалин тўк билан қопланган, сариқ гулли кўп йиллик ўт. Бўзноч гулларидан тайёрланган қайнатма жигар касалликларини даволашда ишлатилади. «ЎЗМЭ».

**БЎЗРАЙМОҚ 1** айн. **безраймоқ.** *Нега хўракка териб ташланган бездек бўзрайиб турибсан? Б. Раҳимов, Мардлар қиссаси. У менга бўзрайиб қараб турди-да, саломимга алиқ ҳам олмай, бепарволик билан юзини ўгириб олди. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.*

2 Хайрон бўлмоқ, анграймоқ. *Мирзолар бир-бирига қарашиб олдилар. Шаҳодат муфти бўзрайиб, ҳамроҳига қаради. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Зайнаб ишини тўхтатиб, бўзрайганча Кумушга қараб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**БЎЗРАНГ** Кўкка мойилроқ бўлган оқ ранг. *Дарахтзорлар адоғи бўзранг адирларга туташиб кетган. Н. Қиличев, Чигириқ. Энди кўзи ҳеч нарсени кўрмас, мияси фикрлашдан тўхтаган, ўзи тағ-туғи йўқ бўзранг бўшлиқ аро оҳиста сузиб кетар эди. «Ёшлик».*

**БЎЗТИКАН** Мураккабгуллилар оиласига мансуб кўп ва бир йиллик бегона ўт. *..ўзбек тилида мавжуд қорағат ўрнида смородина, қорақайин ўрнида бук, бўзтикан ўрнида будяк.. деб ишлатишнинг нима ҳождати бор? «ЎТА».*

**БЎЗТУПРОҚ** Ўзлаштирилмаган бўз ер, экин экилмаган тупроқ ёки кулранг тупроқ. *Ўрта Осиё бўзтупроқларида карбонатлик даражаси бошқаларга нисбатан кучлироқдир. М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.*

**БЎЗТЎРҒАЙ** Чумчуқсимонлар туркумининг тўрғайлар оиласига мансуб, бўз рангли, асосан қумлоқ ва шўр жойларда яшовчи қуш. *Бунда қушлар учмас гур-гур, Бўзтўрғай ҳам бўзламас. А. Шер, Қадимий куй. Осмондаги бўзтўрғай, Бўзламасанг на бўлғай? Муштаккина жонингга Куйламасанг на бўлғай? «Кўшиқлар».*

**БЎЗЧИ I** Бўз тўқувчи қосиб. *Бўзчи билганин тўқир, мулла билганин ўқир. Мақол. Бўзчи белбоққа ёлчимас. Мақол. ■ Сафар бўзчи кўзида ёши билан Анварни табриқ қилди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Ҳалаён кўтарганлар олдида қилич яланғочлаб Ҳорун бўзчи борарди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**Бўзчининг моқисидай югурмоқ** (ёки қатнамоқ) Тўхтовсиз бориб-келиб турмоқ, кўп қатнамоқ; сарсон бўлмоқ. *Онажон биринчи ва иккинчи қаватнинг ноқулай зиналаридан бўзчининг моқисидай югурди. Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар. Йигитни*

*қалтироқ босди, кўзлари бўзчининг моқисидай югура бошлади. Ҳ. Шамс, Душман.*

**БЎЗЧИ II** Зубтурумдошлар оиласига мансуб катта япроқли, майда бошоқсимон гулли, кўп йиллик ёввойи ўт. *Бўзчининг баргидан тайёрланган дорилар чак ва меъда яраларини даволашда ишлатилади.. «ЎЗМЭ».*

**БЎЗЧИЛИК** Бўз тўқиш касби; бўз тўқиш билан шугулланиш. *Бобом ҳам бўзчиликни яхши билар эди. Ойбек, Болалик. Бўзчилик – бу ердагиларнинг ота касби. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БЎЙ I I** Киши қоматининг баландлиги; гавданинг бошдан-оёқ кўриниши; бўй-баст, қомат. *Бўйи баланд одам. Бўйи паст одам. Бўйингга қараб тўн бич. Мақол. Ўзига енг бўлмаган ўзгага бўй бўлмас, Мақол. Туядай бўй бергунча, Нинадай ақл берсин. Мақол. ■ Гулнорнинг бўйи ўсиб, кўкраги тўлишиб, бутун гавдаси қизлик латофати билан яшнаган чоқда, бойвачча.. уни кўз тагига олиб қўйган эди. Ойбек, Танланган асарлар. Уйининг ортидан ўтлар тераман, Бўйингни бўйимга тенглаб кўраман. «Кўшиқлар». Кампир кўчага чиққанида, кўча эшигидан баланд бўйли, қош-кўзлари қоп-қора ўғли Қодир кўринди. «Саодат».*

2 Юқорига чўзилган қўл баландлиги. *Токчага бўйим етмаяпти. ■ Девор ўлғудай баланд-да, бўйи етмади. М. Исмоилий, Фаргона т. о.*

**Бўй бермоқ** 1) сувнинг чуқурлигини ўз бўйига ўлчамоқ. *..саёзликнинг нариги томонидаги дарё тармоғига тушиб кўрган эди, чуқур экан, бўй бермади. Ж. Шарипов, Хоразм; 2) кўчма бўйсунмоқ, сўзга, гапга кирмоқ. [Роҳат Шарифга:] Кечирасиз, жазманингизни шу маҳалдан жилолаб олмасак, кейин бўй бермайдиган бўлиб кетади. Уйғун, Ҳуррият. Бир фалокатни сезган нортую эгасига бўй бермай, шаталоқ отиб, уни йиқитибди.. М. Мансуров, Ёмби. Бўйи(га) етмоқ Бўйи ўсиб, балоғатга етмоқ. Қизинг бўйи етса, қизи яхши билан қўшни бўл, Ўғлинг эр етса, ўғли яхши билан қўшни бўл. Мақол. ■ Бўйига етган қиз билан йигит бир-бирлари билан топншсалар, бунга ҳеч ким қарши келмайди. С. Айний, Эсдалиқлар. Бўй эгмоқ айн. бўйсунмоқ. Тўрахоновнинг кўзи олдида.. бўй эгмаган Баҳорнинг, мағрур турган Хайрининг юзлари яққол гавдаланди! Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Бир кезлар бўй эгмай*

келган Сирдарё суви энди жиловланганича пишқириб, пастга отиляпти. «Ўзбекистон кўриқлари».

3 Тик турган нарсаларнинг баландлиги. Миноранинг бўйи. Бўйи узун терак. ■ Райондаги мактаб бинолари билан бўй ўлчашидиган мактаб биноси солдик. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**Бор бўйича қ. бор 1. Бўй чўзмоқ 1)** бўйи ўсиб баландлашмоқ, ўсмоқ; баланд бўлмоқ. Айни ғузлар буй чўзиб қолганда, қора қурт унинг илдизини қирқа бошлайди. Г. Нуруллаева, Сўнгги доvon эмас; 2) балоғатга етмоқ. Қиз бола буй чўзиб қолгандан кейин, йиғит кишининг унинг уйига ҳадеб келавериши одобга ҳам, ахлоққа ҳам тўғри келмайди: қизнинг боши маломатга қолади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар; 3) юқорига қўл чўзмоқ, узатмоқ. Қуёшли баҳор эртаси жуда ҳам ёқимлики, юрган сари югнинг келади, гуллаган олма шохларига буй чўзиб, барра майсаларни босиб югнинг келади. А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Кўкка (ёки фалакка) бўй чўзган** Жуда баланд, юксак; улугвор. Кўкка буй чўзган бинолар. ■ Ерда ёпишиб ётган ниҳоллар, сув берилгач, қаддини ростлаб, кўкка буй чўзди. Газетадан. Кўп қаватли ғузлар уйлар кўкка буй чўзиб туради. Газетадан. Янги мадрасанинг пештоқлари ҳам фалакка буй чўзиб турарди. Мирмуҳсин, Меъмор. **Одам бўйи** Одам бўйи бараварида, одам бўйича. ..одам бўйи баланд кўтарилиб солинган каттагина шийпон, атрофи гулзор. Ойбек, Танланган асарлар. **Жўрахон этиб борганда**, юздан ортиқ хотин-қиз одам бўйи бўлиб ғовлаб ўсган, кўм-кўк ёввойи ўтга ёпирилган эди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Қамишлар икки одам бўйи ўсган, поёни кўринмас, шабадада бир оҳангда мунгли шовуллайди. Ҳ. Фулом, Феруза. **Терак бўйи 1)** бўйи терак билан баравар; баландлиги терак бўйига тенг. Мана, кун ҳам терак бўйи кўтарилиб қолди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. **Зиёбек бой уйдан чиқиб, йўнғичқазорга келганда**, кун аллақачон ботиб, ой терак бўйи кўтарилиб қолган эди. Н. Фозилов, Дийдор; 2) терак баландлигида. Самолёт терак бўйи пасайди. **Варрак терак бўйи** чиқди. **Тизза бўйи** Тиззадан келадиган, баландлиги тиззага етадиган. **Уша йили қиш эрта тушиди. Устма-уст ёққан қор икки кунда тизза бўйи бўлди.** М. Ҳазратқулов, Журъат. **Том (ёки найза, одам) бўйи**

Ушбу нарсалар бўйига тенг. **Шу пайт рўпарамдан том бўйи кетон уюмлари ортидан лип этиб қўлоқчи билан, узун бўйли йиғит чиқди.** С. Сиёев, Ёруғлик. **Нарх-наво ҳар кун том бўйи сакраб турибди.** Ойбек, Танланган асарлар. **Жимжит кечқурун Самарқанддан чиқиб, кун найза бўйи кўтарилганда, Темур дарвозасидан ўтди** Н. Сафаров, Оловли излар.

4 Баъзи нарсаларнинг (уй, ер, майдон ва б.) узун томони. **Бўйи олти метр, эни тўрт метр уй.** ■ **Унғур энига бир қўлоқ, бўйига бир ярим қўлоқ қилиб қазилаётган бўлса ҳам.. айтишга осон, қазинга қийин катта унғур эди.** М. Исмоилий, Фарғона т.о.

5 Куруқликнинг ариқ, дарё, денгиз кибиларга туташ жойи; қирғоқ, соҳил. **Дарё бўйи. Сув бўйи. Ҳовуз бўйи.** ■ **Элмурод билан Абдурасул йўл бўйидаги тепаликка чиқдилар.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Саломатлигини совураётган одам ариқ бўйида сув қаддини билмай ўтирган кишига ўхшайди.** Газетадан. **Рихси хола нафасини ростлаш учун ариқ бўйига чўнқайди.** С. Зуннунова, Олов. **Ҳовузнинг бўйида томингиз борми, Хастадай турибсиз, ҳолингиз борми?** «Кўшиқлар».

6 (3-ш. эгалик аффикси билан) кўм. Давомида; мобайнида. **Кун бўйи. Йил бўйи.** ■ **Аёл тун бўйи азоб чекиб, тонготарга яқин кўзи ёриди.** П. Турсун, Ўқитувчи. **Кеча кўйлакчан чиқиб, кун бўйи совуқ едим.** Газетадан. **Бирам ширин, асрлар бўйи ҳаёт сувини ва деҳқон кўлини кутиб ётган даштадагина шундай қовун битади.** Й. Шамшаров, Тошқин.

**Бўйида бўлмоқ** Ҳомиладор бўлмоқ. - **Сахро воқеасидан уч ой ўтганда, бўйимда бўлиб қолганига ортиқ гумоним қолмади, — деди Ҳожиди хола.** М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Шушу, қайтиб бўйида бўлмади.** **Бормаган доктори қолмади.** С. Сиёев, Отлик аёл. **Қизининг бўйида бўлмаётгани Қундуз опани ташвишига солар, кечалари уйқуларини олиб қочарди.** Газетадан. **Бўйи(нгиз) етмайди** Уддасидан чиқа олмайсан, кўлинг қисқалик қилади, қаршилик қила олмайсан. **Биламан, сиз қўрқмайсиз! Суянган тоғингиз баланд! Ўртоқ Носировга ҳеч кимнинг бўйи етмайди.** А. Қаҳҳор, Синчалак. **Шу бўйи 1)** шу кўйда, шу ҳолда. **Шу бўйи тунни билан йиғлаб чиқибди.** П. Турсун, Ўқитувчи; 2) шундан буён, шу-шу. **Шу бўйи мен Анварни қайтиб кўрмадим.** Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ? **Шу бўйи бир ҳафта Меъмор уйдан чиқмади.** Мирмуҳсин, Меъмор.

**БҮЙ** II [ф. *بوي* (بو) — ҳид] Ҳид, ис. *Анвар.. қизнинг юзидан ўнди ва унинг тўзгиган сочларини тўғрилаб, ҳаётбахш кокиллариининг муаттар бўйини ҳидлади.* А. Қодирӣй, Меҳробдан чаён. *Лолалар яшил майсазор узра буй таратиб, бош эгади.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Сув сепилган кўчаларда райхон буйлари билан қоришиб, тупроқ ҳиди анқиди.* «Саодат».

**БҮЙ-БАСТ** *жуфт. с.* Киши гавдасининг тўлик, яхлит кўриниши; қадду қомат, гавда, жусса. *Буй-басти келишган йигит.* ■ *Буйи-бастингга онагинанг қоқиндиқ бўлсин, Мамадалижон.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Кўз ўнгида бутун буй-басти, гўзаллиги ва таровати билан Қирмизхон гулдек яшнаб турарди.* Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. *Акрамнинг дид билан кийиниши, келишган буй-басти унга ёқар эди.* «Ёшлик». *Зумрадни эслади. Унинг расо буй-басти, қуралай кўзлари, лўппи юзи, ўнг бетидаги кулги.. кўз ўнгидан ўтди.* С. Сиёев, Отлик аёл.

**БҮЙДОР I** I Бўйи баланд; бўйчан, дароз, новча. *Бўйдор йигит.* ■ *Бекнинг онаси ўрта ёшлардан ўтган, бўйдор, сочларига сал оқ оралаган нуруний хотин эди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Қиз бўйдоргина, озгин экан.* Н. Фозилов, Дийдор.

2 Баланд, ўсиқ. *У пайкал четида гуллаб ётган бўйдор ўсимликларга ишора қилиб, гапни бошқа ўзанга бурди.* С. Нуоров, Нарвон. *Электростанциянинг иккита бўйдор мўрисидан буралиб-буралиб чиқаётган тутун кулранг осмонда ғойиб бўлади.* Й. Шамшаров, Қахрамонлик йўли.

**БҮЙДОР II** [ф. *بویدار*, *بویدار* — муаттар ҳидли; сассиқ ҳидли] Ўткир, муаттар ҳидли, хушбўй. *Бўйдор гуллар.*

**БҮЙДОШ** Бўйлари тенг; бўйи-бўйига мос тушувчи. *Ҳабиба Хатибнинг Қутбия номли қизи билан бўйдош бўлиб, ҳар иккилари бу мактабдаги қизларнинг барчасидан катта эдилар.* С. Айний, Эслатиклар.

**БҮЙДОҚ** Уйланмаган, хотин олмаган; сўққабош. *Бўйдоқ йигит.* *Бўйдоқнинг ақли икки кўзида.* Мақол. *Ёмон отда юргунча, яёв юрган яхшироқ, Ёмон хотин олгунча, бўйдоқ ўтган яхшироқ.* Мақол. ■ *Йигитнинг қўлида гулдай ҳунари бор экан, бўйдоқ экан, уй-жойи тайин экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бу чиройли.. жонон қиз, қурмағур, шаҳардаги ҳамма бўйдоқларни михлаб, арқонлаб, эгарлаб ташлади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 кўчма Дайди, бемаҳал эсган. *Нур тўкилган сайҳонда бўйдоқ шамол билан ўйнаргийёҳлар.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

**БҮЙДОҚЛИК** Уйланмаганлик, оила-сизлик ҳолати, уйланмаган давр. *Подшонинг бўйдоқлигини Оқтош элининг ҳамма қизи ҳам билар эди.* «Муродхон».

**БҮЙИМОДАРОН** [ф. *بويىماداران* — она-лар иси] Мураккабгуллиларга мансуб патсимон баргли, майда тўп гулли, кўп йиллик доривор ўт. *Оддий бўйимодарон адир ва қирлар, йўл ёқалари ва ўрмон чеккаларида ўсади.* «ЎЗМЭ». *Бўйимодарон патсимон баргли кўп йиллик ўт бўлиб, ер ости поясидан бўғиз барглари ва поялар чиқаради.* «Фан ва турмуш».

**БҮЙИНИ I** (3-ш. бирл. **бўйини**) I Одам ва умуртқали ҳайвонлар гавдасининг бош билан танани бириктирувчи қисми. *Ўғрини солсанг қўйинингга, Сиртмоқ тушар бўйинингга.* Мақол. *Хотин — бўйин, эр — бош.* Мақол. ■ *Тонгнинг майин шабадаси Нусратбекнинг бўйинларини ёқимли силаб-сийпалади.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Тўрткўз бўрининг бўйинидан қаттиқ тишлаб, у ёққа-бу ёққа юлқилаб кўрди.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Қора кўзлари учқун сочиб порлайди.* *Кўкраклар баланд. Бўйини оқ марвариддай силлиқ, лаблари эҳтиросли.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**Бўйин букмоқ айн. бўйин эгмоқ 4.** *Бу даҳшатни, офатни, у, эҳтимол, бир тақдир, бир зарурият.. деб тушунганда, балки камтарлик билан бўйинини буккан бўлар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бўйин эгмоқ (ёки солмоқ)** I) бошни қуйи солмоқ. *Иккала от узоқ йўл босиб ҳориганидан, оғир бошларини кўтаришга мажзоли келмагандай, бўйинларини эгиб турарди.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўчма айбини бўйинига олмоқ, айбига иқрор бўлмоқ. *Эгилган бўйинни қилич кесмайди.* Мақол. ■ *Шунда ҳам ўзидан наст деб юрган кишисига бўйин эггиси келмади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 3) таъзим қилмоқ. *Кумуш уялиб, зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб, бўйин эгди.* А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. *Бўйин эгиб ҳаммаси, Таъзим қилиб туради.* «Ойсулув»; 4) бўйсунмоқ. *Душманга бўйин эгма.* Мақол. ■ *Эски раислар бўйин эгармикан бу ёш жувонга.* И. Раҳим, Ихлос. *Эшбоев бу такаббур, безбет болани бўйин эгишга мажбур қилмаган эди.* «Ёшлик». **Бўйин қисмоқ айн. бўйин**



**эгмоқ 2.** [Отам] Бир кун эримнинг узоқ сайилга кетганини эшитиб, уйимга етим боладек буйини қисиб кириб келди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**2** Баъзи асбобларнинг ингичка узунчоқ қисми; бўғиз. *Дуторнинг буйни. Шишанинг буйни.* ■ *Деворига толгул ва буйни узун офтобанинг сурати солинган баланд айвон.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Нўш этиб, уйга келурман, ерда турмайдура оёқ, Шишалар буйни узилсин, бош эгиб қон йиғласин.* Ҳабибий, Девон.

**3** тех. Ўқ, вал ва ш. к. нинг подшипникка ўрнатиладиган қисми. *Вал буйни.*

**Бўйин бермоқ** Бўйсунмоқ, гапга кирмоқ, кўнмоқ. *У бировга бўйин беришни ёмон кўради.* С. Аҳмад, Уфқ. *Икки йигит чопа келиб, унинг жиловидан туттиди. Қора Бахмал бўйин бермай, силтаб ташларди.* С. Аҳмад, Жимжитлик. **Бўйин бурмоқ** айн. **бўйин товламоқ.** *Сал норозилик қилиб, ишдан бўйин бурганларнинг боши балага қолар, бундайлара сургун, бадарга доим таҳдид солиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. -*Сиз, устод, бир нима десангиз, биз бўйин бурган эмасмиз, — деди Меъморнинг чеҳраси очилиб.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Бўйин сунмоқ** айн. **бўйсунмоқ.** *Номардларга асло сунма бўйинини, пуч ёнгоққа тўлдиради кўйинини.* Мақол. **Бўйин товламоқ** (ёки **тортмоқ**) Бирор ишни бажаришдан, унга қатнашишдан бош тортмоқ. *Дарвеш Али кўзголонини бостиришга Алишернинг ўзини юборинг. Ё Алишер бу ишдан бўйин товлайди, ё.. бориб, фитнани бартираф қилади.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бу подшоҳимизнинг олий фармони, ундан бўйин товлайдиганларга у шафқат қилиб ўтирмайди.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўйин тўлғамоқ** айн. **бўйин товламоқ.** *Бизлар бамаслаҳат нима десак, у бўйин тўлғамас.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бўйин кўймоқ** 1) кўникаб, бирор ишга кириша бошламоқ. *Ғуломжон сўнги кунларда меҳнатга бўйин кўйган бўлса ҳам, энди бундан ўзи қониқа олмади.* Ҳ. Нуъмон, Фаслар; 2) кўнмоқ, бўйнига олмоқ, рози бўлмоқ. *Аширбек ноилож жиянларининг гапига бўйин кўйди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Бу ишлар худонинг иши, кўн энди, Бўйин кўйин Оллонинг қудратига.* «Юсуф ва Аҳмад». **Бўйни боғлиқ** Туткун, асир; эргаштириб, судраб юрилган. *Бўйни боғлиқ ит оёва ярамас.* Мақол. ■ *Бўйини боғлиқ ҳам эмас,*

*ечиқ ҳам эмас. Қамоқ бўлмаса ҳам, қамоққа ўхшайди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бўйнига** 1) гарданига, зиммасига, устига. *Катта рўзгорнинг ҳамма гуноҳи раиснинг бўйнига..* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Буларнинг барчаси унинг бўйнига қарз бўлиб ётарди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) виждонига; виждонига ҳавола. *Нима уволи бўлса — ҳақ бўлсин, ноҳақ бўлсин — гувоҳнинг бўйнига, деб ҳукм қиламан.* «Луқмони Ҳаким». *Мен кўлимдан келганини қилдим, энди [боланинг] уволи сизнинг бўйингизга — ерсиз қоладими, етим бўладими..* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бўйнига арқон солмоқ** Мажбур қилмоқ. *Албатта, менинг бўйнимга биров арқон солаётгани йўқ. Тушунган одам [колхозга] киради.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бўйнига миниб олмоқ** 1) бўйсундириб, измига тушириб олмоқ. *Эркак бошимни эгиб, қайтиб бораманми, унақада хотиним бўйнимга миниб олади.* С. Аҳмад, Уфқ; 2) ишламай-нетмай бутунлай бировнинг қарамоғига ўтиб олмоқ. *Кампир кўзига ёш олди: -Ўғилганимнинг бўйнига миниб олган бу жувонсўхта.* «Муштум». **Бўйнига олмоқ** 1) ўз устига, зиммасига олмоқ. [Ҳомид:] *Башарти шу хизматни бажариб беришни бўйингга олсанг, онт билан айтаманки, давлатимнинг ярмиси сеники бўлсин!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Марғуба оғирликни яна ўз бўйнига олмоқчи бўлиб турган эди.* С. Зуннунова, Қўқ чироқлар. *Воҳидова иштиштиб кўйини мен бўйнимга оламан.* С. Зуннунова, Янги директор; 2) рози бўлмоқ, кўнмоқ, кўникамоқ. *Бир гап билан бойлаб бердим кўлимни, Бойлоғлиман, бўйнимга олдим ўлимни.* «Рустам». *Биз жаллод даррасига, оқ पोшио сургунига, хон болтасига, тўралар, бойлар калтагига чидашни бўйнимизга олганмиз.* С. Сиёев, Аваз; 3) иқроор бўлмоқ. *Саммад, ўзинг гуноҳингни бўйингга ол, шундай қилсанг, жазонг ҳам енгил бўлади.* «Ёшлик». *Бўлди энди, айбни бўйнимга олдим-ку ахир.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳамон айбни ўз бўйингизга олмайсиз, астағфирулло.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бўйнига осилмоқ** Бировга хиралик қилиб ёпишиб олмоқ. *Бунча менинг бўйнимга осилиб олдинг? Бўйнига тушмоқ 1) гарданига, зиммасига, устига тушмоқ. *Башарти мажлисдан ўтказишса, бўйнимга катта қарз тушади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шундай қилиб, мовут менинг бўйнимга тушиб турибди, денг?!* С. Зуннунова, Янги директор;*

2) далил-исбот билан бўйнига қўйилмоқ. *Айб кимнинг бўйнига тушиди? Бўйнига қўймоқ* 1) гарданига, зиммасига, устига юкламоқ, топширмоқ. *Мен ҳозир бой билан гаплашаман, ҳовлингни ўзинга қайтартираман, тўй харажатларини бойнинг бўйнига қўяман.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *..келган совчиларнинг ўзларига ёқмаганига гуноҳнинг барини Кумушнинг бўйнига ағдариб жавоб берар, аммо иккинчи ёқдан тузукроқ жойни кўзлар эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) далиллар билан ўз айбига икром қилмоқ. *Салим-бойвачча қоғозни қўлда маҳкам сиқиб, ғурур билан давом этди: -Бу нарса қўлимдами, ҳеч ким бирон айбни бўйнимга қўя олмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёлғон айтмаган бўлса, юзлаштир, бўйнимга қўйиб берсин!* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Бўйнида(ги)** Гарданида(ги), зиммасида(ги), устида(ги). *Уй-рўзгор, мол-ҳол, бола-чақа — ҳаммаси Холисанинг бўйнида эди.* С. Нуров, Нарвон. *Катта синглим Ойшахон тўртинчи синфда ўқийди. Ҳовлини супуриш, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйнида.* Х. Тўхтабоев, Сарик девни миниб. *Авалло бўйнингдаги қарзингни уз, ундан кейин кигиз билан бигиз сўра-да.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўйнидан бойлагандай** Бирор иш-амални бажаришга мажбурилик ҳолати; мажбуран, эрксиз равишда; истаб-истамай. **Бўйнидан соқит қилмоқ** Кутулмоқ, озод бўлмоқ. *Улар ишакларни бўйинларидан соқит қилиш тўғрисида маслаҳат қилишибди.* «Луқмони Ҳаким». **Бўйни ёр бермаслик** Бўйсунмаслик, ўзига эп кўрмаслик, истамаслик. *Ўқшига бўйни ёр бермаган Абдусаттор ёшлигида кўча-қўйда судралиб юрди.* «Гулдаста». *Пўлатжон Абдурахмонов ўз ота-онасига ёрдам беришдан бош тортиб, колхозда ишлашга бўйни ёр бермай, текин томоқ ўзлаб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ дайдиб юрибди.* М. Абдуллаев, Текин томоқ. **Бўйни йўғон** кўчма Зўравон, муштумзўр; чапани одам. [Ўғлингизнинг] *Бошига бир мушт уриб, бир бурда қаттиқ нон берадиган бир бўйни йўғонга тегмасам, мен ҳам юрган эканман.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Бўйни синмоқ** Мағлуб бўлмоқ, енгилмоқ. *Канизлар эса: -Осимжон сўзида туролмади, бўйни синди-ку, — деб таъна қилдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**БўЙИН II геог.** Сув билан ажралиб қолган қуруқлик қисмларини, ҳатто материкларни бир-бирига қўшадиган тор, узунчоқ

ер бўлаги. *Осиё билан Африка орасидаги Сувайш бўйнининг кенлиги 164 км га тенг.* «Табиий география».

**БўЙИН III қ. х.** Ҳайдалаётган ер майдонининг у бошидан бу бошигача бўлган масофа (тахминан 120—150 қадам).

**БўЙИНБОФ I** Уй ҳайвонларининг бўйнига боғланадиган арқон ёки қайиш.

**2 с. т.** Галстук. *У ўтар ўз сафида, кийинган содда, Бўйинбоғ кўкрагига қандай ярашган.* Миртемир, Асарлар. *Оқ қўйлаги ёқасига каштали бўйинбоғини тақди.* С. Нуров, Нарвон.

**БўЙИНТУМОР I** Аёллар бўйнига тақадиган зийнат буюми.

**2 этн.** Ичига диний мазмундаги дуо ёзиб солинган тумор. *Бўйинтумор ўрнига галстук Бойланади қизлар бўйнига.* Уйғун.

**БўЙИНТУРУҚ I қ. х.** Омочнинг иш ҳайвони бўйнига тақиладиган қисми. *Қаёқдандир Кўшоқ пайдо бўлди. Қўлида бир тўп каноп ва битта бўйинтуруқ бор эди.* Ҳ. Шамс, Жуволдиз. *Ҳўкизнинг гарданига кўзи тушиди: қорамтир жунлар тагида тери кўришиб турарди — бўйинтуруқнинг ўрни бу.* Ш. Холмирозев, Оғир тош кўчса.

**2 кўчма** Жабр-зулм, асорат, оғир меҳнат. *Мустамлакачилик бўйинтуруғи.* ■ *У икки ярим йил бойнинг бўйинтуруғини судради. Нима олди!* Ойбек, Танланган асарлар. *Умр-бод омоч-бўйинтуруқни ўз гарданида тортишининг азобини кечирган деҳқонлар кўп.* С. Аҳмад, Сайланма.

**БўЙИНТУРУҚЛАМОҚ** Ҳўкизга бўйинтуруқ кийгизмоқ. *Шундай қилиб, кўклам бўлди, хўжайин менга ҳўкизларни бўйинтуруқлаб: -Энди қўш ҳайдашга чиқасиз! — деди.* «Эртақлар».

**БўЙИНЧА** Иш ҳайвони бўйнига хомут остидан кийдириладиган, усти тери, ичига похол солинган ҳалқа шаклидаги от-улов абзали. *Ҳуснибийнинг دادаси Омонбий бўйинча тикар эди.* Ф. Фулом, Шум бола. *Тешабой отни дарвоза оғзида тўхтатди-да, бўйинчасини ҳам чиқармай, миниб, шаҳар томон босди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**Ич бўйинча** Катта бўйинча остидан кийдириладиган юмшоқ бўйинча.

**БўЙИНЧАДЎЗ** Бўйинча тикувчи уста, саррож. *..бозорда ўз маҳаллам, ўртоғим, бўйинчадўз Омонбийнинг ўғли Ҳуснибийни учратиб қолдим.* Ф. Фулом, Шум бола.

**БҮЙИЧА** кўм. (б. к. сўз билан) 1 Мувофиқ, биноан, кўра. *Буйруқ буйича. Қонун буйича.* ■ У. шарт буйича Шоқосима оврақат, ётиш учун жувозхона олдидан бир ҳужра берди. Ойбек, Танланган асарлар. *Бир кун кечаси у [Отабек] янги одати буйича аллақайёққа кетган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бу Ўроз ҳар кунги одати буйича, жийдага суялиб, ўзи ясаган кичкина дўмбирасини чала кетди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Оид, тегишли, доир. *Классик кураш буйича мамлакат чемпионати бошланди.* Газетадан. *Рота буйича навбатчи, кичик сержант Назаров эшитади.* Газетадан. *Чиннига гул солиш буйича ишларни ишчи-рассом бажаради.* Газетадан. *Саводсизликни тугатиш буйича ўқиш бир қадар йўлга тушиб қолди.* К. Яшин, Ҳамза.

3 Соҳасида, масаласида. *Ҳотам ака бригадаси мева етиштириш буйича биринчи ўринга чиқиб олди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. *Станциянинг директори мен эмас, Сизсиз, қолаверса, министрликнинг асалари-чилик буйича инспектори ҳам сизсиз.* «Муштум».

4 Ҳолатида, шаклида. *Атроф тинч, саҳро яратилган буйича гўё қотиб қолгандай.* К. Яшин, Ҳамза.

5 Худуд-жой номлари билан бирга келиб, ҳаракат, ҳодиса ёки воқеанинг шу жойга тааллуқли эканлигини билдиради. *Туман буйича. Вилоят буйича.* ■ *Бултур бутун Ўзбекистон буйича пахтадан рекорд ҳосил олинди.* Газетадан. *1985 йили Европа буйича узун мўйловлилар орасида биринчиликни олган туркиялик Аюб Тўпчи ўз мўйловини беш миллион лирага сугурта қилди.* Газетадан.

**Шу буйича айн. шу бўйи қ. бўй I.**

**БҮЙЛАБ** рвш. I Ёқалаб, ёқасидан. *Дарё буйлаб. Темир йўл буйлаб.* ■ *Ака-сингил — Олияхон билан Абдурахмон — Бўзсув буйлаб техникум томон йўл олдилар.* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Оёққа елимдай ёпишган сўқмоқ буйлаб кетишиди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Улар Беруний майдонидан ўтиб, кенг ва катта кўча буйлаб кетдилар.* Ф. Мусажонов, Ҳури.

2 Иш-ҳаракатнинг йўналиш, амалга ошиш доирасини, ўрнини билдиради. *Жаҳон буйлаб саяҳат қилмоқ. Дала буйлаб кезмоқ.* ■ *Шу кунги Юсуфжон аканинг севиқли шогирдларидан бири Тамарахоним Қрим буйлаб*

*гастролда эди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Она биладики, энди ҳар наҳор Бутун Ватан буйлаб тулишар баҳор.* Ҳ. Олимжон. *Эрта-лабки шамол бу қоғозларни чўл буйлаб учира бошлади.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БҮЙЛАМОҚ I** Ўз бўйи билан ўлчамоқ. *Сувни буйламоқ.* ■ *Улан эсга келмайди, ўйласам; Қорасув буй бермайди, бўйласам.* «Оқ олма, қизил олма». *Ёр ваъдаси қийин экан, дўстларим, Дарёга ташладим, бўйим бўйламай.* «Кўшиқлар».

2 Бўйини чўзиб қарамоқ; интилмоқ. *Ҳамсоямиз Қулмат полвон бозорлаб келди.* *Девордан буйлаб, нарх-навони сўрадим.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Қизчадан негадир дарак йўқ. Садбархон айвондан ўша томонга буйлаб қўярди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Нигора дадасининг ёнига бориб, секин газетига буйлади.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Ўзинг яшайтган чаманзордан туриб, олисдаги, энди сенга беғона бўстонга буйлайсан.* «Ёшлик».

3 Сув, йўл ва ш. к. ни ёқалаб бормоқ. *Йўл буйлаб бормоқ. Ариқ буйлаб юрмоқ.* ■ *Юринг, ўртоқ, ўйнайлик, дарёларни бўйлайлик.* «Кўшиқлар». *Дунёдаги энг мароқли сайр болалик йилларини ўтказган кучалар буйлаб сайр этиш бўлса керак.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Йўлчи саватни кафтида тутиб, Калковуз сувини бўйлаб, Тахтапул гузарига чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БҮЙЛАНМОҚ** Ҳидланиб қолмоқ, сасимоқ. *Гўшт бўйланиб қолибди.*

**БҮЙЛАШМОҚ I** Бирга айланиб юрмоқ, сайр қилмоқ. *..дарахтларга отларини бойлашиб, иккиси ҳам кўл атофида бўйлашди.* «Эрали ва Шерали». *У подшо саккизта вазири билан сўйлашиб, йўқ ердаги гапларни ўйлашиб, дарёларни бўйлашди.* «Луқмони Ҳаким».

**БҮЙЛАШМОҚ II** Буй ўлчашмоқ; тортишмоқ, мусобақалашмоқ. *Дўстлар билан ўз касбимиз тўйлашдик биз, Баланд-баланд чўққиларни бўйлашдик биз.* С. Абдулла, Қозоғистон дафтари. *Тоғми у дегинг келар ёки хирмон, Кўк билан бўйлашувни қилар армон.* Газетадан.

**БҮЙЛИ I** Муайян бўйи бўлган, бўйга эга. *Баланд бўйли йигит.* ■ *Шу пайт кўча бошида ўрта бўйли, қотмадан келган бир аёл кўринди.* Газетадан. *Кабинетга баланд бўйли, нозиккина, чиройли бир қиз кирди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**БҮЙЛИ** II Исли, хидли, ҳиди бор. *Му-  
аттар буйли гуллар.*

**БҮЙРА** [ф. بوريا — бўйра, бордон; қа-  
миш] Тозаланган қамиш чўпидан тўқилган  
тўшамма. *Эсларингиздами.. Зокирхўжа қас-  
соблар гилам устида ўтирганда, биз ўти-  
ришга бўйра ҳам тополмас эдик. П. Турсун,  
Ўқитувчи. Гадойбой бўйрага чордона қуриб  
ўтирди-да, фотиҳа қилди. Ҳ. Фулом, Феруза.  
Толзордаги тепаси бўйра билан ёпилган ёзлик  
чойхонада одам унча кўп эмасди. С. Аҳмад,  
Сайланма.*

**Бир бўйра** 1) эни-бўйи бўйра ҳажмича  
келадиган. *Бир бўйра ер. ■ ..ўнинг орқа  
девори бир бўйра эни кесиб туширилган бўли-  
б, қорайиб кўринарди. А. Қодирий, Ўтган  
кунлар. Бир бўйра ернинг пичани ўриб олинса,  
бир машина чиқаверади. М. Аҳмаджонов,  
Балли, зарбдорлар! Рихсихон бир бўйрагина  
ерга экилган пиёзни ўтоқ қилаётган эди. С.  
Зуннунова, Гўдак хиди; 2) бир бўйранинг  
устига жой бўладиган. *Бир бўйра шоли. Бўйра  
пули тар.* Эски мактабларда талабалар ўти-  
радиган бўйраларни янгилаш учун вақти-вақ-  
ти билан ота-оналардан олинган пул. *-Чо-  
ғимда, пайшанба пули ҳам, супурги пули ҳам,  
бўйра пули ҳам олмаса керак. Ё олармикан-  
а? - Йўғ-е, ўлибдими! М. Исмоилий, Фарғона  
т. о. Ҳозирги эски мактабларимизда болалар  
ҳар пайшанба нон ёки ноннинг пулини олиб  
борадилар. Бундан бошқа бўйра пули, кўмир  
пули.. ҳам бор. Ойбек, Танланган асарлар.**

**БҮЙРАЧҮП** эск. Бўйра тўқиш учун иш-  
латиладиган қамиш чўпи ёки бўйрадан  
синдириб олинган чўп. *Домлани кўз қирлари  
билан кузатган ҳолда, бўйрачўпнинг бир ёни-  
дан жиндек кертик қилиб, қўчқор ясадилар,  
сўнг иккови «қўчқор» уриштира бошладилар.  
П. Турсун, Ўқитувчи.*

**БҮЙРАФУРУШ** [бўйра + ф. فروش — со-  
тувчи] эск. Бўйра сотувчи, бўйра тўқиб, у  
билан савдо қилувчи. *Бўйрафурушни ҳам  
арвоҳ уриб кетди. «Гулихиромон».*

**БҮЙСАРА** айн. **бўйсира.** Қандолатнинг  
қовоғи ҳам очилиб, суратга тушаётган дун-  
гоналардай, Барнонинг елкасига елкасини  
қўйиб, бўйсара турибди. И. Раҳим, Зангори  
кема капитани.

**БҮЙСИРА** Бўйларнинг паст-баландига  
амал қилган ҳолда саф тортиш; саф. *Бўй-  
сиранинг энг олдида турган қизча.. олдинга  
чикди-да, қабрни айланиб ўтиб, қўлидаги*

*гулдагани ҳайкал тагига, мрамар устига  
авайлаб қўйди. А. Мухтор, Чинор.*

**Бўйсира бўлмоқ** (ёки турмоқ) Бўйига  
қараб сафланмоқ, сафда турмоқ. *Бу мак-  
табнинг талабалари — ўспирини йигитлар  
бўйсира (саф) бўлиб, шарқий макомга гурс-  
гурс қадам ташлаб ўтганда, кучанинг икки  
юзини одам тутиб кетар эди. А. Қаҳҳор, Ўт-  
мишдан эртақлар.*

**БҮЙСУНДИРМОҚ** **Бўйсунмоқ** фл. орт.  
н. Душманни бўйсундирмоқ. *Ўз манфаат-  
ларини халқ манфаатларига бўйсундирмоқ.  
■ У орзуларини, туйғуларини иродага бўй-  
сундириб, йўлини ўзгартирар эди. Ойбек, О.  
в. шабадалар. Кўзингни ақлингга бўйсундир,  
бу ҳаммаси ишқ телбалиги. У. Исмоилов,  
Сайланма. Нарзи ҳақидаги ҳикояни қовуш-  
тириш, мантиққа бўйсундириш осон бўл-  
майди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**БҮЙСУНМОҚ I** Бировнинг буйруғига,  
топшириғига итоат қилмоқ; йўл-йўриғига  
юрмоқ. *Кўпчиликка бўйсунмоқ. ■ Начора,  
отанинг ҳукми вожиб, унинг иродасига бўй-  
сунмай иложинг йўқ. С. Сиёев, Отлиқ аёл.  
Табиатнинг ҳеч кимга бўйсунмайдиган, би-  
ровдан сўраб ҳам ўтирмайдиган ўз қонуллари  
бор. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

**2** Тан бермоқ, рози бўлмоқ, кўнмоқ.  
*Тақдирга бўйсунмоқ. ■ -Раис ўз сўзларида  
шундай ноўрин, ноҳақ гапларни айтдиларки,  
бунга индамай қўя бериш ноҳақликка бўй-  
сунмиш бўлар эди, — деди Элмурод. П. Турсун,  
Ўқитувчи. Зотан, «фотиҳа» ўқилгандан сўнг,  
тақдирга бўйсунмишдан бошқа чора қоладими  
— суриштиришининг бирон фойдаси бўладими?  
Ойбек, Танланган асарлар.*

**3** қўчма Тобе, қаратилган, йўналтирил-  
ган бўлмоқ, хизмат қилмоқ. *Бутун иш пах-  
тани ўз вақтида йиғиб-териш олиш вазифа-  
ларига бўйсунмиш керак. ■ Ганнинг бошқа  
бўлақларга бўйсунмай, эргамай, ўзаро мос-  
лашиб келган бўлақлари бош бўлақ дейилади.  
«Ўзбек тили дарслиги».*

**4** Қарамоғида, раҳбарлиги остида бўл-  
моқ; итоат қилмоқ. *Куйи давлат идоралари  
юқори идораларга бўйсунди. ■ У ўзига бўй-  
сунган командирларга вазифани содда, рав-  
шан тушунтирди. Ойбек, Куёш қораймас.  
Ахир, у бевосита юқорига бўйсунди. Э. Са-  
мандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ.*

**БҮЙСУНУВЧАНЛИК** Итоаткорлик,  
тобелик; розилик. *Васила Назаровна бу қиз-*

нинг руҳида бўйсунувчанлик эмас, исёнкорлик борлигини кўриб, тутақиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**БҮЙЧАН** Бўйи, қадли баланд; бўйдор, новча. *Бўйчан йигит.* ■ *Қиз ҳали ёш бўлсада, бўйчан эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Жавҳар эса нозик қоматли, оқиш юз, кўзлари чақнаб турган, сочлари жингалак, бўйчан йигит.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Ногаҳон фалакка урган каби дўқ, Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар.* А. Орипов, Йиллар армони.

**БҮЙЎСАР** с. т. Қўлтиқ остида ёки чов орасида бўладиган без, бўйўсар без (этиқодга кўра, гўё шу безлар шишган пайтда буй ўсар эмиш).

**БҮЙҚИЗ** Бўйига етган, балоғат ёшидаги қиз. *Бўйқизларнинг ўсмаю сурма, баргагу тиллақош қутиси ҳам ишга тушиб, неча кун, неча ойлар тўйга тўй, қўшиққа қўшиқ улашиб ётди.* Т. Сулаймон, Қорасоч.

**БҮКА** I Баъзи ҳашаротларнинг тухумидан чиқадиган, қўшқанотлилар туркумига мансуб курт (ўқалоқ); ҳайвонларнинг териси остида, ошқозонида, бурнида паразитларча яшаб етиладиган, қўшқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг умумий номи. *Кўй бўкаси. Қорамол бўкаси.* ■ *[-Сигир] Мен этиб боргунимча, ўт чимдиб туради, этиб борганимдан кейин, менга бир қараб қўяди-да, худди сағрисида бўка тушгандай, яна ўйноқлаб қочади, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

**БҮКА** II шв. Сайғоқ.

**БҮКАЛАК** айн. бўка I.

**Бўкалак (ёки бўкалаги бор) бузоқ** Териси остида ўқалоғи бор бузоқ. *Ям-яшил қирларда бўкалак бузоқдай шаталоқ отиб юрган бир бола келиб-келиб хумга қамалган юмрондай бўлиб қолса.* Ф. Фулом, Шум бола.

**БҮКАЛАМОҚ** Бўкадан зарарланиб, касал бўлмоқ ёки ирғишламоқ (от, мол ҳақида). *Ғафлатда қолган, эсанкираган фашистлар ёмғирдек ёғилаётган ажал ўқидан қутулиш учун бўкалаган молдек қоча бошлади.* А. Муҳиддин, Ҳ. Тожибоев, Оташ қалбли қиз.

**БҮКИРМОҚ** I Овози борича бақирмоқ, ҳайқирмоқ. *Бойиб кетсанг, бўкирма, Йўл юганда сўкинма.* Мақол. ■ *Эгамбердиев маст туядай бўкирди.* А. Муҳиддин, Ҳадя. *Оллоберган тагин бир марта даҳшат билан:*

*«Айт, айт, манжалақи!»* деб бўкирди-да, хотинининг сочини бўйнига ўраб бўғмоқчи бўлди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**2 Ўкирмоқ (асосан, ҳайвонлар ҳақида).** *Жума кун, қўйлар маъраган, туялар бўкирган, отлар кишнаган.* Ф. Фулом, Шум бола. *..ҳўкиз икки марта устма-уст бўкирса, «улиб қолса, нима қиламан»* деб, кечаси билан жинчиноқ кўтариб чиқаман. А. Қаҳқор, Қўшчиноқ чироқлари.

**3 Овози борича, бор овоз билан бақириб йиғламоқ, увоча тортмоқ.** *Баҳромбек марҳумнинг жонсиз гавдасини қучоқлаб, бўкириб йиғлар, на хотинига, на болаларининг фарёдига қулоқ соларди.* «Ёшлик». *Туролмади Халиёр, Йиғлаб берди бўкириб.*.. «Ойсулув».

**4 кўчма поэт.** Қаттиқ, шовқинли товуш чиқармоқ (техника ва жонсиз нарсалар ҳақида). *Ишонмасанг, ўқ отиб кўргил — бўкирворар саноқсиз қоя.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари. *..ел кетма-кет бўкирар, бунга чидай олмаган шох-шаббалар қарс-қарс синар, кекса ёғочлар «ғийқ-ғийқ» этиб, ёлбориш товуши чиқарар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Газ ҳамон бўкириб ёнар, куйган темирларни чиқариш давом этарди.* П. Қодиров, Уч илди. *Танклар ўкириб, автоматлар бўкириб, физ-физ ўтиб туришарди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**БҮКМОҚ** I Нам тортиб, намиқиб кўпчимоқ, шишмоқ. *Сувда бўккан нон. Бўкиб қолган тахта.* ■ *Кеча ёмғир ёққан, ер бўкиб ётган бўлишига қарамай, ғўзапоя суғуришига тушишди.* Ойдин, Юрагида ўти бор. *Гугурт қути ҳам қозонсочиқ остида бўкиб ётган экан, сув юзига қалқиб чиқди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**2 Сув шимиб, шилта, шалаббо ҳолатда бўлмоқ, ивимоқ.** *Ёмғирда бўккан Сафар ўзини торгина, олди очик йўлакка олиб, эшикни занжирлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *..опанинг бўкиб кетган уст-бошига қараб, Юнусалининг юраги ачишди.* Ў. Ҳошимов, Камалак.

**3 Керагидан ортиқ овқат еб, қорни шишиб, ўзини кўтара олмай қолмоқ.** *Олдимда тоғ-тоғ ишлар турсин-у, мен, бўкиб қолган сизирдек, оёғимни узатиб ётайми? Ў. Умарбеков, Юрак сўзлари. Халфанинг ҳовли кезиб, у ёқдан-бу ёққа юраётганини кўрган Мелиқул ота ҳайрон бўлди.* «Бу баднафс бўкиб қолди, шекилли», деб ўйлади. Ё. Шукуров,

Қасос. Бўкиб қолдингми, очофат, тур ўрнингдан, терт тайёрла. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**БҮКСА** Гавданинг бел билан сон оралиғидаги қисми; ёнбош суяги қиррасининг атрофи. *Бўксам оғрияпти.* ■ *Мана йигирма кундирики, Аваз калтак зарбидан бўксасини кўтаролмай, тор ҳужрада шифтга беҳол термилиб ётибди.* С. Сиёев, Аваз. *Саодат кампир қўлини бўксасига тираганча, наст, қийшиқ эшикдан ҳовлига кирди.* «Саодат».

**БҮКТАРГИ I** Қарчигайсимонлар оиласига мансуб кўчманчи йиртқич қуш. *Дашт бўктаргиси.* ■ *Бўктарги ҳар хил ҳашаротлар, майда кемирувчилар, қушлар, калтакесаклар, қурбақалар ва б. жониворлар билан озикланади.* «ЎЗМЭ».

**БҮКТАРГИ II** Эгарнинг орқасига боғлаб қўйиладиган лўла ёстиқча. *Бўктарги оддий газламадан эски пахта солиб тикилади ва у сағриси камғўшт от устида эгарнинг текис, мустақкам туриши учун хизмат қилади.* «ЎЗМЭ».

**БҮКТАРМОҚ I** Эгар орқасига бўктарги боғламоқ. *Отларнинг чирғи, жаҳалдириқ, эгарини босиб, айилини тортди, кўрпачани солиб, бўктариб, зартанг-зебартанг қилиб, айил-пуштанини тортди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Совутини бўктариб, Қалқонини тўнтариб, Йўлга тушди мард Ҳасан.* «Равшан».

**2** Юмалоқлаб ўрамоқ (мас., шинелни).

**БҮКТИРМОҚ** **Бўкмоқ** фл. орт. н. *Шўрвага нон бўктирмоқ.* ■ *У [Эшиқбил] ариқ бўйига чўзилиб оларди-да, қотган нонни сувга бўктириб ер эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *[Жўра] Ярим пиёла сутга бир қисм сўкни солиб, бўктириб қўйди.* Н. Назаров, Замон.

**БҮЛА I** Бўлиқ, етилган; меъёрига етган. *Туйнуғидан кўринмоқда қоплар тўла, Олтин каби тўқ донлари тоза, бўла.* Ф. Фулом. *Ҳар битта бўла кўсак қалбдан бемалол уриб, Кўм-кўк томирларида жони билиниб турсин.* «Ёшлик». *Ҳусни тўланг, кўркам, бўла, Қарашимни асир айледи.* Уйғун, Тонг кўшиғи.

**БҮЛА II** Опа-сингилларнинг болалари (бир-бирига нисбатан); холавачча. *Шу пайт эшикдан холамнинг шаҳарда ишлайдиган ўғли — Рашид бўлам кириб келди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Гурдами, айланай, Асқад бўланг мен шўрликни қон қақшатиб кетиб қолгани рост.* «Ёшлик». *Ҳанифа унинг қўлига осилди: — Мени ўлдир, ўлдир, бўлажон!* «Ёшлик».

**БҮЛАЖАК** *кт. 1* **Бўлмоқ I** фл. кел. зам. шакли. *Бу совға бўлажак ўлкамизга зеб, «Фарҳод ва Шири»да ёзилганидек.* Ф. Фулом. *Шундагина аблаҳлар тезда яксон бўлажак.* З. Диёр.

**2** Бўлиши маълум бўлган, кейинчалик бўладиган, бўлгуси. *Бўлажак куёв.* ■ *Ўрмонжон бу нарсаларнинг ҳаммасига бўлажак лаборатория, бўлажак клуб, кутубхона, дам олиш уйи, радиотелефон, умуман янги қишлоқнинг куртаги деб қарар.. эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бўлажак завжамни ўша ерда кўриб, ошиқи беқарор бўлдим.* «Шарқ юлдузи». *Майли, бугун бўлажак келинингиз билан танишайлик бўлмаса.* «Гулдаста».

**БҮЛАК I** Бутуннинг бир қисми; қисм, парча, кесим. *Энгашиб, яшиқдан икки бўлак кўмир олиб солди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қози пиёлани олдига қўйди-да, сўйилган анордан бир бўлагини олиб, йирик қизил донларни кафтига уқалай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Ниҳоят, у жонлироқ кесилган гўшт бўлақлари қолиб, бундайроқларини олиб, узата бошлади.* М. Мансуров, Ёмби.

**Бўлак-бўлак қилмоқ** **Пора-пора қилмоқ, ўлдирмоқ.** *Душманларни бўлак-бўлак қилмадим, Қайтайин, доғ қолди юрак ичида.* «Юсуф ва Аҳмад». **Гап бўлаги тлиш.** *Гапни ташкил этган ҳар бир мустақил сўз ёки сўз бирикмаси.*

**2** Нарсаларнинг тортиб, ўлчаб ажратилган ҳар бир қисми, донаси, ўрами. *Бир бўлак совун.* ■ *Мирзакаримбойнинг хотини бир катта бўлак чойни Йўлчига бериб, Гулорни имлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тўйимизнинг эртасига совғага икки бўлак кирсовун олиб келган.* С. Аҳмад, Уфқ.

**3** *сфт.* Бошқалардан фарқ қиладиган; бошқа, ўзга, бошқача. *Бу бўлак гап.* *У бутунлай бўлак одам.* ■ *Бундай пайтларда у ҳеч нарсани эшитмайди, ҳеч кимга қулоқ солмайди: ўзига хос бир бўлак дунёда — хаёл дунёсида яшайди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ундок эмас, янга, энди замон булак, энди давлат ҳисоб-китоб билан барака топади.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**4** Ўзига мустақил, алоҳида, ажратилган; бошқа-бошқа. *Уларнинг рўзгорлари бўлак.* ■ *Ҳар кимнинг гўри бўлак!* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

**Бўлак қилмоқ 1)** қисмларга бўлмоқ. *Кўрсат йўлни, не кунларни соларман, Аждар-*

ҳони неча бўлак қиларман. Фозил шоир; 2) оила-рўзгорни ажратмоқ, бошқа қилиб қўймоқ. *Рўзгоримизни бўлак қилдик.*

**5 кўм. өзф. (ч.к. сўз билан)** Бошқа, ташқари. *Бундан бўлак гапим йўқ.* ■ *Элмурод, эрталабдан бери нон-чойдан бўлак ҳеч нарса емаганликдан, кўнгли озганлигини сезди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Карим аканинг ота-онаси эрта ўлиб кетган. Фазилат опадан бўлак ҳеч кими йўқ, камбағалгина йигит эди.* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Укасидан бўлак Ҳамида-нинг яқини қолмади.* «Ёш куч».

**БЎЛАҚДАН** *шв. рвш.* Қайтадан, қайтатдан, бөшқатдан. *Аризангиз бўлмайди, бўлакдан бөшинг.* ■ *Шомирот Арасхонга гапирган гапини тилмочлик қилган одамларга бўлакдан маъқуллаб чиқди.* «Ўзбек халқ достонлари». *Нурали Ғиротнинг айил-пуштанини бўшатиб, қашлаб, супуриб, бўлакдан эзарлади.* «Нурали».

**БЎЛАКЛАМОҚ 1** Бўлакларга, қисмларга ажратмоқ, бўлмоқ, парчаламоқ. *Бутунни бўлакламақ.* ■ *Дарвозасин бир тегиб, Бўлақлаб синдириб кетди.* «Гулнорпари». *Қиз тоғорачадан битта сабзи олди-ю, сочиққа артди, сўнг шошилмай бўлаклади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Бошқалардан ажратмоқ, алоҳида қилмоқ. *Отни бўлакладим.*

**БЎЛАКЧА 1** Кичкина бўлак, парча; бўлакнинг бўлаги. *Тош бўлакчалари.* ■ *Бир неча ҳафтами, ойми, сен яшаган ана шу жойда алланарсанг қолгандай бўлади.* *Аллақаринг жиз этиб кетади!* *Шунда қалбининг кичик бир бўлакчасини қолдиргандай ҳис қиласан.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**2** Бошқаларидан, аввалгиларидан бирор жиҳати билан ёки тамомила фарқланадиган; бошқача, ўзгача. *Бўлакча илтифот.* *Бўлакча қараш.* ■ *Тоғ-яйловнинг гаити бўлакча.* «Ёшлик». *Обиджоннинг бу қарашини аввалги бефарқ қарашлардан мутлақо бўлакча эди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Хато қилибман, сен олов экансан, бўлакча йигит экансан.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЎЛАЛИ** Яхши, меъёрда ўсган, дуркун, бўлиқ. *Бўлали бола.* *Бўлали қўзилар.* ■ *Бўлали бола Нуралининг кўзига биров билан қучоқлашиб тургандай бўлиб кўринди.* «Нурали». *Ёшигида ҳам бўлали бола эди, кўзимга таниш кўриниб турипти.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЎЛАЛИК 1** Етилганлик, тўлиқлик, барвасталик. *Гавдангиз, бўлалигингизга қараганда.. тоғни урса толқон қиладиган азамат йигит кўринасиз.* Ф. Фулом, Тирилган мурда.

**2** Меъёр даражасида бўлган; бўлали. *Бир қиз кўрдим бўлаликкина.* Газетадан. «*Каримахон, бўлалик туғибсиз*» дейиши биланоқ хола «*ҳай-ҳай, туф денг, опогойи, туф-туф*» деганини эслатди. Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

**БЎЛАР 1 Бўлмоқ 1** фл. сфдш. *Бўлар иш бўлди.* *Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар.* Мақол. ■ *У гапга тутмаганида, чол бошини кўтариб, сафни кўрган бўларди.* Н. Норқобилов, Тўқнашув.

**2** кесим өзф. Етар, бас, кифоя. *Шу ҳам бўлар.* ■ *Отабекнинг бу сўзларидан кейин понсадобоши: «Энди бўлар», дегандек қилиб, қушибегига қаради.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЎЛАР-БЎЛМАС 1** *рвш.* Бўлмасданок, бўлай деб қолганда. *Бечора турмуш қилганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўлиққан экан.* А. Қаҳҳор, Минг бир жон. *Бўлар ётганига ярим соат бўлар-бўлмас, тахминан юз элик метр наридаги якка бута хиёл қимирлади.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** Бирор иш, хатти-ҳаракатга асос, баҳона бўла олмайдиган; бўлмағур; арзимас. *Бўлар-бўлмас гап.* *Бўлар-бўлмас гапларни гапирверма.* ■ *Аҳмад бригадир бўлар-бўлмас гапларни айтиб, Нусратбекнинг фикрини чалғитишни естамади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**Бўлар-бўлмасга** Арзимаган нарсага, гапга. *Анзират хола ҳам юраги торгина бир кампир, бўлар-бўлмасга хархаша қилади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Кўринишидан жуда ёқимтой, қаттиқ гапирмайди, бўлар-бўлмасга тутқиқ ҳам кетмайди, сабр-тоқатли бир киши.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**БЎЛАШМОҚ 1** Бўлиб олмоқ; бўлишиб олмоқ, ўзаро тақсимламоқ. *Бир зогорани бўлашиб едик.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. *Бир қоп ёнғоқни болаларга бўлашиб бераётсам, Иброҳимжон ёнимда турган экан.* «Аския».

**2** Тарафини олмоқ. *Энди салом берганда ҳам сўрашмайман, Бировлар гап отганида бўлашмайман.* М. Юсуф, Уйқудаги қиз.

**БЎЛЖОР** [мўғ. бўлзўўр / бўлзўў – келишганлик, шарт, ваъда] *тар.* 12–19-асрларда

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги туркий салтанатлар ҳарбий қисмларининг келишув асосида тўпланадиган жойи; ваъдагоҳ; ҳарбий позиция.

**БҮЛИБ I** **1 Бўлмоқ I** фл. рвдш. *Жами (ҳаммаси) бўлиб ўн киши. Нима бўлиб йиқилганимни билмайман. ■ Урмонжон қўшини колхозлардан келган меҳмонларни кузатиш билан бўлиб, уйига хийла кеч келди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**2** От туркумидаги сўзлар билан бирикиб, «вазифасида», «сифатида», «ўхшаб» маъносиде ишлатилади, мас. *тракторчи бўлиб ишламоқ, ўрناق бўлиб хизмат қилмоқ. ■ Самарқандлик бир бойга қарол бўлиб ёлланди. Ойбек, Танланган асарлар. Чорладим булбул бўлиб: Шоҳиста, кел, Шоҳиста, кел! А. Шер, Қадимги куй. Ҳар тонгда қуёш унга йигит бўлиб боқади. «Гулдаста».*

**БҮЛИБ II** **Бўлмоқ II** фл. рвдш. *Иккига бўлиб, ярмини менга берди. ■ -Ботир акам тўғри айтяптилар, — деди Махсим унинг сўзини бўлиб. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**БҮЛИБ-БҮЛИБ** *такр. с. рвш. 1* Бўлакларга бўлиб, бўлак-бўлак қилиб; бўлаклаб. *Овқатга гўштни бўлиб-бўлиб солмоқ. Конфетни болаларга бўлиб-бўлиб бермоқ. Қарзни бўлиб-бўлиб тўламоқ.*

**2** Ҳар бирини ёки ҳар бир қисмни алоҳида, айрим-айрим ҳолатда. *Юкни бўлиб-бўлиб ташимоқ. Дорини бўлиб-бўлиб ичмоқ. ■ Тўхта-чи, бу сўз бўлиб-бўлиб ёзилган, демак, биттамас, у учта бўлса керак. К. Яшин, Ҳамза.*

**БҮЛИМ I** Қисм, хона ва ш. к. га ажратилган нарсаларнинг ҳар бир қисми, хонаси; бўлмаси. *Бинонинг бўлимлари. Кеманинг бўлимлари.*

**2** Идора ва турли ишхоналарнинг маълум иш билан шуғулланадиган ҳар бир қисми; муайян идорага қарашли куйи идора, шўъба. *Вазирликнинг кадрлар бўлими. Институтнинг бўлимлари. Шаҳар молия бўлими. ■ Вакилларнинг унча катта бўлмаган аппаратида озиқ-овқат, молия ва маъмурий бўлимлар бор. Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. Маориф бўлимида иш қизғин эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Маҳвашнинг отаси — район молия бўлимининг мудири. Т. Ашуоров, Оқ от. Нусратбек алоқа бўлимига икки-уч марта бориб, уйи билан гаплаша олмади. С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.*

**3** Магазин, музей, омбор ва ш. к. нинг бир турдаги нарсалар тўпланган (қўйилган) ҳар бир қисми. *Магазиннинг пойабзал бўлими. Музейнинг қадимги дунё бўлими. ■ Магазинда ҳозир ўн бешта бўлим ишлаб турибди. Газетадан. Вақт ўтказмай, [магазиндан] ўзингизга керакли бўлимда бир зумда ишингизни битириб чиқасиз. Газетадан.*

**4** Илмий иш ёки бадиий асарнинг, даврий нашрлар ва тўпламларнинг ҳар бир мустақил қисми. *Диссертация беш бўлимдан иборат. Романнинг учинчи бўлими. Журналнинг библиография бўлими. Газетанинг эълонлар бўлими. ■ Бирор абзацга келиб, сўнгга қараса керак, деб ўйладим. Йўқ, бир неча бет ва ҳатто катта бир бўлимдан ҳам ўтиб кетди, қарамади. Ойдин, Уялди шекилли, ерга қаради. Студентлик чоғларимда редакциялардан бирига шеър олиб бордим. Бўлимдагиларга маъқул бўлиб, олиб қолишди. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.*

**5** Ўлчов асбобларининг кўрсаткичлари оралиғи. *Термометр бўлимлари.*

**БҮЛИМЛИ** *кам. қўлл. 1* Бўлали, бўлиқ, дуркун, етилган. *Беклар, қадимнинг бўлимли йигити деб, унинг [Тўғонбекнинг] елкасини қоқдилар. Ойбек, Навоий.*

**2** Ишнинг кўзини биладиган, ишбилармон. *Ёш бўлса ҳам, ўзи бўлимлигина, қизларга бошроқ. «Юсуф ва Аҳмад».*

**БҮЛИМСИЗ** *кам қўлл. айн. ландавур. -Аканг жуда тентак, жуда бўлимсиз йигит, — деди ниҳоят пўнғиллаб бой. Ойбек, Танланган асарлар.*

**БҮЛИМЧА** Бўлим ичидаги, таркибидаги кичик бўлим; шуъбача. *Идоранинг бўлим ва бўлимчалари. Диссертациянинг бўлим ва бўлимчалари.*

**БҮЛИНИШ I** Бўлакларга, қисмларга, шохобчаларга ажралиш. *Маъмурий бўлиниш. Сонларнинг касрсиз бўлиниши.*

**2** *биол.* Энг содда организмларнинг иккига ажралиб урчиши. *Ҳужайранинг бўлиниши.*

**БҮЛИНМА I** *мат.* Бир соннинг иккинчи сонга бўлиниши натижасида келиб чиққан учинчи сон, бўлиш амалининг натижаси. *Мас., 18 : 6 = 3. Бу ерда 3 сони бўлинмадир. «ЎЗМЭ».*

**2** *ҳарб.* Йириқроқ ҳарбий қисм таркибидаги кичикроқ ҳарбий бирлик (мас., полкда — батальон, дивизион; батальонда — рота). *Миномётчилар бўлинмаси. Ўқчилар*



бўлинмаси. ■ Бўлинма кечагина душман батареяси турган тепаликни айланиб ўтди ва жангсиз илгарига қараб юрди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**БЎЛИНМАС** Бўлиб, ажратиб, тақсимлаб бўлмайдиган. «Атом» юнонча сўз бўлиб, «бўлинмас» деган маънони билдиради.

**Бўлинмас фонд** Жамоа хўжаликлари, ширкат хўжалиklarининг аъзолари ўртасида тақсимланмайдиган жамғармалар. Бу йил кўпгина хўжаликлар жамоа даромадининг деярли 30 фоизини бўлинмас фондларга ажратмоқдалар. Газетадан.

**БЎЛИНМОҚ I** (фақат кўм. фл. взф.) **Бўлмоқ I** фл. мажҳ. н. У [Отабек] эгарлаб бўлинган отини ҳовлига қараб етаклай бошлаганда, ҳалиги қараб турган бош ҳам девордан қўйига тушиб йўқолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЎЛИНМОҚ II** **Бўлмоқ II** фл. мажҳ. ва ўзл. н. Ёнғоқ иккига бўлинди. Сўз бўғинларга бўлинади. Айрилганини айиқ ер, бўлинганни бўри ер. Мақол. ■ Бир парча гўшт ўн парракка бўлинди. М. Мансуров, Ёмби. Жангчилар, кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар. Ойбек, Қуёш қораймас. Болам, оиланинг иккига бўлиниб туриши қийин. Мирмуҳсин, Умид.

**БЎЛИНУВЧИ I** Бўлақларга, қисмларга ажралувчи, ажраладиган.

**2 мат.** Бирор сонга бўлиниши керак бўлган иккинчи сон.

**БЎЛИС** [р. волость – эгалик қилмоқ] с. т. тар. **1** Ўтмишда Россия ва унга тобе ҳудудларда уезд таркибидаги бир қанча қишлоқни ўз ичига олган маъмурий бўлинма. – Мингбоши, – деди у [ҳоким]. – Бўлисингда ишга чиқмайдиган битта ҳам одам бўлмаслиги керак! М. Исмоилий, Фарғона т. о. Андижон атрофидаги Кўқонқишлоқ бўлисида рўй берган воқеа маъмурларни гоят таҳликага солиб қўйди. «Фан ва турмуш». Бўлис маҳкамасининг кенг ойна равонли ёруғ хонасида гоҳ туриб, гоҳ ўтириб, тинмай ўй суряпти. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**2** Шундай маъмурий-ҳудудий бўлинма ҳокими. Бўлисимиз Раззоқвойнинг қоғози билан кеча шаҳарга тушиб, китоб, дафтар, қоғоз, қалам, яна алақанча дов-даскак олдим. Х. Фулом, Машғал.

**БЎЛИШ I** **Бўлмоқ I** фл. ҳар. н. [Эшвой] Камбағал бўлишига қарамай, Йўлчининг ои-

ласига қўлдан келганча ёрдам кўрсатар эди. Ойбек, Танланган асарлар. Ким эдик?.. Бу савола бериладиган жавоб ҳам қизиқарли бўлиши керак. Н. Сафаров, Оловли излар. Овчи бўлиш учун қизиқишининг ўзи кифоя қилмайди, нишонга тўғри ура билиш зарур. Шукрулло, Сайланма.

**Маълум бўлишича** крш. с. Шу (нарса) маълум бўлдики, аниқланишича. Маълум бўлишича, булар бу ерга ўтиргани эмас, бир одамни қидириб киришган экан. А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

**БЎЛИШ II I** Муайян қисм, бўлақларга ажратиш; тақсимлаш. Даромадни колхозчилар ўртасида бўлиш. Пулни тенг бўлиш.

**2 мат.** Бир сонни иккинчи сонга тақсимлаш амали.

**БЎЛИШЛИ:** бўлишли феъл тлш. Тасдиқни ифодаловчи феъл шакли. зид. бўлишсиз феъл.

**БЎЛИШМОҚ I** **Бўлмоқ I** фл. бирг. н. Дўстлар ўйланиб туриб, кейин бахтларини синамоқчи бўлишибди. «Эртақлар». Илгари «синглим» деб турган йигитлар, сал ўтмай, «опа» дейдиган бўлишди. А. Қаҳҳор, Мастон.

**БЎЛИШМОҚ II** Кўмаклашмоқ; ён босмоқ, тарафини олмоқ. Бўлмаганга бўлишма. Мақол. Ёмон ёвга бўлишар. Мақол. ■ Сизга Шукуржон айтган экан-ку унинг қанақа ишлар қилганини, нима қилардингиз унга бўлишиб. О. Ёқубов, Ота изидан. Ун тўрт кунда осмонда ой тўлишаркан, Мехнаткашлар биририга бўлишаркан. «Қўшиқлар».

**2 этн. шв.** Битишмоқ, унашмоқ, келишмоқ. Асрорқулнинг ўғли Ёдгорбой аскарликни битириб келганда, Ҳайдар отанинг жиянига бўлишамиз, деб туришган эди, мана бу уруш чиқди-ю, тўй кейинга қолди. А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**БЎЛИШМОҚ III I** **Бўлмоқ II** фл. бирг. н. Тенг бўлишмоқ. ■ Ўрмонжон Абдусаматқори билан тил бириктириб, икки юз йигирма беш саржин ўтин сотган ва пулини иккови бўлишиб олган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироклари. Ифтордан сўнг чуғурлашиб, рамазон айтиб, йиғилган нарсаларимизни бўлишиб бўлгач, катталар олдига секин бўйларимизни кучимиз етгунча чўзишиб борардик. «Ёшлик».

**2** кўча. Ўртада баҳам кўрмоқ. Топганини бўлишмоқ. ■ У [Фотима] мақтаниш учун эмас, балки ўз қувончини бирдан-бир яқин

қариндошлари билан бўлишмоқчи, улардан.. яхши сўзлар эшитмоқчи эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎЛИШСИЗ:** бўлишсиз феъл тлш. Инкор ифодаловчи феъл шакли. зид. **бўлишли феъл.**

**БЎЛИҚ 1** Яхши ўсган, дуркун; тўлишган; тўла, семиз. *Лағлининг бўлиқ гавдаси унга икки-уч ёш улугворлик қўшиб турар, яқинда мактабни битирган қизга ўхшамасди.* Д. Нурий, Осмон устунни. *Тез-тез нафас оланида, бўлиқ кўкраклари кўтарилиб-кўтарилиб тушади.* Т. Ашуrow, Оқ от. *Бу париваши.. жиякли қизил атлас лозими ял-ял ёниб, бўлиқ болдирини қучоқлаб турган, ўзи алвон турли гулларни суғориб юрган Шаҳзодаҳон эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шарофат хола қўртхонага кириб, сўкчакдаги вишиллаб барг еб ётган бўлиқ қўртларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.* Гайратий, Довдираш.

**2** Бўрсилдоқ, кўпчиб турган, бўз. *Биров бўлиқ ерга омоч соляпти, бирови ёш-ёш ўғилларини ёнига олиб, ариқ ковлаб, юқорига тупроқ отади.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. *Бўлиқ тупроқ бағрини ёриб, нозик-яшил майса уйғонди.* «Саодат». *..аллақайда бўғиққан момақалдироқ гўлдураб, беозоргина ёмғир савалаб ўтди, бўлиқ тупроқ ҳиди анқиди.* А. Мухтор, Чинор.

**3** Яхши ривожланган, баравж; тиқмачоқ, Буғдой шундай ўсиқ ва бўлиқ эдики, бу масофадаги пастқам тепаликлар, сойликлар билинмасди. О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. *Қовунлар бўлиқ палак орасидан мўралаб, мени уз деяётгандек.* Газетадан. *Пахтакорларимиз асосий эътиборни.. бўлиқ кўсак тўплашга қаратдилар.* Газетадан. *Ўзининг шохларида маржондек тизилган бўлиқ, семиз кўсақлар гуё чимматларини очиб, жамолини кўз-кўз қилаётган гўзал қизларга ўхшайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**4** Мўл, барақали (ҳосил ҳақида). Бўлиқ ҳосил билан сахий куз келди. Э. Раҳим, Янги қадам. *Ўз вақтида, хатонинг олдини олиб берилган ишлов ғўзаларнинг бўлиқ ҳосилга киришига ёрдам берди.* Ж. Абдуллаҳонов, Тўйга келинлар.

**БЎЛИҚМОҚ** Тўлишмоқ, чирой очмоқ. *Тўла унинг [Самаднинг] санаторийдан анча бўлиқиб, тарам-тарам қизил юзуриб келган иссиқ юзига ҳавас билан тикилиб: -Тузуксанку, - деди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**БЎЛКА** [пол. bulka – кичикроқ юмалоқ нон] с. т. Буғдой унидан тайёрланган, кўпича гишт шаклидаги узунроқ нон. *Оқ бўлка. Ширин бўлка.* ■ *..кейинги ҳафтада, ўртоқлар, меҳнат интизоми заводимизда худди сувга тушган бўлкадек бўшашиб кетди, - деди Мирҳайдаров.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**БЎЛМА 1** айн. хона. *Икки бўлмали кичкина, пастқам уй, томи босай деб турибди.* С. Сиёев, Аваз. *Келин-куёв хонага киришди. Уй эгаси нариги бўлмага ўтиб, нимадир деб гўнғиллади.* С. Сиёев, Аваз. *Низом хушлархушламас овқатланганидан сўнг, ётоқ бўлмага кирди.* «Ёшлик». *Дўкон икки бўлмадан иборат эди: кичкина айвончадан ўтиб кириладиган даҳлиз ва соч-соқол олинадиган ичкари хона.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** айн. **бўлим 2.** *Фабрикаларнинг ишга чақирувчи гудоқлари чалинди: бўлмаларда, цехларда, станоклар ёнида яна қизгин ҳаёт бошланди.* Туйғун, Станоклар ёнида.

**БЎЛМАГАН 1** Бўлмоқ I фл. сфдш. *Уйимизда меҳмон бўлмаган кун йўқ. У ҳеч вақт бу ерда бўлмаган.* ■ *Поэзиянинг менга маълум бўлмаган сирларини айтиб берди.* Шукрулло, Сайланма. *Меҳмондўст бўлмаган одамдан яхшилик кутилмайди.* «Фан ва турмуш».

**2** Асоси йўқ, бўлмағур, пуч. *Бўлмаган гап. Бўлмаган хаёллар.*

**БЎЛМАСА 1** Бўлмоқ I I фл. 3-ш. бўлишсиз шакли. *Бўлмаса, бўлмас! Унису бўлмаса, буниси бўлар. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур.* Мақол. ■ *Зарур иш бўлмаса, чақиртирармиди.* «Гулдаста».

**2** зидл. боғл. Акс ҳолда, йўқса. *Ҳар куни хонадонимизда янги гап чиқиб туради.* Бўлмаса, қайнонамнинг уйқуси келмайди. Газетадан. *Уйлансам, Маҳбубага уйланаман, бўлмаса, фронтга ариза бериб кетаман, деб икки оёғини бир этикка тиқиб туриб олди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**3** кри. с. Шундай бўлса, шундай бўлган тақдирда, у ҳолда. *Бўлмаса, нима қил дейсиз, яна икки йил кут, дейсизми?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Майли, бўлмаса, бориб жиндек мизғиб олай.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Қизингни Тошкент жўнатишга кўн, бўлмаса.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бўлмаса, ҳозир борайлик-да, кейинги мажлисда ёзармиз.* Ҳамза, Танланган асарлар.

**Ё бўлмаса** Ё, ёки, ёхуд. *Кампирнинг аҳмоқлиги, ё бўлмаса, душманингизнинг иғвоси учун мени шундай дейишга қандай тилингиз борди?* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *..ё бўлмаса машу [мана шу] қилтириқ бўйнингдан жонингни суғуриб оламан!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**4** Демак, маълум бўлдики. *Бўлмаса, илгаридан эрингизнинг ўша ҳаракатларини ҳам билар экансиз-да?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *-Бўлмаса, мени хушламабди-да!* — деди йигит чолнинг сўзини бўлиб. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**Бўлмасам-чи** Тасдиқ жавоб сифатида ишлатиладиган ибора. **■** *-Бўлмасам-чи, — деди Элмурод, — ўзим курашга тушмайман-да. Тушсам, бу полвон писанд эмас, кўтариб ура бераман!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бўлмасам-чи!* *Теварак-атрофда мен кўрмаган жой йўқ.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. **Оз бўлмаса қ. оз.** **Ҳеч бўлмаса** Лоақал, ақалли; жуда бўлмаганда. *Мирза Муҳиддин ўрин кўрсатиб, ҳеч бўлмаса, пойгакдаги кўрпачага ўтиришини сўради.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Сатторқул баҳорда қари-қартанларни йиғиб: -Бекордан ҳамма безор, ҳеч бўлмаса, бир қутигина қурт тутмайсишларми? — деди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**БЎЛМАҒУР** **1** Асоси йўқ, асоссиз, таги пуч. *Бўлмағур хаёллар.* **■** *Бе, бўлмағур гапни қўйсангиз-чи. Эшитмасангиз, кўрмасангиз, қайқдан биласиз!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бўлмағур гапни бу ерда бозор кўтармайди, Холжон.* Файратий, Довдираш.

**2** Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, одобдан ташқари, кўпол, ножўя. *Бўлмағур гапларни оғизга олманг.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Ярамас, разил; ахлоқсиз. *Мен албатта кўзингизнинг оқу қораси бўлган ёлғиз қизингизни ярамас, бўлмағур кишига тутиб бера-сиз, деб билмайман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЎЛМИШ** *эск.* **Бўлмоқ** **1** **1** фл. сфдш. *Келин бўлмиш қиз. Куёв бўлмиш йеит. Отамиз бўлмиш киши.* **■** *-Қуда бўлмишимиз ҳолжонимга қўймапти, узатиб, ўйинқароқ қизи тушмагурдан тинчиб қўя қолсаммикин деган ўйим бор, — деди Тошхоннинг онаси.* А. Мир-ахмедов, Ўт юраклар. *Шу кундан бошлаб Муҳаммад ибн Аҳмад ҳам, унинг она бўлмиши ҳам муҳтожлик балосидан қутулди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**БЎЛМОҚ** **1** **1** Юз бермоқ, воқе бўлмоқ. *Кеча мажлис бўлди. Бугун бир қизиқ воқеа бўлди.* **■** *Бир ойдан кейин худди мана шу катта боғда данғиллама тўй бўлди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Бўлди кулги! Айниқса, Миррахимов завқ қилиб кулди..* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** Келмоқ, бошланмоқ; ўтмоқ, кечмоқ (фасл, давр, пайт ва ш. к. ҳақида). *Баҳор бўлди. Кеч бўлди. Вақт бўлди.* **■** *Бувайдадан чиқиб кетганимга йигирма йилдан ошандир, кўп ҳам бўлгандир.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**3** Баҳоланмоқ, бирор нархга олинмоқ ёки сотилмоқ. *Сигир қанча бўлди? — Арзон бўлди. Бўлиши қанча? — Олаверинг, от билан туя бўлармиди!*

**4** Амалга ошмоқ, битмоқ. *Бўладиган иш. Бўлмайдиган иш. Ҳамма иш бир ҳафтада бўлади. Ўқши қаноат билан бўлади.* **■** *Шунақасиз-да, бўлмайдиган гапга ишониб, бўладиганига ишонмайсиз.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Энди бўлар иш бўлди, Асрорқул отага айтманг.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**5** Тахт ҳолга келмоқ, тайёр бўлмоқ, битмоқ. *Қишлигимизни ҳозирдан ғамлаб олдик. Кийим-кечагимиз бўлди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**6** Етарли бўлди деб ҳисобламоқ; тўймоқ. *Ошни олинг! — Раҳмат, мен бўлдим.*

**7** (ч. к. сўз билан) кўчма Тўймоқ; кўриблиб хафсаласи қайтмоқ; жонига тегмоқ. *Мен доридан бўлдим. Мен ҳаммаларингдан ҳам бўлдим.*

**8** Тугатмоқ, охирига етказмоқ. *Ишим кўп эмас, бир-икки соатда бўлиб қоламан.* **■** *-Мана, бўлди, — Муқаддам игна ўрнини спиртли пахта билан артиб жилмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

**9** Ярамоқ; тўғри, мувофиқ келмоқ. *Бу иш менга бўлмайди Бу пальто сенга бўлади. Ўзига бўй бўлмаган, ўзгага енг бўлмас.* Мақол.

**10** Эга бўлмоқ; бор, мавжуд бўлмоқ. *Бўлгани шу, бошқа йўқ. Бундай ёрдамчининг бўлганидан бўлмагани яхши.* **■** *Бунинг ўрнига ҳидлар таркибида бўлган зарралардан фойдаланса бўлмасмикин?* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи. *Деҳқоннинг оти бўлади-ю, ишга солинмайdimи?* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**11** Бирор жойга бориб, ташриф буюриб, маълум вақт турмоқ, қўнмоқ, яшамоқ.

Хоразмда кўп бўлганман. Ҳайвонот боғида бўлмаганман. ■ Сиз бизнинг ҳовлида бўлганмисиз? А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Кўп марталаб меҳмон бўлгандим, — деди қутидор, — ул вақтда бобониз ҳам ҳаёт эдилар, А. Қодирий, Ўтган кунлар. Даданг бу ерда ҳам, шаҳар ҳовлимизда ҳам бўлган. Ойбек, Танланган асарлар.

12 Бирор-бир тadbирда иштирок этмоқ, қатнашмоқ, ҳозир бўлмоқ. Тўйда бўлдингизми? ■ Яхши, сен бу тўртовининг ўтиришларида бўлганмидинг? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

13 Ўсмоқ, битмоқ (ўсимлик, ҳосил ҳақида). Бизнинг ерларда хурмо бўлмайди. Ўзбекистонда пахта яхши бўлади. ■ Бу ерга анжир эк, лагандай бўлмаса, калламни ол. Ойбек, О. в. шабадалар.

14 Бирор даражага етмоқ, ўз наслига тортмоқ. Одам бўлмоқ. Ўқиб инженер бўлмоқ. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл. Мақол. ■ Университетни битираман, кандидат, доктор бўламан. А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

15 (ч. к. сўз билан) Дунёга келмоқ, туғилмоқ. Чўридан бўлган бола.. унинг устига — қиз, бийнинг шавъига иснод эди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. -Ҳой, мингбошининг ҳаромидан бўлган қизи, қанисан, бу ёққа кел! — ўшқирди бойвачча. К. Яшин, Ҳамза.

16 (ч. к. сўз билан) Келиб чиқмоқ, туғилмоқ. Саломат Наманганнинг Чортоқ қишлоғидан бўлади. С. Аҳмад, Ҳукм.

17 Бирор ҳаракат ёки нарсанинг етарли бўлганини, меъёрдан ошганини, қониққанликни, мамнунликни ифодалайди. Бўлди, кетмонларни бир ерга тўпланглар, кетдик. С. Кароматов, Олтин кум. -Бўлди, — қиз кулакула кафти билан юзини тўсди. — Бўлди, Марат ака, тавба қилдим.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Э, бўлди-бўлди. Шодибекнинг ўғлиман, денг? Э. Раимов, Ажаб қишлоқ, Мана, Эрмат ота, мана бу иш бўптида. П. Турсун, Ўқитувчи.

18 Бирор ҳаракат, тadbирни маъқулламоқ, унга қўшилмоқ. Бўпти, боради! Бироқ Хўжабекова кўнармикан? С. Анорбоев, Оқсой. Бўпти. Сизнинг ташаббусингизни қувватлаймиз. П. Турсун, Ўқитувчи. -Хўп бўлади, — дедим-у, ўрнимдан турдим. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

19 Сифат туркумидаги сўзлар билан бирикиб, қўшма феъл ҳосил қилади, мас.,

ҳайрон бўлмоқ, хурсанд бўлмоқ, кир бўлмоқ. Оз бўлсин, оз бўлса ҳам, соз бўлсин. Мақол. ■ Жоним билан, Рустамжон ака. Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин. К. Яшин, Ҳамза. Шовшув кўтарма! Даданг хабардор бўлиб қолса, яхши бўлмайди. Ойбек, Танланган асарлар.

20 -(а)р, -(а)диган, -(й)диган, -моқчи аффиксли феъллар билан қўшилиб, истак, майл маъноларини билдиради. У [Отабек] кўз ёшларини тўхтатмоқчи бўлар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Шундан кейин четдан келган одамларга ҳушёр кўзим билан қарайдиган бўлдим. «Муштум». Уй қиладиган бўлсангиз, менинг кўнглимга ҳам қаранг-да. А. Қаҳҳор, Асарлар. Гулсумбиби қизи дам олгандан кейин, кечаси ёки эртага астагина билдирмоқчи бўлди. Ойбек, Танланган асарлар.

21 -дай, -дек аффиксли феъллар билан қўшилиб, иш-ҳаракатнинг жараёни, ҳолатини билдиради. Ҳамроқул сувни ичиб, бир оз ўзига келгандай бўлди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Ногоҳ Бектемир даҳшатли тушдан уйғонгандек бўлди. Ойбек, Қуёш қораймас. Туриб-туриб, гоҳо уни тушимда кўргандай бўламан. С. Сиёев, Ёруғлик.

22 -(и)б аффиксли равишдошдан кейин кўмакчи феъл вазифасида келиб, иш-ҳаракатнинг тугалланганлигини билдиради. Самандаров хатни ўқиб бўлди, унинг устига кафтини қўйиб, Тўлаган акага қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Аёл пахтасини тўкиб бўлгунча, Фуломжон унга ер остидан разм солиб турди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

23 Бўлишсиз шаклларда келиб, иш-ҳаракатнинг амалга оширилиши қийинлигини ёки мумкин эмаслигини билдиради. Ит оғзидан суж олиб бўлмас. Мақол. Сўз чумчуқ эмас, Оғиздан чиқса, тутиб бўлмас. Мақол. Ёз ёмғири лой бўлмас, Ўғри асло бой бўлмас. Мақол. ■ У йиғлаб юбормасликка ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бўлмайди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

24 От кесим таркибида боғлама вазифасида келади. Ўктам Абдуллаев мактабга директор бўлди. Бу киши бизнинг тоғамга бўладилар. ■ Эркак одам бир сўзли бўлади. С. Аҳмад, Уфқ. Бола вужуди нозик бўлади. Газетадан. Хотин кишининг кўз ёши ширин бўлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. [Қушбеги:] Қутидор билан Отабекнинг кими бўласиз, синглим? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Бор бўлинг қ. бор.** Бўлган экан Иш, аҳвол яхши эмас экан. *Ия-ия, улуг, сиз ҳам шу гапни айтдингизми? Сизки шундоқ дедангиз, роса бўлган экан-да.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**Йўл бўлсин қ. йўл. Муборак бўлсин қ. муборак. Ош бўлсин қ. ош. Шу-шу бўлди-ю қ. шу. Кутлуг бўлсин қ. кутлуг. ..билан бўлмоқ** 1) бирор томон билан бирга қолмоқ. *Ё мен билан бўл, ё у билан бўл;* 2) бирор нарса ёки кимса билан банд ёки овора бўлмоқ. *Тўпанисо Сидиқжоннинг сўзини эшитмаган ва ўз уйи билан бўлиб, бошқа ёққа қараб ўтирган эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **-са бўлгани** -са яхши бўлур эди. *У келса, бўлгани. Ёмғир ёғмаса, бўлгани. -са бўладими* Ногаҳон юз берган воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилаётганда ишлатилади. *Саҳарга яқин Аччида кетаётган эдим, рўпарамдан йўлбарс чиқиб қолса бўладими.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Роҳилабуви ўлгур, тикиб кийиб олса бўладими!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БЎЛМОҚ II I** Бутунни (синдириб, қирқиб, ёриб ёки бирор бошқа йўл билан) бўлақларга ажратмоқ, бўлақ-бўлақ қилмоқ. *Патирни тўрт бўлмоқ. Қоғозни иккига бўлмоқ.* ■ *Шерзод қиличи билан шерни иккига бўлиб ташлади.* «Эртақлар». *Юк машинаси чангни қоқ иккига бўлиб, йўлга тушди.* Н. Қобул, Беморлар.

**2** Маълум қисмларга, гуруҳларга ажратмоқ, тақсимламоқ. *Асарни бобларга бўлмоқ. Балаларни гуруҳларга бўлмоқ.*

**3 мат.** Бўлув амалини бажармоқ, ечмоқ. *Катта сонни каррали кичик сонга бўлмоқ.*

**4** Ўртада тақсим қилмоқ, улашмоқ. *Даромадни бўлмоқ. Меросни бўлмоқ.* ■ *Хотинлар дастурхондаги.. туз, майиз ва чойни бўлиб олишди.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Йигитлар истеҳкомга боришиб, ўқ-дориларини бўлиб олишди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди.

**5** Ташкилот, муассаса, корхона ва ш. к. ни кичикроқ мустақил қисмларга, бўлимларга ажратмоқ. *Институтни иккига бўлмоқ.*

**6** кўчма Гап, сўз, суҳбат ва ш. к. ни тўхтатиб ёки кесиб қўймоқ. *Эшикдан кириб келган маҳдум уларнинг сўзини бўлди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бектемиров гапини тугатмаган ҳам эдики, Турсунбой ота келиб, суҳбатни бўлди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**7** Шахснинг хаёли, фикри, уйи ва б. га халақит бермоқ, уни чалғитмоқ. *Ёқимсиз, жирканч кулги Аҳмаднинг хаёлини бўлди.* Ф.

Мусаҷонов, Ҳиммат. *Ҳамиша иш чоғида келиб, фикримни бўласан.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Файрат унинг фикрини бўлмаслик учун, миқ этмай бормоқда.* М. Ҳазратқулов, Журъат.

**БЎЛСА I Бўлмоқ I** фл. шарт шакли. *Олим бўлсанг, олам сеники.* Мақол. *Тўғри бўлсанг, бежавотир бўласан.* Мақол. ■ *Кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қилади.* «Фан ва турмуш».

**2** зидл. боғл. Эса. *Мен келавердим, у бўлса қолди.* ■ *Қушбеги бўлса неғадир узоқ ўйлаб ўтирар, тезда гап очмас эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳаққуш бўлса тўхтовсиз сайрар, ёз шабадасида унинг овози гоҳ секин, гоҳ баралла эшитиларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**БЎЛТАК шв. I** Майда қисмларга бўлинган, парчаланган; бўлак-бўлак. *Бу ерларнинг тарихи деганда, отанинг кўз олдидан.. яланғоч дашт, қўрғонлар, пастак деворлар, бўлтак ерлар.. гавдаланди.* Й. Шамшаров, Довруғ.

**2** эск. Гуруҳ, бригада. *Ҳар бир бўлтакка тарозу бериш бирмунча оғир кўчади.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоий.

**БЎЛТАК-СЎЛТАК** Ҳар хил бўлақларга бўлинган; бўлак-бўлак, парча-пурча. *Бўлтак-сўлтак ерлар.*

**БЎЛУВ I Бўлмоқ I** фл. ҳар. н. *Чет эл делегацияларининг Ўзбекистонда бўлуви.* ■ *Менимча, бу мироб — ҳосилотликка муносиб бўлуви мумкин.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**БЎЛУВ II I Бўлмоқ II** фл. ҳар. н. *Ахир Иброҳимбек билан айри тушув — кучни бўлув демакдир.* «Шарқ юлдузи».

**2** мат. Бир сонни бошқа бир сонга тақсим қилиш амали. *Касрларни бўлув. Бўлув ишораси.*

**БЎЛУВЧИ I Бўлмоқ I** фл. сфдш. *Уларнинг ҳар бир уйинига, ҳар бир ҳангомасига «она-боши» бўлувчи Тўхтасин ўртоқларини йиғди, уларга ивир-шивир билан бир нимани тушунтирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Умид, дарҳақиқат, безори, қолақ фикрли, хотинқизларга бой-феодаларча муносабатда бўлувчи шахс қилиб кўрсатилибди.* Мирмуҳсин, Умид.

**БЎЛУВЧИ II I Бўлмоқ II** фл. сфдш. *Бўлувчига оз, Оз бўлса ҳам соз.* Мақол. ■ *Гапирганни бўлувчи, йиқилганни тепувчи бўлма.* Газетадан.

2 мат. Бирор сонни бўлиши керак бўлган бошқа сон. *Бўлувчи билан бўлинманинг кўпайтмаси бўлинувчига тенг.*

**БЎЛУК тар.** 1 Мўғуллар истилоси давридан 19-асргача Мовароуннаҳр ва Хуросонда шаҳар атрофидаги шаҳарга тобе ҳудудлардан иборат маъмурий-ҳудудий бирлик.

2 Ҳарбий қисм, бўлинма. *Мингбоши Қулназарҳожиди ўз бўлуғи билан дарвозадан чиқиб, шарқ томон йўл олди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Сиз бу йигитни ўз бўлуғингизга олиб, от минмоқ, қилич урмоқни ўргатинг.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**БЎЛУҒСИ 1 Бўлмоқ 1** фл. кел. зам. шакли. *Ҳар ким таъма йўлин тутса агар пеш, Оқибат бир кунни бўлғуси дарвеш.* Газетадан.

2 сфт. Келажакда бўлиши муқаррар ёки эҳтимолга яқин; бўлажак. *Ҳурмат момо кечқурун урчуғини қўлтиғига қистириб, гурун баҳона, бўлғуси қудасиникига ўтди.* «Саодат». *Моҳира оғзи қулоғида, бўлғуси келинини мақтади.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

3 от Яқин ёки узоқ келажак вақт; келажак. *Буни бўлғуси кўрсатади.*

**БЎМ-БЎШ** Тамоман, мутлақо бўш, қуруқ; тап-тақир; ҳувиллаб ётган. *Бўм-бўш идиш. Бўм-бўш уй.* ■ *Соҳил бўм-бўш, хувиллаб ётибди.* С. Сиеёв, Отлиқ аёл. *Олдинда душман, орқада эса бузилган йўллар, бўм-бўш саҳро.* «Шарқ юлдузи». *Биттаю битта шам ёқилган юз кишилик улкан саропарда бўм-бўш ва нимқоронғи эди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Ҳаво булутли, касалхона ҳовлиси бўм-бўш эди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

**Юраги (ёки кўнгли) бўм-бўш** Бирор иш қилишга ҳафсаласи, иштиёқи қолмаган, ҳафсаласи пир бўлган; ноилож. *Ҳеч бир нарса жалб этмас уни.* Бу кун бўм-бўш менинг юрагим. «Гулдаста». *Шу тонда бу одама ҳеч қандай ёрдам бериш қўлидан келмаслигини ўйлади-ю, кўнгли бўм-бўш бўлиб, палатага кирди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор. *Бўм-бўш бўлиб қолади юрак, Ўғлим, меҳр адо бўлган чоқ!* «Саодат».

**БЎНАК 1 тар.** Бирор иш юзасидан иш берувчиларнинг иш бажарувчиларга олдиндан берадиган қарзи. -*Баракала!* - деди Абдухалилбек. -*Буниси - бунаги, иш битгач, яна.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ем-хашак йўқ, бир пой ҳўкиз ориқ-туруқ, Қайдан бўнак олиш билмай, ҳамён қуруқ.* Ғ. Фулом. *Мен ишимга*

*қараб сўрай бераман, сиз бўнак қилиб бераверасиз.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

2 тар. Устанинг ўз шогирдига унинг ишлаб бериши ёки кейинчалик қайтариши шарти билан берадиган қарз пули. *Бечора косиблар олдинроқ олиб, еб қўйган бўнакнинг эвазига тишларини тишларига қўйиб, ҳар қанча оғир гап эшитсалар ҳам, чидаб туриб.. жавоб қилар эдилар.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.

3 бух. Маош ҳисобидан ой охирида ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул; аванс.

**БЎНАҚДОР** Бўнак олган, бўнак олиб қарздор бўлган шахс; дебитор.

**БЎНАҚЧИ тар.** 1 Бўнак бериб, одам ишлатувчи шахс. *Мендан бўлак бўнакчининг қўлига тушганингизда, бирини икки қилиб оларди.* Н. Сафаров, Султон бўзчининг неваралари.

2 Бўнак олган шахс, қарздор. *Битта менмас, бечора-бекас Бўнакчилар бойдан норози.* М. Али, Боқий дунё. *Фойда тушар!* *Кеч куздан деҳқон - Бўнакчилар беришар пахта.* М. Али, Боқий дунё.

**БЎПТИ с. т. 1** Бўлибди. *Яхши бўпти. Ажаб бўпти.* ■ *Иш деган мундоқ бўпти.* С. Аҳмад, Уфқ. *Энди мени кўпчиликнинг ичида изза қилмоқчи бўпти-да.* Шукрулло, Сайланма.

2 Таклифга розиликни билдиради: бўлади, ҳўп, майли, яхши, маъқул. *Бўпти, ҳозир фақат бир шарт билан.. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Бўпти, қайноқ-қайноқ чой ич-да, бориб ёт.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бўпти, ака, полвон бола билан ишласак ишлабмизда, шу баҳона бизнинг ҳам суратимиз газетада чиқиб қолса.* С. Аҳмад, Уфқ.

**БЎР** Оҳақтошнинг майда заррали оппоқ юмшоқ тури. *Бўр билан оқламоқ. Бўр билан ёзмоқ.* ■ *Ҳеч гапдан хабари йўқ Искандар ака, бир қўлида латта, бир қўлида бўр, анграйиб қолди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Дераза ойнасини бўр ёки ярим стакан сувга икки қисм тиш порошоғи солиб артсангиз, ялтираб кетади.* «Саодат».

**БЎРАЛАМОҚ** Шиддат билан ёғмоқ (бўронли қор ҳақида). *Бўралаб қор ёғарди, ноилож машинани тўхтатиб, қор тинишини кутдик.* «Шарқ юлдузи». *Бўралаб ёғаетган қор кўз очиргани қўймас, лекин йиғилган одамлар.. совуқдан киприк қоқмас эдилар.* С.

Зуннунова, Гулхан. *Қор шамол аралаш ҳамон бўралаб ёғарди.* «Ёшлик».

**Бўралаб сўкмоқ** Оғизга келганини қайтармай устма-уст сўкмоқ. *Мен бўралаб сўкиб бердим, бу ургандан ҳам баттар бўлди.* М. Мансуров, Ёмби. *Ошино нонвой бўлишга кўнди, лекин Яхшибоев унамади.* Саройбонни бўралаб сўкди. М. М. Дўст, Лолазор.

**БЎРАМОҚ** кам қўлл. айн. **бўраламоқ.** *Кун ботиб, осмон қорайган, аммо тўхтовсиз бўраб ёғиб турган қордан ер тобора оқаратган пайтда Элмурод.. қор учқунларини томоша қилар эди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**БЎРБОЙ** шв. Тақим, болдир. *Азонда туриб этик кияман деса, этик кўнжидан ўтмайди бўрбойи.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

**БЎРДОҚИ I** Гўшт учун боқиб семиртирилган мол. *Бўрдоқи қўй. Бўрдоқига боқмоқ.* ■ *Бўрдоқини сўйишга қассобни чақирайми?* Ҳамза, Танланган асарлар. *Орадан икки ой ўтгандан кейин қараса, қўй бинойидек бўрдоқи бўлиб қолибди.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Ярим ойлик мойнасига саккизта бўрдоқи товۇқ келади.* С. Аҳмад, Сайланма.

2 *кўчма* Бекор ёғиб ёки бировнинг ҳисобига яшаб семирган одам ҳақида. *Ҳа ўша.. бир умр меҳнатқашнинг сувини сиқиб ичган бўрдоқни Матқовулнинг ўзи.* А. Мухтор, Опасингиллар. *Бўрдоқдай лорсиллаб кетясан кундан-кунга, озишинг керак.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

3 *кўчма* Бўлиқ, тўлиқ, етилган. *Бўрдоқи ҳар бир кўсак. Етилган дурдонамиз.* Р. Бобожон, Танланма.

**БЎРДОҚИБОҚАР** Молларни бўрдоқига боқиб билан шуғулланувчи киши.

**БЎРДОҚИЧИЛИК** Чорвачиликнинг молларни бўрдоқига боқишга ихтисослашган тармоғи; бўрдоқи боқиш. *Бўрдоқчилик фермаси. Бўрдоқчилик давлат хўжалиги.* ■ *..бўрдоқчилик базаси тоғлар бағрида жойлашган.* Газетадан. *..бўрдоқчилик базасида яна бир ем-хашак тақсимловчи линия ишга туширилди.* Газетадан.

**БЎРЁ** шв. эск. айн. **бўйра.** *Юрган — дарё, ўтирган — бўрё.* Мақол. ■ *Гурбату андуҳу меҳнат бошима айлаб хўжум, Най каби жисмимни янчиб, бўрё қилди мени.* «Ўзбек шоирлари».

**БЎРИ I I** Сутэмизувчиларнинг итсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон; қашқир. *Айрилганни айиқ ер, бўлингани бўри*

*ер.* Мақол. *Бўридан қўрққан тўқайга кирмас.* Мақол. ■ *Сувонжон кўрага хўжум қилган бир оч бўрини отиб олибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бу чўлда бирам бўри кўп эканки, кечаси билан қўрқиб чиқдим.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 *кўчма* Ёвуз, қонхўр, шафқатсиз одам ҳақида. *Юрагим сан эдинг, Гулнор, кўзим илгари очилган бўлса эди, ман ўз юрагимни бўриларга едирардим?* Тонгла маҳшарда қай юз билан санга боқаман? Ойбек, Танланган асарлар. *Аҳмад Ҳусайн оқариб кетдию, лекин индамади, чунки бўрилар орасида эканини яхши биларди.* Ойбек, Нур қидириб. *Бадиа хона бурчагига тисарилди.* Рўпарасида турган дахшати бўридан кўз узмасди. Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бўри (эркаклар исми).

**Бўри боқиш (ёки қараш) қилмоқ** Қўрқинчли, дахшатли қарамоқ, еб қўйгудек қарамоқ. *Бир қўлида теша, Санобарга бўри қараш қилиб яқинлашди.* К. Яшин, Ҳамза. **Бўри сўйими** «Нимадан қўрқасан» деган маънода ишлатиладиган ибора. [Ҳаёт:]: *-Воей, сизам бир қизқиски, буви, нима, мени бўри еб кетармиди? — деди-ю, ҳовли этагига юриб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Латифжон ҳиринглаб: -(дипломни) бўри ермиди, уйнинг тўрига экиб қўйганман, — деди.* «Муштум». **Бўримисиз, тулкимисиз?** «Қуруқ қайтдингизми ёки ундириб?» деган маънода ишлатиладиган ибора. [Ҳасан:]: *Қуруқ келишга уялдим-да, тақсир! [Қодирқул:] Қани, бўримисиз, тулки? Ҳамза, Бой ила хизматчи.* **Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон** «Ёмонлиги билан танилган, ёмонлигини қўйса ҳам, қўймаса ҳам — ёмон» деган маънода ишлатиладиган ибора. *Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон.* Шукрулло, Сайланма. **Бўри тугди (ёки болалади)** Кун чиқиб туриб, ёмғир ёғаётганда айтиладиган ибора. **Бўри қулоғи овда** Номаълум кишилар ёки айғоқ-ағёрлар гап пойлаб юргани ҳақида ўз кишини огоҳлантириш учун ишлатиладиган ибора. **Қўйни бўрига топширмоқ** Бирор нарсани ёки ишни энг кўп зарар етказадиган ёки суистеъмол қиладиган, оқибатсиз кишига топшириб қўймоқ. *Муродова билмайди.* Шунинг учун кейинги аризани *Давронова юборибди.* — *Қўйни бўрига топширибди-да.* И. Раҳим, Ихлос.

**БЎРИ II** астр. Осмоннинг жанубий яримшарида жойлашган юлдузлар туркуми.

**БЎРИБАҒИР** бот. Итжумуртгуллилар оиласига мансуб, барги тухумсимон, гуллари сарғиш-яшил бута ёки паст бўйли дарахт.

**БЎРИБОСАР** Чорва моллари подларини бўрилардан сақлайдиган ва ўтов-қўраларни, уй ва ҳайвонларни қўриқлайдиган, кўкраги кенг, оёқлари бақувват кучли ит. *Яхшиям, ишончли бўрибосарлар бор. Улар бўлмаса, молчиларнинг аҳволига вoй, деяверинг.* К. Яшин, Ҳамза. *Ақлли бўрибосарлар сурувларни бўйлаб олдинга чопиб борадиларда, то ҳаммаси ўтиб бўлгунча, чўзилиб ётиб дам оладилар.* А. Мухтор, Чинор. *Йўловчи [чўпонга] яқинлашган заҳоти дум ва қулоқлари кесилган бўрибосар итлар галаси унга ташланди.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

**БЎРИГУЛ** бот. Кендирдошлар оиласига мансуб, ётиқ илдизпояли, доимо яшил бўлиб турадиган кўп йиллик ўт. *..бўригулдан нафас олишни кучайтирувчи эрвинин, қон босимини камайтирувчи эрвалин алкалоидлари олинади.* М. Аҳмедов, Колхозда химия кечаси.

**БЎРИКАЛЛА** Қовун навларидан бирининг номи. *Лекин куз фаслида безорга тушган қовунхўрлар бу лаззатли неъматларнинг «бўрикалла», «асати» каби номларини билалвермайди. «Фан ва турмуш». Ҳар бўрикалла қовун тимсолида кўра билинг, она қизим, яратувчи, донишманд халқимиз меҳрин.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

**БЎРИКЎЗ** бот. Меваси ейиладиган, тиканли ўсимлик тури.

**БЎРИТАРОҚ** бот. Гулхайридошларга мансуб, пояси тик, сершоҳ, гуллари сариқ, бир йиллик бегона ўт.

**БЎРИҚ** шв. Оққўхорининг пояси, жўхориюя.

**БЎРИҚМОҚ** айн. **буриқмоқ** 1. *Яхшибоев ўрнидан сапчиб турди. Кўзлари қонга тўлган, юзи бўриқиб кетган эди.* М.М.Дўст, Лолазор. *Йигитларнинг киприкларини чанг босган, юзлари иссиқдан терлаб, бўриқиб кетган эди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**БЎРК** эск. Ошланган қорақўл теридан цилиндр шаклида тикилган бош кийим, телпак. *Бош омон бўлса, бўрк топилади.* Мақол. *Бошсиз бўрк бўлмас, Тойсиз — турк.* Мақол. ■ *Шу пайт шийпон ичидан бошига бўрк кийган Ботир чиқди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Қилич зарбидан Хонзода бегим-*

*нинг бошидаги бўрки учиб кетди-ю, узун сочлари ёйилиб, елкасига тушди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**Бош ёрилса, бўрк остида (ёки ичида)** Оилавий ёки ички жанжал, низоларни ташқарига чиқармаслик кераклиги ҳақида айтиладиган ибора. *Бош ёрилса, бўрк ичида, дейдилар, — бўлар-бўлмасга катталарни ишдан қўйиб фириллайвериш хунук нараса.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Эҳтимол, бошқаларнинг хотинлари ҳам шунақадир, у қаёқдан билсин: бош ёриғи бўрк ичида, қўл синиғи енг ичида.* Шўҳрат, Жаннат қидирганлар. **Бўрк ол деса, бош (ёки калла) олмоқ** Буюрилгандан ортиқ жазоламоқ, ҳаддан оширмақ. *Бўрк ол деса, бош олиб келадиган доворак йигит эдинг-ку! Нима бўлди? Уйғун, Асарлар. Санамай саккиз дейдиган, бўрк ол деса, калла оладиган баъзи терговчилар қўлини тиззасига уриб, шошиб қолдилар.* Газетадан.

**БЎРЛАМОҚ** Бўр суркаб оқартирмоқ. *Деворларни бўрламоқ.*

**БЎРОЗ** шв. 1 Бўйи етган, етилган қиз.

2 кест. Қари қиз. *Ҳудо кўтарсин сен инжиқ бўрозни!* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У кейинги йилларда қизини бўлар-бўлмасга урадиган, ҳаёсизларча «бўроз» деб сўкадиган бўлиб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**БЎРОН** 1 Тўзон ёки қор-ёмғир аралаш эсадиган шиддатли шамол. *Бўри бўронда қутурад.* Мақол. ■ *Ҳамма ёқни қум бўрони қоплади. Омон кўринмай қолди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Қум бўрони ўтов киизларини, балиқчиларнинг тўрларини осмонда учириб юрди.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Заргаров тўхтаб, пастга тушди. Атроф зим-зиё, бўрон қутуриб кўз очирмасди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

2 кўчма Тўхтамасдан ёғ(ил)аётган нараса. *Тўрларнинг ўқ бўрони аввалги куч ва ғазаб, қаҳр билан самода ҳукмрон эди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

3 кўчма Шиддатли, давомли ҳаракат, оқим; тўфон. *-Халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ дош келолмас! — деди-да, Султонмурод чиқиб кетди.* Ойбек, Навоий. *Наҳот ёвуз бўрон хасдек учиргай? Қайнар томиримда оташин қонлар.* «Гулдаста». *Халқ қўшиқчиларни қарсак ва қийқириқ бўрони билан олқишлади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

4 Ички, руҳий кечинмалар галаёни, тугёни. *Лекин ичидаги ҳалиги жанг бўрони бир*



нафас ҳам тинмади. «Муштум». Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, шунақа гаплардан кейин ошиқ қалбида бўрон кўтарилмайдими? Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Кўзғалинг, ҳей, ҳис-туйғулар бўрони, Кўндан сизга кўз тутардим умидвор. Дилшода, Умидим. Бу сўзлар Йўлчининг юрагида бўрон ясади, у тотли, завқли ҳаяжон билан қалтирарди. Ойбек, Танланган асарлар.

5 кўчма Хавф-хатар, даҳшат. Тинчлик дарахтини оловлардан, бўронлардан асрашимиз керак. «Саодат». У не-не дарёларнинг тўлқинларини ўлим бўронлари орасида кечиб ўтмади. Ойбек, О. в. шабадалар. Сенга на бўронлар қор қила олур, Сени на йўқотиб, бор қила олур. А. Орипов, Йиллар армони.

6 кўчма Бало, офат, кулфат. Нифоқ бўрони хароб этган Хоразмни осонликча забт этиб, беҳисоб ўлжалар олиб келганидан у хурсанд. М. Осим, Карвон йўлларида. Ана ўшанда кўрасан Хоразмда фитна бўронининг бошланишини. М. Осим, Карвон йўлларида. Халқлар бошига зулм бўронини ёғдирган ва офатлар келтирган сариқ вабо — Гитлер машинаси зил кетди. Н. Сафаров, Оловли излар.

7 Бўрон (эркаклар исми).

**БЎРОНЛИ 1** Бўрон билан ўтган ёки бўрон бўлиб турган. Бўронли қиш туни. ■ Кечаси бўлиб ўтган бўронли ва момақалди роқли жаладан сўнг ҳаво сокин эди. Газетадан.

2 кўчма Кескин, шиддатли кураш, қизгин жанг ва ш. к. билан тўлиб-тошган. Кўнғлимга битмас фароғат берди онам алласи, Бўронли йиллар жасорат берди онам алласи. Ё. Мирзо.

3 кўчма Жўшқин, тугёнли. Уни ёш ва бўронли қалби Олиб кетди олис шаҳарга. А. Орипов, Рухим. Юлдузлар мисоли кулганда руҳим, Бўронли ҳисларга тўлганда руҳим.. А. Орипов, Йиллар армони.

**БЎРОНҚУШ(ЛАР)** зоол. Найбурунлилар туркумига мансуб, сувда яшашга яхши мослашган денгиз қушларининг бир тури. У Фурқатни бўронни олдиндан кўра билган бўронқуш деб атади. Газетадан.

**БЎРСИЛДОҚ 1** Бўрсиб, кўпчиб, билқиллаб турган. Бўрсилдоқ тупроқ. ■ Ер қор сувига тўйдими, деҳқоннинг омади келгани шу: тупроқ кўпчиб, бўрсилдоқ бўлиб кетади. М. Назаров, Жилвон жилвалари. У она қучо-

ғининг иссиқ тафтини бериб турган юмшоқ, бўрсилдоқ ерга чўккалади, ундан бир чимдим тупроқ олиб, кўзларига суртди. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

2 Биққилай семиз, лўппи. Баҳодир қизнинг бўрсилдоқ қўлини ушлаб хайрлашар экан: — Демак, театр, санъат институтига кирар экансиз-да? — деди. М. Жалолидинова, Кейинроқ. У [Жавҳарий] ўзининг бўрсилдоқ бош бармоғини эгиб, Раҳимовани кўрсатди. «Фан ва турмуш».

**БЎРСИЛДОҚ НОН** Кўпчиб пишган юмшоқ нон. Ресторан ёнгинасида, новвойхонада иссиқ бўрсилдоқ обинон ёпиляпти. Газетадан. Лекин ҳаёт дегани фақат мураббою бўрсилдоқ нондан иборат эмас-да. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**БЎРСИЛЛАМОҚ 1** Етилиб, бўшашиб кўпчимоқ, семирмоқ. Кечаги ёмғирдан кейин бўрсиллаб ётган ҳовлига ялангоёқ сакраб тушиди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Кечагина пахталар бодроқдай очилиб ётган майдонлар шудгордан кейин қор остида бўрсиллаб ётибди. Газетадан. Пойлаб деҳқон йўлини Бўрсиллайди бўз тупроқ. А. Суюн, Олис тонглар.

2 Иссиқдан ёки тез ҳаракатдан терлаб-пишиб кетмоқ. Ўринбой ҳам велосипедда ҳарсиллаб-бўрсиллаб келиб қолди. Ҳ. Назир, Кўктерақ шабадалари. Кўпол ботинкасини дўқиллатиб, иссиқда бўрсиллаб-ҳарсиллаган Аҳмад келди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**БЎРСИМОҚ 1** Бир оз димиқиб, ҳидланиб қолмоқ, сасинқирамоқ. Айниқса, ҳозирги саратон кунларида тўйларда тез бузилиб, бўрсиб қоладиган таомларни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан истеъмол қилиш керак. Ш. Хўжаев, Тўйдан сўнг. Бизга берилган овқатнинг гўшти бўрсинган экан. «Ёшлик».

2 Намдан шишмоқ, кўпчимоқ. ..ер кузда ҳайдалса, айна муддао бўлади, қиши билан қор тагида кўпчиб, баҳор чиққанда, ошган хамирдай бўрсиб туради. Газетадан.

**БЎРСИҚ** Сутэмизувчилар туркумининг сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. Тоғларда одатда айиқ, бўри, ёввойи чўчқа, силовсин, бўрсик, тулки, жайра учрайди. «Ўзбекистон Республикаси» (энциклопедия).

**Бўрсикдай семирмоқ** Ҳаддан зиёд семирмоқ. Элмурод молларнинг тагини кўрар экан, ўзича ўйлади: сенлар бўрсикдай семириб яша-

ю, шунча одам очликдан қирилсинми? П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎРТИК** Бирор нарсанинг бўртиб, туртиб чиққан ери. *Бадандаги бўртик. Деталнинг бўртиги.* ■ Унинг юзи сўлиган, кўзларининг оқи кўкарган, тиришган бўйнининг бўртик кўкиши томирларида юракнинг уриши сезилиб турар эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎРТИҚ** айн. **бўртик**. *Хонага бир неча йигит кирди. Ғўлабурроқ, бўртиқ қовоқли йигит буғунги иш якунини баён қилди. Й. Шамшаров, Қаҳромонлик йўли.*

**БЎРТМА** 1 Новдонинг кесилган, ўсимликнинг пайвандланган жойида ҳосил бўладиган қадоқ ёки қабариклар. *..новдалар бўғимга тақаб кесилганида, бу жойда бўртмалар ҳосил бўлади. Р. Мусамуҳамедов, Мўл зуум ҳосили.*

**2 сфт.** Бўртиб, туртиб чиққан; бўрттириб ишланган. *Бўртма нақш.* ■ *..бир устунда «Амали Саидумархўжа» деб бўртма нақш билан ёзиб қўйган. С. Айнӣ, Эсдаликлар. Комила.. ўртоғининг оқ-сарик, узунчоқроқ нозик юзига, бир оз бўртма қовоқларига.. тикилди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

**БЎРТМОҚ** 1 Амал олмоқ; кўкара бошламоқ; унмоқ. *Баҳор.. ўриқлар оптоқ гуллади, олча новдалари мунчоқ-мунчоқ бўртди. Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар. Қор кетди ва заминда Бўртди илк гиёҳ. «Ёшлик».*

**2** Кўтарилиб чиқмоқ, туртиб чиқиб турмоқ. *Собир аканин.. чакка томирлари бўртиб чиққан, кўзлари ичга ботган. Ж. Шарипов, Хоразм. У умр бўйи кўксини беркитмаган, анордек қизғиш кўксидаги суяклар бўртиб чиқиб турарди. Мирмуҳсин, Умид. ..бўйи чўзилиб, кўкраклари бўртиб чиққан гўзал қиз. Мирмуҳсин, Меъмор. Бу тор, таранг кийимда унинг келишган қомати янада бўртиб турарди. С. Сиёев, Отлик аёл. Ёнғоқнинг юзага бўртиб чиққан йўгон илдизи устида икки ёш ўтирибди. «Ёшлик».*

**3** Қизариб шишинқирамоқ, андак шишмоқ. *Салтанатхон кўчага чиққанда, икки юзи қизариб, бўртиб турарди. «Муштум». Марзия хола иссиқдан юзлари бўртиб кетган неварасини бағрига босди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.*

**4** кўча Ерқин кўринмоқ, намоён бўлмоқ; уйғонмоқ. *Бунда қариндошчилик муносабатининг давр йўриғига хос товланишлари бўртиб туради. «ЎТА». Чўккалаб ичаман*

*ҳовуч-ҳовуч сув, Дилларда яшамоқ ишқи бўртади. Газетадан.*

**БЎРТОҚ** айн. **бўртик, бўртиқ**. *Туркистонга келди навбахор! Яшил қирлар, бўртоқ куртаклар. М. Али, Боқий дунё.*

**БЎРТТИРМОҚ** 1 Бўртмоқ фл. орт. н. *Томирларини бўрттириб гапирмоқ. Нақшини бўрттириб ишламоқ.*

**2** кўча Жуда аён, яққол қилиб кўрсатмоқ, ифодаламоқ; ошириб юбормоқ, кўпиртирмоқ. *Ҳамон бетўхтов ёғайтган қор эса нимтагир ойдинликни янаям бўрттириб кўрсатарди. «Шарқ юлдузи». Мардиев.. сув масаласида вазият оғирлигини янада бўрттириб кўрсатиш учун чуқур хўрсинди. С. Кароматов, Сўнги бархан. Расулжон Комилович.. ҳадеб нуқсонларни бўрттиравегандан кўра, уни бартараф қилишга киришинг. Ж. Абдуллахонов, Хонадон. Омил ўртоғининг кўнглини очиш учун тунги воқеани бўрттириб ҳикоя қилди. С. Юнусов, Қутилмаган хазина.*

**БЎСА** [ф. بوسه — ўпич, муччи] кт., поэт. *Меҳр, муҳаббат, эркалаш, ўта ҳурмат изҳори сифатида лабни бирор кимса ёки нарсага тегизиш, ўпиш; муччи. Бўса бермоқ. Бўса олмоқ.* ■ *Элмурод Зебони кузатиб қўйиб, иссиқ бир бўса ҳарорати билан қайтиб келгач, узоқ ухломлади. Шухрат, Шинелли йиллар. Севишганлар қўли бир-бирига чирмайдди. Дудоқларда бўса қақнади. Шухрат, Шинелли йиллар. Бўсасини алмашмайман бол билан, Ёрга етдим армон билан, зор билан. «Қўшиқлар».*

**БЎСАҒА** 1 айн. **остона**. *Ёмоннинг тўрида ётгунча, Яхшининг бўсағасида ёт. Мақол. Ёмон кучук бўсағада хурар. Мақол.* ■ *Али-мат эшик тутқичини ушлаб, бир нафас бўсағада туриб қолди. Э. Усмонов, Ёлқин. Бўри Пайғамов, эшик очилиб, бўсағада Нусратбек кўриниши билан, юзлари яшинаб, ўрнидан туриб кетди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**2** кўча Бирор ҳудуд, манзилнинг кириш, бошланиш жойи, остонаси. *Қорабугрохон бошлиқ кўчманчилар ўрдаси ҳозир Самарқанд бўсағасида. М. Осим, Ибн Сино қиссаси. «Берлиннинг бўсағасида турибмиз», деб мартда бир хат келган эди. С. Сиёев, Ёруғлик. Минглаб кичкинтойлар мактаб бўсағасида биринчи марта қадам қўядилар. Э. Қодиров, Янги марралар сари.*

3 кўча Бирор маросим, муҳим сана ва ш. к. арафаси, бошланиш даври. *Ўтган йил билан ҳам хайрлашдик. Янги йилнинг қутлуғ бўсағасига қадам ташладик.* Н. Сафаров, Оловли излар. *У ғалаба қасрининг олтин бўсағасида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Армия бўсағасида турган навқирон йигитларга тилагим — Ватанимизнинг муносиб қалқони бўлишим.* Газетадан. *Сидиқжон худди зўр бахтга эришган ёки ўшандай бахтнинг бўсағасида тургандай, терисига сигмай.. эски ҳаётини элагиси ҳам келмай юрар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**БЎСТОН** [ф. *بستان* — боғ, томорқа, полдиз] *поэт.* 1 Гул билан қопланган, гул экилган майдон; гуллаб-яшнаган боғ. *Меҳнат қилинмаса, бўстон қаерда.* Ф. Фулом. *Тоғлар қопқасини ошиб ўтган он, Рўпарамда очилди бўстон.* Т. Тўла. *Хилма-хил гуллар хушбўй ҳид сочиб, бўстонни янатиб турар, шишадек тиниқ сувлар шилдираб оқиб ётар эди.* «Чалпак ёққан кун».

2 кўча Боғ-роғли обод ер, яшнаган, гуллаган жой. *Ўзбекистон — бўстон.* ■ Чўлни бўстон қилишга Келди сочи сунбуллар. «Кўшиқлар». *Салом, мактаб, ҳаёт бўстони, Келдим тўнғич ўғлим етаклаб.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. *Яхши киши чўлда бўстон яратар, тиканликда чин гулстон яратар.* «Кўшиқлар». *Соқажон, энди қаддим букилди, Душманларим кўнгли энди бўстондир.* «Нурали».

3 кўча Оғуш, кучоқ; дунё, олам. *Истадим сайр айламоқни мен ғазал бўстонида.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони. *У бир умр маъшуқасига интилиб, ниҳоят, унинг васлига етган бахтиёр ошиқдай, шеърият бўстонида қулоч ёйиб кирди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Соф бу ишқ бўстонида раъноланибсиз мунча ҳам.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра. *Энди болалик бўстонидан ҳатлаб ўтиб, ўспиринлик фаслига қадам қўйгансиз.* М. Осим, Карвон йўлларида.

4 кўча Севгили, ёр, рафиқа. *Қайда қолди ёру дўстлар, умр бўстони қани?* «Шарқ юлдузи». *Эй ҳаёт, сен мени бўстонимдан айирдинг, қувончга тўла севгимдан айирдинг.* Газетадан.

**БЎТА** 1 Туянинг бир ёшгача бўлган боласи, бўталоқ. *Сабр қилсанг, туянинг юкени бўта кўтарар.* Мақол.

**Бўтадай бўзламоқ қ. бўзламоқ.**

2 кўча Болаларни, ёшларни бўталоққа қиёс қилиб, эркалатиб айтиладиган сўз.

*Лекин, бўтам, бу фикрга мен унча қўшилмайман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Мен, бўтам, сизнинг тадбири саботингизни синаб кўрмоқчи эдим.* Мирмуҳсин, Меъмор.

3 Бўта (эркаклар исми).

**БЎТА** II эск. Олтин, кумуш, мис ва ш. к. ни эритиш учун ишлатиладиган қадимий асбоб, думалоқ косача; тигель.

**БЎТАКЎЗ** 1 Мураккабгуллар оиласига мансуб, бинафша ёки ҳаворанг гулли бир йиллик бегона ўт. *Уйимиз олдида чучмоалар ўсарди. Биз уларни бўтакўз деб терар эдик.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Олтиндай товланиб ётган ариқлар ичида тўқ сафсар рангли бўтакўзлар очилиб ётар, улар тунги юлдузлар сингари кўз қисиб товланарди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

2 кўча Туя боласининг кўзига ўхшаш чиройли кўз; шаҳло кўз ва шундай кўзли киши. [Фарғонанинг] *Қизлари сизга ўхшаган бодомқовоқ, бўтакўз бўлади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ўлан айтиб ўтирган бўтакўзим, Бари қиздан яхшисан ёлғиз ўзинг.* «Оқ олма, қизил олма». *Яхши экан сизнинг олган қизингиз, Қутли бўлсин, жезна, бўтакўзингиз!* «Гулнорпар».

3 Булакўз (хотин-қизлар исми).

**БЎТАЛА** Лойқалашган, яширин, мудҳиш, ифлос. *Нафиса эса зийрак «одамгарчилик» тубида қанақа бўтала ниятлар ётганини фаҳмлаб.. ўзи улуғ, супраси қуруқ.. «ватанпарварлар»дан хафа бўлди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

**БЎТАЛОҚ** 1 Туянинг боласи, бўта. *Ҳа, эсимда, бўталоқ бирам кўҳлик, кўзлари катта-катта, мулоғим, ёқимли, зийрак эди.* Ойбек, Болалик. *Шайбонийхон бўталоқ жунудан тўқилган майин жойнамаз четига қайтиб ўтирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 кўча айн. **бўта** 2. *Сира ҳам ташвиш тортма, бўталоғим. Тез-тез келиб, ҳолингдан хабар олиб тураман.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Биласанми, бўталоғим, табиий фанлар даврининг зарурий эҳтиёжларидан вужудга келди.* С. Кароматов, Олтин кум.

**БЎТАЛОҚКЎЗ** айн. **бўтакўз** 2. *Мен қадди чоғроқ, бўталоқкўз, кенг ёноқли, сариқ бола бўлиб ўсдим.* А. Мухтор, Асарлар.

**БЎТАМЛАМОҚ** Болани бўтага қиёс қилиб, бўтам деб эркалатмоқ, ардоқламоқ.

*Шул замонда Гулистоннинг султони бўтама-  
лаб, қўзимлаб.. йиғлади. «Муродхон».*

**БЎТАМОҚ** Аралаш-қуралаш ҳолатга келтирмақ, чалкаштирмақ, чувалаштириб юбормоқ. *Бу ўй яна кўп ўйларни эргаштириб келиб, фикрини бўтаб юборди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**БЎТАНА 1** Лойқа, қум, тупроқ кабилар аралашган (сув ҳақида). *Бир жойга тўпланиб, тутқун бўлиб турган бўтана сув қирғоқни бузиб юборди. Э. Усмонов, Ёлқин. Сой ва ариқларда сумалакранг бўтана шиддати ошиб боради, пишқиради. С. Нуров, Нарвон.*

**2** Лойқасимон, кир тусли, хира. *Қиём бўтана бўлмай, тиниқ тусда бўлиши лозим. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.*

**БЎТАНОҚ** шв. кам қўлл. айн. **бўтана**. *..ёзда лойқа, қишда бўтаноқ ариқ суви ҳамманинг меъдасига теккан эди. Газетадан. Қишлоқнинг ўтмиш қиёфаси ёзда чанг, қишда лой тор кўчалар.. қора чироқ, бўтаноқ сув. Газетадан.*

**БЎТҚА 1** Гуруч, бугдой каби донлардан қайнатиб пиширилган куюқ овқат (ҳалим, шавла, ширгуруч кабилар). *Бир тариқдан бўтқа бўлмас. Мақол. ■ -Тўйга ҳеч кимни чақирмадик. Ахир икки товоқ бугдой бўтқа билан қилинган тўйни тўй деб бўладими? — деди чол. О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдири. [Саид] Ўртоқларининг қистови билан бўтқадан бир неча қошиқ егандай бўлди. Й. Муқимов, Олов ва ниҳоллар.*

**2** Аталасимон куюқ нарса. *Қоғоз бўтқаси (қоғоз сановатида). ■ Эриган шиша бўтқаси пуфлаш найчасига эмас, балки темир таёқчага олинади. М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиши.*

**3** кўчма Чалкаштириб, аралаш-қуралаш қилиб юборилган нарса. *Биз мадрасадан арабча, тожикча сўзлар бўтқасини кавишадан бошқа нарсани билмас эдик. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. Хаёлларинг бўтқа бутун ўлда-жўлда.. Т. Тўла, Асарлар.*

**Бўтқа бўлмоқ 1)** аралашиб, эзлиб, бўтқа ҳолига келмоқ. *Кўчанинг лойи бўтқа бўлиб кетибди; 2) кўчма аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқ, чалкашмоқ. Ҳамма иллат шундаки, Ўктамжон келди-ю, иш бўтқа бўлди. Ойбек, О. в. шабадалар. Тўғриси айтганда, тилимиз кундан-кунга ўзимиз ҳам гангиб қоладиган даражада бўтқага айланиб бормоқда. «Муштум». Бўтқасини чиқармоқ Эзиб, мажақлаб*

юбормоқ, адабини бермоқ. *Сени бугун булар бўтқангни чиқаришмоқчи. И. Раҳим, Ихлос.*

**БЎХЧА** Кийим-кечак, латга-путта ва ш. к. ўраб тугилган қийиқча, рўмол; тугун, тугунча. *Бир бўхча сарпо. ■ Навоий бўхчани ешиб, лоқайд ва камтарона табассум билан амирлик кийимини кийди. Ойбек, Навоий. У олдимга икки бўхча келин сарпосини ташлади. «Муштум». Абдуваҳҳоб Шоший мурдадек чўзилиб ётган чол ёнидаги ўз бўхчасини титкилаб, ундан бир китоб олди. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.*

**Бўхчаси тушмаган ёки бўхчасини ташламаган 1)** энди тухумдан чиққан, жиш (қуш болалари ҳақида); **2)** кўчма ҳали гўдак, тажрибасиз. *Сиз ҳали бўхчасини ташламаган чумчуқ боласиз. А. Қаҳҳор, Сароб. Бўхча қорин* Бўхчага ўхшаб қаппайган қорин ва шундай қоринли одам. *Мулла Мамасолиҳ бўхча қоринни силаб киноямуз деди: -Э домла! Эшоннинг қорни бешидир, бири ҳаммиша бўшидир. Н. Мақсудий, Лайлатулқадр.*

**БЎХЧАЛАМОҚ** Бўхча қилиб тугмоқ; бўхчаларга тугмоқ. *У-буларини бўхчалаб қўйибди.*

**БЎШ 1 1** Ичида ҳеч нарсаси бўлмаган; қуруқ. *Бўш идиш. Бўш қоп тик турмас. Мақол. ■ Келинни олиб келишга кетган арвалар бўш қайтибди. С. Аҳмад, Уфқ. У бўш сават, хуржун кўтариб олган эди. С. Сийёев, Ёруғлик. Сой бўйида турган бўш кўзани ёмғир чертиб-чертиб қўяди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**2** Кимсадан ёки нарсадан холи, ҳеч ким ёки ҳеч нарса йўқ. *Ғиждувоннинг бозор куни бўлганига қарамай, бозор жойи бутунлай бўш эди. С. Айний, Қуллар.*

**3** Банд бўлмаган, ишғол этилмаган, бекор. *Бўш ўрин. Бўш ер. ■ Баширжон олазарак бўлиб, жой қидирди. Хайрият, чеккароқда битта стул бўш экан. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ҳашаматли бинода биронта бўш жой қолмаган. «Шарқ юлдузи». Бўш ўрин ахтариб, ўртада туриб қолди. Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган қирғоқ. Дарахт соясидаги бўш ўриндиқ томон юришди. «Ёшлик».*

**Боши бўш айн. боши очик қ. бош.** *Хуру филмон сифат ўлтиришиндан Бошинг бўшми, севар ёраа этишдим. «Баҳром ва Гуландом». Ука, айтай десам, кўнглинг хуш эмас, Олиб кетай десам, бошинг бўш эмас. «Оқ олма, қизил олма».*

**4** Иш билан банд бўлмаган, ишдан холи; бекор, беиш, ишсиз. *Бўш кун. Бўш вақт.* ■ *Жиндак тинч, бўш вақт бун қолса, бас, у дарҳол китобга ёпишарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Бўш бўлсангиз, Минзўрикка қимизга борар эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Отинойи бирдан-бир хунари ва бўш қолгандаги овуноғи — чархни гариллатишга киришади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎШ П 1** Салга узилиб, юлиниб ёки йиртилиб кетадиган, пишиқ-пухта эмас, жонсиз. *Бўш ип. Бўш арқон. Бўш латта.* ■ *Сухсур деган қуш бўлар, Торсам, пати бўш бўлар.* «Оқ олма, қизил олма».

**2** Салга синиб, уваланиб, эзилиб кетадиган, юмшоқ. *Бўш кесак. Бўш ер. Бўш ёнғоқ. Бўш ёғочни қурт ер.* Мақол. ■ *Бу ёқнинг тоши у ёқники сингари қаттиқ, яхлит эмас, жуда бўш, гўраша эди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**3** Кучсиз, заиф; оҳиста. *Бўш овоз.* ■ *Анвар юзини тутиб берди. Равно унинг юзига бўшгина уриб қўйди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Гоявий бўш, бадиий оқсоқ асарлар ўз баҳосини олаётир.* Газетадан. *Сен, болам, ҳали кўп ёшсан, Уруш қилмоққа сен бўшсан.* «Маликаи айёр».

**4** Қаттиқ сиқилмаган, таранг тортилмаган, пишиқ-пухта боғланмаган; эркин. *Дуторнинг торлари ҳали бўш. Машинанинг тормозлари бўш экан.* ■ *Қамишни бўш ушласанг, қўлингни қияди.. [деди Аллонбий].* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Сендан баттар қилиб мени боғлаган. Бўш бўлганда сўрар эдим ҳолингни.* «Ширин билан Шакар».

**Бўш қўймоқ (ёки тутмоқ)** Эркинлик бериб, ўз ҳолига қўйиб қўймоқ. *Сени ҳозир бўш қўяман, лекин товуш қилмайсан.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Пул асов қушига ўхшайди, сал бўш тутдингми, қўлингдан учади-кети.* Ойбек, Танланган асарлар. *У отининг бошини бўш қўйиб, иккала қўлини оғзига карнай қилиб бақирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**5** кўчма Гапни, ишни эплай олмайдиган; қаттиққўллик, талабчанлик қила олмайдиган; ўз ҳақ-ҳуққини талаб қила олмайдиган, бўшанг, ландавур. *Бўш раҳбар.* ■ *-Бўшсиз, лақмасиз! — оғзини кўпиртирди Мастура.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Сен бўшсан, латтасан, урғочисан! Пул санашдан бошқасига ярамайсан.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**Бўш қарамоқ** Қаттиққўллик, талабчанлик кўрсатмай иш тутмоқ. *Унинг бир қисми гўзаси сувдан қолиб, қатқалоқ босган экан, юзига солиб: -Ўзингиз хўб пишиқ деҳқонсизку, одамларга бўш қарабсиз-да.. — деб ёмон изза қилди.* Х. Назир, Маёқ сари.

**6** Пухта, билимдон, омилкор бўлмаган; заиф. *Математикадан жуда бўшман. Араббой ўқишда жуда бўш.* ■ *У ўқишда жуда бўш, аммо ғирромлик ва шумликка абжир.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Роҳат хола айвонда сабзи артиб, келинини койирди: -Бўшсиз, болам, бўшсиз!* «Гулдаста».

**7** Етарли асосга эга бўлмаган; пуч, хом. *Бўш хаёллар.* ■ *Энди унинг хаёлида ҳамма нарса бўш ва маъносиз эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сан бўш хаёл қилма, Ман ҳеч бир вақт сандан ажралмам.* Ҳамза.

**Бўш(га) кетмоқ** Бекор кетмоқ, зое бўлмоқ. *Шунча ҳаракат бўш(га) кетди.* **Бўш(га) чиқмоқ** Асоссиз, пуч бўлиб чиқмоқ. *Ҳасаналининг шубҳаси бўшга чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бахтга қарши, бу умид ҳам бўш чиқди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Таги бўш** 1) етарли асосга эга эмас; асоссиз. *Таги бўш гап;* 2) етарли таянчиги бўлмаган. *Сизнинг тагингиз бўш, тарафингизни оладиган одам бўлмайди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**Бўш келмоқ** Ютқизмоқ, енгилмоқ, ён бермоқ (баҳс, кураш, жанг ва ш. к. да). *Курашда қайтади деб уйлайсанми, ахир биз ҳали бўш келадиган йеитлардан эмасмиз.* М. Қориев, Ойдин кечалар. *Лекин энди Тўрткўз ҳам бўш келмади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. *Одатда офтоб билан ошно киши унча-мунча касалликларга бўш келмайди.* Газетадан. **Жони бўш** 1) тез нобуд бўладиган. *Жони бўш махлук. Жони бўш ўсимлик.* ■ *Буку мол, териси қалин; жони бўш қўй, эчкиларимиз ҳам чўп тишлаб, тупроқ ялаб, қишини ҳавода ўтказишди.* «Муштум»; 2) *кўчма* ҳеч нарсага бардош бера олмайдиган, қийинчиликдан қўрқадиган; жони ширин. *Бу орада Викторга ўхшаган жони бўшлар эса қуён бўлишди.* Ш. Ғуломов, Чўл белида. **Кўнгли бўш** Кўнгличан, мулоим, раҳмдил. *Хотин кишининг кўнгли бўш бўлади, ичида сир ётмайди, деб қўрққан эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *У анча ишонувчан, итоатгўй, кўнгли бўш қизга ўхшайди.* «Ёшлик». **Оғзи (ёки тили) бўш** 1) оғзига кучи етмайдиган; сир сақлаёлмайдиган. *Унинг оғзи бўш, сир айтиб бўлмайди унга;* 2) гапини

эплаб гапира олмайдиган, гапиришга кўрқадиган. [Абдухолик:] Катталарнинг кўзи менинг чумчуқдай ўғлимга, яна бир қанча оғзи бўш камбағалларга тикилибди. Ойбек, Танланган асарлар.

**БЎШАЛМОҚ** с. т. айн. **бўшамоқ** I—II. Уй бўшалди. Жой бўшалди. ■ Йўлнинг бўшалишини кутиб турган миршаб даҳбоишиси зеркиб, жаллодларга қараб: —Бошланг! — деди. С. Айний, Куллар. Бир маҳал кўзини очса, тарғил ҳўкиз бўшалиб кетибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**БЎШАМОҚ** I 1 Банд этиб ёки ишғол қилиб турган кимсадан, нарсадан ҳоли бўлмоқ. Зал бўшади. Йўл бўшади. Уй бўшади. Иноқ оилада бешик бўшамас. Мақол. ■ Сабзавот, полиз экинларидан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдашга киришилади. Газетадан. Ҳафиза бўшаган бир стулга бориб ўтириб, сумкасидаги конспектни ўқишга тунтиди. Мирмуҳсин, Умид. Ёдгор ён-верига аланглаб, зал бўшаб қолганини кўрди-да, дарров ўрнидан турди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

2 Ишдан, амалдан, мансабдан қутулмоқ, озод бўлмоқ. У раисликдан бўшади. ■ —То «босди-босди» бўлгунча, ишдан бўшаб турасизми-ё? — деб сўради. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Ўрозмат бу ерлардан бўшаб, бошқа ишга ўтиб кетди. Газетадан. Қизлархон охири эр амрига кўниб, вазифасидан бўшади. «Муштум».

3 Қутулиб чиқмоқ, қутулмоқ; холи, эркин бўлмоқ. Турмадан бўшамоқ. Бировнинг қўлидан бўшамоқ. ■ Фуломжон онасининг иссиқ қучоғидан бўшаб, секин ўрнидан турди. М. Исмоилий, Фаргона т. о. Ҳомиладан бўшаган она организми 3-4 йил дам олиши керак. «Саодат». Зухра мактабдан бўшади дегунча далага чопади. С. Зуннунова, Олов. Қишлоқ аҳли қиш оиларида ишдан бир оз бўшаб қолишади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

4 Ечилиб кетмоқ. Ит бўшаб кетибди.

**БЎШАМОҚ** II 1 Бўш, юмшоқ бўлиб қолмоқ. Ер намиқиб, бўшаб қолибди. ■ Қаторда нордай кавшайсан, Баҳорда қордай бўшайсан. «Нурали».

2 Таранглигини ёки мустаҳкамлигини йўқотмоқ, солқаланиб қолмоқ, бўшашмоқ. Отнинг айли бўшаб қолибди. Винт бўшаб қолибди. ■ Оғи кенг иштонининг бўшаб кетган боғичини шоша-пиша қайтадан боғ-

лашга уринди. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси. Докаси бўшаб кетган, қайта боғлаш керак. Ойбек, Танланган асарлар.

**Кўнгли бўшамоқ** Кувонмоқ, яйрамоқ; ўзини енгил ҳис қилмоқ. Сен десам, кўнглим бўшаб, Баданларим қордай яшнаб. «Нурали».

**БЎШАНГ** Гапни, ишни эплай олмайдиган, бўш, лаванг, лапашанг. Анвар ёшлигида бўшанггина бир бола эди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Болалар уни бўшанг деб билиб, баравар тортишишдан тап тортишмасди. «Ёшлик». Шунчалик ҳам бўшанг бўладими одам, лоақал ўғли тенги болани тартибга чақириб қўёлмас! «Ёшлик».

**БЎШАНГЛИК** Қаттиққўл бўла олмаслик; юмшоқ кўнгилик; лапашанглик, ожизлик. Биз бўшанглик қилсак, бошқа жамоалар ҳам қуролланади. Унда ҳолимизга вой! Ҳ. Фулом, Машғал. Тақсир, қаттиқроқ қамчиланг, бўшангликнинг вақти эмас, орқандан қувишгаётганлигини кўрмайсизми? А. Ҳақимов, Илон изидан. Ироданинг уятчанлиги бўшанглик ёки ношудликка эмас, ишга ва адабга асосланган эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**БЎШАНМОҚ** I Бўшамоқ I 3 фл. ўзл. н.

2 Кўзи ёримоқ, туғмоқ. Янги бўшанган аёлларнинг то соғайиб, қувватга кириб кетгунча бўлган даври халқ ўртасида «чилла даври» деб юртилади. С. Исмоилова, Кўкрак касалликлари. Қайнонасини ўжарлиги туфайли Санобархон уйда бўшанди. С. Ҳамидов, Чақалоқ нега нобуд бўлди? Янги бўшанган совлиқ кўзисини яларди. С. Аҳмад, Юлдуз.

3 Ҳожатхонага бормоқ. Уч кун уни [Мансурни] ҳожатхонага йўлатмай, бўшанишини пойладик. Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

**БЎШАНҚИРАМОҚ** Бир оз бўшашмоқ, мулойимлашмоқ, юмшамоқ. Кекса милиционер ҳужжатларни чироққа тутиб, қайта-қайта кўздан ўтказди-да, бўшанқираб, йўлдошига берди. Ойбек, Куёш қораймас.

**БЎШАТМОҚ** I 1 Бўшамоқ I фл. орт. н. Йўлни бўшатмоқ. Уини бўшатмоқ. Вагонларни бўшатмоқ. ■ Нурали Фаротнинг айил-пуштанини бўшатиб, қашлаб, супуриб, бўлакдан эгарлади. «Нурали». Минг бало билан Қутидор қўлини бўшатиб, гал Отабекка келди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Милтиқ** (ёки тўп, ўқ) бўшатмоқ Ўқ узмоқ. Майна унинг ўнг қўлига устма-уст икки

ўқ бўшатди. Ш. Тошматов, Эрк куши. Катта тўлни гумбурлатиб, Ҳар тарафга тўп бўшатди. «Нурали». Намойишга йўлда лашкар Неча тўпларни бўшатди. «Баҳром ва Гуландом». Аямай, баччағар милтиқ бўшатди. «Ойсулув».

**Кўнгилни (ёки юракни, дилни) бўшатмоқ** Кўнгилдаги дардни айтиб енгиллашмоқ, губорини тарқатмоқ. Юрагини бўшатди охир, Дардларини юмшати охир. Ҳ. Олимжон. Ким биландир роса уришиб, кўнгилни бўшатгиси келар, лекин бунга баҳона тополмас.. эди. М. Мансуров, Ёмби.

**2** Ишдан, вазифасидан озод қилмоқ; руҳсат бермоқ. Ишдан бўшатмоқ. Лавозимидан бўшатмоқ. ■ Орадан уч-тўрт кун ўтиб, мени ишдан бўшатиб юборди. С. Аҳмад, Уфқ.

**БЎШАТМОҚ II Бўшамоқ II** фл. орт. н. Қатқалоқларни бўшатмоқ. Винтни бўшатмоқ. Чолғу торини бўшатмоқ. ■ Котиб бир қўли билан, томоғини қисиб турган бўйинбоғини тортиб, бўшатиброқ қўйди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БЎШАШМОҚ I Бўшамоқ I** фл. бирг. н. Кўзда болалар дала ишларидан бўшашса, мактабни очиб юбориш ниятида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**БЎШАШМОҚ II I** Юмшоқ бўлиб қолмоқ, юмшармоқ. Ер этилиб, анча бўшашиб қолибди.

**2** Таранглигини ёки мустаҳкамлигини йўқотмоқ, солқиланиб қолмоқ. Стулларнинг оёқлари бўшашиб қолибди. Тормоз бўшашиб қолибди. Тишларим бўшашибди. ■ Кўзойнак ошиқ-мошиғи кўпинча бўшашиб қолади, шунда унинг болтини маҳкам бураб қўйинг. Газетадан.

**3** Кучи кесилиб, пасаймоқ, қайтмоқ. Шамол бўшашиди. Совуқ бўшашиди. ■ Иссиқ бирмунча бўшашгандек туюлса ҳам, димлик заптида эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Муқаддам кучли эди. Узоқ олишиди. Кейин бирдан бўшашиди-ю, жимиб қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**4** Мадори қуримоқ, жисмонан заифлашмоқ; шалпаймоқ. Адолат бўшашиди. Индамай, ҳолсизлик билан стулга ўтирди. С. Зуннунова, Олов. Тамом бўшашиб, дармони қуриганча, деворга суяниб қолди. «Ёшлик». Оёқларим бўшашиб, титраб кетдим. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

**Бўғини бўшашмоқ қ. бўғин I.**

**5** кўчма Ҳовуридан тушмоқ, гапидан, ниятидан қайтмоқ, бўш кела бошламоқ; ҳафсаласи пир бўлмоқ. Офтоб ойим эрининг кейинги сўзи билан анчагина бўшашиди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Зумрад аввалига енгил қаршилик қилган бўлди, сўнг бегона эркакнинг оғуши ҳам иссиқ бўлишини сезиб.. бўшашиди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Таманнонинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, бўшашиди. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

**6** Бўш қўйилганлиги натижасида сусайиб кетмоқ. Интизом бўшашимасин. Иш бўшашимасин. Талабчанлик бўшашимасин. ■ Ишларни бўшаштириб юборибсиз. Э. Самандаров, Дарёсини йўқотган соҳил.

**БЎШАШТИРМОҚ Бўшашмоқ II** фл. орт. н. Иссиқ одамни бўшаштириб юборди. ■ Сал тизгинини бўшаштирсанг, бўйнингга миниб олишади. Шухрат, Шинелли йиллар. Ҳодижулнинг бақирган овози Равшаннинг азёйи баданини бўшаштириб юборди. С. Кароматов, Бир томчи қон. Баҳор нафаси ҳамма ёқни юмшатиб, алланечук бўшаштириб қўйган. П. Қодиров, Уч илдиш.

**БЎШ-БАЁВ** Ишни, гапни эплай олмай-диган, лапашанг, гўл. Каримжон бўш-баёв бўлгани учун «аммамнинг бузоғи» деган лақаб олган эди. М. Осим, Тилсиз гувоҳ. Нусратбекнинг бу қадар бўш-баёв, содда, нота-воллиги унинг жаҳлини чиқариб юборган эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**БЎШЛИК I** Ичида ҳеч нарса йўқлик. Идишининг бўшлиги. Уйни бўшлигида ремонт қилиб олайлик. ■ Аҳмад на севинч, на қайғу сезади, юрагида аллақандай бўшлик ҳукмрон эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**БЎШЛИК II** Пишиқ-пухта, мустаҳкам эмаслик; юмшоқлик; лапашанглик. Ип бўшлигидан салга узилиб кетяпти. ■ Ҳой, мен бу гапни сизга ишониб айтяпман-а! Яна оғзингиз бўшлик қилиб, бирон ерда гуллаб қўйманг. Н. Сафаров, Оловли излар.

**БЎШЛИҚ I** Маълум чегаралар билан ўралган бўш жой; ҳавол жой. Қорин бўшлиғи (анат.). Цилиндр ичидаги бўшлиқ. ■ Оқибатда оқсил моддалар қорин бўшлиғига сизиб туша бошлайди. Газетадан. Оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиқларга учрамай ҳосил бўладиган, таркиби овоздан иборат товушлар унли товуш деб аталади. «Ўзбек тили дарслиғи».

**2** Чексиз олам, фазо, осмон; чеки йўқ бўш жой. Олимлар яқин вақтларга қадар

космик бўшлиқни ўрганишни фақат орзу қила олар эдилар. ■ Зумрад кўзларини қоронғи бўшлиққа тикканича қимирламай ўтирарди. С. Зуннунова, Гулхан. *Хувиллаб изғиётган тоғ шамоли чўққиларни ялаб ўтиб, бепоеън бўшлиққа сингиб кетарди.* С. Кароматов, Олтин кум.

**3** Бўш ётган ер, жой. *Шундан кейин бир бўшлиқ ер билан қўрғоннинг жанубига қараб кетиладир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Айниқса, булар биринчи қадам қўйган йиллари бу ерлар хувиллаб ётган бўшлиқ — саҳро эди.* А. Мухтор, Асарлар.

**4** физ. Ҳавосиз жой, вакуум. *Торичелли бўшлиғи. Цилиндр ҳавосини тортиб олиб, бўшлиқ ҳосил қилмоқ.*

**БЎШОҚ** Бўш қўйилган, боғланмаган, арқонланмаган.

**Қўшоқнинг орқасида (ёки ичида) бўшоқ қ. қўшоқ.** *Бор! Бор! Ишимизга қўшилмаган — расмга ҳам қўшилма! Қўшоқнинг ичида бўшоқ нима қилади.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

**БЎШТОБ 1** Унчалик пишиқ-пухта бўлмаган, бўшроқ, жонсизроқ. *Совуқ баданидан ўтиб, тану жонини чақади, бўштороғи учраса, шамдек қотиради.* К. Яшин, Ҳамза. *Елкасидан тўнтариб боғини, Кўрагидан бўштор қилиб бойладим.* «Юсуф ва Аҳмад».

**2** кўчма Ишни унча яхши уддалай олмайдиган, бўшангроқ. *Бўштор бригадир. Бўштор раҳбар.*

**БЎШТОБЛИК** Пишиқ-пухта, қаттиққўл бўлмаслик. *Баъзи бир раисларнинг, айниқса, Умар аканинг бўшторблигидан нолир эдим.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**БЎЯГИЧЛАР** ким. Ҳар хил материалларни турли рангга бўяш учун синтез усулида олинадиган органик моддалар; бўёқлар.

**БЎЯМА 1** Бўялган, ранг берилган. *Бўяма тери.*

**2** кўчма Сохта, қалбаки. *Бўяма гап.*

**БЎЯМАЧИ** Ҳақиқатни бўяб ёки тескари қилиб кўрсатувчи, алдовчи, кўзбўямачи, алдоқчи.

**БЎЯМАЧИЛИК** Ҳақиқатни бўяб ёки тескари қилиб кўрсатишлик, кўзбўямачилик.

**БЎЯМОҚ 1** Ранг бермоқ, бўёқ суртиб безамоқ. *Хонанинг шифти ва деворлари кўҳсиз, лекин ялтироқ бўёқлар билан бўялган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Сочи эркакча қирқилган.. лабини шундоғам бўя-*

*ганки, худди помидор тишлаб келаётганга ўхшайди.* С. Аҳмад, Сайланма.

**2** Бирор нарса билан қошлаб, тусини ўзгартирмоқ, бошқа тусга киритмоқ. *Чанг бутун маҳаллани: томларни ҳам, деворларни ҳам, сувсизликда қақраб қолган яккам-дуккам дарахтларни ҳам бир хилдаги жонсиз, оқши рангга бўярди.* А. Мухтор. *Опа-сингиллар.*

**3** Беламоқ, булғамоқ, ботирмоқ. *Пўлат ота, кўкраги қип-қизил қонга бўялиб, гурс этиб йиқилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ўтларини бўямас табаррук қонга, Тупроқни муқаддас рангга бўямас.* Х. Даврон, Қақнус.

**4** кўчма Бузиб, ўзгартириб ёки ёмон томонларини яшириб, яхши томондан кўрсатмоқ; пардоз бермоқ. *Ҳақиқатни бўямоқ.*

■ *Гофир бўлса, барча сўзларим Муроталига маъқул бўлаётир, деб кўнглидан ўтказдида, Ойқиз билан бўлган суҳбатини анчагина бўяб кўрсатди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Кўлаб айтдинг сўзингни, Лекин бўяб айтмадинг.* «Шарқ юлдузи».

**Кўз бўямоқ қ. кўз.**

**БЎЯШМОҚ 1** Бўямоқ фл. бирг. н. Улар уйларини бўяшибди.

**2** Бўяш ишига қарашмоқ, бўяшга ёрдамлашмоқ. *Акамга эшикни бўяйдим.*

**БЎҚОҚ** с. т. Буқоқ. *..пакана, оппоқ соқоллари тагидан қип-қизил бўқоғи билиниб турган чол эди.* Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. *Ҳикоя битга, заҳарханда билан Самад бўқоққа қаради, дами кесилаёзган бўқоқ бундан руҳланди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**БЎҚЧА** с. т. айн. бўҳча. *Шоҳим бир-икки қават эски қўйлак-иштондан бошқа нарсаси бўлмаган бўқчани устига керосин тўкиб ёндирмоқчи бўлди.* С. Айний, Қуллар.

**БЎҒДИРМА** Яширин, ўғри чўнтак. *Пешматнинг сиртида учта, ичкарисидега икки ва яна катта чўнтақлар ичида танга солади-ган чўнтақлари бўлиб, бўғдирмаларини қўшганда, ҳаммаси бўлиб саккиз чўнтаги бор эди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**БЎҒЖОМА 1** Кийим-кечак, кийимлик газламалар, эски-тускилар тугиб қўйиладиган катта мато; чойшаб. *Беруний ўзига керакли буюмларни бўғжомага жойлаб, тонгсаҳарда карвон билан йўлга чиқди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**2** Шундай матога тугилган бўҳча, тугун. *Олқишдан сўнг Бўриевага икки бўғжома сар-*



по келтириб берадилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Бобораҳим бўғжомасини олиб, эшик олдига келганда, онаси фарёд кўтариб, уни бағрига босди. М. Осим, Карвон йўлларига.

**БЎҒИЗ** (3-ш. бирл. **бўғзи** ва **бўғизи**) **1** анат. Томоқнинг қизилўнғач ва кекирдак бошланадиган ери; томоқ. *Одам оғзидан, мол бўғзидан осилар.* Мақол. ■ *Ҳазратқул кўзичоқнинг бўғзига пичоқ тортди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Қитиғига тегсанг, бўғзинга устара тортишдан тоймайди баттол.* С. Сиёев, Еруелик.

**Жони бўғзига келди қ. жон.**

**2** кўчма Жон, ҳаёт-мамот рамзи. *Мусулмонқулнинг омонсиз қиличи оғайнимнинг бўғзида эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Қумғон, офтоба ва ш. к. идишларнинг қорнидан юқорисидаги тор, найсимон қисми. *Шишанинг бўғзи. Обдастанинг бўғзи. Бўғзи тор идиш.* ■ *-Қайси биридан бўлсин? — деди шишаларнинг бўғзидан ушлаб туриб.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**4** Ўсимлик танасининг илдизга туташган жойи. *Бундан мақсад: кўчатнинг бўғзидаги тупроқ чўкиб, ҳаво киритмайди, илдизи яхши ривожланади.* Газетадан.

**Гапи, сўзи бўғзига тикилмоқ ёки бўғзида қолмоқ** Муайян шароит, руҳий ҳолат таъсирида ўз фикрини айта олмай қолмоқ, гапиролмай қолмоқ. *Индамади-ю, айтадиган гапи бўғзига тиқилиб қолгандай бўлди.* А. Мухтор, Асарлар. *Шу сўз бўғзига тиқилди. Айтай деди, айтолмади.* «Ёшлик». *Шу пайт эшик зарб билан тақиллаб қолди. Муҳаббат чўчиб тушди. Сафаралининг гапи бўғзида қолди.* Н. Фозилов, Дийдор.

**БЎҒИЗЛАМОҚ 1** Бўғзига пичоқ солмоқ, сўймоқ. *Юмалатсам, жони йўқ, Бўғизласам, қони йўқ (хамир).* ■ *Севинчнинг зўридан битта қўйни бўғизлади.* «Ёшлик». *Чолим, Кимсан келса, оёғига сўймоқчи бўлиб юрган кўчқорини бўғизлади.* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**2** Бўғзидан тишлаб, ғажиб ўлдирмоқ. *Бу ўша бўри.. итларни ғафлатда қолдириб.. тўрт қўйни бўғизлаб, бирини олиб қочган ҳам шу!* «Ёшлик».

**3** кўчма Қийнаб ўлдирмоқ, маҳв этмоқ. *Ўша бола кеча яна йўлимни тўсиб: —Эртага охирги муҳлат, жавоб қил, йўқ десанг, бўғизлаб кетаман! — деяпти. Ёнида катта пичоғи бор.* И. Раҳим, Ихлос. *Сидқийни елкасидан уш-*

*лаб, қулатиб бўғизлашга тайёр эдилар.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

**БЎҒИЗЛАНМОҚ** **Бўғизламоқ 1, 3** фл. мажҳ. н. *Кўплар куйдирилди, кўплар бўғизланди. Кўп тик бошлар кундага қўйилди.* А. Нурмуродов, Уруш бевалари.

**БЎҒИЛМОҚ** **Бўғмоқ** фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Дарё бўғилди. Сув бўғилди. Иштаҳаси бўғилди.* ■ *Шу бедовнинг шаштидан Дарбанд дарё бўғилди.* «Ойсулув». *Искандар боя бўғилиб бўлган экан, ош емади, ош уни еди ҳисоб.* М. Мансуров, Ёмби. *Нафаси бўғилган Шарофат юзини ёстиқдан олиб, осмонга қараб ётди.* «Ёшлик».

**БЎҒИЛТИРМОҚ** **Бўғилмоқ** фл. орт. н. **Дастрўмолни роса бўғилтириб юборибсиз** *Дастрўмолни очилмайдиган, тоза бўлмайдиган даражада кир қилибсиз.*

**БЎҒИМ** с. т. **Бўғин.** *Умуман бод, бўғим касалликлари турлари бир неча ўн кўринишга эга.* «Фан ва турмуш». *Бўғим-бўғим бармоқлар хиноларни қўмсаган.* «Шарқ юлдузи».

**БЎҒИМОЁҚЛИЛАР, бўғиноёқлилар** зоол. Танаси ва оёқлари турли хил бўғинлардан тузилган умуртқасиз ҳайвонлар типиди. *Бироқ авлодни сақлаш учун қайғуриш ҳисси бўғим-оёқли жониворларда айниқса кучли.* «Фан ва турмуш». *Бўғиноёқлилар типига қисқичбақасимонлар, зўломчаксимонлар, ҳашаротлар кирди.* «Зоология».

**БЎҒИМДУМЛАР, бўғиндумлар** зоол. Калтакесақларнинг Африка жанубида тарқалган бир оиласи. *Бўғимдумлар тоғларда, серқоя қалтис ерларда юради.* «ЎЗМЭ».

**БЎҒИН 1** анат. Гавда суяқларининг тоғайлар, пайлар билан бириккан жойлари. *Бармоқ бўғинлари.* ■ *Қўл суяқлари бири-бирига бириккан ҳаракатчан бирикмалар ҳосил қилади, бу бирикмалар бўғинлар дейилади.* «Зоология». *Бўғинлари ғадири-будур бўлиб кетган бармоқлари билан оғзининг икки четини артди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**2** Бир турдаги қисмлардан ташкил топган суяқнинг ҳар бир қисми; сегмент. *Умуртқа бўғинлари. Бўғинларим оғрияпти.* ■ *Пайғамов бармоқларини бир-биридан ўтказиб букканда, бўғинлари қирсиллади.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Мафосилга гирифтор бўлган кимсадек, етмиш икки бўғини зирқираб оғриди.* С. Сиёев, Аваз.

**Бўғини бўшашимоқ** (ёки қалтирамоқ) 1) оёқ-қўли бўшашиб кетмоқ (қўрқув, ҳаяжон ва ш. к. дан). *Жуман қабулхонага чиқиб, қўлидаги қоғозга қараган эди, бўғинлари бўшашиб, тиззаси қалтираб кетди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Бирданига бўғини қалтираб, қўрқиб қолган-да.* «Баҳром ва Гуландом»; 2) мамнун, шод, осойишта бўлмоқ. *Топарманми, ёрим, сени? Бўғинларим тол-тол бўшаб.* «Ширин билан Шакар». *Сени кўриб, болам, бўғиним бўшади, Сенинг кўнглинг дарёдаин тошади.* «Ойсулув».

3 Танаси бир турдаги қисмлардан, сегментлардан тузилган жониворлар ёки ўсимликларнинг ҳар бир қисми. *Чувалчанг бўғинлари. Қамиш бўғинлари.*

4 кўчма Узвий равишда боғланган воқеа-ҳодиса, жараён ёки ташкилот ва ш. к. нинг ҳар бир ҳалқаси, босқичи, поғонаси. *Тўғри, қоғозбозлик камайди. Лекин ходимлар қуйи бўғинларни безовта қилишининг бошқа усулларидан фойдаланмоқдалар.* Газетадан. *Ошкоралик, демократия ҳам интизомнинг бўғинига айланади.* Газетадан.

5 кўчма. Авлод, насл. *Ёш бўғин.* ■ *Шу илдиждан ўсиб чиқар келажак бўғин.* Ғ. Ғуллом, Шеърлар. [Ҳожар:] *Мен қандай қилай! Етти бўғинимизда қулоғим бундай сатанг номини эшитгани йўқ эди.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Энг аъло сифатли — биринчи ёки иккинчи бўғин дурагайлар ўз ўзидан кўпайтирилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

6 тлш. Сўзнинг бир нафас билан айтиладиган, бир ёки бир неча товушдан иборат бўлаги. «Тош» сўзи бир бўғиндан, «болта» сўзи эса икки бўғиндан иборат.

**БЎҒИН-БЎҒИН 1** Айрим бўғинлардан, сегментлардан тузилган. *Бўғин-бўғин чувалчанг. Бўғин-бўғин ғаров қамиш.*

2 Барча бўғинлар; фақат бўғиннинг ўзи. *Қўсақлари тупнинг бўғин-бўғинида қўбба-қўбба бўлиб пайдо бўлар экан.* «Шарқ юлдузи». *Томирида тўнди гуё қайноқ қон, Тамоман бўшашиди бўғин-бўғини.* О. Ҳакимов, Достонлар.

**БЎҒИНЛИ 1** Бўғини бор, бир қанча бўғинлардан иборат. *-Агар биз, — деди бригадир Бекбой.. бўғинсиз ва.. бўғинли пояларни олиб, — донни уч кун илгари сочиб улгурганимизда, ажойиб иш қилган бўлар эканмиз-да.* Н. Сафаров, Дон.

2 тлш. Маълум миқдордаги бўғиндан тузилган. *Бир бўғинли сўз. Тўрт бўғинли сўз. Кўп бўғинли сўз.*

**БЎҒИРСОҚ** Сут, тухум, ёғ солинган хамирдан юмалоқлаб, ёғда пиширилган овқат. *Ўзбек ойим бўғирсоқ қовуртириш, толқон туйдириш, тўқоч ёндириш билан машғул эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**БЎҒИШ** Бўғмоқ фл. ҳар. н. *Сувни бўғиш. Томоқни бўғиш.*

**Ёқа бўғиш** Ёқалашиш, муштлашиш. *Мирзакаримбой билан пул юзасидан хириллашишни, ёқа бўғишни ўзига ор билди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**БЎҒИШМА** Олишиш, ёқалашиш. *Оқолларда, блиндажларда қизғин, омонсиз, ҳаддан ташқари қонли ва даҳшатли бўғишмалар қайнайди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**БЎҒИШМОҚ 1** Бўғмоқ фл. бирг. н. *Сувни бўғишибди.* ■ *Отхонага олиб тушиб бўғишибди.* «Гулхан».

2 кўчма Ёқа олишмоқ, уришмоқ, ёқалашмоқ. *-Ўртада чўкиб қолган танк учун бирпас қизғин бўғишдик, — деди Пахомов.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**БЎҒИҚ 1** Бўғилиб, хириллаб қолган, хирилдоқ, аниқ-тиниқ эмас, ноаниқ (овоз ҳақида). *-Ёқмайди! — деди Анзират аламноқ, бўғиқ овозда.* Н. Қиличев, Қуюн. *-Ўзи нима дейди, сўрадингми? — Абдусамад амакининг овози бўғиқ чиқди.* М. Мансуров, Ёмби. *Яна боядек бўғиқ кулги овози эшитилди.* С. Кароматов, Олтин қум.

2 Бўғов солиб тўсилган, бирор нарса билан бўғилган. *Кейин, бир вақт ҳушимга келдим. Оғзим бўғиқ. Қалин нарсага ўралганман.* Ойбек, Танланган асарлар.

3 Бўғиб, буриб, сиқиб қўйилган; тор. *Ёқаси бўғиқ кўйлак.* ■ *Катак кўйлаги, почаси бўғиқ кўк сатин шалвари озода ва ўзига ярашган.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

4 Ҳавоси нам ва бузуқ, эркин нафас олиб бўлмайдиган. *Давраларнинг бўғиқ ҳавосини жирқанмай шимирадилар.* Ғ. Ғуллом, Ёдгор. *Биз оздан кейин Амударё томондан эсган салқин шабада бўғиқ ҳавони тарқатиб юборади.* Ж. Шарипов, Хоразм.

5 кўчма Эркин яшаб, ишлаб бўлмайдиган; сиқик, зик, танг. *Хўжайин айтганча, «узилмаган гул» бўлмаса ҳам, руҳи, қалби бу чиркин бўғиқ муҳитда сўнмаган, тўзмаган кўринади.* Ойбек, Танланган асарлар.

6 Унча очик бўлмаган, хира (ранг, тус ҳақида). *Бўғиқ ранг. Ранги бўғиқ чит.*

**БЎҒМА I** Бўғиб қўйиладиган ёки бўғиб, буриб қўйилган, бурмали. *Бўма ёқа кўйлак.* ■ *Ҳатамова.. новча кишининг почаси бўма шимини кўриб иккиланди, шекилли, нима дейишини билмай қолди. А. Қаҳҳор, Картина. Ҳаял ўтмай, остонада қош-кўзларини ҳафсала билан бўяган, олақарга крепдешиндан калта энгли бўма кўйлак кийган Қирмизхон кўринди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

**Бўма илон** Ўлжасини танаси билан ўраб, сиқиб, бўғиб ўлдириш хусусиятига эга, турли катталикдаги илонлар оиласи. *Бўма илон ваҳшат билан бир тўлғанди-да, настга арғимчоқдек осилиб, вишиллади. «Муштум».*

**БЎҒМА II тиб.** Томоқнинг яллиғланиши ва нафас йўлининг торайиши натижасида нафас олишнинг қийинлашуви, хириллаб йўталиш билан кечадиган юқумли касаллик. *Дифтерия бўғмасида дифтерияга қарши зардоб эмланади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. Полиомиелит, бўма ва шилпик қабилар касаллик сифатида тугатилди. Газетадан.*

**БЎҒМОҚ 1** Қаттиқ қисмоқ. *Томоғидан бўғмоқ. Галстук бўғиб юборяпти.* ■ *Сафаров югуриб бориб, уни бўғаетган йўгон кишининг елкасига бир тепди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Ойшабону, эрини биров бўғиб ўлдираётгандек, дод сола бошлади. Ҳ. Фулом, Машъал. Пиёз ўташ – хотинларнинг иши.. Нима бўпти! Ариққа ўтириб оласиз-у, пуштадаги пиёзни бўғиб қўйган ўтти юлиб ташлайверасиз. Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.*

2 Нафас олишни қийинлаштирмоқ, дамини қайтармоқ. *Совуқ жонларингни оладими? Тутун бўғади-ку, эшикни очинглар! Ойбек, Танланган асарлар. Утнинг ҳарорати Эргашевнинг юзини қиздириб, бурқиб чиқаетган тутун эса нафасини бўғар эди. Н. Сафаров. Нафасни бўғадиган, кўзларни кўр қиладиган чанг-тўзон булутни ҳавони тутди. Ойбек, Навоий.*

**Овозни (ёки гапни) бўғмоқ 1)** товуш пайчаларини зарарлантириб, овозни чиқармайдиган ёки хирилдоқ қилиб қўймоқ. *Йўтал овозимни бўғиб қўйди;* 2) кўчма сўз эркинлигидан маҳрум қилиб, гапиртирмай қўймоқ. *Нега бировнинг гапини бўғасиз? Балки ўша қиз Мирзавевни яхши кўрар? Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. Қачонгача овозимни*

*бўғадилар, тирикман – тинчимайман, тинчимайман. Ойбек, Танланган асарлар.*

3 Қаттиқ сиқиб, чандиб ёки бураб боғламоқ. *Қопнинг оғзини бўғмоқ.* ■ *–Ўлжаларимиз ҳам кўпайиб қолди, – деди қопнинг оғзини бўғиб. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

4 Ғов, бўғов солиб тўсмоқ. *Дарёни бўғмоқ. Кўчани бўғмоқ.* ■ *Тўғон тахтасини настга босиб, сувни бўғмоқчи бўлганида, тўғонга қулф солинганини кўради. Н. Сафаров, Танланган асарлар. Халқимиз катта-катта каналлар қазиб, дарёларни бўғди. «Муштум».*

5 кўчма Исканжага олиб, танг аҳволга солмоқ ёки ҳалок қилмоқ, маҳв этмоқ. *Мудҳиш ўргимчак уяси, қуллик даврининг машғум соялари, ҳурликни бўғувчи қора юраклар! Н. Сафаров, Танланган асарлар. Бундай пайтларда яшил кўкат қанчалик кўзни қувонтирса, шўрхоқ шунчалик таъбни хира қилар, бамисоли бири ҳаётга талпинса, иккинчиси уни бўғмоқчи бўларди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.*

6 кўчма Тўсқинлик қилиб, ўсишдан, ривожланишдан тўхтатмоқ, барбод қилмоқ. *Ташаббусни бўғмоқ.* ■ *У ўз майл-истагини бўғмайдиган, кўрмак ҳам уddaбурон йигитга турмушга чиқишни ўйлайди. «Ёшлик».*

**Иштаҳани бўғмоқ 1)** иштаҳани кеткизмоқ. *Ҳаёт.. бояғидай қилтомоқ бўлиб ўтирaverди, тўғриси, бу ноёб бахт унинг иштаҳасини бўғиб қўйган эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.; 2) ҳафсаласини ўлдирмақ; бирор ишдан бездирмоқ, совутмоқ. –Иштаҳасини бўғиб қўйиш керак ундай одамларнинг, – деди Элмурод. П. Турсун, Ўқитувчи.*

7 кўчма Ортиқ даражада асабийлаштирмоқ, хуноб қилмоқ, диққатини оширмоқ. *Ўзингни ҳам диққат қилма, мени ҳам бўма.* ■ *Ҳижрон панжалари унинг [Зулфиқорнинг] томоғидан бўға бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапга темирчилик яхши эмас! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

8 Рангини, тусини хиралаштирмоқ; кўринишини бузмоқ. *Паҳса деворлар табиат манзарасини бўғиб турибди.* ■ *У.. ўрта бўйли бир жувон бўлиб, эғнидаги тўқ-қизил кўйлаги, унинг устидан кийиб олган қора жилеткаси, бошидаги яшил рўмоли қорачадан келган юзини бўғиброқ қўйган бўлса ҳам, ўзига хўп ярашган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**9** Оғирлаштирмақ, бузмақ. *Куни билан қуёш таптини еган пахса деворлар ўзидан иссиқлик чиқариб, ҳавони бўғиб қўяди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**БЎҒОВ I** Кишан, банд, исканжа. *Мустамлака бўғовлари. ■ Тупроқ қорасовуқ бўғовида. Унинг касри дов-дарахтагга ўтди. Р. Умаров, Дўрмон боғлари.*

**2** Тўсиқ, ғов. *Сув йўлига бўғов солмоқ.*

**3** кўчма Зулм, асорат. *Сиз шу кунларда юз йиллардан бери чекиб келаётганингиз зулмдан, азоб-уқубатдан ва бўйнингизга солинган қуллик бўғовидан қутулиб, ўз тақдирингизга ўзингиз эга бўласиз. С. Айний, Дохунда.*

**БЎҒОВЛАМОҚ I** Кишанламоқ, занжирбанд қилмоқ. *-Покистон учун мен миллионлар қаторида не-не жафолар чекмадим: қамадилар, бўғовладилар, таёқладилар, — деди Абдулвоҳид. Ойбек, Нур қидириб.*

**2** Бўғов солиб тўсмоқ, бўғмоқ.

**БЎҒОЗ I I** Қорнида боласи бор (хайвонлар ҳақида). *Бўғоз сигир. Бўғоз совлиқ. ■ Бўғоз қуёнларни ҳомиладорлик даврида ўз вақтида сифатли озуқа ва тоза сув бериб парварши қилиш лозим. «Фан ва турмуш».*

**2** с.т. Ҳомиладор. *Туғишига тўрт ой қолган бўғоз хотинлар ҳам ишга чиқмайдилар. А. Қодирий, Обид кетмон. Бир неча бўғоз хотинлар Кулишиб, ўзидан кетди. «Ҳасанхон».*

**БЎҒОЗ II** геогр. Икки сув ҳавзасини туташтирувчи тор сув йўли. *Гибралтар бўғози. ■ Душманни изма-из қувиб бораётган қўшинлар билан Абдулаевнинг взводи ҳам Керчь бўғозига етиб борди. А. Раҳмат, Қаҳрамон сапёр.*

**БЎҒОТ I** Камиш солиб ёпилган томинг девордан ташқарига чиқиб турган қисми. *Пешиндан бери ёғаетган ҳўл қор том бўғотларини, ариқ бўйларини оқартирди. Ҳ. Фулом, Машғал. Қуёшнинг иссиғи нам тупроқдан, ивиган бўғотлардан ҳовур кўтарди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.*

**Бўғот том** Бўғот чиқарилган, бўғоти бор том. *Болахона бўғот томли, тишдан кўримсизгина бўлса ҳам, ичи бежирим — қадимча эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** Сув йўлининг (мас., ариқ ёки ариқчанинг) бўғилган жойи. *Бўғот солмоқ. Бўғотни очиб юбормоқ. Сувдан бурун, бўғот сол. Мақол.*

**БЎҒРА, бўғро** Икки ўрқачли нар туя.

**БЎҒРИҚМОҚ I** Иссиқдан, чарчокдан ёки жаҳдан юзнинг, бўйиннинг қизариб тўлишиши, бўртиши. *Султоновнинг аччиғи юзига тепиб, қизариб бўғриқди. М. Мансуров, Ёмби. Онам нон ёпади бўғриқиб, бўртиб, Дам-бадам куяди қўли енгсақда. Миртемир, Асарлар.*

**2** кўчма Қизғиш рангга кирмоқ, қизармоқ, шафақланмоқ. *Ботмоқдадир қуёш ҳам ахир, ҳансирар-да, бўғриқар осмон. «Гулдаста».*

**БЎҒУВЧИ I** Бўғмоқ фл. сфдш.

**2** Нафас олишни қийинлаштирадиган, нафасни сиқадиған. *Бўғувчи газлар. ■ Беда ораси жуда иссиқ, гуё қуёшнинг бутун олови беда ичига яширингандай, қизғин бўғувчи ҳаво юзга уради. Ойбек, Танланган асарлар.*

**БЎҒҶА** эск. айн. **бўхча**. *Керакли анжомларни икки бўғчага тугиб, бир четга қўйди. С. Сиёев, Аваз. Амадорларнинг ёнида бир бўғча турли-туман чопонлар турарди. С. Айний, Эсдалиқлар.*

**БЎҒҶОН** [а. بهتان — ёлғон, тухмат] Бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида ўйлаб чиқарилган асоссиз даъво; тухмат. *БўғҶон қилмоқ. БўғҶон тарқатмоқ. БўғҶон ёғдирмоқ. ■ Бир-бирларингизга тухмат ва бўғҶон қилманглар. «Ҳадис». Бўлакни англа тўғри, тўғри юр, бўғҶонни касб этма. Ҳабибий.*

**БЎҒҶОНЧИ** БўғҶон қилувчи, бўғҶон тарқатувчи; тухматчи. *БўғҶончилар чиндан ҳам бахтсиз махлуқларки, улар ўз ғалабалари натижасида юзлари бадтарроқ қорайганини сезмайдилар. Ойбек, Нур қидириб.*

# В

**ВА** [а. و] боғл. Тенг ҳуқуқли гап бўлақлари ва гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Шаҳар ва қишлоқ. Қор ва ёмғир. Кеча ва кундуз.* ■ *Уй кичкина, лекин ёруғ ва тоза эди. Ойбек, Танланган асарлар. Баҳри хийла олдинда Рисолат билан бирга борар ва отнинг қадам ташлаши мақомига ашула айтар эди. А. Қаҳҳор, Хогинлар. Кўнгил хазинасининг қулфи тилдир ва ул хазинанинг калити сўздир. Алишер Навоий.*

**ВА** [а – чўзиқ] унд. с. Нарса, кимса, ҳаракат кабиларнинг белгиси меъёрий даражадан пастлигини, мақтайдиган даражада эмаслигини ифодалайди. *Ва-а, бор қилган ишинг шуми?! ■ Баъзилари кўзларини ўйнатиб, “ўхў! ўхў!” деса, баъзилари лабини буриб, “ва-а! ва-а!” дерди. Ҳ. Назир, Бир туپ гўза.*

**ВААЛАЙКУМ** [а. وعلیکم – сизнинг устингизда ҳам] (тўғриси – **ва алайкум**). Саломлашувда саломга жавоб беришнинг қисқарган шакли. *Бой унга қарамасдан, “ва-алайкум” деб ўтиб кетди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**ВАБО** [а. وبا – юқумли касаллик номи; ўлат] **1** Организмнинг сувсизланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик; ўта хавфли ичак касалликларидан бири. *Очлик орқасидан вабо келди. Оч, бир бурда нонга муҳтож, қип-яланғоч бўлиб қолган халқ битталаб, ўнталаб эмас, юзталаб, қишлоқлаб ўла бошлади. С. Айний, Қуллар. Шаҳарни босиб олган мўғуллар ҳам вабодан қирилган эканлар. М. Осим, Карвон йўлларида.*

**2** кўчма Ўз амали, натижаси билан вабога тенг нарсага нисбатан қўлланади, нарсани вабога тенглаб ифодалайди. *Уруш!*

*Инсоният бошига қандай мусибатлар солмади бу лаънати вабо. М. Самадов, Карим партизан. ..XX аср вабоси – СПИД билан касалланганлар пайдо бўлибди. Газетадан.*

**3** кўчма айн. **эпидемия**. *Бухоро ва шофирконликлар ҳикоя қилишади: ..Абу Али ибн Сино одамнинг мадорини кетказиб, ўлимга олиб борадиган ришта вабосига қарши тадбир излашга уринган. Туйғун, Йиллар ва кишилар.*

**VABAF 1** тақл.с. Бедана сайраганида эшитиладиган овозни, унга тақлидни билдиради. *Ҳа, субҳи козибда эмас, субҳи содиқда.. тезотар беданалар на тун демай, на тонг демай, “вавағ, вавағ, питпилиқ, питпилиқ”лаб сайраб турган бир паллада, елкасига халтасини осиб олган тўрт аскар.. етиб келишганди. “Ёшлик”. Кўзлар илғагунча полиз, бедозар, Бедана вавағлар тўрғай кетидан. Миртемир.*

**2** кўчма Бирон жиҳатига (беданага ишқибозлиги ёки бошқа хусусиятига) кўра киши номига кўшиб, лақаб сифатида ишлатилади. *-Қаймоқ бозорга кириб.. юрсам, бир бурчакда икки хурма қатиғини ерга қўйиб маҳалладаги оғайнилардан тегирмончи Абдулла вавағнинг укаси.. Убай ўтирибди, - деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.*

**ВАГОН** [ингл. wag(g)on – арава] Темир йўлларда йўловчилар ва юкларни ташиш учун мўлжалланган, очиқ ёки ёпиқ (уй) шаклдаги гилдиракли махсус қурилма. *Темир йўл вағони. Трамвай вағони. Вагон ўқи. ■ Поезд яқинлашди. Вагонларда тик туриб келаётган солдатлар кўринди. Р. Файзий, Сен етим эмассан. Бир изли трамвай йўлида биргина вагон бекат-бекатда кутиб турарди.*

Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳа, у юк таший-диан вагонда жўнайди.. юкларнинг орасида писиб кетади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВАГОНЕТКА** [фр. wagonnet — кичик вагон] Тор изли темир йўлда ва осма йўлларда юк (баъзан одам) ташиш учун хизмат қиладиган, вагонга ўхшаш кичик қурилма. *Вагонеткалар карьер, шахта, завод, шунингдек, қурилиш майдонларида яқин (одатда 0,5-2 км) масофага юк ташишда ишлатилади.* “Политехника лугати”. Гунгни олиб кетиш ва сизирларга ем-хашак олиб келиш учун ерда юрадиган осма вагонеткалардан фойдаланилади. “Зоология”.

**ВАГОНЕТКАЧИ** Вагонетка билан ишлайдиган, вагонеткани бошқарувчи ишчи. *Йўлдошнинг ўзи авваллари темир-бетон конструкцияларни омборга узатадиган кранда ёрдамчи бўлиб ишлар эди. Ҳозир блокларни печга ташийдиган вагонеткачиларнинг бригадири.* А. Мухтор, Чинор.

**ВАГОНЛАБ** Вагондаги ҳолича, вагон-вагон қилиб. *Вагонлаб сотмоқ.* ■ *Қоракўл тери дейсизми, ипак молми — барини вагонлаб соттирдим.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ВАГОНСОЗЛИК** Машинасозликнинг вагон ишлаб чиқарадиган тармоғи. *Вагонсозлик заводи.*

**ВАГОНЧА 1** Кичкина вагон. *Темир йўлимиз обод ва кўркам, Вагончаларда уйнаб кетамиз.* И. Муслим. *Чекадиган эркаклар учун алоҳида, чекмайдиган леди ва жентльменларга алоҳида вагончалар кўзда тутилган.* Газетадан.

**2** Дала, йўл, қурилиш шароитида яшаш (туриш) учун фойдаланиладиган тўрт гилдиракли кўчма уйча. *Тошқин рўй берган зонадан кўчирилган аҳоли вагончаларга, меҳмонхоналарга жойлаштирилди.* Газетадан. *Чўлқуварлар ҳақидаги очерклар, репортажлар ва лавҳалар чодирларда, вагончаларда ёзилган эди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

**ВАГОНЧИ** эск. **1** Ғалла, пахта сингари молларни бошқа шаҳарларга вагонлаб олиб бориб савдо қилувчи катта савдогар. [Жондор] *Нари борса шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун вагончи деб аталди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вагончи бойнинг ўғли эди.. Ваҳоб.. Биласанми? Ана, пул деган нарса ўшанда!* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**2** Шундай шахснинг исмига қўшиб (лақаб каби) ишлатилган. *— Биз сеникига меҳмон бўлиб келдик. Бу киши дўстим Жондор вагончи, — деди Тантубойвачча.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВАГРАНКА** [р. вагранка — чўян эритиш печи] *тех.* Чўян ва рангли металлар эритиладиган махсус печь. *Қуюв цехи тинмай гумбулар.. оёқ остидаги ер доимо титраб турарди.. олов пурковчи вагранкалардан оқиб келаётган лава ариқчалардан жилдираб келиб, қолипларга қуйиларди.* Мирмуҳсин, Дегрез ўғли.

**ВАГРАНКАЧИ** Вагранкада ишловчи ишчи, мутахассис.

**ВАДАВАНГ** с.т. тақл.с. Жуда авжида (ашула, мусиқа, рақс ва ш. к. ҳақида). [Рус-там:] *Бугун ашулалар вадаванг-ку, Шер ака!* О. Ёқубов, Чин муҳаббат. *Сув бўйида ҳарсиллайди подалар, тўқайларда қушлар базми вадаванг.* Миртемир.

**ВАДАВАНГЛАТМОҚ** с.т. Авжига чиқармоқ, вадаванг қилмоқ (бирор иш, қўшиқ, чолғу ва ш. к. ҳақида). *Бодомхон чирмандасини вадаванглатиб юборди. Шакархон «Яхши бор!» деган қўшиғини бошлади.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *..чайқовчилар бу ёқдан тавбатазарру қилган бўлади-да, у ёқдан яна ўз ишини вадаванглатиб юборади.* Газетадан.

**ВАЖ 1** [a. وجه — юз, чеҳра; томон; сабаб, асос] **1** Бирор нарса, ҳодиса ва ш. к. ни келтириб чиқарувчи асос; сабаб. *Кўктемирни қўшиб чала ўлик қиятни.. дўхтирга юборганинг важини энди билдим, аблаҳ!* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Менга айтгин ийғлаганинг важини, Не сабадан бундай ўқиб ийғлайсан?* «Баҳром ва Гуландом».

**2** Иш-ҳаракат, ҳодиса ва ш. к. ни оқлаш учун кўрсатиладиган, келтириладиган сабаб, асос; баҳона. *Дангасанинг важи кўп, оҳансизнинг — авжи.* Мақол. ■ *Билиб, кўриб туриб.. ўзини оқлашга важ қидиряпти.* С. Нуров, Нарвон. *Йилнинг охирида миллион-миллион ажратилган маблағ фойдаланмай қолиб кетади. Унгаям важ топиб берадилар.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

**Важ қилмоқ** Сабаб қилиб кўрсатмоқ, баҳона қилмоқ. *Чавандоз аллакимлар билан маслаҳатлашиб олишни важ қилиб, справкани пайсалга солди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**3** Бирор нарсага тааллуқли жиҳат, томон. *— Қорин важи унча мақтарли эмас.. — деди*

Шум бола. *Ф. Фулом, Шум бола. Аммо мендан сўрасанг, Марғилондаги на қудамиз ва на келинимизни ҳеч бир важ билан камсита олмайман, балки бизга қуда бўлмоққа энг мувофиқ кишилар эди, балли, ўғлим, дейман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВАЖ II** [a. *وجه* – хизмат ҳақи, бадал] Муайян мақсадга мўлжалланган нарса. *Деҳқон ёки бобдон бозорга олиб келган вазжини кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади.* К. Яшин, Ҳамза.

**ВАЖИДАН** кўм. Бирор нарсага алоқадорликни, сабаб муносабатини билдиради; жиҳатидан, хусусидан; сабаби билан, сабабли. *Хушрўй иккинчи ва учинчи ҳафталарда ўчоқ бошини ўз қўлига олиб, кундошини иккита ёш боласи билан томоқ вазидан ҳам сиқа бошлайди.* А. Қодирий. Ўтган кунлар. *Билмаган одам уни тирикчилик вазидан қийнаиб қолган гумон қилади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. .. нима вазидан ётганингизни биламан-у, чалғитмоқчи бўласиз. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Мен хизмат вазидан ҳар йили неча марталаб ўлкамиз қўриқларида бўламан. «Ўзбекистон қўриқлари».*

**ВАЖ-КОРСОН** Ўз қилмишини асослаш, далиллаш учун келтириладиган сабаб, баҳоналар. *Важ-корсон кўрсатмоқ.* ■ *Бояги йигит – терговчи шу ерда эди. У Ҳикматилла камерасининг ҳавосини олиб, важ-корсонларини режалаб қўйгунча қақриб сўхбатлашди.* Шухрат, Умр поғоналари. *Ҳасанов ва Хидировларнинг важ-корсонларига маҳлиё бўлса керак-да. «Муштум».* *Йиғи-сиғи, важ-корсон билан қутулиб бўлмайди, одам ўлиб турибди! Одам! Кимдир бунга жавоб бериши керак.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ВАЖОҲАТ** [a. *وجاهت* – донгдорлик, муносиблик; аҳамият, муҳимлик] 1 Одамнинг кўзга ташланувчи гавда бичими, қиёфаси, савлати. *Бу «улфати чор» ичида катта саллали, оппоқ соқоли, лекин важоҳати йиғидай бир кекса киши диққатни ўзига жалб этади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шукуржонни яна унинг бутун важоҳатидан ёғилиб турган куч-қувват.. юзининг қизиллиги ҳайрон қолдирди.* О. Ёқубов, Ота изидан.

2 Руҳий ҳолат, кайфиятнинг кўзга ташланувчи ифодаси, кўриниши; авзо. *Мунира ялт этиб эрига қаради, важоҳатини кўриб, ўрnidан турди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

*Отаҳўжа ака Эсон бобонинг эрталабки важоҳатидан ташвишли гап борлигини сезганди.* С. Юнусов, Кутилимаган ҳазина. *Маҳкам қўларини мушт қилиб, қўрқинчли важоҳат билан Зокирга отилди, аммо бир неча киши бирдан орага тушди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ВАЖОҲАТЛИ** Гавда бичими, кийиниши, кўриниши билан ажралиб турадиган; савлагли, салобатли. *Бир қанча вақтдан буён важоҳатли, салла-каллали уламо, мударрис, аъламлар орасида қолдим.* Ойбек. Танланган асарлар. *Биз болалар қўрқадиган важоҳатли бўлмасак керак.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ВАЖ-ТАҚАЛ** айн. **важ-корсон.** *Хўп, важ-тақал қилиш на ҳожат, жаноб бой. Яширин фотиҳа қилинганлигини билмаган эканман, жанобларидан узр сўрайман.* К. Яшин, Ҳамза. *Мен истеъфодаги одамман, сўзим ҳам ўтмайди, илтимосим ҳам, деб важ-тақал қилдим.* Газетадан.

**ВАЖУ** Лағмон хамири устига солиш учун қийма, сабзи ва ш. к. дан тайёрланадиган махсус пишириқ, қайла. *Лағмон важусига, албатта, саримсоқ солиб пиширилади ва паловнинг бир тури – «саримсоқ палов» дамлаганда, бу таом гоаят шифобахи бўлиб қолади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**ВАЖҲ** [a. *وجه* – сабаб, асос] эск. кт. айн. **важ.** *Фақир бўлсам, бу важҳдан бисёр мало-хотир бўлиб, ҳар турлик чораларни кўрар эрдим.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ. ..совуқ хабар бўлса керак, эшондан ором қочди. А. Муқимов, Қопқон. *Хоқонимиз назарларида шаҳзодамнинг эштиборларини ҳар важҳ билан илгари сурурмен.* Ойбек, Навоӣй.

**ВАЗА** [лот. *vas* – идиш] 1 Мева-чева, ширинлик солиб дастурхонга қўйиладиган идиш. *Бир вазада бандидан янги узилгандек тилла олмалар, иккинчи вазада ҳар биттаси кичикроқ чойнакдай келадиган анорлар.* С. Анорбоев. Оксой.

2 Гул соқиб қўйиладиган ёки уйларга, жамоат биноларига зийнат учун қўйиладиган нақшдор, чиройли идиш, кўра. [Гулнор] *Безак учун у ерга, бу ерга қўйилган катта-кичик чиройли хитой вазаларини латта билан яхшилаб артди.* Ойбек. Танланган асарлар.

**ВАЗЕЛИН** [фр. *vaseline* < нем. *Was* (ser) – сув + юн. *elation* – мой] Нефтан олинадиган ва тиббиётда, косметикада, техникада ишлатиладиган қуюқ мой. *Агар вазелинга норка, қоракўзан ёғи қўшилса, у аллиғланишга*

қарши доривор хоссага эга бўлар экан. «Фан ва турмуш». Тиббиёт вазелини.. яллиғланишга қарши таъсир этади ва терини ҳар хил заррли таъсирлардан сақлайди. Газетадан.

**ВАЗИР** [a. وزير — вазир, министр] **1 тар.** Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши (девони) бошлиғи. Сарой вазирини ношлож бош эғиб, фармони олий ҳозирлагани чиқиб кетди. М. Осим, Карвон йўлларида.

**Вазир аъзам** Улуғ вазир, вазирлар бошлиғи. Ўрта асрларда ҳукуматнинг олий идораларини бошқарган юқори мансабдаги шахс — ҳозирги бош вазир.

**2** Мамлакатда муайян тармоқ фаолиятини бошқарувчи шахс. Соғлиқни сақлаш вазирини. Олий ва ўрта махсус таълим вазирини. ■ Республика Молия вазирининг таъкидлашича, келаси йилда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларига 65 млрд сўм ажратилади. Газетадан.

**Вазирлар Маҳкамаси** Баъзи мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда, ҳукуматнинг номи.

**3** кўчма Оилада, жамоада бошлиқдан кейинги мавқеда турувчи шахс. Ахлоқ-одобда ҳам ўрнак бўла бил, Эрлар бош бўлишса, кучли оила. Рўзғорда аёллар ҳар доим вазир, Фарзандлар равнақин уйлайди она. Газетадан. Овулингнинг оқсоқоли мулла Фозил, Ўлтирар бек олдида икки вазир. «Оқ олма, қизил олма».

**ВАЗИР-ВУЗАРО** [a. وزرا — “вазир” сўзининг бирлиги ва кўплиги] Подшоҳ ва хонлар саройидаги вазирлар ва бошқа катта амалдорлар, аёнлар. Хон ўзининг вазир-вузаролари, посбонлари билан етиб келибди. «Ўзбек халқ эртаклари».

**ВАЗИРЛИК** Ривожланган давлатларда (мас. АҚШда) алоҳида бир соҳага раҳбарлик қиладиган ижрочи орган. Ўзбекистон Республикасида давлатнинг марказий бошқарув органи, давлат маҳкамасининг муҳим қисми.

**ВАЗИФА** [a. وظيفه — амал, лавозим; хизмат, топшириқ; иш ҳақи] **1** Амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган, кўзда тутилган мақсад, мақсадли иш. Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Иккинчи жуда муҳим вазифа — халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришини ривожлантириш. Газетадан. Эндиги муҳим вазифа — ўрим-йиғимни ғоятда

қисқа фурсатда уюшқоқлик билан ўтказиш.. Газетадан.

**2** Зиммада бўлган муайян иш, ишлар. Руслан билан Нормат кўчага чиққанларида, ўз вазифаларини бажарган партизанлар бугудойтояга қайта бошлаган эдилар. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Сиз қишлоқда бўлганингиз сабабдан, келгунингизча ишлар тўхтаб қолмасин, деб вазифамдан ташқари ишларга уриндим. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Тоға, Сизнинг вазифангиз — меҳмонни истаган одам билан гаплаштириш, истаган ерига олиб бориш. «Гулдаста».

**3** Доим амалга ошириш, амал қилиш, бажариш лозим бўлган иш; бурч. Эр топганини саранжом-сарийшта қилиш — хотиннинг вазифаси. «Муштум». Унинг [элнинг] овозига қулоқ солмоқ, шикоятларини сабртоқат билан тингламоқ вазифамиздир. Ойбек, Навоий.

**4** Бажариш учун берилган, топширилган иш; топшириқ. Эртаси куни [Элмурод] ўз шогирдларига вазифа бериб қўйди-да, аёлларнинг ўқишини кўришга келди. П. Турсун, Ўқитувчи. Ўқитувчи уй вазифаларини бера бошлади. Ў. Усмон, Сирли соҳил.

**5** Бирор нарса бажарадиган иш, хизмат. Товуш тўлқинларини тутғич вазифасини ўтовчи қулоқ супраси таъобатда катта аҳамиятга молик экани Шарқ тиббиётида қадимдан маълум. «Фан ва турмуш». Ётоқхонада истиқомат қилувчилардан ҳар бирининг китоб ва дафтарлари кечаси ўзига ёстиқ вазифасини ўтар эди. С. Кароматов, Олтин қум.

**6** Хизмат лавозими, мансаб, амал доирасида бажариладиган ишлар мажмуи. Директорлик вазифаси. ■ Комиссия ёш ўқитувчиларни бирма-бир чақириб суҳбатлашишга ва уларнинг қаерда қандай вазифада ишлашини белгилаб беришга киришди. П. Турсун, Ўқитувчи. Вилоят халқ депутатларидан беш киши.. жиддий камчиликлари учун ўз вазифаларидан бўшатилдилар. Газетадан.

**ВАЗИФАДОР** эск. тар. **1** Темурийлар даврида муайян мансабдаги шахс; мансабдор, амалдор. У Абдусамат мирзо даврида.. майда вазифадорлардан эди. Ойбек, Навоий.

**2** Хонлик даврида ўрдада ишлаб, маълум миқдорда маош, пул олиб турувчи. Бухорода хатми кутуб қилиб келган бир “олим” ақалли бир маҳалла имоматида хархашасиз ўтол-



масин-да.. бир бесавод етим.. ўрдадан фалон тилла вазифадор бўлсин. А. Қодирий, Меҳроблан чаён.

**ВАЗИФАДОШ** Бир хил вазифага эга, бир хил вазифа бажарувчи. «Яшамок» феълнинг асл маъноси «барҳаёт бўлмоқ»дир. Бу феъл ҳам «истиқомат қилмоқ»қа вазифадош ишлатилади. «ЎТА».

**ВАЗИЯТ** [a. وَضْعِيَّةٌ – мавқе, ҳолат] 1 Бирор нарсанинг фазода эгаллаб турган ҳолати, ўзини тутган ҳолати (бошқа нарсаларга нисбатан). Нуқтанинг вазиятини аниқлаш. ■ Ой ўзининг Ер атрофидаги ҳаракатида Кўёшга нисбатан турли вазиятларни олиб турганлигидан Ойнинг кўриниши ўзгаради. «Астрономия».

2 Кишининг ташқи кўриниш, руҳий ва б. жиҳатдаги ҳолати; қиёфа, авзо. Ҳар хил вазият ва турли кайфиятда ўтирган кишиларнинг сон-саногги йўқ. А. Қаҳҳор, Сароб. Тан-тибойвачча мағрур ва мамнун бир вазият олди. Ойбек, Танланган асарлар. Уша қувнок вазиятини ўзгартирмай қўшиб қўйди: Оёғингиз оғримайатими? С. Кароматов, Олтин кум. Темура ҳам ўйчан вазиятда, кулмай-нетмай жавоб берди. С. Сиёев, Ёруғлик.

3 Тутган ўрин, мавқе, нуфуз. Одамлар устидан хусусий мулк ҳукмрон бўлган, кишининг жамиятдаги вазияти, салмоғи, ҳуқуқи, обрўси унинг мулки билан ўлчанадиган бир замонада инсон боласи ота-онасидан бемаҳал ажралар экан, унга бундан оғир кулфат йўқ. П. Турсун, Ўқитувчи.

4 Жамиятдаги, ҳаётдаги шароит, ҳолат. Оғир вазият. Жиддий вазият. Сиёсий вазият. Халқаро вазият. Вазиятни тушуни-тирмоқ. ■ Мен унинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тутта билишига.. қойил қолардим. Мен ҳатто бориб, вазиятни билиб келмоқчи ҳам бўлган эдим. С. Кароматов, Олтин кум.

**ВАЗМИН** [a. وَزِين – оғир; вазндор, салмоқдор] 1 Оғирлик ўлчами катта, катта оғирликка эга; энгилнинг акси, оғир. Вазмин тош. Вазмин юк. ■ Йигиталининг ҳовлисига вазмин чўян дарвоза орқали кирилар, унинг ёнбошидаги.. кичик уйчада чўққисоқол қоровул ўтирарди. Д. Нурий, Осмон устун. Вазминроқ жангчи йўлиқиб қолса, жанг майдонидан олиб чиқишда қийналар эди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

2 кўчма Бир маромда, оғир, оҳиста ва салобатли (ҳаракат, юриш-туриш ва ш. к.

ҳақида). Воҳид Миробидов олимларга муносиб дид билан безатилган кенг, баҳаво хонасида вазмин одимлаб, яна узоқ юрди. О. Ёқубов, Диёнат. Жийдаларнинг эгилган новдалари вазмин тебранади. Ойбек, О.в.шабадалар. Атрофдаги саҳро тунининг вазмин сукунати алламаҳал бўлиб қолганини билдирарди. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

3 Табиатан босиқ; оғир. Бир қарашда вазмин, мулоийм кўринган бу жувон анча шўх экан. С. Нуров, Нарвон. У [Миржалил] вазмин, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутиб туради. Газетадан.

**ВАЗМИНЛАШМОҚ** 1 Оғирлик ўлчами ошмоқ; оғирлашмоқ. Юки вазминлашмоқ.

2 Вазмин характер-хусусият касб этмоқ. Аҳмаджон анча етилиб, вазминлашиб, бригадага бошлиқ бўлиб олган эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**ВАЗМИНЛИК** 1 Сезиларли вазмин даражага эгаллик. Яланғоч теракларнинг шохлари тизилишиб ўтирган қаргаларнинг вазминлигидан эгилган. С. Анорбоев, Оқсой.

2 кўчма Вазмин хусусият. Оқил кишиларга истиғно ва ғазаб эмас, андиша ва вазминлик зеб-зийнатдир. С. Сиёев, Аваз. Чидам даркор, вазминлик даркор, Қуйлагани эрлар туйғусин. Миртемир.

3 Вазмин ҳолат, тарз. Навоий вазминлик билан [подшоҳга] мурожаат қилди. Ойбек, Навоий. Юсунов боланинг ёнига борди-да, гуллаб турган дарахтни кесма, деб вазминлик билан тушунирди. М. Ҳазраткулов, Журъат.

**ВАЗН** [a. وَزْن – ўлчов, вазн] 1 кам қўлл. Ўлчов. Табиатда қудрат борми, Биздан вазн олмасин.. Ф. Ғулом.

2 Оғирлик; оғирлик ўлчами; салмоқ. Юк вазни. Молнинг тирик вазни. ■ Эгамберди, шу бугдойнинг вазнига бараварлаб саримағиз ундан торт, айбонанг учун устига ўзимиздан бир пуд ун ҳам қўш! А. Қодирий, Обид кетмон. Сафо махсум таҳорат учун қумғонни кўтарди-ю, вазни енгиллигидан бум-бўшилигини фаҳмлади. Ҳ. Ғулом, Замин юлдузлари.

3 кўчма кам қўлл. Шахснинг мавқеи, мавқе даражаси. Салимхон жон-дили билан Саидийни бегонасира-масликка, ўзи билан бир текисликка қўйишга тиришар ва ҳатто ўзини нодонликка солиб, Саидийнинг вазмини орттирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 ад. Шеъринг сатрда шеърнинг ритм оҳанги ва тузилишини белгиловчи бўғинлар

сони ва жойланиши; шеър ўлчовлари. *Аруз вазни. Бармоқ вазни.* ■ *Шеърлар маълум ўлчовда ёзилади. Шеър ўлчовлари вазн деб аталади.* «Адабиёт назарияси».

**5 мус.** Муסיқа асарига унинг ритм оҳангини ва тузилишини белгиловчи ритмик бирликлар сони ва жойланиши. Ҳали олдиндадир гўзал кунларим, Ҳали лаб тегмаган кулгулар олда. Вазнга тушмаган қўшиқлар олда. Ҳеч нима эмасдир бу кўрганларим. А. Орипов, Йиллар армони.

**ВАЗНДОШ** Бир хил вазнга эга. *Мисрадаги шеърларнинг ўзаро оҳангдошлиги, вазндош ва қофияндosh бўлиб келиши шеърнинг эмоционаллигини оширган.* «ЎТА».

**ВАЗНЛИ 1** Маълум оғирликка эга бўлган; салмоқли. *Оғир вазнли курашчи (спорт).*

■ *Сўнгера мулла Обидга хитобан айтади: -Ҳар бир деҳқони мўмина, яъни мусулмонга ўзининг зироатгоҳидан ҳосилотининг ўндан бирини, яъни вазнли ўлчовларда ўн пуддан бир пудини мустаҳиқларга бериш вожиб экан. А. Қодирий, Гирвонлик Маллавои.*

**2 ад.** Бирор шеърый вазнга эга бўлган, бирор ўлчовда ёзилган. *Аруз вазнли шеър.*

**ВАЗНСИЗ** Вазнга, оғирликка эга бўлмаган. *У вазнсиз, еру осмон ўртасида гард мисоли ҳаволашиб борарди.* Газетадан.

**ВАЗНСИЗЛИК 1** мех. Жисмнинг муаллақ физик ҳолати. *Учиш вақтида вазнсизликнинг инсон организмига салбий таъсирини йўқотиш учун мускуллар машиқи, мускуллар электр стимуляцияси ва бошқалар бажарилади.* «Политехника лугати». *Космосда узоқ яшаган космонавтлардан бири Георгий Греконинг фикрича, инсон вазнсизлик шароитида анча узоқ вақт бемалол ишласа бўлади.* «Фан ва турмуш».

**2 кўчма** Шахснинг муайян вазиятда ўнғайсиз ҳолатга тушиши. [*Баҳром*] *Рўпарасидан келаётган Насибанинг дугонаси ва унинг ёнида Матлубани кўриб, ўзини галати бир вазнсизлик ҳолатида ҳис этди.* Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.

**ВАЙИШ** шв. Ишком. *Ингичка ходачаларга омонатгина кўтарилган вайишларнинг шохларини япроқлар кўмиб юборган, тоқлар шўраток, гўраток ҳам қилинмаган эди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**ВАЙРОН** [ф. *ويران* – йиқик, бузуқ, хароб] **1** Бузилиб, қулаб, харобага айланган (уй-жой, иморат ва б. қурилмалар, қурил-

мали жойлар ҳақида). *Уч кундан кейин, улар келганда, қишлоқ вайрон бўлган, баъзи бинолари ҳамон буруқсаб ёнарди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Бир кўлтум сув учун хонаси вайрон, Қишлоғин тарк этиб, адашарди эл.* Файратий. *Ёғди тўрт ёндин асрлар Бошинга тийри камон, Умри қурбон, мулки торож, Юрти вайрон, ўзбегим.* Э. Воҳидов, Ўзбегим.

**2 кўчма** Умуман, бузилган, синган ва б. жиҳатдан яроқсиз ҳолдаги нарса ҳақида. *Устбоши вайрон, юз-кўзлари қон.. сочлари тўзғиб кетган Шаҳзодаҳон тонготарга яқин «ғит» этиб эшикни очиб, ҳовлига чиқиб, бўлиб ўтган даҳшатли ҳодисадан уйдагиларни хабардор қилди.* К. Яшин, Ҳамза. *Зулму истибдод ила миллатни вайрон этдингиз.* Аваз. *Айронингдан бермасанг, Қозонларинг вайронди.* «Бойчечак».

**Кўнгли (ёки қалби, дили) вайрон** Рухан, қалбан жуда ночор, эзилган ҳолатли, кўнгли бузилган. *Хусусан, яқинда эшитган хунук бир хабарни хотирлаб, Авазининг кўнгли вайрон бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Вайрон дилинг бўлғуси бир лутф ила обод.* «Гулдаста».

**ВАЙРОНА** [ф. *ويرانه* – вайрон бўлган жой, хароба] **1** *от* Вайрон бўлган жой; хароба. *Қўзғуннинг севгани фақат вайрона.* Миртемир. *Санобархон зўр қийинчилик билан жойидан қўзғалди.* *Вайрона, култепага айланган бошпанасини ташлаб кетиши оғир мусибат эди унга.* С. Зуннунова, Гулхан. *Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам.* Э. Воҳидов.

**2 сфт. қ. вайрон.** Гуломжон хувиллаб, ўти сўниб қолган вайрона хонада бир зум гангиб турди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Камбағалларнинг ўғил-қизлари ота-оналарига ҳайитга уст-бош қилиб беринг, деб йиғлар, ота-оналарнинг вайрона кўнглини яна бузишар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ВАЙРОНАГАРЧИЛИК** айн. **вайронгарчилик.**

**ВАЙРОНАЗОР** кам қўлл. Вайроналар бўлган (эгаллаган) жой. *Гапнинг қисқаси, қишлоққа тушаверишида бир ўйиқ жой бор. Худди вайроназорга ўхшайди.* Ш. Холмирзаев, Юр, тоғларга кетамиз.

**ВАЙРОНАЛИК** айн. **вайронгарчилик.** *Зўравонлик – охири вайроналик.* Мақол. ■ *Зулму вайроналиклар, талон-торождлар тинкасини қуритган бухороликлар Мирзо Улуғбекнинг.. мадраса қурмоқчи эканини эшитиб қувондилар.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**Вайрон-валангор** Бузилган, вайрон бўлган. *Бориб қарасам, учала водокачка ҳам вайрон-валангор, эгилган, букилган темир-терсақлари занглаб ётибди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ВАЙРОНГАРЧИЛИК 1** Вайрон қилиш иши, хатти-ҳаракати, вайрон қилиш. *Эндиликда бизнинг муддаомиз у ўта қонли, ўта вайронгарчилик урушини биз кўрдик, келажак авлод кўрмасин, деймиз.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**2** Вайрон бўлган ҳолат; вайронлик. [*Биринчи секретар*] *Уруш ва гитлерчи босқинчиларнинг талончилиги орқасида Польшада вужудга келган даҳшатли иқтисодий вайронгарчилик ҳақида гапирди.* Газетадан.

**ВАЙРОНЛИК** Вайрон ҳолат. *Катания шахридаги ҳарбий аэродромда довул натижасида катта вайронлик руй берди.* Газетадан.

**ВАЙСАМОҚ** Эътиборга лойиқ бўлмаган, кераксиз, бемаъни гапларни гапирмоқ. *Юз-кўзини соқол босган мулозим эшак эшар экан, тинмай вайсарди.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Хотинлар бетиним вайсаб.. ўз уйларидай, шовқинлаб [коридордан] чиқиб кетдилар.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ВАЙСАҚИ** Ҳадеб вайсайверадиган, кўп гапиришни яхши кўрадиган. *Вайсақи одам.* ■ *Аммо энг ёмони шу бўлдики, бу вайсақи ошна Ҳафизадан гап очиб қолди: -Кўриб турибсанми? — деди у суюгоёқ кимсаларни эслашга ўхшаш бир оҳанда.* Мирмуҳсин, Умид. *Мен индамасам, у индамаса, ҳалиги вайсақи авжига чиқаверади-да.* М. Ҳазраткулов, Журъат.

**ВАЙСАҚИЛИК** Бўлар-бўлмас гапларни вайсаш. *..мусобақа юзакичилик, гапдонлик, вайсақилик, кўзбўямачиликдан йироқ бўлиши керак.* Газетадан. *..пленум.. вайсақилик, мажлисбозлик ва қоғозбозликни қаттиқ қоралади.* Газетадан.

**ВАЙСИРАМОҚ** кам қўлл. *айн. вайсамоқ.* *Қутлуғ турмуш режалар-ла тўлиқ бўлса-да, Уғит эмас, бир вайсираб ўтмоқ бўламан.* Ф. Фулом. *Саҳара яқин унинг вайсираши тўхтади.* Ҳ. Олимжон, Танланган асарлар.

**ВАКАНСИЯ** [лот. vacans — кераксиз, ортиқча; бўш, эгалланмаган] Бўш ўрин, банд қилинмаган лавозим (идора, муассаса ва ш. к.). *Вакансия йўқ. Вакансияни эгалламоқ.*

**ВАКАНСИЯЛАР** физ. Қаттиқ жисмнинг кристалл панжарасида атом ёки ион бўлмаган бўш тугунлар.

**ВАКАНТ** [лот. vacantis — бўш, эгалланмаган] Ҳеч ким эгалланмаган, бўш (идора, муассаса ва ш. к. штатидаги лавозим, хизмат ўрни тўғрисида). *Эшонбоев аспирантурани битиряпти, кафедрада вакант ўрин йўқ, борини Акбаров банд қилиб турибди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ВАКИЛ** [а. وكيل — ишончли, ваколатли шахс] **1** Бирор киши, муассаса, ташкилот ва ш. к. номидан иш кўришга ваколати бўлган, унинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс. *Икки вакил у мулладан келади, Келиб қизнинг ихтиёрин сўради.* «Ал-помиш». *Бир оздан сўнг юқоридан келган вакил билан трест бошлиғи ўзларининг ишларидан гап очди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Олим жамиятнинг бир неча вакиллари билан Венгрияга боради.* «Фан ва турмуш».

**Вакил ота** Мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин томонидан тайинланадиган вакил шахс (никоҳ ўқиш, кўёв томоннинг келинга бериладиган мол-мулк ва ш. к. ларни келишида қатнашадиган).

**2** Бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли киши, элчи. *Дипломатик вакил. Мухтор вакил.* ■ *Мен Закаспий ҳукуматининг вакили Азизбек бўламан.* К. Яшин, Ҳамза.

**3** Бирор соҳа, ижтимоий гуруҳ, жамият ва ш. к. га мансуб киши; намоянда. *Республикамизнинг ҳар бир соҳа вакили 10 йилликни меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олмоқда.* Газетадан. *Даврада бир маҳалла кишилари, аммо турли фан вакиллари тўп-ланган эди.* «Фан ва турмуш».

**ВАКИЛА** Вакил аёл. *Саводхон авар йигити ўз халқининг вакиласига уйланади.* Газетадан. *Балки сиз энди халқ вакиласи бўлиб, шулар ҳақида ҳам ўйлаётгандирсиз.* «Саодат».

**ВАКИЛЛАМОҚ** қ. ақилламоқ. *Узоқ ва яқиндан бошқа итлар ҳам вакиллашиб, унга овоз бера бошладилар.* Газетадан. *Тўғри, бой отам мол-мулкни хўжжатлаб беришдан бош тортгандан кейин, Салим газабланди, болалик қилиб вакиллади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВАКИЛЛИК 1** Бирор шахс (вакил)нинг иккинчи шахс (ваколат берувчи) номидан ишонч қоғози ёки маъмурий ҳужжатга асосан қиладиган юридик ҳаракатлари.

**2** айн. ваколатхона.

**ВАКОЛАТ** [a. وکالت — вакиллик; ҳуқуқ-дорлик] Бирор шахс, муассаса, ташкилот, давлат ва ш. к. номидан иш қилиш учун берилган ҳуқуқ, вакиллик ҳуқуқи. *Кенг ваколат. Депутат ўзининг юксак ваколатини сайловчилардан олган.* ■ [Имом Сафар бўзчига:] *Мен сизга мирзодан хизмат сўраб беринг, деб ваколат берган эмас эдим-ку!* А. Қолирий, Мехробдан чаён. *Ваколат ёрлигини қўлингдан тортиб олиб, ўзингни Шохимардондан қувлаганим бўлин!* К. Яшин, Ҳамза.

**ВАКОЛАТДОР** эск. Ваколатли. *Расмий намоянда бўлишим сифатида сиз жаноб комиссарга баён этишга ваколатдорманки..* А. Ҳақимов, Илон изидан.

**ВАКОЛАТЛИ** Ваколати бор, вакиллик ҳуқуқига эга бўлган. *Улар орасида.. мустамлака ва қарам мамлакатларнинг ваколатли кишилари бор эди.* Газетадан.

**ВАКОЛАТНОМА** Ташкилот ва фуқароларнинг вакиллик қилиши учун берилган ёзма ҳужжат; ишончнома, ишонч қоғози. *Бу брошюрада.. васиятнома, ваколатномаларни қай тартибда ёзиш лозимлиги кўрсатилган.* Газетадан. *Азизим, омонат сақлайсиз, иншоолло, вақт-соати келса, ўзимга ёки менинг ваколатномамни кўрсатган кишига берарсиз.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

**ВАКОЛАТХОНА** Бирор давлат томонидан ўзга мамлакатда таъсис этилган ва унинг манфаатларини кўзлаб иш кўрадиган муассаса. *Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда тўрт немис банки ўз ваколатхоналарини очди.* Газетадан. *Москвадаги Венгрия савдо ваколатхонаси биносида «Электроника» фирмасининг кўрғазмаси ишлаб турибди.* Газетадан.

**ВАКУУМ** [лот. vacuum — бўшлиқ] 1 Идишга қамалган, босими атмосфера босимидан анча паст бўлган газнинг ҳолати. *Вакуумда эритиш усулидан нозик буюмлар учун металллар ишлаб чиқаришда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.* «Политехника лугати». *Медиклар тавсия этган вакуум мосламалар 18 суткалик учидан 96 суткалик учини сари катта одим ташлаш имконини берди.* «Фан ва турмуш».

**ВАКУУММЕТР** [вакуум + юн. metron — ўлчов] Сийраклаштирилган газлар босими ўлчанадиган асбоб.

**ВАКЦИНА** [лот. vaccinus — сигирга оид < vaccula — сигир] Юқумли касалликларнинг

олдини олиш ва даволаш учун ишлатиладиган эмдори; эмлашда ишлатиладиган дори. *Вакцина билан эмлаш.* ■ *Бугунги кунда вирусларга қарши вакцина ёрдамида организмда иммунитет ҳосил қилишдан ортиқ ўткир, ишончли қурол йўқ.* «Фан ва турмуш». *Сарагулни ишдан қақриб келишди, келса — вақт ўтиб қолибди, боланинг ҳоли оғир, эмлашга вакцина керак эди.* А. Мухтор, Чинор.

**ВАЛ** [нем. Walze — жўва, гўла, вал] тех. Турли машина ва механизмларда ўз ўқи атрофида айланадиган ва ўзига ўрнатилган деталга айланма ҳаракат ва куч узатадиган деталь; ўқ. *..вал орқали ҳосил қилинган айланма ҳаракатни шатун ёрдамида тебранма ҳаракатга келтириш мумкин.* «Фан ва турмуш».

**ВАЛАД** [a. ولد — ўғил бола, ўғил; фарзанд] 1 с.т. эск. Шариат йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола; ҳароми.

2 сўк. Шундай шахсга нисбатли ҳақоратни билдиради; ҳароми. *Бора-бора мени менсимай қўйди бу валад!* М. Осим, Карвон йўлларида. *..электросушилка қилиб берайми, деб пичинг қилди. Қаёқда қилиб беради ўша валад.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.

**Валади зино** Ҳаромдан бўлган бола; ҳароми. *Биласиз-ку анун!* *Жуда ёмон чиқдида, валади зино эканми, билмайман.* «Мушгум». *Бу валади зинонинг чангалига сен ҳам тушингми? Бировнинг ҳалолни биров суядиган замон экан-да, водари!* С. Сиёев, Отлик аёл.

**ВАЛАКИСАЛАНГ** с.т. Ўтакетган беғам, бепарво; ишёқмас; хумпар, девона. [Абдурайим:] *Кўздан қолдингми, валакисаланг, колхозимизнинг бўрдоқига боқилган олди қўйлари-ку.* “Мушгум”.

**ВАЛАНГОР** Бузук-юлук; бузук, яроқсиз. *Аллақачон фойдаланишга топширилиши лозим бўлган 12 квартирालи 9-уй тепаси ёпилмай, валангор бўлиб ётибди.* «Мушгум». *Бир кун яна жўрамни кўргани борсам, аҳволи оғир, ҳувиллаган валангор ҳовлида, катта садақайрағоч тагида ёлғиз ўзи.. ётибди.* Н. Сафаров, Наврўз.

**ВАЛАҚЛАМОҚ** Тўғри келган мавзуда бўлар-бўлмас, ҳуда-беҳуда гапларни гапирмоқ. *Нимага буларни ишдан қолдириб, валақлаб ўтирибсан?* М. Ҳазратқулов, Журъат. *Совуқ қилиқлари, ҳуда-беҳуда валақлай бериши, ҳамма ишга бош суқиши билан одамларни ўзидан бездирган.. эди.* С. Кароматов, Олтин қум.

**ВАЛДИРАМОҚ** с.т. Бўлар-бўлмас, нота-ийн гапларни гапирмоқ, оғзига келганини сўзламоқ. *Тожибой яна нималардир валдиради. Элмурод қулоқ солмади.* П. Турсун, Уқитувчи. - *Ўкамиз Салим, — деди Ҳакимбойвачча, — оғзига нима келса, шуни валдирайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Валдираб қолибсиз, кўтаролмасангиз, ичиб нима қилардингиз.* А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

**ВАЛДИРВАСАР** с.т. қ. **валдирвоқи.**

**ВАЛДИРВОҚИ** с.т. Бўлар-бўлмас гапларни кўп гапирадиган, валдирайверадиган; эзма. *Нафисахон назарида қизи энгилтак эмас.. Баъзи қизлардек валдирвоқи эмас.* Мирмуҳсин, Умид.

**ВАЛЕНКА** [р. валенки < валять — думалатиб босиш (наматы)] қ. **пийма.** *Қирқ икки градус.. беш яшар Олег, Оёқда валенка, эғнида тулуп, Чана судрамоқда қаҳ-қаҳа уриб.* Ф. Фулом.

**ВАЛЕНТЛИ** ким. Муайян валентлик хусусиятига эга бўлган. *Икки валентли кимёвий элемент.*

**ВАЛЕНТЛИК** [лот. valens, valentis — кучли; мустаҳкам; соғлом] **1** ким. Бирор элемент атомининг бошқа элементнинг муайян сондаги атомини бириктириб ёки алмаштириб, кимёвий боғ ҳосил қила олиш қобилияти, хоссаси.

**2** тлш. Тил бирликларининг (мас., сўзнинг) гапда бошқа сўзлар билан ўзаро бирика олиш қобилияти, имконияти. *Валентлик назарияси, луғавий бирликларнинг семантик валентлари.. бўйича бир қанча илмий мақола-лар, махсус монография босилиб чиқди.* «ЎТА».

**ВАЛЕРИАНА** [лот. valeriana < Valeria — шу ўсимлик келиб чиққан жой номи] Пуштиранг гулли, илдииздан шифобахш дамлама тайёрланадиган кўп йиллик ўт ўсимлик.

**ВАЛЕРЬЯНКА** Валериана ўсимлигининг илдииздан эфир ёки спиртда тайёрланган, асабни тинчлантириш учун истеъмол қилинадиган дори. *Овқатдан олдин ва кейин кофеин.. валерьянка томчиси каби дорилар берилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**ВАЛИАҲД** [а. *ولىعهد* — тожу тахт меросхўри, тахт вориси] Подшоҳ ёки хон ўз тириклигида ўрнига тайинлаб қўйган тахт вориси. *Хон ўй дарёсига гарқ бўлди: "Кимни валиаҳд қилай? Шуними? Катта ўғилларим бир-бирлари билан уришмасмикинлар, тахт*

*талашмасмикинлар?"* Ж. Шарипов, Хоразм. *..Самарқанд подшосининг қизи бизнинг валиаҳдимиз Бобур мирзога беш яшарлигидан унаштириб қўйилган эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ВАЛИДОЛ** [лот. validus — кучли, ўткир; соғлом + oleum — ёғ, мой] Марказий нерв системасини тинчлантирадиган ва томирларни рефлекс йўли билан кенгайтирадиган дори. *Бирдан "гум-бур!" Чўчиб кетган болакай безовталаниб йиғлай бошлади, бир сапчиб тушган юраги хаста одам тил тагига валидол ташлайди.* Газетадан.

**ВАЛИЙ** [а. *ولى* — эга, соҳиб; авлиё] дин. Худонинг гўё бўлажак ҳодиса, воқеаларни олдиндан айтиш, ғойибдан хабар бериш қобилиятига эга бўлган энг севимли, энг азиз бандаси; авлиё. *Одамлар Султон девонани "оташнафас" валий деб мақташар эди. Ўша нодон, алданган кишиларнинг мақтаб.. юрган "соҳиби каромати", бир алжиллаб ўтирган банги экан.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. *Ғайбдан хабар берувчилар икки турли бўладилар: биринчиси — валий, иккинчиси — қоҳин (фолбин).* С. Айний, Эсдалиқлар.

**ВАЛИНЕЪМАТ** [а. *ولىنعمت* — неъмат эгаси, боқувчи; олиҳиммат, сахий] **1** Ўзига қарам кишиларни моддий жиҳатдан таъминлаб турувчи, уларга неъмат берувчи шахс. - *Бу киши [Жамолбой] менинг валинеъматим, пирим бўлади, — жийдий жавоб берди Абдишукур.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мулла Абдурахмон ҳам валинеъмати бўлган Анварнинг риоясини унута ёзди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. - *Баракалла! Акбарали мингбоши сенга ким бўлади?! — Отахон. Валинеъмат.. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**2** Олиҳиммат, сахий одам; хайр-саховатли, қўли очиқ киши.

**ВАЛИШ** шв. Ишком. *Ҳовли унчалик катта эмас, лекин атрофи қатор уй, уйлар устигача валиш. То қиров тушгунча турли хил узумлар сарғайиб, қуёида товланиб ётади.* Газетадан.

**ВАЛЛАМАТ** **1** с.т. айн. **валинеъмат** **1.** Ёрим Аҳмад, азаматим бўлмаса, Ҳолим сўрар валламатим бўлмаса. «Ойсулув».

**2** Элнинг катгаси; бошлиқ, амалдор. *Юртнинг валламатини чақир.* Ойбек, Навоий. *Отажон, сендирсан юртнинг эгаси, Қаддиндан, валламат, сенга йўл бўлсин.* «Равшан».

3 Эл хизматида бўлган; сахий (шахс ҳақида). - *Раҳматли валлават одам эдилар, — таассуф билан гапирарди кимдир, — маҳалла ташвиши, маҳалла дарди билан яшардилар.. «Ёшлик». Шеър-ку борликка бор, аммо муштумбон эмас, пахтамиз, «оқ олтин» етиштираётган валлават пахтакорларимиз хусусида эди. «Муштум».*

4 *кўчма* Мард киши; мард. *Ана, бек Гўрўгли жомни кўтарди, Олиб ичадиган валлават борми?* Эргаш Жуманбулбул ўгли.

5 (3-ш. кўшимчаси билан — **валламат**). Ман-ман дегани, ҳар қандайи. *Валламат* ҳам дунёга икки марта келмайди-ку, ҳаммага ҳам жон ширин. Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Бугун-эрта менга сув тегадиган. Ма, мендан бошқа валламат айтсаям, берма!* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ВАЛЛАМАТЛИК** Бағри кенглик, сахийлик маъносиди. *Шундан тезроқ қутулгиси келиб, Искандарнинг кўнглига беихтиёр бир гап келиб, қувлиги тутди. Бундан ўзининг ҳам чиройи очилиб кетди: -Қанча керак? — деди валлаватлик билан.* М. Мансуров, Ёмби.

**ВАЛЛОҲ(И)** [a. والله — худо ҳаққи, азбаройи худо] Худо ҳаққи, азбаройи худо. *Бунда қандай маъно бор? Валлоҳи, тушунмайман!* Ойбек, Навоий.

**Валлоҳи аълам** [a. والله اعلم — Аллоҳ яхши билувчидир] Аниқ эмасликни, аниқ билмасликни ифодалайди; Аллоҳ, худо биледи, билмадим. *Қора паранжиси бориди.. Валлоҳи аълам, отасининг исми.. бир нарса сўфи.. Ҳа, Раззоқ сўфи.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**ВАЛФАЖРИ** [a. والفجر — тонг; ибтидо; Қуръондаги 89-сура номидан]: **валфажри ўқимоқ** Қалдирғочнинг ўзига хос овоз билан куйлаши, сайраши ҳақида. *Қалдирғоч маъитининг.. баланд панжарасига ўтириб олиб, ҳадеб валфажри ўқимоқда.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бир неча қалдирғоч Салор оқими бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажри» ўқир эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВАЛЬВАЦИЯ** [фр. evaluation — баҳо; баҳолаш < лот. valere — кучаймоқ; баҳоланмоқ] Чет эл валютаси ва қимматбаҳо нарсаларни миллий пул бирлигида белгилаш.

**ВАЛЬС** [фр. valse < нем. Walzer < walsen — думалатмоқ, айлангирмоқ] 1 Одатда жуфт-жуфт бўлиб, уч тактда бир айланиб, оҳиста давра олиб ўйналадиган равон ва

вазмин рақс ва шу рақс мусиқаши. *Қадаҳлар жаранглар.. юзлар худди чўғ. Радио вальсидан дилларда тугён.* Ж. Жабборов.

2 Уч чоракли мусиқа асари. *Денгиз тўлкинида тиниқ бир куй янгради. «Штраус.. Мовий Дунай вальси», — деб ўйлади Алимардон.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ВАЛЮТА** [итал. valuta — қиймат, баҳо < лот. valere — кучли бўлмоқ; қадрланмоқ, баҳоланмоқ] 1 Муайян давлатнинг пул бирлиги (сўм, танга, доллар ва б.).

2 Пул тизимининг тури (олтин, кумуш ёки қоғоз валюта).

3 Хорижий давлатларнинг пуллари, халқаро ҳисоб-китобларда қўлланадиган хорижий пул бирлигидаги кредит ва тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар ва ҳ.к.).

**Валюта бозори** Чет эл валюталари ва чет эл валюталари ҳисобидаги тўлов ҳужжатларининг олди-сотдиси бўйича барқарор иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тизими. **Валюта курси** Мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси. **Валюта тизими** Валюта ҳаракати билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар тизими.

**ВАМПИР** [фр. vampire < нем. Vampir] Герман ва славян халқларидаги хурофий ривоятларга кўра, гўрдан чиқиб, тириклар қонини сўрувчи афсонавий одам-махлуқ.

**ВАМПИРЛАР** [нем. Vampire] Субтропик ва тропик Америкада тарқалган, иссиққонли жониворлар қони билан озиқланадиган кўршапалаклар оиласи.

**ВАНАДИЙ** [лот. Vanadium < қадимги скандинав гўзаллик маъбудаси Ванадис номидан] Кимёвий элемент, Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кумушранг қаттиқ, мўрт металл.

**ВАНГ-ВАНГ** қ. англ-анг.

**ВАНГИЛЛАМОҚ** қ. англ. лламоқ.

**ВАНДАЛИЗМ** [лот. vandali] Маданий-тарихий ва моддий бойликларни ваҳшийларча бузиш, йўқ қилиш.

**ВАНДАЛЛАР** [лот. vandali ва нем. Wandalen — қадимги немис қабиласи номидан] 1 Қадимги германларнинг шарқий тармоғига мансуб қабилалар.

2 *кўчма* Маданий бойликларни, тарихий ёдгориликларни оёғости қилувчи, ваҳший одамлар.

3 *кўчма* Маданиятсиз, жоҳил одамлар.

**ВАНИЛИН** [фр. vanilline] Ваниль ҳиди келадиган, сунъий йўл билан олинадиган рангсиз аччиқ кристалл модда. *Кобальт гамма нурлари билан ғўзапояни нурлантириб, санаот учун қимматбахо хомашё — ванилин олиш мумкин эканлиги аниқланди.* «Фан ва турмуш».

**ВАНИЛЬ** [фр. vanille ёки исп. vanilla — кўзоқча; тропик мамлакатларда ўсадиган ўсимлик] *бот.* Орхисдошларга мансуб, узунчоқ ингичка мевали тропик ўсимлик ва унинг зирavor сифатида ишлатиладиган меваси.

**ВАННА** [лот. vannus — идиш, коса] **1** Чўмилиш, ювиниш учун ясалган катта узунчоқ тос, идиш. *Сирланган ванна. Ваннада чўмилмоқ.* ■ *Нам сочининг йилтиллаб туриши қизнинг ҳозиргина ваннадан чиқиб келганлигидан далолат берарди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

**2** *тех.* Ҳар хил эритма, суюқлик ва ш. к. ни солиш ёки турли жараёнларни олиб бориш учун фойдаланиладиган махсус идиш. *Ремонт олиб борилаётган ёпиқ майдонча бу ишга мутлақо мослаштирилмаган: бу ерда верстаklar, ванналар йўқ.* Газетадан.

**3** Гигиена ва профилактика мақсадида сув, балчиқ, ҳаво ёки офтоб таъсир эттириш йўли билан амалга ошириладиган муолажалар; даволаш (даволаниш)нинг шундай воситаси. *Қуёш ваннаси. Ҳаво ваннаси.* ■ *Ёз ойларида бу ерда [Чимён сувида] ҳар кунни беморлар икки юзга яқин ванна олишади.* М. Мансуров, Чимён суви. *Совуқ пайтда — ис-сик, иссиқда — совуқ сувли оёқ ваннаси қабул қилинади.* «Фан ва турмуш». Турли хил даволаш ванналари беморларнинг соғлиғини яхшилашда катта роль ўйнамоқда. Газетадан.

**ВАННАХОНА** Ванна ўрнатилган уй, хона. *Энди ўрнимдан турсам.. бир ваннахонага чиқиб.. яхшилаб ювинсам..* Чўлпон, Кеча ва кундуз. [Расул ака] *Боя ўзи ўт ёққан ваннахонага чўмилгани кириб кетди.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ВАНҒ** **1** *с.т.* Авжида, баравж. - *Турмуш ван дегин ҳали, — деди Элмурод истеҳзоомуз.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**Ванғ бўлмоқ** Ҳанг-манг бўлмоқ, ҳайрон қолмоқ. *Мен шундоғ оғзим очилиб, ванғ бўн қолдим.* М. Исмоилий, Фаргона т.о.

**ВАНҒ** **II** *тақл с.* Шовқинли овозга тақлидни билдиради. *Милтиқнинг ванғ этган овози эшитилди.*

**ВАНФИЛЛАМОҚ** **I** *с.т.* Яхши йўлга тушиб кетмоқ, юришиб кетмоқ. *Мана шундайлари топилди-ю, унинг иши яна ванфиллаб кетди.* А. Муҳиддин, Ўтники ўтга, сувники сувга.

**ВАНФИЛЛАМОҚ** **II** Шовқинли, ёқимсиз баланд овоз чиқармоқ (ҳаракатдаги нарсалар ҳақида). *Трамвай ванфиллаб кетаёттир. Самолёт ванфиллаб учиб юрибди.* ■ *Деворга — миҳга илиб қўйилган кичкина радио бирдан ванфиллаб гапириб юборди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Худди шу пайт пастда, қасрнинг ичида, нимадир портлаб, бўш хоналар ванфиллаб кетди.* О. Ёқубов, Излайман.

**ВАРАЖА** *шв.* Титроқ, қалтираш. *Мен энди қизий бошладим. Баданим жамирлаб, ваража қилди. Файратим келди.* Т. Мурод, От кишнаган оқшом. *Бир кун денг, шундай иситма қилдим, ваража тутди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ВАРАНГЛАМОҚ** Каттиқ жарангли товуш чиқармоқ. *Азмиддин чўнтагидан наганини олишга улгурди. Ўқ варанглади.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Варангламай овозинг ўқкур, эски карнайдан ясалганми, нима бало!* «Гулдаста».

**ВАРАҚ** [а. ورق — барг, япроқ; қоғоз варағи] **1** Бўйи ва эни маълум ҳажмга эга бўлган, асосан ёзиш учун ишлатиладиган қоғоз, қоғоз бўлаги. *Эртөөв стол тортмасидан бир варақ қоғоз олиб, нималарнидир тез ёзди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *У бир варақ қоғозга тажрибанинг формуласини шоша-пиша ёзиб кўрсатди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**2** Дафтар, китоб ва ш. к. ни ташкил этувчи олд-орқа саҳифадан иборат ҳар бир қат, бўлак. *Ўз каравотида ёнбошлаб олиб, китоб ўқийётган Зулайҳо варақларни шитирлатиб очаётганида, унга қараб-қараб қўяр, аммо индамасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аҳмад варақнинг учини буклаб, журнални ёнди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Машҳур хат-тотлар катта пуллар эвазига кўчирган, ҳар бир варағига нафис безаклар ишланган бу кўлёмза китобларнинг ҳар бири бир неча минг динор туришини Бобурнинг ёнида турган Қосимбек ҳам билар эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**3** *кўчма* Ўтмиш ҳаёт, тарихнинг муайян даврлари, қисмларидан ҳар бири, саҳифаси. *Узилмасин замоннинг риштаси дея, Асрларнинг ораси қолмасин деб бўш, Емасин деб тарихнинг варағин кую, Қулликка эрк тилаги кериб турди тўш.* М. Шайхзода, Тошкентнома.

**Ўн варақ ўтади** *шв.* Ўн чандон ўтади, ортиқ (қиёслашда маънони, фикрни кучайтиради). *Сизнинг шеригингиз Файзи дастурхончи бўлса, сиздан ўн варақ ўтади.* Ҳ. Шамс, Душман.

**ВАРАҚА** [а. *ورقه* — барг, япроқ; қоғоз, хужжат] **1** Муҳим бир гап, матн босилган ва оммага тарқатиш учун мўлжалланган қоғоз; ижтимоий-сиёсий ташвиқот воситаларидан бири. *Ташвиқот варақаси.* ■ *Раиса шу атрофдаги қишлоқларга бориб, аҳоли ўртасида варақалар тарқатар, душман ҳақида маълумотлар олиб қайтарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** Маълум бир нарсалар ҳақида маълумот ёзиш учун белгиланган расмий қоғоз, бланка. *Касаллик варақаси. Мукофот варақаси.* ■ [Отахон] *Тортмадан рўйхат варақасини олди.* Газетадан. *Кадрлар бўлиmidан шахсий варақангизни олдирдим.* «Ёшлик».

**ВАРАҚ-ВАРАҚ I** Жуда кўп варақлардан иборат бўлган, варағи кўп. *Варақ-варақ қоғоз.* ■ *Варақ-варақ хат ёзганлар гапни қаёқдан топаркин-а?* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**ВАРАҚ-ВАРАҚ II** *айн. жарақ-жарақ.* *Пул десанг — варақ-варақ, тилла десанг — хумлари тўла.* Ойбек, Болалик.

**ВАРАҚ-ВАРАҚ III** *тақл. с.* Қайнаётган ёки оқаётган суюқлик товуши ҳақида. *Қумғонни варақ-варақ қайнатиб, аччиқ-аччиқ чой дамлаб берарди.* Ш. Тожматов, Эрк куши.

**ВАРАҚ** Юпқа ёйилган варақ-варақ ёғли хамир ичига қийма солиб, ёғда пиширилган таом; сомсанинг бир тури. *Офтоб ойим варақи пиширишдан бу кунги меҳмоннинг унча-мунча киши бўлмаганлигини билди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Патнусларда, тоғораларда.. қовурма чучвара, варақи, қатлама ва бошқа ҳар нав мева-чевалар.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВАРАҚЛАМОҚ I** **1** Китоб, дафтар ва ш. к.нинг варақларини бирма-бир очмоқ. *Журнални варақламоқ. Альбомни варақламоқ.* ■ *Ботирали қизнинг дафтарларини чироққа яқинроқ тутиб, бирма-бир варақлаб кўрди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**2** *кўчма* Тарих, ҳаёт варақларини хаёлдан (назардан) ўтказмоқ. *Аста варақлайман ўтган кунларни..* Рауф Парфи.

**ВАРАҚЛАМОҚ II** Варақ-варақ, бақир-буқир овоз чиқармоқ (қайнаётган ёки оқаётган суюқлик ҳақида). *Ариқда сув варақлаб*

*оқаётир.* ■ *Эргашев пулемётдан шунчалик кучли ўт очдики, ҳатто пулемёт кожухидаги сув самовардағидек варақлаб қайнаб кетди.* Н. Сафаров, Қаҳрамоннинг туғилиши.

**ВАРАҚЛИ** Варақлари бор, маълум миқдордаги варақдан иборат бўлган. *Юз варақли китоб. Ўттиз варақли кўлёмза.*

**ВАРАҚЧИ** *эск.* Куръон оят ва сураларини ёддан билмайдиган, фақат китобга қараб ўқийдиган чаламулаларни англатади. *Мулланнинг ёмони — варақчи, одамнинг ёмони — қароқчи.* Мақол.

**ВАРВАР** [юн. *barbaros* — Шимолий Африкадаги қабилалардан бири] **1 тар.** Қадимги юнонларда ва римликлар назарида ҳар қандай чет эллик киши, бошқа эл одами.

**2** *кўчма* Ваҳший, қолоқ, маданиятсиз.

**ВАРВАРАК** *айн. варрак.* *Чучмомали тепанинг кўм-кўк бошида Бир тўда шўх болалар — тўзимсиз юрак, Қулгисидан осмоннинг жоми жаранглар, Тентак шамол йўлини пойлар варварак.* Ғ. Фулом.

**ВАРВАРИЗМЛАР** [юн. *varbarismos* — «келгинди» сўзидан] Она тилига ўзлашмаган, унинг меъёрларига хос бўлмаган, ўзга тил ҳодисаси сифатида қўлланидиган сўз ва иборалар. *Комедия персонажлари нутқида учрайдиган варваризмларни қайси тилга алоқадорлигига кўра тўрт гурпуга ажратиш мумкин.. «ЎТА».*

**ВАРЗИШ** [ф. *ورزش* — машқ, кўникма]. *эск.* Уста, уддасидан чиқадиган. *Кўлларим жазм этса, саранжом ҳар иш, Ҳар қандай жумбоқни ечишга варзиш.* Миртемир.

**Варзиш етказган** Тажрибали, моҳир. *-Ҳар қанча варзиш етказган ғассол бўлса ҳам, бир ўликни шунчалик ювар-да, — деди Шум бола.* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ВАРИАНТ** [лот. *variantis* — ўзгарувчан] Лойиҳа, режа, илмий, бадий, адабий асар, машина ва ш. к.нинг бошқача ишланган тури, бошқа хил ишланган нусхаси. *Икки вариантда тайёрланган лойиҳа.* ■ *“Алломиш” дostonининг Фозил шоирдан ёзиб олган варианты. Албатта, ўзи эмас, бу қайта ишланган варианты..* Ғ. Мусажонов, Ҳиммат.

**ВАРИЛЛАБ I** «Вар-вар» деган ва шунга яқин давомли товуш чиқариб. *Тракторлар чуриллаб-вариллаб, ёввойи жийда, чангал.. дўлана сингари бута ва майда дарахтларни таг-томири билан кўпориб ташлар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинон чироқлари. *Саид ва-*



риллаб айланиб турган кучли вентилятор ёнига келиб, кўкрагини тутди. Й. Муқимов, Оловли соҳиллар.

**2** Тез ва кучли, равон ҳаракатланиб. *Кийимларини ечиб, вариллаб оқаятган крандан ювинаркан.. молбоқар Эргаш ака унинг ёнига келди. Р. Файзий, Раҳмат, она қизим.*

**ВАРИОМЕТР** [лот. *variā* — ҳар хил + юн. *metron* — ўлчов] **1** Самолётнинг баландлашиш ва пастлашиш тезлигини аниқлайдиган, учишнинг горизонталлигини кўрсатадиган назорат-ўлчаш асбоби.

**2** Горизонтал йўналишдаги эркин тушиш тезлиши ва оғирлик кучи потенциалига тенг сирт эгрелиги ўлчанадиган асбоб.

**3** Магнит майдонининг вақт бўйича ўзгариши ўлчанадиган асбоб.

**4** Икки индуктивлик галтагининг вазиятини механик ўзгартириб, ўзаро индуктивликни текис ўзгартирадиган асбоб.

**ВАРРАК** Бир тахта юпқа қоғозга ёки матога қамиш ёки савағич чўпларини белгилли тартибда қўйиб, елимлаб тайёрланадиган ва ипга улаб, шамолда учуриладиган ўйинчоқ; варварак. *Варрак учирмоқ. ■ Шамол келмас, кўтарилмас дока варрагим, Дардаракдай типирчилар, тошар юрагим. Ф. Ғулом. Бир вақтлар у ўша том устида варрак учирарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**ВАРРАНТ** [ингл. *variant* — ваколат, вакиллик ҳуқуқи] **1** Маълум муддат ёки чекланмаган муддат давомида белгиланган нархда қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома.

**2** Товар оморга сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**ВАРТА** [а. *ورطه* — оғир, қийин аҳвол; ҳалоқат; кўнгилсизлик] Ҳалоқатли, жуда ёмон ҳолат, аҳвол. *..Офтоб ойим учун куёвинигина эмас, ҳатто эрининг ҳам бу вартага тушмоғи чидай оларлик бир ҳол эмас эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ВАРЬЕТЕ** [фр. *variete* — хилма-хил, ҳар хил] Томошаларида рақс, мусиқа, эстрада ва цирк санъатининг турли жанрлари қўшилиб кетадиган, асосан комедия хусусиятига эга бўлган театр тури.

**ВАСВАСА** [а. *وسوسة* — тўғри йўлдан оздириш; хавф-хатар, хавотир] Одамада ғайритабиий ҳаёллар, гоёлар пайдо бўлиши, фикрлаш ва фараз қилиш фаолиятининг бузилиши, шундай руҳий ҳолат. *Уруш вас-*

*васаси. ■ Ғуломжон севаги васвасасига учганини, шаънига ярашмаган қилиқ қилганини энди англади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Одам васвасага тушса, ёмон бўларкан. «Ёшлик».*

**2** Кишини йўлдан оздирадиган гап, хатти-ҳаракат, игво ва ш. к. [*Юсуфбек ҳожи Отабекка:*] *Қайин отангдан, мени қувлади, деб кўнглинг олинмасин, чунки бу бечора ҳам бир шайтоннинг васвасаси билан бу хатога тушган. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Эй улуг шох, бу йўлдан қайт, шайтоннинг васвасасига учма, кейин пушаймон бўлиб юрма.. «Олтин бешик».*

**3** Ваҳимали, ғулғулага солувчи ўй-фикр, хаёллар, шундай ўй-фикр, хаёлли ҳолат. *Дилинғиздаги васвасаларни ҳайданг.. К. Яшин, Ҳамза. Доимо умидим бардам бўлса ҳам, Бабзан васвасалар босар дилимни. Ф. Ғулом.*

**4** кам қўлл. айн. **васвос**. *Нега васваса дейсан мени, Берди?.. И. Раҳим, Ихлос.*

**ВАСВАСАЛИ** Васваса ҳолатли, васваса ҳолатдаги. *Учинакам, ҳаммавақт бу хотиннинг ёнида ўтириб, у билан бир хонада ётиб бошига мажбур бўлса ҳам, унга қўл узатиш деган васвасали фикр билан доимо курашиб келарди. Чўлпон, Кеча ва кундуз.*

**ВАСВОС** [а. *وسواس* — йўлдан оздирувчи, васваса қилувчи] Бошига савдо тушиб ёки бирор нарсага ортиқ даражада берилиб, эс-ҳушидан озган; васвасага тушган, савдойи. *Васвос одам. ■ [Бўри-дев] Ғамгин қиёфада қайтиб келиб, Ҳодиқул боя ўтирган ерга тикилиб қолди. Кексароқ бир деҳқон: -Васвос бўлиб қолибди, қариндошингизми? — деди Бўри-девка. С. Кароматов, Бир томчи қон. Васвос дардига йўлиққан ҳокимдон ҳар нарсани кутмоқ мумкин. О. Ёқубов, Кўҳна дунё. Бекам, васвос бўлиб қолибсиз! ..бир оз дадил бўлинг! Ваҳима қилаверманг.. Мирмуҳсин, Меъмор.*

**ВАСИЙ** [а. *وصى* — ҳомий; васиятни бажарувчи] Вояга етмаган етим болаларга ғамхўрлик қилишни ва уларга мерос қолган мол-мулкка (болалар вояга етгунча) қараб туришни ўз устига олган (васият қилинган) шахс; маънавий ота. *..ота-оналар ва васийлар розилигисиз никоҳ тузиш мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳам бекор қилинди. Газетадан.*

**ВАСИЙЛИК** Вояга етмаган болаларнинг, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг ҳуқуқ

ҳамда манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши, ҳимоя қилиниш ҳолати. *Васийлик ва ҳомийлик мажбуриятларидан четлаштирилган шахслар болаларни тарбияларига ололмайдилар.* Газетадан.

**ВАСИЛА** [a. *وسيلة* – восита; баҳона] эск.

1 Бирор ишни амалга ошириш учун йўл, баҳона, сабаб. *Маъсумани эзарга бу бир васила эрди, Дин исмидан қилинган найрангу ҳийла эрди.* Ф. Ғулум.

2 Васи́ла (хотин-қизлар исми).

**ВАСИЯТ** [a. *وصية* – ўлим олдидан айтиб қолдириладиган гаплар, ўлим олдидаги охириги сўз] Марҳумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзиб қолдирган топшириғи, истаги, насиҳати. *Ўқши.. Уни ўзим жондан истаганим каби, отамнинг ҳам охириги нафасида менга қилган бирдан-бир васияти шу эди.* С. Айний, Эсдалиқлар. *..даданг фронтдан ёзган охириги хатида «Зулайҳо катта бўлса, менинг ишимни охирига етказсин», деб васият қилганди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Хадича хола ўлимидан олдин уй-жойларини набираси Эргашга васият қилиб қолдирди.* Газетадан.

**ВАСИЯТНОМА** [васият + нома] Ёзма васият; муайян шахснинг (васиятчининг), у вафот қилган тақдирда, ўзига қарашли бўлган мол-мулкнинг тасарруф этилиши бўйича хоҳиш-иродаси баён қилинган ҳужжат. *Васиятнома қолдирмоқ. Васиятномани тасдиқламоқ. ■ Боринеки, минбоши ўлишга яқин унинг Пошшахондан бошқа меросхўри қолмаслиги керак эди. Ё бўлмаса, васиятнома бўйича ҳамма нарса ўшанинг номига ёзиларди.. Чўлпон, Кеча ва кундуз. Васиятномани кимдир ёзган-у, охирига Тўхтасин ака лотинча имзо қўйган эди.* Ю. Шомансур, Қора марварид.

**ВАСИҚА** [a. *وثيقة* – ҳужжат, шаҳодат] Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (жумладан, Туркистонда) ер-мулк олди-сотдиси тўғрисида тузилган расмий ҳужжат. *Ўз уйимга ўзим кира олмайман.. Ўз уйим. Васиқам бор.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Сотувчи ва олувчи ўзаро келишганларидан кейин.. қозихонага бориб, васиқа қилиб, қозикалонга тегишли муҳронани бериб, муҳр бостирганлар.* С. Айний, Эсдалиқлар.

2 Шахсий гувоҳнома, ҳужжат. *Маждиддин.. муҳрлар босилган бир тахта қоғоз чиқариб: “Мана бу сизнинг васиқангиз”, – деди.* Ойбек, Навоий.

3 кўчма Ҳужжат, далил ўрнидаги нарса. *Сайлов бюллетени – бу оддий қоғоз эмас. Бу – меҳнат, ижод, бахт-иқбол васиқаси.* Газетадан. *Ариқлар чалгани ширин мусиқа, баракат – кузакдан дарак – васиқа.* М. Шайхзода.

**Васиқаси йўқ** Гапида турмайдиган; бетайин, бебурд. *..дийдаси қаттиқ бек ва унинг васиқаси йўқ яқинлари учун масала аён.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи. *Мен Асадни васиқаси йўқроқ, ҳойнаҳой, бу мулоҳазага қўшилмайди, деб ўйлаган эдим..* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**ВАСИҚАЛИ** Эғалик ҳақида тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилган; керакли хат-ҳужжатга, васиқага эга бўлган. *Васиқали жой. ■ [Бобомирза] Ёшлигдаёқ отасининг васиқали вориси бўлиб қолди.* И. Раҳим, Тақдир.

**ВАСЛ** [a. *وصل* – бирикиш; боғланиш; учрашув] *кт.* Ёрга эришув, ёр билан учрашув. *Гар вафо бўлмаса, васл беғумон бўлмас эди.* С. Абдулла. [Анвар:] *Ишқ давоси авом ўйлаганча васл эмас – ҳажрdir. Зеро, васл ишқ ўтини сундирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчidir.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**Васлига етмоқ** Висолига эришмоқ; етишмоқ. *Унинг васлига етган йигитнинг армони бўлмаса керак бу дунёда!* К. Яшин, Ҳамза.

**ВАССА** *бнк.* Оқ тол гўлаларидан бир томони ясси, иккинчи томони дўнг қилиб тайёрланадиган, иморатнинг тўсинлари устига зич қилиб кўндаланг териладиган калта таёқча; тоқи. *Васса ўрнига орасини очик-очик қилиб эгри-бугри тараша терилган.. пастаккина қоронғи чойхонада.. самоварчи чойнакка янги чой дамлаб олиб келди.* Ш. Ризо, Қор ёғди – излар босилди. *Қурбон шифтга, вассаларни кўрмай, тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ВАССАЖУФТ** *бнк.* Тўсинлари устига зич қилиб васса териб қурилган. *Вассажуфт иморат. ■ Эринмай, устунларига нақш солибди, кўчма қироатхонанинг китоблари учун жавон ясабди, шипини вассажуфт қилиб, қадимги бўёқларда безабди.* И. Раҳим, Ҳилола. *Мақбара ёнидаги кўҳна, вассажуфт шифтли масжидда аср намози ўқилди.* Х. Султонов, Бобурийнома.

**ВАССАЖУФТЛИ** *айн.* **вассажуфт.** *Жамшид вассажуфтли, деворларида қозиқлунги осилган, нимқоронғи ва салқин меҳмон-*

хонани жимгина томоша қиларкан, шунча йўл босиб келиб, уйда қамалиб ўтирганидан норози эди. «Ёшлик».

**ВАССАЛ** [лот. vassalus < vassus — хизматкор] 1 Ўрта асрларда: Фарбий Европада йирик феодалга ундан ер-сув инъом олгани учун тобе бўлган кичикроқ феодал.

2 Бўйсундирилган, тобе одам ёки давлат. *Вассал давлат.* ■ *Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Тўрткўл, Шобоз, Нукус шаҳарларидан тортиб то Орол денгизига қадар Россияга ўтган, Хива хонлиги эса оқподионинг вассалига айлантилган эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ВАССАЛЛИК** Қарамлик, қарашлилик. *Аваз тикка кириб, Ферузга қаради. У ўз ўрнида, эғнида яшил мовут тўн, елкаларида генераллик рутбасини билдирувчи нишонлар, кўкрагида оқподшога вассаллик тимсоли — кўк шойи тасма қийшиқ ташланган.* С. Сиёев, Аваз.

**ВАССАЛОМ** [а. والسلام — бўлгани шу; охири, тамом] 1 унд. с. Гап тамом, гап шу, бошқа гап йўқ, бошқа гап бўлиши мумкин эмас. *Бўлган воқеа шуки, мени от оқчодди.. Вассалом! Мирмуҳсин, Меъмор. Ўзингни гаровга қўйиб бўлса ҳам якан топасан, вассалом!* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

2 Шунинг ўзи кифоя; бўлди, тамом. *Орқасидан бир тош юмалатиб юборсанг, вассалом, тош ўз ишини қилади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ВАСФ** [а. وصف — таъриф, мақтов; белги, хислат] эск. кт. Таъриф, тавсиф (кўпинча оғзаси тарзда). *Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен.* Бобур. *Шунда менга деди у, эвоҳ, Ишқ васфига топилмас сўзлар.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**ВАТАН** [а. وطن — туғилиб ўсган жой, юрт] 1 Кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи; юрт, диёр. *Булбул чаманни севар, одам — ватанни.* Мақол. ■ У [Бектемир] узоқ ватани, ота-онаси, сермеҳнат, серташвиш, ҳаммавақт болаларнинг қийчуви билан тўлган катта оилани.. эсларди. *Ойбек, Қуёш қораймас. Туғилган ватаним — шу Ўзбекистон..* Фозил Йўлдош ўғли.

2 Киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат; она юрт. *Она ватан. Улуғ ватан.* ■ *Кишининг қадри амали ва унвони билан эмас, ватанига, халқига қилган хизмати билан ўлчанади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

3 Тураржой, бошпана, маскан, уй. *Ёши йигирма бешни қоралади. Лекин бошида на бўйрадек ватани бор, на жонида ҳаловати.* С. Сиёев, Аваз. *Тиктепада турадиган ватани йўқ, отасидан қолган чолдевор бузилиб, ёрилиб кетган.* А. Қодирий, Обид кетмон.

4 Ўсимлик ва ш. к. ларнинг асли келиб чиққан ерини билдиради. *Уй лимони — рутагуллилар оиласига мансуб, доим яшил субтропик ўсимлик. Ватани — Хитой, Япония, Шарқий Ҳиндистон.* «Уй-рўзғор энциклопедияси».

**ВАТАН ҚИЛМОҚ** Яшаш жойи қилиб ўрнашмоқ. *Тақдир қилган жойга ватан қиламан, Ажал этган жойда бир кун ўламан.* «Юсуф ва Аҳмад». *Андижондан Мирзачўлга келиб, чўлни ватан қилган, гўзани ўз фарзанди билган Фанишер Юнусов номини халқимиз бир умр ёдда сақлайди.* «Ўзбекистон қўриқлари».

**ВАТАНГАДО** [ватан + гадо] Ватандан кечиб, қочиб, ўзга элларда дарбадар юрувчи; қочқин. *Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл.* Мақол. ■ *Ажаб ҳол! Ҳатто бир сиқим тупроқ ҳам ватангадонинг кўз ёши ўз бағрига сингишини истамайди.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи. *Бераҳм замон ва шўр пешонам мени фарзандларимдан, эл-юртимдан жудо қилиб, ватангадолар кўйига солди..* А. Ҳакимов, Илон изидан.

**ВАТАНГАДОЛИК** Ватангадога хос ҳаёт, ҳолат, ватангадо бўлиб яшаш. *Ватангадоликнинг азоби гўр азоби билан тенг экан. Ун уч йил саргардонликдан кейин, юрагини ҳовучлаб бўлса ҳам, юртига қайтди.* А. Мухтор, Чинор.

**ВАТАНДОШ** Ватани бир, бир мамлакатда туғилиб ўсган кишилар (бир-бирига нисбатан). *Фурқат чет элларда яшаган йилларида ватани ва ватандошлари билан доимо алоқада бўлди.* «Ватан адабиёти». *Уйлайманки, бу йўлда бошқа ватандошларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлашга шошиладилар.* Газетадан.

**ВАТАНЖУДОЛИК** Ватандан жудо ҳолатдаги ҳаёт, шахснинг шундай ҳаёт кечирishi. -*Оламда ватанжудоликдан ёмон нарса йўқ, Хайридинжон ака, — деди у хўрсиниб.* Х. Султонов, Бобурийнома.

**ВАТАНЛИ** Тураржойга, бошпанага эга бўлган; уйли-жойли. *Ватанли бўлмоқ.*

**ВАТАНПАРВАР** [ватан + ф. پرور — ғам-хўрлик қилувчи] Ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари

учун жонбозлик кўрсатувчи. *Бу тўрт ватанпарвар хизмат қилаётган взвод қаттиқ жанг кунларидан бирида душманни қувиб чиқариб, қириб ташлаш ҳақида буйруқ олди.* Назармат, Мангу жасорат. *Сиз ўқийётган афандилар мактаби ватанпарварлар мактаби эмас, ватанфурушлар мактаби.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** Ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Ватанпарварлик бурчи.* ■ *Қуйида матбуотимиз учун ғоят муҳим бўлган, лекин негадир панжа орасидан қаралаётган ҳарбий ватанпарварлик мавзуси борасида бир оз сўз юритмоқчимиз.* Газетадан.

**ВАТАНФУРУШ** [ватан + ф. فروش — сотувчи] Ўз ватанига хиёнат қилувчи, ватанини сотувчи. *Ўз юртини империалистларга сотган ватанфуруш хоинларга қарши, ўт (оч)! Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ВАТАНФУРУШЛИК** Ватанни сотиш, унга хиёнат қилиш. *Ватанфурушлик уят, гарлик, ўғирлик уят. Юртни соғиниш уят бўлибдими!..* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ВАТАР** [а. وتر — мусиқа асбоби тори; камон ипи] *мат.* Айлананинг икки нуқтасини туташтирувчи тўғри чизиқ кесмаси.

**ВАТЕРПАС** [голл. water — сув + pas — ўлчагич] Горизонталликни текшириш ва кичик қиялик бурчакларини ўлчаш учун ишлатиладиган оддий асбоб.

**ВАТЕРПОЛИСТ** Ватерполо ўйинида қатнашувчи спортчи.

**ВАТЕРПОЛО** [ингл. water — сув + polo — тўп] қ. **СУВ ПОЛОСИ.**

**ВАТИН** [нем. Watte — момиқ пахта] Иссиқ (қишлик) кийимнинг авраси билан астари орасига солинадиган, сийрак тўқилган сермомиқ трикотаж мато.

**ВАТМАН** [ингл. < қоғоз фабрикаси эгаси Ж. Уотмен (Whatman) номидан: **ватман қоғоз** Чизма чизши ва расм солиш учун ишлатиладиган юқори навли қалин оқ қоғоз.

**ВАТТ** [ингл. watt < инглиз физиги Жеймс Уатт (Watt) исмидан] Халқаро бирликлар тизимида қувватнинг универсал ўлчов бирлиги (белгиси — Вт). *200 ватт қувватли лазер нури бир ярим миллиметр қалинликдаги титан тахтасини минутига ярим метрдан зиёд тезликка кесади.* «Фан ва турмуш».

**ВАТМЕТР** [ингл. watt + юн. metron — ўлчов] Фаол электр қувватини Вт ларда ўлчайдиган асбоб.

**ВАУЧЕР** [ингл. voucher — тилхат] Ёзма гувоҳнома, кафиллик, кафолат ёки тавсия; товар ёки хизматлар тўловини, кредит беришни, пул олишни ва бошқаларни тасдиқловчи ҳужжат.

**ВАФЛИ** [нем. Waffel < Wabe — асал] Шакар, қаймоқ, тухум кўшиб пиширила-диган, усти катак-катак печенье. [Июлят] *Патнисдан вафли қувачали мороженоелардан бирини олди.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Мўмин онаси берган пулни ҳеч нарсага харж қилмади. Эрталаб мактаб ошхонасидаги вафлидан жуда-жуда егиси келса ҳам олмади.* А. Жўраев. Тошбақалар пойгаси.

**ВАФО** [а. وفا — садоқат; ваъдани бажариш] 1 Ёрга, дўстга, яқин кишиларга садоқат; ўз аҳд-паймониини муқаддас тутиш; сўзда, ваъдада қатъий туриш. *Яхшидан вафо — ёмондан жафо.* Мақол. *Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши.* Мақол. ■ *Авалдада олиб кўнглим чин аҳду вафо бирлан, Охирда жафоларга ҳамхона қилиб кетди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**Вафо қилмоқ** 1) содиқ турмоқ, садоқат кўрсатмоқ. *Мен унга Умри тўғрисида билганларимни айтдим, сўзимнинг охирида: — Ўз эрига вафо қилмаган хотиндан вафо кутма, — дедим.* А. Қаҳҳор, Хотинлар; 2) кунига ярамоқ, асқатмоқ. *Не қилайким, дунё вафо қилмади, Вафо эмас, қатра шафқат қилмади.* Ҳ. Шамс. **Ваъдага вафо қилмоқ** Ваъдаси устидан чиқмоқ, ваъдани ўрнига қўймоқ, лафзида турмоқ. *Ваъдага вафо қилмоқ — мардларга хос фазилат.* Ғайратий.

2 Баъзи иш, уй ҳайвонларининг эгасига «садоқат»ига нисбатан қўлланади. *Мақол тўқийдилар мослаб ўзига, Масалан, ит — вафо, дейдилар ҳайҳот.* А. Орипов, Ёйиллар армони. *От вафоси тўғрисидаги оталар нақли икки рақибнинг от устидаги жангида синалди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ВАФОДОР** 1 Ўз аҳд-паймониини муқаддас тутувчи, сўзида, ваъдасида қатъий турувчи; содиқ. *Вафодор ёр. Вафодор дўст.* ■ *Аниқ билдим: менга кўнгли бор экан, Икки йилдан бери интизор экан, Ҳақиқат, Нигор қиз вафодор экан.* «Нигор ва Замон».

2 кўчма Эгасига содиқ (ит, от ва ш.к. ҳақида). *Белгиланган жойда вафодор от пайдо бўлибди.* «Олгин бешик». *Икки тозим эди, она, вафодор, Душман келса, бўлар эди баробар.* «Рустамхон».

**ВАФОДОРЛИК** Вафодор кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; вафодорларга хос хусусият. *Мендан қолсин элга яхши от: вафодорлик ва мардоналик.* Т. Тўла. *Ҳабибанинг мақсад-муродини билиб олиб, унинг вафодорлигини кўрганимдан кейин, ҳалиги ғазаб яна ҳам кучайди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**ВАФОЛИ** айн. **вафодор.** Вафоли дўст йўлга солар, *Ифвогар дўст пайдан олар.* Мақол. ■ *Умидим шул эди, вафоли ёрим. «Ойсулув».* *От вафоли бўлади, хотин вафосиз — Бек буни ўз турмушида синаб билган.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ВАФОСИЗ** Вафоси йўқ, бевафо. *Вафосиз одам. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.* Мақол. ■ [Фуломжон устага:] *Бу вафосиз дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгли деган нарса ҳам бор экан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Виждонсиз, вафосиз ул она ҳали бу гўдакнинг тирноғига ҳам зор бўлади.* М. Алиев, Шонли авлод.

**ВАФОСИЗЛИК** Вафосизга хос иш, ҳислат, хусусият. *Инсон бўлсанг, вафо қил, Вафосизлик — хато, бил.* Мақол. ■ *Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонганим бир йигитдан улуг вафосизлик кўрдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Машраб вафосизлик тўғрисидаги китобларни ўқиса, эсига ҳамшиша Мастура тушади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**ВАФОТ** [а. وفات — ўлим, ажал] Ўлим. *Солиҳ маҳдум отасининг вафотида йигирма ёшлик талаба эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бугун Гулнор вафотининг саккизинчи куни.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Вафот этмоқ (ёки қилмоқ)** Ўлмоқ, оламдан ўтмоқ. *Мирзакаримбойнинг хотини Лутфинисо тўсатдан, қалб хасталигидан бўлса керак, бир кечада вафот этди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Аммам вафот қилганидан кейин, тоққа кетиб қолган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВАХЛИ(К)** с.т. қ. **вақтли.** *Вой боламей, вахлик келади кунинг ҳам бўлар экан.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Хўжайин, эртага вахлироқ келарман.* Т. Алимов, Жоним ҳиқилдоғимда.

**ВАХТА** [нем. Wacht — қўриқчилик, қоровуллик хизмати] 1 *Кемада посбонлик, навбатчилик.*

2 *Бирор иш-меҳнат, жараён ҳолати, пости. Юбилей вахтаси. Тинчлик вахтаси. ■ ..атом қуроли билан қуролланишга қарши*

*норозилик вахтаси уюштирилди.* Газетадан. *Меҳнат вахтасида туриб ишлаётган жамоа ўз зиммасига яни мажбурият олди.* Газетадан.

**ВАХТЁР** [нем. Wachter — қоровул] Муасасаларда навбатчи қоровул. *Бир гуруҳ юқори курс студентлари турадиган бу уйда хоналар кам ва тарқоқ бўлгани учун вахтёр ўтирмас, ҳар хонанинг калити маълум бир жойга яшириб қўйилар эди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ВАШИЛЛАМОҚ** «Ваш-ваш» деган (шунга яқин) товуш чиқармоқ. *..ёелининг «Давотим қани?» деб, у ёқдан-бу ёққа югургани эшитилди, примус вашиллади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Бошқа мурватни бураган эди, нимадир вашиллаб, цемент чангиди.* С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

**ВАЪДА** [а. وعده — сўз бериш, ваъда; муддат] Нимадир қилиш-қилмасликка берилган сўз. *Қуруқ ваъда.* ■ *Ваъда осон, лекин гап ваъдага вафода.* Ойбек, О.в. шабадалар. *Тўқсонов жўнаётганида, муаллимни алмаштириш тўғрисидаги ваъдаси билан Тожибойни қаттиқ ишонтириб кетган эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ўрмонжонга, Бўтабойга, Канизакка кўндан-кўп салом айтди ва «Кўшчинор»га шу ҳафта ичи, яни ваъдасидан бурунроқ боришини айтди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**Ваъда бермоқ айн. ваъда қилмоқ** 1) *Фуломжон кечқурун келишга ваъда бериб, Ольга Петровна билан чиқиб кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Ваъда олмоқ** Бирор ишнинг, мажбуриятнинг бажарилиши ҳақида сўз олмоқ. [Юсуфбек ҳожи Зайнабга:] *Жуда тўғри гапирдинг, болам, сендан олган ваъдани ундан [Кумушдан] ҳам оламиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ваъда қилмоқ** 1) бирор ишни, вазифани адо этиш ҳақида мажбурият олмоқ, сўз бермоқ. *Хафа бўлманг, опа, мен уни унуттишга ваъда беролмайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол; 2) бирор нарса бериш ҳақида мажбурият олмоқ, сўз бермоқ. *Фотима ваъда қилинган гапни кутар, Элмурод эса, нимадан, қандай бошлашни билмай, мувофиқроқ сўз қидирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Ваъдага вафо қилмоқ қ. вафо.** **Ваъдани бузмоқ** Лафзини ютмоқ, берган сўзидан, ваъдасидан қайтмоқ. **Ваъданинг устидан чиқмоқ айн. ваъдага вафо қилмоқ қ. вафо.** *Ваъдамизнинг устидан чиқмасак, ҳамқшилоқларга қайси юз билан қараймиз.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**ВАЪДАБОЗ** салб. Қуруқ ваъдалар бераверадиган. «Хўп-хўп» деган ибора ваъдабознинг қиёфасини беркитиш учун бир нарда экан. Газетадан.

**ВАЪДАБОЗЛИК** Ваъда бериб, устидан чиқмаслик, бажармаслик хислати. *Ҳар кунги ваъдабозликдан бир кунги жонбозлик яхши.* Мақол.

**ВАЪДАЛАШМОҚ** Бир-бирига ваъда бермоқ, бир-бири билан аҳд-паймон қилмоқ, сўзни бир жойга қўймоқ. [*Отабек устага:*] *Туякашлар билан Андижонда бу кунга урашиш учун ваъдалашган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бу ёққа келишда у Гавҳар билан ёзишиб туришга ваъдалашган, иккови ҳам хатларни почтадан.. оладиган бўлган эди. П. Қодиров, Уч илдиз.

**ВАЪДАСИЗ** Ваъдасида, лафзида турмайдиған; субути йўқ, субутсиз. *Ваъдасиз одам. Ваъдага вафо – марднинг иши, ваъдасиз – субутсиз киши.* Мақол.

**ВАЪЗ** [а. وعظ – панд-насиҳат; насиҳат қилиш] **1** Диний тушунчаларни халққа, қавмга тушунтиришга, тарғиб қилишга қаратилган нутқ; яхшилик ва эзгуликка чақирувчи даъват. *Орадан уч кун ўтиб, намоз жумадан кейин, Абдуваққос эшон ваъз айтибди, ғазотга фатво берибди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**2** Маъруза; лекция; нутқ. *Ўз ваъзини тамомлар экан, деди: «Танқид келтирар фойда».* М. Икром, Кўнгил гули. *Халил ота Тўрахоновнинг баландпарвоз ваъзини жимгина ўтириб тинглади.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**3** Насиҳатомуз ёки ташвиқий нутқ; панд-насиҳат, ўғит. *Мажлисида озиқ-овқат развёрсткаси ҳақида ваъз айтади-ю, уйда шолни ўрага кўмади.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**Ваъз айтмоқ** (ёки ўқимоқ, қилмоқ) Маъруза қилмоқ, нутқ сўзламоқ; ташвиқ-тарғиб тарзидаги сўзлар айтмоқ. *Ниҳоят, дўппайган икки гўр устида Олимжон ака кўчани тўлдирган халққа қарата ваъз айтди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *У [қаландар] овозини баланд қўйиб, охираат кунидан ваъз айтарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ғиёсхон жиғибийрони чиқиб, унга ваъз ўқинишга тушиб кетарди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Биз уни колхоз радиоузелида микрофон ёнида ваъз қилаётганида учратдик.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ВАЪЗ-НАСИҲАТ** Ташвиқ-тарғиб, насиҳат тарзидаги сўзлар. *Халқ подшо амалдорларининг: «Мардикорлар фақат фронт орқасидаги ишларнигина бажаради..» деган ваъз-насиҳатларига ишонмас эди.* М. Ўрин-хўжаев, Унутилмас кунлар.

**Ваъз-насиҳат қилмоқ** Ваъз, насиҳат тарзидаги сўзларни айтмоқ. *Имом, тўполонда бошидан тушиб, тупроққа қоришган салласини қоқиб-қоқиб, қайтадан ўраркан, ўз қавмига ваъз-насиҳат қилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВАЪЗХОН** [ваъз + ф. خوان – ўқувчи, ўқийдиган] эск. Ваъз айтувчи; нотиқ, Меҳриниса Зоҳиданинг гапларига қотиб қолганди. *Уни сира танимади.. Одам деганам шунақа ўзгариб кетадими? Ваъзхон-а, ваъзхон!* Р. Файзий, Ҳазрати инсон. *Ваъзхон йигит овозини баланд қўйиб, Боқирғонийдан, Иброҳим Адҳамдан, Румийдан кетмакет байтлар ўқиб ташлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ВАЪЗХОНЛИК 1** Диний мазмундаги ташвиқий нутқ. *Баҳромбек намозга зўрға улгурди. У имом Шариф Исмоилнинг узундан-узоқ чўзиладиган ваъзхонлигининг ниҳоясини сабрсизлик билан кутди.* «Ёшлик».

**2** Амалий, аниқ иш ўрнига ҳадеб нутқ сўзлайвериш, қуруқ гап сотиш, ҳамма ишни офизда битириш. *Ҳар кунги ваъзхонликдан бир кунги жонбозлик яхши.* Мақол. ■ *Тарғибот ишларида дабдабазликка, ваъзхонликка, расмиятчиликка қатъиян барҳам бериш лозим.* Газетадан. *Баъзан маърузалар ҳаёт билан боғланмай, қуруқ ваъзхонликдангина иборат бўлиб қолаётир.* Газетадан.

**ВАЪЗЧИ** эск. айн. ваъзхон.

**ВАҚ-ВАҚ тақл.** с. Қурбақанинг овози ҳақида.

**Вақ-вақ қилмоқ 1)** вақирламоқ, вақир-вақир сайрамоқ; **2)** кўчма маза-бемаза гап қилмоқ, валақламоқ.

**ВАҚИЛЛАМОҚ 1** «Вақ-вақ» деган товуш чиқармоқ (қурбақа ҳақида). *Ҳовузда қурбақа вақиллайди, нодон – даврада.* Мақол. ■ *Олисдаги зовурда ёлғиз бақа аҳён-аҳёнда вақиллаб, шерикларини базмга чорлайди.* «Гулдаста».

**2** кўчма Бўлар-бўлмас, бемаъни гаплар гапирмоқ; валақламоқ. *Кўп вақиллайверма! Кўриб турибсан-ку, бола эсини таниб олсинчи..* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. - *Бас, кўп*

*вақиллама!* — деди махдум қўл силтаб. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 «Вақ-вуқ» ва шунга яқин товуш чиқармоқ (оқаятган ёки қайнаётган сув ҳақида). *Гулханнынг олдида қора қумғонлар вақиллаб қайнамоқда.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ВАҚИР-ВАҚИР, вақир-вуқур тақл. с.** 1 Қурбақанинг тўхтовсиз сайраш овози, шу овозга тақлидни билдиради. *Вақир-вуқур қурбақа, нега афтинг бундақа.*

2 Сувнинг қайнашдаги товушини, шу товушга тақлидни билдиради. *Кўп ўтмай гулхан ёқилди. Қумғонлар вақир-вуқур қайнаб қолишди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**ВАҚИРЛАМОҚ қ. вақилламоқ.** *Бу ерда қурбақаларнинг бир маромда вақирлаши билан бирга электр узатувчи симларнинг ғалати чийиллаган товуши ҳам эшитилиб турарди.* Газетадан. *Чол вақирлаб қайнаб турган қумғонга кўк чой солиб дамади.* С. Аҳмад, Иқбол чироқлари. *Декча бир неча дақиқа вақирлаб қайнади-ю, ўт пасайиши билан яна жимиб қолди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Мингбоши хотинини жеркиб ташлади: -Уч талоқ кўйиб кетибди-ку, энди дидингдагини топиб берарсан, кўп вақирлайверма!* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ВАҚО** [а. وقايع — воқеалар, ҳодисалар]: **ҳеч вақо** *ҳеч нарса. Шудгорларга уруғ ташланмаган, ерлар ҳайдалмаган — бари бир эккани ҳеч вақо йўқ.* С. Сиёев, Аваз. *Шерниёз жуи қалпоғини кийди-да, ҳеч вақодан хабари бўлмаган Анор томонга кетди.* «Ёшлик». *Лекин ҳозир Солихнинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, қулоғи ҳеч вақони эшитмасди.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

**ВАҚТ** [а. وقت — замон, вақт муддати; он; мавсум] 1 Юз бериб турувчи воқеа-ҳодиса, нарсаларнинг асрлар, йиллар, соатлар, минутлар ва ш. к. билан ўлчанадиган давомийлиги, шундай ўлчов белгисига эга бўлган объектив ҳодиса. *Вақт ғоят имиллаб ўтарди.* Ҳамма хавотирланиб безовта бўла бошлади. К. Яшин, Ҳамза. *Лекин вақт ўз ишини қилди — ойни ғарб уфқидан тортиб кириб кетди.* *Демак, тонг отди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Шу объектив ҳодисанинг минут, соат, кун, йил ва ш. к. билан алмашинувидаги оралиғи, қисми, бўлаги. *Байрамлардагина киядиган, бошқа вақтларда чамадонидан авайлаб сақлайдиган оқ сурп кўйлагини кий-*

*ди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Биз буларнинг ёшида ўқишни билардик. Бўш вақтларни жамоат ишига сарфлардик.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Отабек кейинги вақтларда савдога юришни тарк қилиб қўйгани учун, Ҳасанали ишсиз қолган.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Соат, кун, ой, йил ва ш. к. нинг узлуксиз изчил алмашувида бирор мақсад учун белгиланган ёки бирор мақсад учун фойдаланилиши мумкин бўлган муддат оралиғи; фурсат. *Вақтни қўлдан бермоқ. Вақтдан ютмоқ. Вақтдан тўғри фойдаланмоқ. Вақтинг кетди — нақдинг кетди.* Мақол. ■ *Унинг овозини эшитиб, қўни-қўшнилари йиғила бошлашди. Вақтни бой бериш мумкин эмасди.* К. Яшин, Ҳамза. *..бошингизни икки қилиш учун, албатта, вақт етгандир, деб ўйлайман.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Вақт ўтди, биз озчиликмиз.* К. Яшин. Ҳамза. *Вақтингиз бўлса, бирпас сапласайлик.* С. Аҳмад, Юлдуз.

4 Вақтнинг бирор нарса, иш-машғулот учун белгиланган, ажратилган бўлаги; муддат. *Масалани тўғри ечди-ю, оққа кўчиратганида, вақти тугаб қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Танаффус вақтида ҳамма мукофотланганларни, мукофотланганлар эса бир-бирларини табриклар, зал ва фойелар говур бўлиб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Сухбатимиз шу ерга етганда.. соқчи кириб, вақтларинг тугади, дея огоҳлантириб қўйди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

5 Объектив ўтувчи вақтнинг маълум ижтимоий ҳодиса, ҳолатлар билан боғлиқ, улар билан кечган бўлаги; замон, давр. *Қулдорлик вақтида. Мўғуллар ҳукмронлиги вақтида.* ■ *Чор ҳукумат вақтидаги қуллингини ўйласанг.* Ҳамза.

6 Объектив тарзда кечувчи замон, даврнинг, киши ҳаётининг маълум, аниқ бир бўлаги, нуқтаси, оралиғи. *Вақт кеч бўлиб қолди. Болалик вақти. Ёшлик вақти. Ёз вақти. Намоз вақти.* ■ *Эрталаб Қўқондан чиқса, аср вақтларида Марғилонга кирадир..* А. Қодирий Ўтган кунлар. *Вақт пешиндан ўтган, кўк юзида қуёш чарақлаб турарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *..қизлик вақтида Нури уларнинг қулбасига жуда оз чиқар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

7 *флс.* Борлиқнинг, макон каби, объектив реал шакли, материянинг яшаш шакллари-

дан бири. *Нисбийлик назарияси — материя мавжуд бўладиган фазо ва вақт назариясидир.* «Фан ва турмуш».

**Айни вақт(да)** 1) шу вақтда, ҳозир(да), ҳозирнинг ўзида. *Айни вақтда концерт давом этапти;* 2) шу билан бирга. *Журналистика шу қадар оммавий, айни вақтда, шу қадар ёқимли ишки, шу касбнинг соҳиблари доимо юртнинг фикри-зикрида яшайдилар.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. У биров билан шахмат ўйнар ва, айни вақтда, йигирмага яқин одамни оғзига қаратиб, кулдириб ўтирар эди. А. Қаҳҳор, Қуюшқон. **Аксар вақт** Кўпинча. *Аваз.. ёзда.. боғ-ҳовлига чиқиб кетар, кўлларга бориб, балиқ овлар, аксар вақти ижод билан банд бўлар эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Баъзи вақт** Баъзи-баъзида, баъзан. *Баъзи вақт шуларни ўйлаб қоламан.* **Беш вақт намоз** Кунига беш марта ўқиладиган намоз (фарзлардан бири). *Беш вақт намозни қанда қилмасдан ўқийди, ихлос билан рўза тутади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Бир вақт** 1) айн. **бир вақтлар.** *Унинг ўзи бир вақт Рустамни яхши кўрарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол; 2) ўйламаган, хаёлга келмаган, билмаган бир вақтда. *Бир вақт эшикдан икки ўспирин кириб келди.* «Гулдаста». *Бир вақт мундай қараса, уни чақираётган Оқила буви эмас, жигарранг пальтоги чиройли қиз экан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Бир вақт Мажид қулоғи тепасида Файзи отанинг овозини эшитиб, бошини кўтарди.* «Гулдаста». **Бир вақтлар** Ўтган вақтларда, илгари (лари). *Бир вақтлар эркак зотини телба қилишга қодир бўлган бу оҳу кўзларига, ҳамон бичими бузилмаган қадди-қоматига тикилганча, миқ этмай ўтираверди.* К. Яшин, Ҳамза. *Бир вақтлар жўр бўлиб ўтли ёшликка, Юардим ҳеч сўнмас тилагим билан.* А.Орипов, Йиллар армони. **Бир вақти келиб айн. вақти келиб.** *Бу қишлоқда ўсадиган болалар бир вақти келиб, эҳтимол, бизнинг кўп ишларимиздан кулишар.* А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари. **Вақти келиб** Вақти етганда, тақозо вақти етиб (етганда). *Вақти келиб, бу одама нима учун «инобатлик» сифати берилгани кишиларнинг эсидан чиқиб кетади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Шундай янги хил ўсимликларни яратishi мумкинки, улар, вақти келиб, овқат хилларини кўнайтиради.* Газетадан.

**ВАҚТБАЙ** Вақтга қараб тўланадиган, белгиланадиган. *Вақтбай иш ҳақи.*

**ВАҚТ-БЕВАҚТ** Маълум (тайин), но-маълум (нотайин) вақт(да); белгили ёки белгисиз вақт(да); белгили бўлмаган вақтда; ҳар замон-ҳар замон(да). *Менинг уйим — сизнинг уйингиз. Вақт-бевақт келиб туринг.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Кампир мен туғилган-нимда, киндигимни кесиб, энагалик қилган экан, шу боис ўз онамдай кўриб, вақт-бевақт ҳолидан хабар олиб турар эдим.* «Ёшлик». У энди вақт-бевақт қирадиган бўлиб қолди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ВАҚТ-ВАҚТ: вақти-вақти билан** Баъзи-баъзида, вақти-вақти келиб, ора-сира, ўқтин-ўқтин. *Кўзга чалинмаслик учун, мен вақти-вақти билан Тошкентдан чиқиб кетар.. эдим.* Мирҳодиев, Унутилмас лаҳзалар. *Умусиқани ва ашулани ҳам севар.. вақти-вақти билан бировга эшиттирмай ашула айтар экан.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ВАҚТИДА 1** «Вақт» сўзининг ўрин-пайт келишик шакли. *Ишга бораётган вақтида. Ухлаб ётган вақтида.*

2 Белгили, ўз, қонуний, зарур вақтида. *Бевақт айтилган азондан вақтида узилган хазон яхши.* «Қанотли сўзлар». *Яхшиямки, фаросатли Табибий вақтида этагини тортиб қолди. Йўқса, Аваз ирғиб турар, «Бас!» деб қичқирарди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Хайриятки, шулар бор экан, кўзимни вақтида очиб қўйишди.* А. Обиджон, Аканг қарагай Гулмат.

**ВАҚТИНЧА** Доимий бўлмаган (доимий эмас), маълум вақт доирасида амал қиладиган, амалиёти маълум вақт билан чегараланган. *Бир қарасанг, ҳамма нарса бор. Яна бир қарасанг, ҳеч нарса йўқдай. Бари вақтинча..* А. Мухтор, Туғилиш. *Ҳозир-чи? У киши вақтинча директорми? «Муштум». Шундай қилиб, вақтинча бўлса-да, бошпана топилди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВАҚТИНЧАЛИК** айн. **вақтинча.** *Лекин бу вазият вақтинчалик эсан кўклам шамолига ўхшар эди.* Ш. Ҳолмирзаев, Шудринг тушган бедазор. *Сизга.. Давид ҳам вақтинчалик керак, ишингиз битиб, эшагингиз лойдан ўтгунча даркор бўлса керак.* Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

**ВАҚТИХУШЛИК** Кўтаринки кайфиятли ҳолат; хурсандчилик. *Одамлар қандайдир вақтихушлик билан қизиқиб, Хуррамга қарашди.* Ш. Ҳолмирзаев, Қил кўприк. *Ҳамманг ҳам шундай ўйлаб, Вақтихушлик, ўйин бўлсин.* «Баҳром ва Гуландом».



**Вақтихушлик қилмоқ** Яхши кайфиятли, хурсанд ҳолатни кечирмоқ, хурсандчилик қилмоқ. *Улар анча маҳалгача коллектор ёқасидаги чайлада вақтихушлик қилиб ўтирдилар.* Газетадан.

**ВАҚТИЧОҒЛИК** айн. вақтихушлик. *Тақдир ҳамиша унинг вақтичоғлигининг ғамини еб юргандай эди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Жангчилар бу кунни ўйин-кулги, вақтичоғлик билан ўтказдилар.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ВАҚТЛИ I** айн. вақтинчалик. *Ер ислоҳоти — вақтли кампания.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Шундай қилиб, вақтли маконни ташлаб, шаҳарга келдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Одатдагидан, белгили вақтдан олдин; эрта, барвақт. *Вақтли келинг.* Болалар вақтли ётиб ухлади. ■ — *Эсизгина, — дедим ўз ўзимга, — вақтлироқ уйланган эканман.* «Гулдаста». *Жума куни эрталаб дўконни вақтли очдим.* «Гулдаста».

**Вақтли матбуот** Вақти-вақти билан, белгили муддатларда босиб чиқариладиган, нашр этиладиган газета ва журналлар.

**ВАҚТСИЗ** кам қўлл. қ. **бевақт.** — *Вақтсиз сизни бетинч қилганимиз учун кечирасиз, — деди Зухуров.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Вақтсиз тугалди бебаҳо умринг.* Ғайратий.

**ВАҚТ(И)-СОАТИ** Бирор иш, воқеа ва ш. к. нинг юз беришига имкон берадиган пайт, амалга ошиш пайти; фурсат. *Билмадим, биров заҳарлаганми, ҳайтовур, вақти-соати етган экан.* Ойбек, Танланган асарлар. *Вақти-соати келур, Самарқанд орзусига ҳам эришурсиз.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Ҳа, майли, бунинг ҳам вақт-соати келиб қолар.* К. Яшин, Ҳамза.

**ВАҚФ I** [а. *وقف* — хайрия мақсадларида васият қилинган мулк, вақфий мулк] тар. 1 Мулкдор шахслар ёки давлат томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриш, аммо ўзини сотмаслик шарт билан ўтказилган ёки васият қилиб қолдирилган мулк (ер-сув, мактаб, шифохона, уй-жой, дўкон ва ш. к.). *Мадрасаи олиянинг уч юз олтмишта вақф дўконидан ижара ҳақига олтинлар оқиб турарди.* К. Яшин, Ҳамза. *Валихон мадрасада диний таълим олиб, мударрис бўлиб чиққанда, отаси уни сон-саноқсиз вақф мулкларига эга қилишни ният қилганди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ВАҚФ II** [а. *وقف* — тик туриш, тўхталиш] 1 Сўзлаш пайтида, Қуръон сураларини ўқийётганда (ҳар бир оят охирида) тўхташ.

2 Мусиқа асарларини ижро этиш пайтидаги тиним, кичик пауза.

**ВАҚФНОМА** [вақф.. + нома] тар. Ер-сув, хўжалик бинолари ва даромад келтирадиган бошқа мулкларни диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун диний муассасалар ҳамда айрим руҳонийлар тасарруфига ихтиёрий суратда ўтказганлик тўғрисидаги ҳужжат.

**ВАҚФХҲҲР** [а. + ф. *وقف خور* — вақф еювчи] тар. Вақф даромадидан фойдаланувчи ёки вақф маблағи ҳисобига яшовчи талаба. *Демак, эллик минг тангали ижара бадалидан.. уч минги барча вақфхўрга ва ўн уч минги бир неча шериклар орасида бўлинган.* С. Айний, Қуллар. *У ҳужраларнинг эгалари вақфхўрлар эмас. Улар юксак оилаларнинг ўғиллари эдилар.* Ойбек, Навоий.

**ВАҒИЛЛАМОҚ I** «Вағ-вағ» деган товуш чиқармоқ, шундай товуш билан гапирмоқ. *Бульдозерлар бири олиб, бири қўйиб вағиллайди. Орқага тисарилади, олдинга интилади.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Қаердадир йироқда радиоприёмник вағиллайди.* С. Зуннунова, Янги директор. *Тешабойнинг доим оғзи гапта, вағиллагани вағиллаган.* Ойбек, Болалик.

2 Тўлиб, куч билан ҳаракат қилмоқ (баъзи табиат ҳодисаларига нисбатан қўлланади). *Печ ёнидаги мўридан вағиллаб олов ва учқунлар чиқа бошлади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

**ВАҒИР-ВУҒУР** тақл. с. Ғовур-ғувур ва шунга яқин товуш ҳақида. *Вағир-вуғур қилмоқ.* *Хонадаги вағир-вуғур босилди.* ■ *У сўзларни вағир-вуғур такрорлаш билан овора бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вуғур гап, тўзимсизланиб, улоқнинг бошланишини кутадилар.* А. Қодирий, Улоқда.

**ВАҒИРЛАМОҚ** қ. вағилламоқ. Бақириб, шовқин солиб гапирмоқ, вағир-вуғур қилмоқ. *Вағирламанг беҳуда, бу гал навбат бизники.* Ойбек, Болалик.

**ВАҲ** унд. с. Бировни чўчитиш учун тўсатдан, билдирмасдан айтиладиган сўз. *Орқадан келиб «вах» деса, бир чўчиб тушибман.*

**ВАҲДАТ** [а. *وحدت* — бирлик, яқкаю ягоналик]: *вахдати вужуд флс. дин.* Абдий ягона Аллоҳ бор деб ҳисобловчи таълимот;

пантеизм. *Навоийнинг фалсафий дунёқарashi тасаввуфнинг ваҳдати вужуд, яъни борлиқнинг бирлиги тавлимотига асосланади.* “УТА”. **Ваҳдати мавжуд** *флс. дин.* Аллоҳ билан бирга ягона моддий олам бор деб ҳисобловчи таълимот. *Айтмоқчи, Спиноза ҳам сизга ўхшаган материалист. Уям ваҳдати мавжуд тарафдори.* “Ёшлик”.

**ВАҲДОНИЯТ** [a. وحدانیت — бирлик, яқалик; яккахудолик, монотеизм] *дин.* Аллоҳнинг якка-ягоналигини таниш ва эътироф этиш (Ислом динининг асосий гоёси).

**ВАҲИЙ** [a. وحى — илоҳий хабар] *дин.* Ислом ақидасига кўра, пайғамбарларга фаришталар орқали Аллоҳ томонидан юборилган буйруқ ёки кўрсатмалар. - *Пайғамбар бўлсанг, худодан нима деб ваҳий келди? — деб сўради ҳоким афандидан.* «Латифалар». *Тенгдошларидан ўйчанлиги ва ювошлиги билан ажралиб турадиган бу болакайга ўн икки ёшида ваҳий келади.* Газетадан. *Овозларга қараганда, жаноб эшоннинг қаландархонасига кечалари Жаброил осмондан ваҳий олиб келиб турар экан..* Ғ. Фулом, Шум бола.

**ВАҲИМ** [a. وهم — хаёл, тасаввур; гумон, шубҳа] **I** Кўрқинч, кўрқув. *Бошида тўсатдан бир ваҳим, кўрқинчли фикр уйғонди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ғуломжон кўрдию, шарпа ваҳимини ҳам унутиб, шохларни икки ёнга қайирди-да, орасидан суқилди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**2** Ваҳимали, кўрқувга солувчи, таҳликали. *Тўғонбек, гарчи вазиятини озгина бўлсин ўзгартирмаган бўлса ҳам, тили кесилиб, ваҳим бир сукутга кетди.* Ойбек, Навоий. *Ҳамма ерда ваҳим тушининг оғир қаноти.* Ғ. Фулом.

**ВАҲИМА** [a. واهمه — кўрқув, таҳлика; хаёлот; руҳий безовталиқ] **I** Ҳис-туйғу ва кайфиятнинг бузилиши; кўрқув бошиш, хавфсираш, юракни гулгула бошиши натижасида юзага келадиган руҳий ҳолат, кўрқув ҳолати, руҳий безовталиқ. *..кичкина дарчадан ваҳима билан мўралаб турган Бекажону Тўлғонийнинг мунгли кўзлари кўринади.* С. Сиёев, Аваз. *Онабиби бундан ҳеч хавотир оладиган нарса топмайди-ю, лекин яна қўли ишга бормайди, кўнглидан ваҳима аримайди.* А. Мухтор, Чинор. *Осмондаги жимир-жимир этиб турган сон-саноксиз юлдузларга тикилгандагина киши ваҳимани унутарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Серкалар бутун сурувни ўз*

*орқаларидан эргаштириб, худди бўри қувгандай, ваҳима ичида тўпта-тўғри жарликка қараб чолмоқда эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** Ваҳимани қайд этувчи, ваҳима билдирувчи гап-сўз, хатти-ҳаракат ва ш. к. - *Яна нима ваҳима? — деди. — Менга ишонмасангиз, мана, Муҳаммад Султон жанобларидан сўранг.. фитначилар бугун кечаси Сўзангарон дарвозасини Бобурга очиб бермоқчи эмишлар.* П. Қодиров, Юлдузлик тунлар. *Ҳаҳ, ҳали гап шуми? Ваҳимангиз бор бўлсин, одамни кўрқитиб юбордигангиз-а.* К. Яшин, Ҳамза. *Ҳали шунга шунча ваҳимами? «Мушгум».*

**3** Шундай руҳий ҳолатга соладиган нарса, гап, манзара ва ш. к. *Ўрмон қоронғилигининг ваҳимаси.* ■ *Кечаги ваҳималарни ўз кўзлари билан кўрган шоханшоҳлар бир-бирларига сездирмай, кечасининг ўзидаёқ куён бўлиб қочиб қолган эканлар.* «Эртақлар». *Кўчаларда аскарлар, ҳар ёқдан ғизиллаган ҳарбий машиналар кўп бўлишига қарамай, бу ердан урушининг қора ваҳимаси оз сезиларди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**4** Кўриниш, тузилиш ҳолати ваҳимали туюлувчи; баҳайбат, салобатли. *Ваҳимаси зўр.* ■ *Қоронғида ваҳима бўлиб кўринган тоғ унча баланд эмас экан.* С. Кароматов, Олтин кум. *Самолётга етдик. Эҳе, унинг ваҳимасини кўринг.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**5** Ваҳимали гапларни кўп гапирадиган, бўлар-бўлмаста ваҳима қиладиган шахсга нисбатан қўлланади. *Ҳе, ваҳима бўлсан, укам.* С. Анорбоев, Оқсой.

**6** айн ваҳимали. *Бу ваҳима гапларни қаёқдан топасиз-а, бекам.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**Ваҳима босмоқ** *Ваҳима ҳис-туйғуси эгалламоқ. Ваҳима босди, юрагини кўрқув тешиб, оёғидан мадор кетди.* «Ёшлик». *Уни ваҳима босди, кўз олдидан аллақандай пажмурда гавдалар ўта бошлади.* К. Яшин, Ҳамза. **Ваҳима касали** *с.т.* Ўзини доим таъқиб ёки хавф остида сезишдан иборат руҳий касаллик. **Ваҳима кўтармоқ** *Ваҳимага туширувчи иш-ҳаракат, ҳолатни кўзғамоқ. Пировардида йигитлар похолларга ўт қўйиб, душман тўдаси ичида ваҳима кўтардилар.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. **Ваҳима солмоқ** *Безовта қилувчи, ваҳимали руҳий ҳолат кўзғамоқ. Аллақаердан тун қушининг юракка ваҳима солувчи ҳорғин ноласи эшитиларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Ваҳима тушмоқ** *Руҳиятида ваҳима, кўрқув*

ҳисси кўзгалмоқ. *Душман сарбозлари рўпараларида қандайдир бир телба.. кимсага кўз ташлашиб, юракларига ваҳима тушиди.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Ваҳима қилмоқ** 1) ваҳима, ҳайрат ҳолатида бўлмоқ; кўрқмоқ. *..қозон тўла этса қараб, «ишунча гўштни ким ейди», дегандек ваҳима қилиб ўтиришар.. эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Ваҳима қиладиган жойи йўқ.* *Арзимаган гап [деди Ҳожимат].* С. Аҳмад, Қадрдон далалар; 2) ваҳима кўзғатадиган (ваҳимали) гап-сўз қилмоқ. [Марасул:] *Аҳаджон ака, жуда қалтис иш-да.. бир чувингиз чиқса борми, бу ёғингиз — райком, у ёғингиз — прокурор-а!* [Заргаров:] Э, ваҳима қилаверма! А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. *Ваҳима қилган Ҳожиматга бир ўқрайди-ю, яна чўкка тушиди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. **Ваҳимага тушмоқ** Ваҳима, кўрқув ҳиссига берилмоқ. *Очил аканинг гапларидан Шермат ака нақ ваҳимага туша бошлади.* А. Ҳайитметов, Шонли авлод. *Ваҳимага тушган қўшин бирдан ўзини орқага ташлади..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Ваҳимаси учмоқ** Ўта даражада ваҳимага тушмоқ, кўрқув, ҳаяжон ва ш. к.дан ҳангу манг бўлмоқ. *Чирманда бўғиқ гумбурайди. Кўнғироқларнинг жарангидан ваҳиманг учади, гўё чирмандани одам чалмайди, қоронғи кечада мудҳиш жар ёқасида дев чалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВАҲИМАЛАНМОҚ** Ваҳимага тушмоқ, таҳлика тортмоқ, кўрқмоқ. *Вали ака ваҳималиниб: -А!! — деб юборди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. «Умр алдоқчи нарса, бирпасда ўтади-кетди» деган гапнинг нечоғли тўғри эканлигини ваҳималанганча ўйлади. «Ёшлик».

**ВАҲИМАЛИ** 1 Кишини ваҳимага соладиган; кўрқинчли. *Ваҳимали кўриниш. Ваҳимали товуш. ■ Фронт Бектемирга дастлаб унча ваҳимали кўринмади.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Ҳаял ўтмай, ваҳимали гўлдураш яйловни ларзага солди.* А. Дилмуродов, Осмоннинг бир парчаси. *Унгирининг тепаси баланд жар. Унинг тагида гўр ҳам бор.* Бу ваҳимали жойларга кундузлари ҳам ҳеч ким келмайди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

2 Салобатли, ҳайбатли. *Олис-олисдан ваҳимали кўринган қоялар аста қиёфаларини ўзгартириб, чала-ярим кўрғонларга ўхшаб қолди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

3 Ваҳимани, кўрқинчли ифодаловчи, шундан дарак берувчи. *Омил Нодирнинг бу ваҳимали гапларга ҳам эътибор бермаган-*

*лигига ажбланиб турди-да, амакнинг олдида туришини айтиб, чиқиб кетди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина. *Хотин, ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб, унга ваҳимали қарар ва бошини чайқаб пичирлар эди.* А. Қаҳҳор, Анор.

**ВАҲИМАЧИ** Ваҳима қилувчи, ваҳима тарқатувчи; лоф уриб, кишилар юрагига гулгула солувчи. *Ўзи докторлар ҳам ваҳимачи бўлади-да, сал нарсага касалхона..* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бир ваҳимачининг қутқуси билан одамлар тўзиб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ваҳимачи старшина сизларни роса кўрқитганга ўхшайди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ВАҲМ** 1 айн. **ваҳима.** Ўлимнинг ваҳмидан ҳар дам юрак тўлганга йиғлайман. Ҳамза. *Чолнинг ваҳми, Ҳасан сўфининг ерга ётиб қулоқ солиши Фуломжонларни ҳайрон қолдирди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о. *Унинг овозидан кўрқинч аралаш ташвиш, боя ўзи айтганидек, ваҳм аломатини сезган Шерали хоҳолоб юборди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Бари чоққу олда, Эркин, не учун ваҳм айлади..* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Барот полвоннинг хотини уйда ёлғиз; эри ҳам, ўғли ҳам гўзарда.. кўчадаги хотинлар чувури, болалар йиғиси юрагига ваҳм соларди.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 айн. **ваҳимали.** Кейинги кунларни.. *Анорхон ваҳм ўйлар билан ўтказди.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ВАҲМА** с. т. 1 айн. **ваҳима.** Бу ерда илк бора янараган Темур саси, Чингизийлар бошига солиб кўрқув, ваҳмалар. А. Орипов. *Неза бу йигитнинг юрагига ваҳма соляписиз?* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Ваҳима касаллигига учраган одам.

**ВАҲМАК** [a. + ф. وهمك — гумонли, ваҳимали] 1 шв. айн. **ваҳимачи.**

2 зоол. Куртларнинг танасига тухум қўювчи ҳашарот.

**ВАҲМАҚУШ** Читтақлар оиласига кирувчи, ранги оқшдан тўқ жигарранг ва қорамтиргача бўлган, бошининг икки ёнида қора йўли бор майда қушча.

**ВАҲМКОР** айн. **ваҳимали** 2. *Бўлса ҳамки ваҳмкор, улкан, Чекинади оч тўда четга.* “Ёшлик”.

**ВАҲОЛАНКИ, ваҳолонки** [ф. وحوالآنکه — ҳолбуки] боғл. Тенг ҳуқуқли, лекин зид маъноли гапларни боғлаш учун хизмат қилади; ҳолбуки. *Бойваччадан гумоним йўқ деяписиз,*

ваҳоланки, сизни йўлдан урган ўша. С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**ВАҲШАТ** [а. وحشت — ёлғизлик, бегоналик; хавотир; жаҳолат, ваҳшийлик] **1** Кишини даҳшатга соладиган аянчли аҳвол, ўтакетган маданиятсизлик; нодонлик, жаҳолат. *Яшасин мактаб, шогирдлар ўқисин. Эски турмушлар, ваҳшатлар йўқолсин!* Ҳамза. *Ваҳшат билан инсон юзма-юз келди, Даҳшат билан инсоф юзма-юз келди.* Ж. Жабборов.

**2** Кишини даҳшатга соладиган ваҳшийлик, йиртқишчилик, ёвузлик; ваҳшиёна ва муддҳиш хатти-ҳаракат. *Душман ваҳшатидаан эҳтиётланиш учун томда ётган Собирнинг қонсиз юзига ҳам қуёш нури тушгач, у сесканиб уйғонди.* Ҳ. Шамс, Оқпадар. *Иброҳим Дўлдой сарбозлари кенг саҳрода бўрондай чанг кўтариб, қийқириб, ваҳшат билан фарғоналиклар устига от қўйишди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**3** Умуман, қўрқувга солувчи ҳолат; даҳшат. *Анджонда юз берган ваҳшатлар хабарини Самарқанда етказиш учун лой сачратиб от чоптириб бораётган Тоҳир энди Кувага яқинлашди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**Ваҳшат солмоқ** Даҳшат, қўрқинч солмоқ, шундай ҳолат кўзгатмоқ. *Шоқосимнинг башараси ҳам унинг танига ваҳшат соларди, бу безори бир кун эмас, бир кун шикаст етказишидан чўчирди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ваҳшат қилмоқ** Дўқ-пўпаса қилмоқ, даҳшат қилмоқ. -*Хўш, тўғриси айтсанми, йўқми!* — деб ваҳшат қилди Баҳўрга қўрбоши. Ё. Хаимов, М. Раҳмон, Ҳаёт-мамот.

**ВАҲШАТЛИ** Даҳшатли, қўрқинчли, муддҳиш. *Ваҳшатли товуш. Ваҳшатли манзара.* ■ *Мен шайтондан минг мартаба ваҳшатли бўлган Олчоқларни кўриб, чидаб турганман аввал.* А. Орипов. *Уруш тугади. Ажал тўнларининг ваҳшатли қаҳқаҳаси тинди.* Газетадан.

**ВАҲШИЁНА** **1** Ваҳшийларга хос бир йўсинда; ваҳшийларча. *Ваҳшиёна қийнамоқ.* ■ *Онаҳоннинг яраси ўнг елкасида, ваҳшиёна урилган пичоқ яраси эди.* А. Мухтор, Опасингиллар. [Амир] *Бухоро аркига борган йигирма бир кишини ваҳшиёна ўлдирган.* С. Айний, Куллар.

**2** Ёввойи, жаҳолатпараст кишиларга хос равишда; ёввойиларча, нодонларча. *Қани, менга айтинг-чи, бу ярамас, ваҳшиёна одалар, қалин олишлар, зўрлаб эрга беришлар қачон барҳам ейди?* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВАҲШИЙ** [а. وحشى — ёввойи, йиртқиш(ларча)] **1** Ибтидоий босқичдаги, маориф, маданиятдан узоқ, жуда ҳам орқада қолган; ёввойи. *Ваҳший халқларда қонхўрликка тамойил зўр бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Кўчма Шундай шахс, жамоа, халқ ва ш. к. га хос одат, хатти-ҳаракат ва б. *Аваз кўндан бу ваҳший удумни ўйлаб изтироб чечкар, бу забун, меҳнаткаш тўда хусусида бир шеър ёзишни мўлжаллаб қўйган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Булар нега бир-бирларини ҳеч аямай қамчи билан савалашяпти. Шунақаям ваҳший ўйин бўладими?* К. Яшин, Ҳамза.

**3** Жониворлар гўшти билан яшовчи, инсонлардан холи тоғ, саҳро ва ш. к. жойларда яшайдиган, қўрқинчли бўлган (жониворлар ҳақида); йиртқиш. *Ҳар турли ваҳший жондорларни кўриб, Зевархон ов қилмоқчи бўлди.* “Баҳром ва Гуландом” *Тоғдаги ваҳший жониворлар Муродхонни кўриб, унга ҳамла қилди.* “Муродхон”.

**4** Кўчма Шундай жониворларга хос хусусиятли, инсон қиёфаси йўқ, ёвуз. *Оромингни бузди сенинг ҳам фашист деган ваҳший оломон.* А. Орипов. *..падари бузрукворининг ўлимига кўз тикиб, тиш қайраб ўтирган Исфандиёрдек ваҳший шербаччага қамчи кўтариб, Аваз гумроҳлик қилмадими?* С. Сиёев, Аваз.

**5** Кўчма Қўрқинч солувчи, бало-офат келтирувчи, ёввойи. *Қўрқиб қарар ваҳший суварга ва денгизни айланиб утар.* Ш. Раҳмон. *Нусратилла ваҳший кўзларини йилтиратиб, титраб, шивирлаб, ёлворган йиғи товуши билан гапирар эди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**ВАҲШИЙЛАРЧА** айн. ваҳшиёна. *Ҳаж йўлида икки беғуноҳ ўғли билан ваҳшийларча ўлдирилган Хўжа Яҳёнинг тарафдорлари.. қосиб ва деҳқонларни кўзгатдилар.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ВАҲШИЙЛАШМОҚ** Ваҳшийга хос хусусият, одат касб этмоқ, тус олмоқ. *Чунки улар аламзада! Ваҳшийлашиб кетганлари ҳам шунинг учун.* Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт. *Бундай ўйин-кулги, танца-панца қилиб келмасак, одам жуда ваҳшийлашиб кетди.* Ф. Мусажон, Ҳури.

**ВАҲШИЙЛИК** **1** Ваҳший ҳолат. *Шунинг учун.. жаҳолат ва ваҳшийликнинг томирини қирқиб ташлаётимди..* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Ваҳшийларга хос иш, феъл, хатти-ҳаракат. *Бундан ортиқ ваҳшийлик борми? Ҳали бу Иброҳим Султон мингларча бухорийларни ёқади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ўзбеклар эрга хиёнатни қон тўкиш, фожиа билан яқуллашини қолоқлик, ваҳшийлик деб атарди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ВАҲҲОБИЙ** Ваҳҳобийлик оқимининг издоши, тарафдори.

**ВАҲҲОБИЙЛИК, ваҳҳобизм** [а. Муҳаммад Абдулваҳҳоб (оқимнинг асосчиси) номидан] Марказий Арабистонда XIX асрда пайдо бўлган, ислом динининг суннийлик йўналиши — ханбалия мазҳабидаги ақида-параст оқим (дастлаб Исломи динининг илк даврдаги ҳолатини тиклаш учун курашувчи диний оқим сифатида майдонга чиққан, кейинчалик унинг фаолияти сиёсий, ҳатто террористик тус олган).

**ВЕГЕТАРИАНЛИК** [ингл. vegetarian < лат. vegetarius — ўсимликка оид] Гўшти ва балиқдан тайёрланадиган овқатларни тан олмай, фақат ўсимлик овқатлар (мева ва сабзавотлар) билан овқатланиш тарзи.

**ВЕГЕТАТИВ** [лат. vegetativus — ўсимликка оид] биол. Ўсимликларнинг озикланиши, ўсиши ва кўпайиши учун хизмат қилувчи.

**Веgetатив аъзолар** Ўсимликларнинг ўсиш ва озикланиш аъзолари (илдиз, поя, барглр). **Веgetатив кўпайиш** Ўсимликларнинг ғайрижинсий йўл билан, яъни қаламча ёки пайванд қилиш каби йўллр билан кўпайиши. **Веgetатив нерв системаси физиол.** Невр системасининг овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш аъзолари фаолиятини, шунингдек, организмда моддалар алмашувини бошқаришда иштирок этувчи қисми. *Раъно Салоҳиддинова одам вегетатив нерв системасининг тузилишини ўрганиш устида қатор тажрибалар ўтказмоқда.* Ш. Фуломов, Ёрқин уфқлар.

**ВЕГЕТАЦИОН** бот. Веgetацияга, ўсишга оид.

**Веgetацион давр** айн. **веgetация даври** қ. **веgetация.**

**ВЕГЕТАЦИЯ** [лат. vegetatio — уйғониш, жонланиш] биол. Ўсимликлардаги ҳаёт жараёнлари (кўкариш, ўсиш, етилиш). *Веgetация даврида гўза тупида кўп миқдорда шона, гул ва ҳосил туғунчалари пайдо бўлади.* «Фан ва турмуш».

**Веgetация даври** 1) метеорологик шартларга кўра йилнинг ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши мумкин бўлган даври; 2) қишлоқ хўжалиги экинларининг тўлиқ ривожланиш циклини ўтиши учун зарур бўлган давр.

**ВЕДАЛАР** [санск. «веда» — билим] Ҳиндистон адабиётининг энг қадимги, будда дини пайдо бўлишидан олдинги намуналари, диний-бадий асарлар. *Хунрезлик қил демаган-ку на ведаю на Курьон.* Э. Воҳидов, Садоқатнома.

**ВЕДОМОСТЬ** [р. ведомый — «таниш, таниқли» сўзидан] 1 Бирор турдаги маълумотлар йиғиндиси; қайднома. Мас., иш ҳақи ведомости. *Ҳалим ака, идора хизматчиларининг ведомостини олиб киринг-чи.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**2** эск. Ахборот, ахборотнома (баъзи даврий нашрларнинг номи).

**ВЕЗДЕХОД** [р. «езде ходить» бирикмасидан — «ҳамма ерда юрувчи» маъносида] Ҳар қандай оғир йўлда, йўлсизликда ҳам юра оладиган автомашина. *Вездеходлар билан вертолётлар яйловларга озик-овқат.. етказиб бермоқдалар.* Газетадан.

**ВЕЙ** унд. с. Ҳайронлик, таажжуб, норозилик ҳис-туйғуларини ифодалайди. *Вей, ўзинг кимсан? Хотиниммисан? Мен фронтда қон тўкиб келганман.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ВЕКСЕЛЬ** [нем. Wechsel — ўзгариш; алмаштириш] Қонун билан қатъий белгиланган шаклдаги ёзма қарз мажбурияти: қарз олувчи томонидан кредиторга берилиб, кредиторга белгиланган муддатдан сўнг қарздордан белселда кўрсатилган пул суммасини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. *Шўринг қурғур саводсиз деҳқонлар бойдан олган юз сўм пуллари бадалига юз ийгирма, бавзан юз эллик сўмлик вексель бериб кетардилар.* М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари. - *Шу бас, — деди бойвачча, — буни вексель дейдилар. Муддатида тўлайди!* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВЕКТОР** [лат. vector — олиб борувчи; кўчувчи] мат. физ. Тўғри чизиқнинг муайян сон қийматига ва йўналишга эга бўлган кесмаси.

**ВЕЛОДРОМ** [лат. velox — тез + юн. dro-mos — югуриш; югуриш жойи] Велосипед машқлари ва мусобақалари ўтказиладиган махсус майдон.

**ВЕЛОПОЙГА** Велосипедда ўтказила-  
диган пойга, мусобақа; велосипед пойгаси.

**ВЕЛОСИПЕД** [*фр. velocipede < лот. velox – тез + pedis – оёқ*] Педаллар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч гилдиракли транспорт воситаси. *Пойга велосипеди. Велосипед спорти. Велосипед пойгаси. Велосипед минмоқ.* ■ *Қудрат велосипедда қушдай учиб кетаётиб, Марҳаматнинг гаплари устида ўйлайди.* Ҳ. Назир. Сўнмас чақмоқлар.

**ВЕЛОСИПЕДЧИ** Велосипед минувчи; велосипед спорти билан шуғулланувчи.

**ВЕЛОСПОРТ, велосипед спорти** Велосипедда сайр қилиб юриш, велосипед сайёҳлиги ва велосипед пойгасини қамраб олувчи спорт тури.

**ВЕЛОТРЕК** [*лот. velox – тез + ингл. track – сўқмоқ, йўлка; югуриш йўлкаси*] Велопойгалар ўтказиладиган, айланма қия югуриш йўлкаси бўлган спорт иншооти.

**ВЕЛЮР** [*фр. velours – духоба < лот. villosus – тук билан қопланган, пахмоқ*] 1 Бугу, қўй ва б. ҳайвонлар терисидан ошлаб ва хромлаб тайёрланадиган, асосан устки кийим-бош ва пойабзал тикиладиган калта тукли юмшоқ бахмалсимон чарм.

2 Тоза, сифатли жун толаларидан тўқиладиган калта тукли газлама ёки калта ва майин тукли мато (мовутнинг бир тури).

**ВЕНАЛАР** [*лот. vena – қон томир*] *анат.* Аъзо ва тўқималардан юракка қон олиб келадиган томарлар. *Венадан қон олмоқ. Вена қони.* ■ *Ҳужайраларда моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган қолдиқ моддалар ва карбонат ангидрид вена капилляр қон томирларига ўтади.* «Одам ва унинг саломатлиги».

**ВЕНГЕР 1** Венгриянинг асосий (ерли) аҳолисида иборат халқ, миллатнинг номи. *Венгер халқи. Венгер миллати.* қ. **венгерлар.**

2 Шу халқ, миллатга мансуб, тегишли, оид. *Венгер тили.*

**ВЕНГЕРЛАР** Венгриянинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ. *Янги йил куни венгерлар фақат бахт-саодат ҳақида ўйлашади. Бу ерда ғалати бир одат бор.* Газетадан.

**ВЕНЕПУНКЦИЯ** [*лот. vena – қон томири + punctio – санчиш; санчиқ*] Ташхис (диагноз) қўйиш ёки даволаш мақсадида вена қон томирига нина санчиш.

**ВЕНЕРА** [В – *катта < лот. Venus, Veneris*] 1 Қадимги Рим мифологиясида – севгимухаббат ва гўзаллик маъбудаси.

2 *астр. айн. Зухра.*

**ВЕНЕРИК** [*лот. Veneris – Венерага алоқадор*]: **венерик касалликлар.** *айн. таносил касалликлари.* қ. **таносил.**

**ВЕНЕРОЛОГ** Венерология мутахассиси, таносил касалликлари врачлари.

**ВЕНЕРОЛОГИЯ** [*лот. Venus, Veneris + юн. logos – таълимот*] Клиник тиббиёт соҳаси; таносил касалликларининг юзага келиш ва тарқалиш сабаблари, диагностикаси ва клиник кечишини ўрганани, уларнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқади.

**ВЕНТИЛЬ** [*нем. Ventil – клапан; жўмрак*] 1 Суюқлик, буғ, газ ва ш. к. нинг оқими, чиқишини тўғрилаш, бекитиш, уларни кўпайтириш ва камайитириш учун хизмат қилувчи қурилма; клапан. *Вентиль ишлаб чиқариш.*

2 *мус.* Пуфлаб чалинадиган мис чолғу асбобларида ҳаво чиқувчи қувур йўлларини узунлаштирадиган мослама.

**ВЕНТИЛЯТОР** [*лот. ventilator – елпиғич; соғурувчи, шамоллатувчи*] Ёпиқ бинодаги ҳавони янгилайдиган, ҳавони тозалаш турадиган, машина қисмларини совитадиган шамолпарракли механизм. *Электр вентилятор.* ■ *Тажрибали пармакаш эди-ю, фалокат босиб, қўли ишлаб турган дизелга кирди-ю, вентилятор парраклари икки бармоғини узиб кетди.* Газетадан.

**ВЕНТИЛЯЦИОН** Вентиляцияга оид. *Вентиляцион қурилма. Вентиляцион труба, қувур.*

**ВЕНТИЛЯЦИЯ** [*лот. ventilatio – совитиш, шамоллатиш, елпиш, соғуриш*] 1 Турли система ва мосламалар ёрдамида бинолар ҳавосини янгилаш, тозалаш, шамоллатиш. *Турли тешик, очиқ жой, ёриқлар орқали ҳавонинг янгиланишига табиий вентиляция дейилади.* Н. Исмоилов, Касалларни парварши қилиш.

2 Бино ҳавосини янгилаш, тозалаш, шамоллатиш учун қурилган мослама ёки мосламалар тизими. *Қурилиш гипсидан архитектура-бинокорлик буюмлари, вентиляция қутилари.. тайёрланади.* «Фан ва турмуш». *Вентиляция системалари, иситиш қозонхонаси.. бир меъёрда ишлашга тахт қилиб қўйилди.* Газетадан.

**ВЕРГУЛ** [фр. virgule — айни тиниш белгиси] тлш. Гапда интонацион бўлак ёки синтактик гуруҳларни айирувчи тиниш белгиси (,). *Вергул қўймоқ. Вергул билан ажратмоқ.* ■ *Ундашни кучли ифодалаш учун ундалманинг олдидан ундовлар қўлланади, ундов билан ундалма орасига вергул қўйилади.* «Она тили» (8—9-синфлар дарслиги).

**ВЕРДИКТ** [лот. vere dictum — тўғри айтилган] Суд маслаҳатчиларининг судланувчини айбдор ёки айбдор эмас деб чиқарган қарори.

**ВЕРМИШЕЛЬ** [итал. vermicelli — чувалчанглар < лот. vermiculus — чувалчанг; қурт] Бугдой унидан қорилган хамирдан тайёрланадиган ингичка, узун озиқ-овқат маҳсулоти. *Суюқ ошлар гуруч, оқшоқ.. оқшоқ уни, макарон, вермишель ва ҳоказолардан пиширилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ВЕРНИСАЖ** [фр. vernissage — локлаш] Бадий кўргазманинг тантанали очилиши.

**ВЕРНЬЕР** [ихтирочи француз олими П. Вернье (P. Vernier) номидан] 1 Узунлик ва бурчакни аниқ ўлчаш учун ишлатиладиган мослама.

2 Радиоприёмник ва бошқа радиоаппаратураларни аниқ созлаш учун мўлжалланган мослама.

**ВЕРСИЯ** [лот. versio — бурилиш, ўзгариш; кўринишини ўзгартириш] 1 Пайдо бўлиши жиҳатидан бир асосга эга бўлган, бироқ сюжет ҳалқасидаги айрим ўринлар, айрим талқинларда фарқланувчи бир асарнинг бир неча нусхаси. *..натижада эпик асарнинг тарқалиши ва яшаш шароитлари.. версия ва вариация, маълум ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг конкрет асарга таъсири каби масалаларни ёритишда ижодий ютуқларни қўлга киритди.* «ЎТА».

2 ҳуқ. Тергов ва суд фаолиятида терговчи ёки суднинг воқеа ва фактларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ҳақидаги тахмини.

**ВЕРСТАК** [нем. Werkstatt — устахона] Дурадгорлик, слесарлик ва ш. к. қўл ишлари бажариладиган махсус дастгоҳ. *Ҳасан ўйчанлик билан верстак устида турган электромоторлар корпусига бошини бурди.* Ибонхон, Улуг йўл.

**ВЕРТИКАЛ** [лот. verticalis — осма, тик] 1 *от* Осмон сферасида зенит нуқтаси орқали ўтувчи ҳар қандай катта доира.

2 *от* Текисликка 90° бурчак остида ўтказилган тик чизиқ, вертикал чизиқ.

3 *сфт.* Горизонтал текисликка нисбатан тик, осма. *Вертикал чизиқ.*

**ВЕРТОЛЁТ** [р. верт(еться) — айланмоқ + лет(ать) — учмоқ] Тикка учиб чиқиб, ерга тикка қўнадиган ва осмонда муаллақ тура оладиган, парракли, ҳаводан оғир учини аппарати. *Бирпас ўтмай вертолётнинг мотори гуруллаб, устидаги катта парраклари айлана бошлади.* Н. Фозилов, Дийдор.

**ВЕРФЬ** [голл. verf — кemasозлик корхонаси] Бевосита сув ҳавзаси соҳилида жойлашадиган, кемалар ясаيدиган ва ремонт қиладиган корхона.

**ВЕРШОК** [р. верхушка > верх + ок] Россияда метрик тизим жорий қилинганига қадар қўлланган ва 4,4 сантиметрга тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги. *Бир газ ўн олти вершок бўлади.* ■ *Мулла Обиднинг ўз синовиҳи, гумайнинг томири йиғирма, ҳатто йиғирма беш вершок чуқурда ётади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ВЕСТЕРН** [ингл. west — ғарб; ғарбий] 19-асрдаги Шимолий Американинг ғарбий штатларида кечган ҳаёт тарзи мавзуйига бағишланган саргузашт фильм.

**ВЕСТИБЮЛЬ** [лот. vestibulum — уйга кираверишдаги майдонча, даҳлиз] Кино, театр, метро ва ш. к. бошқа жамоат иншоотларининг ичкари қисмига кириш жойидаги катта, кенг саҳн, майдон. *Театр вестибюли. Клуб вестибюли. Метро вестибюли. Мактаб вестибюли.* ■ *..вестибюль деворини тўлдирган узундан-узоқ буйруқ-рўйхатларда Шавкатнинг фамилияси ҳам чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиш. *..узун йўлак, кенг вестибюлдан ўтиб, кўчага чиққанларида, ҳамма ёқ қопқоронғи ва совуқ эди.* С. Анорбоев, Меҳр.

**ВЕТВРАЧ** Ветеринария врач. *айн. ветеринар.* *Бунақа жижарранг «Жигули»дан совхозда етти кишида бор. Қайси бири экан? Бош зоотехникми, ветврачми, ким бўлди?* Газетадан.

**ВETERАН** [лот. veteranus — кекса, тажрибали; кекса жангчи] қ. **фахрий.** *Уруш ветерани. Меҳнат ветеранлари.* ■ *Ҳар қандай.. қимматли ташаббусларнинг бошида ветеранларнинг доимо бош-қош бўлиб туриши ажойиб анғанга айланган қолди.* Газетадан.

**ВETERИНАР** [лот. veterinarius — ветеринария мутахассиси, врач] Ветеринария

бўйича олий малакали мутахассис; мол доктори. *Ҳозирги замон ветеринарлари фақат касал ҳайвонларни даволабгина қолмай, соғломларини ҳам текшириб туришади, уларни касаллик юқишидан эҳтиёт қилишади, касалга чалинмаслиги учун эмлашади.* «Уким, бу нима?»

**ВЕТЕРИНАРИЯ** [лот. veterenarius — ҳайвонларни боқувчи, парваришловчи; ҳайвонларни даволовчи] Ҳайвонларнинг касалликлари, уларнинг олдини олиш усуллари ҳамда ушбу касалликларни даволаш тўғрисидаги фанлар тизими. *Ўртоғим танишганимиздан буён мол доктори бўламан, деб юрарди. Ҳужжатларини ветеринария техникумига топширди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

**ВЕТО** [лот. veto — рухсат бермайман, ман қиламан] ҳуқ. **1** Ривожланган давлатларда биронта орган, ташкилот қонуни ёки қарорининг кучга киришини тўхтатиш ёки кучга киришига йўл қўймаслик ҳуқуқи.

**2** Бирор қарорнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилувчи бирдамликнинг йўқлиги.

**ВЕШАЛКА** [р. «вешать» сўзидан — илгич] Уст кийимларни илиб қўйишга мўлжалланган буюм, илгич. *Лолахон уни [пальтони] олиб, уйга кираверишдаги вешалкага илиб қўйди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**ВЁРСТКА** [р. «верстать» сўзидан — саҳифалаш] полигр. **1** Босма қолип тайёрлаш жараёни; терилган матн ва унга тегишли бошқа унсурлардан газета, журнал ёки китоб саҳифаларини шаклантириш. *Унинг [китобнинг] муқоваси, титул varaғи.. этиборсизлик ва дидсизлик билан вёрстка қилинбди.* Газетадан.

**2** Тайёр қилинган саҳифа ва ундан олинган нусха. *Вёрсткани ўқимоқ.*

**ВЗВОД I** [р. «взводить» сўзидан — юқори кўтариш] ҳарб. Рота, батарея таркибига кирадиган кичикроқ бўлинма. *Танкчилар взводи. Автоматчилар взводи.* ■ *Элмуроднинг взводи ҳам батальон билан икки ҳафталик дала машқига чиққан эди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ВЗВОД II** Қурулнинг тепкини кўтаришга имкон берувчи кичикроқ мосламаси.

**ВЗНОС** [р. «взносить», «внести» сўзидан — тўлаш, тўлов] қ. бадал. *Аззолик вноси.* ■ *Кабинетда взнос қабул қиладиган қиз ўтирган эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ВИБРАТОР** [лот. vibrare — тебратмоқ; титратмоқ, қалтиратмоқ] *тех.* Тебранма ҳаракат ҳосил қиладиган асбоб, ускуна.

**ВИБРАЦИЯ** [лот. vibratio — улоқтириш; тебратиш; титраш] *тех.* Қаттиқ жисмларнинг механик тебраниши, силкиниши. *Фойдалаи вибрация вибраторлар билан ҳосил қилинади ва турли технологик операцияларни бажаришга хизмат қилади.* «Политехника луғати».

**ВИБРО-** [лот. vibrare — титратмоқ, қалтиратмоқ, тебратмоқ] Ўзлашма байналмиал сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, шу сўзларнинг тебранишга, вибрацияга алоқадорлигини кўрсатади.

**ВИБРОБОЛҒА** *техн.* Зарб билан ишлайдиган асбоб.

**ВИБРОИЗОЛЯЦИЯ** [вибро.. + фр. isolation — ажралиш, ажратиш, узиш] Одамлар ва иншоот, машина, асбобларни вибрациянинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш.

**ВИБРОМЕТР** [вибро.. + юн. metron — ўлчов] Тебранувчи жисмларнинг силжишини, турли қурилмалар вибрациясини ўлчайдиган асбоб.

**ВИБРОТЎҚМОҚ** Зарба ва тебранишлар таъсирида ерга қозиқ, труба қоқадиган, шунингдек, музлаган материалларни юмшатадиган, тупроқни зичлайдиган зарбий вибрацион машина.

**ВИБРОҒАЛВИР** Вибрация таъсирида ишлайдиган механик галвир.

**ВИВЕСКА** [р. «вывесить» сўзидан — осиб, ёпиштириб қўйилган нарса] қ. пешлавҳа. *Шамол. китобларни varaқлар, осилиб қолган вивескаларни тебратарди.* Ойбек, Қуёш қораймас. «Чайная № 5» деган вивескага кўзим тушиб, «қўқ чой ичиб, бир ҳузур қилай», дедим. «Муштум».

**ВИГОВОР** [р. «выговорить» сўзидан — танбеҳ бериш] қ. ҳайфсан. *Виговор бермоқ. Виговор эълон қилмоқ.* ■ *Ҳакимов қаттиқ виговор билан деканликдан ва кафедра мудирлигидан туширилган, энди фақат лекция ўқиб юрар эди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ВИДЕО-** [лот. video — кўрялман] Ўзлашма байналмиал сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, сўзнинг тасвирни электрон сигналлар асосида етказиб беришга алоқадорлигини билдиради. *Видеомагнитофон. Видеотелефон.*

**ВИДЕО** айн. **видеомагнитофон.** *Йиитлар видео кўриб ўтиришибди. Кўшнилариимиз ви-*



део олишибди. ■ *Диний экстремизм, сепаратизм ва ақиданарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини.* Газетадан.

**ВИДЕОАППАРАТУРА** [видео.. + аппаратура] Видеотасвирни олиш ва қайта кўрсатишга хизмат килувчи мосламалар мажмуаси.

**ВИДЕОБАР** [видео.. + бар] Видеотехника билан жихозланган кўнгилочар жой. *Унинг бир хонаси видеобар, қолганлари иш юриштишга, ҳордик чиқаришга мўлжалланган эди.* Т. Малик, Шайтанат.

**ВИДЕОЁЗУВ** Овоз ва рангтасвир ёзиб олиш жараёни ва шу жараён маҳсулотининг номи. *Ҳажмий кинематография, бир англ-стремга қадар ажратиб олиш қобилиятига эга бўлган микроскопия, рангли видеоёзув ва бошқалар шулар жумласидандир.* «Фан ва турмуш».

**ВИДЕОКАНАЛ** [видео.. + канал] Телекўрсатувларда видеофильмлар намойиш этилаётган махсус канал. *«Чинор» видеоканали.* Газетадан.

**ВИДЕОКАССЕТА** [видео.. + кассета] Видеотасма жойлаштирилган юпқа қутича. *Айрим хусусий дўконларда, жамоат жойларида безорилик ва бузуқликни ўргатадиган видеокассеталар, 18–19-асрларда Франция ва Россияда урф бўлган фаҳш китоблари сотилмоқда.* Газетадан.

**ВИДЕОКУЧАЙТИРГИЧ** Телевизион узатгичларда ва телевизорларда тасвир сигналларини кучайтирадиган мослама.

**ВИДЕОМАГНИТОФОН** [видео.. + магнитофон] Телевизион дастурларни ва умуман воқеа ва ҳодисаларни магнит тасмасига ёзиб олиб, қайта кўрсатадиган ва эшиттирадиган аппарат.

**ВИДЕОСАЛОН** [видео.. + салон] Видеофильмлар кўрсатишга мослашган хона, жой. *Кейинчалик бу видеосалонда томошабинлар учун бир қанча қулайликлар яратилади.* Газетадан.

**ВИДЕОСЕРИАЛ** [видео.. + сериал] Телекўрсатувларда узоқ вақт кўрсатишга мўлжалланган кўп серияли видеофильм.

**ВИДЕОТАСВИР** Видеотехникада намойиш қилишга мўлжалланган воқеа ва ҳодисалар тасвири. *Бугун барча айбни видеотасвирларга қўйиб, тўғри қиялтмизми?* Газетадан.

**ВИДЕОТЕКА** [видео.. + юн. theke – омбор, сақлов жойи] Видеокассета ва видеодисклар тўплами ва улар сақланадиган жой.

**ВИДЕОТЕЛЕФОН** [видео.. + телефон] Абонентлар бир-бирини кўриб гаплашадиган, шунингдек, расм, фотосурат ва матнлар намойиш қилинадиган алоқа тури.

**ВИДЕОТЕХНИКА** [видео.. + техника] Турли мақсадларда воқеа ва ҳодисаларни магнит тасмасига ёзиб олиб, қайта намойиш қилишга мўлжалланган техник жиҳозлар мажмуаси. *Оддий видеотехниканинг бугунги ҳаётимизда тутаётган ўрни муҳим бўлиб бормоқда.* Газетадан.

**ВИДЕОФИЛЬМ** [видео.. + фильм] Видеомагнит тасмасига ёзилган фильм. *Айниқса, шу кунларда томошабинлар этиборига ҳавола этилаётган «Чархпалак» видеофильмини ўзига хос воқеа деб аташ мумкин.* Газетадан.

**ВИДЕОЧИ** Видеоаппаратура билан видеофильмлар намойиш қилиш ва турли тадбирларни видеотасвирга тушириб олиш ишлари билан шуғуланувчи шахс. *Улар видеоочи таниш акаларининг олдига кетган эдилар.* Ҳозир келиб қоладилар. Газетадан.

**ВИДО** [ا. وداع – хайрлашув, кузатув] Сўнги хайрлашув, айрилиш. *Етмасмиди видо, етмасмиди гам? Етмасмиди шўрлик онанинг зори.* С. Акбарий.

**ВИДОЛАШМОҚ 1** Марҳум билан (ёки ҳаётдан кўз юмаётган шахс ўзгалар билан) абадий хайрлашмоқ. *Жангчилар.. милтиқдан бир йўла ўт очиб, Сариқов билан сўнги дафъа видолашдилар.* Н. Сафаров, Дон. *Қутидор видолашиб, аравага чиққанида, кўча тарафдан Отабек келаберди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ахир келган-кетганга ризолик бериб, видолашиб ётган эмиш. Мен ҳам сўнги бурчимни адо этиб қўйсаммикан?* С. Сиёев, Аваз.

**2** кўчма Умуман, кимса ёки нарса билан ундан абадий ажралиш олдидан хайрлашмоқ. *Бек унинг [отининг] тизгинидан тортиб, синиқ товуш билан: “Кел, жонивор, видолашайлик!” – деди-да, болта сопини камарига суқиб, отнинг бўйнидан икки қўллаб қучоқлаб олди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Эрали чўнтагидан эскириб кетган хатни олиб очди-да, гўё у билан видолашаётгандек, бошқатдан ўқиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**Ҳаёт билан видолашмоқ** Оламдан ўтмоқ; вафот этмоқ, ўлмоқ. *Эртаси, яшанба кун,*

тонг чоғида шоир ҳаёт билан видолашди. Ойбек, Навоий. *Ичкилик — заҳарли қора илон, унга ружу қилган одам ҳаёт билан видолашиши.. турган гап.* Газетадан.

**ВИЖ-ВИЖ** I айн. **биж-биж.** ..гӯристонда-чи, жин ҳам, ажина ҳам, арвоҳ ҳам — ҳаммаси виж-виж эмиш. А. Мухтор, Опасингиллар.

**ВИЖ-ВИЖ** II тақл. с. Хўл ўтиннинг ёниши, ачиган, бижғиган нарсанинг қайнаши ва ш. к. да чиқадиган товуш ҳақида. *Юпқа тери (ўрдакнинг териси) орасида ятиллаб турган сан-сарик ёғ оловда куйиб, виж-виж қайнади.* О. Ёқубов, Ларза.

**ВИЖДОН** [a. وجدان — эҳтирос, ҳистуйғу; инсоф, диёнат] Кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидagi масъулият ҳисси, инсонийликнинг асосий белгиларидан бири; диёнат, инсоф. *Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ, ягона заминни асрагансимон.* А. Орипов. *Бу одамгарчиликдан, виждондан эмас. Бу — пастилик.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Наҳотки улар ғурур, орият, виждон деган инсонийликнинг улғ хислатларидан юз ўгиришган бўлса?* Газетадан.

**Виждонни ютмоқ** Инсоф, диёнатдан ташқари, виждонсизлик билан иш тутмоқ. *Кимки пора берса, у виждонини ютган, поклигини йўқотган бўлади.* Газетадан.

**ВИЖДОНАН** рвш. Виждон билан, виждонли кишига хос тарзда. *Виждонан меҳнат қилмоқ. Ишдаги камчиликларни виждонан очиб ташламоқ.* ■ *Халқимизнинг энг муҳим маънавий-ахлоқий фазилати ўз иш жойида виждонан ва фидокорона меҳнат қилишдан иборатдир.* Газетадан. *Уларнинг [ҳашарчиларнинг] кўплари ҳалол, виждонан тер тўкмоқдалар.* Газетадан.

**ВИЖДОНИЙ** Виждонга оид, виждон тақозо этадиган. *Виждоний азоб. Виждоний вазифа. Виждоний иш.* ■ [Элмурод:] *..ўша қамалда ётганларни тезроқ озод қилишимиз керак. Мана бу бизнинг инсоний ва виждоний бурчимиз, дўстим!* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВИЖДОНЛИ** Виждонан иш тутадиган, виждони бор, инсофли, диёнатли. *Соф виждонли кишилар.* ■ [Элмурод] *Гулсум, Давлатёр каби виждонли одамларнинг ҳаётлари ёруғ ва ўзлари чинакам бахтиёр бўлмоқлари учун қандай чоралар бор, деб ўйлайдиган бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *..асар*

*одамларни тўғриликка, ҳалол ва виждонли бўлишга ўргатади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ВИЖДОНСИЗ** Виждонан иш тутмайдиган; виждони йўқ, диёнатини ютган. *Виждонсиз, вафосиз у она ҳали бу гўдакнинг тирноғига ҳам зор бўлади.* М. Алиев, Шонли авлод. *Отабек.. ҳиссиётини босолмади — [Ҳомидни] «виждонсиз тўнгиз» деди-да, ихтиёрсиз ўрнидан туриб кетди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ВИЖДОНСИЗЛИК** Виждонсиз кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Бирон буюмни сифатсиз ишлаб, авло навага ҳақ олиш ноинсофлик, виждонсизлик, тўғрироғи, ўғриликнинг бошқа бир тури-ку!* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ВИЖИЛАМОҚ** «Виж-виж» деган ва шунга яқин товуш чиқармоқ (қ. **виж-виж**). *ғир-ғир шабада юзни сийпайди, Қалдирғочлар вижиллайди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз. *Гоҳ-гоҳ шамнинг вижиллагани эшитилиб қолади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ВИЖИР-ВИЖИР** тақл. с. I Баъзи қушларнинг сайраганда чиқарадиган товушини, унга тақлидни билдиради. *Атрофдаги овозга гала-гала чуғурчуқларнинг вижир-вижири кўшилади.* Ҳ. Назир, Бир туп ғўза. *Қиш бўйи аллақайси гўр остларида жунжиб чиққан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар, саъвалар ва бошқа аллақанча қуш туркумлари ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур сайраб куйлайдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *кўчма* Болаларнинг чуғурлашига нисбатан қўлланади. *Директор болаларнинг вижир-вижирларини эшитиб, қулоғи битди.* «Муштум».

**ВИЖИРЛАМОҚ** «Вижир-вижир» товуш чиқармоқ, чуғурламоқ. *Қиз борар ишига, унга ёнма-ён Атласпўш қалдирғоч вижирлаб учар.* Х. Расул. *Сўри ёғочидан туриб олиб, вижирлаб сайраётган қалдирғоч жимиб қолди.* М. Мансуров, Ёмби.

**ВИЗ** тақл. с. Тез айланувчи ва умуман тез ҳаракат қилувчи нарса ҳосил қиладиган товуш ва унга тақлидни билдиради. *Виз-виз учиб арилар, Гул ўпар шарбат ялаб.* Қ. Муҳаммадий. *Уҳ, тинди тиғларнинг совуқ жаранги, Тинди камон ўқин машъум виз-визи.* О. Ҳақимов.

**Виз этмоқ** «Виз» деган товуш чиқармоқ. *Тилла кўнғиз виз этиб учди. Уқ виз этиб ўтиб*

кетди. ■ [Асаларилар] Кўз илғамас хартумчалари билан шира эмиб оладилар-да, яна виз этганча келиб. уйларига кириб кетадилар. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ВИЗА** [лот. visum — кўрилган] 1 Бирор хорижий мамлакатга бориш, унда яшаш ва унинг ҳудудидан ўтиш учун тегишли маъмурий идора томонидан паспортга қўйиладиган махсус рухсат белгиси. *Америка президенти Хитой маъмурларига «Озод Осиё» радиостанциясининг мухбирларига ташриф визалари бермаганликлари учун норозилик билдириш ниятида.* Газетадан.

2 Мансабдор шахс томонидан бирор ҳужжатга унинг тўғрилигини тасдиқлаб қўйилган ёки унга ҳуқуқий куч берувчи имзо, белги.

**ВИЗВИЗАК** Тугма ёки бошқа нарсадан ип ўтказиб, икки қўл бармоқларидан бирига ўрнатиб, икки ёнга тортиш ва бўшатиш билан виз-виз товуш чиқартириб ўйналадиган болалар ўйини. *Шу ондан бошлаб йигитча унинг [Мирсалимнинг] бармоқларига боғланган визвизак бўлди: истаса — айлантиради, истаса — ёнига солиб қўяди.* Шухрат, Олтин зангламас.

**ВИЗИЛДОҚ** с. т. Қора чигиртка, чирилдоқ. *Далалар визилдоқларнинг музикасини тинглагандай жимжит.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ВИЗИЛЛАМОҚ** «Виз-виз» овоз чиқармоқ (тезучар ҳашарот, отилган ўқ, шамол ва ш. к. ҳақида). *Шамол кимга тегажаклик қилишни билмай тургандек, ўзини уларга урди, кийим-бошларини тортқилаб, қулоқлари тагида визиллаб шўхлик қила бошлади.* Ф. Мусажонов, Баҳор нафаси. *Тўқай чеккасидан икки ўқ варанлади. Бемўлжал отилган бу ўқлар анча наридан визиллаб ўтди.* Ҳ. Гулом, Машғал.

**ВИЗИР** [нем. Visier < лот. visere — кўрмоқ, қарамоқ] 1 Ўқотар қуроолларнинг мўлжалга олиш, мўлжалга тўғрилаш мосламаси.

2 Фотоаппаратларда кўриниш (тасвир)ни қидириш, унинг фотоплёнкага сиғадиган қисмини аниқлаш учун хизмат қиладиган асбоб; тасвир қидиргич.

3 Геозезик асбобларда уларни бирон-бир нуқтага йўналтиришга имкон берадиган мослама.

**ВИЗИТ** [фр. visite — ташриф < лот. visege — кўрмоқ; ташриф буюрмоқ] Расмий

суратда бирор элда, бирор шахс ҳузурида қисқа фурсат бўлиш, ташриф буюриш, ташриф. *Дўстлик визити. Жавоб визити.* ■ *АҚШ давлат секретарининг Африка масалалари бўйича ёрдамчиси Ч. Крокер расмий визит билан Луандага келди.* Газетадан.

**ВИЗИТКА** [<р. «визитная карточка» (ташриф варақаси) бирикмасидан] Расмий мансабдор шахснинг исми, фамилияси, унвони, тураржойи кўрсатилган, шу шахс томонидан бирон-бир ташриф, учрашув, танишув пайтида бошқаларга бериладиган кичикроқ қалин варақча.

**ВИЗУАЛ** [лот. visualis — кўришга оид] Кўриш мумкин бўлган, кўринадиган.

**Визуал кузатиш** Бирон-бир воқеа-ҳодисани оддий кўз билан ёки дурбин, телескоп ёрдамида кузатиш, ўрганиш.

**ВИКЛЮЧАТЕЛЬ** [р. «выключить» сўзидан — узувчи] Электр токини узиш ва улаш учун хизмат қиладиган мослама. *Выключатель мен томонда экан, чироқни ёқдим.* П. Қодиров, Эрк.

**ВИКОНТ** [фр. vicomte — вице-граф < лот. vicescomes — тарбиячининг ўринбосари] Фарбий Европа мамлакатларида дворянларнинг граф билан барон оралиғидаги унвони.

**ВИКТОРИНА** [лот. victoria — ғалаба] Билимнинг муайян соҳасига доир саволларга жавоб бериш ўйини. *Адабий викторина. Муסיқавий викторина.* ■ *Болалар учун концертлар, мароқли эртаклар, викториналар тайёрланган.* Газетадан.

**ВИЛКА** [р. вилка — санчқи] 1 Овқатни санчиб оладиган дастали асбоб; санчқи. *Овқатни вилка билан емоқ.* ■ *Учинчи қадаҳдан кейин Зокирнинг гўштга санчмоқчи бўлган вилкаси тарелкага санчиладиган, лаблари ясама лабдай қўпол-қўпол қимирлайдиган бўлиб қолди.* П. Қодиров, Уч илди.

2 тех. Айри учли ҳар хил деталларнинг номи. *Штепель вилкаси. Велосипед вилкаси.* ■ *Ихтирочи стол лампасининг ипини розеткадан чиқариб олиб, ўрнига машинасининг вилкасини тиқди.* «Муштум».

3 шахм. Асп (от) ёки пиёданнинг айрисимон, бир йўла икки сипоҳга ҳужум қилиш ҳолати.

**ВИЛЛА** [лот. villa — шаҳар ташқарисидаги шинам уй, ҳовли] Шаҳарлар атрофида, хушманзара жойга қурилган катта

боғли ҳовли-жой. *Вилла деганлари ғоятда озода боғ, уч қаватли иморат, мрамар ҳовуздан иборат эди.* Т. Малик, Шайтанат.

**ВИЛОЯТ** [а. ولايت — бошқарув; чекка жой, ўлка] **1** тар. Мамлакатнинг пойтахтдан йироқдаги чекка ўлкаси. *Бобур мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улугбек давридаги каби бирлашса, пойтахт аслига қайтса, ҳамма вилоятлар ҳамжиҳату обод бўлса.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**2** эск. Умуман, мамлакат, ўлка, юрт. *Қадимдан ложувард, лаъл ва бошқа қимматбаҳо тошлари билан машҳур бўлган Бадахшон вилоятида [Афғонистонда] ҳам геологлар янги конлари аниқладилар. “Фан ва турмуш”. Ота, Чамбил дерлар вилоятингни.. “Ҳасанхон”. Худди ўша йили.. Шимолий Ҳиндистон ҳокими Акбар тобелигидаги Марказий Ҳиндистон вилоятига элчилар юборади.* С. Кароматов, Олтин қум. *Сенда кўндир, ўғлим, ақду фаросат, Охир сеникидир тахту вилоят. “Эрали ва Шерали”.*

**3** эск. Шаҳардан чекка жой(лар). *Кезиб шаҳру вилоят, кў-бакўйин дарбадар кўрдим.* Увайсий.

**4** Мамлакатнинг бир ва ундан ортиқ шаҳарларини ҳам ўз ичига оладиган йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма. *Тошкент вилояти. Навоий вилояти. Қашқадарё вилояти.* ■ *Андижон вилояти пахтакорлари бу йилги режани муддатидан илгари амалга оширдилар.* Газетадан.

**ВИЛТ** [ингл. wilt — сўлимоқ, қуримоқ] Ғўза, картошка, маккажўхори, кунгабоқар, қарам сингари ўсимликларда бактериялар, замбуруғлар, вируслар орқали тарқаладиган касаллик (бу касаллик ўсимликнинг сўлиб қолишига, барглари қовжираб, ҳалок бўлишига олиб келади). *Тўғри, пахтанинг ашаддий офати вилт эди. Ҳозирча олимларимиз унинг пайини қирқдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Салимхон Обидийнинг айтишича, селекцияда ҳозир чирсиллаб турган масала — вилтга қарши кураш.* Мирмуҳсин, Умид.

**ВИМПЕЛ** [оол. wimpel — байроқ] **1** Кеманинг қайси давлатга мансуб эканлигини кўрсатадиган айри учли энсиз байроқ.

**2** Меҳнатда намуна кўрсатган бригада ёки айрим кишига бериладиган энсиз ва узун ёки учбурчак байроқча. *Энг яхши тракторчига бериш учун “Меҳнат жасорати” вимпели таъсис этганмиз.* Газетадан.

**3** Учиш аппаратидан турли маълумот, хабар, газета ва ш. к. ташлашга мўлжалланган махсус гилоф ва унга солиб ташланган нарсаси. *Полвон отряди турган жойини қийинчилик билан топиб, устидан бир неча марта айланиб ўтди-да, кейин насталар, вимпел ташлаб учиб кетди. Полвон вимпел ичидаги қогозни ўқиб.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ВИНДИКАЦИЯ** [лот. vindicatio — ҳимоя, қўриқлаш; даъво, талаб қилиш] *иқт.* Мулк эгасининг ўз мол-мулкани унга қонунсиз эгалик қилаётган шахслардан суд орқали талаб қилиб олиши.

**ВИНЕГРЕТ** [фр. vinaigrette — сиркали салат, қайла] *кул.* Майда тўғралган сабзавотлар, гўшт ёки балиқ, тухумга сирка, мой ва ш. к. қўшиб тайёрланган яхна овқат.

**ВИНО** [лот. vinum — узум, ток танаси; айланувчи, ўралувчи] Узум ва мевалар шарбати ёки турпини ачитқилар иштирокида спиртли бижғитиш йўли билан тайёрланадиган ичимлик. *Йўлчи винони ҳидлаб, юзини буриштирди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳўжабеков пиёлачага лоларанг вино тўлдириб, жувонга узатди. Ўз пиёласига беш юлдузли коньякдан қуйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ВИНОЧИ** Вино тайёрлаш бўйича мутахассис, шу соҳада ишловчи шахс. *Республика виночилари ҳар йили 16,5 миллион декалитр вино материаллари тайёрламоқдалар.* Газетадан.

**ВИНОЧИЛИК** Узум ва бошқа мевалар шарбатини бижғитиб вино тайёрлаш. *Виночилик саноати.*

**ВИНТ** [нем. Gewinde — қирқма, резьба] **1** Бурама резьбали стержень; маҳкамлаш мосламаси. *Винт кесиш. Винт билан маҳкамлаш. Винт ясайдиган станок.*

**2** Кема ёки самолётни ҳаракатга келтирадиган механизмнинг айланувчи ўққа ўрнатилган парраги. *Кема винти. Самолёт винти.*

**ВИНТОВКА** [р. «винт» сўзидан] Стволнинг ичида ўқни айланма ҳаракатландирадиган винтли қирқмалари бўлган милтиқ. *Кичик калибрили винтовка. Автоматик винтовка. Винтовка затвори.*

**ВИНТСИМОН** Винт шаклидаги, спираль шаклидаги; бурама, айланма. *Винтсимон зинапоя. Винтсимон ҳаракат.* ■ *Тарқибий дейилишининг сабаби, у икки қисмдан — стержень ва унга винтсимон қилиб, спирал*

тарзда ўраладиган тишли пўлат лентадан иборат. «Фан ва турмуш».

**ВИНЬЕТКА** [ф. vignette — узум новдалари ва баргларидан қилинган бошиқ < vignе — узум] Китобнинг, матннинг бошида ёки охирида расм, нақш кўринишида бўлган безак.

**ВИОЛОНЧЕЛЬ** [итал. violoncello — кичик контрабас (violone — контрабас)] Бас-тенор регистрли, катта скрипка шаклидаги тўрт торли, камонли мусиқа асбоби.

**ВИРАЖ** [фр. virage — бурилиш, айланиш] махс. 1 Оддий учувчиликда горизонтал текисликда самолётни кескин ёнга оғдириш, 360° буриб учиш усули.

2 Юқори тезликда бораётган автомобиль, мотоцикл ва велосипеднинг эгри чизиқ бўйлаб бурилиши.

3 Автодром, велодром ва яхмалакларда нишабли бурилиш жойи:

4 Фотосуратларга ранг беришда ишлатиладиган суюқлик.

**ВИРИЛИЗМ** [лот. virilis — эркакларга хос, алоқадор] Аёлларда эркакларга хос иккиламчи жинсий белгиларнинг мавжудлиги (мас., соқол, мўйловларнинг ўсиши, овознинг дўриллаши ва б.).

**ВИРТУОЗ** [итал. virtuoso — ўз ишининг устаси, талант < лот. virtus — жасорат; истеъдод] Ўз ҳунарини мукамал, санъат даражасида эгаллаган санъаткор (созанда, хонанда ва б.).

**ВИРУСЛАР** [лот. virus — ўсимлик шираси; захар] Фақат тирик ҳужайраларда кўпайиб, одам, ҳайвон, ўсимликда юқумли касалликлар кўзгатувчи микроорганизмлар. **Грипп вируси.** ■ Вируслар маълум филтлардан ўтиб кетадиган бактериялар бўлиб, улар бактериядан кичик бўлади. 3. Орипов, Кўз илгамас дунё. *Вильсон Смитнинг аниқлашича, гриппни бактериялар эмас, балки ниҳоятда майда-майда, кўз илгамас вируслар вужудга келтирар экан.* «Фан ва турмуш».

**ВИРУСЛИ** Вируслар кўзгайдиган, вируслар келтириб чиқарадиган. *Вирусли касалликлар.* ■ *Вирусли гепатит* — юқумли касаллик бўлиб, унда асосан жигар шикастланади. «Фан ва турмуш».

**ВИРУСОЛОГИЯ** [вирус + юн. logos — билим, таълимот] Вируслар ва улар тарқатадиган касалликларни ўрганадиган фан. *Вирусология соҳасидаги муваффақиятлар хавфли вирусли касалликларга қарши янги..*

*воситаларни ишлаб чиқишга имкон берди.* Газетадан.

**ВИСИР-ВИСИР** шв. Пичир-пичир, шивир-шивир. *Улар «Ёқут бошқоронғи, Қодиржондан боласи борга ўхшайди», деган висир-висирни қулоқдан қулоққа ўтказиб юборишди.* А. Абдувалиев, Бизнинг йўлимиз.

**ВИСИРЛАМОҚ** шв. Пичирламоқ, шивирламоқ. *Ҳожи хола, араванинг фикри-фикрида биров эшитиб қоладигандай, шипишини яна ҳам пасайтириб, жувон қулоғига висирлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ВИСКИ** [ингл. whisky — ҳаёт суви; ароқ] Ўткир (кучли) инглиз ароғи. *..қўярда-қўймай хонасида роппа-роса тўрт соат олиб ўтирди. Эшикни қулфлаб қўйиб, эликтадан виски куйди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

**ВИСКОЗА** [лот. viscosus — ёпишқоқ; қовушоқ] 1 Целлюлозадан махсус йўл билан ишлаб олинадиган ёпишқоқ модда ва ундан тайёрланган сунъий ипак. *Жаҳонда ишлаб чиқариладиган сунъий ва синтетик толарнинг 75 фоизидан ортиқроғи вискоза толардир.* «У ким, бу нима?»

2 Шундай толадан тўқилган газлама.

**ВИСКОЗИМЕТР** Суюқлик ва газларнинг қовушоқлигини аниқлайдиган асбоб.

**ВИСКОЗИМЕТРИЯ** [вискоза + юн. metron — ўлчов] Физиканинг қовушоқликни ўлчаш билан шуғулланадиган бўлими.

**ВИСМУТ** [лот. Bismuthum; нем. Wismut < Wissmat — оқ масса] 1 Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент; қизғиш-кумушранг, оғир, мўрт металл.

2 Шу металл бирикмаларидан тайёрланган дори.

**ВИСОЛ** [а. وصال — боғланиш; севги алоқалари; эришув, етишув] айн. **васл.** *Мен биламан, соғингансан, вафоли дилдор, Яқинлашиб келмоқдадир висол кунлари.* Миртемир. *Қул учун озодликдан, ошиқ учун ўз жонони висолдан яхшироқ нарса йўқ.* С. Айний, Дохунда.

**ВИСТАВКА** [р. «выставить» сўздан — кўрсатиш; кўргазма] қ. **кўргазма.** *Илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган виставка жуда катта аҳамиятга эга бўлди.* Газетадан.

**ВИТ** тақл. с. Бедана ва ш. к. қушларнинг овози ҳақида. *Бедананинг «вит» дегани — қочгани.* Мақол.

**Вит демоқ** с. т. дағл. Қочмоқ, енгилмоқ, ўйиндан чиқмоқ. *Кўлидан келмаса, «вит» деб майдонни бўшатиб қўя қолсин-да!* У. Исмоилов, Сайланма.

**ВИТАМИН(ЛАР)** [лот. vita — ҳаёт + amin < ammiac] Инсон ва ҳайвон организмнинг одатдаги ҳаётгий фаолияти учун зарур моддалар, шундай моддалари бор препарат; дармондори. *Ҳозирги кунда 30 га яқин витамин маълум. Витаминларни соддароқ белгилаш учун лотинча ҳарфлар қўлланади. «У ким, бу нима?». Нон маҳсулотлари таркибида оқсил, турли минерал моддалар ва витаминлар бўлиши муҳим аҳамиятга эга. «Фан ва турмуш».*

**ВИТАМИНЛИ** Таркибида витамин бўлган; витаминга бой. *Витаминли овқат. Витаминли ўсимликлар.* ■ *Бу йил ўт-ўланларнинг кўп бўлиши кўпроқ витаминли ўт уни тайёрлаш имконини беради.* Газетадан.

**ВИТ-ВИТ** «Вит» ва шунга яқин товушларни, унга тақлидни билдиради. *Ҳар томондан «вит-вит», «чиги-чиги» деб сайраган қушларнинг турли қўшиқлари сойнинг наҳбасига мос бир музика ҳосил қилган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВИТРАЖ** [фр. vitrage < vitre — дераза ойнаси < лот. vitrum — шиша] Дераза, эшик ва ш. к. га рангли шиша парчаларини териб ёки ёруғлик ўтказадиган бошқа материаллардан фойдаланиб, нақш, тасвир ишлаш санъати. *Мозаикага яқин турадиган санъат турларидан бири витраж — шишани ҳар хил суратлар билан безаш санъатидир.* М. Аминжонова, Шишанинг кашф этилиш тарихидан. *Жануб томонида металл витраждан ташқари қуёш нурларини қайтарувчи осма темир-бетон панжаралар шиланган.* Газетадан.

**ВИТРИНА** [фр. vitrine < vitre — дераза ойнаси] Савдо корхоналарида, магазинларда, суратхоналарда моллар, экспонатлар ва ш. к. ларнинг намуналарини қўйиш учун махсус жиҳозланган ойнаванд кути, шкаф, ойна. *Магазин витринаси. Витринага қўйилган мол.* ■ *Витамин танқислиги эндиликда хавфли эмас; дорихоналарнинг ойнали витриналарига қўйилган турли хил витамин нўхатчилари, эритмалари ва шарбатлари соғлиғимизнинг ишончли дўстларидир.* «У ким, бу нима?». *У одати бўйича дарсхонадан ҳаммадан кейин чиқиб, сеvimли гўшасига —*

*газета витриналари хийбонига йўл олди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

**ВИЦЕ-** [лот. vice — ўрнига; бамисоли, ўхшаш] Ўзлашма қўшма сўзларнинг «ўринбосар», «ёрдамчи» деган маъноларни англатувчи биринчи таркибий қисми. *Вице-президент.*

**ВИЦЕ-АДМИРАЛ** [вице.. + адмирал] Адмираллик унвонининг контр-адмиралдан юқори, адмиралдан қуйи даражаси ва шу унвонга эга бўлган киши.

**ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТ** [вице.. + президент] 1 Президент ўринбосари.

2 Баъзи илмий муассасалар (академия, илмий жамият кабилар)да, халқаро ташкилотларда сайлаб қўйиладиган лавозим (мас. Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти. Халқаро Олимпия комитетининг вице-президенти.).

**ВИШ** тақл. с. Чўзиқ «ш» тарзидаги товуш ва унга тақлидни билдиради. *Илон виш этиб, бошини кўтарди.* ■ *Тахталардан ясалган икки қават сўрида чақалоқ бармоғидай келадиған, сон-саноқсиз ола-була қуртлар шамолдай виш-виш овоз чиқариб, сўнги барглари шипирмоқда эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ВИШИЛЛАМОҚ** «Виш-виш» товуш чиқармоқ, «виш-виш» қилмоқ. *Паровоз вишиллади. Ўтин вишиллаб тутаётир. Илон вишиллади.* ■ *Чол қонқоғидан вишиллаб буғ чиқаётган самовар олдига келди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Абдулаҳад.. гоҳ оловга қарайди, гоҳ бурқиган идишларда вишиллаган моддаларни темир асбоб билан айлантиради.* Ойбек, Навоий.

**ВИШКА** [р. вишка — тепалик; минора] 1 Баланд минора шаклидаги иншоот. *Кузатиш вишкаси. Бурғилаш вишкаси. Парашют вишкаси.* ■ *Ўнг томонда тоғ ораллиғидаги нефть қудуқларининг вишкалари кишига шохшаббалари қуйиб кетган дарахтларни эслатади.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

2 қўчма Олий жазо — ўлим жазосининг маҳбуслар орасидаги номи. *Бунақа шилта ишни менга илма, начальник.. Бу қилиғингдан вишканинг ҳиди келиб турибди.* Т. Малик, Шайтанат.

**ВИҚОР** [а. وقار — жиддийлик, салобат, улуғворлик] кт. 1 Мағрурона ва улуғвор кўриниш; салобат. *Водийдан ўтарди дарёйи азим, Вазмин оқишида салобат, виқор.* С. Абдуқаҳор. *Қордай ярқироқ янги салаа ўраган*

махдум виқор билан йўталиб, меҳмонхонага кирди. Ҳ. Фулом, Машғал.

**2** Мағрурлик туйғуси, мағрурлик, ғурур. Қиёфасидан ғолиблик виқори ва мағлуб бўлганга шафқат акс этиб турарди. С. Анорбоев, Оқсой. Ойнинг остида, музей тўрида Шишада туради бир сиқим тупроқ.. Уни кўрганларнинг кўкси тоғ бўлиб, Кўзида тенги йўқ виқор ёнади. Шуҳрат.

**ВИҚОРЛИ** Мағрур, улуғвор ҳолатли, мағрурлик ва улуғворлик ифодасига эга. Фарғона, Қўқон шаҳарларининг виқорли қиёфаси, Самарқанднинг қадимий обидалари ва, ниҳоят, Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг чироғи, улуғворлиги мени мафтун этди. Газетадан. Унинг юзи виқорли тус олди. С. Анорбоев, Оқсой. Аллақандай таниш башаралар кўз олдига келди: бири виқорли, бошқаси нозли. С. Анорбоев, Оқсой.

**ВКЛЮЧАТЕЛЬ** [р. «включить» сўзидан – улагич] Электр токини улайдиган асбоб; электр калити. Анна туриб, девордаги включателни чиқиллатган эди, уч лампали қандил ёғдуси нотинч ва ҳаяжонли юзларга тушиди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ВОАЖАБ(О)** [ф.+ а. واعجاب – жуда қизиқ, ажойиб] эск. айн. **ажабо**. .. бизнинг хотинга қорнингиз орқа умуртқангизга ёпишиб юрса, ёқасиз. *Воажаб, воажаб!* Ф. Мусажонов, Сабоқ. Сураткаш илжайди. *Воажаб!* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ВОБАСТА** [ф. وابسته – боғлиқ, алоқадор; қарам] эск. кт. Бир-бирига боғлиқ, мос, мувофиқ; уйғун. *Муҳаббат ҳуснга вобаста.* ■ *Аждодларимизнинг асотирий дунёқарашидоги илон тотеми билан вобаста айрим саҳифалар билан танишамиз.* Газетадан. Бу улкан майдондаги сон-саноксиз одамлар орасида шу икки билгина бир-бирини англаб, бири-бирига ҳамоҳангу вобаста эди. «Ёшлик».

**ВОВ** тақл. с. Ит вовиллаганда чиқарадиган товушни ва унга тақлидни билдиради. *Мирёқуб Мирзабобони ёнига олиб, дарвоза дарчасидан кўчага чиққан ва қишлоқ итларининг вов-вовлари ўртасида кета туриб, жоҳил сўфининг қайсарлигини синдириш учун турли-туман тадбирлар ахтарарди..* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**ВОВАЙЛАТО 1** айн. **вовайло**.

**2** Войвойлаш, байбайлаш.

**ВОВАЙЛО** [а. وويلا – афсус, аттанг, эвоҳ] унд.с. Оҳ-воҳни, ҳасратни, афсус-надо-

матни ифодалайди. *Вовайло қилмоқ. Нега булут аро боқасан, офтоб, Нега куйларда ҳам дариф, вовайло?* Миртемир.

**ВОВИЛЛАМОҚ 1** «Вов-вов» деган овоз чиқармоқ; хурмоқ. *Ит вовиллади.* ■ *Ғазабланган кучукларнинг вовиллаши, томошачиларнинг қийқириши кўкни қоплайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Изма-из келаётган Йўлбарс вовиллади. Ота орқасига қайрилиб қараса, салт отлиққа кўзи тушиди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** кўчма с. т. Ақилламоқ, ўшқирмоқ, қопмоқ. [Эшон:] *–Сенга ким қўйибди бундай гапларни!* – деб вовиллаб берди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ВОДАРИФ(О)** [ф. وادريغا – э афсус, аттанг] унд. с. Афсус-пушаймонни, оҳ-воҳни ифодалайди. *Водарифо! Бу қандай гап!* ■ *Яккалашса, келар эди зўрлигим, Водарифо, кўрсатмадим эрлигим. Асир қолиб, келди қаттиқ хўрлигим, Қизилбоша банди бўлдим, найлайин.* «Гўрўғлининг туғилиши». Бировнинг ҳалолани биров суядиган замон экан-да, *водариф!* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ВОДЕВИЛЬ** [фр. vaudewille < vau de Vire – Вир дарёси водийси – “водевир” халқ ашулалари тарқалган жой] **1** Куплетли кўшиқ, романс, рақс, мусиқа жўрлигида ижро этиладиган, латифасимон мазмунга асосланган энгил комедия.

**2** Водевиль охирида унинг ижрочилари томонидан томошабинларга қарата айтиладиган сўнгги кўшиқ.

**ВОДИЙ** [а. وادى – водий; куриб қолган ўзан; жарлик] **1** Дарё бўйлаб чўзилган ёки тоғлар орасидаги кенг текислик. *Дарё водийси.* ■ *Катта-кичик водийларни қоплаб ётган туман худди кўлга ўхшаб кўринар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бир томонингиз – харсанлар макони, иккинчи томонингиз – уфққа туташ ям-яшил водий.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

**2** Умуман экин экиладиган, обод ер. *Амударёни жиловласак, Ўзбекистонда бутун-бутун янги пахта водийлари яратилади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**3** Умуман, мамлакат, юртнинг бир бўлаги; диёр. *Чўлқуварлар бир мақсад – Сурхон, Шерободни боғ-роғли водийга айлантириш орзуси билан яшамоқдалар.* «Ўзбекистон қўриқлари». *Бу чол Гулистондагина эмас, бутун водийда «чавандоз» номини олган улоқчи эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**4 кўча** Бирор нарса учун хос бўлган жой, макон. *Афтидан, унинг ўзи ҳам афсонавий гўзаллик водийсини кўришга ошиқарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Ротамиз жангчилари ярадорларни кўтариб чиқишар, ҳалок бўлганлар ўрнига ёрдамчи жангчиларни эргаштириб, «ажал водийси»га кириб боришарди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. - *Мен ўлим водийсида хизмат қилганман, — деди ошпаз.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**Жунун водийси** Мажнунлик, телбалик олами. *Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни.* А. Навоий. **Ишқ водийси** Ишқ-муҳаббат олами. **Фано водийси** Йўқлик (йўқ бўлиш) олами. *Чиқолмай сира маълум гирдобдан, Фано водийсини кезган бандалар.* Ғайратий.

**ВОДОВОЗ** [р. вода — сув + воз(ить) — ташимоқ] *с.т.* Сув ташийдиган машина. *Шаҳарча томондан ҳам водовозлар кела бошлади.* П. Қодиров, Эрк. *Водовоз келиши билан вагонлардан кишилар, хотинлар, болалар сакраб тушишди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**ВОДОКАНАЛ** [р. вода — сув + лот. canalis — қувур, нов] Сув ўтказиш тизими, тармоғи. *Водоканал ходимлари келиб, машиналар билан кавлашади, тўғрилашади, кўмишади.* Газетадан.

**ВОДОКАЧКА** [р. вода — сув + качка — (насос билан) босиб чиқариш] Сув чиқарувчи насослар ўрнатилган махсус бино. *Водокачка очилиш маросими катта тўйга, каттакон сайилга айланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ВОДОЛАЗ** [р. вода — сув + лаз(ить), лезть — кирмоқ, тушмоқ] *с.т.* қ. **гаввос.** ..сув ости техника бошқармасининг водолазлари ва электрпайвандчилари.. газ қувурларини дарё тубига ўрнатадилар. Газетадан.

**ВОДОПРОВОД** [р. вода — сув + про-вод(ить) — ўтказмоқ] Саноат ва маиший эҳтиёжларни сув билан таъминлаш учун қурилган сув қувурлари, насос станциялари ва ш. к. тизими. *Тошкент водопроводи. Водопровод тармоғи. Водопровод суви.* ■ *Водопровод учун кавлаб қўйилган чуқурлар қоронғида ваҳимали кўринад.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Камир водопроводдан сув олиб, ҳовлига сепмоқчи бўлди.* «Гулдаста».

**ВОДОПРОВОДЧИ** Водопровод қуриш ва тузатиш ишларида ишловчи мутахассис ишчи.

**ВОДОРОД** [р. вода — сув + род(ить) — туғиш, туғдириш] Кислород билан қўшилиб, сув ҳосил қиладиган, Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб рангсиз, ҳидсиз енгил газ; кимёвий элемент. *Водород билан тўлдирилган аэростат.* ■ *Лойиҳага кўра, уй чердагига ўрнатилган қуёш батареяси сувни кислород ҳамда водородга ажратади.* «Фан ва турмуш».

**ВОЕЙ** унд. с. Қаттиқ алам ёки ортиқ даражадаги завқ, қувонч каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. *Воей, ёш бола деган шунақа ширин бўладими!* ■ [Майсара Ҳидоятга:] *Келин кўрққанидан ҳуши кетиб қолди, икковингиз-ку майли, бу ўртада мени худо урди. Худди тилка-тилка қилади-да, воей!* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ВОЕНКОМ** [р. «военный комиссар» бирикмасининг қисқартмаси] *с.т.* эск. Ҳарбий комиссар. *Ана энди военкомнинг мардикорга қараб айтаётган сўзи.. «Ўзбек фольклори».*

**ВОЕНКОМАТ** [р. «военный комиссариат» бирикмасининг қисқартмаси] Ҳарбий комиссарлик. *Нормат узр айтгунча, шофер жавоб қилди: Соат тўққизда военкоматда бўлишимиз керак.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ВОЖАК** [р. «вожати» < «водить» сўзидан — бошлаб, бош бўлиб борувчи] *с.т.* эск. Бошқариб, раҳбарлик қилиб борувчи шахс; бошлиқ. - *Комсомолмисиз? Мен сизнинг вожакингиман. Айтинг, ахир, хотинингизни нега ташлаб кетдингиз? — Вожак бўлиш у ёқда турсин, пайгамбар бўлсанг ҳам, айтмайман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ВОЖАТИЙ** [р. «вожати» < «водить» сўзидан — бошлаб борувчи] *эск.* 1 Пионер отряди, болалар уйи, комсомол қабилада отряд, дружинанинг раҳбари. *Пионерлар лагерини тарбиячи ва вожатийлар билан таъминлаш масалалари ҳал этиб қўйилди.* Газетадан.

2 *с.т.* Трамвай ҳайдовчиси. ..*Тошкент трамвай ишхонасига кирди. Вожатий бўлиб ишлади.* Газетадан.

**ВОЖИБ** [а. واجب — зарур, керакли, мажбурий; мажбурийат, бурч] 1 *дин.* Ҳар бир мусулмонга пайгамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий, зарур бўлган амал тури. *Уч хил амал бордирки, улар ҳар бир мўмин зиммасига вожибдир.* «Фан ва турмуш».



2 с. т. Бажарилиши мажбурий. [Барногул:] Амри подшо вожиб, ҳеч ким тарки вожиб қилолмайди. «Орзигул». Биз дўконни ёпиш хусусида амри фармон берган эдик. Ё бизнинг амримиз сенга вожиб эмасму? С. Сиёев, Аваз.

**ВОЗ:** **воз кечмоқ** 1 Эғалик ёки фойдаланиш ҳуқуқидан, имкониятидан кечмоқ, фойдасидан, баҳридан ўтмоқ. Меросдан воз кечмоқ. Ҳақидан воз кечмоқ. ■ У [Тургун] Саодат учун ҳамма нарсадан воз кечишга ҳозир эканини ёзган эди. О. Ёқубов, Тоғ қизи.

2 Бирор фикир, хатти-ҳаракат ва ш. к. нинг зиддига қарор қилмоқ, ундан қайтмоқ. Немислар роса қирғин ўқига учрагач, ҳужумдан воз кечиб, орқага.. қайтишга мажбур бўлди. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Аҳмаджон ҳозирча хат ёзишдан воз кечди. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**ВОИЗ** [а. واعظ — тарғиб қилувчи, ваъзхон] 1 дин. Диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи, ваъзхон, ваъзгўй. Кейинчалик Доий Хивадаги Жоме масжидига воиз қилиб тайинланди. «ЎТА».

2 эск. кт. Насиҳатомуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотик. — Энди реакциянинг аврағич воизлари мусулмонлар бирлиги тўғрисида кўчракларига уриб, дарё-дарё сўз қуядилар, — деди Муҳаммад Жамол. Ойбек, Нур қидириб.

**ВОИЗЛИК** Воиз вазифасини бажариш; ваъзхонлик, нотиклик.

**ВОЙ** унд. с. Қаттиқ оғриқ, алам туйғусини ифодалайди. Мен унинг қўлини қаттиқроқ қисдим. Маҳбуба «вой» деб юборди. О. Ёқубов, Икки муҳаббат. Уринг, Ўрмонжон ака! Сўйинг! Қоним оёғингизга тўкилсин. Вой десам, инсон эмасман! А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Ҳаяжон, кўркув ва, аксинча, севинч, ҳайрат, таажжуб каби ҳис-туйғуларни ифодалайди. — Бу нима? Вой, қулоғингиз орқаси ҳам озгина қонабди, — деди Гулнор кўрқиб [Йўлчиға]. Ойбек, Танланган асарлар. «Вой шайтонлар, роса ўхшатибди!» деди-да, жимгина томошага берилди. Ойбек, Танланган асарлар. Кечқурун кўча эшиги тақиллади-ю, кампирнинг «Вой ўргилай! Вой, гиргиттон» деган товуши эшитилди. Ҳаял ўтмай эшикдан Самандаров кирди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Охири вой** Охири, оқибати ёмон (бўлади). Ваъдабозлик, ёлғончилик, кўзбўямачиликнинг ҳам умри қисқа, охири вой! «Муштурм» Ҳолига вой Ҳоли ёмон, аҳволи оғир. Йиғдан кўзлари, қовоқлари қизариб шишган Шоқосим етиб

келди: — Вафот қилди жонкашим, дардкашим. Ҳозир қўлимда жон берди. Ҳолимга вой! Ойбек, Танланган асарлар.

**ВОЙБЎ(Й)** унд. с. Ажабланишни, ҳайратни ифодалайди. Муса Назарович соатиға қараб, шошилиб ўрнидан турди: — Войбўй, ўтириб қолибман, у ёқда ишим ошиб-тошиб ётибди. П. Қодиров, Уч илдиш. [Орипов:] Ҳўш, хоним, қаерга келган эдик? Менга қаранг, войбўй, мунча қовоғингиздан қор ёғяпти. З. Саид, Н. Сафаров, Тарих тилга кирди.

**ВОЙВОЙЛАМОҚ** Дод-вой қилмоқ, вой-вой деб қичқирмоқ (оғрик, қайғу-алам, кўркув ва ш. к. туфайли). Миришаб кучаниб туриб, (боланинг ўнг қулоғини) зарб билан тортган эди, оғриқ жонидан ўтиб кетди, шекилли, бола войвойлаб юборди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**ВОЙДОД** унд. с. 1 Ёрдамга чақириш, бирон иш, хатти-ҳаракат ва ш. к. га чидай олмаслик, норозилик нидоси. — Дод! Войдод! Қароқчилар босди!!! — дивон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Войдод, халойиқ, бу қандай эркакки, хотинини бировга қўшиб қўйиб, ўзи эшик пойлаб ётади. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин.

2 Ўта завқланиш, хурсандликни ифодалайди. — Войдод! — Мирсалимов бамисоли товўқдай қийқанглаб кулди. «Гулдаста». [Мулладўст:] Войдод, мен айтдим, чимматнинг ёнбошидан қарайдиган бўлиб қолди, деб. Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ВОЙДОДЛАМОҚ** Войдод деб қичқирмоқ, дод-фарёд кўтармоқ, ёрдамга чақириб додламоқ.

**ВОКАЛ** [лот. vocalis — овозли, хушовоз; унли] Ашулага, ашулачиликка оид: ашула қилиб айтиш учун мўлжалланган. Вокал мусиқа. ■ Фестиваллар Ўзбекистон пойтахтида кучли вокал мактаби шаклланаётганидан далолат беради. Газетадан.

**ВОКАЛИЗМ** Бирор тилнинг унли товушлар тизими. Бухоро шевасининг вокализмидаги специфик хусусиятлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.. «ЎТА».

**ВОКАЛИСТ** Ашулачилик санъати мутахассиси; моҳир ашулачи; санъаткор. Республикамизда мусиқа санъатининг тез суръатлар билан ривожланиши.. малакали вокалистлар етишиб чиқишига замин тайёрлади. Газетадан.

**ВОКЗАЛ** [ингл. Vauxhall, айн. Вокс кошонаси — Лондондаги сайргоҳ боғнинг номи] Йўловчилар ва транспортга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бино, бинолар мажмуи (Вокзалнинг темир йўл вокзали, автовокзал каби турлари бор). *Кеч соат ўнга яқин поезд жўнади-ю, у деразадан қўл силкита-силкита кўринмай кетган Гавҳарни кўз олдидан кетказолмай, вокзалдан секин чиқди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Йўлдош вокзалда эшелон жўнашга тайёр турганини кўрди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ВОЛА** [а. والة — шайдо; мафтун, ҳайратда қолган; ақл-ҳушини йўқотган] *эск. кт.* Мафтун, ҳайратда, ҳайрат ҳолатида бўлиш. *Не ажаб, сизга ҳамма вола экан..* Ҳабибий. *Тушимми ё ўнгимми — унга қараб қолдим, кўзимда вола.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

**Вола бўлмоқ** Мафтун бўлмоқ, ҳайратли ҳолатга тушмоқ. *Бўлибман, нетай, бир пари воласи, Қизил юзлари гулшаним доласи.* Ҳабибий. *Йўқ, ул ниёла эрмас, Санъат экан мукаммал, Кўрганда етти иқлим Ҳайрону вола бўлғай.* Э. Воҳидов, Муҳаббатнома.

**ВОЛАН** [фр. volant — учадиган] Бадминтон ўйинида: бир томони патли тўпча, коптокча.

**ВОЛАПЮК** [volapuk < ингл. world — жаҳон + speak — гапирмоқ, сўзламоқ: “жаҳон тили”] Сунъий халқаро тиллардан бирининг номи (оммалашмаган).

**ВОЛДИР** Шох ёки металлдан ясалган соққа; золдир. *Биласизми, қахратон қиш, қор бўрони қутурган пайт. Туф десанг, тупугинг ерга муз волдир бўлиб тушиб ўйнаб кетади.* Ш. Фуломов, Бўз ер уйғонди.

**ВОЛЕЙБОЛ** [ингл. volley — уриб қайтармоқ + ball — тўп] *спрт.* Қарши команда майдонида тўпни қўл билан уриб, тўрдан ошириб тушириш ўйини. *Волейбол ўйнамоқ. Волейбол майдони. Волейбол командаси.* ■ *Волейболни ҳамма ерда ўйнаш мумкин. Бунинг учун фақат тўп, тўр, 9 х 18 метрли текис майдонча ва ҳар бири 6 ўйинчидан иборат икки команда керак.* «У ким, бу нима?» [Қудрат].. *мактаб майдончасида волейбол ўйнаётган болаларга қўшилди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ВОЛЕЙБОЛЧИ** Волейбол ўйновчи спортчи. *1963 йили Москвадаги жаҳон чемпионатида япон волейболчилари тўп узатишда кўп очкони қўлга киритдилар.* «У ким, бу нима?».

**ВОЛИДА** [а. والده — она] *эск. айн. она.* *Волидамиз бетоб ётган эканлар, мени кўриб ҳушдан кетдилар.* А.Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Икки тарафимизни ёғий босган. Волидангиз тайинлаб юбордилар.* Дарҳол Андижон қўрғонига бориб, бекарлари тўпламоқ керак. П.Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ВОЛИДАЙН** [а. والدين — ота-она] Ота-она. *Ота-оналар фарзандларига, болалар эса волидайн умрига барака беришини сўраб, Яратганга ёлбордилар.* Т. Малик, Шайтанат.

**ВОЛИ(Й)** [а. والى — ҳоким, ҳокимият вакили] Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида хон ва подшоҳ томонидан тайинланадиган вилоят ҳокими.

**ВОЛОСТЬ** [р. волда — ҳокимият] *тар.* Чор Россиясида ва СССРда 1919—1929 йиллардаги районлаштиришга қадар уезд таркибига кирувчи куйи маъмурий-ҳудудий бўлинма. *..ер бўлиш вақтида волость ер қўмитасидан тўқайга Арслонбеков вакил бўлиб келган.* Ҳ. Фулом, Машъал. *Қисқаси, намуна фирқа ячейкаси билан волость комсомол ёшлар қўмитасининг ношир афкори “Ёш куч” деворий газетасини чиқара бошлади.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

**ВОЛЬТ** [итал. < италян физиги А. Вольта (Alessandro Volta) номидан] *физ.* Халқаро бирликлар тизимида электр токи кучланиши ва электр юритувчи кучнинг ўлчов бирлиги.

**ВОЛЬТА** [итал.]: **вольта ёйи** *физ.* Электр токи занжирига уланган электродлар орасидаги газда ҳосил бўладиган чўғ ёй.

**ВОЛЬТЛИ** Маълум вольт кучланишга эга бўлган. *Паст вольтли электр тармоғи. Юқори вольтли қурилма.*

**ВОЛЬТМЕТР** *физ.* Электр занжирининг икки нуқтаси орасидаги кучланишни ўлчайдиган асбоб.

**ВОЛЬФРАМ** [лот. Wolframium < нем. Wolfram < Wolf — бўри + Rahm — сўлак, кўпик] Юқори температурада эрийдиган, оғир, жуда қаттиқ оч кулранг металл, Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Вольфрам қотишмалари.* ■ *Вольфрам пўлатларни легирлашда, ейилишга чидамли ва иссиқбардош қаттиқ қотишмалар олишда кенг қўлланади.* «Политехника лугати».

**ВОЛЮНТАРИЗМ** [лот. voluntas — ирода; хоҳиш-истак; ингилиш] **1** *флс.* Иродани борлиқнинг энг олий кўриниши, тамойили

деб қаровчи, ақл-идрок ва таҳлилга суянишга қарши бўлган фалсафий оқим.

**2** Тарихий жараёнларнинг объектив қонуниятларига риоя қилмасдан, мавжуд шарт-шароитлар ва имкониятлар билан ҳисоблашмасдан, ўзбошимчалик билан сиёсат юритиш, ўз хоҳиш-иродасини ҳамма нарсадан юқори қўйиш.

**ВОЛЮНТАРИСТ** Волонтаризм тарафдори.

**ВОЛЮНТАРИСТИК** Волонтаристга хос, волонтаризмга асосланган. *Волонтаристик дунёқараш. Волонтаристик назария. Волонтаристик сиёсат.*

**ВОНА** Корея Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикасининг пул бирликлари.

**ВОРИЛЛАБ** Равон ва тез (сувнинг оқиши ҳақида) қ. **вариллаб**. *Чинорлар тагидан вориллаб бир ариқ сув чиқиб ётарди. «Ёшлик». Қор эриб, тунука тарновлардан сув вориллаб оқа бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**ВОРИС** [a. وارىث — меросхўр, мерос қилиб олувчи] **1** Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, мерос эгаси, меросхўр. *Олимхоннинг «фазилатлари» саноқсиз.. ерли-сувли, пулдор одам вафот қилса, унинг ворисларини бир-бири билан жиққамушт қилади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** кўчма Ўтмишдан, ота-боболардан мерос қолган моддий ва маданий бойликларга эгалик қилувчилар, уларнинг ишларини давом эттирувчилар. *Ишчи ва деҳқонларнинг муносиб ворисларини тарбиялаш — ҳунар-техника билим юртининг асосий вазифаси. Ҳ. Иброҳимов, Ворислар.*

**ВОРИСЛИК** Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўз меросхўрларига ўтиши.

**ВОРОНКА** [p. — «ичи тешик нарса; найча»] **1** Оғзи тор идишларга суюқлик қуйиш ва филтрлаш учун ишлатиладиган, бир (қуйи) томони найчали, конус шаклидаги асбоб. *Шиша воронка. Керосин воронкаси. Сут воронкаси.*

**2** Шу асбоб шаклига эга бўлган нарсага нисбатан қўлланади. *..сартарош оғзидаги носини қўлидаги воронка қилиб ўралган қоғозга ташларкан, «бўлмайд», деди. «Муштум».*

**ВОСИЛ** [a. واصل — эришувчи, етишувчи; етиб келувчи; бириктирувчи]: **восил бўлмоқ** эск. кт. Эришмоқ, етишмоқ; бориб етмоқ.

*Ёнимга тезроқ келсанг-а, Васлимга восил бўлсанг-а, Тинмай бўсалар олсанг-а, Ёринг нидо айлади. «Тоҳир ва Зуҳра».*

**ВОСИТА** [a. واسطه — чора, талбир, усул; ўрта, ўртадаги] **1** Бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қурол. *Ахборот воситалари. Техника воситалари. Транспорт воситалари. Ишлаб чиқариш воситалари. ■ Дарёдан сузиб ўтиш учун Умаровда қайиқ ҳам, оддий сузиш воситаси ҳам йўқ эди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

**2** Умуман, бирор нарсани амалга ошириш учун хизмат қиладиган, фойдаланиладиган нарса, омил. *Дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кўнгилларини тил билан изҳор этолмайдилар, имо-ишора ва баъзан қочириқ гаплар жуда яхши восита эмиш. Шухрат. Шинелли йиллар. Меҳнат интизоми шундай бир воситаки, у ишда уюшқоқликни, ташаббускорликни, ижодкорликни таъминлайди. «Ўзбекистон кўриқлари». Қорақанд меваси билан чинор пўстлогидан тайёрланган шарбат ҳам қандли диабетни даволашда яхши восита экан. «Фан ва турмуш».*

**3** (ў.-п. к. да — **воситасида**) кўм. вzf. Орқали, туфайли. *..фақат у менинг воситамда тўйни бошлаш учун сиздан изн олгани келган экан. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. ..уларнинг [давлатмандларнинг] зиёфатлари воситасида баъзи мадрасаларнинг мударрислари, муҳаррирлари билан ҳам танишди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**Восита қилмоқ** Восита сифатида ишга солмоқ, фойдаланмоқ. *Мунисхонни шунча ваҳима босдики, онасини восита қилишга сабри чидмай, акаси билан юзма-юз ўтириб гаплашишга мажбур бўлди. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ВОСИТАЛИ** Воситага эга бўлган, бирор кимса ёки нарса воситаси билан амалга ошириладиган; бавосита.

**Воситали тўлдирувчи тлш.** Тушум, қаратқич, бош келишикларидан бошқа келишикларда, шунингдек, айрим кўмакчилар билан келган сўзлар орқали ифодаланган тўлдирувчи.

**ВОСИТАСИЗ** қ. **бевосита**.

**Воситасиз тўлдирувчи тлш.** Тушум келишигидаги сўз орқали ифодаланган тўлдирувчи.

**ВОСИТАЧИ** Бирор ишнинг амалга оширилишида восита ролини ўйновчи кимса

ёки нарса. У билан биз подшонинг амрини юзага чиқарадиган воситачилар, холос. К. Яшин, Ҳамза. ..малакали таржимонларнинг этишмаслиги натижасида ҳанузгача француз адабиёти намуналари воситачи тил орқали таржима қилинмоқда. «ЎТА».

**ВОСИТАЧИЛИК** Воситачи ишини бажариш, воситачи бўлиш. *Махдум Сафар бӯзчини мулла Абдураҳмон тарафидан воситачилик учун жўрттага келган, деб ўйлади.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ВОТУМ** [лот. votum — тилак, истак, хоҳиш] Сайловчилар ёки вакиллик органларининг кўпчилик овоз билан қабул қилган қарори ёки фикри.

**ВОФУРУШ** [ф. فروش — очичқ + وا — сотувчи] эск. **1** Оёқ кийимлари билан савдо қилувчи дўкондор. *Исоқ отанинг қўлидан чиққан кавуш бежирим, бекам-кўст бўлгани учун, вофурушлар уларни жон деб сотиб олишарди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Кўнчилар қайиш, сахтиён.. тайёрлаб, вофурушларга улгуржи ёки пойабзал тикадиган қосибларга чакана сотадилар.* Н. Сафаров, Наврўз.

**2** Эгар, ўроқ каби буюмларни олиб сотувчи дўкондор.

**ВОЯ** [ф. وايه — ҳисса, насиба; истак, эҳтиёж; ақл, эс]: **вояга етмоқ** **1** Улғайиб балоғатга (балоғат ёшига) етмоқ. *Вояга етган қиз.* ■ *Маълумки, сўнги йилларда ичкилик-бозлик ва гиёҳвандлик вояга етмаган болалар ўртасида ҳам кенг тарқалмоқда.* Газетадан.

**2** Умуман, ёш ва бошқа жиҳатдан етук (етилган) даражага эришмоқ. *— Мен шундай табаррук, фидокор инсонни туғиб вояга етказган онани албатта кўришим керак, — деди меҳмон.* Назармат. *Жўрлар баланд сайрайди. Мадатов оиласида 8 фарзанд туғилиб вояга етди.* Назармат, *Жўрлар баланд сайрайди.*

**3** Маълум бир иш, фаолиятда етукликка, камолотга эришмоқ. *..оқсоқол ёзувчилар қурултойга ўз кўз қорачиқларидек ардоқлаб вояга етказган ўнлаб талантли шогирдларини эргаштириб келдилар.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**4** Униб, ўсиб етилмоқ. *Даромадни егани-ку еган, вояга етган мева дарахтларини кесиб кетаётгани нимаси?* «Муштум». *..ташлаган данаклар кўкариб, вояга етиб, ҳосилга ҳам кирибди.* С. Анорбоев, *Йўлда йўлдош бўлганлар.*

**ВОҚЕ(Ъ)** [а. واقع — йиқилаётган; содир бўлаётган; рўй бераётган; ҳақиқий]: **воқе бўлмоқ** кт. Содир бўлмоқ, рўй бермоқ, юз бермоқ; келиб чиқмоқ. *Эртаси кун бутун Марғилон деярлик Маликбойнинг майдонида воқеъ бўлган ишга жуда ҳайрон эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

**ВОҚЕА** [а. واقعه — ҳодиса; ҳол, ҳолат; жанг] Воқе нарса, иш-ҳодиса, ҳолат ва ш. к. *Қутилмаган воқеа. Тарихий воқеа. Халқаро воқеалар. Қувончли воқеа. Қизиқ воқеа. Нохуш воқеа. Муҳим воқеа.* ■ *Бу фильмдаги воқеаларни айтишга одам боласининг тили бормас эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ўзи билан боғлиқ бўлган бир неча воқеаларни ҳам сўзлаб берди.* О. Мўминов, *Хиёбондаги уч учрашув. Фарғона водийсида энг буюк, тарихга кирган воқеа Катта Фарғона каналининг қазилишидир.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Романнинг бадиийлигига соя ташлаб турган воқеалар баъзи ўринларда ортиқча чўзилиб кетади.* С. Кароматов, *Олтин қум.*

**ВОҚЕАН** [а. واقعا — ҳақиқатан] рвш. эск. кт. Ҳақиқатан, дарҳақиқат; дарвоқе, айтганча. *Қутидор ўзича нима тўғрисидадир ҳисоб юритди-да: —Воқеан, сиз мени эслай олмайсиз, — деди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.* *—Ҳай, воқеан, — деди махдум, кулги ораси тўхтаб.* А. Қодирий, *Меҳробдан чаён.*

**ВОҚЕАНАВИС** [воқеа.. + ф. نویس — ёзувчи] **1** Воқелиқда юз берган, ҳақиқий ҳодисаларни акс эттирувчи ёзувчи. *Шолохов — атоқли санъаткордир.. талантли ва ростгўй воқеанависдир.* Газетадан.

**2** эск. Расмий йўл билан қўйилган махфий агент; махфий кузатувчи; айғоқчи, жосус. *— Эҳтиёт бўлиш керак, — астагина шивирлаб насихат қилади халфа ва шогирдларга бобом. — Шу кунларда палиса гиз-гиз санғиб қолди, воқеанавислар урчиб кетди.* Ойбек, *Болалик.* *Ҳусайн Бойқаро.. ўзининг воқеанавислари орқали.. олиб турган маълумотларини сўзлади.* Ойбек, *Навоий.*

**ВОҚЕИЙ** [а. واقعى — ҳақиқий, амалдаги] **1** Воқе ҳолатли, ҳақиқатан рўй берган; чин, реал. *Воқеий ҳодисалар.*

**2** Воқе ҳолатда бўлган нарсаларга оид, улар ҳақидаги. *Воқеий ҳикоя.* ■ *Адабиётимиздаги хужжатга, ҳаётда бор фактларга асосланиб ёзилган воқеий асарлар катта салмоққа эга.* Н. Сафаров, *Жасоратнинг давоми.*

**ВОҚЕЛИК** Табиий ва ижтимоий-тарихий ҳодисаларни ифодаловчи объектив реаллик. Ҳар бир миллий тил воқеликни билиш жараёнини мустақил, ўзига хос равишда акс эттириш характериغا эга. «ЎТА». Бу даврда эртақ ва афсоналар чинакам воқеликка айланмоқда. Газетадан.

**ВОҚИФ** [а. واقف – тўхтаб қолган, тургун; хабардор, билувчи] Бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеа, ҳодисадан, махфий нарса, сир ва ш. к.дан хабари бор; хабардор. *Ота-она ва ҳатто ҳамма нарсадан воқиф буви кўз олдиди.. Ҳафиза тамоман ўзагарандай бўлди.* Мирмуҳсин, Умид. *У амирнинг қушбегиси.. давлатнинг барча ички-ташқи сирларидан воқиф.. ҳазратнинг наздида кемадай қалқиб турган шаҳар сирларидан ҳам хабардор.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**Воқиф бўлмоқ** Хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ; билмоқ. *Сиз шундай қилингни, бола сиздан сир яширмасин. Ана унда.. сиз унинг бутун хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб турасиз.* С. Зуннунова, Янги директор. *Орадан уч кун ўтгач, Довуд ҳукумати бу шов-шувдан воқиф бўлиб, Тоҳирни саройга чақиритди.* Мирмуҳсин, Чодрали аёл.

**ВОҲ** унд. с. Фам, қайгу, алам, афсус ёки оғриқни ифодалайди; оҳ, вой. *Турфа савдолар бошига тушди, кетди ихтиёр, Воҳ, ўтарга ўхшади энди умр занжирда.* Ҳамза. *Қизил гулдая хотиним қолди.. Воҳ, воҳ, пешонам.. Ёдима тушса, жигарим хун бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ВОҲА** [а. واحه – саҳро ўртасидаги сувли, кўкаламзор жой] Чўл ва чалачўлларда обод қилинган ер. *Зарафшон воҳаси. Хоразм воҳаси.* ■ *Бир томчи сувга зор бўлиб ётган дашт ўзлаштирилиб, маъмурчилик воҳасига айлантирилиб, Оқар қишлоғи аҳолиси қараб турармиди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Воҳанинг узунлиги нари борса уч-тўрт фарсанг, кенглиги кўп бўлса бир фарсанг келар.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё. *Тупроғи серунум, иқлими мўздадил, аммо суви камчил Қашқа воҳасини боғ-роғларга айлантириш қадимий орзу эди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**ВОҲАСРАТО** [ф.+а. واحسرتا – қаттиқ қайғуриш, ачиниш ва ш. к. да айтиладиган сўз] кам қўлл. **1** унд. с. Ачиниш, қайғуришни билдиради.

**2** Ачинарли, аянч ҳолатли. *Наҳотки унинг қисмати бир умрга шундай воҳасрато бўлиб*

*қолиб кетса.* К. Яшин, Ҳамза. *1930 йилда Қашқадарё қишлоқларига.. борганимизда, камбағал деҳқонларнинг воҳасрато кулбаларини.. кўриб келган эдик.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ВОҲИД** [а. واحد – ягона; бир; бирлик] эск. кт. **1** Бир, якка, ёлғиз; бирдан-бир. *Туй тугагач, ваъдаи воҳид қайта-қайта эслатилиб, қуюқ хайрлашилди.* Н. Аминов. Ёлғончи фаришталар.

**2** эск. мат. Бирлик (ўлчов бирлиги).

**3** Ягона субстанция (алкимёчилар тасаввурида).

**4** Воҳид (эркаклар исми).

**ВРАЧ** [р. врач < врати – гапирмоқ, сўзламоқ; авроқчи; сеҳргар] Олий маълумотли (ўрта маълумотли тиш врачларидан ташқари) тиббиёт ходими. *Болалар врач.* *Ветеринария врач.* ■ *Эмизикли она ҳар қандай дорини ҳам врач маслаҳатисиз ичмаслиги керак.* Газетадан. *Пахтакор – пахта, боғбон – мева етиштиради, расмом расм чизади, врач даволайди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ВРАЧЛИК** Врач касби, иши. *Врач кузатувчан ва сабр-тоқатли бўлиши шарт.* *У врачлик сирларини гапириб қўймаслиги учун тилини тия билиши ҳам керак.* «У ким, бу нима?» *Врачлик нақадар олижаноб касб ва бу касб эгалари жуда ажойиб кишилар эканлигини сиз яхши биласиз.* «У ким, бу нима?»

**ВУЖУД** [а. وجود – борлик, мавжудлик; гавда, жисм] **1** Кишининг бутун борлиги, жони-тани; аъзойи бадан. *Ҳўжабеков бўм-бўш кўчада якка ўзи. Бутун вужуди асабий титрайди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Ота домдараксиз кетган ёлғиз ўғли Раззоқни эслаб, бутун вужудида аллақандай бир ҳолсизлик сезди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *У қоп-қора, қотма, вужуди пай бир йигит бўлиб, афтидан ёшини чамалаш қийин эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Бутун вужуди билан** Бор (тамоми) имконияти, диққат-эътиборини ишга солиб. *Мана шу бахтиёр кунларни халқимиз ўзининг қони билан, жони билан, бутун вужуди билан ҳимоя қилган.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Устоз гапларини тушуниб олиш учун бутун вужудим билан тинглардим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Сайдқосим ўринбосарлик ишига бутун вужуди билан киришди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 кўчма Одам, шахс, зот. [Отабек:] -Сизми, Кумуш? — деб сўради. [Кумуш:] -Мен, мен! — Бу савол-жавоб ила икки вужуднинг ҳамма ҳасратлари, аламлари бир-бирларига англашилган.. эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

3 Умуман, жонли ва жонсиз нарсаларнинг борлиғи, жисми. Жамики мавжудотнинг вужудида ҳам тебранма ҳаракатни кўрамыз. «Фан ва турмуш».

**Вужудга келмоқ** Дунёга келмоқ, юзага келмоқ, яралмоқ. Унинг [Ботиралининг] ҳисобича, шу поёнсиз тўқайнинг ўзида бир неча янги қишлоқ вужудга келиши мумкин. Ҳ. Фулом, Машғал. Нон қанчадан-қанча кишиларнинг ҳалол меҳнати билан вужудга келади. Газетадан.

**ВУЖУДИЯТ** [а. وجودیت — мавжудлик билан боғлиқ барча нарсалар] эск. кт. қ. **вужуд** 1. Агарда бутун вужудиятини.. йигитнинг ишқи тўлдирмаган бўлса эди. Ойбек, Танланган асарлар.

**ВУЗАРО** [а. وزرا — «вазир» сўзининг кўплиги] қ. **вазир-вузаро**.

**ВУЙ** унд. с. Муболагани, ҳайратни ифодалайди. Вуй, одам! Вуй, ари! ■ Вуй, чиройлигини! Кокил, бу кимники, ўзингикими? С. Сиёев, Ёруғлик. -Вуй, мунча-а! — Лобар сирли пичирлади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ВУЛКАН** [лот. vulcanus — ўт, олов < қадимги Рим мифологиясида: олов ва темирчилик маъбуди номи] Ер пўстидаги ёриқлар, каналлар орқали лава, иссиқ газ, сув буғлари ва жинс бўлақларини чиқариб турадиган геологик тузилма. *Вулканлар Ер пўстида содир бўладиган тектоник ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган ёриқ (канал)лар орқали лава, иссиқ газ, сув буғлари*

*ва бошқа жинсларни чиқариб турадиган конус шаклидаги баландликлардир.* «У ким, бу нима?»

**ВУЛКАНИЗАЦИЯ, вулканлаш** [ингл. vulkanization — каучукни резинага айлантириш] *тех.* 1 Вулканизация агентлари деб аталувчи олтингугурт, органик пероксидлар ва баъзи синтетик смолалар иштирокида каучукни резинага айлантириш ва резина буюмлар тайёрлаш жараёни.

2 Автомобиль, велосипед, мотоциклларнинг резина камераларини, шиналарини ямаш. *Вулканизация аппарати. Вулканизация устахонаси. Вулканизация қилмоқ.*

**ВУЛКАНОЛОГИЯ** [вулкан + юн. logos — фан, таълимот] Вулканларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг ривожланиши, тузилиши, Ер юзида тарқалиши, жойлашиши ҳақидаги фан. *Вулканология институтидан хабар беришларича, иккита оловли лава отилиб чиқиб..* Газетадан.

**ВУЛЬГАР** [лот. vulgarus — оддий; одатий] Дағал, қўпол, одобдан ташқари. *Вульгар сўз. Вульгар ибора.*

**ВУЛЬГАРИЗМ** тлш. Адабий тилда ишлатиладиган вульгар сўз ёки иборалар. *Фафур Фулом поэзиясида образлиликни таъминловчи воситалар сифатида архаизм, профессионализм, вульгаризм каби алоҳида махсус лексика ресурслари эмас, балки кенг истеъмолдаги «оммавий» сўзлар асосий роль ўйнайди.* «ЎТА».

**ВУЛЬГАРЛАШТИРМОҚ** Обьектив ҳақиқат, воқеа-ҳодиса, таълимот ва ш. к. нинг туб маъносини жуда ҳам соддалаштириб, сохталаштириб, бузиб кўрсатмоқ, нотўғри ва сийқа талқин қилмоқ.

**ВУЛҚОН** эск. айн. **вулкан**.

# Г

**ГАБАРДИН** [фр. gabardine — узун камзул] Пальто ёки костюмбоп бир нав жун мато ва шу матодан тикилган уст кийим. *Бир костюмлик габардин. Габардин костюм.* ■ *Фақат бутун завод коллективи номидан жиянимга ушбу габардин макинтошни кийдириш билан чекланаман. С. Аҳмад, Сайланма.*

**ГАБАРИТ** [фр. gabarit — ўлчам] Бино, кема, вагон, машина ва ш. к. нинг сиртқи чегаравий ўлчами. *Кўпгина радиоприёмниклар ва телевизорлар аслида ранги ва габарити билангина бир-бирларидан фарқ қилдилар.* Газетадан.

**Габарит дарвоза** Усти очик темир йўл вагонларига юкланган юкларнинг ўлчамини, габаритини текшириш учун қурилган махсус дарвоза.

**ГАББРО** [итал. gabbro — Италиянинг Ливорно шаҳри яқинидаги жой номидан] Таркибида оҳак-натрий моддаси бор магматик тоғ жинси. *Республикада 20 та мрамор, 15 та гранит ва габбро кони борлиги аниқланган.* Газетадан.

**ГАБР (ЛАР)** [ф. گبر — зардуштий; кофир] 1 эск. Номусулмон, яъни мусулмон бўлмаганларнинг мусулмонлар орасидаги номи.

2 Эронда: зардуштийликка эътиқод қилувчилар.

**ГАВАЗ** [ф. گوزن — катта сигир] қ. **говвос.**

**ГАВАНЬ** [голл. haven] Денгиз ва дарёларда сув сатҳининг тўлқин, шамол ва сув оқимларидан сунъий ёки табиий ҳимояланган, кемалар турадиган ва таъмирланадиган қирғоқ қисми. *Пароход гаванда турибди.* ■ *Қайдан кўтарилди бу янгроқ қўшиқ, Гаванлардан учди куйлаб оққувлар. Т. Тўла.*

**ГАВАРА, ГАВРА** [ф. گهواره — бешик] шв. Бешик.

**ГАВДА 1** Инсон ёки ҳайвон танасининг умумий кўриниши; жусса, қад. *Жўрабой отанинг узун қотма гавдаси қоронғида кўздан ғойиб бўлди. Ҳ. Фулом, Машғал. Қиз семиз гавдасига ярашмаган эпчиллик билан лип этиб олдинга ўтди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

2 Тан, тана (вужуд билан жон қарамақарши қўйилганда). *Йўқ, юрди эмас, оёқларини ихтиёрига қарши судради. Лекин жони қолиб, қуруқ гавдаси кетар эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

3 Жонсиз тана, мурда, жасад. *Дарвозадан ўн одим нарида боши танидан узилган уч кишининг гавдасига йўлиқдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

4 Бирор нарсанинг борлиғи, танаси, кўриниши. *Ҳовли ўртасида чирик гавдаси ўрадай ўпирилган қари баҳайбат тол. Ойбек, Танланган асарлар. Мудҳиш бўлиб кўринар Тунда тоғлар гавдаси. Файрабий.*

**ГАВДАЛАНМОҚ 1** Кўринмоқ, кўриниб турмоқ, кўзга ташланмоқ. *Ярим йўлга етганда, узоқда қоп-қорайиб гавдаланиб турган адир томондан «қууқ» деган чўзиқ товуш эшитилди. А. Қаҳҳор, Мастон. Шохдор ола сигир ғира-шира гавдаланиб турарди. «Гулдаста».*

2 Хаёлан кўз олдига келмоқ, назарида пайдо бўлмоқ. *Уша жанг тафсилотини эслаганимда, барча қуролдош дўстларим кўз олдимда бирма-бир гавдаланади. Т. Рустамов, Мангу жасорат. Яна онасининг ўлим олдиданги қиёфаси кўз ўнгиде гавдаланди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.*

3 айн. Акс этмоқ, мужассамлашмоқ, кўринмоқ. *Бу томонда ниҳоятда зийнатланиб бино қилинган олий иморатлар бўлиб, шаҳар усталарининг ҳамма санъат ва маҳоратлари шу биноларда гавдаланар эди.* А. Қодирий, Утган кунлар.

**ГАВДАЛИ 1** Гавдаси, жуссаси катта, норғул, барваста; жуссали. *Бир вақтлар гавдали ва чиройли бўлган ўттиз яшар йиғит ҳозир чўндай озиб кетган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ёш, лекин гавдали бир милиционер йиғит кириб, ҳамма билан саломлашиб ўтирди.* С. Зуннунова, Олов.

2 Аниқловчи сўз орқали ифодаланган жуссага эга бўлган. *Йўғон гавдали.* ■ *Уўрта бўйли, кичик гавдали, сийрак сариқ мўйловли, тийрак кўзли.. серҳаракат йиғит.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГАВЖУМ** Одам кўп, зич бўлган, одам кўп йиғиланган (жой, вақт ҳақида). *Денов бозори — Сурхондаги энг гавжум бозор.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Гулноранинг кўзидан чароғон, гавжум кўчаларда сайр қилиб юрган одамларнинг бахтиёр чехралари ўтар, у уйқу аралаш жилмаярди.* С. Зуннунова, Кўк чироқ.

**ГАВЖУМЛАШМОҚ 1** Гавжум бўлмоқ, кишилар билан тўлмоқ. *Чимён тоғи этаклари яна гавжумлашди, момиқ қор билан қопланган қияликларда анъанавий мусобақа бошланди.* Газетадан.

2 кўчма Файзли бўлмоқ, обод бўлмоқ. *Яқингача ҳам яшнаб, гавжумлашиб турган қишлоқ йилдан-йилга пилиги тугаган чироқдай хира тортиб, хувиллаб борарди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон.

**ГАВИР** [ф. *گیر* — зардуштий; оташпараст] эск. Фирром, шайтон.

**ГАВИРЛИК** Фирромлик, шайтонлик. *Аmmo бизлар ул ҳаромзоданинг бунчалик гавирлигини билмаган эдик.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**ГАВРАПЎШ** [ф. *گهواره* — бешик + *پوش* — ёпувчи, ёпқич] Бешик устига ёпиладиган мато. *Бешикка осилиб ўтирган Лаъли боласи ухлаши билан гаврапўшни ёпиб қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Қишлоқнинг табаррук онахонлари уйда бешикка гаврапўш ёпишаётган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

**ГАВРОН** [ф. *گاوران* — сигир ҳайдовчи] қ. **говрон.** *Богбон амаки нақ гаврон билан тирқтиради.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ГАВРОНЛАМОҚ** Гаврон билан урмоқ; саваламоқ, калтакламоқ, *Сўфини ҳовуздан чиқариб олиб, ингичка новда билан гавронладилар.* «Шарқ юлдузи».

**ГАВҲАР** [ф. *گوهر* — қимматбаҳо тош; марварид] 1 Тарашлаб сайқал берилган олмос; умуман қимматбаҳо тошларнинг умумий номи; жавҳар. *Кўрдингми? Бу нима? Мана бу — дур, мана бу — марварид. Мана бу ёнган — гавҳар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Гавҳар косада сув тутиб, қизлар кўшиқ айтиб, Нуралига парнона бўла берди.* «Нурали».

2 кўчма Қимматли, бебаҳо, нодир нарса. *Ер — хазина, сув — гавҳар.* Мақол.

3 Гавҳар (хотин-қизлар исми).

**Кўз гавҳари** анат. Кўз қорачиғи орқасида жойлашган, икки томони қавариқ линза шаклидаги тиниқ танача.

**ГАВҲАРАФШОН** [ф. *گوهرافشان* — гавҳар сочувчи] *поэт.* Гавҳардек нур сочувчи; гавҳар тўкувчи. *Равшан айларман чароғи оҳни, Кўзларимдур гавҳарафшон, марҳабо.* Нодира.

**ГАВҲАРШУНОС** [ф. *گوهرشناس* — гавҳарни билувчи, ўрганувчи] 1 Қимматбаҳо тошларни яхши биладиган мутахассис.

2 кўчма Бирор нарсанинг қадр-қимматини яхши биладиган, қадрига етадиган шахс. *Ўз сўзимизнинг гавҳаршуносини, ўз шеъримизнинг Фирдавсий ва Низомийсини кўрмоққа муҳтож эдик.* Ойбек, Навоий.

**ГАГАРАЛАР** [р. < нем. *gaskern* — гоғоламоқ] Сув муҳитида яшашга яхши мослашган, нисбатан йирик қушларнинг бир туркуми. *Гагаралар Шимолий яримшарнинг совуқ ва мўтадил минтақаларида тарқалган.* «ЎЗМЭ».

**ГАГАУЗ 1** Украина, Молдавия, Болгария, Руминияда ва бошқа мамлакатларда яшовчи туркий халқнинг номи. *Гагауз халқи.* қ. **гагаузар.**

2 Шу миллатга мансуб. *Гагауз тили.*

**ГАГАУЗЛАР** Украина, Молдавия, Болгария, Руминияда яшовчи туркий халқ.

**ГАДО** [ф. *گدا* — камбағал; тиланчи] 1 Тиланчилик билан кун кечирадиган одам; тиланчи. *Фуломжон гадонинг бўш, очиқ қўлига бир нарса ташлаш учун чўнтақларини кавлай бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.

2 Камбағал, қашшоқ. [Жамолдин:] *Хазинани бойшаман, деб халқни гадо қилдингиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.



3 кўча Бирор нарсага қизиқувчи, астойдил берилган ёки зор, муштоқ одам. *Аёл ширин сўз гадосидир.* ■ Сизнинг ҳар бир сўзингиз биз каби илм гадолари учун тилдан афзалдир. Ойбек, Навоий.

**Тирноқ гадоси** Фарзандга зор одам. Сизнинг бўлса, йўлингиз бошқа. Сиз — тирноқ гадоси. М. Исмоилий, Фаргона т. о.

**ГАДОБАЧЧА** [гадо + бачча] эск. 1 Тиланчининг боласи. қ. гадо 1.

2 Камбағал, бева-бечорага нисбатан ҳақорат, камситиш сўзи. *Худодан қўрқинг, Махсум. Гадобачча одам эмасми? Ё шариятда гадобаччани ўлдириш гуноҳ эмас, деб битилганми?* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАДОЙ** қ. гадо 1. *Қўли суст косибдан оёғи илдам гадой яхши.* Мақол. ■ Қовоқхона атрофини гадойлар, чайқовчилар қуршаган. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**Гадой топмас** Топиш қийин, пастқам (жой). *Бу гадой топмас жойда ким ҳам юрарди бемаҳалда?* Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси.

**ГАДОЙВАЧЧА** айн. гадобачча.

**ГАДОЙЛИК** Тиланчилик қилиш; тиланчилик билан кун кўриш. *Итдан қўрққан гадойлик қилмас.* Мақол. ■ -Гадойликдан ўлим яхши, минг марта яхши, — йиғлаб деди Шокосим. Ойбек, Танланган асарлар.

**ГАДОЙЧИЛИК** айн. гадойлик.

**ГАДОЛИК** айн. гадойлик.

**ГАДОЛИНИЙ** [фин кимёгари Ю. Гадолин (Gadolin) номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент.

**ГАЖ** [ф. گچ — эгри, эгилган, қийшиқ] 1 Терс, тесқари, акс. *Оҳ десам, тўкилар кўзимнинг ёши, Илоҳим, қурисин подшолар иши. Гажага айланган шум фалакнинг гардиши.* «Алпомиш».

2 айн. гажак 3.

**ГАЖАК** [ф. گچک — эгик, эгри] 1 Юзнинг икки чеккасига ёки пешонага хусн учун тушириб қўйиладиган ярим ҳалқа шаклидаги соч; зулф. *Гажак қўймоқ.* ■ Бегимжон икки чеккасидаги гажагини силкитиб, муштарини белига тираб турган эди, Адолат ўшқириб берди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 этн. Олтин, қумуш ва ш. к. дан эгик ҳолда ясалиб, чаккага тақилладиган безак буюми. *Сухсур олиб боқмайди, Гажагини тақмайди, Ишламаган дангаса Кўпчиликка ёқмайди.* «Кўшиқлар».

3 сфт. Эгилган, қайрилган. *Думи гажак ўрдак.* ■ Кўпларнинг қўлларида дастаси гажак, кунгурадор ҳасса, лабларида жимжима муштук. Ҳ. Назир, Ҳайқал. Камолхонов, илтимосига «хўп» деган жавобни кутиб, савол аломатидай гажак бўлиб турганида, телефон жириглаб қолди. А. Қаҳҳор, Икки ёрти — бир бутун. *Ўйнаб, думини гажак қилиб, сағрисига ташлаб, Гаждумбек [от] кетиб бораётибди.* «Гўрўели».

**ГАЖАҚДОР** [ф. گچکدار — гажакка эга] 1 Гажаги бор, гажакли. *Кўнгил қўйгани у кўзлари хумор, Сизга келин бўлар Нигор гажакдор.* «Нигор ва Замон» *Шу пайт дарвозадан хўппа семиз, юзлари кепчикдай, гажакдор сатанг хотин ҳарсиллаб-гурсиллаганча савлат тўкиб кириб келди.* Газетадан.

2 кўча Бежама, серҳашам. *Гажакдор хат.* ■ ..тагига эса: «Ўзингизнинг Каримжонингиз», деб гажакдор қилиб ёздик. «Ёшлик».

**ГАЖАҚЛИ** қ. гажакдор.

**ГАЖИМ** Рўмол, дарпарда, дастурхон, сочиқ каби нарсаларнинг зиҳига тикиладиган ёки ўзидан титиб чиқариладиган шокила; попук. *Ғижим рўмол бошимда, Гажимлари қошимда, Отам сенга бермайди, Ўн беш яшар ёшимда.* «Кўшиқлар». Чўнтагига духи сепилган, чети гажим рўмолча солиб қўйишди. С. Аҳмад, Юлдуз.

**ГАЖИМДОР** Гажими бўлган, гажимли. *Гажимдор дастурхон.*

**ГАЖИМЛИ** айн. гажимдор. [Шарофат] *Бошида гажимли қора рўмол, бир елкаси билан деворга суяниб.. маънос бир қиёфада ўтирар эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ГАЖИР** Жангари, қайсар, ўжар. *Гажир бола. Гажир от.*

**ГАЖИРЛИК:** гажирлик қилмоқ Ўжарлик, қайсарлик қилмоқ. *Ушанда Эломнов кўп кутди, лекин Тошпўлат келмади, гажирлик қилди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш. *Гажирлик қилма, ўттиз кило деяпти-ку Нишонбой ака!* [деди Қодир]. «Ёшлик».

**ГАЗ I** [ф. گز — тахминан 105 см га тенг узунлик ўлчови ва шу узунликдаги чўп] эск. 1 Метрик система қабул қилинганга қадар ишлатилган, 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови бирлиги; аршин. *Нурийой, ойингиздан тўрт газ чит олиб берасиз, албатта.* Ойбек, Танланган асарлар. *Бердибой тепанинг мўлжалга келган жойидан ўн беш газ чамаси*

жойни кесиб туширди. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавовай.

**2 Шу узунликдаги ўлчов асбоби. Бужма газ.** ■ *Ҳинди қўлидаги газни нештахтага қўйди. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Турсунбой очилган қўриқни аввал қадам-бақадам, сўнг газ билан ўлчаб кўрди. «Ўзбекистон қўриқлари».*

**Ўз гази билан ўлчамоқ** Бирор ишга, ҳодисага ўзича, ўз нуқтаи назари билан баҳо бермоқ. *Ҳамма нарсани ўз гази билан ўлчайдиган Абдурахим, ўзи ёлгончи бўлгани учун, ҳеч кимнинг гапига ишонмайди. «Муштум».*

**ГАЗ II** [фр. gaz < юн. chaos — бетартиблик] **1** Зарралари ўзаро кучсиз боғланган, бўшлиқни бир текис тўлдириб турадиган энгил модда. *Заҳарли газ. Газ баллони.* ■ *Кечаги боржом оғзи очиқ қолипти, гази чиққандан кейин, бир пулга қиммат. А. Қаҳҳор, Санъаткор.*

**2** Ёқиш, ёритиш, иситиш ёки двигателларни ҳаракатга келтириш учун ишлатиладиган газсимон модда; олов. *Колхозчиларнинг уйларига газ киради. Жуда яхши! И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари.*

**3 қ. газплита.** У [Ёдгор] оишонага кириб, чойғумни газга қўйди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Газ бермоқ** Акселераторни босиш билан машина тезлигини оширмоқ. *Йигит газ бериб, олдига кетаётган юк машинани қувиб ўтиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Танкчи қаттиқ газ бериб, олдинга юрди. И. Раҳим. Чин муҳаббат.*

**ГАЗ III** [фр. gaze — шаффоф шойи] Юпқа шаффоф ипак газлама; ҳарир. *Бир кўйлаклик газ. Газ рўмол.*

**ГАЗ IV** [ф. گز] **1** айн. **юлғун.**

**2** эск. Камоннинг патсиз ўқи.

**ГАЗА шв.** Адир, дўнг, баланклик. *Кўп гапиргандан кўра, қўлингга белни ол-да, газга чиқ. «Ёшлик».* *Бугун катта газанинг мачитида гап бўлди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. Очил буларнинг юриш қилганини кўриб.. бир газанинг панасига ўтди. Фозил шоир, Очилдов.*

**Оч газ** Икки чўққи, дўнг оралиғи.

**ГАЗАК I** Яранинг, шикастланган жойнинг яллиғланган, йиринг олган ҳолати. *Халқ жуда кўп шишларни пахтадоғ билан доволайди. Азар бу шиш газак шиши бўлса, пахтадоғ фойда қилади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**Газак олмоқ 1) айн. газакламоқ I.** Қулғимнинг яраси газак ола бошлади. Т. Рустамов, Мангу жасорат; **2) кўчма** Ривожланиб, хунук оқибатлар келтириб чиқармоқ. *Радиодан эшиттирилган кичкина хабар тужайли бошланган жанжал газак олиб, катталашиб кетди. «Муштум».* *Авзамжон бу гаплар шунчалик газак олиб кетишини ўйламаган эди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ГАЗАК II** [ф. گزاک — мусаллас, шароб ичилгандан кейин ейладиган энгил овқат; گزیدن — «тишламоқ» феълидан] Ичкиликдан кейин ейладиган егулик; иштаҳа очар энгил овқат. *Нусратбек газагига ҳеч нарса емай, шишаси терлаб турган муздай сувдан пиёлага қуйиб олди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**Газак қилмоқ** Емоқ, тановул қилмоқ. *Кейин, Ҳакимжон ликобчага солиб қўйган жиззадан битта-битта газак қилишди. Ў. Усмонов, Қисмат. Газак ҳам бўлмайди* Сира ҳам кифоя қилмайди, жуда ҳам оз. *-Анави куни юборган пахтагиз газак ҳам бўлмади, — деди Аҳмад Жўрага. С. Шокаримов, Уругаймоқлар.*

**ГАЗАКЛАМОҚ I** Газак олмоқ, йиринг боғламоқ. *Яра газаклабди.*

**2 кўчма** Кучаймоқ, зўраймоқ, жиддийлашиб кетмоқ. *Дилсиёҳлик газаклаб кетди. Нарзи тоға изза тортди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Фисқу фасод газаклаб кетса, хунук бўлади. Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси.*

**ГАЗАН** [ф. گزند — зарар, зиён] Косибларнинг чарм қирқадиган махсус пичоғи. *Тоғам Эгамберди қўлимдан газанни йириб олади-да, қиймаланган чармларни йиғиштиради. Ойбек, Болалик.*

**ГАЗАНДА** [ф. گزنده — чақувчи; заҳарли] **1** Ари, илон, чаён каби қақадиган жониворларнинг умумий номи. *Газандалар чақиб олса, райҳон баргини эзиб суркалган. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.*

**2 кўчма** Шундай нарсаларга нисбатланган одам; ўтакетган ёвуз, қабиҳ, ярамас. *Адашевнинг ёлғиз ўзи 50 дан ортиқ газандани қириб ташлади. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. Мен нодон сендай газандага ишонганим учун етарли жазоландим. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. Азоб қўриб ширин жоним бу танда, Отининг тизгинин тортгин, газанда! «Муродхон».*

**Газанда ўт айн. чаёнўт.**

**ГАЗАНДАЛИК** Газандага хос иш, хатти-ҳаракат, хислат. *Умарали совунчининг неварасида Шоқосим, анча нобон бола чиққанидан хабарим бор. Аммо бунчалик газандалигини билмасдим. Мирмуҳсин, Умид. Унинг газандалигини фош қилиш учун аввал ўзимни эҳтиёт қилишим керак. «Шарқ юлдузи».*

**ГАЗАТ** *шв.* Икки ўрқачли туя.

**ГАЗЕТ** *с.т.* Газета. *Лекин маҳалламизда газет ўқийдиган бир шумтака бор. Ойбек, Танланган асарлар. Ёзлик чойхонанинг атрофига чий тутулиб, ҳар ер-ҳар еридан туйнук қўйилган, бу туйнуқларга газет, қоғозлар ёпиштирилган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**ГАЗЕТА** [*итал.* *gazzetta* – чақа пул] Ҳаётнинг турли соҳаларига оид воқеа-ҳодисаларни ёритадиган, шунингдек, сиёсий-ижтимоий ва илмий-оммабоп мақолалар босиладиган вақтлий нашр. *Кундалик газета. «Миллий тикланиш» газетаси. ■ Белявский ҳозир газетани унга кўрсатмоқчи эмас. С. Аҳмад, Уфқ. Тушлик пайтида одамларга газета, журналлардан турли янгиликларни ўқиб берарди. Т. Ашуров. Оқ от. Кимдир газета ўқиб ётипти. С. Кароматов, Олтин қум.*

**Деворий газета** Бирор ижтимоий ташкилот ёки муассасанинг қўлда ёхуд машинада ёзилиб, деворга осиб қўйиладиган газетаси. *Бундан бир йил бурун шу чойхонанинг деворий газетасида «Сўнги саводсиз» сарлавҳаси билан бир мақола босилган эди. А. Қаҳҳор, Мирзо.*

**ГАЗЕТАЧИ** *с.т.* I Газета ходими, газета таҳририятида ишловчи киши. *Газетачилар ҳаминиша одамлар орасида бўладилар. М. Жўра, Ноширнома. Озод Авлиёқулов газетачидан чиққан ёзувчи. «Ёшлик».*

2 Газета тарқатувчи, газета сотувчи.

**ГАЗЕТХОН** [газета + *ф.* *خوان* – ўқувчи] Газета ўқувчи, газетани қанда қилмай ўқиб юрадиган одам. *Газетхонларнинг биронта ҳам саволи жавобсиз қолмаганди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ГАЗЕТХОНЛИК** Газета ўқиш, газета ўқиш билан машғул бўлишлик.

**ГАЗЕТЧИ** *с.т.* Газетачи. *Ёқубжон деган газетчи укамиз бор. Одамнинг жонидай йиғит. М.М.Дўст, Лолазор.*

**ГАЗИК** [*р.* ГАЗ < «Горький автомобил заводи» бирикмасининг қисқартмаси] *с.т.* ГАЗ русумли автомашина. *Бир овчи керак нарсаларни ғамлаб, узоқ чўлга овга отланади.*

*Ошналари газик машинада уни айтган жойига олиб бориб қўядилар. Ҳ. Аҳмар, Энгр чашмаси. Газик келиб, соҳилдаги баланд йўл чеккасида тўхтади. Э. Самандар, Дарёсини йўқотган қирғоқ.*

**ГАЗЛАМА** Тўқиб ёки бошқа йўл билан тайёрланган мато; газмол. *Ип газлама. Газлама ишлаб чиқариш. ■ Йўлчи уч ҳафтадан бери шаҳарда.. ҳар куни аравада газлама ташийтиди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**ГАЗЛАМАФУРУШ** [газлама + *ф.* *фروش* – сотувчи] *эск.* Газлама савдоси билан шуғулланувчи; баззоз.

**ГАЗЛАМОҚ** I Газ билан ўлчамоқ, газлаб ўлчаб кўрмоқ. *Ҳар киптининг ораси газласангиз чиқади ўн саккиз газ. «Нурали». Сизнинг соянгизда газламани газлаб ётибмиз. Аммо, ака, газлама ҳам резинкадай ғап экан. С. Анорбоев, Оқсой.*

**ГАЗЛАМОҚ** II Суюқликни газ билан тўйинтирмоқ, суюқликка газ бермоқ. *қ. газ II.*

**ГАЗЛАШМОҚ** Газ билан таъмин этилмоқ (саноат корхоналари ва тураржойлар ҳақида). *Нечоғлиқ газлашибдур шахру қишлоқ, Бутун меҳнаткаш элининг кўнгли порлоқ. Ҳабибий.*

**ГАЗЛАШТИРМОҚ** Саноат корхоналари ва тураржойларни газ билан таъминламоқ. *Қишлоқларни газлаштирмоқ.*

**ГАЗЛИ** I Газ узунлигидаги (*қ. газ I 1*). *Сўнроқ тепанинг ўртасидан катта доиравий қадди етти газли бир супа қилиб, устига бир шийпон солади. А. Қодирӣ, Обид кетмон.*

**ГАЗЛИ** II Ичида гази бор, газланган, газ билан тўлдирилган ёки тўйинтирилган. *Газли сув. Газли баллон.*

**ГАЗМОЛ** *с.т. айн. газлама.* Унинг [Ҳасаналининг] *ҳужраси Отабекники билан бир қаторда бўлиб, газмол, пойабзал ва шунинг сингари моллар ила тўлган. А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.*

**ГАЗНИҚОБ** [газ + ниқоб] Зарарли нарсалардан юзу кўзни асрайдиган фильтрли ниқоб. *Бурчакдаги столда кимёвий дорилашга оид буюмлар, плакатлар; қоziқда газниқоб. С. Аҳмад, Ҳукм. Ҳамма газниқобни киийиб, йўлда давом эта берди. Шухрат, Шинели йиллар.*

**ГАЗОГЕНЕРАТОР** [газ + генератор] Қаттиқ ёки суюқ ёқилғиларни ёнувчи газга айлантирадиган аппарат. *Янги газогенератор.*

**ГАЗОЛИН** [фр. газ + лот. oleum — ёғ] Табиий нефтни ҳайдаш ёки саноат газларини ажратиш усули билан олинадиган суyoқ ёнилли.

**ГАЗОН** [фр. gazon — майсазор] Парк, боғ, биноларнинг олди ва ш. к. жойлардаги ўт экилган ер, майдон; майсазор. *Трамвай Алишер Навоий номли опера ва балет театри биносига яқинлашганда, Малоҳат сакраб тушиди-да, гулзорларни, газонларни ҳатлаб ўтиб, театр майдонига чиқиб олди.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ГАЗОПРОВОД** [газ + р. провод(ник) — ўтказгич, қувур] Газ манбаидан уни истеъмол қилувчи жойларга олиб борадиган трубалар ва иншоотлар тизими. *Вақти келганда, биз топган газ шу қудуқдан юзага чиқиб, газопровод бўйлаб оқади.* П. Қодиоров, Эрк.

**ГАЗПЛИТА** Газ ёрдамида чой ва овқат тайёрлашга мўлжалланган уй жиҳози. *Уйда бўйи етадиган ҳамма нарсани: газплитани, телевизор қулоғими — барини бурайди, китоб жавонларининг ойнасини очиб ёпади, ичидан китобларни суғуриб олади.* Газеталан.

**ГАЗСИМОН** Газ хусусиятига эга бўлган, газ ҳолидаги, газга ўхшаш. *Газсимон моддалар.*

**ГАЗСУВ 1 с.т.** Газли сув, газга тўйинтирилган сув. *Газсув ичмоқ.*

**2** Газли сув сотиш учун мўлжалланган мослама. *Автомат газсув ёнида навбат кутиб турган Аламазон Азизага, ошиқма, ҳали вақт бор, дегандек ишора қилди.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

**ГАЗЧИ** с.т. Газ соҳасида ишловчи мутахассис. *Янги хўжалик механизмни жорий этиш туфайли Ўзбекистон газчилари дастлабки йирик муваффақиятни қўлга киритдилар.* Газетадан.

**ГАЗЧЎП 1** Узунлиги бир газга тенг ўлчов асбоби. *Анави Холиқ-ку, тоғанга таассуб қилиб, газчўп билан нуқул деворлар, деразаларнинг кирган-чиққанини ўлчади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Киночилар келиб қарашса, директорлари бирор йигирма кўтидаги очилмаган плёнкани очиб, чувалтириб, қўлидаги газчўп билан газмолдай ўлчаётган экан.* М.М.Дўст, Лолазор.

**2** Сувоқчиликда девор раҳини текис чиқариш учун ишлатиладиган қиррали узун ёғоч асбоб.

**ГАЗЧОҚ 1** Газплита. *Севаргул паришон ҳолда газчўқнинг оловини пасайтириб, қозоннинг қопқоғини ёпиб қўйди.* «Ёшлик».

**2** Газ плитанинг димлама қисми, духовка. *Холиса газчўққа товуқларни димлаб қўйган.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**ГАЙКА** [р.] Болтга бураб киритиладиган, машина ва механизмларнинг қисмларини бир-бирига маҳкамлаш учун ишлатиладиган ўртаси тешик деталь. *Болт, гайка ва бошқа буюмларни коррозиядан сақлашнинг энг ишончли усули рух қатлами остидан темир қоплашдан иборат.* «Фан ва турмуш». Самандаров латтини олиб, икки дона гайка, бир дона тишлик мис парракни кўрди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ГАЙМОРИТ** [ингл. Highmore — инглиз врачлари ва анатоми Н. Гаймор номидан] тиб. Юқори жағ (Гаймор) бўшлиғи шиллиқ пардасининг, баъзан эса суяк деворларининг яллиғланиши (кўпинча гриппнинг асорати сифатида намоён бўлади).

**ГАЛ 1** Бирин-кетин содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, бажариладиган ишлар тартиби, навбати. *Бугун менинг галим. ■ Минг бало билан Қутидор қўлини бўшатиб, гал Отабекка етди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Биринчи галда** Аввало, биринчи навбатда, биринчи бўлиб. [Йўлчининг] *Қорни жуда оч эди. Лекин унга, биринчи галда, сочсоқолини қирдириш машаққати тушиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртаси эрталаб Марғилоннинг Қўқон дарбозасидан биринчи галда чиқувчи Ҳасанали бўлди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Қаторда эгалланган, ишғол этилган ўрин, навбат.

**Гал бермай** Бир-бирига навбат бермай. *Улар [йигит-қизлар] бир-бирига гал бермай, аллақандай воқеани гапиришиб келишяпти.* С. Анорбоев, Оксой. **Галга солмоқ** Бирор баҳона билан ишни орқага сурмоқ, овора қилмоқ. **Гали билан** Навбати билан, биринкетин, ўз навбатида. *Йўлчи гали билан меҳмонларнинг отларини.. дарахтларга қантариб боғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** («бу», «шу», «ҳар», «бир» каби сўзлар билан) Сафар, навбат. *Бир гал Дўстмат ҳар сафаргайди иш қидириб кетди-ю, лекин қайтиб келмади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Гулнор бу ерга келса, Нури ҳар гал бирон оғир юмуш қилдирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГАЛА I** [ф. گله — тўда, пода, уюр] **1** Бир турдаги қуш, ҳайвон-жониворлар тўдаси. [Ботирали] *Шарнага ортиқ нарво қилмай, қушлар галасини завқ билан томоша қила бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал. Қушлар галаси безовталаниб, дарё томонга тез учиб ўтди. Назармағ, Жўрлар баланд сайрайди.*

**2** Бир тўда одам, оломон. *Қизлар галасини кўрган Бозоров от бошини ўша ёққа бурди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Анча йиғилишиб келибди гала баччалар. «Юсуф ва Аҳмад».*

**Бир гала** Анча, қўп. - *Йиғитларнинг раҳки ёмон бўлади, эҳтиёт бўл, — деб бир гала гапни қулоғига қуйди. Ойдин, Ўзидан кўрсин.*

**ГАЛА II** [ф. gala] Ўтмишда: Европа подшолари саройида бўладиган тантанали байрам; ҳозирда: от туркумидаги сўз билан қўшилган ҳолда тантанали, ёрқин, халқни, оммини ўзига жалб этувчи томоша. *Гала-концерт.*

**ГАЛАГОВ** [ф. گاله گار — сигир галаси] **1** Ҳайвонлар тўдаси; тўда. *Чиябўри галагов бўлиб келдими, ундан яхшилик кутиб бўлмайди. С. Муҳиддинов, Невара шаҳар.*

**2** Буғдой янчишда бир-бирига маташтирилган ҳайвонлар. *Хирмондаги чоллар Бўрига галагов ҳайдаттирмади. Т. Мурод, Қўшиқ.*

**ГАЛАКТИК** *астр.* Галактикага оид. *Туманликларнинг биринчи группаси галактик туманликлар деб аталади. «Астрономия».*

**ГАЛАКТИКА** (Г — катта) [юн. galaktikos — сутли, сутсимон] *астр.* Куёшни ва Куёш системасидаги бошқа сайёраларни ҳам ўз ичига олган, ўзаро умумий тортишиш кучи билан боғланган 200 миллиарддан ортиқ юлдузларнинг улкан гравитацион системаси; Сомон йўли. *Ҳамма юлдузлар ва уларнинг тўпلامлари бирликда юлдузларнинг ғоят катта — гигант системасини ташкил этади, бу система Галактика деб аталади. «Астрономия». Маълумки, ёшлар техникага, Галактикага, инсон ақлини ром қилувчи ажойиб мўъжизаларга жуда қизиқадилар. Газетадан.*

**ГАЛАЛАШМОҚ:** *галалашиб* Гала-гала, тўда-тўда, тўп-тўп бўлиб, тўпланиб. *Бола-ларнинг қий-чувлари галалашиб учаётган қушларнинг товушларига ўхшаб эшитиларди. ■ Йироқдан — қабристон орқасидан бўри ва шақаллар галалашиб ув тортади. Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.*

**ГАЛАНТЕРЕЯ** [фр. galanterie — назокат, мулойимлик, хушфёъллик] Ясаниш-тусаниш учун зарур бўлган атторлик моллари. *Галантерея магазини.*

**ГАЛВАРС** Ўзининг ярамас ҳулқи билан ажралиб турадиган шахс; тентак, нодон. - *Қачонгача бировлар сенинг шалтоғинни тозалаб юради, галварс?! — деб ўшқирди Шамси Тўраевич. Н. Аминов, Ёлғончи фаришталар. Ёшроқ муаллим, мана, кўрдингизми бу галварсни, дегандай устозига зимдан бир қараб қўйди. М.М.Дўст, Лолазор.*

**ГАЛВАРСЛИК** Галварсларга хос хусусият; тентаклик, нодонлик. *Айлантирма гапни бунча, иккаламиз ҳам Ўзимизни галварсликка солмайлик бекор. А. Орипов, Йиллар армони.*

**ГАЛГИ:** *бу галги* Навбатдаги, бу сафарги. *Тўғриси, دادаси хоҳ ёқтирсин, хоҳ ёқтирмасин, Қудратнинг бу галги аҳди қаттиқ эди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё. Ҳар галги* Ҳар доим, ҳар сафар бўладиган. *Фашистларнинг ҳар галги ҳужуми муваффақиятсиз чиқаверади. Т. Рустамов. Мангу жасорат.*

**ГАЛГИДАЙ, дек:** *ҳар галгидай* Ҳар вақтдагидай. *Олаҳўжа уни ҳар галгидай уйига таклиф қилди. Элмурод ҳам ҳар сафаргидай иш кўплиги, вақт йўқлигини важе қилди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ГАЛДАГИ** Навбатда турган, навбатда қилиниши лозим бўлган; навбатдаги. *Галдаги вазифалар.*

**ГАЛДИР I** Бошига ишқ савдоси тушган одам; телба, девона.

**2** Халқ куйларидан бирининг номи.

**ГАЛДИРАКЛАМОҚ I** *айн. галдирамоқ.* *Мен бечоранинг тилим галдираклаб, арзи ҳол қилдимки, мени ҳам.. қаландарбаччалikka қабул қилсалар. Ф. Фулом, Шум бола.*

**2** Гандираклагоқ, чайқалмоқ. *Авзобой комиссиянинг сўзларидан кейин бир оҳ урдида, қалқиб, галдираклаб, супага ўтириб қолди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**ГАЛДИРАМОҚ** Тили сўзга келмай, тили айланмай гўлдирамоқ; эсанкираб қолмоқ, ўзини йўқотиб қўймоқ. *Эшон ая ўзини йўқоттаёзди. Тили гапга келмай галдиради. С. Аҳмад, Ҳукм. Тўғайсарни галдираб қолди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.*

**ГАЛЕРЕЯ** [фр. galerie — пешайвон] **1** Бинонинг икки қисмини бирлаштирувчи усти ёпиқ узун йўлак; тураржойдан холи

қилиб солинган, ёнлари очиқ ёки ойнабанд балкон. *Аэропорт ва унинг ойнабандли шаф-фоф галереялари гўзал безатилган.* Газетадан.

2 Ер остидаги айрим иншоот, қурилмаларни бирлаштирувчи, туташтирувчи тор йўл, йўлак (ҳарбий истеҳком, шахта ва ш. к. жойларда).

3 эск. Томоша залида энг юқориги ярус.

4 *кўчма* Қатор, саф-саф тизилган нарса ёки кишилар; силсила. *Адабий типлар галереяси.* ■ *Уста шу ўн икки паҳлавон галереясини яратди.* Ҳ. Аҳмар, Трансцендент.

**Суратлар галереяси** Суратлар намоиш қилинадиган бино, музей.

**ГАЛИФЕ** [фр. Galiffet — отлик аскарлар учун махсус шим жорий қилган француз генерали Г. Галифе номидан] Этик билан кийиладиган, тиззадан юқори ён томонлари жуда кенг шим. *Галифесининг чўнтагидан дастрўмол чиқариб.. юзларини, буйинини арта бошлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАЛЛАМОҚ** 1 кам қўлл. Бирор ишни галма-гал, навбатма-навбат бажармоқ; навбатлашмоқ.

2 *фольк.* Алдамoқ, лақиллатмоқ. *Бой қиз-жоннинг отасини алданглар, Пули кўп, деб энасини галланглар.* «Ҳасан батрак».

**ГАЛЛИЙ** [лот. Gallia — Франциянинг қадимги номидан] Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; кулранг нодир металл.

**ГАЛЛИЦИЗМ** [лот. Gallia — Франциянинг қадимги номидан] Француз тилидан бирор тилга ўзлашган сўз ёки ибора.

**ГАЛЛЮЦИНАЦИЯ** [лот. hallucinatio — хом хаёл; алаҳлаш] тиб. Бош мия фаолиятининг бузилиши натижасида кўрув, эшитув, сезув, ҳидлов аъзоларининг чалғиши, йўқ нарса ва ҳодисаларни бордек идрок этиш. *Шу чоғ аллаким, ҳамдардик билдиргандек, астагина кифтидан қучди. «Б-и-е, Зафар шу ерда экан-да, демак, кетган бошқа, галлюцинация шекилли», — ўзини-ўзи овутиди у ва ортига ўғирилди. «Ёшлик». Фронтида контузия бўлган бир одам ўзининг галлюцинация деган касали ҳақида гапириб берган эди.* А. Мухтор, Туғилиш.

**ГАЛМА-ГАЛ** *рвш.* Навбатма-навбат, навбатлашиб. *Чуқурчага ўтин қалаб, чуқурча теварагига Уроз билан Йўлчи оғизларини нақ тутунга етказиб, тўнқайиб, галма-гал пуфлашарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГАЛОГЕНЛАР** [юн. hals, halos — туз + genes — туғилган, туғилувчи, пайдо бўлувчи] *ким.* Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб элементлар (фтор, хлор, бром, йод).

**ГАЛОИД(ЛАР)** [юн. hals, halos — туз + eidos — тур, кўриниш; ўхшаш] *айн.* **галогенлар.**

**ГАЛОФИТЛАР** [юн. hals, halos — туз + phyton — ўсимликлар] Шўрадошлар оиласига мансуб, ўта шўрланган, тузли тупроқларда (денгиз қирғоқлари, шўрхоқлар каби) ўсувчи ўсимликлар.

**ГАЛСТУК** [нем. Halstuch — бўйин рўмол] Кўйлак ёқаси остидан ўтказиб, олдини туғун ёки бант қилиб тақиладиган мато; бўйинбоғ. *Қодирнинг кўйлаги оқ, галстуги кўк экан.* А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак.

**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯ** [итальян олими Л. Гальвани (Galvani) номидан] Тиббиётда кучи ва кучланиши паст бўлган ўзгармас электр токи билан даволаш.

**ГАЛЬВАНИК** [итальян олими Л. Гальвани номидан]: **гальваник ток** Кимёвий реакция натижасида ҳосил бўладиган ток, электр энергияси. **Гальваник элемент** Электродит ва унга ботирилган иккита турли хил электроддан иборат электр токи манбаларининг умумий номи.

**ГАЛЬВАНОМЕТР** [Л. Гальвани + юн. metreo — ўлчаيمان] Гальваник токни ва умуман кучсиз тоқларни ўлчайдиган асбоб.

**ГАМАДРИЛ** [юн. hamadryas — ўрмон, дарактлар илоҳиси] Африкада, қисман Осиёда яшовчи тумшуги узун, тор бурунли маймунларнинг бир тури.

**ГАМАК** [фр. hamac < индейс тилларидан] Очиқ ҳавода ухлаб дам олишга мўлжалланган осма тўр беланчак. *Дағал канопдан тўқилган гамакда ётсангиз, юмиоқ ўринда ётгандай бўласиз.* «Қизиқарли физика».

**ГАМБИТ** [фр. gambit < итал. dare il gambetto — чалиб йиқитмоқ] Шахмат ўйинининг бошида тезроқ ҳужумга ўтиш, қулай вазиятга эга бўлиш мақсадида бир пиёда ёки сипоҳни қурбон бериш. *Шошма қани. Мен сенга шундай гамбит кўрсатайин!* «Ёшлик».

**ГАМБУРГЕР** [ингл. hamburger < ham — дудланган сон гўшти + burger — ичига бирор нарса тиқилган булочка] Тоблаб, қизартириб пиширилган гўшт ёки қайноқ гўштли қийма ҳамда қайла, ошкўклар қўшилган бутерброд.

**ГАММА I** [юн. gamma] **I** мус. Бир ёки бир неча октава таркибидаги яқин товушларнинг босқичли, кетма-кет тартиби.

**2 кўчма** Бир-биридан муайян муносабатда фарқланадиган нарсалар, ҳодисалар мажмуи. *Бўёқлар (ранглар) гаммаси.*

**ГАММА II** [юн. gamma] **I** Юнон алифбосининг учинчи ҳарфи ва шу ҳарфнинг номи.

**2** Гамма-нурланиш билан алоқадор бўлган кўшма сўзларнинг таркибий қисми. *Гамма-аппарат. Гамма-астрономия.*

**Гамма-нурланиш, гамма-нурлар физ.** Радиоактив ядролар ва элементар заррачалар парчаланганда пайдо бўладиган қисқа тўлқинли электромагнит нурланиш. «*Чигитга гамма-нурлар бериш вилтга қарши курашдаги асосий омиллардан бири*» деган мавзу ҳаммани қизиқтирарди. Мирмуҳсин, Умид.

**ГАН** Ёнғоқ ёки данак ўйинида: маълум шаклда терилган ёнғоқ, данак тўпи, уюми; пулли қимор ўйинларида: пул тикилган жой, ўрта.

**ГАНАК** Ёнғоқ ёки данак ўйинида тикиладиган ёнғоқ ёки данаклар. *Ганак тикмоқ. -Қимор ўйнайсаними? - Ҳа, ганак топилса, эрмак-да.* А. Қодирий. Фирвонлик Маллавой.

**ГАНГ** [ф. گنگ — эгилган, букилган]: **ганг бўлмоқ** айн. **гангимоқ.** *Меҳнаткаш боши ганг бўлди, Зулмдан ҳамма қон бўлди.* «Фольклор».

**ГАНГИМОҚ** Кутилмаган воқеа, ҳодисадан, фавқулодда ҳолатдан нима қиларини билмай қолмоқ, эсанкирамоқ, саросимага тушмоқ. *Раис уни даст кўтарди-да, давранинг ўртасига келтириб қўйди, Курбон ота бир лаҳза гангиди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Гангиб қолган Маҳкам ўзини укувсизгина мудофаа қиларди.* П. Қодиров, Уч илди.

**Боши (ёки мияси) гангиди** 1) боши айланди; 2) боши қотди, нима қиларини билмай қолди. *Кўзибой бу янгиликнинг тагига етолмай, йўл-йўлакай ўйлаиб, мияси гангиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГАНГИРАМОҚ** шв. қ. **гангимоқ.** *Боши гангираб, ўрнидан турган бой яна йиқилиб.. кўчанинг ўртасидаги лойга тушди.* С. Айний, Қуллар.

**ГАНГИРБОШ:** **гангирбош бўлмоқ** Эсанкирамоқ, каловланмоқ. *Чертки еб гангирбош бўлган пашша ўзини девора ё деразага уриб,*

*ерга чархпалак бўлиб тушар эди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

**ГАНГИР-ГУНГУР** Кўпчиликнинг қизгин, тортишувли суҳбатидан ҳосил бўлган шовқин. *Деразалар ланг очиқ эди, гангир-гунгир гап-сўзлар ҳовлига баралла эшитилиб турарди.* «Ёшлик». *Султонмурод.. гангир-гунгур суҳбатга қулоқ солиб ўтирди.* Ойбек, Навоий.

**ГАНГИТМОҚ** **Гангимоқ** фл. орт. н. *Ойсулувнинг жавоби уни гангитиб қўйди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАНГРАМОҚ** айн. **гангирамоқ.** *Бироқ уларни ака дейишимниям, отларини айтишимниям билмай ганградим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ГАНГРЕНА** [юн. gangraina — ириш, чириш] тиб. Биологик тўқима ёки бирор аъзонинг қон таъминоти бузилиши оқибатида жонсизланиб, тириклайин ириб нобуд бўлиши, чириши; қорасон. *Чап қўлининг кесилган жойидан гангрена бошланибди.* Т. Ашуоров, Оқ от.

**ГАНГСТЕР** [ингл. gangster — бандит] Уюшган жиноятчилар гуруҳининг иштирокчиси; босқинчи, бандит.

**ГАНДА** [ф. گنده — бадбўй; ачиган, чириган] Ахлат, нажас. *Жанда бўлса бўлсин, ганда бўлмасин.* Мақол. ■ *Яқин фурсатда ёв шарманда бўлгай, Палид жисми титилгай, ганда бўлгай.* Ҳабибий.

**ГАНДБОЛ** [ингл. hand — қўл + ball — копток, тўп] спорт. Қўл тўпи. *Комплексда волейбол, баскетбол, гандбол майдончалари бор.* Газетадан.

**ГАНДИРАКЛАМОҚ** Мувозанат сақлай олмай, чайқалиб, энтак-тентак қадам ташлаб юрмоқ. *Турғуной маст кишидай гандираклаб борар эди.* А. Қаҳҳор, Мастон. *Бобур айвон эшигига қараб чопди. Лекин эшик олдидан гандираклаб йиқилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ГАНЖ** [ф. گنج — ҳазина, қон, бойлик] **I** кт. Олтин, кумуш; жавоҳир; ҳазина. *Ўлтурур маҳрамни султон, ганж пинҳон айлагач.* Навоий. *Не иложким, давлатим йўқ Ганжи меҳримдин бўлак..* Э. Воҳидов.

**2** кўчма Бойлик, мол-мулк, давлат; қадр-қимматли нарса.

**ГАНЖИНА** [ф. گنجينه — ҳазина, омбор] қ. **ганж I.** *Мирзачул мамлакатимизнинг пахта ганжинасига айланди.* Миртемир. *Эй,*

*Шаҳрихон, жонажон маскан, Эй, тупроғи ганжина диёр. М. Али.*

**ГАНТЕЛЬ** [нем. Hantel] *снрт.* Калта даста билан бирлаштирилган иккита чўян шардан иборат гимнастика асбоби. *Гантелда машқ қилмоқ.*

**ГАНЧ** [ф. گچ — алебастр; бўр] Алебастрнинг бир тури; сувоқ, нақш учун ишлатиладиган қурилиш материали. *Ганч қормоқ.*

**ГАНЧКОР** [ф. گچكار — сувоқчи; ганчдан қилинган] **1** *от* Ганчдан нақш ясовчи уста, ганчсувоқ устаси. *Отаси уста Мурод ҳам, бобоси уста Носир ҳам Бухоронинг кўзга кўринган ганчкорларидан бўлган.* Газетадан.

**2** *сфт.* Ганчланган, ганч билан ишлов берилган. *Ганчкор уй. ■ Буфетнинг ганчкор, ойнаванд зали одамга тўла эди. М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.*

**ГАНЧКОРЛИК** **1** Ганчкор касби; ганч ўймакорлиги билан шуғулланиш. *Маълумки, нозик ва нафис ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, ранг-баранг наққошлик намуналари халқ меъморчилиги тараққиётини, унинг замонавий услуб хусусиятларини кўрсатувчи бадий воситадир.* Газетадан.

**2** Амалий санъатнинг ганчда ишлаш билан боғлиқ соҳаси; бадий ҳунармандчилик тури.

**ГАНЧЛАМОҚ** Ганч билан сувамоқ, ганч сувоқ қилмоқ. *Деворни ганчламоқ.*

**ГАП** **1** [ф. گپ — қуруқ сафсата; мақтанчоқлик; сўз] **1** Сўзлар орқали баён этилган фикр; сўз, нутқ. *-Сиз тушунмай ётибсиз! — деди Кумуш ва эшикдан оёқ товушини сезиб, гапни шу ерда тўхтатди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Бу ерда гапимга ҳеч ким қулоқ солмаса, райкомга бораман! — Тўпанисо шу гапни айтди-ю, рўмолини бошига солиб, уйдан чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**2** Нутқ воситасида ифодаланган фикр, ўй, мулоҳаза. *Фуломжон ғалати бўлиб кетди. Кўнглига: «Наҳотки, худо балоларни менга гоҳ пари, гоҳ дев сифатида юборса!» — деган гап келди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**3** Маълумот, шингил ахборот, хабар; миш-миш. *Ёдгор замонавий Италия архитектурасига оид гапларни яна ўқишига тушди. Ў. Ҳошимов, Қалбиннга қулоқ сол.*

**4** Умуман бирон иш, воқеа-ҳодиса ва ш.к. *Оламда нима гаплар? Ўлимдан хабарим бор-у, бу гапдан хабарим йўқ.*

**5** Гина, кудурат. *Кўнглингизда шунчалик гапингиз бор экан, ота-онам шунчалик жонингизга теккан экан, бир огизина, «ҳай хотин, мен сиқилиб кетдим, уй ажратиб чиқиб кетайлик», десангиз бўлмасмиди? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**6** *тлш.* Тугал фикр англаган сўз ёки сўзлар бирикмаси. *Бош гап. Содда гап. Кўчирма гап. Гап бўлаклари.*

**Гап билан бўлиб** Гапга берилиб, эзмаланиб, кўп гапириб. *Булар гап билан бўлиб, хийла орқада қолиб кетишди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Гап бир жойдан чиқди* Ҳамманинг гапи, маслаҳати бир хил бўлиб чиқди. **Гап бу ёқда** Масала бошқа тарафда. *Гап бу ёқда экан-да! Ҳалитдан йигитларга салом хат ёзишга уялмаган зумраша! Гап бундай* Энди шундай. *Гап бундай, қани яқинроқ ўтир-чи. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлаката. Гап бўлмоқ* Бошқалар муҳокамасига тушиб, гап-сўз бўлмоқ. **Гап йўқ** **1)** ажойиб, жуда зўр. *Каримга гап йўқ, у ўз ишининг устаси;* **2)** албатта, бошқача бўлиши мумкин эмас. **Гап келганда, отангни аяма!** Танқидий фикр бўлаётганда, ҳеч кимни юзхотир қилма. *-Мажлисда катта-кичик деган гап бўлмайди, гап келганда, отангни ҳам аяма! — деди Сафаров. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Гап ковламоқ* Гапни айлан-тириб, турли маълумотлар олмақ. *Нима қиласиз гап ковлаб! Ундан кейин, бу гаплар ҳам орага совуқчилик солса солар-ку, лекин менинг колхозга кириш ниятим совуқчиликни аллақачон солиб қўйган. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Гап кўп* Қандайдир муаммо, сирли нарса бор. *Энди пахтани нимага кузда сотмай, ёзда сотаётганига келсак, бунинг тагида гап кўп. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Гап кўтара олмайдиган* Танқидга чилмасиз, жиззакни, Тўғри, сизнинг гап кўтара олмаслигингизни биламан. *Лекин, нима қилай, гап келганда, отамни ҳам аямайдиган одатим бор. «Муштум». Гап орамизда қолсин* Ўртамиздаги гапни, бу нарсани ҳеч ким билмасин. *Мен, албатта, ишонмадим. Рост бўлган тақдирда ҳам.. хи-хи.. бу гап орамизда қолсин.. А. Қаҳҳор, Ҳи-ҳи. Гап отмоқ (ёки қотмоқ, ташламоқ)* Тегишиб ёки жаҳлини чиқариш учун киноя, кесатик маъноли гап, сўз айтмоқ; пичинг қилмоқ. *-Ҳорунбек, иним, сиз нима дейсиз? — гап қотди меъмор. Мирмуҳсин, Меъмор. Гап очмоқ* Гап бошламоқ, гапир-



моқ, сўзламоқ. *Шароф Рашидович Отамурод билан сўрашгач, ипак пахта етиштириш истиқболларидан гап очди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Ифторни қилиб чиққан Маҳмуд Тоҳирга дарвоза олдида учради. Робиянинг акаси бўлган бу косиб йигит Андижон кўрғонига кетишдан гап очган эди:* -Э, бу ниятлар ҳаммаси пучга чиқди! — деб Тоҳир унга тоғасидан эшитганларини айтиб берди. П. Қодиров, Юлдузи тунлар. **Гап согмоқ** 1) бўлар-бўлмас, кераксиз гаплар гапиравермоқ, кўп гапирмоқ; 2) гапирмоқ, сўзламоқ. *Бир жангчи ҳозиргина рўй берган шовқинсурон тўғрисида гап сотаркан, у овқатини бемалол еб, ўрнидан тургач, этигининг кўнжиги қонга тўлганини пайқайди.* Ойбек, Куёш қораймас. **Гап тагида гап бор** Бу гап заминиди қандайдир нарса, гап бор. *Йўқ, Софья Борисовна, сиз сабр қилинг, мен тахминан фаҳмлапман, гап тагида гап бор.. [деди Эргаш].* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Гап талашмоқ** Ўзаро бир фикрга келиша олмай баҳслашмоқ. *Мана шунақа гап талашиб қолишса, илжайиб туриб, бир-бирини гап билан савалаб кетишади.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Гап тамом!** Ҳаммаси аниқ бўлди; иш битди, бўлди; ортиқча гапга ҳожат йўқ. *Чавандоз «гап тамом!» деган маънода қамчисини қўлига олди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Гап тамом. Бошқа саволга ўрин қолмади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. **Гап ташимоқ** Бирор ерда айтилган фикрни иккинчи ерга, бошқа кишига етказиб турмоқ; чақимчилик қилмоқ. **Гап тегизмоқ (ёки тегдирмоқ)** Бировни танбеҳга дучор қилмоқ, танбеҳ олишига сабаб бўлмоқ. **Гап тегмоқ** Танбеҳ эшитмоқ, танқидга учрамоқ -Қани.. *Ҳа, ундан кейин, ўртоқлар, — деб яна изоҳ берди Олимқул, — қўл қўйиш масаласида менга юқоридан ҳам, наstdан ҳам бир оз гап тегиб қолаётибди..* П. Турсун, Ўқитувчи. **Гап тўқимоқ** Бирор шахс ёки нарса ҳақида уйдирма, ёлғон-яшиқ тўқимоқ, тарқатмоқ. *Унинг [Йўлчининг] «ахлоқсизлиги» тўғрисида [Салимбойвачча] бирмунча гаплар тўқиди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап бунда (ёки унда) эмас** Бу асосий масала эмас. -*Гап унда эмас, — деди ҳожиги, — умр, муроса деган гаплар бор..* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Гап шу ерда қолсин қ. гап орамизда қолсин.** -*Лекин гап шу ерда қолсин, дурустми? — элликбоши қоронғи кўчага чиқди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап шу** Хулоса

шу, бўладиган гап шу. -*Сиз менинг кўнглиمنى билмайсиз, Ўрмонжон ака. — Кўнглингени билиб қолармиз. Колхоз нима эканлигини сен ҳам билиб оларсан. Гап шу: ҳеч қаёққа бормайсан.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Гап эшитмоқ** Бошқалардан танбеҳ олмоқ. *Сени деб ўқитувчидан мен гап эшитдим.* **Гап ўтмоқ** Икки киши орасида паст-баланд гап бўлиб ўтмоқ. *Шу қий-чув ичида Мирзакаримбой билан хотини ўртасида бир оз ачиққитишқ гап ўтди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап ўғирламоқ (ёки термоқ)** Бошқаларнинг айтганларидан уларнинг фикр-ниятларини билиб олмоқ. **Гап қайтармоқ** Ўжарлик, қайсарлик қилиб, сўзга кирмаслик. *Гап қайтарганингиз учун яна беш кун қўшаман. Ийгирма кун ишлаб берганингиздан кейин келасиз.* Х.Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. **Гап қилмоқ** 1) ҳамма ерда гапирмоқ, гап тарқатмоқ. *Бошларига ҳеч тушмаса можаро, Ҳамма жойда гап қилмаса фуқаро.* Х. Олимжон. -*Тагин одамлар буни ҳам гап қилиб юришмасин!* — деди Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) бирор шахс ҳақида нотўғри фикр тарқатмоқ. -*Сизни Зиёдахон билан гап қилдим, — деди Қори Ўрмонжонга.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Гап қистирмоқ** Айтилаётган сўз, нутқ орасига луқма киритмоқ. -*Рўзимат ука, яхши, гапинга яна битта гапни қистириб ўтгин.. — деди Қамбарали ака.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Гапга бичган ёки онаси гапга туққан** Гапга уста, гапдон, маҳмадона. -*Абдишукурни худо гапга бичган, енгиб бўлмайди, — деди Жамолбой пихиллаб.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гапга кирмоқ** Сўзга қулоқ солмоқ, бўйсунмоқ. *Ҳазратқул ювош, нима деса, гапга кирадиган боладан бунақа гап чиқшини сира уйламаган эди, гангиб қолди.* С. Аҳмад, Юлдуз. **Гапга солмоқ** 1) яхши гап билан йўлга солмоқ. *Аҳмоқни урма, сўкма, гапга сол.* Мақол; 2) гап билан банд қилмоқ; турли сўроқлар бериб, воқеани аниқламоқ. *Ўтган-кетган кампирларнинг қўлига чой тутқазиб, гапга солади.* «Мушгум». [Кампир] *Келинларни ўсмоқчилаб гапга солар, эшитганларини эрига сўзлар, чол эса дарров Қоратойга етказар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гапга тўн кийгизмоқ** Бежаб гапирмоқ, муболағали гапирмоқ. *Оббо сиз-эй.. Хўп гапга тўн кийгизасизда..* Н. Сафаров. **Гапдан гап чиқиб** Гап бириб-бирига уланиб. *Гапдан гап чиқади, деган-*

ларидек, нонушта пайтида бек тўсатдан меъморга мурожаат этиб, бу ерда бирон ой қолиш иложи йўқмикан, муҳим бир илтимос, узримиз бор эди, деди. Мирмуҳсин, Меъмор. Гапдан гап чиқиб, одамзоднинг пасткаши қанақа бўлишига бориб тақалди. С. Аҳмад. **Гапидан илинмоқ қ. илинмоқ. Гапи оғзида қолмоқ** Бирор сабаб билан сўзлаётган вақтида тўхтаб қолмоқ; гапи узилмоқ. Унинг гапи оғзида қолди, кўзлари хиёл кенгайиб, ним очиқ лаби титради. П. Қодиров, Уч илди. **Гапим гап** Сўзим бир, аҳдим яғона, қатъий. *Йўқ, ҳалиги гапим гап.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. **Гапини бировга бермайдиган** Ўзининг гапини маъқуллайдиган, ўзини билафон ҳисоблайдиган. *Шаддод, гапини бировга бермайдиган, эркакишода Асрора звенюга бошлиқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ. **Гапини икки қилмаслик** Илтимос ёки таклифни сўзсиз бажаришлик. *Иноят оқсоқол ёшлигидан бир гапини икки қилмаган қизини бунақаб харжлардан тиёлмасди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Соҳиб қори яна нўписа қилди: -Гапимни иккита қилсанг, сендай қизим йўқ! Билиб қўй шуни.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. **Гапини йўқотиб қўймоқ** Маълум руҳий таъсир натижасида фикрнинг давомини унутиб қўймоқ; эсанкираб, нима дейишини билмай қолмоқ. -*Йўқ, мен ҳаммаси демоқчи эмасман, баъзи бирлари, - деди Бўтабой ака ва гапини йўқотиб қўйди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Гапини олмоқ** 1) бирор нарса, иш ҳақида ўзганинг фикрини, мақсадини билмоқ. [*Қосим:*] *Тезроқ ўзим бориб, терговчининг гапини олай, фалокат босиб, ишнинг миси чиқиб қолмасин.* «Муштум»; 2) маълумот олмоқ. *Кампирдан бошқа ортиқча гап ололмагач, у [қўшини хотин] ингичка бўлиб, бурилиб чиқиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. **Гапини оғзидан олмоқ (ёки илиб кетмоқ)** Сўзлаб турган кишининг гапини тўхтатиб, ўзи гап бошламоқ. -*Бизлар билан кўлга овга чиқинлар, - деди у Жапақнинг гапини оғзидан олиб.* А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. **Гапни айлантирмоқ** Суҳбат йўналишини бошқа тарафга бурмоқ. *Алимардон ҳаммаси тамом бўлганини янада чуқурроқ ҳис этди. Гапни айлантариб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, кўнглидаги бор гапни айтди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Гапни бир ерга (ёки жойга) қўймоқ** Бир маслаҳатга келмоқ, келишмоқ. **Гапни (бошқа ёққа) бурмоқ қ. гапни айлантирмоқ.**

*Икромжон гапни бошқа ёққа бурворди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Гапни бошқа ёққа бурмоқчиси-а, хап сизними! Хотинлардек ҳийлакори бўлмас экан дунёда, - деб уни гапга солмоқчи бўлдим.* Ойдин, Ҳикоялар. **Гапни бўғмоқ** Бир кишини сўзлашдан тўхтатмоқ. *Ҳикматилла яна гапга киришган эди, Зойиржоннинг ёнида ўтирган Нарғиза ўрнидан туриб кетди. Опноқ юзи жаҳадан қизариб, тез-тез гапириб ташлади: -Нега бировнинг гапини бўғасиз! Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Гапни чуваламоқ Бирор нарсани билиш учун гапни чўзмоқ. *Нури бу йигит тўғрисида кўпроқ нарса билишни исташ билан барабар, бу қизнинг унга муносабатини очиш каби яширин бир ният билан гапни чувалади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гапнинг белига тепмоқ** Суҳбатга ҳалал бермоқ, суҳбатни бузмоқ. **Гапнинг мағзини чақмоқ** Масаланинг моҳиятига тушунмоқ. *Бувниса хола, Салтанат Маҳкам акаларниқига кириб кетгандан сўнг, гапнинг мағзини чақди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан. **Гапнинг очиги** Тўғрисиани айтганда, тўғриси. *Лекин, гапнинг очиги, Каримовнинг ҳам аҳволи паришонроқ эди.* «Муштум». **Гапнинг очиги, мана шу ҳовли сеники.** У. Исмоилов, Сайланма. **Гапнинг пўст калласи** Хулласи калом, хуллас. *Гапнинг пўст калласи, дўстинг Хўжақул ҳам Ҳамроқул Турсунқулов бўлишни бир орзу қилган эди-да, оғайни!* О. Ёқубов, Учрашув. **Гапнинг тагига етмоқ** Бирор воқеа-ҳодисанинг асл сабабини аниқламоқ; масаланинг туб моҳиятига тушуниб етмоқ. **Гапнинг қисқаси** Хулласи калом. *Ана шунақа гаплар* Ишлар шундай. -*Ана шунақа гаплар, Сидиқжон, шунақа гаплар. Йигирма бирни бир қилишимиз керак, бир! - деди ва ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. **Бир гап бор** Бирор сирли нарса мавжуд, қандайдир маълум бўлмаган нарса бор. *Изланишларим шунга келиб тақалди, демек, миҳда бир гап бор.* «Фан ва турмуш». -*Бунда бир гап бор, - деди Ольга Петровна, курсидан туриб.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Бир гап бўлар** Охири бир натижа билан якунланар. *Қани, турларинг, лапашанлар, қоринни тўйгазиб олайлик, кейин бир гап бўлар.* О. Ёқубов, Эрбошига иш тушса. *Масалан, беш ҳужиздан бир қўшини, боғли ерларнинг ярмини ўғлига ажратса, унинг юки анча камаяди. Обжувоз бўлса, майли, бир гап бўлар.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Бир гап бўлдим?** Бирор воқеа, ҳодиса содир*

бўлдими? Мансур Муслим! Сенга бир гап бўлдимми? ..шундай вақтда иш кўрсатмасак, қачон кўрсатамиз?! Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Бошқа гап эди** Бошқача иш тутиш мумкин эди. Бу кампирнинг устидан қаяққа дод деб бораман, бирон жойда ишласа, бошқа гап эди. «Муштум». **Бу бор гап** Бу ҳақиқат, бу аниқ. Чол бошини буриб, носини туфлади, сўнгра тамшаниб туриб, ишонч билан деди: -Бу бор гап! П. Турсун, Ўқитувчи. **Бўладиган гап** Амалга ошиши мумкин бўлган тўғри фикр. -Низомиддинов, - деди раис ўрнидан туриб, - сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз ахир. **Бўладиган гапни гапиринг!** А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Бўлмаган гап** Бехуда, йўқ нарса, асоссиз нарса. -Риёзиёт бўлмаган гап, ўзини билган кимса бунақа ишлар билан бошини қотириб юрмай, ҳарбу зарбни машқ қилгани маъқул, - деди [Иброҳим Султон]. Мирмуҳсин, Меъмор. **Бўладиган гап шуки қ. гапнинг пўст калласи.** Бўладиган гап шуки, камбағаллар мажлис қилиб, сизнинг хўжалигингизни тугатишга, ўзингизни Капсанчилар қишлоғидан бадарга қилишга қўл кўтаришди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Дув-дув гап** Бирор воқеа, ҳодиса ҳақида миш-миш. Кунлардан бир куни маҳаллада дув-дув гап бўлиб қолди: «Мухторхон домла уйланармишлар!» А.Қаҳҳор, Тўйда аза. **Икки гапнинг бирида** Ҳар бир гапиди, мунтазам, доимо. Бувим ҳам, болалар ҳам икки гапнинг бирида «кал», «Ҳожикал», деб камситишади [деди Саид]. Э. Раймов, Ажаб қишлоқ. **Икки гапнинг бирида** пешонасига уриб, гоҳ бўғилиб ва гоҳ қотиб-қотиб кулиб, одамларни кулдириб ҳикоя қилди. А. Қаҳҳор, Минг бир жон. **Катта гап** 1) катта, муҳим масала, иш; 2) кўча ўз имкониятидан ташқари гапларни гапирадиган қуруқ одам. **Кўнглингизга (бўлак) гап келмасин** Хафа бўлманг, кўнглингиз оғримасин. Мезбонлар дилсиёҳлик кайфиятини яширишга уринишди, аммо ётар маҳалигача бу бир неча мартаба юзага чиқди ва, оқибат, меҳмоннинг кўнлига бўлак гаплар келмасин учун, икки орада ўтган гапни айтишга мажбур бўлишди. А. Қаҳҳор, Мирзо. **Майда гап** 1) турли хил иккинчи даражали гап-сўз. Қани, шулардан бирини анҳор бўйига ташлаб, барча майда гапларни унутиб, кўнглига яқин чор улфатинг билан отамлашсанг. «Гулдаста»; 2) шундай гапларни кўп гапирадиган шахс; вайсақи; ифвогар. **Нима гап?**

Нима бўлди, нима янгилик? Қишлоқларда нима гаплар бор экан? Бир суҳбат қил. Астасекин сўра сен. Ҳ. Олимжон. **Нима гапу нима сўз** Нима бўлади-ю, нима қолади. У аллақандай офатни ҳис қилиб, хатга кўз югуртирди. Суннат: «Мени армияга олишди. Уч йилгача нима гапу нима сўз, йўлингиз очик, эрга тегиб кетаверинг. Ҳозир эски замон эмас, бунақа нарсаларнинг унчалик аҳамияти йўқ», деган мазмунда ёзибди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Оғир гап** 1) дилни оғригадиган, кишига озор берадиган гап, хабар; 2) мушкул иш, қийин муаммо. -Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, - деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди: -Уйланган хотининг таъбинга мувофиқ келса, бу жуда яхши, йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Тайинли гап** Аниқ, маълум, муайян гап, фикр. Бироқ доктор уни [Сидиқжонни] қўл учигагина кўрди, дори бермади, тайинли бир гап ҳам айтмади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Турган гап** Аниқ, шубҳасиз. Фурсат бой берилдими, ишнинг кейин кетиши турган гап. Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. **Эртага, турган гап, далага одам чиқмайди.** А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Хунук гап** Ёмон, совуқ хабар, иш. Лекин кузда, подани кўчириб қишлоққа тушганимизда, Сайфидан хунук бир гапни эшитдим. С. Сиеёв, Ёруғлик. **Ўзингиздан қолар (ёки ўтар) гап йўқ** Ўзингизга маълум, сиздан яширадиган нарса йўқ. **Гап ўргатмоқчи эмасман, ўзларидан қолар гап йўқ.** А. Мухтор, Опа-сингиллар. Бу иш кечаси бўлгани маъқул. Кундузи бўлса, ўзингиздан ўтар гап йўқ, хунукроқ кўринади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўтган гапга салавот** Бўлар иш бўлди, энди бефойда. Қурбон ота.. **Урмонжоннинг ёнига чўкка тушиб:** -Урмонжон, ўғлим, бола бечораса бир ёрдам қилгин, ўтган гапга салавот, - деди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Ўғил бола гап** Энг тўғри гап, ҳақиқий гап. -Ҳа балли! Мана буниси ўғил бола гап бўлди, - деди чол завқланиб. О. Ёкубов, Қаҳрамон излаб. **Ҳеч гап йўқ** 1) бирор ҳодиса рўй бермади, тинчлик. **Бизнинг ора-мизда ҳеч гап йўқ, қасам ичаман. Ҳеч гап йўқ!** Ҳеч гап бўлмаганидан кейин раиш ҳам бўлмайди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари; 2) ҳеч нарса йўқ. **Ҳеч гап эмас** Қийин эмас, арзимайдиган, осон иш. **Қурбон ота бошлаб берсалар, у ёғи ҳеч гап эмас.** А. Қаҳҳор, Қўш-

чинор чироқлари. Ёш олимнинг [Берунийнинг] мусофирчиликда бошидан кечирган кулфатлари бу ташвишлар олдидан ҳеч гап эмасди. М. Осим, Жайхун устида булутлар. Қўшниларга ёрдам бериш сиз учун ҳеч гап эмас. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**ГАП II** [ф. گپ] Дўст-тенгқур, ҳамкасаба улфатлар орасида навбати билан ҳафта ёки ойда улардан бириникида ўтказиладиган зиёфат; улфатчилик. *Бугун жума бўлгани учун Ҳакимбойвачча ва Мирзакаримбой ўз улфатлариникига — гапга кетишган.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Гап бермоқ** Ўз навбати келган куни улфатларига зиёфат бермоқ. *Яна бир ҳафтадан кейин Салим акам гап берармишлар.* Ойбек, Танланган асарлар. **Гап емоқ** Шундай улфатчилик, зиёфатда мунтазам иштирок этмоқ. *Қишининг узун кунлари бу ерда улфатлар гап ейишади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГАПБОЗЛИК** Қуруқ, бефойда гап билан машғул бўлишлик. *...мақтанчоқликни, қуруқ ваъдабозликни фош қилиш, шу билан бирга, сиёсий гапбозликка берилиб кетмаслик керак.* Газетадан.

**ГАП-ГАШТАК** [гап + ф. گشتک — сайр, томоша қилиш] айн. **гап II.** *Тошкентдаги ҳамқшилоқларнинг бари шу ерда «туғилар», катта-кичик гап-гаштаклар ҳам шу ерда ўтказилар эди.* «Ёшлик». *Масхарабоз ва қизиқчилар, асосан, турли мазмундаги оилавий тўйларда.. зиёфат-базмларда, бозоршаб ва гап-гаштакларда ўйин кўрсатадилар.* М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси.

**ГАП-ГУРУНГ** Гаплашиб ўтириш; суҳбат. *Гап-гурунг устида у тоғамнинг қачон бўлмасин кириб келишини кутаётганини сезар эдим.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**ГАПДОН** [ф. گپدان — гапни, гапирISHНИ яхши билувчи] **I** Гапга уста, чечан; топиб гапирадиган, тили бурро. *Ҳайдар азалдан гапдон бўлса ҳам, шу чоғ, шу ерда ҳаяжондан соқов эди.* И. Раҳим, Ихлос.

**2 салб.** Маҳмадона, ўйламасдан гапирадиган. *Тунугини эпломмаган одам экан десам, гапдон чиқиб қолди-ку.* *Мана шундақалар кишининг сирини дўмбира қилиб чалади-да, эҳтиёт бўлиш керак.* А. Муҳиддин, Қитмир.

**ГАПДОНЛИК I** Сўзга чечанлик, гапга усталлик. *-Гапдонликка келганда, Бозорбой ҳам сен билан мени бир чўқишда қочиради, — деди Олахўжа.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Қуруқ сўзлаш билан овора бўлишлик, маҳмадоналик. *Мусобақа юзакчилик, гапдонлик, вайсақилик, кўзбўямачиликдан йироқ бўлиши керак.* Газетадан.

**ГАПИРИШМОҚ I** Гапирмоқ фл. бирг. н. *Усмонжон овқатдан кейин онаси кетидан уйга кирди-ю, анча гапирishiб қолди.* С. Зуннунова, Гулхан.

**2** Бирор масалада ўзаро битишмоқ, келишмоқ. *Мен у билан гишт тўғрисида гапирishiб қўйдим.*

**ГАПИРМОҚ I** Фикрини оғзаки баён этмоқ; сўзламоқ, айтмоқ; нутқ сўзламоқ. *Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.* Мақол. ■ *Сафаров кулди ва эртага қилинадиган ишлар тўғрисида гапирди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Улфатларда ҳар ерларда ўлтирди, Султонхон дардини энди гапирди.* «Рустамхон». *Шу икки фикр атрофида мунозара жуда қизиқ кетди.* *Гапирмаган, тортишмаган одам қолмади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Оғзингга қараб гапир** Ўйлаб, нима деяётганингни тушуниб гапир; ножўя, ахлоқдан ташқари иборани ишлатма.

**2** Гапирishi, сўзлаш қобилиятига эга бўлмоқ; тилга кирмоқ. *Нусратнинг икки ёшли ўғли катта бўлиб қолди, гапирди.*

**3** Талаффуз қилмоқ. *Сабогул одатича сўзларни бузиброқ русча гапирарди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Қовоқлари ва бир қадар йирик юз ёноқларининг фарқига бормаган одам, уни [Ўрозни] асло қирғиз демас, «сартча»ни жуда яхши гапирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Бир гапириб, ўн куладиган** Жуда хушчақчақ, кўнгли очиқ одам ҳақида. *Она ўлимига дастлаб чидай олмаган каби кўринган Нури, секин-секин тақдирга тан берган, ҳатто аввалгидай бир гапириб, ўн куладиган бир ҳолга келган эса-да, ҳар келишда бақириб кирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. У [Рисолат] бир гапириб, ўн кулар, гап орасида Дилдордан гина ҳам қилиб қўярди. С. Аҳмад, Уфқ. **Катта гапирмоқ** Ўз имкониятини ҳисобга олмасдан сўзламоқ, ваъда бермоқ; қуруқ гаплар билан мақтанмоқ. *-Катта гапирманг! -Катта гапирсам, гапирмасам, — деди Хушрўй, — менинг феълим ҳар кимга маълум ва ҳаммадан ҳам сенга очик!.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. **Қаттиқ гапирмоқ** 1) бақириб гапирмоқ; 2) кўнгилини оғритади-

ган гап қилмоқ. - *Оғир бўлинг, қаттиқ гапирманг, бекам! Ханжарингизни ҳам бекитиб қўйинг!* — деди Зулфиқор. Мирмуҳсин, Меймор. **Қизиқ гапларни гапирасан** Содда фикрлайсан, содда ўйлайсан. *Қизиқ гапларни гапирасан. Ахир, соқолим газлама савдоси билан оқарди. Мен дадил бўлмай, ким дадил бўлсин.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГАПЛАШМОҚ 1** Суҳбатлашмоқ; сўзлашмоқ. *Нега одамлар шивирлашиб гаплашяпти?* С. Зуннуова, Кўк чироқлар. *Дилора дугонаси билан узоқ гаплашмади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**2** кўчма. Ўзаро келишмоқ, битишмоқ. - *Шағал гаплашиб қўювдим, Қурёз ака, — дедим ростига кўчиб.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Темирни гаплашиб қўйдим. Эрта саҳар шу ердан олиб кетамиз.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**3** Муҳокама қилмоқ, кенгашмоқ. *Ундан кейин соат тўққизга бутун колхозчиларни йиғиш керак. Газетани ўқиймиз, ҳамма гапни очиқчасига гаплашамиз.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. - *Мен тегишли жойда гаплашаман, — деди Низомиддинов қоғозларини йиғиштираётиб, — мен очдим бу ишларни, мен фош қилдим.* А. Қаҳҳор, Мунофиқ.

**4** Ўзаро муносабатларни ойдинлаштирмақ; орани очиқ қилмоқ; адабини бермоқ. - *Пайти келади сен билан гаплашишинг, — деди-да, нари кетди.* М. Ҳазраткулов. *Журъат. - Шошма, даданг йўқлиғида сан ўлғур билан гаплашиб олай, юрак-бағримни заҳарладинг!* — ўрнидан туриб, илдамлик билан қўрғон эшигини занжирлади Гулсумбиби. Ойбек, Танланган асарлар. *Отасиман, унинг топгани меники, қани, битта шолини у ёқ-бу ёқ қилиб кўр-чи, гаплашиб қўяман.* С. Аҳмад, Уфқ.

**ГАПСОТАР** Бехуда гапни кўп гапирадиган; сергап.

**ГАП-СЎЗ 1** Айтиладиган гап, сўз; нутқ. *Бу ҳақда гап-сўз бўлиши мумкин эмас [деди Абдусалом].* Ж. Шарипов, Хоразм.

**2** Суҳбат, гурунг. *Икки ўртадаги гап-сўз йўл узоқлигини билдирмас эди.* ■ *Гап-сўз бир-бирига илашмади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Овоза, миш-миш гап. *Қўқонда Ҳакимбойвачча хизматкорининг қизини олибди, деган гап-сўз ҳам бўлмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Агар сизга оғир тушмаса, юрдаги гап-сўз босилгунча, бирор йил Тошкентда турсин, сўнгра Марғилонга борсин, дердим!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Гап-сўзга қолмоқ** Уятга қолмоқ. - *Ҳа, ўқидик [хатни], — Ҳалима она қизариниб кулди. — Ким билсин, ёш раис, гап-сўзга қолмасин деб қўрқувдик-да, айланай.* О. Ёқубов, Бир фелъетон қиссаси. - *Олган мажбуриятимни бажариб келмасам, гап-сўзга қоламан, — деди Нафиса онасига.* Файратий, Узоқдаги ёр. **Гап-сўзда йўқ 1)** гапга нўноқ; нутқи норавон; **2)** кўчма ношуд, лалайган. *Ҳозирги афтини кўрган киши уни [Рўзиматни] гап-сўзда йўқ, ўзи тўнгина бир йигит гўмон қилар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ГАПХОНА** [гап + хона] эск. Гап ўтказиладиган, гап қатнашчилари йиғиладиган жой. *Элмурод Мели полвоннинг қистови билан гапхонага боришга мажбур бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГАПХЎР** [ф. گپخور — гап еювчи] Гап қатнашчиси, гап базмларига мунтазам қатновчи киши; жўра, улфат. *Мулла Жўра билан Қўшоқ.. гапга борганларида, гапхўрларга қишлоқдаги ҳаракатни сўзлаб беришди.* Ҳ. Шамс, Характеристика.

**ГАПХЎРЛИК** Улфатчилик, меҳмондорчилик. *Қиш бўйи гапхўрлик қилиб, сўқим гўшту қази солинган паловларга ўзимизни боқинг деб, баҳорда қишлоқ бойларининг тўрт-беш таноб ерининг учдан бирига экандим.* Й. Шамшаров, Тошқин.

**ГАПЧИ** салб. Бир кишининг гапини иккинчи кишига етказиб турувчи, гап ташувчи; ифвогар. *Гапчи одам.*

**ГАПЧИЛ** шв. Гапга уста, гапдон, чечан; сергап. *Гапчил бола.*

**ГАР** [ф. گر — агар] “агар” сўзининг қисқарган шакли] *кт. айн. агар.* *Душманинг гар мўр эса, Сен бўлмагил андишасиз.* Ҳамза. *Шу ишга гар қилса қасд, Расо ишга тушса бас.* З. Диёр.

**ГАРАЖ** [фр. garage < gerer — пана жойга қўймоқ] Автомобиль, мотоцикллар турадиган ва жорий таъмир қилинадиган иншоот, бино. [Шофёр] *Машинасини гаражга қўйиб, уйига кетди.* Ойдин, Кўнгил тўлдими, яхши йигит.

**ГАРАЗОН** шв. Жуда кир, ифлос. *Жуда гаразон бўлиб кетибсан-ку. Устингдаги кўйлакни еч, гаразон бўлиб кетибди.*

**ГАРАНГ 1** Қулоғи эшитмайдиган, кар. *Гаранг одам.* ■ *Бу гаранг оловни ҳам ўзи ёқади, ўчиришда ҳам ўзи сув сенади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**2 кўчма** Боши қотган, нима қиларини билмай гангиб қолган; ганг. *Болаларнинг жавдираган кўзлари отада. Ота эса нима қиларини билмай гаранг.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**Гаранг бўлмоқ** 1) қулоғи битиб, эшитмайдиган, кар бўлиб қолмоқ. *Автомат тириллашидан гаранг бўлган ўн уч немис бараварига қўл кўтариб, ўрндан турди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз; 2) кўчма нима қиларини билмай, гангиб қолмоқ, гангимок. *Уста хийлагача тили сўзга келмасдан, гаранг бўлиб қолди.* О. Ёқубов, Ларза. **Гаранг қилмоқ** Бошини қотирмоқ; гангитмоқ; хуноб қилмоқ. *Мурод мирзонинг хабари эр-хотинни ҳам, Майнани ҳам гаранг қилиб қўйди.* Ш. Тошматов, Эрк қуши. - *Жонгул кунни билан йиғлайвериб, ҳаммамизни гаранг қилиб юбордику, — деди Худойқул ака Умарқулга.* О. Хусанов, Қўшиқчининг тақдирини. *Бу мол билан сен ҳам сарсон бўлмагин, Бехуда ўзингни гаранг қилмагин.* «Алпомиш».

**ГАРАНГЛИК** Карлик, қулоғи эшитмаслик. *Эшон-қози буларнинг гапини эшитмаса ҳам, оғзининг қимирлаётганини кўриб, калласини ликиллатиб, гаранглигини билдирмай турганда, иккинчиси арз қилибди.* «Луқмони Ҳаким».

**ГАРАНГСИМОҚ** Нима қиларини билмай, эсанкираб қолмоқ; гаранг бўлмоқ. *Мутал хануз эшикда гарангсиб ўтирган чолнинг ёнидан ўтиб, ташқарига чиқди.* О. Ёқубов, Ларза. *Қурбон гарангсиб, олдинга тушди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ГАРАНГТОБ** шв. қ. **гаранг 2.** *Муродхоннинг кўнглидан ҳалиги кўрган паризоднинг ишқи кетмай, гарангтоб бўлиб бораёттир.* «Муродхон».

**ГАРАНТИЯ** [фр. garantie — бирор нарса ни таъминлаш; таъминот] қ. **кафолат, кафилик.** *Гарантия бермоқ.* ■ *Ҳалол, ошқора позицияни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий гарантияларга келсак, бугунги кунда бундай гарантиялар бор.* Газетадан.

**ГАРАНТИЯЛАМОҚ** қ. **кафолатламоқ.** *Мустақиллик меҳнаткашларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берди ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан гарантиялади.* Газетадан.

**ГАРБИЛ** [р. горбыль — пўстли тахта] Пўстлоғи арчилмаган ходанинг четидан чиққан тахталар. *Ҳовли ҳам жимжит, пастки тахталари олиб ташланган зинадан юқорига чиқди, эшикка қоқиб қўйилган гарбил тах-*

*таларни тортиб кўрди, аммо кучи етмади.* Мирмуҳсин, Умид.

**ГАРД** [ф. گرد — чанг, ғубор; кукун] 1 **Чанг**, ун, кўмир кабиларнинг юқи. *Ун гарди.* ■ *Тегирмонга кирганнинг кипригига гард илашади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *У дўл тағида шўх айланаётган ялтоқ катта тош атрофидаги ун гардларини сидирар, тегирмон тошининг ғув-ғувида ҳеч нарса эшитилмасди.* Ш. Тошматов. Эрк қуши.

**2 кўчма** Доғ, нуқсон. *Муборак номига гард юқтирмай яшамоқ.*

**Ўзига гард юқтирмаслик** Ўз обрўсига доғ туширмаслик. *Ҳамма ҳайрон: ўзига гард юқтирмайдиган, гап тегизмайдиган абжир қиз негадир шунча мазахларга чидаб, индамай юрибди?* Газетадан. *Отам умрининг охиригача ўз шаънига, оиласи шаънига гард юқтирмаслик, одамлардан дакки-дашном эшитмаслик учун интилган.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**3 кўчма** Зарра, белги, асар, нишон. *Рўпарамда чордона қуриб ўтирган бу ажойиб мўйсафиднинг бошига йиллар оппоқ гардини аямай тўкибди-ю, лекин вужудини сўндирилмабди.* А. Ҳасанов, Яшарип. *Қўшиқчи англаб шу чоғ Темирохун дардини, Чехрасига ўрнашган Қайғу, кулфат гардини.* Ғайратий.

**ГАРДАН** [ф. گردن — бўйин] Гавданинг бош билан елка орасидаги қисми; бўйин; бўйиннинг орқа қисми. *Полвон ўрндан турди, нима қилишини билмай, гоҳ пешонасини уқалар, гоҳ гарданини қашир эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Сочлари чаккаси ва гарданигача тушган, елкасига фотоаппарат илган ёшигина новча сариқ йигитча ҳаммага бир-бир жилмайиб турарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**Гардания олмоқ** 1) ўз устига олмоқ, зиммасига олмоқ. *Ишининг оғирини ўз гарданамга оламан: пули, озиқ-овқат, асбоб-ускунаси, улови мандан; меҳнат — халқдан.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.; 2) иқрор бўлмоқ, тан олмоқ, бўйнига олмоқ. **Гардания юкламоқ** (ёки **қўймоқ**) Зиммасига юкламоқ, топширмоқ. *Директор бу ишни унинг гарданияга юклади. Пахтачиликдаги энг оғир ишлар машиналар гарданияга юкланди.* **Гарданияга тушмоқ** Зиммасига тушмоқ. *Енгсалар — нур устига нур. Енгилсалар — масъулият Анварнинг гарданияга тушади.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ГАРДАНКАШ** [ф. گردنكش – исёнчи, қўз-ғолончи; ўжар, гапга кирмайдиған] кам. қўлл. Қайсар, ўжар. *Очил куч шундай гарданкаш одам эди.* М.М.Дўст, Галагепанага қайтиш.

**ГАРДАНКАШЛИК** Қайсарлик, ўжарлик. *Ҳа, гарданкашлик қилиб, кўзга кўканак, бетга тиканак бўлишдан ҳазар қил [деди бойвачча].* К. Яшин, Ҳамза.

**ГАРД-ГАРД:** гард-гард қилмоқ Чилпарчин қилмоқ, майда-майда қилмоқ, яқсон қилмоқ, тор-мор келтирмоқ. *Аскар ўраб олди ўнгдану сўлдан, Қочар пайт икковин қилдилар гард-гард!* Миртемир.

**ГАРДДАЙ** Жуда оз, оз миқдорда; озгина, жиндай. *Гарддай дори.* *Юрагида гарддай чўғ йўқ.*

**ГАРДЕРОБ** [фр. garde-robe < garde – сақлаш + robe – кўйлак] **1** Кийим-кечак қўйиладиган шкаф; кийим жавони. *Зебо паришон ҳолда пиджагини гардеробга қўйди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Жамоат биноларига, муассасаларга кирверишда уст кийимлар топшириш ва сақлаш учун ажратилган махсус жой. *Зокир гардеробга похол шляпасини топшираётганда, ёқимли пиёздоғ ҳиди димоғига урилиб, оғзи сув оча бошлади.* П. Қодиров, Уч илдиэ.

**ГАРДЕРОБХОНА** қ. гардероб **2**.

**ГАРДЕРОБЧИ** Гардеробда ишловчи шахс. *Ҳикмат ака гардеробчи бўлиб ишлай бошлади.* Газетадан.

**ГАРДИН** [ф. گردين < گردين – айланмоқ] Доира шаклидаги, доира. *Махсум ясатиғлик гардин патнис кўтариб кирди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ГАРДИШ** [ф. گردش – сайр; айланиш; айлана] **1** Буюмнинг айланма сирти; чамбар, чамбарак. *Чилдирманинг гардиши.* *Гилдирак гардиши.* ■ *Раъно.. дўпписини қозикқа олиб, гардиши кенг кигиз қалпоғини олиб, устига ура-ура, чангини қоқди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**2** Доира шаклидаги нарса; доира. *Ойнинг гардиши.* *Кўёнинг гардиши.* ■ *Ҳа, ой атрофида гардиш ясади: эртага ҳаво яхши бўлади.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. [Ойниса] *Патирларни дастурхонга тудди, устига кеча бозордан олиб келган икки гардиш ҳалвани қўйди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**Фалакнинг гардиши** Дунёнинг ўзгаришлари; тақдир, қисмат, пешона; кўргилик. *Фалакнинг гардишини қарангки, ўша қариб*

*уйланган отаси ҳали ҳаёт, онаси эса ёшгина оламдан ўтиб кетди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. *Фалакнинг гардиши билан лўли қиз подшога кўнгиб берибди.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ГАРДКАМ** унд. с. **1** Қимор ўйинида ошиқ ташлашда айтиладиган хитоб. *Тавба! Эшон «гардкам» деб ошиқ отадими-а?* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** с.т. Нима бўлса бўлар, таваккал. [Абдулазиз] *..қўлини кўкрагига урди: -Бизнинг иш гардкам! Ё у ёғлик, ё бу ёғлик.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАРДУН** [ф. گردون – осмон, фалак] эск. кт. Осмон, осмон гумбази. [Навоий:] *Йиқил устимга, эй гардун, йиқил тез! Йиқил, бошимни янч! Гавдамни бос, эз!* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**ГАРД-ТЎЗОН** Чанг, чанг зарралари. *Суна устини, ўчоқбошини қалин гард-тўзон қоплаган.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**ГАРД-ЧАНГ** Кўп миқдордаги гард ва чанг. *Унинг сариқ тукли кенг юзи нахта гардчанги билан қопланган эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**ГАРД-ҚУРУМ** Кўп миқдордаги чанг ва курум. *Гард-қурумга беланиб, бедор, Кўмирларни қулатар яхлит!* Ё. Мирзо.

**ГАРД-ГУБОР** қ. гард-чанг. *Дафтарнинг гард-губорини аста артиб, илк саҳифасини очишим биланок, олис ўтмиш гуп этиб димоғимга уриди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**ГАРМА** [ф. گرمک – эртапишар қовун нави; ҳандалак] Қовуннинг бир тури. *Майдонларда душман билан қувишган, Қумзор ерга гарма қовун экишган.* «Эрали ва Шерали».

**ГАРМДОРИ** [ф. گرمدارو – иссиқ, қайноқ дори ёки گرمدار – иссиқликка, қайноқликка эга] Инсон истеъмол қиладиган бир йиллик сабзавот ўсимлиги ва шу ўсимликнинг ҳосили. *Гармдори кўчати.* ■ *Қариш томондаги болохонада Иқбол холянинг саришта қўллари билан ипа тизилган маржон-маржон гармдорилар осилиб турибди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**ГАРМИЁН** [ф. گرم – иссиқ, қайноқ] Баъзи узум турларидан махсус усулда тайёрланган майиз.

**ГАРМОНИК** қ. уйғун. *Миртемир – табиат картиналари билан инсон психологик кечинмаларини гармоник уйғунликда акс эттиришининг назмдаги мусаввири.* «ЎТА».

**ГАРМОНИЯ** [юн. harmonia — боғланиш, мутаносиблик] қ. **уйғунлик**. Бу шевада ун-лилар гармонияси, яъни сингармонизм ҳодисаси мавжуд эмас. «ЎТА».

**ГАРМОНЧИ** Гармонь чалувчи. Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-гулига келганда, майдон гум-бурлаб кетди. Ойбек, Қуёш қораймас.

**ГАРМОНЬ** [юн. harmonikos — ҳамоҳанг; тенг ўлчовли, мутаносиб] Икки ёни бу-клама, клавиатурали мусиқа асбоби. *Қаёқлар-дадир гармонь чалинади. Рус халқининг дил-рабо ашуласи янграб туради.* Ш. Рашидов. Бўрондан кучли.

**ГАРМСАР** с.т. Гармсел.

**ГАРМСЕЛ** [ф. گرمسير — иссиқ мамлакат-лар, ўлкалар] Ёзда бўладиган иссиқ ёқим-сиз зарарли шамол. Бу ерда кўпгина азамат-лар янги кўчатлар ўтқазиб, сахродан кела-диган қум ва гармсел йўлини тўсардилар. Ш. Рашидов. Бўрондан кучли.

**ГАРНИЗОН** [фр. garnison < garnir — таъ-минламоқ; куроллантирмоқ] Истеҳком ёки қалъада доимий ёки вақтинча турадиган ҳар-бий қисмлар мажмуи. Бу ййловга ҳар йили Тбилиси гарнизонининг ҳарбий қисмлари кў-чиб чиқади. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ГАРНИР** [фр. garnir — таъминламоқ; безамок] Гўштли овқатга кўшиб берила-диган, сабзавот, макарон, ёрма ва ш. к. дан тайёрланадиган энгил овқат. *Гарнир тайёр-ламоқ.*

**ГАРНИТУР** [фр. garniture — бирор нар-санинг мажмуи] Бирон-бир мақсад учун хизмат қилувчи нарса-буюмларнинг йиғ-маси, мажмуи. *Мебеллар гарнитури.* ■ *Пош-ша хола уйга кириб, оғзи очилиб қолди: бир томонда гарнитур, бир томонда радио, те-левизор, уйга кирaverишида — коридорда те-лефон.* Д. Нурий, Осмон устунни.

**ГАРОВ** [ф. گرو — кафолат] 1 Ваъданинг бажарилишига ишонтириш учун қолдири-ладиган омонат нарса. -*Хўп, мен гаровга пул бериб кетай, — деди Йўлчи Қора Аҳмадга.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мен оғайниларни кўзларим устида тутаман, уларни муҳтож-лик чоғларида кўрсам, ўзимни гаров қўйиб бўлса ҳам, эҳтиёждан чиқаришига тириша-ман.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Бажарилишини, амалга ошувини таъ-минловчи нарса, асос. *Кузги шудгор — мул ҳосил гарови.* ■ *Дўстлигимиз ҳозирги за-*

*фарларимизнинг пойдевори, порлоқ истиқ-болимизнинг гарови, боқий умримизнинг тим-солидир.* Газетадан. *Раис ем-хашак ҳозирлаш чорвачиликни ривожлантиришининг асосий гарови экани тўғрисида катта нутқ сўзлади.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГАРОВ ЎЙНАМОҚ** (ёки боғлашмоқ) Бас боғлашмоқ, шартлашмоқ. *Мерганлигимга ишонмайсизми? Ундай бўлса, гаров боғла-шамиз.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ГАРОВХОНА** Аҳolidан нарсаларни га-ровга олиб, қарз берадиган жой, муассаса; ломбард.

**ГАРЧАНД** [ф. گرچند = اگرچه] **айн. гарчи**. *Қиз томон, гарчанд тўйни бир йил кейин қи-лиш шарти билан бўлса ҳам, розилик бериб-ди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Гарчанд мен болалигимда бу шеърларнинг мазмунига аниқ тушунмасам ҳам, лекин шеърин руҳ тасаввуримда нимагадир интилишга ундарди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи.

**ГАРЧИ** [ф. گرچه = اگرچه] «агарчи» боғ-ловчисининг қисқа шакли] **боғл.** Эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг бош гапдаги иш-ҳаракат амалга ошишига тўсиқ бўла олмас-лигини таъкидлаш учун хизмат қилади. *Шайхзода домла, гарчи мени ўқитмаган бўлса ҳам, мен ўқиган институтда дарс берарди.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Меҳмонлар, гарчи бундай вақтда кишига ҳеч қандай сўз тасалли бера олмаслигини билишса ҳам, кампирга тасалли берган бўлиб қўзғалишди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**ГАСТРИТ** [юн. gaster, gastros — ошқозон, мьёда] **тиб.** Ошқозон шиллиқ пардасининг яллиғланиши. *Гастрит, ошқозон яраси, ош-қозон раки, йўғон ичак касалликларини аниқ-лаш учун касаллар рентген нури билан тек-ширилади.* Н. Исмоилов, Касалларни пар-вариш қилиш.

**ГАСТРОЛЁР** Гастролдаги артист ёки артистка.

**ГАСТРОЛЬ** [нем. Gast — меҳмон, келгинди + Rolle — роль] 1 Театр артисти ёки артист-лар гуруҳининг бошқа шаҳар ёки худуддаги концерти. «Баҳор» ансамблининг гастролли. ■ *Ёзда Кўқон театри Фарғонага гастролга борган эди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

2 **кўчма.** Бирор нарса илинжида бошқа жойга бориш. *Жамкочян билан Каражян (жиноят қилиш мақсадида) Волгоград, Харь-ковга гастроль қилишди.* Газетадан.



**ГАСТРОЛЬ-КОНЦЕРТ** қ. гастроль. Хонандаларнинг бир ҳафта давом этган гастроль-концерт сафари вилоят маркази ва туманларда муваффақиятли ўтди. Га-зетадан.

**ГАСТРОНОМ** [юн. gaster – ошқозон + potos – қонун] Озиқ-овқат магазини. У қозикдаги пахталигини кийиб, қўлида кор-зинка, гастрономга кетди. Мирмуҳсин, Ҳи-коялар ва киссалар.

**ГАСТРОЭНТЕРИТ** [юн. gaster + enteron – ичаклар] Ошқозон шиллиқ пардаси ва ингичка ичакларнинг ялиғланиши.

**ГАСТРОЭНТЕРОЛОГИЯ** [юн. gaster + enteron – ичаклар + logos – фан, таъли-мот] Тиббиётнинг овқат ҳазм қилиш аъзо-лари тузилиши ва функцияларини, уларда учрайдиган касалликларни, уларни аниқ-лаш ва даволаш усулларини ўрганадиган бўлими.

**ГАУБИЦА** [нем. Naubitze] ҳарб. Пана орқасидаги душманга юқорилатиб отадиган қисқа стволли тўп.

**ГАУПТВАХТА** [нем. Hauptwache – бош, асосий қоровул] Қамоққа ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар сақланадиган жой. Гуноҳкор «энди гауптвахтага кетдим» деб турганида, бирдан дарсдан сўраб қолар, сал тутилса, «интизом бузадиган кучни мана бунга ишлатиш керак», дер эди лейтенант. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ГАФНИЙ** [лот. Hafnia – Копенгагеннинг лотинча номидан] Менделеев даврий систе-масининг IV гуруҳига мансуб, кумушранг ялтироқ, чўзилувчан кимёвий элемент.

**ГАШИР** шв. Сабзи. Мана, Шавкатга гашир тўғратамиз. С. Сиёев, Ёруғлик.

**ГАШТ** [ф. گشت – сайр, айланиб юриш] Бирор нарсадан олинадиган завқ; нашъу намо. Баъзида эса дала шийпониди ётиб қолардим. Бундай ухлашничг ўзига яраша гашти бўлади. О. Ёқубов, Тилла узук. Фарзандга иш буюришининг оталик гашти бўлади. Т. Мурод, Қўшиқ.

**Гашт қилмоқ** Айшини сурмоқ. Али-мардон икки ойгача ана шу байрам роҳати билан гашт қилиб яшади. Ў. Ҳошимов, Ба-ҳор қайтмайди. Ҳалиги мардикор сўзини давом этдирди: -Мана мен тошкентликман. Бундан нима фойда? Пулим бўлса, ҳар қаер-да гаштимни қиламан. Ойбек, Танланган асарлар.

**ГАШТАК** [ф. گشتک – сайр, томоша] айн. гап II. Ўз ноним бор, ўз тўшагим, болишим, Ўз қишлоғим, ўз гаштагим, жўрам бор. Миртемир.

**ГАШТИ** шв. рвш. Охири, охирида. Хиз-мат қилган тахт устидан жой олар, Ёмон-лик қилганлар гашти уялар. Ислом шоир, Зулфизар билан Авазхон.

**ГАШТЛИ** Завқ-шавқ берадиган, нашъу намолли, завқли. Бу оқшом, Низомиддиновнинг назарида, шу пайтгача кўрган оқшомлари ичиди энг гўзали, энг гаштлиси эди. С. Аҳмад, Ҳукм.

**ГАҲ** унд. с. Қўлга ўргатилган қушларни чақиритиш учун ишлатилади.

**Гаҳ деса (ёки деганда) қўлга қўнадиган қилиб олмоқ** Бировни ўзига бўйсундириб, сўзини икки қилмайдиган қилиб олмоқ. -Ўзи ўғлим ношуд. Хотинини гаҳ деганда қўлга қўнадиган қилиб олмадим, бундай эркакдан оғилхонадаги бузоқ яхши, – деди кампир. С. Аҳмад, Ҳасрат.

**ГАҲИ** [ф. گهه – баъзан] эск. поэт. қ. гоҳо. Гаҳи Лайли, гаҳи Ширин бўлиб, сен Яшарсен доимо дostonларимда. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**ГВАРДИЯ** [итал. guardia – соқчилар, қўриқчилар] I ҳарб. 12-асрда Италияда, сўнг-роқ Европанинг бошқа бир қанча давлат-ларида, 17-аср охиридан 1918 йилгача Рос-сияда: монарх, подшо, лашкарбоши каби-ларнинг шахсий соқчилари; кўшиннинг сараланган, имтиёзли қисмлари.

2 ҳарб. Собиқ СССР да: 1942 йилда жорий этилган, 2-жаҳон урушида алоҳида жасорат кўрсатган ҳарбий қисмлар, кемалар, қў-шилмалар ва ш. к. га берилган фахрий ном. Немислар ҳайдаб келаётган одамлар ораси-да гвардия капитани Калашченко ҳам бор эди. Н. Сафаров, Оловли излар.

3 кўчма Муайян ижтимоий гуруҳ ёки ташкилотнинг энг яхши, сараланган на-мунали қисмининг номи. Бу сафар ҳам та-шаббусни кекса гвардия бошлаб берди.

**Миллий гвардия** 1) бир қатор ғарб мам-лакатларида ҳарбий ва ҳарбий-полиция тузилмалари, қисмларининг номи; 2) Мус-тақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги бир қанча мамлакатларда мунтазам ҳарбий тузилмалар номи. Украина миллий гвардия-си. ■ ЎзР Вазиrлар Маҳкамасининг 1992 йл 23 январдаги қарорига биноан республика

*Қуролли Кучларининг таркибий қисми – миллий гвардия тузилган. «ЎЗМЭ».*

**ГВАРДИЯЧИ** **1** ҳарб. Гвардияга оид, гвардияга мансуб бўлган; гвардияда хизмат қилган; гвардия номини олган. *Гвардиячи қисм. Гвардиячи капитан. ■ Иккала хата ҳам тезда жавоб келавермади. Бу орада катта жанглар бўлиб, Мирзаевнинг қисми гвардиячи қисм, ўзи гвардиячи сержант бўлди. А. Қаҳҳор, Кўк конверт.*

**ГЕГЕМОН** [юн. hegemon – доҳий; йўл-бошчи] Ҳоким, ҳукмрон; раҳбар, етакчи.

**ГЕГЕМОНЛИК** Ҳокимлик, ҳукмронлик; раҳбарлик. *Давлатнинг гегемонлик роли.*

**ГЕЗАРМОҚ** Ранги ўчиб оқариб кетмоқ, бўзармоқ. *Эсан салқин шамолдан қўллар унча қовушмай, лаблар гезариб титрайди. Ойбек, Қуёш қораймас.*

**ГЕЙЗЕР** [исл. geysir – булоқ, чашма] Вақти-вақти билан ердан фаввора каби отилиб чиқадиган буг ва иссиқ сув.

**ГЕЙМ** [ингл. game – ўйин] Теннисда: ўйиннинг бир қисми, бўлими.

**ГЕЙША** [яп. гейся] Японияда: зиёфатларда меҳмондўстлик вазифасини бажарувчи, мусиқа, рақс, суҳбат одобидан хабардор аёл.

**ГЕККОН** [лот. sekkonidae – чангал бармоқлилар] Судралиб юрувчилар оиласига кирувчи калтакесакнинг бир тури. *Ҳозир гекконларнинг ер юзида 660 дан ортиқроқ тури бор. «Фан ва турмуш».*

**ГЕКСАХЛОРАН** [юн. hex – олти + лот. chlorum < юн. chloros – кўк-сарик] Зараркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиладиган кимёвий модда. *Бу жойлар деярли уч йилдан буён гексахлоран ҳидини билмайди. Сезя-сизми? [деди Шодмонқул]. С. Нуров, Нарвон.*

**ГЕКСАЭДР** [юн. hex – олти + hedra – ёқ, қирра, томон] махс. Олти ёқли геометрик шакл ёки олти қиррали кристаллографик шакл.

**ГЕКТАР** [фр. hectare < юн. hekaton – юз + лот. area – майдон, сатҳ] Метрик системада: 10 000 квадрат метрга тенг сатҳ ўлчов бирлиги. *Звено бўйича мажбурият ҳар гектардан ўн бир центнер эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бу жой тепалик ўртасида бўлиб, кенглиги ярим гектардан ортиқ эмас эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ГЕКТАРЧИ** Гектарлаб ер олиб деҳқончилик қиладиган шахс. *9 гектар ер эса гектарчиларга нақд пулга сотилган. «Муштум».*

**ГЕКТО-** [юн. hekaton – юз] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, «юз», «юз марта» маъноларини ифодалайди; асосий ўлчов бирликлари билан бирга келганда, шу бирликларнинг юз марта катта-лашишини билдиради. мас., гектометр = 100 метр, гектоватт = 100 ватт.

**ГЕКТОГРАФ** [гекто.. + юн. grapho – ёзма-ман] Нусха кўпайтирадиган содда асбоб. *Гектографда босмоқ.*

**ГЕКТОГРАФИК** Гектографга оид; гектографда босилган. *Гектографик нусха.*

**ГЕЛАГАЙ** шв. Янги туққан сигир сути: оғиз.

**ГЕЛИЙ** [юн. helios – Қуёш] Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб рангсиз ва ҳидсиз жуда енгил газ. *Газларнинг кинетик назариясида мувофиқ, Марс атмосферасида енгил газлар – водород ва гелий сақланиб қолмаган. «Фан ва турмуш».*

**ГЕЛИО-** [юн. helios – Қуёш] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, Қуёшга ёки Қуёш энергиясига алоқадорликни билдиради, мас., *гелиотехника.*

**ГЕЛИОТЕРАПИЯ** [гелио.. + терапия] Қуёш нури билан даволаш.

**ГЕЛИОТЕХНИКА** [гелио.. + техника] Саноат ва маиший эҳтиёжлар учун Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўлларини ўрганувчи техника тармоғи. *Механика институтида янги йилда алюминий кўзгулар ёрдамида ишлайдиган қудратли гелиотехника қурилмаси синаб кўрилди. Газетадан.*

**ГЕЛИОТРОП** [юн. heliotropion – кунга боқувчи] Қурилишда безак буюмлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ўртача қимматбахо тош.

**ГЕЛИОФИЗИКА** [гелио.. + физика] Астрофизиканинг Қуёшда рўй берадиган ҳодисаларни ўрганувчи бўлими.

**ГЕЛИОЦЕНТРИК** [гелио.. + лот. centrum < юн. kentron – тўплаш, тўпланиш; марказ]; **гелиоцентрик система** Қуёшни коинот маркази деб билувчи таълимот. *Коперник системаси, яъни марказида Қуёш турган система гелиоцентрик система дейилади. «Астрономия».*

**ГЕЛЛАМОҚ** шв. Лақиллатмоқ, алдамоқ. *Аёл ақли наст бўлар деб, Ҳийла билан гелламагин. «Гулнорпари».*

**ГЕЛЬМИНТ** [юн. helmins, helminthos – чувалчанг, гижжа] Одам ва ҳайвонлар тана-

сида паразит ҳолда ҳаёт кечирувчи гижжа. *Гельминт кўп ҳужайрали жонивордир.* «Фан ва турмуш».

**ГЕЛЬМИНТОЗ** [юн. helmins, helminthos – чувалчанг, гижжа] Одам, ҳайвон ва ўсимликларда гельминтлар келтириб чиқарувчи касаллик.

**ГЕЛЬМИНТОЛОГИЯ** [гельминт + юн. logos – таълимот] Гельминтларни ҳамда тирик организмларда улар келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганадиган фан. *Иммунитетга ўтадиган касалликларнинг манбаларига ва гельминтологияга доир тадқиқотлар кенг ривожланди.* Газетадан.

**ГЕМ** [юн. haima – қон] Гемоглобиннинг унга қизил ранг бериб турадиган оқсилсиз қисми.

**ГЕМАТИТ** [юн. haïma – қон] Таркибида асосан темир, шунингдек, марганец, титан, алюминий бўлган қизил рангли минерал. *Лимонит ва гематит минералларининг туси бир-бирига жуда ўхшайди.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**ГЕМАТОЛОГИЯ** [гемато.. + юн. logos – таълимот] тиб. Қон таркибини ва у билан боғлиқ касалликларни ўрганувчи фан. *Тошкентдаги Гематология институтида лейкоз – қон раки натижасида юз берадиган биокимёвий ва иммунологик ўзгаришлар ўрганилмоқда.* Газетадан.

**ГЕМИНАТА** Кетма-кет келган айнан бир турдаги ундош; қўш ундош. *Икки, саккиз сўзларида икки ундош ёки гемината ҳодисасини кўриш мумкин.* «ЎТА».

**ГЕМО-, гемато-** [юн. haïma, haimatos – қон] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, қонга алоқадорликни билдиради.

**ГЕМОГЛОБИН** [гемо.. + лот. globus – шар, кўрра] Қизил қон таначалари таркибида бўладиган ва қонга қизил ранг берадиган ҳамда бутун организмни кислород оқсил. *Тоғ шароитига мослаша бошлаган қўйларнинг қониди ўзгариш бўлади: гемоглобин доначалари кўпаяди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГЕМОДЕЗ** [лот. haemodesum < гемо.. + лот. des – -дан, йўқотиш + in – ичида + юн. toxikon – заҳар] Организмни, қонни заҳарли моддалардан, заҳарланишдан тозалаш учун ишлатиладиган сариқ тусли суяқ дори.

*Бўлим врачлари жигарингизда оғриқ бор, деб менга гемодез тайинлади.* «Ёшлик».

**ГЕМОМЕТР** [гемо.. + юн. metreo – ўлчайман] Қонда гемоглобин миқдорини аниқлайдиган асбоб.

**ГЕМОРОЙ** [юн. haimorrois – қон оқиш] Тўғри ичак ва орқа чиқарув йўли веналарининг кенгайиши; бавосир. *Бу шифобахш гиёҳдан [бўйимодарон] тайёрланадиган дори-дармон геморройдан, шунингдек, бурун, тиш, милк ва яралардан қон кетишни тўхтатишда ишлатилади.* «Фан ва турмуш».

**ГЕМОТЕРАПИЯ** [гемо.. + терапия] Қон билан даволаш.

**ГЕН** [юн. genos – пайдо бўлиш, келиб чиқиш] Ирсиятнинг организм белги ва хусусиятларини наслдан наслга ўтказиш вазифасини бажарувчи элементар бирлиги ва моддий асоси; ирсий белги. *Боғичлар туфайли ген информациясини авлоддан авлодга етказиб берувчи ДНК молекулаларининг айнан такрорланиши содир бўлиб тураверади.* «Фан ва турмуш».

**ГЕНЕАЛОГИК** Генеалогияга, шажарага, келиб чиқишга оид. *Тилларнинг генеалогик таснифи.*

**ГЕНЕАЛОГИЯ** [юн. genealogia – шажара, келиб чиқиш] 1 Шажара, келиб чиқиш, уруғ тарихи. *Шарқ тилларини яхши билган олим ҳозирги ўзбек адабий тили лексикасини унинг генеалогиясига кўра ҳам текширган.* Газетадан.

2 Тарихнинг уруғ ва оилалар келиб чиқиши, қариндошлик алоқаларини ўрганувчи бўлими; насабшунослик.

**ГЕНЕЗИС** [юн. genezis – келиб чиқиш, юзага келиш] Келиб чиқиш, пайдо бўлиш тарихи. *Туркий тилларда чўзиқ унлиларнинг табиати, тарқалиши ва генезиси каби масалалар кўндан мутахассисларнинг диққатини жалб қилиб келади.* «ЎТА».

**ГЕНЕРАЛ** I [лот. generalis – умумий; бош, олий] I Олий кўмондонлик таркибига бериладиган ҳарбий унвон. *Армия генерали.*

2 Шу унвонга эга бўлган шахс. *Рота командири ертўладан бошини чиқариб: «Ўн иккита, ўртоқ генерал!» – деди.* Шухрат. Шинели йиллар. *Генерал бошқа бир неча командирлар билан комбат ертўласига кирди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**ГЕНЕРАЛ** II Бош, асосий. *Шаҳарнинг генерал плани.*

**Генерал репетиция** Спектакль ёки концерт олдиан ўтказиладиган энг сўнги тайёргарлик. *Яхши келдингиз, Ефим Данилович, генерал репетиция! Бошлаб берадиган хоримизни бир эшитинг-а. [деди Абдусамат]* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Генерал штаб** Бош ҳарбий штаб.

**ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР** *тар.* 20-аср бошларидан 1917 йилгача Россияда бир неча губерня ёки вилоятларни ўз ичига олган маъмурий-ҳудудий бирликнинг олий ҳарбий-маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган ҳоқими. *У [Исфандиёрхон] кетма-кет Тошкентга, генерал-губернаторга сим қоқарди. С. Сиёев, Аваз. [Ҳоким:] Менда ихтиёр йўқ, фақат генерал-губернатордан руҳсат бўлса бас. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**ГЕНЕРАЛИССИМУС** [*лот.* generalissimus – энг юқори, олий] Баъзи мамлакатлар қуролли кучларида энг олий ҳарбий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс. *У баландпарвоз генералиссимус эди. Ойбек, Нур қидириб.*

**ГЕНЕРАЛИТЕТ** [*нем.* Generalität < *лот.* generalis – бош, олий] Армиянинг олий қўмондонлик таркиби: генераллар.

**ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ** [генерал + *фр.* lieutenant – ҳарбий унвон] Қуролли кучларда генерал-майордан юқори, иккинчи даража генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Черников армия қўмондони генерал-лейтенант Погодиннинг штаб-квартирасига Юрьевдан кейин кирди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ГЕНЕРАЛ-МАЙОР** [генерал + *лот.* major – катта] Қуролли кучларда энг қуйи генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Нотаниш киши.. ўқчилар дивизиясининг командири, гвардия генерал-майори Собир Раҳимовнинг жанговар фаолиятини акс эттирувчи кўпгина эпизодларни суратга олган экан. Газетадан.*

**ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК** Қуролли кучларда генерал-лейтенантдан юқори, учинчи даража генераллик унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Тиббиёт хизмати генерал-полковниги.*

**ГЕНЕРАТОР** [*лот.* generator – туғдирувчи, пайдо қилувчи] *тех.* Бирон-бир ташқи манба ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқарувчи ёки бир энергия турини бошқа хил энергияга айлантирувчи қурилма; ап-

парат. *Электр тебранишлар юқори частотали генератор ёрдами билан механик тебранишларга айлантирилади. «Фан ва турмуш».*

**ГЕНЕТИК** [юн. genetikos – туғилиш; пайдо бўлиш] *от* Генетика мутахассиси.

**ГЕНЕТИК** *сфм.* Генетикага оид; бирор нарсанинг келиб чиқиши ва тараққиётини ўрганишга оид. *Масалан, тугма сўзининг генетик маъноси богични англатади. «ЎТА».*

**Генетик касалликлар** Наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтувчи касалликлар; ирсий касалликлар.

**ГЕНЕТИКА** [юн. genetikos – туғилиш; пайдо бўлиш] Биологиянинг барча тирик мавжудога хос бўлган ирсият ва турли ирсий ўзгаришларни ўрганадиган бўлими. *Генетика лабораторияси. ■ [Умид] Ҳали бундан кейин генетикага доир бир кўп фикрларни Чарльз Дарвиндан ҳам топиши керак. Мирмуҳсин. Умид.*

**ГЕНИАЛ** [*лот.* genialis – истеъдодли] **1** Ўта юқори даражада истеъдодли, заковатли. *Гениал шоир. ■ Уларнинг бирида Навоий.. гениал шоир сифатида кўрсатилса, иккинчи афсонада оддий чўпоннинг ғамхўри ва раҳнамоси деб талқин этилади. «ЎТА».*

**2** Ўта мукаммал, баркамол. *Гениал асар. Гениал шеър.*

**ГЕНИАЛЛИК** Ўта истеъдодлилилик, донолик, буюклик. *Шеърини санъатларда шоирларнинг гениаллиги яққол кўринади. «ЎТА».*

**ГЕНИЙ** [*лот.* genius – ўта истеъдодли] Ижодий истеъдоднинг энг юксак даражаси, улкан талант; шундай хусусиятли шахс. *Меҳнатда кишиларнинг қобилияти ва таланти, инсоннинг генийи намоян бўлади. Газетадан.*

**ГЕНИЙЛИК** Ўта истеъдодлилилик, буюклик, даҳолик. *Демак, ҳақиқий талант билан генийлик бир-бирдан кўп ҳам узоқ эмас. У. Норматов. Талант тарбияси.*

**ГЕНОФОНД**, **генетик фонд** [юн. genos – пайдо бўлиш + *лот.* fundus – асос] Миллатнинг асосий ирсий белгилари; бир типдаги организмларга хос бўлган хусусиятлар мажмуаси. *Бу эса жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллатнинг генофонди айнишига сабаб бўлади. Газетадан. Халқимизнинг президент раҳнамолигида миллат генофондини соғломлаштириш гоёси билан XXI асга кириб келиши жуда муҳим тарихий воқеадир. Газетадан.*

**ГЕНОЦИД** [юн. *genos* — уруғ, қабила + лат. *caedo* — ўлдирман] Аҳоли гуруҳларини уларнинг ирқи, миллати, дини ва ш. к. хусусиятларини рўқач, асбс қилиб, қисман ёки бутунлай қириб ташлаш.

**ГЕО-** [юн. *ge* — Ер] Ўзлашма байналмилал сўзлар таркибида келиб, Ерга алоқадорлик маъносини ифодалайди, мас., *география*, *геология*.

**ГЕОБОТАНИКА** [гео.. + ботаника] Ўсимликлар туркумларининг Ер юзида муҳит билан боғлиқ ҳолда жойлашишини ва тақсимланиш қонуниятларини ўрганадиган фан. *Геоботаника номи билан юритилувчи соҳа ер қабрининг сир-асроридан кишиларни воқиф этиб туради*. Газетадан.

**ГЕОГРАФ** География мутахассиси. *Буюк математик, астроном ва географ, ҳозирги замон алгебрасининг отаси Муҳаммад ал-Хоразмий VIII аср охири — IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этди*. «Фан ва турмуш».

**ГЕОГРАФИК** Географияга оид. *Географик атлас. Географик ном.* ■ Бу ҳаракат прогрессив, инсоний ҳаракатдир, бу ҳаракат тор, миллий, ирқий ёки географик доираларда чулғаниб қолаётгани йўқ. «ЎТА».

**ГЕОГРАФИЯ** [гео.. + юн. *grapho* — ёзаман] 1 Ер курраси ва унинг сатҳини, иқлимини, Ер юзида аҳоли ва моддий ресурсларнинг жойланишини, турли ҳудуд ва мамлакатларда ишлаб чиқариш шароити ва ишлаб чиқаришнинг тараққиёти хусусиятларини ўрганувчи табиий ва ижтимоий фанлар мажмуи. *Табиий география. Иқтисодий география. География таълими.* ■ -Нега ўқимайди, ўқийди, — деди география ўқитувчиси Дилфузага қараганча бош силкиб. Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. *Муаллимлари бошчилигида географиядан экскурсияга келишган эди*. С. Кароматов. Олтин қум.

2 Бирор нарсанинг Ер юзида ёки унинг маълум ҳудудда тарқалиш, тақсимланиш доираси. *Ҳайвонот географияси. Тупроқ географияси*.

**ГЕОДЕЗИК** Геодезияга оид. *Геодезик чизик.* ■ *Вилоят газетасида Самарқанд давлат университетининг доценти Амир Хатипов геодезик йўл билан ер ости ёдгорликларини аниқламоқчи деган ахборот босилди*. «Гулистон».

**ГЕОДЕЗИСТ** Геодезия мутахассиси. *Пешма-пеш тозаланган ерларга текислов-*

*чилар кетидан геодезистлар, геологлар этиб келдилар*. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**ГЕОДЕЗИЯ** [гео.. + юн. *daio* — бўламан, ажратаман] Ернинг шакл ва ўлчамларини аниқлаш, Ер юзасини план ва хариталарда акс эттириш тўғрисидаги, турли хил муҳандислик-техник ишларни амалга оширишдаги ўлчамлар ҳақидаги фан. *Район архитектори қўлида машина ҳам, геодезия асбоблари ҳам йўқ*. Газетадан.

**ГЕОКИМЁ** [гео.. + кимё] Ернинг кимёвий таркибини, унда кимёвий элементларнинг тарқалиши, уларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши қонуниятларини ўрганувчи фан.

**ГЕОКИМЁВИЙ** Геокимёга оид, алоқадор. *Геокимёвий жараёнлар*.

**ГЕОЛОГ** Геология мутахассиси. *Қултой уйдан қочиб, Сибирда геологлар отрядида юкчи бўлиб юрганини мақтаниб гапирди*. А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат.

**ГЕОЛОГИК** Геологияга оид. *Геологик харита. Геологик қидириш. Геологик жараён.* ■ *У вақтда ўша жойларнинг геологик харитаси ҳам йўқ эди*. С. Анорбоев, Ўзбекистон олтини.

**Геологик вақт** Тоғ жинси қатламининг пайдо бўлишига кетган, бир ёки бир неча миллион йилга тенг бўлган вақт.

**ГЕОЛОГИЯ** [гео.. + юн. *logos* — тушунча, таълимот] Ер қобиғи ва Ернинг тузилиши, таркиби ҳамда ривожланиш тарихи, фойдали қазилмаларни қидириш усуллари ҳақидаги фанлар мажмуи. *Олтин муаммосини ҳал этиш — геология олдида кўндаланг турган ғоят улкан вазифалардан бири*. С. Кароматов. Олтин қум.

**ГЕОМЕТРИК** Геометрияга оид. *Геометрик шакл. Геометрик аксиома.* ■ *Айтишларига кўра, бу ер Пекин шаҳрининг геометрик маркази ҳисобланар экан*. «Шарқ юлдузи».

**ГЕОМЕТРИЯ** [гео.. + юн. *metreo* — ўлчаيمان] Математиканинг фазовий шакллар ва улар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган бўлими. *Евклид геометрияси*.

**ГЕОМОРФОЛОГИК** Геоморфологияга оид, алоқадор. *Маълумки, одамларнинг географик объектларни номлаш тажрибасида шу жойларнинг геоморфологик хусусиятлари муҳим ва асосий белгилардан ҳисобланган*. «ЎТА». *Умумий маълумотлардан Синтобнинг геоморфологик характеристикасига етгач,*

*Шерали ҳар бир ҳарфни ҳижжалай бошлади.*  
С. Кароматов, Олтин қум.

**ГЕОМОРФОЛОГИЯ** [гео.. + морфология] Ер юзаси (қуруқлик, денгиз ва океанларнинг туби) рельефи, унинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихи ҳақидаги фан. *Далага чиқишдан илгари, текширилмоқчи бўлган жойнинг геологияси, геоморфологияси, рельефи, гидрогеологияси, ўсимлиги билан тўлиқ ва пухта танишмоқ лозим.* М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**ГЕОПОЛИТИК** қ. **геосиёсий**. *Бу ерда дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг геополитик ва стратегик манфаатлари тўқнашади.* Газетадан. *Шахсан мен Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик алоқалари нафақат олис истиқболга мўлжалланган геополитик, балки инсоний нуқтаи назардан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир, деб биламан.* Газетадан.

**ГЕОПОЛИТИКА** [гео.. + юн. politike – давлатни бошқариш санъати] қ. **геосиёсат**.

**ГЕОСИЁСАТ** [гео.. + сиёсат] Муайян бир мамлакат ўрни, табиий бойликлари, иқлими ва бошқа географик омилларининг давлат ташқи сиёсатига таъсирини ифодаловчи сиёсатшунослик назарияси.

**ГЕОСИЁСИЙ** Геосиёсатга, географик сиёсатга асосланган, алоқадор. *Ўзбекистоннинг қатъий (аксилфундаменталистик) муносабати нафақат минтақада, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам геосиёсий мувозанатни сақлашга кўп жиҳатдан кафолат беради.* «Фан ва турмуш».

**ГЕОСТРАТЕГИК** [гео.. + юн. strategia – кўшинни бошлаб бориш] Худудий-стратегик жиҳатдан муҳим. *Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳудуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.* Газетадан.

**ГЕОСФЕРА** [гео.. + юн. sphaira – шар] Ернинг концентрик қобикларидан бири. *Тошкент заминини Ер марказигача уч асосий қобикқа, яъни геосферага ажратиш мумкин.* «Фан ва турмуш».

**ГЕОФИЗИК** Геофизика мутахассиси.

**ГЕОФИЗИК** Геофизикага оид. *Геофизик тадқиқотлар.*

**ГЕОФИЗИКА** [гео.. + физика] Ер шарининг умумий физик хоссаларини ва унинг

турли қатламларида содир бўладиган жараёнларни ўрганадиган фанлар мажмуи. *Геофизика институти маълумотида кўрсатилганидек, об-ҳавонинг айниши мўлжалдагидан анча олдин бошланди.* «Фан ва турмуш».

**ГЕОФОН** [гео.. + юн. phone – товуш, садо] махс. Ер қобигининг юқори қатламларида тарқалувчи товуш тўлқинларини қабул қилувчи асбоб.

**ГЕОХИМИК** қ. **геокимёвий**.

**ГЕОХИМИЯ** қ. **геокимё**.

**ГЕОЦЕНТРИК** [гео.. + лот. centrum < юн. kentron – тўплаш, тўпланиш; марказ]: **геоцентрик система** Ер – коинот маркази, Кўёш ва б. сайёралар унинг атрофида айланади, деб ҳисобловчи таълимот. *Марказида Ер турган олам системаси геоцентрик система дейилади.* «Астрономия».

**ГЕПАРД** [фр. guerdard] Мушуксимонлар оиласига мансуб йиртқич сутэмизувчи ҳайвон.

**ГЕПАТИТ** [юн. hepar, hepatos – жигар] Жигарнинг яллиғланиши. *Вирусли гепатит юқумли касаллик бўлиб, унда асосан жигар шикастланади.* «Фан ва турмуш».

**ГЕРАЛЬДИКА** [лот. heraldus – жарчи, хабарчи] айн. **гербунослик**.

**ГЕРБ** [пол. herb < нем. Erbe – мерос] Давлат, шаҳар, табақа, уруғ ва ш. к. нинг байроқ, пул, муҳр кабиларда тасвирланган алоҳида фарқли белгиси. *Ўзбекистоннинг давлат герби.* ■ *Ҳамқишлоқлар дилида Яшайди шундай устак: Гербимизни пахтадай Безасин кумуш ипак.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

**ГЕРБАРИЙ** [лот. herbarium – ўт-ўлан, ўсимликлар ҳақидаги китоб] Маълум (илмий, таълимий) мақсадлар учун ўзига хос усулларда йигиб олиб қуритилган ўсимликлар мажмуи. *Доривор ўсимликлар гербарийси.* ■ *Бу ўлжаларни мактаб биология кабинетига тўплаб, болалар билан гербарийлар ясарди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГЕРБИЦИДЛАР** [лот. herba – ўт + caedo – ўлдираман] қ.х. Бегона ўтларни йўқотиш учун қўлланадиган кимёвий моддалар. *Чигитни ерга экиш билан бир пайтда ўғит, гербицид ҳам солиш лозим.* Газетадан. *Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам ўнлаб баравар ортиқ эди.* Газетадан.

**ГЕРБШУНОСЛИК** Тарих фанининг гербларни ўзига хос тарихий манбалар сифатида ўрганувчи ёрдамчи соҳаси. *Насаб-шунослик (генеалогия) ва гербшунослик (геральдика)* — ҳали ўрганилмаган жабҳалар. «Мулоқот».

**ГЕРДАЙМОҚ** 1 Виқор билан кўкрагини кериб, қадини ростлаб юрмоқ. *Барот полвон девдай гердайиб турган мингбошининг ёнига борди.* М.Исмоилий, Фарғона т.о. *Бойвачча кўчада, халқ орасида қандай бўлса, уй ичида ҳам шундай гердайган, зуғумли эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 *кўчма* Ортиқ даражада мағрурланмоқ, манманлик қилмоқ, керилмоқ, кеккаймоқ. *Маълумотим етарли, деб гердайган киши кўп билимлардан бебаҳра қолади.* Р. Усмонов, Одобнома. *Ғафур Ғуломнинг бу гаплари, албатта, ҳозиргина кириб келган, арузда тўрттагина ғазал ёзиб гердайиб юрган кишига ишора эди.* Шукрулло, Сайланма.

**ГЕРИАТРИЯ** [юн. geron — кекса, қари + iatreia — даволаш, ғамхўрлик] Тиббиётнинг кексаларга хос касалликларни, уларнинг кечиш хусусиятларини ўрганадиган, бундай касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқадиган бўлими.

**ГЕРМА** [юн. herma < савдо ва даромад худоси Hermes номидан] Юқори учи одамнинг боши шаклида тугалланувчи тўрт бурчакли устун.

**GERMAN** қ. германлар.

**GERМАНИЗМ** т.ш. Герман тилларидан, асосан немис тилидан ўзлаштирилган сўз ва иборалар.

**GERМАНИЙ** [лот. Germanium < кашфийтчи олимнинг ватани — Германия номидан] Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент, қаттиқ оқ-қулранг металл. *Яримўтказгичлар ҳосил қилишда германий, селен, теллур, индий, галлий каби нодир металллар муҳим роль ўйнайди.* «Фан ва турмуш».

**GERМАНИСТ** Германистика мутахассиси.

**GERМАНИСТИКА** 1 Герман тилли халқларнинг тиллари, адабиёти, тарихи, моддий ва маънавий маданиятини ўрганадиган илмлар мажмуи.

2 Тилшуносликнинг герман тилларининг шаклланиш жараёнлари ва қонуниятларини ўрганадиган соҳаси.

**GERMANLAR** [лот. germanus — қардош, қариндош, яқин киши; ҳақиқий] 1 Марказий, Ғарбий ва Жануби-ғарбий Европада яшаган қадимий қабиаларнинг умумий номи.

2 айн. немислар.

**GERMETIK** [юн. Hermes — идишларни зичлаб беркитишни ўйлаб топган мисрлик олим номидан] Зич беркитилдиган, ҳаво ёки суюқликни мутлақо ўтказмайдиган. *Герметик идиш.* ■ *Борди-ю, у ерда герметик эшикнинг бирон ери дарз кетиб, ичкарида сиқилган ҳаво отилиб чиқаятган бўлса-чи!* А. Мухтор, Туғилиш.

**GERMETIKLIK** Ҳаво ёки суюқликни мутлақо ўтказмаслик. *Корабельников газ қудуқларининг пухта герметиклигини таъмин этадиган комплекс тадбирлар кўришни таклиф қилди.* И. Раҳим, Тақдир.

**GEROIN** [фр. heroine] Кучли таъсир этувчи наркотик модда. *Героин билан қўлга тушмоқ.* *Героин савдоси.*

**GERONTOLOGIA** [юн. geron, gerontos — қари, кекса + logos — тушунча, таълимот] Тиббиёт ва биология фанларининг тирик организмлар, жумладан, одамнинг қариш жараёнини ўрганувчи бўлими. *Конференция қатнашчилари геронтология ва гериатриянинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиб, узоқ яшаш муаммоларини ишлаб чиқишди.* Газетадан.

**GERЦ** [немис олими Г. Герц (Hertz) номидан] физ. Даврий тебранишлар частотасининг ўлчов бирлиги. *Частота — бу бир секунддаги тўлиқ тебранишлар сонидир, у герц билан ўлчанади.* «Фан ва турмуш».

**GERЦОГ** [нем. Herzog — сайланган ҳарбий бошлиқ] Ғарбий Европада юқори табақа дворянларга, князларга бериладиган олий унвонлардан бири ва шу унвонга эга бўлган шахс.

**GESTAPO** [нем. Gestapo < Geheime Staatspolizei — махфий давлат полицияси] Гитлерчилар Германисида: антифашистларга нисбатан қонли кураш йўлини тутган яширин давлат полицияси. *Икки қўлим кишанда, Гестапо қилар сўроқ.* Ё. Мирзо.

**GESTAPOЧИ** Гестапода хизмат қилувчи киши.

**GETMAN** [пол. hetman < нем. Hauptmann — бошлиқ] 1 16-17-асрларда Украинада: казак қўшинларининг сайлаб қўйилдиган бошлиғи; 17-18-асрларда: Украина ҳокими.

2 16-18-асрларда Польшада ва Литвада: давлат ҳарбий кучларининг бош қўмондони.

**ГЕТРА** [фр. guetres] Оёқнинг тиззадан тўпиққача бўлган қисмини қоплаб турувчи иссиқ пайпоқ тури.

**ГИАЦИНТ** [юн. Hyacinthos – гулга айлантирилган мифологик йигит номидан] Пиёзгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. *Тошкент шаҳрининг кўпгина кўчалари гиацинт, шойигул.. ва бошқа гуллар билан безанди.* Газетадан.

**ГИББОН** [ингл. gibbon] Шарқий Осиё мамлакатларида дарактда яшовчи кичкина, одамсимон маймуннинг бир тури.

**ГИБРИД** [лот. hibrida – қон қўшилиши; дурагай, чатишма] Чатиштириш, дурагайлаш натижасида ҳосил қилинган янги ўсимлик ёки ҳайвон; дурагай. *Гибрид уруғ. Гибрид қўй.* ■ *Умиднинг гулларга маҳлиё бўлиб турганини кўрган Салимхоннинг укаси гап қотди: -Мана бу немис гибриди, «Ҳейне» деб аталади.* Мирмуҳсин, Умид.

**ГИБРИДЛАШ** Ўсимлик ёки ҳайвонларнинг янги нав-жинсларини етиштириш мақсадида уларнинг турли нав ёки жинсларини ўзаро чатиштириш. *Паррандачиликда ҳам.. наслилик ишига, гибридлашга эътибор бериш лозим.* Газетадан.

**ГИБРИДЛАМОҚ** Дурагайлаш, чатиштириш йўли билан янги нав етиштирмақ.

**ГИГАНТ** [юн. gigantes – улкан, жуذا катта] 1 *сфм.* Жуذا катта, улкан; буюк. *Гигант қурилши.* ■ *Одимловчи гигант экскаватор, Шаҳдам юриб борар, мисли паҳлавон.* Ф. Зоҳид Туямўйин қўшиғи.

2 *от* Ўз иши, ажойиб хислатлари билан бирор соҳада салмоқли ўрин эгаллаган шахс, буюк сиймо. *Навоий каби гигант санъаткорлар ижодиди, масалан, дидактикага ҳам катта ўрин берилган.* Газетадан.

**ГИГИЕНА** [юн. hygieinos – шифобахш, соғломлаштирувчи] Тиббиётнинг инсон организмга ташқи муҳитнинг турли-туман омиллари таъсирини ўрганадиган ва шу асосда касалликларнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш чоралари ва қоидаларини ишлаб чиқадиган бўлими. *Гигиена қоидалари.* ■ *Бир куни райондан доктор келиб, «Кундалик турмушда гигиена» мавзуда лекция ўқиди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ГИГИЕНИК 1** Гигиенага оид; гигиена талабларига асосланган. *Гигиеник қоидалар.*

2 Гигиена талабларига жавоб берадиган. *Гигиеник кийим.*

**ГИГРО-** [юн. hygros – нам, ҳўл] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, намлик, намгарчиликка алоқадорликни билдиради, мас., *гигрометр.*

**ГИГРОМЕТР** [гигро.. + юн. metreo – ўлчаيمان] Ҳаво намлигини ўлчаيدиган асбоб.

**ГИГРОСКОПИК** [гигро.. + юн. skoreo – кўраман] Намни тез ўзига тортиб оладиган, намга ўч. *Гигроскопик пахта.* ■ *Ундан гигроскопик наминг камайиши тайёр маҳсулотнинг механик мустаҳкамлиги ортишига имкон беради.* «Фан ва турмуш».

**ГИД** [фр. guide – йўл бошловчи; ўтказгич] Туристларни, сайёҳларни шаҳарнинг ёки бирор ҳудуднинг хушманзара, диққатга сазовор жойлари билан таништирадиган шахс. *Юртимизда ҳозир ёлғиз Бамаъни инглиз шу!*

– *Ҳазилкаш гид кулдирмоқчи, Кўзида эса қайғу.* А. Мухтор, Афинада Байрон ҳайкали.

**ГИДИР 1** [а. كدر – хижолат; ташвиш; гам-алам] 1 Ёмон ният, гараз; кек. *Кўнглида гидири йўқ одам.* ■ *Кек, гидирни билмайдиган Шерали Каримга қараб кулди.* С. Кароматов. Олтин қум.

2 *кўчма* Шубҳа; хавотир. *Майорнинг бунчаллик очилиб гаплашиши Аъзамнинг кўнглидаги гидирини тарқатгандек бўлди, руҳи ёришди.* Шуҳрат, Жаннат қидирганлар.

**ГИДИР 2** [юн. гидро] с. т. Гидростанция. [Ражаб бобо:] *Гидир қураётганимизни айтдим, бечора бирам севинди.* С. Аҳмад, Қалрдон далалар. *Бўзсув дамлаиб, гидир бўлармиш.* А. Абдуқодиров. *Бўзсувдан Сирдарёгача.*

**ГИДРАВЛИК 1** Суюқлик босими таъсирида ишлайдиган. *Гидравлик пресс.* ■ *У [Шодиев] гидравлик усулда бошқариладиган янги мола ихтиро қилди.* Газетадан.

2 Гидравликага оид, алоқадор. *Гидравлик қонуният.*

**ГИДРАВЛИКА** [юн. hydor – сув + aulos – найча] Суюқликларнинг мувозанати ва ҳаракати қонунларини ўрганадиган ҳамда улардан фойдаланиб, гидротехниканинг амалий масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган фан; механика бўлими.

**ГИДРАНТ** [юн. hydor – сув] Водопровод қувурлари йўлига ўрнатилган сув олиш крани. *Қанчадан-қанча гидрантлар, макка-жўхори далалари орқада қолиб кетди.* Ш. Ғуломов, Бўз ерлик бўз йигитлар.



**ГИДРАТЛАНИШ** [юн. hydor – сув] *ким.* Турли кимёвий моддаларнинг сув билан бирикиши.

**ГИДРАТЛАР** [юн. hydor – сув] *ким.* Турли кимёвий моддаларнинг гидратланиши натижасида ҳосил бўладиган қаттик, суюқ ва газ ҳолидаги моддалар.

**ГИДРЕМИЯ** [гидро.. + юн. haima – қон] Қонда сувнинг кўпайиб кетиши, қоннинг суйилиши.

**ГИДРИДЛАР** [юн. hydrogen – сув ҳосил қилувчи < hydor – сув + genos – туғилиш, пайдо бўлиш] Водороднинг бошқа элементлар билан ҳосил қилган бирикмалари.

**ГИДРО-** [юн. hydor – сув, суюқлик, намлик] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, сувга, сув ҳавзаларига, намлик ва водородга алоқадорликни билдиради, мас.: *гидрология, гидробиология, гидридлар.*

**ГИДРОАКУСТИКА** [гидро.. + акустика] Акустиканинг товушнинг сувда тарқалиш, қайтиш ва сўниш хусусиятларини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОБИОЛОГИЯ** [гидро.. + биология] Биологиянинг сувда яшовчи организмлар ҳаётини, уларнинг яшаш шароити билан ўзаро муносабатини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОГЕНЕРАТОР** [гидро.. + генератор] Сувнинг ҳаракат энергиясини электр энергиясига айлантирадиган генератор.

**ГИДРОГЕОЛОГ** Гидрогеология мутахассиси. *Сўзига далил сифатида у сўнги беш йил ичида гидрогеологлар ва тупроқшунослар тўплаган маълумотларни келтирди.* «Ғулистон».

**ГИДРОГЕОЛОГИК** Гидрогеологияга оид. *Гидрогеологик тадқиқот.*

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ** [гидро.. + геология] Геологиянинг ер ости сувларининг пайдо бўлиши, оқиши ва бошқа хусусиятларини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОДИНАМИК** Гидродинамикага оид. *Гидродинамик текширишлар.*

**ГИДРОДИНАМИКА** [гидро.. + динамика] Гидромеханиканинг суюқликлар ва газлар ҳаракатини ҳамда уларнинг нисбий ҳаракатида учраган қаттик жисмлар билан ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОИЗОЛЯТОР** [гидро.. + изолятор] Иншоотларни сув ёки бошқа емирувчи суюқликлар таъсиридан сақловчи материал. *Ҳозирча Тошкент лак-буёқ заводи бунинг*

*учун зарур миқдорда гидроизоляциятор тайёрлаб беради.* Газетадан.

**ГИДРОИНШООТ** [гидро.. + иншоот] *айн. гидротехник иншоот қ. гидротехник.* *Гигант каналнинг мураккаб шароитларда қурилганлиги гидроиншоот қурувчиларининг оммавий қаҳрамонлигидан ҳам далолат беради.* Газетадан.

**ГИДРОКИМЁ** [гидро.. + кимё] Гидросферани ташкил қилувчи сувларнинг кимёвий таркибини ҳамда уларнинг турли жараёнлар таъсирида ўзгариш қонуниятларини ўрганадиган фан.

**ГИДРОКОРТИЗОН** [гидро.. + лот. cortex – пўст] Ревматизм, лейкоз каби касалликларни даволашда ишлатиладиган дори. *Гидрокортизон сутсимон оқ суюқлик бўлиб, оғзи беркитилган шишаларда сақланади ва фақат врачнинг рухсати билангина қўлланади.* «Фан ва турмуш».

**ГИДРОЛИЗ** [гидро.. + юн. lysis – ажралиш, парчаланиш] *ким.* Мураккаб моддаларнинг сув таъсири билан таркибий қисмларга ажралиб, янги моддалар ҳосил бўлиши. *Гидролиз саноати.* ■ *Озуқа ачитқилари қимматли оқсил ем ҳисобланади.* *Бундай ачитқиларни гидролиз саноати қамиш, ғўзапоя ва похолдан тайёрлаб бериши мумкин.* Газетадан.

**ГИДРОЛИЗЧИ** Гидролиз саноатида ишловчи ходим. *Гидролизчилар янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.* Газетадан.

**ГИДРОЛОГ** Гидрология мутахассиси. *Бу ерга гидролог профессор И.Я.Каминский бошлиқ тажрибали чўлқуварлар келишиди.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**ГИДРОЛОГИК** Гидрологияга оид. *Гидрологик харита.*

**ГИДРОЛОГИЯ** [гидро.. + юн. logos – таълимот] Ер юзидаги сувларни, уларнинг буғланишини, қайта сувга айланишини, сингишини ва бошқа хусусиятларини ўрганадиган фан.

**ГИДРОЛОКАТОР** [гидро.. + лот. lokatio – жойлаштириш] Сув остидаги объектларнинг вазиятини аниқлайдиган гидроакустик асбоб.

**ГИДРОМЕЛИОРАТИВ** Гидромелиорацияга оид. *У ўтган йили Тошкентдаги ирригация инженерлари институтининг*

*гидромелиоратив ишлар механизацияси факультетини битирди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.*

**ГИДРОМЕЛИОРАТОР** Гидромелиорация мутахассиси. -*Ўзимизда гидромелиоратор бўлиб ишлайди, — дейди у [Амир Фармон Болтаев]. Б. Маҳмудов, Олтин юлдузликлар.*

**ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ** [гидро.. + мелиорация] Ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун уларни қуришиш ёки суғориш орқали яхшилашга қаратилган турли чора-тадбирлар тизими.

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ** [гидро.. + метеорология] Ернинг атмосферавий ва гидрологик шарт-шароитларига алоқадор жараёнларни ўрганадиган фан. *Халқ хўжалиги гидрометеорологияга ишонади. Чунки бу фан ҳар қандай бало-қазони олдиндан айтиб беради. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.*

**ГИДРОМЕХАНИЗАЦИЯ** [гидро.. + механизация] Ер қазииш ва кон ишларини сув оқими энергияси ҳисобига бажариш усули.

**ГИДРОМЕХАНИКА** [гидро.. + механика] Механиканинг суюқликлар ва газларнинг мувозанати ва ҳаракатини, шунингдек, суюқлик билан унга ботирилган қаттиқ жисмларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОНАСОС** [гидро.. + насос] Сув насоси. -*Гидронасоснинг трубаси ёрилиб кетди, — деди у ҳаяжонда, бошиқа цехлардан чопиб келган кишиларга. Газетадан.*

**ГИДРОНИМ** [гидро.. + юн. опута — ном] Дарё, сув ҳавзаларининг номи. *Дарҳақиқат, Мурғоб гидроними суғд тилидаги «марг» ўзаги билан алоқадор. «ЎТА».*

**ГИДРОПОДЪЁМНИК** [гидро.. + подъёмник] Сув кучи билан ишлайдиган кўтаргич механизм.

**ГИДРОПОНИКА** [гидро.. + юн. ropos — иш, меҳнат] қ. х. Ўсимликларни тупроқсиз, озиклантирувчи эритма ёрдамида ўстириш. *Институтнинг.. тажриба базасида гидропоника усуларида моллар учун озуқа етиштириш йўлга қўйилди. Газетадан.*

**ГИДРОСАМОЛЁТ** [гидро.. + самолёт] Сувдан кўтарилиш ва сувга қўнишга мосланган самолёт. *Гидросамолёт созланган, парвозда давом этди. «Фан ва турмуш».*

**ГИДРОСТАНЦИЯ** айн. гидроэлектростанция. *Гидростанция энди қуёида ўзининг*

*азамат гавдасини ва ойна кўзларини чақнатар эди. Ойбек, О. в. шабалалар. Буни Канизак ҳам кўрди ва у ҳам суюниб: -Электр! «Янги турмуш» гидростанциясини юргизишини! — деди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**ГИДРОСТАТ** [гидро.. + статика] Сув ости тадқиқотлари ва ишларини бажаришга мўлжалланган аппарат.

**ГИДРОСТАТИК** Гидростатикага оид. *Гидростатик босим.*

**ГИДРОСТАТИКА** [гидро.. + статика] Гидромеханиканинг суюқликлар мувозанатини ва уларга ботирилган жисмларга суюқликнинг таъсирини ўрганадиган бўлими.

**ГИДРОСФЕРА** [гидро.. + сфера] Ер юзидаги барча сувлар (океан, денгиз, кўл, дарё ва б..) жаммаи.

**ГИДРОТЕРАПИЯ** [гидро.. + терапия] Сув билан муолажа қилиш, даволаш. *Гидротерапия (сув воситаси билан даволаш), қуёиш ва балчиқлар билан даволаш, қисман сувдан фойдаланиш (ёз мавсумида) каби даволашлар мавжуддир. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

**ГИДРОТЕХНИК** Гидротехника мутахассиси.

**ГИДРОТЕХНИК** Гидротехникага оид. *Мураккаб қурилиш ишларида, кўмир ва маъдан қазиишда, шунингдек, гидротехник ишларда тебранма ҳаракат асқатади. «Фан ва турмуш».*

**Гидротехник иншоотлар** Табиий ва сунъий сув оқимларидан фойдаланиш ёки сувнинг емириш таъсирини қарши курашиш учун қуриладиган иншоотлар (каналлар, тўғонлар, гидроэлектростанциялар, суғориш иншоотлари ва ш. к.).

**ГИДРОТЕХНИКА** [гидро.. + техника] Техниканинг сув ресурсларидан халқ хўжалигида фойдаланиш ва турли хил сув офатларига қарши курашиш мақсадида қуриладиган гидротехник иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари билан шуғулланадиган соҳаси. *Чорвоқ сув омбори бизда катта таассурот қолдирди. Бу жойда тўнланган сув муносиб бойликдир. Биз бундай иншоотлар ҳақида, Ўзбекистонда яратилган гидротехника иншоотлари ҳақида, суғориладиган ҳосилдор ерлар ҳақида орзу қилаямиз. Газетадан*

**ГИДРОТУРБИНА** [гидро.. + турбина] Сув оқими билан ҳаракатга келадиган парракли гидравлик двигателъ. *Ҳозир анави одамлар гидротурбинани ўрнаштираётибди.* С. Анорбоев, Ишон, денгиз бўлади.

**ГИДРОУЗЕЛ** [гидро.. + р. узел – тугун; туташин жойи] Жойлашини ва уйғунликда ишлашига кўра бирлашган бир қанча гидротехник иншоотлар (канал, тўғон, гидростанция ва ш. к.) мажмуи. *Оҳангарон дарёсига қурилган гидроузелнинг эса сув ўтказиш нормаси секундига энг кўпи билан 750 кубометр.* Газетадан.

**ГИДРОФИЗИКА** [гидро.. + физика] Гидросферада юз берадиган физикавий жараёнларни, сувнинг физик хоссаларини ўрганадиган фан.

**ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ** Сув оқими энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи механизмлар билан жиҳозланган электростанция. *Ўзбекистонда қудратли гидроэлектростанциялар қуриб, ишга туширилган.* Ш. Рашидов.

**ГИДРОЭНЕРГЕТИК** Сув энергиясидан фойдаланишга оид. *Гидроэнергетик ресурслар.*

**ГИДРОЭНЕРГЕТИКА** [гидро.. + энергетика] Энергетиканинг гидроэлектростанцияларда сув энергиясидан асосан электр энергияси ҳосил қилишда фойдаланиш билан боғлиқ бўлими. *Республикада гидроэнергетика ресурсларининг жуда катта манбалари ҳам mavжуд.* Газетадан.

**ГИЁ** қ. **гиё(х)** 1. *Куйибидан табиб бўлиб юрибди, Гиёни қуриптиб, дори қилибди.* «Баҳром ва Гуландом».

**ГИЁ(Х)** [ф. گیاه – наботот, ўт, ўсимлик] 1 айн. ўт II. *Доривор гиёҳлар. ■ Тонг ели овлоқ қир гиёҳларининг сал тахир, ўтқир ҳидларини уфурадди.* О. Ёкубов, Кўҳна дунё. *Худо яшар ҳар бир гиёҳда, Ҳар дарахтда бордир диёнат.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

2 Баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланадиган наркотик моддалар (наша, қорадори, кўкнор ва ш. к.). *Зиндон бошлиғи гиёҳ еб, пинакка кетгандай, шам ёнида мудраб ўтирарди.* Ойбек, Навоий.

**ГИЁҲВАНД** Наша, қорадори, кўкнор ва ш. к. наркотикларни истеъмол қилишга одатланган одам; банги, нашаванд. *Урушининг совуқ таъсири кўкнорихона – такяга ҳам кириб келган эди: гиёҳвандлар ҳам сиёсатдан*

*гапиришадиган бўлиб қолган эдилар.* Ф. Гулом, Шум бола.

**ГИЁҲВАНДЛИК** Наша, кўкнори ва бошқа наркотик моддалар истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати; бангилик. *Гиёҳвандлик ёмон иллат бўлиб, унга берилиб қолган одам охир-оқибат тирик мурдага айланади.* Газетадан. *Болаларда ҳалолликни тарбиялашга салбий таъсир кўрсатаётган шарт-шароитлардан бири – гиёҳвандлик.* «Саодат».

**ГИЖБАНГ** тақл. с. Чилдирмаларнинг баралла янграган овози. *Ичкаридаги ўйинқулги, қийқариқ, чилдирманинг гижбанги [Алижоннинг] юрагини тимдалади.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Мастура яллаганинг «ёрёри», шокилани чирмандасининг гижбанги бутун маҳаллага эшитилади.* К. Яшин, Ҳамза.

**ГИЖБАНГЛАТМОҚ** Чилдирмани баралла янградиб чалмоқ. *Роса қизитилган чирмандаларни гоҳ-гоҳ гижбангладиб кўяр эдилар.* Ойбек. О. в. шабадалар.

**ГИЖГИЖЛАМОҚ** Томонларни бирибирига қарши кўйиб, улар орасида низо чиқармоқ. *Кўмондон яна шеригини гижгижлади.* «Шарқ юлдузи». *Ҳайтовур, ҳаммасидан ҳам болаларни гижгижлагани ёмон.* «Ёшлик».

**ГИЖДА** Чети қалин, доира шаклидаги нон. *Дастурхон турли-туман қанд-қурс, мева-чева, анво мураббо, гижда, чап-чап патири, бўғирсоқлар билан зеб берилган.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Дастурхонда гижда, пахтадай оптоқ, Бобом келтиргандай туюлар менга.* Г. Жўраева.

**ГИЖДАПАЗ** Гижда нон ёпувчи; нонвой. *Толиби илмларнинг солган дастурхонида.. Навбахор гузари гиждапазларининг қаймоқ маза берадиган қизил гиждасидан тўртта кўйилган эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ГИЖЖАЛАР** Одам, ҳайвон ва бошқа тирик организмларда яшаб, касаллик пайдо қиладиган паразитларнинг умумий номи; гельминтлар. *Ичкада ўрнашиб олувчи накана гижжжа тухуми ҳам болалар яшовчи муҳитда кўп учрайди.* «Фан ва турмуш».

**ГИЖИНГ** Бўйнини гаж қилиб юрадиган; шўх, ўйноқи (от ҳақида). *Арава йўли ўрмондан бағри кенг дашта чиқди, рессорли энгил бричкага қўшилган гижинг кўш от илдам юра кетди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон

изидан. *Ҳали мен минмаган гижинг тулпор мўл, Ҳали мен қўлмаган оху ҳам анча. Миртемир.*

**ГИЖИНГЛАМОҚ 1** Бўйинини гаж қилиб ўйноқиламоқ (от ҳақида). *Той унинг [жувоннинг] остида гижинглар, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар эди. А. Қаҳҳор, Хотинлар. - Қорангни кўрсатмай кетдинг? - Иш кўп, дада. - Қайтага қизимни бермай турсам бўлар экан, - кулиб қўйди Мулло Мусо бобо, - кунора тойчоқ боладек гижинглаб келиб турардинг. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.*

**ГИЛ** [ф. گل - лой; балчик] Чинни буюмлар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой; каолин. *Чойнак, пиёла, кимёвий идишлар, изоляторлар ва бошқа жуда кўп нарсалар ана шу гилдан ясалади. «Фан ва турмуш». Цемент хом ашёси - оҳактош ва гил - конлардан қазиб олиниб, майдаланади. «Фан ва турмуш».*

**ГИЛАМ** [ф. گيليم - туқсиз гилам, палос] 1 Одатда жун, ипақдан тўқилиб, ерга, полга тўшаладиган ёки безак учун хона деворларига осиб қўйиладиган уй жиҳози; бадий тўқимачилик буюми. *Ипақ гилам. Туркман гилами. ■ Ости тахта пол бўлгани ҳолда, полнинг устига қизил гилам ташланган, икки ён деворга ҳам қизил гиламчалар қоқилган эди. С. Айний. Қуллар. Асл гиламлар тўшалган бу хонанинг тўрида ҳозир Аҳмад Танбал ўтирибди. П. Қодиров, Ҳолдузди тунлар.*

2 *кўча поэт.* Ер бетини қоплаб олган майса ёки гул. *Чўпон қўбуз чалиб, молларин ёйди Барқит гилам ёзган тепа, қирларга. Уйғун. Шамол майсалар орасида лола гиламларини силкийди. Ойбек, О. в. шабадалар.*

3 *спрт.* Кураш тушиладиган спорт анжони; татами. *Гиламда энгил вазни полвонлар курашмоқдалар.*

**ГИЛАМБОФ** [гилам + ф. ياف - тўқувчи] *айн. гиламдўз.*

**ГИЛАМГУЛ** [гилам + гул] Перу ва Бразилияда ўсадиган гулнинг бир тури.

**ГИЛАМДЎЗ** [гилам + ф. دوز - тўқувчи, тикувчи] Гилам тўқувчи. *Гиламдўз аёл. ■ Мана, гиламдўзларнинг буюмлари. Улар ҳар хил материалларга ишланган. Газетадан.*

**ГИЛАМДЎЗЛИК** *айн. гиламчилик.* Ўзбекистонда гиламдўзлик қаторида газлама ишлаб чиқариш қадимдан кенг ёйилган эди. М. Қодиров, Ўзбек халқ озгаки драмаси.

**ГИЛАМФУРУШ** [гилам + ф. فروش - сотувчи] Гилам олиб сотувчи. *Миркарим*

*бойваччанинг отаси Тўқсон бой энг катта гиламфуруш бойлардан эди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ГИЛАМЧИЛИК** Гилам тўқиш касби, гилам тўқиш билан шуғулланиш. *Гиламчилик саноати.*

**ГИЛВАТА** [ф. گل بواته - ўтга чидамли лой] *геол.* Юмшоқ, кулранг тоғ жинси, гилмоя (халқ табобатида томоқ оғриғи, оғиз еликиши каби касалликларга қарши дори сифатида ишлатилган). *Майда савдогарлар сақич, гилвата сотишарди. И. Раҳим, Ихлос. Ҳалигина қуёш ёғдусида олмоосимон ялтираб турган тоғ ёнбағирлари тезда гилвата тусига кирди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ГИЛКОР** [ф. گيلكار - бинокор, сувоқчи; кулол] Ганч ёки алебастрдан нақш ясовчи мутахассис; ганчкор уста. *Бухородан келмиш сангтарош, Фарғоналик гилкор ҳам бунда. М. Али, Гумбаздаги нур.*

**ГИЛКОРЛИК** Ганчдан нақш ясаш билан шуғулланиш.

**ГИЛМОЯ** *айн. гилвата.* *Гилмоя табиатда ҳар хил: оқ, кулранг, қўнғир ва бошқа рангларда учрайди. М. Зокиров, Бебаҳо хазиналар.*

**ГИЛОС** [ф. گيلاس - гилос] 1 Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт ва унинг меваси. *Сариқ гилос. Қизил гилос. ■ Нурунинг ҳовлисидаги гилослар гуллаган. Ойбек, Танланган асарлар.*

**ГИЛОСЗОР** Нуқул гилос экилган, гилос билан ишғол этилган ер, майдон. *Ҳовлининг уч томони бир уй, бир айвон қилиб қаторасига солинган янги бинолар билан ўралган, бир томони гилосзор богча. Ойбек, Танланган асарлар.*

**ГИЛЬЗА** [нем. Hülsen - қобиқ] 1 Патрон, снаряд ва ш. к. ларда ичига порох ва ёнувчи модда тўлдириб, оғзига ўқ жойланадиган, юпқа деворли, таги берк металл цилиндр. *Катта йўлда эса болалар тўқилган ўқ, гильза ва ҳар хил бузилган қурол қисмларини териб, ўйнаб юрардилар. Ойбек, Қуёш қораймас.*

2 Папирос ва сигаретларда ичига тамаки тўлдириладиган юпқа қоғоз найча. [Акам] *Тайёр гильзага тамаки тиқиб, папирос ясар эди. Ф. Фулом, Кечмиш-кечирмишларимдан.*

3 *тех.* Найча, цилиндр шаклидаги турли деталларнинг номи.

**ГИМН** [юн. hymnos - қадимги Грецияда худолар ва қаҳрамонлар мақтовига бағишланган кўшиқ] қ. **мадҳия.** *Баралла янграйди*

гимнимиз куйи, Ва байроқ ел билан ўйнар хилтираб. Ж. Жабборов.

**ГИМНАЗИСТ** Гимназия ўқувчиси. *Ўйга чўмиб, сув ёқалаб Келар бир ёш гимназист.* Э. Воҳидов, Нидо.

**ГИМНАЗИЯ** [юн. gymnasium — қадимги Грецияда таълимни гимнастика билан қўшиб олиб борувчи ўқув-тарбия муассасаси] Ўзбекистонда ва айрим хорижий мамлакатларда: бир қатор фанларни, одатда гуманитар фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган ўрта умумтаълим ўқув юрти. *Ўқув юртарининг янги шакллари — гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланади.* Газетадан.

**ГИМНАСТ** [юн. gymnastes — гимнастика ўқитувчиси] айн. **гимнастикачи**. *Акробат, гимнаст, атлет — спортнинг шу турлари билан шуғулланувчи шахслар.* «ЎТА».

**ГИМНАСТЁРКА** [р.] Тик ёки қайтарма ёқали, устидан камар боғландиган уст кўйлақ (расмий ҳарбий кийим). *Нормат ўрнидан туриб, камарини қаттиқ тортиб, гимнастёркасини текислади-да, Адолатнинг олдига борди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Шерали гимнастёркасининг тугмасини ечиб, бўйинини уқалади.* С. Кароматов, Олтин кум.

**ГИМНАСТИКА** [юн. gymnastike < gym-pazo — машқ қиламан] **1** Соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машқлар жаммуи. *Даволаш гимнастикаси. Гимнастика машқлари.*

**2** Спортнинг бир тури. *Республикамиз пойтахтида ўтган куни эронлик гимнастика усталари билан Ўзбекистон гимнастикачиларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.* Газетадан.

**ГИМНАСТИКАЧИ** Гимнастика билан шуғулланувчи киши, гимнастика машқларини моҳирлик билан ижро этувчи спортчи. *«Юбилей» спорт саройида эса гимнастикачилар баҳси бошланди.* Газетадан.

**ГИНА** [ф. گله — шикоят; таъна] **1** Бирор кимсага нисбатан дилда сақланган хафалик, норозилик; кек. *Яхшида гина бўлмас.* Мақол. *Гина — адоватнинг қўшиниси.* Мақол. ■ [Хусайн:] *Алишер, эски гиналарни унутинг. Гулига бўлган муҳаббатингиз туфайли, қадимий дўстлик ипларини узманг. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. [Муҳаббат] Менга бўлган дилидаги гинасини сездирмасликка интилса-да, кўз қарашларида истехзо учқунларини сезиб турардим.* Ҳ. Назир, Муҳаббат.

**ГИНА ҚИЛМОҚ** Бирор кишига нисбатан дилда хафалик, кек сақламоқ; кўнгилдаги хафаликни изҳор қилмоқ. *Жаҳлимдан тушганимдан кейин, шундай танамга ўйлаб қарасам, бечора ўртоғимдан.. гина қилишининг ҳожати йўқ экан.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *-Раҳбар билан сўз уриштириб чакки қилдингиз, отам, — деб тўсатдан гина қилди Ойимхон.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**2** Шикоят, арз-ҳол. *Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарларига айтадиган гиналаримиз бор.* Газетадан.

**ГИНА-ГУДРАТ** айн. **гина-кудурат**.

**ГИНА-ГУДУР** айн. **гина-кудурат**. *Баҳор ақлли қиз, мени хафа қилган эдинг, деб гина-гудур қилиб ўтирмади Пўлатга.* Ш. Рашидов, Кудратли тўлқин.

**ГИНАДОР** айн. **гинали**. *-Комиланинг келишини билсам, уйдан бир минут силжир-мидим? — деди Зайнаб гинадор товуш билан онасига.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ГИНА-КУДУРАТ** [гина + а. كدورت — лойқалик; хафачилик, ғам-ташвиш] Ҳар хил гина ва норозиликлар. *Онанинг гина-кудурати саратон ёмғиридек тез ўтиб бўлган эди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Отақўзи, ўғли билан тоғаси ўртасидаги гина-кудурат кўпга чўзилмас, деб умид қиларди.* О. Ёқубов, Диёнат. [Лутфинисо] *..келинларига қарши хаста кўкрагида йиғилган гина-кудуратнинг эзмалик билан, бирон сўзни ялмамай, қизининг олдига тўкди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГИНАЛАМОҚ** кам қўлл. айн. **гина қилмоқ** қ. **гина** **1**. *Уста Олим ўз уйига дўкон қурган экан, гиналаб юрмасин, деб фотиҳага келган эдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ГИНАЛИ** **1** Дилида гинаси бор, гина сақловчи, гинадор. *Гинали одам.*

**2** Гина билан тўлиб-тошган, гина аралаш; гинаомуз. *Гинали гап.* ■ *-Шу вақтгача айтмадингиз-а? — гинали эрканди Саодатхон.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

**ГИНАОМУЗ** [ф. گله آمیز — гина қилувчи; хафа бўлган] Гина оҳангидаги, гина аралаш. *Гинаомуз гап.* ■ *-Танимадингиз-а, Отабобо ака! — гинаомуз Оҳуновага кўз ташлади Имомов.* Н. Сафаров, Катта карвон йўлда.

**ГИНАХОНЛИК** **1** Гина изҳор қилиш, дилда бор гиналарни очич-ойдин айтиш. *Зебо шинелини билагига солиб кириб келди. Она уни кўрди-ю, гинахонликка тушди.* Шухрат, Шинелли йиллар. [Олаҳўжа] *Ганни гина-*

хонликдан бошлади: -Жуда қадамингни тийиб кўйдинг. Келиб тоғандан, ҳолинг қалай, деб суриштирай ҳам демайсан-а. П. Турсун, Ўқитувчи.

**Гинахонлик қилмоқ** Гина изҳор қилмоқ. -Бундан чиқди, биз ҳам сенга ҳеч ким бўл-лолмабмиз-да, — деб гинахонлик қилди Мусо. П. Турсун, Ўқитувчи. *Комил Ибодуллага гинахонлик қилди. Ҳ. Фулом, Машғал.*

2 айн. гина 2.

**ГИНАЧИ** Бўлар-бўлмасга гина қила-верадиган; гина, кек сақлайдиган. *Гиначи одам.*

**ГИНАЧИЛИК** Гина қилишлик, гина сақлашлик. *Олимжон ҳангу манг бўлиб қолди: раиснинг жиззаки ва гиначилигини энди кўриб тургани эди. Ҳ. Назир, Қанотлар.*

**ГИНГИВИТ** [лот. gingiva — милк + itis — яллиғланишни билдирувчи қўшимча] *тиб.* Милк шиллиқ қаватининг яллиғланиши.

**ГИНЕКОЛОГ** Гинекология мутахассиси; аёллар касалликлари врач.

**ГИНЕКОЛОГИК** Гинекологияга оид. *Гинекологик операция.*

**ГИНЕКОЛОГИЯ** [юн. gyne, gynaikos — аёл + logos — таълимот, фан] Тиббиётнинг аёллар организмнинг ўзига хос хусусиятларини, аёллар таносил аъзолари касалликларини ва уларни даволаш йўларини ўрганадиган бўлими.

**ГИПЕР-** [юн. hyper — уст, юқори, нариги томон] Байналмилаг ўзлашма сўзлар таркибида келиб, муайян нарса, ҳолатнинг меъёрдан ортиқлигини, бирор нарсанинг юқоридалигини кўрсатадиган олд қўшимча, мас., *гипервитаминоз, гиперинфляция.*

**ГИПЕРБОЛА I** [юн. hyperbole] *айн.* муболага 1.

**ГИПЕРБОЛА II** [юн. hyperballo — бирор нарса орқали ўтаман] *мат.* Доиравий конусни унинг икки ясовчисига паралел текислик билан кесганда ҳосил бўладиган эгри чизиқ.

**ГИПЕРБОЛИК I** *ад.* Муболагағали. *Достонларда илон-аждар реал хавфнинг гиперболик тасвиридир. «ЎТА».*

**ГИПЕРБОЛИК II** *мат.* Гиперболага оид; гиперболадан иборат бўлган. *Гиперболик функция.*

**ГИПЕРВИТАМИНОЗ** [гипер.. + витамин] *тиб.* Баъзи витаминларни меъёридан анча кўп истеъмол қилиш натижасида организмнинг заҳарланиши.

**ГИПЕРЕМИЯ** [гипер.. + юн. haima — қон] *тиб.* Муайян аъзо ёки гавда қисми томирларининг одатдагидан кўпроқ қонга тўлиши.

**ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ** [гипер.. + инфляция] *икт.* Шиддат билан ривожланувчи ва иқтисодий ҳалокат, инқироз хавфини туғдирувчи инфляция. *У ишлаб чиқаришнинг пасайиши, гиперинфляциянинг кучайишига.. аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Газетадан.*

**ГИПЕРТЕРМИЯ** [гипер.. + юн. therme — иссиқлик; иситма] *тиб.* Иссиқликнинг меъёридан юқори бўлиши; организмнинг меъёридан ортиқ исиб кетиши.

**ГИПЕРТОНИК** Гипертония касаллигига йўлиққан, қон босими ошиб кетган киши. *Гипертониклар истеъмол қиладиган парҳез овқат.*

**ГИПЕРТОНИК** Гипертонияга оид. *Гипертоник касаллик. ■ Гипертоник кризисларнинг рўй беришига метеорологик омиллар, айниқса, атмосфера босимининг кескин ўзгариб туриши ҳам сабаб бўлади. Газетадан.*

**ГИПЕРТОНИЯ** [гипер.. + юн. tonos — таранглик; зўриқиш] *тиб.* Майда артериялар тонуси (таранглиги)нинг ортиши натижасида қон босимининг кўтарилиши. *Гипертония касаллиги дунёнинг ҳамма мамлакатларида кенг тарқалган. «Фан ва турмуш».*

**ГИПЕРТРОФИЯ** [гипер.. + юн. trophe — овқат; озикланиш] *тиб.* Муайян аъзонинг ўзига хос ҳужайра элементлари ўсиб катталашуви натижасида шу аъзо ёки унинг бирор қисмининг ҳаддан зиёд катталашиб кетиши.

**ГИПЕРФАЗО** [гипер.. + фазо] Фазонинг юқори қисми. *Кемангиз гиперфазога кира олмайди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.*

**ГИПНОЗ** [юн. hypnos — уйқу] **1** Бош миянинг муайян қисмларидаги тормозланиш оқибатида инсон ёки юқори умуртқали ҳайвонларда рўй берадиган ўзига хос уйқу ҳолати.

**2** Кишини гипнотик уйқу ҳолатига келтириш орқали унга сўз билан таъсир ўтказиш ва шу йўл билан ундаги баъзи касалликларни даволаш усули. *Гипноз билан даволамоқ. ■ Ўғрини гипноз билан тутаман. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ГИПНОЗЛАМОҚ I** Гипноз ҳолатига келтирмоқ ва шу йўл билан даволамоқ.

2 Гап-сўз, авраш, муайян руҳий ҳолат ёки таъсир билан бирон кишининг инонихтиёридан айирмоқ, уни ўз измига солмоқ. *Йигитали балкон панжарасига суянганича, қанча вақт кутиб турганини билмайди. Худди у борлиқ сукунатининг қудрати билан гипнозланиб қолгандек эди.* Д. Нурий, Осмон устун.

**ГИПНОЗЧИ** Гипноз қилувчи киши; гипноз йўли билан даволовчи врач. - *Бирдан бешгача санайман, — оҳиста гап бошлади гипнозчи.* Газетадан.

**ГИПО-** [юн. *hypo* — остида, тагида] Байналмилал ўзлашма сўзлар таркибида келиб, муайян нарса, ҳолатнинг меъёрдан камлигини, пасайганлигини ёки қуйида эканлигини кўрсатадиган олд қўшимча, мас., *гиповитаминоз, гипотония.*

**ГИПОВИТАМИНОЗ** [гипо.. + витамин] Организмда витаминлар етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати.

**ГИПОКИНЕЗИЯ** [гипо.. + юн. *kinesis* — ҳаракат] Меҳнат фаолиятининг хусусиятига кўра ихтиёрий ҳаракатларнинг камайиб кетиши.

**ГИПОСУЛЬФИТ** [гипо.. + лот. *sulphur* — олтингургурт] Сульфит кислота тузларидан бири; бўёқ, қоғоз саноатида, фотографияда қўлланадиган кристалл модда.

**ГИПОТЕЗА** [юн. *hypothesis* — тахмин, фараз] Ҳали тажрибада синалмаган, исбот қилинмаган илмий тахмин, фаразия. *Обид Йўлдошевичнинг гипотезаси тўғри чиқди.* П. Қодиров, Уч илди. У [Авлиё ака] сув ҳавзаларидаги майда ҳайвонларни ўрганиш натижасида уларнинг келиб чиқиши ва тараққий топиши ҳақида биология фанига янги гипотеза киритди. Газетадан.

**ГИПОТЕНУЗА** [юн. *hypoteinusa* — бирор нарса остида чўзилувчи] *мат.* Тўғри бурчакли учбурчакнинг тўғри бурчак қарши-сидаги томони.

**ГИПОТЕРМИЯ** [гипо.. + юн. *therme* — иссиқлик; иситма] *тиб.* Одам ва иссиқ қонли ҳайвонларда иссиқликнинг одатдагидан, меъёридан паст бўлиши.

**ГИПОТОНИЯ** [гипо.. + юн. *tonos* — зўриқиш, таранглик] *тиб.* Қон босимининг пасайиб кетиши.

**ГИПОТРОФИЯ** [гипо.. + юн. *trophe* — овқат; озиқланиш] *тиб.* Болалар овқатла-

нишининг сурункасига бузилиши туфайли уларнинг аста-секин озиб кетиши.

**ГИПОФИЗ** [юн. *hypophysis* — ўсимта] *анат.* Одам ва барча умуртқали ҳайвонларда бош миянинг асос қисмида жойлашган, қондаги гормонлар иштирокида организмнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этадиган ички секреция беzi. *Бу модда (рух) асосан гипофизда, ошқозон ости безида йиғилади.* «Фан ва турмуш».

**ГИПОЦЕНТР** [гипо.. + лот. *centrum* — марказ] Ер ости силкинишлари манбаи бўлган, зилзила бошланадиган жой; зилзила ўчоғининг маркази.

**ГИПОЛОГИЯ** [юн. *hippos* — от + *logos* — тушунча, таълимот] От, унинг ташқи кўриниши, анатомия ва физиологияси, уни кўпайтириш ва озиқлантириш, ундан фойдаланиш каби масалалар билан шуғулланувчи фан; отшунослик.

**ГИПОПОТАМ** [юн. *hippopotamos* — дарё оти] қ. **бегемот.**

**ГИПС** [юн. *gypsos* — бўр, оҳақ] 1 Оқ, кулранг ёки сарғиш рангли минерал, кальций сульфат (пиширилиб, кукун ҳолига келтирилган гипс қурилиш материали сифатида ишлатилади). *Гипсдан ясалган ҳайкал. Гипс кони.* ■ *Қуруқ иқлимли регионларда тош ва ош тузлари, калий, гипс тўпланади.* «Фан ва турмуш».

2 *тиб.* Чиққан, синган аъзони қимирламайдиган қилиб, тахтакачлаб қўйиш учун шу материалдан қўйилган боғлама. *Максимнинг ҳисобича, Норматнинг оёғидаги гипсни олишга яна бир кун бор эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Иккита койкадаги ярадорлар тузалиб, куни кеча фронтга жўнаб кетишди.* Оёқлари гипсда тахтакачлаб қўйилган учувчи-лейтенант билан чўлоқ старшина қолишди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ГИПСЛАМОҚ 1** Шикастланган аъзони гипс билан боғламоқ; тахтакачламоқ. *Оёқни гипсламоқ.* ■ *Хирурглар кенг гулзор ўртасига стол қўйиб, синиқларни гипсламоқда, ярадорларни биттламоқда.* И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

2 қ.ҳ. Ерни майдаланган хом гипс билан ўғитламоқ.

**ГИР** [ф. *گرد* — юмалок; доира, айлана] Айлана, доира. *Беш-олти бола жам бўлиб, бир уй ичига ерни айлана қилиб чизди.* Бу — *гир.* Т. Мурод, Қўшиқ.

**Гир айлана** Айланасига, атроф-теваракни ўраб олган. *Азимбойваччанинг ташқари ҳовлиси гир айлана гиштин иморат.* С. Аҳмад, Ҳукм. **Гир айланмоқ** 1) доира ясаб айланмоқ; теварагида, атрофида айланмоқ. *Гулсум кенг доирани гир айланиб, завқ ва шавқ билан чалинаётган чилдирма ҳамда чапақлар садосига берилиб ўйнар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хонага кириб қолган бир йўлпашша гир айланиб, самолётдек вангилларди.* Мирмуҳсин, Нуқра; 2) атрофлаб, давра олиб жойлашмоқ. *Бир тўйда, катта меҳмонхонани гир айланиб ўтирдан меҳмонлар ўртасида сув сепгандай жимлик ҳукм сурарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Гир атроф** Теварак-атроф, ҳамма ёқ. *Гир атроф шафтоли.* ■ *Жуманиёз гир атрофга югуриб, тагин қўлига кесак олди.* С. Сиёев, Аваз. **Гир урмоқ** (ёки **ташламоқ**) Бир томонга оғиб, айланиб турмоқ, шох ташламоқ (учаётган варрак ҳақида). *Гир шох урди аразлаган варраги.* Ғ. Фулом. **Боши гир айланмоқ** Боши гангимоқ. *Ачиқ, ўтқир тамақидан боши гир айланиб, кўзлари ёшландида, йўтала-йўтала юриб кетди.* Ойбек, Нур кидириб.

**ГИРА** [ф. گيره — қисқич] *тех.* Ишлов бериладиган нарсани маҳкам сиқиб қўядиган асбоб; тахтакач.

**ГИРАК** [ф. گره — тугун; чалкашлик] *шв.* Маҳкам, мустаҳкам. *Ҳаёт — бир-бири билан гирак боғланган шундай бир ҳалқалардан иборатки, бир ҳалқанинг тилини билсанг-у, бошқаларини билмасанг, катта ишда албатта қоқилиб қоласан.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**ГИРАКЛАМОҚ** *шв.* Маҳкам боғламоқ. *-Баттол қиз ҳовлидамики, гираклаб олиб киритиб қўйсам!* — деди Ашурмирзо. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ГИРАНДА** [ф. گيرنده — қабул қилиб, тути олувчи] *шв.* Ишбилармон, уддабурон, эпчил.

**ГИР-ГИР:** **гир-гир айланмоқ** Тез-тез айланмоқ. *Шу машинанинг қулоғини бурасанг, лаганча гир-гир айланиб, ашула, дутортанбур вангиллайверади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Боши гир-гир айланмоқ қ. боши гир айланмоқ қ. гир.** *Бобур ковушининг бир пойини кийди-ю, иккинчисини кийишга тоқати етмади.* Унинг боши гир-гир айланар, ҳаво етишмай, нафаси қисилар эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ГИРГИТТОН** *х.-қ.* Эркалаш ёки ҳурмат билдирувчи мурожаат шакли; маъно ва вазифаси жиҳатидан «айланай», «ўргилай» сўзларига тўғри келади. [*Нетайхон:*] *Хожархон, гиргиттон, эккан дарахтларингни Обиджон акангизга кўрсатинг.* А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

**Гиргиттон бўлай** Айланай, ўргилай. — *Мени қийнама, жон қизим, онанг гиргиттон бўлсин!* — деди кампир Адолатхонга. У. Назаров, Одамлар. **Гиргиттон бўлмоқ** Одам атрофида меҳрибонлик билан парвона бўлмоқ. *Хола Турсунонинг атрофида гиргиттон бўлиб, гир айланар, дам бошини ушлаб кўрар, дам юзини силар эди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ГИРД** [ф. گرد — юмалоқ; доира] *эск.* 1 Айлана шаклидаги нарсанинг чети, зиҳи. *Патнис гирди.* ■ *Пиёла гирдини ўпиб шаббода, Қимизимни шопириб кетар.* «Шарқ юлдузи».

2 Атроф, теварак; чегара. *Бир қиз олов гирдида бармоқларини қирсиллатиб, чанговуз нағмаларига хиром этди.* Т. Мурод, Кўшиқ.

**Гирдини тутмоқ шв.** Ўраб, куршаб олмоқ. *Дарвоза гирдини ганимлар тутди, Бурунги подшомиз оламдан ўтди.* «Муродхон». *Чопқиллашиб саллотбоши — катталар, Малахдай бун беклар гирдини тутди.* «Юсуф ва Аҳмад».

**ГИРДАК** [ф. گردک — думалоқ, айлана чодир] *кам қўл.* Юмалоқ, чамбар. *Яна бир йигит муллабаччаларга ўхшаш қулф соқол қўйган, бошида гирдак гир салласи бор, хуштавозе.* Ғ. Фулом, Шум бола. У [*Содиқ мингбоши*] қўша беқасам кийиб, ичидан кумуш камар боғлаган, бошида гирдак салла. А. Мухтор, Тонг билан учрашув.

**ГИРД-АТРОФ** *айн.* **гир атроф қ. гир.** *Гирд-атроф тоғу тош, шундан бўлак уни овутадиган нарса йўқ.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

**ГИРД(И)БОД** [ф. گردباد — уюрма; бўрон, довул] Тўзон, чанг, қум аралаш буралиб кўтарилувчи қаттиқ шамол; қуюн, уюрма, довул. *Ўтинкашлар бир чақиримча ҳам йўл босмаган эдиларки, чўлда гирдбод қўзғалди.* С. Айний, Қуллар. *Гирдбод қуюн уларни ўради.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Бу ерларда гирдбоду бўрон кўп бўлади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**ГИРДИКАПАЛАК:** **гирдикапалак бўлмоқ** Меҳрибонлик кўрсатиб, меҳр талаб бўлиб ёки хушомадгўйлик билан атрофида



айланмоқ. *Орамизда оналик меҳрига тўймаган болалар ҳам бор эди: улар кампир келганда, атрофида гирдиқапалак бўлишарди. С. Аҳмад, Онажонлар, Сultonнинг ҳам атрофида гирдиқапалак бўлиб юрадиган одамлар бор эди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

**ГИРДИҒУМ** Калтабақай, миқти, бақалоқ (олам ҳақида). *Чойхоначи эллик ёшларда бўлган юмалоқ, гирдиғум одам. Ойбек, Танланган асарлар. Калладор, гирдиғумдан келган раис ҳаддан ташқари хушчақчақ эди. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.*

**ГИРДОБ** [ф. گرداب — сув уюрмаси, камар, ўпқон] 1 Ариқ ва дарё сувларининг айланиб-буралиб, уюрма ҳосил қилиб оқаётган ери. *Шошқин дарё тўлқини ўз гирдобига тортиб кетмоқчи бўлса ҳам, дарё тилини яхши билган тажрибали сапёр эшакни икки қўлида маҳкам ушлаган ҳолда.. сузиб борарди. А. Раҳмат, Эллик бир баҳодир. Днепр гирдоби паромни ҳар қанча комига тортса ҳам, фарқ қила олмади. Н. Сафаров, Оловли излар.*

2 кўчма Кишини ўз домига тортувчи шиддатли ҳодиса, ҳаракат, жараён. *Матпано ҳаёл гирдобиди укасини пайқамади. С. Сиёев. Аваз. Аброр кун бўйи ўз ташвишлари гирдобиди ўралашиб, эрталаб кўрган тушини унутиб юборганди. «Шарқ юлдузи».*

3 с.т. Гирдибод. Баъзи ерларда гирдоб гўзаларнинг бошини чирт-чирт узиб кетар, сўпатаиб уларнинг жонсиз танасигина қоларди. С. Абдуқаҳҳор, Инсоннинг қўли гул. *Қум тепалари устида гирдоб ўйнаб қолди. «Ўзбекистон кўриқлари». Бир вақтлар қор зарраларидан гирдоб ясаб, куча бўйлаб югурган изғиринлар ҳам тинди. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар.*

4 Айлана, атроф-теварақ, гирд. *Бодом қовоғи гирдобиди, ёноғи атрофида ва иягида пайдо бўлган.. тер худди инга тизилган марварид доналари сингари гўзал эди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.*

**ГИРДОГИРД** [ф. گرداگرد — атроф, атрофида] шв. Атрофида, айланасига; атроф, чет. *Иморатнинг ташқи кўриниши ҳам, ичи ҳам шоҳона: деразалар гирдогирд серҳашам. Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.*

**ГИРЁН** [ф. گريان — хўнграб, бўзлаб йиғлаётган] *поэт. Йиғлаётган, йиғловчи, йиғили. Кўзи гирён. ■ Лекин алам қилар: Бир*

*умр гирён Итлар орасидан Ўтса карвонинг. А. Орипов, Йиллар армони. Юрагимга осмон шавқи кирмади, Юлдузимни излаб гирёндир кўзим. М. Эгамбердиева, Гулбарг.*

**ДИЙДАИ ГИРЁН** Йиғловчи кўз. *Кўзда ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди, Дийдаи гирён бўлиб, бағрим эзилди. «Маликаи айёр».*

**ГИРЁНА:** *гирёна бўлмоқ поэт. Йиғламоқ, кўз ёши қилмоқ. Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим соғиниб, Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб. Ҳамза.*

**ГИРИБОН** [ф. گريبان — ёқа] Ёқа; бўғиз. *Умар полвон этиб бориб, додхоҳнинг гирибонидан тутиб, қулочкашлаб уриб, ерга ағдарди. К. Яшин, Ҳамза. Саидийнинг зардаси қайнади ва Ҳамиднинг гирибонидан тутиб, икки-уч силкиди. А. Қаҳҳор, Сароб. Саидбековнинг забардаст қўллари фашист офицерининг гирибонидан хитпа бўғиб олди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

**ГИРИФТОР** [ф. گرفتار — асир олинган; дучор бўлган] Дучор бўлиш, йўлиқиш. *Ёлғизларнинг иши зордир, Ғамдин ғамга гирифтормир. «Нурали». Мен бўлибман дучор бундай балога, Гирифторман энди ғамли савдога. «Баҳром ва Гуландом».*

**Гирифтор бўлмоқ** 1) учрамоқ, йўлиқмоқ, дучор бўлмоқ. *Ёмон дардга гирифтор бўлмоқ. Балога гирифтор бўлгур! (қарғ.) ■ Балога гирифтор бўлдим, отажон, Душманга хору зор бўлдим, отажон. «Равшан»; 2) мафтун бўлмоқ. Аввал-охир бўлдим сенга интизор, Сенинг жамолинга бўлиб гирифтор. «Алпомиш».*

**ГИРИШ** фольк. Ёйнинг ўқни қадаб отадиган ипи. *Қарамтадан ўн тўрт дона ўқ олди, Ёйнинг гиришига ўқини солди. «Муродхон». Шу ёйни ҳар кимса кўтариб турса, Гиришин тўғрилаб нишонга урса.. «Гўрўглининг туғилиши».*

**ГИРИХ** I [ф. گره — тугун, муаммо] 1 Боғлам, боғланган жой; тугун. *Ҳар сўнакнинг бандида юз минг гирих. Ф. Ғулом.*

2 эск. Қисик, қисилган (тиш, кўз ҳақида). *Эскадрон командири бандини ингичка хивич билан боғлай туриб, гирих тишлари орасидан жавоб берди. «Афсунгарлар туҳфаси». Дунг манглайда қизил кўзлар гирих. Ф. Ғулом, Кўкан.*

**ГИРИХ** II [ф. گره — тугун] Меъморчиликда ва бадийи ҳунармандчиликда кенг ишлатиладиган мураккаб нақш. *Шоҳизинда*

гирхларидида ўз қисматин кўради ҳаёт. М. Али. Гумбаздаги нур.

**ГИРРА:** **гирра қилмоқ** Бўйнини қўл билан айлангириб олиб сиқмоқ, бурамоқ. *Кўёв — директор юлқиниб келиб, бир қўлини Илашевнинг бўйнига гирра қилиб олди. А. Муҳиддин, Чап чўнтақ. Гирра қилиб, белини сиқиб, Йиқитганди Ёғоч полвонни. М. Али. Боқий дунё.*

**ГИРЯ** [ф. *گریه* — йиғи] **1** эск. қ. **йиғи 1.** *Бир бахтсиз севгининг битмас гиряси, Қалбингдан ўрлайди, бу не бедодлик. Зулфия, Куйлама ҳижронни.*

**2** Халқ куйларидан бирининг номи; ўзбек мумтоз мусиқасига мансуб икки қисмли ашула туркуми. *Найни ғамгин десалар, нуфлаймиз олазарак, «Гиря» куйин карнайда дунжимизни шишириб. А. Шер, Қадимги куй.*

**ГИСТОЛОГ** Гистология мутахассиси.

**ГИСТОЛОГИК** Гистологияга оид. *Гистологик тадқиқотлар.*

**ГИСТОЛОГИЯ** [юн. *histos* — тўқима + *logos* — тушунча, таълимот] Одам ва ҳайвонлар организми тўқималарини ўрганилган фан.

**ГИТАРА** [исп. *guitarra* < юн. *kithara* — уд; чертма мусиқа асбоби] Олти ёки етти торли, чертиб чалинадиган мусиқа асбоби. *Анна Ивановна девордаги гитарасини олиб, кечаси эшитган куйлардан биттасини чалмоқчи бўлди. Шухрат, Шинелли йиллар. У гитарани яхшигина чалар эди. «Ёшлик».*

**ГИТАРАЧИ** Гитара чалувчи.

**ГЛАДИАТОР** [лот. *gladiatores* < *gladius* — қилич, шамшир] Қадимги Римда: цирк майдонида ўзаро ёки йиртқич ҳайвонлар билан қуроли курашиш учун махсус ўргатилган ҳарбий асир, қўл ёки маҳкум жиноятчилар. У [Беттерж хоним], чиндан ҳам шлон одамни бўғаетганини пайқаб, қадимги юнон гладиаторларини эслади. Мирмуҳсин, Она.

**ГЛАДИОЛУС** [лот. *gladiolus* — кичик қилич] Йирик ранг-баранг гулли кўп йиллик ўтсимон ўсимлик; пиезгул.

**ГЛАУКОМА** [юн. *glaukoma* < *glaukos* — оч яшил] тиб. Кўз ичи босимининг кўтарилиши ва кўриш қобилиятининг пасайиши билан кечадиган кўз касаллиги. *Глаукома — кишилар орасида кўп учрайдиган энг оғир кўз касалликларидан бири. «Саодат».*

**ГЛИЦЕРИН** [юн. *glykeros* — ширин] Мол ёғидан ёки нефтдан олинадиган куюқ ши-

рин суюқлик (тиббиёт ва техникада қўлланади). [Нафисанинг] *Икки қўли ёрилиб, ҳадеб глицерин сургани ҳам фойда бермасди. Мирмуҳсин, Топталган хусн.*

**ГЛОБАЛ** [фр. *global* — умумий < лот. *globus* — шар] **1** Ер юзига оид, бутун Ер шарини қамраб олувчи. *Бироқ, бизнингча, дастурнинг глобал ғояси шундаки, у янги асрда республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида сезиларли сакраш бўлиши учун асосий омил бўлиши мумкин. Газетадан.*

**2** кўчма Умумбашарий, кенг миқёсдаги; жаҳоншумул, жаҳон аҳамиятига молик. *Глобал муаммолар. ■ Айтиши мумкинки, бу воқеа хавфли қуролланиш пойғасига туртки бериб, нафақат минтақавий, балки яна глобал оқибатларга олиб келиши мумкин. Газетадан.*

**ГЛОБАЛАШУВ** Жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши. *Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига глобаллашуви, биринчи томондан, иқтисодий муаммоларни жаҳон хўжалиги билан ҳамкорликда ечиш ва жаҳон хўжалигига бевосита чиқишга имконият яратса, иккинчи томондан, Ўзбекистон эшиклари бутун дунё учун очилади. Газетадан.*

**ГЛОБУС** [лот. *globus* — шар] Ер шари ёки осмон сферасининг тагликка ўрнатилган ва ўз ўқи агрофида айланадиган шарсимон модели. *Сочлари оқарган кекса, юпунроқ муаллима битта қиз бола билан пачоқ глобуснинг икки палласини елимлаётган экан. А. Мухтор, Кумуш тола.*

**ГЛОССАРИЙ** [лот. *glossarium* — эскирган, диалектал ёки кам қўлланадиган сўзлар луғати] Бирор қадимий асарда учрайдиган эскирган ва кам қўлланадиган сўзларнинг изоҳли луғати. *Айтиши мумкинки, асарнинг глоссарий қисми ўзига хос равишда ўзбекча-немисча луғат характерини олган. «ЎТА».*

**ГЛЮКОЗА** [юн. *glykys* — ширин] Ҳўл меваларда бўладиган, тиббиётда ва қандолатчиликда кенг қўлланадиган ширин модда, углевод; узум шакари. *Асал глюкоза, фруктоза, сахароза ва минерал моддалардан ташкил топади. «Фан ва турмуш».*

**ГЛЯЦИОЛОГ** Гляциология мутахассиси; музшунос. *Келгуси йилларда юз бериши*

мумкин бўлган қурғоқчилик маҳалида қишлоқ хўжалигига гляциолог мутахассислар ёрдамга келади. Газетадан.

**ГЛЯЦИОЛОГИЯ** [лот. glacies — муз + юн. logos — тушунча, таълимот] Музнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва хусусиятларини ўрганадиган фан.

**ГНОСЕОЛОГИК** Гносеологияга оид. Гносеологик қараш.

**ГНОСЕОЛОГИЯ** [юн. gnosis — билим + logos — таълимот] Билиш назарияси — илмий билишнинг манбалари, шакллари, методлари ва унинг тўғрилигини ўрганадиган фалсафий таълимот.

**ГО** с. т. Гоҳ. *Го ундай, го бундай.*

**ГОБЕЛЕН** [фр. gobelin < машҳур бўёқчи Гобелен(лар) номидан] Девор, дераза ва эшикларга осиладиган безакли, юқори бадий қимматга эга бўлган, қўлда ишланган гилам ёки газлама.

**ГОБОЙ** [фр. hautbois — баланд дарахт] Ёғочдан ишланган сурнайсимон мусика асбоби. *Увертюранинг бошидаги қувончли куй унинг ҳозирги бахтиёр дамларига ҳам оҳанг эди.. гобойларнинг ноласи унинг хаёлини бундан бир неча соат олдин отаси билан ўтказган азобли дамларга олиб кетди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ГОВ** [ф. گاو — буқа, ҳўкиз; сигир] 1 Катта, улкан. *Гов сигир.* ■ *Каллалари худди гов саватдай, Тиши сўйлоқ, хўп қопгир (қопонгич) бойтеватдай.* «Гулнорпари». *Гов ёстиқдай зил халтани кўтариб [онам] келди.* Ҳ. Назир, Муҳаббат.

2 Сигирга, молга нисбатли ҳақорат; «мол». -*Уҳ, бу говнинг қилаётган найранги! — деди-да, Абдурасул тоқчага суяб қўйилган қўшотарни қўлига олди.* П. Турсун, Ҳўқитувчи.

**Гов каптар** Ёввойи каптарнинг бир тури. **Гов печак** Печакнинг бир тури; чирмовуқ.

**ГОВВОС** [ф. گوزن — оҳу, шоҳдор кийик; буғу] шв. Катта сигир. *Филнинг сутин бердим ман, Фил жасадли бўлсин деб, Говвос сутин бердим ман, Умри узун бўлсин деб.* «Хушкелди». [Подачи:] *Бу говвос сигир, сутин ширин бўлмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

**ГОВГУН** [ф. گاوگم — сигир йўқолди] шв. Гира-шира, қош қорайган пайт. *Рустам айтди: эрта-мертан жўнаб қолсам, говгуен ётарларда келиб қоларман.* «Муродхон».

**ГОВМИЖЖА** [ф. گمژه < гул + мижжа — киприк] Кўз атрофида ҳосил бўладиган йирингли чиқик. *Кўзига говмижжа чиқибди.*

**ГОВМИШ** [ф. گاو ميش — йирик шохли хайвон; ҳўкиз] Зотли, серсут сигир. *Саккиз сигир асрагунча, Бир говмиш асра.* Мақол. ■ *Ола говмиш подага қўшилмайди, бирдай уйда ётади.* Т. Мурод, Қўшиқ. *Айниқса ола говмишига жоним ачиди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ГОВРОН** [ф. گاوران — сигир ҳайдовчи] 1 Мол, қўй ва б. хайвонларни ҳайдаш учун ишлатиладиган узун йўлон таёқ. *Кекса подачи шўхлик қилган молларни говрон билан савалаб кетмоқда.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Калтак билан одам бўладиган бўлсанг, говрон билан урардим.* С. Аҳмад, Уфқ.

2 Ҳар қандай таёқ, хивич. *Боғбон узумзордаги болаларни говрон билан қува кетди.*

**ГОЖ** [ф. گچ — эгри, эгилган; нотўғри] Ўжар, қайсар. [Низомжоннинг] *Акаси Аъзамжон гожроқ эди. У дадасининг гапига хўп дерди-ю, кейин ўзи билганча иш тутиб кетаверарди.* С. Аҳмад, Уфқ. -*Ҳай-ҳай! — деди Насриддин полвон, — Оғайнилар, гож бўлманг жуда!* М. Али, Боқий дунё.

**ГОЖЛИК** Ўжарлик, қайсарлик. *Ҳеч ким легионга хоҳиш билдирмай турган шундай нозик бир пайтда “ўзимники тўғри” деб гожлик қилишни ўринсиз билган Али Наимхон бир исқирт асирнинг гувоҳлигига ишониб қўя қолишни ҳам истамас эди.* Шухрат, Олтин зангламас.

**ГОЛ** [ингл. goal — мўлжал, нишон] Футбол, хоккей каби ўйинларда қарши команда дарвозасига киритилган тўп. *Гол урмоқ.* ■ *Футбол бошланди. Бошида ҳаммаси жойида эди. Ўн беш минутлар ўтгач, меҳмонлар чиройли гол уриб, олдинга чиқиб олишди.* Газетадан.

**ГОЛКИПЕР** [ингл. goal-keeper] Футбол, хоккей каби ўйинлардаги дарвозабон.

**ГОЛЛАНД** 1 Голландия (Нидерландия)нинг туб (асосий) аҳолисини ташкил этувчи халқ (миллат) нинг номи. қ. **голландлар.**

2 Шу халққа (миллатга) мансуб, тегишли, оид. *Голланд тили.* ■ *Қиш эрта тушганлигидан ноябрнинг бошлариданоқ раис кабинетидаги катта қора голланд печига ўтин қалашарди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

**ГОЛЛАНДЛАР** Голландия (Нидерландия)нинг асосий аҳолисини ташкил этган халқ. *Ўз вақтида голландлар табиатга оқи-*

лона яратувчилик муносабатида бўлишдан иборат ўз миллий моделларини амалга ошириб, денгиздан серҳосил ерларни ажратиб олдлар. Газетадан.

**ГОЛОГРАФИК** Буюмларнинг фазовий тасвирини кўрсатувчи. *Кема каютасидаги голографик телевизорда барча манзаралар, воқеалар ҳажми, ранги, реал уфқи билан ростакамдай кўринарди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб.

**ГОЛОГРАФИЯ** [юн. holos – тўлиқ, буткул + grapho – ёзаман] Турли тўлқинларнинг ўзгарувчан ҳаракатидан фойдаланиб, буюмларнинг фазовий тасвирини олиш усули.

**ГОЛЬФ** [ингл. golf] Тўп ва чавгонлар билан очиқ майдонда ўйналадиган спорт тури. *Тошкентда гольф клуби очилди.*

**ГОММОЗ** [лот. gummi < юн. kommidion – дарахт шираси] Дарахт ва бир қатор ўсимликларда учрайдиган, чўзилувчан, оқ ёки тўқ сариқ рангли ёпишқоқ модда ажралиши билан кечадиган бактериал касаллик. *Ўзада гоммоз касаллиги асосан чигитни дориламаслик орқасида пайдо бўлади.* Газетадан.

**ГОМОГЕН** [юн. homogenes – бир жинсли] Туркиби жиҳатдан бир хил, бир жинсли.

**ГОМОСЕКСУАЛИЗМ** [юн. homos – тенг, бир хил + лот. sexualis – жинсий] Ўз жинсидаги шахсларга нисбатан жинсий майл кўрсатиш.

**ГОНГ** [индонез.] 1 Доиравий лаппак металлдан иборат, махсус таёқ билан уриб чалинадиган мусиқа асбоби.

2 *спорт.* Спорт мусобақасини бошлаш ҳақида сигнал берувчи асбоб. *Гонг чалиниши билан боксчилар курашини бошладилар.*

**ГОНДОЛА** [итал. gondola] авиа. Аэростат ёки дирижаблга осиб қўйиладиган, кишилар турадиган ва анжомлар жойлаштириладиган саватсимон мослама; бўлма.

**ГОНИОМЕТР** [юн. gonia – бурчак + metro – ўлчайман] Қаттиқ жисмларнинг ясси ёқлари орасидаги икки ёқли бурчакларни ўлчайдиган асбоб.

**ГОНОРАР** [юн. honorarium – хизмат ҳақи, мукофот] Ўзвучилар, рассомлар, олимлар ва ш. к. га шартнома бўйича бажарилган иши учун тўланадиган пул; қалам ҳақи. *Гонорар олмоқ. Муаллифлик гонорари.*

**ГОРЕЛЬЕФ** [фр. haut-relief – баланд рельеф] Тасвирнинг ярмидан кўпроғи те-

кислик сатҳидан бўрттириб ишланадиган ҳайкалтарошлик тури. *Бинопарга битиладиган ёдгорликлар, барельеф ва горельеф кишиларда тасвирий санъатга, ҳайкалтарошликка ҳам қизиқиши, муҳаббат уйғотиб боради.* «Санъат».

**ГОРЕЛКА** [р. гореть – ёнмоқ] Суюқ ёқилги ёки газни маълум мақсадда ёқиш учун мўлжалланган мослама. *Газ горелкаси.*

**ГОРИЗОНТ** [юн. horizon, horizontos – чегараловчи] Осмоннинг ер ёки сув сатҳи билан гўё қўшилгандек бўлиб кўринадиган ердаги чизиги; уфқ.

**ГОРИЗОНТАЛ** Уфқ чизигига параллел йўналган, тик чизиққа перпендикуляр бўлган. *Горизонтал чизиқ. Икки қатор горизонтал шпинделли пахта териш машинаси. Мирзачўлда мелиорация ишлари ҳам яхши уюштирилган, усти ёпиқ вертикал ва горизонтал зовурлар қуриш муваффақиятли ўзлаштирилган.* Газетадан.

**ГОРИЗОНТАЛЬ 1** Уфқ чизигига параллел тўғри чизиқ; тик чизиққа перпендикуляр чизиқ.

2 *геод.* Топографик хариталарда муайян жойнинг рельефини, тепалик ва чуқурликларни тасвирлайдиган чизиқлар.

**ГОРИЛЛА** [ингл. gorilla] Фарбий Африкада яшовчи йирик, кучли, одамсимон маймун. *Ҳозирги вақтда яшаётган маймунлар орасида одамсимон маймунларнинг тўрт тури, яъни горилла.. ва гиббонлар мавжуд.* «Фан ва турмуш».

**ГОРМОН** [юн. hormao – ҳаракатга келтираман, кўзгагаман] физиол. Ички секреция безларидан ажралиб чиқиб, қонга қўйиладиган модда. *Организмда оқсил этишмаси, гормонлар ҳам кам ишлаб чиқарилади.* Ф. Маҳкамов, Саломатлик гарови.

**ГОРН** [нем. Horn – мугуз, шох] Мисдан ясалган ва хабар қилиш (бериш) ёки чақиритиш учун мўлжалланган пуфлама мусиқа асбоби. *Садо бердик горндан, Офтоб турди ўрундан.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Булоқҳовуздан усти-устига янграган горн овози боғлар, далаларда уйнаб юрган болаларни ўз томониغا чорлади.* Ҳ. Назир, Сўнамас чақмоқлар.

**ГОРНЧИ** Горн чалувчи.

**ГОРОДКИ** [р. городок – шаҳарча, қўргонча] *спорт.* 1 Тўртбурчак ичига маълум шаклда тизиб қўйилган гўлачаларни таёқ

билан уриб, чегарадан чиқариш ўйини. *Городки ўйнамоқ.*

**2** Шу ўйин учун белгиланган гўлачалар, чиллаклар.

**ГОРОДОВОЙ** [р. город — шаҳар] *тар.* Чор Россиясида: шаҳар полицияси ходимларининг энг қуйи унвони ва шу унвонга эга бўлган киши; миршаб. *Қиличи отнинг белидан настга тушиб кетган бир городской қамчи ўнатиб, оломоннинг орасини ёриб, қаландарларга йўл бўшаттирмоқда.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ГОРОСКОП** [юн. horoskopos — вақтни кузатувчи] Муайян вақт (одам тугилган, байрам, воқеа-ҳодиса рўй берган вақт) учун сайёралар ва юлдузларнинг бир-бирига нисбатан эгаллаган вазиятларини ифодаловчи, гўё кишиларнинг тақдирини, воқеаларнинг ривожини белгилаб берувчи шартли жадвал.

**ГОРЧИЦА** [р. горчить — аччиқ бўлмоқ] қ. **хантал.** *Эмизикли оналар оёғига горчицали ванна яхши ёрдам беради.* Газетадан.

**ГОРЧИЧНИК** [р.] Ханталли қоғоз, горчица суркалган қоғоз (шамоллаганда баданга махсус усулда ёпиштирилади). *...газетада шу сарлавҳа остида босилган материалда шаҳар аптекаларида горчичник йўқлиги кўрсатилган эди.* Газетадан. *Агар горчичник ёш болаларга қўйиладиган бўлса, 2-3 ҳисса кўпроқ ун қўшилади.* «Фан ва турмуш».

**ГОСПИТАЛЬ** [лот. hospitalis — меҳмондўст] Одатда ҳарбийлар ётиб даволанадиган касалхона. *Уни Тошкентга олиб келиб, вокзал яқинидаги госпиталга ётқиздилар.* Ҳ. Фулом. Замин юлдузлари. *Жанг давом этаверди. Суриштиришга фурсат бўлмади. Сўнг ўзим ярадор бўлиб, госпиталда ётдим.* Ойдин, Сухбати жонон.

**ГОТИК** Готикага оид; готика услубидаги. *Икки ёғи баланд-наст готик бинолар билан ўралган кўча.* С. Азимов, Оппоқ тонг кўшиғи.

**ГОТИКА** [фр. gothique < герман қабилаларидан бири — гот номидан] Ўрта аср охирларида Европада кенг тарқалган меъморлик услуби.

**ГОҲ** [ф. ʁḡ — жой] *айр. боғл.* Уюшиқ бўлакларни ёки икки содда гапни айириб боғлаш учун хизмат қилади (бунда у такрорланиб, галма-галликни, воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал рўй беришини ифодалайди). *Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди. Гоҳ мен*

*борар эдим, гоҳ у келар эди.* ■ *Гоҳ соғ, гоҳ касал онанинг тақдири Комилани ташвишга солади.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Икки кундан бери гоҳ севалаб, гоҳ шуддат билан ёғаётган ёмғир ҳамма ёқни ивтиб юборди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ГОҲ-ГОҲ** *рвш.* Баъзи-баъзида, ахён-ахёнда, баъзан. *Нурининг қайнанаси гоҳ-гоҳ келиб, Гулнорга боқишар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГОҲИ(ДА)** *рвш.* Баъзида, баъзан. *Гоҳи маҳаллар Барот полвон нафасини ўнглаб олиш учун пича ўтириб дам олса, Фуломжон нафас унглашга кетадиган вақтини ҳам аяйди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. ■ *Бир гапга ўнта гап тўғрилаб туради. Буларга гап тушунтиролма, гоҳида куйиб кетаман, отам, — деди [Ойимхон].* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГОҲО** қ. **гоҳи(да).** -*Гоҳо бирпас эшикка чиқаман, — жавоб берди соқолини тутамлаб чол.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Гоҳо бу ерда йиғилишлар ҳам, мажлислар ҳам бўлиб туради.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГРАВИТАЦИЯ** [лот. gravitas — оғирлик] Бутун олам тортишиш кучи: барча турдаги физик моддалар (оддий моддалар, ҳар қандай физик майдонлар) ўртасидаги универсал ўзаро таъсир бўлиб, ушбу ўзаро таъсир катта-кичиклиги, жисмларнинг тез ёки секин ҳаракатланишига қараб бутун олам тортишиш қонунини ёки умумий нисбийлик назарияси билан изоҳланади. *Ҳозирги замон биология ва медицина илмлари бугунги кунда гравитациясиз ҳаёт ёки узоқ вазнсизлик ҳолати нимадан иборат, деган саволга жавоб излашмоқда.* «Фан ва турмуш».

**ГРАВЮРА** [фр. gravure] **1** **Металл,** ёғоч, ойна ва ш. к. қаттиқ материаллар юзига тасвир ишлаш санъати.

**2** Шундай усулда ишланган нақш, сурат ва унинг қоғозга кўчириб босилган нусхаси.

**ГРАДАЦИЯ** [лот. gradatio — аста-секин баландлиги, кучайтириш < gradus — даража, босқич] *ад.* Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмунини) кучайтириб боришдан иборат услубий восита.

**ГРАДУС** [лот. gradus — даража, босқич] **1** Айлананинг 360 дан бир бўлагига тенг бурчак ёки ёй ўлчов бирлиги.

**2** Температура ўлчов бирлиги; даража. *Ўттиз беш градус иссиқ.* ■ *Тошкентдан келган лектор «Ойда ҳаёт борми?» деган*

мавзуда лекция ўқиб: «Ойда кечаси юз градус совуқ, кундузи юз градус иссиқ бўлади», — деганди. С. Аҳмад, Уфқ.

3 Сууюқликнинг зичлигини, шунингдек, эритма ёки спирт кучини ўлчаш бирлиги.

**ГРАДУСНИК** с. т. Термометр, ҳарорат ўлчагич.

**ГРАЖДАН(И)Н** [р. гражданин — шаҳарлик] қ. **фуқаро**. *Чанг ва шовқин орасида аста судралган ҳорғин гражданин аҳоли: аёллар, болалар, чоллар ҳам кўп эди. Ойбек, Қуёш қораймас. Ҳар халқнинг ўз тили, маданияти, Ҳар бир гражданиннинг меҳнати шараф. Ф. Фулом. Ҳа, Ойбек улкан сўз санъаткоригина эмас, фаол гражданин, меҳрибон устоз ҳам эди.* Газетадан.

**Гражданинлар уруши** Бир давлатнинг ўз ичидаги қуроли тўқнашув. **Гражданин авиацияси** Фуқароларга хизмат қиладиган авиация.

**ГРАЖДАНЛИК** қ. **фуқаролик**. *Қаҳрамондаги, қолаверса, кишидаги гражданинлик туйғусини бир хил мезон билан ўлчаб бўлмайди. У. Норматов, Талант тарбияси.*

**ГРАММ** [юн. gramma — кичик оғирлик ўлчови] Метрик системада: бир куб сантиметр кимёвий тоза сувнинг вазнига (килограммнинг мингдан бир улushiга) тенг оғирлик ўлчов бирлиги. — *Бир грамм қолдирмай топшириб турибмиз, — деди бидирлаб Баёнқул ака. С. Сиеёв, Ёруғлик.*

**ГРАММАТИК** Грамматикага оид. *Грамматик тахлил. Тилнинг грамматик қурилиши. ■ Таркибли сўзлар айрим грамматик адабиётларда ё қўшма сўз, ё сўз бирикмаларига киритилади. «ЎТА».*

**ГРАММАТИКА** [юн. grammátiké — ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати < gramma — ёзув, ҳарф, чизик] **1** Тилшуносликнинг сўз шакллари, сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари ҳақидаги бўлими. *Қиёсий грамматика. Тарихий грамматика.*

**2** Сўз шакллари, уларнинг сўз бирикмаси ва гапда ўзаро боғланиши ҳақидаги қоидалар ва шу қоидалар баён этилган ўқув китоби, дарслик. *Мактаб грамматикаси. Ўзбек тили грамматикаси. ■ Ўзбек тили грамматикасига оид ишларда баъзи сўз формалари «модал форма» ёки «субъектив баҳо формаси» номи билан.. таърифланиб келинмоқда. «ЎТА».*

**ГРАММАТИКАЛАШИШ** тлш. Сўзнинг мустақил луғавий маъносини йўқотиб,

ёрдамчи вазифада қўлланишга ўтиши, ёрдамчи сўзга айланиши. *Кўмакчи феълларда эса лексик маъно деярли унутилган бўлади, кўмакчи феъллар грамматикалашиш ҳодисасига учраб, етакчи феълларни грамматик жиҳатдан шакллантириш функцияси билан чегараланади. «ЎТА».*

**ГРАММОФОН** [юн. gramma — ёзув + phone — товуш] Махсус пластинкага ёзиб олинган куй, нутқ ва ш. к. ни қайта эшиттирадиган, карнайли мусиқа аппарати. — *Граммфон деган буюмни кўрганмисан ё эшитганмисан? — кулиб сўради Ёрмат. Ойбек, Танланган асарлар. Нонвойхонаниннг томига чиқиб олган бир йигит граммфон карнайини оғзига қўйиб қичқиради. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ГРАМПЛАСТИНКА, граммфон пластинкаси** қ. **пластинка 2**. *Тошкентда яқинда граммпластинкалар учун овоз ёзиб оладиган студия очилган эди. Газетадан.*

**ГРАНАТА** [итал. granata < лот. granatus — донатор] **1** Портловчи модда тўлдирилган артиллерия снаряди. *У совуққонлик билан қулоч ёйиб, граната отди — танкнинг башнясида портлади. Ойбек, Қуёш қораймас. Бронтешарлар нишонга олиб, энди ўқ узмоқчи бўлган пайтда, танк остида бирин-кетин учта граната портлади. А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.*

**2** спорт. Енгил атлетикада: ирғитиш учун ишлатиладиган гранатасимон спорт анжومي. *Граната отиш мусобақаси.*

**ГРАНАТОМЁТ** [итал. granata + р. метать — отмоқ] Граната отадиган қурол. *Гранатомёт ўқи бошловчи КамАЗ прицепидаги ёнилғи бақини учуриб юборди. Газетадан.*

**ГРАНАТОМЁТЧИ** Гранатомётдан ўт очувчи, шунингдек, қўл гранаталарини ирғитишга уста жангчи.

**ГРАНИТ** [итал. granito < лот. granum — дон, дона] Таркиби кварц, дала шпати ва слюдадан иборат, донатор қаттиқ тоғ жинси; қимматли қурилиш материалли. *Қизил гранит. Гранит постамент. ■ Тўлқинлар гоҳ қуёш нурларини гранит қирғоқлар сайқалига туширар ва гўё тошни ҳам ёндирар, гоҳ гранит қирғоқлар сайқалини ўзида акс эттириб жилваланади. П. Қодиров, Уч илдиш. У [олтин] сланецлар, қумтошлар, гранитлар ичида учрайди. С. Кароматов, Олтин қум.*

**ГРАНКА** [р.] полигр. **1** Босмахонада терилиб, ҳали саҳифаланмаган матнлар

устуни ва унинг хатоларни тузатиш учун қоғозга туширилган нусхаси. *Каримий бошини бир қимирлатиб қўйди-да, гранкани тузатишда давом этди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

2 Терилган матнни саҳифалашга қадар сақлаб қўйиш учун ишлатиладиган рамка, тахтакач. *Гранка сочилиб кетди.*

**ГРАН-ПРИ** [фр. Grand Prix — катта, бош мукофот] Турли хил мусобақаларда, танловларда ғолибга бериладиган олий мукофот. *Бу ерда [Японияда] ўтказилган болалар тасвирий санъати асарлари ўн тўртинчи халқаро танловида Ўзбекистон Бадиий академияси тасвирий ва амалий санъат республика лицей-интернатининг 6-синф ўқувчиси Мадина Толипова Гран-при соҳиби бўлди.* Газетадан.

**ГРАНТ** [ингл. grant — ҳая; кўмак, ёрдам; стипендия] Бирор илмий талқикот, тажриба-конструкторлик ишларини бажариш учун ёки бошқа мақсадларда айрим шахслар, жамоалар, ташкилотларга бериладиган мақсадли ўрин ёки пул маблағи. «Умид» грантини қўлга киритмоқ. ■ «Умид» гранти билан ўқиётган ўзбекистонлик ёшларга эса ойига 1000 доллар атрофида стипендия тўлашади. Газетадан.

**ГРАФ** [нем. Graf] Ғарбий Европада ва чор Россиясида олий табақали дворянларнинг княздан қуйи, барондан юқори унвони ва шу унвонга эга бўлган шахс. *Яхшибоев, қайдан ўргандинг киборликни, нақ граф бўлиб кет-е. Либосни келтиринг, уловни ҳозирланг, машварат жам бўлсин.* М.М.Дўст, Лолазор.

**ГРАФА** [юн. graphē — чизиқ] 1 Жадвалларда тик чизиқлар орасидаги, турли маълумотлар ёзиладиган устун, оралик. *Жадвалнинг биринчи графаси.*

2 Матн, қонун ва ш. к. нинг бир банди, бўлими.

**ГРАФИК** 1 [юн. graphikos — чизилган] 1 Турли нарса ва ҳодисаларнинг миқдорий боғланишларини чизиқлар, чизмалар воситасида тасвирлаш ва шундай тасвир (чизма)нинг ўзи. *Атмосфера босими ўзгаришини кўрсатувчи график.*

2 Бирор бир ишнинг ҳажми, бажарилиш муддатлари аниқ белгилаб тузилган режа. *Кунлик экиш графиги 45-50 процентгина бажарилмоқда.* Газетадан. *Хўжалигимизда етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли*

*териб олиш учун тигиз график тузилди.* Газетадан. *Ҳайдовчи қиз графикка тушиб олиш учун шошилмоқда эди.* П. Қолиров, Эрк.

**ҲАРАКАТ ГРАФИГИ** Транспорт воситалари ҳаракатини вақт билан боғлаб тузиладиган жадвал.

**ГРАФИК** II Графика соҳасида ижод қилувчи рассом. *Мазкур декадага Озарбайжон рассомлари, ҳайкалтарошлари, графиклари, тасвирий ва амалий санъат арбоблари ўзларининг 800 га яқин асарларини тақдим этдилар.* «Шарқ юлдузи».

**ГРАФИК** III Графикага оид. *График тасвир.*

**ГРАФИКА** [юн. graphikos — чизилган] 1 Бўёқ ишлатмасдан, чизиқ ва штрихлар воситаси билангина нарсаларни тасвирлаш санъати; шу усулда ишланган расм, тасвир. *...ҳайкалтарошлик, графика ва амалий санъат асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.* Газетадан.

2 тлш. Нутқ товушларини ёзувда ифодаловчи белгилар (ҳарфлар) тизими; ёзув ва алифбо ҳарфларини, товуш ва ҳарф муносабатларини ўрганувчи тилшунослик соҳаси. *Араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзуви-га киритилган бу ислоҳ ўша вақтда ўзбек маданиятидаги зўр тарихий силжиш эди.* «ЎТА».

**ГРАФИН** [итал. saraffina] Сув, вино ва ш. к. солиб қўйиладиган, бўғзи тор идиш. *Рухсат теккач, Мақсуд Солиев қабулхонага чиқиб, графиндаги сувдан қуйиб ичди.* «Ёшлик».

**ГРАФИНИЯ** Графнинг хотини ёки қизи.

**ГРАФИТ** [юн. grapho — ёзаман] 1 Соф углероднинг бир тури, тўқ кулранг ёки қора тусли минерал (қалам ва ўтга чидамли буюмлар ясаш учун ишлатилади). *Табиатда учрайдиган графит ва кўмирни таркибан олмос деб аташ мумкин.* «Фан ва турмуш».

2 Қаламнинг шу минералдан ясалган ёзадиган қисми. *Графит — тошқалам бўлиб, у қоғоз варағи ёки тахтага салгина тегса ҳам, из қолдиради.* «Фан ва турмуш».

**ГРАФЛИК** 1 Граф унвонига эга бўлишлик; граф мақомида туришлик.

2 Ўрта асрларда Ғарбий Европада граф бошқарган меросий феодал мулк.

3 Англия, Ирландия, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа баъзи давлатларда: йирик маъмурий-худудий бирлик.

**ГРАФОЛОГ** Графология мутахассиси.

**ГРАФОЛОГИЯ** [юн. *grapho* — ёзаман + *logos* — таълимот] Дастхатларни, улар воситасида эса ёзган кишининг хислатлари ва руҳий ҳолатини ўрганадиган фан.

**ГРЕЙДЕР** [ингл. *grader* < *grade* — те-кисламоқ] Йўл қурилишида йўлни очиш, созлаш, текислаш учун ишлатиладиган машина. *Грейдерларга цистерналар ўрнатилиб, йўллар сув билан шиббалинди.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Бульдозер ва грейдерлар билан паст-баланд участкалар яхшилаб текисланади.* Газетадан.

**ГРЕК 1** Греция мамлакатига мансуб туб халқнинг (миллатнинг) номи.

**2** Шу халққа мансуб, тегишли. *Грек тили.*

**ГРЕКЛАР** Грециянинг асосий (туб) аҳолиси, грек халқи.

**ГРЕЛКА** [р. *греть* — иситмоқ, қизитмоқ] Баданнинг бирон оғриган қисмига қўйиладиган, одатда резинадан қилинадиган сунъий иситиш мосламаси. *Электр грелка. Резина грелка. Грелка қўймоқ.* ■ *Иноғомжон қизлардан грелка, атир олиб чиқиб беришларини сўради.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. [Врач] *Музлаб қолаётган боланинг оёқ-қўлларига грелка қўйишни маслаҳат берди.* Газетадан.

**ГРЕЧИХА** [р.] Бир нав ғалла ўсимлиги ва унинг донидан тайёрланган крупа. *Гречиха экмoқ. Гречихадан тайёрланган овқат.* ■ *Гречиха қимматли экин бўлиб, таркибида асал моддаси кўплиги билан муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эгадир.* Газетадан.

**ГРИВНА** [р. *гривна* — бўйинга тақиладиган олтин ёки кумуш медаль] **1 тар.** Қадимги Русда 409 г га тенг кумуш ёмбидан иборат асосий пул ва оғирлик бирлиги; кейинчалик 10 тийинга тенг пул бирлиги.

**2** Украинада: асосий пул бирлиги.

**ГРИМ** [фр. *grimer* — юзни бўямоқ] **1** Махсус бўёқлар, ясама соч, соқол ва ш. к. ёрдамида актёр қиёфасини ўзгартириш санъати. *Грим қилмоқ.* ■ *Томоша бошланишига ҳали ўн тўрт минут бор.* *Артистлар грим қилиб бўлишган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Спектаклнинг бошланишига ҳали анчагина вақт борлигига қарамай, у [Обид Жалилов] грим қилишига ўтириб, Мажиддин қиёфасига кира бошлади.* Ф. Жўраев, Обид Жалилов.

**2** Актёрни муайян қиёфада кўрсатиш учун ишлатиладиган махсус бўёқ, ясама

соч, соқол ва ш. к. *Гримда ўйнамоқ. Гримни артиб ташламоқ.* ■ *Ҳамза қўйган спектаклларида сахна жиҳозларица, артистларнинг кийим-кечак ва гримларига жуда катта эътибор берган.* Газетадан.

**ГРИМХОНА** Актёрлар грим қил(ин)адиган махсус хона. *Ҳақназар гримхонада тошойнага қараб грим қилмоқда эди.* И. Раҳим, Ихлос.

**ГРИМЧИ** Грим қилувчи мутахассис. *Гримчи рассом.* ■ *Премьера. Бугун ҳамма: режиссёрдан тортиб раққосагача, гримчидан тортиб монтергача ҳаяжонда.* «Ёшлик».

**ГРИПП** [фр. *grippe*] Нафас йўлининг яллиғланиши ва ҳароратнинг кўтарилиши билан характерланадиган юқумли касаллик. *Грипп касофат ёмон ёпишиди, беш-олти кун ваража қилди.* М.М.Дўст, Лолазор.

**ГРИФ 1** [юн. *gryphus, gryps*] **1** Антик мифологияда: бургут қанотли ва бургут бошли шер; афсонавий махлуқ.

**2 айн. тасқара 1.**

**ГРИФ II** [фр. *griffe*] Бирор кимса имзоси, ташкилот, муассаса ва ш. к. номи чекилган муҳр, штемпель ва уларнинг ҳужжат устига босилган нусхаси. «Фан» *нашриётининг грифи.*

**ГРИФЕЛЬ айн. графит 2.**

**ГРИФОН** [фр. *griffon* < юн. *gryphus*] **1** **айн. гриф 1.**

**2 тех.** Бурғу қудуғи трубасти остидан тўсатдан отилиб чиқадиган суюқ ёки газ-симон модда. У [Дадашев] *ёнғин грифонларнинг юзага отилиб чиқишидан ва газ фонтанининг қуёш нурларига дуч келишидан юз берганини исботлади.* И. Раҳим, Тақдир.

**ГРОССМЕЙСТЕР** [нем. *Großmeister* — катта уста] Шахмат ва шашка усталарига бериладиган энг олий унвон ва шу унвонга эга бўлган шахматчи ёки шашкачи. *Шахмат тахтини яна бир забардаст рус гроссмейстери банд этди.* Газетадан.

**ГРОТЕСК** [фр. *grotesque* — ғалати; кулгили] *ад.* Воқеа ва ҳодисаларни атайлаб кучайтириш ёки кичрайтиришдан, кулгили тарзда бузиб кўрсатишдан иборат бадиий усул. *Сатирик (ёзувчи) бу ерда гротеск, муболаға каби сатирага хос хусусиятлардан керагича, унумли фойдаланиши мумкин.* «ЎТА».

**ГРУЗИН 1** Грузия мамлакатига мансуб туб халқнинг, миллатнинг номи.

**2** Шу халққа мансуб, тегишли. *Грузин тили. Грузин аёл.* ■ *Улар эшикни тақилла-*



тишган эди, ўрта бўйли, ёшигина грузин хотин келиб очди. Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ГРУЗИНЛАР** Грузиянинг асосий (туб) аҳолиси, грузин халқи.

**ГРУЗИНЧА 1** Грузин алифбоси, адабиёти, маданиятига оид. *Грузинча рақс.* ■ *Курткани елкага ташладим, дўнгалак грузинча шапкани бошга кўндирдим.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Грузин тили. *Сиз грузинча(ни) биласизми? Грузинча гапирмоқ.*

**ГРУЗОВИК** [р. груз – юк] Юк машинаси, юк ташийдиган машина. *Саодатхон грузовикдан уйига қонда бугдой.. тушираётган жувон билан саломлашар экан, кулиб ҳазиллашди.* С. Зуннунова, Янги директор.

**ГРУНТ** [нем. Grund – замин, тупроқ] Тупроқ ва тоғ жинслари аралашган қатламнинг умумий номи.

**ГРУНТШУНОСЛИК** Тупроқ ва тоғ жинсларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ўрганадиган соҳа.

**ГРУППА** [нем. Gruppe – тўда, тўп; бўлинма] қ. **гурӯҳ**. *Батальон миномётчилари икки группага бўлиниб, шимолий ва жанубий қанотларга ташланди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Группанинг ҳамма студентлари Абдухалилни софдиллиги, меҳнаткашлиги учун севишарди.* У. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**ГРУППАБОЗ** қ. **гурӯҳбоз**.

**ГРУППАБОЗЛИК** қ. **гурӯҳбозлик**. *Шу гапларни Сафарқулга айтсанг бўлмайдимиз? Биз гапирсак, «группабозлик қилманлар, колхозни бузасизлар», деб сўкадилар.* С. Айний, Қуллар.

**ГУАШЬ** [фр. gouache < итал. guazzo – сувли бўёқ] 1 Оқбўёқ (белила), кукун, сувелим аралашмасидан иборат бўёқ. *Гуашь билан расм солмоқ.*

2 Шундай бўёқ билан ишланган тасвирий санъат асари.

**ГУБЕР** с.т. қ. **губернатор 1**. *Шундан учтўрт ой бурун «Ултармада ғулу чиқди, шаҳардан солдат келиб, анча одамни ҳайдаб кетди, буларни губернинг ўзи сўроқ қилар эмиш» деган гап тарқалган эди.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**ГУБЕРНА**, губерния Чор Россиясида, шунингдек, 1929–30 йилларгача СССРда: асосий маъмурий-ҳудудий бирлик.

**ГУБЕРНАТОР** [лот. gubernator – ҳукмдор, бошлиқ] 1 Россияда 1917 йилга қадар

губернада олий ҳукумат амалдори; губерна бошлиғи, ҳокими. *У анил-тапил энгига янги формасини кийди-да, телеграммани олганча, губернатор ҳузурига чопди.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Ҳозирги бир қатор федератив давлатларда (Россия Федерацияси, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва б.) сайлаб қўйиладиган олий маъмурий шахс; вилоят, штат, графлик маъмуриятининг бошлиғи.

3 Йирик ҳудудий бирликлар ёки колонияларда марказий ҳокимият томонидан тайинланадиган маъмурият бошлиғи.

**ГУВ** тақл. с. Шиддатли ҳаракат, ёниш натижасида чиқадиган бўғиқ товуш. *Костюм яна битмабди. Аввалига шу жумлани эшитиб, куруқ ўтиндай гув этиб ёниб кетдим.* С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема. *Ҳамма гув этиб кулиб юборди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Хирмонни ўраб олган оломон бирдан гув этиб шов-шув кўтарди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**ГУВАЛА** Лойдан қўлда ясалиб, офтобда куритилган, таги ясси чўзинчоқ қурилиш материали. *Гувала қилмоқ (қўймоқ).* *Гувала девор.* ■ *Қишлоқдаги пахса деворли кўрғончалар бой, бадавлат одамларники бўлиб, гуваладан қурилган пастак уйлар камбағал-қашшоқларнинг бошпаналари эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Тоққа қаратиб солинган уй пешайвонига гувала тахлаб қўйилган эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**Гувала бош** 1) гувалага ўхшаш чўзинчоқ бош; 2) дағл. аҳмоқ, нодон. *Ватан хоиница ҳомийлик қилиб, ёлғон гапирганими? Эҳ, гувала бош.* С. Кароматов, Сўнгни бархан.

**ГУВАЛАК** шв. Гувала. *Унинг [Анзират холанинг] ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак девор билан ўралган.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Гувалак уй, бостирма айвон Шундоқ кўча бўйида эрди.* М. Али, Боқий дунё.

**ГУВЛАМОҚ** қ. **гувулламоқ**. *Бурчакда чўян печка солярка сачратиб гувлайди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Бир шамол турди-ю гувлаб адирдан, Тўзон-ла қопланди Дарғом осмони.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. *Пахтазор ораб трактор гувлар, Эш ва иноқ тўп қиз, пешона боғлиқ.* Миртемир.

**ГУВОҲ** [ф. گواه – шоҳид] 1 Бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ёки уларнинг ҳақиқатан ҳам бўлганлигини тас-

диқлаш учун шу иш бўлган жойга махсус қақирилган киши; шохид. *Сидиқжон ўн бир гувоҳни ёнига олиб, районга жўнади.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Мен инқилобгача ва инқилобдан сўнг деҳқонларимиз кечирган ҳаётларининг жонли гувоҳиман.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**2 ҳуқ.** Суд ёки терговдаги иш юзасидан ўз биланларини айтиб бериш учун судга қақирилган киши. *Судга гувоҳларни қақирмоқ.* ■ *Терговчи ҳам қариянинг гувоҳ тариқасида ишга аралаштиргани, унинг алданганига шубҳа қалмасди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**3** Воқеа-ҳодиса, фикр, ҳолат ва ш. к. нинг тўғрилигини тасдиқловчи нарса; далил. *Кишини меҳнат улуғлайди. Сиз-биз кўрган ҳурмат-эҳтиром — бунинг гувоҳи.* Газетадан.

**ГУВОҲЛАНТИРМОҚ** Гувоҳлар, зарурий ҳужжатлар орқали тасдиқламоқ, расмийлаштирмоқ.

**ГУВОҲЛИК 1** Шоҳидлик, кўрган ёки билганлик; гувоҳ бўлишлик. *Бироқ фактлар, ҳужжатлар, жуда кўп одамларнинг гувоҳликлари унинг қайсарлигини аста-секин қайириб, ниҳоят, букиб қўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**2 ҳуқ.** Гувоҳ томонидан берилган маълумот, гувоҳнинг айтганлари. *Гувоҳлик бермоқ.* ■ *Зиёдаҳон билан Анзираг холадан, қолаверса, Шарофат можаросидан хабардор бўлган бошқа одамлардан судда гувоҳлик беришларини сўради.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ГУВОҲНОМА** [ф. *گواهی نامه* — ёзма гувоҳлик; гувоҳнома] **1** Қайд этиш шарт бўлган юридик воқеа-ҳодисаларни тасдиқлайдиган, имзо қўйилган ва муҳр босилган расмий ҳужжат. *Туғилганлик ҳақида гувоҳнома. Талабалик гувоҳномаси.*

**2 эск. айн. аттестат 1.** Кеча ўнинчини аъло тугатдинг, Қўлингда етуклик гувоҳномаси. Ф. Фулом.

**ГУВУЛЛАМОҚ** «Гув» этган овоз чиқармоқ. *Ўт гувуллаб ёнмоқда.* ■ *Ташқарида шамол гувуллаб, деразаларни чертарди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Йўл бўйлаб кетган симёгочлар эса узлуксиз гувуллайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дарвозада машина моторининг гувуллагани эшитилди.* С. Нуров, Нарвон. *Халқ гувуллаб, олдинга юрди, уни миришабларгови тўсиб олди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ГУВРАНМОҚ** Ноаниқ, тушуниб бўлмайдиган овоз чиқармоқ; ноаниқ гапирмоқ; гўлдирмоқ. *Жавоб эшитилмагач, чол ўзича гувраниб, кўчага чиқди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти. *Ташқарида гувраниб турган кўзғолончилар ичкари бостириб киришди.* С. Сиёев, Аваз. *Парда очилиши билан одамлар бирдан гувранди, кимлардир пиқир-пиқир кулди.* «Ёшлик».

**ГУГУРТ** [ф. *گوگرد* — олтингургурт; гургурт] **1** Бир учига қалпоқча шаклида ёнувчи модда суртилган чўп; гургуртчўп. *Тантубойвачча индагани қолди. Папиросни лабига қистириб, бир қанча гугуртни қақа-чақа, базўр ёндирди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Гургурт чўплари солинган, ён томонига ёндирувчи модда суртилган қутича. *Старшина жангчиларга икки яшик ёндирувчи шиша ва бир қутидан гугурт тарқатди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Яхшиямки, гугурт бор экан. Отам бир неча қучоқ хашак териб келди, — деди Ҳожиги хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ГУГУРТЧЎП айн. гургурт 1.** *Бой.. гугурт-чўпнинг ўчай-ўчай деб турган алангасидан чилимнинг сархонасидаги тамакини базўр ёндириб олди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ГУДОК** [р. *гудеть* — гувилламоқ; чалмоқ] **1** Сигнал бериладиган турли механик қурилмалар; ҳуштақлар. *Тошкентдаги тепловоз-вагон ремонт заводида бир гудок сақланади.* Газетадан.

**2** Шундай қурилмалар чиқарадиган чўзиқ овоз; сигнал. *Паровоз гудоги эшитилди. Гудок бермоқ (чалмоқ).* ■ *Эрта тонгда завод гудоги Эргашни ҳам уйғотди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Паровоз узоқ гудок бериб, жойидан кўзгалди.* М. Муҳамедов, Қахрамон изидан. *Тонгги гудок чалмасдан, Мен ҳам тураман. Ёш кўнглимнинг майлини Ишга бураман.* Файратий.

**ГУДРОН** [фр. *goudron*] Нефтни қайта ишлаш натижасида қоладиган қора, смолага ўхшаш қуйкум, нефть қолдиғи (йўл қурилиши материали сифатида ва бошқа техника эҳтиёжлари учун ишлатилади). *Гудрон суркалган дарахт ёнмайди, у сингдирилган темир йўл шпаллари эса чирмайди.* Газетадан.

**ГУДРОНАТОР** Битум ташийдиган ва уни йўл қоплами устига бир текис тақсимлайдиган машина. *Битум ташийдиган гудронатор машинасига кимдир «губернатор»*

деб ном кўйиб юборибди. Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда.

**ГУЖУМ** Сада қайрағоч. *Хоразмда ҳовуз деса, дарҳол кўз олдинга катта-катта гужумлар — қайрағочлар келади.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Анави олакўз барзанги лом деб оғиз очмайди, кун бўйи гужум тагида осмонга қараб ётади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ГУЗАР** [ф. گذر — ўтиш жойи; кўча, маҳалла] 1 Қишлоқ ёки маҳаллаларнинг чорраҳаларида жойлашган, чойхоналари, қассоблик, баққоллик каби дўконлари бўлган обод, гавжум жой. *Бу маҳаллада унга [Йўлчига] маъқул бўлган икки киши бор эди. Бир — гузарда тақачилик-темирчилик қиладиган Қоратой, иккинчиси — Шокир ота номли маҳсидўз чол.* Ойбек, Танланган асарлар. *Кўз ҳавосининг суякларни зирқиратувчи совуғига қарамай, гузарда чойхўр кўп эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 фольк. Йўл. Қалмоқлар юртига гузарим тушди. «Алпомиш». *Гузаримиз тушса, излаб келармиз. Султон бўлган, жоним дўстим, хуш энди. «Муродхон». Кулоҳ кийиб, бўлдим мен бир қаландар, Ногаҳон гузарим тушди бу шаҳар. «Ширин билан Шакар».*

3 шв. Дарёдан, сойдан қайиқлар ўтадиган жой; чечик.

4 тар. Бухоро хонлигида: маҳалла.

**ГУЗАРГОҲ** [ф. گذرگاه — ўтиш жойи] Гузар жойлашган ер; гузар. *Каталак кўчада эмас, гузаргоҳда яшаймиз.* Ойбек, Навоий. *Ойнагул Машҳадага етиб келганда, Фарҳод уни Хийбони жам кўчасининг бошидаги гузаргоҳда кутиб олди.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

**ГУЛ I** [ф. گل — чечак] 1 бот. Ёпиқ уруғли ўсимликларнинг урчиш учун хизмат қиладиган, гулбанд, косачабарглар, тожбарглар, чангчилар ва уруғчидан иборат қисми. *Олма гули. Нок гули.* ■ *Нурининг ҳовлисидagi гилослар гуллаган. Уларнинг оппоқ, кўркам гуллари қўёш нурида жуда нафис товланар.* Ойбек, Танланган асарлар.

2 Атиргул ва умуман зийнат учун экиладиган ёки табиий, ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар; чечаклар. *Пушти гул. Оқ гул. Кўқон гул. Тикансиз гул бўлмас, машаққатсиз — ҳунар.* Мақол. ■ *Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган.* Ойбек, Танланган асарлар. *Супаларнинг ораларига, атрофига анвои гуллар экилган.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо.

**Кизил гул қ. қизил I. Тувак гул** Тувакда ўстириладиган хонака гул.

3 Бирор нарсага табиатдаги гуллар шаклида чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш; орнамент. *Тез кунда альбомнинг варақлари фотосуратларга ва бўёқ қаламда чизилган гулларга безанди.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси. *Меҳрини эса дўпписининг гулидан таниди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

4 кўчма поэт. Гўзал. *Гулни гулга кўш. Мақол.* ■ *Иккови ҳам узилмаган гул. Ойбек, Танланган асарлар. Бермагил ёвузларга бир дақиқа хушнудлик, Гул Ватаннинг мард ўғли, кўкрагингни қалқон қил.* Файратий.

5 кўчма (1-ш. эгалик кўшимчаси билан мурожаат шакли) Ёр, севикли аёл. *Гулим, сенга айтар сўзим бор.* ■ *Мактубимга жавоб ёзмадинг, дилдор, гулим ҳам баҳорим сенсан, Гулбаҳор.* М. Алавия.

6 кўчма (3-ш. эгалик кўшимчаси билан) Энг яхшиси, сараси; фойз киритувчиси, қизитувчиси. *Йигит (лар)нинг гули. Зиёларнинг гули.* ■ *Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули, Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули. С. Айний, Дохунда. Йигитали келин-куёвнинг мақсади, борар манзилини билса ҳам, уларнинг саломларига алик олгач, кўнгили учун сўради: -Ҳа, йигитнинг гули, йўлингиз бўлсин? Т. Малик, Ажаб дунё. Фасли баҳор. Кўшим Фафур Фуломнинг эллик йиллиги. Ушанда Булбул Мамедов тўйхонанинг гули бўлган эди.* Ҳ. Назир, Мафтунингман, Озарбайжон.

7 этн. Баҳорда, гуллар очилганда, марҳум хотирасига бағишлаб унинг йилига қадар ўтказиладиган маросим. *Чолнинг ёстиги тагидан топилган пул уни кўмиб келишгагина етди. Ҳали бу ёқда учи, еттици, йигирмаси, фотиҳахонлиги, шаклиги, ифторлиги, икки ҳайити, гули, қовоқ оши, қовунузуми, йил ошиси, оқ солар ва ҳоказолар бор.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**Гул ташламоқ** 1) гул-нақш билан қопланмоқ (қишда муз нақши билан қопланган ойна ҳақида); 2) моғорламоқ. *Нон гул ташлабди. Гул қилмоқ* Яшнатмоқ, обод қилмоқ; қизитмоқ. *Хароб бўлган рўзгорни Ишлаб-ишлаб гул қилган. «Ойсулув». Ўлан айтиб, тўйларни гул қиласиз, Бу хизрни ўзингизга пир қиласиз. «Оқ олма, қизил олма». Ўн гулидан биттаси ҳам очилмаган Ёш,*

навқирон одам ҳақида. *Ана шу ҳаёллар Бегимхонни безовта қиларди: -Ўн гулимдан бир гулим очилмай туриб, тул бўлиб қолдимми?! - деб ўқсинди у. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Кўли гул* Ҳар ишга моҳир, ўз ишининг устаси. *Зокир ота, шубҳасиз, жуда тажрибали нахтакор, қўли гул одам. А. Қаҳҳор, Хотинлар.*

**ГУЛ II тиб.** Қизилча, қизамиқ ва бошқа баъзи бир касалликлар билан оғриган вақтда баданда пайдо бўладиган майда қизил тошма. *Болага гул тошди. ■ Унинг бир кўзига гул тушиб, кўролмай қолгач, халқ уни Назиркўр деб атай бошлаганди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ГУЛА I** [ф. گوله - юмалоқлаб ўралган, эшилган ип] Тўқимачилик дастгоҳида танда ипларини иккига ажратиб, улар орасидан моки ўтказишга хизмат қиладиган мослама. *Эртаси кечқурун гула тўғрилаб ўтирсам, эшикни биров тақиллатди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ГУЛА II шв.** Нусха; ўрناق, андаза.

**Гула кўтармоқ (ёки кўчирмоқ)** Ўрناق олмоқ; тақлид қилмоқ. *Исматов ҳам хўжайиндан гула кўтариб, атрофига қариндошуруғларини тўплади-да, юлғичликни бошлаб юборди. «Муштум».*

**ГУЛАБАРДОР** [ф. گوله‌بردار - гула кўтарувчи] Гула тайёрловчи ёки гула кўчирувчи, нусха олувчи мутахассис.

**ГУЛАНДОМ** [гул + андом] 1 Қаддиқомати келишган, нозик бадан (гўзал аёл ҳақида). *Бўз боламан, ҳолим йўқдир, Ёри гуландомим йўқдир. «Тоҳир ва Зухра».*

2 Гуландом (хотин-қизлар исми).

**ГУЛБАДАН** [гул + бадан] қ. гуландом. *Менинг шайдолигим бу нозпарвар дилрабодандир, Ярашган қадду қомат, хулқи хуш, нозик абадандир, Мулоим, гулбадан, ширин сухан, таъби расодандир. Ҳабибий.*

**ГУЛБАНД I** [гул + банд] Пичоқнинг дастаси билан тиғи бириккан жойига ўрнатилган махсус металл ҳалқа. *Пичоқ унча катта эмас эди. Гулбандидан учгача бир қарич келарди. С. Айний, Эсдаликлар. Мўйсафид дастурхон ўрнига ялпиз барглари яйратиб тўшади-да, гулбанди ярқираб турган дандонсоп пичоғини қинидан суғуриб, менга узатди. Ҳ. Нурий, Пахтакор ўйлари.*

**ГУЛБАНД II бот.** Гулни тутиб турувчи новдача.

**ГУЛБАРГ** [гул + барг] 1 Гултожни ташкил этувчи ҳамда уруғчи билан чангчини қуршаб турувчи гул япроқчалари, баргчалар мажмуи. *Гулбарглар орасига яширинган тирноқдай қўнғиз учиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Гулбаргларга термулиб, яна учди ўйларим, Япроқ мисол титратиб қўйдингиз-ку юрагим. Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.*

2 кўчма. Гул баргчаларидек чиройли, гўзал; нозик; қизил. *Ҳамлет юрагига берарди ҳаёт Сенинг у оташин гулбарг лабларинг. Ҳ. Олимжон, Офелиянинг ўлими. Майли энди, ҳеч бўлмаса қумғон қайнатсам, Қиш кунлари ловиллатсам гулбарг ёноғинг. Миртемир.*

**ГУЛБАҲОР** [гул + баҳор] *поэт.* 1 Гуллар очилган пайт; баҳор. *Гулбаҳор шабнам безамшиди гулларни, Майин насим севинтирмиш дилларни. М. Алавия.*

2 Гулбаҳор (хотин-қизлар исми).

**ГУЛБЕОР, беоргул** [гул + беор] Ер бағирлаб ўсадиган энсиз баргли, нозик рангбаранг гулли, уруғидан тез кўпаядиган манзарали ўтсимон ўсимлик. -*Уларнинг [аммамнинг] уйидаги гулларнинг-ку сон-саногу йўқ: гулбеор, гулравно, гулсансар, ишқилиб, санаб тугатиб бўлмайди, - деди Шум бола. Ф. Фулом, Шум бола.*

**ГУЛБОҒ** [гул + боғ] 1 Гул экилган боғ, гулзор боғ, гулистон. *Меҳнат аҳли қилди обод Фарҳод даштини гулбоғлар, Гулистон бўлди саҳролар, уюлмас энди ҳеч зоглар. А. Пўлат. Меваларнинг уруғин Экинг, асранг, ўртоқлар, Келажакда улардан Яратилгай гулбоғлар. З. Диёр.*

2 Сайлгоҳ ер; томошабоғ, парк. *Рабочилар гулдай яшнаб кийинган, Оқшош бари гулбоғларда йиғилган. Фозил шоир.*

**ГУЛГАЙ** шв. Оёқ кафтининг дўнг ери.

**ГУЛ-ГУЛ** Чамандек ранг-баранг, гулгун ва гўзал. *Сизлар билан бирга, халқимизга гул-гул нафис газламалар тўқиб кийгизамиз! А. Мухтор, Опа-сингиллар. Сочпогун ёйган тол барги, Чаман боғлар чиройи гул-гул. Т. Тўла.*

**Гул-гул очилмоқ (ёки ёнмоқ, яшнамоқ)** 1) бутун гўзаллиги, латофати билан намоён бўлмоқ, яшнаб кетмоқ. *Баҳор келиб, далалар гул-гул очилиб кетди. ■ Инобат жиндек пардоз билан ойдеккина келин бўлди. Айниқса, тўйнинг эртасига гул-гул очилиб кетди. С. Аҳмад, Сайланма. Зевархон ҳам гул-гул очилиб кетди. Н. Аминов, Суварак; 2) шод-*

ликдан чехраси очилиб, яйраб-қувнаб, очилиб-сочилмоқ. *Дарҳақиқат, Канизак Ўрмонжоннинг олдига юраги пўкиллаб бордию, гул-гул очилиб қайтди.* А. Қаҳҳор, Қўш-чинор чироқлари. Саодатнинг ҳаяжондан гул-гул ёнган бахтиёр чехрасидан кўзини узолмасдан ўтирган Тургун биринчи марта уни севиб қолганига иқрор бўлди. О. Ёқубов, Тоғ кизи.

**ГУЛГУН** [ф. گلگون — гулранг; қизғиш, пушти] **1** Қизил, қирмизи, пушти. *Дейман: саҳар шафақдан учқунми, лоласанми, Шодлик майига тўлган гулгун пиёласанми?* Э. Воҳидов, Тонг нафаси. *Кийгани гулгун қирмизи, Ақлим олар жоду кўзи.* «Муродхон».

**2** кўчма Гўзал, чиройли. *Наврўз эди табиат гулгун, кийиб олган ям-яшил либос.* Ё. Мирзо. *Келгусига боқсак умидвор, Ҳаёт яна кўринур гулгун.* З. Диёр.

**3** Гулгун (хотин-қизлар исми).

**ГУЛДАЙ** **1** Гул каби, гулга ўхшаш. *Ранги сўлиб боради, Сариқ гулдай сарғайиб.* «Ой-сулув». *Худди эрта билан очилган гулдай бўлиб, тиллари булбулдай бўлиб, кўзлари ёрқинлашиб кетди.* «Юсуф ва Аҳмад».

**2** Чиройли, гўзал, лаатофатли. *Сарғай-масин гулдай юзим, Телмирмасин нарғис кўзим.* «Баҳром ва Гуландом». *Эй ботирлар, гулдай юзинг сўлдирма, Ички сиринг душ-манинга билдирма.* «Эрали ва Шерали».

**3** кўчма Ёш, навқирон. *Зухра бегим олти йилдан бери тўшакда ёлғиз ётади.* Унинг гулдай умри беваликда сўлиб боряпти. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Гулдай қиз қари кишини бошига урармиди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон.

**Гулдай хунар** Жуда яхши, покиза хунар. *Йигитнинг қўлида гулдай хунари бор экан, бўйдоқ экан, уйи-жойи тайин экан, яна сенга нима керак?* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГУЛДАСТА** [гул + даста] **1** Дасталанган гул, бир боғ гул; букет. *Набижон биринчи давлат имтиҳонини топширган кун Мубо-рак уни катта гулдаста олиб келиб табрик-лади.* С. Зуннунова, Қўк чироқлар. *Вагонлар-га ирғитилган гулдасталарнинг кўпи ерга тушиди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** архит. Мачит, мадраса, сарой ва ш. к. нинг ташқи деворлари туташган бурчакда тиргак ва безак мақсадида деворга қўшиб тикланган кичик минора. [Меъмор] *Гавҳар-шодбегим мадрасаси ёнига келиб, гулдастага*

*қаради, зангори кошинлар ой нурида ярқираб турарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**3** Туркум, тўплам. *Хонанда, айниқса, санъатсевар дўстларига ўзининг аввалги-ларига ўхшамайдиган янги кўшиқлар гулдас-тасини Наманган шаҳридаги «Навбахор» марказий ўйинхоҳида тақдим этди.* Газетадан.

**ГУЛДОН** [гул + ф. دان — «сақлаш жойи» маъносини билдирувчи кўшимча] Гул солиб кўйиладиган идиш; ваза. *Биллур гулдон.* ■ *Иқболхон чуқур хўрсинди, гулдонни жойига кўйиб, бошқа уйга ўтди.* С. Зуннунова, Гў-лак ҳиди.

**ГУЛДОР** [гул + ф. دار — «бир нарсага эга» маъносини билдирувчи кўшимча] Гулли, гул-нақш солинган, безакли. *Сопи гулдор пичоқ.* ■ *Бозор Ҳамроевич гулдор кўрпачага ўтириб, атрофга разм солди.* Ў. Усмонов Сирли соҳил. *Лаатофат буфетдан гулдор кўркам тарелка олиб. хужрага кириб кетди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ГУЛДУР** тақл. с. Момақалдироқ сингари гулдурраган товуш ҳақида. *Араванинг гулдури.* ■ *Гулдур этиб, булут тарқаб, Ялт-юлт этиб чақмоқ чақди.* Ҳамза.

**ГУЛДУРАК** Момақалдироқ ва унинг овози. *Гулдураклар гулдураб қолар, чақмоқ чақар момақалдироқ.* А. Пўлкан, Изҳор. *Ҳаво гулдуради ва бу гулдурак худди Пўлатнинг боши устида булгандек, уни ҳозирнинг ўзидаёқ янчиб юборгудек туюлди.* Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. *Чотқол тоғ устини бир лаҳза ёритиб чақмоқ чақар, кейин еру кўкни ваҳимали гулдурак товуши тутиб кетар эди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**ГУЛДУРАМОҚ** Момақалдироқ овозига ўхшаш овоз чиқармоқ. *Худди шу пайт бутун чўлни сутдек ёритиб чақмоқ чақди-ю, мо-мақалдироқ гулдураб ўтди.* М. Мансуров, Ёмби. *Танк гулдураганича келиб, [Аҳмаджон ётган] окоп устидан ўтиб кетди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Бирдан ҳавода душман самолёти моторининг гулдураган овози эшитилди.* Н. Сафаров, Тилсимчилар.

**ГУЛДУРОС** Гулдурраган овоз ҳақида. *Алижон учинчи рота.. томонга бурилган ҳам эди, қарағайлар тепасидаги қоронғи осмонда моторлар гулдуроси янгради.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Тепада гулдурос кўтарилиб, гўё тоғ кўчди-ю, уйдаи-уйдай тошлар бир-бирига урилиб кетди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 кўча Кучли; давомли. *Гулдурос қарсақлар зални титратиб юборди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Яна гулдурос қарсақлар янгради.* К. Яшин, Ҳамза.

**ГУЛДУР-ШАЛДИР** *рвш.* Гулдураб, шошилич равишда. *Мулла Обид чўчиб кетади, Берди татар гулдур-шалдир хужрага кириб келади.* А. Қодирий, Обид кетмон. У [Ҳафиза] *гулдур-шалдир ҳовлига кириб келиб, кутилмаганда бувисини таажжубга солди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ГУЛДЎЗ** [ф. *گل دوز* – гул тикувчи, каш-тачи] Матога гул солиб тикувчи (аёл).

**ГУЛДЎЗИ** [ф. *گل دوزى* – гул, кашта тикиш] Гул солиб тикилган, гулдор. *Бошимдаги онам тиккан гулдўзи дўппи болаларнинг кўзини қамаштирарди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**ГУЛЕТИМ** [гул + етим] Отасидан айрилиб, онаси билан қолган етим қиз ёки бола. *Қадимиларнинг: она билан қолган гулетим, ота билан қолган шуметим, деганлари бежиз эмас экан-да, – деди Башорат.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ГУЛЁР** [гул + ф. *يار* – дўст; сеvimли киши] 1 кам қўлл. Гўзал ёр, жонона. *Коккилингга қора мунчоқ тақайин, Сизнингдек гўлёрни қайдин топайин.* «Оқ олма, қизил олма».

2 Ёр, жонон шаънига айтиладиган кўшиқ номи. «Гулёр»га сол созингни, «Баёт»га сол бозингни, Тинчлик қўшиғин бошла, Эшитай овозингни. «Кўшиқлар».

**ГУЛЖАБИН** [гул + а. *جبين* – пешона] Гул юзли. *Гулжабинлар даврасинда, майлига, минг розиман, Бир умр бўлсам асир, бўлсам камол Душанбада.* Уйғун, Тонг кўшиғи.

**ГУЛЗОР** [ф. *گلزار* – гул билан қопланган майдон] Гул экилган ер, чаманзор, гулшан. *Нисора гулзорда гул териб юрган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. *Гулзорларда булбул сайраса, Гул ҳидидан кўнгул яйраса.* Уйғун.

**ГУЛИСТОН** [гул + ф. *ستان* – «эгалловчи» маъносини билдирувчи кўшимча] *поэт.* Яшнаган, обод ер; боғ-бўстонлар макони бўлган ўлка. *Канал қазиб, чўлни қилдик гулистон, Даламиз нашъали, даламиз бўстон!* М. Алавия. *Энди менинг ширин жоним керакмас, Фасли баҳор, гулистонлар керакмас.* «Ширин билан Шакар».

**Олам гулистон** «Масала, муаммо ҳал», «иш битади-қўяди», «тамом», «вассалом», «ҳамма хурсанд» каби маъноларда айти-

ладиган ибора. *Аммо сиз «хўп» десангиз, олам гулистон.* Ойбек, Танланган асарлар. *Чўчи-манг. Биттагина дадил қадам ташласангиз, олам гулистон бўлади.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ГУЛИСУМБУЛ** [гул + сумбул] Пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик; гиацинт.

**ГУЛКАРАМ** [гул + карам] Ҳосили тўпгул шаклида бўладиган бир йиллик карам тури.

**ГУЛКОР** [ф. *گلکار* – боғбон; гул ўсти-рувчи] Нақш-гул ўювчи ёки ясовчи уста, мутахассис. *Унга [уста амакига] кулоллар, гулкорлар ва читгарлар каби усталар ўз ишлари учун чизма нақшлар буюрар эдилар.* С. Айний, Эсдалиқлар. *Техник, прораб керак, ғиштчи, сувоқчи гулкор, моҳир дурадгорлар керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ГУЛКОСА** [гул + коса] *бот.* Гулнинг гултож, чангчи ва уруғчиларини тутиб турувчи қисми.

**ГУЛКЎРПА** Уй деворларига осиб қўйиладиган ёки таҳмонга ёпиладиган сўзана. *Қўша-қўша палак, қўша-қўша паранжи, учтўрт уйни ясатишга етадиган дорпечлар, гулкўрпалар, чойшаблар.* *Лутфинисо ва унинг қизини ҳали қаноатлантирган эмасди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тақир ерларнинг кўриниши жуда бошқача: майса, лолақизгалдоқ, чучмомалар, худди гулкўрпа ёпиб қўйгандай, кўк, қизил, яшил тусда товланади.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**ГУЛЛАМОҚ I I** Гул очмоқ, гулга кирмоқ. *Гўза гуллади. Бодом гуллади.* ■ *Деразамнинг олдида бир туп Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.* Ҳ. Олимжон. *Гўзалар гуллаётган пайт.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 кўча. Равнақ топмоқ, ривожланмоқ; обод бўлмоқ. *Тоштемир Сурхон водийсининг гуллаган воҳаларини кўриб, айланиб чиқди.* Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. [Янгиер] *Бошида қандай эди-ю, ҳозир қандай? Одамнинг қадами тегди-ю, гуллаб кетди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

3 Гул-гул очилмоқ, гўзаллашмоқ, яшнамоқ; камолга етмоқ. *Урининг гуллаган даври қамоқхоналарда ўтган Шоҳназар озодликнинг биринчи куниданоқ нима қилишини билмай, бош қашлаб қолди.* «Муштум». *Ёш авлод – келгусимиз, фахримиз ҳам кўркимиз. Ёшлик – бу умримизнинг гуллаган баҳоридир.* Э. Раҳим, Янги қадам.

**Оғзидан гулламоқ** Файришуурий равишда сирини очиб, айтиб қўймоқ. *– Эшитинг, –*

деди Эргаш. — Бирламчи шартим: бу ишингизни ўла-ўлгунча сир тутасиз, оғзингиздан гулламайсиз. К. Яшин, Ҳамза. Фақат бориб таништиргунча, оғзингиздан гуллаб юрманг. Н. Аминов, Ёлгончи фаришталар.

**ГУЛЛАМОҚ** II Моғорламоқ, пўпанак босмоқ. Нон гуллабди.

**Қўлингдан** (ёки қўлидан) гуллагур қарғ. Қўлинг шол бўлгур, қўлинг сингур. — Қайси қўлингдан гуллагур бу картошкани артди, — деди у бўғилиб, — ярмини пўчоққа чиқариб юборибди-ку! «Муштум».

**ГУЛЛАМОҚ** I Гулламоқ I 2, 3 фл. орт. н. Мен ҳам сенга ҳар нафас Шафқат қўлинг чўзайин, Қути учган ҳаётинг Гуллатайин, тузайин. Ғайратий.

2 Файз киритмоқ; қизитмоқ, кўтаринки руҳ бермоқ. Кампир ҳам биз билан столнинг бир тарафини гуллашиб, савлат тўкиб ўтирди. Ойдин, Ҳикоялар. Унинг асл исми — Наби. Ўзининг ашуласи, чолғуси ва қизиқчилиги билан суҳбатларни гуллашгани учун маҳалладаги улфатлари уни «Набиғул» деб атаганлар. А. Қаҳҳор, Қанотсиз читтак. Бировнинг уйини гуллашиб ўтиришга ярайманми? С. Сиёев, Ёруғлик.

**ГУЛЛИ** I Гули бор, гул-нақш солинган, гулдор; безакли. Гулли дўппи. Олма гулли пиёла. ■ Улар япроқ гулли чинни косалардаги қовурма шўрвага нон тўғраб овқатланаётганларида, Гулсум кириб келди. П. Турсун, Ҷўкитчи.

2 Ичида гули бор, ичига гул солиб қўйилган. Гулли тувак. Гулли ваза.

**ГУЛМИХ** [ф. گلمیخ — катта қалпоқли мих; қозиқ] Қозиқ. Қамиш босган Заҳариқ бўйидаги гулмихларга қўйлар боғлаб қўйилган. С. Нуров, Нарвон. Эски тошойна, гулмихга илинган кийим-кечаклар — уйчанинг оддий жиҳози шу. «Саодат».

**ГУЛМОҲИ** [ф. گلماهی — гул балиқ] Лососсимонлар оиласига мансуб, тоғ сувларида яшайдиган холдор балиқ. Маҳаллий халқ гулмоҳини ажойиб бир усул билан овлайди. А. Омонов, Сурхон балиқлари.

**ГУЛНОР** [гул + ф. نار — анор] I от Анор гули.

2 сфт. Анор гули рангидаги, қизил, қирмизи. Ёноғи шафақ рангу лаби лолага ҳам-жинс, Гул-гул очилиб, у юзи гулнор ўтажакдир. С. Абдулла.

3 Гулнор (хотин-қизлар исми).

**ГУЛНОРА** I Гулнинг бир тури. Тўтиқиз девор тагидаги гулнора орқасидан бирдан югуриб чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

2 Гулнора (хотин-қизлар исми).

**ГУЛОБ** [гул + ф. آب — сув] I Атиргул гулбаргидан махсус усулда олинадиган сув. Баҳор дарахтларни ёш келинлардек безатиб, устларига оқ, қизил кўйлак кийгизган, кокилларига гулоб сепган эди. М. Осим, Ўтрор. Гулоб билан ювайинми зулфингни? Шамол бўлиб гул юзингни силайми? Уйғун.

2 Атиргул сувидан тайёрланган ширин-ичимлик; шароб; май. [Навоий:] Гулоб. [Мансур косани узатиб:] Мана, пирим, гулоб. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ниҳоят, Утар бобо хоннинг мушкулини осон қилмоқни ўйлаб, гулобга оз-оздан афюн қўшиб бера бошлади. С. Сиёев, Аваз.

**ГУЛОБИ** I [ф. گلابی — пуштиранг] Гулоб рангли, пушти. Очил қайрилиб қараб, гулоби кўйлак кийган Замирани ён томондан кўриб қолди. П. Қодиров, Уч илдиш.

**ГУЛОБИ** II Қовуннинг кечпишар нави.

**ГУЛОВЧИ** Гулоб тайёрловчи; гулоб сотувчи. Гулобчи дўкандор қўлларини орқасига қўйиб, юмалоқ қорнини чўққайтириб, дўкон олдида аста юрди. Ойбек, Қонли бармоқлар.

**ГУЛРАЪНО** [гул + раъно] айн. раъно I. Уларнинг [амманнинг] уйидаги гулларнинг-ку сон-саногини ўйқ: гулбеор, гулраъно, гулсапсар.. Г. Фулом, Шум бола.

**ГУЛРУХ** [ф. گلرۋخ — қизил ёноқли, гул юзли] I Гул юзли, гул ёноқли; чиройли, гўзал. Гулгунмисиз, гулрухим, дил боғимда нарғизам, Қуёш янглиғ чорлайсиз, муҳаббати дурқуним. Э. Охунова.

2 Гулрух (хотин-қизлар исми).

**ГУЛРҮ** [гул + ф. روی — юз; юза] қ. гулрух. Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрү келмади. Навоий. Ўғлонлар ўтишар гўё сор бургут, Не пари, не гулрү, лайло, ойбарчин. Миртемир.

**ГУЛСАПСАР** Қиёқ баргли, оқ, пушти, зангори, бинафша ёки сариқ гулли кўп йиллик ўсимлик ва унинг гули. Йўллар бўйлаб гулсапсарлар яшнайди. Ойбек, Навоий. Ҳали қушлар уйғонмай, кўзни очиб тонг саҳар, Кезар эдик боғма-боғ, излаб лола, гулсапсар. Ҳ. Салоҳ.

**ГУЛТОЖ** [гул + тож] I бот. Гулнинг гулбарглардан ташкил топган ва гулкосани тўлдириб турган қисми; тож.

2 Гулдан Бирод асалган тож, гулжиға. *Баҳор қадаб бошинга гултож, Еллар эсса, бил, ўша менман.* Шухрат.

3 *кўча* Мизор нарсанинг энг сараси, энг олийси. *Одамзор бўлган пайдо, Ҳуснига олам шайдо, Одам — олам гултожи..* Қ. Муҳаммадий. *ШеҒрият гултожи — драма демак, Менинг театрим қалбим саҳнида.* А. Исроилов.

**ГУЛТОЖБАРГ** [гул + тож + барг] айн. гулбарг.

**ГУЛТОЖИХҶҮРОЗ** [гул + тож + хўроз] Хўроз тожиға ўхшаш тўп гулли ўсимлик ва унинг гули. *Унинг атрофида қил-қизил гултожихўрозлар чайқалиб турибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ГУЛТУВАК** Ичига тупроқ солиб, гул ўстириладиган тувак. — *Мана, оға, одамбашара бўлиб келдим, — деди [Матпано] аста, — на десангиз, ихтиёрингиз ўзингизда. Мен бир гувала лойман, истанг — хум ясанг, истанг — гултувак.* С. Сиёев, Аваз.

**ГУЛУЗОР** [гул + узор] Гул юзли, гўзал. *Еллар, соғинганими ул гулузора айтинг, Қоши қалам, париваши, кўзи хумора айтинг.* Уйғун.

**ГУЛУТА** шв. Гилвата. *Хотин тураётиб, баралла йиғлаб юборди: — Бу ер ютқур қандай бало экан!.. Одамлардай гулутага, тузга, кесака бошқоронғи бўлсам-чи!* А. Қаҳҳор, Анор.

**ГУЛХАЙРИ** [гул + а. خَيْر — яхши, саховатли] Баланд пояли, йирик гулли бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимлик ва унинг гули. *Ҳовличанинг ичида гулхайри ва қабоқлар ўсиб гуллаб ётибди экан. «Гўрўғлининг туғилиши». Қадимдан гулхайрининг қай-натмаси билан кўкйўтал, ўпка шамоллаши, нафас қисиш каби касалликлар даволанган.* Газетадан.

**ГУЛХАН** [ф. گلخان — оташдон] Исиниш ёки бошқа бирор мақсадда ўтин қалаб, атайлаб ёндирилган ўт, аланга. *Ултирибди икки дўст, ўртоқ, Отамлашиб гулхан ёнида.* Ҳ. Пўлат. *Гулхан теварагида бир неча киши исинмоқда эди.* С. Айний, Қуллар. *Куёвнинг ҳовлиси ўртасида катта гулхан ёнарди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГУЛХАНЧИ** Гулхан ёқувчи. *Гулханчи оёқ учида келиб, машғалага лампамой қуйиб кетди.* С. Сиёев, Аваз.

**ГУЛХОНА** [гул + хона] 1 Хонадонларда махсус ажратиб, гул экилган ер. *Хадича ая-*

*нинг чехраси очилди. Гулхонага кириб, ранг-баранг гуллардан дасталаб, Марҳаматга узатди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқчи.

2 Гул экиб, гул ва гул кўчати етиштириб бералиган махсус ташкилот; оранжерея.

**ГУЛЧАМБАР** [гул + чамбар] Гул ва унинг баргли новдасидан тайёрланган чамбар. *Қишлоқ меҳнаткашлари ўз жанговар фарзандларининг номларини хурмат билан тилга олиб, уларнинг қабрига гулчамбарлар қўйдилар.* А. Раҳмат, Шоир жанг қилган жойларда.

**ГУЛЧЕЛАК** Гулга сув қуядиган челақ. У [Ориф ота] *гулчелақни олиб, анҳор лабига борди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ГУЛЧЕХРА** [гул + чехра] 1 Гул юзли, чиройли, гўзал. *Қалам қошлар бежирим, соқит, Гулчехранда сипоий гурур.* Уйғун.

2 Гулчехра (хотин-қизлар исми).

**ГУЛЧИ** 1 Гул эқувчи, гул етиштирувчи мутахассис. *Ҳаваскор гулчи.*

2 Гул сотувчи; гулфуруш. *Улар [ийгитлар] ..гулчидан гул сотиб олиб, қизларга тақдим қилдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГУЛЧИЛИК** Гуллар, манзарали ўсимликларни етиштириш, боғ-хийёбонларга экиш, гулдасталар тайёрлаш билан шугулланиш; гулчи касби. *Эрмакка гулчилик қиламан, режаларим бор, мижозлар ўзлари уйдан олиб кетишади.* Н. Аминов, Қалтис хато. — *Гулчилик осон иш эмас. Бу иш жууда катта кўнт талаб қилади, — деди ўқитувчи ўқувчиларга.* М. Исмоилий, Бизнинг роман.

**ГУЛЧИН** [ф. گلچين — гул терувчи] Этик ёки маҳси каби оёқ кийимларининг орқа (товон) қисми (баъзан гул ёки нақш билан безатилади). — *Бу ерда [бозорда] ҳамма нарса топилади: ..ёлпўш; гулчин билан тачарм қўйилса, ҳали кийса бўладиган нимдошгина сахтиён маҳси дейсизми.. — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола.

**Панжара гулчин** Жимжимадор, серҳашам. *Кечаси ташқарига бир қарич қор тушиди. Деразаларнинг ойналари панжара гулчин сингари ғалати-ғалати нақшлар билан безалдилар.* Чўлпон, Кеча ва кундуз.

**ГУЛЧИРОЙ** 1 кам қўлл. айн. гулчехра 1.

2 Гулчирой (хотин-қизлар исми).

**ГУЛШАН** [ф. گلشن — гулзор] поэт. 1 Гулзор, гулбоғ, чаманзор. *Оҳ, ажиб гулшанда ҳам бўлмаса дейсан тикан, Одам-ку бу — одамзод, бетимсол буюк, кабир.* А.Орипов.



*Шералихон гулшан боғининг деворини ёқалаб, деворнинг тушлигига етди.* «Эрали ва Шерали».

**2** кўчма Гуллаган, яшнаган ер, обод ўлка, мамлакат; гулистон. *Томоша қилгали Тошкентнинг эли, Шу вақтда бўлибди шаҳарлар гули. Бир-бирдан зиёд зебо манзили, Бу гулшанда мен ҳам тургали келдим.* Эргаш шоир. [Холихон Тожибойга:] Қани, сўраганнинг айби йўқ, кўзимга ўтдек кўринасиз, қайса гулшаннинг гулисиз? Ҳамза, Паранжи сирлари.

**3** Гулшан (хотин-қизлар исми).

**ГУЛШОДА 1** айн. **гулчамбар.** *Ўзбекистоннинг олий ўқув юртларида таълим олаётган ҳиндистонлик студентлар, қадимий анъанага кўра, Ўзбекистон раҳбарлари бўйнига гулшодалар осиб қўйдилар.* Газетадан.

**2** Гулшода (хотин-қизлар исми).

**ГУЛЮЗ 1** қ. **гулузор, гулчеҳра 1.** *Жойи шамшод ул ҳам гулюз дилбардур, Керакмасдур менга жою гавҳарлар.* «Баҳром ва Гуландом».

**2** Гулюз (хотин-қизлар исми).

**ГУЛЯШ** [венгр. hulaş] Майда бўлақларга бўлиб қовурилган гўштга гуруч, макарон ёки карам гарнири қўшиб тайёрланган таом. *Трестимиз ҳузурда.. кабоб, котлет, гуляш ва бошқа хом таомларни тайёрлаб берувчи цехлар ташкил этилди.* Газетадан.

**ГУЛҚАЙЧИ** Гул, ток кесадиған махсус қайчи; тоққайчи. *Саримсоқ ота.. гулқайчи билан ёш дарахтларнинг пастки шох-бутоқларини қирқиб юрарди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Бобом гулқайчи билан қўларра олиб чиқиб кетди.* Ҳ. Назир, Бир туп гўза.

**ГУЛҚАНД** [гул + қанд] Атиргул гулбарги ва шакардан тайёрланадиган ширинлик; қиём. *Гулқанд.. эфир мойлари, глюкоза, сахароза ва бўлак фойдали моддаларга бойдир.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.

**ГУЛҚОҒОЗ** [гул + қоғоз] Уй деворларига ёпиштириладиган гулли қоғоз.

**ГУЛҒУНЧА** [гул + гунча] Гул гунчаси, очилмаган гул. *Жавоб беринг, кетай Эрон шаҳрига, Чаманда кўринди менга гулгунча.* «Баҳром ва Гуландом».

**ГУЛҲАМИШАБАҲОР** [гул + ҳамиша + баҳор] Баҳордан то кузгача очилаверадиган қизғиш-сариқ гулли ўтсимон ўсимлик ва унинг гули. *Намозшомеул билан садарайҳон, гулбеор билан гулҳамишабаҳор ҳам бир-бирдан кўримли.* Ҳ. Назир.

**ГУМ I** [ф. گم — ғойиб, пинҳон] Дарё ёки қўлнинг чуқур жойи; чуқур. *Амударё гум экан, Теварақлари қум экан.* «Қўшиқлар». *Нусратбек дарҳол улардан кўзини олиб қочдида, сув олгани энкайди, болалигида тенгқурлари билан дарёга чўмилгани боришганини эслади.* Чуқурроқ жойни топиб ёки қумни суриб — гум қилиб чўмилишарди. С. Нуров, Нарвон.

**Гум бўлмоқ** Йўқолмоқ, даф бўлмоқ. **Гум қилмоқ 1)** ўғирлаб, билдирмай йўқ қилмоқ. *Мулла Обид йигитлариға, Абдужалил бойнинг ахтахонасида боқиб қўйган бир жуфт тулпорларини гум қилишни буюради.* А. Қодирий, Обид кетмон; **2)** йўқ қилмоқ, даф қилмоқ; **3)** ўлдириб, ҳеч кимга билдирмай йўқ қилмоқ. [Султонбек Турғунга:] *Кўлингдаги қоғозда номлари кўрсатилган беш кишини топ, гум қил.* К. Яшин, Пьесалар.

**ГУМАНИЗМ** [лот. humanus — инсоний, одамий] Инсонпарварлик, кишини қадрлаш, унга муҳаббат ва ҳурмат билан қараш; кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш. *Достонда муҳаббат темаси оптимистик тарзда ҳал қилиниши билан бир қаторда қаҳрамонлик, дўстлик ва гуманизм ғоялари ҳам реалист санъаткорга хос уйғунлик ва моҳирлик билан берилган.* «ЎТА».

**2 тар.** Уйғониш даврида (13—14-асрларда): инсонни феодализм ва унинг мафкураси ҳисобланмиш католицизм асоратидан озод қилишга қаратилган илғор ижтимоий ва адабий ҳаракат; дунёқараш.

**ГУМАНИСТ** Гуманизм тарафдори; инсонпарвар, одампарвар. *Улуғ гуманист образи ўрта аср туни қоронғилигини ёритувчи ёруғ машъал каби менинг хаёлимни эгалаб олди.* «ЎТА».

**ГУМАНИСТИК** Гуманизмга, инсонпарварликка оид; инсонни улуғлаш ғоялари билан суғорилган. *Тинчлик учун кураш, гуманистик ғоялар тантанаси учун кураш ишига ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.* Газетадан.

**ГУМАНИТАР** [лот. humanitas — инсон табиати; маънавий маданият] Кишилиқ жамиятига, инсон ва унинг маданиятига, инсонпарварликка оид.

**Гуманитар ёрдэм** Инсонпарварлик ёрдами. **Гуманитар фанлар** Инсон ва унинг маънавий маданиятини ўрганувчи ижтимоий

фанлар мажмуи (мас., фалсафа, тарих, сиёсий иқтисод, филология).

**ГУМАШТА** [ф. *گماشته* – ваколатли шахс; хизматкор] **1 тар.** 20-аср бошларига қалар Туркистонда катта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли кишиси, вакили. *Баъзи серпул – катта дунёдор кўпас бойлар узоқ юртларга ўз гумашталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. [Абдулла Қодирий] 1912 йилда иш бошқа бир савдогарга йилига 50 сўм уш ҳақи билан гумашта бўлиб киради. «ЎТА».

**2 кўчма** Бирор кимсани қўллаб-қувватлаш билан муайян амалга тайинланган ёки биров томонидан махсус топшириқ билан қўйилган шахс. У [Ваҳоб Бердиев] аппаратни ўз гумашталари билан тўлдирди. Газетадан. Солиҳбой гумашталари эса буни ўзларича изоҳлаб, бойнинг саховатпешалиги, камбағалпарварлиги деб тушунадилар. С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

**ГУМБАЗ** [ф. *گنبد / گنبد* – қубба, равок] **1** Қубба шаклидаги том; қубба тахлитигаги нарса. *Цирк гумбази. Ҳаммом гумбази.* ■ Тўғрида Ҳирот мадрасаларининг нақшли гумбазлари эрталабки қуёш нурида ярқираб кўринмоқда. Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. -Гумбазни кошин билан безатмоқчи бўлибсиз, кошинингиз етарлими? – деди [Ҳонзода]. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**2 кўчма** Бесўнақай, катта, семиз одам ҳақида. *Тунов кунни холамникига борган эдим, холам.. ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулоғига етказувчи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлганини бирма-бир айтиб берди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Кўк гумбази** кўчма Осмон. *Бола ҳар кун келар оқишомда, Тут тагига бориб ўтирар Ва сарҳадсиз нилий осмонга – Кўк гумбазга бокиб ўй сулар.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

**ГУМБАЗДАЙ**, -**дек** кўчма Катта, семиз, бесўнақай. *Ҳай, гумбаздай қиз бун қопсан-а, вай, холанг ўршисин сендан, ҳой, манга қара, менга келин бўласанми?* Ю. Шомансур. Қора марварид. *Эшниёз қари бияда гумбаз бўлиб ўтирипти.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ГУМБАЗСИМОН** Гумбаз тахлитигаги, гумбазга ўхшаган. *Шу сабаб кўприк дарё устига ярим гумбазсимон бўлиб «қўнган».* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ГУМБУР 1 тақл.** с. Портлаш чоғида чиқадиган ёки портлашга ўхшаш кучли, давомли товуш ҳақида. *Базм борган сари қизимоқда, чирманда гумбурига қўшилиб, ялли қийқириқлар эшитилмоққа бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ногоралар гумбури ва карнайлар садоси яна осмону фалакка чиқди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

**2 сфт.** Мустаҳкам, пишиқ-пухта. *Гумбур арава.* ■ -*Машина гумбур, – деди Ражаб ака.— Энди бу ёғи сенга боғлиқ, ука!* К. Раҳим, Ўз касбини севган йигит. *Аравалар гумбур, отлар семиз, керакли анжомлардан ташқари, турли ҳашамлар билан безатилган.* Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, Ота.

**Иш гумбур** Иш жуда яхши, иш авжида. [Мирзараим Гулжонга:] *Мана шу хат билан иш гумбур. Гулжонни лўкилламамиз-қўямиз..* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Унинг [Миркомилнинг] ишлари гумбур.* К. Яшин, Ҳамза.

**ГУМБУРЛАМА** қ. **гумбур 2.** *Гумбурлама арава.* ■ *Комилахон, халқ ичиди мени изза қилаверманг, эрта-индин гумбурлама кўприк ясаймиз.* Ойбек, О.в.шабадалар.

**ГУМБУРЛАМОҚ** Портлашга ўхшаш кучли ва давомли овоз чиқармоқ. *Тағин хонани титратиб момақалдироқ гумбурлади.* А. Мухтор, Бўронларда бордек ҳаловат. *Қаердадир тўплар шошилмасдан, вазмин гумбурлайди.* Ойбек, Қуёш қораймас. *Бепоён далада милтиқ гумбурлаб, акс-садоси узоқ-узоқларга кетгач, бир неча дақиқа атрофни сукунат босди.* С. Юнусов, Қутилмаган ҳазина.

**ГУМБУРЛАТМОҚ 1** **Гумбурламоқ** фл. орт. н. *Асқар полвон ўйланиб, ҳали жавоб берганича йўқ эди, оғир булутли ҳавони артиллерия даҳшатли гумбурлатиб юборди.* Ойбек. Қуёш қораймас.

**2 кўчма.** Қиздирмоқ; дўндирмоқ. *Жувон, эри Суярқул сепоячи сувга оқиб ўлмасдан олдин, жарангли овоз билан лапар айтар, шўх-шўх ўйнар, тўйлари гумбурлатиб юборарди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**ГУМ-ГУМ тақл.** с. Кетма-кет портлашлар натижасида ҳосил бўладиган бўғиқ овоз. *Мана энди ҳар икки тарафдан ҳужум. Патир-путир, гум-гум бошланди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**Кўнглим гум-гум кетяпти** Кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти, кўнглим айниятипти.

**ГУМДОН** [ф. *گم شده < گمدان* – йўқолган; адашган; ғойиб бўлган]: **гумдон бўлмоқ** Гум

бўлмоқ, йўқолмоқ, даф бўлмоқ. -Агар тагин эргашса, отиб кетишга аҳд қилдим. Аммо далага бурилишим билан у [йигит] ҳам гумдон бўлди, - деди Қулмат. Ҳ. Фулом, Машғал. **Гумдон қилмоқ** Гум қилмоқ, йўқ қилмоқ. -Агар Содиқлар ана шу ўн тўрт кишини гумдон қилмасалар, Самсоқбойни ҳам қўлга тушириб бўлмасди, - деди Михайлов. Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси. **Гумдон бўлгур!** (қарғ.) Йўқ бўлгур, ўлгур.

**ГУМОН** [ф. گمان - фикр, фараз; шубҳа] Бирор нарсанниг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонмаслик; шубҳа. Бу қон энг қутлуғ, энг муборак, энг соф қон... Бунга гумоним йўқ. Ойбек, Танланган асарлар. Агар гумоним тўғри бўлса, Комилбекнинг қотили Ҳомиддир! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Бундан дуруст жойнинг топилиши ҳам гумон. Ф. Фулом, Шум бола.

**Гумон қилмоқ** 1) шубҳа қилмоқ, шубҳаланмоқ. Сен кимдан гумон қиялсан?; 2) тахмин қилмоқ, ..деб ўйламоқ. Ҳозирги афтини кўрган киши уни [Рўзиматни] гапсўзда йўқ, ўзи тўнгина бир йигит гумон қилар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Бўронбой Ҳамзани уйқуга кетди, деб гумон қилди. К. Яшин, Ҳамза.

**Гумон олмошлари** тлш. Предмет, белги кабилар ҳақида ноаниқ тасаввур англатувчи, уларга тахминли ишора қилувчи олмошлар: аллаким, алланима, кимдир, нимадир, қандайдир. **Гумон феъли** тлш. Иш-ҳаракатнинг бўлишини гумон-тусмол йўли билан англатадиган феъллар, мас. борарман, айтарсиз, боришар.

**ГУМОНА** [ф. گمانه - шубҳа; тахмин] с. т. Она қорнидаги бола, ҳомила. Мендан Буви Ҳилолнинг бўйида олти ойлик гумона қолди. «Гўрўғли». Иби, бола туғиш қачондан буён уят бўлди? Ёш, соғломсан, туғ. Ахир, гумонанг.. -Бўлди! -Холиса қошларини чимириб, ганини узди. С. Нуров, Нарвон. Отаси урушга кетганда, Эшмуҳаммад чақалоқ, Нурмуҳаммад эса гумона эди. Газетадан.

**ГУМОНДОР** [гумон + ф. دار - «бирор нарсага эга бўлган» маъносидаги кўшимча] Бирор кимса ёки нарсдан гумон, шубҳа қилувчи, шубҳаланувчи; гумон, шубҳа қилувчи. Кавшимни олган бир киши, гумондор минг киши. Мақол. ■ -Гумондор борми? - деди уста. -Гумондор-ку йўқ, аммо бечоранинг ўлими жуда қизиқ кунга тўғри келиши

ажиб, - деди уста Фарфи. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ГУМОНЛАНМОҚ** Бирор кимса ёки нарсдан гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ. -Нима деяписиз? - гумонланиб сўради Йўлчи. Ойбек, Танланган асарлар.

**ГУМОНСИРАМОҚ** Бирор кимса ёки нарсдан бир оз гумон қилмоқ, шубҳаланмоқ. Эргаш стол олдига келаётиб, орқасидаги Добротворцевга яна гумонсираб қаради. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ГУМРОҲ** [ф. گم - йўқолиш + راه - йўл] кт. 1. Йўлдан озган, адашган; янглишган. [Навойи:] Деди: қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ! Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. Ҳозир пир ўзларини эмас, сизларни ўйлайдилар, тонг саҳарларда жойнамозга тиз чўкиб, «ҳақ йўлдан адашган гумроҳ бандларингга ғазаб қилма», деб худога сиғинадилар. С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Шундай шахсга нисбатли койиш, ҳақорат. -Сен гумроҳ, она сути кўр қилгур, адашиб, улоқиб келиб, яна инсофдан дам урасан-а! - деди Жўра. Ҳ. Назир, Онаизор. Вой гумроҳ, танимайсанми ҳали! Ойбек, Навоий.

3 Ўқимаган, илмсиз, оми. -Мен бўлсам, тамом гумроҳман, на ўқишни биламан, на ёзишни. Омилигимча қолганман, - деди ўксиниб Унсин. Ойбек, Улуғ йўл.

**ГУМРОҲЛИК** Йўлдан озишлик, адашганлик; хатолик; янглиш, хато иш. Иккиси ҳам аҳмоқ. Иккисининг йўли ҳам, менимча, гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Ойбек, Танланган асарлар. Садриддин фарзандлик бурчининг энг оддий шартини ҳам унутиб, отасини оёғости қилишдан - гумроҳликдан тортинмади. М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси.

**ГУМУРМОҚ**: юраги гумурмоқ Юраги гупилламоқ, дукилламоқ, юраги тез уриб кетмоқ. Узшиқдан кириши билан, Саидийнинг юраги гумуриб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб. Ҳовузда қалқиб турган сувга тикилсам, юрагим гумуради. Н. Сафаров, Наврўз. **Кўнглим гумуриб кетяпти** Кўнглим беҳузур бўляпти, кўнглим айниаяпти.

**ГУМУС** [лот. humus - тупроқ, ер] қ.х. Тупроқда ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларининг биокимёвий ўзгариши (чириши) натижасида ҳосил бўлувчи, тупроқ ҳосилдорлигини таъминловчи барқарор органик

бирикмалар мажмуи. Гумус бирликлари ва уларнинг тупроқда тарқалиши тупроқ типининг муҳим белгиси ҳисобланади. «ЎЗМЭ».

**ГУНАФША** с. т. Бинафша. Қишлоққа баҳор илгарироқ келди, шекилли, Васила Назаровна танаффус пайтида йўлакда югуриб кетётган бир қизалоқнинг қўлида гунафша кўриб қолди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ГУНГ** [ф. گنگ — соқов; ноаниқ, тушунарсиз] 1 Сўзлаш қобилиятидан маҳрум бўлган; тилсиз, соқов, гунгалак. *Гунг одам.*

■ *Тегирмонга бугдой солдим, Кам эканин билмадим, Шу кишига лапар солдим, Гунг эканин билмадим.* «Оқ олма, қизил олма». *Гунг дарвеш қабр тепасида ўтириб, узоқ тиловат қилди.* О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 *кўчма.* Сўзлаш, гапириш ҳуқуқидан маҳрум бўлган; тилсиз, эрксиз. *Подшо хизматидаги инсон гунг ва шол бўлиши керак экан.* Ойбек, Навоий. *Атроф ёлгон билан тўлганда, Ичга ютиб титроқ, нолани, Катталар гунг бўлиб қолганда, Қутла чин сўз айтган болани.* Х. Даврон, Тунги боғлар.

**ГУНГАЛАК** с. т. Гунг. *Шоҳимиз бебахт.* Унинг оламга доврўғи кетган яккаю ягона сулув қизи туғилган кунидан бери гунгалак бўлиб юради. «Эртақлар». *Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан, Дўнгалакми, ёр-ёр, Кувёв поччам сўзламайди, Гунгалакми, ёр-ёр.* Ё. Жўраев, Ёслому, хотин-қизлар, фольклор.

**ГУНГУР-ГУНГУР** айн. гангир-гунгур. *Гунгур-гунгур суҳбат ва кулги овозлари эшитилади.* С. Зуннунова, Янги директор. *Уроз дўмбирани четга қўйди. Гунгур-гунгур суҳбат билан чой ичилди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГУНГУРСДАЙ**, -дек с. т. Жуссаси катта; гавдали, гумбаздай. -*Зовур қазётганларнинг қаери сиздан кам. Гавдангиз гунгурсдай, бир йиғитча қувватингиз бўлса, оғиримизни енгил қилишингиз керакмасми!* — деди Валижон Асқаралига. Ҳ. Назир, Олмос. *Соатовга қоронғида гунгурсдай бўлиб кўринаётган ҳар бир адир, ҳар бир тепанинг тағида бир гап бордек туюлар эди.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**ГУНГУРТ** Қора-сарик тусдаги, қорасарик; кўнғир. *Равнонинг сочи гунгурт қора, яни қуёйсиз жойда қора кўринса ҳам, қуёйда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ГУНОГУН** [ф. گوناگون — хилма-хил, ранго-ранг] Хилма-хил, турли хил. *Ҳар қадами янги кундир, Ҳар баҳори гуногундир.* Миртемир.

**ГУНОҲ** [ф. گناه — айб] 1 дин. Шариат қонунига, диний ақидаларга хилоф иш, хатти-ҳаракат. *Домла гулдироган овоз билан пўписа қилди: -Худонинг қудратига шак келтирманг. Гуноҳингизни орттирасиз. Сизнинг ҳамма қилмишингиз гуноҳ.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Каломи шарифда ёзилишича, йиғи-сиғи олло таолонинг иродасига қарши бориш билан баробар гуноҳдир.* К. Яшин, Ҳамза.

2 Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган иш, ноҳўя хатти-ҳаракат; жиноят; айб. -*Нима гуноҳ қилибди шу гўдак? — деб ўйлади Нормат.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир бечорага тўхмат қилишса-ю, била туриб, кўра туриб, жим ўтирсам, гуноҳ бўлмайдими?* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Отабеклар нега қамалдилар, қандай гуноҳлари бор экан?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. -*Шошманг, дада, — Гулнор унинг сўзини кесиб қичқирди. — Нега Йўлчига жазо берасиз, унда ҳеч гуноҳ йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Гуноҳидан ўтмоқ** ёки **гуноҳини кечирмоқ** Гуноҳ ёки айб иш қилган кишини кечирмоқ, афв этмоқ. *Холхўжага йиғит бўлганинг эсиндан чиқдимми? Ҳукумат гуноҳингдан ўтди-я.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Беш йиллик ўзгаршидан сўнг домла мударрис Абдурахмоннинг эски гуноҳларини кечирган эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. **Гуноҳини ювмоқ** Ўзини оқлаб, айб, гуноҳ, камчиликлардан фориғ бўлмоқ. -*Худо насиб қилса, ҳажга кетиб, гуноҳларимни ўша ёқда ювиб келаман, деб ният қилди отам, — деди Ҳожеи хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Гуноҳга ботмоқ** Гуноҳ, айб иш қилмоқ; гуноҳқор бўлмоқ. *Бир маҳал қотиллар қўлларидо замбил билан яна пайдо бўлишди. Худди қўллари тегса, «ҳаром» бўлиб, ўзлари гуноҳга ботадигандек, жирканиб туриб, жасадларни замбилларга солишди.* К. Яшин, Ҳамза. **Гуноҳи азим** Катта гуноҳ, айб. *Умар полвон ўйланиб қолди, анчадан кейин тила кирди: -Қуръон — табаррук китоб, уни хор қилиш — гуноҳи азим.* К. Яшин, Ҳамза.

**ГУНОҲҚОР** [ф. گناهكار — гуноҳ қилувчи, айбдор] 1 дин. Шариат қонунига, дин ақидаларига хилоф иш қилган шахс, айбдор. *Мункар-Накир.. бундай гуноҳқорни биринчи*

мартаба кўриши эди, яна гурзисини ишга солди. А. Қаҳҳор, Тобутдан товуш.

2 Одоб-ахлоқ доирасидан ташқари, но-жўя иш қилган шахс; айбдор. *Мен Зокир ота билан Рўзиматни қоралаб, ўзимни оқламоқчи эмасман, шулар қатори мен ҳам гуноҳкорман.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Киши ўзини гуноҳкор ҳис қилса, беғам қувнаётганларга ҳаваси келади.* П. Қодиров, Уч илди.

3 Жиноят қилган, жиноятчи. *Гуноҳкор бўлмақ.* ■ Дарров ҳалиги осилиш учун юборилган гуноҳкорларнинг орқасидан от билан югур! Дор остидан бўлса ҳам қайтариб кел! А. Қодирӣ, Ўтган кунлар. *Терговчи Ота-хўжа акани гуноҳкор қиладиган хат ёзиб, Зумрад опанинг ўзига қўл қўйдириб олмоқчи эди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**ГУНОҲҚОРОНА** [ф. گناهكارانه – айбдор-дек, гуноҳ иш қилгандек] Айб қилгандай, айбдордек. *Матпано бетини буриб, Авазга гуноҳқорона боқди.* С. Сиёев, Аваз. *Козим машинага ўтираркан, раисга гуноҳқорона боқди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

**ГУП** тақл. с. Оғир нарсанинг урилиши натижасида ҳосил бўладиган бўғиқ овоз ҳақида.

**Гуп этиб** 1) гупиллаб, зарб билан. *Пол-воннинг кучи ошиб, ўз рақибини айлантириб чунонам урдик, у гуп этиб ерга йиқилди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Зумрад гуп этиб, ўрнига чўкди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Йигитали мувозанатни сақлай олмай, ёлбошига гуп этиб йиқилди.* Т. Малик, Ажаб дунё; 2) бирдан ва сезиларли даражада. қ. **гупилламоқ** 2. [Чарос] *Эшикни очиши билан гуп этиб иссиқ ҳаво юзига урилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. *Қудрат қорни очлигидан Аҳмад-ни ҳам унутиб, уйга кирди. Кириши билан билқиллаб қайнаётган декчадан хушбўй ҳид димоғига гуп этиб урди.* Х. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**ГУП-ГУП** Гуп с. тақр. *Аравалардан гуп-гуп тош-шағал ағдарилиши, янгроқ арра товуши, болға, босқонларнинг гуп-гупи кулоқни битирарди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**Гуп-гуп урмоқ** айн. **гупилламоқ** 1,2. *..кимдир икки қўли билан гуп-гуп уриб, болишини кўпчитарди.* А. Мухтор, Туғилиш. *Афшонсой томонда қурбақалар қурилар, димоққа арча, наъматакгул, ёвшан, бўзтикан ва ёввойи пиез ҳиди гуп-гуп урарди.* О. Ёкубов, Кўҳна дунё. **Юраги гуп-гуп урмоқ**

Кучли ҳаяжонланишдан юраги безовталанмоқ. *Эшон аянинг ранги ўчган, юраги гуп-гуп урарди.* С. Аҳмад, Сайланма. [Оттабекнинг] *Ҳалиги босинқирашидан юраги гуп-гуп урар ва вужудини тер босган эди.* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**ГУПИЛЛАМОҚ** 1 «Гуп» этган овоз чиқармоқ. *Ҳаммаёқ жимжит, фақат аллақерда электростанция гупиллар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Кимдир югуриб, ичкарига қочди, нимадир гупиллаб, ерга тушди, нимадир полга даранглаб думалади, синди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

2 Бирдан димоққа урмоқ, анқимоқ (ҳид, ис ҳақида). [Ҳазратнинг] *Кўлида катта сават, саватда бут-бутун қўй.. ундан арчада пишган кабоб иси гупиллаб турибди.* И. Раҳим, Тақдир. *Димоғимга наҳорда узилган хушбўй ҳандалакнинг ҳиди гупиллаб урилгандай бўлди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

3 Шиддат билан ёғмоқ (қор ҳақида). *Гуппилатиб йирик-йирик қор ёғарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол. *Қор ҳамон гупиллаб ёғарди.* О. Мўминов, Хиебондаги уч учрашув.

**Юраги гупиллаб урмоқ** айн. **юраги гуп-гуп урмоқ.** қ. **гуп-гуп.** *Дилфузанинг юраги гупиллаб юрганча, оёқлари бўшашиб, айвон устунига юзини босди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингта кулоқ сол.

**ГУППА I:** **гуппа ташламоқ** Зарб билан йиқилмоқ; зарб билан ўзини отмоқ. *Катта оқар сувни сира кечмаган қозоқий чўл оти қамчи зарбидан ўзини гуппа дарёга ташлади.* А. Ҳақимов, Илон изидан.

**ГУППА II:** **гуппа урмоқ** қ. **гупилламоқ** 2. *Паловнинг буғи, ширин ҳиди гуппа уради.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГУППАКЛАШМОҚ** Тўдалашиб, бир-бирини тортқилаб, босиб-йиқитиб, ёқалашиб ўйнашмоқ (болалар ҳақида). [Рустам] *Ана шундай шўхлик ва қувноқлик билан синфга кирди, папкасини партага улоқтириб, болалар билан гуппаклашиб ўйнаша бошлади.* Шухрат, Умр погоналари.

**ГУППА-ГУППА** қ. **гуп-гуп.** *Гуппа-гуппа ёғар эди момиқ қор, Бунча енгил, бунча оқ!* Ж. Жабборов. [Умарқулнинг] *Вақт ўтиб, яна дармони кета бошлади. Икки-уч қадам ташламадан, гуппа-гуппа йиқилаверди.* О. Ҳусанов, Ҳаёт ишқи.

**ГУППИ I шв.** Ҳовлиқма, шошма-шошар. *Очил Куч гуппироқ одам, гапга тез учади.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

**ГУППИ II шв.** Қалин пахтали чопон, тўн. *Адолат онаси келтирган қора духоба гупписини кийиб, бошига каттагина шол рўмол солиб олган эди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Гуппи чопон кийган, патак соқолли гўлабир киши эгардан ёнбошлаб тушиди-да, Аваз билан кўшқўлаб кўришиди.* С. Сиёев, Аваз.

**ГУПСАР** эск. Кечувдан ўтиш учун хизмат қиладиган, махсус усулда қўй ва мол терисидан тайёрланиб, ичига ҳаво тўлдирилган мешга ўхшаш мослама.

**ГУПУРМОҚ I айн. кўпирмоқ.** Сув гупуриб оқмоқда.

**2 кўчма** Жўшмоқ, жўш урмоқ; қайнаб тошмоқ; ҳовлиқмоқ. *Жамол, Мунаввар тут-қазган бир қучоқ ранго-ранг атиргулли кўз олдига келтириб, ичидан қувончи гупурди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Қалбида қувонч гупуриб, худди ўғлини қучгандаги каби энтикди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**ГУПЧАК** Гилдиракнинг марказидаги кегайлар қадалган ва ўқ ўрнатиладиган тешиги бўлган ўрта қисми. *Баъзан араванинг гупчаги тор кўчаларнинг деворларига, гоҳо ариқ четига экилган тол, тракларга бориб урилади.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Араванинг мойланмаган гупчаги фирчиллаб, садақайрағоч тагидаги қироатхона олдидан ўти.* И. Раҳим, Йхлос.

**ГУПЧАҚДАЙ,-дек** Семиз, юмалоқ. *Ялпи шовқин билан «тортишмачоқ» бошланди: қиз томонда гупчакдек юм-юмалоқ хотин, белини белбоғ билан маҳкам боғлаб, ўртага тушиди.* Ойбек, Танланган асарлар. *-Ҳар илли эр-хотин курортга бориб, гупчакдек семириб келамиз, — деди Савлатхон ўртоғига.* Ғайратий, Довдираш.

**ГУР** Бирдан бошланган шиддатли ҳаракат ва ундан чиқадиган товуш ҳақида. *Кушлар гур этиб учди. Гур этиб ёнмоқ. Гур этиб кулиб юбормоқ.* ■ *Ҳамма гур этиб ўрнидан туриб, таъзим қилганича қотиб қолди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**ГУРАС-ГУРАС рвш. шв.** Тўда-тўда бўлиб, тўп-тўп. *Унинг [Мақсуднинг] хаёлларини дарвозадан гурас-гурас кириб келаётган, дарсга ошиқайтган студент йигит-қизларнинг шўх, қувноқ овозлари бўлди.* М. Худойқулов, Интилганга толе ёр. *Сенга тўй*

*совғаси, гуллар кўтариб, Гурас-гурас келар дўстинг, тенгеқуринг.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

**ГУРВАК** Эртапишар қовуннинг бир нави. *Хоразм қовунлари жуда ширин бўлади: кўк новвоти, гурвак, ширинпечак.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ГУРД** [ф. گرد — паҳлавон] Шижоатли, баҳодир. *Фарҳод, Фарҳод, паҳлавону гурд, Ўз исмига муносиб бўлур.* М. Али, Боқий дунё.

**ГУРДАЛИК** Бақувват, кучли. *Қиз ҳақиқатан ҳам соғлом, гурдалик, кўркамгина эди.* Ҳ. Нўъмон, А. Шораҳмедов, Ота. *Ғанишер гурдалик, андак бўйи паст, Чайир, полвон, дадил, ҳар ишга чапдаст.* Ҳабибий.

**ГУРЖИ с. т. айн. гурзин.**

**ГУРЗИ** [ф. گرز — чўқмоқ, тўқмоқ] **I тар.** Тўқмоқ шаклидаги ҳарбий қурол; шашпар. *Шерзод ўрнидан туриб, шернинг бошига яна бир гурзи урди.* «Эртақлар». *Уста Турдиали нимадир демоқчи эди, бошига гурзи тушиб, яна тариқдай сочилди.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

**2 Катта оғир тўқмоқ.** *Фуломжоннинг гурзиси асов тош устига даҳшат билан урилганда, бутун тоғ титраб, унгуэр ичи гумбурлаб кетар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ГУРИЛЛАМОҚ I** «Гур» этган овоз чиқармоқ. *Болалар гуриллаб, уларнинг олдига келиб, қийқариб муҳокама қила бошладилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ҳамма гуриллаб кулди. Бўтабой қип-қизарганича, илжайиб бош чайқар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Катта ернинг охиридаги тош йўлдан юк машинаси гуриллаб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**2 кўчма** Равнақ топмоқ, барқ уриб ривожланмоқ, тараққий этмоқ. *Фан ва маданият гуриллаб кетди. Иш гуриллади.* ■ [Жондор] *Нари борса, шу икки йил мобайнида гуриллаган бойликка эга бўлди, йирик ғалла савдоси билан машғул бўлгани учун, «вагончи» деб аталди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Савдо гуриллаган.. Ҳар куни улфатчилик, базм.* А. Қаҳҳор, Оғайнилар.

**ГУРКИРАМОҚ I** Барқ уриб ўсмоқ, ривож олмоқ (кўкат, ўсимлик ҳақида). *Баҳори буғдойнинг гуркираган пайти.* ■ *Парвариш этилган гўзалар она сутига мириққан боладек гуркираб ўсарди.* Ш. Фуломов, Ташаббус. *Кичкинагина ерда анвойи мевалар гуркираб яшнаб туради.* С. Сиёев, Аваз.

**2 кўма** Гуллаб-яшнамоқ, тараққий этмоқ. *Тилак бахш айласа қалбаларга қанот, Унга парвоз берган билакдир ўктам, Шулар бирлигида гуркирар ҳаёт, Шулар бирлигида яшарар олам.* Э. Воҳидов, Чароғбон.

**3 кўма** Ҳамма ёқни тутмоқ, тарқамоқ, анқимоқ (хид ҳақида). *Қамбар бирдан қаттиқ кулиб, Йўлчининг ёнига ёнбошлади. Оғзидан мусаллас ҳиди гуркирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Қизиган тупроқнинг майин иси гуркиради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ГУРПАКЛАШМОҚ** *айн. гуппаклашмоқ.* Болалар уйни бошларига кўтариб гурпаклашарди. ■ *Чумчуқлар худди оёғи куюётгандай бетоқат типирчилар, ушоқ таллашиб гурпаклашарди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар.

**ГУРРА** *айн. гур.* Алижоннинг икки оёғи осмонда чархалак бўлиб, ерга тушиди. *Ҳатто ер чангиб кетди. Даврада гурра қийқириқ кўтарилди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш. *Йигитқизлар раиснинг машинаси кўриниши билан гурра кўзгаллиди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

**ГУРРОС-ГУРРОС** *айн. гурас-гурас.* Кеча йиғин бўлди Чорсуда, Келаверди эл гуррос-гуррос. М.Али, Боқий дунё. *Сайилга гуррос-гуррос одамлар оқиб кела бошлади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ГУРС** *тақл. с.* Зарб билан уриш, урилиш натижасида чиқадиган бўғиқ овоз. *Оғилхона тарафда бир ниманинг гурс этиб ерга йиқилиб, хириллай бошлагани эшитилди.* Ф. Фулом, Шум бола. *Аллақайда кўтарма кранининг чийиллагани, сўнг гурс этиб тўхтагани эшитилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Юраги гурс-гурс урмоқ** *айн. юраги гуп-гуп урмоқ қ. гуп-гуп.* *Шукуржоннинг юраги гурс-гурс ура бошлади.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Шербек ўз овозидан ўзи қўрқиб кетди: юраги обжувоздек гурс-гурс урарди.* С. Анорбоев, Оксой.

**ГУРСИЛЛАМОҚ** «Гурс-гурс» овоз чиқармоқ. *Нимадир гурсиллаб ерга тушиди, нимадир синди. Уйнинг эшиги шарақлаб очилди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Шу пайт даҳлизда гурсиллаган товуш эшитилди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**Юраги гурсиллаб урмоқ.** *айн. юраги гуп-гуп урмоқ. қ. гуп-гуп.* *Алимардон кўндан ўйлаб юрган орзуси чиндан ҳам рўёбга чиқаётганидан қувониб, юраги гурсиллаб уриб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ГУРСКЕТДИ** Пичоқ тегиши билан гурсиллаб ёриладиган бир нав қовун номи. *Мадаминхўжа дастурхон солди, нон ушатди, кейин каттакон бир гурскетдини келтириб, пичоқ тортган эди, қовун қарс этиб ёрилди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ГУРУНГ 1** Қизгин суҳбат, гап; баҳс. *Мушоира — шеър базми, шоирлар гурунги, ширинсуханлар суҳбати.* А. Юсупов, Мушоира. *Гурунг қизигандан қизиди. Хотинлар дардлашиб, қувнашдилар.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Ўз гув-гуви билан гузарни тўлдирган одамлар гурунги ҳам бир зумда тинди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Мамадали аста бошини кўтариб, уй ичида бўлаётган гурунгга қулоқ солди.* А. Раҳмат, Мардлар марди.

**2 шв. қ. гап 2.**

**Чигатой гурунги тар.** Ўзбек маърифатпарварларининг XX асрнинг 20-йилларида Фитрат раҳбарлигида вужудга келган адабий-бадий ва илмий ташкилоти.

**ГУРУНГЛАШМОҚ** Қизгин суҳбатлашмоқ, суҳбатлашиб ўтирмоқ. *Куюшга терс бир ҳужрада тўрт киши гуж бўлиб, одатдагича гурунглашиб ўтиришар эди.* Ойбек, Навоий. *Тўда-тўда эркаклар гурунглашади.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

**ГУРУ(Н)Ч** [ф. *گرنج / برنج* — гуруч] Шолидан оқлаб олинадиган дон маҳсулоти; ошлик дон. *Гуруч заводи.* ■ *Лаълихон соат беши мўлжаллаб, ошининг гуручини солди.* Ойдин, Кўнгиел тўлдими, яхши йигит. *Аҳмад гуручни икки марта ағдариб, ошни дамлаб қўйди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**Гуруч орасида курмак бўлмоқ** Бегона бўлиб ажралиб турмоқ. *Ёрмат тарвузини тугатиб, тўсатдан таклиф қилди: -Борасизми? Ростини айтсам, учиб кетгим келаяпти. -Гуруч орасида курмак бўламизми? — эътироз қилди Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ГУРУҲ** [ф. *گروه* — одамлар тўдаси; оломон] I Бир тўп одам, тўда. *Жангчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, қишлоқ оралаб кетдилар.* Ойбек, Куюш қораймас. *Бир гуруҳ эски танишларим билан суҳбат қурдим.* Ш. Рашидов, Янги ер ҳақида сўз.

**Қора гуруҳлар** Ёвуз ниятли кишилар тўпи; реакцион кучлар тўдаси. *Шундай қилиб, хон бошчилигидаги қора гуруҳлар маърифатпарвар Исломуҳжадан ўч олдилар.* Ж. Шарипов, Хоразм.

2 Мақсад, маслак, фаолият ва ш. к. лар умумийлиги асосида шакллланган расмий ёки норасмий жамоа. *Текиширувчилар гуруҳи. Илмий гуруҳ.*

3 Умумий белги, хусусиятга эга бўлган бир турдаги нарса, ҳодисалар мажмуи, туркуми. *Юлдузлар гуруҳи. Сутэмизувчилар гуруҳи.*

4 Дарс, машғулот ўтказиш мақсадида бирлаштирилган кишилар, талабалар бўлинмаси, түпи. *Ҳуқуқий билимларни ўрганувчилар гуруҳи. Биринчи курснинг араб тилида таҳсил олувчи талабалар гуруҳи.*

5 Табақа, тоифа; даража. *Иккинчи гуруҳ ноғирони.*

**ГУРУҲБОЗ** Гуруҳбозлик, тарафкашлик қилиб юрадиган шахс. *-Абдурасулни қоралаб гапирасан, гуруҳбоз дейсан. Эшитдингми, гапдон? — деди Тожибой. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ГУРУҲБОЗЛИК** Бир гуруҳ кишиларнинг ўз манфаатлари йўлида жамоада қарама-қарши гуруҳлар уюштиришга қаратилган ҳаракати; тўдабозлик. *Ғийбатчилик, фирибгарлик, гуруҳбозлик ва тўхматчилик, афеуски, ҳали ҳам бизнинг орамизда бор.* Газетадан.

**ГУРУҲЛАМОҚ** Бирор белгиси, тури, хили ва бошқа хусусиятларига қараб гуруҳларга, қисмларга бўлмоқ.

**ГУСАР** [венгр. huszar] Чор Россиясида ва айрим Европа мамлакатларида: енгил қуролланган отлиқ аскар.

**ГУСЕНИЦА** [р. гусеница — капалак курти] *тех.* Трактор, танк каби машиналарнинг ғилдираклари устига ўралган кенг, узун занжир. *Иккинчи гранатани Аҳмедов гусеницани мўлжаллаб улоқтирди-да, ўзини тошдай ерга ташлади.* Ойбек, Қуёш қораймас. Танкнинг гусеницаси мажақланиб кетиб, қимирламай қолди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

**ГУСЛИ** Русларнинг чангга ўхшаш торли тирнама мусиқа асбоби.

**ГУСТОХ** [ф. گستاخ — беадаб; ладил, қўрқмас] *кт.* Одобсиз, беадаб, беандиша; сурбет; бетакаллуф. *Густох одам. ■ -Аяжон, биз густох қўшнилариингизни кечиринг! — дея лабларига энган кўз ёшларини ялаб, ув тортиди аёл. Н. Қиличев. Устун.*

**ГУСТОХЛИК** Одобсизлик, беадаблик, андишасизлик; сурбетлик; бетакаллуфлик. *Қосимбек қўлини кўксига қўйиб бош эгди:*

*-Кулингизнинг густохлигини афв этинг, бе-гим, мен амирзодамнинг ижозатлари билан дилмда борини сўзладим. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**ГУСУБУРИДА** [ф. گيسوبوریده — сўзма-сўз: сочи қирқилган; уятсиз аёл] Соци қирқилган. *Шоирамиз Маҳвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат хизмати эвазига.. Наманган диндорлари томонидан сочи қирқилди — гусубурида қилинди.* Газетадан.

**ГУСУР-ГУСУР** *айн. гурс-гурс.* Бир оздан кейин кўча тарафдан гусур-гусур қилиб ўтган бир тўда от оёқларининг товуши келди. *Ғайратий, Унутилмас кунлар.*

**ГУТАЛИН** [лот. gutta — томчи ёки нем. gut — яхши] Этик, ботинка ва ш. к. ни ялтиратадиган қорамой. *Ботинкани гуталин билан мойламоқ.*

**ГУТТАПЕРЧА** [ингл. guttapercha < малайча getah — қорамой + pertja — дарахт] Баъзи ўсимликларнинг ширасидан тайёрланган, каучукка ўхшаш юмшоқ эластик модда (тиббиёт ва техникада қўлланади).

**ГУФТУҒЎ** [ф. گفتگو / گفتگو — суҳбатлашиш, суҳбат; ўзаро низо] *эск. кт.* Гап-сўзлар; суҳбат. *Мен, соддадил, бундай гуфтуғўларга ишониб, Мирзо Ёдгор хизматига кирдим.* Ойбек, Навоий. *Зиндон атрофида бўлаётган гуфтуғўдан ичкаридаги кишанланганлар, қамаб қўйилганлар ҳам огоҳ бўлди.* Мирмуҳсин, Тундаги чақмоқлар.

**ГУШНА** [ф. گوشنه < گوشنه — оч; оч қолган] Очкўз, кўзи оч. *-Картабозларнинг гушнаси шу-да, — деб бошқа биров жавоб берди.* П. Қодиров, Уч илди. *Эртасига кечқурун озурдадил Мухаммад Шариф гушналар олдига борди. Қ. Мирзо, Олам гўзал.*

**ГУҲАР** [ф. گوهر — жавоҳир] *эск. кт. айн. гавҳар.* [Жомий:] *Гуҳардур ҳар сўзи, ҳар ҳарфи оташ.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий. *Бўлмагай инсон азиз, яхши ҳунар қилмаса Ёки ўқиб, илм ила ўзни гуҳар қилмаса.* Ҳабибий.

**ГЎДАК** [ф. گودک — ёш бола, чақалоқ] 1 Эмадиган, кўкраклан ажратилмаган, одатда бир ёшгача бўлган бола; чақалоқ. *Ошлада тугилса гўдак, Унга суйиб қўярлар исм. А. Орипов. Эсли болалар ҳам кўринмайди. Гўдаклар эса бешикда, дарахтлар орасидаги беланчақларда ухлаб ётишади.* Ойбек, Танланган асарлар.



**2** Вояга етмаган, она сути оғзидан кетмаган бола, ёш бола. *Мукулмонқул.. ўзини мингбоши эълон қилиб, ақлсиз бир гўдакни хон кўнтариб, эл елкасига минди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Ўқитувчи ёлғиз билим бермайди. У гўдакни одам қилади. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**3** кўчма Етарли турмуш тажрибасига эга бўлмаган, хом, гўр одам. *Баринг гўдак, ҳали нодон боласан, Ҳар иш қилсанг ҳам, битмаган, чаласан. «Равшан». Дилдор Аъзамжонни кўрди-ю, Низомжон кўзига бир ёш бола, гўдак бўлиб кўринди-қўйди. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ГЎДАКЛАРЧА** Гўдакларга, болаларга ўхшаб, ёш болалардек, болаларча. *Гўдакларча иш тутмоқ. Гўдакларча аразламоқ.*

**ГЎДАКЛИК 1** Гўдак ҳолати, гўдак ёши; чақалоқлик, жуда ёшлик пайти. *Биз сизларнинг тарбиянгизда гўдакликдан вояга етдик [деди Элмурод] П. Турсун, Ўқитувчи. У [йигит].. гўдаклик йилларининг унутиб бўлмас хотираларига бой бўлган адир этаклари, сой бўйлари, сертупроқ кўчалар оғушида маст бўлиб борар эди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

**2** кўчма Гўдакларга, ёш болаларга хос иш, ҳатти-ҳаракат, қилиқ. *Гўдаклик қилмоқ.*

**ГЎЁ 1** [ф. گویا — гапирувчи, нотик] эск. поэт. Айтувчи, гапирувчи.

**Булбули гўё 1)** жуда яхши сайрайдиган ва одамдек гапира оладиган булбул (эртакларда); 2) яхши ва бийрон гапирадиган одам ҳақида. *Сизлар ҳозир бамисоли булбули гўёсиз. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ГЎЁ 2** [ф. گویا — худди, мисли] эрг. боғл. Қиёслаш, ўхшатиш маъноларини ифодалаш учун хизмат қилади. *Фуломжон суянганидан ерда юрмас, гўё осмонда учарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Тожибой кириб келди. Гўё бу ерда ҳеч ким йўқдай, ўтирганлар билан саломлашмай, кеккайиб бориб, ўз ўрнига ўтирди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ГЎЁКИ** [ф. گویاکه — худди, мисли] айн. гўё 2.

**ГЎЖА** Ўғир (кели)да туйиб оқланган жўхори (оқ жўхори)дан тайёрланган суюқ овқат. *Хотинлар уч-тўрт жойга давра бўлиб ўтиришиб, гўжа ичишарди. С. Зуннунова, Олов. Қулмурод қозондаги гўжа ошига икки коса қатиқ қўйди. С. Айний, Қуллар.*

**ГЎЗАЛ 1** Жуда ҳам чиройли, хусндор, хушрўй. *Гўзал қиз. ■ Гулсум унинг [Элмуроднинг] хаёлида бу ердаги гўзалларнинг гўзали бўлиб тура берди. П. Турсун, Ўқитувчи. Уттиз беш ёшларда кўринган бу гўзал хотин ҳарам ходималаридан Гулшанбону эди. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**2** Киши кўзини қувонтирадиган, кишини мафтун этадиган, завқлантирадиган. *Гўзал табиат бағрида дам олмоқ. Гўзал хулқли инсон.*

**3** Завқ-шавққа бой, серзавқ, унутилмас (давр, вақт ҳақида). *У қорли, совуқ кун Йўлчи учун умрининг энг мазмунли, энг рангли, энг гўзал кунни эди. Ойбек, Танланган асарлар.*

**4** Гўзал (хотин-қизлар исми).

**Гўзал адабиёт** эск. Бадиий адабиёт. **Гўзал санъат** эск. Бадиий санъат.

**ГЎЗАЛЛАШМОҚ 1** Чиройи очилиб, тобора гўзал бўлмоқ. *Нодира кундан-кунга гўзаллашиб бормоқда.*

**2** кўчма Тобора кўркамлашмоқ, обод бўлмоқ. *Тошкент кундан-кун гўзаллашмоқда.*

**ГЎЗАЛЛИК 1** Чирой, хусн. *У [Гулнор] букун шод, баҳор унинг.. гўзаллигига гўзаллик қўшган. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** флс. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ туйғулари уйғотувчи хусусиятларини ифодаловчи эстетик тушунча.

**ГЎЛ** [ф. گول — содда; нодон, аҳмоқ] Ҳар нарсага ишонаверадиган; содда, лақма. *Гўл одам. ■ Аҳмад лўппи, қип-қизил башарасидан гўл кўринар, аммо тўғри сўз, дангалчи бола. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Инспектор янги бошлиқнинг жуда содда, тўғрроғи, гўл бир кимса эканига қаноат ҳосил қилди. Н. Аминов, Суварак.*

**ГЎЛАЙМОҚ** шв. Бақрайиб қолмоқ, анграйиб қолмоқ. *-Эшик қия очилиб, қизнинг ярим юзи кўринди. Нима қиларимни билмай, гўлайиб қолибман, — деди Комилжон. У. Назаров, Биринчи учрашув.*

**ГЎЛАХ** [ф. گولخ — гулхан; ҳаммомнинг ўтхонаси] 1 Ҳаммомнинг ўт ёқиладиган жойи, ўчоғи; гўлаҳхона. *Шу вақтда Регистон яқинидаги.. ҳаммом гўлаҳидан тўрт нафар қиморбоз қўлларидан икки замбар билан чиқиб келдилар. С. Айний, Қуллар.*

**2** Ҳаммомга ўт ёқувчи киши; гўлаҳи. *Маълумот сўрамайдиган турли ишларда ишладим: қоровул бўлдим, гўлаҳ бўлдим. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.*

**Гўлаҳдан чиққан** эск. 1) гўлаҳхонада ётган. -Ўзиям гўлаҳдан чиққанга ўхшайди-я, яғир бўлиб кетибди, бола бечора, — деди Мехри-ниса Маҳкам акага. Р. Файзий, Ҳазрати инсон; 2) паст табақадан чиққан. «Гўлаҳдан чиққан теги пастни бошингизга урасизми, олсангиз — бирор хонзодани олинг», деб минг марта айтдим, қулоқ солмадингиз. Ҳ. Фулом, Машғал. **Ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган салб.** Кўп иш кўрган, ҳар балони бошдан кечирган, шайтон киши ҳақида. *Ниёзоҳуннинг дилига гулғула тушди. Бойвачча эмиш.. Бу ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган каллакесар ўғри-ку!* К. Яшин, Ҳамза.

**ГўЛАХИ** айн. гўлаҳ 2.

**ГўЛАХХОНА** айн. гўлаҳ 1. *Совуқ кунда бошларини қаёққа уришни билмай, охири бир ҳаммомнинг гўлаҳхонасини топдилар.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ГўЛЛИК** Лақмалик, ҳар нарсага ишонаверишлик *Гўллик қилмоқ.* ■ *Тагин ўша-ўша гўллингга бориб, ҳамма сир-асрорингни валдираб қўйдингми? — деди ичида, ўзидан ранжиб Отақўзи.* О. Ёқубов, Диёнат.

**ГўЛОС** Тўқ жигарранг. *Гулос ипак. Гулос духоба.* ■ *Чевар ҳам турлугини Ўрнига қўёлмадир: Нуқул оқ, барикарам, Пистоқи, гўлос, зангор.* Ф. Фулом.

**ГўММА** шв. Ичига гўшт ёки баъзи сабзавотлар солиниб, ёгда пишириладиган сомсанинг бир тури. *Оллоқулибой кўк чойни ичиб, яна гўммани тушира кетди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ГўНГ 1** Уй ҳайвонлари ва паррандалар ахлати. *Худойқул одамнинг қўлидан келадиган ҳар қандай ишга қобил эди: от-молга қарайди, гўнг курайдди, жоди билан пичанпоя қирқади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Шу ҳайвонларнинг ахлатидан иборат ўғит. *Ерга гўнг солмоқ.*

**ГўНГЛАМОҚ** Ерга гўнг солмоқ, ерни ўғитламоқ, *Ерни гўнглаб ҳайдадик, чигит тикдик.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ГўНГХОНА** Гўнг тўкиладиган ва сақланадиган махсус жой; катта ўра, чоҳ.

**ГўНГҚАРҒА** Қарғасимонлар оиласига мансуб, Ўзбекистонда ўтроқ яшайдиган қуш; қарға тури.

**ГўНИЯ** [юн. gonia — бурчак] махс. Бурчакнинг тўғрилигини текшириш учун ишлатиладиган чизмакашлик ёки дурадгорлик асбоби.

**ГўПСАНГИ** [ф. كوب — зарб (а) + سنگ — тош] 1 шв. Катта тош ҳовонча.

2 кўчма Кўпол, бесўнақай одам ҳақида.

**ГўР** [ф. گور — қабр] 1 Ўликни кўмиш учун қазилган чуқур. *Бировга гўр қазисанг, ўзинг йиқиласан.* Мақол. *Гўрингдан тутун чиққур! Гўрингда чиригур! (қарғ.)* ■ *Тўпа холанинг ёнида очиқ гўр форга ўхшаб, аллақандай ваҳима таратиб, қорайиб турибди.* И. Раҳим, Ихлос.

2 Ўлик кўмилган жой ва шу ерда тикланган тепача; қабр; қабр устига қурилган мақбара. *Қаерга борасиз, Қулбобо.. ажалингиз етса, отамизнинг гўри ёнига сиз учун катта бир сағана ясаб, сизни элиб кўмамиз.* С. Айний, Қуллар.

**Гўр азоби** Жуда ҳам қийин, машаққатли иш ҳақида. *Йўл азоби — гўр азоби.* Мақол. **Гўр азобида** Азоб ва машаққат билан, катта қийинчиликлар билан. **Гўрдами айн. гўрними.** **Гўрига гишт қаламоқ** Бировни орқаворатдан сўкмоқ, ҳақорат қилмоқ, қораламоқ. **Гўрними** Қаёқда дейсиз, ҳеч-да. *Бу сафар силаб-сийпаб ўтибдимми? — Гўрними? Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда ёки йўлидан гўри яқин* Ўлай деб турибди, ўлими яқин (ўлими яқин бўлиб қолган қари одам ҳақида). *Бир оёғим тўрда-ю, бир оёғим гўрда, ажал деган рўдапо эшикнинг тирқишидан мўралаб турибди-ю, қолган беш кунимеа шуқур қилмай, яна орзу-ҳавас қилайми, айланай овсин!* А. Мухтор, Опа-сингиллар. **Ота гўри қозихонами?** Арзимаган ишга, нарсага ҳам шунча галва-жанжалми? [Ҳасан:] *Турмасанг турмассан. Шунга ҳам ота гўри қозихонами! Мен Зухра билан нариги уйга ўтаман.* Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. [Ўз] **гўрига тортмоқ** Бировни ўз жиноятига шерик қилмоқ; оёғидан тортмоқ. *У, Олаҳўжани ўз гўрига тортмай, ўша ёқда йўқ бўлиб кетса кошки эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Қай(си) гўрга с. т.** Қаёққа, қаерга. *-Қайси гўрга йўқолдинг, баччағар! — ўшқирди Бобоқулга қараб. — Утни ёқ. Бир ниёладан чой ичиб, йўлга тушайлик!* С. Анорбоев, Оқсой. **Қай(си) гўрда с. т.** Қаерда, қаёқда; қаердадир. *Аҳмаджон ака! Қайси гўрда юрибсиз? Телефон қилмаган жойим қолмади.* А. Қаҳҳор, Оғрик тишлар. **Қай(си) гўрдан** Қаердан, қаёқдан; қаердандир. [Рокия:] *Тур-гунбой — Фарҳоду, Муҳаббат — Ширин эди. Қайси гўрдан бир хат келди-ю, ораларига совуқлик тушди-қолди.* Н. Сафаров, Ҳаёт

мактаби. **Ҳаммаси (ёки бари) бир гўр** Ҳаммаси ҳам бир (хил), бирдек, фарқи йўқ. -*Кўп ўтмай, у мени яна бошқа жойга топширди. Бу бой даргоҳида ўтган ҳаётим эслашга арзийдими? Йўқ. Ҳаммаси бир гўр эди, — деди Ҳамроқул. Ҳ. Турсунқулов, Ҳаётим қиссаси.* **Ҳар кимнинг гўри бошқа** Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, ҳар ким ўз билганини қилади. *Каромат ундоқ бўлиб кетди, индамадим; майли, бунисига ҳам бир нима демайман, ҳар кимнинг гўри бошқа, менга нима. А. Қаҳҳор, Қизлар.*

**ГЎРГА** мод. с. 1 «Яхши», «ишқилиб» маъноларида қўлланади. У (йигит) илкис атрофга назар ташлаб, юрагини бирдан ваҳм босди: не бўронда қолиб кетмаса гўрага эди. М. Мансуров, Ёмби.

**2** Кесим таркибида келиб, розилик, истак ва ш. к. маъноларни ифодалайди. *Фойдасини бермаса ҳам гўрага, саккиз минг сўмни қайтарсин. А. Қаҳҳор, Сароб. -Қариганда мени бир балога гирифторм этмасанг гўрага эди, — дея қичқирди [Зоҳир шайх]. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ГЎРИСТОН** [ф. *گورستان* — қабристон] Ўлик кўмиладиган махсус жой; мазора, қабристон. *Онаҳон қизининг ялангоёқ эканини ҳам унутиб, тиканак босиб кетган гўристон устидан тўғри темир йўл устахонаси томонга йўл олди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.*

**ГЎРИСТОНЛИК** фольк. Гўристон. *Кўклам вақти эди, жума куни қариндошимизнинг тўйига бориб, қайтишда гўристонлик ичидан ўтиб кетаётганимда, бир бош суякка кўзим тушди. «Олтин олма».*

**ГЎРКОВ** [гўр + ф. *كاو* — ковловчи] **1** Қабристонда гўр қазувчи киши. *Қоратой чолни уйда қолдириб, Ўроз билан бирга мазорга, гўрковга жўнади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**2** кўча Йўқ қилувчи; йўқ қилиб, ўрнини олувчи. *Қози ҳам, Асад қори ҳам жаҳид мактабларига қарши эди, улар бу хил мактабларга диний мактабларнинг гўркови деб қарар эдилар. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**ГЎРКОВЧИ** шв. Гўрков. [Гулжон Мас-турага:] *Айтганингиздек, жониворнинг гўрковчиси, нафсинг терговчиси бўладими, ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин-да!* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ГЎРСЎХТА** [гўр + ф. *سوخته* — ёнган, куйган] қарғ. Гўринг(да) куйгур. -*Ахир,*

*пушаймон қилипти-да, гўрсўхта, — деди Йўлчи, ҳайратдан ёқасини ушлаб. Ойбек, Танланган асарлар. Бозоров деган гўрсўхта Адолатга кўз олайтириб юрибди. И. Раҳим Чин муҳаббат.*

**ГЎРХОНА** [гўр + хона] Мақбара тагидаги ўлик кўмишга мўлжалланган махсус хона, ертўла.

**ГЎСНОҒОРА** [ф. *كوس* — катта ноғора + а. *نقاره* — кичик ноғора] Катта ноғора. *Жар солди гўсноғора, Сафга тизилди лашкар, Ёв бўлгуси садтора, Омин, оллоху акбар. А. Шер, Кўз ҳилоли. Муборак бу тонгда овозга эга Ўзбек халқининг ҳам гўсноғораси. Ф. Гулом.*

**ГЎСФАНД** [ф. *گوسفند* — қўй]: **гўсфанд йили айн. қўй йили қ. қўй 2.**

**ГЎСХЎР** [ф. *كسخل* — тентак, анқов] Бировга ем бўлувчи лақма, гўл одам. -*Бўлди, хўжайин! Бугундан бошлаб сизга текинга ишлайдиган гўсхўр йўқ!! — деди Муҳаммадкарим. М. Ўринхўжаев, Унутилас кунлар. Кимдир гап қотди: -Хотинини колхоз раисига қўшиб қўядиган гўсхўр йўқ. С. Аҳмад, Хукм.*

**ГЎШ I** [ф. *گوش* — қулоқ] Эшитиш аъзоси, қулоқ. *Бу сўзни гўши бор одам эшитсун, Ўзида ҳуши бор одам эшитсун. Фурқат.*

**ГЎШ II** с.т. фольк. Гўшт. *Ўлганларнинг қузғун кўнар гўшига, Чўқ савдолар солай ўзим бошига. «Юсуф ва Аҳмад».*

**ГЎША** [ф. *گوشه* — бурчак, овлоқ жой] **1** Одамлар назаридан узоқ ер, овлоқ жой; бурчак. *Аҳмад Ҳусайн бир кун, пешиндан сўнг, Искандарони қуюқ бир дарахтзор, тинч, сокин бир гўшада кутиб ўтирди. Ойбек, Нур қидириб.*

**2** Тураржой; бошпана. У [Матқовул].. *отасидан қолган тўрт таноб ерда йигитлик терларини тўкиб ўзига.. кичик бир гўша қўрмоқи эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о.*

**3** Умуман жой. *Жаннат гўшасими бу сўлим соҳил, Кўз узиб бўлмайди ой жамолидан? Миртемир.*

**ГЎШАК** [ф. *گوشک* — қулоқча; қулоқнинг юмшоқ жойи] Телефон трубкаси. *Асадбек мовий телефон гўшагини кўтарди. Т. Малик, Шайтанат.*

**ГЎШАНГА** этн. Никоҳ тўйининг биринчи кечаси куёв билан келиннинг бошқалардан холи ўтириши ва тунаши учун уй бурчагига тортилган оқ чодир; чимилдиқ. *Гўшангада кўзлар илҳақ бўлмоқда, Куёв бола*

таллинади ўшанга. Миртемир. *Урф-одатга* биноан, улар [Бобур билан Ойша бегим] бир-бирларини тўйдан сўнг гўшангада биринчи марта кўрдилар. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ГЎШАНИШИН** [ф. گوشه – бурчак + نشين – ўтирувчи; яшовчи] *кт.* Одамлардан холи, танҳо ҳаёт кечирадиган, одамга кўшилмайдиган, жамиятдан ажралиб қолган киши. *Қулмуҳаммаднинг гўшанишин бўлиб, тўшакда ётиши қулаган минорага ўхшарди.* Мирмуҳсин, Чўри.

**ГЎШАНИШИНЛИК** *кт.* Одамга кўшилмаслик, аралашмаслик; танҳоликда кечирладиган ҳаёт. *Ҳатто баъзи кунлар ҳужрасидан ташқарига чиқмас, кишилар билан сўзлашмас, бошқача айтганда, кундан-кунга гўшанишинликка яқинлашиб борар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ГЎШТ** [ф. گوشت – эт] **1** Тирик организмнинг мушак тўқималари; эт. *Томирларда қон қайнаб, кўзларда ўт чақнарди, мушак гўшлари нўлатдай қотиб кетган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**2** Сўйилган жонивор танасининг овқат сифатида истеъмол қилинадиган қисми; эт. *Кўй гўшти. Товуқ гўшти. Қовурилган гўшт.* ■ *Аҳмад Танбал чинни лагандаги гўштга энди қўл узатганда, эшик секин очилди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**3** Баъзи бир меваларнинг ейиладиган қисми, эти.

**Бир-бирининг гўштини емоқ** Доим бири-бири билан уришмоқ, жиққамушт бўлмоқ. **Бир қоп гўшт** Қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ландавур одам ҳақида. *Рўзибой деганимиз бир қоп гўшт бўлди-қолди.* «Гулдаста». **Гўштингни ейман** Дўқ, пўписа маъносидаги ибора. *Ейман дейди гўш(т)ини, Қайрайди кал тишини.* «Равшан». **Гўштини бир бурдадан қилмоқ** Роса урмоқ, калтакламоқ, саваламоқ. *-Кўп энгилик қилиб ҳингиллай берманглар! Отанг кўриб қолгудек бўлса, сени ҳам, мени ҳам гўштимизни бир бурдадан қилади,— деб то эшикдан чиқиб кетгунча жавраб қоладилар.* Ойдин, Бечора. **Номаъқул бузоқнинг гўштини емоқ** **1)** хато қилмоқ, адашмоқ; **2)** нодонлик қилмоқ. *-Но-*

*маъқул бузоқнинг гўштини бир едик-да,— дейди Берди татар.* А. Қодирий, Обид кетмон. **Қип-қизил гўшт** Ҳеч вақоси йўқ, камбағал, ночор. *-Қол сўр, аммо ҳамённи ҳам сўр, ука! Биласан-ку аҳволимизни, қип-қизил гўштмиз,— деди Умарали.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ГЎШТГИРЛИК** [ф. كشتى – кураш + گير – маҳкам ушловчи, тутувчи] *эск. спрт.* Бадан тарбияси; кураш санъати. *Паҳлавон қалин лаблари билан сўзни аста ўлчаб кесиб, «гўштгирлик» илми ҳақида қизиқ маълумотлар берди.* Ойбек, Навоий.

**ГЎШТДОР** [гўшт + ф. دار – бирор нарсага эгаликни билдирувчи кўшимча] **1** Гўшти кўп, сергўшт, семиз. *Гўшtdор одам.* ■ *Зайнаб қисқа бўй, гўшtdор ва оқ танли эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Сергўшт, эти қалди (баъзи мевалар ҳақида). *Гўшtdор жийди. Гўшtdор шафтоли.*

**ГЎШТКУЙДИ** Хамирга гўшт, пиёзлик қийма тутиб, тандирда пишириладиган бир хил сомса. *Ошхонадан кабоб ва гўшткуйди ҳидлари анқийди.* Ойбек, Болалик.

**ГЎШТЛИ 1 айн. гўшtdор 1,2.**

**2** Ичида гўшти бор; гўшт солиб тайёрланган. *Гўштли сомса. Гўштли шўрва.*

**ГЎШТСИЗ 1** Ичида гўшти йўқ; гўшт солинмаган, бегўшт. *Гўшtsiz овқат.* ■ *Йўлчи катта товоқдаги гўшtsiz, қатиқsiz.. мошхўрдадан.. икки қошиққина ичди..* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Гўшти, эти йўқ; ориқ, озгин. *Гўшtsiz қўли билан ушламоқ.*

**ГЎШТХЎР** [гўшт + ф. خور – еювчи] Гўштни яхши кўрадиган, гўштни кўп истеъмол қиладиган. *Гўштхўр одам. Гўштхўр ҳайвонлар.*

**ГЎЯНДА** [ф. گوينده – ҳикоя қилувчи, айтувчи; нотик, сухандон] **1** Қадимда тўй, сайил-томоша ва шодиёналарда ҳикоя, қисса айтувчи киши.

**2** Ҳофиз, ашулачи. *Шерозий йигирма беш ёшлар чамасида бўлиб, овози жаранлаган, бабоғатга етган, энди мустақил гўянда бўлган пайти эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**3** этн. Таъзияда йигини бошловчи, марҳумнинг яхши хислатларини айтиб йигловчи аёл.



# Д

-да куч. ва сўр. юкл. **1** Гапда таъкид, кучайтирув каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. -Бола-да, — кампир узр сўраган бўлди. Газетадан. Сен ҳам юрибсан-да полвон номини олиб. «Ёшлик».

**2** Гапга сўроқ мазмунини киритади. *Сиз ҳам борган экансиз-да!?* ■ *Сартарош бўлай дебсиз-да, а?* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

**3** “Яна”, “тағин” каби сўзлар билан келганда, уларнинг маъносига ортиқлик, кучайиш белгисини киритади. *Маданиятимизни янада ривожлантираммиз.*

**4** бркт. боғл. вэф. Бош гап билан эргаш гапни ёки гап бўлақларини боғлайди. *Али-мардон унинг ёнига оғир чўкди-да, қошларини чимирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. *Искандаров бир неча дақиқа унга маҳлиё бўлиб турди-да, ўзини босиб олди.* С. Аҳмад, Лаъли Бадахшон. *Эшик ғирч этиб очилди-да, рухсат сўраб Дарवेशали кирди.* Ойбек, Навоий.

**ДАБ с.т. айн. даф II.**

**Даб бўл!** Йўқол! Кет! -Кўз тегмасин. *Келган балолар даб бўлсин! — деди [кампир] ва кўйлагининг ичига туфлаб ҳам қўйди.* Ойдин, Ширин келди.

**ДАББА I** [a. دَبَّه — секин ҳаракатланиш, судралиш; кириб бориш] **1** *от* Ички аъзоларнинг ўзи жойлашиб турган бўшлиқдан шу бўшлиқ девори орқали ташқарига туртиб чиқиши ёки пастга — моякдонга тушишидан иборат касаллик; чурра. *Қорин даббаси.*

**2** сфт. Шундай касалликка чалинган, мубтало бўлган (одам ёки жонивор). *Дабба одам. Дабба от.*

**3** кўчма дағл. Судралган, юришмай қолган иш, касод бўлган мол; дангаса ва

ишёқмас одам ва ш. к. ҳақида. *Нима бало, даббамисан, ётганинг ётган. Дабба мол. Бу ҳафта бозор дабба.*

**ДАББА II** [ф. دَبَّه — чарм халтача] Жувоз-кашларнинг чармдан ёки металлдан ясалган ва ёғ, умуман суюқлик қуйиб қўядиган идиши.

**ДАБДАБА** [a. دَبَّابَه — дукур-дукур; баланд овоз; тантана] **1** Ҳаддан ташқари тантана, ларзага келтирувчи, ваҳимага соладиган хатти-ҳаракат, шов-шув. *Илгарилашган сари базмнинг бутун дабдабаси аниқроқ сезилиб, Ёрматни безовта қила бошлади.* Ойбек, Танланган асарлар. *Подшо дабдаба билан бозорга борибди.* «Зумрад ва Қиммат».

**2** Манманлик, гурур билан тўлиб тошган хатти-ҳаракат; қуруқ ваҳима. *Ҳусайн Бойқаро.. қадамларини тетик босиб, дабдаба билан чодирдан чиқди.* Ойбек, Навоий. *Бир танноз қиз зўр дабдаба билан идорага кириб келди.* «Муштум». *Дадабойнинг баланд бўлиб дабдабаси, Охир чиқди дабдабасин дабдаласи.* Т. Йўлдош, Аттанг.

**3** Ҳаддан ортиқ улуғворлик, ҳашамат; савлат, маҳобат. *Улуғбек мадрасасининг дабдабаси Регистонга бошқача тус бериб турибди.* ■ *Қачонлардир дабдаба билан қурилган икки табақали нақшинкор дарвозадан ичкарига киришди.* «Ёшлик». ..унинг [Шайбонийхоннинг] салласига қадалган дуру гавҳарлар, тўнига тикилган олтину марваридлар дабдаба билан ялтираб кўзга ташланади. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**Дабдаба сурмоқ** Давр-даврон сурмоқ, шаън-шавкат билан ҳаёт кечирмоқ. *У ҳам хонлик қилиб, подшоҳлик дабдабасини суриб..*

неча ой, неча йилдан кейин ўлиб кетди. “Мурудхон”.

**ДАБДАБАБОЗ** [дабдаба + ф. *بان* – ўйновчи] Меъридан ортиқ дабдабали ҳаракат, маросимларни яхши кўрадиган, маъносиз, қуруқ дабдабаларга берилган шахс. *Дабдабаз одам.* ■ *Тулан сафсатабоз, ёлгончи, дабдабаз, кибри.* Газетадан.

**ДАБДАБАБОЗЛИК 1** Дабдабага, қуруқ ҳашамга тўлиқ бўлган хатти-ҳаракат. *..ўз-ўзини мақташ ва дабдабозлик вазиятига тоқат қилиб бўлмайди.* Газетадан. *Оилавий тантаналар, маросимларнинг яна бир неча хиллари борки, уларда ҳам.. дабдабозлик каби эски иллатлар.. мавжуд.* Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар.

**2** Амалий иш ўрнига қуруқ ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан овора бўлиш. *Йиғилишларда қабул қилинаётган қарорлар кўпинча конкрет бўлмасдан, дабдабозлик характерида эканлиги катта камчиликдир.* Газетадан.

**ДАБДАБАДОР** [дабдаба + ф. *دار* – эга бўлувчи] **1** Серҳашам, ҳашамдор; дабдабали. *Низомулмулк ҳеч қандай жиноятнинг олдидан ўтмагандек, пинагини бузмай, аввалгидек кеккайиб, дабдабодор яшар эди.* Ойбек, Навоий.

**2** Савлатли, улуғвор, маҳобатли. *Дабдабодор ўйни колхоз ҳисобидан ремонт қилдиргани ҳам айтилди.* Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар.

**ДАБДАБАЛИ 1** Ваҳима туғдирадиган, ларзага келтирадиган. [*Навоий:*] *Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдир.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**2** Ҳаддан ортиқ ҳашамга берилган ёки безалган; серҳашам, маҳобатли. *Дабдабали иморат. Дабдабали қиёфа.* ■ *Арава бир лаҳзада ўзининг дабдабали кўринишини йўқотди.* К. Яшин, Ҳамза. *Марҳумлар хотирасини ҳурматлаш уларнинг қабрларига дабдабали ёдгорликлар ўрнатиш, ҳар хил битиклар ёзиш билан ўлчанмайди.* Газетадан. *Усмонбек Ҳратена қозисига қарашли дабдабали уйда дарча ёнида ёлғиз ўтириб, Туркистоннинг ҳарбий харитасини кўздан кечирмоқда.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

**3** Қуруқ, баландпарвоз гаплар билан тўлиб-тошган; ортиқ даражада безатилган,

бўрттирилган. *Дабдабали ваъдалар. Дабдабали гаплар.* ■ *Мақолага жуда дабдабали сарлавҳа қўйилган эди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Интизомни мустаҳкамлаш учун курашда дабдабали сўзлар эмас, балки амалий иш керак.* Газетадан. *Фильмда дабдабали сўзлар, баландпарвоз иборалар йўқ, томошабиннинг ўзи воқеалардан хулоса чиқариб олади.* Газетадан. *Кейин Убайдуллаев уста кўрмаган рассомларни йиғиб, бир қанча дабдабали плакатлар тайёрлатди.* Газетадан.

**4** Ҳаддан ортиқ тантанали, шов-шувли. *Дабдабали тўй.* ■ *Даромадга қараб буромад деганларидек, тўй ҳам шунга қараб жуда дабдабали ўтди.* «Муштум».

**ДАБДАЛА: дабдала бўлмоқ ёки дабдаласи чиқмоқ 1)** парча-парча бўлмоқ, чилпарчин бўлмоқ. *Соат ерга тушиб дабдала бўлди.* ■ *Шофёр минага дуч келиб дабдала бўлган машина яқинида жонсиз ётарди.* В. Ғофуров, Вафодор; **2)** вайрон-толқон бўлмоқ, ер билан яқсон бўлмоқ. *Бомбардимонлар натижасида шаҳрлар дабдала бўлган эди;* **3)** йиртилиб, тўзиб кетмоқ. *Нуқул қирра тош, шағалли тоғларда этик, ботинкаларимиз йиртилиб.. дабдала бўлиб, тагчармининг соғ жойи қолмади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Баширжон анча дадилланди. Чўнтагидаги муқоваси титилиб, дабдаласи чиқиб кетган ўша ёндафтарчани варақлади.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа; **4)** аъзойи баданининг бутун ери қолмай шикаст емоқ. *Калтак еб дабдала бўлди.* ■ *Мен якка, душманим эди бир гала; Белим, оёқларим бўлди дабдала.* Миртемир, Асарлар; **5)** ишдан чиқмоқ, яроқсиз бўлиб қолмоқ. *Дехқон зоти борки, ҳозир қон йиғлаб ётибди: дабдала бўлиб, кукунни чиқиб ётган ерларни кўриб, одам туғул мол-жониворларга ҳам титроқ тушяпти.* А. Мухтор, Чинор; **6)** бузилмоқ, издан чиқмоқ. *Лаълихон ишдан четлатилди; асаблари дабдала бўлган Жўрақулов яна жанга кирди.* Мирмуҳсин, Илдишлар ва япроқлар; **7)** расво бўлмоқ, сири фош бўлмоқ. *Дадабойнинг баланд бўлиб дабдабаси, Охир чиқди дабдабасин дабдаласи.* «Муштум». *Гувоҳларнинг дабдаласи чиққандан кейин Гуломжон деди..* М. Исмоилий, Фарғона т. о. **Дабдала қилмоқ 1)** бузиб ишдан чиқармоқ. *Телефон симларини дабдала қилиб ташлашган..* Б. Раҳмонов, Мардлар қиссаси; **2)** вайрон-толқон қилмоқ, ер билан яқсон қилмоқ. *Германиянинг эски чегарасидаги истеҳкомлар*

ҳам туриш беролмади. *Авиация осмондан дабдала қилди.* Шухрат, Шинелли йиллар. *Ана-мана дегунча сел ҳамма ёқни дабдала қилди.* И. Мирзаев, Тўйбошилар; 3) уриб қонга бўямоқ, пачақламоқ. *Ҳа, айтгандай, агар ёмонликка олсам, ҳозир уриб, башарангизни дабдала қилар эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сиз қўй, демаганингизда, оғзибурнини дабдала қилиб, аламдан чиқай деган эдим.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Афт-башарасини дабдала қилди.* С. Анорбоев, Оқсой; 4) руҳий азоб бермоқ, руҳан чарчатмоқ. *Кун ботса бас. Дард билан озор Қиз журагин қилар дадала.* О. Ҳожиева, Ҳаётга таъзим.

**ДАБДУРУСТДАН** *рвш.* 1 Тўсатдан, қўқ-қисдан, бирдан, кутилмаганда. *Дабдурустдан киришга ботинолмай туриб қолдим.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унинг дабдурустдан нўписа қилиши нафсониятимга тегди.* «Ёшлик». *Дабдурустдан айтилган гапга Норхоннинг кулгиси қистади.* «Ёшлик».

2 Дастлаб, аввал, бошда; дарров. *Ҳайдар ота уни [Асрорқўлни] дабдурустдан танимади.* А. Қаҳҳор, Асрор бобо. *Аҳмад остона ҳатлаб ичкари кирди. Дабдурустдан нима иши борлигини айтолмади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Дабдурустдан гапни шундай бошласанг, чўчитиб юборасан.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДАБИР** [ф. *دبير* — мирза; котиб] *кт.* 1 Ўқитувчи, устоз. *Хоразмишоҳ очик юз билан дабирга мурожаат қилди.* Газетадан.

2 Мамлакат ҳукмдорининг шахсий котиби; давлатнинг расмий ҳужжатларини ёзувчи ва таҳрир қилувчи котиб, мунший. *Бу эрса, Николай вазири эди. Бутун хуфя ишда дабири эди.* С. Хондайлиқий, Навбаҳор.

**ДАБЛА** *шв.* Ёғ сақлашга мўлжалланган хум ёки темирдан ясалган идиш. *қ. дабба II.*

**ДАВ I** [ф. *ديو* — дев, жин; жуда катта, улкан] *шв.* Улкан, катта, бакувват (одам ва б. нарсалар ҳақида).

**ДАВ II** *шв.* Тўхмат, бўҳтон.

**ДАВАНГИ** [ф. *دبنگ* — аҳмоқ, анқов; кўпол] *Бесўнақай, беўхшов, кўпол. Гўё бу даванги куёви қолиб, ҳозир Пошиша холанинг ўзини бир нима қилиб қўядигандай, шошиб ўрнидан туриб кетди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Бошга тушганни кўз кўрар дегандек, оғзига латта тиқилган, қўллари чамбарчас боғланган даванги фашист ҳам ушоққина қиз буйруғига бўйсуншига мажбур эди.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли қиз.

**ДАВАНГИДАЙ**, *-дек шв.* айн. **давангирдай.** *Курашга ишқибоз ёшлар Тўламант мўйловнинг давангидай қоматига ҳавас билан тикилишарди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Мундоқ қарасам, катта йўл ўртасидан билагига костюм ташлаган давангидай бир йигит келяпти.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДАВАНГИРДАЙ**, *-дек I* *шв.* Гавдали, забардаст. *Ўн олти ёшга тўлганда, Раҳматулло давангирдай йигитга айланди.* «Шарқ юлдузи». *Эшик очилиб, чорнаҳилдан келган, давангирдай бир йигит кирди.* «Фан ва турмуш».

2 *салб.* Қомати беўхшов, кўпол; бесўнақай, суяги бузук. *Давангирдай йигит.* ■ *Кексагина бир одам елкасига давангирдай бир йигитни миндирибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *-Ханжарим қонга ташна, — деди белбоғига ойболта қистирган давангирдай бир одам ҳозир бўлиб.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Ашурбой ака ҳаддан ташқари дароз, сергўшт, суяклари бузук, давангирдай одам эди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДАВАРА** *шв.* Қўрқитиш, чўчититиш хатти-ҳаракати; дўқ, пўписа, дағдаға. *Давара қилмоқ.* ■ *Мен ҳамиша ёлинуб, гоҳи оғзаки давралар қилгонимни сўзлагонимда, ул киши кулди ва айтдиким..* А. Қодирий, Фирвонлик Маллаевой. *Бой отга мина туриб яна давара қилди: -Эрталаб албатта чиқ.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

**ДАВВОР** [а. *دوار* — давра ясовчи] *Давра ҳосил қилиб айланувчи, чархпалак. Боши йўқ, сўнги йўқ бу чархи даввор. Коинот хаёлдай жумбоқ-да яхлит.* Миртемир, Асарлар. *Кўлимда бир қадаҳ тимқора қаҳва, Елкамда муаззам гўмбази даввор.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**ДАВ-ДАСКА** *шв.* айн. **дав-дастак.** *Бутун бойлигини, дав-даскасини қизилларга қўш қўллаб турган бой.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ДАВ-ДАСТАК** *шв.* Бутун бор-йўғи, барча бисоти. *Қаерда истиқомат қилмай, биринчи дав-дастагим, дастурум — китоб.* М. Жўра, Ноширнома.

**ДАВАЧА** *шв.* Тумор.

**ДАВИР** [ф. *دوير* — чарм белбоғ; қайиш] *фольк.* От устига эгардан кейин эпипладиган чочоқли зарбоф абзал; эпипинчиқ. *Бисмилло деб солди отнинг устига Чочоғи зумраддан зарли давирди.* «Муродхон». *От белига олиб*

келиб ташлади Қимматбаҳо зар чочоқли давирди. «Хушкелди». От боради арқираб, Давирлари ярқираб. «Равшан».

**ДАВКАР** шв. фольк. Забардаст, девдек. Буён келди етти навкар, Навкарнинг бари давкар. «Тоҳир ва Зухра».

**ДАВКАШ I** шв. Мунозарани (довлашишни) яхши кўрувчи, жанжалкаш.

**ДАВКАШ II** шв. Тухматчи, бўҳтончи.

**ДАВЛАТ I** [а. دولت — мамлакат] Ўз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турувчи кучларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакат. Ўзбекистон давлати. Теурийлар давлати. Давлат аппарати. Давлат бюджети. Давлат герби. Давлат интизоми. Давлат мулки. ■ Чиндан ҳам вақтли ҳукумат давлат тепасига чиқди-ю, лекин амалда подишонинг халққа қарши сиёсатини давом эттирди. К. Яшин, Ҳамза. Темир томонидан тузилган давлатнинг системаси ҳам қизиқарлидир. «Фан ва турмуш». Давлат қуриб берсин, деб ўтирмай, ҳашар билан битириб қўяди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДАВЛАТ II** [а. دولت — бойлик] I Бойлик, мол-дунё, мол-мулк. Яхши ният — ярим давлат. Мақол. Давлат тугар, билим тугамас. Мақол. ■ Маблағ, давлат, сармой! Бизда ўша йўқ. К. Яшин, Ҳамза. Рихсибой ака давлат келадиган манбани ахтара бошлади. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Одам ишлатиш хўп яхши нарса-да. Хизматкорлар ҳар куни давлатимга давлат қўшади. Ойбек, Танланган асарлар.

**Аркони давлат** Давлатнинг улуғлари, давлатнинг таянчлари. Аркони давлат Чамбилда бежой кўп деб, Шиғирлатиб опкеп кийим ташлади. «Гулнорпарид». Икки ёнида аркони давлат қулуқ мақомида турибди. С. Сиеёв, Ёруғлик. Давлати кўтаради Молдунёси кўп; қурби етади. Биз катта боймиз.. давлатимиз кўтаради. Ойбек, Танланган асарлар. **Тахти давлат** Давлат ҳукмронлиги, подшоҳлик. Бу ерда тахти давлатинг, Кетар мендайин улфатинг.. «Эрали ва Шерали».

**2** кўчма Маънавий бойлик; бахт, омад. Соғлигинг — давлатинг. Мақол. Ҳамжил-ҳатлик — давлат, Ёлғизлик — кулфат. Мақол. Давлатинг — ота-онанг. Мақол. ■ Муқаддас мазордан сенга узоқ умр, кетмас давлат,

инсоф ва тавфиқ тилаганман, болам! К. Яшин, Ҳамза. Давлат кўнса бир чивиннинг бошига, Семурғ қушлар салом берар қошига. «Муродхон».

**3** кўчма (ў.-п.к. билан) Орқасида, соясида, кўмагида. Отаннинг давлатида тезроқ тўйни қилиб, бу таранг қўғирчоқни тезроқ багрингга босмайсанми, ландавур! Мирмуҳсин, Меъмор. Қариб, ўғил-қизларнинг давлатида еб-ичиб, кийиб, яйраб ўтирадиган пайтида.. С. Зуннунова, Олов.

**4** Давлат (эркаклар ва аёллар исми).

**Бошига давлат қуши кўнмоқ** Толеи очилмоқ, омади келмоқ. [Сифат буви Жамилага:] Айланай, қизим! Наҳотки бошингга давлат қуши кўнса-ю, уни калтак олиб, ўзинг қувласанг! Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Давлатингиз (ёки давлатлари) кўланкасида (ёки соясида) ёки сояйи давлатларида (ёки давлатингизда)** Сизнинг паноҳингизда, ҳимоянгиш, гамхўрлигингиз остида (мулозимат юзасидан, кўпинча кириш ибораси сифатида ишлатилади). Сиз оқпошонинг давлати соясида юрт сўраб, умрингиз айш-ишрат, нашо намо билан ўтяти. К. Яшин, Ҳамза. -Йигитларингизнинг барчаси ҳам қуруқ қолмадимиз? -Давлатингиз соясида, тақсир! А. Қодирий, Ўтган кунлар. -Худоба шукур, давлатлари кўланкасида, — деб қўрбоши тавозеланди ва қўл қовуштириб, қушбегининг яқинига чўккалади. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Давлатлари ёри берса** Ўзларининг маладлари билан бахтимиз чопса, омадимиз келса. Давлатлари ёри берса, албатта, бизнинг муддао ҳам шунда! А. Қодирий, Ўтган кунлар. Уғрилардан биттаси тутилди, давлатлари ёри берса, қолганлари ҳам ушланур, деб ўйлайман! А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Давлат қуши I**) эртақларда: валиаҳди бўлмаган хон ўлганда, хон қилиб кўтариладиган кишини аниқлаш учун учирилган қуш. Давлат қуши келиб, Рустамзоднинг бошига кўнди. М. Маҳмудов, Булбулигўё; 2) кўчма бир келиб қолган бахт, омад, толе. Бахтинг бунчалик кулган экан.. давлат қушини кўлдан учуриш кўфрони неъмат, болам! А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Олтмиш деган ёшингда давлат қуши бошингда. Ҳабибий, Девон.

**ДАВЛАТБОЙ** бот. Шакли узунчоқ, туси сарғиш эртапишар, ёзги қовун нави.

**ДАВЛАТБОШИ** Давлатни бошқарувчи ҳукмрон; юртбоши. Давлатбоши беклар



келди Урганча, Яхши ният билан келдим, подшойим. «Юсуф ва Аҳмад».

**ДАВЛАТЛАРАРО** Бир қанча давлат ўртасида бўлган ёки бўладиган, бир қанча давлатга тегишли. *Давлатлараро хўжалик бирлашмалари. Давлатлараро битим. Давлатлараро ихтилофлар. Давлатлараро муносабатлар.*

**ДАВЛАТЛИ** I 1 Ўз мустақил давлатига эга бўлган (қ. **давлат** I).

2 эск. Ҳар ишга қудрати етадиган, ҳукмрон (асосан амир, хон, вазир ва юқори табақа амалдорлари ҳақида). *Бормасанг, жавоб бер, давлатли хоним! Мен қалмоқ[қа] бораман бундан, султоним! «Алпомиш». Бирга-бирга юринг, давлатли беклар. «Маликаи айёр». Зарбингдан йиғласин бунда душманлар, Номардик қилмагин, давлатли шунқор. «Ширин билан Шакар».*

**ДАВЛАТЛИ** II Катта давлатга, бойликка эга бўлган; давлатманд, бадавлат. *Давлатли одам. Давлатли оила. ■ Бу хўжраларнинг барча эшиклари ёпиқ ва қулфланган.. бўлиб, моллар билан бандлиги ва уй эгасининг давлатли одам бўлганлиги англашилур эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ДАВЛАТМАНД** [давлат + ф. *مند* — бирор нарсага эгаликни билдирувчи қўшимча] I *айн. давлатли II. Давлатманд одам. ■ Яхши оилага куёв бўлганидек, шаҳардаги бошқа давлатмандлар билан ҳам алоқа боғлади. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Мана, юртга ўғил ўстирган Бир давлатманд бой бўлиб қолдим. Зулфия, Хаёллар, туйғулар. Юраги яна пўкиллади. Тошкентнинг тўрт даҳаси танийдиган бу давлатманд кишининг олдига қандай киради. Ойбек, Танланган асарлар. -Давлатмандлар кўкнинг чароғи, еринг гули, одамларнинг асли, — дейди отам. Ойбек, Нур қидириб.*

2 Иқтисодий жиҳатдан бақувват, ўзига тўқ, бадавлат. *Илгари қолоқ ва қашшоқ бўлган бу оила маданиятли ва давлатманд оилага айланди. Н. Сафаров, Қурбонали. Э, мулла Сафо, бу хотинталоқ давлатмандлар ейиши-ичиши учун эмас, мақтаниши учун бойлик тўплашади. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Қишлоқ хўжалиги саноати давлатманд хўжаликлар қўлида тобора кўпроқ тўплана бори. Газетадан.*

**ДАВЛАТМАНДЛИК** Бой-бадавлат бўлиш; моддий жиҳатдан бақувватлик, катта иқтисодий имкониятларга эгалик. *Давлат-*

*мандлик нималарга қодир эканига унинг [Қоплонбекнинг] фаҳми етади. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**ДАВЛАТПАНОҲ** [давлат + паноҳ] Бахту саодат ато этувчи, саодатбахш; подшоҳ. *Лутфу караминиуз нуридан кўнгулларимиз чароғон ўлиб, лайлу наҳор дуои жониниғизни қилмоқ ила хурраму шодмиз, давлатпаноҳ! С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДАВЛАТХОНА** [давлат + хона] *тар. Арк; хон саройи; қаср, сарой. Подшо давлатхонада гамгин ёта берсин, энди бир сўзни подшонинг суярча ёридан сўранг. «Эрали ва Шерали». Эламас кетгандан ўз мазгилига бориб ётди, Эрта-мертан шоҳнинг давлатхонасига етди. «Интизор». Ўн йил ўтгандан кейин, Гўрўғлининг давлатхонасига Нуралихонни етаклаб борди. «Нурали».*

**ДАВЛАТХОҲ** [давлат + ф. *خواه* — хоҳловчи, истовчи] Бахту омад тиловчи; хайрхоҳ; бахт истовчи. *-Мухтарам беклар, давлатхоҳлар! — деб гап бошлади Хўжа Абдулла. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**ДАВЛАТЧИЛИК** Давлат тузуми; давлат сифатида уюшишнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асос ва тамойиллари. *Ўзбекистон давлатчилигининг таркиб топиши. ■ Бу йиллар миллий давлатчилигимизни тиклаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш даври бўлади. Газетадан. Давлатчилик тизimini мустаҳкамлайлик. Газетадан. Қорақалпоқларнинг миллий давлатчилиги ҳам ривожланди. Газетадан.*

**ДАВО** [دوا — дори-дармон; илож] I Беморнинг шифо топиши учун қўлланадиган восита; муолажа; умуман шифобахш нарса. *Кўёш, ҳаво — танга даво. Мақол. Асал — минг дардга даво. «Қанотли сўзлар». ■ Олма шартати организмнинг касалликларга қаршилиғини оширади, юрак-томир касалликларига даво. «Саодат». Кашнич меъда касалига мубтало бўлган кишиларга даво ҳисобланади. Газетадан. Унинг қўлида даво топган беморлар ўз халоскорларидан бир умр миннатдор бўлишади. Газетадан.*

**Даво қилмоқ** 1) даволамоқ, муолажа қилмоқ, касални тузатмоқ; 2) кўчма кўмак етказмоқ, ёрдам қилмоқ.

2 *кўчма Тадбир, чора, илож. Амалга даво йўқ, Ёмонга — бало. Мақол. Оғриқ тишининг давоси — омбир. Мақол. ■ Мусибатнинг бирдан-бир давоси — меҳнат. «Шарқ юлдузи».*

**Даво топмоқ** 1) касални тузатадиган восита, дори-дармон топмоқ. *Утар бобо бошлиқ сарой табиблари унинг дардига даво тополмадилар.* С. Сиёев, Аваз; 2) даволанмоқ, шифо топмоқ; 3) кўчма илож топмоқ.

**ДАВОБАХШ** [даво + ф. بخش — бағишловчи, берувчи] кам қўлл. айн. **шифобахш.** Улар [нефтчилар] нефть қидириб келишди-ю, бироқ излашган нарса нефть эмас, даво-бахш сув бўлиб чиқди. Ф. Сирожидинов, Чортоқ ҳавоси.

**ДАВОЛАМОҚ 1** Касални муолажа қилиб, боқиб тузатмоқ, дори-дармон қилиб соғайтирмоқ. *Қулоқни даволамоқ. Тишини даволамоқ.* ■ Гапирмас эдим. У профессор дардимни ипидан игнасигача эшитса, осон даволайди, деб ўйладим. Н. Аминов, Қалтис хато. Умид табибдир: одамни даволаб, унга қанот беради. «Ёшлик».

2 Бирор касалликни, огриқни дори-дармон қилиб тўхтатмоқ, йўқотмоқ. *Ракни даволамоқ. Безгакни даволамоқ.* ■ Халқ жуда кўп ишларни пахтадоғ билан даволайди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

3 кўчма Маънавий-ахлоқий нуқсонни тузатмоқ, тўғриламоқ. -Бу касални тузатиш мумкин, — деди раис, — аммо бўлармикан даволаб айёрлигингизни ҳам. «Муштум». Ҳамкасбларимизни тўғрилик ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати. Бу дардни [эл дардини] адл суви билан ювмоқ, даволамоқ лозимдир. Ойбек, Навоий.

**ДАВОЛАНМОҚ** **Даволамоқ** фл. мажҳ. ва ўзл. н. *Касалхонада даволанмоқ. Курортда даволанмоқ.* ■ Шамси Тўраевич қон босими ошиб, шифохонада даволаниб ётибди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Касалхонамизда даволанаётган беморлар номидан ушбу совгани қабул қилинг. С. Аҳмад, Сайланма.

**ДАВОЛАНУВЧИ** *от* Бирор бир соғлиқни сақлаш муассасасида даво, муолажа олаётган шахс. *Розия Фахриддиновага ҳамкасбларининг ҳам, даволанувчиларнинг ҳам шончи беқиёс.* «Саодат».

**ДАВОЛАТМОҚ** **Даволамоқ** фл. орт.н. *Нега оламга келиб, оҳ-надомат билан утиб кетаётган шу ожизани шу кунгача даволата олмадик.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАВОЛОВЧИ** Касалларга қаровчи, шифо берувчи; беморларга муолажа белгиловчи. -Қўлларимни кесадими, Шукур ака?

— эланиб сўради у даволовчи врачдан. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда.

**ДАВОМ** [а. دوام — узоққа чўзилиш, узоқ муддатлилик, доимийлик] 1 Бирор иш-ҳаракат, ҳодиса, воқеа ва ш. к. нинг узлуксиз жараёни, бориши. *Кузатишлар “Марс-1” космик станцияси ҳаракатининг давоми нормал эканини кўрсатди.* ■ ..бу одам уч йилдан бери гулдираб келган, ҳозириси шунинг давомидай эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Табиатдир менинг давомим, Туташ эрур бағрим бағрига.* Х. Даврон, Болаликнинг овози.

**ДАВОМ ЭТМОҚ (ёки қилмоқ)** 1) бирор ишни узлуксиз бажармоқ. *Ортиқча от-араваларимиз қирдаги сомонлар билан бундаги қуруқ бедаларни ташишда давом қиладилар.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоий; 2) маълум вақтгача чўзилмоқ. *Бу ҳол тушга қадар давом этди.* К. Яшин, Ҳамза. *Шундай шиддатли жанг кун бўйи давом этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ўйин-кулги ярим кечагача давом этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар; 3) (ў.-п. к. билан) бошланган иш-ҳаракатни давом эттирмоқ. *Очил индамай ёзишда давом этди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Ғанижон беихтиёр орқасига қаради-ю, яна йўлида давом этди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 Тўхтатилган иш-ҳаракат, ҳодиса, воқеа ва ш. к. нинг қолган (ҳали давом этиши лозим ёки мумкин бўлган) қисми. *Ҳикоянинг давоми. Кечаги гапнинг давоми.* ■ *Қудрат хатнинг давомини ўқиёлмай.. қолди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *У гапнинг давомини айтолмай қолди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

3 Бирор нарсанинг маълум жойидан кейинги қисми, кети. *Йўлнинг давоми. Чизиқнинг давоми.*

4 3-ш. эгалик ва ў.-п. к. аффикслари билан кўмакчи вазифасида қўлланади (қ. **давомида**).

**ДАВОМ ФЕЪЛИ тлш.** Давомли иш-ҳаракатни англатувчи феъл. *Утган замон давом феъли иш-ҳаракатнинг такрорланганлигини, давом этганлигини англатади.* «Ўзбек тили дарслиги».

**ДАВОМАТ** [а. دوامت — ишда бўлиш вақти] Муайян иш-ҳаракат, тадбирларга (машгулот, ўқиш, тўғарак ва ш. к. га) доимий иштирок этиш, қатнаш. *Ўқувчиларнинг дарсга давомати яхши.* ■ *Тингловчиларнинг давомати яхши бўлмади.* Газетадан. -Ҳўш,

болалар, қани, айтинглар-чи, ҳозир синфларинг давомат масаласида нечанчи ўринда турибди? — деб сўради [директор]. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб.

**ДАВОМИДА 1** кўм. вэф. Муайян вақт, муддатнинг давом этиш оралиғида, мобайнида. Кейинги икки йил давомида биз уруғлик чигитларни нурлантиришга оид тажриба олиб бордик. “Фан ва турмуш”. Қутбиддинлар икки кун давомида ложувард конини ўрганишди, ўн килограммча намуна олишди. С. Кароматов, Олтин кум. Саодатхон иккинчи чорак давомида қилнадиган ишларни ба-тафсил сўзлаб берди. С. Зуннунова, Олов.

**2** Муайян иш-ҳаракат, ижодий фаолият вақтида, орасида. Иш давомида унда-бунда бегона сўзларни эшитиб, кейин эса китоб таталаб, инглизчани билиб олдим. “Гулдаста”.

**ДАВОМИЙЛИК 1** Тўхтовсизлик, узлуксиз давом этишлик. Демак, ҳаракатнинг давомийлигини ифодалаш учун маълум даврларга қадар **-моқ** аффикси билан ясалган ҳаракат номининг урин-пайт келишигидаги шакли қўлланган. «УТА».

**2** Изчиллик, анъанавийлик. Кадрлар танлашда давомийликка риоя қилиш лозим. Газетадан. Бу масала [синф раҳбарлиги]да ҳам давомийлик жорий қилмоқ лозим. Газетадан.

**ДАВОМЛИ** Узоқ давом этган ёки этадиган; давоми бор. **Давомли қарсақлар.** ■ Хусайн Бойқаро.. тўхтовсиз, давомли.. урушларда.. қиличбозликдаги маҳоратини намоён қилган эди. Ойбек, Навоий. Қизгин бахслар, давомли мунозаралар студентлик кезларининг ажойиб ва серзавқ дамлари ҳисобланади. Газетадан.

**ДАВОМСИЗ** эск. Узлуксиз давом этмайдиган, мунтазам қатнамайдиган. **Давомсиз ўқувчи.** ■ Булар [ўқувчилар] ҳам тўполончи, давомсиз, дарсда улгурмовчи бўлмаган. Газетадан.

**ДАВОМЧИ** Ўзидан илгаригилар бошлаган ишни давом эттирувчи; ворис. **Бизда илму фаннинг забардаст намояндлари:** Ибн Сино, Беруний, Улуғбекларнинг ҳақиқий давомчилари.. этишиб чиққанлиги дунёдаги дўстларимизни қувонтирмоқда. Газетадан. Тўраҳон ўз авлодининг бирдан-бир давомчиси бўлган ўғли учун ҳамма нарсага тайёр эди. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ДАВОСИЗ 1** Даволаб бўлмайдиган, давоси йўқ. **Давосиз касаллик.** ■ Ўрмонжон

нима қилса экан? Бу давосиз дардни кимга айтса экан? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Умрининг энг қимматли кунларини огулаган, икки йил бўйи давосиз дардага муб-тало қилган.. ўз онаси эмасиди? А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** кўчма Қутулиб бўлмайдиган, иложи, чораси йўқ. **Давосиз иллат.** ■ Йўлиқтирдинг давосиз дарда, дармонинг бўлурман деб. «Муштум».

**ДАВОТ** [a. دوات — сиёҳдон] айн. **довот.** Эртага шоғирдим менга қоғоз, қалам, давот келтиргусидур. М. Осим, Карвон йўлларида. Токчадан кўндан бери қўл урилмаган давот-қаламни олди. Қ. Мирзо, Олам гўзал. Кўтаринлар қўлларингда аламни, Мулла олсин давот билан қаламни. «Юсуф ва Аҳмад».

**ДАВОТХОНА** [давот + хона] тар. эск. Хон (подшоҳ) девонхонасида муншийлар, мирзалар ўтирадиган хона.

**ДАВОХОНА** [даво + хона] **1** эск. айн. **шифохона.**

**2** Касалларни даволаш ишлари олиб бориладиган хона, жой; муолажа хонаси; профилакторий. Ўнг томони беморлар ётадиган хоналар, чап томони давохона, ошхона, синфхона. Газетадан.

**ДАВР** [a. دور — айланиш, айлана; ал-машиниш, навбат] **1** Жамият тараққиётида ёки табиатда муҳим воқеа, ҳодиса юз берган ёки ўзига хос хусусияти билан ажралиб турадиган маълум вақт оралиғи. **Қулдорлик даври. Феодализм даври. Капитализм даври. Бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Тош даври. Темир даври.** ■ Ўзбекистон олимлари олиб бораётган археологик қазималарнинг тарихий диапозони тош давридан то ўрта аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Газетадан. Қанча даврлар ўтса ҳам, бўёқлари худди бузун сирилгандай яп-янги турган бу ажойиб бинолар Бобурнинг қалбидаги зафар завқига завқ қўшди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бунинг устига ўша давр тарихчилари Темур забардаст, хийла чиройли одам бўлганини ёзиб қолдирганлар. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**2** Тарихда бирор шахс ёки кишилар гуруҳи, сулоланинг номи билан боғланган вақт, замон. **Темурийлар даври. Навоий даври.** ■ Бобур Мирзонинг орзулари шулким, Мовароуннаҳр яна Улуғбек давридаги каби

бирлашса, пойтахт аслига қайтса.. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**3** Шахс ҳаётидаги маълум вақт. *Ёшлик даври. Талабалик даври.* ■ *Холиданинг ёшлик даврида аёлларнинг кўзи кўр эди, тиканни кўрмасдан босарди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Ўтган ярим асрли мураббийлик даврим мен учун ҳам катта ҳаёт дарсхонаси бўлди, кўп нарса ўргандим. Газетадан. Офтоб ойимнинг: "...нега қирқ кокил қилиб ўрмайсан" деган сўрашига: "Қизингиз энди қизлик давридан ўтиб, келинлик даврига кирди", деб кулди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**4** Бирор бир авлод яшаган ёки яшаётган вақт; айни яшаб турилган вақт, замон, замона. *Ўз даврининг ҳар йирик воқеаси Ойбек ижодида ёрқин аксини топди. Газетадан. Давримиз ҳар бир соҳани комплекс равишда ҳал этишни тақозо этапти. Газетадан. Чўлқуварлар ва қаҳрамонлар давр баҳодирларидир. «Ўзбекистон кўриқлари». Бадиийлик ва янгидан-янги эстетик кашфиётлар яратилишини давр тақозо этмоқда. Газетадан. Ўқиш керак, давр билан бирга бориш керак. «Ўзбекистон кўриқлари». Давр тараққиёти институт олимлари ва мутахассислари олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Газетадан.*

**5** Бирор иш-ҳаракат, талбир бажариладиган муайян вақт. *Ҳисобот даври.* ■ *Ғўза парваришининг қизғин даври. Ҳар соат ганимат. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Ҳисобот даврида йигит-қизларнинг асосий диққат-эътибори пахтачиликни ривожлантиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилди. Газетадан.*

**6** Маълум ҳодиса, воқеа, жараёнда ўзгаруш содир бўладиган муддат. *Ўсимликларнинг ўсиш даври.* ■ *Биз аввало ўсимликларнинг ўсиш даврини қисқартириш ва ҳосилдорликни оширишга эришидик. «Фан ва турмуш». Ҳосил туғиш даврида ғўзани чеканка қилиш муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Газетадан. Буқоқнинг айни авж олган даври экан. Й. Шамшаров, Зиёлилар.*

**7** махс. Такрорланувчи жараён ёки хоссаларнинг ҳар бир такрорланишида унинг бошланишидан то охиригача ўтадиган вақт. *Битта тўла тебраниш учун кетган вақт давр деб аталади. "Физика курси". Календарь Куёш, Ер, Ой ва Юпитер сайёраси ҳаракатининг астрономик давларига асосланиб*

*тузилган. «Фан ва турмуш». Каторнинг, элементлар хоссасининг изчиллик билан ўзгаришини ўз чегараси ичига олган қисмини.. Менделеев давр деб атади. «Кимё» дарслиги.*

**8** геол. Геологик системани ташкил қилувчи тоғ жинсларининг ҳосил бўлишига кетган вақт.

**9** Кишининг омади келган, иши юришган чоғлар; роҳат-фароғатли замон. *Ҳозир бизга давр келган вақт. Давримизда уйнаб олайлик.* ■ *Давримизда юравермайсизми, дўстим, бир кишини қанотимиз тагига оломасак, нима қилиб юрибмиз. «Муштум». Қўлінгдан кетмасин давринг, давронинг, Ойдин кўлга қушинг чуйгин, Авазжон. «Авазжон». ..ҳозир сизларнинг даврингиз, қўлингиздан келганини бизнинг ҳаққимиздан аяманг. Бир кун яна бизнинг давримиз келар. С. Айний, Қуллар. Гул юзимга, буви, мунча термулдинг, Уларнинг даврида ўйнадинг-кулдинг. «Эрали ва Шерали».*

**Давр сурмоқ** 1) ҳукмронлик қилмоқ. *Давр келса, ур, беғим, даврон келса, сур, беғим. Мақол.* ■ *Хўп подиолар давр сурган эканларда, а! П. Турсун, Ўқитувчи. Давр сурмоқчи бўлди, Бек бўп турмоқчи бўлди. «Ойсулув». Отанг подшо, сен қадимдан тўрасан, Олтмиш тўрт йил бўлди — давринг сурасан. «Эрали ва Шерали»; 2) роҳат ва фароғатда яшамоқ. *Оқ эшон Худоёрхон вақтида хўп давр сурди. К. Яшин, Ҳамза. Шу кишининг орқасидан давр суриб юрибмиз, ахир. «Муштум». Василий қишлоққа янги келган пайтида Асқар мулланинг давр сурган пайти эди. С. Зуннунова, Олов. Даври фалак айн. даврони фалак қ. даврон.**

**ДАВРА** I [a. دوره — айланиш, айлана; давр, навбат] 1 Доира шаклида тузилган саф ёки доира ясаб, қуршов олиб ўтирган кишилар ёки кўр ташлаб ўтирган одамлар. *Яхши йигит — давранинг боши. Мақол.* ■ *Давра сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. «Шарқ юлдузи». Даврага ғалати сукут чўкди. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Ўрмонжон Қурбон ота билан Сидиқжонни созандалар ялла қилаётган даврадан топди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**2** Шундай қуршовнинг ўртасидаги бўш жой. *Жувон даврани уч айланганидан кейин, ўзи сингари кийинган бир йигитни тортади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. Ҳаяжонга тушиб, ниҳоятда чиройли уйнаётган Бадиа*

даврани айланиб чиқди. Мирмуҳсин, Меъмор. Бўри полвон қўлларини орқага қилиб, давра айланди. Т. Мурод, Кўшиқ.

**Давра олмақ (ёки ясамоқ, курмок)** 1) доира шаклида тизилмоқ; қуршов олиб ўтирмақ. Саккиз юз одам ҳар тарафдан давра олиб, кийикни тутмоқчи бўлди. “Эртақлар”. Давра қуриб ўтирган базмчиларнинг ҳаракатлари, қилиқлари, бўғиқ нидоларини тасвирлашга тил кифоя қилмайди. Ойбек, Танланган асарлар. Аёллар кураш бўлаётган ерга келиб, давра олишиди. П. Турсун, Ўқитувчи; 2) айланиб, доира чизиб учмоқ. Самолёт шаҳар устида бир давра олиб, кўздан ғойиб бўлди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Қандай бўлди ов, менинг ишим, деб, Неча давра олди олғир қушим, деб. «Муродхон».

**3** Маълум хусусиятига кўра уюшган одамлар тўпи, гуруҳи, тўдаси; йиғин. Олимлар давраси. Санъаткорлар давраси. ■ Мен қишлоқлик бир бола эмасманми, бунақанги катта олимлар даврасида биринчи бўлишим эди, андак ўнғайсизлана бошладим. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. Ичкарида, бир тўп қизлар даврасида Зумрад ўсма қўйиб ўтирарди. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Кейин, умуман, Зебо у даврага тўғри келмайди. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўча.

**4** Ўйин, мусобақа, турнир ва ш. к. нинг бир қури; бир қур ўйин, тур. Шахматчилар ўртасидаги мусобақанинг биринчи даврасида биринчи ўйин ҳам тугади. Газетадан. Жаҳон биринчилиги учун кураш олиб бораётган хоккей командаларининг иккинчи давра ўйинлари нихоятда кескин ўтмоқда. Газетадан. Иккинчи давра бошланди. Мирҳайдарнинг хўрози ғолиб чиқди. «Муштум».

**5** Кўп босқичли сайлов тизимида сайловнинг бир босқичи. Сайловнинг иккинчи давраси бошланди.

**6** тўқм. Танда қўядиган айланувчи дастгоҳ.

**7** дин. этн. Марҳумнинг гуноҳларини ювиш учун, жанозадан илгари тўпланиб ўтказиладиган маросим (бунда садақага ажратилган нарса марҳумнинг ёшига мувофиқ қўлдан қўлга ўтказиб айлантирилади).

**ДАВРА II** Бадиий мискарликда баркаш ва лаганлар устига тушириладиган, маълум тартибга эга бўлган доира шаклидаги нақшлардан бири.

**ДАВРАПОЯ** Пештоқига жимжимадор безаклар солинган кириш тоқи (арки)нинг умумий номи.

**ДАВР-ДАВРОН, давру даврон** Роҳат-фароғатли замон; кишининг бахти чоғпан, омади келган чоғлар. Эркин-эркин юргин, алла, Давр-даврон сургин, алла. “Бойчечак”. Узоқ умр кўринг давру давронда. Ф. Йўлдош, Болаларимга. Давру давронингда биз ҳам бир тўйиб ҳандалак ёйлик, дугонажон! О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**Давр-даврон сурмоқ айн. давр сурмоқ қ. давр 9.** Айланай, қизим.. Бойнинг севишли хотини бўлиб, давру даврон сурмайсанми? Ҳамза, Бой ила хизматчи. Сизлар ҳам катта бой экансизлар, извош қилинг, беш кунлик дунёда давру даврон суринг! Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАВРИЙ** [а. دورى — вақти-вақти билан бўладиган] Вақти-вақти билан воқе бўлиб, такрорланиб турадиган, мунтазам такрорланадиган. Даврий матбуот. Даврий тебранишлар (физ.). ■ Силжишга пропорционал бўлиб, мувозанат вазиятига томон йўналган кучлар таъсири остида бўладиган даврий тебранишлар гармоник (ёки оддий) тебранишлар деб аталади. «Физика курси».

**Даврий каср мат.** Чексиз ўнли каср. **Элементларнинг даврий системаси** ким. Элементларнинг хоссалари билан атом оғирликлари ўртасидаги даврий боғланишга асосланган ҳолда рус олими Д.И. Менделеев тузган элементлар жадвали. Элементлар даврий системасини яратган Менделеев университетга кириш учун бир неча марта уринган, лекин ҳар сафар.. химиядан “ишқилган”. «Фан ва турмуш».

**ДАВРИЙЛИК** Вақти-вақти билан содир бўлишлик, такрорланишлик. Тебранишларнинг даврийлиги.

**ДАВРОН** [а. دوران — айланма ҳаракат, айланиш, бурилиш] **I** Фароғатли ҳаёт, турмуш; хуррамлик; бахтли фурсатлар. Мени бахт нурига фарқ этди меҳнат, шонли давроним. Т. Тўла. Узоқ умр суринг янги давронда. Э. Раҳим. Худо берса, шундай дилбарни олиб, Ўтказай дунёнинг давронин суриб. «Муродхон».

**2** Ҳукмронлик, олий мансаб (шоҳлик, подшоҳлик) гашти, сурури. Оқтошнинг шахрида подшоҳлик қилдим, Неча вақт даврон устида ўтирдим. «Муродхон». На

бўлди салтанатли давронинг, Душманга кетдими етмиш кўрғонинг? «Эрали ва Шерали».

3 Даврон (эркаклар исми).

**Даврони фалак** 1) фалакнинг айланиши, замоннинг ўтиши; 2) кўчма тақдир, қисмат, ёзмиш. **Даврон чархи ёки чархи даврон** Тақдир, қисмат, ёзмиш. *–Даврон чархи бундай тескари айланишини кутмаган эдим, – деди Комил. Ҳ. Фулом, Машғал. Даврон сурмоқ айн. давр сурмоқ қ. давр 9. Аё шоҳим, адолатда тўрасан, Тўралик даврида даврон сурасан. «Фольклор». Соҳиби даврон* Амалдор, ҳукмдор; подшоҳ. *Соҳиби давронлар эса шаппати еб эмас, шаппати уриб ўрганган. Буни Аваз биларди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДАВШАН** шв. Куён.

**ДАГАЛА** фольк. 1 Жун ёки қилдан тўқилган ип, арқон. *Аймоқлар.. дагала билан уларни [Баҳромни ва унинг болаларини] уриб, кечакундуз йўл юриб, айни сахар вақтида келди. «Зулфизар билан Авазхон».*

2 Дағал жундан босилган (тўқилган) уст кийим. *Тоҳир ҳамённи кўйнига солиб чиқиб кетганча, пешин кечроқ оёғига янги аскарний этик, бошига мўғулча бўрк, чакмонга ўхшаш дағал юнгли дағалани елкасига ташлаб келди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**ДАГАЛАЙ** шв. Юмалоқ шаклда тикилган мўйна телпак.

**ДАГИР** I шв. Фирибгар, қаллоб; алдоқчи.

**ДАГИР** II тўқм. Очиқ рангли ярим шойи мато. *Нимшойи матоларнинг дагир ёки дурўя деган турлари майин ипакдан ўралади, арқоғи очиқ рангли ипдан бўлади. «Фан ва турмуш».*

**ДАГИШ** шв. Дарё қирғоқларининг ўпирилиши; ўпирилма жой. *Ўркач-ўркач тўлқинлар соҳилга сапчиб, дамбага тинмай урилари, тупроқни ўз қаьрига ютарди. Буни Хоразмда «дагиш» деб аташади. Газетадан.*

**ДАДА** I Ота, падар. *Гулнор икки ҳафтадан буён дадаси ва онаси билан бирга ҳар куни боғда ишлайди. Ойбек, Танланган асарлар. Қорақўз дадасини жуда яхши кўради. Чунки унинг саволларига дадажониси эринмай жавоб берарди. «Саодат».*

**Дадаси этн.** Хотин кишилар ўз эрининг исмини айтмай, унинг ўрнида ишлатадиган сўз. [Ҳожар Умузқоқ:] *Тўғри, дадаси, мен айтаман. Ҳамза, Паранжи сирлари. Нима қилай ахир, дадаси? Менга қолса ҳар йили*

*туғай дебманми? К. Яшин, Ҳамза. Катта дада Ота ёки онанинг отаси; бобо. Чалишни билмайман. Катта дадам: “Чалма, сен найчи бўласанми, ёмон кўраман”, дейди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 Дада (эркаклар исми).

**ДАДИЛ** I Дангал иш тутадиган, кўрқиб, ҳадиксираб ўтирмайдиган; довиорак. *Дадил бола. Дадил хотин. ■ Раҳимберди ўзига ишонган, дадил йигит эди, ишлаб чарчамасди. Х. Тўхтабоев, Фельетондан сўнг. Дадами, товуши дадил. Ҳар қандай мушкулдан тап тортмай, тикка қарши борадиган довиорак одам кўринади. А. Мухтор, Асарлар.*

2 Шижоат билан тўлиб тошган; жасурина, мардонавор, шахдам. *Дадил қадамлар. ■ Халқ дадил боради. Айниқса хотинлар – оналар жасур. Ойбек, Танланган асарлар. Турсунбой тоғли қишлоғи томон жиддий, дадил одим ташлаб боряпти. «Ўзбекистон кўриқлари». Шеримбек дадил бориб, Бобур минган бўз отнинг олтин безакли юганидан олди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Меҳнат қилган одам доим бошқаларнинг юзига дадил қарайди. Т. Ашуров, Оқ от.*

3 Кўрқмай, ишонч билан, бемалол, тортинмай. *Дадил жавоб. Дадил танқид. ■ Узоқдан бўлса-да, Йўлчида дадил қарайди, баъзан яширин илжагани. Ойбек, Танланган асарлар. Дадил ташлаётган қадамларига қараганда, унда иккиланишдан асар ҳам йўқ. Газетадан. -Нима ёрдам керак, тортинмай, дадил мурожаат қилаверинг, – деди Боймирзаев. «Ўзбекистон кўриқлари». Маъруф Назаров кинематография, драматургия соҳасида ҳам дадил қалам тебратяпти. Х. Ёлгоров, Ҳаёт тўлқинлари.*

4 Жисмоний, маънавий жиҳатдан бакувват; тетик, бардам. *Элмурод одамлар тўлқинида Фотима билан ёнма-ён юраркан, ўзини ҳар вақтдагидан дадил ва энгил сездди. П. Турсун, Ўқитувчи. Дармони қуриган йигит ўзини дадил тутишга тиришар, лекин мункиб-мункиб кетар эди. Ж. Шарипов, Хоразм. Шундан кейин Нормат ўзини янада дадил сездди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

5 Моддий жиҳатдан ўзини тутиб олган; бой-бадавлат. *Жамоа хўжалигимиз бу йил анча дадил бўлиб олди. Газетадан.*

**Ҳамёни дадил с.т.** Серпуд, пулдор.

6 кўчма Энг муҳим, долзарб, зарурий. *..энг дадил ғояларни ўртага ташлаб, уни рўёбга*

чиқарган ирригаторларнинг мардлиги ҳақида ҳикоя қилади. «Ўзбекистон кўриқлари».

**ДАДИЛЛАНМОҚ** Ўзига ишончи ортмоқ; тетикланмоқ, ўзига келмоқ. *Нодиров залдагиларга қараб олди, ўзининг жанговар дўстларини, донғи кетган оловкорларни кўриб, дадилланди.* И. Раҳим, Тақдир. *Газагига яхна гўшт еб, анча дадилланди.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДАДИЛЛАШМОҚ** Тобора дадилланиб, шижоат ва тетиклиги ортиб бормоқ. *Горбунов яна ҳам дадиллашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Дўстларининг ўзига тикилиб турганини кўриб, Саттор дадиллашди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ДАДИЛЛИК** Жисмонан ва руҳан ўзига ишонганлик, бақувватлик; дангаллик, дов-юраклик, тетиклик. *Иш жуда соз бошланди. Энди охиригача силлик кетсин.* Бунинг учун биринчи галда дадиллик керак. Ойбек, Танланган асарлар. *Санъаткорда куч ва ишонч, эрк ва дадиллик бўлмас экан, у ўз мақсадиға эриша олмайди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Бу таклиф Темиржонда андак дадиллик уйғотди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

**ДАДИЛОНА** рвш. Кўрқмай, жасурлик билан, мардонавор. *Дадилона олға бормоқ.* ■ У. қулликка, жабр-зулм сиёсатиға дадилона қарши чиқди. Газетадан.

**ДАЁВ** шв. Қайиқни бошқариб боришга хизмат қилувчи таёқ; эшкак. *Қайиқнинг орқа томонида даёв ушлаган дарға уни тўғри йўлдан олиб бормоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДАЖЖОЛ** [а. دَجَال — йўлдан урувчи, фирибгар, ёлғончи] **1** Ислом динига кўра, қиёмат яқинлашганда пайдо бўлиб, одамларни диндан, тўғри йўлдан оздирувчи, одамсимон бир кўзли махлуқ. *Бу ҳикоядан [Элмурод] вужудини ваҳима босиб, бошини кўрпага буркаб олди: дажжол деган бир махлуқ кечаси билан тоғларни кемирармиш.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дажжолнинг бир кўзи кўр бўлар экан.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**2** кўчма Ўтакетган бешафқат ва фирибгар. *Дажжолда раҳм-шафқат бўладими — мени тоза калтаклашди, кечаси қочиб кетдим, Яхши бува.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Сен қаттолларнинг қаттолисан, дажжолларнинг дажжоллисан.* Ш. Рашидов, Асарлар.

**3** сўк. Малъун, иблис, шайтон. [Мулла Рўзи Майсарага:] *Ҳа, мен ўлгани келдимми? Бир ёқдан жўнат қани, дажжол.* Ҳамза,

Майсаранинг иши. *Вой-вой.. Ё пирим! Оббо, дажжоллар-эй!* Ҳамза, Заҳарли ҳаёт.

**ДАЗГИЛ** [ф. دستگیر — ёрдам берувчи; ушлаб турувчи] махс. Тикилаётган оёқ кийимини тиззага қистириб қўйиш учун косибчиликда ишлатиладиган айлана тасма. [Унсин] *Тазиға кичкина курси қўйиб, оёқларига дазгил чалмаштириб, эңчил қулоч тортади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАЗГИР** шв. айн. **дазгил.** У [Ҳайдар] *устиға кичкинагина чорбурчак кўрпача ташланган настак курсиға ўтириб олар, ўзи учун мослаштириб қисқартирилган дазгирни тиззасидан ўтказиб олар, дадаси берган ишни тикишиға бошларди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ.

**ДАЗМОЛ** [ф. درزيمال — дарз, тешик-тирқиш, чокни текисловчи] **1** Кийим-кечак, газлама ва ш. к. ни қиздириб текислаш, силликлаш, гижимини ёзиш учун мўлжалланган асбоб. *Чўян дазмол. Электр дазмол.*

■ У уйнинг иссиғи ва дазмолнинг тафтидан қизиб кетган. Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Маданий турмуш учун энг зарур буюмлардан бири дазмолдир.* Газетадан. *Зебо дазмолни онаси қўлидан олиб боса кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**Дазмол босмоқ (ёки урмоқ, қилмоқ)** Дазмолламоқ, дазмоллаб текисламоқ. *Акрам Нигорани уйдан топди: ювилган кийимларига дазмол ураётган экан.* С. Анорбоев, Оқсой. [Адолат] *Усмонжоннинг кир кўйлақларини, сочиқларини ювди, дазмол қилди.* С. Зуннунова, Гулхан. *Ямоқ ишлари сийраклашгач, ювилган кийимларга дазмол босишди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**2** Дазмоллаш натижасида кийим-кечак, газлама ва ш. к. нинг юзида ҳосил бўлган силлиқлик, текислик. *Кийган кўйлагининг дазмоли ҳали кетгани йўқ.*

**Дазмоли бузилмаган** Тахи бузилмаган, гижимланмаган; янги. *Унинг назарида, Зийнатуллаевнинг чиройли поляк трикосидан тикилган ва ҳали дазмоли бузилмаган костюми ҳам.. ўзига кўп бино қўйганидан далолат берарди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**3** Дазмоллаш иши. *Корхонамизда анча киши дазмолда ишлайди.*

**ДАЗМОЛЛАМОҚ 1** Дазмол босиб текисламоқ, гижимини ёзмоқ, силлиқ қилмоқ. *Кўйлагингизни дазмоллаб қўйдим.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шойи кўйла-*

гимни киймасам бўлмас, ёқасин дазмоллаб олмасам бўлмас. «Оқ олма, қизил олма».

**2** *кўчма салб.* Хаспўшламоқ, бости-бости қилиб, текислаб юбормоқ (жиноят, ножўя хатти-ҳаракат ва ш. к. ҳақида). *Нон заводининг директори прокурор кабинетига икки марта илжайиб кирган эди, ишлар дазмолланди-қўйди.* Газетадан.

**ДАЗМОЛЧИ** Тикув ёки кир ювиш корхонасида кийим-кечакка дазмол босувчи ишчи.

**ДАЙДИ 1** Доимий тураржойи ва белгили касби бўлмаган, бир жойда қўним топмайдиган; дарбадар (одам ҳақида). *Дайди ҳаёт кечирмоқ.* ■ *Тайини йўқ дайди. Маиш-ҳад бекатларида юриб, майнавозчиликка ўрганиб қолган.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Дарахт бир жойда кўкаради.. Отанг раҳматли умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. Сен дайди бўлиб қолдинг.* П. Турсун. Ўқитувчи.

**2** Доим тентираб, дайдиб, санқиб юрадиган; санқи. *Дайди одам.* ■ *Кир ювиб ўтирган опам орқамдан қичқиради: -Яна қаерга, дайди? Ойбек, Болалик. Дўпни тикиб қон бўлдим Дайди, саёқ аҳмоққа. «Бойчечак». Тагин қаёқни кўзлаяпсан, дайди! Бола бўлиб ҳеч фойдан тегмайди!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**3** Ҳар ёқда изгиб юрадиган. *Унда-мунда бир эшик учрайди. Лекин оч-ориқ, дайди итлар кўпроқ санқиб юради.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** *кўчма* Бемаҳал ва бетартиб ҳаракат қиладиган, йўналиши ўзгариб турадиган. *Дайди шамол. Дайди булут. Дайди тўлқин.* ■ *Ҳаво ҳамон булут бўлиб, тўкламнинг дайди шамоли гувуллаб эсиб турарди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ҳандалак бўйини аста уфуриб ўтган дайди шабада палаклар оромини бузди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Кўёш думалаб, кўкка кўтарилар, дайди булут парчаларининг кўланкаси қишлоқ устидан ўтиб турарди.* Ш. Тошматов, Эрк қўши. *Ишга яроқли одамларнинг ҳаммаси далада бўлди.. дайди сувнинг йўлини ўзгартириб турдилар.* Газетадан.

**Дайди гап** Оғиздан оғизга ўтиб юрган гап, миш-миш гап. [Мирзақул:] *Дайди гапга қулоқ солманг!* Н. Сафаров, Уйғониш. **Дайди ўқ** Бемўлжал отилган, бехосдан келган ўқ. *Фашист мерганларининг дайди ўқи Тўра-*

*бойнинг бошига келиб тегди.* Н. Сафаров, Жанговар саҳифалар. *..чинқираб келаётган дайди ўқлар эса дарахтларнинг шоҳларини чўрт-чўрт узиб ташлар эди.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**ДАЙДИЛАНМОҚ** Бир жойда қўним топмай, кўчиб юрмоқ, тентираклагоқ; дайди-моқ, санқимоқ.

**ДАЙДИЛИК 1** Бемақсад санқиб юришга олатланганлик.

**2** Дарбадар кезиб юриш, қўнимсизлик. *-Менинг ҳам кўп умрим қишлоқма-қишлоқ дайдилик билан ўтадиган бўлиб қолди, - деди Ботирали.* Ш. Ризо, Қор ёғди, излар босилди.

**3** Санқиб, дайдиб юриш, саёқлик. *Тулу кун оғзи ичкиликдан, ўзи дайдиликдан бушамайди.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ДАЙДИМОҚ 1** Қўним топмай, дарбадар кезиб, кўчиб юрмоқ. *Дунёдан умидимиз бор. Биз дайдимайдиған кунлар ҳам келар, хўжа-йин!* П. Турсун, Ўқитувчи. *Саёҳат қилиб, дайдиб юришга олатланган бир киши бўлганим учун қонқонга ўхшаган бу дўконда диққинафас бўлиб ўлаёзим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**2** Тентираклагоқ, тентираб, санқиб юрмоқ. *Уйингда кам бўласан, қаёқларда дайдийсан?* ■ *У узукун шаҳар кўчаларида дайдиб юрди.* «Шарқ юлдузи». *Қудрат эгасиз дайдиб юрган саманни тутиб, Полвон отанинг олдиға олиб борганда, Полвон отадан шу воқеани эшитган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**3** Бирор мақсадда изгиб юрмоқ. *Секинроқ гапир, ўғлим, хон айғоқчилари дайдиб юрибди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Менга, дўстим, о, тутма осон, Бунда тун-кун ажал дайдийдир.* Т. Тўла, Асарлар.

**4** *кўчма* Одатдаги ҳолатдан фарқли равишда ҳаракатланмоқ, *Алақандай дайдиб келган изғирин қуруқ қорларни чирпирак қилиб, узоқларга учуриб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Қишлоқ тепасида ипак толаларидай нафис мезон эринибгина дайдиб юрибди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ДАЙН** [ا. دین - қарз]: **дайн қилмоқ** Бўйнига қўймоқ, бўйнига олдирмақ; топширмақ. *Суд ҳайъати.. пиримнинг гуноҳларини бўйнига дайн қилиб.. 3 йил овоқхонада меҳмон бўлишларига ҳукм қилган.* Газетадан. *Болшавойларни алдашни авлиё.. зиммасига дайн қилдилар.* «Муштум».



**ДАЙР** [a. دایر – бутхона] 1 Насронийлар ва оташпарастлар ибодатхонаси; бутхона; оташкада. *Бизга маю маъшук, сизга дайр ташвиши..* Умар Хайём.

2 кўчма Майхона.

3 кўчма Дунё, жаҳон; бутун дунё. *Қиссаси кўп кўҳна дайрнинг..* А. Мухтор, Тонг билан учрашув. *Вужуд деганлари асли нимадир? Дайр денгизда юрган кемадир.* А. Орипов, Юртим шамоли.

**ДАЙРАБОТ** шв. Дарёнинг ёқаси, дарё бўйи. *Мерган отар дайработнинг гозини, Хоним, англа Хуройимнинг сўзини.* «Муродхон».

**ДАК** Ипакнинг ҳиндлар тайёрлайдиган бир тури. *Бизга маъшук дак ипагини кўрсатишди. У қордай оппоқ, майин.* З. Акромов, Ҳиндистон лавҳалари.

**ДАКА** Шох ташламайдиган, мувозанатланган варрак. *Турсунали ясаб олди ўзига дака. Катта, бутун тахта қоғоз, ўзи ҳам қуроқ.* Ф. Фулом. *Болалар ширачлаб дака варрагин, Баҳорни чақирар: "Боғи шамол, кел!"* С. Акбарий, Меҳригиё.

**ДАКАВАРРАК** айн. **дака**. *Дакаваррак осмон фалакда калтадум эчкидек ликиллаб турарди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ДАКАН** [a. دكان – хўроз] Товуқ-хўрозларнинг бўйдор ва гўштдор тури. *Дакан товук.* ■ *Кўчқорлар билан дакани нега боқиб семиртиятти бу, ана шунни айтиб берсин.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**Дакан хўроз** 1) шу турга мансуб урушқоқ хўроз. *Қишлоқ томондан дакан хўрозларнинг уйқу аралаш бўғиқ овози эшитилди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли; 2) кўчма ҳазил зўравонлик билан кериладиган, урушқоқ одам ҳақида. *Янги ерга бойиб кетиш учун келган дакан хўрозларни ҳам анчагина учратамиз.* Ш. Фуломов, Бўз ер уйғонди.

**ДАКАНА** Ўрта яшар ва кекса аёлларнинг (кўпинча оқ доқадан) саллага ўхшатиб ўраладиган рўмоли. *Ўзбек ойим тўйга борадиган хотинлардек ясанган, энида одми хонатлас кўйлак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бошида кўкимтир шоҳидан саллача – дакана, бу дакана Хадича бегимнинг бўйи-қоматини баланд кўрсатар эди.* Ойбек, Навоий.

**ДАКАНГ** I айн. **дакан**. *Кейин жангда галиб чиққан даканг хўроздай гердайиб, узоқда беда ўраётганлар томон жўнади.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**ДАКАНГ** II тақл. с. Чилдирманинг икки зарбда чиқарган овози ҳақида. *Чилдирманинг овози кулурким, даканг-даканг.* “Муштум”.

**ДАКАНГЛАТМОҚ** Оёғини ерга теккизмасдан, дик-дик югуртирмақ. *Агар бу жинойят бир ҳимоясиз йиртиқчопон томонидан содир бўлганда эди, мингбошингиз унинг қўлини орқасига боғлаб, даканглатиб олиб кетган бўлар эди.* С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

**ДАККАМ-ДУККАМ** айн. **яккам-дуккам**. *Тўғонбек даккам-дуккам мўйлабини йўғон бармоқлари билан чимтиб, кинояли кулиб қўйди.* Ойбек, Навоий.

**ДАККИ** [ҳинд. «дҳакка» – зарб, туртки; изтироб] 1 Ножўя иш, хатти-ҳаракат учун айтилган аччиқ гап, қаттиқ танбех, таъзир, койиш. *Чакки юрсанг, дакки ерсан.* Мақол. *У даккиларга бўш келмайдиган одам. Дакки емоқ (эшитмоқ).* ■ *Аҳмаджон دادасидан бир неча дакки эшитиб, уйига жўнади.* «Ёшлик». *Болалар мени нега ёмон кўришларини айтсам, улар мен туфайли ё онасидан, ё отасидан дакки эшитарди.* Х. Тўхтабоев, Беш болали йигитча. *Қилгиликни сиз қилдингиз, даккини биз эшитдик.* С. Анорбоев, Оқсой.

2 Ноҳақ туртки, хўрлаш, таҳқирлаш. *Чўриликдан қутулдим, энди бойнинг хотинларидан дакки емайман.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ёмон бўлсанг, ким кўрингандан дакки ейсан!* Н. Сафаров, Наврўз. *Ҳар кишидан дакки еявериб, юрагим қонга тўлиб кетди.* Уйғун, Асарлар.

**ДАККИ-ДАШНОМ** [дакки + ф. دشنام – сўкиш, ҳақорат] Танбех ва ҳақорат; таҳқир ва сўкиш. *Отам умрининг охиригача ўз шаънига, оиласи шаънига гард юқтирмаслик, одамлардан дакки-дашном эшитмаслик учун интилган.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

**ДАКРОН** Лавсан материалининг иккинчи, тижорий номи.

**ДАКТИЛ** Бармоқлар ёрдамида амалга ошувчи, имо-ишораларга асосланган.

**Дактил нутқ** Кар-соқовларнинг бармоқлар ёрдамида амалга ошувчи нутқи. *Дактил нутқ аслида бармоқ белилари бўлиб, улар ҳар бир тил учун қабул қилинган ёзувни ўзида акс эттиради.* Газетадан.

**ДАКТИЛОГРАФИЯ** [юн. daktylos – бармоқ + grapho – ёзма] Ўзиш учун қулай бўлган ҳар қандай текис юзада бармоқлар билан амалга оширилган ёзув (кар-соқовлар ўртасида).

**ДАКТИЛОЛОГИЯ** [юн. *daktylos* — бармоқ + *logos* — сўз; тушунча] Кар-соқовларнинг бармоқлар ишораси билан гаплашиш усули.

**ДАКТИЛОСКОПИЯ** [юн. *daktylos* — бармоқ + *skoreo* — қарайман] Одам бармоқларидан қолган изларни ўрганиш асосида унинг шахсини аниқлаш. *Дактилоскопия ва рўйхатга олиш бюроси ишга киришди.* «Фан ва турмуш».

**ДАЛ I шв.** Худди ўзига, тўппа-тўғри. *Дал отмоқ. ■ Овчи-да! Дал кўзлаб отар, Қайрилар қанот.* Миртемир, Асарлар.

**ДАЛ II шв.** Тут барги.

**ДАЛА I** Аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида бўлган, экин экиладиган ер, экинзорлар. *Экин даласи. Пахта даласи. Меҳнат даласи. Пахтазор дала. Боғбон боғини тузар, Деҳқон даласин сузар.* Мақол. ■ *Аёллар далада, болалар мол-ҳолларни ўтлатгани олиб кетишган.* С. Аҳмад, Уфқ. *Тўғри, чоршанба кунни далага қўш чиқисини керак.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**Дала шийпони** Деҳқонлар иш маҳалида ҳорлиқ чиқаришлари учун далада қурилган бино. *Кўзига ойнак тутиб олган тракторчи йигит дала шийпони олдига келиб тўхтади.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми. *Зовур бўйлаб бир оз юргач, дала шийпони рўпарасидан чиқдик.* Газетадан.

**2** Шаҳардан ташқаридаги боғ, қўрғон ва ер-сувлар. *—Поччанг ўлсин! — деди аччиқланиб Хушрўй, — Нажмиддинбек дезаннинг даласига кетган эди. Тўрт кундан бери дом-дараксиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Дала ҳовли** Дала жойда барпо этилган, дам олишга мўлжалланган маскан; дача. *Дала ҳовлининг олдидан катта сой оқиб ўтади.* Газетадан. *Дала ҳовли учун дарвозаси билан тайёрланган панжарани бўяшда давом этди.* Газетадан.

**2** Умуман кенг табиий сайҳон ер, ёвон. *Дала, қирлар қирмизи кўйлак кийган сулув келинчакдек яшнаб кетган.* Газетадан. *Адоқсиз далалар, офтоб ўт пуркайди.* «Саодат». *Дов-дарахтлар, том-тош, далаю қирлар оттоқ эди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**3** Уйдан (хонадан) ташқари жой, ҳовли, кўча. *Онанинг кўнгли болада. Боланинг кўнгли далада.* Мақол. *Даладан келган ўғрини туттиш осон, Уйдаги ўғрини туттиш қийин.* Мақол. ■ *Мен даладан олай хабар.. Уйин қилиб тургин, қизлар.* «Маликаи айёр».

**Дала машқи ҳарб.** Аскарларнинг аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида, очиқ майдонда ўтказадиган машқлари. *Элмуроднинг взводи ҳам батальон билан икки ҳафталик дала машқига чиққан эди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Дала почтаси** Ҳарбийларнинг ҳарбий қисмлар бўйича юриб хизмат қиладиган почтаси. *Хатдаги содда, ёқимли сўзлар, унинг таниш имзоси, дала почтасининг беш рақамли адреси — буларнинг ҳаммаси Эралининг соғ-саломатлигидан далолат бериб турарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДАЛАБОП** Дала шароитида кийишга мўлжалланган; чидамли. *Шляпасини, далабон костюмини ечиб, илгакка илди.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *—Далабон қаттиқ тиринкадан беш-олти метр оламан, — деди Хўжараҳмон.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ДАЛА-ДАШТ** Дала ва даштдан иборат ерлар. *Зиёхўжанинг қўйи, йилқиси тоққа, даладашга сиғмайди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ботаника дарси синфда эмас, дала-даштда, тоғу тошда ўтказилади.* «Ёшлик». *Йўл даладашдан қайтувчилар, подалар, подачилар билан тўлиб борди.* М. Исмоилий, Фаргона т.о.

**ДАЛАЙ-ЛАМА** (мўғ. «далай» — донишманд, «лама» — дин пешвоси) 16-асрдан бошлаб Тибет руҳонийларига берилган унвон.

**ДАЛАСИЧҚОН** Кемирувчилар оиласига мансуб жонивор.

**ДАЛАТОБ I** Далада, қишлоқда ўсган. *Отабек айтди: Биз тоқай қилчоқлар қўл остида эзиламиз ва бир ҳовуч далатобларга бош эгамиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** кўчма Тобланган, чайир, бақувват. *Йигит тушмагур, нима қилса-да, далатоб, азамат йигит-да. Иштаҳаси ҳам карнай-даккина экан.* Ф. Фулом, Шум бола.

**ДАЛА-ТОШ** айн. *дала-дашт.* *Февралнинг ўрталарида ҳаво ўншаб, дала-тошни, тўқайларни босиб ётган қалин қор ёпиғи тешила бошлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Дала-тошда нечанинг тугаб мадори, Сиқади юракларни аламли зори.* Файратий.

**ДАЛА-ТУЗ** Дала ва экилмай ётган сайҳон, бўз ерлар. *Дала-тузни сув олса, кўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг ташидан.* Мақол. ■ *Зумрад эрта тонган дала-туз, яйлов айланиб кетади.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Карнай-сурнайлар эрта-лабон дала-тузни бошига кўтариб, меҳмон чорлади.* «Гулдаста».

**ДАЛАЧИ** Далада, қишлоқда яшовчи; далада ишловчи. *Бошқа ҳеч ерда милт этган нур йўқ, ҳаммаёқ зим-зиё, далачилар аллақачон уйқуга кетишган.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар. *Яғриндор Арслон далачи дўсти билан хайрлашиб, лапанглаб, ичкари кириб, трубкани кўтарди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

**ДАЛАЧИЛИК** с.т. 1 Дала экинлари (пахта, галла, сабзавот ва ш. к.) етиштиришдан иборат деҳқончилик тизими; экинчилик. *Далачилик бригадалари.* ■ -Олтита далачилик бригадаси тузилди. Газетадан. *Жавод Кўчиев етикинчи трактор-далачилик бригадасига етакчилик қила бошлади.* «Ўзбекистон кўриқлари».

2 Дала шароити. *Кечирасиз энди, далачилик.*

**ДАЛАЧОЙ** Далачойдошлар оиласига мансуб ўт ёки чала буталардан иборат ўсимликлар туркуми. *Улар миқдори қичитқи ўт, отқулоқ, ялпиз, мойчечак, далачой ва бошқа гиёҳларда кўпроқ тўпланиши хусусиятига эга эканлиги аниқланди.* «Ёшлик».

**ДАЛБАНГЛАМОҚ** шв. Гандиракламоқ. *Яна турдим. Далбанглаб бориб, бировнинг бўйнига осилдим.* «Ёшлик». *Бобо калитини тополмай, далбанглаб.. бир йиқилиб олди.* Эргаш Жуманбулбул ўғли.

**ДАЛВ** [а. دلو — челак; меш] 1 (Д — катта) астр. Ўн икки буржнинг бири, Жадй ва Ҳуж буржлари ўртасида жойлашган (қ. бурж).

2 Шамсия йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи (22 январь — 22 февраль даврига тўғри келади). *Далв кирди — давр кирди.* Мақол. ■ 1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАЛВА-ДАЛВА** шв. Парча-парча, жулдур. *Алмонбойнинг қўйини боқаман. Уст-бошим далва-далва.* «Юнус пари». *Дўконларнинг эшиклари ёпиқ, биноларнинг соясида ифлос, далва-далва кийимли одамлар ухлаб ётишарди.* Газетадан.

**Далва-далва қилмоқ** Тилка-пора қилмоқ; эзмоқ. *Йигитнинг куюнишлари ҳамманинг юрагини далва-далва қилиб юборди.* «Ёшлик».

**ДАЛДА** Рухни кўтарувчи, куч-ғайрат, мардлик, дадиллик бахш этувчи маънавий ёрдам, ҳимоя, илиқ сўз ва ш. к. *Далда бўлмоқ.* ■ *Атрофдаги одамларнинг далдаси умид-*

*нинг сўнги учқунини сўндирмасликка ёрдам беради.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Далда бермоқ** Рухни кўтарувчи, куч-ғайрат, сабр-матонат, дадиллик бахш этувчи иш, ҳаракат қилмоқ, илиқ сўз айтмоқ. *Чаққон ака довдираб қолган қизига далда берди.* Газетадан. -*Ёмон ният қилманг, — Мансур акаларча меҳрибонлик билан Гавҳарнинг елкасидан тутиб, далда берди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Почтаев мажлисни бошқаролмай, ишни бузиб қўйганига амин эди. Лекин Баратова кўз қараши билан унга далда берди.* А. Мухтор, Тугилиш. **Ўзига-ўзи далда бермоқ** Ўзини ўзи юпатмоқ, ўз-ўзига тасалли бермоқ; ўзини тутиб олмоқ. *Ҳиқиллашни бас қил, дея ўзимга далда бера бошладим.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Киши ҳам ўз сўзидан қайтадими, деб ўзимга-ўзим далда бердим.* Газетадан. *Гоҳо ўзимга-ўзим далда бераман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДАЛИ** шв. Женини, тентак; ақдан озган. *Дали бўлмай, вали бўлмас.* Мақол. *Далидан тўғри хабар.* Мақол. ■ *Ватандан айрилган ватангадолар Тириклик йўлида саргардон, дали.* «Ёшлик».

2 *кўчма* Бебош, асов. *Жайхун қани, Сайхун қани? Қани тошар дали дарё?* М. Кўшмоқов, Али Қамбар.

**ДАЛИ-ДЕВОНА** айн. дали 1. *Кўп ўтмай, тўранинг боғини сугорётган Полвонни кўриб севиб қолдим-у, дали-девона бўлиб, ишқи ўтида ёндим.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Ажаб дали-девонаман, Элатимдан бегонаман.* «Тоҳир ва Зуҳра».

**ДАЛИЛ** [а. دليل — белги, из; исбот; сабаб] 1 Фикр, мулоҳаза ва ш. к. ни тасдиқловчи, улар ҳақида далолат берувчи нарса; исбот, факт. *Ишончли далил. Кучли далил.* ■ -*Гумонингиз бор-у, далилингиз йўқ!* — *Қундузой унинг сўзини бўлди.* Ойдин, Ҳикоялар. -*Тухмат, қани далил?* — *бирдан тутақиб бақирди Ўлжаев.* «Муштум». *Маъқул эмас, дейиш билан иш битмайди, бирорта далил керак.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *хўж.* Жиноятни тасдиқловчи нарса, факт ёки ҳолат. *Сиз айтаётган буюмлар қотилликка алоқадор эканлигига далил бўла олмайди. Буни ҳали исботлаш керак.* «Ёшлик». *У ўз раисини қўлга туширган хўжжатларидан, далилларидан, тергов натижаларидан хабардор қилди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**Ашөвий (ёки ашөйи)** далил ёки моддий далил Жиноятни исботлайдиган буюмлар. Суд мажлиси залида Пауэрсни жосусликда фош этувчи ашөвий далиллар қўйилган. Газетадан. Прокурор асло иложи йўқлигини ашөвий далиллар билан исботлаб берди. С. Аҳмад, Юлдуз. **Тўғри далил** Тўғридан-тўғри, бевосита исботлайдиган далил (мас., жиноятчи бармоғининг бирор нарсада қолган изи). **Эгри (ёки сохта)** далил Бавосита исботлайдиган далил. ..Бўлмаган сохта далиллар билан гапирувчи ифлосларнинг сўзига кириб, бу хилда қилиш яхши эмас. Ҳамза, Танланган асарлар.

**ДАЛИЛЛАМОҚ** Фикр, мулоҳаза, даъво ва ш. к. нинг тўғрилигини факт, исбот ва ш. к. билан асосламоқ, тасдиқламоқ. Ёзувчи ҳалол, меҳнаткаш Умиднинг бу оила таъсирига тушувини ишонтирарли далиллайди. О. Тоғаев, «Умид» романи. Бу даъволарни турли аспектда далиллаш учун қитъа жанри етарли материал бера олади. «ЎТА». Янги ревизор бошқарманинг кейинги йиллардаги молиявий-хўжалик фаолиятини далилловчи барча ҳужжатлар билан танишиб, бошини қотириб ўтирмади. Газетадан.

**ДАЛИЛ-ИСБОТ** Далил ва исбот қилишга асос бўла оладиган нарсалар, факт. Қосим калава ҳибсдан озод қилинган, зеро, уни қўлга туширадиган далил-исбот йўқ эди. Ш. Холмирзаев, Сўнмас ўт.

**ДАЛИЛСИЗ** Ишонтирувчи ҳужжатлари, исботи йўқ, фактсиз. Бу каби асарларда, одатда, тил ҳам ғализ, тасвирланган воқеалар ҳам далилсиз. Газетадан.

**ДАЛИР** [ф. دليّر — довьюрак, жасур] Қўрқинч билмайдиган; довьюрак, шижоатли. Журм ишига далир ўлуб, кўб қиламан шитоб ўзум. Ҳувайдо.

**ДАЛИ-ТЕЛБА** қ. дали-девоиа. Амударёни дали-телба дарё, бебош дарё дейишади. Р. Бекниёз, Лаққа балиқ барваста.

**ДАЛИ-ҒУЛИ** с. т. 1 Кўнглида кири йўқ, оққўнги ва хушчақчақ. -Ўртоғим бирдан кулиб юборди, ўзи жуда серзавқ, дали-ғули, шўх бола, — дейди Мусавой. Ойбек, Болалик.

**2** Чапанича, соддаларча айтилган; палапартиш. Нозим ака ҳам унинг дали-ғули гапларига ўрганиб кетган шекилли, индамай бош ирғади. Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**ДАЛЛА** [а. دله — воситачи; қўшмачи] нафр. Қўшмачилик билан шуғулланувчи,

қўшмачи. Кўп қизларнинг бўйи етган паллалар. Келтираркан сарой ичра даллалар. Ҳабибий. Ҳайдайдиди қўшмачи деб, ҳеч ким йўлатмас уйга, Ажаб эмас аслида расвою далла бўлса. Уйғун, Ҳаёт қақиради.

**ДАЛЛИ 1** айн. дали 1, 2. Бахшими, оташқалб, элсевар дали, Бош оққан томонга кетаётган кас? А. Икромов, Биз дунё одамлари.

**2** Далли (аёллар исми).

**ДАЛЛИК** шв. Эгар тагидан солинадиган тўқим.

**ДАЛЛОК** [а. دلوک — уқаловчи, массажчи; ҳаммомчи; саргарош] шв. Саргарош. Даллокларнинг покиси, Қўлида тамокиси.. «Халқ дурдоналари».

**ДАЛЛОЛ** [а. دلول — жарчи; воситачи] 1 Савдо-сотикда олувчи билан сотувчи ўрта-сида воситачилик қилувчи, молга нарх қўйиб, уларни келиштирувчи киши. Эл назар қилмаса, эшак бозорига даллол ҳам бўлолмайсан! Мақол. Тилинг узуни даллолга керак. Мақол. ■ Муҳсин гуппи аввалдан даллол ёллаб олган шекилли, икковлашиб бир турк-мандан гилам савдолашарди. «Шарқ юлдузи».

**2** салб. Ўртада туриб, ножўя ишларни битиштирувчи, мурсага келтирувчи, воситачи. [Кўзибой:] ..Раҳимга нима деб айтаман-а? Ўртада даллолмисан, демайдимини!? Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Сизга ўхшаш даллолларга ҳожат йўқ. Мен сизни хўп синаганман. Сиз халқ бўронини тўсмоқчимисиз? Ойбек, Танланган асарлар.

**3** Далла, қўшмачи. Гулсанам бола чоғида онаси билан далада ишлашга ўрганиб қолган эди. Энди эшикка чиқармай қўйишиди: хоннинг даллолларидан қўрқадилар. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз. [Фофир:] Ахир даллол деганда паранжи бўлади-да, чопонни йигит киши кияди. Ҳамза, Бой ил хизматчи. Иягида уч-тўрт тола соқол кўзга ташланган, баланд бўйли, бақувват, эркаксимон даллол кампир уни [куёвни] етаклаб, палак остидан қизга келтирди. Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАЛЛОЛБОШИ** Даллолларнинг бошлиғи, оқсоқоли, бош даллол. Хўжазода Носирхўжа даллолбошининг кенжа ўғли.. С. Абдулла, Сирлар.

**ДАЛЛОЛЛИК** 1 Даллол иши, касби билан шуғулланишлик. Унинг касби даллоллик. Даллоллик қилмоқ. ■ [Набиқори] Баъзан чайқовчилик билан, баъзан мол

бозорида даллолик қилиб кун кечириб келади. Газетадан.

**2** Бирор ишда ёки кишилар ўртасида ноўрин воситачилик қилиш. -*Мен сизнинг даллолигинизга зор эмасман!* - Чарос кескин бурилиб юриб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Аҳмад бригадир бунақа масалада бировга даллолик қилмаслигини яхши биладиган Нусратбек ҳайрон бўлди.* С. Нуров, Нарвон.

**ДАЛЛОЛЧИЛЫК** айн. даллолик. Мен билмас эканман, Иброҳим Пардаев яқшанба бозорга чиқиб, даллолчилик қилиб турар экан. «Гулдаста».

**ДАЛОЙИЛХОНА** [а. دلائل - «далил» сўзининг кўпл. шакли + хона] тар. **1** Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида саводи чиққан болалар қабул қилинадиган диний мактаб. *Мазкур қонунга асосан, мусулмон мактаблари домлалари ҳар йили алоҳида гувоҳнома олишлари ва бунинг учун мактаб, қорихона, далоийлхона домласи 3 сўм 50 тийин.. солиқ тўлашлари зарур эди.* «Фан ва турмуш».

**2** Расмий ҳужжат ва маълумот сақланадиган хона, жой; архив.

**ДАЛОЛАТ** [а. دلالت - кўрсатма; исбот, далил] **1** Бирор ишга ундаб, рағбатлантириб берилган маслаҳат, бирор ишга рағбатлантириш. *Далолат қилмоқ (этмоқ).* ■ - *Келинг, бой ака, шу болани [қулбаччани] олинг, - деб жиддийроқ далолат қила бошлади даллол.* С. Айний, Қуллар. *Ҳатто паровоз механиги ўртоқ Турғунбой Усмонов ҳам далолат қилиб кўрди - фойдасиз.* «Муштум».

**Далолати хайр** Хайр ишига, яхшиликка ундаш, рағбатлантириш.

**2** эск. Далил; далиллар; белги, аломат. *Ҳалиги эшитган сиримнинг далолатига қараб, Комилбекнинг қотили Ҳомид, деган фикрга тушдим.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Лекин "хайр" - айрилмоққа далолат эмас..* М. Шайхзода, Йиллар ва йўллар.

**Далолат бермоқ** Хабар бермоқ, дарак бермоқ; гувоҳлик бермоқ; кўрсатиб турмоқ. [Ражабовнинг] *Ингичка қўли, умуман, кўриниши унинг нимжонроқ ўсганидан далолат бериб турар эди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Унинг [Навоийнинг] бутун қиёфаси яхшилик истаб келган ҳар бир кишига катта яхшиликлар қила олишидан далолат беради.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Юзидаги кулгичи аллақандай юмшоқ кўнгли-*

*лигидан далолат бераётганга ўхшайди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ДАЛОЛАТНОМА** [далолат + нома] Бирор бир фаолият, содир бўлган воқеа-ҳодиса ёки ҳолатни тасдиқлаш, унга гувоҳлик бериш мақсадида бир неча шахслар томонидан тузилиб имзоланган расмий ҳужжат; акт. *Аксар ҳолларда далолатнома олдиндан белгиланган қоидавий намуна асосида тузилади.* «Иш юритиш». *Хайрулла қалбакилаштириши йўли билан тузилган далолатномага.. сохта ёзувларни киритиб, ҳужжат тузади.* Газетадан.

**ДАЛОН** шв. қ. долон. *Бостирмали кенг далонда оти чиқарилган извош.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Катта дарвоза далонида ёмғирдан қочган шалаббо товуқлар қунушганча гуж бўлиб .турушибди.* С. Аҳмад, Ўн иккидан иккинчиси.

**ДАЛЬТОНИЗМ** [инглиз олими Ж. Дальтон (Dalton) номидан] Рангларни ажрата олмаслик касалиги.

**ДАМ I** [ф. دم - нафас, тин] **1** Нафас, тин. *Дамим қайтиб кетяпти. Дамимни ростлаб олай. Чуқур дам олинг.* ■ *Жиндай дамимни ростлаб олай, уҳ.. ҳалиям оёғимнинг қалтироғи босилгани йўқ.* Ҳамза, Паранжи сирлари. *Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўткир ромчига йўлиқдингиз.* К. Яшин, Ҳамза. *От пишқирган дамига Эрир тоғдаги қорлар.* «Ойсулув».

**Дам солмоқ** этн. Дуо ўқиб, «куф-суф» қилмоқ, куфсуфламоқ. *Кампир Авазнинг кўнглидагини билиб, дуо ўқиб, тупроққа дам солиб, сочди.* «Маликаи айёр». *Нури у кишига бориб, дам солдириб келади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дам урмоқ** 1) чуқур нафас олиб «пуф» демок, пуфламоқ; 2) айн. **дам солмоқ.** [Домуллани] *Отхонага бошлаб кирдим. Тақсир, мана бемор, дедим. Домулла куйди.. Кейин дуо ўқиб, отга дам урди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Нормат сўфи бешиктерватдай лиқиллаб, нималарнидир пичирлаб ўқир, келинойисига дам урарди.* «Муштум»; 3) оғиз очмоқ, айтмоқ. *Дуч келганнинг лекин бири ҳам, Отанг - мен, деб уролмади дам.* Ҳ. Олимжон. *Ҳаммаси [полвонлар] нима қиларини билмай, бошини қашиб, биронтаси ҳам бораман, деб дам урмади.* «Зулфизар билан Авазхон». **Дами ичига тушиб кетмоқ** 1) нафаси қайтиб кетмоқ, нафас ололмай қолмоқ. *Машхур артистнинг дами ичига*

тушиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ. Яна дамим ичимга тушиди. Бўрон нафасни бўғарди. Ҳ. Назир, Муҳаббат; 2) жим бўлиб қолмоқ. [Элмурод] Бир нафас дами ичига тушиб ўтирди-да, сўнг оғир бир энтикти: -Ҳай, майли.. — деди. П. Турсун, Ўқитувчи. Хўжа номини эшитиб, Гуломжоннинг дами ичига тушиб кетди. М. Исмоилий, Фаргона т.о.; 3) кўчма нима дейишини билолмасдан, оғзини оча олмай қолмоқ. Бу — Исма-т-хўжага айил ботди, шекилли, дами ичига тушиб кетди. Ойдин, Ҳазил эмиш. **Дамига тортмоқ** 1) чуқур ва кучли нафас билан ичига тортмоқ, ютмоқ. Қараса, қаттиқ бўрон кўтарилиб, аждар қизни ўз дамига тортаётганмиш. «Олтин бешик». Газнинг шамоли одамни дамига тартади. П. Қодиров, Эрк; 2) кўчма ўз таъсирига олмоқ, ил-ин-тирмоқ. Бизни илондай авраб, дамига тор-таётганлар кимлар? — Нуъмон ҳожи, Мир-ҳайдар хўжа, Оқилхон тўралар. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари. **Дамини ичига ютмоқ** Гапирмасдан, жим турмоқ. Бу ёқда қолган хотинлар дамларини ичларига ютиб, чурқ этмай туришипти. С. Аҳмад, Уфқ. **Дамингни чиқарма** 1) нафасингни чиқарма; 2) ҳеч кимга айтма, гапирма, гинг дема. Бир маҳал-ладан бир қизни олиб қочишди. Бойваччанинг хизматкорининг қизи эмиш.. Дамингни чиқарма! Ойбек, Танланган асарлар.

2 Ишдан бўш вақт; ором, ҳордиқ. **Дам бермоқ. Дам олмоқ. Дам бермай югуртирмоқ. Дам олиш уйи.** ■ Эртага якшанба, дам олиш куни. Ўзбекистон баҳорининг гуркираган пайти. Газетадан. Соҳибжон дамини олиб, яна йўлга равона бўлибди. «Зумрад ва Қим-мат». Ҳатто Шарофат билан икки марта дам олиш уйига борганмиз. “Муштум”.

3 Бирор нарса ичига йиғилган, тўпланган ҳаво, газ. **Баллонга дам бермоқ. Дами чиққан баллон.** ■ ..Аҳмад, дами чиққан пуфакдек, бўшашиб ўтириб қолди. Мирмуҳсин, Меъмор. Илгари говмиш сигирнинг елинидек солиниб турадиган бағбақаси сўлган, дами чиққан пуфакдай шалвираган. А. Қаҳҳор, Сароб.

4 Ошқозон ёки ичакда овқатдан пайдо бўлган ел, газ. **Хом ўрик қоринни дам қилар, Гўр масала — бошга калава.** Мақол. ■ Янги узилган узум ични дам қилади. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

5 Тафт, иссиқ, ҳарорат. **Аммо ўзиям дамига ош пишадиган отахонлардан.** О. Ёқубов,

Пьесалар. Қиём чоғи эди. Қуёш дамини ғир-ғир эсган шамол кесар эди. Ойбек, О.в.шабадалар.

6 кўчма Куч, зўрлик; шиддат. **Азимжон ўз ротасидаги жангчилар билан душманнинг дамини кесди.** Н. Сафаров, Оловли излар. **Азмкор халқнинг даҳшатли ҳамласи офат-нинг дамини кесди.** Н. Сафаров, Оловли излар. **Қишнинг дами кесила бошлади.** Ойбек, Навоий.

7 кўчма Кибр-ҳаво; ҳовур. **Дамидан тушмоқ (қайтмоқ).** Ҳали хомсан, пишарсан, бу дамидан тушарсан. Мақол. ■ Бугун Бухородан комиссия келганини эшитган бўлса керак, кечаги дами ҳам қолмаган. С. Айний, Қуллар. **Ўринбой оғзидаги ошини олди-рмайдиган, тутганини шарт кесадиан, дами баландгина кўринган эди.** Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

8 Буғ, ҳовур, пар.

**Дам емоқ** Дамлангандан кейин ўз буғи билан етилмоқ. **Чой дам еди.** ■ Ош дам егунча, пиёла неча бор қўлдан қўлга ўтди. С. Айний, Дохунда. **Ошпаз шийпон тағидаги тол тағида капгирни бошидан баланд кў-тарди, бу ош дам еганлигига ишора эди.** Й. Шамшаров, Гурумсаройликлар.

**Дам емоқ** Панд емоқ; бўш келмоқ, енгилмоқ. **Мақтанчоққа дам емасман. Ҳабибий. Бировдан дам емасман, сўзга полвон, қаҳ-рамонман дер.** «Муштум». **Дам турмоқ** Жим бўлмоқ, тинч, дим турмоқ. **Дам турунг, битди қулоқлар, лаҳза, жон қурбақалар. Муқимий. Дами ичида** Айтадиганини ай-толмайди, тили қисқ. **Райҳон қишлоқда, қизиникида турган кунларда Зумрадбининг дами ичида бўлди.** Ҳ. Гулом, Сенга инти-ламан. **Тожибой.. қизининг йўқолганидан кўра одамлар ўртасида иснодга қолишдан қўр-қарди. Эр-хотиннинг дами ичида, ундан-бундан сўраб суриштирайлик дейишса, гап-сўз тарқаб кетади.** С. Зуннунова, Гулхан. **Дами кесилмоқ** 1) гапи бўлинмоқ, сўзлай олмай тўхтаб қолмоқ. **У Валихонга изоҳ беришга астойдил тайёрланган эди, Вали-хоннинг қўл силтаб, рад қилганини кўрач, дами кесилиб, оғзини очганича, тек қараб қолди.** Ш. Тошматов, Эрк куши. **Хуббийой.. ўзининг “йўқлигидан” шикоят қилиш учун оғзини жуфтласа ҳам, аммо бирдан дами кесилиб қолди.** А. Қодирий, Обид кетмон; 2) кўчма шиддати пасаймоқ, сусаймоқ. **Аммо бунда куёвнинг иштироки кўрилмай, шунинг**

ила менинг дамим кесилиб қолди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дамини кесмоқ** (ёки **қирқмоқ**, **қайтармоқ**) 1) қувватини кетказмоқ, таъсирини пасайтирмоқ. *Иссиқнинг ва ёғли овқатларнинг дамини кесиш учун ҳеч ким пиёладан, чойнакдан қўл узмас эди. Ойбек, Танланган асарлар;* 2) таъзирини бермоқ, тарбияламоқ; олдини олмоқ. *Уларнинг фикрларича, кўпни кўрган мугамбир ва пишиқ домла ўқитувчи болани яхшилаб тузламоқда ва дамини қайтариб қўймоқда эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Бу тадбир орқали айрим кўзбўямачи қаллобларнинг дамини қирқмоқчи бўлганлар. Газетадан.*

**ДАМ II** [ф. دم — бир нафаслик фурсат; лаҳза; вақт] **I** Он, лаҳза; кез, пайт. *Бахтли дамлар. Бир дам жим қолмоқ. Шу дамгача. Шу дамда. Чилла, ҳар дами тилла. Мақол. ■ Бир дам ўзини йўқотиб, эсанкираб қолди. С. Аҳмад, Уфқ. Балки дўстлар даврасида Камим бўлмас ҳеч қачон. Лекин сени ўша дамда Қайдан топай, онажон. А. Орипов, Йиллар армони.*

**2 айр. боғл. взф.** Баъзан, гоҳ, гоҳо. *Йўлчи эртадан кечгача дам у экинда, дам бу экинда Қамбар билан бирга ишлайди. Ойбек, Танланган асарлар. Сув дам оқизиб кетади, дам четга отади. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ДАМ III** [ф. دم] Темирчиларнинг кўра ёки ўчоқдаги кўмирни ёндириш учун ҳаво юборадиган, чармдан ишланган асбоби. [Фарҳод] *Темирчидан бир кўра, бир дам сўраб олди. “Фарҳод ва Ширин”. Бошқа бир мулланинг қорни ҳам темирчиларнинг дамидек катта экан. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.*

**Дам бермоқ** (ёки **босмоқ**) Дам орқали ўчоққа, кўрага ҳаво юбормоқ. *Ўчоқнинг орқасидаги уйда икки киши зўр бериб, тўхтовсиз ўчоққа дам беради. Ойдин, Ҳазил эмиш. Акам мен и тақачига топширди. Еган ичганим бадалига эртадан кечгача дам босар эдим. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ДАМ IV** [ф. دم] Чет, қирғоқ. *Иброҳимов оёғини ёзгани ўрнидан турди ва айвоннинг дамига бориб.. узоқдаги каптаранг тоғларга қаради. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**ДАМ V** [ф. دم] Асбобнинг кесадиган, ўтқир томони, тифи; тиф. *Пичоқнинг дами. Қиличнинг дами. Кетмоннинг дами. ■ [Отабек] Ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинга солиб боқди. А. Қодирий,*

*Ўтган кунлар. Раҳимберди.. катта кетмоннинг дамини эговлаб, хиргойи қилиб ўтирарди. Х. Тўхтабоев, Шонли авлод.*

**Пичоқ дамича** (ёки **дамидай**) Жуда юпқа. *Чўққиларнинг учи худди пичоқ дамидай чақнаб турипти. С. Аҳмад, Жимжитлик. Қилич дамида юрмоқ ёки қилич дамига оёқ кўймоқ* Хавфли, ҳалокатли иш қилмоқ ёки унга киришмоқ.

**ДАМБА I** [ғолл. dam — қирғоқлардаги кўтарма] Дарё, сой, сув ҳавзаси ёқаларига тупроқ, тош, шағал, бетон ва ш. к. дан кўтарилган тўсик, кўтарма. *Бўрон заптиса олган пайтларда канал суви.. тупроқдан қилинган дамбаларни ўпириб юборгудек ваҳима солган эди. Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. ..минглаб кишилар сувнинг йўлини тўсиш мақсадида ғовлар ва дамбалар қурдилар. «Фан ва турмуш».*

**ДАМБА II** айн. **тамба**. Кейин дамба ўрнига узун занжир урилган кўча эшигини қия очиб, кўчага чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Татьяна ферма биноси ёнидан утию, запас дарвозаларини дамба орқали кўтариб ташлади. И. Раҳим, Ихлос.*

**ДАМБА III** шв. Йўғон гавдали, кўпол семиз одам.

**ДАМ-БАДАМ** [ф. دم بدم — ҳар замон, тез-тез] *рвш.* Дам ўтмай, ҳар дамда, тез-тез. *Дам-бадам чақмоқ ялт-ялт қилади. С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар. Дарвозадан дам-бадам мўралаб турган қизлар тапир-тупур қилиб, югуриб кетишди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.*

**ДАМБАЛАМОҚ** айн. **тамбалармоқ**. *Ғуломжон кўча эшигини биратўла дамбалаб кирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Кўча эшигини дамбалаш, отга беда солиш, ташқари эшигини занжирлаб келиш керак эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**ДАМ-ДАМ** айн. **дам-бадам**. *Найлайин, бошимда бордир минг алам, Бағримнинг олови кўпаяр дам-дам. «Тоҳир ва Зухра».*

**ДАМГАР** [ф. دمگار — дам берувчи, ҳаво ҳайдовчи] Темирчилик устахонасида дам бериб, оловни ёндирувчи хизматкор (қ. **дам III**). *Уста Шералининг дўкониди ишлайдиганларга “босқончи”, “халфа”, “дамгар”.. деб ном берилар эди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ДАМГАРЛИК** Дамгар касби; дам босиш иши билан шуғулланиш. *Уч-тўрт ой хиз-*

*маткорлик қилиб юргандан кейин Темиртош дамгарлик қилди. М. Осим, Ўтрор.*

**ДАМГИР** [ф. دمگیر — нафас, дам олувчи] Ош яхши дам ейиши учун қопқоқни ўраб қўядиган махсус қалин дастурхон ёки мато. ..бу аёл дамгири янгигина олинган ошдан тотиб кўриб, бош ошпазга танбеҳ бераётган экан. «Саодат».

**ДАМДУЗ** [ф. دمدوز — нафаси, оғзи боғлик] Кўнглидагини бировга айтмайдиган, кимсага сир бермайдиган; камгап. *Дамдуз одам. ■ Қодир девкор эса қилат эммайди. Гапирмайдиам. Дамдуз бўлиб олган. «Ёшлик». Зарофат бундай ишларга чапдастликка чапдасту сал одамови, дамдузроқ. «Ёшлик».*

**ДАМИДА, дамийда** [ф. دميدن < دمیده — «эсмоқ»; «пуфламоқ» фл. сфлш. шакли]: **дамида қилмоқ** Уфурмоқ, пуфламоқ; куфсуф қилмоқ. *Аммо бир ҳаромзода бангнинг тутунини оғзига йиғиб, баъдазон фақирга дамида қилур эди. А. Қодирий, Кичик асарлар. Лоҳавлонн.. ўқиб, ўзимизга дамийда қилиб, масжидга келиб қараймизки.. базми жамшиднинг устидан чиқиб қолибмиз. «Муштум».*

**ДАМКА** [фр. dame — хоним] **1** Шашка ўйинида: рақиб томонидаги энг охириги қаторга чиқиб олган ва истаган томонга юриш ҳуқуқини олган дона. *Дамкага чиқмоқ. Дамкани юрмоқ.*

**2 с.т. айн. шашка 1. Дамка ўйнамоқ.**

**ДАМКЎТА шв. 1** Ҳарсиллаб, тез-тез нафас оладиган одам.

**2** Доимо йўталиб, йўтал тутиб юрадиган одам.

**ДАМЛАМ:** **бир дамлам** Бир марта дамлашга етадиган, бир бор дамландиган. *Бир дамлам чой.*

**ДАМЛАМА** Дамлаб тайёрланган нарса (дори). ..унинг [бўзночнинг] дамламаси кўнгли айнашни, қусишни йўқотади. «Фан ва турмуш». *Беморларга муайян ўтлардан уч хилининг дамламаси ичирилади. «Фан ва турмуш».*

**ДАМЛАМОҚ 1** Бирор нарсанинг ичига ҳаво, газ юбормоқ; ҳаво, газ билан тўлдирмоқ. *Машина баллонини дамламоқ. ■ ..у [Султонқул] ориқ қўйларни олиб, уйда яширинча ўша қўйнинг орқа оёғидан тешиб, велосипед насоси билан дамлаб, тараңг қилиб, хотинига етаклатиб бориб, "бурдоқи" деб сотар экан. С. Абдулла; Соялар.*

**2** Ошқозон ёки ичкада овқат ҳазм бўлиш жараёнида ел, газ тўпланмоқ. *Комбайнга илинмаган бошоқларни моллар еб, сув ичиб, кўпи дамлаб нобуд бўлиб кетди. С. Нуров, Нарвон. Йўқ, қорним унчалик дамламайди. Ҳа, гоҳи-гоҳида. Н. Аминов, Қалтис ҳаракат.*

**3** Ҳовури чиқмайдиган қилиб бекитиб, паст оловда ўз буғида пиширмоқ, егилтирмоқ. *Палов дамламоқ. Чой дамламоқ. ■ Пешиндан кечга қолманг. Мен ошини дамлаб, сизни кутиб ўтираман. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Нусратбек чой дамлаб келиб, чойнакни столнинг бир четига қўйди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. Куннинг ўрталарига бориб, кампирнинг ўзи яхшилаб ош дамлади. Мирмуҳсин, Умид.*

**4** Бўғмоқ, тўсмоқ. *Сув(ни) дамламоқ. ■ Ғўзанинг эгатидан сувни тортиб, "пахтани дамлаб қўйишган" шу.. кунларда Бек аканинг аёли уйда бетоб ётган Хосият холянинг олдида бўлди. С. Нуров, Нарвон.*

**ДАМЛАНМОҚ Дамламоқ** фл. ўзл. н. *Ош дамланди. Сув дамланди. ■ Шу куни завод чўяндан қўйиб берган катта қозонда ош дамланди. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. ..меъёрида етказиб дамланган хушбўй кўк чой Нусратбекка малҳамдек ёқди. С. Нуров, Нарвон.*

**ДАМЛИК:** **бир дамлик** Бир лаҳзалик, бирпаслик; оний. *Кўнглида уйғонган бир дамлик хавфсирашни қизиқиш ҳисси енгиб кетди. С. Анорбоев, Оқсой. Бир дамлик сукутдан кейин Жанна секин: "Юринг, ичкарига керамиз, Умид ака", — деди. Мирмуҳсин, Умид.*

**ДАМЛОҒЛИК 1** Ичига ҳаво, газ киритиб тўлдирилган. *Дамлоғлик баллон.*

**2** Ўз буғида пишиб етилиши учун усти беркитилиб, паст оловга қўйилган. *Дамлоғлик оши. Дамлоғлик чой. ■ -Қайнананг суяр экан, паловхонтўра дамлоғлик. Ойбек, О.в. шабадалар. Вой, овораси нимаси, пошшахон, чойим дамлоғлик. Ж. Абдуллахонов, Тўфон.*

**3** Тўсилган, бўғилган (катта оқин сув ҳақида). *Пахтазорга келадиган сув кечадан бери дамлоғлик. Сўзлашувдан.*

**ДАММАДАМ с.т.** Дам-бадам.

**ДАММАЛ шв.** Бесўнақай, қўпол. *Даммал одам.*

**ДАМОДАМ** [ф. دمادم — дам-бадам, ҳар дамда] *рвш. кт.* Тез-тез, узлуксиз, ҳамиша.



*Иссиқ. Дим. Ҳаво этишмайдиғандай. Дамодам артинса ҳам, юз-кўзини тер босарди. С. Нуров, Нарвон. Ўтлаб юрган кийик дамодам бошини кўтариб, атрофга қараб кўярди. Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар.*

**ДАМСОЗ** [ф. *دمساز* — ҳамдам, сирдош] Қалбан сирдош, ҳамдард, ҳамсуҳбат. *Йўлиқ-қанда, менинг ҳолим билмадинг, Сен сирлашиб, менга дамсоз бўлмадинг. «Муродхон».*

**ДАМТОВОҚ** Дам едириш учун қозондаги палов устига ёпиладиган товоқ; дамгир. *Пиширилган палов жуда шўр бўлиб кетган бўлса, дамлаганда, гуручнинг бетига нон ёниб, сўнгра дамтовоқни (дамгирни) боссангиз, ҳар ҳолда, шўри бирмунча қирқилади. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари.*

**ДАМЧЎП** Палов дамланганда, унинг сувини текис буғлатиш учун ишлатиладиган, узунлиги 30–35 см., йўғонлиги бармоқдек таёқча.

**ДАМКИСМА** Нафас қисиш; астма. *Абулвоҳид Фориғий дамқисма касалига мубтало эди, ўрнидан қўзғалиб, ҳансираганча сўз бошлади. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

**ДАНАК** [ф. *داناك* — мағизнинг қаттиқ қобиги] **1** Баъзи этли мевалар (ўрик, шафтоли ва ш. к.) ичидаги қаттиқ пўчоқ ва мағиздан иборат уруф. *Ўрик данаги. Шафтоли данаги. ■ Табиат ўзи уста деҳқон. Меъёри билан данак ташлаган, меъёри билан уруф сочган. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар. Қаршида ўриклар аллақачон данак қотириб қолган, бу ёқларда бўлса, энди гуллаятти. С. Аҳмад, Жимжитлик.*

**Ширин данак** Данакнинг ажратиб олинган, сиртига шакар суртилган мағзи ёки қовурилган данак. *Умид Ҳафизани эскимо ва ширин данак билан сийлади. Мирмуҳсин, Умид.*

**2** кўча Бола, фарзанд. *Данаги ширин, данагидан мағизи ширин. «Қанотли сўзлар».*

**Бошида (ёки миясида) данак чақмоқ кам. қўлл. айн. бошида ёнғоқ чақмоқ қ. бош. Бизга қуллуқ қилган камбағал бошимизда данак чақсинми? Ҳ. Пўлат, Танланган асарлар. -О, Мастон, — деди Турғуной, — эрим миямда данак чақса ҳам, уйда ўтирганам бир давлат эди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Бошида икки букилиб, кейин миямда данак чақадиганидан шу тузук. И. Раҳим, Ихлос. Данагини чақмоқ кам. қўлл. айн. мағзини чақмоқ қ. мағиз. Абдуқодир улуг халқ бошлаган азим ҳаракат ва кураш ҳақида**

*чуқур ихлос ва ҳаяжон билан гапириб, воқеаларнинг данагини ўз билганича қақишга тиришар эди. Ойбек, Нур қидириб.*

**ДАНАКДЕК, -дай** Катталиги данак ҳажмидай келадиган; ҳажми ва шакли данак каби бўлган. *Агар шу қизга кимда-ким данакдек тош отиб кўрсин, хонумонидан номнишон қолмайди. К. Яшин, Ҳамза. Данакдай хамиртурушдан бир тоғора хамир қилди-қўйди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Унинг иягидаги данакдек, жуи чиққан холини айтмаса, чиройликкина хотин эди. С. Аҳмад, Сайланма. Унинг қулоғида бриллианти данакдек келадиган зирак ялтирарди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

**ДАНАКОР, донакор** фольк. Воситачи, вакил. *Моманг донакор бўлиб ишни созласа, Ётарсан оймнинг қордай бағрида. «Гулихиროмон». Қабул қилгин, болам, шундай тўрани!» Моманг данакор бўлиб келди орага. «Гулихиროмон».*

**ДАНГ:** **данг қотмоқ айн. донг (қотиб) қолмоқ қ. донг** **II.** *Арслон жавоб тополмай, данг қотиб қолди. Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. Ашур Мирзо китобни очди-ю, данг қотиб қолди, кўзлари чаноғидан чиқиб кетди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Данг қотиб ухламоқ (ёки ётмоқ) айн. донг қотиб ухламоқ қ. донг **II.** *Худойқул бостирма тагида тўқимни ёстиқ, шолчани кўрна қилиб, данг қотиб ётар эди. П. Турсун, Ўқитувчи. Қандибой оғанинг кигиз ҳиди анқиб турган ўтовидида кун ёйилиб кетгунча данг қотиб ухлабмиз. Ў. Усмонов, Сирли соҳил.**

**ДАНГАЛ I** Раёй-андиша, юз-хотир қилмасдан, рўйирост, очиқ. *Дангал гап. Дангал айтмоқ. ■ Зумрад пайтдан фойдаланиб, дангал гап бошлади. С. Сиёев, Отлик аёл. Нуқсонларини дангал айт, хатоларини юзига сол, кўзи очилсин. Уйғун, Навбахор. Ота вазиятдан чиқишнинг йўлини қидира-қидира, дангалига кўчиб қўя қолди. Э. Аъзамов, Жавоб.*

**2** Тортинмасдан, бемалол; кўркмасдан, шиддат билан. *Аҳмад хона эшигини тақиллатди-да, дангал ичкарига кирди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Бу дейман, йўли шунақамаску, хўжайин, дангал кириб келавермайсизми? А. Муҳиддин, Нуқсонбой. Шайх Назарбой нақибада украйиб қараб қўйди-ю, дангал чуқ-калади. С. Сиёев, Аваз.*

**3** Ростмана, чин кўнгилдан; самимий. *Халил ака аскиячиларга ўхшаб очиқ ва дангал*

куларди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. Бу ҳазилдан фақат *Рисолат* кулди. Дангал ва чиройли кулар эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**ДАНГАЛЛИК** Тортинмасдан, ортиқча мулоҳаза қилмасдан қилинадиган ҳаракат; дадиллик, шижоат. Бу *Алломиш тахлит киши ўзининг ишчанлиги ва дангаллиги билан ажралиб туради*. «Шарқ юлдузи».

**ДАНГАЛНИШИН** [дангал + ф. نشين — ўтирувчи] Ўрта Осиё хонликларида жангларда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган кишиларга берилувчи рутба (унвон) ҳисобланиб, унинг эгаси хоннинг маслаҳатчиларидан бўлиб, ўз фикрларини ҳеч тортинмай, дангал айта олган.

**ДАНГАЛЧИ** Раёй-андишага бориб ўтирмайдиган, юз-хотир қилмасдан тўппа-тўғриси рўйирост айтувчи, шартга гапирувчи. *Дангалчи одам*. ■ *Аҳмад лўппи, қип-қизил башарасидан гўл кўринар, аммо тўғрисиёз, дангалчи бола*. Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар.

**ДАНГАЛЧИЛИК** айн. **дангаллик**. *Самадга Маъсуманинг дангалчилиги айниқса ёқди*. М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

**ДАНГАНА I** Бир қанча оилалар ўртасида навбат билан тайёрланган, тайёрланадиган ва тарқатиладиган умумий овқат.

**2** Шерикчиликка бирор тирик мол (от, сигир, туя ва ш. к.) сотиб олиб, сўйиб, гўштини ўзаро тақсимлаш. *Амма-хола йиғилиб, дангана қилур*. Бўлиб олишолмай, хангама қилур. Мақол. ■ *Ўтган куни Самад чол дангана қилармиш, деган гапни эшитгач, кўзи дарвозада бўлди*. Н. Норқобилов, Тўқнашув. *Агарда менинг отимни ўзгартирсаларинг, мен бир сигиримни дангана қилиб бераман*. «Эртақлар».

**ДАНГАСА** Меҳнат қилиб, ўзини қийнашни хоҳламайдиган; ишқмас, танбал, ялқов. *Дангаса одам*. *Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар*. Мақол. *Дангасага булут сояси ҳам юк*. Мақол. *Ўтлоқда бедана кўп, Дангасада — баҳона*. Мақол. ■ *Наҳотки у шундоқ дангаса бўлиб қолди? Китоб ўқишга кунти йўқ*. Мирмуҳсин, Умид.

**ДАНГАСАЛИК I** Меҳнат қилишдан қочишга одатланганлик. *Дангасалик қилган одам шафқат кутмасин*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Дангасалик — бу ёмон дард, бунинг номини ўзини-ўзи алдаш дейлади*. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиги.

**2** Дангасаларга хос хатти-ҳаракат. *Кўриб турибмиз: дангасалик, айёрликни билмай-*

*диган йигитга ўхшайсиз*. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу куни, не балодир, дангасалигим тутди*. Ойдин, Ҳикоялар.

**ДАНГ-ДУНГ** тақл. с. айн. **данг-дунг**. *Амаки осма соатнинг данг-дунг зангига бир нафас қулоқ солиб турди*. Ҳ. Гулом, Замин юлдузлари.

**ДАНГИР-ДУНГУР** айн. **дангир-дунгур**. *Аранг-аранг қулоғимга чилдирманнинг дангир-дунгур қилган нағмаси кирар эди*. А. Қодирӣй, Кичик асарлар. - *Қишлоғимизни биррав кўриб кетмоқчи эдим*. Бу ердаги дангир-дунгурни кўриб аграйиб қолдим, — деди *Йигитали Иброҳимга*. С. Кароматов, Бир томчи қон.

**ДАНДАНА, дандона I** [ф. دندانه — тишга алоқадор; тишга ўхшаш] **1** Бирор асбоб-ускунанинг тишга ўхшатиб ишланган ва уланадиган қисми. *Муҳаммад Аваз ҳавоза зиналаридан тўппа-тўғри жанубий гумбаз учига кўтарилиб, усталар билан гишторлик қилди*. Сўнг *пештоқ тарафга ўтди, пештоқ гардиши учун дандона ташлади*. «Ёшлик».

**2** Иморат, кўргон, қалъа деворлари устига ёки четига гиштдан ёки ёғочдан тишга ўхшатиб ишланган қисм. *Айвоннинг данданаси*. ■ *У [Собир темирчи] қозининг қаршисида дандона устида тиз чўкиб ўтирди*. Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДАНДАНА II** [ф. دندانه — тишсимон қисмга эга] қ.х. Тишлари бўлган мола; сихмола. *Энди менинг олдимда у ерга дандана, мола босиш масаласи турарди*. С. Айний, Эсдаликлар.

**ДАНДАНАДОР** Тишга ўхшаган; тишли. *XIX асрда бунёд этилган қалъа деворлари кўплаб буржлар билан мустаҳкамланган, буржларнинг юқори қисми данданадор қилиб ишланган*. «Фан ва турмуш».

**ДАНДОН** [ф. دندان — тиш] **1** кам қўлл. айн. **тиш**. *Иш юришмаса, атала дандон синдирар*. Мақол. - *Ғам чекма, нон бўлиб, емоққа дандон бўлмаса, Чин мусибат будир: дандон бўлиб, нон бўлмаса*. Газетадан.

**2** Фил тиши, фил суягидан ясалган. *Дандон (сопли) пичоқ*. ■ *Туяларга.. олтин кўзалар, дандон сопли пўлат пичоқлар, олтин суви билан гул солинган эгарлар, Ҳиндистон доривор-зираворлари ортилган эди*. М. Осим, Элчилар. *Саидқул.. пичоқни қинидан чиқарди*. *Дандон сопли ўтқир тиғ эди*. М.М.Дўст, Лолазор.

**3** Шимиладиган, қаттиқ конфет тури (қоғозга ўралмаган ёки ўралган бўлади).

..қизалоқлар югуриб келишарди. Шакархон пистали халво, дандон сочарди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**ДАНДОНБОЗЛИК** Сафсатабозлик; маҳмаданалик; гапбозлик. *Биз манманликни, дандонбозликни энг хавфли эскилик деб биламиз. И. Раҳим, Мехр кўзда. - Мен сендан қоламанми, деган дандонбозликнинг оқибати шу.. - йиғлаб-йиғлаб гапирди кампир. Ойбек, Улуғ йўл.*

**ДАНДОНСОП** Сопи фил суягидан ёки умуман суякдан ясалган. *Ориф бува дандонсоп пичоғи билан анор сўйиб қўйди. Мирмуҳсин, Умид. Мўйсафид.. гулбанди ярқираб турган дандонсоп пичоғини қинидан суғуриб, менга узатди. Ҳ. Нурий, Пахтакор ўйлар.*

**ДАНҚА** *шв.* Суяклик қуйиладиган идиш; керосин идиши.

**ДАНҒ:** **данғ қотмоқ** 1) кўркув ёки ҳайратдан эс-ҳушини йўқотиб қотиб қолмоқ. *Жуман билан Сангин иш кийимида, юз берган воқеани ҳали ҳам англаб етмагандай, данғ қотиб турар эдилар. А. Мухтор, Туғилиш;* 2) қаттиқ ухлаб қолмоқ. *Бола.. гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга югурар, кечалари ҳолдан тойиб, ҳориб, данғ қотиб ухлар эди. М. Исмоилий, Фаргона т.о.*

**ДАНҒ-ДУНҒ** *тақл.с.* Металл ва бошқа қаттиқ нарсаларнинг урилишидан чиқадиган физикавий товушга тақдид. *Данғ-дунғ қилмоқ.*

**ДАНҒИЛ** *шв.* Кенг, равон, данғиллама. *Данғил йўлда жавлонига жаҳон қойил, баракалла, Сиймосида аён бахти, ёрқин куни, чўнг келажак. Миртемир, Асарлар.*

**ДАНҒИЛЛАГАН** *айн.* данғиллама. *Данғиллаган иморат.*

**ДАНҒИЛЛАМА 1** Керагидан ортиқ ҳашам берилган, ҳашаматли, кенг, катта. *Данғиллама уй. Данғиллама дарвоза. Данғиллама ҳовли. Данғиллама клуб. ■ Чорбоғнинг ўртасида сойга қаратиб солинган, олдидан ромли айвони, олти хонали данғиллама уйи бор. С. Анорбоев, Оқсой. Ичкари-ташқарили данғиллама иморат, олди айвонли тўрт хона, яна ошхона билан тандирхона. С. Айний, Дохунда.*

**2** Овозаси кенг тарқалган, дабдабали. *Бир ойдан кейин худди мана шу катта боғда данғиллама тўй бўлди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Тўй данғиллама бўлди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.*

**ДАНҒИЛЛАМОҚ** Данғ-дунғ овоз чиқармоқ, данғир-дунғур қилмоқ. *Дахмазали деворий соат икки марта данғиллади. А. Қаҳҳор, Таниш башаралар. От чопса, данғиллар тоғнинг дараси, Қутулмоқлик бандининг муддаоси. «Эрали ва Шерали».*

**ДАНҒИР-ДУНҒУР** *айн.* **данғ-дунғ.** *Олдиндаги нортя бўйнига осилган қўнғуроқ данғир-дунғур чалиниб борар эди. Ф. Фулом, Шум бола. ..аллақайқдан данғир-дунғур чилдирма чалишиб келиб қолишиди. Р. Раҳмонов, Чакалакзордаги шарпа.*

**ДАОСИЗМ** [*хит.* «лао» — қонун, тамоийл] Қадимги Хитойда кенг тарқалган илғор фалсафий қарашлар тизими; шу фалсафадан келиб чиққан динлардан бири.

**ДАПҚИР-ДАПҚИР** *шв.* Тез-тез, ора-ора, вақт ўтказмай. *Ҳаялламай, дапқир-дапқир келиб тур, болам. К. Яшин, Пьесалар.*

**ДАРА** [*ф.* دره — тоғ оралиғидаги йўл; жарлик] Икки тоғ оралиғидаги узун, нисбатан тор, чуқур жой; жарлик. *От чопса, гумбурлар тоғнинг дараси. Ботирни ингратар найза яраси. «Алпомиш». Хотинларнинг кулгисидан Оғажон дараси жаранглаб кетди. Н. Сафаров, Танланган асарлар. Машина ўйдим-чуқур йўлақлардан ўтиб, энсиз дарага кириб борди. Э. Усмонов, Ёлқин.*

**ДАРАЖА** [*а.* درجه — босқич; мартаба, унвон; зина] **1** Иш-ҳаракат, хусусият ёки ҳолатнинг меъёри, чегарасини англатади; кўпинча аниқловчилар билан ишлатилади. *Трактор қулоқни қоматга келтирадиган даражада тариллаб ишлайди. Э. Усмонов, Ёлқин. Одамлар уйни бошларига кўтарар даражада хандон ташлаб, қаттиқ кулдилар. С. Айний, Эсдалиқлар. Отабек қизиқ ҳолатда қолди, бир турли титраб кетди, кўзлари қинидан чиқар даражага етди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Томоғи қирилар даражага етди. «Шарқ юлдузи». Улар [суратлар] орасида мукамал даражага етганлари ҳам оз эмас. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Унинг хотираси ҳайратда қоларли даражада бой ва тиниқ эди. Газетадан. Дарсларнинг осон-қийинлик даражасини ўқувчининг ўзи аниқлагани яхши. «Фан ва турмуш». Боланинг йиғиси бу мотамсаро муҳитда юракларни тилка-пора қиларли даражада аянчли эди. Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Унга шу даражада пул ваъда этилган эдики, бу пулга уч арава сотиб олиш мумкин эди. Мирмуҳсин, Меъмор.*

2 Тадрижий ёки нисбий тараққиёт, ривожланиш поғонаси; савия, юксаклик ўлчами. *Билим даражаси. Турмуш даражаси. Техникани ҳозирги замон талаблари даражасига кўтармоқ.* ■ Бўш вақт ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлиб, ўзи бу тараққиётнинг бевосита натижаси ҳисобланади. «Фан ва турмуш». *Фан ва техника, саноат шу даражада тез тараққий этяптики, уни товуш эмас, ёруғлик тезлиги билангина қийёслаш мумкин.* Газетадан.

3 эск. Мансаб поғонаси, рутба, мартаба. *Анвар бош муншийлик даражасини олгандан кейин, маҳдум илгариги “сийёсат”ни давом эттириши ва эттирмаслик тўғрисида икки-лашиб қолди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Зарбоф тўн кийган, белига тилла камар боғлаган серсоқол эшикоға биринчи вазир даражасидаги катта бек эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

4 Илм-фан соҳасидаги ишлари учун маълум қоидалар ва талаблар асосида берилдиган илмий унвон. *Илмий даража. Фан номзоди даражаси. Фан доктори даражаси.* ■ *Илмий кенгаш кашифётимни кўриб чиқиб, яхши баҳолабди ва менга медицина фанлари доктори даражасини беришга қарор қилибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Шу кунни Умиднинг қишлоқ хўжалик фанлари номзоди даражасини олиши учун берилган яширин овоз натижаси эълон қилинди.* Мирмуҳсин, Умид.

5 Ўз ихтисоси бўйича эришилган малака поғонаси. *Урта даражадаги тиббиёт ходимлари. Бешинчи даражали пайвандчи.*

6 Жамиятда, ҳаётда, кишилар ўртасида тутган ўрин, мартаба, эътибор. *Даражалари баланд бўлсин! (дуо, яхши тилак).* ■ *Ҳар ким ўз даражасига кўра ҳар вақт ўтирадиган ўрнида қарор топди.* Ойбек, Навоий. *Ҳовли юзига тўшалган шолча ва кизизларда иккинчи даражадаги одамлар ўтириши керак эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *У ўтирганлар билан уларнинг амал ва даражаларига қараб, қуюқ-суюқ кўришиб чиқди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

7 Сира, карра, бор, марта. *Ўтиришдилар, фотиҳадан сўнг яна бир даража аҳвол сўрашилди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Даҳшати юз даража ортган ҳолда Кумушни кўтариб олиб, ичкарига кирди.* А. Қодирий,

Ўтган кунлар. *Онасининг лутф қилиб айтган сўзлари Бобурнинг хужрадан олган завқини яна бир даража оширди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

8 Бир оз, озгина, андак. *Ҳожи шу жавобдан кейин ўғлидан бир даража қаноатланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Биз юқорида ёш Хушрўй билан ўқувчини бир даражада таништирган эдик.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Анвар.. яхшигина форсихон ва бир даражада араб тилига ошина эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

9 мат. Бурчак ва айлана ёйининг ўлчов бирлиги; тўғри бурчакнинг 90 дан бир ёки доиранинг 360 дан бир бўлаги; градус. *70 даражали бурчак.*

10 физ. Термометр, барометр ва ш. к. ўлчов асбоблари шкаласидаги чизиқлар ва рақамлар билан белгиланган бўлимлар ҳамда шу бўлимлар ифодалайдиган ҳарорат миқдори. *Сув 100 даражага қайнайди. Бугун совуқ 20 даражага етган. Касалнинг иситмаси 38 даражадан ошибди.* ■ *Ҳарорат ҳозир қирқ даражадан тушяпти.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Умуман бактерия.. 160-180 даража иссиққа чидайди.* «Фан ва турмуш».

11 мат. Генг кўпайтувчиларнинг кўпайтмаси, бир соннинг ўзини ўзига кўпайтиришдан олинган натижа. *Ўннинг иккинчи даражаси юз.*

12 тлш. Белги-хусусиятнинг ортиқкамлигини ифодаловчи грамматик категория, шакл. *Сифат даражалари. Озайтирма даража.* ■ *“Даража категорияси” мақолачасида сифат даражалари бош даража, орттирма даража, озайтирма даража, деб унга бўлинади.* «ЎТА».

**ДАРАЖА-БАДАРАЖА** рвш. Тадрижий равишда, бир даражадан иккинчи даражага кўтарилиб, аста-секин. *Улар [ухлаган меҳмонлар] бир-бирлари билан ўчакишгандай, хурракни даража-бадаража оширишга тиришардилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАРАЖАЛАМОҚ** Даражаларга бўлмоқ, даражаларга ажратмоқ. *Термометрни даражаламоқ.*

**ДАРАЖАЛИ 1** Маълум миқдордаги градусга эга бўлган; градусли. *Қирқ даражали иссиқ.* ■ *Сахро ёнмоқда, 42 даражали иссиқ.* Барча нарса тинчиб қолган. Газетадан.

2 Бирор даражага эга бўлган, эришган, бирор даража олган. *Биринчи даражали*

шофёр. Даражали олим. Иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени. ■ **Биринчи даража**нинг икки биқинида турувчи қоровул йигитлар Ўрданинг улуг даражали бекларини таъзим билан узатар эдилар. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Қишлоқ хўжалик кўргазмасидан “Олтин медаль” ҳамда биринчи даражали диплом билан келди. С. Аҳмад, Уфқ.

**3 тиб.** Хавфлилик даражаси жиҳатидан маълум ўрин олган. **Биринчи даражали куйиш.**

**4** Маълум аҳамиятга эга бўлган (аниқлаб келувчи сўзлар билан). **Иккинчи даражали ишлар.** ■ **Толанинг сифатини яхшилашни ўз олдимизга биринчи даражали вазифа қилиб қўйганмиз.** Газетадан. **Кичкинагина, кўримсиз дўкон очиб, бошқа, паст даражали патент олди.** А. Қаҳҳор, Сароб.

**Иккинчи даражали бўлақлар тли.** Гапнинг бош бўлақларидан бошқа бўлақлари.

**ДАРАЖАМА-ДАРАЖА** с.т. Даражабадаража. Унинг мансаби даражама-даража ошиб борди. ■ ..бундан кейин валентликнинг.. бошқатдан даражама-даража еттигача ошгач, яна нолга қадар тушиб қолганини кўрамиз. “Кимё” дарслиги.

**ДАРАК** [а. درك — чуқурлик; хабар, огоҳлик] **1** Бирор ердан, бирор кимса, нарса ҳақида олинган хабар, маълумот. **Дарак қилмоқ. Дарак келмоқ.** ■ **Исмоилдан ҳамон дарак йўқ эди.** «Ёшлик». **Қоронғи тушиди ҳамки, Отахўжа акадан дарак бўлмади, Зумрад она хавотир ола бошлади.** С. Юнусов, Кутилмаган хазина. **Фунча очган сўлим навбаҳор Кутганимдан келтирди дарак.** Миртемир, Асарлар.

**Дарак бермоқ** Билдирмоқ, огоҳ қилмоқ. **Тўғри, айрим далалар борки, кўнглини ғаш қилади, хавф-хатардан дарак беради.** Ойбек, О. в. шабадалар. **Дарак солмоқ** Хабарини билиш, маълумот олиш учун ҳар тарафга хабар тарқатмоқ; суриштирмоқ. **Дарак (ёки дарагини) топмоқ** Бирор нарса, ҳодиса тўғрисида хабар, маълумот эшитмоқ. **Отам шу куни.. хурсанд эди. Марғилонлик ҳожилардан дарак топибди.** М. Исмоилий, Фарғона т.о. **Отанинг дарагин топмай, Соқибулбул ғамга тўлди.** «Маликаи айёр».

**2** Бирор нарса ёки хусусиятдан далолат берувчи нишона, белги. **Ёшлик — ҳаёт, келажак. Ёшлик — қудратдан дарак.** Ё. Мирзо. **Оқ булутлар ферузаланган самода енгил сузади.** Кузнинг дараги, деймиз бунди. Газетадан.

**Дарак гап тли.** Хабар мазмунини билдирадиган гап. **Хабар, дарак мазмунини билдирадиган гап дарак гап деб аталади.** «Ўзбек тили дарслиги».

**ДАРАКЛАМОҚ** Дарагини суриштирмоқ, дарак солиб қидирмоқ, ахтармоқ. **Даракламаган жойим қолмади. Бир ёқда онаси “боламни топ!” деб еган-ичганимни ичимга туширмайди.** Ойдин, Ҳазил эмиш. **Аваз Матпанини дараклаб, саҳар хужрасига борди.** С. Сиёев, Аваз. **Эрталаб Соҳибанинг кетиб қолганлигини эшитдим, дараклашга ботинолмадим.** «Ёшлик».

**ДАРАКНОМА** [дарак + нома] кам қўлл. Ёзма хабар, ёзма маълумот. **Бундай даракномалар кундалик топшириқларнинг бажарилмай қолиш сабабларини ўз вақтида аниқлашга кўмаклашади.** Газетадан.

**ДАРАКСИЗ** рвш. Дарак бермай, хат-хабар қилмай, бедарак. **Дараксиз йўқолмоқ. Дараксиз кетмоқ.** ■ [Ҳасанали] **Ухламай кутиб ўтирди. Аммо у [Отабек] туниси соат.. ўн иккида ҳам дараксиз эди.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Бир хўроз қичқириғи ўтганига талай вақт бўлса ҳам, ҳамон Раёно дараксиз.** А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**ДАРАКЧИ 1** Дарак, хабар олиб келувчи ёки етказувчи; огоҳ этувчи. **Қалдирғоч — баҳор даракчиси.** ■ **Бойчечак — баҳор даракчиларидан бири.** Газетадан. **Бу кулгусида заҳар бор эди, ёмон бир нарсанинг даракчиси эди.** «Ёшлик».

**2 тар.** Айғоқчи, жосус; агент. **Даракчининг айтишича, Искандар аскарларининг бир қисмини Сўғдияда қолдириб, ўзи қишлаш учун Зариясга [Балх яқинидаги шаҳар] жўнаб кетибди.** М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.

**ДАРАНГЛАМОҚ** Дарангланган овоз чиқармоқ, бермоқ. **Девордаги осма соат даранглаб, тўққиз марта занг урди.** «Ёшлик». **Туника том даранглаб кетди.** Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Челак қумга тушиб, енгил даранглаб, юмалаб кетди.** К. Яшин, Ҳамза.

**ДАРАНҒ-ДУРУНҒ** тақл. с. **1** Металл нарсалар урилганда ёки торли асбоблар бетартиб чалинганда чиқадиган овоз. **Энг сўнги нортунинг бўйнига осилган катта қўнғироқнинг даранғ-дурунғи Чингизхон эчларининг етиб келганини ҳаммага эълон қилгудай бўлди.** М. Осим, Ўтрор. **Жанубдан, Қарши томондан Бухорога туя карвонлари**

қўнғироғини даранг-дурунғ чалиб, қатор тизилиб ўта бошлади. Мирмуҳсин, Меъмор. Саломхонада чилдирманинг гижбанги авжга чиқди, дутор ва ситорларнинг даранг-дурунғи, раққосаларнинг шўх кулгиси янгради. О. Ёқубов, Кўҳна дунё.

2 кўчма Ортиқ даражада шов-шув, овоза, дабдаба. Даранг-дурунғ тўй. ■ Дастлабки йили [тўй] жудаям камайиб кетди. Бўлганларида ҳам ортиқча даранг-дурунғ бўлмади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДАРАНҒЛАГАН 1** Даранг-дурунғ овозга эга бўлган.

2 Ҳашаматли, данғиллама. Даранғлаган уй.

3 кўчма Даблабали, овозали. Мен даранғлаган номимга яраша иш кўрсатганим иўқ ҳали. Ойбек, О.в.шабадалар.

**ДАРАНҒЛАМОҚ** айн. дарангламоқ. Бутхона қўнғироғи кечки ибодатга чақириб, оғир ва узун даранғлади. А. Қаҳҳор, Томошабоғ. Деворий соат даранглаб, ўн бирга жом урганда, Саидий ўрнидан турди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАРАХТ** [ф. درخت — дарахт, ниҳол; бута] Тана қўйиб, шох ва новдалар чиқариб, томир отиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Мевали дарахт. Мевасиз дарахт. Олма дарахти. ■ Дарахт шохларида илиқ томчилардан сесканиб уйғонган гўдак куртаклар табассум қилади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Деворлар бўйлаб ҳар илч мевали дарахтлар: шафтоли, олма, нок, олуца, жийда. Ойбек, Танланган асарлар. Бодом дарахти ер танламайди: тошлоқ, қумлоқ жойларда ҳам бемалол ўсаверади. Газетадан.

**ДАРАХТЗОР** [ф. درختزار] Дарахтлар билан банд ер, майдон. Режасиз дарахтзор — чангалзор. Мақол. ■ Тегирмонни кўмиб ётган дарахтзор настда худди самоварнинг саҳнидаги гулзорга ўхшар эди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Қайинзор икки йўлнинг ўртасида бўлиб, теварак-атрофдаги дарахтзорлардан анчагина биландликда эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**ДАРАХТЗОРЛИК** Дарахтлар кўп ер; дарахтзор.

**ДАРАХТСИМОН** Дарахтга ўхшаган, дарахтга ўхшаб тармоқланган. Дарахтсимон ўсимта. ■ Тармоқланиб кетувчи ўсимталар дарахтсимон ўсимта.. деб аталади. Газетадан. Каштан — қора қайиндошлар оиласига мансуб дарахтсимон ўсимлик. «Фан ва турмуш».

**ДАРБАДАР** [ф. دربدر — эшикдан эшикка: уй-жойсиз; дайди] 1 Муҳтожлик туфайли эшикма-эшик юрувчи; (мажбурият орқасида ёки жаҳонгашталиқ мақсади билан) ўзга элларда гурбатда кезувчи; овора, сарсону саргардон. Дарбадар одам. Дарбадар кезмоқ (юрмоқ). ■ Ахир, полвон шу одам касридан неча йил дарбадар кезди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. Унинг офтоб ва шамолдан қорайган юзи дарбадар ҳаёт кечирганидан далолат бериб туради. М. Осим, Карвон йўлларида.

2 кўчма Бетартиб ҳаракат қилувчи; беқарор. О, сен, дарбадар дарё, Бунчалар вазминсану бунчалар қув, ўжарсан! А. Орипов.

**ДАРБАДАРЛИК 1** Эшикма-эшик юришлик, дайдилик; саёқлик. Шу дарбадарлик бир ерга олиб боради. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

2 Мажбуран ўзга элларда кезишлик, сарсон-саргардонлик; мусофирлик ҳаёти. Сиз Дилдорни бахтсиз қилдингиз, мени дарбадарликка мажбур қилдингиз. С. Аҳмад, Уфқ. Шоир қайтар эди дарбадарликдан, Устубоши юпун, яланғоч эди. Х. Даврон, Тўмариснинг кўзлари. У йигитлигини дарбадарликда ўтказиб, Андижондан Бухорогача пиёда кезган, тарашадай қотма Юсвали чол эди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАРБАНД** [ф. در — эшик; дара + بند — берк, мустаҳкам] Табиий тўсиқ, гов; тоғ орасидаги ўтиш қийин бўлган тор йўл. Кўрарсан, жонивор, сонсиз парини, Неча баланд дарбанд тоғлардан ошиб. «Муродхон». Иргитиб неча дарбандни, Бедовларни ярқиллатди. «Эрали ва Шерали».

**ДАРБОЗ** айн. дорбоз. Элмурод станица четидаги бир тегирмон сув оқадиган ариққа ташланган икки ходачадан дарбозлардек енгиллик билан ўтди. Шухрат, Шинелли йиллар.

**ДАРБОЗА** айн. дарвоза. Филбонга ошина бўлсанг, Дарбозангни катта қил. Мақол. ■ Бир вақтда ҳалиги Ҳотам тўра дарвоза орқасига келиб, "ким" деди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРБОЗАБОН** айн. дарвозабон. Ҳой Хусайнбек, дарбозабонларга юзур, ҳозир турсинлар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРБОЗАБЕГИ** айн. дарвозабегни. Дарбозабегни югуриб, қўрғон деворига чиқди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАРБОЗИЙ** [ф. دربازى] Халқ меъморчилигида хона шифтини тўртбурчак ва кўпбурчакли кесик пирамида шаклида ясашнинг бир тури.

**ДАРБОН** [ф. دربان — эшик, дарвозани кузатиб турувчи, дарвозабон] **1 тар.** Қалъа, сарой дарвозасини кузатиб турувчи, дарвоза қоровули; дарвоза посбони. *Арк дарвозаси олдида амир дарбонлари, зарбоф тўнли кушбеги ва бошқалар саф тортиб турардилар.* С. Кароматов, Бир томчи қон. *Дарбоннинг чеҳраси ёришиди ва дарҳол эшикни очиб берди.* Газетадан.

**2** Бадавлат хонадонларда, айрим муассасаларда эшик олдида турувчи шахс; дарвоза қоровули; швейцар. *Ресторан эшиги ёнидаги серсоқол дарбон чол унга писандсиз назар ташлади.* Ҳ. Темиров, Хиёбондаги одам.

**ДАРБОР** [ф. دربار — подшоҳ саройи, даргоҳи] **1 тар. эск.** Хон ва беклар саройи; боргоҳ. *..солиқчиларнинг барчаси хурсанд бўлиб, карвонбошини дарбордан иззат ва ҳурматлар билан узатдилар.* С. Айний, Қуллар.

**2** кўчма Олий даргоҳ. *Мактаб — у фан ўчоғи, кўп азиз дарбор, Биз илмнинг қалъасин олмоққа келдик.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

**ДАРВЕШ, дарвиш** [ф. درويش — қашшоқ, гадо] **1 дин.** Тарки дунё қилган, гўшанишинликка берилган одам; суфий. *Дамашқ шахрида бир карвонсаройнинг дарвозахонасида сочлари оқарган баланд бўйли бир дарвеш ўтирар эди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Балки бирор бобом шаҳаншоҳ ўтган, Балки вужудимда дарвеш қони бор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Хўв тортади хонақоҳнинг дарвеш.* «Ҳасанхон».

**2** кўчма Ҳеч нарса ийўк, қашшоқ, гадо. *Зеро, халқ шундай бир дарёйи азимки, у тошса, унинг мавжидан на шоҳнинг қасри, на дарвешнинг кулбаси қолур.* Ойбек, Навоий. *Кўз очиб юмгунча, дарвешнинг олдида анчагина танга йиғилди.* «Ёшлик».

**3** кўчма Ҳеч нарса билан иши йўк, ўтакетган солда ва сипо одам. *Шоир қизик халқ-да, ҳақиқий дарвеш бўлади.* Шукрулло, Сайланма.

**ДАРВЕШВАШ** айн. дарвешсифат, дарвешнамо. *У.. чиндан ҳам дарвешваш одам эди.* Ҳ. Хошимов, Навбаҳор.

**ДАРВЕШЛИК** Дарвеш ҳолатида бўлиш.

**ДАРВЕШНАМО** [ф. درويشنامه — дарвешга ўхшаш] Дарвешларга ўхшаган, дарвешларча иш тутувчи; дарвешсифат. *Дарвешнамо киши.* ■ *Эшикда қари фаррош ҳожи Солиҳ пайдо бўлди. У дарвешнамо, камтарин, хаёлчан киши эди.* Ойбек, Навоий.

**ДАРВЕШНАМОЛИК** Дарвешларга хос ҳаракатга, хусусиятга эгалик. *Собирнинг кўрунишида қандайдир дарвешнамолик, муқаддаслик борга ўхшарди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**ДАРВЕШОНА** [ф. درويشانه — дарвешларча] **1 сфт.** Дарвешларга хос бўлган, дарвешларникига ўхшаган; дарвешларча. *Унинг бурушқоқ маҳсусидан бошлаб оддий салласига қадар дарвешона эди.* Ойбек, Навоий. *Ғарбий дунё ишларидан қўл ювиб, Самарқандда дарвешона умр кечирарди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**2** от этн. Кўпинча баҳор фаслида қишлоқларда ва шаҳар маҳаллаларида айни ҳудудлар аҳолисидан тўпланган пул ёки озиқ-овқат ҳисобига ўтказиладиган хайрия маросими.

**ДАРВЕШСИФАТ** [дарвеш + сифат] Дарвешларга ўхшаш, дарвештабиат. *Дарвешсифат одам.* ■ *..у табиатан дарвешсифат эди.* Ойбек, Навоий.

**ДАРВЕШТАБИАТ** айн. дарвешсифат. *Улар: «Бу дарвештабиат киши экан», — деб менга жавоб берди.* «Ойсулув».

**ДАРВИНИЗМ** Жонли табиатнинг тарихий ривожланиши, ҳайвонот турлари ва ўсимликлар организмларининг табиий танланиш йўли билан пайдо бўлиши ҳақидаги инглиз олими Ч. Дарвин таълимоти. *Дарвинизм — органик оламнинг тараққиёт қонуниятини ифодалайди.* «Фан ва турмуш».

**ДАРВОЗ** айн. дорбоз. *Улар.. ерда ётган Георгийнинг икки оёғи устига қоринларини қўйиб, дарвоз уйнашади.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**ДАРВОЗА** [ф. دروازه — икки табақали катга эшик] **1** Шаҳар, кўрғон, қалъа, ҳовли ва ш.к. га кириладиган икки табақали катта эшик, қопқа. *Тахта дарвоза. Темир дарвоза.* ■ *Дарвозанинг бир табақаси очиқ эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Тонгда, қалъа дарвозалари очилган ҳамон Аваз йўлга тушиди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кун чошгоҳга яқин Отабек сарой дарвозасидан чиқди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**Шаҳар дарвозаси** 1) *тар.* атрофи мустаҳкам қилиб ўралган шаҳар қопқаси. У *Хивага бориб етгунча, шаҳар дарвозаси ҳам беркилиб қолган.* Ойдин, Гулсанам. *Қипчоқлар бизнинг томондан отилган милтиқ ўқларига чидалмай, Самарқанд дарвозасини ташлаб, Камолон дарвозасига юзландилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; 2) шаҳарнинг ана шундай қопқасига ёпишган, ёндош маҳалла ёки маҳаллалар.

2 Каналларда сувни тўсиш ёки қўйиб юбориш учун ишланган махсус қурилма; қопқа. *Қани, канал дарвозасини очиб юбор.*

3 *спрт.* Футбол, хоккей ва ш.к. ўйинларда майдоннинг рақиб йўллаган тўпни (шайбани) киритмаслик учун ҳимоя қилинадиган чекли қисми. *Пахтакорчилар рақиб дарвозасига учта тўп киритдилар.* Газетадан. *“Динамо” хоккейчилари рақиб дарвозасига бешта шайба уриб, ғалабага эришдилар.* Газетадан.

4 *кўчма* Имконият. *Бир дарвоза бекилса, Минг дарвоза очилади.* «Халқ дурдоналари».

5 *кўчма* Сезги, сеза олиш имкони. *Ҳислар учун яралмиш етти дарвоза.* У. Исмоилов, Сайланма.

6 *кўчма* Бошланиш, эришиш, етишиш йўли. *Гўзаллик дарвозасининг йўли — латофатда.* Газетадан. *Бобомнинг бу сўзлари менга ажойиботлар оламнинг дарвозасини кўрсатиб, калитини яшириб қўйгандек туюлди.* С. Кароматов, Бир томчи қон.

**Бахт дарвозаси** Бахт йўли, бахтга эришиш имконияти. *У сени севмайди. Бахтинг очилишига овора бўлма, бу уйда сенга бахт дарвозаси берк.* И. Раҳим, Ихлос. **Билим дарвозаси** Билим олиш йўли, билим ўчоғи. *Мақтаб — билим дарвозаси, яъни фақат билим олиш йўлини кўрсатиб беради, холос.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Дарвозаси кенг** (ёки **очик**) одам Меҳмондўст одам. *Эй Ҳабибий, ёру дўстларга очик дарвозамиз. Халқпарвар, бағри кенг, ҳимматда беандозамиз.* Ҳабибий. *Ҳимматли бўл, очик бўлсин дарвозанг, Илмингни соч, чиқсин баланд овозанг.* Ҳабибий.

**ДАРВОЗАБЕГИ** *тар.* Шаҳар дарвозаларини назорат қилиб, идора этувчи мансабдор. *Азизбек, қаршисида қўл боғлаб турган дарвозабегига бақирди: — Нега қараб турасан, дарвоза устига чиқ, ким экан у ит! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ДАРВОЗАБОН** [дарвоза + *ф.* بان — қаровчи] 1 *тар.* Шаҳар ёки хон саройи дарвозасининг қоровули ёки соқчиси. *Ҳирот дарвозаларига дарвозабонлардан ташқари яна отлиқ сарбозлар қўйди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Дарвозабон бекни таниб, қўл қовуштирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 *спрт.* Дарвозани ҳимоя қилувчи ўйинчи. *Дарвозабонни алдаб ўтиб, тўпни дарвозага киритмоқ.*

**ДАРВОЗАБОНЛИК** *спрт.* Дарвозани ҳимоя қилувчи ўйинчи вазифасини бажариш. *Бир вақтлар Мансур ҳам ўртоқлари билан шу майдонда футбол ўйнар.. дарвозабонлик қилар эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДАРВОЗАХОНА** [дарвоза + хона] Ҳовли дарвозасига ёпишган ёки унинг тепасига қурилган усти ёпиқ жой. *Мингбоши дарвозахонада ҳовуларини бир-бирига ишқаб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Бўри ака машинани асфальт ётқизилган дарвозахонага ҳайдаб кирди.* С. Нуров, Нарвон.

**ДАРВОҚЕ** [*ф.* درواقع — ҳақиқатан, дарҳақиқат] *рвш.* 1 Ҳақиқатан, чиндан, чиндан ҳам. *Дарвоқе қишлоқ ҳаётнда катта ўзгаришлар қилишга пайт келмадими?* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дарвоқе бул мулоҳаза дурус чикди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

2 *кри с. вzf.* Айтмоқчи, айтгандай. *— Ҳа, дарвоқе, — деди Қудрат, бир нарса эсига тушгандай.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. [Бой Гофирга:] *Дарвоқе, Гофир, келинга айт, хизмат-низмат қилиб турсин.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДАРВОҚЕАН** *кри с. айн.* дарвоқе. *Дарвоқеан, қозон қайнаб турмаса, мажлисининг қизимаслигини бой афанди.. яхши билурлар.* Ҳамза. *Ҳа, дарвоқеан, Муллаўзи аълам сизга ҳеч нима дедими?* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ДАРГОҲ** [*ф.* درگاه — эшик; эшик остонаси] 1 Подшоҳ арки ва саройи; боргоҳ. *Кампир Холчаойни подшоҳнинг даргоҳига олиб борибди.* «Эртақлар».

2 Уй-жой, ҳовли, маскан. *Мана, Мулладўст! Сизга сабр қилинг десам, хафа бўласиз. Бизнинг даргоҳимиздан ҳеч ким қуруқ қайтмайди.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

3 Хонадон; оила. *Қизим Гулнор шундай улдуғ даргоҳга тушса ёмонми?* Ойбек, Тан-



ланган асарлар. Кейин ўқиёлмади: катта даргоҳ, бола-чақа, қозон-товоқ.. Қолиб кетди! А. Қаҳҳор, Асарлар.

4 кўча Хизмат, фаолият соҳаси, ўрни; ишхона. Маориф даргоҳи. ■ Эрта тонгдан қалблари пок, ўйлар, орзулари лим-лим қизлар, аёллар сеvimли даргоҳлари – Бухоро зардўзлик фабрикасига ошиқадилар. “Саодат”. Маълумки, ҳар бир олим илм даргоҳига кимгадир эрашиб келади. «Фан ва турмуш». ..ёш муаллифлар шеърят даргоҳига ўзларининг маълум бир услублари, овозлари билан кириб келяптилар. Газетадан.

5 кўча Наҳот топиладиган, паноҳ бўладиган жой. Ер юзиди шухратли, машҳур даргоҳ ўзингсан. Элу юртга қудратли, мангу паноҳ ўзингсан. Я. Қурбон. Кавказ, кимларга сен иқбол даргоҳи, Кавказ, кимларга сен қатагон диёр. А. Орипов, Йиллар армони. Тошкент катта шаҳар, даргоҳи кенг. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

6 дин. Сигиниладиган муқаддас жой. Асқар ота.. иккала қўлини кўтарди: -Илоҳи омин!.. Худое худовандо, шу ёшга кириб, даргоҳингдан ҳеч нарса сўраган эмас эдим. А. Қаҳҳор, Хотинлар. Даргоҳингга имоним билан бораётганимга гувоҳ бўл. «Ёшлик».

Даргоҳида қабул қилсин ёки худо (ёки олло) ўз даргоҳида қабул қилсин Худо қабул этсин, ижобат қилсин. Худо қизимнинг саҳарлари қилган дуосини даргоҳида қабул қилди. Дадаси, энди тузукман. А. Қаҳҳор, Асарлар.

ДАРГУМОН [ф. درگمان – гумонли, шубҳали] рвш. Гумонли, шубҳали, аниқмас; билиб бўлмайдиган. Бу гапларнинг амалга ошиши узоқ ва даргумон бўлса ҳам.. нимадир келажакка умид тугдирди. П. Турсун, Ўқитувчи. Урушдан соғ қайтаманми, йўқми – буниси даргумон. И. Раҳим, Чин муҳаббат. -Бориши даргумон, – деди Абдуҳафиз.. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

ДАРД I [ф. درد – касаллик; озор, алам; руҳий азоб] I Жисмоний азоб; оғриқ, касаллик. Оғир дард. Дард кўрмақ. Дардга чалинмоқ. Дардни яширсанг, иситмаси ошкора қилади. Мақол. Дард чекмаган дори қадрини билмас. Мақол. Танаси бошқа дард билмас. Мақол. ■ Кечга томон дард кучайиб кетди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Худои таоло ҳар бир дардга бир даво яратган. Ойбек, Танланган асарлар.

Дард кўрма ёки қўлинг дард кўрмасин Қўли гул ижрочига, ўз касбининг устасига яхшилик тилаб айтиладиган ибора. Бу насиба сизга. Сара бугдой. Қўлингиз дард кўрмасин, оға. С. Сиёев, Аваз. Дардини олмоқ «Ўргилиб кетай, айланай, соғу саломат бўлинг» маъноларида. Дардингизни олай, бойваччам. Бу йил, ўзингизга маълум, об-ҳаво паст келиб, деҳқончиликдан барака қочди. К. Яшин, Ҳамза.

2 кўча Руҳий азоб, ғам-ғусса, алам-ҳасрат. Айрилиқ дарди. Дардида ёнмоқ (куймоқ). Дардини ичига ютмоқ. ■ [Фотима домлага:] Менинг ҳеч жойим оғримайди, фақат ишқ дардим бор, уф! Ҳамза, Тухматчилар жазоси. Ниҳоят, дардим юрагимдан тўлиб-тошиб, баъзи гапларни эримга айта бошладим. Ойбек, Танланган асарлар. Юрагимнинг дардлари Қизил гулдай қатма-қат, алла. «Бойчечак». Мен кимга йиғлайман, дардимни ёриб. «Ширин билан Шакар».

3 кўча Кишининг борлигини, бутун фикри-ёдини банд этган нарса, иш, ташвиш, орзу, хаёл ва ш.к. Унинг дарди – ўйин. Бирор нарса дардида юрмоқ. ■ Шоирлик бу – улкан дард. Шукрулло, Сайланма. Мирзажон кўнглида шоирлик дарди билан туғилган бола. П. Турсун. Ўқитувчи. -Сиз нимани билардингиз, дардингиз пул, – деди Зумрад ойисига. Ойбек, Зумрад. Солиҳ Пулатович шогирдларининг дардини яхши тушунарди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек бир неча кунлардан бери бениҳоя бир дард билан оғрир эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

Дарди бедаво қ. бедаво. Дарди ичида Дардини айтай деса, тили қисик. Дард устига чипқон (чиққандек) Буниси етмагандай, устига устак. Бола беш ёшида қаттиқ касалга учраб, икки кўзи кўр бўлиб қолди. Дард устига чипқон чиққандек, кўп вақт ўтмай, у отанасидан ҳам жудо бўлди. Н. Ёқубов, Қалб кўзи билан. Шербекнинг юраги ғаш эди. Лекин тергов дард устига чипқон бўлиб чиқди. С. Анорбоев, Оқсой. Дард қолмоқ Ноилож қолмоқ, доғда қолмоқ. Бир оз ақлга ён бериб иш қилган киши ҳеч бир вақт дард қолмайди. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кузда чуқур шудгор қилинган ер деҳқонни дард қолдирмайди. Газетадан.

4 кўча Фикру хаёл; армон, эзгу мақсад. Унинг [Алиевнинг] қалби ҳамшиша халқ қу-

вончи, халқ дарди, халқ орзу-ҳислари билан ёниб, оловланиб туради. Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари. Элбекнинг ҳам ўзига яраша дарди, севғиси, орзуси бор эди. Н. Фозилов. Дийдор. Дардинг мактаб очишгинами десам, ҳали бу ёқда гап катта экан-у! М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**5** кўча Ишқ, муҳаббат. Лайли дардида чўл кезиб юрган Мажнуннинг изтиробларига ёз ҳолати мутаносиб эди. Газетадан. Зевархон Маликаи Ҳуббоннинг дардида юрган эди. «Баҳром ва Гуландом».

**ДАРД II** [ф. درد] Койиш сўзи. Али десанг, бали дейди, ўл десанг, дард дейди. ■ Баҳрининг ранги бўзариб, қўлидан пичоқ тушиб кетди. -Нима бўлди, опаҷон? -Дард! А. Қаҳҳор, Хотинлар. ..Энди ҳақимни ҳеч кимга бермайман. “Дард!” деса, “ўл!” деб тура бераман. П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАРД-АЛАМ** Қайғу-ҳасрат ва улар қолдирган асорат, таъсир. Бечора канизлар дард-аламларини уйин-кулги билан чиқарар, ғамларини шу билан ёзардилар. Ж. Шарипов, Хоразм. Яқиндаги дард-аламларни эслади. Хомушланди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

**ДАРДАРАК** Дариллаб овоз чиқариши учун варракнинг эгма чўпи ичига ёпиштирилган қоғоз. Шабда варракнинг дардарагидан чиқаётган овозни олиб келади. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Менинг ташвишимни варрак қилсам, сизларники унга дардарак ҳам бўлолмайди. «Муштум».

**ДАРДДОШ** [ф. دردداش — ҳамдард] Бировнинг дардига шерик бўлувчи; ҳамдард, сирдош. Навоий минбарда туриб, бир туйғу, бир ҳаяжон билан жим қотган халққа дарддош кўзларини югуртириб чиқди. Ойбек, Навоий. Менинг дардим-дарддошим, илин-жим, кўнгли тинчим.. сиз-ку! Миртемир, Асарлар.

**ДАРДДОШЛИК** Кимсанинг ғаму қайғусига шерик бўлишлик. Аҳмад Ҳусайн қизни чуқур диққат билан тинглади, юраги унинг габи билан тўлди ва қиз отасининг қамалиши сабабини дарддошлик билан сўради. Ойбек, Нур қидириб.

**ДАРДИ-ДУНЁ:** дарди-дунёси қоронғилашмоқ (ёки қоронғи бўлмоқ) Дунёдан, ҳамма нарсадан воз кечгудай хафа бўлмоқ; руҳий тушқунликка тушмоқ. Дарди-дунёси қоронғи бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушган

ийгит [Олимжон] қишлоқдан бош олиб кетмоқчи бўлиб юганда, яна [раис Солижон] жонига ора кирди. Ҳ. Назир, Қанотлар. [Зухранинг] Дарди-дунёси шундай қоронғи эдики, кулги ҳам ёқмасди. Р. Файзий, Балли, она қизим. ..унинг бу таклифи дарди-дунёси қоронғи бўлиб юрган Пўлатга ёқинқирамади. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин.

**ДАРДИСАК** [ф. دردسак] Сакта касаллиги. Буви Ҳилолнинг дардисак касали бор экан. «Гўрўғли».

**ДАРДИСАР** [ф. دردسار — бош оғриғи] 1 Ортиқча ташвиш, даҳмаза, бош оғриқ. Кийимларни чамадонга бир амаллаб сифдирди-ю, оқ кийимлар дардисар бўлди. Л. Тожиёва, Меҳрим сизга, одамлар. Тагин, бу қиз менга дардисар бўлар экан, деб хавотирланманг, ўз кучим билан имтиҳон бераман. М. Қориев, Ойдин кечалар.

**2** Бош қотирадиган, машаққатли иш. Аҳмад Ҳусайн адабиётни мақтаб кетди: -Орзуларим бор, журналист бўлишни истайман, — деди, — лекин дардисар тирикчилик тўсқин. Ойбек, Нур қидириб. У ҳар куни бир дардисар ишни уйлаб чиқаради. Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДАРДИХОЛ** [дард + ҳол] Аҳволни баён қилиш; шикоят, норозилик. Ҳаққуловнинг дардиҳол қилгани одамлар орқали кўшилиб-чатилиб, Нусратбекнинг қулоғига етди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**ДАРДКАШ** [ф. دردكاش — дард тортувчи, азоб чекувчи] 1 Узоқ вақт касалланиб ётган; дардманд. Унинг [Нигоранинг] қаршисида.. ҳафталаб, ойлаб касалхона каравотида кўзгалмай ётган.. бир дардкаш инсон турар эди. С. Анорбоев, Оқсой.

**2** Дард-аламга дучор бўлган; дард-алам кўрган; аламли. Полвон ўзини эркинроқ ҳис қилди, олдига бика эмас, оддий бир дардкаш, мазлума бир аёл.. ўтирандай бўлди. Ж. Шарипов, Хоразм. Севимли газетамиз дардкашларга ҳамдард эканлигини яхши билганимдан ушбу мактубни ёзаётирман. Газетадан.

**3** Кимсанинг ғами, қайғусига шерик бўлувчи, биргаликда қайғурувчи; ҳамдард. Дардим кўп, дардкашим йўқ менинг. К. Яшин, Ҳамза. Дилфузанинг кўнгли яримта эди. Уйда дардини эшитадиган дардкаши йўқ эди. «Ёшлик». Айниқса, эру хотин иноқ, бир-бирига дардкаш, меҳр-оқибатли бўлса, бундан ортиқ бахт йўқ. Газетадан.

**ДАРДЛАШМОҚ** Бир-бирига кўнглидаги гаму ташвишларини, қайғу-ҳасратини изҳор қилмоқ, ҳасратлашиб кўнгли ёзмоқ, ҳасратлашмоқ. *Кошки у ҳам Йўлчиға ҳам-роҳлик қилган бўлса, у билан дардлашиб, ғамларига шерик бўлиб.. у билан бирга тепалар, жарлар ошса.* Ойбек, Танланган асарлар. *Сиз билан бир дардлашиб, юрагимни бўшатиб олмоқчиман.* «Муштум». *Эргаши билан Йўлдош узоқ дардлашиб ўтирдилар. Эргаши жуда эзилган, чўккан эди.* А. Мухтор, Чинор.

**ДАРДЛИ 1** Дард, касаллик аломати бор; хаста, касал. *Дардлининг дардини дардсиз на билар.* Мақол. ■ *Унинг раниси касал одам каби дардли.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** кўчма Ғам-алам чеккан, дард-аламга гирифтор бўлган. *Дардлиман, дардимни кимга ёраман.* «Рустамхон». *Гулнора ая жавдираб тураган дардли кўзларини ерга тикди, кўк шойи кўйлак ичидаги нимжон кўкси бир кўтарилиб кўйди.* О. Ёқубов, Диёнат.

**3** кўчма Дард, алам билан тўлиб тошган; ғамли, аламли. *Бу дардли ҳаётда Гулнорга ягона бахт – Йўлчининг синглиси Унсин бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шокир ота Йўлчининг бошида чўкка тушиб, ўзининг оғир дардли, чуқур ярали қалби билан узоқ йиғлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** кўчма Дард-аламни ифодаловчи; ғамли, мунгли. *Гулнор.. секин, майин, дардли овоз билан ашула бошлади.* С. Зуннунова, Гулхан. *Бақатерак шапалоқ-шапалоқ баргларини қарсиллатиб садо берар, чинорлар дарёдай шовуллар.. мажнунтоллар эса нозик оҳанг билан дардли куйлар, йиғлар эди.* Ж. Абдуллахонов, Орият.

**ДАРДМАНД** [ф. *дардман* – оғриқли, касал; ғамгин] Касалланиб турувчи, касаллик асоратлари бўлган; касалманд. *Дардманд киши.* ■ *Дардманд бўлгандан кейин, дард устига дард келаверар экан.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Улар яқиндагина касалдан бош кўтарган дардманд кишиларга ўхшардилар.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Жон қизим, дардманд онанга раҳминг келсин.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** айн. **дардкаш.** *Фарзанд учун ота-онадек яқин, қадрдон, дардманд, ғамхўр киши йўқ.* М. Исмоилий, Фарзандлик бурчи.

**3** Дард-алам чеккан, қайғули. *У [Ҳожимурод] туғилиб, эсини танигандан буён.. нималар қилди? Одамдек яшадими? Бирон*

*дардмандга дардкаш бўлдими?* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**4** кўчма Ошиқ. *Дард эса ишқинг, бўлай мен Бир умрга дардманд.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

**ДАРДМАНДЛИК** Хасталик, касалмандлик. *Зиё ака ажабланиб деди: -Қандай дардмандлик? Отабек соғ-ку!* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳожар опа шу тонда ҳамма нарсани: ўзининг дардмандлигини ҳам, болаларнинг отасиз – етимлигини ҳам унутган.* Р. Раҳмонов, Чангалзордаги шарпа.

**ДАРДНОК** [ф. *دردنک* – оғриқли, азобли; касал] **1** Дардли, хаста. *Паранжи балосидан дарднок чехрангизни нажмурда кўрмоқ биз бўстони маърифат аҳли учун мусибатдир.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Ошиқ они билки, эрур дарднок, Ҳам тили, ҳам кўнглию ҳам кўзи пок.* «Ёшлик».

**2** Қайғули, мунгли. *У Руқиянинг юзига тик қаради, кейин ўпкаси тўлиб, дарднок жавоб берди.* К. Яшин, Ҳамза. *“Пешираво диёр” деган узун ва дарднок ноласини чала бошлади.* А. Мухтор, Чинор.

**ДАРДСИНМОҚ** Бир оз дард тортиб синиқмоқ. *Шу чоқ аёл юзига боқдим, Турар эди маъюс, дардсиниб.* Сайёр.

**ДАРД-ФАЛОКАТ, дарду фалокат** Дард ва фалокатлар, кулфатлар, мусибатлар. *Бу сув қишлоқнинг бутун дард-фалокатини, бутун қашшоқлигини ювиб кетаётгандай, ҳамма шод-хуррам эди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ДАРДЧИЛ 1** Тез-тез касал бўлиб турадиган, салга касал бўлаверадиган. *Комил баайни ойдинда уйқусираб юрадиган дардчил одамдай.. мавзе элликбошисининг орқасидан боғини айланиб чиқди.* М. Осим, Тилсиз гувоҳ. *Отам қариб қолди, онам дардчил қолганлигини ким билди?* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Кўкарган тақдирда ҳам дардчил бола сингари жонсиз ва ранги сариқ бўлади.* Ҳ. Олимжон.

**2** Дард тортиб заифлашиб қолган, дардга чалинган. *Не-не умидлар билан олинган ер, болалари ёш ва Анзират холанинг ўзи дардчил бўлгани учун, экувсиз қолиб, қўриққа қўшилиб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Жўра дардчил, ориқ, ювош бола эди.* Ҳ. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси.

**3** кўчма Қайғули, ғамли, мунгли. *-Мен бўлсам отам тугул, онамни ҳам эслай ол-*

майман, — унинг овози дардчил қалтиради. Ш. Холмирзаев, Тўлқинлар. Аҳмад Хусайн кулди, кейин дардчил хўрсинди. Ойбек, Нур қидириб.

**ДАРД-ҲАСРАТ**, дарду ҳасрат Дарду ғамлар, ташвишлар. *Гўё қалбидаги бутун севгисини, айтмоқчи бўлиб юрган дард-ҳасратларини гапирди.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Ҳаддин ошди нотавон кўнглимда дарду ҳасрати.* Ҳабибий. *Кейин дард-ҳасрати, ишқи ва умид-орзулари билан тўлиб, секин юриб кетди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДАРЁ** [ф. دریا — катта сув, денгиз] 1 Манбаидан қуйилиш жойи томон табиий ўзандан доимий равишда оқиб турадиган катта сув. *Зарафшон дарёси.* *Азим дарё.* *Дарё суви.* *Дарё бўйи.* *Ўтирган — бўйра, юрган — дарё.* Мақол. *Томчи тошиб бўлгунча, дарё оқиб бўлар.* Мақол. ■ *Пастликда Чорвоқдан фаввора бўлиб отилиб чиқаётган сув дарё ҳосил этиб, олға боряпти.* Газетадан. *Кечаси дарё шунақа чиройли бўладики, Канизакхон!* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

2 *кўчма* Кўп микдордаги нарсалар ҳақида. *Ҳаёл дарёси.* ■ *Ботир ёрим, биламан, сиз қайғу дарёсига мендан чуқурроқ ботдингиз.* Ойбек, Танланган асарлар. *Одамлар дарёси.. янги шаҳар томонга оқарди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўёш ботган. Лекин унинг олов дарёси турли ранглар билан товланиб, чексиз бир парда каби уфқларда мавжланади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Дарё бўлмоқ** 1) оз-оздан қўшилиб, кўпайиб, дарёга айланмоқ. *Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур, қатрадан кўпайиб, дарё бўлур.* Мақол. *Бирлашган дарё бўлур, Тарқалган ирмоқ бўлур.* Мақол; 2) *кўчма* жўшмоқ; тўлиб-тошмоқ. *Кўз ёши дарё бўлиб оқди.* ■ *Юрагим дарё бўлиб Тошди севинч қирғоғидан.* Ё. Мирзо. **Дарёдан бир томчи** Қолган қисмига нисбатан жуда оз. *Дарёдан бир томчи, Тўнғиздан бир тук.* Мақол. ■ *Бу айтганларим дарёсидан бир томчигина!* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. **Юраги дарё айн.** **юраги кенг қ.** **кенг.** *Ҳаманинг юраги сеникига ўхшаган дарёми?* Ойдин, Фарҳодлар. *Бунча юрагингиз дарё бўлмаса, жаврайвериб жағим толди, ё ҳа, ё йўқ, демаясиз.* «Муштум».

3 *кўчма* Битмас-туганмас; бой; кенг. *Тақсиримнинг илмлари жуда дарё, ўзлари Бухорода хатми китоб қилганлар!* А. Қодирий, Мехробдан чаён. *Худойимнинг бир*

*дарёси ғазаб бўлса, минг дарёси раҳмат.* Ҳамза, Танланган асарлар.

4 *эск. айн.* **денгиз.**

**Шўр дарё ёки Дарёйи шўр** Каспий денгизи. *Бу арғумоғингиз билан Дарёйи шўргача ета-сиз.* Ойбек, Навоий.

5 *кўчма* Бойлик, ҳазина. *Санъаткор халқ тили дарёсидан ўринли фойдалана олса, бир қатраси билан серзавқ, анча бақувват гуллар кўкартира олади.* «ЎТА».

6 *кўчма* Ўтиб кетувчи, ўткинчи. *Ҳайҳот! Ёшлик, болалик бир дарё — оқди-кетди.* *Минг афсус.* К. Яшин, Ҳамза.

7 *кўчма* Оқим, кечмиш; тарз. *Оқибатда турмуш дарёси истаган томонга оқизди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Ҳамма нарса ўз йўлидан борар, ҳаёт дарёси уни ўзининг ўйноқи тўлқинларига миндириб, ҳамон олға суради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДАРЁ-ДАРЁ** Жуда кўп, беҳад кўп. *Ўз тарихий байрамини тантана қилган халқ Тошкент кўчаларидан дарё-дарё бўлиб, янги шаҳарга томон денгиз бўлиб борар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бирам ялинди, бирам ёлворди, урманг, тавба қилдим, деб йиғлади, кўзларидан дарё-дарё ёш кетди-я!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДАРЁДИЛ** [ф. دریادل — юраги дарёдай кенг: саҳий, олиҳиммат; шижоатли] Бағри кенг, мурувватли. *Меҳнат кузагининг тўйин файзидан Қолмагай дарёдил эрлар бебахра.* Ғ. Ғулум.

**ДАРЁЧИ** Дарё транспортида ишловчи ишчи ёки хизматчи.

**ДАРЖ** [а. درج — ёзиб қўшиб қўйиш; рўй-хат]: **дарж этмоқ** Қайд қилмоқ; ифодаламоқ, ёзиб қўймоқ. *Бир чеккада чордона қурган, ўнг тиззасига қоғоз қўйиб, ўнг қўлида қалам ушлаб турган мунийий фармони олийни дарж этди.* М. Осим, Сеҳрли сўз. *Ҳарбий мухбир жанг жараёнини кузатади, ўзига таъсир этган воқеаларни қаламга олади ёки ён дафтарида дарж этади.* М. Жўра, Ноширнома.

**ДАРЗ** [ф. درز — чок, чандиқ; тор тирқиш] 1 Ёриқ, ёрилган. *Дарз ойна.* *Дарз кетмоқ.* ■ *У [чойхоначи] зинғиллаб бориб, бир чойнак чой билан дарз пиёлани Алижоннинг олдига дўқ этиб қўйиб кетди.* Мирмуҳсин, Чиниқиш.

2 Ёрилган жой; ёриқ. *Дарз бўлмоқ.* ■ *Ичкаридан қилт этган товуш эшитилмас, фақат эшик дарзидан.. қинғир чироқ ёруғи*

тушиб турар эди. Ж. Абдуллахонов, Йўл. ..кичик дарз катта кемага ҳам ҳалокат келтиради. Мирмуҳсин, Умид. Олимов бу ўсимликларнинг уруғи шамолда учиб келиб, тошларнинг дарзларига жойлашишини, ундаги намлик ва тузлардан уруғ озиқланиб ўсишини тушунтира кетди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

**Дарз кетмоқ** Бирор куч, ҳаракат таъсирида путур етмоқ, зарбага учрамоқ, бузилмоқ. *Шу кундан бошлаб уларнинг турмуши дарз кетди.* С. Аҳмад, Сув оқиб кетди. *Дўстлик тори жуда нозик бўлади, салгинага дарз кетиши мумкин. Дарз кетдими — тамом.* Газетадан. *Бино дарз кетса, тузатса бўларкан.* *Айтинг, айтинг, виждон дарз кетмасин экан.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДАРИЙ** [ф. درى < دره‌ی — тоғ, дарага мансуб: дарада яшовчилар тили; кейинчалик: сарой тили] Форсий; янги форс тили. Бу термин [«дарий»] фанда «форсий» ва «форсии дарий» терминлари билан бир маънода ишлатилади ва у билан ҳозир «янги форс тили» деб аталувчи тил ифода этилади. «ЎТА».

**ДАРИЧА** [ф. دريچه — эшикча; дераза; тешик] **1** юк. усл. айн. **дарча**. *Отабек қайтиб келиб, дарича остига ўтирган ҳам эди, Ҳомиднинг шу сўзини эшитиб қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сувга қаранг, ўйнаб-ўйнаб оқади; Ёрга қаранг, даричадан боқади.* «Кўшиқлар».

**2** кўчма Бирор нарсага (севгига, озодликка, орзуга) йўл, имконият. *Кўнгил даричасин очиб қўйинглар, Ғуссали дилда ҳам кулади баҳор.* А. Орипов, Йиллар армони. *Пастқам кўчадаги қалин девордан Умид даричасин очар Жўрақул.* С. Акбарий, Кўнгил оҳанглари.

**ДАРИҒ** [ф. دريغ — афсус, ҳайф] айн. **дарифо**. *Дорга қараб, Эралихон йиғлаб: -Э дариф, шунинг тагига қоним тўкилар эканда, — деб афғон қилиб сўзлагани.. «Эрали ва Шерали». -Во дариф! — деб Тоҳирнинг отаси оғир ух тортди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**Дариф тутмоқ** (ёки **этмоқ**) Аямоқ, ҳайф деб билмоқ. *Каромат она ўзининг меҳр-муҳаббатини ҳеч кимдан дариф тутмади.* «Саодат». *Чорлар сени интиқ вужудим, Оғушингни дариф тутма, Бахт! «Ёшлик».* *Ардоқлагин бургут боласин, Ёш кўзлардан уни дариф тут.* Х. Салоҳ, Излар ва ҳислар.

**ДАРИҒО** [ф. دريغا — э афсус, э аттанг] унд. с. Эй дариф, ҳай аттанг, афсус. *Дарифо, айрилиб қолдим ул ой юзли нигоримдан.* Хуршид. *Дарифо, Фурқатий, беилм қолдим; Ўзимни жаҳл зиндонига солдим.* Фурқат.

**ДАРКОР** [ф. دركار — керак, лозим; яроқли] мод. с. Керак, зарур. *Минг ишчига бир бошичи даркор.* Мақол. ■ *Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод, Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!* Ҳамза. *Хуш кўрдик, азаматлар. Биздан не хизмат даркор?* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДАРМАНА** [ф. درمنه] Мураккабгуллилар оиласига мансуб, ўқ илдизли доривор ўсимлик ва ундан олинадиган гижжага қарши дори.

**ДАРМАНАЛИ** Дармана ўсган, ундан тайёрланган дори мавжуд бўлган. *Эрманали уйда эр ўлмас, Дарманали уйда дард бўлмас.* Мақол.

**ДАРМИЁН** [ф. درميان — ўртада, ўртасида] қ. **девор-дармиён**. *Боқижон зўр таажжубда қолди, дарров девор-дармиён қўшнисига кириб суриштирди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Келдим ўз юртимга девор-дармиён, Булбулдек Ёркентга қурдим ошиён.* С. Абдулла, Асарлар.

**ДАРМОН** [ф. درمان — дори, даволаш воситаси] **1** Тирик организмдаги энергия-қувват, мадор, куч. *Қалам кучи фармон билан, Қилч кучи дармон билан.* Мақол. ■ *Мана, хотиним ётиб қолди, ёстиқдан бошини кўтаришга дармони йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Мени ўзингдай бақувват деб ўйлайсанми? Дармоним йўқ, болам, дармоним.* С. Анорбоев, Ҳамсуҳбатлар.

**Дармони келмоқ** Кучи, мадори етмоқ. *Дард кетди, дармон келди.* Мақол. ■ *Бозор имомнинг хурмати учун ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди, бироқ дармони келмади.* С. Айний, Дохунда. **Дармони** (ёки **дармондан**) **кетмоқ** Кучсизланмоқ, бемадор бўлмоқ. *Дард келганда дармон кетар.* Мақол. ■ *Оқсоқолнинг тиззасидан дармони кетиб, супа четига ўтириб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Танамдан кетди дармоним, Куйиб кетди устухоним.* «Гулнорпари». **Дармони қуримоқ** Куч-қувват, мадордан кетмоқ, мадорсизланмоқ. *Ориф-жоннинг дармони қуриб, ўзини ёстиққа ташлади.* С. Аҳмад, Сайланма. **Дармон** (ёки **дармонга**) **кирмоқ** Аҳволи, соғлиғи яхшиланиб, куч-қувватга кирмоқ, тетиклашмоқ.

Сал дармонга кирсангиз, яхши бўларди. Уз-лукиб қолмайсизми? С. Зуннунова, Гулхан. Шукур, анча дармонга кирдим. С. Анорбоев, Оқсой. **Дармон олмоқ** Куч йиғмоқ, дам олиб, аҳволи яхшиланмоқ. Эҳ. кўркам ором-гоҳнинг Кучоғида кўп жонлар. Янги ўқув ийлигача Қувнаб олур дармонлар. Т. Тўла.

**2** кўчма Ёрдам, кўмак; руҳий мадад. Августда гўзага қуйилган сув ҳосилга дармондир. Газетадан. **Икки оғиз илқ ҳўзинг уларга бир ийл дармон бўлади.** Ойбек, О. в. шабадалар.

**3** Чора, илож; даво. Дард берган дармонини ҳам берар. Мақол. Дардини яширган дармон топмас. Мақол. ■ Дардига дармон қидирдим, ёргинам бир боқмади. У. Исмоилов, Сайланма. Гоҳ шифо топамиз биз дорулардан, Гоҳ муҳаббатдан излаймиз дармон. А. Исмоилов, Югурик нур.

**ДАРМОНБАХШ** [ф. درمانبخش — дармон, қувват бағишловчи] Куч-қувват киритадиган; дорилик хусусиятига эга. Вахш водийсида ажойиб бир боғ бор. Меваси дармонбахш. Газетадан.

**ДАРМОНДА** [ф. درماتده — бахтсиз; ҳимоясиз; кучсиз]: **дармонда бўлмоқ** (ёки **кетмоқ, қолмоқ**) Ҳайрон бўлмоқ; иложсиз қолмоқ, қийин аҳволга тушмоқ. Армонда қолсанг ҳам, дармонда қолма. Мақол. ■ Онахоним Ширин армонда кетган, Замон йўл бермаган, дармонда кетган. Ҳабибий. Аваз дармонда бўлиб, отга минмай.. отини етаклаб, орқасига қараб кетаверди. Усмон бахши Мамаг ўғли, Бўтакўз.

**ДАРМОНДОРИ** Жисмоний қувват бахш этувчи дори, витамин. Олмада А белгили дармондори ва анча миқдорда С белгили дармондори бор. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Олимларимиз сабзавот ва мевалар таркибида 30 хилдан ортиқ дармондорилар мавжудлигини аниқлаганлар. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Тугмачадек иккита дармондорини илмсиқ чой билан устма-уст ичди. Н. Қиличев, Чигирик.

**ДАРМОНСИЗ** Куч-қуввати кетган, ҳорфин, кучсиз. Қиз жуда озган, юзи сарғайган эди. Кўзлари ҳорфин, ўзи дармонсиз эди. Ойбек, Танланган асарлар. Рихсивой ака қуёш ботмасданоқ даладан чиқди, уйига келиб, ўзини дармонсиз сизди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**ДАРМОНСИЗЛАНМОҚ** Куч-қуввати кетиб, ҳолдан тоймоқ; кучсизланмоқ. Узи-

нинг ҳам оёқ-қўллари боятдан бери дармонсизланиб, ғайришуурий тарзда титраётганини шу асно пайқаб қолди. «Ёшлик». Ер ҳам чарчайди, тупроқ қатламидаги ўғитлар камайиб, дармонсизланади. Газетадан.

**ДАРМОНСИЗЛАШМОҚ** Дармони, куч-қуввати кетиб, тобора бўшашмоқ. Баъзи хотинлар иккиқат бўлганда, дармонсизлашади, бошлари оғрийди. Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАРМОНСИЗЛИК** Мажолсизлик, куч-қувватсизлик ҳолати. Гулнор ўрнидан қўзғалди, дармонсизликдан оёқлари титраб, пастга тушди. Ойбек, Танланган асарлар. Кўкнийёз дармонсизлик билан кечадиган касалликларга даво ҳисобланади. Газетадан.

**ДАРОЗ** [ф. دراز — узун; узоқ давомли] **1** Баланд бўйли, новча, бўйчан. Дароз одам. Дароз терак. Ақли паkana аҳмоқ дароздан яхши. Мақол. ■ Содиқжон йигирма ёшлардаги дароз, оғиркарвон, камган йигит. С. Сиёев, Отлиқ аёл. Кун ботиб қолгани учун болаларнинг бўйи дароз кўринади. С. Юнусов, Кутилмаган хазина. Лекин бу ҳовлидаги чучмомалар жуда дароз, поялари сип-силлиқ ва оқ. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**Дароздан келган** Новча, бўйдор. Дароздан келган, яғриндор Тимофей узун ва бақувват қўллари билан Шералини кучоқлади. М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан.

**2** Узундан-узоқ, узун. Айта берса барча нутқин, Бўлажак сўзи дароз. Шайхзода. Сидқи билан қип эдим сизларга ихлос, Ўғлимнинг умрини дединлар дароз. «Эрали ва Шерали».

**Дастини дароз қилмоқ** Имкониятини оширмоқ, қўлини узун қилмоқ. Беш миллион сўмлик имтиёзли қарз унинг ишонч ва қатъиятини оширди. дастини дароз қилди. Газетадан.

**ДАРОЙИ I** [ф. درايى — занг; кўнғироқ; шокила], **доройи** Эртапишар қора рангли узум навларидан бири. Ишқомда қоп-қора даройи узумлар осилиб турибди. А. Кўчимов, Ҳалқа.

**ДАРОЙИ II** айн. **доройи**. Даройи рўмол. Даройи кўйлак. ■ Оғагинам дарахтга ялмашади, Даройи кўйлак-иштон ярашади. «Халқ дурдоналари». Даройи кўйлак кийиб, тут қоқаман, Душманлар ўлган кун гул тақаман. «Халқ дурдоналари».

**ДАРОМАД** [ф. درآمد — кирим; фойда; бошланиш, ибтидо] **1** Савдо-сотик, меҳнат,

ишлаб чиқариш соҳаларидан давлат ёки айрим шахслар ҳисобига келиб тушадиган соф пул ва бошқа хил тушумлар; кирим. *Бир кунлик даромад. Давлат даромади. Миллий даромад. Даромадга қараб буромад. Мақол. Унумли меҳнат — катта даромад. Мақол. ■ Тўғрилиқ, ҳалоллик туфайли топилган даромад оилага бахт келтиради. «Саодат». Ўзбекистон шароитида асаларичилик яхши даромад берадиган соҳа ҳисобланади. М. Тўйчиев, Асаларичилик. Даромадга яраша буромад деганларидек, тўй ҳам шунга қараб жуда дабдабали ўтди. «Муштум».*

**Даромад солиғи** Ҳамма турдаги даромадан олинадиган давлат солиғи. **Даромад тақсимоти** Хўжаликларда йил бўйи олинган даромадни меҳнатга қараб тақсимлаб чиқиш. *Иш сентябрнинг охирида бошланиб, даромад тақсимотига яқин тугади. А. Қаҳҳор, Асарлар. Даромад тақсимотидан кейин келин билан куёвнинг иши жуда кўпайиб кетди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**2 Муқаддима, кириш. Ганнинг даромади.** ■ *Ганнинг даромади тугаб, энди буромадга кўчди, шекилли, — ўйлади чол. «Муштум». Шу орада эртақнинг даромади тугаб, Қосимахон сув париси ҳақида гапира бошлади. М.М. Дўст, Галатепа қиссаси.*

**3 Бирор мақсадни англатиш учун шу мақсад атрофида узоқдан бошланган гап. - Шунанга қилиб, Нарзини ҳам юбормоқчимисиз? — деди кампир, дарров ганнинг даромадини пайқаб. Ҳ. Назир, Маёқ сари. ..домланинг сўз даромадига қараганда, сизни ўзига куёв қилиш фикри борга ўхшайди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён. Онахон Ҳақназарова даромад қилиб ўтирмасдан, шартта шу янги гигант объектни олишни таклиф қилди. Газетадан.**

**4 Бирор жойга кириладиган йўл, эшик, йўлак. Уйларнинг даромади ва деразалари кўчадан кўрунади. А. Қодирий, Обид кетмон. Агар ҳужра даромадига эшик қуриладиган бўлса, қоронғи бир қабр, яна ҳам тўғриси, дахма ҳолига киради. А. Қодирий, Обид кетмон.**

**ДАРПАРДА** [ф. др — эшик + पर्ده — тўсиқ; ёпқич] **1 тар.** Ойна ўрнига шаффоф қоғоз ёпиштирилган дераза. *Бой.. менга янги усулда ўқитишни ман қилди, болаларнинг кўлидаги алифбе китобларини тортиб олиб, дарпардадан улоқтириб ташлади. М. Му-*

ҳаммаджонов, Турмуш уринишлари. *Навий чодирнинг дарпардасини кўтарди. «Ёшлиқ».*

**2 Дераза ёки эшик пардаси. Чарос дарпардани суриб, деразани очди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Эшқувватов мийғида жилмайиб, Эҳсоннинг ёнидан ўтди, дарпардани тортиб, ойнага қаради. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.**

**ДАРРА** [ф. درّه — қайиш қамчи] **1 тар.** Хон-амирлар даврида жазога маҳкум этилган кишиларни савалаш учун қайишдан ўриб ёки тикиб ясалган қалин энли қамчи. *Захзиндонларда дарра еб, баданлари қаварган.. беғуноҳ кишилар, пок дийдалар ётар эди. Ш. Тошматов, Эрк қуши. Зум ўтмай бир ўрам чилвир билан тўрт энлик қалин дарра олиб чиқди. С. Сиёев, Аваз.*

**Даррага ётқизмоқ** Дарра билан жазолаш учун ётқизмоқ, ётқизиб дарра билан урмоқ, дарраламоқ. *Бенамозлардан бирини даррага ётқизиб, ҳадеб уни урмоқда эдилар. «Муштум». Менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадиган виждон бор, диёнат бор. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2 Халқ ўйинларидан бири ва шу ўйинда ютқазган кишини уриш учун рўмол ёки белбоғдан эшиб қилинган қамчи, арқонча.**

**3 кўчма** Куч, қурол; восита. *Замонавий қизиқчилар кўпроқ эскиликнинг кишилар турмуши ва тушунчасидаги кўринишларини сатира дарраси билан аямая савалайдилар. М. Қодиров, Ҳажв, ханда ва қаҳқаҳа.*

**ДАРРАЛАМОҚ** Дарра билан урмоқ.

**ДАРРАЛАТМОҚ** Дарраламоқ фл. орт. н. *Мингбоши, ҳоким кетгандан кейин, Фуломжонни дарралатмоқчи ҳам бўлди. М. Исмоилий, Фаргона т.о.*

**ДАРРАНДА** [ф. دريدن < درنده — «пора қилмоқ», «парчаламоқ» фл. ҳоз. з. шакли] **1** Сутэмизувчи йиртқич, ваҳший ҳайвонлар. *Даррандаларнинг айримлари, сариқ юмронқозиқ ва суғурлар қиш ва ёзда узоқ уйқуга кетади. «Фан ва турмуш». Тухуми қуриб кетган, қуруқда яшовчи судралиб юрувчилардан дарранда калтакесақлар диққатга сазовордир. «Зоология».*

**2 кўчма** Ёвуз, йиртқич. *Янчинг ўз ичида дарранда зотин, Гитлернинг балойи ногихонларин. Ф. Фулом. Дарранда душманлар сержаҳл, асабий, Кучанар деворни синдирай дея. М. Шайхзода, Чорак аср девони.*

**ДАРРАСОЛДИ** *этно.* Болалар ва ўсмирларнинг ўйинларидан бири.

**ДАРРОВ** [ф. *درو* — кетувчи, қочувчи, йўқолувчи] *реш.* Қисқа вақт ичида, тезлик билан; кўп вақт ўтмай ёки ўтказмай; дарҳол. *Гавҳар унга бир қаради-ю, дарров кўзларини яширди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Феълим шундоқ: бир лов этиб ёнаман-у дарров ўчаман.* С. Аҳмад, Уфқ. *Қурбон ота ўзини дарров тутиб олди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ДАРС** [а. *درس* — сабоқ; маъруза] **1** Таълим муассасаларида илм, маълумот бериш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулоти, сабоқ. *Дарс олмоқ. Дарс бермоқ. Дарс қилмоқ (тайёрламоқ).* ■ *Насиба дарсда экан, айтдим, ҳозир, дарс тамом бўлиши билан келади.* А. Қаҳҳор, Саодатнинг қиссаси. — *Қизлар дарсларини тайёрлашганми? — қайин онасига қаради Саодатхон.* С. Зуннунова, Олов. *Яқинда синфдан ташқари дарс ўтамиз.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**2** *кўчма* Ҳаётий тажрибадан келажак учун чиқарилган фойдали натижа, ибрат, сабоқ. *Бу унга яхши дарс бўлди. Рост айтдим — дарс айтдим.* Мақол. ■ *Сенга менинг берадиган дарсим бор, Икки оғиз сўзлагани эдим зор.* Ҳ. Олимжон.

**Шайтонга дарс беради қ. шайтон 2.**

**ДАРСЛИК** Фаннинг бирор соҳаси бўйича ўқувчилар ва талабалар учун мўлжаллаб ёзилган китоб. *Она тили дарслиги. Тарих дарслиги.* ■ *Китоб жавонининг ўнг ёнбошида этажерка, унда Нодиранинг дарсликлари.* С. Зуннунова.

**ДАРСХОНА** [дарс + хона] *эск.* Дарс ёки машғулотлар ўтиладиган хона; аудитория. *..падари марҳум.. дарсхонада ёлғуз қолғон фурсатларида чой қуйдириб ичганларидан воқиф эрдим.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Афғон офицерлари машқ хоналарида ва дарсхоналарда бўлдилар.* Газетадан. *Дарсхона музлаб кетди.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДАРХОН, тархон** [мўғ. — темирчи; озод киши] *тар.* Солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабила, уруғ, зот ёки мансабдор). *Мен Гўрўғли, элда беклигим дархон.* «Интизор». *Энди сенга тимсол айтмай бир алвон, Мен кетганча, ўзинг Чамбилда дархон.* «Маликаи айёр».

**Дархон этмоқ (ёки қилмоқ)** Муайян иш, мансаб ёки жисмоний меҳнатдан озод қилмоқ; бўшатмоқ. *Бош вазирни мансабидан*

*дархон этолмаслигини Исфандиёр билади.* С. Сиёев, Аваз. [Ўқтам:] *Қийинчиликлар йўқотилган сайин кексаларни ишдан дархон қилиш керак.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДАРЧА** [ф. *درچه* — эшикча] **1** Илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки кўш табақали эшикча. *Ота дарвозага тамба тираб, қўшинининг дарчасидан ўтиб, кўчага чиқди.* С. Нуров, Нарвон. *Тўтибу Зумраднинг қўлидан хатни тортиб олиб, дарча томон югурди.* С. Зуннунова, Олов.

**2** Эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча ёки дераза. *Кўпинча ёпиқ бўладиган касса дарчасидан ёқимли зарҳал нур тушиб туради.* П. Қодиров, Уч илди. *Очиқ дарчанинг юпқа ромига икки тирсаги билан таяниб, ташқарига кўз солди.* А. Мухтор, Асарлар. *Дарчаларга атлас ва шойи пардалар тutilган.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**3** *кўчма* Фойдаланиш, кириш имкони; йўл. *Дастурхон устида қизиди суҳбат. Очди гўё бирдан фан дарчасини.* М. Икром. *Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан, Очилдими сенга толе дарчаси?* А. Орипов, Йиллар армони. *Эзгулик дарчасин чертмади бекор, Сокин кечиб ўтди ўту сувидан.* Отаёр, Оқ фасл.

**Биқинидан, пешонасидан (ёки қулоғининг тагидан) дарча очиб қўймоқ** Қулоғининг тагига бир туширмоқ; калтаклаб ёки совуқ қурол билан жараҳатламоқ (дўқ, пўписа ибораси). *Ҳотам шўро кўриб қолса, нақ пешонандан дарча очади.* М.М.Дўст, Лолазор. *Ҳозир пешонасидан дарча очиб қўямиз, ана ундан кейин ҳеч нима эсидан чиқмайдиган бўлади.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**ДАРҒА 1** *эск.* Кема бошқарувчиси; капитан. *Кема тумшуғида турган дарға кўксини чангаллаганча дарёга йиқилди.* «Ёшлик». *Дарға йўлдан тойса, кема ағдарилади.* «Қанотли сўзлар». *Дарёнинг бўйида қарғалар бўлсам, Энг катта кемага дарғалар бўлсам.. «Қўшиқлар».*

**2** *кўчма* Машинани бошқарувчи, юргизувчи. *Зангори кема дарғалари.*

**3** *кўчма* Йўлбошчи, раҳбар, етакчи. *Унинг юз ёшгача соғ-саломат ва яна узоқ йиллар келажак сари шиддат билан бораётган улкан кеманинг дарғаси бўлиб қолишини тилайдилар.* Газетадан. *Сиз бўлдингиз шеърятнинг дарғаси.* Отаёр, Оқ фасл.

**ДАРҒАЗАБ** [ф. + а. *درغضب* — ғазабда, ғазабнок] Ғазаби келган, ортиқ даражада



газабланган. Саркарда ниҳоятда дарғазаб бўлди. Мирмуҳсин, Темур Малик. Хотин ҳеч қандай жавоб ололмасдан, дарғазаб бўлиб чиқиб кетди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАРҒАЛИ** этн. Ўзбек миллати таркибига кирган туркий уруғлардан бири.

**ДАРҒИНЛАР** этн. Доғистон Республикаси ҳудудида яшайдиган халқ.

**ДАРҲАМ** [ф. درهم — мураккаб; чалкаш] Зардўзликда бой ва ҳашамдор буюмларга зар билан гул шаклида тикиладиган мураккаб нақш тури.

**ДАРҲАҚИҚАТ** [ф. + а. در حقيقت — аслида, чиндан ҳам] рвш. **1** Ҳақиқатан, чиндан ҳам. — Мулла Абдураҳмоннинг илми дарҳақиқат яхши бўлган деб эшитаман! — деди махдум. А. Қодирий, Мехробдан чаён.

**2** крш с. вzf. Ҳақиқатан ҳам, ҳақиқатда. Дарҳақиқат, Вали ака ўғлига бир отагина бўлиб қолмай, унинг энг яқин ҳамдарди ҳам эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДАРҲОЛ** [ф. + а. در حال — ҳозирнинг ўзида, тезлик билан] рвш. **1** Тез, дарров, бир онда. Умид фурсатни қўлдан бермай, дарҳол эшик ёнига келди. Мирмуҳсин, Умид. Бўри боласи ўзини дарҳол дарахтлар орасига урди. «Ёшлик».

**2** Тез вақт ичида, кечиктирмай. — Агар шундай асос топилар экан, сизга дарҳол маълум қиламан, — деди Элмурод. П. Турсун, Ҳақиқатчи.

**ДАСИСА** [а. دسيسه — макр-ҳийла; яширин битим] эск. кт. Ҳийла, найранг, макр. Маккор Ҳомиднинг иблисона дасисаси бир оилани тамом ишдан чиқараёзганким, бу тўғрида айниқса сизга сўзлаш ортиқчадир. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАСКАНА** шв. айн. **дасткола**. Марзада барг кесаётган Дадаали ака қўлидаги дасканани белбоғига қистириб, дарров югуриб келди. А. Мухтор, Кумуш тола.

**ДАСТ** [ф. دست — қўл; панжа] **1** кам қўлл. айн. **қўл 1**. Мен Исфандиёр бўлсам, дағдағали хат битган сиёсатдонни топиб, анинг дасти панжасин кесиб ташлайман. С. Сиёев, Аваз. Олмос ярашгандир марднинг дастига. «Маликаи айёр».

**2** Шарпта, тез; бирдан. У даст ўрнидан туриб, айвонга чиқиб кетди. «Ёш куч». Хотини сут соғаётган пақирни тақ эткизиб ерга қўйди-да, даст ўрнидан турди. М. Ҳазратқулов, Журъат. Улуғбек бу китобни

устознинг қўлидан даст юлиб олди ва кўзларига суртди. Б. Аҳмедов, Улуғбек.

**Дасти баланд айн. қўли баланд қ. қўл. Дасти узун айн. қўли узун қ. қўл.** Дасти узун анинг, ако. М.М.Дўст, Лолазор. **Даст кўтармоқ** Бир зўр билан ердан узиб, тик кўтармоқ, азот кўтармоқ. Ўғлини кўриб, уни даст кўтариб, бағрига босди. Мирмуҳсин, Илдизлар ва япроқлар. Анзираг болтани даст кўтарди-ю, Холжонга қараб югурди. «Ёшлик». **Дастидан 1)** сабабли, туфайли. Рост, акаси унинг дастидан қамалди. «Ёшлик». У кун четда оҳ чекардим Гуссаларнинг дастидан. А. Орипов, Йиллар армони. Бу боланинг дастидан уйда на теша қолди, на қайчи. С. Зуннунова, Кўк чироқлар; **2)** жабридан, ёмонлигидан, зулмидан. —Дод, бу рашкчи эрнинг дастидан. С. Аҳмад, Юлдуз. Қўлга тушса, улар билар, Дастидан сулувлар ўйғлар. «Эрали ва Шерали». Сўқир, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан.. А. Орипов, Йиллар армони.

**ДАСТА I** [ф. دسته — соп; тутқич] **1** Турли асбобларнинг қўл билан ушланадиган қисми; соп. Болта дастаси. Пичоқ дастаси. ■ Пичоқ дастасини қаттиқ қисганидан, тирноғи кафтига ботиб кетди. «Ёшлик». Дастаси бўлмаса, қилич ҳам кесмайди. «Қанотли сўзлар». Укичкина.. кетмони эрга қадаб, дастасига утирди. С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Тутқич, тутқа, қаба. Эшикнинг дастаси. ■ [Гулнор] Бир қўли билан деразанинг дастасини ушлади. Ойбек, Танланган асарлар. Бекнинг чайир қўли бегона чамадоннинг дастасини ушлаганича тинчиди. А. Мухтор, Туғилиш. Чашканинг дастасидан тутиб, қора чой ичса, жуда гаитли бўлади. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**3** Мусиқа асбобининг тор (ип, сим) тортилган ва қўл суриб, парда босиладиган қисми. Дуторнинг дастаси.

**Дастасини ўздан чиқармоқ айн. сопини ўздан чиқармоқ қ. соп.**

**ДАСТА II** [ф. دسته] Кели (ўғир)да нарса оқлашда (туйишда) ишлатиладиган тутқичли асбоб, келисоп. У дадасининг қийин-қистовидан кейин, келини ҳовлига опчиқиб, зарда билан дастани тўқиллатиб, шоли оқларди. С. Аҳмад, Уфқ. Азиззон бир гал шунақа шоли оқлашда дастани шундай куч билан урган эдики, тут тўнкасидан қилинган кели иккига ажралиб кетган эди. С. Аҳмад, Уфқ.

**ДАСТА III** [ф. دسته] шв. Чиллак. Қадимги майяларнинг касалланган тишларини даволашда шифокорлар ёғоч дасталардан фойдаланишган экан. «Фан ва турмуш».

**ДАСТА IV** [ф. دسته – гуруҳ; тўда; боғлам, тўп] **1** Бир тутам ёки боғлам қилиб терилган ёхуд боғланган нарса; боғ, боғлам. *Бир даста пиёз.* ■ *Бир даста гул кўтариб Мамлакат киради.* С. Зуннунова, Олов. *Полда бир даста бинафша сочилиб ётарди.* «Ёшлик».

**2** Устма-уст қилиб терилган, тахланган ёки тахлаб боғланган ёхуд қутичага жойлаштирилган нарса; пачка. *Бир даста китоб.* *Бир даста пул.* ■ *Ислохўжа бир даста тилхатни тез-тез кўздан кечирди.* С. Сиёев, Аваз. *У менга бир даста дафтар варақларини берди.* «Ёшлик». *Бир оздан сўнг кийим-кечак тахланадиган шкафдан бир даста пул топилди.* «Муштум». *Аҳмаднинг аяси қўлидаги бир даста чинни косани тушириб юборди.* Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

**3** махс. Ипак қурти пилла ўраши учун сўкчакка бостириладиган ғўзапоя ва ш. к. боғлами. *Қурт дастага кираар вақти чимхўр бўлиб, сустлаб қолади, бир кун ноз уйқуни олади.* М. Қўшмоқов, Али Қамбар.

**4** Гуруҳ, ансамбль. *Созандалар дастаси бир чирмандачи, бир ноғорачи, бир сурнайчи, бир раққоса ва битта кўғирчоқбоздан иборат эди.* С. Айний. Эсдалиқлар.

**5** Тўп, гуруҳ, отряд. *Баъзан ҳар икки томоннинг илғор дасталари тўсатдан учрашиб, катта сурон билан ўқ узишадилар.* Ойбек, Навоий. *Қўшин жўнаб баланд-настда, Жўнай берди даста-даста.* «Интизор». *Минг даста тузсин, амирнинг кунни санокли.* С. Айний, Қуллар.

**ДАСТАВВАЛ** [ф. + а. دستاۋل – биринчи навбатда, аввало] рвш. Энг аввал, биринчи навбатда, биринчи галда, аввало. *Ҳамза у билан даставвал Хоразмда танишди.* К. Яшин, Ҳамза. *Яқинлашаётган аллақандай фалокатни даставвал Нодира сезгандек бўлди.* «Ёшлик».

**ДАСТА-ДАСТА I** Дасталанган нарсанинг миқдоран кўплиги. *Гулларим даста-даста, Ҳамон сени кутаман.* Миртемир, Асарлар. *Илгарилари хўв анови айвонда тойтой пахталар, қизларнинг чархи, даста-даста савағичлар бўларди.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**2** Тўда-тўда, тўп-тўп. *Қўшин келди даста-даста, Ясов тортиди баланд-настда.* «Хуш-

келди». *Қўшин жўнар баланд-настда, Сафсаф бўлиб, даста-даста.* «Гулшанбоғ».

**3** Устма-уст тахлаб пачкаланган нарсанинг миқдоран кўплиги. *Даста-даста хат.* *Даста-даста пул.* ■ *Даста-даста пулни кўз олдига келтирди-ю, “пул топиш мана мунақа бўлади”, деб енг шимариб, мижоз қидиришга тушди.* Газетадан.

**4** Устма-уст қилиб терилган, тахланган. *Токчаларда даста-даста косалар, пиёлалар ва чойнақлар терилиб турарди.* С. Зуннунова, Олов.

**ДАСТАК I** [ф. دستک – қўлча; даста; ҳасса] **1** Турли қурилмаларнинг ричаг асосига қурилган қисми; ричаг. *Тегирмон қулогининг дастаги.*

**2** кам қўлл. Даста, соп, тутқа. *Унинг [бешикнинг] дастагию йўргаси, қасқоню тағбозиси шунчалик маҳкам зичланардики, ойлаб тўхтамай тебратганда ҳам, бирор жойидан ғийқ этган товуш чиқмасди.* «Ёшлик».

**3** кўчма Бирор ҳаракат учун асос, таянч қилиб олинган ёки таянч бўлиб хизмат қилувчи нарса (далил, ҳужжат, баҳона ва ш.к.). *Ҳомиднинг бу гапи унга катта дастак бўлди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Бу [балиқ овлаш] отанинг яна бир тирикчилик дастагидир.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ДАСТАК II** [ф. دستک] Оёқ кийимининг товонни айлантриб олган ва бошлиққа бириктириладиган орқа қисми. *Этикнинг дастаги.* *Кавушининг дастаги.* ■ *Маҳкам ака ботинкани қўлига олиб, дастагини кериб берди.* Р. Файзий, Сен етим эмассан.

**ДАСТАКИ** [ф. دستكى – қўлга алоқадор] Қўлла ясалган, хонаки; сўқма. *Дастаки самовар.* *Дастаки қулф.*

**2** Қўлда бажариладиган, қўл билан ишлатиладиган. *Дастаки пуркағич.*

**ДАСТАЛАМОҚ I** Даста ўрнатмоқ, сопламоқ. *Кетмонни дасталамоқ.*

**ДАСТАЛАМОҚ II 1** Даста-даста қилиб термоқ ёки боғламоқ. *Гул дасталамоқ.* ■ *Она гандираклаб, дасталаб қўйилган қоқ янтоқ устига орқаси билан ўтириб олди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Хонтахтада тандирдан яни узилган қип-қизил натирлар дасталаниб турарди.* О. Ёқубов, Ларза.

**2** Устма-уст, қават-қават қилиб термоқ, тахламоқ. *Нон дасталамоқ.* *Китоб дасталамоқ.* ■ *Чўк тушиб, сочилган жилд-қоғоз-*

ларини бирма-бир дасталади. «Ёшлик». Келин, ювиб артилган пиёлаларни дасталай туриб, чолнинг гапини яхши англамади чоғи, сўзни бўлди. Ойдин, Олтин узукка олмос кўз.

**ДАСТАЛИ** Сопи, тутқаси бор; сопли, тутқичли. Дастали кетмон. ■ Тол новдадан тўқилган, узун дастали замбил аллақачон тайёр бўлган. Ф. Фулом, Шум бола. Бу кишига ўттизта чойнак, юзта пахта гулли пиёла, йигирма бешта дастали чашка.. берилган. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДАСТАЛИК** Соп қилишга, даста қилишга ярайдиган; дастабоп. Дасталик тол ёғоч.

**ДАСТАРРА** [ф. دستاره — қўл арра] Бир қўл билан ушлаб ишлатиладиган (тортиладиган) арра; кичик қўларра. Отам онамга болта, дасттеша, дастарра.. тайёрлашни буюрди. С. Айний, Эсдаликлар.

**ДАСТГИР** [ф. دستگیر — ёрдамчи; ҳомий, мадакдор] 1 эск.кт. Ёрдамчи, мадад берувчи. Сағири бўлсин ул, хоҳи кабири, Чуқур фикри ҳамиша дастгири. Ҳабибий. Бу эрди ул арабким, бўлди дастгир. Саййид Қосимий, Садоқатнома.

2 шв. Дастали, сопли. Дўстлар қилди бир тарафга юришни, Белга осиб тилла дастгир қилчичи. «Орзигул».

**ДАСТГОҲ** [ф. دستگاه — асбоб, ускуна, станок] 1 Косибларнинг, тўқимачиларнинг дастаки станоги; дўкон. Мен ҳам тўқувчи косиблар дастгоҳида ишлаб турибман. П. Турсун, Ўқитувчи. Чол шоша-пиша дастгоҳини йиғиштирди. «Шарқ юлдузи».

2 эск. айн. станок. Тўхтаб қолган дастгоҳларнинг 70 фоизи ишга солинди. Газетадан. Автомат дастгоҳлардан мавжланиб оқётган ранг-баранг шойи газламалар шу зўр тўлқин билан тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Газетадан. Бугун Шералининг хаёли шошқин, Роса ярқиратиб мойланган дастгоҳ. А. Мухтор, Асарлар.

**ДАСТГОҲСОЗЛИК** эск. айн. станок-созлик. Дастгоҳсозлик заводи. Бизда илгари дастгоҳсозлик қўл меҳнатига асосланар эди.

**ДАСТЁР** [ф. دستيار — ёрдамчи; иштирокчи; ҳомий] 1 Қўлдан келган ишни бажариб, оилада катталарнинг оғирини енгил қилувчи, ёрдамчи. Мен ўн бир ёшларга кирганимда, ота-онамга яхши дастёр бўлиб қолдим. С. Айний, Эсдаликлар. Эси кириб, дастёр бўлиб қолган Элмурод укасининг.. ингичка оёқларига қараб қолди. П. Турсун, Ўқитувчи.

2 Бировнинг енгил-елпи ишларини бажариш учун ёлланган хизматкор бола. Тўртинчи кун [Қудрат] керосин сотувчи бир рус савдогарга дастёр бўлиб кирди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Канал бўйидаги сўрига ўтириб, дастёр болага кўк чой буюрди. С. Аҳмад, Ойдин кечалар. Равшан пальтоси билан қалпоғини ечиб, пештахта ортидаги дастёрга узатди. «Шарқ юлдузи».

3 кўчма Ёрдамчи, кўмакчи. Яхши ит — чўпоннинг қўриқчиси, дўсти, дастёри. Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**ДАСТЁРЛИК 1** Яқиндан кўмакдош, суянчиқ бўлишлик; ёрдамчилик.

2 Енгил-елпи ишларда ёрдамлашиш; дастёрчилик. Бўш вақтида.. далага келиб, Файбуллага дастёрлик қилиб турар, машинанинг қисмларини ўрганар эди. Ҳ. Назир, Маёқ сари.

**ДАСТЁРЧИЛИК** айн. дастёрлик 2. Менинг ҳам дастёрчилик қилавериб, оёғим қаварди. Ойдин, Дўндикдан ҳам ёш экан.

**ДАСТКАЛПАК** с.т. Дасткола.

**ДАСТКОЛА** [ф. دستکاله — қўл асбоби] Дарахтларнинг шох-шаббасини кесадиган узун дастали асбоб. Отам онамга болта, дасттеша, дастарра, дасткола каби асбобларни тайёрлашни буюрди. С. Айний, Эсдаликлар.

**ДАСТЛАБ** рвш. Энг аввало, даставвал, бошда. Эс-хушини йўқотиб, гарангланган деҳқон дастлаб индамади. Ойбек, Танланган асарлар. Карима Ойша опадан дастлаб болаларни севишни ўрганди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**ДАСТЛАБКИ 1** Энг аввал юз берган, энг аввалги, бошланғич, биринчи. Дастлабки кезлар. Дастлабки кунлар. ■ Ёзнинг дастлабки кунларида уфқларга чўзилган кенгликлар яшил тусга кирганди. Газетадан. Боғ кўзга кўриниб қолган, дастлабки кўчатлар ҳўсилга кирган эди. Т. Ашуров, Оқ от. Бу — Умиднинг ҳаётидаги дастлабки галаба эди. Мирмуҳсин, Умид.

2 Биринчи галдаги, биринчи навбатдаги. Дастлабки вазифалар. ■ Бинокорлар қисқа фурсатдаёқ дастлабки туркум ишларни удалаб угуришди. Газетадан.

3 Бирламчи; хомаки. Дастлабки текшириш. Дастлабки ишлаш. ■ Бу дастлабки ов-маишқ эди, албатта. «Ёшлик». Дастлабки маълумотларга қараганда, 35 киши тирик

қолган. Газетадан. *Техникумда толали экинлар маҳсулотини дастлабки ишлаш учун технологлар тайёрланади.* Газетадан.

**ДАСТМОЛ** [ф. دستمال — қўл артадиган мато] **1** Қўл артадиган рўмолча, дастрўмол; чўнтак рўмолча.

**2 шв.** Қозон сочиқ.

**ДАСТМОЯ** [ф. دستمایه — озгина пул, маблағ; мол] **1** Савдо-сотиқ ишларида айлантириб туриладиган ва ўша асосда фойда кўриладиган дастлабки асосий маблағ. *Отам кувёдан олган қалин пулини дастмоя қилиб, қосиблик — маҳсидўзлик билан шуғулланади.* Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман. *Меҳтархон сингари катта савдогарлар дастмоя бериб, Ҳиндистон ва Эрон билан савдо-сотиқ қилар эди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**Дастмоясидан айрилмоқ** Синмоқ, банкротликка учрамоқ. *Ҳисобини билмаган дастмоясидан айрилар.* Мақол.

**2 с. т.** Бисотдаги, пешонадаги бор-йўқ нарса. *Унинг дастмояси — шу битта кетмони.*

■ [Рафиқ Мидҳатга:] *Ёзавер.. Занг босиб қолмасин. Дастмояни ишга сол.* З. Саид, Н. Сафаров, *Тарих тилга кирди. — Буларниям топган дастмояси нуқул ашула экан-да!* — *Асом бува қалампир еган каби афтини бужмайтирди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**3 кўча с. т.** Бирор иш-ҳаракат учун восита, дастак, баҳона бўлган нарса; рўқач. *Бултур ишимнинг ўнгидан келмагани бу йил сизга дастмоя бўлиб қолдимиз!* Н. Сафаров, Олияхон Султонова. *Ғиёсиддин иккита мешини дастмоя қилиб, расталарда “оби худойи” деб, мешкобчилик қилиб юрибди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ДАСТОР** [ф. دستور — салла; сочиқ] *эск. айн. салла* **1** *Хирот чапанлари.. дасторни бошларига наридан-бери чулба, жомега келган эдилар.* Ойбек, Навоий. *Меъмор дасторини бошига қўндириб, қиблага юзини тўғрилади.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**Дастор олма** Анжирсимон ялпоқ олма. **Дастор қовоқ** Кўриниши бошга, тарам-тарам қилиб ўралган дасторга ўхшаш қовоқ хили. *Бу томонда аймақи ток сўриси, у томонда дастор қовоқ чирмашган эди.* А. Мухтор, Кумуш тола.

**ДАСТОРБАНД** [ф. دستاربند — салла ўровчи] *тар.* Подшоҳ ёки хоннинг салласини ўраб қўядиган хизматкор.

**ДАСТОРБОШ** *бот.* Мураккабгуллилар (қоқидошлар) оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми.

**ДАСТОРГУЛ** [ф. دستارگل] Мураккабгуллилар (қоқидошлар)га мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. *Дасторгул гулзорларни безатиш учун экилади.*

**ДАСТПАНЖА** [ф. دستپنجه — қўл панжаси, бармоқлар] *с. т.* Қўл; қафт ва панжалар. *Ахир, сўлоқмондай дастпанжа бўлгани билан ёзувга уқув бўлмаса, бекор экан-да.* А. Муҳиддин, Ўтники ўтга, сувники сувга. *Ҳар томондан бараварига урилиб турилган совуқ дастпанжалар анча-мунча нарсани ўмариб қўйди.* Газетадан.

**Дастпанжаси йўқ одам** *кест.* Ҳеч нарсада йўқ, қўлидан ҳеч иш келмайдиган, ношуд одам.

**ДАСТРЎМОЛ** [даст + рўмол] Ёнда олиб юриладиган кичкина рўмолча. *Шерали чўнтагидан дастрўмолини олди.* С. Кароматов, Олтин кум. *Усмон Юсупов терлаган гарданини дастрўмол билан арта-арта, олдинга чиқди.* С. Аҳмад, Уфқ, *Иқболхон зинғиллаб уйга кириб кетди-ю, дастрўмолга ўралган бир нарса олиб чиқди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

**ДАСТРЎМОЛЧА** *айн. рўмолча.* *Дадамат аканинг кўзларига ёш қалқди, у дастрўмолчасини олиб, кўзларини артди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**ДАСТТЕША** Қўл теша. *Отам онамга болта, дасттеша, дастарра.. каби асбобларни тайёрлашни буюрди.* С. Айний, Эсдаликлар.

**ДАСТУР** [ф. دستور — йўл-йўриқ, кўрсатма, тартиб-қоида] **1** Муайян мақсад, иш-ҳаракат ёки тadbирнинг олдиндан белгилаб чиқилган йўл-йўриғи, уни амалга оширишнинг тартиби, қонун-қоидаси; программа. *Соғлом авлод дастури. Давлат тилини амалга ошириш дастури.* ■ *Ухоқсор, доно, камсуқум шоирдан ҳамиша илиқ бир сўз эшитади, оқилона бир дастур олади.* С. Сиёев, Аваз. *Бугун ўтказилаётган сиёсатимиз аниқ, муддао равшан, тараққиёт дастуримиз мавжуд.* Газетадан. *Меҳнатга ҳурмат — ахлоқнинг юксак дастурларидан биридир.* Ойбек, Нур қидириб.

**Дастур тутмоқ** Қўлланма сифатида амал қилмоқ.

**2** Бажариладиган тadbирлар тартиби, қилинадиган ишлар рўйхати. *Анжуман дастури.*

**ДАСТУРИЛАМАЛ** [ф. + а. دستور العمل – йўл-йўриқ, йўриқнома, кўрсатма] **1** Йўл-йўриқ, ишончли йўлланма. *Бизнинг шоирларимиз ҳам қаерда нимадан ифтихор қилсалар, аввало худди мана шу нарсага тилга олганлар ва шу нарсага дастуриламал қилиб келганлар.* С. Зуннунова, Олов. *Ахир, бу мушоҳадалар биз учун дастуриламал энди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**2** Низомнома, устав. *Сиз элчилар учун мукамал бир дастуриламал ёзинг.* М. Осим, Карвон йўлларида. *У саккиз ёшида солдат бўлди, унинг қўлига “дастуриламал” беришди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**ДАСТУРИЙ 1** Муайян мақсадга қаратилган, қатъий дастур, режа асосига қурилган; белгиланган. *Менинг назаримда, муҳолифат аниқ муқобил дастурга эга бўлиши керак.* Газетадан.

**2** Йўналтирувчи, аниқ мақсадни кўзловчи. [Президентнинг] *Олий Мажлис биринчи сессиясидаги дастурий маърузасидан келиб чиққан ҳолда, жорий ва истиқболга мўлжалланган иш режаларини тузиш..* Газетадан.

**ДАСТУРХОН** [ф. دستارخوان – овқат қўйиладиган мато; унга қўйилган таомлар] **1** Ўртага ёзиб, устига овқат қўйиладиган махсус мато, рўзғор буюми. *Ёмоннинг дастурхонидан яхшининг устухони яхши.* Мақол. ■ *Қумри кулранг бўз дастурхонни ёзди.* Х. Фулом, Машъал. *Хуш келибсизлар. Қани, дастурхонга марҳамат.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**2** Кўчма Ўртага ёзилган шундай дастурхон ва унинг устига қўйилган таомлар. *Тўкин дастурхон. Дастурхон безамоқ. Дастурхон тузamoқ. Дастурхонга боққан дўст эмас.* Мақол. ■ *Юртимизнинг фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги ана шу оқ пахтадан.* Газетадан. *Шоҳона дастурхон ёзилди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Дастурхонга ўтирмақ** Овқатланишга ўтирмақ. *Бу орада Ҳамза ҳам хужрасидан чиқиб, дастурхонга ўтирди.* К. Яшин, Ҳамза. **Дастурхонга қарамоқ** (ёки **қараб ўтирмақ**) Ёбичиб ўтирмақ. *Қани, дастурхонга қаранг.* К. Яшин, Ҳамза. **Дастурхон емоқ** Зиёфат емоқ. *Жамоамизнинг барчаси ҳам ҳозир бўлиб, дастурхон ер эрдик.* А. Қодирӣ, Фирвонлик Маллавоӣ. **Дастурхон қилмоқ** Бирор гапни ҳар қаерларда ҳар кимларга гапириб, овоза қилиб юрмақ, дастмоя қилиб олмоқ. *Сиз кимга яхши кўринмоқчи эдингиз, ёлғон гапни*

*дастурхон қилиб юрибсиз?* П. Қодирӣ, Қадрим. *Чойни ичиб, пиёланинг четини кафти билан артаркан, юрагидаги дардини дастурхон қилишга киришди.* «Ёшлик». **Нонини еб, дастурхонига оёқ артмоқ** Яхшиликка ёмонлик қайтармоқ.

**3** Кўчма Мамлакат, жамият бойлиги, ризқ-рўзи. *Биз мамлакатимиз улкан дастурхонига.. оқ олтинимизни қўшишимиз билан фахрланамиз.* Р. Файзий, Таъзим. *Сендақа пайтимизда биз, наинки машоқ, оғзимиздаги нонимизни ҳам эл дастурхонига қўйганмиз.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**ДАСТУРХОНЛИК** Дастурхон бўладиган; дастурхонбop. *Дастурхонлик мато. Бозорга тушиб, икки метр дастурхонлик олдим.*

**ДАСТУРХОНСИЗ 1** Дастурхон ёзилмаган. *Дастурхонсиз стол.*

**2** Кўчма Меҳмондўстликни билмайдиган, саховатсиз. *Устунларимизни.. унчалик ҳам бесаховат, дастурхонсиз одамлар деб бўлмайтиди.* А. Қодирӣ, Обид кетмон.

**ДАСТУРХОНЧИ 1** Тўй, катта зиёфат ва бошқа маросимларда дастурхон тайёрлаш ва келган-кетганларни кутиш учун белгиланган аёл ёки эркак киши. *Дастурхончи ва бошқа.. хотинлар Йўлчининг ёнига бемалол келсалар-да, у қиз яқин келмас эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Дастурхончи катта тарелкадаги чаросдан бир бошини олдига олиб, сиқимлаб оғзига солди.* «Саодат».

**2** тар. Ўтмишда амир, хон ва беклар саройида сарой аҳлларига бериладиган овқатларни тайёрлатиш ва меҳмон кутиш билан шугулланган лавозимли киши. *Гуруғли билан Авазхон шул замон тахтга чиқиб, саркарда, тўқсоба, номдор бекларини чақиртириб.. дастурхончилар дастурхон ёзиб, турли таомлар тортилиб.. кечаси билан ҳар элга ясовулларни чоптириб ётди.* «Гулшанбоғ».

**3** с. т. салб. Воситачи, далолат.

**ДАСТУРХОНЧИЛИК** Дастурхончи вазифасини бажариш, дастурхончи бўлиш. *-Узинг биласан, туйларда, маъракаларда дастурхончилик қилман, – деди Ҳожиди хола.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *У кишига [Рустамовга] дастурхончилик вазифасини юклашди.* «Муштум».

**ДАСТХАТ** [ф. + а. دست خط – қўл билан битилган] Шахснинг ўз қўли билан ёзган хати. *Мулла Муҳсиннинг ўз дастхати ва таҳрири билан ёзилган “ариза” мажлисда*

яхшигина кулги берди. А. Қодирий, Обид кетмон. *Тожиқўзи аввал ёзувчи дастхатига мансуб ўша ҳаяжонли сатрларни ўқиб берди. «Ўзбекистон қўриқлари». Бу ёзув унга таниш: Асроранинг дастхати. С. Аҳмад, Уфқ.*

**ДАСТШҶ(Й)** [ф. دستشوی — қўл ювадиган идиш] Қўл-бет ювганда, ювинди сув оқиб тушадиган металл идиш. У [канизак] хиёл ўтмай, қўлида дастшў ва қумгон билан келиб, ўтирганлар қўлига сув қўйди. М. Осим, Карвон йўлларида. *Бир қўлида обдаста, бир қўлида дастшў, сурининг четида туриб, қўлларига сув қуя бошлади. П. Қодиров, Қадрим.*

**ДАФ I** [а. دف — доира, чилдирма] Чертиб чалинадиган, доира шаклидаги ёғоч гардишга хом тери қоплаб ясалган муסיқа асбоби; чилдирма, доира. *Даф чалиниб, базм бошланди. Мирмуҳсин, Ойна. Дилдор югуриб бориб, Давлатбахтбеғимнинг хонасидан ғижжак, танбур, даф келтирди. Ойбек, Навоий.*

**ДАФ II** [а. دفع — силташ, қаршилиқ; узоклаштириш] Қайтариш; йўқотиш, бар-тараф этиш. *Мана у [Отабек] шу мудҳиш, бошга тушмоғи аниқ турган ҳалокатнинг дафи учун Марғилондан ошиғич чиқиб жўнаган эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**Даф бўлмоқ** Йўқ бўлмоқ, йўқолмоқ; бар-тараф бўлмоқ. *Чол бобо қўли билан “даф бўлинглар” дегандек ишора қилиб қўйди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлаката. «Келган бало ўша билан даф бўлсин», деди ичида. С. Анорбоев, Оқсой. Даф қилмоқ (ёки этмоқ) 1) қайтармоқ; йўқотмоқ, бар-тараф қилмоқ. Қўй сутининг қон туфлаш касалини даф қилишда фойдаси катта. К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. Ҳар қандай ёмон назарни даф қилади бу исриқ. С. Аҳмад, Уфқ. Душманнинг бир неча ҳужуми даф этилди. Т. Рустамов, Мангу жасорат; 2) ҳужум қилмоқ, ҳамла қилмоқ. Беғуноҳларга ножўй даф қиладиганларни сал фаҳмласанг, шипшитиб қўй: нақ белини синдирамиз. “Муштум”. -Ваҳшийга тегмасанг, у сенга даф қилмайди, — деди Шубин. Шуҳрат, Олтин зангламас. Алижон чамадонини шилдираб оқайтган ариқ бўйига қўяётганида, қоплон сапчиб туриб, даф қилди.. Мирмуҳсин, Чиниқиш. Дафи савдо 1) бошга тушган савдони қайтариш; 2) бошга тушган савдони қайтарадиган.*

**ДАФИНА** [а. دفینه — ерга кўмилган бойлик] **I** Ерга кўмилган зебу зийнат буюм-

лари, қимматбаҳо тошлардан иборат бойлик, хазина. *Ота-бобонгиз ва ўзингиз жамга-риб қўйган хазина, дафиналарни бир-бир очиб.. бизга топширинг. С. Айний, Дохунда. Ўтган асрнинг охирларида Фарғона область Наманган уездида.. чўпонлар тасодифан металл буюмлар дафинасини топиб олишган. «Фан ва турмуш».*

**2** кўчма Сиру асрор, орзу-армон. *Дафина кўп кенг юрагимда, Қатларим сақлар. Миртемир, Асарлар.*

**ДАФН** [а. دفن — марҳумни кўмиш, қабрга қўйиш] Ўлган киши (майит)ни кўмиш, қабрга қўйиш маросими. *Дафн этмоқ (қилмоқ). ■ Одил бувани Собир ўз қўли билан дафн этди. Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. Дафн маросими тушдан кейин тугаб, одамлар тартибсиз равишда.. тарқала бошладилар. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ДАФНА** [юнон мифологиясидаги Daphne — дарё маъбудининг қизи номидан] Лаврдошларга мансуб доимо яшил хушбўй дарахт; лавр. *Родионув чемпион Петросян бўйнига дафна дарахти баргидан ясалган катта гулчамбарни кийгизиб қўйди. Газетадан. Суратни дафнадек бегаган райҳон, Қўл тегса, дув этиб тўкилар гўё. Б. Бойқобитов, Салоқат.*

**ДАФТАР** [а. دفتر < юн. diftera — қоғоз ўрами] **I** Китобча шаклида тикилган, муқоваланган ва хат ёзиш ёки расм чизиш учун мўлжалланган тоза қоғоз varaқлари. *Бир чизикли дафтар. Катак дафтар. Расм дафтари. ■ Болаларникидай кулимсирган жуда жонли ва қандайдир баҳаё қоп-қора кўзлар дафтарлар устида ўйчан югуради. Ойбек, Нур қидириб. Шерали ҳозиргина эшитган гапларини апил-тапил дафтарица ёзгач, минбарга қараб қолди. С. Кароматов, Олтин кум. Отам менинг отли йигит, Дафтари гул хатли йигит. «Бойчечак».*

**Вексель дафтари** Қарздорларнинг қарзлари ва уни тўлаш муддатлари қайд этиладиган ҳужжат. *Шуниси ҳам борки, вексель дафтарим қаердалиги эсимда йўқ. К. Яшин, Ҳамза. Кундалик дафтар* Ўқувчининг дарсларга қатнашиши, ўзлаштиришига оид маълумотлар қайд этилувчи дафтар. *..ювган кирларини дазмол қилди, болаларининг дарсларини текширди, кундалик дафтарларини кўрди. С. Зуннунова, Олов. Нога дафтари* Муסיқа ноталари қайд этилган ёки этиладиган дафтар. *Симларга қўнган қушлар*

нота дафтаридаги нуқталар-у, шамол уларга қараб, қуйни чалаётгандек эди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. **Уй дафтари** Бир хонадон, оилада истиқомат қилувчиларнинг муайян ҳудудда, манзилда рўйхатга олинганлиги қайд этилувчи расмий дафтар. **Хотира (ёки кундалик) дафтари** Шахснинг ўз кундалик ҳаёти давомида кўрган-кечирганларини ёзиб борган ёки ёзиб борадиган дафтари. *Махзум домланинг хотира дафтари*нинг биринчи қисми шу билан тамом бўлди. А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоий. **Шикоят дафтари** Савдо-сотиқ тармоқлари ва бошқа ташкилотларда мижозлар, фуқаролар ўз шикоят ва таклифларини қайд этиши учун жорий қилинган дафтар. *Шикоят дафтари*ни талаб қилса, «тўрт эллик қоғозга дардингизни ёзинг, кимга десангиз, элтиб бераман», деди. «Муштум». **Ҳисоб дафтари** Шахсларнинг исм, фамилиялари ва уларга, уларнинг иш-фаолиятига оид маълумотлар қайд этилувчи дафтар. *Талъат уни кўриб қолди шекилли, ҳисоб дафтари*ни пахта устига ташлаб, чопиб тушди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.

**2** Бирор кимса ёки нарса ҳақидаги саргузашт ҳикоя. *Унинг дафтари узун. Дафтар қилмоқ.*

**3** кўчма Борлик, ўзлик. *Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтари*н. А. Орипов, Юртим шамоли.

**Дунё дафтари** Тарих саҳифаси. *Шу буюк ўғлингиз ардоқлаб дилдан, Халқим, таъзим этсанг арзига*й тамом. *Унинг номи билан бирга битилган Дунё дафтари*га ўзбек деган ном. А. Орипов, Йиллар армони. **Кўнги**л дафтари Дилдаги армонлар, дард-ҳасратлар. *Хатдир кўнги*л дафтари, *хатдир севги* каптари.. Ё. Мирзо, Ўғил меҳри. **Кўнги**л дафтари*нинг олтин бети*га Бебаҳо, наъшали чечак тақдингиз. Ғайратий. **Темир дафтар** қ. темир. **Умр (ёки ҳаёт) дафтари** Умр онлари, таржимаи ҳол; хотиралар. *Мелихон она умр дафтари*ни варақлади. Газетадан. *Билсин: ҳаёт дафтари*га у *Учмас қилиб мангу битилган*. Шухрат, Ёшлигимнинг давоми. **(Ҳасрат) дафтари очилди** Ҳасрати бошланди. *Шу баҳона билан унинг дафтари очилиб кетди*. Ҳ. Назир, Узр, отахон. *Нотаниш жувоннинг ранги оқариб, ҳасрат дафтари очилиб кетди*. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *–Дафтаримни очиб нима қиласиз? – деди енгил хўрсиниб Гуландом*. Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАФТАРДОР** [дафтар + ф. дар – бирор нарсага эга маъносидаги кўшимча] **1 тар.** Давлатнинг крим-чиқимлари ҳисобини олиб борувчи лавозимли киши.

**2 эск.** Идорага келган-кетган хат-ҳужжатларни журналга ёзиб борувчи ва ёзувчизув ишларини бажарувчи ходим, котиб(а). *Унинг ўзига ўхшаган Ҳомид номли бир ўртоғи бор. У Округ ижроқўмида дафтардор-журналист*. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДАФТАРДОРЛИК** Расмий муассасаларда идорага дахлдор ёзув-чизув ишлари билан шугулланиш ва ўша мансаб номи. *Хўжа Афзал дафтардорлик, ҳисоб-китоб ишлари*га жуда моҳир эди. Ойбек, Навоий. *Маориф идоралари.. бу кунгача дафтардорлик ишини.. йўлга қўйган эмаслар*. Зиё Саид.

**ДАФТАРНАВИС** [дафтар + ф. نویس – ёзувчи] тар. Қозихонада ҳукм, васиқа ва ш.к. ҳужжатларни дафтарга ёзиб борувчи; иш юритувчи.

**ДАФТАРЧА 1 Дафтар** с. кичр. *Тавҳидий дафтарчани очди ва қадамини секинлатиб ўқий бошлади*. А. Қаҳҳор, Асарлар. [Зокир ота] ..*унинг [Сидиқжоннинг] отини дафтарчасига ёзиб қўйди*. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**2** Босмахонада китобча шаклида тайёрланган ёндафтар ёки графалари зарур вақтда тўлдириладиган расмий ҳужжат. *Фосиҳ афанди қўлидаги дафтарчаси билан қаламини ерга қўйиб, чапак чалди*. М. Исмоилий, Фарғона т. о.

**Ён (ёки қўйин, чўнтак) дафтарча** Чўнтакка солиб юришга мўлжалланган дафтарча. *Ён дафтарчасига нималарнидир ёзиб, кўкка қаради*. С. Кароматов, Болтин кум. *Ҳали маъруза айтган киши билан аёл Фотиманинг ўзини, отасининг исмини сўраб, чўнтак дафтарчасига ёзиб олишди*. Т. Ашуров, Оқ от. *Бир пиёла қаҳвадан кейин меҳмон ўзига келиб, қўйин дафтарчасини олди*. «Гулдаста». **Меҳнат дафтарчаси** Шахснинг меҳнат фаолиятига оид расмий маълумотлар қайд этиладиган ёки этилган дафтарча. *Қаёққа бораман, қораланган “меҳнат дафтарчам” билан ким мени ишга олади*. С. Аҳмад, Уфқ. **Омонат дафтарчаси** Омонат кассаларига қўйилган маблағ ва уларга оид маълумотлар қайд этиб бориладиган дафтарча. [Салим Обидий] *Аллақандай зарур ҳужжатларни, омонат дафтарчасини рўмолга тугди*.

Мирмуҳсин, Умид. **Пенсия (ёки нафақа) дафтарчаси** Кимсанинг пенсияси миқдори ва уни тўлаб боришга оид маълумотлар қайд этилувчи дафтарча. *Тўлғон холамнинг пенсия дафтарчаси билан юрибман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

**ДАФТАР-ҚАЛАМ** *жуфт с.* Қалам, дафтар ва ёзув-чизувга керакли нарсалар. *Хизматчи дафтар-қалам келтириб, санъаткорнинг олдига қўйди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Ҳамза Санобарнинг олдига бориб, унинг дафтар-қаламини йиғиштиричини кутиб турди.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДАФЪА** [а. دفعه — марта, қарра] **1** Марта, қарра, бора. *Илк дафъа. Сўнг дафъа.* ■ *Бу кун Йўлчи бу уйга биринчи дафъа кирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Шоқир ака.. неча дафъа синчиклаб, кўз ўнгидан ўтказди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Бу — эркак зотининг илк дафъа унга бепарқ қараши эди.* «Ёшлик». Феруз уни илк дафъа кўрибоқ, Табибийга башорат қилган эди. С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Бу олмоши билан биргаликда “сафар”, “гал” сўзлари маъносида қўлланади. *..бу дафъа биздан нима гуноҳ ўтди, бундай беҳурмат қилдингиз.* «Алпомиш». *Бу дафъа товуш аввалигидан кўра узокроқдан келар эди.* Ҳ. Олимжон.

**ДАФЪАТАН** [а. دفعتاً — бирдан, қутилмаганда] *рвш.* **1** Юз бериши кўзда тутилмаган, бирдан, тўсатдан, кўққисдан. *Елиб, йўрғалаб кетаётган тўриқ дафъатан тумшугини баланд кўтариб, қаттиқ кишинади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Эргаш ишларни ўйлар экан, дафъатан кўз ўнгидан қўшни қиз — Азиза жонланди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

**2** Дастлаб, бошда, аввалига. *Берди татар дафъатан мақсадга тушунмайди.* А. Қодирий, Обид кетмон. *Мансур жилмайиб, ўзи томон келаётган йигитни дафъатан таниёлмай турди-да, кейин суяниб кетди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДАХЛ** [а. دخل — қирим; алоқа, муносабат; шубҳа] Бирор шахс ёки нарсага алоқадорлик, тааллуқлилиқ; алоқа, муносабат. *Бизнинг уришиб қолишимиз учун Қарим сандиқчининг ҳам дахли бор.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Аслини суриштирсангиз, бу ишларга худонинг ҳеч дахли йўқ, ака.* Ҳаммасини оқ-пошио қилаётибди. П. Турсун, Ўқитувчи.

**Дахл этмоқ (ёки қилмоқ)** Хавф туғдирмоқ, ҳамла қилмоқ, тажовуз қилмоқ; тегмоқ,

*Менинг уйимда бир умр турсангиз ҳам — бемалол, биров сизга дахл қилмайди.* «Олтин бешик». *Бу жавоб Маҳмуд Ғазнавийнинг иззат-нафсига тегди ва Сайидо тирикчилигида унинг юртига дахл қилмади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *— Виждонимга дахл қилманг! У сотилмайди, сотиладиган мато эмас! — деди Воҳид ака.* М. Исмоилий, Фаргона т.о.

**ДАХЛДОР** [а. + ф. دخلدار — фойдали; алоқаси бор, шерик] Бирор нарсага бево-сита алоқаси, боғлиқлиги бўлган, алоқадор, тааллуқли. *Низомиддин суҳбат ҳозир ўзининг жанговар ишларига дахлдор бўлгани учун индамай ўтирарди.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Айбномада ҳали қамоққа олинмаган, аммо жиноятга дахлдор бўлган бир қанча кишиларнинг номлари ҳам келтирилди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ДАХЛДОРЛИК** Бирор иш-ҳаракатга, жараёнга алоқадорлик; шериклик. *Кейин билсам, мамлакат тақдирдан, унинг ташвиш ва муаммоларидан доимо бохабар бўлиб туриш ҳар бир фуқаронинг табиий эҳтиёжи бўлиб, у Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусидан келиб чиқар экан.* Газетадан.

**ДАХЛАШМОҚ** *шв.* Ҳазил қилиб айтмоқ, ҳазиллашмоқ. *Дахллашиб айтган эдим, менга тушунмадилар.* Ж. Шарипов, Хоразм. *— Оғалар, “сиёсат” қилманглар, дахллашманглар, — деди [Собир темирчи].* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДАХЛЛИ** *айн.* дахлдор. *Бу гаплар сенга дахли эмас.*

**ДАХЛСИЗ 1** Маълум бир нарсага бево-сита алоқаси, боғлиқлиги бўлмаган, дахли йўқ, тааллуқли эмас. *Бу сенга дахлсиз гаплар.* ■ *Қурбон ўзига дахлсиз нарсалар ҳақида хаёл сураётганини пайқаб, юраги сиқилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**2** Ҳеч ким дахл қила олмайдиган, қўл тегиза олмайдиган, ҳар қандай қасд ёки тажовуздан ҳимоя қилинган ёки қилинадиган; бузилмас. *Маддоҳлар — худонинг дахлсиз бандалари, уларни хонликнинг ҳар бир беклиги, ҳар бир ноиблигига жўнатсак, зарар қилмас.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Яна қадри ошади онамиздай муқаддас, Ҳар қаричи муборак, дахлсиз, азиз ернинг.* Ф. Фулом, Шеърлар.

**3** *дип.* Ўзга элларда қонун йўли билан жазолаб бўлмайдиган. *— Ҳазрат, бу одатга хилоф.* *Элчилар дахлсиз-ку, — деб хириллади.* М. Осим, Карвон йўлларида.



**ДАХЛСИЗЛИК 1** Бирон-бир ишга дахли, алоқаси йўқлик, тааллуқли эмаслик.

**2** Ҳар қандай хавф ёки тажовуздан ҳимоя этилганлик. *Чегара дахлсизлиги. Уй-жой дахлсизлиги. Дипломатик дахлсизлик. Депутат дахлсизлиги.* ■ *Мамлакатимизнинг тақдири, чегараларимизнинг дахлсизлиги шу ҳудудда яшаётган фуқароларимизнинг ҳушёр ва сергаклигига ҳам боғлиқ.* Газетадан. *...жамиятда хусусий мулкчиликка нисбатан ҳурмат ва унинг дахлсизлигини таъминлайдиган муҳит яратишимиз шарт.* Газетадан.

**ДАХМА** [ф. دخمه — ер остидаги сағана, қабр] *кт.* Қабр устига ўрнатилган ёдгорлик; мақбара. *Биз дахмага кирган чоғимизда, зиёратхонада одам кўп эди.* М. Муҳаммад-жонов, Турмуш уринишлари. *Илгарилари ўша дахмада дайди-сайдилар ётиб юришарди.* И. Қаландаров, Шохидамас, баргида.

**ДАХМАЗА** [ф. دخمه — қийинчилик; алдов] Салбий нарса, ҳодиса; ортиқча ташвиш, дардисар, бош оғриги. *Э-э! Сотинг бу туяларни, қиши билан боқасизми?! Хашак-хушак, деб дахмаза қилиб юрасизми?!* Ойбек, Болалик. *Ўзи элик гектар ер-у, дахмазаси беш юз гектарга татийди.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди.

**ДАЧА** [р. «дать» — «бермоқ» сўздан: берилган нарса] *с.т.* Ёзда дам олиш учун мўлжалланган, шаҳардан ташқарида қурилган уй-жой; далаҳовли. *Ариқ бўйдан ўтган девор орқасида дача бор.* Ш. Холмирозев. Бодом қишда гуллади. *Дачадаги ўша воқеадан кейин у Зумрад билан танҳо учрашувларни бас қилган.* С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**ДАШНОМ** [ф. دشتنام — сўкиш; ҳақоратли сўз] Қилмиши учун уялтириш, қаттиқ койиш, сўкиш. *Дашном бермоқ.* ■ *Сизга дашном беравериб, жағимда жағ қолмади.* «Ёшлик». *Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор дегандай, бу дашном онага қаттиқ таъсир қилди.* Ҳ. Назир, Маёқ сари. *Ҳаётнинг у айтаандай чалкаш, мушкул, шафқатсиз эмаслигини исбот қилиб, у кишига дашном бергим келарди.* А. Мухтор, Асарлар.

**Дашном емоқ** Қаттиқ гап, койиш эшитмоқ. *Дашном еганим — беш нон еганим.* Мақол. ■ *У ҳеч кимдан бундай дашном емаган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДАШТ** [ф. دشت — дала; чўл, саҳро] **1** Экилмай ётган сувсиз ер; чўл. *Бепоён дашт. Қақроқ дашт. Дашт ҳавоси. Даштда юр-*

*санг, сув қадри ўтар, ёр билан уришсанг, ёр қадри ўтар.* Мақол. ■ *Дашт деганим — қишлоқ этагидаги пасту баланд тепаларнинг орти.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Ҳали даштга қоронғилик чўкмаган.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.

**2** Кенг, очиқ майдон; дала. *Бировлар бир парча жой тополмай саргардон, чодирсиз, чайласиз даштда ўтирадилар.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДАШТ-БИЁБОН, дашту биёбон** Дашт ва биёбон(лар), чўл ва саҳролар. *Ҳаммаёқ дашт-биёбон: одам юрса — оёғи, қуш учса, қаноти куяди.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси. *Тақдир буни ҳам кўп қуриб, тинчгина уй-жойидан дашту биёбонга ҳайдади.* М. Осим, Карвон йўлларига.

**ДАШТЛИК 1** Экилмай ётган сувсиз ерлар; чўллар.

**2** Даштда яшовчи киши; умуман шаҳардан ташқарида яшовчилар. *Даштлик деб кўп қилма мазах.* «Ҳасанхон».

**ДАШТПИЁЗ** Ёввойи пиёз турларидан бири.

**ДАШША, дашшу** *шв.* Даштшў(й). *Мискарликда унғ томондаги пачоқ дўкон олдида ёйиб қўйилган мис баркаш, катта-кичик обдаста, дашшаю манқалдонга.. кўз ташламай иложингиз йўқ.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *Холангиз бозордан дашшу харид қилиб кепти.* Т. Ашуров, Дашшу.

**ДАШҚОЗОН** *айн.* дошқозон. *Турдимат энг аввал автокачкага дашқозон, битта катта бакни ортди.* И. Раҳим, Ҳаёт булоқлари. *Ҳовлининг ўртароқ ерига чуқур ўчоқ кавлаб, катта дашқозон осилипти.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДАШҚОЛ 1** Рудадан металл эритиб олишда ҳосил бўладиган шишасимон ёки тошсимон модда; шлак.

**2** Кўчма Ярамас, бемаъни; фирром. *Ҳар савдолар тушар марднинг бошига, Қойил эмасман дунёнинг дашқол ишига.* «Эрали ва Шерали».

**ДАЪВАТ** [а. دعوت — чақириқ, ундаш; ташвиқот] **1** Бирор-бир ҳаракатга, маънавий, мафкуравий маслакка ундаш, чақириш; рағбатлантириш. *Озодлик учун курашувчилар сафида бўлиш унинг қалб даъвати эди.* Газетадан. *Икки йигит ҳам ичдаги қандайдир муқаддас бурчнинг даъвати билан курашга шўнгиди.* Ойбек, Куёш қораймас.

**Даъват қилмоқ** Бирор ишга, маросимга чақирмоқ, таклиф қилмоқ. *Ганга даъват қилинган ўн чоқли қариндош аёллар ҳам кўришиб, қайта-қайта ҳол-аҳвол сўрашиб.. ҳар қайсиси ўз билганча дуо қилишди. Ойбек, Танланган асарлар. Бир соатдан сўнг ироқ-ёвуқдан тўйга даъват қилинганлар кела бошлашди. Ойбек, Танланган асарлар.*

2 эск. Таклиф, чақирув.

**Даъват хати (ёки қоғози)** Чақирув хати, таклифнома. *Абдурахмон.. мударрис амакиларидан Бухоройи шарифга келиб таҳсил қилишга даъват хати олди. А. Қодирий, Мехробдан чаён. ..ушбу йилнинг 15 апрелида бўладиган соғлиқни сақлаш кўрғазмасига даъват қоғози олди. Газетадан.*

**ДАЪВАТКОР** Маълум иш-ҳаракатга, маслак, гоёга ундовчи, руҳлантирувчи. Сўз, *даъваткор чақирқи каби, жисмингни кучга тўлдириб, қалбингни оловлантиради ва сўнмас зафарларга чорлайди. Газетадан.*

**ДАЪВАТНОМА** [даъват + нома] 1 Бирор иш-ҳаракатга ёки бирор гоёвий-маънавий маслакка ва ш. к. га даъват этувчи, ундовчи хат, варақа. *Даъватномада кўзғолончилар подшо ҳукуматига қарши ҳаёт-мамот курашига отланганликларини баралла маълум қилдилар. Газетадан. Жиззахда урушга қарши ҳаракат қатнашчилари қабул қилган даъватнома остида жуда кўп имзолар ҳамда болаларнинг бармоқ излари бор. Газетадан.*

2 Ёзма таклиф, таклиф хати, таклифнома. *Тошкентлик Мирсоат зарар олтмиш-етмиш маҳалланинг ҳар биридан йигирма-ўттиз кишини сайлаб ёздириб, даъватномалар тарқатибди. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.*

**ДАЪВО** [a. دعوى — арз, шикоят, идлао] 1 ҳук. Бузилган ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш ёки уни ҳимоя этиш ҳақида ҳуқуқни ҳимояловчи ташкилотларга қилинадиган мурожаат, арз. *Пул даъвоси. Мерос даъвоси. Чегара даъвоси. Узимдан чиққан балога, Қайга борай даъвога. Мақол. ■ Шу-шу, даъвосида маҳкам турган Элчиев қайтиб терговга бормади: билганини қилсин энди! Э. Аъзамов, Жавоб. Судья Хадича отинни турғазди: -Айбланувчига даъвоғиз борми? -Қанақа даъвом бўлсин, тақдир экан! «Ёшлик».*

**Хун даъвоси тар.** Ўлдирилган кимсанинг қонига қон олиш ёки қонун йўли билан жазо талаб этиш.

2 Бировни айблаш, туҳмат. У *“мени урди”, деб даъво қиялпти. ■ У Араббойга даъво қилмоқда эди.. П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 Ўзи муносиб бўлмаган ёки ўзида бўлмаган ҳақ-ҳуқуқ ёки хусусият, фазилатларни эътироф этишни талаб қилиш, бу йўлдаги уриниш, идлао. *Биринчилик даъвоси. ■ Саройда барча: шариат пешволаридан тортиб то кичкина амалдоргача шоирлик даъво қиларди. С. Сиёев, Ёруғлик. Баҳодирлик даъво қилиб юрибсан, Бек отангининг тулпорини минибсан. «Маликаи айёр». Шунақа оилалар борки, ота-онасининг илми унчалик эмас, билимдонликни даъво қилмайдилар. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Узум узсам узумзордан бир шингил, Асалман дер, ширинликда даъвоси. С. Абдулла.*

4 Жавоб талаб қилинувчи мулоҳаза, фикр. *Олтин чиримас, даъво қаримас. Мақол. ■ Пўлатжон Зебининг бу даъвосига нима дейишини билмай, ўйланиб қолди. С. Аҳмад, Қадрдон далалар. -Куладиган гап эмас бу, кулманглар, — деди Маъсумаой ўз даъвосини исботлашга уриниб. Н. Сафаров, Танланган асарлар.*

5 эск. айн. теорема.

**ДАЪВОГАР** [a. + ф. دعاگار — даъво қилувчи] 1 ҳук. Ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида тегишли жойларга расмий ёки гай-рирасмий арз қилган, талаб қўйган фуқаро ёки юридик шахс. *Ўғри зўр бўлса, Даъвогар жавобгар бўлар. Мақол. Даъвогар қози бўлса, Дардингни оллога айт. Мақол. ■ Ўғри қутулиб, даъвогар судга тортилган вақтлар кўп бўлган. Н. Сафаров, Кимга тўй, кимга аза. Нега уч йилдан бери индамай келган хотин бирдан даъвогар бўлиб қолибди? Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

2 Ўзида йўқ ҳақ-ҳуқуқ, хусусият ёки фазилатларнинг эътироф этилишини талаб қилувчи. *-Менга даъвогар? Подшоҳлик ҳақи-га даъвогар, — деди амлоқдор. С. Айний, Куллар.*

3 Мусобақа, танлов, спорт ўйинларида юқори ўрин учун курашувчи. *Футбол командамиз биринчи ўрин учун даъвогарлардандир.*

**ДАЪВОГАРЛИК** Ўзини даъво қилишга ҳақли деб ҳисоблаш; даъволашиш. *Икки киши ер талашиб қолишибди. Ҳар бири ерга даъвогарлик қилиб, далил келтира бошлабди. С. Кароматов, Сўнгги бархан. Мусобақада*

республикамиз ёшлари ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилади. Газетадан.

**ДАЪВОЛАШМОҚ** Ўзаро ҳақ-ҳуқуқ талашмоқ, бир-биридан ҳақ талаб этиб, жанжаллашиб юрмоқ.

**ДАЮС** [а. ديوث — қўшмачи] 1 Ўз хотинини бировга қўшиб берувчи; қўшмачи, далла. Сидиқжоннинг ранги бўзариб кетди: -Мен даюс эмасман! Бунақа қўшмачилик сизлардан келади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Қаттиқ сўкиш ибораси. *Ўх, даюс!.. Бу пичоқ неча гуноҳсизнинг ёстигини қуритган экан!* А. Қодирий, Обид кетмон. *Уйдан илон чиқдими бу даюснинг, каллаи саҳар изғиб қолибди?* Тоҳир Малик, Ажаб дунё.

**ДАҚЁНУС, даққиюнус** [а. دقيانوس < лот. қадимги Рим императори Диоклетян (Diocletianus, милодий 284-305)нинг Шарқ халқлари орасидаги номи]: **дақёнусдан қолган** 1) қадимдан, алмисокдан қолган, жуда эски, қадимий. Мен болаларни *Қудратилла қори сингари янги усулда ўқитишни билмаганим учун дақёнусдан қолган усул билан ўқитар эдим*. М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари; 2) жуда ҳам эскириб кетган. *Гулнор дақёнусдан қолган кафшини кийиб, чирик паранжиза ўралиб, Йўлчи билан жўнади*. Ойбек, Танланган асарлар.

**ДАҚИҚА** [а. دقيقه — минут; зарра; нозиклик] 1 Соатнинг олтимишдан бир бўлагига тенг вақт; минут. *..Вақт. Биз уни бўламыз дақиқа, соатларга*. Р. Парфи, Кўзлар. *Ҳар дақиқа, ҳар сония ғанимат, вақтни ўтказмай, чолни кўндириш керак*. «Ёшлик». *Ҳамма бир неча дақиқа бош эгиб, жим қолди*. С. Аҳмад, Уфқ.

2 кўчма Умуман, вақтнинг жуда қисқа бўлаги; он, лаҳза. *Бир дақиқа, фақат бир дақиқа кўзларимиз тўқнашди*. «Ёшлик». *Гоҳ-гоҳда нафас ростлаш дақиқаларида ерга урилган кетмон товушлари эшитилади*. И. Раҳим, Ихлос. *Бу дақиқалар унга ҳам лаззатли, ҳам азобли туюлар эди*. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**ДАҚИҚАЛИ** 1 Дақиқадан иборат, дақиқа ўлчовидаги. *Уч дақиқали курашдан сўнг Мутал бўшашди, илгариги кучанишлардан қолди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 кўчма Жуда қисқа, бир онли. *Бир дақиқали иш*. ■ *Икки қўшининг ҳовли юзида бўлган бир дақиқали суҳбатини уйда,*

*дераза тагида ўтириб, чала-ярим эшитиб қолдим*. Ғайратий, Узоқдаги ёр.

**ДАҚИҚАЛИК** айн. дақиқали 1, 2. *Уч-тўрт дақиқалик сукутдан кейин Отабек тилга келди*. А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Баъзан бир дақиқалик учрашув ҳам неча йиллар ёдда туриши мумкин*. И. Раҳим, Жаводнинг жадвали.

**ДАҚҚИ** 1 Ишлатилавериб ишдан чиққан, ҳолдан тойган, шарти кетиб, парти қолган. *Даққи от*. ■ *Раисимиз даққи Содиқ, Калити йўқ эски сандиқ*. Т. Йўлдош, Аттанг.

2 Кўп иш кўриб ёки дакки еявериб чарчаган, лоқайд бўлиб қолган (одам ҳақида). *Бундай совуқ сўзларни жуда кўп эшитиб, даққи бўлиб қолган*. С. Абдулла, Мавлоно Муқимий.

3 шв. Кўп гапирувчи, маҳмадона, вайсақи.

**ДАҚҚИЮНУС** с.т. Дақёнус. *Кўча томондан қараганда кўримсиз, даққиюнусдан қолган ўймакор эшик ғирчиллаб очилади*. Мирмуҳсин, Умид. *Ҳар қандай истеъдодни ўзимизнинг даққиюнусдан қолган тор ва эски қолипимизда ўлчаб кўрамиз* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

**ДАҒАЛ** 1 Кўриниши, тузилиши беўхшов; кўпол. *Дағал бармоқлар*. ■ *Мен беканинг дағал кўлларини ўндим*. «Ёшлик». *Назарга хотиннинг бармоқлари сернай, дағал туюлди*. Э. Усмонов, Ёлқин.

2 Табиий ҳолда қаттиқ; майин, силлиқ эмас. *Дағал соч*. *Дағал жун*. ■ *Мулла Икром баланд бўйли, дағал соқол.. бир киши эди*. Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳар йилгидан кўра кўпроқ силос, сенаж ва дағал хашак бостирилди*. Газетадан. *Унинг пешонаси устида ҳурнайган тимқора, дағал сочлари лампа шишасига қарийб тегиб турарди*. Ойбек, О. в. шабадалар.

3 Кўпол ишланган, жўн. *Дағал мовут*. *Дағал қоғоз*. ■ *Дағал саҳтиёндан этик кийган оёқларини кериб.. пичан уюмларини аравага ортарди*. С. Анорбоев, Оқсой.

4 Ҳазм бўлиши қийин, бадҳазм. *Дағал овқат*. ■ *Мол гўштида эса бирлашма тўқима кўп ва дағал бўлгани учун қаттиқ ва ҳазм бўлиши қийин*. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

5 Кишига қаттиқ тегадиган, қаттиқ ботадиган; совуқ, кўпол. *Дағал гап*. *Дағал муомала*. *Дағал одам*. ■ *Раиснинг.. дағал гапириши Козимга ёқмади*. Э. Усмонов,

Ёлқин. *Муҳаммади дағал гапириб, унинг табини хира қилди. «Муштум». У дағал ва совуқ товуш билан ўқиди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. [Давроновнинг] Муомаласи дағал, оғзи коски бўлиб, одамларни оёқ учида кўрсатарди. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. Кампир дағал жавоб берди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.*

**ДАҒАЛЛАШМОҚ I** Тобора дағал, кўпол бўлиб бормоқ. *Назира жуда ўзгариб кетибди: ..кўзлари атрофида ажин кўнгандай, кўллари дағаллашиб, бу дағаллик бутун қоматига ҳам уриб тургандай. Д. Нурий, Осмон устун.*

**2** кўчма Хатти-ҳаракати кўполлашмоқ, кўрслашмоқ. *Дағаллашдим – салга жаҳлим чиқади, Инжалашдим – салга қувончим дунё. Р. Парфи, Кўзлар.*

**ДАҒАЛЛИК I** Нарса, буюмнинг майин, юмшоқ эмаслиги; қаттиқлик; кўполлик. *Кўлнинг дағаллиги. Бу мато дастурхон учун дағаллик қилса керак. ■ -Форманинг [Ҳамдам форма] кўли унга дағаллик қилмасмикан? – деди кулимсираб. С. Айний, Қуллар.*

**2** Муомала, гап-сўзнинг кўполлиги; кўрслик. *Назар тўсатдан дағаллик билан гап бошлади. Э. Усмонов, Ёлқин. – Мен одамларга, хотин-халажга қилаётган дағаллигингизни айтмай қўя қолай, – деди Инобат. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Жўра қоровулни кучоқлайди, унга дағаллик қилгани учун узр сўрайди. Ю. Шомансур, Қора марварид.*

**3** Кўполлик билан қилинган хатти-ҳаракат. *Нари-бери кўз юзуртиргач, хотинига бақрайиб қолади, сўнг Мунисхоннинг биласини чангаллаганича, дағаллик билан уйи томон судрайди. «Гулдаста». Ойсулдувхоннинг дағаллиги Сувонжонга қаттиқ тегди. С. Анорбоев, Оқсой. Ёш ходимдан бундай дағаллик кутмаган Толиб ака тутақиб кетди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат.*

**ДАҒ-ДАҒ:** дағ-дағ титрамоқ (ёки қалтирамоқ) Бирор касалликдан, совуқдан ёки қаттиқ кўркүвдан ияги иягига тегмай, қалт-қалт титрамоқ. *Келиннинг ранги қув оқариб кетган, дағ-дағ титрар эмиш. С. Аҳмад, Чўл бургути. Кўркүв ичида дағ-дағ қалтираётган Кумри эрининг ёнига ўтиб, унга кўмаклашди. Ҳ. Фулом, Машъал.*

**ДАҒДАҒА** [a. دغذغه – ҳаяжон; кўрқинч] I Ваҳима ёки шовқин солиб қилинган дўқ, пўписа. *Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас, Дағдаға солган билан довчи бўлмас. Мақол.*

■ *Латофат Рўзиевнинг овозидаги дағдағани энди пайқагандай, сесканиб кетди. Ў. Ҳошимов, Бир томчи шудринг.*

**2** Кўрқитиш учун кўтарилган жанжал, низо. *Биз бу дағдағаларни ўртадан кўтаришига ҳаракат қилурмиз. Ойбек, Навоий. Маҳаллада ҳаммага дағдаға қилиб ўрганган Фотима “закончи” деган ном ҳам чиқарган эди. Мирмуҳсин, Умид.*

**3** Шовқин-сурон, овоза; дабдаба. *Уч юз одами билан салтанати дағдағаси ерни титратиб, жўнаб кетди. «Юсуф ва Аҳмад». Бу ҳам хонлик даврини суриб, подшолик дағдағасини қилиб, неча йил, неча ой ўтди. «Муродхон».*

**4** кам қўлл. Ташвиш, безовталиқ, уриниш. *Шаҳарнинг шоирлари.. қофия дағдағаси билан оғрийдилар. Ойбек, Навоий.*

**5** кўчма Хавф солиш, туғдириш. *Кўп ўтмай қорамтир булутлар кўк юзида дағдаға қила бошлади. Мирмуҳсин, Умид. Вақт ярим кечадан ўтганда, ҳавонинг дағдағаси зўрайди. Й. Муқимов, Матонатли кишилар.*

**ДАҒА I** [ф. < сугд. 𐰽𐰺 – қишлоқ] тар. Ўрта Осиё хонликларида: қишлоқ жойларида бир неча қишлоқдан, йирик шаҳарларда эса бир қанча маҳалла, мавзедан иборат бўлган маъмурий-худудий бирлик. *Мирзакаримбойни Тошкентнинг тўрт даҳаси билади. Ойбек, Танланган асарлар. Ёзнинг жазирамасида бутун даҳада бунчалик салқин, сўлим чой-хонани топиш қийин. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. Дарров уч кишини Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларида хабар учун жўнатишди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ДАҒА II** [ф. دهه – ўнталик; ўн йиллик; ўн кун] I тар. Ўтмишда Бухоро амирлигида ўнта пиёда аскардан иборат бўлган ҳарбий бўлинманинг номи.

**2** дин. Рамазон ойида ўтказиладиган ўн кунлик ибодат ва у билан боғлиқ маросим. *Рамазон ойининг сўнги ўн куни қолганда, эшон домланинг муридларидан олтмишетмиш киши мадрасага йиғилиб, “даҳа” номидаги ибодатга ўтирар эдилар. М. Муҳаммадҷонов, Турмуш уринишлари.*

**ДАҒА III** [ф. دهه] махс. Ипак қуртининг уйкуга кириш палласи, ёши. *Даҳада қуртни мумкин қадар тўйдириш, сўнгера дастага киритиш керак. Газетадан. Қурт даҳага кирдим, колхоз араваси кетма-кет шаҳарга физиллайди. С. Аҳмад, Сайланма.*

**Даҳага кирмоқ** Уйқуга кирмоқ (ипак курти ҳақида). *..қурт даҳага кириб, барғни икки баравар ортиқ ҳазм қилади.* Газетадан. *Ҳаммалари, даҳага кирган қуртдек, овқатга ташланишди.* «Муштум». **Катта даҳа** Ипак куртининг тўртинчи ва бешинчи уйқуси. *Пилла қурти катта даҳага кирганда, одамни шошириб қўяди.* Газетадан. **Кичик даҳа** Ипак куртининг биринчи, иккинчи ва учинчи уйқуси. *Ҳа, нима қилай, холанг ўргилсин. Куртларим учинчи даҳага кирган, шошириб қўйишди мени!* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар. **Охириги даҳа айн. катта даҳа.** *Ёдгор соғайиб, охириги даҳада турган пилла қуртидай бўлган эди.* С. Айний, Дохунда.

**ДАҲАБОШИ тар.** Бухоро хонлигида: даҳани (қ. **даҳа** I) бошқариш учун сайлаб қўйилган маъмур, амин.

**ДАҲАН** [ф. دهن, دهان – оғиз] I с.т. айн. **оғиз** I 2, 3. *Учи даҳанига қараб эгилган қингир бурнини ғалати қимирлатиб, ўрнидан турди.* О. Ёқубов, Диёнат. *Муниранинг пешонаси дўнроқ, даҳани кулча юзига номуносиб тарзда каттароқ эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Холи қолган Жанна эркаланиб, Умиднинг даҳанидан секин ўпиб қўйди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 *кўчма* Сўзамоллик, гапга чечанлик; ваъдабозлик. [Турдимат] *Лафзида турмайдиган йигит. Шу даҳани билан шунча йил раислик қилганига доғман.* И. Раҳим, Ихлос.

3 Бирор нарсанинг киравериш жойи, очиқ томони, лаби. *Муллажон белбоғининг қатидан носқовоғини олиб, кафтини тўлдириб, нос отди, хотиржам юриб келиб, айвоннинг даҳанига ўтирди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Муроджон ишдан келса, онаси кийимларини тугиб, айвон даҳанида ўтирибди.* С. Аҳмад, Сувлар оқиб кетди.

**ДАҲАНА** [ф. دهانه – кириш ёки чиқиш тешиги; тўп, милтиқ оғзи; дарёнинг этак қисми] I қ.х. Экинга сув қўйиш учун қилинган ўйиқ жой; ариқча бошланган жой. *Сафарбаров беихтиёр, гўё пахтазорга ўт кетгандек, даҳанадан даҳанага, уватдан уватга югурди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Ҳар бир бригада уч-тўрт даҳанадан сув ичарди.* С. Кароматов, Сўнгги бархан.

2 Сув ўтадиган қисқа, тор ўзан. *Кўшчинордан бир ярим километр юқорида бири юз эллик, иккинчиси яқин юз қадам келадиган иккита даҳана бўлиб, тошқин суви шу*

*ерлардан ўтар экан.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Хайриби ирим-сиримга бориб, тегирмоннинг сув айланиб тушадиган даҳанасидаги катта қора тол остига чироқ ёқиб келди.* Д. Нурий, Осмон устун.

3 айн. **даҳан** 3. *Айвон даҳанаси. Уй даҳанаси. Чойхона кўчанинг шундай даҳанасида, катта ҳовузнинг бўйида эди.* Ҳ. Умарбеков, Севгим, севгилим. *Ҳожи бобо чарчаган кишилардай уҳ тортиб, супа даҳанасига ўтирди.* Ф. Фулом, Шум бола.

4 Даранинг бошланиш жойи; дара оғзи.

5 махс. Пичоқ қинининг оғзи.

**ДАҲАНАК** [ф. دهانک, دهانک – оғизча] шв. Пичоқ қинининг оғзини пичоқ кесиб кетмаслиги учун унга кумуш ёки мисдан ясаб кийдириладиган ҳалқасимон қисм.

**ДАҲАНАКИ** [ф. دهانکی – оғизда бажариладиган; оғзаки]: **даҳанаки жанг** Оғзаки жанжал, қаттиқ айтишиш, сўкишиш. *Тўйхонанинг чекка хоналаридан бирида Жалил ака билан Собира опа ўртасида хуфиёна даҳанаки жанг кетарди.* М. Хайруллаев, Кўнгил. *Мирзаёр мингоши билан Дамин кулол ўртасидаги даҳанаки жанг ёқаман-ёқага ўтди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ДАҲБЕДИ** Туси оч яшил, сирти текис, сертўр, эртапишар қовун нави.

**ДАҲБОШИ тар.** 1 Ўнбоши, ўнта сипоҳнинг бошчиси, даҳа саркардаси (қ. **даҳа** II 1). *..сизлар неча йилдан бери сарбозлик қилиб, даҳбоши, қўроғаси бўлиб, жаноби олийнинг нону намакларини еган кишиларсиз.* С. Айний, Қуллар. *Бу янглиғ ҳукмимизни.. барча бекларимизга, ҳоким, қўрбоши ва даҳбошиларимизга билдириб қўюрмиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 айн. **даҳабоши.**

**ДАҲЛИЗ** [ф. دهليز – кириш жойи; усти ёпиқ йўлак] Уйнинг кираверишига қурилган, одатда пойабзал ва уст кийимлар ечиб кириладиган биринчи хона. *Мулла Фазлиддин ҳўл бўлиб оғирлашган пиёзи чакмони ва этигини даҳлизда ечиб қолдирди.* П. Қодиров, Юлдузи тунлар. *Даҳлизда ёмғирғўши билан туфлисини ечиб, ичкарига ўтди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон. *Зеби нам тортиб кетган даҳлизда калишини ечиб, ўнг қўлдаги хонага кирди.* Ш. Холмирзаев, Огир тош кўчса.

**ДАҲМАРДА** шв. фольк. Қўй-мол боқувчи хизматкор. *Бу майдонда қўйни боққан даҳ-*

марда, биёбонда бир номардни кўрдингми? «Нигор ва Замон». *Бойсари кўча, биз ҳам кўчамиз деб, ҳаммаси чўпонларига, йилқи-чиларига, туячиларига — ҳамма даҳмар-даларига одам юборди.* «Алпомиш».

**ДАҲО** [a. دها — зийраклик, заковат; айёрлик] **1** Фавқуллодда ақл ва заковат, тенгсиз ижодий истеъдод. *Шаҳар [Навоий]даги кўп нарсалар Навоий даҳосини, унинг буюк инсонпарварлигини эслатиб туради.* «Саодат». *Фольклор халқ даҳосининг туганмас булоғи бўлиб, ёзма адабиёт ҳар доим ундан баҳра олиб келади.* «ЎТА». *Буюкларга бахш этган даҳо, Она халқим, ўзинсан буюк.* А. Орипов, Юртим шамоли.

**2** Шундай фазилатга эга бўлган кимса; гений. [Мансур:] *Бу шеър даҳосига минг йил умр бер!* *Бу элнинг фахридур шоир Алишер.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**ДАҲОВИЙ** Даҳоларга хос бўлган, даҳо фазилатига эга. *Теграмдаги хилқат турфа ранг эди, Манда-ку йўқ эди даҳовий қудрат.* А. Исроилов, Югурик нур.

**ДАҲОЛИК** Даҳо даражасига етганлик, даҳоларга хос фазилатга эгаллик. *Гёте қобилиятдан юқориси истеъдод, истеъдоддан юқориси даҳолик, деган эди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

**ДАҲР** [a. دهر — замон, аср; қисмат, тақдир] эск. кт. **1** Замон, давр. *Даҳрнинг бақосиз ва вафосиз эканини айтади, унинг кажрафторлигидан нолийди..* «ЎТА».

**2** кўча Олам, дунё, жаҳон. *Даҳр ишидин силккан этак, Икки қўлда икки суяк.* Миртемир. *Баззан даҳр-дунёдан кўз юмишдек мудҳиш дамларни ўйлаганда, ҳар қандай кишининг ҳам юраги орқага тортиб кетади.* М. Қориев, Ойдин кечалар.

**ДАҲРИЁНА** Даҳрийликка хос, даҳрийлик руҳидаги. *..деворлари даҳриёна кўринишхонада Николай II меҳмонларни қабул қилди.* С. Сиёев, Аваз. *..шулар ичида Ҳамзахоннинг даҳриёна шеърлари ҳам бор экан.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДАҲРИЙ** [a. دهرى — асрий; материалист, худосиз, атеист] **1** Дунё ҳодисаларини табиат қонунларидан деб билувчи, охиратга инонмовчи киши; материалист. *Тўппа-тўғри айтаман: мен даҳрийлар сафида!* Миртемир, Тингла, ҳаёт! *Мен ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасдан, бу «даҳрий» мулла билан сўхбатдош бўлиб, ундан кўп*

*наrsa ўргандим.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**2** Аллоҳнинг борлигига ишонмовчи; худосиз, шаккок. *-Аваз лавин, даҳрий, — деб қўйди муфти, қозондай саллали бошини чайқаб.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Эшоннинг этагини ушлаб кетган мурид даҳрий бўлиб қайтди.* «Саодат».

**ДАҲРИЙЛИК** Аллоҳнинг борлигига ишонмаслик; шаккоклик, худосизлик. *Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, дунёвийлик, айрим ақидапарастларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло даҳрийлик эмас.* Газетадан. *Урта асрларда ашаодийлашган диний экстремизмга қарши жавоб тариқасида атеизм, даҳрийлик келиб чиқди.* Газетадан. *Одатда, диндор кишиларни даҳрийликка олиб борадиган йўл у ёки бу диний афсонанинг тўғрилигига шак қилишдан бошланади.* М. Бўрихўжаев, Сўзбоши. *Бунинг учун бизга даркор нарсалар фақат дин ва оллонинг каломи — Қуръондир.* Буни инкор қилмоқ даҳрийликдир. Ойбек, Улуғ йўл.

**ДАҲСАР** [ф. ده — ўн + سير — ботмоннинг қирқдан бири] Ўтмишда баъзи ҳудудларда ўттиз икки килограммга, баъзи ҳудудларда тўртдан бир ботмонга тенг бўлган оғирлик ўлчови. *Боғни боқсанг, боғ бўлади, ботмон даҳсар ёғ бўлади.* Мақол. *Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиги бор.* Мақол.

**ДАҲШАТ** [a. دهشت — ҳайронлик, ҳайратда қолиш] **1** Ниҳоят даражадаги кўрқинч, хавф, ваҳима. *Тун даҳшати.* Уруш даҳшати. ■ *Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Ёдгор даҳшатдан қотиб қолган, ҳеч нимага тушунолмасди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кўзлари даҳшат билан чақнади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**2** Азоб-изтиробга солувчи мудҳиш аҳвол, воқеа-ҳодиса, манзара. *-Даҳшат! — деди меҳмон, — туни билан кўзимни юммай чиқдим.* «Муштум». *Андижонда бўлган воқеалар даҳшати Тоҳир қиёфасига кириб, Бобурга тобора яқинлашиб келмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Биз бу даҳшатларни бировдан эшитган эмасмиз, ўз кўзимиз билан кўрганмиз.* Р. Файзий, Таъзим.

**3** Ортиқ даражада кўрққан, ваҳимага ёки азоб-изтиробга тушган кишининг кўри-ниши, руҳий ҳолати. *Даҳшат солмоқ. Даҳшатга келмоқ (тушмоқ).* ■ *Муқаддам даҳшат ичида эшикка ёпишди.* Ў. Ҳошимов,

Қалбингга қулоқ сол. *Нигоранинг ҳамон қўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқуни йилтиради.* С. Анорбоев, Оқсой. *Отабек масалага тушунгандек бўлди ва даҳшат ичида Али билан йўлга тушиди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАҲШАТЛАНМОҚ** Ортиқ даражада қўрқмоқ, ваҳимага тушмоқ. *Отабек даҳшатланиб, ёнидаги Алига қаради, Али эса ётган жонсиз гавдаларга қараб, лабини тишлаб турар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Хатни ўқиб, сизнинг даҳшатланишингиз эмас, қувонишингиз, душманингизни юзтубан қилгани учун ҳақ таолога шукур айтишингиз керакдир!* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДАҲШАТЛИ 1** Қаттиқ қўрқув туғдирувчи, даҳшатга солувчи, ўта қўрқинчли, мудҳиш. *Даҳшатли зилзила. Даҳшатли фожиа.* ■ *Ҳаммаёқда даҳшатли зилзила излари кўринади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Гулорнинг кўзлари даҳшатли равишда ёниб, юзи, лаблари кўкимтир тусга кирган эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Кишини ваҳимага солувчи, ваҳимали; қўрқинчли. *Даҳшатли хабар. Даҳшатли шовқин.* ■ *Девонхона эшигида даҳшатли шовқин, ур-йиқит бошланди.* Ойбек, Навоий. *Бир лаҳза даҳшатли жимлик ҳукм сурди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** Қаттиқ азоб берадиган, чидаб бўлмайдиган. [Йўлчи] *Бутун вужудини зирқиратган даҳшатли оғриқдан тишларини маҳкам қисди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эртага унинг устига дўлдай ёғиладиган тошларнинг оғриғи қанчалик даҳшатли бўларкин?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ДАҲШАТХОНА** Қўрқинч ва азоб-укубатга тўла жой, хона. *Маҳди терлаб кетган, оғзини катта-катта очиб ҳансирар, бу даҳшатхонадан тезроқ чиқиб кетгиси келарди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДАҲЯК** [ф. دَهَك — ўн ҳиссадан бир ҳисса] тар. **1** Қўқон ва Бухоро хонлиқларида деҳқонлардан етиштирилган ҳосилнинг ўндан бир қисмининг солиқ ҳақи тариқасида олиниши; ушр. *У [бувим] айтарди: -Вақф даҳягини уйлари куйгур амлоқдор билан ижарадор икки баравар қилиб олдилар.* С. Айний, Эсдаликлар.

**2** Бухоро амирилигида вақф ерларидан олинган даромаднинг мадрасаларнинг мах-

сус имтиҳондан ўтган муллаваччаларига бериладиган қисми.

**3** Ўрта Осиёда: ўтмишда ер, улов, урулик, овқат ва б. ҳамма харажатларни ер эгаси (хўжайинлар)дан олиб, ҳосилнинг ўндан тўққиз хиссасини ер эгаси, ўндан бир хиссасини ўзи олиш шарти билан деҳқончилик қилиш тартиби. *Хув оқ ерни қирқ йил экдим даҳякка. Анови ерга қуриб олдим чайламни.* Ф. Фулом. -*Энди, — деди Назарбой, — берилган арпанинг даҳяги ҳисобидан менинг қопимга бир галвир сол.* С. Айний, Куллар.

**ДАҲЯКЧИ** тар. **1** Даҳяк солиғини йиғувчи амалдор (қ. **даҳяк 1**). *Даҳякчининг ҳаракатидан ботирланган мулла Наврўз.. қамчисини олиб, Ҳайдарнинг бошига солди.* С. Айний, Куллар.

**2** Мадрасаларнинг махсус имтиҳондан ўтиб, даҳяк олиш ҳуқуқини қўлга киритган муллаваччаси.

**3** Ҳосилнинг ўндан бирига эгалик қилиш шарти билан ер экувчи деҳқон (қ. **даҳяк 3**).

**ДВИГАТЕЛЬ** [р. «двигатель» — ҳаракатлантиргич; қўзғатувчи] Энергиянинг бирор турини механик энергияга айлантирувчи ва бошқа машинани ҳаракатга келтирувчи машина. *Ички ёниш двигатели. Поршенли двигатель. Реактив двигателлар.* ■ *Барча деталлари керамикадан ясалган ички ёнув двигатели яратилди.* «Фан ва турмуш». *Двигателнинг овози ўчди, вертолёт настига шўнғий бошлади.* Газетадан.

**ДВИЖОК** [р. «движок» — ҳаракатлангич] Ички ёнишли двигателдан ёки бошқа бирор манбадан энергия олиб ишлайдиган кўчма электр станция. *Олимжон кўлини кўтариб, кичкина движок тақиллаётган жойни, дала шийпониди чақнаб турган чироқларни кўрсатди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Аллақерда движок тапиллади.* П. Қодиров, Эрк.

**ДВОРЯН** Дворянлар табақасига мансуб киши; оқсуяк, зодагон.

**ДВОРЯНЛАР** [р. «дворянин», «дворяне» — князь, подшо саройида хизмат қилувчи шахс] Россияда феодализм ва капитализм даврларида хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган помешчик ва мулкдорлар, уларнинг авлодларидан ҳамда подшоҳга хизмат кўрсатиб, мартаба орттирган амалдорлардан иборат ҳукмрон, имтиёзли табақа; оқсуяклар, зодагонлар. *Дворянлар даври. Дворянлар ҳукмронлиги.*

**ДЕ-** [лот. de – инкорни ифодаловчи олд кўшимча] Олд кўшимча: 1) ажратиш, узоқлаштириш, бекор қилишни ифодалайди, мас., *дегазация, демонтаж*; 2) пастга қараб ҳаракатланишни, пасайишни ифодалайди, мас., *дегенерация*.

**ДЕБ 1 Демок** фл. рвдш. *Ҳаёт давомида икки туп ниҳол экиб, ўстирган инсон ўз умрини мазмунли ўтди, деб ҳисоблашга ҳақлидир.* Газетадан. *Бекмуродов деб ёзилган.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**2** Кўшма гап таркибида боғловчи вази-фасида келади. *Ҳар киши тер тўкиб қилади меҳнат, халқимнинг турмуши обод бўлсин деб.* Ғ. Ғулум. *Латофатхон бу хатга ҳам жавоб қайтармаганидан кейин, Мирзаев “унақа гаплар мижозига тўғри келмади шекилли” деб, қаттиқ хижолат тортди.* А. Қаҳҳор, Кўк конверт.

**ДЕБЕНТУРА** [лот. debere – қарздор бўлмоқ] Божни қайтариш ҳақидаги божхона гувоҳномаси.

**ДЕБЕТ** [лот. debet – у қарздор] бухг. Кирил-чиқим дафтари-нинг кирил, яъни ундирилган қарз, даромад ёзиб бориладиган чап томони; **зид. кредит.** – *Бухгалтернинг дебет-кредити учма-уч бўлиб туриши керак, – деди Одил.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ДЕБИТОР** [лот. debitor – қарздор] бухг. Бирор идора, ташкилот ёки муассасадан қарздор бўлган шахс ёки ташкилот; **зид. кредитор.** *Дебитор бўлмоқ. ■ [Ғазилат:] Мирбадалнинг ҳам эллик минг сўмли дебитор қарзи бор. Уч ойдан бери ҳисоб-китобни чўзиб келади.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Кўпгина хўжалик юритувчи субъектларда тўлов интизоми бўи, дебитор ва кредитор қарзлар ўсган.* Газетадан.

**ДЕБИТОРЛИК** Қарздорлик; тўланадиган қарзларга алоқадорлик.

**Дебиторлик қарзи** Юридик ва жисмоний шахслар тўлаши лозим бўлган қарзлар миқдори. *Корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камаймаяпти.* Газетадан.

**ДЕБО, дебоҳ** [ф. ديبا، ديبا – нафис ипак мато] Бир нав нафис ипак мато; ҳарир. *Падари бузруквор волидага дебо ва атласдан ҳиллар буюриб.. аҳли маҳаллаларга ош тортибдилар.* «Муштум».

**ДЕБОН** *позт. айн. деб 1.* *Изза қилди дебон зинҳор койиманг Мендайин гадонинг ёлғиз ўғлини.* «Рустам». *Эҳтиёт бўлинглар*

*дебон, Эслатиб туради ўттиз кўнғироқ.* Тўлқин, Очиқ хат.

**ДЕБОЧА** [ф. ديباچه – муқаддима, сўзбоши; ташқи кўриниш] **1** Китобнинг ранг ва зарҳал билан нақш бериб зийнатланган дастлабки алоҳида саҳифаси; сарварақ.

**2** Девон, куллийт, баёз ва ш. к. га махсус ёзилган кириш мақола; кириш, муқаддима; эпик асарларнинг кириш қисми. *Аҳли шеър балки китобим назми ишқ деб очадир, Йўқ, китобим севгининг девонига дебочадир.* Э. Воҳидов, Муҳаббат.

**3** кўчма Бирор нарса, ҳодиса, иш-ҳаракатнинг бошланиши; бошлама. *Бу эндиги саволнинг дебочаси эканини синашта бўлиб қолган Шаҳзода дарров пайқади.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Олтиариқ станцияси Илҳомжон учун ҳаёт мактабининг дебочаси бўлади.* Газетадан. *Чўққидан чопқиллаб тушган шалола – Дарё дебочаси – кўшиғи сенсан.* Ғ. Жўраева, Иқбол.

**4** Кичик ҳажмли мусиқий асар; мусиқа асарининг кириш қисми.

**ДЕБЮТ** [фр. debut – бошланиш; дастлабки қадам] **1** Шахснинг бирон-бир соҳада биринчи марта ўзини намоён этиши (мас., артистнинг илк бор саҳнага чиқиши). *Битирувчилар «Дебют ёки беш йилдан сўн» оммавий байрам дастурини.. устозлар, кўйи курс талабалари ҳузурда намойиш этдилар.* Газетадан.

**2** Шахмат ёки шашкада ўйиннинг бошланиши, дастлабки юришларни ўз ичига олган бошланғич босқич. *Дебют – ҳар иккала томоннинг ўз доналарини қулай ҳолда жойлаштириш учун олиб борадиган курашидир.* «Фан ва турмуш».

**ДЕБЮТАНТ** [фр. debutant – дебют қилувчи] Бирор иш, ҳаракат (саҳнага чиқиш, спортда қатнашиш)ни илк бор бажарувчи. *..Ғақат Абдулла ролининг ижроси учунгина эмас, балки бошқа персонажлар характерининг талқини учун ҳам асосан дебютантлар таклиф этилди.* С. Хўжаев, *Ўзбек тарихий фильмлари.*

**ДЕВ** [ф. ديو – жин, иблис; ёвуз, золим] **1** миф. Эртақ ва халқ дostonларида шохли, думли, бениҳоят улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган, эзгуликка қарши курашувчи хаёлий махлуқ, ёвузлик тимсоли. *Ўсган юртин тоза аниқ билдинеми, Сўйла, хоним, деуу жинни кўрдинеми?* «Муродхон».



Чинор тагида бир супа устида қирқта дев ухлаб ётибди. «Эртақлар». Девни ўлдириб бўлмайди, дейишади, шу ростми? Унинг қони тўкилса, ҳар томчисидан минг дев пайдо бўлаверади, дейишади. Шу ростми? Мирмуҳсин, Меъмор.

2 кўчма Давангирдай, беўхшов, қўпол гавдали. [Қизингизни] Эрга бермай, девга бердингиз. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Полвон кетидан Матёз дев ҳам “Полвон оғадан қолишмай”, деб ўз кучига яраша ишланган катта галтак аравани итариб борарди. Ж. Шарипов, Хоразм.

Сулаймон ўли — девлар қутулди Қаттиққўл киши кетиб, ҳамма истаганини қила олишига — ўзбошимчалikka имконият туғилиши (мифга кўра, Сулаймон пайғамбар ўзбошимча девларни бандга солиб кўйган, Сулаймоннинг вафотидан сўнг улар эркин нафас олганлар). ..Нега ҳамманг иш қилмай, бекор ўтирибсанлар? Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди-да! Ҳамза, Бой ила хизматчи.

3 кўчма Даҳшат; қўрқинч; салобат. Тешабойнинг юрагида бош кўтарган гумон деви Тўраҳоннинг.. ўнкаларидан кейин ёта қолди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Макрнинг, мунофиқликнинг деви ҳамма фазилатларини ўз комига тортибди. Ойбек, Навоий.

4 кўчма Катта, улкан; баҳайбат.

ДЕВАЛАМОҚ Уймоқ, тепа қилиб қўймоқ. Дилшод завод саҳнида девалаб ташланган пахталар, пала-партиш ётган ёғочлар.. орасида адашиб қолишдан қўрққандек, бир чеккада анграйиб турарди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Хирмонда алоҳида-алоҳида тўкилган пахталар деваланиб ётар эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Қиз чоғанча тушиб, пастда деваланиб ётган шағал уюмлари орасида пайдо бўлди. А. Мухтор, Туғилиш.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ [де.. + фр. evaluation — баҳо, нарх; қиймат] иқт. 1 Миллий валюта қийматининг чет эл валюталари курсига нисбатан пасайиши; валюта расмий қисмининг пасайиши. ..олтин запаслари камайиб кетган тақдирда амалдаги пул системасининг кадр-қиммати пасаяди ва у бошқа қоғоз пуллар чиқаришини — девальвацияни муқаррар қилиб қўяди. И. Ҳамробоев, Олгин давр.

2 Муомаладаги қадрсизланган пулларни бекор қилиб, бошқа билетлар билан алмаштириш ёки қадрсизланган пул баҳосини тушириш йўли билан ўтказиладиган пул

ислоҳоти. ..яъни бу ерда иқтисодий найранглар — пулни девальвация қилишга ўрин қолмайди. Газетадан.

**Очиқ девальвация** Эски қоғоз пул муайян қисмининг муомаладан чиқарилиши ёки қадрсизланган пулнинг алмаштирилиши. **Ёпиқ (ёки яширин) девальвация** Муомаладаги қадрсизланган қоғоз пуллардан бир қисмининг улар қийматини пасайтирган ҳолда муомалада сақлаб қолиниши.

**ДЕВБАНД** [ф. ديوبند — девларни боғловчи] Афсун ўқиш билан девларни бўйсундирувчи, девларни енгиб, банд қилиб (боғлаб) қўювчи; афсунгар. ..бизнинг қишлоғимизда ундай одамлар кўп: дуохонликни касб қилиб олиб, ўзларига “Девбанд — дев боғловчи” лақабини таққан одамлар девга ўхшаган одамлардандир. С. Айний, Эсдалиқлар.

**ДЕВДАЙ** Девга ўхшаган, девсифат; улкан гавдали, забардаст. Соқчи мўйловдор, девдек улкан гавдали бадбашара бир йигит эди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар. Рўнарамда девдай икки йигит турарди. С. Сиёев, Аваз.

**ДЕВЗИРА** [ф. ديوزيره — катта зирадай] Маҳаллий жайлари шолидан олинадиган йирик, сув кўтарадиган гуруч. Ота.. сопол товоқдаги девзира гуручнинг курмагини тера бошлади. Ҳ. Фулом, Машғал. Девзира гуручнинг палови фамил чойни хуш кўрмайди, аксинча, тўқсон бешинчи кўк чой унга энг муносиб чанқовбостидир. С. Аҳмад, Сайланма.

**ДЕВИЗ** [фр. devise — шиор; ҳикматли сўз] айн. шиор.

**ДЕВКОР** [ф. ديوكار — дев каби ишловчи] Чарчашни билмайдиган, ишлаб толмайдиган одам. Одамлар уни [Лутфуллани] “девор” дер эдилар. С. Айний, Эсдалиқлар. Ҳеч эринмай куч тўкибди Кўкан девкор. Уйламабди: шунча пиёз кимга даркор? Ҳ. Фулом. Шодибой чарчашни билмайдиган фавқуллодда девкорлардан эди. Ойбек, О.в. шабадалар.

**Девкор дехқон тар.** Улгуржи ер экувчи катта дехқон. **Девкор ишлар** Тез сурьатлар билан қилинган улкан ишлар. Бугунги девкор ишларимизни ҳеч қандай мезон билан ўлчаб бўлмайди. Газетадан. **Девкор одим** Тез ва улкан қадам; тез сурьатлар. **Республикамиз иқтисодиётининг девкор одимлар билан илгарилаётгани.. ушбу рақамларда ўз ифодасини топган.** Газетадан. **Девкор уста** 1) тез ва улгуржи иш қилувчи уста; хунарманд. 2) фабриканинг зарбдори, Девкор уста бошчиси,

*басма-басда ҳам.* Ф. Гулом; 2) *тар.* бир қанча уста, халфа ва шогирдларни ишлатувчи корхона эгаси.

**ДЕВКОРОНА** *рвш.* Девкорларга хос йўсинда, ниҳоятда тез. *Бинокорлик девкорона бир сурат.. билан бормоқда эди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**ДЕВОЛ** *с.т. айн. девор.* *Тўққиз пахса эди чорбоғ девол.* «Гулшанбоғ». *Девол устига девол, Девона бўлай дейман.* «Халқ дурдоналари».

**ДЕВОЛЗАН** *с.т. айн. деворзан.* *Келин чолга қараб: -Пахса урадиган йигирмата деволзан топинг, - дебди.* «Олтин олма».

**ДЕВОЛБОП** *айн. деворбоп.* *Республика-мизда ғишт деволбоп материал сифатида ҳали асосий ўринни эгаллай беради.* Газетадан.

**ДЕВОН** I [ф. دیوان — шеърлар тўплами] Муайян бир шоирнинг радиф ва қофияларга риоя этган ҳолда алифбо сираси билан тартиб этилган шеърларининг (достонлардан ташқари) тўлиқ тўплами. *Навоий девони.* *Нодира девони.* ■ *Ҳақиқатан ҳам Навоий форсий девони билан Жомийдан сўнг фортожик адабиётини янги бир босқичга кўтарди.* «ЎТА». *Хуфтон назозидан сўнг.. пойчироқ ёнига ўтириб, Фузулий девонини арақлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДЕВОН** II [ф. دیوان — давлат идораси; суд маҳкамаси] *тар.* I Ўтмишда Шарқ мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиё хонликларида амал қилган олий давлат амалдорларининг мажлиси. *Топдингиз, соҳиби девон бугун менга ноҳақ озор берди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

**Девон қурмоқ** Олий давлат амалдорлари мажлисини ўтказмоқ.

2 Давлатнинг бош идораси ва айрим вазирликларнинг маҳкамалари; шундай маҳкама биноси. *Иккиси бирга девонга кирдилар. Ишга илгарироқ келган мирзолар ёзув билан машғул эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Кундузлари Ўрда девонини бошқариш, эрталаб ва кечқурун ўз уйида хусусий кишиларни қабул қилиш, албатта, Анвар учун оғир эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

3 Девонда ишловчи баъзи мансабдорларнинг унвони. *Худойберган девоннинг уйи ҳам Патракда эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *..илоннинг ёғини ялаган Мадраим девон олдидан жинка (накана) ип эшолмайди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**Мирзойи девон** Давлат олий маҳкамасини идора этувчи амалдор, бош мирзо.

4 Ҳозирда Ўзбекистонда: Президент томонидан тузилиб раҳбарлик қилинадиган. Президентнинг самарали фаолият юритишини таъминлайдиган ижро этувчи ҳокимият идораси.

**ДЕВОН** III [ф. دیوان — гилам тўшалган супа] *с. т.* Диван. *Девонда ёнбошлаб ётган Аббосхон Саидийнинг хурматига қимирлаб қўйди.* А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДЕВОНА** [ф. دیوانه — телба, ақлсиз] I Ақлдан озган, эси паст; телба, савдойи. *Девондан ой боши сўрама.* Мақол. ■ *Бечора.. ўғлининг қатлидан кейин девона бўлиб қолибди.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Ҳўкиман деса индаманг, девонага эътироз билдириб бўлмайду.* М. Осим, Карвон йўлларида.

2 *дин.* Аллоҳнинг васлига етишиш умидида зикру самога берилиб, бу дунё ишларидан воз кечган суфий, дарвешсифат одам. *-Ё ҳув, ё ман ҳув, нирим Нақибанд девона кўлласинлар, — деб [қаландар] лағлини олиб бориб, чош бошида чўккалаб ўтирган имомнинг олдига қўйди.* С. Айний, Қуллар. *Йигит ўчоқ олдига келаётиб, зикрчиларни калака қилаётгандай такрорлади: Муллабозор девона, ҳақ дўст, ё олло! П. Турсун, Ўқитувчи.*

3 *кўчма* Бирор мақсад, ҳаракатга тамоман берилиб, эс-хушдан ажралган. *Эй дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб. Булбул каби тун кечалар гирёна бўлдим соғиниб.* Ҳамза. *Лайли ёримдан айрилиб Девона бўлдим, найлайин.* «Тоҳир ва Зухра». *Ўзин афсун этиб, бўлди афсона, Девон битолмасдан бўлди девона.* Газетадан.

4 Хайр-салақа билан кун кўрувчи; гало, тиланчи. *Девона ҳам хуржунини бир йўқотади.* Мақол. *Бевона тупроқ — девона тупроқ.* Мақол. ■ *Дўстлар, бечора, қашшоқ, камбағал девонаман. Най чалиб, ҳар ерда ўқирман ғазал, девонаман.* Муқимий. *Ҳиммат қилиб, шу девона боланинг йўлига садақа қилишларингизни сўрайман.* «Гулдаста».

5 *с.т.* Эркалатиб гапирганда ёхуд ҳазил тариқасида “жиннивой”, “тентаквой” каби маъноларда ишлатилади. *-Девона бўлдингми? — деди Сафар чўтир ранги оқариб.* Ойбек, Қўёш қораймас. *Пул йўқ, девона, ниёда жўнайсанми?* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЕВОНАВАЧЧА** [ф. دیوانه بچه — девонанинг боласи] Қаландарнинг, тиланчининг,

гадонинг боласи, фарзанди. *Бозор халқи мендай тарки дунё қилган девонаваччани кўриб, қаландарларга бўлган ихлослари ҳаддан зиёда ошмоқда.. эди. Ф. Фулом, Шум бола.*

**ДЕВОНАВАШ** [ф. ديوانه‌وش — девонага ўхшаш] *кт.* Девонасифат, девоналарга ўхшаган. *У шоир халқи девонаваш бўлади, деб эшитган-у, лекин ҳалигача гужумга боғланган шоирни кўрмаган эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДЕВОНАВОР** [ф. ديوانه‌وار — жинни, телба; телбаларча] **1** *рвш.* Девонавор каби, девоналардек, телбаларча. *Девонавор йигламоқ. ■ Девонавор бўлдим ёрнинг дастидан, Шамшод излаб ошдим тоғлар устидан. «Тоҳир ва Зуҳра».*

**2** Девоналарники каби, девоналарникига ўхшаш. *Зорий Хиванинг атоқли уламоларидан.. бироқ энгил-бошига қарамас, аксар девонавор кийимда юрарди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДЕВОНАЛИК** **1** Эси пастилик, жиннилик. *Колхоз қандай бўлишини мен ўзим яхши билмагандан кейин, кишига ўзим билмаган нарсалар тўғрисида маслаҳат беришим девоналик бўлади, тақсир. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**2** Хайр-садақа сўрашлик; гадойлик, тиланчилик. *Юрт эгаси девоналик қиларми? Мен Гўрўғли эмас, отим Хушкелди. «Хушкелди».*

**ДЕВОНАСИФАТ** [девона + сифат] Девонага ўхшаш, девона каби, девонамонанд. *Унинг хаёлпараст, меров, девонасифат одам эканлиги афтидан ва қилиғидан билиниб турар эди. М. Осим, Элчилар. Латофатнинг ўзи ҳам.. муҳаббат туйғусидан девонасифат эди ҳозир. Л. Тожиева, Мехрим сизга, одамлар.*

**ДЕВОНБАЧЧА** [ф. ديوان‌بچه] Тўқувчи уста ва деворга ёлланиб ишловчи халфа.

**ДЕВОНБЕГИ** [ф. + т. ديوان‌بېگى — маҳкама, девон бошлиғи] *тар. 1* Бухоро ва Хива хонлиқларида девоннинг бошлиғи. *Хосхонада Муҳаммад Раҳимхон, вазири акбар Матмурод девонбеги, қозикалон, муфти — тўртовлон чой ичиб ўтиришарди. С. Сиёев, Ёруғлик. Маслаҳатим яхши анлаб туринглар: Оталиқни девонбеги қилинглар. «Муродхон».*

**2** Хон саройида кириш-чиқимни, пул ва озиқ-овқат ҳисобини олиб борувчи амалдор. *Девонбегилар авлодига мансуб бўлган.. Шерназарбой Исломуҳжани ич-ичидан ёмон кўрар, азалдан адовати бор эди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**ДЕВОНБЕК** *айн. девонбеги. Ҳазина ҳисобини олиш учун келган девонбекларни ўлдириб, ўрда дарвозасига осди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**ДЕВОНХОНА** [девон + хона] *тар. 1* *айн. девон 11 2.* *Анвар девонхона саҳнига етганда, ичкаридаги каттадан кичик мирзо, муншийлар янги бошлиқларини муборакбод қилгани ўринларидан қўзғалдилар. А. Қодирий, Мехробдан чаён. Девонхона эшигида даҳшатли шовқин, ур-ийқит бошланди. Ойбек, Навоий.*

**2** Бухоро хонлигида: суд, суд маҳкамаси, қозихона.

**ДЕВОР** [ф. ديوار — ғов, тўсиқ] **1** Бинонинг, уйнинг томни кўтариб турувчи ёки хоналарга ажратувчи тик кўтарилган қисми. *Уй девори. Хужра девори. Ёмонга суркансанг, доғи юқар, Деворга суянсанг — тупроғи. Мақол. Деворнинг сичқони бор, Сичқоннинг қулоғи бор. Мақол. ■ Хонанинг шифти ва деворлари кўҳсиз, лекин ялтироқ бўёқлар билан бўялган. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

**2** Бирор ерни (боғ, ҳовли, қўрғон ва б.), худудни ўраб олган ёки қисмларга ажратиб турадиган ғов, тўсиқ. *Чий девор. Пахса девор. Тахта девор. ■ Эъзозхон ўзини девордан отиб, холасиникига қочиб қутулди. Ҳ. Фулом, Машғал. Боғчаларни бир-бирдан айирган деворлар кўринмас, ишкомлар, мевазорлар, экин далалари туташ яшил манзара ясайди. Ойбек, Танланган асарлар. Деворлар тағида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан беҳабар яшнаб турарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.*

**3** Бирор нарсанинг атрофини ўраб олган ёки уни бўлимларга ажратган қисми. *Ошқозон девори. Цилиндр девори. ■ Ҳатто қорин деворининг чап томонига бармоқ билан босилса, оғриқ унг томонда сезилади. Ҳ.А.Ҳакимов, Ўткир аппендицит.*

**Девор бўлиб қолмоқ** *Кўрқинч ёки ҳайратдан ранги оқариб, серрайиб турмоқ. У [қиз] йигитга тикилиб турди-да, «ҳали шунақами?» деб юзига бир шапалоқ туширди. Йигит юзини ушлаганча девор бўлиб қолди. У. Назаров, Биринчи учрашув. Деворга гапиряпманми? Гап уқмас ёки бировнинг гапига қулоқ солмайдиган, лоқайдлик билан қарайдиган кишиларга қарата айтилади. Деворга танбур чертгандай Бировнинг гапи, насиҳати эътиборсиз қолганда ишлатила-*

диган ибора. - *Минг марта айтганман бу мегажинга, бир нимани тайинлик қилиб қўйгин деб. Қайқода, деворга танбур черт-гандай.* А. Мухиддин, Айбсиз айбдор. **Девори қиёмат** Ҳеч нарса эшитмайдиган, қулоғи тамоман битган; гаранг, кар. **Деворнинг қулоғи бор** Ҳушёр бўлиб гапирмоққа ундаш. *Бас қил дейман, кўп гапирма беҳуда, Деворнинг ҳам қулоғи бор, гўрсўхта!* Ҳ. Олимжон. **Ранги девор бўлмоқ** Ранги оқармоқ ёки кулранг туста кирмоқ (чарчок, қўрқув ёки газабдан). *У ранги девор бўлиб, қўлларини ўриққа тираб, қаддини ростлади, гўё икки она-синилга қарашга уялгандай.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. **Тўрт девор ичида яшамок** Ташқи оламдан, жамоатчиликдан ажралган ёки мажбуран ажратилган ҳолда ичкарида қулларча ҳаёт кечирмоқ. *Тўрт девор ичида яшаб адо бўлаётган Шахзодаҳон бир куни.. юзини паранг дурра билан ярим тўсиб, эшик тирқишидан ташқарига мўра-лади.* К. Яшин, Ҳамза.

4 кўчма Гап эшитмайдиган, гап таъсир қилмайдиган; безбет. *Арзга қулоғингиз кар, тебранмас бир деворсиз.* «Гулдаста».

**ДЕВОРБОП** Девор қуриш учун яроқли; девор яшаш учун мос келадиган. *Республика қурилишларида деворбоп материалларга тобора кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.* Газетадан. *Бу завод қум, гилдан деворбоп блоklar.. тайёрлаб, қурилишларга жўнатиб турибди.* «Ўзбекистон иқтисодий географияси».

**ДЕВОР-ДАРМИЁН** [ф. دیوار-درميان — ўртадаги девор] **I** Ҳовли-жойлари ўртадаги битта девор билангина ажралган, ёнма-ён турувчи. *Атрофидаги девор-дармиён қўшнилари ҳамдардлик билдириб кетишиди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Амакимнинг ҳовлиси бизга девор-дармиён бўлгани сабабли, отам мени шу Темирвой устага дам босиш учун шогирд қилиб бердилар.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

2 Чегарадош, ёнма-ён. *Бухоро вилояти Самарқанд вилояти билан девор-дармиён қўшни.* ■ *Боғболо аҳлидан, девор-дармиён қўшни бўлатуриб, ёлғиз Майрам тоғчи келмади азага.* Э. Аъзамов, Олам ям-яшил.

**ДЕВОРЗАН** [ф. دیوارزن — девор урувчи, деворгар] Пахса девор урувчи уста.

**ДЕВОРЗАНЛИК** Девор уриш касби, деворкашлик. *Икки йилдирки, Муҳаммад-шариф ёз ойларида уста Холбоқи кал билан*

*деворзанлик, аниқроғи, пахсакашлик қилади.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

**ДЕВОРИЙ** [ф. دیواری — деворга оид, деворга мосланган] **I** Деворга ёки девор учун ишланган, деворга мослаб танланган. *Деворий нақшлар.*

2 Деворга ўрнатиш ёки осиб қўйишга мослаб ишланган. *Деворий соат даранглаб, ўн бирга занг урганда, Саидий ўрнидан турди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Менинг илк ижодий машқим ана шу деворий газетадан бошланган.* Н. Сафаров, Жасоратнинг давоми.

**ДЕВОРСИМОН** Худди деворга ўхшатиб, девор каби, девордек. *Қор доvon йўли ёқасига деворсимон уйиб ташланган.* Й. Шамшаров, Асарлар.

**ДЕВОРСОАТ** Деворга осиб қўйишга мўлжалланган соат. *Деворсоат унинг қолган умрини ўлчаётган сингари бир алтозда тақиллайди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДЕВОРТАГИ** Ёввойи гиёҳнинг бир тури. **ДЕВОРТЕШАР 1** Деворни тешишга, бузишга мўлжалланган. *Девортешар қуроллар.* *Девортешар тўп.*

2 Деворни тешишга одатланиб қолган; ўғри. *Жудо бўлгунча дил севган ёрдан Тунги девортешар бўлганим маъқул.* С. Акбарий, Кўнгиш оҳанглари.

**ДЕВОР-ТОШ** Девор ва девор вазифасини ўтайдиган тўсиқлар, тошдан терилган девор. *Девор-тош ҳамин! Ошиб тушишнинг сира ўнқови йўқ.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовлилар теграсида девор-тош йўқ, на эшик, на қулф кўринади.* Х. Султонов, Онамнинг юрти.

**ДЕВПЕЧАК** [ф. دیوپچک — ўралиб, чирмашиб, узайиб ўсувчи ўсимлик] Ўсимликларга, дарахтларга чирмашиб ўсадиган бир ва кўп йиллик зарарли ёввойи ўт; чирмовиқ. *Бир қарич девпечак неча таноб резаворни нобуд қилади.* С. Аҳмад, Сайланма.

**ДЕВСАР** [ф. دیوسار — девга оид; девга ўхшаш] Девга ўхшаш; девмонанд; ҳайбатли. *-Девсар одамлар қандай одамлар? — деб отамдан сўрадим.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**ДЕВСИМОН** Девга ўхшаган; улкан, ҳайбатли. *Эй, Деснадан девсимон кечган, Эй, Днепр тўлқинин ичган..* Ҳ. Олимжон.

**ДЕВСИФАТ** [лев + сифат] Кўриниши девга ўхшаган; жуда улкан, ҳайбатли. *Бўйи бошқаларниқидан анча баланд; гардани йўғон, сал пучук, девсифат иигит ўтирган ерида*

бир чайқалиб кўйди. Ҳ. Гулом, Замин юлдузлари. *Девсифат киши тайтанлаб, маст бўлган туядай, оғиз кўпиртириб келар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДЕВХОНА** [дев + хона] Девлар яшайдиган уй, девлар уйи; улкан хона. *Биз яшайдиган хужра “девхона” деб аталар эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**ДЕВЧАРХ** [дев + чарх] Хонаки пиллакашлик корхоналарида ишлатилувчи турли дастгоҳларни ҳаракатга келтирувчи улкан чарх.

**ДЕВЮРАК** Мард, баҳодир, жўмард; бағри кенг. - *Тўғри айтасиз, Қодирхўжа ака, уста ҳам девюрак, меҳридарё одам экан-у, билмай юракнамиз-да, — деди Исмоилжон.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДЕВҚАДАМ 1** Катта-катта ташланган қадам; девларники сингари қадам. *Машина янги очилган ердан эгатга кириб кетди. Ҳожимукон девқадам билан унинг орқасидан эргашди.* С. Аҳмад, Сайланма.

**2** кўчма Меҳнатдаги улкан ютуқ(лар), ўзгаришлар. *Шу тўрт йил ичида қишлоқнинг маорифи девқадамлар билан илгарилайди.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДЕВҚОМАТ 1** Дев сингари улкан гавдали; жуда салобатли. *Шу пайт диванда ўтирган бир девқомат кишига кўзим тушиди.* «Шарқ юлдузи». [Кампир] *Девқомат чол ёнида худди атак-чечак қилиб бораётган кичкина қизчага ўхшарди.* Ў. Умарбеков, Ялпиз ҳиди.

**2** кўчма Улуғвор, улкан, баланд бўйли. [Кўёш] *Кечга томон Салор ёқасида саф торган девқомат тераклар орқасига ўтиб кетди.* Газетадан. *Умурзоқ ота саданинг девқомат бўйига узоқ тикилиб турди.* Д. Нурий, Осмон устун. *Бу девқомат, қудратли механизмлар бўлажак..* ГЭС барпо этиладиган жойни кафтдек текисламоқда. Газетадан.

**ДЕГАЗАТОР 1** Заҳарланган нарсани зарарсизлантирувчи аппарат; дегазация аппарати.

**2** Дегазация иши билан шуғулланувчи киши; дегазация мутахассиси.

**3** Заҳарли моддаларни зарарсизлантирувчи модда (мас. хлорли оҳак ва б.).

**ДЕГАЗАЦИЯ** [де.. + газ] Заҳарланган жой, худуд ва нарсалар (кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва ш.к.)ни заҳарли моддалардан тозалаш.

**ДЕГАН 1 Демок** фл. сфдш. “*Илм — игна билан қудуқ қазииш*” деган қадимдан қолган мақол бор.

**2** Номли (исмли, фамилияли). *Қишлоғимизда.. Умринисо деган бир хотин бор эди.* А. Қаҳҳор, Хотинлар. *Турсумбетов деган қирғизни полкда ҳамма билар эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз.

**3** Номи билан юритиладиган, аталадиган. *Днепр деган дарё. Халқ ўқитувчиси деган улуғ ном.* ■ *Мана, банка деган сўз чиқди. Кўрдик, фойдаси, манфаати жуда зўр; вексель деган сўз чиқди. Уни кўрдик, бениҳоят зарур нарса.* Ойбек, Танланган асарлар.

**4** ..деб аталадиган нарса, ҳодиса ёки шахс. *Аҳмад полвон дегани ким ўзи? ■ Кетмон деганни бир қиёмда чопади-да!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бола-чақага совғасалом деган нарсалар ҳам бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**5** Кўчирма гапни муаллиф гапи билан боғлаш учун хизмат қилади. *Қадимгилар: “Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар”, — деган.* ■ [Қурбон ота] “*Бир сиқим тупроғим бегона юртда қолиб кетмаса экан*”, деган ўйга борди. А. Қаҳҳор, Тўй.

**6** Бирор кимса учун аталган, белгиланган. *..кампир ўзи келтирган сарполарни уйнинг юзига ёзди. Ичидан Сафаралига деган дўппи чиқди.* Ойдин, Мардлик — мангулик.

**Айтгани айтган, дегани деган қ. айтмоқ 1.** ..деган гап (ёки сўз) ..билан баравар, бошқа нарса эмас. *Орқага қайтиш — ўлим деган гап.*

**ДЕГЕНЕРАЦИЯ** [лот. degenerate — бузилмоқ, айнимоқ] **1** Организмдаги биологик ва психик белгиларнинг касаллик ёки бошқа омиллар туфайли ёмонлашуви; насл айниши.

**2** биол. Хужайраларнинг ёки жонли организмларнинг бузилиш жараёни. *Томир ушлаб кўрилганда, унинг девори қаттиқ эканлигини сезиш мумкин: бу каби томир деворида дегенерация ҳодисаси бор.* Н. Исмоилов, Касалларни парварииш қилиш.

**ДЕГРЕЗ** [ф. دېگ — қозон + ريز < ريختن — «қуймоқ», «тўкмоқ» фл. ҳоз. з. шакли] Қозон, омоч тиши ва бошқа чўян асбоблар қуювчи (ясовчи) уста. *Дегрезларнинг кўмирини, чўянини ташийди, қолипини қуюди.* Ойдин, Бечора. *Дегрез отланади, кондуктор йўлда, Шофёр алақачон тайёрдир рулда.* Т. Тўла, Асарлар.

**ДЕГРЕЗЛИК 1** Чўян эритиш ва ундан буюмлар ясаш қасби. *Менинг бобом дегрезлик билан шугулланган.*

**2** Дегрезлар яшайдиган ёки жойлашган маҳалла, жой. *Унинг отаси Обидхўжа вофурини дегрезлик уста Турдиали деган бир маҳсидўз белча билан чавақлаб ўлдирди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**ДЕГУНЧА** *рвиш.* Айтилиши билан, айтилган оннинг ўзида, ҳеч вақт ўтмай. *Ҳашнаш дегунча никоҳ ҳам бўлиб ўтди. Ойбек, Танланган асарлар. Бола йиғлади дегунча югуриб чиқади-да, яна ошхонага кириб кетади. С. Аҳмад, Юлдуз.*

**ДЕГУСТАТОР** *махс.* Тайёрланган вино, пиво, тамаки, чой ва ш. к. нинг таъми ва ҳидига қараб, сифатини аниқловчи мутахассис; чашначи. *Кўшимнинг гапидан унинг вино заводида янги виноларнинг мазасини кўрувчи, даражасини аниқловчи — дегустатор вазифасида ишлашини билдим. “Муштум”.*

**ДЕГУСТАЦИЯ** [*фр.* degustation < *лот.* degustare — еб кўрмоқ; мазасини тотмоқ] *махс.* Тайёрланган вино, пиво, тамаки, чой ва ш. к. нинг таъми ва ҳидига қараб, сифатини аниқлаш, баҳолаш. *Халқаро ярмаркалар, дегустациялар, танловлар ва кўразмаларда Ўзбекистон винолари 92 та медаль билан тақдирланган. Газетадан.*

**ДЕДУКТИВ** Дедукцияга оид, дедукцияга асосланган; *зид. индуктив. Дедуктив хулоса. Дедуктив метод.*

**ДЕДУКЦИЯ** [*лот.* deductio — пайқаб олиш; хулоса чиқариш] *мнт.* Умумий ҳолатдан жузъий хулоса чиқарган ҳолда муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш; *зид. индукция.*

**ДЕЖУР** [*фр.* de jour — бугун, бутунги кунга оид] **1** *эск. айн. навбатчи.*

**2** *эск.* Дам олиш кунларида ёки тунда ҳам ишлайдиган муассаса. *Дежур аптека.*

**ДЕЖУРЛИК** *эск.* Навбатчилик. *Ётоқхонага дежурлик қилиш, пол ювиш.. каби ишларни астойдил бажарарди. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ДЕЗ-** [*лот.* des.. — ..дан, ..дан ажратиш, холи қилиш] Бирор нарсани йўқ қилиш, узоқлаштиришни ёки унинг йўқлигини ифодаловчи олд қўшимча.

**ДЕЗАКТИВАЦИЯ** [*дез.. + лот.* activus — таъсирчан, фаол] Радиоактив моддалар билан заҳарланган объектлар (сув, озиқ-

овқат кийим-кечак, тупроқ, бино ва б.)ни тозалаш, зарар қилмайдиган ҳолга келтириш.

**ДЕЗЕРТИР** [*фр.* deserteur < *лот.* desertor — қочоқ] **1** Хизмат қилаётган ҳарбий қисмини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган ёки ҳарбий хизмат чақирувидан бўйин товлаган шахс; қочоқ.

**2** Ўзининг фуқаролик вазифасини, давлат ёки жамоатчилик олдидаги бурчини бажаришдан қочган шахс; қочоқ. *Тилингни тий, дезертир! А. Мухтор, Туғилиш.*

**ДЕЗЕРТИРЛИК** Ҳарбий хизмат бурчини ўташдан бош тортишлик; қочоқлик.

**ДЕЗИНСЕКЦИЯ** [*дез.. + лот.* insectum — ҳашарот] Зарарли ҳашаротларни махсус йўллар билан йўқотиш, қириш. *Галла омборини дезинсекция қилиш. ■ Дезинсекция учун ДДТ (дихлордифенилтрихлорэтан) ишлатилади. Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.*

**ДЕЗИНФЕКТОР** Дезинфекция қилувчи ходим.

**ДЕЗИНФЕКЦИЯ** [*дез.. + инфекция*] Зарарсизлантириш, хавфсиз ҳолга келтириш: юқумли касалликларни тарқатувчи микробларни махсус йўллар билан йўқ қилиш, тугатиш. *Дезинфекция қилмоқ. ■ Қанда тарқалган хоналарни 0,2 процентли трихлорофос эмульсияси.. билан дезинфекция қилинса, яхши натижа беради. «Фан ва турмуш».*

**ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАМОҚ** Дезинфекция қилмоқ, зарарсизлантирмоқ. *Мунаввар бемор хотинни касалхонага етказиб келишлари биланоқ.. у ёқ-бу ёғини спирт билан дезинфекциялади. С. Анорбоев, Меҳр.*

**ДЕИЗМ** [*фр.* deisme < *лот.* deus — худо] *флс.* Аллоҳни дунёни яратувчи сифатида тан олувчи, аммо унинг табиат тараққиётидаги ролини инкор этувчи диний-фалсафий таълимот. *Пантеизм ва деизм ўрта аср шароитида илғор фалсафий ғояларни олға суришнинг энг муҳим шакли эди. «Гулистон».*

**ДЕЙИШМОҚ 1** **Демоқ** *фл.* бирг. н. *Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади. Ойбек, Танланган асарлар. “Унақа дилбар жувон энди қаёқда!” — дейишади. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.*

**2** *кам қўлл.* Бир-бири билан айтишмоқ, сан-манга бормоқ. *Мен кеча Умарали билан дейишиб қолдим.*

**ДЕКАБРЬ** [*лот.* december – ўнинчи; ўнинчи ой < *юн.* deka – ўн] Янги ҳисоблаги календарь йилининг ўн иккинчи оyi. *Декабрь оyi.*

**ДЕКАДА** [*фр.* decade – ўн кунлик < *юн.* dekas, dekados – ўнлик; ўнталик] **1** Ўн кун, ўн кунлик давр. *Январь ойининг биринчи декадаси.*

**2** Бирор нарсага бағишланган ўн кунлик, ўн кун давомида ўтказиладиган талбир. *Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси.* ■ *Бизнинг юртимизда кўпгина халқларнинг адабиёт ва санъат декадалари ўтказилган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ДЕКАДЕНТ** [*лот.* dekadentia – таназзул; тушкунлик] Декадентлик оқимиға мансуб киши, декадентлик тарафдори. *Декадент шоир.* ■ *Танқидий реализмнинг буюк намояндалари бўлган бу ёзувчилар.. декадентларга қарама-қарши ўлароқ, гуманизм ва демократизм ғояларини тараннум этганлар.* «ЎТА».

**ДЕКАДЕНТЛИК** 19-аср охири ва 20-аср бошларидаги Европа маданиятидаги инқирозий ҳолатни (таназзулга юз тутиш, умидсизлик кайфияти, ҳаётдан бешиш ва ш. к.) умумий тарзда ифодаловчи ном.

**ДЕКАН** [*лот.* decanus – ўнбоши, ўнта жангчининг бошлиғи] Олий ўқув юртида факультетнинг раҳбари. *Турдаги стол ёнида декан Зуфар Ҳакимович Ҳакимов ўтирибди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *-Яхши эмас! – деканнинг кўзойнак орқасидаги жажжи кўзлари қисилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДЕКАНАТ** **1** Олий ўқув юртларида декан раҳбарлигида факультетни бошқарувчи маъмурий-илмий бўлинма. *Яқин орада деканатдан руҳсат олиб, қишлоққа бораман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**2** Шундай маъмурий бўлинма ўрнашган хона; идора. *Эшикларнинг бирида “Деканат” деган ёзувни кўриб тўхтади.* “Гулдаста”. *Йигитли юраги чопиб-чопиб, деканат томон кета бошлади.* Д. Нурий, Осмон устунни.

**ДЕКАНЛИК** Декан вазифасини бажариш; декан мансабида бўлиш. *Менинг акам филология факультетида деканлик қилади.* *Ректор Эркин Алиевни деканликка тайинлади.*

**ДЕКЛАМАЦИЯ** [*лот.* declamatio – нотқликни машқ қилиш] Бадиий асар ёки ундан олинган парчани чиройли, таъсирчан қилиб ёлаки ўқиш маҳорати ва шундай

ўқишнинг ўзи. *У товушини гуруллаиб, нотқона ҳаракатлар билан декламация қилди.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДЕКЛАМАЦИЯЧИ** Бадиий асар ёки ундан олинган парчаларни ифодали ва таъсирчан қилиб ўқиб берувчи, декламатор.

**ДЕКЛАРАЦИЯ** [*лот.* declaratio – маълум қилиш, билдириш, эълон қилиш] **1** Халқаро ҳуқуқда ва сиёсат соҳасида томонлар (бир неча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, халқаро ташкилотлар ва ш. к.) тарафидан маъқулланган дастурий ҳужжат, муҳим халқаро воқеа, қонун ва б. юзасидан умум эътиборига етказиладиган баёнот; асосий умумсиёсий тамойилларни тантанали эълон қилиш. *Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.* *Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси.* ■ *Минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича декларация қабул қилдилар.* Газетадан.

**2** Солиққа тортиладиган фуқаронинг муайян даврда олган даромадлари тури ва миқдори ҳақидаги маълумотномаси. *Аmmo бу ҳақда солиқ идорасига ўз вақтида декларация тақдим этилмади.* Газетадан.

**3** Почта орқали хорижга юбориладиган пул ва қимматбаҳо буюмларга уларнинг қиймати ва хил-хусусиятини кўрсатган ҳолда қўшиб жўнатиладиган почта ҳужжати.

**4** Чегара орқали олиб ўтилаётган нарсалар, қимматбаҳо буюмлар ва уларнинг миқдори ҳақида божхонага тақдим этиладиган маълумотнома.

**ДЕКОРАТИВ** [*лот.* decor, decororis – гўзаллик, нафосат] Зийнат учун хизмат қиладиган, кўркамлик, гўзаллик бахш этадиган. *Декоратив усимликлар.* ■ *Бу ерда қатор монументал ва декоратив санъат намуналари бунёд этилди.* Газетадан. *Ўзбек халқи ўзининг кўп асрлик тарихида жаҳонга донг таратган ажойиб декоратив-безак санъатини яратди.* «Фан ва турмуш».

**ДЕКОРАТОР** Декорациялар ясовчи мутахассис, рассом.

**ДЕКОРАЦИЯ** [*фр.* decoration < *лот.* decorare – безамоқ, безатмоқ] Саҳнада тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ўрни ва шароитини акс эттирадиган расмлар, архитектура иншоотлари, безак ва ш. к. мажмуи. *“Тоҳир-Зухра” қўйиладиган кун эди, биринчи парда-*

нинг декорациясини қуриб қўйдик. С. Аҳмад, Сайланма. Булар ҳақиқатга эмас, кўпроқ худди саҳналардаги декорацияларга ўхшаб кетади. Э. Охунова, Икки океан оша.

**ДЕКРЕТ** [лот. decretum — қарор; тўхтам; ажрим] Олий ҳокимият органларининг, ҳукуматнинг қонун кучига эга бўлган муҳим қарори, фармони. *Мазкур декрет қишлоқ-овулларда жуда тез, яшин тезлигида тарқалди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Бу ерда президент Носирнинг декрети эълон қилинди.* Газетадан.

**Декрет таътили** Ҳомиладорлик таътили. *Махсус комиссия Н. Шодиеванинг шикоятини текширганда, у ҳақ бўлиб чиқди ва декрет таътилига ҳақ тўланадиган бўлди.* Газетадан.

**ДЕКЧА** [ф. *ديگچه* — қозонча] **1** Кичкина қозон, қозонча. *Юкимиз энгил: бир шолча, икки кўрпа-кўрпача, декча.* С. Нуров, Карвон. *У озроқ ўтин териб, ҳамроҳлари ёнига келганда, декчада шўрва биқирлаб қайнаётган эди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

**Декча қайнатмоқ** Эплаб-сеплаб, бир амаллаб қозон қайнатмоқ, кун ўтказмоқ. *Давлатлари соясида декчамиз қайнаб турипти.* С. Айний, Дохунда. *Шу мақсадда йиғилишиб, декча қайнатиш ғамида бош оғритишарди.* Ойбек, Навоий.

**2** *кўчма* Декчада пиширилган таом. *Ҳўжайиннинг қозонидан унда-мунда бир тотмасак.. йўқ, мойсиз бўлса ҳам, ўз декчамиз яхши.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЕЛВАГАЙ** шв. *Енгил* ва юпқа қилиб тикилган халат; *енгил* уст кийим. *Унинг сочлари жингила-жингила, юз ва кўзлари дўндук, устида яшил бахмалдан бурма қилиб тикилган чиройли делвагай кийими бор эди.* А. Қодирий, Жинлар базми.

**ДЕЛЕГАТ** [лот. delegatus — юборилган, йўлланган] Бирор ташкилот, жамоа томонидан ваколатли қилиб сайлаб ёки тайинлаб юборилган вакил. *Делегат сайламоқ.* ■ *Бу ассамблеяда 39 мамлакатдан 200 дан ортиқ делегат қатнашди. «ЎТА».* *Газеталарда жуда кўп сурати чиққан, хотин-қизлар қурултойига ҳам делегат бўлган эди.* «Муштум».

**ДЕЛЕГАТЛИК** Делегат вазифасини ўташ; делегат бўлиш; муайян ваколатга эгалик. *Делегатлик гувоҳномаси. Делегатликка сайланмоқ.*

**ДЕЛЕГАЦИЯ** [лот. delegatio — юбориш, тайинлаш] Бирор ташкилот ёки давлат томонидан белгиланган, юборилган вакил-

лар гуруҳи. *Савдо делегацияси. Чет эл делегацияси.* ■ *Худди ҳозиргидақа, қиш кунларидан бирида Болгариядан қурувчилар делегацияси келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол.

**ДЕЛИМИТАЦИЯ** [де.. + лот. limitare — чегараламоқ, ажратмоқ] Давлат чегараларини тузилган шартномага мувофиқ тавсифлаш ва хариталаштириш асосида белгилаш; белгиланган чегараларни қайта кўриб чиқиш. *..Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитацияси билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.* Газетадан.

**ДЕЛО** [р. *делать* — «қилмоқ», «бажармоқ» сўзидан] Бирор масала ёки шахсга оид расмий ва норасмий ҳужжатлар тўплами ва шундай ҳужжатларни сақлаш учун ясалган махсус папка; ҳужжатлар йиғмажилди; иш. *Шербекнинг делосида Назаров билан қизи тўғрисида ҳам гап бор эди.* С. Анорбоев. *Оқсой. Бўлмаса, сенинг ўзингни справка сифатида Мадумаровнинг делосига тириклайин ёпиштириб қўяман.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакаги.

**Дело очмоқ** **1)** бирор масала ёки соҳага оид ҳужжатларни тўплаб сақлаш учун алоҳида папка тутмоқ; **2)** суд ва тергов органларида бирор судли иш юзасидан ҳужжатлар йиға бошламоқ. *Воқеа содир бўлган куни Самарқанд шаҳар Сийб районида.. жиноий иш-дело очилди ва жиноятни фош этувчи манбалар шу папкага келиб тушаваради.* Газетадан.

**ДЕЛЬТА I** [юн. delta] **1** Юнон алифбосидаги тўртинчи ҳарфнинг номи.

**ДЕЛЬТА II** [юн. delta] *геогр.* Дарёнинг учбурчаксимон тармоқлиби, кўлга ёки денгизга қуйиладиган жойида ҳосил бўлган текислик (термин Нил дарёсининг денгизга қуйилиш жойи дельта ҳарфи шакли ( $\Delta$ ) га ўхшашлигидан келиб чиққан). *Амударёнинг қадимги ва ҳозирги дельтаси айниқса наст ерлардир.* Н. Долимов, Ўзбекистон географияси.

**ДЕЛЬФИН** [юн. delphis, delphinus] *зоол.* Китсимонлар туркумига мансуб, денгиз ва океанларда яшайдиган сүтэмизувчи ҳайвонларнинг бир тури. *Баҳор кезлари дельфинлар жуфтланиш палласига киради.* «Фан ва турмуш». *Дельфинлар, чағалайлар ўйини бизни зериктирмай борарди.* Э. Охунова, Икки океан оша.



**ДЕЛЬФИНАРИЙ** Дельфинларни ўрганиш, ўргатиш ва намойиш қилиш мақсадида қурилган бассейнли иншоотлар мажмуи. *Ботумидаги дельфинарийда мен дельфиннинг чўққанинг хуриллашини эслатадиган товушини эшитдим.* «Фан ва турмуш».

**ДЕЛЬФИНСИМОНЛАР** Сутэмизувчилар синфининг тишли китлар кенжа туркумига мансуб оиласи.

**ДЕМАГОГ** [юн. demagogos — халқ доҳийси] У ёки бу мақсадга эришиш учун демагогиядан фойдаланувчи шахс.

**ДЕМАГОГИЯ** [юн. demagogia < demos — халқ + ago — бошлайман, олиб бораман] Куруқ ваъдалар бериш, лақиллатиш, хушомадлар қилиш йўли билан оммани ўзига мойил қилиш, улар ўртасида обрў қозонишга интилиш.

**ДЕМАГОГЛИК** Куруқ сафсата сотиб, куруқ, ёлғон гаплар айтиб, кишиларни лақиллатиш. *Демагоглик қилманг! Мен коллективизмининг ўзига хос хусусиятини айтаялман сизга.* А. Муҳтор, Туғилиш.

**ДЕМАК 1** Демок, айтмоқ, гапирмоқ. *Оз емак — тан соғлиқ, Оз демак — ҳикматга боғлиқ.* Мақол. ■ *Сеники маъқул демакка бизнинг тилимиз келмас, бу сўзинг ноўрин десак, ўлдирмай қўймас.* «Ёдгор».

**2** *кри с.* Яъни, бундан чиқдики, бинобарин. *Демак, уни сиз ёзган экансиз-да? К. Яшин, Ҳамза. Демак, ёлғончилик касалига мубтало бўлган кишини ростгўй одамнинг қони билан даволаса бўлади.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.

**3** *кесим взф.* Билан баробар, ..га тенг. *Фаровон ҳаёт — бу гўзал турмуш, осуда, серфайз ҳаёт демакдир.* Газетадан. *Умр — бу асаб тасмаларининг — нервларнинг яшаши демакдир.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи. *Йўлни учун Мирзакаримбойдан силжши — Гулнордан айрилиш демак эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЕМАККИ** *айн. демак 2.*

**ДЕМАРКАЦИЯ** [фр. demarcation — ажратиш] Қўшни давлатлар ўртасида тузилган шартномага, битимга асосан мамлакатлар орасидаги чегарани аниқлаш, белгилаш.

**Демаркация чизиги** *ҳарб., сиёс.* 1) вақтинча сулҳ пайтида урушувчи томонларнинг қўшинларини бир-биридан ажратиб турган муваққат чегара; 2) урушда енгилган мам-

лакат ҳудудини ишғол қилинган зоналарга бўлувчи чизик, доира.

**ДЕМАРШ** [фр. demarche — чиқиш, ҳаракат, хуруж] Бир ҳукумат ёки унинг органларининг бошқа ҳукумат (ёки ҳукуматлар)га илтимос, норозилик, огоҳлантириш ёки бошқа хил баёнотлар билан муурожаат қилиши.

**ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ** [де.. + лот. militaris — ҳарбий] Бирор давлат ёки ҳудудда армия сақлашни, қурол-яроғ ишлаб чиқаришни, истехкомлар, ҳарбий базалар қуришни ман этиш; қуролсизлантириш. *Демилитаризация қилмоқ.*

**ДЕМИСЕЗОН** [фр. demaisons — йилнинг ўтиш даври]: **демисезон пальто** Баҳорда ёки кузда кийиладиган енгил пальто. *Лола янги демисезон пальто, кумушранг қоракўл телтак кийиб, бўйнига гўзал шарф ўраб чиққанди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ** [де.. + фр. mobilisation < лот. mobilis — ҳаракатчан] **1** Уруш тамом бўлгандан ёки хизмат муддатини ўтаб бўлгандан кейин ҳарбий хизматдан бўша-тиш ёки захирага ўтказиш. *Аскарларни демобилизация қилиш.* ■ *Ҳозир июни, июлда, йўқ, августда демобилизация ҳақида буйруқ чиқса керак.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Қуролли кучларни, шунингдек, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларини ҳарбий ҳолатдан тинч ҳолатга кўчириш. *Қуролли кучларни демобилизация қилиш.* ■ *Уруш тамом бўлгандан кейин дарҳол мамлакатда қуролли кучлар кенг равишда демобилизация қилинди.* Газетадан.

**ДЕМОГРАФИК** Аҳолининг ўсиш (қўпайиш) суръати билан боғлиқ бўлган. *Демографик сиёсат. Демографик вазият.* ■ *Бозор муносабатлари ҳақида гап кетар экан, Ўзбекистондаги демографик вазиятни албатта ҳисобга олиш лозим.* Газетадан. *Айрим мамлакатларда эса демографик сиёсат умуман ишлаб чиқилмаган.* «Фан ва турмуш».

**ДЕМОГРАФИЯ** [юн. demos — халқ + grapho — ёзаман] Аҳолишунослик; бирор ҳудуд, мамлакат, бирдан ортиқ мамлакатлар ёки дунё аҳолиси ўзгаришларини (сони, географик тақсимланиши, таркиби, ўлиш, туғилиш жараёнларини) ўрганувчи фан тармоғи.

**ДЕМОКРАТ 1** Демократия тарафдори, демократия учун, халқнинг сиёсий озодлиги

ва ҳуқуқи учун курашувчи; халқпарвар. *Муқимий, Фурқат ва Аваз Утарлар ўзбек халқининг демократ шоирлари эдилар.* Газетадан.

2 Демократик партиянинг аъзоси.

**ДЕМОКРАТИЗМ** Демократия ва унинг тамойилларини эътироф этиш ва уни амалга ошириш. *Демократизм тарафдорри. Демократизм тамойиллари. Демократизмнинг тантанаси.* ■ *Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш демократизмни таъминлайди.* Газетадан.

**ДЕМОКРАТИК 1** Демократия тамойилларига асосланган, демократияни амалга оширувчи. *Демократик давлат. Демократик жамият. Демократик ҳаракат. Демократик тузум. Демократик ислоҳот.* ■ *Мақсадимиз аниқ — бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган, эркин, очиқ демократик даваат қуриш.* Газетадан. *Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор.* Газетадан.

2 Демократия тамойилларини ҳимоя қилувчи. *Демократик ёзувчилар.* ■ *Демократик ёзувчилар прогрессив студентлар ва хайрихоҳ ўқимишли шахслар билан секин-секин яқинлашади.* Ойбек, Нур қидириб.

**ДЕМОКРАТИЯ** [юн. *demokratia* < *demos* — халқ + *kratos* — ҳокимият] 1 Фуқаролар эркинлиги ва тенглиги конституция ва қонунларда мустақамланган, халқ ҳокимиятининг шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум; халқ ҳокимияти. *Демократия — бошқарувнинг барча босқичларидаги эркинликдир.* Газетадан. *Ошкоралик ва демократия — бу объективлик ва поклик демакдир.* «ЎТА».

2 Жамоа барча аъзоларининг фаол иштирокида раҳбарлик қилиш усули. *Партиянинг ички демократияси.*

**ДЕМОКРАТЛАШМОҚ** Демократия йўлига тушмоқ, демократия асосларига таянмоқ, демократик тамойиллар асосида барпо бўлмоқ. *Давлат бошқарувини демократлаштирмоқ. Қонуннинг демократлашуви.*

**ДЕМОНТАЖ** [де.. + фр. *montage* — кўтариш, яшаш, жойлаштириш] Бирор нарса, объект ёки асбоб-ускунани тайёр, яхлит ҳолатдан қисмларга, бўлақларга ажратиш, бузиш (таъмирлаш ёки бошқа мақсадларда). *Насослар, дизеллар, ҳамма қимматли механизмлар демонтаж қилинсин!* П. Қодиров, Эрк.

**ДЕМОҚ 1** Ўз фикрини оғзаки ёки ёзма равишда ифода қилмоқ, айтмоқ; сўзламоқ, гапирмоқ. *Мен сенга нима деган эдим. Бу ҳақда китобларда нима дейилган? Ўғлингиз сизга салом деди. Бедарднинг олдида дардим бор демагин.* Мақол. *Ош келса, егин, Гап келса, дегин.* Мақол. *Тўқлик нелар дедирмас, Очлик нелар едирмас.* Мақол. ■ *Шундай дейишингизни билувдим.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Энг оқил мавжудот инсон деймиз-у, баъзан одамнинг арзимаган нарсага ақли етмай қолади.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

2 Бирор товуш, ун чиқармоқ. *Мушук миёв деди.* ■ *“Имм” деган овоз эшитилди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Қаердадир қизилиштон қариллади, попушак “пу-пу-пуп-пишиш” деб қўйди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**Финг демоқ қ. финг. Лом-мим демай қ. лом-мим.**

3 Аталмоқ, номланмоқ; отга, номга эга бўлмоқ; атамоқ. *Марҳамат деган олти қиз бор экан.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Аваз Сайфий деган таниш муллаваччани топди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Кейин Ҳикматулла деган новча йигит сўз олди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Бари бир, тақдир деган нарса, пайти келиб, ўзини кўрсатиб қўяркан.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Биз томонларда майна деган қуш бўлади.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Ҳисобламоқ, санамоқ; билмоқ, ўйламоқ. *Одами эрсанг, демагил одами, Они ким йўқ халқ ғамидан ғами.* Навоий, Ҳамса. [Фазлиддин:] *Саккиз юз сўмни сиз билан биз пул демаймиз. Чиндан ҳам пул эмас.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ахир ким ҳам онасини, волидасини семайди дейсиз!* Газетадан.

5 ..деб ўйламоқ, фараз, мулоҳаза қилмоқ. *Шундай ҳам дейлик. Боринг, эртага самолёт учмайди дейлик. Хайр, шундай ҳам денг.* ■ *Шовқин солманг, биров эшитса, нима дейди!* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Ҳа, энди битта-яримта ўртоғиникида қогандир-да, дедик.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Нима дейсиз?** 1) қандай маслаҳат бера-сиз?, қандай фикр билдирасиз?, қандай (нима) деб ўйлайсиз? *Балки ғами, ҳасрати озаяр, нима дейсиз?* Ойбек, Танланган асарлар; 2) нима ҳам қилар эдингиз, қўлингиздан нима ҳам келар эди. *Шариат ўзи йўл*

топиб беради. Йўлни хотинингизнинг ўзи топиб келиб, сизни опчиқиб кетса, нима дейсиз? А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**6** Истамоқ, хоҳламоқ. *Нима десанг, албатта муҳайё қиламан. Душман нима демайди, тушга нималар кирмайди.* Мақол. ■ *Уй ажратамиз дедингиз-у, мен йўқ дедимми?* Ойбек, Танланган асарлар. *Дастурхонга нознеғмат тўлсин дейман. “Гулдаста”. ..халқ учун ишлаганларга жонимни берсам дейман.* У. Исмоилов, Сайланма.

**7** Танламоқ, бирор кимсага ёки нарсага тарафдор бўлмоқ, мойиллик билдирмоқ. *Ё мени де, ё уни де.* ■ *Мен сенинг тенгинг эмасман, Омоним бор, сени демасман.* Ҳ. Олимжон. *Ўзингиз йўлинг очиқ, кета бер, мен ота-онамни дейман, деган эдингиз-ку.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**8** (шарт майли шаклида) Бирор иш-ҳаракатни бажаришга уринмоқ. *Гилямни кўтарай десам, жуда оғир экан.* ■ *Илгарилари уриб енгир эдим, энди урай десам, қочиб, томга чиқиб кетади.* А. Қаҳҳор, Айб кимда? *Кўзини очай деса, қовоқлари оғирлашиб кетгандай туюлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар.

**9** Ҳисобга олинмоқ, истисно қилинмоқ. *Отларнинг пишқиргани, ҳашаротларнинг чириллаши билан сой сувининг майин шилдираши демаса, атроф жимжит эди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Сал чимирилган қошлари демаса, Авазнинг рафторидан бир нима англаб олиш қийин эди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**10** Равишдош шаклида қўшма гапларни боғлаш учун хизмат қилади. *Энди Аваз халқни курашга чорловчи шеърлар битар деб, умид қиламиз.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**11** Буйруқ ва шарт майли шаклларида кириш сўз вазифасида келади. *Онам бечора, денг, мулла, ўзи жуда кам борар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бечора капсанчилар, дейман, ер ўзларига қарашли бўлганда, шу ариқни ўша вақтда чиқаришса ҳам бўлар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Яна, десангиз, иккита, сутлик оқ эчкилари бор.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**Бир (ёки ҳеч) нима демай** Индамай, қаршилиқ кўрсатмай, сўзсиз. *Бунисига ҳам бир нима демайман, ҳар кимнинг гўри бошқа, менга нима.* А. Қаҳҳор, Қизлар. **..деганда** ..бўлганда, бўлгач, ўтгач. *Соат ўн икки деганда етиб келасан.* ■ *Бир ой деганда,*

*ниҳоят, менбон бир штат топилиб қолди.* Ҳ. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. **..дегандай** 1) ..дейилгандек, дейилгани каби. *Ўз уйим, ўлан тўшагим дегандай, сиз ҳам қайтиб келибсиз-да;* 2) деган каби, ишора қилиб. *Ухўп дегандай, бош иргитди.* ■ *“Нима ишинг бор эди?” дегандек, унга тикилди.* С. Кароматов, Олтин қум. **Дегани деган** Ўз фикри, мулоҳазасини қабул қилдирадиган, айтганини бўлдирадиган. *Уқишининг дегани дегани, ҳеч ким бас келолмайди.* А. Мухтор, Тугилиш. **..дегунча** ..биланмоқ; ҳамоно. *Келди дегунча, менга хабар бер.* **..демай** ёки **..демасдан** Суриштирмай, ҳисоблашмай. *Боши-кўзи демай ураверди. Ёз демасдан, қиш демасдан ишламоқ.* ■ *Қистаб кетиб боради, Кеча демайди, кундуз.* «Равшан». **Кўп деганда** Кўпи билан, ортиги билан, кўп бўлса. *Бу ишга кўп деганда ўн кун керак.* **Кўрдим демайди** 1) унча-мунчага тўймайди, қонмайди. *Бир-икки коса овқатни кўрдим демайди;* 2) назар-писанд қилмайди. *Унча-мунча оғир меҳнатни кўрдим демайдиган шу йигит ҳам толиқар.. эди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. **Менга деса** Мен учун бари бир, нима бўлса, бўлар. *Майли, менга деса, бу йил меҳнат кунимиз бир миридан тушсин!* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Нимага (ёки нега) десангиз с.т.** Сабаб шуки. *-Қойил, - дедим лабимни чапиллатиб, нега десангиз, шу найт қовун егим келиб қолса бўладими?* Ҳ. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Нимага десангиз, ҳар бир мусулмонга маълумки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг қабри шарифлари бор у ерда.* Ойбек, Танланган асарлар. **Шундай денг** 1) баракалла, ана энди ўзингизга келдингиз; 2) ҳали гап шундайми! **Ҳаш-паш дегунча қ. ҳаш-паш.**

**ДЕМПИНГ** [ингл. dumping – арзон экспорт] иқт. Чет эл бозорини эгаллаш ва ундан рақобатчиларни сиқиб чиқариш мақсадида молни хорижда ўз мамлақатидаги ёки жаҳон миқёсидаги нархидан анча арзонга сотиш – рақобатли кураш воситаларидан бири.

**ДЕНАТУРАТ** [лот. denaturatus – табиий хоссалардан маҳрум бўлган] Махсус заҳарли ёки бадхўр модда аралаштириб, инсон ичиши учун яроқсиз ҳолатга келтирилган ва фақат техникавий мақсадларда ишлатиладиган спирт. *Рангли ипак ва жун кийимдаги дазмол сарғайтирган док денатурат спирти билан кетказилади.* «Саодат».

**ДЕНАТУРАЛИЗАЦИЯ** [фр. denaturalization — фуқароликдан маҳрум бўлиш] Фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум бўлиш; фуқароликдан чиқариш.

**ДЕНГИЗ 1** Океаннинг қуруқликка туташиган ёки қуруқликка ёриб кирган бўлаги, океаннинг қуруқлик ёки орол ва ярим-ороллар билан ажралган қисми. *Орол денгизи. Болтиқ денгизи. Қизил денгиз. Денгиз ҳавоси. Денгиз флоти. Аҳмоқда ор бўлмас, денгизда — гузар.* Мақол. ■ *Ороллар ва яримороллар океанни айрим қисмларга бўлиб юборган, бу қисмлар денгизлар деб аталади.* «Дунё қитъалари географияси». *Денгиз суви-дек тиниқ кўзлари мулойим ва меҳр билан боқарди.* С. Кароматов, Олтин қум.

**2** Кенг майдонни эгаллаган ва денгизга қиёс қилинган сунъий сув ҳавзаси. *Тошкент денгизи.* ■ *Чорвоқ денгизи худди узукка қўйилган мовий кўзга ўхшаб, яшнаб кўринади.* Газетадан.

**3** кўча Жуда катта уюм, тўда, оқим; бирор нарса билан қопланган кенг майдон. *Пахта денгизи. Қон денгизи.* ■ *Кимларнинг орақасида қамчи излари. Ҳали ҳам тўлқинлар қон денгизлари.* Файратий. *Кўм-кўк пахта денгизиде қизгин иш борар эди.* Ойбек, О. в. шабадалар. *Перронда чайқалар одам денгизи. Кўзларда илтижо, меҳр ва ёлқин.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

**Зангори (ёки кўк) денгиз** Кенг осмон, само, фалак ҳақида. *Зангори денгизнинг тиниқ кўйида Кўм-кўк ой юзланиб, кулиб боқади.* Уйғун. *Кўк денгизнинг бир четида янги туғилган ой очилиб турарди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**4** кўча Оғуш, кучоқ; қуршов; асирлик. *Пулат ота шундай ички хаёллар денгизиде сузиб, бойваччанинг кўнглини эритадиган гап тополмай, каловланиб турар эди.* К. Яшин, Ҳамза. *Хатини ёзган чоғингизда тамом бир ўт ичиде, газаб денгизиде сузанглингиз гавдаланиб, кўз ўнгимдан ўтди[лар].* А. Қодирӣ, Ўтган кунлар.

**5** кўча Миқдоран ва ҳажман туганмас, чексиз нарса ҳақида. *Билганинг дарё бўлса, Билмаганинг — денгиз.* Мақол. ■ *Павел Иванович илм бобиде бамисоли бир денгиз.* С. Кароматов, Олтин қум.

**ДЕНГИЗЧИ 1** Денгиз флотиде хизмат қилувчи киши. *Жиянингиз денгизчимиди?* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Юк ташувчи*

*ишчилар, Денгизчилар йиғилди. Барча кўзлар беғуноҳ Балиқчиға тикилди.* З. Диёр.

**2** айн. **матрос.**

**ДЕНДРАРИЙ** [юн. dendron — дарахт] Илмий, ўқув ёки маданий-матрифий мақсадларда барпо этилган, фақат дарахт ва буталар экилган очиқ майдон; ботаника боғининг таркибий қисми. *Ишчилар шаҳарчасидан дендрарийга кетаётган энгил машиналар ва автобусларнинг кети узилмайди.* Газетадан. *Бу дендрарий юқориде номи айтилган бирлашма ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника боғи ҳамкорлигиде барпо этилган.* «Фан ва турмуш».

**ДЕНДРИТ** [юн. dendron — дарахт] анат. **1** Нерв ҳужайрасининг дарахтсимон тармоқланган ўсимталари — бошқа нерв ҳужайраларидан нерв турткиларини қабул қилиб олади.

**2** мин. Бирор бир минералнинг тўлиқ ривожланган, дарахтсимон тармоқланган кристаллари.

**3** кўча Қорнинг дарахт ёки бутасимон шакллари. *Қор учқунларининг мураккаб-лашиб, сертармоқ бўлиб кетган дендрит шакллари чиройли манзара касб этади.* «Фан ва турмуш».

**ДЕНДРОЛОГИЯ** [юн. dendron — дарахт + logos — билим, тушунча] Ботаниканинг дарахт ва буталарнинг турларини ўрганадиган бўлими, соҳаси.

**ДЕНДРОПАРК** [юн. dendron — дарахт + ингл. park — атрофи ўралган боғ; кўриқхона] **1** Турли ўсимлик ва дарахтлар коллекцияси экилган катта боғ. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника боғининг дендропаркидаги дарахт, бута ва лианалар 2500 турни ташкил этади.* «Фан ва турмуш».

**2** Ана шундай дарахт ва ўсимликлар кучоғидаги дам олиш жойи. *Тошкент дендропаркида дам олдик.* ■ *Нисбатан иссиқ иқлимде ва серҳосил бўлган бу ерлар дендропарк учун айна муддао.* Газетадан.

**ДЕНОМИНАЦИЯ** [лот. denomination — қайта номлаш] Ҳисоб-китобни ихчамлаштириш мақсадида қоғоз пулларнинг қийматини пасайтириш; пул бирлигини қайта номламасдан йириклаштириш; эски пулни маълум нисбатда янги пулга алмаштириш.

**ДЕНОНСАЦИЯ** [фр. denoncer — эълон, маълум қилмоқ] Бирор давлатнинг ўзаро халқаро шартномани бекор қилиш, шарт-

номадан чиқиш ҳақида бошқа давлатни хабардор қилиши.

**ДЕПАРА** *шв.* Атроф, теварак. *Аммо депарада аҳолиси кўп қишлоқ бизники. Й. Шамшаров, Тошқин. Чамбилнинг депарада Туркман деган бир юрт бор эди. Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз. Бир вақтлар шу депарада ҳамма нарса чаппасига айланарди. «Гулистон».*

**ДЕПАРТАМЕНТ** [*фр.* departement – бошқарма, идора] **1** Францияда ва бошқа айрим мамлакатларда энг йирик маъмурий-худудий бирлик.

**2** Баъзи мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда, маҳкама, идора ва вазирликлар ёки улар таркибидаги бўлинмаларнинг номи. *Давлат департаменти (АҚШ Ташқи ишлар вазирлиги). Савдо департаменти. ■ Давлат департаментининг баёнотига кўра, журналистнинг ўлдирилгани ҳақида маълумотлар келиб тушган. Газетадан. Иккинчи қаватдаги йўлакда департамент номири қабул қилишини кутиб, анча вақт ўтирадилар. Мирмуҳсин, Чодрали аёл.*

**3** Баъзи халқаро ташкилотларнинг бўлини ва шохобчалари. *Маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотнинг [ЮНЕСКО] Табиёт фанлари департаменти учрашув учун Тошкентни танлади. «Фан ва турмуш».*

**ДЕПЕША** [*фр.* depesche – шошилинч хабар] Расмий шошилинч хабар, шошилинч (дипломатик ёки ҳарбий) маълумот. *Бисмарк уруш чиқаришни кўзлаб, ўз қиролининг француз элчиси билан суҳбат қилганлиги ҳақидаги депешани.. матбуотда эълон қилди. «Янги тарих».*

**ДЕПИЛЯЦИЯ** [*лот.* depilare – сочни, тукни йўқотмоқ, тўкмоқ] Бошдаги ярачақани даволаш ёки косметика мақсадида сочни тўкиш.

**ДЕПМА** *шв.* Далага сув чиқариш усулларидан бири. *Хоразмдаги сув чиқаришининг энг оддий усуллари «сепма», «депма» ва «нова» деб аталади. И. Жабборов, Кўҳна харобалар сири.*

**ДЕПО** [*фр.* depot – омбор] **1** Транспорт воситалари (паровоз, трамвай, троллейбус вагонлари) турадиган ва жорий таъмирланадиган махсус бино, корхона. *Депонинг ишлаб чиқариш илғорлари Самарқанд-Бухоро туристик поездиди мароқли сафар қилдилар.*

Газетадан. *Тошкентда йирик вагонремонт заводи, янги трамвай ва троллейбус деполари ишга туширилди. Газетадан.*

**2** Ўт ўчириш машиналари турадиган бино.

**ДЕПОЗИТ** [*лот.* depositum – сақлашга қўйилган буюм; омонат] *мл.* Кредит муассасалари (банк, омонат касса ва ҳ.к.)га сақлаш ва фойдаланиш учун вақтинча қўйилган пул ёки қимматбаҳо қоғозлар. *Банкнинг жалб этилган депозитлари ҳажми ҳам кўпайди. Газетадан.*

**ДЕПОЗИТАРИЙ** [*фр.* depositaire] **1** Депозитларга эгалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. *Хўш, икки босқичли депозитарий тизимини яратишдан мақсад нима? Газетадан. Ўзбекистонда биринчи депозитарий.. 1994 йил 8 июнда ташкил қилинган. «ЎзМЭ».*

**2** Халқаро шартноманинг асл нусхасини, унинг тасдиқлангани ҳақидаги ҳужжатларни сақловчи давлат ёки халқаро ташкилот.

**ДЕПОЗИТОР** Банк, омонат касса ва ш. к. га пули ёки қимматбаҳо қоғозларини қўйган шахс ёки ташкилот.

**ДЕПОНЕНТ** [*лот.* deponens, deponentis – жойлаштирувчи, сақлашга қўювчи] **1** Сақлаш учун давлат муассасасига қимматбаҳо буюм ёки маблағ қўйган шахс ёки ташкилот.

**2** Бирор сабабга кўра корхона ёки муассасадан ўзига тегишли бўлган пулни ёки тўловни ўз вақтида олмаган жисмоний ёки юридик шахс ва олинмаган ана шундай маблағ.

**ДЕПОРТАЦИЯ** [*лот.* deportatio – бадарға қилиш, ҳайдаш; сургун] Ижтимоий, сиёсий жиҳатдан хавfli киши ёки кишиларни доимий яшаш жойидан кўчириб, ҳайдаб юбориш; бадарға, сургун қилиш (жиноий ёки маъмурий жазо чораларидан бири). *..халқларни депортация қилиш ва мажбурий кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатган. Газетадан.*

**ДЕПРЕССИЯ** **I** [*лот.* depressio – эзилиш, босилиш] **1** *тиб.* Тушқунликка берилган руҳий ҳолат; оғир руҳий ҳолат.

**2** *иқт.* Хўжалик тизимида, ижтимоий фаолият соҳасида юз берадиган турғунлик, ҳаракатсизлик, ўсишдан тўхташ ҳолати.

**ДЕПРЕССИЯ** **II** [*лот.* depressio – пасайиш, чуқурлашиш] *геол., геогр.* Куруқликнинг денгиз сатҳидан паст қисми.

**ДЕПСАМОҚ** айн. **депсимоқ**. *Ҳар бир тоза ниятли кишининг муқаддас бурчи — йиқилганни устига чиқиб депсаи эмас, балки қўлтиғидан олиб турғизиш, яъни хатосини дўстларча тузатишга ёрдам беришидир.* М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси. *Халқ тарқалганда, Жуман писмиқнинг эзилган мурдаси депсалган қорга қоришиб ётар эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДЕПСИМОҚ 1** Севинган, дўқ урган, кўрққан, инжиқлик ёки бетоқатлик қилган ҳолда ер тепмоқ, ер тепиб турмоқ. *Ер депсиб йиғламоқ.* ■ *Жонон бировларнинг олдига бориб ер депсир, баъзиларга кўзини сузиб, қошини қоқарди.* Газетадан. *Тагидаги от сувлиқ чайнаб депсийди.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Катта йўл ёқасида депсина-депсина, бирпас ўткинчи машина кутишиди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**2** Босиб-янчиб ташламоқ, оёғости қилмоқ, пайҳон қилмоқ, топтамоқ. *Мурдаларни эзиб, депсиб Бу қутурган оломон..* О. Ҳакимов, Достонлар. *Қайсыям колхоз яйловга катта пода ҳайдаб ўтаётганида, чанқоқ пода булоққа ёпирилиб, уни депсиб ташлабди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**3** От ёки эшакни оёқ билан ниқтаб тезлатмоқ. *Ҳасан овчи тез бориб, эшакни ечдию, унга минди-да, икки оёқлаб депсиб, бу ажал қалбасидан тезроқ кетишга шошилди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

**4** Тепмоқ, урмоқ (юраги, қон томири ҳақида). *Ҳаяжондан юраги депсиб ура бошлади.* Ҳ. Шайхов, Рене жумбоғи. *Нурмат отанинг гапларидан кейин юрагим яна ҳам депсиб кетди.* М. Раҳмонов, Инженернинг қайтиши.

**ДЕПСИНМОҚ 1** **Депсимоқ 1, 3, 4** фл. ўзл. н. *У ақлдан озгандек депсинар, ерни муштар эди.* «Ёшлик». *Уюрни безовта ва саросимали депсинаётган айғирлар ўраб туришарди.* «Ёшлик». *Шу орада, нима бўлдию, она кийик бир депсиниб, чопиб кетди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома. *От бошини қайириб, турган жойида депсиниб қўйди.* М. Мансуров, Ёмби.

**2** Сесканмоқ, чўчиб тушмоқ. *Юрак депсиниб тушар даҳшатли ҳар хабардан.* Ғ. Фулом. *Муқаддам депсиниб, уйғониб кетди.* Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди.

**3** кучма Қимириламоқ, силкинмоқ. *Газлада ер депсинганда, посёлкада ниҳояти 13*

*минга яқин аҳоли яшарди.* Ж. Саъдуллаев, Камолот йўллари.

**4** кучма Тебраниб, қалтираб кўзгалмоқ, юрмоқ. *Машиналар депсиниб, ҳансираб бормоқда.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Қудратли машина депсиниб кўзгалди ва ерни шудгорлашни давом эттирди.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Қудратли тепловоз қамчи еган отдек депсинди.* Газетадан.

**Депсиниб турмоқ (ёки қолмоқ)** Олдинга жилмай, бир хил ҳолат, даражада тура бермоқ. *Бир жойда депсиниб туриш — қолоқликка юз тутиш демакдир.* М. Назаров, Жилвон жилвалари. *Хатда шундай дейилган: “Афсуски, қурилиш ишлари депсиниб қолди”.* «Ўзбекистон кўриқлари».

**ДЕПУТАТ** [лот. deputatus — вакил қилинган, юборилган] **1** Ваколатли давлат органига сайланган киши, вакил. *Олий Мажлис депутати. Халқ депутати. Депутат сайламоқ.* ■ *-Ўғлим, бу депутат дегани нимаси? -Депутатми, халқ хизматкори. -Йўқ, — деди хола бошини чайқаб, — депутат бу — нажоткор.* «Гулдаста».

**2** Жамоа (гуруҳ), ташкилот томонидан бирор топшириқни бажариш учун вакил қилинган шахс. *Қурултой депутати.*

**ДЕПУТАТЛИК 1** Депутатга оид, депутатга хос; депутат бўлишлик. *Депутатлик ўрни. Депутатлик ваколати.* ■ *Депутатлик фаолияти кўп қиррали ва мураккаб ишидир.* «Саодат». *Ҳар бир сайлов округида икки-уч номзод депутатлик учун курашиди.* Газетадан.

**2** Депутат ҳуқуқига, имтиёзига эга бўлишлик. *Депутатлик ҳуқуқи.* ■ *Халқ ўзига хизмат қилган кишилар номзодини депутатликка кўрсатади.* Газетадан.

**ДЕРАЗА** Бинонинг ташқаридан хонага ёруғлик тушиши, ҳаво киришига ва ташқарини кузатишга имкон берувчи, очилиб-ёпиладиган ойнали роми; ром. *Чарос дарпардани суриб, деразани очди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Очиқ деразадан хонага ёз шамоли урди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Аҳмад бригадир бўйинини чўзиб, деразадан машинаси турган майдонга назар солди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Алимардон дераза олдида тик турганча, биринчи қорнинг ёғишини томоша қиларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДЕРАЗАСИМОН** Дераза шаклидаги, деразага ўхшаш. *Дўконлар икки қаватли*

бўлиб.. ёруғлик тушиб туриши учун гумбаз саҳнида деразасимон панжарали туйнуклар қўйилган. Мирмуҳсин, Меъмор.

**ДЕРАЗАТОКЧА** Уй деразасининг ичкари, баъзан ташқари ост томонига ёғоч ёки бошқа материалдан ясалган токча; дераза рафи.

**ДЕРАЗАҚОПҚОҚ** Деразани ташқаридан ёпиб, қоплаб турадиган, ёруғлик, иссиқлик кучини камайтирадиган эшиксимон мослама. Унинг хаёлини *деразақопқоқнинг тақиллаши бузди*. Т. Малик, Ажаб дунё.

**ДЕРАТИЗАЦИЯ** [фр. deratisation — каламушларни йўқ қилиш (rat — каламуш)] Юқумли касалликларнинг манбаи ва тарқатувчиси ҳисобланган, халқ хўжалигига иқтисодий зарар келтирадиган кемирувчиларни қириш, йўқ қилиш.

**ДЕРИВАЦИОН** **Деривация** I, II с. сф. *Деривацион канал. Ўзбек тилининг деривацион конуниялари.*

**ДЕРИВАЦИЯ** I [лот. derivatio — шохобча] I Сувни дарё ўзанидан бошқа ёққа (қазилган ариққа, каналга) солиб юбориш. *Деривация ишлари. Деривация иншоотлари.* ■ *..Сидқий деривация канали қурувчиларига раҳбарлик қиларди.* Мирмуҳсин, Қаҳрамоннома.

2 *ҳарб.* Отиш қуролларидан отилган ўқ, снаряд ва б. нинг ўз йўналишидан ён томонга оғиши.

**ДЕРИВАЦИЯ** II [лот. derivatio — ясалиш] тлш. Тил бирликлари (сўз, сўз бирикмалари ва б.) нинг ясалиши, ҳосил бўлиши. *Уларнинг функционал хусусиятини фақат деривация жараёни билан изоҳлаш мумкин.* «ЎТА».

**ДЕРМАТИН** [юн. derma; dermatos — тери, чарм] Ип газламанинг бир ёки ҳар иккала томонига эластик модда қоплаб тайёрланган, мебелсозлик, муқовасозлик саноятларида фойдаланиладиган сунъий тери. *Қамариддин дерматин қопланган эшикни тиқ-тиқ урди.* Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади. *Уртада думалоқ стол, икки ёнида ялтироқ дерматин қопланган сунъий стул.* С. Нуров, Нарвон.

**ДЕРМАТИТ** [юн. derma; dermatos — тери] тиб. Терининг яллиғланиши, шамоллаши билан боғлиқ касалликларнинг умумий номи. *Қўлингизни асло хлорли оҳақ эритмаси билан артманг.. аллергияк дерматит пайдо бўлиши мумкин.* Газетадан.

**ДЕРМАТОЛОГ** Тери касалликлари му- тахассиси, врач. *Хуллас, турли касалликларда соч тўкилишининг олдини олиш учун дерматолог ёки косметологларга мурожаат қилиш лозим.* «Фан ва турмуш».

**ДЕРМАТОЛОГИЯ** [юн. derma; dermatos — тери + logos — билим, тушунча] Тиббиётнинг терининг аҳамияти ва тузили- шини, тери касалликларини ўрганувчи ва уларни даволовчи соҳаси.

**ДЕСАНТ** [фр. descende — тушиш; туши- риш] Душман худудида жанг олиб бориш учун тузилган ва шу худудга самолёт, вертолёт, кемалардан туширилган қўшин. *Ҳаво десанти. Танк десанти.* ■ *Улар қураётган кўприкка немис десант ташлаганини ҳикоя қилиб кетди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Сўнги икки йил десант қисмларида бўлдим.* О. Ёқубов, Излайман.

**ДЕСАНТЧИ** I Десант қўшинларда хиз- мат қилувчи аскар, жангчи. *Бизнинг бўлин- мамиз денгиз десантчилари группасига қў- шилди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат.

2 *кўчма* Бирор ғаразли мақсадда фав- кулодда жўнатилган шахс(лар). *Ўзбекистонда Марказ «десантчилари»нинг буюк давлат- чилик руҳидаги бебошликларига чек қўйилди.* «Фан ва турмуш».

**ДЕСАТ(ИНА)** с.т. эск. айн. *десятина.* *Бутун олинанидан ерлар: Фарғона вилоятида қирқ десатинадан ортиқ.. эди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Менинг бўталогимда ҳам икки де- сатча шундай кучсиз ерлар бор.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДЕСЕРТ** [фр. dessert — сўнги овқат; овқатнинг қолгани] Иссиқ овқатдан кейин ейладиган ёки ичиладиган ширин таом (торт, конфет, ичимликлар, ҳўл мевалар ва ш.к.) *Десерт вино.* ■ *Нок ўзбек овқат- ларида, асосан, тармева, десерт сифатида ишлатилади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Қовуни, асосан, янги узиб келиб, десерт овқат сифатида истеъмол қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**ДЕСИКАЦИЯ** [фр. desiccare — қуришти, сувни йўқотиш] Ҳосил етилишини тез- лаштириш, уни машинада йиғиб-териб олишни енгиллаштириш мақсадида экин- ларни ўсиб турган жойида махсус дорилар (десикантлар) билан қуришти.

**ДЕСПОТИЗМ** [юн. despoteia — чеклан- маган ҳокимият] I Ҳуқуқи чекланмаган,

мустабил подшо бошлиқ бўлган давлат идора усули; истибод, мустабиллик.

**2** Золимлик, зўравонлик қилиш, хўрлаш. *Достоннинг ота-она деспотизмига қарши ёзилган жойлари чин юрагидан чиққан бўлиб, фигоннинг ўткирлиги билан ажралиб туради.* «ЎТА».

**ДЕСЯТИНА** [р. десять — ўн] Метрик система қабул этилгунга қадар Россияда қўлланган, 2400 кв. саржинга ёки 1,09 гектарга тенг ер майдони ўлчови. *Унинг Бойсун беклиги қишлоқларида 500 десятинадан ортиқ серунум ери бўлган.* Ш. Холмирзаев, Сўнас ўт.

**ДЕСЯТНИК** [р. десять — ўн] Курилишда бир гуруҳ ишчиларнинг бошлиғи, ишбоши; ўнбоши. *У [Зайнаб] икки йилдан бери Яккачинолдаги сув омбори қурилишида десятник бўлиб ишларди.* С. Аҳмад, Тоғларда.

**ДЕТАЛЬ** [фр. detail — тафсилот; мукамаллик] **1** Машина, механизм, асбоб ва шунингдек, умуман бирор буюмнинг қисми, бўлағи. *Машина детали. Деталь ишлаш.* ■ *“Жигули” автомобили кузовига деталлар 12 мингта пайванд нуқталари билан бириктирилган.* «Фан ва турмуш». *Ҳар қандай радиоприёмник ёки телевизорнинг ичида албатта алюминийдан ясалган деталлар бор.* «Фан ва турмуш».

**2** Бирор иш, ҳодиса, сюжет ва ш. к. нинг кичик узвий қисми, тафсилоти. *Шу тарзда ҳамма деталлар тайёр бўлгач, характерлар етилгандагина ёзишга ўтирар эдилар.* К. Қаҳқорова, Чорак аср ҳамнафас. *Умуман, майда деталлар ўқувчида ёзувчига ишонч уйғотади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Ҳикоя муаллифи ҳатто ҳаётдаги оддий деталларни ҳам тўғри кўрсата билмаган.* «ЎТА».

**ДЕТАЛЛАШТИРМОҚ** Бирор нарсани батафсил, ипидан игнасиғача мукамал ишлаб чиқмоқ, баён қилмоқ ёки аниқламоқ.

**ДЕТЕКТИВ** [ингл. detective < лот. detectio — очиш, фош қилиш; аниқлаш] **1** *от* Жиноий ишларни қидириш, очиш бўйича мутахассис; полициянинг яширин айғоқчиси; жосус; изкувар.

**2** *сфт.* Жосуслар, яширин айғоқчилар, изкуварлар ҳаёти, саргузаштлари, мураккаб жиноятларнинг очилиши ҳақида ҳикоя қилувчи (бадий асар ёки фильм). *Саргузашт детектив асарларга ҳамisha қизиқиш катта бўлган.* У. Норматов, Талант тарбияси. Ке-

*йинги йилларда ўзбек адабиётида илмий-фантастик, детектив ва саргузашт адабиётига қизиқиш кучайди.* «ЎТА».

**ДЕТЕКТОР** [лот. detector — очувчи, топиб олувчи] *радио.* Радиотехеникада: қабул қилинган юқори частотали тебранишларни (қулоққа эшитиладиган) паст частотали тебранишларга айлантириб берувчи қурилма. *Халил ҳузур қилиб керишидида, катталиги гиштдай келадиган япалоқ детекторни қўлиғига қистириб, ертўладан чиқди.* Газетадан.

**ДЕТЕКТОРЛАШ** *физ.* Модуляцияланган юқори частотали тебранишлардан товуш частотасига эга бўлган паст частотали тебранишларни ажратиб олиш жараёни.

**ДЕТЕКТОРЛИ** Детектори бор, детектори бўлган. *Чойхонада дутор, чанг, детекторли радиоприёмник, шахмат, девор соати пайдо бўлди.* А. Қаҳқор, Қўшчинор чироқлари.

**ДЕТЕРМИНИЗМ** [лот. determinare — аниқламоқ; чегараламоқ; қисмларга ажратмоқ] *флс.* Табиат ва жамиятдаги ҳамма ҳодисаларнинг умумий объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши ҳақидаги таълимот.

**ДЕТЕРМИНИСТ** Детерминизм тарафдори.

**ДЕТОНАТОР** [лот. detonare — портламоқ] *махс.* **1** Ўзи портлаб, бошқа портловчи моддани ҳам портлатувчи модда.

**2** Портловчи моддалар асосий зарядини ўт олдириш (ёндириш) учун ишлатиладиган портлаткич, капсуль, пистон.

**ДЕТОНАЦИЯ** [лот. detonare — портламоқ] **1** *махс.* Портловчи модданинг бирор ташқи сабаб билан жуда тез портлаши ёки бошқа портловчи моддани портлатиши.

**2** *тех.* Ички ёнув двигатели цилиндрида ёнилгининг жуда тез ва чала ёниши туфайли юз берадиган ҳодиса.

**ДЕТРИТ** [лот. detritus — ишқаланиб ейилган, эзилган, сийқа] **1** *тиб.* Ўлик тўқималарнинг парчаланиш маҳсули; чечакка қарши профилактик мақсадларда қўлланидиган (эмланидиган) дори.

**2** Сув ҳавзаси тубига чўкадиган, сув ёки тупроқ таркибида бўладиган, таркиби ҳайвон, ўсимлик ва замбуруғларнинг чириган қолдиқларидан иборат органик заррачалар.

**ДЕ-ФАКТО** [лот. de facto — амалда, ҳақиқатда] *ҳуқ.* Янги давлат ёки ҳукуматнинг



қисман (юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган ҳолда) эътироф этилиши.

**ДЕФЕКТ** [лот. defectus — камайиш; нуқсон] *айн. нуқсон, камчилик.*

**ДЕФЕКТОЛОГ** Дефектология соҳасида ишловчи шахс, дефектология мутахассиси.

**ДЕФЕКТОЛОГИЯ** [лот. defectus — нуқсон + logos — таълимот] Педагогиканинг жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларнинг ривожланиш хусусиятларини, уларга махсус таълим-тарбия бериш ва улардаги нуқсонларни йўқота бориш қонуниятларини ўрганувчи бўлими. *Республика Таълим марказининг дефектология бўлими мутахассислари ўтган йиллар ичида оилалардаги ногирон болаларни рўйхатга олиш.. ишини тугаллашди.* Газетадан.

**ДЕФЕКТОСКОП** Дефектоскопия чоғида ишлатиладиган асбоб, аппарат.

**ДЕФЕКТОСКОПИЯ** [лот. defectus — нуқсон + юн. skoreo — қарайман] Материал ва буюмларнинг кўзга кўринмайдиган нуқсонлари бор-йўқлигини аниқлаш учун қўлланадиган текшириш усуллари мажмуи.

**ДЕФИНИЦИЯ** [лот. definitio — таъриф; аниқ кўрсатиш] Бирор тушунчанинг нарса ва ҳодисаларга хос энг муҳим белгиларни акс эттирувчи қисқача илмий изоҳи; таъриф.

**ДЕФИС** [лот. divisio — бўлиш, ажратиш] Сўзнинг сатр охирига сигмай қолган бўғинини иккинчи йўлга кўчирганда ишлатиладиган, шунингдек, жуфт ва такрорий сўзлар қисмлари орасига қўйиладиган қисқа чизикча (-).

**ДЕФИЦИТ** [лот. deficit — етишмайди] **1** *мл.* Даромадга қараганда харажатларнинг ошиб кетиши; танқислик. *Бюджет дефицити.* ■ *..ресурсларни тежаш сиёсатини ўтказмасак, ҳеч қачон дефицит балосидан қутула олмаймиз.* Газетадан.

**2** Етишмаслик, камчилик, тақчиллик. *Товар дефицити. Ёқилғи дефицити.*

**3** Етарли миқдорда бўлмаган, кам учрайдиган; камчил, тақчил; камёб. *Дефицит мол.* ■ *Кошки мен дефицит — камчил молни билмасам.* Ф. Мусажонов, Пушаймон. *..бу нарса ўзи дефицит.. лекин сиз учун биттасини амаллаб топамиз.* «Ёшлик». Э, унақаси *“жухуди” атласдай дефицит бўлиб кетган.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДЕФЛЯЦИЯ** [лот. deflare — пуфлаш, шишириш] **1** *мл.* Пулнинг қадрини, сотиб

олиш қобилиятини ошириш мақсадида инфляция даврида чиқарилган ортиқча пул массасининг бир қисмини муомаладан чиқариш.

**2** *геол.* Шамол учуриб келган минерал заррачалар таъсирида тоғ жинсларининг емирилиши, силлиқланиши.

**ДЕФОЛИАНТЛАР** *қ.х., ким.* Дефолиация пайтида, даврида ишлатиладиган кимёвий моддалар (кальций цианамид, магний хлорат ва б.). *Дефолиантларнинг ҳаммаси ҳам токсик модда ҳисобланиб, мутлақо зарарсиз йўқ.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди. *Улар кам заҳарли дефолиантларнинг янги турларини яратдилар.* Газетадан.

**ДЕФОЛИАЦИЯ** [лот. defoliatio < de.. + лот. folium — барг] *қ.х., ким.* Пахтани машинада териш олдидан теримни осонлаштириш учун ғўза баргларига дефолиантлар сепиб, уларни қовжиратиб, қуритиб тўкиш тадбири. *Дефолиация нималигини ҳар бир пахтакор яхши билади.* «Фан ва турмуш». *Дефолиация пахтани тез очилтириш, машина теримини оммавий равишда кучайтиришнинг асосий омилдир.* Газетадан.

**ДЕФОРМАЦИЯ** [лот. deformatio — шаклни ўзгартириш, хунуклаштириш] Ташқи кучлар, температуранинг ўзгариши ва б. таъсири остида жисмнинг массаси ўзгармаган ҳолда шаклининг ёки ҳажмининг ўзгариши, бузилиши.

**ДЕЦИГРАММ** [лот. decem — ўн + грамм] Граммнинг ўндан бир қисми, улуши (0,1 г.).

**ДЕЦИЛИТР** [лот. decem — ўн + литр] Литрнинг ўндан бир (0,1 л.) қисмига тенг суюқлик ўлчов бирлиги.

**ДЕЦИМЕТР** [лот. decem — ўн + юн. metron — ўлчов] Метрнинг ўндан бирига тенг узунлик ўлчов бирлиги. *Йил давомида пойабзалчилар 789,7 квадрат дециметр тери материалларини иқтисод қилиб қолишга эришдилар.* Газетадан.

**ДЕШИФРОВКА** [фр. déchiffrer — маъносини ечмоқ, очмоқ] **1** Шартли белги (шифр)лар билан ёзилган нарсани таҳлил қилиб ечиш, маъносини билишга, ўқишга эришиш.

**2** Номаълум ёки унча маълум бўлмаган ёзувларни, мас., Миср иероглифларини, михатларни ўқиш ва изоҳлаш.

**ДЕ-ЮРЕ** [лат. de jure — қонуний, расмий] ҳуқ. Ҳукуматнинг расмий, ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ эътироф этилиши.

**ДЕЯЙЛИК** кам қўлл. айн. **айтайлик**.

**ДЕЯРЛИ** рвш. 1 Бирор нарса, ҳолат, миқдорга жуда яқин, шунга яқин деса, .. деб айтса, ҳисобласа бўладиган. *У шунча йил қоракўлчилик соҳасида ишлаб, бунақа териларни деярли кўрмаган эди.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Бўри полвон ўйлаб қараса, воҳанинг деярли барча полвонлари жам бўлибди.* Т. Мурод, Кўшиқ. *Зийфат деярли мажлисга айланиб кетди.* Мирмуҳсин, Умид. *Ҳаммамиз деярли ҳар кун бир қошиқ иссиққа муҳтожмиз.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

2 Қарийб; тахминан; яқин. *Ҳовлидаги нарсалар деярли ўзгармабди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Мен эса, орамизда пайдо бўлган муҳаббатнинг охир-оқибат тугашини деярли билардим.* О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув.

**ДЕЯРЛИК** айн. **деярли**.

**ДЕҲҚОН** [ф. دهقان — катта ер эгаси, заминдор; қишлоқ ҳоқими] Асосий касби ерга ишлов бериш, экин экишдан иборат бўлган киши. *Деҳқон бўлсанг, шудгор қил, мулло бўлсанг, такрор қил.* Мақол. ■ *Куёш нурларини ширин-шакар меваларга айлантирган бу ўзбек деҳқони.* Шукрулло, Сайланма. *Мен сизга экинларимни кўрсатай.* *Деҳқон кўзи билан қараб, мени яхшилаб танқид қилинг.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**Колхозчи деҳқон тар.** 1) коллективлаштириш даврида ўз хусусий ери, от-улови ва қишлоқ хўжалик асбоблари билан бирга колхозга аъзо бўлиб кирган деҳқон; 2) колхоз аъзоси. **Якка деҳқон тар.** Колхозга кирмай, ўз ҳолича, ўзи якка ҳолда деҳқончилик қилган киши. *Якка деҳқон хўжалиги.* Ўрта (ёки ўрта ҳол) **деҳқон тар.** Ўз ерларида ўзи ва оила аъзолари кучи билан деҳқончилик қилган киши. *Ўттиз саккиз кишининг кўпи от-уловли ўрта деҳқон бўлса керак.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сўнги уч ярим йил ичида якка хўжаликлардан элик битта ариза тушди.* Буларнинг кўписи ўрта ҳол деҳқонлар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ДЕҲҚОНБОП** Деҳқонларга, деҳқончилик қилишга қулай, мос. *Деҳқонбоп этик.* ■ *Бу йил август ойининг деҳқонбоп бўлиб, сахий келиши кутилади.* Газетадан.

**ДЕҲҚОНЛИК** Деҳқон касбининг номи; деҳқон бўлишлик.

**ДЕҲҚОНПАРВАР** [деҳқон + ф. پروار — парваришловчи, гамхўрлик қилувчи] Деҳқонларни ҳурмат қилувчи, деҳқон учун қайғурувчи; деҳқонлар манфаати учун курашувчи. *Султонқорини ёвонимизга чақирин керак: деҳқонпарвар, фуқаропарвар киши экан.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДЕҲҚОНСИФАТ** [деҳқон + сифат] Кўриниши, хатти-ҳаракати деҳқонларникига ўхшаш; деҳқонларга ўхшаб кетадиган. *Қорачадан келган, деҳқонсифат бу йигит Муниҳондан ўнғайсизланади.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. *Биринчи ёрдамчи эса, бунинг тамоман акси: деҳқонсифат.. ёши ҳам бирор элликни қоралаган, гаплари кескин ва бежогсиз.* М.М.Дўст, Лолазор.

**ДЕҲҚОНЧАСИГА** рвш. Деҳқонларга хос бир йўсинда, деҳқонлар сингари, деҳқонлардек. *Йўлчи.. пешанасидан мўл-мўл оққан терни енг учи билан деҳқончасига артиб, ерга қаради.* Ойбек, Танланган асарлар. *Хоналарни деҳқончасига безайман.* «Муштум».

**ДЕҲҚОНЧИЛИК 1** Қишлоқ хўжалигининг ерга экин экиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини егиштириш билан шуғулланувчи соҳаси, зироатчилик. *Қадимданоқ Амударё, Зарафшон, Сирдарё каби оби ҳаёт соҳилларида, гўзал Фарғона, Тошкент, Бухоро ва Хоразмнинг ибтидоий табиати бағрида деҳқончилик кенг тармоқ отган эди.* К. Маҳмудов, Қизиқарли пазандалик.

2 Экин-тикин билан шуғулланиш касби, машғулоти. *Деҳқончилик қилмоқ.* *Деҳқончилик — чилик-чилик, Бўлмаса, қуруқчилик.* Мақол. ■ *Ёз фаслида деҳқончилик қилади, саҳар кетиб, кеч келади.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Экинзор, экин даласи. *Анови пастликда деҳқончилигимиз бор.* Бемалол, ҳамма нарса ўзимиздан чиқади. Ойдин, Келин ўғил туғибди.

**ДЕҲҚОНЧУМЧУҚ** Чумчуқсимонлар туркумига мансуб сайроқи чумчуқ тури.

**ДЖАЗ** қ. жаз. *Ўзи очиқ, лекин ипақ дарпардалари ёпиқ деразалардан джаз-оркестр садолари учиб чиқади.* П. Қодиров, Уч илди. *..пушти ранг чироқ ёниб турган каттакон бинодан қаҳқаҳа товуши, джаз садоси янгради.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДЗОТ** [р: «дерево-земляная огневая точка» (ёғоч-тупроқли ўт очиш нуқтаси) бирикмасининг қисқартирмаси] ҳарб. эск. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш йилларида турли хил ўт очиш воситаларини жойлаштириш ва душман ўқ, снарядларидан сақланиш учун ёғоч, тупроқ, тош ва б. материаллардан қурилган мудофая иншооти. ..ўт, сув, ўлим тўсиқларидан ўтиб, душман дзотларини парчаладик. Н. Сафаров, Оловли излар. *Тўсатдан дзот титраб кетди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ДЗЮДО** [японча дзю – юшмоқ, до – йўл] Спортнинг японча миллий яккама-якка кураш тури; ўз-ўзини ҳимоя қилиш тизими. *Спортнинг дзюдо тури аёллар ўртасида ҳам оммалашиб бормоқда.* Газетадан.

**ДЗЮДОЧИ** Дзюдо билан шугулланувчи шахс. *Республикамиз дзюдочилари ҳам совринли ўринларни эгаллашга ҳаракат қилишди.* Газетадан.

**ДИ-** [юн. di – икки] Икки, иккилик, жуфтликни ифодаловчи олд қўшимча.

**ДИА-** [юн. dia – орасида, аро; орқали] Тўғридан-тўғри ҳаракатни, кириб боришни, бўлинишни, ўзаро яқинликни ифодаловчи олд қўшимча.

**ДИАБЕТ** [юн. diabetes < diabaino – ўтаман, ўтиб кетаман] тиб. Касалликларнинг кўп сийдирадиган турларининг умумий номи.

**Қандли диабет** Сийдикда қанд моддаси ажралиши ва қонда қанд миқдорининг кўпайишидан иборат касаллик. *Қандли диабетда ошқозон ости бези етарли миқдорда инсулин ишлаб чиқара олмайди.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш. *Исмалоқ қандли диабетда ҳам фойда қилади.* К. Маъмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**ДИАГНОЗ** [юн. diagnosis – аниқлаш, билиш] Беморни ҳар томонлама текшириб, унинг касаллигини аниқлаш; ташхис. *Диагноз қўймоқ (белгиламоқ). Врaчнинг энг биринчи вазифаси – диагнозни аниқ қўйиш.* ■ *Аниқ қўйилган диагноз ҳаёт учун эзлик фойза кафолатдир.* Газетадан.

**ДИАГНОСТИКА** [юн. diagnostikos – аниқлашга қодир] Тиббиётнинг касаллик белгиларини аниқлаш, диагноз қўйиш усуллари ва тамойилларини ўрганадиган бўлими.

**2** Диагноз қўйиш, белгилаш. *Қадимги юнон тилида “диагностика”нинг маъноси “билиш жараёни” демакдир.* «Фан ва тур-

муш». *Фаттоҳ Ўлмасбоев, диагностика хонасидан чиқиб, қорнини чангаллаганича, ўз палатасига кетди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил.

**ДИАГОНАЛЬ** [юн. diagonalis – бурчакдан бурчакка борувчи] **1** *геом.* Кўпбурчакнинг қўшни бўлмаган икки бурчагини ёки кўпёқликнинг икки учини бирлаштирувчи тўғри чизиқ.

**2** Қия йўли қилиб тўқилган қалин ип ёки жун газлама.

**ДИАГРАММА** [юн. diagramma – чизма, расм, шакл] Чизиқли кесмалар шаклида ифодаланувчи турли миқдорлар ўртасидаги муносабатни тасвирловчи чизма, график тасвир. *Пахта ҳосилининг йилма-йил ўсиш диаграммаси.* ■ *Нусратбек бекорчиликдан кутиш зали деворларидаги диаграмма, лавҳаларга тақор-тақорр текилди.* С. Нуров, Нарвон. *Диссертациядаги тажрибалар диаграммаси ва диаграммада келтирилган рақамлар эса қандайдир ноаниқ, маъхум.* О. Ёқубов, Диёнат.

**ДИАКРИТИК** [юн. diakritikos – фарқловчи]: **диакритик белгилар** тлш. Алифбодаги шаклдош ҳарфлардан бирининг ости ёки устига ёхуд ўртасига, ёнига қўйиладиган, унинг қандай ўқилишини кўрсатадиган махсус белгилар.

**ДИАЛЕКТ** [юн. dialektos – лаҳжа, шева] Умумхалқ тилининг адабий тилдан маълум лисоний хусусиятлари билан фарқ қилувчи маҳаллий ёки ижтимоий кўриниши; лаҳжа. *Алишер Навоий асарлари лексикасида турли диалектларга оид кўплаб сўзларнинг ишлатилиши ҳам унинг тўпловчилик фаолиятидан нишондир.* «ЎТА».

**ДИАЛЕКТАЛ** Диалект – лаҳжага, шевага оид. *Диалектал сўз.* ■ *Ўзбек тили диалектал жиҳатдан ранг-баранг ва бойдир.* «ЎТА». *Адабий тил диалектал хусусиятларни нивелировка қилади, эски системаларни эса бузди.* «ЎТА».

**ДИАЛЕКТИЗМ 1** Бирор лаҳжага (шевага) хос бўлган лисоний унсурлар (сўз, қўшимча ва ш. к.). *Бадиий асарларда.. ўзбек шева ва диалектларига оид бўлган сўзлар – диалектизмлар учраб туради.*

**2** Умумий адабий тилга лаҳжалардан кирган сўз ва бошқа хил лисоний бирликлар.

**ДИАЛЕКТИК** Диалектикага асосланган. *Диалектик фалсафа. Диалектик тафаккур.*

**Диалектик материализм.** ■ Зотан, чи-накам бадиий асарда ғоявийлик, типиклик, эмоционаллик ва ижтимоий амалиёт билан алоқадорлик диалектик яхлитликни ташкил қилади. «ЎТА».

**ДИАЛЕКТИКА** [юн. *dialektike* – суҳбатлашиш, баҳс қилиш санъати] **1** флс. Табиат, кишилиқ жамияти ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари ҳақидаги фан.

**2** флс. Табиат ва жамиятнинг абадий ҳаракатланиб ва ўзгариб турувчи ички зиддиятлари, қарама-қаршилиқларини очиш ҳамда бу зиддият ва қарама-қаршилиқлар ўртасидаги доимий алоқадорлик ва кураш моҳиятини аниқлашдан иборат фалсафий метод. *Материалистик диалектика.*

**3** Бирор нарсанинг ҳаракати, ривожланиши, тараққиёт жараёни. *Тарих диалектикаси.* ■ Энди билсам, диалектика фақат китобда эмас, модда бор жойининг ҳаммасида бор экан. П. Қодиров, Уч илдиш. *Мана, сиз билан биз ҳам диалектика қонуниятларига бўйсуниб, катта ҳаёт йўлини босиб ўтдик.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

**ДИАЛЕКТОЛОГ** Тилнинг лаҳжа ва шева-ларини ўрганувчи мутахассис; шевашунос. *Ўзбек диалектологлари кейинги йиллари анчагина ишларни амалга оширишди.* «ЎТА».

**ДИАЛЕКТОЛОГИЯ** [юн. *dialektos* – шева + *logos* – билим, тушунча] Тилшунослиқнинг халқ лаҳжа ва шеваларини ўрганувчи соҳаси; шевашунослик. *Ўзбек тилшунослигининг жуда ёш соҳаси – ўзбек диалектологияси.. бу соҳанинг юқори босқичи бўлган лингвогеография босқичига ўтди.* «ЎТА».

**ДИАЛОГ** [юн. *dialogos* < *di* – икки + *logos* – сўз; нутқ; тушунча] **1** Икки киши ўртасидаги оғзаки мулоқот, суҳбат.

**2** Адабий асарда икки ёки бир неча персонаж ўртасидаги гаплашув, суҳбат. *Драмада драматик ҳаракат ва ҳаракатларнинг очилишида диалоглар.. муҳим роль ўйнайди.* «ЎТА».

**3** Икки ёки бир неча киши ўртасидаги узлуксиз суҳбат, гаплашув шаклида ёзилган адабий асар.

**ДИАЛОГИК** Диалог асосига қурилган; диалогга оид. *Диалогик репликаларга қараганда монологда гаплар кўпроқ мустақилликка эгадир.* «ЎТА». *Оғзаки нутқнинг диалогик характери.* «ЎТА».

**ДИАМЕТР** [юн. *diametros* – қўндаланг ўлчам] **1** геом. Айлана ёки шарнинг марказидан ўтиб, унинг икки нуқтасини бирлаштирувчи тўғри чизиқ. *Марказдан ўтувчи ватар диаметр деб аталади.* «Геометрия».

**2** Умуман юмалоқ нарсанинг ва тўғарақ юзанинг қўндаланг кесувчиси. *Кўёшнинг диаметри 1300 минг километрга яқин.* «Фан ва турмуш». *Яшин урган жойнинг диаметри 5 метргача боради.* «Фан ва турмуш».

**ДИАПАЗОН** [юн. *dia pason* (*chordon*) – барча (торлар) орқали] **1** мус. Бирор чолғу асбоби ёки ашулчани овозининг энг паст ва энг юқори чегараси орасидаги товушлар мажмуи.

**2** кўчма Кўлам, доира, кенглик; нуқтаи назар. *Билим диапозони.* ■ *Улар халқ достонларида ижодий ёндашиб, унинг тематик диапозонини кенгайтирдилар.* «ЎТА». *Режиссёр актёрларни танлашда фақат уларнинг овоз тембрларига эътибор бериб қолмай, психологик диапозонини ҳам ҳисобга олган.* Газетадан.

**ДИАПОЗИТИВ** [диа.. + лот. *positivus* – мусбат] Проекцион фонарь ёрдамида кўрсатиш учун шаффоф пластинка ёки шишага, плёнкага туширилган рангли ёки оқ-қора фотосурат. *Париж университетининг профессори.. бизга бир даста диапозитивлар кўрсатди.* Газетадан.

**ДИАСПОРА** [юн. *diaspora* – тарқалиш; ёйилиш] Зўрлаб, мажбурлаб кўчириш, геноцид хавфи ва б. ижтимоий-тарихий, диний сабабларга кўра ўз ватанидан бошқа мамлакатда яшовчи этник гуруҳ. *Яҳудий диаспораси.*

**ДИАТЕЗ** [юн. *diathesis* – мойиллик] тиб. Моддалар алмашинуви жараёнидаги туғма нуқсон туфайли организмнинг у ёки бу касалликка мойил бўлиб қолиши.

**ДИАФИЛЬМ** [диа.. + ингл. *film* – парда] Умумий мавзу асосида бирлашган ва кинолентада муайян кетма-кетликда жойлаштирилган оқ-қора ёки рангли фототасвирлар. *..ота-оналар ва колхозчиларнинг ёрдами билан мактабга диафильм аппаратлари ва ленталари сотиб олинди.* С. Зуннунова, Олов.

**ДИАФРАГМА** [юн. *diaphragma* – тўсиқ] **1** анат. Сутғемизувчиларда ва одамларда кўкрак қафасини қорин бўшлиғидан ажратиб турадиган, мускул-пайдан иборат парда, тўсиқ. *Кўённинг гавда бўшлиғини*

иккига бўлиб турган мускулли парда диафрагма деб аталади. «Зоология».

**2 опт.** Фотоаппарат ва бошқа оптик асбобларда ёруғлик оқимининг ўтишини камайтирувчи, чекловчи мослама.

**ДИАХРОНИК** тлш. Диахронияга оид, диахронияга асосланган. *Ўзбек халқ шева ва диалектлари ўзбек адабий тили билан ҳам диахроник, ҳам синхроник планда жуда узвий боғлиқдир.* «ЎТА».

**ДИАХРОНИЯ** [диа.. + юн. *chronos* — вақт, давр] тлш. Айрим тил ҳодисаларининг тарихан ўзгарган ҳолда изчил ривожланиш босқичлари; давр ўтиши билан тилда юз берувчи ўзгаришлар; тил тараққиётини вақт нуқтаи назаридан ўрганиш.

**ДИВАН** [ф. *ديوان* — подшо ўтирадиган курси] Ўтириш ва ётиш учун мўлжалланган суянчиқли, икки четида дастаси ёки ёстиқчаси бўлган юмшоқ мебель. *Ҳар кун ишдан келаман-у диванга таппа ташлайман.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДИВЕРСАНТ** айн. **диверсиячи.** *Эдгар ўртоқлари билан кўлаб диверсант гуруҳларни йўқ қилди..* Газетадан.

**ДИВЕРСИЯ** [лот. *diversio* — бошқа томонга тортиш, чалғитиш] Бирор мамлакатнинг ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга бўлган объектларини бузиш, портлатиш, вайрон қилиш мақсадида чет эл агентлари ёки душман ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган кўпорувчилик ҳаракати. *Душманлар очиқдан-очиқ диверсиялар қилишгача бориб етмоқдалар.* Газетадан.

**ДИВЕРСИЯЧИ** Диверсия билан шугулланувчи, кўпорувчи; диверсант.

**ДИВЕРСИЯЧИЛИК** Диверсия ҳаракатлари; кўпорувчилик.

**ДИВИДЕНД** [лот. *dividendum* — бўлиниши керак бўлган нарса] Акциядорлик жамияти фойдасидан акция эгаларига уларнинг акциялари миқдорига мувофиқ равишда белгили вақтларда тўланадиган ва уларнинг даромадига айланадиган қисми. *Йил якунига кўра, ҳар бир пай азвоси 66 минг сўмдан дивиденд олади.* Газетадан. *Ҳиссадорлар эса салкам беш йилдан бери дивиденд нимагини билишмайди.* Газетадан.

**ДИВИЗИОН** [лот. *divisio* — бўлиш, ажратиш, бўлим] **1** Артиллерияда, отлиқ кўшинларда ва бронетанк қисмларида 2–3 батареядан иборат тактик бўлинма.

**2** Ҳарбий-денгиз флотига: бир турдаги бир неча кема ва катерлардан иборат кўшилма.

**ДИВИЗИЯ** [лот. *divisio* — бўлиш, бўлим] Баъзи хорижий мамлакатларда бир неча полк ёки батальондан, турли кўшин турларининг қисм ва бўлинмаларидан таркиб топган ҳарбий кўшилма. *Танк дивизияси.* ■ *Валиевни дафн қилаётганда, бутун дивизия йиғлади.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Суннат иш билан дивизия штабига келанди. Дивизия кўп қурбонлар берди.* А. Раҳмат, Фронт йўлларида.

**ДИГАР** [ф. *دیگر* — иккинчи, ўзга, ёт] эск. кт. Бошқа, ўзга; кейинги; бошқача. *Жигар — жигар, дигар — дигар.* Мақол. ■ *Дунёда ғарқ бўлиб ўлгандир ёрим, Ёнбошимда йўқдир ёри дигарим.* «Нурали». *Бу дунёда жигаргаям, дигаргаям шиониб бўлмас экан.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

**Намози дигар айн. намозгар 2.**

**ДИД** [ф. *دید* — қараш, нигоҳ; кузатиш] **1** Гўзалликни, нафосатни ҳис этиш, ундан эстетик завқ олиш қобилияти. *Нозик дид. Дид билан кийинмоқ. Дидига тўғри (мос) келмоқ. Ҳар кимнинг диди бошқа, ҳар гунанинг ҳиди бошқа.* Мақол. ■ *Устунлар нақшинкор, бино пештоқларига дид билан ранг берилган эди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Ҳовлидаги орасталик уй эгасининг яхши дид эгаси эканидан далолат эди.* «Ёшлик». *Халқимизнинг китобга бўлган эҳтиёжи, эстетик диди ҳам ўсмоқда.* «Саодат».

**Дидига ўтирмоқ** Маъқул келмоқ. *Аёлнинг хушсуханлигию пазандалиги ҳам, уй-рўзгор тутиши ҳам Роҳат холанинг дидига ўтиришиди.* Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар.

**2** Ақл-фаросат, фаҳм, идрок. *Дидингга дид кўш, Фаросатингга — фаросат.* Мақол. ■ *Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетар экан.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**Дидини бермоқ** Ўхшаб кетмоқ, ўхшаб кўринмоқ, ўхшамоқ. *Ўзи ёш бўлса ҳам, олтмиш яшар чолининг дидини беради.*

**ДИДА** айн. **дийда.**

**ДИДАКТИЗМ** [юн. *didaktikos* — ибратли; таълим берувчи] пед. Ўғит-насихатга эгаллик, ибратлилик, насихатомузлик. *Дидактизм гоялари.*

**ДИДАКТИК** Дидактика мутахассиси, дидактика ўқитувчиси.

**ДИДАКТИК 1** Дидактикага оид, дидактика тамойилларига асосланган. *Бундай ҳикоятлар маълум маърифий дидактик ва фалсафий фикрларнинг изҳоридан иборатдир. «ЎТА».*

**2 кт.** Ибрат бўладиган, ўғит-насихат берадиган, панд-насихат тарзидаги. *Дидактик асар.*

**ДИДАКТИКА** [юн. didaktikos – ибратли; ўргатувчи, таълим берувчи] Педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси (маъсади, мазмуни, қонуниятлари ва тамойиллари), умумий метод ва шакллари ҳақидаги бўлими. *Дидактика деганда, умуман, ҳар қандай фандан билим бериш жараёнида таълимнинг ташкилий жиҳатлари тушунилади. «ЎТА».* *Навоий каби гигант санъаткорлар ижодида, масалан, дидактикага ҳам катта ўрин берилган.* Газетадан.

**ДИДБОН** [ф. ديدبان – кўзни сақловчи; кузатувчи; хабар берувчи] *ҳарб.* Баландликдан туриб, чор-атрофни кузатиб, душман хавфидан огоҳлантирувчи одам. *..чўлдан бирон аломат кўринган ҳамон дидбон тезда бошқаларга хабар етказар, дарроа хотин қизларни кўчирармиз.* С. Айний, Қуллар. *Хў тепаликда бир дидбон кўринади. «Ёшлик».*

**ДИДБОНЛИК** Кузатувчилик; дидбон вазифаси. *-Биз, – деди деҳқонлардан бири, – навбат билан чўл этагига чиқиб, душманни кузатиб, дидбонлик қилиб туришимиз керак.* С. Айний, Қуллар.

**ДИДЛАМОҚ** Мўлжалламоқ, чамалаб, тахминлаб кўрмоқ. *Эрталаб ўзи дидлаб қўйган баъзи аломатларига дуч келиб, тўғри йўлни топди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Айтгандай, мен бир кишини дидлаган эдим.* *Лекин тўғри келармикан деб турибман.* «Муштум».

**ДИДЛИ 1** Гўзалликни, нафосатни ҳис этадиган, ундан эстетик завқ ола билладиган. *Дидли одам.* *Юксак дидли санъаткор.* ■ *Юксак дидли, билимдон томошабин мазмунсиз қаҳқаҳадан кўра, мазмунли жилмайишни афзал кўради. «ЎТА».* *Нозик табиатли, нозик дидли бу аёл [Мукаррама она] саҳна кийимизининг ҳам ижодкори эдилар. «Саодат».*

**2** Ақл-фаросатли, фаҳмли, идрокли. *Ҳамма ёқда дидли, меҳрибон хотиннинг қўли сезилиб турар эди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар.

**ДИДЛИК** айн. дидли. [Рене] *Хушрўй, мулоим, дидликкина йигит экан.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ДИДСИЗ** Ақл-фаросатсиз; бефаросат; хунук. *Дидсиз ўтирган ерини ҳам чангитар.* Мақол. ■ *Хотиннинг устида узун, ранги униққан қора атлас кўйлак бўлиб.. қалин лаблари дидсиз бўялган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Фаросатсиз, дидсиз, нодонда кўз доимо кўр, оёқ – шолдир.* Нурбек, Умид йўли.

**ДИД-ФАРОСАТ** Ақл-фаросат, фаҳм, идрок. *Дид-фаросати бор аёл.* *Дид-фаросатга эга бўлмоқ.*

**ДИЕТА** [юн. diaita – яшаш тарзи; овқатланиш тартиби] Бемор ёки соғ одамнинг маълум овқатланиш тартиби; беморнинг белгиланган овқатларнигина истеъмол этиши; парҳез. *Диета сақламоқ.*

**ДИЕТИК** Диетага, парҳезга оид. *Диетик овқатлар.* *Диетик ошхона.*

**ДИЕТИК** Диетани, парҳезни сақловчи; буюрилган парҳез овқатларни истеъмол қилувчи, парҳезчи.

**ДИЕТОЛОГИЯ** [диета + юн. logos – тушунча, таълимот] Тиббиётнинг соғлом кишиларнинг ёки турли хил касалликларда беморларнинг тўғри, оқилона овқатланиш тартибини ўрганувчи бўлими.

**ДИЕТОТЕРАПИЯ** [диета + юн. therapeia – парвариш; даволаш] Ҳар хил касалликларни махсус танлаб олинган маҳсулотлар билан, муайян тартибга риоя қилган ҳолда даволаш усули.

**ДИЁНАТ** [а. ديانت – дин, эътиқод; диний таълимот, ишониш] **1** *Виждон, виждонлилик, инсоф.* *Диёнати йўқ одам.* ■ *Бой деганда диёнат бўлармиди.* С. Кароматов, Бир томчи қон. [Жамшид] *Бегимқулловга инсоф, унинг хўжайинига диёнат тилаб, хонадондан чиқди.* «Ёшлик». *Дунёда диёнат ҳали мавжуддир, ҳали мард йигитлар яшаб турибди.* А. Орипов, Йиллар армони. *Унинг раҳбарлигида барпо этилаётган мустақил ўзбек давлати уч забардаст асосда – диёнат, адолат ва интизом негизида қад кўтармоқда.* Газетадан.

**Диёнатини ютмоқ** Виждонини сотмоқ, виждонсизларча иш тутмоқ.

**2** Диний қонун-қоидаларга қаттиқ риоя этиш; диндорлик, тақводорлик. *Бўтам, мўминлар Муҳаммад йўлидан киқиб кетяпти.* *Хотинларда диёнат қолмади.* С. Аҳмад, Ҳукм. *Менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш*

чогида кўндаланг келадиган виждон бор, дин бор, диёнат бор. А. Қодирый, Ўтган кунлар. *Ислом дини — бу ота-боболаримизнинг дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик.* Газетадан.

**ДИЁНАТЛИ 1** Виждонли, инсофли; диёнати бор. *Пошшахоннинг иккинчи эри сўққабош, завод ишчиси, топгани бир оилани тебратишга етадиган диёнатли эркак эди.* Д. Нуров, Осмон устунни. *Яхшиямки, хоннинг ёнида диёнатли бир одам бор экан, шу киши жонимга ора кирди.* С. Сиёев, Аваз.

**2** Дин қонун-қоидаларига риоя қиладиган, тақводор. *Ҳар қандай хотин билан ҳам иноқ бўлавермаганининг ўзи ўта диёнатли, покдомон эканининг нишонасидир.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Йўқ, қайси мусулмон, қайси диёнатли ота ўз фарзандини, яна бегуноҳ, қўй оғзидан чўп олмайдиган ўғлини “оқ” қилиб, даргоҳидан ҳайдар экан?! К. Яшин, Ҳамза.*

**ДИЁНАТПЕША** [диёнат + пеша] Диёнатни ўзига одат қилиб олган; ақл-идрок, инсоф соҳиби; диёнатли. *..Токи диёнатпешалардан ақл-идрок ўрганиб, имони бутун бўлиб қайтсин.* С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДИЁНАТСИЗ 1** Инсофи йўқ, виждонсиз, шафқатсиз. *Ёнимга келма, инсофсиз, диёнатсиз.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**2** Дин қонун-қоидаларига риоя қилмайдиган; бетавфиқ. *Диёнатсиз одам. ■ Шошмай тур, сенларга бир жазо берайки, бошқа сенга ўхшаган диёнатсизларга ҳам ибрат бўлсин.* Ҳамза, Майсаранинг иши.

**ДИЁР** [а. ديار — уй, маскан; мамлакат; ўлка] **1** Мамлакат, юрт, ўлка. *Ҳур диёр. Она диёр. ■ Бектемирга нотаниш қандайдир қушлар гала-гала бўлиб, аллақайларга, гўзал, иссиқ диёрларга сафар қиладилар.* Ойбек, Куёш қораймас. *Диёримизда бир-бирдан гўзал, оромбахш ва шифобахш масканлар жуда кўп.* Газетадан.

**2** Яшаш жойи, маскан. *Чўпонлар диёрида одамнинг қадри ниҳоятда баланд эканини ҳиротликлар пайқаб ўтиришарди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**3** кўчма Бирор нарса кўп бўлган, кўп етиштириладиган жой. *Тилда дoston Фарғона — Ипак пахта диёри.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

**4** кўчма Олам, борлиқ; кучоқ, бағир. *У ёшлик чоғиданоқ меҳнат диёрига кирди.* Газетадан. *Унинг хаёли сирли, яширин завқлар*

*диёрига учди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Эҳ, нақадар ахир бепоен Сукунат деб аталган диёр.* Р. Парфи, Кўзлар.

**5** Диёр (эркаклар исми).

**ДИЗАЙН** [ингл. design — режа, ният; лойиҳа, чизма, расм] **1** Бадийий фаолият тури — эстетик ҳусусиятларга эга бўлган нарсалар, саноат буюмларини лойиҳалаш, жойлаштириш, жиҳозлаш; бадийий жиҳатдан лойиҳалаш, ташкил қилиш. *Дизайн соҳасидаги мутахассислар маҳсус олий ўқув юрларида тайёрланади.* «ЎЗМЭ». *Замонавий дизайн.. суратлар — буларнинг ҳаммаси [китобни] ёрқин наирлардан бирига айланттир-ган.* Газетадан.

**2** Шу асосда бажарилган ишларнинг умумий ҳолати, кўриниши. *Бино дизайни. ■ Яна бу ускуналар ўзига хос гўзаллик — дизайн яратиш билан ҳам эътиборга лойиқ.* Газетадан.

**ДИЗАЙНЕР** Нарса ва объектларни безаш, уларга расм чизиш, тасвир тушириш — дизайн билан шуғулланувчи шахс; дизайн бўйича мутахассис. *Бирор бир ҳинд дизайнерини яқинлаштиргани йўқ.* Газетадан.

**ДИЗЕЛЛИ** Дизель ўрнатилган, дизель кучи билан юрадиган. *Дизелли трактор.*

**ДИЗЕЛЬ** [нем. немис ихтирочи инженери Р. Дизель (Diesel) исмидан] Суюқ ёнилғининг оғир турлари (мас., дизель ёнилғиси) билан ишлайдиган ички ёнишли двигатель. *Кечаси билан гушллаб чиққан дизель шовқини тиниши биланоқ, симёғочларда чироқ ўчди.* С. Аҳмад, Саҳарларда. *Нарёқда қатор турган бешта дизель баравар гуруллади.* П. Қодиров, Уч илди.

**ДИЗЕЛЬ-МОТОР** айн. дизель.

**ДИЗЕНТЕРИЯ** [лот. dis — йўқолиш, ажралиш, бўлинишни билдирувчи префикс + юн. enteron — ичак] тиб. Йўғон ичакнинг яллиғланиши ва қон аралаш ич кетишидан иборат оғир юқумли касаллик; ичбуруғ. *Дизентерияга қарши кураш. Дизентерия микроблари. ■ Дизентерия — жуда хавфли юқумли касаллик бўлиб, унинг микроблари сувда узоқ вақт сақланади.* Газетадан.

**ДИЗИЛЛАМОҚ** “Диз-диз” товуш чиқармоқ. *Ҳар ёқда турли ҳашарот овозлари визиллайди, дизиллайди.* Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.

**ДИЙДА** [ф. ديدە — кўз] айн. кўз **1.** Боши айланиб, кўзи тинди. *Тўшакка беҳол чўзилди. Дийдасини ёш босди.* С. Сиёев, Аваз. *Юсуф*

билан Аҳмадбекнинг дийдаси намланди. «Юсуф ва Аҳмад». Унг қўлидаги дастрўмоли билан дийдасини артди. С. Кароматов, Сўнгни бархан.

**Дийдам устига** Бош устига, хуш келибсиз. Сизнинг билан бўлсин энди давроним, Дийдамнинг устига, азиз меҳмоним. «Ширин билан Шакар». Кўйган қадамларинг дийдам устига. «Равшан». **Дийдаси бўш** Кўнгли бўш, раҳмдил; йиғлоқи. Тўғри, биз хотинларнинг дийдамиз бўшироқ бўлади, баъзан йиғи юракни бўшатади. Шуҳрат, Шинелли йиллар. **Дийдаси юшмамоқ** Кўнгли бўшмамоқ, раҳми келмоқ. ..лекин Халил бобонинг дийдаси юшмамади. «Ёшлик». **Дийдаси қаттиқ** Кўнгли қаттиқ, бераҳм; кўзига ёш келмайдиган. Мен эркакларнинг дийдаси қаттиқ бўлади, деб эшитар, ўзим ҳам шунга ишонар эдим. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Сен ўзингни етимча қилиб кўрсатмай қўя қол, дийдамиз қаттиқ, йиғлатолмайсан. А. Мухтор, Чинор. Раҳматли онасининг дийдаси қаттиқ эмасди. «Ёшлик». **Дийдаси қотмоқ (ёки қотиб қолмоқ)** 1) кўравериб кўникиб кетмоқ, кўрқмайдиган бўлиб қолмоқ. Ушанда ўлимни кўравериб, дийдаси қотиб қолган эканми.. А. Мухтор, Опа-сингиллар; 2) йиғлайвериб, дийдаси кўз ёши куриб қолмоқ. Йиғлайвериб, дийдаси қотиб кетди. С. Аҳмад, Уфқ; 3) меҳрсиз бўлиб қолмоқ, безмоқ. Бундай қош-қовоқ қилиб, ҳадеб эрингнинг жиғига тегаверма. Дийдаси қотиб, уйдан безийди. С. Нуров, Нарвон. **Нури дийда, нуридийда** 1) кўз нури; 2) кўчма севикли фарзанд. Она нури дийдаси ва жигар-пораси Норматни жуда соғинганини.. ёзган эди. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қўзичоғим, алла, Нури дийдам, алла. «Бойчечак». **Оби дийда, обидийда** Кўз ёши; кўз ёши тўкиш, йиғи. Бу гапни каллангдан чиқар, сен меникисан, оби дийдани йиғиштир! А. Мухтор, Асарлар. Алқисса, обидийда қилиб, падарга жавоб бердимки: ..нима қилсалар, соҳиби ихтиёр ўзларидирлар». А. Қодирий, Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида.

**ДИЙДАГИРЁН** [дийда + гирён] Йиғили; йиғлаган, кўз ёши тўккан. Дийдагирён бўлмоқ. ■ Кўзда ёши мунчоқ-мунчоқ тизилди. Дийдагирён бўлиб, бағри эзилди. «Ширин билан Шакар». Тарзинг кўриб, менинг кўнглим бузилди, Дийдагирён бўлиб, бағрим эзилди. «Маликаи айёр».

**ДИЙДИЁ 1** Хотинлар ўртасида ўқиладиган, айтиладиган “дийдиё” радифли шеър ёки шўх лапар тури. -Орадан ярим соат ўтар-ўтмас дийдиё ўқиб, хотинларни йиғлатиб ўтирган дарвининг қўлини орқасига боғлаб, иягига елим билан ёпиштириб олган узун соқолини юлиб ташладик, — деди Ҳошимжон. Х. Тўхтабоев, Сариқ девни миниб. -Э, Салтанат отин, кўчада ҳам дийдиё ўқиб қолибсиз? — деди Башорат. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**2** кўчма Дард-ҳасрат; хархаша, инжиқлик. Бинафшахон ҳамон дийдиё қилмоқда эди. М.М.Дўст, Галатепа қиссаси. Дийдиёси жонимга тегди. Баъзида кутаётганим Ёсуман аслида шу эмасми, деб ўйлаб қўяман. Б. Раҳмонов, Юрак сирлари. Отамурод чуқур тин олди: худо берди унга. Бошланади энди. Роса дийдиёсини айтадиган бўлди. М. Мансуров, Ёмби. Шербек онаси ўзини кутаётганини пайқаб кулимсиради: яна ўша эски дийдиё — қачон уйланасанни бошласа керак, деб кўнглидан ўтказди. С. Анорбоев, Оқсой.

**3** кўчма Куруқ гап, сафсата; ваъз-насихат. Раҳмат, Эсонбой, дийдиё эшитишга тоқатим йўқ. Ш. Холмирзаев. Бодом қишда гуллади. Ҳар хил миш-миш, дийдиёларга қулоқ солган ҳам аҳмоқ, бунақа майда гапларни уйга ташиб келган ҳам аҳмоқ. С. Нуров, Нарвон.

**ДИЙДИРАМОҚ** Совуқ қотиб титрамоқ. Пошша хола совуқдан дийдираб, тушга яқин қизиникига кириб келди. Д. Нурий, Осмон устун. Розия Сатторнинг қўлида совуқдан дийдираб турган болани кўрди. П. Қодиров, Эрк.

**ДИЙДОР** [ф. دیدار — ташриф; учрашув; ташқи кўриниш, юз] **1** Кишининг юзи, жамоли, рухоси; башара. Азизхон ҳеч кимнинг Лутфинисо дийдорига тўйиб қарашини истамасди. С. Аҳмад, Уфқ. Саккиз ойдан бери энди кўриб ўтирибман дийдорингизни. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Кўзим ололмайман гул дийдорингдан, Толган юракларга жон бўлур пайванд. Миртемир, Асарлар.

**2** кўчма Узоқ айрилиқ, соғинчдан кейин кўришиш, учрашиш. Хат — ярим дийдор. Мақол. ■ Айрилиқларни кўравериб зада бўлган юраклар бу кутилмаган дийдордан ларзага тушди. «Шарқ юлдузи».

**3** кўчма Меҳрибонлик, ғамхўрлик. Нима қиласиз гўдакни ота дийдоридан маҳрум



қилиб. С. Аҳмад, Уфқ. *Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ ғам йўқ.* Газетадан.

**Бола** (ёки гул, мол) баҳона, дийдор ғанимат Бирор нарсани важ қилиб, бирор мақсадни амалга оширмоқ. *Соддасиз, саркор, соддасиз! Бола баҳона, дийдор ғанимат, деган гапни эшитганмисиз?* Уйғун, Асарлар. *Мол баҳона, дийдор ғанимат қилиб, кўришиб олардим.* Р. Файзий, Чўлга баҳор келди. **Дийдор кўришгунча** Яна кўришгунча, хайр (хайрлашув ибораси). -*Дийдор кўришгунча, — деди у секин.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Хайр энди, баҳорин, кўришгунча то дийдор.* А. Орипов, Йиллар армони. **Дийдор кўришмоқ** Узоқ айрилиқ, интизорликдан кейин учрашмоқ, юз кўришмоқ. *Дийдор кўришар кун яқин. Аммо ҳужум қилаёттир дилимга фироқ.* Т. Тўла. *Биз Сўнагул билан неча бор видолашиб, неча бор дийдор кўришдик.* А. Мухтор, Асарлар. *Жўраҳоннинг айтаётган ашуласи бахт ҳақида, муҳаббат ҳақида.. севгилиси билан дийдор кўришишни устаб, соғиниб юрган йигитнинг висол орузлари ҳақида эди.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. *Она ёлғиз ўғли билан дийдор кўриша олмади.* Газетадан. **Дийдор кўрсатмоқ** Ўзини намоён қилмоқ; кўриниш бермоқ, кўринмоқ. *Бир кўрсатиб ғамза билан дийдор ўзинг, Лутфу карам қилдинг қулиб изҳор ўзинг.* Ҳабибий. **Дийдор очмоқ** Юзини очиб кўрсатмоқ. *Тўйлар муборақ, э севгили ёр! Келдим йироқдин, оч менга дийдор.* С. Абдулла. **Дийдор — ғанимат!** Бу ўткинчи дунёда тез-тез кўришиб, учрашиб турайлик, деган маънода ишлатиладиган ибора. *Одам — омонат, дийдор — ғанимат.* Мақол. **Дийдор кўшмоқ** Насиб қилмоқ. *Дийдор кўшса, қиёматда кўргаймиз.* «Холдорхон». **Дийдори ўчсин (ёки курсин) қарғ.** Афти курсин, қуриб кетсин. *Қорачи-роғингни ўчир, дийдори курсин!* Уйғун, Асарлар. *Таннозхон!* *Дийдоринг ўчсин сенинг!* Н. Сафаров, Танланган асарлар. **Дийдорига зор бўлмоқ** Кимсани кўришга муштоқ бўлмоқ. *Лекин фақат дийдорингга бўлиб зор Тупланишдик, ҳамма ортиқ беқарор.* Ҳ. Олимжон. **Дийдорига муяссар этмоқ (ёки қилмоқ)** Дийдор кўрсатмоқ, юз кўрсатмоқ. *Ўзири ўз дийдорига муяссар қилган қутлуг ва шарофатли кун келди.* Шухрат, Шинелли йиллар. **Дийдорига тўймоқ** Соғинган ёки севган кишисини кўриб, васлига тўймоқ,

хумордан чиқмоқ. *У қанча-қанча термилса ҳам, эрининг дийдорига тўя олмасди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли. *Вой болам-эй, келганингдан бери кўчадан кирмайсан, бундоқ бирпасина дийдорингга тўйиб гаплашолмайман.* С. Аҳмад, Қадрлон далалар. **Қиёмат дийдор бўлмоқ** Юз кўришмайдиган бўлиб кетмоқ. *Нуралиман, қон йиғлайман зор-зор, Отам қолди ушбу ишдан беҳабар. Шу сабабдан бўлдим қиёмат дийдор.* «Зулфизар билан Авазхон».

**ДИЙДОРЛАШМОҚ** Кўришмоқ, юзмаюз бўлиб суҳбат қурмоқ. *Наврўз кунларида ҳар бир киши.. қариндошларини байрам билан муборақбод этади, дийдорлашишга ҳаракат қилади.* Газетадан. *Аваз чой дамлади. Катта минор тепасидан офтоб кетгунча икки дўст дийдорлашиб ўтирдилар.* С. Сиёев, Аваз. *Улар шу тариқада бир неча дақиқа дийдорлашишди.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ДИК** тасв.с. Юқори томон йўналган ва жуда тез содир бўладиган, бир онли ҳаракат ҳақида. *Бурга дик этиб сакради.* *Бола дик (этиб) ўрнидан турди.* ■ *Гавҳар суюниб кетганидан дик этиб ўрнидан турди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Шанба кунини ногўхоний бир хабар Поччажоновни ётган еридан дик турғизди.* Мирмуҳсин, Ҳикоялар, қиссалар. *Котиба раис кириши билан дик этиб ўрнидан турди.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**ДИКАНГ-ДИКАНГ** айн. **дик-дик** [Болалар] *Бирпасда диканг-диканг сакраб келиб, кўлларидаги тутам-тутам бойчечакни ўқитувчига тақдим қила бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДИКАНГЛАМОҚ** Дик-дик ҳаракат қилмоқ, дик-дик сакраб юрмоқ, ирғишламоқ. *Мурод Хўжараҳмоннинг диканглаб кетаётганини завқ билан кузатди-да, кейин ашуласини баланд қўйди.* А. Убайдуллаев, Ҳаёт оқими.

**ДИКАНГЛАТМОҚ** Дикангламоқ фл. орт. н. *Кўғирчоқни диканглайтиб уйнатмоқ.* ■ *Сайфи Соқиевичнинг ўзи Сирожиддинни диканглайтиб етаклаб борди-да, ҳужжатларини тарих факультетига топшириб келди.* Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.

**ДИК-ДИК** Дик с. тақр. *Дик-дик сакрамоқ.* *Дик-дик юрмоқ.* ■ *Ёқутойим худди коп-тоқдай дик-дик этиб, эрига яқинлашди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Эчким тупроқни чангитганча дик-дик йўргалайди.* «Ёшлик».

**ДИКДИККА** *шв.* Диккак. *Отга солди дикдикка, Қойил бўлинг эрликка.* «Равшан». Курбон ҳам тўриқнинг дикдиккасини тагига солиб, эгарга бош қўйиб, чўғларга хомуш тикилиб ётарди. Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Дикдиккаси ипакдан, Сачоғида зумрадлар.* «Ойсулув».

**ДИКИЛЛАМОҚ 1** Сакраганнамо, дикдик ҳаракат қилмоқ, дикир-дикир сакраб юрмоқ. *Дикиллаб турган улоқ чопқиллаб бориб, елига ёпишди.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади. *Тамиллани кўрган.. мунчоқ кўзли кўзичоқ унинг олдига дикиллаб чопиб келди.* К. Раҳим, Қўнғироқли кўзичоқ.

**2** Шошиб-пишиб, ўйноқилаб юрмоқ. *Анна Ивановнанинг майда қадам билан дикиллаб орқага қайтишидан унинг бу учрашувдан хурсанд эканлиги кўриниб турарди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ДИКИЛЛАТМОҚ 1** Дикилламоқ фл. орт.н.

**2** Шошилтирмоқ, югуртирмоқ. *Элик-боши уни тезроқ қалъага дикиллатиб олиб боришга ошиқарди.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

**ДИКИР** *масв. с.* Дик-дик ҳаракат ҳақида.

**ДИКИР-ДИКИР** *Дикир с.* такр. *Дикир-дикир сакрамоқ.* ■ *Юнглари қирқилиб енгил бўлган қўй-қўзилар дикир-дикир сакрашади.* «Шарқ юлдузи». *Эрталаб балконга чиқсанг, рўпарангдаги каштан дарахтида олмахонлар дикир-дикир ўйнаб юради.* С. Сиёев, Отлиқ аёл. *Директорнинг розилигини олган уста бўлса, дикир-дикир ўйнар эди.* «Гулдаста».

**ДИКИРЛАМОҚ** *Дикир-дикир* ҳаракат қилмоқ, дикилламоқ. *Майна эшагини хихлади ва шу заҳотиеёқ кетидан Нарзи тоға минган эшакнинг дикирлаган йўрғаси эшитилди.* Ш. Тошматов, Эрк куши. *Қумтепаликлар бағрида кўм-кўк, хушхўр ўтларни еб семирган қўй-эчкилар, дикирлаб, чопқиллаб, сакрашиб юрган кўзичоқларни, туя ва йилқиларни Жунаидхоннинг навкарлари ҳайдаб, чет эл чегарасига олиб боришарди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**ДИККАЙМОҚ** *Тикка кўтарилиб турмоқ, тиккаймоқ.* *Ҳозир у доим диккайиб турган сочларини хўллаб тараган, қора костюм-шим кийган эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Туламат мўйловнинг ўсиқ қошлари диккайди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**Қулоғи диккаймоқ 1)** қулоғи тик кўтарилмақ, чимирилмоқ. *Кўчадаги шарпани эшитган жийрон қашқанинг қулоқлари*

*диккайди.* С. Нуров, Нарвон. *Эшак бўрини кўрган заҳоти, қулоқлари диккайиб қотиб қолган, дами ичига тушиб.. юришга мажоли қолмаган эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар; **2)** *диққати тортилмоқ; қулоқ солмақ.* *Шу вақт ичкаридан хотинларнинг фавақулдода қий-чувтовушлари эшитилиб, иккисининг [Ҳожиди ва Ҳасаналининг] ҳам қулоқлари диккайди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДИККАЙТИРМОҚ** *Диккаймоқ* фл. орт.н. *От хуркиб, қулоқларини диккайтириб, орқага қочмоқчи бўлди.* С. Айний, Эсдаликлар. *Таъсирланиб кетганимни Ражаб ака сезибди шекилли, мўйловини диккайтириб, кулимсиради.* П. Қодиров, Уч илди. *Қулогини шунча диккайтирса ҳам, хавфни Дадақўзи эмас, Ҳожимат сезди.* А. Мухтор, Асарлар.

**ДИККАК** *От* устига ташланадиган безакли, попукли ёпик; жул. *Давир, дикдикка (дирдикка, диккак) сузлари фақат дostonлар тилида учрайди.* «ЎТА».

**ДИКОНГ-ДИКОНГ** *шв. айн. диканг-диканг.* -Эҳ, маза, маза! — *деб Попук севинчидан қуёндай диконг-диконг сакради.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**ДИКОНГЛАМОҚ** *шв. айн. дикангламоқ.* *Ҳожиди бува чойни ҳам кутиб ўтирмай, соат саккизларда диконглаб, кўчага чиқиб кетди.* Мирмуҳсин. *Ювошнинг шўхлиги тутса, янги туғилган бузоқдай, диконглаб сакраб кетади.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

**ДИКРАЙМОҚ** *Тикка бўлиб турмоқ.* *Мўмин ака, худди думини биров босиб олган мушукдай хурпайиб, кўзлари чақчайиб, яккам-дуккам мўйлови дикрайиб турарди.* О. Ёқубов, Бир фельетон қиссаси.

**ДИКТАНТ** [*лот. dictare* — ҳадеб гапиравермоқ, такрорламоқ; айтиб туриб ёздирмоқ] *Имловий ва пунктуацион қоидаларнинг ўзлаштирилиш даражасини текшириш учун айтиб туриб ёздириладиган ёзма иш.* *Диктант ўтказмоқ.* *Диктант олмоқ.*

**ДИКТАТОР** [*лот. diktator* — қадимги Римда фавқулодда ҳолатларда сайланадиган, чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган шахс] *Чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган ҳоким, якка ҳукмдор, ҳокими мутлақ.* *Кромвель ҳарбий диктатор бўлиб қолди.* «Янги тарих». *Диктатор Пиночет халқаро суд ҳукмига топширилди.* Газетадан.

**2** Бирор соҳада, масалада ўз ҳукмини, сўзини ўтказувчи шахс.

**ДИКТАТОРЛИК 1** Чекланмаган ҳокимиятга эгалик; диктатор мақомида бўлишлик.

**2** Ана шундай ҳуқуқ берувчи лавозим, шароит. *Диктаторлик режими. Диктаторлик даври.*

**ДИКТАТУРА** [лот. dictatura – диктатор унвони; чекланмаган ҳокимият] Давлат бошқарувининг нодемократик усуллар билан амалга оширилиши; зўравонликка таянувчи чекланмаган ҳокимият; тоталитар режим. *Фашистик диктатура. Ҳарбий диктатура.*

**ДИКТОВКА** [лот. dictare – айтиб туриб ёздирмоқ]: **диктовка қилмоқ** 1) тингловчи ёзиб олиши учун бирор-бир матнни овоз чиқариб айтиб туриш. *Бўлмаса, сиз секин-аста диктовка қилинг, мен ёзиб олай.* Ҳ. Назир, Сўнмас чакмоқлар; 2) с.т. бирор фикрни ёки хусусий фикрни амалга оширишга мажбурлаш. *Менга диктовка қилманг, нима қилишни ўзим биламан.*

**ДИКТОВКАЧИ** Бирор матнни ўзгаларнинг ёзиб олиши учун ёддан айтувчи ёки ўқувчи шахс. *Йигит бутун вужуди билан ишга берилиб кетди. Бунда унга диктовкачи қиз Раҳиммахон айниқса кўмакдош бўлди.* Газетадан.

**ДИКТОР** [лот. dictor – сўзловчи, гапирувчи] Радио ёки телевизор орқали узатиладиган тайёр матнларни микрофон олдида ёки телекамера қаршида ўқиб эшиттирувчи ходим; суҳандон. *Радиоузел диктори. Диктор бўлиб ишламоқ. ■ Диктор галаба тўғрисидаги хабарни қайта-қайта такрор-лаяпти.* Т. Ашуров, Оқ от. *Радиодан таниш дикторнинг овози тантанали янграмоқда эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Талантли дикторимиз Қодир Махсумов айниқса лирик шеърларни ўқиганда, киши қалби тўлқинлиб кетади.* Газетадан.

**ДИКТОФОН** [лот. dictare – айтиб турмоқ + юн. phone – товуш, овоз] Озгаки нутқ, куй ва товушларни ёзиб олиб, қайта эшиттирадиган қўл аппарати. *Тошкентдаги “Тез ёрдам” клиникасида магнитофон, диктофон хизматларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.* Газетадан.

**ДИКЦИЯ** [лот. dictio – талаффуз қилиш] Нутқ, кўшиқ ва декламацияда сўз, бўғин ва товушларни талаффуз этишнинг аниқлик даражаси. *Унинг дикцияси яхши. ■ Юмористик образ яратишда ижрочилар мимика, диалог, дикция, грим, костюм, бута-*

*фория каби театр элементларидан усталик билан фойдаланадилар.* М. Қодиров, Халқ рақслари ҳақида.

**ДИЛ** [ф. دل – юрак; қалб, кўнгил] **1** айн. **юрак 1.** *Дил уриши. Дил ўйноғи. Содда сири – тилида, Писмиқ сақлар дилида.* Мақол. ■ *Ичкаридан дилни ларзага солувчи фарёд эшитилди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга кулоқ сол. *Дилим бақувват, қўлим юмуш қидиради.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**2** кўйма Кишининг ички руҳий дунёси, ички ҳис-туйғуларининг маркази, рамзи; кўнгил, қалб. *Мухаббат – дил меваси.* Мақол. *Дилда бўлса, тилга келади.* Мақол. ■ *Киши дилини, киши хушини олиб қўядиган куй.* М. Исмғилий, Фарғона т. о. *Азизхоннинг бу гапдан дили ёришиб кетди.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Дил боғламоқ** Кўнгил қўймоқ, дўстлашмоқ, яқинлашмоқ. *Савлатига боқма, ким номард экан, дил боғлама.* Ҳабибий, Девон. **Дил мулки** (ёки **кишвари, уйи**) Кишининг ички дунёси, бутун вужуди; кўнгил тўри. *Дил мулкида сенсан меҳри ховарим.* Ҳабибий, Девон. *Сухбати ҳикматга бой, дил кишварин обод этар.* Ҳабибий, Девон. **Дил овламоқ** айн. **кўнгил овламоқ қ. кўнгил.** **Дил оғритмоқ** Хафа қилмоқ, ранжитмоқ. *Дил оғритман – дўст эмас.* Мақол. ■ *Бир-икки киши Карим отанинг дилини оғритди.* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Дил чигили** (ёки **ғубори**) Юракдаги орзу-армон, йиғилиб қолган дард; дилхиралик. *Дил чигили ёзилсин, деб тоққайчи олиб, гулзорга кирдим.* Газетадан. *Ширин суҳбат билан дилларнинг ғуборини совураимиз.* Ойбек, Навоий. **Дил яраси** Кўнгилдаги ғам-алам, алам-аччиқ. *Бош яраси тузалса ҳам, дил яраси тузалмас.* Мақол. *Қозон қораси кетар, дил яраси кетмас.* Мақол. **Дил қуввати** Кишининг руҳини кўтарувчи, кишига мадал, дадиллик берувчи нарса. *Дилимнинг қуввати, дардимга дармон бир келиб кетсун.* Ҳамза. **Дилдан** Жону дил билан, самимий, чин кўнгилдан. *Мен сизни дилдан севаман. Бизга ёзган хатида дилдан салом айтибди. Дилдан табрик этмоқ. Дили бузилмоқ (ёки **вайрон бўлмоқ**) айн. **кўнгил бузилмоқ қ. кўнгил 1.** **Дили оқ** Кўнгилда кири йўқ, оққўнгил, софдил. *Онанинг кўкраги битмас булоқдир, Дили оқ бўлгандан суги ҳам оқдир.* Ё. Мирзо. **Дили оғримоқ** айн. **кўнгил оғримоқ қ. кўнгил.** **Дили сиёҳ** Кўнгил ранжиган, ниҳоятда хафа. *Тонгдан бери дилим**

сиёҳ: ёмон туш кўрдим. Ойбек, Қуёш қораймас. **Дили хуфтон** (ёки қоронғи, вайрон) Кўнглига ҳеч нарса сиғмайди, ниҳоятда хафа. *Кечагина дили хуфтон эди. Т. Малик, Қалдирғоч. Дили вайрон бўлиб, зор-зор йиғлагиси келди. П. Турсун, Ўқитувчи. Фақат Дилдорнинг дили қоронғи, либоси қора эди. С. Аҳмад, Уфқ. Дили қон Юраги ғам-гуссага тўлган; руҳан эзилган. Мана шу дили қон, юзи заъфарон халқ чехрасидаги бир оний шодлик Қудратни ўзининг ёниқ, илиқ бағрига тортарди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Ғулможон ҳам сувга ташна жон, ҳам ёр ҳажрида дили қон эди. М. Исмоилий, Фарғона т. о. Дили қора (ёки кир) Кўнгли қора, нияти, мақсади бузуқ. Дили қора — тили қора. Мақол. Ғийбатчининг дили кир, Ғар-ўғрининг тили бир. Мақол. Дили ғаш айн. кўнгли ғаш қ. кўнгли.*

**3** кўчма Кўнгилдаги нарса (тилак, мақсад, ният, ўй, фикр ва ш. к.). *Дили тўғрининг йўли тўғри. Мақол. Қўли қинғирнинг дили қинғир. Мақол. Қўпон дил қилса, тақадан сут олар. Мақол. ■ Дили яқин кишилар бир-бирининг кўнгидагини дарров топади. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. От ҳам эгасининг дилини билгандай, битта-битта қадам ташлаб, сувлигини шиқирлатиб борар эди. А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироқлари.*

**Аҳли дил** 1) дин. тасаввуф кишиси, суфий; 2) ҳасраткаш, кимсанинг ҳасратига шерик бўла олувчи киши; 3) бировнинг дилидагини тушуна олувчи, суҳбатдош мақсадини яхши англовчи киши. *Бу замонда шеър тинглайдиган аҳли дил қолмабди. С. Сиёев, Ёруғлик. Аҳли дилларга нозу фиरोқ ярашмас. С. Сиёев, Ёруғлик. Дил розини айтмоқ (ёки изҳор этмоқ) Кўнгли (қалб)даги истакларини изҳор қилмоқ. Раиса эри билан орани очиқ қилиб қайтган йиллари.. турмуш қурайлик, деб дил розини айтган эркаклар бўлди. М. Хайруллаев, Тилла маржон. Нуқсонингни айтган дўстга дил розини изҳор этсанг арзийди. Газетадан. Дилга тугмоқ Кўнгилда, ичда, юракда сақламоқ, ичга солмоқ. Дунё шундай ясалган экан, болам. Бировга ёруғ, бировга қоронғи. Аммо ҳар нарсани ўйлаб, дилиннга тугма, хафақон бўлиб қоласан. Ойбек, Танланган асарлар. ..бир сирни дилиннга туг. Уч-тўрт кун ичида дараги чиқиб қолади. Ойбек, Танланган асарлар. Дилни ёрмоқ Фикру ўйларини*

ўртоқлашмоқ, сирларини айтмоқ. *Бугун боқсам, сен дилингни ёрасан, Неча вақтдан буйтиб сен оворасан. «Эрали ва Шерали». Ғамзи дил Кўнгли ишораси, кўнгилдаги муддао. Ҳали ҳам кўнгли аро борми деб ишқим асари, Ғамзи дил олмоқ учун билгани мастон келаду. Ҳамза. Шарҳи дил қ. шарҳ. Қулфи дил қ. қулф. Қулфи дили очилмоқ қ. қулф.*

**4** кўчма Кишининг хотири, эс. ёд, хаёл; кўнгли. *Тўртни ёзамиз, икки дилда. Дилимга бир гап келди. У гапларни дилимдан чиқариб юборганман. ■ [Ғулможон] Қизинг ўзини ҳам бир кўриб, суратини дилига чизиб олган эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бизларга, истасанг — шу, истамасанг — катта кўча, дейди. Тилида айтмаса ҳам, дилида айтади. Ойбек, Танланган асарлар. Аваз дилида Мутриб билан келишмади. С. Сиёев, Аваз.*

**ДИЛАБГОР** айн. дилафгор. Янгилик бор, деб бир ниманинг исини чиқардинг-у, мани дилабгор қилиб кетдинг. *Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Жангчилар, Саша ўлиб, дилабгор бўлиб, вазодага қайтганида, тонг ёриша бошлаган эди. Т. Рустамов, Мангу жасорат.*

**ДИЛАФГОР** [ф. دل افگار — дили яраланган, вайрон бўлган] эск. кт. Ғам-қайғу, ҳасрат чекиб ёки озор тортиб, дили вайрон бўлган; кўнгли бузилган, дилпора. *Ҳа, бурчакдаги кичкина стол ортида мунис ва дилафгор ҳамхонаси Маҳзуна ўтирарди. Х. Темиров, Хиёбондаги одам. [Пирназар полвон] ..дилафгор кўнглини кўтарадиган, ҳамиша яхши ишнинг бошида турадиган одатини ташлади. Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. Ўйламасму қайда қолди деб дилафгорим ҳануз. Ҳабибий, Девон.*

**ДИЛАФГОРЛИК** Қайғудан кўнгли вайрон бўлганлик. *Бор дилозорлик сенга-ю, Бор дилафгорлик менга. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

**ДИЛАФЗО** [ф. دل افزا — кўнглини кўтарувчи, юракни тетик қилувчи] Кўнглини кўтарувчи; шодлантирувчи. *Худо ҳаққи, дилафзо, сўнги тонг бу, Мухаммадга аянчи сўнги жанг бу. Т. Тўла, Асарлар.*

**ДИЛАФКОР** айн. дилафгор. Нечунким, марҳамат бўлсин неча мендек дилафкора. Увайсий, Кўнгли гулзори.

**ДИЛАФРЎЗ** [ф. دل افروز — кўнглини шодлантирувчи] **1** поэт. Кўнглига қувонч бахш этувчи, дилни ёритувчи, қувонтирувчи. *Мунаввар ва дилафрўз баҳор келди. «Саодат». Мен висол боғининг бўлдим меҳмони, қалъага*

чўкканда дилафрўз оқишом. Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар.

2 Дилафрўз (хотин-қизлар исми).

**ДИЛБАНД** [ф. دلبند — дилни тортувчи, кўнглини боғловчи; азиз] 1 Кўнгли бировга боғланган, мафтун бўлиб қолган. *Азал-абад ҳамдаммиз, азал-абад дилбандмиз, Салом келтирдик сенга Сирдарё бўйларидан. А. Орипов, Йиллар армони. Гунча бошин эгмоқ бўлар гоҳ шамол, Осон енгилмайди замин дилбанди. Г. Жўраева, Иқбол.*

2 *сфт.* Дилни ўзига тортувчи, мафтун этувчи. *Бу қўшиқлар умрга пайванд, Нақадар шод, ёқимли, дилбанд. Х. Расул. Тожикларнинг тоғлари аро Ўрин олган бир дилбанд қишлоқ. Шайхзода.*

3 *кўчма* Суюкли бола, азиз фарзанд. *Фарзандинг — дилбандинг. Мақол. ■ Мушфиқ она кўз олдида Ўсиб борар дилбанди. Минг хил ният хаёлида: Ким бўларкин фарзанди!? Э. Раҳимов. Ҳасанхон ҳам бировларнинг дилбанди. «Ҳасанхон».*

**ДИЛБАР** [ф. دلبر — дилни тортувчи, жалб этувчи, ёқимли] 1 Дилни мафтун этадиган, ўзига тортадиган, ёқимли, дилрабо. *Дилбар манзара. Дилбар боғлар. ■ Бу ерда табиат сахий ва дилбар, Хоҳла — нур, хоҳласанг — тахтдир соя жой. М. Эгамбердиева, Гулбарг. Яхшиям боқийдир дилбар шеғрият, Самандар мисоли ўлим билмас жон. А. Орипов, Йиллар армони.*

2 *от* Гўзал ёр, маъшуқа, маҳбуба. *Қўларимдан тут ўзинг, дилбар, Ойдин йўлга етакла мени.. Э. Воҳидов, Муҳаббат. Баҳорда очилган боғнинг гулисан, Сен ҳам бир дилбарнинг жони-дилисан. «Маликаи айёр».*

3 *сфт.* Кўркамлиги, одоби ва назокати билан эс-хушни оладиган, чиройли. *Дилбар йигит. ■ Энг дилбар одамни сўрдилар мендан, Менинг отам дедим, отам, албатта! Т. Тўла, Асарлар. Унақа [Раҳимахондек] дилбар жувон энди қаяёқди! Э. Раймов, Ажаб қишлоқ.*

4 Дилбар (хотин-қизлар исми).

**ДИЛБАРЛИК** Гўзаллик ва мафтункорлик хусусиятига эгалик; нафосатлилик. *Саҳнага чиқадиған артистда ўзига хос дилбарлик бўлиши керак. Газетадан. Саъдулла Сиевнинг қисса ва ҳикоялари.. тилининг ўктам ва дилбарлиги билан эътиборлидир. Газетадан.*

**ДИЛБАСТА** [ф. دلبسته — дили боғланган, ошиқ] Ишқ дардига мубтало бўлган, ошиқ; мафтун. *Ҳар кимсага кўп лутфу карам*

*айладинг, аммо Дилбаста Ҳабибийга нечук ноз қилурсан? Ҳабибий, Девон.*

**ДИЛГИР** [ф. دلگیر — нохуш, хафа, маҳзун; жаҳли чиққан] 1 Кўнгли гаш, кўнгли олинган, юраги сикилган. *Абдусалом дилгир бўлиб, отасини кутиб ўтирган эди. С. Сиев, Аваз. Лекин мезбоннинг дилгир кайфияти уларнинг очилиб-сочилиб ўтиришига монелик қиларди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Дилгир дилни шод этиши, ноҳақ йиқилганни суяш, тўхматга учраганини ҳимоя қилиш — марднинг иши. Газетадан.*

2 Юрагини олдириб қўйган, қўрқиб қолган. *Уша даҳшатли воқеадан кейин у жуда дилгир бўлиб қолган.*

**ДИЛГИРЛИК** 1 Хафа, ғамгин кишининг кайфияти; кўнгли гашлик; ғамгинлик. [Султонмурод] *Буеун ҳам эрталабдан бери дилгирликдан ўзини овутуш учун бир неча марта китобларга мурожат этди. Ойбек, Навоий. Комил кулимсиради, дилгирлиги бир оз тарқалди. «Ёшлик».*

**ДИЛДИРАМОҚ** Совуқдан қалтирамоқ, титрамоқ. *Оч, дилдираб қолган Умид иссиққина танчада ўтириб, танига қайта жон кирди. Мирмуҳсин, Умид. Бурчақда ўша ногирон хўтикча зах ва совуқдан бошини солинтириб, дилдираб турарди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Оппоқ қор.. Қош қорайганда, юнун кийинган одамлар қунушиб, дилдирашиб, чойхонага томон кела бошлади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.*

**ДИЛДОР** [ф. دلدار — жасур, қўрқмас; севгили, севикли киши] 1 Гўзал ёр, маъшуқа, севгили. *Фуломжон.. тўймаган кўзлари билан дилдорига тикилиб: “Хайр, яхши қолинг”, — деди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Неча вақтдан бери хайрон бўлибман, Ажойиб дилдора дучор бўлибман. «Кўшиқлар». Ўйласам, гулчеҳра дилдоримга дилдор ўхшамас, Лоларанг рухсорига ҳар лоларухсор ўхшамас. Ҳабибий, Девон.*

2 *сфт.* Дилни ўзига тортувчи, кўнглига хуш ёқадиган; ёқимли, меҳрибон. *Мунча ҳам меҳмоннавозу дилкашу дилдор экан.. Ҳабибий, Девон. Орзуманд кўнглимнинг шўх дилдори сен, Севги салтанатин шуълакори сен. Миртемир, Асарлар.*

3 Дилдор (хотин-қизлар исми).

**ДИЛДОРЛИК** 1 Дилни тортувчанлик, ошиқлик; ёқимлилик.

2 Меҳрибонлик, дилнавозлик. *Ўз чодирда нимадир ёзиб ўтирган чол дилдорлик*

билан [Арслонқулни] қаршилади. Ойбек, Навоий. *Ҳа, мени бу хатарли йўлдан қайтарган хотиним, унинг дилдорлиги, вафодоқати бўлди.* Газетадан.

**ДИЛДОШ** Сиру асорларини яширмасдан ўзаро ўртоқлашувчи шахс, сирдош, ишончли суҳбатдош. *Дўстинг билан дилдош бўл.* Қилар ишида қўлдош бўл. Мақол. ■ *Ўқшига кетган кунимдан бошлабоқ сенингдек дилдош, суянчиқ ахтардим.* «Ёшлик».

**ДИЛЕММА** [ди.. + юн. lemma – асос, далил бўла оладиган ҳукм] Бир-бирига зид бўлган икки номақбул имкониятдан бирини танлашга мажбур бўлиш.

**ДИЛЕР** [ингл. dealer – биржа даллоли] 1 Товарлар (маҳсулот) олди-сотдиси билан шуғулланувчи, ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобидан ҳаракат қилувчи жисмоний шахс ёки фирма.

2 Қимматбаҳо қоғозлар, валюталар, қимматбаҳо металллар олди-сотдиси билан шуғулланувчи, ўз номидан ва ўз маблағи ҳисобидан ҳаракат қилувчи фонд биржаси аъзоси, жисмоний ёки юридик шахс.

**ДИЛЕРЛИК** Дилер касби, вазифасида бўлишлик, шу иш билан шуғулланиш. *Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тadbиркорлик бўғинлари – брокерлик ва дилерлик идоралари.. пайдо бўлишига олиб келди.* Газетадан.

**ДИЛЖАМ** [дил + а. جمع – тўпланиш, бирлашиш] фольк. Кўнгли жойига тушган, хотиржам, осойишта. *Ана энди кўнгли дилжам бўлиб, Ёвмит элига Гўрўғлибек уч кун тўй-томоша бериб, ўз ишида бўлди.* «Юнус пари». *Олиб келиб, дорга тортиб ўлдириб, Кўнглимни дилжам қилинглар.* «Юсуф ва Аҳмад».

**ДИЛ-ЖИГАР** : дил-жигаридан урмоқ айн. жигаридан (ёки юрагидан) урмоқ қ. урмоқ.

**ДИЛ-ЖОН**, дилу жон кам. қўлл. айн. жондил. Сен менинг дилу жонимсан. Жўхори – чорванинг дилу жони. ■ [Ҳожи она бойга:] *Хонзода.. сени дилу жонидан яхши кўрар экан.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДИЛИЖОН** [фр. diligence] Транспорт тараққий этмаган вақтларда почтани, йўловчилар ва уларнинг юкларини мунтазам ташиш учун хизмат қилган тўрт гилдиракли катта соябон арава.

**ДИЛИКАПТАР** [ф. دلکھتر – каптар юраги] Узумнинг кечпишар, хўраки нави. Куз

кунлари. *Ишкомларда хусайни, диликаптар, кишимши, шивирғониларнинг боши ерга тегай деб энгашган.* С. Абдулла, Бир шингили томоқни ёради.

**ДИЛКАШ** [ф. دلکش – дилни тортувчи, мафтункор, жозибали] 1 Кишини ўзига тортувчи, суҳбатлашса завқ, лаззат оладиган; суюкли. *Дилкаш қиз. Дилкаш йигит.* ■ *Ростини айтганда, шундай дилкаш йигитга чиндан тоға бўлишни кўнглим тилаган эди.* Н. Норматов, Исмоил тоға тарозиси. *Бобо анча дилкаш, суҳбати ширин ва ўтган замонларни эслаб гапирини ёқтирарди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 Кишининг баҳридилини очадиган, дил баҳра оладиган. *Шу дилкаш дамларда мен яйраб, Лаззатга фарқ бўлиб кетаман.* Ҳ. Олимжон.

**ДИЛКАШЛИК** Кишини ўзига жалб қилишлик, самимийлик; очиқ кўнгилик. *Дилкашлик қилмоқ.* ■ [Йигитнинг] *Дилкашлиги Шербекка ёқиб тушди.* С. Анорбоев, Оксой. *Дилкашлик қиладиган Ҳафизасиз каттакон ҳовлида “шони фарбон” қилиб, кампир бувининг бир ўзи шумшайиб ўтирди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ДИЛКУШО** [ф. دلگشا – кўнглини очувчи] кт. Баҳридилни очадиган, кўнглини хушнуд қиладиган; оромбахш. *Бу водийда сиз айтган аждаҳо нафасидай гармселлар ўрнига дилкушо шабадалар эсади.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Сенингдек дилкушо жонон топилмас.* Ҳабибий, Девон.

**ДИЛНАВОЗ** [ф. دلنواز – дилни, кўнглини эркаловчи] кт. 1 сфт. Кўнглини овловчи, кўнглини хушнуд этувчи; марҳаматли, ёқимли. *Мулойим, дилнавоз садолар унинг [Йўлчининг] бутун томирларидан ҳордиғини суғургандай бўлди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Иқлими дилнавоз, бойликлари беқийс.. бизнинг бу серқуёш ўлкамизда олтин куз барқ урмоқда.* Уйғун.

2 Дилкаш ёр, маъшуқа. *Менинг дилнавозим, нигорим келур.* Ҳабибий, Девон.

**ДИЛНАВОЗЛИК** Кўнглини хушнуд этишлик; меҳрибонлик.

**ДИЛОВАР** [ф. دلآور – юракли, мард, жасур, қахрамон] 1 Юракли, қўрқмас, жасур, ботир. *Замину замонда ўзинсан голиб, Эй, менинг диловар, оловқалб укам.* А. Орипов, Йиллар армони. *Бирга борар моҳи анвар, Қаватинда диловарлар.* «Гулшанбоғ».

2 Диловар (эркаклар ва хотин-қизлар исми).

**ДИЛОВАРЛИК** Диловар кишиларга хос иш, хатти-ҳаракат; қаҳрамонлик, ботирлик. *Диловарлик кўрсатмоқ. Диловарлик жанги.*

**ДИЛОЗОР** [ф. دل آزار — дилга озор, ранж етказувчи, дилни яраловчи] 1 Кишининг дилига озор берувчи, кишини ранжитувчи, муомаласи совуқ, ситамгар. *Дилозор одам. Дилозордан худо безор. Мақол. Кимки бўлса дилозор, Ундан элу юрт безор. Мақол. ■ Раис ака, унақа дилозор бўлманг, С. Аҳмад, Қадрдон далалар.*

2 Юракни эзувчи, оғир, машаққатли. *Уларни ночор, дилозор қора кунлари мажбур қиларди!* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДИЛОЗОРЛИК** 1 Дилозорга хос хатти-ҳаракат; дилозор бўлишлик. *Энди қариб бораётиман, бор умрим сипоҳилик қиламан деб, дилозорлик билан ўтди.* «Нурали».

2 Кишининг дилига озор етказиш, одамни ранжитиш. *Дилозорлик қилмоқ. ■ Дилбар бу гапларнинг ноўрин ва дилозорлик эканини била туриб гапирар эди. Н. Сафаров, Узокни кўзлаган қиз.*

**ДИЛОРО** [ф. دل آرا — дилга оро берувчи, кўнгилни безовчи] 1 *кт.* Кўнгилга хуш ёқувчи, кишини мафтун этувчи; дилрабо. *Тожикларнинг тоғлари аро Ўрин олган бир дилбанд қишлоқ. Дарахтзори кўм-кўк, дилоро, Аталаркан у “Баланд қишлоқ”. Шайхзода.*

2 Дилоро (хотин-қизлар исми).

**ДИЛОРОМ** [ф. دل آرام — дилга ором, роҳат бағишловчи] 1 *сфт.* Дилга осойишталик бағишловчи, кўнгилга ором берувчи; оромбахш, роҳатбахш. *Навниҳоллар, кўм-кўк япроқлар.. Яшнади-да, бўлди дилором. Х. Расул.*

2 *от* Ширинсўз ва меҳрибон ёр; маҳбуба, маъшуқа. *[Муллаўзи:] Келмайсизми, эй дилором! Юрак беором бўлди-ку! Ҳамза, Майсаранинг иши. Тўйиб шимирса ёрим, Ёзилади хуморим, Чечак очар гулзорим, Кўрсам дилоромимни. Ё. Мирзо.*

3 Дилором (хотин-қизлар исми).

**ДИЛПАЗИР** [ф. دلپازير — кўнгилга мақбул келган, дилтортар] *кт.* Кўнгилга маъқул тушувчи, кўнгилга ёқадиган, ёқимли; дилрабо. *Шайх найда дилпазир бир мақомни ғоят гўзал чалибди. Ойбек, Навоий. -Меҳмонлар кўп мулоим, дилпазир кишилар экан, — деди Абдулла. Й. Шамшаров, Биз тўқай-бузарлармиз.*

**ДИЛПАРВАР** [ф. دلپور — дил тарбиячиси, ғамхўри] *кам. қўлл.* Кўнгилни хушловчи, кўнгилга далда, таскин берувчи. *Дилимда тўхтамас ғам, Меҳрибон дилпарварим бордир. Ҳабибий, Девон.*

**ДИЛПИСАНД** [ф. دلپسند — дилга маъқул тушувчи, ёқувчи] *кам. қўлл.* Кўнгилга маъқул тушувчи, кўнгилга ўтирувчи, ёқувчи. *Ҳаётбахш кўшиқдек бўлди дилписанд Одоб расмидаги ноз, ишваларинг. Х. Расул, Бахт нашъаси.*

**ДИЛПОРА** [ф. دلپاره — дили, қалби парчаланган] Ғам-қайғу, ҳасрат чекиб, кўнгилпора, вайрон бўлган; дилафгор. *-Удилпорани икки оғиз сўз билан хурсанд қил, — деди Ҳожи хола Тўтиқизга. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**ДИЛРАБО** [ф. دلربا — қалбни жалб этувчи, дилтортар, мафтункор] 1 *сфт.* Кўнгилни мафтун этадиган, кишини ўзига тортадиган; ёқимли. *Дилрабо куй. Дилрабо манзара. ■ Ватан! Нақадар.. дилдор ва дилрабо, жозибали ва ёқимли эшитилади бу сўз!* Газетадан. *Овоз шу қадар тиниқ, дилрабо эдики, Муқаддам ҳаяжондан энтикиб кетганини сезди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Эй, сиз, тоғлар, дилрабо тоғлар, Ёш қалбимни мафтун этгансиз. А. Орипов, Йиллар армони.*

2 *от* Гўзал ёр, маъшуқа, маҳбуба. *Э дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб. Ҳамза. Кетдим бериб кўнгил у дилрабога вафо билан, Тўлдирди-кетди кўнгилмни ишқий наво билан. М. Бобоев.*

3 Дилрабо (хотин-қизлар исми).

**ДИЛРАБОЛИК** Кўркамлик, мафтункорлик; таннозлик. *[Сув] Қанча-қанча ерларга бебаҳо нафосат ёяди, чўлларга жон, боғларга дилраболик бағишлайди энди. Ж. Абдуллахонов, Тўфон. Ноз этиб, Ҳабибийнинг ишқин имтиҳон айлаб, Расми дилраболикда янги бир шиор этдинг. Ҳабибий, Девон.*

**ДИЛРОЗ** [ф. دلراز — кўнгил, юрак сири] *кт.* Юрак сири, кўнгилдаги ҳасрат ёки тилак, истак, орзу. *Дилроз айтмоқ. ■ Фуломжон тоғда бўзлаб, дилрозини сўзлаб ётган ойдин кечада бахтнинг шу қадар яқин эканлигини билибмиди? М. Исмоилий, Фарғона т.о. Улар [Уғилой ва Ҳаётжон] бир-бирларица қизиқиб қарар, лекин дилрозларини изҳор қилишга ботинолмас эдилар. М. Осим, Карвон йўлларида.*

**ДИЛСИЁҲ** [ф. دلسيه — қора юрак, ёмон ниятли] 1 Бировга яхшиликни раво

кўрмовчи, ичи қора, бахил. Уларни боғчадан қувиб борамиз, Даф бўлсин дилсиёҳ, бахил, ғаламис. «Муштум».

2 Ичи қора одамдан жабр кўрган, кўнгли қолган, ранжиган. Ҳа, танисаям, танимаганга соляпти ўзини, дедим-да, дилсиёҳ бўлиб, қайтиб кетдим. Т. Рустамов, Мангу жасорат.

**ДИЛСИЁҲЛИК** Бировнинг ноҳақ, ноўрин ҳаракати, сўздан қаттиқ ранжишлик ёки ана шундай ҳаракат билан бировни ранжитишлик; хафагарчилик. – Ҳозирча тинч яшаб турибмиз. Тағин орага бирон дилсиёҳлик тушмасин, – деди Лаъли ердан кўзини узмай. Д. Нурий, Осмон устунни. Устма-уст юз берган дилсиёҳликлар Муҳаммад Шарифнинг юрагини зада қилиб қўйди. Қ. Мирзо, Олам гўзал. Уйдаги дилсиёҳлик каттаю кичикнинг, айниқса бундай ҳолатга кўникмаган Шавкатнинг вужудини сирқиратарди. Қ. Кенжа, Тоғ йўлида бир оқшом.

**ДИЛСЎЗ** [ф. دل سوز – юракни, қалбни ёндирувчи; жонкуяр] кт. Дилни куйдирадиган, ўткир, таъсирли; жонни олувчи. Номаи дилсўз. Ошиқи дилсўз. ■ Чикарди жонидин бир оҳи дилсўз, Қиёмат бўлди гўёки ўшал рўз. «Тоҳир ва Зуҳра». Ошиқ бир номаи дилсўз юборибдир. «Муштум». Яшин уриб кетган дарахдек тўниб, Поёнсиз бўшлиққа қарайман дилсўз. Р. Парфи, Кўзлар.

**ДИЛСЎЗЛИК 1** Дилни ўрташлик, ўта таъсирчанлик, мафтункорлик.

2 Юракдан берилганлик; ачинганлик, жонкуярлик. Қамбарали Мирҳомидхўжанинг сўзига жон-дили билан қулоқ солар экан.. Мирҳомидхўжага дилсўзлик важҳидан чуқур уф тортди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**ДИЛТАНГ** [ф. دلتنگ – юраги тор, сиқилган] 1 Юраги сиқилган, ғоят хафа, ғамгин; маъюс. Шу кунларда шоҳ жуда дилтанг эди. «Баҳром ва Гуландом». Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг, Йўлларимга қараб қолдинг сен. А. Орипов, Йиллар армони. Гоҳи мағрур, гоҳи дилтанг, Гоҳи ҳазин, гоҳи тумтароқ. Э. Воҳидов, Муҳаббат.

2 Юраги тор, тажанг; паришон. Дилтанг одам. ■ Эломонов дилтанг қўл силкиб қўя қолди. М. М. Дўст, Галатепа қиссалари. Қўлимни боғла, майли, бўлма дилтанг! Элимни ёқма-ю, элиб мени ёқ! С. Абдулла, Асарлар. Шунақа дилтанг пайтда Холқўзининг келгани унга булут орасидан чиққан офтобдек туюлди. С. Сиёев, Отлиқ аёл.

**ДИЛТАНГЛИК 1** Юраги сиқилган, ранжиган ҳолат; хафалик; тажанглик. Даврон дилтанглик билан бир неча бор у ёқдан-бу ёққа юриди. Н. Қиличев, Чигириқ. Хотиним сал хавотирланиб, эрим шоирмас, ёзувчи, деб эътироз билдирган экан, врач куёвим дилтанглик билан қўл силтабди. М. М. Дўст, Лолазор.

2 Паришонлик; маъюслик, хафагарчилик. Салиманинг сал ёришигандан кўнгли таскин топса ҳам, бари бир, зимдан сезилиб турган дилтанглигини билолмайди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДИЛТОРТАР 1** Кўнгилга хуш келадиган; кўнгилга яқин; дилни ўзига тортадиган, мафтункор, дилкаш. Дилтортар дўст. ■ Чол дилтортар кишиси олдида ечилди. Й. Шамшаров, Пахтақайнар. Чойдан сўнг икки дўст икки-уч дилтортар улфат билан тоққа чиқиб кетишга қарор қилдилар. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

2 Кишига ёқадиган, хуш келадиган; ёқимли. Муқимийни кўрганлар кам бўлса ҳам.. унинг оғиздан оғизга утиб келган дилтортар ғазалларидан.. танийдиганлар кўп. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДИЛФИГОР** [ф. دل فگار – қалби, кўнгли яраланган] кт. айн. **дилафгор**. Ҳажр доғи дардманду дилфигор айлар мени. Нодира. Утса ойлар ҳам, Муқимий, дилфигорим бор эди! Муқимий.

**ДИЛХАСТА** [ф. دلخاسته – юраги пора; дилпора; кўнгли қолган] 1 Юраги касал, қалби парчаланган. Киши ҳар кунни шудрини кўтарилмасдан гул теришини тарк этмаса, асло дилхаста бўлмайди, ўпка касалига йўлиқмайди. Ё. Шукуров, Биринчи парвоз.

2 кўча Юраги пора бўлган, эзилган; ниҳоятда хафа. Шу тўрт девор ичида қон ютиб, беҳад заҳмат чеккан дилхаста синглингизга лоақал сиз шафқат қилингиз. Ойбек, Улуғ йўл. Заррае андиша қил, увол эмасму, эй пари, Бир ғариб дилхастага бермоқ эсанг мунча азоб. Ҳамза, Асарлар. Таъсир айламас, дилхаста Ниҳон, қилғонинг била минг оҳу фиғон. Газетадан.

**ДИЛХАСТАЛИК 1** Қалби шикасталик, юраги касаллик.

2 кўча Юраги эзилганлик, маъюслик, хафалик. ..дилхасталик пайтида Эгам унга [Ҳабибага] меҳр ва ёрдам қўлини чўзди. Ф. Мусаёнов, Баҳор нафаси.



**ДИЛХИРАЛИК** [дил + хиралик] Кўнгил совиши; хафачилик, араз. *Икки кунлик дилхираликдан сўнг улар яна ярашишди.* Мирмуҳсин, Умид. *Маликанинг муҳаббати эрига фақат дилхиралик келтирарди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Орадаги дилхиралик учдикетди.* М.М.Дўст, Лолазор.

**ДИЛХИРОЖ** [ф. دلخراش — қалбни тирновчи, юракни эзувчи] Ўзбек халқ куйларидан бирининг номи. *Бирдан уйни бошга кўтаргудек бўлиб, дилхирож куйи янгради.* С. Зуннунова, Узилган ип. *Даврада Инобат, Зухралар ўйнашар дилхирож йўлида.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

**ДИЛХОНА** [ф. دلخانه — кўнгил уйи] *поэт.* Кишининг ички дунёси; кўнгил, дил. *Рангим бўлди-ку заъфарон, Дилхонаси сенсиз вайрон.* «Нигор ва Замон».

**ДИЛХОҲ** [ф. دلخواه — юрак истаги, интилиш; орзу-умид қилинган нарса] **1** Кўнгил истаган, дил хоҳлаган, кўнгил суйган. *Эй кабутар, шеърим олиб, ёри дилхоҳимга элт.* Э. Воҳидов, Муҳаббат. *Онажоним, менга бу кун сендан ўзга дилхоҳ йўқ!* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

**2 айн. дилторгар.**

**ДИЛХУН** [ф. دلخون — юраги қон, қалби яраланган; ғам-аламли] **1** Қаттиқ алам чекиб ёки хафагарчиликдан юраги қонга тўлган, қаттиқ хафа. [Онаси] *Уни юпатгули.. сўз тополмай дилхун бўларди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Аваз, мотамсара уйга киратётгандек, дилхун бўлиб остона ҳатлади.* С. Сиёев, Аваз. *Ки байтим сатри иккидур: Бири дилхун, бири дилхун.* Э. Воҳидов, Ёшлик девони.

**2** кўча Кишига азоб берувчи, ёқимсиз, жирканч. *Аҳмад чуқур хўрсинди. Бу оғир, жирканч, дилхун муҳитни тарк қилиб, озодликка — кўчага чиқиб кетди.* Ф. Муса-жонов, Ҳиммат.

**3** кўча Бағри қон, қип-қизил. *Тонг кўйида маъюс ва дилхун Атиреулар эгар бошини.* «Ёшлик».

**ДИЛХУНЛИК** Ғам-ғуссага ботганлик, ўта хафақонлик, дилпоралик. *Истардим: оламда ўтса дилхунлик, Истардим: оламда фақат гулгунлик.* Миртемир, Асарлар.

**ДИЛХУШ** [ф. دلخوش — қалби шод, мамнун, хурсанд] **1** Қалби қувончга тўлган, шодон, хурсанд. *Дилхуш бўлмоқ. Дилхуш қилмоқ.* ■ *Нормаматнинг назарида, у*

*[умом] ширин калом, дилхуш одам чиқди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *— Мен сизга бир мисол келтирмоқчиман, — деди дилхуш оҳангда.* И. Раҳим, Ихлос.

**2** Кўнгилни хушнуд этадиган, шодлантирадиган. *Дилхуш оҳанг.* ■ *Кечаги ёмғирдан нишон ҳам қолмаган: хушбўй шабада, дилхуш манзара, оромижон табиат.* И. Раҳим, Ихлос. *Келинг, яхшиси, ҳамма кунларимиз бугунгидай дилхуш ўтиши учун ичайлик.* С. Кароматов, Сўнги бархан.

**ДИЛХУШЛИК** Қалби қувончга тўлишлик, хурсандлик; яхши кайфият. *Назирхон.. дилхушлик билан кулиб гапира бошлади..* Р. Файзий, Гўзал. *У бирпас ўйланқираб туриб, яна қайнотасига дилхушлик кўрсатишга уринди.* А. Ҳакимов, Илон изидан.

**2** Кўнгил очиш, хурсандчилик қилиш. *Турдиевнинг шу вазоҳатини кўрган киши уни бир умр дилхушлик қилмаган.. дейди.* Шўҳрат, Шинелли йиллар. *Уша куни у шидан кейин ҳамтовоқлари билан дилхушлик қилди.* Газетадан.

**ДИЛШИКАСТ(А)** [ф. دلشكسته — юраги парчаланган, кўнгли синиқ; хафа] Кўнгли синиқ, кўнгли ярим, кўнгли вайрон; дилафғор. *Мусофир, дилшикаста меҳмоннинг дилин шод айламоқ мезбонга яхши.* «Ақд ақдан қувват олади». *Биламан, албатта, дилшикастман, Ана у дарахтга болта урсалар.* А. Мухтор, Асарлар.

**ДИЛШИКАСТ(А)ЛИК** **1** Кўнгли синиқлик, кўнгли яримлик; маҳзунлик.

**2** Дилшикаст кишининг кайфияти.

**ДИЛШОД** [ф. دلشاد — кўнгли шод, хурсанд; мамнун] **1** Қалби қувончга тўла, хушнуд, хурсанд. *Ҳар ким ўз севгани бирла дилшод. Тутқун эмас, эркин ҳамда озод.* Ҳабибий. *Обод уйимни у дилшод қилди.* Ф. Фулом.

**2** Дилшод (эркаклар исми).

**ДИЛШОДЛИК** Шодонлик, хурсандчилик; хурсанд кайфият, мамнунлик. *Узоқ-яқинларда турли-туман қушлар ўз тилларида дилшодлик қиладилар.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Не қилади, одамлардек яшолмадим дунёда, Лек кўнглимда нолиш эмас, алланечук дилшодлик.* Э. Воҳидов, Шарқий қирғоқ.

**ДИЛҒАШ** [ф. دلغش — кўнгли беҳузур, беҳуд; кўнгли алағда, юраги ғаш] *кам қўлл.* **1** Кўнгли хижил; ўта ғамгин, хафа. *Бир тонг Ҳофиз Кўйкий дилғаш бўлиб уйғонди.* «Ёшлик».

2 Кўнгилни хижил қилувчи, кўнгилни чўктирувчи, кишини хафа қилувчи. *Дилгаш воқеа.* ■ *Ногоҳ Севаргулнинг кўз ўнгиди дилгаш бир манзара нурланиб, яна қулоғига ўзининг аламнок бўзлагани эшитилаётгандек туюлди.* Н. Қиличев, Чигирик.

**ДИЛҒАШЛАНМОҚ** Кўнгли хира бўлмоқ, кўнгли бузилмоқ, юраги сиқилмоқ. *Давлат тепадан бостириб келаётган қорамтир булутларга дилғашланиб тикиларкан, қорнимиз тўқ, эғнимиз бут, аммо кўзимиз оч, кўнғимиз юпун, деб ўйлади.* Н. Қиличев, Чигирик.

**ДИЛҒАШЛИК** Кўнгли хижиллик, хафалик. *Чиндан ҳам, жигардан, юракдан ўтиб кетадиган дилғашлик эди бу.* А. Мухтор, Кумуш тола.

**ДИМ I 1** Шамолсиз, шабадасиз ва нафасни қайтарадиган даражада иссиқ. *Ҳаво шу қадар иссиқ, дим эдики, эрталаб ўрилган пичан кечгача шақирлаб қуриб қолди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Жазирама иссиқдан ҳаммаёқ дим бўлиб кетган.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Ҳаво етишмайдиган, ҳавоси бузилган; оғир, бўғиқ. *Утов дим бўлгани учун Юсуфжон анча вақтгача ухлай олмайди.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Ҳаммомдагидай гуп этиб, юзимга дим ҳаво урилди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё. *Дим хонада қасқонга тушгандек аззойи баданимдан тер қуйилади.* «Гулдаста».

3 Ичи ҳаво билан тўлиб қолган, ичига ҳаво йиғилган. *Ошнам, тошдек оғир, пуфланган мешдек димсан. Бир кун паққа ёрилиб, ўлигинга эга бўлмасалар, шу.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДИМ II 1** айн. **жим.** *Писмиқ дим ўтирар.* Мақол. ■ [Муларўзи Муладўстга:] *Дим! Оғзингизни паришон қилмай, сабр қилиб турсангиз, шу ҳафта ичида бўлади-қолади.* Ҳамза, Майсаранинг иши. *Шунча шовқин бартараф бўлиб, дим бўлди.* Усмон бахши Мамад ўғли, Бўтакўз.

2 Овоз чиқармай, гапирмай жим ўтириш ўйини. *Дим ўйнамоқ.* ■ [Умматали] *Ишга шўнғиб, ҳамма билан дим ўйнайди.* Шухрат, Жаннат қидирганлар.

**ДИМ III** шв. 1 Сира, асло. *Ичкари кир, ёта бергин жойингга, Дим уларга қарай кўрма, чирогим.* «Равшан». *Подшосин ушлаб олинлар, Бежой хўрликлар кўрсатиб, Дим индамасдай қилинлар.* «Гулнорпар».

2 шв. айн **жуда, жуда ҳам.** - *Аваз ога, сизга дим жабр бўлди, — деди [Шерозий].* Ж. Шарипов, Хоразм. *Азизим, Сизни дим соғиндим.. тушларимда кўриб чиқаман.* Ж. Шарипов, Хоразм.

3 шв. Ҳеч ҳам, ҳеч бир, тамоман, умуман. *Молининг дим сони йўқ.. қирқ йигит асло саришта қилолмайди.* Э. Жуманбулбул ўғли, Булбул тароналари. - *Мен сендан жуда қўрқардим, Ойдонажон, сенда ор-номус, уят, шарм-ҳаё деган сўз дим йўқ экан, — деди Седана.* «Хушкелди».

**ДИМ-ДИМ I** Димлаб, аста-аста қайнаиб тайёрланидиган овқат. *Товуқ дим-дим тайёрлаш учун семизроқ бройлердан танлаб олинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**ДИМ-ДИМ II 1** Индамаслик, овозини чиқармаслик, жимлик, бости-бости. *Профессор узукни Сунбулхон аяга бериб, бу гапни дим-дим қилиб юборишни тайинлади.* Мирмуҳсин, Умид. *..Назаримда, бир гап борга ўхшайди. Ҳаммаси дим-дим, қидиришмаяпти.* С. Зуннунова, Гулхан. *Дим-дим, ўра кўмдим, Гапирганинг оғзига Бир шапалоқ урдим.* «Бойчечак».

2 Болаларнинг индамай, жим ўтиришдан иборат бир хил ўйини. *Орага жимлик чўқди. Аёллар, гўё дим-дим ўйнаётгандек, чурқ этмай, қирга қараб юра бошладилар.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Болтаевнинг тутган йўлига келганда, у дим-дим ўйинига ўхшайди.* Ж. Абдуллахонов, Тўфон. *Ҳар учови [Салом бувиш, Нодира хола, Марям бахши] ҳам дим-дим ўйнагандай жимиб қолди.* Ҳ. Шамс, Душман.

**ДИМИҚ** шв. айн. **дим I 2.** *..дам ўтмай аччиқ изғирин шовуллаб, димиқ айвонга ёпирилди-да, ўчоқ олдидаги хас-хашакни ҳовли саҳнига шопириб ўйнади.* Р. Раҳмон, Меҳр кўзда. *Муқимий чўчиб уйғониб кетди, Оқжарнинг димиқ, қора тунуда.. аззойи бадани зирқираб оғримоқда эди.* С. Абдулла, Қувғунда.

**ДИМИҚМОҚ I** Ҳавонинг жуда иссиқлиги ё ўта намлиги, ёки бошқа ҳолат туфайли қийналиб нафас олмоқ, нафаси қайтмоқ; бўғилмоқ. *Ҳовлини қўрғонсифат қуриб, тор жойда димиқиб яшашни жини севмайди.* «Ёшлик». *Тўғонбек димиққандек оғир нафас олиб, даричанинг икки табақасини ҳам кескин итариб юборди.* Ойбек,

Навойй. *Бир маҳал Поиша кампир димиқиб, секин бошини кўрпадан чиқарди.* Н. Қиличев, Сегирик, -*Албатта очиси керак, — деди онаси ўрнига жавоб қилиб Абдусаттор, — қурт димиқиб қолибди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**2** Нафас қайтарадиган даражада бузилмоқ, оғирлашмоқ (хона берклиги туфайли ёки ундаги баъзи нарсалар таъсиридан юзага келган ҳаво ҳақида). *Кун бўйи иссиқ қамалиб, димиқиб қолган хонани шамоллатиш учун деразаларни очиб юборди.* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. *Кийимларини алмаштириб, ўрнига чўзилди. Уй димиқиб кетгандек, нафас олиш оғирлашиб борарди.* «Ёшлик».

**3** Ўралган ҳолатда ёки узоқроқ туриб бўрсиб қолмоқ, айнимоқ, бузилмоқ. *Овқат димиқиб қолибди. Гўшт димиқибди.* ■ *Ёз бўйи гўзаларни тўйдирган серунум тупроқ кулранг ўғит билан аралашиб, настга тушар, остки қатламнинг димиқиб ётган қора тупроғи юзага чиқиб товланарди.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар. *Қирғоқларини пўпанак қоплаб, суви димиқиб ётган ҳовуз.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**4** кўчма Бўғилмоқ (овоз ҳақида). *Бошини кўрпага буркаб олган Элмурод димиққан овоз билан суради.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Кўрбоши аччиқ тутун устига энгашиб тура бериб, димоғи тарс ёрилиб кетаёзди ва димиққан овоз билан қичқирди.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**5** кўчма Бир жойда ўтиравериб зерикмоқ, руҳан эзилмоқ. *Сиз жуда яхши, чиройли, ақли қизсиз! Бу даргоҳда димиқиб қолибсиз, холос!* «Муштум». *Бу аёл унинг димиққан ҳислари учун, чувалашиб ётган ўйлари учун мана шундай кенгликларга дарча очиб кетгандай эди.* А. Мухтор, Асарлар. *Қобил уларнинг сал зериккан ва димиққан даврасига тоза бир эпкин бўлиб кирди.* М.М.Дўст, Галатепага қайтиш.

**ДИМЛАМА 1** сфт. Димлаб пиширилган. *Димлама сомса. Димлама котлет.* ■ *Овқат вақтида у ўтирмади, сирка-қалампирли яхна калла-поча, димлама жўжа, хуллас, топган-тутганини қўйиб, жон-дилдан хизмат қилди.* А. Мухтор, Асарлар.

**2** от Гўшт, ёғга пиёз, кўпроқ помидор ва сабзавотлар солиб, шуларнинг буғида (селида) димлаб пиширилган таом. *Димлама учун албатта қўй гўшти бўлиши керак.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари. *Келти-*

*рилган тугунни стол устига қўйиб очган эди, ҳамма хонани димлама ҳиди тутиб кетди.* М.М.Дўст, Лолазор.

**3** Хомроқ ҳолда узиб, қалин нарсага ўраб, иссиқ тутиб етилтирилган. *Димлама помидор. Димлама нок.* ■ *Айниқса, фартукли кишиларнинг серсоқоли.. тарози келар-келмас, димлама помидорни харидорга узатди.* «Муштум».

**ДИМЛАМОҚ 1** Ҳовури чиқмайдиган қилиб ўрамоқ, шу йўл билан пиширмоқ. *Сомсани димлаб пиширмоқ.* ■ *Таманно сумкасидан димлаб пиширилган товлуқни олди.* Мирмуҳсин, Ҳикоя ва қиссалар. *Назира ўлжа какликларни димлаб, дастурхонга келтирди.* Д. Нурий, Осмон устун.

**2** Бўғмоқ, тўсмоқ (сувни).

**3** Хомроқ узилган мева ёки сабзавотни ўраб қўйиб, иссиқда етилтирмоқ. *Нокни димламоқ.*

**4** Нафасни сиқмоқ, бўғмоқ (ниҳоятда иссиқ ёки бўғиқ ҳаво ҳақида). *Дуруст ухлай олмадингиз дейман? Ҳаво хўп димлади-да, мулла.* Й. Шамшаров, Пахтақайнар.

**5** кўчма шв. Кўндирмоқчи бўлмоқ; алдамоқ, аврамоқ. *Ёдгор сени ўлдиршига кўп димлади. Мен қабул қилмадим.* Ҳамза, Асарлар.

**СИГИРНИ ДИМЛАМОҚ** салб. Ўз вақтида соғмасдан елинини шиширмоқ (баъзилар сигирни бозорга солиш учун шундай қилдилар).

**ДИМЛАНМОҚ 1** Димламоқ фл. ўзл. ва мажҳ. н.

**2** Тўпланмоқ, тошмоқ; тўсилмоқ. *Қизлар шу куни кечаси билан ухламадилар. Чунки сув димланиб, тўғон тупроқларини ювиб, ялаб турибди, хавф зўр.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Бир маҳал Йигитали даранинг суви димланиб оқувчи жой — шовва қаршисидан чиқиб қолди.* Д. Нурий, Осмон устун.

**3** Ҳовури, буғи чиқмайдиган қилиб бекитиб қўйилмоқ. *Лавлази айттар лавланмадим, қозон-қозон димланмадим.* «Бойчечак». *Дунё.. кечалари маҳкам димланган қасқонга ўхшаб қолди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДИМЛИК** Иссиқдан, ҳавонинг бузилиши ёки етишмаслигидан юзага келган нохуш ҳолат; иссиқлик. *Иссиқ бирмунча бўшагандек туюлса ҳам, димлик заптида эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кечки димлик кўчаларнинг юшиқ чангини оғир босиб тушимокда эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**ДИМОҒ** [a. دماغ — мия; бош] **1** анат. Бурун бўшлиғи билан оғиз бўшлиғининг туташадиган ери; ҳалқумнинг юқори бўлими. *Гулрўйнинг димоғига гул этганча нам тупроқнинг хуш бўйи урди.* «Ёшлик». *Учоқда дамлаб қўйилган палов ҳиди димоғига урилиб, иштаҳасини қитиқлади.* «Ёшлик».

**Димоғида гапирмоқ** Бўғиқ овоз билан ёки пўнғиллаб гапирмоқ; кулмоқ. *У димоғида гапирар эди. Унинг овози пинғиллаб эшитилгани учун Бегимхон пиқиллаб кулиб юборди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

**2** кўчма Руҳий ҳолат, кайфият. *Жаранглашиб, димоғлари чоғ бўлиб, Урганч элга ҳаммаси тўйга кетди.* «Юсуф ва Аҳмад». *Аҳмаднинг ҳам димоғи чоғлашди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**3** кўчма Ўзини баланд тутиш, кибр-ҳаво, кеккайиш, такаббурлик. *Такаббур, олифта хонимлар димоғ билан кеккайиб, индамай ўтирарди.* Ойбек, Нур қидириб. *Кейинги кунларда Рашидда димоғ пайдо бўла бошлади.* «Шарқ юлдузи».

**Димоғи баланд ёки калондимоғ** Бировни менсимайдиган, кеккайган, манман. -У кишининг олдида ўн соат турсангиз ҳам индамайди, шунақа “димоғи баланд,” — деди. Ойдин, Ҳикоялар. *Бежой баланд шу чопсоннинг димоғи.* «Ҳасанхон». -Йўқ, — деб ўйлади Яхшибоев, бу элчининг димоғи баланд. М.М.Дўст, Лолазор. *Бизнинг раис ўжарроқ, Гап уқмас, калондимоғ.* «Муштум». **ДИМОҒИ КҮЙМОҚ** Фириб емоқ, панд емоқ. *Икки йил бўлди куйган эди димоғим.* «Нигор ва Замон». **ДИМОҒИ КЎТАРИЛМОҚ** Ўзини бошқалардан баланд оладиган бўлиб қолмоқ, кеккаймоқ, манманлик қилмоқ. *Оббо! Раис бўлиб, димоғи кўтарилиб қопти-ку!* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *Кресло унинг димоғини кўтариб, амал ғурури бошини айлантириб қўйди.* Газеталар. **ДИМОҒИ ШИШМОҚ** айн. **ДИМОҒИ КЎТАРИЛМОҚ.** *Бўлса уй-жой, [Канизакнинг] илгариги эридан қолган рўзғори бордир. Бу безотнинг [Сидиқ-жоннинг] димоғини шиширган шу нарса.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Айтганингиздек, мингбошининг ўзи ҳам димоғи шишиб қолибди.* Ҳамза, Асарлар. **ДИМОҒИГА ҚУРТ ТУШМОҚ** ёки **ДИМОҒИДАН ҚУРТ (ЭШАК ҚУРТ) ЁҒИЛМОҚ** Жуда ҳам кеккайиб, ҳеч кимни менсимай кўймоқ. *Авал уни муллавачалар судради.. кейин Мамарайим афандининг димоғига қурт тушди.* М. Исмоилий, Фар-

ғона т.о. [Қайнотаси] *Нарироққа бориб тўнғиллади: -Ҳемирининг тайини йўғ-у, димоғидан эшак қурт ёғилади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқ сол. **ДИМОҒИДАН ҚОР ЁҒМОҚ** Қовоғи очилмайдиган, серзарда бўлиб қолмоқ, жаҳли чиқмоқ. *У [Сатин бойвачча ҳовлига] ҳар кириб чиққанда, бир эт-бир эт тушар, димоғидан қор ёғар ва аламига чидолмасдан, пўнғиллаб ўтарди.* Ҳ. Шамс, Душман. **ДИМОҒ ҚИЛМОҚ** Арзимаган нарсага аразламоқ, зарда қилмоқ.

**ДИМОҒДОР** [a. + ф. دماغدار — димоғли, кибрли] **1** Бошқалардан ўзини баланд тутиб, кибр билан юрадиган, кеккайган, кибрли, мутакаббир. *Димоғдорга бир гап оз, икки гап кўп.* Мақол. ■ *Камол ёшлигида димоғдор Бекхўжа билан ҳеч қачон яқин дўст тутинмаган эди.* «Ёшлик». *Мен баъзи кишиларга ажабланаман. Сал иш қилдими, дарров димоғдор бўлиб кетади.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**2** Баландпарвоз, катта. *Ҳар гал учрашувларда Холдор навбатдаги синовдан қўли баланд ўтганлиги ҳақида димоғдор гаплар қиларди.* И. Раҳим, Зангори кема капитани.

**ДИМОҒДОРЛИК** Кеккайганлик, манманлик ҳолати, хусусияти. *Йигитали қандайдир димоғдорлик билан гапириб, Назирага ер остидан қараб қўйди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Димоғдорлик, ғўдайиш каби хислатлар уларнинг [Чалабийларнинг] касби.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**ДИМОҒЛИ** айн. **ДИМОҒДОР.** *Ойболтадек салмоғли, Эшон ойимдек димоғли Эшон поччамга салом!* Ҳамза.

**ДИМОҒ-ФИРОҚ** Нозланиб ёки тихирлик билан муносабатда бўлиш; ноз-истиғно ёки зарда. *Димоғ-фироқ қилмоқ.* ■ *Уйда ҳам ҳаловат йўқолди.. Олдинги иззат-икромлар димоғ-фироқ ва миннатае ўхшаиш нордон киноя билан алмашина борди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Тугаб боряпти-ю, димоғу фироқиға ўлайми!* «Ёшлик».

**ДИН** [a. دين — эъгиқод, ишонч] Илоҳий кучга, Худога ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи. *Исломи дини. Христиан дини. Будда дини. Дини бошқанинг феъли бошқа.* Мақол. ■ *Исломи дини кишиларни тўғри йўлга бошлайди.* Ойбек, Танланган асарлар. -*Жаноби олий учун, дин учун, шарият учун жонимиз-молимиз фидо,* — деди белига қилич осиб, кифтига

*бешотар милтиқ кўтарган бир йигит. С. Айний, Куллар. Имонига, динига мустақкам покиза одам бор жойда ажина юз чақирим нарига қочармиш. С. Аҳмад, Ҳукм.*

**Диндан чиқмоқ (ёки қайтмоқ)** 1) динга ишонмай, унга амал қилмай қўймоқ; даҳрий бўлмоқ. *Диндан чиқсанг, чиқ, элдан чиқма. Мақол. Яхши гап билан илон индан чиқади, ёмон гап билан мусулмон диндан чиқади. Мақол. ■ Майли, диндан қайтганни яна дин йўлига солиш – савоб иш. П. Қодиров, Юлдузли тунлар;* 2) ўз динини бошқа динга алмаштирмоқ. *Христиан диндан чиқиб, Ислонни қабул қилмоқ.*

**ДИНАМИК 1** Динамикага оид (қ. **динамика 1**); ҳаракат ва куч таъсири билан боғланган. *Динамик куч. ■ Организм тўқималарининг ҳамма компонентлари динамик ҳолатда бўлади. «Фан ва турмуш». Динамик босим суюқлик оқимининг тезлиги туфайли вужудга келади. «Физика» дарслиги. Ёзувчи яратган кўпгина образлар ҳаётнинг ўзидаги каби динамик ҳаракатда бўлади. С. Кароматов, Олтин қум.*

**2** кўчма Ҳаракатга, воқеа-ҳодисаларга бой; жўшқин. *Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» асарида Анварнинг динамик образини яратган.*

**ДИНАМИК** Электр тебранишларини товуш тебранишларига (товушга) айлантириб берадиган асбоб.

**ДИНАМИКА** [юн. dynamikos – кучга оид; кучли] **1** физ. Механиканинг жисмлар механик ҳаракатини уларга таъсир қиладиган кучлар билан боғлаб ўрғанадиган бўлими.

**2** Ҳаракат ҳолати; ўсиш, ривожланиш; воқеа, ҳодисадаги жўшқинлик. *Меҳнат унвдорлиги динамикаси. ■ Абдулланинг ўз йўли, ўз оҳанги, ўзи яратган шеърй динамикаси бор. М. Кўшжонов, Ижод сабоқлари.*

**3** мус. Муайян асарнинг нота ёзувида ва бевосита уни ижро этишда товушлар садоланиши кучининг (баланд-пастлигининг) ўзгарувчанлиги.

**4** Шу ўзгарувчанликни ифодаловчи белгилар мажмуи.

**ДИНАМИТ** [юн. dynamis – куч] Ҳарбий соҳа ва тоғ ишларида қўлланадиган, асосий таркибий қисми нитроглицерин ва суюқ нитроэфирлардан иборат бўлган кучли портловчи модда. *Тўхтасин полвон тик.. қоялар, тепалар тагидан ўйиб кириб, унинг*

*остига динамит қўйиб портлатиб, дарё устига ағдарар экан. Ш. Фуломов, Ёрқин йўллар. Йигитали, худди портлатгичига ўт яқинлашиб келаётган динамит ёнида ўтиргандек, юрагини ҳовучлаб гапира бошлади. Д. Нурий, Осмон устун.*

**ДИНАМИТЧИ** Динамит ёрдамида портлатиш ишлари билан шуғулланувчи ишчи.

**ДИНАМОМАШИНА** Ўзгармас ток генераторининг эскирган номи, электр генератори.

**ДИНАМОМЕТР** [юн. dynamis – куч + metro – ўлчайман] Куч ўлчайдиган асбоб. *Тиббиётда динамометр мушакларнинг энг юқори кучини ўлчайда ишлатилади. «ЎЗМЭ».*

**ДИНАСТИЯ** [юн. dynasteia – сулола] айн. **сулола 1**. *Романовлар династияси. ■ Навоий ахоманийлар династиясининг сўнги вакили Доро III ни ўта золимликда айблайди. «ЎТА».*

**ДИНГ:** **қулоғи динг** Бирор шарпа, товуш ёки гапни эшитиб ҳушёр тортадиган, бирор нарса пайдан бўлиб турган киши ёки ҳайвоннинг ҳолати ҳақида. *Ҳажвчининг қулоғи динг, кўзи рентген бўлиши керак. «Муштум». Бўри галаси қулоқларини динг қилиб, атрофга аланглайди. «Шарқ юлдузи». Яхшибоев қулоқларини динг қилди. М.М.Дўст, Лолазор.*

**ДИНГИРЛАМОҚ** с.т. Иккала орқа оёқни кўтариб иргишламоқ ёки жадал юра бошламоқ; дирингламоқ. *Той дингиллади. Бузоқ дингиллаб чопди. ■ [Абу] Тойчаларга ўхшаб, дингиллаб чопадиган ҳам бўлди. Мирмуҳсин, Она. Авазхон.. дингиллаб келаётган Оқтойни таниди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. -Сизни ҳам уринтирмай, ўзим шундай паловтўра ясайки, ўликлар еса – тириладиган, тириклар еса дингиллайдиган бўлсин, – деди Асад. Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. Узоқдан Кўзубой, қўлмиғида папкаси, Оқтойни дингиллатганча келаётган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Эшакларини дингиллатиб, атроф қишлоқлардан янги чопон кийган деҳқонлар келишмоқда. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ДИНГИРЛАМОҚ** айн. **дингилламоқ**. *Ўзимда йўқ дингирлаб кетаётиб, йўлда ҳамма хужжатларимни тушириб қўйибман. «Ёшлик».*

**ДИНДОР** [a. + ф. دیندار – динга эътиқод қилувчи, художўй] Динга амал қилувчи, худога, динга ишонувчи; художўй. *Мулла*

Обид ҳар қанча диндор бўлса ҳам, Хатиб домланинг ғаразсиз бир киши эканлигига унча ишонмайди. А. Қодирӣ, Обид кетмон. Султон Али Мирзо Хўжа Яҳёга қарши кескин чора кўролмайди, чунки бутун диндорлар Хўжанинг томонида. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ДИНДОРЛИК** Динга амал қилишлик, динга тобелик; художўйлик.

**ДИНДОШ** Бир динга мансуб кишилар (бир-бирига нисбатан). [Салоҳиддин:] Қаердаки мусулмон дунёсига дуч келсам, одамлар беш вақт намозларида дуога қўл очиб, сиз, туркистонлик диндошларига нажот тиллаганини кўрдим. Н. Сафаров, Шарқ тонги.

**ДИНИЙ** Динга оид, динга алоқадор бўлган, динга, руҳониятга тегишли. *Диний ақидалар. Диний эътиқод. Диний таълимот. Диний адабиёт.* ■ *Онам диний, дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, одамларга меҳрибон аёл бўлган. Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. У [Тўраҳон] ўз эътиқоди билан диний одам бўлиб, намозини ҳам қанда қилмасди, рўзани ҳам. Ш. Рашидов, Қудратли тўлқин. Элмурод оқсоқол билан эшон ўртасидаги диний мунозарага аралашшини лозим кўрмади. П. Турсун, Ўқитувчи.*

**ДИНИЯ** [а.]: **диния назорати** *эск.* Диний назорат. *Мен бу гапни [мозор бузилишини] эшитиб, Тошкентга бордим. Диния назорати ҳам рухсат этди. Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. Мадрасаи диния* Мусулмон шарқида олий диний ўқув юрти.

**ДИНКАЙМОҚ** *айн. диккаймақ.* *Лакиснинг бирдан қулоғи динкайди. «Шарқ юлдузи».*

**ДИНОЗАВР** [лот. *deinos* — даҳшатли; кўрқинчли + *sauros* — калтакесак] *зоол.* Мезозой даврида яшаган, насли қирилиб кетган, узунлиги 20 метр ва ундан ортиқ бўлган судралиб юрувчи ҳайвон. *Динозаврнинг деярли барчаси тухумдан кўпайган, уларнинг аксари иссиқ қонлиларга оид эди. «Фан ва турмуш».*

**ДИНОР** [а. دينار — тилла пул] **1** Қадимда мусулмон мамлакатларнинг олтин тангаси. Ҳозирда Ливия, Тунис, Ироқ, Иордания, Жазоир, Судан, Кувайт каби мамлакатларда амал қилувчи пул бирлиги. *-Менга ҳозирча элик минг динар пул керак бўлиб қолди, — деди эътирозга йўл қўймайдиган оҳангда. М. Осим, Ибн Сино қиссаси.*

**2** Тилла, олтин. *Гадога салом берма, динар бер.* Мақол.

**ДИНСИЗ 1** Шаръий талаб ва қоидаларга амал қилмовчи, динга, худога ишонмовчи; даҳрий. *Динсизга мусулмонлар орасида ўрин йўқ. К. Яшин, Ҳамза.*

**2** Диндан қайтган; кофир, шаккок. *Бу динсиз ғойибдан хабар беришни даъво қилиб, узини худога шерик қилибди-да! С. Айний, Эсдаликлар.*

**ДИНЧИ** *айн. диндор.* *Динчи одам.* ■ *Динчига чиқарманг сиз яна мени, Эътиқод қўйганман кўзимга кўпдан. Н. Нарзуллаев, Сайланма.*

**ДИНҒ** *тақл.с.* Торни чертганда чиқади-ган товуш ҳақида. *Дутор динғ этди.* ■ *Дуторим динғ-динғ этади, Ичида моши бормикин! «Кўшиқлар».*

**ДИНҒИЛЛАМОҚ** *с.т.* Динғирламоқ. *Думбирани чалганимда, ундан динғиллаб оққан овоз зўё юрагимдан чирқираб чиққан куй сингари сезилди. Газетадан. Каримжон оқсоқол чойхонанинг бир бурчагида дуторни динғиллатиб ўтирар эди. Газетадан.*

**ДИНҒИР** *тақл.с.* “Динғ” тарзида эшитилган узлуксиз овоз ҳақида.

**ДИНҒИР-ДИНҒИР** *Динғир* *с.* тақр. *Динғир-динғир қилмоқ. Дуторнинг динғир-динғири эшитилмоқда эди.*

**ДИНҒИРЛАМОҚ** “Динғ-динғ” тарзида овоз чиқармоқ. *Қаердандир дуторнинг динғирлаган овози келяпти.* ■ *-Мана, шамол ҳам бирлаб қолди, — деди чойхоначи челақни фармоқлари билан динғирлатиб. Ойбек, О.в.шабадалар.*

**ДИОД** [ди.. + (электр)од] Икки электрон тродли электрон лампа.

**ДИОРАМА** [диа.. + юн. *horama* — кўриниш, манзара] Тасвир махсус ёритиладиган материалга чизиладиган тасвирий санъат тури. *Йирик диорамалар махсус биноларга ўрна-тилади. «ЎЗМЭ».*

**ДИПЛОМ** [фр. *diplome* < юн. *diploma* — икки букланган varaқ, ҳужжат] **1** Бирор ўқув масканини битирганлик ёки бирор илмий унвон, илмий даража берилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат. *Имтиёзли диплом. Техника фанлари номзоди дипломи. Диплом олмоқ.* ■ *Элмурод институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Шухрат, Шинелли йиллар.*

**2** Университет, институт ва ш. к. ни битириш олдидан, шундай ҳужжат олиш мақсадида ёзиладиган иш, тадқиқот ёки лойиҳа.

Диплом иши. Диплом (иши) ёзмақ. Дипломни ҳимоя қилмоқ. ■ Малоҳат диплом ёзар, имтиҳонларга тайёрланар, шунинг учун тун билан куннинг фарқи қолмаган эди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. Бу янги уй лойиҳаси Малоҳатнинг иштирокида туғилган, бинобарин, Малоҳатнинг диплом иши эди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**3** Бирор ҳуқуқ ёки мукофот берилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома. Беруний мукофоти лауреати дипломи. Қишлоқ хўжалик кўразмасининг дипломи. Боксдан жаҳон чемпиони дипломи. ■ Айрим журналистлар, фотомухбирлар ва табиат ҳаваскорлари пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланди. Газетадан.

**ДИПЛОМАНТ I** Олий ёки махсус ўрта ўқув юртини битириш дипломи устида ишлайётган (диплом иши ёзаётган) талаба. Тошкент давлат иқтисодиёт университети дипломанти Ш. Расулонинг.. диплом иши юксак баҳо олди. «Фан ва турмуш».

**2** Мусобақа, танловда ютиб чиқиб, диплом билан мукофотланган киши. Конкурс дипломанти.

**ДИПЛОМАТ I** [фр. diplomate < юн. diploma — икки букланган варақ, ҳужжат] **1** Чет мамлакатлар билан расмий алоқа қилиш ёки музокаралар олиб бориш учун махсус тайёргарлик кўрган ва шундай ишлар учун ўз ҳукумати томонидан вакил қилиб тайин этилган лавозимли киши. Ўзбекистон дипломати. Дипломат бўлиб ишламоқ. ■ 1829 йил январда Эрон пойтахти Техронда рус дипломатига суиқасд қилинади. С. Кароматов, Олтин кум. Хитой дипломатининг фикрича, «Шанхай бешлиги»нинг келажаги порлоқ. Газетадан.

**2 с.т.** Иш, гап, муомалада уста, моҳир киши. Жуда дипломат бўлиб кетибсиз-ку. ■ ..Соҳибқирон жуда моҳир дипломат бўлган. «Фан ва турмуш». Савдо ходими — турли хил одамлар билан муомала қила оладиган, илмли ва дипломат одам. Шукрулло, Жавохирлар сандиғи.

**ДИПЛОМАТ II** Кичик чемодан шаклида ишланган, кулфланадиган портфель. Дипломатидан бир варақ қоғоз олди-да, тўғри бошлиғи Рустам Раҳмоновичнинг олдига кирди. О. Мўминов, Хиёбондаги уч учрашув. Олдинда серсавлат Мойлихўжа ака, ортида жигарранг дипломат ва семиз қоғоз папка

кўтарган Ғойибжон пилдираб келар эди. Н. Аминов, Қалтис хато.

**ДИПЛОМАТИК I** Давлатнинг чет мамлакатлар билан бўладиган расмий муносабатлари ва дипломатияга оид. Дипломатик акт. Дипломатик алоқа. Дипломатик муносабат. ■ Ўзаро тенг манфаатли дипломатик алоқалар ўрнатиш зарур ва шарт. Газетадан. Томонлар учрашув вақтини дипломатик каналлар орқали аниқлаб, келишиб олдилар. Газетадан. Акрамжон гўё дипломатик қабул маросимига ясангандай қора костюм, оқ нейлон кўйлак кийиб, қора галстук тақиб олган.. эди. И. Раҳим, Тинимсиз шаҳар.

**2** Дипломатларга, яъни элчиларга оид. Дипломатик ваколат. Дипломатик иммунитет.

**Дипломатик корпус** Бирор мамлакат ҳукумати ҳузуридаги чет эл дипломатлари. Трибуналларда дипломатик корпус авзолари турибдилар. Газетадан.

**3** кўчма Чуқур ва нозик ўйлаб, эҳтиётлик билан айтилган ёки қилинган. Дипломатик жавоб. ■ Шундай бўлса ҳам.. дипломатик равишда, хотини ва қизи орқали очикдан-очик Саудийга билдирар эди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДИПЛОМАТИКА** [фр. diplomatique < юн. diploma — икки букланган қоғоз варағи] Тарих фанининг расмий ва шахсий юридик ҳужжатларнинг шакл ва мазмунини ўрганувчи ёрдамчи тармоғи.

**ДИПЛОМАТИЯ** [фр. diplomatie < юн. diploma — икки букланган қоғоз варағи] **1** Давлатнинг ташқи халқаро сиёсатни амалга ошириш, чет мамлакатлар билан алоқа қилиш соҳасидаги фаолияти. Ўрта аср ўзбек дипломатиясининг йирик намояндаларидан бири Абдураззоқ Самарқандий.. атоқли тарихчи олим ҳамдир. Газетадан. Кафиллик берсам, бермасам, дипломатия ишларидан хабардор бошқа одамимиз йўқ. Т. Малик, Қалдирғоч.

**Халқ дипломатияси** Айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва ш. к. нинг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган норасмий фаолияти.

**2 с.т.** Бирор мақсадга эришиш йўлида усталик билан олиб борилган муомала. Дипломатияни жуда боплайсиз-да. Ҳе, яшанг, дипломатиянизиза қойилман.

**ДИПЛОМФУРУШ** Ҳақиқий ёки қалбаки дипломларни яширин равишда сотиш

билан шуғуланувчи кимса. *Маълум бўлишича, бу икки бетайин шахс дипломфуруш.. экан.* Газетадан.

**ДИР** тақл. с. Силкиниб қалтираш, титраш туфайли ҳосил бўладиган товушга тақлид. *Дутор қуруққина йиғламасди, балки бутун коинотни “дир” эттириб ва хаста юракларни “дир” силкитиб йиғлар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Қиз дир титраб, бир лаҳза қотиб қолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДИРАМ** [ф. *درم* < а. *درهم* < юн. *drachme* — кумуш пул; оғирлик ўлчов бирлиги] **1 тар.** Бухоро хонлиги, Эрон ва Ироқда 3,2 г. кумуш тангага тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

**2 тар.** Бухоро хонлигида, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги.

**3 эск.** Умуман танга, пул. *Толедан карам тила-ю, гадодан дирам тилама.* Мақол. ■ *Уруш чиқмаса, ҳолим хароб, ёнимда бир дирам ҳам қолмади.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**ДИРГИЗЛАМОҚ** *шв.* Совуқда титраб-қақшамоқ; тиши тишига тегмай қалтирамоқ. *Ҳар замонда совуқда дирғизлаб, тўрт-бешта какликни қафасда ушлаб турган болалар кўриниб қолади.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Ушанда қаҳратон қиш эди. Онаси Маърифатни бағрига босиб, оппоқ тонг отгунча изғиринда дирғизлаб, бошпана қидирган.* С. Аҳмад, Ойдин кечалар. *Ёқшига ўтин-кўмир йўқ. Чолнинг жиғибийрон бўлаётгани ҳам шундан. Болалар дирғизлаб юрибди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДИРДИККА** *фольк.* От устига солинадиган безакли ёпқич. *Отга солди дирдикка, Қойил бўлинг эрликка.* «Хушкелди».

**ДИР-ДИР:** *дир-дир титрамоқ* (ёки *қалтирамоқ*) Совуқдан, қўрқинч ёки ҳаяжондан қаттиқ титрамоқ. *Севаргул дир-дир титраб, унсиз йиғламоқда эди.* «Ёшлик». *Қосимнинг тили калмага келмади. Дир-дир титради.* С. Аҳмад, Сайланма. *Кампир дир-дир қалтираб, эшикни очди-да, чироқни тўғри қилди.* Ҳ. Олимжон.

**ДИРДОВ** Озғин, қирчанғи (асосан уй ҳайвонлари ҳақида). *Дирдов от. Дирдов куй.* ■ *Ичкари томонда эса дирдов сизир, қаровсиз техника кўриниб турарди.* «Муштум». *-Қарабсизки, бир отар қўйнинг ярми семиз бўлса, ярми дирдов, — деди ота.* Газетадан.

**ДИРЕКТИВ** Расмий йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган, дастур бўлиб хизмат қиладиган, дастурий. *Директив режа. Директив хат.*

**ДИРЕКТИВА** [фр. *directive* < лот. *dirigere* — йўлламоқ, йўналтирмақ] Юқори раҳбар органлар томонидан берилган ва бажарилиши мажбурий саналган расмий йўл-йўриқ, дастур, кўрсатма. *Директива олмақ.*

**ДИРЕКТОР** [лот. *director* < *dirigere* — йўналтирмақ, йўл кўрсатмоқ] Корхона, муассаса ёки ўқув даргоҳининг раҳбари; мудири. *Завод директори. Мактаб директори. Бош директор.* ■ *Мен пахта заводининг директори билан гаплашган эдим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Мактабимиз директори Сафо Аvezов қурилиш бўлаётган ерда парвона.* «Муштум». *Магазин директорининг оғзини мойлашга ҳаракат қилганига ҳеч ҳайрон қолмайман.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**Директорлар кенгаши** Йирик корхоналар, акциядорлик жамиятларининг сайланадиган раҳбар ижроия органи.

**ДИРЕКТОРЛИК** Директор мавқеида бўлишлик, директор вазифасини бажаришлик. *Директорлик вазифаси. Директорлик қилмоқ.* ■ *Онасининг топиш-тутиши бир-икки эркакниқидан қолишмас, модалар ательесида директорлик қиларди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат.

**ДИРЕКЦИЯ** [лот. *directio* — йўналтириш, йўл кўрсатиш] **1** Корхона, муассаса, ўқув даргоҳларининг директор бошчилигидаги раҳбарлик аппарати. *Дирекция таркиби. Дирекциянинг қарори. Дирекциянинг топишириғи.*

**2** Шу аппарат ўрнашган хона, бино. *Дирекцияга кирмоқ. Дирекцияга чақирилмоқ.*

**ДИРИЖАБЛЬ** [фр. *dirigeable* — бошқариладиган] Ичига тўлдирилган газ кучи билан ҳавога кўтарилувчи, мотор билан юргизиладиган, ҳаводан енгил учиш аппарати. *Сўнги пайтда енгил учуш аппаратлари — аэростат ва дирижабллар яна катта эътибор қозоняпти.* Газетадан.

**ДИРИЖЁР** [фр. *diriger* — бошқариш, йўлга солиш] Оркестр ёки хорни, опера ёки балет саҳналарида эса оркестрни, хорни ва барча ижрочиларни бошқариб боровчи, муסיқий асар ижросининг уйғунлигини таъминловчи шахс. *Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг дирижёри.* ■ *Дирижёр тескари қараб, ҳадеб таёқчасини уйнатарди.* С. Аҳмад, Музикали воқеа.

**ДИРИЛЛАМА** *айн. диркиллама.* *Дириллама, момақаймоқ, чайнамай шимадиган дўндиқча экан.* К. Яшин, Ҳамза.



**ДИРИЛЛАМОҚ** 1 Титраш, тебраниш натижасида дир-дир овоз чиқармоқ. Салют зарбидан деразаларнинг ойнаси дириллаб кетди. ■ Самолёт енгил дириллаб, моторлари бетиним гўнғиллади. «Ёшлик». Назаров столга бир мушт туширди. Пиёла дириллаб кетди. А. Кўчимов, Ҳалқа. Паровоз гудоги эшитилди. Унинг узундан-узоқ чўзиқ қичқариши вокзални дириллатиб юборди. Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси.

2 Силкинмоқ, тебранмоқ, зирилламоқ. Бадани дириллайди. Юрагим дириллаб кетди. ■ Дарё шамолдан сесканган отнинг бадани дириллаб кетди. С. Аҳмад, Иқбол. Агар келсам шу ера, жиғиллайди юрагим, Ёрим эсга тушганда, дириллайди юрагим. «Муштум».

**ДИРИНГ-ДИРИНГ** тасв. с.: **диринг-диринг сакрамоқ** (ёки **ўйнамоқ**) айн. **дириггламоқ**. Кўйилиб турган шароб, тамтамларнинг қора қошлари.. меҳмонларни **диринг-диринг ўйната** бошлади. Ф. Фулом, Қон ҳиди келади. Пошшахоннинг келишларини эшитиб.. бизнинг юрагимиз **диринг-диринг ўйнади**. Ҳамза, Асарлар.

**ДИРИНГЛАМОҚ** Дик-дик сакрамоқ, дикангламоқ, ирғишламоқ, ўйноқламоқ. Отам бир йил эшак сотиб олди.. уни ҳар ким минолдас эди, минган одамни **диригглаб, устидан отиб ташларди**. С. Айний, Эсадиқлар.

**ДИРК** тасв. с. Силкиниб, тебраниб турувчи нарса, сапчиб қилинган ҳаракат ҳақида. Ҳусан кийикни ушламоқчи бўлиб қўл чўза бошлаган эди, кийик **дирк этиб**, ёнига **ирғиди**. Ё. Шукуров, Кутилмаган воқеа. **Тарлон дирк-дирк ўйнади**. Т. Мурод, От кишнаган оқшом.

**ДИРКИЛЛАМА** 1 Роса етилган, тўлишган, бўлик; таранг. У яшил барлар орасидан мўралаб турган дўланадай **диркиллама қўшалоқ кўсакни кўриб, кўзлари чақнаб кетди**. «Шарқ юлдузи».

2 Диркиллаб турадиган; бўлик гавдали, лорсиллаган. **Диркиллама бадан**. ■ У чоқлар Гулшодхоним чилвир соч, оқ шоҳидек силлиқ, тоғ эчкисидай **диркиллама эди**. У Исмоилов, Сайланма.

**ДИРКИЛЛАМОҚ** 1 «Дирк-дирк» ҳаракат қилмоқ, лорсиллаб турмоқ. Кўкраклар оёқларнинг оҳангдош училишига мос **диркиллайди**. Ойбек, Кўёш қораймас. Бутун гавдаси **силкинади, кўкси диркиллайди**. С. Аҳмад, Уфқ.

**Ичкари хонадан югуриб чиққан ярим яланғоч раққоса буралиб, ағзойи баданини диркиллатиб, ўйинга туша кетди**. Мирмуҳсин, Қахрамоннома.

2 айн. **дикилламоқ** 1. Шу пайт кўча эшиги зарб билан очилиб, **диркиллаб беш-олти қўзи кирди**. «Ёшлик». Бедовинни **диркиллатиб.. Ҳар кўчганда тўплар отиб, Элима кеткали келдим**. «Гўрўғли».

3 кўча Нарсанинг янгиллиги, бўлиқлигини ифодалайди. **Ликопчаларда бутунича қўйилган диркиллаган бодринг, олма шаклидаги қип-қизил помидор иштаҳани қитиқлайди**. Н. Аминов, Тилло табассумлар. Сапсарик олтиндек товланиб турган палов **диркиллаб турарди**. Ж. Мусажонов, Ҳиммат.

**ДИР(Р)** 1 тақл. ва тасв. с. Тебраниш натижасида ҳосил бўладиган ана шундай ҳаракат ва товуш ҳақида. **Учиб ўтган самолёт зарбидан деразалар дир этиб кетди**.

2 Отни тўхтатиш учун ишлатиладиган ундов сўз.

**ДИРИНГЛАМОҚ** айн. **дикилламоқ**. Муллажиринг **жирингламас**, одам **дириггламас**. Мақол. ■ **Отлар эгаринг тагида дириглар ва биз борган сари илгаридеги суворийга яқинлаша бордик**. Ҳ. Олимжон.

**ДИРҲАМ** [а. درهم < юн. drachme — кумуш пул ва оғирлик ўлчов бирлиги] 1 айн. **дирам** 2. **Дирҳам VII асрдан XIV асргача Осиёдаги мусулмон мамлакатларда муомилада бўлган**. «Фан ва турмуш».

2 Бирлашган Араб Амирликлари ва Марокаш Подшоҳлигида пул бирлиги.

3 Миср ва Суданда қимматбаҳо металлларнинг 3,12 граммга тенг ўлчов бирлиги.

**ДИСТАРМОНИЯ** [лот. dis, юн. dys — ажратиш, инкорни ифодаловчи олд қўшимча + юн. harmonia — уйғунлик, оҳангдошлик] 1 мус. Гармониянинг, оҳангдошликнинг мавжуд эмаслиги ёки бузилиши; ҳамоҳангликнинг йўқлиги.

2 Келишмовчилик, ноиттифоқлик; номувовиқлик.

**ДИСК**, **диска** [юн. diskos — ясси доира, айлана] 1 Машина, механизм ва ш. к. нинг доира (айлана) шаклидаги қисми. **Пахта териш машинасининг диски**. Борона **диски**. ■ **-Дисканинг ранги машинанинг рангида бўлади**, — деди Абдураҳмонов. И. Қаландаров, Шохидамас баргида. **Малоҳат дискадан темир йўлга отилиб тушди**. «Шарқ юлдузи».

**2 спорт.** Енгил атлетикада қўл билан узоққа отиладиган ялпоқ металл асбоб. *Узоқ вақт стадион гавжум бўлади. Бир итанга кўтаради, иккинчиси диска улоқтиради.* Газетадан.

**3 ҳарб.** Пулемёт, автомат, милтиқ ва ш. к. нинг патрон жойлашадиган, айлана шаклдаги ўқдони. *-Дискада ўқ тўла эди. Майли, пайти келганда, биронтасини ҳам бекор кетказмай-миз, — деди майор.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**4** Умуман, айлана (тўғарак) шаклдаги нарса. *Қуёш дискаси.* ■ *Қуёш диски марказининг юқори кульминация пайти ҳақиқий туш вақти дейилади.* «Астрономия». Директор шундай деди-ю, телефон дискасини айлантира бошлади. «Муштум».

**ДИСКАЛАМОҚ** қ.х. Дискали бороналар билан кесақларни майдалаб текисламоқ. *Эски беданоёлар эрта баҳорда боронланади ва дискаланади.* Газетадан. *Эки олдидан ерлар 8-10 сантиметр чуқурликда дискаланади ва борона қилинади.* Газетадан.

**ДИСКАЛИ** Диска ўрнатилган механизм, техника. *Дискали мола. Дискали борона.*

**ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ** [лот. dis — ажратиш, инкорни билдирувчи олд қўшимча + qualificatio — қандай (сифатли)лигини белгилаш] *спорт.* **1** Мусобақа қоидаларини техник жиҳатдан бузганлиги учун спортчи (ёки жамоа)ни эришган натижалардан маҳрум қилиш.

**2** Ахлоқий меъёрларни бузганлиги ёки муайян талабларга мос келмаслиги туфайли спортчини мусобақаларда қатнашишдан умуман ёки вақтинча четлатиш.

**ДИСКЕТА** [ингл. diskette — кичик диск] *тех.* Компьютернинг ташқи маълумотлар сақланадиган, алмашинувчи ясси қурилмаси; эгилувчан магнит дискли кассета.

**ДИСКОВОД** [р. «диск киритгич»] Компьютернинг дискдаги маълумотларни компьютерга кўчириб олиш ёки компьютердаги маълумотларни дискка кўчириб олиш учун мўлжалланган мосламаси.

**ДИСКОНТ** [ингл. discount — чегирма; фарқ] *иқт. мл.* **1** Қимматли қоғозлар, қоғоз ёки танга пуллар ва ш. к. нинг фонд биржасида айна пайтда сотилаётган нархи билан белгиланган нархи ёки уларни қайтариб сотиб олишдаги нархи ўртасидаги фарқи.

**2** Товарни турли муддатларда етказиб бериш билан боғлиқ нархлари ўртасидаги фарқ.

**3** Товарнинг сифати меъёр ёки шартнома талаби даражасида бўлмаслиги оқибатида товар нархининг пасайиши.

**4** Банк ёки айрим шахс томонидан векселни унинг амал қилиш муддатигача ўтган даврдаги фоизларини чегирган ҳолда ҳисобга олиб бориш.

**5** Векселни қайта сотиб олишда банк ундирадиган фоиз.

**ДИСКОТЕКА** [диск + юн. theke — омбор, жой] **1** Компакт дисклар, грампластинкалар мажмуи; улар сақланадиган жой.

**2** Ёшларнинг мусиқа тинглаш ва рақс тушиш учун мўлжалланган кўнглиочар маскани; мусиқа клуби.

**ДИСКРИМИНАЦИЯ** [лот. discriminatio — ажратиш; фарқлаш] Халқаро ва миллий муносабатларда бирор давлатнинг, юридик ёки жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва имтиёзларини бошқаларга нисбатан чеклаш, камситиш.

**ДИСКУССИОН** *эск.* Мунозара, муҳокама қилинадиган; мунозарали, тортишувли. *Дискуссия масала.* ■ *Журнал ўзбек адабиётишунослиги ва тилшунослигининг муҳим масалаларига бағишланган дискуссия мақолаларни эълон қилади.* «ЎТА».

**ДИСКУССИЯ** [лот. discussio — муҳокама қилиш, тадқиқ этиш] Бирор масалани тўғри ҳал қилиш учун матбуотда ёки илмий йиғинларда ўтказиладиган эркин, оммавий муҳокама; мунозара. *Ўзбек имлоси масалаларига бағишланган дискуссия. Илмий дискуссия.* ■ *Дискуссия қатнашчилари жуда кўп қимматли фикрлар айтиб ўтдилар.* «ЎТА».

**ДИСЛОКАЦИЯ** [лот. dislocation — жойлаштириш; силжиш; суяк чиқиши] **1** ҳарб. Ҳарбий қисмларнинг мамлакат бўйлаб белгиланган жойларга ўрнаштирилиши, ҳарбий-ҳаво кучларининг тегишли аэродромларга, ҳарбий-денгиз флоти кемаларининг портларга тақсимлаб жойлаштирилиши. *Погодин.. машинадан тушиши биланоқ, янги дислокация ҳақида дивизияларга хабар юборди.* И. Раҳим. Чин муҳаббат. *Шу кеча душман полки дислокация қилинаётгани ҳақида радиограмма қўлга туширилди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**2 геол.** Ер қобиғидаги турли ўзгарувчан жараёнлар натижасида тоғ жинслари дастлабки жойланишининг бузилиши, ўзгариши.

**3 тиб.** Синиш ёки чиқиш пайтида суюқнинг жойидан силжиши.

**ДИСПАНСЕР** [фр. dispensaire < dispenser — тақсимламоқ] Айрим гуруҳ касалликларни аниқлаш, даволаш, уларнинг олдини олиш, тарқалиши ва авж олишига йўл қўймаслик мақсадида доимий кузатиш олиб боровчи махсус тиббий-профилактик муассаса. *Тери ва таносил касалликлари диспансери. Онкологик диспансер.* ■ *Диспансер райондан икки чақиримча қуйида — Иброҳимовнинг эски машҳур боғида жойлашган эди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

**ДИСПЕПСИЯ** [юн. dysperpsia — ёмон ҳазм бўлиш] тиб. Кўпинча болаларда учрайдиган овқат ҳазм қилиш аъзолари касаллиги; меъда-ичак фаолиятининг бузилиши. *Токсик диспепсия бола ҳаёти учун жуда хавфли, бунда зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатиш керак. «ЎЗМЭ».*

**ДИСПЕТЧЕР** [ингл. dispatch — тез бажараман] махс. **1** Транспорт воситалари ҳаракатини ёки корхонадаги иш жараёнини хабар бериш қурилмалари ва алоқа воситалари: телефон, радиотелефон, сигнализация, факс ва телевизион ускуналар, компьютер ва ш. к. орқали битта марказдан, бир жойдан туриб назорат қилувчи ва бошқариб турувчи ходим. *Темир йўл диспетчери. Диспетчер бўлиб ишламоқ.* ■ *Операторга ҳам, диспетчерга ҳам, станция навбатчисига ҳам тиним йўқ.* Газетадан. *Шу пайт радиодан диспетчернинг овози янгради. Ж. Абдуллахонов, Хонадон.*

**2** кўчма Ташкилотчи, уюштирувчи, олдинга бошловчи. *Футбол майдонида жамоа сардори диспетчер ролини ўйнайди.* Газетадан.

**ДИСПЕТЧЕРЛИК** Диспетчер хизмати ва машғулот. *Барча нефть қудуқлари битта диспетчерлик пультадан бошқарилмоқда. “Ўзбекистон иқтисодий географияси”. Йўл ҳаракатида раҳбарлик системаси иккита йирик диспетчерлик марказида жойлаштирилган.* Газетадан.

**ДИСПЛАЗИЯ** [юн. dysplasia — (суюқ) ўсиши, ривожланишининг бузилиши] тиб. Аъзо, тўқима ёки тана қисмларининг эмбрионал ва туғилгандан кейинги даврда нотўғри ривожланиши.

**ДИСПЛЕЙ** [ингл. display — қайта кўрсатмоқ] Маълумотларнинг ишланиш натижаларини электрон-ҳисоблаш машинасидан

олиб, уларни электрон-нурли асбоб экранда матн, жадвал, график тарзида акс эттиришга мўлжалланган мослама. *Харидор пойабзал танлагандан сўнг дисплей клавиатурасидаги тегишли клавишани босади ва буюртма дарҳол компания омборига келиб тушади.* Газетадан.

**ДИСПРОЗИЙ** [лот. Dysprosium < юн. dysprositos — топилиши, аниқланиши қийин] Кимёвий элемент, Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб оч кулранг металл.

**ДИСПРОПОРЦИЯ** [лот. disproportio — ўзаро нисбатнинг бузилиши] эск. Мутаносибликнинг йўқлиги, бутун нарса қисмларининг бир-бирига тўғри, мос келмаслиги; номутаносиблик. *Режаларни бажариш жараёнида қарама-қаршилик ва айрим диспропорциялар борлиги аниқланди.* Газетадан.

**ДИСПУТ** [лот. disputare — баҳс, мунозара қилмоқ] эск. кам қўлл. Бирор бир мавзуда ўтказиладиган оммавий мунозара, тортишув, дискуссия. *Диспутлар, лекциялар факультет бўйича ўтказилади. П. Қодиров, Уч илдиз. „бирмунча ёзувчиларнинг адабий ижодини аниқлаш нуқтаи назаридан диспутлар, адабий-ижодий кечалар ўтказдик. Н Сафаров, Оловли излар.*

**ДИССЕРТАНТ** [лот. dissertans, dissertantis — батафсил қараб чиқувчи, тушунтирувчи] Илмий даража олиш мақсадида ўз илмий иши — диссертациясини махсус илмий кенгаш аъзолари ўртасида ҳимоя этувчи киши. *Диссертантга сўз берилди.* ■ *Диссертант ўз маърузасида жуда кўп қимматли маълумотлар, тажрибалардан мисоллар келтирди.* Газетадан.

**ДИССЕРТАЦИЯ** [лот. dissertatio — фикр юритиш, тадқиқ қилиш] Илмий даража олиш мақсадида ёзиладиган ва махсус илмий кенгаш мажлисида ҳимоя қилиш учун тақдим этиладиган илмий талқиқот иши. *Номзодлик диссертацияси. Докторлик диссертацияси.* ■ *Баҳорга чиқиб, Йигиталининг диссертация ҳимоя қилиш куни белгиланди. Д. Нурий, Осмон устун. Ниҳоят, оғир, машаққатли кунлар орқада қолиб, Латофат кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ёқлаб олди. Л. Тожиева, Меҳрим сизга, одамлар. Докторлик диссертациямни ўз юртимда, ўз она тилимда.. сунгий тўсиқларсиз ҳимоя қилдим.* Газетадан.

**ДИССИДЕНТ** [лот. *dissidentis* — қаршилик қилувчи, қўшилмайдиган] **1** Бошқача ўйловчи, ҳукмрон тузум, мафкура билан келишмайдиган.

**2** 1950-80-йилларнинг ўрталарида бир қатор социалистик мамлакатларда мавжуд тузумга қарши бўлганларнинг умумий номи.

**ДИССИМИЛЯЦИЯ** [лот. *dissimilatio* — ўхшамаслик, ўхшашликнинг йўқолиши] **1** биол. Организм фаолияти жараёнида қабул қилинган мураккаб органик моддаларнинг парчаланиб, оддийроқ моддаларга айланиш жараёни.

**2** тлш. Сўзларни талаффуз этганда, артикуляция ўрни ёки усули жиҳатдан ўхшаш товушлардан бирининг ўзгариши, бошқа ноўхшаш товуш билан алмашинуви.

**ДИССОНАНС** [фр. *dissonance* < лот. *dissonare* — ҳар хил оҳанг чиқармоқ; соzланмаганлик, уйғун эмаслик] мус. **1** Товушлар уйғунсизлиги; ҳамоҳангликнинг йўқлиги ёки бузилиши; зид. **консонанс**. *Форобий билан Ибн Сино иккови консонанслар ва диссонанслар тўғрисидаги таълимотини қайта кўриб чиқишган*. «Фан ва турмуш». *Диссонанс — икки ёки ундан ортиқ товуш баравар чалинганда чиққан товушнинг қўлоққа кескин ва нотинч эшитилиши*. И. Акбаров, Музыка саводи.

**2** Ёқимсиз оҳанг, товуш.

**ДИССОЦИАЦИЯ** [лот. *dissociatio* — бўлиниш, ажралиш] **1** ким. Молекулаларнинг таркибий қисмларга ажралиши, парчланиши.

**2** психл. Руҳий (психик) жараёнлардаги боғланишнинг бузилиши.

**ДИСТАНЦИОН** Маълум масофадан таъсир этадиган, бошқариладиган. *Дистанцион найча*. *Дистанцион бошқарув*. *Дистанцион тест синови*.

**ДИСТАНЦИЯ** [лот. *distantia* — масофа, оралик] **1** Умуман нарса-буюмлар, жисмлар ўртасидаги оралик; масофа.

**2** ҳарб. Сафланган аскарлар, қўшинлар орасидаги, шунингдек, ҳарбий техника, жанговар самолёт ва кемалар ўртасидаги масофа, оралик. *Колоннадаги машиналар ўртасидаги дистанция 50 метр бўлмоғи керак*. *Дистанцияни сақлаб юринг!*

**3** спорт. Югуриш, сакраш каби мусобақаларда ҳаракатнинг бошланғич ва сўнгги нуқталари (старт ва финиш) ўртасидаги, шунингдек, боксчилар ўртасидаги оралик.

**4** Темир йўлларнинг, шунингдек, оддий сув йўллари (дарёлар)нинг маъмурий-техникавий бўлинмаси (хизмат кўрсатиш шохобчаси).

**ДИСТИЛЛАМОҚ** Дистиллаш, ҳайдаш йўли билан тозалamoқ, соф суюқлик ҳосил қилмоқ. *Дистилланган сув дори-дармон эритмаларини тайёрлаш учун тиббиётда ҳам ишлатилади*. «Кимё» дарслиги. *Абдумажид шприцни спиртда ҳамда дистилланган сувда тозалab, бузурққа укол қилди*. С. Анорбоев, Йўлда йўлдош бўлганлар.

**ДИСТИЛЛЯТ** Дистилляция, ҳайдаш маҳсули (мас., бензин, керосин ва ш. к. лар нефтни ҳайдаш жараёнининг дистиллятларидир).

**ДИСТИЛЛЯТОР** Суюқликни дистилловчи аппарат. *Махсус аппаратлар, дистилляторлар.. етишмайди*. Газетадан.

**ДИСТИЛЛЯЦИЯ** [лот. *destillatio* — томчилаб оқиш] ким. тех. Суюқликларни, суюқ аралашмаларни бугга айлантириб, соф таркибий қисмларга ажратиш, тозалаш.

**ДИСТРОФИК** Дистрофия билан касалланган киши.

**ДИСТРОФИК** Дистрофияга оид. *Дистрофик ўзгарш*.

**ДИСТРОФИЯ** [юн. *dystrophia* — озиқланишнинг бузилиши] тиб. Бирор аъзо, тўқима ва умуман организмнинг озиқланиш жараёни бузилишидан иборат касаллик. *Жигар дистрофияси*. *Юрак мушаги дистрофияси*. ■ *Касаллик вақтида беморнинг жигар ҳужайралари кўпlab емирилса, жигар дистрофияси бошланади*. В. Мажидов, Сарик касаллиги.

**ДИФТЕРИТ** айн. **дифтерия**.

**ДИФТЕРИЯ** [юн. *diphthera* — парда, эт] тиб. Томоқнинг ва бурун шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва улар устида парда ҳосил бўлиши билан кечадиган, кўпинча болаларда учрайдиган оғир юқумли касаллик; бўғма. *Дифтерия касали*. *Дифтерия билан оғримоқ*.

**ДИФТОНГ** [ди.. + юн. *phthongos* — овоз, товуш] тлш. Икки унли товушнинг бир бўғинда бирикиб, қоришиб келиши ва шундай бириккан товушлар (мас., немис тилидаги «au» каби). «Ўзбек тили» китобида сингармонизм, редукция, дифтонг, ассимиляция каби фонетик ҳодисалар анча яхши ёритиб берилган. «ЎТА».

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ I** [лат. differentia — фарқ, тафовут] **1 мат.** Эркин ўзгарувчан микдорнинг чексиз кичик ихтиёрий орттирмаси.

**2 тех.** Бир валдан турли тезликда айланадиган икки валга ёки икки валдан бир валга ҳаракат узатадиган, машина ва механизмларнинг турли қисмларига турлича айланиш имконини берадиган тишли филдиракли механизм.

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ II 1** Ҳар хил шароитда турлича юз берадиган, бир хилда турмайдиган; фарқли, тафовутли. *Дифференциал тариф. Дифференциал рента. Дифференциал ёндашиш.*

**2 мат.** Дифференциалга оид. *Дифференциал геометрия.*

**ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ** [лат. differentia — айирма, фарқ; фарқланиш] Бир бутун нарсанинг турли хил қисмларга, шаклларга, босқичларга ажралиши, бўлиниши, табақаланиши; бутуннинг қисмларини ўзаро фарқлаш, ажратиш, табақалаш.

**ДИФФЕРЕНЦИАЛАМОҚ 1** Бирор нарсани ўрганишда унинг таркибий қисмларини бир-биридан фарқламоқ; шу нарсани табақаларга, таркибий қисмларга ажратмоқ.

**2 мат.** Дифференциални топмоқ, дифференциални ҳисоблаб чиқмоқ (қ. **дифференциал I 1**).

**ДИФФУЗ:** **диффуз товушлар** тлш. Бир-бирига сингишиб кетган, қоришиқ товушлар.

**ДИФФУЗИЯ** [лат. diffusio — тарқалиш, ёйилиб кетиш] *физ.* Бирор модда (газ, суюқлик) зарраларининг бошқа модда орасига секин-аста ўтиб тарқалиши, кириб бориши. *Газлар диффузияси. Суюқликлар диффузияси.*

**ДИХОТОМИЯ** [юн. diha — икки қисмга + tome — бўлиш; кесилиш] Бутуннинг изчил равишда иккига бўлиниши ва бу бўлақлардан ҳар бирининг иккига ажралиши.

**ДИЭЛЕКТРИК** [юн. dis — орқали, орасидан + *ингл.* electric] *от* Электр токини ўтказмайдиган модда; изолятор.

**ДИЭЛЕКТРИК сфм.** Электр токини ўтказмайдиган. *Диэлектрик моддалар.*

**ДИҚҚАТ** [а. دقت — аниқлик; синчковлик; нозиклик] **1** Фикр, фикру зикр, фикр-ёд. *Узини унутиб, барча диққати ҳужра ичига оққан эди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. Сидиқжон.. болага қараб, у-бу деб турган бўлса ҳам,*

*кўзи ва бутун диққати Шарофатда эди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**2** Назар-эътибор, илтифот; синчковлик. *Диний ва миллий руҳнинг тарбиясига алоҳида эътибор ва диққат лозим. Ойбек, Нур қидириб. [Кумуш] Сочлари орасидаги чигилларни диққат билан тараб, жом ёнига ўтирди. А. Қодирӣй, Ўтган кунлар. Тўлқинжон Ҳурининг сўзларини зўр диққат билан тинглади. Ф. Мусажонов, Ҳури. Йўлчи ўроққа диққат билан тикилиб қаради ва энкайиб ўра бошлади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Диққатга сазовор (ёки лойиқ) ёки шоёни диққат** Эътибор этишга арзийдиган, эътиборни ўзига тортадиган. *Диққатга сазовор гап. ■ Шаҳрингизнинг диққатга сазовор жойларини кейин кўрамиз. «Гулдаста». Ҳўжаев афандининг фикри-зикри шоёни диққат. 3. Саид, Н. Сафаров. Тарих тилга кирди. Диққатни жалб қилмоқ (ёки тортмоқ) 1) эътиборни, фикрни бир жойга тўпламоқ, йиғмоқ, эътиборни бирор нарсага қаратмоқ. Маърузачи тингловчиларнинг диққатини шу масалага тортди; 2) бошқаларнинг эътиборини ўзига қаратмоқ. Тебраниб ёнаётган шам зўр мўъжизадай ҳамманинг диққатини жалб қилган эди. А. Қаҳҳор, Кўр кўзнинг очилиши. Дастлабки кунларда қишлоқ аҳолисининг диққатини жалб қилган янги домла бора-бора назардан тушиб қолди. А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.*

**3 сфм.** Узлуқсиз эътибор талаб этадиган, юракни сиқиб юборадиган, оғир, машаққатли. *Диққат иш.*

**4** Зериктирадиган, зерикарли, мароқсиз. *Диққат гап.*

**Диққат бўлмоқ ёки диққати ошмоқ** Бўғилмоқ, сиқилмоқ; зерикмоқ. *Шу бугун кечқурун ҳалигидай диққат бўлиб ўтирганида, яна Латофатхон эсига тушиб, бир фикра келди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Унинг [Рағнонинг] диққати ошиб кетган, тиқ этса, эшикка қараб қўймоқда. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Диққат қилмоқ 1) эътибор бермоқ; илтифот қилмоқ. Ҳали диққат қилмаган эканман: юзлари сип-силлиқ, худди тошдан ясалганга ўхшайди. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати; 2) бўғмоқ, юракни сиқмоқ; зериктирмоқ. Ҳоким тўрани диққат қилма. К. Яшин, Ҳамза.*

**5 кесим взф.** Бўғилган, юраги сиқилган; хафа. *Ўзи диққат, хуноб, лекин тез-тез хаёлга*

кетарди. Ойбек, Нур қидириб. *Аваз диққат. Хива томонга қарайвериб, кўзи тешилай деди. Отасидан мужда йўқ.* С. Сиёев, Аваз.

**ДИҚҚАТБОЗЛИК** Диққати жуда ошганлик, юраги ўта сиқилганлик ҳолати; хунобгарчилик. *Кел, бўлар иш бўлди, диққатбозликни қўй.* Уйғун, Асарлар. *Шундай шодиёна кунда диққатбозлик? Сенга ярашмайди, оғайним.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси. *Муқимий.. тариқ ўраётган бир тўда деҳқонларни кўриши билан табиатидаги бир дамла равшанлик ўрнини яна диққатбозлик эгалла олди.* Туйғун, Шоир ҳақида ҳақиқатлар.

**ДИҚҚАТЛАНМОҚ** Бирор нохуш воқеадан ёки гап-сўздан юраги сиқилиб асабийланмоқ, бўғилмоқ. *Отабек диққатланди: -Қилчоқлар эканини билдим, аммо гуноҳлари нима, деб сиздан сўрайман!* А. Қолирий, Ўтган кунлар.

**ДИҚҚАТЛИК** Руҳан эзилганлик, юраги сиқилганлик, хафалик. *Мен диққатлигимни иш билан ёзишга ҳаракат қиламан.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**ДИҚҚАТПАЗЛИК** *айн. диққатбозлик, диққатчилик.* ..икки соат бадалидаги диққатпазлиги етмагандек, яна шунча вақт илсиз боғланиб ўтириши керак. «Ёшлик».

**ДИҚҚАТСИЗ** Ўзтибор бермайдиган, бепарво, ўзтиборсиз.

**ДИҚҚАТСИЗЛИК** 1 Ўзтибор бермаслик, диққат қилмаслик.

2 Ишга бепарво қараш, бепарволик.

**ДИҚҚАТЧИЛИК** *айн. диққатбозлик.* Ҳасан овчи очлигини ҳам унутган, диққатчилик унинг иштаҳасини бўғиб қўйганди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.

**ДИҚҚАТ-ЎЗТИБОР** Диққат ҳамда ўзтибор; бутун фикр, ўй-хаёл. *Диққат-ўзтиборини тортмоқ.* ■ ..Аммо қизларнинг бутун диққат-ўзтибори рўпарадаги деворда, дуч келган жойга осиб қўйилган суратларда эди. М. Хайруллаев, Тилла маржон.

**ДИҚҚИНАФАС** [a. ضيق النفس — нафас қисиш; астма] 1 Зерикиш ёки бетоқатликдан нафаснинг сиқилиши; нафаси сиқилдиган.

**Диққинафас бўлмоқ** *кўчма* Юраги сиқилиб асабийланмоқ; бўғилмоқ; хуноб бўлмоқ, хуноби ошмоқ; зерикмоқ. *Касалдан сўнг диққинафас бўлиб юрган Ҳафиза эрта билан одатдагидек ўқишга борди.* Мирмуҳсин, Умид. *Лаъли кенг ҳовлида диққинафас*

*бўлиб, ёлғиз ўтирибди.* Д. Нурий, Осмон устуни. *Қиши билан тор уйларида диққинафас бўлган кишиларнинг димоғига адирлардан гиёҳларнинг хушбўй нафаси келиб урилди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

2 Нафасни сиқадиган даражада оғир, бўғиқ; зерикарли. *Эртага у диққинафас, рутубатли Ҳиротдан чиқиб кетади, шу йўсин билан бир йўла бу беадад ғаму ғуссадан ҳам қутулади.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Юргил, далаларга кетайлик, дўстим, Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.* А. Орипов, Митти юлдуз.

3 *кўчма* Босилиб, бўғилиб, сиқилиб ётган. *Қиш бўйи қор остида “диққинафас” бўлган бахмал майсалар бўй чўзиб, қуёшга талпинмоқда.* Ё. Шукуров, Чорчинор остида.

**ДИҚҚИНАФАСЛИК** Юраги сиқилганлик, руҳан эзилганлик ҳолати. *Бир ерда кўп ўтириб қолиш ҳам одамга диққинафаслик келтиради.* А. Ҳақимов, Илон изидан. *Лекни кўнгал ҳамон хира. Бу кўнгалхиралик диққинафасликка айланди.* Шухрат, Шинелли йиллар.

**ДО** [итал. do] мус. Диатоник (ўзгарувчан тонли) товушқаторнинг биринчи поғонаси; асосий етти поғонали товушқаторнинг биринчи товуши. *Музыкада еттита асосий товуш бор: до, ре, ми, фа, соль, ля, си.* И. Акбаров, Музыка саводи.

**ДОБИЛ** *тар. эск.* От эгари қошига боғлаб, маҳкамлаб қўйиб, жанг пайти ёки тўйда чалинадиган доирасимон мусиқа асбоби; довул. *Добил-доирани чалади, Кўрганнинг ақлин олади.* «Нурали». *Шодиёна пўлат добил олтин эгарнинг қошида.* «Гулшанбоғ». *Эралихон суюнчига бир телпак, шопча (қилич) ҳамда қашқалдоқнинг терисидан бўлган добил берди.* «Юсуф ва Аҳмад».

**ДОБИЛБОЗ** *тар. эск.* Добил; довул чалувчи (қоқувчи). *Добилбоз добилини қоқди, товуши Чамбилга етди.* «Маликаи айёр». *Оқсоқол, жиғадор, амалдор, навкар, добилбоз, қушбеги, қўрғонбеги овга сафар қилишини билдирди.* «Маликаи айёр».

**ДОВ** 1 1 Бўйи баланд, йўғон ва бақувват. *Бир кун, кеч кирай деганда, тугун кўтарган, дов, елкадор йигит билан паранжи ёпинган аёлни эргаштириб кирдилар.* Й. Шамшаров, Тошқин. *Унинг [Муҳаммад Сайиднинг] яғринли, қулоч кўкракли, бутун дов жуссасидан қувват барқ урарди.* Ойбек, Навоий.

Мелиқўзи ниқ этиб кулиб юборди. Кейин ўрнидан туриб, дов қаддини ростлади. Й. Шамшаров, Довруғ.

2 кўча Журъат, ботиниш; дадиллик.

**Кўнгли (ёки юраги) дов бермаслик** Ботина олмаслик, журъат қила олмаслик. Аёлнинг кўзларига қарашга юраги дов бермади. С. Нуров, Нарвон. Ҳикмат нотани ёзишга ёзди-ю, Оқилага узатишга юраги дов бермади. Ю. Шомансур, Қора марварид. Лекин йўлни кесиб ўтишга кўнглим дов бермади. Х. Гулом, Машъал.

**ДОВ II** [ф. دعوى < a. دعوى — иддао, талаб] Ўз ҳақ-хуққини тасдиқлаш ёки қондириш ҳақидаги талаб, даъво, тортишув. Ёмон йўлдош ёв бўлади. Охир иши дов бўлади. Мақол. Ботир ёвда билинар, сўзчи — довда. Мақол. Камбағалнинг ови юрмас, ови юрса ҳам, дови юрмас. Мақол. ■ Шаҳзода! Айт, менга қандай довинг бор? -О, сенга довим жуда кўп.. К. Яшин, Ҳамза.

**ДОВ III** [ф. دوش — ўйинда ўртадаги пулни кўпайтириш] Қиморда ўртага тикилган пул ёки бошқа қимматли нарса. -Қиморда мени дов тикмасайди, яна бировга ютқизмасайди, деб қўрқар эдим, — деди Ҳожи хола. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Бойвачча, ўз навбатига, ошиқ отишга ботинолмай турган кишиларга кўз югуртириб чиқди, бошқа талабгор бўлмаганлиги учун ёнидан пул чиқариб, теллагининг тагига қўйди-да, “дов” деди. Х. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота.

**ДОВ IV** фольк. Уруш, жанжал; курашув, олишув. Ер товсиз бўлмас, Эл — довсиз. Мақол. Ёмон хотин олганнинг дови уйда. Мақол.

**ДОВ-ДАРАК** айн. дом-дарак. Дўстининг дов-дарагини суриштириш учун Қоратой темирчи елиб-югурди. Ойбек, Танланган асарлар. Поччанг ўлсин! Тўрт кундан бери дов-дараги йўқ, ўлдими-қолдими, билмайман. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДОВ-ДАРАХТ** с.т. Ҳар қандай дарахт, ҳар хил дарахтлар. Дов-дарахтлар, қизғиш бўёққа чайиб олингандек, ял-ял товлана бошлади. Э. Усмонов, Ёлқин. Дов-дарахтлар оптоқ, худди гижим рўмол ёпиб олган келинчақдай товланади. С. Сиёев, Эркаклар эртаги.

**ДОВ-ДАСКАК** с.т. айн. дов-дастгоҳ. ..кеча шаҳарга тушиб, китоб, дафтар, яна аллақачна дов-даскак олдим. Х. Гулом, Машъал.

**ДОВ-ДАСТАК** с.т. айн. дов-дастгоҳ. Дов-дастакни йиғиштирмақ (ёки кўтармақ) айн. дов-дастгоҳни йиғиштирмақ қ. дов-дастгоҳ. Сенинг бу чирик дов-дастагин бутун маҳаллани ерга қаратади. «Муштум».

**ДОВ-ДАСТГОҲ** с.т. Барча асбоб-анжомлар, дўкон-дастгоҳ. Уйдаги дов-дастгоҳлар, безаклар мени ҳайратга солди. Х. Турсункулов, Ҳаётим қиссаси.

**Дов-дастгоҳни йиғиштирмақ (ёки кўтармақ)** Бор-йўғини йиғиштириб жўнамақ. Ҳамроқул наридан-бери дов-дастгоҳини йиғиштириб жўнади. А. Қаҳҳор, Тошоабоб. Киночилар аҳволнинг жиддийлашганини кўриб, дарҳол дов-дастгоҳини йиғиштириб, четга чиқишди. Н. Сафаров, Оловли излар.

**ДОВДИР** Телба-тескари иш қиладиган, телбанамо; думбул, анқов; ҳовлиқма. Наҳотки энди шу арзимас идорачани ҳам эплай олмасанг? Қанақа довдир, ношуд одамсан ўзинг? Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**Довдир гап** Телба-тескари, бетайин гап. Унинг [Зайнабнинг] бу довдир гаплари галаба қозонмоқчи бўлган Қумушни довдиратди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДОВДИРАМОҚ I** Бирор нарса, вазият таъсирида тўғри ҳаракат қила олмаслик, ўзини сал йўқотган ҳолда алпон-талпон ҳаракат қилмоқ; гангимоқ. Ўртанча келин оиладаги янги одатга кўниқолмай, кечаси довдираб, ҳовлига чиқади.. С. Аҳмад, Сайланма. Ёдоғр шамолдан гандираклагандай довдираб бораркан, кузда бўлган.. мажлисни эслади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. Довдираганимдан стул қолиб, нақ ерга ўтир-волаёзибман. «Ёшлик».

2 Тўғри сўзлаш қобилиятини йўқотмоқ, телба-тескари, чалкаш-чулкаш гаплар гапирмоқ, валдирамоқ. Вой довдир, нима деб довдираяпсан ўзинг? П. Турсун. Ўқитувчи. Матпано, тушида Хизирга йўлиққан кимсадек довдираб, тили калимага келмай қолди. С. Сиёев, Аваз.

3 Ўзини йўқотмоқ, шошиб қолмоқ, саросимага тушиб, гангиб, қўрқиб қолмоқ. Имом эшикни очаркан, эркакча кийиниб келган аёлни кўриб довдираб қолди. Ж. Шарипов, Хоразм. Мурод бу гаплардан довдираб қолди. Нима дейишини билмас эди. М. Ҳазраткулов, Журъат. Ногаҳоний зарб еган кишидек довдираб қолишди. Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**ДОВДИРАТМОҚ I** Довдирамоқ фл.орт.н.

2 Ҳайратга солмоқ. *Муниранинг кутли-маганда лапар айтиши эркаларни довди-ратиб қўйди.* Э. Усмонов, Ёлқин.

**ДОВДИРЛИК** Телба-тескарилик, дум-буллик, анқовлик. *Гоҳида бу довдирлик гўл-ликкача, меровликкача бориб етади.* «Ёш-лик». *Бу гап Хўжақуловога малол келди: “Ҳалиям ўша довдирлиги бор экан-да”, — деб қўйди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДОВ-ЖАНЖАЛ** Ҳар хил тортишув ва жанжал; низо, келишмовчилик. *Колхоз аҳллари орасида дов-жанжал кўпайди.* «Муштум». *Туркман элининг дов-жанжалли кўпайиб кетди.* «Маликай айёр».

**ДОВЛАМОҚ** с.т. Ҳақ-хуқуқ талаб қил-моқ, талашиб олмоқ; дов, даъво қилмоқ. *Кучли билан курашма, молли билан довлашма.* Мақол. ■ *Назаров ҳузур қилиб киришди: “Эсинг бўлса, келиб мен билан довлашасанми, мияси суюлган чол!”* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Отанг етолмади бу кунларга. Толеингни довлаб бериб, ўлиб кетди.* А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда. *Йўқ, энди мен ҳаётдан ўз тегишимни, ўз чароғон кунларимни довлаб оламан.* А. Мухтор, Асарлар.

**ДОВОЛ** шв. Девор.

**ДОВОН I** 1 Тоғ ёки тепаликнинг баланд, аммо ошиб ўтса бўладиган қулай жойи; ошув. *Қашқар довони.* *Арасиз от довон ошолмас.* Мақол. *Донога эргашган довондан ошар.* Мақол. ■ *Бу вақт улар Қорақарга деган довондан ошиб, кўз илғамас, кенг, текис яйловга чиқдилар.* А. Мухтор, Асарлар. *Довоннинг белига чиққунча Муҳаммад Шариф ҳам, эшак ҳам ҳолдан тойди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

2 кўчма Кейинги иш ва ютуқларга йўл очиб берадиган улкан иш; эришилган ёки эришилажак қийин марра. *Оила қуриш нақадар юксак довон эканини Маҳкам энди биринчи марта.. ҳис қилмоқда эди.* П. Қодиров, Уч илдиз. *Мавсумнинг дастлабки довони ортда қолди.* Газетадан.

3 кўчма Ҳаёлий, руҳий марра, мақсад, интилиш. *Эй кўнглим, оламдан суюнчи сўра, Довонлар, тоғлардан елдай учиб ўт.* Миртемир, Асарлар. *Тўлқиндай асов бўл, сергак қаламим. Давру довонлардан баркамол ўзгил.* Г. Жўраева, Иқбол.

**ДОВОН II** махс., кам қўлл. Тўқувчиларнинг ишхонасида икки устуннинг тепа

оралиғига ўрнатилган ва устидан учига тош боғланган танда ошириб қўшиладиган ёғоч ғалтак.

**ДОВОТ** [а. دوات — сиёҳдон] эск. айн. **сиёҳдон.** [Аваз] *Токчадаги лос солинган до-вот, қамиш қалам ва қоғозни олиб, хонтахта устига қўйди.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Мадёр мингбошининг маҳкамаси: хонтахта устида қаламдонли довот, дафтар, қоғозлар бор.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**ДОВРУҚ I** Донг, шон-шуҳрат, маш-хурлик. *Чала доврўққа чол йиғилар.* Мақол. ■ *Сувратингизни кўп кўрганман, доврў-гингизни кўп эшитганман.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Довруқ таратмоқ ёки доврўғи кетмоқ** Машхур бўлмоқ, ҳаммага танилмоқ. *“Бобур-нома” 17-асрнинг 90-йилларидан бошлаб Европага доврўқ таратган эди.* «Фан ва турмуш». *Аммо номи тилдан тилга ўтиб, бутун фронтга доврўғи кетган бу қизнинг ўйида фақат Нормат кечарди.* И. Раҳим, Чин муҳаббат.

2 Миш-миш гап, хабар, шов-шув. *Ўттиз икки танга [солиқ] доврўғи гузар аҳлининг юракларини уюштириб, бунни эшитиши биланоқ исёнга қўл қўйдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Унинг [Тожибойнинг] юмуш билан Тошкентга бориб келгани Қамишқапада хийла доврўқ бўлди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДОВРУҚЛИ** Довруғи кетган; шуҳрат қозонган, донг чиқарган. *Довруқли пахтакор.* ■ *У заводга илк бор қадам қўйганда, келажакда доврўқли пайвандчи бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.* Газетадан.

**ДОВУЛ I** Вайронлик келтирувчи кучли бўрон. *Довул турди.* *Довулда қолмоқ.* ■ *Сал ўтмай осмон оқариб, атроф ёриша бошлади-ю, тунги қора довулнинг қабиҳ иши бутун даҳшати билан намоён бўлди.* О. Ёкубов, Диёнат. *Ёлғизлик қурсин, ёлғизга қоронғи тунда шабада ҳам довул бўлиб туюлар экан.* И. Раҳим, Ихлос.

**ДОВУЛ II** эск. Ўвчилар, тўпчи қоровул-лар ёки ҳарбийлар учун мўлжалланган, теридан ёки пўлатдан ясалган махсус ноғора. *Довул ҳар вақт миришабнинг ўзи ёки унинг ўрин-босари шаҳарни айлашиб юрганда чалинард.* С. Айний, Дохунда. *Урди Ҳасан довулни, Қаттиқ тортиб айилни.* «Равшан». *Аҳён-аҳёнда узоқлардан довул товуши эшитилади: тун посбонлари уйқудаги шаҳарни қўриқлаб юра-дилар.* М. Осим, Аждодларимиз қиссаси.



**Довул қоқмоқ (ёки чалмоқ)** 1) қаттиқ, даҳшатли овоз чиқармоқ, гумбурламоқ. *Ихтиёрим ҳеч бир касга бермадим, Довул қоқиб, шунқоримни чуймадим.* «Эрали ва Шерали». *Момақалдироқ ваҳимали довулини қоқиб, гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда чақмоқ чақар эди.* Н. Сафаров, Саодатнинг қиссаси; 2) бонг урмоқ. *Сиз деб қоқдим, яна балким қоқарман, Исён довулини қаттиқ қоқарман.* С. Абдулла, Тоҳир ва Зухра.

**ДОВУЛБОЗ** тар. Довул чалувчи, довул қоқувчи. *Мен эдим неча вақт элда довул-боз, Тул бун қолди Барчинойдай сарвиноз.* «Алпомиш». *Қайтарма Чамбилнинг довул-бозини, Ўғлинг олиб келар сарвинозини.* «Интизор».

**ДОВУЛЛИ 1** Довули бор, довулга эга бўлган. қ. довул II.

2 Қаттиқ бўронли; довул бўлиб турадиган. *Баҳорда сел, дўл, бўрон ва довулли кунлар бўлди.* Газетадан. *Қиш чиқиб, довулли кунлар камайиб қолди.* А. Мухтор, Чинор.

**ДОВУР I** кўм. (ж.к. билан) шв. I Қадалар, -гача. *Соат иккига довуру. Қишга довуру. Кечга довуру.* ■ *У чўлоқланиб дарвозага довуру чиқди.* «Ёшлик». *Мен унга довуру бу ҳовлининг ишкаст-рехтини созлашиб, бошлаб жиҳозлаб қўяман.* Н. Қиличев, Чиғириқ. *Юнусхон тонгга довуру ўн қайта ухлаб, ўн қайта уйғонди.* М.М.Дўст, Лолазор.

2 Марта, карра. *Тиловердини ўғлинг билан уч довургача олиштираман.* Т. Мурод, Юлдузлар мангу ёнади.

**ДОВУР II** шв. Товуш, овоз. *Ер тагидан бежой отнинг довури келадиру.* Усмон бахши Мамат ўғли, Бўтакўз.

**ДОВУР III** айн. давир.

**ДОВУЧЧА** шв. Ҳали пишмаган, гўр ўрик, гўра. *Деворлар оша эгилиб ётган ўрик шохида данак қотирган довуччалар маржон-дек тизилган, оқариб қолган гилослар устида чумчуқлар парвона бўларди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Келинлар ўриқнинг шохини эгиб, лабини қимтийди: Нордон довучча!* С. Акбарий, Меҳригиё.

**ДОВУЧЧАЛАМОҚ** Гўра мева тугмоқ, ҳосил қилмоқ. *Баҳорнинг қизиган кунлари: ўриқлар довуччалаган, олмалар туккан, тутлар пишаёзган эди.* С. Айний, Эсдалиқлар.

**ДОВУШ** с.т. шв. Товуш, овоз. *Кўжалдош алп ҳарчанд чинқириб қолди, куйиб-пишиб, кўп довуш қилди.* Қоражон қулоқ солмай

*кетди.* «Алпомиш». *Оҳ тортганда, тўкилар кўзидан ёши, Гам билан чиқади бекнинг довуши.* «Алпомиш».

**ДОВУШЛАМОҚ** шв. Қичқирмоқ, товуш чиқармоқ; чақирмоқ. -*Тўхта, золим!* — деди ҳам довушлади. «Эрали ва Шерали».

**ДОВЧИ** Жасур, довурак, довлашувчи киши. *Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас, Дағдаға солган билан довчи бўлмас.* Мақол. *Кўп отган билан овчи бўлмас, Кўп деган билан довчи бўлмас.* Мақол.

**ДОВЮРАК** Қўрқмас, ботир, жасур. *Дов-юрак одам.* ■ *Мен довурак Ражабовни тоғ бурғутига ўхшатдим.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Бай-бай, аммо зап довурак йигитлар экан-да, шоввозлар!* О. Ёқубов, Ота изидан.

**ДОГМА** [юн. dogma, dogmatos — фикр; қарор; таълимот] Қанчалик тўғрилиги танқидий текшириб кўрилмай, ҳақиқат сифатида кўр-кўрона қабул қилинган қонун-қоида, фикр; ақида. *Баширжон “догма” сузининг маъносига тушунмаса-да, ҳар қалай, ёмон ҳақоратли сўз эканига ақли етди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДОГМАТИЗМ** Эскирган, қотиб қолган, бир томонлама назария ва қонун-қоидаларга, ақидаларга асосланган тафаккур; танқидий қарамай, кўр-кўрона фикрлаш; ақидапарастлик.

**ДОГМАТИК** от Қотиб қолган, ўзгармас ақидалар тарафдори; ақидапараст. *Догматикларни ва қироятхонларни турмуш улоқтириб ташлаганлигини ва улоқтириб ташлаётганлигини кўриб турибмиз.* Газетадан.

**ДОГМАТИК сфт.** Қотиб қолган, ўзгармас фикр, мушоҳадаларга, ақидаларга асосланган. *Догматик қарашлар.* ■ *Оқи-батда фанга нисбатан догматик қарашлар зарбага учрамоқда, консерватизм барҳам топмоқда.* «Муштум».

**ДОГОВОР** [р. договор — келишув, битим] эск. айн. **шартнома.** *Хатда нима депти?* — *Договорнинг бир нухасини сўрапти.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ДОД** [ф. داد — адолат, адл; фиғон, нола] I унд.с. Рухий ёки жисмоний азобга чидай олмай чиқарилган қаттиқ товуш; бақирӣқ, фарёд. *Дод! Войдод! Кимсаной, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмайдими, болам!* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. *Бу юракни сиқадиган жимликдан у “дод!” деб юборай деди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Эрталаб жуда ёмон аҳволга*

тушиди: уйнинг у бошидан бу бошига “дод” деб юмалайди. А. Қаҳҳор, Асарлар.

**Дастидан дод (демок)** Кимсанинг ёки бирор нарсанинг салбий ҳаракатидан, бирор нохуш воқеадан норозилик сифатида нола, фарёд қилмоқ. *Жиззахда молларидан айрилиб, ўғрилар дастидан дод деб юрганлар анчагина.* «Муштум». *Дод бу рашкчи эрнинг дастидан.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Дод! Золим келиннинг дастидан дод!* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**2** Хавф-хатардан ёки кўрқувдан ёрдамга чақириб чиқарилган қаттиқ овоз; бақирӣқ. *Дод солмоқ.* ■ *Дод! Дод, одамлар, келинлар! Дод, бек ўзига ўт кўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Қиз ҳозир бошига қоп кийдирилишини билди-ю, бор овози билан дод солиб қичқира бошлади.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *-Дод! Войдод! Қароқчилар босди! — довон орқасидан икки хотин фарёд кўтариб чиқди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Ҳозир беҳисоб туёқлар остида қолиб янчилишини сездди-ю, дод солиб қичқирди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**3** кўчма Ёмон ном, ёмонлик, ёвузлик. *Дод қолдирма, от қолдир.* Мақол. *Яхшидан от қолади, Ёмондан — дод.* Мақол.

**4** кўчма Адолатсизлик ёки азоб-уқубатдан нолиб қилинган оғзаки ёки ёзма арз, шикоят, фифон. [Домла Фофурга:] *Қани, додингни айт, нима додинг бор?* Ҳамза, Бой ила хизматчи. *Азиза додини кимга айтишини билмай, қон-қон йиғлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Додига етмоқ, додига қулоқ солмоқ** ёки додини эшитмоқ, тингламоқ Шикоятини, арзини тингламоқ; адолат қилмоқ. *Подшоҳга арзга борсангиз, додингизга етмасмикин, мулла тоға?* П. Қодиров, Юлдузли тунлар. *Додини тинглайдиган мураббий тополмасди.* К. Яшин, Ҳамза. **Додингни худога айт!** Аҳволингни, арзингни, шикоятингни ҳеч ким тингламайди, дод дейишнинг фойдаси йўқ. *-Аканг айлансин, Сидиқжон, энди додингни худога айт! На ўзингга қилдинг, на манга.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**Додини бермоқ** 1) таъзирини, адабини бериб қўймоқ, қилмишига яраша чора кўрмоқ; жазоламоқ; қийнамоқ. *Унақа муттаҳамнинг додини бериб қўйиш керак.* О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. *Сиз йишларнинг додини берадиган қизсиз.. сизга ўнлаб йигит мафтун бўлиши мумкин.* П. Қодиров, Қалбаги куёш; 2) ўлдирмоқ, қирмоқ. *Буни*

*минсанг, ака, йўлли бўласан, Қалмоқларнинг жуда додин берасан.* «Алпомиш». *Кўп девларнинг додин берган Гўрўғли, Авазхонга раҳбар бўлган Гўрўғли.* «Маликаи айёр.

**ДОДА** шв. Дада, ота. *Додам пул берди, санолмадим..* (Топишмоқ — Юлдузлар).

**ДОД-БЕДОД** [ф. داد-بيداد — шовқин, жанжал; фарёд] Ёрдамга чақириб қилинган нола, арз-дод; шовқин-сурон. *Сафарқул.. дарёдан ўтиб, Ширинилар қишлоғига яқинлашганда.. қишлоқдан чиқаётган “дод-бедод!” ва “войдод!” садолари уни жуда ҳайратга солди.* С. Айний, Қуллар. *Кампирнинг дод-бедоди эшитилди.* С. Айний, Қуллар.

**ДОД-ВОЙ** Дод солиш, додлаш; бақирӣқ, фарёд. *Қоронғи уйда ур-йиқит, тўполон, муштлаш, отишма, дод-вой бошланди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Пастда эшитилган дод-войлар ва инграшларга қараганда, бу тошлар мўлжалга тегмоқда эди.* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**ДОДЛАМОҚ** Рухий ёки жисмоний азобга чидай олмай, қаттиқ овоз чиқармоқ, бақирмоқ. *Хотин кишининг додлагани, эркак кишининг сўкингани эшитилди.* Ў. Усмонов, Сирли соҳил. *Менинг биқинимда осколка борлигини биларди, додлаб юборади, деб ўйлади шекилли.* А. Мухтор, Асарлар.

**2** Каттиқ овоз чиқариб йиғламоқ, фарёд, нола қилмоқ. *Кампир додлаганича бориб, ўелининг ўлиси устига ўзини ташлади.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Санобар хола соч юлиб додлади, йиғлади, сиқтади.* С. Зуннунова, Олов.

**3** Ёрдамга чақириб дод солмоқ. *Додлаб қочар экан, йиқилди.* «Ёшлик». *Додлаб, ёрдамга чақиршига шахзоданинг иззат нафси йўл кўймасди.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси.

**ДОДРАС** [ф. دادرس — қози; ҳимоячи, халоскор] Жабрланганларни ҳимоя қилувчи, уларнинг арзини тингловчи. *Арзинг бўлса, додрас ҳузуридасан, гапир!* А. Қодирӣй, Меҳробдан чаён.

**ДОД-ФАРЁД** [ф. داد-فرياد — шовқин, бақирӣқ, фарёд] Дод ва фарёд, дод-вой. *Дод-фарёд қилмоқ.* ■ *Аёллар дод-фарёд кўтариб, муштлашганларни ажратишига чақира бошладилар.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Инграган овозлар, дод-фарёдлар эшитила бошлади.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Бир зумда қийчув, тўполон, дод-фарёд кўтарилди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**ДОД-ФИҒОН** айн. дод-фарёд. Дод-фиғон кўтармоқ. Дод-фиғон қилмоқ.

**ДОДХОҲ** [ф. دائخواه — даъвогар; одиллик истовчи] **1** эск. кт. Адолат талаб этувчи, адолат истовчи, даъвогар. *Нима деб амр этсам, шуни қилинглар, Хуройим устидан додхоҳ бўлинглар.* «Рустамхон».

**2** тар. Бухоро хонлигида адолат, ҳақ-ҳуқуқ истовчилардан амир номига ариза қабул қилувчи ва унинг жавобини арзчиларга етказувчи лавозимли киши. *Райимбек додхоҳ эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Гулчеҳра давлатхонага кириб, мирохур, тўқсабо, додхоҳларни чақирди.* «Эрали ва Шерали».

**3** тар. Қўқон хонлигида қозихона ишлари устидан назорат олиб боровчи амалдор.

**4** тар. Ўтмишда Фарғона водийси ва Тошкентда мингбоши ва бошқа баъзи амалдорларни улуғлаш учун ишлатилган сўз. *Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос. Порасиз ўтмас сенга юз илтимос.* Муқимий. *-Ҳа, шошманг, дарвоқе, минебоши додхоҳ ёрдам бермасмикинлар?* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**ДОЗА** [юн. dosis — бўлак, улуш] тиб. Беморга бир бор ёки бир кеча-кундузда қабул қилиш учун белгиланган дори-дармон миқдори. *Болалар дорисининг дозаси.* Катталар дорисининг дозаси. ■ [Сиддиқа] *Дориларнинг хиллари, дозаларини, яъни қайси дориди қандай аралашмалар борлигини ва бу аралашмалар миқдори қанча эканлигини ҳам айта олади.* Н. Ҳакимова, Врач бўлмаса ҳам.

**2** Умуман муайян ўлчовга эга миқдорлар. *Намакоб тайёрлаш учун туз билан сув турли дозаларда олиниши мумкин.* Усимликка радиоактив нур берилса, берилган нурнинг дозасига қараб, ё яхши ўсади, ёки секин ўсади. «Фан ва турмуш».

**ДОЗАЛАМОҚ** Дозаларга бўлмоқ; дозасини белгиламоқ. *Беморларга бериладиган дориларни дозалаб чиқдим.*

**ДОЗАТОР 1** тех. Суюқ ва сочилувчан моддалар миқдорини, қоришмага кирадиган таркибий қисмлар улушини автоматик равишда ўзи ўлчайдиган (дозалайдиган) мослама, асбоб. *Ҳозирги вақтда бетон қилиб қориладиган шағал, майдаланган тош, қум, цемент махсус тарозилар — дозаторларда тортилади.* Газетадан.

**2** Ўшандай асбоб билан иш қилувчи мутахассис, ишчи.

**ДОЗАТОРЧИ** айн. дозатор **2.** Корхона дозаторчилари ва лаборатория ходимлари уларнинг [омухта емларнинг] сифатини доим назорат қилиб борадилар. Газетадан.

**ДОЗИМЕТР** [доза + юн. metreo — ўлчайман] Ионловчи нурланиш дозаларини ўлчовчи асбоб. *..бу иш аллакимнинг дозиметр-га боқиб кўриш хаёлига келмагунча давом этди.* Газетадан.

**ДОЗИМЕТРИЯ** физ. Амалий ядро физикасининг ионловчи, радиоактив нурлар дозасининг жонли ва жонсиз организмга таъсирини ифодаловчи физик миқдорларни ўрганувчи, нурланиш дозасини аниқловчи соҳаси.

**ДОИМ** [а. دائم — чўзилувчи, узун; ҳамиша] рвш. Вақт жиҳатдан узлуксиз давом этувчи; ҳамма вақт, ҳамиша. *Қизи бор уй доим саришта.* Мақол. *Бўрининг кўзи доим овда.* «Қанотли сўзлар». ■ *У менга доим сени эслатиб туради.* Т. Ашуров, Оқ от.

**ДОИМИЙ 1** Ҳамма вақт мавжуд бўлиб, узлуксиз давом этиб турадиган, муттасил. *Доимий гамхўрлик.* ■ *Ёрмат бу ерда доимий яшамас эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Китоб — Жомийнинг яхши дўсти, ажралмас ҳамроҳи, мутолаа ва ижодиёт эса унинг доимий машғулоти эди.* Газетадан.

**2** Ўзаро, узлуксиз, ўзаро боғланган. *Сой билан шабада товуши кўшилиб, доимий бир куй ҳосил қилади.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. *Оғриқ эса доимий ва борган сари кучайиб борадиган бўлади.* Ҳ. Ҳакимов, Ўткир аппендицит.

**3** Абдий, мангу. *Доимий дўст.* ■ *Касалхона, меҳрибон ҳамшира Элмуроднинг эсида доимий сақланиб қолди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДОИМО** айн. доим. *“Тупроқ олсанг, олтин бўлсин”, деб доимо онам дуо қиларди.* «Гулдаста». *Лочинлар вояга етганда, доимо жуфт бўлиб юради.* «Фан ва турмуш».

**ДОИР** [а. دائر — айланувчи, айланма] кўм. (ж.к. билан) Алоқаси, дахли бўлган, алоқадор, тегишли; мансуб. *У [Сидиқжон] ишга доир гапларга аралашиб, бировнинг фикрини қувватлар ёки рад қилар, ўз фикрини айтар эди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Бу кимёга доир гап.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Хотира дафтариди ёзувчилик меҳнатига доир кўп фикрларни учратиши мумкин.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.

**ДОИРА I** [*a.* دائره — айлана, доира; соҳа, тармоқ] **1** *геом.* Текисликнинг айлана билан ўралган юзаси; тўгарак. *Ярим доира. Доиранинг юзи.* ■ *Кучли шамол юзлаб километрли улкан доира бўйлаб елади.. «Фан ва турмуш».* Скамейкалар доира шаклида қўйиб чиқилди. С. Аҳмад, Уфқ. *Кенг далада доира ясаб ўтирган одамлар орасидаги деярли ҳамма йигитларнинг кўзи Бадиага.. қаратилган эди. Мирмуҳсин, Меъмор. Мактабнинг очиқ дарвозасидан кўкиш такиси кириб келди-ю, ярим доира қилиб айланиб тўхтади. Ҳ. Хошимов, Қалбингга кулоқ сол.*

**Доира чизмоқ** **1)** тўгарак чизик чизмоқ. *Тошкент харитасининг бир қанча ерига йўғон қизил қалам билан доиралар чизилган эди. Ҳ. Фулом, Тошкентликлар;* **2)** кўчма доира шаклида айланмоқ, давра олиб юрмоқ ёки учмоқ. *Жуда баландда, худди кўк гумбазининг остида, қандайдир каттакон бир қуш қанотларини борича ёзиб, аста доира чизмоқда. С. Анорбоев, Оқсой. Қилич яланғочлаганлар орқасида доира ясаб отликлар ҳам турарди. Мирмуҳсин, Темур Малик.*

**2** кўчма Белгили бир чегара, аниқ бир худуд ичидаги жой. *Шаҳар доирасида.* ■ *Адабиётда умр бўйи тутаб юрган ёзувчи ҳеч қачон ўз маҳалласи доирасидан ташқарига чиқмайди, лекин ўзини классик ҳисоблайди. К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас.*

**3** кўчма Бирор иш-ҳаракат, қонун-қоида ва ш. к. давом этиши, жорий бўлиши, тарқалиши эҳтимол бўлган белгили худуд, жой. *Фронт доирасидаги шаҳарлардан кўчириб келтирилаётган одамларни жойлаштиришга тайёргарлик кўриш лозим эди. Р. Файзий, Ҳазрати инсон. ..бола тарбияси, унинг ахлоқ-одобини фақат оила доирасига боғлаб қўйсақ, рўй берган ҳозирги янги шароитга тўғри келмайди. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**4** кўчма Чегара, чек, рамка. *Инсоф доираси. Фикр доираси. Таъсир доираси.* ■ *Камина адаб доирасидан заррача чиқмаган бўлса керак. Ойбек, Навоий. Фарғонадаги кенгаш Умиднинг дунёқараш доирасини анча кенгайтирди. Мирмуҳсин, Умид.*

**5** кўчма Белгили бир соҳа, касб ёки табақа ва ш. к. аҳли; кишилар йиғиндиси, уюшмаси. *Юқори доиралар. Хабардор доиралар. Журналистлар доираси.* ■ *Гуландом бундай турмушдан нафрат қилар, бу ифлос доирадан, фаҳш уясидан қутулишни истар..*

*эди. Ойбек, Танланган асарлар. ...мавлоно Бехзод чизган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқор тасвирлари расмий доираларда шухрат топган эди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**ДОИРА II** Айлана шаклидаги, гардиш-симон урма мусиқа асбоби; чилдирма, даф. *Доира чалмоқ.* ■ *Болохонанинг токчасида доира, танбур, дотор ва рубоб каби мусиқий асбоблар бор эди. С. Айний, Эсдалиқлар. Чилдирмачи настга сакраб тушиб, доирасини қиздириб келди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДОИРАВИЙ I** Доира шаклидаги, айланма. *Доиравий йўл.* ■ *Сўнроқ тепанинг ўртасидан катта доиравий.. бир супа қилиб, устига бир шийпон солди. А. Қодирий, Обид кетмон.*

**2** Асоси доира шаклида бўлган. *Доиравий конус (мат.).* ■ *Агар тўғри бурчакли учбурчакни катетларидан бири атрофида айлантирилса, унда тўғри доиравий конус деб аталувчи геометрик жисм ҳосил бўлади. «Геометрия» дарслиги.*

**ДОИРАСИМОН** Айланага ўхшаш, тўгараксимон. *Маъруф Назаров вертолётнинг доирасимон кичик ойналарига қараб, осмон гумбазига боқарди-да, хаёл сурарди. Ҳ. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.*

**ДОИРАЧИ** Чилдирма чалувчи, чилдирмачи. *Доирачи раққосанинг етакчиси бўлибгина қолмай, балки бутун ансамблини бошқариб, усуллар йўлини кўрсатиб берувчилардандир. Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. Халқ сайили ва байрамларида доирачиларнинг мусобақалари тез-тез уюштирилиб турар, доирачилар эса ўз ўйинчилари билан унга қатнашар эдилар. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.*

**ДОЙИ** *шв.* Тоға. *Рўмолимнинг учи шойи, Ўртасида бордур ойи. Олиб беринг, жоним дойи. “Кўшиқлар”. Хон, Авазни дорга буюрган экан, дойим орага тушиб, эллик таёқ сўрабди. С. Сиёев, Аваз.*

**ДОЙРА** *с.т.* айн. **доира.** *Тўйдан қайтиб келганда, Дойра чалиб келамиз. «Бойчечак».*

**ДОЙРАДАСТ** айн. **доирачи.** *Кейин сурнайчи Мировни.. дойрадаст Зойирбой Гулбоевни ёзинг. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Дойрадастлар, қўлга олинг дойрани, Раққосалар чир айлансин даврани. Р. Бекниёз, Тўтиё.*

**ДОЙРАЧИ** айн. **доирачи.** *Ушанда у киши.. ёш йигит — дойрачи эди. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.*

**ДОК** [гол. dok, инг. dock — кема устакониси] Кемаларнинг сувга ботиб турадиган қисмини қуриш, сувдан чиқариб кўздан кечириш ва таъмирлаш ишларини амалга оширувчи корхона. *Касаба союзларига доклардаги юк ташувчилар, қора ишчилар ва бошқалар бирлашдилар.* Газетадан.

**ДОКА** Пахта ипидан сийрак қилиб тўқилган юпқа газлама. *Эр-хотиннинг уруши — Дока рўмолнинг қуриши.* Мақол. ■ *Роҳат-биби эрини эсига олар экан, кўз ёшларини дока рўмолнинг учи билан артиб кўйди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Дока кўйлак киймайман, Ич кўйлаги бўлмаса, Сени ёрим демайман, Зар кокилинг бўлмаса.* «Оқ олма, қизил олма».

**ДОКАПАРАНГ, докафаранг** Францияда, умуман, Европада тўқилган юпқа, ҳарир мато, ипакли дока. *Отамнинг юзига сув сачради, шекилли, белбоғига қистириқлик докафаранг рўмолчасини олиб артди.* Ойдин, Гулсанам. *Докапаранг кўйлагинг кийсанг бўлар, ёр-ёр. Шу қишлоқда бировни севсанг бўлар, ёр-ёр.* «Кўшиқлар».

**ДОКАФУРУШ** Дока билан савдо қилувчи, дока сотувчи. *Докафуруш Исмоил Ёдгоровнинг савлатидан от хуркади.* «Муштум».

**ДОКЕР** [ингл. docker — док ишчиси] Портларда юк ташувчи, докларда, кемасозлик корхоналарида ишловчи ишчи. *У докер ухлаган қирғоққа боқар, Қуёшдай муқаррар, чин ва муштарак.* А. Мухтор, Асарлар.

**ДОКЛАД** [қад. р. доклады < кладати — қўйиш, тахлаш] эск. 1 қ. **маъруза.** *Ҳисобот доклади.* ■ *Докладдан кейин қизгин музокара бошланиб кетди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 Шундай маърузанинг ёзма матни. *Доклад ёзмоқ.* ■ *Ҳайронаман, ҳайронаман, ҳайронаман.* *Докладимни ёзолмайман, ҳайронаман.* «Муштум».

3 Юқори раҳбарий органларга ёки бошлиққа оғзаки ёки ёзма равишда тақдим этилган расмий маълумот, ахборот. *Сержант Лобов бўлинмасини бошлаб бориб, жангчиларнинг машққа тайёр эканини доклад қилди.* Шуҳрат, Шинелли йиллар.

**ДОКЛАДНОМА** Бирор хабар, воқеа-ҳодиса тўғрисида раҳбар органларга ёки бошлиққа ёзма равишда топшириладиган расмий маълумот, ахборот (қ. **билдириш-нома**). *Докладнома ёзмоқ.* *Докладнома топширмоқ.* ■ *Унинг қўлидаги даста-даста*

*ҳисоботлари докладномаларни ўқисангиз, гўё шаҳарда ҳеч қандай чанг, ғубор йўқ.* Газетадан.

**ДОКЛАДЧИ** айн. **маърузачи.** *У [Ойимхон] мажлисни очгач, докладчига сўз берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Докладчи Исмоилжон Норматов охириги сўзида буни мамнуният билан қайд этди.* А. Қаҳҳор, Синчалак.

**ДОКТОР** [лот. doctor — ўқитувчи, муаллим, устоз] 1 с.т. Касалларни даволовчи олий маълумотли тиббиёт ходими; шифокор, врач. *Доктор ёзаётган анкетасидан бош кўтариб, жилмайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. *Ойим ҳам тез-тез докторга қатнайдиган бўлиб қолди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

2 Докторлик диссертациясини ҳимоя қилган фан номзодлари ёки профессорларга бериладиган олий илмий даража ва шу даражани олган олим. *Филология фанлари доктори.* ■ *Илмий кенаш кашфиётимни кўриб чиқиб, яхши баҳолабди ва менга медицина фанлари доктори даражасини беришга қарор қилибди.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакати.

**ДОКТОРАНТ** [нем. Doktorant — докторлик илмий даражасини олишга тайёрланаётган < лот. doctorantis — таълим олаётган] Докторлик диссертациясини ёзиш учун бирор илмий муассасага бириктириб қўйилган фан номзоди.

**ДОКТОРАНТУРА** Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ҳузуридаги олий малакали илмий ходимлар — фан докторлари тайёрлаш шакли. *Докторантура фан номзоди илмий даражаси негизда 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади.* Газетадан. *Институт ҳузурида аспирантура ташкил этилди, ҳозирги вақтда эса докторантура ҳам очилди.* Газетадан.

**ДОКТОРЛИК 1** Доктор илмий унвонини олиш учун ёзилган иш ёки ана шундай илмий даража. *Докторлик диссертацияси.* ■ *Орадан йиллар ўтиб, Абдуқаҳҳор ака докторлик илмий даражасини олди.* Р. Файзий, Кишиларимиз қиссаси. *Яхши одам, ҳозир докторлик диссертациясини ёзаяпти.* С. Зуннунова, Олов.

2 Шифокор, врач касби; врачлик фаолияти. *Қорабўтанинг қизи докторликка ўқийди.* А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. *Докторлик ҳам мушкул касб. Мен яқиндагина мустақил иш бошлаган одамман.* «Ҳарорат».

**ДОКТОРХОНА** с.т. эск. Касалларга хизмат қилувчи муассаса; амбулатория, касалхона. *Ойингиз бир оз бетоб бўлиб қолди. Докторхонага олиб кетишди.* А. Мираҳмедов, Кулган чечаклар. *Қишлоғимиз катта бўлмагани учун докторхона йўқ. Аммо аптека бор.* А. Кўчимов, Ҳалқа.

**ДОКТРИНА** [лот. doctrina – таълимот; ўқимишлилик] кт. Илмий ёки фалсафий таълимот, назария; асосий назарий ёки сиёсий нуқтаи назар. *Ҳарбий доктрина.* ■ *Ядро қуролини ишлаштирдан, биринчи ядро зарбаси доктриналаридан воз кечиш тинчлик ишига хизмат қилади.* Газетадан. *Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган.* Газетадан.

**ДОКТРИНЁР** [фр. doctrinaire – муайян доктрина тарафдори] кт. Бирор доктринага, догмага, илмий ёки фалсафий таълимотга қаттиқ ёпишиб олган ва унга кўр-кўрона эргашувчи шахс; ақидапараст.

**ДОЛ I** фольк. 1 Тик, тикка, адил. *Дол қомат.* ■ *Дол бўйингдан мендай момонг ўргилсин, Эр йишит суйгани нозли гул бўлсин.* «Нигор ва Замон». *Ой томоша қилар осмондан Ҳовлиларни ҳар тун дол туриб.* У. Кўчқор, Ҳаяжонга кўмилган дунё.

2 рвш. Худди, нақ, қоқ; аниқ. *Нишоннинг дол ўртасига урмоқ. Овни отсанг, билиб от, Дол нишонга илиб от.* Мақол. ■ *Олмакўзнинг [отнинг] дол белига минайин, Чиқиб, саҳроларда сайр қилайин.* «Орзигул».

3 рвш. Бир оз қийшайтириб, яримта қилиб. *Дўппини дол қўймоқ. Дуррани (рўмолни) дол ўрамоқ.* ■ *Дўппини дол қўндириб олган новча ҳофиз тўйхонани бошига кўтариб хониши қияпти.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Эғнида гулдор пушти халат, дуррани дол қўйган, оёғида қизил бахмал шиптак.* С. Сиёев, Отлик аёл. *Кичкина дакана рўмолини дол қўйибди.* С. Сиёев, Ёруғлик.

4 Бутун, борича, баланд (товуш ҳақида). *-Ҳа, адаш, топидими болаларингиз? – деди қўшниси Озодага, азбаройи эшитсин дебми ё бошқа ниятдами, овозини дол қўйиб.* «Ёшлик».

5 Ёнғоқ, данак ўйинларида соққанинг ган(кон – маълум шаклда тизилган ёнғоқ)га энг яқин турган ҳолати ҳақида (бундай соққа эгаси биринчи бўлиб отиш ҳуқуқига эга бўлади). *-Сен долми, мен долми? – Мен дол! 6 шв. Кифт, елка.*

**ДОЛ II** [а. د – “д” ҳарфи номи] Араб алифбосида “д” ҳарфининг номи (унинг

шакли – د – мумтоз адабиётда эгилган қадқоматга ишора сифатида қўлланади). *Алифдек қоматинг долдек эгилмиш.* ■ *Оғир меҳнат белини дол қилган.* К. Яшин, Ҳамза. *Не-не тик қадларни дол этди қоғоз.* А. Исроилов, Биз – дунё одамлари.

**Дол бўлмоқ** Эгилмоқ, букилмоқ. *Қаддимиз дол бўлиб, ёнди юраклар.* К. Яшин ва М. Раҳмон, Сирдарё. *Гоҳ бўрон ўқирар, гоҳ бўралар қор. Чинорлар дош бермай, бели дол бўлар.* Миртемир, Асарлар.

**ДОЛЗАРБ I** от вэф. Бирор иш ёки жараён энг қизгин ёки қисталанг бўлган пайт. *Саодатга шундай долзарбда яхшилик қилмай, қачон яхшилик қиласан?* И. Раҳим, Ихлос. *Суяк-суягигача пахтакор одам бунақанги долзарбда даладан жилмайди.* Р. Файзий, Асад либоси.

**Долзарб кунлар** (ёки палла, пайт, дам) Ишлар қизиган ёки тиқилинч келиб қолган кунлар. *Иш қисталанг келиб, долзарб кунлар ҳам бошланди.* А. Шермуҳаммедов, Тошкентлик паҳлавон. *Ҳозир чорвадор учун энг долзарб кунлар ҳисобланган қишлов давом этмоқда.* Газетадан. *Пахта йиғим-терими долзарб паллага кирди.* Газетадан.

2 сфт. Бажарилиши, қилиниши кечиктириб бўлмайдиган, биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган; ўта муҳим. *Долзарб муаммо. Долзарб масала. Долзарб вазифа.* ■ *Абдулла Қаҳҳор адабиётимизнинг долзарб масалаларига беҳад талабчанлик билан ёндашар эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. *Долзарб мавзудаги маърузалар ўқиб эшиттирилди.* Газетадан. *Саноат роботларини ривожлантириш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.* «Фан ва турмуш».

**ДОЛИ-ГУЛИ:** доли-гулига келмоқ (ёки етмоқ) 1) авжга чиқмоқ, қизимоқ. *Гармончи ҳам шавқидан беихтиёр ўртага тушиб, ўйин айни доли-гулига келганда, майдон гўмбурлаб кетди.* Ойбек, Куёш қораймас. *Экиш авжи доли-гулига етган вақтда-я!* С. Аҳмад, Сайланма; 2) етилмоқ, тобига, қиёмига етмоқ. *Агар биз ернинг доли-гулига келишини кутиб утирсак, вақтдан ютқазадизанга ўхшаймиз.* Н. Сафаров, Хадича Аҳророва.

**ДОЛЛАР** [ингл. dollar < нем. Taler – олтин ёки кумуш танга] 1 Америка Қўшма Штатларининг асосий пул бирлиги (1786 йилдан). *Бир доллар 100 центдан иборат.* ■ *Ҳар йили*

жаҳон бозорида 200 миллиард доллар баҳода турли дорилар сотилади. «Фан ва турмуш». Шундай жамғармага эга бўлишимиз керакки, хоҳлаган пайтда — марказами, долларгами.. истаган нарсаларимизни сотиб олиш учун қурбимиз етсин. Газетадан.

2 Австралия, Барбадос, Канада, Малайзия, Сингапур, Фижи, Ямайка каби 30 га яқин катта-кичик давлатларнинг пул бирлиги (бошқа валюталарга нисбатан қиймати бир хил эмас).

**ДОЛЛАШМОҚ 1** Ким доллигини аниқлаш учун кимнинг соққаси ганга яқинлигини ўлчамоқ. қ. дол 5. Ким дол? - Мен дол. - Йўқ, мен дол. - Бўлмаса, доллашамиз.

2 кўчма Куч синашмоқ, беллашмоқ.

**ДОЛОМИТ** [фр. француз минерологи Г. Доломье номидан] геол. Мураккаб таркибли кулранг, сариқ, яшил рангли минерал. Оҳангарон ва Олмалиқ атрофида доломитнинг катта захиралари бор. Газетадан. Ҳайвон қолдиқлари йиғиндисидан пайдо бўлган оҳактош ва доломит жуда кўп тарқалган органик тоғ жинсларидан ҳисобланади. М. Баҳодиров, Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар.

**ДОЛОН** [ф. دالان — усти ёпиқ йўлак; даҳлиз] шв. Дарвозадан то ҳовлигача қурилган, икки томони девор, усти ёпиқ кенг йўлак. Дўстинг келса долонда кут, Душман келса — айвонда. Мақол. ■ Баширжон долон эшигида бир оз иккиланиб турди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДОЛЧИН** [ф. دارچين — долчин, корица] 1 Лаврдошлар оиласига мансуб, барги қалин, доим яшил тропик дарахт.

2 Шу дарахтнинг қуритилган ва зиравор ҳамда доривор сифатида ишлатиладиган пўстлоғи. Қанисан, болам? Манави чойни ич. Долчин солиб дамлаганман. С. Аҳмад, Жимжитлик.

**ДОЛҒА 1** поэт. Кучли, қудратли тўлқин, пўртана. Умрдир гоҳида долғали уммон. А. Исроилов, Югурик нур. Инсон ахир турди, Инсон эмас, виждон турди. Тинмайсанми, долға, долға.. Т. Тўла, Асарлар.

2 кўчма Турмуш қўйинчиликлари, тўсиқлар, говлар; галаё; галаё. Инсонни жамият орасида долғалар, курашлар, суронлар кутади. «Шарқ юлдузи». Қалб шундай уммонки, унинг бағрида Даҳшатли долғалар силсиласи бор. Э. Воҳидов, Садоқатнома. Мана тахтда Ҳусайн Бойқаро утирур жим, фикрида долға. Ойбек, Гули ва Навоий.

**ДОЛҒАЛАНМОҚ** поэт. айн. тўлқинланмоқ. Бизга берилган бахтни эглаб олиш, бошқариш керак, оғайни, бу бизнинг зиммамизда. Кўксим долғаланиб кетади ўйласам. А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда.

**ДОЛҒАЛИ** поэт. Каттиқ тўлқинланган, кўпириб тошган; пўртанали. Эртанги хаёлар — долғали денгиз. Гафлат кечасининг сукутига зид. Р. Бобожон. Парк долғали денгиз каби кўпирарди. Ойбек, Улуғ йўл.

**ДОМ I** [ф. دام — тўр, тузоқ, қопқон] кт. 1 Ҳайвон ва паррандаларни тирик тутиш учун мўлжалланган ов қуроли; тузоқ, сиртмоқ; қопқон. Бандга тушган бу кўнгилидир, менда, айтинг, не гуноҳ, Дил қушига дом қўйган ул икки жодуда айб. Э. Воҳидов, Муҳаббат. Зумрад маккорнинг домига тушган эди, чор-ночор бўйин эди. С. Сиёев, Отлик аёл. Қафасдан бўшади эрк истаган қуш, оху халос бўлди йиртқич домидан. Уйғун, Тонг қўшиғи.

2 кўчма Асирлик, тутқунлик. Мен у саҳро гўзалининг бўйнидаги зулм домини ўзиб олиб ташламоққа қодир эдим. Ойбек, Навоий. Йўқ, эси-қуши сизда, муҳаббатингизнинг домига тушиди. Ойбек, Танланган асарлар.

3 кўчма Бировни илантириш ёки ўзининг йўлига юргизиш учун қилинган ҳийла, найранг; шу мақсадда қўйилган тузоқ, қопқон. Аҳмоқ бўлмасам, шуларнинг ҳийласига лаққа тушармидим, Акрамнинг домига илинармидим. О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Эркин-эркин ўйнаб юрган бошқа оҳулар бу золим сайёднинг домига тушмасин, дейди. К. Яшин, Ҳамза.

**ДОМ II:** доми ҳам йўқ, дараги ҳам йўқ Дом-дараги йўқ. Ўшандан бери доми ҳам йўқ, дараги ҳам йўқ. У. Исмоилий, Рустам.

**ДОМ III** [тўғриси дам I] Дам, ич, оғуш, кучоқ. Бойлик ботқоққа ўхшаган нарса. Домига бир тортса, бир умрга гарқ бўлиб кетишинг турган гап! Ф. Мусаёнов, Ҳиммат. Бу уруш каттаю кичикни бирдек ташвиш домига тортди. Б. Маҳмудов, Деҳқонбой ҳикояси. Сени ҳам домига тортмоқ бўлади Севги деб атаган бу эски шева. Ф. Фулом.

**ДОМ IV** [р. < лот. domos — уй, бошпана] с.т. Уй, кўп қаватли уй, бино. Бинобарин, ҳар бир домдан оқилона фойдаланиш зарур эди. С. Кароматов, Олтин кум. Яхшиям домда тураммиз.. дом деганлари жоннинг роҳати экан. Газетадан.

**ДОМАН** [ф. *دامن* — этак, чет, ҳошия] *шв. айн. домана* П. У [Аваз] гоҳо “Шеърият доманин бекор тутибман-да”, дея пушаймон ейди. «Ёшлик».

**ДОМАНА** I *шв.* Ҳеч нарса, балога ҳам. *Ўзича ҳамма нарсага ақлим етади деб ўйлайди-ю, доманага ҳам фаҳми етмайди.* Н. Қобил, Унутилган соҳиллар.

**ДОМАНА** II Ҳар бир нарсанинг этаги, таги; чети, ҳошияси. *Тоғнинг доманаси.*

**ДОМАНГИР** [ф. *دامن‌گیر* — этакдан тутувчи] Бировдан хафалик жойи, гинаси бўлган, ўпка-гина қилувчи; даъвогар. *Домангир бўлмақ.* ■ *Авзам ҳамон ўгай онаси билан дадасидан домангир.* Шухрат, Жаннат қидирганлар. *Сойбўйи аҳли сиздан эмас, мendan домангир.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ДОМАТ** *шв. айн. домод.* *Аваздай фарзандим келди, Қизимга доматим келди.* «Гулшанбоғ».

**ДОМ-ДАРАК, дому дарак** Хабар, дарак; ном-нишон. *Икки ойдан буён у қозизодадан дом-дарак йўқ.* Ойбек, Навоий. *Эрталаб келиб кўрса, милтиқ отилиб кетган-у, лекин ўлжадан дом-дарак йўқ.* С. Содиқов, Ўзўзини отган айиқ.

**ДОМ-ДАРАКСИЗ** Дом-дараги, ном-нишони йўқ; хат-хабарсиз. *Катта акаси дом-дараксиз.* А.Қаҳҳор, Сароб. *Эри шу кўйи дом-дараксиз кетаверди.* С. Зуннунова, Гўдак ҳиди.

**ДОМИНАНТА** [лот. *dominans, dominantis* — устушлик қилувчи, ҳукмрон] I Устун турувчи асосий ғоя, белги, хусусият, таркибий қисм. *Деярли ҳамма ҳолларда ҳам қора ранг қизил ранг устидан доминант бўлиши мумкин.* Н. Мавлонов, Қорамолчилик.

2 *тлш.* Синонимлар қаторидаги бош, асосий сўз. *Ҳар бир синонимик қаторнинг чегараси, ундаги сўзлар асосий сўз (доминанта)га қийёслаш орқали белгиланади.* «ЎТА».

**ДОМИНАНТЛИК** Устун келишлик, устун туришлик.

**ДОМИНИКАНЛАР** *этно.* Доминикана Республикаси (Гаити ороллари)да яшовчи халқ.

**ДОМИНИОН** [ингл. *dominion* < лот. *dominium* — бирор нарсага эгалик, ҳукмдорлик] *эск.* Британия империяси таркибига кирган, номигагина ўзини-ўзи идора қилган, лекин ички ва ташқи сиёсатда унга

қарам бўлган давлат. *Ўз-ўзини идора қиладиган мустамлакалар “доминионлар” деб аталади.* «Янги тарих» дарслиги.

**ДОМИНО** [фр., итал. *domino* < лот. *dominus* — жаноб] Ҳар бири икки сатҳ (юза)га ажратилган ва ҳар бир сатҳида 0 дан 6 тагача нуқтаси (очко) бўлган йигирма саккизта ясси тўртбурчак пластинкачалар билан ўйналадиган ўйин ва шундай пластинкачаларнинг ўзи. *Домино ўйнамоқ.* ■ *Саҳна орқасида қилич-қалқон таққан кишилар домино ўйнаб ўтиришибди.* С. Аҳмад, Сайланма. *Йиғиштирилган бир хонада тўрт киши домино ўйнаб ўтирибди.* П. Қодиров, Уч илдиз.

**ДОМКРАТ** [голл. *dommekracht*] *тех.* Машина, вагон каби оғир нарсаларни созлаш-қуриш ва таъмирлашда ўз устига қўйиладиган оғирликларни (500 тоннагача) вақтинчалик маълум баландликка кўтариб берадиган механизм. [Шофёр] *Уст кийимини ечиб, машинага домкрат қўйиб, ғилдиракни кўтарди.* С. Аҳмад, Тоғ афсонаси. *Илҳомжон тезда домкрат ва калитларни олди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа.

**ДОМЛА** *с.т.* I Домулла. *Хатиб домла жўнатиладиган буён катта масжид намозсиз қолаётганга ўхшарди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

2 Ҳар қандай илмли кишига ҳурмат билан мурожаат этиш шакли. *Шайхзода домла, гарчи мени ўқитмаган бўлса ҳам, мен ўқиган институтда дарс берар эди.* Шукрулло, Сайланма. *Домласи, шу қизимга яхши баҳо қўйворинг.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати.

**ДОМНА** [қад. р. дымати — пуфлаш] Темир рудаларидан чўян олиш учун қурилган махсус печь, иншоот. *Моторлар гувуллар жаҳон йўлларида, Домналар тинимсиз меҳнаткаш.* А. Мухтор, Асарлар.

**ДОМНАЧИ** I Домна печини қурувчи.

2 Домна печида руда эритувчи мутахассис, ишчи. *Бекобод домначилари ўз вадаларининг устидан чиқшиди.* Газетадан.

**ДОМОВОЙ** [р. домова (книга) — уй дафтари] *с.т.* Муайян ҳовлида, хонадонда доимий яшовчилар қайд этилувчи махсус дафтар; уй дафтари. *У фамилиясидан “Хўжа”ни олиб ташлаган, домовойга “Тошхўжаев” эмас, “Тошев” деб ёзилган.* А. Қаҳҳор, Қизлар. *Асли бу кампир яхшиликни бил-*



майдиган нарса. Домовоидан ҳам бир амаллаб утказардим. С. Аҳмад, Сайланма.

**ДОМОД** [ф. داماد — кувёв, қаллиқ] шв. айн. **куёв**. Доктор хотин қулди: *-Иби, мен сени домод қилмоқчиман-ку!* «Ёшлик». Дастлаб шаҳар аҳли уни «Уртоқ муҳаррирнинг домоди» деб айтарди. М.М.Дўст, Лозарг.

**ДОМОНГИР** қ. **домангир**. Эй, буларни қўйинг. Мендан домонгир бўлиб юришмасин. «Ёшлик». Кейин бир-биримиздан домонгир бўлиб юрадиган иш бўлмасин. М. Мансуров, Ёмби.

**ДОМУЛЛА** [ф. + ҳинд. دادا — ота, катта + а. ملا — ўқитувчи; руҳоний олим] **1** Диний мактаб муаллими. Сайфулла мачитга бориб, домулласидан сабоқ олиб келди. П. Турсун, Ўқитувчи. Домулласан, шмингдан садаға, яхшилаб ўқитгин энди беҳроқ. «Эрали ва Шерали».

**2** Мадрасани битирган мулла киши. Хон мулла Ниёз домуллага қаради.. Домулла Ниёз Анвар тарафидан дуога қўл очди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**Домулла имом** Масжидда имомлик қилувчи мулла. **Домулла почча** Имом домуллага ҳурмат билан мурожаат қилиш шакли. Чарчамайсиз, домулла почча, фақат қуруқ қошиқ оғиз йиртади, холос. Ҳамза.

**2 этн.** Дуохонлик, иссиқ-совуқ қилиш билан шуғулланувчи шахс. [Юсуфбек ҳожи Ўзбек ойимнини] Доимо иссиқ-совуқчи домуллага, хўжаларникида бош огритиб юришини ҳам билар эди. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3 с.т.** Ўрта ва олий мактаб ўқитувчиси; илмий раҳбар, устоз. Қудрат уни Ольга Петровна билан таништириб: *-Мана сизга домулла, шу кишида ўқийсиз, — деди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. Иброҳимов домулласи Иван Петровичнинг уруғчилик совхозига келганини эшитиши биланоқ, бутун материалларини олиб жўнади. А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ДОН I** [ф. دان — уруғ, тухум; дона] **1** Бошоқли ва дуккакли ўсимликлар маҳсулининг бир донаси. Бугдой дони. Маккажўхори дони. Дехқон ишлаб дон сочар, Эл-юртига нон сочар. Мақол. Арпанинг дони бўлгунча, Бугдойнинг сомони бўл. Мақол. ■ *-Бир қумурсқа бир дона донни тортса, иккинчи қумурсқа орқадан итариб, унга ёрдам беради-да, — деди бир дехқон.* С. Айний, Қуллар.

**2** Шундай маҳсул мажмуи, йиғиндиси; галла. Бирида улов бўлса, экиш учун дони йўқ, дони борида улов, ер йўқ. Н. Сафаров, Оловли излар. Энди меҳнат кунига ҳам оз-моз дон тегса керак. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса. Бошида отаси, уйда қонда дони бўлса, булар шу ерда ўтирармиди. Т. Ашуров, Оқ от.

**3** Паррандаларга бериладиган шундай овқат, озуқа; (сочиладиган) дон-дун. Бир товуққа ҳам сув керак, ҳам дон. «Қанотли сўзлар». Болали она нонга тўймас, Болали ғоз — донга. Мақол. ■ Эй, дўстим, ҳозир-чи, тухум қилмайдиган товуққа ҳеч ким дон бермайди. Шукрулло, Сайланма. Онаси.. тўр ортидаги товуқларга дон сочарди. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Дон олишмоқ** Бирор кимса билан яқинлик қилмоқ, интим муносабатда бўлмоқ; ўйнаш бўлмоқ. Ойим тирикликларида ҳам дадам Зумрад кампир билан дон олишиб юрардилар. С. Аҳмад, Юлдузлар. *-Бир-бири билан дон олишиб қоламан бўлса.. сиз билан биз.. қуда бўлишдан бошқа иложимиз йўқ, — деди Салим бобо.* С. Аҳмад, Чўл оқшомлари. **На дон, на сомон** Ҳеч нарсага ярамайдиган нарса ёки кимса ҳақида. Узи, баъзи рецензиялар бўлади, ўқисанг — на дон, на сомон. С. Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема.

**ДОН II** [исп., итал. don < лот. dominus — жаноб] Испанияда ва испан тилида сўзлашувчи бошқа мамлакатларда: эркак исми олдилан қўйиб, унга ҳурмат билан мурожаат қилишда қўлланадиган сўз; Италияда: руҳонийлар ва дворянларнинг фахрий унвони.

**ДОНА** [ф. دانه — дон, галла; -та, нафар] **1** Саноқ сонлардан кейин келиб, микдор билдиради. Бир дона гугурт чўпи. Беш дона тухум. Бир дона кўсак. ■ Раъно онасининг сўзи билан қутидан беш-олти дона нон олиб, дадасининг қўлига берди. А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**2** Дон, уруғ. Анор донаси. Маккажўхори доналари. Қорамуғ донаси бўлгунча, бугдойнинг сомони бўл. Мақол. Боламнинг боласи, қандак ўрикнинг донаси. Мақол. ■ Анор доналаридек ширин сўзларинг. У. Исмоилов, Сайланма.

**3** Сочилувчан нарсаларнинг ҳар бир юмалоқ бўлаги, зарраси. Қум доналари. Мунчоқдек тер доналари. Марварид доналари. ■ Сулув сочлари тўзгунча ҳолатда югуриб кириб, ёмғир доналари юмалаб турган юзини

отасининг майин елкасига босди. А. Мухтор, Қорақалпоқ қиссаси. *Нос сочилиб, унинг бир неча донаси сакраб-сакраб, стол тагига кириб кетди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари.

**4** Зарралар, бўлақлар, қисмлардан тузилган нарсанинг ҳар бир зарраси, қисми. *Ҳар қандай материя алоҳида доналар йиғиндисидан тузилади. “Қизиқарли геометрия”. Мирзакаримбой.. тасбеҳ доналарини бармоқлари орасидан битта-битта ўтказиб, чордона қуриб ўтирар эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**5** Шахмат, шашка ва ш. к. ўйинларда ҳар бир сипоҳ, пиёда ёки тўғаракча. *Баъзан рақибнинг икки донасига бирданига ҳужум қилинади. «Фан ва турмуш». Бири газета ўқиса, бири китоб варақлар, бири шашка ўйнаса, бири шахмат донасини сурар эди.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**6** Чўтнинг тугмасимон қисми. *Чўт доналари шақир-шуқур бўлиб қолди.* «Муштум».

**ДОНАБАЙ** [дона + а. بيع – сотиш, савдо] Доналаб байлашиладиган ёки доналаб бериладиган (олди-сотди муомалаларида ёки иш ҳақи белгилашда). *Улгуржи олиб, донабай сотмоқ. Донабай ҳақ тўламоқ. Кунбай ишлашдан донабайга кўчиши натижасида иш ҳақи ошди.*

**ДОНА-ДОНА 1** Зарралар, доналарга ажралиб турадиган, ҳар бир донаси алоҳида-алоҳида бўлиб турадиган. *Дона-дона тишлар. ■ Исириқ донано дона, Тутунидан тўлсин хона. «Бойчечак». Ойниҳолнинг ёна-ёна Холлари бор дона-дона. «Юсуф ва Аҳмад».*

**2** рвш. вzf. Якка-якка, битта-битта; доналаб. *Гул уздим дона-дона. “Фольклор”. У оппоқ рўмолчаси билан кўзларидан донадона оқиб тушаётган ёшини артиб, титроқ овоз билан жавоб берди.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**3** рвш. кўчма Аниқ, равшан, тушунарли. *Жўраҳон адиб саволларига дона-дона қилиб жавоб қайтарди. Назармат, Жўрлар баланд сайрайди. Мутриб ёстиқ тагидан найча қилиб ўралган қоғоз олди, чиройли қироат билан дона-дона қилиб ўқिशга тушди.* С. Сиёев, Ёруғлик. *Ён дафтардан йиртиб олинган каттак чизиқли бир варақ қоғозга йирик ҳарфлар билан, дона-дона қилиб биноларнинг адреси ёзилган эди.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

**ДОНАДОР** [ф. данеदार – донли; данакли; донали] Бўлак ёки зарралари дона-дона

бўлиб турадиган, маълум доналардан таркиб топган. *Донадор тупроқ. ■ Ер чуқур ҳайдалгандагина тупроғи майин ва донадор бўлади.* Газетадан. *Донадор мурч кўпчиликка дамланадиган катта паловга солиб пиширилади.* Газетадан.

**ДОНАЛАБ** рвш. **1** Ҳар бир донасини алоҳида, дона-дона қилиб; битталаб. *Доналаб санамоқ. Доналаб сотмоқ.*

**2** кўчма Аниқ, равшан, тушунарли қилиб. *Доналаб ўқимоқ. ■ ..хаёл суриб қолди, қўли билан столни чертиб: – Ҳа, исботламоқ зарур, – дея қайтарди сўзларини доналаб.* С. Кароматов, Олтин қум.

**ДОНАЛИ 1** Маълум, белгили доналардан иборат бўлган. *Эллик икки донали карта.*

**2** айн. **донадор.** *Майда донали чўян (тех.).*

**3** Доналаб сотиладиган. *Донали моллар.*

**ДОНАЧА 1** Майда, кичкина дона, заррача. *Қум доначалари. ■ Йўлак бизни оқ мрамардек ярақлаб турган, тепадан зилол доначалар томаётган улкан горга олиб кирди.* Газетадан.

**2** шв. айн. **тошма.** *Марзиянинг юзига донача чиқибди.*

**ДОНАШҮР(А)** [ф. دانه شوره – тузли дон] Мол ейдиган бир турли ёввойи ўсимлик. *Куз фаслида кўйларнинг иштаҳаси очилиб, донашүр.. сингари донли ўтларни жуда севиб ейди.* С. Абдуқаҳҳор, Олтин водийларни кезганди.

**ДОНАШҮРАК** Туз аралаштириб қовурилган данак, мағиз.

**ДОНГ 1** (3-ш. бирл. **донғи**) Шон-шуҳрат, довруқ, машҳурлик. *Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас.* Мақол. *Жоҳилликдан жон чиқар, Қобилликдан донг чиқар.* Мақол. ■ *Гулабшонинг бўйи етиб, донғи бутун қишлоққа тарқалди.* О. Ёқубов, Ота изидан. *Олтин кузимиз ўзининг саховати билан оламга донг таратган.* Газетадан.

**ДОНГ II: донг қотиб ухламоқ ёки донг қотмоқ** Жуда қаттиқ ухламоқ. *Йўл азоби хийла толиқтирган экан, донг қотиб ухлаб ётса, ўгли кириб уйғотибди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Боши ёстиққа тегиши билан донг қотиб ухлаб қолди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Нозима ёстиқни ушлаганча донг қотди.* «Ёшлик». **Донг қотиб қолмоқ** Ҳайрат ёки қўрқувдан эс-ҳуши қочиб, серрайиб қолмоқ. *Мунисхон нима қилишини билмай, донг қотиб қолди.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Темур Малик бу гапларни эшитгач, донг қотиб қолди.* Мирмуҳсин, Темур Малик.

**ДОНГ III** Вьетнам Социалистик Республикасининг пул бирлиги.

**ДОНГДОР** Донг чиқарган, довруғи кетган; шухратли, машхур. *Донгдор механизатор. Донгдор врач.* ■ Унинг шеърларидаги *фасоҳат, топқирлик, бу йигитнинг қувваи ҳофизаси донгдор шоирни мафтун этди. С. Сийёев, Ёруғлик. Барҳайт Ойбек бу — қутлайди мамнун, Қутлар Гафур Фулом — донгдор замондош. А. Орипов, Йиллар армони.*

**ДОНГЛИ** айн. донгдор.

**ДОН-ДУККАКЛИ:** дон-дуккакли экинлар Дони учун экиладиган дуккакли ўсимликлар.

**ДОН-ДУН** Дон ва бошқа хил донлар, галла. -*Туй учун дон-дун тайёр. Фақат кийимларни тиктирсак бас, — деди Ўтбосар. Файратий, Довдираш. У. дон-дуннинг қимматлашиб бораётганидан гапирди. С. Сийёев, Ёруғлик. Бир оз дон-дун ола келдик, жиндак бўлса ҳам дармон-да. Уйғун, Асарлар.*

**ДОНЖУАН** [испан афсоналари ва айрим ёзувчилар асарлари қахрамони Дон Жуан номидан] Аёлларни йўлдан оздирувчи, севги саргузаштлари ишқибози; хотинбоз, хотинпараст. *Баъзиларнинг бесабаб хотин олиб, хотин қўйишлари, донжуанларнинг кирдикорлари.. қулоққа чалиниб туради. Уйғун, Замон талаби.*

**ДОНЖУАНЛИК** Донжуанларга хос бўлган хатти-ҳаракат, хотинпарастлик.

**ДОНИШ** [ф. دانش — билим, фан; таҳсил, сабоқ] *кт.* Табиат ва жамият ҳақидаги билим, маълумот; тўпланган илм. *Навоий юрагига жонбахш газал жо этган, Ибн Синодай донишни яратган, Нодирани камол топтирган — Она! “Гулистон”.*

**Аҳли дониш** Илм аҳллари, билимдон кишилар. *Сир ёқасидаги Фороб қишлоғининг мардуми Муҳаммад аҳли дониш орасида жумла жаҳонга маълум ва машхур эди. А. Мухтор, Чинор. Қадимдан аҳли дониш, олиму фозиллар, шоиру ёзувчилар, алломалар бир шаҳарга тўпланиб яшашлари расм бўлган. «Ёшлик».*

**ДОНИШМАНД** [ф. دانشمند — олим, билимли, доно] Мавжуд илму ҳикматларни эгаллаган, баъзи воқеа-ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қила оладиган; билимдон; олим; доно. *Донишманд одам. Жасурни — жангда, донишмандни — ғазабланганда, дўстни муҳтожликда сина. Мақол. ■ Тирик-*

*ликнинг белгиларидан бири — муҳаббат, деб бекор айтмаган донишмандлар. Шукрулло, Сайланма. Бир донишманд: “Соли нек аз баҳор маълум аст”, яъни “йилнинг яхши келиши баҳордан маълум”, деб айтган экан. С. Аҳмад. Қадрдон далалар.*

**ДОНИШМАНДЛИК** Ўқимишлилик, билимлилик, донолик. *Халқ донишмандлиги кишини лол қолдиради. Газетадан. Бу донишмандлик эмас, қизим.. Уйғун, Асарлар.*

**ДОНЛАМОҚ** Донларни териб емоқ (қушлар ҳақида). *Йўлда донлаб юрган сўфитўрғайлар отлардан ҳуркиб, нарироққа бориб қўнар, отлар етай-етай деганда, ҳуркиб, дув этиб учиб кетарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Шудгорда аллақанча оқ, кўкиш хонаки каптарлар донлаб юрибди. Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор.*

**ДОНЛАШМОҚ** 1 Кўп, бир гала қушларнинг дон териб ейиши. *Қушларнинг ҳаммаси Олимнинг оёқлари остида бемалол донлашар, ундан сира қўрқишмасди. Файратий, Карқулоқ.*

2 айн. **дон олишмоқ** қ. **дон.** *Ҳайдар акам билан қачондан бери донлашасан? Яширмай, тўғриси айтавер. В. Ғофуров, Вафодор. Студентлигида бир қиз билан донлашиб юрди. Қиз ниҳоятда чиройли эди. Шухрат, Жаннат қидирганлар.*

**ДОНЛИ** 1 Дон солинган, ичида дони бор (идиш ҳақида). *Донли қоп.*

2 Галла берадиган, дон етиштириш мумкин бўлган. *Донли ўсимликлар.*

**ДОНЛИК** 1 айн. **донли.** *Кампирнинг дарди ғўзада, сичқоннинг кўзи донлик кўзада. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

2 Экиш учун, уруғликка мўлжалланган дон. *Яна қанча донлик керак экан, ҳеч тортишмай айтаверинглар. Газетадан.*

3 Дон солиб қўйиш учун мўлжалланган идиш. *Буғдойни донликка солиб қўймоқ.*

**ДОННА, донья** [итал., исп. donna — хоним] **Дон II** сўзининг обрў-эътиборли аёлларга нисбатан қўлланадиган шакли.

**ДОНО** [ф. дана — билувчи, билимдон, донишманд] 1 *от.* Ақл-заковатли, донишманд, оқил. *Доно қиз. Доно раҳбар. Айтгувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно керак. Мақол. Нодон сўзлар — доно ибрат олар. Мақол. ■ Дононинг алами тез тарқайди. «Ёшлик». Аҳмоқлар билан кулишгандан кўра, донолар билан йиғлашган афзал. Газетадан.*

**2 сфт.** Ақл-заковат билан айтилган, қилинган; ақл-заковатдан далолат бералдиган; оқилона. *Доно маслаҳат. Она тилим — доно тилим.* Мақол. ■ *Жуда доно гапларни айтдингиз.* С. Аҳмад, Юлдузлар.

**ДОНОЛИК 1** Ақлу заковатга эгалик, билимдонлик, донишмандлик. *Доно қариса ҳам, донолиги қаримас.* Мақол. *Қариликни донолик безар, Ёшликни — камтарлик.* Мақол. ■ *Фикримни дарҳол қувватлагани ақли расолигидан, донолигидан далолат беради.* Ш. Рашидов, Бўрондан кучли.

**2** Доноларга хос иш, хатти-ҳаракат. *Донолик қилмоқ.*

**ДОНОР** [*лот. donare — совға қилмоқ, қурбон қилмоқ*] *махс.* Ярадор ва беморларга қўйиш учун ўз қонини ёки бошқа, бемор шахсга кўчириб ўтказиш учун бирор аъзосини берувчи киши. *Донор аёл.* ■ *Қон берувчини — донор, қон олувчини реципиент деб аташади.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**ДОНОРЛИК** Беморларга ўз қонини бериш билан шуғулланишлик, донор бўлишлик.

**ДОНФУРУШ** [*ф. данфруш — дон, галла сотувчи*] Галла маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи шахс. *Шаҳардан қайтаётган ўрикфуруши ҳам, майизфуруш ҳам, донфуруш ҳам эндиликда унинг карвонсаройида тунаб, қовоқнасида кайф қилиб кетади.* Ҳ. Ғулом, Машғал.

**ДОНХОНА** Дон-дун, озуқа сақланадиган махсус хона, дон омбори; галлахона. *Офтоб ойим донхонанинг эшигидан туриб, хотинлар орасидан кимнидир ўз ёнига чақирди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Ҳовлида одам борки, жон бор. Девордан тортиб довдарахтгача, ..ошхонадан тортиб донхонагача, рўзғор буюмларигача — бари одам тафтидан тирик.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДОНХЎР** [*ф. данхор — дон еувчи*] Асосан дон еб яшовчи. *Донхўр паррандалар.*

**ДОНХЎРАК** Қафасда сақланадиган парранда ва қушлар учун дон солиб қўйиладиган махсус идиш. *Жўжалар донхўракдан дон ейишга тезда ўрганади.* «Зоология». *Куркалар учун донхўракларнинг турли хиллари ишлатилади.* «Ўзбекистон паррандачилиги».

**ДОНҒ I** айн. **донг.** *Ботир ўтса, донғи қолар, Пода ўтса, чанги қолар.* Мақол. ■

*Подшонинг донғи ўтирганлар ичида оғиздан оғизга кўчди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**ДОНҒ II:** **донғ қотмоқ** айн. **донғ қотмоқ.** *..ойни пойлаб ётган чол саҳарга борганда, уйқу элтиб, донғ қотди.* «Эртаклар».

**ДОНҒ III** тақл. с. *Металлар бир-бирига урилганда чиқадиган товуш ҳақида. Темир донғ этиб урилди.*

**ДОНҒИЛ** кам. қўлл. **1** Кенг ва равон. *Олдинда олис, лекин ёруғ ва донғил бир йўл.* Миртемир, Асарлар.

**2** Очик, баҳаво. *Кўзларим ўнгиди у яшил ошён, Дала ўртасида кенг, донғил айвон.* Миртемир, Асарлар.

**ДОПИНГ** [*ингл. doping — наркотик истеъмол қилиш < dope — наркотик бермоқ*] Спорт ўйинлари натижаларини яхшилаш мақсадида қўлланадиган, организмнинг жисмоний ва руҳий фаолиятини вақтинча кучайтирадиган моддалар; стимуляторлар.

**ДОР I** [*ф. دار — дарахт, дарахт танаси; тўсин, устун*] **1** Устига кийим-кечак, мол ташлаб қўйиш учун икки устун (қозиқ) орасига қўндаланг ўрнатилган ходача ёки тортилган арқон (ип). *Ёшгина бир жувон дорга кир ёйди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Деворга қоқилган қозиқ ва миҳларда болаларнинг камзул, кўйлаги, дорда паранжи ва аёл мурсаги осиблик эди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**2** Ўлимга маҳқум этилган кишини осиб ўлдириш учун ясалган махсус қурилма. *Дорга осмоқ (ёки тортмоқ).* *Бевафо ёр — жонингга дор.* Мақол. ■ *Эсингизда борми, мени дор остидан қутқариб, менга янги ҳаёт бағишлаганингиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**3** кўчма Ноҳақлик, адолатсизлик рамзи. [*Навоий:*] *Замон донога дор, жоҳил учун ёр.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**4** Тик ўрнатилган иккита ёғоч ва унга боғлаб таранг тортилган арқон ва чигирриқлардан иборат, дорбозлик ўйинлари, машқлари бажариладиган қурилма. *Дорбоз дордан ўлар, морбоз — мордан.* Мақол. ■ *Бу ерда дор, кураш, кўғирчоқ ўйинидан ташқари туя уриштириш, халқ ўйинларининг барча турлари ижро этилмоқда.* Ж. Шарипов, Хоразм.

**5** кўчма Юксак мақсад, мансаб; орзу-истак. *Осилсанг, баланд дорга осил, Оёгинг ерга тегманг.* Мақол. ■ *Сиз ўз устангизнинг қизига етолмаган бўлсангиз, бу мен осилган дор жудаям баланд-ку; бу ёғи қан-*

доқ бўларкин, ака? К. Яшин, Ҳамза. Билиб туриб баланд дорга осилдик, айб ўзимизда. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**Дор тагидан (ёки дордан) қочган** Ўтакетган муттаҳам, фирибгар одам ҳақида. Яна айтманг: бири муттаҳам, бири ўғри, бири дордан қочган! Уйғун, Асарлар.

**ДОР II** [а. دار — уй, жой; макон; бино] Арабча қўшма сўзлар — таркибида аниқлик артикли ال бўлган изофали бирикмаларнинг биринчи қисми; уй, маскан, макон маъноларини билдиради, мас., *дорулбақо, дорулфано*.

**ДОРБОЗ** [ф. داريان — дор(да) ўйновчи] Дорда ўйновчи, ўйин кўрсатувчи киши. *Дорбоз узун лангарни ушлаб, арқондан юқорига ўрмалаб бормоқда, ўмбалоқ ошиб ўйнамоқда. Ж. Шарипов, Хоразм. Қиличнинг дамидай арқон устида Кўзларини юмиб юрибди дорбоз. Булутларга ёндош осмон остида Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз. А. Орипов, Митти юлдуз.*

**ДОРБОЗЛИК** Дорбоз ҳунари, фаолияти; дорда ўйнаш. *Дорбозлик инсоннинг диди ва ақл-идроки яратган қадим санъатлардан биридир. М. Қодиоров, Асака дорбозлари. -Опажон, дорбозлик — жонбозлик деб қўйибдилар. Дорбозликда ҳийлагарлик кетмайди. Н. Қиличев, Чигирик.*

**ДОР-ДУНЁ** [ф. دار-دنيا — жаҳон, коинот] Дунё, олам. *Бечора қиз, шундай хафа, шундай хафа! Дор-дунёси қоп-қоронғи! А. Қодирий, Меҳробдан чаён.*

**ДОРИ I** [ф. دارو — дори-дармон; даво, малҳам] Касални даволаш ёки касалликнинг олдини олиш учун ишлатиладиган, табиий ёки кимёвий йўл билан олинган модда. *Безгак дори. Малҳам дори. Дори ҳиди. Дори қўймоқ (суртмоқ). Дори тайёрламоқ. Дард чекмаган дори қадрини билмас. Мақол. ■ Синтетик дориларга нисбатан ўсимликлардан олинган дорилар афзал тўтилади. Газетадан.*

**2** Наркотик модда (қорадори, наша ва б.). *Ортимиздан кўчага кузатиб чиққач, Аҳмад Зокирни четга тортиб, наст овозда: -Қишлоқда "дори"дан топиладими? — деб сўради. «Ёшлик». Анави қора дорингдан мошдай бериб кет-да, бир ҳаз этай. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**3** Умуман шифобахш нарса, восита. *Тушининг оши тишга дори. Мақол. ■ Кигиз кўйдириб босмаса, қони тўхтамайди! Кигиз*

*ҳар нарсага ҳам дори, тиш заҳарини сўради. А. Қодирий, Обид кетмон. Асал кўзнинг хиралашишига дори. «Фан ва турмуш».*

**4** кўчма Рухий дардга дармон бўладиган, ғам-ғуссани тарқатадиган нарса, даво. *Сизнинг гапингиз менинг кўнглимга дори бўлди. ■ Тошкент йўли Чирчиқдан нари дейди, Қизнинг сўзи йигитга дори дейди. «Оқ олма, кизил олма».*

**5 с.т.** Текинхўр (паразит) ёки зараркунанда, касал тарқатувчи ҳашаротларга, кемирувчиларга қарши ишлатиладиган кимёвий модда. *Бурга дори. Қуя дори. Сичқон дори. ■ Самолёт дала қирғоғига сўнги марта дори сепиб ўтди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар. Бу йил дори ўрнига далаларга ҳашарот кушандасини қўйиб юборишди. С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.*

**6** Заҳар. [Мастура Гулжонга:] *Кундошларнинг ҳам хабари бор. Ҳаммаси бамаслаҳат дори берган-да! Ҳамза, Паранжи сирлари. Бой атайин дори бериб қўйган эмиш, деб эшитдик. С. Зуннунова, Олов.*

**7 с.т.** Турли технологик жараёнларда ишлатиладиган кимёвий доривор моддалар.

**8** кўчма с.т. Спиртли ичимлик. [Қори кулиб:] *Ё томоқларингдан қуруқ ўтмаётибдими? Пича дори олиб келайми? Уйғун, Дўстлар. Ухлаганим й-й-йўқ, ҳез, дорингдан қуй-чи! А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**9 с.т.** Портловчи модда, порох. *Туячиларнинг ҳаммасида дориси оғзидан тиқиб отиладиган милтиқ бор эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. .уларнинг кал бошларини милтиқ дориси билан даволаймиз. С. Айний, Қуллар.*

**10** кўчма Чора, тадбир, йўл; восита. *Хўш, нега энди порахўрликка қарши дори ишлаб чиқармас эканмиз. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи. Ҳамкасбларимизни тўғрилик ва ҳалоллик дориси билан даволаймиз. Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи.*

**ДОРИВОР** [ф. دارووار — шифобахш, дори бўладиган] **1 сф.т.** Турли касалликларга дори бўладиган ёки дори олинадиган. *Доривор ўсимликлар. Доривор моддалар. ■ У доривор гиёҳларни тоғма-тоғ юриб топиб келар, қуритар, катта-кичик ҳовончаларда янчиб туяра — дори тайёрлар эди. К. Яшин, Ҳамза. Ўсимликлар доривор моддалар манбаидир. Шундай моддалардан бири гул нектаридир. «Фан ва турмуш».*

**2** Овқатни ва овқат маҳсулотларини хушхўр қиладиган моддалар (зира, зирк, зарчува, қалампир ва ш.к.). *Мурч зирavorгина эмас, доривор ҳамдир:* у овқатни яхши ҳазм қилдиради, терлатувчи хусусиятга ҳам эга.. Газетадан. *Сунанинг бир томонини қозоғза ўралган мурч, зарчува, қалампир, зира сингари дориворлар, кашнич, кўкпиез, жамбил сингари кўкатлар банд қилган.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Улар [савдогарлар] Россия бозорларига Ҳиндистон дориворлари, Самарқанд, Бухоро косиблари тўқиган шойи, атлас, зарбоф, кимхоб, бахмал олиб борар эдилар.* М. Осим, Элчилар.

**3 с.т.** Турли технологик жараёнларда ишлатиладиган моддалар. *Кўнчилик дориворлари.* ■ ..бегона ўтларни пуркаш йўли билан йўқотиш мақсадида кимёвий дориворлардан фойдаланиш керак. Газетадан.

**ДОРИГАР** [ф. داروگر — дори тайёрловчи, дори сотувчи] Дорилар тайёрловчи мутахассис; доришунос, фармацевт.

**ДОРИ-ДАРМОН** айн. **дори 1.** *Ўрик магиздан ёғ олинади ва овқат учун ишлатилади, дори-дармон қилинади.* К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари. *Дарҳақиқат, асал ер юзининг кўп жойларида дори-дармон сифатида қўлланганлиги ҳам бежиз эмас.* М. Тўйчиев, Асаларичилик.

**ДОРИЛАМОН, доруламон** [а. دارالامان — осойишталик уйи] Тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган жой, осойишта жой. *Самарқандда инқилоб бўлганмиш. Дориламон дейишади, шу ростми?* Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Заррин ва нафармон нурларга кўмилган бу дориламон маскан улар бахтидан мунаввар эди.* Ш. Рашидов, Асарлар. *Таассуфлар бўлсинким, бу дориламон кунларнинг қадрига етмаётган ношукур бандалар бор.* Газетадан.

**ДОРИЛАМОҚ** Дори сепмоқ, дори пуркамоқ; тегишли дорилар билан ишлов бермоқ. *Агрономлар чигитни саралаб, дорилаб бердилар.* С. Айний, Қуллар. *Ёш жарроҳ.. яраларни усталик билан тикди, дорилади, боғлади.* Ҳ. Фулом, Тошкентликлар.

**ДОРИЛБАҚО, дорулбақо** [а. دارالبقا — боқийлик макони; нариги, у дунё] дин. *Нариги дунё, охират.* зид. **дорилфано.** *Иягини танғиб кўйинлар, дорилбақога жўнади эшон!* М. Осим, Карвон йўлларида. *Олтинларни дорилбақога кўтариб кетаман, дединми?* К. Яшин, Ҳамза.

**ДОРИЛМУАЛЛИМИН, дорулмуаллимин** [а. دارالمعلمين — муаллимлар уйи] эск. Ўқитувчилар тайёрлаш билим юрти, педагогика институти. *Мен муаллимлар тайёрлайдиган дорилмуаллиминга кирдим.* «Ёшлик». *Ота уни Истамбул дорилмуаллиминида сабоқ олиш учун жўнатган.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк.

**ДОРИЛФАНО, дорулфано** [а. دارالفنا — ўлим, йўқлик макони] дин. Бу дунё; ўтинчи дунё. зид. **дорилбақо.** *..волида ҳам дорилфанодан дорилбақога рихлат қилдилар.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой. *Гўрков чол гувалани олиб, гўр тўйнуғига кўя бошлади.. қад кўтара бошлаган деворнинг бу тарафи — дорилбақо, у тарафи — дорилфано.* «Ёшлик».

**ДОРИЛФУНУН** [а. دارالفنون — фанлар уйи, маскани], **дорулфунун** эск. **1** айн. **университет.** *Муаллимнинг маслаҳати билан шаҳар дорилфунуни қошидаги адабий тўғаракка қатнай бошладим.* М.М.Дўст, Лолазор. *Тошкент маърифат бўсағасидир, ўнлаб дорилфунун гўё офтоб.* Ф. Фулом.

**2** кўчма Ҳаёт мактаби, ҳаёт, турмуш тажрибаси. *Таажжуб қиламан тақдиригаким, Жафою ғам бўлмиш дорилфунуни.* А. Орипов, Йиллар армони. *Ётлар эшигида юрди хору зор, Унга дорилфунун бўлди шу ҳаёт.* Р. Бобожон, Танланма.

**ДОРИЛХАЛОФАТ** [а. دارالخلافات — халифалик пойтахти], **дорулхалофат** эск. кт. айн. **пойтахт.** *Дорилхалофат фуқароси қошига етгач, фақир [мен] уларни қувонтирмоқдан ожиз қолгаймен.* Ойбек, Навоий.

**ДОРИМОҚ** шв. **1** Бирор томон қадам босмоқ, яқинлаб келмоқ, ораламоқ. *Қадам босмади инсон, Доримади ҳеч ҳайвон.* Ҳ. Олимжон. *Сиз бор — бизга хавф-хатар дорирмиди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Бировга бошда, бировга оёқда бахт дорийди дейдилар.* «Тоҳир ва Зуҳра».

**2** Намоён бўлмоқ, кўринмоқ; югурмоқ, ёйилмоқ. *Насриддиннинг юзига табассум дориди.* **3.** Аълам, Афандининг қирқ бир пашшаси. *Чолнинг юзига қувонч дориди.* «Шарқ юлдузи».

**3** Ёпирилиб келмоқ, босмоқ. *Ўн азамат, Холдорхон, Оч бўридай дориди, Душманларнинг қонини Бўз тупроққа қориди.* «Хушкелди». *Ёқиб юборишса-ку, ойнадай бўлади, пашша, чивинлар доримайди!* С. Нуров, Нарвон.

4 кўча Таъсир қилмоқ, сеҳрламоқ; сингимоқ, тарқалмоқ. *Шоир деб шуни айтинг, сўзи халқига дориса. «Оқ олма, қизил олма». Ромчиға қаратишса, “дев дорибди” деган эмиш. «Муштум».*

5 кўча Йўл олмоқ, жўнамоқ. *Қизим, мен ҳам қаридим, Гўрга томон доридим. Ҳ. Олимжон. Отам қирқда юк кўтарган нор эди, Етмишида гўристонга дориди. «Бўтакўз».*

6 кўча Тенг келмоқ, бас келмоқ. *Элатида белгили қайсар эди, Даҳ деганда қирқ мингга дорирди. «Алпомиш».*

**ДОРИНОМА** [ф. دارونامة — дори ёзилган қоғоз] Беморга врач томонидан буюрилган дори-дармон ёзилган қоғоз; рецепт. *Оддий далил: бемор шифокор олдига бориб, доринома ёздириб олди дейлик. Газетадан.*

**ДОРИССАЛТАНА(Т), доруссалтана(т)** [а. دارالسلطنة ва دار السلطنة — салтанат макони, пойтахт] Султон пойтахти, олий ҳукмдор қароргоҳи. *Шоҳим! Сиздан ўтинчим бор, бир фармони олий берингким, токи алар [Аваз] ҳам жумлаи мўмин каби дориссалтанатингизда эмин-эркин юрсинлар. С. Сиёев, Аваз. Биз Самарқанддай дориссалтанатга муяссар бўлганимиз учун шукроналар айтмоғимиз керак. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**ДОРИТОМИЗГИЧ** Кўз (қулоқ, бурун ва б.)га суюқ дори томизиш учун мўлжалланган, учи ингичка ва охирига резина трубка (қалпоқча) кийдирилган кичкина шиша найча; пипетка.

**ДОРИФУРУШ** [ф. داروفروش — дори сотувчи] Дорини тайёрлаб сотиш ёки фақат сотиш билан шугулланувчи шахс. *Мутриб дорифуруш отасидан қолган юпқагина мерос билан аранг тирикчилик ўтказарди. С. Сиёев, Аваз.*

**ДОРИФУРУШЛИК** Дори-дармонларни сотиш иши билан машғул бўлиш; дори сотувчилик касби. *-Энди Зулунбек билан дорифурушлик қиламиз. Биласизми, почча, сулфидининг ўн грами неча пул? Икки минг сўлкавой, — деди Лобар Карвонга. Ҳ. Ғулом, Тошкентликлар.*

**ДОРИХОНА** [дори + хона] Дори тайёрланадиган ва сотиладиган жой; аптека. *Сотиболдининг хотини дорихонада ишлайди, ҳар куни мингта одам билан жавоб-муомала қилади. А. Қаҳҳор, Майиз емаган хотин. Нусратнинг димоғига тер, бензин, дорихона ҳиди урилди. С. Нуров, Нарвон. Кейинги*

*йилларда Пойканд харобаларидан 8-асрга мансуб дорихона қазиб очилди. «Фан ва турмуш».*

**ДОРИШУНОС** [ф. داروشناس — дориларни ўрганувчи] Дори-дармонларнинг янги хилларини яратувчи, кашф этувчи ёки уларнинг шифобахшлигини ўрганувчи мутахассис, фармацевт. *Дастлаб немис доришуноси Сертюнер 1806 йили кўкноридан морфин алкалоиди олди. «Фан ва турмуш». Шухрат Аббосов киночи эмас, доришунос бўлмоқчи эди аслида. Газетадан.*

**ДОРИШУНОСЛИК** Тиббиётнинг доридармонларнинг хусусият ва ҳосиятларини ўрганувчи соҳаси; фармацевтика. *Доришунослик соҳаси. Доришунослик саноати. ■ Тиббиёт ва доришунослик фанлари республикамизда кейинги йилларда айниқса тез ривожланади. «ЎТА».*

**ДОРИШШИФО** [а. دارالشفاء — шифо, даво маскани], **дорушшифо** Шифо маскани, касалхона. *У оқ халат кийиб, дорушшифода Афғон боласига кўярди малҳам. Э. Воҳидов, Келажакка мактуб.*

**ДОРОЙИ I** [ф. دارايى — йўл-йўл ипак мато: Ахамонийлар сулоласининг подшоҳи Доро номидан] Ўриши хом ипак, арқоғи ишқорланган ипакдан тўқилган сербар ҳарир газлама ва ундан тайёрланган кийим-кечак. *Доройи кўйлак. ■ Хосият биби оқ доройи рўмолининг учларини икки елкасига ташлаб.. гуруннга аралашмай ўтирибди. И. Раҳим, Ихлос.*

**ДОРОЙИ II** [ф. دارايى] Эртапишар, жайдари узум навларидан бири.

**ДОРПЕЧ** [ф. دارپيچ — дор ёпқичи, ўрамаси] Дорга осиб қўйилган кийим-кечакнинг устига ёпиладиган безакли буюм. *Учтўрт уйни ясатишга етадиган дорпечлар, гулжўрпалар, чойшаблар.. Лутфинисо ва унинг қизини ҳам қаноатлантирган эмасди. Ойбек, Танланган асарлар. [У] Деворлардаги ранги ўчган дорпеч, сўзаналарга тикилади. Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.*

**ДОРУ** эск. кт. айн. **дори**. *Ёру биродарлик — умр доруси; Дўстсиз кимнинг бағри бутун бўлади. С. Акбарий. Йўқ, текин томоқ, текин дору берадиган хастахона очармиш. С. Сиёев, Аваз.*

**ДОРУҒА** [т.-ф. داروغه < мўғ. «дарга» — раис, бошлик; «дарах» — тобе қилмоқ, енгмоқ] тар. Шаҳар посбонлари сардори;

бош миршаб, шаҳар идораси бошлиғи. *Анов қашқа йўрғада жилпанлаган амалдор шаҳар доруғасининг амакиваччаси Шоди бедоддир.* Ойбек, Навоий. *Ниятингиз таҳсинга сазовор, жаноб Ҳасанбек. Аммо сиз доруғасиз. Сиз аввал шаҳардаги ғулуни бартараф қилинг, фитнанинг уясини топинг..* П. Қодиров, Юлдузли тунлар.

**Доруға ҳақи** айн. **доруғона.** *Бу хирмондан.. сизга ўндан уч тегади. Бунинг устига.. доруға ҳақини ҳам сизга ўтказаман.* С. Айний, Куллар.

**ДОРУҒОНА** [ф. داروغانه < мўғ. «дараху»] тар. Шаҳар посбонлари, бошлиғи фойдасига йиғиб олинадиган пул ёки бошқа нарса; доруға ҳақи. [*Жалолиддин:*] *Хазинани бойитаман деб, халқни гадо қилдингиз. Улоғ деб оласиз.. доруғона деб оласиз.* Уйғун ва И. Султон, Алишер Навоий.

**ДОРЧИ** тар. Осиб ўлдиришга ҳукм этилганларни дорга тортувчи жаллод. *Унинг онаси поляк халқининг.. кўзғолони чоризм жаллоди — дорчи Муравьёв томонидан бос-тирилгани тўғрисида.. ҳикоялар айтиб берар эди.* Газетадан.

**ДОРЧИН** [ф. دارچين] айн. **долчин.** *Кўзлари тийрак бир бола келиб салом берди-да, икки пайса қора мурч ва тўрт пайса дорчин сўради.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**ДОРЧЎП** [ф. دارچوب — дор ёғочи] **1** Дорбоз дор устида мувозанатни сақлаш учун икки қўлида кўтариб юрадиган узун ёғоч; лангар. *Дорбоз бола дорчўпини тиззасига кўндаланг қўйиб, тепада.. дам олиб ўтирар эди.* С. Сиёев, Аваз.

**2** Хонада кийимларни осиб (ёйиб) қўйиш учун мўлжалланган дорнинг икки таянч ёғочи. *..мана шу шифти баланд, чор бурчагига дорчўп қоқилган улкан хонада бир вақтлар Огаҳийдек маликулкаломлар шезр ўқиган.* «Ёшлик».

**ДОСКА** [лот. discus — доира, айлана товоқ] Хат ёзиш, расм чизиш, умуман ўқув машғулоти учун мослаб ясалган, одатда қора ёки жигар рангга бўялган силлиқ тахта. *Синф доскаси. Доскага ёзмоқ. Доскага чиқмоқ.* ■ *Дераза билан доска орасида кўлини орқасига қилиб юриб, лекция ўқийётган.. барваста киши тўхтади.* П. Қодиров, Уч илдиш. *Ҳамманинг диққат-эътибори доскадаги ёзувни дафтарга кўчириб олиш билан банд.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДОСКАЛА** [ф. داسكاله — боғ қайчи; ўроқ] шв. айн. **ўроқ.** *Эргаш кўрбошини бир кампир доскала билан чопиб ташлабди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар. *Бой катта бошини кичик қилиб чиққанида, ўйлаб ўтирмасдан, қўлидаги доскала билан шартта ўша бошни бутаб ташлабди.* М.М.Дўст.

**ДОСТОН** [ф. داستان — қисса, ҳикоя; тарих] **1** ад. Назм билан ёзилган улкан ҳикоя, қисса; поэма. *Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони.* ■ *Достон устида жиддий ишлай бошладим.* Шукрулло, Сайланма. *Мактаб дарсликларида унинг “Кўкан батрак” достонини алоҳида дарс қилиб ўқитишган эди.* С. Аҳмад, Уфқ. *Бир ўлкаки, дунёда бироқ Битилмаган достондир бори.* А. Орипов, Юртим шамоли.

**2** ад. Халқ қаҳрамонлари ҳақида назм ва насрда айтилган эпик асар. *Ўзбек халқ достонлари.* Фозил Йўлдошининг “Алпомиш” достони.

**3** кўчма Кечмиш воқеалар; саргузашт; дарду ҳасрат. *Кўш сурнайлар узоқларнинг достонини мунгли-мунгли чалиб ўтдилар.* Ғ. Ғулом, Соаялар. *Э, ака.. қўйинг, достонимни очманг.. Ҳамза. Бугун занг кемирган тиллар шўғласи, Асрлар достони бордир уларда.* А. Шер, Қадимги куй.

**4** Оғиздан оғизга ўтиб юрган маълум, машҳур саргузашт ҳикоялар, гап-сўзлар, таъриф-тавсифлар. *Эл ғамини билган элда достон.* Мақол. ■ *Келиннинг сулувлиги Марғилонда маълум эканми? — Маълум экан, тилларда достон экан.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Тошкент тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик шаҳри сифатида тилларда достон.* «Саодат».

**Достон бўлмоқ** Эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ; оғизга тушмоқ. *Фозилжон тўйининг таърифи баъзи бир хил хотинларга неча кунгача достон бўлди.* С. Зуннунова, Кўк чироқлар. *Баширжоннинг навбатдаги антиқа ишлари халқ ичида достон бўлган эди.* Н. Аминов, Қаҳқаҳа. *Шаҳарга достон бўлган тўй ҳам тугади.* С. Аҳмад, Сайланма. **Достон қилмоқ** Бирор воқеа-ҳодисани, гап-сўзни овоза қилмоқ, эл орасига ёймоқ.

**5** кўчма Овоз, хониш; сайраш. *Чакалакнинг алақайси бурчагидан булбулнинг достони — нағмайи ҳазори эшитилди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавой.

**6** Достон (эртаклар исми).



**ДОСТОНЧИ 1** Достон айтувчи, баҳши. *Ўзбек халқ достончилари.* ■ *Ўзи жуда фаросатли, доно, достончи чол.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**2** Достон (поэма)лар ҳам ёзган адиб. *Эътибор Охунова шоира, очеркист, публицист, ҳикоянавис, достончи.* Х. Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари.

**ДОСТОНЧИЛИК 1** ад. Халқ оғзаки ижодидаги эпик анъана. *Маълумки, халқ достончилигида насрий ҳамда назмий парчаларнинг аралаш келиши табиийдир.* «ЎТА».

**2** Достон айтиш, достон қўлаш фаолияти; достончи бўлишлик. *Ёдгор баҳши Уста Қулай ўғли Қўрғон достончилиқ мактабининг бобокалонидир.* М. Қўшмоқов, Жуманбулбул.

**ДОСТОНШУНОС** Достонлар ва достончилик санъатини тадқиқ қилувчи мутахассис, олим. *Мен ҳам шу муаллимга ҳавас қилиб, насиб этса, албатта, достоншунос бўлман, деб ўйлар эдим.* М.М.Дўст, Лолазор.

**ДОТАЦИЯ** [лот. dotatio — ҳада, совға < dotare — таъминламоқ, жиҳозламоқ] мл. Корхона, муассаса, ташкилот ва ш. к. нинг ортиқча харажатларини қоплаш ёки бошқа эҳтиёжлари учун уларга давлат томонидан ёрдам тариқасида, қайтариб бермаслик шарти билан берилган пул, маблағ. *Дотация бермоқ.* ■ *Бутун дунёда қишлоққа дотация бериш мавжуддир.* Газетадан. *Заводимиз давлатдан дотация олмай ишламоқда.* Газетадан. *Давлатдан дотация олмаслик ва рентабел ишлаш учун кўпроқ пул топши лозим.* Газетадан.

**ДОХИЛ** [а. داخل — ич, ички; кирувчи; аралашувчи]: **дохил бўлмоқ** эск. 1) кирмоқ, бир нарсанинг ичига кирмоқ; қадам кўймоқ; етмоқ. *Тонг маҳали Тарлон икковимиз бозор жўнадик. Қизилсувга дохил бўлдик.* «Ёшлик». *Ёш ҳокимнинг оғзи қулоғида: аҳолиси мамнунлик билан уни кутиб олган шаҳарга дохил бўлади.* М. Осим, Карвон йўлларида. *Сарчашма бўйига дохил бўлдингми, Бу чашмада паризодни кўрдингми?* «Муродхон»; 2) дахлдор, алоқадор, тегишли бўлмоқ. *Ҳар ким ўз ҳолига яраша бирор нарса худойи қилиб, савобга дохил бўлишини илтимос қиламан.* С. Айний, Дохунда. *Қанчадан-қанча кишининг ҳожатини чиқарди, савобга дохил бўлди.* Н. Қобул, Унутилган соҳиллар.

**ДОХИЛИЙ** [а. داخلی — ички] эск. кт. айн. **ички.** *Доҳилий ишлар.*

**ДОЦЕНТ** [лот. docens, docentis — ўргатувчи] Олий ўқув юртларида профессорликдан куйи, ассистентликдан юқори илмий унвон ва шундай унвон олган киши. *Доцент Мухторхон Мансуров ниҳоятда истараси иссиқ, дилкаш чол.* А. Қаҳҳор, Асарлар.

**ДОШ 1** [ф. داش — катта ўчоқ; хумдон] кам қўлл. айн. **қозон, дошқозон.** *Эл-улуснинг қаҳр-ғазаби қирқ қулоқли дошни ёрар.* «Шарқ юлдузи». *Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди Димоғни шод этар, руҳни саломат.* Ф. Фулом.

**Дошда қайнаган** Ҳаёт қийинчиликларини, тажрибаларини бошдан кечирган, пишган. *Бегзода — подшолик дошида қайнаган, ёт эллар пулига ёлланган бир сотқин.* Ф. Фулом.

**ДОШ II: дош бермоқ (ёки келмоқ)** Чидам, туриш бермоқ, бардош бермоқ, чидамоқ. *У кишига [Юсуповга] бошқа касаллик ёпишди. Охири юрак дош бера олмади.* Й. Шамшаров, Сеҳрли қўл. *Асадулла бу ниҳогча дош беролмай, кўзларини олиб қочди.* «Шарқ юлдузи». *Халқнинг қудратига, бўронига ҳеч қандай тоғ дош келолмас.* Ойбек, Навоий. *Аммо унча-мунча куч дош келолмайди сувнинг забтига.* Газетадан.

**ДОШҚОЗОН 1** Катта йиғинларда, тўй ва маъракаларда кўпчиликка овқат пишириладиган улкан қозон. *Дошқозоннинг оши хом бўлмас.* Мақол. ■ *Тўйхонада дошқозон осилди.* Т. Мурод, Кўшиқ. *Дошқозонда қайнар сумалак, Онахонлар тонени пойлайди.* «Саодат».

**2** кўчма Ўртадаги, умумлашган молмулк. *Биз коллектив дошқозонига ўз ҳиссамизни қўшаётирмиз.*

**ДОЯ** [ф. دايه — боқувчи, парваришловчи; энага] **1** Тўлғоқдаги аёлларни туғдирувчи хотин; энага, акушерка. *Мунаввар Йўлдошга оғирлигини ортмаслик учун ўзига иш ҳам топди: туғруқхонага доя бўлиб кирди.* С. Анорбоев, Меҳр. *Доя келгунча Тўлғонойнинг ҳомиласи нобуд бўлди.* С. Сиёев, Аваз. *Доя келгандан сўнг ичкари ҳовли эркак зотидан тозаланди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**2** Гўдакларни тарбияловчи аёл. *Ҳарам дарвозасида юрувчилар хоннинг ёлғиз ўғли — шаҳзодага қаровчи канизлар, доя хотинлар эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён.

**3** кўчма Сабаб, боис, асос; пайдо, бунёд қилувчи. *Мўъжизалар дояси. Мўл ҳосил дояси.*

Кўнгилисизликлар дояси. Бахт дояси. ■ Севги йўқ ерда лоқайдлик билан қараш илдиз отар экан. Бу эса кўнгилисизликларнинг дояси. С. Кароматов, Ҳижрон. Қўйди менга бахт дояси Собир лақабимни. С. Абдулла, Танланган асарлар. Ёқимли сўз мўъжизалар дояси бўлса, ёмон сўз — умр заволи. Газетадан.

**ДОЯЛИК** Доячи, доя ҳунари, касби; доя вазифасини бажариш. *Доялик қилмоқ.* ■ *Эътибор опа доялик қилганда, Тозагул унинг ёнида кўмаклашиб турди.* Ҳ. Фулом, Машғал.

**ДОЯЧА** Ёш доя, ёш энага. *Чойдан кейин дояча Кумучу ёнидан бир оз вақтга чиқиб турди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Дояча ким, ақиқага нечта қўй керак, нечанчи кунда тўй ўтказиладир?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДОЯЧИ** айн. доя 1.

**ДОЯЧИЛИК** айн. доялик. *Доячилик қилмоқ.*

**ДОҒ I** [ф. داغ — белги, тамға; тамғалаш] 1 Нарсаларнинг бетигадоги бошқа рангда, бошқа тусда ажралиб, фарқланиб турган кичикроқ жой, табиий белгилар. *Бадандаги қизил доғлар. Қуёш доғлари. Ойда ҳам доғ бор.* Мақол. ■ *Эъзозхон юзини нафис доғлар қоплаган бу қорача жувонни севиб юраркан.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тунсиз кун йўқ, доғсиз лола йўқ.* Ойбек, Навоий. *Юздаги доғларни йўқотиш учун бетни оқартирадиган дорилар ва турли хил усуллар қўлланади.* «Саодат».

2 Нарсаларнинг бошқа бирор модда, нарсга тегиб булганган, ифлосланган, кирланган жойи. *Сиёҳ доғи.* ■ *Шилиниб, тимдаланиб, қон доғи билан қопланган юзи ва йиртилган кўйлагини кўрганда, барчани даҳшат босди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Ойимхон доғ босган дастурхонни сандалга ёзиб, патнисда тўртта сингиб пишган нон келтириб қўйди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Баширжоннинг қора коржомасида оҳак ва бўёқ доғлари қотиб қолган.* Н. Аминов, Қаҳраҳа.

3 кўчма Иснод келтирувчи, ёмон таасурот ва таъсир қолдирувчи, ёмон ном; иснод. *Ёмондан доғ қолади, яхшидан боғ қолади.* Мақол. *Яхши бола ёғ келтирар, Ёмон бола доғ келтирар.* Мақол. *Тоза қалбда доғ бўлмас.* Мақол. ■ *Севгига тушган доғни дарё қадар кўз ёши тўкиш билан тозалаб бўлармиши?* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби. *Қўрқоқлик доғини ўлим ҳам ювомайди.* А. Мухтор, Асарлар. *Бу гап мактабимиз шаънига доғ.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.

**Доғ туширмоқ** 1) иснод келтирмоқ, балном қилмоқ, булғамоқ. *Номига доғ туширмоқ.* ■ *Эрак отага, фарзандлар номига муносиб бўлиши, уларга доғ туширмаслиги.. лозим.* Газетадан. *Юрт шаънига доғ тушириб кетди занғар.* Ҳ. Фулом, Машғал; 2) кўри-нишини бузмоқ. *Ҳуснига доғ туширмоқ.* **Қалб** (ёки **юрак**) **доғи** Кўнгилга оғир олинган воқеа-ҳодиса, гап-сўзнинг асорати; кўнгил қолиши. *Яхши сўз — юрак ёғи, ёмон сўз — юрак доғи.* Мақол. ■ *Кийим доғини ювиб кетказса бўлади, лекин қалб доғини ювиб бўлмайди.* Газетадан.

4 кўчма Гуноҳ, камчилик, нуқсон. *Ўтган йилги доғимизни, албатта, бу йил ювамиз, планни бажармай қўймаймиз.* «Ўзбекистон кўриқлари» Ўз виждоним олдида умримнинг доғи йўқ.. А. Мухтор, Асарлар.

5 кўчма Асорат, салбий таъсир. *Уруш доғларини ҳали ювиб тугата олмайман.* Ойдин, Ҳакоялар. *Оҳу кетса агар, тоғи қолади, Яра ёмон битса, доғи қолади.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

**ДОҒ II** [ф. داغ — ўта қиздирилган, қайноқ] Ўта қизитилган, қиздириб, маълум меъёрга етилтирилган (ёғ, мой ҳақида). *Доғ бўлмоқ. Доғ қилмоқ.* ■ *Фарида ёғ доғ қилди.* «Шарқ юлдузи». *Қўйинг-чи, сабзи тўғрашни ҳам, ёғ доғ қилишни ҳам билмагандан кейин, нима ҳам дейсиз.* “Гулдаста”.

**Доғ сув** шв. Қайнаган сув. *Матпано.. бир бурда нон еб, бир пиёла доғ сув ичишга мажболи келмай, тўшакка ёнбошлади.* С. Сиёев, Аваз. *Шукруллохон, бир пиёла доғ сувимиз бор, эрталабки муштан қайтма, деганлар.* Шукрулло, Сайланма.

**ДОҒ III** [ф. داغ — қайгу-алам, ҳасрат; хафалик] 1 Оғир мусибатдан, қайгу-кулфатдан кўнгилда қолган алам. *Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди.* Увайсий. *Мастуранинг севгиси, чидами, ҳижрон доғлари унинг ўзидай пок, самимий.* О. Ёкубов, Эр бошига иш тушса. *Кўзлари кўр бўлиб кетмайдими шўрлик она сенинг доғингда.* И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Булбул ошно бўлар эрам боғига, Курсин ўлим, ким чидайди доғига.* «Равшан».

2 Армон, ҳасрат. *Нега эски доғларни очдинг, Доғ устига оғулар сочдинг?* Ҳ. Олимжон.

**Доғда қолмоқ** Бирор ҳаракати, мақсади амалга ошмаганидан армонда қолмоқ; бирор ишни бажаришга улгурмай қолмоқ.

*Солдат.. минани кўмишга кўнди-ю, бироқ шунурни ёқолмай доғда қолди. «Фан ва турмуш». Яхшибоев Маматқуловни кеткизиб, аёл билан гаплашмоқчи эди, лекин доғда қолди. М.М.Дўст, Лолазор. Фақат Ёқутойнигина эмас, бошиқа гўзал қизларни ҳам доғда қолдирди. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**Доғман ёки доғдаман** 1) куяман, бўғиламан, тажанг бўламан. *Яна шунисига доғманки, баъзи бойларимиз.. уларнинг сўзига ишонади. Ойбек, Танланган асарлар. Ўзим ҳам офтобни кўролмай доғман. С. Сиёев, Ёруғлик. Даврон билан унинг муносабатини тушуна олмай доғдаман. П. Қодиров, Қадрим; 2) армондаман. Гапириб пушаймон егандан, гапирмай доғда қол. Мақол. ■ Шу вақтгача муносиб куёв учрамай доғда эдик. П. Қодиров, Юлдузли тунлар. **Фарзанд доғи** Фарзанддан жудо бўлганлик сабабли юракда қолган армон, алам, ғам. **Фарзанд доғи ёндирар, Пайти келса куйдирар.** Мақол. ■ *Бир донодан сўраган эканлар: "Ким полвон?" Уиккиланмай: "Фарзанд доғига чидаган она!"* — деган экан. Шухрат, Умр поғоналари. Оғамнинг заифаси фарзанд доғидан телба бўлиб қолди. П. Қодиров, Юлдузли тунлар.*

**ДОҒ-АЛАМ, доғу алам** Қайғу-алам, қайғу ва алам. *Қайтайин, йиғлатиб мендай санамни, Солиб юрагимга доғу аламини.. «Маликаи айёр».*

**ДОҒ-АРМОН, доғу армон** Қайғу-ҳасрат ва ўкинч, етолмаган орзу, мақсад. *Тортарди омон дехқон, Кўкси тўла доғ-армон. С. Абдулла. Бу юрагим қолди доғу армонда. «Баҳром ва Гуландом».*

**ДОҒДОР** [ф. داغدار — доғи бор; белгили, тамғали] Бирор жойида доғи бор, доғ теккан, доғли. *Доғдор юз. Доғдор пилла.*

**ДОҒ-ДОҒ: доғ-доғ ўртамоқ** Руҳий жиҳатдан ортиқ даражада куйдирмоқ, руҳан эзмоқ, яраламоқ. *Бир йигит ҳижрони баъзан отанинг Бағрини, дўстларим, доғ-доғ ўртар. Ф. Гулом.*

**ДОҒ-ДУҒ** Ҳар хил доғлар. *Нечун ойнинг юзи доғ-дуғ, оппоқ эмас? Гўё биров юмдаб-тирнаб олгандай. Қ. Муҳаммадий. Электр лампадаги чанг, доғ-дуғ ғашини келтирди. С. Нуров, Нарвон. Қир қайнатилганда яхши очилади, ҳар қандай доғ-дуғлар ҳам йўқ бўлиб кетади. «Саодат».*

**ДОҒЛАМОҚ 1** Қиздириб етилтирмоқ, доғ қилиб тозаламоқ (мой, ёғ ҳақида). *Ишдан*

*кейин дил чоғлаб, Капирни белга боғлаб, Кўй ёғини хўп доғлаб, Пиширдим эсонон палов. «Муштум». Ўзбек ошпазлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири — ёғни яхшилаб қиздириб доғлашдир. К. Маҳмудов, Ўзбек таомлари. Яхши доғланган мойга пиёз, гўшт тушиши билан бутун қирни алақандай ёқимли ҳид тутиб кетди. Ойдин, Ширин келди.*

2 Газаклаган ярага думба ёғи, пиёз ва ш.к. қиздириб босмоқ, Ярани доғламоқ.

**Юракни (ёки бағрини, сийнани) доғламоқ** Алам ўтказиб ёки бошга кулфат солиб, дилда қаттиқ алам қолдирмоқ, дилни яраламоқ. *Беҳуда йиғлаганинг — юрагингни доғлаганинг. Мақол. ■ Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб, Мен юрибман Шакарбекни сўроқлаб. «Ширин билан Шакар». Чамбил белдан чиқдим белимни боғлаб, Ёдимга тушганда, сийнамни доғлаб. «Гулихиромон». Саллачани дол қўйиб, Юрагимни доғлайсан. «Оқ олма, қизил олма».*

3 кўчма Таъзирини бермоқ, ўч олмақ. *Мажлисда Комилни ёмонлаб, балога қолдим. Бу тирранча мени доғлайдиганга ўхшайди. И. Раҳим, Ихлос.*

4 Мафтун қилмоқ, ўзига асир қилмоқ; армонда қолдирмоқ. *Юрагимда кўндир алам, мени доғлади бир санам. «Муродхон». Қўла тегсин доғлаган паризодинг.. «Муродхон».*

5 кўчма Қайғу-ҳасрат; ғам-аламга дучор қилмоқ, бўлмоқ. *Бу уруш унинг юрагини бир умрга доғлаб кетди. С. Зуннунова, Кўк чироқлар. Ҳар нарсдан қодир эгам сақласин, Кўролмаганларнинг кўнгли доғлансин. «Ойсулув».*

**ДОҒЛИ I** Юрагида доғи, алами, яраси бўлган, алам чеккан, куйган. *Токайлар биз юрагимиз Қўлу оёқ боғли?! Бир парча қотган нонга Юрак-бағир доғли! Ҳамза. Мажнун учун доғли сийнам, Энди вайрон кулбахонам. «Баҳром ва Гуландом».*

**ДОҒЛИ II** Доғи бор, доғ теккан; доғдор. *Доғли юз. ■ Дераза тагида ўтирган аёл қўлидаги сиёҳ доғли жазвал билан тизига уриб, ора-сира ҳар тўғрида гапириб қўяди. М. Файзий, Уч қиз. Қўнғизча хол-хол қора доғли қизғиш қанотларини товлантирганча бирпас жим турди-да, кейин учиб кетди. Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол.*

**ДОҒЛИК, доғлиқ** айн. доғли. *Юлдузлар шивирлар диллари доғлик! А. Орипов, Йиллар армони. Маъсум дил-ўйи қайғу-ла доғлик.*

Миртемир, Асарлар. *Кишининг бахти меҳнат бирла боғлиқ, Кимики меҳнат этмас, кўнгли доғлиқ.* Ҳабибий.

**ДОҒУЛИ** Ўта айёр, маккор, муғомбир, алдоқчи. *Доғули одам. ■ Тўпорилиги ёлгон бунинг, гап пойлашидан билаверинг, доғули бу..* М.М.Дўст, Лолазор. *Тинч турарми бу кекса олам, Тинч турарми доғули замон.* А. Орипов, Рухим.

**ДОҒУЛИЛИК** Ўта айёрлик, маккорлик, алдоқчилик. *Яна кимлардир жиноят гирдобиди доғулилик қилади.* Газетадан. *-Доғулилик қилманг, — деди кампир овозини бир парда кўтариб, — билман, кимга муҳаббат қўйганингизни.* Ф. Зоҳид, Ошиқ ва маъшук.

**ДОҒ-ҲАСРАТ, доғу ҳасрат** Қайғу-алам ёки қайғу ва ушалмаган орзу, армон. *Мен сизни бир умр кўрмасман, кимлигингизни, кимнинг қизилигингизни ҳам билмай, доғ-ҳасратда ўтиб кетарман, деб ўйлаган эдим.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Кекса Нух вазирларини бир-бири билан яраштиролмай, мамлакатда тинчлик ўрнатолмай, доғу ҳасратда ўлиб кетди.* М. Осим, Карвон йўлларида.

**ДОҒИЁНА** [*a. +ф. داهيانه* — доҳийга ўхшаш] *рвш.* Доҳийларга хос донолик билан, доҳийларча, оқилона. *Доҳиёна фикр. Доҳиёна иш тутмоқ. Доҳиёна йўл-йўриқ кўрсатмоқ. ■ Тажриба жараёнида Кеплерда сайёраларнинг орбитаси эллипс шаклдан иборат, деган доҳиёна фараз туғилди.* «Фан ва турмуш».

**ДОҒИЙ** [*a. داهى* — айёр, маккор; зийрак, доно] Фавқулодда ақл-заковатга эга бўлган шахс, оқил йўлбошчи. *Набилар, расуллар, доҳийлар унда, Қабрлар, қасрлар тургандир қатор.* А. Орипов, Юртим шамоли. *Доҳийлар бешигини бедор тебратган Сен — она.* Миртемир, Асарлар.

**ДОҒИЙЛАРЧА** Доҳийларга хос, доҳийларга муносиб тарзда, доҳиёна. *Доҳийларча иш тутмоқ.*

**ДОҒИЙЛИК 1** Доҳий бўлишлик.

**2 салб.** Ўзини ўта доно, барчадан устун деб ҳисоблашлик; такабурлик. *Худо берган оғир, масъулиятли бурчни оғишмай, доҳийлик касалига берилмай, ҳалол адо этиш учун жуда катта ақл-идрок ва фаҳм-фаросат керак.* Газетадан.

**ДРАМА** [*юн. drama* — ҳаракат] Бадий адабиётнинг уч асосий тури (лирика ва эпос

билан бирга)дан бири: асосан диалог — персонажларнинг ўзаро сўзлашуви шаклида, муаллиф нутқи аралаштирилмай ёзилган саҳна асарларидан иборат. *Ҳамза драмалари. Драма театри. ■ Бу қимматли хужжат бизда мусиқали драмага бундан бир неча минг йил олдин асос солинганини тасдиқлайди.* С. Аҳмад, Юлдуз.

**ДРАМАЛАШТИРМОҚ** Бирор асарни, мас., романи, қайта ишлаб, драма шаклига солмоқ, саҳнага мосламоқ.

**ДРАМАТИЗМ** Саҳна асарига воқеа ва ҳолатларнинг ўзига хос кескинлиги, жиддийлиги, ҳаяжонлилиги. *Тус-туполон, сохта драматизмдан қочини, ҳақиқий санъаткорлик сирларини қидириб топини керак.* Н. Сафаров, Оловли излар. *Шундан сўнги лавҳалардан драматизм янада кучайиб, воқеалар шиддатли ва кескин тус ола бошлайди.* С. Хўжаев, Ўзбек тарихий фильмлари.

**ДРАМАТИК 1** Драмага, саҳна асарига оид. *Драматик асар. Драматик театр. Драматик актёр. ■ "Уч" Ҳамзанинг илк драматик асари деб тахмин қилинади.* «Саодат». *Драматик асарда деталь ўз ўрнини топса, актёр учун ҳам катта материал беради.* «Шарқ юлдузи».

**2** Драматизм билан суғорилган. *Драматик финал. ■ Драмада драматик ҳаракат ва характернинг очилишида диалоглар билан бирга монолог ҳам муҳим роль ўйнайди.* «ЎТА». *Бизда яратилаётган кўпчилик романларда яхлит драматик воқеа кўринмайди.* У. Норматов, Талант тарбияси.

**ДРАМАТУРГ** Саҳна асарлари, драмалар ёзувчи адиб. *Театр билан драматургни эт билан тирноққа қиёс қилиш мумкин.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ДРАМАТУРГИЯ** [*юн. dramaturgia*] **1** Драматик санъат; саҳна асарларининг тузилиш тамойиллари ва усуллари ҳақидаги назария. *Драматургия курси. ■ Театр тага бўлса, драматургия унинг жонидир.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**2** Бирор ёзувчининг, халқ ёки даврнинг драматик асарлари мажмуи. *Ҳамза драматургияси. Ўзбек драматургияси.*

**ДРАП** [*фр. drap* — мовут] Устки кийимлар тикиладиган қалин соф жун ёки ип аралашган газлама, қалин мовут. *Қора драп. ■ [Шербек] Бошига қорақул кулоқчинини, эгнига қора драп пальтосини кийди.* С.

Анорбоев, Оқсой. *Зулунбек қора драп пальтосига ёпишган хас-чўпларни қоқиб, эшик томонга йўналди.* Х. Фулом, Тошкентликлар.

**ДРАХМА** [юн. drachme — Қадимда Юнонистонда кумуш пул ва ўлчов бирлиги] Грецияда пул бирлиги. *..Юнонистонда оғирлик ва пул бирликлари ҳам драхма деб юритилган.* «Фан ва турмуш».

**ДРЕЗИНА** [нем. Draisine — немис ихтирочи инженери Дреза (Drais) исмидан] *тех.* Темир йўл изларида унча узоқ бўлмаган масофага боришга мўлжалланган, қўл кучи ёки мотор билан юргизиладиган тўрт гилдиракли арава. *Биз худди шу ерда дрезинада [метронинг] “Ойбек” станциясигача йўл оламиз.* Газетадан.

**ДРЕЛЬ** [нем. Drillbohrer — бурги, парма] Металлар, ёғоч ва б. материалларда тешиклар очиш учун ишлатиладиган дастаки ёки электрик кўчма механизм. *Электр дрель. Пневматик дрель.*

**ДРЕНАЖ** [ингл. drain — қуритиш] **1** Захоб, шўрхоқ ерларни зовурлар қазиб ёки қувурлар кўмиб қуритиш усули ҳамда шундай зовур ва қувурларнинг ўзи. *Айрим жойлардаги дренаж қувурлари сувнинг босимидан ёрилиб кетди.* Газетадан. *Аммо ўн йилдан ошдики, бу дренажлар ишламайди.* Газетадан.

**2 тиб.** Яра ёки тана бўшлиғидан суюқликни (йиринг ва зардоб)ни махсус найча билан сўриш ёки дока пилтага шимдириш орқали тортиб олиш.

**3 тиб.** Шу мақсад учун ишлатиладиган махсус резина ёки шиша найча.

**ДРЕНАЖЛАШ** Дренаж йўли билан ернинг захини қочириш. қуритиш. *Бўлмалар ҳавосининг нам бўлмаслиги учун бинони қуруқ жойга солиш, фундаменти ни нам ўтмайдиган қилиб ишлаш, ерни дренажлаш керак.* Н. Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш.

**ДРЕССИРОВКА** [фр. dresser — ўргатмоқ] Ҳайвонларни муайян кўникмалар ҳосил қилиш орқали баъзи ҳаракатларни бажаришга ўргатиш.

**ДРОЖЖИ** [р. «дрожжие» — суви сиқиб олинган нарсас; қуйқа, қуйқум] *с.т. айн. ачитқи, хамиртуруш. Пиво дрожжиси. Хамир дрожжиси.* ■ *Дрожжилар аминокислота-ларга жуда бойдир.* Газетадан.

**ДРУЖИНА** [р. дружина < друг — йўлдош; жангчи ўртоқ] **1 тар.** Қадимги Русда: князга яқин одамлар ва князлик кўшини.

**2 эск.** Бирор иш (жамоат тартибини сақлаш ва б.) олиб бориш мақсадида тузилган кўнгиллилар гуруҳи, тўдаси. *Дружинага ёзилмоқ. Дружина тузмоқ.* ■ *Дружиналарга бириктирилган уй-жой кварталларида жамоат тартиби қаттиқ муҳофиза қилинмоқда.* Газетадан.

**ДРУЖИНАЧИ** Дружина аъзоси. *Дружиначилар Нусратбекни безорилиги учун.. оёғини ерга тегизмай, судраб кетишди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**ДУАЛ** [лот. dualis — қўшалок, икки ёқлама] Икки, иккиланма. *Дуал тузилиш ўзбек халқ эртақларида ҳозиргача сақланиб қолган.* «ЎТА».

**ДУАЛИЗМ** [лот. dualis — қўшалок, икки ёқлама] *флс.* Дунёнинг негизида бир-бири билан келиштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш ёнма-ён мавжуд деб билувчи, материалистик қараш билан идеалистик қарашни келиштиришга уринувчи фалсафий оқим; *зид. монизм.*

**ДУАЛИСТ** Дуализм, яъни дуалистик қараш тарафдори.

**ДУАЛИСТИК** Дуализмга оид, дуализм тамойилларига асосланган. *Дуалистик дунёқараш.*

**ДУБ** [р. «дуб» — қурилишбоп дарахт, ёғоч] *айн. эман. Дубнинг ўсиши учун кўп ёруғлик ва иссиқлик керак бўлади.* «География». *Мен — кекса дубман: унча-мунча шамол мени эголмайди.* «Шарқ юлдузи». *Қаердандир дуб бочканинг талх ҳиди келади.* А. Мухтор, Асарлар.

**ДУББ** [а. دَبّ — айиқ]: **Дубби акбар** Етти қароқчи (Катта айиқ) юлдузлар туркуми. *Бу Зуҳал, мана бу Дубби акбардир.* А. Орипов, Йиллар армони.

**ДУБ-ДУРУСТ** *с.т.* Дуппа-дуруст, туппа-тузук, яхшигина.

**ДУБИР, дубур** *шв. фольк.* Юрганда ёки чопганда эшитилувчи паст, бўғиқ овоз; дупур (кўпроқ отлар ҳақида). *Гўрўглининг қўшинига отларнинг дубири эшитилди.* «Гулнорпарни». *Юрганда отнинг дубири ерни қимирлатиб кетди.* «Ҳасанхон». *Бирдан қулоқларига отларнинг дубури келди.* «Гўрўглининг туғилиши».

**ДУБЛЕТ** [фр. doublet < double — қўшалок, иккиланган, икки ҳисса] **1** Бирор нарсанинг иккинчи нусхаси; иккита бир хил, тенг қимматли нарсанинг бири.

2 Қимматбаҳо, нодир тошлар (буюмлар)нинг ясама, сохта нусхаси.

3 *тлш.* Тилда маъносига кўра айнан тенг келувчи ва бири иккинчиси ўрнига алмашиб қўлланиши мумкин бўлган сўз ва бошқа хил лисоний бирлик. *Бироқ илмий матнда дублетларнинг уч-тўрттасини бирданга беришни меъёрий ҳолат деб қараш керак эмас.* «ЎТА». Тилда синоним, дублет ва вариантларнинг қаватланиши ёки такрорланиши ортиқ информацияни вужудга келтиради. «ЎТА».

**ДУБЛЁР** [*фр.* doubleur – иккилант-рувчи] 1 Бирор ишни навбатлашиб бажарувчи ёки бир ишда бир-бирининг ўрнини боса олувчи икки кишидан бири. *Космонавтнинг дублёри.*

2 Театрда ролни ижро этувчи актёрни алмаштирувчи актёр ёки бир ролни навбатлашиб бажарувчи икки актёрдан бири.

3 Дубляж қилинган фильмда овоз берган (кино)актёр. *Баъзи ҳолларда экрандаги ҳолатга нисбатан сўз узун бўлса, дублёр сўзни тезроқ айтиши керак.* Ф. Саломов, Таржима назариясига кириш.

4 Футбол ва бошқа ўйинларда асосий ўйинчилар ёки команда таркиби учун тарбияланувчи ва уларни алмаштира олувчи ўйинчилар ёки команда.

**ДУБЛИКАТ** [*лот.* duplicatus – иккиланган] Бирор ёзма ҳужжатнинг асл нусхаси билан баб-баравар расмий, юридик кучга эга бўлган бошқа нусхаси, копияси. *Улардан сўраб келинг, дубликат олиш учун қандай ҳужжатлар керак бўлса, дарров берамиз, дейишди.* «Муштум».

**ДУБЛЯЖ** [*фр.* doublage – икки марта, икки карра кўпаймоқ] Бошқа бир тилдаги овозли фильмни иккинчи бир тилга таржима қилиб, диалоглар таржимасини фильм қаҳрамонлари оғиз ҳаракатига мослаштирган ҳолда яратилган фонограмма. *Кинофильмларни омма орасида ёйишда фильмлар дубляжи катта аҳамият касб этади.* Газетадан.

**ДУБУЛҒА тар., ҳарб.** Бошни тиф ёки ўқдан (шунингдек, бошқа хил зарбалардан) сақлаш учун темир ёки пўлатдан ишланган бош кийим; шлём. *Малика қоп-қора сочларини турмаклаб, бошига олтин дубулғасини кийди.* М. Маҳмудов, Мангу куй излаб. *..офтоб суворийларнинг бошларидаги ялтироқ*

*дубулғаларда, эгиларидаги совутларда акс этиб, кўзларни қамаштирар эди.* М. Осим, Ўтрор.

**ДУВ рви.** 1 Бирдан, бараварига, тез. *Дув тўпланмоқ. Дув этиб учмоқ. Ҳовли ўртасидаги бир туп тут дув пишипти. Боланинг кўзларидан дув ёш тўкилди.* ■ *Кумушбиби ўз устига дув йиғилган қизларга кўзини қаратди-да, чўнтагидан рўмоқчасини олиб, кўз ёшини қуритди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

2 Тамоман, бутунлай. *Сочлари дув оқарган, аммо кўз қарашлари тийрак доктор опа ҳар куни Шерзоддан.. нима туш кўреанини сўрайди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Маҳбубанинг бугдойранг кулча юзи дув қизарди.* О. Ёқубов, Тилла узук.

**Дув гап** Ҳамма ёққа тез тарқалган, ҳам-манинг оғзига тушган миш-миш гап. *Янги шаҳарда аллақайси бир маҳкамага неча юз киши таёқ кўтариб, эшигу ойналарини синдирибди, шу одамлардан нечтаси қамалибди, деган хабар ҳамма ерда дув гап эди.* А. Мухтор, Опа-сингиллар. *Юртда дув гап – фалон бўпти, писмадон бўпти.* Ш. Тошматов, Эрк куши.

**ДУВАРАК** [*ф.* دوباره – иккинчи марта, иккиламчи] 1 Мевали драхтнинг бир йилда иккинчи бор берган меваси. *Дуварак олма. Олманинг дувараги.* ■ *Бир йиллик новдаларда етилаётган узум бошлари билан бир қаторда бачки новдаларда дуварак пайдо бўлиши мумкин.* «Фан ва турмуш». *Баъзи шохларда бултур чала терилган мевалар – дуварак олхўрини эслатувчи зайтунлар қуришиб ётарди.* Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари.

2 *кўчма* Бўйи паст, пачоқ (одам ҳақида). *Дуварак одамлар.* ■ *Йўлдош почтачининг дуварак қизича ҳам бўлолмайсан, сендан ёш, лекин ўн ҳисса кўп ишлайди.* «Ёшлик».

3 *кўчма* Хом, гўр; тажрибасиз. *Келганига бир йил, ярим йил бўлиб қолганлар бор.. дуварак бўлса ҳам, пулни нуфлаб тугади-ганлар – буларни оз-моз пул билан рағбатлантириш мумкин.* А. Мухтор, Туғилиш.

4 Умуман, ҳар нарсанинг кичкинаси, етилмагани. *Поезд мени кичкинагина, номи ҳали темир йўл хариталарига кирмаган дуварак бир разъездга ташлаб ўтиб кетди.* С. Аҳмад, Қадрдон далалар. *-Авраб ҳам бўлмайди бу дуваракларни, – арз қилди Убайда хола хит бўлиб.* Ш. Тошматов, Тонгдаги кўланка.

**ДУВВА** *рвш. шв.* Бирдан, бараварига; дув. *Олма дувва тўкилди. Толдаги чумчуқлар дувва учиб кетди. ■ Анжирнинг мадҳига тополмадим сўз, Дувва тўкилгандай саватга юлдуз. Газетадан.*

**ДУВДОҚ** *с.т.* Тувалоқ.

**ДУВ-ДУВ** **Дув** *с.* такр.; жуда кўп, беҳисоб. *Дув-дув тўкилмоқ. ■ У ўғлининг дўстларини кўриши билан кўзларидан дув-дув ёш тўкди. Ҳ. Фулом, Машғал. Болалар қоқишса, дув-дув тушади: Оғиз тинмас оппоқ тутидан. Миртемир, Асарлар.*

**Дув-дув гап** Кўпчилик орасида тарқаган ҳар хил: тўғри ва шубҳали гап-сўз. *Кўнларнинг бирида маҳаллада дув-дув гап бўлиб қолди: "Мухторхон домудла уйланармиш!.." А. Қаҳҳор, Тўйда аза. Ҳамма ерда дув-дув гап, шуни ўзингдан билай, деб келдим-да. Т. Ашуров, Оқ от.*

**ДУВОЛ** *шв. айн. девор.* Севмасанг — зўрик увол.. *Обқочаман ошиб дувол. Отаёр, Оқ фасл.*

**ДУВУЛЛАБ** *рвш.* Тез, бирдан, бараварига, дув (тўкилмоқ, оқмоқ ва ш. к.). *Чигитлар ердан дувуллаб униб чиқди. ■ Мастура холанинг кўзларидан дувуллаб ёш оқарди. Ж. Шарипов, Хоразм. Сўнг шамол томорқадаги дарахтларни силкитдим, томга дувуллаб ёмғир суви тўкилди. Ш. Холмирзаев, Ўн саккизга кирмаган ким бор. Дувуллаб бир ҳовуч ўрик тўкилди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДУГ** *с. т. айн. дук 1.*

**ДУГОНА** [ф. دوگانه — иккита, жуфт] **1** *Ўртоқ, дўст (хотин-қизлар ҳақида). Салом, менинг азиз дугоналарим, Азизим, лобарим, чеварим, қизлар. Зулфия. Тўлғоной кўшнларининг уйида, дугоналари орасида ўтирарди. С. Сиёев, Аваз. Давру давронингизда биз ҳам тўйиб ҳандалаг ейлик, дугонажон! О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

**2** *Шерик, жуфт. Кўксув билан Оқсув икки дугона, дилбар, Икки ёқдан тоғ бағридан ўйноқлаб келар. Шайхзода. Уруғлик ерда ўса бошлагач, аввал дугона қилдим (бир жойда икки туп қўйдим), сўнгра ягона қилдим. С. Айний, Эсдалиқлар.*

**ДУГОҲ** [ф. دوگاه — икки пайт, икки жой] *Шашмақом системасидаги учинчи мақом номи (қ. шашмақом). "Дугоҳ"ни бошлаб юборди. "Дугоҳ" ҳам излаганини топиб бермади, ўзи ҳам излашдан, бўзлашдан чарчамади. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**ДУГЧИ** *с.т.* Дукчи. *Бешикчилар, тароқчилар, дугчилар Майрамхонни ўз қўллари билан овқатлантиришни "бахт" деб билар эдилар. Ф. Фулом, Шум бола.*

**ДУД I** [ф. دود — тутун, қурум; оҳ, нола, гам-алам] *Тутун, қурум, ис. Пороҳ дуди. ■ Мамажоннинг димоғига қорачироқ дуди гул этиб урилди. А. Мухтор, Опа-сингиллар. Ёғ дуди осмонга кўкиш устундай кўтарилди. Ҳ. Фулом, Замин юлдузлари. Деворлари ва шипини қоп-қора дуд босган бу уйга қуёш нуллари кичик бир туйнукдан тушарди, холос. Ж. Шарипов, Хоразм.*

**2** *кўчма* **Ғубор, доғ, асорат. Кўзимда ғуборнинг заҳарли дуди. Ф. Фулом. Гулнорнинг кўнглини қоплаган ҳасрат дуди тарала бошлади. Ойбек, Танланган асарлар. Аслида суҳбатдан қолган дуд ҳали Элмуроднинг кўнглидан аримаганди. Шухрат, Шинелли йиллар.**

**3** *кўчма* **Оҳ, нола; руҳий азоб. Ҳожи холанинг дуди осмонда эди. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Душмандан интиқом олиб, дудини димоғидан чиқарайлик. М. Осим, Карвон йўлларида.**

**4** *кўчма* **Аччиқ, жаҳл; ғазаб. Мана шу ерда мингбошининг дуди осмонга чиқди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.**

**5** *кўчма* **Илиқлик тафти. Ҳут кирди, ер остига дуд кирди. Мақол.**

**ДУД II** *тақл. с.* Болалар сурнайининг ёки автомобиль сигналининг овозига тақлид сўз. *Дуд демакка дудоқ керак.*

**ДУД III** [ф. دود — тутун] *Газламага гул босишда ишлатиладиган кўш қолип.*

**ДУДА** [ф. دوده — қурум, майда кукун] *Оқ бўзнинг сийрак тўқилган тури. Дуда напшахона. ■ Бизда ҳам газламаларнинг турларига исм бор: бўз, дуда, қалами ва ҳоказолар. А. Қаҳҳор, Сароб.*

**ДУДАК** *Тувалоқлар туркумига мансуб кўш.*

**ДУДАМ** [ф. دودم — икки тигли, икки дамли] *айн. дудам. Шеър ул тиғи дудамдурки, жаҳонни фатҳ этар.. Мунис.*

**ДУДАМА** [ф. دودمه — икки тигли, ҳар икки томони ўткир] **1** *сф.т.* *Икки томонида ҳам дами, тиғи бор. Дудам пичоқ. ■ Пичоқ унча катта эмас.. ингичка ва дудам эди. С. Айний, Эсдалиқлар. У этиги кўнжига солиб қўйган дудам ханжарга ишора қилди. Мирмуҳсин, Меъмор. Тилини чиқариб тишлаб,*

дудамачи билан новдани бутай бошлади. Ш. Холмирзаев, Бодом қишда гуллади.

**2 от** Ҳар икки томони тигли пичоқ ёки ханжар. Зулайҳо орқасига қайтади. Бир неча қадам юради-ю, дудамани эслайди. П. Қодиров, Қадрим. *Нақ кўксига сонгача ботиб кетди дудамачи.* О. Ҳакимов, Достонлар.

**ДУДБУРА** айн. **дудбурон**.

**ДУДБУРОН** [ф. *دودبُران* — тутунни ташқарига тортувчи] **1** Шип ёки девор орқали ташқарига чиқарилган тутун йўли; мўри, мўркон. *Онам баланд, дудбурони бор ошхонада куйманар эди.* Ойбек, Болалик. *Ҳўл хазон ёқилган ўчоқнинг дудбуронидан кўз ачитувчи тутун чиқади.* Шукрулло, Жавохирлар сандиги.

**2** Темирчилар кўраси ёки кулоллар хумдонининг тутунни ташқарига тортадиган карнайсимон қисми.

**ДУД-ДУД** Дуд II с. тақр. *Дуд-дуд сурнай чалинди.*

**ДУДКАШ** [ф. *دودكش* — тутун тортувчи] *шв.* **1** айн. **дудбурон 1, 2.**

**2** Ашаддий кашанда, ҳадеб сигарет тутатишни яхши кўрувчи (киши).

**ДУДЛАМА** Дудлаб ишлов берилган, қоқланган. *Дудлама балиқ гастрономларда кўп.* К. Маҳмудов, Ўзбек тансиқ таомлари.

**ДУДЛАМОҚ 1** Дуд билан ишлов бериб қоқламоқ, сурламоқ (гўшт, қази ва шу кабиларни). *Дудланган қази.* ■ *Холиса тақсимчаларда қора майиз, мағиз, дудланган қази келтириб кўйди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди.

**2** Дуд билан қоқламоқ, исламоқ.

**ДУДМОЛ** Нималиги аниқ бўлмаган, ҳар хил тушунса бўладиган; мужмал, муҳмал. *Дудмол гап. Дудмол хулоса. Дудмол қарор.* ■ *Тожибой одагига мувофиқ қисқа, дудмол жавоб берди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Азизхоновни тик турган ёш қиз эмас, унинг дудмол туюлган саволи ажаблантирди.* М. Исмоилий, Барҳаёт қиз. *Чол дудмол қилиб йигитга қаради.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДУДОҚ** *кт.* **1** айн. **лаб.** [Гуляор] *Йўлчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бўсасининг жонли оловини бир лаҳза сезди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Севишганлар қўли бир-бирига чирмашди. Дудоқларда бўса чақнади.* Шуҳрат, Шинелли йиллар. *Ярқираган ёноғингдан айланай, Гул баргидай дудоғингдан айланай.* «Кўшиқлар».

**2** *кўчма* Оғиз; тил. *Шараф сизга, ёғар миллион дудоқдан кучли оқшишлар.* Ф. Фулом. *Алла айтган дудоқларда Она меҳри тошқин.* Миртемир, Асарлар.

**ДУДУЛАМОҚ** *с.т.* “Дуд-дуд” деган овоз чиқармоқ. *Машина сайргоҳга кириб борди ва дудулаганича одамларни оралаб, дарё томон йўналди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Шу пайт машина “дудулаб”, икки бола ура қочиб қолишди.* Ҳ. Аҳмар, Ким ҳақ?

**ДУДУҚ** Баъзи товушларни қийналиб талаффуз этувчи ёки тутилиб қапирувчи. *Дудуқ одам.* ■ *Дудуқ одамнинг гапириши қийин, аммо унинг гапини эшитиш ундан ҳам қийин.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Гудаксиз ўтарман наҳот жаҳондан, Майли, чўтир, дудуқ — севардим жондан.* Миртемир, Асарлар.

**ДУДУҚЛАНМОҚ** Баъзи товушларни қийинлик билан талаффуз этмоқ ёки тутилиб-тутилиб гапирмоқ. *У [Худойқул] Элмуроднинг сўроқларига дудуқланиб, тўмтоқ-тўмтоқ жавоблар бера бошлади.* П. Турсун, Ўқитувчи. *-Би-би-бе.. — деди Қурбон дудуқланиб.* Й. Шамшаров, Тошқин.

**ДУДУҚЛИК** Тутилиб гапиришлик, дудуқланиш хусусияти. *Унинг [Худойқулнинг] дудуқлигини ва ҳовлиқиб гапиролмай қолишини Давлатёр шундай деб таърифлади: -Бу худо қилган соқов эмас, ўртоқ Дўсमतов! Мадамминов шундай қилиб кўйган.* П. Турсун, Ўқитувчи.

**ДУЖОН** [ф. *دوجان* — икки жон(ли)] *шв.* Ҳомиладор, иккиқат. *Кунларнинг бирида бойнинг энг кичик хотини дужон бўлибди.* «Зумрад ва Қиммат».

**ДУДХОНА** [дуд + хона] Гўшт, қази каби егуликлар дудланадиган хона.

**ДУЗ** айн. **туз** II. *Одам эса чорасиз, гамгин кўринади бу чексиз дузда.* Ш. Раҳмон, Юрак қирралари.

**ДУЗД** [ф. *دزد* — ўғри] Ўғри. *Ўғри-дузд ўзин тортар панага, Санам қизлар зулфин ташлар шонага.* «Эрали ва Шерали».

**ДУК 1** [ф. *دوک* — йиг, дук] Чархнинг йигирилаётган ип ўралиб борадиган қисми; йиг. *Ҳар қизнинг олдида.. ип ўралган семиз дуклар қаланиб ётипти.* Ойбек, Навоий. *У [Оташ дукчи] дукни гув-гув айлантиради.* Ойбек, Улуғ йўл.

**ДУК 2** тақл. с. Бирор оғир нарса иккинчисига урилганда чиқадиган бўғиқ овоз



ҳақида. *Эшик дук этди. Дук этган товуш эшитилди.* ■ [Латиф] Челақдан иккинчи шишани олиб, тагига бир урди-да, Султоннинг олдига “дук” этказиб қўйди. О. Ёқубов, Ларза.

**ДУКАРТ** [ф. دوکارد — икки тигли; қайчи] шв. Кичкина қайчи.

**ДУКАРТЛАМОҚ** Қайчи билан кесиб текисламоқ; қайчиламоқ. *Кўзлари катта-катта Муҳаммадалибек тоза ювилиб-таралган, дукартланган соқолини аста силар эди. М. Осим, Карвон йўлларида.*

**ДУК-ДУК** Дук II с. тақр. *Эшикни дук-дук қоқмоқ.* ■ *Ҳасан сўфи тошга қулоғини босиб тинглади. Анча тинглаб ётди: Дук-дук бор-у.. жуда олис. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Аввалига у [соқчи] аста-секин юриб борди, кейин Насриддин афандининг қулоғига дук-дук қилган овоз эшитилди. «Муштум».*

**Юраги дук-дук урмоқ** Юраги ўйнамоқ, юраги қаттиқ урмоқ. *Эшик очилиши биланоқ Ҳасаннинг юраги дук-дук уриб, ранги оқариб кетди. Ибохон, Улуг кун. Умиднинг юраги дук-дук уриб, беихтиёр унга яқинлашди. Мирмуҳсин, Умид.*

**ДУКИЛЛАМОҚ I** “Дук-дук” этган овоз чиқармоқ. *Эшик дукиллаяпти.*

**2** Тез урмоқ, тепмоқ, ўйнамоқ (юрак ҳақида). *Унинг [Мирвалининг] юраги дукиллаб ура бошлади. С. Аҳмад, Жимжитлик. Қувончимданми, аллақандай хавотирданми — юрагим дукиллаб кетди. А. Мухтор, Асарлар.*

**ДУККАК** Ловия, мош каби ўсимликларнинг донни ўраб турувчи икки паллали пўчоғи; кўзоқ; дуккакдошлар меваси. *Ловия дуккак чиқарибди. Мош дуккаклари.* ■ *Олти қизнинг ичида сен полвони, Дуккакка сиғмайди мошининг дони. «Кўшиқлар».*

**ДУККАҚДОШЛАР** бот. Икки йиллик ва бир йиллик икки паллали ўсимликлар оиласи.

**ДУККАКЛАМОҚ** Дуккак чиқармоқ, дуккак ҳосил қилмоқ. *Мош дуккаклабди.*

**ДУККАКЛИ** Дони дуккакларда пишиб етиладиган. *Бошоқли ва дуккакли экинларнинг баъзи бир турларида оқсилдан ташқари анчагина мой ҳам бўлади.* Газетадан.

**ДУККИ** шв. Дўнг, қавариб чиққан. *Ҳаракатнинг зўригидан Раҳимнинг сепкил бетлари, дукки пешонаси терлаб, қизил майкаси шимидан чиқиб кетган эди. Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.*

**ДУККИБОШ** Дўнг бош, боши катта, дўнг пешонали. *Бу дуккибош, сепкил юз бола ҳар гапда тиржайиб турарди. Ҳ. Назир, Ёнар дарё.*

**ДУККИПЕШОНА** Дўнг пешона, шундай пешонали одам.

**ДУКУЛЛАМОҚ** айн. **дукилламоқ.** *Юрагим дукуллайди, Ёр келганга ўхшайди. «Оқ олма, қизил олма».* *Пиджагимни киймасимдан хонам девори дукуллади. Ш. Холмирзаев, Йўллар, йўлдошлар.*

**ДУКУР I** тақл. с. Дукурлаган овоз ҳақида. *Бошқалар ҳам ётиб қулоқ солдилар. Аммо ҳеч ким дукурнинг қаёқдан келаётганини аниқлай олмади. М. Исмоилий, Фарғона т.о. Дастурхон йиғиштирилиб, Султонмурод кетмоққа қистаркан, дарвозада отларнинг дукури эшитилди. Ойбек, Навоий. Латофатнинг юрак дукури хийла босилди. «Ёшлик».*

**ДУКУР II** шв. Сув тақсим қилинадиган жой.

**ДУКУР-ДУКУР** Дукур с. тақр. *Отларнинг дукур-дукури, итнинг хуриши эшитилди. Ж. Шарипов, Хоразм. Турсуной ҳеч нарсани кўрмас, юрагининг дукур-дукуридан бошқасини эшитмас эди. А. Мухтор, Опасингиллар. Дукур-дукур от келди, Қаранг, қандай зот келди. «Кўшиқлар».*

**ДУКУРЛАМОҚ I** Дукур-дукур овоз чиқармоқ. *Шу дукурлаш секин-секин оёқ товушига мубаддал бўлиб, Анварнинг қулоқлари тиккайди. А. Қодирий, Меҳроблан чаён. Кўчадан эса от туёқларининг сабрсиз дукурлаши эшитилди. «Фан ва турмуш».*

**2** Тез урмоқ, тепмоқ, ўйнамоқ (юрак ҳақида). *Дарчага яқинлашганида, юраги бирдан дукурлаб, эшик олдида тўхтаб қолди. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

**ДУКУРМА** [ф. دوکرم — иккита ипак қурти]: **дукурма пилла** Иккита ипак қурти бир кафанга ўраган пилла, қўшалоқ пилла; барака.

**ДУКЧИ** Дук ясовчи уста. *Улар бешикни Жизҳадаги машҳур дукчи Оқил амакига ишлатишган экан. «Ёшлик».*

**ДУКЧИЛИК I** Дук ясаш билан машғуллик, дук ясаш ҳунари ва ўша касбнинг номи.

**2** Бозорда дукчилар дўкони жойлашган раста.

**ДУЛДУЛ** [а. دلول — жайра] **I** Диний ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбар

минган ва кейинча ҳазрат Алига тортиқ этган учар отнинг исми ёки лақаби. *Той ўссин, нақ Дулдулдай бўлади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** *кўчма* Келишган, чиройли, учқур от. *Солибой.. ориқ-тириқ отларни арзон баҳода сотиб олиб, бир оз боқиб, дулдул баҳосида пуллар эди.* Ё. Шукуров, Қасос.

**ДУМ** [ф. *دم* — куйруқ, дум] **1** Ҳайвон танасининг чиқарув тешиги тепасидан бошланганидан ва ингичкаланиб борувчи энг ортки, охириги қисми; куйруқ. *Сичқон сиғмас инига, галвир боғлар думига.* Мақол. *Туянинг думи ерга тегар, Хўжанинг қизи ерга тегар.* Мақол. *Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди.* Мақол. ■ *У [ит] думини ликиллатди-да, Нигоранинг оёғи остига ёта қолди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**Думини хода қилиб** 1) думини тикка, юкори кўтариб. - *Сигир бирдан ирғиб ўрнидан туриб, думини хода қилиб, бир қочиб берди, — деди Шум бола.* Ф. Фулом, Шум бола. *Молхонадан келаётсам, олдимдан думини хода қилиб, бир бузоқ югуриб ўтди.* «Муштум»; 2) *кўчма* орқасига қарамай, тумтарақай бўлиб. ..*Олдинга қанча бордим? Нуқул бадбашара махлуқдан қочган юраксиздай думингни хода қилиб қоласан-ку?* Ж. Абдуллахонов, Хонадон. ..*зўр келганда кўпинча беллашишдан бош тортади-да, думини хода қилиб қочади.* Т. Рустамов, Мангу жасорат. **Думи юлинган мусичадай (ёки товуқдай)** Бир ери ёки бир нарсаси етишмагандай, беўхшов. *Бердибой гарчи шаҳардан думи юлинган мусичадай бўлиб келган бўлса ҳам, фазлсиз эмас.* А. Қодирий, Обид кетмон. ..*орамизда Икром деган бир кимса ҳам бор эди. Думи юлинган товуқдай бир четга чиқиб, шумшайиб турибди.* «Ёшлик».

**2** Баъзи жониворлар танасининг кет томонидаги узун патлар ёки ингичкалашган қисми. *Хўрознинг думи. Қалдирғочнинг думи. Илоннинг думи.* ■ *Ҳалиги чавоқ балиқ қор устида ялт-юлт қилиб сакрайди, думи билан савалайди.* Н. Фозилов, Дийдор. *Раиснинг ориқ, қорамтир юзига ярашмаган тақасимон мўйлабининг учлари чаён думидай гажакланди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**3** Мева, барг ва ш. к. нинг банди.

**Дум бермоқ** Пишиб этилмоқ (асосан поллиз экинлари ҳақида). *Бир кун пахта чопиб юрсам, битта қовун жуда ҳам тўри келган,*

*“мени е!” деб дум бериб турибди.* Ф. Фулом, Тирилган мурда. *Нимадир “тирс” этди: қизилуруғ қовун дум берди шекилли.* А. Эшоннов, Дугор.

**4** Сабзавот ўсимликларининг ер юзасида ўсиб турган барги. *Сабзининг думини кесмоқ.*

**5** Учиш аппаратларининг ингичкалашган кет томони. *Бирпасдан кейин лагерь устида думига каттакон нуфак боғлаб олган самолёт пайдо бўлди.* А. Қаҳҳор, Олтин юлдуз. *Самолётнинг думида елқамни қисганча биқиниб ўтиравердим.* «Гулдаста».

**6** Умуман бирор нарсанинг кети, охири. *Юлдузнинг думи. Қанча машиналар қаторлашиб ўтди, ҳали думи кўринмайди.* ■ *Чарос дераза панжарасидан.. думи ликиллаб турган даканг варракни кўрди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Чона беришнинг беҳуда эканини пайқаб, эшелоннинг думига уланган қизил вагонларга толиққан кўзларини умид билан тикди.* Н. Сафаров, Танланган асарлар.

**7** *кўчма* Доим бировга эргашиб ёки унга хушомад қилиб, бирга ортидан юрадиган одам; шотир. *Абдуракул Тожибойнинг мажлисда ўз тарафини оладиган думлар тўплай бошлаганини гапирди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дум эмиш, хўжа келиб менга дум бўлсин.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**8** *кўчма с.т.* Қарз, топширилмаган имтихон *Унинг математикадан думи бор.*

**Бурганинг думини кўрган** Жуда ҳам шум, айёр, уддабурон. *Биламан, Гавҳар яхши қиз. Лекин анави иблис бурганинг думини кўрган!* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. **Думини босмоқ** Фашига, асабига тегмоқ. *Идорада, иш устида, иш юзасидан гапираёттирман. Думингизни босганим йўқ.* А. Қаҳҳор, Сароб. *Мен бир-иккитасининг думини босдим шекилли.* С. Сиёев, Отлик аёл. **Думини ликиллатмоқ** Хушомадли ва айёрон аш кўрмоқ. *Саройда биз ҳам дум ликиллатиб, қуйруқ қоқиб юрибмиз.* С. Сиёев, Ёруғлик. *У калондимоғ, энди қаршисидаги одамдан ўзига ўхшаб дум ликиллатишини талаб қилувчи нусхага айланади.* «ЎТА». **Думини тугмоқ ёки думи тугилмоқ** Қайтиб келмайдиган қилиб ишдан бўшатмоқ, ҳайдамоқ. [*Розиқ сўфи*] *Бир магазинга кечки қоравул бўлиб олган эди. Ундан ҳам ишқал чиқариб, думи тугилди.* С. Абдулла, Соялар. *Турсунбой.. кўпол ва дағал муомалали бўлгани сабабли.. бригадирликдан*

думи тугилган эди. «Муштум». Ҳаммамизнинг думимизни тугар эмишлар. Уйғун, Асарлар. ..иккинчи бу гапдан оғиз очманг, акс ҳолда, думингизни тугаман. Ҳ. Гулом, Машғал. **Думини тутқазмаслик** (ёки ушлатмаслик) Ҳеч кўринмай, йўлиқмай қочиб юрмоқ. *Ғаффор кўрбоши думини тутқазмасга, ўзини ютқизмасга уринади.* Н. Сафаров, Водиллик қаҳрамон. **Думини қисмоқ** 1) итоаткорона иш тутмоқ; бўйсунувчан, итоаткор бўлмоқ. *Мен ўз юртимда мусофир итдай думимни қисиб юришни хоҳламайман.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Девона ўша заҳоти думини қисиб, жуфтакни ростлаб қолди.* К. Яшин, Ҳамза; 2) кўчма бўйсунмоқ, жиловланмоқ. *Сув думини қисди, энди шошмасдан [тўғонни] мустаҳкамлаш керак.* Ойбек, О.в. шабадалар. **Думи хуржун** (ёки **хуржунда**) Нотайин, таги-туғи йўқ; ўлда-жўлда, чатоқ ёки чала-чулла; сарсон. *Думи хуржун гап. Думи хуржун иш.* ■ *Бўрибой ўша одамларнинг номини тилга олгиси келмай, думи хуржунда қолди.* Ҳ. Назир, Ўтлар туташганда. *Гўшт топиришининг ҳам думи хуржунда.* «Муштум». **Думи қисиқ** Бирор айби бўлган, айб иш қилган, айбдор; бирор нарсадан ҳадиксировчи. *Мусофир итнинг думи қисиқ.* Мақол. ■ *Илғари ўғрининг думи қисиқ бўларди, эл олдида сазойи қилинарди.* С. Нуров, Нарвон.

**ДУМА** [р. дума – ўй, фикр < думать – ўйламоқ] тар. Ўтмиш чор Россиясида турли давлат муассасаларининг номи; ҳозирги Россияда эса қуйи палата номи. *Давлат думаси. Шаҳар думаси.* ■ *Улар ўша дума сайловидан кейин сизни кўргани кўзи йўқ.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДУМАК** шв. Жўхориюя илдизи. *Соҳира айвонга думак, яъни жўхориюя илдизини ташир эди.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

**ДУМАЛАМОҚ** с. т. Юмаламоқ. Кўзларимиз тўқнашди-ю, унинг лаблари титраб, қўзларидан икки томчи ёш думалаб кетди. «Саодат». *Қордан кичкина юмалоқ ясаб, думалата-думалата, ўз бўйларидан баланд, катта курра ясаганлар.* Ойбек, Танланган асарлар. *Олачипор тарвузлар, “устим кўмкўк бўлса ҳам, ичим қип-қизил”, деб думалашиб ётибди.* «Саодат».

**ДУМАЛОҚ** с. т. Юмалоқ. *Бу хотиннинг ёши элликдан ошган бўлиб, ўзи пакана, думалоқ.* С. Зуннунова, Янги директор. *Эсон бобо пайкални оралаб, думалоқ, сариқ, қо-*

*рамтир холи бор қовунни кўтариб чиқди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**ДУМАЛОҚЛАМОҚ** с. т. Юмалоқламоқ. *Асал буви дастурхонни думалоқлаб, қўлтиғига уриб олди.* Ҳ. Назир, Ёнар дарё.

**ДУМАЛОҚ-СУМАЛОҚ** жуфт с. Гавдалари турли тузилишда бўлган. *Ўқтам муаллимнинг думалоқ-сумалоқ, ёқимтой болалари билан “сув сепар” ўйнашди.* Ойбек, О.в. шабадалар.

**ДУМАХОНА** тар. Дума идораси, дума маҳкамаси. -Ҳали, - деди Ўрмон полвон, - Россияда подшоҳ йўқ, ҳукумат ишини думанохондан қўйилган Милюков билан Керенскийдай бир неча киши бажармоқда. С. Айний, Қуллар.

**ДУМБА** [ф. دمه , دنبه – орт, кет; думба, қуйруқ] 1 Қўйларнинг кет томонида сон билан бел ўртасида ўсган, асосан думалоқ шаклда кўринувчи ёғ қисми. *Семиз қўйнинг думбаси катта, Семиз одамнинг – суҳбати.* Мақол. ■ *Ёлғиз қўйни ҳайдам нуқул азоб. Бўйнидан сургайман – йўқ, думбасига арқон солиб тортаман – йўқ.* Ойбек, Танланган асарлар. *Раъно томорқада думбаси серкиллаган, жингалак юнгли кўзичоқларга майса юлиб бераётган эди.* Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар.

2 Қўй танасининг шундай қисмидан чиққан ёғ. *Думба тўграмоқ. Думба эритмоқ. Узоқдаги думбадан яқиндаги ўпка яхши.* Мақол. ■ *Қайнонанинг маслаҳати билан докага думба ўраб, чақалоқча сўрдиришди.* Мирмуҳсин, Жаҳолат панжаси. *Мамат қассоб.. оғринибгина ярим килодан ошиқ думбани тарозига ташлади.* «Ёшлик».

3 Одам танасининг сон билан бел ўртасидаги юмшоқ орқа қисми. *Кимдир скамейкага газета солиб ўтирган экан, думбасининг изи тушиб қопти.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатини.

**ДУМБАДОР** [ф. دمه دار – думбали, думбаси катта] Катта думбали. *Думбадор қўй.* ■ *Чўпон лорсиллаган, думбадор қўйларини сой тарафга ҳайдади.* «Газетадан».

**ДУМБА-ЖИГАР** Думба ёғи ва жигардан тайёрланган овқат ёки газак. *Заргаров, яқин бир ой бўлади, чоракам бир литр хушбўй винони думба-жигар билан ичгани асраб юрар эди.* А. Қаҳҳор, Ўжар. -*Думба-жигар билан кабоб олиб келдим, – деди Сайфи.* Б. Раҳмонов, Юрак сирлари.

**ДУМБАЛИ 1** Думбаси бор, катта думбали. Думбали қўй. ■ Шербекнинг вазифаси ҳам майин жулли, ҳам думбали дурагайлар урчиштишдан иборат. С. Анорбоев, Оқсой.

**2** айн. думбадор.

**3** Думба тўғраб солинган. Думбали сомса.

**ДУМБАЛОҚ:** думбалоқ ошмоқ айн. умбалоқ ошмоқ қ. умбалоқ. *Уртага қилтириқ бир бола чиқади ва ҳавода чир айланиб, думбалоқ ошиб сакраб, ҳаммага таъзим қилади.* Т. Обидов, Юсуфжон қизиқ. *Мовий осмонда сўфитўрғайлар.. думбалоқ ошар, гоҳ ерга тушиб, яшил майсаларда йўрғалаб ўйнар ва тинмай вижирлашар эди.* О. Ёқубов, Баҳор кунларидан бирида.

**ДУМБУЛ** [ф. думбл – тўлиқ пишмаган дон, дуккак] **1** Донли экинлар, меваларнинг таъм кириб қолган, лекин ҳали етилиб пишмаган ҳолати. *Ҳали думбул шафтоллларнинг шохлари ерда.* Ойбек, О.в.шабадалар. *Чол қуроқ дастурхон ёзиб, сопол тақсимчада думбул ўрикдан қўйди.* Т. Малик, Қадр.

**2** Ҳали қотмаган, сутми-қатиқ бўлиб қолган (дон ҳақида). *Думбул жўхори.* ■ *Бир танобча ерга жўхори экилса, думбул бўлмасдан тамом бўлар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Нусратбек йўл четидаги майда баргли гулларнинг япроғини титкилаб ўтаётганда, кунёбақор думбулининг ҳиди анқиди.* С. Нуоров, Майсаларни аёз урмайди. *Бошоқлар чайқалар, думбулроқ лекин, Думбул бошоқларда ҳали сут донлар..* Миртемир, Асарлар.

**3** кўчма Ақлсизроқ, тентакнамо, девонасифат. *Думбул одам.* ■ *Хўп, бу одамнинг бугун қўли узун. Эртага суроби тўғри бўлгач, бу думбул эркатой нима қилади? «Ёшлик». Ярамас, бизни ҳақорат қилди! «Думбулсан!» деди.* Мирмуҳсин, Меъмор.

**4** Ҳаёт тажрибаси бўлмаган; хом, гўр. *-Ўқишга ҳафсала қолмадими? -Ҳафсала-ку бор-а, – деди Холдор нималарнидир эслаб, – аммо ўйлаб қарасам, думбул эканман, пишгунимча шоширманг.* И. Раҳим, Зангори кема капитани. *Бу замоннинг думбул қизлари наридан-бери бир иш қилиб қўйишади-да, кейин оҳ уриб, чапак чалиб қолишади.* Мирмуҳсин, Умид. *Афсуски, айрим наشريёт ва редакцияларда ғоят масбулятли ишлар чаламулла, думбул муҳаррирлар қўлига топшириб қўйилган.* «Ёшлик».

**5** кўчма Мазмунан пишиқ-пухта эмас; хом; қиёмига етмаган. *Думбул асардан фази-*

*лат қидирадиган эстетик нўноқ танқидчилар фаолиятига чек қўйиш лозим.* Газетадан. *Шоирнинг “Севги сирлари” тўпламида қиёмига етмаган, думбул шеърлар учраб туради..* Газетадан.

**ДУМБУЛЛИК 1** Дон экинлари уругининг етилиши бошланадиган фаза, босқич, давр.

**2** Пишмаганлик, хомлик, гўрлик (мевалар ҳақида).

**3** кўчма Ҳаёт тажрибасига эга эмаслик, пишмаганлик, гўрлик. *Унинг ичида гап ётмайдиган, шалдир-шулдурлиги, думбуллиги Онахонга ёқди.* Мирмуҳсин, Умид.

**ДУМДОР** [ф. دمдор – думи бор, думли] **1** Думи бор; узун думли: *Равшанбек қараса, бир одам ёлдор, думдор бир жийрон отни йўрғасига солиб селкиллаб, ҳа деб йўрғала-тади.* «Равшан».

**2** кўчма Мужмал, нотайин; тагдор, сирли (гап ҳақида). *Думдор гап.* *Думдор қилиб гапирмоқ.* ■ *-Бир гап бўлар, деб думдор қилма, – дейди Патар, – хўп бўлади, деб айт.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДУМ-ДУМАЛОҚ** с. т. Юм-юмалоқ, ..амакимнинг қисик кўзлари йигирма тийинлик тангадай дум-думалоқ бўлиб кетди. С. Аҳмад, Сайланма. *Ёдгор ёноқ суяклари туртиб чиққан, кичкина, дум-думалоқ қорачиқли кўзлари ўйнаб турадиган бу йиғитни яхши танир эди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДУМКАШАК** [ф. دمهكش – думидан тортувчи; ортидан борувчи] шв. Орқадан эргашиб юрадиган.

**ДУМЛИ 1** Думи бор. *Узун думли от.* *Думли қўйлар.* ■ *Сэр телевизор вишқасига анқайиб қолганда, сичқон думли, рапидасимон бететқасини шабада учуриб кетди, кўнги хираланди.* «Муштум».

**Думли юлдуз** с. т. айн. комета.

**2** кўчма Ўқишдан қарздор, қолоқ. *У [Карима] раҳбарлик қилган синфда биронта ҳам “думли” ўқувчи қолмади.*

**ДУММА-ДУМ 1** Орқама-орқа, орқама-кейин, орқасидан қолмай, товонма-товон. *Милиционер йўлни очиб юборди. Қутиб қолган машиналар думма-дум ўта бошлади.* М. Исмоилий, Бизнинг роман. *У [Қудрат] думма-дум Сорокиннинг кетидан эмаклаб борарди.* **3.** Фатхуллин, Сўнмас юлдуз.

**2** кўчма Пешма-пеш, пайдар-пай, орқама-кетин. *..колхознинг уч-тўрт машинаси*

Асакадан шағал.. хом ғиштни думма-дум таший бошлади. «Муштум».

**ДУМОҚ, думоғ** айн. **ДИМОҒ**. Бўронбек уйга кириши билан думоғига атир ҳиди урибди. Ҳ. Фулом, Машғал.

**ДУМПАРАСТ** [ф. *دېمپرست* – думини ёқтирувчи; парваришловчи] Чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар (пашша-хўрлар) оиласига мансуб, катталиги чумчуқдек, эркагининг иккита дум пати жуда узун қуш.

**ДУМСИМОН** Шақли думга ўхшаган; дум сифатли. Орқасида думсимон нимадир ерга судралиб келяпти. Э. Аъзамов, Жавоб. Бундай думсимон нуллар Шарқий Африкада яшаган аҳоли ўртасида ишлатилган. «Фан ва турмуш».

**ДУМЧА I** Дум 1-4 с. кичр. шақли. Наби полвон қиздирилган тамғанинг думчасидан омбир билан қисиб туриб, уни Некқадамнинг билагига босди. С. Айний, Куллар.

**ДУМЧА II** шв. Дастасиз, хумчасимон кичкина идиш. Кўзани чигирнинг думчаларига тутиб тўлатди ва қизга узатди. Ойдин, Гулсанам.

**ДУМҒАЗА I** Қушларнинг дум патлари ўсиб чиқадиган бўғим-бўғим суяги.

2 Одам ва ҳайвонларнинг умуртқа охиридаги бўғим-бўғим думчага ўхшаш суяги. Кўёнинг думгаза умуртқалари бир-бири билан қўшилиб кетиб, битта, яхлит суяк – думгаза ҳосил қилади. «Зоология».

3 Қўйнинг шундай суягига ёпишган ёр ва гўшти. Думгаза шўрва.

**ДУНҒАНЛАР** этн. Марказий Осиёда, асосан Қозоғистон, Қирғизистон, қисман Ўзбекистонда яшайдиган халқ. Ўлкада.. қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар, тожиклар, мўғуллар, дунганлар.. яшарди. А. Ҳакимов, Илон изидан.

**ДУНЁ I** [a. دنيا – жаҳон, олам] 1 Бутун борлиқ; коинот, олам. Боғ кўрки – бодом, Дунё кўрки – одам. Мақол. Тил кичик бўлса ҳам, дунёни бузади. Мақол. ■ Дунёда онадан азиз, онадан мўътабар инсон йўқ. Газетадан. Дунёда энг даҳшатли нарса – ёлғизлик. Т. Ашуров, Оқ от.

2 Борлиқнинг, мавжудотнинг айрим бўлаклари йиғиндиси, тўплами. Юлдузлар дунёси.

3 Жонли табиатнинг айрим қисмлари, улар яшайдиган муҳит. Ҳайвонот дунёси.

Ўсимликлар дунёси. ■ Табиатни муҳофаза қилиш, жумладан, ҳайвонот дунёсини сақлаш.. ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга. Газетадан. Дарҳақиқат, булар [илонлар] газандалар дунёсининг турқи энг совуқ, заҳари энг ўткир вакиллари ҳисобланади. «Фан ва турмуш». Кариб денгизда жойлашган Ямайка ороли наботот дунёсининг бойлиги ва ранг-баранглиги билан машҳурдир. «Фан ва турмуш».

4 Ижтимоий ҳаёт ёки турмушда юз берган (мавжуд бўлган) ҳолатга нисбатан, унга қарама-қарши бўлган бошқа бир ҳолат. Шу йўсин қизлар ўзларининг бир ўртоқларини хотинлик дунёсига узатиб, мажлисдан тарқалишдилар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.

5 Атрофимизни ўраб турган бутун мавжудот; атроф муҳит. Тўра – тор дунё, кенга – кенг дунё. Мақол. ■ [Отабек] Туш кўрар эди: Дунёни қоронғилик босган эмиш. А. Қодирий, Ўтган кунлар. Кўзим очдинг, мен дунёни кенг кўрдим, Ўзимни ҳам одамларга тенг кўрдим. Ҳ. Олимжон, Асарлар.

6 Ер юзи ва ундаги барча одамлар, инсоният. Ўзбек пахтакорининг доврўғи дунёга таралди. ■ Бутун дунё сени олқишлар. У. Исмоилов, Сайланма.

7 Ер юзи, ундаги барча қитъалар, мамлакатлар. [Ҳайдар ота:] Агар биров менга “қолган умрингни дунёни саёҳат қилиб ўтказасанми?” деса, ҳеч ўйлаб ўтирмасдан, шу супани бера қол, дер эдим. А. Қаҳҳор, Асрор бобо. Агар дунёнинг нариги бурчагига сизни опичлаб боришга тўғри келсайди, мен севина-севина бажарардим. Ойбек, Танланган асарлар. ..дунё аҳолисининг тенг ярми гуруч билан тирикчилик қилади. К. Маҳмудов, Қизикарли пазандачилик.

8 Ҳаёт, тириклик. Бу дунё ўтар-кетар, юзи қоралик қолар. Мақол. ■ Дунёнинг ишлари шунақа экан, дўстим. К. Яшин, Ҳамза. Ким дунёдан тоқ ўтибдики, сиз ўтасиз? С. Аҳмад, Уфқ. Дунё қизиқ экан. Қачон қарасангиз, етдим деганда қоқиласиз. Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**Бевафо дунё** ёки дунёни бевафо Ҳеч ким раҳм қилмайдиган, охири ўлим билан тугайдиган, беқарор ҳаёт. Пушти паноҳимиздан айрилганимиз ростми? Оҳ, бевафо дунё! П. Қодиров, Юлдузли тунлар. Бу бевафо дунёда истак ва заруратдан ташқари кўнгли деган нарса ҳам бор экан. М. Исмоилий,

Фаргона т.о. *Эй дунёйи бевафо! Онангдан айрилибсан, жиян!* Ойбек, Танланган асарлар. **Беш кунлик дунё** Ўткинчи ҳаёт, қисқа умр. *Умр қисқа, беш кунлик дунёда завқ суриш ғанимат.* Ойбек, Танланган асарлар. *Беш кунлик дунёнинг лойқа сувини нима қиласан, жаннатдаги ҳавзи кавсарни ўйла, аблаҳ!* Ойбек, Танланган асарлар. **Бу дунё** Диний тасаввурларда ердаги мавжуд, яшаб турилган дунё (нариги дунё, охиратга нисбатан). *Ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз.* Ж. Шарипов, Хоразм. *Унинг васлига етган йигитнинг армони бўлмаса керак бу дунёда!* К. Яшин, Ҳамза. **Дунёга келмоқ** Туғилмоқ. *Бу бош дунёга келиб, нималарни кўрмади-а?* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Моҳирабонудан икки ўғил ва икки қиз дунёга келиб, тўнғичи — Азизбек.. тўртинчиси бизнинг Зайнаб эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунёдан ўтмоқ** (ёки **кетмоқ**) Ўлмоқ, вафот этмоқ. *-Тархон жаноблари дунёдан ўтибдилар, — деди сардор ёнидаги отлиққа.* Мирмуҳсин, Меъмор. *Тақдир орамизга жудолик савдосини соладиган бўлса, Иқбол дунёдан кетди, деб қўя қолинг.* Н. Сафаров, Танланган асарлар. *Полопон вақтингиздаёқ ёруғ дунёдан кетдингиз.* Мирмуҳсин, Меъмор. **Дунё илми** Дунёвий илм, реал илмий мушоҳада. *Камина охират илмига, сиз дунё илмига моҳирсиз.* А. Қодирий, Кичик асарлар. **Дунёйи кўтир** ёки **кўтир дунё** Ҳар хил ҳодисалар, саргуштирлар (яхшилиқ, ёмонлик, мўлчилик, камчилик ва ш.к.)га тўлиқ бўлган олам. *Бу кўтир дунёда шунақа одамхўрлар борлигига ҳеч ақлим етмайди.* М. Исмоилий, Фаргона т.о. **Дунёни танимоқ** Ҳаёт тарзидан, турмуш сирларидан бохабар бўлмоқ; билим олмоқ. *Ўқитувчи дунёни танитади, оламни чинакамига тушунтиради.* «Фан ва турмуш». **Дунё юзини кўрмоқ** айн. **дунёга келмоқ.** *Сен дунё юзини кўриб, чақалоқ овозинг жеранглаган кун содда қишлоқ хотинлари билан уйимизда кичкина бир тўй ясар эдик.* Ойбек, Танланган асарлар. **Ёлгон дунё** Нариги дунё (охират)га нисбатан сохта, алдамчи, ўткинчи ҳаёт. *Аслини сўрасангиз, ҳаммамиз бу ёлгон дунёга меҳмонмиз.* К. Яшин, Ҳамза. *Бу ёлгон дунёда қанча от суриб, нечоғлик жавлон урганимиз билан бир кун борар еримиз шул тунроқ экан, ҳайҳот!* С. Сиеёв, Ёруғлик. **Ёруғ дунё** Ер юзи, тириклик олами; рўшнолик. *Бу ёруғ дунёга нима учун келдик?* Ҳамза, Асарлар. *Биз ёруғ*

*дунёни кўриш учун туғилганмиз, Турғуной!* А. Қаҳҳор, Асарлар. **Икки дунё айн. у дунё-бу дунё.** *Ўзи жуда ақлли-да устозимиз, бунақанги ақлли одамни икки дунёда ҳам тополмайсиз.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлақати. *Ундай келин энди икки дунёда ҳам бу жаҳонга келмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Мен икки дунёда рози эмасман.* С. Аҳмад, Юлдуз. *Жон биродар, худо хайрингни берсин, бу яхши-лигингни икки дунёда унутмасман.* С. Сиеёв, Ёруғлик. **Мири (бири) кам дунё** Нимадир етишмайдиган, нимадир кам бўлган ҳаёт, турмуш. *Боболар: “Дунёники мири кам икки!” деганлар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Бири кам дунё.* Т. Ашуров, Оқ от. *“Бир кам дунё” эмас бизнинг бу дунё: Барча ҳужайраси тугал бир олам.* Б. Бойқобилов, Мени кутинг, юлдузлар. **У дунё-бу дунё** 1) ҳар икки дунё, ҳозирги мавжуд дунё ва нариги — илоҳий дунё. *[Волидамиз:] -У дунё-бу дунё мени рози қилман десанг, шу хотинни рози қил! — дедилар.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Кимда-ким бировга қўл бериб, ихлос қўйса, у дунё-бу дунё хор бўлмайди.* «Муштум»; 2) асло, сира ҳам, ҳеч қачон. *Вася Тюминга: -Хайр энди, ука, бу қилган яхшилигинг у дунёю бу дунё эсимдан чиқмайди, — дедим.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. *Сартарош у дунё-бу дунё хор бўлмайди.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Бордию, турмуш қурадиган бўлсанг, у дунё-бу дунё сендан рози эмасман.* С. Кароматов, Олтин қум. **У (ёки нариги) дунё** Диний тасаввурларда кишилар ўлгач, унда абадий яшайдиган, илоҳий, охират дунё (бу, яшаб турилган дунёга нисбатан). *У дунёда шунча нарса бўлса ҳам, ҳеч ким бу дунёдан кеткиси келмайди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Бир-икки куннинг ичида кўзларни ич-ичига тушиб, нариги дунёга равона бўлди.* А. Қодирий, Фирвонлик Маллавоӣ. **Фоний дунё** Ўткинчи, омонат ҳаёт, тез ўтиб кетадиган умр. *Уста гўр ва жаҳаннам азобини фоний дунёда бир мартаба бўйнига олиб қўйгани учун унча тап тортмади.* А. Қаҳҳор, Асарлар. *Хўш, сиз бу фоний дунё лаззатидан кечган.. тарки дунё қилган пири муридлардан бири экансиз..* К. Яшин, Ҳамза. **Қайтиб келмас дунё айн. у дунё.** *Ўзбек ойим бўлса, эски гина ва адоватларни қайтиб келмас дунёсига жўнатди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Ўтар (ёки ўладиган) дунё айн. фоний дунё** Қани, айт, бу ўтар дунё зебу зийнатлари, бу мазордаги омбор-

ларда ётган ҳисобсиз байтулмоллар фақат сенга керакми? К. Яшин, Ҳамза. *Фармон, кел, ўладиган дунёда бир отамлашайлик.* У. Исмоилов, Сайланма.

9 кўчма Кишининг маънавий, руҳий олами, ҳаёти. *Сеҳрлар дунёси. Руҳий дунё. Хаёллар дунёси. Маънавий дунё. Тафаккур дунёси.* ■ *Шербекнинг дунёси бўм-бўш, хувиллаб қолгандек туюлди. Нигорасиз турмушида ҳаловат бўлармиди!* С. Анорбоев, Оксўй. *Сўнагул ўз дунёси билан банд эди.* А. Муҳтор, Давр менинг тақдиримда. *Аллаларда онанинг руҳий дунёси, фарзанда бўлган муҳаббати, орзу-ўйлари акс этади.* «Саодат». *Шу биргина сўз унинг [Мадумарнинг] бутун ички ва ташқи дунёсини ўзида акс эттирган эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Хаёллар дунёси кенг, ўткир фикрли бу ҳассос қиз берилиб, кичик-кичик ҳикоялар ёзар эди.* Ойбек, Нур қидириб.

10 Маълум бир илм-фан, касб-ҳунар, ижтимоий ҳолиса соҳаси. *Адабиёт дунёси. Одабийлик дунёси. Таълим-тарбия дунёси.* ■ *Адабиёт дунёсида икки турли танқид бор: жиддий танқид ва ҳажвий танқид.* А. Қодирий, Кичик асарлар.

11 Маълум бир ижтимоий тузумга, ўзига хос маданий ва ижтимоий-тарихий хусусиятларга эга бўлган омиллар билан бирлашган кишилик жамияти ва у мавжуд бўлган давр. *Қадимги дунё. Капитализм дунёси. Цивилизация дунёси.*

**Бир дунё** Жуда кўп, беҳисоб, беадад, жуда катта. -Оҳ, *дадажон, мен шўрли қариган чоғингизда сизга бир дунё ташвиш бўлдим, — деди Эъзозхон.* Ҳ. Ғуллом, Машғал. *Ғалаба! Олти ҳарфдан иборат бу сўзда бир дунё қайғу, қувонч ва маъно бор!* Н. Сафаров, Оловли излар. *Ҳовлига чиқдим. Мени бир дунё юмуш кутиб турган эди.* С. Сиёев, Ёруғлик. **Дунёга устун бўлармидинг** “Умр қисқа, абадий яшармидинг” деган маънони ифодалайдиган ибора. **Дунёдан тоқ ўтмоқ** Турмуш қурмасдан, ёлғиз яшамоқ, сўққабош бўлмоқ. *На хотин, на бола-чақа бор.* **Дунёдан тоқ ўтдик** ҳисоб. Ойбек, Танланган асарлар. *Энди эр деган шу бўлибдимиз? Бундан кўра дунёдан тоқ ўтган яхшироқ, ёлғиз юрган тинчроқдир.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунёдан чироқчисиз бормоқ** (ёки **ўтмоқ**) Фарзандсиз ўтмоқ, бефарзанд қолмоқ. *Ёшим олтмиш тўртга етди, ўғлим-қизим бўлмади..*

**Дунёдан чироқчисиз бораман.** А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунё кўзига қоронғи бўлмоқ** (ёки **кўринмоқ**) Ниҳоятда ғамга ботмоқ, юраги сиқилмоқ; ўта руҳий тушкунликка тушмоқ. *Талғат биринчи курсданоқ Ҳамида деган қизни севиб қолган, шу қиз бўлмаса, дунё кўзига қоронғи, бемаъни кўришиб кетарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбинга қулоқ сол. **Дунё кўрган** Турмуш тажрибаларига эга, ҳаётнинг борди-келдисини кўрган. *Биродари киром, сиз дунё кўрган бир кишисиз.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. **Дунёни сув босса, тўпигидан келмайди** (ёки **тўпигига чиқмайди**) Беғам, парвойи фалак, ҳеч нарсадан ташвиши йўқ киши ҳақида. *Бу одамлар тўрт ишкали бут, дунёни сув босса, тўпигига чиқмайдиган.. кишилардай бамайлихотир, ҳузур қилиб кулишарди.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари. **Дунёни таниган ёки дунёдан хабардор** Кўпни кўрган, кўп биладиган, билимли. **Дунё тургунча туринг** (ёки **турсинлар**) Узоқ умр кўринг. *Дунё тургунча туринг, асти ғам кўрманг.* К. Яшин, Ҳамза. **Икки дунё бир қадам** Писанд эмас, ҳеч гап эмас (кўпинча масофа ҳақида). *Саёқ учун икки дунё бир қадам.* Ойбек, Танланган асарлар. **Икки дунёда** Сира ҳам, асло, ҳеч. -*Мен у билан икки дунёда чиқиша олмайман, — деди Тожибой.* П. Турсун, Ўқитувчи. **Тарки дунё қилмоқ** Ҳаёт лаззатларидан воз кечмоқ. *Асли ўзим тарки дунё қилганман.* «Ўзбек халқ достонлари».

**ДУНЁ II** [a. دنیا — жаҳон, олам] Бойлик, давлат. *Дунёнинг кераклигини бозорда билдим, Охиратнинг кераклигини — мазорда.* Мақол. ■ *Мунира худди Аҳмаднинг ўзига ўхшарди, уни молу дунё, бойлик қизиқтирмасди.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Унинг бирдан-бир дунёси, умид-орзуси, кўзларининг оқу қораси болалари эди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДУНЁВИЙ** [a. دنیاوی — бутун жаҳонга, реал ҳаётга оид] Реал, моддий дунёга, ҳаётга оид, ҳаётгий. *Дунёвий ишлар.* ■ *Бобур.. кўпроқ дунёвий ишлар билан банд бўлди, ўз шеърларида дунёвий муҳаббат, инсоний фазилатлар, реал маҳбубанинг гўзаллигини улуғлади.* «ЎТА». *Онам диний ва дунёвий китобларни ўқиган саводли, ниҳоятда сабрли, одамларга меҳрибон аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Қуръоннинг ҳеч қаерида дунёвий илмларни эгаллаш керак эмас, деган гап йўқ.* «Фан ва турмуш».

**ДУНЁДОР** [a.+ф. دنيادار — мол-дунё эгаси] Мол-мулки, бойлиги кўп, бадавлат. *Баъзи серпул, дунёдор кўнас бойлар узоқ юртларга ўз гумашталарини юбориб, ўзлари кайф-сафо билан машғул бўлар эди.* М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари.

**ДУНЁ-ДУНЁ** Жуда кўп, беҳад, ҳисобсиз, беадал. *Сизга биздан дунё-дунё салом. Дунё-дунё умидлар.* ■ *Хотиралар.. Бу бир оғиз сўз ўз ичига дунё-дунё воқеаларни сиғдира олади.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**ДУНЁЛАРЧА** *рвш.* Бениҳоят кўп, сон-саноқсиз; буюк, юксак. *Албатта, Юсуфбек ҳожига бу ваъдаларнинг ҳеч аҳамияти йўқ, фақат у ўғлининг соғлиғини билса.. — унинг учун дунёларча мартаба ва ҳурмат эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДУНЁЛИК** Бойликлар йиғиндиси, хазина. *Олиб боринг буни газнахонага, дунёликдан бунинг кўзин тўйгазинг.* «Юсуф ва Аҳмад».

**ДУНЁПАРАСТ** [a.+ф. دنياپارست — бойликка ҳирс кўйган] Бойликни, мол-мулкни жуда ҳам яхши кўрадиган, бойлик йиғишга ўч; молпараст. *Дунёпараст одам.* ■ *..дунёпараст ва шўҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДУНЁҚАРАШ** Табиат ва жамиятга, уларнинг айрим воқеа-ҳодисаларига бўлган илмий, мафкуравий, маънавий, илоҳий қарашлар тизими. *Ҳар қандай одамнинг ҳам ўзига хос хулқ-атвори, эътиқоди, дунёқараши бўлади.* Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Навоий ижодиди ишқ масаласи шоир дунёқараш, унинг инсон ва ахлоқ ҳақидаги тағлимининг таркибий қисмидир.* «ЎТА».

**ДУО** [a. دعا — илтижо, қақириви, даъват] **1 дин.** Худога ёлвориб, унга илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун яхши, эзгу тилак тилаш. *Кўпчиликнинг дуоси кўл бўлур.* Мақол. ■ *Дуо қилинг, бўлсин менинг фарзандим.* «Эрали ва Шерали». *-Худоё худовандо, қизларимни ўз паноҳингда асрагин! — деб дуо қилди.* Ҳ. Фулом, Машғал. *Тўрт мулла чўкка тушиб олиб.. мен билмаган дуоларни ўқиб.. дам солишяпти.* Х. Тўхтабоев, Ширин қовунлар мамлакатаи. *Бувим хавотирга тушиб, дуо ўқидилар.* «Саодат». *Уч тоифа кишилар бордирки, уларнинг қилган дуоларини Тангри ижобат қилмайди.* «Ҳадис»дан.

**Дуойи бад ёки бад дуо** Кимсага ёмонлик тилаб қилинган дуо, қарғиш. *Девонаи дарवेश дуойи бад қилиб, юзига фотиҳа тортибдию, жўнаб қолибди.* С. Анорбоев, Оқсой. *Бермасанг, дуойи бад қилиб, ишингни хур-жунлаштираман.* К. Яшин, Ҳамза. *Нега кўзингни лўқ қилиб, серрайиб турибсан? У шаккокни дуойи бад қил, дуойи бад!* К. Яшин, Ҳамза. **Дуойи жон** Кимсага умр ва яхшилик тилаб қилинган дуо. *Топганимни халтага [ёндафтарга] жамлаб, дуойи жонларини қилиб юрибман.* К. Қаҳҳарова, Чорак аср ҳамнафас. *Мени бу ердан чиқариб юборсангиз, ўла-ўлгунча дуойи жонингизни қилар эдим.* К. Яшин, Ҳамза. **Дуойи хайр** Кимсага яхшилик тилаб қилинган дуо. *Онанинг йигитга дуойи хайри, Эрини кузатган гўзал лабидан.* М. Шайхзода, Чорак аср девони.

**2 дин.** Фотиҳада ўқиладиган қуръон сураси. *Дуойи фотиҳадан кейин ҳаммалари ўринларидан туриб, йўл ҳозирлигини кўра бошладилар.* М. Осим, Ибн Сино қиссаси. *Домла Ниёз Анвар тарафидан дуога кўл очди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Шундан сўнг иккинчи хутба ўқилиб, дуойи фотиҳа қилинди.* «Муштум».

**3** Кишининг соғлиги, ўлими, бахтсизлигига сабабчи деб ҳисобланувчи турли ёвуз кучлар, инс-жинсларни қайтариш, кимсани кимсага иситиш ва ш. к. учун азайимхонлар, дуохонлар томонидан ўқиладиган ёки тумор ва ш. к. га ёзиб бериладиган матн, хат. *Ўзбек ойимнинг мияси айнадим ёки.. сеҳрчи ҳиндунинг дуоси асар қилдими, ҳар нучук, уч йиллик адоватлар ва гина-кудуратлар барчаси ҳам аллақаяёққа қараб учиб кетдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуойим билан тўққиз ой деганда фарзанд кўрадилар.* К. Яшин, Ҳамза.

**4** Умуман кишилар бир-бирларига тилайдиган яхшиликлар; яхши ниятлар. *Олтин олма, дуо ол, Дуо олтин эмасми.* Мақол. *Меҳнат билан ер кўқарар, Дуо билан — эл.* Мақол. ■ *Энасидан дуо олди.* «Нурали». *Элга хизмат қилиб, болам, дуо ол.* «Маликаи айёр». *У кўп одамларнинг тўйида хизмат қилган, юртнинг дуосини олган киши.* С. Аҳмад, Сайланма.

**Дуо демоқ (ёки айтмоқ)** Салом демоқ, салом айтиб қўймоқ. *-Худога шукур, тинчлик,*



азаматлар зўр бериб ишлаб ётибди, дуо дейишди, — деди Алим бува. М. Исмоилий, Фаргона т.о. *Нормат аканга дуо деб кўй, қизим. И. Раҳим, Чин муҳаббат. Қудрат акам дуо деб юбордилар. М. Исмоилий, Фаргона т.о. Дуода бўлмоқ* Кимсага доимо яхши тилаклар тилаб ўтирмоқ. *Шоду хуррам бўлиб, уйнаб кул энди, Хафа бўлмай, сен дуода бўл энди. «Маликаи айёр». Дуойи салом* Салом ва яхши тилаклар ёзилган хат, мактуб. *Ўғлингиз сизга бир дуойи салом юборган эди. ■ -Боласи тушкур, — деди кулиб Норбобо, — дуойи салом ёзишга нўноқроқ экан, неча бор ёзиб, неча бор ўчириб ташлади! Ойдин, Ҳикоялар. Мирзо аризалар ва ўқишга кетган фарзандларга дуойи саломлар ёзиш билан кун ўтказга берди. А. Қаҳҳор, Асарлар. Холмат акаларга кўндан-кўн дуойи саломимизни etkazинг. О. Ёқубов, Эр бошига иш тушса.*

**ДУОГУЙ** [а. + ф. دعاگوۋى — дуо қилувчи, хайрихоҳ] 1 Дуо қилувчи, дуо ўқувчи; бирор тилак билан худого ёлворувчи. *Утирганлар даст туриб, хон дуогўйига қуллуқ қиладилар. С. Сиёев, Аваз.*

2 *кўчма* Кимсага яхшиликлар тиловчи; меҳрибон. *Сен бўлгайсан дуогўйим, Жоним эна, хуш қол энди. «Муродхон». Афтидан, кампирим қазо қилганга ўхшайди. Дуогўйимдан айрилдим, элат! Ойбек, Куюш қораймас.*

3 Дуолар ўкиб ёки ёзиб, гўё инс-жинсларни қайтарувчи, шу йўл билан касалларни даволовчи шахс.

4 Иссиқ-совуқчи, азайимхон. *-Мен шу вақтгача дуогўйдан ҳеч шифо топмаганман.. — деди Қаландар деган банди. С. Айний, Дохунда.*

**ДУОТАЛАБ** [а. دعاطلب — дуо изловчи, дуога муҳтож] Дуо ёзиб беришни илтимос қилганлар, дуога муҳтожлар. *Шайх дуоталаб икки аёлга тумор ёзиб бераётган эди. С. Сиёев, Ёруғлик.*

**ДУОХОН** [а. + ф. دعاخوان — яхши тилак тиловчи] *айн. дуогўйи* 4. *Болани кўрсатмаган.. дуохон, азайимхон, қасидахон.. қолмади. «Олтин олма». Кўҳна аркнинг ичкари, ташқариси дуохонлар, кўчириқчилар, ромчилар, азайимхонлар, қаландару мунажжимлар билан тўла. С. Сиёев, Аваз.*

**ДУОХОНЛИК** Дуо ўқиш, дам солиш билан шуғулланишлик. *Зероки дуохонликдаги шухратим халойиққа унча ошкора эрмасдур. А. Қодирий, Кичик асарлар. У фол очар,*

*дуохонлик, табиблик қиларди. Газетадан. Менинг дуохонлик, фирибгарлик, чайқовчилик каби.. хунарлардан ҳам хабарим бор. «Муштум».*

**ДУП** *тақл. с. Бирор нарсанинг ерга ёки ичи пўк нарсага урилишидан чиқадиган товушга тақлид. Бир нарса дуп этди. Дуп этган овоз эшитилди. ■ Қўлдошбой.. қопни бир силтагани, унинг ичидан қоп-қора думалоқ нарса пўстакнинг устига дуп этиб тушди. «Ёшлик».*

**ДУП-ДУП** *Дуп с. такр. Ойша хола зарда билан дуп-дуп юриб бораркан, бирдан эшик олдида турган, икки кўзи тўла.. қизил жун хуржунни кўрди. Ш. Тошматов, Эрк қуши.*

**ДУПОЯ I** [ф. دوپايه — икки оёқли] Ямоқчи усталарнинг учи қайрилган темир асбоби.

**ДУПОЯ II** Мискарлик, нақшгарликда ишлатиладиган сандоннинг узун, думли тури.

**ДУППА-ДУРУСТ** Яхшигина, бинойидек. *Дуппа-дуруст дўппи. Дуппа-дуруст ёзаяпти. ■ Мен шу машинада дуппа-дуруст пахта териб берган механик-ҳайдовчиларни биламан. Н. Сафаров, Узоқни кўзлаган қиз.*

**ДУПУР** *тақл.с. Дупурлаган товуш ҳақида. От тугининг қаттиқ дупури тун осудалигини бузди. Н. Фозилов, Дийдор. От дупурини эшитиб, хонақоҳидан Зоҳир шайх чиқди. С. Сиёев, Аваз. Яқин орадан от пишқиргани, тугёк дупури эшитилди. К. Яшин, Ҳамза. Икки қулоғим чипта битди, ҳамма ёқни дупур тутди. «Юсуф ва Аҳмад».*

**ДУПУР-ДУПУР** *Дупур с. такр. ..дарвозахона йўлагида дупур-дупур оёқ саслари эшитилди. С. Нуров, Нарвон. Шу вақт икки отлик дупур-дупур қилиб келиб, Пирназар аканинг эшиги олдида тўхтади. Ж. Шарипов, Хоразм. Дам олишга команда берилгач, юздан ортиқ жангчи беш-ўн минут дупур-дупур қилиб, ювиниб, чекиб олди. Ҳ. Олимжонов, Тақдир тақозоси.*

**ДУПУРЛАМОҚ** «Дупур-дупур» овоз бермоқ; дукурламоқ. *Дупурлаб юрмоқ. Юрагим дупурлаб ураяпти. ■ Ташқарида от дупурлади. С. Сиёев, Аваз. Пол бирдан дупурлади. С. Нуров, Нарвон.*

**ДУР** [а. دُر — марварид, инжу] 1 Инжунинг, гавҳарнинг йирик тури. *Доно — дурдан аъло. Мақол. Гул тикансиз бўлмас, Дур — садафеиз. Мақол. ■ Аслида Аҳмад ёқут нима, дур, бриллиант, марварид нима, унча-*

лик фарқига бормас эди. Ф. Мусажонов, Ҳиммат. *Дудоғу билакларида, қулоғу бармоқларида дурру гавҳарлар, олтин безаклар йилтиллаб, бир жаҳон бўлиб, уйқу оғушида ётибди.* Мирмуҳсин, Умид.

2 кўчма Бебаҳо ёки энг яхши, аъло, сара нарсалар ҳақида. *Яхшилик шундай дурру гавҳарки, унинг баҳоси ҳеч қачон камаймайди.* Газетадан. *Ҳар сўзи ширин-шакар дур қизлар.* «Муштум».

3 кўчма поэт. Қимматли, сермазмун, чуқур маъноли сўз ёки шеър ҳақида. *Мен.. Навоий "Ҳамса"сининг сарғиш саҳифаларига қараб олиб йиғлардим, кўз ёшларим тўкилиб, Навоий терган дурларга қоришарди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. *Қиз сўзласа, оғзидан Дур сочилар, ёр-ёр.* «Кўшиқлар». *Ҳангомада оғзидан дур сочибди.* «Юсуф ва Аҳмад».

4 кўчма Ёруғлик, ёғду. *Қуёш сепар нурларин, Ерга заррин дурларин.* З. Диёр, Асарлар.

5 кўчма Мева, самара, ҳосил; натижа. *Отам ҳамиша: "Тажриба дуруни саралаб тер", – дердилар.* «Ўзбекистон кўриқлари». *Бағринга дур сочди олтин пахтазор!* Г. Жўраева, Иқбол. *Гул очилиб сўлгунча, Қурти ўради ипак.* *Халқ этаги тўлгунча Дур тўкар этак-этак.* Зулфия, Юрагимга яқин кишилар.

6 кўчма Бойлик, давлат; кут-барака. *Тер тўксанг, дур оласан.* Мақол. ■ *Ерга чигит тушиди – дур тушиди дейишади.* Газетадан. *Тер тўкилди – дур етиштирилди.* Газетадан.

7 кўчма Сув ва унга ўхшаш товланувчан нарсалар (томчи, шудринг, қор учкунлари). *Рўпарамда сонсиз фонтанлар, Қулоғидан дур ёғилади.* Х. Салоҳ, Чашма. *Кечаси тушган шудрингга чўмилган кўм-кўк майсалар худди дур тўккандек чарақлаб, қуёш билан ўпишиб товланади.* О. Ёкубов, Ота изидан.

**ДУРАГАЙ** [ф. دورگه – икки қонли, аралаш қонли; гибрид] Ирсий белгилари жиҳатидан ўзаро фарқланувчи икки ёки ундан ортиқ организмни чатиштириш, дурагайлаш йўли билан олинган насл; чатишма, гибрид (ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида). *Дурагай қўй.* *Дурагай олма.* *Дурагай уруғ.* ■ *Шербек дурагай қўзининг орқа томонидан сездирмасдан борди-да, маҳкам ушлади.* С. Анорбоев, Оқсой. *Олимларни редиска ва карам ёки карам ва шолғом дурагайлари қизиқтириб қолгани бежиз эмас.* «Фан ва турмуш».

**ДУРАГАЙЛАМОҚ** Ирсий белгилари, зоти, тури бошқа-бошқа икки хил ҳайвон ёки икки хил ўсимликни бир-бирига чатиштирмоқ, шу йўл билан улардан янги бир насл, насл етиштирмоқ. *..дурагайлаш усули кўп меҳнат ва вақт талаб қилади.* Н. Назиров, Атом-селекционер.

**ДУРАДГОР** [ф. درودگر – ёғочга ишлов берувчи, нажжор] Ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюмлар ясовчи ҳунарманд, уста. *Ромсоз дурадгор. Сандиқсоз дурадгор.* ■ *Ҳар куни дурадгор устанинг уйдан қонда қипиқ олиб келиб, [молинге] таъига тўшайман.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Гавдаси худди дурадгор рандалаган тахтага ўхшаш сип-силлиқ.* С. Аҳмад, Сайланма.

**ДУРАДГОРЛИК 1** Дурадгор касби; ёғочсозлик ҳунари. *Дурадгорлик ишлари.* *Дурадгорлик асбоблари.* ■ *Акам дурадгорлик, яъни тоқиччилик ҳунарига ўргата бошлади.* А. Қодирий, Кичик асарлар. *Бодомнинг ёғочи дурадгорлик ва ускунасозлик учун яхши материал ҳисобланади.* М. Набиев, Бодом. *Эшик, дераза, пол, тўсин керакми? Демак, дурадгорлик устахонаси керак.* Н. Сафаров, Оловли излар.

2 Дурадгорлар ишлайдиган жой, устахона; дурадгорлар растаси.

**ДУРАДГОРЧИЛИК** с.т. Дурадгорлик. [Флагман кемада] *Иккита механик устахона, темирчилик, дурадгорчилик устахоналари бор.* «Ёшлик».

**ДУРАЛЮМИН** айн. дюралюминий. *Дуралюмин идиш.*

**ДУРАНГ I** [ф. دورنگ – икки рангли; иккиюзлама] Шахмат, шашка, футбол, карта ва ш. к. ўйинларда икки томон кучи тенг келиб, ўйиннинг ҳар иккала томоннинг ғалабасисиз тугалланиши. *Ўйин дуранг бўлди.* ■ *У кутилмасанда асп билан шоҳ берди, мен ўйинни дуранг билан тугатишга мажбур бўлдим.* Н. Ёкубов, Хаёлимадаги қиз. *Шу аҳволда томонлар дурангга рози бўлишди.* Газетадан.

**ДУРАНГ II** [ф. دورنگ – икки рангли] Маҳси ёки этикнинг чокига кўпинча икки хил рангли ип ёки ипак билан тикилган гулли ҳошия, уқа. *Ҳаккам дуранг этик, Олифта, сатанг, тетик, Яғрин ташлаб, ҳайқириб, ўтганларга кўрсатиб.* Ф. Фулом.

**ДУРАФШОН** [ф. درافشان – марварид-дур сочувчи] поэт. *Дурдек ялтираб турадиган.*

*Ўрта Осиёнинг қайрилма қоши: Бири — Амударё, бири — Сирдарё. Ялт-ялт тебранади тубида тоши, Ёқут янглиғ ёки дурафшон гўё. Т. Тўла.*

**ДУРАХШОН** [ф. درخشان — ёруғ, ёрқин, ялтирок] Ярқирок, чақнаб турувчи, жилваланувчан. *Илк бор сиз [ўқитувчи] кўрсатган дурахшон Зухра Букун шеърим ичра ташбеҳдир мумтоз. А. Орипов, Йиллар армони.*

**ДУРАЯ** с.т. Дурўя. *Дурая рўмол.*

**ДУРБИН** [ф. دور — узоқ + بين — кўрувчи] **1** Узоқни яқин ва катта қилиб кўрсатадиган, узоқдаги нарсаларни кўриш ва кузатиш учун хизмат қиладиган асбоб; бинокль. *Командир дурбинни кўзига тутиб, ҳар томонга қаради. С. Айний, Қуллар. Низомиддин ғилоф ичидан дурбин олиб, дарахтни кўздан кечира бошлади. Н. Сафаров, Оловли излар.*

**2** кўчма Зеҳн, ақл-идрок. *Комилжон — илмли одам, агроном. Унинг дурбини сиз билан биз кўролмаган нарсаларни кўриши мумкин. И. Раҳим, Ихлос.*

**ДУР-ГАВҲАР, дуру гавҳар жуфт с. 1** Дур ва гавҳар; қимматбаҳо, нодир нарсалар.

**2** кўчма Маъноли, мазмунли сўзлар, гаплар. *Лайлининг кўнгли очилиб, ҳар сўздан дур-гавҳарлар сочилиб, шунда қизнинг баҳри очилганини билиб, энаси айтди. «Фольклор». Сенга хат ёзгани ўтирдим, Юрагимдан дур-гавҳар тўкдим. У. Носир, Юрак.*

**ДУРДА** [ф. درده — чўкма, қуйқа] **1** Мураббо, қиём, шинни ва ш. к. нинг бетида ҳосил бўладиган қумоқ-қумоқ парда. *Мураббо дурда боғлабди.*

**2** Қиздирилган ёғ, сариеғ, шароб ва ш. к. тагига чўккан қуйқон, қуйқа, лойқа. *Шинни дурдаси. ■ Томоғи оғриб, кечаси билан иситмалаб чиқар, онаси ярим кечадан уйғониб, сут қайнатар, дурда ёғ қўшиб, ичишга мажбур қилар эди. «Ёшлик».*

**ДУРДА-ДУРДА** тақр.с. Бўлак-бўлак, узуқ-юлуқ; тарқоқ маъноли. *Бир қолипга тушолмаган дурда-дурда фикрлар эговлансин. Ф. Ғулом, Шеърлар.*

**ДУР-ДАРОЗ, дуру дароз** [ф. دورودراز — узун, кўп сўзи; ортиқча] Узундан-узоқ, чўзиқ. *Дур-дароз гаплар. Дур-дароз музокаралар. ■ ..дур-дароз шикоятлар қилди. А. Қодирий, Кичик асарлар.*

**ДУРДОНА** [ф. دردانه — бир дона дур; ёлғиз бола] **1** Дурнинг сараси; йирик ва тоза

инжу. *Гуллар кўндир бу хилқат аро, Дурдоналар янглиғ сочилган. А. Исроилов, Биз — дунё одамлари. Қақир сахро бугун тўйхона бўлди, Ери — зар, тошлари дурдона бўлди. Ҳабибий.*

**2** кўчма Тоза, бегубор, дурдек оппоқ. *Сўзи ширин, тишлари дурдонадир, ёр-ёр. «Кўшиқлар». Дурдона тишинг, лаъли лабинг Ҳам қора холинг, бу ҳусни камолинг. Ҳабибий.*

**3** кўчма Бебаҳо, қийматли, нодир, қадрли нарса ҳақида. *Сўз — дурдона, уни одамларга гулдаста қилиб тут. Газетадан. Мана, шундоқ битта афсона, Афсоналар ичра дурдона. Ойбек, Навоий ва Гули. Дур ичра дурдонам дейман, Ёлғизим, яғонам дейман. М. Юсуф, Уйқудаги қиз.*

**4** кўчма Чуқур маъноли, мазмунли, қимматли. *Дурдона асар. Дурдона сўзлар. ■ Куйла, созим, юрагим, шеърим. Ҳар бир сатри олмос, дурдона. Ғайратий. Бобо ибратнамо афсона бошлаб, Сўзи қийматбаҳо дурдона бошлаб. Ҳабибий.*

**5** кўчма Бадиий, маданий, маънавий мерос ҳисобланадиган қимматли асарлар, обидалар. *Йиллар ўтаверди, шоирнинг шеърӣ дурдоналари наслардан наслларга мерос бўлиб қолаверди. Н. Сафаров, Оловли излар. Турфа хил моддий ва маънавий дурдоналар билан танишар эканмиз, замину замонлар чашмасидан баҳраманд бўламиз. Газетадан.*

**6** кўчма Экинлардан олинган ҳосил. *Ватан хазинасига 3,5 миллион тоннадан ортиқ дурдона тўкилди. Газетадан. Ҳар туп ғўза, ҳар ниҳол Дурдонага айланиб, Чаноқлари урди барқ. Ғайратий.*

**7** Дурдона (хотин-қизлар исми).

**ДУРКУН** **1** Бўлиқ, тўла, гавдали. *Қирмизон аввалгидан ҳам очилиб кетган.. қўша-қўша узукли қўллари дуркун кўксида қовуштирилган. Н. Аминов, Қаҳқаҳа. Бозорқул.. Онабибини кўз олдига келтирди.. у анордек тикмачоқ, дуркунгина, оташ. А. Мухтор, Асарлар. Ҳозирги қўзилар дуркун, териси талабга жавоб беради. Газетадан.*

**2** Ўсиқ, ўсиб етилган. *Ғўзалар кўзни қувонтирадиган даражада дуркун эди. Э. Усмонов, Ёлқин. Дуркун ўтларни хуш кўрувчи тоғ эчкилари юқорилаб кетишини. «Ёшлик».*

**ДУРРА(ЧА)** **1** [ф. دره — чарм тасма ёки а. طره — пешона, кокил] Аёллар пешонага танғийдиган кичик рўмол. *Йигитларнинг кўзи куйсин, деб дуррани чап томонга сал*

қийшайтиброқ танғирди. С. Аҳмад, Жимжитлик. *Сабозул кўз ёшларини дуррасининг учига артиб, Шералини уйга таклиф этди.* С. Кароматов, Олтин қум. *Гавҳар бошида юлқинаётган дуррачасини томоғи остидан танғиб боғлади.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДУРРА** II бот. Фалладошлар [ғаллагул-лилар] оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик; донли жўхорининг бир тури.

**ДУРРОНИЙЛАР** этн. Афғон миллатини ташкил этувчи йирик қабилалар уюшмаси.

**ДУРСИЛЛАМОҚ** «Дурс-дурс» товуш чиқармоқ. *Тулпор боради ҳарсиллаб, Туёғи ерга дурсиллаб.* «Маликаи айёр».

**ДУРУСТ** [ф. درست — тўғри, ҳалол; бутун, комил] I сфт. Яхши, тузук. *Дуруст одам.* ■ *Ҳусайн Бойқаро ҳарбий санъатни дуруст билар эди.* Ойбек, Навоий. *Шундай қарорга келингани анча дуруст бўлган экан.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

2 крш с. вzf. Маъқул, яхши, ўринли. *Раиймбойнинг қишлоғиданми? Ҳа, дуруст.* С. Аҳмад, Уфқ. *Дуруст, мен гапингизга ишонаман, лекин ановларни ишонтириш учун кучли далил керак.* М. Исмоилий, Фарғона т.о.

3 Соғ, тетик, соғ-саломат. *Мурод энди ўзини анча дуруст сезарди.* Т. Ашуров, Оқ от. *Терговчи келганида, Қудратулло ўзини анча дуруст ҳис қиларди.* С. Юнусов, Кутилмаган ҳазина.

4 Мўл, кўп, унумли. *Бу йил сабзавот экинларидан ҳам дуруст ҳосил олинади.* Газеталар. *Сидиқжон тушки дам олишдан кейин кечгача хийла дуруст ишлади.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

5 Муносабати яқин ва жойида, ўзаро қалин. *Уста Турдиали худо билан дуруст эди, уч ярим яшар қизчаси ўлди-ю, ораси бузилди.* А. Қаҳҳор, Қабрдан товуш.

**ДУРУСТЛАМОҚ** Ўз ҳолига келтирмоқ, ўрнига қўймоқ, яхшиламоқ, тузатмоқ. *Ҳозир бунни омонат қўйиб кетай, эрта оқшомгача биров сезмаса, дурустларман.* Ҳамза, Асарлар.

**ДУРУСТЛАШМОҚ** I Дурустламоқ фл. бирг. н.

2 Дуруст бўлиб қолмоқ, тетикланмоқ, яхшиланмоқ. *Кечга яқин Гулнорнинг гуҳи анча енгиллашди, иссиғи озайди, нафас олиши ҳам аста-аста дурустлашди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДУРУСТЛИК** Яхшилик ҳолати, кўнгилдагидек ҳолат. *Дурустлиги шуки, ўзи доктор! Доктор бўлганда ҳам, чаққонгина доктор экан.* А. Қаҳҳор, Оғриқ тишлар.

**ДУРУСТ-НОДУРУСТ** жуфт с. Ўринли-ўринсиз, ўйламай гапирилган; тўғри-нотўғри. *Дуруст-нодуруст сўзга сабр айлаган Эрур яхши ҳозиржавоб лақмадан.* «Ақл ақлдан қувват олади».

**ДУРУҒ** [ф. دروغ — ёлғон, алдов гап] кт. айн. ёлғон. *Дуруғ гап.*

**Дуруғ айтмоқ** (ёки қўшмоқ) 1) алдамоқ, ёлғон гапирмоқ. *..ушбу муурофаада [улар] ҳақ сўзни айтмоқлари, дуруғ қўшмасликлари.. зарур.* Ҳ. Нуъмон ва А. Шораҳмедов, Ота; 2) янглиш, хато айтмоқ. *Мен дуруғ айтган бўлсам, китоб сўзига амал қилдим-да, икки мўминни битиштириш учун сўзладим-да! А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

**ДУРФИШОН** [ф. درفشان — дур сочувчи] айн. **дурафшон.** *Кел, ишқ йўлида кўзларингни, Эй Нодира, дурфишон этиб кет.* Нодира.

**ДУРҒҲА** [ф. دورويه — икки томони бир хил, икки томонлама] Икки томони бир хил қилиб тўқилган маҳаллий мато тури. *Дурғуя рўмол.* ■ *Нимшоий матоларнинг дағир ёки дурғуя деган турлари табиий упакдан ўралади, арқоғи очиқ рангли ипдан бўлади.* «Фан ва турмуш».

**ДУСАҚ** шв. Икки ёшли қўй.

**ДУСТ** [ингл. dust — чанг] Дезинфекция қилиш, зараркунанда ҳашаротлар (қурт, қандала, бурга, пашша, куя ва б.)ни қириш, ўлдириш мақсадида ишлатиладиган кимёвий кукун, порошок. *У гугурт қутичасига кўсак қуртини солиб, устидан дуст сенди.* С. Нуров, Майсаларни аёз урмайди.

**ДУСТУМАН** шв. фольк. Тўнкарилган ҳолда, юзи пастга қараб (ётмоқ, йиқилмоқ). *Олиш кўрганмисиз ўзи?! Дустуман бўлмаса, ҳисоб эмас.* «Ёшлик». *Подшо тахти олдида бориб, дустуман йиқилди.* «Кунтуғмиш».

**ДУТ** I айн. дуд I 1. Эшигиндан ўтволай, Чилимимга дут олай. «Оқ олма, қизил олма». *Дут қўйиб ётган ерда нима бор, ўтинчими, кўмирчими, ўзлари ўт ёқиб ўтирар.* «Маликаи айёр».

**ДУТ** II тақл. с. айн. дуд II. *Бир ҳафтаки, машина дут этса, эшик гичирласа, кўчага болалар чувуллашиб қолишса, кўзи тўрт.* С. Сиёев, Райҳон.

**ДУТО** [ф. دوتا — эгилган, икки букилган] *позт.* Эгилган, букилган, букчайган. *Эсида она шўрлик, мунису ювошлиги, Қаддининг дутолиги, меҳрининг дарёлиги.* Миртемир, Асарлар. *Мусибат остида рост қомати дуто кўринур.* С. Абдулла, Танланган асарлар.

**ДУТОЛИК 1** Эгилганлик, букилганлик.

**2** кўча Ожизлик. *Бош эгмоққа жазм этганим — дутолигим эмасдир.* Э. Охунова, Мен тонгни уйғотдим.

**ДУТОР** [ф. دوتار — икки тор, икки торли] Икки торли, чертиб чалинадиган узун дастали мусиқа асбоби. *Дутор чалмоқ. Дутор чертмоқ. Дуторсиз бахши бўлмас, Ёмонсиз — яхши.* Мақол. ■ *Дутор товуши қандайдир ўзининг бир ҳасратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек бўлиб эшитилар эди.* А. Қодирий, Ўтган кунлар. *Мухаббат — дутор, эҳтиёт қилиб турмасанг, тоб ташлайди.* К. Қаҳқорова, Чорак аср ҳамнафас.

**ДУТОРБОЗ** [ф. دوتاربان — дутор чалувчи; дутор ишқибози] *айн. дуторчи.* *Дуторбоз дуторини чертиб, найчи найини тортиб, суҳангарлар кўшиқ айтиб, базм жуда авжига чиқди.* «Маликаи айёр».

**ДУТОРБЎЙИН** Бўйни узун ва хушбичим (асосан от ҳақида). *Дуторбўйин араби отлар, “Чу”, деса бир қирдан ҳатлар.* «Равшан».

**ДУТОРЧИ 1** Дутор чалувчи созанда. *Дуторчи дуторнинг қулогини жаҳл билан қаттиқ бураб, торини узиб юборди.* А. Қаҳқор, Қанотсиз читтак.

**2** Дутор ясовчи уста.

**ДУХОБА 1** Орқаси ип, юзи текис ва қалин ипак туклар билан қопланган мато; бахмал, бархит. *Қизил духоба. Қора духоба. Духоба кўрпа.* ■ *Мошранг духоба дўппили, тўққиз-ўн яшар чиройликкина бола — болаларнинг каттаси эди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Чий духоба.** қ. **чий.** **Ғижим духоба** қ. **ҒИЖИМ 1.** *Мен янги, бели бурма, сариқ чий духоба костюмим билан шалваримнинг чангини қоққанча, бирпас гарангсиз, аланглаб турдим.* Ҳ. Назир, Чўл ҳавоси.

**2** кўча Бир текис ва қалин ўсган. *Қирларда духоба майсалар.* Уйғун. Тонг кўшиғи.

**ДУХОБАГУЛ** *бот.* Гули қизғиш ва юзи духобага ўхшаш қалин ва майин гул нави. *Духобагулларга дудоқ теккизиб, Ҳар саҳар шабада ўйнаб ётади.* Уйғун.

**ДУХОВКА** [р. дух — ҳаво] Ошхона плитаси ёки газ плитасининг ичига ўрнатилган, қиздириб турли таомлар пишириладиган махсус тунука қути. *Духовкада пирог пиширмақ.* ■ *Холиса духовкадаги димланган товукни ағдариб қўйиб, қўлларини сочиққа артоди.* С. Нуров, Нарвон.

**ДУХОВОЙ** [р. дуть — пуфлаш]: **духовой оркестр** Пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари оркестри. *Ибодуллани эрталаб духовой оркестр садоси уйғотиб юборди.* Ҳ. Фулом, Машъал.

**ДУХТАР** [ф. دختر — қиз] *с.т., шв.* Қиз. *Тезлик билан келсин хоннинг духтари.* «Гулихиромон». *Отим Ларзонийдир, боғбонга духтар..* «Гулихиромон».

**ДУЧ:** **дуч келмоқ (ёки бўлмоқ)** 1) учрашмоқ, тўқнашмоқ, рўбарў келмоқ, юзма-юз келмоқ. *Йўлакча чиқиши билан Анварга дуч келди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Кушандаси дуч келганда, шундай ҳам думини хода қилар эдики..* А. Қодирий, Кичик асарлар; 2) йўлиқмоқ; гирифтор бўлмоқ. *Хусусан, ўқишнинг дастлабки йилида бола кўпгина қийинчиликларга дуч келди.* «Фан ва турмуш». *Расо тўққиз эканда ёшим, Бир балоза дуч келди бошим.* Ҳ. Олимжон. **Дуч келган** Тўғри келган; ҳар қандай; насиб қилган. *Киз дуч келган биринчи таксини тўхтатди.* «Ёшлик». *Тўйда ошни дуч келган одам дамларди.* «Ёшлик». *Дуч келган ерларда ётиб юрадиган дайдига ўхшайди.* «Шарқ юлдузи».

**ДУЧАВА, дучўба / дучўва** [ф. دوچوبه — икки(та) чўп] Ўзбек анъанавий ногоралоира усули.

**ДУЧМА-ДУЧ** Юзма-юз, рўпара. *Мана, дучма-дуч келдик.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДУЧОР** [ф. دچار — рўпара, тўқнаш келган; мубтало бўлган]: **дучор бўлмоқ** 1) учрамоқ, учрашмоқ, юзма-юз келмоқ. *Ясси қир бағрида сен бўлдинг дучор.* Миртемир, Асарлар. *Дучор келса, қирқ минг девни ўлдирай.* «Маликаи айёр»; 2) гирифтор бўлмоқ, мубтало бўлмоқ, йўлиқмоқ. *Қанд касалига дучор бўлганлар учун овқатланишдан олдин янги сабзи ва бодринг ейиш тавсия қилинади.* «Фан ва турмуш». *Севги дардига мени Дучор этиб қўйдинг, хаёл.* Газетадан.

**ДУШ** [фр. douche — doucher — сув қувири; сув сепиш] **1** Ювиниш ёки даволаниш учун сувни майда тешиқлардан ёмғирдай ёғдириб берадиган қурилма. *Душ остида*

ювинмоқ. *Врач унга ўн душ буюрди.* ■ *Жимжитлик.. Фақат у ер-бу ерда ишлаб турган душларнинг шовуллаши эшитилади.* М. Хайруллаев, Тилла маржон.

**2** Шундай қурилма ўрнатилган хона. *Душга кирмоқ.* ■ *У душга тушиб, ювиниб чиқди-да, устидаги кийимларини ўзгартирди.* Ойдин, Ҳикоялар.

**ДУШАНБА** [ф. دوشنبه — икки шанба; шанбадан кейинги иккинчи кун] Ҳафтанинг биринчи куни, яшанбадан кейинги, сешанбадан олдинги кун. [Отабек] *Душанба куни кечаси бир эмас, уч душман билан кураш тўғрисидагина ўйлар эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.* *Водил — қадимдан бозор қишлоқ. Бу ерда ҳар душанба куни ниҳоятда гавжум, тирбанд бозор бўлади.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДУШВОР** [ф. دشوار — мушкул, қийин, оғир; хавфли] Қийин, мушкул, оғир. *Душвор иш.* ■ *Сиз жуда баландда, мен қуйидаман, Ҳа, сизни севмаслик душвор, бибижон.* Миртемир, *Асарлар.* *Ҳижрон, ҳижрон оғирдир зилдай, Висол, висол тотли ва душвор.* Х. Салоҳ, *Излар ва ҳислар.*

**ДУШМАН** [ф. دشمن — ёв; мухолиф; бадхоҳ] **1** Дунёқараши, манфаатлари, хатти-ҳаракати бир-бирига қарама-қарши бўлган, ўзаро ганим, рақиб сифатидаги томонларнинг ҳар бири. *Гоявий душман.* *Дўст ачитиб гапирди, душман — кулдириб.* Мақол. *Тикан захри учиди, душман захри ичиди.* Мақол. *Душманнинг катта-кичиги бўлмайди.* Мақол. ■ *Булар [Шарқ мутафаккирлари] зулм-зулмат, адолатсизлик, жаҳолат, хурофотнинг ашаддий душмани эдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

**2** Ҳарб. Урушда ўзаро бири иккинчиси билан жанг қилувчи, бир-бирига қарши уруш эълон қилган томонлардан ҳар бири; ёв. *Душман билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар.* «Ҳадис»дан. *Полк мудофаа қилиб ётган район устида душманнинг неча юзлаб самолёти беҳисоб бомба ёғдирди.* А. Қаҳҳор, *Олтин юлдуз.*

**3** кўчма Инсонга ва умуман бирор нарсага зарар келтирувчи кимса, нарса, ҳодиса. *Ёввойи ўт — ҳосилнинг душмани.* *Жаҳл — душман, ақл — дўст.* Мақол. *Сўнги пушаймон — ўзинга душман.* Мақол. ■ *Отабек ичкиликдан қаттиқ ҳазар қилар ва бу кунгача майни ўзига душман каби кўриб келар эди.* А. Қодирий, *Ўтган кунлар.*

..тушкунлик — энг ёмон душман. Ф. Муса-жонов, Ҳиммат.

**ДУШМАНЛАШМОҚ** Бир-бирига ёв, ганим, рақиб бўлиб қолмоқ.

**ДУШМАНЛИК 1** Бирор кимсага ёв, ганим, мухолиф бўлишлик; бировга ёмонлик қилишлик; кўролмаслик. *Нури бу ошлага тушгач, уч кун ўтар-ўтмас, икки қайнана — кундошлар орасидаги душманликни сезди.* Ойбек, *Танланган асарлар.*

**2** Душманларча иш, хатти-ҳаракат. *Душманлик кўрсатмоқ.* *Душманлик қилмоқ.* ■ *Душман душманлигини қилар экан.* Ш. Холмирзаев, *Сўнмас ўт.*

**ДУШМАНЧИЛИК** айн. **душманлик 2.** *Ораларида душманчилик пайдо бўлди.*

**ДУШОХИ** [ф. دوشاخه — икки шохли; ёғоч паншаҳа] Миллий нақш турларидан бири. *Содиқжон бойваччининг тош пойдевор устига солинган, олди сирли айвон, душохи.. нақшлар билан безатилган.. меҳмонхонасида.. икки кумуш қандил париллаб ёниб турибди.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДУШХОНА** Душ ўрнатилган хона. *Душхона қурмоқ.* ■ *Ҳамма дала шийпонларида душхоналар бор.* Газетадан.

**ДУЭЛЬ** [фр. duel — олишув, жанг < лот. duellum — уруш, жанг] Икки шахснинг орномус талашиб, маълум шартлар асосида яккама-якка қиличбозлик қилиши ёки отишуви. *Дуэлга чиқмоқ.* ■ *Ўрта асрларда баҳс юритаётган одам ўз ҳарифига: “Сиз ҳақсиз, мен энгилдим”, дейишдан кўра уни дуэлга чақиришни афзал кўрган.* «Фан ва турмуш».

**ДУЭТ** [итал. duetto < лот. duo — икки] мус. **1** Икки мусиқа асбоби ёки икки хил овоз билан ижро этиладиган мусиқа асари. *Дуэт — икки ашуланининг икки овозда айтиши учун ёки иккита чолгу асбобиди чалиш учун мосланган музика асари.* И. Акбаров, *Музика саводи.*

**2** Шундай асарни ижро этувчи икки созанда ёки навозанда. *Улар Тоҳир ва Зухра ариясини дуэт бўлиб айтишди.* Газетадан.

**ДУҲҲҮЛ** [урдуча دهل, دھول — катта ноғора] Ҳарбий юришларда, овга чиқишдан олдин қалинадиган қадимий дўл ноғора (яна қ. дўл III).

**ДЮЖИНА** [фр. douzaine < лот. duodecim — ўн икки] Ўн икки дона (бир хилдаги нарсалар ҳақида). *Бир дюжина қошиқ.* ■

Майхонанинг панароқ бир бурчагига ўтириб, Саидий бир дюжина пиво буюрди. А. Қаҳҳор, Сароб.

**ДЮЙМ** [голл. duim — бош бармоқ] Ўтмишда Россияда ва ҳозир Англияда: 25,4 миллиметрга тенг узунлик ўлчови.

**ДЮЙМЛИК** Дюйм узунлигидаги, дюймга тенг. Бир дюймлик тахта (қалинлиги бир дюйм тахта; дюймовка). ■ Уч дюймлик труба. Уч дюймлик трубадан 150 метр олиб берсангиз. Н. Юсупова, Богдаги суҳбат.

**ДЮКЕР** [нем. Duker < лот. ducere — ўтказмоқ] Ариқ, канал сувларини улар йўлидаги тўсиқлар (бошқа канал, дарё, дара, йўл ва ш. к.) билан кесишган жойдан ўтказиш учун ётқизилган қувур шаклидаги, муайян босимли сувўтказгич қурилма, иншоот.

**ДЮНА(ЛАР)** [нем. Dune] Шамол таъсирида ҳосил бўладиган (тўпланадиган) ва узлуксиз силжиб турадиган қум тепалари.

**ДЮРАЛЮМИНИЙ** [нем. < айни қотишма дастлаб ишлаб чиқарилган Дюрен шаҳри номидан + алюминий] Алюминийнинг мис, қисман марганец, магнит, темир билан қотишмаси.

**ДЎЗАНДА** [ф. دوزنده — тикаётган; тикувчи] Игна билан тикувчи (машиначи, пойабзалдўз ва ш. к.) [Унинг] Йигирматадан кўпроқ дўзандаси бор эди. С. Айний, Куллар. Сартарош соқола, дўзанда оёққа қарайди, деганлари рост экан. С. Сиёев, Ёруғлик.

**ДЎЗАНДАЛИК** Игна билан кашта ва кийим тикиш иши, дўзанда касби. Касби — дўзандалик. Дўзандалик қилмоқ.

**ДЎЗАХ** [ф. دوزخ — жаҳаннам] 1 Диний тасаввурга кўра: ўлган, дин талабларини бажармаган гуноҳкор бандалар охиратда абадий азобланадиган жой; жаҳаннам. Диллозорларнинг ҳаммаси дўзахга маҳкумдир. «Ҳадис»дан. Дўзахни зино қилган, бировнинг ҳақини еган гуноҳкор бандаларимга яратганман. А. Қаҳҳор, Асарлар.

2 кўчма Кишини ортиқ азоб-уқубат ва мушкул аҳволга солувчи шароит, муҳит, ҳолат. Яхши рўзғор — жаннат, ёмон рўзғор — дўзах. Мақол. ■ Бу ғамхона кошона унинг учун дўзах-ку! К. Яшин, Ҳамза.

**ДЎЗАХИ** [ф. دوزخی — дўзах азобиغا маҳкум, лойиқ; дўзахга тушган, лаънаги] 1 дин. Дўзахга тушишга лойиқ бўлган гуноҳ ишлар қилган шахс, дўзахга маҳкум. [Имом:]

“Улар худонинг қаҳр-ғазабига учрайди, барчаси дўзахи”, дер экан. Ҳ. Носирова, Мен ўзбек қизиман.

2 кўчма сўк., қарғ. Ёмон, бадфелъ кишига нисбатан қўлланади. Ие, яхши таниймиз у кишини. -Бўлмаса, уста Баҳром ўша дўзахининг божаси бўлади. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДЎКАЙ** с. т. Бирор жой, ташкилот, ҳокимиятнинг мансабдор катталаридан, казоларидан ҳисобланадиган кимса; кузир. Маҳалла дўкайлари.

**ДЎКОН** [а. دكان — магазинча; чодир, устахона] 1 Бирор нарса сотиш учун махсус жиҳозланган савдо-сотик хонаси, корхонаси; магазинча. Баққол дўкони. Китоб дўкони. Дўкон мудури. Ёмон чўпон тиконга берар, Яхши чўпон — дўконга. Мақол. ■ Амакингизнинг дўконига яхши шоҳилар, баҳмаллар келибди, олмайгизми? Ойдин, Ўзидан кўрсин. Тўғри газета-журнал дўконига йўл олди. «Шарқ юлдузи».

2 Хунармандларнинг ишхонаси. Темирчи дўкони. Бўёқчи дўкони. Сартарошлик дўкони. ■ [Мулла Обид] Тинчимайди: гузарда ямоқчилик дўкони очиб, ҳам ўзининг, ҳам қишлоқнинг эҳтиёжини ўтаб туради. А. Қодирий, Обид кетмон.

3 Хунармандлар фойдаланадиган дастгоҳ; станок. Тўқув дўкони. Дўкон тўқисанг — бўз бўлар, Чарх йигирсанг — тўн бўлар. Мақол. ■ Уйларида дўкони ҳам бор: алача.. жанда тўқийди. Ш. Холмирзаев, Қаҳрамоннинг сўнгги кунлари.

**ДЎКОН-ДАСТГОҲ** жуфт с. Косибларнинг дўкон ва дастгоҳлари, бошқа иш асбоблари мажмуи. Ота ўлиб, боласига дўкон-дастгоҳ мерос қолмаса, одамлар: “гадо бўлар экан, шўрлик”, деб бош чайқашарди. А. Мухтор, Опа-сингиллар.

**Дўкон-дастгоҳни йиғиштирмоқ** (ёки кўтармоқ) айн. дов-дастгоҳни йиғиштирмоқ (ёки кўтармоқ) қ. дов-дастгоҳ.

**ДЎКОНДОР** [а. + ф. دكاندار — дўкони бор, дўкон эгаси] Хусусий дўконда мол сотувчи савдогар; дўкон эгаси. Дўкондорлар, ўткинчи одамлар маҳлиё бўлиб, илон ўйнатувчига йўл берарди. Мирмуҳсин, Ҳикоялар ва қиссалар.

**ДЎКОНДОРЛИК** Дўконга эгалик; хусусий дўкон очиб, савдо билан шуғулланишлик.

**ДЎКОНХОНА** Хунармандлар дўкони (дастгоҳи) жойлашган хона, жой; хунармандлар ишхонаси. *Бўзчининг дўконхонаси.* ■ *Юпқа девор билан ҳовлига ажратилган дўконхонада Шокир ота ишлайди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЎКОНЧА** Кичкина дўкон, савдо шохбчаси. *Савдога киринг. Савдода гап кўп. Мен сизга овлоқроқ бир дўконча олиб бераман.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДЎКОНЧИ** *айн. дўкондор.* Тўйчи дўкончининг ҳам еган-ичгани бурнидан булоқ бўлиб чиқади. А. Кўчимов, Ҳалқа. *От-арава, машина шиббалаб юборган текис йўлдан сал юрганимиздан кейин, орқамиздан дўкончи йигит ҳаллослаб етиб келди.* С. Аҳмад, Чўл бургути.

**ДЎЛ I** Юмалоқ ва б. турли шакл, турли катталиқдаги муз парчаларидан иборат атмосфера ёғини. *Айрилган йўлда қолар, Бўлинган — дўлда.* Мақол. ■ *Дўл шундай шиддат билан ёғар эдики, ердан чанг кўтарилиб, ҳавони ғубор босди, кундуз қоронғилашди.* Н. Сафаров, Оловли излар.

**Дўлда қолгандай** Юзи чўтир кимса ёки нарса ҳақида. *Юр, Содиқ жияним, башарангми бу ёки дўлда қолган таппими?* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДЎЛ II** [ф. دول — челақ, чўмич; воронка] Тегирмон тоши тепасига ўрнатилган пирамида шаклидаги идиш, ҳампа (тортиладиган дон дўлга солиниб, ундан коса орқали тошга тушади). *Йўлчи йўлини билар, тегирмончи — дўлини.* Мақол. ■ *Саҳар пайтларида.. икки дўлни янги буғдойлар билан тўлғазгач, Эгамберди ака ухлашга ётади.* А. Қодирий, Обид кетмон.

**ДЎЛ III** Уруш майдонларида ёки улкан тантаналарда чалинадиган катта ноғора. *Карнай-сурнай, дўл, ноғораларнинг тақатуми осмон ёқасини йиртиб солгудек.* К. Яшин, Ҳамза. *Дўл қоқа оламан, карнай чала оламан.* Қ. Мирзо, Олам гўзал.

**ДЎЛАЙМОҚ** *шв. I* Кўзини чақчайтирмоқ, ўқраймоқ. *Қиём, кўзи дўлайиб, Қурбонга тикилди.* Ш. Холмирзаев, Қил кўприк. *Манглайда битта кўзи Боқар эди дўлайиб.* А. Орипов, Йиллар армони.

**2** Кимсага калтак ёки мушт кўрсатиб дўқурмоқ. *Ҳаддингдан ошма, — дўлайиб ўшқирди Дуранбек.* А. Муҳиддин, Оташ қалбли киз. *Рустам тишларини ғижирлатиб, муш-*

*тини дўлайтирди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *Собир депсиниб, итга муштини дўлайтирди.* А. Кўчимов, Ҳалқа. *Укафтини дўлайтирганча нималарнидир деб дағдаға қилди.* «Шарқ юлдузи».

**ДЎЛАНА** [ф. دولانه — олмачасимон мевали дарахт] **1** Раънодошлар (атиргулдилар оиласи)га мансуб, кўпинча тоғли жойларда ёввойи ҳолда ўсадиган, сариқ ёки қизғиш, думалоқ мевали дарахт ва унинг ейишли меваси. *Жондан кечмасанг — жонона қайда, тоққа чиқмасанг — дўлана қайда?* Мақол. ■ *Тўп-тўп ўсаан ёввойи дўлана, намматак шохларида чумчуқлар чуғурлашарди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**2** Шу дарахт ёғочидан ишланган мунчок. *У [амаки] йўғон калта бармоқлари билан айвонда дўлана тасбеҳ ўгириб ўтирар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Эшакка дўлана таққандек, сенга фартуқни ким илиб қўйди?* И. Раҳим, Ихлос.

**ДЎЛАНМОҚ** *шв.* Қайрилмоқ, букилмоқ, бурилиб айланиб ўтмоқ. *Кирди йўлга дўланиб, Синглиси бунда қолди.* «Муродхон». *Тоғлардан дўланиб ўтдик.* «Юнус пари».

**ДЎЛВАР** *шв. I* Гавдаси катта, йўғон, барваста (одам ҳақида). *Дўлвар йигит.* ■ *Далаларни пиёда кезсангиз.. дўлвар йигитларни, лобар қизларни кўрасиз.* Газетадан.

**2** Кенг, тўкис. *Дўлвар кўйлак.*

**3** Содда, гўл. *Тилавонинг очиқ қўл, дўлварлигига кўп кишилар беш кетади.* Газетадан. *Менинг талқинимдаги Яхшибоев, ёшлик пайтларида ўта жўн, ўта дўлвар, ўта ёқимтой туюляпти.* М.М.Дўст, Лолазор. *Арслонқулнинг соф юрагини.. табиий ақлини ифодаловчи дўлвар сўзларини кўпроқ эшитгиси келди.* Ойбек, Навоий.

**ДЎЛМА** Қиймани ток, карам баргига ўраб ёки помидор, бақлажон ва ш. к. нинг ичига солиб пиширилган овқат. *Палов десанг — пайшанбага, Дўлма десанг — душанбага.* Мақол. ■ *Меҳмонлар ўтиришгач, Расулбек буғи чиқиб турган каклик дўлмани ўртага қўйди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**ДЎЛОБ** *шв.* Кўнгилчан, сахий, саховатли, қўли очиқ. *Раусимиз Сотиболдиев феъли кенг, хийла дўлоб одам.* *Ёрдам сўраганни ноумид қайтармайди.* Ҳ. Назир, Кўктерак шабадаси.

**ДЎЛОП I** *шв.* Кўпол, бесўнақай.

**ДЎЛОП II** *шв.,* Серодам, гавжум.



**ДҮЛОП** III шв. Ҳар хил навли донлар аралашмаси.

**ДҮЛТА** I шв. Юмалоққина, лўппи, дўмбоқ. *Дўлта бола.* ■ Арслонқул унинг юмшоқ дўлта юзини бармоқлари билан аста қисиб, қалбага чопди. Ойбек, Навоий. *Мана сиз, бўйингиз паканароқ, лекин.. жудаям дўлта йигитсиз.* М.М.Дўст, Лолазор.

**ДҮЛТА** II шв. Қаймоқни қиздириб, ёғини олгандан кейин қозонда қоладиган жиззасимон ёйишли қисми.

**ДҮЛЧА** [ф. دولچه – сув челақ, кўза] шв. I Ҳовуздан мешга сув олишда ишлатиладиган чарм идиш, чўмич.

**2** Мисдан чуқур косага ўхшатиб ясалган рўзгор буюми.

**ДҮМБАЙМОҚ** Туртиб, қаппайиб чиқиб турмоқ. *Чўнтагим дўмбайиб қолди.* ■ Қабр ёнига тизланган *Отабек ва юқори-қуйи дўмбайган қабрлар бу тиловатга соме каби эдилар.* А. Қодирий, Ўтган кунлар.

**ДҮМБАЛОҚ:** **дўмбалоқ ошмоқ** айн. **умбалоқ ошмоқ** қ. **умбалоқ.** *Даврон сальто қилгандай дўмбалоқ ошиб тушди.* П. Қодиров, Уч илди.

**ДҮМБИЛЛАМОҚ** I Лўппи, дўмбоқ болаларнинг селкиллаб, чаққон-чаққон қадам ташлаб юриши ҳолатини ифодалайди. *Эшик ёнида уч-тўрт ёшли қизча дўмбиллаб юрибди.* Н. Ёқубов, Хаёлимдаги қиз.

**2** Семиз, бақалоқ кимсаларнинг тез-тез лапанглаб юриш ҳолатини кўрсатади. *Карим қизикнинг дўмбиллаб кириб келишини кўрган улфатлари кулгига шайланишаверди.* «Муштум».

**ДҮМБИРА** [تنبور – танбур сўзидан] мус. I Икки торли, пардасиз, дуторга қараганда калтарок, чертиб чалинадиган чолғу асбоби. *Уроз дарахтга суяниб, дўмбирасини чертар эди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Отам дўмбира чертар эди.* Ш. Холмирзаев, Оғир тош кўчса.

**2 с.т.** Барабан. *Дорбоз киндикка келган бўлса керак, дўмбиранинг бир маромда дириллаши эшитилди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**Дўмбира қилмоқ** 1) дўмбира сингари шишириб юбормоқ. *Француз солдатлари бўлса, халоскоримиз сенсан, деб ўпишавериб, икки бетимни дўмбира қилиб юборишди.* К. Яшин, Номус ва муҳаббат; 2) қаттиқ танқид қилмоқ, ҳақиқий башарасини, кирди-корларини очиб ташламоқ. *Бунақанги миш-*

*мишларни ёзиб дўмбира қилинмаса, оғзаки гап билан битириш қийин.* «Муштум»; 3) шовшув кўтармоқ, миш-миш гап қилиб юрмоқ. [Саидов] *Лалайган десам, гапдон чиқиб қолди-ку, мана шунақалар кишининг сирини дўмбира қилади-да.* А. Муҳиддин, Ҳадя.

**ДҮМБИРАЧИ** I Дўмбира чалувчи, чертувчи; дўмбира билан куйловчи. *Дўмбирачи энди “Қози”ни қарғай бошлади.* А. Суюн, Олис тонгла.

**2 с.т.** Барабанчи. *Шу пайт майдонга олдинда дўмбирачиси билан саф тортиб мактаб болалари кириб келишди.* Р. Файзий, Ҳазрати инсон.

**ДҮМБОҚ** I Дўмпайган, дўмпайиб (кўтарилиб) чиққан. *Дўмбоқ пешона.* *Дўмбоқ жой.* ■ *Қўлларини настга тушириб, дўмбоқ тиззаларини ёниб ўтирди.* С. Нуров, Нарвон. *..тепаликдаги хароб қишлоқ гўристон ва онасининг дўмбоқ қабригина бутун чинлиги билан унинг кўзларига.. қадалади.* Ойбек, Танланган асарлар.

**2** Дўмпайиб, кўтарилиб турган жой ёки нарса. *Пешонасида дўмбоғи бор.* ■ *Учларида ботаётган кўёсининг шувласи ўйнаган иккита адил оқ қайин орасида дўмбоқ пайдо бўлди.* Ойбек, Қуёш қораймас.

**3** кўча Тўладан келган, семиз, лўппи. *Дўмбоқ бола.* ■ *Йўлда Шамсиқамар деган дўмбоқ жувон билан учрашиб қолди.* Мирмуҳсин, Умид. *Темирбек дўмбоққина йигит, жиндек овсарлиги ва довдирлиги ҳам бор.* Х. Тўхтабоев, Йиллар ва йўллар.

**ДҮМПАЙМОҚ** I айн. **дўмбаймоқ.** *Катта тут ёғоч кўланкасида дўмпайган янги қабри кучиб, соатларча йиғлаб, тинкалари қуригандан сўнг қайтишди.* Ойбек, Танланган асарлар. *Ҳамма ариқ уватида дўмпайиб ётган бир қорани кўрди.* «Ёшлик».

**2** Мукка тушиб ётмоқ. *Ишдан кейин ҳеч қаяққа чиқмайди, узоққа бормайди, бўш қолса, айқндай дўмпайиб ухлайди.* А. Мухтор, Асарлар. *..чарчаган болалар ҳар ерда дўмпайиб ухлаб қолишди.* С. Аҳмад, Жимжитлик.

**ДҮНА-ДҮНА** шв. фольк. Ёпирилган, даҳшат солган ҳолда. *Боринглар сиз душмана дўна-дўна.* «Интизор». *Оч шердайн дўна-дўна От қўйинглар, беклар, газога.* «Юсуф ва Аҳмад».

**ДҮНГ** I от Ернинг ёки бирор нарсанинг бирмунча баланд кўтарилган жойи; тепалик. *Ўғри – тун ошгунча, Бўри – дўнг ошгунча.*

Мақол. ■ У дўннга, бу дўннга чиқиб қаради, укасининг қайси тарафга қараб кетганини билмади. «Кундуз билан Юлдуз».

**2 сфт.** Бўртиб чиққан, кўтарилган, дўмпайган, қаппайган. *Дўнг ер. Дўнг жой. Дўнг пешона. Дўнг қишлоқ. Кўчқор бўлар қўзининг пешонаси дўнг бўлар.* Мақол. ■ *Дўнг ерга ўтириб, одатдагидек яна дарёга тикилди.* Мирмуҳсин, Темур Малик. *Дўнг пешонасининг пастки қирраси иккита ёввойи бароқ қош билан тамом бўларди.* А. Мухтор, Опасингиллар.

**Дўнг олмоқ** Энгаштириб, думбасига тизза билан тепмоқ (турли ўйинларда).

**ДЎНГАЛАК** **1 шв. 1** Филдирак (арава, вагон, паровоз ва ш. к. да). *Поез(д)ингни юргизган Ўтхонаси билан дўнгалаги.* “Кўшиқлар”. Юмалоқ олам ҳам сирли бир чўпчак, *Дўнгалак айланур наҳот бегунчак.* Миртемир, Асарлар.

**2** Юмалоқ ёки доира шаклидаги. *Кўҳна, тутилавериб сири кўчиб кетган дўнгалак хонтахтани келтириб ўртага қўйди.* С. Сиёев, Райхон. *Кўчада икки отлиқ турарди. Бири тулки тумоқ кийган, бўйдор, иккинчиси дўнгалак телтақда.* С. Сиёев, Аваз.

**3** Дўнг ер, тепалик. *..дўнгалакларни бузиб, ерларни текислаш ва чимзорларни ҳайдаб, ишга солиш.. каби ишларга эътибор бериш лозим.* И. Раҳим, Ихлос.

**ДЎНГЛИК** **1** Дўмпайганлик, қаппайганлик, бўртиқлик.

**2** Ернинг қавариқ бўлиб чиққан жойлари, дўнг ер, тепалик. *Мақтабимизнинг олдида каттакон дўнглик бор.* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ. *Машина терак бўйи дўнгликка кўтарилди.* Э. Усмонов, Ёлқин. *Биз учун кўкарар дўнгликларда чим, Биз учун яшайди кўкда юлдузлар.* «Ёшлик».

**ДЎНГПЕШОНА** Пешонаси бир оз бўртиб чиққан. *Эшик олдидаги каравотда олтмиш беш ёшлардаги дўнгпешона, жуссаси кичкина, оқ-сарик қария, кўзлари магносиз жавдираганча ўтирарди.* Х. Султонов, Бир оқшом эртаги.

**ДЎНГСА** Кичкина дўнг, пастак тепалик.

**ДЎНГСАЛИК** Дўнгса жой, кичик дўнглик, тепалик.

**ДЎНДИРМА** *с.т.* Талабга жавоб берадиган қилиб, ўринлатиб, жойига келтириб, кўнгилдагидек қилиб ишланган, тайёрланган. *Дўндирма кабоб. Дўндирма иш.* ■

*Дўндирма қилиб дамланган чойлар кетма-кет қуйилиб турибди.* К. Яшин, Ҳамза. *-Эҳ, қани энди, дўндирма иш бўлар эди-да! - Ҳакимбойвачча лабини ялаб қўйди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЎНДИРМОҚ** **1** Дўнмоқ фл. орт. н.

**2 с.т.** Жойига келтириб, кўнгилдагидек қилиб, бошлаб бажармоқ, ижросини жойига қўймоқ, ўринлатмоқ. *Гапни дўндирмоқ.* ■ *Чоршанба — зўр йиғит, ишни дўндиради.* М. М. Дўст, Лолазор. [*У*] *Ўзимизнинг таомларни — кабоб ва паловдан тортиб то ҳалимгача — дўндириб юборади.* Ойбек, О. в. шабадалар.

**ДЎНДИК** Бўйи-баста келишган, дўмбоққина, лўппи; ёқимтой. *Дўндик келинчак. Дўндик қизча.* ■ *Анвар келишган, дўндик бола эди.* А. Қодирий, Меҳробдан чаён. *Бир дўндик, дўмбоққа суқланиб боқдим, Орзулар кўкида қанотим қоқдим.* Ё. Мирзо, Ўғил меҳри.

**ДЎНДИКЧА** **1** Дўндик с. кичр.-эркл. *Ана, кўрмайсанми, бу қандай оппоқ дўндикча! Шунақа дўндикчасига уйлансам.* Мирмуҳсин, Умид.

**2 шв.** Бир турли ип ёки ипак газлама. *Дўндикча рўмол.*

**ДЎНМОҚ** *эск. 1* Айланмоқ, ўхшамоқ; бир томондан иккинчи томонга ўгирилмоқ. *Ёнмаган қорлар ёнар, Тушларим ўннга дўнар. «Шарқ юлдузи». Тошга дўнди ёстиқлар, ғамгусса бош қўйганда.* «Саодат».

**2** Қайтмоқ; тикланмоқ, ўзгармоқ. *Мард ўғлонсан, алвон-алвон дўнмагин. Хасмининг сўзига, болам, кўнмагин.* «Хушкелди». *Қиё қайтган давлат қайта дўнмайди, Бахт қуши қўлингга осон қўнмайди.* «Тоҳир ва Зухра».

**ДЎНОН** [мўф. دونان — тўрт ёшли от] **1** Уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от ёки туя. *Кунлар ўтиб, қулун — той, той — қунон, қунон эса дўнон бўлиб етишади.* Н. Фозилов, Қуш қаноти билан.

**2** Икки ёшга тўлиб, уч ёшга қадам қўйган кўй ёки эчки. *Дўноннинг тойлиги бўлмас, Нокасинг — бойлиги.* Мақол.

**3** кўчма Бўйи (вояга) етган. *Қиқирлашиб кулишади, Сатта бирдай дўнон қизлар.* «Гулнорпари».

**ДЎНҒ** *тақл. с.* Йўғон тор, сим ва ш. к. чертилганда чиқадиган дағал овоз ҳақида. *Дўнғ этган овоз эшитилди.*

**ДЎНҒИЛЛАМОҚ** **1** “Дўнғ” этган овоз чиқармоқ.

2 Ноаниқ ёки кўпол гап қилмоқ; тўнғил-ламоқ. *Дераза тагида қовоқ-тумшугини осилтириб ўтирган Муса кўса дўнғилади.* С. Аҳмад. Ҳукм. Кампир яна дўнғилади. М. Исмоилий, Фарғона т.о.

**ДЎП** тақл. с. Жарангсиз нарсаларнинг қаттиқ нарсага урилишидан ҳосил бўладиган товуш. *Дўп этмоқ. Тўп ерга дўп этиб тушиди.*

**ДЎП-ДЎП** **Дўп** с. тақр.

**ДЎПИЛЛАМОҚ** “Дўп-дўп” этган овоз бермоқ. *Уни ҳали кўрмасдан, бутун гавдам ўт бўлиб, юрагим чокқир отлар изидек дўпиллайди.* Ҳамза, Асарлар.

**ДЎПИЛЛАТМОҚ 1** **Дўпилламоқ** фл. орт.н. *Тўпни дўпиллатиб ўйнамоқ. Оёқни дўпиллатмоқ.*

2 **кўпча** Аёвсиз танқид қилмоқ, хато ва камчиликларини, салбий хислатларини айтиб койимоқ. *Сабохон минбарга чиқди. Собирвой биров чимдиб олгандай чўчиб тушиди: “Мени дўпиллатиб қолса-я..”, деб кўнглидан ўтказди.* А. Муҳиддин, Кўнгилар.

**ДЎПИР** тақл. с. Дўпилаган овоз ҳақида.

**ДЎПИР-ДЎПИР** **Дўпир** с. тақр. [Шербек] *Бир вақт дўпир-дўпирдан уйғониб кетди. Қараса, ҳамма перронга интиляпти.* С. Анорбоев, Оқсой. *Отларнинг оғир дўпир-дўпири эшитиларди.* «Шарқ юлдузи».

**ДЎПИРЛАМОҚ** айн. **дўпилламоқ.**

**ДЎШПАЙМОҚ** Нотекис, ноўхшов бўлиб, бўртиб чиқиб турмоқ; дўмбаймоқ. *Кўлим дўшпайиб турган тугунчага тегди.* «Шарқ юлдузи». *Мунгли дўшпайган қабрлар устида бағри қон қизғалдоқлар бош эгди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол.

**ДЎШПИ** Авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жияқдан таркиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўғарак ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. *Бахмал дўшпи. Гилам дўшпи. Ҳожини дўшпи. Чуст дўшпи. Зар дўшпи. Боши омон бўлса, дўшпи топилар.* Мақол. ■ [Сидиқжон] *Нима дейишини билмай, бошидан дўшписини олиб, у ёқ-бу ёғига чертди, тиззасига кўйиб, жиягини тортди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироқлари. *Эсиз йигитлик, эсиз бошдаги дўшпиво белдаги кийик.* С. Аҳмад, Уфқ.

**Тагдўзи дўшпи** қ. **тагдўзи.** *Йўлчи учун ўзи тайёрлаган яхши тагдўзи дўшпини кийдирди.* Ойбек, Танланган асарлар. **Тус** (ёки **чуст**) **дўшпи** қ. **тус** II. *Мансур жилмаяр, чуст дўшпи кийиб олган, ўжар сочлари дўшпини кўтариб*

*турарди.* Ў. Ҳошимов, Қалбингга қулоқ сол. *..айниқса янги тус дўшпи билан қийиқчасига осилган пичоқ уни бениҳоя хурсанд қилиб юборди.* Ў. Усмонов, Сайланма.

**Бировнинг дўшписини бировга кийгизмоқ** Ўзининг фойдасини кўзлаган ҳолда бошқаларни алдаб, лақиллатиб юрмоқ. *Буни бировнинг дўшписини бировга кийгизиши дейди.* Шукрулло, Сайланма. **Дўшпини алмаштиргандек** *Жуда осон, қийинчилик туғдирмай-диган. Боши омон бўлса, иш топиш дўшпини алмаштиришига ўхшаш бир нарса.* А. Обиджон, Аканг қарағай Гулмат. **Дўшпини ерга кўйиб** *Хотиржамлик билан, бамайлихотир, диққатни бир жойга тўплаб. Кетидан пачаваси чиқмаслиги учун, дўшпини ерга кўйиб.. ўйлаб кўринг олдин.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дўшпининг тагида одам бор** «Эҳтиёт бўл», «сирингни сақла, лақиллаб гапираверма» маъноларидаги ибора. **Дўшпини осмонга отмоқ** (ёки **ирғитмоқ, ташламоқ**) *Ортиқ даражада қувонмоқ, ниҳоятда хурсанд бўлмоқ. Бу ерда икки-уч овора бўлиб, иш битирган одам дўшписини осмонга отиб хурсанд бўлади.* «Муштум». **Дўшписини ол деса, калласини (ёки бошини) олмоқ** *Бирор ишни лозим бўлганидан ҳам ўтказиб, ортиқ даражада ва кўпол қилиб бажармоқ. Тасаддуғингиз кетай, дўшписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод.. бошини кесиб келтирамиз-да.* Ҳамза, Бой ила хизматчи. **Дўшписи яримта** *Иши жойида, ғам-танвиши йўқ, парвойи фалак, беғам. Бизнинг “сартия” жуда беғам.. ҳеч нима бўлмагандай, дўшписи яримта! Ҳалқумигача қарзга ботганини ўзи сезмай қолади.* Ойбек, Танланган асарлар. **Дўшпи тор келганда** 1) иш қисталанг бўлган ёки ноилож қолган вақтда. *Дўшпи тор келиб қоладиган вақтларда кадоб қилиб юборамиз.* М. Муҳамедов, Қаҳрамон изидан; 2) камчилик, етишмовчилик юз берганда. *Ўйлаб қарасам, дўшпи тор экан. Каттароқ иш қилишига қўлимиз калта экан.* И. Раҳим, Ихлос.

**ДЎШПИДЎЗ** [дўшпи + ф. *دوز* – тикувчи] *Дўшпи тикувчи уста, чевар.*

**ДЎШПИДЎЗЛИК 1** **Дўшпи тикувчи касби;** *дўшпи тикиш билан шуғулланиш. Дўшпидўзлик – нозик хунар. Хунаргина эмас, уни санъат деса ҳам бўлади.* «Гулистон».

2 **Дўшпидўзлар** *жойлашган ер, маҳалла (бозорда, шаҳарда). Биз дўшпидўзликда турарамиз. Қайтишда дўшпидўзлик билан келдик.*

**ДҶШИЛИК** Дўппи бўладиган, дўппига етарли, дўппибоп. *Дўппилик сатин. Бир дўппилик духоба. ■ Вой, мана бу парча сатин меники, дўппилигим. И. Раҳим, Чин муҳаббат.*

**ДҶППИФУРУШ** [дўппи + ф. فروش – сотувчи] Дўппи сотувчи, дўппи билан савдо қилувчи. *Аммамнинг қизи Абдураззоқ дўппифурушга тушган эди. А. Қаҳҳор, Мастон. Бозори шабда дўппифурушдан олган дўппиларни кўтариб, одамларга кўрсатиб ёлборар эди Усмонжон. С. Зуннунова, Гулхан.*

**ДҶППИЧИ** с.т. 1 Дўппи тикувчи, дўппидўз.

2 Дўппи сотувчи, дўппифуруш.

**ДҶППИҚАЙТАҚИ** с.т. Парвойи фалак, ҳеч нарсадан гами йўқ; дўпписи яримта. *Соясалқин ерларда шўрва шопириб, дўппикайтақи, истироҳатда бўлган орсиз кишилар ҳам бунн ўқийдилар, эшитадилар. Ф. Фулом, Мард майдонга чиқсин.*

**ДҶППОСДАЙ** Дўппайиб кўтарилиб чиққан; семиз, дўмбоқ. *Кун терак бўйи бўлганда, аскарнинг ён қишлоқдаги холаси дўппосдай ўғлини эргаштириб келди. Т. Мурод, Кўшиқ.*

**ДҶППОСЛАМОҚ** 1 Қўл, калтак ва ш. к. билан урмоқ, хумордан чиққунча, роса муштламоқ. *Кеча биров дўппослаб ташлаган кишидек бутун бадани шол-шол. Шухрат, Шинелли йиллар. Базоз ўғлининг кучук боласидек дўппосланаётганига чидаб туролмади. М. Исмоилий, Фарғона т.о.*

2 кўчма Аёвсиз танқид қилмоқ, бутун кирдикорларини очиб ташламоқ (оғзаки ёки ёзма равишда). *Хўп дўппослаб, танқидчи сўнгера Ижодимга тилайди камол. Э. Воҳидов, Муҳаббат. Мақолада Шерзоднинг янги китоби роса дўппосланган эди. Ў. Ҳошимов, Нур борки, соя бор.*

**ДҶРДАЙМОҚ** 1 Шишиб, кўтарилиб чиқмоқ. *Ари чаққан лаблари дўрдайган эди. ■ Матпанонинг юз-кўзи моматалоқ эди: ўнг кўзи чала юмуқ, устки лаби дўрдайиб турибди. С. Сиёев, Аваз.*

**Дўрдайган лаб** Чўччайган қалин лаб. *Болалигидаги дўрдайган лаблари энди қуёш тафтида, дашту далада, тоғу тош шамолда тишибди. С. Анорбоев, Оқсей.*

2 кўчма Кимсага лабини буриб ёки лабини чўччайтириб, қовоқ солиб қарамоқ. *Мунча дўрдаясан?!*

**ДҶРДОҚ** Қалин, кўтарилиб чиққан, дўрдайган. *Дўрдоқ лаб. ■ [Хонзода Гулбахорга:] Сен нимангага бино қўясан? Ҳуснинггами? Ойнакка қара! Лабинг дўрдоқ, кўзларинг гилай, ажина қошиқдек юзларинг бор! Ҳамза, Бой ила хизматчи. Яхшибой ака дўрдоқ лабларида хуштак чалганча, идорасига кириб кетди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

**ДҶРИЛДОҚ** Дўриллаган, бир оз бўғиқ, йўғон. *Назар ширасиз, дўрилдоқ овозда шеър ўқий бошлади. Э. Усмонов, Ёлқин. Софиянинг қулоқлари остида отасининг дўрилдоқ, аммо эркаловчи овози янграгандек бўлди. Ў. Ҳошимов, Пўлат чавандоз.*

**ДҶРИЛЛАМОҚ** Йўғон, титроқ, бир оз бўғиқ овоз чиқармоқ, дўрилдоқ овоз билан гапирмоқ. *Қодиржоннинг овози дўриллаб қолди. С. Зуннунова, Гўдак ҳиди. Овозинг дўриллар, демак, бу уйда Иккита эркакнинг шарпаси ҳоким. Ф. Фулом, Шеърлар.*

**ДҶРИЛЛОҚ** айн. **дўрилдоқ**. *Мутал унинг овози азалдан бўғиқ, дўриллоқ эканини биларди. О. Ёқубов, Ларза. Йиллар ўтди бир-бирин қувиб, Овозимиз бўлди дўриллоқ. Н. Нарзуллаев, Сайланма.*

**ДҶРМОН** этн. Ўзбекистон ва Тожикистонда, шунингдек, Афғонистон шимолда истиқомат қилувчи ўзбек қабилаларидан бири.

**ДҶРСИЛЛАМОҚ** айн. **дўмбилламоқ**. *Ашур ер остидан бирпас сузилиб қараб олди-ю, дўрсиллаб чопганча, отасига ташланди. Н. Аминов, Қаҳқаҳа.*

**ДҶСАРА** Содда, дилкаш, меҳрибон. *..мен дўсара, қувноқ одамларни яхши кўраман. Мирмуҳсин, Умид. Дўсарога, лўппи юз, қувноқ, жозибаси гўёки гунча. М. Икром, Кўнгил гули.*

**ДҶСТ** [ф. دوست – шафқатли ўртоқ, ёр, ошно, маҳбуб(а)] 1 Қарашлари, дили, иш фаолияти яқин бўлган, иноқлик, аҳиллик билан боғланган икки ёки ундан ортиқ кишининг ҳар бири; ўртоқ. *зид. душман. Қадрдон дўст. Чин дўст. Қиёматли дўст. Вафодор дўст. Ўз дўстим деб сир айтма, дўстингинг ҳам дўсти бор. Мақол. Дўст сафарда билинади, Оға-уни – кулфатда. Мақол. ■ Дўст қидир, дўст топ жаҳонда, Дўст юз минг бўлса, оз. Э. Воҳидов, Муҳаббат.*

2 Яқин, таниш, ошно. *Мана бу дўстим билан мен дарёдан ўтолмай қолдик. Шу*

яқиндаги қишлоққа нон сўраб бордик. И. Раҳим, Чин муҳаббат. *Ўрта Осиё халқлари: ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ ва қозоқлар.. бир-бири билан иноқ ва дўст бўлиб яшаганлар.* Газетадан.

**Дўстиндан** топ Дўсти, яқин кишиси бирор ёмонлик қилганда айтиладиган ибора. **Дўсти содиқ** Вафодор, салоқатли дўст. *Дунёда дўсти содиқни топиш қийин экан.* А. Қодирий, Меҳроблан чаён. **Жон (ёки жонажон) дўст** Жонини ҳам аямайдиган, самимий, беғараз дўст. *Пойлаб-пойлаб, хўб томоша қилсанг-чи, Тўй-томоша қуллуқ бўлсин, жон дўстим.* «Юсуф ва Аҳмад». *Аввал айтганим-дек, академик Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев билан [Абдулла Қаҳҳор] жон дўст эдилар.* К. Қаҳҳорова, Чорак аср ҳамнафас. **Иш (ёки меҳнат) дўсти** Бирга ишлаб, меҳнат жараёнида орттирилган дўст. *Иш дўстинг — жон дўстинг.* Мақол. ■ *Кўриб кўй, деб сўзни бошлайман, меҳнат дўстим — асал ёримга.* Ғайратий. **Мол дўсти** Олди-берди муносабатларида орттирилган дўст, бирор нарсадан илинжи бўлгани учунгина ошно бўлган, юзаки дўст. *Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молдан кечмайди.* Мақол. **Пирига ҳам дўст бўлмайди** Ҳеч кимсага дўст бўлмайдиган ёмон одам ҳақида. *Эрининг юзхотирини қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди.* А. Қаҳҳор, Кўшчинор чироклари.

**3** Мурожаат қилиш шакли. *Хўш, тақсир, нега хомушсиз? -Э, азиз дўстим, сал қийналиброқ қолдим.* Н. Сафаров, Ҳаёт мактаби.

**4** Диний тасаввуфда: Аллоҳо, эй худо. *Ҳар замон яқин-йироқдан гадои товуши эшитилади: “Ҳей дўст, шайдулло, баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо”.* А. Қаҳҳор, Бемор.

**Дўст тортмоқ** 1) “дўст!” деб худога ёлвормоқ. *У ўз одагининг аксича дўст тортди-да, юқорига қаради.* С. Анорбоев, Оқсой; 2) кўчма қичқирмоқ, сайрамоқ. *“Роҳат”ни эшитиб, Тантибойвачча “эзиб бордингиз, жонидан!” деб қичқирди ва бангилар каби бир “дўст!” тортди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДўСТ** (ў - чўзиқ) унд. с. Тасанно, офарин маъноларини билдиради. *Дўст, кам бўлманг! Боғларни қоплайди завқу шавқ, қарсак, Кексалар оғзида: “Дўст!”, “Баракалло!”.* Уйғун, Тонг кўшиғи.

**ДўСТ-ДУШМАН** Дўст(лар) ва душман(лар). *Хунарли эр хор бўлмас, Дўст-душманга зор бўлмас.* Мақол. ■ *Сен дўст-душманни ажратиб муомала қилгин.* П. Турсун, Ўқитувчи. *Дўст-душманнинг гапига кириб, ҳамманг ҳам шунга ёпишаверма.* Ҳамза, Паранжи сирлари.

**ДўСТ-ЁР** Дўст(лар) ва ёр(лар), ҳамдам(лар). *Дўст-ёрлар аҳил бўлса, чўлда олтин ундирар.* «Муштум». *Дўст-ёрлар йиғилиб, чағир ичиб, мусиқа ва рақслар билан тонг оттирадилар.* Ойбек, Навоий.

**ДўСТЛАРЧА** рвш. Дўстларга хос равишда; дўстона, дўстлар каби. *Дўстларча муомала.* *Дўстларча кўришиш.* ■ *Жўра дўстларча койиб-койиб, ҳужранинг беш тийинлик чақадай қулафини кўрсатди-да, йўқолди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДўСТЛАШМОҚ** Дўстона муносабатлар боғлаб, ўзаро яқинлашмоқ, аҳиллашмоқ, иноқлашмоқ. *Яхши билан дўстлашсанг, Ўлеунингча хушлашар.* Мақол. ■ *У билан дўстлашишни кўнглимга тугиб кўйдим.* Шўҳрат, Шинелли йиллар. *Ботирали у билан жуда дўстлашиб қолди.* С. Аҳмад, Ҳукм.

**ДўСТЛИК** Дўст мақомида бўлишлик; яқинлик, ошнолик; аҳиллик; меҳрибонлик. *Дўстлик синовда чиниқар.* Мақол. *Халқ дўстлиги — юрт бойлиги.* Мақол. ■ *Нафс, шахсиятпарастлик ғолиб келган жойда виждон ҳам, дўстлик ҳам тамом.* Шукрулло, Сайланма. *Халқимизнинг куч-қудрати чин дўстликни қадрлаш билан белгиланади.* Газетадан.

**ДўСТОНА** [ф. دوستانه — дўстларча] рвш. Дўст каби, дўстларча, дўстлардек, дўстлик билан. *Дўстона муомала.* *Дўстона салом.* *Дўстона суҳбат.* ■ *Шербекнинг елкасига кўлини дўстона ташлади-да, ўтир, дегандек ишора қилди.* С. Анорбоев, Оқсой.

**ДўСТПАРВАР** [ф. دوستپروور — дўстни қадрловчи, севувчи] Дўстларини ва дўстликни севувчи, қадрловчи, дўстларига меҳрибон, ғамхўр. *Ваъдага вафоли, ахлоқда мумтоз, Дўстпарвар, ўз сўзи, ёрига содиқ.* Ф. Фулом.

**ДўХТ** [ф. دوخت — бичим, бичиқ; тикиш, чок] **1 шв.** Тана тузилиши, бичими; қомаг. *Дўхти келишган йигит.*

**2** Юз тузилиши, бичими; афт-ангор. *Дўхти совуқ.*

**3** Кийимнинг бичими. *Дўхти келишган костюм.* ■ *Шу бракларнинг ичида бир тарз*

дўхти келишганроқлари бизлар эканмиз. «Муштум».

**ДЎХТА** [ф. دوخته — тикилган, тайёр] шв. Пана бўлсин учун айвон олдида тутиб қўйиладиган парда.

**ДЎХТИР** с.т. Доктор. *Агар у йигитни дўхтир кўрса, касалини аниқлайди, дори беради, тузатади.* Ҳ. Фулом, Мангулик. *Аввало Худо, қолаверса, дўхтир сақлаб қолдилар.* К. Яшин, Ҳамза.

**ДЎҚ** I Қўрқитиш, чўчитиш, тартибга чақириш учун айтилган гап, қилинган ҳаракат; пўписа, сиёсат. *Дўқ урмоқ (қилмоқ). Уғри дўқи билан қўрқитар, Ёмон аёл — йиғици билан.* Мақол.

**Дўқ урмоқ (ёки қилмоқ)** Кўрқитмоқ, дўқ-пўписа қилмоқ, дўқламоқ. *Кейин овозини пардама-парда кўтариб, дўқ ура кетди.* М. Исмоилий, Фарғона т.о. - *Қочининг йўлини мўлжаллаб қўйдингми, ростингни айт!* — деди Жуман дўқ қилиб. А. Мухтор, Туғилиш. - *Ҳаддингиздан ошманг, — деб дўқ урди Яшибоев.* М.М.Дўст, Лозазор.

**ДЎҚ II тақл. с.** Жарангсиз нарсаларнинг урилишидан ҳосил бўлган овоз. *Дўқ этган овоз эшитилди.* Чойнакни дўқ этиб ерга қўйди. ■ *Шокир ота ўтирган жойида ҳасасини ерга дўқ этиб урди.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЎҚ-ДАВАРА** айн. дўқ-пўписа. *Тўрабек.. баъзан қўлига хипчин олиб, болаларга дўқ-давара қилар, шу билан ҳоврини босар эди.* Ҳ. Нуъмон ва А.Шораҳмедов, Ота.

**ДЎҚ-ДЎҚ, дўқ-дук I Дўқ II** с. тақр. *Бехос ўрнидан туриб, этиги билан дўқ-дўқ юра бошлади.* А. Мухтор, Асарлар. *..қўлтиқ-таёқларини дўқ-дук ташлаб, протез оёқларини ғичиллатиб, нари кетди.* М. Мансуров, Ёмби.

**2** Дўқиллаган овоз бериб юрадиган, шалоқ. *Филдираб ҳар қадамда минг дўқ-дўқ, Мунча нотинч онағар араванг.* Муқимий.

**ДЎҚИЛЛАМОҚ** «Дўқ» этган овоз бермоқ. *Кўп ўтмай кўчадаги йўлакда ҳассанинг*

*дўқиллагани, бировнинг йўталгани эшитилди.* «Ёшлик».

**ДЎҚИР** тақл. с. «Дўқ» тарзидаги давомли овоз. *Дўқир этмоқ. Дўқир арава.* ■ *Қўқон араванинг дўқури курсин, — вайсади Лутфинисо.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЎҚИР-ДЎҚИР** **Дўқир** с. тақр. *Дўқир-дўқир этмоқ. Араваларнинг дўқир-дўқури.* ■ *Олой йўли ўнқир-чўнқир, машиналар дўқир-дўқир, Куйдик бу йўлнинг дастидан.* «Муштум».

**ДЎҚЛАМОҚ** Қўрқитиш, чўчитишга ҳаракат қилмоқ; дўқ урмоқ, пўписа қилмоқ. *Менга буйтиб дўқламанг, каттака! Мен бўлган гапни айтялман.* «Ёшлик».

**ДЎҚОЛ** шв. Зиқна, феъли тор.

**ДЎҚ-ПЎПИСА** жуфт с. Ҳам гап, ҳам ҳаракат билан қўрқитиш хатти-ҳаракати, дўқ ва пўписа(лар). *Терговчининг дўқ-пўписа билан гап бошлашини кўрган бойвачча хиёл бўшаиди.* С. Юнусов, Кутилмаган хазина.

**ДЎҚ-СИЁСАТ** жуфт с. айн. дўқ-пўписа. *Аваз газаб билан дўқ-сиёсат қила берди.* «Нурали».

**ДЎҚ-ТАҲДИД** жуфт с. Дўқ ва таҳдид(лар). *Гулнорнинг заҳарланганини Мирзакаримбой ва ўғиллари қатъиян рад қилиб, маъсума қурбоннинг ота-оналарининг тилларини дўқ-таҳдид билан муҳрлашга тиришдилар.* Ойбек, Танланган асарлар.

**ДЎҚҚИ** шв. Қўпол, бесўнақай, беўхшов.

**ДЎҒАЙМОҚ** шв. айн. ўдағайламоқ. *Бир неча киши дадамни ургани дўғайиб келди.* А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар. - *Ким ёт унсур? — деди Тўлаган яна дўғайиб.* А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари.

**ДЎҒЛАТ** этн. Ўзбек халқи таркибига кирган қадимий туркий қабилалардан бири.

**ДЎҒОБ** [ф. دوغاب — оҳакли қоришма] Ганч ясаш учун тайёрланган қоришма. - *Дўғоб қорингиз!* — деганда, шогирдларининг юзи ёришди. «Ёшлик».

**ДЎҒОВ** [ф. دوغاب — қатиқли, чалопли ёвғон шўрва] шв. Сут-қатиқ зардоби.